92
Y-28

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

92
Ў—28

92
Ў-28

БОШ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ

Абдужаббор АБДУВОҲИТОВ
Алишер АЗИЗХЎЖАЕВ
Муроджон АМИНОВ
Турғунпўлат ДАМИНОВ
Тўрабек ДОЛИМОВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Беҳзод ЙЎЛДОШЕВ
Наим КАРИМОВ
Нажмиддин КОМИЛОВ
Жўра МУСАЕВ
Элшод НАБИЕВ
Абдулла ОРИПОВ
Мирзаюсуф РУСТАМБОЕВ
Хайриддин СУЛТОНОВ
Нурислом ТЎХЛИЕВ
Даврон ШОРАҲМЕДОВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ
Турсунали ҚЎЗИЕВ
Саидаҳрор ҒУЛОМОВ
Азим ҲОЖИЕВ
Зуҳриддин ҲУСНИДДИНОВ

Ў—1500100000/358—2003 — 03
ISBN 5—89890—076—4

© «Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти, 2003

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ

14448

6

МИРИЙ — ПАРХИШ

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»
Давлат илмий нашриёти
ТОШКЕНТ

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

ФАН СОҲАЛАРИ БЎЙИЧА ИЛМИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШЛАРИ АЪЗОЛАРИ*

Алабиёт. Б. ВАЛИХЎЖАЕВ, Р. ИНОҒОМОВ, Т. МИРЗАЕВ, У. НОРМАТОВ, О. ШАРАФИДДИНОВ, А. ҲАЙИТМЕТОВ, И. ҲАҚҚУЛОВ. **Амалий ва тасвирий санъат.** Н. АБДУЛЛАЕВ, Б. Ф. ЖАЛОЛОВ, А. А. ҲАКИМОВ. **Астрономия, геология ва космонавтика.** С. П. ИЛЁСОВ, А. А. ЛАТИПОВ, М. М. МАМАДАЗИМОВ, К. Т. МИРТОЖИЕВА, Н. НИШОНБЕКОВ, С. Н. НУРИТДИНОВ, И. САТТОРОВ. **Биология.** Ж. АЗИМОВ, О. АШУРМЕТОВ, О. МАВЛОНОВ, У. ПРАТОВ, Б. О. ТОШМУҲАМЕДОВ, Ж. Ҳ. ҲАМИДОВ. **География, геология ва геофизика.** К. Н. АБДУЛЛАБЕКОВ, Ш. А. АЗИМОВ, Ҳ. А. АКБАРОВ, Б. О. БАҲРИДДИНОВ, О. БЎРИЕВ, Ш. С. ЗОКИРОВ, Б. А. ИСАҲОЖИЕВ, Г. МИРЗАЛИЕВ, Н. М. МИРҲЎЖАЕВ, Р. А. НИЁЗОВ, Ф. А. УСМОНОВ, Т. Ш. ШОЁҚУБОВ, А. А. ҚАЮМОВ, П. Н. ҒУЛОМОВ. **Дин тарихи.** А. АЗИМОВ, М. ИМОМНАЗАРОВ, А. МАНСУРОВ, А. Қ. МЎМИНОВ, А. А. ҲАСАНОВ. **Жисмоний тарбия ва спорт.** А. ИМОМХЎЖАЕВ, Т. С. УСМОНХЎЖАЕВ. **Журналистика.** Х. ДЎСТМУҲАММАД, А. МЕЛИБОЕВ, Г. ПИЛАЕВ. **Иқтисодиёт.** С. САЛИМОВ, М. ШАРИФХЎЖАЕВ, Ш. ШОДМОНОВ, А. ЎЛМАСОВ, О. ҲИКМАТОВ. **Кимё.** С. Н. АМИНОВ, М.АСҚАРОВ, Қ.АХМЕРОВ, Ф.ЙЎЛДОШЕВ, А.ЙЎЛЧИБОЕВ, Т.ОТАҚЎЗИЕВ, Н.ПАРПИЕВ, С.ҲАМРОЕВ. **Математика.** Т.АЗЛАРОВ, А.АЪЗАМОВ, Ш.А.АЮПОВ, Ш.ЕРМУҲАМЕДОВ, Т.ЖЎРАЕВ, М.САЛОҲИДДИНОВ, А.САЪДУЛЛАЕВ, Б. ШОИМҚУЛОВ, Ж.ҲОЖИЕВ. **Меъморлик.** П. Ш. ЗОҲИДОВ, Ҳ. ПЎЛАТОВ, Э. В. РТВЕЛАДЗЕ. **Мусиқа.** Р. С. АБДУЛЛАЕВ, А. Ф. НАЗАРОВ, Р. Ю. ЮНУСОВ, Т. Б.ҒАФУРБЕКОВ. **Педагогика.** Й. АБДУЛЛАЕВ, Қ. ЙЎЛДОШЕВ, Д. Ш. ШОДИЕВ, К. ҲОШИМОВ. **Тарих.** А. АСҚАРОВ, О. БЎРИЕВ, Ҳ. ДАДАБОЕВ, Х. ЖУМАНАЗАРОВ, А. ЗИЯЕВ, Ҳ. ЗИЯЕВ, М. ИСҲОҚОВ, А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ, Ш. ПИРИМҚУЛОВ, Қ. РАЖАБОВ, Т. ГИЕСОВ, Х. ҒУЛОМОВ. **Театр, кино, цирк, хореография, балет** Т. БАЯНДИЕВ, Ж. ТЕШАБОЕВ, Т. ТУРСУНОВ, М. Х. ҚОДИРОВ. **Техника.** Ф. АБДУЛЛАЕВ, Э. ЁҚУБОВ, Р. ЗОҲИДОВ, Т. РАШИДОВ, Р. ТОЖИЕВ, Х. ХУДОЙНАЗАРОВ, Т. ШИРИНҚУЛОВ, С. ҚОДИРОВ, Э. ҚОСИМОВ. **Тиббиёт.** С.АРИФОВ, С. БАҲРОМОВ, Ў. Б. ЗОКИРОВ, Ш. И. КАРИМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, Ш. Ш. ШОВАҲОБОВ, Н. Ҳ. ШОМИРЗАЕВ, Э. Й. ҚОСИМОВ. **Тилшунослик.** А.АБДУАЗИЗОВ, А. ДАВЛЕТОВ, Н. МАҲМУДОВ, М. МИРТОЖИЕВ, А. НУРМОНОВ, Ш. ШОАБДУРАҲМОНОВ. **Фалсафа.** Ў. АБИЛОВ, Ҳ. АЛИҚУЛОВ, А. М. ЖАЛОЛОВ, Қ. Н. НАЗАРОВ, Б. О. ТЎРАЕВ, М. М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Г. Б. ШОУМАРОВ, М. ҚОДИРОВ. **Физика.** К. МУҚИМОВ, Э. НАЗИРОВ, А. С. НУЪМОНХЎЖАЕВ, Ў. Ҳ. РАСУЛОВ, Н. Й. ТЎРАЕВ, Қ. Г. ҒУЛОМОВ, П. Қ. ҲАБИБУЛЛАЕВ. **Халқаро муносабатлар ва сиёсатшунослик.** Ш. М. АБДУЛЛАЕВ, Р. З. ЖУМАЕВ, В. С. КИМ, М. Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ, А. Х. САИДОВ, И. Қ. ФОЗИЛХЎЖАЕВА, А. М. ҚОСИМОВ. **Қишлоқ хўжалиги.** Б. Ж.АЗИМОВ, Ш. АКМАЛХОНОВ, С. Н. АЛИМУҲАМЕДОВ, Ҳ. БЎРИЕВ, У. НОСИРОВ, Ш.НУРМАТОВ, А.ЭРМАТОВ. **Ҳуқуқ.** Г. А. АБДУМАЖИДОВ, Й. О. ЖЎРАЕВ, А. ИНОЯТОВ, Э. Х. НОРБЎТАЕВ, Ҳ. Р. РАҲМОНҚУЛОВ, А. С. ТУРСУНОВ, А. ТЎЛАГАНОВ, М. М. ФАЙЗИЕВ.

* Бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхатга киритилмади.

«ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ» ДАВЛАТ ИЛМИЙ НАШРИЁТИ

Директор — Н.ТЎХЛИЕВ.

Директор ўринбосарлари — Д. А. ШОРАҲМЕДОВ, М. Н. АМИНОВ.

Масъул котиб — Ф. ҲАСАНОВ.

Илмий-методика ва сўзлик бўлими. М.ИСЛОМБЕКОВА (етакчи илмий муҳаррир), С. МИРЗАБЕКОВА (1-тоифали илмий муҳаррир), Ф. ШАМСИЕВА, З. ҒУЛОМОВА (2-тоифали илмий муҳаррирлар).

Биология, тиббиёт ва кимё илмий таҳририяти. Ҳ.ЗОКИРОВ (мудир), С. ИБРОҲИМОВА, О. МАВЛОНОВ, Р.МАЪРУПОВ (етакчи илмий муҳаррирлар).

География ва геология илмий таҳририяти. А.АБДУРАҲИМОВ (мудир), Ҳ.АЛИМУҲАМЕДОВА, А.МЕЛИҚУЛОВ (етакчи илмий муҳаррирлар), И.КАРИМОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти. С. ҲОЛНАЗАРОВ (мудир), И. АБДУЛЛАЕВА, Л. РАҲМАТОВ (1-тоифали илмий муҳаррирлар), С. ЙЎЛДОШЕВ (2-тоифали илмий муҳаррир).

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти. А.МАЖИДОВ (мудир), С.ТОИРОВ (етакчи илмий муҳаррир).

Маданият ва санъат илмий таҳририяти. М. АШИРОВА (мудир), Ш. АЛИМОВА, О. БЕКОВ, М. ҒАФФОРОВА (етакчи илмий муҳаррирлар).

Тарих илмий таҳририяти. Г. ХЎЖАЕВА (етакчи илмий муҳаррир), И. МЕЛИҚУЛОВА (1-тоифали илмий муҳаррир).

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти. А.МАДВАЛИЕВ (мудир), Ҳ.АБДИЕВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти. С.МУСАЕВ (мудир), Н. МУТАЛОВ (етакчи илмий муҳаррир), Р. БАРАТОВ (1-тоифали илмий муҳаррир).

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти. Э.ИНОҒОМОВ (мудир), М. МИРБОБОЕВ, М.РАСУЛОВА (етакчи илмий муҳаррирлар), Х.ПЎЛАТХЎЖАЕВ (1-тоифали илмий муҳаррир), Ж.ЮНУСОВ (2-тоифали илмий муҳаррир).

Ишлаб чиқариш, харитаграфия ва безак бўлими. И.Р.ҲОДИЕВ (бошлиқ), А.БУРҲОНОВ (бош рассом), М.ОЛИМОВ (етакчи техник муҳаррир), А. ЭГАМБЕРДИЕВ (етакчи илмий муҳаррир), А.ЁҚУБЖОНОВ (етакчи илмий программист), А.СУЛАЙМОНОВ (суратчи), М.АБДУЛЛАЕВА, С. ИСЛОМОВА, Д. ҲАСАНОВА (операторлар).

М

МИРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Онеалимурод Неъматилла ўғли (1830 — Қаттақўрғон—1899) — шоир ва хаттот. Қаттақўрғондаги Нақибўжа ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. Қаттақўрғон мавзеида қозилик қилган (1888). Мирий мукаммал девони, иккита баёзи, қатор эпик асарлари сақланган. Мирий ижодининг асосий қисмини унинг достонлари эгаллайди. «Ранжо ва Зебо» (1884) достонини форсийда ёзган. Мирий тарихий воқеалар асосида романтик услубда «Қиссаи Салим Жавҳарий» (1887), «Рустам ва Суҳроб» (1898), «Маждиддин ва Фахрунисо» (1899) достонларида адолатли тузум, фаровон турмуш, комил инсон ҳақидаги илғор фикрлари акс этган. «Гулнома», «Чойнома» каби маснавийларида ҳаёт ҳақидаги фалсафий-эстетик қарашларини ўз ифодасини топган.

М. Фирдавсий «Шоҳномаси»нинг бир қисмини ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Анвори Суҳайлий» асарини шеърий йўлда туркийга таржима қилган. Навоий, Жомий, Саъдий ва б. шоирларнинг айрим асарларини наср ва настаълиқ хатларида кўчирган.

М. ғазалларида ҳаёт зиддиятлари, турмушдаги тартибсизликлар, ноҳақликларни тасвирлаган. Ҳажвий шеърларида эса риёкор қозилар ва миршабларни фош этган. Шоир лирикаси, ҳажвиёти ва эпик асарлари юксак бадиий хусусиятлари б-н ажралиб туради. М. асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти, СамДУнинг асосий кутубхонаси фондларида сақланади.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1965.

Ад.: Абдуллаев В., Валихўжаев Б., Мирий ва унинг замондошлари, Т., 1977; Орзибеков Р., Мирий. XIX аср ўзбек адабиёти тарихига доир материаллар, Самарқанд, 1985.

Бегали Қосимов.

МИРИЙ, Шоиқ (тахаллуси; асл исм-шарифи Мираҳмадхон Мирабдураҳмон ўғли) (1833 — Тошкент —1916) — шоир, хаттот, таржимон. Марғилон ва Бухородa ўқиган. Тошкент мадрасаларида муаррислик қилиб араб ва форс тилларидан дарс берган, шогирдларига настаълиқ ва наср хатларини ўргатган. Ўзбек, араб ва форс тилларида ижод қилган. *Девон* таҳлилларига муҳаммаслар боғлаган. Шеърларининг кўпчилиги анъанавий ишқий мавзуда («Эй жамолинг шавқидин...», «Ётдим адам саҳросида...»). Айниқса, 20-а. бошларида кам ёзилган таърих устаси бўлган. «Фиқҳи Акбар» номли арабча асарни «Ихлил дурар шарҳи фиқҳ ал-Акбар» номи б-н шеърий таржима қилиб (1898), Тошкентда 1908 йда чоп эттирган.

Шеърлари турли баёзларда ва Мўминжон Муҳаммаджонов — Тошкиннинг «Тошкентлик ва Тошкентда бўлган ўзбек шоирларининг таржимаи ҳоллари» китобида учрайди.

Ад.: Муродов А., Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан, Т., 1971.

МИРКАРИМ ОСИМ (1907 — Тошкент — 1984) — ёзувчи ва таржимон. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи (1944), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1977). Дастлаб эски мактабда, сўнгра «Шамс ул-урфон» бошланғич мактаби (1917—20), Нариманов номидаги таълим ва тарбия техникуми (1921—24)да таҳсил олган. Москвадаги Бубнов номидаги педагогика ин-тини тугатган (1926—30). Самарқандда ўқитувчилар тайёрлаш курсида дарс берган (1930). Давлат нашриётида муҳаррир (1931), Тошкент Пед. фанлари и. т. ин-тида илмий ходим (1932—49), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир (1959—72).

«Янги ариқ» илк қиссаси (1925) Қўқон хонлигини идеаллаштирган асар сифатида босилмай қолган. М.О. 1935—36 й.ларга келиб шеър ёза бошлаган. Дастлабки йирик асари — «Астробод» тарихий қиссаси Алишер Навоий ҳаётига бағишланган. Шундан кейин у Навоий ҳақида туркум қисса ва ҳикоялар ёзган (1937—40). М.О. Ўрта Осиё халқлари тарихининг энг қад. давридан 1917 й.га қадар кечган вақт ичида ўтган муҳим тарихий воқеаларни ва шу даврда яшаган ўзбек халқи улуғ сиймолари ҳаётини акс эттирувчи ўнлаб қисса ва ҳикоялар муаллифи. «Тўмарис», «Широқ», «Искандар ва Спитамен», «Темур Малик», «Маҳмуд Торобий», «Ўтрор» каби қиссаларида аждодларимизнинг хорижий истилочиларга қарши мустақиллик учун олиб борган курашни тасвирланган. М.О. ўз асарларида Амир Темур, Улуғбек, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Машраб сингари ўзбек халқи улуғ фарзандларининг ёрқин образларини яратиб берган. Унинг «Зулмат ичра нур», «Аждодлар қиссаси», «Жайҳун устида булутлар», «Алжабрнинг туғилиши», «Ибн Сино қиссаси», «Синган сетор» сингари асарлари ўзбек тарихий қиссачилигининг юксак намуналаридандир.

М.О.нинг тарихий қисса ва ҳикояларига хос асосий фазилатлар уларда тарихий ҳақиқат б-н бадиий тўқимачининг ўзаро уйғунлиги, тарихий шахс образининг тарихий давр фонида яратилганлиги, халқпарварлик ва ватанпарварлик ғояларининг бу асарлар оша «қизил ип» ўлароқ ўтганлиги ҳамда бадиий тил ва услубнинг соддалиги, ширалилиги, ўзбеконалигидир.

М.Шолоховнинг «Тинч оқар Дон» (2-китоб), С. Бородиннинг «Елдирим Боязид» романлари ва Л.Г.Батнинг «Ҳаёт бўстони» қиссаси ва б. асарларни ўзбек тилига таржима қилган. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002).

Ас.: Қарвон йўлларида, Т., 1987.

Ад.: Норқулов Н., Сатторов М., Миркарим Осим, Т., 1977.

Наим Каримов.

МИРКАРИМОВА Қундуз (1928.8.3, Тошкент) — раққоса, балетмейстер ва педагог. Ўзбекистон халқ артисти (1966). Тамарахоним номидаги балет мактабида таълим олган (1937—41), Катта театр (Москва) қошидаги хореография билим юртини тугатган (1951). Янгийўл мусиқали драма ва комедия театрида

Қундуз Миркаримова («Лилла» рақси).

(1943—46), Муқимий театрида (1946—49), Навоий театрида (1951—53), Ўзбекистон давлат филармониясида (1953—56) якка раққоса. «Баҳор» ансамблида якка раққоса ва педагог-репетитор (1957—67), бадиий раҳбар (1979—88), Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактабида педагог (1964—79 ва 1988 йлдан; 1996 йлдан проф.). М. ижросидаги рақслар самимий, нафис ва жозибадорлиги, ҳаракатлари шўх ва жўшқинлиги б-н ажралиб туради. «Гайратли қиз», «Катта ўйин», «Хоразмча рақс», «Уйғурча рақс», «Роҳат», «Жонон», «Най навоси», «Баҳор тонги», «Танавор», «Занг ўйин», «Помирча рақс», «Дилдор», «Гулрух», «Гулноз» каби мумтоз, халқ, замонавий ва б. халқлар рақсини маҳорат б-н ижро этган. Шунингдек, у мақом куйларига тушган рақслари б-н машҳур.

Балетмейстер сифатида ўзбек рақс санъатининг энг яхши анъаналарини ривожлантирди. У мумтоз, халқ ва замонавий рақсларни саҳналаштирган. «Хотира», «Она қалби» композицияларн, «Мустазод», «Занг», «Ўзбекистон қизлари», «Наврўз», «Доира рақси», «Танавор 2», «Танавор 3», «Сийнахирож», «Сурнай навоси», «Эй сарви равон», «Ўзбек миниатюраси», «Хамса», «Катта бухорча» каби оммавий, «Насри сегоҳ», «Савти муножот», «Тоғ қизи», «Дилхирож», «Ўрик гуллаганда», «Нурхон», «Ўйна, ўйна Гулнора» каби якка рақслари ўзбек хореографиясининг олтин фондидан ўрин олган. Бир қанча чет давлатлар (Франция, Япония, Австрия, Ҳиндистон, Судан, Ливия, Миср ва б.)да гастролда бўлган. «Дўстлик» (1997) ордени ва «Шуҳрат» медали (1994) б-н мукофотланган.

МИРКОМИЛБОЙ, Миркомил Мирмўминбоев (1882 — Андижон — 1918) — ўзбек саноатчиси. «Рус-Осиё» («Русско-Азиатский») банки муассисларидан бири. М.нинг Андижонда 5 та пахта з-ди, бир неча шаҳарда савдо расталари, боғлари, катта ерлари бўлиб, олтин пул ҳисобида 14 млн. сўм маблағга эга эди (1911). М. Туркистон ва Европа мамлакатлари ўртасида савдо муносабатига асос солганлардан бири ҳисобланади. У Германиянинг Шлоссберг. Крафт фирмалари б-н савдо алоқаси ўрнатган, Берлин, Лондон, Париж ва Истанбулга бориб, маҳаллий саноатчилар б-н савдо ишини йўлга қўйишга интилган. М. Андижон шда 30 ўқувчига мўлжалланган интернат мактаб, 100 талабага мўлжалланган мадраса, касалхона қурмоқчи бўлиб, лойиҳа тайёрлатган. Бироқ маҳаллий маъмурлар бу лойиҳаларни амалга оширишга рухсат бермаган.

М. «*Шўрои ислом*» ташкилотининг Андижон бўлимига раҳбарлик қилган (1918) ва жадидларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб турган. Большевиклар томонидан отиб ташланган.

Сирожиддин Аҳмедов

МИРКОМИЛОВ Тўлқин Миромилович (1939.30.6, Тошкент) — кимёгар олим, Ўзбекистон ФА акад. (1995). Техника фанлари д-ри (1983), проф. (1985). Тошкент политехника ин-тини тугатган (1962), шу ин-т кимё кафедраси мудири (1973—92), Тошкент кимё-технология ин-ти ректори (1992—94). Тошкент техника ун-ти ректори (1994—2001), проректори (2001 йлдан). М.нинг илмий ишлари экологик тоза технологияларни ишлаб чиқиш, пахта саноати чиқиндиларини қайта ишлаш ҳамда маҳаллий хом ашёлардан фойдаланган ҳолда пластмассаларнинг янги турларини олишга бағишлаган. Унинг раҳбарлигида таркибида целлюлоза бўлган хом ашёларнинг тузилиши б-н уларнинг хоссалари орасида ўзаро боғлиқлик борлиги тўғрисидаги назария; сорбитлар, ионитлар ва физиологик фаол полимерлар олиш мақсадида целлюлозани кўп функционал кислоталар б-н модификациялаш усуллари; таркибида целлюлоза бўлган саноат чиқиндиларидан юқори сифатли целлюлоза олиш технологияси ишлаб чиқилди. Янги олигомерлар ва полимерлар олинди ҳамда уларнинг қўлланиши соҳалари аниқланди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

Ас.: Технология хлопковой целлюлозы., Т., 1996; ЯМР— Спектроскопия высокого разрешения полисахаридов и их производных (Т. И.Усмонов б-н ҳамкорликда), Т., 1994. Химия и технология получения пиридиновых основания (С. М. Турабжанов б-н ҳамкорликда), Т., 1998.

МИРМУҲАМЕДОВ Қодир Миркосимович (1920.10.12, Тошкент) — таржимон ва киносценарийчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1999), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1981). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. Тошкентдаги кечки педагогика ин-тини тугатган (1950). Ўзбекистон радиокўмитасида катта муҳаррир (1956—58). Ўзбекистон телевидениеси адабиёт таҳририятида бош муҳаррир (1958—59). Ғафур Ғулом номидаги нашриётда таржима бўлими бошлиғи (1959—61), «Ўзбекфильм» киностудиясида сценарий бўлимида муҳаррир, лубляж гуруҳида бош муҳаррир ва бадиий раҳбар (1961—89). М. таржимонлик фаолиятини 1951 йлда болалар учун эртак ва ҳикоялар таржима қилишдан бошлаган. Биринчи йирик таржимаси инглиз ёзувчиси Абдулла Муснинг «Сурнати» (1958) романидир. Шундан кейин у жаҳонга танилган ёзувчилар Жек Лондоннинг «Мартин Иден» (1968), Рабиндранат Тагорнинг «Ҳовлидан ва жаҳон», «Сунги достон» (1973), Максим Горькийнинг «Клим Самгининнг ҳаёти» (2, 3-қисм, 1974—75), Кришан Чандарнинг «Бир қизга мени ошиқ» (1976), Ж. Боккаччонинг «Декамерон» (1978—79), Виктор Гюгонинг «Бюг Жаргаль» (1982), М. Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» (1987), Гомернинг «Илиада» (1988) асарларини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган. М. булардан ташқари, чет эл ёзувчиларининг қатор драмаларини, кўплаб, бадиий фильмларни ҳам ўзбек тилига таржима қилган.

МИРМУҲСИН Мирсаидов (1921.3.5, Тошкент) — шоир ва ёзувчи. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1981). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1970). Тошкент педагогика ин-тини тугатган (1942). Республика радиокўмитасида муҳаррир (1944—46), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби (1947—61), «Қизил Ўзбекистон» газ.да бўлим мудири (1961—63), «Шарқ юлдузи» (1950—60, 1972—81), «Муштум» (1963—71), «Гулистон» (1982—94) жур.ларининг бош муҳаррири. Дастлаб шоир сифатида танилган. Илк достони «Қамар» 1938 йлда нашр этилган. «Вафо» (1944), «Қадрдон дўстлар» (1948), «Фарғона» (1951), «Ватандошлар» (1952), «Ирмоқлар» (1959), «Қалб ва фалсафа» (1960), «Шеърлар» (1964)

МИРОНОВ Николай Назарович (1870.11.10, Самара губерняси — 1952.6.7, Москва) — композитор, дирижёр, фольклоршунос, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1930). Ўзбекистон халқ артисти (1937). Марғилон шаҳридаги ҳарбий оркестр дирижёри (1887 й.дан), кейинчалик Марғилон, Қўқон, Тошкент ш.ларида концерт гуруҳларининг ташкилотчиси ва раҳбари. 1904 й.дан Туркистон, Ғарбий Сибирь, Қрим, Кавказ ва б. жойларга фольклор экспедицияларини ташкил қилган ва юзлаб халқ куй ва қўшиқларини ёзиб олган. Самарқанд мусиқа ва хореография ин-ти ташкилотчиларидан ва директори (1928—32), Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғулари оркестри дирижёри (1936—38). Композиторлик ижодидан 4 опера, 3 мусиқали драма, симфоник, вокал-симфоник, хор ва камер асарлари ўрин олган. Ўзбек, тожик, рус, қалмоқ ва б. халқлар куйларини қайта ишлаган.

Ас.: Музыка узбеков, 1929; Обзор музыкальных культур узбеков и других народов Востока, 1931; Песни Ферганы, Бухары и Хивы, 1931; Музыка таджиков, 1932.

МИРОНШОҲ, Жалолиддин Амираншоҳ (1366—1408) — Хуросон (1380), Эрон, Ироқ (1393) ва Эрон Озарбайжони (1402) ҳукмдори. *Амир Темур*нинг 3-ўғли. Онаси Минглибий ого. М. Темурнинг Хуросон юришида қатнашган (1380). Темур М.ни Хуросонга ҳоким, 1393 й. Эрон ва Ироқ ҳукмдори қилиб тайинлайди. Темур 1397 й. М. б-н бирга Эрон Озарбайжонига юриш қилиб 1402 й. уни эгаллайди ва М.га топширади. М. ўз пойтахтини Табриздан Озарбайжоннинг Султония ш.га кўчиради. 1382 й.да марҳум акаси Жаҳонгир Мирзонинг катта беваси Хонзода (Севин бека) бегимга уйланади. Хонзода бегим *Ўзбекхон*нинг набираси бўлгани туфайли «Кўрагон» деган номни олишга мушарраф бўлади. 15-а.нинг охиридаги дипломатик ёзишмалардан ҳозиргача сақланиб қолган ва лотин тилида бўлган икки ҳужжат (хусусан, Англия қироли Генрих IV б-н ёзишмалар) М. номи б-н боғлиқ. Кейинги пайтларда М. маишатга берилиб, давлат ишларига қарамай қўяди. Узлуксиз базм ва кўнгил очар ўйинлар хазинага сезиларли даражада зарба беради. Мамлакатда тартиб бузилади. Бундан хабар топган Амир Темур 1399 й. Султонияга келиб М.ни ҳокимиятдан четлатади. 1408 й. 21 апр.да М. Озарбайжон ҳукмдори Қора Юсуф б-н бўлган жангда ўлдирилади ва Сурхоб туманига дафн қилинади. Бир неча муддат ўтгач, унинг хоки Шаҳрисабзга — Темурийлар ҳазмасига, кейинчалик эса Самарқандга олиб келиниб Гўри Амирга дафн этилади.

МИРОХУР — Ўрта Осиё хонликларида мансабдор шахс; сарой отхоналари бошлиги. Бухоро амирлигида М. — ҳукмдорнинг энг яқин кишиларига бериладиган тўртинчи шарафли рутба. М. сарой отбоқарларига етакчилик қилишдан ташқари, амир ҳарамини эҳтиётлаш, у ерга озиқ-овқат, кийим-кечак ва ҳ.к. зарурий нарсалар келтириш б-н ҳам машғул бўлган. Бобур, Огаҳий асарларида М.нинг ҳарбий юришларда иштирок этиб, муайян қисм ва бўлинмаларга саркардалик қилганлиги ҳақида маълумот келтирилади.

МИРОҚИ — Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги шаҳарча (1986 й. 27 майдан). Вилоят маркази (Қарши ш.гача 127 км, туман марказигача 16 км. Яқин т.й. станцияси — Китоб (29 км). Аҳолиси 7,9 минг киши (2002). Шаҳарчада маҳаллий саноат корхоналари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, умумий таълим мактаби, касб-ҳунар, мусиқа мактаблари, кутубхона, клуб, касалхона, санаторий бор. Аҳолиси Мироқи каналидан сув олади.

МИРОҚИ АДИРЛАРИ — Ҳисор тизма тоғларининг жан.-ғарбий тармоқлари этакларида жойлашган адирлар. Оқсув дарёси б-н Қуруқсой (Қашқадарё ирмоқлари) оралиғида жойлашган. Шим.-шарқдан жан.-ғарбга йўналган. Энг баланд жойи 2108 м. Жан.-шарқий ён бағри нисбатан тик ва кучли ўйилган. Шим.-ғарбий ён бағри аста-секин пасайиб боради. Адирларнинг сувайиргичи Оқсув дарёси яқинидан ўтган. Шу сабабли ён бағирлар кескин кўринишга эга (дарё водийсига қараган томони жуда баланд, қисқа ва калта, қарама-қаршиси эса қия ва паст). Юқори неогеннинг қумтош, гил ва конгломератларидан ташкил топган. Мавжуд тўқ бўз тупроқлар ювилган, дагал механик таркибга эга. Турли ўтли бугдойиқзорлар буталар б-н мажмуа ҳолда ўсади. М.а.дан яйлов сифатида фойдаланилади.

МИРОҚИЛОВ Миршоҳид (1899, Қўқон — 1959.21.10, Тошкент) — ўзбек театрининг атоқли актёри, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1937). Ижодий фаолиятини 1915 й.да бошлаган. Дастлаб акалари Мирҳамид ва Мирзоҳид б-н Абдулла Авлоний раҳбарлигидаги «Турон» труппасининг (Тошкентдан Қўқонга бориб кўрсатган спектакларида қатнашган. Кейинчалик Ҳамза б-н бирга Қўқонда театр ташкилотчиси ва раҳбари (1918—25). Бу ерда «Ёриқтош» (П. Мўмин), «Уйланиш» (Н. Гоголь), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза) каби асарларни саҳналаштирган. 1925—27 й.ларда Самарқандлари Марказий намуна труппасида директор ва актёр. 1927 й.да Қўқонда янги театр ташкил этган. 1929—59 й.лар Тошкентдаги Ҳамза театри актёри. М. Республика комедия театри (ҳоз. *Мукимий театри*) ташкилотчиларидан. Театр М. саҳналаштирган «Майсаранинг иши» (Ҳамза) спектакли б-н очилган. М. илк бор «Туркистон табиби» (М. Уйғур) комедиясидаги Эшимқул роли б-н танилган (1920). У халқ қизиқчилари анъаналарини янги театр услуби б-н боғлаган. М. ўз ижросида тақлид, мимикага катта ўрин берган, хатти-ҳаракатларини бир оз бўрттирган, сўзларни дона-дона талаффуз қилган, кичкина ролда бўлса-да, ҳар томонлама ҳаётий, тўлақонли образ яратган. «Кичик роллар» устаси, комик актёр сифатида машҳур бўлган. Айниқса, Акбарали, Ҳасан элликбоши, Мулладўст (Ҳамза), «Туҳматчилар жазоси»,«Бой ила хизматчи», «Майсаранинг иши»), Гўрков (У. Шекспир, «Ҳамлет»), Мамарасул (Уйғун, «Қалтис ҳазил»), Бобчинский (Н. Гоголь, «Ревизор»), Ризамат (А. Қаҳҳор, «Оғриқ тишлар») каби

Миршоҳид Мироқилов Самоварчи ролида («Шоҳи сўзана»).

ҳажвий ва кулгили образлари машҳур. М. концертларда конферансьелик қилган, воқеавий ҳикоялар, латифалар айтган. 1937 й.да «Ўзбек ҳалқининг санъати» номли 2 қисмли инсценировкани саҳналаштиришда М. Уйғурга ёрдамлашган. «Насриддин Бухорода», «Насриддиннинг саргузаштлари» «Қутлуғ қон», «Мафтунингман», «Қўшиқ парвоз этади» фильмларида суратга тушган.

Муҳсин Қодиров.

МИРНЎЛАТОВ Кошиф Исҳоқович (1898 — Тошкент — 1991) — энтомолог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1970), қ.х. фанлари д-ри (1969). Ўрта Осиё пахтачилик ин-тини тугатган (1934). СоюзНИХИ усимликлари ҳимоя қилиш станцияда илмий ходим, директор (1937—57). Ўрта Осиё усимликларни ҳимоя қилиш ин-ти директори (1957—62), лаб. мудири (1963—70), маслаҳатчи (1970 й.дан). Ғўза ва беда касалликлари ҳамда зараркунандаларига қарши кимевий йўл б-н курашишда ишлатиладиган пуркагичнинг биринчи конструкциясини яратган. Илмий ишлари қ.х. экинлари зараркунандаларини ва уларга қарши курашиш усулларига бағишланган.

МИРРИҲ — қ. *Марс*.

МИРРЛИС (Mirrlees) Жеймс (1936.5.7, Мининг-эффе, Шотландия) — инглиз иқтисодчиси. Эдинбург ун-тини тугатган (1957). Кембриж ун-тининг халқаро муаммолар марказида маслаҳатчи (1962—63). Оксфорд ун-ти иқтисодиёт проф. (1968). Швейцария ҳукумати маслаҳатчиси (1963). 1968—86 й.ларда Кембриж ун-ти ва Берклидаги Калифорния ун-тларида проф.

М.нинг илмий ишлари монетар ва солиққа тортиш назариялари, институционал иқтисодиёт муаммоларига бағишланган. М. асимметрик ахборотлар назариясида солиққа тортиш ва ижтимоий сугурта муаммоларига бағишланган ишлари б-н катта муваффақиятларга эришди. Кичик мамлакатларнинг очиқ иқтисодиётида чет эл товарларига тарифлар қўллашнинг мақсадга мувофиқ эмаслигини, меҳнат ва капиталга солинадиган солиқнинг истеъмолчиларга юклатилишини асослаб берди. Нобель мукофоти лауреати (1996; У. Викри б-н биргаликда).

МИРСАНЖАЛИ — Фарғона гуруҳига мансуб маҳаллий ўрик нави. Дарахти бақ. 6 м, 70—150 й. яшайди. Ёш новдалари ингичка. Июнь ойининг охирида мевалари баробар пишиб етилади. Пўсти юпқа, меваси ўртача қаттиқ, юзаси бир оз тукли, туси сариқ. Эти сариқ, майин, хушбўй, ширин, таркибида 13—21% қанд, 0,8—1,2% кислоталар, 18—23% қуруқ модда бор. Данаги етилган яхши ажралади. Кўчат экилгач, 4—5-йили ҳосилга киради. Совуққа чидамсиз. Янгилигида истеъмол қилинади, қуритилади. Юқори сифатли баргак ва шарбат тайёрланади. Асосан, Фарғона водийсида экилади.

МИРСОАТОВ Анвар (тахаллуси Мирзо Анвар, 1939.13.2, Тошкент) — манзарачи рассом, рангтасвир устаси, Ўзбекистон халқ рассоми (2001). П.

А.Мирсоатов. «Фарғона ҳовлиси» (1986).

Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1962) ва Низомий номидаги Тошкент педагогика ин-ти (1972) ни тугатган. М. Ғарбий Европа санъати, француз импрессионистлари, айниқса, неоимпрессионистлари ижодини ўрганди, улардан таъсирланди («Менинг кўшнам», 1974 ва б.). Рассом ижодида Ўзбекистоннинг гўзал табиати, унинг гуллаган боғлари етакчи ўрин эгаллайди: «Ўргут» туркуми (1980), «Фарғона ҳовлиси» (1986), «Ойдин кеча» (1988), «Биринчи қор» (1994), «Тоғдаги эрта баҳор» (1994), «Сижжак» (1998), «Богистон» (2000), «Чорбоғ» (2000), «Ватан ҳақида қўшиқ» (2000), «Қишки Чимён» (2001) ва б. М. асарлари республика ва хорижий (АҚШ, Япония, Англия, Швеция, Туркия ва б.) мамлакатлар музейлари ва хусусий тўпламларида сақланади. 2002 й. дан «Мирзо Анвар манзара галереяси» ишлайди.

МИРТЕМИР (тахаллуси; асл исм-шарифи Турсунов Миртемир) (1910.30.5, Туркистон — 1978.25.1, Тошкент) — Ўзбекистон халқ шоири (1971). Эски мактабда таълим олгач (1919—20), Тошкентга келиб, Алманй номидаги намуна ишмактаби (1920—23) ва Ўзбек эрлар билим юртида (1925—29) таҳсил кўрган. 1929 й. Самарқандга бориб Ўзбекистон МИК раиси Й. Охунбобоевнинг котиби бўлиб хизмат қилган ва, айни пайтда, Педакадемиянинг тил ва адабиёт ф-тида ўқий бошлаган. У шу йилларда «Қизил қалам» адабий ташкилотининг аъзоси сифатида Боту. Олтой сингари «миллатчилар» б-н алоқада бўлганлиги учун ГПУ томонидан ҳибсга олинган (1932.8.8.). Қамоқдан озод бўлгач, «Янги ҳаёт» газ.да адабий ходим (1936), республика радиокўмитасида бош муҳаррир (1941). Ўзадавнашрда муҳаррир (1942), Опера ва балет театрида адабий эмакдош (1943—44), Ёзувчилар уюшмасида бўлим мудири ва маслаҳатчи (1957—64), бадиий адабиёт нашриётида муҳаррир (1965—66) лавозимларида хизмат қилган.

М.нинг илк шеърлар тўплами — «Шўълалар қўйнида» (1928) миллий шеъриятимиз учун янги жанр — сочма (насрий шеър) жанрида ёзилган бўлиб, даврнинг муҳим масалаларига бағишланган. Шундан кейин М. «Зафар» (1929), «Қайнашларим» ва «Бонг» (1932) шеърий тўпламларини эълон қилган.

30-й.лар ўзбек шеъриятида достон жанри катта мавқе касб этади. М. ҳам шу даврда «Барот» (1930), «Хидир» (1932), «Дилкушо», «Сув қизи» (1937), «Ойсанамнинг тўйида» (1938), «Қўзи» (1939) каби достонларни ёзади ва уларнинг аксарида оддий меҳнат аҳли вакиллари образини яратади. Умуман, М.нинг шеър ва достонларига хос хусусият шундаки, у оддий кишилар ҳаёти ва меҳнатида «шеъриятбоп» жиҳатларни, улар руҳий оламидаги гўзаллик жилваларини ўзига хос новаторлик ва закийлик б-н кўради ва акс эттиради. Бу миртемирона фазилат шоир ижодининг урушдан кейинги даврида, айниқса, ёркин кўринади.

2-жаҳон урушидан кейинги йилларда-ги адабий сиёсат натижасида М.га ижод этиш ва ёзган асарларини эълон қилиш имкони берилмаган. Натижада у таржима ва таҳрир ишлари б-н шуғулланишга мажбур бўлган. Қорақалпоқ шеъриятидан қилган таржималари ва «Қорақалпоқ дафтари» (1959) шеърий туркумининг катта муваффақият қозиниши М.нинг «эркин» ижодкорлар сафига қайтиши ва ижодий яшаришига сабабчи бўлди. «Қорақалпоқ дафтари»да (1957) намоён бўлган халқлар ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ғоялари шоирнинг қозоқ, қирғиз ва туркман диёрларига қилган сафарлари таъсирида ёзилган шеърларида катта маҳорат б-н давом эттирилди. М.нинг «Қорақалпоқ дафтари» туркумидан ўрин олган «Сурат» лирик қиссаси эса 60—70-й.ларда ўзбек шеъриятида достон жанрига эътиборнинг кучайиши ва лирик достон жанрининг камол топишига катта таъсир кўрсатган.

М.нинг 60—70-й.ларда яратган аксар шеърлари 20-а. ўзбек шеъриятининг том

маънодаги дурдоналаридир. У шу даврда шеърий техникани мукаммал эгаллаган шоир сифатидагина эмас, балки тарих ва Ватан туйғулари б-н яшаган, шу муқаддас туйғуларни ёнар сўз б-н ифодалаган шоир сифатида ҳам шуҳрат қозонди. М. олдий меҳнат аҳлига руҳан яқин, унинг табиатини, маиший ҳаётини, тилининг камалак рангларини, дилидаги орзу ва армонларини яхши билган, инсон қалбидаги руҳий коллизияларни теран ҳис қилган ва тасвирлаган шоирдир. М.нинг чин маънода халқ шоири, миллий шоир бўлганлиги унинг, айниқса, «Онагинам», «Тошбу», «Норбуви», «Паттининг қасратлари» сингари ўзбек аёлларига хос меҳр-муҳаббат, ор-номус, малоҳат, сабр-тоқат ва меҳнатсеварлик фазилатлари куйланган шеърларида ўз тажассумини топган. М. бу ва б. шеърлари б-н ўзбек шеъриятига хос халқчиллик руҳини беқал даражада оширди. Айни пайтда М. шеърлари сюжетлилиги, тасвир этилаётган замон ва маконнинг аниқлиги, лирик қаҳрамон руҳий оламининг ёркинлиги ва бокиралиги б-н ажралиб туради.

М. шеърий ижодининг муҳим бир қисмини қўшиқлар ташкил этади. Шоир Катта Фарғона канали қурилишига бағишланган «Яли-яли», шунингдек, «Боғ кўча», «Бир гўзал», «Қаро кўзи», «Ўйнасин», «Боқиши», «Устина» сингари қўшиқлар б-н ўзбек қўшиқчилик санъати равнақига бебаҳо ҳисса қўшди. Шу б-н бирга, М. бир қанча публицистик ва адабий-танқидий мақолалар муаллифи. М. ўтган асрнинг 60-йилларида ўзбек шеъриятига кириб келган талайгина ёшларга устозлик қилиб, ўзининг адабий мактабини яратди.

Бадиий таржима М.нинг ижодий фаолиятида катта ўрин эгаллайди. У Абай, Маҳтумқули, Бердақ шеърларидан ташқари, қирғиз халқининг «Манас» эпосини (ҳамкорликда), Шота Руставелининг «Йўлбарс терисини ёпинган паҳлавон» (ҳамкорликда), А. С. Пушкиннинг «Руслан ва Людмила», «Ойимқиз-қишлоқи қиз», М.Ю. Лермонтовнинг «Исмоилбек», «Савдогар Калашников ҳақида қисса», Н.А.Некрасовнинг «Русияда ким яхши яшайди» каби достон, қисса ва эртакларини, Г. Гейне, А. М. Горький, Пабло Неруда, Нозим Ҳикмат, Самад Вургун ва б.нинг шеърларини ўзбек тилига таржима қилган. «Кармен» ва «Улуғбек» опералари, «Наталка-полтавка», «Баядера», «Кето ва Котэ» сингари мусиқали драмалар М. таржимасида ўзбек тилида саҳналаштирилган.

М. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти (1979). Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти (1977) лауреати. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2002). Тошкентдаги кўча ва Андижон вилояти, Бўз туманидаги мактаблардан бири М. номи б-н аталган. Шоир тутилган Эски Икон қишлоғида М. уй-музейи барпо этилган.

Ас.: Асарлар [4-жилд]. 1—4-жилдлар. Т., 1980—83.

Ад.: Азизов Қ. Миртемир. Т., 1969. Халилов Т. Миртемир маҳорати. Т., 1980; Миртемир замондошлари хотирасида. Т., 1982. XX аср ўзбек адабиети тарихи. Т., 1999.

Наим Каримов

МИРТОЖИЕВ Жалолиддин Турсунович (1954.15.2, Тошкент) — ҳайкалтарош, Ўзбекистон халқ рассоми (2003). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1977). М.нинг гипс, бронзада яратган асарлари профессионал маҳорати б-н диққатга сазовор, асарларидаги образлар етук, пухталиги б-н ажралиб туради. Илк асарлари «Лола», «Нигора», «Профессор Расулов», «Шум бола» ва б. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида М. ижоди юксак погонага кўтарилди: «Бобур» (1993 и., Андижонда), «Абдулла Қодирий» (1994, Тошкентда), «Абдурауф Фитрат» (1996—97, Бухорода), «Абдулҳамид Чўлпон» (1997, Андижон), «Алишер Навоий» (2001, Москвада), «Камолиддин Беҳзод» (2003, Чанчунь ш., Хитойда), Амир Темур таваллудининг 660 йиллига бағишлаб, «Темур Малик», «Мирзо Улуғбек», «Амир Темур», «Човғон ўйинида Бобур» ва б. асарларини яратди.

МИРХОНД, Мир Муҳаммад ибн Сайид Бурҳонуллин Хованд-шоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд (1433.22.6 — 1498.24.2) — тарихчи олим. Ота-боболари асли бухоролик бўлиб, фиқҳ илмида машҳур бўлишган. М. Бухородаги мадрасани тугатиб, отаси вафотидан кейин Ҳиротга келган. Алишер Навоий М.га йирик бир тарихий асар ёзишни топширган. Унга Халосия хонақоҳида жой, маош тайинлаб, ўзининг бой кутубхонасидан фойдаланиш учун имкон яратади. М. шу ерда 1494 й.гача 7 жилдли «Равзат ус-сафо фи сийратул-анбиё вал-мулук вал-хулафо» («Пайғамбарлар, подшолар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақида жаннат боғи») асарининг 6 жилдини ёзиб тугатади. «Равзат ус-сафо»нинг мазмуни қуйидагичадир: 1-жилд (дафтар) — дунёнинг яратилишидан сосонийлар сулоласи инқирозигача; 2-жилд Муҳаммад (ас.) ва тўрт халифа тарихи, 3-жилд умавий ва аббосийлар халифалари тарихи, 4-жилд — умавий ва аббосийлар даврида Ўрта Осиё, 5-жилд — Чингизхон ва чингизийлар тарихи, 6-жилд — Амир Темурдан Абу Саид вафотигача бўлган давр тарихи, 7-жилд — Султон Ҳусайн ва унинг авлоди даври тарихи. Бу жилднинг давоми набираси Хондамир номаси ва фотиҳаси кейин ёзиб тугатади. Дастлабки 6 жилд матни Алишер Навоий таҳририда ўтади. Асар матни Бомбай (1845, 1848), Теҳрон (1850—56, 1860, ва Лакҳнав 1874, 1883, 1890 и.ларда чоп этилган; ўзбекчага таржимаси Муҳаммад Раҳимхон Феруз даври (1865—75)да амалга оширилади.

Ад. Ахмедов Б. Ўзбекистон тарихи манбалари. Т., 2001.

Наим Норқулов

МИРШАБ (араб. мир — ҳукмдор ва шаб — тун) — Ўрта Осиё хонликларида маъмурий лавозим, тунги шаҳар соқчиси ва уларнинг бошлиғи. Унинг имконияти шаҳарда тунги осойишталикни таъминлаш масъулияти юкланилган. Ўрта Осиё Россия томонидан истило қилингач, М., асосан, тунги соқчилик ҳамда тартиб ва интизом бажарилишини таъминлаган ва *полиция* вазифасини бажарган. М. *ҳисобчи* ва катта оқсоқоллар иштирокида хизматда бўлган. Мас., Тошкентда Окт. тўнтаришигача М.лар тунги шаҳар соқчиси. Миршабнома бошлиғи қўрбоши лейлиган. М.лар тун бўйи шақилдоқ б-н кўча ва маҳаллаларни айланиб, шаҳар осойишталигини таъминлаган. Тошкентнинг 4 даҳасида 10 талаи М., бир миршаббоши бўлган. 1892 й.гача М. катта оқсоқолга, кейинчалик Эски шаҳар *полицмейстер*ига бўйсунган.

МИРШАКАР (тахаллуси; асл исм-шарифи Миршакаров Мирсаид) (1912.23.4, Тожикистон, Шўғнон тумани — 1993.31.8, Душанбе) — тожик шоири, драматург. Тожикистон халқ шоири (1962). Тожик адабиётида шеъриятнинг эпик жанрларини ривожлантирган. «Зафар байроғи» (1934) достонида Вахиддаги қурилишлар акс этган. Халқ афсонаси асосида яратилган «Олтин қишлоқ» (1942) достони тожик шеъриятининг энг яхши намунасидан бири ҳисобланади. «Нотинч Панж» (1949), «Муҳаббат ва бурч» (1962) ва б. достонларида тожик халқи қаҳрамонлари тарихий воқеалар ифодаланган. М. «Олтин қишлоқ» (1949), «Усмонов фожиаси» (1957) ва б. драмалар, «Илҳом» шеърий тўплами (1967), «Ёшлик айёми» (1972) китоби ва б. асарлар муаллифи. М. тожик болалар адабиётининг асосчиларидан. «Ишқ устози» (1945), «Менинг шаҳрим» (1963) пьесалари

кенг оммалашган. «Бит Номирданми?», «Қобил киму, ноқобил ким?», «Ҳаммавақт ақло ҳақиқий», «Ўрмонда», «Кўчукча», «Кулгили маймун» ва б. китобларига кирган турли жанрдаги шеър, достон ва қиссаларида болалар психологияси ўсталик б-н очилган. «Олтин қишлоқ» (1948), «Бит Номирданми» (1952), «Тог қизининг ишқи» (1968) китоблари ўзбек тилида нашр қилинган.

МИРШАРОПОВ Миркомил (1900.24.12, Авлиёота — 1938.4.10, Тошкент) — ҳарбий арбоб, ўзбек дивизияси қумондони. Рус-тузем мактабини тугатган (1914). 1917 й.да Тошкентга кўчиб келган. 1920 й.да 8 ойлик командирлар курсини тугатгач, унинг жанговар ҳаёти бошланган. *Хоразм Халқ Совет Республикаси* (ХХСР) ҳарбий комири (1921), комир муовини (1924). М. ХХСР да миллий қўшин тузишга эътибор қаратди, республика ҳудудидан халқнинг маданий меросига оид бойликларнинг олиб чиқиб кетилишини тақиқлади. *Жунаидхон* б-н сулҳ тузиб, «Бирлик шартномаси»ни имзолаган (1921.5.11) комиссия таркибида бўлганлиги учун коммунистлар томонидан бошқа нозирлар қаторида лавозимидан олиб ташланди ва Хоразмдан чиқариб юборилди. Москвадаги ҳарбий академияда ўқиди (1925—29). Самарқанддаги алоҳида Ўзбек отлиқ аскарлар полкининг қомандири ва комиссари (1929—36). 19-тоғли отлиқ Ўзбек дивизияси қўмондони ва комиссари (1932—35). Мўғулистон Халқ Республикасида ҳарбий маслаҳатчи (1935). Шим. Кавказ ҳарбий округи Алоҳида отлиқ бригадаси қўмондони ва комиссари (1936—37). М. совет режими томонидан Майкопда қамоққа олиниди (1937.28.10) ва Тошкентга жўнатилди. У Ўзбек дивизиясини миллийлаштириш ва бу дивизия ёрдамида Ўзбекистонни СССР таркибидан ажратиб олиш ва мустақил давлатни барпо этишга уринишда айбланди. Дастлабки Ўзбек дивизияси тарқатиб юборилди ва М. бошчилигидаги 16 та ҳарбий командир ва кўплаб оддий аскарлар отиб ташланди.

Ад.: Маткаримов М., Хоразм Республикаси: давлат тузилиши, нозирлари ва иқтисоди. Урганч, 1983; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т., 2001.

МИРШОДИ НЕФТЬ КОНИ — Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган. 1984 й. да очилган. Кейинчалик саноат аҳамиятига молик нефть олинадиган қудуқлар сони ортиб борди. Нефть 1-, 2- ва 3-горизонтларда учрайди.

1-горизонт кесманинг юқорисида жойлашган бўлиб, доломитлашган ёриқли битумли оҳактошлардан тузилган. Орасида тўқ кулранг мергеллар ҳам учрайди. Қалинлиги 18—20 м га тенг бўлиб, 8—15 м ли ангидрит қатлами б-н ажралган.

2-горизонт ёриқли кулранг оҳактошлардан ташкил топган. Улар ангидрит, мергель ва қумтошлар б-н аралашган. Умумий қалинлиги 25—35 м ва 5—11 м бўлган ангидрит мергелли қатлам б-н ажралган.

3-горизонт кесманинг ўртасида жойлашган бўлиб, товакли, битумли, ёриқли оҳактошлардан тузилган. Улар орасида мергель қатламлари учрайди. Қалинлиги 20—40 м бўлиб, 53 м ангидрит б-н ажралган.

Маҳсулдор қатламларнинг ўртача тошқлини 10—19%, баъзи 20% дан ошёд. Ўтказувчанлик 10 миллидарсигача. Шу сабабли қудуқларнинг карбонат оҳактошли жинслари ачқалина ёриқликка эга ва юқори маҳсулдорлиги шундан.

Бухоро ва оҳар қатламларидаги нефтлар таркиби бир хил, уларнинг зичлиги 0,900—0,958 г/см³ га тенг, олтингугурт миқдори юқори (3,25—4,7%). Смола 65—90%, парафин 3,2—3,8%, асфальтенлар 4,2—7,0% атрофида ўзгаради. Нефть қуюқ, қовушқоқ, 1—20° да қотади. Нефть конидан 15 та қудуқ орқали қариб 80 минг т нефть олинмоқда (2001).

МИРЗИЁСОВ Турди (1896, Тошкент — 1951) — ўзбек археолог ва этнографларидан. 1913 й.да диний мактабни тугатиб, ўқитувчилик қилган. 1921—25 й.ларда халқ маорифи бўлимида инструктор ва Тўқмоқдаги ўзбек мактабларида ўқитувчилик қилган. 1926 й.дан умрининг охиригача Ўрта Осиё тарих музейида катта илмий ходим. 1927—29 й.ларда дунганлар орасида этнографик материаллар йиққан. Қашқадарёдаги ярим кўчманчи аҳоли турмушини ўрганган, археологик экспедицияларда иштирок этган (Қизилқумдаги тош асри ёдгорликлари, Тўйтепадаги қабрлар, қад. Термиз ва б.ни ўрганган). 1930—34 й.ларда Лейпцигдаги халқаро кўргазма учун Ўрта Осиёга оид материаллар тўплаган. Қирғизистондаги қад. кумуш конларини ўрганган. 1942 й.да Ўрта Осиё халқларининг турмуши ва маданиятига бағишланган кўргазма ташкил этган. М. тўплаган қимматли материаллар Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланмоқда.

МИС (лот. Cuprum — Кипр о. номидан олинган), Cu — Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 29, ат. м. 63,546. Табиий М. иккита барқарор изотоп ^{63}Cu(69,1%) ва ^{65}Cu(30,9%)дан иборат. Сунъий радиоактив изотоплардан ^{64}Cu, ^{67}Cu муҳим.

М. — қадимдан маълум металлардан. Қадимда М. рудасини Кипр о.дан қазиб олишган, шунинг учун уни о.нинг номи б-н Cuprum деб аталган. М. табиатда нисбатан кам тарқалган. Ер пўстининг масса жиҳатдан 4,7·10⁻³% ини ташкил қилади. М. таркибида баъзан темир, кумуш, камдан-кам олтин бўлади. М.нинг кўп сонли минераллари (250 дан ортиқ) орасида халькопирит $CuFeS_2$, халькозин Cu_2S, ковеллин CuS, борнит Cu_5FeS_4, малахит $CuCO_3{\cdot}Cu(OH)_2$, куприт Cu_2O, хризаколла $CuSiO_3{\cdot}2H_2O$ ва б. аҳамиятлидир.

М. юмшоқ, чўзилувчан, болғаланувчан қизғиш металл. Зичлиги 8,96 г/м³ (20° да), суюқланиш т-раси 1083°, қайнаш т-раси 2567°. Моос бўйича қаттиқлиги 3,0. М. иссиқлик ва электр токини жуда яхши ўтказади, бу жиҳатдан фақат кумушдан кейинда туради. М. кимёвий жиҳатдан унчалик фаол эмас. Ҳавода оксидланиб қорайди. Нам ҳавода гидроксикарбонат ҳосил бўлгани учун кўкаради. М. бирикмаларида +1 ва +2 валентли бўлади. М. ҳавода қиздирилса, аввал мис (I)-оксид Cu_2O (377° гача), сўнгра қора М. — мис (II)-оксид CuO (377° дан юқорида) ҳосил бўлади. М. галогенлар б-н осон бирикади. Нам хлор одатдаги т-радаёқ М.га таъсир этиб, сувда эрийдиган мис (II)-хлорид ҳосил қилади (яна қ. *Мис галогенидлари*). Азот, водород, углерод б-н юқори т-рада ҳам реакцияга киришмайди. Нитрат кислотада эриб, мис (II)-нитрат ва азот оксиди, концентрланган иссиқ сульфат кислота б-н бирикиб, мис (II)-сульфат ва сульфид ангидрид беради. М.нинг тузлари заҳарли. М. кўпгина металлар б-н қотишмалар ҳосил қилади. Бир ва икки валентли М. жуда кўп барқарор комплекс бирикмалар вужудга келтиради.

М., асосан, сульфидли мис рудаларидан олинади. М. электр симлари, электр асбоблар ва ускуналар и.ч.да, бадиий буюмлар тайёрлашда, қотишмалар олишда, тузлари эса пигментлар ва сунъий ипак олишда, ўсимлик зараркунандаларига қарши, тери (кўн) саноатида, микроўғит сифатида ва тиббиётда ишлатилади.

Мис бирикмалари — мис 1 ва 2 валентли барқарор бирикмалар; баъзан 3 валентли беқарор бирикмалар ҳам ҳосил қилади.

Мис (I)-хлорид, CuCl — рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 430°, қайнаш т-раси 1490°, зичлиги 4,14 г/см³. Сувда ва спиртда эримайди, органик эритувчиларда яхши эрийди. Газларни ютувчи, катализатор, антиоксидант сифатида қўлланади.

Мис (II)-хлорид, $CuCl_2$ — тўқ жигарранг кристалл модда. Суюқланиш т-раси 596°, зичлиги 3,386 г/см³. 993° да CuCl ва хлорга ажралади. Сувли эритмаларидан 2, 3, 4 молекула сувли кристаллогидратлар кўринишида кристалланади. $CuCl_2 \cdot 2H_2O$ (эрнохалцит минерали) — ромбик панжарали кристалл модда. Зичлиги 2,54 г/см³. Металларни миелашда, катализатор сифатида, матоларни бўяшда қўлланади. Табиатда миснинг олтингугуртли бирикмалари ковеллин CuS, халькозин Cu_2S, анилит Cu_2S_7, халькопирит $CuFeS_2$, борнит Cu_5FeS_4 ва б. минераллар кўринишида учрайди. Мис и.ч.да, бўёқлар учун пигмент, яримўтказгич қотишмалар компоненти сифатида қўланади.

Мис (II)-гидроксид, $Cu(OH)_2$ — ҳаворанг аморф ёки кристалл модда. Зичлиги 3,686 г/см³, сувда эримайди, 70—90° да CuO ва сувга ажралади. Кислоталар б-н тегишли Cu (II) тузлари, ишқорларнинг сувдаги эритмалари б-н ёрқин ҳаворанг беқарор купратлар $MP_2[CuOH_4]$, аммиакнинг сувдаги эритмаси б-н тўқ ҳаворанг аммиакат $[Cu(NH_3)_4]$ (швейцар реактиви), водород сульфид б-н CuS ва сув ҳосил қилади. Мис каробонатлари табиатда тўқ яшил кристалл малахит минерали $CuCO_3 \cdot Cu(OH)_2$ ва ҳаворанг кристалл — азурит минерали $2CuCO_3 \cdot Cu(OH)_2$ кўринишида учрайди. Мис и.ч. да, бўёқлар тайёрлашда (мас., «малахит яшили»), қимматбаҳо тош сифатида ишлатилади. Сариқ рангли кристалл ҳолдаги мис (I)-карбонат Cu_2CO_3 нинг мавжудлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Мис (II)-нитрат, $Cu(NO_3)_2$ — ҳаворанг гигроскопик кристалл модда. Сувда, органик эритувчиларда яхши эрийди. Сувли эритмаларидан 3, 6, ва 9 молекула сувли кристаллогидратлар кўринишида кристалланади. 1,5 ва 2,5 молекула сувли кристаллогидратлари ҳам маълум. Мис и.ч.да, мисли катализатор ва фунгицит сифатида, матоларни бўяшда ишлатилади.

Отажонов Хужамен.

МИС ВАН ДЕР РОЭ (Mis van der Rohe) Людвиг (1886.27.3, Ахен, Германия — 1969.17.8, Чикаго, АҚШ) — немис меъмори, функционализм намояндаларидан. 1919—24 йилларда турқум экспериментал лойиҳалари (яхлит ойнали, кўп қаватли) б-н чиқди. 20-а. 2-ярмида турар жой биноларини пўлат синчда оқилона намунала яратди ва ички лойиҳасини ўзгартирди. Кейинчалик М.в.д.Р. голланд «Услуб» гуруҳи таъсирида композицион қурилмаларни қайта ишлаи (Брнодаги Тугендхат уйи, 1930 ва б.). Дессаудаги «Баухауз» ижодий уюшмаси директори (1930—33). 1938 йилан АҚШда ишлаб, Чикагодаги Иллинойс технология ин-ти меъморлик ф-тини бошқарди (1938—58). 40—50-йилларда «универсал меъморлик шакллари» тоясини илгари сурди (Иллинойс штатидаги Фарнсуорт уйи, 1950—51 ва б.). М.в.д.Р. яратган одини геометрик шакллар кўп қаватли биноларда қўлланилди: Чикагодаги Лейк Шор Драйв (1946—50), Коммонуэлс Променад (1957) турар жойлари, Нью-Йорклаги Сигрем-Биллинг биноси (1956—58), Каналанинг Торонтодаги Доминион-сентр биноси (1967) ва б. М.в.д.Р. ижоди АҚШ ва Гарбий Европа меъморлари ижодига катта таъсир этган.

МИС ДАВРИ — қ. *Энеолит.*

МИС КУПОРОСИ, тўтиёй — қ. *Мис сульфат.*

МИС ОКСИДЛАРИ, Мис (I)-оксид, Cu_2O — қизғиш-жигарранг кристаллар. Суюқланиш т-раси 1242°, зичлиги 6,1 г/см³. Сувда эримайди, ишқорлар б-н реакцияга киришади. *Водород, ис гази* ва фаол металлар (Mg, Al, Zn) таъсирида металл ҳолаттача қайтарилади. Қиздирилганда оксидланиб CuO га айланади. Табиатда куприт минерали кўринишида учрайди. NaCl эритмасини мис электродларни қўллаб электролиз қилиш, лаб.да CuO ни 1100° гача қиздириш йўли б-н олинади. Шиша, *керамика*, сирлар учун пигмент, бўёқлар компоненти ва фунгицид сифатида ишлатилади.

Мис (II)-оксид, CuO — қора рангли кристаллар. Суюқланиш т-раси 1447° (O_2 босими остида), зичлиги 6,51 г/см³. Сувда эримайди. 1100° гача қиздирилса Cu_2O ва O_2 га парчаланади. Фаол металлар, водород, углерод, ис гази, аммиак ва алканлар CuO ни Cu гача қайтаради. Кислоталар таъсирида Cu (II) тузлари аммиакнинг сувдаги эритмалари б-н аммиакат $[Cu(NH_3)_4](OH)_2$, ишқорлар б-н купратлар $MeCuO_2$ (Me — ишқорий металл) ҳосил қилади. $CuSO_4$га NaOH ёки KOH таъсир эттириб, лаб.да Cu ни 400—500° гача қиздириб олинади. Оксид катализаторлар олишда, шиша, керамика, эмаллар учун пигмент, гальванотехникада электродлар тайёрлашда қўлланади. Тиб қитоблари мис сурмаси оксид Cu_2O мавжудлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. У KNO_3 та $Cu(OH)_2$ таъсир эттирилганда ҳосил бўлади. 400° да CuO ва O_2 га парчаланади.

МИС РУДАЛАРИ — миснинг саноат аҳамиятига эга бўлган минераллари. Улар 170 дан ортиқ бўлиб, шулардан фақат 17 таси саноатда фойдаланилади. М.р. бой (мис 3% дан ортиқ), ўрта (мис 0,3—1%), жуда паст (мис 0,3% дан кам) сифатли гуруҳларга бўлинади. Халькопирит $CuFeS_2$ (Cu — 34,6%), борнит Cu_5FeS_4 (Cu — 52—65%), халькозин Cu_2S (Cu — 79,8%), ковеллин CuS (Cu — 64,4%), малахит $Cu_2[CO_3][OH]_2$ (Cu — 57,4%) муҳим М.р.дир. М.р.нинг парагенетик бирланиши хилма-хил. Халькопирит баъзи сульфид рудаларининг гидротермал конларида бўлади. Купчилик конларда у рудаларнинг асосий таркибий қисмидир. Халькопирит ўрнида псевдоморфозлар ҳосил қилган иккиламчи мис сульфидлари — борнит, халькозин ва ковеллинлар мис конларининг иккиламчи сульфидли бойиш зоналарида кенг тарқалган. Малахит — оксидланган М.р.да энг кўп учрайдиган минерал. М.р. таркибида олтин, молибден, рений ва б. ҳам бўлади. М.р.нинг муҳим турларига мис-порфирли ва мис-молибденли, мис-қумтошли ва сланецли, мис-никелли (сульфидли), полиметалл, томирли, квари-сульфидли, скарнли (мис-ванадийли), мис-кобальтли, мис-висмутли, мис-темирли, мис-олтинли ва б. киради. Жаҳонда ишлаб чиқариладиган миснинг 90% сульфидли рудалардан олинади. М.р. конлари РФ (Урал), Закавказье, Қозоғистон, АҚШ, Чили, Конго, Замбияда бор. Ўзбекистонда М.р. конлари Олмалиқ рудали р-ни — Қалмоққир, Саричеку, Қизота ва б. жойларда мавжуд. Шулардан ҳоз. кунда Қалмоққир ва Саричекуда М.р. қазиб олинмоқда. Олмалиқнинг М.р. таркибида нодир компонентлар борлиги жиҳатидан улар комплекси ҳисобланади. Улардан 15 дан ортиқ энг нодир руда ҳосил қилувчи элементлар — мис, олтин, кумуш, молибден, рений ва б. олинади.

МИС САНОАТИ — қ. *Рангли металлургия.*

МИС СУЛЬФАТ, мис купороси, тўтиёй, $CuSO_4$ — тиниқ кристалл модда. Суюқланиш т-раси 200°, зичлиги 3,603 г/см³. Қиздирилганда (650° атрофида) парчаланади: $CuSO_4 = CuO + SO_2 + {}^1/_2O_2$. Сувда яхши эрийди. Сувли эритмаларидан $CuSO_4 \cdot 5H_2O$ — мис купороси кристаллогидрати ажралиб чиқади. У 105° дан юқори т-рада икки молекула сув йўқотиб $CuSO_4 \cdot 3H_2O$ (саноатда рангсиз, 150° да моногидрат $CuSO_4 \cdot H_2O$ га айланади. 250° да бутунлай сувсизланади. Табиатда халькантит $CuSO_4 \cdot 5H_2O$ минерали ҳолида учрайди. Минерал бўёқлар тайёрлашда, қ.х.да ҳашаротларга ва ўсимлик касалликларига қарши курашишда, кучиклада, таъзиянк элементларда ишлатилади. Мис (II)-сульфат $CuSO_4$ ҳам маълум. Оч кулранг кристалл, зичлиги 3,605 г/см³. 200° дан юқорида CuO ва $CuSO_4$ гача оксидланади. Сувли эритмала Cu ва $CuSO_4$га парчаланади. Кучли қайтарувчи. Cu_2O б-н $(CH_3)_2SO_4$ ни ўзаро таъсир эттириб олинади.

МИС ТАНГАЛАР — миеидан зарб қилинган қадимги танга пуллар. Шарқда мисдан турли нарсалар ясаш мил. ав. 4-минг йилликдан бери маълум. М.т. мил. ав. 8-асрнинг охири —7-асрнинг бошларида Қад. Лидия давлатида пайдо бўлган, Ўрта Осиёда мил. ав. 4-асрдан бошлаб муомалага кирган. Афросиёб ҳудудида *Салавкийлар давлати* подшоси Антиох I номи ёзилган М. т. (мил.ав. 3-а.), Бухоро воҳасидан камончи тасвири туширилган майда М. т. (мил. ав. 4-а.) топилган. 4-асрда Суғдиёна ва унга тобе ерлардаги аҳоли М. т.дан фойдаланган. 7-а. ўрталарида Суғдиёна давлатида 1 кг миеидан ўртача 425 танга, 8-а. ўрталарида эса 1 кг миеидан ўртача 963 танга зарб қилинган. Афросиёбни археологик қазишлар вақтида турли даврларга оид М.т. хазинаси топилди.М.т. кумуш тангаларга қўшимча сифатида ишлатилган.

Ад.: Смирнова О.И., Каталог монет с городища Пенджикент, М., 1963; Смирнова О. И., Очерки из истории Согда, М., 1970.

МИС ЮГУРТИРИШ, миеланш — пўлат ёки рух буюмлар, баъзан пўлат симлар сиртига гальваник усулда (қ. *Гальванотехника*) мис қатлами қоплаш. Буюмларни хромлаш ва никеллашда оралиқ қатлам ҳосил қилиш, металлар сиртининг электр ўтказувчанлигини яхшилаш, металларнинг кавшарланишини осонлаштириш ва б. учун қўлланилади. Оралиқ қатлам ҳосил қилинадиган М.ю. усули энг кенг тарқалган. Бунда мис қатлами устидан никель қатлами, унинг устидан юпқа (0,25 мкм) хром қатлами югуртирилади. Мис электролитларнинг оксидли ва ишқорли хиллари бор. Пўлат буюмларни углеродлаш (цементлаш) ва уларнинг углеродланмаслиги лозим бўлган сиртқи қатламини ҳимоялашда ҳам М.ю.дан фойдаланилади.

МИС ЯЛТИРОҒИ — минерал, мис сульфиди (қ. *Халькозин*).

МИС ҚОТИШМАЛАРИ — мис асосидаги қотишмалар. Инсон яратган биринчи металл қотишма (қ. *Жез даври*). *Бронза, жез* ва асосий легирловчи элементи никель бўлган мис-никель қотишмалари (қ. *Металлар*) М.қ. жумласига киради. М.қ. қўйма, деформацияланадиган ва кукунсимон хилларга бўлинади. Қўйма М.қ. суюқланганда оқувчан бўлади, қолганда унча киришмайди. Деформацияланадиган М.қ. иеиқлашиш ёки совуқлайин босим б-н яхши ишланади. Кукунсимон М. қ. кукунсимон материллар жумласига киради (қ. *Кукун металлургияси*). М.қ. антифрикцион (ишқаланишга қарши), иеиқбардош, конструкцион, коррозиябардош (занглашга қарши), пружинабоп ва электротехника материллари сифатида кеи қўлланади. Булар асбобсозлик, машинасозлик, авиация ва кемасозликда, сув-буг арматураси, бадиий буюмлар, ишни-товоқлар ясаш ва б. соҳаларда ишлатилади.

МИСКАРЛИК — ҳунармандликнинг қад. соҳаси; *мис* ва унинг металлар б-н қотишмасидан қуроллар, уй-рўзғор буюмлари ва б. ясаш касби. М.да буюмлар 2 хил усулда — эритиб қуйиб ёки болғалаб ясалади. Иш жараёнида металл тез-тез қиздириб турилади. Мураккаб шаклли буюмлар ясашда аввал айрим бўлаклар қуйилиб, сўнг улар бир-бирига қалайланади. Буюмлар қолипдан кўчирилгач тозаланиб, сўнг унга нақшлар чизма, кандакори ёки босма усулида гул (нақш) ишлайди (яна қ. *Кандакорлик*).

Қадимда соф миснинг ўзидан болғалаб буюмлар ясалган, буюмлар юмшоқ ва мўрт бўлган. Жез даври (мил. ав. 2-минг йилликдан мис ва унинг қалай, қўрғошин, рух аралашмасидан иборат металлар қотишмасидан бирмунча пишиқ бўлган буюмлар ясалган.

Ўзбекистон ҳудудида М. қадимдан ривожланган, ушбу ҳудуддан топилган таркибида мис кўп бўлган жез идишлар бунга мисол бўла олади. Жез даврига оид муҳрларда ўсимлик, ҳайвонлар (илон, бургут ва б.) тасвирлари ишланган. Бухоро нақшланган мис идишлар ясашнинг қад. маркази бўлган; бу ерда мил. ав. 1-минг йилликда металл қуйиш, мис ва жез буюмларини қолипларга қуйиб ишлаш яхши йўлга қўйилган. Мас., Фарғонадаги Чуст маданиятига оид пичоқ, ўроқ ва ираклар қолипларга қуйиб ишланган. Бу давр маданиятига оид Ўзбекистон жанубидаги мис ва жез буюмларига хилма-хиллик хос бўлиб, қад. буюмларни безакида чизма, кандакори, бўртма нақшлар ишлаш кенг қўлланилган.

5—8-асрларда Суғд ва Хоразм бадиий металл буюмлари кенг тарқалди; 10—12-асрларда меҳнат қуроллари, қуроласлаҳалар, рўзғор буюмлари б-н бир қаторда нелимий нақшлар, ёзувлар, тасвирий мавзулар б-н қопланган мураккаб шаклли ажсак бадиий буюмлар тайёрланган, айниқса, ҳайвонлар шаклидаги идишлар диққатга сазовор, бошқа металлардан, қимматбаҳо тошлардан қилиб безаш (қадама) усули қўлланила бошланган. 10-а. араб сайёҳи ва географи Муқаддасий ёзишича, Самарқанддан катта мис қозонлар, нафис мис қадаҳлар, Бухородан мис чироқлар араб мамлакатларига келтирилган. 11—12-асрларда термизлик усталарнинг майда гулли нафис нақш мужассамотли буюмлари шуҳрат қозонган.

14—16-асрларда Самарқандининг Регистон майдонидан топилган жез буюмлар хазинаси М.нинг ажсак тараққиётидан гувоҳлик беради: идишлар кандакори, қадама (тилла, кумуш, қизил мис) усулида безатилган; Бухоро М. буюмлари б-н шуҳрат қозонган. 16—17-асрларда Ўрта Осиёда жез буюмлар тайёрлашга кўп эътибор берилган.

18—20-асрларда қизил ва сариқ мисдан буюмлар тайёрлаш ривожланди. 19—20-а. бошларида Ўрта Осиёга Россия ф-каларида тайёрланган буюмларнинг кўплаб келтирилиши б-н М. буюмлари тайёрлаш кескин қисқарди. Маҳаллий усталар келтирилган буюмларга тақлидан янги шаклдаги (офтоба-самовар ва б.) буюмлар тайёрладилар, келтирилган буюмлар (самовар ва б.)ни анъанавий миллий нақшлар б-н безадилар.

20-а.да Қўқон, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хивада М.нинг ўзига хос мактаблари шаклланган; моҳир усталар тайёрлаган буюмлар шуҳрат қозонди. Иш, асосан, қўл меҳнатига асосланган.

Офтоба-самовар (19-а. 2-ярми, Бухоро). Галадон (19-а., Қўқон).

ари-

Иш. асосан. кўл мехнатига асослан-



Офтоба-самовар (19-а. 2-
ярми. Бухоро). Ғалдон
(19-а., Кўқон).

Мискарлар.

ган. М. артелларида ҳозир ҳам анъанавий буюмлар — чойдиш, чойжўш, офтоба, лаган, кўза, коса, шамдон, дастшўй ва б., заргарлик буюмлари тайёрланади; шунингдек, янги шаклли буюмлар ҳам пайдо бўлмоқда, улар янги мавзулар, нақшлар, тасвирлар б-н безатилади. Усталар турли шаклдаги ялизларни қуйиб тайёрлайди, нафис ўйма нақшлар б-н безайди, анъанавий шакллар, нақш қисмларини турлича қўллаб нақш мужассамотини бойитади ва бадиий ҳунармандлик асарлари яратади. Республика музейларида 19—20-а.ларда яратилган М. буюмлари сақланади, улар шакли анъанавий мукаммал намуналари ва нақшинкор безаклари б-н ажралиб туради.

Турсунали Қўлиев.

МИСКИН (тахаллуси; асл исм-шарифи Ғуломхалил Тошмуҳаммад ўғли), (1880—Тошкент—1937) — шоир. Отаси темирчилик, михчагарлик б-н шуғулланган. Баландмачитдаги мактабда, сўнг «Кўкалдош» мадрасасида ўқиган. Дастлабки шеърлари муҳаббат мавзуида. Кўп ўтмай, шеъриятига замон саволари кириб келган. Халқимизнинг миллий-ижтимоий уйғонишида катта ҳизмат қилган «Шуҳрат» газ.ни шеър б-н қувватлаб чиққан.

М. шеърларида халқ оммасини асрий жаҳолатдан уйғонишига чақирган. Халққа эрк ва озодлик руҳини сингдириш, уларни ҳақ-ҳуқуқ учун курашга уйғотишда ўз ҳиссасини қўшган. М.нинг автобиографик шеърлари шоир ҳаётининг оғир ва мураккаб кечганини кўрсатади.

М. шеърларидан 2 девон тузган. 200 саҳифадан кўпроқ 1-девондан 1925 й.гача ёзилган ва чоп этилган шеърлари жой олган. Сўнгги шеърлари эса 2-девонда жамланган бўлиб, 160—170 саҳифани ташкил қилган. Бироқ уларнинг тақдири номаълум. 70 га яқин шеърларигина сақланган. Ушбу шеърлар шоирнинг ўз қаламига, ўз овозига эга бўлган, адабиётимиз тарихида сезиларли из қолдирган истеъдод соҳиби эканлигини кўрсатади. Шеърлари шу пайтга қадар тўпланган, ўрганилган эмас. Тошкентда М. номида кўча ва маҳалла бор.

Ад.: Асрлар нидоси, Т., 1982. Қосимов Б., Салом, келажак, Т., 1986.

МИСКИН (араб. — фақир, бечора, бахтсиз) — мақом услуби ва шаклларида яратилган туркумли куй ва ашула йўллари. Ўтмишда яшаб ижод этган бастакорнинг тахаллуси б-н аталган. Туркум 5 қисмдан иборат бўлиб, унинг I, II ва V қисмлари «М.» III—IV қисмлари «Алоии I—II» номи б-н машҳур. Улар товушқатори, лад тузилиши ҳамда куй-оҳанглари жиҳатидан ўзаро яқин бўлса-да, асосан, усул замини б-н фарқланади. Жумладан, «М.I» *наср*, «М.II» *соқийнома*, «М.III» («Алоии I») *чанандоз*, «М.IV» («Алоии II») тарона усулларидан бирида, «М.V» *уфар* доира усулларида келади. «М.» йўллари ифодали, таъсирчан, хилма-хил кайфият бағишловчи бадиий баркамол асарлар сифатида гавдаланади. Улар чолғу ва ашулалар тарзида ижро этилади. «М.» ашула йўлларидан «Фарҳод ва Ширин» мусиқали драмасида (Хуршид, В. Успенский, 1934—36) фойдаланилган.

МИСКИН ҚИЛИЧ (тахаллуси; асли исми Мулла Қилич; тахм. 1847, Хива — 1906, Гўрон) — туркман халқ шоири, бастакор ва созанда. Бухоро мадрасасида таҳсил олган. Шоирнинг қўшиқлари халқ ўртасида шуҳрат топган. Унинг қўлёзмалари сақланмаган, 100 га яқин ишқий, ахлоқий, ижтимоий мавзулардаги қўшиқлари, «Ботир Напис», «Бекзода Қурбон», «Товқи» достонлари шогирдлари ва халқ қўшиқчиларидан ёзиб олинган. «Топмадим», «Ниҳон», «Оппоққина», «Ғамзанг ўқи», «Доглар», «Янглиғ» сингари шеърларида халқнинг оғир аҳволи тасвирланган.

МИСЛИ ЎҒИТЛАР — таркибида ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклда мис бўлган микроўғитлар. М.ў. сифатида мис сульфат (мис купороси), пирит (колчедан) чиқинди ва таркибида мис бўлган ҳар хил саноат чиқиндилари ишлатилади. М.ў.га бугдой, сули, арпа, кунгабоқар, қанд лавлаги анча талабчан. М.ў. 4—6 й.да бир марта 5—6 кг/га миқдорида кузги шудгорлашда солинади. Мис купоросидан, шунингдек, экиш олдидан уруғликка ишлов бериш (0,1—0,2% ли эритмаси), *бордо суюқлиги* тайёрлашда фойдаланилади.

МИСР, Қадимги Миср — Африканинг шим.-шарқида. Нил дарёсининг қуйи оқимида жойлашган қад. давлат.

Тарихи. М.да одамлар палеолит даврidan бошлаб яшаган. Мил. ав. 10—6-минг йилликда Нил агрофилгари саванналарда тарқоқ яшаган қабилалар теримчилик, овчилик, кемирувчи ва балиқ овлаш б-н шуғулланишган. Улар орасида қад. сомий халқларига мансуб қабилалар, барбарлар ва кушитлар бўлиб, уларнинг аралашувидан мил. ав. 4-минг йилликда М. халқи вужудга келган. Аҳоли нуфусининг ортиши чорвачилик ва деҳқончиликка утишни тезлаштирган, бу эса қулдор жамоаларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Деҳқончилик қилиш учун каналлар, тўғонлар қуриш зарурияти тугилган, буниинг учун эса ўзаро уруғларда асир тушган қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Натижада жамоада ижтимоий табақаланиш рўй бериб, уруғ зодагонлари ажралиб чиққан, қабила сардорлари подшоҳларга айланган. Бир қанча майда қулдорлик давлатлар вужудга келган. Кейинчалик улар ўртасидаги кураш натижасида, шим.да Қуйи Миср, жан.да Юқори Миср подшоликлари тузилган. Мил. ав. тахм. 3-минг йилликда иккала подшолик бирлашиб, ягона давлат барпо бўлган. М.нинг кейинги тарихи 4 асосий даврга бўлинади: Илк подшолик (мил. ав. тахм. 3000—2800), Қадимги подшолик (мил. ав. тахм. 2800—2250), Ўрта подшолик (мил. ав. тахм. 2050—1700), Янги подшолик (мил. ав. 1580—1070), Сўнгги (Ливия-Саис ва Эрон) давр (мил. ав. тахм. 1070—332).

Илк подшолик даври сугориш тармоқларининг ривожланиши, тош ва мис қуролларининг мукаммаллашуви, кулолчилик чархининг пайдо бўлиши, айирбошлаш савдосининг тараққий этиши б-н характерлидир. Бу даврда давлат аппарати ва унга хизмат қилувчи амалдорлар — котиблар табақаси шаклланган, маъмурий округлар — номлар ташкил топиб, уларни номархлар бошқарган, мунтазам равишда босқинчилик юришлари уюштирилиб турилган, жумладан, жан.га — Куш (Нубия)га, шим.-ғарбга — ливияликларга ва Синай я.о.даги бадавийларга қарши (бу ерда мис конлари бор эди) юришлар қилинган.

Қад. подшолик даврида қ.х., ҳунармандчилик, савдо ва қурилиш ривожланишда давом этган. Хусусий ер эгалиги пайдо бўлган. Олий мансаблор — тчати (вазир) бош бўлган давлат аппарати мустаҳкамланган. Фиръавнлар,

шунингдек, бош коҳин ҳам бўлиб, барча ер ва фуқароларнинг эгаси ҳисобланган. Жамоа аъзолари ва қисман кетгиндилар асосан, Куш ҳоҳлисидан тушилган мунтазам қушин барпо қилинган. Илоҳийлаштирилган фиръавнларнинг мутлақ ҳокимияти тонси мажбатли мақбаралар — ҳромлар қурилишида мужассамлаштирилган. Бу айниқса III—IV сулолалар даврида (Снофру, Хеопс, Хефрен, Микерин ҳромлари) авж олган. Уларни бунёд этишда қул ва деҳқонлар меҳнатидан кенг фойдаланилган.

Мил. ав. 23—22-а.ларда М. ўзаро низоларга бўлиб бир қанча номлар ва майда давлатларга бўлиниб кетган. Тахм. 2050 й. Ментуҳотеп I даврида мамлакат Фива ш. тетемонлиги остида қайта бирлашган. Бу шаҳар М.нинг пойтахтига айланган.

Ўрта подшолик даврида, асосан, XII сулола вакиллари ҳукмронлик қилишган. Фаюм воҳасида йирик ирригация ишлари олиб борилган. Жез (бронза) буюмлари пайдо бўлган. Сурия, Крит, жан.да — Пунт б-н алоқалар кучайган. Сенусерт III даврида Куш (Нубия)нинг бир қисми М.га қушиб олинган. XII сулолага мансуб дастлабки фиръавнлар даврида ўзаро ички низолар давом этмоқда эди. Фақат Аменемхет III даврида (19-а.нинг 2-ярми) исёнкор номархлар бўйсундирилиб, марказий ҳокимият мустаҳкамланган. Иттифоқ ш. М. пойтахтига айланган. Бироқ мулкий табақаланишнинг кучайиши камбағалларнинг қўзголонига сабаб бўлган, натижада тахм. 1750 й. мамлакат яна парчаланиб кетган. Тахм. 1700 й. М.га шим.-шарқдан гиксослар бостириб кириб, мамлакатнинг катта қисмини деярли 110 й. эгаллаб тургандар. Аварисда қўним топган уларнинг подшоҳлари XV ва XVI сулолани ташкил этишган. Фивада маҳаллий ҳукмдорлар сақланиб қолган (XVII сулола). Ушбу сулолага мансуб фиръавнлардан Секененра ва Камос озодлик урушини бошлаб юборишган, бу кураш уларнинг вориси XVIII сулола асосчиси Яхмос I (Амасис) томонидан муваффақиятли якунланган. У тахм. 1580 й. гиксосларни М.дан қувиб чиқарган. Шундан сўнг тиклантан М. давлати Янги подшолик деб аталган. Бу даврда жездан кенг қўлланила бошланган, темирдан ишланган дастлабки буюмлар пайдо бўлган, металлсозлик, тўқимачилик дастгоҳи ва омоч такомиллашган, ғилдиракли аравалар кенг тарқалган, шишасозлик ривожланган. Бўйсундирилган ва қўшни мамлакатлардан ўлпон сифатида ва айирбошлаш йўли б-н ҳом ашё олиб келинган, жумладан, кумуш, кўргошин, мис, ёғоч материаллари Сурия ва Фаластиндан, олтин, фил суяги Куш(дан, хушбўй атирлар, олий нав дарахт кўчатлари Пунтдан келтирилган. Малика *Хатшепсут* томонидан Пунтга жўнатилган флот ҳақидаги маълумот сақланган. Хусусий қулчилик ниҳоятда кенг ривожланган. Мукаффақиятли ҳарбий юришлардан сўнг 10 минглаб қуллар келтирилган. Тинимсиз давом этган урушлар XVIII—XX сулолалар фиръавнларини қушни туташишини такомиллаштиришга мажбур қилган, қушин асосини ҳодати аравакашлар ташкил қилган. Ишда қушин учун намунавий қурол, хусусан, ўлама камон жорий этилган. Бу тадбирлар армининг жанговарлик қобилиятини оширган. Яхмосинин ворислари Тутмос I, айниқса, Тутмос III, Аменхотеп II шимда Сурия ва Фаластинни, жан.да — Куш(нинг бир қисмини М.га қушиб олганлар. Митанни, *Бобил* ва *Хетт подшолиги* б-н мунтазам дипломатик алоқалар ўрнатилган. Аменхотеп III даврида (15-а.нинг 2-ярми) М. ўз қудратининг юксак чўққисига етган. Фиръавнлардан катта ерлар, қуллар, олтин ва б. олиб турган ибодатхоналар мавқеининг ортиши коҳинларни подшо ҳокимияти б-н тўқнашувига олиб келган. Коҳинлар ва зодагон номлар мавқеини пасайтириш мақсадида Аменхотеп IV (Эхнатон) майда ва ўрта ер эгаларига тааниган ҳолда диний ислоҳот ўтказган, хусусан, эски маъбудларга сигинишни бекор қилиб, ягона қуёш маъбуди — Атонга сигинишни жорий қилган. Эхнатон ўз қароргоҳини янги қурган шаҳри Ахетатонга (ҳоз. Ал-Амарна) кўчирган. Фиръавн б-н коҳинлар ўртасидаги кураш М.ни заифлаштирган; 14-а.нинг 1-ярмида у шим.даги барча мулкларидан ажралган. Эхнатоннинг вафотидан сўнг фиръавнлардан Тутанхамон ва Хоремхеб даврида коҳинлар ва зодагонлар эски динни тиклашга эришганлар. XIX сулоланинг энг машҳур вакили *Рамсес II* даврида Сурияни эгаллаш учун хетт-



лар ўз-н кураш олиб борилган. Мил. ав. 13-а.нинг 2-ярми —12-а. бошида, фиръавнлар Мернептах ва Рамсес IV даврида «денгиз халқлари» ва ливияликлар босқини қайтарилган.

Узоқ давом этган урушлар М.нинг иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан заифлашувига олиб келган; XX сулола ҳукмронлигининг охирига келиб Сурия ва Кушнинг жан. вилоятларидаги мулклар қўлдан кетган. Рамсес XII даврида (мил. ав. тахм. 1070 й.) Фивадаги ҳокимият амалда Амон маъбудининг олий коҳини — Херихор қўлига ўтган.

Сўнгги (Ливия — Саис ва Эрон) даврида темирдан фойдаланиш, пул муомаласи кенг тарқалган. 11-а.нинг 2-ярми —10-а. бошида М.нинг навбатдаги парчаланишидан сўнг ливиялик ҳарбийлар раҳбари Шешонк 10-а. ўртасида Бубастисда ҳокимиятни қўлга олиб, XXII сулолани бошлаб берган. Бу сулола фиръавнлари М.ни ягона давлат қилиб бирлаштиришга интилганлар. Мил. ав. 8-а. 2-ярмида М. Кушга тобе бўлиб қолган (XXV сулола), мил. ав. 671 й. эса ассурияликлар томонидан босиб


ҚАЛИМГИ МИСР

Фиръавн Жосер ўликлар ибодатхонасида (Саккара мақбарасидаги ҳайкалнинг бош қисми, мил. ав. тахм. 2600; Қоҳира, Миср музейи).

Мисрликлар маъбуди Тот — иероглиф ёзуви ихлосмори (папирус; Лондон, Британия музейи).

олинган. Саис ҳокими Псамметих I (663—610) юнон ва карияллик ёлланма қўшин ёрдамида мамлакатни озод қилишга ва уни бирлаштиришга эришган. У ва унинг вориси Нехо II даврида Юнонистон ва Шарқий Ўрта денгизининг бошқа мамлакатлари б-н мустаҳкам савдо алоқалари ўрнатилган. Дельтада юнонлар манзилгоҳи (колонияси) Навкратисга асос солинади, Нилни Қизил денгиз б-н боғловчи канал қазилади; Нехо II томонидан юборилган финикиялик денгизчилар Африка қитъасини Шарқдан Ғарбга айланиб ўтишган. Нехо II, Псамметих II ва Априй Сурия ва Фаластинга эгалик қилиш учун Бобил б-н кураш олиб боришган. Бироқ заифлашиб қолган М. Эрон подшоси Камбис қўшини зарбасини қайтара олмаган ва мил. ав. 525 й. *Ахоманийлар давлати* таркибига қўшиб юборилган. Мил. ав. 331 й. *Александр* (Искандар Мақдуний) ахоманийларга қарши юриши чоғида М.ни босиб олган. Шундан сўнг М. эллинистик дунёнинг бир қисмига айланган. Македониялик Искандар томонидан асос солинган *Искандария* ш. энг йирик савдо ва маданий марказга айланган. М.да ҳунармандчилик ва савдонинг янги марказлари вужудга келган, савдо алоқалари (Арабистон ва Ҳиндистонгача) кенгайган, Ғарб ва Шарқ давлатлари маданиятларининг уйғунлашуви содир бўлган. Мил. ав. 2-а.нинг охирига келиб и.ч. пасайган, бозорлар камайган, иқтисодий ва сиёсий тушкунлик рўй берган. Мил. ав. 2-а. бошларида *Салавкийлар давлати* ва *Македония* б-н бўлган урушлардан сўнг М. кўп ерларидан ажралган. Мамлакатда ўзаро ички низолар, халқ ғалаёнлари авж олган. Бу даврда Рим М.нинг ички ишларига аралаша бошлаган. М. зодагонлари унинг ёрдамида ғалаёнларни бостиришга ҳаракат қилган. Бу М.ни римликлар томонидан босиб олинишига имкон берган, натижада мил. ав. 30 й.дан М. — Рим вилояти. Мил. 395 й. Рим империяси бўлингач, Шарқий Рим империяси (Византия) вилояти. 619 й. Эрон шоҳи Хусрав II Византиянинг заифлашиб қолганидан фойдаланиб, М.ни босиб олган. 639—642 й.ларда М.ни араблар забт этган. М.нинг кейинги тарихи ҳақида *Миср Араб Республикаси* мақоласига қаранг.

Қад. Миср ҳукмдорлари. Илк подшолик. 1-сулола: Менес, Жер, Ден, Семерхет, Ка. 2-сулола: Хотеп-Сехемуи, Небра, Перибсен, Хасехем, Хасехемуи. Қад. подшолик. 3-сулола: Жосер, Сехемхет, Неферка. 4-сулола (мил. ав. 28—26-а. ўрталари): Снофру, Хеопс (Хуфу), Хафра (Хефрен), Микерин (Менкаура), Шебсескаф. 5-сулола (мил. ав. 26—25-а.лар): Усеркаф, Нефериркара, Неусерра, Исеси, Уна. 6-сулола: (мил. ав. 25—23-а. ўрталари): Тети I, Пиопи I, Меренра I, Пиопи II, Меренра II. 7, 8, 9-сулолалар (мил. ав. 23—22-а. ўрталари). 10-сулола (мил. ав. 22—21-а. ўрталари). 11-сулола: Антеф I Сехертауи, Менхухотеп III Небхепетра.

Ўрта подшолик. 11-сулола: Ментухотеп IV Санхкара (2015—2007), Ментухотеп V Небтауира (2007—2000). 12-сулола (2000—1787): Аменемхет I (2000—1970), Сенусерт I (1970—1934), Аменемхет II (1934—1896), Сенусерт III (1884—1849), Аменемхет III (1849—1801). 13- сулола (1785—1700). 14-сулола (1680 й.гача). 15- ва 16- (гиксослар) сулола (1700—?). 17-сулола (1680—1580): Сенеченра, Камос. Янги подшолик. 18-сулола (1580—14-а. ўрталари): Яхмос I (1580—1559), Аменхотеп I (1559—1538), Тутмос I (1538—1525), Тутмос II ва Хатшепсут (1523—1503), Тутмос III (1503—1491), Аменхотеп III (1455—1419), Аменхотеп IV (Эхнатон, 1419—1400), Тутанхамон (1400—1392), Хоремхеб (14-а. ўрталари). 19-сулола (1342—1206): Сети I (1337—1317), Рамсес II (1290—1224). 20-сулола (1204—1085): Рамсес IV (1204—1180), Рамсес XII (1112—1070). Сўнгги подшолик (мил. ав. 11—4-а.лар). 21-сулола (1085—950): Херихор (Фиваг), Смендес (Танис) (1035—1054), 22- (ливияликлар) сулола (950—730): Шешонк (950—929), Осоркон I (929—893), Такелот I (893—870), Осоркон II (870—847), Шешонк III (823—772). 23-сулола (817—730): Петубаст (817—763), Шешонк IV (763—757). 24-сулола (730—715): Бокхорис (720—715). 25- (нубияликлар) сулола (751—656): Пианхи (751—716), Шабака (716—701), Шабатака (701—689), Тахарқа (689—663), Танутамон (663—656). 26- саис (сулола) (663—525): Псамметих I (663—610), Нехо II (610—594), Псамметих II (594—588), Априй (588—569), Яхмос II (569—525). 27- (форслар) сулола (525—404, яна қ. *Ахоманийлар*). 28-сулола (404—398). 29-сулола (398—378). 30-сулола (378—341). 31- (форслар) сулола (341—322, яна қ. *Ахоманийлар*).

Маорифи. Қад. подшолик даврида фиръавнлар саройида бўлажак мирзаларни тайёрлайдиган мактаблар ташкил қилинган. Кейинчалик ибодатхоналар ва ирик давлат идоралари қошида ҳам мактаблар очилган. Мактабда 5 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ўқитилган. 12 ёшдан бошлаб талабалар идораларда мирзалик қилишган. Машғулотлар тонг саҳардан кечгача давом этган; мактабда қаттиқ интизом жорий этилган, таъна жазоси қўлланилган. Ўқув, ёзув ва ҳисоб асосий фанлар бўлган. Ўқув предметларидан ташқари, мактабда гимнастика машғулотлари ва сузиш, яхши муомала ҳам ўргатилган. Йўналтирмалар қошидаги мактабларда умумий ва аниқ билимлар б-н бирга астрономия, табиат ўргатилган. Болаларнинг бўлажак қасби қошидаги бошлиқлари тавсияларидан ҳарбий мактабларда таълим олишган.

Шаҳзода Рахотеп ва Нофрет (бўяма оҳак, мил. ав. тахм. 2600; Қоҳира, Миср музейи).

Техника ва фани. Нил водийсида пахсадан ғарбийлик, меҳнат қуроллари ишланган. Кейинчалик неолит даврида (мил. ав. 5-минг йиллик) аҳоли очилмаган чорвачилик, сунъий деҳқончиликка ўтиши б-н тош, сўнг ва ёгочдан ишланган дастгоҳки қ.х. асбоблари — чўкич, ўроқ ва б. пайдо бўлган. Мил. ав. 4-минг йилликдан бошлаб, мис ишлатила бошланган, кулолчилик дастгоҳи пайдо бўлган. 3-минг йилликдан шиша ишлаб чиқариш ривожлана бошлаган. 2-минг йилликдан эса ғилдиракли транспорт қўлланила бошланган. Темирдан ясалган илк буюмлар мил. ав. 2-минг йиллик ўрталарига оиддир. Мисрликлар олтин ва кумушдан ҳақиқий санъат асарларини яратганлар. Сунъий суғоришдан кенг фойдаланилган, канал ва тўғонлар бунёд этилган. Юқорига сув чиқариш учун лайлак (ҳавзага-шалуф), чигир (саккиҳ)дан фойдаланишган. Илк подшолик даврида омоч пайдо бўлган.

Қад. Миср да асосий қурилиш материали сифатида лой ва қамишдан фойдаланилган. Фиръавнлар саройи ва қалъалар қурилишида ҳом гишт ишлатилган. Тошларга сайқал беришда мисрликлар ажойиб ютуқларга эришганлар. Эҳромлар қурилида ишлатиладиган катта тош плиталарни юқорига ричаг, ҳавзага ёрдамида кўтарганлар. Мат., астрономия тараққий этган. Коҳинлар ва мирзалар оддий асбоблар (чизғич, тош боғланган ип) ёрдамида сайёралар ва юлдузларнинг ҳолатини белгилашган. Вақтни белгилаш учун қуёш ва сув соатлари (клепсидралар)дан фойдаланганлар. Содда географик хариталар ва шаҳар лойиҳаси режалари тузилган. М.ликлар планиметрия, айниқса, стереометрия соҳасида билимли бўлишган; тўғри тўртбурчаклар, учбурчаклар, айланалар юзаси, оддий ва кесик пирамидалар сирти ва ҳажмини ҳисоблаб чиқишган. Йил 3 мавсум (тошқин, ўрим, қурғоқчилик) ва 12 ойга бўлинган. Ҳар ой 30 кундан иборат бўлган, йил охирида қўшимча 5 кун киритилган, бу ҳар 4 йилда астроном йил б-н календарь йили ўртасидаги 1 кунга фарқ қилинишига имкон берган. Жарроҳлик ривожланган, табиблар бош мияни очганлар, тишларга пломба қўйганлар. Жасадларни мумиёлашда

Беш поғонали эҳром (Саккара; мил. ав. 2640, меъмор Имхотеп).

Фиръавн Тахарқа улкан ҳочин киёфасидаги мажбуд, Горга сажда қилмоқда (сарқал жез; Париж, Лувр).

гурли ғалла хушбўйликлар, дори-дармонлар, ёғсқлар ва б.ни тайёрлашган.

М.ликларнинг турли соҳалардаги ютуқлари жаҳон фанининг ривожига муҳим ҳисса қўшган. Юнонлар М.ни қад. донишмандлар юрти деб, М.ликларни эса уз устозлари деб ҳисоблаб келишган.

Мифология ва дини. М. мифлари орасида марказий ўринни дунёни яратилиши, инсонларни қилган гуноҳлари учун жазолаш, қуёш худоси Ра б-н илон Апоп образидаги зулмат кучлари ўртасидаги кураш, Осирисининг ўлими ва қайта тирилиши ва б. эгаллайди.

М.ликлар дини илк уруғдошлик жамоаларида вужудга келган. Диний анъаналар мустаҳкам ва турғун бўлган. *Фетишизм*, *тотемизм* айниқса, ҳайвонларга топиниш, М.да узоқ вақт давом этган. Политеизм мавжуд бўлган. Деярли ҳар бир маъбуд қандайдир ҳайвон кўринишида тасвирланган. Мас., Анубис маъбуди бўри, маъбуда Баст — мушук кўринишида тасвирланган. Кейинчалик маъбудлар инсоний қиёфа олган. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғуллана бошлагач, турли хил табиат кучларини ўзида ифодаловчи маъбудларга, жумладан, осмон (маъбуд Нут), Ер (маъбуд Геб), Қуёш (маъбуд Ра), Ой (маъбуд Тот) ва б. га сиғиниш кучайган. Хапи маъбуди образида М.лик деҳқонлар Нил дарёсига сиғинишган. М.да жуда бой диний ва жоду китоблари яратилган. Афсунлар, дуолар, шарҳлар, маъбудларга илтижолар тўплам қилинган (мас., «Эҳром матнлари», «Сарқофа матнлари», «Мурдалар китоби» ва б.). Қад. М. ироҳиёти антик дунё динларида кенг тарқалиб, христиан ақидалари, урф-одатларига катта таъсир кўрсатган.

Адабиёти. М. тилида ёзилган энг қад. ёдгорликлар мил. ав. 3-минг йилликка, сўнггилари эса мил.нинг бошларига оиддир. М. адабиёти намуналари бизгача кўплаб иероглиф, иератик ва демотик матнларда етиб келган. М. адабиёти дунёдаги энг қад. адабиётлардан биридир. М. адабиётининг асосий жанрлари: эртаклар, қиссалар, мадҳиялар ва дуолар, дидактик асарлар, масаллар, достонлар, севги лирикаси ва б.дир.

Бадиий адабиёт ёдгорликлари б-н бирга М. адабиётига эҳром матнлари ва адабий салоҳиятга эга бўлган шоҳлар ва амалдорларнинг битиклари ҳам киритилади. М. адабиёти қадимда бошқа халқлар адабиётига, жумладан, юнон адабиётига (айниқса, юнон-Рим) ҳам таъсир кўрсатган. Баъзи сюжетлар юнонлар орқали Европа халқлари адабиётига кириб келган.

Меъморлик, тасвирий ва амалий-безак санъати. Дин ва илоҳийлаштирилган фиръавн культи эҳтиёжларига хизмат қилиши лозим бўлган М. санъати ўз ғояларини қатъий белгиланган шаклда ифодалаган. Меъморлик фиръавнлар ҳокимиятининг қудратини, улуғворлигини ва машҳурлигини кўрсатишга қаратилган, шу мақсадда бино (эҳром, ибодатхона, саройва б.) ларнинг улкан, ҳашаматли бўлишига аҳамият берилди.

Нил дарёси водийсидаги бадиий маданият ёдгорликлари қадимдан маълум. Мил. ав. 5—4-минг йилликларда лой ва қамишдан қурилган турар жойлар ўрнига аста-секин ёғоч ва ҳом гиштдан тўғри тўртбурчак тарҳли турар жойлар қурилган. Илк подшолик даврида қад. М. санъати тамойиллари, турлари ва жанрлари шаклланган. Бу даврда диний меъморликнинг асосий тури — *мастабалар* тўғри тўртбурчак тарҳда кўплаб қурилган. Ҳайкалтарошликда геометрик уйғунлик, симметрия ва статистикага эътибор берилган (фиръавн Хасахем ҳайкали, мил. ав. 3-минг йиллик бошлари).

Қад. подшолик даврида бадиий усуллар такомиллашган, янги меъморий типлар пайдо бўлган. Меъмор Имхотеп эҳромининг меъморий типини яратади. У фиръавн Жосер учун Саккарада марҳумлар руҳига бағишлаб маросимлар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI
TOSHKENT VILOYATI CHIRCHIQ
DAVLAT PEDAGOGIKA
AXBOROT



ўтказиладиган мажмуа бунёд этади, унинг марказида погонали мақбара — эҳром (бал. 60 м., асоси 109,2×121 м) қурган. Кейинчалик Қад. подшолик меъморлари фақат эҳром шаклларини такомиллаштирганлар. Гизада меъмор Хемиун фиръавн Хеопс учун қурган эҳром (бал. 146,59 м, асоси 233×233 м), шунингдек, фиръавнлар Хефрен (бал. 143,3 м, асоси 215,25×215,25 м), Микерин (бал. 62 м, асоси 108,4×108,4 м) эҳромлари (барчаси Гизада) шундай иншоотлар қаторига киради. Қад. подшолик даврида ибодатхоналарнинг янги типи пайдо бўлган, улар одатда М.нинг бош мазбуди — Қуёш мазбуди Рага бағишланган. Тўғри тўртбурчак тарҳли бундай ибодатхонани, одатда, очиқ ҳовлиси бўлиб, унинг чеккаларида саждагоҳлар ва унга олтин қопланган обелиск жойлашган. Мақбара ва ибодатхоналар деворий расмлар, рельеф ва ҳайкаллар б-н безатилган. Бу даврда ҳайкал портретлар санъати тараққий этди. М.ликлар тасаввурича ҳайкал портретлар марҳумларнинг қиёфасини ролини ўтаб, марҳумларнинг руҳлари жойлашган жой вазифасини ўташган.

Ўрта подшолик даврида М. санъатида бир қатор янги хусусиятлар пайдо бўлган. Фиръавнларнинг мақбаралари ўз маҳобатини йўқотган, улар кўпинча қоя тошларга ўйиб ишланган, ирригация иншоотлари (каналлар, тўғонлар, дамбалар, Файюм теварагидаги сув омборлари) қурилган, шаҳарларнинг роли ошган. Шаҳар қисмлари табақавий бўлиниш асосида қурилиб, улар девор б-н ажратилган. Ўрта подшолик тасвирий санъатида реалистик тенденциялар кучайган. Номархларнинг мақбараларидаги деворий расмлардаги маиший кўринишлари жонли ишлашга, ўсимлик, ҳайвон, қушларни жозибадор кўрсатишга, ҳайкалларда моделнинг характерини, ёшини ва б.ни ифодалашга аҳамият берилди (фиръавнлар Сенусерт III ва Аменемхет III портретлари ва ҳайкаллари, мил. ав. 19-а.).

Гиксослар истилоси (милл.ав. 1700—тахм. 1580 й.лардан кейин Қад. М. санъати тушкунлик даврини бошидан кечириб, Янги подшолик даврида катта равнақ топди. Осиёга қилинган зафарли юришлар, М. бойлигини оширди, биноларда ҳашам кўпайди. Расмлар ва деворий расмларда шеҳатлар, тантаналар, ов манзаралари акс эттирилди, манзара жанрига алоҳида эътибор берилди (Рехмир, Нахт, Жесеркарасенеб мақбараларидаги деворий расмлар, мил. ав. 15-а. охири). Янги подшолик даври меъморлигида очиқ типдаги ибодатхона — саждагоҳлар кенг тарқалган. Бу ибодатхона деворларига фиръавнларнинг талабалари акс этган деворий расмлар ишланган (Амон-Ра маъбудининг Карнакдаги, мил. ав. 16—12-а.лар ва Луқсордаги ибодатхонаси, мил. ав. 15—13-а.лар). Фиръавн Эхнатон ҳукмронлиги даврида эски маъбудларга сиғиниш бекор қилинган, янги маъбуд — Атонга сиғиниш жорий қилинган. Янги пойтахт — Ахетатон қурилган. Ҳайкалтарош Тутмес яратган фиръавн ва унинг хотини *Нефертити* портретлари Қад. М. санъатининг нодир намуналари сифатида ҳозиргача етиб келган. Мил. ав. 14-а.нинг 1-ярмида тасвирий санъатда қуруқ декоративлик кўпроқ кўзга ташланди (фиръавн Тутанхамон мақбарасидан топилган олтин ниқоб ва б.). Мил. ав. 14-а.нинг 2-ярмидан ибодатхоналар қурилиши кенгайган бу даврда биноларнинг дабдабали ва маҳобатли бўлишига эътибор қаратилди (Карнакдаги 134 колоннали, девор ва колонналарига рангдор рельефлар ишланган ибодатхона). Қоя ибодатхоналари ҳам кўплаб қурилган (Абу Симбаллаги Рамсес II нинг катта ибодатхонаси).

Қад. М.да амалий-безак санъати юксак даражада тараққий этганлигига бизгача сақланиб қолган шифер, ганч, биллурдан ишланган идишлар, фил суяги ва ёғочдан ясалган қошиқчалар, тилла балдоқ, узук, мунчоқлар, қимматбаҳо тошлар қалаб, уйма нақш, тасвир ишланган қўнғичлар, баланд мебель ва б. мисол бўлиши мумкин.

М. Александр томонидан босиб олингач, мамлакат эллинистик маданият кенгичалик Қад. Рим маданияти таъсир доирасига кирган (Эфсундаги маъбуд Гор ибодатхонаси, мил. ав. 3—1-а.лар, Фаюм воҳасидан топилган рангтасвир портретлар, мил. 1—4-а.лар). М Византия ҳукмронлиги остига утиши б-н (4-а. охири), мамлакатда христиан санъатининг ўзига хос мактаби қурилиши шаклланган. Мамлакатни араблар фатҳ этган (7-а.). М араб маданияти тарқалган вилоятлардан бирига айланган.

Мусиқаси. М. мусиқа маданияти — энг қад. маданиятлардан бири. Бизгача етиб келган мусиқа маданиятининг илк модели ёдгорликлари мил. ав. 3-минг йилликка мансуб. Бундан турли мусиқа асбоблари — шиқилдоқ, тарақа, ҳамда чиғаноқлардан ясалган ҳуштакларлар. Мақбаралар деворларига ишланган барельефлар мазкур гуруҳда мусиқа кенг тарқалганлиги тўғрисида маълумот беради. Оммавий байрамлар, диний маросимлар, меҳнат жараёнлари мусиқасиз утмаган. М.да бир овозли мусиқа ривож топган. Янги подшолик даврида кўп овозли мусиқанинг содда шакллари ҳам пайдо бўлган. Рақслар, саҳна томошалари, бадиий адабиёт мусиқа б-н узвий боғлиқ бўлган. Арфа, най, ёғоч ва жез карнай, орган, урма мусиқа асбоблари кенг тарқалган. Қад. М.да мусиқа ижрочилари — профессионал мусиқачи — шоирлар мўътабар зот саналиб, фиръавнларга қариндош деб ҳисобланишган. Эллинистик ва Рим даврида М.да мусиқа ўзига хослигини сақлаб қолган. Рим ҳукмронлиги барҳам топгач, турк, араб ва б. халқлар мусиқа маданияти б-н узвий боғлиқ бўлган. М. мусиқа маданияти тараққиётининг янги босқичига кўтарилган.

Осирис суди. «Ўликлар китоби». Папирус. 19-сулола.

Жанг саҳнаси. Тутанхамон мақбараси (ёғоч қутидаги нақш. Фива. 18-сулола).

Ас Хрестоматия по истории Древнего Востока, под ред. В. В. Струве и Д. П. Ресера. М., 1963. Струве В. В. Клинчи Шарк тарихи. Т., 1956. Тураев Б. А. Египетская литература. т. 1. М., 1920. Матье М. Э. Искусство Древнего Египта. М., 1968. Всеобщая история архитектуры. т. 1. М., 1970. Закс К. Музыкальная культура Египта, в кн.: Музыкальная культура древнего мира. [Сб. статей]. Л., 1937. Лауэр Ж. Ф. Дальний египетских пирамид, пер. с франц., М., 1966. Нейгебауер О. Точные науки в древности, пер. с англ., М., 1968.

Муҳаммаджон Раҳимов, Абдисалат Мавроматов

МИСР, Миср Араб Республикаси (Жумҳурия Миср ал-Арабия) — Африканинг шим.-шарқи ва қисман Осиё (Синай ярим ороли)нинг давлат. Майд. 1001,4 минг км². Аҳолиси 69,5 млн. киши (2001). Пойтахт — Қоҳира ш. Маъмурий жиҳатдан 27 муҳофаза бўлинади.

Давлат тузуми. М. — республика. Амалдаги конституцияси 1971 й. 11 сент.да референдумда маъқулланган, кейинчалик унга ўзгартиришлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (1981 й.дан Муҳаммад Ҳусний Муборак). Ваколат муддати — 6 й. Чекланмаган марта қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни президент амалга оширади; у бош вазир ва ҳукумат аъзоларини тайинлайди ҳамда лавозимларидан озод қилади.

Табиати. М. ҳудудининг деярли ҳаммаси чўл зонасида жойлашган. Шундан фақат 3,5% (35 минг км²) Нил дарёси дельтаси ва водийсига тўғри келади. Рельефи ва геологик тузилиши жиҳатидан М. ҳудуди шартли равишда тўрт юнага бўлинади: 1) Ливия чўли; 2) Арабистон чўли; 3) Синай я.о.; 4) Нил дарёси водийси ва дельтаси. Рельефи, асосан, текислик; Қизил денгизга яқин ерлар тоғликдир. Ливия чўли платосининг баландлиги шим.да 100 м, жан.да 600 м, жан.-ғарбда 1000 м гача бўлиб, ер юзаси қум ва тошлоқ. Арабистон чўли ясситоғлиги шарқда 700 м гача кўтарилган, бу ерда бал. 2000 м гача бўлган тизмалар бор. Нил водийсига яқин жойларнинг бал. эса 100—200 м. Ясситоғлик кристалли жинслардан тузилган. Нил водийсининг кенглиги (М. чегарасида) жан.да 1—3 км, дельтага яқин жойда 20—25 км. Синай я.о.нинг ²/₃ қисмини Ат-Тиҳ қирлари эгаллаган. Ярим оролнинг жан.да бал. 2641 м гача бўлган тоғлар бор. Фойдали қазилмалардан: темир, марганец, мис, рух, қўрғошин, вольфрам, молибден, уран ва олтин, шунингдек, нефть, табиий газ, фосфорит, ош тузи, оҳактош бор. Синай я.о.да кўмир конлари мавжуд.

Мамлакатнинг катта қисмида ҳаво қуруқ ва кам бўлутли, тропик континентал чўл иқлими, ёзги аҳён-аҳёнлигича етади. Ҳароратнинг суткалик фарқи катта. Мас., чўлда кундузи т-ра 50° бўлса, кечаси 0°. Ўрта денгиз бўйида сўётропик, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши юмшоқ ва серёғин. Ёзи иссиқ ойлари (июль—авг.)нинг ўртача т-раси Искандарияда 25°, Қоҳирада 27°, Асвонда 33°. Энг салқин ойлари (янв.—фев.)нинг т-раси Искандарияда 14°, Қоҳирада 12°, Асвонда 16°. Апр. ва май ойларида 50 кунгача чўл шамоли (хамсин) исиб туради. Ўртача йиллик ёғин Искандарияда 180 мм, Қоҳирада 34 мм, Асвонда 7 мм, Асвонда 3 мм. Ёғин аксари қишда муддатли жала бўлиб ёғади.

Мамлакатдан биргина Нил дарёси ўтади. Унинг суви тўғонлар ёрдамида тартибга солинган. Баланд Асвон тўғони қурилгач, мамлакат жанубида Носир номидаги катта сув омбори вужудга келди. Воҳаларда сизот сувларидан кенг фойдаланилади. Майда кўл кўп. Нил дельтасида каналлардан суғоришда фойдаланилади. Айрим каналларда кема қатнайди.

Жан.дан шимол томон дастлаб сариқ-кўнғир чўл тупроғи, сўнгра бўз тупроқ (араблар бодия — «чўл» тупроғи дейишади), тақир бўз тупроқ, шўрхоклар. Нилнинг дельта қисми — ботқоқ тупроқ. Мамлакатнинг ғарбий қисмида кўчма қумлар бор. Нил водийси ва дельтасининг тупроғи жуда унумдор.

М. ҳудудининг катта қисми сувсиз ва ўсимликсиз чўлдардир. Кесрофит ва линайниклар, қисман дарахтсимон ўсимликлар, Ливия чўлининг шимда қичда эфемерлар ўсади. Кўпроқ бутасимон ва ўт ўсимликлар тарқалган. Нил водийсида, асосан, маданий ўсимликлар экилади. Ўрта денгиз соҳилларида чалов, чўл пиёзи, наъматак, янтоқ ва б. бор.

Ҳайвонлардан судралувчилар, жумладан, калтакесак кўп. Чўлларда чиябўри, тулки, сиртлон ва б. ҳайвонлар учрайди. Нил бўйида гоз, оққуш, ўрдак, шунингдек, йиртқич қушлар бор.

Аҳолисининг 98% миср лик араблар. Нубийлар, барбарлар, копт (қибт)лар (маҳаллий христианлар) М.нинг туб аҳолиси бўлиб, мамлакатга келган араблар б-н аралашиб кетган қад. мисрликларнинг авлодларидир. Греклар, арманлар, итальянлар, инглизлар, французлар ҳам яшайди. Расмий тил — араб тили, деярли бутун аҳоли шу тилда гаплашади. Аҳоли, асосан, ислом динининг суннийлик йўналишида; христианлар 10% ни ташкил этади. Аҳолининг 43,9% шаҳарларда истиқомат қилади. Энг йирик шаҳарлари: Қоҳира, Искандария, Порт-Саид, Исмоилия, Танта, Сувайш, Ал-Мансура, Даманҳур, Ал-Маҳаллат-ул-Кубро.

Тарихи. М. — инсоният тамаддуни (цивилизацияси)нинг илк маконларидан бири (қ. *Миср*, Қадимги Миср). 3—4-а.лар М. Рим империяси таркибига кирган. Рим империяси емирилгач (395), Византиянинг бир вилояти бўлиб қолди.7-а. бошларида бутун М. аҳолиси Византиянинг расмий православ черковига қарши бўлган христианларининг монофисит мазҳабини қабул қилди. Аҳоли копт (қибт) тилида сўзлашар эди. Шу даврда М.ни *сосонийлар*, 639—642 й.ларда эса араблар босиб олди ва мамлакатда ислом дини тарқала бошлади. Кейинчалик *тулуғийлар* (868—905), *аббосийлар* (905—935), ихшидийлар (935—969) сулолалари ҳукмронлик қилди. *Фотимийлар* даври (969—1171)да Фаластин, Шом (Сурия) ва Ғарбий Арабистон М.га қарам бўлган. 1113 й. салиб юриши қатнашчилари М.га бостириб кирди. Шим. Сурия ва Ироқдаги салжуқийлар нойби Нуриддин Маҳмуд ибн Занги (1146—74) салибчиларга қарши курашда Фотимий халифа Адид (1160—71) га катта ёрдам берди. Унинг эвазига халифа уни вазир қилиб тайинлади (1169). 1171 й. *айюбийлар* сулоласи (1171—1250) нинг асосчиси Салоҳиддин тахтга чиқди. 1174 й. эса у султон номини олди. 1187 й. Сурия ва М. ғарбий кучлари бирлашиб, салибчиларга қақшатқич зарба берди ва Фаластин б-н Сурияни улардан озод қилди. М.да 13-а. ярмигача Айюбийлар, 14—15-а.ларда мамлуклар ҳукмронлик қилди.

1517 й. турк султони Салим I М.ни эгаллаб, уни Усмонли турк давлати таркибига қўшиб олди. 18-а. 2-ярмидан Усмонли турк салтанати таназзулга учрай бошлади. Бундан фойдаланган мамлук бекларидан Алибей мустақил давлат тузишга эришди (1769). Алибейнинг вафотидан сўнг тахт учун кураш кучайди. 18-а. охири — 19-а. бошларида Франция ва Англия М.ни босиб олишга ҳаракат қилдилар. 1798 й. М.ни Наполеон армияси эгаллади. 1801 й. да инглиз флоти француз флоти устидан галабага эришди. 1805 й. да ҳокимият *Муҳаммад Али* пошо қўлига ўтди. Муҳаммад Али М.ни кучли, мустақил давлатга айлантириш мақсадида мамлук бейларига қарши кураш олиб борди. Мамлакат иқтисодиётининг асоси бўлган қ.х.ни ривожлантирди. Бу даврда биринчи мовут, тўқимачилик ф-калари, металлургия, қанд, ойна з-да-

ри қурилди. Европа усулидаги мактаблар очилди, ёшлар ғарб давлатларига ўқишга юборилди. Француз ҳарбий маслаҳатчилари ёрдамида армия қайта тузилди. Маҳаллий аҳоли армияга олина бошлади (илгари фақат ёлланма аскарлар бўлар эди). Муҳаммад Али Сурия, Фаластин ва Арабистон я.о.нинг бир қисмини босиб олди (1831—33). Туркияга қарамликдан қутулиш учун 1831 й.да унга қарши уруш очиб, турк армиясини маглубиятга учратди. Лекин Англиянинг иккинчи Туркия-М. уруши (1839—40)га аралашуви натижасида М. армияси енгилди. Бундан ташқари, Англия 1838 й.ги инглиз-турк савдо битимидаги шартларни М.га мажбуран қабул қилдирди. Бу эса мамлакатга инглиз моллари кўплаб кириб келишига йўл очиб берди. Сувайш канали ишга туширилиши (1869) б-н Англия ва Франция М.да зўр бериб ўз ҳукмронлигини ўрнатишга уринди. 1882 й. инглизлар армияси М.ни эгаллаб олди ва халқ қўзғолонини шафқатсиз бостирди. Мамлакатда мустамлака тартиби ўрнатилди. Инглизлар банк ва молия ишларини, ирригация қурилишлари, алоқа йўлларини ўз қўлларига олди. М. фақат пахта етиштиришга ихтисослашган давлатга айланиб қолди. 20-а. бошларида Мустафо Комил (1874—1908) раҳбарлигида миллий озодлик ҳаракати авж олди. Аммо мустамлакачилар халқ ҳаракатини бостирдилар. 1914 й.да М.да Британия протекторати ўрнатилди.

1918 й.да Зағлул Саъд бошчилигида «Миср делегацияси» (кейинчалик «Вафд») партияси тузилди. Бу партия 1919—1924 й.ларда инглизларга қарши кўтарилган қўзғолонга бошчилик қилди. Халқнинг қураши натижасида инглиз протекторати бекор қилиниб, М мустақил подшоҳлик деб эълон қилинди (1922). 1923 й. М. конституцияси қабул этилди. Бу конституция парламент тузишни назарда тутди. У айрим эркинликлар — сиёсий ташкилотлар тузиш ва матбуот эркинлигини берди, шу б-н бирга, подшоҳга депутатлар палатасини тарқатиш, парламент чақириқларини муддатини суриш, вазирларни тайинлаш ва бўшатиш ҳуқуқини ҳам берди. Шундай бўлса-да, Англия М.да ўз мавқеини, яъни давлат идоралари ҳамда ҳарбий кучлар устидан назоратини, мамлакатда инглиз армиясини сақлаб қолди. Парламент сайловида «Вафд» партияси галабага эришди ва Зағлул Саъд бошчилигида янги ҳукумат тузилди. Бироқ мамлакатда миллий озодлик кураши тўхтамади.

1936 й. Англия б-н М. ўртасида шартнома тузилди. Шартномага мувофиқ, инглизлар М.ни босиб олинини тўхтатдилар, лекин мамлакатда ҳарбий базалар ва армии сақлаш ҳуқуқини олдилар. 2-жаҳон уруши даврида М. Италия-Германия ва Англия армиялари ўртасидаги жанг майдонига айланди. Урушдан кейин М.да миллий озодлик ҳаракати янада кучайди. Араб-Исроил уруши даври (1948—49)да мамлакатда реакция авж олди, сўл вафдчиларни, талабалар ҳаракати раҳбарларини қамаш бошланди. Бунга қарши халқ ҳаракати янада авж олди. Парламент 1936 й. ги Англия-М. шартномасини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Шундан кейин Англия М.га қарши агрессия уюштирди. М. халқи мустамлакачиларга қарши партизан урушини бошлади. 1952 й. 23 июлда Жамол Абдул *Носир* бошчилигидаги «Зуббот ал-аҳрор» («Озод зобитлар») уюшмаси армияга таяниб, давлат тўнтаришини ўтказди. Давлат ҳокимияти Инқилобга раҳбарлик кенгаши ихтиёрига ўтди. Генерал М. Нажиб кенгаш раиси ва ҳукумат раҳбари этиб тайинланди; амалда кенгашга Носир раҳбарлик қилди. Янги ҳукумат аграр ислоҳот ўтказиб, фаллоҳларни ер б-н таъминлади, мамлакатни индустриаллаштириш, иқтисодий мустақилликка эришиш сиёсатини олиб борди. 1953 й. 23 июлда М. республика деб эълон қилинди. 1953 й. ўрталарида янги тузум раҳбарлари орасида икки оқим — Нажиб бошчилигидаги ҳақ демократия ва Ж. А. Носир раҳбарлигидаги инқилобий демократия тарафдорлари пайдо бўлди. Заҳматкаш кескин енгиб, ҳокимият Нажиб ҳукуматлан тегилдирилди. Жамол Абдул Носир бош вазир бўлиб қолди (1954). Англия - М. шартномаси (1954)га мувофиқ, 1956 й. 18 июнда охирги инглиз аскари М.дан чиқиб кетди. М.нинг сиёсий суверенитети тикланди.

1956 й. 23 июнда М. Республикасининг конституцияси қабул қилинди ва Жамол Абдул Носир президент этиб сайланди. Президент Суэцни канали компанияси давлат ихтиёрига олинганлигини эълон қилди. Шундан қилиб, иқтисодий тараққиёт дастурини маблағ б-н таъминланишнинг муҳим манбаи қўлга киритилди. Шундан кейин М.га қарши Англия—Франция—Исроил тажовузи бошланди. Халқ босқинчиларга қарши қўзғолди. Тинчликсевар халқларнинг талаби б-н инглиз, француз (1956 й. дек.) ҳамда Исроил (1957 й. март) армияси М.дан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

1958 й. 1 февр.да М. ва Сурия ҳукуматларининг ўзаро келишуви натижасида янги унитар (бирлашган) давлат — Бирлашган Араб Республикаси (БАР) тузилди. Сурияда 1961 й. 28 сент.да давлат тўнтариши ўтказилиб, Сурия БАР таркибидан чиқди. М. БАР номини сақлаб қолди. 1971 й. сент.дан БАР М. Араб Республикаси деб номланди.

1963 й.да Ж.А.Носир раҳбарлигида Араб Социалистик Иттифоқи (АСИ) тузилди. АСИ 1952 й. июль инқилобининг мақсад ва тамойилларини ҳимоя қилиш, қолоқликни тугатишни ўзининг асосий бурчи деб билди. 1964 й. 23 мартда янги муваққат конституция қабул қилинди. Конституцияга мувофиқ, ҳамма корхоналар халқники деб ҳисобланди. Шу б-н бирга, хусусий ва кооператив мулк ҳам сақланиб қолди. Ж. А. Носир президентлиги даврида муҳим ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказилди. Банклар, кўпгина йирик ва ўрта савдо ҳамда саноат компаниялари давлат ихтиёрига олиниши, кенг миқёсда янги корхоналар қурилиши туфайли иқтисодиётда қудратли давлат сектори барпо этилди.

1967 й. баҳорида Яқин Шарқдаги можаро кескинлашди. 5—10 июнь кунлари Исроил қўшинлари Синай я.о.ни босиб олиб, Сувайш каналининг шарқий соҳилига етиб келди. Халқаро жамоатчилик ва аввало БМТ Хавфсизлик Кенгашининг талаби б-н уруш ҳаракатлари тухтатилди. Аммо уруш натижасида М.нинг иқтисодиётига катта талафот етди. Уруш туфайли Суэцни кандли зонасидаги иқтисодий ҳаёт издан чиқди. Каналдаги кема қатновн 1975 й.гача тухтаб қолди.

1968 й. 30 мартда Ж.А.Носир Исроил тажовузи оқибатларини тугатиш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этиш дастурини баён қилди. 2 май умумхалқ референдуми бу дастурни маъқуллади.

1970 й. 28 сент.да Ж.А.Носир вафот этди. Ўша йил 15 окт.да А. Садат президент этиб сайланди. Унинг даврида бозор муносабатларини ривожлантириш, иқтисодиётнинг хусусий секторини кучайтириш ва фаоллаштириш, мамлакатда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва аввало истеъмол моллари ҳамда хизматлар ҳажмини ошириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш йўлини амалга оширишга киришилди. Бироқ 1967 й. «олти кунлик» урушда Исроил томонидан босиб олинган М. ерларини (Синай я.о.ни) қайтариб олиш муаммоси ҳал бўлмай қолаётган эди. 1973 й. окт.да М. армияси Сувайш каналидан ўтиб, унинг шарқий соҳилига тушди. Уруш натижасида муаммони ҳал этишнинг иложи бўлмагач, ўт очиш тўхтатилди ва 1974 й.да қўшинларни бир-биридан йироқлаштириш ҳақида битим имзоланди. 1979 й.да Кэмп-Дэвид (АҚШда тузилган сулҳ шартномаси асосида Исроил ўзи босиб олган ерларни М.га қайтариб берди. Бу сулҳга бошқа араб давлатлари қарши чиқди ва М.ни Араб давлатлари уюшмасидан чиқарди. 1981 й. 6 окт.да А. Садат диний ташкилот аъзолари томонидан ўлдирилди ва ўша йил 13 окт.да Хусний Муборак президент этиб сайланди. Янги раҳбарият ички сиёсий вазиятни, халқ норозилигини юмшатиш тадбирларини кўрди, ижтимоий турмушни бирмунча эркинлаштирди, иқтисодиётни соғломлаштириш йўлида катта қадамлар қўйди. И.ч. тармоқларини жадал ривожлантириш орқали иқтисодиётдаги номутаносибликни бартараф этиш йўли тутилди. Мамлакатни замонавий бозор муносабатларини шакллантириш йўлидан ривожлантиришни жадаллаштиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди. Халқаро майдонда ички-ва ташқи сиёсат ўзгариш бошлади. Жумладан, Қўшилмаслик ҳаракати, Араб давлатлари уюшмаси, Ислом конференцияси ташкилоти б-н ҳамкорлик фаоллаштирилди. Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнини давом эттириш, араб-исроил можаросини бартараф қилиш М. ташқи сиёсатининг асосий масаласи қилиб қўйилди. 1989 й.да М.нинг Араб давлатлари уюшмасига аъзолиги тикланди. М. — 1945 й. дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 26 декда тан олган ва 1992 й. 23 январда дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 23 июль — Инқилоб куни (1952).

Миср гербн

Миср байроғи.

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Миллий демократик партия, 1978 й.да ташкил этилган; Миллий тараққийпарвар (сўл) партия, 1976—77 й.ларда тузилган; Меҳнат партияси, 1978 й.да асос солинган; Либераллар партияси, 1976—77 й.ларда ташкил этилган, 1990 й. январда Либерал-социалистик партия деб аталган; «Ал-Вафд» партияси, 1978 й.да тузилган; «Ал-Умма» («Миллат») партияси, 1983 й.дан ошкора фаолият юрита бошлаган. М. меҳнат федерацияси касаба уюшмаси, 1957 й.да асос солинган, Африка касаба уюшмалари биринчи ташкилотига киради.

Хўжалиги. М. — аграр-индустриал мамлакат. Жаҳон бозорига юқори сифатли узун толали пахта ва ундан тўқилган газламаларни кўп миқдорда етказиб беради. 70-й.лар охири —80-й.лар бошларида нефть қазиб олиш ва экспорт қилиш кўпая бошлади. Иқтисодий тараққиётга, айниқса, саноат ва унга кўмаклашувчи тармоқларни ривожлантиришга эътибор кучайди. 90-й.ларнинг ўрталарида ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28,5%, қ.х. улуши 20% га етди.

Саноати мустақилликка эришгунга қадар, асосан, майда ҳунармандчилик корхоналаридан иборат эди. Искандарияда нефтни қайта ишловчи, автомобиль шиналари ишлаб чиқарувчи з-длар, Сувайш-Қоҳира нефть қувури мавжуд. 1952 й.дан бери 1000 дан ортиқ янги саноат объектлари ишга туширилди. Саноат корхоналари, асосан, Қоҳира, Искандария ва Нил дельтасидаги бошқа йирик шаҳарларда жойлашган. 1958 й.да Қоҳира яқинида қурилган Ҳулвон металлургия з-ди мамлакатнинг дастлабки йирик металлургия корхоналариндир. Бу з-д Асвон яқинидан қазиб олинган сифатли темир (40—60%) рудаси асосида ишлайди. Асвон шлда йилига 300 минг т пўлат ишлаб чиқаралиган металлургия марказн бор. Машинасозлик саноати ҳам қайта қурилган. Мосторода электр кабеллари з-ди ва металл буюмлар ишлаб чиқариш ф-каси, Ҳулвонда ватносозлик, автомобиль, пўлат қувурлар з-длари, Искандарияда тўқимачилик саноати ускуналари з-ди, Қоҳирада велосипед ва телевизор з-длари, Порт-Фуод, Искандарияда кемасозлик корхоналари, кейинги йилларда ишга туширилган автомобиль, трактор, совитқич, металл қирқиш станоклари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳам бор. Сувайш, Қоҳира, Искандария, Танта шлари нефти қайта ишлаш марказларидир. Кимё саноати фақат минерал ўғит и.ч.дан иборат. Кафр-уз-Зайят ва Абу-Заъбалдаги з-длар йилига 200 минг т суперфосфат и.ч. қуватига эга. Асвонда йилига 200 минг т суперфосфат чиқарадиган з-д мавжуд. Абу-Заъбалда қурилган антибиотиклар з-ди фармацевтика саноатига асос солди. Яна 5 фармацевтика корхонаси қурилди. Булардан ташқари, Асвонда кальций, Сувайшда аммоний сульфат, Искандария ёнида сода з-длари, Ҳулвонда кокскимё з-ди бор. Қурилиш ашёлари саноати корхоналари Ҳулвон, Ал-Маъсара, Ал-Тур ва Искандария атрофларида бўлиб, асосан, цемент ишлаб чиқаради. Йирик тўқимачилик корхоналари Ал-Маҳаллат-ул-Кубро, Кафр-уд-Даввар ва Кафр-уз-Зайят шларидадир. Озиқ-овқат саноати қ.х. маҳсулотини қайта ишлайди. Арманг, Кўм-Умбў, Адфу шларида йирик қанд з-длари бор. Асвон гидроэнергетика мажмуига кирувчи электр ст-ялар ва ёқилғи б-н ишлайдиган электр ст-ялар йилига ўртача 525 млрд. кВт-соатдан ортиқ электр энергия ишлаб чиқаради.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Қ.х., асосан, Нил дельтаси ва водийсида ривожланган, бу ерда 3 млн. гектарга яқин (мамлакат ҳудудининг 3%) майдонда йилига 2 марта, Асвон тўғони қурилгандан бери 3 марта (қишда ҳам) экин экиб, ҳосил олинади. Биринчи навбатда кўпроқ даромад келтирадиган шолиқорлик ва пахтачилик (ингичка толали пахта тайёрлаш бўйича дунёда 1-



МИСР
1:18 750 000
ИСКАНДАРИЯ
Порт-Саид
ИОРДАНИЯ
САУДИЯ АРАБИСТОНИ
Сива
БАХРИЯ
ВОҲАСИ
ФАРАФРА
ВОҲАСИ
ДОХИЛА
Мут
ВОҲАСИ
Ал-Миня
Асйут
Сохаг
Кина
Кус
Ал-Аксур
Идфу
Асуан
Шимолий тропик
САХРОИ КАБИР
НУБИЯ ЧЎЛИ
1. Фаластин худудлари

ўрин) ривожланган. Бундан ташқари, буғдой, арпа, маккажўхори, луккакли-лар ва сабзавот, шакарқамиш, хашаки экинлар экилади. Цитрус меваларп (апельсин, мандарин, лимон), хурмо, банан, анжир, узум, асосан, мамлакат шимда етиштирилади.

Табиий яйлов ва ем-хашак камлиги сабабли чорвачилик дуруст ривожланмаган. Ўтроқ аҳоли (деҳқончилик воҳаларида) қорамол (сут учун), қўй, эчки ва хонаки парранда, кўчманчилар эса туя, қўй ва эчки боқади. Асаларичилик ривожланган. Нил дарёси ва ички кўлларда, шунингдек, Ўрта денгизда балиқ овланади.

Транспорти. Мамлакат ичида юклар, асосан, автомобиль транспортида (85%) ташилади. Юк ташишнинг салкам 10% т.й.ларга, 5% часи сув транспортига тўғри келади. Автомобиль йўллари уз. 48,8 минг км. Энг муҳим автомагистраллар: Қоҳира — Искандария, Искандария — Марсо Матруҳ, Қоҳира — Сувайш, Сувайш — Порт-Саид, Қоҳира — ал-Фарлақа, Қоҳира — Асют. Т.й. узунлиги — 8,8 минг км. Асосий т.й. магистраллари: Қоҳира — Асвон, Қоҳира — Искандария, Қоҳира — Сувайш, Порт-Саид — Исмоилия. Нил ва магистрал каналлардаги кема қатнови йўллари уз. — 3 минг км дан ортиқ. Денгиз савдо флотининг тоннажи — 1,68 млн. тонна ледвейт.

Ташқи савдо юклари, асосан, хорижий денгиз кемалари ва самолётларда ташилади. Асосий денгиз порти — Искандария (Ўрта денгизда), бошқа йирик портлари — Порт-Саид ва Сувайш (Сувайш каналида), Рас-Шукейр ва Сафага (Қизил денгизда), Қоҳирада йирик халқаро аэропорт бор.

М. четга нефть ва нефть маҳсулотлари, пахта, ип газлама ва калава ип, алюминий ва б. чиқаради. Четдан машина ва асбоб-ускуна, дон ва б. озиқ-овқат маҳсулотлари, цемент, металл, ёғоч ва б. олади. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: Италия, Франция, Германия, Япония, АҚШ. Чет эл сармояси иштирокида 1952 йилгача 1000 дан ортиқ корхона ташкил этилган.

Қоҳира шаҳрининг умумий кўриниши.

Тиббий хизмат аралаш тарзда ташкил этилган. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, муҳофазаларда соғлиқни сақлаш департаментлари бор. Мамлакатда бепул тиббий хизмат нуқта кўринган. Хусусий шифохоналар ҳам бор. Врачлар ун-тларнинг 9 та тиббиёт, 4 та стоматология, 6 та фармацевтика ф-тида, шунингдек, чет эллардан тайёрланади. Ўрта малакали тиббий ходимлар тайёрланаётган 276 та мактаб бор. Ун-тларнинг тиббиёт ф-тларида и.т.лар ўтказилади.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. М.нн 7-а.да араблар истило қилганидан кейин ислом динпнй мактаблари кўплаб очила бошлади. 10-а.да ал-Азҳар мусулмон университета асос солинди. Дастлабки дунёвий ўқув юртлари 19-а. 2-ярмида пайдо бўлди. Хорижий ва маҳаллий хусусий мактаблар барпо этилди. 4 йлик бошланғич мактаб энг кўп тарқалган ўқув юрти эди.

1952 йдан кейин бошланғич ва ўрта мактаб ислоҳ қилинди. 1956 йда барча болаларга 6 ёшдан мажбурий бепул бошланғич таълим бериш ҳақида қонун қабул қилинди. 1962 йли декрет мактабгача тарбиядан то олий ўқув юртигача бўлган барча давлат ўқув юртларида бепул таълимни жорий этди. Энлиликда болалар учун 6 ёшдан бошлаб 6 йлик бошланғич таълим, сўнгра 3 йлик тўлиқсиз тайёрлов мактаби, 3 йлик тўлиқ ўрта мактаб мавжул. Барча босқичларга эга бўлган хусусий мактаблар бор. Ҳунар-техника тайёргарлиги ҳунар билим юртлари, ҳунар марказлари, ўрта махсус ўқув юртлари, шунингдек, 5 йлик техника мактабларида олиб борилади.

Олий таълим тизимига ун-т, ин-т ва 4 йлик коллежлар киради. Тўлиқсиз олий маълумот берадиган 2 йлик техника ин-тлари ҳам бор. Мамлакатдаги 14 та ун-тнинг энг йириклари: Қоҳира, Айн уш-Шамс, Искандария ун-тлари, Қоҳирадаги Америка ун-ти, Ал-Азҳар ун-ти. Энг йирик ин-тлари: Ал-Мансура ва Қоҳирадаги политехника ин-тлари, Асвондаги индустриал ин-т ва б.

Йирик кутубхоналари: Қоҳирадаги Миллий кутубхона (1870), М. ин-тининг кутубхонаси (1859), Қоҳирадаги Миллий мажлис кутубхонаси (1924), Қоҳира ун-ти кутубхонаси (1908), Искандария ун-ти кутубхонаси (1942), Қоҳирадаги Ҳалвани ун-ти кутубхонаси. Искандариядаги Муниципал кутубхона (1892).

Йирик музейлари: Ислом санъати музейи (1882), Гео. музейи (1899), М. музейи. Замонавий санъат музейи (1926), Пахта музейи (1923), Ги. музейи (1933), Ҳарбий музей — ҳаммаси Қоҳирада. Искандариядаги Юнон-Рим осори атиқалари музейи (1892).

Илмий муассасалари: Қоҳирадаги Мин-ти (1798). Ил. ва технология академияси (1971, тармоқларда и.т. марказп. Атом энергияси маркази, металлургия маркази тадқиқот ин-ти. Океанография ва балиқ и.т. ин-ти. Астрономия ин-ти. Нефть тадқиқот ин-ти. Ахборот ва ҳужжатлаштириш миллий маркази мавжуд. Қоҳирада Нед. тадқиқотлари миллий маркази, ал-Жизада Араб тили академияси, қ.х. тадқиқот маркази ва б. бор.

Матбуоти, телекўрсатуви ва радиоэшиттириши. М.да вақтли нашрлар сони 300 дан ошади. Энг йириклари: «Ал-аҳром» («Эҳром», кундалик газ., 1875 йдан), «Ал-ахбор» («Хабарлар», кундалик газ., 1944 йдан), «Ал-аҳоли» (кундалик газ., 1978 йдан), «Ахбор ал-Яум» («Кун янгиликлари», кундалик газ., 1944 йдан), «Ал-аҳрор» («Либераллар», ҳафталик газ., 1977 йдан), «Ал-Вафд» («Делегация», ҳафталик газ., 1984 йдан), «Ахер соа» («Сўнгги соатда», ҳафталик жур., 1934 йдан), «Ал-Кавакиб» («Юлдузлар», ҳафталик жур., 1952 йдан), «Октобр» («Октябрь», ойлик жур., 1976 йдан) — ҳаммаси араб тилида; «Журналь д'Эжипт» («Миср газетаси», француз тилида чиқадиган кундалик хусусий газ., 1936 йдан), «Ижипшн газетт» («Миср газетаси», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1880 йдан), «Ижипшн мейл» («Миср почтаси», инглиз тилида чиқадиган газ., 1910 йдан) ва б. Яқин Шарқ ахборот агентлиги (МЕНА), М.нинг расмий ахборот агентлиги, 1955 йда тузилган. М. радиоэшиттириш ва телекўрсатув уюшмаси 1928 йда ташкил этилган.

Адабиёти энг қад. адабиётлардан бўлиб, мил. ав. 3-минг йилликда пайдо бўлган. Қад. М. ва *қибт* адабиёти ривожланган. Расмий ва тарихий воқеалар баёни, меҳнат жараёнини куйловчи қўшиқлар каби адабий ёдгорликларнинг кўпгина намунаси шоҳлар саройлари девордарига ёзиб қолдирилган. Урта ва Янги шоҳлик (мил. ав. 16—11-а.лар) папируслари ёпилган кутиларга ривожлар сақланган. Уларнинг муаллифлари маълум эмас. Асосий жанрлари: эртак, ривоят, мадҳия, марсия, дуо, насиҳат, масал, ибрат, ишқий лирика каби.лар. Мил. 7—15-а.ларда араб адабиёти шаклланиб, равнақ топди. Адабий жанр ва мавзулар кенгайди. Янги М. адабиёти туркlар ҳукмронлиги (16—18-а.лар) туфайли ривожланмай қолган эди. 19-а. бошларидан М. адабиёти Европа мустамлакачиларига қарши кураш таъсирида араб тилида ривожланди. 19-а.нинг 1-ярмида Муҳаммад Алининг ислоҳоти муносабати б-н М.да дунёвий мактаблар очилди, китоблар нашр этила бошлади, биринчи араб газ. чоп этилди. Ана шу даврда Муҳаммад Абдо, Абдуллоҳ Надим, Алиф Исҳоқ каби маърифатпарвар адиблар хорижий келгиндилар зулмига қарши чиқиб, ижтимоий ислоҳотларнинг зарурлиги ҳақида ёзадилар. Маҳмуд Сами ал-Барудий (1837—1904) ўз шеърларида инглиз мустабидларига қарши курашишга чақирди. Ҳофиз Иброҳим (1871—1932) ва «шоирлар амири» Аҳмад Шавқий (1869—1932) ҳам ўз асарларида инглизлар ҳукмронлигига қарши курашни тасвирлади. Янги М. адабиёти ва публицистикасининг асосчиси Мустафо Комил (1874—1908) ҳам ўша даврнинг йирик маърифатпарварларидир. 1919—24 йларда М. халқининг инглизларга қарши кўзғолонларидан кейин Тоҳо Ҳусайн, Тавфиқ ал-Ҳаким каби адиблар самарали ижод қилдилар. 20-й.лар М. адабиётида маиший мавзудаги новеллалар асосий ўринни эгаллади. Унинг асосчиси «Шайх Жума ва бошқа ҳикоялар» номли илк новеллалар тўплами муаллифи Маҳмуд Таймурдир. Салом Мусо ва Иброҳим Амин каби кекса тараққийпарвар адиблар ҳам меҳнаткашларнинг инглизлар ҳукмронлигига қарши курашини акс эттирувчи асарлар яратиб, миллий озодлик ғояларига содиқ қолдилар. 20-й.ларда М. адабиётида маиший мавзудаги драмалар ҳам пайдо бўлди. М. Таймурнинг «Ҳалокат», Фарах Антуаннинг «Янги ва кўҳна Миср», Антуан Язбекнинг «Уйда бўрон» ва «Қурбон» пьесаларида замонавий мавзулар ўз ифодасини топган. 20—30-й.ларда атоқли драматург Аҳмад Шавқий қад. М. адабиёти тарихига оид «Клеопатранинг ўлими», «Антара» каби шеърий трагедиялар яратди. 30-й.ларда шеърият тараққиётида «Аполо» («Аполлон») тўгараги муҳим роль ўйнади. М. адабиёти 2-жаҳон урушидан кейинги йилларда, айниқса, туркираб ривожланди. Бу давр адабиётида демократик гояларни куйлаган бир қанча истеъдодли ёшлар пайдо бўлди. Тинчлик ва келажак учун кураш адибларнинг асосий мавзуи бўлди. 40—50-й.лар ҳукмронлигида Абдураҳмон ал-Ҳамисий ва Абдураҳмон аш-Шаркавий ижоди асосий ўринни эгаллайди. Ҳамисийнинг «Қонли кўйлак», «Қотмаган қон», «Бит ўлмайди» ва Шаркавийнинг «Байроқ», «Маркаий кўча ортидан» каби тўпламларида миллий мустақиллик учун кураш акс этган. Ҳудди шу мавзу романтик руҳда Юсуф ас-Сибоийнинг «Ибрагимни қайтариб бер» ва Исҳоқ Абдул Қаддусийнинг «Ўлимингда яраклар бор» асарларида ўз ифодасини топди. Бу даврдаги ижтимоий-маиший мавзуни акс эттирган романлар диққатга сазовор. Нагиб Маҳфуз инқилобгача ва ундан сўнгги давр ҳақида йирик асарлар яратди. «Овлоқ кўчалар», «Ибтида ва интиҳо» номли романлари ва «Байн ал-Қасрайн», «Ас-Сукkария» трилогияси адибга шуҳрат келтирди. У 50-й.ларда танқидий реализм анъаналарини давом эттириб, замонавий мавзуларп «Кузги беданалар», «Йўл», «Гадо» каби романлар ёзди. М. жамияти ҳаётида юз бераётган ижтимоий ҳодисаларни акс эттиришга уринган адабиётдаги асосий йўналишдир. 60—90-й.лар адабиётнинг долзарб мавзудаги асарлари орасида ал-Ҳитаниийнинг «Заъфарон» кўчасидаги ҳангомалар», ал-Куайднинг «Миср диёридаги жанг», «Қишки туш», С. Иброҳимнинг «Август юлдузи» романлари бор.

Меъморлиги. М. қад. меъморий ёдгорликларга бой мамлакат. 4 минг йиллик ривожланиш даврини ўз ичига олувчи Қад. М. меъморлигида эҳром, мақбараларнинг нодир шакл ва турлари яратилди. Булар жаҳон санъатининг ноёб намуналаридир. Юнон-Рим даври (мил. 300 й.)да қад. меъморий анъаналар б-н ёнма-ён янги меъморий обидалар юзага келди. Христианлик эса Бавит, Водий Натрун, Сўҳож саҳроларидаги монастирларда акс эттирилди. М.га араблар келиши натижасида мусулмон меъморлигининг ривожланишига асос солинди. Масжид, шоҳ саройи, ҳаммомлар ва ҳарбий қалъалар шаҳар меъморлигининг асосий унсурлари бўлиб қолди. Нилнинг шарқий қирғоғида қурилган Фустат қалъаси (640—41) араблар-нинг М.да қурган дастлабки меъморий иншоотидир. 8—9-й.лардаёқ тўғри бурчакли, қовурғали, атрофи устунли айвонлар б-н ўралган ўзига хос масжид биноларп пайдо бўлди (Амир масжиди, 641—827; Ибн Тулун масжиди, 876—79 ва б.). Фотимийлар Фустатни босиб олиб, унинг шимда М.нинг ҳоз. пойтахти — Ал-Қоҳира (тахминан қурилар (969). Фотимийлар (10—12-а.лар) ва айюбийлар (12—13-а.лар) давридан Қоҳирада кўп масжидлар, пиштоқлар, шу жумладан, Қоҳиранинг уч шаҳар дарвозаси, Қоҳира қалъаси қолган. Мамлук-лар даври (13—16-а. бошларида катта масжидлар, мадрасалар қурилиши муҳим ўрин эгаллади. Бу биноларда безакда кошинкорлик, тош ва ойна катта ўрин олди. 16-а.дан иморатлар, асосан, турк анъаналари асосида қурилди. Мас., Муҳаммад Али масжиди (қалъада, 1630—48). 19-а. охири — 20-а. бошларида М. меъморлигида қад. миллий анъаналарни тиклашга интилиш кучайди. Бироқ айни вақтда Европа классицизмининг ҳам таъсири зўрайди. Сувайш каналининг қазилиши (1835—69) б-н янги шаҳарлар: Порт-Саид, Сувайш, Исмоилия қурилди. М.нинг ўзига хос шароитида Европа меъморлигини татбиқ этиш тажрибаси фақат ташқи сифатларни кўзаки равишда қабул қилиш йўли б-нгина борди. 20-а. бошларида Қоҳира Гезир ва Род о.ларида қурилган янги бинолар ҳисобига анча кенгайди. 20-а.нинг 30—50-й.ларида М.нинг ижтимоий ва маданий ҳаётида олдинга силжиш юз бериши натижасида М. меъморлигида замонавийлик асосий ўрин эгаллади. Искандария қайта қурилиб, шарқда ал-Мунтаз, ғарбда Рас ат-Тин қалъалари б-н туташди. Ораликда истироҳат боғлари, спорт клублари қурилди. М. халқининг мустақиллик учун кураши ўтмишдаги миллий меросни ижодий тиклаш байроғи

Асвон тўғони.

остида ўтди. Ан-Нахда «Уйғониш» номини олган бу ҳаракат, айниқса, адабиёт ва санъатда кучли таъсир этди, меъморлик ҳам бундан четда қолмади. Шу даврдаги М. меъморлари ўзининг янги йўналишида жаҳон замонавий меъморлигининг назария ва амалиётини инобатга олиб борди. Қоҳира (1955) ва Искандария (1958) шаҳарини қайта қуриш режаси тузилди. 60-йилларда янги меъморлик учун олиб борилган кураш, асосан, ғалаба қозонди. Замонавий услубда кўпгина жамоат бинолари (Қоҳира аэропорти, Искандарияда «Фаластин» меҳмонхонаси, Қоҳирадаги янги Мадинат-ан-Носир тумани, 1959—62, бош меъмор Саид Карим), Ҳукумат уйи, ун-т шаҳарчаси, касалхоналар, 100 минг ўринли стадион, сайёҳлар маркази қурилди. Уларда ўрта аср араб меъморлиги анъаналаридан ҳам фойдаланилган.

Тасвирий санъати. М.да қад. санъат обидалари кўп сақланган (қ. *Миср, Қадимги Миср*). Мусулмон тасвирий санъатининг бизгача етиб келган илк намуналари фотимийлар даврига мансубдир. Фустатдаги ҳаммом деворига чизилган расмлар, тош, ёғоч, фил суягига ўймакорлик усулида ишланган созандалар, раққосалар, чавандозлар қиёфалари, ов ва зиёфат манзаралари, миниатюралар, «Мақомот» китобига ишланган суратлар шу жумлага киради. Уларнинг тасвирий услубида юнон ва қибт санъати анъаналари таъсири сезилади. Ўрта аср манзарали-амалий санъатида кашта, тўқима ёки босма гулли матолар, ранг-баранг гулли сопол буюмлар, тоғ биллуридан тараниб ва ўйиб ишланган идишлар, сирқорлик б-н ишланган шиша буюмлар, нафис ўйма ва қалама анжомлар, жимжимадор ёғоч мехроблар, минбарлар асош кенг урф бўлди. М.даги араб санъатининг барча турларида нақш ва ўсинтма алоҳида ўрин олади. 10—12-а.лар санъат асарларининг безакларида одам ва жониворлар тасвири кўп учрайди, кейинги даврларда эса табиат ва усимликлар тасвири, турли чизиқлар устунлик қилди.

19-а. охири — 20-а. бошларида М.да янги тасвирий санъат вужудга келди. Бу воқеа, бир томондан, янги даврдаги европалик усталар тажрибаси ва санъатини ўзлаштириш, иккинчи томондан, миллий озодлик ҳаракати таъсирида қад. ва ўрта аср миллий бадиий анъаналарини қайта тиклаш муддаоси б-н изоҳланади. Замонавий М. санъати нисбатан ёш. Илк даврда у ғарб модерн оқимлари таъсирида бўлса-да, тезликда миллий анъаналар ва қад. меросни ўрганишга киришди. Янги санъатининг асосчилари Маҳмуд Мухтор ва Маҳмуд Саиднинг ижоди 20-а.нинг 20—30-йилларида гуллаш даврини бошдан кечирди. Буларга 40-йилларда янги давр санъатининг йирик вакили Муҳаммад Наги қўшилди. Уларнинг ижоди ўз халқининг қад. бадиий маданиятига интилиши, инсонпарварлиги ва халқпарварлиги б-н ажралиб туради. Мухторнинг йирик асарларидан «Уйғонаётган Миср» монументи кенг шуҳрат қозонган. Нагининг «Эфиопия қаётидан парча», «Пардоз», «Қоҳирадаги кўприк» ва б. асарлари машҳур. 1952 й. ги инқилоб ёш реалист рассомлар: манзарачи Георг Сабах, Лабиб Тадрос, Саид ас-Садр, портретчи Ҳусан Бакар, Латиф Насим, Муҳаммад Увайс ва б.нинг ижодига кенг йўл очди. 50-а.лар рассомлигида безак картиналар ҳам кенг тарқалди. Машҳур Жамол ас-Сағинининг «Озодлик», «Тинчлик ғалабаси», «Африканинг уйғониши» каби рамзий ҳайкаллари муаллифининг инсонпарварлик, халқ ғалабасига ишончидан далолат беради. Ҳайкалтарошлардан М. Мусо, А. Усмоний, ҳайкалтарош ва рассом Диа Саккофлар миллий мавзуни ифодалашнинг реалистик усулларига мурожаат этадилар. Баъзи ёш рассомлар Ғарбдаги энг янги модернистик оқимлар йўлидан боришга интилади. Анъанавий манзарали-амалий санъат турлари, суяк, ёғоч, металл ўймакорлиги, заргарлик, тўқувчилик, кулоллик тараққий этган. Суратқашлик ҳам ривожланди. Абдул Вофиқ, Фуод, Ихсат, ал-Бухтури, Ҳусни Рода ва б. халқ амалий санъатида чинни, ойна, тош ва замонавий синтетик материаллардан фойдаланида бошлади. Қоҳирадаги нафис санъат мактаби базасида янги таълим ўчоғи ташкил этилди.

Миср эҳроми.

Мусиқа — М. маданий ҳаётининг ажралмас қисми. Қад. драматик диний жанрлардан тортиб мақомларгача мавжуд. Араб мақомлари Шарқдаги бошқа халқлар орасида ҳам енилган. Чолғу асбоблари бениҳоя хилма-хил. Мустамлакачилик асорати М. маданияти тараққиётига тўсиқ бўлди. Саид Дарвиш (1892—1923) янги М. мусиқасининг қалдирғочидир. Унинг ерқин ватанпарварлик руҳидаги қўшиқлари қўшинга араб мамлакатларига енилди. «Ал-Баруҳ», «Шаҳризода», «Ўлдик тинтинкаби мусиқали саҳна асарлари М. замонавий мусиқасига асос бўлди. 19-а. охири — 20-а. бошларида М. мусиқасида концертлар катта ўрин олди. Янги концерт жанрлари вужудга келди. 1910—20 йилларда араб оперетгаси деган жанр юзага келди. Композитор С. Дарвиш бу жанрнинг энг атоқли арбоби эди. 1914 й.да Қоҳирада асос солинган мусиқа клуби кейинчалик Шарқ мусиқаси мактабига (1929 й.дан Араб мусиқаси ин-тига) айлантирилди. 1927 й.да М. мусиқа жамияти ташкил этилди.

1952 й. инқилобидан сўнг М. мусиқий ҳаёти жонланди. Бир қатор ўрта ва олий ўқув юртларида мусиқачилар тайёрлана бошлади. 60—80-й.ларда, айниқса, шаҳарларда оммавий мусиқа кенг ёйилди. Қоҳира консерваторияси пойтахт опера театрининг миллий кадрлар ўчоғидир. 1962 й.да Қоҳирада Оперетта театри очилган. М. мусиқасида янги гоявий-бадиий замин кучайди, маҳаллий мавзуларга эътибор кўпайди. М. санъаткорлари орасида Ум Кулсум, Шамс, Сағира, Шодия, Файз, Аҳлам, Сабоҳ сингари яккахонлар машҳур.

Театри. М.да театр санъати унсурлари энг қад. диний маросим ва байрам томошаларига бориб тақалади. Ўрта асрларда соя театри бўлган. Мамлуклар ҳукмронлиги урф-одатларини мазаҳ қилувчи комедиялар муаллифи Ибн Даниала бу театрнинг таниқли арбоби эди. Бу даврда қўғирчоқ театрлари ҳам кенг ёйилди. «Арагуз» қўғирчоқ театри, айниқса, машҳур бўлди. 1869 й.да Сувайш канали тантанали очилиши муносабати б-н Опера театри қурилди ва Ж. Верднинг «Риголетто», 1871 й.да «Аида» опералари кўрсатилди. 1869

й.да Е. Саннуа раҳбарлигида биринчи миллий профессионал театр труппаси ташкил этилди ва ўзининг араб тилидаги оперетгасини кўрсатди. Кейинчалик Қоҳира ва Искандарияда ҳам профессионал драма театрлари очилди. Булар орасида Ю. Фаррах томонидан тузилган (1891) театр труппаси ижоди миллий мусиқали драмага асос бўлди. Кўпгина ҳаваскорлик жамоалари ҳам ишлади. М. театри тараққиётининг кейинги даври Ж. Абед, М. Таймур, Ю. Ваҳбий, Т. ал-Ҳаким каби истеъдодли театр арбобларининг номи б-н боғлиқ. 1920 й.да «Ал-Эзбакия» театри, 1923 й.да Ю. Ваҳбий бошчилигида «Рамзес» театри, 1933 й.да «Миллий труппа», 1935 й.да ал-Ҳаким бошчилигида «Миллий театр» ташкил этилди. М. секин-аста араб театр маданиятининг марказига айланди. 1952 й. ги инқилобдан кейин араб халқлари ҳаётидаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгариш миллий санъат, жумладан, театр санъати тараққиётида муҳим роль ўйнади. Қоҳирадаги Миллий театр, Халқ театри, «Араб театри» каби давлат театрларининг фаолияти янги босқичга кўтарилди. Театр санъати ин-ти (1952), «26 июль театри» (1959), «Ал-Жумҳурия» (1961) театри очилди. Қоҳирада хусусий театрлар ҳам бор. Искандариядаги Муҳаммад Али театр труппаси, «Клеопатра» театри, Миллий театр, шунингдек, Қоҳира, Порт-Саид, Даманҳур, Танта каби шаҳарлардаги ҳаваскорлик труппалари ҳам машҳур. Театрлар репертуарларидан Ё. Саннуа, Ю. Ваҳбий, А. Эзбак, Т. ал-Ҳаким, М. Таймур, А. Фаррах, Ю. Идрис каби миллий ҳамда жаҳон классикларининг асарлари ўрин олган. Уларда М. кўча халқ театри усулларидан ҳам фойдаланилади. Саҳна санъатининг бошқа турлари каби халқ рақс санъати ҳам қадимийдир. Ҳар бир театр труппаси рақсга катта ўрин беради. Мумтоз балетга қизиқиш М. саҳнасига Ғарб мумтоз балетининг кириб келиши б-н бошланди. Мамлакатда хусусий балет мактаблари ташкил этилди, қобилиятли ёшлар балет санъатини ўрганиш учун Европа шаҳарларига юборилди. 1959 й.да миллий хореография мактаби очилди.

Киноси. 1896 й. да Искандарияда биринчи кинотеатр очилган, унда хорижий фильмлар кўрсатилган. 1912 й.да ҳужжатли лентадар ишлаб чиқарила бошлаган. Дастлабки араб бадиий фильмлари — «Жар ёқасида» ва «Узилган гул» 1917 ва 1918 й.ларда экранга чиқарилган бўлса-да, уларни муттасил и.ч. 1927 й.дан бошланган. Илк араб овозли фильмлари («Лайло», реж. А. Жалол; «Қалб қўшини», реж. Ж. Абед ва Надра; «Бойларнинг болалари», реж. М. Карим) 1931 й.да Парижда суратга олинган. 30-й.лар охири — 40-й.лар бошида миллий кинони ривожлантириш ҳаракати бошланди. 1935 й.да Қоҳирада «Миср» миллий киностудиясининг очилиши б-н араб кинематографияси тез ривожлана бошлади. 1927—38 й.лар мобайнида 70 та кинофильм, 1952 й.дан ҳа ҳар йили 60—70 талаб кинофильм ишлаб чиқарилди ва М. кинематографияси халқаро миқёсда танила бошлади. «Юракдаги ўқ», «Оқ тун» (реж. М. Карим), «Дўзах осмони», «Жамила» (реж. Ю. Шаҳин), «Ирода» (реж. К. Салим), «Севги ва кўз ёшлари» (реж. К. аш-Шайх), «Қора кўзойнак» (реж. Х. Мустафо) каби араб фильмлари мамлакат ва чет эл киноэкранларида шуҳрат қозонган. 1963 й.да Кино, радио ва телекўрсатув бош бошқармаси ташкил этилди. 60-й.ларда Г. Баракатнинг «Гуноҳ», Т. Салоҳнинг «Қаҳрамонлар кураши», С. Сайфиннинг «Севиш мавриди эмас» фильмларида хотин-қизлар озодлиги масаласи, Ю. Шаҳин, К. аш-Шайхнинг фильмларида деҳқонлар ва ишчиларнинг оғир уйғониши муаммолари кўтарилди. 70—80-й.ларда экранга чиқарилган бадиий тасмалар халқ ҳаёти, турмуш жумбоқлари, маориф ислоҳоти ва б. мавзуларга бағишланган. 1975 й.дан миллий кино фестивалларни, 1976 й.дан Қоҳира халқаро кинофестивалларни мунтазам ўтказила бошлади. М.нинг кўплаб фильмлари Женева, Байрут, Тошкент кинофестивалларида олтин совриндан ва фахрий ёрлиқлар б-н тақдирланган. Мамлакатда 8 киностудия, 350 кинотеатр бор.

Ўзбекистон — М. муносабатлари. 1992 й. январда М. расмий делегациясининг Ўзбекистонга ва 1992 й. дек.да ЎзР Президенти И. Каримовнинг М.га ташрифи вақтида иккала мамлакатнинг турли соҳалардаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш муддаолари тасдиқланиб, уларга аниқлик киритилди. 2000 й.гача мамлакатлар ўртасида 10 та икки томонлама ҳужжат имзоланди. ЎзР б-н М. ўртасидаги муносабат ва ҳамкорлик асослари, инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш, иқтисодий, илмий ва техникавий ҳамкорлик, авиация қатнови ва ҳаво транспорти соҳасидаги ҳамкорлик, Тошкент шарқшунослик ин-ти б-н М.нинг Ал-Азҳар ун-ти ўртасида фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик, Ўзбекистон ва М. ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар тўғрисидаги битимлар шу ҳужжатларнинг энг муҳимларидир.

МИСР ЁЗУВИ — мил. ав. 4-минг йилликдан то мил. 3—4 а.гача қадимги миср тили учун хизмат қилган сўз-бўғинли ёзув тизими. Унинг дастлабки асосини 500 дан ортиқ *иероглиф* (белги-раем) ташкил этган бўлиб, улар тасаввурий ҳолда муайян тушунчалар б-н боғланиб, тушунчаларни сўзларда ифодалаганлар. Бу даврдаги ёзувда асосан, ундошлар ифодаланиб, унлилар ихтиёрий қўлланган. Кейинчалик, мил. ав. 2-минг йилликдан бошлаб М.ёзнинг иератик (муқаддас) тури яратилди. Унда иероглифлардан ҳам маълум даражада фойдаланилган бўлса-да, сўзларни ёзишда фонетик маъно ва ўхшашликларга эътибор берилади, асосан, тез ёзиш кўзда тутилади. Мил. ав. 7-а.дан бошлаб иератик ёзув асосида М.ёзнинг янги тез ёзув усули — демотика (халқона тез ёзув) ишлаб чиқилди. Демотик ёзувда белгилар анчагина соддалаштирилиб, бир неча ундошни ифодаловчи белгилар камайтирилиб, уларнинг ўрнига бир ундошни ифодалайдиган белгилар қўллана бошлаган. Демотик М.ё. мил. 3—4-а.ларгача қўлланиб келган.

МИСР СЕБАРГАСИ — қ. *Берсим.*

МИСР ТИЛИ, қадимги миср тили — ҳоз. Миср ҳудудида тарқалган, *сами-хам тиллари* оиласига мансуб. Араб тилининг миср лаҳжаси томонидан сиқиб чиқарилган ва мил. 5-а.дан ўлик тилга айланган. М.т.да ёзилган дастлабки ёдгорликлар мил. ав. 4-минг йиллик охири — 3-минг йиллик бошига тўғри келади. Ўзининг 35 а.дан иборат тарихида М.т. бир-биридан фарқланувчи 4 та тараққиёт босқичини босиб ўтган: қад. М.т. (мил. ав. 32—22-а.лар), ўрта М.т. (мил. ав. 22—14-а.лар), янги М.т. (мил. ав. 14—7-а.лар), демотик М. т. (мил. ав. 7-а. — мил. 5-а.); ёзувининг ўта мураккаблиги сабабли, М.т.нинг грамматик қурилиши, лаҳжалари ҳақидаги барча маълумотлар тахм. характерга эга. М.т.ни ва унинг негизида пайдо бўлган копт тилини, бу тилларнинг ёзувларини ўрганиш давом этмоқда.

МИСР ҒЎЗАСИ — узун толали *перу ғўзаси* навларининг бир йиллик экологик гуруҳи. Кўп йиллик перу ғўзаси шаклдари Америка (Перу)дан Миср га (1818—20) келтирилган ва бу ерда Мисрнинг машҳур ингичка толали Ашмуни (1863—65), Афифи (1887), Янович ва б. ғўза навларини яратишга асос бўлган. 1928—29 й.ларда Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистонда М.г. навлари экилиши натижасида Ўрта

Осиё республикаларининг жан. ҳудудларида бу ғўза навларидан юқори ҳосил олиш имконияти борлиги аниқланди. 1932—33 й. лардан бошлаб якка танлаш усули б-н яхшиланган Пима, кейинчалик Маарад навлари экила бошлади. 1935 й.да, М.г.нинг Янович навидан якка танлаш асосида Йўлтан селекция ст-яси (Туркманистон)да Ўрта Осиёда биринчи 2И3 ингичка толали ғўза нави яратилди ва 1938 й.дан Туркманистон ва Тожикистонда р-нлаштирилди. М.г. юқори ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, сўрувчи зараркунандалар ва замбуруғли касалликларга чидамлилиги б-н ажралиб туради. М.г. толаси ниҳоятда қимматбаҳо бўлиб, битта кўсак вазни 2,5—4,0 г, штапель-масса уз. 37—44 мм (қ. *Ингичка толали ғўза*).

Абдумажит Абдуллаев.

МИСРЛИКЛАР, Миср араблари — халқ. Мисрнинг асосий аҳолиси (54,2 млн. киши). Умумий сони 54,6 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Араб мамлакатлари, Германия, Австралия, Канада ва б. давлатларда ҳам яшайдилар. Европеоид ирқига мансуб. Диндорлари — суннийи мусулмонлар. Араб қабилалари Мисрга мил. ав. 1-минг йилликда кириб келишган. Миср 7-а.да *Араб халифалиги* томонидан эгалланган, арабларнинг маҳаллий копт (қибтий), барбар ва б. аҳоли б-н аралашуви натижасида Миср араблари шаклланган. Деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик (заргарлик яхши ривожланган) б-н шуғулланадилар.

МИСРШУНОСЛИК — шарқшуносликнинг Қад. Миср тили ва ёзуви, тарихи, маданияти ва археологик ёдгорликларини ўрганувчи соҳаси. Парижда Қадимги ёзувлар академиясида француз олими Ф. Шампольон миср иероглифик ёзувларини ўқиш устидан олиб борган тадқиқотлари тўғрисида ахборот берган вақти (1922 й. 22 сент.) М.ка асос солинган кун деб қабул қилинган. У Розет ш. яқинида топилган тошдаги 3 тилда ёзилган матиларни ва ёдгорликларни ўрганиш жараёнида бу ёзувларни ўқиш йўлини топган ва шу асосда миср ёзуви луғати ва грамматикасини тузган. 1820—30 й.ларда Шампольон Мисрга экспедиция уюштирди. У ерда бир қанча ёдгорликларни тўплаб, улар тўғрисида илмий хулосалар берди. 1851 й.дан Мисрда систематик равишда қазиш ишлари олиб борилди. Француз олими О. Мариет Мемфис яқинидаги Саккарада олиб борган қазиш ишларидан кейин Миср музейи ва «Мероснн ўрганиш» жамиятини очди. М. ривожланишида 19-а.нинг 90-й.ларида А. Эрман асос солган Берлин мактаби муҳим роль ўйнади. Бу мактаб филол. соҳасида талқинотлар олиб борди ва кўп жилдлик миср луғатини тузди. 19-а. охири ва 20-а. бошида француз археологи Ж. де Морган ва инглиз археологи У. Питри Флиндерс Қад. Миср фиръавнлари сулоласи ҳукмронлигигача бўлган давр ва илк сулола ҳукмронлиги даврини ўрганди.

Россияда М.ни ўрганиш 19-а.нинг 1-ярмида бошланди. Декабрист Ғ. С. Батеньков 1824 й. Шампольоннинг «Иероглифик тартиб очерклари» асарини қисқача таҳлил қилди. 1826 й. Император ФА Миланда Қад. Миср осори-атиқаларини сотиб олиб, уларни Эрмитажга берди (1862). 19-а.нинг охирида В. С. Голенищев Мисрга бир неча бор экспедициялар уюштирди. Қоҳира ун-тида М. кафедрасини очди. 20-а.нинг 20-й.ларида немис олимлари ва б. европалик олимлар миср тили ва матнларини ўргандилар. Янги подшолик даври ёдгорликларини ўрганишда немис, инглиз, америка олимларининг Амарнада олиб борган қазишмалари муҳим ўрин эгаллайди. Илк сулола ҳукмронлиги ва Қад. подшолик даври тарихини ўрганишда инглиз археологи К. Эмери ва Миср олими Салим Ҳассан ва Абу Бакрларни Саккара ва Ғазолаги қабристонларда олиб борган изланишларининг натижалари муҳим аҳамиятга эга. Асвон тўғони қурилиши даврида сув ости зонасида қолиши мумкин бўлган тарихий обидаларни сақлаб қолиш мақсадида 1960 й. ЮНЕСКО қошида халқаро қўмита тузилди.

Ўзбекистонда Тошкент шарқшунослик ин-ти, ЎзМУ, ЎзР Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар ин-ти олимлари ва мутахассислари М.га тааллуқли сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, мафкуравий, ҳарбий, маънавий ва диний масалаларни тадқиқ этмоқдалар. Тошкент шарқшунослик ин-тида нашр этиладиган «Шарқ машъали», «Шарқшунослик» илмий тўпламларида М.ка оид долзарб масалалар юзасидан илмий-таҳлилий мақолалар чоп этилмоқда. Пойтахтда «Ўзбекистон-Миср» дўстлик жамияти фаолият кўрсатаётир. Мазкур жамият Миср б-н маданий-маърифий ва илмий алоқаларни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Юртимизда ўтказилаётган илмий-амалий анжуманлар, дўстлик кунлари, киноанжуманлар, талабалар ўртасида ўтказилаётган танловлар, викторинлар, икки халқни бир-бирига яхлда яқиндан танишгиришга хизмат қилмоқда. І ва ІІ Тошкент гиббонет ин-тлари шифокорлари уларо ташрифлар, биргаликда олиб борилаётган тадқиқотлари орқали мисрлик ҳамкасблари б-н жонли алоқа боғлаганлар.

Ад. Мухаддаров Ш. Узбекистан и арабский мир: перспективы сотрудничества. Т., 1997. Махмудбеков Ш. Борьба Египта за независимость. Т., 1992. Гинзбург Б. Т., Мохаммад Хосни Мубарак — политик и дипломат. Т., 1999. Гинзбург Б., Хасанов Ф. Дипломатия Египта. Т., 2001. Салаҳутдинов Ҳ. А. Фиръавнлар мамлакати. Т., 1992. Борисов Б. Т. Роль исламa во внутренней и внешней политике Египта. М., 1991.

Бобир Ғиясов

МИССИОНЕРЛИК (*миссия* сўзидан), *табшир, мубашширлик* — бирор динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш. М., асосан, христианликка хос. 4-а.дан пайдо бўлган. 13—16-а.ларда христиан миссионерлари Ҳиндистон, Хитой, Японияга кириб борди. Католик черковида М. Испания ва Португалия империялари ташкил топгач (15—16-а.лар), фаолиятини кучайтирди. М. Рим империясига янги ерларни ўз таъсири остига олишда катта ёрдам берди. Католик миссионерлигига раҳбарлик қилиш учун папа Григорий XV 1662 й.да Диний тарғибот конгрегациясини таъсис этди. М.19-а.да фаоллашди, айниқса, христиан миссионерлари Африкада фаолиятларини кучайтирдилар ва ўз мамлакатларининг сиёсатини ўтказишга ёрдам бердилар.

ЎзРнинг «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуни 5-моддасига кўра, Ўзбекистонда ҳар қандай М. фаолияти ман этилади.

МИССИСИПИ (маҳаллий индейслар тилида — катта дарё) — АҚШдаги дарё, дунёдаги энг катта дарёлардан бири. Уз. 3950 км (Миссури дарёсининг бошидан ҳисоблаганда 6420 км), ҳавзасининг майд. 3268 минг км². Миннесота штатининг шим. қисмидаги кўлдан бошланади, Марказий текисликлар ва Мексика бўйи пасттекислигини шим.-дан жанубга кесиб ўтиб, дельта ҳосил қилиб (32 минг км²) Мексика кўлтиғига қуйилади. Энг йирик ирмоқлари: ўнгдан — Миннесота, Де-Мойн, Миссури, Арканзас, Ред-Ривер, чапдан — Висконсин, Иллинойс, Огайо. Водийсининг морфологик тузилиши ва сув режимига кўра, М. 3 қисмга бўлинади. Юқори қисми дастлаб кичикроқ кўллар орқали ўтади, остоналар бор. Миннеаполис ш.дан бошлаб, дарё ўзани шаклланган. Миссури дареси қўшилиши жойигача бир неча уюлаб тўғон қурилган. Ўрта қисмида дарё, асосан, бир ўзанда оқади, водийсининг кенглиги 10—15 км. Миссури ирмоғи қўшилгач, унинг ловқа суви М.нинг тошқ суви б-н 150—180 км гача ёнма-ён оқади. Қуйи қисми кенг текисликдан ўтади, водийсининг кенглиги 25 км дан 70—100 км гача. Қирғоқларида тошқинга қарши дамбалар қурилган. М. денгизга йилига 350 млн. т дан ортиқ оқинди келтиради. Дарёнинг қуйи қисмида сув кўпайганда сувининг бир қисми Пончартрен кўлига ва М.дан 15—40 км тарёда оқувчи Атчафалайа дарёсига оқади. Дарё қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Баҳор ва ёз ойларида М.нинг ўрта ва қуйи қисмида кучли тошқинлар бўлади. Юқори қисми қишда музлайди. Дарёнинг йиллик ўртача сув сарфи 19 минг м³/сек (энг юқорнси 50—80 минг м³/сек). Дарё сувининг саноат корхоналари чиқиндилари б-н ифлосланишини камайтириш чоралари кўрилмоқда. М.нинг транспорт аҳамияти катта: кема қатнайдиган дарё ва каналлар орқали Буюк кўллар ва чуқур сув йўли ҳисобланган Сан-Лаврентий дарёси орқали Атлантика океани б-н боғланган.

Миссисипи дарёси.

Миннеаполис ш.гача (3000 км) дарё кемалари, Батон-Руж ш.гача океан кемалари қатнайди. М. дарё системасидаги барча кема қатнови йўллари уз. 25 минг км дан ортиқ. Гидроэнергия ресурсига бой (27,5 ГВт). Энг аҳамиятли ГЭС Кивокак ш. яқинида қурилган. М. соҳилида Миннеаполис, Давенпорт, Сент-Луис, Мемфис, Батон-Руж, Янги Орлеан ш.лари жойлашган.

МИССИСИПИ — АҚШнинг жан. қисмидаги штат. Майд. 123,5 минг км². Аҳолиси 2,8 млн. киши (2002). Аҳолисининг 47% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази ва энг йирик шаҳри — Жэксон. Ер юзасининг катта қисми пасттекислик, штатнинг ғарбий четараси бўлаб ўтган Миссисипи дареснинг сўл ирмоқлари б-н кесилган. Иқлими субтропик сернам иқлим. Январнинг ўртача т-раси 8°, июлники 27°. Шимол кени ёрдами, жанубда игна барглн ўрмонлар. Мексика қўлтиғи соҳилида ботқоқ сарви усади.

М. — аграр штат. Асосий экини — пахта. Пахта ҳосили етиштирнлган мамлакатда Техас штатидан кейин 2-ўринда. Соя, маккажўхори, шоли, бўғдой, шакарқамиш экилади. Қорамол, чўчқа боқилади. Парранда чилик б-н шуғулланилади.

Нефть, табиий газ қазиб чиқарилади. Асосий саноат тармоқлари: нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, целлюлоза-қоғоз, кимё, тўқимачилик, тикувчилик ва кемасозлик. Миссисипи дарёсида соҳилида Галфпорт порти бор.

МИССИЯ (лот. missio — жўнатмоқ) — 1) муайян топшириқ б-н бошқа мамлакатга юборилган вакиллар; 2) бир давлатнинг бошқа давлатдаги (элчихонадан фарқли равишда) вакили томонидан бошқариладиган доимий дипломатик ваколатхонаси.

МИССУРИ (маҳаллий индейслар тилида — лойқа дарё) — АҚШдаги дарё, *Миссисипи* дарёсининг энг катта ўнг ирмоғи. Уз. 4740 км, ҳавзасининг майд. 1370 минг км² (шундан 10 минг км² Канада ҳудудида). Қояли тоғларнинг шарқий ён бағридан бошланади. Ўрта оқими Миссури платоси (баъзида даралардан оқиб, остоналар ҳосил қилади) ва қуйи қисми Марказий текисликлар орқали ўтган. Суви жуда лойқа. Йирик ирмоқлари: Йеллоустон, Платт, Канзас. М. юқори оқимида қордан, ўрта ва қуйи оқимида кўпроқ ёмғирдан сув олади. Баҳорда суви кўпаяди (этагида сув сатҳи 8—12 м гача кўтарилади), кучли тошқинлар бўлади. Ўртача сув сарфи 2600 м³/сек., тошганда 19000 м³/сек., суви камайганда 150—170 м³/сек. бўлади. Дарё йилига 220 млн. т оқизиқ келтиради. Катта сув омборлари (Форт-Пек, Гаррисон, Оахе) қурилган бўлиб, улардан сув оқимини тартибга солиб туриш, ирригация ва энергетика мақсадларида фойдаланилади. Дарёда йирик кемалар Су-Сити ш.гача, кичикроқ кемалар Форт-Бентон ш.гача қатнайди. М. бўйида Омаха, Канзас-Сити ва б. шаҳарлар жойлашган.

МИССУРИ — АҚШнинг марказий қисмидаги штат. Миссисипи ва Миссури дарёлари ҳавзасида. Майд. 180,5 минг км². Аҳолиси 5,67 млн. киши (2002), шундан 69% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Жефферсон-Сити ш.; йирик шаҳарлари — Сент-Луис ва Канзас-Сити. М.нинг ер юзаси тўлқинсимон текислик. Жанда Озарк платоси (энг баланд жойи 540 м) бор. Иқлими мўътадил иқлим. Январнинг ўртача т-раси —1°, июлники 26°. Йиллик ёғин 1000 мм; тез-тез кўргоқчилик бўлиб туради. Дарёлари кучли тошади.

М. — индустриал-аграр штат. Иқтисодий фаол аҳолининг 25% саноатда банд. Қўрғошин, темир рудаси, тошкўмир, барит, қурилиш материаллари қазиб чиқарилади. Машинасозлик ва озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Авиаракета, автомобилсозлик, радиоэлектроника, кимё, гўшт-консерва, ун тортиш корхоналари бор. Йўл қурилиши ва қ.х. машиналари, кўн-пойабзал, цемент ишлаб чиқарилади. Қора ва рангли металлургия корхоналари мавжуд. Қ. хонинг етакчи тармоғи — чорвачилик. Қорамол, чўчқа боқилади. Асосий қ.х. экинлари: маккажўхори, соя, бўғдой. Озарк платосида сули, Миссисипи дарёси водийсида пахта экилади.

МИССУРИ УНИВЕРСИТЕТИ — АҚШ даги йирик ун-тлардан бири. 1839 й. Колумбия ш.да ташкил этилган. Колумбия, Роли, Канзас-Сити, Сент-Луис ш.ларида жойлашган ун-т шаҳарча-кампуслари ҳуқуқидаги 4 мустақил ўқув юртини бирлаштиради. Санъат ва фан, муҳандислик, пед., қ.х., тиббиёт, ветеринария, жамиятшунослик ва ижтимоий муносабатлар, журналистика, ҳуқуқ, кутубхоначилик, кончилик, металлургия ва б. соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди. 54 мингга яқин талаба таълим олади. Кутубхонаси ва унинг бўлимларида 1,6 млн.дан ортиқ асар сақланади.

МИСТРАЛ (Mistral) Габриела (тахаллуси; асл исм-шарифи Лусила Гадой Алькаяга) (1889.7.4, Викунья — 1957.10.1, Хемпстер, США) — чили шоираси, педагог, жамоат арбоби. 16 й. ўқитувчилик қилган. 1922 й. Мексика таълим вазирлигига таклиф қилингач, Мексика мактаблари ва кутубхоналарини ислоҳ қилиш лойиҳасини ишлаб чиққан. 1924—46 й.ларда Чили элчиси сифатида Италия, Испания, Португалия, Бразилия, АҚШда ишлаган. БМТ ташкил бўлган даврдан Миллатлар лигаси ишларида қатнашиб келган. Биринчи шеърий тўпламн — «Ўлим сонетлари» (1914). Лирикасида испан шеърияти анъаналари б-н индейслар мифологиясидаги анимистик образлилик қўшилиб кетган. «Ноғиклик» (1924) шеърий тўпламида оналик

бахтидан маҳрум аёлнинг дардлари акс этган. «Яксон қилиш» (1938) шеърий тўпламида фашизм қоралан-ган. М. «Тушкунлик» (1922), «Тала» (1938), «Тахтакач» (1954) каби шеърий ва «Лаънатланган сўз» (1950) публицистик мақолалар тўплами муаллифи. Нобель мукофоти лауреати (1945).

МИСУРОТА — Ливиянинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Ўрта денгиз бўйидаги воҳада. Аҳолиси 340 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Денгиз бўйидаги савдо-транспорт маркази. Қ.х. маҳсулотлари қайта ишланадиган йирик марказ. Озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Металлургия мажмуаси ташкил этилган. Ҳунармандчиликда гилам тўқилади, металл буюмлар ясалади. Мисурота-Марина авианпорти бор (шаҳардан 10 км).

МИСҚОЛ — қад. оғирлик ўлчов бирлиги; Шарқ (араб) мамлакатларида қимматбаҳо буюмларнинг оғирлиги М. б-н ўлчанган. 1 М.нинг оғирлиги 100 дона арпа (ёки бугдой) дони оғирлигига тенглаштирилган. Агар бир дона арпа донини қадимда ўртача 0,0409512 г га тенг қилиб олингани ҳисобга олинса, у ҳолда 1М=100 арпа дони = 100·0,04095122 = 4,09512 г бўлади. Самарқанд (6—8-а.) да 4,46 г га, Бухоро (16—19-а.) да 4,8—5 г га, Хоразм (14-а.) ва Фарғона водийсида 4,55 г га тенг бўлган.

Миср ва Суданда 1 М. 4,68 г, Сурияда 4,45 г, Ироқда 4,46 г. Эрон (14-а.)да 4,3 г га, 19-а. охиридан эса 4,639 г га, Ҳиндистонда 4,583 г га тенг бўлган. М. Яқин Шарқда ҳозир ҳам ишлатилади.

МИТАЛАР — омборларда, хонадонларда ва б. жойларда сақланаётган қ.х. маҳсулотлари — галла донлари, ёрма, ун, қоқилар ва б.ни зарарлайдиган ҳар хил ҳашаротлар ва каналарнинг умумий номи. М. сирасига ун канаси, омбор филчаси, шоли филчаси, жан. омбор капалаги, суринам донхўри, кичик ун қўнғизи, катта ун қўнғизи, жуда кўп турдаги *кукла* ва б. киради. Омбор зараркунандалари халқ хўжалигига жуда катта иқтисодий зарар етказади, улар сақланаётган қ.х. маҳсулотларинигина эмас, озиқ-овқат, кийим-кечакларнинг ҳам сифатини бузади. Ўрта Осиёда ҳашаротлар ва кана (М.)ларнинг 100 дан ортиқ, хусусан, каналарнинг 51, қўнғизларнинг 41, тангаканотлилар ёки капалакларнинг 15 тури мавжуд (қ. *Омбор зараркунандалари*).

МИТАН, муйтон — ўзбек ва қорақалпоқ халқи таркибига сингиб кетган қабила. М.нинг кўпчилиги ҳоз. Қорақалпоғистоннинг Тахтакупир ва Муйноқ туманларида яшаган (Қунғирот туманидаги ўзбеклар таркибида ҳам учрар эди). М. ларининг айрим гуруҳлари Афғонистон (Балх вилоятида яшайди. Қорақалпоқ М.лари ўтмишда бир қанча катта ва кичик қабила-уруғларга бўлинган. Ўзбек М.ларининг кўпчилиги 19-а.нинг охири ва 20-а.нинг бошларида Зарафшоннинг ўрта оқимида яшаган. 1920 й.да Самарқанд вилояти М.ларидан 7 минга яқин киши рўйхатга олинган. Иштихон, Нурота, Булунғур туманларида озроқ қисми Кармана атрофларида ҳамда Қашқадарёнинг қуйи оқимларида яшаган. Зарафшон водийсида яшовчи М.ларнинг бир қисми ўтроқ ўзбекларга аралашиб, ўз уруғ номларини унутганлар.

М. этногенези тўлиқ ўрганилмаган. Айрим олимлар мил. ав. 6-а. ва мил. 1-а. ўрталарида Шим. Месопотамияда, Эронда, Озарбайжонда (Урмия кўли атрофида), Арманистоннинг тоғли ҳудудларида яшаган, Геродот, Гекатей, Страбон, Полибий каби антик тарихчилар *матиенлар* деб номлаган халқларни М.ларнинг илк аждодлари деб тахмин қиладилар.

Ад.: Материалы Всероссийской переписи, вып. 5, ч. Т., 1923; Материалы по районированию Средней Азии, кн.1,ч.1, Бухара — Т., 1926.

МИТАН — Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги шаҳарча (1986 й. дан). Туман маркази (Иштихондан 8 км, Самарқанд ш.дан 68 км. Яқин т.й. станцияси — Каттақўрғон (30 км). Аҳолиси 5,7 минг киши (2000). М. Нурота тоғ тизмасининг Оқтов адирлари адогида, ўртача 250 м баландликда жойлашган. 1926—58 й.ларда Митан туманининг маркази бўлган. 1958 й.да Митан тумани тугатилгач, Иштихон тумани таркибига кирган. «Митан» сўзи шаҳарча ҳудудида яшовчи ўзбекларнинг қад. «митан» (муйтан) уруғи номидан келиб чиққан. М.да пахта тозалаш з-ди, МТП, деҳқон бозори, 2 умумий таълим мактаби, иқтидорли ўқувчилар уйи, кутубхона, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Болалар касалхонаси, туман касалхонасининг терапия бўлими, дорихоналар фаолият кўрсатади.

МИТИНГ (инг. meeting — учрашмоқ, йиғилишмоқ) — муҳим воқеа, кўпинча сиёсий масалаларни муҳокама қилиш учун ўтказиладиган оммавий йиғилиш.

МИТОЗ (юн. mitos — ип, kariokinez — ядронинг ҳужайраларнинг бўлиниб кўпайиш усули. М.дан иборат ҳужайра бўлинишга тайёрланади, дам (интерфазани ўтади. Интерфазада ДНК, оқсил, АТФ синтез бўлади. Натижада хромосомалардаги ДНК миқдори икки ҳисса ортади ва *Хромосомалар*). Бу жараён *репликация* деилади. М 4 фаза: профаза, метафаза, анафаза, телофазалан иборат. Профазада хромосомалар спиралланиб, иприкланиб бошланади, ядро мембранаси ва ядроча емирилиб, хромосомалар цитоплазмага тарқалиб кетади. Профаза охирида центросомалар ҳужайра қутбларига жойланиб олади, улар ўртасида микроначалардан иборат ахроматин ипчалар пайдо бўлиб, бўлинини дуки ҳосил бўлади. Метафазада хромосомаларнинг спираллашиб ихчамлашуви давом этади. Метафаза охирида хромосомалар ҳужайра марказида бўлинин ўқи экваторида жойланиб олади. Бу фазада ҳар бир хромосома 2 та хроматидан иборат бўлиб, улар центромераси орқали ўзаро бириккан, хроматидлар эса бўлинин дуки ипларига илашган бўлади. Анафазада хроматидлар ўртасидаги боғланиш узилиб, ҳар бир хромосома 2 та мустақил хроматида ажралади. Ахроматин ипчаларнинг қисқариши туфайли хромосомалар қарама-қарши қутбларга тарқала бошлайди. Телофазада хромосомалар қутбларга жойланади; спирали ёйилиб улар яна узун ипчалар — хроматидлар шаклига киради ва ёруғлик микроскопда кўринмайдиган бўлиб қолади; ядроча қайта тикланади; ядро мембранаси ҳосил бўлади. Цитоплазма ўртасида ботиқлик пайдо бўлиб, чуқурлаша бориши ва ҳужайранинг тенг иккита бўлиниши б-н телофаза тугалланиб, яна қайтадан интерфаза бошланади.



Митоз: *1*—интерфаза; *2,3*—профаза; *4*—метафаза; *5,6*—анафаза; *7,8*—телофаза.

М.да содир бўладиган жараёнлар нерв системаси ҳамда бўйрак усти бези, гипофиз, қалқонсимон без, жинсий безлар ва ў. *секреция безлари* ишлаб чиқарадиган гормонлар орқали бошқарилади. Марказий нерв системаси томонидан бошқарилади. М.нинг кеча-кундузлик маромини *биологик соат* деилади. М.нинг кеча-кундуз давомида содир бўлиб турадиган ўзгаришлар ва организмлар эволюцияси ўз-ўзидан М.нинг такомилланишига ҳужайранинг ўлчами, ядросининг плоидлиги, атроф муҳит шароити (нурланиш, ҳарорат) таъсир қилади. М. ҳайвон ҳужайраларида 30—60 мин., ўсимлик ҳужайраларида 2—3 соат давом этади. М.нинг биологик аҳамияти бўлинишга киришган дастлабки она ҳужайра хромосомаларининг бўлинишдан кейин ҳосил бўладиган иккита янги қиз ҳужайралар ўртасида тенг тақсимланишидан ва битта ҳужайра бўлиниб, унга айнан ўхшаш иккита ҳужайранинг вужудга келишидан иборат. М.да организмнинг ўсиши ва ривожланиши, шикастланган ҳужайраларнинг тикланиши, ўлган ҳужайралар ўрнига янги ҳужайралар ҳосил бўлиши таъминланади. Баъзан М. тугалланмай қолиши туфайли кўп ядроли — *полиплоид* ҳужайралар пайдо бўлади ёки политен хромосомалар вужудга келади (яна қ. *Мейоз, Амитоз, Эндомитоз*).

МИТОХОНДРИЯ (юн. mitos — ип, chondrios — донача) — эукариот ҳужайралар органоиди. М. икки қават мембрана б-н ўралган; ички мембранаси кристалар (бурмалар) ҳосил қилади. М.нинг ички мембрана б-н ўралган бўшлиғи *матрикс* деилади. Ҳужайрада М. сони бир нечтадан минтагача етади. М.нинг асосий функ-цияси энергия ҳосил қилишдан иборат. М. энергияси манбаи биологик оксидланиш бўлиб, унда гликолизда ҳосил бўлган пируузум кислота митохондрия матриксида CO_2 ва H_2O гача парчаланади. Бу жараён мураккаб кимёвий реакциялардан иборат. Унинг 1-босқичида пируват парчаланади ва учкарбон кислоталар цикли амалга ошади; 2-босқичда электронлар ташилади ва АТФ синтезланади.

М. матриксида ДНК, РНК, рибосомалар ва оқсил синтезида қатнашувчи ферментлар мавжуд бўлгани туфайли ўз оқсилларининг бир қисми синтезланади. Шунинг учун М.ни ярим автоном органоид дейилади. Митохондрион оқсиллардан бинолар симбиогенез гипотезасига биноан, аэроб бактериялардан келиб чиққан бўлиши мумкин. М. бўлиниш орқали кўпаяди.

МИТРА — қадимда Ҳиндистон, Эронда бош худолардан бири. Мил.ав. 6-а.дан М. та сигинини Кичик Осиё ҳамда Фурот ва Дажла дарёлари оралигида тарқалди. Кейинроқ М.га сиғинишдаги алоҳидалиги — митраизм пайдо бўлди. Бу дин келинлар оралиғида, мил. 1-а.дан бошлаб Римда, 2-а.дан бутун Рим империясида машҳур эди.

МИТРИДАТ I (юн. Mithridates), Аршак VI (? — тахм. мил.ав. 136) — Парфия шоҳи (мил.ав. 170—138/137). М. I *Салавкийлар давлати*нинг таназзулга учраганлигидан фойдаланиб, унинг шарқий сатрапиялари — Мидия, Месопотамиянинг катта қисми (мил.ав. 140), Элам, Форс ва *Бақтрия*ни босиб олган. Арманистон ҳам Парфия сиёсий таъсири остида бўлган. М. I даврида Парфия йирик давлатга айланган.

МИТРОПОЛИТ (юн. metropolites) — православ христиан черковидаги олий диний унвон.

МИТТИ ЮЛДУЗЛАР, қарлиқ юлдузлар — ўртача катталикдаги юлдузлардан кўра кичик ва ўнчалик ёруғ бўлмаган юлдузлар. М. юлдуз кўчишлари *Геркулес — Кассиопея* диаграммасидаги асосий чизиқнинг пастки қисмида жойлашган. М.юлдуз ўртача зичлиги 1 дан 60 г/см³ гача. М.ю. оқ ва қизил юлдузларга бўлинади. Оқ М. юлдуз ҳажми ер ҳажмига яқин бўлиб, жуда катта зичликка эга.

МИТТИЛИК — қ. *Пакаланлик*.

МИТЧЕЛЛ (Mitchell) Питер (1920.29.9, Митчем, Суррей графлиги, Буюк Британия) — инглиз биокимёгари. Фалсафа д-ри (1950). Эдинбург университ зоология кафедраси биокимё гуруҳи (1955—63), 1964 й.дан Корнуэлледаги Глинновск илмий тадқиқот лаб. раҳбари. Ҳужайрадаги биоэнергетик жараёнларни тадқиқ қилган. Хемиосмотик назария (биологик мембранада АТФ синтезида энергиянинг ўзгариш механизми)ни ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (1978).

МИФ (юн. mithos — афсона, ривоят, асотир) — қад. одамнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудлар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиқодий қарашларни ўз ичига олган. М. қад. одамнинг воқеликка бўлган онгсиз ҳиссий муносабати ифодаси бўлиб, табиат ва жамият ҳаётининг турли қирралари моҳиятини тушунтиришни энг қад. тасаввурлар силсиласидир. Мифологик тасаввурлар муайян воқелик моҳиятини ҳаёлий ўйдирма воситасида изоҳласада, М. яратилган ва оммалашган жойида ўз изоҳлови ва ижрочилари томонидан ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеалар баёни сифатида қабул қилинган.

Қад. одамнинг олам ҳақидаги тасаввурларини ўзида ифодалаган ва авлоддан авлодга етказишга мўлжалланган М.ларнинг оммалашиш усуллари ҳам турлича бўлиб, асосан, жонли оғзаки ижро орқали, яъни сўз воситасида ҳаёт қилиб берилган.

Мифологик тасаввурлар тизими ибтидоий уруғ ва маросимларнинг мағзини ташкил этувчи рамзий хатти-ҳаракатлардан иборат ритуал ўйинлар сифатида ҳам намойиш қилинган. Қад. тасаввурлар асосида яратилган асосий атиқалар ҳамда халқ ҳунармандчилиги буюмларидаги рамзий чизгиларда ҳам мифик сюжетлар акс эттирилган.

М.лар қуйидаги турларга бўлинади: 1) ибтидо ҳақидаги М.лар (оламнинг яратилиши ва ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги М.лар); 2) самовий М.лар (осмон жисмлари ва табиат ҳодисаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги М.лар); 3) антропогеник М.лар (гайриоддий хислатга эга бўлган афсонавий паҳлавонлар, мас., Геракл, Гильгамеш, Одами Од. Ҳубби ва б. ҳақидаги М.лар); 4) сигиниш М.лари (муайян эътиқодий ишончлар б-н боғлиқ, мас., ҳосилдорлик, сув, ўсимлик, оловга сиғиниш ҳақидаги М.лар); 5) этногенетик М.лар (уруғ-қабилаларнинг келиб чиқиши б-н алоқадор М.лар; мас., 92 ўзбек уруғларининг пайдо бўлиши ҳақидаги М.); 6) календарь М.лар (йил, ой, кун ҳисоби б-н боғлиқ М.лар, мас., аямажуз, аҳман-даҳман, чилла, тўқсон ҳисоби б-н боғлиқ М.лар); 7) эсхатологик М.лар (оламнинг интиҳоси ҳақидаги, мас., охирзамон тўғрисидаги М.).

Эзгулик кучларининг зулматни ўзига макон қилган ёвузликка қарши курашини ўзида акс эттирган қад. М.лар бадиий тафаккурнинг шаклланишида муҳим роль ўйнаган. Воқеликни эстетик категория сифатида идрок этиш ҳамда бадиий сўз воситасида талқин қилиш анъанаси келиб чиққач, қадимги М. ларнинг асосий қисми сўз санъатининг турли жанрларига сингиб кетган. Ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётидаги кўплаб эпик сюжет ва анъанавий мотивларнинг генетик илдизлари бевосита мифик тасаввур-

лар қатламига бориб тақалади. М.лар «Авесто», «Илиада», «Рамаяна», «Шоҳнома», «Калевала», «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Рустамхон» ҳамда «Гўрўғли» каби адабий ёдгорликларнинг яратилишида ҳам салмоқли ўрин тутган.

Ад.: Мелетинский Е. М., Поэтика мифа, М., 1976; Стеблин-Каменский М. И., Миф, Л., 1976; Мифы народов мира. В двух томах, М., 1991; Жўраев М., Шомусаров Ш., Ўзбек мифологияси ва араб фольклори, Т., 2001.

Маматқул Жўраев.

МИФОЛОГИК ОБРАЗЛАР — халқ оғзаки бадиий ижодиёти, ёзма адабиёт ва санъат асарларидаги мифологик негизга эга бўлган асотирий персонажлар. М.о. муайян воқеа-ҳодисанинг жонлантирилган тимсолий ифодаси бўлиб, воқеликнинг моҳиятини метафорик, рамзий ва истиоравий ҳолатда ўзига кўчиради ва унинг шаклий тажассумни ҳисобланади.

М.о. ибтидоий бадиий уйдирма-фантазия маҳсули бўлиб, коинот, табиат ва жамиятдаги турли-туман ҳодисалар, қад. олам тасаввурида мавжуд бўлган гайриодлий кучларнинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлашга хизмат қилган. Бадиий тафаккур шаклланган, қад. *мифологиянинг* таркибий қисми саналган асотирий образлар адабиёт ва санъатда кўчган. Ўзбек мумтоз адабиёти намояндаларининг асарлари, «Алпомиш», «Кунтуғмиш», «Рустамхон» ҳамда «Гўрўғли» туркумига мансуб достонлар, ўзбек халқ афсоналари ва эртакларидаги М.о. шулар жумласидандир. Фольклор ва ёзма адабиётдаги М.о. бадиий талқиннинг тўлақонли чиқиши ҳамда поэтик тафаккурнинг кенг қамровлилигини кўрсатиш вазифасини бажаради.

Ўзбек фольклорида «Авесто» асотирларига алоқадор Каюмарс, Анахита, Ахриман, дев, пари, аждар; сув культи б-н боғлиқ Ҳубби, Суст хотин, Сув хотин, Чала хотин; шамол «пири» сифатида тасаввур қилинган Ҳайдар, Ялли момо, Яланғоч ота, Чоймомо; халқ тақвимига алоқадор Аямажуз, Азиз момо, Аҳман-Даҳман; момақалдироқ ва чақмоқ «эгаси» Гулдур момо; афсонавий паҳлавонлар сифатида тасвирланувчи Одами Од, Олангасар, Дорокўз; ёвуз кучлар ҳақидаги қарашларни ўзида ифода этган алвасти, ялмогиз каби кўпгина М.о. мавжуд.

Ад.: Саримсоқов Б., Эпик жанрлар диффузияси //Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари, Т., 1981; Жўраев М., Шомусаров Ш., Ўзбек мифологияси ва араб фольклори, Т., 2001.

Маматқул Жўраев.

МИФОЛОГИЯ *грэч.* ... *ва* ... *логия* — 1) муайян халқ томонидан яратилган мифологик тасаввурларнинг изчил тартибга солинган тизими, асотирлар мажмуи. Мас., юнон М.си, ҳинд М.си, ўзбек М.си. Инсоният маънавий тараққиётининг илк босқичи сифатида муҳим аҳамият касб этган М. ибтидоий маданиятнинг негизи, оламни идрок этишнинг асосий воситаси, бадиий тафаккурнинг ибтидоси ҳисобланган. М.нинг асосини қад. оламнинг коинот, табиат, инсон, самовий жисмлари, парса ва ҳодисаларининг пайдо бўлиши ҳақидаги асотирлар ташкил этади.

М.нинг архаик қатлами қуёш, ой ва юлдузлар тўғрисидаги шамсий, қамарий ва астрал мифлар, оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги самовий мифлар, одамзотнинг яратилиши ҳақидаги антропогеник мифлар, қад. эътиқодий қарашларни ўзида ифода этган тотемистик, анимистик ва культ мифларидан ташкил топган. Деҳқончилик маданияти юксак даражада ривожланган ҳудудларда эса табиий-иқлимий ўзгаришларнинг рамзий-метафорик талқинлари асосига қурилган тақвимни (календарь) мифлар ва ўлиб-тирилувчи табиат культлари ҳақидаги мифлар кенг тарқалган. Хусусан, Осирис (Қад. Миср), Адонис (Финикия), Дионис (Юнонистон), Сиёвуш (Ўрта Осиё) ҳақидаги мифологик сюжетлар шу тарика юзага келган. Ўзининг илк тараққиёт босқичида энг содда ибтидоий ишончлардангина иборат бўлган М. инсоният тафаккурининг тадрижий ривожи давомида олам, жамият ва табиат ҳақидаги асотирий сюжетлар, мифик образ ва тасаввурлар силсиласини ўз ичига олган мукаммал тизимга айланган.

Ижтимоий онгнинг анимизм, тотемизм, фетишизм каби қад. шакллари М. б-н чамбарчас боғлиқ. Ибтидоий дунёқараш тизими сифатида шаклланган М. қад. диний эътиқодларнинг илк куртаклари, аждодларимизнинг фалсафий, ахлоқий ва ижтимоий қарашлари, олам ва одам ҳаётига доир энг содда илмий талқинлар, воқеликни онгсиз-ҳиссий англаш асосига қурилган рамзий-метафорик образлар, шунингдек, сўз санъати, маросимлар тизими ва мифологик тафаккурнинг турли хил шаклларини ўз ичига қамраб олган. У қад. одамнинг борлиқ оламни идрок этишга доир тасаввур ва қарашларини ўзида жамлаган изчил тизим сифатида ибтидоий мафкуранинг етакчи ғояси бўлиб хизмат қилган. М. ибтидоий инсонининг илмий, диний, фалсафий ва бадиий қарашларини ўзида мужассамлаштирган синкретик ҳодисалар. Шу боис М. фольклор, ёзма адабиёт, санъат ва маънавият ҳодисаларининг шаклланиши учун илк замин вазифасини ўтаган.

2) мифларни талқин этувчи, ўрганувчи фан, мифшунослик. Мифологик тасаввурлар моҳиятини англаш ва уларни илмий талқин қилишга бўлган илк уринишлар антик давр олимлари томонидан амалга оширилган. Хусусан, Платон асотирларни фалсафий-рамзий нуқтаи назардан талқин қилган бўлса, юнон фалсафачиси Эвгемер (мил. ав. 3-а.) мифик образларни утопияда яшаб ўтган реал тарихий шахсларнинг тимсолини ифодаси деб билган. 19-а.нинг 1-ярмида Германияда «мифологик мактаб» вояга келган. Мифологик мактабнинг назарий асослари немис филологлари ака-ука Я. ва В. Гриммларнинг «Немис мифологияси» китобида баён қилинган. Улар халқ ярақларини таҳлил қилиш жараёнида қад. мифологик тасаввурларнинг янгик сюжетлар таркибидаги қолдиқларини аниқлашган ва ҳинд-европа халқлари М.си янгина пеғига бориб тақалади, деган муҳим илмий хулосага келишган. Ана шу назарияни ривожлантирган А. Кун, В. Шварц, В. Маннхардт (Германия), М. Бреаль (Франция), М. Мюллер (Англия), Ф. И. Буслаев, А. Н. Афанасьев, О. Ф. Миллер, А. А. Потебня (Россия) каби олимлар мифларни қиёсий талқин этишган. Кейинчалик жаҳон мифшунослигида кўплаб янги илмий йўналишлар юзага келган. Хусусан, инглиз қиёсий этнографиясининг вотуқлари асосига қурилган «антропологик мактаб» (Э. Тайлор, Э. Ланг, Г. Спенсер, Ж. Фрейзер); миф ва маросимларни ўзаро узвийликда талқин этган кембриджлик мифшуносларининг «ритуалистик мактаб»и (Д. Харрисон, Ф. М. Корнфорд, А. Б. Кук, Г. Марри); ибтидоий маданиятнинг руҳий асосларини ўрганган француз этнологларининг «ижтимоий мактаби» (Э. Дюркгейм, Л. Леви-Брюль); мифологик тафаккурнинг интеллектуал ҳодиса сифатидаги ўзига хослигини ёритиб берган «символистик мактаб» (Э. Кассиер, В. Вундт, К. Г. Юнг—Германия); «структуруал мактаб» (К. Леви-Стросс—Франция) вакилларининг асарларида мифлар турли нуқтаи назардан таҳлил қилинган. Ўзбек М.си эса Ғ. Акрамов, Б. Саримсоқов, Т. Ҳайдаров, Т. Раҳмонов (миф ва эпос), М. Жўраев, Ш. Турдимов (ўзбек М.синнинг образлар силсиласи ва генетик асослари), Ш. Шомусаров (ўзбек ва араб М.синнинг қиёсий таҳлили) каби олимлар томонидан талқин этилган.

Б. Ланг, Ф. Мифология, пер. с англ., М., 1901; Мелетинский Е. М., Поэтика мифа, М., 1976; Стеблин-Каменский М. И., Миф, Л., 1976; Ахрамов Ғ., Мифология в узбекском народном творчестве, Ашх., 1980; Саримсоқов Б., Эпик жанрлар диффузияси // Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари, Т., 1981; Тангри Ў., Первобытная культура, М., 1989; Токарев С. А., Религия: мифы, Вестника и Индии, М., 1990; Хук С. Г., Мифология Ближнего Востока, М., 1991; Сагалаев А. М., Урало-алтайская мифология, Новосибирск, 1991; Жўраев М., Шомусаров Ш., Ўзбек мифологияси ва араб фольклори, Т., 2001.

Маматқул Жўраев.

МИХАИЛ ФЁДОРОВИЧ (1596.12.7 — Москва — 1645.13.7) — Россия тарихида *романовлар* сулоласининг асосчиси (1613в. 21 авг.дан). Бояр Ф. Н. Романов (кейинроқ патриарх Филарет)нинг ўғли. Москвадан полак босқинчиларни ҳайдаб чиқазилгач, боярлар танаббуси б-н Земско соборн 16 ёшли М.Ф.ни подшо қилиб кўтарган. Иродасиз, касалманд М. Ф. подшолик даврида давлат ишларини идора этиш унинг яқин қариндошлари ва отаси (расмий равишда улуғ ҳукмдор унвонига эга бўлган) Филарет (1619—33 йилгача), кейин боярлар қўлида бўлган. М. Ф. ҳукумати мамлакатда ўрушни тўхтатиш мақсадида Швеция б-н Столбов сулҳи (1617), Польша б-н Деулин яраш аҳдини (1618) тузган. Лекин Смоленск ва б. рус ерларини қайтариб олиш мақсадида 1632—34 йилларда Польша б-н яна уруш олиб борган. М. Ф. даврида Сибирни эгаллаш бўйича тадбирлар давом эттирилган, Қрим татарларига қарши мудофаа истеҳкомларини қуриш жадал олиб борилган.

МИХАЙЛОВ Евгений Николаевич (1905.15.4, Петроград — 1999.9.10, Тошкент) — биолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1950), қ.х. фанлари д-ри (1947), проф. (1947). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1929). Ўрта Осиё ипакчилик илмий тадқиқот ин-тида илмий ходим (1929—37), Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-ти ипакчилик кафедрасида доц. (1937—47), кафедра мудири (1947—59), ипакчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш ф-ти декани (1944—59). Ўрта Осиё фитопатология и.т. ин-ти директори муовини (1959—65), директори (1965—72), Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-ти ипакчилик кафедраси мудири (1972—85). «*Ипак*» («Шёлк») журнали бош муҳаррири (1960—85). Илмий ишлари ипакчиликнинг назарий ва амалий масалалари, тут ва дуб ипак қурти биол.си, ипак қурти боқиш, ипак қурти уругчилиги ва наслчилиги, касалликлари ва зараркунандаларига қарши кураш муаммоларига бағишланган.

4- Шелководство [Дарслик], М., 1950; Қурт боқиш, Т., 1953; Биология тутового и дубового шелкопряда, М., 1958; Экология и выкормка шелкопрядов, М., 1959; Инфекционные болезни тутового шелкопряда, Т., 1982.

МИХАЙЛОВ Сергей (1976.3.5, Ўш ш., Қирғизистон) — боксчи, «Ўзбекистон ифтихори» (2002), «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» (2000). Андижон шаҳар республика олимпия ҳунарбосарлари билим юртида ўқиган (1989—92). Андижон ун-тини тугатган (2002). «Динамо» спорт жамиятининг бокс ишқибози (2003). Ўзбекистон чемпиони (1997—2001), 3 карра Осиё чемпиони (1997, Бангкок; 1999, Тошкент; 2002, Серембран), 2 марта Осиё ўйинлари голиби (1998, Бангкок; 2002, Пусан), 2000 й. Сиднейда бўлган олимпиадада 81 кг вазнда бронза медалини қўлга киритган. «Дўстлик» ордени (2001) б-н мукофотланган.

МИХАЛКОВ Сергей Владимирович (1913.27.2 (12.3), Москва) — рус ёзувчиси, жамоат арбоби. Россияда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1967), Меҳнат Қаҳрамони (1973). М. Горький номидаги Адабиёт ин-тида ўқиган (1935—37). РСФСР Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви раиси (1970—90). М.нинг «Болалар учун шеърлар» китоби (1936) ёшларни меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялайди. 2-жаҳон урушн йилларида бир қанча очерк, ҳикоя, ҳажвий шеър ва фельетонлар яратган. «Хушчақчақ қўён» (1963), «Сўзмоқ истайман» (1965) тўпламлари нашр этилган. У «Том Кенти» (1938), «Махсус вазифа» (1945), «Мақтанчоқ қўёнча» (1951), «Ўзига ёдгорлик» (1953), «Қўпик» (1975), «Акс садо» (1980), «Пуэрто Муэртодаги қўрқинчли тун» (1982) сингари драмалар муаллифи. Урушдан кейинги даврда ёзган «Том тога ва қизча», «Биллур вазо», «Ўттиз олти ва беш», «Сашанинг қанаси», «Стёпа амаки» ва б. асарларида болалар ҳаёти, уларнинг ўзига хос характери ифодаланган. СССР гимни матнини ёзган (Г. Эль-Регистан б-н ҳамкорликда). Айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Уйимга кетаман, Т., 1951.

Ад.: Александров В. П., Сергей Михалков, М., 1983.

МИХИРАКУЛА (6-а.) — оқ ҳунлар — эфталийлар сардори (515—6-а. ўртаси). Шим.-Ғарбий Ҳиндистон (пойтахти — Шакала ш., ҳоз. Сиалкот)да ҳукмронлик қилган. М. тасарруфидаги мулклар Жамна — Ганг водийсига, Ғвалиорга-ча тарқалган. 528 й. ҳинд ҳукмдорлари бирлашган қўшини томонидан мағлубиятга учраган, бу эфталийларнинг Ҳиндистонга кейинги юришларига барҳам берган. Уларнинг ихтиёрида фақат Ҳинд дарёси водийсигина сақланиб қолган. Ҳинд халқи тарихий анъанасида М. золим, мустабид подшоҳ ва шафқатсиз, қаҳрли истилочи сифатида акс эттирилган.

МИХХАТ — қадимда Олд Осиёда қўлланган, мих ёки пончаларга ўхшаш чизиқча (белгилар)дан лой тахталарга ўйиб туширилган иборат *идеографик ёзув* тури, мил. ав. 3-минг йиллик бошларида шумерлар томонидан яратилган. Бунда айрим буюмлар ва умумий тушунчаларнинг номи расмлар ёки ифодаланган, мас., оёқ тасвири «юриш», «туриш», «олиб кетиш» маъноларини англатган. Бундай белгилар миқдори 1000 тагача етган. Шумер М.и дастлаб юқоридан пастга, кейинчалик горизонтал ҳолда — чапдан ўнгга қараб ёзилган. Мил. ав. 3-минг йилликнинг ўрталарида М.нинг сўз-бўғинли шакли пайдо бўлган, белгилар миқдори 600 тагача қисқартирилиб, расм-белгилар соддалаштирилган. Айни шу даврда шумер М.и аккадликлар (бобилликлар ва оссурияликлар) томонидан ўзлаштирилиб, семит тилларга мослаштирилган, белгилар сони 300 тага туширилган. Аккадликлар ишлаб чиққан М. кейинчалик, мил. ав. 2—1-минг йилликлар даврида бир қанча қўшни халқлар тиллари (хетт, элам, урарт, қад. форс ва б.)га мослаштирилган ҳолда қўллана бошлаган. Бу даврда М.лар ҳарф-товуш-бўғин ёзувларига анча яқинлашиб, шундай ёзувларнинг келиб чиқишига асос бўлган. Мил. ав. 1-минг йиллик охирларида М.лар ўрнини *оромий ёзуви* эгаллаган.

М.да битилган жуда кўп ёдгорликлар — тарихий ёзувлар, турли расмий ҳужжатлар, оғзаки ижод намуналари, лугатлар, илмий асарлар, диний матнлар сақланиб қолган. Турли халқларга мансуб М.ларни ўрганиш, дешифровкалаш 19-а.дан, аниқроғи, 1802 й.дан бошланиб, 20-а.нинг ўрталаригача давом этган. Немис, француз, инглиз, чех, рус олимлари М.ларни дешифровкалашда фаол иштирок этиб, бу соҳада кўплаб и.т.лар олиб борганлар.

Ад.: Фридрих И., История письма, пер. с нем., М., 1979.

МИЦАР — *Катта Айиқ* юлдуз туркумидаги юлдуз. У учта кичик юлдуздан ташкил топган, кўринма юлдуз катталиги 2,0. Ёркинлиги Қуёшникидан 74 марта кучлидир. Қуёшдан узоқлиги 27 парсек. М. компонентларидаги спектр чизиқларининг силжиши кузатилган (1889).

МИЦЕЛИЙ (юн. Mykes — замбуруғ) — замбуруғларнинг вегетатив танаси (таллом). М. ингичка ипчалар — гифлардан иборат. Одатда, субстрат ичида, баъзан унинг сиртида ривожланади; субстратдан органик моддаларни осматик йўл б-н сўриб олиш функциясини бажаради. Хитридийли замбуруғлар, зигомицетлар ва сомицетларнинг М.си тўсиқсиз, битта ҳужайрадан иборат бўлиб, уз. бир неча ўн см ни (мас., могор) ташкил этади. Хитридийли замбуруғларда М. кучсиз ривожланган бўлиб, ризомицелий дейилади. Аксомицетлар, базидияли замбуруғлар М.си тўсиқлар (секталарга бўлинган кўп ҳужайрали. М.нинг бир қисми орқали замбуруғлар вегетатив кўпаяди. М.дан замбуруғларнинг репродуктив органлари ва мевали танаси ҳосил бўлади.

МИЦКЕВИЧ Адам (1798.24.12, Новогрудка яқинидаги Заосье қишлоғи — 1855.26.11, Истанбул) — поляк шоири, миллий озодлик ҳаракати арбоби. Поляк романтизмининг асосчиси. Вилен ун-тини тугатган (1819), полик ёшларининг «Филоматлар» («Фан дўстлари»), «Филаретлар» («Яхшилик дўстлари») ташкилотларида фаол иштирок этган. М.нинг илк тўпламми («Шеърият», 1-ж., 1822) Польша адабиётида романтик оқимнинг манифести бўлди. М. «Шеърият» (2-ж., 1823)га кирган романтик руҳдаги «Гражина» лиро-эпик достони б-н Польшада «шеърий қисса» жанрига асос солди.

«Филаретлар» ташкилоти иши бўйича қамалган (1823) М.ни чор маъмурлари Литвадан чиқариб юборган; Россияда яшаб, А. С. Пушкин б-н яқин алоқада бўлган (1824—29). Бу йиллар унинг ғоявий ва ижодий ўсишида муҳим давр бўлди («Крим сонетлари», 1826; «Конрад Валленрод», 1828 ва б.). М. 1830 й.дан Парижда яшади. «Дзядлар» драматик достонининг 3-қисми (1832)ни ва миллий мустақиллик учун кураш руҳи б-н суғорилган 12 қўшиқдан иборат «Пан Тадеуш» достони (1834)ни нашр эттирди. Реалистик ғоялар, интилишлар ёркин намоён бўлган «Пан Тадеуш» достони миллий эпопеядир, у персонажлари юксак даражада типиклашган ва индивидуаллашган дурдона асар, эски поляк турмушининг қомуси, сержило сўз санъати саналади. М. лирик шеърлар туркумини (1838—39) яратган. Ижтимоий ва маданий ҳаётда фаол иш олиб борган. 1840—44 й.ларда Парижда славянлар адабиётидан маърузалар ўқиган. 1848 й. Австрия зулмига қарши курашаётган италияликларга ёрдам бериш учун поляк легионини тузган. 1849 й.дан демократик руҳдаги «Халқ минбари» газ.ни муҳаррирлик қилган. М. шеърлари М. Шайхзода, Шуҳрат, Муҳаммад Али, Сайёр ва б. томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

МИЧИГАН (маҳаллий илесилар тилида — катта кўл) — Шим. Америкадаги кўл, АҚШ ҳудудида, *Буюк кўллар* системасида. Майд. 58 минг км², уз. 490 км, эни 189 км гача. Энг чуқур жойи 281 м. Сув сатҳининг бал. 177 м. Қирғоқлари кам парчаланган, паст-баланд. Сув қалқиши ирим суткалик. Макинно бўғози орқали Гурон кўли б-н, кема қатнайдиган Чикаго-Лоқпорт канали орқали Миссисипи дарёси системаси б-н боғланган. Н.нинг шим. қисми дек. — апрда музлайди. Сувининг саноат чиқиндилари б-н ифлосланиши натижасида ундаги жониворлар сони кескин камайган. Йирик портлари: Чикаго ва Милуоки.

МИЧИГАН — АҚШнинг шим. қисмидаги штат. Буюк кўллар соҳилида. Канада б-н чегарадош. Майд. 151,5 минг км². Аҳолиси 10,05 млн. киши (2002), шундан 70% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Лансинг ш.; энг катта шаҳри, иқтисодий маркази ва порти — Детройт.

М. ҳудуди Юқори кўл, Гурон ва Мичиган кўллари оралиғидаги иккита ярим оролда жойлашган. Ер юзаси сертепа текислик, энг баланд жойи 604 м. Иқлими мўътадил иқлим, шим.да қиш совуқ. Янв.нинг ўртача т-раси —7°, июлники 21°. Йиллик ёғин 800 мм.

М. — АҚШнинг саноати ривожланган штати. Ишлаб берувчи саноат корхоналарида иқтисодий фаол аҳолининг 35% ишлайди. Металлургия, машинасозлик ва металлсозлик ривожланган. Детройт ва унинг атрофида ҳамда Флинт, Лансинг ва б. шаҳарларда «Дженерал моторс», «Форд» ва «Крайслер» каби йирик автомобиль з-длари жойлашган. Махсус пўлат ва тунука и.ч., қора ва рангли металлардан буюмлар қуйиш, станок, прибор, электр ускуналари, лок-бўёқ, резина и.ч. автомобилсозлик саноати б-н боғлиқ. Ҳарбий, кимё, енгил саноат-керамика, озиқ-овқат, ёғ-мойлилик, мебель, қоғоз саноатлари ҳам ривожланган. Темир ва мис рудалари, ош тузи қазиб чиқарилади.

Қ.х. сут ва сабзавот етиштиришга ихтисослашган. Мева, узум етиштирилади, қанд лавлаги экилади. Қ.х. товар маҳсулотининг 55% ни чорвачилик беради. Туризм ривожланган.

МИЧИГАН УНИВЕРСИТЕТИ АҚШдаги етакчи ўқув ва илмий марказларидан бири. 1817 й. Детроит ш.да ташкил этилган. Дастлаб олий ўқув юрти мақомига эга бўлмаган. Олий ўқув юрти сифатида 1837 й. Анн-Арбор ш.да таъсис этилган. Меъморлик, муҳандислик, адабиёт, санъат, фармацевтика, стоматология, пед., ҳуқуқ, кутубхонашунослик, гимбиёт, мусиқа, жамиятшунослик ҳамда ижтимоий муносабатлар ва б. соҳалар бўйича мутахассислар тайёрланади. 37 минга яқин талаба таълим олади. Кутубхонасида 4 млн. дан ортиқ асар сақланади.

МИЧОАКАН, Мичоакан-де-Окампо — Мексиканинг жан.-ғарбий қисмидаги штат. Тинч океан соҳилида, Лерма ва Балсас дарёлари ҳавзасида жойлашган. Майд. 59,9 минг км². Аҳолиси 3979 минг киши (2000). Маъмурий маркази — Морелия ш. М. ҳудудининг ярмидан ортиқ қисми Мексика тоғлигининг жан.-ғарбий чеккасидаги кўлдор ҳавзасидан иборат. Соҳил бўйлаб Сьерра-де-Коалькоман тизмалари (энг баланд жойи 2764 м) жойлашган. Сейсмик фаол ҳудуд. Иқлими тог-тропик иқлим. Мексика тоғлигида ўртача ойлик т-ралар 20°, йиллик ёғин 900 мм. Ички р-иларда чала чўл ўсимликлари, тоғларда сернам барг тўкувчи ва доим яшил тропик ўрмонлар ўсади.

Мичиган штатининг иқтисодий маркази ва порти — Детройт шаҳри.

Иқтисодиётнинг асосини қ.х. ташкил этади. Суғориладиган ерларда пахта, шоли, шакарқамиш, кунжут, картошка, сабзавотлар, тамаки-дуккакли экинлар экилади. Ўрганилган ш. атрофларида кофе, бальзам дарёси қайиғи жойида тропик мевалар етиштирилади. Тоғларда маккажўхори, дуккакли экинлар экилади. Балиқ овланади. Кимё, озиқ-овқат, целлюлоза-қоғоз, егочсозлик, тўқимачилик саноатлари ривожланган. Соҳил бўйлаб портлар, кема верфи, металлургия к-ти қурилган.

МИЧУРИН Иван Владимирович [1855.15(27).10, Рязань вилояти, Пронск уезди — 1935.7.6, Тамбов вилояти Мичуринск ш.] — рус амалиётчи селекционери, Россияда мевали, резавор мевали ва б. ўсимликлар илмий селекциясининг асосчиси. ВАСХНИЛ акад. (1935). Махсус маълумоти бўлмаган. Дастлаб г. и. хизматчиси, содгесо бўлиб ишлаб, бўш вақтларида богдорчилик б-н шуғулланган. 1875 й. Котовск (ҳоз. Мичуринск)да 500м² ча ер ижарага олиб, ўсимликлар коллекциясини тўплаш ва дурагайлаш усули б-н мевали, резавор мевали ўсимликларнинг янги навларини етиштириш устида иш бошлади. 1899 й. шаҳар четидан 13 га чамаси ер олиб, умрининг охиригача шу жойда яшади, ишлади.

1928 й.да М.нинг тажриба боғи базасида давлат селекция-генетика станси ташкил этилди (1934 й.дан М. номидаги Марказий генетика лаб.). М. чатиштириш учун дастлабки шакллар танлаш назариясини, географик узоқ шаклларни дурагайлашнинг назарий асосларини, чатиштиришдаги номутаносибликларни бартараф этиш усулларини яратди ва баъзи амалий усулларни қўллади. 300 дан ортиқ мева ва резавор мевалар навларини яратиш ва такомиллаштиришга эришди. М. яратган олма, нок, олча ва б. мевали дарахтларнинг кўпгина навлари Ўзбекистонда ҳам р-нларштирилган. М. ток, ўрик, гилос, беҳи ва б. жануб ўсимликларини шим. ҳудудларда ўстириш ишига асос солган.

Ас.: Итоги шестидесятилетних работ. М., 1950; Танланган асарлар, Т., 1961.

Ад.: Азизов П. Б., И. В. Мичурин — буюк рус олими, биологи, Т., 1955.

МИШКОЛЬЦ — Венгриянинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Шайо дарёси бўйида, Буюк тоғи этакларида жойлашган. Боршод-Абауй-Земплен медьеснинин маъмурий маркази. Аҳолиси 178 минг киши (1999). Аҳамияти жиҳатидан мамлакатда 2-ўринлари (Будапештдан кейин) саноат маркази. Қора металлургия, машинасозлик (хусусан, станокозлик, оғир машинасозлик, электротехника, транспорт), цемент, тўқимачилик, ошна-шиша, тикувчилик, егочсозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Политехника ин-ти, музейлар, театр бор. 13—16-а.ларда қурилган меъморий обидалари сақланган. М. шаҳар яқинидаги Лиллафюред курортлари б-н Буюк миллий боғи таркибида. Шаҳар яқинида қўнғир кўмир қазиб олинади.

МИШЬЯК (рус. мыш — сичқон, яд — заҳар) — қ. *Маргимушак.*

МИЯ — 1) одам ва ҳайвонлар нерв системасининг марказий бўлими, М. организмнинг энг мураккаб ҳаётий функциялари ва муҳит ўзаро муносабатларининг бошқарилишини таъминлайди. Умуртқасиз ҳайвонларда М. кўндалант ва бўйлама туташтирғичлар орқали ўзаро туташган нерв ҳужайралари тўплами — нерв тугунлари (ганглийлар)дан иборат. Ҳалқали чувалчанглар, тубан моллюскалар ва бўғимоёқлиларда нерв тугунлари қорин нерв занжирини ҳосил қилади. Бу ҳайвонларнинг кўпчилигида қорин нерв занжирининг ҳалқум усти ва ҳалқум ости нерв тугунлари кучли ривожланган бўлиб, *бош мия* дейилади.М. қаттиқ , ўргимчак ўхшасимон ва томирли парда б-н қопланган. Бўғимоёқлилар ва бошоёқли моллюскаларнинг ҳалқум усти нерв тугунлари 2—3 бўлимдан ташкил топган. Тубан хордали ҳайвонлар М.си найсимон, алоҳида қисмларга бўлинмаган. Умуртқали ҳайвонлар ва одам М.си бош ҳамда *орқа мия*дан иборат. Эволюция жараёнида бош М. олдинги, ўрта ва кейинги ёки ромбсимон М.ни, бундан кейинги ривожланиш давомида олдинги М. охирги ва оралиқ М.ни, ромбсимон М. орқа ва *узунчоқ мия*ни ҳосил қилади. Бир қанча умуртқалиларда охирги мия (М. катта ярим шарлари) кучли ривожланади. Сут эмизувчилар ва одамда органлар фаолиятини бошқарувчи сифатида М. катта ярим шарлари пўстлоғи шаклланади. Охирги М.нинг остки юзасида 2 та ҳидлаш пиёзчаси жойлашган. Оралиқ М.да кўриш бўртиқлари ва 2 та ўсимта: устки эпифиз ва пастки гипофиз ҳосил бўлади. Ўрта М. тубан умуртқалиларда яхши ривожланган. Юксак умуртқалиларнинг ўрта М.сида кўриш, эшитиш ва мувозанат органлари б-н боғланган 4 тепалик шаклланади. Балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар, судралиб юрувчилар, қушларда ромбсимон М. миячадан иборат. Сут эмизувчиларда ромбсимон М.нинг пастки қисмида Варолий кўприги ҳосил бўлади. Узунчоқ М. ҳамма ҳайвонларда бир хилда тузилган; орқа М. унинг бевосита давоми ҳисобланади. Умуртқали ҳайвонлар М.си М. пўсти б-н қопланган. М. пўстлоғи орасида орқа М. суюқлиги (ликвор) бўлади. М. одамда тафаккур органи ҳисобланади; 2) одам ва умуртқали ҳайвонлар суяги бўшлиқларини тўлдириб турадиган тўқима *(кўмик).*

МИЯ ПАРДАСИ — умуртқали ҳайвонлар ва одамнинг бош миясини ҳамда орқа миясини ўраб турадиган мембрана. Бириктирувчи тўқималдан иборат. М.п. устма-уст жойлашган учта пардадан иборат: қаттиқ парда — калла суягининг ички юзасига, умуртқа канали деворига (орқа мияда) ёпишиб туради ва томирларга бой; тўрпарда — юпқа ва жуда кўп тешикли бўлиб, унинг остидаги бўшлиқларда тиниқ мия суюқлиги (ликвор) туради; томирли парда — қон томир ва нервларга бой юпқа парда бўлиб, пўстлоқ эгатларининг орасига кириб жойлашган. Парда томирлари мия суюқлигини чиқаришда қатнашади.

МИЯ ЧАЙҚАЛИШИ, коммоция — бош миянинг ёпиқ шикастланиши; бунда бош миянинг ҳаммаси зарарланади, мия тўқималарининг яхлитлиги бузилмайди, лекин мия ҳужайралари ва мия бўлаклари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик вақтинча йўқолади. Бу эса бош мия фаолиятининг бузилишига олиб келади. М.ч., одатда, чайқалишнинг оғир-енгиллигига қараб енгил, ўртача ва оғир босқичда бўлади.

Енгил босқичда шикастланган киши ҳушдан кетади (кўпинча қисқа муддат — 1—2 мин.), сал бош айланади, кўнгли айнийди, баъзан қусади, шикастланиш қандай содир бўлганини эслай олмайди. Бунда ранги оқаради, томир уриши сусаяди, нафас нотекис бўлади. Бу белгилар 1—2 ҳафта давомида аста-секин ўтиб кетади. Тегишли даво қилинса, бемор тезда соғаяди. Ўртача босқичда бемор 1—2 соат ҳушини йўқотади, ҳушига келгандан кейин ҳам қимирламай ётади, атрофдагиларга бефарқ қарайди. Оғир босқичда киши шикастланган заҳоти қаттиқ ҳушдан кетади ва бир неча сут-

катача ўзига келмайди, нафас ва юрак фаолияти ўзгаради. Узоқ вақт боши оғриб, айланиб туради, кўнгли айниб, қусади. Шикастланган киши 4—5 ҳафта ўринда ётиши, унга тамоман тинч ҳолат яратилиши зарур. Шикастланган кишини, албатта, касалхонага ётқизиб даволаш лозим.

МИЯГА ҚОН ҚУЙИЛИШИ — қ. *Инсульт*.

МИЯЧА — *бош мия* устунининг бир қисми; у икки ярим шардан иборат бўлиб, кулранг модда (М. пўстлоғи) б-н қопланган, чуқур жойлашган горизонтал эгатлар уни бўлакчаларга бўлади. М.нинг марказий қисми оқ моддадан иборат, унда кулранг модда — М. ўзаги тўпламлари жойлашган. М. 3 жуфт оёқчалари б-н мия устунига тутташган. М. гавдани мувозанатда сақлаш ва ҳаракатларни уйғунлаштиришда муҳим роль ўйнайди.

МИҚДОР, катталик (математикада) — асосий математик тушунча; кесма узунлиги, сирт юзи, жисм ҳажми ва массаси каби тушунчаларнинг умумлашмаси. Булар **скаляр М.лар** деб аталади. Бир хил скаляр М.ларни ўзаро таққослаш учун ўлчов бирлиги танлаб олинади (мас., узунликни ифодаловчи М.лар учун метр, массани ифодаловчи М.лар учун грамм ва б.). М.лар ўлчов бирлигига нисбатан сон б-н ифодаланади. Мат.да М.нинг физик табиатига боғлиқ бўлмаган хусусиятлари олинади. М.лар учун тенглик, тенгсизлик (катта, кичик), қўшиш, айириш ва б. муносабатлар аниқланади. Бу муносабатлар М.ларнинг табиатига мос бўлган аксиомаларга бўйсунади [мас., $a + b = b + a$; $a + (b + c) = (a + b) + c$; $a < b$ бўлса, $a + c < b + c$, *Архимед аксиомаси* ва б.].

Маълум йўналишдаги кесма, тезлик, куч ва б. тушунчалар вектор М. тушунчасига олиб келади. Геометрия, механика ва б. соҳаларда векторлардан ҳам умумийроқ бўлган тензор, *кватернион* тушунчалари қўлланилади. Р. *Декарт* мат.га изчил равишда ўзгарувчи М. тушунчасини киритди. Бу тушунча мат. тараққиётида, жумладан, дифференциал ва интеграл ҳисоб яратилишида муҳим роль ўйнайди (қ. *Дифференциал ҳисоб, Интеграл ҳисоб*). М. баъзи ҳолларда қиймат деб юритилади.

МИҚДОР (фалсафада) — объектнинг ташқи кўрсаткичлари (унинг катталиги, сони, ҳажми, хоссаларининг ривожланиш даражаси ва ҳ.к.)ни ифодаловчи тушунча. Биринчи марта М. масалаларини пифагорчилар таҳлил қилишга уриниб, сонлар табиатини ўрганишган. Аристотель М.ни алоҳида категория деб ҳисобланган. М. ҳодисалар, нарсалар, жараёнларнинг *сифати* б-н муайян бирликни ташкил этиб, бу бирлик уларнинг *меъёри* бўлади. Нарсаларнинг миқдорий муайянлиги ўзгариб маълум бир меъёрга етиши сифат ўзгаришига олиб келади. Яна қ. *Миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши қонуни*.

МИҚДОР АНАЛИЗИ, миқдорий анализ — аналитик кимёнинг асосий бўлимларидан бири; текширилаётган намуна таркибидаги компонентлар миқдори (массаси, концентрацияси ва ш.к.) ёки миқдорий нисбатларини аниқлаш усуллари. Компонентлар сифатида атомлар, молекулалар, изотоплар, функционал гуруҳлар, фазалар ва ш.к. бўлиши мумкин. Анализ қилиш учун олинган модданинг миқдорига кўра, макроусуллар (намуна массаси 0,1 г дан ортиқ), ярим микроусуллар (0,01—0,1 г), микроусуллар (0,001—0,01 г), субмикроусуллар (0,1—1 мг) ва ультрамикроусуллар (0,1 мг дан кам) фарқ қилинади. Анализ қилинаётган модда компонентларини намуна таркибидаги миқдорига кўра, шартли равишда асосий (массасига нисбатан 1—100%), асосий бўлмаган (0,01—1%) ва из ёки қўшимчаларга (0,01% дан кам) бўлинади.

МИҚДОР ЎЗГАРИШЛАРИНИНГ СИФАТ ЎЗГАРИШЛАРИГА ЎТИШИ ҚОНУНИ — *диалектика*нинг қонунларидан бири. Табиат, жамият ва тафаккур тараққиётининг энг умумий тарзини очиб беради. Уни *Гегель* таърифлаб берган. Ривожланиш мураккаб жараён бўлиб, унда *миқдор* ва *сифат* ўзгаришлари содир бўлади. Предмет ёки ҳодисанинг ривожланиши аввал астасекин рўй берадиган миқдор ўзгаришларидан бошланади. Миқдор ўзгаришлари маълум даражага етгач, *меъёр*нинг бузилиши туб сифат ўзгаришларига олиб келади. Миқдор сифатга ўтади. Миқдор ўзгаришлари турли шаклда содир бўлади. Миқдор ўзгаришлари *объект* қисмлари сонининг ўзгариши шаклида, маконий шаклларнинг ёки элементлар алоқадорлиги тартибининг ўзгариши ва ҳ.к. шаклларда содир бўлиши мумкин. Объектив воқеликда фақат миқдор ўзгаришлари сифат ўзгаришларига олиб келмай, сифат ўзгаришлари ҳам миқдор ўзгаришларига олиб келади, яъни ўзгаришларга олиб келади, яъни сифат доирасида миқдор кўрсаткичлари ривожланади. Мас., Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришганлиги — сифат ўзгариши. Натижада халқ хўжалиги, иқтисодий тараққиёт учун янги имкониятлар вужудга келди, халқнинг иқтисодий, сиёсий, маданий равнақи учун кенг йўл очилди.

Миқдор ўзгаришлари нисбатан секин, узлуксиз давом этса, сифат ўзгаришлари узилишли, сакрашсимон бўлади. Ривожланиш жараёнида эски сифатнинг янги сифатга айланиши узлуксизликнинг узилиши ёки сакраш деб аталади. Сакраш — ривожланиш жараёнида қонуний содир бўладиган бурилиш нуқтаси, тараққиёт ишқибозлари зарурий ҳалқалар. Сакраш ўзгаришнинг энг интенсив пайти, ривожланиш маромининг олий нуқтасидир, унинг натижасида эски нарса емирилади, янги нарса вужудга келади. Бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш сакраш орқали бўлиши умумий қоида бўлиб, у ҳали бу сакраш қар бир танин вазиятда танин нарса ва ҳодисаларга нисбатан қандай амалга ошишини кўрсатиб бермайди. Ҳодисанинг бир сифат ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши йўқолиш ва пайдо бўлишининг, мавжудлик ва йўқликнинг, инкор ва тасдиқнинг бирлигидан иборат (қ. *Қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни*). Сакрашда янги юзага келаётган ҳодиса эскисини инкор этади; бунда сифат ва миқдор ўзгаришлари бир-бирини тақозо этади (қ. *Инкорни инкор қонуни*). Диалектика сакрашларининг, бир сифатдан иккинчи сифатга ўтиш шаклларининг хилма-хиллигини жиддий ҳисобга олишни, ҳар бир муайян вазиятда шу ўтишнинг тайин шаклларини аниқлаб, билиб олган ҳолда иш кўришни талаб қилади. Эн муҳими — сакрашнинг, ўсишнинг тайин шаклини пайқаб олиш, топиш, ифодалаш ва шунга қараб ҳаракат қилиш керак.

М.ў.с.ў.ў.қ. диалектиканинг бошқа қонунлари сингари илмий билиш ва амалий фаолият учун катта аҳамиятга эга. У бизга объектив дунёнинг ривожланиш жараёнини тўғри тушуниб олиш, нарса ва ҳодисаларнинг сифат жиҳатидан ўзгариш тарзини англаш ва ундан жамиятни янада ривожлантиришда фойдаланиш имконини беради.

Абдулла Аютов.

қонларидаги конакларга ҳамда дарахтларга ин қуради. 4—5 та тухум қўяди, нари ва мозаси навбатлашиб босиб етади. Тухумларини 25 кундан сўнг очиб чиқади. М. манда кемирувчилар, қишароллар, калтакесаклар б-н озиқланади. Зараркунанда ва касал тарқатувчи кемирувчилар ва қишароллар сонини қириб қ.ха фойда келтиради.

Миққий.

МНЕМОНИКА (юн. mnemonika — эслаб қолиш санъати) — сунъий *ассоциация*лар ҳосил қилиш йўли б-н эсда олиб қолишни осонлаштирувчи ва хотира ҳажмини кенгайтирувчи усуллар тизими. Баъзи мнемонистлар ўқитиришда ҳар хил сунъий усулларни қўллашга ўрганганлиги туфайли катта ҳажмдаги, ҳатто маъносиз материални тез эсда олиб қолиш қобилиятига эришадилар. Лекин хотира самарадорлигини туб маънода ошириш учун сунъий усуллардан фойдаланиш иккинчи даражали ҳамда ёрдамчи бўлиб ҳисобланади. Умуман, механик равишда ёд олишга қараганда маъносига тушуниб ёд олиш маъқул ва самарали усуллар.

МНЕМОСХЕМА — бошқарилаётган объектнинг бошқариш пульти, ячейка, панели ёки сигнал таблосига ўрнатиладиган шартли тасвири. М. объектнинг ҳолатини ёки ш.ч. жараёнининг боришини яққол кўрсатиб туради. Ишорали (белгили) ва ёруғликли хилларга бўлинади. Бошқариладиган (ёки назорат қилинадиган) объект элементлари умумий қабул қилинган электр, технологик, транспорт ва б. схемаларда тасвирланади. Мас., электр ст-я М. сида двигатель ва генераторлар доира б-н, выключателлар квадрат б-н белгиланади. Кучланишнинг қандайлигига қараб, бу элементлар турли рангга бўяб қўйилади. М.нинг операторлик ва диспетчерлик хиллари бор. Операторлик М.сида барча технологик комплекслар бир жойга жамланган бўлади, диспетчерлик М.сида эса кўп объектлар ва техник комплекслардан иборат тизим бутун территория бўйлаб тақсимланади. М. бошқариладиган объект мураккаб бўлган, ш.ч. жараёни кўп параметрлар бўйича назорат қилинадиган ва б. жойларда ишлатилади. М.дан техника кўргазмаларида намойиш қилинадиган моделлар ва ўқув қўлланмаси сифатида ҳам фойдаланилади.

МНЕМОТЕХНИКА (юн. mnemo — хотира, techne — маҳорат) — инсоннинг эслаб қолиш қобилиятини намойиш этувчи цирк ёки эстрада томошаси. Турли нарсалар номини, ҳужжат ёки пул купюраларини, сонини махсус ишлаб чиқилган услуб ёрдамида эслаб қолиш ва аниқ айтиб беришга асосланган М. томошасини, одатда, икки киши ижро этади. Биринчиси томошабинларнинг қўлидаги турли нарсалар (рўмолча, калит, кўзойнак, соат ва ҳ.к.)ни кўрсатиб, савол беради, иккинчиси эса кўзи боғланган ҳолда кўрсатилган нарсаларни ёки сон рақамларини бехато айтиб беради. М. асосини турли шифр (кодлар ташкил этиб, улар томошабинга сезилмайдиган интонация, овозининг тембрини, махсус товуш сигналлари орқали биринчи ижрочидан иккинчисига юборилади. М. санъатига 18-а.да франциялик машҳур фокусчи Пинетти асос солган. 20-а.да М.нинг ривожланишига Арраго, Н. Сун ва Г. Азаровлар катта ҳисса қўшишган. Ўзбек циркида Е. ва А. Шоҳҳоловлар, Ф. ва Ш. Ражабовлар, П. Эгамбердиев фаолият кўрсатиб келишмоқда. М. санъати анъанавий цирк труппалари дастурида ҳам учрайди.

Шукат Тожибаев.

МОБИЛИЗМ (лот. mobilis — ҳаракатчан) — Ер пўсти (литосфера) материк бўлакларининг геологик давр мобайнида бир-бирига нисбатан (бир неча минг км гача) горизонтал ва қутбий силжиши ҳақидаги илмий фараз (гипотеза). М. *фиксизм*, яъни бундай силжишни инкор этувчи ва Ер пўсти ривожланишини вертикал ҳаракатларга боғловчи гипотезага муқобил қўйилади. Материкларнинг силжиши ҳақидаги илмий далиллар б-н асосланган дастлабки гипотеза 1910—12 й.larда америкалик олим Ф. Тейлор ва немис геофизиги А. Вегенерлар томонидан тақлиф қилинган. М.нинг ҳоз. замон варианти — «янги глобаль тектоника» (ёш плиталар тектоникаси), асосан, океанлар туби тузилиши ва магнит майдонларини ўрганиш натижаларига, шунингдек, палеомагнитизм маълумотларига асосланган. Бу тасаввурларга мувофиқ, материк бўлакларидан ташқари унга ёндош океан туби Ер пўстининг мантия юқори қисми катта майдонларини ҳам қамраб олувчи яхлит плита жуда секинлик б-н (йилига ўртача 1—5 см) ҳаракатланади. Плиталар океан ўрта тизмаларидан ёш бурмаланган минтақаларга ва ороллар ёйита қараб ҳар икки томонга силжиб боради. Бу ерда ўзаро яқинлашаётган плиталардан бирининг олд чеккаси эгилма синиқ бўйлаб анча чуқурликка чўкади, натижада катта сейсмик ҳаракатлар вужудга келади; бошқа плитанинг материк пўстида сиқилиши оқибатида бурма ва сурилмалар ҳосил бўлади. Сурилган палахсалар ортида чўзилиш структуралари — рифтлар вужудга келади. Плиталар ажралган жойдаги ёриққа юқори мантиядан моддалар кўтарилиб рифт зоналарида янги пўст шаклланади; бу б-н океан туби майдони кенгаяди. Бир-биридан ажралиб кетган палеозой материклари — *Гондвана* (Жан. Америка, Африка, Ҳиндистон, Австралия ва Антарктидани ўз ичига олган) ва *Лавразия* (Шим. Америка, Европа, Осиёнинг шим.ярми)нинг геологик тузилиши ва улар материк ён бағри чизиқларининг ўзаро ўхшашлигидан келиб чиқиб палеотектоник бир бутунлик ғояси тақлиф қилинган. Буни палеоиқлим ва палеомагнит маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Мезозой ва кайнозой даврларида содир бўлган силжишлар натижасида *Тетис* геосинклиналь океани бутунлай барҳам топиб, янги — Ҳинд ва Атлантика океанлари вужудга келди. Материклар ҳаракатининг асосий сабабчиси сифатида мантия моддасининг конвенция оқими кўрсатилади.

МОВАРОУННАҲР (араб. — дарёнинг нариги томони) — ўрта асрларда ислом мамлакатларида кенг тарқалган географик атама. Унинг ҳудди шу маънони англатган форс тилидаги «Вароруд» ва «Варожайхун» шакллари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси аввал (11-а. гача) Хуросон вилоятининг давоми сифатида, 11-а. бошидан эътиборан эса Туркистон, яъни Қорахонийлар давлати ва ундан кейинги туркий давлатлар таркибидаги маъмурий бирлик сифатида тушунилган. 11-а.да Европа тарихшунослигида мазкур араб атамасининг лотинча таржимаси бўлмиш янги «Трансоксиана» ёки «Трансоксания» атамалари муомалага киритилган.

Ҳоз. замон тарихий-географик илмий адабиётда М. деганда, асосан, Туркманистондан ташқари бўлган Ўрта Осиё ҳудудлари, яъни, Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистоннинг жан. қисми тушунилади.

М. атамаси илк бор пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) ҳақидаги ҳадисларда тилга олинган. Афтидан бу атама араблар орасида исломгача бўлган даврларда ҳам маълум бўлиб, у вақтда (мил. 6-а.) Сосонийлар давлатидан шим.-шарқда, Жайҳун, яъни Амударёнинг орқасида жойлашган *Турк хоқонлиги*га

қарашли ерларни англатган. Қад. форс манбаларидаги маълумотларга таянган араб географ олими *Ёқут Ҳамавий* М. атамасини Турон мамлакатининг номи деб билган. Араблар ўзларининг шарққа қилган илк юришлари давомида (7-а.нинг 2-ярми — 8-а.нинг боши) икки хил тушунча ҳақида маълумотга эга бўлганлар: «ма дуна-н-наҳр», яъни «дарёнинг пастки томони», ва «ма вароан-наҳр» — «дарёнинг нариги томони». Улардан биринчиси Хуросондан шарқда Амударёдан жанд Ҳиндукуш тоғларигача бўлган Тохаристон ерларини; иккинчиси эса, Амударёдан шим.да жойлашган Шим. Тохаристон ва Суғд ерларини ўз ичига олган. 9—10-а.ларда яшаган ва Ўрта Осиё ҳудудларига тавсиф берган араб географларидан фақат ал-Истахрий ва Ибн Ҳавқал уларга нисбатан М. атамасини махсус ишлатганлар. Бошқа араб географлари эса Ўрта Осиё ҳудудлари ҳақида сўз юритганларида М. атамасини жуда тор маънода ишлатиб, уни Хуросоннинг давоми ёки ал-Машриқ (Шарқнинг бир қисми сифатида тасвирлаганлар. Ал-Машриқ тушунчасига эса улар Хуросон ва М. ерларидан ташқари, Ҳиндистон, Хитой ерларини ва ҳатто Ҳинд ва Тинч океанларидаги Япониягача бўлган ороларни киритганлар (Ибн Хурдодбех).

11-а. бошидан эътиборан М. истилоҳи ҳудуд жиҳатдан айрим манбаларда Суғд ва Хоразм, бошқаларида эса Суғд ва Шим. Тохаристон ерларини ўз ичига олган. Маъно жиҳатдан эса бу атама энди Туркистон, яъни Қорахонийлар давлати, кейинчалик эса Хоразмшоҳлар, Чиғатойлар, Темурийлар ва Шайбонийлар давлатларининг таркибидаги маъмурий бирликни англатган.

Шундай қилиб, М. атамаси ўрта аср манбаларида турлича талқин қилиниб, географик ҳудуд сифатида аввал Турон, Турк хоқонлиги ёки Туркистон мамлакати (7-а. гача), кейин Хуросон (7—10-а.ларда) ундан ҳам кейин Туркистон (11-а.дан бошлаб), маълум вақт эса Хоразм (12-а.нинг охири — 13-а.нинг боши) таркибига киритилган. Демак, бу атама фақат географик маънога эга бўлиб, ҳар хил даврларда турли давлатлар — Турк хоқонлиги, Араб халифалиги, шунингдек, Сомонийлар, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ва б. давлатларнинг таркибига маъмурий бирлик сифатида кирган. Бу атама ҳақида турли манбаларда келтирилган маълумотларнинг йиғиндиси ҳам ҳудудий жиҳатдан «Ўрта Осиё» атамасини англатадиган Туркистон табиий-географик ўлкасининг барча ерларини қамраб олмайди. Чунки, мазкур минтақа таркибига кирган Шим. Хуросон (Туркманистон), Еттисув (Қозоғистон) ва Жан. Тохаристон (Афғонистон) ерлари ҳеч қандай манбаларда М. таркибига киритилмаган. Шунинг учун, М. атамасининг ўрта асрларда ишлатилган энг кенг маънодаги тушунчаси таркибига шартли равишда фақат Амударё ва Сирдарё оралиғида жойлашган ерларни киритиш мумкин.

Ад.: Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк (Туркий сўзлар девони, таржима ва нашрга тайёрловчи С. М. Муталлибов), 3 жил., Т., 1960—1963; Маҳмуд ибн Вали. Море тайн относительно добродетели благородных, Т., 1977; Кама Зиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX— начала XIII вв., Т., 1996.

Шамсиддин Камолиддинов

МОВИЙ ҚИРҒОҚ, Франция Ривьераси — Франциянинг Ўрта денгиз бўйидаги тоғли соҳил қисми. Шарқда Италия чегарасидан ғарбда Фрежюс қўлтиғигача давом этган. Шим.дан Денгиз бўйи Альп тоғлари б-н тўсилган. Қирғоқлари қояли, манзарали қўлтиқ кўп. Ёзи иссиқ, қуруқ, қиши юмшоқ, серқуёш. Июлнинг ўртача т-раси 22—23°, янв.ники 7°. Ўсимлик дунёсига бой. М.қ. йирик курорт р-н бўлиб, боғ кўп. Соҳилда меҳмонхона, пансионат, хусусий виллалар қурилган. Боғдорчилик, токчилик, гулчилик ривожланган. Асосий курортлари: Ницца, Канн, Ментона ва б. М.қ.да *Монако* давлати жойлашган.

МОВУТ — жун толалардан ёки уларга бошқа толалар аралаштириб тўқиладиган жун ёки ярим жун газлама. Майин ва дағал хиллари бўлади. Майин М. майин ва ярим дағал толалардан, дағал М. дағал толалардан тайёрланади. М. тайёрлаш учун толалар махсус машиналарда бевосита кигизга ўхшатиб босилади ёки олдин тўқув дастгоҳида хом газлама тўқиб олиб, уни машина валлари орасидан ўтказиб зичланади. Хом газлама тўқиш учун *тўқувчилик* усулларининг асосийлари —гарнитура, саржа ва сатин *ўрилишлар* қўлланилади. М., асосан, шинеллар, пальтолар ва б. тикиш учун ишлатилади.

МОГАДИШО (маҳаллий номи Хамар) — Сомали пойтахти. Бенадир вилоятининг маъмурий маркази. Ҳинд океани соҳилида жойлашган. Аҳолиси 900 минг киши (1996). Иқлими субэкваториал, йиллик ява.нинг ўртача т-раси 28°, июлиники 26°. Йиллик ёғин 400 мм дан ошд. Мамлакатнинг асосий порти. Четдан саноат молларини, машина, жиҳозлар, озиқ-овқат маҳсулотлари келтирилади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Автомобиль йўллари тугуни. Мамлакатнинг энг йирик саноат маркази, ишлаб берувчи саноат корхоналарининг 1/2 қисми шу ерда. Нефтни қайта ишлаш, етиштириш, сут маҳсулотлари з-длари, гўшт ва ун юртини к-длари ишламоқда. Кунпоябзал, парфюмерия, тамаки, тўқимачилик, пахта тозалаш ф-калари, кемасозлик ва кема таъмирлаш корхоналари мавжуд. Ҳунармандчилик ривожланган.

Шаҳарга 12-а.да араб ва форс савдогарлари томонидан асос солинган. Кейинроқ Африканинг шарқини соҳилидаги йирик савдо маркази бўлган. 12—17-а.ларда Могадишо давлати пойтахти. 17-а.да Уммон султонлиги қўл остида бўлган. 1905—60 йилларда Италия Сомалисининг маъмурий маркази. 1960 йилдан мустақил Сомали пойтахти. Меъморий ёдгорликлардан шаҳар марказида минораси маҳжид (1238), Фахриддин маҳжиди (1269, қолдиқлари), муниципалитет (1905) сақланган. Янги шаҳар қисмида саноат корхоналари, аэропорт, порт, спорт ва соғломлаштириш зоналари жойлашган. Миллий театр, Халқ саройи, Миллий ун-т, коллежлар, денгизда сузиш ва балиқ овлаш мактаби, и. т. муассасалари, тиббиёт ва тропик гигиена жамияти, Миллий ун-т кутубхонаси, Миллий музей ва б. бор.

МОҒАР (Setaria italica convar moharia), италия тариғи — бошоқдошлар оиласига мансуб ўтсимон бир йиллик ўсимлик; ем-хашак ва дон экини. Ватани — Шарқий Осиё. Мил. ав. 2700 йил олдин маълум бўлган. Монголия, Хитой, Италия, Руминия, Венгрияда кенг тарқалган. Ўрта Осиёда экиладиган қўноқнинг бир тур хили.

Мовий қирғоқдаги дам олиш уйлари.

Итлиги яхши ривожланган пушк ялпиз, тупроққа 1 м кириб боради. Пояси тиғчика, ичи ковак, бад. 50—150 см. Барги оддий, уз. 20—50 см, эни 1—3 см. Гултўпламн бошоқсимон рўвак. Дони ялтироқ, сиплик, сариқ, жигарранг гул қобиқлари б-н қопланган. 1000 та дони вазни 1,5—3,0 г.

Ўсув даврининг бошида секин, пан ўрандан рўвакланиш даврнича тез ўсади. М. иссиқсевар ўсимлик, уруғи 8—10 да униб чиқали, майсаси — 2—3° совуқда нобуд бўлади. Қурғоқчилликка чидамли.

Могар.

М.нинг 100 кг қўқатида 17 озуқа бирлиги ва 1,8 кг ҳазм бўладиган протеин, 100 кг пичанида 55 озуқа бирлиги ва 5,5 кг протеин бўлади. Дони озиқ-овқат маҳсулоти, қушлар учун тўйимли озуқа. М. кузги галла, дуккакли ва қатор оралиғига ишлов берилалиган экинлардан бўшаган ерларга экилади. Кўк новси учун суғориладиган шароитда гектарига 18—20 кг, ладмн ерларга 12—15 кг уруғ экилади. Экиш чуқ. 2—3 см. Ўсув даврида қатор оралиғига ишлов берилади, суғорилади. Кўкат ва пичан учун рўвакланиш даврида ўрилади. Кеч ўрилса новси дағаллашади. Ҳосилдорлиги кўкати бўйича 100—250 ц/га, пичани — 40—50, дони — 15—20 ц/га ни ташкил қилади.

Касалликлари: куя, занг, бактериоз. Зараркунандалари: тариқ чивини, симқурт, пов бургаси.

Халима Отабекова.

МОГИЛЁВ — Белоруссиядаги шаҳар, *Могилёв вилояти* маркази. Днепр дарёси соҳилларида жойлашган. Т.й. ва автомобиль йўллари тугуни. Днепр дарёсидаги пристань. Аэропорт бор. Аҳолиси 371,4 минг киши (1998). М. вилоят саноат маҳсулотининг ярмини беради. Муҳим тармоқлари: металлсозлик ва машинасозлик (автомобиль, қурилиш материаллари саноати учун асбоб-ускуналар ишлаб чиқариладиган «Строммашина», «Электродвигатель», металл конструкциялар, лифт з-длари), кимё («Лавсан» синтетик тола, кимё к-тлари, сунъий тола з-ди), озиқ-овқат (гўшт к-тлари, кондитер ф-каси, нон, консерва, ёғ-пишлоқ з-длари), енгил саноатлари (тикувчилик, трикотаж, лента тўқиш, пойабзал ф-калари) ривожланган. Қурилиш материаллари (силикат буюмлар, темир бетон буюмлар, қурилиш материаллари, к -тлари) ишлаб чиқарилади. Ёғочсозлик корхоналари, 2 ТЭЦ ишлаб турибди. М.да 2 олий ўқув юрти, ўрта махсус ўқув юртлари, 2 театр, ўлкашунослик, этнография ва б. музейлари бор. Шаҳар 1267 й. дан маълум, 1569 йилдан Полъша, 1772 йилдан Россия таркибида. Николай черкови (17-а.) сақланган.

Могилёв. Мир шоҳкўчаси ва «Могилёв» меҳмонхонаси.

МОГИЛЁВ ВИЛОЯТИ — Белоруссиянинг шимолий вилояти. 1938 й. 15 январда ташкил этилган. Майд. 29 минг км². Аҳолиси 1245,8 минг киши (1998). Белоруслар, шунингдек, рус, яҳудий, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 67,6%, 13 шаҳар, 11 шаҳарча бор. Маркази — *Могилёв* ш. М.вилоят ер юзаси бад. 150—200 м ли текисликдан иборат. Шим.-шарқида Орша-Могилёв текислиги, жан.-ғарбида Марказий Березина текислиги бор. Фойдали қазилмалари: торф, бор, нементли мергель, фосфоритлар, гил, қум. Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —7°, июлники 17,8° (Могилёвда). Йиллик ёғин миқдори 580—650 мм. Вегетация даври 183—193 кун. Йирик дарёлари Днепр ва унинг ирмоқлари — Березина, Сож. Тупроқлари чимли подзол, торфли ботқоқ ва аллювиал тупроқлар. Ҳудудининг 31% ўрмон, 7% ботқоқлик. Тулки, тийин, сувсар, сассиқкўзан, кўрсичқон, оқ товушқон, бўрсиқ ов аҳамиятига эга. Ўрмонларда лось, елик, қобон яшайди. Бўри, силовсин, сувларда қундуз, норка, вихухоль учрайди. Енотсимон ит иқлимлаштирилган. 200 га яқин қуш, 20 га яқин балиқ тури бор.

М.в. энергетика асосини йирик ТЭЦ ва ГЭСлар ташкил қилади, маҳаллий ёқилғи сифатида, асосан, торф ишлатилади. Саноатида машинасозлик ва металлсозлик муҳим ўрин эгаллайди. Автомобиль, «Электродвигатель», «Строммашина» металлургия, автомат лифтлар з-длари бор. Кимё, ёғочсозлик саноати ривожланган.

Қурилиш материаллари саноатининг салмоғи катта. Устки ва ички трикотаж ишлаб чиқарилади. Зиғир, тола, кўн з-длари, тикувчилик, кўн-пойабзал, кигиз этик ф-калари ишлаб турибди. Озиқ-овқат саноати муҳим ўрин эгаллайди.

Қ.х. галлачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Донли, ем-хашак, техника экинлари, картошка, сабзавот экилади. Йилов ва ўтлоқлар қ.х.га яроқли ерларнинг қарийб 20% га яқин майдонини эгаллайди. Чорвачилик сут-гўшт етиштиришга ихтисослашган, қорамол (сигир), чўчқа, қўй ва эчки, парранда боқилади. Т.й. ва автомобиль йўллар транспорти, ҳаво йўллари алоқаси ривожланган. Днепр, Березина, Сож дарёларида кема қатнайди. 4 олий ўқув юрти, ўрта махсус ўқув юртлари, Белоруссия ФАнинг физика-техника, физика ин-тлари филиаллари, 5 музей, 2 театр бор.

МОДА (лот. modus — меъёр, усул, қоида) — 1) турмуш ёки маданиятда муайян дид ёки қизиқишнинг маълум вақтгача қарор топиши. *Услубан* фарқли ўлароқ турмуш буюмлари ва бадиий асарнинг ташқи шаклларининг қисқа муддатли ҳамда юзаки ўзгаришларини ифодалайди; 2) тор маънода — қийим шакли ва намуналари ўзгариши; 3) вақтинчалик, тез ўтиб кетадиган шон-шуҳрат.

МОДАЛ СЎЗЛАР (лот. modalis — ўлчов, усул) — сўзловчининг ўз фикрига турлича муносабатини англатадиган ва фикрнинг аниқлиги, ростлиги, гумонли ёки шартлилигини ифодалаш учун хизмат қиладиган сўзлар; шаклан ўзгармаслиги б-н тавсифланади, гап бўлаги вазифасида келмайди, гапнинг бошқа бўлаклари б-н синтактик алоқага киришмайди; бутун фикрга ёки унинг бирор қисмига тааллуқли бўлиб, одатда, кириш сўз бўлиб келади. М.с. 2 катта гуруҳга бўлинади: фикрнинг аниқлигини ифодаловчи М.с. Буларга ростлик, тасдиқ-ишонч, қатъийликни билдирувчи сўзлар (дарҳақиқат, ҳақиқатан; албатта, шубҳасиз, сўзсиз ва ш.к.) киради. Фикрнинг ноаниқлигини ифодаловчи М.с. Буларга тахмин, гумон, тусмол каби маъноларни ифодаловчи сўзлар (шекилли, чоғи, чамаси; эҳтимол, балки, афтидан ва б.) киради. М.с.нутқда пауза, ёзувда вергул б-н ажратилади. М.с. такрор қўлланса ёки эмоционал мазмунли сўз б-н бирга келса, маъно

қучаяди. Сўзлашув нутқида бирдан ортиқ модал сўз қўлланиши мумкин. М.с.ни фикрнинг ўзаро муносабати (хуллас, демак, бинобарин, қисқаси, умуман, масалан, чунончи, жумладан, аксинча, аввало, аваламбор, ниҳоят), эътиборни тортиш (айтгандай, айтмоқчи, зотан), таъкид (хусусан, айниқса), эмоционал маъно (кошки, зора, яхшиямки, хайрият, аттанг, афсуски, ажабо) кабиларни англатувчи модал маъноли сўзлардан фарқлаш керак. М.с. ва модал маъноли сўзлар ўзаро яқин бўлиб, уларнинг ҳар бирига хос белги-хусусиятларни аниқлаш функционал грамматиканинг долзарб вазифаларидандир.

Ибодулла Мирзаев

МОДАЛЛИК (лот. modalis — ўлчов, усул) — фикрнинг воқеликка бўлган муносабатларининг турли хил кўринишларини, шунингдек, билдирилаётган нарсаларнинг субъектив тарзда таснифланишининг турлича кўринишларини ифодаловчи функционал-семантик категория. «М.» тушунчасини фанга *Аристотель* олиб кирган. «М.» термини маънавий ҳажми, грамматик хусусиятлари ҳамда тил қурилишининг турли сатҳларида шаклланганлиги даражасига кўра хилма-хил бўлган ҳодисаларни ифодалаш учун қўлланади. М. шахс ва замон маънолари б-н биргаликда предикативлик категориясини ҳосил қилади. М. объектив ва субъектив бўлиши мумкин. Объектив М. билдирилаётган фикрнинг воқеликка муносабати (реал ва нореал, имконият ва имконсизлик, зарурият ва эҳтимоллик каби)ни англатади ҳамда грамматик ва лексик воситалар (майл, модал сўз, юклама, интонация) ёрдамида ифодаланади. Субъектив М. эса сўзловчининг айтилаётган фикр (ишонч ёки ишончсизлик, розилик ёки норозилик, экспрессив баҳо)га муносабатини кўрсатади ва сўз тартиби, интонация, лексик такрор, модал сўз, юклама, ундов, кириш сўз, сўз бирикмаси ва кириш гаплар б-н ифодаланади.

Аристотелнинг шогирд ва шарҳловчилари Теофраст, Евдем Родосский ва б. М.ка кўра ҳукмлар орасидаги тафовутларни ўрганганлар. Бугунги мантиқ ва фалсафада ҳукмларнинг И. Кант таклиф этган таснифи кенг қўлланади. Мазкур таснифга биноан, ҳукмлар ассерторик (ноқелик муҳокамаси), аподиктик (зарурият муҳокамаси) ва муаммоли (имконият муҳокамаси) турларга бўлинади. М. аслий (мутлақ) ва нисбий (шартли) бўлиши мумкин. «Рост» ва «ёлғон», «исботли» ва «исботсиз» ёки «инкор этиладиган» ҳукмлар ҳам мантиқ ва мантиқий семантика фанларида М. доирасига киритилади.

Ибодулла Мирзаев

МОДАРИХОН МАДРАСАСИ — Бухородаги меъморий ёдгорлик (1566—67). *Абдуллахон мадрасаси* қаршисида жойлашган. Иккаласи қўш мадраса мажмуа-сини ташкил қилади. М.м. *Абдуллахон*нинг онаси шарафига қурилган (номи ҳам шундан). Мадраса чорси тарҳли (67×45 м), 2 қаватли. Бош тарҳида улкан пештоқ ва унинг 2 ёнидаги 2 қаватли, олди равоқли 3 қисмга ажратилган ҳоналар олди ҳандасий услубда кошинкори нақшлар б-н безатилган. Бурчакларида сиркор гиштлар б-н нақшланган гулдасталар жойлашган. Хоналарнинг ҳар бирида эшик ва унинг тепасида ганчкори панжара мавжуд. М.м.нинг бошқа томонлари безаксиз. Ўртасидаги тўғри

Модарихон мадрасаси

тўртбурчакли ҳовли атрофида айвонли ҳужралар бор. Бош тарҳидаги миёнсарой, дарсхона ва масжид, ҳовли тўрининг 2 бурчагида жойлашган хоналар чорҳи гумбаз б-н қопланган. Бағаллари ганчдан тўрсимон шаклда ишланган. М.м. девори қурилмаси 16-а. Бухоро меъморлигига хос бўлиб, икки чеккаси пишиқ гиштдан терилган, ўртаси синиқ гишт бўлакларидан б-н тўлдирилган. Мадраса биноси 1997—98 й.ларда таъмирланган.

МОДДА — тинч ҳолатда массага эга бўлган зарралар мажмуи; умумий тинчлик массаси нолга тенг бўлмаган элементар зарралар (асосан, электрон, протон ва нейтрон). М. газ, суюқлик, қаттиқ жисм ва плазма ҳолида бўлади. М. — *материя*нинг асосий шаклларидан бири. *Квант механика, электродинамика* ва элементар зарралар физикаси тараққиёти натижасида физик реалликнинг М.дан бошқа шаклда — майдон шаклида бўлиши ҳам аниқланди. Кимёда М.ни бир кимёвий элемент атомларидан иборат оддий ва кимёвий бирикмалардан тузилган мураккаб М. ларга бўлиш қабул қилинган.

МОДДА ВА ЭНЕРГИЯНИНГ АЙЛАНМА ҲАРАКАТИ — географик қобиқ ва литосфералардаги компонентларнинг ҳаракатини ифодаловчи қонуният. Айланма ҳаракатлар турли: туман — океан оқимлари, атмосфера, сувнинг айланма ҳаракати, биологик, литологик айланма ҳаракат ва б. шулар жумласидандир. М. ва э.а.ҳ.дан табиат ҳудудий комплекслар вужудга келган. Табиатдаги М. ва э.а.ҳ. географик қобиқнинг ҳар бир табиий ҳудудий комплексларининг бир бутунлигини ифодасидир.

МОДДАЛАР АЛМАШИНУВИ, моддабўлиш — тирик организмларнинг ўсиши, ҳаёт фаолияти, қувватининг, ташқи муҳит б-н муносабатларини доимий таъминлайдиган кимёвий ўзгаришлар мажмуи. М.а. туфайли ҳужайра таркибига кирадиган молекулалар парчаланади ва синтезланади, ҳужайра структуралари ва ҳужайралараро моддалар ҳосил бўлади, емирилади ва янгиланади. Мас., одамда барча тўқима оқсилларининг ярмиси тахм. 80 сутқада парчаланиб, янгидан ҳосил бўлади, жигар ва қон зардобидаги оқсилларнинг ярми ҳар 10 кунда, мускул оқсиллари 180 кунда, аирим жигар ферментлари ҳар 2—4 соатда янгиланиб туради.

М.а. энергия алмашинуви б-н чамбарчас боғланган бўлиб, уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Ҳужайраларда содир бўладиган М.а. б-н энергия алмашинуви биологик катализаторлар — *ферментлар* иштирокида амалга ошади. Энергия алмашинувида мураккаб органик молекулалардаги кимёвий боғлар шаклида мавжуд бўладиган потенциал энергия кимёвий ўзгаришлар туфайли ҳужайра структураси ва функциясини, тана ҳароратини сақлаб туриш, иш бажариш ва б. жараёнлар учун сарф бўладиган энергияга айланади.

М.а. ҳужайрада бир вақтнинг ўзида кечадиган ва ўзаро боғлиқ бўлган икки жараён — *анаболизм* ва *катаболизм*дан иборат. Катаболик жараёнларда мураккаб молекулалар оддий молекулаларга парчаланиб, кўп миқдорда энергия ажралади. Бу энергия махсус кимёвий энергияга бой макроэргик боғлар, асосан, *аденозинтрифосфат кислота* (АТФ) ва б. молекулалар шаклида жамгарилади. Катаболик ўзгаришлар, одатда, гидролитик ва оксидланиш реакциялари натижасида амалга ошади. Бу реакциялар кислородсиз (анаэроб йўл — гликолиз, бижғиш) ҳамда кислород иштирокида (аэроб йўл — нафас олиш) содир бўлади. Иккинчи йўл эволюцион нуқтаи назардан анча сер ва энергетик жиҳатдан анча самарали бўлиб, унда органик моддалар СО₂ ва сувгача тўлиқ парчаланади.

Ҳужайрада катаболизм ва анаболизм реакциялари бир вақтда кечади; катаболик ўзгаришларнинг охири босқичи анаболизмнинг бошланғич реакцияларига ҳисобланади. Бироқ М.нинг анаболитик ва катаболитик йўллари ўзаро мос келмайди. Мас., глюкогеннинг лактат кислотагача парчаланишида 12 та фермент иштирок этиб, уларнинг ҳар бири ўз жараённинг аломида босқичини катализлайди. Глюкогеннинг лактат кислотадан ҳосил бўлиши жараёни ҳа 9 та ферментатив реакциялардан иборат бўлиб, улар тегишли катаболик реакцияларнинг акси ҳисобланади. Худди шунга ўхшаш оқсиллар б-н аминокислоталар ёки ёғлар б-н фосфолипидлар ацетат кислота ўртасида кечадиган анаболик ва катаболик реакциялар ҳам ўзаро мос келмайди. М.нинг реакциялари ҳужайранинг маълум қисмлари — компартментларда амалга ошади. Мас., гликолиз жараёни ҳужайра цитоплазмасида, гидролитик парчаланиш реакциялари — лизосомаларда, липидларнинг ҳосил бўлиши силлиқ эндоплазматик тўрда, оқсиллар биосинтези рибосомаларда рўй беради. М.нинг умумий босқичлари бир-бири б-н доимо боғланган бўлади. М.нинг асосий оралиқ моддаси пируват кислота углеводлар, липидлар ва оқсиллар алмашинуви реакцияларини ўзаро боғлаб туради.

Барча тирик организмлар учун хос бўлган ҳужайра даражасидаги М.а., асосан, бир хил усулда бошқарилади. Бунда биокимёвий жараёнларнинг жадаллиги ва йўналтирилганлиги ферментлар фаоллигига таъсир кўрсатиш, уларнинг ҳосил бўлиши ёки парчаланишини бошқариш орқали амалга ошади. Юксак даражада ривожланган организмларда М.а. қўшимча бошқарув механизмларига эга. М.а. нерв системаси орқали ва гормонал йўл б-н ҳам бошқариб турилади (яна қ. *Ассимиляция, Диссимиляция*).

МОДДАНИНГ АГРЕГАТ ҲОЛАТЛАРИ — айни бир модда (мас., сув, темир, олтингугурт ва б.) нинг қаттиқ, суюқ ва газ ҳолатлари. Кўпчилик моддаларнинг қаттиқ ҳолати кристалл тузилишга эга. Мас., деярли барча минераллар ва барча металлар қаттиқ ҳолатида кристалл бўлади. Айрим моддаларнинг қаттиқ ҳолати аморф тузилишга эга бўлиб, бундай жисмга ўта совитилган суюқлик деб қараш мумкин. Моддаларнинг асосий қисми 3 агрегат ҳолатда бўлиш эҳтимоли бор. Агар модданинг қаттиқ ҳолати кристаллдан иборат бўлса, унинг бир ҳолатдан иккинчисига ўтиши аниқ т-ра ва аниқ босимда юз беради ҳамда бу ўтишларда иссиқлик, ярқин энергия, энтропия каби физик катталиклар сакраб ўзгаради. Мас., сув нормал босим (*p*=101325 Па) ва 0° т-рада кристалланиб муза айланади; нормал босим ва 100° т-рада эса қайнаб бутга айланади. Модданинг қайси агрегат ҳолатда бўлиши унинг таркибидаги молекулаларнинг ё ўзаро боғланиш энергиясига ёки уларнинг бетартиб ҳаракатдаги кинетик энергия-сига боғлиқ бўлади.

Газни ташкил қилувчи молекулалар орасидаги масофа жуда катта бўлганлиги-дан уларнинг ўзаро тортишиш кучлари эътиборга олинмайди. Шунинг учун газ аниқ шакл ва аниқ ҳажмга эга бўлмаганлигидан ўзи турган идишнинг бутун ҳажмини эгаллайди ҳамда идиш шаклига эга бўлади. Суюқликларда молекулалар бир-бирларига жуда яқин жойлашганликлари туфайли, ҳар бир молекула ўзининг атрофидаги қўшни молекулалар б-н ўзаро таъсирлашиб туради. Бу молекулалар қандайдир вақт оралиғида ўтроқ ҳолат деб аталувчи ҳолатдаги мувозанат вазият атрофида тебранма ҳаракатда бўлиб, вақт-вақти б-н ўз ўлчамларига яқин бўлган масофага тенг узоқликка ўтиб, янги мувозанат вазиятни эгаллаб боради. Шу тарзда суюқлик молекулалари ҳажми бўйича бетартиб равишда кўча бошлайди. Натижада суюқлик аниқ ҳажмга эга бўлишига қарамай, маълум шаклни сақлаб қола олмайди ва идишни ўзи эгаллаган қисмининг шаклини олади. Суюқлик хоссалари уни ташкил этувчи молекулаларнинг узлуксиз бетартиб ҳаракати ва молекулалар орасидаги ўзаро таъсир кучларининг кўпган хиссаларига боғлиқ.

Қаттиқ ҳолатдаги моддани ташкил этувчи молекулалар орасида кучли ўзаро таъсир кучлари мавжуд бўлиб, бу кучлар ҳам ўзаро итариш кучларидан, ҳам ўзаро тортишиш кучларидан иборат. Ҳар бир молекула ўзи турган қисмдаги ўртача вазият атрофида тебранма ҳаракат қилади. Тебраниш йўналиши ва амплитудаси вақт ўтиши б-н ўзгариб туради. Лекин молекула ўзи турган қисмдан бошқа қисмларга кўчиб ўта олмайди. Шунинг учун қаттиқ ҳолатдаги ҳар қандай модда ўзининг аниқ ҳажмини ва аниқ шаклини сақлаб қолади. Бу ҳажм ва шаклнинг ўзгариш интенсивлиги ташқи таъсирга боғлиқ бўлади.

Модданинг 3 агрегат ҳолатидан ташқари, яна плазма ҳолати ҳам мавжуд. Унинг алоҳида ҳолатга ажратилишга сабаб, плазма зарядланган зарралар (ионлар ва электронлар)дан ташкил топган газ бўлиб, бу зарядланган зарралар катта масофаларда ҳам ўзаро таъсирлашади. Бунинг натижасида плазманинг ўзига хос хусусиятлари вужудга келади.

МОДДИЙ БОЙЛИК, моддий неъмат — муайян инсоний эҳтиёжларни қондирадиган нарса, ҳодиса, меҳнат маҳсулоти; *миллий бойлик*нинг таркибий қисми. Табиатдаги табиий инъомлар (мас., ер, ҳаво, нқтим ва б.); ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (озиқ-овқат маҳсулотлари, бинолар, иншоотлар, машиналар, асбоб-ускуналар ва б.). Баъзан айрим иқтисодчилар (мас., А. *Маршалл*) М.б.ларни ўзлаштириш бўйича муносабатлар (патентлар, муаллифлик ҳуқуқи, пул қўйилмалари)ни ҳам М.б.га киритадилар.

МОДДИЙ ЁРДАМ — корхона ва муассасаларнинг муҳтож ходимларга, *маҳаллалар*нинг муҳтож фуқароларга ёки бошқа шахсларга бўюм ёки пул шаклида кўрсатадиган ёрдами. Ижтимоий ҳимоя талабирларига киради (қ. *Ижтимоий нафақа, Ижтимоий ҳимоя*).

МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИК — меҳнат ҳуқуқи бўйича *меҳнат шартномаси* тарафлари (ходим ва иш берувчи)нинг бир-бирларига етказган *зарар*ни қонунда белгиланган миқдор ва тартибда қоплаш мажбурияти. Меҳнат шартномаси ёки унга қўшимча равишда тузилган ёзма шаклдаги келишувда, шунингдек, *жамоа шартномаси*да меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги аниқлаштириб қўйилиши мумкин. Бунда шартнома бўйича иш берувчининг ходим олдидаги жавобгарлиги қонунда назарда тутилганидан кам, ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги эса назарда тутилганидан кўп бўлиши мумкин эмас. Зарар етказилганидан кейин меҳнатга оид муносабатларнинг бекор қилинганлиги меҳнат шартномаси тарафларини М.ж.дан озод қилишга сабаб бўлмайди. Қонунга биноан, меҳнат шартномасининг бир тарафи ғайриқонуний ножўя хулқ-атвори (ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги) натижасида бошқа тарафга етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Баъзан иш берувчи айби бўлмаган ҳолларда ҳам М.ж. бўлади. Мас., иш берувчи юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарар учун моддий жавобгар қилиниши мумкин. Зарар ким томонидан етказилганига қараб, М.ж.нинг 2 тури

иш берувчига етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлигига ҳамда и.ч.да ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани учун, шунингдек, ходимни меҳнат қилиш имкониятидан маҳрум этгани (ғайриқонуний равишда ишдан бўшатганлик) учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги фарқланади. М.ж. б-н боғлиқ масалалар ЎзРнинг Меҳнат кодекси (12-боб), «Ходимларга уларга меҳнат вазифаларини бажариш б-н боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни иш берувчилар томонидан тўлаш қоидалари» (1994 й. 1 февр.) асосида ҳал этилади. Бундан ташқари, тарафларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги ишларни кўришда судлар амал қиладиган бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бор.

Меҳнат қонунчилигида М.ж.нинг 2 тури: чекланган ва тўлиқ М.ж. белгиланган. Чекланган миқдордаги М.ж.нинг ҳам 2 тури мавжуд: а) ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ошмайдиган миқдордаги бевосита етказилган ҳақиқий зарар учун М.ж.; б) ходимнинг 3 ойлик маошидан ошмайдиган миқдордаги М.ж. Тўлиқ М.ж.да эса етказилган зарар ҳеч қандай чекланишларсиз тўлиқ қопланади. Амалиётда ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақидан ортиқ бўлмаган чекланган миқдордаги М.ж. кўпроқ қўлланади. ЎзР Меҳнат кодексининг 201-моддасида ўз меҳнат бурчини бажараётганда етказилган ҳақиқий зарар миқдори ходимнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида М.ж.ни келтириб чиқариши таъкидланган. Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилиш ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар 3 ойлик маоши миқдорида М.ж.га тортилиши кўзда тутилган. Ўртача ойлик иш ҳақи зарар етказилгани аниқланган кундан бошлаб ҳисобланади. Қонунга кўра, етказилган зарар миқдори ходимнинг охирги 2 ойлик иш ҳақи маоши юзасидан ҳисоблаб чиқарилади. Агар зарар миқдори ундан ортиқ бўлмаса, фақат ҳақиқий зарарнинг ўзи ундирилади. Қонунда корхона, муассаса ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари ва *мансабдор шахслар* ҳам етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ўртача ойлик маошидан ортиқ бўлмаган миқдорда М.ж.к.га тортилиши белгиланган: *меҳнат дафтарчаси* берилмагани сабабли корхона томонидан ходимга — мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўланган тақдирда; ва-

конларини белгилангандан [illegible] тик, суриб қилинишида [illegible] бўлган тақдирда.

Амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ, етказилган зарар учун қуйидаги ҳолларда ходимга тўлиқ М.ж. юклатилади: махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун; бир палик ҳужжатлар асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун; қасддан зарар етказилганда, алкоголли ичимликлар, гиёҳвандлик ва токсик модда таъсиридаги мастлик ҳолатида зарар етказилганда; ходимнинг суд ҳукми б-н аниқланган жиноий ҳаракатлари натижасида зарар етказилганда. Юқори сирларни ошкор этилганда; қонунларда, шунингдек, ЎзР ҳукумат қарорларида назарда тутилган бошқа ҳолларда. 18 ёшга тўлмаган ходимлар фақат қасддан етказилган зарар учун, алкоголлик ичимликлар, гиёҳвандлик ёки токсик модда таъсиридаги мастлик ҳолатида ёки жиноят содир этиш натижасида етказилган зарар учун тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Анвар Иномов.

МОДДИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — жамият ҳаёти ва тараққиёти учун зарур бўлган моддий неъматларни яратиш жараёни (қ. *Ишлаб чиқариш*).

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК — муайян жамият, қатламлар, гуруҳлар ва айрим кишиларни ўз иқтисодий ва меҳнат фаолиятлари юқори самарали бўлишидан манфаатдор этадиган ва фаолликка ундайдиган объектив-иқтисодий тамойиллар.

Кишиларнинг моддий эҳтиёжлари моддий неъматлар б-н қондирилади. Шунинг учун ҳам, табиатни, табиий неъматларни ўзлаштириш (ўзгартириш), улардан ҳаётий макон ва моддий-табиий ресурслар сифатида фойдаланиш, ижтимоий зарур маҳсулот и.ч. ва истеъмол қилиш инсон учун тарихан энг биринчи моддий эҳтиёж, манфаат-рағбат, объектив мақсад бўлган ва ривожланиб келган.

Кишилик жамияти тараққиётининг турли даврларида М.м. турли хилда ва турли даражаларда намоён бўлади. Мас., ибтидоий жамоа тузуми даврида, табиатни ва унинг неъматларини биргалашиб ўзлаштириш ва эгалик қилишдан, маҳсулотларни биргаликда умумий меҳнат б-н қўлга киритиш ва тенг тақсимлаш шароитида уларнинг тегишли ерларни ва б. неъматларни турли хил тажовузлардан биргаликда ҳимоя қилишдан, маҳсулотларни кўпроқ и.ч.дан ва истеъмол қилишдан

юқори даражада моддий манфаатдор бўлганлар. Уларда умумий манфаат [illegible] [illegible] Қулдорлик [illegible] қулларнинг [illegible] [illegible] [illegible] кўпроқ миқдорда маҳсулот етиштиришдан моддий манфаатдор бўлганлар. Қуллар [illegible] мулкдорлари [illegible] [illegible], мулк эгалари ҳақ-ҳуқуқлари бўлмаганликлари, аксинча, уларни қулдорларнинг мулки бўлганликлари сабабли кўпроқ ва самарали меҳнат қилишдан манфаатдор эмас эдилар, балки, кўпроқ истеъмол қилишдан манфаатдор эдилар. Заминдорлик ва шахсий қарамлик ҳукмрон жамиятларда қарам деҳқонлар уларга ажратилган ерларда унумли, самарали меҳнат қилишдан манфаатдор эдилар, чунки ерлардан олинган маҳсулотлар уларнинг ўзларига тегишли бўлар эди (қ. *Заминдор*, *Заминдорлик*).

Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ижтимоий меҳнат тақсимоти ривожланиб, муҳим муносабатлар такомиллашиб, бозор муносабатлари ривожланди. Натурал и.ч. ўрнига товар-бозорли хўжаликлар ва и.ч. вужудга келди: уларнинг ривожланганлиги натижасида миллий иқтисодиётлар шаклланди ва ривожланди. Ҳоз. пайтда ҳам бозор иқтисодиётининг турли хиллари, турлари, миллий моделлари мавжуд бўлиб, уларда умумдемократик-инсоний муносабатлар, тамойиллар тобора кўпроқ қарор топмоқда. Бундай жараёнлар кишилик жамиятида иқтисодий муносабатларнинг ва манфаатларнинг ҳамда М.м.нинг хилма-хиллигини кучайтирмоқда. Шу б-н бирга, бозор иқтисодиётининг ижтимоий-иқтисодий мукаммал хиллари ва моделлари қанчалик бўлишидан қатъи назар, улар учун умумий бўлган баъзи манфаат ва рағбатлар ҳам борки, улар М.м.ни таъминлашда ва кучайтиришда ва шу орқали иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда жуда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бозор иқтисодиётига хос бўлган хилма-хил мулкчилик, эркин соҳибкорлик ва кўп укладли хўжалик тизими, нарх белгилаш механизми, рақобат ва б. барча кишиларнинг, хўжалик субъектларининг ўз иқтисодий фаолиятлари ва меҳнатлари натижалари ҳамда шартномавий мажбуриятлари бўйича масъулиятларини, М.м.ни ниҳоятда кучайтиради, ҳар бир шахс ўзининг иқтисодий фаолияти, меҳнат орқали ўз даромадларини ва мулкини кўпайтиришга интилади. Иш ҳақи, фойда, фоиз, рента, дивиденд каби даромад турлари, уларни кўпайтириш имконияти шахсларнинг М. м.ни ва фаоллигини ош-

рувчи жуда муҳим иқтисодий рағбат, [illegible] [illegible] [illegible].

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти негизлари [illegible] [illegible] [illegible] ва б. [illegible] [illegible] мулкчилик ва кўп укладли хўжалик асослари яратилди, [illegible] бозор муносабатлари, [illegible] [illegible] ва [illegible], [illegible] ва хўжаликка мустақил эгалик қилиш, ҳуқуқни ва эркин хўжалик юритиш, эркин меҳнат [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] [illegible] ва [illegible].

Ад.: Каримов И. А., [illegible] [illegible] [illegible] фаровон ҳаёт [illegible] [illegible], Т., 2000; [illegible] А., Исследование о природе и причинах богатства народов, М., 1962.

[illegible]

МОДДИЙ НУҚТА — кузатилаётган шароитда катталиги ва шакли аҳамиятсиз бўлган ҳаракати ўрганилаётган жисм. Муайян жисмни М.н. деб қабул қилиш мумкин ёки мумкин эмаслиги жисмнинг ўлчамларига эмас, балки масаланинг шартларига боғлиқ. Мас., ўртача радиуси 6371 км бўлган Ер шари Қуёш атрофидаги орбитасида ҳар секундда 29,75 км йўл босиб, бир йил давомида бир марта айланиб чиқади. Бундай шароитда Ер шарининг катталиги, шакли ва унинг ичида содир бўлаётган мураккаб жараёнлар унинг орбита бўйлаб ҳаракати ўрганилаётганда аҳамиятсиз бўлади. Демак, Ернинг Қуёш атрофидаги орбита бўйлаб ҳаракати ўрганилаётганда уни М. н. деб қабул қилиш мумкин. Аммо Ер сиртидаги бирор транспорт воситасининг ҳаракати ўрганилаётган бўлса, бундай шароитда Ер шарининг катталиги ва шакли, албатта, эътиборга олиниши шарт, яъни бу шароитда Ерни М.н. деб қабул қилиш мумкин эмас. М.н. тушунчаси физика фанида рўй берувчи жуда кўп ҳодисаларни тушунтиришда ва масалаларни ҳал этишда катта енгиллик беради.

МОДДИЙ РАҒБАТЛАНТИРИШ — кишиларнинг ўз меҳнат натижаларидан манфаатдорлигини таъминлашга, меҳнатга фаол жалб этишга, иш ва маҳсулот сифатини оширишга қаратилган иқтисодий шакллар ва тадбирлар тизими. Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш, меҳнатни ташкил этишнинг муҳим омили ҳисобланади. М.р.да ходимларнинг бажараётган иш сифати, касб маҳорати, меҳнат интизоми, шахсий ташаббускорлиги, меҳнат жараёнини такомиллаштириш ва сифатини ошириш борасидаги таклифлари ҳисобга олинади. М.р.да, маош, иш ҳақи даражаси ва мукофот тизими муҳим аҳамият касб этади. М.р. тизи-

мига маош миқдорини ошириш, шахсий иш мукофотлари, совғалар бериш, ходимлар иш шароитини яхшилаш, соғлиғини сақлаш бўйича тадбирлар ва б. киради.

МОДДИЙ РЕСУРСЛАР — иқтисодиёт тараққиёти ва и.ч. жараёни учун зарур бўлган моддий-ашёвий неъматлар йиғиндиси, моддий-ашёвий шаклдаги иқтисодий ресурслар. М.р.га табиий бойликлар, материаллар, машина-механизмлар, бино-иншоотлар, асбоб-ускуна ва қурилмалар киради. М.р. ишлаб чиқаришнинг бутунлигини ёки моддий омилини ташкил қилади.

М.р. ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этади, маълум маҳсулот турини яратишда ўзининг дастлабки кўринишини ўзгартириб, и.ч. ёки шахсий истеъмол учун тайёр бўлган маҳсулот кўринишини олади. М.р. мавжудлиги жиҳатидан 2 га бўлинади: амалда ишлатилаётган М.р. (мас., табиий бойликлар М.р. сифатида ҳисобга олинади, қазиб олиниб, қайта ишланади ва тайёр маҳсулотга ёки хом ашёга айлантирилади); ишлатилиши келажакда кўзда тутилган М.р.

М.р. бир мамлакат доирасида таркибан ҳар хил миқдор ва даражада бўлиши мумкин. Улар Ер юзида тенг тақсимланмаган ва чекланган миқдорда мавжуд. М.р.нинг камёблиги умумий ҳодиса. Ер ости ва ер усти бойликларининг чекланганлиги энергия ресурсларининг етишмаслигида ўз аксини топади. Мас., кейинги 100 йил ичида Ер куррасида аҳоли сони қарийб 3 марта ошди, лекин моддий захиралар кўпаймади.

М.р.чекланганлиги боис улардан тежамкорлик б-н фойдаланиш, М.р.ни ишлатишда ноанъанавий йўлларни қўллаш, фан-техника тараққиёти натижаларидан унумли фойдаланиб, тежамкор технологияларни яратиш жуда муҳим аҳамиятга эга.

Руслан Ҳасанов.

МОДДИЙ ФАРОВОНЛИК — жамият, айрим кишилар ва ижтимоий гуруҳларнинг моддий неъматлар б-н таъминланганлиги; кишилар моддий эҳтиёжларининг қондирилиш даражаси.

Ғарб мамлакатлари амалиётида М.ф. аҳоли даромадлари даражаси б-н боғлаб, аҳоли жон бошига *ялпи ички маҳсулот* (ЯИМ) кўрсаткичи асосида изоҳланади. М.ф.ни халқаро таққослашлар учун ҳам ЯИМ кўрсаткичи қабул қилинган. Бироқ, ЯИМ мамлакат иқтисодий тараққиётининг муҳим кўрсаткичи бўлса-да, М.ф.ни, унинг моддий асосини аниқ ва тўла ифодаламайди. Ҳар қандай жамиятда кишилар М.ф.нинг моддий асоси шу мамлакатнинг миллий моддий бойлигидир. Жамиятнинг, кишиларнинг М.ф. уларга тегишли бўлган, улар ихтиёридаги моддий неъматлар йиғиндисига ҳамда жорий моддий и.ч. даражасига, топаётган даромадларига, истеъмол қилинаётган моддий неъматлар миқдори ва сифатига боғлиқ.

Ҳар бир муайян даврда бутун жамиятнинг, унинг барча аъзоларининг энг муҳим моддий эҳтиёжлари, яъни ҳаётий маконга ва табиий ресурсларга, и.ч. воситаларига ва истеъмолбоп неъматларга бўлган моддий эҳтиёжлари шу жамиятда мавжуд бўлган жами моддий-ашёвий бойлик б-н қондирилади. Жамиятнинг, кишиларнинг табиий ва ишлаб чиқарилган моддий неъматлар б-н умумий ва аҳоли жон бошига таъминланганлиги улар моддий фаровонлигининг асосидир. Шунинг учун ҳозирги пайтда дунёда ҳар бир мамлакат миллий бойлигини, шу жумладан, миллий табиий ва ишлаб чиқарилган бойликни ҳисоблашга алоҳида аҳамият берилмоқда (қ. *Миллий бойлик*). Моддий ашёвий бойлик таркибидаги табиий бойликнинг ва ишлаб чиқарилган (жамғарилган) бойликнинг алоҳида-алоҳида ҳисобга олиниши, табиий бойликларни асраб-авайлаб, улардан оқилона фойдаланиб, и.ч. ва жамғарилган бойликнинг узлуксиз кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилиши ва кўпайтирилиши М.ф.ни сақлаш ва оширишнинг энг муҳим шартидир.

Моддий-ашёвий бойликнинг ҳажми ва сифати, унинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган даражаси юқори бўлган мамлакатларда М.ф. ҳам, моддий и.ч. самарадорлиги ҳам, аҳоли даромадлари ҳам, истеъмол даражалари ҳам юқоридир. Бироқ, Ғарб мамлакатлари статистиклари ва иқтисодчиларининг эътироф этишларича, ривожланган мамлакатларнинг кўпчилигида бойликнинг ва даромадларнинг аҳоли ўртасида тақсимланиши фавқулодда ёки жуда нотекисдир. Кам ривожланган ва постсоциалистик мамлакатларнинг кўпчилигида миллий моддий-ашёвий бойлик аҳоли жон бошига жуда паст даражада. Шунинг учун ҳам дунёда 1,2 млрд.дан ортиқроқ киши жуда ҳам камбағалликда, қашшоқликда яшамоқда.

Миллий бойликни сақлаш ва кўпайтиришда ва шу йўл б-н М.ф.ни таъминлашда ва оширишда давлат ва унинг миллий ижтимоий-иқтисодий сиёсати муҳим ўрин тутади. Давлат буюртмалари ва инвестициялари ни [illegible] бойликларини кўпайтиришга, аҳоли ил-

ромадларининг ўсишига ижобий таъсир этади. Солиқларнинг ва давлат харажатларининг оптималлаштирилиши эса солиқ юкини камайтиради, кишилар ихтиёридаги даромадларни кўпайтиради ва М.ф.га ижобий таъсир этади. Шу б-н бирга М.ф. ва истеъмол бюджет оптимал норматив ва нормалари, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш механизми ва дастурларининг такомиллаштирилиши катта ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейинги йилларда мамлакатдаги барча табиий неъматлар (ерлар, ер ости ва ер усти бойликлари ва б.) умумиллий мулкка, бойликка айланди, жамият аъзолари эса унинг ҳаммулкчилари бўлиб қолдилар. Шу б-н бирга, улар хусусийлаштирилган корхоналарнинг мулкчиларига айландилар; ерга ва б. мулкларга ижара асосида эгалик жорий этилди; ерлар якка, гуруҳ, ширкат, жамоа, корпоратив хўжалик юритиш учун, фермерлик ва деҳқон хўжаликлари ташкил этиш учун жисмоний ва юридик шахсларга тақсимлаб берилди. Мамлакатнинг ишлаб чиқарилган ва жамғарилган моддий бойликлари кўпайди ва такомиллашди; аҳолининг номинал ва реал даромадлари ўсди, кундалик истеъмолбоп моллар ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар б-н таъминланганлиги ошди. Шу б-н бирга аҳолининг кескин ва катта даражада табақаланишининг олдини олиш ҳамда миллий моддий бойлик ва фаровонликни юксалтириш бўйича изчил ижтимоий сиёсат амалга оширилмоқда.

Ад.: Каримов И.А., Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт—пировард мақсадимиз, Т.: 2000; Мэнкью Н. Грегори, Принципы Экономикс. Пер.с англ. Санкт-Петербург, 1999; Самуэльсон П.А., Нордхаус В., Экономика, 15-е изд., Пер.с англ., М., 2000.

Эргаш Алиқулов.

МОДЕ ХОҚОН, Ботур Тангриқут (Моў Ду, Модэ, Буду, Мата) (? — мил. ав. 174) — Улуғ ҳун (хунну) хоқонлиги (мил. ав. 209 — мил. 216) асосчиси, Туман *Тангриқут*нинг валиаҳд ўғли. Отаси бошқа ўғлини валиаҳд қилиш мақсадида уни ўз раҳбари юечжилар ҳузурига гаров тариқасида жўнатиб, кўп ўтмай уларга хиёнаткорона ҳужум қилади. М.х. отасининг ҳийласини фаҳмлаб вақтида қочишга улгуради. Сўнг, атрофига ишончли одамларни тўплаб, отаси ва ўгай укаларини қатл қилади-да, тангриқут бўлади (мил. ав. 209—174). М.х. отилганда ўзидан ҳуштак овози чиқарувчи ўқ-ёй ихтиро қилади, мунтазам қўшин тузиб, аввал тунгтус (луи ҳўлларни тор-мор келтиради, ҳунну, чуше, шимл каби ҳун қонликларини ва динглинг (туро), текун (қирғиз) қатламларини бирлаштиради, қудратини анча ортгач, кейин Хитойга юриш қилиб, *ҳунлар*нинг хитойлар истило қилган ерларини озод этади. Ҳунлар давлатининг кун сайин қудрати бутун боқаётганини кўрган кундаб хитой саркардалари М.х. томонига ўтадилар. Мил. ав. 200 й. *Хань* сулоласига мансуб император Гаозу (мил. ав. 206—195) 325 минг кишилик қўшин б-н М.хга қарши урушга отланади. М.х. бундан хабар топиб, 400 минг отлиқ аскар б-н Гаозу қўшинига пешвоз чиқади-да, уларни Фингчин (Доузин) ш. шарқидаги Байтинг аларида қуршаб олади. Аммо, 7 кун леганда Гаозу отликлан биринкетин қирила бошлаган уз қўшинини вазири ишлатган бир ҳийла туфайли қуршовдан олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлади [мазкур воқеа Хитой тарихида «Байтинг муҳосараси (қуршови)» номи б-н машҳур]. Шундан сўнг Гаозу, гарчи қуршовдан қутилиб чиққан бўлса-да, енгилганини тан олиб, қизини М.хга хотинликка беради (мил. ав. 192) ва ҳунларга хирож тариқасида кимхоб, шойи, атлас, шароб, галла каби маҳсулотларни юбориб туриш мажбуриятини олади. М.х. ҳам, ўз навбатида, агар юқоридаги мажбурият тўла-тўкис адо этилса, Хитойга ҳужум қилмасликни ўз бўйнига олади. Мил. ав. 177—176 й.ларда М.х. *уйшун*, *канглю* (қонқа), йўэжи (юечжи) ва *ворслар*ни бўйсундириб, марказлашган йирик хоқонлик тузади. Унинг давлати шарқда Улуғ муҳит (Тинч океан)дан ғарбда Каспий денгизигача, шим.да Бойкўл (Байкал) ва Энасой (Енисей)дан жан. да *Буюк Хитой девори* ва Шим. Ҳиндистонгача бўлган ҳудудни эгаллаган.

Абдуҳолиқ Айтбоев.

МОДЕЛЛАШ — физик ҳодиса ва жараёнларни *модель* ёрдамида тадқиқ қилиш; объектлар (жонли ва жонсиз тизимлар, муҳандислик конструкциялари, физик, кимёвий, биологик, ижтимоий жараёнлар ҳамда лойиҳаланаётган объектлар)нинг моделларини ясаш. Физик, математик, электр, кибернетик ва б. хилларга бўлинади. Физик М.да тадқиқот текширилаётган жараённинг физик табиати ва геометрик тузилиши асл нусхадагидек, аммо ундан миқдор (ўлчами, тезлиги) жиҳатидан фарқ қиладиган моделда олиб борилади. Физик М. гидротехника иншоотлари, самолёт, кема ва б.ни текширишда қўлланилади. Математик М.да берилган физик жараёнларнинг математик ифодалари моделланади. Электр М. ҳам кенг тарқалган. Бунда акпш, индуктив ва сиғим қаршиликлардан фойдаланилади. Гидравлик моделлардан оқиқларни жараёнларнинг ўхшашлигини аниқлашда асосланади. Бундай моделлар аниқ ҳодисадаги айрим жараёнларнинг ўхшашлик тула акс эттирмайди, балки қандайдир ўртача, сумар натижани беради.

Ад.: Чарчанидзе В. В., Гельман О. Я., Моделирование в науке и технике, М., 1966; Усмонхўжаев Ҳ. Ҳ., Механизм ва машиналар назарияси, Т., 1970.

МОДЕЛЬ (лот. modulus — ўлчов, меъёр) — 1) машинасозликда — кўплаб ишлаб чиқариш учун эталон (стандарт) сифатида ишлатиладиган намуна (мас., автомобиль, кийим ва б. модели); бирор маҳсулот, конструкциянинг тури, маркаси; 2) санъатда —а) буюм (мас., ҳайкал)нинг лойи, мум, гипс, ёғоч ва б. материалдан тайёрланган намунаси; кейинчалик ундан қолип ёки андоза олиб, бошқа чидамли материал (бронза, гранит, мармар, металл ва б.) дан асл нусха (монумент, ҳайкал) ишланади; б) рассом расмини чизаётганда маълум вазиятда турадиган киши (натурачи) ва, умуман, тасвирланаладиган объект; 3) қурилишда — бино, иншоот, механизм ва б.нинг илмий, амалий мақсадларда қўлланиладиган кичик (баъзан, катта) масштабдаги нусхаси, макети; 4) математика ва мантиқда — муайян аксиомалар системасининг М.ли объектлари бўлиб, хоссалари ва улар ўртасидаги муносабатлар муайян аксиомаларни қаноатлантиради, 5) тил шунос.ликда — бирор морфологик, грамматик ва б.ҳ система нали.ламуносининг белгирувчи махсум тушунча; тил системаси ёки унинг бирор тармоғи таърифининг умумий схемаси. Кенг маънода М — бирор объект ёки объектлар тизимининг образи ёки намунаси. Мас., Ернинг модели — глобус, осмон ва ундаги ҳодисалар модели — планетарий.

МОДЕРАТО итал. moderato — мўътадил — мусиқада *allegro* ва *allegretto* ўртасидаги суръат ҳолатда, «allegro» модераторо»нинг қисқартирилган шакли сифатида тушунилади. Баъзида «М.»га мустақил, allegretto ва *andantino* ўртасидаги суръат маъносида ҳам қаралади.

МОДЕРН (франц. moderne — янги, замонавий) — 19-а. охири —20-а. бошларида Европа ва Америка санъатида мавжуд бўлган бадиий услуб. М. турли мамлакатларда турлича аталади: Англия, Франция, Белгия, АҚШ да «art nouveau» (Art Nouveau), Германияда «югендстиль» (Jugendstil), Австрияда «сецессион» (Sezession), Италияда «либерти» (Liberty), Испанияда «модернизм» (modernismo) ва б. М. *эклектизм*дан қутулишга ва «янги услуб» (янона синтетик санъат) яратишга ҳаракат қилишлар натижасида юзага келган; индустриал жамият ҳаёт ривожланаётган, ижтимоий қарама-қаршиликлар ўткирланиб бораётган шароитда шаклланган. М. тарафдорлари классик санъат шаклларидан ҳолис бўлишга интиладилар. Жумладан, меъморликда қатъий режали ордер тизими унсурларидан воз кечилди. Айнан шу меъморликда М. нинг ўзига хос томонлари ўзининг яққол ифодасини топди; меъморлар янги давр ютуқлари, янги қурилиш ва безак материаллари (темир-бетон, металл, ойна ва б.) дан фойдаланиш, ҳам ашёлар технологияси, техника қурилиш конструкциялари воситаларидан изчил фойдаланиб, биноларни ўрнак режалаштириш, симметрия қонуниятларидан чекинишга ҳисобланган ҳолда ҳар хил услуб ва композициялар яратишга эришдилар, улар яратган бино композицияси ва унсурлари ички ва ташқи ритми ва асар ғоясининг образли-рамзий мазмунига бўйсунади.

19-а.нинг охирига келиб саноатнинг жадал ривожланиши М.нинг кенг кўламда ривожланиши ва ёйилишига ҳам сабаб бўлди. Дастлаб Англияда, кейинчалик бошқа Европа мамлакатларига кенг тарқала бошлади. М. тарафдорлари барча санъат турларининг янги мажмуи (яъни *синтетик санъат*)ни яратиш орқали гўзаллик муҳитини яратишга ҳаракат қилди. М. услубида қурилган биноларнинг конструктив тузилиши ва безак ечимини даратиш қийин, бинонинг ички фазоий ечими биноинг ташқи кўринишини белгилаган. Биноинг ташқи кўриниши эса шаклар бойлиги ва эгилувчан чизиқлар муллиги б-н ажралиб турган (бельгиялик Анри Ван де Велде, испаниялик А. Гауди, россиялик Ф.О. Шехтель ва б.нинг асарлари). Дастлаб ва амалий безак санъати ўзаро бир-бирита қўшилиб уйғунлашиши ҳам М. та хос: рассомлик асари намоён тарзида, ҳайкалтарошлик эса рельеф — бўртма тасвир шаклида ўз мустақиллигини йўқотиб хона (бино) мажмуига қўшилиб кетади. Графикада М. нинг ривожи китобат санъати ва журналлар, плакатлар нашр этилиши ва кенг тарқалиши б-н боғлиқ. Бу даврда графика (литография, ксилография, китоб санъати) юксак тараққий этди (графикада инглиз О. Бердсли, норвег Э. Мунк, россиялик А. Бенуа, К. Сомов ва б., россиялик А. Бенуа, К. Сомов ва б., плакатчи француз А.де Тулуз-Лотрек, Э. Грассе ва б.).

Модерн услубида қурилган Тошкентдаги князь Н.К. Романов саройи.

Амалий безак санъатида М. кенг ривож топди, амалий санъат усталари буюмларни ифодали шаклларда яратишга ҳаракат қилиб, безак ва шаклларда эгри чизиқларга эътибор қаратадилар ҳамда ясси текис шаклардан фойдаланадилар (испан А. Гаудининг сопол ва металл буюмлари, бельгиялик Х. Ван де Велде ва шотландиялик Макинтош мебеллари. Россияда — Абрамцево ва Талашкино устахоналарида тайёрланган буюмлар ва б.).

Ўзбекистонда М. услубига хос хусусиятлар 19-а. охири —20-а. бошларида меъморлик ва рассомлик санъатида кузатилади. Тошкент, Қўқон, Бухорода қурилган айрим биноларда шу хусусиятлар (М. белгиларини кўриш мумкин: Тошкентдаги князь Н. К. Романов саройи (ҳоз. Ташқи ишлар вазирлиги қабулхонаси ва б.); графикада бу услубларни 1895 й. нашр этилган «Ўрта Осиё» альманахида, рангтасвирда эса А. Волков, Уста Мўмин (А. Николаев), В. Уфимцев асарларида кўриш мумкин.

Неъмат Абдуллаев.

МОДЕРНИЗАЦИЯ, модернизация (франц. moderne — янги, замонавий) — бирор нарсани янгилаш, унга замонавий тус бериш, уни замонавий талабларга мувофиқ ўзгартириш. М.да машина, аппарат, турли технологик қурилмалар, муҳим қаттиқ ёнилғилар техника тараққиёти талабларига мувофиқ қайта ишланади.

МОДЕРНИЗМ — 1) 19-а.нинг 2-ярми —20 а. нинг 50—60-йилларида Европа, АҚШ адабиёти ва санъатида ривож топган оқим ва йўналишларнинг умумий номи. Дастлаб, Францияда ташкил топган *символизм*, акмеизм, *импрессионизм* (мас., 1863 й.да Парижда очилган «Ҳўрланганлар салони») вакиллари, мусиқада К.*Дебюсси*, М.*Равель* каби композиторлар ижодига нисбатан қўлланган. М. *декаденглик* термини б-н ҳам юритилган. Бадиий ижоднинг мумтоз анъаналаридан воз кечиш, ижодкор ўз шахсий кечинма, таассурот ва тасаввурларини устун қўйиши, бадиий шаклларни янгилаш жараёнига алоҳида аҳамият бериш улар ижодига хос бўлган хусусиятлардир. М. вакиллари *реализм*га қарши курашди, *классицизм* (академизм)га хос бўлган ижодий тамойилларни инкор этишга интилди. М. нафақат мазкур давр санъати, балки илм (З. Фрейднинг психоанализ назарияси, Ф. Де Соссюрнинг структурал лингвистикаси, А.Эйнштейннинг нисбийлик назарияси, Н. Винернинг кибернетикаси) ва фалсафа (Ф. Ницше, А. Бергсон, М. Хайдеггер ва б.нинг ғоялари) б-н ҳам боғлиқ бўлган.

20-а. бошида ривож топган *авангардизм* йўналишларида 19-а. М. принципларини ўз ривожини топди. М.нинг янги босқич хусусиятлари тасвирий санъатда анъанавий тасвирлаш усулларидан бутунлай воз кечиш, реал образлар шаклини ўзгартириш ёки умуман йўқотиш

С. Дали. «Нохуш ўйин».

(кубизм, экспрессионизм, сюрреализм, дадаизм) каби кўринишларда намоён бўлган. Мусиқада М. *куй* ва *лад* тамойилларини инкор этиш (*додекафония, алеаторика, сонористика*), адабиётда — баённинг мантиқсизлигига асосланиш (дадаизм, онг оқими, *футуризм*) етакчи омилга айланган. М.нинг энг йирик назариётчиси Ортега-и-Гассет санъатнинг халқчиллигига қарши чиқди: «Модернистик санъат... халққа бегонадир, бунинг устига у халққа... зид экан. Ҳақиқий санъат санъаткорлар учун, омма учун эмас...». Бу ижодий қарашлар 20-а.нинг 2-ярмида ташкил топган *абстракт санъат, минимализм*, абсурд драма каби постмодернизм йўналишларида ҳам ўз аксини топди. 1960—70 й.лар санъатида пайдо бўлган М.нинг асосий тамойилларига қарши бўлган *поп-арт*, оп-арт, кинетик санъат, *гиперреализм* каби йўналишларни баъзи талқинчилар М. тизими нуқтаи назаридан баҳолашган.

Шавкат Музаффар ўғли. «Нажотга чорлов» («Билол», 1999).

М. Ўзбекистонга 20-а. бошларидаёқ кириб келган (А. Нюренберг, В. Уфимцев, А. Волков, А. Николаев, Ў. Танскбоев ва б.). 1970-й.лар охиридан М.нинг кўринишлари айрим ўзбекистонлик рассомлар ижодида кўзга ташланади (мас., абстракт санъат — В. Охунов, Н. Шин; гиперреализм — А. Икромжонов, С. Рахметов каби). Ўзбек адабиётшуносларидан эса М.га хос айрим унсурлар 1920—30 й.лар адабиётида кўзга ташланганини, бу жараён 1990-й.ларда нисбатан кучайганини таъкидлайдилар; 2) салбий маънода — ижодда *мода*нинг устунлиги, яъни ижодий услублар моҳияти, бадиий асарлар мазмунининг тез-тез ўзгариб турувчи бадиий эҳтиёж ва дидларга бўйсуниши. Шу маънода (модага бўйсунадиган) М. ҳақиқий новаторлик, янгиланиш жараёнига қарамақаршидир.

Ад.: Модернизм, М., 1980; Гройс Б., Утопия и обмен, М., 1993.

Неъмат Абдуллаев, Олимжон Бекмон, Баҳодир Каримов.

МОДИЛЬЯНИ (Modigliani) Франко (1918.18.6, Рим) — америкалик иқтисодчи. Ҳуқуқ ф-ри (1939), иқтисодиёт адъюнкт-проф. (1949), Иллинойс ун-ти иқтисодиёт проф. (1950—52), Карнеги технология ин-тида иқтисодиёт ва саноатни бошқариш проф. (1952—60), Кембриж ун-ти проф. (1970). М. *кейнсчилик* сиёсий иқтисодини неоклассик иқтисодий назария ва монетар таҳлил б-н уйғунлаштиришга эришди. М. макроиқтисодий назарияда рационал кутиш концепциясини ривожлантиришга, пул ва фоиз назариясига, «ҳаётий цикл» модели ва инвестиция қарорлари моделларини яратишга катта ҳисса қўшди. Нобель мукофоти лауреати (1985).

МОДИФИКАТОРЛАР (лот. modifico — ўлчайман, ўлчовни аниқлайман) — сувоқлантирилган металлар (қотишмалар)га модификациялаш пайтида қўшиладиган моддалар. Металлар (қотишмалар)да қўшимча кристаллизация марказлари ҳосил қилувчи, оқувчанликка таъсир этувчи ва зарраларнинг ўсишига тўсқинлик қилувчи (ингибиторлар) М. мавжуд. Пўлат ва чўянларнинг М. и сифатида магнит, литий, кремний, сийрак-ер элементлари ва қотишмалари, ферробор, ферроцерий, феррованадий ва баъзи кимёвий бирикмалар (мас., церий оксиди, ванадий нитриди) қўлланади. Чўянга қўшиладиган М. графитловчи (мас., силикокальций, кремний-марганец-циркония, ферросилиций графитлашга имкон берувчи, стабилланттирувчи (ҳром, ферросилиций, марганец-кремний, ферромарганец-кремний ва б.), унга тускинлик қилувчи ва комплекс М.га бўлинади. Магний қотишмалари ва мис қотишмалари учун цирконий, титан, ванадий ва бор аралашмаси, алюминий қотишмалари учун титан, бор, ниобий, сийрак-ер элементлари ва цирконий қўлланади. М. металлургия соҳаларида ковшга ёки печдан қуйиладиган металл оқимига, шунингдек, тўғридан-тўғри металл қуйиш қолипларига солинади.

МОДИФИКАЦИЯЛАР (лот. modificatio, modus — ўлчов, қўриниш ва ёсно қилиш) — ташқи муҳит омиллари таъсирида бир хил генотипга эга бўлган организмлар ўртасида вужудга келадиган фенотипик фарқлар. Мас., Хитой наврўзгули (Primula sinensis)нинг гуллари нисбатан паст ҳароратда парвариш қилинганда қизил, 30° ва ундан юқори ҳароратда ўстирилганда оқ бўлади. Унинг гуллари шаклланаётган даврда ҳароратни бошқариш орқали қизил, оч қизил ва оқ гулли ўсимликларни етиштириш мумкин. Одатда, М. кейинги авлодларга берилмайди, аммо давомли М.ла фенотипик ўзгаришлар ташқи омиллар таъсири тўхтаганидан кейин ҳам бир неча авлод давомида сақланиб, аста-секин йўқолиб боради. Бундай М. механизми ҳозиргача аниқланмаган, уларнинг намоён бўлиши, цитоплазматик тузилмаларнинг ўзгариши б-н боғлиқлиги тахмин қилинади. М. фенотипнинг генотип б-н ташқи шароитнинг ўзаро таъсири туфайли намоён бўлиши, ташқи шароитнинг ўзгариши генотипга даҳлсиз бўлмасдан фенотипнинг ўзгаришига олиб келиши б-н боғлиқ. М.нинг эволюциядаги аҳамияти организмнинг онтогенез давомида ўзгарадиган ташқи муҳит омилларига мосланишини таъмин этишдан иборат. Морфозлар ва феноколиялар М.нинг хусусий ҳолатлари ҳисобланади (яна қ. *Мутация*).

МОДУЛЬ (лот. modulus — меъёр, ўлчов) — 1) меъморлик ва қурилишда — мажмуалар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари ўлчамларини ифодалаш учун қабул қилинган асбоб, ўлчов. М.ни қўллаш натижасида бино, иншоот ёки унинг қисмлари ўлчамларидаги такрорланувчан (каррали) нисбатлари берилади, қисмлар уйғунлашади, қисмларнинг мутаносиблиги таъминланади ҳамда қурилиш ишлари осонлашади. М. сифатида узунлик ўлчови (фут, метр), бино элементларидан бирининг ёки қурилиш ўлчовининг улуши қабул қилинади. *Меъморлик ордерлари*да тирамида М. колоннанинг пастки қисми радиусининг улушидан олинган. Қад. Ўрта Осиё меъморлигида ҳам М. кенг қўлланилган. 14—15-а.ларда *ғаз, қари, қадам* каби ўлчов бирликлари асосида бинолар лойиҳа қилинганлиги маълум.

Ҳар Наср *Фарғона* турли ўлчов асбоблари (мас., шнур, рейка, парказ, гарнун ва б.) ўлчов меъёри сифатида меъморчиликнинг деярли ҳар қайси бўлагининг таъкидланган. Қад. Мисрдаги сферпиклардан бирида меъёр Хеопс қўлида гарнун ва рейка ушлаб турган қиёфада тасвирланган.

Меъморликнинг илк ривожланиши даврида бошлаб қурилиш майдончасида мужалладаги бинонинг шакли, яъни лойиҳасини ясаш учун асосан олдин режа ишлаб фойдаланилган. Режа ини ва қотиқлар ёрдамида текис ер сатҳига жуда мураккаб шаклдаги тушириш мумкин. Булар парказ ва чизғич ва циркуль ёрдамида чизилган.

Сомонийлар мақбараси, Масжиди калон, Минораи калон, Амир Темур мақбараси, Улуғбек мадрасаси ва б. геометрик таркиб ва уйғунлик жиҳатидан М. асосида бунёд этилган, *гирих* нақшлар ҳам динамик квадратдан фойдаланиш натижасида пайдо бўлган ва ривожланган. Ўрта Осиё меъморларининг 16-а.да М. асосида чизган бир неча тарҳлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланмоқда. М. ҳозирги замон меъморлигида бино қисмларини стандартлаш, бирхиллаштириш ва умуман бадиий ва техник тартибга эришишда кенг қўлланади; 2) радиоэлектроникада — радиоэлектрон аппаратларнинг мустақил функционал узели. Тузилишига кўра, яссн, ҳажмий ва ҳажмий-яссн; электрон асбоблар типига қараб, транзисторли ва ламнали хилларга бўлинади. М., кўпинча, босма плата (асос)га йиғилади. М.ни мустақил созлаш ва текшириш мумкин; бу эса радиоэлектрон аппаратларни таъмирлаш вақтида М.ни қўшимча тузатмай ва созламай алмаштиришга имкон беради. М. аппаратларнни лойиҳалаш муддатини қисқартиради, аппаратлар тайёрлашни арзонлаштиради, аппаратларни соддалаштиради ва б.; 3) машинасозликда — тишли ғилдирак (шестерня)нинг геометрик параметри. Тўғри тишли ғилдирак учун М. (m) бўлувчи айлана диаметри ($d_д$) нинг тишлар сони (z) га ёки тишлар қадами ($t_қ$) нинг π сонига нисбатига тенг:

$$m_т = \frac{d_д}{z} = \frac{t_қ}{\pi}.$$

Қийшиқ тишли ғилдираклар учун: а) айлана М. — $m_т = \frac{d_д}{z} = \frac{t_қ}{\pi}$; б) нормал М. — $m_n = \frac{t_қ}{\pi}$; в) ўқавий модуль $m_д = \frac{t_д}{\pi}$; — бунда: $t_қ$, t_n ва $t_д$ — тиш қадамлари. М. қийматлари давлат стандартларида қатъий белгилаб қўйилади; 4) математикада — а) сонли М. — иккита иккн элементнинг нисбатини ва айирмасини ҳам ўз ичига олган сонлар тўплами. Сонлар назариясида бирор m сонга каррали бўлган сонлардан тузилган М.лар қаралади. Агар a ва b бутун сонларнинг $b-a$ айирмаси m га қолдиқсиз бўлинса, a ва b сонлар m М. бўйича таққосланувчи дейилади ва $a = b$ ($modm$) деб ёзилади; 2) d асосли логарифмлар системасида b асосли логарифмлар системасига ўтиш модули $M = \frac{1}{\log_d b}$ га тенг (қ. *Логарифм*); в) вектор фазо тушунчасининг сказилярлар ҳалқа ташкил қилган ҳол учун умумлашгани.

МОДУЛЬОН, модильон (итал. modiglione) — меъморий қисм. Карнизни кўтариб турши б-н бирга безак вазифасини ҳам ўтайди. Асосан, мумтоз — дорий, коринф ва б. мураккаб ордерларда қўлланилган (қ. *Меъморлик ордерлари*).

Модульон.

МОДУЛЯТОР (радиотехника ва алоқада) — модуляцияловчи қурилма (қ. *Модуляция*). Асосан, электр алоқа ва радиоэшиттиришдаги узатувчи қурилмаларнинг таркибий қисми. М.да $\approx 10^4$—10^{15} *гц* частотали тўлқинлар ёки гармоник тебранишлар ахборот элтувчи ҳисобланади. Гармоник тебранишлар ёки тўлқинларнинг қандай параметри ўзгартирилишига қараб, тебранишлар модуляцияси амплитудали, частотали, фазали ёки аралаш хилларга бўлинади. М.лар ҳам шунга яраша ҳар хил бўлади. Ҳар қандай М.нинг асосий қисми — бошқарувчи элемент (транзистор, электрон лампа, клистрон ва б.); унинг ёрдамида сигнал модуляцияланадиган тебранишлар ёки тўлқинларга таъсир қилади.

МОДУЛЯЦИЯ (лот. modulatio — бир текислилик) — 1) физика ва радиотехникада — бирор ўзгармас физик жараённи ифодаловчи катталикнинг муайян қонун бўйича ўзгариши. М. ташқи таъсир ёрдамида амалга оширилади.

Электроникада кўпгина электрон асбобларнинг иши электрон оқимларини М.ланиш асосланган. Мас., кинескопларда экранга узатилувчи телевизион шаклларни ҳосил қилувчи электрон нури интенсивлигини М.ланади. Клистронларда электрон оқимининг тезлиги бўйича М.лаш оқимда электронларни гуруҳлашга олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, гуруҳлашган электронлар кинетик энергиясини ўта юқори частотали тебранишлар энергиясига айлантирилишига олиб келади. Радио- ва оптик диапазонларда электромагнит тебранишларнинг ҳамда акустик тўлқинларнинг М.лари катта амалий аҳамиятга эга. Маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш, турли тизим ва қурилмаларда частота тақсимотини таъминлаш, сигналларнинг вақтга боғлиқ параметрларини ўлчаш учун техник қурилма ва тизимларда тебранишлар М.си зарур ҳисобланади. М.жараёнида тебранишнинг ўзгарадиган параметрлари (частотаси, амплитудаси, фазаси)га қараб унинг номланиши белгиланади (частотали, амплитудали, фазали М.).

Кўпинча, М.ланган сигнал импульс тарзида, натижаси эса юқори частотали импульслар тўплами ёки радиоимпульс кўринишда бўлади. Ҳоз. пайтда тўрт турдаги импульсли М мавжуд: амплитуда-импульсли, частота-импульсли, фазавий-импульсли ва кенглик-импульсли М. Импульсли М. узлуксиз гармоник тебранишли М.га қараганда шовқинга нисбатан кучайтирилган таянчга эгалиги б-н ажралади; 2) ёруғлик техникасида — ёруғлик нури ёркинлигини ёки ёруғ доғ ўлчамини келаётган сигналларга мувофиқ равишда ўзгартириш; овозни оптик усулда ёзиб олиш, фототелеграф ва б. соҳаларда қўлланади.

МОДУС (лот. modus) — 1) тур, меъёр, усул; 2) предметга фақат айрим ҳолдагина тааллуқли бўладиган хусусиятларни ифодаловчи фалсафий тушунча. Бунда у предметнинг туб, ажралмас хусусиятини ифодаловчи атрибутдан фарқ қилади; 3) мантиқда — *силлогизм*нинг кўринишларидан бири.

МОЖАЙСКИЙ Александр Фёдорович (1825, Финляндия — 1890, Петербург)

— учиш аппаратлари яратиш соҳасидаги тадқиқотчи ва ихтирочи. Петербург (Россия) даги Денгиз кадет корпусини тугатган (1841), ҳарбий-денгиз флотида хизмат қилган (1841—62, 1879—82). Генерал-майор унвонида истеъфога чиққан (1882, 1886 й.дан контр-адмирал). М. ҳаводан оғир учиш аппарати (самолёт) яратиш борасида назарий ва амалий ишлар б-н шуғулланган, 1876 й. ўз моделларининг учишини намойиш қилган. Ўзи ясаган самолёт («ҳавода учувчи снаряд») га патент олган (1881). Самолётга икки (бири 20 о.к.га, иккинчиси 10 о. к.га эга бўлган) *буг машинаси* ўрнатган. М. самолётида ҳоз. самолётларнинг беш асосий қисми: тана (корпус), қанот, куч қурилмаси (двигатели), қуйруқ қанот ва шасси бўлган. Самолётнинг учанлиги тўғрисида расмий ҳужжатлар сақланмаган.

МОЗАИК ЭВОЛЮЦИЯ — юксак таксонларга мансуб организмлар янги гуруҳларининг пайдо бўлишида ҳар хил органлар қайта тузилишининг бир хил тезликда бормаслиги. М.э. айрим органлар ва улар эволюциясининг мустақил бориши б-н боғлиқ. М.э. туфайли «мозаик» белгиларга эга аралаш формалар вужудга келади. Мас., одам аждодларида жуда эрта пайдо бўлган тик юришга мосланиш белгилари б-н бирга бошмиянинг кичик ва қўлнинг калта бўлишидан иборат маймунлар учун хос белгилар, археоптериксда қушларга хос белгилар б-н бир қаторда судралиб юрувчиларга хос белгилар ҳам бўлган. М.э. принципини Г.де Бир (1954) археоптериксни ўрганиш асосида шакллантирган. Ундан анча олдин инглиз палеонтологи Д. Уотсон (1919) сейморлар (судралиб юрувчилар аждодига ўхшаш ҳайвонлар) тузилишидаги мозайкликни аниқлаган. М.э. принциплари у ёки бу даражада барча организмлар филогенезида содир бўлади.

МОЗАИКА (франц. мозайк — мукаларга бағишланган) — бир хил ёки турли хом ашё (кошин, тош, ёғоч, мармар, металл ва б.) бўлакларидан ишланган гасвир, нақш. Маҳобатли (монументал) безак санъатининг асосий турларидан. Асосан, биноларг, амалий санъат асарларини безашда, пластиқ санъати асарлари яратишда қўлланади. М. ишининнинг 2 хил усули фарқланади: нақш (гасвир) мустаҳкамловчи модда (оҳак, цемент, мум ва б.) суртилиб бетатилаётган юзага маълум бўлакларлан тўғридан-тўғри терib ҳосил қилинади; тескари терилда расмли қоғоз ёки матога бўлаклар ўнг томони б-н ёпиштирилади, сўнг тескари томонига мустаҳкамловчи модда суртилиб, бетатилаётган юза (девор ёки шифт) га бириктирилади. М.нинг асосий тури — *инкрустация*.

Турли рангларда бўялган доирачалардан иборат энг қад. М. мил. ав. 3-минг йилликка мансуб. М. Қад. Шарқ мамлакатларида, антик давр ва урта асрларда Византия, Италия, Грузия, Қад. Русда ривожланган. Ғарб. Европа санъатида безак М.лар кенг тарқалган. Ислом мамлакатларида 13—14-а.ларда кошинли М. ривожланган, қолинлар асосида ишланган бўлаклар йиғилиб мураккаб нақш (тасвирлар ҳосил қилинган. 14—15-а.ларда Самарқанд ва Бухородаги биноларг пештоқига ишланган М.лар жозибалорлиги б-н диққатни тортади.

18-а.да Европада (жумладан, Россияда М.Ломоносов томонидан) М. қайта тикланган (дастлоҳ портретлар ва батал композициялари яратилган). «Модерн» ва миллий романтик оқим усталари майолика (кошин)ли М. усулидан фойдаланганлар (испан А. Гауди, рус В. Васнецов, М. Врубель ва б.). Йирик бўлаклардан тузилган М.да кўзга ташланувчи маҳаллий ранглар уйғунлаштириб тузилган композициялар кўп учрайди (Р. Гуттузо, Д. Ривера ва б.). 20-а.нинг 30-й.ларидан санъатлар синтези масалаларига қизиқиш ортди, М. ҳам ривожланди. Ўзбекистонда 60-й.лардан (айниқса, Тошкент зилзиласидан кейин) М. кенг тарқалди, жамоат ва турар жой бинолари безагида кенг қўлланилмоқда (Тошкентдаги Амалий санъат музейи, «Пахтакор» метро бекати безаклари ва б.). Асрлар давомида ривожланиб келаётган қад. кошинкорлик анъаналари кенг қўлланилган ҳолда жамоат бинолари, меъморий обидалар ажойиб М. намуналари б-н безатилмоқда: Имом *Бухорий ёдгорлик мажмуи*, Олий Мажлис биноси, Ўзбекистон консерваторияси биноси ва б.

МОЗАМБИК (Моҳ амбиқет, Мозамбик Республикаси (Republica de Moç ambiquet — Африканинг жан. шарқий соҳилидаги давлат. Майд. 801,6 минг км². Аҳолиси 19,4 млн. киши (2001). Пойтахти — Мапуту (и. Мазмурини жанубидан 11 км нарида (провинсиянинг бўлинмаси. Мапуту ҳам шаҳар мақомига эга.

Давлат тузуми. М. — республика. Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик аъзоси. 1990 й. 30 ноябрда қабул қилинган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи — президент (1986 йилдан Жоаким Хаберту Чиссано). У умумий ишлари тўғрисидаги ҳисоботни бир йилда мудатда сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият — Республика Ассамблеяси (бир палатали парламент). Ижроия ҳокимиги президент ихтиёрига юклатилган. У Вазирлар Кенгашига раҳбарлик қилади, вазирларни, шу жумладан, бош вазирни тайинлайди.

Табиати. Қирғоқдаги умумий узунлиги 3000 км га яқин. Қирғоқлари қисман, тик, ўртача баландликда, жарли пастқам, ясси, айрим жойларда ботқоқликлар бор. Мамлакатнинг ички қисмида Шарқий Африка ясситоғлари жойлашган, у ғарбдан шарққа ипподромсимон пасайиб боради. Ҳудудининг каттагина қисмини Мозамбик пасттекислиги эгаллайди. Фойдали қазилмалардан кўмир, уран ва темир рудалари, асбест, фосфорит, слюда, олтин, шарқда берилий, ниобий, тантал, литий руда конлари бор.

М.нинг ички қисмида иқлим субэкваториал муссонли, жанда тропик, пассатли. Мозамбик пасттекислигида ян.нинг ўртачи т-раси 26°—30°, июлники 15°—20°, ясситоғликда (қиш ва ёзда) 3°—5° дан паст. Йиллик ёғин 750—1000 мм, соҳилда 1500 мм гача. Йирик дарёлари — Замбези, Лимпопо, Сави, Рувума. Ҳайвонот дунёси бой ва хилма-хил. Йирик сут эмизувчилар, асосан, қўриқхона ва миллий боғларда сақланиб қолган. Чунончи, Горонгоза миллий боғида фил, бегемот, арслон, тимсоҳлар, Маррумеу қўриқхонасида кафр буйволлари яшайди. Ўрмонларда маймун кўп. Турли илон ва қушлар учрайди. М.да Баньине, Зинаве, Базаруто миллий боғлари ҳам бор.

Аҳолиси, асосан, банту тили оиласига мансуб халқлар (макуа, тсонга, малави, шона)дан иборат. М.нинг шим. қисмида шарқий банту халқлари, жан. қисмида жан. -шарқий банту халқлари яшайди. Европа ва Осиёдан кўчиб келганлар (португаллар, ҳиндлар, покистонликлар), араблар, мулатлар ҳам бор. Расмий тил — португал тили. Маҳаллий тиллардан — шимл.да макуа ва ваньянжа, жанд.да чивича ва шанголан тилларида кўпроқ гаплашилади. Аҳолисининг 70% маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади; қолганлари христиан ва мусулмонлар. Аҳолисининг 17% шаҳарларда яшайди. Йирик шаҳарлари: Бейра, Мапуту, Нампула.

Тарихи. М.нинг энг қад. аҳолиси *бушменлар* ва *готтентотлар*дир. Кейинчалик М.га банту тилида сўзлашувчи қабилалар келиб ўрнашган. Мил. 1-минг йилликнинг охири ва 2-минг йилликнинг бошларида М. ҳудудида Мономотан давлати вужудга келди. 8-а.да араблар, 16-а. бошларида португаллар босгириб келди. 1629 й.ги оғир шартли битимдан сўнг Мономотан давлати Португалияга тобе бўлиб қолди. 17—18-а.ларда Португалия мустамлакачилари М. ҳудудида қул савдоси б-н шуғулланди. 1752 й.дан Португалиянинг Шарқий Африка соҳилидаги ерларида генерал-капитан бошлиқ мустамлака маъмурияти таъсис этилди. 1909 й. Португалия Жан. Африка Иттифоқи маъмурияти б-н ҳар йили М. маҳаллий аҳолисидан 100 минг ишчини Трансваалдаги кўмир ва олтин конларига мажбуран юбориш ҳақида конвенция тузди.

1920 й. М.дан келган африкалик талабалар Лиссабонда ватанпарварлар ташкилоти — Африка лигасини тузди. Кейинчалик М.да Африка ассоциацияси, мозамбикликлар ассоциацияси ва б. ташкилотлар юзага келди. Бу ташкилотлар мустамлакачиликка қарши тузилган эди. 1925 й. транспорт ишчилари ва докерлар, 1949 й. Лоренсу-Маркиш (ҳоз. Мапутуда ишчи ва докерларнинг иш ташламлари бўлиб ўтди. 1964 й. 25 сент.да М.ни озод қилиш фронти — ФРЕЛИМО (1962 й.да тузилган) раҳбарлигида қуролли қўзғолон бошланди. Португалия қўшинларига қарши қуролли кураш жараёнида ФРЕЛИМО ўз армиясини тузди ва дастлаб Кабу-Делгаду, Ньяса округларида, 1968 й.дан Тете округи атрофида жанг бошлади. 1973 й. охирида мамлакат ҳудудининг ¼ қисми ФРЕЛИМО назоратига ўтди.

Мозамбик гербн

1974 й. 25 апр.да Португалияда фашистлар истибдоди ағдарилган, 1974 й. 5 сент.дан Португалия муваққат ҳукумати б-н ФРЕЛИМО ўртасида музокара олиб борилди ва 20 сент.да М.да ҳокимият муваққат ҳукумат қўлига ўтди. 1975 й. 25 июнда М. расман мустақил давлат мақомига эга бўлди. 1990 й. ноябргача мамлакат М. Халқ Республикаси, сўнг М. Республикаси деб аталди. М.ни озод қилиш фронти ҳамда республика ҳукумати кенг ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларни назарда тутган дастур ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга киришди. Бироқ португаллар кўплаб кетиб қолиши натижасида малакали мутахассислар етишмай қолди. Кўпгина саноат корхоналари тухтади, қ.х. экинзорлари ҳувиллаб қолди. Ташқи қарз ошди, ташқи савдо қийинлашди. ФРЕЛИМО партияси саноат ва қ.хни ривожлантиришга интилиб, муҳим иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тадбирлар ўтказди. Анъанавий хусусий хўжаликларга кенг йўл очилди. Қўшилмаслик ва барча мамлакатлар б-н дўстлик ташқи сиёсатга асос қилиб олинди. М. — 1975 й.дан БМТ аъзоси. 1991 й. 27 декда ЎзР суверенитетини тан олди. Миллий байрами —25 июнь — Мустақиллик куни (1975).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. М.ни озод қилиш фронти (ФРЕЛИМО) партияси, 1962 й. 25 июнда тузилган; М. миллий қаршилиги партияси, 1976 й.да асос солинган. М. меҳнаткашлари ташкилоти касаба уюшмаси, 1983 й.да ташкил этилган.

Хўжалиги. М. — аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. нинг улуши 46%, саноатнинг улуши 27%.

Қишлоқ хўжалиги. М.да ер фонди 78,3 млн. гектарни ташкил этади, унинг 44,4 млн. гектари яичанзор ва яйлов, 19,4 млн. гектари ўрмон ва сийрак ўрмон. Деҳқончиликка яроқли 15 млн. гектар ернинг фақат 5—6 млн. гектаридан фойдаланилади. қурғоқчилик йилларида бундан ҳам камаяди. Озиқ-овқат маҳсулотлари орасида мойли пальма, ер ёнғоғи, кунгабоқар асосий ўрин олади. Мапуту, Бейра, Нампула шлари атрофида озиқ-овқат муаммоси қисман банан, ловия, помидор ва б. сабзавот ҳисобига ҳал этилади. Иньямбане ва Нампула вилоятларида маниок, Замбезия ва Мапуту вилоятларида маккажўхори, оқ жўхори кўпроқ экилади. Энг муҳим экинлар қаторига кешью ёнғоғи, пахта, шакарқамиш, копра, цитрус мевалар киради ва кўп қисми экспорт қилинади. Сизаль, жут, тамаки, чой ҳам етиштирилади.

Мозамбик байроги.

Чорвачилиги, асосан, ички истеъмолни таъминлайди. Цеце пашшаси бўлмаган Газа, Мапуту вилоятлари, шунингдек, Маника ва Софала вилоятларининг бир қисми муҳим чорвачилик мақоналаридир. Қорамол, эчки, чўчқа, қўй боқилади. Денгизда балиқ ва б. сув жониворлари овланади.

Саноатининг асосий тармоқлари, озиқ-овқат ва енгил саноат, энергетика, нефть саноати, кимё саноати, қора металлургия, қурилиш материаллари саноати ва б. Мапуту ва Бейра шаларида ун, арахис,кунгабоқар ёғи, пиво, қанд-шакар, балиқ консерва, гўшт ва кешью ёнғогини қайта ишлаш корхоналари бор. Шимойодаги мева консервалари ва шарбат и. ч. з-ди Африкадаги энг йирик шундай корхоналардан бири ҳисобланади. Мамлакатдаги 40 та тўқимачилик корхонасидан 14 таси Мапутуда жойлашган. Уларда пахта, шунингдек копра, сизаль ва жутдан турли бўюмлар ишлаб чиқарилади. Бейрада пайпоқ ф-каси, Шимойода жутдан қоп-қанор, Накалада сизалдан йўғон ва ингичка арқонлар тўқийдиган ф-ка бор. Мапуту пойабзал ф-каси йилига 1 млн. жуфт



Мозамбик харитаси

Мозанка. Ўзбекистон консерваторияси биноси ички безакларидан лавҳа (2001).


ТАНЗАНИЯ
Тете
Хараре
Мапуту
Бейра
Мозамбик
Малави
Замбия
Зимбабве
ЮАР
Жанубий тропик
МОЗАМБИК
1:18 750 000
I. Свилстед

Мапуту шаҳридаги миллий театр.

оёқ кийим ишлаб чиқаради. Мапуту, Бейра, Нампула, Шимойо, Инъяминг-еда ёғочсозлик ва мебель ф-калари, целлюлоза-қоғоз к-ти мавжуд. Мапутудаги машинасозлик корхоналарида вагонлар ишлаб чиқарилади, автобус, мотоцикл, велосипед, совиткич йиғилади, кабель ишлаб чиқарилади, кемалар таъмирланади. Мапуту, Дондо, Накалада цемент з-длари бор. Тошкўмир, мис, сийрак металли рудалар, диатомит қазиб олинади. Йилига ўртача 490 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади.

М.нинг асосий транспорт йўллари М. портлари орқали қўшни мамлакатлар — Зимбабве, Малави, Свазиленд ва ЖАР ўртасида транзит юк ташилишини таъминлашга хизмат қилади. Т.й. — транспортнинг энг муҳим тури. Уз. 3843 км. Автомобиль йўллари тармоғининг уз. 39 минг км. Бейра — Мутаре нефть қувури қурилган. Асосий денгиз портлари: Мапуту, Бейра, Накала, Келимане. Халқаро аэропортлари: Мавалане (Мапутуда) ва Бейра. М. четга майда қисқичбақа, кешью ёнғоғи, копра, шитрус мевалар, чой, пахта, сизаль, ёғоч сотади. Четдан машина ва ускуналар, озиқ-овқат, пиллоқ, истеъмол буюмлари, нефть маҳсулотлари олади. Ташқи савдодаги мижозлари: Португалия, ЖАР, АҚШ, Япония, Испания. Пул бирлиги — метикал.

Денгиз бўйи манзараси.

Тиббий хизмати. Мустақиллик йилон қилинганидан сўнг аҳолига тиббий хизматни яхшилаш чоралари кўрилди: хусусий касалхона ва диспансерлар давлат ихтиёрига олинди, бепул тиббий хизмат жорий этилди, баъзи дори-дармонлар бепул бериладиган бўлди; аҳолини қизамиқ, безгак, сил касаллигига қарши эмлаш йўлга қўйилди. Мапутуда безгак ва б. юқумли касалликларни тадқиқ қилувчи халқаро марказ очилган. Мапуту ун-тининг тиббиёт ф-тида врачлар тайёрланади. М.лик ёшлар чет эллардаги тиббиёт олий ва ўрта ўқув юртларида ҳам таълим олиб келаётир.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. М. мустақилликка эришгач (1975), маориф ишлари авж олди. Саводсизликни тугатиш ва катта ёшдагиларга таълим бериш миллий бошқармаси тузилди, муаллимлар тайёрловчи 6 ойлик махсус курслар очилди. Ягона дунёвий халқ таълими давлат тизими, умумий мажбурий бошланғич таълим жорий этилди. Ҳунар-техника таълими кенгайтирилди. Мапуту яқинидаги Матол ш.часида ҳунар-техника билим юрти, Нампулада индустриал пед. техникуми, Бейра, Тете, Мапуту, Имойро, Шаква ва б. шаҳарларда ҳунар-техника коллежлари ва оширилган тоифадаги техника коллежлари қурилди. М.даги 6 та махсус ўқув юрти қ.х. учун механизаторлар тайёрлайди. Мазкур ўқув юртлари ва мактаблар учун ўқитувчилар Э. Мондлане номидаги ун-тда ва махсус марказларда тайёрланади. Кўпгина ёшлар чет элларга бориб ўқиб келади.

Мапутуда Э. Мондлане номидаги ун-т, пед. ин-ти, М. илмий-тадқиқотлар ин-ти, астрономия ва метеорология расадхонаси, пахта тадқиқоти ин-ти, соғлиқни сақлаш ин-ти, геол. ва кончилик хизмати бор. Мапутуда миллий кутубхона, ун-т кутубхонаси, Геол. хизмати кутубхонаси, Муниципал кутубхона, Ахборот ва ҳужжатлаштириш марказининг кутубхонаси, Нампулада индустриал-пед. техникумининг кутубхонаси мавжуд. 1980 й. Мапутуда ишчилар учун мамлакатда биринчи оммавий кутубхона очилди. Мапутуда эт. ва табиат тарихи музейи, геол. музейи, Инқилоб музейи, Миллий тарих музейи, Миллий санъат музейи, Бейрада Эт. музейи, Нампулада Бадиий галереи бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. М.да бир неча газ. ва жўрналлар нашр этилади. Йирикларн: «Вангуарда» («Авангард», португал тилида чиқадиган ойлик газ., 1989 йилдан), «Диариу да Мозамбик» («Мозамбик кундалик газетаси», португал тилида чиқадиган газ., 1981 йилдан), «Домингу» («Якшанба», португал тилида чиқадиган якшанбалик газ., 1981 йилдан), «Кампу» («Дала», португал тилида чиқадиган ойлик газ., 1984 йилдан), «Нотисиаш» («Янгиликлар», португал тилида чиқадиган кундалик газ., 1926 йилдан), «Темпу» («Вақт», португал тилида чиқадиган ойлик жур., 1970 йилдан). М. ахборот агентлиги ҳукумат ахборот агентлиги бўлиб, 1975 йилда тузилган. М. радиоси ҳукуматга қарашли радиост-я, 1975 й.да асос солинган. М. телевидениеси, ҳукумат хизмати, 1981 й.да тузилган.

Адабиёти. М. халқларининг фольклори кўп жанрли ва кўп тилли бўлишига қарамай, кам ўрганилган ва ёзма адабиётда тўлиқ ифодаланмаган. Аммо кўпгина шоир ва ёзувчиларнинг ижодида фольклорнинг таъсири сезилиб туради. М.да маданий ва ижтимоий ўзлик намоён бўлишининг илк шакли журналистика бўлган. Журналистика 20-а. бошларида португал мустамлакачилари ўтказаётган маъмавий қонунсиз сиёсатига қарши норозилик ифодаси тарзида пайдо бўлди. 1918 й.да асос солинган «Браду африкану» ҳафтаномасининг африкаликлар уюшмаси мустамлакачиликка қарши руҳда бўлиб, унда ака-ука Жуан ва Жозе Албазини ҳамда атоқли журналист, М. адабиёти асосчиси Э. Диаш ҳамкорлик қилдилар. М.да бадиий адабиёт португал тилида 20-а.нинг 20-й.ларида пайдо бўлди, унда 2 та — мустамлакачиликка тарафдор ва унга қарши йўналиш таркиб топди. Халқчил адабиёт намояндалари Ж. Албазини («Гам-гусса китоби»), Р. ди Норонья ва б. мустақиллик руҳида китоблар ёзишди. 2-жаҳон урушидан кейин М. адабиётида реалистик тамойил кучайди. Ж. Кравейринье ва Ноэмия ди Сознинг оташин шеърлари, М. дауш Сантушнинг жўшқин публицистикаси халқни озодлик курашига руҳлантирди. Ж. Диашнинг ҳикоялар тўплами — «Годидо» қулларча итоатгўйлик инқирозга юзланиш тамойилига чиқарди. Кейинги йилларда Л. Бернарду Онвана ва О. Мендиш қаторли қирра ёзқарчалари, шоирлардан Р. Ногар, Э. Гебуза, С. Виейра атроф дунёни қайта қуриш ҳақида ёзишдилар. Адабиётнинг бадиий шаклн ўзгарий, тили сўзлашув нутқига яқинлашиб боряпти. Ёзувчилар малакали бадиу гуруҳ тилида тобора тезтез мурожаат қила бошлади.

Меъморлиги, тасвирий ва амалий санъати. Вумба тоғи ён бағирларидаги суратлар М. ҳудудидаги энг қад. ёдгорликлардир. Улар оҳуларнинг, яланғоч ва кийимли одамларнинг қизил бўёқда тасвирланган расмларидан иборат. Ўрта асрлардан бир қанча шаҳарларда португал истеҳкомлари (Мозамбик шаҳрн қалъа, Мозамбик оролдаги Сан-Себастьян қалъаси) қолган. Замонавий меъмор А. Гудинь лойиҳаси асосида қурилган мураккаб тузилишдаги турар жойлар ва жамоат бинолари (Чикумбандаги қ.х. мактаби, Инъямбанедаги коттедж ва б.) шаҳарлар меъморий қиёфасига ўзига хослик бахш этган. Одатда, М. халқларининг уйлари 2 тоифала қурилади. Денгиз соҳилида турар жойлар ёғоч ва чивиқлардан, тўғри бурчак тарҳи қилиб солинади ва устидан лой б-н суваладн, томи 2 томонга нишаб қилиб, ўт-ўлан б-н ёпилади. Мамлакат ичкариларида эса уйлар думалоқ, ўртасига устун ўрнатилиб, томи конус шаклида қамиш ва шох-шабба б-н ёпилади. Уй деворларига кўпинча қорин-баранг бўёқларда жониворлар суратлари ва турли расмлар солинади. Деразаларга нақшлар туширилади. 20-а.нинг 2-ярмида шаҳарларда европача иморатлар қурила бошлади.

Амалий ва тасвирий санъатида ёғочдан эркак ва аёлларнинг, бола кўтарган оналарнинг ҳайкалчаларини, турли шаклларни ясаш, сават ва бордон тўқиш, заранг идишлар ясаш ва уларни безак одат бўлган. Ошқовоқ пўстлоғидан идишлар қилинади, сопол идишларга ботиқ ва бўртма нақшлар туширилади. Уй эшиклари, мебеллар ўймакорлиги урф бўлган. 19-а.нинг 40-й.ларидан миллий рангтасвир мактаби вужудга кела бошлади (биринчи рассом аёл Бертина Лопиш). 50-й.ларда бир гуруҳ рассом ва ҳайкалтарошлар ёнга етди (рассомлар В.Г. Малангатан ва А. Чиссану, ҳайкалтарош Н. Ланга, рангтасвирчи В. Манкеу, Машана, Мукавели ва б.).

Мусиқаси. М. мусиқий маданияти қад. Халқ урф-одатлари, тўй-томошалар, чақалоқ туғилишини нишонлаш каби маросимлар мусиқасиз ўтмайди. Қўшиқ, рақс, машшоқлик халқ кундалик ҳаётига сингиб кетган. Уриб чалинадиган асбоблар хилма-хил бўлса ҳам, аммо ксилофон асосий ўринда туради, унинг 50 дан ортиқ тури мавжуд. Ансамбллларда думбира ва ксилофондан ташқари, қарсилдоқ, шиқилдоқ ва қўнғироқлар катта ўрин тутади. Пуфлама чолғулар орасида бамбук ва қамиш найлар, сунк ва ёғоч ҳуштаклар, бурғулар, тилчали-клавишли чолғулардан мбира, бир торли созлардан камонсимон читенде, қатимба, гижжакка ўхшаган такаре, ребека ва б., кўп торли цитра (бангуз, панго) оммалашган. Мусиқий асбоблар чалиш, асосан, эркакларнинг иши бўлса, қўшиқларни эркаклар ҳам, аёллар ҳам айтаверади (аммо аралаш хор камдан-кам учрайди). М.да анъанавий мусиқа б-н бир қаторда араб ва португал мусиқий маданияти таъсиридаги қўшиқ ва рақслар ҳам пайдо бўлди. Мусиқа санъатини тарғиб қилиш учун Миллий қўшиқ ансамбли тузилган.

Кинояси. Дастлабки ҳужжатли лентлар: «Начингвеа» (1974) ва «Ровумдан Мапутутача» (1975)да миллий озодлик курашидаги ғалабалар акс эттирилди. Уларда саводсизликни тугатиш, турмушдаги покизалик ва озодлик мавзулари ҳам акс этган. 1975 йилда тузилган Миллий кино ин-ти фильмлар и.ч. ва прокат қилиш, кино ахборот тарқатиш ва б. мамлакатлар б-н кино айирбошлаш б-н шуғулланади. «Йигирма беш» (1977, реж. З.С. Корреа ва С. Лукаш), «Мустақиллик йили» (1978, реж. Ф. Силва), «Леопольд» операцияси» (1980, реж. К. ди Соза), «Озод овозлар» (1981, реж. Ж. Кошта) салмоқли фильмлар жумласига киради. «Музда: қирғинбарот хотиралари» (1980, реж. Р. Герра) деб аталган биринчи тўла метражли бадиий фильм миллий озодлик курашини ифодалайди. Биринчи рангли фильм «Куйла, биродарим» (1982) миллий мусиқий фестивалларга бағишланган. Мультфильмлар ҳам яратила бошлади.

МОЗАМБИК БЎҒОЗИ — Тинч океандаги бўғоз, Мадагаскар о. билан Африка оралиғида. Уз. 1760 км, энг камбар жойининг кенглиги 422 км, фарватерида энг саёз ерининг чуқ. 117 м. М.б.да сув оқими, асосан, шим.дан жанубга йўналган. Портлари: Мозамбик ва Бейра (Мозамбик), Мадхадзанга (Мадагаскар).

МОЗАНДАРОН — Эрондаги тарихий вилоят. Гилон б-н Хуросон оралиғида. Ҳоз. маъмурий бўлиниш бўйича остон (вилоят). 9—12-а. манбаларида Табаристон номи б-н маълум. 13-а.дан эса М.деб аталган. Сосонийлар даврида мустақил ҳокимлик бўлган; кейинчалик араблар, сомонийлар, салжуқийлар, мўғуллар қўл остига ўтган, аммо ҳокимиятни маҳаллий ҳокимлар бошқарган. М.ни 14-а. охирида *Амир Темур* қўшинлари эгаллаган. 16-а. бошида М. яна маҳаллий ҳукмдорлар қўлига ўтган. *Аббос I* даврида М.да маҳаллий сулола тугатилиб, М. Сафавийлар давлатига қўшилган. 1920—21 йилларда М.да демократик ҳаракатлар авж олган. 1946—51 йиллари М.нинг айрим шаҳарлари (Бобил, Сари)да Англия-Эрон нефть компаниясига қарши оммавий митинг ва намойишлар бўлиб ўтган.

МОЗАНДАРОНЛАР — Эрон (Мозандарон остони)даги халқ. 2,2 млн. киши (1990-йилар ўрталари). Эрон тил гуруҳига мансуб тилда сўзлашади. Диндорлари — шиа мусулмонлар. Тоғлик туманларда қабилавий одатлар сақланган. Йирик қабилалари: кадикулоҳи, палани. Ҳоз. ферсларга сингиб кетмоқда. Деҳқончилик (шоли, бўтдой), чорвачилик (қўй, эчки) б-н шуғулланади.

«МОЗИЙДАН САДО» — илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли журнал. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Бадиий академияси, Матбуот ва ахборот агентлиги нашри. 1999 й. 1 январдан Тошкентда 3 ойда бир марта ўзбек, рус, инглиз тилларида нашр этилади. Жур. Ўзбекистон тарихини асл ҳолда тиклаш соҳасида мамлакатда олиб борилаётган сиёсатни халқ орасида кенг оммалаштириш ва тушунтириш, *музейлар, музейшунослик* соҳасини ривожлантиришга хизмат қилади, аҳолини тарих, умуминсоний, миллий қадриятлар б-н таништиради, музей ва музейшуносликка оид ютуқларни ташвиқ этади, ўзбек халқининг бой маданий мероси, инсоният тарихидаги ўрни, тараққиёт босқичларини акс эттиради. Мамлакат ҳамда жаҳон жамоатчилигини хорижий мамлакатларда сақланаётган осори-атиқалар, музейшунослик соҳасидаги халқаро алоқалар, республика ва хорижда ташкил этилган кўргазмалардан хабардор қилиб боради.

МОЗЛИ (Moseley) Генри Гвин Жеффрис (1887.23.11, Уэймут, Англия — 1915.10.8, Галлиполи, ҳозирда Галиболи, Туркия) — инглиз физиги. Рентгеноспектроскопия асосчиси. Оксфорд ун-тини тугатган (1910). Манчестер ва Оксфорд ун-тларида ишлаган (1910—14). Э. *Резерфорд* лаб.да β ва γ-спектроскопияси соҳасида, шунингдек, рентген нурлари спектроскопияси устида и. т. ишларини олиб борган. Кимёвий элемент рентген нурланишининг спектр

чизиқлари частотаси ν-нинг тартиб рақами орасидаги боғлиқликни (*Мозли қонунини*) математик ифодалаган ва тажрибада мустақил тарзда аниқлаган (1913). 1-жаҳон уруши (1914—18) да Туркияда ҳалок бўлган.

МОЗЛИ ҚОНУНИ — нурланувчи кимёвий элемент рентген нурланиши спектр чизиқлари частотасининг унинг тартиб рақамига боғлиқлигини ифодаловчи қонун. 1913 йл Г. *Мозли* тажриба йўли б-н аниқлаган. М. қ.га биноан, элементнинг бирор спектр сериясига тегишли рентген нурланиши чизиғи частотаси ν нинг квадрат илдиз остидаги қиймати унинг атом тартиб рақами *Z* га пропорционалдир:

$$\sqrt{\nu/R} = a\left(Z - \sigma\right),$$

бунда *R* — Ридберг доимийси, σ — *Z* ўсиши б-н сust ўсувчи экранлаш доимийси, *a*— энергетик ўтиш содир бўлувчи қобиқлардаги *квант сонлари*га боғлиқ бўлган ўзгармас катталик. М.қ. элементларнинг *Менделеев даврий системаси*да тўғри жойлашганлигини исботловчи қонун ҳисобланади. Бу қонун атомларнинг кимёвий хусусиятини атом оғирлиги бўйича эмас, балки атом ядросининг зарядини белгиловчи атом тартиб рақами б-н аниқланишини кўрсатди.

МОЗОР — қ. *Қабристон*.

МОЗОРИ ШАРИФ — Афғонистоннинг шим. қисмидаги шаҳар. Балх вилоятининг маъмурий маркази. Балх воҳасида. Аҳолиси 150 минг киши (1990-й.лар бошлари).

Ўрта асрда М. Ш. ўрнида кичик Хайр қишлоғи (кейинчалик Хўжа-Хайрон) бўлган. Нақлга кўра, бу ерга ҳазрат *Али* кўмилган эмиш. 1481—82 йлларда у ерга мақбара (форс. мозори шариф — муқаддас мозор; шаҳар номи шундан) қурилгач, зиёратгоҳга айланган.

М. Ш. — Бақтрия иқтисодий-географик р-нининг йирик ҳунармандчилик, савдо, саноат шаҳри ва транспорт йўллари пункти. Машина таъмирлаш ва металлсозлик, озиқ-овқат (шакар-қанд, ун, ёғ-мой), тўқимачилик (ип газлама ва шойи), тери ошлаш, пахта тозалаш, гишт ва ойна корхоналари бор. Иссиқлик электр ст-яси ва азотли ўғитлар з-ди қурилган. Гилам тўқилади. Ҳунармандчиликда шойи ва ип газлама, дўппи, уй-рўзғор буюмлари тайёр-ланади. Шаҳарда қорақўл тери, жун, дон, мева, ёнғоқ ва кун-чарм б-н савдо қилинади. М. Ш.дан жан-гарбга йирик оттингугурт кони бор.

Мозори Шариф масжиди.

МОЗОРИ ШАРИФ МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1882). Муҳаммад Раҳимхон II (Феруз) буйруғи б-н уста Қаландар Кочим қурган. Мадраса (28,6×15,8 м) бир қаватли, бош тарзи жанга қараган. Пештоғи яшил ранғли сиркор кошинлар б-н «бантак» услубида безатилган. Дарвозаси ва унинг тепасидаги тусин ёғоч ўймакорлигида ишланган. Бош тарзидаги хочсимон гумбазли миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Ҳовли (11,6×6,2 м) атрофида балхи гумбазли ҳужралар жойлашган. М.ш.м.да дарсхона ва масжид учун алоҳида хоналар қурилмаган.

МОЗОРҚЎРҒОН (археология-да) — чорвадор қабила сардорларининг мозори. Узоқ ўтмишда мулкий тенгсизлик ва синфий табақаланиш жараёни жадал кечаётган замонларда, айниқса, чорвадор қабилалар жамоасида оламдан ўтган балавлат уруғ ва қабила сардорларининг жасадини олдий қабилалардан алоҳида кўмиш одат тусини олган. Анъанага кўра, ёғоч ёки лойдан махсус жасадхона қурилиб, унинг қоқ ўртасига шоҳона кийимдаги сардор жасади солинган тобут ўрнатилган. Тобут атрофига ва бутун хона бўйлаб сардорга тегишли қурол-аслаҳалар, металл (олтин, кумуш, жез) ва сопол идишларда марҳумга овқат қўйилган. Хонанинг деворларига гилам, нақш солинган намат ёки гулдор матолар осилиб, хона томи хари ва хасчўплар б-н ёпилган. Сардор жасадхонаси этагига унинг хотинларидан бир ёки бир нечасини шахсий бойликлари б-н бирга, байрамона либосда кўмилган. Жасадхона атрофига, М. остига «нариги дунёда» сардорга хизмат қилиши учун унинг отларидан ва хизматкорларидан бир нечасини ўлдириб кўмиш одат бўлган. Сўнг, қабрлар устига сон-саноқсиз тошлар уюми ҳосил қилиниб, унинг устига қалин тупроқ тортилган. Натижада, баландлиги ва диаметри бир неча метрли сунъий тепалик ҳосил бўлган. Археологияда бундан сўкинат маскани М. номи б-н юритилади. Ана шундан М.лар чорвадор қабилалар яшаган минтақаларда жез, илк темир ва антик даврда Қора денгиз ва Каспий денгизи атрофидаги чўлларда (Солоха, Келермес), Қавказ-кабанининг тоғ олди минтақаларида (Майкоп, Триалети), Олтой ва Жан. Сибирь ерларида (Пазирик, Салбык, Аржан), Орол денгизи атрофларида (Тагискен) ҳамда Қозоғистон чўлларида (Дандыбай, Бегазы) пайдо бўлган. М.ларнинг асоси, одатда, ярим шар, овал, квадрат шаклида бўлган. Уларнинг диаметри 3—4 м дан то 50 м гача, бал. ва 2—3 м дан то 20 м гача бўлган. Ҳар бир М. оила хилхонаси ёки уруғ қабристони ҳисобланган. Мулкий табақаланиш усиши б-н бой ва камбағаллар кумилган М.лар уртасидаги фарқ кучайган. Шарқий Европа, Жан. Сибирь, Шим. Кавказ, Олтой ва Қозоғистон чўлларидаги уруғ ва қабила оқсоқолларининг М.лари ўзларининг бойлиги ва катталиги б-н ажралиб туради.

Аҳмаджон Асқаров

МОИСЕЕВ Игорь Александрович [1906.8 (21).1, Киев] — рус балет артисти, балетмейстер. Халқ артисти (1953). Янги саҳна халқ рақси («Ўтмиш картинкалари», «Славянча концерт», «Сиртаки») жанрининг асосчиси. 1930 й. «Футболчи» (В. Оранский), «Спартак» (А. Хачатурян) каби балетларни саҳналаштирди. 1937 йдан ўзи ташкил этган Россия халқ рақс ансамблининг раҳбари. 1966 й. «Ёш балет» ансамбли (1977 йдан Москва давлат балет театри)ни ташкил этди.

МОЙ — глицерин б-н бир асосли ёғ кислоталарининг тўлиқ мураккаб эфирлари (триглицеридлар); *липидлар* синфига мансуб. Тирик организмлардаги углеводлар ва оқсиллар сингари, ўсимликлар ҳужайраси ва микроорганизмларнинг таркибий қисми (қ. *Ёғ, Ўсимлик мойлари*) ҳисобланади. Нефтдан, ёнувчи сланец ва кўмирдан олинадиган М. минерал мой дейилади.

МОЙ КИСЛОТА (бутан кислота, этилсирка кислота), $CH_3—CH_2—CH_2—COOH$ — рангсиз суюқлик. Мол. м. 88,11. Суюқланиш т-раси — 5,26°, қайнаш т-раси 163,5°; зичлиги 957,7 кг/м³. Сувда эрийди, органик эритувчилар б-н аралашади. Сув б-н азеотроп аралашма ҳосил қилади (қайнаш т-раси 99,4°, масса жиҳатидан 18,4% М.к.т. Сигир сутида (3—4%) ва нефтда оз миқдорда бўлади. Саноатда мой альдегид ёки бутанолни катализатор иштирокида оксидлаш, шунингдек, таркибида крахмал бўлган ҳ.в. чиқиндиларини бижғитиш (мой кислотали бижғитиш) орқали олинади. М.к. ишқорий-ер металлар (Ca, Sr, Mg, Ba)ни нодир-ер элементларидан тозалашда, экстрагент тузларини (масл., кальций тузларини) нуқтони (кун саноатида), хушбўй моддалар синтезида ва б.да қўлланади.

МОЙБАЛИҚЛАР (Chalcalburnus) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқлар тури. Уз. 40 см гача, вазни 800 г гача. Танасининг қорни ва анал сузгичлари оралигидаги терисп тангачалар б-н тўлиқ қопланмаган. Ўрта Осиё ва Европа дарёлари, Тигр ва Ефрат дарёлари ҳавзаларида бир неча тури учрайди. Орол денгизи, Сирдарё ва Амударёнинг қуйи оқими ва Зарафшон дарёсида орол мойбалиғи кенжа тури;

Мойбалиқ

Каспий, Азов ва Қора денгизда оддий мойбалиқ тарқалган. Орол мойбалиғи ўтроқ, оддий мойбалиқ ўтқинчи ҳисобланади. М. 2—3 йда вояга етади; ёзда 2,6—23,5 мингтагача увилдириқ ташлайди. Планктон ва балиқлар чавоғи б-н озиқланади. Овланади. Соні кама-йиб кетганлиги туфайли айрим жойларда сунъий кўпайтирилади.

МОЙБЎЁҚ РАССОМЛИГИ — бадиий мойбўёқларда (баъзан лок ҳам ишлатиб) яратиладиган *рангтасвир* тури. Бунда бўёқ неорганик пигментларни оқартирилган зигир мойида (баъзан ёнғоқ ва кунгабоқар мойи қўшилади) ишланиб ҳосил қилинади. Мойбўёқ б-н, асосан, махсус грунт (дастгоҳ М.р.да) ёки оҳакли сувоқ (маҳобатли М.р.да) б-н қопланган матога, шунингдек, картон, ёғоч, металлга ишланади. М.р. тасвир усулининг ифодалилиги ва динамикаси б-н бошқа рассомлик техникаларидан ажралиб туради. Текис юзада ҳажм ва кенглик тасаввурини яратиш, бой ранглар таассуротини ва гуслар нафислигини кўпроқ ҳосил қилиш имконини беради. М.р. техника усуллари хилма-хил: қоплама (хира) ва лессировкали (шаффоф), қобиқли (қуюқ) ва фактурали (рельефли), нафис ва силлиқ қилиб бўёқ бериш мумкин. 19-а. бошигача картина сиртини лок аралашмали бўёқ б-н кўп қатламли (бир неча бор) бўяш ва сунгги бўяш асосига қурилган. М.р. учун 19-а. бошидан тоза грунтга ёки оқ ранли ёки тусли хомаки бўёқ устига *алла прима* (тез сурʼатда дадил) бўёқ ёткизиш қулроқ характери; лок кам ишлатилади. М.р. ҳақидаги айрим етма маълумотлар антик давр ва ўрта асрларда яратилган қулёзмаларда учрайди. 15-а. 1-ярмида Я. ван Эйк томонидан такомиллаштирилган дастгоҳли М.р. кенг тарқалди. 16-асрдан у рассомлик санъатининг етакчи техникасига айланди.

МОЙЛИ ЭКИНЛАР — уруғи ва меваси дан мой олиш учун экиладиган экинлар тўркуми. Гулхайридошлар (*ғўза*), мураккабгулдошлар (*кунгабоқар, махсар*), лабгулдошлар (*ғовпала, заҳаримон-гул*), бўтагулдошлар (*рапс, хантал*), дуккакдошлар (*соя, ер ёнғоқ*) ва б. турли ботаник гуруҳларга мансуб бир йиллик ва кўп йиллик ўсимликларни ўз ичига олади. Улардан бошлари қотувчи мой берадиган дарахтлар (кокос пальмаси ва мойли пальма, какао, тунгa), бошқалари суюқ мой берадиган ўтсимон ўсимликлар (соя, кунгабоқар, зигир) ҳисобланади. М.э. уруғи, меваларида, айримлари (чуфа) тугинакларида мой тўпланади. М.нинг уруғи ва мевасида тўпланадиган мой миқдори (мутлақ қуруқ моддага нисбатан %ҳисобида): канопда 18—20, чигитда 17—29, совда 13—37, кунгабоқарда 29—57, ер ёнғоқда 41—57, рапсда 48—50, кўкнорда 46—56, мойли зигирда 35—52, канакунжутда 48—55, кунжутда 50—65. М.э. мойлари суюқ, ярим суюқ ва қотувчи бўлиб, пресслаб ёки экстракциялаб олинади. Ўсимлик мойлари бевосита озиқ-овқат мақсадларида, консервалар тайёрлашда, кондитер маҳсулотлари, маргарин олишда, лок-бўёқ, совун пиширии, тўқимачилик, атир-упа саноатлари, тиббиётда, шунингдек, мойлаш материали сифатида ишлатилади. Ёғ-мой п.ч. чиқиндиларидан кунжара ва шрот чорва моллари учун концентрат озуқа ҳисобланади.

М.э.нинг келиб чиқиши турлича. Ёввойи кунгабоқарнинг ватани — Шим. Америка. Канакунжут ва кунжут эса Африкадан, рапс ва кўкнор Ўрта денгиз атрофларидан тарқалган, ер ёнғоқнинг ватани — Жан. Америка; ғўза Ҳиндистон, Хитой, Перудан тарқалган. Жаҳон деҳқончилигида соя, ер ёнғоқ, кунгабоқар, зайтун, рапс, кунжут, канакунжут, мойли зигир катта аҳамиятга эга.

Ўзбекистон флорасида ёввойи М.э. нинг 500 гури аниқланган. Ўзбекистонда ёғ-мой саноатининг асосий хом ашё базасини бир йиллик мойли экинлардан ғўза ташкил этади. Шунингдек, зигир, сон, рапс, кунжут, махсар ва б.нинг уруғлари ҳам қайта ишланади.

Ҳалима Ортиқова.

МОЙЛИСОЙ — Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилоятидаги шаҳар (1956 йдан), Мойлисув дарёси (Қорадарёнинг ўнг ирмоғи) соҳилида, Фарғона тизмасининг ғарбий тармоқлари орасида. Тентакасой т.й. тутунидан 50 км. Аҳолиси 30 минг киши (1990-йлар урталари). М.да электр лампалари ва электр изоляция материаллари з-ддари, тўшт к-ти, тикувчилик ф-каси, ТЭЦ, электромеханика техникуми, тиббиёт билим юрти, умумий таълим мактаблари, кутубхоналар бор. М. яқинида нефть ва газ кони ишлаб турибди. М.дан Ўшга газ қувури ўтказилган.

МОЙЛИСУВ — Фарғона водийсидаги дарё (суви таркибида нефть бўлганидан дарё М. деб аталган). Фарғона тизмасидаги Бойбочатота тоғининг шим.-ғарбий ён бағридаги Катмонқўл кўлидан (4000 м), Кереч номи б-н бошланади. Сарасувсой, Муету, Самандиқ, Сарибия, Асиваз сойлари б-н қўшилиб М.ни ҳосил қилади. Уз. 87 км, энг йирик ирмоғи б-н 107 км. Ҳавзаси 748 км². М. юқори оқимида Кўприкбоши қишлоғигача чуқур доирасимон водийсида, Избоскан қишлоғигача адирлардан (бал. 1000—1300 м) оқади. Қор, ёмғир ва бўлоқлардан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 9,15 м³/сек. Мартдан августгача М. сersув бўлади (77,6%). Андижон вилоятининг Избоскан тумани ерларини суторади. Сой водийсида Қирғизистоннинг Мойлисой ш., Кўктош шаҳарчаси ва Ўзбекистоннинг Избоскан қишлоғи жойлашган.

МОЙЛИСУВ НЕФТЬ-ГАЗ КОНИ — Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятидаги кон. Мойлисой ш.дан 6 км жан.да. 1907 йда топилган. Жами 5 та структурасининг тўртинчиси саноат аҳамиятига молик. Кон жойлашган ҳудуд шим.дан жан. томон 1600 м дан 600 м гача пасайиб боради. Дастлабки нефть 1948 й. ковланган қудуқдан отилиб чиққан. 1950 йдан нефть ва газ олина бошлади. Газ уюмлари бўр ётқизиқлари горизонтларида аниқланган.

М.н.-г.к. палеозой, мезозой ва кайнозой эрасига мансуб жинсларда жойлашган. Палеозой ётқизиқлари тўқ яшил аргиллитдан иборат. Мезозой ётқизиқлари юра ва бўр қатламларидан ташкил топган, қалинлиги 60—70 м бўлган кулранг ва қизғиш қумтош, алевролит ҳамда гилтошлардир. Бўр даври ётқизиқлари умумий қалинлиги 900—1000 м қалинликлари гилтош ва

алевролитлардан тузилган. Палеогеннинг умумий қалинлиги эса 250—286 м. Бақтрия ётқизиқларида структурасининг уз. 13—14 км, эни 3,5 км. Конининг 9 та горизонтида газ мавжуд. Горизонтларнинг умумий қалинлиги 52 м гача, говаклиги 10—25%. Қатлам босимини дастлабки кўрсаткичи 16,8—33,2 Мпа. Уюмнинг уз. 2,5—5 км, эни 1,0—2,1 км. Қудуқлар дебити 5—523 минг м³/сут. Газнинг ҳавога нисбатан зичлиги 0,626—0,670. Метан миқдори 94,6—96,8%. Қатлам сувлари, асосан, хлоркальцийли.

МОЙЧЕЧАК (Matrigaria) — мураккабгулдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик туркуми, доривор экин. 50 дан ортиқ тури бор. Асосан, Европада, Жан. Сибирда, Кавказ, Ўрта Осиёда учрайди. Кўпгина мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистоннинг Тошкент, Наманган вилоятларидаги доривор экинлар етиштириладиган хўжаликларда доривор М. (M.

Доривор мойчечак.

recutito) тури (читтигул) экилади. Доривор М.нинг бўйи 40 см. Пояси бир ёки бир нечта, тик ўсади, тепа қисмидан шохланади. Барглари икки карра патсимон қирқилган. Тўпгули (саватчаси) оқ, тилсимон уруғчи гуллардан иборат. Гуллари оқ, сариқ, хушбўй. Июнь—июль ойларида гуллаб урутлайди. Таркибида 0,8% эфир мойи, кумаринлар, флавоноидлар, каротин ва б. моддалар бор. Тиббиётда қўлланилади. М. ҳосили (тўпгули) бир неча марта йиғиштириб олинади. Ҳосилдорлиги: қуруқ тўпгули 3—4ц/га, уруғи 0,8—1 ц/га. Яна қ. *Доривор ўсимликлар*.

МОЙҚАРАҒАН (Calophaca tianschanica) — бурчоқдошлар оиласига мансуб бута. Бўйи 20—75 см. Барги патсимон, қаттиқ тукли, уз. 4—5 мм. Гули 2—8 тадан тўдаланган. Дуккаги бир уяли, цилиндрсимон, уз. 22—32 мм. Уруғи қўнғир, уз. 3—4 мм. Июнь—июлда гуллаб, июль—авг.да мева тугади. М. Тошкент ва Сурхондарё вилоятларининг тоғлик туманларида ўсади. Манзарали ўсимлик сифатида ҳам ўстирилади.

МОЙҚУТЛАР (Sylviidae) — чумчуқсимонлар туркумига мансуб сайроқи қушлар оиласи. Уз. 10—25 см. Пати хира кулранг, қўнғир ёки яшил тусга яқин. 40 тача уруғга мансуб 240 тури маълум. Евросиё, Африка, айрим турлари Австралия ва янги тури Шим. Америка (Аляска) да тарқалган. Ўрмон, бута-ор, боғлар, қамишзор ва дашт-ларда яшайди. Ҳашаротлар, баъзи турлари мевалар б-н озиқланади. Айрим турлари, мас., қорабош М. яхши сайрайди. Ўзбекистонда М.нинг 9 та уруғи (пеночкалар, куртакаклар, аслмойқутлар, тўқай чумчуқлар, жиқ-жиқлар ва б.) ва 28 тури учрайди. Тог ўрмонлари ва боғларда кулранг мойқут ва завирушка. Қизилқумда чўл мойқути уя қурали.

Мойқут.

МОКИ — 1) *тикув машинаси* асосий қисмлардан бири — махсус мослама. Чок тикилаётган пайтда тикув машинаси игнаси ҳосил қиладиган устки ип *игна*сига пастки ипни ўтказиб беради; 2) *тўқув дастгоҳида танда* иплари орасидан *арқоқ* ипларини олиб ўтадиган мослама. М. ичида арқоқ ипи ўралган найча бўлади. М. ҳомуза (арқоқ ипи б-н танда ипи орасида ҳосил қиладиган кўз) ичида эркин ёки мажбурий ҳаракат қилиб, бир қутидан иккинчисига ўтади. М. ҳаракати давомида арқоқ ипи найчадан бўшалиб ҳомузага тасланади. Найчалаги арқоқ ипи бир марта (кўп ҳомузали дастгоҳлар учун) ёки кўп марта ташлаб ўтишга етарли бўлиши керак. Қад. тўқув дастгоҳларида М.ни ҳомуза тирқишидан тўқувчи қўлда олиб ўтказарди. Ҳоз. автоматик тўқув дастгоҳларида зарб механизмлари ёрдамида М. ўзидан бориб келади (қ. *Тўқувчилик*).

Илгари М. ёғоч (пальма, шамшод, ўрик ва б.), ҳайвон шоҳидан ясалган, ҳозир, асосан, темир ва пўлатдан ясалади. М.ларнинг ўртаси тўртбурчак шаклида ўйилиб, икки ёнида тешик

Моки: *а*-автоматик тўқув станогиники; *1*—қисқич; *2*—машина; *3*—мисок; *4*—пластинка; *6*-тўқув станогининг арқоқ ташлагичи; *1*—корпус; *2*—парчин михлар; *3*—пружина; *4*—қисқич; *5,6*—тешиклар.

(кўз) қилинади (найчалаги ип учи шу тешикдан ўтказилади). М. қуш, одатда, чанилаш қилинади. Енгил М.ниш икки учи ўткирланиб, металл учлик киядирилади.

Қандай тўқув дастгоҳларида ишлатилишига қараб, М.лар автомат дастгоҳ М.си деган турларга бўлинади. Механик дастгоҳ М.си турғасида ишлатиладиган М. ва б. хилларга бўлинади (расмга қ.). Механик дастгоҳларда М. ичидаги найча арқоқ ипи тугаса, бунинг нарчани тузиқ найчага алмаштириш учун дастгоҳ тухтатилади, автомат дастгоҳларида эса бу иш улар ишлаб турган пайтда автоматик тарзда бажарилади.

Ә. Отамбоев. Ўзб. Тўқувчилик технологияси ва тўқув станоклари. Т., 1987.

МОЛ, чорва — сут эмизувчилар оиласига мансуб асосий гуруҳ уй ҳайвонлари. Келиб чиқиши, тараққиети ва ҳаётининг биологик хусусиятларига кўра, хонаки—уй ҳайвонлари, турлари бўйича — қорамол, майда мол (қўй-эчки, чўчқа), йилқи, туя ва ҳ.к. бўлинади. Наел сифатига нисбатан «зотли М.», «наслдор М.», «ҳашаки М.» гуруҳларига бўлинади. Фондли ҳужалик белгилари, асосан, маҳсулдор М.лар (қорамол, қўй, эчки, чўчқа ва ҳ.к.) ва юк ҳайвонлари (туя, от, эшак, хачир) гуруҳини ташкил этади. Емишини ҳазм қилиш хусусиятларига биноан, М.лар кавш қайтарувчи (қорамол, қўй, эчки, туя) ва кавш қайтармайдиган ҳайвонлар (от, эшак, чўчқа) гуруҳини ҳосил қилади. Хонаки М.лар туёқ тузилишига кўра, туёқли (тоқ) ҳайвонлар (от, эшак, хачир) ва айри (жуфт) туёқли ҳайвонлар (қорамол, қўй, эчки, чўчқа)га бўлинади.

МОЛАЛАШ, мола бостириш — ерда намни сақлаш, экишни сифатли ўтказиш ва суториш учун қулай шароит яратиш мақсадида экинлар экиш олдидан ўтказиладиган агротехникавий тадбир; шудгор ўнқир-чўнқирини йўқ қилиш, ерлаги намни сақлаш, экишни сифатли ўтказиш ва суториш учун шароит яратиш мақсадида мола ёрдамида бажарилади. Ҳайдалган ер юзасининг текисланиш даражаси мола юритиш тезлиги ва йўналишига боғлиқ. Молани ер ҳайдаш йўналишига нисбатан кўндалангига ёки участканинг диагонали бўйича юргизилса, ер текислаш сифатли бўлади. Ёғоч мола бостирилганда шудгор юзаси 7,5 см гача зичлашади. Кўклам қурғоқчил келганда М. фойдали, шунинг учун экин кечки муддатларда экилаётганда далага 2—3

марта мола бостирилади. Етилган ерларга мола бостириш керак. М.дан асосий мақсад: баҳорда, асосан, тупроқнинг пастки қаватларидан капиллар тоқалар орқали намнинг буғланишини камайтириш, йирик кесакларни увоқлаш. Кеч кузги ва эрта баҳорги тупроқни ерларни М.да ишлаш 4 та ворқиррали сихмолдан фойдаланилмоқда (қ. *Ворқилаш*).

МОЛАМЬЯЙН, Моулмейн — Мьянмадаги шаҳар. Мон миллий вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 250 минг кишидан зиёд (1990-йиллар ўрталари). Йирик т.й. станцияси. Андаман денгизининг Моутама қўлтиғи соҳилидаги порт (асосан, ўрмон маҳсулотларини четга чиқариш учун мўлжалланган). Тахта тилиш, шоли оқлаш, кема таъмирлаш корхоналари, тўқимачилик ф-калари бор. Ҳунармандчилик ривожланган. Балиқ овланади.

МОЛАССЛАР (франц. molasse, лот. mollis — юмшоқ) — бурмаланган минтақалар ривожланишининг ороген босқичида литосфера плиталарининг орасида сиқилиши натижасида ҳосил бўлган тог жинслари комплекси. М. деярли дағал бўлакли жинслар мажмуасидан иборат. Асосан, тог олди ва тог этаги майдонларида ётқизилган бўлиб, қумтош, алевролит, конгломерат, гил, мергель ва оҳактош қатламларидан ташкил топган. Алп тоғлари яқинида М.нинг қалинлиги 2500—3000 м. Марказий Осиёда кайнозой эрасига мансуб М. ўрганилиб, улар чекка (геосинклиналь областлар) ва континентал турлар ҳамда майда стратиграфик бўлимларга ажратилган. М. денгиздаги кўдрант гиллар, алевролитлар ва қумтошлардан ташкил топган қуйи ва континентал конгломератлардан тузилган юқори қисмларга бўлинади. Қўйинча М. таркибига эвапоритлар ва кўмир ётқизиқлари киради, қуйи М.лар эса нефть ва газли (мас., Кавказда). Вулканик тог жинслари бўлакларидан тузилган қатламлар вулканоген М.лар деб юритилади.

МОЛГУЗАР ТОҒЛАРИ, Моргузар тоғлари — Туркистон тизмасининг шим. этаклари (Жиззах вилояти)даги тоғлар. Молгузор номини тадқиқотчилар мор — илон изи йўл ёки марғзор — майсазор сўзларидан деб изоҳлайдилар. Тоғлар жан.-шарқдан шим.-ғарбга йўналган. Уз. 70 км. Энг баланд жойи (Қизилчагат баландлиги) 2620 м. Нурота тизмасидан Илонўтти тог йўлаги орқали ажралган. Шим.-шарқий ён бағирларидан бошланадиган кўпгина сойларнинг (Зоминсув, Пишағарсой, Равотсой ва б.) конус ёйилмалари қўшилишидан пролювиал шлейф вужудга келган. Жан.-ғарбий ён бағри Сангзор дарёси водийсига тик тушган. Тепаси бўрмаланишида ҳосил бўлган. М.т. силур-девон даврларининг қумтош, сланец, оҳактош, порфиритларидан ташкил топган. Тоғларнинг рельеф хусусиятлари уларни ташкил қилган жинсларининг литологик таркибига қараб турлича шаклларга эга. Тоғлар кучли парчаланган. Қояли пайзасимон чўққилар қупинча чуқур дарралар, платосимон воҳалар ва кенг тог белдари б-н алмашиб келади. Иқлими континентал. Январнинг ўртача т-раси —9°, июлники 15° (Қўлсой). Йиллик ёғин миқдори 440 мм. Қуйи пастғам қисмида чала чўл субтропик минтақа 700—1200 м гача ифодаланган. Туб жинслар қалин лёссимон ётқизиқлар б-н қопланган. Тўқ бўз тупроқларда турли ўтли бутдойиқларлар, 1200—1800 м, баъзан 2000 м гача ўртача баландликдаги тог ён бағирларида ювилган жигарранг тупроқларда бутазор ва сийрак арчазорлар тарқалган. Қуйи ярусда бутдойиқлар ва б. бошоқлилар ўсади. 2600 м баландликда дашт минтақаси мавжуд. М.нинг Туркистон тизмаси б-н туташган жойида Зомин халқ ўрмон давлат қўриқхонаси, Зоминсойнинг юқори оқимида Зомин халқ боғи (миллий боғ) жойлашган. Тоғлар бой рекреация ресурсларига эга.

МОЛДАВАН ТИЛИ — роман тилларидан бири, Молдавия Республикасида ва унга қўшни давлатларда тарқалган; 3 млн. та яқин киши сўзлашади. Шевалари шим.-ғарбий, шим.-шарқий, марказий ва жан.-ғарбий гуруҳларга ажратилади.

М.т. *румин тили*га яқин бўлиб, грамматик хусусиятларига кўра, бир-бирига ўхшайди; фақат адабий меъёр соҳасида, хусусан, фонетикада (талаффуз жонли тилга яқин) ва лексикада (рус тилидан ўзлашган сўзлар кўп) баъзи тафовутлар кузатилади. М.т.да 4 артикль, дабланмаган унлилардан Ы, Э, дифтонглар, 2 та грамматик жинс категорияси мавжуд. Адабий М.т.нинг шаклланиши 16—17-а.ларда бошланиб, 19-а.нинг 2-ярмида ниҳоясига етган. Ёзуви 19-а.гача славян алифбоси (кириллица), 19-а.дан рус алифбоси асосида (1932—39 й.ларда лотин графикаси амалда бўлган). 1989 й.да лотин алифбоси асосидаги ёзувга ўтиш ҳақида қарор қабул қилинган.

МОЛДАВАНЛАР (ўзларини молдовень деб аташади) — Молдавияда яшовчи халқ (2,8 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). Шунингдек, Украина (324 минг кишидан ортиқ), Россия (170 минг кишидан ортиқ), Қозоғистон (33 минг киши) ва б. мамлакатларда яшайдилар. Молдаван тилида сўзлашадилар. Динлорлари — православлар.

МОЛДАВИЯ, Молдова Республикаси (Republika Moldova) — Европанинг жан.-шарқий қисмидаги давлат. Майд. 33,7 минг км². Аҳолиси 4,432 млн. киши (2001). Пойтахти — Кишинёв ш. Маъмурий жиҳатдан 40 туман, 21 шаҳар ва 48 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузуми. М. — республика. 1994 й. 29 июлда қабул этилган конституция амал қилади. Давлат бошлиги — парламент томонидан сайланадиган президент (2000 йдан В. Воронин). Қонун чиқарувчи олий органи — бир палатали парламент (Мажлис), ижрочи органи — ҳукумат (Вазирлар кенгаши).

Табиати. М. Шарқий Европа текислигининг жан.-ғарбий қисмида жойлашган. Ер юзаси ўр-қирли текислик, дарё водийлари ва жарликлар бор. Марказий қисмида Кодру қирлари жойлашган. Энг баланд жойи 429,5 м. Днестрнинг ўнг соҳилини Днестр бўйи қирлари (бал. 250—300 м, энг баланд жойи 347 м) эгаллаган. Шим. Молдавия текислиги (250—300 м), Жан. Молдавия текислиги бор. Оҳактош, гипс, шиша қуми, шағал, шунингдек, нефть ва газ конлари топилган.

Иқлими — мўътадил континентал. Қиши қисқа, илиқ, қор кам ёғади, ёзи узоқ ва илиқ. Июлнинг ўртача т-раси — шим.да 19,5° ва жан.да 22°; энг юқори т-ра 41°; янв.нинг ўртача т-раси шим.да — 5° ва жан.да — 3°; энг паст т-ра —36°. Йилига шим.да 560 мм, жан.-ғарбда 370 мм, қирларда 500—560 мм, текисликларда 400—450 мм ёғин ёғади. Дарёлари Қора денгизга қуйила-



қий роман, шунингдек, молдаван тилларига асос бўлди. 2—4-а.ларда бу ерда сарматлар, скифлар, ҳунлар, готлар яшаганлиги тахмин қилинади. 10—12-а. бошларида М. нинг бир қисми Қад. Русь давлати таъсир доирасига, сўн

Молдавия герби.

ди. Энг катта дарёлари — Днестр (ирмоқлари — Реут, Бик, Ботна), Прут (ирмоқлари — Чугур, Каменка, Ларга, Лалушна, Сарата). Тупроқлари — асосан, қоратупроқ (75%), қунғир ва кулранг ўрмон тупроғи (10%); дарё қайирларида — аллювиал-ўтлоқи тупроқлар. Ҳудудининг аксарияти дашт ва ўрмон дашт минтақасида жойлашган бўлиб, кўп қисми ҳайдалиб, экин экилади. Мамлакат майдонининг 9% ни эгаллаган ўрмонларда дуб, шумтол, граб, қора қайин, жўка ўсади. Чалов. бетага каби дашт ўсимликлари камайиб кетган. Ҳайвонлардан ўрмонда елик, тўнғиз, бўри, тулки, бўрсиқ, олмахон, оқсичқон яшайди. Қушларнинг 260 га яқин тури (сўфитўрғай, майна, қорашақшақ, қарчигай, бойқуш, белана ва б.) учрайди. «Колру», «Грэдина Турческэ», «Ягорлик», «Плаюл Фагулуй», «Прудил де Жос» каби қўриқхоналар ташкил этилган.

Аҳолисининг 65% молдаванлар; украинлар, руслар, руминлар, гагауз ва болгарлар ҳам бор. Давлат тили — молдаван тили. Кўпчилик аҳоли (95%) христиан динининг православие оқимига мансуб. Шаҳар аҳолиси 47%. Йирик шаҳарлари: Кишинёв, Тирасполь, Бэлць, Тигина.

Тарихи. Ҳозирги М. ҳудудидаги Бринзени, Рашков, Чутулешти ва б. жойлардан топилган кўҳна манзилгоҳларнинг далолат беришича, бу ерда аҳоли палеолит давридаёқ ўтроқлашган. Неолит даврининг манзилгоҳларидан Буг-Днестр маданияти ёдгорликлари топилган (мил. ав. 6—5 минг йилликлар). Бу даврда одамлар уруғчилик жамиятига бирлашиб, овчилик, деҳқончилик, балиқ овлаш б-н шуғулланган. Мил. ав. 4-минг йилликда ҳукмронлик қилган Триполи маданияти даврида кўпгина манзилгоҳлар (Варваровка, Каракушан, Кубан) барпо этилган, кулолчилик ривожланган.

Мил. ав. 1-минг йилликдан мил. 1-минг йилликкача М. ҳудудида даклар нинг қабилавий бирлашмалари ва давлатлари мавжуд бўлган. Мил. 2-а. бошларида римликлар Дакияни босиб олди ва уни аста-секин Римнинг вилоятига айлантирди. Лотин тили ёйилиб, у шарқий роман, шунингдек, молдаван тилларига асос бўлди. 2—4-а.ларда бу ерда сарматлар, скифлар, ҳунлар, готлар яшаганлиги тахмин қилинади. 10—12-а. бошларида М. нинг бир қисми Қад. Русь давлати таъсир доирасига, сўнг Галиция ва Галиция-Волинь князлиги таркибига кирган. Лекин 12-а.да кўчманчи бижанак ва қипчоқларнинг ҳужумидан кейин славянлар деярли барҳам топди. 13—14-а.ларда М. ҳудуди мўғуллар қўл остига ўтди. Босқинчилар венгерлар томонидан ҳайдаб юборилганидан кейин М. ерлари Венгрия қарамоғига ўтди, 1359 й. озодлик кураши натижасида мустақил М. князлиги (пойтахти Ясси ш.) вужудга келди. 14-а. 2-ярмида Карпат б-н Днестр оралигидаги ерлар унга қарашли бўлди. Шу даврда валахлар ва шарқий славянлар б-н аралаш ривожланиб, натижада молдаван элати шаклланди. 16—18-а.ларда М. Усмонийлар империяси ҳукмронлигида бўлди ва 300 й. мобайнида улкан тўлов тўлаб турди. Аввалига Тира, Бендери, Килия, 18-а.да Хотин М.дан ажратиб олинди ва уларга турк гарнизонлари жойлаштирилди. Чет эл босқинчиларига қарши миллий озодлик кураши турли шаклларда олиб борилди. 18-а. 2-ярми ва 19-а. бошларидаги Россия-Туркия урушлари натижасида М. озод этилди. Аммо Европа давлатларининг ўзаро рақобати туфайли М. яна Туркияга қайтариб берилди. 1775 й. М. князлигининг шим. қисми Австрияга, 1791 й. Ясси сулҳ шартномасига биноан, Днестрнинг сўл соҳили Россияга, яна бир қисми кейинчалик Речь Посполитага қўшиб олинди. 1812 й. Бухарест сулҳ шартномасига кўра, М. князлигининг Прут ва Днестр оралигидаги ерлари Россияга ўтди ва Бессарабия вилояти номини олди. Кишинёв ш. унинг маъмурий маркази бўлиб қолди. Бессарабия Россиянинг аграр ўлкаси сифатида ривожлана бошлади. 1917 й. Россиядаги Фев. инқилобидан кейин бу ерда ҳам қўш ҳокимиятчилик вужудга келди. 1917 й. нояб.-дек.да айрим шаҳар ва қишлоқларда ҳокимият шўролар қўлига ўтди. Ваколатли ҳокимият органи — «Сфатул Цэрий» («Ўлка кенгаши») 1917 й. 2 дек.да М.ни Демократик республика деб эълон қилди. 1918 й. 24 янв.да ўзининг Россиядан мустақил эканини билдирди. 1918 й. 27 мартда М. Демократик Республикаси (Бессарабия)-ни Руминияга қўшишга қарор қилди. 1918—19 й.ларда М. сўл соҳил туманларида Австрия-Германия, Антанта қўшинлари ҳукмронлик қилди. 1920 й. фев.да бу ерда шўро ҳокимияти

Молдавия байроғи

ўрнатилди. 1924 й. 12 окт.да Украина таркибида М. мухтор шўро республикаси тузилди. 1939 й.ги Риббентроп—Молотов пактининг қўшимча махфий баённомаси асосида Совет Иттифоқи 1940 й. 26 ва 27 июнда Руминиядан Бессарабия ва Шим. Буковинани дарҳол СССР га тортиб олишни талаб қилди. 1940 й. 2 авг.да М. Шуро Республикаси тузилди. 2-жаҳон уруши йилларида М. жан. майдонига айланди ва 1944 й. авг.да босқинчилардан озод қилинди. Шундан кейин М.нинг сакқам ярим асрлик тарихи СССР б-н боғлиқ бўлди. 1987—89 й.лардаги қайта қуриш даврида миллий гояларнинг ҳаракати бошланди. 1990 й. 23 июнда М. Республикаси суверенитети эълон қилинди. 1991 й. 27 авг.да М. Республикасининг мустақиллиги тўғрисида Декларация қабул этилди. Бироқ мустақилликнинг дастлабки йилларида аппрмачилик ҳаракати юзага келиб, бу нарса мамлакатда ички қуролли можарога сабаб бўлди. Кейинги пайтда низони бартараф этиш учун музокара олиб борилаётир. М. — 1992 й.дан БМТ аъзоси, шунингдек, МДҲ таркибига киради. Ўз Р суверенитетини 1994 й. 23 авг.да тан олган ва шу куниёқ дипломатия муносабатлари ўрнатган. Миллий байрами — 27 авг. — Мустақиллик куни (1991).

Сиёсий партиялари. Аграр-демократик партия, Коммунистлар партияси, Социалистик партия, Христиан-демократик халқ партияси, Тикланиш ва иноқлик партияси.

Хўжалиги. М. — индустриал-аграр мамлакат. Миллий даромад таркибида саноатнинг улуши 38%, қ.х.нинг улуши 42%, қурилиш, транспорт ва алоқанинг улуши 11%.

Саноати. Озиқ-овқат саноатида мева-сабзавот консерваси тайёрлаш, виночилик, қанд-шакар, ёг-мой и.ч. асосий тармоқлардир. Оғир саноат мажмуасида машинасозлик, электрон, кимё, металлургия саноати етакчи ўринда. Енгил саноат (тикувчилик, тўқимачилик ва б.) тармоқлари ҳам мавжуд. Консерва саноатида 20 дан ортиқ корхона бор, улар мева ва сабзавотдан 100 хилдан кўпроқ консерва тайёрлайди. Қанд-шакар саноати мамлакатнинг шим.да жойлашган. Тамаки-ферментация, парфюмерия, фармацевтика ва қандолатчилик, шунингдек, тўқ., мой-пиллоқ, ун-ёрма саноати тармоқлари ҳам ривожланган. Машинасозлик ва металлсозлик корхоналари автоматлаштириш воситалари, темирчилик-пресс машиналари, озиқ-овқат саноати учун технология ускуналари, электр юк ортгичлар, тракторлар, қ.х. машина-механизмлари, пасослар, ўзгарувчан ток электр двигателлари, совитқичлар, кир ювиш машиналари, паст вольтли электр аппаратлари, кабель ишлаб чиқаради. Сунъий тери, резина-техника буюмлари, лок-бўёқ, кимё, биокимё, биокорлик ашёлари, ўрмон ва ёғочсозлик, полиграфия корхоналари бор. Йилига ўртача 15,7млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади.

Қишлоқ хўжалигида токчилик ва боғдорчилик етакчи ўринда. Узумнинг хўраки ва винобоп турлари етиштирилади. М. ҳам ва шимда кунгабоқар экилади. Тамаки эса шим. ва марказий туманларда ўстирилади. Галлачиликнинг маккажўхори ҳамда бўғдой етиштириш тармоқлари ривожланган. Сабзавот ва резавор мева етиштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, паррандачилик боқилади.

Мамлакат мустақилликка эришгач, хўжаликда бозор иқтисодиёти шаклларини жорий этишга киришилди, жумладан, давлат корхоналари хусусийлаштирила бошлади, хусусий, қўшма корхоналар барпо этилди. Қ.х.да деҳқон (фермер) хўжаликлари тузиш учун ерларни хусусий мулк қилиб беришга киришилди.

Транспорти. Т.й. узунлиги — 1,1 минг км, автомобиль йўллари — 10,2 минг км. Днестрда кема қатнайди. Кишинёвда халқаро аэропорт бор.

Соғлиқни сақлаш. 2001 й. М.да 12,8 минг врач, 545 тиббиёт муассасаси, 25 минг ўринли касалхоналар ишлади. Чемал тоғ иқлимий курорти, болалар санаторийлари бор.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 2001/2002 ўқув йилида 1577 мактаб, гимназия, лицейларда 618,4 минг ўқувчи таълим олди, 42,5 минг ўқитувчи ишлади. 82 ўрта ҳунар таълим тизимида 23 минг, 67 коллежда 17 минг бола ўқиди. 47 олий ўқув юртида 86,4 минг талаба таълим олди, шу жумладан, давлатга қарашли бўлмаган 31 ин-тда 22,9 минг талаба ўқиди. 2001 й. М.да докторантурага эга бўлган 45 и.т. муассасаси ишлади. Республикада и.т.ларини мувофиқлаштирувчи М. Фанлар академияси фаолият кўрсатади. Миллий табиат ва эти. музейи, Тарих, Археология, Этн., Тасвирий санъат, Халқ ҳунармандчилиги, Гагауз тарих-эти. музейлари бор. Ҳаммаси бўлиб 71 та музей, 1,4 минг кутубхона, 1,2 минг клуб муассасаси мавжуд.

Кишинёв шаҳри. Янги турар жой бинолари.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. М.да 2001 й. 1,7 минг номдаги китоб ва рисола 0,8 млн. нусхада, газ.лар 1,2 млн., жур. ва б. даврий нашрлар 3,4 млн. нусхада нашр этилди. М.да нашр этиладиган асосий газ.лар: «Молдова суверане» («Суверен Молдавия»), «Независимая Молдова» («Мустақил Молдавия»), «Цара» («Ватан»), «Молдпресс» ахборот агентлиги ишлайди. 1930 йдан радиоэшиттириш, 1958 йдан телекўрсатув олиб борилади.

Адабиёти. Дастлабки ёзма ёдгорликлар бой халқ оғзаки ижоди (эртак, қаҳрамонлик эпослари, афсона, қўшиқ, балладалар) асосида 9—10-а.ларда яратилган. Черков-славян (ўрта болгар) тилидаги биринчи молдаван китоби «Казания» (Инжилнинг изоҳи) 1643 й.да нашр этилди. 17-а.да йилномалар, 18-а.да Д. Кантемир (1673—1723) томонидан бадиий-тарихий асарлар яратилди. 19-а.нинг 2-ярмида Й. Крянгэ (1837—1889) ва М. Эминеску (1850—1889) ижоди реалистик наср ва шеърият ривожида катта роль ўйнади. 20-а. бошларида А. Матеевич, Т. Роман ўз шеърлари б-н адабиётга кириб келди. 2-жаҳон урушигача ижод қилганлар орасида Д. Милев, Л. Барский, Н. Марков, Л. Корняку, М. Андриеску ва б. ёзувчиларни кўрсатиш мумкин. Уруш даврида Э. Буков, Б. Истру, А. Лупан, Т. Менюк каби адиблар босқинчиларга қарши курашга бағишланган асарлар ёздилар. 50-й.ларда поэзия етакчи жанр бўлган бўлса (Е. Буковнинг «Андриеш», «Менинг мамлакатим», А. Лупаннинг «Юзма-юз», Л. Делянунинг «Мангу ёшлик», Ф. Пономарнинг «Дўстлик» достонлари ва шеърий тўпламлари), кейинги йилларда салмоқли насрий асарлари яратилди (Е. Дамиан, В. Василаке, Р. Лунгу, Л. Дамиан, Г. Виеру, П. Боцу, Э. Лотяну ва б.нинг роман ҳамда қиссалари). Андрей Лупан, Самсон Шляху, Емельян Буков ва б. ларнинг айрим асарларини, молдаван ёзувчиларининг «Ҳажвий ҳикоялар» тўпламини ўзбек тилида нашр этилган.

Меъморлиги. М. ҳудудидан мил. ав. 3—2-минг йилликларга оид маданият ёдгорликлари топилган. 10—11-а.ларда ёғоч, тош ва лойдан иморат ҳамда иншоотлар қурилган шаҳарлар пайдо бўлди. 14-а. ўрталаридан меъморлик ривожлана бошлади, шаҳар атрофлари тош девор б-н ўраб олинди. 16-а.дан минорали ва равоқли қалъалар қурилди. Сахарна, Жабкадаги гор-монастирларнинг қолдиқлари сақланган. 18-а.да шаҳарлар тез ривож топди, маҳаллий меъморлар лойиҳаси асосида гўзал ва гаройиб ибодатхона биноларн қурилиши авж олди. Анъанавий шаҳар ва қишлоқ уйлари ёғоч ва тошдан, жамоат бинолари замонавий конструкциялардан барпо этила бошлади. 19-а. охири ва 20-а. бошларида М.нинг Россияга қўшиб олинган қисмида классицизм услуби, Руминияга қарам қисмида модерн услуби устунлик қилди. 20-а. 2-ярмида қурилган бино ва иншоотларда миллий меъморлик анъаналаридан фойдаланилди (Кишинёвнинг Мирва Бельский кўчасидаги турар жойлар, «Интурист» меҳмонхонаси ва б.).

Тасвирий санъати. М. ҳудудида мил. ав. 2—1-минг йилликларга мансуб металл тақинчоқлар, мил. 1-минг йилликка доир қуроллар, сопол, жез, кумуш, олтин идиш ва буюмлар топилган. Улар заргарлик ва металлни бадиий ишлаш ривожланганидан дарак беради. 13—14-а.ларда халқ амалий санъатида Византия ва мусулмон Шарқининг таъсири кучли бўлган. 14—17-а.ларда зардўзлик, 18—19-а.ларда гиламчилик юксалди. 19-а.дан бошлаб дунёвий тасвирий санъат, айниқса, портрет рассомлиги ривож топди, рассомлик ўқув юртлари очилди. 19-а. охири ва 20-а. бошларида ҳаётни манза-

Днестр дарёси соҳилидаги тепалик.

ралар, турли жанрлардаги расмлар, психологик портретлар яратилди (В. Окушко, Е. Малешевская ва б.). 20-а. 2-ярмида рангтасвирчилардан М. Гамбурд, В. Руссу-Чобану, портретчилардан К. Китайка, И. Богдеско, Г. Саинчук, ҳайкалтарошлардан К. Кобизева, Б. Марченко кабилар тасвирий санъат ривожига ҳисса қўшдилар. Халқ санъатида тош ўймакорлиги, гилам тўқиш, каштадўзлик, кулоллик, ёғочсозлик равнақ топди.

Мусиқаси ўзига хос миллий фольклор асосида шаклланган ва қўшни халқлар бадиий маданияти б-н ҳамоҳанг ривожланган. Халқ қўшиқлари, асосан, бир овозли, оҳанглари хилма-хил. Афсонавий воқеий қўшиқларда қаҳрамонлик ва озодлик ғоялари акс этган. Меҳнат, маросим, муҳаббат, ҳазил, давра қўшиқлари бор. Энг кўп тарқалган халқ мусиқаси *дойна* деб аталади. Жок, молдовеняска деб аталган жўшқин ва ўйноқи халқ рақслари дунёга танилган. Торли чолғулардан кобза, шимбала, тилчали асбоблардан дримба (варган), пуфлаб чалинадиган асбоблардан флуер ва кавал (най), чимпа, бучум кабилар бор. 19-а.да илк композиторлар (Г. Музическу, К. Микули, Э. Кауделли, Ч. Порумбеску) ижод қила бошладилар. Замонавий композиторлар орасида А. Стирча, Г. Няга, Э. Лазарев, Ч. Ткач, Е. *Дога*, дирижёрлардан Т. Гуртовой, Д. Гоя, А. Самоилэ, хонандалардан Т. Чебан, Т. Алёшина, М. *Биешу* ва б. машҳур. 1955 й. Кишинёвда М. опера ва балет театри очилган, давлат филармонияси (1940) қошида симфоник оркестр, «Дойна» хор капелласи, «Жок», «Лэутарлар», «Флуераш» каби ансамблар фаолият кўрсатади. Ўзбекистонда Т. Чебан, М. Биешу ва қатор ансамблар гастролда бўлган.

Театр сарчашмалари халқ ўйинларидан бошланади. Колиндэ-колада деб аталган қад. халқ маросимлари, хэитул деб аталган янги йил қутловлари ва турли-туман ўйинларда театр санъати унсурлари бўлган. Иронтй (иродн) деб аталган томошалар, полвон, акробат (пеҳливан, сонгарларнинг маҳоратларини намойиш этишлари ва гайдукларнинг ўзига хос театри машҳур бўлган. Ўрта асрларда сарой ва сайёр труппалари томоша кўрсатишган. 1816 й.да ёзувчи ва маърифатчи Г. Асака раҳбарлигида молдаван тилида биринчи спектакль кўрсатилган. Профессионал театрни барпо этишда В. Александри, К. Негруши, А. Руссо, М. Когэлничану ва б. драматурглар катта хизмат қилдилар. 20-а.нинг 20-й.ларида ташкил топган драма гуруҳлари асосида Балта ш.да мусиқали драма труппаси (кейинчалик драма студияси) тузилди. Шу студияни битириб чиқувчилар 1933 й.да Тирасполда ташкил этилган драма театри (ҳоз. М. академик мусиқали театри)нинг ўзаги бўлди. Эндиликда М.да 14 театр, шу жумладан, «Лучафэрул» театри, «Ликурич» кўғирчоқ театри, Бэлы мусиқали драма театри, филармония, цирк ва б. ишлаб турибди. Уларда А. Лупан, Л. Корнину, Э. Буков каби маҳаллий муаллифларнинг пьесалари б-н бир қаторда жаҳон мумтоз драматургиясининг асарлари ҳам саҳналаштирилган. Театр арбоблари орасида Д. Дариенко, Н. Массальская, Е. Уреке, К. Штирбу, И. Шкурярни кўрсатиш мумкин. Театрлар учун кадрларни Кишинёвдаги Г. Музическу номидаги санъат ин-ти тайёрлайди.

Кино тарихи 1927 й.дан бошланади. Ўша йили биринчи ҳужжатли фильм яратилди. 1940 й.дан Кишинёвда иш бошлаган киновакиллик пункти 1952 й.да хроника (воқеий) фильмлар киностудияси (1957 й. дан «Молдова-фильм»)га айлантирилди. 1955 й. да биринчи молдаван фильми — «Молдавия тароналари» (реж. А. Золотницкий) дунё юзини кўрди. Шундан кейин «Атаман Кодр» (1958), «Кузнинг сўнгги куни» (1965, реж. В. Дербенёв), «Қотилликда айбланади» (1969, реж. Б. Волчек), «Лаутари» (1971, реж. Э. Лотяну), «Ёнингда эркак бўлса» (1978, реж. В. Гажиу) ва б. яратилди. Кино актёрларидан Д. Дариенко, М. Волонтир, К. Тирцэу, С. Тома, М. Сагайдак, Г. Григориулар машҳур. М.да 100 кинотеатр бор.

Ўзбекистон — М. муносабатлари. Мустақиллик йилларида ЎзР б-н М. ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида, Эркин савдо, Иккиёқлама солиқ солишга йўл қўймаслик, Халқаро автомобиль қатнови, Молия-саноат гуруҳлари тузиш қоидалари, ш.ч. кооперацияси, Савдо-иқтисодий ҳамкорлик қоидалари тўғрисида шартномалар тузилган. Кўп томонлама ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон — М. қўшма комиссияси ишлаб турибди. Икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошламаси 2000 й.даги 4,2 млн. АҚШ долларидан 2001 й.да 7,7 млн. долларга етди. ЎзР да М. сармояси иштирокидаги 1 корхона рўйхатга олинган.

МОЛДИБОЕВ Абдилас [1906.24.6 (7.7), Қирғизистон, Кемин тумани — 1978.31.5, Бишкек] — қирғиз композитори ва хонанда (тенор). Қирғизистон халқ артисти (1937), қирғиз композиторлик мусиқаси асосчиларидан. Москва консерваториясида таълим олган (1940—41 ва 1947—50). Қирғизистон мусиқали драма театрида (1933 й.дан), Қирғизистон опера ва балет театрида (1942 й.дан) хонанда. Қирғизистон композиторлар уюшмаси раиси (1939—67). В. Власов, В. Фере б-н ҳамкорликда «Ойчурек» (1939), «Манас» (1946) биринчи қирғиз операси, А. Веприк, М. Абдраев б-н ҳамкорликда Қирғиз давлат мадҳияси (1946), «Тўхтағул» операси (1958) ни яратган. Оммавий ва болалар қўшиқлари, романслар, хор асарлари муаллифи. Мусиқали драма ва операларда Кулчоронун, Сиргақ («Ойчурек», «Манас»), Телтей («Айдар ва Ойша», А. Омонбоев ва б.), Аскер («Аршин мол олон», У. Ҳожибеков), Тўлеген («Қиз Жибек», Е. Брусиловский) ва б. партияларни маҳорат б-н ижро этган. Тўхтағул номидаги Қирғизистон Давлат мукофоти лауреати (1970). Қирғиз опера ва балет театрига М. номи берилган.

МОЛЕКУЛА (лот. moles — масса) — муайян модданинг барча кимёвий хоссаларини намоён қиладиган энг кичик заррачаси. Бир хил (оддий моддаларда) ёки ҳар хил (кимёвий бирикмаларда) атомлардан ташкил топиши мумкин. Мустақил равишда мавжуд бўла олади. М.нинг хоссаси унинг тузилишига — қандай атомлардан ташкил топганига, уларнинг сонига, атомларнинг фазовий жойлашиш тартибига, улар ўртасидаги тортишиш кучининг табиатига боғлиқ.

Ҳоз. вақтда М.нинг тузилишини кимёвий усуллар б-н бир қаторда мукаммал физик асбоблар воситасида аниқ билиш мумкин. М.ларнинг тузилиши б-н уларнинг хоссалари ўртасидаги боғланишни билиш мўлжалланган хосса ва бўлди моддалар олиш йўлларини ачиб очиб ташлади. М.ла атомларнинг сони иккидан (мас., водород молекуласи H_2, азот (N_2) оксиди NO) тортиб бир неча минтта (мас., оқсилларда, полимерларда) етиши мумкин. М. тўғрисидаги тушунчани 17-а.да илк бор Л. Гассенди киритган, 18-а.да М. В. *Ломоносов* М. («корпускула») тушунчасини таърифлади. 1811 й.да А. *Авогадро* М.нинг атомлар фарқини, моддаларнинг кимёвий реакцияга киришувчи ин кичик бўлаги эканлигини қайд қилди. М. тушунчаси 1860 й.да кўпчилик олимлар томонидан умумэътироф этилди. М.нинг мавжудлиги турли ҳодисалар — *диффузия*, *броун ҳаракати*, рентген нурларини дифракциялаш синари қатор ҳодисаларда бевосита тасдиқланди.

Квант механикаси назариясига ерлашида М.нинг тузилишини чуқур ўрганиш мумкин бўлди. М. илгарилама ва айланма ҳаракатда бўлиши б-н бир қаторда, унинг таркибий қисмлари ҳам турлича ҳаракат қилади. М.ни ташкил этган атомларнинг ядроси тебранма ҳаракатда бўлади ва ядро бу ҳаракатида ўзи б-н тортиниб турган электрон қатламларини эргаштиради. Электронлар ядрога эргашишдан ташқари, мустақил ҳаракатлана олади. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси квант механикаси қонунига бўйсунган ҳолда рўй беради ва М. бир неча хил квант ҳолатда бўлиб, потенциал энергияга эга. М.нинг потенциал энергияси, асосан, атомлар ядролари ўртасидаги масофага боғлиқ.

Атомнинг сатҳ энергияси биргина ҳаракатга — электроннинг атом ядросига нисбатан ҳаракатига боғлиқ. Шунга кўра, унинг спектри айрим чизиқлардан иборат (чизиқли спектр беради). М.лари ички ҳаракат бир неча хил бўлиб, анчагина мураккаб. Шунга кўра, унинг спектри ҳам мураккабдир. Электронларининг М.ни ташкил қилган атомлар ядросига нисбатан ҳаракати б-н бир қаторда, юқорида айтилгандек, атом ядролари тебранма ва айланма ҳаракатда бўлади. Шунга қараб, М.нинг спектри — электрон, тебранма ва айланма спектрига бўлинади. Шу ҳаракатларда содир бўладиган энергия ўзгаришлари натижасида йўл-йўл спектр олинади. М. спектри ультрабинафша, кўзга кўринадиган ва инфрақизил соҳаларда кўрилади. М.нинг спектрларини текшириб, унинг қандай элементлардан ташкил топгани, атомлар орасидаги боғларнинг табиати ва мустаҳкамлиги ҳақида мулоҳаза юритиш мумкин.

МОЛЕКУЛЯР АКУСТИКА — моддаларнинг тарқиби ва хоссаларини акустик усул б-н, уларнинг акустик хоссаси ва молекуляр нуқтаи назардан ўрганадиган физик *акустика* бўлими. М.да товуш тулқинларининг акустик хоссалари, яъни моддаларда тарқалиш тезлиги ва ютилиш коэффициентларининг т-ра, босим ва б. омиллар б-н боғлиқлигини ўрганилади. М.да 20-а. 30-й.ларидан бошлаб, яъни кўпгина моддаларда товушнинг тарқалишида *дисперсия* ҳодисаси кузатилганидан кейин, айниқса, тез ривожлана бошлади. М.да текширилувчи объект сифатида, одатда, ультратовуш олишдан газларда частоталари 10^6—10^9 Гц ли ультратовушлар, суюқлик ва қаттиқ моддаларда 10^7—10^9 Гц ли ультратовушлар, частотаси ~10^{10} Гц (қ. *Гипертовуш*) ли товушлар текширилади. Қисқа вақт давомида олиар бўладиган жараёнларнинг кинетикасини ўрганадиган акустик усулни кам миқдорлаги моддаларни юқори босим ва турли т-рада катта аниқлик б-н текширишга имкон берадиган ягона усул деса бўлади. Суюқлиқларда товуш тезлигини ва унинг т-рага боғлиқ равишда ўзгаришини, мас., эритмалардаги ионларнинг ўзаро таъсири ва б.ни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Товушнинг ютилиш коэффициенти моддалардаги ички ишқаланиш, пессиқлик ўтказувчанлик ва *релаксация* б-н боғлиқ бўлган жараёнлардан аниқланади. М.а.нинг кўпгина масалалари оптик, спектроскопик ва б. комплекс усуллар б-н ҳал қилинади. Молекуляр кучлар табиати, молекуляр жараёнлар кинетикаси, пессиқлик сигими назарияси, ёруғликнинг сочилиши ва ш.к. муҳим масалаларни ҳал қилишда М.а.нинг аҳамияти катта.

МОЛЕКУЛЯР БИОЛОГИЯ — ҳаётнинг асосий хусусиятлари намоён бўлишини молекуляр даражада ўрганадиган фан. М. б.нинг муҳим йўналишларига ирсий ахборотни амалга ошириш механизмлари ва ҳужайранинг генетик аппарати структураси ҳамда функционал тузилишини текшириш *(молекуляр генетика)*, вирусларнинг ҳужайра б-н ўзаро таъсири механизмларини ўрганиш (молекуляр вирусология), организмнинг иммун реакцияларини қонуниятларини аниқлаш (молекуляр иммунология), энергиянинг ҳосил бўлиши ва ўзгаришининг молекуляр асослари (молекуляр биоэнергетика) ва б. киради. М. б. ҳаётий ҳодисаларни макромолекулалар, яъни оқсил ва нуклеин кислоталар ёки жуда содда тузилиши эга бўлган ҳаётий объектлар — лишча эга бўлган ҳаётий объектлар — ҳужайра компонентлари, яъни митохондрий, хлоропласт, рибосома, ядро, ҳужайра мембраналари, вируслар ва прионлар заражасида текширади.

М.б. 20-а.нинг 50-й.ларида *биокимё* фанидан ажралиб чиқди ва мустақил фан сифатида шаклланди. М. б. терминини биринчи марта инглиз олими У. Астбери қўллаган. М.б.нинг вужудга келиши кўпинча Ф. Крик ва Ж. Уотсон томонидан 1953 й.да ДНК молекуласи типотетик моделининг кашф этилиши б-н боғланади. Бу моделда ДНК нинг биологик функцияси унинг кимёвий тузилиши б-н боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Шуни таъкидлаш керакки, ДНК молекуласи ўзида ирсий ахборотни сақлаши ҳақидаги дастлабки маълумот 1944 й.да О. Эвери ва унинг ходимлари томонидан аниқланган. М.б.нинг шаклланишида *генетика*, *микробиология*, вирусология соҳасидаги тадқиқотлар катта аҳамиятга эга бўлди. Шу б-н бирга аниқ фанлар — физика, кимё, мат., кристаллография ва, айниқса, рентген структура таҳлили бўйича эришилган ютуқлар М.б.нинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. М.б. соҳасидаги кашфиётларга айрим олимларнинг структуравий тузилиши ва улар бажарадиган функцияси б-н структураси ўртасидаги боғланишнинг аниқланиши (М. Перутц, Ж. Кендрю, Ф. Сенгер, К. Анфенсен, Ю. Овчинников ва б.); нуклеин кислоталар ва рибосомаларнинг тузилиши ҳамда биологик функцияларн механизмларнинг ўрганилиши (Ж. Уотсон, Ф. Крик, Р. Холли, Н. А. Белозерский, А. Баев), қайтар транскриптаза ферментининг кашф этилиши (Х. Темин, Д. Балтимор), генетик кодниинг маъноси очиб берилиши (М. Ниренберг, С. Очоа), оқсил биосинтезининг асосий босқичлари (Ф. Крик, Ф. Жакоб, Ж. Моно, А. Спирин) ва нуклеин кислоталарнинг ҳосил бўлиш механизмлари аниқланиши (А. Коренберг, С. Очоа), вирусларнинг структуравий тузилиши ва улар репликацияси механизмлари ҳамда генетик муҳандислик методларининг ишлаб чиқилиши (П. Берг, В. Арбер, Г. О. Смит, Д. Натанс), геннинг синтезланиши (Х. Корана), прионларнинг структуравий ва функционал хусусиятлари аниқланиши (С. Пруснер), одам геномининг тўлиқ ўрганилиши ва эмбрионал ўқ ҳужайраларининг кашф этилиши (М. Эвенс, Ж. Томпсон, Ж. Беккер) мисол бўла олади.

Ўзбекистонда М.б.нинг ривожланиши ўтган асрнинг 60-й.ларига тўғри келади. Унинг ривожланиши биокимё соҳасидаги тадқиқотлар б-н чамбарчас

боғлиқ. М.б. фан сифатида дастлаб ҳоз. ЎзМУ нинг биокимё кафедрасида 1966 й.дан ўқитила бошланди (Ё. Тўрақулов).

М.б. соҳасидаги и.т. ишлари Ўзбекистон ФА *Биокимё институти* фаолияти б-н боғлиқ. Бу соҳада эришилган ютуқларга олимларимиздан Ё. *Тўрақулов*, А. *Ибрагимов*, Т. *Соатов*, Б. *Тошмуҳамедов*, А. *Абдукаримов*, М. Раҳимов, Ш. Солиҳов, Ш. Азимова, Т. Юсупов, О. Одилова ва б. катта ҳисса қўшган. М.б. қишлоқ хўжалигида (кўп маҳсулот берадиган зотлар ва ҳосилдор навлар олиш мақсадида ҳайвон ва ўсимликларнинг ирсий аппаратни бошқариш ва йўналтирилган ўзгаришлар ҳосил қилишда), микробиология саноати (биологик фаол полипептидлар, оқсиллар ва аминокислоталарни бактериялар ёрдамида синтезлашда), тиббиёт турли соҳалари (*вирусология, иммунология*)нинг назарий асоси сифатида катта амалий аҳамиятга эга. Ҳоз. даврда М.б. олдида хавфли ўсмалар ва ирсий касалликларнинг молекуляр муаммоларини ўрганиш, уларнинг олдини олиш, каталитик реакциялар, гормонлар, заҳарли ва доривор моддалар таъсирининг молекуляр механизмларини аниқлаш, хотира механизми ва нерв жараёнлари табиатини аниқлаш каби муаммоларни ҳал қилиш вазифалари турибди. М.б. биокимё, *биофизика*, биоорганик кимё ва биотехнология б-н бирга биол. нинг битта умумий йўналиши бўлган физик-кимёвий биологияга киради.

Ад.: Тўрақулов Ё., Молекуляр биология, Т., 1994; Спирин А., Молекулярная биология, М., 1986; Албертс Т. ва б., Молекулярная биология клетки, М., 1—5 т., 1987.

Абдукарим Закирёев.

МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕРАТОР — когерент (фазалари орасидаги нисбат ўзгармас бўлган) электромагнит тебранишларини молекулаларнинг мажбурий квант ўтишлари ҳисобига генерациялайдиган (ҳосил қиладиган) махсус қурилма. Унда молекулалар дастлабки энергетик ҳолатдан пастроқ ички энергетик ҳолатга ўтади. М.г.да когерент тебранишларнинг генерацияланиши юз бериши учун ушбу 2 шарт бажарилиши лозим: асбобнинг иш ҳажмида дастлабки ҳолатидаги зарралар сони ички энергияси кичикроқ бўлган ҳолатдаги зарралар орасидаги боғлиқлик (мусбат тескари алоқа) таъминланиши лозим. М.г.да биринчи шарт молекулалар дастасини электростатик усулда саралаш йўли б-н, иккинчи шарт (тескари алоқа) тебранишнинг тарқалиш частотасига созланган ҳажмий *резонатор* ёрдамида амалга оширилади. Молекулалар дастаси молекулалар манбаидан вакуумга тор тирқишлар ёки капиллир орқали чиқаётганда шаклланади. М.г.ни рус олимларидан Н. Г. *Басов*, А. М. *Прохоров* ва улардан мустақил равишда америкалик олимлар У. *Таунс*, Ж. Гордон, Х. Цейгер 1954 й.да яратган. Бу қурилма аммиак (NH_3) молекулаларида ишлаб, юқори монохроматик ва турғун (24840 МГц) частотали, микротўлқин диапазонли (λ=1,24 см) электромагнит тебранишларни ҳосил қилади. М.г.даги аммиак молекулалари дастасининг қуввати 10^{-7} Вт, турғунлик частотаси эса 10^{-11}—10^{-12} бўлади.

Кейинчалик см ва мм ли тўлқинлар диапазонида ишлайдиган М.г.лар ва 21 см ли тўлқин узунлигида ишлайдиган (водород атомлари дастасидан фойдаланиладиган) квант генераторлари яратилди. Бу асбоблар квант кучайтиргичлар каби, *мазер* деб ҳам аталади. Молекуляр газлар б-н ишлайдиган оптик диапазонли квант генераторлари (қ. *Лазерлар*) ҳам М.г. деса бўлади, чунки улар тузилиши ва б. хоссалари б-н М.г.га ўхшаб кетади.

МОЛЕКУЛЯР ГЕНЕТИКА — молекуляр биологиянинг асосий йўналишларидан бири, ирсий ахборот структураси ва функциясини, унинг юзага чиқиши механизмларини ўрганадиган фан. М.г.нинг ривожланиши 1928 й.да Ф. Гриффит томонидан бактерияларда *трансформация* ҳодисасини кашф этилишидан бошланади. О. Эйвери ва шогирдлари (1944) трансформация асосида ҳужайрага ёт ДНК (*дезоксирибонуклеин кислота*) кириб ирсий ахборотни ўзгартиришини аниқлашди. Кейинчалик *трансдукция* (бактериофаглар орқали бир ҳужайрадан иккинчисига ДНК қисмларининг кўчириб ўтказилиши) ҳодисасининг кашф этилиши ирсий модданинг моддий асоси нукleин кислотаси эканлигини узил-кесил тасдиқлади. Бидль ва Тейтум (1948) томонидан «бир ген — бир фермент» гипотезасининг яратилиши генетикани биокимё б-н боғлиқлигини кўрсатди. Бу кашфиётлар нуклеин кислоталарни ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг кенг ривожланишига сабаб бўлди. М. Уилкинс ва Р. Франклин (1950—52) ДНК молекуласининг рентгенограммасини олишди. Э. Чаргафф (1947—50) ДНКдаги азотли асосларнинг комплементарлиги принципини аниқлашди. Бу тадқиқотлар Д. Уотсон ва Ф. Крик (1953) томонидан ДНК молекуласи қўш спирал моделининг яратилиши учун асос бўлди. Бу моделга асосан ДНК 2 полинуклеотид занжиридан иборат. Занжирда ДНК молекулалари комплементар азот асосларининг водород боғлари орқали ўзаро бирикади. ДНК молекуласининг яратилиши туфайли ДНКнинг *матрица* принципи асосида редупликацияси, генетик кодининг ва ирсий ахборотнинг кўчирилиши (транскрипциянинг, мутация механизмлари ва ДНК мутацияларининг қайта тикланиши (репарация) механизмларини олдиндан башорат қилиш мумкин бўлди. Бу кашфиётлар тен назариясининг яратилиши учун асос бўлди. Кейинчалик ирсий ахборот юзага чиқишининг янги механизмлари ва генлар фаолиятининг идора қилинишга курсатиб берилди. Генларнинг экзонинтрон тузилиши, сплайсинг, процессинг жараёнлари, мобил генлар, псевдогенлар, оперонлар, рекомбинациялануви генлар кашф этилди. М.г. генетик инженериянинг назарий асоси ҳисобланади.

М.г.га оид тадқиқотлар Ўзбекистон ФА Биокимё (Ё. Х. *Тўрақулов*, Ж. Х. *Ҳамидов*), Генетика (А. А. *Абдукаримов*, Ж. А. *Мусаев*)и.т. институтларида олиб борилади.

Кўрат Нишонбоев

МОЛЕКУЛЯР МАССА — кимёвий бирикма молекуласининг углерод бирлиги (углерод нуклиди ^{12}C ат.м.нинг $^1/_{12}$ қисмида ифодаланган массаси, молекулани ташкил қилган элементлар ат.м. ларининг йиғиндиси. Баъзан маълум таркибли турли моддалар аралашмаси учун ҳам мол. м. аниқланади. Мас., ҳаво, тарки бир қанча газлар аралашмасидан иборат бўлса ҳам, унинг ўртача мол. м. бор. Ҳавонинг ҳисоблаб топилган ўртача мол. м. 29 га тенг. Мол. м. — моддanинг асосий тавсифларидан бири. У, шунингдек, полимер моддаларнинг хоссаларини белгиловчи асосий омилдир. Мол. м., асосан, бутнинг ярчилигини ўлчаш орқали, осмотик босим орқали (Вант—Гофф қонуни асосида), буг босимининг тушиши, эритмаларнинг тоза эритувчига нисбатан музлаш т-раси пасайиши (криоскопия) ёки қайнаш т-раси кўтарилишини (эбулиоскопия) ўлчаш орқали топилади. Учувчан моддаларнинг мол. м. масс-спектрометрия усулида, турли бирикмалар аралашмасининг мол. м. хромато-масс-спектрометрия усулида аниқланади.

МОЛЕКУЛЯР ФИЗИКА — физиканинг модда тузилишини ва унинг хоссаларини шу модданинг зарра (молекула, атом, ион) лардан ташкил топганлиги, бу зарраларнинг ҳамма вақт бетартиб ҳаракат ҳолида бўлиши ва улар орасида ўзаро таъсир кучлари мавжудлиги асосида ўрганадиган соҳаси. Ҳар қандай модда бир турдаги жуда кўп сонли зарралардан ташкил топганлиги учун М.ф. масалаларини ҳал этишда статистик ва термодинамик усуллардан фойдаланилади. М.ф.нинг асослаб шакланган бўлими *заллар кинетик назариясидир*. Бу бўлимни ривожлантиришда Ж. К. *Максвелл*, Л. *Больцман*, Ж. Ч. *Гиббс* катта ҳисса қўшишлар. Статистик усулни физика фанига биринчи бўлиб А. *Больцман* 1868—77 й.ларда киритган. 1877—1902 й.ларда Ж. У. Гиббс уни ривожлантириб, классик статистик физика соҳасини яратишига замин бўлди.

Муайян суюқлик ҳажми қаттиқ жисмларни ҳўллаши, бошқасини эса ҳўлламаслиги мумкин. Бунинг натижасида ингичка найчаларда суюқлик сатҳи баландлигининг ўзгариш ҳодисаси, яъни капиллярлик вужудга келади. Молекулаларнинг ўзаро таъсир кучлари асосида капиллярлик ҳодисалари назариясини яратишда франциз олимлари А. Клеро (1743), П. Лаплас (1806), Т. *Юнг* (1805), К. Ф. *Гаусс* (1830—31), Ж. У. Гиббс ва б. сабабли ҳам ҳисса қўшган.

20-а. бошларида М. ф. тараққиёти ўзининг янги босқичига кўтарилди. Француз физиги Ж. Перрен, А. *Эйнштейн* (1904), полшалик физик М. Смолуховский (1906), француз физиклари П. Ланжевен (1908), де-Бройль (1909) ва б.нинг *броун ҳаракати*, А. Эйнштейн томонидан яратилган броун ҳаракати назарияси ҳамда *Авогадро сонини* аниқлаш бўйича олиб борилган и.т. ишлари қатор муҳим хулосалар чиқаришга б-н бир қаторда молекулаларнинг ҳақиқатда мавжуд эканлигини исботлади. Кейинчалик рентген, электрон ва нейтрон нурлари ёрдамида суюқ ва қаттиқ жисмларнинг тузилиши ўрганилди. Модда тузилиши, унинг бир фазадан иккинчи фазага ўтишидаги ўзгаришлари ҳамда модда тузилишининг т-рага, босимга, электр, магнит майдонларга ва б. параметрларга боғлиқ эканлиги аниқланди.

М.ф.нинг энг катта масалаларидан бири берилган жисмнинг механик ва диалектик хусусиятлари шу жисмнинг кимёвий таркибига, уни ташкил этувчи молекулаларнинг тузилишига ва ниҳоят, молекулаларнинг бир-бирига нисбатан қандай тартибда жойлашганлигига боғлиқлигини ўрганишдан иборатдир. Бу масаланинг ҳал этилиши техника ва саноатда зарур бўлган, кўзланган физик хусусиятларни ўзида мужассамлаштирган янги металл қотишмалар, полимер материаллар, диэлектриклар, қурилиш материалларини ва б. ҳосил қилишнинг янги усулларини яратишга имкон беради. М.ф.нинг жадаллик б-н ривожланиши ундан статистик физика, физик кинематика, қаттиқ жисм физикаси, суюқликлар физикаси, физик кимё, молекуляр биол. каби мустақил бўлимларнинг ажралиб чиқишига олиб келди. М.ф.да эришилган ютуқлар металлар физикаси, полимерлар физикаси, кристаллография каби соҳаларнинг кенг кўламда ривожланишига сабаб бўлди.

МОЛИБДАТЛАР — молибден кислоталарининг тузлари. Мономолибдатлар (молибден кислота H_2MoO_4 тузлари), мезомолибдатлар (мезомолибден кислота H_4MoO_5 тузлари), ортомолибдатлар (ортомолибден кислота H_6MoO_6 тузлари), полимолибдатлар ва гетерополимолибдатлар каби турлари бор. Кальций молибдат зегирланган пўлат, натрий молибдат пигмент, сирлар, лок ва бўёқлар ишида ишлатилади. $PbMoO_4$ ва бўёқлар ишида ишлатилади. $PbMoO_4$ — пигмент; $PbMoO_4$ ва Pb_2MoO_5 — акустик материаллар.

МОЛИБДЕН (юн. molibdos — кўргошин; лот. Molybdaenum), Mo — Менделеев даврий системасининг VI гуруҳ элементи. Тартиб рақами 42, ат. м. 95,94. М.ни 1778 й. молибдат кислотаси ва унинг тузлари сифатида К. Шееле очган, 1790 й. П. Гьельм ажратиб олган. 1790 й. П. Гьельм ажратиб олган металл ҳолдаги М. намунаси таркибида углерод ва М. карбиди бўлган. Металл ҳолдаги соф М.ни 1817 й. Й. Я. Берцелиус олган.

М. табиатда кам тарқалган, Ер пўстидаги массаси — $3\cdot10^{-4}$%. 20 га яқин минерали маълум, булардан муҳими молибденит MoS (графитни эслатувчи молибденит MoS (молибден ялтироғи)дир. Повеллит $CaMoO_4$, молибдит $Fe_2(MoO_4)_3\cdot nH_2O$ ва вульфенит $PbMoO_4$ минераллари ҳам саноат аҳамиятига эга бўлиб, кварцланган жинслар ва гидротермал ҳосилалар таркибида учрайди. Рудаларда М. шеелит, вольфрамит, касситерит, мис ва темир сульфидлари, баъзан берилл тоши б-н ассоциацияланган ҳолда бўлади. АҚШ, Мексика, Чили, Канада, Норвегия, Австралия ва Россияда конлари маълум. М.нинг табиатда массалари сони 92, 94, 95, 96, 97, 98 ва 100 га сони 92, 94, 95, 96, 97, 98 ва 100 га сони 7 та барқарор изотопи бор. Оксидланиш даражаси +2 дан +6 гача.

М. парамагнит, 0,916 К да ўта ўтказувчанлик ҳолатига ўтади, механик хоссалари уни ч.ч. пайтидаги механик ва термик шароитларга боғлиқ. Оддий шароитда барқарор, 400° дан юқорида оксидланади, 600° дан юқорида эса MoO_3 ни ҳосил қилади. (III)- оксид MoO_3 ни ҳосил қилади. Фтор, хлор ва бром б-н қиздирилганда галогенидлар вужудга келади. Олтингугурт ва водород сульфид б-н қиздирилганда юқори ҳароратларда М. (II)-сульфид MoS, олинади, кремний б-н 1200° дан юқорида силицид беради. М. зар суви, нитрат кислотаси ва водород пероксидда эрийди, сульфат ва нитрат кислоталари аралашмаси унга тез таъсир этади. Оддий шароитда ишқорлар эритмаси таъсирига чидамли, аммо қиздирилганда қаттиқ эритмалар ҳосил қилади. 1000° да 100 г М. 0,5 $см^3$ водородни ютиши мумкин. 1100—1200° да углерод, углеводородлар ва углерод (II)-оксид М. б-н бирикиб, Mo_2C ни ҳосил қилади. Унинг MoB, MoB ва Mo_2B_5 каби бирикмалари маълум. Улар қулранг кристаллар бўлиб, сув ва органик эритувчиларда эримайди. Электрон асбобларда, керметлар ва оловбардош материаллар сифатида ишлатилади.

М.нинг гексакарбонили $Mo(CO)_6$ сувда эримайди, концентрланган H_2SO_4, HNO_3, HCl таъсирида парчаланади. Ундан металлар, керамик бюмкдар ва графитни қоплашда (молибденлашда) фойдаланилади. М. диселенид MoSe, қаттиқ мойлагич сифатида қўлланади. М. дисилицид MoSi, эса электр печлари қиздиргичлари материали сифатида ва молибден буюмларни қоплашда ишлатилади.

Саноатда М. рудаларидан ажратиб олинади. М.ни алюмотермия йўли б-н MoO_3 дан олиш истиқболли усуллардан ҳисобланади.

М. пўлат и.ч.да легирловчи қўшимча, авиация, ракета ва атом техникасида иссиқликка чидамли ҳамда антикоррозион қотишмалар тайёрлашда қўлланади.

Ад.: Базарова Ж. Г., Сложные оксиды молибдена и вольфрама с элементами I—IV групп., М., 1990; Ахметов Н. С., Общая и неорганическая химия, М., 1981.

Қўчқар Ахмеров.

МОЛИБДЕН РУДАЛАРИ — таркибидаги Mo миқдори саноат йўли б-н ажратиб олиш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлган табиий минерал ҳосилалар. Йирик конлардаги рудаларда Mo нинг ўртача миқдори 0,06—0,3%, майдароқ конларда эса 0,5—1%. Бошқа рудалардан эса йўлдош компонент сифатида ажратиб олинади. М.р. эндоген ва экзоген шароитларда ҳосил бўлади. Эндоген йўл б-н ҳосил бўлган рудалар скарнли, грейзенли ва гидротермал гуруҳ конлар б-н боғлиқ. Асосий минерал рудаси молибденит (MoS_2) бўлиб, унда Mo миқдори 60% ни ташкил қилади. М.р.да Mo б-н турли нисбатларда Cu, W, озроқ миқдорда Bi, Be, Sn учрайди; бундан ташқари, молибденитда Re доимий мавжуд. М.р.

ҳудудий ва генетик жиҳатдан интрузив жинслар (мис-молибденли тури моношт, гранодиорит, граносиенитлар; монометалл молибденли тури биотит-шок алдамчили гранитлар; вольфрам-молибденлиси лейкократ камроқ ишқорли гранитлар) б-н боғлиқ. Экзоген М.р. эса баъзан кўмир қатламларида гил, кремнийли сланецларда, шунингдек, қаттиқ нефть битумларида учрайди. Улардаги Мо органик моддалар б-н узвий боғлиқ бўлиб, Y, U, Ge б-н бир ассоциацияда бўлади. Бу конларда Мо жуда оз миқдорни ташкил этади. М.р.нинг асосий қисми йирик скарнли ва штокверли конлардан қазиб олинади. М.р. бойитилиб, таркибида 51% гача бўлган концентрат олиш мумкин. М.р.нинг йирик конлари Ўзбекистонда (Олмалиқ, Қорамозор, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Нурота), Қозоғистон, АҚШ, Канада, Чили, Мексика, Хитой, Австралия ва б. мамлакатларда мавжуд.

МОЛИБДЕН ҚОТИШМАЛАРИ — асосини *молибден* ташкил қиладиган қотишмалар. Асосан, иссиқбардош конструкцион материаллар сифатида ишлатилади. ВМ-1, ЦМ-2 ва ВМ-2 маркали М.қ. таркибида 0,1—0,4% гача углерод бўлади. ВМ-2 қотишмасидан чивиқ, поковка ва штамповкалар, ВМ-1 ва ЦМ-2 қотишмаларидан эса чивиқ, лист ва қувурлар тайёрланади. М.қ.дан тайёрланган деталлар вакуумда юқори (1800° гача) т-рали шароитда узоқ муддат ишлайди. Бу қотишмалардан 2300—2500° т-рали газлар оқимида қисқа муддат (5 мин. гача) ишлайдиган деталлар ҳам тайёрлаш мумкин. М.қ.дан тайёрланадиган ҳимоя қопламали деталларнинг ҳавода ёки бошқа оксидловчи муҳитларда 1200—2000° даги хизмат муддати — 5—500 соат. Одатда, М.қ. ёйли вакуум печларда, электрон нурли ва гарнисаж печларда эритиб олинади. М.қ. *кукун металлургияси* усулида олинганда анча ифлосланади, натижада технологик хоссалари (айниқса, пайвандланувчанлиги) ёмонлашади.

Молибденни легирлаш учун титан (Ti), цирконий (Zr), гафний (Hf), ванадий (V) ишлатилади (0,1—1,5%). Легирловчи элементларнинг кўпчилиги молибденни мўртлаштиради. Титан, цирконий, ниобий ва б. б-н легирланган молибденнинг иссиқбардошлиги анча юқори, аммо пластиклиги пастроқ. Молибденнинг пластиклилигини оширувчи бирдан-бир элемент — рений. Цирконий ва титан М.қ.нинг пластик деформацияланувчанлигини оширади. М.қ.нинг механик пухталиги т-рага боғлиқ. М.қ.дан соплолар, учиш аппаратларининг қопламалари, ракета деталлари, атом реакторларининг қисмлари, электротехника ва радиотехника саноатида ишлатиладиган турли деталлар ва б. тайёрлашда фойдаланилади.

МОЛИБДЕНИТ, молибден ялтироғи — сульфидлар синфига мансуб минерал, кимёвий таркиби MoS_2; 60% Mo ва 40% S дан иборат. Ҳар вақт оз миқдорда Re қўшимчаси бўлади. Ғексагонал сингонияли. Варақсимон ва тангасимон агрегатлардан иборат. Ранги кўргошинсимон кулранг, металлсимон ялтироқ. Қаттиқлиги 1, зичлиги 4620—4800 кг/м³. М. ниҳоятда юқори т-рали шароитда грейзенли, кам ҳолларда пегматитли конларда вольфрамит, топаз, кассетерит, флюорит, халькопирит, пирит ва б. минераллар б-н бирга ҳосил бўлади. Ренит изотопларидан бирининг изобар ўзгариши ҳисобига ниҳоятда қимматбаҳо ҳисобланган радиогенли изотоп ҳосил бўлади. М.нинг йирик конлари контактли метасоматик гранат-пироксенли скарнларда, шунингдек, гипотермал ва мезотермал кварц-молибденли руда томирларида мавжуд. Йирик конлари Ўрта Осиё, Кавказ, АҚШ, Мексика, Норвегияда, Ўзбекистонда эса, асосан, Олмалиқ атрофида бор.

МОЛИБДЕНЛАШ — металл буюмлар сиртига *молибден* юғуртириш. М. усули пўлат, титан, ниобий ва б. металл буюмлар учун қўлланади. Ушбу усуллари бор: 1) молибден ёки ферромолибден кукуни б-н водород оқимида (200—1000°да) М; 2) газ муҳитида М.: а) молибден ёки ферромолибден иштирокида водород ва хлорат кислота оқимида (газ аралашмаси 300—400° да ҳосил бўлади, 800—1000° С да буюмда молибден ажралади); б) молибден пентахлорид ($MoCl_5$) орқали ўтадиган водород оқимида (300° да); в) молибден гексакарбонал [$Mo(Co)_6$] буғлари б-н водород ёки аргон аралашмасида (250 — 850°да) М.; 3) суюқ муҳитда М.: а) натрий молибдат (Na_2MoO_4) эритмаси солинган ваннада электролиз б-н М.; б) шу ванна орқали водород ёки диссоцилланган аммиак ўтказиш йўли б-н Na_2MoO_4 дан молибденни қайтариш. М. натижасида буюм қаттиқлашади, сирти мустаҳкамланади, азот кислотасига чиламлилиги ошади.

МОЛИБДЕНЛИ ПЎЛАТ — таркибида 0,15 —0,55% молибден ва 0,1—0,45% углерод бўлган конструкцион пўлат; легирланган пўлатлар жумласига киради. Молибден пўлатнинг тобланиш ва механик хоссаларини, ёйилувчанлик хусусиятини яхшилади. М.н қаттиққа бардош, иссиқбардош, юқори т-раларда оксидланмайди, шу сабабли, юқори т-ларда ишлайдиган деталлар (винтлашда, мас., қозонсозлик, турбинасозлик, ракетасозлик ва б.да ишлатилади.

МОЛИБДЕНЛИ ЎҒИТЛАР — таркибида ўсимликлар ўзлаштира оладиган шаклда молибден бўлган *микроўғитлар*дан бири. М.ў. сифатида аммоний молибдат, аммония-натрий молибдат, молибденли суперфосфат ва таркибида молибден бўлган турли саноат чиқиндилари қўлланади. Одатда, водород ионн кўрсаткичи pH 5,2 дан паст бўлган тупроқларда ўсимликлар М.ў.га кўпроқ эҳтиёж сезади. Экинлардан дуккакдилар (нухат, соя, беда, себарга), сабзавот экинлари (карам, помидор), техника экинлари (қанд лавлаги, шғир) ва б. анча талабчан. Мас., молибден суперфосфатдан экиш пайтида ерга 50—100 кг/га миқдорида солинади.

МОЛИК ибн АНАС Абу Абдуллоҳ (713, Мадина — 795) — фақиҳ, муҳаддис, *моликилик* мазҳабининг асосчиси. Болаликдан диний илм олди. Қуръонни каримни ўрганди. Ислом ҳуқуқини пухта эгаллаб, «Мадина имоми» унвонига сазовор бўлди. М. ибн А. бирор сиёсий оқимга эргашмаса-да, ҳокимиятнинг сайлаб қўйилиши қоидасини афзал ҳисобларди, лавозимларга маъмурий тайинланишларга қарши эди. М. ибн А. Муҳаммад (сав) саҳобалари айтган ҳадисларни муайян мавзуларга ажратиб, «ал-Муваттаъ» (оммавий, барчага тушунарли маъносида) деб аталган тўплам тузди. Муҳаддис бунинг учун 40 й. умрини сарфлади. Бу илк ҳадис тўпламларидан бири бўлиб, бир неча минг ҳадисни ўз ичига олган.

М. ибн А. мударрислик фаолияти б-н шуғулланган. Шогирдлари орасида таниқли муҳаддис Муҳаммад Шайбоний (805 й.в.э.), *шофиийлик* асосчиси Муҳаммад ибн Идрис Шофиъий (820 й.в.э.) бўлган. М. ибн А.нинг ижтимоий-сиёсий қарашлари асосида ҳокимият халифа қўлида бўлиши, халифа эса қурайшийлардан сайланиши, алоҳида ваколатли шахслардан ташкил топган гуруҳ (шўро) уни тасдиқлаши керак, деган фикр ётади. Умуман у Муҳаммад (сав) давридаги анъаналарни ёқлаб чиққан, яъни «асҳоб ал-ҳадис» («ҳадис тарафдорлари») оқимининг йирик намояндаси бўлган. Умрининг охирида зоҳидликка берилган ва узлатда яшаган.

МОЛИКИЙЛИК — *суннийлик*даги диний-ҳуқуқий мазҳаблардан бири. *Молик ибн Анас* асос солган. М. Мадинада

пайдо бўлди. Арабистон ярим., Кичик Осиё, Миср, Шим. Африка ва Андалусияда тарқалди. Молик ибн Анаснинг «ал-Муваттаъ» (оммавий, барчага тушунарли маъносида) асари М. таълимотининг асосий манбаи ҳисобланади. М. тарафдорлари Муҳаммад (сав) ҳаётлигн вақтида илк исломда шаклланган фиқҳ меъёрларини тан олади, фиқҳнинг асосий манбаи сифатида Қуръони ва сунната танилади, Мадинанинг саводли аҳолиси якдиллик б-н маъқуллаган қоидаларининг исломга деб ҳисобланади. Шу б-н бирга мусулмонларнинг умумий манфаатларига жавоб берувчи шариат ҳукмларига мослик қилмаган. Ҳоз. вақтда ҳам бу мазҳаб қоидаларининг Марокаш, Тунис, Жазоир ва Ливия нисбатан аҳоли ва мулкка оид ҳуқуқига сезиларли таъсири бор. У Ливиянинг бир қанча жиноят қонунлари асосини ташкил этади.

Ю. Ҳусниддинов. З. Ислом: ақидалар, мазҳаблар, оқимлар. Т., 2000

МОЛИЯ — мақсадли пул фондларини ҳосил этиш, жамлаш, тақсимлаш ва ишлатиш юзасидан пайдо бўладиган иқтисодий муносабатлар. М. иқтисодиётнинг пул секторида юзага келади ва даромадлар асосида юз беради. Пул сектори пул ва пулга тенглаштирилган активларнинг ҳаракати бўлиб, бунинг натижасида пул фондлари вужудга келади. Мақсадли пул фондлари — бу М. ресурслари ёки М. объектидир. М. субъекти шу фондларни яратиш, тақсимлаш ва ишлатишда иштирок этувчилар, яъни корхоналар (фирмалар), турли хўжаликлар, хонадонлар, нолавлат жамоат ташкилотлари ва давлат идораларидан иборат. М. даромад ҳосил қилиш ва уни сарфлашни англатади. Даромадлар илк бор, яъни бирламчи тақсимланганда корхона, давлат ва хонадон М.си юзага келади. Бу ўринда бирламчи даромадлар ҳосил бўлади, корхона М. фондларини ташкил этади, ишловчилар иш ҳақи олади ва бу хонадон даромадини ҳосил этади, корхоналар бюджетга солиқ тўлайдилар ва бу давлат даромадини юзага келтиради. Даромадлар иккиламчи тақсимланганда бюджетдан трансфертлар (тўловлар) ва турли махсус фондлар ажратилади. Даромадлар қайта тақсимланганда турли нодавлат ва жамоат ташкилотлари корхоналардан, аҳолидан ва бюджетдан пул олиб, ўзининг махсус фондларини ҳосил этади. М. пул муносабатлари сифатида иқтисодиётда муҳим вазифаларни бажаради. 1. Тақсимлаш вазифаси — жамият даромади бўлган илиш ички маҳсулот (ЯИМ) пул, қиймат шаклида иқтисодиёт субъектлари ўртасида бўлинади, улардан ҳар бири ўз ҳиссасини олади, ўз даромадига эга бўлади. 2. Рағбатлантириш вазифаси — М. фондларидан пул бериш орқали иқтисодиёт субъектларининг фаоллиги юзага келтирилади. Рағбатлантириш М. воситаларини қўллаш орқали, чунончи мукофотлаш, субсидия, субвенция ажратиш, жарима солиш, санация ва солиқларни қўллаш воситасида амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти асосий рағбатлантириш воситаси солиқ ҳисобланади. Солиқдан имтиёзлар бериш солиқ тўловчиларни қўлига тегкан даромадини оширади. Мақсадли имтиёзлар уларни яхши ишлашга ундайди. 3. Ижтимоий ҳимоя вазифаси — ноилож аҳоли қатламлари давлатдан, корхона ва ҳар хил нодавлат ташкилотларидан ва пуллар фуқароларидан молиявий ёрдам олади. Мазкур вазифани давлат бюджетининг ижтимоий ҳимоя учун ажратилган маблағлари бажаради. 4. Ахборот бериш вазифаси — мамлакат ва айрим субъектларнинг молиявий аҳволи ҳақида ахборот. Молиявий аҳволни тавсифловчи ахборот (кўрсаткичлар) иқтисодиётга ташхис қўйишга хизмат қилади. 5. Назорат вазифаси — молиялаштириш йўсинида ажратилган пулни нақдар мақсадли ишлатилишини пул бераётган ёки ўринсиз ишлатилишига қараб молиялаштириш кўпайтирилади, қисқартирилади ёки умуман тўхтатилади.

Миллий иқтисодиётнинг бўғинларига қараб турли даражада М. амал қилади. Унинг асосий бўғини қуйи даражадаги ёки микромолиядир. Бунга корхона М. си (буни корпорация М. деб юритилади), хонадон М.си, жамоат ташкилотлари М.си, суғурталаш М.си кабилар киради. Давлат М.си макродаражадаги М.ни ташкил этади ва миллий манфаатларга хизмат қилади. Нилоят миллий иқтисодиётнинг энг юқори даражаси бу метимолия бўлиб, бу табиатан халқаро М. муносабатларни ҳисобланади, мамлакатлараро юз беради, халқаро М. ташкилотлари орқали, амалга оширилади. Турли даражадаги М. ўзининг кўлами б-н ажралиб туради. М. турли даражадаги молиялаштириш усуллари жиҳатидан ҳам фарқланади. Корхона, сутурта ва хонадон М.си ўзини ўзи молиялаштириш қоидасига таянади. Давлат молияси бюджетдан молиялаштириш тамойилларини қўллайди. Турли нодавлат ташкилотлари ва жамоат ташкилотлари қисман ўзини ўзи молиялаштиради. Миллий иқтисодиётнинг моҳияти ва функциялари *молия тизими* фаолиятида ўз ифодасини топади.

Аҳмаджон Ўлмасов.

МОЛИЯ БОЗОРИ — олди-сотди объекти пул (пулга тенглаштирилган қоғозлар) бўлган бозор. Бу бозорда молия маблағларини вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлар; пул маблағларининг ўзи жамғарганлардан қарзга олувчиларга ўтишини таъминлайдиган бозор ин-тлари. Ортиқча маблағларга эга бўлган хўжалик субъектлари ўз молиявий ресурсларини маблағларга муҳтож субъектларга таклиф қилади. М.б. банклараро, фонд биржасида ва аукционларда ўтказилади.

Молиявий битимларнинг характерига қараб, М.б.ни туркумлашнинг бир неча усуллари мавжуд. Қайтаришлик тамойили бўйича М.б. 2 га ажралади: қарз мажбуриятлари (истеъмолни қондирадиган пул) ва капитал (мулк) бозори. Қарз мажбуриятлари бозорида пул вақтинча қарз сифатида бозорга чиқади ва олинган пул шахсий истеъмол учун ишлатилади. Мулк бозорида қўйилган пуддан даромад олиш ҳуқуқи сотилади ва сотиб олинади. Бу бозорда маблағлар капитал сифатида ишга солиниб, фойда келтиради. Шуни ҳисобга олиб капитал бозорини 2 бўғинга ажратиш мумкин: есуда капитали бозори ва *қимматли қоғозлар бозори*. Ссуда капитали бозори — пул шаклидаги капиталнинг фоиз тўлаш шарти б-н қарзга берилишидир. Бу бозорда қисқа муддатли мажбуриятлар муомалада бўлади. Булар, асосан, давлат ва банкларнинг мажбуриятлари ҳисобланади. Қимматли қоғозларнинг бирламчи ва иккиламчи бозорларида акция, облигация, вексель ва б. олди-сотди қилинади. Хўжалик ҳаётининг байналмиллаллашуви натижасида жаҳон М.б. пайдо бўлди.

МОЛИЯ ГУРУҲЛАРИ — бир неча оила ёки гуруҳларнинг иттифоқи. Иқтисодий бирлашиш негизида ташкил топган йирик молия-саноат бирлашмалари, саноат, банк, транспорт, савдо, сугурта, хизмат кўрсатиш ва б. соҳаларнинг йирик уюшмаси. 19-а. охири — 20-

асрнинг бошларида капиталнинг концентрацияси ҳамда марказлашуви асосида шаклланган. М.г. йирик капиталга эга бўлган монополияларнинг иттифоқидир. М.г. дастлаб АҚШда, кейинчалик Англия, Франция, Германия, Япония ва б. давлатларда тараққий топди. Бундай гуруҳларга *Рокфеллерлар, Морганлар, Дюпонлар, Меллонлар*, Жиаппини кабилар мисол бўла олади. Ҳар бир М.г.нинг марказий давлатнинг маълум ҳудудида жойлашган бўлади. Аммо 20-а.нинг 70-й.дан уларнинг таъсир доираси байналмилаллашиб, трансмиллий тус ола бошлади. Корпорациялар кучайди. Мас., Ротшильд гуруҳи тасарруфидаги активларнинг қарийб 60% Франциядан ташқаридаги ҳудудларда жойлаштирилган. Етакчи М.г. фаолияти универсал характерга эгадир. АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония иқтисодиётида 5—10 та М.г. асосий ўрин эгаллайди. Етакчи ўрин АҚШ М.г.га тегишли. М.г.нинг йирик савдо-саноат корпорациялари бошқа М.г.нинг банклари ва суғурта компаниялари б-н кредит алоқаларини ўрнатган. Мас., Калифорния ва Техас (АҚШ) гуруҳлари Уолл-стрит банки кредитларидан фойдаланади. Мамлакатлараро иқтисодий интеграция жараёнида янги типдаги бирлашмалар — халқаро корпорацияларни вужудга келтирди. Улар 2 турга ажратилади: трансмиллий корпорациялар ва кўп миллатли корпорациялар. Ҳоз. пайтда жаҳонда 37 мингга яқин халқаро корпорациялар ва уларнинг 206 мингдан ортиқ филиаллари фаолият кўрсатмоқда. 1990-йиллар охирида 100 та йирик М.г.дан 38 таси Ғарбий Европада, 29 таси АҚШда, 16 таси Японияда, 10 таси Францияда, қолганлари, Австралия, Канада, Янги Зеландия ва б. индустриал мамлакатларда жойлашган эди.

Абдулла Раззоқов.

МОЛИЯ ЙИЛИ — давлат бюджети амал қиладиган ёки молия ҳисоботлари муддати ҳисобланадиган 12 ойдан иборат давр. Календарь йил б-н мувофиқ келмаслиги мумкин. Мас., Буюк Британияда М.й. 1 апрдан бошланиб, кейинги йилнинг 31 мартида, АҚШда 1 окт.дан бошланиб 30 сент.да тугайди. Буюк Британия ҳукуматининг молия йили эса 6 апрдан бошланиб, кейинги йилнинг 5 апр.ида тугайди. АҚШда эса бу муддатлар 1 июль — кейинги йилнинг 30 июни. Ўзбекистонда календарь йилга мувофиқ келади (1 янв.дан бошлаб, 31 дек.да тугайди).

МОЛИЯ КАПИТАЛИ — пул капитали, пул эҳтиёжлари шаклидаги капитал. Саноат капиталининг банк капитали б-н узвий қўшилиб кетиши натижасида вужудга келадиган капитал. М.к. иқтисодий категория сифатида 19-а. охири — 20-а.бошларида и.ч. ва банк соҳасида капиталнинг юқори даражада йириклашуви асосида вужудга келди. Бунга қадар саноатчилар ва банкирлар бир-биридан мустақил ҳолда иш кўрар, банклар саноатга хизмат кўрсатар, саноатчилар саноат фойдасини олса, банклар банк фойдасига эга бўлар эди. Банклар қўлида капитал йириклаша бошлагандан кейин, улар уларнинг бўш турган маблағларини саноатга фақат қисқа муддатга эмас, балки узоқ муддатга қарз бериб, корхоналарнинг фаолиятига таъсир кўрсатадиган бўлди, ҳатто айрим ҳолларда уларнинг тақдири банкларга боғлиқ бўлиб қолди. Банк маблағлари ҳар хил акциялар сотиб олиш ва «иштирок этиш тизими» асосида саноатга кўча бошлади. Натижада йирик банкларнинг бир қисми саноат магнатларига, йирик саноатчилар эса йирик банк магнатларига айланди. АҚШдаги энг йирик 2 молия монополистик гуруҳ — *Морганлар* ва *Рокфеллерлар* М.к.нинг шаклланишига яққол мисол бўла олади, чунки Морган дастлаб банкир, Рокфеллер эса нефть саноатчиси эди. М.к. ривожланган давлатлар иқтисодиётининг барча соҳалари — саноат, қ.х., транспорт, савдо, суғурта ва б. мавжуд бўлиб, капиталнинг турли хил шакллари (товар, пул, савдо, кредит)ни ҳаракатга келтиради ва юқори даражада фойда олишга эришади. М.к. давлат сиёсатида ҳам муҳим роль ўйнайди.

Аҳмаджон Ўлмасов.

МОЛИЯ НАЗОРАТИ — 1) молиявий ҳужжатларнинг юритилишини, унинг белгиланган меъёрлар ва қоидаларга мувофиқлигини назорат қилиш; 2) жисмоний ва юридик шахслар томонидан молиявий операциялар, битимларни амалга оширишда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш.

МОЛИЯ ОЛИГАРХИЯСИ (юн. oligarhia — озчилик ҳокимияти) — энг йирик саноат корпорациялари ва банклар эгалари гуруҳи, амалда мамлакат иқтисодиётида, шунингдек, сиёсий ҳаётида ҳукмронлик қилади.

МОЛИЯ РЕСУРСЛАРИ — иқтисодий субъект ихтиёрида, унинг тасарруфида бўлган жами пул маблағлари, молиявий активлари мажмуи. М.р.ни давлат, фирма ва корхоналар, хонадон ва жамоат ташкилотлари ташкил этади.

М.р. молия ва молия тизимининг моддий асоси, молия сиёсатини ўтказишнинг асосий воситаси. М.р. ялпи ички маҳсулот ва миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида яратилади. М.р. манбаи, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётининг фаолияти, асосан, маҳсулот ва хизматларни яратиш ва сотишдан олинадиган пул даромадларидир. М.р. ҳажми давлат бюджетларида, бюджетдан ташқари фондларда, давлат мулкидан келадиган даромадларда, қарзларда ифодаланади.

Хоз. давлатлар М.р.нинг шаклланишининг асосий усули сифатида солиқлардан тушадиган даромадни қўллайди. Давлат М.р. — давлат ташкилотлари ва уз вазифаларини бажариш учун тасарруф қилинадиган пул маблағларидир. Фирма ёки корхона М.р.ни пул тушуми, банклардан олган кредити, ўз мулкини сотишдан келган тушум, ўз акцияларини сотишдан келган маблағ ҳисобидан шакллантиради. Хонадон М.р. — иш ҳақи, пенсия, ижара ҳақи, банк берган фоиз, нафақа, тадбиркорлик келтирган фойдадан ташкил топади. Хонадоннинг М.р., асосан, истеъмол ва жамғариш учун ажратилади.

МОЛИЯ СИЁСАТИ, бюджет сиёсати — давлат умумий иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми; давлат фаолиятини таъминлаш, мамлакат фаровонлигини ошириш мақсадларида молия тизимининг ташкил этилиши, молиявий ресурсларни сафарбар этиш ва улардан фойдаланиш, давлат олдида турган ички ва ташқи сиёсат вазифаларини бажариш бўйича амалга оширилаётган барча давлат тадбирларини ўз ичига олади.

М.с. таъсир кўрсатадиган асосий объектлар — аҳолининг турли қатламлари, давлат институтлари (ташкилотлари), саноат ва хўжаликнинг б. соҳалари, минтақалар ва мамлакатларнинг умумий ҳудуди. М.с.нинг асосий қуроли ва таркибий қисми — давлат бюджети даромадлари ва харажатлари, заёмлари, солиқ имтиёзларидир. Давлат томонидан танланган иқтисодий сиёсатга ва мақсадларга қараб айрим бандлар бўйича харажатларни кўпайтириш ёки камайтириш орқали мамлакат ҳаётининг у ёки бу томонларига, давлат институтларига, иқтисодиёт тармоқларига, мас., ҳарбий харажатларни ёки илмий-техник тараққиёт учун харажатларни кўпайтириб ёки камайтириб, фаол таъсир этиш мумкин. Давлат даромадлари, уларнинг миқдори, солиқлар тизими орқали иқтисодий ўсиш суръатига, аҳоли фаровонлигига таъсир кўрсатиш, инфляция жараёнларини ва ҳ.к.ни бошқариш мумкин.

Давлат даромадларидан олинаётган молиявий ресурслар етишмаган ҳолларда қарзлар кўпайтирилади, уларнинг ҳажми ва уларга хизмат кўрсатиш тарзи ҳам иқтисодиёт ҳолатига таъсир кўрсатади. Солиқ имтиёзлари М.с.нинг муҳим усулларидан бири ҳисобланади, уларнинг ёрдами б-н давлат иқтисодиётнинг муҳим тармоқлари тараққиётини тезлаштиради, аҳолининг айрим қатламлари ёки гуруҳларининг даромадларига бевосита таъсир этиши мумкин. Имтиёзлар ва солиқ соҳаси бўйича преференциялар кейинги ўн йилликларда тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётида алоҳида кенг қўлланилмоқда. Мас., АҚШда инвесторларнинг умумий миқдори олдинги давлатнинг солиқлар тўғрисидаги қонунга биноан олинадиган солиқлардан мақсадли воз кечилиши федерал бюджетнинг ярмига яқинини ташкил этади. М.с. пул-кредит сиёсати б-н қўшилиб кетади ва ўз тадбирларини ўтказишда унинг усулларидан фойдаланади. М.с.нинг муҳим томони шундаки, бу сиёсат олдида ҳукумат ва унинг қарорларининг тасдиқланишини давлат органларининг бевосита тасарруфида ва бошқарувида бўлади, пул-кредит тадбирлари б-н эса ҳукмдорлари Марказий банк (ёки бошқа) корхоналар шуғулланади. Макродаражада М.с. давлат сиёсати, микродаражада корхона, ташкилотлар ва хонадонлар М.с.дан иборат. М.с.нинг таркибий қисми — бюджет сиёсатининг мақсади давлат харажатларининг муқим равишда пул б-н таъминлашдир. Бунинг учун бюджетнинг даромад қисми шакллантирилади, бюджет даромади ва харажатлари баланслаштирилади, бюджет тақчиллигини меъёрида (ЯИМга нисбатан 3%) бўлишига эришилади.

Фирманинг М.с. — бу фирманинг ўз молия ресурсларини ҳосил қилиш ва уларни самарали ишлатишга қаратилган чора-тадбирларидир. Бундан мақсад фирманинг рентабель бўлишини, ликвидлигини таъминлаш ва ўз ўзини молиялаштиришга эришишдир. Фирма М.с. унинг пул фондларидан оқилона фойдаланишига, унинг қарздорлигининг меъёрида бўлишига, пул маблағларининг ўз вақтида айланиб туришига, молиявий мажбуриятларнинг вақтида бажарилишига қаратилади. Фирма М.с.ни унинг эгалари ишлаб чиқади, амалга оширилишини эса молия менежери таъминлайди. Хонадон М.с. — унинг даромадлари ва харажатларини баланслаштириш, янги даромад манбаларини топиш, даромадларни оқилона ишлатиш ва фаровонликни оширишни кўзлайди. М.с.нинг натижаси унинг асосланган бўлиши, реал имкониятлардан келиб чиқиши ва уни изчил амалга оширилишига боғлиқ.

Аҳмаджон Ўлмасов.

МОЛИЯ ТИЗИМИ — иқтисодиёт пул секторининг бир қисми, молия амалиёти. М.т. фақат молия муносабатларини эмас, балки молияга алоқадор сиёсат, ташкилий муносабатларни ҳам қамраб олади. Бу тизим таркибига қуйидагилар киради: а) молия объектлари, яъни турли пул фондлари ёки молия ресурслари; б) корхоналар, хонадонлар, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлардан иборат молия муносабатларининг субъектлари — иштирокчилари; в) молия механизми, яъни молия муносабатларида қўлланиладиган ва пул б-н боғлиқ воситалар (фоиз ставкалари, рентабеллик, ликвидлик, бюджет, бюджетдан ташқари фондлар, субсидия, субвенция, дотация, молия нормативлари, молиявий санкция ва б.); г) молия институтлари ва давлатнинг молия идоралари (молия компаниялари, молия жамғармалари, молия вазирлиги, унинг маҳаллий бўлинмалари, солиқ идоралари, назоратчилик хизмати, солиқ полицияси ва б.); д) молия бозори — фонд бозори, суғурта хизмати бозори, валюта бозори; е) молия сиёсати — иқтисодиёт субъектларининг молияга оид йўл-йўриқлари ва хатти-ҳаракати.

М.т. иқтисодий тизимнинг муҳим унсури, унинг ёрдамида иқтисодиёт тартибланади, иқтисодий ўсиш рағбатлантирилади.

МОЛИЯ-САНОАТ ГУРУҲЛАРИ — и.ч. самарадорлигини кўтариш учун уларнинг моддий ёки номоддий активларини бирлаштирувчи асосий ёки қўшимча жамият сифатида фаолият кўрсатувчи юридик шахслар мажмуалари. М.с.г. манфаати, стратегияси ва унга эришиш йўллари умумий бўлган и.ч. соҳалари ва йирик банк монополияларининг бирлашмаси ҳисобланади. Бунда саноат капитали б-н банк капиталининг бирлашуви рўй беради. Дастлаб йирик М.с.г. оилавий молия гуруҳлари, мас., Рокфеллерлар, Морганлар, Дюпонлар, Меллонлар ва б. атрофида шаклланди. Кейинчалик бу гуруҳлар аниқ ҳудудлар бўйича уюшди ва турли оилавий гуруҳларнинг молиявий капиталини бирлаштирди (Кливленд, Калифорния, Чикаго М.с.г. ва б.). Молия капиталининг вужудга келиши ва ривожланиши молия олигархиясининг табақасининг пайдо бўлишига олиб келади. М.с.г. ва молия олигархияси жамият ҳаётида муҳим ўринни эгаллайди. Бу уларнинг қўлида иқтисодий потенциалнинг жамланиши, компания (фирмалар) акциялари назорат пакетига эгалик қилиши ҳамда сиёсий институтлар ва оммавий ахборот воситаларига бевосита таъсир этиш имкониятлари б-н белгиланади.

Абдулла Раззоқов.

МОЛЙИНАР — янги тушган келинчакнинг уйига ёйилган сепларни йиғиш маросими. Ўзбек хонадонларида келин тушганининг эртасига келиннинг сепларини куёвнинг қариндошлари, қўни-қўшнилар ва келин кўришга келганларнинг кўриши учун келин тушган хонага ёйиб қўйилади. Маълум муддат ўтгач, келин-куёв хонаси аёллари, қўшнилар тўпланишиб, ёйилган сепларни йиғиб оладилар. М. маросими тобора барҳам топиб кетиб бормоқда.

МОЛЛЮСКАЛАР (Mollusca) — умуртқасиз ҳайвонлар типи. Танаси, оёғи, бош, тана ва оёқ бўлимларидан иборат (икки паллалилардан ташқари). Танаси мантия деб аталадиган тери бурмаси б-н ўралган. Мантия б-н тана орасидаги бўшлиқ мантия бўшлиғи бўлади. Бу бўшлиқда жабралар ва бошқа органлар жойлашган. Айрим орқа чиқарув ва жинсий тешиклар ҳам мантия бўшлиғига очилади. Мантия тананинг орқа томонида чиғаноқ ҳосил қилади. Чиғаноқ танани ҳимоя қилиб туради. Ҳаракат органи тананинг қорин томонидан ҳосил бўладиган ясси ёки понасимон шаклдаги оёқдан иборат. Иккиламчи тана бўшлиғи ғовак бириктирувчи тўқима б-н тўлган; целом ва унинг қолдиғи юрак олди халтаси (перикардий)ни ва жинсий безлар атрофидаги бўшлиқни ҳосил қилади. Қон айланиш системаси туташмаган: қон томирлардан ҳамда тана бўшлиғи қолдиқлари — лакуналар ва синуслар орқали оқиб ўтади. Юраги қоринча ва бўлмача деб аталадиган 2 ёки 4 та камерадан иборат. Нафас органлари ктенидий деб аталадиган жабралардан, қуруқликда ва кўпчилик чучук сувда яшайдиган М.да ўпкадан иборат. Айириш органи *целомли чувалчангларнинг* метанефридийларига ўхшаш тузилган бир жуфт найсимон буйракчалардан ташкил топган. Буйраги юрак олди халтасидан бошланиб, чиқариш сифони деб аталадиган мантия бўшлиғига очилади. Нерв системаси кўпчилик М.да тананинг турли қисмида жойлашган 3 ёки 5 жуфт нерв тугунларидан иборат. Тубан тузилган М. нерв системаси ҳалқум атрофи нерв ҳалқаси ҳамда тана бўйлаб жойлашган нерв стволларидан тузилган. Айрим М.нинг бош нерв тугуни кучли ривожланиб, бош мияни

Моллюскалар: *1*—япон тароқчаси; *2*—гигант тридакна; *3*—гадир-будир лима; *4*—кўк шиллиқ; *5*—хомберг тритонияси (аланғот жабралар); *6*—осьминог; *7*—наутилус.

ҳосил қилади (бошоёқлилар). Фаол ҳаёт кечирувчи турларида сезги органлари (кўзлар, пайпаслагичлар) ривожланган. М. айрим жинсли ёки гермафродит (қ. *Гермафродитизм*). Денгиз М.и. тухумидан трохофора ёки велигер (елканча) личинкаси чиқади. Бошоёқлилар, қуруқлик ва чучук сув қориноёқлилари метаморфозсиз (ўзгаришсиз) ривожланади.

М. ёнбош нервлилар ва чиганоқлилар кенжа типига бўлинади. 1-кенжа тип 2 ёки 3 та синфга, 2-тип 5 та синфга бўлинади. 130 минга яқин тури маълум. Ер юзида жуда кенг тарқалган; бир қанча турлари қуруқликда ва чучук сувларда; кўпчилик турлари денгизларда ҳаёт кечиради. Кўпчилик М. сув туби (бентос)да яшайди. М. сув ҳайвонлари учун озиқ сифатида катта аҳамиятга эга. Бир қанча турлари (*устрицалар, кальмарлар, мидиялар,* денгиз тароқчалари, ток шиллиғи) истеъмол қилинади. Марваридлардан марварид олинади. Марваридлар, мидиялар махсус кўпайтирилади (қ. *Аквакультура*). Қуруқликда тарқалган айрим М. (ток шиллиқ қурти, аланғоч шиллиқ) экинларни еб, катта зиён келтиради. Чучук сув шиллиғи жигар қуртининг оралиқ хўжайини ҳисобланади.

Ад.: Мавлонов О., Хуррамов Ш., Норбоев З., Умуртқасизлар зоологияси, Т., 2002.

МОЛ-МУЛК СОЛИҒИ — маҳаллий солиқларнинг бир тури, юридик ва жисмоний шахслардан ундирилади. Жаҳондаги деярли барча мамлакатларда мавжуд. Ўзбекистонда юридик шахсларга қарашли асосий воситалар ва номоддий активларининг ўртача йиллик баланс қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади. Мулк сифатида қонунга мувофиқ сотиб олинган ерлар қиймати бундан мустасно. Юридик шахслар учун солиқ ставкаси мол-мулкнинг ўртача йиллик баланс қийматининг 3% миқдорида белгиланган. Юридик шахслар ўзлари ишлаб чиқарган товарларининг 50% ва ундан ортиғини экспортга чиқарса, мол-мулк солиғидан озод этилади, 25% дан 50% гачасини чиқарса, солиқ суммаси 50% фоизга камайтирилади. Жисмоний шахслар эса уй-жойлари, квартиралари, чорбог ва боғ уйлари, гаражлар ва б. иморатлар, бинолар, иншоотлар қиймати, автомобилларнинг барча турлари (юк, енгил, автобуслар, микроавтобуслар ва б.), моторли қайиқлар, вертолётлар, самолётлар ва б. транспорт воситалари двигателларининг қувватига қараб солиқ тўлайдилар. Уларга қарашли бўлган уй-жойлар, квартиралар, дала ва боғ ҳовлиларидаги уй-жойлари, иншоотлар ва б. қийматининг, агар уларнинг 1998 й. 1 янв.гача қайта инвентарлаштириш қиймати ҳисоблаб чиқилган бўлса 0,5%, қайта ҳисоблаб чиқилмаган бўлса, 7% миқдорида М.-м. с. тўлайдилар (2003). Ўзр Солиқ кодекси, Республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарорларида юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган М.-м. с.ли камайтириш, бу солиқ бўйича имтиёзлар бериш ёки озод этиш тартиби мавжуд.

Муҳаммаджон Нигматов.

МОЛОГА — РФнинг Тверь, Новгород ва Вологда вилоятларидаги дарё. Волганинг чап ирмоғи. Рыбинск сув омборига қуйилади. Уз. 456 км, ҳавзасининг майд. 29700 км². Қорлан тўйинади. Ўртача сув сарфи қуйилиш жойидан 58 км да 172 м³/сек. Дек. бошларида музлаб май бошларида музлан бўшайди. Пестово ш.дан қуйилиш жойигача кема қатнайди, М. бўйида Бежецк, Пестово, Устюжна ш.лари жойлашган.

«МОЛОДЁЖЬ УЗБЕКИСТАНА» («Ўзбекистон ёшлари») — республика ёшлар газетаси. Тошкент ш.да рус тилида ҳафтада 3 марта чиқади. Муассиси: Ўзбекистон Республикаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда «Karera Servis» ахборот-нашр фирмаси. 1-сони 1926 й. 7 нояб.да «Комсомолец Востока» («Шарқ комсомоли»), 1935 й. янв.дан «Комсомолец Узбекистана» («Ўзбекистон комсомоли») номи б-н чиққан. 1991 й. янв.дан ҳоз. номда. 2-жаҳон урушн йилларида нашр этилмаган. Саҳифаларида мамлакат енгларининг ҳаёти, меҳнат, маданияти ва спортга оид материаллар ва б. ёритилади.

МОЛОТОВ (Скрябин) Вячеслав Михайлович (1890.25.2, Кировн вилояти Номенск ш. — 1986.8.11, Москва) — СССР сиесси арбоби, Октябрь тунтаришини амалга оширишда фаоллик қилган. 1918 йдан партия ва совет идораларида масъул лавозимларда ишлади: 1921-57 йларда партия МК аъзоси; Украина КПб) МК котиби (1920–21), ВКПб) МК котиби (1921–30) 1930—41 йларда СССР ХКС раиси, 1941—57 йларда СССР ХКС (МС) раисининг 1-ўринбосари, айни вақтда 1941—45 йларда Давлат мудофаа комитети раиси ўринбосари. 1939—49 ва 1953—56 йларда СССР ташқи ишлар халқ комиссари, ташқи ишлар вазири. 1957 йдан Монголияда элчи. И.В.Сталининг яқин сафдошларидан бири. М 20-а.нинг 30—50-йилларининг бошларги оммавий қатагонларининг фаол ташкилотчиларидан ҳисобланади. 50-йиллар ўрталарида Сталин шахсига сиғинишнинг танқидига қарши чиқди. 1962 йдан кейин сиесий фаолиятини тугатган.

МОЛУККА ОРОЛЛАРИ — Малай архипелагининг шарқий қисмидаги ороллар гуруҳи. Индонезия ҳудуди. Сулавеси ва Янги Гвинея о.лари оралиғида. Майд. 83,7 минг км². Шим.дан жануб ва жан.-шарққа 1300 км масофага чўзилган. Йирик ороллари: Хальмахера, Серам, Буру. Ер юзаси тоғлик, энг баланд жойи — 3019 м, Биная тоғи (Серам о.да). Тез-тез вулқон бўлиб туради. Вулкан кўп. Иқлими экваториал, жан.да субэкваториал иқлим. Соҳилларида т-ра 25—27°. Йиллик ёғин 800—2000 мм, тоғларда 4000 мм гача. М.о.нинг 80% дан ортиқ ҳудуди доим яшил ва барг тўкувчи тропик ўрмонлар б-н банд. Пастгекисликларда бутазорлар учрайди. Орол фаунаси Шарқий Осиё ва Австралияга хос қайвон турларидан иборат. Шоли, маккажўхори, зираворлар экилади. Кокос пальмаси плантациялари бор. Бош шаҳри ва порти — Амбон (Амбон о.да).

МОЛХОНА — мол боқиладиган бино. Боқиладиган мол турига қараб қўйлар учун қўралар, қўтонлар, қорамоллар учун оғилхоналар, отлар учун отхоналар қурилади. Уларнинг ҳар бири ўзига хос тузилишга эга. Қорамоллар М.да боғлаб ва боғламай боқилади. Моллар 2 қатор қилиб боғлаб боқиладиган М.да оғилхона бино бўйлаб қатор жойлаштирилади ва 1,5 м ли кўндаланг йўллар

б-н секинларга бўлинади, ўртадаги 1,5 м ли йўлдан ем-хашак оҳурларга тарқатилади, икки четдаги 1,2 м ли йўллардан гўнг ташилади. Турғ қаторли М.да оҳурга тарқатиладиган иккита ва гўнг чиқариладиган учта йўл қилинади. Олти қаторлисида оғилхоналар учта қуш қаторга жойлаштирилиб, оҳурга тарқатиладиган учта йўл, гўнг чиқариладиган гуртга йўл бўлади. М.даги ҳар бир оғилхонада мол боғлаш ускуналари, оҳур ва суғорич ўрнатилади. Оғилхоналарнинг катталиги, молларнинг маҳсулдорлиги ва зотдорлигига қараб, эни 1—1,2 м, бўйи 1,7—2 м қилинади. М.да қўшимча бинолар: ем, гўшама ва асбоб-ускуналар сақланадиган хоналар, вентиляция камераси, ходимлар хонаси бўлади. М. яқинига сут бўлоқи қурилади, унда даб., сут қуйиладиган, идиш ювиладиган жойлар, вакуум-насос, қозонхона ва б. бўлади.

Моллар боғламай боқиладиган М. ёпиқ ёки уч томони ўралган ярим очиқ (айвон кўринишида) бўлади. Ҳаво ҳарорати —20° дан паст бўлмайдиган р-ларда ярим очиқ М. қурилади. Бундай М. олиб қўйиладиган тўсиқлар б-н секинларга бўлинади. Ҳар қайси секция 60 тагача сигирга мўлжалланади. Механизмларда гўнг чиқариш, ем-хашак ва гўшама ташиб келиш учун секциялар ўртасидан ўтадиган йўл қилинади. М. майдони учун сутчилик хўжаликларида ҳар бир сигирга 4—5 м², гўшт етиштириладиган хўжаликларда бузоғи б-н сигирга 7 м² ҳисобидан жой ажратилади. М. яқинида моллари яйратиш майдончаси (ҳар бир сигирга 7—10 м²) бўлади, бу ерга ҳамма моллар учун умумий оҳурлар ва суғоргичлар қурилади. М. яқинига сигир соғиладиган бино қурилиб, соғиш ускуналари ўрнатилади (*Чорвачилик фермаси*).

Рўзимат Ҳамроқулов.

МОЛЧАНОВ Лев Александрович (1878—1962) — табиий географ, иқлимшунос, зоолог, кўлшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1943). Проф. (1922), геогр. фанлари д-ри (1938). 1907—18 й.ларда Ўрта Осиё (Амударё, Помир)да биологик, гидрологик ва метеорологик кузатувлар олиб борган. 1921—1938 й.ларда Туркистон (Ўрта Осиё) метеорология илмий тадқиқот ин-тида ишлаган ва Ўрта Осиё ун-тининг проф. 1938 й.дан умрининг охиригача Тошкент қ.х. ин-тида метеорология ва иқлимшунослик кафедраси мудири. Илмий ишлари, асосан, Ўрта Осиё иқлими, гидрологияси ва умумий табиий геогр.сига бағишланган.

МОЛЬ — *Халқаро бирликлар тизими* СИ да модда миқдори бирлиги. 1971 й.да қабул қилинган. Массаси 0,012 кг та тенг бўлган углерод ^{12}C изотопи таркибидаги атомлар сонига тенг бўлган таркибий элементлар (молекулалар, атомлар, электронлар ва б. бир хилдаги зарралар) дан ташкил топган модда миқдорига тенг. Ҳар қандай модданинг бир моли бир хил сондаги таркибий элементлардан ташкил топган. Бу сон, одатда, Авогадро доимийси деб аталади ва унинг тажрибалар асосида аниқланган қиймати $N_A = 6{,}022 \cdot 10^{23}$ моль $^{-1}$ га тенг. Шунинг учун М. қайси заррага тегишли эканлиги кўрсатилиши керак. Мас., сув молекулаларининг бир моли деганда $6{,}022 \cdot 10^{23}$ та сув молекулалари тушунилади. $6{,}022 \cdot 10^{23}$ та сув молекулалари таркибида эса водород атомларининг 2 моли, кислород атомларининг 1 моли, протонларнинг 10 моли, нейтронларнинг 8 моли ва электронларнинг 10 моли мавжуддир. Берилган модда молекулалари 1 молининг массаси, одатда, шу моддаиинг молар массаси деб аталади. М. тушунчадан молекулар физика, кимё, термодинамика ва б. соҳалардан назарий ҳамда амалий ҳисоб-китоб ишларини бажаришда кенг қўлланилади.

МОЛЬБЕРТ (нем. Malbrеt сўзидан) — рассомлик санъатида қўлланиладиган дастгоҳ. Рассом асар ишлаш жараёнида картина, расм ва ҳ.кли ўрнатадиган мослама, таглик; одатда, ёғочдан тайёрланади. Уч оёқли ва вертикал тик устунлари горизонтал асосга мустаҳкамланган турлари бор. Кўпроқ М.нинг оддий, енгил ва ихчам шаклларидан фойдаланилади; рассомлик устахоналарида, шунингдек, йирик асарларни ишлаш учун турли баландлик, зарур бурчакларга қия қилиб ишлаш имконини берадиган, бир нечтанинг ўзида иккита полотно ўрнатиш мумкин бўлган оғир, кўчмас, металл, замонавий (пластик) хом ашёлардан тайёрланган М.лардан фойдаланилади. Оғир бўлишга қарамай иш жараёнида баъзи мосламалар (мас., гилдирак) туфайли уни силжитиш енгил ва қулай. М. Ўзбекистон БА устахоналарида, қисман, «Файз Холдинг» компаниясида ишлаб чиқарилади.

МОЛЬЕР (Moliere) (тахаллуси; асл исм-шарифи Жан Батист Поклен) (1622.15.1 — Париж — 1673.17.2) — француз драматурги, актёри, театр арбоби, саҳна санъати ислоҳотчиси. Лобоби, саҳна санъати ислоҳотчиси. Лотин тили, антик адабиётни ўрганган. 1645—48 й.ларда сайёр театр труппасида актёрлик қилган. Халқ театр анъаналари б-н классицизм ютуқларини умумлаштириб, ижтимоий-маиший комедия жанрини яратди. 1658 й.дан М. ўз труппаси б-н Париж ва сарой театрларида пьесалар қўйди. Шоҳ асари — «Тартюф» (1664) комедиясида ҳурфикрликнинг аиқаидай душмани — христиан черкови кирдикорларини фош этди. Дон Жуан ҳақидаги халқ афсоналарини қайта ишлаб, «Дон Жуан» (1665) реалистик пьесасини яратди. «Зўраки шифоҳ» (1664), «Мизантроп», «Амфитрион», «Жорж Данен», «Хасис» (1668), «Дворянлар орасидаги мешчан» (1670), «Ўқимишли аёллар» (1672), «Сохта бемор» (1673) ва б. комедиялар муаллифи. М. комедияларида чуқур фалсафий ва ахлоқий масалалар қўйилган. Уларда яхши фазилатли кишилар тасвирланган, лекин пьеса қаҳрамонлари ҳаддан ташқари талаблар қўйиб, соғлом фикр юритишдан воз кечадилар, натижада бу, амалда, яхши фазилатнинг йўқ бўлишига олиб келади. М. ижоди жаҳон театри ривожига самарали таъсир этган.

19-а. бошида Француз академиясига Мнинг бюсти қўйилган. Ҳар йили 17 февр. — буюк француз комедиографи 1673 й. 17 февр.да сўнгги бор саҳнага чиқиб роль ўйнаган куида Париждаги машҳур «Комеди Франсез» театрида М. пьесалари намойиш этилади. М.нинг айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинган: «Хасис» (1925), «Тартюф» (1941), «Скапен найранглари» (1950) ва б.

МОЛЯР ЭРИТМА — 1 л эритмада эриган модданинг *грамм-молекула* (моль)лари сони б-н ифодаланадиган эритма концентрацияси. Бундай эритма М ҳарфи б-н белгиланади. Бу ҳарфнинг олдига эритманинг «молярлигини», яъни унинг 1 литрида эриган модданинг моллар сонини кўрсатадиган коэффициент қўйилади. Мас., 2 М эритманинг 1 литрида 2 моль эриган модда борлигини, 0,3 М эритманинг 1 литрида 0,3 моль эриган модда борлигини кўрсатади (яна қ. *Концентрация*).

МОМАҚАЛДИРОҚ — қисқа вақт давом этадиган, чақмоқ чақиб, электр разряди — яшин б-н кузатиладиган атмосфера ҳодисаси; яшин йўли бўйлаб ҳавонинг тезда исиб кенгайишидан ҳосил бўладиган портлаш тўлқини. М. вақтида булутлар орасида ёки булут б-н Ер орасида яшин пайдо бўлиб, қаттиқ гумбурлаган товуш чиқади. Товуш яшин йўлининг ҳар хил нуқталаридан кузатувчига бир вақтда келмайди, балки булут б-н Ер сиртида бир неча марта қайтиб, ҳар хил вақтда келгани учун гумбурлаш давомли бўлади. М., одатда, 15—20 км гача эшитилади. М. ёмғирли булутларда ҳамда намликка тўйинган, ҳаракатчан ҳаво массасида вужудга келади. Ёмғирли булутларнинг бал. 7—15 км, юқори қисми т-раси 15° —20° дан ошмайди. Улар сув томчилари ва муз кристалларидан иборат. М.ли булутлар-

нинг ҳажми бир неча юз км³ дан мини км³ гача бўлиб, ундаги сув ва муз зарраларининг массаси 10^6 — 10^7 т, потенциал энергияси 10^{23}—10^{24} Ж, яъни мегатон қувватли термоядро бомбасининг энергиясига тенг. М.лаги электр заряди 10—100 Кл, орасидаги масофа 1—2 км дан 10 км гача, электр разрядлари вақтида электр токи кучи 10—100 А гача етади. Сайёрамизда бир вақтда 1800 тагача М. кузатилиши мумкин. М. шим. кенгликларда жуда кам бўлади, лекин ёз ойларида Марказий Арктикада ҳам кузатилади. Ўрта кенгликларда йилнинг 10—15 куни М. б-н ўтади. М. ёзда қуруқликда, қишда океанлар устида кўп бўлади. М. субтропик ерларда жуда кам бўлиб, экваторда ҳаво ҳарорати юқори, намлиги катта бўлган пайтларда кучли ўтади.

МОМАҚАЛДИРОҚ ҚАЙД ҚИЛГИЧ — бир неча ўн километр узоқликда бўладиган электр разрядлари (яшин)-ни қайд қилиб, уларни ёзиб борадиган радиоқурилма; оддий ва автоматик ёзиб борадиган хиллар бор. Катта ҳудуддаги электрсизланиш вақтида кузатиладиган қисқа вақтли импульслар шаклидаги электромагнит тўлқинлар (атмосфериклар)ни қайд қилиш учун радиопеленгация қўлланади.

МОМБАСА —Кениядаги шаҳар, Ҳинд океанидаги маржон оролида, материк б-н дамба ва кўприк орқали боғланган. Соҳилбўйи провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 450 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Шарқий Африка ва мамлакатнинг йирик порти (йиллик юк ортиб-туширии 6 млн.т дан ортиқ) бўлиб, чуқур сув ости причаллари б-н жиҳозланган, океан кемалари ҳам кира олади. Т.й. орқали Уганда ва Танзания б-н боғланган. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Нефтни қайта ишлаш, кимё, озиқ-овқат (гўшт к-ти, ун тортиш, шоли оқлаш), тамаки, тўқимачилик саноати корхоналари, кема верфи мавжуд.

Шаҳар 12-а.дан маълум. Йирик савдо шаҳри бўлган. 1593 й.дан Португалиянинг Шарқий Африка соҳилларидаги мустамлакаси маркази эди. 18-а.дан уммонийларнинг Мазруий сулоласи қўл остига ўтди. 1837 й.дан Занзибар султонлиги таркибида бўлди. Меъморий ёдгорликлардан Исусс форти (16-а.), соборлар, масжидлар, ибодатхоналар сақланган. Туризм ривожланган. Денгиз курорти.

МОМЕНТ (лот. moveo — силжитаман, қўзғатаман) (математика ва физикада) — айрим ўлчов, миқдор ва векторлар номи.

Эҳтимоллар назариясида М. — тасодифий миқдорларнинг сонли характеристикаси. Тасодифий миқдор ξ нинг k-тартибли М. и деб ξ^k нин ўрта қийматига, k-тартибли абсолют М. и деб $|\xi^k|$ нинг ўрта қийматига айтилади. Мас., тасодифий миқдорнинг математик кутилмаси $M\xi$ унинг биринчи тартибли М.идир. Тасодифий миқдор ξ нинг k-тартибли марказий М.и деб $(\xi - M\xi)^k$ нин ўрта қийматига айтилади. Мас., дисперсия $\sigma^2 = D\xi = M(\xi - M\xi)^2$ иккинчи тартибли марказий М.дир.

Механикада М. — моддий нуқталар тизимида массалар тақсимотининг сонли характеристикаси. Агар тўғри чизиқдаги $x_1, x_2, \ldots$ координаталарида $m_1, m_2, \ldots$ $(m_i > 0)$ массали нуқталар бўлса, бу тизимининг саноқ тизими 0 нуқтасига нисбатан k даражадаги М.и $M_k = x_1^k m + x_2^k m + \ldots$ бўлади. $k=1$ бўлса, — статик М., $k=2$ бўлса, — инершион М. дейилади. Физикада куч моменти, ҳаракат миқдори моменти, инерция моменти каби тушунчалар мавжуд.

МОМИҚ — 1) ч.-дларда *пахта*га ишлов бериш жараёнида толаси ажратиб олинган чигитда қоладиган калта толадан тайёрланадиган майин пахта. Унга циклонларда йиғиладиган ифлос ва чангли *момиқ пахта* ҳам киради. Асосан, пахта целлюлозаси (35% гачадан иборат. М. жинғалакланиб қолган калта тола кўринишида бўлади. Ранги — оқдан сарғишгача. М.дан момиқ пахта, сунъий тола, плёнка, целлюлоза, қоғоз ва б. олишда фойдаланилади; 2) туя, қўён ва б. майин жунли ҳайвонларнинг жуни. Майин газлама ва рўмол тўқиш учун ишлатилади.

МОМИҚ ПАХТА — ҳар хил йўналишда тартибсиз равишда кучсизгина бириккан калта толалардан иборат майин пахта. Асосан, толаси ажратиб олинган чигитлар сиртида қоладиган калта тола (*линт*) дан тайёрланади. М.п. тайёрлаш учун хом ашё (калта толалар) ҳар хил аралашмалардан тозаланади ва титиш-саваш агрегатида титилиб ва савалаб майин массага айлантирилади. Махсус ишлов берилиб (кимёвий моддалар б-н қайнатилиб) зарарсизлантирилган М.п. тиббиётда, оддийлари техника мақсадларида ишлатилади. М.п. гигроскопик (намни яхши шимадиган) ва компресс қилиш хилларига бўлинади. Гигроскопик М.п. оппоқ бўлади, қатламларга осонгина ажралади, қон ва йирингни яхши шимгани учун яраларни боғлашда ишлатилади. Компресс қилиш М.п.си бинт б-н боғланган яра газак олиб кетмаслиги учун уни иссиқ тутиш мақсадида боғлам устидан қўйилиб, устидан бинтланади. У синган жойларни гипслашда ҳам қўлланилади. М.нинг алоҳида хили — ватин бир ёки икки томонди эмульсия суркалган материал бўлиб, киприбош тикишда ишлатилади. Пахтадан бошқа толалардан ҳам момиқ толалар массаси тайёрлаш мумкин. Уларни табиий ва сунъий хилларга ажратса бўлади. Табиий толалар — жун, ипак, шунгир, пенька, асбест толалар; сунъий толалар — целлюлоза, шиша, металл, шлак, базальт толалар. Табиий момиқ толалар тикувчилик, мебелдозлик ва техника мақсадларида, сунъий момиқ толалар қурилиш ва кимё саноатида ишлатилади.

МОМОҲАВО (қад. яҳудийча ва исломи манбаларида Ҳаввo — ҳает манбаи) — исломга кўра, *Одамато*нинг хотини, биринчи аел ва инсон зотининг онаси (Инжилда Ева номи б-н маълум). М. Одаматонинг қовурғасидан яратилган, деб шарҳланади. У Иблиснинг сувга кириб, Одаматони ман қилинган мевани тотиб кўришга ундайди. Шу сабабли М. Одамато б-н жаннатдан чиқарилиб, ерда яшашга маҳкум этилади. Улар Макка яқинида яна учрашишади. М. Одамато ўлимидан кўп ўтмай қазо қилади ва унинг ёнига дафн этилади.

МОНАДА (юн. monas — якка, бўлинмас) — турли фалсафий таълимотларда борлиқнинг тузилиш элементларини ифодалаш учун ишлатиладиган тушунча: пифагорчилар таълимотида сон, неоплатонизмда ягоналик. Ж.Бруно фикрича, М. воқеликнинг жисмоний ва айни вақтда психик элементи. М.лар ҳақидаги таълимот (монадология)нинг асосчиси Г. *Лейбниц* ҳисобланади. Унинг фикрича, М. руҳий табиатга эга бўлган, бутун дунёни ўзига қамраб, акс эттира оладиган оддий (бўлинмас) ва фаол бирламчи субстан-циядир. Монадология гояси 19-а.да немис файласуфи И. Гербарт, Г. Лотце, 20-а.да Э. Гуссерль (Германия), А. Уайтхед (Буюк Британия) ва б.нинг қарашларида ўз аксини топди.

МОНАКО (Monaco), Монако княздиги (Principaute de Monaco) — Жан. Европада, Ўрта денгиз соҳилидаги давлат. Майд. 2 км². Аҳолиси 31,8 минг киши (2001). Пойтахти — Монако ш. М.да монегасклар, француслар, итальянлар яшайди. Расмий тил — француз тили. Дини — католицизм. Маъмурий жиҳатдан 3 округга бўлинади. Бу округлар бирбири б-н қўшилиб кетган Монако, Кондамин ва Монте-Карло ш.ларидан иборат.

Монако терби.

Монако байроғи.

М. — конституцияли монархия (князлик). Амалдаги конституцияси 1962 й. 17 дек. да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — князь (1949 й. 9 майдан Ренье III). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни князь б-н Миллий кенгаш (парламент) амалга оширади. Ижроия ҳокимиятини князь номидан Давлат вазири бошчилигидаги Ҳукумат кенгаши бошқаради.

Мил. ав. 10—1-а.ларда ҳоз. М. ҳудудида финикий, кейинроқ юнон маиилгоҳлари бўлган. Мил. ав. 1-а.да М.да римликлар, кейинчалик араблар, мил. 11-а.нинг 2-ярмида генуяликлар ҳукмронлик қилган. 1419 й.дан М. мустақил князлик. 1524 й.дан Испания, 1641 й.дан Франция протекторати. Франция инқилоби натижасида М.да князлик ҳокимияти ағдарилиб, мамлакат Францияга қўшиб олинди (1793). 1814 й.ги Париж сулҳи М. князлигини тиклади, Вена конгресси (1814—15) қарори б-н М. Сардиния қироллиги протекторатига айланди. 1861 й.дан Франция протекторати. 1865 й.да Франция б-н божхона иттифоқини тузди. Француз Морис Блан М.да қиморхона очишга концессия олди. «Денгизда чўмилиш жамияти» тузилди ва у Монте-Карлода қиморхона мажмуасини қурди. Франция б-н М. ўртасида т.й. қурилган (1868), Монте-Карлодаги қиморхона дунёга машҳур бўлди ва М.нинг асосий даромад манбаларидан бирига айланди.

1899 й. М.да Океанография музейи ташкил этилди ва у халқаро океанография тадқиқотлари маркази бўлиб қолди. 1911 й. биринчи конституция жорий қилинди, унда сайлаб қўйиладиган Миллий кенгаш (парламент) кўзда тутилган эди. 1959 й.да князь Ренье III Миллий кенгашни тарқатиб, конституциянинг амал қилишини тўхтатди. 1962 й.да янги конституция жорий этилди. 1963 й. 18 майда Франция б-н М. ўртасида тузилган битимдаги конвенцияга мувофиқ, Франция М.дагиларга эркин солиқ солиш ҳуқуқига эга бўлди. М. — 1993 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 19 нояб. — Миллат куни.

М.да озиқ-овқат, электротехника ва радиоэлектроника, кимё, фармацевтика, полиграфия, кема таъмирлаш корхоналари бор. 800 га яқин халқаро компания ва 50 банк бошқаруви ишлайди.

М. — туризм марказларидан бири. Бу ерда дунёга машҳур курортлар мавжуд. Хорижий сайёҳларга хизмат кўрсатиш, курортлар ва қиморхоналар асосий даромад манбаидир. Пул бирлиги — француз франки.

М.да расмий сиёсий партиялар йўқ; турли сиёсий ташкилотлар парламент сайлови вақтида фаолият юритади. М. касаба уюшмаларн бирлашмасига 1944 й.да асос солинган. М.да ойлик «Газет Монако — Кот д' Азюр» («Монако газетаси — Ложуврд соҳили», 1976 й.да асос солинган), ҳукуматнинг ҳафталик «Журналь де Монако» («Монако газетаси», 1858 й.дан), «Монако актюалите» («Монако янгиликлари», 1985 й.дан) газлари чиқади. Монте-Карло радиоси ва Монте-Карло телевидениеси 1954 й.дан мавжуд.

Монте-Карло шаҳри.

М. да бошланғич ва ўрта мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, Монако ш.да Мусиқа академияси бор. М. ҳудудида топилган қад. маданият излари палеолит ва неолит даврларига мансуб (Расадхона, Боссе-Руссе ғорлари ва б. жойлардаги топилмалар). Финикияликлар ҳукмронлиги даврида афсонавий қаҳрамон Мелькарт ёки Геракл га бағишланган ибодатхона қурилган. Греция ва Рим ҳукмронлиги даврларига оид сопол, олтин буюм ва зеб-зийнатлар, айниқса, кўп топилган. 1215 й.да генуяликлар М. қўлтиғи атрофидаги қоя тепасига қурган қалъа 16-а.да саройга айлантирилди ва у Монако шаҳри тарихий марказининг ўзаги бўлиб қолди.



М. санъати Франция ва Италия бадиий маданияти таъсирида ривожланди. Бу ердаги барча муҳташам иншоот ва биноолар француз меъморлари лойиҳаси асосида қурилган. Турар жойлар, асосан, 2—3 қаватли иморатлар тарзида барпо этилган. Кейинги йилларда баланд бинолар, кўнгилочар муассасалар кўплаб қурилди.

МОНАКО — *Монако* пойтахти. Ўрта денгиз бўйидаги Денгиз бўйи Алп тоғларининг тўртиб чиққан қоялн қисмида жойлашган. Аҳолиси 2 минг кишн чамасида. Ўрта денгиз бўйидаги порт. М. — йирик океанография маркази: и.т. ин-ти, музей, аквариум; Халқаро гидрография бюроси ишлаб турибди. Электротехника, радиоэлектроника, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ботаника боғи, музейлар, кутубхона бор. Меъморий ёдгорликлардан сарой (16—19-а.лар), собор ва б. сақланган. Туризм ривожланган, курорт шаҳар.

МОНАРХ (юн. monarchos) — давлатнинг якка ҳукмдори. Одатда, ҳокимият унга мерос бўлиб ўтади. Барча монархлик мамлакатларида М. қонун бўйича дахлсиз одам ва у ҳар қандай

Монако шаҳрининг соҳил қисми.

таблар, ҳунар-техника билим юртлари. Монако ш.да Мусиқа академияси бор. М. ҳудудида топилган қад. маданият излари палеолит ва неолит даврларига мансуб (Расадхона, Боссе-Руссе ғорлари ва б.

масъулиятдан озод ҳисобланади. Турли мамлакатларда М. турлича: Буюк Британия, Испания, Дания, Швеция, Бельгияда —*қирол*, Малайзия, Бруней, Уммонда — *султон*, Кувайт, БААда — *амир*, Люксембургда — буюк герцог, Лихтенштейнда —*князь* деб аталади.

МОНАРХИЯ (юн. monarchia — якка ҳокимлик) — *давлат* бошқаруви шакли. Бунда давлат бошлиғи *монарх* ҳисобланади. М.нинг 2 тури мавжуд: мутлақ (абсолют) М., бунда монархнинг тўла ҳокимиятини чеклайдиган биронбир давлат органи бўлмайди; конституцияви М., бунда монарх ҳокимияти конституция асосида амал қиладиган муайян ваколатли орган б-н чекланган бўлади, яъни қонунчиликни парламент, ижро ҳокимиятини ҳукумат олиб боради. Айрим мамлакатларда давлат бошлиғи айни вақтда диний раҳбар ҳам ҳисобланади.

МОНАСТИРЛАР (юн. monasterion — монахлар маскани) — черковнинг муайян йўл-йўриқлари асосида биргаликда яшовчи монах (роҳиб)лар жамоаси; *монахлар* жамоаси фойдаланадиган ибодатхона, турар жой ва хўжалик бинолари мажмуи. Биринчи буддистлар М.и мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида Ҳиндистонда пайдо бўлган. Будда М. и кейинчалик Бирма ва Таиланд (2—3-а.лар)да, Вьетнам ва Хитой (4-а.)да, Корея ва Япония (6—8-а.лар)да ҳамда Индонезия (7-а.)да вужудга келди. Христиан М.и эса дастлаб 3—4-а.ларда Мисрда, сўнгра Рим империяси (4—5-а.лар)да, кейинчалик Европада юзага келган. М. йирик ер эгаларига айланиб, диний мафкура маркази бўлиб қолган. М. вужудга келган дастлабки пайтларда иқтисодиёт ва маданият тараққиётида муайян роль ўйнаган. Ўзбекистонда Рус православ черкови Тошкент ва Ўрта Осиё епархиясига қарашли 3 та монастирь бор: Свято Никольск Троицк аёллар монастири (Тошкент ш. Миробод тумани), Свято Покровск аёллар монастири (Тошкент вилояти, Қуйи Чирчиқ тумани), Свято Георгиевск эркаклар монастири (Чирчиқ ш.).

Камолжон Аминов

Чирчиқ шаҳридаги Свято Георгиевск эркаклар монастири.

МОНАХЛАР, роҳиблар (юн. monachos— ёлғиз) — ижтимоий диний гуруҳ. Улар тарки дунё қилиши, мол-мулкдан воз кечиши, нафсини тийиши (оила қурмаслиги), қариндошлик ва ижтимоий алоқалардан ҳоли бўлиши, қатъий интизомга риоя қилиши керак ва ҳ. к. М. монастирда яшаши ва унинг қоидаларини бажариши шарт ҳисобланади.

Монахлик дастлаб мил. ав. 1-минг йилликда Ҳиндистон (*буддизм*)да, кейинчалик Хитой, Япония, Тибет, Жан.-Шарқий Осиё ва Қад. Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. *Христианлик*да монахлик 3—4-а.ларда вужудга келган. Бу динда монахликка ўтган киши сочини олдириб, *янги* исм қабул қилади, алоҳида кийим кияди. Ислом динида М. бўлмаган, лекин моҳиятан уларга яқин турган ўзига хос оқим вакиллари — суфийлар деб аталади (қ. *Тасаввуф*).

МОНАХЛИК ОРДЕНЛАРИ — *католицизм*да марказлашган монахлик уюшмалари. Улар ўз фаолиятларида Рим папаси тасдиқлаган уставларга амал қилганлар. Илк М. о. бенедиктчилар уюшмаси бўлиб, унга 6-а.да Италияда асос солинган. 12—13-а.ларда Францияда католикларнинг бир неча М.о. тузилди. Католик М.о. аъзоларининг кўпчилиги *монастирлар*да яшайди. 1970-й.ларда 180 га яқин М.о. бор эди.

МОНАЦИТ (нем. monazit, юн. monazo — якка яшайман) — минерал; церий гуруҳига мансуб нодир ер элементлари фосфати. Кимёвий таркиби $(Ce,La...)[PO_4]$. Моноклин сингонияли. Кўпинча турли қўшимчалари бўлади, булардан асосийлари: ThO_2(28% гача), SiO_2 (6% гача), V_2O_5(5% гача) ва б. Пластинкасимон, баъзан қалин тахтачасимон кристаллар, турли шаклли доначалар, доначали массалар ҳосил қилади. Кўпинча кучли радиоактив. Ранги сариқ, сариқ-жигарранг қўнғир, қизил-қўнғиргача. Қаттиқлиги 5—5,5, зичлиги 4,9—5,5 г/см^3. М. конлари, одатда, гранитли пегматитлар б-н, баъзан ишқорий гранит, сиенитларда гидротермал карбонатли томирлар б-н боғлиқ. М., асосан, дарё ва денгиздаги сочмалардан (Ҳиндистон, Бразилия, Шри Ланкада) олинади. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда Чорхсар, Оқтош ва Чатқол-Қурама тоғларида ва б. жойлардан аксессор кўринишида кўп учрайди. Церий ва торий олишда хом ашё.

МОНБЛАН (франц. ва итал. — Оқ тоғ) — Ғарбий Альп тоғларидаги тоғ массиви. Франция, Италия ва Швейцария чегараси бўйлаб 50 км масофада чўзилган. Энг баланд жойи 4807 м. Ғарбий Европада энг баланд чўққи. Гранит, гнейс ва кристалл жинслардан тузилган. Тоғ тепасидаги музликларнинг майд. 200 км^2 дан ортиқ, энг йириги Мер-де-Глас музлиги (уз. 15 км). Альпинизм, туризм ривожланган. Астрономия ва метеорология расадхонаси бор. М. орқали уз. 11,6 км ли автомобиль тоннели қурилган.

МОНГОЛ ТИЛИ, мўғул тили — *мўғул тиллари*дан бири. Монголиянинг расмий тили (1921 й.дан), халха лаҳжаси асосида ривожланмоқда, шунинг учун «халха-монгол тили» деб ҳам аталади; ХХРнинг Ички Монголия ҳудудида ҳам қабилаларaро тил сифатида қўлланади. 5 млн.дан ортиқроқ киши сўзлашади. 14—15-а.ларда шаклланган. Бир қанча лаҳжа ва шевалари бўлиб, улар, асосан, дж., дз, ц, ч сингари қоришиқ ундошларнинг қўлланиш-қўлланмаслиги б-н ўзаро ажралиб туради. Қад. ёзуви М.т. мўғулларининг ёзма адабий тили ҳисобланади. Ички Монголияда қўлланади. Монголияда 1945 й.дан рус алифбоси асосида унга 2 та ҳарф қўшиш б-н янги *мўғул ёзуви* жорий қилинган.

МОНГОЛИЯ (Монгол Улс) — Марказий Осиёда жойлашган давлат. Майд. 1565 минг км^2. Аҳолиси 2 млн. 655 минг киши (2001). Пойтахти — *Улан-Батор* ш. Маъмурий жиҳатдан 18 аймоқ (вилоят)га, аймоқлар сомон (туман)ларга бўлинади. Улан-Батор, Дархан ва Эрдэнэт ш.лари мустақил маъмурий бирлик бўлиб, бевосита марказий ҳокимият органларига бўйсунади.

Давлат тузуми. М. — парламентли республика. Амалдаги конституцияси 1992 й. 13 янв.да қабул қилинган ва 12 фев.да кучга кирган. Давлат бошлиғи — президент (1997 й. дан Нацагийн Багабанди), у умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 4 й. муддатга сайланади, яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Буюк давлат хурали (парламент) амалга оширади. Ижроия ҳокимиятни ҳукумат бошқаради. Ҳукумат бош вазирнинг таклифига биноан, президент б-н келишилган ҳолда Буюк



Монголия байроғи

давлат хурали томонидан тузилади. Вазирлар маҳкамаси бошлиғининг номзодини президент Буюк давлат хурали муҳокамасига тақдим этади.

Табиати. М. ҳудуди аксари қисмининг бал. 1000—2000 м. Йирик тоғ тизмалари: Монголия Олтойи (бал. 4362 м гача), Гоби Олтойи, Хангай ва Хэнтэй. Тоғ тепалари, асосан, ясси. Жан. ва жан.-шарқида Гоби чўлининг бир қисми бор. Бу ерда вулкан тепалари қад кўтарган. Шим. ва шим.-ғарбида бир неча сойлик ва водийлар бор. М.нинг шарқий қисми шим.-шарқ, жан. ва жан.-шарқ томон пасайиб борувчи текисликлар. Катта Кўллар сойлиги ва Гоби чўлида 30 минг км^2 ер қум б-н қопланган. М. ҳудудидаги Марказий Осиё бурмали минтақасининг шим. қисми каледон, жан. қисми герцин бурмаларига ажралади.

Иқлими қуруқ, кескин континентал. Қиши совуқ, кам қорли, серқуёш. Янв.нинг ўртача т-раси —10°, —35° (энг паст т-ра —50°), ёзи илиқ, қисқа, июлнинг ўртача т-раси 18—26° (энг юқори т-ра 40°). Йиллик ёғин 100—300 мм, тоғларда 500 мм гача. Монголия Олтойида музликлар бор. Йирик дарёлари: Селенга, Керулен, Онон, Дзабхан ва Кобдо. Дарёлари қор ва музликлардан сув олади, баҳор ва ёзда тўлиб оқади. Йирик кўллари: Убсу-Нур, Хиргис-Нур, Хубсугул ва Хара-Ус-Нур. М. ҳудудининг аксари қисми (60%)да каштан, шунингдек, қўнғир, тоғларда қора, водийларда ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Ўсимликларнинг 2 мингдан зиёд тури ўсади. Мамлакатнинг шим. ва шим.-шарқи дашт, жан. ва жан.-шарқи чала чўл ва чўлдан иборат. Чала чўлда саксовулзорлар учрайди. М. ҳудудининг 10% ўрмон. Тоғ ён бағирларида тилоғоч, кедр, қарағай ва қайинзорлар бор. Ҳайвонот дунёси хилма-хил. Сут эмизувчиларнинг 100 дан ортиқ тури учрайди. Қумсичқон, қўшоёқ, толай қуёни, ондатра, соболь, тийин, жайран, марал, бўри, тулки ва ҳ.к. бор. Баъзи ҳайвонлар (ёввойи туя, ёввойи от, гоби айиғи) М.дан бошқа ерда учрамайди. Улан-Батор яқинида Богдо-Ула қўриқхонаси ташкил этилган.

Аҳолисининг 90% дан ортиғи монголлар. Мамлакат шим.да бурятлар, шим.-ғарбда қозоқлар, тувалар яшайди. Расмий тили — монгол тили. Диндорлар будда динининг ламаизм йўналишига эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 60%. Йирик шаҳарлари: Улан-Батор, Дархан, Эрдэнэт.

Тарихи. М. ҳудудида одамлар қуйи палеолит охиридан яшаб келади. Илк палеолит даврида матриархал-уруғчилик, жез даврида патриархал-уруғчилик тузумлари шаклланди. Мил. ав. 4—3-а.лардан хусусий мулкчилик вужудга келди, темир буюмлар ясала бошланди, қабилалар иттифоқи юзага келди. Мил. 4—10-а.ларда Жужан, Турк, Уйғур, Қирғиз хоқонликлари вужудга келди. 10—12-а.ларда М. ҳудуди *Кидонлар* салтанати таркибига кирди. 13-а. бошида кучгина мўғул қабилалари бирлашиб, Темучин ҳукмронлигидаги мўғул давлатини ташкил этди. 1206 й. мўғул нойонларининг қурултойида Темучин буюк хон — *Чингизхон* деб эълон қилинди. 1211 й. дан Чингизхон ва ворисларининг босқинчилик урушлари бошланди. 13-а. ўрталарида Шим. Хитой, Тангут давлати, Ўрта Осиё, Закавказье, Эрон, Россиянинг бир қисми Чингизхон қўл остига ўтди. Натижада йирик *Мўғуллар давлати* ташкил топди. Бироқ ягона иқтисодий базаси бўлмаган салтанат босқинчилик урушлари натижасида вужудга келган ички зиддиятлар оқибатида парчаланиб кетди. 1368 й. Хитой, 1380 й.да Россия, 14-а.нинг 2-ярмида Эрон, Закавказье ва Ўрта Осиё мўғуллар зулмидан озод бўлди. 14-а.нинг охирги чорагида Мўғуллар давлати батамом барҳам топди. 15-а.да Эсонхон (1440—55 й.ларда хонлик қилган) ва Даянхон (1479—1543 й.ларда хонлик қилган) каби ҳукмдорлар бирлашган Мўғул давлатини тиклашга ҳаракат қилдилар. Даянхоннинг ўлимидан кейин мамлакат Жан. Мўғулистон ва Шим. Мўғулистонга бўлиниб кетди. Шим. Мўғулистон ҳам ўз навбатида Ғарбий ва Шарқий қисмларга ажралди. 16-а.да М. нинг учала қисмида жами 200 хонлик бўлган. 16-а. охирига келиб М.да будда динининг ламаизм йўналиши ёйилди ва 17-а. бошида давлат динига айланди. 1616 й.да Шим.-Шарқий Хитой ҳудудида вужудга келган Манжурлар давлати 1634 й. Жан. Мўғулистонни босиб олди ва уни *Ички Монголия* деб атади. 1688 й.да Шарқий Мўғулистон манжурлар асос солган Цин сулоласи (1644— 1911) ҳокимиятини тан олди. Шундан кейин Шарқий Мўғулистон (ҳозирги М. ҳудуди) *Ташқи Монголия* деб атала бошлади.

М.да ягона мустақил давлат — Ойрот хонлиги ҳам 1758 й.да манжурлар томонидан тугатилди ва унинг ярим миллиондан ортиқ аҳолиси қириб ташланди. Ўз ҳукмронлигининг абадийлаштириш мақсадида Цин сулоласи М.ни ташқи дунёдан ажратиш чораларини кўрди. 20-а. бошларида М. Осиёнинг энг қолоқ мамлакатларидан бири эди. М.да 19-а. охирида бошланган миллий озодлик ҳаракати 20-а. бошларида янада кучайди. 1911 й. аратларнинг йирик қўзғолони бўлиб ўтди. 1911 й. нояб.да Урга (ҳоз. Улан-Батор)да Цин сулоласи ҳокимияти ағдарилиб, мустақил М. давлати тузилганлиги эълон қилинди. Мамлакатдаги лама ибодатхонасининг олий руҳонийси — Бўгдихон тузган ҳукумат М. суверенитетининг давлатлар томонидан тан олиниши учун 3 й.дан ортиқроқ ҳаракат қилди. 1915 й.да Россиянинг Кяхта ш.да чор Россияси, Хитой ва М. вакилларининг уч томонлама конференцияси бўлди, унинг қарорларига мувофиқ, М.нинг мақоми Хитой суверенитети остидаги ва Россия ҳомийлигидаги кенг мухторият б-н чекланди. 1919 й.да Хитой М.га қўшин киритди ва унинг ҳукмрон юқори табақасини мухториятдан воз кечишга мажбур қилди. Аммо монгол халқи мустақиллик учун курашни давом эттирди.

1921 й. июлда Урга ш.да М. мустақиллиги эълон қилинди. 1924 й. 26 нояб.да мамлакат парламенти — Буюк халқ хурали Монголия Халқ Республикаси (МХР) тузилганлигини маълум қилди ва биринчи конституцияни қабул этди. 1992 й.гача мамлакат шу ном б-н юритилди. Шу йили қабул қилинган конституция кучга киргач, М. деб атала бошлади. 1990 й.ларнинг бошларидан М. тараққиётнинг янги босқичига ўтди — марказлашган ре-



УЛАН-БАТОР
МОНГОЛИЯ
1:26 500 000

жали иқтисодиёт ўрнига бозор иқтисодиёти жорий этила бошлади, бир партияли сиёсий тизимдан кўп партияли тизимга, тоталитар давлатдан ҳуқуқий давлатга айлана бошлади.

М. — 1961 й.дан БМТ аъзоси. Ўзр б-н дипломатия муносабатларини 1992 й. 25 янв.да ўрнатди. Миллий байрами — 11 июль — Халқ Инқилоби куни (1921).

Сиёсий партия ва ташкилотлари, касаба уюшмалари М. халқ-инқилобий партияси, 1921 й.да тузилган, 1999 й. мартда М. халқ партияси унинг таркибига кирган; М. миллий демократик партияси, 1992 й. окт.да ташкил этилган; М. бирлашган консерватив партияси, 1993 й.да асос солинган; М. демократик уйғониш партияси, 1994 й.да тузилган; М. «кўкатпарварлар» партияси, 1990 й.да асос солинган; М. ишчи партияси, 1992 й.да тузилган; М. республикачилар партияси, 1992 й.да ташкил этилган; М. социал-демократик партияси, 1990 й.да тузилган; М. демократик иттифоқи, партиялар блоки, 1990 й.да асос солинган; «Ватан», коалиция, 1999 й.да тузилган, Янги демократик социалистик партия б-н М. ишчи партиясини бирлаштирали; Тўрт иттифоқ федерацияси, 1993 й.да ташкил этилган (М. демократик иттифоқи, Янги тараққийпарвар иттифоқ, М. ёшлари иттифоқи ва М. талабалари иттифоқидан иборат). М. эркин касаба уюшмалари иттифоқи, 1990 й. тузилган; М. касаба уюшмалари федерацияси, 1927 й. ташкил этилган.

Хўжалиги. М. — аграр-индустриал мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 34%, қ.х.нинг улуши 16%.

Қишлоқ хўжалиги. 20-а.нинг 20-й.ларига қадар иқтисодиётнинг бирдан бир тармоғи мавжуд бўлиб, у ҳам бўлса кўчманчи яйлов чорвачилиги эди. Аста-секин қ.х.нинг бошқа тармоқлари, жумладан, деҳқончилик вужудга келтирилди. Бугдой, картошка, сабзавот, ем-хашак етиштирила бошлади. Чорвачиликда қўйчилик етакчи ўринда; қорамол, эчки, туя, йилқи, мамлакатнинг айрим жойларида кўтос, бугу, шаҳар атрофида чўчқа ва парранда боқилади. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чорва мол жиҳатидан М. дунёда олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. 1991—92 й.ларда собиқ 255 қ.х. бирлашмаси (қ.х. кооперативлари) акциядорлик компанияларига (салкам 400 та) айлантирилди. Мамлакатда чорвани хусусийлаштириш асосан тугалланди. Чорва молларининг 90% хусусийлаштирилди. Илгари деҳқончилик ҳамда соф зотли ва дурагай чорва молларини етиштириш б-н шуғулланиб келган кўп давлат хўжаликлари ўрнига ҳам акциядорлик компаниялари ташкил этилди.

Саноати. М.да дастлаб енгил ва озиқ-овқат саноати, 20-а.нинг 40—60-й.ларида оғир саноат (кончилик, энергетика, ёғочсозлик, қурилиш ашёлари, металлсозлик) ривожланди. Кейинги йилларда кончиликка кўпроқ эътибор қаратилди. М. ер остида фойдали қазилма хазиналари кўп. Ҳозирча 30 дан кўпроқ турдаги фойдали қазилмаларининг 500 дан зиёд кони аниқланган, улар орасида тошкўмир, қўнғир ва коксланувчи кўмир, уран, олтин, кумуш, мис, молибден, қалай, флюорит, темир рудаси, фосфорит, қимматбаҳо тошлар ва б. конлар очилган. Турли қурилиш ашёлари, керамзит ва керамика гиллари, оҳактош, қум, шағал, каолин, ганч, алебастр, мармар, гранит ва ш.к.нинг катта захиралари топилган. Нефть конлари қидирилмоқда. 400 дан кўпроқ иссиқ ва совуқ минерал сув манбалари топилган ва ўрганилган. Улардан фойдаланиш учун кўпгина қўшма корхона ва бирлашмалар барпо этилган. Электр энергияси ГЭСларда ҳосил қилинади. Йилига ўртача 2,2 млрд. кВт-соат электр энергия ишлаб чиқарилади. Бирлашган энергия тизими барпо этилган. И.ч. саноатида гўшт, ун к-тлари, нон з-ди, гилам ф-каси, пўстин-мўйна, ойна ва чинни корхоналари, босмахоналар бор. Цемент, гишт, уй блоклари, доридармон, пойабзал, жун- газлама ишлаб чиқарилади.

Монголия табиати кўриниши.

Транспорти. Кўп юклар т.й. ва автомобиль транспортида ташилади. Т.й. узунлиги — 1,8 минг, автомобиль йуллари уз. — 46 минг км. Хубсугул кўли, Селенга ва Орхон дарёларида кема қатнайди. Ҳаво флоти 1956 й.дан ишлайди. Энг катта аэропорти Улан-Батордa.

Ташқи савдоси. 1980-й.ларнинг охиригача мамлакат савдоси бир томонлама, фақат Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши мамлакатларига йўналтирилган эди. Асосий мижози собиқ СССР бўлган. 1990-й.лар бошида М. «очиқ эшик» сиёсатини фаол ўтказа бошлади, бошқа мамлакатлар, чунончи Япония, АҚШ, Германия, Жан. Корея, Сингапур, Гонконг ва б. б-н муносабатлар ривожланди. Экспортда чорвачилик, кончилик, енгил ва озиқ-овқат саноати маҳсулотлари муҳим ўрин тутади. Четдан машина-ускуналар, нефть маҳсулотлари, қора металлар, кимё маҳсулотлари, озиқ-овқат, кенг истеъмол моллари харид қилади. Ташқи савдодаги мижозлари. МДҲ давлатлари, Хитой, Япония. Пул бирлиги — тўғрик.

Маорифи, илмий ва маданий маърифий муассасалари. 2000 й.да 660 умумий таълим мактабида 381 минг бола, 47 олий ўқув юрти, жумладан, 27 та давлат ун-ти, институт ва коллежларда 60 ихтисослик бўйича бакалавр, 32 ихтисослик бўйича магистр унвонини олиш учун 26265 талаба таълим олди. Улан-Батор ш.да Монголия ФА иш олиб боради. М.да бир қанча и.т. муассасалари ҳам мавжуд. М.да 424 та кутубхона (4,2 млн. асар) бор. Йириклари: Давлат халқ кутубхонаси, ФА ва ун-т кутубхоналари. Музейлари: Давлат марказий музейи, Нафис санъат музейи, Дин тарихи музейи ва б.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. М.да бир қанча газ. ва жур.лар нашр этилади. Асосийлари: «Унэн-уу?» («Ҳақиқатми?», ҳафтала 3 марта чиқадиган газ., 1920 й.дан; 1996 й. ўрталаригача «Унэн» номи б-н нашр этилган; 1996 й. сент.дан ҳоз. номда), «Залгамжлагч» («Ўринбосар», 2 ойда бир марта чиқадиган жур., 1926 й.дан), «Худулмур» («Меҳнат», ҳафтада 3 марта чиқадиган газ., 1928 й.дан), «Хумун» («Инсон», газ., 1990 й.дан), «Ардын тур» («Халқ ҳокимияти», йилига 4 марта чиқадиган жур., 1950 й.дан), «Монголин дуу хоолой» («Монголия овози», газ., 1992 й.дан), «Монголин худоо» («Монгол қишлоғи», ҳафталик газ., 1970 й.дан), «Ардчилал таймс» («Демократия вақти», газ., 1993 й.дан), «Ёгоонн» («Қонинот» газ., 1990 й.дан), «Цог» («Машъала», 2 ойда бир марта чиқадиган жур., 1994 й.дан). Монгол телеграф агентлиги (МОНЦАМЭ), ҳукумат агентлиги, 1921 й.да тузилган; Монголия овози, ахборот агентлиги, 1992 й.да ташкил этилган; Сан-пресс, ахборот агентлиги, 1992 й.да асос солинган. Монгол радиоаси 1934 й.да, Монгол телекўрсатуви 1967 й.да ташкил этилган.

Адабиёти. Монгол халқ оғзаки ижодиётида қўшиқ, достон, эртак, мақол, панд-насиҳат, афсона, топишмоқ, мақоллар кўп. Ёзма адабиёти 12—13-а.ларда бошланган. «Аргасун уруғи қиссаси», «Етим боланинг тўққиз чиғирлик баҳодир б-н сухбати». «Тогонтэмурнинг йигиси» каби асарлар кенг тарқалган. 17-а.да йилномалар вужудга келди. 19-а.да яратилган «Кўк китоб» трилогияси (муаллифи Инжинаш) ва б. кўпгина асарлар халқ орасида машҳур. 20-а.да М. адабиёти фольклорга, алабий меросининг энг яхши анъаналарига таянib, илғор жаҳон адабиёти б-н алоқани кучайтириб, ривож топа бошлади. 1929 й.да адиблар тўгараги ташкил топди, у 1930 й.да М. ёзувчилари уюшмасига айлантирилди. Д. Нагдорж, Ц. Дамдинсурэн каби ёзувчилар пьесалари, шеърлари б-н монгол адабиёти ривожида муҳим роль ўйнадилар. 40— 50-й.ларда С. Дандэндэв, Д. Цэвэгмид, Ч. Лхамсурэн, Д. Тарва, Б. Бааст каби адиблар тарихий мавзуларда, халқлар дўстлиги ва ҳамкорлиги самаралари тўғрисида асарлар яратдилар. 50— 60-й.ларда йирик полотнороманлар ижод қилинди. Д. Сэнгээ халқ қаҳрамони ҳақида «Аюши» қиссасини (1947), Б. Ринчен «Чўл тонги» романини (1955), Ч. Лодойдам «Олтойдаг» романини (1949) яратдилар. Бу асарларда монгол халқининг ҳаёти ёркин акс эттирилди. Б. Бааст, М. Гаадамба, С. Удвал каби адибларнинг ҳикоялари ахлоқ масалаларига, монгол аёллари қисматига бағишланди. Ҳоз. давр адабиётида Ц. Гайтав, Б. Явухулан, Ч. Чимид, Д. Пурэвдорж ва б. шоирларнинг шеърлари алоҳида ажралиб туради. Жаҳон адабиётининг энг яхши асарларини таржима қилишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳамза, Ойбек, Ғ. Ғулом, Мирмуҳсин, Раҳмат Файзий, Туроб Тўла ва б. ўзбек ёзувчиларининг асарлари монгол тилига, шунингдек, монгол ёзувчиларининг бир қанча асарлари ўзбек тилига таржима қилинган (Л. Тудэвнинг «Сухэ-Батор» қиссаси, Д. Нацагдоржнинг «Танланган асарлари», «Монгол эртаклари» ва б.)

Меъморлиги ва тасвирий санъати. М. ҳудудидан жез даврининг бошларига оид қояларга ўйиб туширилган ёки бўёқ б-н ишланган ҳайвон (от, қулон, ёввойи эчки, бўри, илонларнинг тасвирлари топилган. Ховд сомони (тумани)-даги қоя тошларига ишланган одамлар ва тўртта от қўшилган тўрт гилдиракли арава тасвири айниқса диққатга сазовор. 6—8-а.ларда ҳунармандчилик ривожланиб, матолар, кигиз, кўчманчи чорвадорлар ва жангчиларнинг от абзаллари ва қурол-яроглари ўсимликсимон нақшлар б-н безатила бошлаган. 6—9-а.лардаги шаҳар вайроналаридан тошга ишланган бўртма ва босма усулда нақшланган сопол идишлар топилган. М.нинг турли жойларида гишт ва гувалардан тикланган дахмалар тепасига ғайкалчалар ўрнатилган. 10-а.даги мамлакат пойтахти Ўрда Балиқ (кейинроқ Хара Балгас) харобалари орасида мудофаа истеҳкомлари, уйлар, ибодатхоналар кўзга ташланади. 10—12-а.ларда шаҳарлар жадал қурилди. Одатда, шаҳар иморатлари ёғутлик тушинига қараб режаланган, зовурлар ва теналиқлар б-н ўралган, дарвозалари ва миноралари бўлган. Бир ёки бир неча кўча четларидаги маъмурий бинолар, ибодатхоналар ва турар жойлар атрофи девор б-н ўралган. Иморатсиз жойларда аҳоли ва жангчиларнинг ўтов ҳамда чодирлари бўлган. Қад. Барс-Хот (10—12-а.лар) ш. кавланганда будда ибодатхонаси ва пагодалари қолдиқлари, маъбуда ва ҳайвонларнинг лойдан ишланган ғайкалчалари, ўйма ёғоч безаклар ва меъморий бўлаклар чиққан. 16-а.дан 20-а. бошларигача шаҳар ва қишлоқлардаги асосий турар жойлар ёғоч синчли, сурма панжара деворли, эшикли ўтовлардан иборат бўлган. Монастир ва ибодатхоналар кўплаб қурилган.

20-а.нинг 20-й.ларидан эски шаҳарлар (Улан-Батор) қайта қурилиб, янги шаҳарлар (Дархан, Налайха, Сайн-Шанд) барпо этилди. Биноларқурилишда 20— 30-й.ларда конструктивизм таъсири кўринди. 40—50-й.ларда биноларнинг олд томонлари ҳашамли — колонналн, миллий безакли қилиб ишланди (Улан-Батордаги ун-т). 50-й.ларнинг ўрталаридан бошлаб иқлим ҳисобга олинган ҳолда биноларни кенг ва кулай қилиб қуришга аҳамият берилди. 60—90-й.ларда қурилишда индустриал ва йиғма уйсозлик усулларидан кенг фойдаланилди. Кейинги даврларда металлсозлик, ёғоч ўймакорлиги, каштачилик каби анъанавий тармоқлар б-н бир қаторда чинни ишлаб чиқариш, кулолчилик, гиламчилик, суяк ўймакорлиги ривож топа бошлади.

Мусиқаси қад. анъаналарга бой. Қўшиқчи, созанда, халқ достонларини куйловчи бахшилар азалий халқ ижодий меросини сақлаб қолганлар. Қаҳрамонлар ҳақидаги ривоятларни қўшиқ қилиб айтиш қадимдан одат бўлган. Халқ айтишувлари (икки хонанда басма-бас айтадиган қўшиқлар) айниқса кенг оммалашган. М.да томоқдан икки хил товуш чиқариб қўшиқ айтишнинг ўзига хос усули ҳам урф бўлган. Ишқий, маиший, инқилобий, тарихий, диний қўшиқлар, сафарга чиққанда айтиладиган ва ҳазил-мутойиба қўшиқлари кўп. Халқ чолғу асбоблари: лимба (найнинг бир тури), моринхур ва хучир (торли камончa), шанз (чертиб чалинадиган асбоб), ёғочин (чангнинг бир тури) ва б.

Замонавий М. мусиқаси 20-а.нинг 20—30-й.ларида вужудга келиб, ривожлана бошлади. «Шинэ Кяхта» деб аталган биринчи партизанлар қўшиғи 1921 й.да ижод қилинди. С. Гончиксумла, У. Лубсанхурчи ва М. Дугоржав каби композиторлар танилган. Турли мусиқий жанрлар (хор, опера, симфония) ривожлана бошлади. Улан-Баторда Опера ва балет театри очилди, унда маҳаллий ва чет эл муаллифларининг асарлари саҳналаштирилди. М. халқ ашула ва рақс ансамбли, симфоник оркестр, духовой оркестр, аймоқ марказларида мусиқали драма театрлари, Улан-Баторда мусиқали-хореография билим юрти бор.

Улан-Батор шаҳри. Сухэ-Батор номидаги майдон.

Театрнинг келиб чиқиш илдизлари қадим замонларга бориб тақалади. Халқ томошаларининг шакллари хилма-хил бўлган. Хонандаларни хурч, бахшиларни улигерч деб атаганлар. Яхши ният тилагувчи ёролч ва мактачлар баланд овозда гапираётганда рақс ижро этиб турилган. Биелэг рақсларида театр унсурлари кўзга ташланади. Тўйлар, фарзанд тугилишига бағишланган маросимлар, ҳосил байрамларида воқеий томошалар кўрсатилган. 17-а.да бу жойларда буддавийлик ёйилиши муносабати б-н вужудга келган цам деб аталган диний театрларга ва дунёвий сарой театрларига ҳам ушбу театр шакллари кириб келди. Янги йил байрами кунлари кўчаларда кўтирчоқ спектакллари кўрсатилади. 20-а. бошларида ҳаваскорлик тўгараклари ривожлана бошлади. 20-й.ларда Улан-Баторда ташкил этилган драма тўгараклари асосида профессионал театрлар вужудга келди. 1930 й. пойтахтда театр студияси очилди ва ўша йилиёқ унинг негизида Давлат мусиқали драма театри ташкил этилди. 1948 й.дан Улан-Баторда кўтирчоқ театри, 1950 й.дан Марказий болалар театри ишлайди. Уларда монгол халқининг тарихи ва ҳоз. ҳаётини акс эттирувчи пьесалар б-н бир қаторда жаҳон классикаси дурдоналари ҳам ўрин олган.

Кинои. 1935 й. Улан-Баторда «Монголкино» студияси ташкил қилингач, кино санъати ривож топди. 1936 й.дан ҳужжатли фильмлар чиқарила бошлади. «Норжманинг йўли» биринчи бадиий фильми 1938 й.да суратга олинди. «Бўри галаси» (1939), «Биринчи сабоқ» (1940), «Икки чорвадор» (1955), «Йўлимиздаги тўғаноқлар» (1956), «Қалб амри» (1966), «Тошқин» (1966) каби фильмлар монгол халқининг ҳаётини тасвирлади. Кейинги йилларда «Куёв», «Висол», «Мотор шовқини», «Довон кетидан довон» фильмлари яратилди. Йилига бир неча бадиий фильм, 30 га яқин қисқа метражли ҳужжатли фильм ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон — М. муносабатлари. 1977 й.дан 1994 й.гача Тошкентда М.нинг Бош консулхонаси ишлади, М.нинг молиявий аҳволи ёмонлашуви муносабати б-н Бош консулхона ёпиб қўйилди. Ҳоз. пайтда иккала мамлакат ўртасидаги дипломатия муносабатлари М.нинг Қозоғистон Республикасидаги элчихонаси орқали амалга оширилмоқда. 1996 й. 11—13 фев. кунлари М. делегацияси ЎзР га ташриф буюрди, Ўзбекистон ва М. ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик ва маслаҳатлашувлар ҳақида баённома имзоланди. ЎзР б-н М. ўртасида озроқ ҳажмда бўлса-да, савдо-сотиқ йўлга қўйилган. 1998 й.да икки мамлакат ўртасидаги товар айланмаси 1,8 млн. АҚШ долларини ташкил қилди. 1999—2002 й.ларда ҳам товар айирбошлаш давом этди.

МОНГОЛИЯ ОЛТОЙИ — Монголия ва Хитойдаги тог системаси, Олтой тоғларининг жан.-шарқий қисми. Шим.-гарбдан жан.-шарққа 1000 км га чўзилган, эни 150—300 км. Энг баланд жойи 4362 м (Мунххайрхон-Ўла тоғи). Бўйлама тектоник водийлар б-н ажралган ўзаро параллел тизмалардан иборат. Тог тепалари платосимон. М. О., асосан, палеозой кристалли сланецлари, порфир ва гранитлардан тузилган. Тог тепаларида доимий қор ва музликлар (энг каттасининг уз. 20 км) бор. Сернам жан.-гарбий ён багри ўрмон, тог этаклари дашт, тог тепалари алъ ўтлоқлари, шим.-шарқий ён багри дашт ва чала чўлдан иборат. М.о.нинг давоми Гоби Олтойидир.

МОНГОЛИЯ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Монголиянинг етакчи илмий муассасаси. 1961 й. майда Фанлар қўмитаси (1921; 1929 й.гача илмий қўмита) негизида Улан-Батор ш.да ташкил этилган. 50 ҳақиқий аъзоси, 7 секция, 60 дан ортиқ и.т. институти, расадхона, и.т. станцияси бор.

МОНГОЛЛАР, мўғуллар (ўзларини монгол деб атайди) — Монголияда яшайдиган асосий халқ. Ўтган асрнинг ўртасида М. яшаган ҳудуднинг жан. қисми ХХР таркибига киритилиб унга Ички Монголия деб ном берилгандан сўнг, улар Монголия М.и ва ХХР М.ига бўлиниб кетган.

Монголияда 1,64 млн. киши, ХХРда 5,24 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), Россия Федерацияси таркибидаги Бурятияда ҳам яшайди. «Мўғул» этноними *Чингизхон* даврида тарихга кириб келган бўлиб, у таркиби мураккаб булган қабилалар иттифоқи номини англатган.

Улов

М.нинг келиб чиқиши масаласида ҳам турли фикрлар мавжуд. Айрим хитой манбаларида М.нинг келиб чиқиши туркий бўлиб, уларнинг илк аждодлари татар (тат. далигига борib тақалади деб кўрсатилади. Хорижий олимларнинг аксарияти, жумладан, айрим Япония ва Хитой тадқиқотчилари М. ҳунларининг авлоди деб ҳисоблайди. Мўғул олимлари, жумладан, Суреи Бадалах (Сури-бадалаха) М.нинг қад. туркий халқ бўлмиш «ди»ларининг авлоди, мил. ав. 3-а.да тоғчилардан ажраб чиққан муғул қабиласи М.нинг илк аждодлари деб ҳисоблайди. Ҳоз. замон хитой олимлари ичида М. тунгуслардан (дунгху — шарқий хўрлар демакдир) келиб чиққан деган фикр чуқур ўрнашиб бормоқда.

Хитой манбаларининг гувоҳлигига қараганда, М. нилун-мўғул (соф мўғул) ва хамухэ-мўғул (омухта, яъни аралашган мўғул) каби 2 тоифага бўлинади. 1-тоифага дастлаб 30 қабила кирган. Булар ичида кўк кўзликлар кўп учраб турган. Чингизхоннинг отаси *Ясугай баҳодир* (Асугай-батур) тобе бўлган авлод ҳам кўк кўз бўлган. Шу боис у хитой манбаларида «ланьян чияти» (кўккўз чият) деб номланган. Булар таркибига кирган қабилаларнинг энг йириклари татар (лардан — алухай, дутаут, алчи ва чаган каби йирик қабилалардан ташкил топган иттифоқ), қиёт (кэле), найман, жалойир, меркит (меэрчити, вудуйвути, мелички, мелижи) ва б. бўлган.

12-а.нинг 1-чорагида татар ва б. Чингизхон бошчилигида ўзларининг гарбидаги ва жан.даги қўшинларини [*кидонлар*, қипчоқлар, уйғурлар, найманлар, кераитлар, меркитлар (марқитлар) ва тангутлар] бўйсундириб, йирик давлатни барпо этганлар. Мўғул элати шу даврда шаклланган. Шу сабабли М. номи 13-а.дан бошлаб Чингизхонга тарафдор ва тобе барча қабила ва элатларнинг умумий номига айланган.

Монголлар анъанавий либосда.

13—14-а.лар кўчманчиликка асосланган мўғул салтанатининг гуллаган даври ҳисобланади. Айни замонда М. халқ сифатида шаклланган 15-а. бошларида маълум сиёсий воқеаларга кўра, М.нинг гарбий қисми (4 катта қабиладан иборат) ўзидан оироглар, дарбеи оирог) ажралиб чиқиб, 1635 й.да ўз давлати — Жунгор хонлиги (1635—1758) ни ташкил этган ва Марказий Осиедаги иприк кучга айланган. 16-а. ўрталарида ва шарқий М. шим. (халхаликлар) ва жан. (чумчиклар, ордослар) каби қисмларга бўлиниб кетган.

16—17-а.лардан М. замонига яқинлаша бошлади. 17-а. бошларида Монголиянинг *маньчжурлар* босиб олган М. деярли 3 аср (1691—1911) мобайнида миллий асоратда яшаганлар. 1921 й.да галаба қилган Халқ инқилобидан кейин М. социализм томонга бориб ўз давлатини Мўғулистон Халқ Республикаси деб эълон қилганлар. 1992 й. дан бу давлат Монголия деб аталди. ХХРда яшайдиган монгол элатлари (чочинлар, баринлар, ордослар, чумчиклар ва б.) ўз номларини сақлаб келмоқда. Уларнинг хўжалиги ва модний маданиятида хитойлар ва манжурларнинг таъсири кучли. М.нинг азалий машгулоти чорвачилик ҳисобланади. Деҳқончилик М.га кидонлар даврidan бери маълум, асосий экин ялмикор талламчилик (бугдой, арпа), овчилик (хўжалиги ва маданияти ҳақида қ. *Монголлар*).

Абдулаҳад Ҳожаев.

МОНГОЛОИД ИРҚИ, Осиё-Америка ирқи — инсониятнинг энг катта ирқларидан бири. Бугдой рангдаги, қалин қора сочи, юз ва баданида тукнинг камлиги, кичик бурни, ёноқ суякларининг бўртиб чиққанлиги, юзи юмалоқдан келганлиги, қисиқ кўзлиги б-н характерли. Шарқий Осиё, Индонезия, Марказий Осиё, Сибирь, Америкада тарқалган.

МОНЕ (Monet) Клод Оскар (1840.14.2, Париж — 1926.6.12, Нормандиянинг Живерни ш.) — француз манзарачи рассоми, *импрессионизмнинг* асосчиларидан бири. Э. Буден (1858—59), Сюис академияси (1859—60) ва Ш. Глейр устахонаси (1862—63)да таҳсил кўрган. *Барбизон мактаби* рассомлари ва Э. Буденнинг *плэнер* рангтасвирида эришган ютуқларини ривожлантириб, 1860-й.ларнинг 2-ярмидан ифода воситалари орқали ҳаво-нур ҳолатидаги ўзгаришлар ҳиссини, олам гўзаллигини тасвирлашга интилди («Майса устида нонушта», 1866; «Аёллар богда», 1867 ва б.). 1860-й.лар охиридан ижодини инсон табиатнинг табиий бир бўлаги

К. Моне. «Воронежения яқинидаги боғхона назоратчиси» (1882).

сифатида талқин этилган манзаралар яратишга бағишлади; ман қаралари чексиз ички ҳаракатдаги тирик табиатнинг бир дарраси сифатида акс эттирилди («Париждаги Капуцинок хиёбони», 1873; «Бел-Илдаги қоя», 1886 ва б.); маълум бир мавзуни танлаб олиб, уни кунининг турли вақтларида, турли об-ҳаво шароитларида, табиатнинг турли ҳолатлардаги кўринишлари мужассамланган туркум картиналар яратди («Пичан гарами», 1890—91; «Руан собори», 1893—95 ва б.). Сўнгги давrларга оид асарларида модний бўлмаган муҳитга сингиб кетаётган нарсалар дунёси тасвирланди («Лондонда туман», 1903; «Нилуфарлар» туркуми, 1914—22 ва б.).

МОНЕТАРИЗМ (лот. moneta — танга, пул) — давлатни иқтисодий бошқаришга оид иқтисодий назария ва амалий концепция. 20-а. нинг 50-й.ларида Милтон *Фридмен* асос солган. М. М. Фридмен, Г. Хаберлер (АҚШ), О. Файт (ГФР), Ж. Рюефф (Франция) ва б. асарларида ривожлантирилган. Фридмен ва унинг сафдошлари Ж. М. *Кейнс*нинг пулсиз омиллар (мас., инвестициялар) ўрнига айнан пулни омилларни афзал кўрадилар. М. иқтисодиёт назариясидаги неолиберализм оқимига киради, таъминлаш ва иқтисодий ўсиш механизмини яратиш муаммолари б-н шуғулланади ва бу механизмда асосий эътиборни пулга қаратади.

М.га кўра, иқтисодий жараёнларда, хўжалик юритишда муомаладаги пул миқдори ва пул массаси б-н товар массаси ўртасидаги алоқалар белгиловчи ўринда туради. Монетаристлар пул эмиссиясини тартибга солиш, миллий пул бирлигининг валюта курси, кредит фоизи, солиқ ставкалари ва бож тарифларини иқтисодиётга таъсир кўрсатишнинг асосий усуллари деб биладилар. Фискал сиёсат ўрнига фаол пул-кредит сиёсатини қўллаш таклиф этилади. 1963 й. Фридмен томонидан «АҚШнинг 1867—1960 й.ларда пул тарихи» китоби (Анна Шварц б-н ҳаммуаллифликда) босилиб чиқди. Бу китобда М. концепцияси ўзининг ишончли тасдигини топди. Мазкур китобда АҚШдаги Буюк депрессиянинг асосий сабабчиси Марказий банк эканлиги кўрсатилган. Монетар концепция АҚШ амалиётида яхши натижа берди. М. гоялари 20-а.нинг 80-й.ларидан Гарб мамлакатларида давлат иқтисодий сиёсатига сингдирилди, унинг тавсиялари амалиётга жорий қилинди. АҚШда «рейгономика» (АҚШ президенти Р. Рейган номи б-н боғлиқ) сиёсати шу тавсиялар асосида ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Натижада АҚШ иқтисодиёти 70-й. ларда юз берган тангликдан чиқиб ривожланиш йўлга ўтди.

Абдулаҳад Ҳожаев.

МОНИЕЗИОЗЛАР — кавш қайтарувчи ҳайвонларнинг ичичка ичагида паразит ҳолида яшовчи Moniezia туркумига мансуб цестодалар чақирувчи инвазион касалликлар. Цестодлар оралиқ хўжайин-зирҳли каналар иштирокида ривожланади. Ёш моллар шароити ноқулай бўлган йилловларга олиб чиқилгач, ўт б-н бирга каналларни ютиб юборib, касалланади. Касалланган ҳайвон лоқаланади, ичи кетади, ориқлайди, ичаги оғриб, айланма ҳаракат қила бошлайди. Ташхис ахлат намуналарида гельминтлар ва уларнинг тухумлари аниқланишига кўра қўйилади.

Даволаш: фенасал, мис сульфати, панакур, мишьяк-кўргошин оксиди препаратлари берилади.

Олдини олиш: маданий йилловларда ўтлатиш, молларни дегельминтизациялаш.

МОНИЗМ (юн. monas — якка, ягона) — дунёдаги турли ҳодисалар негизида битта ибтидо, ягона субстанция ётади деб ҳисоблайдиган таълимот. М. *дуализм* ва *плюрализм*нинг акси. Фалсафа тарихида материалистик ва идеалистик М. мавжуд бўлган. Материалистик М. тарафдорлари сувни (Фалес), апейрон (ноаниқ модда)ни (Анаксимандр), ҳавони (Анаксимен), гомеомерия (зарра)ни (Анаксагор), атомни (Демокрит, Эпикур), оловни (Гераклит) дунёнинг ягона модний асоси деб ҳисоблаганлар. Идеалистик М.нинг йирик вакили Гетель дунё ва унинг ҳодисалари асосига дунёвий гояни қўйган. Фалсафада М. бутун борлиқни — табиат жамият, инсон маънавий дунёсини бир деб билиш, улар ягона асосдан келиб чиққан, бир-бирларидан мутлақо ажралмас деб ҳисоблашдир.

Табиатшуносликда М. жонсиз (ноорганик) ва жонли (органик) табиат босқичлари — ўсимлик дунёси, ҳайвонот дунёси, инсоният дунёсини бир асосдан узоқ ривожланиш жараёнини босиб ўтиб, бир-биридан келиб чиққанлиги ҳақидаги таълимотдир.

МОНИЙ ибн Фатак (тахм. 216 — тахм. 277) — *монийлик* таълимоти асосчиси. 3-а.нинг 30-й.ларида Эрон, Ўрта Осиё, Ҳиндистонга сафар қилиб, *буддизм*, *браҳманизм* ва б. динлар б-н танишган. Кейинчалик ўз таълимотини тарғиб этган. Бу таълимотни Эрон шоҳи Шопур I қувватлаб, уни христианлик ва маҳаллий динларга қарши қўйган. М. зардушт коҳинларининг қаршилигига учраб, Эрондан қочишга мажбур бўлган. Унинг тарафдорлари Ўрта Осиё, Миср, Шарқий Туркистон (Синьцзян), Рим империясининг шарқий вилоятларида кенг тарқалган. 273 й. М. Эронга қайтган, бир оз вақтдан сўнг қатл қилинган. Турли ривоятларда М.нинг ўз даврида истеъдодли наққош, рассом ҳам бўлгани ҳақида ҳикоя қилинади.

МОНИЙЛИК — 3-а.да Эронда вужудга келган дин. Асосчиси *Моний*. М. коинотда нур б-н зулмат, руҳий асос б-н моддий асос, яхшилик б-н ёмонлик ўртасидаги ўзаро курашни эътироф этишга асосланади. Нур, руҳий асос, яхшилик оламида худо, иккинчисида — шайтон (иблис) ҳукм суради. М.га кўра, икки олам кураши фалокат б-н тугайди, натижада моддий асос олами ҳалокатга учраб, руҳ озодликка чиқади. М. таълимотига кўра, бу дунё ёвузлик дунёсидир. Инсон 2 унсур (руҳ — нур фарзанди, жисм — зулмат фарзанди)дан иборат мавжудот бўлгани учун зулмат кучларига қарши курашда нур кучларига ёрдам бера олади. Моний само нури элчиси ҳисобланган. М.да *зардуштийлик* ва христианлик ғоялари мавжуд. М. дунёнинг кўп мамлакатларига, жумладан, Италиядан то Хитойга қадар тарқалган. 8-а.да Уйғур хонлигида ҳукмрон динга айланган. М. 8—9-а.ларда ислом тарафдорларининг таъқибига учради. Кейинчалик Европа ва Осиёда барҳам топди. Хитойда у 14-а.га келиб тақиқланди.

МОНИЛИОЗ, мева чириш касаллиги — олма, нок ва баъзан данакли мева дарахтларида учрайдиган касаллик. Monilia туркумига мансуб замбуруғлар қўзғатади. Касалланган мевалар қўнғир тус олади, пўстида сарғиш майда дўмбоқчалар пайдо бўлади, мева эти ҳовол бўлиб қолади, таъмини йўқотади, чириб, жигарранг тусга киради. Касаллик қўзғатувчи замбуруғ споралари ёмғир, шамол, ҳашаротлар ёрдамида тарқалади. М. қўзғатувчилари ўсимликка асосан механик шикастланишдан юқади. Касалланган меваларнинг кўпчилиги тўкилиб кетади, айримлари шохларда осилганча қотиб қолиб, баҳорда касаллик манбаига айланади. М. мевалар омборларда сақланаётган даврда ҳам пайдо бўлади.

Кураш чоралари: ёз давомида чириган, тўкилган мевалар йўқотилади, дарахтларга гуллашдан олдин ва гуллаб тушганидан кейин 1% ли бордо суюқлиги ёки бошқа фунгицидлар эритмаси пуркалади; мева омборлари тоза тутилади, ҳаво намлиги мўътадил сақланади.

МОНИТОРИНГ (инг. monitoring — кузатиш, назорат қилиш) — маълум бир ҳодиса ёки жараённинг ҳолатини кузатиш, ҳисобга олиш, баҳолаш ва истиқболини белгилаш. М. кундалик ҳаётнинг барча соҳаларида қўлланади. Мас., экология соҳасида ер фонди ҳолати бўйича кузатишлар тизими ер М.и деб аталади. Бундай М. ердаги ўзгаришларни ўз вақтида аниқлаш, уларни баҳолаш, салбий жараёнларнинг олдини олиш ва бартараф этиш мақсадини кўзлайди.

Кредит соҳасида қўлланиладиган М., яъни кредит М.нинг моҳияти берилган ссуда (қарз)ни қоплаш ва унга фоиз тўлаш жараёнининг бориши устидан назорат қилишда намоён бўлади. Кредит архиви кредит М.и учун асос ҳисобланади. Бу архивда молиявий ҳисобланган, гаров хусусидаги ҳужжатлар, мижознинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш юзасидан қилинган ҳисоб-китоблар ва б. зарур маълумотлар мавжуд бўлади. Кредит М.ини амалга ошириш тартиби банкнинг мақомига, ихтисослашувига, унда қабул қилинган мижозларнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлаш усулига боғлиқ.

Ўзбекистонда Республика Олий Мажлиси ҳузурида махсус *Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти* фаолият кўрсатади. Кейинги вақт-да оммавий ахборот воситалари М.и ҳам ташкил қилинди. Бу ишни Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги таркибида тузилган (2002 й. 3 июль) Оммавий ахборот воситалари мониторинги ва уларни лицензиялаш маркази амалга оширади. Марказнинг асосий вазифаси — оммавий ахборот воситалари муассислари ва таҳририятлари томонидан ЎзР оммавий ахборот воситалари, ноширлик, матбаачиликка тааллуқли ЎзР қонунлари, ЎзР Президенти фармонлари, фармойишлари ва ЎзР Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талабларига риоя этилиши устидан М.ни амалга оширишдан иборат. Марказ матбуот ва ахборот воситаларида фуқаролар, оммавий ахборот воситалари таҳририятлари ҳамда ходимларининг қадр-қимматини ҳимоя қилиш бўйича ЎзР Конституциясида ва амалдаги бошқа қонунларда кўзда тутилган талабларнинг бузилишига йўл қўйилмаслигини таҳлил этиб боради. Марказнинг телевидение ва радиоэшиттириш соҳасида оммавий ахборот воситалари М.и, босма оммавий ахборот воситалари М.и, лицензиялашни ташкил этиш бўлимлари бор.

Шунингдек, мамлакатимизда М.нинг давлат тизимидан ташқари нодавлат ташкилотлардаги кўринишлари ҳам мавжуд. Бу борада *«Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази*да амал қилиб келаётган матбуот нашрларида мавзулар ва мазмун М.и бўлими фаолиятини мисол келтириш мумкин. Мазкур бўлим матбуот саҳифаларида эълон қилиб борилаётган ахборотлар мажмуини контент-таҳлил услубида ўрганади. М. ижтимоий тараққиётни фаоллаштиришда муҳим омил саналганлиги боис, уни халқ хўжалигининг турли жабҳаларига фаол ва кенг жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, М. оилада фарзанд тарбияси, таълим тизимида ўзлаштириш ҳолати ва даражаси, ўз-ўзини бошқариш органларида аҳолини мақсадли ижтимоий-ҳимоялаш каби ишларни оптималлаштиришда муҳим вазифани бажаради.

Ад.: Бекмуродов М., Ўзбекистонда жамоатчилик фикри, Т., 2001.

Рустам Баратов, Мансур Бекмуродов.

МОНИШ (Moniz) Антониу Каэтану ди Абреу Фрейри Эгаш (1874—1955) — португалиялик невропатолог ва нейрохирург. Коимбрке ун-тини тугатган. Илмий ишлари руҳий касалликларга ташхис қўйиш ва даволаш масалаларига оид. Церебрал ангиография усулини ишлаб чиққан (1927); биринчи бўлиб лейкотомия (лоботомия) операциясини ўтказган (1936). Айрим руҳий касалликларни даволашда лоботомиянинг терапевтик таъсирини кашф этган. Нобель мукофоти лауреати (1949, В. Р. Хесс б-н ҳамкорликда).

МОН-КХМЕР ТИЛЛАРИ — «анъанавий мон-кхмер тиллари» деб аталувчи ва бутун Ҳиндихитойда, Таиланд ва Мьянмада, Хитойнинг жан. ҳудудларида тарқалган тиллар гуруҳи. М.-к.т.да сўзловчи халқларнинг энг йириклари кхмерлар (7 млн. кишидан ортиқ), монлар (500 мингдан ортиқ) ва куйлар (500 мингдан ортиқ)дир, қолганларининг сони 100 минггача етмайди (1987). М.-к.т.нинг чегараси, миқдори ҳақида ягона фикр йўқ. Кўпчилик тадқиқотчилар, кхмер, мон, пеар, шим. бахнар, жан. бахнар, ғарбий бахнар, кату, кхму, палаунг гуруҳчаларини М.-к.т.га киритадилар.

Анъанавий М.-к.т.да сўз ўзгартувчи қўшимчалар йўқ. Синтактик муносабатлар сўз тартиби ва ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланади. Содда гап қурилишида эга аввал, кесим ундан кейин, тўлдирувчи эса кесимдан сўнг жойлашади. Уларнинг ўрин алмашуви гап мазмунига таъсир қилиши мумкин. Анъанавий М.-к.т. умумий луғат таркибида тай, австронез, ҳинд-орий, хитой ва б. тиллардан ўзлашган сўзлар анчагина. М.-к.т.дан кхмер ва мон тиллари қадимдан ўз ёзувларига (ҳинд ёзувидан келиб чиққан) эга бўлган тиллардир; қолганлари эса ўз ёзувига эга эмас ёки яқинлагина эга бўлган.

МОНЛАР (талаин) — Мьянманинг жан. ва Таиланднинг жан.-ғарбидаги халқ. 820 минг киши (1990-й.лар ўрталари). *Мон-кхмер тиллари* гуруҳига мансуб тилларда сўзлашади. Диндорлари — буддавийлар. Шоликорлик ва ҳунармандчилик (кулолчилик ва б.) б-н шуғулланади. М. Ҳиндихитойнинг туб жой халқи. 15-а.да ўз давлатига эга бўлган. Ҳоз. М. *мьянма* ва каренларга сингиб кетган.

МОНО Жак Люсьен (1910—1976) — француз биологи ва микробиологи. Сорбонна ун-тини тугатган (1931). 1940 й.дан бошлаб Пастер ин-тида ишлаган. Сорбонна, кейинчалик Коллеж де Франс коллежи проф. Илмий ишлари бактериялар ирсияти ва бактерия ҳужайраси энзимологиясининг молекуляр-биологик аспектларига бағишланган. Ферментлар ва вируслар синтезини ирсий назорат қилишни кашф қилган. Нобель мукофоти лауреати (1965; Ф. *Жакоб* ва А. М. *Львов* б-н ҳамкорликда).

МОНО... (юн. monos — бир, якка, ягона) — ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, маъносига кўра, «бир», «ягона», «ёлғиз» сўзларига тўғри келади (мас., моногамия, моносахаридлар).

МОНОГАМИЯ (*моно...* ва юн. gamos — қўшилиш) (бир никоҳлилик) — никоҳ ва оиланинг тарихий шакли. Ибтидоий жамиятнинг емирилиши даврида жуфт никоҳдан пайдо бўлиб, М. никоҳнинг ҳукмрон шаклига айланган.

МОНОГАМИЯ — ҳар хил жинсли ҳайвонлар ўртасидаги муносабат шакли; битта эркак ҳайвоннинг мавсум давомида фақат битта урғочиси б-н жуфтлашиши. М.да эркак ҳайвон ҳам насл учун ғамхўрлик қилади. Сут эмизувчиларда М. *полигамия*га нисбатан кам учрайди. Одатда, бир мавсумлик М. бўри, тулки, бўрсиқда бўлади. Одамсимон маймунлардан гиббонларда эса бундай жуфтлик бир неча йиллар давом этади. Моногам организмларда жинсий диморфизм кучсиз намоён бўлади. М. қушларда кенг тарқалган. Оққушлар, лайлаклар, бургутларда жуфтлик бир неча йилгача, ҳатто умр бўйи давом этади. Жўжа очувчи қушларда М. б-н бир қаторда полигамия ҳам кузатилади. Эволюция жараёнида М. полигамияга нисбатан кучлироқ ихтисослашган ҳолиса сифатида ривожланган. Баъзан хонакилаштирилган ёввойи ҳайвонларнинг эркакларида битта урғочи организм б-н жуфтлашиш инстинкти йўқолади. Мас., тулкилар табиатда моногам, аммо тутқунликда боқилганида уларнинг эркаги бир неча урғочилари б-н жуфтлашади. М. ҳашаротларда ҳам кузатилади.

МОНОГЕНЕЯЛАР, моногенетик сўргичлилар, кўп сўргичлилар (Monogenea) — ясси чувалчанглар типига мансуб синф. Уз. 0,2— 3 см. Эктопаразитлар. Асосан, балиқлар териси ва жабраларида, баъзан сувда ва қуруқликда яшовчилар ҳамда судралиб юрувчилар (тошбақалар) ички органларида паразитлик қилади. Танасининг кейинги қисмида ёпишувчи диски бўлиб, унда турли хил ёпишув органлари (илмоқлар, клапанларга ўхшаш сўргичлар) жойлашган. Оғиз танасининг олдинги қисмида. Ичаги халтасимон ёки шохланган. Айириш системаси протонефридий типида, айириш тешиклари танасининг 2 ёнида. Гермафродит, қўшилув органлари бор. Тухум қўяди, баъзан тирик туғади. Одатда, насл галланмасдан кўпаяди (бақа кўп сўргичлиси бундан мустасно). Эркин яшовчи личинкаси 10—16 илмоқчалар б-н қуролланган бўлиб, янги хўжайинни зарарлайди. 200 га яқин тури маълум. Бир қанча турлари ёш балиқларни зарарлаб, ёппасига қириб юборади. М. балиқчилик хўжаликларига катта зиён келтиради.

МОНОГРАФИЯ (*моно...* ва ... *графия*) — муайян мавзу ёки муаммони, бирор олим ёки ёзувчи ҳаёти ва фаолиятини атрофлича, чуқур тадқиқ этувчи илмий асар. М.да ёритилаётган масала бўйича мавжуд адабиёт умумлаштирилади ва таҳлил этилади, фанни ривожлантиришда ёрдам берадиган фараз ва хулосалар илгари сурилади.

МОНОДИЯ (юн. — яккахон хонанда қўшиғи) — 1) Юнонистонда жўрсиз ёки чолғу (кифара, авлос) жўрлигидаги яккахон хонанда ижроси; 2) 16-а. Италияда юнон драмасига тақлидан юзага келган мусиқа услуби, чолғулар аккордлари жўрлигида яккахон хонанда куйлаши (Я. Пери, Ж. Каччини, К. Монтевердиларнинг опера ва мадригаллари; 3) кенг маънода — ҳар қандай бир овозли куй; 4) 1970-й.лардан бошлаб (шу жумладан, Ўзбекистонда) мусиқашунослар томонидан М. атамаси мусиқий тафаккур тури маъносида ҳам тушунилади. Унда *гармония*, *полифония* йўналишидаги кўп овозли мусиқадан фарқли ўлароқ овозларнинг ўзаро нисбатлари ички уйғунликка асосланади; яъни М. таркибидаги овозлар куйнинг умумий йўналишига бўйсунади.

МОНОКАРП ЎСИМЛИКЛАР (*моно...* ва юн. karpos — мева) — ҳаётида бир марта гуллаб уруғлайдиган, кейин нобуд бўладиган ўсимликлар. М.ў.га, асосан, бир йиллик (буғдой, арпа, лолақизғалдоқ ва б.) ва икки йиллик (сабзи, карам, пиёз ва б.) ўсимликлар, кўп йилликлардан баъзи бамбуклар, пальмалар, агавалар ва сассиқ коврак киради.

МОНОКЛИНАЛЬ (*моно...* ва юн. klino — энгашаман) — тоғ жинслари қатламларининг бир томонга бир тартибда қияланиб ётиши. Одатда, бирорта кенг ва қия ётган кўтарилма ёки қатламлар букилмасидан иборат бўлади. М., айниқса, антеклиза ва синеклиза қанотларига мансуб бўлиб, платформалар учун характерли. Катта антиклиналь ёки синклиналь букилмаларининг бир ён қаноти ҳам М. деб аталади. Бунга Болтиқ кристалли қалқони жан. ён бағридаги палеозой қатламлари ҳосил қилган структура мисол бўлади.

МОНОКРИСТАЛЛ — *кристалл панжараси* тартибли, маълум симметрияга эга (тўғри кўп ёқли), анизотроп хоссали битта кристалл. Кўпчилик қаттиқ жисмларнинг М.дан фарқи шундаки, улар майда кристалл ва кристаллитлардан таркиб топган поликристаллитлардир. М. маълум т-ра, босим ва кимёвий таркибли суюқ, қаттиқ, газсимон моддадан ҳосил бўлади (мас., флюорит, фторли литий ва б.). М. олиш учун реактив тоза бўлиши, ташқи шароит ва т-ра ўзгартирилмасдан сақлаб турилиши керак.

М. моддани эритиш, эритма ҳосил қилиш, газ ва қаттиқ ҳолга келтириш жараёнлари орқали ҳосил қилинади. Бу ҳолатларни ҳосил қилиш усуллари жуда

кўп бўлиб, уларни танлашда моддаларнинг физик ва кимёвий хоссалари эътиборга олинади. Эриши қийин бўлган моддалар (молибден, вольфрамдан М. олиш жуда қийин. М. олишда пайдо бўлган асосий нуқсон *вакансиялар ва дислокациялардир*. М. секин ҳосил қилинганида вакансия ортса, тез ҳосил қилинганида дислокация ортади. Дислокация ортганда мозаик (панжара) кристалл ҳосил бўлади. М. халқ хўжалигида, радиоэлектроника, акустика, ҳисоблаш техникаси ва ҳ.к.да ишлатилади.

МОНОКУЛЬТУРА (*моно*... ва лот. cultura — экиш, етиштириш) — *алмашлаб экишга* амал қилмаган ҳолда даланинг ўзида фақат бир хил экинни муттасил етиштириш (қ. *Бир экинли деҳқончилик*).

МОНОЛОГ (*моно*... ва юн. logos — сўз, нутқ) — бадиий асар компонентларидан бири бўлиб, асарда иштирок этувчи шахсларнинг ўз-ўзига, ўзгаларга қаратилган нутқи. Адабиётда М. персонажлар руҳий дунёси, кечинмаларини ифодалашдаги муҳим воситалардан бири сифатида қўлланади (қ. *Монологик нутқ*).

МОНОЛОГИК НУТҚ — сўзловчининг ўзига қаратилган, бошқа шахснинг тинглаш ва жавоб беришини эътиборда тутмайдиган нутқ шакли. Айрим драматик асарларда персонажнинг М.н.и томошабинга қаратилган бўлади. М.н. насрий асарларда ҳам бор. Назмда эса асосий нутқ шаклларидан бири ҳисобланади. Баъзан М.н.да асарнинг кульминацион нуқтаси баён этилади. М. н. учун, одатда, тузилиш ва мазмун жиҳатдан ўзаро боғлиқ, ўзига хос композицион қурилишга ва мантиқий тугалликка эга бўлган матннинг маълум бўлаги хос бўлади. М.н. оғзаки (нутқ баён қилиш) ёки ёзма (публицистика, мемуарлар, кундаликлар) шаклида ифодаланиши мумкин. М.н.нинг оғзаки шаклида оҳанг (интонация) муҳим ўрин эгаллайди, ёзма М.н.да эса оҳанг матннинг синтактик конструкциясига, мантиқий урғу тушувчи сўзларнинг жойлашиш ўрнига боғлиқ. М.н. нотиқнинг асосий нутқий шаклларидан ҳисобланади; лингво-стилистик усул бўлиб, бир қанча турлари мавжуд. Мас., таъсир қилувчи (тарғиб қилувчи) М.н., драматик М.н., лирик М.н., ҳикоя қилувчи (ахборот берувчи) М.н. М.н.нинг очиқ нутқ ва ички нутқ каби кўринишлари мавжуд; очиқ М.н.да персонаж ўз нутқини овоз чиқариб баён этади; ички М.н.да монолог персонажнинг ички нутқи, ўйлари шаклида намоён бўлади.

Неъмат Маҳкамов

МОНОМЕРЛАР (*моно*... ва юн. meros — қисм) — молекулалари ўзаро таъсирлашиб (*полимерланиш* ёки *поликонденсатланиш*) ёки бошқа моддаларнинг молекулалари б-н реакцияга киришиб *полимерлар* ҳосил қиладиган қуйи молекуляр моддалар. Полимерланишда қатнашувчи кучсимон М. қуйидаги икки синфдан бирига тааллуқли бўлади. 1) каррали боғлар C=C, C≡C, C=O, C≡N ва б.нинг бўлиниши натижасида полимерланувчи бирикмалар (олефинлар, диен ва ацетилен углеводородлари, альдегидлар, нитриллар ва ҳ.к.); 2) циклик гуруҳларнинг бўлиниши натижасида полимерланувчи бирикмалар, мас., олефин оксидлари, лактамлар, лактонлар. Функционал гуруҳи бор бўлган бирикмалар (мас., дикарбон кислоталар, аминокислоталар, гликоллар, феноллар, диаминлар) ҳам М. сифатида ишлатилиши мумкин. Сополимерланиш ёки сополиконденсатланиш реакцияларида иштирок этувчи М. *сомономерлар* деб аталади.

МОНОМЕТАЛЛИЗМ (*моно*... ва *металл*) — бир металл умумий эквивалент ва пул муомаласининг асосини ташкил этадиган пул тизими. Мол муомаласида бўлган тангалар ва қиймат белгилари (қоғоз пуллар) қимматбаҳо металларга алмаштирилади.

19-а. охиридан олти олтин конларининг очилиши б-н кўпгина мамлакатлар бирин-кетин олтинга асосланган пул тизимига ўтдилар ва М. *биметаллизм* ўрнини эгаллади. 20-а.нинг 70-йилларидан деярли барча давлатларда олтин М. олтин валюта стандарти б-н алмаштирилди (қ. *Ямайка битими*).

МОНОПЛАКОФОРАЛАР (Monoplacophora) — чиғаноқли моллюскаларнинг энг тубан тузилган синфи. Қазилма ҳолда Кембрийдан Девонгача учрайди. Биринчи тирик вакили неопилина 1952 йилда топилган. Ҳозир 8 тури маълум. Танаси қалпоқчага ёки пеши сопратга ўхшаш чиғаноқ б-н қопланган. Мантия бўшлиғида 1 жуфтдан 8 жуфтгача бўлган мускуллар жойлашган. 5—6 жуфт патсимон жабралари қорин томондаги мантия эгатчаларида жойлашган. Буйраклари 6 жуфт. Юраги 2 тадан қоринча ва бўлмачадан иборат. Қон айланиш системаси туташмаган. Муовчинат овқлаш органи бор. Айрим жинсли, жинсий безлари жуфт. Сув тубида 200—700 м чуқурликда учрайди.

МОНОПЛАН (*моно*... ва лот. planum — текислик) — бир қанотли *самолёт*. Қаноти кийка ва асос бўлганлиги учун у текислик деб аталган. Қанотнинг фюзеляжга нисбатан ўрнатилиши ҳисобига кўра, М. юқоридаги, ўртадаги ва пастдан каби хилларга бўлинади. М. енгил авиация ва ҳарбий авиацияда қўлланилади.

МОНОПОДИАЛ ШОХЛАНИШ — ўсимликларнинг шохланиш типи, бунда уларнинг асосий поясй ўсиш нуқтаси доимо сақланади (қ. *Шохланиш*).

МОНОПОЛ НАРХ — монопол мавқега эга субъект (фирма)лар бозорда белгилайдиган нарх; монопол фойда олишнинг асосий воситаси. *Монопол* шароитида бу сотувчи нархи бўлса, *монопсония* шароитида харидор нархи шаклида ва бўлади. М.н. эркин бозор нархидан рақобат асосида шакллантиришда б-н фарқ қилади. М.н.ни белгилашнинг асосий мақсади олинадиган фойдани максималлаштиришдир. Монополиянинг нарх белгилашдаги ҳукмронлиги унинг бозордаги ҳокимлиги ҳисобланади. М.н. ўрнатилганда харидор имкониятига бўйсунишнинг сабаби харидор даромадининг бир қисмини йўқотади. Лекин монополия М.н.ни чегарасиз оширa олмайди, чунки ҳар қандай нархнинг юқори чегарасини харид қобилияти белгилайди. Шуни ҳисобга олиб М.н. бозор кутарадиган нархнинг энг юқорисига қилиб белгиланади, аммо бундай нарх талабнинг пастлигини юзага келтирмайди, яъни талаб нархнинг ортишига нисбатан тезроқ пасаяди.

М.н.да ресурслар нархининг ортиши ҳам таъсир этади, чунки харажатлар ортиб, фойда қисқаради. Монопсония шароитидаги М. н. харидор нархи ҳисобланиб, у ишлаб чиқарувчиларнинг ўртача харажатлари даражасида бўлади. Бунинг натижасида монопсонистга товар сотганлар минимал фойда кўради, монопсонист эса нархни пасайтиклан ютиб чиқади. Бу ерда сотувчиларнинг йўқотиши харидор — монопсонистнинг ютуғига айланади. М.н. бозорнинг асосий воситаси бўлганлигидан, давлат бу нархларни назорат қилади, уларнинг ҳаддан зиёд юқори ёки паст белгиланишига йўл бермайди, нархни ошириш ҳисобидан топилган фойдани давлат ўз бюджетига олиб қўяди.

Хайдиназар Алиқулов

МОНОПОЛ РЕНТА — кўчмас мулк эгаларининг ўз мулкини ижарага беришдан оладиган даромади; ижара ҳақи шакли. М.р.ни ер ва б. кўчмас мулк — бинолар, иншоотлар, турар жой ва турли хўжаликлар беради. М.р.нинг асосий манбаи мулкни ишлатувчи (ижарага олувчи) тарафнинг даромад ҳисобланади. Бу даромадга мулкни ишлатув-

чи тараф ўз даромади ва мулк эгасига тўланадиган даромад бўлинади. Ҳатто М.р.ни ҳар қандай мол-мулк (мас., бетон иншоотлари б-н ижарадан фарқланувчи ва қўшимча наф келтирувчи мол-мулк ҳосил этади. Мас., ер ҳосилдорлигининг юқори бўлиши, ер ости бойликлари табиий бойликларини қазиб олишга кетадиган сарф-харажатнинг камлиги, коммуникация б-н таъминланганлиги, географик қулай жойлашуви, курилган бино-иншоотларнинг экологик тоза жойда бўлиши ва б. Мазкур нобёб кўчмас мулкка бўлган талабни оширади, ижара ҳақини бошқаларникидан юқори қилади. Бунда реал ижара ҳақи олинган ижара ҳақига устама (қўшимча) ҳақнинг қўшиб ҳисобланади. Кўчмас мулкнинг ноёблиги абадий эмас, вақт ўтиши б-н ўзгаради. Шунга кўра, М.р. бир ҳаёт бўлса, бир йўқолиб туради. Мас., ерда бой қатламлар сотилганда М.р. вужудга келади, улар ишлатиб бўлингач, ернинг нафлилиги ҳам камаяди, натижада М.р. йўқолади.

Хайдиназар Алиқулов

МОНОПОЛИЯ (юн. mono — ягона, poleo — сотаман) — иқтисодиётнинг бир соҳасида танҳо ҳукмронлик, бозорнинг алоҳида эгаси шакли. Бундай бозорларда ягона сотувчи ўз товари б-н фаолият кўрсатади, бошқа тармоқларда бундай товарнинг ўринбосари бўлмайди. М. ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва яратилган маҳсулотлар асосий қисмининг оширлик корхоналар, саҳибкор шахслар ёки давлат қўлида тўпланишининг натижасида пайдо бўлади. М. кўринишлари қадимдан мавжуд. Ноёб маҳсулот етиштириладиган ерлар, конлар, сув ҳавзалари, ўрмонлар ва б. табиий манбалар оширлик қўлида тўпланиб, эгаларига монопол мавқе берган, улар маълум маҳсулотни бозорга танҳо етказиб берувчиларга айланиб, у ерда ҳукмрон бўлганлар. М. ўз табиатига кўра и.ч. да турғунлик пайдо қилади, чунки монопол мавқеги таянib, харажатларни камайтирмай фойда кўради. Рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан фойдаланиб бозорга ўз измини ўтказиш мумкин. М. бозор муносабатларини чеклайди, шу сабабли ҳатто бозор иқтисодиёти ҳукмрон давлатлар монополияга қарши чора-тадбирларни кўрадилар. М.нинг асосий шакллари — *картель, синдикат, трест, концернлар* ҳисобланади (қ. *Монополияга қарши қонунчилик*).

МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ ҚОНУНЧИЛИК — давлатнинг монополияга қарши кураш сиёсати. Дунё тажрибасига кўра, М.қ.қ., асосан, қуйидаги йўналишлар бўйича ташкил топади. Биринчидан, и.ч. тармоқлари бошқаруви қонунлар. Бу қонунларга биноан, одатда, ҳеч бир корхона тармоқдаги бозор тўридан маҳсулот ишлаб чиқариш органининг назарий қисмида ҳуқуқ берилмайди. Иккинчидан, барча йирик корпорациялар концернлари бошқа корпорациялар акцияларининг маълум чекланган миқдоридан ортиқча ва йўл қўйилмаслиги белгилаб қўйилади. Учинчидан, нархларни бозор мувозанати белгилаган даражадан юқори ёки паст туришига, нарх устидан келишиб олишни тақиқловчи қарорларга қарши қонунлар жорий қилинади.

Давлатнинг монополияларга қарши сиёсати миллий иқтисодиётда рақобат олдиндан шаклланган бўлган мамлакатларда рақобатчилик муҳитини таркиблаштиришга. Бозор иқтисодиёти ўз йўлига ўтаётган мамлакатларда эса бу муҳитни шакллантиришга қаратилган. Бозорда монополистнинг ўрнатилиши унинг монопол мавқени суиистеъмол қилишни тақиқлайдиган трестларга қарши биринчи қонун — Шерман қонуни АҚШда 1890 йилда қабул қилинган. М.қ.қ. ва уни амалга ошириш учун зарур бўлган чора-тадбирлар ҳар бир мамлакатда шароит тақозо этган шаклларда амал қилади. Ривожланган барча давлатларда соғлом рақобат муҳитини ҳимоя қилиш мақсадида турли кўринишдаги монополистик фаолият устидан давлат томонидан тартибга солиш амалга оширилади. Мас., АҚШда монополияга қарши давлат сиёсати — Федерал савдо комиссияси ва Адлия департаментининг трестларга қарши бошқармаси, Россияда — Монополияга қарши сиёсат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вазирлиги, Япония ва Жан. Кореяда — Ҳалол рақобат бўйича комиссия, Европа Иттифоқида эса — Рақобат бўйича комиссия томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистонда монополияга қарши орган 1992 й. да Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Монополияга қарши ва нарх сиёсати бош бошқармаси сифатида ташкил қилинди. 1996 й. 15 майда ушбу бошқарма негизида Молия вазирлиги ҳузурида Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ташкил этилди. 2000 й. 2 авг.да Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги фармонига асосан монополияга қарши орган Молия вазирлиги таркибидан чиқарилиб, мустақил давлат қўмитасига айлантирилди.

Ўзбекистон давлатининг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шаклларини вужудга келтириш лозим ўрин тутади. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳити вужудга келади.

Рақобатни шакллантиришда иқтисодиётнинг давлат корхоналари сақланиб қолиши керак бўлган соҳаларнинг корхоналар учун уларнинг бозор шароитларида тиркабан мослашувига ёрдам берадиган хўжалик юритиш механизмини и.ч. муҳим ўрин эгаллайди. Бу механизм давлат корхоналари иқтисодий жиҳатдан эркин бўлишини, уларнинг фаолияти самарадорлашган бўлишини назарда тутади. Бозор иқтисодиётида ўзаро даврида рақобатнинг асосий усули нарх бўлганлиги сабабли, нархларни эркин қўйиб юбориш рақобатли муҳитни вужудга келтиришнинг асосий шарти ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистонда «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун (1992 й. 3 авг.) қабул қилинди ҳамда унинг асосида рақобатчиликни ривожлантиришга қаратилган бир туркум норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Мазкур қонунга кўра, бозорда атайдан танқислик яратиш, нархларни монополлаштириш, рақобатчиларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш, рақобатнинг ғирром усулларини қўллаш ман этилади.

Ҳозир даврда Ўзбекистонда, агар корхона ишлаб чиқарган муайян маҳсулотлар товарлар бозоридаги шундай маҳсулотнинг 35% дан ортиқ бўлса, бу корхона монополист корхона сифатида Давлат реестрига киритилади (озиқ-овқат товарлари гуруҳи учун бундай чегара даражаси 20% қилиб белгиланган).

Республикада монополиялар рўйхатига кирган корхона (тармоқ)ларнинг бозордаги мавқеини тартибга солишда бир қатор усуллардан: а) монопол мавқедаги маҳсулотларга нархларнинг энг юқори даражасини ёки рентабеллик чегарасини белгилаб қўйиш; б) ўз монопол мавқеини суиистеъмол қилган монополистик бирлашмаларни бўлиб ташлаш ёки майдалаштириш усулларидан фойдаланилади. Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» (1996 й. 26 апр.) қонуни асосида ғирром рақобатга, шу жумладан, бозорларга белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товарларнинг киришига

йўл қўймайдиган механизмни яратишга ҳам алоҳида эътибор берилган.

Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида» қонуни (1996 й. 27 дек.) монополистлар томонидан ҳукмронлик мавқеини суиистеъмол қилишнинг олдини олиш ва монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини яратиш мақсадларини кўзлайди. Иқтисодиётнинг айрим тармоқларида рақобат муҳитини шакллантириш иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас. Бу тармоқлари корхоналар, одатда, «табиий монополиялар» деб аталади. Ўзбекистон Республикасининг «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонунида (1997 й. 25 апр; янги таҳрирда 1999 й. 19 авг.) республикада табиий монополияларга нисбатан давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари белгилаб берилди. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларнинг туб моҳиятидан келиб чиққан ҳолда монополияларга қарши ва табиий монополиялар тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиб, уларнинг *Европа Иттифоқи* ва б. ривожланган қонунчилик андозаларига мос келиши таъминлаб борилмоқда.

Салимжон Дўсматов.

МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ — иқтисодиётдаги монополиядан эркин, тенг ҳуқуқли рақобатга асосланган тадбиркорлик фаолиятига қайтиш (қайта ўтиш). Монополия эркин рақобатга йўл бермай, иқтисодиётда турғунликни вужудга келтиради. М.ч. соғлом иқтисодий беллашувга йўл бериш мақсадларида амалга оширилади. Натижада монопол корхоналар ва бирлашмалар ўрнига ўзаро рақобатлашувчи кўплаб корхоналар пайдо бўлади. М.ч. 2 йўл б-н амалга оширилади; йирик монопол мавқедаги бирлашмалар, компаниялар тарқатилиб, улардан мустақил корхоналар ажралиб чиқади; монопол корхона ёки бирлашмалар, компаниялар сақланган ҳолда улар б-н рақобат қила оладиган, бир хилдаги ёки бир-бирининг ўрнини босувчи маҳсулот чиқарувчи корхона ёки бирлашмалар ташкил этилади. М.ч. бозор иқтисодиётига ўтишда ёки унинг ўсиши учун янги имкон яратишда гоят муҳим. М.ч. Ўзбекистонда 1990-йлар бошидан босқичма-босқич амалга оширилди (қ. *Монополияга қарши қонунчилик*).

МОНОПОЛЛАШГАН БОЗОР — озчилик сотувчилар ва харидорлар ҳукмрон, рақобат чекланган ёки мавжуд бўлмаган бозор. Унинг монопол рақобатли, олигополистик, соф монополия бозори турлари бор. Монопол рақобатли бозорда фирмалар кўп бўлганидан улардан ҳар бирининг товарлар сотишдаги ҳиссаси кичик бўлади, натижада улар бозорни чекланган ҳолда назорат қиладилар. Улар яширин келишув асосида ўзаро тил бириктира олмайдилар, бу б-н мазкур бозор олигополистик бозор (турғун монополиясидан фарқланади. М.б.да фирмалар мустақил бўлганидан ўз бозорида бир-бири б-н рақобатлашади. Лекин рақобатнинг асосий усули нарх б-н рақобатлашув эмас, балки сифат жиҳатидан бир-бирилан фарқланувчи маҳсулот б-н бозорга чиқиш ҳисобланади. М.б. янги фирмаларнинг кириб келиши учун очиқ ҳисобланади. Шу боис бу ерда рақобат чекланмайди, аксинча, кенгайиб туради. Янги фирмалар кириб келганда таклиф кўпайиб, нархлар тушиб кетади, натижада талаб ҳам кўтарилади. Зарар кўрганлар бозордан чиқиб кетишгач, нархлар ошади, фойда максимумланади. Бундай бозорда товарларни мукаммаллаштириш сотиш ҳажмини ошириб, фойда миқдорини кўпайтиради. Рақобатда молиявий ишлаб ташқари, реклама ҳам кенг қўлланади. М.б.нинг монополлашув даражаси америкалик иқтисодчи А. П. Лернер (1903—1983) индекси (L) б-н аниқланади:

$$L = \frac{P - W_m}{P},$$

бу ерда P — нарх; W_m — меъёрий харажатлар. Индекс қиймати 0 дан 1 гача ўзгаради. Унинг қиймати 1 га қанчалик яқин бўлса, фирма монополияси шу қадар кучли ҳисобланади.

Хидирназар Аллақулов.

МОНОПСОНИЯ (*моно...* ва юн. opsonia — сотиб олмоқ) — бозор ҳолати, бозорда харидорнинг ҳукмрон мавқега эга бўлиши. М.да бир нечта сотувчилар ва бир йирик харидор иштирок этади. Бозорда харидор ўз ҳукмини ўтказиб, етакчи мавқени эгаллайди, харид ҳажмини камайтириб, ишлаб чиқарувчиларни нархни пасайтиришга мажбур этади. Аксарият ресурслар бозорида пайдо бўлади (ишлаб чиқарувчи ютуғи харидор-истеъмолчига ўтади). Ресурсларни давлат қатъий нархларда харид этганда, давлат буюртмаларида ҳам М. вужудга келади. Мас., давлат авианосец, космик-ракета объектлари каби қиммат ва мураккаб қурол-аслаҳалар харидори бўлади. Бу ҳолда олди-сотди битишувчи томонлар учун келишувнинг нархини ҳам ўз ичига оладиган, ўзаро мажбуриятларини назарда тутадиган контрактлар — битимлар бўйича амалга оширилади. Кенг маънода — нархлар шаклланишига харидорлар, товар ва хизматлар истеъмолчилари ҳал қилувчи таъсир кўрсатадиган барча бозорларга нисбатан қўлланади.

МОНОРЕЛЬС ЙЎЛ — йўналтирувчи балкаси (монорельси) битта таянчга ёки эстакадага жойлаштирилган транспорт тизими; йўловчилар ташиш вагонлари ва юк ортилган вагонеткалар осма ёки релс бўйлаб ҳаракатланади. М.нинг вагонлар монорельсининг устида ва остида ҳаракатланадиган хиллари бор (расм). Йўловчилар М.и — енгил юриладиган, пневматик ёки резиналанган йўналтирувчи тилиралар б-н таъминланган. Шовқинсиз ҳаракатланади. Вагонларга 120—140 киши сиғади. Тезлиги 240 км/соатгача боради. Юк М.и — саноат корхоналарида саноат транспорт воситаси (цех ичида ва цехлараро) сифатида ишлатилиб, бир неча км гача узунликда бўлиши мумкин. Бунда ҳаракат, юкларни ортиш ва тушириш ишлари автоматик бошқарилади. Вагонеткаларнинг юк кўтарилувчанлиги — 0,2 — 2 т (баъзан, 5 т), тезлиги — 2—4 км/соат. Нисбатан юқори тезликка эришиш мумкинлиги, ҳаракатдаги хавфсизлиги, йўлни қисқа йўл бўйича ўтказиш мумкинлиги, йўл ётқизишнинг жой танламаслиги, металл кам сарф бўлиши ва энергия юқори тежалиши, тўла автоматлаштириш имкони борлиги туфайли М.й. саноатда ишлатиладиган, шаҳарда, шаҳар атрофида қатнайдиган транспортнинг ривожланган тури ҳисобланади. Шаҳарлараро қатновда ҳаво ёстиғидан фойдаланиб ҳаракатланиш қўлланилади. М.й. Германия, АҚШ, Франция, Япония, Швейцария, Канада, Италия ва б. мамлакатларда қурилган.

Монорельс йўл: *а* — вагонлар монорельсининг устида ҳаракатланадиган «Альвег» тизими (Германия); *б* — вагонлар монорельсининг остида ҳаракатланадиган «Сафеж» тизими (Франция).

МОНОСАХАРИДЛАР — органик бирикмалар, углеводларнинг асосий гуруҳларидан бири. Таркибида гидроксил гуруҳлари, альдегид гуруҳи (альдозалар) ёки кетогуруҳ (кетозалар) бўлади. Умумий формуласи $C_nH_{2n}O_n$ (бу ерда n=3-9). Занжиридаги углерод атомларининг сонига қараб М., одатда, қуйи М. (занжирида 3 ва 4 та углерод атоми бўлган) триозалар ($C_3H_6O_3$) ва тетрозалар ($C_4H_8O_4$), оддий М. пентозалар ($C_5H_{10}O_5$) ва гексозалар ($C_6H_{12}O_6$), юқори М. гептозалар ($C_7H_{14}O_7$), октозалар ($C_8H_{16}O_8$), нонозалар ($C_9H_{18}O_9$)га бўлинади. Бўлардан, гексозалар (мас., глюкоза, галактоза, маноза, фруктоза) ва пентозалар (арабиноза, ксилоза, рибоза ва б.) муҳим. М. сувда яхши, спиртда оз эрийди, эфирда эса эримайди. Ҳайвонлар, ўсимликлар организмида эркин ҳолда ва полисахаридлар, глюкозидлар ҳолида кўп учрайди. М., айниқса, фосфор эфирлари (гексозодифосфат, гексозомонофосфат) ҳолида организмдаги моддалар алмашинуви жараёнларида иштирок этади, энергетик жараёнларда, шунингдек, углевод ва б. мураккаб бирикмалар синтезида қатнашади. М., асосан, полисахаридларни гидролизлаб олинади. М. ва уларнинг ҳосилалари, мас., *глюкоза, фруктоза* озиқ-овқат саноатида ва тиббиётда ишлатилади.

МОНОСЕМИЯ (*моно...* ва юн. sema — белги), бир маънолилик — сўзларнинг матнида ҳам, матндан ташқарида ҳам фақат битта маънога эга бўлиши. Илмий-техник терминлар, касб-ҳунар сўзлари, айрим якка тушунчаларни ифодаловчи сўзлар М.га мисол бўла олади (яна қ. *Кўп маънолилик*).

МОНОСИЛЛАБИЗМ (*моно* ... ва юн. syllabe — бўғин) — маълум бир тилда сўзлар (лексемалар)нинг бир бўғинли бўлиши. Бу хусусият тилларнинг типологик (лекин генеалогик эмас) жиҳатдан таснифлаш учун асос бўлади. М. кўпгина *хитой-тибет тиллари* учун хос хусусиятдир. Қад. туркий сўзлар архитектоникаси ҳам унинг ўзак морфемаси бир бўғинли эканлигини кўрсатиб туради(мас., бор, ол, қоч, тор).

МОНОСОМ ТАҲЛИЛ — генетик тадқиқот усули; анеуплоидия ҳодисаси типларидан бири — моносомия (қ. *Гетероплоидия*) асосланган. Генотипдаги айрим хромосомаларнинг ирсий аҳамиятини аниқлашга хизмат қилади. Моносомиклар ташқи ва ички (физиологик, генетик) омиллар таъсирида хромосомаларнинг қутбларга тарқалишидаги бузилишлар туфайли вужудга келади. Бундай бузилишлар ҳам соматик, ҳам жинсий ҳужайраларда бўлиши мумкин. Шунинг учун моносомиклар митотик ва мейотик бўлади. Бироқ гототик хромосомаларнинг қутбларга тарқалмаслиги *мейоз*да, яъни томологик хромосомаларнинг коньюгацияланиш ва бивалентлар ҳосил қилиш жараёнида кўпроқ юз беради, чунки бунда бивалент бутамом бир ҳужайрага ўтиб кетиши туфайли иккинчи ҳужайрада етишмовчилик кузатилади. М.г. ҳайвон ва ўсимликлар генетикасида қўлланади.

МОНОТЕИЗМ, якка худолик (*моно* ... ва юн. theos — худо) — ягона худо ҳақидаги тасаввурларга асосланувчи диний эътиқодлар. Кўп худолик (*политеизм*)нинг акси. *Христианлик, иудаизм* ва *ислом* М.га асосланган динлардир.

МОНОТЕМАТИЗМ (*моно...* ва тема — мавзу) — кўп овозли мусиқа асарларини тузилиш принципи; М. маълум бир мусиқий мавзу (куй)нинг ўзига хос ривожлантириш усули б-н боғлиқ бўлиб, соната-симфоник туркуми ёки унга асосланган бир қисмли шаклларни ўзаро боғлайди. М.нинг илк намуналари — Л. Бетховеннинг 5-симфонияси. М., айниқса, мусиқий *романтизм* даврида ривож топган (Г. Берлиоз, Ф. Лист ва б.). Ўзбек композиторлари асарлари (мас., М. Тожиевнинг 3- симфониясида ҳам кенг қўлланилган.

МОНОТИПИЯ (*моно...* ва юн. typos — нусха) — босма графика тури. Босма қолип (форма)нинг текис юзасига бўёқни бевосита қўлда суркаб рангларнади. Сўнг шу қолипдан махсус дастгоҳда босилади, қоғозга босилган бу нусха доим ягона (ноёб) нусха ҳисобланади. М. усулида яратилган асарлар ранглар уйғунлигининг нозиклиги, нафислиги б-н *акварел*га ўхшаб кетади. М. 17-а.дан маълум, фақат 19-а.дагина кенг тарқалди.

МОНОТОН ФУНКЦИЯ — ўсувчи ёки камаювчи функциялар. Берилган функция бирор оралиқда монотон бўлиши учун унинг орттирмаси

$$\Delta f(x) = f(x+\Delta x) - f(x), \quad \Delta x > 0,$$

оралиқда инвариантни ўзгартирмаслиги лозим. Агар $\Delta x > 0$ бўлганда $\Delta f(x)$ нолдан қатъий катта ёки қатъий кичик бўлса, у ҳолда $f(x)$ қатъий монотон функция дейилади.

Бирор оралиқда дифференциалланувчи функция шу оралиқда монотон бўлиши учун унинг ҳосиласи ўзгармас инвариантни сақлаши зарур ва етарлидир.

МОНОФАГЛАР (*моно...* ва юн. phagos — еб қўювчи) — озиқланишга ўта ихтисослашган, яъни фақат бир тур озуқа б-н яшашга мослашган организмлар. Ҳашаротлар, чувалчанглар, қисқичбақасимонлар ва юмшоқ танлилар орасида М. кўп учрайди. Ҳашаротлардан яйдоқ афелинус (Aphelinus mali Hald.) фақат қон битларида, псевдафикус (Pseudaphycus malinus Gah.) эса комсток қуртида паразитлик қилади. Суғорма деҳқончилик биоценозида учрайдиган зараркунандалар сонини камайтиришда катта ҳўжалик аҳамиятига эга бўлган энтомофаг М.дан Stethorus



Монофаглар. Стеторус: *а* — личинкаси; *б* — қўнғизи.

punctillum Wse., Scolothrips acariphagus Takh., Orius (Triphleps) albidipennis Reut. — *ўргимчаккана* йиртқичлари; Apanteles congestus wees, Microptilis spectabills Hal., Rhogas dimidiatus Spin., Sinophorus xantostomus Grav., Barylypa hemeralis Brauns ва б. — *кузги тунлам* йиртқичлари; Habrobracon hebetor Say., Apanteles kazak Tel., Anilasta prinzi Meyer., Barylypa chloratica Meyer — *гўза тунламининг* паразитларидир (яна қ. *Паразит ҳашаротлар*).

МОНОФТОНГ (*моно...* ва юн. phtongos — овоз, товуш) — унли товушларнинг артикуляцион-акустик белгиларига кўра, бир хилликка эга бўлиши, яъни артикуляция давомида


а
б

МОНРОВИЯ
1:350 000
Кларк-Тарн
Синкор

турғун талаффузга эга бўлган, бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга кўчмайдиган товушлар. Айнан шу хусусиятлари б-н улар дифтонг (икки унлининг бир бутун ҳосил қилиши) ва трифтонг (уч унлининг бир бутун ҳосил қилиши)лардан ажралиб туради. Бироқ М.ларнинг бир хиллиги нисбий бўлиб, кўп ҳолларда унлини ўраб турган ундошларга ҳам боғлиқ. Одатда, кўпгина тилларнинг унлилар тизимида М. асосий ўринни эгаллайди.

МОНОХРОМАТИК ЁРУҒЛИК (*моно...* ва юн. chromatos — ранг) — муайян ва ўзгармас частотали электромагнит тўлқин. Ёруғлик тўлқинларининг ўзаро фарқи туфайли бу ёруғлик одамнинг кўзига турли рангларда бўлиб кўринганлигидан шундай аталган. Кўзга кўринадиган электромагнит тўлқинлар ўз физик табиати б-н бошқа диапазонлаги тўлқинлар (инфрақизил, ультрабинафша, рентген ва ҳ.к.)дан фарқ қилмайди. Ёруғликнинг монохроматлик даражаси $\frac{\Delta\nu}{\nu_0}$ нисбат б-н ифодаланади, бунда $\Delta\nu_{1/2}$ — спектрал чизиқнинг кенглиги, яъни ν_0 — частотали ёруғлик интенсивлиги ярмига камайгандаги частоталар фарқи. Оптик генераторлар кашф қилингунга қадар, эркин атомларнинг спектрал чизиқлари М. ё.га яқин деб ҳисобланарди. Бу спектрал чизиқнинг табиий кенглиги $\Delta\nu_{1/2} = \frac{1}{\tau}$, бунда τ — атомнинг ғалаёнланган ҳолатда бўлиш вақти. Атом ташқи таъсир остида бўлганида, мас., бошқа атом б-н таъсирлашганида спектрал чизиқнинг кенглиги $\Delta\nu_{1/2}$ янада ортади. Атомларнинг нессиқлик ҳаракати ҳам чизиқ кенглигини оширади. Бу, асосан, *Доплер эффекти* ҳисобига содир бўлади. Чизиқнинг табиий кенглиги $\Delta\nu_{1/2}/\nu_0 \sim 10^{-7}$. Доплер эффектидан кейин эса $\sim 10^{-5}$. Номонохроматик ёруғликлардан квазимонохроматик ёруғликни ажратиб олиш учун ҳар хил *монохроматор*лар ишлатилади.

МОНОХРОМАТОР (*моно...* ва юн. hroma — ранг), оптикада — оптик нурланиш (кўринадиган ёруғлик, инфрақизил ёки ультрабинафша нурлар)нинг мураккаб спектридан тўлқин узунликларининг тор қисмини ажратиб берадиган асбоб; спектрометр, спектрофотометр, спектрограф ва б. асбобларнинг асосий қисми. Кириш ва чиқиш коллиматорлари ва дисперсловчи (тарқатувчи) тизим (призма, *дифракцион панжара*)дан иборат бўлади. М. объективлари (коллиматорда ва фокусловчи) линзали ёки кўзгули бўлиши мумкин. Кириш ва чиқиш коллиматорлари кўзгалмас қилиниб, чиқаётган нурларнинг тўлқин узунлиги дисперсловчи тизим ва ёрламчи кўзгулар ёрдамида ўзгартирилади. М.да ёруғлик кириш коллиматори тирқишидан ўтиб, параллел нурлар ҳосил қилувчи ва дисперсловчи элементга юборувчи объективга тушади. Чиқиш коллиматорининг фокал текислигида нурланиш манбаининг барча тўлқин узунликлари 1 та монохроматик (бир рангли) тасвирлар тўпламини ҳосил бўлади.

Нурланиш спектрининг ультрабинафша қисмини ажратиб берадиган М.да флюорит (CaF_2), литий фторид (Li F) ва кварц (SiO_2)дан ясалган дисперсловчи призмалар, ясси ва ботиқ панжаралар қўлланилади. Спектрнинг инфрақизил соҳасида ишлатиладиган М.да сферик, параболик кўзгулар, шиша ва кварцдан ясалган призма ва панжаралар қўлланади.

МОНОХРОМИЯ (*моно...* ва юн. chroma — ранг) — санъат асарининг ранг (колорит) ечими; бирор-бир рангнинг бир туси ёки унинг туслашиши (бир рангга бўяш)га асосланади. Мас., *гризайль*.

МОНОЦИТЛАР (*моно...* ва юн. kytos — ҳужайра) — донасиз лейкоцитлар (*агранулоцитлар*)нинг бир тури. Кўмикнинг бошланғич ўзак ҳужайраларидан ҳосил бўлади. М. периферик қон таркибидаги энг катта ҳужайра, унинг ҳажми 12—20 мкм. Ядроси протоплазмага нисбатан катта, овалсимон, кўпинча «тақа» кўринишида, ранги (нейтрофил лейкоцитлар ва лимфоцитларникига нисбатан) очроқ; протоплазмаси лейкоцитларнинг зангори, оч кўк рангига қараганда оч. Протоплазмада бир неча вакуолалар бўлиб, улар ҳужайра ядроси атрофида жойлашган. Соғлом одам қонида М. лейкоцитларнинг 3—10% ини ташкил қилади. М. *фагоцитоз* қилиш хусусиятига эга ва қондан тўқимага ўттанда *макрофаг*ларга айланади.

МОНРЕАЛЬ — Канаданинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Сан-Лаврентий дарёси бўйида, Квебек провинциясида жойлашган. Транспорт йўлларининг йирик тугуни, денгиз кемалари кира оладиган йирик порт (ишлаш 15 млн. т юк ортиб-тушириладиган, асосан, дон экспорти учун мўлжалланган. Аэропортлари халқаро аҳамиятга эга. Аҳолиси 1,03 млн. киши (2001). М. — мамлакатнинг йирик саноат-молия ва саноат марказларидан. Машинасозлик (умумий, самолётсозлик, кемасозлик, вагонсозлик ва б.), металлсозлик, нефтни қайта ишлаш ва кимё саноатлари ривожланган. Рангли металлургия, мебель, кўн-пойабзал, тўқимачилик, тикувчилик, полиграфия ва озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Тўқ-т, консерватория, кутубхоналар, нафис санъат музейи, метрополитен бор. Шаҳарга 1642 й.да инглизларнинг Хочелага қишлоғи ўрнида француз савдогарлари томонидан асос солинган. 18-а.нинг 1-ярмида муҳим савдо маркази бўлган. 1760 й.да инглизлар бо-сиб олган. 1844—49 й.ларда Канада инглиз мустамлакаси пойтахти бўлган. 17—18-а.ларда қурилган меъморий биноларидан черков, Рамзе саройи ва б. сақланган. М.да 1967 й.да Халқаро кўргазма, 1976 й.да 11-Олимпиада бўлиб ўтган.

МОНРЕАЛЬ УНИВЕРСИТЕТИ — Канададаги француз тилида дарс ўтиладиган йирик ун-тлардан бири. Квебекдаги Лаваль ун-ти (1852)нинг филиали сифатида 1876 й.да ташкил этилган. Геология, ҳуқуқ, тиббиёт, фалсафа, филол., табиий фанлар, фармацевтика, ижтимоий фанлар, мусиқа ва б. соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди. 50 мингга яқин талаба таълим олади. Кутубхонасида 1,2 млн.дан ортиқ асар сақланади.

МОНРОВИЯ — *Либерия* пойтахти (1847 й.дан). Монтсеррадо графлигининг маъмурий маркази. Сент-Пол дарёсининг Атлантика океанига қуйилиш ерида жойлашган. Аҳолиси 450 минг кишидан зиёд. Иқлими субэкваториал.

Монреаль шаҳрининг Сан-Лаврентий дарёси соҳилидаги қисми.

январнинг ўртача т-раси 28°, июлники 25°. Йиллик 4800 мм дан ортиқ ёғин тушади. М. — йирик порт (йиллик юк ортиб-тушириши 12 млн. т). Т.й. ва автомобиль йуллари тугуни. Темир рудаси, каучук, пальма меваси магистрали орқали чиқарилади. 2 аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакат саноат корхоналарининг 60% М.да жойлашган. Асосий саноат тармоқлари: озиқ-овқат, енгил, нефтни қайта ишлаш, кимё. Етиштириш ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам ривожланган. Шаҳарга 1822 й.да АҚШда қулликдан озодликка чиқиб кўчиб келган негрлар томонидан асос солинган ва АҚШ президенти Ж.Монро (1758—1831) номи б-н аталган. М.да давлат ун-ти, кутубхона, миллий музей ва ва б. бор.

МОНТАЖ (франц. monter — кўтармоқ) — 1) аппаратлар, асбоблар, бинолар, иншоотлар, жиҳозлар, машиналар ва б. қурилмаларни тайёр деталлар, қисмлар ва элементлардан йиғиш, тўплаш. Қурилишда — бино ва иншоотларни йирик панеллар, блоклар ва плиталардан йиғиш. М.да кўтариш кранлари, пайвандлаш қурилмалари, турли мосламалар ва асбоблардан фойдаланилади. Радиоэлектроникада — радиоэлектрон аппаратлар (радиоприёмник, магнитофон, телевизор ва б.) ни айрим элементлар, электр изоляция деталлари, симлар, платалар, транзисторлар ва б.дан йиғиш. Бунда кавшарлаш, пайвандлаш, улаш ишлари асосан автоматлаштирилади. Микроминиатюр электр ва радиоэлементларнинг пайдо бўлиши М. ишларини анча осонлаштиради, сифатини оширади, бутун жараённи тўлиқ автоматлаштиришга имкон беради.

МОНТАЖ (франц. montage — йиғиш) — радиоэшиттириш, телевидение, эстрада санъати, суратқашлик ва, айниқса, фильм яратишдаги ижодий ва техник жараён; суратга олинган алоҳида кадрларни танлаш ва уларни бир-бири б-н боғлаш. Одатда, эшиттириш, кўрсатув тайёр бўлгач, фильмни суратга олиш тугаллангач, М. ишлари бошланади. М. вақтида сценарий ва режиссура талаблари асосида сурат парчалари ажратиб олинади ва улар мазмунига қараб бир-бирига ёпиштириб бирлаштирилади, фонограммалар қайта ёзилади ва ҳ.к. Фильм мазмунини очиб беришда М.нинг аҳамияти катта. М. нинг эмоционал ва жонли чиқиши воқеанинг характерига ва актёрнинг ижросига боғлиқ бўлади, унинг асосий вазифаси — кадрларнинг алмашинуви суръатини белгилаш ва реж. гояснга кўра, тегишли жойларни таъкидлаб кўрсатиш.

МОНТАЛЕ (Montale) Эудженио (1896.12.10, Генуя — 1981.12.9) — итальян шоири ва танқидчиси. 20-й.лар — 40-й.ларнинг 1-ярмида герметизм — ўзига хос белгилари хавотир, гам-алам, фожиавийлик, айни пайтда фашизмни тан олмасликдан иборат адабий оқимнинг тарафдори бўлган. М. шеърияти мазмунининг бойлиги ва мураккаблиги б-н ажралиб туради. Биринчи шеърлар тўплами — «Қарақатнинг косачаси» (1925) ўша давр итальян шеъриятидаги анъанавий усулларда ёзилган. М. «Божхоначининг уйи» ва бошқа шеърлар» (1932), «Ҳолатлар» (1939), «Финистерре» (1943) ва б. асарлар муаллифи. Урушдан кейинги йилларда маълум даражада герметизм кўринишларидан қутула олган («Бўрон ва бошқа шеърлар», 1956; «Сатура», 1972; «Тўрт йиллик дафтар», 1977). Мусиқа ва адабиёт соҳалари танқидчиси бўлган. Нобель мукофоти лауреати (1975).

МОНТАНА — АҚШнинг шим.-ғарбий қисмидаги штат. Тоғли штатлар гуруҳида. Канада б-н чегарадош. Майд. 380,8 минг км². Аҳолиси 909,4 минг киши (2002), шундан шаҳар аҳолиси 52%. Маъмурий маркази — Хелина ш. Йирик шаҳарлари: Биллингс ва Грейт-Фолс. Штатнинг ғарбий қисмини Қоялн тоғлар эгаллаган, шарқий қисми Прерий платосидан иборат. Иқлими мўътадил, континентал иқлим. Январнинг ўртача т-раси —8°, июлники 20°. Йиллик ёғин 350—400 мм. Йирик дарёлари: Миссури ва унинг ирмоғи Йеллоустон. М. ҳудудида Глейшер ва Йеллоустон миллий паркларининг бир қисми жойлашган.

М. иқтисодиётининг етакчи тармоғи — кон саноати ва экстенсив қ.х. Мис, кўрғошин ва рух эритиш, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Асосий қ.х. экинлари: бугдой ва қанд лавлаги. Миллий паркларга кўплаб туристлар келади.

МОНТГОМЕРИ (Montgomery) Бернард Лоу (1887—1976) — Буюк Британиянинг ҳарбий арбоби, фельдмаршал (1944). Ал-Аламайн виконти (1946). 1908 й.дан армияда. Сандхерстдаги ҳарбий академиянни тугатган. 1—2-жаҳон урушлари қатнашчиси. 2-жаҳон урушида Шим. Африкадаги 8-армия (бу армия Ал-Аламайн остоналаридаги жанг-да галаба қозонган) қўмондони (1942 й.дан). Нормандия, Бельгия, Шим. Германияда 21-армия гуруҳлари қўмондони (1944—45); империя Бош штаби бошлиғи (1946—48). НАТО қуролли кучлари бош қўмондонининг 1-ўринбосари (1951—58). Буюк Британия ва чет мамлакатларнинг олий орденлари кавалери.

МОНТЕВЕРДИ (Monteverdi) Клаудио Жованни Антонио (тахм. 1567.15.5, Кремона — 1643.29.11, Венеция) — итальян композитори. Опера жанрининг илк классик намуналарини яратган, биринчи оммавий опера театри (1637, Венеция) ташкилотчиларидан. Мантуя ва Венеция шаҳарида хонанда, созанда, капелла бошлиғи сифатида хизмат қилган. Франция ва б. Европа мамлакатларида ижодий сафарларда бўлган. Асосан, полифония услубида вокал ва хор асарларини ижод қилиб, мадригал жанри устаси сифатида шуҳрат қозонган. 1587—1638 й.ларда нашр эттирган мадригалларининг 8 та тўпламида янги, «ҳаяжонли» мусиқий-драматик услубни яратган. Унда нутқдош оҳангларнинг ифодавийлиги, ариялларнинг қуйчанлиги, ансамбль шаклларининг ривожланганлиги, оркестр жўрлигининг бойлиги ўзаро қоришиб кетган. «Орфей» (1607), «Поппея тож кийгизиш» (1642) опералари машҳур.

МОНТЕВИДЕО — *Уругвай* пойтахти. Монтевидео департаментининг маъмурий маркази. Ла-Плата қўлтигининг шим. соҳилида жойлашган. Аҳолиси 1,4 млн. киши (1997). Иқлими субтропик, сернам иқлим; янв.да ўртача т-ра 23°, июлда 10°. Йиллик ёғин 1000 мм.

М.га 1726 й.да испанлар асос солган. 1777 й.да Португалия, 1807 й.да Буюк Британия босиб олган. 1816—28 й.ларда Бразилия таркибида бўлган. 1828 й. авг.дан мустақил Уругвай пойтахти.

М. — мамлакатнинг муҳим саноат, савдо ва молия маркази. М.даги йирик саноат корхоналарида мамлакат саноат маҳсулотининг 80% ишлаб чиқарилади. Озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш, цемент, металлургия ва шина з-длари, кимё (олтингугурт к-таси ва ўғитлар и.ч.), фармацевтика ва тўқимачилик саноатлари, металлсозлик, электроника, кўн-пойабзал корхона-

Монтевидео шаҳри. Атлантика океани соҳили (пляж.)

МОНТЕ-КАРЛО — *Монако*даги шаҳар. Мовий қирғоқда жойлашган. Аҳолиси 13,2 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Ўрта денгиз бўйидаги порт. Иқлим курорти. Халқаро туризм ва банк операцияларининг йирик маркази. Ўнинг казиноларидан б-н дунёга танилган. Кема таъмирлаш корхоналари, опера театри, нафис санъат музейи бор. Ҳар йили халқаро цирк санъати ва б. фестивалларга ўтказилади. М.-К.да туризм бўйича Халқаро академиянинг штаб-квартираси жойлашган.

МОНТЕ-КАРЛО УСУЛИ, Статистик синаш усули — тасодифий миқдорларни *моделлаш* ёрдамида математик масалаларни тақрибий ечиш усули. Бунда бирор *a* миқдорнинг тақрибий қийматини топиш учун математик кутилмаси *a* бўлган тасодифий миқдор ξ олинади. Бирор усул б-н ξ тасодифи миқдорнинг кўп сондаги $x_1, x_2, ..., x_n$ қийматлари ҳосил қилиниб, $\frac{x_1+x_2+x_3}{n}$ миқдор *a* нинг тақрибий қиймати деб олинади (қ. *Катта сонлар қонуни*). Мас., $\int_0^1 f\left(x\right) dx$ ни ҳисоблаш керак бўлсин ($f(x)$ интегралланувчи функция). [0,1] кесмала текис тақсимланган тасодифий миқдорнинг $x_1, x_2, ..., x_n$ қийматлари бўйича тузилган

$$I = \frac{f(x_1)+f(x_2)+...+f(x_n)}{n}$$

миқдор $\int_0^1 f\left(x\right) dx$ нинг тақрибий қиймати бўлади. М.-К. у., асосан, кўп ўлчовли масалаларни ечишда қўлланилади. М.-К. у.нинг ривожланишига АҚШ математиги Ж. Нейман, рус математиги В.С. Владимиров ва б. катта ҳисса қўшишган. М. -К. у.нинг назарий асоси аввалдан (1940) маълум бўлсада, ЭҲМ яратилгандан сўнг кенг татбиқ қилина бошлади.

МОНТЕРРЕЙ — Мексиканинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Санта-Катарина дарёси водийсида. Нуэво-Леон штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,1 млн. киши (2000). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг йирик иқтисодий маркази (Мехикодан кейин 2-ўринда). Қора ва рангли металлургия саноатлари ривожланган. Металлсозлик, машинасозлик (жумладан, электротехника, қ.х. машинасозлиги, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, кун-пойабзал, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Реинос шаҳридан қувурлар орқали газ, Тампико шаҳридан нефть маҳсулотлари келтирилади. Ун-тлар бор. Шаҳарга 16-а.да асос солинган. Меъморий ёдгорликларидан 17—18-а.ларда қурилган бинолар сақланган. М. яқинидан полиметалл рудалар олинади, шаҳар ичида йирик ГЭС қурилган.

МОНТМОРИЛЛОНИТ (Франциядаги Монморийон ш. номидан) — қатламли силикатлар синфига мансуб гилли минерал. Кимёвий таркиби ўзгарувчан $(Ca,Na)(Mg, Al, Fe)_4[(Si, Al)_4O_{10}(OH)_2 nH_2O$. Моноклин сингонияли, кристаллик структураси қат-қат. Рангсиз оқ, кулранг, қизғиш. Қаттиқлиги 1,5—2,5; ичлиги 1700—2900 кг/м³. Кул алюминийли М. — бейделлит, магнийли —сапонит, темирлилиги — нонтронит деб аталади. Ишқорли муҳитда ҳар хил жинсларнинг нураши-дан ялувга келади. Денгиз муҳитида гидрослюдаларнинг трансформацияси, латунали ҳайса ва қуруқ иқлимли тупроқларда эса кулсимон майда заррачаларнинг чиришидан ҳосил бўлади. М. бентонит гилларнинг асосий минерали. Юқори сорбцияли, намланганда бўкади, ҳажми кўпайиб ёриқ ва говакларни тўлдиради ва сув ўтказмайди. М.ли гиллар нефть ва газ уюмлари учун яхши тўсиқ вазифасини ўтайди. М.ли гилмой конлари Ўзбекистонда Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятларида мавжуд. М.ли гиллар нефть, тўқимачилик, совунгарлик, цемент саноатларида ишлатилади.

МОНУМЕНТ (лот. monumentum — ёдгорлик) — йирик тарихий воқеа, буюк жамоат арбоби ва б. шарафига бунёд этилган йирик ҳажмдаги ёдгорлик, ҳайкал. Одатда М. меъморий ансамблда гоявий ва ҳажмли кенгликнинг асосини ҳосил қилади ёки ҳайкалли меъморий мажмуанинг таркибига киради (яна қ. *Монументал ҳайкалтарошлик*).

МОНУМЕНТАЛ РАНГТАСВИР — *ранғтасвир*нинг меъморлик б-н боғлиқ тури; биноларнинг ички қисми, шифтлари, қисман бинонинг ташқи томони деворларига ишланган тасвирлар. М.р. жамият ҳаётидан олинган муҳим воқеа ва ҳодисалар, чуқур фалсафий тушунчаларни акс эттиради. Узоқдан кўришга мўлжалланганлиги учун образларни умумлашма тарзда тасвирлашга, майда қисмлардан камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинади. Ранглар ҳам бирмунча шартли олиниши мумкин.

Монументал рангтасвир. «Буюк соҳибқирон — буюк бунёдкор» (1996, Темурийлар тарихи давлат музейида).

Ишланиш усулига кўра, фреска, плафон ва намоён (панно)ларга бўлинади (яна қ. *Деворий рассомлик*). М.р. қад. санъат гури бўлиб, ибтидоий одамларнинг гор деворларига ишлаган расмлари (мас., *Зараутсой расмлари* ва б.) унинг илк намуналаридир. Қад. ва ўрта асрларда ниҳоятда ривожланди ва етакчи санъат турларидан бирига айланди. Қад. Миср ва Юнонистонда кенг ривожланди, кейинроқ Византия ва б.да ҳам М.р.нинг нодир намуналари яратилди. Айниқса Уйғониш даврида ўзининг ҳақиқий ривожланиш босқичига эришди. *Микеланжело*нинг Ватикан саройига ишлаган деворий расмлари, Веронезенинг композицион-лари шу даврнинг нодир ёдгорликларидир. Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда бу санъат қад. ва ўрта асрлар даврида ривожланди. Бу даврда шоҳлар, зодагонларнинг уйлари, сарой ва ибодатхоналар кўп шаклли, ҳаракатга бой рассомлик асарлари б-н зийнатланди (*Тупроққалъа, Варахша, Болаликтепа, Афросиёб* ва б.). Темур ва темурийлар даврида ҳам М.р.нинг ажойиб намуналари яратилган.

Ўзбекистонда М.р.нинг янги ривожланиш босқичи 20-а. 30—50-й.ларига тўғри келади. Шу йиллардан жамоат ва маъмурий биноларни безаш ривожланди. Ўзбекистон табиати, кундалик турмуш, фан, меҳнат мавзуларидаги композициялар яратилди, мумтоз ўзбек адабиётидан олинган сюжетларга расмлар чизилди (Навоий театри биноси деворларига ишланган намоёнлар; муаллифлари Ч. Аҳмаров, Ў. Тансиқбоев, В. Чепраков ва б.). 60—80-й.ларда ҳам М.р.да юксак даражадаги асарлар яратилди. В. Жмакин, Қ. Соипов, Б. Жалолов, И. Липене, В. Бурмакин ва б.нинг фреска, мозаика, витраж ва б. асарлари вужудга келди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейинги йилларда М.р. янги миллий мазмун-мавзулар б-н бойимоқда (Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва б.).

МОНУМЕНТАЛ САНЪАТ — нафис санъат тури, меъморий (айрим ҳолларда табиий) муҳит б-н уйғунликда гоявий образ тутдлигига эга бўладиган асарлар. М.с.га ҳайкал ва монументлар, биноларнинг ҳайкалтарошлик, рангтасвир, мозаика безаклари, витражлар ва б. киради (айрим тадқиқотчилар меъморий обидаларни ҳам М.с.га киритадилар). Меъморлик б-н уйғунлашган М.с. ансамбл-нинг асосий мазмуни ёки шаклига айланади (қ. *Санъатлар синтези*). Бинолар тарзи ва интерьерлари мавзули тасвирлар, майдонлардаги ҳайкаллар даврнинг энг умум фалсафий ва ижтимоий гояларини ўзида акс эттиради, буюк арбоблар ва муҳим воқеаларни абадийлаштиради. Кўтаринкилик, умумахамиятга эга гояларни тасвирлашга интилиш асарга улуғворлик ва муҳим шакл бахш этади. Айрим М.с. асарлари меъморликда унинг шаклий ифодалилигини оширади; деворий тўсиқлар, тарз-лар ва б.нинг эстетик таъсирчанлигини кучайтиради.

М.с. асарлари буюк гоявий мазмуни ва аҳамияти б-н ажралиб туради ҳамда қатъий умумлашма шаклга эга бўлиб, узоқ муддатга чидамли хом ашёлардан яратилади; омма орасида муҳим ижтимоий гояларни тарғиб қилади ва тарқатади. М.с.нинг вазифаси ижтимоий кўтаринкилик ва санъат тараққиёти даврларида ортиб боради (мас., Уйғониш даврида Рафаэль, Микеланжело ва б.нинг фрескалари, Темурийлар даврида меъморий обидалар, амалий санъат ва б.).

МОНУМЕНТАЛ ҲАЙКАЛТАРОШЛИК — *ҳайкалтарошлик*нинг *меъморлик* ва *шаҳарсозлик* б-н боғлиқ тури. Ўз кўринишига кўра, думалоқ (мукаммал) ва *рельеф* турларига бўлинади. М.ҳ. асарлари ўзида катта мазмун ифода этади ҳамда мустақил ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, бевосита атроф муҳит, меъморий бинолар б-н уйғунлаштирилади. Асарлари узоқдан томоша қилишга мўлжалланганлиги учун катта-катта, яхлит шакллардан кенг фойдаланилади; майдонлар, истироҳат боғлари, хиёбонлар, кўча ва б.ларга ўрнатилади, шунингдек, бино деворларига ишланган ҳайкаллар ҳам М.ҳ.га тааллуқлидир. М.ҳ.га муҳим тарихий воқеалар, атоқли шахслар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилган *монумент, ёдгорлик*лар, ҳайкалтарошлик мажмуалари, шунингдек, бевосита ҳайкалтарошлиги (мас., Навоий театри биноси олдидаги фаввора ва б.) асарлари киради. Асар рангини ҳайкал учун ишлатилаётган хом ашё (мармар, гранит, бронза ва б.) белгилайди.

М.ҳ. ижтимоий тараққиёт б-н боғлиқ ҳолда ривожланган. Қад. Миср-да, Ғарбий Осиё, Ҳиндистон, Хитой ва б. шарқ мамлакатларида муҳим ўрин эгаллаган. Юнонистон ва Римда унинг нодир намуналари яратилган. Ўрта аср Европа мамлакатлари санъатида муҳим роль ўйнаган: собор, ибодатхоналар, уларни ўраб турган майдонлар ҳайкалтарошлик асарлари б-н безатилган. Уйғониш даврида инсонпарварлик гоялари б-н суторилган М.ҳ. намуналари ишланди (Донателло, Микеланжело ва б.). 17—20-а.ларда янги мазмун ва нафис гоялар б-н бойиди (Л. Бернини, О. Роден, Ф. Крамер ва б.).

Ўзбекистон ҳудуди (Холчаён, Далварзинтепа, Айритом, Қува ва б.)да қадимда М.ҳ.нинг ажойиб намуналари яратилган. Араблар истилосидан кейин бу санъат тури амалиётдан чиқиб кетган; фақат 19-а. охири —20-а. бошларидан яна жонланди. Тошкент, Самарқандда илк намуналари (Самарқандда «Озодлик», Тошкентда Навоий ҳайкали ва ҳ.к.) бунёд этилди.

«Алпомиш» ҳайкали (Термиз, 1999; ҳайкалтарош А. Раҳматуллаев ва б.)

М.ҳ.нинг янги тараққиёт даври 60—80-й.ларга тўғри келади (А. Икромов, Ойбек, С. Раҳимов, Ҳамид Олимжон ва б. ҳайкаллар). Айниқса, мустақилликдан кейин М.ҳ. янги миллий мавзулар б-н бойиди: Ўзбекистоннинг буюк шахсларига меъморий ҳайкалтарошлик мажмуалари, маҳобатли ҳайкаллар (Амир Темур, Алишер Навоий, Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Ал-Фарғоний, Алпомиш ва б.) барпо этилди.

МОНЦОНИТ (Италиядаги Монцони тоғи номидан) — кристалли магматик тоғ жинси; тахм. тенг миқдорлардаги калий-натрийли дала шпати (ортоклаз ва лабрадор) ва темирли магнезиал минераллардан тузилган. М.нинг нордонроқ хилларида озроқ миқдорда кварц бўлади. Таркибидаги минералларнинг нисбатига кўра, М.ли жинслар габбро ва сиенит оралиғида бўлади. Текстураси, асосан, массивли. Ранги кулранг, кулранг-пушти. Қорамтир минерал бўйича авгитли, биотитли ва ҳ.к. бўлади. Физикавий хоссаси диоритга яқин. М.лар зич, йирик донадор жинс сифатида алоҳида массивларни ҳосил қилади. Мураккаб таркибли интрузивлар тузилишида иштирок этади. М.нинг порфирли турлари Ўзбекистонда Қурама тоғларида учрайди. Хорижда Украина, РФ (Байкал атрофида), Италия, Норвегия ва б. мамлакатларда бор. Жилоланувчи турларидан қурилиш материали сифатида фойдаланилади.

МОНЮШКО (Moniuszko) Станислав (1819.5.5, Минск яқинидаги Убель қишлоғи — 1872.4.6, Варшава) — поляк композитори, дирижёр, органчи, педагог, миллий композиторлик мактаби асосчиларидан. Вильнюс (1840—58), Варшава (1858 й.дан) опера театрларида дирижёр, Варшава консерваториясида проф. (1864 й.дан). Биринчи миллий опера («Галька», 1848), мумтоз камер вокал асарлари (400 дан ортиқ қўшиқ, романс ва б.), бир нечта водевиль ва оперетта, 6 месса, реквием, кантаталар, симфоник асарлар муаллифи. Мусиқа услуби ифодавий воситаларнинг халқчиллиги, мавзуларнинг қуйчанлиги, лирик кайфиятга бойлиги, фольклор оҳангларидан кенг фойдаланганлиги, саҳна асарлари эса мусиқий образларнинг ёрқинлиги, драматургик маҳорати б-н ажралиб туради.

МООНЗУНД АРХИПЕЛАГИ, Гарбий Эстония архипелаги — Болтиқ денгизидаги ороллар гуруҳи, Эстония таркибида. Рига қўлтиғидан, шим., шим.-ғарбда жойлаган. М.а. Сааремаа, Хийумаа, Муху ва Вормси каби йирик ороллар ва 500 дан ортиқ майда ороллан иборат. Майд. 4 минг км². Ер юзаси аксари пасттекислик. Эн баланд жойи 54 м. Ороллар, асосан, оҳактошдан таркиб топган бўлиб, усти денгиз ётқизиқлари б-н қопланган. Иқлими мўътадил илиқ. Йиллик ёғин миқдори 550 мм. Тупроқлари чимли-карбонатли ва ботқоқлашган тупроқлар. Ўтлоқ ва ботқоқлар кўп. М.ада балиқ овланади, деҳқончилик, чорвачилик қилинади. Вийдумяэ ва Вильсанди қўриқхоналари бор. Эн йирик шаҳри Курессааре (Сааремаа ороли да).

МООС ШКАЛАСИ — минераллар нисбий қаттиқлигининг ўн балллик шкаласи. Немис олими Ф. Моос томонидан 1811 йда таклиф қилинган. Қаттиқликнинг 10 та эталонидан иборат. М.ш. бўйича уларнинг жойлашиш тартиби қуйидагича: тальк —1; гипс—2; кальцит —3; флюорит—4; апатит—5; ортоклаз—6; кварц—7; топаз—8; корунд—9; олмос—10. Нисбий қаттиқлик М.ш. эталони б-н синалаётган объект юзасига чизиб аниқланади. Минералларнинг фаол ва пассив қаттиқлиги фарқ қилинади. Агар минерал б-н ўзининг бўлаги тирналганда из қолдирса, у фаол қаттиқликка эга бўлади (мас., олмос). Қаттиқлиги 5 бўлган эталон б-н талқис қилинаётган намуна тирналганда из қолдирса ва у ўз навбатида қаттиқлиги 4 бўлган эталонда из қолдирса, у ҳолда ўрталаги минералнинг қаттиқлиги 4,5 га тенг бўлади. М.ш.дан минералларга тез ташхис қўйишда фойдаланилади. Аниқ қаттиқлик эса приборлар ёрдамида аниқланади. Минераллар қаттиқлиги уларнинг зичлиги б-н бир қаторда минералларнинг энг муҳим константи ҳисобланади.

МОПАССАН (Maupassant) Ги (тўлиқ номи Анри Рене Альбер Ги) де (1850.5.8, Турвилесюр-Арк яқинидаги Миромениль қалъаси —1893.6.7, Париж) — француз ёзувчиси, Руан лицейини тугатган. 1870—71 й.ларда франко-прус урушида қатнашган, Г. Флобернинг шогирди, рус адиби И.С. Тургеневни устоз санаб, унга бағишлаб мақолалар ёзган. Адабиётга 1880 й.да шеърлар тўплами ва «Дўндиқ» новелласи б-н кириб келган. У 6 роман, 18 ҳикоялар тўплами, очерк ва пьесалар, кўплаб мақолалар ва б. асарлар муаллифи. М. ижоди учун турмушни объектив тасвирлаш, тилининг содда (табиий) ва таъсирчанлиги, «ҳаётни ўзидан-да ишончли тасвирлаш», қаҳрамонлар образини уларнинг характер ва ҳис-туйғулари орқали яратишга интилиш характерли. М. маънавий қашшоқ, мунофиқ кишилар образининг бутун бир силсиласини яратган («Жавоҳирот», «Оила бағрида», «Васиятнома» «Бочка», «Иблис» ва б.). Унинг «Дайли», «Шкаф», «Гадо» каби новеллаларида турмуш қаърига улоқтирилган нотавонлар ҳаёти тасвирланган. Муҳаббатни мол-дунёдан иборат деб билувчи, шу боис ҳар қадамда ўзини сотишга тайёр аёллар образи «Иветта», «Ҳаққоний тарих» ва б. асарларида маҳорат б-н чизилган. М. соф муҳаббат («Ой ёғдуси», «Ыхт»ини куйлайди ва маънавий юксак одатли кишиларни қадрлайди («Симон ота», «Мартен қизалоғи»), ватанпарвар ва жасоратли инсонларни тараннум этади («Дўлиқ», «Мадмуазель Фифи», «Милон амаки»). Унинг «Ҳаёт» (1883), «Азизим» (1885), «Монт-Ориоль» (1886), «Пьер ва Жан» (1887—88) каби романларида умумбашарий мавзулар, мансабпарастлар қиёфаси, бойлик орттиришга хуруж қилиш юксак маҳорат б-н тасвирлаб берилган. «Ўлимдек кучли» (1889), «Бизнинг қалб» (1890) романларида эса психологик руҳ кучли. «Ҳаёт», «Азизим» романлари (Иброҳим Ғафуров таржимаси) ва бир қанча ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ад.: Раскин Б. Л., Ги де Мопассан, в сб., Писатели Франции, М., 1964; История французской литературы, М., 1987.

Ибодулла Мирзаев.

МОРАВИА (Moravia) Альберто (тахаллуси; исми Пинкерле) (1907.28.11, Рим) — итальян ёзувчиси. М.нинг биринчи «Бепарволар» романиёқ унга шуҳрат келтирган, унда итальян халқининг (жамиятининг) фашизм диктатураси давридаги руҳияти ва ахлоқий кечинмаларининг ҳароблашуви (реал) аниқ акс эттирилган. Фашизмга қарши оппозицияда бўлганлиги учун кузатув остида бўлган. У ўзининг урушдан кейинги роман ва асарларида Италиянинг буржуа ҳаётини, унинг ижтимоий қарама-қаршиликларини аниқ кўрсатиб берган. «Римлик қиз» (1947), «Нафрат» (1954), «Чочара» (1957), «Мен ва у» (1971) каби романлар ҳамда «Рим ҳикоялари» (1954), «Янги Рим ҳикоялари» (1959), «Жаннат» (1970) тўпламлари муаллифи.

МОРАВИЯ (Morava) — Чехияда шу ном б-н аталган тарихий вилоят ва дастлабки давлатнинг номи. Қад. аҳолиси — кельтлар. Мил. 3—4-а.ларда бу ерга славянлар (моравалар ва б.) келиб жойлашганлар. 623—658 й.ларда Само давлати, 9—10-а.ларда Буюк Моравия давлати таркибида, 1029 й.дан Пржемисловичлар мулки. 1526—1918 й.ларда Габсбурглар қўл остида. 1918 й.дан Чехословакия Республикаси таркибида. 1938—39 й.ларда Германия томонидан босиб олиниб, «Богемия ва Моравия протектората»-га киритилган. 1945 й.дан — майда озод қилинидан сўнг Чехословакия (Чехия) таркибига кирган.

МОРАСТЕЛЬ, Монастель — винобоп кечинишдаги узум нави. Ватани — Испания. Франциянинг жан. ва Италияда ўстирилади. 1890—1900 й.ларда Қримга келтирилган. Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Тожикистонда р-нлаштирилган. Барги ўрта. 15—16 см, кертикли, тўқ яшил, орқа томони сийрак тукли. Гули икки жинсли. 15—20 майда гулдайи, ипсимон, ўртача тиғиз. Ғужуми думалоқ, тўқ зангори, усти мумгубор б-н қопланган, пўсти ўртача қалинликда, эти сersув, ширин. Фаол ҳарорат йигиндиси 3100—3200° бўлганда 140—150 кунда пишади. Таркибида 30% гача қанд бор. Ҳосилдорлиги 100—150 ц/га. Ўзбекистоннинг кўпчилик вилоятларида экилади. Узумидан қизил портвейн ва кагор десерт винолари тайёрланади.

Морастель узум нави.

МОРАТОРИЙ (лот. moratorius — секинлатувчи, муддатни орқага сурувчи) — муайян мажбурият ва ҳаракатларнинг ижро этиш муддатини ҳукумат томонидан маълум вақтга узайтириш, тўхтатиб қўйиш (мас., ядро қуроллари синовни М.и.). Бирор фавқулодда ҳолат (мас., уруш, табиий офат) муносабати б-н ҳам эълон қилинади.

МОРГАН (Morgan) Томас Хант (1866.25.9, Лексингтон, Кентукки — 1945.4.12, Пасадена, Калифорния) — америкалик зоолог, *генетика* асосчиларидан бири, АҚШ Миллий ФА президенти (1927—31). Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1919 й.дан). Кентукки (1886) ва Ж. Хопкинс ун-тларини (1891) тугатган. Брин-Мордаги хотин-қизлар колледжи (1891—1904) ва Нью-Йорктаги Колумбия ун-тида (1904—28) проф., Пасаденадаги Калифорния технология ин-тининг биол. лаб. бошлиғи (1928—45). М. экспериментал эмбриология, регенерация, ҳайвонлар жинсини аниқлаш ва иренитга оид тадқиқотлар олиб борган; *иренитнинг хромосома назариясини* асослаб берган. М. ва унинг ходимлари томонидан хромосомалар чалкашуви ва *кроссинговер* ҳодисасининг қанф этилиши *Мендель қонунлари*нинг цитологик механизмини тўлиқ тушуниб олишга ва *табиий танланиш* назариясининг моҳиятини тушунтиришга имкон берди. Нобель мукофоти лауреати (1933).

МОРГАНИДА (инг. Morgan-unit, Америка биологи Т. Х. *Морган* номидан) — 1% *кроссинговер* частотаси б-н ифодаланувчи икки ген локуси орасидаги генетик масофанинг ўлчов бирлиги. Хромосомалар генетик харитасини тузишда қўлланади.

МОРГАНЛАР (Morgan) — АҚШдаги энг кекса ва йирик молия гуруҳларидан бири. 19-а.нинг охирида шаклланган. Бу гуруҳга Морган (1813—90) асос солган. Таъсир соҳалари: банк иши, қайта ишлаш саноати, т. й. транспорти. Етакчи молиявий институтлар: «Морган гранти траст компани» тижорат банки, «Ж. П. Морган энд компани» банк уйи, «Морган Стенли энд компани» инвестиция банки. М. «Пруденшел» ва «Нью-Йорк лайф» сугурта компаниясининг 50% га яқин активларини, «Юнайтед Стейтс стил», «Женерал Электрик», «Женерал Моторс» саноат корпорациялари, инвестиция банклари тармоғини назорат қилади. 20-а.нинг 70-й.лари назоратидаги активлар миқдори 90 млрд. доллардан ортиқроқ бўлиб, шундан 40 млрд. доллар кредит-молия соҳасига тўғри келган. Гуруҳ кўпгина банк ва саноат монополиялари иттифоқидан иборат. 2-жаҳон урушигача молиявий гуруҳнинг бошқарув маркази Нью-Йоркда жойлашган. М., шунингдек, кўмир, тўқимачилик, нефть, кимё ва б. саноат тармоқларида ўз ҳиссасига эга.. 25 мамлакатда 560 та офиси фаолият олиб боради, ходимлар сони 60 мингдан ортиқ. 2001 й. соф фойдаси 3,6 млрд. долларни ташкил қилди. Таъсир доирасида ҳоз. замон илмий-техника инқилоби б-н боғлиқ соҳалар (радиоэлектроника, ракета ясаш ва б.) йўқлиги учун мавқеи анча пасайган. М.нинг молиявий-саноат манфаатлари барча етакчи мамлакатларда мавжуд. Гуруҳ АҚШ нинг сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнайди.

Абдухалил Раззоқов.

МОРДВА ТИЛЛАРИ — *финн-угор тиллари* оиласига мансуб мокша (мокшамордва) ва эрзя (эрзя-мордва) тиллари; Мордовия, Бошқирдистон, Татаристон, Чувашистон республикаларида, РФнинг Нижний Новгород, Самара, Пенза, Оренбург, Саратов, Челябинск каби вилоятларида тарқалган, 1 млндан ортиқ киши сўзлашади.

М.т.да жуда кўп аралаш шевалар бор. Фонетик-фонологик жиҳатдан мокша тилида 40 фонема (7 унли ва 33 ундош), эрзя тилида 33 фонема (5 унли ва 28 ундош) мавжуд; уларнинг талаффузида муайян фарқлар кузатилади. М.т.нинг ўзаро яқинлиги энг аввало грамматика ва лексикада кўринади; ҳар иккала тилга агглютинативлик хос, грамматик жинс категорияси эса йўқ. Отлар 10 дан ортиқ келишик б-н турланади. Лугат таркибида русча сўзлар анчагина, шунингдек, гуркий, болтиқ, эроний тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам бор. Синтаксис соҳасида рус тилининг кучли таъсири сезилади. М.т.даги тафовутлар тилнинг барча сатҳларида (урғунинг қайси бўғинга тушиши, лугат таркиби) учрайди.

Бир пайтлар ягона ҳисобланган мордва тилининг мокша ва эрзя лаҳжалари асосида 2 та адабий тил: мокша адабий тили ва эрзя адабий тили шаклланган (20-а.нинг 30-й.лари). 18-а. ўрталаридан рус алифбоси асосидаги ёзувга эга.

МОРДВАЛАР — халқ. Мордовиянинг туб аҳолиси (313 минг киши). РФда 1073 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Умумий сони 1150 минг киши. Эрзя ва мокша, каратай ва терюханлар этник гуруҳларига бўлинади. Мордва тилларида сўзлашади. Динлорлари — православлар.

МОРДИН — Туркиянинг жан.даги ўрта асрларга оид қалъа. 13-а. 20-й.ларида М. мустақил бўлиб, унинг ҳокими Носириддин Ортуқ Арслон Мансур (1201—39). М. ва Майофарикинда ҳукм сурган ортуқийлар сулоласига мансуб эди. *Шарафиддин Али Яздий*нинг ёзишича, *Амир Темур* 1394 й. 3 янв. да М.га келиб, унинг ҳокими Султон Алига киши юбориб, «Биз Миср ва Шом сори мутаважжих бўлдук. Сен бизнинг сўнгимизда бот келгайсен!»,

Мордин қалъаси.

деган. М. ҳокими аҳду шартига вафо қилмай, «мухолифат тариқаси анлин зоҳир бўлди». Соҳибқирон 1394 й. 29 янв.да М.га юриш қилиб, уни қамал қилган, 1394 й. 16 апр.да 2-марта қамал қилган. Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича, «Мординга етиб, шаҳарни ўртадан олиб ўлтурдилар... соҳибқирон била шаҳзодалар ва беклар отланиб нақ-қора ва нафир чалдируб, қалъага мутаважжих бўлдилар. Уруш солиб барчалин бурун ғўлнинг кишиси қалқонлар бошларига тортиб юридилар. Ва черик тўрт ёнидин сурои солиб, бари бир йўла ҳамла қилиб, қалъага етишиб, шотулар қўйуб, қалъа устига чиқиб, анда тургон мухолифларни сурдилар, шаҳарга кириб шаҳарни олдилар». Шу аснода *Улуғбек* таваллуд топгани ҳақидаги хушхабар келиши муносабати б-н соҳибқирон М. аҳолисига омонлик берган. *Кўния султонлиги* ва *Жалолиддин Мангуберди* М.ни ўз томонларига оғдириш учун кўп ҳаракат қилишган. Ниҳоят М. ҳокими Жалолиддин тобелигига ўтган.

Ад.: Шарафиддин Али Язди й. Зафарнома. Т., 1997.

Фахриддин Ҳасанов.

МОРДОВИЯ, Мордовия Республикаси — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Шарқий Европа текислигида Волга ҳавзасида жойлашган. Майд. 26,2 минг км². Аҳолиси 937,1 минг киши (1999). Пойтахти — Саранск ш. Маъмурий жиҳатдан 22 туман, 7 шаҳарга бўлинади.

Давлат тузуми. М.— республика. Давлат бошлиғи — республика бошлиғи. Қонун чиқарувчи органи — давлат мажлиси (парламент). Ижроия ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади.

Табиати. М.нинг шим.-ғарбий қисмида Ока-Дон текислиги, жан.-шарқий қисмида Волга бўйи қирлари бор. Фойдали қазилмалари: оҳактош, доломит, торф, мергель, гил, қумтош. Иқлими мўътадил континентал. Янв. ҳ.ўр.т. 11,2°, июлники 19,2°. Йиллик ёғин 450—525 мм. М. ҳудудидан Оканинг ирмоғи — Мокша ва Сура дарёлари оқиб ўтади. Тупроғи — подзолланган қора тупроқ, кулранг ўрмон, чимли подзол, дарё водийларида аллювиал ва торф-ботқоқли тупроқлар. Республика ҳудудининг 1/4 қисми ўрмон. Бўри, лось, бўрсиқ, қундуз, крот, ондатра, тулки, оқ ва малла товушқонлар, қушлардан қур, кулранг каклик, карқур бор, сувда балиқ кўп учрайди. М. қўриқхонаси ташкил этилган.

Аҳолиси. М.да мордваллар (32%), руслар (61%), татарлар (5%) яшайди. Расмий тил —рус тили. Шаҳар аҳолиси — 57,8%. Йирик шаҳарлари — Саранск, Рузаевка, Ковилкино.

Тарихи. М. ҳудудидан топилган қад. ёдгорликлар неолит даврига мансублиги аниқланган. Мил.ав. 7-а.дан — мил. 5-а.гача яшаган қабилалар ўтроқ ҳаёт кечириб, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ва балиқчилик б-н шуғулланишган. Мордва қабилалари биринчи марта б-а.га оид ёзма манбаларда қайд этилган. 10-а.да Византия императори Константин VII Мордию (Mordiu) мамлакатини тилга олган. 13—15-а.ларда мўғуллар зулмига қарши мордваллар рус халқи б-н бирга курашди. Қозон хонлиги қулагач (1552), мордваллар Россия давлати таркибида. Аммо деҳқонлар ва ҳунармандларга оғир солиқлар солиниши, мордваларга христиан дини зўрлик б-н тиқиштирилиши сабабли улар оммавий равишда Волга орқасига, кейинчалик Урал ва Сибирга қочишга мажбур бўлдилар. Шундан кейинги йилларда Россия империяси таркибидаги бошқа миллатлар бошига тушган кулфатларга мордва халқи ҳам дучор бўлди. Октябрь инқилобидан сўнг М.да шўро ҳокимияти ўрнатилди. 1928 й.да Ўрта Волга ўлкаси таркибида Мордва округи ташкил этилди. У 1930 й.да мухтор округга, 1934 й.да мухтор республикага айлантирилди. 1990 й.дек.да республиканинг давлат суверенитети ҳақида Декларация қабул қилинди. 1991 й.да президент лавозими жорий этилди. 1994 й.дан Мордовия Республикаси деб атала бошланди.

Хўжалиги. М. — индустриал-аграр ўлка. Ялпи маҳсулотнинг 70% саноатга ҳосил қилинади. Машинасозлик ва металл ишлаш (электротехника, асбобсозлик, огир ва кимё машинасозлиги, кимё, ёғочсозлик, енгил ва озиқ-овқат саноати, биноқорлик материаллари ич. саноатнинг асосий тармоқлари ҳисобланади. Саноат ич.да машинасозликнинг салмоги 50% ни, енгил ва озиқ-овқат тармоғининг салмоги эса 30% ни ташкил этади. «Лисма», «Лайме» акциядорлик жамиятлари электр чироқлар, ерткич техникаси ускуналари, рангли телевизорлар, «САРЭКС», «Центролит» корхоналари экскаваторлар, автомобиль саноати учун узель ва деталлар ишлаб чиқаради. Умет, Киселевка, Ардатовда ёғочсозлик. Кондровка, Темниковда целлюлоза-қоғоз. Ширингуши, Инсарда енгил саноат, Саранскда резина-техника корхоналари бор. Тиббиёт асбоб-анжомлари ва дори-дармонлар ҳам ишлаб чиқарилади. Йилига ўртача 1,5 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади.

Қ.х. гўшт-сут чорвачилигига (70%) ихтисослашган. М.нинг шим.-шарқида чўчқачилик ва паррандачилик ривожланган. Донли экинлардан арпа, жавдар, бугдой кўпроқ экилади. Қанд лавлаги, картошка, сабзавот, тамаки, кунгабоқар ҳам етиштирилади. Асалариичилик б-н шуғулланилади. Боғлар кўп.

Халқ хўжалиги юклари, асосан, автомобиль (уз. —5 минг км дан ортиқ) ва т.й. (уз. — 543 км) транспортида ташилади. Саранск орқали газ қувури ўтказилган. Саранск аэропорти бор. М. чегта, асосан, машина ва жиҳозлар (кўпроқ электр товарлари), шунингдек, телевизорлар, газмол чиқаради.

Соғлиқни сақлаш. 1913 й. М. да ҳамма-си бўлиб 517 ўринли 29 касалхона бўлган. 2000 й. республикада 4,5 мингдан ортиқ врач ишлаган (10 минг кишига 44 врач). Врачлар ва тиббиёт ходимлари М. ун-ти ҳамда тиббиёт билим юртларида тайёрланади. М.да 2 санаторий ва болачиқ шифохонаси бор.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. 2000 й. республикадаги 823 мактабда 133 минг ўқувчи, 21 ўрта махсус ўқув юртида 14 минг ўқувчи, 2 олий ўқув юртида 21,4 минг талаба таҳсил олди. Н. т., лойиҳа конструкторлик институтлари мавжуд. М.да 600 дан ортиқ оммавий кутубхона, 800 дан иборат клуб муассасаси, кинофурилмалар, 12 музей, 3 театр, филармония бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телевидениеси. М.да бир қанча газ ва журнал нашр этилади. «Мордовия» давлат телерадиокомпанияси ишлайди. Москвадан радио ва телекўрсатувлар ретрансляция қилинади. Саранск ш.да телемарказ бор.

Адабиёти. Мордва халқининг ёзма адабиёти 20-а.нинг 20-й.ларида вужудга келди. Эрзя ва мокша адабий тиллари бор. Халқ оғзаки ижоди ривожланган. З.Ф. Дорофеев (1890—1952) ва Я.П. Григошин (1888—1938) замонавий мордва адабиётининг асосчиларидир. 30-й.ларнинг ўрталарига келиб республика ёзувчилари поэма, драма, қисса жанрида ижод қилди. Шу йилларда А.М. Лукьяновнинг «Кинель», А. Д. Куторкинининг «Қора устун», Т.А. Рапшановнинг «Чиангора остида» романлари яратилди. Мордва адабиётининг классиклари П. С. Кириллов, М. И. Бездородов ва б. ҳам ўз ижодий фаолиятларини шу даврларда бошлаганлар.

Саранск шаҳри.

50-й.лар охири ва 60-й.лар бошидан социал роман вужудга кела бошлади (К. Г. Абрамовнинг «Ўрмон шовуллашини кўймади» трилогияси, С. С. Бебанинг «Баҳорги қушлар» романи ва б.). 90-й.лардан мордва адабиёти ривожида янги давр бошланди. Адабиёт майдонига кириб келган ёшлар халқнинг маиший ҳаёти ва келажак орзуларини ифодалай бошладилар.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. М. ҳудудидан жез даврига оид нақшли сопол идишлар топилган. Илк темир даврида ёғочдан қарорғоҳлар вужудга кела бошлаган. Шокина ва Кельгинино қабристонларидан 9—11-а.ларга оид жез тақинчоқлар топилган.

М. деҳқонларининг турар жойлари руслариникига ўхшаш бўлса-да, лекин ички жойи ва хўжалик иморатлари кўпгонининг ички қисмида бўлган. Эски қишлоқлар уч режасида эди. 18-а.дан улар кўча режаси бўйича қайта қурила бошлади. Кейинги даврда шаҳарларни қайта қуришга киришилди. М.да қаштачилик, ёғоч ўймакорлиги, металл безаклар ясаш авж олган. Тасвирий санъат ривожлана бошлади. 20-а.нинг бошларидан ҳайкалтарош С. Д. Эрьзининг ишлари машҳур бўлди. Кейинги йилларда И. Н. Абрамов, Н.Б. Ерушев, В. А. Березин ва б.нинг асарлари юзага келди.

Мусиқаси Волга бўйи халқлари ижодига яқин. Мавсум ва меҳнат (деҳқончилик) қўшиқлари мордва халқининг қад. қўшиқ жанри ҳисобланади. Лирик ва эпик қўшиқлар б-н бир қаторда лапарлар, рақс тушиб ва хор бўлиб айтиладиган қўшиқлар ҳам тарқалган. Қад. мусиқа асбоблари — қамиш най, скрипка; кейинчалик гармонь, балалайка, гитара, баян расм бўлди. Профессионал мусиқа маданияти 1930-й.лардан ривожлана бошлади. Саранскдаги опера ва балет театри (1937—48) миллий мусиқа маданиятининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. «Умарина» қўшиқ ва рақс ансамбли, Л. П. Кирюков номидаги мусиқа билим юрти, Халқ ижодиёти уйи, унинг қошида «Келу» қўшиқ ва рақс халқ ансамбли, болалар мусиқа мактаблари бор.

Театри. М. миллий театр санъатининг илдизлари тўй маросимлари ва халқ ўйинларига бориб тақалади. 1891 й.да Судосев қишлоғи (ҳоз. Чамза туманида деҳқонларнинг опера труппаси ташкил этилди. Унда «Ганим кучи», «Ермак», «Илья Муромец», «Россия тонги» каби опералар саҳналаштирилди. Жамоа кўпгина шаҳарларда томоша кўрсатди ва 1914 й.да ўз фаолиятини тўхтатди. 1901 й.да Инсалка қишлоғида ташкил этилган халқ театри бир неча йил фаолият кўрсатди. 20-й.лар арафасида миллий ҳаваскорлик театри вужудга келиб, деярли мавзуларда ва эртаклар асосида спектакллар кўрсатди. 1930 й. Саранскда биринчи мусиқали драма студияси ташкил этилди. 1932 й. у М. давлат драма театрига айлантирилди ва «Момақалдироқ», «Айбсиз айдордар», «Ревизор» каби мумтоз асарлар ҳамда мордовиялик драматурглариинг пьесалари саҳналаштирилди. 1959 й.дан у мусиқали драма театри сифатида ишлай бошлади. Кейинги йилларда маҳаллий мусаннифларнинг асарларига кўпроқ эътибор берила бошлади. Саранскда кўғирчоқ театри (1935 й.дан) ишлайди. Театр арбоблари орасида С. И. Колганов, А. А. Аржадеева, В. В. Долгов, Н. А. Иванов, И. Г. Кудельскина, Г. М. Мелехин ва б. бор.

МОРЕЛИЯ — Мексиканинг жан. қисмидаги шаҳар, ўртача 1940 м баландликда. Мичоакан штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 620 минг киши (2000). Панамерика шоссеисидаги йирик транспорт йўллари тугуни. Қ.х. районининг савдо маркази. Озиқ-овқат, кимё, кўнпойабзал, целлюлоза-қоғоз, ўрмон саноати корхоналари мавжуд. Бадиий ҳунармандчилик ривожланган. Йирик маданий марказ: ун-т, технология институти, нафис санъат мактаби, музейлар бор. Меъморий ёдгорликлардан 16—18-а.ларда қурилган монастирь, собор, ҳукумат саройи, акведук сақланган. Шаҳарга 1541 й.да асос солинган ва 1828 й.гача Вальядолид деб аталган.

МОРЕЛОС — Мексиканинг марказий қисмидаги штат. Майд. 4,9 минг км². Аҳолиси 1,35 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Куэрнавака ш. Штат Кўндаланг Вулканли Сьерра тоғларининг жан. ён бағри ва Морелос тоғларида (ўртача бал. 1500 м) жойлашган. Шим.да Попокатепетль (5452 м) ҳаракатдаги вулкани бор. Иқлими тог тропик, мўътадил нам иқлим. Куэрнавака ш. атрофида ўртача ойлик т-ралар 15° дан 22° гача, йиллик ёғин 1000 мм. Штат ҳудудини Бальсас дарёси ва унинг ирмоқлари кесиб ўтган. Хўжалигининг асосини қ.х. ташкил қилади. Экин майдонларининг маълум қисми суғорилади. Асосий товар экинлари — шоли ва шакаркамиш. Мевачилик ри-

ювожланган. Озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Бадиий ҳунармандчилик ривожланган. Куэрнавака — Мексиканинг энг муҳим тоғ курортларидан бири.

МОРЕНА (франц. *moraine*) — музликлар эриб чекинганидан кейин қолган тоғ жинслари уюми. Ғўлатошлар, палахса тошлар, шағал, гил, қум шаклида бўлади. М.лар силжийдиган (ҳаракатдаги) ва ётқизилган (кўзғалмас)ларга бўлинади. *Силжийдиган* М.лар тоғ музликларида ҳосил бўлади. Улар устки, ички ва қуйи М.ларга бўлинади. Устки М. чақиқ жинслардан ҳосил бўлади. Ички М. муз қатлами орасида ётади. Устки ва ички М.лар муз қопламлари учун хос эмас. Қуйи М. тоғ музликлари, шунингдек, муз қопламларида учрайди. Силжийдиган М. музлик б-н биргаликда ҳаракат қилади. *Ётқизилган* М. музлик эригандан кейин парчаланган жинслардан ҳосил бўлади ва М. марзалари ва таг М.га, улар эса, ўз навбатида, бўйлама, чекка қирғоқ М. лари ва б.га бўлинади. Тоғли ўлкаларда ётқизилган М. майда жинслар, тупроқ аралашган харсанг тошлар ҳолида учрайди. М.ларни ўрганиш улар б-н боғлиқ бўлган конларни топиш ва музлик бўлган жойларни аниқлашда аҳамиятга эга.

МОРЕНАЛИ ЛАНДШАФТ — ер юзасини морена ётқизиқлари қоплаб ётган жойлар ландшафти. М.л.да морена тепалари, улар орасида сойликлар, йирик ғўлатошлар, сойликларда кўллар, ботқоқликлар бўлади.

МОРЕНАЛИ РЕЛЬЕФ — *музликлар* таъсирида пайдо бўладиган рельеф. Музликлар тоғ жинсларини емириб, уларни бир жойдан иккинчи жойга кўчиради. Чекинган музликлар йирик (ғўлатош, харсанг тошлар), майда (шағал) тошлар ва қум ҳамда қумоқ жинс-ларни қолдириб кетади. Бу ётқизиқлар кўпдан-кўп тепалар, чуқурликлар (кўпинча кўллар) ҳосил қилади. М.р. Россиянинг Европа қисмида кенг тарқалган ва тупроқ қатлами қалин бўлганидан анча текис кўринади. Тоғларда ҳам М.р.ни учратиш мумкин. Тоғларда водий ён бағирларида мореналардан ҳосил бўлган айрим ва қатор тепаликлар ажралиб туради. Охирги морена ётқизиқларидан ёй шаклидаги морена уюмлари ва хилма-хил тепаликлар пайдо бўлади. Тоғлардаги морена ётқизиқларида тупроқ қатлами юпқароқ, лекин, унумлор бўлади. М.р. Ўрта Осиё тоғларида кенг тарқалган.

МОРЖ (Odobenus rosmarus) — *кураклар оёқлилар* туркумига мансуб сут эмизувчи. 3 та кенжа турни ҳосил қилади. Уз. 410 см гача, вазни 2000 *кг* гача. Боши олдинги томондан тўмтоқ; тумшугининг 2 ёнида 300—350 тадан вибриссалар

Морж.

(туйғу қиллари) бор. Қулоқ суprоси ва думи бўлмайди. Юқори жағидан чиқиб, пастга осилиб турадиган йиртқич тишларининг уз. 60—80 см (туркчасига инғичка ва калтароқ). Териси қалин, жуда кўп бурмалардан иборат. М. яхши кўрмайди, лекин ҳидни тез сезади. Қуруқликда орқа оёқларини гавласининг остига букиб, ҳаракатланади. Сув муҳитига мослашиши туфайли жуни жуда сийраклашган; янги тугилган болаларининг жуни қалин ва узун. М. Шим. Муз океани соҳилларида ва қутб оролларида, жумладан, Беринг, Чукот, Шарқий Сибирь, Лаптев, қисман Баренц денгизида тарқалган. *Миграция* қилади. Асосан, сув тубилаги моллюскалар б-н озиқланади. Муз устига чиқиб болалайди. Бўғозлик даври 1 йилга яқин; боласини 2 йилгача эмизади. Сони камайиб кетганлиги туфайли фақат маҳал-лий аҳолига овлаш рухсат этилган. Халқаро ва миллий Қизил китобларга киритилган.

МОРЗЕ (Morse) Сэмюэл Финли Бриз (1791.27.4, Чарлстаун — 1872.2.4, Нью-Йорк) — америка рассоми ва телеграфия соҳасидаги ихтирочиси. Тарихий композициялар ва портретлар муаллифи. Миллий рассомлик академияси (Нью-Йорк) асосчиси ва биринчи президенти (1826—45). М. 1837 й. электромагнит телеграф аппаратини ихтиро қилган, 1838 й. шу аппарати учун *Морзе коди* (телеграф коди)ни ишлаб чиққан. Амалда ишлатиш учун яроқли аппаратни 1844 й. яратди. *Морзе аппарати* биринчи марта Вашингтон — Балтимор телеграф линиясида ишлатилган.

МОРЗЕ АППАРАТИ — сигналларни *Морзе коди* воситасида узатувчи ва қабул қилувчи электромагнит телеграф аппарати. С. *Морзе* 1844 й. яратган ва



Морзе аппарати схемаси.

амалда қуллаган. Тузилиши оддий, пухта ишлади, лекин сигналларни узатиш ва қабул қилиш тезлиги кичик. М. а., асосан, узатқич (калит) ва қабул қилгичдан иборат (расмга қ.). Сигналларни узатиш учун калит *К* б-н батареи *b* токи занжирини Морзе кодига мос ҳолда улаб-узилади. Электромагнит *Э* дан ток утиб, узак якорь *Я* ни тортади. Натижада бўёқ суртилган ёзув галтаги (*Г*) лентага тегиб, унда узун-қисқа из қолдиради. Лентани соат механизми узлуксиз суриб туради. Лентанинг тезлиги 160—180 см/мин. бўлиши мумкин. М. а. воситасида соатига 950—1100 сўзни 5 мм ли нуқат сим орқали 500 км гача узатиш мумкин.

МОРЗЕ КОДИ, Морзе алифбоси — телеграф алоқада қулланиладиган шартли белгилар тизими; нуқта ва тирелардан иборат. С. *Морзе* тузган. Ҳар бир ҳарфга муайян нуқта ва тирелар уйгунлашуви (комбинацияси) тугри келади. Нуқта ва тирелар электр токи импульслари тарзида узатилади. Узатилаган импульс — қол жуда қисқа бўлиб, ҳар қайси белгини белгилашда элементлар сони ҳар хил (узгарувчан код) ёки бир хил (узгармас код) бўлиши мумкин. Код элементлари сонига қараб, 5 элементли, 6 элементли ва б. милларга бўлинади. М.к. *Морзе аппарати* ёрдамида узатилади. Ўзгарувчан коддан камроқ, ўзгармас коддан кўпроқ фойдаланилади. Бунда нуқта ва тире ўрнида плюс (+) ва минус (—) белгилари ишлатилади. М. к. ҳозир асосан радиоҳаваскорлик алоқа тизимида қўлланилади. (2003).

МОРИАК (Mauriac) Франсуа (1885.11.10, Бордо — 1970.1.9, Париж) — француз ёзувчиси. Франция ФА аъзоси. Ижодий фаолиятини шоирликдан бошлаган. Биринчи романи «Занжир жафосини тортган бола» (1913)да қишлоқлик йигитнинг Парижлаги саргузаштлари тасвирланган. «Моховга ҳаля этилган бўса» (1922), «Волида» (1923), «Тереза Дескейру» (1927), «Илонлар ўрами» (1939), «Боши берк кўча» (1939) каби романлари машҳур. 1943 й.да Франция Қаршилик ҳаракатига қўшилиб, Форез тахаллуси б-н фашизм-га қарши мақолалар ёзган («Қора дафтар»). Унинг урушдан кейин ёзилган асарларидан «Маймун» (1951), «Худо-йинга аталган кўзичоқ» (1954), «Ўтмиш ўспирини» (1969) каби романлари машҳур. М. 1952—70 й.ларда Францияда чиқадиган «Экспресс» ва «Фигаро» газ.ларида ўзининг сиёсий, ахлоқий ва эстетик мавзуларда ёзилган «Ён дафтарлар» ини эълон қилди. Унинг ижоди учун иллатларни руҳий таҳлил қилиш ва табиий деталлаштириш хос.

«Роман» (1928), «Романнавис ва унинг персонажлари» (1938), «Рухлар хотиралари» (1956) каби асарларида ёзувчининг бадиий-эстетик қарашлари ўз ифодасини топган. Ўз санъатидаги ҳар қандай *мафрат*га қарши турган М. ҳаётни қандай бўлса, шундайлигича тасвирлашга интилган. Нобель мукофоти лауреати (1952).

МОРО (Моро Альдо (1916—1978) — Италия давлат ва сиёсат арбоби, дипломат. М. Италия таниқи ишлар вазири ўринбосари (1948—50); парламентда Христиан-демократик партияси (ХДП) фракцияси етакчиси (1953—55); адлия вазири (1955—57); мдориф ишлари вазири (1957—59); ХДП сиёсий котиби (1959—63); Италия Бош вазири (1963—68, 1974—76); ташқи ишлар вазири (1965—66, 1969—72 ва 1973—74); ХДП Миллий кенгаши раиси (1976—78). Халқаро кескинликни юмшатиш ҳамда социалистик мамлакатлар б-н дўстона муносабатларни ривожлантириш тарафдори бўлган. Террорчи «Қизил бригадалар» ташкилоти томонидан ўлдирилган.

МОРО (испанча moro — мавр) — Филиппиннинг жанубий халқлар гуруҳи (суду, самаль, магинданао, марнао, яканлар ва б.). 1,97 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Индонез тил гуруҳига мансуб тилларда сўзлашади. Динидорлари — сунний мусулмонлар.

МОРПЕЧ (форс. мор — илон) — 1) ҳошия нақш; илон изи шаклидаги нелимий нақш. Амалий безак санъати (мискарлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги ва б.)да кенг тарқалган. «Илон изи» деб ҳам юритилади; 2) ганч ўймакорлигида юмалоқ сирт кесиш учун (ўйма нақшларнинг четларига ярим доиралар, бўртиқлар ҳосил қилиш,

Морпеч.

ўровларини қирқиш ҳамда рельефларга лўла пардоз беришда) ишлатиладиган кескич, металл қалам (устун) ва ёғоч дастадан тузилган асбоб.

МОРРИСОН (Morrison) Тони (1932. АҚШ) — америкалик ёзувчи. Дастлабки 2 романи — «Кўк кўзлар» (1970) ва «Сула» (1974), шунингдек, машҳур мавзудаги «Сулаймон қушиғи» (1977) романи машҳур. Унда бир қораланги аёлнинг 100 йиллам ортиқроқ даврдаги ҳаёти мисолида умуман америкалик қораганиларнинг миллий ўз-ўзини англаш жараёни ёритилган. «Сула» (1974) романи ҳаётнинг жабру ситамлари ва ишқдаги ёлғизликни енгишга уринши, мутелик ва қатъийлик ҳақида. «Қорамой суртилган кўрпачи» романи (1981)да қораганилар муаммосига доир қиз. нуқтаи назарлар акс эттирилган. «Маъшуқа» (1987) асарида ўтмиш б-н қиёсланиб сафарлар уйгунлаштирилган бўлса, «Жаз» (1992) асарида 1920-йилардаги ижтимоий ҳаёт, бу даврнинг рухига хос «шамози» ва ёлғизликдаги рухий ҳолатлар мохирона тасвирланган. Нобель мукофоти лауреати (1993).

МОРТИЛЬЕ (Mortillet) Габриель (1821.29.8, Мелан — 1898.25.9, Сен-Жермен-ан-Ле) — француз археологи. 1868—85 й.ларда Сен-Жермен музейида қад. давр бўлимининг ходими ва бошлиги. Тош қуролларнинг шакли, вазифаси ва геологик санасига қараб, *палеолит* маданияти ривожланишининг бир неча босқичга бўлинишини кўрсатган ва хронологик таснифини ишлаб чиққан. У Ч. *Дарвин* тарафдори, эволюционист бўлган. Бироқ ҳайвон ва ўсимликлар дунёсининг ривожланиш қонуниларини ибтидоий жамият ва модлий маданият предметларининг шаклари ривожига татбиқ этиш мумкин деб хатога йўл қўйган.

МОРУА (Maurois) Андре (тахаллуси; асл номи Эмиль Эрзог; 1885.26.7, Эльбёф — 1967.9.10, Париж) — француз ёзувчиси. Франция академияси аъзоси (1938 й.дан). «Камсуҳан полковник Брамл» (1918) ва «Сергап доктор О'Грейди» (1922) романларида ўзи иштирок этган 1-жаҳон урушидан олган таассуротларини акс эттирган. «Бернар Кенэ» (1926), «Тақдир ўйинлари» (1928), «Оилавий давра» (1932), «Она замин» (1945) романлари француз халқи олий табақаси ҳаёти ҳақида.

М. адабий-танқидий эсселари, тарихий шахслар ҳақидаги китоб ва хотиралари б-н машҳур. У «Ариель ёки Шелли ҳаёти» (1923), «Байрон» (1930), «Тургенев» (1931), «Леди ёки Жорж Санд ҳаёти» (1952), «Олимпио ёки Виктор Гюго ҳаёти» (1954), «Уч Дюма» (1957), «Прометей ёки Бальзак ҳаёти» (1965) сингари асарлари б-н хорижий адабиётда биографик роман жанрига тамал тошини қўйган. М. бу асарларида машҳур кишилар ҳаёти ва ижтимоий фаолияти фактларидан четга чиқмаган ҳолда улар ҳақида бадиийлаштирилган ҳужжатли роман ёзиш мумкинлигини исботлаб берди. М. ўз қаҳрамонларига бўлган меҳрли муносабатини ифодалаш орқали адабиётнинг инсонсеварлик моҳиятининг тарапнишига ҳисса қўшди.

М.нинг «Чоршанба бинафшалари» туркумидаги ҳикоялари ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Мемуары, М., 1970.

МОРФ, м о р ф а (юн. morphe — шакл) — тил (сўз)нинг энг кичик маъноли қисми. *Морфема*нинг алоҳида бир кўриниши, варианти. Турли сўз шаклларида иштирок этувчи М.лар мажмуи морфемани ташкил этади. Мас., *уйга, эшикка, ётоққа* сўз шаклларидаги 3 шакл (-га, -ка, -қа) бир морфема ҳисобланади.

МОРФЕМА (юн. morphe — шакл) — ўзига хос шакл ва маънога эга бўлган, бошқа маъноли қисмларга бўлинмайдиган, сўз (лексема) ясаш ёки сўзнинг шаклини ҳосил қилиш учун хизмат қиладиган лисоний бирлик. Морфемалар ўзбек тилида, асосан, *аффикс* (қ.) ҳолатида бўлади. Мас., *-чи* (қуручи), *-шунос* (сиёсатшунос), *-қ* (тароқ), *-ки* (тепки), *-ли* (ақлли), *-чак* (ишчан), *-ла* (тузла), *-алла* (тақилла), *-лар* (болалар), *-роқ* (каттароқ), *-мтир* (қорамтир) ва б.

М.лар асосий вазифасига кўра, 2 турга бўлинади: сўз ясовчилар; сўзнинг шаклини ясовчилар. *Сўз ясовчи* М.лар янги-янги лексемалар ҳосил қилиш учун қўлланади ва ўзбек тили луғат (лексик) қатламининг бойишида муҳим роль ўйнайди. *Сўз шакли ҳосил қилувчи* М.лар сўзнинг қўшимча маъно ифодаловчи шаклини ясайди. Мас., *дарахтлар* (дарахт сўзининг кўплик шакли), *баландроқ* (баланд сўзининг даража шакли), *саргиш* (сариқ сўзининг озайтирма шакли) *келдим* (кел феълининг ўтган замон биринчи шахс бирлик шакли) ва б. М.лар мустақил қўлланмайди, луғавий маъно ифодалай олмайди, фақат сўзнинг луғавий ва грамматик маъноларини шаклланишига хизмат қилади. Сўз таркибида М. иштирок этмаслиги ҳам мумкин. «М.» термини ва тушунчасини тилшуносликка поляк-рус тилшуноси И.А.Бодуэн де Куртенэ киритган. Лекин М.нинг И.А.Бодуэн де Куртенэ талқини б-н ушбу, ҳозирги талқини ўртасида бир қадар фарқ бор.

Аъзам Ҳожиев, Неъмат Маҳкамов.

МОРФИН — афюн (опий)нинг асосий алкалоиди. Афюндан кимёвий йўл б-н ажратиб олинади. Оғриқ қолдирувчи кучли наркотик моддалар туркумига киради. Тиббиётда М.нинг гидрохлорид тузи ишлатилади. М., асосан, марказий нерв системасига таъсир этади: оғриқ сезгисини камайтиради, нафас, йўтал ва қусиш марказларини сусайтиради, алаҳсираш ҳамда *кўзни ҳаракатлантирувчи нерв*лар марказини қўзғатади. Уни бир неча бор қабул қилинганда киши ўрганиб қолиши *(морфинизм)* мумкин.

МОРФИНИЗМ — *гиёҳвандлик* турларидан бири, *морфин*га ўрганиб қолиб, уни қабул қилмай тура олмаслик, хуморлик. М.да руҳият (шахснинг хусусиятлари, феъл-атвори, иродаси) бузилади, хумор (абстиненция) синдроми ривожланади, одам тириниб қолади, тинкаси қурийди, юрак-томир, меъда-ичак ва жинсий аъзолар фаолияти издан чиқали; териси «ғоз териси»га ўхшаб кетади, оёқ-қўл бўғимларида кучли оғриқ, мускуллар тортишиши, талвасалар тутиши кузатилади. Тушга ҳар хил кўрқинчли воқеалар киради, кўрқув босади. Морфин қабул қилиниши б-н бу аломатлар тезда ўтиб кетади. М.да наркотик модда — морфий тери остига ва вена қон томирига юборилгани учун беморнинг билак, сон ва биқинларида қотиб қолган томир чандиқлари ва игна ўрни яққол кўзга ташланади. М.нинг олди олинмаса, бемор ҳалок бўлиши мумкин.

МОРФОГЕНЕЗ (юн. morphe — шакл ва genesis — ривожланиш) — организм-ларнинг онтогенези ва филогенезида янги шакллар ва тузилмаларнинг ҳосил бўлиш жараёни. М. жараёнида ҳужайраларнинг кўпайиши, жойининг ўзгариши, танланиши, баъзи ҳужайра гуруҳларининг олдиндан ирсий белгилаб қўйилган ўлими ва ихтисосланиши кузатилади. Муртак ҳужайраларининг ихтисосланиши туфайли ҳар хил тузилишга ва функцияга эга бўлган ҳужайралар шаклланади. Ихтисослашган ҳужайралар муайян йўналишда ривожлана бошлайди. Бу жараён *детерминация* дейилади. Унда ҳужайра гуруҳлари ўзаро таъсир қилиб, бир-бирининг ривожланишини бошқаради. Бу ҳодиса *эмбрионал индукция* дейилади (яна қ. *Онтогенез, Филогенез*).

МОРФОЛОГИЯ (юн. morphe — шакл ва... *логия*) (тилшуносликда) — 1) тилнинг морфологик қурилиши; 2) сўз шакллари ҳақидаги таълимот. Биринчи маъносида объектни англатса, иккинчи маъносида тилшуносликнинг шу объектни ўрганувчи бўлимини билдиради.

М. сўз туркумлари, уларга хос грамматик маъноларни, ҳар бир туркумга хос грамматик категориялар, бу категорияларни юзага келтирувчи грамматик шакл ва грамматик маъноларни ва ш.к.ни ўрганади. Тил тизимидан иборат бўлганлиги, унинг М.си ҳам ўзига хос тизимни ташкил этади. Ўз навбатида, морфологик тизим ҳам ўзига хос кичик тизимлардан ташкил топади. Улардан ҳар бирининг моҳияти ёритилиши б-н, тилнинг М.си яхлит ҳолда, тизим сифатида ўрганилади.

Ҳар бир сўз туркумига хос ички тизим (тизимчаларни шу туркумга хос морфологик категориялар ташкил этади. Морфологик категориялар сўз туркумига хос маълум бир ҳодисага оид умумий ва хусусий маъноларни ва бу маъноларни ифодаловчи сўз шакллари бирлигидан иборат бўлади. Ана шу сўз шакллари ва уларга хос умумий ва хусусий маънолар ёритилиши б-н муайян морфологик категорияларнинг моҳияти белгиланади. Бошқача айтганда, морфологик тизим ичидаги ички тизимлардан бирининг моҳияти белгиланади. Мас., феълнинг замон категорияси феъл М.сида алоҳида тизимни ташкил этади. Шунинг учун феълнинг замонларига нисбатан «феъл замонлари тизими» деган ибора ҳам қўлланади. Феълнинг замон категорияси, замон тизимининг моҳияти шундан иборатки, замон шаклларининг барчаси ҳаракатнинг нутқ вақтига (нутқ моментига) муносабатини билдиради. Бу — замон шаклларининг барчаси учун умумий бўлган хусусият. Шу б-н бирга ҳар бир замонга оид феъл шакли (шакллари) ўзига хос хусусиятга эга. Мас., ўтган замон шакллари ҳаракатнинг нутқ вақтигача, ҳоз. замон шакллари ҳаракатнинг нутқ вақтида, келаси замон шакллари ҳаракатнинг нутқ вақтидан кейин бажарилишини билдиради. Феъл замон шаклларига хос ана шу умумий ва хусусийликлар замон категориясининг, феъл замонлари тизимининг моҳиятидир. Демак, феъл туркумига оид ҳар бир морфологик категориянинг моҳиятини аниқлаш б-н феълнинг морфологик тизими ёритилади.

Аъзам Ҳожиев.

МОРФОЛОГИЯ (биологияда) — одам, ҳайвонлар ва ўсимликлар организмининг индивидуал ва тарихий ривожланиш жараёнида тузилиши ҳамда шаклини ўрганадиган фан (қ. *Ҳайвонлар морфологияси, Ўсимликлар морфологияси*).

МОРФОНОЛОГИЯ (*морфология* ва *фонология*) — турли морфемаларнинг фонологик тузилмасини ва фонологик ўзгаришларнинг морфологик мақсадда қўлланишини илмий талқин этувчи тилшунослик бўлими. М. — фонология ва морфология оралиғидаги тил босқичи бўлиб, бу терминни биринчи марта рус-чех тилшуноси Н. С. Трубецкой таклиф этган. Бунда М. бир морфемадаги турли фонемаларнинг алмашинуви сифатида жуда тор изоҳланган. М.га кенг маънода қарилганда, у: 1) сўз ва морфемаларнинг фонологик таркиби ҳамда ўзак ва аффиксал морфемаларнинг ўзаро фарқланишини назарда тутади, 2) сўз ясаш ва сўз шаклларини ясаш жараёнида морфемалар ва уларнинг бир-бирига уланишида бўладиган турли ўзгаришларни эътиборга олади, 3) морфемалар оралиғидаги ва четарага ажратилиши турли хусусиятларни М.да ўрганади. Морфемалардаги фонемалар алмашинуви морфонема деб юритилади. Мас., *тара* — *тароқ* сўзлари а/о, *сеч* — *сесканмоқ* сўзлари і/с морфонемасига эга. М. ўрганиш морфологик вазифа бажаришини ҳам назарда тутади: *олма* (от, меванинг тури), *олма* (феълнинг инкор шакли) сўзлари ўртасини урғи б-н фарқланади. М. баъзи тилларда кўпроқ (славян), баъзиларида эса камроқ (туркий тилларда) бўлиши мумкин.

Абдуқодир Абдуллаев.

МОРФОСТРУКТУРА (юн. morphe — шакл ва structura — тузилиш) — ер юзаси рельефининг узоқ геологик давр мобайнида эндоген ва экзоген кучларнинг ўзаро таъсири натижасида, хусусан эндоген жараёнлар таъсирида вужудга келган қисмлари. Уларнинг морфологик фарқлари Ер пўсти айрим участкаларида геологик тарихининг бир хил эмаслигидадир. Энг йирик (планета миқёсидаги) ёки геотектуралар Ер пўстининг энг йирик структура элементлари (материклар ва океанлардаги ботиқлар, оралиқ зоналар ва б.)дан иборат. Планета миқёсидаги М.лар кичикроқ М.ларга — айрим қирлар, ясси тоғлар, тоғ занжирлари, тизма тоғлар, тоғ водийлари, платолар, пасттекисликлар, ботиқ ва б.га бўлинади. Бундай М.ларнинг ҳар бири ўзига хос тектоник структураларга эга.

МОРХЎР, бурама шохли эчки (Capra falconeri) — тоғ эчкилари уруғига мансуб сут эмизувчилар тури. Гавдасининг уз. 170 см, бўйи ингичкидан 90 см га, вазни 90 кг га яқин. Шохлари пармага ўхшаш буралган. Жуни жигарранг, баъзан оқиш. Эркакларининг бўйни ва кўкрагида узун жунлари бор. Шим. ва Шим.-Ғарбий Ҳиндистон, Жан.-Шарқий Эрон ва Афғонистонда тарқалган. Ўзбекистонда Кўҳитанг ва

Морхўр

Боботоғда учрайди. Қоя тошли тик тоғ ён бағирларида яшайди. Сони жуда камайиб кетган. Ўзбекистон ва халқаро Қизил китобга киритилган.

МОСКВА, Москва-река — РФнинг Москва ва қисман Смоленск вилоятларидаги дарё. Оканинг чап ирмоғи (Волга ҳавзаси). Уз. 473 км, ҳавзасининг майд. 17,6 минг км². Москва қирларидан бошланади. Коломна ш. яқинида Ока дарёсига қуйилади. Қор, грунт ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 109 м³/сек. Нояб.-декдан март охиригача музлайди. Асосий ирмоқлари: чапда — Руза, Истра, Яуза; ўнгда — Пахра, Северка. М.да сув омборлари ва тўғонлар бор. 1937 йлда М.ни Волга б-н бевосита боғлайдиган Москва номли канал қурилди. Дарё Москва шлюзлари сув б-н таъминлайди. Москва канали орқали М.га Волгадаги Иваньково сув омборидан йилига 1,8 км³ сув қуйилади. М. бўйида Можайск, Звенигород, Москва, Жуковский, Бронницы, Воскресенск, Коломна шаҳарлари жойлашган.

МОСКВА — РФ пойтахти. Москва вилояти маркази, федерал аҳамиятдаги шаҳар. РФнинг йирик саноат, ишчисоноат, илмий ва маданий маркази. М.да Россия Федерацияси Президенти, Федерал Мажлис, РФ ҳукумати, Конституцион Суд, Олий Суд, Олий арбитраж суди, РФ Прокуратураси қарорғоҳлари жойлашган. 10 маъмурий округга (Марказий, Шарқий, Жан.-Шарқий, Жанубий, Жан.-Ғарбий, Ғарбий, Шим.-Ғарбий, Шимолий, Шим.-Шарқий ҳамда Зеленоград ш.) бўлинган. Шаҳар чегараси, асосан, Москва ҳалқа автомобиль йўлидан ўтади. Майдони (М. мэриясига қарашли бўлган Зеленоград ва б. аҳоли пунктларидан ташқари) 994,0 км², шу жумладан, Москва ҳалқа автомобиль йўли доирасида 878,7 км². Аҳолиси 8305,0 минг киши (2001; М. шаҳар маъмуриятига қарашли аҳоли пунктлари ҳ-и 8600 минг киши)дан иборат. Россиянинг Европа қисмида Смоленск-Москва қирлари, Ока-Москворечье текислиги ва Мещёра пасттекислиги туташган жойда, Ока ва Волга дарёлари оралиғида, Москва дарёси соҳилларида жойлашган. Шаҳар ҳудудининг асосий қисми 120 м баландликда, кенг тарқалган қайирлар ва қайир усти террасаларига эга бўлган Москва дарёси ва унинг ирмоқлари (Яуза, Сетунь ва б.)нинг кент водийли морена ва флювиогляциал текисликлари четараси ичида ўрнашган. Сувайиргичлар шу жумладан, «етти тепалик» — Кремль, Сретень, Тверь, Трёхгорка, Таган, Лефорт, Воробьёв тепаликларининг бир оз кўтарилган қисмлари дарё водийлари ва жарликлар ҳ-и ажралиб боради. Рельефнинг энг юқори нуқталари Теплостан қирлари (бал. 254 м гача) кириб борган жан.-шарқ ва Смоленск-Москва қирларининг жан. ён бағридаги Химки сув ҳавзаси ҳудудида жойлашган. Шаҳарнинг шарқий, жан.-шарқий қисмлари Мещёра пасттекислигининг ғарбий чеккасида ўрнашган. М.нинг марказий р-ларида қайта ишланган грунт, кўчалар ва ҳ.к. қолдиқларидан таркиб топган маданий қатламнинг қалинлиги 4—6 м (кўмилган жарликлар, кичкина сойлар, ҳовуз ва ботқоқликлар ўрнида 10—20 м)га етади. 100 дан зиёд сой, шу жумладан, Неглинная ер ости қувурлари орқали ўтказилган. М. иқлими мўътадил континентал. Қиши мўътадил совуқ. Январнинг ўртача т-раси —10,2°. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача т-раси 18,1°. Шаҳар марказ т-раси чеккаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,5—2° юқори. Йиллик ёғин 540—650 мм (энг кўпи июль—авг.да). Россияда илк бор барпо қилинган Лось Ороли миллий боғи М. ҳудудида жойлашган.

М. тўғрисидаги дастлабки маълумот 1147 йлдаги солномада берилган. Суздаль ва Буюк Киев князи Юрий Долгорукий анъана бўйича М.нинг асосчиси ҳисобланади. 1156 й. чамаси Боровицк тепалигида, Неглинная дарёсининг Москва дарёсига қуйилиш жойида дастлабки кўрғонча ўрнида кейинроқ Кремль номини олган ёғоч-



Москва шаҳри марказининг дарё ортидан кўриниши.

тупроқдан истеҳком қурилган (қ. *Кремль*). Владимир-Суздаль Русининг чекка шаҳри ҳисобланган. М. Черниговдан Киевга борадиган йўллар чорраҳасида шаклланган. 1237 й.да, мўғуллар босқини даврида, Ботухон қўшинларининг бостириб кириши натижасида М. вайрон қилинди, лекин, тез орада қайта тикланиб кичикроқ удел князлигининг маркази бўлди. Князь Юрий Данилович (1303—25 й.ларда бошқарган) князликка ёрлиқ олган биринчи Москва князи бўлди. 14—15-а.ларда М. рус ерларини бирлаштириш, мўғуллар зулмидан озод бўлишга қаратилган курашнинг ташкилотчиси, марказига айланди. М. атрофида рус ерларининг астойдил бирлаштиришни бошлаган князь И. Д. Калитанинг (1325—40) фаолияти катта аҳамиятга эга бўлди. Тахм. 1326 й.да М.га Владимир ш.дан Русь православ черкови митрополитларининг қароргоҳи кўчирилди. Князь Д. И. Донской (1359—89) даврида М. мўғуллар зулмига қарши кураш марказига айланди. 1380 й.да Куликово майдонида мўғуллар қўшинини мағлубиятга учратган умумрус қўшини М.да шаклланди. 15-а. охирида улуғ князь Иван III Васильевич (1462—1505) даврида М. ягона Русь давлатининг пойтахти бўлди. 15-а. охири — 16-а. бошларида Кремлни қайта қурилиши, унинг ҳудудида Москва давлатининг бош соборлари — Успение, Архангельский ва Благовещение қад кўтарди. 1547 й.да улуғ князь Иван IV Грозний (1533—84) подшо унвонини қабул қилди. Романовлар сулоласининг биринчи подшолари Михаил Фёдорович ва Алексей Михайловичларнинг ҳукмронлиги даври — нотинч йиллардa ёқиб ташланган М. янгидан қурилди. 1687 й.да Славян-грек-лотин академияси очилди. 1708 й.да шаҳар М. губерниясининг маркази бўлди. Россия пойтахтининг Санкт-Петербургга кўчирилиши (1712) б-н Москва биринчи пойтахт, муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий марказ сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолди. М.да императорларга тож кийгизиш маросимлари ўтказиб келинган. 1703 й.дан бошлаб подшо Петр I нинг ташаббуси б-н «Ведомости» биринчи рус босма газ. нашр қилина бошланди. 17-а. охиридан шаҳарнинг ўзини ўзи бошқариш тизими шаклланди. Изчиллик б-н шаҳар бошқаруви органи сифатида Бурмистр палатаси, Ратуша, Магистрат, 1785 й.дан — Умумий ва Олти овозли Дума, кейинроқ (1870 й.да) шаҳар Думаси тузилди. 1812 й.даги урушдаврида Москва сент.-окт. ойларида Наполеон I нинг француз қўшинлари қўлида эди. Катта ёнғин шаҳар биноларининг 2/3 қисмини йўқ қилди. Французлар М.ни ташлаб чиқиб кетдилар. Саноат ва т.й. қурилишининг ривожланиши б-н М. Россиянинг иқтисодий ва транспорт марказларидан бирига айланди. 1917 й. ноябрда шаҳарда большевиклар ҳокимияти ўрнатилди. 1918 й. 12 мартда пойтахт яна М.га кўчирилди. СССР ташкил қилингандан кейин (1922 й. 30 дек. да) М. унинг пойтахти бўлди. 1929 й.дан М. — Москва вилояти маркази. 1935 й.да М.ни биринчи Бош плани қабул қилинди. Ўша йили М.да метрополитен ишга туширилди. 1941 й. дек.да немис қўшинлари М. остоналарига етиб келди ва шаҳарни бомбардимон қила бошлади. Кейинроқ немислар чекинишга мажбур бўлди. 1945 й. 24 июнда М.да Ғалаба Паради бўлиб ўтди. 1965 й. 8 майда М.га қаҳрамон шаҳар унвони берилди. 1950-й.лар ўрталаридан шаҳарда кенг миқёсда уй-жой ва маданий қурилиш авж олди. 1980 й.да М.да 22-олимпиада ўйини бўлиб ўтди. СССР қулагач, М. (1991 й. 25 дек.дан) — РФ пойтахти.

М.да авиация, ракета-космик, радиоэлектроника, приборсозлик саноатларининг етакчи корхоналари жойлашган. Шунингдек, машинасозликнинг муҳим тармоқларидан станоксозлик (М.да Россия металл кесувчи станокларининг 9,3% ҳамда асбоблар, темирчилик-пресс ускуналари, саноат роботлари, автомат ва ярим автомат линиялар ва б.), турли электроника, автомобилсозлик (6,8% Россия юк автомобиллари ва 6,3% енгил автомобиллар) саноати ривожланган. Совиткич, компрессор ва кўтаргич (Россия лифтларининг 64%) ускуналар, подшипник, соатлар ва б. ишлаб чиқарилади, кимё саноати (шу жумладан, автомобиль шиналари, техник резина маҳсулотлари, бўёқлар, маиший кимё моддалари), нефтни қайта ишлаш з-длари мавжуд. Қора металлургия корхоналарида сифатли пўлатдан турли хил маҳсулотлар, қувурлар, металл буюмлар ишлаб чиқарилади. М. — енгил, асосан, тўқимачилик (Россия ип газлама и.ч.нинг 5,9%, ипакнинг 9,4%, ҳамда жун газламалар) ва тикувчилик саноатининг анъанавий маркази. Полиграфик, озиқ-овқат (Россия қандолатчилик маҳсулотларининг 22% ҳамда кўпгина тамаки маҳсулотлар) саноатлари бор. АМО «ЗИЛ», АЗЛК автомобиль з-ди, «Москва подшипник» ва авиация корхонаси ишлаб турибди. Шаҳардан турли йўналишларда т.й. линияси кетган. Ҳар куни М.нинг 9 та т.й. вокзали орқали 2 млн. га яқин йўловчи келиб-кетади. М.да 3 йирик дарё порти (Ғарбий, Шим. ва Жан.) бор. М. 13 автойўл орқали Россиянинг йирик шаҳарлари, узоқ ва яқин хориж давлатлари б-н боғланган. М. мамлакат ҳаво йўлларининг энг йирик тугунидир (Шереметьево, Домодедово, Внуково, Биково аэропортлари). М.да Россиянинг тўнғич ва энг катта масофага чўзилган (1999 й. да 160 станция) метрополитени мавжуд. Пойтахтда Россия ФА, Россия тиббиёт фанлари академияси, Россия қ. х. академияси, Россия таълим академияси, Россия бадиий академияси ва б. фаолият кўрсатади. 1000 дан зиёд и.т. институти ва конструкторлик бюролари ишлаб турибди. 80 дан зиёд олий ўқув юрти, шу жумладан, 13 ун-т мавжуд. Шаҳарда 140 дан зиёд профессионал театр бор, шулардан: *Катта театр*, К. С. Станиславский ва В. И. Немирович-Данченко номидаги, Оперетта театрлари; драматик театрлар — Кичик театр, М. Горький номидаги Москва бадиий академик театри, Евгений Вахтангов номидаги, В. Маяковский, Моссовет, М. Н. Ермолова номидаги, Россия Армияси Марказий театри, Таганкадаги, Кичик Бронний, Сатира, «Современник», А. И. Райкин номидаги «Сатирикон», С. В. Образцов номидаги Марказий қўғирчоқ театри ва б. 2 цирк, консерватория, П. И. Чайковскийнинг концерт зали ва б. бор. М.да «Мосфильм» киноконцерни ва б. киностудиялар жойлашган. М. мамлакат телева радиоэшиттириш тизимининг маркази, бу ерда машҳур Останкино телеминораси мавжуд.

Москва шаҳар мэрияси биноси.

Москва Кремлининг тарихий обидалари. Успение собори (15-а.), Иван Великий қўнғироқхонаси (16-а.) ва Царь-колокол (17-а.).

М.да 70 дан зиёд музей бор. Улар орасида А. С. Пушкин номидаги тасвирий санъат музейи, Тарихий музей, Политехника музейи, Кремлнинг Қурол-аслаҳа палатаси, А. В. Шчусев номидаги меъморлик музейи, Москва тарихи музейи, А. А. Бахрушин номидаги Театр музейи, Адабиёт музейи, В. М. Васнецов уй-музейи, М. Горький, М. Ю. Лермонтов, А. Н. Островский, А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой, М. И. Цветаева, А. П. Чехов, Ф. И. Шаляпин музейлари ва б. мавжуд.

М.нинг эски қисми радиал-ҳалқа шаклидаги тузилишга эга. М.нинг тарихий маркази — Москва Кремли ансамбли, унинг ёнида Қизил майдон, Василий Блаженний ибодатхонаси жойлашган. Сақланиб қолган ёдгорликлар орасида — Коломенскоедаги Вознесение черкови, монастирлар меъморий мажмуаси (Андроников, Донской, Свято-Данилов, Новодевичий, Симонов ва б.), қўрғонлар ансамблари (Кусково, Останкино, Кузьминки, Царицино ва б.), 17-а. черков ва айрим бинолари, 18-а. — 19-а. даринииг 1-ярмидаги классицизм услубидаги турар жой ва жамоат бинолари — Пашков уйи (ҳоз. Россия давлат кутубхонаси биноси), Олий Мажлис биноси, М. университетининг эски биноси, Катта театр бор. 1920—70 й.ларда М. маркази ва йирик магистраллар қайта тикланди (бу жараён давомида кўпгина нодир тарихий ва меъморий ёдгорликлар бузиб ташланди). 50-й.лар ўрталаридан замонавий лойиҳа бўйича катта шаҳар р-нлари қурилди, янги микрорайон ва йирик жамоат иншоотлари, баланд бинолар (шу жумладан, Воробьев тепалигидаги ун-т), Лужникидаги Марказий стадион мажмуаси, Кремлдаги съездлар саройи, Янги Арбат ансамбли, олимпия объектлари барпо қилинди. 1990-й.лар бошларидан кўпгина меъморий ва тарихий ёдгорликлар (шу жумладан, Исо пайғамбар ибодатхонаси) таъмирланмоқда. Поклонная тепалигидаги Зафар боғи мемориал мажмуаси ва Манеж майдонидаги савдо мажмуаси қурилди, Лужникидаги Марказий стадион таъмирланди, шаҳар ва унинг атрофи транспорт инфраструктураси яхшиланди. Москва атрофида РФ даги энг йирик шаҳар агломерацияси вужудга келди. 2001 й.да М.даги Добрининск майдонида Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилди (ҳайкалтарош Ж. Миртожиев).

МОСКВА БАДИИЙ АКАДЕМИК ТЕАТРИ (МХАТ), М. Горький номидаги Москва бадиий академик театри — 1898 й. К. С. Станиславский ва Вл. И. Немирович-Данченко томонидан ташкил этилган. 1901 й.га қадар Москва Бадиий-ҳаммабоп театр деб юритилган. 1932 й.дан М. Горький номида. Театр репертуари, актёрлик санъати, режиссурада ислоҳ амалга оширилди. А. Чехов («Чайка» ва б.) ва М. Горький («Тубанликда» ва б.)ларнинг пьесаларини саҳналаштириш театрнинг ижодий йўналишини белгилаб берди. Кейинчалик М. Булгаков («Турбинлар куни» ва б.), Вс. Иванов («Бронепоезд 14—69») пьесалари ҳам қўйилди. А. Н. Островскийнинг «Қайноқ қалб», Л. Толстойнинг «Якшанба», «Анна Каренина» кабн мумтоз асарларининг қўйилишида ижтимоий чуқур таҳлилга эришилди.

М. Ф. Андреева, А. Р. Артём, О. Л. Книппер-Чехова, М. П. Лилина, В. Э. Мейерхольд, И. М. Москвинлар театрнинг биринчи актёрлари. 1987 й.дан театр иккига бўлинган: О. Табаков раҳбарлигидаги 1989 й.дан Чехов номида, Т. В. Доронина раҳбарлигидаги М. Горький номида. «Олчазор» (А. Чехов), «Макбет» (У. Шекспир) ва б. сўнгги йиллар спектаклларидир. Л. Губанов, Г. Калиновская, В. Расцветаев, К. Ростовцева, Г. Шевцов етакчи актёрлардир. «Москва хори» (Л. Петрушевская), «Кутилган учрашув» (П. Барц), «Уч опа-сингиллар» (А. Чехов) каби спектакллар А. Чехов номидаги театрда саҳналаштирилган. Актёрлари: И. Смоктуновский, С. Пилявская, И. Мирошниченко, А. Калягин, В. Невинний, И. Саввина ва б. Ўзбекистоннинг кўпгина актёр ва режлари МХАТда ўз малакаларини ошириб келганлар.

МОСКВА БУЮК КНЯЗЛИГИ — пойтахти Москва ш. бўлган ягона Русь давлатининг ҳудудий маркази. 14-а. бошларида Москва князлиги Коломна (1301), Переяславль-Залесск (1302), Можайск (1303) лар қўшилиб анча кенгайган. Владимир улуғ князлигидан 13-а.нинг 60—70-й.ларида ажралиб чиққан ва Шим.-Шарқий Русьнинг йирик давлатига айланган. М.б.к.нинг юксалишида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдонинг ривожланиши муҳим омил бўлган. Москва князлиги Русь ерида сиёсий устунликни қўлга олиш учун кураш олиб борган. 14-а.нинг 60-й.ларида Буюк князлик унвонини Д. И. Донской ўз қўлига олган (1359—89). Шу вақтдан бошлаб Москва мўғул истилочиларига қарши курашувчи кучларнинг марказига айланган. 1380 й. *Куликово жангидан* сўнг, М. б. к.нинг рус ерларини бирлаштиришдаги марказлик роли мустаҳкамланган. 15-а.нинг 1-чорагида рус князлари ўртасида ўзаро урушлар бошланган, у *Василий II Тёмний* ғалабаси б-н тугаган. М.б.к. янги ташкил топаётган ва марказлаштан Русь давлатининг негизи бўлиб қолган.

МОСКВА ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1929 й. 14 янв.да ташкил этилган. Марказий иқтисодий р-нга киради. Майд. 47 минг $км^2$. Аҳолиси (Москва ш.дан ташқари) 6564,1 минг киши (1998). Москва ва Москва ш. маъмуриятига қарашли шаҳар ва шаҳарчалар б-н бирга 15193,3 минг киши. Асосий аҳолиси руслар (93,5%), шу-

нингдек, украин, белорус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси — 79,7% (Москвадан ташқари). Москва ва Москва маъмуриятига қарашли шаҳар ва шаҳарчалар б-н — 91,2%. М. в. да Москва ш. атрофида РФ даги энг йирик шаҳар агломерацияси жойлашган. М.в. 39 туманга бўлинган, 74 шаҳар, 111 шаҳарча бор. Маркази — *Москва* ш.

М.в. Шарқий Европа текислигининг марказий қисмида, Волга ва Ока дарёлари оралиғида жойлашган. Ер юзаси, асосан, текислик. Вилоятнинг шим. қисмида *Москва қирлари* бор. М.в.нинг жан.-шарқий қисмида *Мещёра пасттекислигининг* ғарбий чеккаси, жан. қисмида Ўрта Россия қирларининг шим. давоми (бал. 150—200 м) жойлашган. Иқлими мўътадил, континентал. Янв. ўртача т-раси —10°, июлники 17°. Баъзан —45°, —50°гача совуқ, ёзда — 38°—40° гача иссиқ бўлиши мумкин. Йиллик ўртача ёғин 450—650 мм. Вегетация даври 170 кунга яқин. М.в. дарёлари Волга ҳавзасига мансуб. Шимолида Волга ва унинг ирмоқлари, жан.да Ока ва унинг ирмоқлари оқади. М.в.нинг шим. қисмидан Москва номли канал кесиб ўтади. Кўллари: Тростенское, Нерское, Святое ва б. Ҳар хил чимли подзол, қоратупроқлар асосий ўрин тутади. Вилоят ҳудудининг 50% ўрмон (қайин, тоғтерак, қорақарағай, қарағай ва ҳ.к.). Лось, сувсар, қора сассиққўзан, бўрсиқ, тулки, қобон, оқ товушқон, тийин, ҳар хил қушлар, сув ҳавзаларида балиқлар яшайди. Вилоят ҳудудида Лось Ороли миллий боғи, Ока бўйи-терраса қўриқхонаси бор.

М.в. эски саноат р-ни. Мануфактура, кейинчалик ф-ка саноати (асосан, тўқимачилик)нинг дастлабки марказлари 18—19-а.ларда вужудга келган. Ҳозирги М.в. шаҳар атрофи интенсив қишлоқ хўжалиги б-н бирга юксак даражада ривожланган индустриал р-н. М.в. хўжалигининг ривожланиши Москва ш. б-н чамбарчас боғлиқ. М.в. ҳудудида Москва шаҳрининг хўжалик объектлари, дам олиш юналари жойлашган.

Саноати, асосан, четдан келтирилган хом ашё, малакали кадрлар ва қулрати илмий-техника базасига таянади. Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик (энергетика, оғир саноат, транспорт, станоксозлик, аниқ машинасозлик), енгил, кимё, қурилиш материаллари и.ч. Фойдали қазилмалардан фосфорит, торф, норуда қурилиш материаллари қазиб олинади. Машинасозликнинг йирик корхоналари — Подольск машинасозлик з-ди (иссиқлик электр станциялари учун қозонлар ишлаб чиқарилади), «Электростальтяжмаш» з-ди (прокат ускуналар), Дмитров, Егорьев, Коломна станоксозлик з-длари (металл кесувчи станоклар), Митищчи «Метровагонмаш (метрополитен вагонлари, юк автомобиллари), Лика автобус з-ди (шаҳар автобуслари), Серпухов автомобиль з-ди («Ока» енгил автомобиллари), Коломна машинасозлик з-ди (магистрал тепловозлар), Люберецк қ.х. машиналари з-ди (силос босиш техникаси), Подольск механика з-ди (тикувчилик машиналари), Красногорск механика з-ди (фотоаппаратлар, оптик техника). Енгил саноат корхоналари (вилоят умумроссия газмоллар и.ч.нинг 15% га яқини, трикотаж маҳсулотларининг 10% га яқинини беради) — «Ореховтекстиль», «Глуховтекст», «Ока» тўқимачилик фирмаси (пахта ипи, газламаси), Мошин, Павлов-Посад камвол к-тлари, Купава юпқа мовут ф-каси (жун ип ва жун газлама). Наро-Фомин ипакчилик к-ти, Ивантеев трикотаж бирлашмаси, Ногинск пайпоқ корхонаси, Люберецк гилам к-ти бор; кимё саноати корхоналари: фосфоритлар ва минерал ўғитлар и.ч. корхоналари (фосфор ва азот ўғитлари), «Клинволокно» (кимё толаси ва ипи), «Карболит» (пластмасса маҳсулотлари), Сергиев-Посад локбўёқ з-ди; «Стройиндустрия» қурилиш материаллари саноати, Шатура ва Кашира ГРЭСлари ишлаб турибди. Қишлоқ хўжалигида шаҳар атрофи қ.х. асосий ўрин тутади (сут-гўшт чорвачилиги, чўчқачилик, паррандачилик). Деҳқончиликда озуқа етиштириш етакчи ўринда. Экин майдонларининг 1/5 қисми озуқа экинлари б-н банд, шунингдек, галлакорлик, картошкачилик, сабзавотчилик, шу жумладан, еник грунтда асосан, вилоятнинг Москвага етказиш р-нларида).

Т.и. ўзунлиги 2703 км, шу жумладан, 2120 км электрлаштирилган. Қаттиқ қопламали йўллар 10 минг км. Йўллар зичлиги 321 км/минг км². Волга, Ока, Москва дарёлари ва Москва каналида кема қатнайди. Дарё порглари — Дубна, Серпухов, Коломна, Зарайск, Воскресенск, Москвага Рязань ва Ярославльдан нефть қувури ўтказилган. Москва атрофида тақсимловчи ҳалқа газ қувури бор. 4 аэропорт: Шереметьево, Домодедово, Внуково, Быково. Москва ш. атрофида 50 км радиусда дам олиш юналари бўлиб ўрмон-парк ҳимоя минтақаси ажратилган.

Вилоятнинг илмий маҳмуаси муҳим аҳамиятга эга. Асосий илмий марказлар: мулойка йўналишидаги — Королёв, Химки, Балашиха, Жуковский, Троицк; фундаментал тадқиқотлар бўйича — Пущино (биология фанлари), Черноголовка (кимё фанлари), Дубна ва Протвино (ядро физикаси).

М.в. даги машҳур меъморий тарихий ёдгорликлар — Сергиев Посад, Звенигород, Волоколамск, Коломна, Верея ш.лари ва б. 19—20-а.ларда рус маданияти марказлари ҳисобланган кўп сонли музей-усадьбалар — Абрамцево, Мураново, Остафьево, Архангельское. Вилоятнинг халқ ҳунармандчилиги — Гжель керамикаси, Федоскино лок миниатюраси, Жостовонинг металлга гул солиш, Звенигороднинг ўйинчоқ ва мусиқа асбоблари машҳур. Сергиев-Посад ш.да Троица-Сергиев лавраси мавжуд. Бир қанча монастирлар (Иосиф-Волоцк, Хотьков ва б.) бор.

МОСКВА ЖАНГИ — 2-жаҳон урушидаги йирик жанглардан бири (1941.30.9 — 1942.20.4). Мудофаада турган (1941.5.12 гача) совет қўшинларининг Ғарб (генерал-полковник И. С. Конев, 10 окт.дан армия генерали Г. К. Жуков), Резерв (маршал С. М. Будённий), Брянск (генарал-полковник А. И. Еременко, окт.дан генерал-майор Г. Ф. Захаров) ва Калинин (генерал-полковник И. С. Конев) фронтлари шиддатли жанглардан сўнг, немис қўшинларининг «Марказ» армиялар гуруҳи (генерал-фельдмаршал Ф. Бок) ҳужумини Волга сув омборидан жан. рокда, Дмитров, Яхрома, Красная Поляна (Москвадан 27 км нарида), Истрадан шарқроқда, Кубинкадан ғарброқда, Наро-Фоминск, Серпуховдан ғарброқда,

Химки шаҳрида Москва каналига қурилган кўприк.

Алексин, Туладан шарқроқда тухтатиб душманни ҳеддан ошдирганлар. 5—6 декда совет қўшинлари қарши ҳужумга ўтиб, 1942 и. 7—10 январда бутун фронт бўйлаб илгари ҳужумга ўтганлар. 1942 и. янв. — апр.да Шим.-Ғарбий генерал-лейтенант П. А. Курочкин), Калинин, Ғарбий ва Брянск (генерал-полковник Я.Т. Черевиченко) фронтларининг сўл қанот қўшинлари рақибни маглубиятга учратиб, уни 100—250 км нарига улоқтириб ташлаган. 2-жаҳон урушида немислар армияси устидан илк бор йирик ғалабага эришилган.

МОСКВА КОНСЕРВАТОРИЯСИ, П.И. Чайковский номидаги Москва давлат консерваторияси — Россиядаги энг йирик мусиқа ўқув юрти. Рус мусиқа жамияти томонидан Н. Рубинштейн (М.к. нинг биринчи директори) ташаббуси б-н 1866 и.да очилган. Композитор ва мусиқашунослар, опера-симфоник ва хор дирижёрлари, хонанда, солистлар тайёрловчи ва малака ошириш ф-тлари, аспирантура, бир нечта лаб., илмий-мусиқий кутубхона, турли ижодий жамоалар бор (2002). М.к.да таълим олганлар орасида С. Рахманинов, А. Скрябин, С. Рихтер, Л. Коган, М. Ростропович каби йирик рус мусиқа арбоблари ҳамда миллий композиторлик мактаби асосчилари — З. Палиашвили, А. Спендиаров, А. Хачатурян, ўз фаолиятини ўзбек мусиқаси б-н боғлаган А. *Козловский*, Б. *Надеждин*, Г. *Мушель*, Я. *Пеккер*, Н. *Яблоновский*, Р. *Глиэр*, С. *Василенко* ва б. бор. М.к. қошида 1930—50 йиллар *Москва ўзбек опера студияси* фаолият кўрсатган. М.к.да ўзбек композиторларидан М. *Бур-ҳонов*, С. *Юдаков*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар П. Ҳолиқов, А. Икромов, дирижёрлар З. *Ҳақназаров*, Н. Олимов, хонандалар И. *Жалилов*, Қ. *Муҳитдинов*, созандалар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, проф. А. Шарипова, халқаро танловлар лауреатлари Н. Аҳмедова, В. Султонов, Э. Мирқосимова. Ўзбекистон миллий консерваторияси профессорлари В. Пўлатов, А. Ҳошимов, Б. Қурбоновлар таълим олган Жуда кўп мусиқашунос ва ижрочилар малака оширган.

МОСКВА УНИВЕРСИТЕТИ, М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университети — Россиядаги илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган энг йирик олий ўқув юрти. 1755 й. М. В. *Ломоносов* ташаббуси б-н ташкил қилинган. Дастлаб фалсафа, ҳуқуқ ва тиббиёт ф-тлари бўлган. Ун-т подшо Россиясида илғор фан ва маърифат маркази бўлган. Унда йирик олимлар тўпланиб, турли илмий йўналишлар шаклланган. Ун-тда А. Н. *Радищев*, А. С. *Грибоедов*, М. Ю. *Лермонтов*, В. Г. *Белинский*, А. И. *Герцен*, А. Н. *Островский*, И. С. *Тургенев*, К. Д. *Ушинский*, А. П. *Чехов* ва б. машҳур кишилар ўқиган. 1940 и. М. В. Ломоносов номи берилган. Физика, мат., кимё, биол., геол., геогр., филол., тарих, фалсафа, психология, ҳуқуқ ва б. соҳалар бўйича мутахассислар тайёрланади. Таркибида 18 ф-т, Осиё ва Африка мамлакатлари ин-ти, олий ўқув юртидан кейинги таълим ва ўқитувчилар малакасини ошириш муассасалари, дарслар француз тилида олиб борилади-ган колледж бор. Ун-тда 200 дан ортиқ кафедра ва 430 и.т. лаборатория ва стн, 4 и.т. институти (механика, ядро физикаси, П. К. Штернберг номидаги астрономия, Д. Н. Анучин номидаги антропология), ҳисоблаш маркази, 4 расадхона, 3 музей, Ботаника боғи, илмий кутубхона (1756 й. ташкил этилган, 6 млндан ортиқ асар сақланади), нашриёт (1927 й. ташкил этилган) мавжуд. 1992 й. ун-т ўзини ўзи бошқарувчи Россия давлат олий ўқув юрти мақомини олди. Ун-тда 25 мингдан ортиқ талаба таълим олади, 9 минта яқин илмий педагогик ходим ишлайди.

МОСКВА ЧЎҚҚИСИ — Помирнинг шим.-ғарбий қисмидаги Петр I тизмасининг энг юқори нуқтаси, Тожикистонда. Бал. 6785 м. Ён бағирларидан Гандо, Сагран, Фортамбек музликлари бошланади. Чўққига биринчи бўлиб 1956 й.да Д. Оболадзе бошлиқ альпинистлар чиқишган.

МОСКВА ЎЗБЕК ДРАМА СТУДИЯСИ — ўзбек профессионал актёр ва режиссёрлари тайёрлаб берган биринчи театр ўқув юрти. Ўзбекистон ҳукуматининг қарори б-н 1924 й. Ўзбекистон маориф комиссарлигининг Москвадаги маориф уйи қошида очилган. Чўлпон студиянинг адабий эмаклоши, аввалига А. Отауллаев, Абдулҳай Тожиев, кейин Ш. Раҳимий директори бўлган. Студияга даставвал Маннон Уйғур бошлиқ намуна ўзбек давлат драма театри (собиқ «Турон»)нинг Аброр *Ҳидоятов*, Ятим *Бобожонов*, Музаффар *Муҳамедов*, Турсуной Саидазимова, Сора Эшонтўраева, Обид Жалилов, Фатхулла Умаров, Замира *Ҳидоятова*, Тошхон *Султонова*, Ҳожисиддиқ *Исломов* сингари 24 кишидан иборат ўзбек миллий театр пойдеворини яратган жамоаси юборилади. Мақсад театр студияларига хос вазифа — янги ўқув-ижодий изланишлар ўтказиш, Москва етакчи театр жамоалари саҳна амаллари б-н яқиндан танишиш, тажрибаларини ижодий ўзлаштириш, ўз амалиётига жорий қилиш эди. Студия машғулотларини Уйғур, Чўлпонлар б-н Москва театр студияси ва билим юртларининг кўзга кўринган муаллим, реж. ва актёрларидан Р. Симонов, И. Толчанов, О. Басов, В. Канчель, Л. Свердлинг олиб борганлар. 1924—27 йиллар оралиғида ўзбек студиячилари «Хасис», «Ревизор», «Акс садо» (ҳаммасининг реж. В. Канчель), «Қоровул уйқуси» (реж. Л. Свердлин), «Яна уйла-наман» (реж. В. Канчель, Л. Свердлин), «Маликаи Турондот» (реж. В. Канцель, Л. Свердлин, О. Басов), «Ёркиной» (реж. М. Уйғур) каби спектакларни саҳналаштириб жаҳон театр стандартлари даражасида саҳна асари яратиш тажрибаларини амалга оширадилар. 1927 й. 3 йиллик муддат тугагач, 1928 й. студияга 2-қабул амалга оширилади. Лекин 1-студиядан фарқли ўлароқ бу сафар бир жамоада ишлаган ҳамфикрлар эмас, терма аъзолар қабул қилинади. Студияга қабул қилинганлар Ўзбекистоннинг турли вилоят театрларида ишлашга режалаштирилган бўлиб, ўзлари ҳам турли шаҳар театрларидан эдилар. Улар Назира *Ҳамедова*, Холида *Ҳўжаева*, Анвара Алимова, Пўлатой Раҳмонова, Миробид Мусаев, Раҳим *Пирмуҳамедов*, Ҳамидулла *Нариманов*, Афандихон *Исмоилов*, Жўра *Қўлдошев*, Зайнирали *Мирзатов*, Баҳодир Жамолов, Мамадали Ҳайдаров, Аъзам Ҳасанов ва б.дир. 1930 й. ўқиш тугагач, битирувчилар Ўзбекистоннинг турли театрларига ишга юборилади ва студия ўз фаолиятини тугатади.

Ташкилот Турсунов.

МОСКВА ЎЗБЕК ОПЕРА СТУДИЯСИ — ўзбек опера санъати учун хонанда, дирижёр, композитор ва хормейстерлар тайёрловчи мактаб. 1935 й. М. *Қориёқубов* ташаббуси ва Ўзбекистон ҳукумати қарори б-н Москва консерваторияси қошида ташкил этилган. 1935—37, 1939—41 ва 1947—51 йиллардаа фаолият кўрсатган. Унда ўзбек опера ва санъати асосчиларидан М. Қориёқубов, Ҳ. *Носирова*, М. *Ашрафий*, миллий композиторлик мактаби биринчи вакиллари М. *Бурҳонов*, С. *Юдаков*, хонандалар Б. *Мирзаев*, К. Зокиров, Н. *Ҳошимов*, С. *Қобулова*, С. *Ярашев*, А. *Азимов* кабилар таълим олган.

МОСКВА ҚИРЛАРИ — РФ Москва ва Владимир вилоятлари ҳудуди шим.даги қирлар. Ворь ва Москва дарёларининг юқори оқимидан Колокша дарёсининг юқори оқимигача чўзилган. Энг баланд жойи 310 м. Замини, асосан, бўр ва юра даврларининг кумлигил ётқизиқларидан тузилган бўлиб, устини мухлик ётқизиқлари қоплаган. Эрозия-морена рельеф шакли кўп. Аралаш ўрмонлар (қайин, тоғтерак, қорақарағай) б-н қопланган.

МОСКВА ҚЎЗҒОЛОНИ (1382) — Олтин Ўрда хони *Тўхтамиш*нинг юриши вақтида Москвани ташлаб қочган элдонлар ва князлик маъмурияти ходимларига қарши кўтарилган қўзғолон. *Куликово жанги* (1380)дан сўнг, *Олтин Ўрда* ўз мавқеини тиклаш учун Тўхтамиш бошчилигида Русь ерларига ҳужум қилишга қарор қилган. Мўғулларнинг яқинлашиб келаётганидан хабар топган Москва князи Д. И. Донской кўнгилли аскарлар тўплаш учун Костромага жўнаган. Шаҳарликлар вечеси ва қўшни қишлоқ деҳқонлари Москва мудофаасини ташкил этишган. Қамал пайтида москваликлар Русда 1-марта ўт очар қуролни қўллаб душман ҳужумини қайтаришган. 3 кунлик (23—26 авг.) қамалдан сўнг, Тўхтамиш қўшинида бўлган Суздаль-Нижний Новгород князлари Василий ва Семён Дмитриевичларнинг хоинлиги туфайли Кремлни мўғуллар босиб олиб, шаҳарни вайрон қилишган. М.қда 24 минг киши ҳалок бўлган.

МОСЛАШУВ (тилшуносликда) — тобе (боғлиқ) алоқанинг бир тури бўлиб, бунда бирикманинг тобе қисми ўз шаклини ҳоким қисмнинг шаклига мослайди, шу б-н ҳоким қисмга боғланади. Ҳоким қисмнинг шакли ўзгариши б-н тобе қисм ҳам маъно жиҳатдан шу шаклга мос бўлган шаклни олади. Ўзбек тилида М. алоқаси, асосан, қаратқич-қаралмиш ва эга-кесим алоқасида кўринади ва бу мослик шахс ва сон жиҳатидан бўлади, яъни қаратқич ёки эга қайси шахс-сонни билдирса, қаралмиш ёки кесим худди шу шахс-сонни биллирувчи шаклда бўлади: мен ёзяпман, сен ёзяпсан, у ёзяпти, биз ёзяпмиз, сиз ёзяпсиз, улар ёзишяпти. Менинг укам, сенинг уканг, унинг укаси...

Ҳоким қисм (қаратқич ёки эга) 3-шахсни билдирувчи отлардан ифодаланганда, ҳоким ва тобе қисм сонда мослашиши ҳам, мослашмаслиги ҳам, яъни ҳоким қисм кўплик сон, тобе қисм бирлик сон шаклида бўлиши мумкин: созандалар келдилар (келишди) ёки созандалар келди. Эга 3-шахсдаги шахс билдирмайдиган сўзлардан бўлганида, эга кўплик, кесим эса бирлик шаклида қўлланади, яъни сон жиҳатдан мослашиш бўлмайди: гуллар очилди.

Алим Ҳожиев.

МОСУЛ, ал-Мавсил — Ироқнинг шим. қисмидаги шаҳар. Дажла дарёси бўйида. Найнова муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 670 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Ғалла, мева, чорва моллари б-н савдо қилинадиган муҳим марказ. Транспорт йуллари тутуни. Тўқимачилик (мусллин газламаси и. ч.), озиқ-овқат, кунпоябзал, металлсозлик, цемент саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, тарих ва б. музейлар бор. М. яқинидан олтингугурт ва нефть қазиб олинади.

Мосул шаҳрининг эски савдо қисми

М. 6-а. да вужудга келган. 641 й. уни араблар эгаллаган. Умавийлар ва Аббосийлар даврида Шарқнинг савдо ҳамда ҳунармандчилик маркази бўлган. 10—12-а.ларда турли давлатлар пойтахти. 1095—96 й.лар М.ни Салжуқийлар эгаллаган. 1261 й.да мўғуллар ҳужумига учраган. 14-а.нинг 2-ярмидан Темурийлар, 1514—1918 й.лар Усмонли турк салтанати таркибида бўлган. 1920 й.дан Ироқ таркибида.

М.да ал-Жомиъ ал-Кабир мадрасаси (минораси б-н) (1170—72), ал-Иззия мадрасаси (12-а.), Қорасарой қалъаси харобалари (13-а.) ва б., шаҳар яқинида Наби Юнус мақбара-масжиди (10-а.) бор.

«МОСФИЛЬМ» — Россиядаги бадиий фильмлар ишлаб чиқарувчи энг йирик киностудиялардан. 1924 й. Москвада ташкил топган. Турли номлар б-н аталган. 1935 й.дан ҳоз. номида. С. Эйзенштейн, В. Пудовкин, А. Довженко, М. Ромм, А. Тарковский ва б. машҳур режиссёр фаолият кўрсатган. Шунингдек, М. Калатозов, А. Птушко, В. Шукшин, Г. Александров, С. Бондарчук, Г. Данелия, А. Зархи, Ю. Озеров, Г. Чухрай кабиларнинг ижоди «М.» фаолияти б-н чамбарчас боғлиқдир. «Қувноқ болалар» (Г. Александров), «Аэроград» (А. Довженко), «Иван Грозний» (С. Эйзенштейн), «Инсон тақдири» (С. Бондарчук), «Ҳалоскорлик» (Ю. Озеров) сингари фильмлари б-н шуҳрат қозонган. 1945 й.дан киностудия қошида «Киноактёр театр-студияси» ишлаб турибди. 1991 й.дан бошқа киностудияларни суратга олиш павильонлари б-н таъминловчи киноконцерн вазифасини ҳам ўтамоқда.

МОТ (форс. — ўлди) — 1) шахмат (шоҳмот) атамаси; ўйинда шоҳнинг рақиб донаси (доналари) кишт(лар)идан ҳимоя тополмай қолган ҳолати. «Болаларча М.» (1. e4 e5 2. Фс4 Фс5 3. Фрf3 Ос6 4. Фрf7X), «телба М.» (1. f4 e6 2. g4 Фрh4X), «Легаль М.и» (1.e4 e5 2. Фс4 d6. 3 Of3 Ос6 4. Ос3 Фg4 5. Ое5 Фdl 6. Фf7 Ше7 7. Od5X), «зиқ М.» (бунда ўз доналари қуршовида қолган шоҳ рақиб оти томонидан М. қилинади) кўринишлари ҳам бор. 2) кучма маънода — енгмоқ, мўлтам қилмоқ шаклдари ҳам қўлланади (мас., ғам б-н мот қилмоқ).

МОТАМ МАРОСИМЛАРИ — кишининг вафоти муносабати б-н марҳумнинг хотирасини ёд этиб ўтказиладиган маросимлар. М.м. барча халқларда мавжуд, у географик шароит, ижтимоий-иқтисодий тузум, кишиларнинг илмий, диний тасаввурлари ва б. омиллар таъсирида ўзгариб борган. М.м. марҳум вафотининг маълум кунларида, фасл мавсумларида ҳамда диний байрамларда ўтказиладиган маросимларга бўлинади. Бу маросимларда марҳумнинг арвоҳи ёд этилган, арвоҳни шод этиш учун турли раем-русмлар бажо келтирилган (қ. *Аза*). Ибтидоий даврларда одамлар ўзларини гўё арвоҳлардан ҳимоя қилиш мақсадида таналарини қора ёки қизил ранга бўяганлар, кейинчалик кийимлари рангини ўзгартирганлар (азадорларнинг қора, кўк, олчи кийим кийинлари шундан келиб чиққан). Ўрта Осиё халқларида мотамнинг 1-белгиси овоз чиқариб йиғлашдир. Марҳумнинг энг яқин кишилари (аёл ва эркаклар) жудолик белгиси сифатида бел боғлайдилар. Марҳум лафи этилгандан кейин, уч, етти, марҳум вафотининг 17—19-куни йигирма, сўнгра қирқ ўтказилади. М.м.нинг энг сўнгиси йилдир. Йил марҳум вафотига бир йил тўлганда (баъзан олдинроқ) ўтказилади. Мотам либосларини ечадилар, оқ кийим киядилар. Бу маросим Тошкент воҳасида оқ солар, Фарғона оқ кийди деб номланади. М.м.нинг фасл б-н боғлиқлиги: баҳорда гул, кузда қовун-узум, қовоқ ош и, қор ёққанда қор ёғди ва б. Рамазон ва қурбон ҳайитида азадор уйга қариндошлар, маҳалладошлар келиб марҳум хотирасига фотиҳа ўқиганлар, азадорлардан кўнгил сўраганлар. Эндиликда маълум муддатда ўтказиладиган М.м. марҳум хотирасини ёд этиш мазмунидаги маросимларга айланиб бормоқда-

Кишилар марҳумнинг пириклик чоғида ҳаётга қолдирган иши, фаолияти, жамият учун қилган хизматларини тақдирлаб, унинг хотирасини доимо ёд этадилар (яна қ. *Дафн маросими*).

МОТЕЛЬ (лот. motel, motor — мотор ҳаракатланмоқ ва hotel — меҳмонхона, отель сўзларидан) — автотуристлар учун меҳмонхона. М.лар катта автомагистраль бўйларида, йирик шаҳарлар атрофида, курортларда ва туристлар эътиборини жалб қиладиган хушманзара жойларда қурилади. М. кўпроқ йил бўйи ишлайдиган ва 100—200 кишига мўлжалланган бир неча бўлинмалар (меҳмонхона, ресторан, техник хизмат кўрсатиш ст-яси, ёнилғи шохобчаси, гаражлар ва б. ёрдамчи хоналардан иборат бўлади.

МОТИВ (лот. moveo — ҳаракатлантираман сўзидан) — қ. *Одат*.

МОТИВ (психологияда) — инсон фаолиятида муайян мақсадни бажаришга сабаб бўлувчи омил, важ. М. шахсни ҳаракатга ва фаолиятга ундовчи, эҳтиёжнинг юксак шакли сифатида пайдо бўлувчи ички тургки ҳисобланади. *Эҳтиёж* ва *инстинкт*, *майл* ва *ҳиссиёт*, *идеал* ва б. М.лар жумласига киради. Ҳоз. замон психологиясида М. атамаси субъектни фаоллаштирувчи турли ҳодиса ва ҳолатларни ифодалаш учун қўлланади. Хатти-ҳаракат ва фаолият М.ларининг мажмуаси мотивация дейилади. М. эҳтиёж негизида вужудга келади ва шаклланади. Эҳтиёжнинг бар-қарорлашуви мотивациянинг самарали шаклланишини таъминлайди. Ҳаракат фаолиятнинг таркиби бўлганлиги туфайли у фаолиятнинг мақсади ва М.и орқали бошқарилади. Баъзан «М.» тушунчасини «эмоция», «мақсад», «установка» атамалари б-н алмаштириш ҳоллари учрайди. Гоҳо тургки, қўзғовчи, ундовчи тушунчалари б-н айнанлаштирилади.

МОТО... (лот. motor — ҳаракатга келтирувчи) — қўшма сўзлар бўлаги. Моторга алоқадорликни, шунингдек, моторлаштирилган маъносини англатади (мас., мотовоз, мотодром, мотоколонна).

МОТОЦИКЛ (*мото...* ва юн. kyklos — доира, гилдирак) — *ички ёнув двигатели* б-н таъминланган 2 ёки 3 гилдиракли транспорт воситаси. Ички ёнув двигатели ўрнатилган биринчи М.ни немис ихтирочиси Г. Даймлер 1885 й. ясаган. Транспорт, спорт ва махсус (ўт ўчириш, санитария, ҳарбий ва б.) М.лар бор. Асосий қисмлари: двигатель, куч узатмаси (трансмиссия), юриш қисми, электр жиҳозлари тизими, руль бошқармаси, тормоз тизими. М.га 2 ёки 4 тактли карбюраторли двигатель ўрнатилади. Двигатель табиий ҳаво оқими б-н (баъзи М.лар, мас, спорт М.ларида суюқлик б-н) совитилади. Транспорт М.ларига ўрнатиладиган 2 тактли двигателининг қуввати 51,5—98,2 кВт/л (70—130 о. к./л), 4 тактли двигателиники 37 — 66 кВт/л (50—90 о. к./л), спорт М.лариники 146—220 кВт/л (200—300 о. к./л). Транспорт М.ларининг тезлиги 215 км/соат гача, спорт М.лариники — 300 км/соатгача (рекорд — 513 км/соат, 1978) етади.

Мотоцикл

МОТОЦИКЛ СПОРТИ — спортнинг техник тури, мотоцикл б-н ўтказиладиган мусобақалар. Мотодром, шоссе, трек, отчопарларда тезликка эришиш (пойга), паст-баланд жойларда ҳайдаб билиш (кросс), ёнилғини тежаш, суянай гов қўйилган жойлар ва шаҳар ҳаракати шароитида руль бошқариш, турли ўйинлар намойиш қилиш, тепаликка кўтарилиш, чуқурликка шўнғиш кабилардан иборат. Дастлаб 1895 й. Париж—Бордо—Париж йўналиши бўйича автомобиль пойгаси б-н биргаликда тош йўлда биринчи бор мотоцикл пойгаси ҳам ўтказилган. Халқаро федерация — FIM (1904 й. асос солинган, Ўзбекистон спортнинг техник турлари республика маркази унга 1994 й. қабул қилинган) 60 дан ортиқ мамлакатни бирлаштиради. 1924 й.дан жаҳон, 1936 й.дан Европа чемпионатлари ўтказиб келинади.

Ўзбекистонда М.с. 20-а. 40-й.ларининг охири — 50-й.ларининг бошида оммалаша бошлади. Ўзбекистон спортнинг техник турлари республика маркази мамлакатда М.га бошчилик қилади. М. с. учун кўплаб спорт иншоотлари бунёд этилган. Жиззахдаги «Наврўз булоқ» автомотодроми, Сурхондарё вилоятидаги «Қизил мозор» (Жарқўрғон). Навоий тог-металлургия комбинатининг «НГМК», Озмалиқдаги «Қалмоққир», Зарафшон ш.даги «Золотинка», Самарқанддаги «Мотодром-Улуғбек», Тошкент ш.даги «Юнусобод», Фарғона ш.даги спорт мажмуи мотодромлари ва б. мото трассалар М. с. турларига ихтисослаштирилган. 25 дан ортиқ спорт клуб-жамоалари Ўзбекистон чемпионати ва кубок мусобақаларида қатнашади. М. сини болалар ўртасида кенг ёйишга алоҳида эътибор берилади. Болалар 9 ёшдан бошлаб М. с. б-н шуғулланиши ва мусобақаларда қатнашиши мумкин. Ўзбекистон спортчилари халқаро мусобақаларда, Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистон чемпионатларида мунтазам иштирок этади. 1992 й.дан бўён Ўзбекистонда ҳар йили мотокросс бўйича кўп босқичли республика чемпионати, «Эндуро» бўйича Ўзбекистон чемпионати, Ўзбекистон ва Марказий Осиё кубоги мусобақалари ўтказилади. Спортнинг техник турлари республика маркази ҳар йили ўзининг «Супермотокросс» совринни учун кросс ташкил қилиш б-н спорт мавсумини очади.

МОТОЎҚЧИ ҚЎШИНЛАР — қуруқликдаги қўшинлар тури. Мотоўқчи бирлашмалар, қисмлар ва бўлинмалардан ташкил топган бўлиб, уларнинг таркибига мотоўқчи, артиллерия, танк ва б. қисм ҳамда бўлинмалари киради. Хорижий армияларда пиёда, мотопиёда, механизациялашган қўшинлар деб аталади. Ўзбекистон Қуролли Кучлари, асосан, М. қдан иборат.

МОТТ (Mott) Невилл Фрэнсис (1905.30.9, Лидс — 1996.8.8, Милтон Кейнес, Бекингемшир графлиги) — инглиз физиги, Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1936), Кембриж ун-тини тугатган (1927). Бристоль ун-ти проф. (1933—54), Кавендиш лаб. директори (1954—71). Илмий ишлари атомлар тўқнашишлари назарияси ва қаттиқ жисм физикасига оид. Тартибланмаган тизимларнинг электр ўтказувчанлиги назариясини яратган. Шаффоф бўлмаган (аморф) яримўтказгичларнинг магнит ва электр хоссаларини ўрганган. Нобель мукофоти лауреати (Ф. *Андерсон* ва Ж. *Ван Флек* б-н ҳамкорликда; 1977).

МОТТЕЛЬСОН (Mottelson) Бенжамин (Бен) Рей (1926.9.7, Чикаго) — келиб чиқиши америкалик бўлган даниялик физик. Пердью ун-тини (Индиана штати) тугатган (1947). 1951 й.да Данияга кўчиб келган. *Европа ядро тадқиқотлари марказида* ишлаган (1953—57). Копенгагендаги Нордит назарий атом физикаси ин-ти проф. (1957 й.дан), 1981 й.дан директори. Илмий ишлари ядро физикасига, асосан, ядро назариясига бағишланган. О. *Бор* б-н ҳамкорликда ядронинг коллектив моделини ишлаб чиққан. Нобель мукофоти лауреати (О. *Бор* ва Д. *Рейнуотер* б-н ҳамкорликда; 1975).

МОТУРИДИЙ, Абу Мансур ал-Мотуридий (тўлиқ номи Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ҳанафий ал-Мотуридий ас-Самарқандий) (870 — Самарқанд — 944) — имом, фиқҳ олими, калом илмининг *мотуридийлик* оқими асосчиси. «Имом ал-худо», «Имом ал-мутакаллимин» («Ҳидоят йўли имоми», «Мутакаллимлар имоми») номлари билан улуғланган. Мотурид қишлоғи (ҳоз. Жомбой тумани)да таваллуд топиб, то умрининг охиригача шу ерда яшаган, бу ерда катта боғ ҳам барпо этган. М. Самарқандаги ал-Айозий мадрасасида ўқиди, маҳаллий ҳанафий фақиҳлардан таълим олди, Абу Бакр Аҳмад ал-Жузжоний, Абу Наср Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Иёдий, Нусайр ибн Яҳё ал-Балхий, Муҳаммад ибн Муқотил ар-Розий унга устозлик қилишди. Кейин ўзи фиқҳ ва калом илмларидан дарс берди. Абу Аҳмад ал-Иёдий, Абулҳасан Али ибн Саййид ар-Рустуғафний, Абу Бакр ас-Самарқандий, Макҳул ан-Насафий, Абулмуъин ан-Насафий, Абулйуср ал-Паздавий каби шогирдлар етиштирди. Васиятига кўра, Самар-қандаги Чокардиза қабристонига дафн этилди.

М.нинг асосий асарлари «Китоб аттавҳид» («Яккахудолик ҳақидаги китоб»), «Таъвилот аҳл ас-сунна» («Суннийлик анъаналари шарҳи»)дир. «Китоб ат-тавҳид» билиш назарияси баён қилинган мусулмон илоҳиётшунослигининг биринчи асари ҳисобланади. Китобнинг калом илми таърифи берилган муқаддимасида билимнинг 3 манбаи: ҳиссий (сезги) аъзолари воситасида, нақл — ривоятлар воситасида ва ақл-идрок воситасида ахборотлар олиш мумкинлиги ҳақида гапирилади. М. соф дин доирасидан чиқмаган ҳолда ақл-идрокни улуғлайди ва мантиқан асосланган билимнинг аҳамиятини таъкидлайди. Китобда ўша даврдаги адашган фирқалар қарашларининг ҳақиқатдан йироқ эканлиги таҳлил этилган. М. «дин йўлидаги барча адашувларнинг сабаби — риёкор кимсаларга кўр-кўрона эргашишдадир», деб таъкидлаган эди.

М. илоҳиётчи олим сифатида муҳим ақидавий масалалар — жузъий ихтиёр, эътиқод, охират ҳаёти кабиларни қамраб олувчи рисолалар битди. «Маъхаз аш-шариъа» («Шариат асослари сараси»), «Китоб ал-усул» («Диний таълимот асослари китоби»), «Китоб алжадал» («Диалектика ҳақидаги китоб») каби асарлари шулар жумласидандир. М. Абу Ҳанифа қарашларини тушунтириб бериб, уни ривожлантирди. Абул Ҳасан ал-Ашъарий (873—935) ишлаб чиққан ислом ақидаси асосларини такомиллаштириб, уни суннийлик йўналишига кириб қолган нотўғри, тайри саҳиҳ ақидалардан тозалади. М. қарашлари ўз даврида минтақанинг маданий ва илмий равнақига сабаб бўлган. Чунки М. дин асосларини мантиқий тушунтирган, танлов ҳуқуқи, динлараро бағрикенглик, ижтимоий ҳамжиҳатликни қарор топдириш тоғларини ривожлантирган. М. жами 15 та йирик асар таълиф этган. Унинг қаламга оид 7 та ва ҳуқуққа оид 2 та асари бўлиб, улар сақланиб қолмаган. М.нинг бизгача етиб келган асарлари қисман талқин қилинган. Унинг Қуръон тафсирига бағишланган «Таъвилот ал-Қуръон» асари ва унинг ўзбек давоми ҳисобланмиш «Иршод алмутабаййин фий тажвиди Каломи раббил оламийн» («Қуръон ўқишга киришганлар учун қўлланма») китоби Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтида сақланади.

Мотуридий ёдгорлик мажмуи.

Мамлакатимизда М. меросини ўрганишга фақат мустақилликдан кейингина киришилди. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2000 й.да М. таваллудининг 1130 й.лиги Ўзбекистонда кенг нишонланди. Президент И. Каримов ташаббуси б-н Самарқандда аллома хотирасига ёдгорлик мажмуи бунёд этилди (қ. *Мотуридий ёдгорлик мажмуи*). Тошкент ва Самарқандда М. таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқеига бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди. М. ҳаётининг турли қирраларини ёритувчи мақолалар, рисолалар ва тадқиқотлар чоп этилди. М. меросини ўрганган хорижлик олимлар б-н самарали ҳамкорлик алоқалари урнатилди. 2001 й.да Геттинген (ГФР) ун-тининг проф. Удрих Рудольф қаламига мансуб «Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти» китоби ўзбек тилида нашр этилди. 2002 й.да мазкур китобнинг кенг оммага, жумладан, олий ўқув юртларининг талабалари ва ўрта мактабларнинг юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган нашри амалга оширилди. Эндиликда халқимиз М. мероси б-н ўз она тилида танишиш имконига эга бўлди.

Ас. Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз! [Имом Мотуридий таваллудининг 1130 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзланган нутқ]. 9 м. Т., 2001; *Ал-Мотуридий* таълимоти ва унинг Шарқ халқлари маданиятидаги урни [Маърузалар тўплами]. Т., 2000; *Уватов У.* Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. Т., 2000; *Каттаев К.* Имом ал-Мотуридий ва Чокардиза, Самарқанд, 2000; *Абдуллаев Мансур.* Ал-Мотуридий таълимоти. Т., 2003; *Зиедов Ш.* Ал-Мотуридий ҳаёти ва мероси. Т., 2000.

Абдуллаев Мансур

МОТУРИДИЙ ЁДГОРЛИК МАЖМУИ — Самарқандлаги меъморий ёдгорлик. Имом ал-*Мотуридий* таваллудининг 1130 йиллиги (2000) муносабати, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ташаббуси б-н Самарқанд ш. марказида бунёд этилиб, рамзий мақбараси урнатилган (ҳудуди 4 гектарга яқин). Ёдгорлик *Регистон ансамбли* яқинида, Вобкент, Гиждувон ва Бухоро кўчалари оралиғида жойлашган. Бош кириш қисми Вобкент кўчасидаги хиёбон орқали. Лойиҳага кўра, 3 қисм (марказий, боғ ва хўжалик иншоотлари)га бўлинган, улар ўзаро бир-бири б-н хиёбонли йўлка орқали боғланган. Лойиҳа ўқи манзарали мужассамотда яратилиб, рамзий мақбара биносига туташган. Шаршарали фавворалар хиёбонли йўлка марказида қурилиб, атрофи ободонлаштирилган.

Ёдгорлик меъморий лойиҳаси ва бадиий ечимида ўзбек миллий маҳобатли санъатининг энг яхши анъаналари қўлланган. Мақбара пишиқ гиштдан, мурабба тарҳли (12×12 м), шифти гумбазли (бал. 15 м), пойгумбази 24 кичик равоқчаларга бўлиниб, ганчкори панжаралар б-н безатилган. Панжаралар юқориси мураккаб тузилишдаги муқарнаслар б-н тўлдирилган. Хона марказига қўйилган саганада араб ёзувида буюк олимнинг ҳадис сўзлари битилган.

МОТУРИДИЙЛИК — *калом*даги оқим. Абу Мансур *Мотуридий* асос солган. 9-а. охири — 10-а.да Мовароуннаҳрда турли ақидавий оқимларнинг ақидаларига қарши жавоб тарзида вужудга келган.

М.нинг кенг ёйилишига унинг мўътазиллик йўлини тутганлиги, ақлловни масалаларда Қуръон, ҳалис ва ақлу идрок, мантиқ ҳамда ҳақиқатга ён ёқин турганлиги сабаб бўлди. Имом Мотуридий тарафдорлари билишда фақат ақлга суяниш керак, деган мўътазилийлардан фарқли ўлароқ, ақл б-н пақлни қўшиб фойдаланиш лозим, деб ҳисобладилар. Мўътазилийлар Қуръонни яратилган деса-лар, мотуридийлар уни қадим, азалий, деб биладилар. Имон-эътиқод хусусида М. таълимоти, айниқса, диққатга сазовор. Мўътазилийлар имонининг шартлари 3 та, яъни тил б-н иқрор, дил б-н тасдиқ ва амал б-н ижро этиш, деса-лар, М.да имонининг шартлари 2 та, яъни тил б-н иқрор этиш ва дил б-н тасдиқлаш, амалларнинг ўрни эса бошқа, деб таъриф қилинади.

М. ҳар бир инсоннинг тақдири Аллоҳ томонидан белгилаб қўйилганига қарамай, у ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгардир, деб билади. М.ка кўра, инсон имтиҳонлар учун яратилган. Шу б-н бир вақтда унга ушбу синовларда муваффақиятли ўтиш ва тўғри йўлни топиш учун кенг имкониятлар бериб қўйилган. У ўз хатти-ҳаракатларида ихтиёрлидир.

М. таълимоти ривожланиб, 13-а.дан кейин Мовароуннаҳр ҳудудидан чиқиб, мусулмон Шарқи мамлакатларига ёйилди. Салжуқийлар ҳукмронлиги даврида ҳамма жойда ислом ақидаларида М. татбиқ қилинди. Суннийликнинг *ҳанафийлик* мазҳабига эътиқод қилувчиларнинг барчаси ақида бобида имом Мотуридий, унинг шогирдлари ҳамда издошлари ёзиб қолдирган асарларга таяниб иш кўрадилар. Ислом оламининг аксарият минтақаларида, Сурия, Ироқ, Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Шим. Африкада бу таълимот ҳозир ҳам ўрта ва олий диний ўқув юртларида мустақил фан сифатида ўқитиб келинади.

МОХАЧ ЖАНГИ (1526 й. 29 авг.) — Дунайнинг ўнг соҳилидаги Мохач ш. (Венгрия) да, турк султони Сулаймон I ва Венгрия қироли Лайош II қўшинлари б-н бўлган жанг. Турк қўшинининг талабаси натижасида Венгрия қироллиги ҳудудининг кўп қисми Усмонли турк империяси қўлига ўтган.

МОХОВ (араб. махв — йўқ қилиш ёки четлатиш), лепра, проказа — бутун организмни, хусусан, тери, нерв системаси ҳамда ички аъзоларни зарарлайдиган сурункали инфекцион касаллик. Уни кислотага чидамли моховмикобактерияси (Mycobactererium leprae Hansen) қўзғатади.

Касаллик тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Айрим тарихий қўлёзмаларда таъкидланишича, милоддан 3—3,5 минг йил аввал М. Миср-да учраган. Мўғулистон, Хитой каби давлатларда эса милоддан 2—2,5 минг йил илгари бу касалликка чалинган беморлар тўғрисида маълумотлар бор.

М. Европа давлатларида лепра деб юритилади ва шу ном б-н жаҳон гиббиёт номенклатурасига киритилган.

М. қўзғатувчисини биринчи бўлиб, Норвегия врачи Герхард Хансен 1871 й.да аниқлаган ва унинг номи б-н Хансен таёқчалари деб юритилади. Таёқчалар ташқи муҳитда ҳамда айрим хусусиятлари б-н сил таёқчаларига ўхшаб кетади.

М. б-н фақат одамлар касалланади. Бемор соғ одам б-н узоқ вақт машиний мулоқотда бўлганда юқади. М.га катталарга қарағанда болалар кўпроқ мойил бўлади. Шунинг учун аксарият ҳолларда хасталик беморнинг яқин қариндошларига, айниқса, фарзандларига тез юқади.

Касаллик аста-секин бошланади. Инкубацион даври 4—6 ойдан 5—6 йилгача, баъзан бундан ҳам узоқроқ. Спиртли ичимликларга ружу қилиш, кўп чекиш, ёлчитиб овқатланмаслик, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилмаслик бу даврни қисқартириши мумкин. Инкубацион давр охирига келиб, беморнинг дармони қурийди, иситмаси кўтарилади, невралгик оғриқ, чов ва сон лимфа тугунларининг катталашиши, бурун қуриб, қонаб туриши кузатилади.

М.нинг дифференциалланмаган (дастлаб) шаклида терининг айрим жойларида қизғиш-оқимтир, оқимтир-пушти рангли катта-кичик доғлар пайдо бўлади. Улар тери дамидан бир оз кўтарилиб туради. Соч тўкилади: терининг сезувчанлиги олдин ошиб, кейин йўқолади. Қулоқ орқаси, бўйин, елка ва тирсак нервлари йўғонлашади. Бу шакл 4—5 й.дан кейин туберкулоид ёки лепроматоз шаклига ўтади. Туберкулоид М.да терида катта-кичик қизил тугунчалар ҳосил бўлиб, бирбирига қўшилиб кетади. Лепроматоз М. ўта юқумли ва оғир ўтади. Беморнинг пешонасида, оғзи-бурни атрофида, жағлари териси ва қулоқ суprасида жойлашган тугунлар унинг қиёфасини ўзгартириб қўяди. Касаллик ўчоғи соҳасидаги тери сезувчанлиги йўқолиб, айниқса, қош ва киприклар тўкилиб, беморни хунук қилиб қўяди.

Тугун ва дўмбоқчалар қаттиқлашади, улар мошлек, ҳатто нўхатлек бўлиши мумкин. Баъзан тўқиманинг геморрагик компонентлари қўшилиб, унинг ранги зангсимон бўлиб қолади. Оқибатда тўқималарнинг қон б-н таъминланиши ёмонлашади, терида, айниқса, қўл-оёқ терисида ҳалеганда битавермайдиган гронлик яралар пайдо бўлади. Катта тугунлар ва инфильтратлар чуқур яралар ҳосил қилади.

Кўз мугуз пардасининг инфильтратланиб яраланиши баъзан беморни бутунлай кўр қилиб қўяди. Марказий нерв системасидаги ўзгаришлар беморда невротик бузилишларга (невроз, психоз), периферик нерв системасининг яллиғланиши эса қаттиқ оғриқ б-н кечадиган неврит ва полиневритга сабаб бўлади. Қўл ва оёқларда (бармоқлар ва панжаларда) оғриқ, т-ра ва тактил сезувчанлик йўқола бошлайди. Трофик ўзгаришлар натижасида беморнинг бармоқлари худди қурбақа ёки тюлень панжаларига ўхшаб қолади. Оёқ ва қўл деформацияланиб, мутиляция (бармоқларнинг тушиб кетиши) кузатилади.

Кўз қовоқлари мускулларининг кучайиши оқибатида беморнинг кўзи охиригача ёпилмай қолади (логофтальм). Юз нервининг зарарланиши оқибатида мимика мускуллари атрофияланиб, беморнинг юз кўриниши ниқоб кийган ёки қайғули одамга ўхшаб қолади.

М.лар махсус ташкил этилган лепрозорийларда даволанади. Беморнинг оила аъзолари тери касалликлари диспансери назоратига олинади.

Сўнгги йилларда касалликнинг олдини олиш ва даволашга оид мукаммал чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, бутун дунёда М. касаллиги 2005 й.га келиб деярли йўқотилади.

МОХОРА, нўхат шўрва — сувоқ таом. Қўй ёки мол гўштини бўлакларга бўлиб, суякларини чопилади, қозонга совуқ сув қуйиб, ивитиб қўйилган нўхат б-н бирга 1,5 соат давомида милдиратиб қайнатилади. Қайнаб чиққач, юзидаги кўпигини олиб, тўғралган пиёз, бутун ёки бўлакларга бўлинган сабзи б-н картошка солинади, қайнатиш суст оловда давом эттирилади. Тузини ростлаб, ҳар бир косага бир бўлакдан гўшт, сабзи ва картошка солиб, юзига майда тўғралган укроп сепиб, дастурхонга тортилади.

МОХОРОВИЧИЧ ЮЗАСИ — Ер пўсти б-н мантияси орасидаги чегара. М. ю. ластлаб 1909 й.да Болқон зилзилаларини тарқалган сейсмик тўлқинларни ўрганиш натижасида аниқланган. Бўйлама сейсмик тўлқинлар тезлиги М. ю.ни кесиб ўтганда (юқоридан пастга) сакраб боради. М. ю.да бўйлама

сейсмик тўлқинлар тезлиги М. ю. устида 6,9—7,5 км/сек., остида 8,0—8,2 км/сек.га тенг. Қўндаланг тўлқинларнинг тезлиги М. ю. устида 3,6—4,2 км/сек., остида 4,4—4,7 км/сек. М.ю. океанлар тубида 10—12 км, тоғлик жойларда 60—70 км чуқурликда жойлашган. Ўзбекистоннинг Фарғона водийсида 55 км. Тошкент воҳасида 40—45 км, Қизил-қумда 35 км га етади. Помир тоғларида эса 80—85 км. М.ю.нинг табиати ҳақида сейсмолог олимлар орасида ҳанузгача ягона фикр йўқ. Бу соҳада амалий ва назарий изланишлар давом этмоқда. М.ю.ни илмий ўрганиш Ер пўсти эволюциясини аниқлаш ва қазилма бойликларининг пайдо бўлиши жараёнини билиш, уларни қидириб топишда аҳамияти катта. М.ю. уни кашф қилган хорватиялик сейсмолог А. Мохоровичич (1857—1936) номи б-н аталган. Яна қ. *Ер*.

МОЦАРТ (Mozart) Вольфганг Амадей (1756.27.1, Зальцбург — 1791.5.12, Вена) — австриялик композитор. *Вена классик мактаби*нинг йирик намояндаси. Созанда, ўқитувчи ва композитор. Леопольд М.нинг ўғли ва шогирди. Ешлигиданоқ ноёб мусиқий истеъдод ва хотира эгаси, *вирту*оз созанда (пианиночи, скрипкачи), моҳир дирижёр ва композитор сифатида танилган: 5 ёшидан илк мусиқа асарларини ижод этган, 6 ёшдан бутун Европа бўйлаб гастролда бўлган. 1770 й.дан Болонья Филармония академияси аъзоси. Зальцбург князь-архиепископ саройида концертмейстер (1769—77) ва органчи (1779—81), Австрия императори Иосиф II саройида мусиқачи ва композитор (1787 й.дан).

Маърифатчилик даври ғоялари таъсири остида камол топган М.нинг ижоди 18-а.нинг бадиий чўққиларидан бири. М. услубида классицизмга хос рационализм мезонлари б-н бирга сентиментализм хусусиятлари ўзаро туташган. Кенг қамровли мусиқий-бадиий образлар дунёсида жўшқинлик ва чуқур эҳтирос, ирода ва матонат, айни пайт-да нафислик ва майинлик хусусиятлари кенг ўрин олган. Унинг шодлик, хушчақчақ туйғуларга бой, ҳаётбахш ижодида фожиа мавзулари, дард-алам кайфиятлари ҳам чуқур ифода топган. Энг йирик мусиқа усталари ўртасида М. ўз ижодининг серқатламлиги ва кенглиги б-н ажралиб туради. М. деярли барча мусиқа жанрларига мурожаат этиб, 600 га яқин асар яратган, мусиқа тарихида гўзаллик ва мукаммал гармония тимсоли сифатида ўз номини қолдирган. М. операнинг янги турларини яратган. «Фигаронинг уйланиши» опера-комедияси (1786), «Дон Жуан» опера-драмаси (1787), «Сеҳр-ли флейта» милли опера-ораги (1791) ва б. (жами 17 та) жаҳон мусиқали театри хазинасининг дурдоналарига айланган. Булардан «Занда» (1780), «Харамдан олиб қочиш» (1782), «Қоҳира ғози» (1783) каби операларида Шарқ мавзуларига мурожаат қилган. М. ижодида симфония (50 га яқин), чалғу концерт (40 га яқин), торли квартет (23 та), фортепиано сонатаси (21 та) ривож топди. М., шунингдек, турли чол-ғу асарлар, кантата, месса, камер ансамбллар, қўшиқлар муаллифи. Унинг сўнгги асари — «Реквием» (1791, шогирди Ф. Зюсмайер тугаллаган) мазкур жанрнинг мумтоз намунасига айланган. Зальцбургда халқаро «Моцартеум» (таркибида илмий, ўқув, концерт бўлимлари мавжуд) муассасаси фаолият кўрсатмоқда (1880 й.дан).

Ад.: Левик В.,Чет эл мусиқаси тарихи Т., 1984.

МО-ЦЗИ, Мо Ди (мил. ав. 479—400) — қад. Хитой файласуфи ва сиёсий арбоби, мочилар мактаби (мо-цзя)нинг асосчиси. М. ва унинг шогирдлари қарашлари «Мо-цзи» (мил. ав. 3-а. охири — мил. ав. 2-а. боши) китобида жамланган. М. таълимотининг асосида «умумий муҳаббат ва ўзаро фойда» тўғрисидаги ғоя ётади. Бу ғоя барча кишиларнинг тенглигини ўзига хос ахлоқий асослашга уринишдан иборат. Унинг фикрича, бу таълимот идеал давлатдаги ижтимоий ҳаётнинг мезони бўлиб хизмат қилиши керак. М. ва унинг тарафдорлари *конфуцийчилик*ка қарши ғоявий кураш олиб бордилар. М.нинг мазкур таълимоти конфуцийчиларнинг жамиятни «оддий одамлар» б-н «аслзодалар»га, бошқарувчи б-н бошқарилувчига бўлиш қоидаларига қарамақарши қўйилган. М. урушлар давлатлар учун зарарли ва фойдасиз эканлиги ҳақидаги фикрни билдириб, ўзаро низоларни тинчлик йўли б-н ечишга чақиргани. М. фикрича, даблабали маросимлар исрофгарчиликка олиб келади, бу эса давлатнинг заифлашиши сабабларидан биридир. М. ўтмишга кўр-кўрона эргашишга қарши ва утмишдаги нарсалардан реал воқеликни ифодалашда оқилона фойдаланиш тарафдори бўлиб чиқди. У халқ бахт-саодати ва кишилар эҳтиёжларини қондириш давлат бошқарувининг олий мақсади бўлиши керак, деб ҳисоблаган. М. қарашлари Хитой фалсафий ва ижтимоий-сиёсий тафаккури ривожида катта ҳисса қўшди.

МОЧЕВИНА — қ. *Карбамид*.

МОЧЕВИНА-ФОРМАЛЬДЕГИД СМОЛАЛАР, карбамид смолалар — мочевиналинг формальдегид б-н ўзаро поликонденсатланишидан ҳосил бўлган синтетик термореактив олиномер маҳсулотлар. Иссиққа чидами, электроизоляцион хоссалари яхши, ёруғлик нурига барқарорлиги, рангсиз, бошқа ёркин рангларга осон бўялади. М.-ф.с. *аминопластлар*, карбамид елимлар, *пенопластлар*, локлар ичида қўлланади.

МОЧЕВИНА-ФОРМАЛЬДЕГИД ЎҒИТЛАР — секин таъсир этувчи *азотли ўғитлар*. Заррачаларининг диаметри 0,5 мм дан кичик бўлган оқ кукун; уича нам тортмайди, мустаҳкам қолмайди. Таркибида 37—40%, шу жумладан, сувда эрийдиган 4—12% азот бўлади. М.-ф.ў. азоти бошқа азотли ўғитларнинг азотидан тупроқда секин минераллашуви б-н фарқ қилади, шу сабабли уларни катта дозаларда солиш мумкин. Суторма деҳқончилик минтақаларида турли экинлар (ғўза, чой, мевали дарахтлар)га асосий ўғит тарзида қўлланилади (бир неча йил учун бир марта солинади).

МОЧИКА — Перунинг шимолдаги соҳилбўйи индейслар маданияти (тахм. мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярми — мил. 1-минг йиллик ўрталари). Унинг маркази Моче дарёси қуйи оқимида жойлашган (номи шундан). М. учун бадиий жиҳатдан юксак даражада ишланган сопол буюмлар хос (улар инсон ва ҳайвон шаклида ясалган). М. индейсларининг асосий машғулоти — суторма деҳқончилик, балиқ овлаш, овчилик; улар олтин, кумуш ва мис қотишмасидан хабардор бўлишган. Каналлар ва

Мочика. *1* — ҳайвон шаклида ясалган нақшинкор идишлар; *2* — лойдан ишланган идиш.

йўлларининг қопламалари қумларга сақланиб қолган. Биноларнинг ҳаммаси (ибодат жойлари ва саройлардан ташқари) лойдан қурилган, жамоат бинолари — шаклсимон пирамида ёки суна платформаси кўринишида бўлиб ясалган. Ўликлар мумиёлаб дафн этилган.

МОЧИН (Улуғ Чин, Буюк Чин) — қадимда Хитойнинг ним. ва ним.-ғарбида яшаган халқлар номидан келиб чиққан жой номи. М.нинг ўрни ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан кучайиши натижасида ўзгариб турган. Маҳмуд Кошғарий «Девону луғотит турк»да 20 она турк қабиласидан бири, Юқори Чинда истиқомат қилган *тайғачи*ларни кейинги даврда «Мочин» деб аталганлигини айтиб ўтиб, жумладан, «Чин ва Мочин халқларининг алоҳида тиллари бўлса ҳам, шаҳарликлар туркичани яхши билади. Бизга ёзган хатларини туркий ёзув б-н ёзади», деб хабар берган. Маҳмуд Кошғарий чизган харитада М.нинг 3 томони денгиз б-н ўралган бўлиб, унинг Япония (Жабрқа) б-н денгиз орқали жазирлиб турганлиги кўрсатилган. Бундан М. деб Манжурия ҳудуди назарда тутилганлиги аён бўлади. Шунингдек, асарда «Рум ўлкасидан М.гача бўлган турк эллари яшаган ҳудуднинг уз. 5 минг фарсани, эни 3 минг фарсанг» бўлганлиги айтилган. 19-а.да Н.М. *Пржевальский* берган маълумотга кўра, М.ликлар Шарқий Туркистоннинг қад. туб жой қабиласи бўлиб, ушбу мамлакатнинг жан.-шарқий қисмида, Хўтандан Керийя орқали Чарчанга борадиган қад. карвон йўлидаги Қоронғутоғ этакларида яшаганлар. 19-а.да тоғлик М.ликлар 2000 га яқин оилани ташкил этиб, улар монголоид ва европеоид ирқига мансуб бўлганлар.

Ад.: Маҳмуд Кошғарий, Девону луғотит турк, 1-ж., Т., 1960.

Абдухалик Айтбоев.

МОШ (Phaseolus aureus) — дуккакдошлар оиласига мансуб бир йиллик дуккакли экин; *ловия* турларидан бири. Ҳиндистон, хитой ва эрон кенжа турларига бўлинади. М.нинг ватани — Жан.-ғарбий Осиё, мил. ав. 4—3-минг йилликда экила бошлаган. Ҳозир М. Ўрта Осиёда, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Хитой, Япония ва б. мамлакатларда экилади. Ўқ илдизи тупроққа 1,5 метргача кириб боради, азот тўплайдиган туганаклар ҳосил қилади. Сершох пояси 20—100 см ёйилиб, тик ёки чирмашган ҳолда ўсади, барглари кенг, йирик. Гули икки жинсли, капалаксимон, барг қўлтиқларида 3—12 та бўлиб жойлашади, ранги сариқ ёки сарғиш-яшил. Меваси дуккак, энгичка, цилиндрсимон, уз. 6—18 см, ичида 6—15 та уруғ бўлади. Уруғи

Мош: *1* — дуккакли шоҳчаси; *2* — гули; *3* — дони.

сариқ, яшил ва қора; 1000 дона уруғи вазни 40—80 г. М. иссиқсевар, уруғи 12—15° ҳароратда 5—7 кунда униб чиқади. Майсалари —1°, —2° да нобуд бўлади. М. намсевар ўсимлик. Уруғининг кўкариб чиқиши учун вазни баробарида сув бериш керак. Айниқса, шоналаш даврида сувни кўп талаб қилади. Соя жойларда яхши ривожланмайди. Унумдор ўтлоқи тупроқда яхши ўсади. Асосан, ўзидан чангланади. Ўзбекистонда дони баҳорда экилгани 85—95, ёз охирида экилгани 60—65 кунда етилади. Ҳосил дуккакларининг 75—80%е пишганда йиғилади. Дони таркибида 24—28% оқсил, 46—50% крахмал, 2—4% мой ва витаминлар бор. М. озиқ-овқатда қўлланилади, осон ҳазм бўлади, унидан макарон тайёрланда фойдаланилади. Кўкати чорвачиликда тўйимли озуқа, поясидан силос бостириш мумкин.

Ўзбекистонда Победа 104 (1948 й.дан) ва Радость (1984 й.дан) навлари экилади. Суғориладиган ерларда гектаридан 10—16, анғизга экилганида 8—12 ц ҳосил олинади.

Касалликлари: фузариоз, бактериоз, аскохитоз, сариқ мозаика; зараркунандалари: чертмакчи қўнғизлар, яланғоч шиллиқ қурт, дала қандаласи.

Ҳалима Отабоева.

МОШАКЛАР (Calidris) — балчиқчилар туркумига мансуб қушларнинг бир уруғи. М. бармоқларининг орасида сузгич парда бўлмаслиги б-н бошқа балчиқчилардан фарқ қилади. Шим. ярим шарда кенг тарқалган. Денгиз, дарё ва кўл қирғоқларига уя ясайди. 3—4 та тухум қўяди. Қишлаш учун кузда Африкага учиб кетади. Ўзбекистонда М.нинг қизилтомоқ, қоратомоқ, оқдум турлари учрайди. М. ҳашаротлар ва уларнинг личинкалари, моллюскалар, чувалчанглар б-н озиқланади. Гўшти учун овланади.

Сувмошак.

МОШЕШ I (Moshesh), Мошешве (тахм. 1786—1870) — басуто (суто) қабиласининг олий (бош) сардори. Басуто қўшинини 1852 й.да М.I қўмондонлиги остида инглиз ҳарбий отрядини тор-мор этган. М.I 1868 й.да бурлар Басутонинг ҳамма ҳудудини босиб олиши хавфи остида Буюк Британия протекторатини ўрнатилишига рози бўлган.

МОШКИЧИРИ — қуюқ таом. Қиймали М., пўстдумбали М., пиёздоғли М., сабзавотли М., М.-мухаллашир (моши алоҳида қайнатилиб пўсти ажратиб олинган мошдан) ва б. турлари бор. Қиймали М. — пиёз ва лўндалўнда тўғралган гўшт доғланган ёғда яхшилаб қовурилади. Сўнгра қозонга сув қуйиб, ювилган мош солинади ва мулдиратиб қайнатилади. Мош очилгач, туз, зираворлар, гуруч солинади, бир оз ўтгач суви тортилади ва М. қозонга ёпишиб қирмоч олмаслиги учун қовлаб турилади. Тайёр М.ни 10—15 мин. «дам едириб» лаганга сузилади. Қийма пиёз б-н ёғда қовурилиб, сардак тайёрланади, лаганга сузилган М. бетига солинади. Пўстдумбали М. гўшт ўрнига тузи ювилиб, майда тўғралган сур пўстдумбадан тайёрланади.

Ад.: Маҳмудов К., Ўзбек таомлари, Т., 1989.

МОШХЎРДА — суюқ таом. Масаллиғи ва тайёрлаш усулига кўра, қиймали М., гўштли жазлама М., пўстдумбали М. каби турлари бор. Гўштли ёки пўстдумбали М. тайёрлаш учун гўшт ёки пўстдумба майда қилиб тўғралади. Пиёз, помидор, кубик қилиб тўғралган сабзи ва б. масаллиқлар доғланган ёғда яхшилаб қовурилади, сўнгра сув қуйилади, зираворлар, ювилган мош солинади ва мулдиратиб қайнатилади, мош очилгач, туз ва гуруч солинади, яна 20—25 мин. қайнатилади. Тайёр таом оловдан олиниб, бир оз «дам едирилади», сўнгра косаларда, майда тўғралган кашнич, кўк пиёз, райҳон сепиб, дастурхонга тортилади. Алоҳида идишда қатиқ ёки сузма қўйилади.

МОЭМ (Maughem) Уильям Сомерсет (1874.25.1, Париж — 1965.16.12, Сен-Жан-Кап-Ферра, Франция) — инглиз ёзувчиси. Франциядаги Британия элчихонасида хизмат қилган. Гейдельберг ун-тида, кейин Лондондаги тиббиёт ин-тида таҳсил кўрган. М.нинг шу йилларда кечирган ҳаёти материаллари асосида ёзилган «Ламбетлик Лиза» (1897) романи машҳур. Шундан кейин М. врачлик ихтисосидан воз кечиб, ёзувчилик б-н шуғулланган. У асосан Франциянинг жан. томонларида

яшаб, 60 й.лик алабий фаолияти давомида кўплаб роман, ҳикоя, пьеса, адабий-танқидий этюд ва мемуар асарлар ёзган.

М. 1-жаҳон уруши йилларида Британия разведкасининг ходими сифатида бир қанча мамлакатлар, шу жумладан, Россияда ҳам бўлган ва «Эшенден ёки Британия агенти» (1928) ҳикоялар тўпламида шу ҳақда нақл қилади. М. 1-пьесаси — «Леди Фредерик» (1907) нинг катта муваффақият қозонганидан рағбатланиб, «Номаълумлик» (1920), «Садоқатли хизмати учун» (1932) ва «Шеппи» (1933) пьесаларини ёзган. М. пьесаларида 20-а.нинг 1-ярмидаги инглиз жамияти ҳаёти манзаралари акс этган. «Ой ва чойчақа» (1919), «Ширин кулча ва пиво» (1930), «Театр» (1937) ва б. асарлар муаллифи. М.нинг «Инсоний эҳтирослар залвори» (1915) автобиографик романи, айниқса, машҳур бўлиб, унда роман қаҳрамони — ёш йигит ва у б-н тўқнашган кишилар талқинидаги нозик психологизм ҳаёт манзараларининг кенг тасвири б-н туташган ҳолда асарга ўзгача бадиий латофат бағишлаган. «Нотаниш одам Парижда» романи ўзбек тилига таржима қилинган (2002).

МОЯ (араб. — асл, соф) — қ. *Ўн икки мақом*.

МОЯК, уруғдон — эркаклар жинсий бези; ёрғоқ ичида жойлашган. М.да организмдаги бир қанча функцияларга таъсир кўрсатадиган эркаклар жинсий гормони ишланиб, қонга ўтади. Балоғатга етган даврда М. тўлиқ етилади, ёш ўтиши б-н бир оз кичрайиб боради. Эмбрионда М. қорин бўшлиғида белнинг юқоридаги иккита умуртқаси соҳасида пайдо бўлади ва туғилиш даврига келиб ёрғоққа тушади (яна қ. *Жинсий аъзолар*).

МОЯК ИСТИСҚОСИ, гидроцеле — мояк пардалари орасида суюқлик йиғилиши. Туғма ва орттирилган (ялигланиш касалликларида моякка шикаст етганда вужудга келади), шунинг-дек, ўткир ва сурункали хилларн ажратилади. Мояк катталашиб оғрийди, бемор юришга, сийишга ёки жинсий мулоқотда бўлишга қийналади, меҳнат фаолияти сусаяди. Ўткир М.и. тўсатдан бошланади, беморнинг т-раси кўтарилади, ёрғоқ атрофи қизариб, пайпаслаб кўрганда қўлга қаттиқ уннайдиган шиш пайдо бўлади. Сурункали хили аста-секин ривожланади, мояк пардалари орасига узоқ вақт суюқлик йиғилиши натижасида унинг шакли ўзгариб, худди ноккa ўхшаб қолади. М.и.га хос аломатлар пайдо бўлганда дарҳол хирург ёки уролотга кўриниш лозим. М.и.га хирургик (операция) даво қилинади. Касалликнинг олдини олишда мояқнинг турли яллигланишлар ва шикастланишларини ўз вақтида даволатиш муҳим.

МОҒОР ЗАМБУРУҒЛАР — озиқ-овқат маҳсулотлари, мевалар, ўсимлик қолдиқлари, чарм ва б. нарсалар, баъзи тирик ўсимликларда ўзига хос губор (моғор) ҳосил қиладиган замбуруғлар гуруҳи. Турли систематик гуруҳларга мансуб бўлган фикомицетлар, аскомицетлар ва шаклланмаган замбуруғлардан иборат. Кўп М. т. сабзавот, мева ва донга катта зарар етказади. Баъзилари фойдали, мас., бир тури антибиотик — пенициллин ҳосил қилади, иккита бошқа тури сир (пишлоқнинг ажрим хилларини ҳ.ч.да, аспергилл лимон кислота олишда ишлатилади.

МОҲЕНЖО-ДАРО (синдхи тилида — ўликлар тепалиги) — *Хараппа маданияти* (Покистон)нинг асосий марказларидан бирининг харобаси (мил. ав. 3—2-минг йилликлар). Синднинг марказий шаҳри. 1922 й.да ҳинд археологи Р. Банержи очган. Кейинчалик инглиз археологлари Ж. Маршалл, Э. Маккей ва Р. Уиллер томонидан текширилган.

Моҳенжо-Даро. Стеатитдан ишланган муҳр. Кодан ҳайкали (мил. ав. 3-минг йиллик ўртаси).

М.-Д. йирик ҳунармандчилик ва савдо маркази бўлган, металл ва тошга ишлов бериш, кулолчилик тараққий этган. Унда умумшаҳар канализацияси ва сув таъминоти тизими бўлган. Уйлари пишиқ гиштдан 2—3 қават қилиб қурилган. Қазишлар М.-Д. Қад. Ҳиндис-тон, Миср, Месопотамия б-н бир қаторда қад. маданият ўчоғи бўлганлигини тасдиқлайди. М.-Д.ни ўрганиш асосида Хараппа маданиятининг асосий босқичлари ва унинг характерли белгилари аниқланди.

Ад.: Маккей Э., Древнейшая культура долины Инда, пер. с англ., М., 1951.

«МОҲИЯТ» — Тошкентда ҳафтада бир марта нашр этиладиган ижтимоий-сиёсий йўналишдаги газ. 2000 й. 25 июлдан чиқа бошлаган. Муассиси — «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги. Газнинг асосий мақсад ва вазифалари мамлакатимизда ҳамда хорижда рўй бераётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ҳақида холисона маълумотлар тарқатиш, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий islоҳотлар тўғрисида ахборот беришни таъминлаштириш. Марказий Осиё ва, умуман, дуне миқёсидаги иқтисодий ҳамкорликни кенг ёритиш. Ўзбекистон Республикасининг ахборот тизимини ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат.

МОҲИЯТ ВА ҲОДИСА — фалсафий тушунчалар. Моҳият нарсаларнинг ички мазмуни бўлиб, уларнинг турли-туман ҳосилалари ва муносабатларини яхлит акс эттиради. Ҳодиса нарсанинг бирор тарзда намоён бўлиши, ташқи мавжудлик шаклидир. Инсоннинг билиши дастлаб ҳодисаларни билишдан бошланади, сўнг унинг моҳиятини тушуна бошлайди. Моҳият нарсалари чуқур таҳлил қилиш натижасида, амалиёт жараёнида билиб борилади. Фаннинг вазифаси борлиқдаги ҳодисаларни уларнинг белги ва хусусиятлари остида ётган моҳиятни яхлаб тонишдан иборат. М. ва ҳ. тушунчалари инсон билимлари тизимининг ҳамма соҳаларига тегишли бўлиб, дунёни билишнинг методологик воситаси ҳисобланади. Нарсаларнинг доимо ўзгариб ва ривожланиб туриши жараёнида уларнинг моҳияти, шунга мос тарзда ҳодисалар ҳам ўзгариб туради. Моҳиятдаги ҳар қандай жузъий ўзгариш муқаррар равишда ҳодисада ифодаланади.

МОҲОНДАРЁ — Бухоро вилоятидаги қуруқ ўзан. Уз. 58 км (қум босган соҳаси б-н ҳисобланганда 150 км), эни 25—250 м. Зарафшон ларёси қадимда шу ўзандан оқиб, Амударёга қуйилган. М. Яккатут қишлоғидан бошланиб, шим.-ғарбий, сўнг жан.-ғарбий йўналишда давом этган ва Чуқуркўл, Моҳонкўл, Ўртакўл ва Чандирқўлларни ҳосил қилган. Моҳонкўлдан сўнг иккига бўлиниб, шим.дагиси М. ва жан.дагиси Гужайли (Бу жойли) ёки Гурдуш деб аталган. Шим. тармоқ, ўз навбатида, икки-га ажралиб ина бир қанча майда кўлладан ўтиб, Чоржўй (ҳоз. Туркманобод) шаҳри 100 км қуйида Амударё б-н туташган.

1950—64-й.ларда акад. Я.Ғ. *Гулом*ов раҳбарлигида археологик экспедиция М. водийсида текширишлар олиб борди. 1960—61 ва 63 й.ларда М. бўйлаб Лўҳликўл, Эчкиқирон, Кичиктузкон ва Каттатузкон кўллари атрофида 4—3 минг йилликка оид 40 дан ортиқ *неолит* даври маконларининг қолдиқлари, шунингдек, Замонбобо ва Кичиктузкон атрофида мил. ав. 2-минг йилликка тааллуқли 20 дан ортиқ жез даври ёдгорликлари топиб текширилди. Археологик тадқиқотлардан маълум бўлишича мил. ав. 4—3-минг йилликларда М. ва Тужали ушлари орқали Зарафшон дарёсининг оқими узуқси) равишда Амударёга қуйилиб турган. Мил. ав. 2-минг йиллик бошларида М.нинг оқими сусайиб, қайи қисми сувсизликдан қуриб қолган ва Зарафшон Амударёга қуйилишдан тўхтаган. Аммо унинг юқори қисмига сув келиб турган. Зарафшон дарёсидан пирик суғориш каналлари чиқарилиб, дарё сувининг экин далаларига таралиши натижасида қад. М. тамоман сувсизликдан қуриб қолган.

Ад.: Муҳаммаджонов А.Р., Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (қадим даврдан то XX аср бошларигача), Т., 1972.

МОҲТОБИ — эрталабки ўрик нави. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида чиқарилган. Дарахти бўйи ва шохларини ўртача. Март охири — апр. бошларида гуллайди. *Арпим* ва *Кўрсодиқ* навлари б-н яхши чангланади. Меваларининг охирларида шиша. Меваси вазни 30—40 г. Мева чоки сезилмайди. Пўсти ялтироқ, юпқа, туси сарғиш, мева юзасида пушти нуқталар учрайди. Этининг ранги оч сариқ, ширали, сершув, хушбўй, бир оз нордонроқ. Қуртқочиликка чидамли. Кўчати экилгач, 7—8-йили ҳосилга киради, 15—16 ёшида яхши ҳосил беради. Бир тупидан 150 кг ҳосил олинади. Мевалари баробар пишмайди. Янгилигида истеъмол қилинади, повидло ёки жем тайёрланади. Зарафшон водийсида кўп экилади.

Моҳтоби ўрик нави.

МОҲУР (форс.) — ўтмишда *Ўн икки мақом* таркибидаги шўъба; мунгли, таъсирчан ва нозик ашула йўлларидан. Ҳозирда Озарбайжон ва Эрон халқлари анъанавий мусиқасида М., Ўрта М., М.и ҳинди каби чолғу ва ашула йўллари (мутом ва дастгоҳлар) мавжуд.

МУАВР ФОРМУЛАСИ — тригонометрик шаклда тасвирланган комплекс сонни *n*-даражага кўтариш формуласи. Инглиз математиги И. Муавр 1707 й.да топган. М. ф. қуйидаги кўринишга эга:

$$Z^n=[(\rho\cos\varphi + i\sin\varphi)]^n = \rho^n(\cos n\varphi + i\sin n\varphi)].$$

бунда, ρ — Z комплекс сонининг модули, φ — унинг аргументи. М. ф.дан фойдаланиб, $\cos n\varphi$ ва $\sin n\varphi$ функцияларни $\cos\varphi$ ҳамда $\sin\varphi$ функцияларнинг даражалари орқали ифодалаш мумкин. М. ф. комплекс сондан илдиз чиқаришга асос бўлди.

МУАЗЗАМХОН Мирсаид қизи (19-а.нинг 2-ярми, Ҳўжанд — 1917, Жиззах) — шоира. М. ўзбек ва форс мумтоз адабиёти намояндаларининг ижодини б-н чуқур таништирган ва ҳар иккала тилда ҳам ижод қилган. М.нинг 1000 мисралдан ортиқроқ девон тартибида тузилган ғазаллари ва сингилиси Муаттархон бағ.ига кирган шеърлари мавжуд. Унинг ғазаллари услубининг равонлиги, фикрнинг равшанлиги, ифоданинг аниқлиги б-н ажралиб туради. Шеърларида дарф, фалакдан норозилик сабаблари акс этган («Фалакнинг жавридиндур кўнглима озор ҳар соат...»). Аммо М. «кўнгидан ҳуноба оқиб, ҳижрон ҳар тарафдан қилич тортиб» келаётган дамларда ҳам «матонатли» бўлишга, «сабр-таҳаммул» б-н яшашга даъват қилган.

МУАЗЗИН (араб. — эълон этувчи, чақирувчи) — *масжид*да азон айтиб, намозга чорловчи шахс; халқ тилида сўфи деб ҳам аталади.

МУАЗЗИНХОНА (араб. миъзана) — *масжид* ёнида *минора* тепасидаги кўпқисмон қурилма, *кафаса*. Зиналар орқали юқоридаги М.га *муаззин* чиқиб намозхонларни намозга чорлайди.

«МУАЙЙИД ул-ФУЗАЛО» («Фозилларни ёрдамчиси») — 16-а.нинг 1-чорагида Ҳиндистонда Муҳаммад ибн Лод ибн Абдувоҳоб томонидан яратилган форсча *изоҳли луғат*. Унда форсча ҳамда форс тилига ўтган арабча, туркий сўз ва иборалар изоҳланган. Бу асардан Муҳаммад Ғиёсиддин Томпурий ўзининг «Ғиёс ул-лутат»ини ёзишда фойдаланган. Лутат сўзларнинг бош ҳарфи тартибида китобларга, ҳар бир китоб сўзларининг охирги ҳарфи тартибида бобларга бўлинган. Ҳар бир боб 3 фасдан иборат бўлиб, биринчисига арабча, иккинчисига форсча ва учинчисига туркий сўз ва иборалар киритилган. Бу асарнинг қўлёзма нусхалари Париж, Берлин, Лондон, Бомбай қўлёзма фондларида ва Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №2215).

МУАЙТАЙ, танландча кураш, танландча бокс — спорт кураши тури. Бунда спортчилар (боксдагидек) қўлларига қўлқоп кийган ҳолда арқонлар б-н ўралган 6×6 м ўлчамли махсус ринг (супа)да вазн гоифалари бўйича иккама-икка мусобақалашадилар. Ҳавaскор М.чилар мусобақаси 2 минлан 4 раунд давом этади (профессионал М.да 3 минлан 5 раунд). Раундлар орасида 1 минлан (профессионалларда 2 минлан) танаффус берилади. М.чилар 45, 48, 51, 54, 57, 60, 63,5, 67,71,75, 81, 91 кг гача ва 91 кг дан иёд вазн тоифаларида куч синашадилар. М.да қўл, тирсак, оёқ ва тизза б-н зарба берилади, шунингдек, рақибни кучоқлаб йиқитишга рухсат этилади.

М. қадимий якка кураш турларидан бири бўлиб, Хитойда шаклланган деган тахминлар бор. Асосан, 18-а.нинг охиридан Таиланд (Сиам)да кенг ривожлана бошлади.

1994 й.да Халқаро ҳавaскорлик М. федерацияси (IFMA)га асос солиниди, унга 80 дан ортиқ давлат аъзо бўлиб кирган (2003). Ўзбекистон 1996 й.дан аъзо. IFMA 1994 й.дан жаҳон чемпионатини ўтказиб келади. 1998 й.дан М. Осиё ўйинлари дастурига киритилган. М. Таиланд, Бельгия, Буюк Британия, Голландия, Малайзия, Франция давлатларида ривожланган. М. Ўзбекистонга 1993 й. кириб келди, 1995 й.да Ўзбекистон М. федерацияси рўйхатга олинди. Федерациянинг вилоятларда бўлимлари, 10 мингдан зиёд аъзоси бор. 200 дан ортиқ мураббий М. машғулотларини олиб боришади. Ўзбекистонлик М.чиларнинг 23 нафари халқаро миқёсдаги спорт устаси, 35 нафари спорт устаси унвонига эга (2003). Замирбек Қосимбеков, Раҳматжон Рўзиохунов, Фурқат Қурбонов ва б. мураббийлар Еркин *Қўттибоев*, Тоҳир Мирсаматов, Нуриддин Ҳожиёров, Камолиддин Юсупов, Дилёр Пўлатов сингари жаҳон ва Осиё чемпионларини ҳамда Осиё ўйинлари голибларини тарбиялашди.

Асрор Мўминов.

МУАЛЛАҚ ТОШ — Ақсо масжиди яқинидаги Қуббат ас-Сахра масжиди ичидаги тош. Қудуқ ш. да. Ушбу М.т.нинг саҳни тахм. 7—8 кв. метр келади. Унинг пастки қисмида 2 киши сиғадиган ғорча бор. Ғор ичига кирилса 7 киши сиғадиган жой бўлиб, у ерга жойнамоз тўшаб қўйилган, кирган одам икки ракаат намоз ўқиб чиқади. Ушбу тош атрофи 1 м баландликда панжара б-н ўраб қўйилган. Ривоятларга қараганда, Расулуллоҳ тош орқали Бурoқ деб номланувчи уловга миниб Меърожга чиққан. Расулуллоҳ осмонга кўтарилганида тош ҳам орқасидан эргашиб, ҳавога кўтарилган-у, пайғамбар «тўхта» деганида, у ердан 2 м кўтарилганича қолаверган, деган ривоят машҳур. Мусулмонларга бу тошни мукаддаслаштириш ёки зиёрат қилиш буюрилмаган.

МУАЛЛАҚЧИЛИК — цирк санъати жанрларидан бири. Ўзбек циркининг (акробатика машқларидан иборат бўлган) анъанавий турларидан, тана ҳаракатлари б-н чиройли шакллар ясаш санъати. М. санъатига оид илк маълумотларни ўрта асрларда яратилган адабий манбаларда учратиш мумкин. Муаллақчилар одатда бозор майдонларида, карвонсаройларда, чойхоналарда 2—3 киши бўлиб томоша кўрсатганлар. Улар орқа ва ён б-н камалак шаклида сакраш, икки қўлда, бир қўлда, бошда муаллақ туришдан бошлаб мураккаб ўйинларга ўтишган. Мас., енгилроқ, чаққонроқ муаллақчи шеригининг турткиси б-н ҳавода 2—3 марта умбалоқ ошган, айланиб у елкадан бу елкага қўнган, шерикларининг оёғи, қўли, боши, елкасида муаллақ турган, 3-ўйинчи бир-бирига пайванд бўлиб гилдираган. М. машқлари катта дорда, симдорда, чигириқда, чопаётган от ёки туя устида ижро этилади. Миллий цирк санъатида «бесуяк» М. жанри кенг тарқалган. Ўзбекистоннинг жан. ҳудудларида, хусусан Бухоро ва Хоразмда муаллақчилар «зангбоз» деб аталган. Улар оёқларига кичкина қўнғироқча — «занг»ларни боғлаб, М. машқларини ижро этишган, пичоқ б-н рақсга тушишган, оғзидан олов учқунларини пуркашган.

Муаллақчилик. Тоҳир ва Мурод Тошканбоевлар ҳамда Алмира Сағнаевалар чиқиши.

20-а.да М. санъатининг ривожланишига З. Парпиев, Н. Нурматов, К. Fуломов, М. Хўжаев, К. Зариповлар катта ҳисса қўшишган. Ҳоз. кунда М. ўйинлари ҳам профессионал, ҳам анъанавий циркда ижро этилади.

Пўлат Тошканбоев.

МУАЛЛИМ (араб.) қ. — *Ўқитувчи.*

МУАЛЛИФ, автор — муайян бадиий, илмий ёки публицистик асар, лойиҳа, ихтиро ва б. ижодкори.

МУАЛЛИФЛИК ТАБОҒИ — муаллиф томонидан тақдим қилинган адабий, бадиий, сиёсий, тарихий, шеърий ва б. тур асар, график материал ҳажмининг ултчов бирлиги. Ўзбекистонда 1 М. т. матни 40 минг босма белгига ёки 700 шеърий сатрга, ё бўлмаса, 3 минг кв. см босма график материал (расмлар, жадваллар, хариталар) га тенг, деб қабул қилинган. Муаллифга қалам ҳақи (гонорар) тўланда М.т. асос бўлиб хизмат қилади.

МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ — кенг маънода — фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш, фойдаланиш ва ҳуқуқни ҳимоя қилишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йиғиндиси; фуқаролик ҳуқуқининг бир бўлими. Тор маънода — асар муаллифига тегишли бўлган ва қонунларда мустаҳкамланиб қўйилган шахсий ва мулкий ҳуқуқлар тизимини ташкил этади. М.ҳ. бўнича муносабатлар ҳар бир давлатга хос қонунлар ва халқаро конвенциялар б-н тартибга солинади.

М.ҳ. бўнича 1952 й.ги Жаҳон (Женева) конвенцияси ҳамда адабий ва бадиий асарларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги Берн конвенцияси (1886) мавжуд. Берн конвенцияси М.ҳни ҳимоя қилишнинг қатъий тизимини ўзида ифодалайди. Ўзбекистонда М.ҳнинг асосий нормалари ЎзР Фуқаролик кодекси (1041—1073-моддалар) ва «Муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ЎзР қонуни (1996 й. 30 авг.)да белгиланган.

М.ҳ. ижодий фаолият натижаси бўлмиш фан, адабиёт ва санъат асарларига нисбатан, уларнинг мақсади ва қадр-қиммати, шунингдек, ифодалаш усули (қўлёзма, тасвир, аудио-видео ёзув, ҳайкал ва ҳ.к.)дан қатъи назар, татбиқ этилади. Барча турлаги компьютерлар учун дастурлар ва маълумотлар базалари ҳам М.ҳ. объекти ҳисобланади. Муаллиф ўз асарига нисбатан қуйидаги шахсий номулкий ва мулкий ҳуқуқларга эга: муаллиф сифатида эътироф этилиши ҳуқуқи; асарни ўз исми, тахаллуси ёки аноним тарзда эълон қилиш ҳуқуқи; асар дахлсизлигига бўлган ҳуқуқ; асардан ҳар қандай шаклда ва усулда фойдаланиш ҳуқуқи; асарни эълон қилиш ҳуқуқи; асардан фойдаланилгандик учун ҳақ олиш ҳуқуқи; асарни тасарруф қилиш ҳуқуқи. Асардан муаллиф ёки унинг меросхўри б-н муаллифлик шартномаси тузиш орқалигина фойдаланиш мумкин. Чоп этилган бегона асардан муаллифнинг розилигисиз ва муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда шахсий мақсадларда фойдаланишга, башарти бунда асардан нормал фойдаланишга зиён етмайдиган ва муаллифнинг қонуний манфаатларига путур етмайдиган бўлса, йўл қўйилади. Асардан муаллифнинг исм-шарифини ва олинган манбани кўрсатган ҳолда ҳамда асардан нормал фойдаланишга зарар етказмаслик ва муаллифнинг қонуний манфаатларини камситмаслик шарти б-н илмий тад-қиқотларда, таълим ва ўқув нашрларида, ахборот мақсадларида қисман ёки тўлиқ тақрорланишга рухсат берилади. Асарга бўлган М.ҳ. ўратилган пайт-дан бошлаб амал қилади. М.ҳ. муаллифнинг бутун ҳаёти давомида ва вафотидан кейинги йилнинг 1 январ-дан бошлаб 50 йил давомида амал қилади. Муаллиф вафотидан кейинги М.ҳ. унинг меросхўрларига тегишли бўлади ва мерос бўнича бир шахслан 2-шахсга ўтади. М.ҳнинг амал қилиш муддати тугаганидан кейин асар ижтимоий бойликка айланади, яъни ҳар қандай шахс муаллифлик ҳақини тўламаган ҳолда эркин фойдаланишга ҳақли. Муаллифлик шахсий номулкий ҳуқуқлари муддатсиз амал қилади.

М.ҳ. бузилган тақдирда у суд орқали ҳимоя қилинади. М.ҳ. бузилишининг кенг тарқалган турларига плагиат (кўчирмачилик, маданий ўғирлик), асардан муаллиф рухсатисиз тижорат мақсадларида фойдаланиш (маданий қароқчилик) киради. Бундай ҳолларда ҳуқуқбузар муаллиф ҳуқуқларини тиклаш, унга етказилган зарарларни тўлаш лозим. М.ҳ.ни бузишга қаратилган воситалар (асарнинг контрафакт нусхалари) йўқ қилиб ташланади. М.ҳ. эгаси ўзига тегишли ҳуқуқларни ўз хоҳишига кўра шахсан амалга оширишга ҳақлидир. Ҳуқуқ эгасидан бошқа шахс-лар М.ҳ.ларини фақат ҳуқуқ эгасининг розилиги б-н ва у берган ваколатлар доирасида бошқаришлари мумкин (мас., ишончнома орқали). М.ҳ. эгалари ўз зиммасига М.ҳ.ларини бошқариш юклатиладиган ташкилотларни тузишлари мумкин. Муаллифнинг ўз асарига нисбатан мутлақ ҳуқуқлари (мулкий ҳуқуқлар) тижорат муомаласида ҳаракатда бўлиши, ҳақ эвазига бошқа шахслларга тўлиқ ёки қисман ўтказилиши, ҳадя қилиниши мумкин. ЎзР Жиноят кодексида М.ҳ.ни ўзлаштирганлик, ҳаммуаллифликка мажбур этганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган (яна қ. *Интеллектуал мулк ҳуқуқи*). М.ҳ.ни муҳофаза этишни ташкилий-ҳуқуқий таъминлаш, бу борада давлат сиёсатини амалга ошириш учун Ўзбекистонда Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги фаолият кўрсатади.

Ад.: Тошев Б., Муаллифлик ҳуқуқи, Т., 2002; Насриев И. Муаллифлик ҳуқуқи маъмуни ва шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳимояси, Т., 2003.

Ойбек Одилов.

МУАММО (араб. — кўр, кўр қилинган) — ўзбек мумтоз адабиётида шеърий жанр; поэтик санъат тури. Унда бирор сўз, ибора (ёки бош ҳарфлари), сана ва ё. яширин берилади. Қўшма 1 байт, баъзан 2 байтдан иборат бўлиб, унда бирор сўз ёхуд фикр сўз ўйини асосида яширинган бўлади. Агар шеърий байт бошидан охир шу асосга қурилган ва тугалланган бўлса, М. дейилади. Шунчаки байтлар орасида келса, шеърий воситa, поэтик санъат деб қаралади. М.ни тузиш (яратиш) ва очиш (ечиш)нинг бир неча усуллари мавжуд. Қўшимча ундаги бирор сўз очқич вазифасини ўтайди. Араб тили грамматикаси қоидалари, араб алифбоси ҳарфларининг шаклий рамзлари, абжад ҳисоби ва ё.ни билиш М. учун зарур. Ўзбек мумтоз адабиётида М.чилик илм ва идрокни тарбия қилиш мактаби ҳисобланган. Шоирнинг маҳорати М.ни ечa олиш қобилиятига қараб белгиланган.

Дастлаб Шарафиддин Али Яздий («Ҳуқуқи мутарраз дар фанни муаммо ва луғз» — «Муаммо ва луғз фани тўғрисида безатилган ипак кийимлар»), сўнг Абдураҳмон Жомий («Рисолан муаммои кабир» — «Муаммо ҳақида катта рисола»; «Рисолан муаммои сағир» — «Муаммо ҳақида кичик рисола»), Алишер Навоий («Рисолан муфрадот») ва б. М. ёзиш қоидалари ҳақида асарлар ёзганлар. Навоийнинг 500 га яқин, Бобурнинг 600 га яқин М.лари етиб келган.

Ад.: Атоуллоҳ Ҳусайний, Бадоиъ ус-саноиъ, Т., 1981; Орзибеков Р., Лирикада кичик жанрлар, Т., 1976.

МУАССАН (Moissan) Анри (1852.28.9 — Париж — 1907.20.2) — француз кимёгари. Париж ФА аъзоси (1891), Париж Олий фармацевтика мактаби (1887—1900), Париж ун-ти проф. (1900 й.дан). Илк бор эркин ҳолдаги фторни олиб (1886), унинг ва бирикмаларининг хоссаларини ўрганган. Электр ёйи ёрдамида ишлайдиган печь кашф қилиб, унда кальций карбид (1892), калий карбид ва натрий карбид (1894), электротермик усулда молибден (1895), вольфрам (1897) ва б. олган. Нобель мукофоти лауреати (1906).

МУАТТАРХОН (19-а.нинг 2-ярми — 20-а. бошлари, Хўжанд) — ўзбек шоираси. *Муаззамхон*нинг синглиси. М. биографиясига оид маълумотлар жуда оз. Шоиранинг ёшлиги ва ҳаётининг сўнгги йиллари Хўжанд шаҳрида ўтган. Айрим маълумотларга кўра, у Жиззах, Самарқанд ва Пискентда ҳам яшаган. М. шеърларининг аксарияти баҳор ва табиат гўзалликлари тасвирига бағишланган.

МУАШШАР (араб. — ўнлик) — ҳар бир банди ўн мисрали, бир неча ўнлик бандлардан ташкил топувчи шеър шакли. *Мусаммат*ларининг бошқа турларида бўлгани каби М.ларнинг ҳам биринчи ўнлик банди мисраларида ўзаро оҳангдош сўзлар қофияланади (а—а—а—а—а—а—а—а—а—а), қолган бандларининг 8 ё 9 мисраси ўзаро қофияланиб, охирги 9- ёки 10-мисра 1-банддаги мисралар б-н қофияланади. Фузулийнинг қатор шундай шеърларида, Нодиранинг «Фироқнома» деб юритилувчи М.ида ҳар бир ўнликда охирги бир байти нақаротдек айнан такрорланиб турали. Бундай М.ларнинг қофияланиш тартиби: а—а—а—а—а—а—а—а—б—б, в—в—в—в—в—в—в—в—б—б... тарзидадир. Улар таржеъ байтли М.лар дейилади.

М.лар мусамматлар таркибида энг кўп ўхшаш қофиялар топиб ишлатишини, уларни поэтик мазмунни очишга хизмат қилдира олишини талаб қилувчи мураккаб усуллардан биридир. Шунинг учун М. намуналари мумтоз адабиётимизда кўп эмас. Ўзбек адабиётидаги айрим намуналари Шавқий Каттақўрғоний, Нодира, Аҳмад Табибий, бармоқ вазнидаги намуналари эса Fафур Fулом («Эмукдошлар мусобақаси»), Абдулла Орипов («Табиат») каби шоирлар ижодида учрайди.

МУБОЛАҒА, гипербола — образли ифода; адабий асарда воқеликда мавжуд ва йўқ, бўлиши даргумон шахс, жонли ва жонсиз нарса, воқеа, ҳодисаларнинг ниҳойлик мезонлари асосида катталаштириб, бўрттириб, лоф-қофи аке эттирилиши. М.ли ифоданинг бош аломатлари ҳаётийликдан чекиниш, фавқулоддавийлик, ғайритабиийликдир. М.ли инъикослар ўхшатиш, истиора, сифатлаш, жонлантириш, таъриз, тазод ва б. бадиийлик воситаларининг муайян даражадаги хизматлари туфайли яратилади. М. кўпроқ оғзаки ва ёзма адабиётлардаги эртак, афсона, ривоят ва б. жанрларда, романтик, юмористик, сатирик усулларда яратилган асарларда учрайди. М.ларга бой асарлар ғоят катта қизиқиш, завқ-шавқ б-н ўқилади. М. воситасида яратилган ижобий образлар ўқувчини мафтун этиб, унинг меҳр-муҳаббатини қозонса, салбийлари китобхон қалбида чексиз ғазабу нафрат ҳисларини уйғотади.

Адабиёт назариясида М.нинг кўп хиллари бор. Асосийлари: таблит, игроқ, гулув. Таблитда бўрттирилган белги, хусусиятларнинг ҳақиқатга анчайин яқинлиги сезилиб туради. Мас.: «Аниғдек тешадин сакраб ушоқ тош, Ки нозир бир йиғочдин қочуруб бош» (Навоий, «Фарҳод ва Ширин»).

Игроқда бўрттирилган белги, хусусиятлар, хатти-ҳаракатларни ўқувчи ҳаёлан тасаввур эта олса ҳам, уларнинг ҳаётийлигига ишончиси келмайди. Мас.: «Бола бориб-бориб шундай келбатли, келишган, бақувват йигит бўлиб етишибдики, бир кўзида хўкизни кўтарармиш, кўринган дарахтни илдиз-пилдизи б-н суғуриб олиб, бир жойдан иккинчи жойга кўчира олар эмиш. Унинг олдига тушадиган, у б-н олишиб ё беллашиб, унга тенг келадиган на одам топилибди, на ҳайвон зоти...» («Қайроқтош бола» эртагидан).

Гулув — беадад М. Унда бўрттирилган, лоф-қофли инъикосларнинг ҳаётда борлиги у ёқда турсин, бўлиши мумкинлигига ҳам мутлақо ишониб бўлмайди. Мас., «Алпомиш» достонидаги «бир кам тўқсон» қалмоқ алпларининг қиёфалари гулув воситасида тасвирланган. Ҳаммасининг «калласи кападай, танаси тепадай». Бирининг «шомурти ёқалаб ҳар ёққа кетган, ичида сичқонлар болалаб ётган, изидан тушган пишак олти ойда етган». Иккинчисининг «одам тушмас (тушунмас)... айтган тилига, беш юз қулоч арқон етмас белига». Учинчиси «оҳ урса, оламни бузар товуши, тўқсон молнинг терисидан қовуши» ва ҳ.к. Қалмоқ алпларини юқоридагидай ноҳаётий ошириб-тошириб, лоф-қофли тасвирлашдан асосий мақсад Алпомиш ва унинг дўсти Қоражон қаҳрамонлигини, кучқудратини бадиий тасдиқлаш, исботлашдан иборат.

Мурод Ибрoҳимов.

МУБОРАК — Қашқадарё вилояти Муборак туманидаги шаҳар (1974 й.дан). Туман маркази. Қарши—Бухоро т.й.даги станция. Китоб—Қарши—Бухоро поезди қатнайди. Вилоят маркази (Қарши ш.)дан 78 км шим.-ғарбда. Аҳолиси 23,8 минг киши (2002). Асосан ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, туркман, украин, озарбайжон ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. М.да туман ҳо-кимияти биноси, ғазни қайта ишлаш з-ди, «Муборакнефтгаз» корхонаси, босмахона, 4 автокорхона, 10 қурилиш-таъмирлаш корхонаси, деҳқон бозори, савдо, маданий ва

уюмининг умумий қалинлиги 60—65 м, самарали қалинлиги 25—31 м, говаклилиги 15,6%, ўтказувчанлиги 220 миллидарси. Чуқурлиги 2080—2400, уз. 11,5 км, эни 2,5 км, қалинлиги 140 м. Бошлангич қатлам босими 234,9 атм. Уюмдаги газнинг тичлиги 0,600—

маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий таълим мактаблари, мактабгача тарбия муассасалари, саноат касб-ҳунар, тиббиёт, пед.-иқтисодиёт коллежлари, касб-ҳунар мактаби, телемарказ, кутубхона, клуб, стадион, ёшлар спорт мажмуаси, теннис корти, маданият ва истироҳат боғи, марказий касалхона ва б. тиббий муассасалар мавжуд. Сув б-н даволаш физиотерапия шифохоналари фаолият кўрсатади. М. яқинида Муборак газ-конденсат кони жойлашган. М.дан Косон, Қарши, Бухоро йўналишлари бўйича автобуслар қатнайди.

Баъзи маҳаллий ривоятларга кўра, М. номи Имом Бухорийнинг устозларидан бири деб саналган Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазийга атаб барпо қилинган «Хўжамуборак» қишлоғи номидан олинган.

МУБОРАК ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Муборак ш. яқинидаги Жан. ва Шим. Муборак конлари. Жан. Муборак газ-конденсат кони Муборак ш.дан 15—20 км жан.-шарқда жойлашган. Кон структураси 1955 й.да Л. Г. Черкашина ва Н. И. Камолиддиновларнинг сейсмик тадқиқотлари натижасида аниқланган. Коннинг газлилиги қуйи бўрга мансуб 12- ва 13-горизонтлар б-н боғлиқ. 12-маҳсулдор горизонт 1160—1470 м чуқурликда жойлашган ва қумтош ва алевролитлардан ташкил топган. Умумий қалинлиги 62—67 м, самарали қалинлиги 16—27 м, очиқ ғоваклилиги 18—22%, самарали ғоваклилиги 12—18%, ўтказувчанлиги 125—578 миллидарсини ташкил этади. Уюмнинг уз. 12,6 км, эни 4,3 км ва қалинлиги 130 м. Газ зичлиги 0,640 (ҳавога нисбатан), таркибидаги метан 85—93%, CO_2 гази 0,1—1,5%, азот ва нодир газлар 1,8—5%. Конденсатнинг зичлиги

Муборак газини қайта ишлаш заводи.

0,74; қовушоқлиги 1,03 сантипуз, таркибидаги олтингугурт 0,03%. Газ таркибида эриган конденсат миқдори 95 $см^3/м^3$. 13-горизонт 1230—1450 м чуқурликда жойлашган бўлиб, асосан, қумтош, гравелит, гил ва қисман мергелдан тузилган. Умумий қалинлиги 80 м гача, самарали қалинлиги 30 м, очиқ ғоваклилиги 16—24%, самарали ғоваклилиги 12—18%, ўтказувчанлиги 298 миллидарси. Уюмнинг уз. 10 км, эни 3,75 км, қалинлиги 82 м. Бошланғич қатлам босими 133 атм, т-раси 65°. Газнинг зичлиги 0,63 (ҳавога нисбатан) ва таркибидаги метан 84,8—92,7%, оғир углеводородлар 7—8%, азот ва нодир газлар 2—5,8%, конденсат миқдори 80,6 $см^3/м^3$. 12—13-горизонтлардаги конденсат физик-кимёвий хоссалари бўйича бир хил.

Шим. Муборак газ-конденсат кони Муборак ш.дан 8—10 км масофада жойлашган. Конда нефть ва газ уюмлари юра даври ётқизиқлари б-н боғлиқ. 18-горизонт газ-конденсатли, 15- а-горизонт нефть ҳошияли газ уюми, 15-горизонт газ уюмидан иборат. 15 ва 15- а-горизонтлар келловей-оксфорд ётқизиқларига мансуб бўлиб, ғовак оҳактошлардан тузилган. Горизонтларнинг умумий қалинлиги 66—116 м, самарали қалинлиги 1—103 м, ғоваклилиги 17,8, ўтказувчанлиги 78 миллидарси. Уюмнинг уз. 11,6 км, эни 3 км, газли қисмининг қалинлиги 110 м, нефтли қисминики — 17 м, чуқурлиги 1795—2190 м. Бошланғич қатлам босими газ уюмида 199,01 атм, нефть уюмида 200,47 атм. Газнинг зичлиги 0,568—0,630, унинг таркибида метан 91,9—89,3%, азот ва нодир газлар 1,2—2,1%, CO_2 гази 0,1—0,2%, олтингугурт 0,1% миқдорида. Нефтининг зичлиги 0,857% $г/см^3$, унинг таркибида олтингугурт 0,89%, асфальтенлар 0,07%, акцизли қатронлар 14%.

18-горизонт ўрта юра ётқизиқларида бўлиб, асосан, қумтошлардан тузилган. Газ-конденсат уюмининг умумий қалинлиги 60—65 м, самарали қалинлиги 25—31 м, ғоваклилиги 15,6%, ўтказувчанлиги 220 миллидарси. Чуқурлиги 2080—2400, уз. 11,5 км, эни 2,5 км, қалинлиги 140 м. Бошланғич қатлам босими 234,9 атм. Уюмдаги газнинг зичлиги 0,600—0,723, олтингугурт-сиз, таркибида метан 85—91%, азот ва нодир газлар 2,7—8,2%, CO_2 гази 0,1—10% миқдорда. Газдаги барқарор конденсат миқдори 100 $см^3/м^3$ ва зичлиги 0,758 $г/см^3$.

Қатлам сувлари хлор-кальцийли турда бўлиб, минерализацияси 0,5—6,2 г/л, таркибида йод (218,5 мг/л), бром (5760,0 мг/л), бор (114,7 мг/л) ва аммоний (600 мг/л) бор.

Баҳшилло Акрамов.

МУБОРАК ГАЗИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ — Ўзбекистон ёқилғи-энергетика саноатининг йирик корхонаси. Қашқадарё вилояти Муборак ш.да жойлашган. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг «Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси таркибида. Асосан, қайта ишланган табиий газ, қаттиқ ва суюқ ҳолатдаги олтингугурт, барқарорлаштирилган газ конденсати, суюлтирилган газ (пропан ва бутан фракцияси) ишлаб чиқаради.

1965 й. 10 сент.да Муборак ш.дан 12 км жан.-шарқда Муборак олтингугурт з-ди (1972 й.дан Муборак газини қайта ишлаш з-ди) қурила бошлади. 1971 й. 31 дек.да ишлига Ўртабулоқ конлари, Муборак гуруҳидаги конлардан олинадиган 5 млрд. $м^3$ олтингугуртли ва 3,7 млрд. $м^3$ олтингугуртсиз табиий газни тозалаш қувватига эга бўлган корхона ишга туширилди. 1976 й. завод 1-навбатининг олтингугуртдан тозалаш ишшоотлари реконструкция қилиниб, унинг йиллик қуввати 6,2 млрд. $м^3$ га етказилди. 1978—80 й.ларда з-дни кенгайтиришнинг 2- ва 3- навбатлари амалга оширилиб, умумий қуввати йилига

Муборак газини қайта ишлаш заводи технологик қурилмалари.

Муборак газини қайта ишлаш заводи. Бошқарув пульти.

10 млрд. $м^3$ га етказилди. 1984 й.да з-днинг 4-навбати қуриб тамомланди. Шу йили март ойида олтингугурт и.ч.нинг 4-навбати ҳам ишга туширилди. Унинг йиллик и.ч. қуввати 183 минг т. Олтингугурт тозаловчи 6 та блок ва олтингугурт ишлаб чиқарувчи 2 та блокдан ташқари 4-навбат мажмуига суюлтирилган газ олиш ва бир йўла газ конденсатини барқарорлаштириш қурилмаси ҳам киради.

1992 й.нинг дек. ойига келиб газни қайта ишлаш қувватлари йилига 25 млрд.$м^3$ га оширилиб, газни қайта ишлаш блоклари сони 18 тага етказилди. 2000 й. 25 майдан бошлаб корхона «Ўзгеонефтгазқазибчиқариш» акциядорлик компанияси таркибидаги Муборак газини қайта ишлаш з-ди шўъба-унитар корхонасига айлантирилди. Корхонанинг Низом жамғармаси 10 млрд. 199 млн. 245 минг сўм (2003). М.г.қ.и.з. АҚШ, Франция, Испания, Германия, Чехия, Россия, Япония, Украина давлатлари б-н иқтисодий алоқалар ўрнатган. Бу давлатлардан корхонага абсорбентлар, катализаторлар, кимёвий реагентлар, кимёвий реактивлар, кимёвий асбоб-ускуналар етказиб берилади.

2000 й.да қайта ишланган газ 27324 млн. $м^3$, олтингугурт и.ч. 217,5 минг т., барқарорлаштирилган конденсат и.ч. 556 минг т, суюлтирилган газ и.ч. 13,5 минг т ни ташкил этди.

Ўктам Умаров.

МУБОРАК ТУМАНИ — *Қашқадарё вилоятидаги* туман. 1978 й. 13 сент.да ташкил этилган. Ғарбда Бухоро вилояти, шим.да Навоий ва Самарқанд вилоятлари, шарқда вилоятнинг Косон тумани, жан.да Касби ва Миришкор туманлари б-н чегарадош. Майд. 3,07 минг $км^2$. Аҳолиси 62 минг кишига яқин (2003). Туманда 4 қишлоқ фуқаролар йиғини (Муборак, Сариқ, Қарлуқ, Қоракум), 1 шаҳар (Муборак) бор. Туман маркази — *Муборак ш.*

Табиати. Туман Қашқадарёнинг қуйи қисмида, Қарши чўли зонасида жойлашган. Ер усти текислик, адир ва қирлардан иборат. Бал. 450—550 м. Ёзи узун ва иссиқ, июлда т-ра 42° гача кўтарилади. Янв.да энг паст т-ра —27°. Нояб. ўрталаридан ҳаво совийди ва намгарчилик бошланади. Йиллик ёғин 190—200 мм. Вегетация даври 270—280 кун. Туман ҳудудидан Қашқадарё оқиб ўтади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, туркман, татар, арман, украин, озарбайжон ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$ га 20 киши (2003).

Хўжалиги. Туман ҳудудидан нефть ва газ конлари топилган. Жан. Муборак, Шим. Муборак ва б. конлардан нефть ва газ чиқарилмоқда. Муборак—Зирабулоқ, Муборак—Когон, Муборак—Навоий газ узатиш қувурлари ишлаб турибди. М.т. ҳудудида табиий газни қайта ишлаш з-ди бор. Туманда «Муборакнефтгаз» корхонаси ва унга қарашли Зеварди, Кўклумалоқ, Алан, Ўртабулоқ, Култоқ, Помуқ, Шимолий Ўртабулоқ, Курик каби газ конлари ишлаб турибди. Туманда 1 қўшма корхона, 850 дан зиёд кичик ва хусусий корхона, 16 акциядорлик жамияти мавжуд. Қ.х.да пахтачилик, ғаллачилик ва чорвачилик етакчи ўринда. 4 ширкат хўжалиги, 6 фермерлар уюшмаси,

Қадимий Муборак замини.

ҳамда наслчилик ва қоракўлчиликка ихтисослашган хўжалик бор. Жами 23,7 минг га экин майдонининг 22,9 минг га си суғорилади. 11 минг га майдонга пахта, 10,5 минг га майдонга ғалла, 100 га майдонга сабзавот ва полиз, 108 га майдонга ем-хашак экинлари экилади, 142 га майдонни боғлар эгаллаган. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 12,5 минг қорамол, 137 минг қўй ва эчки, 20 минг парранда бор. Туман марказини қишлоқлар ва қўшни туманлар б-н боғлайдиган йўллар асфальтланган. Муборак—Косон (50 км), Муборак—Қарши (78 км), Муборак—Бухоро (90 км) ва б. йўналишларда автобуслар қатнайди. М.т. ҳудудидан т.й. ўтган. Туманда 2001 й.дан «Янги аср» телестудияси фаолият кўрсатади.

М.т.да 30 умумий таълим мактаби, саноат касб-ҳунар, тиббиёт, пед.-иқтисодиёт коллежлари ва касб-ҳунар мактаби, 9 кутубхона, 3 клуб, 2 ёшлар

САМАРКАНД ВИЛОЯТИ
МУБОРАК
К О С О Н
Т У М А Н И
МУБОРАК ТУМАНИ
ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР
Туман маркази
Бошқа аҳоли пунктлари

клуби, ёшлар спорт мажмуаси, теннис корти, марказий стадион ва футбол майдонлари бор. «Машъал» футбол жамоаси республиканинг олий табақасида қатнашади. Туман марказий касалхонасининг 12 бўлими ва қишлоқ врачлик, фельшер-акушерлик пунктлари ҳамда б. тиббий муассасаларда 95 врач ва 217 ўрта тиббий ходим ишлайди. 1978 й.дан «Муборак ҳаёти» туман газ. чиқади (адади 1500).

МУБОРАКОВ Ёрмуҳаммад Нурупович (1944.22.4, Олмаота вилояти, Уйгур тумани — 1999.18.11, Тошкент) — механик олим. Ўзбекистон ФА акад. (1994), техника фанлари д-ри (1989), проф. (1991). ТошДУ ни тугатган (1970). Ўзбекистон ФА нинг Механика ва иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги ин-тида илмий ходим, катта илмий ходим, лаб. мудири, директор ўринбосари, директори (1970—97). Ўзбекистон ФА нинг физика-мат. ва техника фанлари комплекси раиси ўринбосари (1998—99). Асосий илмий ишлари ер ости фазовий иншоотларини сейсмик кучлар таъсирида деформацияланиш-зўриқиш ҳолатларини тадқиқ қилишнинг назарий асосларини яратишга оид.

Ас.: Сейсмодинамика подземных сооружений типа оболочек, Т., 1987.

МУБОРАКШОҲ (?—1266) — *Чиғатой улуси* хони (1265—1266). Қора-Ҳулагу ва Эргэнэ (Орқина) хотун ўғли. *Жамол Қаршийнинг* ёзишича, 1265 й. март ойида Оҳангаронда хон деб эълон қилинган. *Чиғатой* авлодларидан 1-бўлиб ислом динини қабул қилган. Шундай қилиб Ўрта Осиёни илк маротаба *Хубилай* қоон томонидан тайинланмаган мўғул ҳукмдори бошқара бошлаган. Бу ҳолга қарши бўлган Хубилай Туркистонга бошқа бир чиғатойий шаҳзода Бароқ (Бароҳхон)ни юборган. 1266 й. сент.да М. Хўжанд яқинидаги жангла мағлубиятга учраб, асир олинган, шундан сўнг Бароқ Ўзгандда ўзини хон деб эълон қилган.

МУБОРҚА (араб. — чодирга ўралган) — *Ўн икки мақом* таркибидаги шўъба. М. куйлари товушқаторнинг икки тайянч погонаси нотургун погоналар б-н пастдан ва юқоридан гўё «ўралган»лиги учун унга шундай ном берилган бўлиши мумкин. Озарбайжон *мугом*ларида мубаррига номи б-н юритилади.

МУБОШИР (араб. — ни юритувчи) — бирор ишга бошчилик қилувчи, бошқарувчи, бошлиқ. 1) Сомонийлар ва салжуқийлар даврида амир ва султонларнинг ишончли кишиси; 2) Усмонли турк империясида марказий давлат идорасидан вилоятларга ҳар хил топшириқлар б-н юборилади-ган вакил; 3) 17—18-а.ларда Бухоро хонлигида марказий давлат идорасининг молия девонидаги амалдор; 4) Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида марказий давлат идораларида ҳар хил топшириқларни бажарувчи, баъзан девонда иш бошқарувчи кичик амалдор.

МУБОҲ (араб. — умумий, ихтиёрий иш-ҳаракат) — шариат тушунчаларидан бири. Унга кўра, қилиш ва қилмаслик баробар бўлган амал. Уни қилган кишига ҳам, қилмаган кишига ҳам савоб ҳам, гуноҳ ҳам йўқдир. Ҳаром бўлмаган, ман қилинмаган (қайтарилмаган) ишларнинг ҳаммаси М. дир. Мас., ўтириш, туриш, юриш, ётиш, ухлаш, ҳалол таомларни ейиш ва б. М. амалларнинг адади беҳисоб. М. б-н жонз тушунчаси мазмунан бир.

МУВАНГ [асл исми Жиман, Мутянги («Тангри фарзанди Му») деб ҳам аталади] (? — мил. ав. 947) — қад. Хитойдаги Ғарбий Чжоу хонлиги (мил. ав. 11-а. — 777 й.)нинг 5-ҳокими (мил. ав. 1001—947 й.лар), саёҳ. Помир ва Кунлун тоғларидан чиқадиган нефрит тошини излаб Ғарбга сафар қилган. М. ҳамроҳлари б-н Чингхай ўлкаси (Тибет тоғларининг юқори қисми) орқали Тарим воҳасига келган. У ерда Оққош (Байюйхэ) ва Қорақош (Хэйюэхэ) дарёларидан ўтиб Помирга етиб борган. Маҳаллий ҳокимлар М.га Хўтаннинг нефрит тошларидан ясалган буюмларни совға қилишган. Помир орқали ғарб томон юриб Тошқўр-ғонда тўхтаган. Кейин Сюнчи кўлига етиб борган. Бу ердан М. анча йўл юриб Сивангму давлатига келган, сўнгра шим.-ғарбга бурилиб сафарини давом эттирган. М. Қирғизистон яйловлари орқали юртига қайтган. Агар М. яшаган давр ҳисобга олинса, унинг ғарб сафари бундан 3 минг йил муқаддам Ўзбекистон Хитой оралиғидаги *Буюк ипак йўли* орқали амалга оширилиги маълум бўлади. Бу ушбу йўлнинг ундан ҳам олдин мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Абдулаҳад Ҳўжаев.

МУВАШШАҲ (араб. — безатилган, зийнат берилган), акростих — Шарқ халқлари (араб, форс, эски ўзбек) мумтоз шеъриятида бадиий-ифодавий усуллардан бири. «Тавшиҳ» (араб. — «бўғламоқ») деб ҳам юритилган. М. асосан *қасида* жанрида ишлатилиб, унда шеърнинг ҳар бир байти ёки мисрасининг биринчи ҳарфларидан бирор сўз ёки жумла (кўпинча шеър бағишланган шахснинг номи) ясаб бўлади. М.дан ота, ҳалос ва қимматли сўзларни шеър таркибига жойлаш мақсадида ҳам фойдаланилган. Ўзбек адабиёти тарихида шеърнинг бош қисмида киши исми берилган М.лар кенг тарқалган. Мукимий, Фурқат каби шоирлар кўплаб М. ёзишган.

МУВАШШАҲ — Андалусия (Араб Испанияси) маданиятида 8—10-а.ларда шаклланган айтим-чолғу туркум жанри. Кейинчалик, 11—13-а.ларда М. Шимолий Африка ва Яқин Шарқ маданиятида кенг тарқалиб, араб мусиқасининг мумтоз шаклий-андозаини гурига айланди. Замонавий араб мусиқасида «М. ал-Андалусия», «М. ал-Миср ия», «М. ал-Ҳалабия» (Ҳалаб, Сурия) ва бошқа М. турлари, ижроний услублари мавжуд. М. машҳур араб хонандаси Умм Кулсум ижодида асосий ўрин эгаллаб, энг мукаммал мусиқий айтим-чолғу жанр даражасида тан олинди. М. «лавр» (чолғу кириш қисми), «хона», «қасида», «қафла» (айтим қисмлари), «қитъа», «силсила» (айтим — чолғу оралиқ ва якунловчи қисмлар) каби таркибий бўлимлардан иборат.

Ад.: Еолян И. Традиционная музыка арабского Востока. М., 1990.

Абдуғаниҳон Назаров.

МУВАҚҚАТ ФАРҒОНА ҲУКУМАТИ, Фарғона муваққат мухторият ҳукумати — Фарғона водийсида *Мадаминбек* бошчилигида тузилган ҳукумат (1919.22.10—1920.6.3).

Совет режимига ва қизил армияга қарши курашаётган Фарғона ҳарбий мухолифати томонидан Помирнинг Эргаштом овулида бўлган анжуманда ташкил топган. Ҳукумат таркибига Мадаминбек бош вазир ва олий бош қўмондон, *крестьянлар армиясининг* раҳбари полковник К. Монстров унга ўринбосар, генерал-майор Муханов ҳарбий вазир, йирик савдогар Ҳакимжон Азизхонов молия вазири, адвокат Неисберг ички ишлар ва адлия вазири, шунингдек, Сулаймон Кучуков, Плотников, Фенин ва б. (16 мусулмон ва 8 рус) вазир сифатида киритилган.

1919 й. окт.да Мадаминбекнинг қароргоҳида кўп давлатларнинг расмий вакиллари бўлган. М.Ф.ҳ.нинг нуфузи эса Фарғона халқи ўртасида жуда кучли бўлган. 1919 й. окт.да 150 тача қўрбоши дасталари 4 та йирик лашкарбоши: Мадаминбек, Катта Эргаш, Шермуҳаммадбек, Холҳўжа Эшон бошчилигида бирлаштирилган. Мазкур дасталарнинг ҳар бирида собиқ подшо армияси офицерлари ва турк зобитларидан ташкил топган ҳарбий йўриқчи лавозими жорий қилинди. Шунингдек, ветеринарлар қўшини орасидан мустақиллик тояснга салоҳиятли, мард ва жасур йигитлар танлаб олиниб, улар қўрбошиларни тайёрлаш махсус курсларида ўқитилди. Улар тажрибали қўмондонлардан Шарқ ҳарбий санъатини ўргандилар. Ўша давр воқеаларининг бевосита шоҳиди *Аҳмаджўра* Соғунийнинг ёзишича, бу курсларда ҳарбий машғулотлар «Темур тузуклари»дари асосида ўтказилган.

М.Ф.Ҳ. ҳудудида хорижий мамлакатлардан қурол-ярог сотиб олиш б-н шуғулланадиган махсус идора, шунингдек, ҳукуматнинг мақсад ва вазифаларини халққа тушунтириш б-н шуғулланувчи гоявий ўқишма ҳам ташкил этилган. Ўқишма, асосан, варақалар, чақириқлар, мурожаатномалар ва баёнотлар нашр қилиш ҳамда уларни қўшни ва халқ ўртасида тарқатиш б-н шуғулланган.

1920 й. бошларида Россия марказидан Фарғона водийсига қизил армиянинг янги қисмлари ташланган, бир қатор жангларда Мадаминбек йигитлари мағлубиятга учраган. Монстров ва Муханов қизил армия томонига ўтган. Мадаминбек ё-н большевиклар ўртасида сулҳ тузилган (1920.6.3). М.Ф.Ҳ. ўз-ўзидан тарқалиб кетди.

Ад.: Туркестан в начале XX века: в истории истоков национальной независимости. Т., 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи [2-китоб]. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т., 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М., Туркистон тарихи (1917—1924). Т., 2002.

МУВАҚҚАТ ҲУКУМАТ (Россияда) — император Николай II тахтдан агдарилгандан сўнг барпо этилган 1-демократик ҳукумат. Фев. инқилобидан сўнг Давлат думаси аъзолари Муваққат (Вақтли) комитет томонидан, Петросовет раҳбарларининг розилиги б-н, таъсис мажлиси чақирилгунга қадар тузилган. Олий ижроия-бошқарув органи қонун чиқариш функцияларини ҳам бажарган. 1917 й. 2(15) мартдан 25 окт. (7 нояб.) гача фаолият юритган; М.ҳ.нинг 4 та таркиби алмашган: 1-таркиб (2 октябрист, 8 кадет ва уларга қўшилган 1 трудовик, сўнг — эсер; раис — кадет Г. Е. Львов) — 6 (19) майгача; 2-таркиб (1 октябрист, 8 кадет ва уларга қўшилганлар, 3 эсер, 2 меньшевик, раис — Львов) — 24 июл (6 авг.)гача; 3-таркиб (7 кадет ва уларга қўшилганлар, 5 эсер ва халқ социалистлари, 3 меньшевик; раис — эсер А. Ф. Керенский) — 1(14) сент.гача (ҳокимият-ренский) — 1(14) сент.гача (ҳокимиятни «Директория»га топширган); 4-таркиб (6 кадет ва уларга қўшилганлар, 2 эсер, 4 меньшевик, 6 партиясиз; раис — Керенский) — 25 сент. (8 окт.) гача.

М.Ҳ.нинг 6(19) мартдаги Россия фуқароларига қилинган мурожаати ва декларациясида [3(16) мартда нашр қилинган] баён қилинган дастурида «ҳокимият ворислиги» ва «ҳуқуқнинг устуклиги» тамойилини эълон қилган, урушни «то галабага қадар» давом эттириш ва интифоқдош давлатлар ё-н тузилган барча битим ва шартномаларга риоя этилишини билдирган. Полиция аппарати тор-мор этилишини, Министрлар Совети аъзолари қамоққа олинганини қонунлаштирган, каторга ва сургунни бекор қилган, сиёсий амнистия эълон қилган. Сиёсий эркинликлар жорий қилишга, таъсис мажлисини чақиришга, милициянинг халқ милициясига айлантиришга вақт берган. Мажлис ва интифоқ эркинлиги ҳақида қонун қабул қилган; император хонадонига тегишли ерларни давлат ихтиёрига ўтказиш ҳақида, саноат корхоналаридаги ишчилар комитети ҳақида фармон чиқарган; нон монополияси жорий этилган. 1(14) сентда Россияни республика деб эълон қилган. Окт. тўнтаришни ишлаб чиқишда асосий ташкилотчи.

МУВОЗАНАТ — 1) механикада — бирон-бир аниқ механик тизимга (жисмга) таъсир кўрсатаётган барча кучлар ўзаро тенглашган ҳолат. Жисм барқарор, нобарқарор ва бефарқ М.да бўлиши мумкин. Жисм М. ҳолатидан бироз оғганидан сўнг яна эски ҳолатига қайтса, бундай ҳолат барқарор М. ҳолати деб аталади (расм, *а*). Агар жисм М. ҳолатидан бир оз оғганидан кейин бу ҳолатдан борган сари узоқлаша бошласа, бундай ҳолат нобарқарор М. ҳолати бўлади (расм, *б*). Жисм М. ҳолатидан бироз оғганидан кейин янги ҳолатида қолса, бундай ҳолатга бефарқ М. ҳолати дейилади (мас., горизонтал сиртдаги шар) (расм, *в*); 2) термодинамик М. — бирон-бир тизимнинг барча қисмларида т-ра, босим ва б. макроскопик параметрлар бир хил бўладиган ҳолат. Ҳар қандай изоляцияланган тизим вақт ўтиши б-н шундай М. ҳолатига эришади; 3) кимёвий М. — кимёвий реакция бораётган тизимнинг фақат қайтар реакциялар юз бераётган ҳолати. Бундай М. ҳолатидаги тизимнинг ҳолат параметрлари вақтга боғлиқ бўлмайди, таркиби барқарор бўлади.



а *б* *в*

Мувозанат: *а* — барқарор мувозанат; *б* — нобарқарор мувозанат; *в* — бефарқ мувозанат ҳолати.

МУВОЗАНАТ ОРГАНЛАРИ — одам ва кўпчилик ҳайвонларда гавда ҳолатининг фазода ўзгариши, Ернинг тортиш кучи ва тезланишининг организмга таъсирини қабул қиладиган органлар. Умуртқасиз ҳайвонлар (бир ҳужайралилар, пластинкасимонлар, товактанлилардан бошқа) М.о. *статоцистлар*, яъни эшитиш пуфакчаларидан иборат. Статоцистлар ичида *отолитлар* деб аталадиган эшитиш тошчалари бўлади. Статоцистлар тузилиши ва танада жойланиши б-н бир-биридан фарқ қилади. Мас., сифомедузалар ва гидромедузаларнинг статоцистлари сойбони четида жойлашган. Қисқичбақасимонларнинг юмалоқ халтачага ўхшаш М.о. мўйловлари асосида; бошоёқли моллюскаларнинг ёпиқ пуфакчага ўхшаш М.о. бош скелети капсуласи ичида жойлашган. Ҳашаротларда ҳақиқий статоцистлар бўлмайди. Одамлар ва умуртқали ҳайвонларнинг М.о. *вестибулар аппарат*дан иборат. Одамда мувозанатни сақлашда вестибулар аппаратдан ташқари, тери, мускул-бўғим ва кўриш сезувчанлиги рефлекси катта роль ўйнайди. Шу рефлекслар жараёнида ҳосил бўлган мураккаб муносабатлар мувозанатни таъминлайди.

МУВОЗАНАТЛАГИЧ, балансир — 1) машиналарда ҳаракатни узатувчи ва ўқ олдида тебранма ҳаракат қилувчи икки елкали (баъзан бир елкали) ричаг. Локомотив *(паровоз, тепловоз)* лар ва вагонларда рессораларга узатиладиган кучларни мувозанатлаш учун хизмат қилади. М. кемалардаги насослар, металл кесиш станокларида, бурғилаш қурилмалари ва б.да қўлланади (қ. *Мувозанатлаш*); 2) соат механизмида маятникнинг ўрнини босувчи асосий ростлагич (қ. *Балансир, Соат*).

МУВОЗАНАТЛАШ — машиналарнинг айланувчи қисмлари (турбина ёки электр двигатель ротори, автомобилларда тирсакли валлар, шкивлар, гилдираклар ва б.) ни барқарорлаш. Буюмнинг бош марказий инерция ўқи, айланиш ўқи ва ўз ўқи бир-бирига нисбатан қандай жойлашганлигига қараб, М. статик, динамик ва қайишқоқ (эластик) усулларга бўлинади. Статик М. бош марказий инерция ўқи айланиш ўқига нисбатан параллел тарзда силжиган ҳолларда қўлланилади. Динамик М.дан бош марказий инерция ўқи айланиш ўқига нисбатан бирор бурчакка силжиганда, яъни ўқлар буюмнинг оғирлик марказида кесишганда фойдаланилади. Қайишқоқ М. усули

бош марказий инерция ўқининг айланиш ўқига нисбатан силжишига буюмнинг ўқи эгилиши сабаб бўлган ҳолларда кўл келади.



Мувозанатлаш: статик ва динамик мувозанатлаш: I—I — бош марказий инерция ўқи; II—II — айланувчи қисмнинг айланиш ўқи; p — барқарорлашмаган масса; c — айланувчи қисмнинг масса маркази; e — айланувчи қисм эксцентритети; m — қўшимча масса.

М. сифатли чиқиши учун ҳар бир буюмга «ўзининг» М. аниқлик меъёри белгиланиши лозим. Бу меъёр (норма) оғирлик марказининг йўл қўйиладиган силжиши e *(мкм)* ёки йўл қўйилган нобарқарорлик $U = rP$ (бунда: r — ювчани ўрнатиш радиуси, P — посанги) тарзида шартли равишда ифодаланади.

МУВОЗАНАТСИЗ ЖАРАЁНЛАР — *мувозанатсиз ҳолат*ларнинг узлуксиз кетма-кетлигидан ташкил топган физик жараёнлар. Улар қайтмас жараёнлар ҳисобланади. М.ж.да *диффузия*, иссиқлик ўтказувчанлик, суюқлик (газ)нинг қовушқоқ оқиши ва б. жараёнлар ўз-ўзидан фақат бир йўналишда — мас., иссиқликнинг бир йўналишда равон тарқалиши йўналишида юз беради (қ. *Қайтар жараёнлар*).

МУВОЗАНАТСИЗ ҲОЛАТ — бирон бир термодинамик тизимнинг нобарқарор ҳолати; ташқи майдон бўлмаган ва тизим яхлит айланадиган шароитда тизимнинг т-раси, босими, зичлиги, таркибидаги компонентларнинг кўпкамлиги ёки баъзи макроскопик параметрларнинг бир жинсли бўлмаслиги. М.ҳ. термодинамик тизимда *қайтмас жараёнлар* юз беришига сабаб бўлади. Бу жараёнлар натижасида изоляцияланган тизим мувозанатга эришади.

МУГУЗЛАНИШ, кератинланиш — бирор тўқимада кератин, кератогиалин ва ёғ кислотасидан иборат мугуз (шох) модда ҳосил бўлиши. Терининг юза қавати — *эпидермис*да (бунда тери зичлашади, дағаллашади, пишиқ бўлиб қолади, у организмни механик шикастланишдан, унга ёт микроорганизмлар тушишидан, терини қуриб қолишдан ҳимоя қилади) ва унинг ҳосилаларида (соч, тирноқ ва б.)да М. нормал ҳисобланади. М.га *гормонлар* ва *витаминлар* таъсир этади. Патологик М.да жараён жадал ёки суст кечади, шунингдек, М. юзага келиши лозим бўлмаган жойда (мас., тил, ўрта қулоқ ва б. аъзоларда) кузатилади.

МУДАРРИС (араб. — дарс берувчи) — мадраса ўқитувчиси. М.лар ўқитиладиган муайян фандан дарс берган. Ҳозир хорижий Шарқ мамлакатлари, шунингдек, Ўзбекистонлаги мадраса ва диний ун-тларда фақат диний илмлардан эмас, дунёвий фанлардан дарс берувчилар ҳам М. деб аталади.

МУДОФАА — жанговар ҳаракат турларидан бири. Душман кучлари ҳужумини қайтариш, уларга жиддий талафот етказиш, жанговар позицияни қўлда тутиб туриш ва шиддатли ҳужумга ўтиш учун қулай шароит яратиш мақсадида қўлланилади. Жанглар ва операциялар шаклида олиб борилади.

МУДОФАА ДЕВОРЛАРИ — аҳолини душман ҳужумидан сақлаш мақсадида қад. деҳқончилик воҳалари атрофига қурилган деворлар. Бундай деворлар Осиё, Европа ва Африка қитъаларидаги кўпгина мамлакатларда қурилган (мас., *Буюк Хитой девори*, *Антонин девори* ва б.). Ўзбекистон ҳудудида Шаҳрисабз, Китоб, Нурота деҳқончилик р-ларида ва Мароқанда ш. атрофидаги қишлоқлар теварагида М.д. қурилган. 1956 й.да Я. Ғ. Ғуломов бошчилигида Ўзбекистонда М.д. излари аниқланиб, уларнинг қурилиш техникаси ўрганилади. Ёзма манбаларда бу деворлар: Ҳоитул хорижи (Ташқи девор), Ҳоитул кабири (Катта девор), Сурул аъзами (Улуғвор девор), *Кампир девор*, Девори Канди бузур (Катта вилоятнинг девори), Деворн Канди дизак (Истеҳкомли вилоят девори) деган номлар б-н аталган. Ўзбекистондаги қад. деҳқончилик воҳалари атрофида М.д. бунёд қилишдан асосий мақсад воҳани кўчманчиларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш, шунингдек, воҳадаги ўтроқ аҳолини чет эл босқинчилари истилоси ва ҳукмронлиги ҳамда маҳаллий зўравонларни уларга ёрдамлашиб турган кўчманчи қабилалардан ажратиб, яккалаб қўйиш, итоаткорликда сақлаш эди. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги М.д. тарихини 3 даврга бўлиш мумкин: 1-давр мил. ав. 6—4-а. — мил. 5—6-а.лар; 2-давр 6-а.дан 8-а.гача давом этган; 3-давр 8-а.нинг охири ва 9-а.нинг бошларига тўғри келади. Қад. Бухоро, Суғд, Уструшона воҳалари атрофидаги деворлар ўзаро туташтирилиб, алоҳида воҳаларнигина эмас, балки бутун бир мамлакатни ўраган ягона мудофаа тизимига айлантирилган.

Ад.: Муҳамедов Ҳ., Қадимий мудофаа деворлари, Т., 1961; Муҳамедов Ҳ., Ўзбекистоннинг қадимий иншоотлари тарихидан, Т., 1961.

МУДОФАА ИНШООТЛАРИ — ўз очиш, жанг майдонини кузатиш ва қўшинларни бошқариш, шахсий таркиб, жанговар техника ва транспорт воситаларини ҳимоя қилиш сингари тадбирлар учун мўлжалланган иншоотлар. М.и.га турли типдаги окоплар, траншеялар, ўт очиш воситалари учун майдончалар, кузатиш пунктлари, пана жойлар, блиндажлар, махсус ук. лари омборлари, алоқа йўллари ва б. киради. М.и. барпо қилиш жуда узоқ тарихга эга. Қалимда шаҳар ёки қўрғонларни душман ҳужумидан ҳимоя қилиш учун мудофаа деворлари қурилган, қўрғонлар атрофида чуқур *хандақ*лар қазилиб, улар сув б-н тўлдириб қўйилган. Қалъа ёки қўрғон деворларида ўт очиш тешиклари (шинаклар), *бурж*лар бўлган. Ҳоз. ҳарбий техниканинг тараққий этганлиги натижасида М.и. кўпинча, темир-бетондан қурилади. Шунинг учун ҳам замонавий М.и. пухта ниқобланиши, *ломаний кирғин* қуролларидан ҳимоя қилишга мўлжалланган бўлиши керак.

МУДОФАА ОПЕРАЦИЯСИ — қўшинининг муайян режа асосида ўтказилган жанговар ҳаракатлари. Мақсади — олдиндан тайёрланган мудофилиб, душманнинг ҳужумини қайтариш ва унга катта талафот етказиш, ўз жанговар позицияларини сақлаб қолиш ҳамда ҳал қилувчи қарши ҳужумга ўтиш учун қулай шароит яратишдир. М.о. армия, фронт (армиялар гуруҳи), фронтлар гуруҳи кўламида бўлади. М.о.ни муваффақиятли амалга ошириш учун барча мавжуд қуроллардан унумли фойдаланиш, тез-тез *маневр* қилиш талаб этилади. Пухта режа асосида ўтказилган М.о. душманга катта талафот етказади, қўшинининг қарши ҳужумга ўтишига имкон яратади.

МУЖИБУР РАҲМОН, Шайх Мужибур Раҳмон (1920.17.3, Шарқий Бенгалия, Фаридпур округи — 1975. 15.8, Дакка) — Бангладешнинг давлат ва сиёсий арбоби; бош вазир (1972—75, янв.); президент (1975, янв.-авг.). М. Р. мустамлакачиликка қарши ҳаракатларда қатнашган. Бангладешнинг ташкил қилинишига олиб келган бенгал халқ ҳаракати йўлбошчиси ва Авоми лиг (Халқ лигаси) партияси (1949) ташкилотчиларидан бири. 1975 й.даги ҳарбий тўнтариш вақтида ўлдирилган.

МУЖОҲИД (араб. — эътиқод учун, муқаддас иш учун курашчи; айнан — *жиҳод* урушининг иштирокчиси) — дин, худо йўлида жанг қилувчи киши. Илк исломда ва ўрта асрларда М. тушунчаси шу маънода талқин этилган. Ҳирик ислом руҳонийлари ёки ташкилотлари бирор урушни жиҳод (газавот) деб фатво берган ҳолдагина шу уруш қатнашчилари М.лар ҳисобланган. 20-а. бошларида Туркистон минтақасида совет режимига қарши кураш олиб борганлар ҳам уларнинг М.лар деб номланиши. Ҳоз. даврда мусулмон мамлакатларида демократик ҳаракатларга ва миллий ҳукуматларга қарши курашаётган турли гуруҳлар М. номилан фойдаланадилар.

МУЖРИМ-ОБИД — тахаллуси; асл исми-шарифи Миракҳужа Ғози, 18-а.нинг 2-ярми — ҳоз. Бухоро вилояти Вобкент тумани Кумушкент қишлоғи — 19-а.нинг 1-чорагн) — вилоятнинг шоир. Ўз даври Бухоро адабий муҳитининг табаррласт вакили. Таржимаи ҳолига оид маълумотлар етарли эмас. Баъзи манбаларда шоирнинг исми Обидхужа, отасининг исми Миракҳужа эканлиги қайд қилинган. Мирараб мадрасасида таҳсил кўрган. Дастлаб Мужрим тахаллуси б-н шеърлар ёзган. 19-а.нинг бошларида Амир Ҳайдар унга Обид тахаллусини берган. Лекин у Мужрим тахаллусидан ҳам воз кечмай, ҳар иккала тахаллус б-н ижод этган. У Амир Ҳайдар саройида мубоширлик вазифасида ишлаган. 80 йилча умр кўрган шоир ҳаётининг сўнгги йилларида қашшоқликда яшаган. Шеърларида бевафо дунёдан, адолатсиз замондан, оқибатсиз одамлардан нолиш — шикоят оҳанглари акс этган.

Туркий ижодида Навоий ва Машраб, форсий шеърларида Бедилга издошлик қилган. Унинг туркий девонида 459, форсий девонида 206 газал бор. Девонларида, шунингдек, мухаммаслари, қитъалари, рубоийлари, «Ҳасби ҳол» маснавийси мавжуд. Асарлари тўлиқ ҳолда нашр этилмаган. Ғазалларидан намуналар ҳамда қитъа ва рубоийлари босилиб чиққан. Форсий девони мукаммал эмас.

М.-О. анъанавий услубда гўзал ишқий ғазаллар яратган. Уларда сўфиёна руҳ кучли. Оғир ҳаёт йўлини босиб ўтган шоирнинг ақсар шеърларида шикоят, ҳасрат оҳанги устун. Форсий-арабий сўзлар кўп учраши жиҳатдан шеърларининг тили мураккаб, лекин услуби содда, ифода тарзи равон. Шарқ адабиётини чуқур билиши, етук истеъдод соҳиби эканлиги шеърларидан сезилиб туради. Шеърлари оҳорли ва гўзал ишлб турадн. Шеърлари теран фалсафий умумлашмалар, кескин ижтимоий фикрларга бой. Қитъа ва рубоийларида шоирнинг ахлоқий қарашлари, панд-насиҳатлари акс этган. Умуман, дунёнинг номукаммаллиги, жамият қусурлари, одамлар феълидаги иллатларни танқид қилиш шоир шеъриятининг асосини ташкил этади.

М.-Ознинг туркий ва форсийда битилган девонларининг қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №976, 1797, 3798, 9911).

Ас.: Мужрим-Обид, Ғазаллар, Т., 1960; Мужрим-Обид, Рубоий ва қитъалар, Т., 1996.

Ад.: Ўзбек адабиёти тарихи [5 жилд], 5-ж., Т., 1978; Ҳомидов Ғ., Мужрим Обиднинг туркий шеърияти, Т., 2002.

Эркин Очилов.

МУЖТАҲИД (араб. — интилувчи, ғайрат қилувчи) — ўрта асрларда исломда *ижтиҳод* ҳуқуқига эга бўлган, яъни мустақил равишда диний ақидавий ва ҳуқуқий масалалар бўйича хулоса бера оладиган ва ҳукм чиқара оладиган шахс. Сунийларда диний ҳуқуқ мазҳабларининг асосчилари, шиаларда юқори мартабали руҳонийлар ва диний ҳуқуқшунослар М.лар деб аталади.

Ислом уламолари иттифоқига кўра, Муҳаммад (с)нинг кўп саҳобалари ҳам М. бўлганлар. Чунки кейинги авлодлар улардан исломнинг авваллари фиққий илмларни олганлар. 8-а.нинг 2-ярмидан бошлаб мазҳаб асосчилари ва уларнинг усулларини ишлаб чиққан шогирдлари М. деб атала бошланган. М.лар 3 даражага ажратилган: 1. Шариат даражасидаги М. (мужтаҳид фиш-шар); у амалиётда қўлланган манбаларини ўзи аниқлаган, ўзи шарҳлаган. У ҳеч кимнинг эътирозини қабул қилмаслиги мумкин бўлган. 2. Мазҳаб даражасидаги М. (мужтаҳид фид-мазҳаб); у ҳар қандай масалани фақат ўз мазҳаби асосчиси манбаларига суянган ҳолда ҳал этган. 3. Айрим масалаларни ечиш даражасидаги М. (мужтаҳид фи-т-тараж): у ўзидан аввалги М.лар ҳал этмаган масалаларни талқин этиш ҳуқуқига эга бўлган. Агарда кўрилаётган масала бўйича ҳукмлар бир неча бўлса, у ўзининг илмий салоҳиятига кўра улардан бирини қувватлаши мумкин бўлган. М. даражасига даъвогар фақиҳ фиққий билимларни мукаммал эгаллаган, бошқа М.лар б-н бўладиган мунозараларда ва оммавий чиқишларда ўз қарашларини ҳимоя қилиши лозим бўлган. Ундан ташқари, М. араб тилини мукаммал эгаллаган, Қуръон ва унинг тафсилотларини ёд олган, камида 3 минг ҳадисни шарҳлари б-н билиши шарт бўлган. М. одоб-ахлоқи, турмуш тарзи намунали бўлиши лозим. Ҳатто исломнинг дастлабки даврларида ҳам фақиҳлар ижтиҳодининг биринчи ва иккинчи даражасига камдан-кам ҳолларда эришганлар. Кўпинча улар вафотидан сўнг шу даражада эътироф этилганлар. 11-а.дан бошлаб «ижтиҳод эшиклари ёпилган» диний ва ҳуқуқий масалалар бўйича мустақил фикр юритиш мумкин бўлмай қолди. Сунийликда олий даражалаги М.лар деб мазҳаблар асосчилари эътироф этилади. Ҳоз. вақтда айрим муфтийлар, йирик жамоа (қавмлар раҳбарлари, диний ун-тлар ректорлари ва б. баъзан учинчи даражадаги М. деб эътироф қилинади.

МУЗ — қаттиқ ҳолатдаги сув. М. асли шаффоф, рангсиз, фақат катта ҳажмдагина мовийроқ рангда. Қор ва қиров ҳам аслида М. дан иборат. Эриш т-раси — 0°, М.нинг 0°даги зичлиги 0,9168 г/см³, яъни сувникидан камроқ, шунинг учун сувда чўкмайди. М.нинг молекулар тузилиши бўшлиқларни вужудга келтиради ва шу туфайли унинг зичлиги кам. 0° даги М.нинг эриш иссиқлиги 79,4 кал/г, сублимацияга иссиқлиги (қаттиқ ҳолатдан тўғридан-тўғри бугга айланиш) 677 кал/г, иссиқлик сиғими 0,487 кал/г. Тоза М. электр ўтказмайди. М. пластик масса, т-ра пасайган сари пластиклиги камаяди. Юқори босим таъсирида (2000 атм дан бошлаб) М.нинг янги кристалли хиллари вужудга келади. Табиатдаги М. сувга нисбатан анча тоза бўлади, чунки М.да моддалар (NH_3Ғдан ташқари) жуда ёмон эрийди. М. таркибида механик аралашмалар — қаттиқ зарралар, концентрацияланган эритмаларнинг томчилари, газ пуфакчалари бўлиши мумкин. Туз кристалчалари ва намакоб томчилари тўфайли денгиз музи шўрроқ бўлади. Ер шарида М.нинг умумий захираси 30 млн. км³ чамасида. Қуёш системасидаги сайёралар ва кометаларда ҳам М. борлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Ер шаридаги М.нинг аксари қисми қутбий ўлкаларда, асосан, Антарктидада тўпланган (бу ерда М.нинг қалинлиги 4 км га етади). Ўрта Осиё тоғларининг денгиз сатҳидан 3000 м дан баланд жойларида музликлар бор. Текисликларда эса қиш совуқ келган пайтларда дарё ва б. сув ҳавзаларида пайдо бўлади. Ана шундай пайтларда, мас., Сирдарё қуйилиш жойидан бошлаб 2000 км масофада М. б-н қопланади.

М.нинг баъзи хоссалари бошқа моддалар хоссаларидан кескин фарқ қилади: бу эса табиат жараёнларида муҳим роль ўйнайди. М. сувга нисбатан енгил бўлганидан сув юзидаги М.лар дарёларни ва б. сув ҳавзаларини тубигача музлаб қолишдан сақлайди. М. (0,45) ва хусусан қорнинг (0,95) ёруғликни қайтариш хоссаси катта бўлганидан М. ва қор б-н қопланган ҳудуд (ҳар иккала ярим шардаги юқори ва ўрта кенгликларда йилига ўрта ҳисобда 72 млн. км² майдонни М. ва қор қоплаб ётади)

қуёшдан меъёрлагилан 65% кам иссиқлик олади ва ер шари юзасини совитиб турадиган кучли манба ҳисобланади: ҳоз. иқлим зоналари кўп жиҳатдан ана шу манбага боғлиқ.

Атмосфера, сув ичи ва устидаги, ер юзасидаги ва Ер пўстидаги М. ўсимлик ҳамда ҳайвонларнинг яшаш шароити ва ҳаёт фаолиятига таъсир қилади. М. бир қанча табиий офатларни келтириб чиқаради (чучвчи аппаратлар, кемалар, иншоотлар, т.й. ва тупроқнинг музлаши, дўл уриш, қор бўронлари, қор босиши, дарё ўзанига муз тиқилиб қолиб тошқин бўлиши, экинларни совуқ уриши ва ҳ.к.). Бундай зарарли ҳодисаларни олдиндан айтиб бериш, уларга қарши курашиш ва М.дан турли мақсадларда фойдаланиш (далаларда қорни тутиб қолиш, муздан кечувлар, изотермик омборхоналар ясаш, омборларнинг юзини қоплаш ва ҳ.к.), гидрометеорологик ва муҳандислик-техник билимларнинг, махсус хизматлар (муз разведкаси, қор кўчкиларини кўчириш, дўлга қарши кураш ишлари)нинг вазифасидир. Спорт мусобақалари ўтказиш мақсадида сунъий яхмалаклар ишланади. Табиий М.дан озиқ-овқат маҳсулотларини, биологик ва тиббий препаратларини сақлаш ҳамда музлатишда фойдаланилади.М.ларнинг йириндиси Ернинг узлукли пўсти — криосферани ҳосил қилади, уларнинг энг кўп сони *музликлар* шаклида мавжуд. М.ни ўрганиш б-н *гляциология, геокриология,* қисман *гидрология, метеорология ва иқлимшунослик* фанлари шуғулланади.

МУЗ ЗОНАЛАРИ, Арктика совуқ саҳролари зоналари ёки қутбий зоналар — Шим. қутб б-н Жан. қутб атрофларидаги ўлкалар. Шим. ярим шарда М.з. тахминан 70° ш.к. гача боради, жан. ярим шарда Антарктида ва унинг ён-веридаги оролларни ўз ичига олади. М.з.да иқлим ниҳоятда совуқ бўлганидан қуруқликларининг кўп қисмини кўп йиллик қор ва музлар қоплаб ётади. Муз қопламаган ерлар тошлоқли совуқ чўллардан иборат. Бундай жойларда жуда сийрак йўсин, мох ўсади. Ер юзаси кўп жойда ёрилиб кетган.

МУЗ ОҚИШИ — музнинг дарё ва кўлларда сув оқими ёки шамол таъсиридаги ҳаракати. Баҳорги М.о.да муз қопламининг эриб парчаланиши натижасида ҳосил бўлган, кузги М.о.да майда муз парчалари (шуга)нинг ўзаро бирикишидан вужудга келган катта муз бўлаклари ҳаракатланади. Кўпчилик дарёларда кузги М.о.дан олдин шуга оқиши бўлиб ўтади. М.о. пайтида дарёларда *муз тиқилиши* кузатилади.

МУЗ ТИҚИЛИШИ — муз оқиши вақтила дарё ўзанининг торайган жойлари, тирсаклар ва саёзликларда муз ивитилиб, дарёни гуриб қуйиши. Шимол оқадиган дарёларда юқори оқимда муз кўчиб қуйи қисмига келиб тўпланишидан ҳам М.т. бўлади. Амударёнинг қуйи оқимида ҳам кузатилади. М.т. баъзан тошқинларга сабаб бўлади.

МУЗАЙЯНА АЛАВИЯ (1909.20.4 Тошкент вилояти Пискент тумани — 1988.3.3, Тошкент) — шоира, фольклоршунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1968). Самарқанд педбилим юрти (1928—30), Низомий номидаги Тошкент пед. ин-ти (1934—38)да ўқиган. Тошкент шаҳар мактабларида ўқитувчи (1930—40), Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида кичик (1940—59), катта илмий ходим (1959—88). М.А.нинг «Бугунги мен» номли биринчи шеъри 1927 й. «Маориф ва ўқитувчи» журн.да босилган. Халқ ижодкорларидан кўплаб фольклор асарларини ёзиб олган ва нашрга тайёрлаган («Ок олма, қизил олма», 1972; «Совет даври қўшиқлари», 1983 тўпламлари; «Интизор», 1964, «Далли», 1972 достонлари). Ўзбек халқ қўшиқларининг бадиий-эстетик хусусиятлари, маросим фольклори бўйича талқиқотлар олиб борган. «Оламинлик» (1964), «Дил нидоси» (1967), «Ён қўшним, жон қўшним» (1974) каби рисолалари одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1973).

Ас.: Севинчларим, Т., 1959; Ўзбек халқ қўшиқлари, Т., 1959; Ўзбек халқ маросим қўшиқлари, Т., 1974.

Ад.: Қодирова М., Музайяна Алавия, Т., 1968.

МУЗАЛАР (юн. musa) — 1) юнон мифологиясида санъат, фан ва поэзия маъбудалари, Зевс ва Мнемосинанинг 9 қизи. Антик шоирлардан Гесиод (мил. ав. 7-а.) 9 музани эслатиб ўтади. Хусусан, Клио — тарих, Евтерпа — лирик поэзия, Талия — комедия, Мельпомена — трагедия, Терпсихора — ўйин, Эрато — муҳаббат лирикаси, Полигимния — гимнлар, Урания — астрономия, Кал-

Музалар ва Мусей тоғли чолғу асбоблар билан (Аттика амфорасидаги сурат, мил. ав. тахм. 440 й.).

лиопа — яхш. маъбудаларидир. Цирис ва Геликан тоғлари М.нинг сқиришган жойлари ҳисобланган. М.нинг рақибари Аполлон бўлган. М.нинг дирим номлари кенинчалик санъатнинг турли курнишларида синоним сифатида қўлланила бошланган. М.образларининг ва Европа тасвирий санъатида (С. Боттичелли, Я.Тинторетто ва б. асарларида) ўз ифодасини топган. 2) Кучма маънода М. — илҳом парилари. М. шоир ва санъаткорларга илҳом беради деб ҳисобланган.

МУЗАФФАР (1819 — Бухоро — 1885) — Бухоро амири (1860.23.9 — 1885.13.12). *Манғитлардан Насруллахоннинг* ўғли. Отаси даврида Карманата ҳокимлик қилган. Амир Насрулла вафотидан сўнг, Бухоро тахтига ўтирган. Отаси томонидан Карманата сургун қилинган кишиларни Бухорога қайтариб, юқори лавозимларга тайинлаган. Марказий ҳокимиятга бўйсунишни истамаётган Ҳисор, Шаҳрисабз, Дарвоз, Кўлоб, Балжувон бекликлари ва Кўқон устига юриш қилиб, уларнинг қаршилигини енган (1863—65). *Маллахон* томонидан тахтдан туширилган Кўқон хони *Худоёрхон* Бухорога қочиб келганида хонлик тахтини қайта эгаллаши учун унга ҳарбий ёрдам берган (1861). М.нинг ҳукмронлик даври Россиянинг Ўрта Осиё хонликларига қарши ҳарбий ҳаракатлари кучайган даврга тўғри келади. Россия б-н бўлган келишмовчиликларни тинч йўл б-н бартараф этишдан умидини узмай, у Нажмиддинхўжа бошлиқ элчиларни Петербургга жўнатди (1865 й. июль). Бироқ, кўзланган мақсадга эришилмай, икки ўртада ҳарбий ҳаракатлар бошланди. М. қўшини б-н генерал Романовский бошчилигидаги Россия ҳарбий кучлари ўртасидаги дастлабки тўқнашув Жиззах б-н Ўратепа ўртасидаги Эржар (Майдаюлғун)да бўлиб, унда Бухоро қўшини маглубиятга учраган (1866.8.05). М. муфти Муҳаммад Порсо бошчилигидаги элчиларни Афғонистон ва Ҳиндистон орқали ёрдам сўраб Истанбулга юборса ҳам, рад жавобини олган. 1868 й. 2—3 июнда *Зирабулоқ жангида* маглубиятга учрагач, 1868 й. 23 июнда Самарқандда имзоланган Россия—Бухоро сулҳ шартномасига кўра, Бухоро амирлиги Россияга тобе бўлиб қолган. Ўғли ва валиаҳд *Абдулмалик* (Катта тўра) Россия босқини ва отаси ҳукмронлигига қарши Шаҳрисабз ва Китобда қўзғолон кўтарганда М. рус қўшинлари ёрдамида уни бостирган (1870). М. даврида Бухоро амирлигининг Россияга қарамлиги кучайиши б-н бир қаторда шиаларнинг таъсири ҳам ортган. Бухородаги Эшон Имло мозорида

лафи этилган М. фаолияти *Ахмад Донишнинг Мирзо Абдулазим Сомий Бехбудий, Мирзо Салимбек, С. Айний, Фитрат* каби бухоролик тарихчилар асарларида ўзининг тасдиғини топган.

Ад. Мирза Абдалазим Сами, Тарихи салтанати-и манғитийа, М., 1962; Тракт Ахмад Дониш, История мангитской династии, Душанбе, 1967; Айни С., Историческая записка (Собрание сочинений, т. 6 и 6 доп.), М., 1975; Фитрат, Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври, Т., 1992.

Қаҳрамон Раҳимов

МУЗАФФАР АЛИ (16-а.) — миниатюрачи мусаввир. *Ҳирот миниатюра мактабининг* намондаси. Камолиддин *Бехзод*нинг жияни. Ҳиротда, кейинчалик Табриз, Исфаҳонда ишлаб ижод этган. Бехзод анъаналарини давом эттирган, кўпгина шогирдлар тайёрлаган.

Музаффар Али. «Баҳром Гўр овда» (1539—43, Британия музейида).

Низомийнинг «Хамса» (1539—43, Британия музейида), Фирдавсийнинг «Шоҳнома» (1537, Париждаги Ротшильд мажмуасида) асарлари ва б. қўлёзмаларни, Исфаҳондаги «Чиҳил сутун» қасрини нақш ва тасвирлар б-н бадиий безаган.

МУЗАФФАР МИРЗО, Музаффар Ҳусайн Мирзо (1473—1509) — *Ҳусайн Бойқаро*нинг 6-ўғли. Онаси — Ҳадича бегимдир. М. М. табиатан ҳудбин, ўжар ва тантиқ эди. Ҳадича бегим М. М.ни валиаҳдлик этиб тайинлашга уринган. Бироқ удумга кўра, валиаҳдлик Султоннинг катта ўғли Бадиузzамон Мирзонинг ҳаққи эди. Севикли хотини Ҳадича бегим таъсирига тушиб қолган Султон М. М.ни қуроқ суғди. Султоннинг бу ҳаракати бошқа ўғилларига ёқмас, натижада улар доим оталарига қарши ҳаракатда бўладилар. 1497 й. Ҳусайн Бойқаро М. М.га энг бой ва маъмур Астробод вилоятини инъом қилади. 1506 й. май ойида Ҳусайн Бойқаро *Шайбонийхонга* қарши йўлга чиқиб, Бобо Илоҳи мавзеида вафот этади. Ҳадича бегимнинг розилиги билан ўн-н мамлакат тахтига Бадиузzамон Мирзо ва М.М.лар ўтирадилар. Мамлакатда қўш ҳукмдорлик вужудга келади. Ҳар 2 шаҳзода ўз тахтгоҳини Ҳиротнинг 2 чеккасига қурдан. 1507 й. Муҳаммад Шайбонийхон Хуросонга кириб, 1-жангдаёқ ҳар 2 шаҳзоданинг қўшинини тор-мор этиб Ҳиротни эгаллайди. Бадиузzамон Мирзо Синдга, М. М. эса, Астрободга қочади. 1509 й. М. М. Астрободда бедаво дардга учраб 37 ёшида вафот этади.

МУЗАФФАРИЙЛАР ДАВЛАТИ — 14-асрнинг 40—50-йиллари бошида Эронда мавжуд бўлган давлат. *Ҳулокўйилар давлати*нинг инқирозидан кейин вужудга келган. Унга мўғулларнинг Яздаги нойиби Муборизиддин Муҳаммад ибн Музаффар (Элхонийларнинг Яздаги нойиби) асос солган. У Эрондаги мўғул давлатининг таназзулга учрагандан фойдаланиб, Кермон (1340), Форс (1353) ва Исфаҳон (1356)ни ўз давлатига қўшиб олган. *Амир Темур* 1393 йда Жан. Эронни босиб олгандан кейин М.д. барҳам топган. Ҳ. Қазвинийнинг «Тарихи гузида» («Танланган тарихлар») асарида М.д. тарихини Маҳмуд Кутбий (15-а. боши) ёзганлиги қайд этилган.

М. д. ҳукмдорлари: Муборизиддин Муҳаммад ибн Музаффар (1314—58); Шоҳ Маҳмуд (1358—64); Жалолиддин Шоҳ Шужоъ (1364—84); Мансур (1387—93).

МУЗАФФАРОВ Аҳрор Музаффарович (1909.1.9, Чимкент ш. — 1987.22.5, Тошкент) — биолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (1960), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), биол. фанлари д-ри (1952), проф. (1955). Тошкент билим юртини тугатган (1929). Фарғона педагогика ин-ти доценти (1944 й.дан), Марғилон ўқитувчилар ин-ти директорининг ўқув ва илмий ишлар бўйича ўринбосари (1945 й.дан). Ўзбекистон ФА Ботаника ва зоология ин-тида катта илмий ходим (1946—48), ихтиология ва гидробиология бўлими бошлиғи (1949—50). Ўзбекистон ФА Ботаника ин-ти спорали ўсимликлар лаб. мудири (1950—56), директори (1956—60). ТошДУ биол. ва тупроқшунослик ф-ти тубан ўсимликлар кафедраси мудири (1955—62). Ўзбекистон ФА Президиуми аъзоси ва биол. бўлими бошлиғи (1960—70), ФА микробиология бўлими бошлиғи (1970—77), 1985 йдан ФА Президиуми биол. фанлари бўлимининг акад. котиби. М. Ўрта Осиё тоғларидаги сув ҳавзаларининг сувўтлар флорасини, биринчи марта сувўтларнинг тарқалиш қонуниятларини ўрганди. Сувўтларни сунъий йўл б-н кўпайтириб, улардан халқ хўжалигининг турли тармоқларида фойдаланиш мумкинлигини исботлаб берди. Шогирдлари б-н сув ўсимликларидан ифлосланган сувларни биологик усулда тозалаш, атмосфера азотини тўпловчи кўк-яшил сувўтлардан пахтачилик, галлачилик ва шолиқорликда фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1979).

Ас.: Флора водорослей горных водоёмов Средней Азии, Т., 1958; Флора водоёмов Средней Азии, Т., 1965; Хлорелла, Т., 1974 (ҳамкорликда).

МУЗАҲҲИБ (араб. — зарҳалловчи) — ҳал берувчи уста. *Китобат санъатида* қўлёзма китобларнинг муқова, сарлавҳа, унвон ва саҳифаларини, наққошликда бино ва буюмларнинг нақшларини олтин ёки кумуш суви югуртириб безаган.

МУЗБЕЛ ДОВОНИ — Чатқол тизма тоғлари (Тошкент вилоятида)даги довон. Бал. 3060 м. Оҳангарон водийсидаги Янгиобод ш.дан чиққан йўловчилар Дукантсой, Алатанга, Музбел сойларининг водийларидан М.д.га, ундан Музбел тизмаси сувайиргичи орқали Тераклисой, Оқбулоқсой, Чатқол дарёси водийларига, сўнгра Бурчмулла қишлоғига ўтишлари мумкин. Довондан июнь-сент. ойларида фойдаланиш хавфсиз.

МУЗБЕЛ ТИЗМАСИ — Чатқол тоғлари тармоғи (Тошкент вилоятида)даги тизма. Тераклисой ҳавзасида жойлашган. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа йўналган. Уз. 20 км. Энг баланд жойи 2510 м. Ўрта карбон даврининг гранодиорит, гранит, оҳактош, сланец, қумтошларидан тузилган. Унчалик парчаланмаган, симметрик жойлашган, ён бағирларини сойлар (Қорабузуқсой, Реваште) булоқлардан тўйинади. Жигарранг тупроқларда сийрак арчазорлар тарқалган. Қуйи ярусда буталар, бўтдойиқ ва б. турли ўтлар ўсади. Ёзги яйлов сифатида фойдаланилади, маҳсулдорлиги гектарига 3—5 ц.

МУЗЕЙЛАР (юн. *musion* — музаларга бағишланган жой) — тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни тўплаш, сақлаш, ўрганиш ва тарғиб қилиш ишларини амалга оширувчи илмий, илмий-маърифий муассасалар. М. хазинасида, асосан, моддий ва тасвирий нарсалар, шунингдек, санъат асарлари жамланади, шу б-н бирга ёзма манбалар (қадимдан ҳоз. давргача бўлган тарихий қимматга эга қўлёзмалар, босма ҳужжатлар, китоблар) сақланади.

Замонавий М.нинг кўпларига тадқиқот ва таълим-тарбиявий вазифаларнинг бир бутунлиги хос. М.нинг ўзига хос илмий оммавий ва тарбиявий шакллари — экспозиция, кўргазмалар.

Замонавий илмий таснифда М. тур ва соҳалар бўйича фарқланади. Ижтимоий вазифасига кўра илмий тадқиқот-маърифат (М.нинг асосий қисмини ташкил этади, баъзан улар халқ М., оммавий М. деб ҳам аталади), тадқиқот (илмий тадқиқот ин-тлари қошида ўзига хос лаб. вазифасини ўтовчи) ва ўқув М.ига бўлинади. Соҳалар бўйича тарих, қ.х., табиатшунослик, санъатшунослик, адабиёт, техникага оид ва бошқа М.га бўлинади. Шунингдек, М.нинг *мемориал музейлар*, мажмуа ўлкашунослик каби турлари бор.

М. катта илмий тадқиқий ва тарбиявий ишларни олиб боради: тўпламларни бутлайди ва ўрганади; илмий ҳужжатларни тайёрлайди, музей ашёларини сақлаш ва таъмирлаш тартибини яратади, монография, каталог, йўл-кўрсаткичлар нашр этади; замонавий *музейшунослик* ишлаб чиққан илмий усул ва методология асосида экспозицияларда илмий ташвиқотлар олиб боради. Томошабинлар б-н ишлашнинг энг муҳим шакли экскурсиядир.

Сиёсий, илмий, маданий, иқтисодий эҳтиёжларни қондирувчи М.нинг пайдо бўлиш тарихи узоқ қадимга бориб тақалади. М.нинг ўтмишдошлари табиат ва ижтимоий ҳаётдан олинган асл буюмларни ҳўжалик мақсадларида ва моддий бойлик сифатида эмас, балки мемориал гувоҳнома ва эстетик қимматли асл нарсалар сифатида сақлана бошлаган даврда юзага келган. Критдаги Кнос сарой хазинаси (мил. ав. 16-а.), Вавилон саройи ва инк қоҳинларининг архиви (мил. ав. 13—12-а.лар, Хитой), Ниневия сарой кутубхонаси (мил. ав. 7-а.) ва б. шулар жумласидан. Қадимдан ибодатхона, кейинроқ хусусий тўпламларда (мил. ав. 3-а.дан) асосан санъат асарлари жамланган (Варрес, Сулла галереялари, Сервилий, Красс, Лукулл, Помпей, Цезарь ва б. тўпламлари). Византия собор ва монастирларида, кейинроқ Франция, Италия, Германия ва б. мамлакатлар соборларида турли хил тўпламлар сақланган. Европада илмий вазифалар юклатилган М.нинг пайдо бўлиши буюк географик кашфиётлар, амалга ошаётган давр — Уйғониш даврига тўғри келади; бу даврда ҳайвонот ва ўсимлик дунёси намуналари, минераллар, геология ва астрономия асбоблари, этнографик аҳамиятга эга нарсалар жамланган; табиий, илмий, этнография ва тарихий-бадиий ноёб нарсалар жамланган сарой тўпламлари (кунсткамералар, мюни-кабинетлар ва б.) шуҳрат қозонган. Дастлаб М. ва улар ҳақидаги дастлабки тавсифлар, шунингдек, музейшунослик ҳақидаги назарий асарлар ҳам шу даврда пайдо бўлди. Флоренция (Л. Медичи, 15-а.), Рим (Ватикан музейи, 16-а.), Дрезден (Август Саксонский, 16-а.) ва б. жойлардаги антик давр ёдгорликлари тўпламлари шу даврга мансуб. 17—18-а.ларда кейинчалик кўплари давлат миллий М. негизини ташкил қилган хусусий тўпламлар (тарихий, археологик, табиатшунослик, санъатшунослик) шаклланди.

Ўзбекистонда М. 19-а.нинг 2-ярмида ташкил этила бошлаган. 20-а. бошида Ўзбекистонда фақат 3 музей — Тошкент ўлкашунослик музейи (1876, ҳоз. *Ўзбекистон тарихи музейи*), Самарқанд халқ музейи (1896, ҳоз. А. Икромов номидаги *Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи*), Фарғона халқ музейи (1899, ҳоз. *Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи*) бор эди. Уларнинг тўпламлари кам, экспозицияларининг кўпи тасолифий материаллардан ташкил топган. 20-а. 20-й.ларидан турли соҳалари М. ташкил этила бошлади. Музейлар ва маданият ёдгорликлари давлат ихтиёрига ўтказилиб, муҳофаза қилина бошланди. Илмий экспедициялар уюштирилиб, М. учун коллекциялар тўплаш иши йўлга қўйилди, кўплаб М. ташкил этилди. Ҳозир Ўзбекистондаги М.нинг асосий қисми Ўзбекистон маданият ишлари вазирлиги қарамоғида. Йирик М.: Ўзбекистон тарихи музейи, Темурийлар тарихи давлат музейи, Ўзбекистон санъат музейи (1918), А. Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти ва санъати тарихи музейи, Ўзбекистон табиат музейи (1876) ва б., Республиканинг деярли барча вилоятларида ўлкашунослик М.и, жаҳон аҳамиятига молик мемориал М. бор.

М., таълим-тарбия ва илмий вазифаларга эга бўлган М. тизими тараққиётига объектив эҳтиежлар ортиб бормоқда. АҚШ, Италия, Франция, Буюк Британия, Германия, Россия ва б. мамлакатлар ни тараққи этган М. тизимига эга.

М.нинг халқаро майдонга чиқиши б-н уларнинг таъсир доираси кенгайиб бормоқда. Бунда кўргазмалар алмашинуви биринчи ўринда туради. М. жаҳонининг турли мамлакатларида ўтказиладиган юборади, янги пайдо чет мамлакатларнинг кўргазмаларини ўз-ларида қабул қилади ва кўргазма ҳамда М.да намойиш этади. М. халқаро маданият алоқаларини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. миллий маданиятларнинг ўзаро бойиши ва халқлар ўртасида ҳамфикрликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшмоқда.

Жаҳон М.и халқаро ташкилотга бирлашган, ЮНЕСКО таркибида Музейлар халқаро кенгаши (ИКОМ) мавжуд, унинг таркибига миллий М.нинг қўмиталари кирган.

Ад.: Садыкова Н. С., Музейное дело в Узбекистане, Т., 1975; Садыков Х., Глаголь Ю. И., Цой Е., Музеи Узбекистана, Т., 1978; Содикова Н. С., Маданий ёдгорликлар ҳазинаси, Т., 1981.

Нафиса Содиқова

МУЗЕЙШУНОСЛИК, музеология — музейлар тарихи, уларнинг ижтимоий вазифалари, музей иши назарияси ва методикаси масалаларини ўрганадиган фан тармоғи. М. тизимига музей иши назарияси, музей иши тарихи (музей тарихшунослиги б-н), музей манбашунослиги, музейлар ва музей тадқиқотлари фаолиятига доир барча ўзига хос томонларни ўрганувчи илмий методика киради. М. музей буюмларини жамлаш, музейга келувчиларни ўрганиш жараёнида дала тадқиқотлари усуллари ва бевосита мунтазам қузатув ишлари, ижтимоий усулларни қўллайди.

М.нинг бошқа фанлар б-н ҳар томонлама узвий боғлиқлиги унинг объектив жиҳатдан мураккаблигини белгилайди. М. ҳам ижтимоий, ҳам табиий фанлар б-н бирлек боғлиқ, айниқса, музейнинг мавзуига оид фанлар ва ёрдамчи фан соҳалари (тарих, археология, геология, этнография, адабиётшунослик, зоология, санъатшунослик ва б.) б-н умумий томонлари кўп. М.да музейларнинг табиат ва жамиятни ўрганиш б-н узвий боғлиқ бўлган манбаларни жамлаш, музей буюмларини илмий ҳужжатлаштириш, ўрганиш ва сақлаш, экспозиция ва кўргазмалар ташкил этиш, илмий-маърифий, ғоявий-тарбиявий фаолияти ва б.да намоён бўладиган ижтимоий вазифалари устида тадқиқотлар олиб боради.

Музейларни тўлдириш, ёдгорликларни ҳисобга олиш, сақлаш ва реставрация қилишнинг илмий тамойиллари ишлаб чиқилади.

М. соҳасидаги ишлар йирик музейлар, таъмирлаш устахоналари ва и. т. ин-тларида амалга оширилади. Халқаро миқёсда музей ишини мувофиқлаштириш ва тажриба алмашиш ишларини кўп мамлакатларда миллий қўмиталари бўлган ЮНЕСКО қошидаги Халқаро музейлар кенгаши (ИКОМ) амалга оширади.

Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларда М. масалаларига бағишланган журнал-лар чоп этилади (ЮНЕСКО нинг «Museum» жур. ва б.), илмий тадқиқот ин-тлари, илмий марказлар, кафедралар мавжуд.

Ўзбекистондаги йирик музейларда М.ка доир и.т. ишлари олиб борилади. Айниқса, «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида» ЎзР Президентининг 1998 й. 12 январдаги фармони М. соҳасида бўлиши ҳам кўра, мамлакат Маданият ишлари вазирлиги, бошқа вазирлик ва идораларга тегишли барча турдаги мавжуд музейлар фаолиятини мувофиқлаштириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга зарур илмий-услубий ёрдам кўрсатишни таъминлаш мақсадида вазирлик қошида музейларни қўллаб-қувватлаш республика «Ўзбекмузей» жамгармаси ташкил этилди. Унинг фаолиятининг асосий йўналишлари қаторида М.да умумий снёсатни амалга оширишни таъминлаш, М. соҳасида халқаро алоқаларни, ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш. Ўзбекистон ва хорижда кенг кўргазма фаолияти орқали мамлакатнинг бой тарихи, бутунги ютуқларини дунё жамоатчилигига таништириш, музейларда сақланаётган ноёб экспонатларни жаҳон миқёсида тарғиб этиш; М.ка замонавий техника воситаларини татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланишга оид дастурлар и.ч. ва уларни амалга оширишга кўмаклашиш белгиланди. М. соҳасига оид илмий-амалий, маънавий-маърифий, рангли «*Мозийдан садо*» жур. нашр этилади.

Машҳура Шарипова, Гавҳар Фузилова.

МУЗЕЙ-ҚЎРИҚХОНА — табиий тарихий, моддий ва маънавий ёдгорликларни сақловчи илмий-тадқиқий ва маданий-маърифий муассаса; таркибига экспозициядан ташқари қўриқхона ҳудудида жойлашган меъморий, тарихий ва б. ёдгорликлар ҳам кирадиган музейлар. М.-қ.нинг тарихий-бадиий, тарихий-меъморлик, тарихий-маданий, ҳарбий-тарихий, шунингдек комплекс (мажмуа) турлари бор.

МУЗЁРАР — музлаб қолдирган сув ҳавзалари (кўллар, дарёлар, океанлар) да кемалар қатнови учун йўл (канал) очиб берадиган эшкак винтли кема. У музни тумшуги б-н ўз оғирлик кучи таъсирида ёриб ва ёни б-н синдириб йўлни кенгайтириб боради. М.нинг тумшуги ва қўйруги ўткир қиррали қилиб, мустаҳкам пўлат қоплаб ясалади. Тумшуги муз сиртига чиқиб тушиши учун 20—35° қия қилинади. Эшкак винтлари битта, баъзида иккита ёки учта бўлади. М. бош турбинаси (двигатели)нинг қуввати — 55мВт га етади. Биринчи кучли М. — «Пайлот» 1864 й. Россияда қурилган (двигателининг қуввати 44,2 кВт). Кейинчалик СССР, АҚШ, Канада, Финляндия, Швеция, Данияда йирик М.лар ясалган.

МУЗКЎЛ ТИЗМАСИ — Шарқий Помир (Тожикистондаги тизма. Мургоб дарёсидан шим.да. Асосан кенглик бўйлаб чўзилган, шим.га ёйсимон букилган. Уз. 110 км. Энг баланд жойи 6233 м. Аксари метаморфик сланец, оҳактош ва қумтошлардан таркиб топган. Баланд жойлари тог-музлик рельефига эга; музликлар бор. Тик ён бағирларида қор ва қурум тошлар, этакларида баланд тог сийрак чўл ўсимликлари учрайди.

МУЗЛАГАН ТОҒ ЖИНСЛАРИ — таркибида муз сақловчи табиий минерал ва органик-минерал агрегатлар. Ер пўстининг энг юқори қатламида унинг қисқа муддат, мавсумий ва кўп йиллик яхлашидан вужудга келади. Узлуксиз музлаган ҳолатда бўлган вақтига қараб қисқа муддатли ва мавсумий музлаган (бир йиллан кам муддат), бир йилдан икки йилгача ва кўп йиллик (икки йилдан ортиқ) музлаган тог жинсларига бўлинади. Агар тог жинслари 0° дан паст т-рада совиб таркибида муз сақламаса улар совуқ тог жинслари дейилади.

МУЗЛАНИШ — 1) Ер юзасида узоқ давр мавжуд бўлган табиий музлар, асосан музликларнинг йиғиндиси. Мас., Кавказ, Помирдаги тог музликлари, ёки Антарктида, Гренландиядаги материк типидаги музликлар; 2) иқлимнинг совиши натижасида музликлар майдонининг анча кенгайиш жараёни. Қ. *Музлик даври, Антропоген система (давр).*

МУЗЛИК — шароит қулай жойларда қор тўпланишидан ҳосил бўлиб, қия томонга силжиб турувчи муз массаси. Қор чегарасидан юқорида рельефнинг ботиқ жойида тўпланадиган қорнинг зичланишидан вужудга келади. Ер юзасида ҳоз. вақтдаги М.лар майд. 16,1 млн. км² дан ортиқ (қ. *Музликлар*). М.лар жойлашган ўрни ва шаклига кўра тог М. ва текислик М.га бўлинади. М. нишаб томонга сурилиб туради. 1° қияликда ерда М. силжиши учун қалинлиги 55—60 м бўлиши керак, 45° қияликда 1,5—2 м қалинликдаги муз силжийди. М.нинг силжиш тезлиги муз т-расига, жойнинг қиялигига ва муз қалинлигига боғлиқ. М. кунига бир неча мм дан 2—3 м гача силжиши мумкин. Тог музликлари дарёларни сув б-н тўйинтирувчи манбадир. Баъзан силжиб бориб, водийларни тўсиб қўяди ва сув тошқинларига сабаб бўлади.

МУЗЛИК ДАВРИ — Ернинг геологик тарихида ниебатан узоқ давом этган давр. У даврда иқлимнинг умумий ниебий совиши натижасида жуда совуқ бўлган вақт (бунда йирик материк музликлари вужудга келган) музлик иқлимли вақт б-н кўп марта алмашиниб турган. Иқлим илиқлашганда (музликлараро давр) материк музликларининг кўп қисми эриб кетган. Шим. Америкаиинг кўпи протерозойда, Африка ва Австразиянинг юқори рифейида, Осиё ва Шим. Америкаиинг вендида, Африканинг ордовикида, Гондвана материгининг карбон охири ва перм бошида аниқланган. Плейстоцен М.д. энг кўп ўрганилган (қ. *Тўртламчи система (давр).*

МУЗЛИК ЁТҚИЗИҚЛАРИ — ҳосил бўлиши ҳоз. ёки қад. тог музликлари ва материк муз қопламлари б-н генетик боғлиқ бўлган геологик ётқизиқларнинг катта гуруҳи. Музлик (гляциал ёки морена) ва сув-музлик ётқизиқларига бўлинади. М.ё. музлик ўрнида муз б-н келтирилган чақиқ жинслардан вужудга келади. Ҳар хил ўлчамдаги бўш тог жинслари, валунлар, қумтошлар, қум ва ҳ.к.дан иборат. Сув-музлик ётқизиқлари музлик ичида ва чеккаларида эриган сув оқими б-н ҳосил бўлади. М.ё.нинг барча турлари мураккаб бирикмадир. Антропоген даврида катта материк музликлари бепоён майдонларни қоплаб ётган.

МУЗЛИК НАЗАРИЯСИ — Ер юзасида бир неча марта жуда катта майдонларни қоплаган музликларнинг ривожланиши ҳақида илмий тасаввурлар системаси. Тоғларда қад. музликларнинг ҳоз.га қараганда бир неча марта кўп тарқалганлиги ҳақида ғоя Альп тоғларини тадқиқ этган олимлар томонидан 18-а. охиридаёқ илгари сурилган эди. Европа ва Шим. Америкадаги катта майдонларда сочилиб ётган ва ўзининг асли пайдо бўлган жойидан юзларча ва минглаб км узоққа олиб борилган тог жинсларининг келиб чиқиши ўрганил-

ди. Ётқизиқлар ва валунлар тоғ олди ва текисликларга музлик ҳаракати б-н келтирилганлиги маълум бўлди ва кўпчилик олимлар томонидан эътироф этилди. М.н., асосан, Ер тарихининг охирги босқичига тааллуқли бўлиб, бу даврда кенг майдонлар муз б-н қопланган. Бу тояга асосан музлик б-н қопланиш бир неча марта такрорланган (полигляциализм). Плейстоцен давомида совуқ (муз қопланиши, глянциалар) ва илиқ (музликлараро, интерглянциаллар) даврлар алмашиниб, ўрта кенгликларда муз қоплами тоҳо эриб, тоҳо яна босиб турган. Ҳоз. замон тасаввурига кўра иқлимнинг бир неча марта алмашиниши илмий асосланган. Иқлимнинг бир неча марта кучли совиб кетиши натижасида муз босишининг такрорланиши Ернинг геологик тарихида охирги даврдан ташқари анча қад. геологик ўтмишда ҳам содир бўлганлиги аниқланган.

МУЗЛИКЛАР — силжиб турадиган табиий *муз* тўпламлари. Бир суткада бир неча *см* дан ўнлаб *м* гача силжийди. М. кўп йиллар давомида тўпланган қорлардан пайдо бўлади. Қутб ўлкаларида (Антарктида, Гренландия ва шим. ороллар да) қалинлиги 2 —3 км га етадиган муз қатламлари ҳосил бўлади. М. морфологик жиҳатдан 3 турга: ер усти музлиги, тог музлиги ва қирғоқдаги денгизга томон ястаниб ётган шельф туридаги музликка бўлинади. Тог музлигининг йириклари: Аляскадаги Беринг (170 км), Помирдаги Федченко (77 км), Қорақурумдаги Сиачен (75 км) ва б. Энг йирик тог музлиги Ўрта Осиё тоғларида. Ер юзидаги М.нинг умумий майд. 16,1 млн. км² дан кўпроқ (қуруқликнинг тахм. 11%), ҳажми тахм. 30 млн. км³. Шундан 15 млн. км² қутб музлиги ҳисобланади. Тянь-Шанда 8622 км², Помирда 8400 км², Катта Кавказда 1430 км², Франц-Иосиф ерида 13735 км², Новая Землида 22423 км², Северная Землида 12472 км², Камчаткада 866 км², Олтойда 800 км² дан кўпроқ музлик бор.

Эльбурс тог массивидаги музликлар.

Чогори тоғидаги музлик.

М. қурилиши ва хусусиятлари жиҳатидан ҳам бўлинади. Мас., остки қавати қаттиқ музлар иборат фирн музлиги, сўнган вулкан кратерларида жойлашган кальдера музлиги, юқори қисмига қор тўпланадиган қанд. қуйи қисми музлик тилидан иборат водий музлиги ва ҳ.к. Булардан ташқари, водийда шарпарага ўхшаб осилиб турган осма водий музлиги, тоғнинг икки ён бағрига оқиб тушган хуржун шаклидаги музлик (Помирдаги Наливкин музлиги), ясситоғларда жойлашган Скандинавия типидаги музлик, материкни қоплаб олган Гренландия типидаги материк музлиги (Арктика ва Антарктидада) бор. М. чучук сув манбаи ҳисобланиб, айниқса, қурғоқчил р-нларда (мас., Ўрта Осиёда) катта аҳамиятга эга. Ўрта Осиё тоғларида 7000 га яқин катта-кичик М. бор. Уларда тахм. 2000 км³ сув бўлиб, у Ўрта Осиё дарёларидан деярли 12 йил давомида оқадиган сув миқдорига тенг. Ўзбекистондаги кўпгина йирик дарёлар, мас., Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Чирчиқ, Сўх ва б. М.дан бошланади ва республика халқ хўжалигидаги ширкат ва деҳқон фермер хўжаликлари ерларини сув б-н таъминлашда катта аҳамиятга эга. М.даги сув ресурсларидан тўғри ва рационал фойдаланиш учун музлик режимини, ташқи ва ички жараёнларини билиш лозим. Бу ишлар б-н асосан, *гляциология* фани шуғулланади. Ўрта Осиёдаги М., асосан, Ўзбекистон ФА, Ўрта Осиё Гидрометеорология ин-ти ва қўшни мамлакатлар илмий марказлари томонидан ўрганилмоқда.

МУЗЛИКЛАРАРО ДАВР (интерглянциал) — *тўртламчи система* (*давр*)даги совуқ музлик иноҳаларни оралиғида иқлимнинг нисбатан илиқланиш даври. М.да мўътадил кенгликларда муз қоплами бутунлай эриб кетган.

МУЗЛОҚ ЕРЛАР — қ. *Ҳамиша музлоқ ер*.

МУЗОРАЪА (араб. — чоракорлик) — ислом мамлакатларида суториладиган ердан олинадиган ҳосилнинг бир қисми эвазига ижарага бериш. М. тахм. 14-а.дан бошланиб, шартномаси ёзма шаклда тузилиб, натура б-н тўланадиган ижара ҳақи аниқ белгиланган. М. амалда ерсиз деҳқонларни ирик ер эгаларига тобе қилиб қўйган.

МУЗРАБОТ ТУМАНИ — Сурхондарё вилоятидаги туман. 1968 и. 25 декда ташкил этилган. 1994 и.гача Гагарин тумани деб аталган. Вилоят ҳудудининг энг жан. қисмини эгаллайди. Шим.да вилоятнинг Шеробод ва Қизириқ, шарқда Ангор туманлари, жан.-шарқда Термиз тумани, жан.да Амударё орқали Афғонистон, ғарбда Туркманистон б-н чегарадош. Майд. 0,74 минг км². Аҳолиси 99,1 минг киши (2002). Туманда 9 қишлоқ фуқаролар йиғини (Бешқўтон, Болдир, Гулистон, Музработ, Нашбаҳор, Ободон, Халқобод, Шўроб, Қорақамар) бор. Туман маркази — Халқобод қишлоғи.

Табиати. Туман ҳудуди асосан, текисликдан иборат, шим.дан жан.га Амударёга томон пасайиб, ғарби Қўҳитанг тоғининг жан. қисмига ёндашади. Ўртача т-ра янв.да 0° дан 2° гача, июлда 37°—42°. Ёзи узоқ, иссиқ ва қуруқ. Йиллик ёғин миқдори 110—120 мм. Вегетация даври 250—280 кун. Туманда Афғон шамолининг таъсири кучли. М.т. ҳудудидан Қорасув дарёси, Музработ дарвозаси.

работсой ва Занг канали оқиб ўтади. Тупроғи бўз тупроқ, шўрхок, тақирлар ҳам учрайди. Ёввойи ўсимликлардан шитоқ, тиғмалоқ (туяқорин), саксовул, қамиш ўсади, ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўри, жайра, илон, тошбақа, Амударё соҳилларида қобон, қоплон учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; шунингдек, тожик, рус, туркман ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 133 киши (2002).

Хўжалигининг асосини қ.х. ташкил этади. Пахта тозалаш ва асфальт, ёг-мой з-длари, 1 қўшма корхона, 8 пахта тайёрлаш пункти, машина хизмат кўрсатиш, дон маҳсулотлари к-тлари ва б. корхоналар бор. Қ.х. асосан, пахта етиштириш ва деҳқончиликка ихтисослашган. Суғориладиган ерлар 36066 га, шу жумладан, 15505 га ерга пахта, 13298 га ерга ғалла, 473,5 га ерга беда, 206,5 га ерга картошка, 745 га ерга ем-хашак экинлари, 571 га ерга сабзавот ва полиз экинлари экилади, 18 га ер боғлардан иборат. Туманда 9 ширкат хўжалиги, чорвачилик мажмуоти, 562 фермер хўжалиги, 6 фермер хўжаликлари уюшмаси мавжуд. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 27,4 минг қорамол, 34,6 минг қўй ва эчки, 60,5 минг парранда бор. Туманнинг жан. дан т.й. ўтган. 54 умумий таълим мактаби (30 мингта яқин ўқувчи), 4 коллеж ва лицей, 25 кутубхона, 29 клуб ва маданият уйлари ишлаб турибди. 3 касалхона, поликлиника, 12 дорихона ва б. тиббий муассасаларида 124 врач ва 745 ўрта тиббий ходим ишлайди. 1969 и.дан «Меҳнат зафари» туман газетаси чиқарилади (аввал 2000). Туман ҳудудида жез даврига оид Сополлитепа, Кампиртепа (мил. ав. 3—мил. 3-а.), Қоракамар горлар мажмуоти (1-а.), Бузрукота меъморий мажмуаси (15-а.) ва б. қад. ёдгорликлар бор.

Музработ туманидаги ун комбинати.

МУЗРАБОТСОЙ (ўрта оқимида Кампиртепасой) — Сурхондарё вилояти Шеробод ва Музработ туманлари ҳудудидаги сой. Қўҳитанг тоғининг жан.-шарқий ён бағридан (3139 м) бошланади. Уз. 62 км, ҳавзасининг майд. 126 км². М.нинг бош қисми Мачайлисой деб юритилади. Баҳорда унга умумий уз. 63 км бўлган 30 га яқин сой қўшилади. М.нинг ўнрик ирмоқлари Томчилисой, Анжирбулоқ М.дан Шеробод чўлидаги хўжаликлар сув олади.

МУЗРОБШОҲ ХОРАЗМИЙ МАҚБАРАСИ — Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги меъморий ёдгорлик (16—18-а.лар). Мақбара Хоразм давлат ва дин арбоби Музробшоҳга аталган. Бир хонали, пештоқ гумбазли, пишиқ ғиштдан қурилган, безаксиз. Мақбара тарҳи 7,3×8,3 м, гўрхона мурабба тарҳли 4,9×4,9 м. Пештоқи хоразм меъморлигига хос услубда — кираверши чуқур равоқли, икки ён томонларига ва тепасига майда равоқчалар ишланган. Юқориси ғиштин шарафа б-н якунланган.

Ад.: Маньковская Л., Булатова В., Памятники зодчества Хорезма, Т., 1978.

Музробшоҳ Хоразмий мақбараси.

МУЗТОҒ — қ. *Айсберг*.

МУЗТОҒОТА — Қашқар тог тизмасидаги гумбазсимон чўққи (7555 м), Хитойнинг ғарбий қисмида. Гнейс ва кристалли сланецлардан таркиб топган. Қалин муз қатлами б-н қопланган (номи шундан). Фирн қоплами музликларни (уз. 16 км гача) таъминлаб туради. Чўққига чиқиш жуда қийин.

МУЗҚАЙМОҚ, мороженое — тухум-қаймоқ ёки турли мевалардан тайёрланадиган яхна ширинлик. М. учун дастлаб асосий масаллиқ бирикмасини тайёрлаш ва бирикмани музлатиш жараёни талаб этилади. Қаймоқли М. учун тухум ёки тухум сариғи шакар б-н қоришгириб ийланади, шакари эригач, иссиқ сут қуйилади ва чил-чўп б-н бетўхтов айлантириб турилади. Идишда яхши аралашган қуюқ масса ҳосил бўлади. Унга ванилин қўшилади, сўнгра қолип идишларга қуйилиб, совитиб, муздатилади. 1 кг М. олиш учун масаллиқлар (г ҳисобида): сут 600, қаймоқ 75, шакар 250, ванилин 0,1, тухум 3 дона. Мевали М. учун мева қайнатиб пиширилади, еўнгра сим элакдан ўтказилиб, пюре тайёрланади. Қайноқ сувда шакар эритилади. Масаллиқлар совигач, пюре б-н қиём аралаштирилади ва қолипларга солиб музлатилади. 1 кг М. учун 200 г мева (қулупнай, мандарин ва б.), 325 г шакар, 1 г лимон кислотаси керак бўлади.

МУИН ХАЛФА БОБО МАҚБАРАСИ — Тошкентдаги меъморий ёдгорлик (19-а.). Самарқандлик халфа (қурувчи, уста) Муин ўзи учун қурдирган. Мақбара пештоқ гумбазли, бир хонали. Умумий тарҳи 5,48×6,16 м, гўрхона мурабба тарҳли (3,05×3,05 м). Унда Муин бува ва ўғли Умархон саганаси сақланган. Хонага ёруғлик ғарбий деворидаги панжара б-н безатилган тобадондан тушади. Қурилишида силлиқланган пишиқ ғишт (24×25×3,5 см) дан фойдаланилган.

Муин Халфа бобо мақбараси.

Ад.: Булатова В., Маньковская Л., Памятники зодчества Ташкента XIV—XIX вв., Т., 1983.

МУКАММАЛ СОНЛАР — ўзидан фарқли бўлувчиларнинг йигиндисига тенг натурал сонлар. Мас., 6=1+2+3, 28=1+2+4+7+14. М. с. *Евклид*нинг «Негизлар» асарида учрайди. Унда 4 та жуфт М. с. берилган. Айни вақтда 20 та жуфт М. с. маълум. Улардан энг каттаси $2^{4423}(2^{4423}-1)$ сони бўлиб, 1962 й.да аниқланган. Жуфт М. с. эса, фақат $2^{p-1}(2^p-1)$ кўринишда бўлиши маълум, бунда p ва 2^p-1 туб сонлар. Тоқ М. с.лар шу кунгача маълум эмас. Агар улар маълум бўлса ҳам жуда катта сонлар бўлиши эҳтимол.

МУКАРРАМОВ Муқаддам (? — Бухоро — 1936) — кандакор. Бухоро кандакорлик мактабининг йирик вакили. Уста Олим Абдусаломовдан ҳунар ўрганган. Кандакорлик усулларини яхши билган М., айниқса, анъанавий нақшларни маҳорат б-н бажарган, ижодида анъанавий нақшлар б-н эрон кандакорлиги нақшларини уйғунлаштириб қўллаган, нақш мужассамотларида ҳусниҳат муҳим ўрин тутган, баъзан у буюм юзасини тўлиқ қоплаган; безаклар сайқали, турунж ва айлана ҳошияларни уйғунлаштириш б-н буюмларнинг бадиийлиги ва ифодалилигини оширишга, безаксиз сайқалланган металл буюмларда нодир ифодалиликка эришган. М. яратган буюмлар (жумладан, лаъли, дастшўй ва б.) республика музейларида сақланади.

МУКОР ЗАМБУРУҒЛАР (Mycorales) — *фикомицетлар* синфига мансуб туban замбуруғлар тартиби, кўп ядроли ҳужайрасиз мицелийдан ривожланади. Жинссиз кўпайиш органлари — спорангий. Жинсий кўпайиши — зигогамия. Зигоспоралар битта ёки бир нечта мицелий тармоқларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. М.з.нинг 6—8 оиласи (250 га яқин тури) бор. Кўпчилик М.з. сапрофит, органик субстратларда яшайди; баъзилари бошқа М.з.да, юксак замбуруғларда, меваларда ва ўсимликларнинг бошқа қисмларида яшаб, ҳар хил касалликлар қўзғатади. Улар одам ва ҳайвонларни ҳам касаллантириши мумкин. Айрим М.з., мукор ачитқилар бижғитиш хусусиятига эга бўлганлиги учун алкоголли ичимликлар тайёрлашда фойдаланилади.

МУКОРОЗЛАР — ўсимликларнинг замбуруғ касалликлари. *Мукор замбуруғлар* қўзғатади. Rhizopus nigricans Ehr. гуруҳига мансуб вакиллари гўза кўсакларини мукорозига сабаб бўлади. Замбуруғлар гўза тунлами, беда қандаласи, ўсимлик битлари ва б. ҳашаротлар зарарлаган етилмаган кўсакларга тушади. Касалланган кўсаклардаги тола сарғиш-жигарранг, касаллик авж олганда эса қизғишроқ сариқ-жигарранг тусга киради.

Кураш чоралари: сўрувчи ҳашаротларни инсектицидлар ёрдамида йўқотиш, оптимал кўчат қалинлигини таъминлаш.

МУКОФОТ — бирон-бир фаолият соҳасидаги алоҳида ютуқлар учун рағбатлантириш шакли. ЎзР да пул ва натура кўринишидаги, якка шахсларга ёки жамоага бериладиган М.лар мавжуд. М.лар ўзининг даражасига кўра: давлат М.лари, жамоат бирлашмалари ва б. нодавлат ташкилотларининг М.лари, корхона, муассасаларнинг ўз ходимларига берадиган М.лари, халқаро М.лар га; шаклига кўра эса — орденлар, медаллар, фахрий унвонлар, қимматбаҳо совғалар, пул М.лари ва б.га бўлинади.

Давлат М.лари фуқароларнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодиги, сиёсий, маданий, фан-техника, санъат ва адабиёт ҳамда бошқа соҳаларда улкан муваффақиятларини қўлга киритганлиги, тараққиётга катта ҳисса қўшганлигини расман эътироф этилишини билдиради. Давлат М.ларининг турлари, тақдирланиш шартлари, тартиблари қонунлар ва б. расмий ҳужжатларда белгилаб қўйилади. Ўзбекистонда фан ва техника соҳасида *Беруний (Абу Райҳон Беруний) номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти*, халқни ижод соҳасида *Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти*, тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида *Камолиддин Бехзод номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти*, адабиёт ва санъат соҳасида *Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти*, иқтидорли қизлар учун *Зулфия номидаги Давлат мукофоти* таъсис этилган. «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги ЎзРнинг қонуни (1995й. 22 дек.)га кўра, «*Ўзбекистон Қаҳрамони*» унвони, ЎзРнинг орденлари, медаллари, фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиги давлат М.лари ҳисобланади (қ. *Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари, Фахрий унвонлар*).

Айрим шахсларни жамият ҳаётидаги салмоқли ҳиссасини тақдирлаш мақсадида Жамоат бирлашмалари ва б. нодавлат ташкилотларининг М.и ҳам таъсис этилади (мас., Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, рассомлар уюшмаси ёки б. жамоат бирлашмаларининг М.лари).

Корхона, муассасаларнинг ўз ходимларига берадиган М.лари — *меҳнат интизомини* мустаҳкамлашнинг асосий ҳуқуқий усулларидан ҳисобланади. Корхонада ходимларни М.лаш *ички меҳнат тартиби қоидалари*, М.лашга оид ички низомлар, бошқа локал меъёрий ҳужжатлар асосида амалга оширилади. У моддий ва маънавий турда бўлади. Моддий шаклдаги М.лар жамоасига қимматбаҳо буюм б-н ёки пул кўринишида берилади. М.лар кирали. Пул М.и корхонада иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилган (иш натижасига кўра мунтазам берий бориладиган) ва иш ҳақи тизимида назарда тутилмаган (бир мартали) М.ларга бўлинади. Иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилган шу жумладан, корхона ишлик иш натижаларига кўра тўланадиган «ун учинчи» ва ҳатто «ун тўртинчи» ойлик деб аталувчи М.ларни бериш меъёрлари, шартлари, тартиблари корхонанинг бевосита ўзида *иш берувчи* томонидан ходимлар вакиллик органи б-н келишиб тасдиқланадиган ички меъёрий ҳужжатлар б-н белгиланади. Корхоналарда ташаккур эълон қилиш, ҳурмат китобига номини ёзиш, корхона фахрий унвонларини бериш ва ҳ.к. шаклларини маънавий рағбатлантиришдан фойдаланилиши мумкин. Ходимларни мукофотлашда ҳар бир ходимнинг корхона ютутига қўшган ҳиссасини алоҳида ва муносиб баҳолаш иш самарадорлигини оширишга таъсир қилади.

Халқаро М.лар — халқаро ташкилотлар, жамғармалар, хорижий хусусий шахслар томонидан муайян соҳала оламшумул аҳамият касб этувчи ютуқларга эришган кишиларни тақдирлаш (пул ёки махсус унвонлар, халқаро грантлар ва б. берии) учун таъсис этилади (мас., *Нобель мукофоти*, ЮНЕСКО халқаро М.и ва ҳ.к.).

Нуриддин Турсунов.

МУКУРРА — Нил дарёси водийсида (Нубияда) жойлашган қад. давлат (ҳоз. Судан ҳудуди)(мил. б — 7 — 16-а.лар). Пойтахти — Эски Донгола. Аҳолиси — нобатлар, улар 569 — 570 й.ларда христианликни қабул қилишган. 7-а.нинг бошида Набатея давлати б-н бирлашиб, Нубия давлати тузилган. Араблар 652 й.да М.ни босиб олиб, уларга ўлпон (йилига 360 тадан қул етказиб бериш) солишган. Мусулмонларнинг кириб келиши, мамлукларнинг қайта-қайта ҳужуми (13-а.), араблар ҳукмронлигининг кучайиши натижасида ислом дини кенг тарқалган. М. 12-а.да чорва, темир ва қул савдоси туфайли гуллаб-яшнаган.

МУЛАТЛАР (испанча mulato; араб. муваллад — бошқа миллат қони аралашган) — қора танлиларнинг европеоид ирқи вакиллари б-н бўлган никоҳидан пайдо бўлган авлод. М. Лотин Америкасидаги давлатлар, шунингдек, Африканинг баъзи мамлакатлари (асосан, ЖАР; уларни «рангли» деб аташади) аҳолисининг кўпчилигини ташкил этади.

МУЛК — моддий ва маънавий неъматларнинг муайян кишилар эгалигида бўлиши ва улар томонидан ўзлаштирилиши; М.га эгалик ҳуқуқи ҳамда мулк объектларига эгалик, уларни бўлиш, тақсимлаш бўйича кишилар ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар. М. объекти ер ва ер ости бойликлари, корхона, бино, иншоотлар, машина ва ускуналар, тайёр маҳсулот, пул, қимматли қоғозлар, санъат ва адабиёт асарлари, илмий ва техникавий ишланмалар ва б. бўлиши мумкин. Моддий ва маънавий неъматларни амалда ўзлаштирувчилар мулк субъектлари, яъни эгалари ҳисобланади. Буларга айрим кишилар, оилалар, жамоалар ва, ниҳоят, давлат киради. Мулкдан амалда фойдаланиб, бундан наф кўриш мулкни иқтисодий тасарруф қилиш ҳисобланади. Кишиларнинг моддий неъматларни яратишлари, уларни тақсимлаш ва истеъмол этишлари ўрин, сиёсий ҳаётда тутган мавқеи, асосан, и.ч. воситаларига эгалик қилишларига боғлиқ. Жамият тараққиёти тарихида эгалик қилиш шаклига кўра М.нинг бир неча тури бор. Ибтидоий жамоа тузумида ишлаб чиқарувчи кучлар ғоят паст ривожланганидан кишилар биргаликда, гуруҳ-гуруҳ бўлиб меҳнат қилишган. Шубҳасиз, шундай шароитда меҳнат қуроллари ва маҳсулотлари жамоанинг умумий М.и бўлган. Меҳнат қуроллари ва меҳнат малакаси ривожланган, кишилар якка ҳолда меҳнат қила оладиган бўлди. Бу ўзгариш туфайли жамоа М.и парчаланиб, хусусий М.ка айланган. Хусусий М. — бу мулкни ўзлаштиришнинг хусусий усулига асосланган шакли. У 2 хил бўлади: 1) индивидуал — якка хусусий М., яъни айрим шахслар ёки оилаларга тегишли М.; 2) корпоратив хусусий М., бу ҳам айрим кишиларга қарашли, лекин акциядорлар жамиятидаги умумий М.нинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган М.. Корпоратив М. дивиденд келтирувчи М.дир. Жамоа М.и — бу жамоага ихтиёрий равишда бирлашган кишиларнинг умумий М.и бўлиб, бу М.нинг эгалари шу жамоада меҳнат қилиши шарт. Бу ерда М. эгаси айни бир вақтда шу М.ни амалда ишлатувчи ҳам ҳисобланади. Давлат мулки — давлат ихтиёрида бўлган М., давлат ҳокимияти органлари томонидан тасарруф этиладиган монополлашган М.дир. Бундай М. объекти — ер, табиат ресурслари, асосий воситалар, бинолар, молия, моддий ресурслар, ахборот, моддий ва маънавий бойликлар бўлиши мумкин. Бу М. ижтимоий неъматларни яратишга хизмат қилади. Давлат бор ерда унинг М.и мавжуд, лекин ушбу М.нинг миллий иқтисодиётдаги улуши турли мамлакатларда фарқланади ва мамлакат иқтисодиётининг моделига боғлиқ (қ. *Давлат хусусийлаштириш*). Фуқаролик жамияти доирасида давлат М.и тобора ижтимоий йўналиш олмоқда, яъни умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилишга йўналтирилган. Ижтимоий М. — тарихан собиқ социалистик мамлакатларда мавжуд бўлган. Бунда кишилар М. эгаси сифатида тенг бўлади, шунинг учун ҳар бир кишининг жамиятдаги мавқеи, турмуш даражаси унинг меҳнати б-н белгиланган.

М.га эгалик ва уни тасарруф этиш муайян иқтисодий муносабатларни пайдо этади ва у мулкчилик муносабатлари деб аталади. М. пайдо бўлиши учун мулкка айланадиган нарсалар наф келтира олиши зарур. М.чилик муносабатлари М.ни кишиларнинг ўзиники ёки ўзганики эканлигини билдиради. Бундай муносабатларнинг 3 жиҳати бор: 1) М.ка эгалик қилиш, яъни мулкдорлик ҳуқуқининг М. эгасида сақланиб туриши; 2) М.дан фойдаланиш ва уни амалда ишлатиш. М.дан фойдаланилганда шахсий эҳтиёжларни қондириш ёки даромад топиш юз беради. Мулкдор ўз М.ини ишлатганда эгалик қилиш ва М.дан фойдаланиш бир қўлда тўпланади. М. келтирган нафни унинг эгаси таноҳ ўзлаштиради. М. ўзгалар қўлида ишлатилганда бундан олинган даромадни мулкдор М.ни амалда ишлатувчи б-н баҳам кўради; 3) М.ни тасарруф этиш — бу М. тақдирини мустақил ҳал қилиш, яъни М.ни сотиш, меросга қолдириш, ҳадя этиш, таровга қўйиш каби хатти-ҳаракатларни эркин амалга оширилишидир. Мулкий муносабатларда М.ни *ижарага* бериш муҳим ўрин тутади. Ер, сув ҳавзалари, бино ва иншоот каби кўчмас М.лар оддий ижарага берилади. Қимматбаҳо машина ва ускуналар (трактор, комбайн, самолёт, тепловоз, пароход, юк автомашиналари ва вагонлар) ижараси *лизинг* шаклида амалга оширилади. М. бўлган пул маблағларини ўз эгаси томонидан, ўзгаларга фойдаланиб туриш учун бериш *кредит* шаклига киради. М. *миллий бойлик*ни ҳосил этади.

Ад.: Шодмонов Ш., Алимов Р., Жўраев Т., Иқтисодиёт назарияси, Т., 2002.

Аҳмаджон Ўсмонов.

МУЛК ИЖАРАСИ — ҳақ эвазига мол-мулкни вақтинча эгалик қилиш ва фойдаланиш учун топшириш. Ушбу муносабатда 2 мустақил тараф — ижарага берувчи (яъни, мол-мулк эгаси ёки у вакил қилган шахс) ва ижарага олувчи қатнашади. Улар ўртасида М.и шартномаси тузилади. М.идан ижарага берувчи ҳам, ижарага олувчи ҳам манфаатдордир. Ижарага берувчи муайян ҳақ (даромад) олади, ижарага олувчи ҳам ундан мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиб, даромад олади. Ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолда топшириши лозим. Мол-мулкни топширишга тайёрлаш, топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади. Ижарага олувчи мол-мулкни яхши ҳолда сақлаши, ўз ҳисобидан жорий таъмирлаши ва сақлаш бўйича бошқа харажатларни қилиши лозим (агар қонун ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса). М.и. шартномада кўзда тутилган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаса, у номуайян муддатга тузилган ҳисобланади. Бунда тарафлардан ҳар бири бошқа тарафни 1 ой олдин, кўчмас мулк ижарасида эса — 3 ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб, неталган пайтда шартномадан воз кечиши мумкин. М.и. шартномаси бекор бўлгандан кейин ижарага олувчи ижарага берувчига мол-мулкни ўзига топширилган ҳолатда, нормал эскиришни ҳисобга олиб ёки шартномада келишилган ҳолатда қайтариши лозим. Айни вақтда ижарага олинган мол-мулкни ижарага олувчи шартномада келишилган сотиб олиш баҳосини тўлаган ҳолда мулк ҳуқуқини ҳам қўлга киритиши мумкин. М.и.нинг *прокат*, транспорт воситалари, бинолар ва иншоотлар ижараси, корхоналар ижараси, *лизинг* (молия ижараси) каби турлари фарқланади.

Миродил Баратов.

МУЛК РАЖ АНАНД (1905.12.12 — Пешовар — 2002.15.9) — ҳинд ёзувчиси ва жамоат арбоби. Лондон ун-тини тугатган (1929). Инглиз ва ҳиндий тилларида ижод қилган. Сажжод Зоҳир б-н ҳамкорликда Ҳиндистон тараққийпарвар ёзувчилари ассоциациясига асос солган (1936). Дастлабки асарлари — «Дахлсиз» (1935), «Ҳаммол» (1936), «Қишлоқ» (1939), «Қилич ва Ўроқ» (1942), «Катта қалб» (1945) романлари ҳамда «Сартарошлар иттифоқи» (1944), «Трактор ва дон маъбудаси» (1947) ҳикоялар тўпламлари ва б. публицистик мақолаларида чой плантацияларида ишлайдиган ишчи ва деҳқонларнинг оғир ҳаёти тасвирланган. «Ҳиндистон рожесининг ҳаёти» (1953), «Йўл» (1961), «Қаҳрамон ўлими» (1963) каби роман ва ҳикояларида мустамлакачилик иллатларини фош этади. Аёллар

ҳуқуқини ёқлайди. «Етти йил» (1951), «Тонг жамоли» (1944), «Ошиқнинг тавбаси» (1976) автобиографик трилогиясида мустамлакачилик оқибатларига қарши, озодлик учун курашган қаҳрамон характерининг шаклланиши акс этган. «Ҳинд театри» (1950), «Ҳинд халқ рақслари» (1957) ва б. илмий асарлар муаллифи.

МУЛК ҲУҚУҚИ — моддий неъматларнинг конкрет шахсларга тегишлилиги (ўзлаштирилганлиги)ни мустаҳкамловчи, тартибга солувчи ва муҳофаза қилувчи нормалар йиғиндиси; фуқаролик ҳуқуқининг асосий тартиботларидан бири. Ўзбекистон Республикаси ФКга кўра, М.ҳ. шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши б-н ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг М.ҳ.ни, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборат. ЎзР Конституциясининг 36-моддасига биноан, «ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли». Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этади. Давлат барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун (1990 й. 31 окт.) асосида бозор муносабатларининг ташкил топиши учун иқтисодий манба ҳисобланган хусусий мулкчиликка йўл очилди. Хусусий мулкчиликнинг ривожланишида «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун (1991 й. 19 нояб.) муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонунга асосан шўролар давридаги давлат мулкининг ҳукмронлик қилишига барҳам берилди, хусусий мулкнинг ташкил топиши учун имконият яратилди. ЎзРнинг амалдаги ФКда мулкни ўтмишда социалистик жамиятнинг синфларга бўлинишига асосланиб (давлат, колхозкооператив, шахсий) шаклларга ажратилишига ва қайси шаклда, кимга тегишлилигига қараб ўрнатилган тенгсизликка барҳам берилди. Шўролар даврида мулк эгаларининг ҳуқуқлари тегишли қоидаларда, шунингдек, амалиётда ҳам доимо чекланиб келинган. Эндиликда мулк эгасига тегишли бўлган мол-мулкни турли сабаблар ва ҳар хил йўл б-н давлат идоралари ва мансабдор шахслар томонидан олиб қўйилиши, мулкдан эркин фойдаланиш учун тўсқинликлар вужудга келтирилиши ғайриқонуний ҳисобланади. М.ҳ. муддатсиздир. Мулк эгаси ўз мулкидан абадий фойдаланиш, уни хоҳлаган вақтида тасарруф этиш ҳуқуқига эга. Ушбу қоиданинг мантиқий давоми сифатида ФКнинг 166-моддасида мулкнинг даҳлсизлиги ва қонун б-н муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган.

Ҳожиакбар Раҳмонқулов.

МУЛКДОР — мулк субъекти; мулк объектига нисбатан эгалик, фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқий тамойиллари асосида мустаҳкамланган ҳуқуқларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Ўзбекистонда М.лар қатламини шакллантириш *мулкни давлат тасарруфидан чиқариш* ва хусусийлаштириш жараёнлари орқали амалга оширилди. 1991 — 94 й.ларда кичик хусусийлаштириш деб аталган иқтисодий ислоҳотларнинг 1-босқичида аҳоли ихтиёрида бўлган давлат уй-жой фондлари текин ёки имтиёзли тарзда хусусийлаштирилди. Умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатиш шохобчалари бевосита аҳолига сотилди. *Акциядорлар жамияти*га ўтиш, фермер ва деҳқон хўжаликлар, ижара корхоналарининг тузилиши ҳам бу борада муҳим роль ўйнади. Мамлакатимизда ўрта мулкдорлар табақасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда (қ. *Давлат мулки, Давлат мулкини хусусийлаштириш*).

«МУЛКДОР» — ҳафталик иқтисодий газета. 1994 й. 31 авг.да «Ёғду» номи б-н чиқа бошлаган. 1995 й. 21 январдан ҳозирги номда. Муассислари: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва талбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Кўчмас мулк биржаси ва «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, кичик ва ўрта бизнеснинг фаолияти, ишбилармонлар, деҳқон ва фермерларнинг илғор тажрибалари кенг ёритилади. Бевосита кичик ва ўрта бизнес тузилмаларига оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар, жаҳон иқтисодиётига доир маълумотлар, маҳсулотлар ва хизматлар рекламаси, хориж иқтисодий янгиликлари, турли мавзулардаги илмий-оммабоп мақолалар эълон қилинади. Газ.нинг «Талбиркор ва ҳуқуқ», «Мулкдор — спорт» каби илова-нашрлари бор. Газ. 16 саҳифа (А-3 бичим)да босилади. Адади 3,5 минг нусха (2003). Бош муҳаррири М.А.Абдурақмонов.

МУЛКИЙ ЖИНОЯТЛАР (ЎзРда) — иқтисодий жиноятлардан бири. М.ж. ўзгалар мулкини талон-торож қилиш б-н боғлиқ бўлган ва боғлиқ бўлмаган жиноятларга бўлинади. Мулкни талон-торож қилиш ва талон-торож қилиш б-н боғлиқ бўлмаган, аммо жиноят туфайли *мулкий зарар* келиб чиқадиган жиноятлар учун жавобгарлик ЖК «Махсус қисм»нинг 11 — 13-бобларида назарда тутилган. Мулкни талон-торож қилиш учун жавобгарлик ЎзР ЖКнинг 10-бобида берилган бўлиб, бунда *босқинчилик* (ЖК, 164-модда), *товламачилик* (ЖК, 165-модда), *талончилик* (ЖК, 166-модда), ўзлаштириш ёки растрата қилиш (ЖК, 167-модда), *фирибгарлик* (ЖК, 168-модда), *тўполон* (ЖК, 169-модда) жиноятлари киритилган. Мулкни талон-торож қилиш — ушланиш мулкини ёхуд мулкий ҳуқуқларни қасддан қонунга зид равишда тарафлараро битимларда қайтариб бермаслик мақсадида қонуний эгаси ёки мулк учун жавобгар бўлган ёхуд мулкнинг ғайриқонуний эгалланишига тўсқинлик қилган шахсдан айбдорнинг ўз ихтиёрига ёки бошқанинг ихтиёрига олинишидир. М.ж.нинг предмети — инсонларнинг меҳнати натижасида яратилган, иқтисодий жиҳатдан фойдали сотиш, сотиб олиш ва алмашув қийматига эга бўлган, инсонларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондирадиган буюмлар, саноат ёки қ.х. маҳсулотлари, шунингдек, Ўзбекистон пули ёки чет эл валютаси ҳисобланади. Ўғирлар мулкини талон-торож қилиш б-н боғлиқ бўлмаган жиноятларга, айбдорнинг ҳаракати туфайли мулк шаклидан қатъи назар, ўзгаларнинг мулкига зарар етказувчи ёки мулкни нобуд қилувчи жиноятлар (ЖКнинг 170—174-моддалари), иқтисодий асосларга путур етказувчи жиноятлар (ЖКнинг 175—185-моддалари) ҳамда ҳўжалик соҳасидаги жиноятлар (ЖКнинг 186—192-моддалари) киради.

Мирзаюсуф Рустамбеков.

МУЛКИЙ ЗАРАР (ЎзРда) — жисмоний ёки юридик шахсга етказилган моддий зарар. М.з. ва унн қоплаш масалалари фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли масалалардир. Умумий қоидага биноан, етказилган М.з. тўла миқдорда қопланиши керак. Етказилган М.з.ни камроқ миқдорда қоплашга фақат қонун ёки шартномада назарда тутилган ҳолларда йўл қўйилади. М.з. «ҳақиқий зарар» ва «бой берилган фойда» каби туркумларга бўлинади. Ҳақиқий зарар деганда, бузилган мулкий ҳуқуқни тиклаш учун қилинган ёки қилиниши керак бўлган харажатлар, мол-мулкнинг йўқолиши, камайиши, нобуд бўлиши, шикастланиши тушунилади. Бой берилган фойда деганда, зарар кўрган шахснинг ҳуқуқлари бузилмаганида олиниши мумкин бўлган, лекин олинмай қолган даромад тушунилади. Амалдаги фуқаролик кодексида М.з. мулкни ва ашёвий ҳуқуқлар бўлмиш тақдирда қўлланиши мумкин бўлган жавобгарлик сифатида белгиланган. Давлат органлари, *фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари* ёки ушбу органларнинг *мансабдор шахс*ларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шунингдек, ушбу органларнинг қонунга мувофиқ бўлмаган ҳужжатлари М.з етказилишига сабабчи бўлиши мумкин. ЎзР Конституциясига кўра, ҳар бир шахс давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади (44-модда). Бу асосий қоида Фуқаролик кодексида ҳам ўз ифодасини топган. Унга кўра, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарини органлари фуқаро ёки юридик шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ғайриқонуний равишда бузишга қаратилган ҳужжат қабул қилса, бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ва бундан ҳужжат натижасида етказилган М.з.ни ундириш ҳақида фуқаролар, юридик шахслар судга мурожаат қилишлари мумкин. Етказилган М.з.ни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарини органлари ёки мансабдор шахс тўлайди.

Ҳожиакбар Раҳмонқулов.

МУЛКНИ ХАТЛАШ (ЎзРда) — мол-мулкни рўйхатга олиш ва уни тасарруф этиш ман этилганлигини эълон қилиш, зарур ҳолларда эса, мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, уни олиб қўйиш ва сақлашга топшириш. Фуқаролик процессида М.х. суд ҳал қилув қарорларини ижро қилиш босқичида, даъвони таъминлашнинг бир чораси сифатида қўлланилади. Жиноят процессуал қонунчилигида эса, фуқаровий даъволарни таъминлаш мақсадида терговчи ҳам М.х.н мумкин. Бундай пайтда баённома тузилиб, унинг нусхаси тилхат асосида мулк эгасига берилади. Мулк хатлангач, унинг эгаси: мулкни сотиб юбориш, совға қилиш, алмаштириш, гаровга қўйиш каби ҳуқуқлардан маҳрум бўлади. М.х. далолатнома орқали расмийлаштирилади. Далолатномада: у тузилган вақт ва жойи, суд ижрочисининг, далолатнома тузилишида иштирок этган шахсларнинг исм-шарифлари, М.х. учун асослар, ундирувчи ва қарздорнинг исм-шарифлари, мулк ҳақидаги маълумотнома, унинг тавсифи ва қиймати, мулкни сақлашга берилган шахснинг номи, М.х. жараёнида қатнашган шахсларнинг эътирозлари ва ш.к. кўрсатилади. Далолатномага суд ижрочиси, қарздор ва далолатнома тузилишида иштирок этган шахслар имзо чекади. М.х. жараёнида суд ижрочиси ноқонуний хатти-ҳаракатлар қилган (мас., қонун бўйича хатлаш мумкин бўлмаган мулкни рўйхатга олган) бўлса, манфаатдор шахслар судга шикоят б-н мурожаат қилишлари мумкин.

Мушарраф Маъсумбеков.

МУЛЛА (араб.) — Ўрта Шарқ, Марказий Осиё мамлакатларида мадраса таълимини олган шахс. Кўчма маънода — билимдон, доно, саводли, илмли одам.

МУЛЛА АБДУЛҚАҲҲОР, Қаҳҳорбек (1884, Риждувон туманидаги Салкент қишлоғи — 1924, Қизилқум) — Бухорода қизил армияга қарши ҳаракат раҳбарларидан бири, йирик уламо. Бухородаги *Мир Араб мадрасасида* таҳсил олган. *Бухоро бекликлари*дан сўнг, собиқ ҳукмдор Саид *Олимхон*нинг фармони б-н М.А. Ғарбий Бухородаги 15000 нафар аскарга Бош қўмондон қилиб тайинланди (1920 й. куз). Унинг раҳбарлигида Бухоро, Кармана, Нуротадаги 20 дан ортиқ қўрбоши гуруҳлари бирлаштирилди.

1921 й.да М.А. Риждувон, Шофиркон, Вобкент, Ромитанда ўз ҳокимиятини ўрнатгач, Нурота шаҳрига юриш қилди. Ўз қарорғоҳини Нуротада жойлашгач, бу ердан атроф туманларга вакилларини жўнатиб, аҳолини қизил аскарларга қарши курашга кўтарди. Саид Олимхоннинг ёзишича, бу пайтда унинг қўл остида 25000 йигит тўпланган. М.А. Бухорога юриш қилиб унинг бир қисмини эгаллади, Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳини қизил аскарлардан озод қилди (1922 й. март). Бироқ, Туркистон фронти жанчилари, Закаспийдан етиб келган С. М. *Будённий*нинг отлиқ армияси ва қизил аскарларнинг бошқа кучлари М.А. қўшинини Бухородан сиқиб чиқарди. Бу мағлубиятдан сўнг у 1923—24 й.ларда ўз ҳаракатларини Кармана ва Нурота вилоятларида яна фаоллаштирди. М.А. б-н *Иброҳимбек* ва Саид Олимхон ўртасида доимий алоқалар бўлган. М.А. ва Саид Аъзам Хўжа имзолари б-н «Бухоро, Туркистон ва Кавказнинг барча мусулмонларига» мурожаатнома чиқарилган (1924 й. март). Қизил аскарлар б-н бўлган тўқнашувларнинг бирида (1924.21.6) у оғир ярадор бўлди ва маглубиятга учради. 1924 й. ёзи ва кузида Риждувон туманининг Ғишти ва Катта Гамхўр қишлоқларида, Нурота тоғларида, Шофиркон туманига туташ Қизилқумнинг Жилвон қумликларида қаттиқ тўқнашувлар бўлди. Қизилқумда бўлган ана шундай жанглариниг бирида М.А. қазоқ бўлди.

Ад.: Амир Сайид Олимхон. Бухоро халқининг қасрати тарихи, Т., 1991; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ражабов Қ., Бухорога қизил армия бостқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

Қаҳрамон Рамазонов.

МУЛЛА МИР ҲАКИМ ХОНАҚОҲИ — қ. *Ҳаким Мулло Мир хонақоҳи.*

МУЛЛА ТЎЙЧИ ТОШМУҲАМЕДОВ — қ. *Тўйчи ҳофиз.*

МУЛЛА ШОДИ (16-а.) — тарихчи. Унинг ҳаётига оид маълумотлар жуда кам. М.Ш. *Шайбонийхон*нинг иниси *Маҳмуд Султон* саройида хизмат қилган, форс тилида ёзилган «Фатҳнома» асари муаллифи. Достонни Маҳмуд Султон топшириғига биноан ёзган. Асарда Шайбонийхоннинг Самарқандни босиб олгунига қадар Дашти Қипчоқ, Моваройнаҳр ва Хоразмдаги ҳаёти ва фаолияти б-н боғлиқ асосий воқеалар; Хоразмнинг топонимикаси, асосан, Вазир ва Адак шаҳар-қалъалар тўғрисида, Қоракўлдаги халқ қўзғолонининг бостирилиши, урушларда кўплаб аҳолининг қони тўкилганлиги ва уларнинг оғир аҳволи ҳақида маълумотлар келтирилган. Асарнинг қўлёзма нусхалари Россия, Тожикистонда ва Ўзбекистонда ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

Ад.: Ахмедов Б.А., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв., Т., 1985.

МУЛЛА ҚИРҒИЗ МАДРАСАСИ — Намангандаги меъморий ёдгорлик

Мулла Қирғиз мадрасаси.

(20-а.). Маҳаллий уста мулла Қиргиз (Мулла Бозор Оҳунд) номи б-н боғлиқ. Мулла Бозор Оҳунд фиқҳ, ҳалис, адабиёт ва б. илмларни яхши эгаллаган йирик олим, 17-а.нинг 1-ярмида яшаб ижод этган. Бухородаги мадрасада ўқиб, донишманд олим Мирзо Баҳодир Бухорийдан таълим олган, у зотдан иршод хатини — пирнинг ёрлигини олгач, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларига саёҳат қилган.

Мадраса шаҳар марказида қурилган. Бино тарҳи нотекис, 5 қиррали бўлиб, ҳужралар б-н ўраб олинган. Бундай шаклли мадраса қурилган жой шароитлари тақозо қилган. Масжид ва дарсхона гумбазли, бир-бирига туташ қилиб қурилган, ҳужралар қўшқаватли. Ҳовлида минора бор. Бош тарзи мезморлигида ҳужралар қиёфасига кўркамлик бахш этиб турган мехробий равоқ кўзга ташланади. Пештоқни безанда кўк, яшил, сариқ, оқ рангли кошинлар қўлланган. Мулла Қиргиз яратган мадраса анъанавийлиги б-н эмас, балки тарҳ ечимининг алоҳидалиги б-н диққатга сазовор.

МУЛЛА ҒОЙИБ, Кўр Ғойиб, Ғойиб — халқ ижодида яратилган афсонавий образ, бахшилар пири. *Фозил Йўлдош ўғли*дан 1934 йл.да ёзиб олинган. Достонда тасвирланишича, М. Ғ. бухоролик бўлиб, шу ерда таҳсил олган. Устози Эшон Намоз имомлик қилаётганда, орқада имомга иқтидо қилиб намоз ўқиётган қизларга икки бор назар ташлагани учун кўр қилинган. Эшон М.Ғ.га кўзининг хуни эвазига бахшиларнинг дастлабки илҳом макони Муродбахш ғорига бориб тунашга рухсат берган. Муродбахш ғори ҳақидаги афсонага кўра, ғор олдида булоқ бўлиб, горнинг тўрида васса (тоқи) йўниб турган уста (дев) бор. Агар бўлажак бахши ғор олдида тунаб, булоқ сувидан ичиб, унга кира олса, уста дўмбира ясаб бериб, жуда оз фурсатда бахшилик йўлларини ўргатар экан. Муродбахш ғори олдида тунаган М. Ғ. ҳам бехосдан шоирлик салоҳиятига эга бўлиб, Бухоро кўчаларида қўшиқ айтиб юрганда, шеъриятни гуноҳ саналган амир уни зиндонга ташлатади. М. Ғ. зиндонда ҳам сўз ва сознинг қадимийлигини, унинг Одам Атодан қолганлигини куйлаб, зиндондан қутулиб кетади. Достончиликни илоҳий, сирли санъат сифатида тушунишдаги қад. тасаввурларга кўра, бахшилар М. Ғ. ни ўз пирлари ҳисоблайдилар.

МУЛЛАБОЙ МАНСУРОВ ЦИРКИ — биринчи профессионал ўзбек цирк труппаси. Муллабой Мансуров 20-а.нинг бошида кўчма цирк ва турли томошаларни уюштиришга донг тарат-ган. Ўзининг ташкилотчилиги ва халқ санъатини яхши билиши туфайли, гарқоқ цирк труппаларини бирлаштириб, 1903 и. Тошкентда Европа шаклидаги дастлабки ўзбек цирк труппасини тузди. Труппада ака-ука Раҳмон ва Парвин Абдуҳалиловлар (чатирқучи ва муаллақчилар), Муҳаммад (Чаққон) Хўжаев б-н Қодир бола (акробат), Карим Зарипов б-н Ортиқ қизиқ (бамбук; бири 4—5 метрли ёғоч устига чиқиб ўйнаган), Муҳиддин Шокиров («бесўяк»), Кал Шокир (жонглер), Саид-афғон (қиличбоз), Юсуфжон қизиқ Шакаржонов, Собир қори ва Рафиқ қизиқ (қизиқчилар), Зокиржон Овулов (жарчи), Анирмат ва Кенжабой (сурнайчи) синари 20 дан ортиқ киши ишларди. Муллабой Мансуров ўзи бошлиқ ва балоғат ёшидаги ўғли Ҳамдам ўргатилган отлар б-н манежга чиққан.

1904—06 йилларда М.М.нинг Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги, Хива хонлиги, ҳаттоки Шарқий Туркистон (Синьцзян) шаҳар ва қишлоқларида ўз томошаларини б-н гастролда бўлган. 1908—09 йилар М.М. и. яна бир неча майда труппаларга бўлиниб кетди. Ўзбек цирк артистлари учун М.М.нинг профессионал мактаб вазифасини ўтади ва улар бу ерда фаолият кўрсатиб, ўз маҳоратларини бирмунча оширишди ва мураккаб машқларни ўзлаштириб, репертуарини кучайтиришди. М.М.нинг ташкил бўлиши тарқоқ цирк ўйинчилари бирлашиб, яхлит дастур б-н майдонга чиқишида муҳим аҳамият касб этди.

Йўлдош Тошқобилов.

МУЛЛАЖОНОВА Шоиста Рубиновна (1925.3.9, Душанба) — опера хонандаси (лирик сопрано). Тожикистон халқ артисти (1957). Ниҳоятда кенг нафасли, кучли, айни пайтда ўзига хос ва ёқимли овоз соҳибаси. Москва консерваториясини тугатган (1953). 1941—43 йлар (яна 1958 йдан) Тожик филармониясида, 1944—58 йлар Тожик опера ва балет театрида ишлаган. Энг яхши партиялари: Моҳим (Ленский, «Тоҳир ва Зуҳра»), Гулузор (Баласанин, «Восе кўзголони»), Марфа (Римский—Корсаков, «Шоҳ қайлиғи»), Гулчеҳра (У. Ҳожибеков, «Аршин мол-олон») ва б. М. тожик халқ қўшиқлари, Тожикистон ва Ўзбекистон композиторларининг асарлари ва б. халқлар қўшиқларининг моҳир ижрочиси сифатида танилган.

МУЛЛАНАФАС Қодирберди ўғли [1810, Серахс яқинида (ҳоз. Ашхобод вилояти) — 1862] — туркман шоири, мусиқачи. Мадрасада таҳсил олган. Инсоний севги, меҳр-муҳаббат М. лирикасининг бош мавзуси ҳисобланади. Асарларида эл-диёрининг илғор кишиси сифатида гавдаланди, уларнинг ақлу ижодини, туйғулари ва самимиятини акс эттирган («Севилим», «Келакет», «Ўнутма», «Дурдонача» ва б.). М шеърияти ҳатти воқеаларга бой. Шеърларида халқнинг ҳаёти ва урф-одатлари тасвирланган. Айрим шеърлари бахшилар репертуаридан ўрин олган. М.нинг «Зуҳра ва Тоҳир» ғазмомаи романтик достони машҳур. Шарқ халқлари ўртасида машҳур сюжет асосида ёзилган мазкур достон туркман шеъриятининг энг салмоқли асарларидан биридир. Бу достон асосида мусиқали драма ва опера яратилган.

Асарлари ўзбек тилига таржима этилган, ҳофизлар репертуаридан ўрин олган.

Ас. Кекилов А. Великий пират. Ашхабад, 1963.

МУЛЛАҚАНДОВЛАР — ака-ука мажмочи хонанда ва созандалар. Ўзбекистон халқ артистлари (1936). Михаил Аронович (1896, Самарқанд — 1956). *Ота Жалол* Носиров, *Левачи хофиз* Бобохоновлардан мақомларнинг чолғу ва ашула йўлларини ўрганган. Акалари Насим, Або, Шалимо, Маъмин ва укаси Габриэл М. б-н биргаликда мақом ижрочилигида танилган. Самарқанддаги турли маданият ва театр муассасалари (1923—41 ва 46—48), Ўзбек давлат филармонияси (1941—46), Ўзбекистон радиоси қошидаги ўзбек халқ чолғулари оркестри (1949—52) да хонанда ва созанда (танбур, доира). Мақомларнинг чолғу ва, айниқса, ашула йўлларини маҳорат б-н ижро этган. У ижро этган Талқини Узюл, Насри Узюл, Талқини Ушшоқ, Насри Ушшоқ, Савти калон, Мўғулчаи Наво ва б. мураккаб ашула йўлларини

Ака-ука Габриэл ва Михаил Муллақандовлар.

Ю. Ражабий нотага олиб, Шашмақом лавзларида келтирган. Репертуаридан ўзбек, тожик ашулалари кенг ўрин олган. Габриэл Аронович (1900—Самарқанд — 1971). Самарқанддаги бухоро яҳудийлари клуби (1921—23), Ўзбек давлат мусиқали театри (1932—35)да хонанда ва созанда (тор, танбур, дутор, доира). Самарқанддаги яҳудийлар театрида актёр, хонанда ва созанда (1935—41), Ўзбек давлат филармониясида (1941—50) хонанда ва созанда. Репертуаридан Самарқанд Ушшоғи, Қуқон Ушшоғи, Ороминжон, Қашқарчаи Бузрук, Ироқ, Тошкент Ироғи каби мақом йуллари б-н бирга ўзбек бастакорлари ашулалари («Бебокча», «Гулузорам» ва б.), тожик («Дилимам», «Хакистари дил» ва б.), озарбайжон («Қурбон улам» ва б.) ашулалари ўрин олган.

МУЛЛИТ — II силикатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби доим бир хил эмас ($3Al_2O_3 \cdot 2SiO_2$). Ромб сингонияли. Каттиқлиги 6—7; зичлиги 3,2 г/см³. Эриш т-раси 1810°. Соф М. оқ рангсиз; темир ва титан оксиди қўшилганлари пушти ва кўк рангда. М. Al_2O_3 нини SiO_2 б-н ягона бирикмасидир; юқори т-рада барқарор. Табиатда кам учрайди. Табиий шароитда юқори т-рала каолин ва силлиманит гуруҳидаги минералдардан ҳосил бўлади. Маълум (Mull, Шотландия) олдаги тўрламчи лавр лавзларида юқори т-рада эриган гилли қўшимчаларда топилган. Электр печларда гилтупроқ ва кварцнинг, шунингдек, кианит, силлиманит ва андалузит аралашмасини эритиб олинади. Ўзбекистонда М. Ангрен қўнғир кўмир-каолин конида учрайди. У конда содир бўладиган ер ости ёнғинлари (глиже) натижасида ҳосил бўлади; 2) синтетик М. оловбардош материаллар, чинни ва б. тех. маҳсулотлар олишда муҳим қўшилма ҳисобланади; электр печларда алюминий силикатларини эритиб олинади.

МУЛОЙИМАТ (араб. — муносиблик, ҳамоҳанглик) — мусулмон Шарқ мусиқаси назариясида ёқимли, ҳамоҳанг товушлар ва *бўғд (интервал)*лар. Акси — *мунофират*.

«МУЛОҚОТ» — миллий, ижтимоий-сиёсий ва тарихий-бадиий журнал. Муассиси: Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий кенгаши. 1991 й. январдан нашр этила бошлаган. Журн. саҳифаларида ЎзРнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий, маънавий-маърифий ҳаёти ёритиб борилади. Мустақиллик замонида халқ ва юрт ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар, ислоҳотлар илмий-оммабоп равишда таҳлил қилинган мақолалар босилади. Журн. саҳифаларида турли жамоа ташкилотлари, жамғармалар фаолиятининг долзарб муаммолари юзасидан танқидий таҳлиллар ва амалий таклифлар ўртага қўйилади. Адади 5.190 (2003). Бош муҳаррири Барот Бойқобилов.

МУЛЬДА (нем. mulde — тоғора) (геотектоникада) — қия синклиналь бурмаланиш ёки тектоник чўкиш натижасида ниқобланган товоқсимон ётқизиқлар. Баъзан синклиналь бурмаларнинг пастки қисми ҳам М. деб аталади. Геосинклиналь-ороген ва платформа структураларининг орогенида қўшимча деформация натижасида вужудга келган ва кўпинча кўнғир кўмир ҳавзалари пайдо бўлиши б-н боғлиқ. М.лар фарқ қилинади.

Конлари қазиб олиш натижасида пайдо бўладиган ва таъсири ер юзасигача тарқалдиган жинсларнинг силжиш ҳодлари чўкиш ёки силжиш М.си деб юритилади. Ер остидан фойдали қазилмалар қазиб олинадиган ҳудудларда чўкиш эҳимоли бўлган, яъни силжиш М.сида бино ва иншоотлар қурилиши тақиқланади, бу майдонлар конга ажратилган ҳудуд деб ҳисобланади.

МУЛЬТИ... (лот. multum — кўп, анча) — ўзлашма қўшма сўзларнинг таркибий қисми бўлиб, бирор нарсанинг кўплигини, кўп қайтарилиши (карралилиги)ни билдиради (мас., *мультивибратор*).

МУЛЬТИВИБРАТОР (*мульти...* ва лот. vibro — тебратаман) — икки кучайтиргич (лампа) ли электр тебранишлар генератори. Иккала кучайтиргич ўзаро мусбат тескари алоқа б-н боғланган. М.нинг *электрон лампалар, транзистор, тиристор* ва *интеграл схема*лардан ясалган бир неча вариантлари бор. М.да тебраниш бирданига бир ҳолатдан (лампа $Л_1$ — очиқ, лампа $Л_2$ — берк) иккинчи тескари ҳолатга (лампа $Л_1$ — берк, лампа $Л_2$ — очиқ) ўтади (1-расм). М.да Гц дан минглаб кГц частотали тўлқинлар ҳосил қилиш мумкин. Транзисторли М. кенг қўлланади. Агар бир типдаги (*p—n—p* ёки *n—p—n*) транзисторлардан фойдаланилса, кучайтиргичлар галма-гал уйғонади (T_1 вақтда бир кучайтиргич, T_2 вақтда иккинчи кучайтиргич уйғонган ҳолатда бўлади, 2-расм). Бундай М. икки фазали М. дейилади. Кўп фазали (*n* фазали) М.лар ҳам бор. М. *телевидение, радиолокация* ва б.да алоҳа импульслари олиш, частотани кўпайтириш ва бўлиш ҳамда электр занжирларни контактсиз алмашлаб уланда қўлланади.

2-расм. Мультивибратор чиқишидаги сигнал шакли: T_1 — тебраниш даври; T_1, T_2 — ишлаётганининг давомийлиги; t — вақт.

МУЛЬТИПЛИКАТОР (инг. multiplier — кўпайтирувчи, оширувчи) — иқтисодиётдаги молиявий оқимларнинг икки (баъзан иккитадан кўпроқ) кўрсаткич (параметр)лари ўртасидаги боғланишларни [мас., давлат бюджети харажатларининг ўсиши б-н ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)нинг ҳажми, депозитлар ҳажми б-н муомалада бўлган пул массаси ўртасидаги] тавсифловчи кўрсаткич. Акселератор (н.ч. ҳажмини ошириш натижасида и.ч.га жалб этиладиган янги инвестициялар неча марта кўпайишини акс эттирадиган макроиқтисодий кўрсаткич) б-н бирга ишлатила қўлланади. «М.» тушунчасини иқтисодий амалиётга биринчи марта Ж. М. *Кейнс* киритган. П. *Самуэльсон* ва б. томонидан ривожлантирилган. Харажатлар, даромадлар, инвестициялар ёки бошқа молиявий оқимларнинг қайси тоифаси бошланғич асос тарзида олинишига қараб М.ларнинг инвестиция харажатлари М.и., ҳукумат харажатлари М.и., харажатлар М.и. ва б. турлари бор.

Мультипликатив самара (М. самараси) асосида иқтисодиётнинг бир субъекти харажатлари бошқа субъектнинг даромадини ҳосил қилиш ҳодисаси ётади. Мас., *давлат бюджети*нинг харажатлари (ижтимоий эҳтиёжлар, соғлиқни сақлаш, янги қурилишлар, ҳарбий техника сотиб олиш, давлат аппаратини сақлаш ва ҳ.к.) турли корхоналар, муассасалар даромадларини (соғлиқни сақлаш муассасалари ва тиббиёт ходимлари, қурилиш ташкилотлари, ҳарбий қурол-яроғ ишлаб чиқарувчи корхоналар) ҳамда, умуман, фуқаролар (пенсионерлар, давлат муассасалари ходимлари ва б.) даромадларини яратади. Ўз навбатида бу корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларнинг харажатлари улар б-н технологик занжир бўйича боғлиқ бўлган корхоналар даромадини ҳосил қилади; бюджет ҳажмининг бир бирликка ортиши ЯИМ ҳажмини 2, 3 ва ундан ортиқ



Мультивибратор. 1-расм. Мультивибраторнинг электр схемаси: $Л_1$, $Л_2$ — лампалар (триодлар); Ra_1, Ra_2 — анод нагрузкалари; R_1, R_2 — тескари боғланишли занжирлардаги қаршиликлар; C_1, C_2 — конденсаторлар; E_a — анодни таъминлаш манбаи.

бирликка кўпайишига олиб келиши мумкин. Худди шунга ўхшаш давлат харажатлари кўламининг камайиши М.га, ЯИМ ҳажмини тегишлича пасайишига олиб келади. Бу давлат харажатлари М.и деб аталади. Солиқ М.и — солиқ тўловлари ҳажми ошганда (камайганда) ЯИМ ҳажмининг пасайиши (кўпайиши) кўламини кўрсатади. Мувозанатли бюджет М.и — давлат харажатларининг кўпайиши (қисқариши) солиқларни ошириш (пасайтириш) б-н қопланадиган шароитларда ЯИМ ўсиши (пасайишини тавсифлайди. Пул М.и — пул базасининг (бевосита Марказий банк томонидан муомалага чиқариладиган пуллар) ўсиши натижасида пул массасининг кўпайишини тавсифлайди. Пул М.и умуман иқтисодиётнинг, хусусан банк тизимининг муомаладаги пул массасини кўпайтириш имкониятларини акс эттиради.

Пул М. баъзан кредит М.и, депозитлар М.и ёки банк М.и деб ҳам аталади.

Ахмаджон Ўзмаков.

МУЛЬТИПЛИКАТОР — 1) машина валининг айланишлар частотасини (сонини) ошириш учун мўлжалланган қурилма. Кучайтирувчи тишли узатмалардан иборат. Алоҳида механизм тарзида тайёрланади. Машина валининг айланишлар частотаси муайян операцияни бажариш учун етарли бўлмаган ҳолларда М.дан фойдаланилади. М. асосан турли синов ишларида, лаб.да қўлланади; 2) суюқликнинг босимини ошириш учун мўлжалланган гидравлик қурилма. Бир-бирига туташтирилган икки цилиндрдан иборат (расм). Цилиндрлардан бири юқори босимга, иккинчиси паст босимга мўлжалланади. Паст босим цилиндрида катта диаметр *(D)* ли поршень жойлашган. У юқори босим цилиндрида жойлашган кичик диаметр *(d)* ли плунжер б-н бириктирилган. Иш цилиндрига бораётган босим $P_н$ дан $\frac{D_2}{d_1}$ марта (40—60 марта) катта бўлади. М. гидравлик прессларда, пневмогидравлик кучайтиргичларда қўлланади.



Гидравлик мультипликатор схемаси: *1* — кичик диаметрли плунжер; *2* — катта диаметрли поршень; *3* — иш суюқлиги.

МУЛЬТИПЛИКАЦИОН ФИЛЬМ (лот. multiplicatio — кўпайтириш) — кино санъати тури. Киноасарлари чизилган (расмли мультипликация) ёки ҳажмий (ҳажмий мультипликация) объектлар ҳаракатининг кетма-кет фазаларини суратга олиш йўли б-н тайёрланади. Тасмага туширилган расм ва ҳажмий образларнинг секундига 24 кадр тезлигидаги проекция тасвири экранда ҳаракатни, яъни «жонланиш»ни юзага келтиради.

Мультипликация расмли ва ҳажмий бўлиб, уларнинг ҳар бири яна чизма, силуэтли, қўтирчоқ, барельефли турларга бўлинади. Кейинги пайтда компьютерли мультипликация ҳам кенг тараққий этиб боряпти. Мультипликация *кинематография* ихтиро этилгунига қадар бунёд этилган. Расмли кино биринчи марта француз рассоми ва муҳандиси Э. Рейнонинг анча мукаммалроқ мосламаси орқали 1892 й.да намойиш қилинган. Қалрма-кадр суратга олиш йўсини бўйича ишланган дастлабки расмли фильмлар муаллифи — Э. Коль. Ҳажмий мультипликациянинг асосчиси рус оператори ва реж. В. Старевич («Гўзал Люканида ёки Шоҳдорлар ва мўйловдорлар уруши»).

Мультипликацион фильм. 1. «Ўн икки ой» (Япония). 2. «Янги шоҳча ва ёз ёмғири ҳақида» (Ўзбекистон) фильмларидан кадрлар.

Расмли М.ф.нинг кейинги тараққиёти персонажларида ҳайвонот дунёси вакилларига мурожаат этишдан бошланади. Ўз ижодида Микки Маус лақабли сичқон, ўрдак — Дональд, ит — Плутолардан кенг фойдаланган америкалик мультипликатор — рассом, реж. У. *Дисней*нинг довруғи, айниқса, овозли кино пайдо бўлганидан сўнг кенг тарқалди. Дисней фильмларидаги персонажларни «жонлантириш» маҳорати, мультипликацион ҳаракат таъсирчанлиги, ритми жаҳон мультипликаторлари диққатини тортди («Оппоқой ва етти гном», «Пиноккио», «Бэмби» ва б.).

Ўзбекистонда биринчи М. ф. «6×6 квадратида» (реж. Д. Салимов. 1965), биринчи расмли М.ф. — «Жасур чумчуқча» (В. Арсентьев. 1969). 1978 и.да «Ўзбекфильм» кино студияси қошида қўтирчоқ ва расмли фильмлар ижодини уюштириш ташкил этилгач, расмли мультипликацияда жанр ва мавзу доиралари кенгайди, ҳаракат ва воқеа тезлигига, юморга эътибор кучайди («Қизил квартет», «Лочин ва Юлдуз ҳақида баллада», «Сеҳрли самовар», «Юлдузли эртак», «Сахрода куз» ва б.). 80-йилларда турларнинг имкониятларини алмаштириб туриш услубига асосланиб, эски қўтирчоқлардан кенг фойдаланишга ўтилди, мультипликация б-н расмли фигура ва жонли персонажларни қўшиб, суратга олиш тажрибаси ижобий самара берди («Қор одам», «Хризантемалар боғи», «Бетона», «Ҳужа Насриддин», «Олтиннинг жумбоқлари» ва б.). Ички имкониятлардан ладиз фойдаланиш, умуминсоний мавзулардан фалсафий хулосалар чиқара олиш ўзбек мультипликациясига муваффақият келтирди. 1984 й. Лейпцигда бўлиб ўтган 27-Халқаро фестивалда америкалик фантаст ёзувчи Рэй Бредбери ҳикояси асосида яратилган «Ёқимли ёмғир ётади» (реж. Н. Тўлахўжаев, рассом С. Алибеков, композитор Ф. Янов-Яновский) фильми фестивалнинг бош соврини «Олтин кабутар» б-н тақдирланди. 1987 й.да «Ўзбектелефильм» ҳам ўзининг М.ф. «Нонвой ва илқов» (реж. М. Боймуҳамедов)ни яратди.

Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг фильмлар ўзбек тилида суратга олина бошлади. Улар «Ўзбекфильм» акциядорлик жамиятининг мультфильмлар устахонасида ишланади. Ўзбек мумтоз шоири ва ёзувчиларининг адабий меросларини мультипликация тасвирий воситалари ёрдамида экранлаштирилмоқда. Мультипликациянинг имкониятлари янада кенгайиб бормоқда. Кейинги йилларда замонавий суратга олиш кинокамералари б-н бир қаторда компьютер ёрдамида фильмлар яратишга

ўтилмоқда. «Синдбаднинг саргузаштлари», «Биллиардхона воқеаси», «Баҳром ва Диловром» (М. Маҳмудов), «Олтин кетмон», «Қора сароЙ» (В. Никитин), «Яккахон қўғи» (Д. Вдасов), «Далалари гуллар» (Н. Тўлахўжаев) ва б. сўнгги йиллар яратилган энг яхши фильмлардир. М.ф.лар болаларни ўзаро ёрдам, дўстлик, ҳалоллик, меҳнаткаш бўлишга ўргатади. Ўзбек М.ф. ларини дунёга танитишда режиссёрлардан Д. Салимов, Н. Тўлахўжаев, М. Маҳмудов, А. Акбаржўжаев, Д. Вдасов, К. Камолова ва б.нинг хизматлари катта.

Маҳсура Мирзамуҳамедова

МУЛЬТИПРОГРАММАЛАШ (*мульти...* ва *программа*) — турли масалаларга тааллуқли бир неча дастур (программа)ни *рақамли ҳисоблаш машинаси* (РҲМ) да бир вақтда бажариш усули. Кўп дастурли режимда РҲМ ҳотирасида бир йўла бир неча масала дастури бўлади. Бир дастур тугаши б-н ёки бир дастурни бажариш кечиксa) М. 2-дастурга ўтишга имкон беради. Агар РҲМ бир вақтда бир неча абонентнинг дастури б-н банд бўлса, у кўп дастурли режимда, бир абонентнинг дастури б-н банд бўлса, бир дастурли режимда ишлаётган ҳисобланади. М.дан асосий мақсад — РҲМ қурилмаларининг бўш туриб қолишига йўл қўймаслик, ишунумдорлигини ошириш. Бошқарувчи дастур (монитор) бир дастур тугаши б-н 2-дастурнинг бажарилишини таъминлайди. М. аппарат ва дастур воситалари б-н амалга оширилади. Аппарат воситаларига хотира муҳофазаси ва ўхшатишларни ташкил қилиш киради. Дастур воситалари диспетчер-дастурлар ва программалаш тилларидан иборат.

МУЛЬЧАЛАШ (инг. mulch — қопламоқ) — тупроқ бетини қалин мульчақоғоз ёки ҳавол (похол, торф, чиринди, гўнг ва б.) материаллар б-н ёппасига ёки қатор оралатиб ёпиш. М. ўсимликнинг ўсиши шароитига ижобий таъсир этади; ер бетидан намнинг буғланишини камайтиради, сутка давомида ҳароратнинг ўзгариш амплитудаси муқобил бўлишини таъминлайди, ер бетини сув ювиб кетиши ва шамол учириб кетишидан ҳимоя қилади, тупроқ структурасини сақлаш ва яхшилаш имконини беради, тупроқда кечаётган биокимёвий фойдали жараёнларни кучайтиради; натижада ўсимликнинг озиқланиши яхшиланади, ер бетини қатқалоқ босишдан сақлайди.

Ўрта Осиёнинг суғориладиган енгил механик таркибли ва қумоқ тупроқларида шароитида экинларни етиштиришда, тупроқнинг устки қисмини мустаҳкамловчи ва уни ювилиши ҳамда шамол кўтариб кетишидан сақловчи оралиқ экинлар экиши мульча вазифасини бажаради. М. кучли шамол эрозияси кузатиладиган ерларда чекланган майдонларда қўлланади. 20-асрнинг 90-йиллар охирида Ўзбекистонда чигитни Андижон технологияси асосида плёнка остига экишда М.нинг янги усули катта майдонларда амалга оширилмоқда. Бунда чигит экиш б-н бир вақтда пушта устига сеялкага ўрнатилган махсус мослама ёрдамида плёнка тўшалиб, ҳар бир уяга 3—4 талаб чигит экилади, уя устидаги плёнка тешиб кетилади. Ўсиб чиққан шоналангандан кейин плёнка йиғиштириб олинади.

Шерзодбек Қорақўлхонов.

МУЛЯЖ (франц. moulet сўзидан — қолиплamоқ, қуймоқ) — бирор-бир объектдан типс, мум, пайпе-машела олинган нусха; одатда бўялган, асосан, кўргазмали қурол вазифасида хизмат қилади (табиий ёки патологик ўзгартирилган тана аъзолари, тана бўлаги, сабзавотлар, балиқлар ва б.). М. натурадан олинган қолипда қуйилади ёки ўлчовлар асосида кўлда тайёрланади. Ҳайвонларомшликда баъзан мурданинг юзидан (ниқоб), машҳур композиторнинг қўлидан олинган, ўқув мақсадларида мумтоз асарлардан туркумли такрорлаб қилинган нусха ҳам М. деб аталади.

МУМ — 1) ҳайвон ёки ўсимлик маҳсулоти бўлган ёғсимон модда, асосан, юқори ёғ кислоталарининг мураккаб эфирлари ва юқори молекуляр спиртлардан иборат. М. — аморф, пластик, қиздирилганда осон юмшайдиган модда, 40—90° орасида суюқланади. М.нинг ҳиллари ҳам бўлади. Асаларимуми, қўй жуни ювилганда чиқадиган М., канал от ёғидан олинадиган спермацет ҳайвон маҳсулоти М.ига, Бразилия пальмаси барглидан олинадиган карнауба, канделил, пальма муми ва б. ўсимлик маҳсулоти М.ига, озокеритни тозалаб олинадиган церезин, қўнғир кўмир ёки торфдан ажратиладиган монтан М.и қазилма М.ига киради. Саноатда синтетик М. ҳам олинган, қазилма ва синтетик М.лар техникада ишлатилади. Ўсимлик М.и ўсимликларнинг сув режимини тартибга солишда муҳим биологик функцияни бажаради. М. дан амалий ва тасвирий санъатда ҳам фойдаланилади; 2) асаларининг мум безларида ишлаб чиқариладиган ёғсимон суюқлик (қ. *Асалари муми*).

МУМ РАССОМЛИГИ — боғловчи модласи *мум* бўлган бўёқда ишланадиган рангтасвир усули. Кимёвий активлигининг сустлиги ва намга чидамлилигининг туфайли бу усулда яратилган асарлар кўп асрлар давомида ўзининг дастлабки колорити, софлиги, пишиқлиги ва бўёқ қатламининг сифатини сақлаб турди. Мил. ав. 14-асрдан Қад. Миср да мўмиёхоналарини бўяшда қўлланган. Мил. ав. 5-асрда Юнонистонда несиқ усул деб аталувчи (энкаустика) энг мустаҳкам М.р. технологияси яратилган: бунда қиздирилган мум бўёқлар қиздирилган жез қуракча ёрдамида асосга суртилади. Бу усул, асосан, даστтоҳ санъатида қўлланган, шунингдек, маҳобатли расмларда нюқлай ташқи шароитга чидамли мустаҳкам бўёқ қатламни талаб қилинганда ишлатилган. Файюм портретлари ва Византия иконаларида (12-а.гача) энкаустика ўрнини унча пишиқ бўлмаган ҳамда ишланиши осонроқ скипидарли мум бўёқлари (совуқ усул деб аталади) ва мумли темпера (учувчан мойли эмульсия аралашмаси) эгаллай бошлаган. М.р. ҳозир асосан расмларни таъмирлашда, йўқотилган бўёқ қатламини тўлдириш ва уни мустаҳкамлашда ишлатилади.

МУМДАРАХТ (Ноуа carnosa) — печакдошлар оиласига мансуб чирмашиб ўсадиган доим яшил бута. Барги этли, ялтироқ, гули хушбўй, пушти, мумдан ясалганга ўхшайди, тўпгули соябонсимон. Жан.-Шарқий Осиё ва Шарқий Австралиянинг нам субтропик ўрмонларида ўсади. Хонада тувакда ҳам ўстирилади.

МУМИЁ (араб., лот. mumia), мумиёйи асл, тог бальзами, баргшун, баргшун, чаотун — физиологик функцияларни кучайтирадиган мураккаб биологик табиий маҳсулот, қояларнинг ёриқларидан сизиб чиқадиган смоласимон модда. Умуман М.ни биологик, геологик ва биоминералогик ўзгаришлар маҳсулоти дейиш мумкин.

Табобатда қадимдан ишлатиб келинган. Абу Бакр-ар *Розий* бош оғриғи, бош айланиши, юз нерви фалажи, тутқаноқ, юрак-қон томир системаси, нафас йўллари ва б. аъзолар касалликларида М. ишлатган. Абу Али *ибн Сино* ўзининг «Тиб қонунлари»да М.ни меъзани мустаҳкамлайдиган, нафас олишни енгиллаштирадиган, бинобарин энг такомиллашган универсал дори деб тавсифлаган. М.нинг келиб чиқиши ҳақида жуда кўп фикрлар мавжуд.

М. ҳамирдай мулойим, таъми аччиқ, сувда эрийди. Таркибида турли органик моддалар ва микроэлементлар бор. Ўрта Осиё ҳудудида М.нинг манбалари кўп. Тилла ранг (қизил), кумуш ранг (оқиш), мис ранг (кўкиш) ва темир ранг (қорамтир-кўнғир) М. бўлади. Темир ранг М. кўпроқ тарқалган. Асосан, тиббиётда қўлланади. М. йиринглатув-

чи микробларни ўлдиради, жароҳат, яра ва сиинган суякларни тез тузатади. Лат еган, сиинган суякларни даволашда М.дан фойдаланиш сир-асрорларини Ўзбекистонда проф. О. Ш. Шокиров илмий жиҳатдан асослаб берди.

М.ни мембрана орқали тозалаш, пуркаш усулида қуритиш ва кукунга айлантириш, таблеткасини қобиқлаш технологияси, таркибидаги микроэлементлар, аминокислоталар, ёғ кислоталарининг сифат ва миқдор анализи, стандартлаш усуллари Тошкент фармацевтика ин-тида ишлаб чиқилди (С. Н. Аминов, В. Е. Ким, Л. М. Солиева). Хоз. М. Ўзкимёфарм ОАЖ да таблетка ҳолида (М. Усуббоев) ишлаб чиқарилади.

М.дан ўз билгича фойдаланиш ярамайди, уни фақат врач тавсия этган ҳоллардагина қўллаш мумкин.

Ад.: Шакиров А. Ш., Мумиё асили в комплексном лечении переломов костей, Т., 1976; Бурмакин Б., Мумиё. Санкт-Петербург, 2001.

МУМИЁЛАШ — қ. *Бальзамлаш.*

МУМЛИ ПАЛЬМАЛАР — *мум* берадиган пальмалар туркумига мансуб ўсимликлар. Энг машҳурлари — бразилия ва анд мумли пальмалардир. Бразилия М.п. ёки карнаубанинг бўйи 10—12 м, барги елпиғичсимон (диаметри 2 м гача). Бразилия, Боливия ва Парагвай саванналарида учрайди. Мум қатлами (0,5 см ча) ёш баргларини нам йўқотишдан сақлайди. Баргидан бўёра ва б. буюмлар тўқилади. Муми турмушда ва техникада ишлатилади. Анд М.п.нинг танаси мум б-н қопланганидан оппоқ, бўйи 30 м, барги патсимон, уз. 6—7 м. Колумбия Анд тоғларининг ён бағирларидаги ўрмонларда (денгиз сатҳидан 2500 м баландликда) ўсади. Битта пальмадан йилига 10 кг мум олиш мумкин.

МУМТОЗ АДАБИЁТ — миллий ва жаҳон бадиий маданияти хазинасини ташкил этган, кўпчилик томонидан тан олинган машҳур асарлар силсиласи (қ. *Классика, классицизм*).

МУМТОЗ МАҲАЛ БЕГИМ (асл исми Аржуманд бону) (тахм. 1594, Машҳад — 1631.17.6, Бурҳонпур) — бобурий маликалардан. *Шоҳ Жаҳон*нинг суюкли хотини. У асли эронлик бўлиб бобоси ва ота-онаси Ҳиндистонга кўчиб келиб, Акбаршоҳ хизматига киради. 1611 й.да Аржуманд бонунинг аммаси Нуржаҳон (Меҳринисо) Жаҳонгиршоҳга турмушга чиққач, Аржуманд бонунинг бобоси Эътимод уд-Давла бош вазирлик мансабига, отаси Эътиқодхон (Осафхон) эса сарой бошқарувчиси лавозимига кўтарилади. 1613 й. 19 ёшли Аржуманд бону 21 ёшли шаҳзода Хуррам (Шоҳ Жаҳон)га турмушга чиқади. Аржуманд бону тез кунда талбиркорлиги, нозик табиати, иффати, тенгсиз ҳуси-латофати, айрим келишмовчиликларни осон ҳал қилиши б-н сарой аъёнлари ўртасида катта эътибор қозонади. Шунинг учун кўп ўтмай у Мумтоз маҳал бегим (саройнинг кўрки) деб атала бошланди. 14-фарзандини туғишда вафот этган. Ўлими олдидан унга атаб дунёда тенги йўқ мақбара бунёд этишни эридан илтимос қилган, катта қизи *Жаҳонора бегим*дан эса Шоҳ Жаҳоннинг ҳолидан хабар олиб, унга тамҳирлик қилиб туришни васият қилган. Шоҳ Жаҳон М.м.б.га атаб *Аграла Тожмаҳал*ни бунёд этган.

МУМТОЗ РАҚС — ўзбек миллий рақс туркуми; авлоддан-авлодга ўтиб, санқал топиб, асосан профессионал рақс усталари томонидан ижро этиб келинган, шакли ва ҳаракатлари тартибланган рақслар. Мавзу рамзий воситалар, тимсоллар ва шартли-умумлашма ҳаракатлар б-н ифода қилиниши, иллюстратив ҳаракатлар, маиший унсурлар деярли ишлатилмаслиги М.р.нинг энг муҳим хусусиятидир. М.р. марказида — инсон, унинг эҳтиросларини, ҳис-туйғулари туради. М.р. бир киши ёки гуруҳ бўлиб ижро этилади. Таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин: 1) мақом рақси (мақом оҳангларида ижро этиладиган рақслар); 2) катта ўйин (Фарғона рақслари); 3) созанда ва мавригихонларнинг рақслари; 4) лазги (Хоразм туркум рақслари). Ўзбекистон ҳудудида М.р. исломгача бўлган даврлардаёқ (1—7-а.лар) шаклланган. Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва Шаҳрисабздан чиққан раққосаларнинг Хитой императори саройида М.р.ларни намойиш этганлиги ҳақида маълумотлар сақланган. Уйғониш даврида (9—12-а.лар), айниқса Амир Темур ва темурийлар ҳукмронлиги даврида М.р. равнақ топди. 20-а.да замонавий саҳналарда

«Танавор» рақси (М. Тургунбоева).

«Мунажот» рақси (М. Ўрашева)

намойиш қилина бошлади. Бунда Мирза Ҳамдам, Мақайлик (Уста Муҳаммадхон), Тамарахоним, Маҳкам ҳофиз, Мукаррама Тургунбоева ва б.нинг хизматлари катта. «Дилхирож», «Пилла», «Роҳат», «Танавор», «Баҳор» каби саҳнавий рақсларни М.р. тушунчасига киритиш мумкин.

Ад.: Авдеева Л., Ўзбек миллий рақси тарихидан, Т., 2001.

Муҳсин Қодиров

МУНАББАТ (араб. — ўстирмоқ) — тўғри тўртбурчак шаклли асосга ёки бўлган нақш тақсими. М.нинг тўрт томонга қараб такрорланишидан нақш мужассамоти яратилади. Наққош М.нини тўртдан бир қисмини чизиб олади, сўнгра шу чизмалан фойдаланиб нақш ахтаси (улги)ни тайёрлайди. Ахта ёрдамида безатиладиган сатҳга туширилган М. бўяма, ўйма, тирнама усулларда ишланади. М. Ўрта Осиё наққошлигида, айниқса, катта юзаларни безашда кўп қўлланади. Мужассамотига кўра, М.нинг ўсимликсимон (исломий М., М.и гулзор), ҳандасий (гиреҳ М.), рамзий ва б. турлари бор.

Исломий Мунаббат.

МУНАВВАРҚОРИ. Абдурашидхонов Мунаввархори (1878, Тошкент — 1931.23.4, Москва) — Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, 20-а. ўзбек миллий матбуоти ва янги усулдаги миллий мактаб асосчиси, янги миллий театр ташкилотчиларидан бири, адиб ва шоир. Тошкентнинг Шайхонтоҳур даҳасидаги Дарвон маҳалласида шели оиласида туғилган. Отаси Абдурашидхон Сотибалдиевич уста мударрис, онаси Хосият опа Хонхўжа Шорахимхўжа мударрис қизи опанони бўлган. У оилада ўқитувчи уйғун бўлиб, катта акалари Аълохон (1872—1919) ва Муслимхон (1875—1954) маълим бўлишган. Отасидан сиёсий қарашлар туфайли дастлабки таълим-тарбияни олишдан олган. Сўнг ўз даврининг машҳур ўқитувчиси Ўсмон домладан илми қироат ва таджвидни ўрганиб, ҳофиз Қурбон бўлган. 1885—90 й.ларда Бухородаги Мирараб мадрасасида таҳсил олган, аммо таҳсилни охиригача етказмай, Тошкентга қайтиб, имомлик ва маълимлик б-н шуғулланган. Эшонқули доҳхо мадрасасида таҳсилни давом эттирган. 1901 й.да усули жадид мактабини очиш ва шу мактаблар учун махсус ўқув ластурини тузган, дарсликлар ёзган. 1904 й.дан ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётга аралаша бошлаган. 1906 й.дан «Ўрта Осиёнинг умрузорлиги, тараққий», «Тараққий» газ.ларида адабий ходим. Шу йили новир ва мухаррир сифатида «*Хуршид*» газ.ни ташкил этган. «*Шуҳрат*» (1907), «*Тужжор*» (1907), «*Осиё*» (1908) газ.ларини гомий бошқарган ва адабий ходим вазифасини бажарган. Сўнг «*Садойи Туркистон*» (1914—15) газ.да масъул муҳаррир муовини, «Ал-ислоҳ» жур. (1915—17)да махфий муҳаррир, «*Нажот*» ва «*Кенгаш*» (1917) газ.ларида масъул муҳаррир.

М. турли жамият ва уюшмалар ташкилотчиси. У «Жамияти Имдодия» (1909), «Турон» (1913), «Туркистон кутубхонаси» (1914), «Умид» (1914), «Мактаб» (1914), «Кўмак» (1921) жамият, ташкилот, ширкат ва уюшмаларида муассис, муовин, раис, аъзо. Шўролар ҳукумати даврида Халқ дорилфунуни шўросининг раиси, Туркистон Маориф халқ комиссарлиги турк шўъбасининг иш юритувчиси (1918), Тошкент ш. маориф нозири, Шарқ халқлари съезди (1920, Боку) делегати ва ҳайъати аъзоси. БХСР Маориф нозирлиги вақф бўлими бошлиги (1920—21), Тошкент ш. ижтимоий тарбия бўлими мудири (1921), Академмарказ раиси (1922), Навоий номидаги мактаб, Наримонов номидаги пед. техникуми, аёллар пед. ин-тида муаллим (1923—25), Самарқанд ш. музейида илмий ходим. Ўзбекистон осори-атиқаларини сақлаш қўмитасининг Тошкент-Фартона бўлимида масъул котиб (1927—28).

М. бир қанча дарслик муаллифидир. Унинг «Адиби аввал» (1907), «Адиби соний» (1907), «Усули ҳисоб», «Тарихи қавми турк», «Таджвид» (1911), «Ҳавойижи диния», «Тарихи анбиё», «Тарихи исломия» (1912), «Ер юзи» (1916—17). 4 қисмдан иборат «Ўзбекча гил саёқлиги» (Шорасул Зуннун ва Қавом Рамазон ё-н бирга, 1925—26, 4-қисми мусодара қилинган) дарсликлари бир неча марта чоп этилган. 1914 й.да тараққийпарвар ўзбек шоирларининг шеърларини жамлаб, «Сабзавор» номи ё-н нашр этган.

М. ижтимоий-педагогик фаолият б-н бирга бадиий ижод ё-н ҳам шуғулланган. Унинг шучам ҳикоялари, талайгина шеърлари ўша даврдаги матбуот ва ўзи тузган ҳамда ёзган дарсликларга киритилган. Шунингдек, у ўткир публицист адиб сифатида танилган. Мақолаларида инсон ва жамият, дин ва диндорлик, ахлоқ, мустамлакачилик ва ҳуррият, ватанпарварлик, ташкилот, давлат идораси масалаларига алоҳида эътибор қаратган.

М. ўз фаолияти давомида педагогик, матбуотчилик, муҳаррирлик, адиблик ё-н чекланмай, жиддий сиёсий фаолият ҳам олиб борган, шу сабабли мустамлака ҳукумати томонидан бир неча бор ҳибс қилинган.

Европа савдо-саноат, илм-фанини ўрганишга чақирган, маънавий қолоқликни қоралаган. Чор ва шўро ҳукуматлари олиб борган мустамлакачилик сиёсатига қарши изчил кураш олиб бориб, 1917—1924 й.ларда «Шўройи ислом», «Турк адами марказияти», «Иттиҳод ва тараққиёт», «Миллий иттиҳод», «Нашри маориф» каби жамият, фирқа ва ташкилотлар фаолиятига раҳбарлик қилган. У виждон эркинлигини инкор этмаган дунёвий демократик давлат тарафдори бўлган. Шу сабабли Қўқон ш.да ташкил топган *Туркистон мухторияти*ни (1917) қўллаб-қувватлаган. Умр бўйи ўз ватанини мустақил кўришни истаган.

М. 1929 й. 6 нояб.да қамоққа олиниб, Москва ш.даги Бутирка қамоқхонасида қатл қилинган ва Ваганкова қабристонига дафн этилган. 1991 й.да расман реабилитация қилинган.

Ас.: Хотирадаримдан, Т., 2001; Танланган асарлар, Т., 2003.

Ад.: Зиё Саид, Танланган асарлар, Т., 1974; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 1-китоб [Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000; Марказий Осиё XX аср бошида: исломчилик, ватанпарварлик, тараққиёт ва мустамлакачилик учун кураш, Т., 2001.

Сирожиддин Аҳмедов.

МУНАЖЖИМЛИК (араб.), астрология — айрим кишилар ва халқларнинг тақдирини осмон ёритқичларининг вазиятларига қараб башорат қилиш (фол очиш) б-н шуғулланадиган таълимот, касб (қ. *Илми нужум*). М. б-н шуғулланувчи шахслар мунажжим деб аталган. Абу Райҳон Беруний астрономияга оид «ал-Қонун ал-Масъудий» («Маъсуд қонуни») асарида мунажжим атамасини кўпроқ фалакшунос (астроном) маъносида қўллайди. У мунажжимларни фолбинлар деб атайди. Қадимда муҳим воқеалар, мас., урушларни бошлаш мунажжимларнинг бошоратлари б-н амалга оширилган.

МУНДА (ўзларини хороко — одамлар деб аташади) — Ҳиндистондаги халқ. Асосан, Биҳар штатида 2 млн. дан ортиқ (1990-йлар ўрталари), Бангладешда тахм. 20 минг киши, Ғарбий Бенгалия, Орисса ва Мадҳья-Прадешда яшайди. Ҳиндистоннинг энг қад. аҳолиси ҳисобланади. Уларни дравидлар, сўнгра ориғ қабилалар Марказий Ҳиндистоннинг тоғли, ўрмон р-нларига суриб чиқарганлар. М. 18-а. охиридан инглизларнинг мустамлака асоратига тушган. 1818—20, 1855—95 й.ларда М.ларнинг йирик миллий озодлик кўзғолонлари бўлиб ўтган. М.лар *мунда тилларида* сўзлашади. Диндорлари — асосан, ҳиндуизм, христиан ва анъанавий динларга эътиқод қилишади. М. деҳқончилик, балиқ овлаш, овчилик, ҳунармандчилик ва теримчилик б-н машғул, бир қисми конларда ва металлургия саноатида ишлайди. Гўштни кам истеъмол қилишади, сут ичиш ман қилинган.

МУНДА ТИЛЛАРИ — австралоосиё тиллари оиласининг ғарбий гуруҳи. Ҳиндистоннинг шарқий ва ғарбий ҳудудида (асосан, Биҳар, Ғарбий Бенгалия, Орисса штатларида) тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 9 млн. кишидан ортиқ. Сантали — М.т. ичида энг кўп киши сўзлашадиган тил (5,5 млн. дан ортиқ). М.т. 17 та деб тахмин қилинади, лекин улар ҳануз тула тасниф этилмаган. Шим. ва марказий-жан. гуруҳларга бўлинади.

Бир қатор фонетик (жарангли ва жарангсиз ундошларнинг, нафасли ва нафас иштирокисиз ундошларнинг ўзаро қарши қўйилиши, ўзига хос бу-

рун ундошларининг мавжудлиги, баъзи ундошларнинг сўз бошида учрамаслиги) ва грамматик (сўз ўзгариши ва сўз ясалишида префикс ва инфикслар-нинг фаоллиги, *редупликация*, ўзакларни қўшиш усуллари борлиги, гапда бўлакларнинг алоқида тартиб б-н жойлашиши) хусусиятлари б-н шу оилалаги бошқа гуруҳ тилларидан ажралиб туради.

Кўпчилик М.т. учун лотин алифбоси асосидаги ёзув мавжуд бўлса-да, у чекланган ҳолда қўлланади. Бу тиллар учун *деванагари* ёзуви асосида қўшимча белгилар қўшиб яратилган алифбо ҳам бирон-бир муваффақият қозонмаган.

МУНДИГАК — Қандаҳор ш. (Афғонистон)дан 55 км шим.-ғарбдаги энеолит, жез ва илк темир даврига оид қароргоҳ қолдиғи. Француз экспедицияси томонидан кавланган (1951—58). М.нинг юқори қатламидан терракотадан ясалган қайкалчалар ва тош муҳрлар, ўрта қатлам (мил. ав. 3-минг йиллик ўрталари) дан мис ва жездан ясалган қуйма идишлар, жамоа учун мўлжалланган дафн хоналари топилган. Қуйи қатламлардан (4-минг йиллик охири) ўтроқ аҳоли яшаган турар жой қолдиқлари ва кулолчилик чархида тайёрланган гулдор сопол идишлар (Эрон сопол идишларига ўхшаш) топилган. 3-минг йиллик охири ва 2-минг йиллик бошларида маҳаллий маданият гуллаб яшнаган. Ҳашаматли меъморий ёдгорлик (эҳром, маҳаллий ҳукмдорнинг қароргоҳи) ва тош ҳайкаллар топилган. Топилмалардан М.да яшаган қабилалар Шим. Балужистон *(Кветта маданияти)*, Ўрта Осиё *(Қоратепа)*, Эрон (Ҳисор) ва Ҳиндистон *(Хараппа маданияти)* халқлари б-н маданий алоқада бўлганлигини кўрсатади. Мил. ав. 2-минг йилликда М. инқирозга учраган (турар жойлар камайган, сопол идишлар қўлда ясалган).

МУНЖОН, Минжон — *Бадахшон* тарихий вилоятидаги рустоқ. Ҳиндукуш тоғларида, Балахшоннинг Кофиристон б-н чегара ҳудудида жойлашган. М. рустоғи *Ибн ал-Фақиҳ* асарида 826—827 й.ларда тоҳирийлардан Абдуллоҳ ибн Тоҳирга хирож тўлаган Тохаристон вилоятлари қаторида ал-Миҗон ёхуд ал-Муттажон шаклида қайд этилган.

«М.» атамаси Балахшондаги энг қад. номлардан ҳисобланади. Мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида қад. ҳинд адиби Панини Мунжаён мамлакати ва «Мунжи» қабила бирлашмасини қайд этиб ўтган. 7-а.нинг 1-ярмида *Сюань-Цзан* бу мулкни Мун-ки-йен шаклида келтирган. Унинг маълумотига кўра, М. Ху мулки (яъни Қундузидан шарқда жойлашган.

М. рустоғи ўзининг қад. номини ҳозиргача сақлаб қолган бўлиб, у *Кишм* ва *Жирм* ўртасида жойлашиб, маъмурий жиҳатдан Зейбоққа қарайди. М.нинг иқлими совуқ, аҳолиси оқ юзли, асосан, тўқимачилик б-н шуғулланади. 19-а.да М. аҳолиси Кофиристонлан Балахшонга мунтазам суратда босқинчилик қилиб турган «кофирлар» б-н уруш олиб борганлар. М. четарасида работ қурилган бўлиб, у М. водийсини душманлар ҳужумидан муҳофаза қилиб турган.

Жамил Турсунов

МУНЖОНЛАР — *Номар халқлари* таркибидаги этник гуруҳ. Афғонистон Балахшони, Панж дарёсининг юқори оқимлари ҳавзасида яшаган. 1-минг йиллик бошида Ҳиндукуш, Помир, ҳоз. Тожикистонининг тоғли р-ларида яшаган бақтриякликларининг аждодлари. М.нинг умумий сони ҳақида маълумот йўқ. Қишлоқларда яшайди. Тожик тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар.

МУНИС Хоразмий (тахаллуси; асл исм-шарифи Шермуҳаммад Амир Авазбий ўғли) (1778— Хива яқинидаги Қиёт қишлоғи — 1829) — шоир, тарихнавис, таржимон, хаттот ва маърифатпарвар. Дастлабки маълумотни тугилган қишлоғида олган, кейинчалик Хива мадрасаларида ўқиган. 1800 й.да отаси вафот этгач, *Аваз Муҳаммад Иноқ* М.ни саройнинг фармоннавис котиби қилиб тайинлаган. М. замонасининг машҳур олим, шоир ва санъаткорлари б-н яқин алоқада бўлиб, билими, салоҳияти ва куч-қувватини шеъриятга, илм-фан ва маърифатга бағишлаган. М. 1804 й.да биринчи шеърлар девони — «Девони Мунис»ни яратган. 1806 й.да Элтузархон М.га Хива хонлиги ҳақида китоб ёзишни топширган. М. ўз асарини Шергозихон даврига етиб етказганда, Элтузархон фожиали ҳалок бўлади. М. китобини давом эттиради ва 1819 й.да *Марҳонд*нинг «Равзат ус-сафо» («Софлик боги») тарихий асарини туркий тилга таржима қилишни бошлайди. М. бу асарнинг 1-жилдини таржима қилишга улгуради. У бу икки асарни ҳам тугата олмай вафот этади. Унинг «Фирдавс ул-иқбол» («Бахтлар боги») асарини ва «Равзат ус-сафо» таржимасини шогирди *Огаҳий* ниҳоясига етказади. М.нинг «Фирдавс ул-иқбол» асари узоқ даврни қамраб олган бўлиб, Марказий Осиё, айниқса, Хива хонлиги тарихини ўрганишда қимматли манбадир. Асарда Хоразмнинг қад. даври б-н бир қаторда, Хива хонлигининг 1825 й.гача бўлган сиёсий тарихи баён этилган, тож-тахт, бойлик учун олиб борилган курашлар ва, шунингдек, Хива хонларининг кўшни туркман ва қорақалпоқ халқлари б-н бўлган муносабатлари ҳақида ҳам кўплаб маълумотлар келтирилган.

Асар муқаддима, 5 боб ва хотимадан иборат. 1-бобда Одам Атодан то Нуҳ пайғамбар авлодигача бўлган ҳодисалар еритилган. 2-бобда Ёфасдан Кушрот шуъбасигача бўлган мўғул ҳукмдорлари даври ҳусусида фикр юритилган. 3-бобда Курлоқ авлодига мансуб подшоҳлар даврида содир бўлган воқеалар тўғрисида ёзилган. 4-бобда Элтузархонинг ота-боболари ҳаёти тасвирланган. 5-бобда Элтузархонинг тугилишидан бу асарнинг ёзилиб тамом бўлишига қадар бўлган воқеалар хусусида қалам тебратилган. Хотима эса оилалар, авлиё, амир, бек, шоир, ҳунармандлар ҳақида маълумотларни ўз ичига олади.

М. ўз давридаги суғорши иншоотлари ва ер-сув муносабатларига доир «Арналар» (ариқ-анҳор, канал) номли рисола ҳам ёзган. Бу рисола 18-а. охири ва 19-а. бошларидаги деҳқончилик б-н боғлиқ, ижтимоий муносабатларни ўрганишда аҳамиятли. М.нинг асосий адабий мероси — 1815—20 й.ларда тузилган «Мунис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти») девони *ғазал, мухаммас, қасида, рубоий, қитъа* ва б. жанрлардан иборат бўлиб, 20000 дан зиёд мисрани ўз ичига олган. У ҳаттотлар томонидан қайта-қайта кўчирилиб, 1880 й.да Хива тошбосмасида нашр этилган.

М. Навоийнинг «Мезон ул-авзон»-«Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер» асарларини китобат қилган (1794, 1797). Айниқса, «Мезон ул-авзон»ни олдинги айрим хаттотлар йўл қўйган хатоларни тузатиб, саводли кўчирган. Бу унинг аруз илмининг хос билимдони эканлигидан ҳам далолат беради.

М.нинг савод чиқаришни енгиллатиш ва ҳуснихат санъатини ривожлантириш масалаларига бағишланган «Саводи таълим» (1804) шеърий рисоласи ҳам бор. Девонларининг бир неча қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти Шарқ қўлёзма асарлари фондида сақланади.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1957.

Ад.: Юнусов М., Мунис Хоразмий, Т., 1953; Каримов Ғ., Ўзбек адабиёти тарихи, 3-китоб, Т., 1966; Маънавият юлдузлари, Т., 2001.

Ибодулла Жумаев

МУНИЦИПАЛИТЕТ (нем. Munizipalität, лот. municipium — ўзини ўзи идора қилувчи жамоа) — бир қанча мамлакатларда маҳаллий бошқарув ва ўзини ўзи бошқарувни сайлаб қўйиладиган органларнинг мажмуи. Айрим мамлакатларда (мас., АҚШ, Буюк Британия) шаҳар бошқарув органларининг М. деб аталади. Москва ш.да маҳаллий ўзини ўзи бошқарувчи орган М. деб аталади, у муниципал ғояларни ва маҳаллий маъмурият бошлиғи (М. раҳбарияти ўз ичига олади. М. тегишли маъмурий-ҳудудий бирлик аҳолиси томонидан сайланади ва унга конституциявий ҳуқуқ ва халқ-ҳуқуқий корпорациялари сифатида қаралади. Одатда, М. *мэр, бургомистр* ва ш.к. бошчилигидаги сайлаб қўйиладиган раёсат ҳамда пажвон мулозимлар девонидан иборат бўлади. М. муниципал кормоналар, турар жой фонди ва б. мулклар эгаси бўлиши мумкин; у давлат мактаблари, санитария хизмати идоралари, маҳаллий полиция, бир қанча мамлакатларда эса тиббий хизмат ва ижтимоий таъминот бўйича турли муассасаларни бошқаради. М.нинг асосий даромад манбаи аҳолидан йиғиладиган маҳаллий солиқлардир.

МУНК, Минк — ўрта асрлардаги (10-а.) Хутталон вилоятининг энг йирик шаҳри. Қизилсув дарёси (Тожикистон)нинг юқори оқимида, Обимозор дарёсининг ўнг қирғоғида. Ҳовалинг қишлоғидан 1 км шим.-ғарбда жойлашган Шаҳри Минг харобаси ўрнида бўлган. М.да ҳоқон Кушон подшолиги даври (1—4-а.)дан мўғуллар истилосигача (13-а. боши) давом этган.

М. дастлаб Авестода ва «Шоҳнома»да тилга олинган. Илк ўрта асрларда М. кичик шаҳар бўлса-да, кенг *рустоқ*ка эга бўлган. М. обод, чиройли шаҳар бўлиб, аҳолиси жанговарлиги б-н ажралиб турган. В. В. Бартольд М.ни ҳоз. Балжувон ўрнида бўлган деб ҳисоблайди. М.нинг қабристони ҳоз. Хонақо қишлоғи ёнида бўлган, майитлар ёғоч тобутларда, шим.га қаратиб дафн қилинган. Майитларнинг бир қисми (10—14-а.) монголоид ирқига мансуб бўлган, 10—12-а.ларда М.да ҳунармандчилик тараққий этган.

МУНКАР ВА НАКИР — исломий тасаввурга кўра, ўлганларни Раббинг ким, дининг нима, пайғамбаринг ким, деб қабрда дастлабки сўроқ қилувчи фаришталар. М. ва Н. тақводор бўлган майитларни то қиёмат бўлгунга қадар тинч қўяди, гуноҳкорларни эса, аксинча, Аллоҳ қанча хоҳласа, шунча азоблайди. М. ва Н. номлари ҳадисларда эслатилади, Қуръонда эса бу фаришталар тилга олинмайди.

МУНКАЧИ (Мункасу), асли Либ (Lieb) Михай (1844.20.2, Украинанинг ҳоз. Мункачево ш. — 1900.1.5, Германиянинг Бонн ш. яқинида) — венгер рассоми. 19-а. венгер тасвирий санъатида реализм асосчиларидан. Э. Самойи (1862—63), Вена ва Мюнхен БА (1865—68), Дюссельдорфда Л. Кнаус (1868—69)да таҳсил кўрган. Дюссельдорф ва барбизон мактаблари рассомлари ҳамда Г. Курбелан илҳомланган. Дастлабки асарлари романтик оҳангларга бой («Данила момақалдироқ», 1867 ва б.). 1870-йиллар инқилобий демократик гоялар таъсирида ижтимоий ғанқилий руҳдаги ўткир психологик шиорчиликни ва ёрқин халқ вакилларини б-н ажралиб турган асарлар яратди. «Ўлимга ҳукм қилинганлар камераси» асари рассомга оламшумул шуҳрат келтирди. Кўп шаклли давқдар ўстида ишланган М. асарларида драматик қудрат ва композиция яхлитлигига эришди. 1870-йиллардан ўткир ифодали манзара ва портретлар («Ласло Паал», тахм. 1876—77 ва б.) б-н бир қаторда салон ва академизм хусусиятларига эга бўлган асарлар («Мана одам», 1896 ва б.) ҳам ишлади.

МУНКЭ, Мангу (1208—1259) — *Мўғуллар давлати*нинг 4-буюк хони (қоони), *Чингизхон*нинг набираси, Тулихоннинг тўнғич фарзанди. 1251 й. *Қорақурумда* бўлган қурултойда Батухоннинг қарорига биноан қоонлик шоҳсупасига ўтирган. Қурултой пайтида М.нинг ҳукмдор этиб сайланишига қарши чиқмоқчи бўлган *Ўктойхон* тарафдорлари ҳибсга олинади. 77 киши қурултойдан кейин қатл этилади, Шерамун ва б. хонзодалар афв этилади ва мамлакатнинг турли чекка вилоятларига жўнатилади. М. душманлик руҳида бўлган *Чиғатой* ва Ўктой улусларини бўйсундириш ҳамда тасарруфидаги ерлар чегарасини Ботухонга тегишли бўлган *Жўжи улуси* сарҳадларигача етказишга муваффақ бўлади. *Чиғатой улуси*га Эргана хотун (Орқина хотун) ҳукмдор этиб тайинланади. *Чингизийлар* империясида Чингизхон асос солган якка ҳокимлик ўрнида Ботухон ва М. раҳбарлигидаги икки ҳокимлик вужудга келади. Шарқий Туркистон, Қулжин, Еттисув ва тасарруфига киради. Моваройуннаҳр Ботухонга бўйсунади. М. даврига муайян вилоят ёки юртнинг миллати ва динини эътибордан қочирмаган ҳолда бошқаришга катта эътибор қаратилади. Шу боис қоон девонида барча миллат вакиллари фаолият кўрсатар, бирор-бир юрт, элат халқига қарата қабул қилинадиган қарор ёки мурожаатномалар шу халқнинг тилида ва ёзувида битилар эди.

М. солиқ ундиришнинг Ўктойхон вақтида ўрнатилган тартибини қайта жорий этади ва бу борадаги мавжуд бошбеҳбудликка чек қўяди. Солиқнинг миқдори аниқ белгиланган, асосан, пул шаклида йиғилган. *Рашидуддин*нинг фикрича, жонбош солиғи Хитой ва Моваройуннаҳрда энг кўпи 15 динор, Хуросон ва Эронда энг кўпи 7 динор, энг ками эса, 1 динорни ташкил қилган.

М. Чингизхон вафотидан сўнг қабул қилинган барча ёрлиқ ва пайзаларни бекор этади. Натижада хонзодалар барча амалларини бувок қоонининг нонбори б-н маслаҳатлашган ҳолда амалга оширишга мажбур бўлдилар.

М. 1259 й. Хитойга қарши олиб бораётган уруш чоғида вафо қасалига чалинади ва 8 кунлик хасталикдан сўнг вафот этади. Унинг жасади ўғли Асутой томонидан Мўғулистонга келтирилади. М. Бурқон Халдун мавзеида Чингизхон ва Тулихон қабрлари яқинига дафн этилади.

Ад.: Рашид ад дин, Сборник летописей, т. 2, М. –Л., 1960; Бартольд В. В., Сочинения, т. 1, М., 1963; Абулғозий, Шажарайи турк, Т., 1992; Мирзо Улуғбек, Тўрт улус тарихи, Т., 1994.

Ҳамидулла Дадабоев.

МУНОЖОТ (араб. — махфий суҳбат, илтижо) — исломдаги фарз намозлардан ташқари, ихтиёрий равишда ўқиладиган намозлар. Ҳар қандай диндорнинг ихтиёрий ҳудога илтижо ва ибодат қилиши ҳам М. ҳисобланади. Бундай намоз ва ибодатлар кўпинча кечалари адо этилган. М. фақат намоз ичида бўлиши шарт эмас. М.ни Аллоҳга илтижо қилиб, дуо кўринишида ҳамма вақт ҳам қилиш мумкин.

МУНОЖОТ — шарқ мумтоз адабиётининг анъанавий унсурларидан бири. Одатда, М.да ижод умиди, тавба ва илтижолар тангрига оташин мурожаат шаклида ифодаланади. М. кўпроқ эпик ҳамда лиро-эпик асарларнинг бош — муқаддима қисмида Аллоҳга ҳамд ва пайғамбаримиз Муҳаммад (сав)га наътдан олдин келтирилади. М. дастлаб мусулмон кишининг Аллоҳга мурожаат этиб, ўз ҳожатларини сўраши, ялиниб-ёлвориши тарзида юзага келган. 9—10-а.лардан бошлаб бадиий адабиётда М. ёзиш анъана тусини олган. М. баъзан насрий шаклда ва мустақил асар тарзида ҳам ёзилган. Алишер Навоийнинг шу номдаги асари ва «Хамса» достонлари таркибидаги М.лари ғайратдаларни асарлардир. М. намуналари

ўзбек эпик достонларининг қарийб ҳаммасида учраб, асар муаллифларининг тасаввуфий майл ва эътиқодларини ифодалайди. М. лиро-эпик асарлар охирида берилиши ҳам мумкин.

«МУНОЖОТ» (араб. — ялиниш, ёлвориш) — йирик шаклдаги ўзбек мумтоз чолғу куйлар туркуми. 3 асосий қисмдан ташкил топган: «М.», «Савти М.» ва «Уфари М.». Туркумли ижрода баъзан «Савти М.»дан кейин «Оромижон» номли куй уланиб, сўнгра «Уфари М.» янграйди. Умумий парда тузилиши ҳамда бош куй мавзуи бўйича улар Дугоҳ ва Чоргоҳ мақом йўлларига мос келади. «М.» туркумининг таркибий қисмлари бир-биридан асосан усул негизи б-н фарқланади (сарахбор, қашқарча, уфар). Шу б-н бирга ўзбек мусиқа меросида «Мўғулчаи М.», «Мухайяри М.», «Қашқарчаи М.» номли чолғу куйлар ҳам мавжуд.

Ўтмишда «М.» Аллоҳдан нажот, мадад тилаб қилинадиган тунги ёки ишрин ибодат, унинг руҳий ҳолати б-н боғлиқ ҳолда юзага келган бўлса-да, «М.» куйлари кенг дунёвий моҳиятга эга, лирик кайфиятни акс эттирадиган жозибали, мафтункор, бадиий етук асарлардир. Шунингдек, И. *Икромов* 1940-й.ларда Навоий қаламига мансуб «Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади» ғазални «М.» куйига моҳирона боғлаб, ашула йўлини яратган. Уни А. *Ҳайдаров*, Б. *Довидова*, Б. Исҳоқова каби атоқли хонандалар ўзига хос ижро услублари б-н кенг оммага таништган. «М.»нинг «Оромижон» қисми эса «Қошлари қаламлар» халқ сўзлари б-н айтилиб келинади. «М.» куйларидан ўзбек бастакорлари ва композиторлари томонидан ҳар хил шакл ва жанрларда унумли фойдаланилган (мас., Ф. Мамадалиев — кўп қисмли янгича «М.» туркуми, Д. Соатқулов — «Фарғонача квартети», М. Тожиев — 3, 11-симфониялари ва б.).

«М.» атамаси бошқа Шарқ халқлари (мас., уйғур, эрон, татар ва б.) мусиқа меросида ҳам турли (диний айтим, қўшиқ ва б.) маъноларда учрайди.

Ражаб Юнусов.

МУНОЗАРА — 1) баҳс, фикрлар тортишуви; 2) мумтоз адабиётда кенг тарқалган жанр. Фикрлар кураши шаклида ёзилган бадиий асар. М.да турли нарса, ҳодиса, тушунча, ҳолат ва б. конфликтга киришади. Образлар кўпинча рамзий моҳият касб этиб, мунозара қиладилар. Баъзан М. да мақтов (панегерик) қисм ҳам бўлади. Унда мазкур асарни ёзишга туртки берган одам мақталади. Аммо бу ҳамма асарларда ҳам бўлавермайди. М.нинг қиссалан ҳисса чиқариш ёки муаллифнинг муайян масала ҳақидаги хулосаси б-н тугалланган шаклдари ҳам бўлади. Асари *Тусий*нинг (11-а.) «Кеча ва кундуз мунозараси», *Аҳмад*нинг «Найза ва ёй мунозараси», *Аҳмад*нинг «Банг ва Чогир орасидаги мунозара» (15-а.), *Яҳё*нинг «Ўқ ва ёй орасидаги мунозара» (15-а.). *Фузулий*нинг «Банғу бода», «Сиҳат ва маразз» асарлари М.нинг намуналаридир. Ҳоз. замон ўзбек шеъриятида ҳам бу жанрда асарлар яратилган (Султон Жура, «Тиниш белгилар мажлиси»).

МУНОСАБАТ (фалсафада) — муайян тизимдаги элементларнинг жойланиш характери ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ифодаловчи фалсафий тушунча; бирор нарса ёки ҳодисага нисбатан шахс мавқеининг ифодаси; турли объектларни ёки бирор объектнинг турли томонларини фикран таққослаш.

М.лар тегишли элементлардан турли даражадаги мураккаб тизимларни келтириб чиқаради. Мас., ҳар қандай қонун нарсалар, ҳодисалар ўртасидаги муҳим М. ҳисобланади ва, аксинча, айни бир нарса бошқа нарсалар б-н турли М.да бўлиши мумкин. Бу эса у ёки бу нарсанинг кўп хоссага эга эканлигини билдиради. Ҳар қандай нарсани уни ташкил этувчи элементларнинг ўзаро нисбати деб қараш мумкин. Бу нисбатнинг ўзгариши б-н нарсалар ҳам ўзгаради. Жамиятда кишиларнинг фаолияти жараёнида юзага келган ўзаро М.лар ижтимоий М.лар саналади.

Мантиқда М. табиий тиллардаги бирдан ортиқ эгаси (ёхуд бир эга ёки бир неча тўлдирувчиси) бўлган гаплар кесими б-н ифода қилинади. Гап эгалари (эга ва тўлдирувчилар)нинг сонига қараб бинар (2 ўринли, 2 бўлакли), тернар (3 ўринли, 3 бўлакли) ва умуман, n—ар (n — ўринли, n — бўлакли) М.лар бўлади. Бу турдаги М.ларни муносабатлар мантиқи ўрганади. Математик мантиқнинг формаллаштирилган тилларида М. тушунчаси ўрнида предикат тушунчаси қўлланилади.

МУНОФИРАТ, мунофарат (араб. — номуносиблик, ҳамоҳангсизлик) — мусулмон Шарқ мусиқа назариясида ёқимсиз эшитиладиган товушлар ва *бўъд* (интервал)лар номи. Акси — *мулойимат*.

МУНОФИҚЛИК — сўзи б-н иши бир-бирига тўғри келмаслик, носамимийлик, иккиюзламачиликни, сўзидан қайтишни ифодаловчи салбий ахлоқий сифат. *Ҳалоллик*, тўғрилик, самимийлик тушунчаларига зид. Қуръонда тилида имон келтириб, дилида кофир бўлиб қолган кишиларнинг мунофиқ эканликлари таъкидланади (Мунофиқун сураси).

МУНТАЗАМ КЎПБУРЧАК — барча томонлари ва ички бурчаклари тенг бўлган ясси, қавариқ кўпбурчак. М. к.лар чексиз кўп бўлиб, уларнинг ҳаммасини циркуль ва чизғич ёрдамида ясаб бўлмайди. *Гаусс* циркуль ва чизғич ёрдамида мунтазам n-бурчакни ясаш мумкинлигини исботлаган (бунда, $n=2^s p_1 p_2 \dots p_k$ кўринишидаги сон, $p=2^{2^t}+1$ ясл кўринишидаги ҳар хил *Ферма* сонлари).



Мунтазам кўпбурчак.

Ҳар қандай М. к.ка битта айлана чизиш мумкин. Ҳар қандай М. к.нинг симметрия маркази бўлади. Томонларининг сони $2n$ жуфт бўлган ҳар қандай М. к.нинг ($2n+1$) та симметрия ўқи бўлиб, бундай $2n$ таси М. к.нинг текислигида ётади, биттаси эса М. к. нинг марказидан унинг текислигига перпендикуляр ўтади. Томонларининг сони тоқ ($2n+1$) бўлган М. к.нинг ($2n+1$) та симметрия ўқи бўлиб, бу ўқларнинг ҳаммаси М. к. нинг текислигида ётади.

МУНТАЗАМ КЎПЁҚ — ҳамма ёқлари мунтазам тенг кўпбурчаклар ва ҳамма кўп ёқли бурчаклари тенг бўлган қавариқ кўпёқ. М. к.нинг ҳар бир учидан чиқувчи қирралари сони бир хил.

Евклид М. к.нинг фақат 5 тури бор эканини исбот этган: мунтазам тетраэдр, куб, мунтазам октаэдр, мунтазам додекаэдр, мунтазам икосаэдр. М. к.ларнинг ҳар бирини кубни текисликлар б-н кесиш орқали ҳосил қилинади. Мунтазам тетраэдрдан бошқа ҳамма М. к.ларнинг симметрия маркази бор. Ҳар қандай М. к.ка ташқи ёки ички сфера чизиш мумкин.

МУНТАЗАМ ҚЎШИНЛАР — қатъий белгиланган штат асосида ташкил этиладиган, қонун ва уставга кўра комплектланадиган, муайян хизмат ва ўқув муддатини ўтайдиган доимий армия қўшинлари.

МУНТАЗИР (тахаллуси; исми Юсуфқори) (1831, Қўқон — 1889, Андижон) — шоир. Қўқондаги «Мадрасаи олий»ни тугатгач, мударрислик қилган. У Низомий, Ҳофиз, Навоий, Бедил асарларини чуқур ўрганган. Муқимий, Фурқат, Завқий, Писандий, Муҳаййир, Рожий Маргинонийлар б-н яқиндан танишган, адабий ҳамкорлик қилган. *Худоёрхон* ўғли Насриддинбекни Андижонга ҳоким этиб тайинлаганда, М.ни унга маслаҳатчи қилиб юборади (1860). Шу сабабли умрининг охиригача Андижонда яшаб ижод қилади.

М. ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзган ғазалнавислари шоир сифатида шуҳрат қозонган. Мумтоз шеъриятнинг анъанавий жанрларида ижод қилган, кўпроқ ғазал, мухаммас, мувашшаҳ, рубоийлар ёзган. Уларда замонадан шикоят, ярқ ва маърифат гоялари ифодаланган. М.нинг «Баёзи Мунтазир» шеърлар тўпламига бирзамча етиб келган. Баёзга 800 миср.дан кўпроқ шеърлари кирган.

Ас. Асрлар нидоси, Т., 1982; Аҳмаджонова Ф., Адабиётимизнинг учмас сиймолари, Т., 1983.

МУНТАСИР Исмоил ибн Нуҳ Абу Иброҳим (? — 1005) — *сомонийлар*дан. Сулоласининг охирги ҳукмдори Абдулмалик ибн Нуҳ (999—1000)нинг биродари. 1000 й. *ислиҳон*лардан *Наср* М. б-н Абдулмаликни тутиб ўлганда вилоятга таиланган. М. бир хотин қиёфасида вилоядан қочиб, Бухорога яширинб юрган. Хоразмга борибб сомонийларнинг қолган-кутган аскарларини тўплаб ўзига «Мунтасир» («Ғолиб») деган унвон олган ва салтанатни тиклаш учун кураш бошлаган. 1000 й. Хуросон, Ғазна, Нишопур тарафида Илиҳхон, Қобус ва *Маҳмуд Ғазнавий*га қарши жанг қилган. Ғазна аҳолисининг ёрдами б-н Илиҳхонни 2 бор мағлубиятга учратган бўлса-да, ана шу Ғазна аҳолисининг хиёнати туфайли 1005 й.да Маҳмуд Ғазнавийдан енгилган ва қатл этилган.

МУНТАХАБ (араб. — ажратиб олинган, танланган) — 1) бирор ижодкорнинг танланган асарлари тўплами; 2) фан, адабиёт ва санъатга оид масалаларнинг энг муҳимларини қисқача тушунтириб берувчи асар. Одатда, бир неча муаллифнинг асарларидан олинган парчалардан тузилади.

МУНЧОҚ — қимматбаҳо ва ранг-баранг тош, шиша ва ш.к. нарсалардан турли (думалоқ, узунчоқ ва б.) шаклда тайёрланадиган доначалар. Доначаларни ипга тизиб ясаладиган ҳамда бўйинга тақиладиган тақинчоқ (*маржон*)лар ҳам М. деб аталади. Ўзбекистонда аёллар ва болаларнинг безак буюми бўлган *кўзмунчоқ* тури бўйин ва қўлга тақилади, кийим (кўйлак, нимча, дўппи ва б.) га тикилади. М. қадимдан кўпгина халқлар орасида кенг тарқалган. Тош (неолит) ва суяклан, жез даврида металлардан ишланган. Қад. Мисрда шишанинг ихтиро қилиниши б-н шиша М.лар кенг тарқалди. Ўрта асрларда Италия, Россия, Ўрта Осиё ва б. жойларда ҳам шиша М. пайдо бўлган.

МУНЧОҚТЕПА — қишлоқ ҳароба (мил. 2—3-а.). Наманган — Кўқон т.й.нинг Урганжи ст-исидан 1,5 км шим.-шарқда, қум барханлари орасида бино қилинган. М.нинг уз. 94 м, эни 82 м, бал. 10 м. М.нинг атрофида чуқур хандақ и.ш. жан.-шарқий бурчагида қалъа арки ҳароблари, шунингдек, сопол илинчлар синиги, хумдон қолдиқлари сақланган. Бундай бўлмалар қалъадан ташқарида, қум барханлари устида ҳам учрайди. Бу ҳол М.дан ташқарида ҳам аҳоли яшаганлигидан далолат беради. М. 7—8-а.ларда араб истилочилари томонидан ҳароб.га айлантирилган.

МУНЧОҚТЕПА — *Қубодиён* вилоятига мансуб қад. шаҳар ҳаробаси (мил. ав. 1-минг йил ўрталари — мил. 10—11-а.). Кофарниҳон дарёси (Тожикистон)нинг ўнг қирғоғидан 1 км масофада, пором кечувидан 6 км узоқликдаги ҳудудда жойлашган. Мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида М. ўрнида кичик қишлоқ вужудга келган, милоднинг бошларида у катта шаҳарга айланиб, 11-а.гача мавжуд бўлган. М.нинг 6—8-а.ларга оид маданий қатламидан устн тумбаси б-н ёнилган маҳобатли бино қолдиқлари очилган, ундан ўртаси думалоқ тешик бўлган Тохаристон мис тангалари топилган. Хитой сайёҳи *Сюань-Цзан* (7-а.)нинг қайд этишича, бу ерда будда монастири (ибодатхонаси) жойлашган. У милоднинг бошлари — 5—6-а.ларда мавжуд бўлган қад. бинолар ҳаробаси устига қурилган.

МУНЧОҚТЕПА, Қоровултепа — қад. шаҳар ҳаробаси (мил. ав. 1-а. — мил. 14—15-а.лар). Жан.-Сурхон сув омборининг шим. чеккасида жойлашган. Арк ва мудофаа девори б-н ўралган шаҳристондан иборат. Мил. ав. 1— мил. 6—7-а.ларда шаҳар ҳаёти тараққий этган.

МУНЧОҚТЕПА ЁДГОРЛИКЛАРИ — қад. археологик ёдгорликлар мажмуаси. Наманган вилояти, Поп ш.дан 2 км жан.да, Сирдарё бўйида жойлашган. Мунчоқтепа, Баландтепа, Темирқасмоқтепалардан иборат. Археологик қазишмаларга кўра, Баландтепа (1—8-а), Темирқасмоқтепа шаҳар ҳаробалари, Мунчоқтепа эса шаҳар қабристони (1—8-а.) ҳисобланади. М.ё. гуруҳида 1988 й. жаҳоншумул аҳамиятга молик археологик кашфиёт қилинди. Мунчоқтепа I ёдгорлигида якка тартибдаги қабрлар, Мунчоқтепа II да эса, 5—8-а.ларга оид ер ости хилхоналари кавлаб очилди. Уларни бунёд этишда лой, ғишт, ёғоч каби қурилиш материалларидан фойдаланилмаган. Хилхона тузилиши 4 қисмдан иборат: 1) кириш қисми олдидаги махсус текисланган майдон; 2) кириш қисмидаги иншоот (пешайвон); 3) ер ости йўлаги ва унинг охирида пастга (жасадхонага) тушиладиган зинапоя; 4) жасадхона. Кейинги 2 қисм: йўлак (зинапоя б-н) ва жасадхона ер остида гил-лой қатламларда ўйиб ясалган. Жасадхона худди уйга ўхшаб шифтлари арксимон қилиниб, деворлари ва полига жуда усталик б-н жило берилган. Хилхоналар сейсмик жиҳатдан жуда мустаҳкам қилиб қурилган, уларга кучли ер силкинишлари ҳам таъсир эта олмаган.

Хилхона ичига қамиш тобутларда марҳумлар жасади қўйилган. Тобутлар — сараланган қамиш поялари ҳамалоқланиб ёғоч поналар ёрдамида бир-бирига бириктирилиб, уларга ўзига хос қути (тобут) шакли берилган. Ҳамма тайёрланган тобутлар қамишдан қилинган қопқоқ б-н беркитилиб, устидан яна қамишдан белбоғ (қилиб) боғлаб қўйилган. Қамиш тобутлар хилхона поли устига қатлама-қатор қилиб, бир қатор тўлғач устига кейингиси қўйилиб жойлаштирилган. Хилхоналарнинг 8 таси очилган.

Марҳумлар тобутларига уст-бошлари, қўрол-яроғлари, зеб-зийнатлари, идиш-товоқлари ва асбоб-ускуналари б-н дафн этилган. Булардан ташқари, кўпчилик марҳумлар ёнига ҳар хил таом ва мевалар ҳам қўйилган. Кўп ва парранда гўшти, меваларлан: шафтоли, ўрик, гилос, ёнғоқ, хандон писта ва ер ёнғоқ (мотни ёнғоқ) данакларн топилган. Топилмалар орасида пахта кўсаклари диққатни тортади, улар ҳоз. ипак пахта кўсагига жуда ўхшайди.

Ер ости хилхоналаридан чиққан топилмалар орасида кулолчилик, темирчилик, тўқимачилик, заргарлик, кўнчилик маҳсулотлари кўплаб учрайди. Марҳумлар ёнида аниқланган зеб-зийнат ва тақинчоқлар сони салкам 10000 га, меҳнат ва жанговар қурол-яроғлар эса 3000 га боради. Кийган либоси ва ёнида

Мунчоқтепа ёдгорликлари: 1 — қабристондан топилган сердолик ипланган мунчоқ шода (5—6-а.л.); 2 — саганадан топилган қўлда тўқилган сават; 3 — қамиш тобутга солиб кўмилган майит.

даги буюмларга қараб марҳумларнинг ҳаётлигидаги касб-ҳунарларини аниқлаш мумкин. Мас., мусиқачи тобути ичидан мусиқа асбоблари, этикдўзникидан ёғоч қолип ва махсус пичоқ, овчиникидан ўқ-ёй топилган. Хилхоналардан топилган энг қизиқарли буюмлар ичида кийим қолдиқлари аҳамиятга эга. Хусусан, ипакли, ипли, жунли матолар нафақат Ўзбекистон, балки Ўрта Осиё халқлари кийимлари тарихининг шу вақтгача маълум бўлмаган саҳифаларини тўлдиришга ёрдам беради. Бундан ташқари, оёқ кийим намуналари, пешонабанд, рўмол қолдиқлари ҳам қайд этилди. Булар барчаси, яъни матодан тайёрланган кийимлар, чарм ва оёқ кийим қолдиқлари аждодларимизни кундалик кийим-бош тайёрлашга алоҳида эътибор берганлигини кўрсатади. Топилмалар орасида яна махсус ёғоч гилофга солинган мусиқа асбобларини келтириш мумкин. Улардан бири сўзсиз ҳоз. қўшнайнинг ўзгинасидир. Бундан келиб чиқадики, қўшнай камида 1500 йиллик тарихга эга.

Демак, М.ёдан топилган буюмлар кўҳна фарғоналикларнинг хўжалик юритиш, турмуш тарзи ва энг асосийси исломга қадар маҳжуд бўлган дафн маросимлари хусусида муҳим маълумотлар беради.

Боқижон Матбобоев.

МУНШАОТ (араб.—иншо этилганлар, яъни ёзилганлар, битилганлар) — Шарқ шеъриятидаги жанрлардан бири, муаллифнинг назмда ёки насрда ёзилган мактублар тўплами. Бундай тўпламлар бир ёки бир неча муаллиф қаламига мансуб хатлар йигиндисидан иборат бўлган. Мактублар шунчаки битилган хатлар бўлмай, бадиятнинг ўзига хос тури — иншо санъати сифатида юзага келган, чуқур мазмунга ва гўзал бадиий ифодага эга бўлган. Баъзи мактублар юксак санъат б-н ўта жимжимадор ёзилган. Асосан араб ва форс тилларида яратилган. Ўзбек адабиёти тарихида М.нинг шаклланиши ва ривожланиши Алишер Навоий ижоди б-н боғлиқ. Навоий «Муншаот» асарининг муқаддимасида форсча мактублар шаклланган юксак услубга эга эканини, туркий халқларда бу услубда ҳали ҳеч иш қилинмаганини ва ўзи М.га биринчи бўлиб қўл урганини қайд қилган. Навоийнинг ушбу асаридаги мактубларнинг аксарияти султон *Ҳусайн Бойқаро* ва унинг фарзандлари бўлмиш шаҳзодаларга ёзилган. Уларда Навоий мактуб эгаларига давлатни идора этиш, ҳукумат ишларини бажаришга доир ўзининг қимматли маслаҳат ва таклифларини баён этади, адолат ва қушёрликка чорлайди. М. баъзан «руқъот», «мактубот» деб ҳам юритилган. М.ларнинг талайгина қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида сақланади. Уларнинг баъзилари, мас. «Муншаоти Мирзо Содиқ» (инв. № 302—I, 4423—II), «Муншаоти Юсуфий» (инв. № 5046—III) муаллифларининг ўзлари томонидан, баъзилари эса котиблар томонидан тартибга келтириб кўчирилган.

МУНШИЙ, мунший (араб. — котиб, ижодкор) — Ўрта Осиё хонликлари даврида хонлар ёки айрим ҳокимларнинг шахсий котиби, ёзув-чизув ишларини олиб борган шахс. М. давлатимизга, одатда, маълумотли ва ҳусниҳат кишиларгина олинган. М.лар олим ва фозил кишилар бўлганлиги учун одатда котиб (қ. *Мирза*)лардан фарқ қилган. Улар зиммасига хон ва амирларнинг мактуб ва фармонларини ёзиш юклатилган. Тарихий асарларнинг аксарияти ана шу М.лар қаламига мансуб. М. давомида бўлган кишилар М. сўзини тахаллус сифатида ўз номларига қўшиб айтишган (мас., *Искандар Мунший*, Мирза Муҳаммад Содиқ Мунший ва б.).

МУНЬЕ (Mounier) Эммануэль (1905.1.4, Гренобль — 1950.22.3, Париж) — француз файласуфи, *персонализм* асосчиси. 1932 й.да «Эспри» («Esprit») жур.га асос солган. М. таълимотининг асосида шахснинг мутлақ қадр-қимматини тан олиш ётади. М. шахс тушунчасини индивид тушунчасидан кескин фарқлади. Унингча, индивид ўз бахтини кўзласа, шахс жамият манфаатлари тўғрисида қайғуриши, дунёвий идеаллар б-н қаноатланмай, пировардида табиат ва жамият шарт-шароитларидан устун турмоги лозим. М. шахсни қураш ва инсониятга фаол хизмат қилишга даъват этган, маънавий камолотга интилишни ҳар бир шахснинг асосий вазифаси деб билган.

МУОВИЯ I (? — 680) — *умавийлар* сулоласи асосчиси ва шу сулоладан бўлган дастлабки халифа (661—680). Қурайш қабиласи зодагонларидан. 639 й.дан Сурияда нооиб. 657 й. халифа *Али* ва унинг ўлимидан сўнг *хорижийлар* б-н кураш олиб борган, 661 й. халифа деб эълон қилинган. Халифалар ҳокимиятини меросий қилган. М. даврида халифалик пойтахти Дамашқ ш.га кўчирилган. М. сиёсати араб қабила зодагонларининг манфаатини ифодалаган. Йирик дипломат ва маъмур бўлган.

МУОМАЛА (иқтисодиётда) — меҳнат маҳсулотларини олди-сотди воситасида айирбошлаш. Товар хўжалиги учун хос. М. бевосита *айирбошлаш*дан пул воситачилиги б-н фарқ қилади. М. ибтидоий жамоа тузумининг охирларида, *натурал хўжалик* асосида товар эҳтиёжининг пайдо бўлиши б-н вужудга келган. Алмашувнинг маҳсулот (товар) ш.ч. шаклларда бошланғич алмашувга ҳам ўрин тутилган, натижада М. келиб чиққан. Товарларнинг олдин, бевосита алмашуви (Т—Т)дан фарқли равишда М.да томонлар пул орқали боғланадилар (Т—П—Т). Алмашув иштирокчиларидан бирининг қўлига ўтган пул маълум вақтдан сўнг товарлар ва хизматлар сотиб олишга сарфланади, жараён тугалланган деб ҳам бўлади. Меҳнат маҳсулларининг товарга айланиши М.нинг келиб чиқишига шарт-шароит яратади. Қийматнинг пул шакли келиб чиқиши натижасида М. функционал мустақиллик касб этди. Дастлабки босқичларда товар М.си ривожланиб, товарларни етказиб бериш вақти уларнинг қийматини қоплаш вақтидан фарқ қила бошлади. Йирик машиналашган и. ч. модий-техника асосининг шаклланиши кредит, кейинчалик қимматли қоғозлар М.сини ривожлантирди.

М. ижтимоий маҳсулотни и.ч.дан истеъмолга йўналтиришда алоҳида вазифаларни бажаради. М. соҳасида товар ишлаб чиқарувчиларнинг абстракт меҳнати ўзининг ижтимоий баҳосини олади, зарур меҳнат воситалари ва буюмларини сотиб олиш орқали и.ч.нинг янги цикли учун шароит яратилади, тайёр маҳсулот истеъмол фазасига ёки ўтиб берилади, аҳолининг талаб даражаси аниқланади.

Нуриддин Йўлдошев.

МУОМАЛА ВАҚТИ —капиталнинг муомала доирасида бўлиш вақти. М.в.га тайёр маҳсулот омборга келиб тушгандан бошлаб у сотилгунча кетган вақт (бу вақт ўз ичига тайёр маҳсулотнинг и. ч. ва савдо (улгуржи ва чакана) корхоналари омборхоналарида турган вақтини, уларни ташишга, сотишга кетган вақтни ҳам ўз ичига олади) ва тайёр маҳсулотларни сотишдан келган тушумга и.ч.нинг янги цикли учун зарур бўлган янги и.ч. воситалари сотиб олишга кетган вақт киради.

М.в. товарларнинг бир марта айланишига (Т—П) сарфланган кунлар сони ёки бир ой, бир квартал, бир йилда юз берган айланишлар сони б-н ўлчанади. М.в. давомийлигига товарга бўлган талаб ва таклиф нисбати; товарларнинг истеъмол хусусиятлари; товар ассортиментининг мураккаблиги; минтақанинг географик ўрни; ташиш-келтириш имкониятлари; савдо ходимларининг малакаси ва б. омиллар таъсир кўрсатади.

Нуриддин Йўлдошев.

МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ (ҳуқуқда) — фуқаро ёки юридик шахснинг ўз ҳаракатлари б-н ҳуқуққа эга бўлиш ва ўзи учун мажбурият яратиш қобилияти. Фуқаронинг М.л. тўла ёки тўла бўлмаган ҳажмда бўлиши мумкин. Тўла ҳажмда М.л.га шахс 18 ёшга тўлган ёки тўла бўлади. 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган ва 14 ёшга тўлмаган вояга етмаганларнинг М.л. тўла ҳажмда бўлмайди. Ушбу ёшдаги вояга етмаганлар қонунда назарда тутилган ҳаракатларни қонуний вакилларининг розилиги ёки мустақил равишда бажаришларига йўл қўйилади (қ. *Вояга етмаганлар*). Фуқаронинг тўла ҳажмда М.л.га эга бўлиши унинг ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятига баҳо бера олиш, улар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунини қобилиятига эгалиги б-н белгиланади. Фуқаронинг ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятига тушуниш қобилияти унинг руҳий жиҳатдан соғлом, ақли расо бўлишига ҳам боғлиқ. Бундай жиҳатларга эга бўлмаган фуқаролар муомалага лаёқатсиз деб ҳисобланади.

Ҳожиакбар Раҳмонқулов.

МУОМАЛА ХАРАЖАТЛАРИ —товар муомаласи жараёни б-н боғлиқ бўлган жами сарфлар. М.х. моҳиятига кўра соф ва қўшимча харажатларга бўлинади. Соф харажатлар товарларни бевосита олди-сотди қилиш б-н боғлиқ харажатлардир. Соф харажатларга бевосита савдони уюштирилар б-н жиҳозлаш, биноларни иситиш, ёритиш, савдо ходимларига ҳақ тўлаш ва ҳ.к. харажатлар киради. Қўшимча харажатларга товарларни ташиб истеъмолчиларга етказиш, уларни сақлаш, қисмли товарни йиғиш (мас., мебель), уларни жойлаштириш, ўраш, реклама ва бошқа харажатлар киради.

М.х. нинг асосий кўрсаткичи унинг даражаси ҳисобланади ва товар айланмаси ҳажмига нисбатан фоиз б-н ўлчанади. М.х. товар нархи таркибига киради. Шунинг учун ҳам унинг даражаси аҳоли турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатади.

Савдо маданиятининг юксалиши М.х.ни пасайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мухтор Расулов.

МУР (Moore) Станфорд (1913.4.9, Чикаго — 1982.23.8, Нью-Йорк) — америкалик биокимёгар. АҚШ Миллий ФА ва Америка фан ва санъат академияси аъзоси. Нью-Йоркдаги Рокфеллер тиббиёт тадқиқотлари ин-ти проф. (1952 й.дан). Нозил пилари оқсилларнинг тузилиши ва ферментлар кимёсига оид. Аминокислоталар миқдорини аниқлаш, уларни хроматографик усулда ажратиш учун автоматик қурилмани таклиф этган. Нобель мукофоти лауреати (1972, К. Анфинсен ва У. Стайн б-н ҳамкорликда).

МУРАББА (араб. — тўғрилик) — шарқ шеъриятидаги лирик жанрлардан; қофияланиш тартиби асосида тузилган шеър. Мусаммат турига мансуб бошқа шеър шаклларига ўхшаш а—а—а—а, б—б—б—а, в—в—в—а тартибида қофияланади. Мисралар сонига кўра ҳар бир банди рубоий ва тузоқларга ўхшаса ҳам, бир неча тўғрлик бандлар тарзида тузилиб, бир асарни ташкил этиши, ҳар бандининг тўртлигида шеър тахаллусининг кўрсатилиши каби хусусиятлари б-н улардан фарқ қилади. М. энг қадимий шаклдардан бўлиб, мустақил тўртликлар шаклидаги намуналари *«Девону луғотит-турк»*, *«Кутадғу билиг»* асарларида учрайди. Мусаммат-М., ҳикмат М. шаклидаги илк намуналари Аҳмад Яссавийнинг *«Девони ҳикмат»*ида келтирилган. 16-а.дан бошлаб Фузулий, Машраб ижоди б-н М. ривожининг янги босқичи кўзга ташланади. Бу шоирлар ориёна ва ошиқона газалларга хос тоянй ва бадиий хусусиятларни мусаммат-М.ларга сингдирдилар. Уларнинг анъаналарини Огаҳий, Муқимий, Баёний, Аваз каби 19-а. шоирлари ижодий давом эттирдилар. Айниқса, Муқимий бу жанр ривожига алоҳида ҳисса қўшди. М. халқона шеър шаклларидан бири сифатида 20-а. шеъриятида ҳам ривожлантирилди.

МУРАББИЙЛИК — ёшларга ахлоқ-одоб, касб-ҳунар, илм-фан соҳаларини ўргатиш, санъат, спорт машғулотларига раҳбарлик қилиш фаолияти. М. оилада, маҳаллада, таълим-тарбия муассасаларида, меҳнат ва жамоат ташкилотларида амалга оширилади. Болалар ва ўсмирларнинг турли ёш даврларида М. турлича мазмун ва йўналишда олиб борилади. Гўдаклик ва боғча ёши даврларида боланинг нутқи, ахлоқ-одоби ва илк дунёқарашини шакллантиришга ота-она, тарбиячи ва энагалар М.лик қилади. Мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юртида педагог-ўқитувчилар, ш.ч. корхоналарида эса ўз касбини пухта эгаллаган, педагогик кўникмаларни ўзлаштирган, уста номини олган тажрибали мураббийларга «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони таъсис этилган.

МУРАББО — ҳўл мева, резаворлар ҳамда шакардан тайёрланадиган ширинлик. Ишлатиладиган мева турларига қараб беҳи М., анжир М., нок М., олма М., узум М., олхўри М., олча М., қулупнай М., қовун М., сабзи М. ва б. турлари бор. Беҳи М. — беҳи 4 га бўлиниб, уруғи олиб ташланади, сўнгра энн 0,5 см келадиган тилимчалар кесилади ва қозонига солиб устидан кўмиб турадиган қилиб сув қўйилади, бир қайнаб чиққач, човли б-н сузиб олинади, шарбати сузгичдан ўтказилади. Қозонга шакар солиб устидан беҳи шарбати қўйилади (1,2 кг шакарга 0,5 л шарбат) ва қиём қайнатилади. Қайнаб турган қиёмга сузиб олинган беҳи солинади. М. 5—6 мин. қайнагач, олови пасайтирилади ва қиём қизил тусга киргунига қадар пиширш давом эттирилади. 1кг беҳига 1,2 кг шакар керак. Олхўри М. — яхши пишган олхўрининг бандларини олиб ташлаб, иссиқ сувга 5—6 мин. солиб қўйилади. Сўнгра олхўрининг бир неча ери тешилади (баъзан пичоқ билан ўртасидан тилинади). Қиём алоҳида тайёрланади. Иссиқ қиёмни олхўри устидан қўйиб, 15—20 соат олиб қўйилади. Учинчи марта қиём мева б-н бирга қайнатилади. 1 кг олхўрига 1,2 кг шакар, 0,5 л сув, тайёр М.га қўшиш учун 10—15 томчи олхўри эссенцияси керак.

М. пиширш учун қиёмнинг сифати катта аҳамиятга эга. М. батамом пишган бўлса, мева идиш юзасида қалқимасдан қиём ичида бир текис тарқалади, қиём эса тиниқ туста киради, сифатли қиём томчиси совуқ сувга томизиб кўрилганда дарров эриб кетмайди. М. таъми ва рангини яхшилаш учун мевалар эссенцияси, лимон кислотаси, ванилин, заъфарон ва б. солинади.

Ад.: Маҳмудов. К., Ўзбек таомлари, Т., 1989.

МУРАККАБ РЕАКЦИЯЛАР — айрим босқичлари турли кимёвий табиатга эга бўлган кимёвий реакциялар. Ҳамма босқичлари кимёвий табиати жиҳатидан ўхшаш ёки бир-биридан фақат йўналиши б-н фарқ қилган реакциялар, аксинча, оддий (элементар) реакциялардир. Бунда бир вақтда атиги битта, М.р.да эса ёнма-ён ёки кетмакет бир неча реакция боради. М.р. таркибига кирган оддий реакция унинг бир босқичи бўлади. М.р.га қайтар, параллел, кетма-кет, занжир, каталитик ва ҳ.к. реакциялар киради. Қайтар реакциялар — бир шароитда бир вақт-

да қарама-қарши томонга борувчи реакциялар. Бунда реакция учун олинган моддаларнинг бир қисми реакцияга киришади, бир қисми эса киришмай қолади. Қарама-қарши томонга бораётган оддий жараёнларнинг тезлиги бир-бирига тенглашганда мувозанат қарор топади. Реакцияда иштирок этаётган моддаларнинг концентрациялари мувозанат ҳолатига қараб узлуксиз равишда ўзгаради (дастлабки олинган моддалар концентрацияси камаяди, ҳосил бўлган маҳсулотлар концентрацияси эса кўпаяди), мувозанат қарор топгандан сўнг ўзгармай қолади. Мувозанат ҳолатдаги концентрация мувозанат концентрация дейилади. Дастлабки олинган модданинг қанча қисми янги моддага айлангани (реакциянинг чиқими)ни мувозанат константа тавсифлайди. Қайтар реакцияга

$CO_2 + H_2 \rightarrow CO + H_2O$ реакцияси мисол бўла олади. Тенглик аломати ўрнига ёзилган $\rightleftarrows$ аломати реакциянинг икки томонга боришини кўрсатади.

Параллел (ёнма-ён борадиган) реакцияларда бир вақтнинг ўзида дастлабки моддалардан бевосита икки (ёки бундан кўп) хил модда ҳосил бўлади.

$$4KClO_3 \begin{cases} \rightarrow 4KCl + 6O_2 \\ \rightarrow 3KClO_4 + KCl \end{cases}$$

Реакциянинг умумий тезлиги иккала оддий реакция тезлигининг йиғиндисига тенг.

Кетма-кет (консекутив) реакциялар қатор оралиқ моддалар ҳосил қилиш б-н боради. Оралиқ моддаларни реакциянинг боришини кузатишда қўлланадиган одатдаги усуллар б-н аниқлаб бўлмайди, лекин уларнинг концентрациясини спектроскопик ва б. физик усуллар воситасида аниқлаш мумкин. Ўз навбатида қайтар ва параллел реакциялар ҳам консекутив бориши мумкин. Азот (V)-оксид N_2O_5 қуйидагича парчаланади:

1) $N_2O_5 \rightarrow NO_2 + NO_3$ I

2) $NO_2 + NO_3 \rightarrow NO_2 + O_2 + NO$ $^1/_2$

3) $NO + NO_3 \rightarrow 2NO_2$ $^1/_2$

$N_2O_5 = 2NO_2 + {}^1/_2O_2$.

Бу реакция 3 босқичда боради. NO_3 ва NO лар оралиқ моддалардир. Асосий реакциянинг тенгламасини келтириб чиқариш учун ҳамма босқичларнинг тенгламасини қўшиш керак (асосий реакцияга оралиқ моддалар кирмаслиги учун босқичларни қўшишдан олдин уларни 1-, 2-, 3- босқичларнинг ўни томонига ёзилган стехиометрик коэффициентларига кўпайтириш лозим). Баъзан оралиқ моддаларни ажратиб олиш ҳам мумкин. мас., кўп асосли органик кислоталарни спирт б-н эфирланганда аввал нордон эфир (оралиқ модда), сўнг ўрта эфир ҳосил бўлади. М. с.ни доим туб кўпайтувчиларга ажратиш мумкин (қ. *Туб сонлар*).

МУРАККАБ ФУНКЦИЯ — бир нечта функцияларнинг композицияси ёрдамида ифодаланадиган функция. Мас., z ўзгарувчи y нинг функцияси, y эса x нинг функцияси бўлса, у ҳолда $f(x)=z[y(x)]$ функция М.ф. бўлади. Бунда x ўзгарувчи f мураккаб функциянинг эркли ўзгарувчиси, y эса оралиқ ўзгарувчи деб аталади. Бир нечта функцияларнинг композицияси ёрдамида ҳосил қилинадиган М. ф. ҳам шу каби аниқланади.

М.ф.ни ҳосил қилган функцияларнинг кўп хоссалари М. ф.лар учун ҳам ўринли бўлади. Мас., узлуксиз, n марта дифференциалланувчи (n=1, 2,...), монотон ўсувчи (камаювчи) функцияларнинг композицияси ёрдамида ҳосил қилинган М. ф.лар ҳам мос равишда узлуксиз, n марта дифференциалланувчи, монотон ўсувчи (камаювчи) бўлади.

МУРАККАБ ЧАТИШТИРИШ — қ. *Дурагайлаш*.

МУРАККАБ ЭФИРЛАР — органик бирикмалар. М.э.ла углеводород радикали органик ёки анорганик кислоталар радикаллари б-н кислород атоми орқали боғланган бўлади:

Сирка кислотанинг этил эфири (этил ацетат) $CH_3COOC_2H_5$ ва нитрит кислотанинг этил эфири (этилнитрит) C_2H_5ONO М.э.га мисол бўла олади.

М.э. табиатда ёғлар ва восклар сифатида учрайди. Фосфат кислота эфирлари инсон ва ҳайвонлар организмида моддалар алмашинуви жараёнларида муҳим роль ўйнайди.

М.э.нинг аксарияти сувда эримай, органик эритувчиларда эрийди. М.э.дан мевалар ҳиди келади. Асосан, этерификация йўли б-н олинади. М.э. учун с о в у н л а н и ш реакцияси тавсифлидир. Спирт ва кислотадан эфир ҳосил бўлиши қайтар реакция ҳисобланади. Бунда тўғри реакцияни этерификация, тескари реакцияни эса гидролиз деилади. М.э. ҳидларида электр токини ўтказмайди.

Қуйи М.э., асосан, эритувчилар (мас., этилацетат), ўрталари озиқ-овқат саноатида эссенциялар (мас., пчэссенцияси) сифатида қўлланади. Суль-фат кислота эфирлари (диметилсульфат) органик синтезда, нитрат кислота эфирлари — портловчи моддалар (нитроглицерин) олишда ҳом ашё сифатида, М.э. фармацевтика, лок-бўёқ, полимер ва пластмассалар, синтетик тола ишлаб ва б. саноат тармоқларида ишлатилади.

МУРАККАБ ЎҒИТЛАР — таркибида ўсимликлар озиқланиши учун зарур бир нечта элемент (азот ва фосфор, азот ва калий, фосфор ва калий ёки азот, фосфор, калий) бўлган ва шина технологик жараёнда олинадиган кимёвий бирикмалар. М.ў.да балласт моддалар бўлмайди, улар юқори концентрацияли озиқ элементларга эга, уларни ташиш, сақлаш ва тупроққа солиш анча арзонга тушади ва таркибидаги озиқ элементларини оддий ўғитларга қарағанда ўсимлик яхши ўзлаштиради. М.ў.га аммофос, диаммофос, аммонийлашган суперфосфат, калийли селитра, нитроаммофоска, нитрофоска, калъций полифосфати, суюқлантирилган калий метафосфати ва калий, калъций пирофосфати, мочевина-фосфатлар, фосфоаммомагнезия ва б. киради. М.ў.да озиқ моддалари NPK нисбати б-н белгиланади, мас., 1:1:0,5. Озиқ моддаларнинг умумий миқдорини билиб, ўғитдаги азот, фосфор ва калий миқдорини топиш осон. М.ў.ни ҳамма турдаги тупроқларда ҳар хил экинлар учун қўллаш мумкин. Ўғитларни ишлатиш меъёрлари ўғит таркибидаги NPK миқдори, ўсимлик эҳтиёжи ва тупроқ хусусиятларига қараб белгиланади.

МУРАККАБОТ (араб. — мураккаб бирикмалар) — мусулмон Шарқ мусиқа назариясида *парда* тузилмаларидан бири. М. турлари 24 та бўлиб, уларнинг ҳар бири икки *мақом* ёки мақом ва *шўъба*, мақом ва овозалар тўпашқаторлари қисмларидан таркиб топган. Ҳижози Муҳолиф (Ҳижоз ва Ирок мақомлари асосида), Чоргоҳи Ажам (Чоргоҳ ва Ажам шўъбалари асосида), Зирафкани Бузрук (Бузрук ва Мойа овозлари асосида) каби номлар б-н аталган. Сафиуддин ал-Урмавий рисоласидаги жалвалда келтирилган куйларда М.лар мақом йўллари таркибидаги *намуд*ларга ўхшаш вазифани бажарганлиги қайд этилган. *Шашмақом*нинг ашула қисмларида М.ларга ўхшаш шўъбалар учрайди.

МУРАМИДАЗА — қ. *Лизоцим*.

МУРАТОВА Раҳимахон (1950.10.12, Қувасой ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1973). 1973 йилдан Қувасой шаҳридаги 2-мактабда немис тили ўқитувчиси. Дарсларни янги педагогик технологиялар асосида ташкил этади.

МУРАҚҚАЪ (араб. рақъа — мактуб, қоғозлари сияҳ) — 1) мактублардан тузилган мажмуа. М.да ҳужжат (ёзув намуналари, алоҳида расмлар тўпланган. Улар муқовалаиниб, китоб ҳолига келтирилган. Одатда шоҳлар, шаҳзодалар М. тузилган ва улар тўпловчилар номи б-н аталган. Мас., «Баҳром Мирза М.си», «М.и Султон» (Жаҳонгир Мирзо тузган М.и ва б.; 2) нақш тури. Махсус рангли қоғозга чизилган нақш бўлакларн қирқиб олиниб, шифт ёки деворларга тушириладиган ахта чизиқлари устидан елимлаб чиқилади. Хивадаги Тошҳовлининг айрим биноларн шу усулда безатилган.

МУРВЕДР, Мурведр Нуар. Мурведр Эспар. Эспар. Пино флери, Агач сап — испан винобоп кечиишар узум нави. Ғарбий Европа навлари экологик-географик гуруҳига киради. Крим, Краснодар ўлкасида, Озарбайжон, Ўзбекистон, Туркманистон ва б. минтақаларда экилади. Тупи кучли ўсади. Барглари ўртача, юмалоқ ёки сал чўзиқ, тигиз, четлари пастга эгикроқ. Гули икки жинсли. Узум боши юмалоқ-узунчоқ, тигиз. Ғужуми ўртача думалоқ ёки бир оз чўзиқ, тўқ зангори, хушбўй, усти мум-губор б-н қопланган, шўсти қалин, эти сершув. Фаол ҳарорат йиғиндиси 2650°–3100° бўлганда 127–157 кунда (сент. охирларида) пишади. Ҳосилдорлиги 120–200 ц/га. Замбуруғли касалликларга, совуққа чидамсиз. М.дан турли хил винолар тайёрланади.



Мурведр узум нави

МУРЖИЙИЛАР (араб. — кечиктирмоқ, муддатни чўзмоқ) — исломдаги илоҳиёт оқимларидан бири. 7–8-асрларда пайдо бўлган. Халифаликда умавийлар ҳокимиятига қарши кураш кучайган даврларда илоҳиётда гуноҳкор ва унинг тақдири масаласи муҳим ўрин олган. Хорижийлар катта гуноҳ қилганни дарҳол жазолаш тарафдори бўлсалар, М. жазолашни кечиктиришни ёқлаб чиққанлар. Уларнинг номи шундан олинган. М. бу дунёда инсон ҳолатини муҳокама қилишни «кечиктириш», яъни инсоннинг хатти-ҳаракатини, унинг имконини ёлғиз Аллоҳнинг ўзигина билади ва инсон устидан ҳукм қилиш унинг ўзигагина хос деб ҳисобланган.

МУРЗАК-КОБА — *неолит* даврига оид ғор. Қримнинг Севастополь ш. яқинида жойлашган. 1936 й. С.Н. Бибиков ва Е.В.Жиров топган ва ўрганган. Унинг маданий қатламида микролитлар, хусусан, кесгичлар, қиргичлар, тарашланган тош парракчалар, призматик нуклеуслар ва б. чақмоқтош қуроллар, суякдан ясалган бигизлар, тешгичлар ва гарпунлар учрайди. Ғордан кроманьонларнинг жуфт-жуфт кўмилган (эр ва хотин) қабри очилган. Мурда чалқанча ётқизилиб, қабр усти тош б-н беркитилган. Топилган скелетларнинг бош суякларн асосида антрополог М.М. *Герасимов* уларнинг ташқи қиёфасини тиклаган. Ғордан бугу, ғунгиз, ёввойи қўй, айиқ, тулки, хонакилаштирилган ит, бўрсиқ ва б. суяги ҳам топилган.

Лит.: Герасимов М.М., Лицо каменного века, М., 1964.

МУРИД (араб.— эргашувчи) — пир ёки эшон (муршид)га қўл бериб, суфийлик йўлига кирган шахс. *Тасаввуф*да тариқат муршидларидан дарс олувчи шогирд маъносида ишлатилади. М.-муршидлик муносабатлари М.нинг ўз пирига сўзсиз итоат этиши, хизмат қилиши ва унинг изидан боришини тақозо қилган. Умуман, М. атамаси суфий ва ҳатто оддий мусулмон маъноларини ҳам англатади.

МУРИДИЙЛИК, муридизм — *тасаввуф*нинг Кавказда тарқалган шакли. У тасаввуф таълимотининг зоҳидлик, муршидлик ва имомлик ғояларига асосланган. М. 19-а.нинг 20-й.ларида Дағистонлик шайх Исмоил ва бухоролик ширвонлик шайх Исмоил ва бухоролик уламо Хос Муҳаммад орқали Шимолий Кавказга тарқалди. Маҳаллий қозн Курали Муҳаммад (Муҳаммад Ярогский) ва Жамолиддин унинг назарий асосини яратишди. Кейинчалик *Шомил* уни ҳаётлик тариқат шаклига кўтарди. М. Дағистон ва Чеченистонда ташкил топган давлат — *имомлик* (имомлар: Ғози Муҳаммад, Ҳамзатбек, Шомил)нинг диний-сиёсий ва ҳарбий асосини ташкил қилиб, *Кавказ урушлари* даврида тоғликларнинг Россия империясига қарши олиб борган курашларида ғоявий мафкура сифатида хизмат қилди. Лекин тоғликларнинг мустақиллик учун олиб борган курашлари муваффақиятсизликка учраган. Чор ва совет Россияси даврида М. диний мутаассибликка асосланган реакцион таълимот деб қораланди.

Лит.: Казиев Ш., Имам Шамиль, М., 2001; Дегоев В., Имам Шамиль: пророк, властитель, воин, М., 2001.

МУРИЛЬО (Murillo) Бартоломе Эстебан (1618.1.1 — Севилья — 1682.2.4) — испан рассоми, Севилья БА асосчиларидан ва унинг биринчи президенти. Севильяда ўқиган ва ишлаган. М.нинг *караважизм* таъсири кузатиладиган дастлабки асарларидаёқ диний саҳналар халқ ҳаётидан лавҳалар кўринишида тасвирланади. 1650-й.лардан асарларини тилла рангли нурсоя б-н бойитилган ўта тасвирий услубга (айниқса, манзарали заминларда) ўта бо-

Мурильо. «Мева сотувчи қизча» («Мева тутган болалар» туркумидан, 1645–54).

риб, диний композициялар, шу жумладан, биби Марям ҳаётидан олинган лавҳаларда (мас., «Миср йўлида хордиқ», 1665–70 ва б.) илоҳийлаштирилган ва гамгин миллий испан аёлини ажойиб лиризм б-н тасвирлайди. М. ижодининг реалистик хусусиятлари айниқса унинг жанрли картиналарида, Севилья болалари ҳаётини очиқ кўнгиллик б-н енгил юморли тасвирловчи туркум асарлари («Мева тутган болалар» ва б.) да яққол намоён бўлади.

МУРИНАК ҒОРИ — Самарқанд вилояти Ургут туманидаги ғор. Чақилкалон (Зарафшон) тизмасининг шим. ён бағрида. 2370 м баландликда жойлашган. Силур даврига мансуб оҳактошларда ҳосил бўлган. Ғорнинг оғзи равоқсимон, шим.-ғарб томон очилган (эни

ва бал. 14 м). Унинг шими ва деворларидан ҳар томонга бир қанча йўлаклар тарқалган. Ғорнинг саҳни ичкарига томон кўтарилиб боради, ва қалинлиги 3—4 м ли гил, тош парчалари б-н қопланган. Ғорда кўршапалак ва ҳар хил қушлар яшайди. Шими ва деворларидан сув томчилаб туради. Маҳаллий аҳоли томонидан ноқулай об-ҳаво шароитларида чорва молларини сақлашда фойдаланилади. Ғорнинг умумий уз. 41 м, майд. 1612 м², ҳажми 8187 м³.

МУРМАНСК (1917 й.гача Романов на Мурмане) — РФ Мурманск вилоятидаги қаҳрамон шаҳар (1985). Мурманск вилояти маркази, Баренц денгизининг Кола кўлтиғи соҳилидаги музламайдиган порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 388,3 минг киши (1998). Саноатининг асосий тармоқлари — балиқ овлаш ва балиқни қайта ишлаш, кема тузатиш, қурилиш материаллари и.ч. М.да трал, сельдь овлаш ва қабул-транспорт флотлари бор. Кутб и. т. ва денгиз балиқ хўжалиги ва океанография лойиҳалаш ин-тлари, 3 олий ўқув юрти, 3 театр, ўлкашунослик, бадиий, ҳарбий-денгиз музейлари бор. М. Кола қўлтиғида денгиз порти қурилиши ва Мурманск т. й. ўтказилиши муносабати б-н вужудга келган. 1930 й.дан М. Шим. денгиз йўлининг бошланиш жойи. 2-жаҳон уруши й.ларида М. порти муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлди.

МУРМАНСК ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1938 й. 28 майда ташкил қилинган. Шимолий иқтисодий р-нга киради. Россия Европа қисмининг шим.-ғарбида, Кола я.о. ва материкнинг бир қисмида жойлашган. Оқ ва Баренц денгизлари б-н ўралган. Ғарбда Норвегия ва Финляндия б-н чегарадош. Майд. 144,9 минг км². Аҳолиси 1016,6 минг киши (1998). Асосий аҳолиси руслар (82,3 %), шунингдек, украин, белорус, саамлар, кареллар ва б. яшайди. Шаҳар аҳолиси 91,8 %. Маркази — *Мурманск* ш. 5 маъмурий туманга бўлинган. 16 шаҳар ва 16 шаҳарча бор.

М.в. ер юзаси паст тоғлар, қирлар ва ботиқлардан иборат. Кола я.о.нинг майд. 100 минг км²га яқин. Шим. соҳили баланд, тик, жан. даниси паст, қия. Ярим оролнинг ғарбий қисмида Хибин тоғлари (бал. 1191 м гача) жойлашган. Марказий қисмида Кейви сувайиргич гриласи бор. Кола я.о. Болтиқ қалқонининг шим.- шарқий чеккасини ташкил қилади. М.в. да апатит рудалари, глинозем хом ашёси, никель ва б. бор. Иқлими Кола я.о. жанубий қисмида мўътадил, денгиз иқлими, шим. қисмида субарктик, нисбатан юмшоқ. Янв.нинг ўртача т-раси шим.да —8°, марказий қисмида —13° гача, июлники шим.да 8° ва марказий қисмида 14°. Йиллик ёғин 350 мм дан 1000 мм гача (тоғли р-ларда). М.в.да қутб куни ва қутб туни алмашиниб туради. Вегетация даври 80—130 кун. Кўп сонли остонали дарёлар ва кўллар бор. Шимоли йўсин-лишайникли тундра, жан.роги ўрмонли тундра ва тайгадан иборат. Тупроқлари, асосан, подзол, ботқоқ, шим.да тундра тупроқлари. Ёввойи ҳайвонлардан бугу, лось, росомаха, айиқ, тийин, сувсар, тулки, оқ тулки, ондатра, норка, оқ сичқон, қуён яшайди. Балиқ тури кўп. М.в.да Лапландия, Кандалакша, Пасвик қўриқхоналари бор. Кончилик, рангли металлургия ва балиқ саноатлари ривожланган. М.в.да денгиз суви кўтарилиши (қалқиши) на қайтиши б-н ишлайдиган Кислая Губа электр станцияси қурилган. Йирик ГРЭС бор. Саноатининг асосий тармоқлари: кончилик (темир рудаси, апатит-нефелин, мис-никель рудалари), рангли металлургия (бирламчи алюминий, тозаланган мис, никель), балиқ саноати, кимё (апатит концентрати), қора металлургия (темир рудаси концентрат). Йирик корхоналари — «Североникель», «Печенганикель» к-тлари (тозаланган мис, никель, кобальт, олтингугурт кислотаси), Кандалакша алюминий з-ди (бирламчи алюминий), Оленегорск, Ковдор руда бойитиш к-тлари, «Мурманрибпром» корхонаси, «Нерпа» кема-ремонт з-ди. Кола АЭС, дарёларида ГЭС каскадлари бор. Асосий саноат шаҳарлари: Мурманск, Апатит, Кандалакша, Мончегорск, Кировск, Оленегорск. Қ. х.нинг етакчи тармоғи — чорвачилик. Қорамол (сут-гўштли зотлари), чўчқачилик, бугучилик, паррандачилик ривожланган. Т.й. 900 км дан зиёд, шундан 341 км электрлаштирилган. Денгиз транспорти муҳим роль ўйнайди. Асосий порти — Мурманск. Автомобиль йуллари — 2 минг км. Аэропорт бор. Мунтазам ҳаво линиялари Мурманскни Москва, Санкт-Петербург, Архангельск, Петрозаводск ш. лари б-н боғлайди. 3 олий ўқув юрти, Россия ФА нинг Кола филиали, Кутб и. т. маркази, дунёда ин шим. Кутбни бошқика боғи ва б. илмий муассасалар мавжуд. 2 музей, 2 театр, санаторий бор.

МУРОБИТЛАР (араб. — рабитда яшовчилар) — Шим. Африкадаги ноёб, дарвишларнинг ҳарбийлашган диний жамоаси аъзолари. 11—12-а.ларда М. Марокашни қабул этган ва Ал-Муробитун сулоласи ва давлатига асос солган. Кейинроқ мусулмон авлиёларини, йўлбошчиларини ёхуд дарвиш жамоаларининг ташкилотчиларини ҳам М. деб аташган.

МУРОД I Ғозий, Худованди гор (1326—1389) — *Усмонлилар сулоласи*га мансуб Туркия султони (1362—89). Султон Ўрхон Ғозийнинг ўғли. Тахт тепасига келган М.I биродарлари Иброҳим ва Халилларни қатл этгач, Кичик Осиёнинг шарқий ва жан. ҳудудларини ўз тасарруфига киритади. Тез орада мамлакатнинг илгари қўлдан чиққан ғарбий ерларини қайтариб олади. 1362 й. болгарларнинг Филиппополь (Пловдив) ш.ни забт этади. Орадан 2 йил ўтгач, болгар шоҳи Шишман усмонийлар султонига хирож тўловчига айланади. М.I 14-а.нинг 70-й.ларида пойтахтни Эдирне (Адрианополь)га кўчиради. М.I 1376 й. Византия тасарруфига ўтган Галлиполи я.о.ни қайтариб олади; 70—80-й.ларда Болқондаги барча ерларни босиб олади. 1389 й.нинг июнида М.I улкан армияси б-н серб ерларига киради. Косово майдонида князь Лазар бошлиқ серб кучлари б-н тўқнашади (1389 й. 15 июнь). М.I қароргоҳига Лазар армияси ҳақида маълумот бермоқчи бўлган серб-қочоқ Милошни олиб келишади, у тўсатдан М.I нинг юрагига ханжар санчади. Бироқ, М.I нинг қўшини жангда галаба қозонади. Асирга олинган Лазар жон бераётган М.I кўз ўнгида қатл қилинади. М.I нинг тўнғич фарзанди *Боязид I* Йилдирим султонлик шоҳсупасига ўтиради.

Ад.: Новичев А. Д., История Турции, т. 1, Л., 1963; Петросян Ю. А., Османская империя. Могущество и гибель, М., 1990.

МУРОД II, Султон Мурод II Ғозий (1404—1451) — *Усмонлилар сулоласи*га мансуб Туркия султони (1421—44, 1446—51). Меҳмед I Чалабийнинг ўғли. М.II тахтга ўтиргандан кейин усмонийларга тегишли ерларнинг маълум қисмини аталанча муваффақ бўлган, исёнкор Мустафони қарши курш бошлаган. 1422 й. Бурсадан узоқ бўлмаган Улубад ҳарбий лагерининг бўлинган жанда Мустафонинг ташкари гор-мор этилади ва ўзи қочади. Тез орада Мустафо қўлга олиниб, осиб ўлдирилади. 1424—26 й.ларда М.II Анатолиянинг қолган қисмини Амасия, Менгеше, Германия, Сарухан ва Ҳамид бегликларини қайта ўз тасарруфига киритади. 1422 й. 24 авг. да Константинополга қилинган ҳужум самара бермайди. 1424 й. Византия султонига хирож тўлашга мажбур бўлади. 1440 й. М.II Сербияга юриш қилади. 1444 йилнинг 10 ноябрда Варна яқинида М.II Янош Хунядн бошлиқ чех-венгер лашкарини мағлуб этади. 1444 й.да М.II ўз ихтиёри б-н ўғлининг фойдасига тахтдан воз кечади, аммо ички ва ташқи вазият 1446 й.да уни яна тахтга қайтишга мажбур қилади. 1447 й.да Пелопоннесни тобе қилади, Коринф-ни қабул этади. 1448 й.нинг 17—19 дек.да Косово жангида Хунядини яна бир бор мағлуб этади. 1449—50 й.лари Албанияга 2 марта юриш қилади. У адолатли ва инсофли ҳукмдор сифатида ном қозонган.

Ад.: Новичев А. Д., История Турции, т.1, Л., 1963; Петросян Ю. А., Османская империя. Могущество и гибель, М., 1990.

МУРОДБАХШ (1621—61) — бобурийлардан *Шоҳ Жаҳон*нинг 4-кенжа ўғли, онаси Мумтоз Маҳал (Аржуманд бону) бегимдир. Шоҳ Жаҳон М.га Гужарот ҳокимлигини инъом қилган эди. 1657 й.да кичик акаси *Аврангзеб* б-н иттифоқ тузиб, тахт соҳиби — катта акаси Дорошукуҳга қарши курашади. Бу пайтда отаси Шоҳ Жаҳон касал ётарди. 1657 й. декда у ўзини Одлоҳободда подшоҳ деб эълон қилади. 1658 й. 15 апр.да акаси Аврангзеб б-н бирга Ужайна яқинида Дорошукуҳга қарши жанг қилади. Жанг Дорошукуҳнинг мағлубияти б-н тугайди. 2-жанг Агра яқинидаги Самугархда бўлади. Бу жангда Дорошукуҳ саркардаларининг хиёнати б-н мағлубиятга учрайди. Аврангзеб акаси Дорошукуҳни асирга олгач, Аграга кириб тахтни эгаллайди. 1658 й. июнь ойида Аврангзеб М.ни ушлатиб зиндонга ташлайди. М. Гвалиор зиндонида 3 йил ётади. Ниҳоят, 1661 й.да Аврангзебнинг буйруғи б-н 41 ёшида қатл этилади.

МУРОДОБОД — Ҳиндистоннинг шим. қисмидаги шаҳар. Рамганг дарёси (Ганг ирмоғи) бўйида. Уттар-Прадеш штатида. Аҳолиси 500 минг кишн чамасида. Т.й. тутуни. М. — кустарь усулда ип газлама тўқиш, ёғоч ва жездан тайёрланган ва лок ҳамда қалай б-н безатилган бадиий буюмлар и.ч.нинг маркази. Шаҳарга 1625 й.да асос солинган. Меъморий ёдгорликларидан 17-а.да қурилган Жоме масжиди сақланган.

МУРОДОВ Абдуқодир (1893 — Тошкент — 1974.6.3) — хаттот, шарқшунос олим. Абулқосим мадрасасида таҳсил кўрган (1907—17). Дастлаб ўқитувчи, кейин Ўзадавиларда хаттот бўлиб ишлаган. Навоий юбилейи қўмитасида илмий ходим (1940—42). 2-жаҳон урушн қатнашчиси. 1944 й.дан Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида илмий ходим, хаттот бўлиб ишлаган. Ин-т фондидаги қўлёзмаларни ўрганиш, тартибга келтириш, муаллифи ва котибини аниқлашга катта хизмат қилган, ин-т фондидаги қўлёзмаларга муаллифлар каталогини тузган. 30 га яқин китоб кўчирган. Араб тилидан Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» (1—3-жилдлар)ни, араб адабиётидан намуналар, Ёқут Ҳамавийнинг «Муъжам ул-булдон» («Мамлакатлар луғати») асарининг ўрта Осиё тарихи ва геогр.сига оид қисмини таржима қилган.

Ад.: Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан, Т., 1971.

МУРОДОВ Байрамгелди (1939.23.1, Туркманистон, Ашхобод тумани) — қорақалпоқ раққоси, балетмейстер. Ўзбекистон халқ артисти (1977). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1962). 1963—82 й.лар Қорақалпоқ давлат филармонияси қошидаги «Ойқулаш» ашула ва рақс ансамблида якка раққос, балетмейстер. 1982 й.дан директор. «Айтиш», «Балиқчилар», «Чўпонлар», «Чавандозлар», «Орол йигитлари», «Овулда тўй», «Қорақалпоқ сюитаси», «Моддавича хореографик сюита», «Дағистон ёшлари», русча, венгерча, руминча, оммавий рақслар ва хореографик композицияларда бош партияларни ижро этган. Балетмейстер сифатида «Учрашув», «Дострашув», «Қорақалпоқ қизгинкаси», «Қорақалпоқ қизлари лирик рақси», «Халқлар дўстлиги» ва б. рақсларни саҳналаштирган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1974).

МУРОДОВ Ӂурабек (1942.24.12, Тожикистон, Айний тумани) — тожик хонандаси (лирик тенор) ва бастакор. Миллий мумтоз, замонавий композитор ҳамда бастакорлар асарларининг моҳир ижрочиси. Тожикистон халқ артисти (1971). Хўжанд пед. ин-тини тугатган (1962). 1963 й.дан Тожикистон филармонияси якка хонони. Ўзининг ширазор ва таъсирчан овози б-н шеър мазмуни ва назокатини, инсоний туйгуларни тингловчи қалбига тутгал ва моҳирона етказиш М. талқинига хос. Репертуарида тожик халқ қўшиқлари ва замонавий ашулалар муҳим ўрин тутади. «Ватан», «Она», «Замин», «Нон ушоғи», «Дўстларни йўқотма», «Менинг кўзларим», «Рўдакий қўшиғи», «Ёр дийдори», «Қалб зорини қайдан биласан?», «Ул лоларухсор» каби қўшиқлари машҳур. Шунингдек, турли халқларнинг қўшиқлари М. ижро дастурини бойитди. Бастакор сифатида Ҳофиз Шерозий, Жомий, Румий, Бедил газаллари ва М. Турсунзода шеърларига яратган куйлари машҳур. Осиё, Европа, Америка мамлакатларида, шу жумладан, Ўзбекистонда бир неча бор гастролда бўлган.

Мурманск шаҳри.

МУРОДОВ Камол (1974.29.11, Олот тумани) — курашчи, халқаро миқёсдаги спорт устаси. «Ўзбекистон ифтихори» (1999). М. Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини (1997), Тошкент иқтисодиёт ун-тини (2002) тугатган. 1997 й.дан Марказий ҳарбий спорт клубида хизмат қилади. Дастлаб дзюдо мусобақаларида муваффақиятларга эришди. Дзюдо бўйича Ўзбекистон чемпиони (1994, 1995, 1997—2001), Осиё ўйинлари бронза медали совриндори (1998, Бангкок). Осиё чемпионати кумуш медали соҳиби (2000, Осака), Гран-При мусобақалари голиби (1998, Мюнхен; 1999, Нью-Йорк; 2000, Тунис). Кураш бўйича Ўзбекистоннинг мутлақ чемпиони (1997). Ўзбекистон Президенти совғини учун ўтказилган халқаро мусобақада вазни 90 кг бўлишига қарамасдан 205 кг вазнлик украиналик Валентин Росляковни мағлуб этган (1998, Тошкент), жаҳоннинг биринчи чемпиони (1999, Тошкент).

МУРОДОВ Малик (1933.20.7, Янгиқўрғон тумани — 2001.25.12, Тошкент) — фольклоршунос олим. Ўзбекистон Республикаси фан арбоби (1997). Филология фанлари д-ри (1977), проф. (1980). Тошкент ун-ти филология ф-тини тугатган (1955). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тининг фольклор бўлимида катта илмий ходим (1961—67), Навоий номидаги Адабиёт музейида бўлим мудири (1967—78). Тошкент маданият ин-тида кафедра мудири (1979—2001). М.нинг илмий фаолияти Жанубий

Ўзбекистон достончилик мактабларининг эпик анъаналари ва бугунги тарихий-фольклорий жараёнининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган. У 1959 й.дан фольклор экспедицияларида қатнашиб, ўнлаб халқ бахшиларининг ижодий фаолияти, достон куйлаш маҳоратини тадқиқ этган. М.нинг «Ижод дурдоналарини излаб» (1967), «Сарчашмадан томчилар» (1984) китоблари достончиликнинг назарий масалаларига бағишланган.

МУРОДОВ Мансуржон Носирович (1955.28.10, Тошкент) — ганчкор. Ўзбекистон халқ устаси (2001). Тошкент шаҳар 63-касб-ҳунар техника билим юртининг ганчкорлик бўлимини тугатган (1974). 1974 й.дан «Уста» бирлашмаси (уста Маҳмуд *Усмонов* гуруҳида ганчкор уста; 1985 й.дан ўзи тузган ганчкорлик гуруҳига раҳбар; 1997 й.дан «Устазода» бирлашмасида ганчкорлар ижодий гуруҳига раҳбарлик қилади. 1985 й.дан бошлаб Ўзбекистонда, жумладан, Темурийлар тарихи давлат музейи

Ўзбек миллий академик драма театри биноси гумбаз ости безагидан лавҳа (2002).

(1995), Юнусобод теннис корти (1997), Оқсарой (1999), Шаҳидлар хотираси музейи (2002), Ўзбек миллий академик драма театри (2002) ва б.; шунингдек, Малайзия, Германия, Қозоғистон каби мамлакатларда жамоат ва давлат бинолари интерьерларини ганчкорлик безаклари б-н зийнатлади.

МУРОДОВ Нормон (1947.6.8, Қамаши тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Бухоро пед. институтини тугатган (1973). 1966 й.дан Бухоро ш.даги 24-кўзи ожиз болалар махсус интернат мактабида мат. фани ўқитувчиси, М. дарсларини кўзи ожиз болаларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўтказади.

МУРОДОВ Нуъмон (1915.5.5 — Андижон — 1988.13.9) — Ўзбекистон халқ артисти (1970). Ижодий фаолиятини қаваскорлик театр жамоаларида бошлаган. 1934—88 й.лар Андижон театрида актёр (1949—52 й.лар директор). М.нинг актёрлик санъати А. *Исматов* ва А. *Бакиров* ижоди таъсирида шаклланди. Қаҳрамонларининг ички кечинмалари ва туйғуларини табиий ва ҳароратли ифода этиш, образнинг кўп қирраллигини ёркин акс эттириш М. ижодига хос. Алишер Навоий («Алишер Навоий»), Қоработир («Тоҳир ва Зуҳра»), Юсуф («Ҳолисхон»), Яровой («Любовь Яровая»), Муродов («Ирода»), Баҳодир («Баҳодир»), Тибальт («Ромео ва Жульетта»), Ҳусайн Бойқаро («Алишер Навоий»), шаҳар ҳокими («Ревизор»), Карл Моор («Қароқчилар»), Эзоп («Эзоп») каби образларида актёр маҳорати намоён бўлган.

МУРОДОВ Рўзимбек (1928.21.3, Тўрткўл тумани) — бахши. Ўзбекистон халқ артисти (1989). Достон ижодини бобоси Амин бахши ва отаси Мурод бахшилардан ўрганган. Тошкент консерваториясини тугатган (1956).

Ўзбекистон радио ва телевидениесидаги ўзбек халқ чолғулари оркестрида дирижёр (1957—65). Тошкент мусиқа билим юртида (1952—92), Абдулла Қодирий номидаги маданият ин-тида (2001 й.дан) педагог. М. Хоразм достончилик санъати анъаналарини эроний ва ширвоний услубларини омухта йўналишида ўзига хос овоз б-н ижро этади. Сўз айтиши бурро, юқори нутқ санъати б-н тингловчини тезда ўзига жалб қила олади. Репертуаридан 20 дан ортиқ достон ўрин олган: «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Гўрўғли», «Нажаб ўғлон», «Хирмон Дали», «Саёдхон Ҳамро», «Маҳтумқули», «Пайғамбар Иброҳим халилуллоҳ», «Фирдавс» (Э. Охунова б-н биргаликда) ва б. «Она шаҳрим Тошкентим», «Санъат саодатимдир», «Мулом орзу айлаб» каби қўшиқларга мусиқа ёзган.

МУРОДОВ Ҳотамбой (1929.13.5, Нурота тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ҳаракатчиси (1998). Самарқанд ун-нинг геогр. ф-тини тугатган (1953). 1953—99 й.ларда Нурота туманидаги 2-мактабда геогр. ўқитувчиси, директорининг ўқув тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари. М.нинг геогр. фанини ўқитишда маҳаллий материаллардан кенг фойдаланиш, ўқувчиларда ўлкани севиш, унинг табиат, ҳайвонот дунёсига меҳр-муҳаббат уйғотиш, уларга экологик тарбия бериш соҳасидаги тажрибаси туман ва вилоят миқёсида кенг оммалаштирилган.

МУРОДОВА Ҳанифа Нуриллаевна (1919.22.10, Каттақўрғон ш.) — хирург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1969), тиббиёт фанлари д-ри (1964), проф. (1966). 2-Москва тиббиёт ин-тини тугатган (1943), ҳарбий врач (1943—46), 1-Москва тиббиёт ин-тида ординатор (1946—49), МХРда Чойбалсан номидаги ин-т хирургия кафедрасида ўқитувчи, аниқ вақтда касалхона хирурги (1953—56), СССР Тиббиёт ФА Юрак-томир касалликлари ил. ин-тида илмий ходим (1956—63), Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти I хирургия кафедраси мудири (1964—80). Илмий ишлари турли хирургик касалликларни, хусусан, сурункали коронар етишмовчиликни хирургик усулда даволаш муаммоларига бағишланган. МХРнинг «Қизил ялдуз» ордени б-н мукофотланган.

Ас.: Хирургическое лечение при хронической коронарной недостаточности, Т., 1970.

МУРОДХОН (? — 1845) — Қўқон хони (1845). *Олимхон*нинг ўғли. Исфара ҳокими Соғиболди додхоҳ Қўқон хони *Шералихон*га қарши фитна уюштириб, бунинга М. ҳам гортилади. Улар *Мусулмонқул* минбошни қирғизлар исёнини бостириш учун кетганидан фойдаланиб хонни асирга оладилар ва М.ни хон деб эълон қиладилар. 3 кундан сўнг Шералихон ўлдирилган, саройни таланиб, ўғиллари қамоққа олинган. Қўқон аҳолиси тахт ўзаришидан норози эди. Бунинг устига янги хон ўзини Бухоро амирининг нонбои деб эълон қилган. Мусулмонқул бу воқеадан хабардор бўлиб ўз қабиладошлари бўлган қипчоқларни тўплаб, М.га қарши ҳужум қилди. Улар Наманган беги Худоёрхоннинг ўзлари б-н олиб келишади. Қипчоқлар уни оқ кигизга ўтқазиб хон қилиб кўтарадилар. Мусулмонқул қўшини М.нинг қирғизлардан иборат унчалик катта бўлмаган қўшинини тезлик б-н енгиб, ўрдасини эгаллаб олади ва атиги 7 кун хон бўлган М. қатл этилади.

Ас. Назаренко В. П., Краткая история Кокандского ханства, Казань, 1886; Набиев Р. Н., Феодальное хозяйство Худоярхана, Т., 1972.

«МУРОДХОН» — «Рустамхон» туркуми достонларидан. *Фозил Йўлдош ўғли* дан ёзиб олинган, нашр этилган. Туркум 5 достон («Султонхон», «Мурод-хон», «Офтоб пари», «Рустамхон», «Рустамнинг ярадорланиши»дан иборат. Унда Мурод-хоннинг бошига давлат қўйи қўйиб, Оқ-ноз ханга подшо бўлиши, тўкат Орзигулга ошиқ бўлиб, уни ихлосидаги сарғузаштлари, Орзигулни озиб, юртига қайтиши воқеалари тасвирланган. «М.»да мардлик, ватанпарварлик, адолат ва ҳақиқатгўйлик тоғларга кўтарилади. Мурод-хон ёрини ихлоб, сафарга отланар экан, уларнинг қўйган оталиқ — бек ва амалдорлардан мамлакатни адолат ўз-ни бошқаришни, бегуноҳ-бечораларнинг қонидан доим ҳабардор бўлишини тайинлайди. Бу парса достонда халқ ижодига мос демократик руҳ ила ёркин намоён бўлганлигини кўрсатади.

МУРОДХЎЖАЕВ Наримон Қодирович (1928.17.6, Тошкент) — онколог-радиолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1992), тиббиёт фанлари д-ри (1969), проф. (1970). ТошТИни тугатгач (1951), ҳарбий врач (1951—55), Ленинград Ҳарбий тиббиёт академияси ҳодими ва рентген-радиотерапия бўлими бошлиғи (1955—63), Ўзбекистон Рентгенология, радиология ва онкология и. т. ин-ти радиология бўлими мудири (1963—68), шу ин-т директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари (1968—73), директори (1977—2000). 1973 й.дан ТошТИ онкология кафедраси мудири. 2001 й.дан проф.-консультант. Асосий илмий ишлари радиология, ички аъзолардаги хавфли ўсмаларни радиоактив моддалар ёрдамида аниқлаш ва даволаш, шунингдек, нур б-н даволашга оид. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998). Ракка қарши жамият президенти (1980 й.дан).

Ас.: Очерки современной онкологии, Т., 1998; Онкология (дарслик), Т., 2002.

МУРОМ — РФ Владимир вилоятидаги шаҳар. Ока дарёсининг чап соҳилидаги пристань. Т.й. тугуни. Аҳолиси 144 минг киши (1998). М. муҳим саноат маркази. Машинасозлик (тепловоз, электровоз, «Ока» совитгичлари), радио (радиола, автомобиллар учун радиоприемниклар, электр мусиқа асбоблари), ёғочсозлик (фанер к-ти), энгир тола, энгирув-тўқув, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Тиббиёт ва пед. билим юртлари, Владимир-Суздаль тарихий-меъморий музей-қўриқхонасининг филиали, тасвирий санъат академияси, Н.С.Куликов уй-музейи бор. 12-а. ўрталаридан 15-аснинг бошларигача Муром княжлигининг марказий шаҳри. 1778 й.дан уезд шаҳри. М.да 16—19-а.ларга оид меъморий ёдгорликлардан Косьма ва Дамиан черковлари (16-а.), Троица монастири (17-а.) сақланиб қолган.

МУРРЕЙ Марри — Австралиядаги энг катта дарё. Уз. 2570 км, ҳавзасининг майд. 1057 минг км². Австралия Алп тоғларидан бошланиб, Ҳинд океанининг Александрина кўлтиқ-лагунасига қуйилади. Кун қисми текисликдан, муҳим қ.х. районидан оқиб ўтади. Асосий ирмоқлари: Дарлинг ва Маррамбиджи. Қор ва ёмғир сувидан тўйинади. Баҳор ва ёзда тўлиб оқади, қишда сайёзланиб қолади. Ўртача сув сарфи 390 м³/сек., ўртача йиллик оқим 10,5 км³ (материкда энг серсув дарё). Суғоришда фойдаланилади. Қуйилиш жойидан Олбери шаҳрига кема қатнайди. М. ва унинг ирмоқларида сув омборлари, ГЭСлар қурилган. Балиқ овланади.

МУРСАК, мурасса (араб. — зийнатланган, безатилган) — авра-астарли, узун енгли, қад. устки кийим. Бичиги тўғри бичимли, тўн ёқали, олди чуқурроқ ўйилган, этак барлари бир-бирига кирган, икки ён томонида майда бурмаларга йиғилган. М. четлари жияклар б-н ҳошияланган. М. бахмал, парча, кимхоб, адрас, шойи (астари шойи, ип матолар)дан тайёрланган. М.нинг ичига юпқа пахта солиб қавилган (қишки) ҳамда яланг қаватли (авра-астардан иборат ёзги) турлари бор. Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, ҳатто қизларнинг сепига киритилган. Кўйлакнинг устидан кийилган, белига белбоғ боғланган. 19-а. гача аёллар учун устки кийим ва ёпинчиқ вазифасини бажарган, кейинчалик тўй ва азаларда фойдаланилган. Ҳозирда аёлларнинг тобути устига ёпиладиган ёпинчиқ сифатидагина ишлатилади.

МУРТАД (араб. — орқага қайтган, чекинган) — ислом тарихида диндан қайтган, ундан воз кечган одам. Бундай одамлар энг катта гуноҳ (қ. *Кабира*) қилган ҳисобланиб, ўлимга ҳукм этилган.

МУРТАЗАЕВ Асан Муртазаевич (1900.20.11, Евпатория — 1983, Тошкент) — физик кимёгар. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1961), кимё фанлари д-ри (1950), проф. (1950), Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1930). Ўрта Осиё геол.-қидирув ин-ти ходими (1930—31), Ўрта Осиё ун-тида доцент (1936—42). Илмий номидаги Тошкент педагогика ин-тида (1937—42), Тошкент фармацевтика ин-тида (1943—77) кафедра мудири. Илмий ишлари физик кимё ва электрокимёга оид. М. раҳбарлигида металланган графит электродни потенциометрик титрлашда қўллаш усули ишлаб чиқилган.

МУРТАК — ўсимликларда янги индивид бошланғичи. *Муртак халтачаси*даги тухумҳужайранинг уруғланишидан вужудга келадиган *зигота*дан ёки *нуцеллус* ҳужайрасидан ривожланади.

МУРТАК БЕЗЛАРИ, бодом безлари — одам ва умуртқали ҳайвонлар лимфа системасининг аъзолари, лимфоид тўқималар тўплами. Оғиз бўшлиғи ва ҳалқумнинг шиллиқ қаватида жойлашган. Танглай, тил (тил илдизида), бурун-ҳалқум гумбазида ва най (эшитув найларининг ташқиларида) М.б. бор. Улар ҳиқилдоқда жойлашган лимфа фолликулалари б-н биргаликда ҳимоя қиладиган тўсиқ — лимфаденоид ҳалқум ҳалқасини ҳосил қилади. Танглай М.б. шакли бодомга ўхшайди (уни гланда деб ҳам аташади) ва танглайнинг иккала томонида (танглай равоқларининг оралиғида) жойлашади. Танглай муртакларида жуда кўп учрайдиган сурункали яллиғланиш (қ. *Тонзиллит, Ангина*) жараёнида уларнинг ҳимоявалиш хусусияти бузилади ва улар организм учун хавфли йирингҳосил қиладиган микроблар ўчоғига айланади. М.б.нинг катта-кичиклиги уларнинг функционал ҳолатига боғлиқ эмас. М.б.да *лимфоцитлар* ҳосил бўлади ва бу ердан қисман лимфа оқимига, қисман оғиз б-н ҳалқум бўшлиғига чиқади. М.б. организмни касаллик қўзғатадиган микроорганизмлардан ҳимоялаш ва *иммунитет* ҳосил қилишда қатнашади.

МУРТАК ХАЛТАЧАСИ, муртак қопчаси (Saccus emryonalis) — нуцеллусдаги ҳужайралардан (археоспоралардан) бири. Икки марта бўлиниб, хромосомалар сони редукцияланади. Янги ҳосил бўлган тўртта ҳужайрадан биттаси тез ўсиб, катталашади ва қолган учтасини ҳамда нуцеллуснинг анчагина қисмини сиқиб чиқара бошлайди. Ана шу катталашган ҳужайра мегаспора (макроспора) бўлиб, муртак халтачаси деб аталади.

МУРУНТОВ — Навоий вилоятидаги шаҳар (1976 й.дан). Зарафшон шаҳар Кенгашига қарашли. Қизилқум чўлининг ўртасида, Томдитов ва Буқантов тог тизмалари ҳудудида жойлашган.

Ўртача 610 м. баландликда. Июлда юқори т-ра 46°. Янв.да энг совуқ т-ра –31°. Яқин т.й. станцияси — Янги Зарафшон. Вилоят маркази (Навоий ш.) дан 200 км узоқликда. Аҳолиси 4320 киши (2002). Асосан, ўзбеклар; шунингдек, қозоқ, рус, украин, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар *Мурунтов олтин конини*нг очилиши муносабати б-н Мурунтов геол. қидирув партияси посёлкаси сифатида 1959 й.да вужудга келган. М.да 3 кичик корхона, умумий таълим мактаби (900 ўқувчи), мусиқа мактаби, 2 кутубхона, музей, спорт саройи, қишлоқ врачлик пункти мавжуд. Мурунтов– Зарафшон йўналишида автобус қатнови йўлга қўйилган. М. атрофида муҳим фойдали қазилмалардан нодир металлар, норуда қазилма бойликлардан фосфорит, кварцли қум ва ҳ.к. аниқланган.

МУРУНТОВ ОЛТИН КОНИ — Марказий Қизилқумнинг Мурунтов руда майдони минтақасидаги кон. Навоий ш.дан 180 км шим.да, Зарафшон ш.дан 40 км шарқда, Томдитовнинг жан. этагида жойлашган. Руда захираларининг кўлами, рудани қазиб олиш технологик шароитларининг қулайлиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатининг юқорилиги ва б. хусусиятларига кўра дунёдаги ноёб конлар сирасига киради.

Марказий Осиё, хусусан, Марказий Қизилқум ва Нурота тоғларида, олтин рудалари мавжудлиги мил. ав. 6—5-а.лардан маълум бўлган. Ўлкада олтин конларини излаш бўйича дастлабки махсус талқиқот ишлари И.В.Мушкетов, Г.Д.Романовский, Г.Д.Обручев ва б. томонидан амалга оширилган. Марказий Қизилқумда олтин конлари бўлиши мумкинлигини геолог олимлар А.Е.Ферсман ва Д.И.Шчербаковлар 20-а.нинг 30-й.ларидаги геологик талқиқотлари асосида башорат қилганлар. 1930-й.ларда Томдитовнинг жан. этакларида олтин зарралари бўлган бир неча кварц ва кварц-дала шпати томирлари аниқланди. 1934 й.да Бесапан қишлоғи яқинида олтин минерализацияси юзаси белгиланди. Шулар кейин Бесапан, Олтинтов, Тахтатов маконларида, Томдитовнинг жан. ен бағридаги кремнийли сланецларда кенг кўламда олтин қидирув ва разведка ишлари олиб борилди. 1951—53 й.ларда И.Х. *Ҳамробоев* Ўзбекистоннинг тарбий ҳудудида олтинни кўпинча маргимуш б-н узвий боғлиқ ҳолда учраши қонуниятини аниқлади. Шу асосда 1954—56 й.ларда Ўзбекистоннинг тарбий қисмида 2 хил олтин конлари борлиги: бирида олтин маргимуш колчедани (арсенопирит минерали) б-н, иккинчисида жуда сийрак ҳолда кварц томирларида учраши маълум бўлди.1958 й. олтин-маргимуш боғлиқлиги асосида Мурунтов ёнида маргимушга бой бўлган аномалия майдонлари белгиланди. Ўша йили маргимушнинг юқори концентрацияси мавжуд бўлган аномиялардан бири — Мурунтов рудали майдонида олиб борилган изланишлардан кейин бу руда майдони ўта истиқболли деб баҳоланди. Мазкур руда майдонида 1959—62 й.ларда олиб борилган батафсил қидирув ишлари натижасида коннинг асосий ҳулули белгиланди ва олтинга бой участкаларининг ўлчамлари жуда йириклиги аниқланди. М. о.к.нинг очилишига салмоқли ҳисса қўшган бир гуруҳ геолог олим ва мутахассислар (И. Ҳ. Ҳамробоев, Ҳ.Т.Тўлаганов, П.В.Хромишкин, В.Г.Гарьковец ва б.) мамлакатнинг олий мукофотига сазовор бўлдилар (1966). 1965—69 й.ларда М.о.к.нинг саноат ўзлаштириши ишлари бажарилиб, 1969 й. 21 июлда дастлабки маҳсулот — Мурунтов қуйма олтини чиқарила бошланди ва бу кон номи дунёга машҳур бўлди. Дунёда энг йирик карьерлардан бири — «Мурунтов» карьерининг уз. 3,5 км, эни 2,7 км ва чуқурлиги 430 м. Карьердан йилига 35—37 млн. м³ ҳажмида тоғ жинслари қазиб олинади, шу б-н боғлиқ бўлган Зарафшон ш.даги олтин и.ч. комплекси йилига 24 млн. т рудани (2001 и.т.) қайта ишлаяпти. Бу комплекс жамида олтин ишлаб чиқариш б-н машғул бўлган энг йирик корхоналар қаторида 2-ўринда (Индонезиядаги «Гроберг» корхонасидан кейин) турали.

М.о.к.да 1995 й.дан «*Зарафшон-Ньюмонт*» қушма корхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур қушма корхона 1995—2001 й.лар мобайнида бўлаётган ташқари бўлган ва жуда катта ҳажмда ишлаб қолган минерал-ли жинслар ағдармасининг 84 млн. т сини қайта ишлаб 82 т соф олтин ажратиб олишга эришди.

М.о.к. протерозой эрасининг бошланишида ҳосил бўлган чўкинди метаморфик тоғ жинсларидан ташкил топган тошқазиган ва бесапан свиталари қатламларидан иборат. Ушбу қатламларнинг қуйи қисми юқори даражали метаморфизмга учраган яшил амфиболли ва кварц-слюдали сланецлардан, кварцит ва оҳактошлардан тузилган. Юқори қисмида яшил сланецлар миқдори камайиб, терриген тоғ жинсларининг миқдори ортиб боради. Конда олтинли рудалар қатламларининг айни шу қисмида алевролит, қумтош ва филлитсимон сланецлардан ташкил топган терриген тоғ жинсларининг ордовик-силур даврига мансуб бесапан свитаси қатламларида намоён бўлган. Бевосита олтин рудасини ўзида мужассам этган мазкур свита қатламларини 3 қисмга бўлиш мумкин: руда усти қатлами («яшил» бесапан) — қалинлиги 1600 м гача; рудали қатлам («аралаш» бесапан) — қалинлиги 2000 м гача; руда ости қатлами («кулранг» бесапан) — қалинлиги 2000 м гача. Олтин рудаси, асосан, свитанинг ўрта қисми — «аралаш» бесапан қатламида жойлашган. Олтин заррали мавжуд бўлган айрим кварц томирлари свитасининг остки «кулранг» бесапан ва устки — «яшил» бесапан қатламларида ҳам учраяди. Мазкур бесапан свитасидаги олтин минерализациясини қуйидан тошқазиган свитасига мансуб чўкинди қатламлар ҳам қоплаб туради.

Магматизм ҳосилалари гомпасимон структура (сайка) ларда жойлашган ленкократ тартибли тоғ жинсларидан иборат. Дайкалар кон ҳудудида турли томонларга йўналган бир неча тасмалар ҳосил қилган, уз. 70 м гача. Таркиби эса сиенит-диорит-гранофирли Мурунтов массивик комплексига кирувчи гранит-порфир, сферолит-порфир ва монцонит порфирлардан тузилган. М.о.к.нинг жан.-шарқий четарасида Марказий Осиёда ягона бўлган энг чуқур бурғи қудуги СГ-10 ёрдамида ер қаърининг 4000 м дан ортиқ чуқурлигида Мурунтов гранитоид интрузиви мавжудлиги аниқланди. Бу дайка олтин конининг ҳосил бўлиш жараёнидаги асосий омилларидан биридир. Мазкур интрузив массиви калий-натрий кўпслюдали лейкократ ва биотитли граносиенитдан ташкил топган. Конини ҳоз. тузилишини юзага келишида, шунингдек, руда тарқалиши ва жойлашишида муҳим аҳамиятга эга структуралар қуйидагилардир: 1) ўк чизиги М.о.кдан жануброққа ўтувчи Тошқазиган антиклиналининг шим. қанотини шакллантирувчи Мурунтов антиклинали ва жан. синклиналь; 2) Мурунтов «жуфт» ер ёригини ташкил қилган жан. ва структурали ер ёриқлари, кенглик йўналишида жойлашган, вертикал ёки анча тик жан. оғиш ҳолатига эга, руда тарқалиши ва жойлашишида асосий аҳамиятга эга; 3) шим.-гарбга 60—70° бурчак остида оғиб ётувчи шим-шарқий йўналишдаги ер ёриқлари. Тик жойлашган рудали зоналар олтинга энг бой бўлиб, ўзаро параллел жойлашган кварц томирларидан ва кварцли, кварц-сульфидли, кварц-турмалинли ва карбонатли томирчалардан иборат. Қия ётувчи руда зоналарида олтин миқдори кам. Руда таркиби олтин, пирит, арсенопирит,халькопирит, галенит, сфалерит, молибденит, шеелит,висмутин, норуда минераллар эса кварц, дала шпати, биотит, турмалин, актинолит, мусковит, кальцит кабилардан ташкил топган. Олтин йирик ва ўрта донали кварц томири ва томирчаларида бир қанча сульфидли минераллар, соф висмут ва кумуш сульфасоллари б-н биргаликда учрайди. М.о.к. рудаларининг асосий қисми (85% гача) шеелит-олтин-карбонат-калий шпатли-кварц минералларининг парагенетик ассоциациясини ташкил этади. Ассоциацияда бўлган олтинининг пробаси 830 дан 980 гача ўзгаради ва бу олтинини таркибида қўшимча 3,84 — 9,36 % кумуш ҳам учрайди. Иккинчи даражали бўлган минераллар ассоциацияси (конлари олтин рудаларининг 5 % ини ташкил қилади) — бу олтин-арсенопиритли-кварц минераллари ассоциацияси. М.о.к. рудаларининг кимёвий таркиби турлича бўлиб, ўртача 1,0 — 29,0 г/т олтин, 0,8 — 7,2 г/т кумуш, 0,003 — 0,6% волъфрам оксиди, 0,07 — 2,19% олтингугурт, 0,03 — 1,73% маргимуш ва б. ноёб элементлар кам миқдорда бор.

Кон рудасидаги 50—60% олтин зарраларининг катталиги 0,01—0,02 мм бўлиб, уларни фақат микроскопда кўриш мумкин. Бу ўта майда дисперсли руда таркибидан олтин зарраларини ажратиб олишда махсус фаол кимёвий моддалардан фойдаланилади. Бундай ҳолларда олтин ажратиб олиш технологик жараёнида атроф муҳитга зарар етказмаслик мақсадида бир қанча махсус усқуналар ва мосламалар қўлланилади ва зарур технологик талабирлар бажарилади. Сўнги йилларда М.о.кни қўшимча ўрганиш мақсадида 20 дан ортиқ и. ч. тадқиқотлари томонидан и.т. муассасалари б-н ҳамкорликда бир неча дастурлар амалга оширилмоқда.

Ад.: Далимов Т. Н. и др., Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан, Т., 1998; Золоторудное месторождение Мурунтау, Т., 1998; Кучерский Н. И., Золото Кызылкумов, Т., 1998.

Муҳаммаджон Мансуров, Абдуғаюм Абдуваҳобов.

МУРУНТОВ ТОҒЛАРИ — Томдитов тоғларидаги тоғлар. Марказий Қизилқум (Навоий вилояти)да жойлашган. Жан.-шарқдан шим.-ғарбга йўналган. Уз. ўртача 26 км. Энг баланд жойи 816 м. Жан.-ғарбий ён бағри тиқроқ. М.т. ён бағирларида қуруқ сой ўзани кўп. Сувайиргич қисмида кескин ифодаланган қонтошли тик ён бағир мавжуд. Қуйи силур, (бесапан свитаси), қуйи девон (жангелди свитаси), ўрта девон (жанубий бозлон свитаси), юқори карбон (белқудуқ свитаси) даврларининг ётқизиқлари қатма-қат жойлашган. Ўрта карбон даврида тоғ ҳосил бўлиш жараёнида денгиз чекиниб қуруқлик пайдо бўлган, ётқизиқлар бурмаланиб тоғ тизмаси вужудга келган. Мураккаб тоғ ҳосил бўлиши ва вулканик ҳаракатлар натижасида фойдали қазилмалар шаклланган. М.т.да *Мурунтов олтин кони* ва уран конлари бор. М.т. этакларидаги бўз-қўнғир тупроқларда эфемерлар, шувоқ, кейреук, боялич, бурган тарқалган. Улардан яйлов сифатида фойдаланилади. Яйловлар маҳсулдорлиги гектарига 1—3,5 ц.

МУРЧ (Piper nigrum) — мурчдошлар оиласига мансуб ялпиғоч ўсувчи кўп йиллик ўсимлик (лиана). Повсининг уз. 15 м ча, диаметри 8—12 мм. Барги кенг, тухумсимон, найза учли. Гуллари майда, сариғиш, тўпгули шингилсимон. Меваси бир уруғли, қизил, пишгач сарғаяди, пишмагани қуритилса қорайиб бужмаяди. Ҳиндистон, Ҳиндихитой, Цейлон, Суматра, Ява ва Борнео, Лагос, Гана, Маврикий ва Мадагаскарда, Катта Антиль о.ларида ва Бразилияда кўп экилади. Ўзбекистонда аксарият иссиқхоналарда ўстирилади. Қаламчасидан кўпайтирилади. 2—3-йили мева тутиб, йилига икки марта (тупидан 2—4 кг) ҳосил беради. Дунё бўйича йилига 55—60 минг т М. етиштирилади. Мевасини юмшоқ эти б-н қуритиб, қора мурч, этидан тозалаб ва яхлиб оқ мурч олинади. Меваси озиқ-овқат саноатида ва ошпазликда ишлатилади. Таркибида пиперин, пиперидин алкалоидлари ва эфир мойи (1—1,5 %) бор.

МУРЧИЛ — жанговар тартиб; Амир Темур армияси ҳарбий юришга отланганда мавжуд интизом ва қондага бўйсунилган. М.га биноан ҳар бир саркарда ўз бўлинма ёки қисмлари б-н эгаллаб турган мансабига кўра сафдан ўрин олган. Шарафуддин Али Яздийнинг «Зафарномаси»да қайд этилишича, юзлик, минглик, қўшин беклари ўз аскарларига бошчилик қилган ҳолда гуруҳ-гуруҳ бўлиб, М.ни ташкил қилган. М.нинг бузилиши, муайян, юзлик, минглик ёки туман ўрнини бошқа юзлик, минглик ёхуд туманнинг эгаллаши қатъий тақиқланган. М.да ўз гуруҳидан адашган жангчиларга жазо берилган.

МУРШИД (араб. — йўл кўрсатувчи) — *тасаввуф*да тариқат одобларидан сабоқ берувчи пир, шайх ва устоз.

МУРҒОБ — Афғонистон ва Туркманистондаги дарё. Уз. 978 км, ҳавзасининг майд. 469 минг км². Афғонистон ҳудудидаги Паропамиз тоғларидан бошланиб, Банди-Туркистон ва Сафедкўҳ тизмалари оралиғидаги тор водийдан оқади. Туркманистон ҳудудида водий кенгаяди, бу ерда ирригация тармоқлари барпо этилган. Дарё Қорақум чўлига чиққандан сўнг қуруқ дельта ҳосил қилади. Мари ш.дан юқорироқда М.ни Қорақум канали кесиб ўтган. Қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи ўрта оқимида 52м³/сек. Март-май ойларида суви кўпаяди, қишда дарё тошади. Сувининг лойқалиги 4500 г/м³. Ирмоқлари: ўнгда — Обиқайсар, чапда — Кашан, Кушка. М. суви суғоришга сарфланади. М. бўйида Йўлўтан, Мари, Байрамали ш.лари жойлашган.

Мурунтов олтин кони карьери.

Мурунтов карьеридаги майдалаш ва юклаш пункти.

МУСА ЖАЛИЛ (тахаллуси; асл исм-шарифи Жалилов Мусо Мустафоевич) (1906.2(15).2, Оренбург губернияси Мустафин қишлоғи — 1944.25.8, Берлин) — татар шоири. Татар опера ва балет театри асосчиларидан бири. Оренбург ш.даги «Хусайния» мадрасасида ўқиган. 1922 й.да Қозон ш.га келиб, Татар ишчи-ёшлар мактабида таълим олган. Москва ун-тининг адабиёт ф-тини тугатган (1931). Москвада чиққан «Кичкина ўртоқлар» («Кечкенэ интэшлэр») номли татар жур. муҳаррири (1927). Татаристон ёзувчилар уюшмаси раиси (1939—41). 2-жаҳон уруши йилларида фашизмга қарши курашда гитлерчилар қўлига тушиб, Берлиндаги Маобит турмасига ташланган ва Плетцензе ҳарбий турмасида қатл этилган (1944 й. 25 авг.). М. Ж.нинг машҳур «Маобит дафтари» (1942—44) шеърлар туркуми шу концлагерда ёзилган. «Ўртоқлар» (1929) шеърлар тўплами, «Хат ташувчи» (1940) достони, «Олтин соч» (1941), «Элдор» (1941) опера либреттолари, «Окопдан хат» (1946) китоби ва б. асарлар муаллифи. «Маобит дафтари» шеърлар туркуми ўзбек тилига таржима қилинган (1956).

Шералн Турдиев.

МУСА ТЎРА МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик. Ичан қалъа марказида жойлашган. Оллоқулихон набираси Муса тўра қурдирган (1841). Мадраса трапециясимон тарҳли (38,7×28,2 м), орқа ва икки ён тарзи оддий безаксиз. Бош тарздаги пештоқи Хоразм меъморлигига хос шарафали, сиркори кошин б-н қопланган, гиштлар мавзли шаклда терилган. Икки ён қанотидаги 3 равоқли ҳужралар пештоқдан пастроқ қилиб ишланган. 4 бурчагида гулдасталар бор. Дарвозаси ёғоч ўймакорлигида безатилган, орасида ёзувлар сақланган. 2 гумбазли, бўғимбўғимли миёнсарой орқали ҳовлига ўтилади. Миёнсаройнинг 2 ёнида масжид (6,0×6,0 м) ва дарсхона (4,2×4,2 м) жойлашган. Ҳовли (21,5×14,28 м) атрофидаги ҳужралар олди қатор равоқли, томи балхи гумбазли, масжид, дарсхона ва миёнсарой чархи гумбазли, ички гумбаз ости қалқонсимон бағаллар б-н безатилган. Ҳужралар дарчасига ганчкори панжаралар ўрнатилган.

Ад.: Маньковская Л., Булатова В., Памятники зодчества Хорезма, Т., 1978.

МУСАББА (араб. — эттилик) — мусаммат усулидаги, ҳар бир банди 7 мисрадан иборат шеър шаклларидан бири. Унинг биринчи бандидаги ҳамма мисралар ўзаро уйғун қофияланади, кейинги бандларнинг эса 6 мисраси ўзаро қофияланиб, охирги 7-мисраси М. 1-бандидаги мисраларга мос қофияланади (а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-а, г-г-г-г-г-г-а ва ҳ.к.). Аирим ҳолларда агар М.ларнинг ҳар банди охирида 1 ёки 2 мисра ўзгаришсиз такрорланиб борса, унинг қофия тартиби ҳам бошқачароқ бўлиши мумкин. Форс-тожик, озарбайжон мумтоз адабиёти тазкиқотчилари бу адабиётларда М. намуналари умуман ратилмаганлигини қайд этадилар. М. бандларидаги 7 мисрани ўхшаш қофияланиши қийинчилиги, афзалдан, бу шаклга камроқ мурожаат қилинишига сабаб бўлган бўлиши мумкин. Машраб, Комил, Мирий, Табибий, Восит Саъдулла М.лар ёзишган.

МУСАБОЕВ Исҳоқ Қурбонович (1910.22.10, Фарғона вилоятининг Новкат қишлоғи) — инфекционист олим, Ўзбекистон ФА акад. (1966), Ўзбекистон (1955) ва Қорақалпоғистонда (1965) хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1944). 2-жаҳон урушн қатнашчиси. СамТИ ни тугатган (1935). Шу ин-т юқумли касалликлар кафедрасида ассисент (1938—41), доцент (1944—49), мудир ва шаҳар инфекцион касалликлар клиник касалхонаси бош врачи (1949—51). Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти инфекцион касалликлар кафедраси мудири (1951—88), илмий маслаҳатчи (1988 й.дан). Айни вақтда Ўзбекистон эпидемиология, микробиология ва инфекцион касалликлар и.т институтида илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1962—70), мазкур ин-тнинг асосий ташкилотчиларидан. Илмий ишлари Марказий Осиёда кенг тарқалган меъда-ичак системасида учрайдиган инфекцион касалликларининг патогенези, клиник хусусиятлари, даволаш ва олдини олиш муаммоларига бағишланган. Россия тиббиёт ФА мухбир аъзоси (1961), Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1990).

Ас.: Профилактика, клиника, диагностика и лечение дифтерии, Т., 1984; Ўзбекистон Республикасида вабо касаллигига қарши ўтказилган тадбирлар (ҳамкорликда), 1984; Дифференциальная диагностика гепатитов А, В, С, Д, Е, Т., 1999; Искусство, методы врачевания и дифференциальная диагностика, Т., 1999; Гепатит С (этиология, эпидемиология, патогенез, клиника, лечение, профилактика), Т., 2000.

Ад.: Бахтиёр Омон, Азизхон Зохидий, Умр дафтари, Т., 2000.

МУСАБОЕВ Муҳтор Набиевич (1929.21.11, Фарғона тумани) — ҳайкалтарош, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1976). И. Бенков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1950—55) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-ти (1957—63)да таълим олган. М. ижодида реалистик услубга қатъий амал қилиш ҳолда композициясн аниқ, ёдгорлик шакл, тошни ерқин асарлар яратиш, ҳаётий лавҳалар, меҳнаткашлар қиёфасини тасвирлаш алоҳида ўрин тутади. Уста Ширин Муродов (мармар, 1964, Тошкентда), Улуғбек (гранит, 1968, Самарқандда), Беруний (бронза, 1973, Тошкентда), Ал-Хоразмий (бронза, 1978—81, Ўргончда) портретлари, «Дўстлик» монументи (бронза, гранит, 1987, Нукусда) ва б.

МУСАВВИР (араб. — рассом) — турли тасвирлар ишловчи, расм чизувчи ижодкор (қ. *Рассом*). Санъатшунослик-да Ўрта Осиё тасвирий санъатида ўрта асрларда ижод қилган санъаткор (рассомларга нисбатан қўлланилган.

МУСАДДАС (араб. — оттилик) — ҳар банди 6 мисралан тузилган мусаммат хилларидан бири. Арузнинг турли вазнларида, турли мавзуларда ёзилади. а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-а... ёхуд такрор. тарже мисралари, байтлари бўлса — а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-а; а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-а-а, в-в-в-в-а-а тарзида қофияланиб келади. М.да ҳам мусамматларнинг бошқа хилларидаги каби шоир ёхуд икки шоир тахаллуси келтирилади. Шу тахаллусларга қараб М. шеър мустақил ёки тазмин усулида ратилганлиги аниқланиб олинади. Биринчи усулда шоир ўзининг мисраларидан иборат олтиликлар яратади. У шеърий девон, мажмуа ва баёзларда баъзан «табъи ҳуд (ўзининг) М.» изоҳи б-н берилган. Иккинчи усулда эса шоир ўзига ёққан устоз ёки замондош шоир ёхуд ўз газалидан танлаб, шу газал байтлари олдидан унга тўрт-тўрт янги мисралар қўшиб, газал байтларини олтиликларга айлантирганлар. 17—20-а.ларда яшаб ижод этган шоирлардан Машраб, Нишотий, Увайсий, Мунис, Ҳувайдо, Амирий, Огаҳий, Нодира, Фурқат, Аваз, Сидқий Хондайлиқий, Табибий, Камий ва б. М.лар ёзишган. Ўзбек шеъриятидаги М.лар орасида, айниқса, Фурқат қаламига мансуб «Сайдинг кўябер, сайёд», «Эгмадим», «Уч хароботий» М.лари давр руҳининг ифодаланиши, ижтимоий мазмунининг чуқурлиги, поэтик жиҳатларининг ўзига хослиги б-н ажралиб туради.

МУСАЕВ Жура Аимбоевич (1928.5.12, Янгиюл ш.ғ — генетик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1984), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980), биол. фанлари д-ри (1973), проф. (1975). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1948). ТошДУ ларвинизм ва генетика кафедраси ассистенти (1952—56), доценти (1956—1974), тажрибон ф-ти умумий назарий фанлар кафедраси мудири (1961—66), ғуза хусусий генетикаси —проблема лаб. мудири (1974 й.дан), ларвинизм ва генетика кафедраси мудири (1981—84). Ўзбекистон ФА Ўсимликлар эксперименталбиологияси ин-ти директори (1982—84), ФА Президиуми аъзоси (1984—88). Президиумнинг бош илмий котиби (1985—88), Ўзбекистон ФА Ўсимликлар эксперименталбиологияси ин-ти ғуза хусусий генетикаси лаб. мудири (1989—92), ФА Генетика ин-ти таянчилогчиларидан. Шу ин-т Ўсимликлар генетикаси бўлими бошлиғи (1992—2000), илмий маслаҳатчиси (2000 й.дан). ЎзМУ биол. - тупроқшунослик ф-ти генетика ва цитоэмбриология кафедраси мудири (2000 й.дан). М. ғузанинг ирсий тоза генетик коллекциясини яратган. Биринчи бўлиб аллотетраплоид ғўзалар белги ва хусусиятларини, генларнинг комбинатив таъсирида ирсийланиши тўғрисидаги генетик назарияга асос солган. М. ва шогирдлари ғузанинг моносомик, транслокацион ва цитологик маркерланган линиялари коллекциясини яратишган. М. ғузанинг «Гулбаҳор», «Наибаҳор», «Армуғон» навлари муаллифларидан бири. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Бош таҳрир ҳайъати аъзоси (1997 й.дан). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

Ас.: Генетическая коллекция хлопчатника и проблемы наследования признаков, Т., 1979.

МУСАЕВ Маҳмуд Мусаевич (1919.17.11, Хўжанд — 2003.22.1, Тошкент) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1972). Тарих фанлари д-ри (1965), проф. (1966). Қўқон пед. билим юртини (1938), Тошкент юридик ин-тини тугатган (1948). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1954—56 й.ларда Москва ижтимоий фанлар академиясида ўқиган. 1950—58 й.ларда партия ишида масъул ходим; Партия тарихи ин-ти директори ўринбосари (1958—61). Тошкент халқ хўжалиги ин-тида кафедра мудири (1961—86), маслаҳатчи проф. (1987—2003). Илмий ишлари партия тарихи масалаларига, ёнлар тарбияси муаммоларига бағишланган.

МУСАЕВ Мели (1914.1.1 — Тошкент —1969.17.12) — театр рассоми. Ўзбекистон халқ рассоми (1950). Самарқанд рассомлик билим юртида ўқиган (1928—30). 1931й.дан Ўзбекистон давлат мусиқали театрида ишлаган. Дастлабки йирик иши — «Фарҳод ва Ширин» (1937, Хуршид) спектаклнин (ҳамкорликда) безаган. М. яратган саҳна безаклари ёрқинлиги, маҳобатли ва таъсирчанлиги, спектакль руҳига мослиги б-н диққатга сазовор: «Нарғиз» (1939, М.Маҳмудов), «Оқ билак» (1943, С. Васильенко), «Гулсара» (1949, Т.Содиқов ва Р.Глиэр), «Етти ғулол» (1955, Қ.Қораев), «Майсаранинг иши» (1959,С.Юдахов), М.Аширафийнинг «Дилором» (1958), «Шоир қалби» (1967), «Севги тумори» (1969, Ҳамза мукофоти, 1970), «Хоразм қўшиғи» (1964, М. Юсупов) ва б.

МУСАЕВ Улуғбек Раззоқович (1948.12.9, Урганч — 2002.5.6, Тошкент) — композитор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1981). Тошкент консерваториясини тугатган (1972). Урганч (1973—75), Тошкент (1975—80) мусиқа билим юртида ўқитувчи. Ўзбекистон композиторлар уюшмаси бошқарув котиби (1982—92), раиси (1992—95). «Тантана» симфоник поэмаси, фортепиано ва оркестр учун поэмалари, камер-чолғу асарлари, «Мангулик» ва «Робия» опералари, хор асарлари, романс ва қўшиқлар муаллифи. Айниқса, балетлари машҳур: «Ҳинд достони» Москвадаги Катта театр (1981)да, «Тўмарис» Қирғиз опера ва балет театри (1982)да саҳналаштирилган. Мусиқа услуби оркестр воситаларининг ёрқинлиги, драматургик маҳорати, образларнинг ранг-баранглиги б-н ажралиб туради. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

МУСАЕВ Элбек (1935.15.8, Тошкент) — тележурналист, кичик ҳажмдаги ҳикоялар (миниатюра) устаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1990). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1972). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1958). Ўзбекистон телевидениеси Болалар ва ўсмирлар таҳририятида кичик муҳаррир, катта муҳаррир (1957—62), «Ёшлик» бош таҳририятининг бош муҳаррири (1962—67, 1969—86), дастурлар бош директори (1986—88). Ўзбекистон телевидениеси ва радиоэшиттириш қўмитаси раисининг ўринбосари (1988—92). М.нинг телевидениедаги ижодий фаолияти «Ҳеч ким ёлғиз эмас», «Ғазалхон ёшлигим», «Романтика» телевизион театри, «Талабалик — олтин даврим», «Она ҳақиқи — Тошкентим», «Зеҳн» туркум кўрсатувлари б-н боғлиқ. У Наврўзга бағишланиб ўтказиладиган узлуксиз телекўрсатув ташкилотчиларидан. У айниқса, ўзи асос солган «Телеминиатюралар театри», «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» дастурлари б-н элга танилди. 1962 й.дан бери кўрсатиб келинаётган «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатуви ўзбек халқининг энг яхши урф-одатлари, анъаналари, одамийлик, меҳр-шафқат, адолат, садоқат каби инсоний фазилатларни тараннум этиб ўзбек телевидениеси тарихида муайян из қолдирди.

Ас.: Ўчрашув (миниатюралар), Т., 1978.

МУСАЕВ Юсуфали (1869 — Андижон — 1947.6.12) — меъмор, халқ устаси. Меъморликни отаси Муҳаммад Мусо ва акаси Исҳоқ Мусаевдан ўрганган. *Андижон жоме масжиди мажмуаси* қурилишида қатнашган ва лойиҳалаган. М. бино қурилишида 1—1,5 м қалинликдаги деворларни иччамлаштириш, йўғон ва оғир равоқлар ўрнига ингали равоқлар қўллади. М. хилма-хил гумбаз томлар яратиш б-н бирга гумбазлар тузилишини маълум тартибга солди, бинонинг айрим мураккаб қисмлари ва лойиҳасини яратди ва гумбаз устаси сифатида шуҳрат қозонди. М. қурган бинолар ёруғ, иччам ва кўркамлиги б-н Самарқанд, Бухоро ва Хива усталари қурган бинолардан фарқ қилади. Фарғона водийсидаги 40 га яқин ҳаммом унинг лойиҳаси ва раҳбарлигида бунёд этилган. Муқимий театри биноси М. раҳбарлигида шогирдлари уста Эшонхон, Иван Минаков ва Уста Эргаш Ҳожилар б-н ҳамкорликда қурилган йирик бинолардан биридир. М. қурган бинолар ёруғ, иччам ва кўркамлиги б-н Самарқанд, Бухоро ва Хива усталари қурган бинолардан фарқ қилади. Фарғона водийсидаги 40 га яқин ҳаммом унинг лойиҳаси ва раҳбарлигида бунёд этилган. Муқимий театри биноси М. раҳбарлигида шогирдлари уста Эшонхон, Иван Минаков ва Уста Эргаш Ҳожилар б-н ҳамкорликда қурилган йирик бинолардан биридир. М. Ўзбекистон ФА фахрий акад. (1944).

Ад.: Ашрафов А., Уста Юсуфали, Т., 1955.

МУСАЕВ Ҳамид (1933, Пастдарғом тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1994). СамДУни тугатган (1955). 1955 й.дан Пастдарғом туманидаги 6-, 46-, 31-, 1962 й.дан 1-мактабда она тили ва адабиёт ўқитувчиси. Педагогик фаолияти давомида дарсни ташкил этишнинг янгича, изғор усулларини яратди, пульт бошқаруви ёрдамида ишлайдиган техника воситалари б-н жиҳозланган она тили ва адабиёт хонаси ташкил қилди.

МУСАЙЛИМА (асл исми Маслама, 634 й. в.э.) — Арабистон я.о.да Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин пайғамбарликни лаъво қилганлардан бири. Ямома воҳасида яшаган Бану

ханифа қабиласининг диний раҳнамоси. Халифа *Абу Бакр* даврида у мутанаббийлар (сохта пайғамбарлар) сафига киритилган ва мусулмонларнинг бу қабилага қарши жангида ҳалок бўлган.

МУСАЙЯБ ибн ЗУҲАЙР — *Араб халифалигининг* Хуросондаги нойби (779—780). Нойблик маркази Марв ш. бўлган. Гардизайнинг ёзишича, *Муқанна қўзғолонини* бостиришда қатнашган. М. ибн З. Хуросонда 8 ой нойблик қилиб, мажбурий хирож солигини оширган. Ранят ундан норози бўлиб халифа Маҳдийга шикоят қилишгач, вазифасидан олинган. Мовароуннаҳрда пул ислоҳоти ўтказиб унинг номи б-н аталувчи қадри паст мусайябий дирҳам тангалари зарб этган. Бу дирҳамлар мис ва рух қотишмасидан тайёрланган.

МУСАЛЛАС — 1) енгил винолларнинг умумий номи; 2) винонинг хонаки тури. Янги пишган узумдан оқ (фақат шарбатни бижғитиш йўли б-н), қизил (шарбат ва турпини бирга бижғитиш йўли б-н) М.лар тайёрланади. Таркибида 9—12% спирт бўлади, соф (таркибида қанд йўқ) ва ярим ширин (2—8% қанд бор) хилларига бўлинади. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан машҳур шароб, май номлари ҳам бор. М. тайёрлашнинг қад. усуллари ҳозиргача сақланиб келади. М. алоҳида бир хил узум навидан ёки ҳар хил навларидан тайёрланади.

Пишиб етилган узум ювилмасдан шингили б-н гужумлари ажратиб олиниб, қўлда ёки махсус эзгичда эзилади ва хумга, ёғоч бочкага ёки сирли, зангламайдиган идишга солиб, иссиқ жойда 7—10 кун бижғитилади. Бижғитиш жараёни тез ўтиши учун унга хамиртуруш, эски вино ёки жийда — ачитқи солинади. Бижғитиш давомида узум тўпонлари (шингил бандлари, гужум пўстлари) юқорига кўтарилади. Бижғиган узум суви сузиб олинади, қайнатиб етилиши давом эттирилади, оғзи зич ёпиладиган идишга солинади. Бу жараёнда пайдо бўладиган газлар чиқиб кетиши учун ингичка шлангнинг бир учини идиш ичига, иккинчи учини ташқаридаги сувли идишга солиб қўйилади. Қайнаш тугагач, у тиниқ ҳолга келгунча тиндириб, кейин лойқалатмай кийик ўти қайнатмаси б-н чайилиб, олтингугурт тутуни б-н стерилланган (микроблардан тозаланган) идишга қуйилиб, оғзи ҳаво кирмайдиган қилиб, чақичлаб беркитилади ва салқин жойда сақланади. Шунингдек, М.ни сувда ивитиб, сўнгра эзилган майиздан ҳам тайёрлаш мумкин.

МУСАЛЛАС (араб. — учлик, учлама) — *мусаммат* шеър шаклларидан бири. М. ўзбек шеъриятидагина эмас, балки аруз системаси қўлланган бошқа қўшни адабиётлар тарихида ҳам жуда кам учрайди. Бунинг сабаби учликнинг 1- ва 2-жуфт мисрасидан кейинги 3- мисранинг қофия жиҳатидан тоқ бўлишидадир (а-а-б). Бундай ҳолат шеърда фикрий нотамомликка, узилишга сабаб бўлиши мумкин. У ғарб адабиётидаги терциналарга ўхшаб кетади. Унинг дастлабки намунаси 16-а. тожик шоири Мушфиқий ижодида учрайди. Ўзбек шоирларидан эса Увайсий (19-а.) девонида учрайди, холос. У ҳам а-а-а; б-б-б; в-в-в қофия тартибига эга. Бироқ 20-а. шоирларидан Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Восит Саъдулла, Омон Матжон, Анвар Обиджон аруз ва бармоқ вазнларида М.нинг янги намуналарини яратганлар.

МУСАММАН (араб. — саккизлик) — 1) араб, форс-тожик ва ўзбек мумтоз шеъриятидаги шеърий турлардан бири. М. 8 мисрали бир неча бандлан ташкил топади. Биринчи банд ягона қофияга эга бўлади, кейинги бандларининг фақат 7 мисраси қофиялаш бўлиб, 8-мисраси биринчи банд б-н қофияланади: а-а-а-а-а-а-а-а, б-б-б-б-б-б-б-а, в-в-в-в-в-в-в-а каби; 2) арузда ҳар байтда бир рукннинг 8 марта такрорланишидан вазн ҳосил бўлиши. Мас.,

Бир пари мен телбани ҳуснига мойил қилгулекдур,
Кўзим ичра, ер тутиб, кўнглума манзил қилгулекдур.
Фоилотун / фоилотун / фоилотун / фоилотун

(Бобур)

Ҳар бир баҳр доирасида солим (рукни бутун) ва зиҳофли (рукни қисқарган) вазнлар бўлади. Юқоридаги байтда «фоилотун» рукни рамал баҳрига бутун (ўзгармай) киргани учун бу вазн «рамали мусаммани солим» деб аталади.

МУСАММАТ (араб. — шеър шаклларидан бири) — ижтимоий-фалсафий руҳдаги шеърлар бўлиб, алоҳида-алоҳида қофияланувчи бандлардан иборат. Биринчи бандининг охирги мисрасидаги қофия кейинги бандларнинг охирги мисраларидаги қофилар б-н бир хил бўлади. Бандлардаги мисралар сони 3 тадан 10 тагача етади, шунга кўра қуйидаги М.лар фарқланади: мусаллас (3 мисрали), мураббаъ (4 мисрали), мухаммас (5 мисрали), мусаддас (6 мисрали), мусабба (7 мисрали), мусамман (8 мисрали), мутасса (9 мисрали), муашшар (10 мисрали).

МУСАМУҲАМЕДОВ Ризамат (1881.24.2 — Тошкент — 1979.13.3) — соҳибкор боғбон, узумчилик амалиёти новатори. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном (1971), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соҳибкор (1935), Меҳнат Қаҳрамони (1962). 1893—47 йилларда Тошкент ш. ва Тошкент вилоятида

узумчилик хўжаликларида соҳибкор бўлиб ишлаган. Тошкент вилояти қ.х. бошқармасида токчилик бўйича мураббий (1947—50). Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлигида боғдорчилик ва токчилик бўйича бош агроном (1950). Боғ ва токзорлар барпо этиш, токка шакл бериш, ток кесиш, токзорларни қайта тиклаш ва ток устириш, ҳосилдорликни оширишнинг янги ва илғор усулларини ишлаб чиққан. М. раҳбарлигида Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 3250 га намунали боғ ва токзорлар барпо этилган. «Токчилик бўйича қўлланма» (1939), «Мой узум ҳосили етиштиришдаги тажрибаларим» (1959) каби китоблар муаллифи. Ўзбекистон усимликшунослик ин-тида чиқарилган ва Ўзбекистон, Тожикистонда р-ларштирилган серҳосил ток навлари М. шарафига *Ризамат* деб аталган. М. ҳақида «Гулга бурканган ҳаёт» (1961), «Ризамат отанинг 100 баҳори» ҳужжатли фильмлари яратилган. Тошкент вилояти Қибрай туманидаги узумчилик, Сирдарё вилояти Оқолтин туманидаги боғдорчилик-узумчилик ширкат хўжаликларига, Тошкент ш.даги кўчалардан бирига М. номи берилган.

МУСАМУҲАМЕДОВ Юсуф (1888 — Тошкент — 1968) — Ўзбекистон матбаасининг асосчиларидан. Меҳнат фаолиятини 20-а. бошида В.М.Иванга қарашли хусусий типографияда бошлаган. 1920—22 йилларда Тошкентдаги 1-босмахонани ташкил этишда қатнашган ва шу босмахонада 1932 йилгача ишлаган. Ўзбекистон Матбуот бошқармаси бошлиғи муовини (1931—34). 50-йилларда республикада матбаа кадрларини тайёрлаш, босмахоналар ташкил этишда катта ташкилотчилик ишлари олиб борган. Матбаачилар учун мўлжалланган «Босма ишлари» (1939, 1950) китоби нашр этилган. Ўғли Юсупов Юнус Юсупович (1907—1995) — ўзбек матбааси асосчиларидан, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1967). 1924—35 йилларда Тошкентнинг Эски шаҳар намунали босмахонасида ҳарф терувчига шогирд, ҳарф терувчи ва босмахона директори. 1935—37 йилларда партия ишларида. 1944—45 йилларда Тошкентдаги 1-босмахона директори. 1946 йилдан Ўзбекистон Матбуот бошқармаси, кейинчалик Ўзполиграфнашр бошлиғи. 1964—78 йилларда «Фан» нашриёти директори.

Ад.: Бобохонов А., Ўзбек матбааси тарихидан, Т., 1979.

МУСАННАФ (араб. — танлаб олинган, танланган) — ҳадис тўпламларининг махсус тури. Унда ҳадислар ягона тартибга тўпламлардан фарқ қилган ҳолда мавзулар бўйича тўпланган бўлади. Шунинг учун маълум соҳа ёки мавзуга оид ҳадисни қидириб топиш М. тўпламларида нисбатан осонроқ бўлган. Муснад тариқан илгарироқ. М. эса кейинроқ вужудга келган. Имом Бухорий, Муслим ибн Ҳаҳжож, Ибн Можа, Абу Довуд, Исо Термизий, Имом Насаийнинг ҳадис тўпламлари М. туридаги тўпламларнинг энг машҳурларидан ҳисобланади.

МУСАХОНОВ Мирзаюсуф Мирзамаҳмудович (1943.10.9, Тошкент) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1995), физика-мат. фанлари д-ри (1982), проф. (1982). Москва ун-тини тугатган (1967). Тошкент ун-ти (ҳоз. Ўзбекистон миллий ун-ти) назарий физика кафедраси мудири (1982 й.дан). Илмий ишлари элементар зарралар физикасига, асосан, квант хромодинамикаси (КХД) га оид. Унинг раҳбарлигида кичик импульсли пионлар усули асосида пионлар ва ўз зарралари нуклонлар системасининг ўзаро таъсири учун янги кўп мартали сочилиш назарияси ишлаб чиқилди. КХД нинг кирал хоссаларини ҳисобга оладиган янги кварк модели — кирал бэг модели таклиф қилинди. Кирал кварк моделлари: квантланган майдонлар назарияси; нуклонлар учун кирал назария; кичик энергияли соҳа учун КХДнинг эффектив таъсири ва б. ишлаб чиқилди. Улар асосида КХД даги физик жараёнлар илмий изоҳлаб берилди.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

МУСАҲҲИҲ (араб.), корректор — босмахона нусхаларида теришда йўл қўйилган хатоларни тузатувчи таҳририят, нашриёт, босмахона ходими. М.нинг вазифасига муаллиф қўлёзмасини текшириш (орфографик, пунктуацион хатоларни тузатиш, абзацлар қўйиш ва ҳ.к.) ҳам киради (яна қ. *Корректура*).

МУСБАТ СОНЛАР — нолдан катта ҳақиқий сонлар. Рационал (каср) М. с. натурал сонларнинг нисбати бўлиб, иррационал М. с. рационал М. с.лар кетмакетлигининг лимити ҳисобланади. М. с.лар совлар ўқида саноқ бошидан, ёки нол нуқтадан ўнг томонда жойлашган ҳақиқий сонлар. Мас.: 2, 3, $\sqrt{5}$ ва ҳ. к. М. с. оддига, одатда, «+» ишора ёзилмайди (қ. *Манфий сонлар*).

МУСИЧА (Streptopelia senegalensis) — кантарсимонлар оиласи турраклар уруғига мансуб қуш. Думи узун, бошқа кантарсимонларга нисбатан кичик. Танасининг орқа томонидаги патлари бир хил кулранг, бўйни орқасида қора ранги ярим ҳалқаси бор. Урутнинг бошқа турларидан гавдасининг кичиклиги (уз. 14—30 см), дарахтлар

Мусича.

шохига ин қурмаслиги б-н фарқ қилади. Ўрта Осиёда кенг тарқалган, турар жойлар яқинида яшайди. Бинолар-нинг бўғотларига ин қурали, 2—3 та тухум қўяди. Бир йилда бир неча марта бола очади. Ўтроқ яшайди. Ўсимликлар уруғи, жумладан, лон ва нон увоқлари б-н озиқланади.

МУСИҚА (юн. mousiche — *музалар* санъати) — инсон ҳиссий кечинмалари, фикрлари, тасаввур доирасини мусиқий товуш (*тон, нағма*)лар изчиллиги ёки мажмуи воситасида акс эттирувчи *санъат* тури. Унинг мазмуни ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи муайян мусиқий-бадиий образлардан иборат. М. инсоннинг турли кайфиятлари (мас., кўтаринкилик, шодлик, завқланиш, мушоҳадалик, ғамгинлик, ҳавф-кўрқув ва б.)ни ўзида мужассамлаштиради. Бундан ташқари, М. шахснинг иродавий сифатлари (қатъиятлик, интилувчанлик, ўйчанлик, вазминлик ва б.)ни, унинг табиати (мижози)ни ҳам ёркин акс эттиради. М.нинг ушбу ифодавий-тасвирий имкониятлари юнон олимлари — Пифагор, Платон, Аристотель ва Шарқ мутафаккирлари — Форобий, Ибн Сино, Жомий, Навоий, Бобур, Кавкабий, тасаввуф арбоблари — Имом Газолий, Калободий Бухорий ва б. томонидан юқори баҳоланган, шарҳ ва илмий тадқиқ қилинган. М.нинг одам онги ва ҳиссиётига таъсир этишининг ажойиб кучи унинг руҳий жараёнларга ҳамоҳанг бўлган процессуал — муайян жараёнли табиати б-н боғлиқдир. М. асарлари мазмунида бадиий гоялар умумлашган ҳолда берилиб, мусиқали образларнинг ўзаро муносабатлари (таққосланиш, тўқнашув, ривожланиш каби) жараёнида шаклланади. Мазкур жараённинг хусусиятларига кўра М. мазмуни ҳам турли — эпик, драматик, лирик белгиларга эга бўлиши мумкин. Булардан инсоннинг ички дунёси, руҳий ҳолатларини ифодалашга мойил бўлган *лирика* М.нинг «ботиний» табиатига анча яқиндир. М.нинг мазмуни — шахсий, миллий ва умумбашарий бадиий қийматларининг бирлигидан иборат бўлиб, бунда маълум халқ, жамият ва тарихий даврга хос руҳий тараққиёт, сурьат, ижтимоий фикр ва кечинмалар умумлашган ҳолда ифодаланади. М. шаклларн ҳар бир даврнинг маънавий-маърифий талабларига жавоб берган ҳолда, айни вақтда инсон фаолиятининг кўпгина жабҳалари (муайян жамоавий тадбирлар, одамларнинг ўзаро этик ва эстетик таъсир этиш, мулоқот қилиш жараёнлари) б-н муштаракдир. М.нинг, айниқса, инсоннинг ахлоқий ва эстетик дидини шакллантириш, ҳиссий туйғуларини ривожлантириш, ижодий қобилиятларини рағбатлантириш воситаси сифатида роли жуда муҳимдир.

Нутқ, товушли сигнал бериш ва б. товушли—маъноли жараёнлар сингари, М. ҳам муайян маълумотларни садолар воситасида ифодалаш имкониятига эга. Жумладан, товушларнинг баланд-пастлиги, нигичка-йўғонлиги, узун-қисқалиги, кучлилиги ва б. воситалар ёрдамида одамнинг ички ҳолатини ифодалаш имконияти жиҳатидан М. нутққа (нутқ *интонацияларига*) ўхшайди. Аммо, санъат тури сифатида М. фақат унгагина хос бўлган хусусиятлар (мас., бадиий-эстетик мақсадларни кўзлаши, мазмун ва шакл бадиий қиймат сифатида касб этилиши, айниқса, М. товушларининг муайян мусиқа тизимларида ташкил этилиши) б-н нутқдан фарқ қилади. Ҳар бир алоҳида олинган М. товуши бирламчи ифодавий имкониятга эга бўлса-да М. товушларининг *баланд-пастлик* муносабатлари *лад* тизимларида, муваққат нисбатлари эса — мусиқий *ритм* ва *метрда* ўз аксини топади. Дунёнинг аксарият халқлари М. маданияти, жумладан, ўзбек мусиқа фольклори, анъанавий мусиқа ва бастакорлик ижодиётида лад асосини турли кўринишдаги *диатоника* ташкил этади. Композиторлик М.да (айниқса, 20- а.да ривож топган йўналишларда) диатоника б-н бирга *хроматика* ҳам кенг ўрин олган.

М.да асосий бадиий восита — *куй* (*мелодия*)дир. М.нинг оғзаки анъанадаги (монодия) услубларида куй бадиий

образнинг ягона ва тугал мусиқий ифодаси ҳисобланади. Кўп овозли композиторлик йўналишларда *гармония, полифония* унсурлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. М. асаридаги куй (*мавзу*)лар ривожи унинг *композиция*си (шакл)ни ташкил этади. *Мусиқа шакли* асар мазмунининг моддий тажассуми ва вужудга келиш воситаси бўлиб хизмат қилади. М. асарлари шаклига мунтазам такрорланувчи таркиб ва унсурлар хос бўлиб, булар бадиий мазмундаги ўзгарувчанлик, ҳаракатчанлик каби хусусиятларга маълум даражада зиддир. Ўзаро алоқа ва бирлик доирасидаги бундай диалектик зиддиятлар М. асарини яратиш ва ижро этиш жараёнида ҳамиша хилма-хил равишда ўз ечимини топади. Турли халқлар М. маданияти ва анъаналарида М.нинг барқарор ва беқарор унсурларининг ўзаро муносабатлари ҳам ўзгачадир. Мас., анъанавийлик мезонига асосланган оғзаки йўналишдаги М. услубларида муайян бадиий мазмун, эстетик қоидалар б-н бирга М. асарлари шаклига *бадиҳагўйлик* хусусиятлари, номусиқавий (асарнинг ижро этиш вақти, жойи, шароити каби) ҳолатлар ўз таъсирини ўтказади. Индивидуал бадиий образларни ифодалашга қаратилган ёзма анъанадаги композиторлик санъати асарлари эса кўпроқ айнан мусиқий ривожланиш қоидаларига, яъни тугалланган, яхлит ва барқарор шаклларга асосланади. Шунинг учун, композиторлик мусиқада мазкур шаклларни ифодалашга ҳамда объектив ҳолатда сақлашда асосий омил бўлган *нота ёзуви* муҳим ўрин тутади.

М. инсон маданиятида ва жамоавий ҳаётда ўзига хос ўринга эгадир. У дам олиш ва кўнгил очиш пайтлари, турли маросим, байрам, базм ва сайиллар, диний ва расмий тадбирлар, оммавий ва ҳарбий юришлар, спорт машқлари ва меҳнат жараёнида муайян вазифалар бажаради. Шунинг учун М. асарлари ўз мазмунига мувофиқ ҳолда бир нечта услуб, тур ва *жанр* гуруҳларига ажратилади. *Алла, зикр, марсия, сарбозча, вальс, марш, месса* каби жанрлар ҳаётдаги маиший ва б. шароитлар б-н боғлиқ бўлади. *Ашула, дастгоҳ*, чолғу *куй, мақом* йўллари, *концерт, миниатюра, романс* ва б.да эстетик таъсир ўтказиш вазифалари асосий ўрин тутади. Жанрлар, ўз навбатида, *диний мусиқа, ёшлар мусиқаси, маиший мусиқа, оммавий мусиқа, ҳарбий мусиқа, камер мусиқа, симфоник мусиқа, хор мусиқаси* каби М. т у р л а р и га бирлашади. Тарихий, миллий, маҳаллий, шахсий (индивидуал) М. услублари ҳам мусиқий тафаккур тарзи, оҳанг, ритм, шакл каби мусиқий унсурларни ўзига қамраб олиб, муайян бир давр ёки миллий маданиятга мансуб бўлган турли жанрлари асарлар умумиятини акс эттиради (қ. *Авангардизм, Барокко, Классицизм, Оғзаки анъанадаги мусиқа, Романтизм, Сентиментализм*).

Бастакор ва композиторлар бадиий образларни кенгроқ қамраша ингилиб, М. ва бошқа санъат турлари қоришмаси (синтез)дан фойдаланишади. Аниқ тушунчага эга бўлган сўз, саҳна ҳаракати, кино тасвири ва б. унсурлар б-н қоришиқ М. асарининг ифодавий имкониятлари кенгаяди (қ. *Вокал мусиқаси, Кино мусиқаси, Рақс мусиқаси, Театр мусиқаси*). М., шунингдек, бошқа санъат тури ва жанрларида ҳам муҳим роль ўйнайди. Мас., *опера* жанрида, ўзбек мусиқали драмаси ва комедиясида *хонандалик*, хор санъати ҳамда *оркестр мусиқа*сини *ирама* б-н боғлайди. *Балет* ва б. рақс шаклари ҳам ўзининг бадиий образларини М. ёрдамида ифодалайди.

Инсоннинг М. фаолияти асосан 3 босқичда амалга оширилади: ижод, ижро ва тинглаш (уқув). Ҳар бир босқичда асарнинг мазмун ва шакли ўзгача кўринишга эга бўлади. Ижод босқичида бадиий гоя ва шакл муаллиф онгида муштарак ҳолда тугилади. Ижро жараёнида шакл ва мазмун ижрочи томонидан унинг дунёқараши, эстетик тасаввурлари, шахсий тажриба ва маҳоратига мос равишда ўзгартирилади. М. ижлосмандлари ҳам ижро этилаётган асарни ўзларининг хусусий диди, ҳаётий ва бадиий тажрибасига асосланиб қабул қилишади. Шундай қилиб, М. фаолияти ҳамма босқичларда ижодий табиатга эга бўлади.

Турли (композиторлик ва оғзаки анъанадаги) услубларда *мусиқа ижрочилиги* аҳамияти турличадир. Профессионал йўналишдаги маданият тизимида М. кўпинча бадиий асарларни ижро этадиган санъаткорлар фаолияти орқали намоён бўлади. Шунинг учун М. ижрочи (созанда, хонанда)ларининг аксарияти композитор ва бастакорларнинг ҳақиқий ҳамкорларидир. Улар устоз-шогирд муносабатлари жараёнида ўзлаштирган ёки нота ёзуви ёрдамида ўрганган асарларни жонли равишда тингловчилар олдида талқин этадилар. Мусиқий *фольклор* тизимида М. намуналари омма онгининг бадиий маҳсулоти сифатида юзага келиб, ҳаваскор қўшиқчи, созанда ёки жамоавий тарзда ижро этилади. М. ижрочилиги *мусиқа чолғулари* ҳамда инсон *овози* воситасида амалга оширилади. Булар якка тарзда, *ансамбль, хор, оркестр* каби бирикма шаклларида намоён бўлади.

М. ижлосмандлари, ижрочилиги ва тинглашни М. фаолиятининг бошқа турлари — мас., м у с и қ а т а р б и я с и, м у с и қ а т а ъ л и м и, и. т. (*Мусиқашунослик*), м у с и қ и й т а н қ и д ва бошқалар б-н бирга жамият М. маданиятини тизимини ташкил этади.

М у с и қ а т а р и х и. М.нинг пайдо бўлиши масаласида турли илмий фаразлар вужудга келган. Ҳисоботга кўпган нутқ оҳанги (Г. Спенсер), қушларининг сайраши ва ҳайвонларнинг ўз жуфтларини чақириши (Ч. Дарвин), ибтидоий одамларнинг меҳнат усуллари (К. Бюхер) ва уларнинг чақириқ товушлари (К. Штумпф), жоду-сеҳрдан маросимлари (Ж. Комбарье) М.нинг илк манбалари ҳисобланади. Шарқ мутафаккирлари ҳам М.нинг вужудга келиш муаммоси ҳақида илмий мулоҳазалар қолдиришган. М. тарихини Фарбий инсон нутқининг шаклланиш жараёни ва ҳиссиётлари б-н бевосита боғлиқ ҳолда, Ибн Халдун (14-а.) эса — ижтимоий тизимларнинг шаклланиш қонуниятларига асосланган ҳолда тушунтиришган.

Замонавий мусиқашунослик фани археология ва эт. маълумотларни келиб чиқиб, М. санъатини ибтидоий жамиятда инсоннинг амалий фаолияти жараёнида бошқа санъат турлари (рақс, шеърият ва ҳ.к.) б-н қоришма (синкретик) ҳолда пайдо бўлишини асослаб беради. Бунда М. ижтимоий мулоқот воситаси, меҳнат ва маросим жараёнларини ташкил этиш воситаси бўлиб хизмат қилади ва, айни вақтда, жамиятга зарур ахлоқий-маънавий хусусиятларни тарбиялаш мақсадларини кўзлайди. Ибтидоий даврнинг охирги босқичида дастлабки қоришма санъат мажмуасидан бир қанча санъат турлари, жумладан, М. ҳам ажралиб чиқади. Ушбу даврга мансуб афсоналарда М. табиатга, ёввойи ҳайвонларни ўргатишга таъсир кўрсатиш, инсонни турли касалликлардан даволовчи куч сифатида таърифланади (қ. *Алиқамбар, Ибтидоий санъат, Мавсум қўшиқлари, Маросим қўшиқлари*).

Қулдорлик ва илк феодал тузумига асосланган қад. дунё давлатлари — Миср, Шумер, Бобил, Ўрта Осиё (тахм. мил. ав. 1-минг йиллик даври), Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон, Рим маданиятларида касбий мусиқачилар мактаблари шаклланган. Улар махсус (*бастакорлик*, м у с и қ а и л м и каби фанлар)ни билим ва қоидаларга асосланиб ижод қилган. Натижада айтим, чолғу-рақс, достон ва б. жанрлар пайдо бўлган. Турли хил М. асбоблари (чанг, уд, танбур, лира, кифара, нуфлама ва урма асбоблар) такомиллаштирилиб, улар барқарор товушқатор ва шаклларга эга бўлган. М.нинг ушбу даврда асосан оғзаки анъанада ривожланишига қарамай, айни вақтда, унинг илк ёзув (иероглиф, ҳарфий ва б.) тизими ихтиро этилган. М. эстетикаси ва назарияси таълимотлари шаклланган: Хитойда — Конфуций, Юнонистонда — Пифагор, Гераклит, Демокрит, Аристотель, Платон, Аристоксен ва б., Ўрта Осиёда — *Форобий*.

Ў р т а а с р Ғарбий Европада профессионал черков (бир овозли григориан *хорали*, кейинчалик кўп овозли хор ва вокал-чолғу жанрлари — органум, кондукт ва б.), дунёвий (Францияда — трубадурлар, труверлар; Германияда — миннезингерлар санъати) ҳамда халқ М.си ривож топади. 12-а.да Францияда Биби Марям ибодатхонасида биринчи композиторлик мактаби (*Нотр-Дам мактаби*). 14-а.да Франция ва Италияда «*Ars nova*» услуби юзага келган. *Гвидо д'Ареццо* ихтиро этган тўрт чизиқли нота ёзуви товуш баландлиги ва нағмалар узунлигини аниқ қайд этишга имкон яратган.

Ушбу даврда Ўрта ва Яқин Шарқ (Араб халифалиги)да ярқин речитатив ва парда тузилмаларига асосланган мусулмон касбий М. (азон, тартил, тажвид) жанрлари шаклланган. Улар бошқа М. турларидан мустақил равишда ривожланиб, кейинчалик *ўн икки мақом* тизимининг шаклланишига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган. 8—13-а.лар мусулмон Шарқ халқлари оғзаки анъанадаги касбий М. си *достон* (М. назариясида) ёки *парда* (шеърият ва М. амалиётида) тизимлари асосида шаклланган. Ўрта Осиё, Эрон ва араб халқлари М.ида муттасил давом этган ўзаро таъсир ва алоқа жараёнлари натижасида ушбу халқлар учун умумий бўлган вокал (*савт*, гино, *ашул*, муламмо, *қавл* ва б.) ва чолғу (равшин, *пешрав* каби) турлари вужудга келган. Машҳур бастакор, хонанда ва созандалар Иброҳим Мавсилий, Исҳоқ Мавсилий, Зирёб, Мансур *Залзал*, Ибн Сурайж, Ибн Аҳвас ас-Сўғдий, *Сафиуддин ал-Урмавий* ва б. ижод қилган. Мусиқа илмида ҳам муҳим ютуқларга эришилган. Юнон М. назарияси ҳамда маҳаллий халқлар М. анъаналарига асосланган мусиқий эстетика ва илмий-назарий таълимотлар дастлаб мат. фанлари доирасида (ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино), кейинчалик мустақил фан сифатида (Урмавий) шаклланган. Исҳоқ Мавсилий ва Киндий Шарқда илк бор мусиқа (ҳарфий) ёзувини ихтиро этишган. Урмавий эса ушбу ёзувни парда тизимига мослаштирган.

У й ғ о н и ш д а в р и Европа маданиятида тараққий этган инсонпарварлик ғоялари ва дунёвий мазмунга асосланган М. санъатида бадиий-эстетик мақсадлар асосий вазифа даражасига кўтарилди, чолғу (*лютня*, виола) ва вокал (*мадригал*) ижрочилиги ривож топган. Профессионал М.да *полифония* услуби, жумладан, а *капелла* хор ижрочилиги (мотет, *месса* ва б. жанрлар) ўз чўққисига кўтарилди. Янги композиторлик (Англияда — Д. Данстейбл, *Нидерланд мактаби*, Римда — Палестрина, Венецияда — А. ва Ж. Габриели) мактабларига шаклланди.

17—18-а.нинг 1-ярмида янги жанрлар — опера (Италияда — К. Монтеверди, А. Скарлатти; Францияда — Ж.Б.Люлли, Ж. Б. Рамо; Англияда —Г. Пёрселл), *оратория* (Г. Ф. Гендель), *кантата* (Г. Шютц, И. С. Бах), *концерт* (А. Корелли, А. Вивальди, И. С. Бах, Гендель), камер ансамбль, *соната* (А. Корелли, Д. Скарлатти), *сюита* ва б. жанрлар ривож топган. *Орган* (Ж. Фрескобальди, Бах, Гендель), *клавесин* (У. Бёрд, Г. Пёрселл, Ф. Куперен, Ж. Рамо) учун асарлар яратилган. Ушбу даврда замонавий камонли чолғу асбоблар (*скрипка, альт, виолончель*)нинг буюк устолари А. ва Н. Амати, Ж. Гварнери, А. Страдивари, фортепиано ихтирочиси Б. Кристофори ижод этишган, опера театрлари, *филармониялар*, мусиқа нашриётлари, мусиқа таълими (*консерваториялар*) ривож топган. 18-а. ўртала ри —19-а.нинг бошида Европа М.си Маърифатчилик даври ҳамда Буюк Франция инқилоби ғоялари таъсири остида ривожланган (француз композиторлари К. Глюк, Л. Керубини, Ж. Ф. Лесюэрларнинг опера ижоди, *Вена классик мактаби* вакиллари ижоди, симфонизм мусиқа тафаккури). 19-а.да рус (М. Глинка, «Қудратли тўда» вакиллари, П. Чайковский), поляк (Ф. Шопен, С. Монюшко), чех (Б. Сметана, Д. Дворжак), венгер (Ф. Эркель, Ф. Лист), норвег (Э. Григ), испан (И. Альбенис, Э. Гранадос), фин (Я. Сибелиус) янги миллий композиторлик мактаблари шаклланган, етакчи ижодий оқим сифатида *романтизм* карор топган (К. М. Вебер, Ф. Шуберт, Р. Шуман, Ф. Мендельсон, Г. Берлиоз, Н. Паганини ва б.).

20-а. М. тарихида алоҳида ўрин тутади. М. маданиятининг барча жабҳаларида туб ўзгаришлар юз берган. Ижодида янги-янги услуб ва йўналишлар (мусиқий *авангардизм, модернизм*) ривож топган. 20-а.да юз берган илмий-техник ва информацион инқилоблар (радио, телевидение, граммпластинка ва магнит ёзувларини ихтиро этиш) натижасида М.нинг тингловчиларга етказиш ва эшитиш соҳаларида янги имкониятлар пайдо бўлди. Бунинг натижасида *оммабоп мусиқа* маданияти ривож топди. Композиторлик ижодида соф мусиқий (симфония, концерт, камер-чолғу М. каби) жанрлар ўрнига вокал М.си, театр М.си, кино М.си каби «аралаш» турлар етакчилик қила бошлади. Композиторлик ижоди б-н бирга анъанавий М. ижоди ҳам янги, замонавий шароитларга мослашиб ривож топди. Жумладан, Шарқ мамлакатлари мумтоз М. жанрлари (мас., ҳинд рагалари, покистон қавалли, озарбайжон мутом, ўзбек ва тожик мақомлари ва ҳ.к.) ўзининг миллий доираларидан чиқиб жаҳон саҳналарида ижро этила бошлади, композиторлик ҳам оммавий М. йўналишларига ўз таъсирини ўтказди.

Ўзбекистонда М., асосан, халқ ва оғзаки анъанадаги профессионал М. сифатида қадимдан ривожланиб келган. Халқ М.сида *лапар, терма, ялла, қўшиқ*ларнинг турли хиллари (маросим, маиший, меҳнат, ўйин, рақс, лирик, насиҳатомуз ва б.), оғзаки анъанадаги ўзбек профессионал М.сида эса *достон, катта ашула, ашула, мақом*, чолғу йўллари каби жанрлар мавжуд. Ўзбек М. меросида 4 асосий маҳаллий услубни фарқлаш мумкин (қ. *Бухоро-Самарқанд мусиқа услуби, Хоразм мусиқа услуби, Фарғона — Тошкент мусиқа услуби, Сурхондарё-Қашқадарё мусиқа услуби*). 20-а.да ўзбек ва б. Ўрта Осиё халқлари М. меросини ўзиб олиш ва ўрганиш бўйича муҳим ишлар бажарилди, юзлаб нота тўпламлари ва и. т.лар нашр этилди. Бастакор, ҳофиз ва созандалар ўзбек М. мероси дурдоналари (*Шашмақом, Хоразм мақомлари, Фарғона-Тошкент мақом йўллари* ва б.) ни кенг тарғиб қилибгина қолмай, янги чолғу куй ва ашулалар яратдилар, дастлабки *мусиқали драма* ва комедия асарларининг муаллиф ёки ҳаммуаллифи бўлишди. 1930—40 й.ларда Ўзбекистонда авваллари бўлмаган янги (опера, балет, симфоник М., камер М., концерт каби) М. жанрлари юзага келди. Улар, айниқса, 1950—60 й.лардан бошлаб Ўзбекистон композиторлари ижодида кенг ривож топди, шунингдек, оммавий М.нинг *эстрада* мусиқаси, ёшлар мусиқаси каби йўналишлари ҳам кенг ёйилган.

М. таълими тизими Ў з Р Маданият ишлари вазирлиги тасарруфида бўлиб, 311 болалар мусиқа мактаблари, 3 мак-

сус академик лицей, 30 га яқин санъат, М. ҳамда маданият коллежлари, *Ўзбекистон давлат консерваторияси*, Тошкент давлат маданият ин-ти, М. Уйғур номидаги санъат ин-ти ва б. олий ўқув юртларида амалга оширилади.

Ҳозирда Ўзбекистонда М. фаолияти асосан ижрочи жамоалар (турли оркестр, хор ва ансамблдар), «*Ўзбекнаво*», *Ўзтелерадиокомпанияси* таркибидаги ижрочи гуруҳлар ва якканхонлар, ҳамда мустақил равишда ижрочилик б-н шуғулланаётган айрим хонанда ва созандалар томонидан амалга оширилмоқда.

Абдумаънон Назаров, Олимжон Беков.

МУСИҚА БЕЗАКЛАРИ — ўзбек анъанавий мусиқа ижрочилигида оҳанг ифодавийлигини бойитиш мақсадида кенг қўлланиладиган мусиқа воситалари. Куйнинг асосий поғона (товуш)ларини турли усулда — тебратиш (*тўлқинлатиш*), қўшимча товушлар б-н безаш (*гирифт, сайқал, кашиш, молиш, нола*, нолиш ва б.) йўли б-н ҳосил қилинади (яна қ. *Мелизмлар*).

МУСИҚА ИЖРОЧИЛИГИ — ижод тури; мусиқа асарларини хонанда ёки созанда томонидан бадиий талқинда ижро этилиши. М.и. вокал, чолғу ёки аралаш (вокал-чолғу), ижрочилар сонига кўра якканхон (якканавоз), *ансамбль, оркестр, хор* ижрочилигига ажратилади. Ижрочининг услуби, унинг савияси, маҳорати ва б.га қараб асар мазмуни ижрочилик воситалари (*артикуляция, динамика, сурбат*, агогика ва б.) ёрдамида турлича ифодаланиши мумкин. Асар яратилган давр ва композиторнинг эстетик қарашлари, бошқа ижрочиларнинг услубларини ўрганиш ҳамда бадиий ифода воситаларини (*мусиқа безаклари* ва б.)ни ўз ўрнида қўллаш ижрочи учун муҳим аҳамиятга эга. Халқ М.и.да ижрочилар, асосан, ўзининг ички ҳиссиётлари, амалий тажриба ва хотирасига таянади. Оғзаки анъанадаги профессионал мусиқада М.и. анъаналари устоз-шогирд муносабатлари орқали сақланиб ривож топади, созанда ва хонандалар эса махсус (*аруз*, мусиқа илми, *бастакорлик* каби) билим ва қоидаларга бўйсунади. Мусулмон Шарқ мутафаккир ва мусиқашуносларн (Форобий, Ибн Сино, Исфаҳоний, Урмавий, Жомий, Навоий, Бобур, Кавкабий, Дарвишали Чангий ва б.) М.и. масалаларига бағишлаб рисолалар ёзган, М.и.га оид афсона ва ривоятлар, аниқ қоидалар баён этишган. *Дирижёрлик*нинг барча турлари ҳам М.и.га киради.

МУСИҚА МАКТАБЛАРИ. болалар мусиқа мактаблари — бошланғич мусиқа таълимини берувчи махсус ўқув юртлари. М.м.га асосан умумтаълим мактабларида ўқитилган истеъдодли болалар ва ўсмирлар қабул қилинади. М.м.да мусиқа чолғу асбоблари (фортепиано, скрипка, виолончель, труба, кларнет, аккордеон ва б., ўзбек халқ чолғуларидан — дойра, қашқар рубоби, лутор, ғижжак, чанг, най ва б.)да чалиш ўргатилади; мусиқа саводи ва элементар мусиқа назарияси, сольфеджио, мусиқа адабиёти, хор қўшиқчилиги бўйича таълим берилади. Ўқиш муддати 5 (халқ, урма ва пуфлама чолғулари бўлимларида) ва 7 (Европа чолғу асбоблари бўлимида) йил. Ўзбекистонда М.м. 20-а.да ташкил қилинган. Туркистон халқ консерваторияси (Тошкент, 1918), Халқ консерваториялари (Самарқанд, Фарғона, 1919)да талабаларга 1-босқич мусиқа таълими берилган. 1920 й. Бухорода Шарқ мусиқа мактаби очилиб, унда Шашмақом услублари ўргатилган. Ҳозирда Ўзбекистонда 300 дан ортиқ 7 йиллик М.м. мавжуд. Улардан ташқари Тошкентда Глиэр номидаги, В. Успенский номидаги, Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги Республика махсус мусиқа академик лицейлари, Республика пуфлама ва урма чолғу созандалари тарбияловчи, шунингдек, Андижон, Каттақўрғон, Фарғона ш. мусиқа интернат мактабларида Р. *Абдуллаев*, С. *Абдалимов*, Д. Омонуллаева, М. Отажонов, У. *Мирзаев*, Д. Яхши-Яновский ва б. таълимга ҳисса қўшган. Шарқ, жумладан, Урта Осиё халқлари маданиятида М.м. ва ф. қисмлари ривожланиб, ҳозирда ушбуни анъанани шаклда сақланиб келаётган мас., қозоқ оқинлари, ўзбек баҳшилари, қорақалпоқ, жировлари, қирғиз манасчиларининг анъанавий ижролари ва б.

Ўзбекистонда 20-а.нинг 2-ярмидан турли мусиқачи ва қўшиқчиларнинг қўшиғи танловлари ўтказилади: мас., «Санъат байрами», «Марҳабо, талантлар!», халқ чолғулари, пуфлама ва урма чолғулар, анъанавий ижрочилик ва бастакорлар асарлари бўйича, бахшилар, туй-маросим қўшиқлари, фольклор-этнографик ансамблдари, «Алла» ижрочилари (2003 й.дан Ҳ. Олимова номида) Республика танловлари ва б. Улар анъанага мустақиллик даврида кенг ривож топди. Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида ўтказиладиган «Қўшиқ байрами» (1992 й.дан), Ю. Ражабий номидаги мақом ижрочилари (1983 й.дан, Тошкент), Маъмуржон Узоқов номидаги (1997 й.дан, Марғилон ш., 2001 й.дан Ж. Султонов ва М. Узоқов номида), Ф. Мамадалиев ва О. Юсупов номидаги (2001 й.дан, Андижон), Ҳожи Абдулазиз Абдурасулов номидаги (1997 й.дан, Самарқанд), Комилжон Отаниёзов номидаги (1997 й.дан, Хоразм) хонандалар танловлари ва б. «Аср лавҳи» куҳна миллий созлар (танбур-сато, най ва дутор) ижрочиларининг Республика танлови (1998, Бухоро), «Ўзбекистон — Ватаним маним» (1996, Тошкент), «Янги тароналар» миллий эстрада қўшиқ ва куйлари Республика танлови (1998, Жиззах; 2002, Гулистон); «Азиз она юртим наволари» миллий эстрада қўшиқлари Республика танлови, «Бойсун баҳори» халқаро фольклор жамоалари очиқ фестивали (2002 й.дан, Бойсун ш.) ва б.

Тошкентда 1995 й.дан ҳар йили ўтказилаётган «Илҳом-ХХ» Халқаро замонавий мусиқа, 1998 й.дан ҳар икки йилда ўтказилаётган Халқаро симфоник мусиқа фестивallари, 1997 й.дан ҳар икки йилда ўтказилаётган «Шарқ тароналари» (Самарқанд) Халқаро мусиқа фестивали доирасидаги ижрочилар танлови ва мусиқашунослар анжумани ҳам жаҳон миқёсида тан олинмоқда.

МУСИҚА УҚУВИ — инсоннинг мусиқа асаридаги товушлар (*баланд-пастлик, метр, ритм, тембр* хусусиятларини)ни эшита билиш, уларнинг изчиллик мазмунини тушуниб овоз ёки бирор чолғуда ижро эта олиш қобилияти. М.у.нинг асосий икки погонасини ажратиб кўрсатиш мумкин. Мусиқий фи-

зиология нуқтаи назаридан М.у. бу товушларни эшита олиш аппаратлари. Ў кени диапазони ҳамда товушларнинг узарувини ута сезгирлиги б-н белгиланади. М.у. орқали одам мусиқа товушларининг баландлигини (16 дан тахм. 20000 *герц*а, *цент* ҳисобида), кучи (*децибел* ҳисобида), туси (*тембр*и) ва давомийлигини ажрата олади. Бунда абсолют (мутлақ, яъни товушлар баландлигини бошқа товушлар баландлигига таққосламасдан идрок этиш) ва нисбий М.у. ажратилади. Мусиқий психология нуқтаи назаридан М.у. мусиқани товушларнинг функционал нисбатлари, бадиий хусусиятларини идрок этиш қобилияти: *лад* ҳисси (куй товушларидаги лад функцияларини ажратиш қобилияти), гармоник ўқув (куй овозли мусиқани идрок этиш, *интервал* ва *аккорд*ларнинг хусусиятларини ҳис этиш қобилияти), *интонацион* ўқув (маълум *интонация*лардаги интонацияни, ундаги товушларнинг баланд-пастлигини ҳамда оғишмаларини эшитиш ва такрорлаш қобилияти), тембр ўқуви (овоз ёки чолғу садоларининг бир-биридан фарқини ажратиш қобилияти), *композиция* ҳисси (мусиқа асаридаги шаклий тузилмаларнинг ўзаро нисбатларини идрок этиш) ва б. Шу б-н бирга мусиқа асарини эшитмай, ижро этмай туриб уни *нота* ёзувидан ўқиб тасаввур эта олиш ҳамда ижро жараёнида куй ва асарни хотирала яратиш ички М.у.га киради. М.у.ни ривожлантиралиган махсус ўқув фани *сольфеджио*дир. М.у.ни ўрганиш тарихи Европа илмида 19-а.нинг 2-ярмидан бошланган (Г. Гельмгольц, К. Штумпф). 20-а.да Н. Гарбузов, П. Барановский, Е. Юцкевич лар М.у.нинг нисбийлигини исботлаб берди (қ. *Зонд*). К. Сишор (АҚШ), Б. Теплов, Е. Назайкинский (Россия), Ўзбекистонда — Л. Коваль М.у.ни ўрганишга катта ҳисса қўшдилар. М.у. хусусиятлари янги (айниқса, электрон) мусиқа чолғуларини ишлаб чиқишда, концерт залларини қуриш, радио, телевидение ёзувларида эътиборга олинади (яна қ. *Акустика*, мусиқа қисми).

Олимжон Беков.

МУСИҚА ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ — мусиқий тон ёки ўзига хос жаранглар товушлар ҳамда маълум ритмик тузилмаларни ҳосил этишга мўлжалланган чолғу асблоб; мусиқани якканавоз ёки жамоа (турли *ансамбль, оркестр* ва б.) тарзда ижро этишда ишлатилади. Ҳар бир М.ч.а.нинг садоси ўзига хос *тембр*, маълум *диапазон*ли *товушқатор* ва ифодавий имкониятларга эга. М.ч.а. садосининг сифати, кўпинча, муайян чолғу асбобининг шакли, умумий тузилиши, қурилмаси ва уни тайёрлашда ишлатилган материалга боғлиқ. М.ч.а. қилмлан қамиш, бамбук, ёғоч, тош, суяк, металл, тери, ипак, кокос ёнғоғи, қовоқ ва б.дан тайёрланган. Садосини ҳусусиятини қўшимча воситалар (мас., *сурдинал*ан фойдаланиш), ижрочилик услублари (мас., турли созларни тирнаб-чертиб чалиш, флажолет ва б.), баъзи *мусиқа безаклари* ёрдамида ўзгартириш мумкин. Пайдо бўлиши инсоният тарихининг илк даврларига тўғри келади; мукаммалланиши эса мусиқа санъати ва ижрочиликнинг ривожланиши ҳамда М.ч.а.ни и. ч. техника тараққиёти б-н боғлиқ.

М.ч.а. товуш манбаларига қараб гуруҳларга, ижрочилик услуби (ёки ишлатилган механизми)га қараб гуруҳчаларга, ўзига хос қўшимча белгиларига қараб хилларга бўлинади. М.ч.а., асосан, торли (*хордофонлар*), пуфлаб чалинадиган (аэрофонлар), тери қопламали (*мембранофонлар*), тидчали (темидиофонлар), пластинкали, *электр ва электрон мусиқа чолғулари*, *идиофонлар* гуруҳларига бўлинади. Торли чолғу асбобларнинг гуруҳчалари: камонли созлар (*скрипка, альт, виолончель, контрабас*, виола, ўзбек созларидан *гижжак, қўбиз, сато* ва б.), чертиб чалинадиган созлар (*арфа, гусли*, цитра, *гитара, домра, балалайка, дутор, танбур, тўбек, сетор, дўмбира* ва б.), уриб чалинадиган торли созлар (*чанг*, цимбали ва б.), клавишли уриб чалинадиган созлар (клавикорд, *фортепиано, рояль*), клавишли чертиб чалинадиган созлар (*клавесин* ва унинг турлари). Пуфлаб чалинадиган чолғу асбобларнинг гуруҳчалари: тилчали созлар (*сурнай, қўштай, бўламон, шохнай, кларнет, гобой* ва б.), тилчасиз созлар (*найлар, флейталар*), мундштукли созлар (*труба, валторна, туба, карнай* ва б.), пневматик клавишли созлар (*орган* ва унинг турлари). Тилчали чолғу асбобларнинг бўлинмалари: пневматик клавишли созлар (фисгармония, *баян, аккордеон* ва б.), чертиб чалинадиган созлар (*чанқўбиз* ва унинг турлари), уриб чалинадиган созлар (флексатонлар). Тери қопламали уриб чалинадиган чолғу асбобларнинг гуруҳчалари: созланадиган (*литаврлар*), созланмайдиган (*ногора, дойра, барабан*, тамбурин ва б.) чолғу асбоблар. Пластинкали чолғу асбобларнинг гуруҳчалари: уриб чалинадиган резонаторсиз созлар (*ксилофонлар* ва б.), уриб чалинадиган резонаторли созлар (овоз берадиган пластинкалари остида маълум ҳажмдаги резонаторлар — трубкалар, бўш идишлар ва ҳ. к. ўрнатилган металлофон, маримба, вибрафон ва б.), клавишли уриб чалинадиган созлар (челеста ва б.).Идиофонларнинг гуруҳчалари: созланадиган (оркестр колоколи, *қўнғироқчалар, гонг* ва б.), созланмайдиган (тарелкалар, там-там, маракас, *қайроқ, қошиқ, сафоил*, ликоп, патнис, мис лаган, *занг* ва б.) чолғу асбоблар.

М.ч.а. баъзида халқ ва профессионал (оркестр) турларга ҳам бўлинади. Оркестр чолғулари композитор томонидан яратилган, темперацияли товушқаторга асосланган кўп овозли мусиқа асарлари ижросига мослаштирилган. Халқ чолғулари эса маълум миллат (элат) монодик мусиқа ижроси учун қўлланилади ва мусиқий товуш қуроли бўлиш б-н бирга, модлий маданият маҳсули ҳамдир; мукаммал шаклида халқ бадиий тафаккури, нафосат тасаввурлари, рамзий маънолар акс этган. Чолғулар халқ ҳаётида соф эстетик вазифа бажаришдан ташқари шомон-бахшилар, афсунгарлар руҳиятга таъсир ўтказишда, ҳарбийлар, чўпонлар, деҳқонлар томонидан бошқарувчи, қўрқитувчи, чорловчи товуш қуроли сифатида фойдаланиб келинган.

Ўзбек мусиқа чолғу асбоблари.

МУСИҚА ШАКЛИ — 1) кенг (фалсафий, эстетик) маънода — муайян ғоявий-бадиий мазмунни мусиқала мужассамлаштирувчи ифода воситалари (куй, ритм, гармония ва б.) мажмуи; 2) тор маънода — мусиқа асарининг ички тузилиши — *композиция*си. М.ш. бадиий образларни намоён этишда муайян ижодий принциплар (мас., куй ёки мавзуни такрорлаш, ўзгартириш, қайта ишлаш, янги, кескин фарқланувчи куй киритиш ва б.)га таянади. Оғзаки анъанадаги мусиқала, шунингдек, вокал, театр, кино мусиқаларида соф мусиқий омиллар б-н бирга мазкур санъат турларига хос (мас., шеърий асар тузилиши, саҳна асари драматургияси, кинофильм монтажи каби) композиция хусусиятлари ҳам муҳим ўрин тутади. Дастурли (муайян мавзули) мусиқа асарлари (мас., симфоник *поэма, баллада*)ла М.ш. умумий сюжетга мос равишда ўзгаради. М.ш.нинг энг кичик ифодавий бирлиги оҳанг, бирламчи тугал мусиқа тузилмаси мавзудир. Ҳар бир асардаги композиция ўзига хос кўринишга эга бўлса-да, М.ш.нинг асрлар давомида ривожланиб, қонунлашган турлари мавжуд (*давр*, куплет, икки қисмли, уч қисмли шакл, соната шакли, вариация, рондо, фуга ва б.). Шунингдек, бир қисмли аралаш (рондо-соната), кўп қисмли туркум М.ш.лари тарқалган (сюита, соната туркуми ва б.). Йирик вокал-симфоник (оратория, кантата, месса ва б.) ва мусиқали саҳна (мусиқали драма ва комедия, опера, балет) асарлари кўп қисмдан ташкил топади. Уларнинг айрим қисмлари (увертюра, ария ва ҳ. к.), одатда, унча мураккаб бўлмаган М.ш.ларида ёзилади.

Шарқ (жумладан, Ўрта Осиё) халқларининг оғзаки анъанадаги профессионал мусиқасида турли хил М.ш.лари мавжуд бўлган (амал, кор, саят, пешраў ва б.).

Ад.: Ражабов И., Мақомлар масаласита доир, Т., 1963; Асафьев Б., Музыкальная форма как процесс, 2 изд., М., 1971; Способин И., Мусиқа шакли [Махсус муҳаррир Ғ. Ғафурбеков]. Т., 1982.

МУСИҚАЛИ ДРАМА — 1) мусиқа (вокал ва чолғу) ҳамда сўз санъатига асосланган саҳна асари, мусиқали театр жанри. Илк намуналари Шарқ (мас., 5-а. Ҳиндистон, 12-а. Хитой)да шаклланган. Мазкур жанр Озарбайжонда 20-а. бошида, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда 1920-й.ларда вужудга келган. М.д.да саҳна воқеалари, қаҳрамонларнинг ички кечинма ва ҳолатлари, ўзаро муносабатлари сўз, мусиқа, драматик ҳаракат, шунингдек, рақс орқали ифодаланади, мусиқа ва сўз бир-бирини тўлдириб, асар мазмунини очишга хизмат қилади. Ўзбекистонда М.д. жанри 1910—20-й.лардан миллий адабий-бадиий тафаккур заминида шакллана бошлади. Унинг таркиб топишида ўзбек халқ томошаларида мусиқадан фойдаланиш тажрибалари, шунингдек, озарбайжон театрининг мусиқали драматик спектакллари муҳим роль ўйнади. Ҳамзанинг «Ҳой, ишчилар», «Қармоқ», «Қўғирчоқлар» каби *инсценировка*лари, «Фарғона фожиаси» тетралогияси; Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» пьесаси; Ҳуршиднинг Навоий достонлари асосида яратилган «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» асарларида М.д.нинг ўзига хос жиҳатлари мустаҳкамлана бошлади. Ўзбек М.д.си ўз тараққиётида бир неча даврни босиб ўтди. Дастлабки пьеса мос мусиқа материали халқ ижодидан саралаб олинган бўлса, 1930-й.ларнинг бошида С. Абдулланинг «Пўртана», М. Муҳамедов ва К. Яшиннинг «Ичкарида» каби замонавий асарлари саҳналаштирилганида халқ мусиқа мероси намуналарини қайта ишлашга ўрғу берилган. Ўзбек бастакор ва композиторлари М.д. мусиқасининг ифодавий имкониятларини кенгайтиришди. «Лайли ва Мажнун» (Навоийнинг шу номли достони асосида Ҳуршид либреттоси; Т. Содиқов ва Н. Миронов мусиқаси), «Фарҳод ва Ширин» (Навоий-Ҳуршид, В. Успенский), «Гулсара» (К. Яшин; Р. Глиэр) каби М.д.лар шулар жумласидандир. М.д.нинг адабий ва мусиқа жиҳатидан юксалишида драматурглардан К. Яшин, С. Абдулла ва бастакор Т. Жалиловнинг хизматлари катта. Улар қаламига мансуб «Нурхон», «Равшан ва Зулхумор» (К. Яшин; Т. Жалилов), «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш», «Муқимий», «Гул ва Наврўз» (С. Абдулла, Т. Жалилов) каби етук М.д.лар мавжуд. 1950-й.лардан бошлаб бу жанрда мустақил ижод қилувчи ўзбек композиторлари етишиб чиқди: М. Левиев, А. Муҳамедов, С. Бобоев, Ҳ. Раҳимов, Ик. Акбаров, Д. Зокиров, Д. Соатқулов, С. Жалил, М. Юсупов, С. Ҳайитбоев, М. Бафоев, М. Маҳмудов, Ф. Олимов ва б. Улар ўзбек мусиқа мероси, Европа профессионал мусиқа услуби, ифода воситалари ва шаклларни (жумладан, ария, дуэт ва б. ансамблар, хор ва рақс саҳналарини)га таяниб, ўз М.д.ларида ҳақиқий мусиқий драматургия ҳосил қилишга интилишди. Драматург, композитор ва ижрочиларнинг малакаси ошиши натижасида М.д. замонавий профессионал мусиқали-драматик жанр даражасига кўтарилди ва ўзига хос хусусиятларига эга бўлди. «Ватан ишқи» (З. Фатхуллин, Ш. Сайдулла; С. Бобоев), «Момо ер» (Ч. Айтматов қиссаси асосида Т. Тўла инсценировкаси; И. Акбаров мусиқаси), «Навоий Астрободда» (И. Маҳсумов; Ю. Ражабий, С. Жалил), «Прометей» (Ю. Маринковичнос; М. Бафоев), «Юсуф ва Зулайхо» (Р. Бобожон; Ф. Олимов), «Кумуш шаҳар маликаси» (И. Султон; Ик. Акбаров) каби М.д.лар бунга мисолдир. Соф драма каби М. д. ҳам мусиқали драма, мусиқали фожиа, *мусиқали комедия* каби турларни ўз ичига олади. Ўзбек композиторлари ижодидан катта ўрин олган мусиқали комедияни мусиқашунослар мустақил жанр сифатида талқин қиладилар. 2) операнинг дастлабки номларидан бири (итал. dramma in musica, dramma per(la) musica). 16-а. охири — 17-а. бошларида Италия (мас., К. Монтеверди ижоди)да пайдо бўлган. 1639 й. пайдо бўлган янги «опера» номи М.д. ўрнини эгаллай бошлаган. 19-а. ўрталарида Р. Вагнер ўзининг юксак мусиқали-драматик ривожига эга бўлган «Нибелунглар узуги» тетралогияси, «Тристан ва Изольда», «Парсифаль» операларини М.д. деб таърифлаган. М. Мусоргский эса «Борис Годунов», «Хованщина» каби асарларини халқ М.д.лари деб атаган.

Ад.: Жабборов А., Мусиқий драма ва комедия жанрлари Ўзбекистон композиторларининг ижодиётида, Т., 2000.

Аҳмаджон Жабборов.

МУСИҚАЛИ КОМЕДИЯ — кулгили, ҳажвий мазмун асосида (франц. *vodeville*, нем. зингшпиль, итал. *буффа опера*, оперетта каби) яратилган мусиқавий саҳна асари. Таркибан *мусиқали драма*га яқин бўлса-да, лекин ундан мусиқий тили ва ҳажвий мазмуни б-н ажралиб туради. Бу жанрнинг илдизлари қадим замонларга, Шарқ ва Ғарб халқларининг оғзаки ижодиёти, қизиқчи ва масхарабозлар санъатларига бориб тақалади. Ўзбекистонда М.к. юзага келиши, мусиқали драманинг жадал ривожи, мавзу доирасининг кенгайиши б-н узвий боғлиқ. Дастлаб (1920-й.лар охирида) ҳажвий сюжетга асосланган мусиқали спектакллар қўйилиб, уларга мусиқаларни режиссёр (баъзан драматург)лар ўзбек халқ куй ва қўшиқ (хусусан лапар, ялла)ларидан танлашган. Ҳамзанинг «Қармоқ» ва «Майсаранинг иши», К. Яшиннинг «Ажиажи», Хуршиднинг «Ёмон ўғил», «Тўллак», «Баҳор», Б. Халилнинг «Ошиқлар», С. Абдулланинг «Узунқулоқли ҳазрат» каби асарлари шу тарзда саҳналаштирилган. 1940-й.лар охирида ўзбек М.к.си мустақил жанр сифатида шаклланди. Асардаги мавзу ва ғоя ҳажвий-юмористик вазият, ҳолат, характерлар билангина эмас, балки уларга монанд мусиқа (якка қўшиқ, ашула, хор ва рақс)бон куплар) воситасида ифодаланди; халқ театри мусассиллари, диалогларда аския анъаналарига кенг таянилди. Ушбу ва М. Левиевнинг «Олтин кўл» (1949) асари М.к.нинг илк юксак намуналаридир. 50—60-й.ларда М.к.га эътибор кучайиб, мазкур жанр ўзбек бастакор ва композиторлари ижодидан мустаҳкам ўрин эгаллади. Мас., Ҳ. Ғулом пьесалари асосида М. Левиев «Тошболта ошиқ», «Ажаб савдолар», Ғ. Ғулом пьесаси асосида «Замонали ва Омонали», Ҳ. Муҳаммад пьесаси асосида «Тошкентнинг нозанин маликаси», Ж. Жабборов пьесалари заминида Ик. Акбаров «Ўжарлар» ва «Йиллар ўтиб», Туроб Тўла пьесаси асосида «Қизбулоқ», К. Шангитбоев асари асосида А. Муҳаммедов «Жон қизлар» М.к.лари яратилган. Кейинчалик М. Тожиев («Чол ва қампир»), М. Маҳмудов («Ҳийлаи шаръий», «Тўйлар муборак»), М. Бафоев («Етинчи жин»), Ф. Олимов («Сойибўжа операцияси», «Суперқайнона») каби композиторлар М.к. жанрида муваффақиятли ижод қилишди.

Аҳмаджон Жабборов.

МУСИҚАЛИ ФИЛЬМ — кино ва телевидение асари; унда мусиқа асосий ўринни эгаллаб, фильмнинг жанри ва драматик қурилишини белгилайди, сюжет ривожланиши, асар ғояси ва қаҳрамонлар ички дунёсини очишга хизмат қилади. 20-й.ларнинг охирида овозли кино б-н бир вақтда М.ф. ҳам ривожлана бошлади. Ривожланишнинг турли босқичларида М.ф.нинг тузилиши ўзгариб борди. Драматургия, мусиқа, вокал, хореография ва ижрочилик санъати синтези турли кўринишларда шакллана бошлади.

Биринчи М.ф. АҚШ («Жаз хонанлари» ва б.)да, кейинчалик Германия («Табассумлар мамлакати», «Кўршапалак» ва б.)да яратилган. 30-й.ларга келиб М.ф.нинг асосий жанрлари — лирик кинокомедия, фильм-ревю, оперетта, опера, балет шаклланди.

Ўзбекистонда М.ф. яратиш 40-й.лардан бошланди. 2-жаҳон уруши йилларида яратилган фильмларнинг аксарияти фильм-концертлар ташкил этди. «Фильм-концерт» (Й. Аъзамов), «Фронтдаги дўстларга», «Ватан совғаси» (К. Ёрматов), «Беш республика концерти» (З. Собитов) ва б. шулар жумласидан. «Доира рақсга чорлайди», «Мусиқий торларимиз сири» фильм-концертлари, «Дилбарим» фильм-комедияси, «Дилором» биринчи ўзбек фильм-операси, «Жонланган миниатюралар» («Суҳайл ва Меҳри», Л. Файзиев; М. Левиев) фильм-балети ва б. фильмларда мусиқадан ўринли фойдаланишга, мавзуга ҳамоҳанг экран тилини кашф этишга муваффақ бўлдилар. «Ўзбектелефильм» да яратилган «Шашмақом» (Т. Акромов), «Менга қўшиқ чизиб бер» (Л. Иноземцева), «Мен балерина» (Ш. Маҳбубов) каби фильмларда миллий маданиятни, ўзликни англаш, қадриятларимизни эъзозлаш ва янги ижодий изланишлар кўзга ташланади. Анъанавий ўзбек айтим (вокал) ва чолғу мусиқа санъатини тиклаш ва ривожлантиришни тарғиб қилувчи «Хива вақти ё-н соат етти да», «Бойсунда қор эритганда», «Қалбингда халқ оҳангларини эъзозла» каби фильм-концертлар ўзининг миллийлиги ё-н ажралиб туради. 1987 й. Ўзбекистон телевиденесида биринчи бор «Тўмарис» (реж. Н. Маҳмудов; У. Мусаев) телебалети қўйилди. «Майсаранинг иши» (М. Абзалов), «Юлдузимни бер, осмон» (Ф. Давлетшин), «Монолог», «Севги қўшиғи» (Баҳодир Зокиров), «Меш полвон» (М. Абзалов) ва б. кейинги йиллар яратилган энг яхши М.ф.лардир.

Мирзиё Аширов.

МУСИҚАШУНОСЛИК — *санъатшунослик* соҳаси, *мусиқа* ҳақидаги фан. Мусиқа назарияси, мусиқа тарихи, мусиқий фольклористика (этномусиқашунослик), мусиқий танқид ва мусиқий журналистика каби асосий ҳамда бошқа фанларга алоқадор (мусиқий акустика, мусиқий психология, мусиқий палеография, мусиқий эстетика, мусиқий социология, мусиқий шарқшунослик, мусиқий библиография ва нотография ва б.) соҳаларни ўз ичига олади.

Назарий М., умуман мусиқа санъати ёки муайян давр, бирор халқ, шунингдек, баъзи йирик композиторлар асарлари тузилиш қондалари, мусиқа тили ва композиция хусусиятларини тадқиқ қилади. Мусиқанинг айрим ифодавий воситалари *гармония, полифония, мусиқа шакли* таҳлили, *оркестрлаш, чолғушунослик* каби фанларда ўрганилади. *Мусиқа уқувини* ривожлантиришда *сольфеджио*нинг аҳамияти катта.

Тарихий М. мусиқа маданияти тараққиётига ҳар томонлама таъриф беришни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйиб, уни тарихий жараён, фалсафа, мафкура, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турлари ривожи б-н боғлиқ ҳолда ёритади. Мусиқанинг умумий тарихидан ташқари йирик минтақалар (Европа, Осиё каби), буларнинг мусиқа маданиятлари ўртасидаги ўзаро муносабати (Ғарб-Шарқ ёки Шарқ-Ғарб), айрим мамлакатлар ва халқлар ёки муайян давр мусиқа тарихи (классицизм, романтизм, импрессионизм), шунингдек, мусиқий услуб, жанр ва шакллар (опера, симфония, концерт ва ҳ.к.), ижрочилик санъати ва б.нинг юзага келиш тарихини ўз ичига олади. Мусиқа ижодиётини тадқиқ қилишда тарихий М. мусиқий-назарий таҳлил маълумотларига таянади, ўз ўрнида назарий М. хулосалари тўлиқ ва илмий бўлиши мақсадида ўрганилаётган ҳодисаларга тарихан ёндашади. Назария ва тарихийликнинг чуқур, узвий алоқадорлиги М.нинг асосий шартларидандир.

Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари мусиқа санъати қонун-қондалари тизимини ўрганувчи илмий мусиқий (мусиқа илми) 8—9-а.ларда (Юнус ал-Котиб, Халил ибн Аҳмад) шакл топган. *Илми таълиф, илми ийқоъ* ва илми *адвор*дан таркиб топиб, мусиқа назарияси, тарихи, ижодиёти ва ижрочилиги масалалари ҳақида баҳс юритган. 14—15-а.лар манбаларида «илми адвор» деб ҳам аталган. Марказий Осиё маданиятида илми мусиқий асосан 3 та услубий йўналишда ривожланган: 1) мусиқа ижодиёти анъаналарини Юнонистон (Аристотель, Аристоксен, Птолемей) мантиқ илми, мат.си ва физикаси қонун-қондалари негизида умумлаштиришга асосланган илмий-рационалистик йўналиш (Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Умар Хайём, Қутбиддин аш-Шерозий, Фахриддин ар-Розий ва б.); 2) муайян бир ижодий услуб, мактаб ёки мусиқанинг маълум бир соҳаси (ашула ёки чолғу ижрочилиги ва ҳ. к.)ни амалий ўзлаштиришга мўлжалланган амалий-эмпирик йўналиш (Бану Мусо, Яҳё ал-Мунаяжжим, Сафиуддин ал-Урмавий, Наждиддин Кавкабий, Дарвишали Чангий ва б.); 3) Қуръон, ҳадислар, шариат арконлари ва тасаввуф ғоялари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда мусиқанинг маънавий моҳияти, тарбиявий аҳамияти масалаларини ўрганишга бағишланган диний-маънавий йўналиш (Калободий Бухорий, Абу Ҳомид Ғазолий, Боқиё Нонний, Зиёуддин Наҳшабий, Нурасад Чиштий, Абдулҳақ Деҳлавий, Ҳужвирий, Аббодий ва б.). Охирги йўналишда илми мусиқий кўп ҳолларда «самоъ» деб аталган. Темурийлар даврида илмий-рационалистик ва амалий-эмпирик услубларни ўзаро мужассамлаштиришга йўналтирилган таълимотлар вужудга келди (Абдулқодир Марогий, Абдураҳмон Жомий, Зайнулобиддин ал-Ҳусайний. Кавкабий ва

б.). Илми мусиқийнинг муаммолар тизими мусиқанинг келиб чиқиши, унинг ижтимоий, маънавий, тарбиявий аҳамияти, куй турлари (*алҳон*) ва жанрлари, *наѓма*, *буғй*, *жинс*, *ѓавл*, *айқо*, интилоқот (*интонация*), таълиф (*ижод*, *композиция*), чолғушунослик (синоатил-олат) ва б. масалалардан таркиб топиб, уларни ўрганишда мат. (риёзиёт), физика (илми табиий), геометрия (ҳандаса), мантиқ ва б. фанлар қонун-қоидалари, исбот воситалари кенг татбиқ этилган. 20-а.нинг бошларидан илми мусиқий Европа ва жаҳон мусиқашунослигининг илғор услубий тамойиллари б-н бойитилиб, замонавий мусиқа шарқшунослигининг тарихий, услубий негизи ва таркибий қисми сифатида ривожланган (мас., А. Фитратнинг «Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи», 1927 — араб алифбосида; янги нашри, Т., 1993).

Ўзбекистонда кенг қамровли М. 20-а.дан ривож топа бошлади. 1920—30 й.ларда пайдо бўлган илк М. асарлари, асосан, шу даврда тўплана бошлаган ўзбек мусиқа меросини тизимли ўрганишга (В. Успенский, Н. Миронов, Е. Романовская, Ил. Акбаров ва б.нинг мақола ва китоблари), миллий чолғу асбобларини таснифлашга (В. Беляев) қаратилган. Ўзбекистон композиторлик мусиқа маданиятига оид биринчи йирик тадқиқот («Ўзбек мусиқасининг ривожланиш йўллари», рус тилида) 1946 й.да яратилган. Кейинги даврда ўзбек мусиқашунослиги, асосан, мусиқа меросини кенг миқёсда тўплаш ва тадқиқ қилиш (мас., «Ўзбек халқ мусиқаси», 1—9-ж.лар, Т., 1955—66; «Шашмақом», I—VI жилдлар, Т., 1966—75; И. Ражабов, «Мақомлар масаласига доир», Т., 1963; Ф. Каромат ов, «Ўзбек халқ мусиқаси мероси», 1—2-ж., Т., 1978—83; Т. Ғафурбеков, «Ўзбек профессионал мусиқа ижодининг фольклор манбалари», Т., 1984»), айрим жанрларнинг шаклланиши (мас., Я. Пеккер, «Ўзбек операси», М., 1963, 2-нашр, 1984; Н. Янов-Яновская, «Ўзбек симфоник мусиқаси», Т., 1979, рус тилида; Т. Ғафурбеков, «Миллий монодиянинг ижодий ресурслари ва буларнинг замонавий ўзбек мусиқасида сайқал топиши», Т., 1987, рус тилида); ўзбек мусиқасининг 20-а. тарихи («Ўзбек совет мусиқаси тарихи», 1—3 ж., Т., 1972—1991, рус тилида), Шарқ алломалари илмий мероси (мас., О. Матёқубов, «Форобий Шарқ мусиқа асослари ҳақида», рус тилида, Т., 1986; А. Назаров, «Форобий ва Ибн Сино мусиқий ритмика хусусида», Т., 1995), ўзбек созанда ва хонандалари фаолияти («Ўзбек халқ созандалари», 1—2-китоб, Т., 1959—74), мусиқа чолғулари ва чолғу мусиқаси (Ф. Каромат ов, «Ўзбек чолғу мусиқаси», Т., 1972, Т. Визно, «Ўрта Осиё мусиқа чолғулари», М., 1981, рус тилида) ва б. масалаларга оид йирик асарлар, талқинлар, тўпламлар яратилди. 20-асрнинг сўнгги чорагида тан олинган бир қанча дарсликлар ўзбек тилига (Т. Ғафурбеков тахририда) таржима қилинди, илк мусиқа луғатлари (Ил. *Акбаров*) ва янги дарсликлар (Т. Қурбонов, О. Азимова) яратилди. Ўзбек мусиқашуносларининг халқаро мусиқа анжуманларида фаол қатнашади, уларнинг асарлари чет элларда нашр этилган. Ўзбекистон мусиқашунослигига Ил. Акбаров, Я. *Пеккер*, Т. *Визго*, Ф. *Каромат ов*, И. Ражабов, А. *Жабборов*, С. Галицкая, Н. Янов-Яновская, Т. *Ғафурбеков*, Р. С. Абдуллаев, О. *Матёқубов*, А. Назаров, Р. *Юнусов* ва б. салмоқли ҳисса қўшган.

Тошкент (2002 й.дан Ўзбекистон) давлат консерваториясида 1940-й.лардан эътиборан М.нинг тарихий, назарий, фольклоршунослик, 1972 й.дан мусиқий шарқшунослик, мусиқий таңқид ва журналистика йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрланади. Санъатшунослик илмий тадқиқот и-тида номзодлик (1981—92), д-лик ҳамда номзодлик (1992 й.дан шу кунга қадар) диссертациялари бўйича ихтисослашган кенгаш фаолияти доирасида Ўзбекистон, Марказий Осиё ва Закавказье М.ги учун илмий даражали кадрлар тадқиқотлари ҳимояси ўтказилади. Иккала муассасада М.ка доир аспирантура ва докторантура очилган.

Абдумаъмун Назаров, Тўхтасин Ғафурбеков.

МУСИҚОР (араб. — мусиқачи) — 1) Ўрта ва Яқин Шарқ алабиётида моҳир, олий малакали бастакор, хонанда ва созанда; 2) Шарқ халқларининг қад. пуфлама чолғу асбоби. Бир томони ёпиқ, турли узунликда ва бир хил диаметрдаги бир неча (8—13) найчаларнинг параллел, учбурчак шаклидаги бирикмаси. М. чолғу асбоби илк бор Абу Абдуллоҳ Хоразмий (780—850) нинг «Мафотих ал-улум» («Илмлар калитлари», Лейден, 1899) қомусида шарҳланган. Ўрта аср Шарқ миниатюраларида тасвирланган. Тахм. 18-а.дан кейин Ўрта Осиё мусиқа амалиётидан чиқиб, кейинчалик унутилган. М.нинг айрим турлари Руминия, Болгария, Молдавия ва Туркияда мускал, Грецияда цевница, Грузияда ларчеми, соинари, Литвада скудучяй номлари б-н машҳур; 3) Шарқ алабиётида афсонавий қақнус қушининг номларидан бири.

МУСКАТ (франц. muscat, лот. muscus) — 11 етак ҳилини жалатилган қимбой узум навлари. Александрия М.и, оқ М., венгер М.и, ВИР М.и, гамбург М.и, дербент М.и, ереван ва б. М.лар бор. М. янги навлар ҳисобига кўпайиб боряпти. М. орасида юқори сифатли десерт винолар тайёрланадиган ва турли муддатда пишадиган навлари бор. Италия, Франция, Испания, Португалия, ГФР, Белгия, Буюк Британия, Россияда кенг тарқалган. Ўзбекистонда ўз. Ўзбекистон усимликшунослик и-т. интида яратилган кечпишар ҳўраки Ўзбекистон М.и (қалтакўрғон ва александрия М.и навларини чатиштириб чиқарилган), ВИР М.и (оқ М. б-н гамбург М.ини чатиштириб чиқарилган), Каҳрабо М. (Қибрай эртаги М.ини

Мускат: 1 — ВИР мускати; 2 — гамбург мускати; 3 — ереван мускати; 4 — каҳрабо мускати.

Шарқ М.и. б-н чатиштириб чиқарилган), шунингдек, қора, венгер, александрия, гамбург М.и кўп экилади; 2) узумнинг М. навларидан тайёрланадиган десерт ним ширин, ширин, ликёрли, баъзан овқат устида ичиладиган ним ширин *винолар*. Таркибида 13—16% ҳажм спирт, 14—21 г/100 см³ қанд бор. Хуштаъм. Оқ, қора ва пушти М. навли узумлардан жаҳонга машҳур энг яхши винолар тайёрланади.

МУСКАТ ДАРАХТЛАРИ — доим яшил дарахтлар туркуми. 100—120 тури маълум. Эски Дунёнинг тропик қисмида тарқалган. Иккала ярим шарнинг тропикларида ўстирилади. Хушбўй М.д. (жавабова)нинг меваси (ёнғоғи) ziравор сифатида ишлатилади, ундан эфир мойи олинади.

МУСКОВИТ (инг. muscovy) — слюдалар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $H_2KAl_3(SiO_4)_3$, ёки $K_2O \cdot 3Al_2O_3 \cdot 6SiO_2 \cdot 2H_2O$. Кристаллари тахтасимон, кам ҳолларда устунсимон. Мовоклинал сингонияли. Тангачасимон агрегатлар, тахтасимон доналар. М. оддида рангсиз, яшилроқ, қизил. Қаттиқлиги миқдасида. Зичлиги 2,7—3,0 г/см³, қаттиқлиги 2,5—3. Турғунлиги маълум. М. кристаллик структурасига мувофиқ юқа қаватларга осон ажралади. Шиша симон ялтирайди. Табиатда кенг тарқалган. Магматоген ва метаморфик жинсларнинг таркибини қисми. Пегматит томирларда йирик кристалл ва увоқ кўринишида учрайди. Яхши электр изоляция хусусиятига эга. Саноатда тахтасимон слюда, слюда кукуни ва слюдали фабрикат кўринишида фойдаланилади. Ўзбекистонда кенг тарқалган, баъзи конларда кристалл кўринишида жуда кам учрайди. Йирик кристалли ҳиллари амалий аҳамиятга эга. Хорижда РФ, Ҳиндистон, Мадагаскар Республикаси, Канада, АҚШ, Бразилияда конлари бор.

МУСКУЛ СИСТЕМАСИ — *мускуллар* ва уларнинг тутамлари мажмуи; одатда, бириктирувчи тўқима б-н бирлашган бўлади. Ҳаракатланишда асосий роль ўйнайди. Бир ҳужайралилар ва бўлутларда М.с. бўлмайди, умуртқалилар эса яхши ривожланган (гавданинг 1/3—1/2 қисмини ташкил этади). Организмнинг ҳаракатланишини, гавда мувозанатини, шунингдек, нафас олишни, организмда овқат ва қоннинг силжишини таъминлайди. М.с. тўқималарида кимёвий энергия механик энергияга айланади, натижада организм б-н атроф муҳит ўртасида иссиқлик алмашиниб туради.

МУСКУЛ ТЎҚИМАСИ — мускулларнинг асосий қисмини ташкил этиб, уларнинг қисқаришини таъминлайдиган махсус ингичка толалар. Унинг асосий қисқарувчи элементи *миофибриллардир*. М.т. оралиқ пардалар б-н ўзаро бирлашиб алоҳида мускулни ҳосил қилади, уларнинг сирти ҳам алоҳида парда б-н ўралган бўлади.

Организмдаги барча М.т. тузилишига қараб силлиқ М.т., кўндаланг тарғил М.т. ва юрак М.т.га ажратилади. Силлиқ М.т. бир ядроли дуксимон тузилишга эга; мезенхимадан (тери, меъда-ичак деворлари, сийдик-таносил аъзолари, қон томирлар М.т.) ва эктодермалан (сўлак, тер ва сут безлари М.т.) ривожланади. Кўндаланг-тарғил М.т. кўп ядроли мускул толасидан тузилган бўлиб, скелет ва юрак мускулидан иборат; онтогенезда мезодермадан ривожланади. Юрак М.т. (миокард) кўндаланг-тарғил мускул толаларидан тузилган бўлса ҳам ғайриихтиёрий қисқаради. М.т.нинг вазифаси ҳаракат элементларининг қисқаришидан иборат. М.тда қисқарувчи тузилма (миофибриллар), трофик тузилма (ҳужайра ядроси ва органеллалари), мускул элементларининг қобиғи ҳамда пелюфрагмалардан иборат танч тузилма фарқ қилинади. Барча мускул тўқималарида махсус нерв охирлари бўлиб, улар тўқимага нерв системасидан ҳаракат импульсларини олиб келади ва унда бўладиган ўзгаришлар ҳақида марказий нерв системасига маълумот бериб туради.

МУСКУЛ ҚИСҚАРИШИ — нормал нерв импульсига жавобан мускулнинг қалта тортиши. мускулларнинг асосий физиологик хоссаларидан бири. Қисқариш мускулнинг қалталанишида ёки таранглашишида намоён бўлади. М.қ., одатда, бирор ин ғажарилишини таъминлайди. М.қ.да *миофибриллар* таркибига кирувчи оқсиллар: миозин ва актин иштирок этади. М.қ. чоғида ҳар икки оқсил ўзаро таъсир этиб, актомиозин комплексини ҳосил қилади. М.қ. учун зарур энергия, актомиозин ва *аденозинтрифосфат кислота*нинг ўзаро таъсирлашувидан юзага келади. Бундан ташқари, муҳитда маълум миқдорда калъций ионлари Ca^{+2} бўлгандагина М.қ. рўй бериши аниқланган.

МУСКУЛЛАР, мушаклар — одам ва ҳайвонлар гавдаси аъзолари; нерв импульслари таъсирида қисқариш хусусиятига эга тўқима (*мускул тўқимаси*)дан ташкил топган. Силлиқ, кўндаланг-тарғил ва юрак мускуллари биргаликда организмнинг *мускул системасини* ташкил этади. Ҳаракатланишда асосий роль ўйнайди. Кўндаланг-тарғил ва силлиқ М.га бўлинади. Силлиқ мускуллардан ички аъзолар, қон ва лимфа томирлари деворининг мускул пардалари, шунингдек, тери мускуллари ҳосил бўлади. Силлиқ М. киши ихтиёридан ташқари қисқаради, шунинг учун улар ғайриихтиёрий М. дейилади. Силлиқ мускул нуқул мезенхимадан вужудга келади. Мускул толаси узунасига кетган мускул ҳужайрасидан иборат бўлиб, юпқа эластик пардаси — сарколеммаси, цитоплазмаси — саркоплазмаси, кўп ядролари ва органоидлари бор. Мускул толасининг қисқарувчи тузилмаси — узун ипга ўхшайдиган миофибриллар толанинг бир учидан иккинчи учигача давом этади.

Кўндаланг-тарғил М.га скелет мускуллари ва юрак мускули (миокард) киради. Кўндаланг-тарғил мускуллар тўқимаси кишининг ихтиёрига бўйсунади. Ҳар қайси мускул юмалоқ ёки ясси пай воситасида бир суякдан бошланиб, иккинчисига ёпишади. Мускул бутун яқинида бўлса, албатта, шу бутимдан ўтиб, унинг ҳаракатланишини таъминлайди. М. шаклига кўра узун, қисқа, юмалоқ, ялпоқ, бўлиб, жойлашишига қараб юза, чуқур, оралиқ туруҳларга бўлинади. Бажарадиган вазифасига кўра қисувчи, кенгайтирувчи, кўтарувчи, туширувчи, ёзувчи, букувчи, чайновчи ва ҳ. к. М.га ажратилади. Узун ёки дуксимон мускулнинг йўғонроқ қисми қорни, охирги пай қисмлари бошни ва думи деб аталади. Баъзи М.нинг бир эмас, балки 2—3 ва ҳатто 4 та боши бор (мас., елканинг икки бошли, сонининг тўрт бошли мускули). М.нинг қўшимча аппаратига фасциялар, фиброз-суяк каналлари, синовиал қин ва халталар киради. М.да қон томирлар кўп, улар қон б-н мўл таъминланган, лимфа томирлари яхши ривожланган. Ҳар бир мускулда ҳаракатлантирувчи ва сезувчи нерв толалари бор, улар ёрдамида *марказий нерв системаси* б-н алоқа қилади. Бир ҳаракатни бажарадиган М. синергистлар, қарама-қарши ҳаракатларни бажарадиганлари антагонистлар дейилади. Скелет М.и. топографик жиҳатдан тана, бош, бўйин, қўл ва оёқ мускулларига ажратилади.

Тана мускуллари орқа, кўкрак ва қорин М.идан иборат. Орқа М.и юза ва чуқур бўлади. Улар куракни кўтаради, уни яқинлаштиради ва ёпиштиради, бўйинни ёзади, елка ва қўлни орқага ва ичкарига тортади, нафас олиш ва чиқаришда қатнашади. Орқанинг чуқур М.и умуртқа погонасини тиклайди.

Кўкрак М.и хусусий ташқи ва ички қовурғаларо М., елка камари ва қўл б-н боғланган катта ва кичик кўкрак М.и, ўмров усти ва олдинги тишсимон М.га бўлинади. Ташқари қовурғаларо М. қовурғаларни кўтаради, ички М. эса нафас олиш ва чиқаришда иштирок этади.

Қорин М.и ташқи ва ички қийшиқ М., қорининг кўндаланг ва тўғри М.и, шунингдек, белнинг квадрат мускулидан ташкил топган. Қорин М.и тўғри танани олдинга букади, қийшиқ М.и ён томонларга эгилишини таъминлайди. Бу М. қорин прессини ташкил этиб, асосий функцияси қорин аъзоларини функционал қулай ҳолатда ушлаб туришдан иборат. Бундан ташқари, қорин пресси М.нинг қисқариши сийиш, ичак бўшаши, тугиш жараёнларини таъминлайди. Қорин М.и фасция б-н қопланган. Мунтазам машқ қилиб, жисмоний иш б-н шуғулланиб мускул толаларида миофибриллари кўпайтириш ва шу тариқа мускул кучини ошириш мумкин.

Барча М.нинг асосий хусусияти уларнинг қисқаришидир (қ. *Мускул қисқа-*

рини), бунда муайян иш бажарилади. М. кучи мускул толаларидаги миофибриллар сонига боғлиқ; яхши ривожланган М.да улар кўп, суст ривожланганларида кам. Юз ва бошнинг барча мускуллари 2 гуруҳга: мимика ва чайнов М.ига бўлинади. Улар юз мимикасида, чайнашда ва пастки жағни ҳаракатлантиришда қатнашади. Булардан ташқари, бўйин ҳамда кўл М.и бор. Скелет М.ининг деярли ҳаммаси ричаглар қонунига мувофиқ бўғимлардаги суякларни ҳаракатга келтиради. Одам гавдасида 600 га яқин мускул бор. Одам гавдасидаги барча эркин ҳаракатлар ўзаро боғланган бўлиб, мураккаб шартли ва шартсиз рефлекслар ёрдамида юзага чиқади ва марказий нерв системаси томонидан бошқарилади. Артерия ва веналар деворининг асосий қисми, ҳазм йўлининг деярли ҳаммаси, ўт пуфаги ва қовуқ, бачадон найи, бачадон силлиқ М.дан тузилган.

Ички аъзолар девори силлиқ М.ининг қисқариши секин ва чувалчанг ўрмалашисимон бўлади. Силлиқ М. рефлекс йўли б-н автоматик қисқаради. Улар ҳалдан ташқари кучли қисқарганда оғриқ пайдо бўлади (мас., жигар ва буйрак санчиги, ичак спазми ва ҳ.к.).

Юрак мускули тузилиши ва вазифасига кўра кўндаланг-тарғил ҳамда силлиқ М.дан фарқ қилади. Унда бошқа мускулларда бўлмайдиган хусусият — маълум ритм ва кучга эга бўлган қисқаришлар автоматизми бор. Юрак мускули умр бўйи ритм б-н тўхтамасдан ишлайди, унинг фаолиятини нерв системаси бошқаради.

МУСКУС (лот. muscus — ёрғоқ, тухум) — қ. *Мушк*.

МУСЛИМ, мусулмон (араб. — ўзини Аллоҳга бағишлаган) — *ислом* динига эътиқод қилган шахс. М.нинг кўплик шакли (муслимун)ни бузиб талаффуз қилиниши туфайли Эронда «мусалмон», Ўрта Осиёда «мусулмон», Россияда «басурман» атамалари келиб чиққан.

МУСЛИМ ибн ҲАЖЖОЖ, имом Муслим (817 ёки 821—Нишопур — 875) — муҳаддис, имом. Имом Бухорийдан кейинги ҳадис илмининг билимдони. Фиққдан ҳам яхши хабардор бўлган. Ёшлигида кўп мамлакатларга сафар қилган, жумладан, Ҳижоз, Миср, Сурия, Ироқда бўлган. Уламоларнинг қайд этишларича, у 300 мингдан зиёд ҳадисни ўрганиб чиқиб, улардан 12 мингтасини ишончли (саҳиҳ) деб топган ва ўзининг «ас-Саҳиҳ» («Саҳиҳи Муслим») асарига киритган. Тўплам *мусаннаф* шаклида тузилган. Мазмунан уни «Саҳиҳи Бухорий»нинг ўзгинаси дейиш мумкин, лекин у бошқа манбаларга асосланиб ёзилган. М. ибн Ҳ. *иснод*га алоҳида аҳамият берган. Китоб 52 бўлимдан иборат, бўлимларининг ҳар бирида ўзига тегишли ҳалислар тўпланган (мас., динининг 5 аркони тўғрисидаги, никоҳга доир, мерос қоидаларига бағишланган, қурбонликка оид, пайғамбарлар ва саҳобалар тўғрисидаги, охират ҳақидаги, ахлоққа оид ва тиббий мазмундаги ҳадислар). Тарихий ва биографик мазмундаги ҳалислар бу китобнинг бой манба сифатидаги қийматини оширади. «Ас-Саҳиҳ» китоби шариат бўйича қўлланма вазифасини ўташи лозимлиги назарда тутилган. Бу асар аҳли сунна наздида 6 та машҳур саҳиҳ китобнинг иккинчисидир.

М. ибн Ҳ. бундан ташқари фиққа оид асарлар ва муҳаддисларга бағишланган биографик тўпламлар яратган, лекин ёзганлари сақланиб қолмаган, бизгача биргина «ас-Саҳиҳ» асари етиб келган.

МУСЛИМОВА Кифоят (1916.1.5 — ҳоз. Бишкек — 1996.20.4) — Ўзбекистон халқ артисти (1954). Саҳна фаолиятини 1933 й. Ўш ўзбек мусиқали драма театрида бошлаган. 1934—37 й.лар Тошкент ишчи ёшлар театрида, 1937—87 й.лар Самарқанд ўзбек мусиқали драма ва комедия театрида ишлаган. М. ўткир характерли образларининг етакчи ижрочиларидан бўлиб, алоҳида маҳ-

Кифоят Муслимова Ҳамроқошшо ролида («Рустам»).

қатга эга бўлган. Сўзда қочирим М. ижодида муҳим ўрин тутган. У яратган образлар ўзига хослиги, тўлақонлилиги, жўшқин ва ишонарли тасвирланиши б-н ажралиб туради. Мильфордхоним («Макр ва муҳаббат»), Меҳинбону («Фарҳод ва Ширин»), Кабаниха («Момақалдироқ»), Холиса, Бўстон («Шоҳи сўзана», «Аяжонларим»), Майсара («Майсаранинг иши»), Сурмахон («Юрак сирлари»), Огудалова («Сепсиз қиз»), Амалия («Отелло»), Ойдин опа («Зарафшон қизи»), Рисолат пари («Тошболта ошиқ») каби ролларни б-н шуҳрат қозонган.

МУСНАД (араб. — асосланган, далилланган, яъни иснодга асосланган) — ҳадис тўпламларининг илк тури. М.да *мусаннаф*дан фарқ қилган ҳолда, ҳалислар уларни бир-биридан ажратган паслар силсиласига асосланган ҳолда (ҳар бир ҳадис уни ҳабар қилган шахснинг номи б-н боғланган ҳолда) жойлаштирилган. Шариатнинг илк вакиллари — *Молик ибн Анас* ва *Ибн Ханбал*нинг ҳадис тўпламлари М. турдаги тўпламлардир.

МУСО — Қуръонда тилга олинган пайғамбарлардан бири. Қад. яҳудий манбаларида Моше, христиан манбаларида Мойсей номи б-н маълум. Яҳудийликка эътиқод қилувчилар М.ни *иудаизм* асосчиси деб ҳисоблайдилар. Қуръонинг бир неча сураларида М.нинг номи қайд этилган. Баъзи ривоятларда М. «Бани Исроил» қабиласида туғилиши, Миср подшоҳи Фирьавннинг тахтдан кетишига сабабчи бўлиши, тақдир тақозоси б-н Мисрдан қочиб кетиши ва араб қизига уйланганлиги айтилади. Худо М.ни Исроил қабиласини Фирьавн зулмидан озод қилиб, Мисрдан олиб чиқиб кетишга даъват қилади. Унга Сино тоғида «10 васият» тош лавҳасини тақдим этади. М. қўлидаги тёкининг илонга айланиши, чунтагидан қўлини чиқарганда оппа-оқ бўлиб кўзларни қамаштириши каби мўъжизаларга эга бўлган. Унга *Таврот* нозил этилган. М.ни яҳудийлар, мусулмонлар, христианлар пайғамбар деб ҳисоблайдилар.

Ас.: Пайғамбарлар қиссаси. Т., 1993.

МУСО ибн НУСАЙР (?—716 ёки 717) — *Умавийлар*нинг Африкалаги лашкарбошиси, Шарқни *барбарлар* ёрдамида Африканинг шим.лаги денгиз соҳилларини Танжер ш.га қадар босиб олган (706—709). *Византия* томонидан Шеута қалъаси бошлиги этиб тайинланган граф Юлиан ҳам арабларга бўйсунган. Кенг тарқалган ривоятга кўра, айнан Юлиан арабларни Испанияга қарши юриш қилишга ундаган; бунга унинг қизини вестготлар қироли Родриг томонидан ҳақорат қилиниши сабаб бўлган. М. ибн Н.нинг мавлоси Ториқ ибн Сайд 7 минг барбар б-н бўғозидан Испания соҳилига ўтган (қ. *Гибралтар*) ва 711 й. Каликс (баъзи маълумотларга кўра Херес дела Фронтер) яқинида ғалаба қозонган ва осонлик б-н бошқа шаҳарларни бирин-кетин эгаллай бошлаган. М. ибн Н.нинг бунга ғайирлиги келиб 712 й. 18 минг қўшини б-н ўзи ҳам Испанияга ўтган. Ториқни ҳибсга олиб, Испанияни забт этишни ўзи ниҳоясига етказган. М. ибн Н.нинг қудрати кучайиб кетишидан хавфсираган халифа уни Дамашққа чақиртириб олган (715); М. ибн Н. нинг мол-мулки тортиб олинган.

МУСО САЙРАМИЙ, Мулла Мусо ибн Мулла Исохўжа Сайрамий (1836.23.8, Сайрам тумани, Шарқий Туркистон — 1917) — тарихчи, давлат арбоби, мударрис, адиб ва шоир. М. С. уйғур олими Мулла Усмон охунд халфадан Қуръон, ҳадис, тарих, адабиёт, илми нужум, геогр., араб ва форс тилларини ўрганган. «Мулла Мусо», «Бода мулла», «Мулла аҳмад» номлари ҳамда «Сайрамий» тахаллуси б-н шуҳрат қозонган. 19-а.нинг ўрталарида Шарқий Туркистонда ташкил топган уйғур давлати маъмуриятида ҳар хил лавозимларда ишлаган. М. С. «Тазкиратул-авлиё, фи муфтахул имон» («Авлиёлар тазкираси — имон калити», 1885), «Дар баёни Асҳобул каҳф» («Ғор кишилари ҳақида», 1903), «Тарихи Аминия» (1903), «Тарихи Ҳамидия» (1908) каби тарихий асарлар ва «Девони маснавий» (1907) шеърлар тўплами. «Саломинома» (1916) номли асарлар муаллифи. «Тарихи Аминия» асарида Туркистон — Мўғулистонда ҳукм сурган хонликлар ва хонлар, Еркенд хонлиги (1465—1759), уни Манжур-Хитойлар томонидан босиб олиниши, ерли аҳолининг мустақиллик учун курашлари ҳикоя қилинган. М. С. асарлари Туркистоннинг 14—19-а.лар тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

МУСОБЕК (19-а.) — Бухоро амирлигининг Россияга юборган элчиси, мирохур, 1867 й. май ойи бошларида Оренбургга келган ва Россия б-н бўлган музокараларда қатнашган. М. Бухоро амирлиги б-н Россия ўртасидаги чегарани 1866 й. сент.да Сирдарёнинг сўл қирғоғи бўйлаб белгилашни таклиф қилган. Бироқ Россия Ўратепа ва Жиззахдан айрилиб қолишни истамай, фақат Янгиқўрғонни беришга кўнган. Янги битимда товон тўлаш ҳақида талаб бўлмаган. М. 1867 й. дек.да Тошкентга, К. П. *Кауфман* ҳузурига келиб амирнинг руслар талабларига рози эканлигини билдирган. М. 1868 й. мартигача Тошкентда бўлган, уни маҳаллий аҳоли ва рус армиясида хизмат қилувчи мусулмонларни русларга қарши курашга даъват этганликда айбламган. Россия Каттақўрғонни босиб олгач (1867), М. амир элчиси сифатида 10 июнда руслар б-н музокара олиб бориш учун Самарқандга келган. Амир тахтдан воз кечишини, Маккага ҳажга боришга рухсат олиш учун император б-н учрашмоқчи эканлигини билдирган. Бироқ Бухоро амирлигини тугатишни Россия режалаштирмаганди. Шунинг учун амирлик сақлаб қолиниб, оғир шартлар асосида битим имзоланган.

«МУСОВОТ» (араб. — тенглик) — Озарбайжондаги тараққийпарварлар ташкил қилган миллий партия (1911—1920). Ганжа ва Боку ш.ларида тузилган, дастлаб «Мусовот мусулмон демократик партияси» номи б-н яширин фаолият кўрсатган. Асосан зиёлилар, миллий бўржуазия вакиллари ва уламолардан иборат бўлган. Партиянинг етакчи раҳбари ва ташкилотчиси М. Расулзода, нашри дастлаб «Очиқ сўз», кейинчалик «Истиқлол» ва «Наш путь» газ.лари. Шиорлари — туркчилик, демократлашмоқ, исломлашмоқ, камонавийлашмоқ бўлган. Мусоватчилар б-н Туркистондаги тараққийпарварлар ўртасида алоқалар мавжуд эди. Окт. тўнтаришидан сўнг «М.» озарбайжон халқининг мустақиллик учун курашига раҳбарлик қилди. 1918 й. сент.да Бокуни қизил аскарлардан озод қилиб, ҳокимият тепасига келган мусоватчилар позиция, армия ва бошқарув аппаратини ташкил этишди. Туркия б-н ҳарбий ва сиёсий иттифоқ тузилиб, турк қўшинлари мамлакатга киритилди. Бироқ минтақада большевиклар таъсирининг кучайиши оқибатида «М.»чилар ҳукумати фаолияти заифлашди. 1920 й. 28 апр.да Озарбайжон Республикаси қизил аскарлар томонидан агдарилб ташланди ва совет режими ўрнатилди. Партия фаоллари ҳамоққа олинди. Озодликда қолганлари яширин фаолият кўрсатиб, кейинчалик хорижга кетишга мажбур бўлди.

Ад.: История национальных политических партий России. М., 1997.

МУСОДАРА — шахсга тегишли мулкни пул тўламасдан, мажбурий равишда давлат ихтиёрига ўтказиш. Мулк давлат эгасидан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда жиноят ёки ўзга ҳуқуқбузарлик учун суд қарорига мувофиқ олинади ва баҳоси белгиланиб, М. қилинади. Ўзбекистон Республикасида маҳкумнинг мулкини М. қилиш жазоси 2001 й. авг.да бекор қилинган (ЖК, 53-модда). Лекин жиноят йўли б-н орттирилган ёки жиноят содир этиш воситаси бўлган мулк, албатта, М. қилинади (ЖПК, 211-модда).

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки буюми туман (шаҳар) судьяси, баъзи ҳолларда — божхона ва солиқ органлари томонидан М. қилинади (Ўзбекистон Республикаси, МЖК, 27-модда). Жумладан, божхона назорати чоғида топилган ҳуқуқбузарлик ашёлари, транспорт воситаси олиб қўйилиб, баҳоланади ва судья ёхуд божхона органининг бошлиқлари томонидан М. қилинади (Божхона кодекси, 186-модда).

МУСОРГСКИЙ Модест Петрович [1839.9(21).3, Псков вилояти, Карево қишлоғи — 1881.16(28).3, Петербург] — рус композитори. «Қудратли тўда» гуруҳи аъзоси. Ижодий изланишлари марказида опера жанри туради. «Борис Годунов» (1869) ва «Хованщина» (Н. Римский-Корсаков томонидан ёзиб тугалланган) опера («халқ мусиқали драма»)лари рус реалистик мусиқасининг дурдоналарига айланган. Мазкур асарларида М. халқ ҳаёти, орзу-умидларини ҳаққоний акс эттириб, халқ, айниқса, оғзаки нутқ оҳангларидан ижодий фойдаланган. Кишиларнинг жонли образларини кучли драматик саҳна тарзида яратган романсларида тасвирлар экан, ҳаётнинг зиддиятли ижтимоий мавзуларига мурожаат этган («Каллистрат», «Етимча», «Раёк» ва б.). «Сорочинск ярмаркаси» операси, «Кўргазмадаги расмлар» фортепиано туркуми, «Офтобсиз», «Ажал қўшиқ ва рақслари», «Болалик» вокал туркумлари машҳур. Ўзбекистонда «Борис Годунов» операси, айрим симфоник ва камер (чолғу, вокал) асарлари мунтазам ижро этилмоқда.

МУСРЕПОВ Ғабит Маҳмудович [1902.9(22).3 — Қозоғистон, Қустанай вилояти — 1985, Олмаота] — қозоқ адиби ва жамоат арбоби, Қозоғистон ФА акад. (1958). Ижоди 20-й.ларнинг ўрталарида бошланган. Илк ҳикоя ва очерклари, «Гирдоб» (1928) қиссаси фуқаролар уруши ҳақида. М. 30-й.ларда драматик асарлар яратди. «Қиз-Жибек» (1934), «Омонгелди» (ҳамкорликда, 1936), «Кўзи Кўрпеш ва Баян Сулув» (1939), «Окон-сери ва Оқ-туқти ёки Шоир фожиаси» (1942) каби саҳна асарлари машҳур. «Қозоқ солдати» (1949), «Уйғонган ўлка» (1953) романлари ёзувчига катта шуҳрат келтирган. «Онанинг жасорати» (1958), «Довонда» (1965), «Бир кун ва бир умр» (1967), «Йилларимиз ҳикоялари» (1979) сингари ҳикоя ва қиссалар тўпламларига кирган асарларида, «Учрашмай кетган бир сиймо» (1970) насрий достонида қозоқ халқи ҳаётининг турли босқичлари ҳаққоний тасвирлан-

ган. «Ҳиковлар» (1961), «Қисса ва ҳикоялар» (1970) тўпламлари, «Қозоқ солдати» романи (1962) ўзбек тилига таржима қилинган.

МУССОЛИНИ (Mussolini) Бенито (1883.29.7, Форли — 1945.28.4, Донго яқини) — Италиянинг фашист диктатори (1922—43). Сиёсий йўлини Социалистик партия сафида бошлаган, бу партиядан 1914 й. ўчирилган. 1919 и. фашистлар партиясига асос солди ва унинг раҳбари (луче) бўлди. «Римга юриш»ни уюштириб, ҳокимиятни қўлга олди (1922). М. ҳукумати мамлакатда террорчи режимни жорий қилди, босқинчиликдан иборат ташқи сиёсат олиб борди (1935 й. Ҳабашистонни, 1939 й. Албанияни ва б.ни босиб олди). Германия б-н биргаликда 2-жаҳон урушини очди. 1945 й. Италия партизанлари томонидан қўлга олинди ва қатл этилди.

МУССОН ОҚИМЛАРИ — муссон шамоллари таъсирида океанлар ва денгизлар юзасида вужудга келадиган оқимлар; 100 м чуқурликкача етади. Ҳинд океанининг шим. қисмидаги оқим, Арабистон денгизи ва Бенгалия кўлтигидаги оқимлар, қисман, Сомали оқими (Африканинг шим.-шарқий қирғоқларида) энг кучли М.о. ҳисобланади. М.о. ҳам муссон шамолларига ўхшаб қишда Осиёдан Африка ва Австралия томонга, ёзда эса қарама-қарши томонга йўналади. М.о.нинг тезлиги соатига 1—2 км, сув т-раси 25°, 28° бўлади.

МУССОНЛАР (франц. moussons; араб. мавсум — йил фасллари) — Ер юзасида ва тропосферанинг қуйи қисмида доимо бир томонга эсалиган ва фақат йил фасларининг алмашиниши б-нгина ўз йўналишини қарама-қарши томонга ўзгартирадиган ҳаво оқими. Бунда қуруқ, кам булутли ҳаво ўрнини сернам, серёғин ҳаво олади (ёки, аксинча бўлади). М.нинг ҳосил бўлишида материк б-н океаннинг турлича исиши сабаб бўлади. Бунда босимнинг ўзгариши ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Ҳаво атмосфера босими юқори бўлган совуқ жойлардан босими паст бўлган иссиқ жойларга силжийди (М. юқори босимли ва паст босимли мавсумий жойлар орасида вужудга келади). Қишда босим материк устида юқори бўлганида М. материкдан океан томонга, ёзда эса босим океан устида юқори бўлганида тескари томонга эсади. Қишки М. кетидан, албатта, ёзги М. келади.

М.нинг тропик ёки экватериал ва тропик бўлмаган хиллари бор. М. тропик минтақада кучлироқ намоён бўлиб, Ҳинд океанининг шим. қисмига, Африканинг тропик қисмига, Осиёнинг жан., Ҳиндистон, Ҳиндихитой ярим о.лари, Индонезия о.лари ва Австралиянинг шим.ига жиб туради. Муътадил минтақада Хитойнинг шарқи, шим.-шарқ. қисмига, Япония, Корея ярим о.ларига, Россиянинг Узоқ Шарқина таъсир этади.

Тропиклардаги М.лар (тропик М.) экваториал депрессия ва у б-н боғлиқ конвергенция зоналари ёил давомида олдин экватордан жан. ярим шарга, сўнгра шим. ярим шарга, яъни жорий ярим ёилкида ё.з қарда бўлса ўша ерга сурилади. Шу б-н бир қаторда пассат шамолларининг шарқий маромли, яъни қишки М. гарбий шамоллар маромли ёки М. б-н алмашади. М. атмосферанинг пастки қатламларида ҳосил бўлади, қалинлиги 3—4 км га етади. М. материк ичкарисига 1000 км гача кириб бориб, жойнинг асосий иқлимий хусусиятларини белгилайди.

Тоҳир Мухторов

МУСТАБИДЛИК, деспотия — якка шахс ҳукмронлигига асосланган сиёсий тузум шакли. Мустабил ҳокимият, одатда, тўравонлик, босиб олиш, баъзан эса, қонуний ҳокимиятни ағдариб ташлаш натижасида ўрнатилади. М. мил. ав. 7—6-а.ларда Юнонистон шаҳар-давлатлари (полислар)да мавжуд бўлган (мас., Афинада мустабид Писистрат). Бундай давлатда ҳуқуқий, ахлоқий асослар бўлмайди, қонунлар ишламайди, уларнинг ўзи жуда кам бўлади. У зўравонлик, баъзан эса террор ва теноид асосига қурилади. Мустабид ҳокимият шафқатсиздир. М. тузумида ҳар бир одам унинг зарбига учрайди. Ўрта аср Шим. ва Ўрта Италия шаҳар-давлатларидаги сиёсий тузум шакли ҳам М.нинг намунаси эди. Бунда фуқаролик ва ҳарбий ҳукумат тўлалигича ягона ҳукмдор — синьор қўлида жамланган. М. режими инсоният тараққиётининг дастлабки босқичларига хос бўлса-да, айрим ҳоз. замон давлатларида ҳам унинг ўзига хос жиҳатларини кўриш мумкин.

МУСТАЗОД, мустаъзод, мустаҳзод (араб. — орттирилган) — ўзбек мусиқа меросидан ўрин олган ашула йўлларидан; шеърий М. асосида узилкесил шаклланган бўлиб, куй жумлалари охирида орттирма сўзларга мос келувчи қўшимча куй-оҳанг боғланиши натижасида вужудга келади. Бастакорлик ижодида якка ҳамда туркумли М.ларнинг айрим намуналари мақом мажмуалари таркибидан ўрин олган (мас., М.и Наво шохобчалари б-н). Айниқса, Хоразмда кенг тарқалган (М., Талқини М., Савти М., Гулуфори М. ва б.). Ўзбек мусиқа меросида М. номли чолғу жумладан, сурнай куйлари ҳам бор.

Раҳмон Юнусов

МУСТАЗОД (араб.) — шеърий жанр. М.да узун мисралар (14 ва ундан ортиқ бўғинли) қисқа мисралар (6 бўғинли 6-н узаро алмашиб келади. Узун мисра узун мисра 6-н, қисқа мисра қисқа мисра 6-н қофияланади. Бир банддаги мисралар сони ҳар хил (2 мисралан 10 узун ва қисқа мисралар)ли бўлиши мумкин. Қофияланиш тизими: биринчи банд (муҳаммасда) — аб, аб, аб, аб, аб,; иккинчи банд — вг, вг, вг, вг, аб, учинчи — дe, дe, дe, дe, аб... ва ш.к. Агар М. икки жуфт мисрадан иборат бўлса, биринчи банди қофия кесишувчи — аб, аб; кейинги ларида биринчи мисралар қофияланмай, иккинчилари биринчи банддаги қофияни такрорланди. М. *Машраб* ижодида кўп учрайди, *Алишер Навоий, Огаҳий*лар ҳам М. ёзган.

МУСТАЙ КАРИМ (тахаллуси; асл исм-шарифи Каримов Мустафо Сафич) (1919.20.10, Бошқирдистон, Чишмин тумани Клишево қишлоғи) — бошқирд ёзувчиси. Бошқирдистон халқ шоири (1963). Бошқирдистон педагогика ин-тининг адабиёт ф-тини тугатган (1941). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. «Баҳор садолари» (1940), «Менинг тулпорим» (1943), «Шеърлар» (1944), «Қайтиш» (1947), «Танланган асарлар», «Европа—Осиё» (1954) ва б. шеърий тўпламлар муаллифи. М.Клинн «Тўй даъвоси этади» (1947), «Ёлғиз қайин» (1950), «Қиз ўгирлаш» (1959), «Айтилмаган қўшиқ» (1961), «Ой тутилган тунда» (1964), «Ойгул Ватани» (1969) каби пьесалари замонавий ва тарихий мавзуларда ёзилган бўлиб, уларда бошқирд халқининг турмуш тарзи ўз ифодасини топган. «Узундан-узоқ болалик» (1974—78) автобиографик қиссаси ва «Оловни ташлама, Прометей» (1976) трагедияси бор. Алишер Навоий, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Зулфия ҳақида бир қанча мақолалар ёзган. «Ой тутилган тунда» асари Зулфия томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб (1972), Ўзбек миллий академик драма театрида саҳналаштирилган.

Ас.: Оиламиз қувончи, Т., 1956; Қирғоқлар, Шеърлар, Т., 1970.

МУСТАМЛАКАЧИЛИК — кучли давлатлар томонидан зўрлик б-н эгалланган мамлакат ёки ҳудудни сиёсий ва иқтисодий мустақилликдан маҳрум этиб, ўзига бўйсундириш, қарам қилиш, талаш сиёсати. 15-а. охирида Европа давлатлари (Португалия, Испания, Англия, Франция, Голландия) ана шундай сиёсат юрита бошлайдилар. Бундай амалиет 20-а. бошида давом чиқди, натижада дунёнинг катта қисми бир неча империялар ўртасида бўлиб олинди. Бу даврда келиб кеки мустамлакачи давлатлар ёнига янгилари: АҚШ, Германия, Бельгия, Япония, Россия қўшилди. 2-жаҳон уруши (1939—45) туфайли кучайиб кетган миллий озодлик ҳаракатлари саноқли йиллар ичида мустамлака империяларини тезда емирилиб, қулашига олиб келди. БМТнинг Бош Ассамблеяси мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш тўғрисида Декларацияни қабул қилди (1960), унда М. инсониятга қарши жиноят сифатида баҳоланади. 20-а.нинг 60-йиллари бошида улаб собиқ мустамлакалар мустақиллика эришишда ва суперер давлатларга айланди. Жумладан, «Африка йили» деб ном олган 1961 йда қитъанинг 21 давлати мустақилликка эришган эди. Ҳоз. вақтда айрим кичик ҳудудлар (асосан, орол ҳудудлари) АҚШ, Буюк Британия, Франция, Нидерландия ва б. мамлакатлар ҳукмронлиги остида қолиб келмоқда. Лекин бу ҳудудларнинг аҳолиси метрополия аҳолиси ҳуқуқларига ўхшаш ёки унга яқин ҳуқуқларга эга бўлди, маҳаллий ўзини ўзи бошқаришдан кенг фойдаланади, метрополия мамлакатларидан мозивий-иқтисодий ёрдам олади. Шу боис том маънода М. амалда йўқолган, дейиш мумкин. 19- ва 20-а.да Россия империяси, сўнг собиқ СССР ҳам М. сиёсатини олиб борди. 1991 й. СССР парчаланиб унинг ўрнида мустақил тараққиёт йўлини танлаган 15 мамлакат ташкил топди. Ўзбекистон М.дан халос бўлиб, мустақилликка эришгани ана шу оламшумул жараён таркибида юз беради.

МУСТАНГ (испанча mustango) — хонаки отларнинг ёввойилашган авлоди. Европаликларнинг истилосидан кейин улар Шим. Америкага келтирган хонаки отларнинг ёввойилашувидан келиб чиққан. Эгасиз қолган, қўралардан чиқиб кетган отлар ҳосилдор яйловлар — прерияларда ёввойилашиб, каттакатта уюрларга айланган. Маҳаллий аҳоли М.ларни гўшти, териси учун овлаган, қўлга ўргатган. 18—19-а.ларда уларнинг сони 4 млн.га етган. М. 20-а.га келиб бир неча ўн минг нафаргача камайиб кетган. Австралияда ҳам ёввойилашган йилқилар — брамби (Австралия мустанги) сақланиб қолган. Америка ва Австралияда М.лар яшайдиган ҳудудлар қўриқхоналарга айлантирилган.

МУСТАФИН Ғабиден [1902.13(26).11, Акмолинск уезди, ҳоз. Қарағанда вилояти Тельман тумани — 1985, Олмаота] — Қозоғистон халқ ёзувчиси (1984). Қозоғистон ФА мухбир аъзоси (1958). Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1953—56), масъул котиб (1962—64). Илк ҳикоялар тўплами — «Ер Шойин» (1929). Инқилоб ҳаётига бағишланган «Ҳаёт ва ўлим» романи (1941) қозоқ прозасининг илк намуналаридан. «Чиғаноқ» (1945), «Қарағанда» (1952), «Бўронлар сўнг» (1959), «Кўз кўрган» (1-қисм, 1963) каби қисса ва романларида қозоқ халқи турли табақаларининг ҳаёти, шаҳар-шаҳарлар ва ёшларнинг фидокорона меҳнатлари ўз ифодасини топган. М. Ўзбекистонга бир неча марта келган (1958, 1960). Ўзбек адиблари б-н яқин алоқада бўлган. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. Абай номидаги Қозоғистон Давлат мукофоти лауреати (1953).

Ас.: Қарағанда, Роман, Т., 1956; Чиғаноқ, Роман, Т., 1962.

МУСТАФО ЧЎҚАЙ (Чўқаев) (1886, Оқмачит, Қозоғистон — 1941.27.12, Берлин) — Туркистон мустақиллиги учун курашчи. *Туркистон мухторияти* ҳукумати Бош вазири. Отаси Чўқайбей Тўрғай додхоҳ ўғли (1912 й.в.э.) бўлис (волость) бошлиғи эди. М.Ч. бошланғич маълумотни Оқмачитда олгач, Тошкентдаги рус гимназиясида ўқиди (1902—10). Петербург ун-тининг ҳуқуқ ф-тини тугатди (1917). Россия 4-Давлат думасининг мусулмонлар фракциясида Туркистон ишлари бўйича котиб бўлиб ишлади (1917 й. фев.гача). Кейинчалик *Муваққат ҳукумат* Бош вазири А. Ф. *Керенский* бошчилигидаги комиссия таркибида Туркистонда бўлди. 1917 й. апр.да Петрограддан Тошкентга қайтди ва сиёсий воқеалар ичида бўлди. Туркистон ўлкаси мусулмонлари Марказий Шўроси раиси, «Бирлик тути» (қозоқча) газ.нинг мухаррири. Туркистон мухторияти ҳукуматининг ташқи ишлар вазири (1917—18), Бош вазир (1918 й. янв. дан). Мухторият қизил аскарлар томонидан тугатилгач, М.Ч. Тошкентга келиб, большевикларнинг яширинди. Кейин Тифлисда мусулмонлар учун «Янги дунё», «Шафақ» газ.ларини чиқарди. 1919 й. фев.да у Европа давлатларига махсус меморандум б-н мурожаат қилиб, Туркистондаги истиқлолчилар курашини қўллаб-қувватлашга, большевикча режимни ағдаришга чақирди. М.Ч. муҳожирликда яшаб, турли халқаро анжуманларда иштирок этди, матбуотда мақолалари чоп этилиб турди. Жумладан, «Туркистондаги миллий кураш» (Париж, 1923) мақоласида ўлканинг мустақиллик йўлидаги вазифаларини кўрсатиб берди. «Туркистондаги босмачилик ҳаракати» (Лондон, 1928) асарида бу ҳаракат миллий истиқлол кураши эканлигини таъкидлади.

«Ўрта Осиёдаги Советлар» (Париж, 1928) китобида Туркистонда ўрнатилган совет режимининг асл моҳиятини очиб ташлади. М.Ч. 1929 й.дан бошлаб Туркистон Миллий Бирлиги Марказий қўмитасининг раиси бўлди. Париж ва Берлинда ўзбек тилида «Ёш Туркистон» журн.ни чиқариб, унга муҳаррирлик қилди (1929—39). Парижда немислар томонидан қамоққа олиниб, Компьен концлагерида тутқунликда сақланди. У ерда юқумли касалликка чалиниб вафот этди. М.Ч. Берлиндаги мусулмонлар қабристонига дафн этилган (1942 й. 2 янв.).

М.Ч. рус, ўзбек, қозоқ, турк, француз, инглиз, немис, поляк тилларида кўплаб мақолалар, китоблар ёзди. «1917 йил, хотира парчалари» (Берлин, 1937; ўзбек тилида) китоби шуҳрат қозонди. Бу асари турк (Анқара, 1988), рус (Германия, 1989; Токио—Москва, 2001), ўзбек (Тошкент, 1992) тилларида алоҳида китоб бўлиб нашр қилинди. 2 жилдли «Танланган асарлар» китоби (Олмаота, 1998— 99) қозоқ ва қисман рус тилида босилиб чиқди.

Ас.: Туркестан под властью Советов, Париж, 1935; Истиқлол жаллодлари (1917 й. хотиралари), Т., 1992.

Ад.: Шарафиддинов О., Мустафо Чўқай, Чўлпон, Отажон Ҳошим, Т., 1993; Из истории Российской эмиграции: письма А. З. Валидова и М. Чокаева (1924—1932 гг.), М., 1989; Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида], Т., 2000; Ражабов К., Ҳайдаров М., Туркистон тарихи, Т., 2002.

Қаҳрамон Ражабов

МУСТАФОХОН (15-а.) — *Ўзбек улуси* хонларидан бири. М.нинг улуси Ишим ва Отбосар дарёлари бўйида жойлашган. 1428 й. *Абулхайрхон* б-н иттифоқ тузган. Кейинчалик Отбосар яқинидаги у б-н бўлган жангда мағлубиятга учрагач, Мангишлоққа қочган. *Вазир* ш.га асос солган.

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ (МДҲ) — давлатлараро ташкилот. 1991 й. 8 декда Минскда Белорус-

сия, Россия, Украина томонидан тузилган. Ана шу давлат раҳбарлари имзо чеккан Битимда СССР чуқур таназзулга учраб парчаланиб кетиш натижасида йўқ бўлганлиги қайд қилинди, учала давлат сиёсий, иқтисодий, гуманитар, маданий ва б. соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга интилишини баён этди. 1991 й. 21 декд Битимга Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Киргизистон, Молдавия, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон қўшилди, улар Белоруссия, Россия ва Украина б-н бирга МДҲнинг мақсад ва қоидалари тўғрисидаги Декларацияга Олмаота ш.да имзо чекдилар. 1993 й. МДҲга Грузия қўшилди. 1993 й. МДҲ Устави қабул қилинди, у давлатларнинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ташқи сиёсий фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий иқтисодий маконни вужудга келтириш, транспорт ва алоқа тизимларини ривожлантириш, аҳоли соғлиги ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий масалалар ва иммиграция сиёсати, уюшган жиноятчиликка қарши кураш, мудофаа сиёсатида ҳамкорлик қилиш ва ташқи чегараларни қўриқлашда биргаликда фаолият юритишни назарда тутади. МДҲ ҳақиқий аъзолари б-н бирга МДҲ фаолиятининг айрим турларида қатнашувчи аъзолар бўлиши мумкин. МДҲнинг қуйидаги органлари ташкил қилинган: Давлат бошлиқлари кенгаши, Ҳукумат бошлиқлари кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши, Давлатлараро иқтисодий қўмита, маркази Санкт-Петербургда бўлган Парламентлараро ассамблея ва б. МДҲнинг доимий ишловчи органи Минск ш.да жойлашган Мувофиқлаштирувчи-маслаҳат қўмита ҳисобланади. Унинг қошида доимий котибият ишлайди. Давлат бошлиқлари кенгаши 1 й.да камида 2 марта ўтказилади. МДҲ органларининг фаолияти МДҲ Низоми б-н тартибга солинади.

МДҲ собиқ СССР ҳудудида фуқаролик уруши келиб чиқишининг олдини олди, мамлакатларни босқичма-босқич халқаро муносабатлар тизимига кириб, мустақилликлари, суверенитетини мустаҳкамлашга кўмак берди. МДҲ ўз фаолияти давомида ҳалдан ташқари кўп қарорлар қабул қилди-ю, лекин аксарият ҳолларда уларнинг кўпи бажарилмади. Ҳозир МДҲ га кирувчи давлатларнинг аҳолиси 283 млн. кишини ташкил этади. Бу аҳолининг 120,5 млн. иқтисодиётда машғулдир. Уларнинг 29,4 фоизи саноат ва қурилишда, 21,5 фоизи қ.х., ўрмон ва балиқчилик соҳасида ишлайди.

Ўзбекистон ўз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда МДҲда иштирок этмоқда. У МДҲга давлатлараро ва ташқи ишларда бошқа давлатларга қарам бўлмай фаолият кўрсатиши, М. тамойилларига риоя этиш давлатлараро ўзаро муносабатларда стакчи, ҳукмрон қоидалар. Ҳар бир давлатнинг мустақиллигини тан олиш ўзаро тинч-тотув яшашнинг принципларидан биридир. У БМТ Устави ва *халқаро шартномалар* ва *декларация*ларда мустаҳкамлаб қўйилган. Ўзга ривож қилиш ҳоз. замон халқаро ҳуқуқининг асосини ташкил этади. Давлатнинг *суверенитети* унинг бошқа давлатлар б-н муносабатларидаги мустақиллигини ҳам билдиради. М. давлатнинг фақат сиёсий эмас, балки иқтисодий мустақиллигини ҳам англатади.

М. инсониятнинг азалдан орзу-умиди бўлиб келган. Ана шу тон асосида АҚШ, Франция, Лотин Америкаси мамлакатларида инқилоблар юз берди. 20-асрнинг 90-йилларига келиб социалистик мамлакатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва озодликка интилишнинг янги босқичи бошланди. Шарқий Европа мамлакатларида қарийб ярим аср ҳукм сурган тоталитар давлат тузуми инқирозга юз тутиб, демократик тартиботлар қарор топа бошлади. Югославия Социалистик Федератив Республикаси парчаланиб, унинг ўрнида бир неча мустақил республика, Чехословакия Социалистик Республикаси иккита бўлиниб, Чехия ва Словакия суверен давлатлари вужудга келди. Германия Федератив Республикаси ва Германия Демократик Республикаси бирланиб, немислар яшаётган ҳудудда социалистик тузум барҳам топди. Айни чоғда, собиқ СССР парчаланиб унинг ўрнида мустақил тараққиет йўлини танлаган 15 мамлакат ташкил топди. Бошқача қилиб айтганда, бу даврда келиб М.ка эришиш масаласи дунёни кенг қамраб олган жараёнга айланди. Ўзбекистоннинг М.ка эришиши ана шу оламшумул жараён таркибида юз берди.

М. имкониятларини олдиндан пайқаган, мамлакат ижтимоий-сиёсий жараёнларининг боришини тўғри кузатиб, тўғри баҳолай билган Ўзбекистон иттифоқдошлари орасида биринчилардан бўлиб, ўз мустақиллигини эълон қилди: 1991 й. 31 авг. куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисидаги Баёнот Ўзбекистон ҳукуматининг сиёсий йўлини тўла қонунлаштириб берди. 1991 й.нинг авг.ида «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва ана шу қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг бундан кейин Ўзбекистон ССРни Ўзбекистон Республикаси деб аташ, 1-сентябрни Мустақиллик куни деб эълон қилиш, Ўзбекистон Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, иттифоқнинг ва унинг таркибига кирадиган барча мустақил давлатларнинг олий қонун чиқарувчи идораларига, барча хорижий давлатларга ва жаҳон ҳамжамиятига мурожаат қилиб, уларни республиканинг давлат мустақиллиги эълон қилинган ҳужжатини тан олишга даъват этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ҳуқуқий пойдевори эди.

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида»ги қонун 17 моддадан иборат бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг асосини белгиларини аниқлаб берди. Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси б-н бирга мустақил демократик давлат деб эълон қилинди. Ўзбек халқи ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эга бўлди, халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир соҳиби, эгаси, ҳужайини бўлиб қолди. Ўзбекистон мустақиллиги республикада адолатли, демократик, инсонпарвар жамият қарор топиши учун йўл очиб берди, ўз миллий давлатчилигини барпо қилишга имконият яратди.

М. туфайли Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзини таништирди, айни чоғда халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида жаҳонидаги барча давлатлар б-н тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди. Жаҳон харитасида Ўзбекистон янги, ёш мустақил давлат сифатида ўз ўрнига эга бўлди.

Иқтисодиётда туб ўзгаришлар қилиш учун имконият яратилди. Яъни жаҳон амалиёти исботлаган бозор иқтисодиётига ўтиш учун шароит барпо этилди. Мулкка муносабат тубдан ўзгариб, жамиятда янги мулкдорлар синфини шакллантириш учун имкон очилди.

М. халқнинг маънавий уйғонишн учун тўла имконият яратди. Юрт тарихи, қадимий маданият тиклана бошлади. Халқнинг азалий урф-одатлари, маънавий қадриятлари унга қайтариб берилди. Динга муносабат мутлақо ижобий томонга ўзгарди. Шундай қилиб, қўлга киритилган М. ўзбек халқи тарихида тамоман янги даврни бошлаб берди, миллий дунёқарашда янгича тафаккур шаклланиа борди. Халқ келажакка ишонч б-н қарай бошлади. Ўз юртининг тўла ҳўжайини эканлигини, ўз тақдирини ўзи белгилаш имкониятини қўлга киритганлигини ҳис қила бошлади.

Даврон Шораҳмедов.

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ — Ўзбекистондаги таълим муассасаларида 1991 й.дан жорий қилинган ўқув машғулотлари. Ўқувчи ва талабаларга Ўзбекистон Республикаси истиқлоли учун кураш тарихи, унинг мазмун-моҳияти, бунёдкор ғоялари, ҳоз. куни, истиқболи тўғрисида аниқ ва мукаммал билимлар беришга бағишланган. Ўзбекистоннинг барча умумий ўрта таълим мактаблари, олий ҳамда ўрта махсус ва ўрта касб-ҳунар ўқув юртларида янги ўқув йилининг биринчи дарси ҳар йили 2 сент.да М.д. б-н бошланади. М.д. махсус режа ва дастур асосида олиб борилади. М.д.нинг ўқув дастурларига киритилиши ёшлар онгида мафкуравий бўшлиққа ўрин бермаслик, уларда ғоявий, мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни жамият олдидаги ўз вазифаларини фидойилик б-н амалга оширишга йўналтириш имконятини беради. 2001 й.дан бошлаб М.д. бутун ўқув йили давомида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанининг бир қисми сифатида ўтказиладиган бўлди.

М.д.да «Ватан мустақиллиги учун кураш тарихидан», «Ватан мустақиллигининг қўлга киритилиши», «Огоҳ бўлайлик», «Жамиятни демократлаштириш йўлидан», «Тараққиётнинг ўзбек модели», «Маънавий-маданий юксалиш йўлидан», «Ватан хавфсизлигининг таъминланиши», «Халқаро ҳамкорлик» каби мавзулар бўйича машғулотлар ўтказилади.

МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ (1776 й. 4 июль) — Шим. Америкадаги мустақиллик учун уруш даврида (1775—83) инглиз мустамлакалари вакилларининг 2-Континентал конгресси қабул қилган. М.д. Т. *Жефферсон*нинг республика ва демократия руҳи б-н тузилган лойиҳасига асосланган. М.д. мустамлакаларнинг метрополиядан ажралганлигини ва янги мустақил давлат — Америка Қўшма Штатлари барпо этилганлигини, шунингдек, халқ эркинлигини, барча кишиларнинг қонун олдида тенглигини эълон қилди. М.д. катта тарихий аҳамиятга эга бўлган.

МУСТАҚИЛЛИК ДЕКЛАРАЦИЯСИ (1990 й. 20 июнь) — Ўзбекистон ССР Олий Советининг 2-сессиясида қабул қилинган. У Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишида муҳим қадам бўлди. М.Д.да «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши ўзбек халқининг давлат қурилишидаги тарихий тажрибаси ва таркиб топган бой анъаналари, ҳар бир миллатнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини таъминлашдан иборат олий мақсад ҳақи. Ўзбекистоннинг келажаги учун тарихий масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидаларига, умумбашарий қадриятларга ва демократия принципларига асосланиб, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мустақиллигини эълон қилади», деб ёзиб қўйилганди. Ана шу ҳужжат асосида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига доир масалалар мустақил тарзда ҳал қилина борди ва 1991 й. 31 авг.да «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» қонун қабул қилинди (яна қ. *Мустақиллик*).

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ — Тошкентнинг марказий майдони. Пойтахт аҳолисининг оммавий тантаналари ва б. тадбирлар ўтказиладиган жой. Ўзбекистон, Навоий ва Шароф Рашидов кўчалари оралиғида, Анҳор канали соҳилида жойлашган. Майдон периметр-

Мустақиллик майдонидаги байрам тантанаси.

рал тарзда қурилган. 1917 й.гача Собор майдони, 1917—66 й.ларда Қизил майдон, 1966—91 й.лар Ленин номидаги майдон, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1992 й.дан М.м. деб атала бошлаган. М.м. ҳажмий тузилиши жиҳатдан шим.га чўзилган кўпёқли ҳажмий мужассаматни ташкил қилади. Ансамбль меъморий услуб ва қўлами жиҳатидан яхлит турли маъмурий бинолардан иборат. Бир неча марта реконструкция қилинган. Ҳукумат уйининг дастлабки лойиҳаси (1931, меъморлар В. Архангельский, А. Петлина ва А. Сидоров) ўрта аср маҳобатли меъморий шаклийналишида (серустунли, равоқли, майда гумбазли) бўлган. Кейинчалик мумтоз ва миллий меъморий анъаналар ўзлаштирилган ҳолда ордер тизими йўналиши амалга оширилган (меъморлар А. Бобохонов, В. Вольчак, С. Ползунов) ва замонавийлик руҳи берилиб қайта ишланган (1946, 1954—65), ҳоз. кунда бу бинолар ўрнида янги бино барпо этилиши лойиҳалаштирилмоқда.

1936 й.да В. И. Ленинга ҳайкал ўрнатилган. 1975 й. ҳайкал қайта ишланган. Тошкент зилзиласи (1966)дан кейин майдон тубдан қайта реконструкция қилинган (меъморлар С. Одилов, Л. Адамов ва б.). Чўзиқ сув ҳавзасига эга бўлган баланд терраса ва унинг пастидаги шаршара майдонни баланд ва паст сатҳларга ажратади. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Ленин ҳайкали олиб ташланди, ўрнига Мустақиллик обидаси (1992) ўрнатилди. Майдондаги Маъмурий бинолар (ЎзР Вазирлар маҳкамаси, Физкультура ва спорт давлат қўмитаси, санъатшунослик и.т. ин-ти, 20 қаватли вазирликлар жойлашган бино ва б.) эркин жойлаштирилган. 1999 йил 16 фев. воқеасидан кейин М.м.даги айвон бўлган маъмурий бинолар қайта қурилиб, атрофи ободонлаштирилди.

М.м.даги кўндаланг йўлка *Хотира майдони* (1998)га олиб боради. Хотира майдонидаги ёдгорлик маҳалли меъморлик анъаналари асосида айвон ва серҳашам қатор устунли, деворларига китоб саҳифалари шаклида 1941—45 й.лар урушида ҳалок бўлган ўзбек ўғлонларининг рўйхати берилган. «Мотамсаро она» ҳайкали, урушда ҳалок бўлганлар хотирасига ўрнатилган мангу олов ёниб туribди.

М.м. яқинида, «Мустақиллик майдони» метро ст-яси ва б. жойлашган. Турли дарахт ва гуллар б-н кўкаламзорлаштирилган.

«МУСТАҚИЛЛИК» ОРДЕНИ — ЎзРнинг давлат мукофотларидан бири. Бу орден б-н ЎзР фуқаролари мустақил ҳуқуқий давлат барпо этиш ва уни

«Мустақиллик» ордени.

мустаҳкамлашга, республикада тинчлик ва тараққиётни таъминлашга қўшган улкан ҳиссалари учун мукофотланадилар. Аврим ҳолларда ЎзР фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. 1994 й. 5 майдаги ЎзР қонуни б-н таъсис этилган. Орден 1 миқрон қалинликда олтин қопланган 925 даражали кумушдан тайёрланиб, икки ён бағридан зарҳал нур таралган саккиз қиррали мусамман кўринишида. Орденнинг марказида мустақиллик рамзи бўлган Хумо қуши кумуш рангда тасвирланган. «М.»о. кукракининг ўнг томонига тақилади. Бу орден б-н марҳум олимлар Абдулла Қодирий (1994), Чўлпон (1999), ЎзР Президенти Ислом Каримов (1996) мукофотланган.

МУСТАҲАБ (араб. — севилган, ёқтирилган) — шарьий амал; уни бажарган киши савобли бўлади, бажармаган киши гуноҳкор бўлмайди. Шарьий ҳукмлар китобларида мўмин-мусулмонлар қилишлари маъқул бўлган ўнлаб М. амаллар (нафл намозларини ўқиш, нафл рўзасини тутиш, салақалар бериб юриш, турмушда одий одоб қоидаларига риоя этиш, атрофдаги одамлар учун турли фойдали ишлар қилиш ва ҳ. к.) кўрсатиб ўтилган.

МУСТАҲКАМЛИК, пишиқлик — тор маънода — материаллар (металл, ёғоч, темир-бетон ва б.)нинг ташқи куч таъсирида емирилишга чидамлилик хусусияти; кенг маънода — материалларнинг ҳам емирилишга, ҳам шаклини ўзгартиришга (пластик *деформация*, яъни қайтмас шакл ўзгаришига) қаршилик қилиш хоссаси. Материалнинг ҳам ташқи куч, ҳам ички куч таъсирида («ўз-ўзидан») емирилишга чидамлилиги пишиқлик деб аталади. Пишиқлик М.ни ҳам ўз ичига олади. М. жисмни ташкил қиладиган атомлар, молекулалар ва ионларнинг ўзаро таъсирлашув кучларига (бу кучларнинг катта-кичиклигига) боғлиқ бўлади. М. фақат материалнинг ўзига эмас, балки унинг қанчалик зўриққанлиги (чўзилганлиги, қисилганлиги, эгилганлиги ва б.ка, материалдан фойдаланиш шароити [т-ра, куч таъсир этиш тезлиги ва такрорланиш сикллари сони, атроф муҳитнинг таъсири ва б.]га ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида айтиб ўтилган омилларнинг қайси бири мавжудлигига қараб, М. пишиқлик чегараси, оқувчанлик чегараси, толиқиш чегараси ва б. хиллар ё-н ифодаланади. Материалларнинг М.ни чегаралари қимати давлат стандартларида белгилаб қўйилади. М. шу қимматга етганда материалдан фойдаланиш хавфи ҳисобланади. Материалларнинг М. чегараси Н/м² ёки мувин ва ҳаво таъсир қилаётган куч ё-н ўлчанади.

Материалларнинг М.ини ошириш жуда муҳим тадбир ҳисобланади. Бунинг учун материалга термик (иссиқлик) ёки механик ишлов берилади, қотишмаларга легирловчи қўшимчалар қўшилади (қ. *Легирлаш*), материал радиоактив модлар б-н нурлантирилади, арматуралар ва б. мустаҳкамловчи элементлар б-н кучайтирилади (масс., темир-бетон материалларда бетон ичига темир арматуралар қўйиб кетилади).

Материалларнинг М.ги масалалари б-н *материаллар қаршилиги* фани шуғулланади. Бирон-бир материални муайян бир мақсадда ишлатиш учун (мас., машина деталлари ясаш, иморат қуриш, рельслар тайёрлаш ва б.) у М.ка синаб кўрилади (қ. *Материаллар синаш*). Бунинг учун турли усуллар, асбоблар, машиналар, стендлар, ҳисоб-китоблар, формулалардан фойдаланилади. Синаш натижалари давлат стандартлари кўрсаткичларига, албатта, мос келиши шарт.

МУСТЕЛИНУМ ГЎЗАСИ (Gossypium mustelinum Miers ex Watt.) — ёввойи ғўза тури. Геноми (АД)$_2$, хромосомалар сони 2n=52. Биринчи марта Гарднер

Мустелинум ғўзаси: *1* — новдинг бир қисми; *2* — кўсаги; *3* — чаноги.

таърифлаб берган (1888). Жан. Америкасининг тоғли жойларида учрайди. М.г. кўп йиллик, усув шохлари кучли ривожланган, жуда калта туклар ё-н қопланган бута. Ҳосил шохлари калта, 2—3 бўғимли, барглари яшил, йирик, барг пластинкаси 3 та, тухумсимон-учбурчак, учи ингичкарсимон, бўлакчали; томир бекалари йирик, оч яшил. Гуллари ўртача катталикда. Гулёнбарглари майда, узун, яшил шохланган. Косакларининг майда, тухумсимон. Учи ўткир, уч чашоқли, сирти толир-бўдур чуқурчали. Чигитлари майда (0,5—0,8 мм), яшил қунғир туклар ё-н қопланган, сертук, қобиғи тошлек қатлак. Толаси сийрак, калта, майин, қунғир рангли. М.г. фотодавр ўзгаришларига жуда таъсирчан, у фақат қисқа кунлагина гуллаши мумкин.

Абдусамиев Абдулазиз.

МУСТОВФИЙ, муставфий — сарои мансаби. 1) *Ғазнавийлар давлатида* молия девонида кирим-чиқим, пул ва б. қимматбаҳо бойликларни ҳисобга олиш ё-н шуғулланувчи амалдор; 2) *Хоразмшоҳлар давлатида* ва вилоят молия органи (девон ал истифоъ) раҳбари, молия маслаҳатчиси, вилоят бошқарув органи аъзоси; 3) Бухорода *Аштархонийлар* давлат маблағларининг кирим-чиқимни ишлари бўйича мутасадди амалдор.

МУСТЬЕ МАДАНИЯТИ, мустье даври — илк палеолит даврининг энг сўнгги маданияти (мил. ав. 150—40 минг йиллик). 19-а.нинг 60-й.ларида француз археологи Г. Мортилье Франциянинг жан.-ғарбидаги Ле-Мустье (Le Moustier) горидан суяк ва тош қуролларни топганлиги учун шу ном ё-н юритилди. Бу даврда яшаган одамлар *неандерталлар* номи ё-н фанга кирган. М.м. учун тарқоқсимон *нуклеус* ва 3 бурчакли тош парракчалар хос бўлиб, улар ёғоч ўқининг ишлаш, кийим ва қурол тайёрлашда ишлатилган. Мустье даврида найзасимон тош қурол, ўроқ, ранда, қўлтиқ ёки оҳактошдан ясалган шарлар, М.м.нинг охирида эса кескич дебоблар — қирғич, пичоқ ҳамда суяк қуроллар пайдо бўлган. Мустье даврида одамнинг жисмоний қиёфаси такомиллаша борган. Қад. одам (питекантроп ва синантроп) ўзгариб, ҳоз. типдаги одамга яқинроқ бўлган неандерталь шаклига киради. Бу одам миясида нутқ маркази юзага келади ҳамда унинг жисмоний қиёфаси ўзгара боради, бу унинг иш вақтида эркин ҳаракат қилишини таъминлайди. Оловни сақлаб қўйишдан уни ишқалаш йўли ё-н ҳосил қилишга ўтилиши Мустье даврининг муҳим югутидир. Тошни ишлашда леваллуа техникасидан фойдаланилган. М.м.да гор ва очиқ манзилгоҳларда неандерталь одамлар яшаб, мамонт, айиқ, шим. бугуси каби ҳайвонларни овлаб, истеъмол қилишган ҳамда теримчилик ё-н шуғулланган. Мустье даври қароргоҳларида ўчоқ, куйган суяк ва қабрлар учрайди. Қабрлар ва улардан топилган буюмлар дафн маросимларида диний эътиқодлар тутила бошлаганини кўрсатади. М.м. ёдгорликлари Европа, Африка, Яқин Шарқда, Россиянинг Европа қисмида, Кавказ, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда топиб текширилган. Ўзбекистонда — Сурхондарё *(Тешиктош гори)*, Самарқанд *(Олонқўтон гори, Қўтирбулоқ макони*, Зирабулоқ, *Хўжамазгил макони)*, Тошкент вилояти *(Обирахмат гори, Қўлбулоқ макони, Хўжакент макони*, Палтов), Фарғона водийси *(Қалъачи макони*, Сўх дарёсидаги маконлар), Навоий вилояти (Учтут)да М.м. ёдгорликлари топилган ва текширилган. Ҳоз. вақтда Ўрта Осиёда неандерталь замондошлари яшаган маконлар 90 дан ортиқ жойда учратилган.



Мустье маданиятига оид тош қуроллар.

Ад.: Ўзбекистон халқлари тарихи, 1-ж., Т., 1992.

МУСУЛМОН — қ. *Муслим.*

«МУСУЛМОН БИРОДАРЛАР» («ал-Ихвон ал-муслимун») — диний-сиёсий ташкилот. 1928 й. Мисрнинг Исмоилия ш.да тузилган. Асосчиси — Шайх Ҳасан ал-Банно (1906—49). Унинг сиёсий қарашлари Муҳаммад ал-Ғазолий, Муҳаммад Абду, Жамолиддин ал-Афғоний, Рашид Ризо каби панисломий модернистларнинг таъсирида шаклланган. У исломнинг сунний йўналишини таълимотидан четга чиқмаган ҳолда «жиҳод», «исломий миллатчилик», «исломий давлат» концепцияларини ишлаб чиқди. Сайид Қутб, Мустафо ас-Сибоий ташкилотнинг таниқли мафкурачилари бўлган. Сайид Қутбнинг «Исломда ижтимоий адолат» асари уюшма таълимотининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Ташкилотнинг мақсади мусулмон ўлкаларда «исломий адолат» тамойилларига асосланган жамият барпо этишдан иборат. Бунга эса «исломий тараққиёт йўли» ё-нигина эришиш мумкин. «М.б.» мафкурасининг тояий асосини «ислом фақатгина диний эътиқод бўлмасдан, балки мукаммал дунёқараш ҳамда ижтимоий тузумдир», деган ақида ташкил этади.

«М.б.» мураккаб тузилмали, ҳарбийлашган бўлимларни ўз ичига олган. Мисрдан бошқа мамлакатлар (Сурия ва Ливан)да ҳам бўлимлари бор. Унинг фаолияти кенг ижтимоий қатламларни қамраб олган бўлса-да, ташкилот аъзолари талаба-ёшларни ўзларининг асосий зарбдор кучи деб ҳисоблаганлар. «М.б.» хайр-эҳсон қилиш ва маърифатчилик фаолиятидан (1928—36) то сиёсий ҳаётда террор методини кенг қўллашда фаол иштирок этишгача бўлган мураккаб тараққиёт йўлини босиб ўтди. 1930-й.ларнинг ўрталаридан халифалик шаклидаги «исломий давлат» қуриш гояси тарғиботига зўр бера бошлади. Ҳасан ал-Банно вафотидан сўнг «М.б.» фаолияти янада сиёсийлашиб борди. Натижада у 3 йўналишга бўлиниб кетди: «мўътадил биродарлар» (асосан, Ҳасан ал-Банно ва Сайид Қутб издошлари); «исломий демократлар» «исломий социализм» таълимотининг турли кўринишлари тарафдорлари; ҳарбийлашган экстремистик исломий ташкилотлар («Катоиб Муҳаммад», «Жунуд Аллоҳ», «ат-Такфир ва-л-ҳижра», «ат-Таҳрир ал-исломий»). «Хизб ут-таҳрир ал-исломий» диний-сиёсий партияси ҳам шулар жумласига киради. «М.б.» уюшмаси бўлиниши туфайли ягона ташкилот сифатини йўқотди ва 1950-й.лардан «М.б.» ҳаракати («ал-Ихвонийя») деб юритила бошлади. Шу даврдан бошлаб «М.б.» ҳаракати экстремистик фаолияти учун фақат Мисрда эмас, балки бошқа давлатларда ҳам ғайри қонуний деб эълон қилиниб ман этилган. «М.б.» ҳаракати Миср, Сурия, Иордания ва Ливанда фаолият кўрсатиб, бу мамлакатлардаги сиёсий жараёнларга катта салбий таъсир қилмоқда. «М.б.»нинг биринчи жур. «ал-Ихвон ал-муслимун» 1933 й.дан чиқа бошлаган.

1980-й.лардан бошлаб «ал-Даъва» («Даъват») жур. «М.б.» нинг асосий нашриёр.

Ад.: Милославская Т. П., Деятельность «Братьев-мусульман» в странах Востока, М., 1982; Корольков Ф. Н., Исламский экстремизм в арабских странах, М., 1986; Борисов А. Б., Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта, XX век, М., 1991; Ҳусниддинов З., Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

Зоҳиджон Муҳаммадиев

МУСУЛМОН ҲУҚУҚИ — жаҳондаги асосий ҳуқуқий тизимлардан бири (континентал ва англосаксон ҳуқуқ тизимлари б-н бир қаторда). Араб халифалигида 7—10 а.ларда шакллана бошлаган М.ҳ.нинг асосий моҳиятини ислом талабларидан келиб чиқадиган, мусулмонларнинг ўзаро муомала ва ахлоқ қоидалари ҳамда уларни бузганликлари учун қўлланиладиган (одатда, диний руҳдаги) жазолар ташкил этади (қ. *Шариат*). *Қуръон, сунна, ижмо, қиёс,* урф-одат М.ҳ.нинг асосий манбалари ҳисобланади. М.ҳ. фақат мусулмонлар ўртасидаги муносабатларда амал қилади. Бироқ мусулмонлар аҳолининг асосини ташкил этган Осиё ва Африка мамлакатларида ҳам М.ҳ.нинг мавқеи кучли бўлишига қарамай, у янги ижтимоий муносабатларни ҳисобга олган ҳолда қонун ва бошқалар б-н тўлдирилиб келинган. Шунинг учун диний М.ҳ. б-н мусулмон давлатлари ҳуқуқини фарқлаш лозим. 1869—77 й.ларда М.ҳ.нинг мажбурият ва процессуал нормалари кодификацияланиши асосида Усмонли турк империясида фуқаровий кодекс вазифасини бажарган ал-Мажалла эълон қилинади. М.ҳ. Туркияда 1926, Ливанда 1932, Сурияда 1949, Ироқда 1951 й.гача амалда бўлди. Бу кодекснинг таъсири қисман Иорданияда, Исроил ва Кипрда ҳам сақланган. 19-а.нинг 2-ярмидан бошлаб мусулмон мамлакатларида Ғарбий Европа мамлакатларининг ҳуқуқидан фойдаланиш асосида жиноят, савдо, процессуал ва б. кодекслар қабул қилинди. М.ҳ. оила, мерос ва б. муносабатларни тартибга солишда муҳим ўрин тутади. М.ҳ.нинг бу тармоқларини кодекслаш МАР, Сурия, Ироқ, Иордания, Тунис, Марокаш, Ҳиндистон, Покистон ва б. мамлакатларда махсус қонунлар қабул қилиш шаклида амалга оширилмоқда. Айрим араб мамлакатларида, Ҳиндистон, Покистон, Индонезия ва б. да мусулмонларнинг шахсий мақоми (статути) масалалари юзасидан (айрим масалалар бўйича мусулмон бўлмаганларга нисбатан ҳам) кодекслаштирилган М.ҳ.нинг таъсири сақланиб қолган. Бир қанча араб мамлакатларининг конституцияларида М.ҳ. қонунчиликнинг асоси ҳисобланиб, фуқаролик ҳуқуқи ва б. соҳаларда уни қўллашга рухсат этилади. Бу мамлакатларда шариат асосида иш кўрадиган судлар сақланган. Шарқий ва Марказий Африкадаги айрим мамлакатларда М.ҳ. одатий ҳуқуқ тарзида қўлланади.

Абдулазиз Расулов

МУСУЛМОНЛАР БЮРОСИ (Мусбюро) — Туркистон миллий коммунистлари томонидан ташкил қилинган раҳбар ташкилот (1919—20).

Туркистон Коммунистик партияси (ТКП)нинг 2-ўлка конференциясида Т. *Рисқулов* (раис), Н. Хўжаев, А. Муҳитдинов, Й. Иброҳимов, Ю. Алиев (аъзолар)дардан иборат таркибда тузилди (1919.30.03, Тошкент). 1918 й. 1 мей б апрелда ТКП ўлка комитетининг вазифа ва функцияларини белгилаб берди. М.б.да «Иштирокиюн» (қ.: «*Ўзбекистон овози*») газетаси муҳаррирлик ҳисоби вазифаси юклатилди. 1918 й. 23 апрелда бўлган йиғилишида Фарғона водийсидаги кескин сиёсий вазият муҳокама қилиниб: совет ҳокимиятининг вазиятини барқарорлаштириш, иқтисодиётни тиклаш учун қурбонидлар ва уларнинг оилаларига умумий афв эълон қилиш, аҳолини тинч меҳнатга қайтариб ишлаб чиқилган хўжаликни қайта тиклаш, совет ташкилотлари ва қизил армия сафларини миллатчилик, буюк давлатчилик шовинизми ва мустамлакачилик руҳидаги унсурлардан тозалаш, арман дашноқларини қуролсизлантириш (қ. «*Дашноқцутюн*»), миллий зулмга чек қўйиш, Фарғона вилоятига махсус комиссия юбориш каби кескин талабларни қўйишди.

М.б. ўз сафларига миллий раҳбарларни бирлаштириб, совет режимининг мустамлакачилик сиёсатини танқид қилди. Унинг фаолиятида А. *Авлоний* ва *Мунаввар қори* ҳам иштирок қилди. М.б.нинг сўнгги 3-конференцияси (1920.20—27.1)да Турккомиссиянинг тазйиқи б-н ўз фаолиятини тўхтатди.

Ад.: Мусбюро РКП (б.) в Туркестане. 1, 2 и 3 Туркестанские Краевые Конференции РКП. 1919—1920 гг. с введением тов. Рыскулова, Т., 1922; Рыскулов Т., Революция и коренное население Туркестана. Часть 1. 1917—1919 гг., Т., 1925; Ражабов Қ., Ҳайдаров М., Туркистон тарихи (1917—1924 й.), Т., 2002.

МУСУЛМОНҚУЛ (тахм. 1794—1852) — *Қўқон хонлиги*даги қипчоқлар раҳбари. 1844 й.гача Андижонда қўшинлар бошлиғи (Ботирбоши). 1847 й.дан мингбоши. Қўқонни Бухоро амири *Насруллохон* ҳужумидан мудофаа этиш раҳбарларидан бири (1842). Қўқон хони *Шерали*нинг сиёсий сиёсатига қарши норозилик қипчоқ гуруҳларида кучайиб, қўзғолонлар кўтарилган. 1842 й. Уларни кўтарилиш бошлиқларини учун М. юборилган. Унинг нуқтаи назаридан фойдаланган Мурод (Олимхоннинг ўғли) Шералихонни ўлдириб, ўзини хон ҳамда Бухоро амирининг ноиби деб эълон қилган. Қўқонликлар бундан норози бўлиб, уни қўллаб-қувватламаганлар. М. бу воқеаларни хабардор бўлиб, ҳамиша Шералихоннинг ўғли Худоёрхонга ярмуналга беради ва у б-н бирга Қўқонга келиб, бир неча кундан кейин ҳоким бўлган Мурод ва уларни ўлдиради, сўнг Худоёр хон деб эълон қилинди. М. эса амалда ҳоким бўлади. Шу даврдан бошлаб Қўқонда фақат қипчоқлар гуруҳининг ҳукмронлиги бошланади. М. хонлик ёзилиб, унга фойдаланиш ҳокимлиги деярли мустақил равишда уни бошқарган. 1852 й. фарғоналик мулкдорлар томонидан қипчоқлар ерламида қипчоқлар ҳокимиятига қарши ҳаракат кураш бошланган. Бу қўзғолон Фарғонанинг шарқидаги жанглар натижаларида. М. ҳам жанглари ўлдирилган.

Ад.: Бобобеков Ҳ., Қўқон тарихи, Т., 1996; Бейсембиев Т. К., «Тарихи Шахрухи» как исторический источник, Алма-Ата, 1987.

МУСҲАФ (араб. — саҳифаланган) — халифа *Абу Бакр Сиддиқ* даврида Қуръоннинг кийик терисидан бўлган саҳифаларга ёзилган тўплами, саҳифаланган Қуръон. Халифа *Усмон ибн Аффон* даврида кўчирилган Қуръон нусхалари М.лар деб номланган. Кейинчалик китоб шаклидаги Қуръоннинг ҳар бир нусхаси М. деб номланаверган. Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идорасида сақланаётган Қуръон қўлёзмаси (7-а.) ҳам М.нинг энг қадими нусхаларидан биридир.

МУТААССИБЛИК, фанатизм — бирон эътиқодга ёки дунёқарашга ўта берилганлик, бошқа ҳар қандай қарашларга тоқат қила олмаслик (мас., диний М.).

МУТАВАЛЛИ (араб. — назоратчи, бошқарувчи) — ислом тарихида вақф мулкига ва ундан келадиган даромадга васийлик қилувчи, уни тақсимловчи диний амалдор. Вақф ерларини ижарага бериш, вақф мулкида хўжалик ишларини юритишни ҳам М. бажарган. Хорижий Шарқ мамлакатларида М.лар ҳозир ҳам бор, улар вақфларни бошқаради. Айрим мусулмон мамлакатларида М. йирик зиёратгоҳлар (мақбара, мозор ва б.)ни, улардан келадиган даромадларни ҳам бошқаради. Ўзбекистонда масжиднинг хўжалик ва молия ишларини бошқарувчилар М. дейилади.

МУТАГЕНЕЗ (*мутация* ва ... *генез*) — физик, кимёвий мутагенлар таъсирида ёки спонтан мутация олиш. Мутацияга келтириб чиқарадиган омилларни мутагенлар дейилади. Мутагенлар мутацияларни тезлаштиради (қ. *Мутация*). Мутаген омиллар физик ионловчи нурлар, рентген нурлари, протонлар, нейтронлар, ультрабинафша нурлар, юқори ва паст ҳарорат, кимёвий (алкилловчилар, перекислар), биологик (вирус организмларининг ҳаёт маҳсулотлари, токсинлар) бўлиши мумкин. М.дан селекцияда қайтиш, усимлик ва микроорганизмларнинг янги ирқ, нав ва штаммларини, фойдаланилаётган мутантларни олишда фойдаланилади (яна қ. *Мутант, Мутагенлар*).

МУТАГЕНЛАР (*мутация* ва ... *ген*) — физик ва кимёвий омиллар; тирик организмларга таъсир этиб, уларда *мутация*лар пайдо қиладиган омиллар. Физик М. ичида ионловчи нурлар муҳим ўрин тутади. Улар, ўз навбатида, электромагнитли (тўлқинли) ва корпускуляр омилларга бўлинади. Биринчи гуруҳга рентген, гамма ва космик нурлар киради. Иккинчи гуруҳга бета зарралар (электрон ва позитронлар), протонлар, нейтронлар, альфа зарралар, юқори ва паст ҳарорат киради. Ионловчи нурларнинг барча турлари мутагенлик хоссаларига эга, аммо сунъий мутацияларни олишда, асосан, рентген ва гамма нурлари қўлланади. Кимёвий мутагенларга кучли алкилловчи бирикмалар (диметилсульфат, диэтилсульфат, этиленимин, N-нитрозоалкилмочевина, нитрозометилмочевина, нитрозоэтилмочевина, этилметан сульфонат, диэтилнитрозомочевина ва б.), нуклеин кислоталар азотли асосларининг аналоглари, алкалоидлар ва б. киради. М. орасида канцероген ва тератоген хоссаларга эга бўлганлари ҳам учрайди. Шу сабабли кўпчилик мамлакатларда барча янги кимёвий бирикмаларнинг мутагенлик хусусиятини текшириш учун махсус ин-т ва лаб. ташкил этилган.

МУТАКАЛЛИМЛАР — мусулмон илоҳиёт олимлари. Улар ислом диний-ақидавий таълимоти — *калом*нинг асосини берган. Ҳоз. ислом руҳонийлари ва уламоларига нисбатан М. атамаси қўлланилмайди, у тарихий тушунчага айланган.

МУТАЛЛИБОВ Соиқ (1900. 19. 3 — Тошкент — 1979.18.3) — тилшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1971). Бошланғич таълимни эски мактабда олган, сўнг мадрасада ўқиган (1912—16). Ўқитувчилар курсини (1918) тамомлаб, интернат, мактабларда дарс берган. Самарқанд Пед. академиясида ўқиган (1928—31). Тошкентда 3-хотин-қизлар билим юртида ўқитувчи (1932—34). Пед. илмий тадқиқот ин-тида ходим (1934—36). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим (1938—78). «11—асар ёдгорликлари феъл категорияси» (1955), «Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк» (1959), «Алишер Навоийнинг афоризмлари» (1940; 1968) каби илмий асарлар муаллифи. М. Маҳмуд Кошғарийнинг «*Девону луғатит турк*» («Туркий сўзлар девони») асарини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирган (3 жилд, 1960—63). Илмий фаолияти Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарининг ўзбек тилига таржимаси ва тадқиқотига бағишланган.

МУТАНАББИЙ, (тахаллуси; асл исм-шарифи Абу Тайиб Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ал-Мутанаббий) (915, Куфа — 965, Рақ) — араб шоири. Араб хумтоз адабиётининг йирик намояндаларидан ва араб шеъриятида фалсафий лирика асосчиларидан бири. 12 ёшидан ҳасида, ғазал ва ҳажвий шеърлар устаси сифатида шуҳрат қозонган. Сурия, Миср ва Ироқ амирлари ҳузурида саройи шоири бўлган. Ҳажвий шеърлари учун душманлари томонидан ўлдирилган. М. асарлари (100 дан ортиқ қасида ва 200 га яқин шеърий парчалар) ғоявий бойлиги, мазмундорлиги ва бадиий етуклиги б-н ажралиб туради. Уларда ватанпарварлик, инсонпарварлик, эркпарварлик руҳи жуда кучли бўлиб, араб ва форс шеъриятининг тараққиётига катта таъсир кўрсатган.

МУТАНТ — *мутация* натижасида организмнинг ирсий ўзгарган формаси. М. табиий ёки *мутаген*лар таъсирида пайдо бўлиши мумкин. Аксарият М. бошланғич организмлар (ёввойи формалар)дан турли хил структуравий тузилиши, функциясининг бузилиши ва кўп ҳолларда ҳаётчанлиги пасайиши б-н фарқ қилади. Айрим ҳолларда олигдаги муҳит шароитида ҳам (шу жумладан, сунъий танлаш жараёнида) қимматли хўжалик белгилари бўйича селектив устунликка эга бўлган М.лар пайдо бўлади. Бундай М. усимликларнинг бошқа навлари, ҳайвонларнинг янги зотлари ва микроорганизмларнинг янги штаммларини яратишда кенг қўлланади. Генетикада М.дан мутацион жараён қонуниятлари, генетик аппаратнинг ишлаши ёки ҳар хил моддалар биосинтези йўлларини ўрганишда фойдаланилади. М.лар *табиий танланиш* учун бошланғич материал бериши туфайли организмлар эволюциясида муҳим аҳамиятга эга.

МУТАЦИОН НАЗАРИЯ — наслдан-наслга бериладиган узлукли (дискрет) ўзгарувчанликни тан олувчи назария. Голландиялик ботаник Ҳ. Де Фриз томонидан ишлаб чиқилган (1901—03). М.н.нинг асосий хоссалари: мутация ирсий формаларни тўсатдан пайдо бўлади, формалар бутунлай константа, яъни барқарор; мутациялар сифат ўзгаришлар бўлиб, узлуксиз қаторлар ҳосил қилмайди ва ўртача тип (модал) атрофида гуруҳланмаслиги б-н ирсийланмайдиган ўзгаришлар (флуктуациялар)дан фарқ қилади; мутациялар турли йўналишда содир бўлади, улар фойдали ва зарарли бўлиши; айнан бир мутациянинг ўзи қайта такрорланиши мумкин. Де Фриз М.н.ни табиий танланиш назариясига қарши қўйиб, мутациялар туфайли табиий танланишнинг иштирокисиз бирданига янги турлар пайдо бўлади, деган нотўғри хулосага келган. Ҳақиқатда эса мутацион ўзгарувчанлик комбинатив ўзгарувчанлик б-н бир қаторда эволюцион жараёнда янги турларнинг шаклланишига олиб келадиган табиий танланиш учун материал беради. Кейинчалик Де Фризнинг хатоси у эксперимент ўтказган энотера (Oenothera lamarkiana) ўсимлигининг мураккаб политетероизигота (қ. *Гетерозигота*) эканлиги, Де Фриз мутация сифатида қабул қилган ўзгаришлар эса ана шу гетерозиготанинг ажралиши б-н боғлиқлиги аниқланди. Шундай бўлса-да, кейинчалик мутацион ўзгарувчанликнинг мавжудлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан тасдиқланди ва М.н.нинг асосий ғоялари янада ривожланиб, тажрибаларда ўз исботини топди (қ. *Мутация*).

МУТАЦИОНИЗМ — йирик ўзгаришлар туфайли эволюцияни сакраш йўли б-н содир бўлишини жараён сифатида қарайдиган биол.даги концепция. М.нинг асосчиси эволюциянинг мутацион назариясини яратган Ҳ. Де Фриз ҳисобланади. М.га биноан макромутациялар ёки сальтациялар деб аталган йирик ўзгаришлар бошланғич тур индивидларида вужудга келиб, янги ҳаётий формаларни ҳосил қилади. Бу формалар муҳитнинг қулай шароитларида янги турларнинг бошланғич манбаи сифатида намоён бўлади. М. ирсий ўзгаришни эволюциянинг ҳаракатлантирувчи бош кучи сифатида тан олади: табиий танланишнинг вазифаси мутация туфайли вужудга келган турларни сақлаб қолиб, муҳит шароитига мос келмайдиганларини нобуд этишдан иборат, деб ҳисоблайди. Бундай дунёқарашлар преадаптацион (Л. Кено ва Ч. Девенпорт), сальтацион (Р. Гольдшмидт), гибридогенет (Я. Лотси) каби назарияларнинг ҳам асосини ташкил этади.

МУТАЦИЯ (лот. mutatio — ўзгариш, алмашиш) — 1) бадиатда еган ўғил болалар овозининг ўзгариши; 2) ўрта аср Европа мусиқа назариясида олти товушқатор (гексахорд)дан бошқасига ўтиш; 3) оркестр ижроси жараёнида чолғулар алмашуви.

МУТАЦИЯ — организм ўёки бу белгиларининг ўзгаришига олиб келувчи генетик материалнинг тўсатдан табиий ёки сунъий ирсий ўзгариши. М. ҳақидаги таълимотга голландиялик ботаник Х. Де Фриз асос солган (1901). М.нинг молекуляр механизми 20-а.нинг ўрталарида олиб борилган молекуляр генетика соҳасидаги тадқиқотлар б-н боғлиқ. М. ҳосил қилиш вирус ва микроорганизмлардан бошлаб барча юксак ўсимликлар, ҳайвонлар ва одам учун хос бўлган тириклишнинг универсал хоссасидир. Агар М. белгиларнинг ёввойи типга хос ҳолатдан четга чиқишига олиб келадиган бўлса, бу ҳолат тўғри М. дейилади. Бундай М. табиатда кенг тарқалган. Ёввойи типга хос белгининг тўла ёки қисман тикланишига олиб келадиган М. эса тескари М. ёки реверсия деб аталади. Организмнинг генератив (жинсий) ҳужайраларида содир бўладиган М. (генератив М.) наслга берилади. Соматик ҳужайраларда юз берадиган М. эса фақат вегетатив кўпайиш орқали наслга берилади. Ядро хромосомаларида содир бўладиган ва цитоплазматик (ҳужайра органоидлари — митохондриялар, пластидалар ва б.да юз берадиган) М. ҳам мавжуд. Генетик аппаратнинг ўзгариш хусусиятига кўра айрим генларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлган ген, яъни нуқтали М., хромосома тўпламини сонининг ўзгариши орқали содир бўладиган геном М., айрим хромосомалар сонининг ўзгариши б-н боғлиқ анеуплоидия; хромосоманинг қайта тузилиши орқали намоён бўладиган сегментли М. ажратилади. Ген М.си доирасидан ташқари қолган барча М. «хромосома аберрациялари» деб аталадиган умумий ном б-н юритилади.

Ген ёки нуқтали М. айрим генларнинг барқарор ўзгарувчанлиги бўлиб, барча М.нинг энг кўп қисмини ташкил этади. Ген М.си янги ирсий хромосомалар пайдо бўлишининг асосий сабабчиси бўлиб, генлар хилма-хиллиги ва комбинатив ўзгарувчанликнинг асоси ҳисобланади. Ген М.си келиб чиқишининг асосий сабабчиси ДНК таркибидаги нуклеотидлар жуфтлиги (РНКдаги нуклеотидлар изчиллиги)нинг ўзгаришидан иборат. Бу тоифадаги М. транзиция, трансверсия каби 4 гуруҳга бўлинади:

1) транзиция — пурин-пиримидин жуфтлиги ўзгармаган ҳолда жуфт нуклеотиднинг алмашиниши (АТ ⇄ GC) туфайли содир бўладиган М.; 2) трансверсия — пурин-пиримидин жуфтлиги ўзгарган ҳолда жуфт нуклеотидларнинг алмашиниши (АТ ⇄ GC, АТ ⇄ ТА, GC ⇄ CG) туфайли содир бўладиган М.; 3) жуфт нуклеотидларнинг қўшилиши орқали содир бўладиган М.; 4) жуфт нуклеотиднинг тушиб қолиши туфайли келиб чиқадиган М.

Хромосома тўплами сонининг ўзгариши б-н боғлиқ бўлган геном М. Ҳар бир тур учун хромосомаларнинг муайян тўплами хос бўлади. Бу тўпламдаги хромосомаларнинг ҳар бири бир мартадина учрайдиган хромосома тўплами (n) б-н белгиланади.

Диплоид ҳужайраларда хромосомалар икки тўплам (2n)да, гаплоид ҳужайраларда эса битта тўплам (n)да бўлади. М. натижасида организм ҳужайраларида хромосомалар сони гаплоид тўпламига нисбатан бир неча карра ортади, яъни полиплоидия ҳодисаси рўй беради. Хромосомалар тўплами 3 марта ортган, яъни 3n бўлса, триплоид, 4 марта ортган (4n) бўлса, тетраплоид, беш марта ортган (5n) бўлса, пентаплоид дейилади. Полиплоидлар автополиплоидлар (айнан бир хил хромосома тўпламининг бир неча мартага ортиши) ва аллополиплоидлар (турларaро дурагайларда икки, баъзан ундан ортиқ ҳар хил хромосомалар тўпламининг бир неча мартага ортиши)га ажратилади.

Айрим хромосома сонининг ўзгариши б-н боғлиқ (анеуплоидия) М., яъни гетероплоидия деб аталадиган М. нормал сондаги хромосома тўпламида айрим хромосомаларнинг нормадаги гомологлар сонига нисбатан ортиши, мас., икки гомолог ўрнига 3 та бўлиши (трисомия, 2n+1) ёки камайиши — икки гомолог ўрнига битта хромосома бўлиши (моносомия, 2n—1) ёки жуфт хромосома бўлмаслиги (нуллисомия) туфайли келиб чиқади.

Хромосомаларнинг қайта тузилиши б-н боғлиқ М. — сегментли М.да хромосомалар сони ўзгармайди, лекин бир ёки бир неча хромосоманинг қайта тузилиши кузатилади. Хромосомаларнинг қайта тузилиши дефишенси, делеция, дупликация, инверсия ва транслокациялар орқали содир бўлади.

М.нинг кўпчилиги организм учун зарарли. Кўп ҳолларда мутант генлар ирсий касалликлар келтириб чиқаради, организмнинг маълум-маъруф бўлишининг ҳатто нобуд бўлишига олиб келади.

Жуда кам ҳолларда ҳужайра кечадиган М. эса у ёки бу хусусиятларни яхшилашнинг сабабчи бўлади ва ана шундай М. табиий танланиш ва сунъий танлаш учун материал беради, табиатда эволюция учун ирсий шароит яратади; селекция учун фойдали формаларни етказиб беради.

МУТЛАҚ, абсолют — ҳеч нарсага боғлиқ бўлмаган, ҳеч қандай шарт-шароитларга боғлиқ бўлмаган, чекланмаган, яхлит, мукаммал деган маъноларни билдирувчи тушунча (мас., М. ҳақиқат, М. моҳият, М. чексизлик ва б.). Нисбий тушунчасининг тескариси. М. тушунчаси кўпроқ фалсафада қўлланилади. Ф. Шеллинг М.ни бирлик деб чекланган воқелик. Гегель М. руҳ деганда оламнинг абадий ўзгармас бирламчи асосини, яъни илоҳий дунёвий ақлни тушунган.

МУТЛАҚ БАЛАНДЛИК (абсолют) — Ер юзасида муайян нуқтанинг денгиз ёки океан сатҳининг ўртача сатҳидан бошлаб ҳисобланган тик баландлиги (м ларда ўлчанади). Бу баландликни ифодаловчи сонга белги дейилади. Океан сатҳидан баланддаги нуқталар белгиси мусбат ишора (+), пастдаги манфий ишора (—) б-н белгиланади. Мас., Жомолунгма чўққисининг М.б.и 8848 м, Қорагий — 132 м (Манғишлоқ платосида; Қозоғистон), Мингбулоқ ботиғи — 12 м (Қизилқумда; Ўзбекистон). М.б. нивелирлаш ёрдамида аниқланади.

Денгиз ва океан сувларининг кўп йиллик ўртача сатҳи гидрометрик постларда кўчмайдиган қилиб ўрнатилган ва горизонтал чизиқлар б-н бўлакларга бўлинган мис тахтача — футшток билан белгиланган бўлади. Ўзбекистон ҳудудида нуқталарнинг М.б.ини Болтиқ денгизидаги Кронштадт кўприги устунига ўрнатилган футштокнинг нолига нисбатан ҳисоблаш қабул қилинган. Географик хариталарда бериладиган барча баландликлар М.б.ни билдиради.

МУТЛАҚ ГЕОЛОГИК ЁШ — тоғ жинсларининг ёши, вақтнинг мутлақ бирлигида ифодаланади; минерал таркибидаги радиоактив элементлар (уран, торий, калий, рубидий ва б.)нинг парчаланишини ўрганиш асосида аниқланади. Одатда млн. йиллар б-н ҳисобланади. Ёшни аниқлаш ҳозирги вақтдан ўтмишга қараб олиб борилади. Аниқ натижа олиш учун танлаб олинган минераллар тоза, аралашмалардан ва нурашга учрамаган бўлиши керак.

МУТЛАҚ НАМЛИК — ҳавонинг ҳажм бирлигидаги сув буғи миқдори. Бирлиги г/м³. М.н. атмосферада 0,1—1,0 г/м³ дан (қишда материклар устида, юқори кенгликларда) 30 г/м³ гача (экватор зонасида) ва ундан кўп бўлади.

МУТЛАҚ НОЛЬ — Цельсий шкаласи ҳисоби бўйича олинган ноль т-радан 273,16 пастда еган нуқта; термодинамик т-ра шкаласида т-ра ҳисобининг боши. Олдин, сунъий чегара нуқтаси деб қабул қилинган. М.н.да модда молекулаларининг тартибсиз иссиқлик ҳаракати тўхтайди. М.н.га жуда яқин т-раларда гелийдан бошқа ҳамма моддалар қаттиқ кристалл ҳолатда бўлади. Гелий ута оқувчан. Бир қатор металлар эса ута ўтказувчан бўлиб қолади. М.н.да жисм энтропияси нолга тенг бўлади, демак, иссиқлик сиғимлари, иссиқликдан кенгайиш коэффициентлари каби термодинамик миқдорлар ҳам нолга тенг бўлади. Ҳеч қандай усул б-н М.н. т-рага амалда эришиш мумкин эмас.

МУТЛАҚ РУҲ — *Гегель* фалсафасидаги тушунча. Руҳ тараққиётининг мутлақ билимга кўтарилиш босқичлари орқали ўтадиган оламни бутунлай (халқ)ни тушунилади. Руҳ ўз тараққиётида аввало *табиат* сифатида мужассам ва ҳиссиёт орқали, кейин диний — эстетик кечинмалар орқали англайди, пировардида фалсафада — ўзини англовчи тушунча сифатидаги ғояни шакллантиради. Фалсафий тарихи М.р. ўз-ўзидан ривожланишига қобилиятли, оқилона, эркин ва чексиз жараён ҳисобланади.

МУТЛАҚ ТЕМПЕРАТУРА — мутлақ ноль (- 273,16°C) дан ҳисобланадиган т-ра, $T_{абс}$ б-н белгиланади. М.т. тушунчасини У. *Томсон* (Кельвин) киритган; шу сабабли М.т. шкаласи Кельвин шкаласи ёки термодинамик т-ра шкаласи деб юритилади. М.т. Цельсий шкаласи t° б-н $T_{абс}=t+273,16°$ тенглик воситасида боғланган. М.т. шкаласи, одатда, К (*Кельвин*) б-н белгиланади. М.т.ни турли шкалаларда ўлчаш мумкин. Термодинамик ва халқаро т-ра шкалаласи энг кўп ишлатилади (яна қ. *Температура шкалалари*).

МУТЛАҚ ҚОРА ЖИСМ — ҳар қандай т-рада ўзига тушаётган барча нурланишларни (тўлқин узунлигидан қатъи назар) ютиб оладиган жисм; ютиш қобилияти бирга тенг. М.қ.ж. нурланиш ёруғлигининг спектрал таркиби ва энергияси фақат шу жисм т-раси б-н аниқланади, аммо унинг кимёвий таркибига боғлиқ бўлмайди. М.қ.ж. табиатда мавжуд эмас, уни фақат сунъий йўл б-н ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун ичи ковак, ноширфоф жисм бирор нинқ т-рагача қиздирилади. Тешик *А* дан жисм ковиги *С* га кирган ҳар қандай нур *S* ички деворлари кўп марта қайтиши натижасида тўлиқ ютилади, орқага қайтиб чиқмайди (расмга қ.). Юқорида кўрсатилган тарзда бирор т-рагача қиздирилган жисмнинг тешигидан чиқаётган нурланишни М.қ.ж.нинг нурланиши дейиш мумкин. М.қ.ж. қонунлари жисмларнинг хоссаларини аниқлашга имкон беради ва муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга. Мас., М.қ.ж.нинг *Планк* нурланиш қонуни энергия квантлари ҳақидаги ғояни илгари сурди. Бу эса, ўз навбатида, *квант механикаси*га асос солди.



Мутлақ қора жисм. Нурнинг мутлақ қора жисм ичидаги йўли.

МУТЛАҚ ҒОЯ — *Гегель* фалсафасида барча мавжудотнинг бирламчи асосини билдирувчи тушунча. Табиат ва руҳ М.ғ. мавжудлигининг турли шакллари сифатида қаралади. М.ғ. ўз тараққиётида 3 босқични — субъектив руҳ, объектив руҳ ва мутлақ руҳ босқичларини босиб ўтади.

МУТЛАҚ ҲАҚИҚАТ — қ. *Ҳақиқат*.

МУТЛАҚ ҲУҚУҚ — *интеллектуал мулк* объектига нисбатан унинг эгасига тегишли бўлган мулкий ҳуқуқлар мажмуи. М.ҳ. эгаси интеллектуал мулк объектидан ўз хоҳишига кўра ҳар қандай шаклда ва ҳар қандай усулда мутлақ қонуний фойдаланишга ҳақли. Ушбу объектдан бошқа шахсларнинг фойдаланишига ҳуқуқ эгасининг розилиги б-н йўл қўйилади. М.ҳ. эгаси бу ҳуқуқни бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман ўтказиши, интеллектуал мулк объектидан бошқа шахснинг фойдаланишига рухсат бериши ва қонун доирасида уни бошқача тарзда тасарруф этишга ҳақли. М.ҳ. саноат мулки объектлари, селекция ютуқлари бўйича *патент* орқали товар белгиларига, хизмат кўрсатиш белгилари бўйича *гувоҳнома* орқали, фирма номига нисбатан *гувоҳнома* орқали расмийлаштирилади. Муаллифлик ва турдош ҳуқуқ объектлари, компьютер дастурларига нисбатан эса М.ҳ.лар муаллифга (иш берувчига ёхуд буюртмачига) асар яратилишидан фактга асосан тегишли бўлади. М.ҳ.ларнинг амал қилиш муддати қонунларда белгилаб қўйилади (мас., ихтирога нисбатан патент 20 йил, бадиий асарга нисбатан муаллифнинг бутун ҳаёти ва унинг вафотидан кейин 50 йил давомида амал қилади ва ҳ.к.). М.ҳ. универсал ворислик (мас., мерос тартибида) ёки шартнома асосида бошқа шахсларга ўтказилиши мумкин. М.ҳ. б-н боғлиқ масалалар ЎзР Фуқаролик кодексининг 1034—1040-моддаларида белгилаб қўйилган.

Ойдин Окилова.

МУТЛАҚЛИК ВА НИСБИЙЛИК — фалсафий тушунчалар. Мутлақлик *мутлақ* тушунчасига тегишлидир. Нисбийлик мутлақликнинг акси. Барча нарса ва ҳодисалар, улар ҳақидаги билимлар вақтга, шарт-шароитга боғлиқ, вақт ўтиши, шарт-шароитлар ўзгариши б-н нарса ва ҳодисалар, улар ҳақидаги билимлар ҳам ўзгаради. Нисбийлик ҳар қандай билимнинг вақтга, шарт-шароитга боғлиқлигини, у қотиб қолган, ўзгармас эмаслигини англатади. Аммо нисбийликни мутлақлаштириш мумкин эмас. У *релятивизм*га олиб боради. М. ва н. объектив жараённинг бир-бирига боғлиқ бўлган икки томони бўлиб, уларни қарама-қарши қўйиш ҳам мумкин эмас.

МУТРИБ ХОНАХАРОБИЙ (тахаллуси; асл исми Муҳаммад Ҳасан Ҳожи Табиб ўғли), (1865—Хива—1925) — шоир. Хивадаги *Муҳаммад Аминхон мадрасаси*да таҳсил олган. Мақомчи-бастакор сифатида ҳам машҳур бўлган (Мутриб—созанда, тахаллуси шундан). М.Х.нинг серқирра иқтидорини юқори баҳолаган Феруз уни саройга жалб этиб, девонбегилик вазифасига тайинлади. Бу йилларда М.Х. ёзган ғазал ва мухаммаслар кўплаб баёз-мажмуалардан ўрин олган, жумладан, Табибий тузган иккала тазкирада шоир асарларидан кўплаб намуналар учрайди. М.Х. 20-а.нинг 20-й.ларида сарой тугатилгач, Хоразмда пайдо бўлган маҳаллий матбуотда фаол иштирок этади. «Хоразм хабарлари», «Инқилоб қуёши» газеталарида адабий ходим лавозимида хизмат қилади. Илк шеърларини 1890 й.да ёза бошлаган. Унинг баёз, девон ва мажмуалар орқали 14 минг мисрага яқин ғазал, мухаммас, мусаддас, қасидалардан иборат шеърий мерос етиб келган.

М.Х. қолдирган ижодий мерос асосини ишқ-муҳаббат мавзуида битилган ғазал, мураббаъ, мастзод, мухаммас, мусаддас ва рубоийлар ташкил этади. Унинг хон ва шоир Феруз шаънига бағишланган қасидалари ҳам мавжуд. М.Х.нинг илм-маърифатга даъват, хуррият мавзуларида ёзилган шеърлари маҳаллий матбуот саҳифаларида, шунингдек, Хивада 1924 й.да нашр этилган «Юсурмия» тўпламида чоп этилган. Бу туркум шеърларида («Кўринг энди халойиққа...», «Билинглар, эй халойиқ», «Кўнглума бир турфа сўз келди [illegible]» ва б.) тарғибий-ташвиқий руҳ, хитоб, даъват оҳанглари ҳукмронлик қилади.

М.Х. меросининг асосий қисми 1909 йилда Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад Ёқуб Ҳаррот тартиб берган девон (300 саҳифа)да жамланган. Ўзбекистон

ФА Шарқшунослик ин-ти фондида 2 кичик девони (инв. №903, 906) сақланади. *Лаффасий*нинг Феруз давридаги хоразмлик ижодкорларга бағишланган тазкирасида М.Хнинг «Шоҳ Комрон шеърий асари борлиги ҳақида маълумот берилган.

Абдурашид Абдуғафуров.

МУТРИБИЙ, Ноий (тахаллуслари; асл исм-шарифи Мавлоно Султонмуҳаммад Мутрибий Ноий Самарқандий) (1558, Самарқанд — 17-а.нинг 30-й.лари) — шоир, адабиётшунос, хаттот ва созанда. Форсийда ижод қилган. Самарқанд мактаб ва мадрасаларида ўқиган. Маълумотини ошириш учун Бухорога бориб, замонасининг етук олимлари қўлида таълим олган. 16-а. охирида Самарқандга қайтиб, ижод б-н шуғулланган. М.нинг Самарқандда тузган «Тазкират уш-шуаро» (1605) ва Ҳиндистонда ёзган «Нусхаи зебои Жаҳонгир» (1625) номли адабий ва тарихий асарлари ҳамда «Хотироти Мутрибий» мемуари сақланган. «Тазкират уш-шуаро»да 16-а. 2-ярми — 17-а. бошларида Ўрта Осиё ва Озарбайжонда яшаб ижод этган 320 нафардан ортиқ шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Асар кириш қисм ва 2 фаслдан иборат. Шоирларнинг номлари абжад тизими асосида жойлаштирилган. М. тазкирада келтирилган асарларнинг вазн турлари, бадиий воситалари ҳақида ҳам фикр билдирган. Шоирларнинг форсий ҳамда туркий ғазалларидан намуналар берилган. Асар ўша давр адабий муҳитини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

«Нусхаи зебои Жаҳонгир» тазкирасини М. Ҳиндистонда бўлганида (1625—27) ёзиб, Жаҳонгир шоҳга туҳфа этган. Мазкур асар охирида шоҳнинг таклифи б-н Жаҳонгирнинг ўзи тузган тазкира илова қилинган. Унда 292 шоир ҳақида маълумот келтирилган. М. Самарқандга қайтгач, «Хотироти Мутрибий» асарини ёзган. Унда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон ўртасидаги адабий-маданий, сиёсий алоқалар акс этган. М. шеърларидан намуналар турли манбаларда учрайди. «Тазкират уш-шуаро» асари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида (инв. №2253), «Нусхаи зебои Жаҳонгир» ва «Хотироти Мутрибий»нинг Ҳиндистонда кўчирилган нусхаси (1665) Лондондаги Индия оффис кутубхонасида сақланади (инв. №3023).

Ад.: Ахмедов Б. А., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв. (Письменные памятники), Т., 1985.

Бегали Қосимов.

МУТЪА (араб. — вақтинча фойдаланиладиган нарса) — маълум маблағ эвазига қилиналиган муваққат никоҳ. М. асосида шиалик шариати қизи таслиқлаган расмий шаръномага асосида эркакларга вақтинча хотин олишга ижозат беради. М.нинг муҳлати 1 кундан 99 й.гача белгиланиши мумкин. М. никоҳи хотин ва ундан туғилган болалар қонуний хотин ва ундан туғилган болалардан ҳуқуқий жиҳатдан чекланганроқ бўлган. Қиз болага М. никоҳидан ўтиш тақиқланган. М. никоҳи шиалик тарқалган хорижий мамлакатларда ҳозир ҳам амалда, лекин у кўпинча яширин қилинади. Аҳл ас-сунна вал-жамоанинг тўртала мазҳабида ҳам М. ҳаром дейилган.

МУФЕЛЬ (нем. Muffel) — нечта қизириладиган буюмни ташқи муҳит ёки ёқилғи ёнганда ажраладиган газлар таъсиридан ҳимоялайдиган камера. М. печь ичига жойлаштирилади. Ёнилғи маҳсулотлари М. ташқарисида ҳаракатланади ва иссиқлик унинг девори орқали ичига ўтади. Ёнилғи (газ) иссиқбардош қувурлар ичида ёнадиган М. ҳам бор. Бунда қувурлар печнинг ич бўшлиғидан ўтказилади. М. ўтга чидамли тиш (шамот ёки карборунд) дан ёки иссиқбардош металл қотишмаларидан ясалади. М. бир текис қизийди, кул ёки қурум б-н ифлосланмайди. Қиздирилаётган металлни оксидланишдан сақлаш учун М. махсус газ б-н тўлдирилади. М. кичик деталларни термик, кимёвий-термик ишлаш ва б.да ишлатилади. Электр б-н қиздириладиган М. ҳам бор. Ичига М. жойлаштирилган печь муфелли печь деб аталади. Бундай печларнинг иш унумдорлиги — 70—600 кг/соат, иссиқлик сарфи — 5000—7000 кж/г. Камера ичидаги т-рани 1300° гача етказиш мумкин.

МУФРАДОТ (араб. — битта, ёлғиз) — қ. *Фард*.

МУФТА (нем. Muffe) (техникада) — валлар, тишли ғилдираклар, трубалар, кабелларни бир-бирига улаш учун ишлатиладиган деталь ёки узел. Доимий бириктирувчи М.; бошқариладиган ёки илашма М.; ўз-ўзидан бошқариладиган (автомат) М.; сирпанма М. ва махсус М.лар бор. Доимий бириктирувчи М.лар воситасида икки бўлак вал бирлаштирилиб, битта яхлит вал ҳосил қилинади. Бундай М.нинг кўзғалмас, кўзғалувчан (компенсацияловчи) ва эластик (қайишқоқ) хиллари бор. Валларни исталган вақтда улаш ёки ажратиш учун бошқариладиган (илашма)



Муфта. 1-расм. Бириктириш усулига муфталари: *а* — втулкали бикр муфта; *б* — тишли бикр муфта; *в* — шарнирли асинхрон муфта.

М.лар ишлатилади. Уларнинг кулачокли ёки фрикцион хиллари бор. Уларни механик, гидравлик ёки электромагнит мосламалар воситасида автоматик тарзда ёки қўлда истаган вақтда улаб-узиш мумкин. Сирпанма М.лар сирпаниш юз берганда, мас., етакланувчи ярим М. етакчи ярим М.дан орқада қолганда иша тушади. Уларнинг гидродинамик ва электродинамик хиллари бор. Машиналарнинг айланиб ишлайдиган деталларига таъсир этаётган куч ва момент тўсатдан ортиб кетганда уларни сақлаш мақсадида махсус сақлагич М.лар ишлатилади. Валдаги куч ва момент мўлжалдагидан ошиб кетганда, аввало М.нинг болтлари синиб, валларни бир-биридан ажратади. Автоматик ишлайдиган сақлагич М.лар ҳам бор. Мас., марказдан қочма М.лар ёрдамида валлар автоматик тарзда уланиб-узилиб туради.



2-расм. Ўзи бошқариладиган муфта: *а* — ярим юриш муфтаси; *б* — марказдан қочма муфта; *1* — етакчи валнинг ўқи; *2* — роликлар; *3* — етакланувчи ҳалқа; *4* — корпус; *5* — фрикцион қопламалар.

МУФТИЙ (араб. — фатво берувчи), муфти — мусулмонларда олий лавозимли руҳоний. М. диний-ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш, талқин қилиш, шариатни татбиқ этиш борасида ҳал қилувчи ҳуқуққа эга. Одатда, унинг фикр ва қарорлари фатволарда баён этилиб, мусулмонлар учун қўлланма ҳисобланади.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасига М. бошчилик қилади. У Уламолар кенгаши йиғилишида 5 й. муддатга сайланади.

МУФУЛИРА — Замбаранинг маркали қисмидаги шаҳар. Аҳолиси 153 минг кишидан иборат (1980-й.лар ўрталари). Тўқ.станиши. Мис қазиб чиқариладиган р-нинг муҳим саноат маркази. Қора ва рангли металлургия ривожланган. Полиграфия, енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари, порлоқчи моддалар ва металл буюмлар ишлаб чиқарувчи з-длар, иссиқлик электр ст-яси бор.

МУХАЙЯР (араб. — тандаб олувчи) — ўрта аср *Ҳи жкази мақом* таркибидаги шўъбалардан бири. *Шашмақом* мажмуасига Ироқ мақомининг дастуз бўлимида Ма и Ироқ номли наср шўъбаси яратилган шўъба мажмуа. Унинг куй мавзуи бир оз ўзгартирилган ҳолда қўлланиб мақом шўъбалари ажралишда Муҳайяри Чоргоҳ намуди сифатида кенг қўлланади. М. и Ироқ куйи илк бор *Сафиуддин ал-Урмавий* томонидан ёзиб олиниб, француз олими д'Эрланже, кейинчалик уни ўзбек мақомшуноси Н. Ражабовлар замонавий нота ёзувига кўчиришган.

Ад.: Ражабов Н., Мақомлар масаласига доир, Т., 1963.

МУХАЛЛИ НЎЁН (1169—1223) — мўғуллар сарқарадси. *Чингизхоннинг* энг якин 4 сафдоши (Дўрбан зўлук) дан бири. Чингизхон Шим. Хитойни эгаллаган, М.ни (1217) Го-ван унвонини (Го — мамлакат, ван — шоҳ) бериб, ўзини Хитойдаги нойби сифатида қолдирган. М.н. жалоир қабиласининг чат урутидан бўлган. М.н. Хитойдаги қўлаб шаҳарларни босиб олган. М.н. жасур, мард, ақлли сарқарда бўлган. Бир неча бор Чингизхонни қулфатдан омон сақлаб қолган.

МУХАЛЛИС (Scrophularia integrifolia) — сигирқуйруқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. Пояси бир нечта. Ҳар бир поя рўбаксимон тўпгул б-н тугайди. Барги оддий, чўзиқ ёки тухумсимон, чети қирқилган. Гули икки жинсли, қизғиш-яшил, косачаси 5 бўлакли. Июнь—августда гуллаб, мева беради. Ўрта Осиёнинг тоғли р-ларида 8 тури учрайди. Ўзбекистоннинг ҳамма тоғли р-ларида чағир тошли қояларда ўсади. Айрим турлари гулзорга бой. Манзарали турлари ҳам бор.

МУХАММАС (араб. — бешлик) — шарқ шеъриятидаги шеърий шакллардан, қофияланиш тартибига кўра тузилган шеър. М.нинг ҳар бир банди 5 мисрадан иборат бўлиб, а—а—а—а—а, б—б—б—б—а, в—в—в—в—а, баъзан эса а—а—а—а—а, б—б—б—а—а тарзида қофияланади. Бандларнинг охирида шоир тахаллуси келтирилади. М. 1-бандининг 5-мисрасида қофия сифатида қўлланган сўз шу мисра бўйлаб 2—3 марта такрорланадиган намуналари ҳам учрайди (мас., Дилкаш, Комил Хоразмий, Феруз, Муҳтасham ва б. ижодида). М.нинг 2 тури бор: табъи ҳуд (мустақил) ва тазмин (тахмис). Биринчисида барча бешлик мисралар бир муаллифники, иккинчиси (тахмис)да ижодкор бировга устоз, замондош шоир ёхуд ўз ғазаллари байтларининг ҳар бирини бешлик бандларга айлантиради. Икки шоир мисралари пайвандидан иборат шеър пайдо қилинади. Ғазалнинг ҳар бир байти олдидан ўзининг уч мисрасини қўшади. М. шоир учун фикр-хаёлларини чуқурроқ ифодалаш, бошқа шоирлар б-н мусобақалашиш, куч синаш, баҳслашув воситаси бўлган.

М.нинг ўзбек шеъриятидаги илк намуналари Ҳофиз Хоразмий ва Гадоий девонларида учрайди. Навоий даврида унинг тазмин намуналари яратилган. М. ниҳоясиз, аниқса 17-а.дан бошлаб тез ривожланган. Мажраб, Вафоий, Увайсий, Нозира, Маҳзуна, Мунис, Фурқат, Хирамий, Муқимий ва б. шоирлар мумтоз М.лар яратганлар. М. 20-а. шеъриятида ҳам анъана сифатида давом этди. Мас., Собир Абдулла, Чархий каби шоирлар бошқа шоирларнинг ғазалларига М.лар боғлаганлар.

МУХАММАС (мусиқада) — 1) Ўрта аср Шарқ мусиқа назариясида *наҳо* даврa (усул)ларидан бири; 2) Шашмақом ва Хоразм мақомлари туркумларининг чолғу бўлимларидан ўрин олган асосий қисмлардан бири. М.ларнинг доира усули давомли ва мураккаб бўлиб, 2/4 ёки 4/4 ўлчовида 16 тактни ташкил этади. Шашмақом таркибида 16 М., Хоразм мақомлари таркибида 10 М. мавжуд. Барча М.ларда бозғўи ва хоналар ҳажми тенг келади. Усули 5 ритмик бўлаклардан ташкил топгани учун (мас., Хоразмда 4+3+2+3+4) М. номини олган бўлса керак. Композитор М. Маҳмудов анъанавий мусиқа тор М. Маҳмудов анъанавий мусиқа тор ижодиёти қонуниятларидан унумли ижодиёти қонуниятларидан унумли фойдаланиб камер оркестр учун 2 фойдаланиб камер оркестр учун 2 қисмли «Муҳаммас ва Уфар» 1, 2, 3 қисмли «Муҳаммас ва Уфар» 1, 2, 3 асарларини яратди. асарларини яратди.

МУХАТОВ Вели (Велимуҳаммад) [1916.22.4 (5.5), ҳоз. Ашхобод тумани] — туркман композитори, миллий композиторлик мактаби асосчиларидан. Москва консерваториясини тугатган (1951). Туркманистон композиторлар уюшмаси раиси (1954—59). Ашхобод уюшмаси раиси (1954—59). Ашхобод консерваториясини проф. (1987). Ижодида туркман халқ мусиқа меросига хос куй-оҳанглардан кенг фойдаланиб, куй-оҳанглардан кенг фойдаланиб, ўзларини профессионал маҳорат б-н замонавий ифода воситалари ёрдамида қайта ишлаган. «Туркманча сюита» (1950), «Менинг Ватаним» симфоник поэмаси (1951), «Маҳтумқули ҳотира» симфонияси (1974), «Қонли сига» симфонияси (1974), «Қонли айиргич ниҳоясиз» операси (1967) каби йирик асарлар, шунингдек, халқ чолғулари оркестри учун поэма, қўшиқ ва романслар, бадиий ва ҳужжатли фильмлар учун мусиқалар яратган. Маҳтумқули номидаги Туркманистон Давлат мукофоти совриндори (1972).

МУХБИР (араб. — хабар берувчи, хабарчи) — 1) таҳририят таркибида журналист сифатида хизмат қилувчи ходим; 2) бевосита таҳририятда ишламайдиган, аммо оммавий ахборот воситаларида мунтазам ижодий ҳамкорлик қилувчи шахс; 3) бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқиш уюштирувчи газ., жур., радио, телевидение таҳририяти ходими (жамоатчи М.).

МУХОЛАФАТ, мухолифат (араб. — геокарилашиш, келишмовчилик) — расмий ҳукумат, унинг сиёсати б-н келишмай бошқача сиёсий йўл тутиб, фаолият юритиш. М.нинг мавжудлиги фуқаролик жамиятининг сиёсий маданиятини белгилаб берувчи муҳим хусусият ҳисобланади. М. бўлишининг асосий талаблари қуйидагилардир: ҳокимиятни бошқариш, ташкил этиш бўйича ўз дастурига, ўз «команда»сига, ўз фаолитининг ғоявий, мафкуравий асосига эга бўлиш; амалдаги ҳуқуқий нормалар асосида фаолият олиб бориш; ўз дастурини мафкуравий йўллар б-н кенг жамоатчиликка етказиш; ўз электорати (сайловчилар доираси)га эга бўлиш, улар манфаатини кўзлаб қонун доирасида кураш иш; ҳал қилиниши керак бўлган вазифаларни очиш учун альтернатив (муқобил) йўлларни таклиф этиб, унинг тўғрилигини амалда исботлашга ҳаракат қилиш.

Ҳоз. даврда М.нинг ривожланган шаклини Буюк Британия ва АҚШда кўриш мумкин. М. бу мамлакатларда ҳар томонлама қўллаб-қувватланади, унинг рақбарлари расмий лавозимларга ҳам тайинланади.

Ўзбекистонда М.нинг вужудга келиши, фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди, бу асослар тобора ривожлантириб борилмоқда. ЎзР Конституциясида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек, ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолафатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас» (34-модда), деб ёзиб қўйилган. Чунки М.нинг бўлиши, унинг амалдаги

қонун ва тартиботлар доирасида фаолият юритиши жамият ривожига катта ҳисса қўшади. М. ўзининг ғоялари, таклифлари, дастурлари б-н расмий ҳукумат кўрмаган томонларга инора қилиб туради. Бунинг натижасида расмий ҳукумат яхшироқ ишлашга, доимо изланиб, олдинга интилишга ҳаракат қилади.

Сафриддин Жўраев.

«МУХТАСАР» — Заҳириддин Муҳаммад *Бобур*нинг аруз вазни назарияси ҳақидаги асари (тахм. 1521—23). Манбаларда «Мухтасар», «Рисолаи аруз» деб ҳам юритилади. Унда аруз вазнидаги барча ютуқ ва камчиликлар кўрсатилган. Бобур арузнинг баъзи ноаниқ масалаларига аниқлик киритди ва уни янги фикрлар б-н бойитди, ўзбек, араб, форс арузларини бир-бири б-н қиёслаб, аруз вазнининг 248 турини аниқлади.

Бобур арузда зиҳофлар сонини 44 тага етказди. У тақтиъ бобида эски ўзбек тили фонетик меъёрлари асосида Навоийнинг «Мезон ул-авзон»ида ишлаб чиқилган арузнинг қонун-қоидаларини тизимга солиб, баъзи бахрлар орасида ўхшашликлар топди ва янги доира ихтиро қилди. Асарда қўшиқларнинг тарихий, туркий, ўланг, шунингдек, туюқ ва унинг ранг-баранг турлари ҳақида янги фикрлар айтилган. Бобур бу асари б-н ўзбек шеъриятида қўлланадиган аруз бахрларининг кўп янги вазн, зиҳоф ва фарқларини аниқлади. «М.»да рукнлар тўлиқ берилган. Уларнинг сонини аниқлашда талаффуз ҳисобга олинган. «М.» вазнларнинг кўплиги ва уларга берилган изоҳларнинг аниқлиги б-н бошқа асарлардан ажралиб туради. Рисоланинг котиб Хожи Муҳаммад Самарқандий кўчирган (1533—34) ягона қўлёзмаси Париж Миллий кутубхонасида сақланмоқда.

Нашрлари: Мухтасар, Т., 1971; Трактат об арузе, М., 1972.

МУХТОРИЯТ — конституциявий ҳуқуқда бирон-бир ҳудуднинг унга конституция йўл қўйган чегараларида давлат ҳокимиятини мустақил амалга ошириш ҳуқуқи. М. марказлашган тизимдан марказлашмаган тизимга ўтишнинг муайян даражасини билдиради, аммо бу — федератив давлатдагига нисбатан камроқ даражада бўлади. 20-а. бошларида Туркистон жадидлари М. ҳаракатига мустақил давлат тузиш йўлидаги алоҳида босқич сифатида қараганлар ва бу йўлда курашганлар (қ. *Туркистон мухторияти*). Россияда большевиклар ҳокимият тепасига келгач, дастлаб Туркистон Автоном (Мухтор) Совет Республикасини ташкил қилишди (1918 й. 30 апр.). Ўзбекистон ССР тузилгач, унинг таркибида Қорақалпоғистон АССР (1936 й. 5 дек.дан) бўлган.

М. кенг маънода — бирон-бир илмни муассаса (мас., ун-т), турли ташкилотларнинг муайян масалаларини ўз ҳолича, мустақил ҳал қилиш ҳуқуқи.

МУХТОРОВ Абдураҳим (1931.1.1, Самарқанд) — кулол, майда шакллар устаси. Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1998). Уста У. *Жўрақуловдан* ҳунар ўрганган. 1962 й. дан мустақил ишлайди. М. Самарқанд кулолчилиги (майда ҳайкалтарошлик)да мавзули композициялар йўналишига асос солди. Ижодида халқ анъаналарини ривожлантирган. М.нинг асарларида халқ оғзаки ижодига хос жўшқинлик, бетакрор ҳазил руҳи ўз акси-

Уста Абдураҳим Мухторов.

ни топган. Терракота усулида кундалик маиший ҳаёт, халқ оғзаки ижоди манзараларини акс эттирган миллий ўйинчоқлар (одамлар, ҳайвонлар ва б.) яратган: «Чойхоначи», «Бешик», «Бозорда», «Фарҳод ва Ширин», «Улоқ», «Хўжа Насриддин», «Туя ва бўталоқ», «Машшоқ ва қиз», «Ота» ва б.

1982 й.дан Самарқанд ш. ўқувчилар уйида кулолчилик тўгарагини бошқаради. Кўплаб шогирдлар тайёрлади. М. асарлари б-н республика ва чет мамлакатлар кўргазмалари (Япония, Германия, Швейцария, Москва ва б.)да иштирок этади; асарларидан намуналар республика ва чет мамлакатлар музейларида сақланади.

МУХТОРОВ Асрол (1948.21.11, Тошкент) — ганчкор уста, наққош; Ўзбекистон халқ устаси (1999). Уста Маҳмуд *Усмоновдан* ҳунар ўрганган; устози б-н бирга ишлаб (1966—79), республикалаги жамоат бинолари ва хусусий турар жойларни безашда қатнашади. Республика ўқувчилар ва ёшлар саройидаги ганчкорлик тўгарагига раҳбарлик қилди (1975). 1979 й.дан ганчкорлар бригадасига бошчилик қилиш б-н мустақил фаолиятини бошлади. Фаолиятида ганчкорлик, кулоллик ва наққошликни уйғун ҳолда олиб бориб, безаклар яратди. «Салом» чойхонаси (Қашқадарё), «Дилором» қаҳвахонаси (Тошкент) ва б. жамоат биноларини ганч ўймакорлиги б-н безади. Тошкент

Уста Асрол Мухторов.

шлари Ўзбекистон ташқи ишлар вазирлиги, Тошкент ш. ҳокимияти, «Туркистон» саройи, Бинокимиал маданият маркази, Олий Мажлис, Фарғонадаги «Ал-Фарғоний» театри залн ва б. бинолари ганч ўймакорлиги б-н безалн. М. кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

Ак. Уста ва шогирд олови, Т., 1999.

МУХТОРОВ Дилшод Тоҳирович (1975.4.1, Тошкент) — мерган, халқаро миқёсдаги спорт устаси (1997). «Ўзбекистон ифтихори» (2001). Атланта (АҚШ)да бўлиб ўтган жаҳон кубоги мусобақасида (2001) кичик калибрли тўппончча (МП)дан 50 м масофада ўқ узишда олтин медални қўлга киритди. М. ЎзМУ нинг амалий мат. факультетини тугатган (1997). Ўзбекистон ФА «Кибернетика» илмий ич. бирлашмаси ин-тининг илмий ходими (1997 й.дан). М. Ўзбекистоннинг кўп карра чемпиони (1990—92, 1994, 1997, 1999—2002). Марказий Осиё ўйинлари (1995, 1999) голиби, Осиё ўйинлари (1998, Бангкок) кумуш медали совриндори. Бундан ташқари, бир неча халқаро турнирларда (1991, Львов, 1-ўрин; 1991, Минск, 2-ўрин; 1999, Атланта, 2-ўрин), Олимпиада мусобақаларида (2000, Сидней, 5-ўрин) муваффақиятга эришган.

МУЦИНЛАР (лот. mucus — шиллиқ) — *гликопротеидлар*га мансуб углевод-оқсилли бирикма, шилимшиқнинг асосий таркибий қисми, шиллиқ модда. Одам ва ҳайвонларнинг нафас, овқат ҳазм қилиш, сийдик-таносил йўллари шиллиқ қаватларидаги, шунингдек, жағ ости, тил ости сўлак безларидаги эпителиал ҳужайраларидан ажралади. Чўзилувчан масса, протеолитик ферментлар таъсирига чидамли. М. оғиз бўшлиғи ва меъда-ичак йўли шиллиқ қаватини турли механик ва кимёвий таъсирлардан сақлайди.

МУЧАЛ, мучал йил ҳисоби — Шарқий ва Марказий Осиёда кенг тарқалган йил ҳисоби. М. асосида милоддан 2000 йиллар олдин киритилган хитойларнинг циклик календари ётади. 60

йиллик цикл б-н йилнинг номлари қантариладиган бу тақвим аслида Қуёш — Ой календари (қ. *Календарь*) бўлиб, у Ойнинг Ер атрофида айланиш даврига (бу давр синодик ой дейилиб, 29,53 суткага тенг) ва тропик йилга (365,2422 сутка) таянади. Йилнинг узунлиги оддин йилларда 12 ойлик бўлиб, 354 кунга, кабиса йилларда эса 13 ойлик бўлиб, 384 кунга тенг. 60 йиллик цикла қайси йил 12 ойлик, қайсиси 13 ойлик (эмболисмик) бўлиб келиши тартиби маълум Ой фазаси (мас., янги ой) йилнинг аниқ бир санасига тўғри келиш даврига (бу давр 19 йилга тенг бўлиб, унинг ихтирочиси шарафина Метон даври ёки цикли дейилади) кўра аниқланади. 19 йиллик циклнинг 2-, 5-, 7-, 10-, 13-, 15- ва 18-йилларида 13-ой қўшилиб, қолганлари оддий — 12 ойдан иборат бўлади. 20-асда ушбу календарнинг 19-йиллик циклларн бошн 1924, 1943, 1962, 1981, 2000 йилларга тўғри келди. Қад. Хитой календарида 60 йиллик цикланинг келиб чиқиши тарихи қуйидагича. Қад. да Олам 5 та — сув, олов, тупроқ, металл ва ёғоч каби унсурлардан ташкил топган ҳамда улар ижобий ва салбий хусусиятларини мужассамлантирган, деб қаралар эди. Бу 5 унсур ўзининг 2 хусусияти б-н «Осмон шоҳобчаси» белгилари (изя, и, бин, дин, у, цзи, гэн, син, жен, гуй) орқали ифодаланган. 60 йиллик цикланинг пайдо бўлишида ана шу 5 унсур уни ташкил этувчи кўпайтирувчилардан бири бўлиб, иккинчиси — 12 эса осмоннинг энг ёруг «йўлдуз»ларидан бўлган Юпитер *(Муштарий)*нинг йилларида ифодаланган давридан олинган.

Юпитернинг 12 йиллик ҳаракат йўли 30° дан қилиб 12 бўлакка бўлинган (30°×12=360°) ва ҳар бир бўлагига «ер шоҳобчаси» деб аталувчи 12 ойнинг белгилари (цзи, чоу, ин, мао, чэн, си, у, вэй, шэн, юй, сюй, хай) қўйиб чиқилган. Кейинчалик милод бошларида бу белгиларга ушбу ҳайвонларнинг номлари қўшиб қўйилган: каламуш, сигир, йўлбарс, қуён, аждаҳо, илон, от, қўй, маймун, товуқ, ит, чўчқа. Булар Қуёшнинг йиллик кўринма ҳаракати йўлида жойлашган (*зодиак* соҳа деб юритилувчи соҳада) ушбу юлдуз туркумлари эгаллаган ҳудудларга мос келади: Ҳамал, *Савр, Жавзо, Саратон, Асад, Сунбула, Мезон, Ақраб, Қавс, Жадий, Дало* ва *Ҳут*. Оқибатда қад. хитойликлар «осмон шоҳобчаси» ва «ер шоҳобчаси» белгиларидан ташкил бўлган ва 60 (12×5) йилни ўз ичига олган циклик жадвал-тақвимни тузганлар. Мазкур тақвимда маълум йил — «осмон шоҳобчаси»нинг вертикал ўқини ва «ер шоҳобчаси»нинг горизонтал йўли кесишган катакда жойлашиб, қўшма — «қуён-олов», «маймун-металл» ёхуд «от-сув» каби номлар б-н аталадиган бўлган ва айнан шу номларга мос равишда, 60 йилдан сўнгина қайтарилган. 60-йиллик циклга эга бўлган бу тақвим ҳоз. кунда Хитой, Япония, Корея, Вьетнам ва Мўғулистонда қўлланади. Хитой ва Кореяда «осмон шоҳобчаси»ни ташкил этган унсурлар иккиламчи — ижобий ва салбий (баъзи икки жинс — эр ва аёл) хусусиятларига кўра иккига бўлингани ҳолда, Японияда улар ёш хусусиятларига кўра — катта ва кичик ном б-н, Мўғулистонда эса 5 унсур фақат рангларн б-н кўк (баъзан яшил), қизил, сариқ, оқ ва қора деб қўлланилади (жадвалга қ.).

Қад. ёзма манбаларда кўрсатилишича, М.нн дастлаб *Юнон-Бақтрия подшолиги* даврида (мил. ав. 250— 140-ёхуд 130й.) кўчманчи чорвадор халқлар яратган, сўнгра Мўғулистон, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Миср, Ироқ, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё мамлакатлари ва б. мамлакатларга тарқалган. Бу ҳисобнинг ватани Хитой ва Миср деган маълумотлар ҳам бор. Кишиларнинг тутилган йилларини ҳайвонлар номи б-н аташ одати айрим ҳайвонларга сиғиниш асосида келиб чиққан: 12 йиллик ҳисобга киритилган ҳайвонлар «хосиятли» ва «муқаддас» ҳисобланган. Қайси мамлакатда қандай ҳайвонга кўпроқ сиғинилса, шу ҳайвон мазкур йиллик ҳисобга киритилган. Мас., Хитойда балиқ ўрнига афсонавий аждаҳо, Африкадаги баъзи халқлар орасида балиқ ўрнига тимсоҳ, Миср да сичқон ўрнига мушук, от ўрнига эшак ва ҳ.к. қўлланган. Ўрта Осиё мамлакатлари, Мўғулистон, Хитой ва б. мамлакатларнинг халқлари орасида турли буюмларни М. йил ҳисобига ки-

Мучал йил ҳисоби

"Осмон шоҳобчаси" унсурлари	Ранги	Жинси		Мучал йил ҳисобида номи	Янги йил кирадиган кун	Григорий календари бўйича йил	60 йиллик цикл бўйича тартиб рақами
		Аёл (салбий)	Эр (ижобий)				
Сув	Қора		+	От	12.02	2002	19
Сув	Қора	+		Қўй	01.02	2003	20
Ёғоч	Кўк		+	Маймун	22.01	2004	21
Ёғоч	Кўк	+		Товуқ	09.01	2005	22
Олов	Қизил		+	Ит	29.01	2006	23
Олов	Қизил	+		Чўчқа	18.02	2007	24
Ер (тупроқ)	Сариқ		+	Сичқон	07.02	2008	25
Ер (тупроқ)	Сариқ	+		Сигир	26.01	2009	26
Металл	Оқ		+	Йўлбарс	14.01	2010	27
Металл	Оқ	+		Қуён	13.02	2011	28
Сув	Қора		+	Балиқ	23.01	2012	29
Сув	Қора	+		Илон	10.02	2013	30
Ёғоч	Кўк		+	От	31.01	2014	31
Ёғоч	Кўк	+		Қўй	19.02	2015	32
Олов	Қизил		+	Маймун	08.02	2016	33
Олов	Қизил	+		Товуқ	28.01	2017	34
Ер (тупроқ)	Сариқ		+	Ит	16.02	2018	35
Ер (тупроқ)	Сариқ	+		Чўчқа	05.02	2019	36

ритилган ҳайвонларнинг тасвири б-н безаш одат бўлган. Олтин ва кумушдан илон шаклида ишланган билагузуклар, балиқ ва б. ҳайвонларнинг тасвири уйиб ишланган мис товоқлар бунга мисол бўлади. Қад. ривоятларга кўра, М. йил ҳисобидаги ҳар бир йилда муайян воқеа-ҳодисалар содир бўлар эмиш. Мас., «илон йили»да қурғоқчилик, қимматчилик бўлар, қиш совуқ келар, «тўнғиз йили»да эса ёғингарчилик кўп, нарх-наво арзон бўлар эмиш. Туғилган боланинг тақдири, феъл-атвори ҳам гўё унинг қайси йилда туғилганлигига боғлиқ экан (хусусан, «куён йили»да туғилган ўғил бола яхши киши бўлиб етишиб, фойдали ишлар қилади, узоқ, балавлат ҳаёт кечиради ва ҳ.к.).

МУШАК САБЗИ, Мушак 195 — эртапишар сабзи нави. Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик и.т. ин-тида яхшиланган маҳаллий нав. 1947 йдан р-нлаштирилган. Барглари бўзранг, баъзан саргиш-яшил, қалин, майин тукли. Сабзиси шакли калта, учи тўмтоқ, баргларга яқин қисми яшил, ерга қаралиб турган қисми, эти ва ўзагининг ранги сариқ. Уз. 8—13 см, диаметри 3,5—4,0 см, ўзаги кичик, ингичка сершув. Ўзбекистонда етиштириладиган сариқ сабзилар орасида энг ширини. Вазни 30—43 г, қуруқ модда миқдори 14%, қанд 11,9%. Ҳосилдорлиги 190—200 ц/га. Уруғи униб чиққандан сўнг 85—95 кунда пишиб етилади. Ноқулай об-ҳаво шароитида эркаклаб кетишга мойил. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида р-нлаштирилган. Тошкент вилоятида кўп экилади. Озиқ-овқат ва консерва саноатида ишлатилади.

МУШАКЛАР — қ. *Мускуллар.*

МУШАРРАФ Парвиз (1943.11.8, Деҳли) — Покистон давлат арбоби, генерал-лейтенант (1995). 1975—61 йларда Карочи ва Лоҳурдаги билим юртларида, Буюк Британия Қироллиги Мудофаа тадқиқотлари коллежида ўқиган. Покистон ҳарбий академиясини тугатган (1964). 1964 йдан Покистон қуролли кучлари сафида. 1965—71 йларда махсус «Коммандос» батальони,1991 йдан пиёда қўшинлари дивизияси, 1995 йдан корпус қўмондони. 1998 й.окт.дан армия штаби бошлиғи, 1999 й. апр.дан Покистон қуролли кучлари штаб бошлиқлари Бирлашган қўмитаси раиси. 1999 й. 12 окт.даги ҳарбий тўнтариш натижасида ижроия ҳокимият раҳбари. 2001 й. 20 июндан Покистон Ислом Республикаси президенти.

МУШЕЛЬ Георгий Александрович (1909.29.7, Тамбов — 1989.27.12. Тошкент) — композитор, пианиночи, педагог. Ўзбекистонда ҳизмат кўрсатган санъат арбоби (1944). Москва консерваториясини тугатган (1936). Тошкент консерваториясида ўқитувчи, проф. (1976). Ўз ижодида Европа композиторлик (мас., М.Равель, С. Прокофьев) мусиқаси анъаналарини давом эттириб, ўзбек мусиқа меросига хос усул ва оҳангларга, шакл ва услубларга ижодий тавсифини берган. Ўзбекистонда биринчилар қатори симфония (1938), балет, камер мусиқа жанрлари ривожига асос солган. «Фарҳод ва Ширин» операси (В.Успенский б-н ҳамкорликда, 1957), «Мукимий» (1953), «Равшан ва Зулхумор» (Т.Жалилов б-н, 1957) каби мусиқали драмалар, «Раққоса» (1952), «Бахт гули» (1959), «Кашмир афсонаси» (1961), «Самарқанд ҳақида афсона» (1971) балетлари, 3 симфония, фортепиано ва оркестр учун 6 концерт, скрипка ва оркестр учун концерт, орган асарлари, камер мусиқа (жумладан, «24 прелюдия ва фуга», 1975), романс, қўшиқ, кинофильмларга мусиқалар муаллифи. М. рассом сифатида турли жанрларда 100 дан ортиқ тасвирий асар яратган. Тошкентда М. номидаги ёш мусиқачилар танлови ўтказилади (1994 й.дан).

Ад.: Пеккер Я., Георгий Мушель, М., 1966.

МУШК, анор, уфор, мускус — ҳайвон ёки ўсимликларнинг ўткир ҳидли моддаси. Ҳайвон М.и М. безларидан ҳосил бўлади. Ҳайвон ўзи яшаётган ҳудудни белгилашда, ўз турига мансуб бошқа жинсли ҳайвонларни жалб қилишда ва б. ҳолларда кимёвий сигнал вазифасини ўтайди, шунингдек, сувда яшайдиган баъзи сут эмизувчи ҳайвонларда жунини мойлашга хизмат қилади. Ўсимлик М.и коврак илдизи, гулҳайрилар меваси ва б.дан олинади. Ҳайвон М.ининг ҳид берувчи моддаси асоси макроциклик кетонлардан, ўсимлик М.иники — макроциклик лактон (тибетолид, амбреттолид)лардан иборат. М.дан парфюмерия саноатида фойдаланилади. Табиий М. ўрнига кучли ҳид тараладиган синтетик моддалар (мас., ксилол-М., кетон-М. ва б.) ҳам ишлатилади.

МУШКЕТОВ Иван Васильевич [1850.9 (21).1, Алексеевская станицаси, ҳоз. Волгоград вилояти — 1902.10(23).1, Петербург] — рус геологи ва географи. Петербург кончилик ин-тини тугатган (1872), 1877 йдан Геология қўмитаси адъюнкт-проф. 1874—75, 1877—80 йларда Ўрта Осиёнинг геол.сини ўрганиб, бир неча фойдали қазилма конларини очган. Илмий изланишлари натижасини «Туркистон» асарида (1—2 т., 1886—1906) баён этди. М. Ўрта Осиёнинг геологик ва орографик тавсифини ёзди. Сирдарё водийсини ўрганди. 1881 йда Г.Д.Романовский б-н биргаликда Туркистоннинг геологик харитасини тузди. М., шунингдек, Кавказнинг геологик тузилиши, мусиқалар, минерал суғлари ва фойдали қазилмаларини ўрганди. 1887 й. Верний (ҳоз. Олмаота) яқинида бўлиб ўтган кучли зилзиланинг сабаб ва оқибатларини таҳлил этди. М. «Фанлар геология» кўламесини ҳам ёзган (1888—91). М. номига Сибирь, Ўрта ва Марказий Осиёда бир қанча географик объектлар (Мушкетов тоғи, Мушкетов музлиги ва б.) қўйилган.

Ас.: «Физическая геология» т. 1—2, СПб, 1888—91; охирги нашри 1935; Верненское землетрясение 1887, СПб, 1890.

Ад.: Вайнер Л. А., И. В. Мушкетов и его роль познании геологии Средней Азии, Т., 1954.

МУШКЕТОВ МУЗЛИГИ — Марказий Тяньшандаги Саричаз тизмасининг шим.ён бағрида жойлашган тог-водий музлиги. Саричаз дарёсининг бош томонида, кенглик бўйлаб шарқдан ғарбга томон чўзилган. Уз. 20 км чамасида, эни 1—1,8 км, майд. 49,25 км². Музликнинг 5 км узунликдаги пастки қисми морена б-н қопланган. М.м. вақт-вақти б-н балқиб, қуйи томон чўзилади ва кейин яна қисқаради. 20-асрнинг 50-йиллари охирида 2500 м сурилди ва майдони 4 км²га кўпайди. Ҳоз. музлик қисқариб бормоқда. Музлик чеккасидан Алиртўр дарёси (Саричаз дарёсининг чап ирмоғи) бошланади. И. В. *Мушкетов* номи б-н аталган.

МУШКУЛОТ, мушкилот (араб. — қийинчиликлар, оғирликлар) — *Шашмақом* таркибидаги мақомларнинг чолғу бўлимлари. М. одатдаги тасниф, тараннум, гардун, мухаммас, сақил қисмларидан ташқари, ҳар бир мақомнинг ўзига хос чолғу йўлларидан ташкил топади. Шашмақом таркибида жами 46 та чолғу куй мавжуд. Гардун, мухаммас ва сақиллар шу номли доира усуллари жўрлигида ижро этилади. Ўзбек мусиқа меросида мақом мажмуаларига киритилмаган, бироқ М. деб номланган туркумли ва туркумсиз чолғу асарлар ҳам мавжуд. Улар йирик шаклдаги халқ куйлари, кўпроқ мақомларнинг чолғу, баъзида ашула йўллари негизида яратилган (мас., «Мушкилоти Сегоҳ», «Мушкилоти Дугоҳ»). Улибу М.ларнинг

вокал кисмида асосан сурнай мақом йўллари усулсиз куй услубининг таъсири катта.

МУШМУЛА (Mespilus) — розагулдошларга кирувчи мевали дарахт. 2 тури маълум: 1) Япон М.си ёки лоқва — бу доим яшил ўсимлик ватани — Шарқий Осиё. Дарахт бўй. 6—8 м, таналарини ва шохларининг рангги тўқкулранг. Барглари йирик, дағал, шакли узунчоқ, баъзан овалсимон, учи ўткир, қирраси ялтироқ, япроқининг остки томони тукли. М. кеч кузда ёки қиш бошида гуллайди. Гуллари гужумлаб тўпланган бўлиб, жуда ноёк ва хушбуй, ранги оч-сариқ. Меваларн шингил бўлиб, ҳар бир шингилда 12 талан нокеимон ва, баъзан, думалоқ шаклдаги мевалар жойлашган. Меванинг вокеи бир оз тукли. Эти сершув, майин, таъми ширин - нордон. Мева таркибида 39% сув, 0,35% протеин, 0,06% мой, 8,95% сахароза, 0,94% декстроза ва 0,26% кул мавжуд. Ҳар бир мева ичида 2—3 талан йирик уруғи бўлиб, мева оғирлигининг 20—25%ни ташкил этади. Меваси апр. охири — майнинг бошларида пишади. М. дарахти 5—6-йили ҳосилга киради. 8—12 ёшлигида 30—50 кг ҳосил беради. Меваси истеъмол қилинади, консерва саноатида қайта ишланади. Уруғидан ликёр тайёрланади, гули парфюмерияда ишлатилади. 2) Герман М.си ёки оддий М. — бутасимон, баъзан, дарахт шаклида бўлиб, бўйи 3—6 м. Эрон, Кичик Осиё ва Болқон ярим ороллларининг сернам зоналарида, Кавказда, Қримда учрайди ва экилади. Шунингдек, АҚШда ҳам экилади. Ёввойи турларининг новдалари тиканли. Барг шакли ленгасимон ёки тухумсимон, гули якка, йирик, ранги оқ. Меваси данакча, эти қаттиқ, пишгач юмшайди. Таъми ширин. Мева таркибида 10% қанд, 1,1% олма кислотаси, 1,6—11,8 мг% витамин С мавжуд. М.нинг иккала тури ҳам мевали экинларга кирмайди. М., асосан, уруғдан кўпаяди, беҳи ва дўланага пайванд қилиш ҳам мумкин.

МУШОИРА (араб. — шоирлар мусобақаси) — 1) шеърнятнинг ўзига хос жанри. Одатда, ижодий ҳамкорликнинг бир кўринишн. Бу жанрда 2 ёки ундан ортиқ шоир шеър айтишади, ижодий мусобақалашади. Шеър бир мавзу, бир вазн, бир хил қофия тизимида бўлиб, улар ғоявий-эстетик ва поэтик жиҳатдан узвий бирикади ва яхлит асарни вужудга келтиради. Фирдавсийнинг машҳур қаламкашлар — Унсурий, Асжадий ва Фаррухий б-н М. қилиб, ғолиб чиққани ҳақида ривоятлар бор. Гўё шу М.дан кейин Фирдавсий «Шоҳнома»ни ёзишга киришган экан. Ўзбек мумтоз адабиётида М.нинг машҳур намунаси *Фазлий* ва *Маҳзуна* (19-а.) ўртасида бўлиб ўтган айтишув (газал)дир.

М. оғзаки ёки ёзма тарзда яратилиб, халқ ижодиётида ҳам кенг тарқалган. М.га монанд жанр бошқа халқларда ҳам бор (мас., қозоқ ва қирғизларда «айтишув»); 2) шеърхонлик, адабиётчилар йиғини.

МУШРИКИЙЛИК (араб. — шериклик) — қўнҳудоликнинг араб қабилалари ўртасида ислом вужудга келишидан олдин кенг тарқалган содда шакли. Мушрикий қабилалар турли санам, тош ва ҳ.к.га, шунингдек, бир қанча эркак ва аёл худоларга эътиқод қилган. М. тушунчаси Қуръонда худони якка деб эътироф этмай, унинг шериклари бор, яъни худолар кўп, деб тасаввур қилинадиган қабилавий динлар таъсиротига нисбатан ишлатилган. Муҳаммад (сав) яккахудолик таълимотини тарғиб қилиб, М.ни қоралаган, ислом таълимоти М.ка қарши кураш жараёнида шаклланган (ина қ. *Ширк*).

МУШРИФ (тахаллуси; исми Мирзо Қаландар) (? — Исфара — 1825) — шоир ва олим. Қўқон мадрасасида ўқиган. 1818 йдан *Умархон* саройида ланкар қозиси вазифасини бажарган. *Муҳаммад Алихон* даврида Исфарада қози бўлган. Форсий ва туркийда ижод қилган. Газал ва қасидаларида Умархонни мадҳ этган, табиат гўзалликларини тасвирлаган, инсоф ва адолатни улуғлаган.

М. Умархон таклифи б-н «Шаҳнома»йи нусратиаём» («Ғалабадан хабар берувчи Шоҳнома») асарини ёзган (1822). Асар *Фазлий*нинг «Умарнома» достони асосида яратилган. Унда Умархоннинг болаликдан вафотига қадар ҳаёти акс эттирилган. Асар 19-а. Қўқон адабий муҳитини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. М. шеърларидан намуналар Фазлийнинг «Мажмуаи шоирон» тазкирасида учрайди. «Рисолайи аскарий» китоби ҳамда диний мавзудаги «Далойил ул-ҳайрот» асарининг арабчадан форсийга қилган таржимаси ҳали топилмаган. «Шаҳномайи нусратиаём»нинг қўлёзмаси Россия ФА Осиё мамлакатлари ин-тининг Санкт-Петербург бўлимида (инв. № 471) сақланади.

Ад.: Қайюмов П., Тазкирайи Қайюмий, Т., 1998.

МУШРИФ (араб. — бошқарувчи) — 1) *Сомонийлар* даврида сарой иш бошқарувчиси (девони М.); 2) *Байҳақий*нинг маълумотига кўра, *ғазнавийлар* даврида (11-а.) —а) давлат назоратчисидан тортиб, алоҳида идора ёки муассасани текширувчи оддий назоратчигача тушунилган турли даражадаги расмий мансабдор шахс. Унинг вазифаси — иш саблор шахс. Унинг вазифаси — иш юритишини кузатиб бориш ва турли хилдаги суиистеъмолларнинг олдини олиш бўлган; б) подшоҳ хонадони аъзолари, амалдорлар ва айрим кишиларнинг орқасидан яширин равишда кузатиб юриш учун тайинланган махфий жосус (хуфия) ва ҳабарчи; 3) 12—13-асрларда *Хоразмшоҳлар давлати*да молия-назорат бошқармаси (девони ул-ишроф) да хизмат қилувчи амалдор; 4) 16—17-асрларда *Бухоро хонлиги*да хазинадан бериладиган совға-саломларни ажратувчи, ҳисобга олувчи амалдор; 5) Мирза Бадеъ Девоннинг «Мажмаул-арқом» асарида айтилишича, Бухоро амирлигида М. —а) олий давлат назоратчиси (М.и калон); б) амирнинг шахсий котиби; в) 19-асрнинг 50-йилларига қадар *Хива хонлиги*да мол, маҳсулот (натура) б-н йиғиладиган солиқни бошқарувчи амалдор.

МУШТАРИЙ (тахаллуси; исми Саодат) (1810/11, Қўқон — ?) — шоира. Худоёрхон саройида котибалик, муншийлик қилган. Шеърларида кишиларни яхшилик, камтарлик, поклик ва адолатга чақирган. Ижодида достончилик ва қисса навислик етакчи ўринда туради. Шоира халқ оғзаки достонларининг ёзма шеърий намунасини яратган. «Маликаи Дилором» достони оғзаки адабиётдаги «Орзигул» достонига мазмунан яқин. М.нинг «Маликаи Дилором» достони ва халқ қўшиқлари усулида ёзилган ғазаллари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида (инв. № 9922) сақланади.

МУШТАРИЙ (араб.) — *Юпитер* сайёрасининг арабча номи.

«МУШТУМ» — ҳажвий журнал. Тошкентда ойда 1 марта чиқади. «М»нинг 1-сони 1923 й. 18 февда «Туркистон» газ.га илова (3 минг нусхада), 1924 йдан «Қизил Ўзбекистон» нашри сифатида чоп этилган. Жур.нинг 1-сонида унинг ташкилотчиларидан Абдулла Қодирийнинг «Муштум таърифида» деган бош мақоласи берилган. Мазкур мақолада «М.»нинг йўналиши белгиланган: «Бу «Муштум» зўрлик муштуми эмас, ҳақлик муштумидир, бу «Муштум» золимлар муштуми эмас, мазлумлар муштумидир. Шунинг учун бунинг маъноси ҳам бошқачадир...»

«М.»га турли даврларда ижод қилган Ғози Юнус, Чўлпон, Ҳожи Муин, Рафиқ Мўмин, Ғафур Ғулом, Комил Алиев, Абдулла Қаҳҳор, Носир Сани, Ғайратий, Собир Абдулла, Сани Аҳмад, Анвар Муқимов, Ҳуломберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон ва б. ижодкорлар ўз асарлари б-н иштирок этган. «М.» да чоп этилган кўпгина ҳажвий асарлар адабиётимизнинг бебаҳо дурдоналарига айланган. Мас., Ғ. Ғуломнинг «Шум бола»си, А.Қаҳҳор, С. Ахмаднинг энг сара

ҳажвиялари, Э.Воҳидовнинг «Донишқишлоқ ҳангомалари», А. Ориповнинг «Жаннатга йўл» драмаси. Юзлаб танқидий мақолалар, фельетонлар жамиятни турли иллатлардан тозалашда «М.»нинг асосий қуроли ҳисобланган. Ҳалол ва ошкора танқид жамият ва одамлар учун ҳақиқий малҳам бўлишига эришиш жур.нинг бош мезони ҳисобланади. Жур. ўз фаолиятида турли ижодий шакллардан, жумладан Насриддин Афанди, Алдар Кўса каби халқ оғзаки ижодидаги образлардан кенг фойдаланади. Унинг саҳифаларида муҳим воқеаларга бағишланган фельетон, памфлет, ҳажвия, ўртоқлик ҳазиллари ва б. қизиқарли танқидий материаллар ёритилади.

«М.» ўз карикатуралари б-н ҳам машҳур. Унинг биринчи рассоми Иштван Тулля бўлган, кейинчалик жур.да турли йилларда Т.Муҳамедов, Д. Синицкий, М. Воробейчиков, Н.Иброҳимов, А.Холиқов, С. Субҳонов, А.Қамбаров, С.Салоҳиддинов, Ҳ.Содиқов ва б. ишлади. «М.»га Ғози Юнус, Зиё Саид, Ғ.Ғафуров, Ҳусайн Шамс, Ж. Маҳмудов, М. Муҳамедов, Акмал Пўлат, З.Йўлдошев, Мирмуҳсин, Иброҳим Раҳим, Н. Аминов, Мақсуд Қориев ва б. муҳаррирлик қилган. 1998 й. 28 авг.да жур.нинг ҳафталик иловаси —«Афанди» газ. ташкил этилган. Газ.да давринниг долзарб муаммолари, танқидий мақолалар ҳам кенг ёритилади. Ҳоз. «М.»нинг бош муҳаррири Ашурали Жўраев (1996 й.дан). Адади 10000 (2003).

Ашурали Жўраев.

МУШУККЎЗ — минерал, 1) хризобериллнинг қимматбаҳо хили (цимофан); 2) *кварц*нинг яшилроқ, кулранг, оч сариқ рангли, асбест ва б. толали ҳамда игнасимон минераллар қўшилган хили. Ипаксимон товланади. Қаттиқлиги 7; зичлиги 2,6 г/см³. Безак тошлари сифатида ишлатилади. Сайқал берилганда йўл-йўл товланади. Ўзбекистонда ҳозирча топилмаган.

МУШУКЛАР (Felis) — *мушуксимонлар* оиласига мансуб йиртқич сут эмизувчилар уруғи. Бўйи думғаза қисмида яғринига нисбатан баланд. Тирноқлари тўлиқ тортилади. Евросиё, Африка, Шим. ва Жан. Америкада тарқалган; 30 тури, жумладан, Ўзбекистонда 6 тури (силовсин, қорақулоқ, тўқай мушуги, манул, қум мушуги, ёввойи мушук) бор. Куйикиш даврида эркаклари баланд овоз б-н миёвлайди ва бир-бири б-н уришади. Йилига 2 марта 1—7 тадан болалайди. Янги туғилган боласининг кўзи юмуқ бўлади. М.нинг кўпчилик турлари майда сут эмизувчилар (кемирувчилар) ва қушлар б-н, Суматра М. и ўсимликлар меваси, балиқчи М., асосан, балиқ б-н озиқланади. Айрим турларининг (мас., силовсин) мўйнаси қимматбаҳо. Ливия М.и кенжа тури барча хонаки М.нинг насл боши ҳисобланади. Хонаки М. кемирувчиларни қириб, фойда келтирса, қушларни еб зарар келтиради. 7 тури ва 4 та кенжа тури Халқаро Қизил китобга, Ўзбекистонда учрайдиган барча турлари ҳам Қизил китобга киритилган (яна қ. *Хонаки мушуклар*).

МУШУКСИМОНЛАР (Felidae) — йиртқич сут эмизувчилар туркуми оиласи. Катталиги ҳар хил. Боши юмалоқ, думи одатда узун. Оёқлари нисбатан узун, бармоқларида юради. Олдинги оёқлари 5 бармоқли (1-бармоғи бошқаларидан баландроқда жойлашган), орқа оёқлари 4 бармоқли. Тирноқлари юрганида оёғи ичига тортилади (гепардларда тортилмайди). Йиртқич, тунда фаол ҳаёт кечиради, йиртқич тишлари яхши ривожланган, озиқ тишлари ўткир қирғали. Жуни одатда қисқа, ҳар хил рангли. 4 уруғ (йирик мушуклар, *мушуклар*, қор қоплонлари, *гепард*лар), 36 тури Австралия ва Антарктидадан ташқари барча қитъаларда тарқалган. Ўзбекистонда 8 тури (ирбис, гепард, *силовсин, қорақулоқ*, тўқай мушуги, манул, қум мушуги, ёввойи мушук) яшайди. Кўпчилиги йилига бир марта 1—7 тадан бола туғади. Ўлжасига пана жойда пойлаб туриб ташланади. Кўпчилик тури тутқинликда ҳам кўпаяди. Айрим турлари мўйнаси учун овланади; чорвачиликка қисман зиён келтиради. 15 тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

МУШУКТИРНОҚ (Astragalus corrugatus) — дуккакдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт. Поясининг уз. 5—15 см, тубидан шохланади. Барги тоқ, патсимон мураккаб. Гули бинафша ранг, тўпгули шингилсимон. Дуккагининг уз. 2—4 см, эни 2—2,5 мм, ёйсимон эгик, учи илгаксимон қайрилган, мушукнинг тирноғини эслатади (номи шундан олинган). Уруғи 14—20 та. Апрелда гуллаб, майда уруғлайди. М. Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё ва Қорақалпоғистоннинг қумли ерларида ҳамда тоғ ён бағирларида тарқалган.

МУШУКЎТ, сассиқматал (Adonis parviflora) — айиқтовондошлар оиласига мансуб бир йиллик ўт. Бўйи 50—60 см. Барги патсимон, туб барглари қисқа бандли, поядагилари бандсиз. Гули майда, қизғиш. Меваси шохларининг учида. Ўзбекистонда тоғ этакларида ва адирларда, экинлар орасида, ташландиқ ерларда ва йўл ёқаларида ўсади. Апрелда гуллайди, июнда мевалайди. Пои ва баргларида сапонин, гликозидлар бор. Бу моддалардан тиббиётда турли касалликларни даволашда фойдаланилади.

МУШУКҚУЙРУҚ (Alopecurus) — буғдойдошлар оиласига мансуб кўп йиллик, баъзан бир йиллик ўсимликлар туркуми. Бошоқлари бир гулли, меваси — гул қипиғи б-н бирга тўкилгандек тарқалади. 50 та яқин тури маълум. Иккала ярим шарнинг мўътадил ва совуқ иқлимли минтақаларида, тропик тоғли р-нларда ўсади. Кўпчилигидан ем-хашак тайёрланади. Ўрта Осиёда яйлов мушукқуйруғи ва хушнак кўп тарқалган.

МУШФИҚИЙ Абдурраҳмон (1525 — Бухоро —1588) — шоир. Бухоро мадрасаларида таълим олган. 1564 й.гача Бухорода яшаган. 1568—72 й.ларда Самарқанд ҳокими Султон Саид саройида китобдор бўлган. 1572—73 й.ларда Ҳиндистонда Акбаршоҳ саройида, 1578 й.дан Бухоро амири Абдуллахон саройида хизмат қилган ва «Малик уш-шуаро» унвонини олган. М. бой адабий мерос қолдирган. Шоирнинг ҳажвия, ғазал ва қасидалари «Девони мутойибот», «Девони ғазалиёт», «Девони қасоид», «101 тугун» («Саду як бувад») кабиларда жамланган. М. гўзаллик ва муҳаббат ҳақида «Эрам боғи», шунингдек, «Соқийнома» ва «Жаҳоннома» каби поэтик асарларни яратган. М. асарлари халқ орасида кенг тарқалган ва унинг ўзи ҳам Мулла Мушфиқий номи б-н тожик халқ латифалари қаҳрамонига айланиб кетган.

Ад.: Мунтахабот, Душанбе, 1958; Избранные стихи и поэмы, М., 1973.

Мушуксимонлар: *1* — гепард; *2* — қор қоплони; *3* — силовсин; *4* — ёввойи ўрмон мушуги; *5* — леопард.

Ад.: Бертельс Е. Э., История персидско-таджикской литературы, М., 1970.

«МУШФИҚИЙ» — ҳажвий журнал. «Овози тожик» газ.га илова тарзида Самарқанд ш.да 2 ҳафтада 1 марта чиққан. Жур. дастлаб 1926—29 й.ларда «Мулла Мушфиқ» номи б-н аталган. 1930 й.да қайта ташкил этилиб, «М.» номи б-н 1937 й.гача мунтазам чиқиб турган. Жур. номи форс-тожик тилида ижод қилган бухоролик шоир Абдурраҳмон Мушфиқий (1525—88) номи б-н боғлиқ бўлиб, у лирик шеърлар б-н бирга халқнинг туз-насибасига шерик бўлган, инсофсиз, диёнатсиз, риёкор кишиларни фош этувчи ичакузди шеърлар ҳам ёзган. Шунинг учун ҳам Мулла Мушфиқий номи тожик халқ латифалари қаҳрамонига айланиб кетган. Жур.да, асосан, самарқандлик ва бухоролик тожикзабон ёзувчиларнинг ҳажвий асарлари босилган. Ҳожи Муин жур.га масъул котиблик қилган.

МУЪИНИДДИН НАТАНЗИЙ (14-а. 2-ярми — 15-а. боши) — тарихчи олим. Эроннинг Исфаҳон вилоятидаги Натанз қасабасидан. *Давлатшоҳ Самарқандий*нинг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») асарида ёзилишича, 15-а. бошларида Шерозда Мирзо Искандар саройида Ҳайдар Хоразмий, Ҳофиз Хоразмий каби шоирлар б-н бирга М.Н. ҳам яшаб, ижод қилган. 1414 й.дан Ҳиротда яшаган. Бизгача М.Н.нинг форс тилида ёзилган «Мунтахаб ут-таворихи Муъиний» («Муъинийнинг сайланма тарихи») номли асари етиб келган. Бу асар энг қад. замонлардан *Амир Темур* вафотигача бўлган даврдаги Марказий Осиё ва б. бир қатор ўлкалар тарихига бағишланган.

«Мунтахаб ут-таворихи Муъиний»нинг қўлёзма нусхалари Англия, Франция, Россия ва Эрон кутубхоналарида сақланади. Асарнинг илмий жиҳатдан аҳамиятли бўлган сўнгги қисмлари (асосан, 13—14-а.лар тарихи) матнни француз шарқшуноси Жан Обен тарафидан 1957 й.да Теҳронда чоп қилинган. Шунингдек, асардан айрим парчалар француз, рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, турли тўпламларда нашр этилган.

Ад.: Аҳмедов Б. А., Ўзбекистон халқлари тарихи манбалари, Т., 1991; Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида, Т., 1996; Амир Темур жаҳон тарихида [2-нашри], Т., 2001.

МУЪТАЗИЛИЙЛАР (араб. — ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) — исломдаги илоҳиёт оқимларидан бири. 8-а. ўртасида Араб халифалигида вужудга келган. Асосчилари Восил ибн Ато (699—748) ва Амир ибн Убайд (761 й. в.э.). Улар ўз гуруҳи б-н устозлари Ҳасан ал-Басрий (728 й. в.э.) мактабидан ажралиб чиққан.

М. Қуръонни диний ҳақиқатнинг манбаи деб эътироф этади, уни сўзма-сўз эмас, мажозий талқин қиладилар, ривоятларга кўр-кўрона ишонишга қарши чиқдилар. М. қадарийларнинг инсон ироди эркинлиги ҳақидаги таълимотини ривожлантирдилар ва асосладилар. Улар 9-а.да ўзларининг ақидалар тизимини яратдилар. Бунгача ислом давлат дини ва барча учун мажбурий деб эътироф этилган ягона ақидалар тизими бўлмаган. Чунки, дастлабки икки юз йиллик давомида ислом турли фикр, мактаб, мазҳаб, ҳуқуқий фирқалар йиғиндисидан иборат бўлган. Шунингдек, халифалар диний ва сиёсий мухолифатдаги ҳаракат (хорижийлар, шиалар ва б.)га қарши курашувчи мафкуравий қуролга заруратни сезаётган эди. Шунинг учун халифа Маъмун (813—833) М. таълимотини давлат дини деб эълон қилди. Халифа фармони б-н барча қозилар, илоҳиётчилар, амалдорлар шу эътиқоддами, йўқми, синаб кўрилди. М. ақидаси (хусусан, Қуръоннинг яратилганлиги)ни тан олмаганларни ишдан бўшатди, ҳатто ўлим жазо чорасини қўллади. Махсус жазо муассасаси — «миҳна» ташкил этди. Аммо, мажбурий чораларга қарамасдан М. таълимоти халифаликда умуман қабул қилинмади. Халифа Мутаваккил даври (847—861)да эса М. таълимоти «шаккоклик» деб эълон қилинди. М. ақл-идрокни илоҳиёт асоси деб эътироф этган, ўзлавуфни инкор этишга уринган, ўзларини яккахудолик (тавҳид) ва адолат (адл) тарафдорлари, деб атаган. М.нинг асосий ғоялари вақти келиб шиа илоҳиётчилари томонидан ўзлаштириб олинди. М. кейинчалик Ироқ ва Эронда 11—12-а.ларга, Ўрта Осиёда 13—14-а.ларга келиб йўқолиб кетган. Унинг охирги вакилларидан бири *Замахшарий*дир.

Ад.: Хусниддинов З., Ислом: йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар, Т., 2000.

МУҚАДДАС ЖОЙЛАР, қадамжолар — диндорлар муқаддас деб ҳисоблайдиган ва сиғинадиган жойлар. Булар — пайғамбар, шайх, эшон, авлиёлар номи б-н боғлиқ ҳисобланган ва зиёратгоҳга айланиб кетган шаҳар, мақбара, чашма, дарахт, тепалик, ғор ва б.дир. М.ж. турли динларга эътиқод қилувчи ҳамма халқларда, кўпгина шаҳар ва мамлакатларда бор. Бунга Имом Бухорий (Самарқанд вилояти), Баҳоуддин Нақшбанд (Бухоро ш.), Занги ота (Тошкент вилояти), Аҳмад Яссавий (Туркистон ш.) дафн этилган жойлар ва б.ни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Исломда Макка ва Мадина, шиаларда, шунингдек, Карбало ва Нажаф ш.лари умумий М.ж. ҳисобланади ва зиёрат қилинади. Ҳиндлар учун Ганг дарёси, яҳудийлар, христианлар учун Қуддус ш. муқаддас саналади.

МУҚАДДАС КИТОБЛАР, илоҳий китоблар — муайян динда муқаддас ва илоҳий ҳисобланадиган китоблар. Буддизмда *Трипитака*, ҳиндуийликда *ведалар* ва упанишадлар, христианликда *Библия*, яҳудийликда *Таврот*, исломда *Қуръон* шундай китоблардан ҳисобланади. Ислом дини таълимотига кўра, Аллоҳ ўтган пайғамбарларнинг баъзиларига саҳифалар, баъзиларига эса китоблар нозил қилган. Улар 100 саҳифа ва 4 китобдан иборат. 100 саҳифадан 10 саҳифани Одам (ас) га, 50 саҳифани Шис (ас)-га, 30 саҳифани Идрис (ас)га, 10 саҳифани Иброҳим (ас)га юборган. Мусо (ас)га Тавротни, Довуд (ас)га *Забур*ни, Исо (ас)га *Инжил*ни ва Муҳаммад (сав)га Қуръонни нозил қилган. Қуръондан бошқа М.к. ва саҳифалар бир йўла бир дафъада нозил қилинган, деб ҳисобланади. Қуръон Жаброил орқали 23 й. мобайнида оят-оят, сура-сура шаклида юборилган. Диний ақидага кўра, Аллоҳ бандаларининг руҳий ва моддий аҳволларини яхши билган ҳолда ҳар бир пайғамбарга унинг умматларига муносиб ҳукмлар баён этилган китоб ва саҳифалар юбориб турган. Улар ўз даврида умматлар учун ҳидоят манбаи бўлган. Ислом таълимоти бўйича, Қуръон Аллоҳнинг қиёматгача ҳукми ўзгармайдиган, тилларда ва дилларда сақланиб қоладиган охирги китобидир.

Абдулазиз Мансур.

«МУҚАДДАС РИМ ИМПЕРИЯСИ» — ўрта асрлардаги империя (962—1806). Герман қироли *Оттон I* томонидан Шим. ва Ўрта Италия (Рим б-н бирга) бўйсундирилгач (962 й.), ташкил топган. «М.Р.и.» таркибига: Чехия, Бургундия (Арелат), Нидерландия, Швейцария ерлари ҳам кирган. Бу империя герман зодагонларининг манфаатини ҳимоя қилган ва босқинчилик сиёсати олиб борган. «М.Р.и.» 11—13-а.ларда Рим папалари б-н инвеститура ҳуқуқини олиш, Италияга ҳукмронлик қилиш учун курашганлар. *Ўттиз йиллик уруш* (1618—48)дан кейин император ҳокимияти номигагина сақланиб қолган. *Наполеон I* нинг ғалабаси туфайли «М.Р.и.» нинг бир қисми забт этилиши ва Ғарбий Германияда бир

қанча ҳудудий ўзгаришлар қилиниши охирги император Франц II ни тахтдан воз кечишга мажбур қилган. Шундан сўнг «М.Р.и.» расман тугатилган.

МУҚАДДАС УЧЛИК, троица — 1) христианликнинг асосий ақидаларидан бири. Унга кўра, худо моҳиятан яккалик, лекин у 3 қиёфада намоён бўлади: ота-худо, ўғил-худо (Исо Масиҳ), муқаддас руҳ-худо. М.у. ақидаси 1- (325 й.) ва 2- (381 й.) Жаҳон соборида расмийлаштирилди. Кўп секталар равишланистик мавқеидан туриб уни инкор этдилар; 2) христианликнинг асосий байрамларидан бири. Пасхадан кейин 50-куни нишонланади. Бу байрам шу куни апостолларга «муқаддас руҳ» тушиши шарафига белгиланган.

МУҚАДДАСИЙ, Мақдисий (тўлиқ исм-шарифи Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Абубакр ал-Муқаддасий) (946/947, Қудус — тахм. 1000) — араб географ, сайёҳ. Мусулмон Шарқининг деярли барча мамлакатларида бўлган. М. ўзининг шахсий кузатишлари ва ўзидан олдинги салафларининг асарларини ижодий ўрганиши натижасида ўзининг «Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим» («Иқлимларни ўрганиш учун энг яхши қўлланма») асарини ёзган. Асарнинг иккита таҳрири мавжуд. Биринчи таҳрир (986 й.) Сомонийларга, кейингиси (989 й.) Фотимийларга бағишланган. Асар муқаддима ва 2 қисмдан иборат. 14 та бобида Араб халифалигига кирувчи вилоят (ёки регион)ларнинг географик ҳолати, табиий шароитлари, йирик шаҳарлари, меъморий ёдгорликлари, аҳолиси, хўжалиги, карвон йўллари, урф-одатлари, солиқ ва жарима турлари, ҳар бир мамлакатнинг машҳур кишиларига доир аниқ маълумотлар берилган.

Асарнинг кейинги бобларида ажам мамлакатлари (Хуросон, Сейистон, Мовароуннаҳр) тавсифланган. «Аҳсан ат-тақосим» Ўрта аср Шарқ мамлакатлари, жумладан, Ўрта Осиё ҳамда Закавказье халқларининг ижтимоий-иқтисодий, тарихий ҳамда маданий ҳаётига оид аниқ маълумотлар келтирилганлиги б-н бошқа географик асарлардан фарқ қилади ва шу мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий тарихини ўрганишда муҳим манбадир. Асарнинг немисча матни 1877 й. де Гуе томонидан Лейденда нашр этилган. 1906 ва 1967 й.ларда асар қайта нашр қилинган.

Ад.: Крачковский И.Ю., Изб. соч., т.4, М.–Л., 1957; Древние и средневековые источники по этнографии и истории народов Африки южнее Сахары: [т.2] — Арабские источники X–XII веков, М. –Л., 1965; Б. Аҳмедов, Ўзбекистон тарихи манбалари, Т., 2001.

МУҚАДДИМА (араб.) — адабий-бадиий, илмий, мусиқий асарлар ва б.нинг бошланиши қисми. Хусусан, адабий-бадиий асарлардаги М.арда айрим ҳолларда муаллифларнинг ижтимоий ва эстетик қарашлари баён қилинади. Мас., Навоийнинг ўз шеърий девонларига ёзган 2 машҳур М.сида бунёд шоирнинг таржимаи ҳолига, ижоди тарихига, замонаси ҳақидаги фалсафий қарашларига оид маълумотлар бор. М. баъзан ижодкорнинг тарғиботчиси, асарни нашрга тайёрловчи шахслар томонидан ҳам ёзилади. Бу анъана ўзбек адабиётида ҳам мавжуд (яна қ. *Девоча*).

МУҚАЛЛИД (араб. — тақлидчи) — ўзбек анъанавий театрининг жанри; шу жанр ижрочиси. М.лардаги томошаларда қуш ва ҳайвонларга тақлид қилинган, ҳаётдаги баъзи кишилар хулқ-атвори, қизиқ воқеалар кулгили тарзда акс эттирилган. М. 3 хил: ҳажвий М.лар («Хум ўғриси», «Қиморбозлар», «Судхўр акам жон беради»), пародиялар («Улоқчилик», «Келин тушди», «Ёғоч полвон», «Новвойлик»), пантомималар («Кийик ўйин», «Тўрғай», «Бедана ўйин»). М. томошаларида нутқдан кўра ижрочи маҳорати, ҳаракатлари, юз ва кўз ифодалари муҳимроқ.

М. жанри жуда қадим замонларда шаклланган. Навоий даврида у яхши тараққий этган. Хожа Деҳлор, Ғиёсиддин Муҳаммад, Абдулла Девона каби М.лар ўтган. 19-а.нинг 2-ярми —20-а.нинг бошида Зокир эшон, Тўла маскара, Мизроб маскара, Одил лунғи, Ризо куюк кабилар М. жанрида катта ютуқларга эришганлар. Шўролар даврида Хоразм маскарабозлари (Матчон Бақай, Бобосари, Ҳайитбой маскарабоз ва б.) шуҳрат топдилар. 20-а.нинг сўнгги ва мустақиллик йилларида бу жанр анъаналарини Мирзабек Холмедов, Ҳожиявой Тожибоев, Обид Асомов ва б. давом эттириб келмоқда.

Муҳсин Қодиров.

МУҚАННА (тахм. 719, Марв яқинидаги Коза қишлоғи —783, Шаҳрисабз) — Мовароуннаҳрда Араб халифалиги ҳукмронлигига қарши кўтарилган озодлик ҳаракатининг бошлиғи (8-а.нинг 70—80-й.лари). Асл исми Ҳошим ибн Ҳаким бўлиб, Наршахийнинг ёзишича, у кўп ўқиган, гоят зийрак бўлиб, кимёгарлик, сеҳр ва тилсим илмларини ўрганган. Араб, форс тилларини яхши билган. Бир кўзи кўр, боши кал ва башараси хунук бўлганлигидан боши ва юзига кўк парда тутиб юрган. Шунинг учун ҳам «Муқанна», яъни «Ниқобдор» лақаби б-н машҳур бўлган. Яъқубийнинг тасвирлашича, М.ни Хошим ул-аъвар, яъни бир кўзли Хошим деб ҳам атаганлар. М. ёшлик чоғида кўзунарлик (матоларга оҳор берувчи) касби б-н шуғулланган. Хуросон нойибларидан Абу Муслим даврида сарҳанглик (кичик ташкарбоши)ка ва Абдулжаббор Ахлий даврида (757—759) эса вазирлик даражасига кўтарилган. 759 й.да Хуросон амири Абдулжабборнинг халифага қарши исёнида қатнашгани учун нишонга тушганлар. Бир неча йилдан сўнг нишонлар қочган. 769 й.да М. Марвга қайтиб келган, шу йиллар бошлаб умрининг охиригача Мовароуннаҳрда Араб халифалигига қарши кўтарилган халқ ҳаракатига бошчилик қилган (қ. *Муқанна кўзголони*). У маздакийлик таълимотини тарғиб қилган. Кўзголон мағлубиятга учрагач, ўзини олов ёниб турган тандир ичига ташлаб, ҳалок бўлган. Ҳамид Олимжон М. жасоратига бағишланган «Муқанна» (1943) драмасини, Садриддин Айний «Муқанна исёни» (1944) тарихий-адабий очеркини ёзган.

МУҚАННА ҚЎЗҒОЛОНИ — Мовароуннаҳрда Араб халифалигига қарши кўтарилган халқ озодлик ҳаракати (8-а.нинг 70—80-й.лари). *Муқанна* раҳбарлик қилган. Кўзғолончилар оқ кийим кийганлари учун «оқ кийимликлар қўзғолони» номи б-н ҳам машҳур. Кўзғолонда деҳқонлар, қишлоқ ҳунармандлари ва маҳаллий бойларнинг бир қисми қатнашган. Муқанна *Марказ* таълимотининг давомчиси сифатида ижтимоий тенгликни кенг тарғиб қилганлиги таъсирида кўзғолончилар иқтисодий тенгсизлик ва ўлкада арабларнинг ҳукмронлигига қарши кураш бошлаганлар. Муқанна ўзига қарорғоҳ қилиб Сом тоғидаги қалъани (Шаҳрисабз ш. яқинида) танлади. Самарқанд, Бухоро, Кеш, Наршах ш.лари кўзғолон марказига айланган. Халифа Мансур 775 й.да Жаброил ибн Яҳёни Озарбайжондан катта ҳарбий куч б-н Мовароуннаҳрга юборган, аммо Жаброил кўзғолончилардан енгилган. 10 минг аскар б-н Жаброилга ёрдамга юборилган Уқаба ибн Салим биринчи марта Кеш ва Самарқандда Ғарича бошлиқ, иккинчи марта 14 минг аскар б-н Термиз яқинида Сарҳама ва Кайёки Ғузий бошлиқ кўзғолончилар томонидан тор-мор келтирилди. Натижада Наҳшаб ва Чағониён вилоятлари кўзғолончилар қўлига ўтди.

Кўзғолон 776 й.дан Бухоро воҳасида кучайиб кетди. Наршах қалъаси кўзғолончиларнинг қўрғонига айлантирилган. Бунда «оқ кийимликлар»нинг катта қисми тўпланган. Шу йили Наршах қалъаси яқинида «оқ кийимликлар»ни ўз арабларидан Бухоро амири Хусайн ибн Маъз ва Самарқанд нойби Жабраилнинг бирлашган қўшинлари уруссида 4 ой мобайнида жанг бўлди. Жангда «оқ кийимликлар»нинг кучи ўзаёна келди, аммо сон жиҳатдан кўп бўлган араб қўшинлари Наршах қалъаси девори остидан ўзунасига 50 газли лаҳим қазиб, уни қалатиб, қалъага бостириб киришган. Қалъа ичида давом этган шиддатли жангларда кўзғолончилар енгилган, кўзғолон бошлиқларидан Ҳаким ибн Аҳмад ва Ҳашимлар ўлдирилган. Наршахдаги кўзғолон бостирилгач, араблар асосий кучини М.қлнинг марказий бўлган Самарқанд ва Кешга ташладилар. Халифа Маҳдий 777 йилда М.қда ҳарбий юриш уюштирди. Кеш, Наршах ш.ларини қўлга киритди. Хуросон нойби Маъз ва Ҳирот амири Саид Харавий бошлиқ катта қўшин Самарқандга юборилди. Кўзғолончилар б-н бўлган жангда араб қўшинлари мағлубиятга учради. Натижада Маъз Хуросон нойблигидан истеъфога чиқди. 2 йиллик тўқнашувлардан сўнг Самарқанд таслим бўлди. Сўнгра арабларнинг бирлашган қўшинлари Муқаннага қарши ташланди. Наршах ва Самарқандда «оқ кийимликлар» енгилгач, маҳаллий бойлар сотқинлик қилиб, арабларга ёрдам бера бошладилар. Улар арабларнинг б-н бирга Муқаннанинг Сом тоғидаги истеҳкомини қамал қилишда қатнашдилар. Узоқ давом этган қамалдан сўнг тинкаси қуриган Муқанначилар таслим бўлдилар. Муқаннанинг укаси Қабзам 3000, Сом қўрғонининг уқаси Қабзам 3300 кишилик қўшини Сарҳама 3300 кишилик қўшини б-н Саид Харашийга таслим бўладилар. Аммо, арабларга таслим бўлишни истамаган Муқанна ўзини ёниб турган тандирга ташлаб ҳалок бўлди.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1991; Ўзбекистон тарихи, Т., 1997; Каримов Ш., Шамсутдинов Р., Ватан тарихи, Т., 1997.

Нуриддин Мусаев.

МУҚАРНАС (араб.) — меъморий безак тури; равоқли коса (уя)чаларнинг устма-уст жойлашишидан ҳосил бўладиган мураккаб шакл. Меъморликда асоси 4,6,8 бурчак бўлган мехроб, тахмон, токча ва б.нинг тепа қисмини гумбаз, ярим гумбаз кўринишига келтиришда, бинолар девори б-н шифти оралиғи, устунлар *бошаси* ва б.ни безатишда кенг қўлланилади. Дастлаб содда шаклга эга бўлган, кейинроқ мураккаб кўринишга кирган ҳамда безак мақсадларида ишлатила бошланган. М. ишланадиган жойига қараб ҳар хил мураккабликда бўлади. Энг сиртга эга бўлган равоқчаларининг учлари олдинга чиқарилиб, юқори қатор учун таянч ҳосил қилинади. Тарҳда бу равоқчалар кўпинча тенг томонли учбурчакни беради, 2 ва ундан ортиқ равоқчалар турли бурчаклар остида ўзаро бирикиб косачалар ҳосил қилади. М.нинг пастдан кўриниши ва чизмаси тиришга ўхшаганлигидан уни ҳажми тириш (тирнхини чўзилгани) деб ҳам аталади. Гириш қатъий қонунга асосланганлиги учун *тақсим* асосини ташкил этган юлдузлар ва б. ҳандасий шаклларни нақшли ўз ичтиғи б-н ўзгартира олмайди; мужассамотни тенг бўлакларга бўлиб, шундан бир бўлагига такрорланувчи пуска (тақсим) чизади. Кенг маънода М. шакли жиҳатидан бир неча кўринишга эга: *шарафа*, М. (тор маънодаги), калла М. ва ироқи М. Шарафа равоқли косачалар қаторлари горизонтал йўналиш бўйича такрорланишидан ҳосил бўлади. Тор маънодаги М.нинг ўзи икки кўринишга эга: равоқли косачалар қаторлари вертикал ўқ атрофида ичкарига қаратиб 180° (пешток, токча ва б. да) ва 360° (гумбазда) айлантирилиши натижасида ҳосил қилинади. Шарафалар қаторлари ўқ-н гумбаз ва ярим гумбаз қаторлари ўртасида фарқ бор, яъни шарафада косачалар қатори ўзгармайди, гумбаз ва ярим гумбаз қаторларида косачалар ўлчамлари ўзгармаган ҳолда косачалар сони пастдан юқорига томон камайиб боради. Косачалар қаторлари ташқи томонга қаратиб вертикал ўқ атрофида 360° айлантирилиши натижасида калла М. (бошқа) ҳосил қилинади. М.нинг энг мураккаб тури — ироқи М.; М.нинг бошқа турларида равоқли косачалар томонлари вертикал (тик) тарзда шаклланса, ироқи М.да қия бўлган

Амир Темур мақбарасига ишланган муқарнас (15-а.).



Муқарнас чизмаси.

ҳолда шаклланади. Ироқи М. нисбатан кейинроқ 16—17-а.ларда тарқалган.

Ўзбекистон ҳудудида М. илк бор Тим қишлоғидаги *Араб ота мақбараси* (997 й.)да қўлланилган. Ғиёсиддин Коший «Муфтаҳул ҳисоб» асари (15-а.)да М.ни аниқ ва равшан таърифлаган; унинг сўзича, М. «уя(косача)лар погона (қатор) ларидан ташкил топган ёпмадир...., у аллаҳ (яъни қирра)лардан ҳосил бўлади...». Бу б-н Коший М.нинг икки асосий элементи — қирра (равоқчалар ва погона (қатор)ларини кўрсатиб берган. М. темурийлар даври меъморлигида кенг қўлланилган. Бухородаги Мир Араб, Абдулазизхон, Самарқанддаги Улуғбек мадрасаларида, *Амир Темур мақбараси*, *Шоҳизинда ансамбли* ва б.да М.нинг ажойиб намуналари яратилган.

М. замонавий бинолар меъморлигида ҳам қўлланади. Мас., Тошкент қуранти, *Навоий театри* ва б. биноларда М.дан фойдаланилган. Тошкентдаги Хотира майдонидаги калла М., Алишер Навоий, Шаҳидлар хотираси ҳиёбонларидаги гумбазлар остидаги шарафалар, Самарқанддаги Имом *Бухорий мажмуи* ва б. кўп биноларда М. анъаналари давом эттирилмоқда.

Хайруллы Пўлатов, Шуҳрат Рейимбаев.

МУҚАРРИБУН (араб. — яқинлаштирилганлар) — Қуръонда тўрт бош фаришта (*Жаброил, Азроил, Миковил, Исрофил*)нинг умумий номи. Ислом ақидаларида улар Аллоҳга энг яқин фаришталар деб таърифланади.

МУҚАТТА (араб. — кесик парчалар) — ёғоч бўлакларидан йиғилган безак, нақш (*қадама нақш*); яна қ. *Хотамкори*.

МУҚИМИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммад Аминхўжа Мирзахўжа ўғли) (1850 — Қўқон —1903.25.5) — шоир ва мутафаккир. Ўзбек демократик адабиёти асосчиларидан. Отаси тошкентлик, онаси Ойшабиби хўжандлик бўлиб, Қўқонда яшаганлар. М. бошланғич маълумотни маҳалласидаги мактабда олган. Онаси Муҳаммад Аминхўжада шеъриятга ҳавас уйғотган. М. Қўқондаги Нодира бино қилдирган «Моҳлар ойим» мадрасасида, сўнг Бухоро мадрасаларидан бирида ўқиган (1864—65; 1875—76). 1876 й.да Қўқон-

га қайтгач, ер қурилиши маҳкамасида мирзалик қилган. 70-й.лар охирларида Қўқонга қайтган ва ижод б-н шуғулланган. Отаси вафотидан сўнг моддий аҳволи оғирлашгач, «Ҳазрат» мадрасасининг кичик бир ҳужрасига кўчиб ўтган (1885), бутун умри қашшоқликда кечган. Бир неча бор Тошкентга сафар қилган (1887—88, 1892), Тошкентдаги янгиликлар б-н танишган. Тошкент маданий ва адабий ҳаётини чуқур ўрганган. Алмаий, Нодим каби илғор руҳдаги ижодкорлар б-н алоқа боғлаб, ижодий ҳамкорлик қилган.

М. яшаб ижод этган давр адабий ҳаёти мураккаб эди. Бундай муҳит М. ижодига кучли таъсир кўрсатди. Ижодининг илк даврида қисман шаклбозлик унсурлари, санъатпарварлик майлларига берилиш ҳам учрайди. Лекин тезда бу хил анъаналардан воз кечиб, жамиятдаги иллатларга, эскилик ақидаларига танқидий назар б-н қаради. Навоий, Жомий, Низомий ва Фузулийдан ўрганди, улар ғазалларига муҳаммаслар боғлади. Жомийни ўзига устоз билди. Ўзбек, форс мумтоз шоирлари анъаналарини давом эттирди. Ўзбек адабиётида демократик йўналишнинг вужудга келиши ва шаклланиши М. номи б-н боғлиқ. У бошлиқ Фурқат, Завқий, Аваз, Комил каби илғор фикрли шоирлар ўзбек адабиёти тарихида янги саҳифа очдилар.

М. лирикаси чуқур оптимизм б-н сугорилган, ҳаётийлик ушбу лириканинг асосий ва етакчи хусусиятларидан. М. реал муҳаббатни, инсонни куйлаган. Шеърларининг туб моҳиятини инсон кечинмалари, севинч ва аламлари, истак ва армонлари, қурашлари ташкил этган. Уларда дўстлик, садоқат, самимият, вафодорлик, сабот ва матонат улугланган ва булар орқали шоир кишиларда яхши хусусиятларни тарбиялашга интилган. Адолатли ва бахтли замонни орзу қилган, шундай кунлар келишига ишонган («Келур охир сени ҳам йўқлагудек бир замон яхши» ва б.). Ҳасрат, шикоят, норозилик мотивлари мавжуд бўлган шеърларида ҳам келажакка ишонч, фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу-идеаллари акс этган.

М. дунёқараши ва интилишлари б-н муҳит ўртасидаги зиддият унинг ижодида танқидий йўналишни майдонга келтирган. Бу унинг ҳажвиётида кўпроқ акс этган. Ҳажвиёти мазмунан сатира ва юморга бўлинади. Сатираларида чор амалдорлари, айрим маҳаллий бойларнинг кирдикорлари очиб ташланган («Танобчилар» ва б.). «Сайлов», «Дар мазаммати замона» ва б.да ўлкага кириб келаётган капиталистик ва ғайриахлоқий муносабатлар ҳамда уларнинг оқибатлари кўрсатилган. Баъзан, ўша даврдаги ҳукмрон қарашларга эргашиб, Дукчи эшон ҳақида ҳам ҳажвий асарлар ёзган («Ҳажви ҳалифан Минғтепа»).

Муқимий (рассом А. Фадеев асари, 1945).

От, арава, лой, пашша, безгак каби мавзуларда 30 га яқин ҳажвий асар яратган. Уларда шоир турмушнинг қолоқ ва чиркин томонлари, ижтимоий онгдаги нуқсонлар устидан кулган, мустамлакачилик азоби, харобаликнинг заҳарханда-лик б-н тасвирлаган («Девонамен», «Кўсамен» «Ҳайрон қилди лой», «Пашшалар», «Шикояти безак» ва б.). Бошқа бир қатор ҳажвияларида жамият ҳаётидаги ўзгаришларга янгича муносабат акс этган («Таърифи печ», «Ароба курсин», «Лой» ва б.).

М. ўзбек адабиётига ишчилар мавзуини олиб кирди, типлар галереясини яратди («Масковчи бой таърифида», «Воқеаи Виктор» ва б.). Турли шаҳар ва қишлоқларга қилган саёҳатлари таассуротлари асосида 4 қисмли «Саёҳатнома» асарини ёзди. Асар енгил, ўйноқи вазнда ёзилган, 4 мисрали бандлардан ташкил топган. Унда халқ турмушининг оғирлиги, қишлоқларнинг вайроналиги реалистик тасвирланган. Шоир яхшиликни мақуллаб, гўзалликни мадҳ этган, камчиликлар устидан кулиб, танбеҳ берган, ёвузликни, турли иллатларни танқид қилган. М.нинг наср ва назмдаги мактублари эпистоляр адабиёт намунаси ҳисобланади. 10 шеърий, 20 га яқин насрий мактублари сақланган. Шеърлари қўлёзмалар, баёзлар, 20-а. бошларида литографияда нашр қилинган китоблар, Тошкент ва Петербургда босилган вақтли матбуот саҳифаларида бизгача етиб келган.

М. ижодини ўрганиш, асарларини тўплаш ва нашр эттириш ҳақида даврдаёқ бошланган. Дастлаб Остроумов «Девони Муқимий» тўпламини (Т., 1907) нашр қилган, сўнг 1910, 1912 йилларда «Девони Муқимий мая ҳаз-виёт» номи б-н асарлари тўплами босилган. Кейинги даврларда Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Зарифов, Ҳ. Ёқубов, Ҳ. Раззоқов, Ғ. Каримов, А. Ҳайитметов ва б. М. ижодини тадқиқ этганлар. Шеърларидан намуналар чет тилларга таржима қилинган. Қўқонда уй-музейи ташкил этилган. Фарғона вилоятидаги шаҳарча, Тошкент кўчаларидан бири, Ўзбек давлат мусиқали драма театри М. номи б-н аталади. Шоир ҳақида Собир Абдулла «Мавлоно Муқимий» романи ва «Муқимий» драмасини яратган. М.нинг аксарият ғазаллари ашулага айланган.

Ас.: Асарлар тўплами [2 жилд]. Т., 1960—1961; Асарлар. Т., 1974.

Ад.: Ёқубов Ҳ., Ўзбек демократ шоири Муқимий, Т., 1953; Зарифов Ҳ., Муҳаммад Амин Муқимий, Т., 1955; Каримов Ғ., Муқимий. Ҳаёти ва ижоди, Т., 1970; Каримов Ғ., Ўзбек адабиёти тарихи, 3-китоб, Т., 1966, 1975, 1987.

Сунатилла Аҳмедов.

МУҚИМИЙ — *Фарғона вилоятидаги* шаҳарча (1989 й.дан). Қўқон шаҳар кентгашига қарашли. Аҳолиси 7,4 минг киши (2003), асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Яқин т.й. станцияси — Қўқон. М.дан вилоят маркази (Фарғона)гача 100 км.

М. Янги Қўқон кимё з-дининг қурилиши муносабати б-н 1982 й.да Қўқон ш.дан жанубироқда йўлдош шаҳарча сифатида вужудга келган. М.нинг асосий саноат корхонаси — спирт з-ди (экологик сабабларга кўра фаолияти тўхтатилган минерал ўғитлар ишлаб чиқарувчи кимё з-ди спирт и.ч.га ихтисослаштирилган). Шаҳарчада умумий таълим, мусиқа мактаблари, кутубхона, поликлиника, савдо, маиший ва маданий шохобчалар мавжуд. М. худудидан Фарғона — Яйпан, Сариқўрғон — Сўҳ йўллари б-н туташган Қўқон — Сариқўрғон автомагистрали ўтган.

МУҚИМИЙ ТЕАТРИ, Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театри — Ўзбекистоннинг йирик театрларидан бири. 1939 й. 30 ноябрда комик актёр М. *Мирокилов* ташаббуси б-н Республика комедия ва сатира театри сифатида ташкил этилиб, фаолиятини «Бурунги қозилар ёки Майсаранинг иши» (Ҳамза) спектакли (реж. М. Мироқилов) б-н бошлаган. Ижодий гуруҳ 45 кишидан иборат бўлиб, Мирвоҳид Мироқилов — бадиий раҳбар, Ф. Умаров, Б.Хўжаев — режиссёрлар; М. *Қутепова*, С. *Ҳўжаев*, А. *Бакиров*, М. *Ёқубова*, М. Хошмуҳамедов, А. *Бегтаев*, О. *Фаёзова*, А. Юсупов, У. Абдуллаев, М. *Ғофуров*, М. Миртозиров, З. Шерматова сингари актёрлар ташкил этди. «Ўжар хотин» (Лопе де Вега), «Ошиқлар» (Б. Халил), «Қозихона» (Ғ. Ғафуров) каби спектакллар театрнинг дастлабки спектакллари бўлди.

1940 й. театр мусиқали драма ва комедия театри номи б-н қайта ташкил бўлди. Т. *Жалилов* — бадиий раҳбар, А. Алимов — бош реж. этиб тайинланди.

Театрнинг биринчи катта иши «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла; Т. Жалилов, 1941) мусиқали драмаси бўлди. Халқ бадиий анъаналарига яқинлиги б-н ажралиб турган бу спектаклнинг ютуғи миллий мусиқа мероси намуналарида ва Т. Жалиловнинг ўзига хос оригинал куйларида намоён бўлди. 2-жаҳон уруши даврида театр ўзбек халқининг фронт орқасидаги мардонавор меҳнати ва жасорати ҳақида ҳикоя қилувчи «Қурбон Умаров» (С. Абдулла, Чустий; Т. Жалилов), «Қасос» (Ш. Туйғун, А. Умарий; Ю. Ражабий, Б. Надеждин), «Офтобхон» (К. Яшин; Х. Тўхтасинов) каби спектакллар б-н ўз репертуарини бойитди. Ўша йиллар саҳналаштирилган «Нурхон» (К. Яшин; Т. Жалилов) ўзбек мусиқали драма жанрининг юксак намунасига айланди.

Урушдан кейинги йиллар театр репертуарида кичик мавзуларга мурожаат этиш, сохта жўнқинлик кайфияти етакчилик қилди. Спектакллар саҳналаштириш ва ижро маҳорати жиҳатдан анча саёзлиги натижасида театр мавқеи анча тушиб кетди ва кўпгина ижодкорлар театрни ташлаб кетди. 40-й.ларнинг охири — 50-й.ларнинг бошларига келиб театр ҳаёти анча жонланди, чунки театр 1948 й. Тошсовет номидаги Янгийўл мусиқали драма театри б-н бирлаштирилди ва театр жамоаси янги бинога кўчиб ўтди.

Театрнинг ижодий таркиби Р. *Ҳамроев* (1959—76 й.лар бош. реж.), Ҳ. *Узаров*, М. Исроилов, Ў. Қорабоев, М. Орифбоев, кейинчалик С. *Пўлатов*, Б. *Ихтиёров*, Х. *Шарипов*, М. *Ихтиёрова*, Н. *Пўлатова*, Ф. *Аҳмедов*, Т. *Назарова*, М. Миртолипов, В. Райкова каби актёр ва режиссёрлар б-н мустаҳкамланди. Натижада «Алломиш» (С. Абдулла; Т. Жалилов), «Фарҳод ва Ширин» (К. Яшин; Ю. Ражабий, Ғ. Мушель), «Муқимий» (С. Абдулла; Т. Жалилов, Ғ. Мушель), «Сурмахон» (Б. Раҳмонов; Т. Жалилов, Д. Степанов), «Рашан ва Зулумор» (К. Яшин; Т. Жалилов, Ғ. Мушель) сингари спектакллар б-н театр ўз мавқеини кўтариб олди.

Муқимий театри биноси.

50—60-й.ларга келиб мусиқали драмалар яратишда нафақат бастакорлар, балки композиторлар ҳам фаол қатнаша бошладилар. «Отини кўл» (Уйғун; М. Левиев), «Ватан ишқи» (Ш. Саъдулла, З. Фатхуллин; С. Бобоев), «Тошболта ошиқ» (Ҳ. Ғулом; М. Левиев), «Момо ер» (Ч. Айтматов; Н. Акбаров), «Нодира» (Х. Раззоқов; К. Жабборов, С. Ҳайитбоев) ва б. шулар жумласидан. Бу спектакллардан кейин турли мавзудаги асарларни мусиқий ва саҳна талқинини ҳал этишда театрнинг ижодий имкониятлари кенглиги намоён бўлди. Шу даврда яратилган энг яхши спектакларнинг саҳна юзини кўришида Маннон *Уйғур*, Я. *Бобожонов*, М. *Мухамедов*, З. Қобулов, Э. Юнгвальд-Хилькевич, Р. Ҳамроев, М. Миртолипов каби режиссёрлар, Ф. *Шамсутдинов*, Н.Гинзбург, Ф. Назаров, Г. Доннх сингари дирижёрлар, Г. *Вигель*, Ш. Шорахимов, З. Гойибов, П. Ковель ва б. рассомлар, В. Губская, Е. *Барановский*, Н. Гордон, Р. Ваҳобов, Р. Каримова каби балетмейстерларнинг хизматлари катта бўлди. Ижки кечинмаларни етказиш б-н бирга хонандалик ва драматик маҳорат уйғунлиги Х. Аҳмедов, М. Ғафуров, Ф. *Раҳматова*, Э. Жалиловалар ижросида, ифода воситаларининг ҳис-туйғуга тўлалиги, бир образдан иккинчи образга тез ўта билиш санъати Л. Саримсоқовада, бетакрор колорит, ўзига хос халқ юмори б-н йўғрилган ижро С. Хўжаева, киноя, яхшилик, ижро маданияти Ҳ. *Узарова*да алоҳида ажралиб турди.

70—80-й.ларга келиб театрнинг муваффақиятли спектакллари асосан таржима асарлардан иборат бўлди. «Қонли тўй» (Гарсия Лорка; И. Акбаров), «Режа» (Р. Тагор; М. Бафоев), «Прометей» (Ю. Марцинкявичус; М. Бафоев), «Жон қизлар» (К. Шангитбоев, К. Бойсентов; А. Муҳамедов), «Малиновкада» (Л. Юҳвид; Б. Александров), «Момо тўй» (Ч. Айтматов; И. Акбаров), «Ўн икер» (Ч. Айтматов; И. Акбаров), «Хонума кинчи кеча» (У. Шекспир), «Хонума хоним» (А. Цагарели; Г. Канчели) каби мусиқали драмалар шулар жумласидан.

Мураккаб фалсафий мавзулар ёритилган бу спектакларда мусиқанинг роли кўтарилиши б-н бирга хор, балет вазифалари кенгайтирилди, метафора, символика, шартли театр қўлланмаларидан кенг фойдаланилди, шунингдек, бой саҳна композицияси, образлар талқинида мусиқий кўп овозлилик қўлланилди.

1972 й.дан театр Ўзбек давлат мусиқий театрига айлантирилди. «Зўлдир» (А. Иброҳимов; М. Бафоев), «Хийлаи шаръий» (Р. Гунтекин; М. Маҳмудов) каби сатирик комедияларда мусиқада ҳам, актёрлар ижросида ҳам ҳазил-мутойиба, ўзига хос ўткир киноя, истеҳзо устунлик қилди. Лекин 70—80-й.лар тажрибаси шуни кўрсатдики, театр репертуари ўша даврда яратилган адабий асарлардан анча орқада қолиб кетди. Саҳна ривожланиши жуда паст бўлиб, мураккаб мавзулардан қочилди, маиший комедиялар яратишга, бир хил қолипдаги спектакллар саҳналаштиришга эътибор қаратилди. Бунга катта авлод ўрнига келган ёш ижодкорларнинг мустақил ижодга ҳали тайёр эмасликлари сабаб бўлди.

80-й.лар охири — 90-й.ларнинг бошларида театр репертуарини кўпроқ эртак ва афсоналар эгаллади. «Гул ва Наврўз», «Юсуф ва Зулайҳо», «Туяқуш бояқиш», «Шайтон ва муридлар» каблар шулар жумласидан. Шунингдек, долзарб мавзулар, қайта қуриш ва қайта қуришдан кейинги давр ёритилган спектакллар ҳам саҳналаштирилди. Лекин спектакларда ижтимоий ҳодисалар чуқур таҳлил қилинмаган ҳолда, юзаки ҳал этилди. Замонавий маиший мавзу мусиқали комедиялар («Куёвлар конкурси», «Дилафрузга 4 ошиқ» ва б.) б-нигина чегараланиб қолди.

1993—94 й.лар театр репертуари «Бир кам дунё» (Т. Юнус, А. Юнус), «Тўйлар муборак» (Ў. Ҳошимов, О. Мухтор; М. Маҳмудов), «Тошкентга саёҳат» (Б. Дарвеш; Н. Халилов) ва б. мусиқали комедиялар б-н бойиди. Бу спектакларда халқ лирик куйлари, ҳазил, ўйинбоз

«Тўйдан кейин томоша» спектаклидан саҳна.

қўшиқлар асосий ўрин тутди. Ўша йилларда саҳналаштирилган «Нозирабегим» (Т. Тўла; Ф. Олимов), «Ҳар кимки вафо қилса» (Ҳ. Муҳаммад; А. Иемоилов, С. Хайитбоев, М. Отажонов) каби спектакллар тарихий мавзуга қайтиш, миллий маданиятимиз ривожига катта ҳисса қўшган йирик тарихий шахсларни гавдалантиришда театр сифат жиҳатига алоҳида эътибор берди.

1995—97-йлар «Фотима ва Зуҳра» (Ў. Умарбеков; Ф. Олимов), «Оқибат» (Р. Маъдиев; Б. Умиджонов), «Девона» (Р. Маъдиев, Ф. Олимов) ва б. спектакларда реалистик анъаналар таъсирчан мелодрамалар б-н уйғунлашиб кетди.

Кейинги йилларда сюжет чизиги ҳазил-мутойиба, қизиқчилик, актёрнинг янги топилмалари б-н қоришиб кетган «Бу қандай бало» (Э. Юсуфалиев; Н. Халилов), «Суперқайнона» (С. Исмоилов; Ф. Олимов), шунингдек, «Тўйдан кейин томоша» (Шукрулло; Н. Норхўжаев), «Тақдир» (Р. Маъдиев; Б. Лутфуллаев), «Ўлдинг, азиз бўлдинг» (Х. Хурсандов; Ф. Олимов) каби бир қанча муваффақиятли спектакллар саҳналаштирилди.

Бугунги кунда театр изланишда, ҳаракатда. Ф. Раҳматова, М. Ихтиёрова, С. Пўлатов, Н. Пўлатова, Д. Сафоева, М. Еқубова, М. Қаюмова, А. Мирзаевалар б-н бир қаторда Р. Солиҳов, Т. Бекназаров, М. Салимов, Т. Пиржонов, Х. Тўхтаев, З. Бойхонова, Б. Холмирзаев, М. Бекжонова, А. Бекжонов, Н. Рустамов, Г. Рустамова, Д. Узоқов каби ёшлар ҳам театрнинг етакчи актёрларидир.

«Суперқайнона» спектаклидан кўриниш.

Театрнинг бош режи — Баҳодир Назаров, бош дирижёр — Жўра Орниқов, бош балетмейстер — Шокир Аҳмедов.

М.т. биноси қад. ва замонавий меъморлик услубларини ўзаро уйғунлаштириш асосида барпо этилган (1943, безаклари —1951, меъморлар Д. Хазанов, В. Тихонов; муҳандис А. Рабинович; халқ усталари Ю. *Мутаев*, М. Қосимов, Уста Ширин, Ш. Ғофуров, Уста Мумин ва б. қатнашган). Бош тарзи 3 равоқли, пештоқли, тепаси шарафали. Пештоқининг 2 ёнига ганчкори панжарали намоён ишланган. Уста Юсуфали ҳаҳиз залларини қобиргали гумбазлар б-н кўтариб, устунлар орасига устма-уст равоқлар ўрнатиб, интерьери ганч ўймакорлигида безатилган. Уста Мумин томоша зали деворига узум ва унинг барглари тасвирини ганчга ўйиб ишлаган, фойесида эса гуллаётган ўрик дарахти тасвирланган. Томоша зали 800 томошабинга мўлжалланган. Мустақиллик йилларида театр илк бор реконструкция қилинди.

Марфуға Ҳамидова

МУҚИМОВ Комил Муқимович (1940.14.2, Бухоро вилояти, Ғиждувон тумани) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), физика-мат. фанлари д-ри (1988), проф. (1989). Ўрта Осиё университета (1957—61) ўқиган ва Москва университетини тугатган (1964).



Тошкент ун-тининг физика кафедрасида ўқитувчи, доцент (1967—75), оптика кафедраси мудири (1975—92), физика ф-ти декани (1990—92). 1992 й.дан Бухоро ун-ти ректори. Илмий ишлари магнитооптика, ферро-, ферримагнитик диэлектрикларда магнитооптик ҳодисалар ва б.га оид. Унинг изланишлари туфайли магнит ҳодисалар физикаси соҳасида янги — «кучли магнит майдонида нодир элементлар магнитооптикаси» илмий йўналиши яратилди.

Ас.: Магнитооптика в прозрачных редкоземельных диэлектриках, Т., 1999.

МУҚОБИЛ САРВАРАҚ, контртитул — китоб саҳифасининг чап томонида жойлашган қўшимча сарварақ. М.с., одатда, кўп жилдли нашрлар, туркум ёки йирик асарлар ва ш.к.да берилади. Унда бутун нашрга тегишли маълумотлар, агар таржима китоб бўлса, таржима қилинган тил (оригинал)даги маълумотлар (китоб номи, муаллифи, таҳрир ҳайъати аъзолари ва б.) келтирилади. Мас., кўп жилдли ушбу Ўзбекистон миллий энциклопедияси М.сида нашрнинг бош таҳрир ҳайъати аъзолари рўйхати берилган.

МУҚОВА — китоб, альбом, журнал, дафтар ва шу кабиларни ихчам қилиб бириктириб турувчи устки қисми. М.да нашрнинг номи, муаллифлари ёзилади, турли безаклар ишланади. М. китоб блокини қаттиқ ҳимоялаб ўраб туришга қараб, олд ва орқа, тўб (корешок) томонларга ажратилади. М. шу жумладан варақлар сарбандига бириктирилган қисми М. сарбанди деиилади. М. томонлари картон ва б. ҳом ашёлардан тайёрланиб, сиртига чарм, қоғоз, мато ва б. сирилади; ичига қоғоз епиштирилиб китоб блокига бириктирилади. М.лар юпқа, қатиқ (қалин), юмшоқ бўлиши мумкин. Юпқа М. қоғоздан иборат бўлиб, уни тайёрлаш нисбатан осон ва арзон бўлганлиги учун, одатда оммавий китоблар, рисола, журналларда фойдаланилади. Қалин М. мустаҳкам бўлиб (1—9 рақамли турларга эга), китоб ва нашрларни яхши сақланишини таъминлайди. Бундан 5- ва 7-рақамли М.лар кенг ишлатилади. 5-рақамли М.да томонлари (картонга қоғоз сирилиб, М. сарбандида алоҳида материал (мато) б-н уланади; дарсликлар, сиёсий, илмий, адабий асарларда кўп қўлланади. 7-рақамли М.да томонларига сирилган материал (чарм, дидерин ва б.) М. сарбанди б-н яхлит туташиб кетади; энциклопедиялар, йирик илмий ва бадиий асарлар нашрида қўлланади. Юмшоқ М.да картон ўрнига қалин букилувчан қоғоз ишлатилади. М. яхши сақланиши учун жилд (суперобложка) кийгизилади.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан қўлёзма китоблар тайёрлаш ривожланган. Бу қўлёзма китоблар М.си, асосан чарм, шунингдек, қоғоз, матодан тайёрланган. М.га ёзувлар битилмаган. М. марказига вертикал чизиқ бўйлаб йирик ва майда турунж (медальон)лар жойлашган, атрофи нафис ислимий нақшлар б-н ҳошияланган. Китоб М.ларини шу усулда безаш 20-а.гача давом этган (яна қ. *Муқовасозлик*).

МУҚОВАСОЗЛИК, муқовачилик, саҳҳофлик — китоб, журнал ва б.ни муқоваласи касби; матбаа жараёнларидан бири. Муқоваласи китоб блокини ишлаш (жузланган дафтарларни тикиш, елимлаш, пресслаш, уч томонидан текислаб кесиш), муқова ғилофини тайёрлаш (ғилофни йиғиш, унга тасвир ва матнни тушириш) ва муқовани китоб

Қўрғошин ишланган кумуш муқова (19-а., Бухоро) ва Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» асарига ишланган муқова (рассом Н. Некрозов, 1956).

блоки б-н бириктириш каби жараёнлардан иборат. Бу жараёнлар поток линияларда машиналар ёрдамида амалга оширилади.

М. қад. соҳа бўлиб унинг юзага келиши ёзув ва қоғознинг ихтиро қилиниши б-н боғлиқ. Ўрта Шарқда ўрама қўлёзмалар ўрнини *кодекс* (юзи алоҳида жузланган ва муқоваланган) қўлёзмалар эгаллаши б-н боғлиқ ҳолда ривожланган. Ислом динигача бўлган тарихий манбаларга кўра муқовага қимматбаҳо хом ашёлар (чарм, парча, шойи, жавоҳирлар) ишлатилган. Ўрта Осиё учун намуна вазифасини ўтаган муқовали араб китоблари (7—11-а.лар) қатъий кўринишга эга бўлиб, босма усулида оддий ҳандасий нақшлар б-н безатилган. Шарқда энг қимматли қўлёзма китобларга қўшимча қопқоқли чарм муқова ҳам ишланган. Ғарб қўлёзма китобларига эса алоҳида кулф вазифасини ўтовчи илгак-безак сифатида яратилган. Айрим муқоваларда китобни, ёзувни узугловчи шеърий парчалар зарб этилган. 16-а.да Византия муқовалари Шарқ ва Ғарбда умумий бўлган турунж (медальон) мужассамотли муқова учун намуна вазифасини ўтаган. Мўғуллар истилосидан кейин Темурийлар ҳукмронлиги даврида М. ривожланди, муқовани безаш усули янада такомиллашди. 15—16-а.ларда юксак даражага кўтарилди: турунжли мужассамотлар нафис нақш безаги, ўйма гули ҳамда бўёқларининг уйғунлиги б-н бойитилди; бўяма ўсимликсимон нақшли муқовалар юзага келди, улар ёркин бўёқларда ишланиб, лок б-н жило берилди. Бу кўринишдаги муқова барча тарихий, бадиий адабиётлар муқоваларида ўз ифодасини топган. 15—16-а.ларда жилд нақшлари устига олтин-кумуш югуртирилган. Бу даврда яратилган ажойиб чарм муқовалар (жумладан, Алишер Навоий девон ва достонлари қўлёзмаларига ишланган чарм муқовалар) Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида мавжуд.

18—19-а.лар Ўрта Осиё М.да қўлёзмалар муқоваси икки қалин картон қопқоқ ҳамда текис тўбдан (баъзан қўйи қопқоққа бириктирилган ва қўлёзмани ташқи таъсирдан сақловчи қўшимча қопқоқдан) тузилган. Муқованинг ғилофини тайёрлашда турли (қўй, эчки, от, эшак ва б.) тери қопламалардан фойдаланилган, улар рангларини б-н ажралиб турган. 17-а., айниқса, 18-ада Бухоро, Қўқон хонлигида М.да аралаш муқовалар (чармдан қопқоқнинг ён томонларини бирлаштирувчи адип сифатида фойдаланилган), Хива хонлигида қора рангли сиёх чарм муқовалар, шунингдек ярим чарм муқовалар ҳам кенг ишлатилган. Бу соҳада ижод этган кўплаб саҳҳофлар номи сақланиб қолган. Муқова қопламаси учун сирти локланган ўсимликсимон нақшли папье-маше (магзи сохта), гулдор мато, айрим ҳолдардагина ёғоч (чинор), қуйма кумушдан (мўътабар китоблар, мас., Қуръонда) фойдаланилган. Муқовага китоб номи ёзилмаган, уларга нақшли безак (вертикал ўқ бўйлаб жойлаштирилган туронжларнинг турлича мужассамоти) ва содда айланма чизиқли ҳошиялар ифодалилик бахш этган. Муқоваладаги «лола» нақш орасига уста номи ва яратилиш тарихи битилган. Расмлар босма усулида бажарилган ёки тасвир яратилиб устидан лок юритилган. Бухороза зардўзлик б-н безатилган муқовалар ҳам учрайди. 19-а. охири —20-а. бошларида қўқонлик муқовасозларнинг ишлари машҳур бўлган: усталар миелан ўзига хос безакли махсус шаклли «муҳр» қолиплар тайёрлаган; муқова қопқоғи ва муқованинг ички томони ҳам шу қолипларда безатилган, қопқоқ сирти муқова қопқоғининг безак шаклига мослаб тузилган. Форзацнинг жимжимадор «бута», ўсимликсимон ва ҳандасий нақшлари «абрбанди» усулида безатилиб, баъзан форзацлар безагида муқова безагидаги ҳошиялар такрорланган.

М. яқин 1930- йилларгача ҳунармандлик усулида давом этган. Шу усулда тайёрланган Навоий асарлари ва б. қўлёзма китоблар ҳозиргача сақланган.

*Китобат санъати*ни қайта тиклашга бўлган уринишлар самарали якунланди: 70—80-йилларда қўлёзма китоб яратиш анъанаси, шу жумладан, муқова, муқова безаги, анъанавий М. ҳам қайта тикланди.

Абдумажид Мадраимов.

МУҚОМ (*мақом* сўзидан) — уйғур мумтоз мусиқасининг асосий жанри. Рок, Чаббият, Мушовирак, Чариғях (Чорғоҳ), Панжигях, Ўзҳол (Уззол), Ажам, Ушшақ, Баёт, Нава, Сигяҳ ва Ироқ деб номланувчи 19-а.да шакл топган 12 М. туркуми мавжуд. М.ларнинг ҳар бири муайян мавзу б-н боғлиқ чолғу, ашула ва рақс куйлари туркумидан иборат йирик шаклдаги асарлардир. Ҳар бир М. ўзига хос пардада ижро этилиб, муқом боши, чўнг нағма, достон нағма (достон марғули б-н) ва машраб нағма қисмларидан ташкил топган. М. боши ва чўнг нағмадаги ашула йўллари, асосан, мумтоз (Навоий, Залилий, Нозимий, Ҳувайдо, Машраб ва б.) шоирларининг ғазаллари б-н айтилади. Достон нағмаларнинг ашула йўллари уйғур достонлари қўшиқларига ҳамоҳанг бўлиб, уйғур халқ лирик-эпик асарлари матнлари б-н ижро этилади. Машраб нағмаларининг куй-оҳанглари тўйсайил, давра (машрап)ларда ижро этиладиган рақсбоп қўшиқлардан иборат. М.лар ижросида ҳофиз (М.боши), ашулачи ва созандалар гуруҳи (қолган қисмларда) ҳамда раққосалар гуруҳи (Машраб нағма) қатнашади, асосан, танбур, сато, дутор, рубоб, чанг, дап (доира), най каби мусиқа чолғу асбобларидан фойдаланилади. Уйғур 12 М.ининг Дўлан, Қашқар, Турфон, Хўтан, Или М.лари каби маҳаллий турлари мавжуд. Улар бир-биридан парда тузилмалари, куй-оҳанглари, ички таркиби б-н фарқланади. М.ларнинг бизгача етиб келишида Ҳалим ва Салим (19-а.), Муҳаммад Аҳмад Боқи ўғли (Охуним Корушонг, 1849—1926), Турди Охун (1881—1956), Рўзи танбурларнинг хизмати катта. Турди Охун раҳбарлигидаги М. чилар ижросида 1951—54 й. лари Шарқий Туркистон (Синьцзян)да 12 М.ларнинг Қашқар варианти ёзиб олинган ва Пекинда нота ёзувида нашр этилган. Ўзбекистон телерадиосида Рўзи танбурнинг шогирдлари М. Ҳасанов, Н.Носиров, Қ.Рози (Муҳаммедов), Ғ. Қодирхўжаев, С. Розамовлардан 12 М.ларнинг Или варианти ёзиб олинган (1968—72) ва граммпластинкада чиқарилган. Уйғур М.ларини А.Ҳошимов талқин этиб келган.

МУҚОНОВ Собит Муқонович (1900.13.4, ҳоз. Шимолий Қозоғистон вилояти Жамбул тумани — 1973.18.4, Олмаота) — қозоқ ёзувчиси ва жамоат

арбоби. Қозоғистон ФА акад. (1954). Фуқаролар уруши қатнашчиси (1918—20). 1930—35 йларда Москвадаги Қизил профессура ин-тида ўқиган. Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1936—37; 1943—1952). «Бой ўғли» (1928), «Соф севги» (1931), «Темиртас» (1935), «Бўтакўз» (1938) романларида қозоқ халқининг босиб ўтган тарихий йўли акс этган. «Бўтакўз» романи асосида пьеса ва киносценарийлар яратилган. «Менинг мактабим» (1939—53) автобиографик қиссасида ёзувчининг болалиги тасвирланган. «Сирдарё» романи (1947—48) 2-жаҳон урушига бағишланган. «Менинг мактабим» қиссаси асосида «Ҳаёт мактаби» трилогиясини яратган (1949—53). М. «Чўқон Валихонов» (1954), «Сакен Сайфуллин» (1970) драмалари, «Бўз тўлқинлари» (1956) романи, «Замондошлар ҳақида афсона» қиссаси (1962) ва б. асарлар муаллифи. У 3 китобдан иборат «Оққан юлдуз» асарини (1967—70) ёзган. Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаххор, Зулфия асарларидан намуналарни қозоқ тилига таржима қилган. Асарлари ўзбек тилида чоп этилган. Абай номидаги Қозоғистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

Ас.: Ҳаёт мактаби, Т., 1954; Чўпон бола, Т., 1961; Бўтакўз, Т., 1962; Чўлоқ полвон. Ҳикоялар, қиссалар, Т., 1970.

МУҒ (форс.) — зардуштийликка эътиқод қилган кишининг мусулмонларда аталиши. Мумтоз шеъриятда «М.» сўзи майхона эгаси, соқий маъноларида ишлатилган.

МУҒ ҚАЛЪА, Қалъаи Муғ — истеҳком қалъа харобаси (5—6-а.лар). Кум дарёсининг Зарафшон дарёсига келиб қуйилиш бурчагидаги (Тожикистон) тоғ чўққиси устига қурилган 2 қаватли қаср-қўрғон. Бу қурилиш ундан аввалги иншоот ўрнида амалга оширилган бўлиши эҳтимол. Чунки, қад. юнон манбаларида забт этиш мушкул бўлган «суғд қоялари» ҳақида маълумотлар учрайди. Олимларнинг фикрича, М.қ шундай истеҳком «қоя»лардан бири бўлган. Ўрта аср ёзма манбаларида М.қ.га нисбатан **абаргар** номи ишлатилгани ҳам маълум. Бу суғдча атаманинг маъноси «тоғ устидаги» демакдир. М.қ.да 1932 й.да тасодифан бир суғдча ҳужжат топилиши унинг хароба қолдиқларида археологик қазиш ишлари бошланишига сабаб бўлди. 1932—33 й.ларда А.В.Васильев, 1947 и.да В.А. Воронин ўрганган. М.қ.да ўтказилган қазишмалар натижасида мустаҳкам девор б-н ўралган ихчам ҳовли юзаси қамда қамал ҳолатда яшашга мўлжалланган хўжалик ва турар жой биноларни мажмуидан иборат қўш қаватли иншоот қолдиқлари намоён бўлди. Ўзидаб моддий ашёвий топилмалар б-н бир қаторда М.қ. харобаларида сутд, қад. туркий, хитой ва араб ёзувлари б-н битилган 80 та ҳужжатдан иборат қад. архив қўлга киритилди (*яна қ. Муғ қалъа ҳужжатлари*). М.қ. ёнма ёлғорликларининг гувоқлик беришича, қалъа араб истилоси даврида (722 й.) вайронага айлантирилган. М.қ.да Панч (илк ўрта аср Панжикенти) ҳокими *Деваштич* ўз якинлари ва аркони давлати б-н қамал қилиниб асир олинган, кейинчалик қатл этилган. Иншоот эса бутун ташланган.

Ад.: Согдийский сборник. Сборник статей о памятниках согдийского языка и культуры, найденных на горе Муг. Л., 1934; Согдийские документы с горы Муг, М., 1962—1963; Исҳоқов М., Суғдиёна тарих чорраҳасида, Т., 1990; Унутилган подшоликдан хатлар, Т., 1992.

МУҒ ҚАЛЪА, Муғтепа, Муғ қўрғон — археологик ёдгорлик (мил. 1—13-а.боши). Наманган вилоятининг Косонсой ш. якинида жойлашган. М.қ. 2 қисмдан иборат: арк ва шаҳристон; қўрғон (майд. 4 га). Ҳар 2 қисм кузатув минораларн бўлган мудофаа девори б-н ўралган. Арк шаҳристонининг жан.-ғарб томонида, Косонсой дарёсининг тик ён багрида жойлашган. Ундан милоднинг бошлари ва ўрта асрларга оид топилмалар чиққан. Тарихий манбаларга кўра, аркда қуёш ибодатхонаси бўлган. Ушбу ибодатхона, *Шаҳристонийнинг* ёзишича, халифа Муътасим даврида (833—842) бузиб юборилган. 1983 й.ги текширишлар натижасида Шаҳристондан илк ўрта асрларга оид археологик мажмуа очилган. Тадқиқотчилар фикрича, шаҳристон душмандан усталик б-н ҳимоя қилинган: душман ҳужуми кутиладиган томон қўшимча девор б-н мустаҳкамланган. Бу ҳолат ганим ҳужумини ҳар 2 мудофаа деворидан туриб қайтариш имконини берган, чунки шаҳар дарвозаси шу ерда жойлашган бўлиб, агар душман дарвозадан кирган тақдирда ҳам ичкарига ўта олмасди ва ўзига хос «қопқон»га тушарди. М.қ.нинг қўрғон қисми арк ва шаҳристондан кейин қурилган, ундан нотинч даврларда ўзига хос панагоҳ сифатида фойдаланганлар. Қўрғоннинг алоҳида дарвозаси бўлган. Тадқиқотчилар фикрича, М.қ. Фарғонанинг «ҳарбий пойтахти» ҳисобланган. Ёзма манбалар эҳтимол айнан шу шаҳарни Фарғонанинг 8-а.охири — 9-а. бошларидаги пойтахти сифатида қайд этган бўлсалар керак.

Ад.: Беруни ал-Бируни А. Х., Древняя Фергана, Т., 1951; Матбобоев Б. Х., Шамсутдинов Р. Т., Мамажонов А., Буюк ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари, Андижон, 1994

Боҳажон Матбобоев

МУҒ ҚАЛЪА ҲУЖЖАТЛАРИ — Муғ қалъа харобаларидан топилган ҳужжатлар мажмуидан иборат ўзига хос архив қолдиғи (мил. 7-а. охири — 8-а. боши). Унинг таркибидаги жами 80 ҳужжатдан 74 таси фанда шартли равишда «миллий суғд ёзуви» ёки Самарқанд суғд ёзуви деб номланган ёзувда битилган. 3 та ҳужжат хитой ёзувида бўлиб, мазкур архив мазмунига даҳлдор эмас. Хитойча матн битилган қоғознинг орқа тоза юзасидан ёзув материали сифатида фойдаланилган. 2 та ҳужжат араб ёзувини куфа усулида битилган ва архив мазмунига алоқадор. 1 та ҳужжат тери юзасига қад. турк-рунн ёзувда битилган. Ҳужжатлар битилган материаллар турлича. 20 дан ортиқ ҳужжат толлан кесилган таёқчаларда, 20 дан ортиқроқ ҳужжат ошланган тери юзасида ва бир қанча ҳужжат хитой қоғозларда етиб келган.

Ҳужжатларнинг мазмун доираси хилма-хил, уларнинг бир туркуми ҳуқуқий (никоҳ ва бу муносабат б-н оила мулкий муносабатлари ҳақидаги масалаларни акс эттиради) муносабатларга оид. Ҳужжатларнинг яна бири тегирмон ижараси, иккинчиси ер мулкчилиги ҳақидаги ҳужжатлардир.

Бир туркум ҳужжатлар дипломатик ёзишмалар тоифасига киради. Ҳужжат мазмун эътибори б-н ариза босқинчилиги воқеалари б-н бевосита алоқадор, унда халифалик нонбининг Мовароуннаҳрдаги омили Абдурраҳмон бинни Субҳнинг Панч ҳокими *Деваштичга* огоҳлантириш ва аўқ-пўписаси ифода топган. Яна бири дипломатик мактуб Деваштич томонидан Рўст ҳокими Афарунга ёзилган бўлиб арабларга қарши ҳарбий кучларни бирлаштириш масаласига ишорат қилади.

Архив ҳужжатларининг каттагина гуруҳи фрамандар (хўжалик ишлари бўйича нозир) номига ёзилган Деваштичнинг буйруқларидир. Яна бир қанча ҳужжатлар Суғд давлатининг хўжалик муносабатларини акс эттиради. Улар орасида тери ошлаш, чармгарлик, зироатчилик, боғдорчилик ва б. хўжалик соҳаларининг араб истилоси кунларидаги аҳволини кўрсатувчи бир қанча ҳужжат намуналари бор. Яна бир гуруҳ ҳужжатларда

молиянинг муносабатлари акс этган бўлиб, аввало сарой эҳтиёжлари учун харажатлар рўйхати, турли хил тўловлар ҳақидаги даборонлар, солиқ ва бож ставкалари каби бевосита молия ишнинг муносабатлари акс этган.

М.қ.нинг тарихни манбалик аҳамияти юқори даражада юксак баҳоланади.

М.қ.ҳ. бутунга қадар тўлиқ илмий нашр этилган. Уларнинг дастлабки илмий нашрлари рус олимлари А. А. Фрейман, М. Н. Боголюбов, В. А. Лившиц, О. И. Смирновалар томонидан 1960- й.ларнинг бошларида амалга оширилган.

1990—92 й.ларда суғдшунос олим М. Исҳоқов сўнгги даврларда суғдшунослик соҳасидаги янги натижа ва хулосалар асосида М.қ.ҳ. катта туркумини ўзбек тилига таржима қилиб, илмий изоҳлар б-н нашр этирди.

Ад.: Согдийский сборник. Сборник статей о памятниках согдийского языка и культуры, найденных на горе Муг. Л., 1934; Согдийские документы с горы Муг, М., 1962—63.

Марсондиқ Исҳоқов.

МУҒАННИЙ Сафо (тахаллуси; асл ном-шарифи Олдоберганов Сафо; 1882, Хива яқинидаги Гандимиён қишлоғи — 1940) — шоир, бастакор-созанда, жамоат арбоби. Меҳнат Қаҳрамони (1936). ХХСР маориф нозирлигида маданият бошқармаси бошлиғи (1920—22), ер-сув ислоҳотини ўтказиш даврида ер шўъбаси раиси (1925—26). Урганч тумани ижроия қўмитаси раиси (1927—28). Хоразм округ театрида режиссёр (1929—37); айни пайтда ўқитувчилик б-н шуғулланган (1935—37). Ёшлик кезларида мусиқа санъатига қизиқиб, замонасининг кўзга кўринган созанда ва хонандаларидан танбур, дутор ва б. мусиқа асбобларида куй чалиш ҳамда ашула айтишни ўрганган. *Комил Хоразмий*дан таълим олган. Созандалик ва хонандалик маҳоратини ошириш б-н бирга устози таъсирида шеърлар ҳам ёзган. Хоразм шоирларининг, шунингдек, ўзининг шеърларига куй басталаган. М.нинг бизга қадар етиб келган шеърларида маърифатни улуғлаш, Хоразм аҳлининг нурли келажагига умид, ёшларни миллат ва ватан бахт-саодати йўлида ишлашга даъват оҳанглари устуворлик қилади. М. 1937 й. 28 авг.да «халқ душмани» сифатида қамоққа олиниб, ўша йилнинг 28 нояб.да 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган ва мустабид тузумнинг лагерларидан бирида вафот этган.

Наим Каримов.

МУҒЛОН — Қашқадарё вилояти *Касби туманида*ги қишлоқ. Туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Косон (20 км). М.дан вилоят маркази (Қарши ш.)гача 50 км. Аҳолиси 7 минг киши (2003). Обиҳаёт ва Қаёбн каналларидан сув олади. Мальмурий идоралар, алоқа бўлими, автостанция. Ўзбекистон—Туркия қўшма корхонаси, деҳқон бозори, 2 умумий таълим мактаби, лицей-интернат, маданият саройи, стадион, марказий касалхона, дорихона ва б. тиббий муассасалар, маданий, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. М.—Қарши, М.—Косон йўналишларида автобус қатнови йўлга қўйилган.

МУҒОЖАР ТОҒИ (қозоқча Мұғалжар) — Қозоғистон Республикасининг Оқтўба вилоятидаги тог. Каспийбўйи пасттекислиги б-н Тўрғай сойлиги орасида жойлашган. У шим.да Урал дарёси водийсидан жан.да Турғон текислигидаги Шагирай баландлигигача давом этади. Уз. 200 км, эни 30 км гача. Энг баланд жойи 657 м (Катта Бахтибой тоғи). Тоғ геологик тузилиши жиҳатидан Урал тоғларининг давоми ҳисобланиб, асосан, оҳактош, кўмирли сланец, қумтош, кристалли сланец каби жинслардан тузилган. Ғарбий ва шарқий Мугожар тоғига бўлинади.

Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ, қор кам ёғади. Янв.нинг ўртача т-раси —16, —17°, июлиники 23—25°. Йиллик ёғин 200—250 мм. Ёғин асосан, баҳорда тушади. М.т.нинг ғарбий ён бағридан Эмба, Ўр (Каспий денгизи ҳавзаси), шарқий ён бағридан Иргиз дарёсининг ўнг ирмоқлари бошланади. Асосан, дашт ва чала чўл ландшафти мавжуд бўлиб, жан. қоратупроқ ва каштан тупроқлари иборат. Асосий ўсимликлари: чалов, бетага, шувоқ, бурган, дарё водийларида терак, тол, қайин ўсади. Баҳорги-ёзги яйловлар бор. Хром рудаси, фосфорит, мис, никель, кўмир конлари заминида кончилик саноати ривожланган.

МУҒОМ — 1) Озарбайжон халқ мусиқасида *лад*. Жами 70 дан ортиқ М.лар маълум бўлиб, асосийлари — раст, шур, сегоҳ, шуштэр, чаргяҳ, баяти шираз, ҳумаюн. Қолганлари шулар заминида ташкил топган. М. товушқаторларида орттирилган секунда интервали учрайди; кўпларининг диапазони октавадан кенг бўлиб, айрим товушлар турлича вариантларда келиши мумкин. М.ларда тоника уларнинг паст қисмидагина эмас, балки ўрта қисмларида ҳам учрайди; 2) Озарбайжон ва Тоғли Қорабогда тарқалган туркумли вокал-чолғу асар. М.лар муайян ладга асосланиб, одатда, шу лад (мас., раст, шур ва ҳ.к.) номи б-н аталади. Улар бадиҳа услубига асосланган ашула, рақс ва чолғу куйларидан иборат. 19-а.дан бошлаб М.лардан А. Магомаев, У. Ҳожибеков, Н. Тигранов, Р. Глиэр ва б. композиторлар турли жанрлардаги асарларида фойдаланишган. А. Тер-Гевондян («Раст»), Ф. Амиров («Шур», «Кюрди Овшар», «Баяти Гулистан»), Ниёзий («Раст»), С. Алескеров («Баяти Шираз») ва б. М.ларни оркестр учун, Ж. Жангиров («Чаргяҳ»), А. Аливердибеков («Баяти Шираз») а капелла хори учун қайта ишлаганлар.

Ад.: Гаджибеков У., Основы азербайджанской музыки, 2 изд., Баку, 1957.

МУҒОН, Муқон (?—572) — турк хоқонларидан бири. *Бумин* хоқонининг ўғли. Асли номи Қушу бўлиб, М. унвони б-н тахтга ўтирган. М.нинг бир неча исмлари бўлган — Қуш, Йегин — невара, жиян; Янди — голиб; унвони — М.; М. қаҳрли, жасур, ақлли бўлиб, уни жанг жадалдан бошқа ҳеч нарса қизиқтирмаган. 553 й. кузида у жўжанларни қайта тор-мор этган. Жўжанлар Ци императорлари бошпана топганлар. 555 й. Ци императори ўз ерндан жўжанларни ҳайдаб чиқарган, чунки улар қароқчилик қилишга ўтгандилар. Бундан фойдаланган М. ва *кидалар* жўжанларни тор-мор қилганлар. 554 й. М. давлати кичик бир мулкдан империя айланган. Шим.да Цигу давлати ҳам забт этилган. Чжоу империяси б-н тузилган шартномага кўра, Чжоу М.га ҳар йили 100 минг парча ипак мато солиғи тўлаб турган. 572 й. М. вафот этган. Тахтга ўтирган укаси Тобохон Ци империяси б-н сулҳ тузган. Чжоу солиқдан бош тортганда унга ҳужум қилган ва Чжоу яна солиқ тўлашга мажбур бўлган.

МУҒХОНА, қурум, муғтош — 1) оташпарастлар қароргоҳи; 2) ўтов шаклида тошлан ясалган қабр иншооти (мил. ав. 3—2 — мил. 5—6-а.лар). Наманган вилоятидаги Косонсой яқинидан топилган М. Шим. Фарғонанинг ярим ўтроқ қабилаларига мансуб. Иншоот деворлари синиқ ва юпқа тошлардан қоришма ишлатилмай овал шаклида (5×8,5 м) қурилган. Ички хонанинг чиқиш туйнуги бўлиб, тоштахта б-н беркитиб қўйилган. М.дан одам суяклари, тувак, кўза, дастали пиёла, қилич, пичоқ, жез ва темир ўқ учи, жез кўзгу, зирак, узук, мунчоқ, нафис мўйчинак ва б. топилган. Идишлар қизил, қора ангоб б-н тирнаб ҳошияланган.

МУҲАББАТ, севги — 1) бирор шахсга ёки кишилар гуруҳига, гояга ёки амалий фаолиятга нисбатан интим ва кучли туйғу. *Нафрат*нинг акси. Шахс ички дунёсининг энг эркин ифодаси сифатида юзага келади. М. туйғусининг улуғворлиги ва мураккаблиги шундаки, унда биологик ва маънавий, шахсий ва ижтимоий, интим ва умумий ҳолатлар бамисоли бир нуқтага тўпланади.

Ижтимоий фикрлар тарихида М.га турлича маъно берилган. Юнонистонда М.ни кишилар ва табиат устидан ҳукмронлик қилувчи афсонавий куч деб тушунганлар, натижада М. худоси — Эрот (Эрос) ҳақида тасаввурлар вужудга келган. *Эмпедокл* М. оламни — инсонлар ва табиат ҳодисаларини уюштириб, бирлаштириб турувчи омил деб қараган, *Платон* М.ни 2 турга — ҳиссий М. ва ақлий М.га ажратади. Унинг фикрича, ҳиссий М. ташқи гўзалликни ҳис қилишдан ҳосил бўлади ва М.нинг қуйи босқичини ташкил этади. Ақлий М. эса гўзалликни кенг маънода — ахлоқий-эстетик, илмий тушунишдан пайдо бўлади. У ақлий (маънавий) М.ни устун қўяди.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ҳам М. масаласига катта эътибор берганлар. Улар инсонлар орасидаги, жумладан, эркак ва аёл орасидаги М.ни юксак муносабат деб тушунишган. *Ибн Сино* М. ҳақида махсус илмий асар ёзгани маълум. *Юсуф Хос Ҳожиб* назарида, М. мустаҳкам оилавий турмуш, ижтимоий такомилнинг заминидир. *Лутфий* фикрича, М. инсонни қадрлаш, садоқат ва вафодорлик б-н чамбарчас боғлиқ. Алишер Навоий М.ни 3 турга: эркак б-н аёл никоҳида амалга ошадиган жинсий М.га, умуман инсонлар ўртасидаги муносабатларда намоён бўладиган М.га, Аллоҳга бўлган М.га ажратади. Европада М. муҳим ижтимоий ҳиссиёт сифатида табиатни ўрганишга, шахснинг гармоник такомилига хизмат қилувчи куч сифатида талқин қилинди. З. *Фрейд* М.ни физиологик инстинкт деб билди ва ота-оналик, фарзандлик меҳри ҳам шу инстинктнинг айрим кўриниши деб ҳисобланди.

Севги, меҳр, садоқат даражасидаги М. одамлар ва ҳайвонларнинг генетик дастурида мавжуд бўлган биологик ҳодиса сифатида ўзидан авлод қолдириш, уни ҳаётга таъминлашга қаратилган кучли ҳис-туйғунинг намоён бўлишидир. Бу, ҳайвонда ҳам, одамда ҳам ўз зурриётини сақлаб қолишга қаратилган эҳтиросли эҳтиёжларни жинсий муносабатлар шаклида юзага чиқаради. М. фақат 2 жинснинг бирлашишига бўлган кучли эҳтиросдан иборат бўлибгина қолмай, айни чоғда у одамнинг ота-онаси, қариндош-уруғлари, яқин кишилари, дўстлари, қўни-қўшнилари, ўқув ва меҳнат жамоалари, ўз халқи ва Ватани ҳамда умуман башарият б-н руҳан яқинлашишнинг кучли воситаси ҳамдир. М. туфайли индивид гўзал феъл-автори, хулқини ўзида гавдалантириб, муайян жамоа ва жамият олдида юксак қадр топади, бошқаларда ўзига нисбатан самимий меҳр-оқибатни уйғота олади. Шунинг учун ҳам билиш назариясида М. одам ва одам муносабатларини англаш жараёнининг бошланиши ва шарт-шароити ҳам ҳисобланади. Одам оламни, ўзини кўршаган табиий ва ижтимоий муҳитни уларга бўлган М.и даражасида англайди. М. одамлар ва нарсалар моҳиятини билиб олиш учун ақлга йўл очади, қоронғу дунёни ёруғ этади, эзгуликни ёвузликдан, ростни ёлғондан фарқлаш мезони сифатида ҳам намоён бўлади. М. одамларни, турли жамоаларни, халқларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштиради. М. бор жойда мураккаб муаммолар ҳам осонликча ҳал бўлади, ҳатто урушларга, жанжалларга ўрин қолмайди. Шунинг учун ҳам бир гуруҳ файласуфлар инсоният тарихида М. динини ирратиш орқали халқларни, одамларни бирлаштириш, ҳамкор-ҳамнафас қилиш мумкин, деган гояни ҳам ишлаб чиққанлар.

Фан-техника инқилоби шитоб б-н давом этаётган, инсоннинг ирода ва индивидуал эрк бериш орқали ижтимоий тараққиётни тезлаштириш ва бинобарин, энг қулай турмуш шароитини вужудга келтириш мумкинлиги аён бўлган ҳоз. даврда анъанавий турмуш тарзи издан чиқиб, янги замонга мос келадиган ҳаёт тарзи ҳали шаклланиб улгурганича йўқ. Бундай шароитда одамлардаги М. ҳис-туйғулари сийқаланиб, дағаллашиб бораётгани, якка никоҳликка асосланган оилаларнинг қадрсизланиши (айниқса, Ғарбда) натижасида чинакам М.га путур етаётгани ҳам кузатилмоқда.

2) *Тасаввуф*да Аллоҳга етишиш («ҳақиқатга эришиш»)нинг асосий воситаси. Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Сўфи Оллоёр ва ш.к. шоирлар шеърларида инсонни бу дунёга эмас, Аллоҳга М. қўйишга чақиради. Яссавий фикрича, киши бутун ҳаётини Аллоҳга, илоҳий М.га бағишлаши керак, ҳаётнинг моҳияти Аллоҳ — «ҳақиқат»га эришишдир. Аллоҳдан ўзгага бўлган М. соликлар назарида мажозий М. саналган. Тасаввуфона битилган ғазал ва шеърларда мажозий М. орқали ҳақиқий М. тараннум этилади.

Иброҳим Каримов.

МУҲАББАТНОМА — *нома* жанрининг мумтоз адабиётдаги бир тури. М.да ошиқ-маъшуқанинг ўзаро муносабати, кайфияти ва истак-орзуси баён этилади. М.нинг бош қаҳрамони, одатда, ошиқ — шоирнинг ўзидир. У севги тароснасининг куйчиси сифатида майдонга чиқади. Лирик қаҳрамон маъшуқани таъриф-тавсиф этади, фироқ алами ва висол шодлигини ифодалайди. Унда дарпка б-н янк тасвир унсурлари уйғунлашади. М.да шоир ошиқ образи симсолида ўзининг ижтимоий-фалсафий қарашларини, жамиятнинг аниям муаммоларига муносабатларини баднин ифодалайди. М.нинг композицион қурилиши мактуб, унга жавобнинг, талаб, фарз, масаланп ва рубоийлардан иборат бўлади. *Хоразмий*нинг «Муҳаббатнома», *Ҳужандий*нинг «Лаъолнома» ва *Амирий*нинг «Дарёнома» каби асарлари М.нинг намуналаридир.

МУҲАДДИС (араб. — ҳадис ривоят қилувчи) — ҳадисларни тупланп, саралаш ва шарҳлаш б-н шуғулланган илоҳиётчи. Муҳаммад (сав) вафотидан кейин ҳадисларни тупланп кенг анъанага айлана бошланиши натижасида илоҳиётчиларнинг бир қисми бу соҳада ихтисослашган ва улар М.лар деб ном олган. Ҳадис тупламлари ислом анъанасида эътибор қозониб, М.лар (мас., Имом ал-Бухорий, Муслим ибн ал-Ҳажжож, Ибн Можа ва б.) ислом тарихида машҳур бўлиб кетган.

МУҲАЙЙИР (тахаллуси; асл исми Муҳаммадқул Муҳаммадрасул ўғли) (1842, Қўқон — 1918, Риштон тумани) — шоир, таржимон ва хаттот. Ўзбек ва форс-тожик тилларида ижод қилган. 1875—85 й.ларда Бухоро мадрасаларида ўқиган. М.нинг ўз қўли б-н кўчирган мукаммал девонининг 2 нусхаси мавжуд. Девонида 350 ғазал, 35 мухаммас, 3 мусаддас, 6 мураббаъ, 2 таржеъбанд, 73 рубоий ва «Қирқ ҳадис»нинг шеърий йўл б-н қилинган таржимаси бор. М., шунингдек, «Салоти Масъудий» номли фиқҳ илмига оид форсча китобни ўзбек тилига таржима қилган. 1870 й.да Алишер Навоийнинг терма девонини ҳам настаълиқ хатида кўчирган. Муқимий, Фурқат, Муҳйи, Завқий, Нодим Наманганий ва Мунтазирлар б-н яқин ижодий муносабатда бўлган. Лутфий, Жомий, Ҳофиз Шерозий ва Алишер Навоий ғазалларига мухаммаслар боғлаган, назиралар ёзган. Шеъриятида тасаввуфий оҳанглар, рамз ва ишоралар ҳам бор. Ижодий меросининг умумий ҳажми 10000 мисралан ошиқроқ. 3 қўлёзма девони Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №7493, 19111) ва Ўзбекистон ФА Давлат адабиёт музейида сақланади (инв. №241).

Ад.: Танланган шеърлар. Т., 1967; Девон. Т., 2000.

Акрам Дехқонов.

МУҲАМЕДОВ Абдураҳим (1923.10.7 — Тошкент — 1980.10.2) — композитор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1975). Тошкент консерваториясини тугатган (1955). 2-жаҳон урушн қатнашчиси (1942—43). Ўзбек давлат филармониясида со-ида (1945—52), мусиқа раҳбари (1965—71 ва 1975—77), Маданият вазирлигида ишлаган, бошқарма бошлиги (1955—56, 1960—64), Ўзбекистон телевидениеси (1958—60) ва Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида (1972—74) мусиқа муҳаррири. Ижодида мусиқали комедия ва қўшиқ жанрлари асосий ўрин эгаллаган. Кўпгина ўзбек мусиқа мероси анъаналарига таянган, ўзига хос интонацион-ритмик услуби б-н ажралиб туради. М. «Жон қизлар» (К. Шониятбоев, К. Бойсеитов пьесаси, 1963), «Гавҳари шамчироқ» (С. Улуғзода, 1967), «Тоғ гўзали» (С. Саидмуродов, 1972), «Олифта» (Ф. Мусажонов; Н. Халилов б-н ҳамкорликда, 1974) каби мусиқали драма ва комедиялар ёзган. М.нинг «Жон қизлар», «Етти қиз», «Жон Ўзбекистон», «Шоҳи сўзана», «Алла», шунингдек, болалар қўшиқлари («Каналак», «Арча қўшиғи», «Кўтирчоғим, алла-ё» ва б.) оммавийлашган.

МУҲАМЕДОВ Музаффар (1902.1.1 — Тошкент — 1995.18.11) — актёр, реж., театр ташкилотчиларидан бири. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1937), Ўзбекистон халқ артисти (1959). Москва ўзбек драма студиясини тугатган (1927). Ижодий фаолиятини Ҳамза раҳбарлигидаги «Турк кучи» труппасида актёрликдан бошлаган (1918). 1919—24 й.лар Ўзбек давлат намуна драма труппасида актёр. Андижон театрида бош реж. (1928—30), Ўзбек давлат мусиқали театрида (1930—39), Навоий театрида (1939—43 ва 1950 й.дан) реж., Муқимий театрида бош реж. (1943—50). Маҳмудхон («Заҳарли ҳаёт»), Муслим («Ҳалима»), Ўлмас Ботир («Ёркиной»), Мирзабоши («Арслон») ва б. унинг саҳнада ирратган энг яхши ролларидир. М. режлик факултетининг дастлабки даврларида В. Мейерхольд йўлидан борди, кейинчалик М. режиссураси ўзига хос ривож топди. У мусиқали театр реж.и сифатида шаклланди ва бу соҳада ўзига хос режлик мактабини ирратди. «Ҳалима» (Ғ. Зафарий), «Гулсара» (К. Яшин, М. Муҳамедов; Т. Жалилов), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид; Р. Глиэр, Т. Содиқов), «Даврон ота» (К. Яшин, С. Абдулла, Чустий; Т. Содиқов, А. Козловский), «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш» (С. Абдулла; Т. Жалилов), «КИМга» (Рославец, Т. Жалилов), «Ғунчалар» (З. Фатхуллин; Т. Жалилов), «Офтобхон» (К. Яшин; Т. Жалилов) каби спектаклларни саҳналаштирди. «Ичкарида» пьесасини, «Гулсара», «Дилором», С. Абдулла б-н «Майсарининг иши» операларининг либреттосини ёзган.

МУҲАМЕДОВ Сафо (1914.24.6 — Тошкент — 1990.19.3) — рангтасвир устаси, педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1971). Тошкент рассомлик билим юртини (1938), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини (1960) тугатган. 1940 й.дан Республика рассомлик билим юртида педагог; Тошкент политехника ин-ти (меъморчилик ф-тида доцент (1963), проф. (1988), 1968 й.дан кафедра мудири. М. асарларида меҳнат аҳли ва яёнлар, уларнинг қизёфазари, меҳнати ва кайфиятлари жонли ҳаётий тасвирланган: «Эски мактаб» (1940), «Меҳнат Қаҳрамони С. Нуриддинов» (1956); «Тунги суғорши» (1963), «Проф. Р. К. Неломбеков» (1968), «Алишер Навоийнинг султон Ҳусайн Бойқаро б-н сўнгги учрашуви» (1972) ва б. М. рассомлик санъати ва ҳайкалтарошлик соҳасидан илмий асар, дастур, қўлланмалар ва услубий тавсияномалар ёзган.

Ас.: Керамик плиталар учун миллий нақшлар. Т., 1974.

МУҲАМЕДОВ Собир (1912.25.5 — Тошкент — 1978.12.4) — киносценарист, жамоат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1965). 1939 й. Боку киностудиясида, 1941—48 й.лар «Ўзбекфильм» киностудиясида (1955—57 й.лар директор) турли лавозимларда ишлаган. 1948—55 й.лар Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида ўқитувчи. Ўзбекистон маданият ишлари вазири муовини (1957—59), вазир (1959—63), Ўзбекистон кинематографияси Давлат қўмитаси раиси (1963—64), Ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиясининг директори (1966—67), Ўзбекистон Кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг раиси (1967—76), «Ўзбекфильм»да бош муҳаррир (1977—78), Ўзбекистон кино и.ч. бошқармасининг бошлиги (1978 й. январдан). Кўпгина ҳужжатли, бадиий, мультипликацион фильмларнинг сценарийларини ёзган: «Фронтга концерт», «Ўзбекистонимизга келинг» (М. Каравкин б-н ҳамкорликда), «Ҳамза» (К. Яшин б-н ҳамкорликда), «Шиддат» (Д. Васильу ва У. Назаров б-н), «Ўттан кунлар», «Зулматни тарк этиб» (А. Қодирий асарлари асосида), «Юнус Ражабий», «Ёруғ йўл», «Ўзбекистон ўрмонлари» ва б. шулар жумласидан. В. Яшинг «Чингизхон» романини рус тилидан ўзбек тилига таржима қилган.

Ас.: Киносценарий. Т., 1974. Фильмы и годы (А. Абдуллаев б-н ҳамкорликда). Т., 1980.

МУҲАММАД, Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (570/571, Макка — 632, Мадина) — *ислом* дини ва биринчи муслмонлар жамоаси асосчиси. Мусулмонлар эътиқодига кўра, Аллоҳнинг охирги пайғамбари ва унинг элчиси. Шу маънода уни Расулуллоҳ, Расули Акрам деб аташ одат тусига кирган. Баъзи диний манбаларда М.нинг 99 номи келтирилади. Ислом таълимотига кўра, М. номини айтган ёки эшитган киши «саллаллоҳу алайҳи васаллам» (сав) ёки *«алайҳиссалом»* (ас) деб саловат айтиб қўйиш вожиб ҳисобланади.

М. орқали одамларга *Қуръон* нозил қилинган. Қурайш қабиласининг ҳошимийлар уруғига мансуб, унча бой бўлмаган, лекин Макка зодагонларига яқин оилада туғилган. М.нинг болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақидаги маълумотлар жуда кам. М. ғўдаклигидаёқ етим қолган; туғилмасидан аввал отаси Абдуллоҳ, 6 ёшлигида эса — онаси Омина вафот этган. М.ни ўз тарбиясига олган бобоси Абдулмуттолиб ҳам кўп ўтмай оламдан ўтади. Етим болани тарбия қилишни амакиси Абу Толиб ўз зиммасига олади. 12 ёшида М. бир муддат Абу Толибнинг подасини боқади, кейин тижорат ишларига жалб қилинади. Абу Толиб М.ни 21 ёшида Ҳувайлид ибн Асъаднинг қизи, бадавлат бева аёл *Хадича* хонадонига дастёрликка беради. Хадичанинг савдо ишлари б-н шуғулланган М. Сурияга сафар қилади, хусусан, Ҳалаб ва Дамашқ шаҳарларига боради. М. 25 ёшида (595 й.) 40 ёшларга бориб қолган Хадичага уйланади. М.дан Хадича 3 ўғил (Қосим, Тоҳир, Тайиб) ва 4 қиз (Руқия, Зайнаб, Умму Кулсум, *Фотима*) кўрган. Ўғилларидан ғўдаклигидаёқ вафот этган. Қизларидан Фотимагина М. наслини давом эттирган. Хадича вафотидан сўнг М. бир неча бор уйланган (лекин, Ойшадан бошқа бокира хотин олмаган), улардан фарзанд кўрмаган. Фақат жорияси Мориядан Иброҳим исмли ўғли бўлган. У ҳам жуда ёшлигида оламдан ўтган.

М. 40 ёшга тўлганида ўзини бошқача сеза бошлайди. Ёлғизликни қўмсаб, Макка ёнидаги Ҳиро тоғида жойлашган ғорга бориб ибодат б-н машғул бўлар, ўйга толарди. Тахм. 610 й.да М. Маккада ўзининг худодан *ваҳий* олаётганлигини эълон қилади. Буни биринчилардан бўлиб Хадича, М.нинг амакиваччаси *Али* ибн Абу Толиб ҳамда асранди ўғли Зайд ибн Ҳориса эътироф этиб имон келтиришган. Кўп ўтмай, Макканинг энг нуфузли савдо-

гарларидан *Абу Бакр*, Зубайр, Талҳа, Саъд ибн Абу Ваққос, Абдурраҳмон ибн Авф ва *Усмон* ибн Аффон М.ни чин пайғамбар деб тан олишган. М. издошлари жамоаси дастлабки пайтларда 50 кишидан ошмаган. Макканинг асосий аҳолиси, айниқса, нуфузли қурайшилар эса М. таълимотини очиқдан-очиқ душманлик б-н қарши олган. Бунинг натижасида М. тарафдорларидан 11 хонадон Ҳабашистон (ҳоз. Эфиопияга кўчиб кетган. М. жамоасига жасур жангчилар сифатида танилган Ҳамза ва *Умар* ибн Хаттобнинг қўшилиши жамоанинг мавқеини оширди. Айни вақтда қурайш зодагонларининг М. ва унинг тарафдорларига душманлиги янада кучайди. 620 й.да Хадичанинг, сўнгра Абу Толибнинг вафотидан сўнг Маккада вазият ёмонлашади, М. муайян хатар остида қолади. Ҳар йилги анъанавий Макка зиёратига келган ярибликлар Авс ва Ҳазраж қабилаларининг вакиллари М. б-н учрашиб, содиқлик билдиришади ва ёрдам қилишга ваъда беришади, М.ни Ясрибга кўчиб боришга даъват қилишади. Аввал М.нинг издошлари (асҳоблар) ўз онлалари б-н қурайш зодагонларидан махфий равишда гуруҳ-гуруҳ бўлиб кўчади. Охирида М.нинг ўзи Абу Бакр б-н жўнаб кетади. 622 й.да юз берган бу кўчиш пайти (араб. *ҳижра*)дан мусулмонлар эраси — *ҳижрий йил ҳисоби* бошланади. Ясриб эса Мадина ан-Набий («Пайғамбар шаҳри») ёки қисқача, Мадина деб аталадиган бўлди.

Мадинада биринчи масжид қурилди, ислом аркон (рукн)лари ишлаб чиқила бошланди, Каъба *қибла* қилиб белгиланди. Жамоани жипслаштириш ва уни кенгайтириш учун маккалик мушрикларга қарши курашиш зарур эди. Маккаликларга қарши уюштирилган иқтисодий уруш улар фаровонлигининг асосий манбаи бўлган савдо карвонлари ишини чиппакка чиқарди. 624 й.да Бадр қудуқлари олдида (қ. *Бадр жанги*), 625 й.да Уҳуд тоғи этагида (қ. *Уҳуд жанги*) жанглар бўлди. 626 й.да маккаликлар мадиналикларга узил-кесил зарба бериш мақсадида йирик қарбий сафарга отланишди. М. Мадинани узоқ қамал шароитига тайёрлади, шаҳар атрофига чуқур хандақлар қазилди ва у ерларга камончи ўқчилар жойлаштирилди. Кутилмаганди изғирин, кучли шамоллар қамал қилувчиларни толиқтирди, улар орасида низолар бошланди. Натижада Мадина қамали бекор қилинди, бу ғалаба Мадина жамоасини янада жипслаштириш б-н бирга, унга янги-янги бадавий қабилаларнинг қўшилишига олиб келди. Ҳижранинг 6-йилида маккалик қураиш зодагонлари мавжуд муаммоларни келишувчилик йўли б-н бартараф этиш учун М. б-н тенгма-тенг музокара олиб боришга мажбур бўлишди (қ. *Худайбия битими*). Мадинага қарши курашнинг етакчиларидан бири бўлган Абу Суфён М. тарафига ўтди. 630 й.да Макка М.га жангсиз таслим бўлди, маккаликлар М. жамоаларига қўшилди. 631 й.да кўп қабилалар М.га бўйсунди ва исломни қабул қилди. Ҳижранинг 10-йили (632 й. мартда) М. ўз оила аъзоларини олиб, Мадина атрофларидаги 100 мингдан ортиқ киши б-н Маккага биринчи ва охирги марта зиёрат (*ҳаж*)га борди. Бу вақтларда М. 60 ёшларга борган эди. Ҳаж сафаридан 81 кун кейин узоқ давом этмаган касалликдан сўнг М. Мадинада вафот этди. Пайғамбар (ас)ни ўз ҳужрасига дафн қилишган, мақбараси кейинчалик у ерда қурилган катта масжид ичида қолган, мусулмонларнинг зиёратгоҳига айлантирилган.

М.нинг ҳаёти ва таржимаи ҳоли *сийрада*, унинг сўзлари ва қилган ишлари ҳақидаги ривоятлар *ҳадис*ларда баён этилган. Ислом таълимотида М. комил инсон сифатида таърифланади. *Сунна*да пайғамбарнинг ҳаёти барча мусулмонлар учун намуна бўлиши кераклиги таъкидланади. Ислом анъанасида М. ҳеч қандай гайритабиий, илоҳий хусусиятга эга эмаслиги, балки ҳамма каби оддий одам, лекин Аллоҳнинг чин ва охирги пайғамбари эканлиги қайд этилади.

М.нинг шаклу шамоиллари, сийрату сифатлари, инсоний фазилатлари, бошқа пайғамбарлардан фарқ этадиган хусусиятлари тўғрисида у б-н бирга юрган, суҳбатларидан баҳраманд бўлган саҳобалар ҳамда никоҳида бўлган аёллари томонидан нақл қилинган ривоятлар асосида кўплаб асарлар битилган. Улардан Абу Исо Термизийнинг «Шамоили набавия», Муҳаммад Бусирийнинг «Қасидаи бурда», Абу Жаъфар Барзанжийнинг «Мавлидин-Набий», Муҳаммад ибн Солиҳнинг «Муҳаммадия», Мавлоно Муъминнинг «Сияри шариф», Акбарободийнинг «Нодирул-меърож», Саййид Маҳмуд Тарозийнинг «Ширин калом», «Нурул калом», «Нурул-басар» ва б. кўплаб муаллифларнинг асарларини мисол қилиб келтириш мумкин. Имом Термизийнинг «Шамоили Муҳаммадийя» китоби улар ичида қадимийлиги ва ривоятларининг саҳиҳлиги б-н ажралиб туради. Унда М.нинг жисмоний ва ахлоқий хусусиятларига батафсил таъриф берилган. Мас., икки кифтлари ўртасида «Муҳаммадун-Расулуллоҳ» деб ёзилган муҳри нубувватлари бўлгани, соч-соқолларининг оқ қораси нечта бўлганлиги тортиб, кийим-кечаклари, оёқ кийимлари, тақкан узуклари, қилич-қалқонлари, салла-чопонлари, етган ва еқтирган таомлари, овқатдан олдин ва кейин ўқиган дуолари, сув ичишлари, ҳушбўй нарсаларни истеъмол қилишлари, сўзлашиш одоблари, ҳулқ-одоблари, қулоқ ва ҳазил-мутойибалари, мусиқа ва шеъриятга муносабатлари, ибодат ва риёзатлари, тиловат ва муножотлари, ётиш-туришлари, гиббиётга муносабатлари, қизлик тирикчиликлари, ному лақабларининг миқдори, хасталик ва вафотлари, қолдирган мерослари ва б. сифатлари тўғрисида алоҳида-алоҳида боб ва фаслдар орқали баён этилган. Жисмоний тузилишлари тўғрисида жумладан шундай нақл қилинади: «Ул зотнинг бўйлари унчалик новча ҳам, паст ҳам эмас, бош, қўл, оёқ ва кифтлари йўғон, юзлари қизғиш, кўзлари катта, оқи жуда оқ, қораси ўта қора, ўткир, сочлари қулоқларининг юмшоқларигача ёпиб, елкаларига тегиб-тегмай турар, буйинлари сочлари орасидан товланиб, гўё кумуш кўзлек кўринib турар, терласалар, маржондек терларидан муаттар ҳид таралар, бирор кишига қайрилиб қарамоқчи бўлсалар бошларинигина бириб қарамай, балки бутун гавдалари б-н ўгирилиб қарар эдилар. Олд томонларини қандай кўрсалар, орқа томонларини ҳам шундай кўрар эдилар. М.нинг сояси ер узра намоён бўлмас эди».

Ад.: Ҳадис (Ал-Жомиъ ас-саҳиҳ). 1—4-жлар (2-нашри). Т., 1997; Имом ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадийя. Т., 1991; Сотуний А., Тарихи Муҳаммадий (1—2-китоб). Т., 1997; Ҳазрати пайғамбар ҳаёти (2-нашри). Т., 1997; Ҳасанов А., Қадимги Арабистон ва илк ислом (1-китоб: Жоҳилия асри). Т., 2001.; Лутфий Аҳмад. Саодат асри қиссалари [1-китоб. Интизор кутилган тонг]. Т., 2003.

Абдулвосе Мансур.

МУҲАММАД Хоразмшоҳ, Муҳаммад II Алоиддин, Алоиддин Муҳаммад (тўлиқ исми Кутбиддин Муҳаммад ибн Такаш ибн Эларслон ибн Ануштегин) (тахм. 1182—1220 й. дек.) — *Ануштегинийлар* сулоласидан бўлган *Хоразмшоҳлар давлати* ҳукмдори (1200 й. 3 авг. — 1220 й. дек.). Отаси — *Такаш* хоразмшоҳ, онаси *Турkон хотун* қипчоқ хони Жонкишининг қизи. М. 1193 й. дек.да отаси томонидан Нишопур ш.га волий (ҳоким) қилиб тайинланган 1198 й.да халифа *Носир* Такашга ва унинг ўғли Қутбиддин Муҳаммадга шараф либоси ва Хуросон, Туркистон ва Ироқ аҳли султони эканини тасдиқловчи машур (ёрлиқ) жўнатган. Такаш вафотидан сўнг Хоразмшоҳлар давлати тахтига Қутбиддин Муҳаммад утирди. У отасининг Алоиддин лақабини, кейинроқ эса Соҳиб (иккинчи) номини қабул қилди. М. даврида салтанат ҳам ҳудуди, ҳам куч-қудрат жиҳатидан унинг юксак чуққисига етган. М. даврида Хоразмшоҳлар давлати шимда Ироқ, ғарбда Кавказгача, шарқда Ғазнагача, жанубда Ироқ ва Форсгача ерларни ўз ичига олган. М. ҳокимиятни мустаҳкамлаб олгач, ҳарбий қарорларни ўзи мустақил қабул қилди. Ўша даврда вафот этган ва шу ерда дафн этилган. Кейинчалик Жалолиддиннинг фармойишига кўра, М.нинг жасади Исфаҳондаги Хоразмшоҳларнинг хотирасига қурилган мадрасага кўмиш учун Ардаҳи қалъасига келтирилган.

Манба: Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий, Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти, Т., 1999.

Ад.: Бунёдов З., Ануштегинлар хоразмшоҳлар давлати (1097—1231), Т., 1998.

Неъмат Пўлатов.

МУҲАММАД АБДУ — қ. *Абду* Муҳаммад.

МУҲАММАД АЛИ (тахаллуси; асл нем-шарифи Аҳмедов Муҳаммад Али) (1942.1.3, Бўз тумани) — Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1992), филол. фанлари номзоди (1992). Москвадаги М. Горький номидаги Адабиёт ин-тини тугатган (1966). «Шарқ юлдузи» жур.да адабий ходим (1966), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида мухаррир (1967), бўлим мудири (1982), бош мухаррир (1982—85), Ўзбекистон телевидениесида бош мухаррир (1985—88), ТошДУда этика ва эстетика кафедраси мудири (1994—96), Ғафур Ғулом номидаги нашриётда ўзбек адабиёти бошқармаси бошлиғи (1997—98), Халқ таҳририяти мудири (1997—98), Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси бошқаруви раиси (1999—2003). 2003 й.дан Халқаро Амир Темур жамғармаси раиси.

М.А. «Фазодаги ҳислар» (1967), «Шафақ» (1968), «Оталар юрти» (1970), «Достонлар» (1974), «Оқ нур» (1977), «Илҳом париси» (1980), «Сен бир гулсан» (1989), «Она дуоси» (1994) ва б. шеърий асарлар муаллифи. «Машраб» достонида (1966) Бобораҳим Машраб-нинг фожиали ҳаётини тасвирлаган. «Бешгул» (1986), «Заминда яшаймиз» (1971), «Муҳаббат» (1983) достонлари замонавий мавзуларда ёзилган. Ўзбек халқининг 19-а. охири — 20-а. бошларидаги ҳаётини тасвирлашга бағишланган «Боқий дунё» (1981) шеърий романида Жиззах кўзғолони воқеалари бадиий лавҳаларда акс эттирилиб, Дукчи Эшон образи яратилган. «Сарбадорлар» (1989) дилогияси М. А. нинг прозадаги дастлабки асари. «Улуғ салтанат» (1999) тарихий романида ўзбек халқининг 14-а.даги

ҳаёти тасвирланаркан, тарихий ҳодисалар оқимида Амир Темур образининг тадрижий ўсиб бориши, унинг характеридаги адолатпарварлик, ҳалоллик, мардлик ва ватанпарварлик фазилатлари кўрсатилган. М.А.нинг давр ва тарихнинг долзарб масалаларига бағишланган публицистик асарлари ҳам бор («Ошиқ бўлмай Ҳақ дийдорин кўрса бўлмас» 1992; «Мен кўрган Америка», 2000).

Ҳинд эпоси «Рамаяна»дан парчалар, қорақалпоқ эпоси «Шаҳриёр», Р. Бёрнс, Г. Табидзе шеърий китоблари, Байрон, Пушкин, Р. Ҳамзатов ва б. асарларини ўзбек тилига таржима қилган. Бердақ номидаги Қорақалпогистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1984), «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1999).

Ас.: Сайланма. Т., 1997.

МУҲАММАД АЛИ (1769, Кавала ш., Македония — 1849.2.8, Искандария) — Миср ҳукмдори (подшоси) (1805—49), 1952 й. июль инқилобигача ҳукмронлик қилган сулола асосчиси, асли албан, яничарлардан. М.А. тамаки сотиш б-н шуғулланган, 45 ёшида ўқишни ўрганган. 1799—1801 й.ларда турк армияси таркибидаги албан отрядига бошчилик қилиб, Мисрдаги Туркия—Франция урушида қатнашган. Умар Макрам бошчилигидаги Қоҳира мусулмон уламоларига таяниб ҳокимиятни эгаллаган (1805). М.А. дастлаб Умар Макрамни қатл этган, сўнгра мамлук бекларини қириб ташлаб, номигагина Туркияга тобе, аслида Миснинг якка ҳокимига айланган. Мунтазам армия тузиб, унинг ёрдамида Арабистон я.о. (1811—18), Шарқий Судан (1820—22)ни босиб олган, Грек миллий озодлик инқилобини бостиришда қатнашган (1824—28). Туркия султонига қарши урушлар олиб борган (1831—33 ва 1839—40). Харажатларни қоплаш мақсадида вақф, мамлуклар ва ижарадорларнинг ерларини давлат ихтиёрига тортиб олган. 1829 й.дан ерларни ўз яқинларига бўлиб бера бошлаган. М.А. маъмурий идораларни қайталаш ташкил этган, қ.х., саноатни ривожлан-

тириш тадбирларини кўрган. Бу ишларни амалга оширишда чет эл, асосан, француз мутахассисларига таянган. Унинг даврида ташқи савдо ривожланган; бир неча дунёвий мактаблар очган. Миср ёшларини чет элларга ўқишга юборган.

МУҲАММАД АЛИ (15-а.) — шоир. Ғарибий тахаллуси б-н шеърлар ёзган. *Алишер Навоий*нинг тўғаси. Даврининг обрўли хаттотларидан, мусиқада эътиборли киши бўлган. Созларни яхши чалган. Шеърларининг аксарияти турки тилда ёзилган бўлиб, уларда асосан ишқ-муҳаббат куйланган.

МУҲАММАД АЛИ — америкалик боксчи, қ. *Али Муҳаммад*.

МУҲАММАД АЛИХОН (тахм. 1803/06—1842, Қўқон) — Қўқон хони (1822—41). *Умархон* ва *Ходича*нинг ўғли. Отаси Умархон вафотидан кейин 17 ёшида тахтга ўтирган. Ҳукмронлик даврида хонлик ҳудудини кенгайтиришга уринган. Жан. Олай тоғ этагидаги тожиклар бўйсундирилган. Қоратегин бутунлай, Дарвоз, Шутғон, Рошан, Вохон фақат номигагина забт этилган. 1829 й. Қашқарга юриш қилган. Унинг бу ҳаракатидан фойдаланган Қашқар мусулмонлари хитойларга қарши бош кўтарган. Мағлуб бўлган уйғурлардан 70 минги М. А. б-н бирга қайтиб, Қўқон хонлигидаги шаҳарларга (жумладан, Тошкентга) жойлаштирилган. М. А. Қашқарга қилган қайта-қайта ҳужуми натижасида Шарқий Туркистон шаҳарларидан бож йиғиш ҳуқуқини олган. М. А. ҳукмронлиги даврида суғориш ишлари йўлга қўйилган. Тошкент яқинида Хонариқ қазилган. Тошкент ҳокими *Лашкар қушбеги* М. А. нинг яқин маслаҳатчиси бўлиб қолган. Россия б-н савдо ва дипломатик алоқалар яхши йўлга қўйилган. 1828 й. Қўқондан Санкт-Петербургга элчилар боради ва улар яхши кутиб олинади. 1830 й. Қўқонга Россия элчиси хорунжий Потанин келади.

М.А.нинг ҳукмронлик даврида Қўқон—Бухоро муносабатлари кескин ёмонлашади. Улар орасида бўлиб ўтган урушлар натижасида Бухоро амири *Насруллахон* Қўқон қўшинини тор-мор қилади. М.А. ўзини нонлож амирнинг иноби деб эътироф қилади. Орадан икки йил ўтгач, 1841 й. окт.да Қўқонда хон зулмига қарши халқ қўзғолони кўтарилади.

М. А. ички ишлиқибозлик ва ахлоқсизликка берилади. Бухоро—Қўқон ўртасидаги муносабатлар ёмонлашуви ва тез-тез такрорланиб турадиган қарбий тўқнашувлар шунга олиб келдики, М. А. 1841 й. ноябрда укаси Султон Маҳмуд фойдасига тахтдан воз кечади, шундай бўлса ҳам 1842 й. апрда Бухоро амири Насруллахон Қўқонни забт этди ва М.Алини, укаси Султон Маҳмудниии, онаси Нодира бегимни қатл эттирди.

М. А. газаллар ёзган, унинг буйруғига биноан, хаттотлар Алишер Навоий асарларини миниатюралар б-н безатиб кўчиришган, қўлёзма тарихий асарлар форс ва араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган. М. А. даврида мактаб ва мадрасалар қурилган (мас., Мадалихон мадрасаси, Қўқоннинг эски ўрдаси таъмирланган.

Ад. Мирзоолим Мушриф. Қўқон хонлари тарихи, Т., 1995; Бобобеков Х. Н., Қўқон тарихи, Т., 1996; Набиев Р. Н. Из истории Кокандского ханства, Т., 1973.

Ҳайитбек Бобобеков

МУҲАММАД АМИН БУХОРИЙ, Муҳаммад Амин ибн Мирза Муҳаммад Замон Бухорий Суфиёний (17-а.) — бухоролик тарихчи олим. Бухоро шунинг Суфиён маҳалласидан бўлган, Ҳаёти тўғрисида маълумотлар деярли сақланмаган. Тахм. 60 ёшида «Муҳит ат-таворих» — «Тарихлар океани» (1700) асарини ёзган. Асар 10 боблан иборат бўлиб, унинг кейинги боблари *салотинлар* ва *аштархонийлар* даврини ўз ичига олади. Асарда олимлар, хаттотлар ва наққошлар ҳақида ноёб маълумотлар мавжуд. Айниқса, Субҳонқулихон (ҳукмронлиги: 1681—1702) даврида ют берган сиёсий воқеалар. Бухородаги марказий ҳокимиятга бўйсунишни хоҳламаган Балх вилояти устига юришлар, Хива хонининг Қоракўл, Кармина, Вардонзега босқинлари тасвирига катта ўрин ажратилган. Бу асар у б-н тахм. бир вақтда ёзилган *Муҳаммад Юсуф Мунший*нинг «Тарихи Муқимхоний» ва *Мир Муҳаммад Амин Бухорий*нинг «Убайдулланома» асарлари б-н биргаликда аштархонийлар даврини ёритишда муҳим манба ҳисобланади. Асарнинг Тошкент, Санкт-Петербург, Парижда қўлёзма нусхалари мавжуд.

Ад.: Ҳамроев У., Муҳаммад Амин Бухорий, Т., 1970.

МУҲАММАД АМИН ИНОҚ (тахм. 1730—1790, 14.4) — Хива хонлигини идора қилган *қўнғирот сулоласи* асосчиси. *Иноқлар*дан. М.А.и. 1761 й. иноқлик лавозимига кўтарилган. Туркманларнинг ёвмут ва човдур қабилаларига қарши кураш олиб борган, лекин муваффақиятсизликка учраб Бухорога, Дониёлбий оталиқ ёнига кетган. Хоразмни бутунлай эгаллаб олган ёвмутлар Хива тахтига Ғойибхоннинг ўғли Жаҳонгирхонни кўтарганлар. Унинг даврида (1769—70) беш қалъа (Ҳазорасп, Хонқа, Урганч, Кат ва Шоҳободда очарчилик ва вабо тарқалиб ўзбеклар Орол ва Бухорога кетганлар. 1770 й. М. А.и. Бухородан қайтиб келиб ёвмутларни Хоразмдан қувиш қилган, Тахта Абулғозихоннинг ўғли Бўлакхоннни кўтарган. М.А.и. хон даражасидан бўлмаган учун тахта кўтарувчи хонларни ўтказиб, ҳокимиятни улар номидан бошқара бошлаган. М.А.и. 20 нчи йиллар ошида 13 марта Хива хонини алмаштирган. Хоразмлик тарихчилар (Мунис, Огаҳий, Баёний ва б.) М.А.и. ҳусусида анча илиқ фикр билдирганлар. М.А.и. даврида Хива ичида Муҳаммад Амин иноқ мадрасаси қурилди (1765), шаҳарнинг Нодирабоқ босқинида вайрон бўлган девори ва дарвозалари қайта тикланди (1785), Хиванинг Жоме масжиди қайта қурилиб, унинг ёнида чиройли минора қад кўтарган (1789).

Ад. Камолов С. К., Каракалпаки в XVIII—XIX вв., Т., 1968; Иззатшеев М. И., Хива мозорида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши, Т., 1959; Худойбердиев К., Хива хонлари шажараси, Хива, 1996.

МУҲАММАД АМИН ИНОҚ МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (18-а.). Муҳаммад Амин иноқ томонидан қурдирилган. Ичан қалъа марказида жойлашган. *Муҳаммад Амин иноқ* ва унинг ўғли шу мадрасага дафн қилинган деб тахмин қилинади.

Мадраса беш тарзи майдонга қараган. Жан. пештоқдан 3 гумбазли миёнсарой орқали тўғри тўртбурчак тарҳли ҳовлига (25,4×24 м) кирилади. Ҳовли атрофида бир қаватли ҳужралар ва қарама-қарши жойлашган 2 айвон бор. Ҳовлининг кесик бурчакларидан ҳужрага кириш учун тор йўлаклар ишланган. Миёнсарой Ўрта Осиё мумтоз меъморлигига хос бўлмаган тарзда ишланган. Унинг гумбазлари ўзаро равоқлар орқали боғланган. Ғарбдагиси кенгроқ ҳажмда бўлиб, айвон вазифасини ўтаган. Унга масжиднинг гумбазли зали туташган. Пештоқининг 2 қанотида 1 қаватли, 2 қаторли ҳужралар ва бурчакларида гулдасталар, дарсхона ва масжид жойлашган.

МУҲАММАД АМИНХОН (1817—55) — Хива хони (1846—55). Оллоқулихоннинг ўғли. Хива хонлигини иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган ислоҳотлар ўтказди. Ҳарбий қисмида жойлашган. Мадраса икки қаватли. Биринчи қаватидаги ҳужралар даҳлиз, иккинчи қаватдагилар айвонли. Бу услуб Хива мадрасаларн меъморлигида илк бор шу бинода қўлланилган. Айвонларнинг қурилиши содда, ҳовлиниш умумий меъморлигига мос. Икки қаватли айвонлардаги қаноатлар ва қарама-қарши қўйилган пештоқлар сиркор парчинлар б-н нақшланган. Ҳужралар тоғи балхи гумбаз б-н беркитилган. Шарқий қанотидаги масжид ва ғарбий қанотидаги дарсхонанинг гумбазлари бурчакларидан чиқарилган тоқили қия сатҳ-багдана қўйилган. Пештоқининг 6 қиррали кўркам равоғи ҳам сиркор парчинлар б-н безатилган. Масжиднинг баланд гумбази пештоқидан анча юқори кўтарилиб турали. Мадрасанинг баланд ва безаклор пештоқи ўзига хос майда равоқчаларга бўлинган, бурчакларидаги мезанали гулдасталар бинога салобат ва гўзаллик бағишлайди. Бинода Хива меъморлик мактабига хос услубларнинг энг яхши намуналари қўлланган. Бош тарзидаги

Муҳаммад Аминхон мадрасаси.



ея ва унинг ёнидаги ҳашаматли Кук (Калта) минора шулар жумласидандир. Ҳали битмаган минорани шу давр шоирлари «Фалак айвонига қўшилган устунлек» деб таърифладилар. М. А. Хоразм пойтахтини *Ҳазора Эрдаги* (ҳал. Гурганжда кўчириш учун у ерда ҳам кўп қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга оширди. Лекин, Сарахс (Туркманистонда туркманлар б-н бўлган жанда ҳалок бўлди.

Ад.: Маньковская Л., Хива, Т., 1982; Худойбердиев К., Хива хонлари шажараси, Урганч, 1996; Абдурасулов А., Хива [тарихий-этнографик очерклар], Т., 1997.

МУҲАММАД АМИНХОН МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1852—55). *Муҳаммад Аминхон* қурдирган. *Ичан қалъа*нинг ғарбий қисмида жойлашган. Мадраса икки қаватли. Биринчи қаватидаги ҳужралар даҳлиз, иккинчи қаватдагилар айвонли. Бу услуб Хива мадрасалари меъморлигида илк бор шу бинода қўлланилган. Айвонларнинг қурилиши содда, ҳовлининг умумий меъморлигига мос. Икки қаватли айвонлардаги қаноатлар ва қарама-қарши қўйилган пештоқлар сиркор парчинлар б-н нақшланган. Ҳужралар тоғи балхи гумбаз б-н беркитилган. Шарқий қанотидаги масжид ва ғарбий қанотидаги дарсхонанинг гумбазлари бурчакларидан чиқарилган тоқили қия сатҳ-багдана қўйилган. Пештоқининг 6 қиррали кўркам равоғи ҳам сиркор парчинлар б-н безатилган. Масжиднинг баланд гумбази пештоқидан анча юқори кўтарилиб турали. Мадрасанинг баланд ва безаклор пештоқи ўзига хос майда равоқчаларга бўлинган, бурчакларидаги мезанали гулдасталар бинога салобат ва гўзаллик бағишлайди. Бинода Хива меъморлик мактабига хос услубларнинг энг яхши намуналари қўлланган. Бош тарзидаги миёнсарой 2 ошёнли, 5 гумбазли бўлимларга ажратилган. Ёғоч ўймакорлигида ишланган эшик ва панжаралар ноёб санъат асари ҳисобланади. Умумий тарҳи — 77×60,0 м; ҳовли 38,0×38,0 м; масжид 9,4×8,4 м; дарсхона 5,6×5,6 м. Мадраса таъмирланиб, меҳмонхона учун мослаштирилган, ўтмишда йирик ўқув даргоҳи ва шаҳар девонхонаси бўлган.

МУҲАММАД БАШОРО МАҚБАРАСИ — Тожикистон (Мозори Шариф) даги меъморий ёдгорлик (11—12-а.лар). Тог ёнбағрида дарахтлар орасидаги гўзал ҳувиндзара майдонда жойлашган. Мураккаб ҳажмда ўзига хос тарҳда қурилган. Дастлаб 3 қисм [мақбара, масжид ва ер ости 2 хона (гўрхона)]-дан иборат бўлган. 1342—43 йларда аралаш қилиб кенг, чуқур равоқли заёфратхона ва бурчагида кичик хоналар, шунингдек, бир-бирилан ўтиладиган қатор йўлаклар қурилган. М.Б.м. балхи гумбазли. Гумбаз ости бағалларига мугомбазлашган давлат тузиш ҳаракати ишланган. Озод қилинган ҳудудларда ишлари майда гирих нақшлар, оқ, кўк ва ҳаво рангдаги сирли сопол б-н қопланган. Заминига ўсимликсимон нақшлар ишланиб, девони хати б-н тўлдириб услублаштирилган. Мақбара ва зиёратхонадаги сағаналар турли рангдаги кошинкори нақшлар ва ўймакорлари нақшли мармардан ишланган.

МУҲАММАД БИН АБДУЛЛА Санд ад-Ҳасан (тахм. 1860—1920.21.12, Эфиопия, Ими р-ни) — Сомали халқининг миллий қаҳрамони, Буюк Британия ва Италия мустамлакачиларига қарши озодлик кўзғолони раҳбари (1899—1920). Сомали я.о. инглиз мустамлакачилари томонидан босиб олиниб, тақчилари томонидан кейин бошланган кўзғолон миллий озодлик тусини олган. Кўзғолон «Муқаддас уруш» *(жиҳод)*, «динсизлар»га қарши кўриниш шаклини олиб, Сомали халқининг кенг оммасини қамраб олган. Натижада инглиз мустамлакачилари ички р-нларидан қўшинларини олиб чиқишга мажбур бўлишган. Озод қилинган ҳудудларда давлат тузиш ҳаракати бошланган. 1920 й. дагина инглиз мустамлакачилари авиация ёрдамида М.б.А. қўшинини маглубиятга учратишган. М.б.А. уюшқоқлик б-н қўшинини Эфиопияга ўтказишга эришган, лекин кўпгина кўзғолончилар ва унинг ўзи касалликдан вафот этишган.

МУҲАММАД БУРУНДУҚ БАРЛОС (тўлиқ исми Муҳаммад Бурундуқ ибн Али ибн Бурундуқ ибн Жаҳоншоҳ ибн Жоку Барлос) (тахм. 15-а. ўртаси — 16-а. боши) — Султон *Ҳусайн Бойқаро*нинг лашкарбошиси. Ҳусайн Бойқаро 1495—96 й.ларда Ҳисор, Хутталон ва Бадахшонга юриш қилганида М.Б.Б.ни Хутталонга жўнатган. «*Бобурнома*»да ёзилишича М. Б. Б. темурийлардан дастлаб *Абдукосим Бобур* Мирзонинг, кейинчалик Абу Саид Мирзонинг беки бўлган. *Абу Саид* уни ҳурмат қилиб, унга ва Жаҳонгир Барлосга Кобулни берган, ўғли Улуғбек Мирзога оталиқ (отка) этиб тайинлаган. *Бобур*нинг ёзишича, М. Б. Б. «билимлик, бисёр сардор киши эди».

М.Б.Б. Ҳусайн Бойқаро ва унинг суюкли хотини Ҳалича бегимнинг ўғли Музаффар Ҳусайн Мирзога соҳибхтиёр бек этиб тайинлангандн. Ҳусайн Бойқаро вафотидан сўнг (1506) М.Б.Б., Зунунбек ва б. беклар келишиб Бадиуззамон Мирзо ва Музаффар Ҳусайн Мирзоларни тахтга ўтказганлар. Зунунбек Бадиуззамон ҳузурида, М.Б.Б. Музаффар Ҳусайн Мирзо ҳузурида бош бек (соҳибихтиёр) бўлганлар. Шайбонийхон Балхни қамал қилаётган эди. Беклар Болҳизга етишганда уларга бошқа шаҳзодалар келиб қўшилган. М. Б. Б. Бобурни ҳам бу юришга таклиф этиш учун унинг ҳузурига борган. Бобур М.Б.Б. б-н сафарга отланган. Мирзолар Ҳиротдан чиқиб Мургобга етиб келгунларигача 3 ой вақт ўтган. Бу орада Балх таслим бўлган, Шайбонийхон Самарқандга қайтиб кетган. Темурий шаҳзодалар қўшини тарқаб кетган. 1507 й. Шайбонийхон Ҳиротни қамал қилганида М.Б.Б. шаҳар мудофаасига бош бўлган, бироқ рақибига дош беролмай шаҳарни ташлаб қочган.

МУҲАММАД БУХОРИЙ (тўлиқ номи Муҳаммад Санд бинни Мирзо Бухорий, 17-а.) — мусаввир; Камолиддин *Бехзод*, *Маҳмуд Музаҳҳиб*, *Муҳаммад Мурод Самарқандий* анъаналарининг давомчиси. М.Б. яратган миниатюралар адабий асарларнинг тасвирий баёни бўлиши б-н бирга маҳаллий халқнинг кўчманчилик турмуши, қишлоқ ҳаётининг бадиий ифодаси сифатида ҳам қимматли. Жумладан, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланаётган Дурбекнинг «Юсуф ва Зулайҳо» достонига ишлаган 5 та мўъжаз расмлари сақланган. М.Б. расмларидан бири «Юсуф ва унинг оғалари» (1616) асарида тиниқ ранглар, асар сюжетининг аниқ тафсилоти орқали монументал руҳдаги миниатюра яратишга муяссар бўлган.

МУҲАММАД ВОРИС (17-а.) — тарихчи ва адиб. *Аврангзеб* даврида яшаган. М. В. «Шоҳ Жаҳоннома» («Шоҳ Жаҳон даври тарихи») ва «Зубдат ул-ҳикоёт» («Ҳикоялар сараси») номли форс тилида ёзилган асарлар муаллифи. «Зуб-

дат ул-ҳикоёт» бир неча тарихий асарлар («Тарихи Табарий», Муҳаммад Авфийнинг «Лубоб ул-албоб», «Бобурнома», Абулфазл Алломийнинг «Тарихи Акбаршоҳий» ва б.) асосида ёзилган бўлиб, ундаги ҳикояларнинг кўпчилиги Аврангзебга бағишланган. «Зубдат ул-ҳикоёт»ни Огаҳий ўзбек тилига таржима қилган. Бу асар Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланмоқда.

МУҲАММАД ГАРАЙ, Герай, Гирей (? — 1523) — Крим хони (1515—23). *Менгли-Гарай*нинг катта ўғли. Отаси даврилаёқ у Русь давлатига нисбатан адоват б-н қараган. Катта қўшинга бошчилик қилиб, Русь давлатининг жан. вилоятларига *чопқун* уюштирган (1507, 1512, 1513, 1515 йлар). 1515 йда тахтга ўтириб, Крим хонлигига 8 та рус шаҳарлари — Брянск, Новгород-Северск ва б.ни, поляк қироли Сигизмундга Смоленск ш.ни беришни талаб қилган. 1516—17 йларда Русь ерларига янги талончилик юришлари ташкил этишда қатнашган. Қримда Русь давлати тарафдори бўлган Мирза Оппоқ таъсирининг ортиши кескин муддатли рус-крим иттифоқига олиб келган. М. Г. русларга қарши Сигизмунд б-н иттифоқда бирлашиб (1520), 1521 йда Қозонда Шоҳ Алихон (Москванинг буюк князи *Василий III* Ивановичнинг гумаштаси)га қарши фитна уюштирган ва укаси *Соҳиб-Гарай*нинг хон бўлишига ёрдам берган. М.Г. Москвани эгаллаш учун Крим ва Қозон татарларига бош бўлиб юриш қилган. М.Г.нинг қўшини Москвадан 60 км жан.да тўхтаган, рус қўшинларининг яқинлашаётганидан хабардор бўлгач, жуда кўп аҳолини асир олиб қайтиб кетган. 1522 й. дек.да нўғайлар б-н бирга Астрахонга юриш уюштирган, шунда нўғайлар мирзаси Агиш томонидан ўлдирилган.

МУҲАММАД ДАРВИШ САМАРҚАНДИЙ (16-а. охири — 17-а. боши) — мусаввир ва хаттот. Асарларида Ўрта Осиё миниатюра мактабига хос хусусиятлар ўз ифодасини топган. Унинг «Достони зебу зевар» қўлёзмасига ишлаган тўрт расми (1618, Британия музейида), Саъдийнинг «Бўстон» асари қўлёзмасига ишлаган миниатюралари (1570, Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида) ва ёзган китъаси (Техрондаги Салтанат кутубхонасида) бизгача етиб келган.

МУҲАММАД ДОВУД (1908—1978) — Афғонистон давлат арбоби, генерал. Қандаҳор ва Шарқий вилоятлар генерал-губернатори (1933—46), Марказий армия корпуси қўмондони, ички ишлар вазири (1946—47), Афғонистонинг Франция, Бельгия ва Швейцариядаги элчиси (1947—49), миллий мудофаа вазири (1949—50), бош вазир (1953—63). М.Д. 1973 й. 17 июлда армия ёрдамида давлат тўнтариши ўтказиб, Афғонистонни республика деб эълон қилган. М. Д. президент қилиб сайланган ҳамда бош вазир қилиб тайинланган.

МУҲАММАД ДЎСТ Мурод (1949.12.4, Самарқанд вилояти Жом қишлоғи) — ёзувчи ва жамоат арбоби. ТошДУ тарих ф-тининг фалсафа бўлимини тугатган (1971), Москвадаги Адабиёт ин-тида ўқиган (1974—79). «Ўзбекфильм» киностудиясида сценарийчи (1979—84), «Шарқ юлдузи» жур.ида бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари (1984—89), «Литературная газета»нинг мухбири (1989—90). Президент девонида масъул ходим (1990—92), ЎзР Миллий ахборот агентлиги бош директори (1992—93; 1999—2002). Президентининг матбуот котиби (1993—99). 2002 й.дан «Ўзбеккино» давлат акциядорлик компанияси раиси.

М. Д.нинг «Қайдасан, кувоч садоси?» номли дастлабки ҳикоялар тўплами 1976 й.да эълон қилинган. Шундан кейин унинг «Мустафо» (1977), «Бир тойчоқнинг хуни» (1979), «Дашту далаларда» (1987) сингари ҳикоя ва қиссалари нашр этилган. М. Д.нинг «Галатепага қайтиш» қиссаси (1983) нетиқлол арафаси ўзбек насрида муҳим воқеа бўлди. Ёзувчи бу ва бошқа қиссаларида олис қишлоқларда яшаётган оддий кишиларнинг кундалик меҳнат оғушида кечаётган ҳаётини диққат-эътибор б-н кузатади, уларнинг ўзига хос табиати ва инсоний сажиясини ёркин гавдалантиради. М. Д. бу асарлари б-н адабиётимизнинг китобийлашган тилини янгилаб, унга жонли халқ тили ранглари ва оҳангларини олиб кирди, шева доирасида қолиб кетаётган сўз ва ибораларнинг адабий тилдан ўрин олишга тўла ҳуқуқли эканини исботлаб берди. Ёзувчи ўз ижодида фольклор услубидан кенг фойдаланади, унинг тили юморга бой, унинг ҳар бир қаҳрамони ўз фикрлаш тарзига эга. М. Д.нинг «Лолазор» (1988) романи тургунлик йилларидаги мураккаб ҳаётий жараёнга бағишланган. Романда шўролар тузумининг емирилиши ва коммунистик мафкуранинг таназзулга олиб келган ижтимоий сабаблар ишонарли тасвирланади, инсон ва ҳокимият муносабатлари кўп маъно қатламлари асосида баён қилинган. М. Д.нинг асарлари асосида бадиий фильмлар суратга олинган.

МУҲАММАД ЁҚУБ ЧИНГИЙ (17-а. 2-ярми — 18-а. бошлари, Хиндистон) — дунёшунос олим. Бобурийлар сулоласи вакилларидан *Аврангзеб* ҳукмронлиги даври (1658—1707)да яшаган. М. Е. Ч. таржимаи ҳоли бўйича унинг саройда хизмат қилгани, «Келурнома» номли узбекча-форсча луғат тузганидан бошқа маълумот мавжуд эмас. Ушбу луғат 15 бобдан иборат бўлиб, унинг 1—14-бобларида 400 та яқин туркий (ўзбекча) феъллар араб алифбоси тартибида ҳар бири 15 тагача шаклда берилган. Масалан, *айтмоқ* феъли асосий шакл сифатида келтирилиб, ундан кейин *айти — айтипур — аитур — айтибиди — аитадур — айтмади — айтмантур — аитмас — аитмабиди — айтмадур — айт — аитма — аитарбиз — айтмасбиз* каби ҳамон ва майл шаклларини форсча таржимаси б-н берилган. Луғатнинг сўнгги, 15-боби, ўз навбатида, 9 та қисмга бўлинади; бунда 820 та яқин сўз ва шаклар мавзу гуруҳларига бўлиб берилган.

М.Ё.Ч. «Келурнома»ни тузишда 17-а.да Хиндистонда яшаган туркий забон аҳолининг оғзаки нутқидаги луғавий бирликларни қамраб олишга ҳаракат қилган. Бундай бирликларнинг аксарияти ҳоз. ўзбек тилида ҳам қўлланса, айримлари (арна, атан, ача, эгачи, энгак, бут, иллирим ва б.) ўзбек тили шеваларида учрайди, баъзи бирлари эса архаикланиб, ҳоз. ўзбек тилида қўлланмайди. Луғатнинг 2 та қўлёзма нусхаси мавжуд бўлиб, уларнинг бири Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида (инв. №5052), иккинчиси Британия музейида сақланади.

Ад.: Муҳаммад Якуб Чинги, Келур-наме (староузбекско-персидский словарь XVIII в.). Введение, транскрипция, перевод текста, глоссарий А. Ибрагимовой, Т., 1982.

МУҲАММАД ЖАҲОНГИР МИРЗО. Жаҳонгир Мирзо (1356 й. ёзи — 1376 й. ўрталари) — *Амир Темур*нинг тўнғич ўғли. 1355 й. Соҳибқирон амир *Қазағон*нинг набираси, *Ҳусайн ибн Мусаллаб*нинг синглиси Ўлжой Туркон оғога уйланади. 1356 й. ёзида уларнинг никоҳидан М.Ж.М. туғилади. Ўлжой Туркон оғо 1366 й. охирида вафот этади. Соҳибқироннинг бу хотинидан М.Ж.М. дан ташқари қизи Султонбахт бегим ҳам бор эди. Мовароуннаҳрни бирлаштириш учун бўлган курашларда Жаҳонгир отасига фаол ёрдам берган. 1374 й. июнида Хоразм ҳокими Юсуф Суфийнинг укаси Оқ Сўфийнинг қизи Севин бекага уйланган. Оқ Суфий *Олтин Ўрда* хони *Ўзбекхон*нинг қизи Шакарбекка уйланган эди. Шунинг учун бўларнинг қизи Севин бека куёвроқ Хонзода номи б-н маълум эди. Амир Темур *Мўғулистон*га юриши чоғида суюкли укаси Жаҳонгир оғир бетоб бўлганидан хабар топиб дарҳол орқага қайтган. М.Ж.М. 1376 й. ўрталарида 20 ёшида вафот этади. Уни Шаҳрисабз (Дор-ус-сиёдат)га дафн этадилар. Ундан икки фарзанд: Хонзодалан туғилган 11 ойлик *Муҳаммад Султон* ва отасининг ўлимидан қирқ кун кейин Илёс Ясовурийнинг қизи Бахт Мулк оғодан туғилган *Пирмуҳаммад* қолган.

МУҲАММАД ЖЎГИЙ МИРЗО (1402—1444) — темурий шаҳзода. *Шоҳрух*нинг ўғли. Онаси — *Ганҳаршодбеги*м. 1433 й. Гармсир вилояти ҳокими, 1443 й.дан Балх ҳокими. 1419 й. Мўғулистон хони Шамъи Жаҳоннинг қизи Меҳр Нигор оғога уйланган. 1427 й. 15 февр.да отасининг топшириғига кўра, *Бароқхон*га қарши қўшин юриш қилган ақаси *Ҳулугбек*ка ёрдам бериш учун Ҳиротдан қўшин б-н отланган ва Самарқанддан Сигноққа борадиган йўлда унга қўшилган. Сигноқ яқинидаги қирларда сон жиҳатдан кўп бўлса-да, рақибга нисбатан тегишли хавфсизлик тадбирларини кўрмаган шаҳзодалар Бароқхон қўшинидан мағлубиятга учрашган. Улуғбекнинг шу йилнинг апр.да уюштирган қайта юришида М.Ж.М. бетоблиги сабабли Самарқандда қолган. Шоҳрухнинг М.Ж.М. ни ўзига валиаҳд қилиш нияти бор эди, лекин Ҳиротда амалдаги ҳокимият Ганҳаршодбегим қўлида бўлиб, девондаги муҳим масалаларни ҳал қилишга уни яқинлаштирмас эди. М.Ж.М. кўп вақтини Ҳиротда ўтказган, отасининг Ғарбий Эронга қилган юришларида қатнашган. Ҳиротдаги Ганҳаршодбегим мадрасасидаги Бойсунқур мақбарасига дафн этилган.

МУҲАММАД ЗАМОН Мирзо (1496—1539) — *Ҳусайн Бойқаро*нинг набираси, Бадиуззамоннинг 2-ўғли. 1506 й. Дамғон учун бўлган жангда амакиси Фаридун Ҳусайн мирзо б-н *Шайбонийхонга* асир тушиб қолган, лекин Шайбонийхон уларни қўйиб юборган. 1506 й. майдан Балх ва унинг вилоятига эга. Балх ва унинг вилоятига эга бўлиш учун амир Ўрда Шайх б-н курашган. Бироқ, Ўрда Шайх Балхни *Бобур*га топшириш ниятида элчи юборади. М.З. уни хонликда айблаб қатл этади. Ўрда Шайхнинг укаси Қавомбек бундан хабар топиб, қўшин тўплаб, Кобулга, Бобур ҳузурига элчи юборади. Бу орада Бобурнинг Зафарбек бошчилигидаги қўшини шаҳар атрофида эди, Қавомбек шаҳардан чиқиб шаҳар калитларини унга топширади. Мана шу ҳолат сабабли М.З. Санучаҳорик мавзеига кетади, у ерда Бобур ҳузурига Муҳаммад Боқини элчи қилиб жўнатиб, тобелигини изҳор қилган. Кейинчалик М.З. Шибиргон ҳокими Иминбек б-н Бобурга қарши иттифоқ тузишга интилган ва шу мақсадда Сарипулга йўл олган. Бироқ Бобур ундан чаққонроқ ҳаракат қилиб Кораёточга юриш қилиб, М.З.нинг ўғруқини эгаллаб олган. Шундан сўнг М.З. ҳам Гарчистонга кетиб, тоғли вилоятларда тентираб юрган, Балхни олиш учун бир неча бор уриниб кўрган, сўнг Санучаҳорик шодмонтига, у ердан Шибиргонга йўл олган. Бу ерда у Иминбек ва Иброҳим чопқинларининг бирлашган қўшинидан енгилган, асир тушган ва Бобур ҳузурига, Кобулга жўнатилган. Хонламирнинг гувоҳлик беришича, Бобур М.З.нинг барча гуноҳларини кечирган, яқинлари қаторидан жой берган ва икки ойдан кейин унга Балхни инъом этган. М.З. Балхда 1523 й. сент.гача ҳокимлик қилган.

МУҲАММАД ЗОҲИРШОҲ — қ. *Зоҳиршоҳ*.

МУҲАММАД ибн ОТСИЗ — ўрта асрда яшаб ижод этган сарахслик меъмор. Марвдаги султон Санжар мақбарасини қурган (12-а.) ва унга ўз номини ёзиб қолдирган.

МУҲАММАД ибн ҲУСАЙН Мироқий Самарқандий (16-а.) — хаттот. У настаълиқ хатида кўчирган Али ибн Ҳусайн ал-Ансорийнинг доришуносликка оид «Ихтиёроти Бадиъий» (Бадиъийга бағишланган сайланмалар», 1541, ЎзФА ШИ, инв. №1598) асарини кўчирган. Бу қўлёзма ниҳоятда чиройли безалган, унга 602 расм ишланган; ularda дори сифатида ишлатиладиган тиёҳ, дарахт ва жониворлар тасвирланган. Немис олими К. Броккелманнинг таъкидлашича, М. ва Ҳ. Аҳмад ибн Ҳожар ал-Ҳайсамийнинг «Итҳоф ихвон ас-сафо би нубиз мин ахбор ал-хулафо» («Оқ кўнгилларнинг халифалари тарихидан олинган мақолалар туҳфаси», 1574) асарига шарҳ ёзган.

МУҲАММАД КОЗИМ (1720/21, Марв — 1753) — Эрон тарихчиси, вазир. *Надиршоҳ*нинг акаси Иброҳимхон саройидаги амалдор оиласида туғилган. Отаси ва М.К. Надиршоҳ ва унинг ўғиллари саройида хизмат қилишган. М.К. Надиршоҳнинг катта ўғли Ризоқулн Мирзо саройида лашкарнавис (1739—41) бўлиб, Надиршоҳ саройида девон хизматчиси (1744—47) ва 1747 й. Марвдаги қурол-аслаҳа вазири бўлган. Надиршоҳнинг ҳарбий юришларида қатнашган ҳамда унинг турли топшириқларини бажарган хонга яқин тўралардан бири ҳисобланган. М. К. «Номаи оламороӣ Надирӣ» («Машҳур Надиршоҳга бағишланган рисола») номли асар муаллифи. Асар 3 жилддан иборат. 1-жилд — Эрондаги асосий воқеалар, 1689—1736 йлардаги Надиршоҳнинг тутилганидан то Эрон шоҳи этиб сайланган давригача мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёти баён этилган. 2-жилд — Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё, Шим. Ҳиндистон ва б. мамлакатлардаги воқеаларни (1736—43) (Надиршоҳнинг тахтга ўтиришидан, Ширвондаги қўзғолоннинг бостирилишигача бўлган даври) ўз ичига олади. 3-жилд — Эрон, Ўрта Осиё, Туркия ва Закавказьедаги сиёсий воқеалар ёритилган (1743—47). М.К.М. нинг асари Эрон ва Ўрта Осиёнинг 18-а. ярмига оид муҳим манбадир.

МУҲАММАД (МАМАТ) МАҲРАМ МАЖМУАСИ — Хиванинг Дишан қалъа қисмидаги меъморий ёдгорлик (1903). Хива хони Муҳаммад Раҳимхон II нинг яқин мулозимларидан бўлган Мамат Маҳрам томонидан қурилган. Мадраса, гузар масжиди, минора ва б. қўшимча хоналардан иборат. Мажмуа (21,0 ×39,0 м) бош тарзи (эни 27,0 м) жан.га қараган, бир қаватли, гиштин равоқли. Пештоқ ҳамда 2 гумбазли миёнсарой орқали ҳовлига кирилади. Миёнсаройнинг шарқида ярми очиқ 2 устунли айвон б-н боғланган 2 узун жамоатхона, жан.да масжид, минора ҳамда кўндалангига турли ҳажмдаги тор ҳужралар ва б. қўшимча хоналар жойлашган. Минора бал. — 9 м, диаметри — 4,2 м, гиштдан безбоғлар ҳосил қилиб безатилган. Қафасаси кичик дарчали, тепаси мурқарнас ва қубба б-н якунланган.

МУҲАММАД МИРОЛИМ БУХОРИЙ (19-а.) — бухоролик тарихчи олим. Амир *Насруллахон* (ҳукмронлиги: 1826—1860) даврида Ҳузор (Ғузор) ҳокими Муҳаммад Олимбекнинг хизматида бўлган ва унинг топшириғи б-н «Фатҳнома Султоний» («Султон фатҳномаси») тарихий китобини ёзган. Асар муқаддима ва 29 бобдан иборат. У амир *Шоҳмурод* (ҳукмронлиги: 1785—1800) давридан то амир Насруллахон ҳукмронлигининг дастлабки йилларигача Бухоро амирлигида бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади. Шоҳмуроднинг Афғонистон ҳукмдори Темуршоҳга қарши қилган ҳарбий юришлари тасвирланган. Муаррих Насруллахон даври воқеаларини батафсил ёритади. Унинг вафоти туфайли асарнинг 2-қисми ёзилмаган. «Фатҳнома Султоний»нинг

Муҳаммад Мурод Самарқандий. «Рустам филни ўлдириши» (16-а. охири, Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарига ишланган).

1-қисми О. Чехович томонидан рус тилига таржима қилинган (лекин, нашр этилмаган). Асар қўлёзмаси ва русча таржима Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади.

Ад.: Сандқулов Т., Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихшунослигидан лавҳалар. Т., 1993; Ахмедов Б., Ўзбекистон тарихи манбалари. Т., 2001.

МУҲАММАД МУРОД САМАРҚАНДИЙ (16-а.) — мусаввир. *Самарқанд миниатюра мактабининг* йирик вакили. Ўзига хос услуби, юксак бадиий савиядаги асарлари б-н Ўрта Осиёда миниатюра санъати ривожига катта ҳисса қўшган. Фирдавсийнинг «Шоҳнома» (1556 й.да кўчирилган нусхасини безаган 115 та миниатюраси ЎзФА ШИда). Саъдийнинг «Бўстон» (Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида) асарларига ишлаган миниатюралари бизгача етиб келган. М.М.С. ижодида бадиий усулларни янгилашга интилган; анъанавий сюжет ва композициялар тузилишидан қочган мусаввир кескин сюжетларни танлаб олиб (мас., ўзининг орқасидан оммани зулмга қарши эргаштира олган темирчи Кова қўзғолони, ўзининг бегуноҳлигини оловда синаш б-н исботлаган Сиёвуш ва б.), кишиларнинг қиёфаларини таъсирчан руҳий ҳолатда бера олган; кам шакллар орқали қўшинлар, уларнинг саркардалари ўртасидаги қизғин жанг лавҳаларини яратишга эришган. Асарлар колорити жиддий, кенг бўёқлар гаммасида ёркин ранглар б-н бир қаторда уларнинг хилма-хил тусларидан ҳам фойдаланилган; мусаввирнинг ҳар бир асар учун алоҳида қатъий ранглар уйғунлигини танлаб олиши диққатга сазовор.

МУҲАММАД МУСО ТУРКИСТОНИЙ Ғойиб Назар ўғли (1904, Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани — 1991, Мадина) — тарихчи олим ва маърифатпарвар. Уламо оиласида туғилган. 2 ёшлигида ота-онаси б-н Андижонга кўчиб келган. Араб, форс ва рус тилларини пухта ўрганган. «Иттиҳоди ислом» жамияти аъзоси (1919). Ота-онаси б-н бирга Қашқарга муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлган (1926). Ҳаж сафарига бориб, Саудия Арабистонида яшаган ва савдо-тижорат б-н шуғулланган (1929—31). 1931 й.да Қашқарга қайтиб, уйғур халқининг Хитойга қарши миллий озодлик ҳаракатига фаол қатнашган. Тазйиқ кучайгач, Қашқардан кетиб Кобул (1934—37), Макка ва Мадинада яшаган. Араб матбуотида тарихий, адабий ва сиёсий мақолалар б-н қатнашган. М.М.Т. «Коммунизмнинг чеҳраси» (1966), «Улуғ Туркистон фожиаси» (1979, 1-жилд), «Ақоид», «Беш масала», «Замзам ва тарихи» ва б. асарлар ёзган.

МУҲАММАД МУҚИМ (ёки Хожа Муқим, 17-а.) — мусаввир. Аштархонийлардан Абдулвазихон (1645—80) ва Субҳонқулихон (1680—1702) кутубхонасида ижод қилган. М.М. кишилар тасвирига алоҳида аҳамият берали, тасвирлар нафис ишланиши, қиёфалар ифодалилиги, композицияларнинг мутаносиблиги, кам шакллилиги ҳамда шаклдар йириклиги б-н диққатга сазовор. Хожа Гадо, Аваз Муҳаммад, Мулла Беҳзод каби мусаввирлар ва Мирзо Барқий, Мулла Мир Мунший, Ибн Арабшоҳ каби хаттотлар б-н бирга ишлаб, Низомийнинг «Хамса» (1669, Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида), Фирдавсийнинг «Шоҳнома» (1664, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида, инв. №3463) асарларини бадиий безаган. Шунингдек, Фирдавсийнинг «Шоҳнома», «Наримоннома», «Баённома», «Фарамузнома» қўлёзмалар мажмуасига (1670, О. Олсбер мажмуасида) расмлар ишлашда қатнашган.

Муҳаммад Муқим. «Сиёвушни ўтда синаш» (Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асарига ишланган. 1664, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти).

МУҲАММАД НОДИР Самарқандий (16-а. охири — 17-а.) — мусаввир, йирик портретчи. Асли Самарқандлик, кейинроқ Ҳиндистонга бориб Жаҳонгир (1605—27) ва Шоҳ Жаҳон (1627—58) саройида ижод қилган. М.Н. ижодида Ўрта Осиё ва Ҳиндистон миниатюра мактаблари анъаналари уйғунлашган, портретларида кишиларнинг руҳий ҳолати, ички оламини ёритишга интилиши сезилади. «Савдогарлар Юсуфни қудуқдан тортиб олмоқдалар» (Россия миллий кутубхонасида) каби кўп шаклли композициялар, Жаҳонгир, Шоҳ Жаҳон, шаҳзода Дониёл (Британия музейида) ва Хусрав (Лувр да), давлат арбоблари Халилуллоҳон, Иззатхон, Асафхон ўғли Мирзо, Шер Муҳаммад (Британия музейида) портретларини яратган.

Муҳаммад Нодир. «Савдогарлар Юсуфни қудуқдан тортиб олмоқдалар» (1616, Россия миллий кутубхонаси).

МУҲАММАД ОДИЛШОҲ МАҚБАРАСИ — Бижапур (Ҳиндистон)даги меъморий ёдгорлик (1626—1660). «Гол-гумбаз» мақбараси деб ҳам номланади. Мақбара мураббо тарҳли (60×60 м), бал. 65 м, ичи равоқли, устунсиз ва безаксиз. Гумбаз (диаметри 41 м) каттагина жиҳатидан жаҳонда 2-ўринни эгаллаган. Доира шаклида пишиқ ғиштдан терилган. Унинг асос қалинлиги 3 м, юқори қисми қалинлиги эса 2,72 м дир. Ичи равоқлари ва баландлиги ҳисобига анча кенг кўринади, 4 бурчагида бир хилда алоҳида миноралар ишланган. Миноралар жимжимадор шаклда, айлана тарҳли, майда равоқчали дарчалардан ташкил топган. 7 қаватдан, юқорисидаги қафасаси гумбазча ўз-ни якунлаган. Бу миноралар ўзига хос кўринишли б-н ҳашаматли бинони ихчам қилиб кўрсатади. Бош тарзи 3 қисмли, ўртадаги кираверини турли шаклдаги майда равоқчалар ва шарафалар б-н безатилган. Мақбара Бобурийлар ҳукмронлиги даврида қурилган. Тузилиши *Исмоил Сомоний мақбарасига* ўхшаш. Унда Ўрта Осиё ва Ҳиндистон меъморлиги ўзаро уйғунлашган. М.О.М. муҳандис-қурилиш соҳасидаги буюк намуналар.

МУҲАММАД VI, Муҳаммад Ҳасан (1963.21.8, Работ) — Марокаш давлат арбоби. Работ ун-тини тугатган (1985). Дивизион генерали (1994). 1985 й.дан Марокаш Қуролли кучлари бош қўмондонлиги мувофиқлаштириш ва хизмат бюроси бошлиғи. 1999 й. 30 июлдан Марокаш Подшоҳлиги подшоҳи.

МУҲАММАД РАФИ (1924.4.12, Панжоб штати — 1981.31.7, Бомбай) — ҳинд хонандаси. Ниҳоятда жозибали, кенг диапазонли овоз соҳиби. Дастлабки мусиқа сабоқларини Абдул Воҳидан олган. 13 ёшидан ўз хушовозлиги б-н танилиб, йирик шаҳар (Бомбай, Деҳли ва б.) ларда концерт берган. 1940-й.лардан бошлаб Бомбай радиоси ва киностудияларида ишлаган. Қарийб 40 йиллик фаолияти давомида кўпгина ҳинд кинофильмларида («Бавжу баврa», «Дунё», «Сангам», «Тожмаҳал», «Қасос ва қонун» ва б.) минглаб қўшиқ куйлаган. Репертуаридан, шунингдек, ҳинд мумтоз «газал»лари, панжоб, бенгал, тамил тилларида айтилган қўшиқлари ўрин олган. Ҳиндистондаги «Фильм-феер» фестивали ҳамда «Йилнинг энг яхши қўшиғи» учун берилаган Давлат мукофотига бир неча бор сазовор бўлган (1961—80).

Муҳаммад Одилшоҳ мақбараси.

МУҲАММАД РАҲИМ, Муҳаммад Раҳимбий оталиқ (1709—1758.24.3) — *мангитлар* сулоласининг асосчиси, қушбеги. Бухоро хони (1756—58). *Муҳаммад Ҳакимбий*нинг ўғли. Отасининг кўмаги б-н *Аштархонийлардан Абулфайзхон* саройида юқори лавозимларда хизмат қилган. Эрон ҳукмдори *Нодиршоҳ*нинг Бухорога ҳужуми пайтида мамлакатда унинг мавқеи янада ошган ва Абулфайзхоннинг қизига уйланган. Бухоронинг обрўли кишиларидан 12000 нафарга бош бўлиб, уларни *оқ уйлик* сифатида Эрон пойтахти — Машҳадга олиб келган. Кейинчалик каттақўрғонлик Ибодуллоҳбий бошчилигида хитой-қипчоқ қавмлари кўтарган исённи бостириш учун Нодиршоҳнинг буйруғи б-н Бухорога қайтади (1745) ва *қушбеги* — бош вазир лавозимини эгаллайди. Айнан шу пайтдан бошлаб у *Бухоро хонлигининг* амалдаги ҳукмронига айланган. М.Р. буйруғи б-н 1747 йда Абдулфайзхон *Мир Араб мадрасаси* ҳужраларидан бирида ўлдирилади. Тахтга Абдулмўминхон (ҳукмронлиги: 1747—51), Убайдуллахон III ибн Абдулмўминхон (ҳукмронлиги: 1751—54), Шертоғи (ҳукмронлиги: 1754—56)ни ўтказиб, бу қўғирчоқ хонлар даврида марказий ҳокимиятга бўйсунишни хоҳламаётган Миёнкол, Нурота, Ургут, Жиззах, Ўратепа, Хўжанд, Тошкент, Шаҳрисабз, Бойсун, Ҳисор, Кўлобнёи ва б. бекликлар устига юриш қилиб, уларни бўйсундиради. Бурқут, баҳрин, кенагас, қипчоқ, юз, сарой ва б. қавмларни мамлакатнинг турли ҳудудларига кўчириб, хонликнинг яхлитлиги ва хавфсизлиги учун изчил курашган. Урусларнинг туфайли вайрон бўлган Дарғом каналини қайта тиклаттирган. Бухоро ш.нинг мудофаа девори мустаҳкамланиб, бал. 2 м.ли янги девор қурилган (1752—53). М. Р. Бухоро тахтига расмий равишда хон бўлиб ўтирғач (1756.16.12), мангитлар сулоласининг ҳукмронлиги бошланди. У Хива хонлигидаги сиёсий низолардан фойдаланиб, тахтга ўз одамларини ўтказган. Бухоролик тарихчи *Мирзо Абдулазим Сомий Бўстонийнинг* ёзишича, Ғиждувон туманидан қайтаётганда йўлда вафот этган. Бухородаги Шоҳруд анҳори бўйида, Мозор дарвозасидаги Абу Бакр Тарҳон қабристонида дафн этилган.

Ад.: Мирза Абдал' азим Сами. Тарихи салатини мангитийа. М., 1962; Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Т., 2001.

Қаҳрамон Рамазонов

МУҲАММАД РАҲИМ I (тўлиқ исми Муҳаммад Раҳимхон ибн Аваз иноқ ибн Муҳаммад Амин иноқ) (1775—1825) — Хива хони (1806—1825). Акаси *Элтузархон* вафотидан кейин тахтга ўтирган (1806). М. Р. I *Хива хонлигини* бирлаштиришда ижобий натижаларга эришган; бир қанча сиёсий, иқтисодий, маъмурий ислоҳотлар ўтказган. Хон саройи қошида доимий фаолият кўрсатувчи Кенгаш (Девон) таъсис этилган.

М.Р.I мамлакатни кенгайтириш учун туркман — човдурлар устига юриш қилган (1808—1809). Шу йили Ҳасанбой элини бўйсундириб Кўнгиротга ҳужум қилган, бироқ у ерда қаттиқ қаршиликка учраган. Оймирза ҳукмронлик қилаётган қорақалпоқларнинг бир қисмини Оқ ёқш деган мавзега кўчирган. М.Р.I Орол бўйи қорақалпоқларини бўйсундириш учун бир неча марта юриш қилиб, 1811 йда Тўрамурод сўфини енгиб хонликни мустаҳкамлаган. 1812—18 йлар давомида Сирдарё бўйи қозоқлари ва Мавридаги така туркманлар устига юриш қилиб, уларни хонликка қўшиб олган. Бу ғалабалар Хива хонлигининг мавқеини мустаҳкамлаб, уни мустақил қудратли давлатга айлантирган. 1823—1824 йларда Бухоро амирлигига тегишли Қоқиштивон, Оғор ва Пойкенд қалъаларига талончилик юришлари қилган. Бухоро амири *Ҳайдар* б-н сулҳ тузган (1825).

М.Р.I даврида Дашти Қипчоқ, Хуросон Хива хонлигига солиқ тўлаб турган. Хонлик ҳудуди жанд Хуросон, шимда Орол денгизи ва Сирдарёнинг қуйи оқимидаги ерлар, шарқда Бухоро амирлигига туташ ҳудудлар, ғарбда Каспий денгизи қирғоқларигача бўлган ерларни ўз ичига олган. М.Р.I ўзи қурдирган *Паҳлавон Маҳмуд мақбарасидаги* катта хонақоҳнинг тўрига дафн этилган.

М.Р.I араб, форс тилларини билган. Илм аҳлига ҳомийлик қилган. Олим, шоир ва донишмандлар б-н суҳбатлар ўтказиб турган. *Мунаста* Элтузархон даврида бошланган «Фирдавс-ул-иқбол» асарини давом эттиришга шароит яратиб берган. 1813 й. Мунисга «Равзат-ус-сафо» асарини таржимасини топширган. Мамлакатда бир қанча каналлар қаздириб обдонлаштиришга эътибор берган. Арқада зарбхона ташкил қилиб олтин ва кумуш тангалар чиқарган. М.Р.I даврида ичкилик ва бангилик тақиқланган. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси қайта қурилган. Хивада бир қанча мадраса ва масжидлар қурилган. Божхона ва б. муассасалар ишга тушган (яна қ. *Хива хонлиги*).

Ад.: Мунис, Фирдавс-ул-иқбол, Т., 1952; Муҳаммад Юсуф Баёний, Шажарайи Хоразмшоҳий, Т., 1964.

Неълат Полвонов

Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси.

МУҲАММАД РАҲИМХОН II — қ. *Феруз*.

МУҲАММАД РАҲИМХОН МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1871). Муҳаммад Раҳим II *(Феруз)* қурдирган. Кўҳна аркнинг шарқий дарвозаси қаршисида жойлашган. М.Р.м. масжид, айвон, дарсхона, кутубхона ва ҳужралардан иборат. Мадрасанинг олд томони 2 қаватли, қолган томонлари бир қаватли. Бурчакларига гулдасталар ишланган. Хива меъморлигига хос услубда пештоқли кошинкоря нақшлар б-н безатилган. Сирли ғиштлар «қўш» ва «бантак» услубида терилган. Пештоқининг икки қанотида 2 қаватли олди чуқур равоқли 5 та ҳужрага ганчкори панжаралар ўрнатилган. Бош тарэидаги миёнсарой 9 та гумбазли хонадан иборат. Масжид ва дарсхона ҳужралар б-н ўзаро боғланган. Ҳовли мурабба тарҳли, уч томони 76 та ҳужра б-н ўралган. Жанубида гумбазли айвон ва б. қўшимча хоналар бор. Кейинроқ, мадрасанинг олд томонига бир қаватли савдо расталари қаторидан иборат ҳовли қурилган. М.Р.м.нинг умумий тузилиши ва ички тарҳи анъанавий Хива мадрасалари меъморлигидан бир оз фарқ қилади.

Умумий тарҳи —62,4×49,7 м; ҳовли —28,3×28,8 м; дарсхона —5,4×5,4 м; масжид — 7,0×7,0 м; савдо қаторлари — 25,0×50,0 м; ҳовли 16,9×42,5 м.

МУҲАММАД РИЗО ПАҲЛАВИЙ (1919—1980) — Эрон шоҳи (1941—79), бош қўмондон. Паҳлавийлар сулоласи асосчиси *Ризошоҳ Паҳлавий*нинг ўғли. Швейцария коллежида (1931—36), Теҳрон ҳарбий академияси (1936—38) да ўқиган. Отаси Ризошоҳнинг истеъфосидан сўнг тахтга ўтирган. 1979 й. тахтдан ағдарилган ва мамлакатдан қувғин қилинган.

МУҲАММАД СОДИҚ КОШҒАРИЙ (Қошқарий) (1740—Қашқар — 1849) — тарихчи, файласуф, тилшунос олим, адиб ва шоир. Қашқардаги «Сочия» мадрасасида дунёвий ва диний илмлар, араб, форс тиллари, шарқ мумтоз адабиётини мукаммал эгаллаган. М.С.К. «Тазкиран аъизон» («Аъизлар тазкираси») (1768—69), 1844 й.да ёзилган «Тазкиран Асҳоб ул-каҳф» («Ғор эгалари тазкираси») ва «Риолан касблор» («Касблар рисоласи») каби асарлар муаллифи. «Тазкиран аъизон»да Маҳдуми Аъзам ва унинг авлодларининг Шарқий Туркистон — Ёркенд хонлиги (1465—1759) даги фаолияти, Ёркенд хонлигининг 16—18-а.лаги сиёсати, ижтимоий-иқтисодий ва маданият тарихини ёритиб берган. Асарда Нақшбандия тариқати вакиллари ва уларнинг тариқатлари тўғрисида муҳим маълумотлар берилган. М.С.К. фалсафа ва пед.га оид асарлар ҳам ёзган. М.С.К. тилшунос олим ва уста таржимон. *Табарий*нинг «Тарихи Табарий» ҳамда *Муҳаммад Ҳайдар*нинг «Тарихи Рашидий» асарларини форс тилидан турк (уйғур) тилига таржима қилган. Тарихий асарларнинг туркий таржимаси Марказий Осиё, Туркистон, Кавказ, Каспий денгизининг жан. этаги, Тибет, Шим. Ҳиндистон ва Афғонистонда яшаётган халқлар тарихини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. М.С.К. «Содиқ» тахаллуси б-н турк ва форс тилларида ғазал, мухаммас, рубоий, маснавий, қитъалар яратган. М.С.К. адиб сифатида ўз замонасида яшаб ижод этган ёзувчи, шоирлар ижоди ҳақида бизга янги-янги маълумотлар беради. Ўша қимматли маълумотлар асосида уйғур мумтоз адабиёти тарихи янги намояндалар б-н тўлдирилди. М.С.К. Қашқардаги Юсуф Хос Ҳожиб мақбараси олдидаги «Оқ мозор» қабристонига дафн этилган.

Олимбек Жалилов.

МУҲАММАД СОЛИҲ (1455, Хоразм — 1535, Бухоро) — шоир. Хоразм ҳокими амир Нурсаидбек оиласида туғилган. Бобоси Шоҳмалик Улуғбек саройида, отаси Нурсаидбек эса Улуғбек, Жўги Мирзо, Абу Саид саройларида эътиборли арбоблардан бўлган. М.С. Хоразмда савод чиқаргач, Ҳиротга бориб, *Абдураҳмон Жомий*дан илм ўрганган. Отаси вафот этгач, Ҳусайн Бойқаро ва б. темурийлар саройида маълум муддат хизмат қилган. Бироқ отасининг ўлимига сабабчи бўлган темурий зодалар б-н ишлашни хоҳламаи, 1499 й. Шайбонийхон хизматига кирган. Бухоро, Чоржуй, Нисо вилоятларига ҳокимлик қилган. «Амир ул-уламо», «Малик уш-шуаро» унвонларига сазовор бўлган. 1507—10 й.ларда Ҳиротда яшаган. Шайбонийхон вафотидан сўнг Бухорога қайтган.

М.С. туркий ва форсийда ижод қилган. Шеърлари ишқий, биографик-сиёсий мазмунда. Ўзбек адабиёти тарихида илк реалистик тарихий достон — «Шайбонийнома»ни ёзган. Достон 8880 мисра, 76 бобдан иборат. 15-а. охири — 16-а. бошларидаги воқеалар акс этган бу асар тарихий, этнографик, географик, лингвистик жиҳатлардан ҳам, бадиийлигига кўра ҳам муҳим аҳамиятга эга. Достоннинг асл нусхаси топилган эмас, аммо шоир ҳаётлигида Қосим котиб томонидан 1510 й.да кўчирилган қўлёзма нусхаси Венада сақланади. 1904 й.да Санкт-Петербургда (1904), Тошкентда (1961, 1989) нашр этилган.

Вамбери М.С.нинг «Лайло ва Мажнун» номли туркча ғазал достони борлигини хабар берган, лекин у топилган эмас. «*Қомус ул-аълом*»да «Нол ва Ниёз» мансумаси М.С.га нисбат берилган, бироқ *Нисорий* «Музаккири аҳбоб»да унинг муаллифини Бақоий деб кўрсатади.

Ас.: Шайбонийнома, Т., 1961; 1989.

Ад.: Акрамов А., Муҳаммад Солиҳ, Т., 1966; Иброҳимов А., 16 аср ўзбек адабиётининг асосий хусусиятлари, Т., 1976.

Бегали Қосимов.

МУҲАММАД СОЛИҲ Раҳим Қорахўжа ўғли (тахм. 1830—Тошкент — 1890) — тарихчи ва географ олим. М. С. бобоси мулла Абдураҳимхўжа ўз насабномаси б-н Шайх Хованди Тоҳур (14-а.)га боғланишини ва у Тошкентнинг Қиёт маҳалласидаги Бекмуҳаммадбий масжидида имомлик қилганлигини ва дарс ҳам берганлигини таъкидлайди. Отаси домла Раҳим Қорахўжа ўз даврининг билимдон зиёлиларидан бўлган. М.С. илк сабоқни бобосидан олган. Сўнгра Тошкентдаги Эшонқули додхоҳ, Беклярбеги, Хожа Аҳрор, Қўқондаги Азимбой ва Бухородаги Кўкалдош мадрасаларида таҳсил олган. 1863 й.да Тошкентнинг Қиёт маҳалласидаги бобоси имомлик қилган масжидда имом бўлган ва дарс ҳам берган. М.С. Туркистоннинг турли жойларига сафар қилган. 1863—88 й.ларда ёзган «Тарихи жадидан Тошканд» («Тошкентнинг янги тарихи») асари Тошкент тарихига бағишланган биринчи-бир китоблир. Унинг муаллиф дастхатидан иборат нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади (№7791). Ин-т фондида асарнинг аслидан кўчирилган яна икки нусхаси мавжуд (1936, 1940 й.лар, №11072, №11073).

«Тарихи жадидан Тошканд» 2 жилддан иборат. 1-жилд — умумий тарих, Туркистон ва қўшни мамлакатлар тарихи ҳақидаги тарихий асарлар маълумотлари асосида ёзилган; 2-жилд — ўз навбатида 3 қисмдан тузилган; 1-қисм — 15—16-а.лардаги Фарғона тарихи, 2-қисм — 15—19-а.лардаги Туркистон тарихи, жумладан, Қўқон хонлиги ва Тошкент тарихи, 3-қисм — Тошкентнинг географик тавсифи ва муаллифнинг ўзи ҳақида ёзганлари. 2-жилд ёзма манбалар, мушоҳидалар ҳақоялари ва муаллифнинг ўз кўрганлари асосида ёзилган ва илмий нуқтаи назардан энг қимматлидир.

Асарнинг Тошкентга бағишланган қисмида шаҳар топографияси (сувлари, кўргони, дарвозалари, тўрт даҳаси, маҳаллалари, мадраса, масжид, мақбаралар, ҳаммом ва б.), Россия империяси томонидан Тошкентнинг босиб олиниши (1865), шунингдек, Тошкент вилоятига оид қисмида эса вилоятдаги мевали дарахтлар, полиз экинлари, Туркистоннинг катта қисмида тарқалган доривор гиёҳлар, фойдали қазилмалар, ўсимлик ва ҳайвонот олами ва турли касалликлар (безгак, зотилжам, кўзапушт, вабо, сарсом, истиско, қуланж ва б.) ҳақида маълумотлар бор. Тошкентнинг шарқидаги тоғлар тавсифи айниқса муфассалдир. Шаҳарнинг муаллиф давридаги тарихи ҳам батафсил ва аниқ ёритилган.

Ад.: Ўринбоев А., Бўриев О., Тошкент Муҳаммад Солиҳ тавсифида, Т., 1983; Мунировв К., Ирисов А., Носиров А., Тошкент тарихида баъзи сиймолар, 1983.

МУҲАММАД СУЛТОН Мирзо (1375—1403) — темурий шаҳзода; *Амир Темур*нинг набираси. Муҳаммад Жаҳонгир Мирзонинг тўнғич ўғли. У *Ўзбекхон*нинг набираси Хонзода (Севин бека) бегимдан туғилган. Амир Темур суюкли ўғли Жаҳонгир Мирзо вафотидан сўнг, ўзининг барча орзу-умидларини М. С.га боғлаб, уни ўзидан кейин тожу тахтнинг ягона вориси деб биларди. М.С. бобоси Амир Темурга ўхшаб жасоратли, қатъиятли, зукко, душманга нисбатан шафқатсиз, доноқроқ жангчи эди. 1397 й. қишида Амир Темур Хитойга қарши бўлажак юришга тайёргарлик кўриш чоғида М.С.га Етисувда Ашпара истеҳкомини қуришга ва у ерда деҳқончиликни ривожлантиришга фармон берганди. Шу мақсадда М.С.га 40 минг қўшин берилган. 1399 й. М.С. мана шу чегара истеҳкомидан мўғулларга қарши курашда фойдаланмоқчи бўлган, бироқ Фарғона ҳокими Искандар мирзо ундан аввалроқ ўзбошимчалик б-н Шарқий Туркистонга зафарли юриш қилган. Шу туфайли шаҳзодалар ўртасида низо тугилиб, 1400 й. М.С. буйруғига кўра, Искандар Самарқандга келтирилиб, ҳибсга олинган, унинг отабеги ва 26 навкари қатл этилган. 1399 й. Амир Темур «Етти йиллик» юришга кетар экан, Самарқанд ҳукмронлигини 23 ёшли М.С.га топшириб кетади. 1401 й. март ойида Амир Темур Суриядя туриб М.С.га собиқ Ҳулагухон тасарруфида бўлган вилоятларни (Ироқ ёки Шим.-Ғарбий Эрон) бошқариш ҳақида фармон юборади. 1402 й.да Амир Темурнинг *Боязид I* Йилдиримга қарши юришида М.С. фаол қатнашади. У Кичик Осиёнинг ғарбий чекқасигача боради. У ердан қайтаётиб, 1403 й. 12 мартда Қора Ҳисор мавзеида шамоллаб 27 ёшида вафот этади. М.С.ни у қурган мадрасага дафн қилишган.

*Бобур*нинг таъкидлашича, М.С. Самарқанд қалъаси жан.да Тошқўрғон-Чақарда мадраса ва хонақоҳ қурдирган. М.С. вафотидан сўнг Амир Темур унинг хотирасига атаб мақбара қуриш ҳақида фармон берган. Мақбара мадраса ҳовлисининг тўрига бунёд этилган.

Турсун Файзиев.

МУҲАММАД ТЕМУР СУЛТОН (? — 1521, Самарқанд) — *шайбонийлар*дан. *Шайбонийхон*нинг ўғли. Шайбонийлар Мовароуннаҳрни эгаллаганларида М.Т.с.га пойтахт Самарқанд ва унинг вилояти берилган (1501), унинг ўғли Пўлод султонга Хоразм теккан. Балх (1505)ни эгаллаган. 1505—07 й.ларда М.Т.с. Убайдулла султон б-н бирга темурийлардан Фаридун Ҳусайн мирзо ва унинг укаси Ибн Ҳусайн мирзони Работи Дудар мавзеида тор-мор этган. 1507 й. Шайбонийхон Ҳиротни олгач, М.Т.с. ва Убайдулла султонларни Абдулмуҳсин мирзо ва Кепак мирзога қарши Машҳадга юборган, улар зафар қозонишган. Отаси *Исмоил I* Сафавий қозонишган. Отаси *Исмоил I* Сафавий ёрдамга кеч қолган. 1511—12 й. ларда Мовароуннаҳр ва Тошкент учун шайбонийларнинг *Бобур* б-н бўлган курашларида қатнашган. Туркистон, Сирдарё бўйидаги шаҳарларга эгалик қилиш учун қозоқ султонлари (Қосимхон ва б.) б-н курашган (1513 й.дан). 1511 й. мартда *Сужучкўмасхон* Бобурни *қизилбошлилар* б-н иттифоқликда Мовароуннаҳрга ҳужум қилишидан хавфсираб Чағониён мулкини Маҳдий султон ва Ҳамза султонлардан ажратиб олиб, у ерга М.Т.с.ни жўнатган. 1512 й. *Кўли Малик жанги*да Убайдулла султон, Жонибек султон ва М.Т.с.ларнинг бирлашган қўшини Бобур устидан тўлиқ галабага эришган. 1513 й. 11 мартда Убайдулла султон б-н биргаликда Марвни эгаллаган. М.Т.с. даврида Самарқандда ободончилик -қурилиш ишлари олиб борилган. Олияи хония мадрасаси ва М.Т.с.нинг хотини Меҳр Султон хоним томонидан қурилган Хония мадрасаси ажуварда ва зарҳал кошинлар б-н безатилган жуда катта пештоқ б-н бирлаштирилган эди. Мадраса сувасида, аниқроғи, дахмада самарқандлик шайбонийлар авлод-аждоди дафн этилган. Самарқандниинг шарқий қисмида янги маҳалла (Нав) пайдо бўлиб, бу ерда Самарқанд зодагонларининг боғлари жойлашган, улар орасида Дилафрўз боғи ўзининг гўзаллиги б-н айниқса шуҳрат қозонган эди. М.Т.с. даврида Самарқандда илм-фан, маданият, санъат ривожланган, кўплаб машҳур шоир, адиблар, тарихчилар ижод қилган (қ. *Бухоро хонлиги*).

Фазриддин Ҳасанов.

МУҲАММАД ТУҒЛОҚ (? — 1351) — *Деҳли султонлиги* ҳукмдори (1325—51). Ҳукмронлигининг дастлабки йилларида мамлакат ҳудудини кенгайтирган. М.Т. Деҳли ш.да туриб Деканни бошқариш мумкин эмаслигини тушуниб, шим. пойтахт аҳолисини Девагири ш.га кўчириб, янги пойтахтни Давлатобод деб атаган. Лекин бу б-н мамлакатдаги сепаратик ҳаракатни тўхтата олмаган. Жан. Ҳиндистон, Декан, Бенгалия Деҳли султонлигидан ажралиб чиққан. М.Т.нинг иқтисодий тадбирлари: солиқларнинг кескин ошиши (деҳқонлар қишлоқларни ташлаб кетишган, натижада далалар ишловсиз қолган), давлат хазинасини тўлдириш учун қиймати паст тангаларнинг жорий қилиниши ва б. мамлакат хўжалигининг барбод бўлишига олиб келган. М.Т. ўз даврининг ўқимишли кишиларидан бўлиб, астрономия, фалсафа, математика ва б. фанлардан хабардор бўлган, форс тилида шеърлар ёзган.

МУҲАММАД ШАЙБОНИЙХОН — қ. *Шайбонийхон*.

МУҲАММАД ШАРИФ — самарқандлик меъмор, гумбаз барпо этиш бўйича мутахассис. *Тожмаҳал мақбараси*ни қуришда иштирок этган (1632—50).

МУҲАММАД ШАРИФ (16-а. охири — 17-а. бошлари) — мусаввир. Ўрта Осиё миниатюра мактаби намояндаси. *Муҳаммад Мурод Самарқандий* ва Муҳаммад Дарвиш Самарқандий б-н Саъдийнинг «Бўстон» асари қўлёзмасини (1570, Дублиндаги Честер Битти кутубхонасида) безашда қатнашиб, 4 та расм ишлаган. Шунингдек, ҳамкорликда «Йигит расми» (Луврда) ва «Гўзал қиз» (шахсий мажмуада) каби алоҳида асарлар ҳам яратган.

МУҲАММАД ШАРИФ ибн Муҳаммад Нақий (19-а.) — бухоролик тарихчи олим. Ҳаётига оид маълумот сақланмаган. Бухоро хонлиги тарихига оид «Тож ут-таворих» («Йилномалар тожи») асарини ёзган (1800). Унда *Чингизхон* ва авлодлари, *шайбонийлар* ва *аштархонийлар* тарихи, мангитларнинг шажараси, амир *Ҳайдар* ҳукмронлигининг дастлабки йилларидаги воқеалар хусусида сўз боради. Асарнинг 2 нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланада.

МУҲАММАД ШАРИФ БУХОРИЙ, ал-Алавий, Муҳаммад Шариф ибн Муҳаммад ал-Ҳусайний ал-Бухорий (1609—1697) — бухоролик файласуф ва тарихчи. Фалсафа, тасаввуф, тарих, фиқҳ, тилшунослик, шеърият, астрономия соҳасида 20 дан ортиқ асарлар ёзган. «Ар-рисола ад-даврия» («Даврийлик ҳақида рисола») асари макон ва замон масалаларига бағишланган, Алуддиддин ал-Иджийнинг «Алудилийа ақидалари шарҳига ҳошия» ва Саъдуддин Тафтазонийнинг «Мавлавий Шариф таҳзиб шарҳига ҳошия» асарларига шарҳлар ёзган. Файласуфнинг «Девони Шариф» ёки «Ғазалиёти Шариф» номи б-н танилган девони ҳам мавжуд бўлиб, турли котиблар томонидан кўчириб келинган. Унинг араб тилшунослигига оид «Ҳошияи Мавлавийи Шариф бар фавойиди Зиёйийа» («Мавлавийи Шарифнинг Зиёий фойдаларига изоҳи») асари бўлиб, у «Ал-Қофия»га шарҳ сифатида ёзилган. Бундан ташқари, «Жомеъ ул-масойил» («Масалалар мажмуи»), «Зубдат ул- афкор», «Ақоид асослари ҳақида рисола», «Мавлавий Шариф рисоласи», «Назм ул-мухтасар» ва б. асарлар муаллифи.

М.Ш.Б. *Мир араб мадрасасида* мударрислик қилган. Унинг «Китоби фавойид ул-ҳоқонийя» («Хоқонга фойдали маслаҳатлар китоби») асари 25 боб ва 32 фаслдан иборат бўлиб, унда шариат қонун-қоидалари, ижтимоий ҳаёт ва ахлоқий муаммоларга оид маълумотлар, ҳукмдорлар тутрисида қизиқарли лавҳалар мавжуд.

Ад.: Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. Т., 1995; Нуриддинов М., Из истории общественно-философской мысли Средней Азии в XVI—XVII веках. Т., 1996; Маънавият воҳалари. Т., 2001; Ҳошимхонов М., Манрабий муаллабар ўзим. Т., 2002.

Қаҳрамон Раҳмонов

МУҲАММАД ЮНУС ТОИБ Муҳаммад Амин ўғли (?, Тошкент — 1907, Қўқон) — шоир ва хаттот. Ёркенд ва Қўқонда яшаган. Шарқ классиклари асарларини ўрганган. Уларга назиралар боғлаган, қасидаларига жавоб ёзган (мас., *Жомий* қасидасига жавоб ва б.), тарих ва марсиялар яратган. Уларда ўз даврининг турли ижтимоий масалалари акс этган. Фарғона тарихи ҳақидаги «Ҳалоқ ул-анвор» асари (1859) да Қўқон хонлигининг Муҳаммадалихон ҳукмронлиги даври тўлиқ баён этилган. 1905 й.да «Туҳфаи Тоиб» асарини ёзган. М. асарлари қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. № 6696, 596).

МУҲАММАД ЮСУФ (тахаллуси; асл ием-шарифи Юсупов Муҳаммаджон) (1954.26.4, Марҳамат тумани — 2001.31.7, Элликқалъа тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (1998), жамоат арбоби. Рус тили ва адабиёти ин-тининг рус тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1978). Республика китобсеварлар жамияти (1978—80), «Тошкент оқшоми» газ. (1980—86), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти (1986—95)да турли лавозимларда ишлаган. 1995—97 й.лар «Тафаккур» жур.да бўлим мудири, 1997—2001 й.ларда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида раис ўринбосари. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати.

М.Ю.нинг дастлабки шеърлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида босилган (1976). Шундан бошлаб республика матбуотида унинг шеър, очерк ва мақолалари мунтазам равишда чоп этила бошлаган. Илк шеърлар китоби — «Таниш тераклар» (1985). «Булбулга бир гапим бор» (1987), «Илтижо» (1988), «Уйқудаги қиз», «Ҳалима энам аллалари» (1989), «Ишқ кемаси» (1990), «Кунгилимда бир ёр» (1991), «Бевафо кўп экан», «Ёлғончи ёр» (1993), «Эрка кийик» (1995) ва «Осмонимга олиб кетаман» (1998) шеърий китоблари нашр этилган. Мавзуи китобларга кирган шеърларда М.Ю. мавсуф бўлган авлоднинг ин онижаноб ва юксак инсоний фазилатлари б-н бирга ёшлик сурури, ишқ ва муҳаббатнинг нафис наволари, ўзбекона, содда, аммо пайдо-

ниш, бокира ва беtakрор туйғу ҳамда кечинмалари ўзининг ёркин ифодасини топган. Сўзнинг бадиий имкониятларидан маҳорат б-н фойдаланиш, мусиқий равонлик, туйғулар тиниқлиги, самимийлик ва маънавий руҳият манзараларини лўнда ва ихчам ифодалай билиш М.Ю. шеърий услубининг етакчи хусусиятларидир. Унинг қаламига мансуб аксарият шеърлар таниқли мақомлар томонидан ижро этилмоқда. М.Ю. ижоди айни тўлиб яшнаган пайтда, Эълик-қалъа туманида шеърият мухлислари б-н учрашиш мақсадида ижодий сафарида вафот этган. Андижонда дафн этилган.

Тошкент шаҳри ва Марҳамат туманидаги кўчалардан бири, шунингдек, Андижон шаҳридаги болалар кутубхонаси ва Марҳамат туманидаги санъат мактаби М.Ю. номи б-н аталади.

Ас.: Сайланма, Т., 2001.

МУҲАММАД ЮСУФ МУНШИЙ ибн Хўжа Бақо (17-а.) — балхлик тарихчи олим, *аштархонийлар*дан. *Субҳон-қулихон* (ҳукмронлиги: 1680—1702; Балх ҳокими: 1651—80), шунингдек, Муҳаммад Муқимхон (Балх ҳокими: 1702—07) саройларида *мунший* бўлиб хизмат қилган. У Муҳаммад Муқимхонга бағишланган «Муқимхон тарихи» («Тарихи Муқимхоний», 1697—1704) асарида Балх ва қисман *Бухоро хонлиги*нинг 17-а.даги ижтимоий-сиёсий тарихини баён этади. Бу асар муқаддима ва 3 бобдан иборат бўлиб, 1-бобда *шайбонийлар* даврида Мовароуннаҳрнинг умумий аҳволи тасвирланади. Асарнинг 2—3-боблари оригинал бўлиб, унда Бухоро хонлиги ва Балхнинг Ҳиндистон, Эрон, Туркия ва Қашқар б-н бўлган сиёсий муносабатлари, Бухоро ва Балх ўртасидаги қуролли кураш (1702—04) хусусида сўз боради. Асарда суфийлик тариқатларининг раҳбарлари, нуфузли эшонлар, ҳукмдорлар (мас., Балх ҳокимлари Солиҳ Хўжа, Маҳмудбий оталиқ, Бадахшон ҳукмдори Мирёрбек), хаттотлар, шоирлар, шунингдек, Қундуз (Қатағон), Термиз (Кунғирот), Балх (Қурама), Лағмон (Олчинда яшовчи ўзбек қавмлари ҳамда сарой мансабдори ва ҳарбий зиёлилар тутрисида маълумотлар мавжуд. Асарнинг 2-қисми номаълум сабабларга кўра ёзилмай қолган.

Ангархонийлар тарихини ўрганишда муҳим манба саналган бу асар («Убайдуллаhoma» ва «Абулфайзхон тарихи» асарлари унинг мантиқий давоми ҳисобланади) 19-а. 20-й.ларида Россия орқали Европага тарқалди. Асардан парчалар француз тилида босилди (1824), гўла равишда эски ўзбек тилига таржима қилинди (1861). А. Семёнов томонидан рус тилида чоп этилган.

Ас.: Муким-ханская история, Т., 1956.

Ад.: Ахмедов Б., Историко-географическая литература Средней Азии XVI—XVIII вв., Т., 1985.

Қаҳрамон Раҳмонов

МУҲАММАД ЮСУФ ТАБРИЗИЙ — ўрта асрда яшаб ижод қилган табризлик меъмор ва наққош. Шаҳрисабзлик *Оқ сарой*ни қуришда иштирок этган (14-а.). Сарой пештоқини кошин б-н безаб нақшлар орасига ўз исмини ёзиб қолдирган.

МУҲАММАД ЯЪҚУБ БУХОРИЙ, Муҳаммад Яъқуб Кенжа ибн Али Мирзо Бухорий (тахм. 1771—1831) — бухоролик тарихчи олим, мангитлар сулоласининг амалдаги 2-ҳукмдори *Дониёлбий* оталиқ (1758—85) нинг ўғли. Унинг бизгача «Гулшан ул-мулук» («Подшоҳлар гулшани») номли тарихий асари етиб келган. Асар 1825—31 й.ларда ёзилган бўлиб, ўз мазмуни ҳамда ёзилиш услуби б-н 18-а. охири ва 19-а. 1-ярмида яратилган тарихий асарлардан фарқ қилади. Асарнинг 1-қисмида Бухоронинг қад. тарихи, унинг ҳукмдорлари шажараси баён қилинган, 2-қисми эса муаллиф яшаган давр тарихига бағишланган.

МУҲАММАД ҒУРИЙ, Муизиддин Муҳаммад (?—1206) — *ғурийлар* сулоласидан бўлган султон; Ҳиндистон фотиҳи. 1173 й. акаси Ғиёсиддин Муҳаммад Ғурий Ғазни вилоятини босиб олгач, М.Ғ. унга ҳоким этиб тайинланган. 1175 й. Шарқий Афғонистон ва Шим. Ҳиндистонга босқинчилик юришлари қилишни бошлаган. 1186 й. сўнгги *ғазнавийлар* пойтахти Лоҳурни босиб олиб, *Ғазнавийлар давлати*га хотима берган. 1192 й. Горанн ёнида Шим. Ҳиндистоннинг ражпут ҳукмдорлари қўшинларини тор-мор келтирган ва бир неча йил ичида Ганг дарёси водийсидаги кўплаб ерларни эгаллаб олган. Ғиёсиддиннинг вафотидан сўнг (1203), *Ғурийлар давлати* султони бўлган. Бу давлат ҳудуди Афғонистоннинг катта қисми ва Шим. Ҳиндистондан таркиб топган. Ҳиндларнинг гакҳар қабиласи томонидан ўлдирилган (1206). М.Ғ. салтанати ҳарбаларида *Деҳли султонлиги* барпо этилган.

МУҲАММАД ҲАЙДАР Дуғлот, Мирзо Ҳайдар (1499, Тошкент — 1551, Қашқар) — тарихчи, давлат арбоби. Муҳаммад Ҳусайн кўрагонининг ўғли, онаси Хуб Нигорхоним *Юнусхон*нинг кичик қизи, *Бобур*нинг онаси — *Қутлуғ Нигорхоним*нинг синглиси эди. 1508—09 й.ларда *Шайбонийхон* бўйруғи б-н отаси қатл қилингач, ёш М.Ҳ.нинг ҳаёти хавф остида қолади. Муҳаммад Ҳусайнининг ишончли кишиларидан бири Мавлоно Муҳаммад кўп қийинчиликлар б-н М.Ҳ.ни Бухородан Бадахшонга олиб қочади. 1509 й. Кобулга — Бобур саройига олиб келади. Бобур унга юксак эҳтиром кўрсатади. Мирзо Ҳайдарнинг ёзишича, Бобур унга ота ўрнида оталик қилади. 3 йилдан сўнг Мирзо Ҳайдар Андижонга — Султон Саъидхон ҳузурига кетади ва хонининг охирги кунигача у б-н бирга бўлади. 1514 й. Қашқарда Султон Саъидхон ҳокимияти ўрнатилгач, Мирзо Ҳайдар у б-н бирга Қашқарга келади. Хон барча кўшин салоҳияти ва салтанат ишларини унга ишониб топшириб, чекланмаган ҳуқуққа эгалаштиради, шунингдек, Султон Саъидхоннинг ўғли — валиаҳд Абдурашиднинг тарбиясини ҳам унга топширади. Султон Саъидхон даврида Мирзо Ҳайдар Бадахшон, Кофиристон, Тибет, Лодак ва б. кўпгина ҳарбий экспедицияларга раҳбарлик қилади. 1533 й.да Султон Саъидхон вафот этгач, тахтга унинг ўғли Абдурашид ўтиради. Аммо, Дуғлотлар хонадонида вужудга келган қарама-қаршиликлар М.Ҳ.ни мамлакатни ташлаб кетишга мажбур қилади. М.Ҳ. аввал Бадахшонда саргардонликда юриб, сўнгра Лоҳурга — Бобурнинг ўғли Комрон Мирзо ҳузурига боради. 946/1539—40- й.ларда М.Ҳ. Аграда Ҳумоюнга қўшилади.948/1541 й.да Қашқар забт этилгач, М.Ҳ. бобурийлар номидан Қашқарда ҳукмронлик қилади. Ҳақиқатда эса ўз-ўзига мустақил ҳукмрон эди. Тог қабилалари б-н бўлган тўқнашувда М.Ҳ. ҳалок бўлган.

М. Ҳ. машҳур «Тарихи Рашидий» номли асар ва «Жаҳоннома» номли географияга оид туркий шеърий рисола муаллифи. «Тарихи Рашидий» Шарқий Туркистон, Қозоғистон ва Ўрта Осиёнинг 15—16-а. 1-ярмидаги тарихига оид қимматли манбадир. М.Ҳ. бу асарини Кашмирда, бир неча йил мобайнида ёзган. Асар 2 қисм — «дафтарлар» (китобларидан иборат. 1-қисмда Мўғулистон ва Қашқарда ҳукмронлик қилган *чиғатойлар* тарихи — *Тўғлуқ Темур* даврidan Абдурашидхон (Рашидхон) даврigача изчил баён этилган бўлиб, у 1546 й., яъни 2-қисмдан кейин ёзилган. 2-қисм 1541—42 й.ларда тугатилган, у ҳажм жиҳатдан 1-қисмдан тўрт марта катта бўлиб, муаллифнинг хотираларидан иборат. Бу асар «Бобурнома» каби мемуар адабиётнинг ёркин намунаси ҳисобланади.

Ас.: Мирзо Мухаммад Хайдар, Тарихи Рашиди (Введение, пер. с перс. А.Урунбаева, Р.П.Джалиловой, Л.М.Епифановой), Т., 1996.

Тўғун Файзиев

МУҲАММАД ҲАКИМБИЙ оталиқ Ҳудоёрхон оталиқ ўғли(? — 1743) — нуфузли *мангит* бийларидан, *оталиқ*, бош вазир. Бухоро хони *Муҳаммад Раҳим*нинг отаси. Дастлаб миршўр ва *парвончи* бўлган. М.Ҳ. тез орада Бухородаги мангит қавмининг йўлбошчисига айланди ва *аштархонийлар*дан *Абулфайзхон* даврида хонликда уларнинг таъсири ниҳоятда кучайган. *Қатағон* ва *кенагас* (хусусан, шаҳрисабзлик Иброҳим кенагас) қавмларига қарши марказий ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун курашади. Саройда девонбеги лавозимини эгаллайди. М.Ҳ. барча шаҳзодалар оталиқларининг бошлиги деб тан олинган. Қаршида ҳокимлик даврида Эрон ҳукмдори *Нодиршоҳ*нинг ўғли Ризоқули бошчилигидаги қўшинларни бу ерда тўхтатиб қолди (1736). Нодиршоҳнинг Бухорога ҳужуми пайтида у б-н музокаралар олиб борди ва аҳолини Эрон қўшинларига қаршилик кўрсатмасликка чақирди (1740). Бу хизматлари учун уни Нодиршоҳ Бухоронинг тўла ваколатли ҳокими, яъни Абулфайзхон саройининг *кўшбеги* — бош вазири қилиб тайинлаган. М.Ҳ.нинг укаси Дониёлбий (Бухоро амири *Шоҳмуроднинг* отаси) Кармана ҳокими, ўғли Муҳаммад Раҳим эса Нодиршоҳнинг якин кишиларидан бири бўлиб қолган. У мангитлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши учун етарли шарт-шароит яратиб берган. Марказий ҳокимиятга бўйсунишни хоҳламаган амирлар ва турли қавмларнинг етакчиларига қарши муросасиз курашган.

Ад.: Абдурахман -и Тали, История Абулфейз-хана, Т., 1959; Ўзбекистон тарихи давлат ва жамияти тараққиёти, 1-қисм, Т., 2000.

МУҲАММАД ҲУСАЙН Мирзо (1476—1503) — темурий шаҳзода. *Ҳусайн Бойқаро*нинг 4-ўғли. Онаси — Минглибий Огача бегим. Султон Ҳусайн Бойқаро Балиузамон Мирзо исён кўтарган вақтда Астроободни М.Ҳ.га инъом қилган (1499). М. Ҳ. Астробод б-н чекланмай, янги-янги ерларни ўз тасарруфига киритиш хаёлига тушади. 1500 й. у Исфаронинга ҳужум қилади. Исфарони ҳукмдори амир Бадриддин Ҳусайн Бойқаронинг энг яқин кишиларидан эди. Жангда амир Бадриддин қўшини енгилиб, ўзи ҳам ҳалок бўлади. Бу хабарни эшитган Музаффар Ҳусайн Мирзо укаси М.Ҳ.га қарши қўшин юборади, лекин жанг унинг мағлубияти б-н тугайди. М.Ҳ. қўшини Нишопургача гўрат қилиб боради. Жоҳил фарзандларини тинчлантириш учун Ҳусайн Бойқаро Ҳиротни амир Алишер Навоий ва амир Муҳаммад Валибек ихтиёрига топшириб, ўзи Астроободга аскар тортади. М.Ҳ. отасининг катта қўшинига дош беролмаслигини сезиб, Астроободни ташлаб қочади. Ҳусайн Бойқаро Астроободга келиб, 3—4 кунда осойишталик ўрнатади. Шу аснода М.Ҳ. ўз отасига қилган хатти-ҳаракатларидан афсусланиб, шаҳаншоҳдан узр сўраб, элчи юборади. Ҳусайн Бойқаро ўғлининг гуноҳларини кечириб, Журжон мулкини инъом қилиб, ўзи Ҳиротга қайтади. Аммо, кўп ўтмай (1503 й.) М.Ҳ. хасба (қора безгак) касалига учраб, 28 ёшида вафот этади.

Турғун Файзиев

МУҲАММАДАЛИ ХАЛФА СОБИР ЎҒЛИ. Дукчи эшон, Мадали эшон (1856, Фарғона вилояти Чимён қишлоғи — 1898.12.6, Андижон) — *Андижон қўзғолони*нинг раҳбари.

Ўрта ҳол деҳқон ва ҳунарманд Муҳаммад Собир халфа оиласида туғилган. Аждодлари асли қашқарлик бўлган. 10 ёшларида ота-онаси б-н Мингтепа (ҳоз. Андижон вилояти *Марҳамат тумани* ҳудуди) яқинидаги Тожик қишлоғига кўчиб келишган. М.х.С.ў. мустақил ўқиб, ислом илмини, араб ва форс тилларини ўрганган.

1876 й.да акаси Муҳаммадсоқи б-н Пойтуғда яшовчи нуфузли уламо Султонхон тўра эшон хизматига кириб, унинг энг яқин шогирдига айланган. Пахсакашлик ва дук (йик)чилик б-н шуғулланган, табиблик ҳам қилган.

1886—88 й.ларда у Маккага бориб, ҳаж амалини бажарган. Туркий тилда «Ибрат ул-гофилийн» («Ғофиллар учун ибрат китоби») асарини ёзган. Асар панд-насиҳат тарзида бўлиб, *тасаввуф* ғоялари тарғиб қилинган.

М.х.С.ў. Асака, Шаҳрихон, Марғилон, Ўш аҳолиси, хусусан, чоракор қавмлар ўртасида обрў-эътиборли бўлган. Бу вақтда унинг минглаб муридлари бор эди. 1879 й.да у турк султони *Абдулҳамид II*га мактуб ёзиб, Фарғона водийсида Россия империяси юритган мустамлакачилик сиёсатини қоралайди ва дипломатик йўллар орқали Россия императори *Николай II*га таъсир қилишини сўради.

Бу даврда ўлкадаги мустамлакачилик сиёсати туфайли кенг меҳнаткашлар оммаси тоят қашшоқлашибгина қолмай, миллий ва диний қадриятлар ҳам оёқ ости қилина бошланган эди. Мақаллий аҳоли ҳуқуқсизлик, зулм ва зўравонликдан азоб чекарди. Халқ норозилигининг жиловлаб бўлмайдиган даражада кучайиб кетганлигини кўрган М.х.С.ў. Фарғона вилоятининг турли бўлакларидан келган вакиллар б-н кенгаш ўтказиб, бир вақтда кўзғолон кўтаришга чақирди. Кўзғолон 1898 й. 17 майда Андижон ҳарбий лагерига ҳужум қилишдан бошланди. Лекин бошқа жойга унча ёйилмай, тезда мағлубиятга учради.

19 майда кечқурун М.х.С.ў. қўлга олиниб, 5 та яқин сафдоши б-н Андижонда дорга осилган. Унинг оила аъзолари (онаси, хотинлари, фарзандлари, жиянн Мусулмонқул ва б.) Пензага сургун қилинган. Эшонининг мол-мулки, жумладан 755 та нодир қўлёзма китоблари мусодара қилинган. Мингтепа қишлоғи тўпларлан ўққа тутилиб, ўрнида рус мужиклари учун Русское село қасабаси (посёлкаси) қурилган.

Андижон қўзғолони мустамлакачилик зулмига қарши бўлса ҳам, М.х.С.ў. бошчилигидаги қўзғолончилар диний ғоялар (*жиҳод* ва газовот) б-н майдонга чиқишган эди.

МУҲАММАДВАЛИ ҒОРИ — Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги ғор. Чилустун тоғининг шим. ён бағрида, 1085 м баландликда жойлашган. Девон даврига мансуб оҳактошларда ҳосил бўлган. Ғорни биринчи бўлиб акад. Д.И.Шчербаков текширган (1931). Ғор огзи шим.-шарқ томон очилган (эни 1,6 м, бал. 2,5 м). Ғор шипи ва деворлари кальций минералидан ташкил топган ҳосилалар б-н қопланган гумбазсимон хонадан бошланади (уз. 3 м, бал. 2,7). Ундан ичкарига томон бир қанча йўлаклар (уз. 3,5 м гача, бал. 2 м гача, эни 2,5 м гача) давом этади ҳамда яна 4 та хона (уз. 3,5—22 м, эни 2,5—4 м, бал. 1,7—5 м) тутташган. Ғор саҳни нотекис, охирида пасайиб тор ёриққа айланади. Бу қисмда сув йиғилиб қолган. Ғорнинг умумий уз. 57 м, майд. 92 м², ҳажми 276 м³.

МУҲАММАДЖОНОВ Назимаддин (1937.26.8, Қорақалпоғистон, Тахиатош тумани) — қорақалпоқ композитори. Қорақалпоғистон (1974) ва Ўзбекистон (1977)да хизмат кўрсатган санъат арбоби. Олмаота консерваториясини тугатган (1971). Бердақ номидаги Қорақалпоқ филармонияси бадиий раҳбари (1971—77). Қорақалпоғистон композиторлар уюшмаси раиси (1977—88). Қорақалпоғистон Республикаси маданият ишлари вазири (1986—99). Нукус санъат коллежи директори (1999 й.дан). «Биринчи қорақалпоқ симфонияси», биринчи миллий опера («Ажинияз», 1987) ва балети («Айжамал», 1997)ни яратган. Симфоник ва вокал-симфоник, камер-чолғу (фортепиано учун сонята, вариациялар ва б.) ва камер-вокал (мас., «Ниресте» балладаси) асарлари, «Кенг дала», «Қувноқ ўлкам», «Бўлмас», «Ер-ёр айтайин», «Мустақиллик гуллари» қўшиқлари муаллифи.

МУҲАММАДЖОНОВ Абдулвоҳид Рақимжонович (1928.26.12, Тошкент) — шарқшунос ва археолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Тарих фанлари д-ри (1973), проф. (1989). Ўрта Осиё университетини тугатган (1951). 1956—70 й.ларда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тида катта илмий ходим, сектор мудири ва 1970 й.дан Археология ин-тининг сектор мудири, 1980—83 й.ларда директори. Ўзбекистон ФА вице президенти (1996—98), Ўзбекистон ФА Тарих ин-ти директори (1996—98). 1998—2003 й.ларда Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида бош илмий ходим. 1998 й.дан Ўзбекистон миллий ун-тида проф. Айни вақтда 1997 й.дан «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар» жур.нинг бош муҳаррири. Унинг илмий ишлари Ўрта Осиёда суғорма деҳқончилик, ирригация, гидротехника ҳамда деҳқончилик воҳаларини ғуждага келиши ва тараққиёти тарихига бағишланган. М. Бухоро, Тошкент шаҳри қад. тарихи, айниқса, уларнинг ёшини илмий асослашга муайян ҳисса қўшган. Ватанимиз тарихий топонимияси бўйича илмий асарлар ва мақолалар нашр этиб, тарихий манбашунослик бўйича янги илмий йўналишга асос солди.

Ас.: Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари, Т., 1997; Населённые пункты Бухарского эмирата, Т., 1999; Ўзбекистон тарихи, Т., 2003; Қадимги Тошкент, Т., 2002.

МУҲАММАДЖОНОВ Ато Самиғиддинович (1940.2.9, Душанбе) — Тожикистон халқ артисти (1981). 1958 й.дан Лоҳутий номидаги театрда ишлайди. Тожикистоннинг машҳур филмлари М. номи б-н боғлиқ. Энг яхши роллари: Аҳдам («Одим Аҳдам»), Чол («Чолнинг ҳикояси»), Клаудио («Ҳамлет»), Бобожон Ғофуров («Миллат драмаси»), Қирол Лир («Қирол Лир») ва б. М. ўзбек киноси ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшган. Ота («Алвидо, гўр ёшлигим»), Қози («Майсаранинг иши»), Амир ибн Мансур («Даҳонини ёшлиги»), Ранс («Карахтлик»), Саиндали ота («Буюк Амир Темур») ва б. роллари машҳур. Рудакий номидаги Тожикистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

МУҲАММАДЖОНОВ Зикир (Зокир) (1921.1.1, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1962). Ўзбекистон Қаҳрамони (2003). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1949). 1938 й.дан Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри)да актёр. 1977—82 й.лар Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмасининг раиси. М. кенг қамровли актёр бўлиб, спектаклда, кино ва телевидениеда жаҳон драматургиясининг мумтоз намуналарида, ўзбек адибларининг умуминсоний мавзуларидаги асарларида образларни маҳорат б-н яратган. Фердинанд («Макр ва муҳаббат»), Жалолиддин («Жалолиддин Мангуберди»), Абдуллатиф («Мирзо Улуғбек»), Навоий («Алишер Навоий»), Горацио («Ҳамлет»), Кассио («Отелло»), Фурқат («Фурқат»), Едигей («Асрга татигулик кун»), Самандар («Самандар»), Синтаро («Ўзгирланган умр»), Октавия Цезарь («Юлий Цезарь»), Деҳқонбой (Шоҳи сўзана»), Жабборов («Парвоз»), Юсуфбек ҳожи («Ўтган кунлар»), Беруний («Абу Райҳон Беруний») каби ролларида М.нинг ўзига хос ижод нафаси оволдати жўшқин эҳтирос, фикран теранлик ва вазминлик б-н тўлдириб, имконият кучи намоён бўлган. М. бир қанча фильмларда (Мақсуд, «Фидойи»; проф. Каримов, «Коинот гўшнинг сири»; Шоҳ Баҳром, «Дилором»; Жунайдхон, «Узоқ-яқин йиллар»; Юсуф, «Алибобо ва қирқ қароқчи» ва б.) ҳам суратга тушган. Айниқса, «Генерал Раҳимов» фильмидаги Собир Раҳимов роли алоҳида ўрин тутади. Генералга хос жўшқинлик, шижоат, жасурлик, бағри кенглик М. ижросида ўз аксини тўла топа олган. Актёр видеофильм ва телеспектакларда ҳам бир қанча образлар яратган: Улуғбек («Улуғбек хазинаси»), Ҳусайн Бойқаро («Алишер Навоий»), Исомиддин ака («Ер фарзанди»), проф. Комилов («Имон») ва б. шулар жумласидан. Бир қанча чет эл фильмларида ҳам суратга тушган. М. яратган образлар кучли психологик драматизми, романтик кўтаринкилиги б-н ажралиб туради. «Шуҳрат» медали (1994), «Дўстлик» (1996), «Буюк хизматлари учун» (1998) орденлари б-н тақдирланган.

Ас.: Таъзим, Т., 1996; Ўзим кўрган ва билганларим, Т., 1998; Узуғлар орасида, Т., 2003.

Тошўлат Турсунов.

Зикир Муҳаммаджонов «Алибобо ва қирқ қароқчи» фильмида Юсуф ролида.

МУҲАММАДЖОНОВ Мирзаали Валиевич (1914.1.12 — Бағдод тумани, Конизар қишлоғи — 2000.18.3) — агроном олим, давлат арбоби, Ўзбекистон ФА акад. (1952), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964), қ.х. фанлари д-ри (1962), проф. (1964). Самарқанддаги Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1936). Бухоро вилояти Шофиркон МТСида бош агроном (1936—37), СоюзНИХИда аспирант, бўлим мудири (1937—41), ЎзССР Давлат контроли халқ комиссарининг биринчи ўринбосари (1941—45), Деҳқончилик халқ комиссари, вазири, ЎзССР с-злар вазири (1946—50), Ўзбекистон ФА Қишлоқ хўжалиги ин-ти (Ўсимликлар экспериментал биологияси ин-ти) директори (1948—50), Ўзбекистон ФА Президиумининг бош илмий котиби (1952), Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазири (1953—57), ЎзССР Министрлар Совети раиси ўринбосари (1957—60), Ўзбекистон ФА Ўсимликлар экспериментал биологияси ин-тида бўлим мудири (1960—62), ин-т директори (1963—66). Афғонистон (1967—70) ва Ҳиндистон (1972—76)да СССР элчихонасида маслаҳатчи бўлиб ишлади. Бутуниттифоқ Ўсимликшунослик ин-ти Ўрта Осиё тажриба ст-яси директори (1970—72), ВАСХНИЛ Ўрта Осиё бўлими Президиуми раиси ўринбосари (1977—78). 1979 й.дан Ўзбекистон ФА Ўсимликлар эксперименталбиологияси ин-тида лаб. мудири. 1981 й.дан ЮНЕСКОнинг «Инсон ва биосфера» Ўзбекистон миллий қўмитаси раиси. Республика Агросаноат комплекси олий мактабида кафедра мудири (1987—92).

М.нинг илмий ишлари ғўза, макка жўхори, беда ва қ.х. экинлари биологияси, агротехникаси, алмашлаб экиш, суғориладиган тупроқлар унумдорлигини ошириш, суғорма интенсив деҳқончилик, шунингдек, қ.х. иқтисодиёти масалаларига бағишланган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).

Ас.: Агротехника хлопчатника, Т., 1953; Севообороты и углубление пахотного слоя почвы в районах хлопководства, Т., 1962; Новая система земледелия по коренному повышению плодородия орошаемых почв, Т., 1978.

Ад.: Академик Мирзаали Валиевич Муҳаммаджоновнинг ҳаёт йўли, Т., 1995.

МУҲАММАДЖОНОВ Мўминжон (тахаллуси Тошқин; 1883 — Тошкент 1964) — ёзувчи, маърифатпарвар, *жадидчилик* ҳаракатининг намояндаси.

Шарофбой, Беклар беги (Тошкент), Олия (Уфа) каби мадрасаларда таҳсил олган. Айни пайтда эски мактабларда дарс берган. Тошкент, Наманган, Қўқон, Андижон, Ўш, Жалолобод, Хўжанд, Шаҳрисабз ва б. шаҳарларда янги усулдаги мактаблар очган. «Садойи Туркистон», кейинчалик «Иштирокиюн» газ.лари ва «Маориф», «*Мушгум*» жур.ларида ишлаган. Андижонда Чўлпон ва Тошкентда Ҳамза б-н ҳамкорлик қилган. ХХСР маориф нозирлигида хизмат қилган (1920—21). Кейинчалик Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида ишлаган (1944—50). М. «Қонли тун» (1926; Зиё Саид б-н ҳамкорликда) пье-

саси, «Турмуш уринишлари» (1926) хотиралар китоби ва турли ҳажвий шеърлар муаллифи.

Ас.: Турмуш уринишлари [4-нашр]. Т., 1969.

МУҲАММАДЖОНОВ Шомаҳмуд Шоҳодиевич (1954.27.4, Тошкент) — миниатюрачи рассом, *китобат санъати* устаси. Ўзбекистон БА акад. (1997). Ўзбекистон халқ рассоми (2001). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1974). Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида рассом. 1970-

йларда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида проф. Ч.Аҳмаров ва Ҳ. Сулаймонлардан рассомлик ва миниатюра санъатини ўрганди. Шарқ миниатюраси ва китобат санъати соҳасида чуқур изланишлари натижасида қад. қоғоз тайёрлаш усули ва саҳифа безагининг *абри баҳор* турини қайта тикланди, миниатюра соҳасида самарали ижод қилмоқда. Ўрта аср Шарқ миниатюрасига оид чуқур билим ва академик дастгоҳли рангтасвир малакалари М.нинг ўзига хос бадиий услубининг шаклланишини таъминлади: қиёфа, вазият, имо-ишоралар, рангларнинг рамзий маънолари орқали қаҳрамонларининг руҳий ҳолатини акс эттиради. миниатюра санъатининг анъанавий тизимига замонавий мазмун сингдиради. А.Қодирийнинг «Меҳробдан чаён» асарига ишланган расмлар (1974, Тошкентдаги Алабиёт музейида), Шарқ адабиёти (Фирдавсий, Низомий ва б. асарлари) мавзуида яратган миниатюра намуналарини яратди (1983—84, Амалий санъат музейида). Китобат санъати усулида «Навоий лирикаси» тўпламини (1983, Японияда), «Калила ва Димна» асари боблари бўйича 2 та (1985, 1991; Метрополитен музейида), М. Кошғарийнинг «Девону лутотит турк» асари (1985, Ўзбекистон тарихи музейида), «Темур тузуклари» (1991) қўлёзма нусхаларини тайёрлади. «Ипак йўли ҳикоялари» асарлар туркуми (1999) ва б. асарлари машҳур.

М. асарлари республика ва чет мамлакатларидаги (жумладан, Эрон, 1998, 2000; Туркия, 1999) кўргазмаларда намойиш этилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1996).

Ш. Муҳаммаджонов «Ипак йўли ҳикоялари» (1999).

МУҲАММАДИЕВ Авлиёхон (1906.16.8, Марғилон — 1988.21.10, Фарғона) — гидробиолог олим, Ўзбекистон ФА акад. (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1966), биология фанлари д-ри (1959), проф. (1960). Ўрта Осиё ун-тининг тайёрлов бўлимини (1931), Фарғона педагогика ин-тини (1934) тугатган. Шу ин-т кимё ва биол. кафедраларида ассистент (1935—36), катта ўқитувчи (1937—39), зоология кафедраси мудири (1939—1979), Ўзбекистон ФА Зоология ин-ти гидробиология ва ихтиология лаб. мудири (1979—1981), Фарғона педагогика ин-ти зоология ва умумий биол. кафедраси проф. (1981—88). Ўзбекистон гидробиология жамияти раиси (1969—84). М.нинг илмий ишлари Ўрта Осиё сув ҳавзалари типологияси, қисқичбақасимонлар экологияси, систематикаси ва зоогеографиясини ўрганишга бағишланган. Сув ҳавзаларидан умумий фойдаланишга оид амалий тавсиялар ишлаб чиққан. Фарғона ва Марғилон шаҳарларидаги кўчалардан бирига, Фарғонада давлат ун-ти табиат ф-тига унинг номи берилган.

4. Материалы к гидробиологии рыбных полей Ферганской долины. Т., 1969; Гидробиология полей чеков Ферганской долины. Т., 1967; Умуртқасиз ҳайвонлар экологияси. Т., 1964, 1976; Рыбохозяйственные водоемы Ферганской долины. Т., 1986; Табиат муҳофазаси ва экология. Т., 1986 (ҳаммуаллифлар).

МУҲАММАДИЕВ Раҳмон Омонович (1946.14.5, Денов тумани, Чағон қишлоғи) — кўз касалликлари мутахассиси. Ўзбекистон Қаҳрамони (2001). Тиббиёт фанлари номзоди (1974). СамТИни тугатган (1969), шу ин-т кўз касалликлари клиникасида ординатор (1969—71). Бурденко номидаги нейрохирургия ин-тида аспирант (1971—74). Самарқанд ш., кейинчалик Сурхондарё вилоят кўз касалликлари клиникасида турли даво-ю имларда ишлаган (1974—81). Афғонистонда хизмат қилган (1981—83). 1984—85 йиллар Денов тумани, 1986 йилдан Сурхондарё вилояти кўз касалликлари касалхонаси бош врачи. Илмий ишлари кўз касалликлари хирургиясига оид. 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси депутати.

МУҲАММАДИЕВ Тоштемир (1968.1.5, Бойсун тумани) — кураш бўйича оғир вазнда жаҳонининг мутлақ чемпиони (1999, Тошкент), халқаро миқёсдаги спорт устаси (1999). М. ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган халқаро мусобақа ғолиби (1995, 1999, Термиз), Ўзбекистон чемпиони (1998). Тадбиркорлик фаолияти б-н шуғулланади. «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1999).

МУҲАММАДИЕВ Қарши (1932.20.7, Шўрчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Бухоро пед. ин-тини тугатган (1962). 1954—97 йиллар Шўрчи туманидаги 10-мактабда она тили ва адабиёти ўқитувчиси.

МУҲАММАДИЙ, Устод Муҳаммадий (16-а.) — мусаввир. *Султон Муҳаммад*нинг ўғли. Нафис санъатни отасидан ўрганган; Камолиддин Бехзод анъаналарини давом эттириб ўзига

Муҳаммадий. «Қишлоқ ҳаёти» (1578, Луврда).

хос бадиий услуб яратди. Инсон, ҳайвонотни ҳаётий, манзарани батафсил тасвирлаган «Шаҳзода тасвири» (Бостондаги Гозобо мажмуасида, АҚШ), «Шарафнома» (асар қўлёзмасидаги «Шаҳзода» расми). Низомийнинг «Хамса»сига ишланган миниатюралар, «Дарвиш ва деҳқонлар» асари (Луврда) ва б. Замондош мутахассисларининг таъкидлашича, М. асарларида демократик анъаналар, дунёвий ва ҳаётий лавҳалар, оддий кишилар ҳаётининг реал тасвири ўз аксини топган.

МУҲАММАДРАСУЛ РАСУЛИЙ (1884 — Тошкент — 1935) — ўзбек маърифатпарвари, педагог. Тошкентдаги Беклярбеги мадрасасида ўқиган. 1907 йилдан рус-тузем мактабларида дарс берган. 1917 йилдан кейин мактабларда ўқитувчилик қилган, саводсизликни тугатишда фаол иштирок этган. Рус-тузем ва янги усулдаги мактаблар учун дарсликлар («Раҳбари форсий», «Қироати форсий ёхуд мунтахаби гулистон», «Болалар боғчаси») ёзган. «Раҳбари форсий» китоби (1911, 1914, 1917 йилларда нашр этилган)да форс тили қоидалари ўзбек тилида баён қилинган. «Қироати форсий ёхуд мунтахаби гулистон» (1916) хрестоматия китобида қисқа-қисқа форсча матнлар 56 дарсга бўлиб берилган, баъзи форсча сўзларга ўзбекча изоҳ ёзилган. «Болалар боғчаси» алифбе китоби бўлиб, товуш усулида тузилган. Унинг 2-нашри 1917 й. Тошкентда чиққан. Бу дарсликда К.Д.*Ушинский*, Л.Н.*Толстой*, С.М. *Граменицкий*нинг ўқув китобларидан таржималар берилган.

МУҲАММЕДОВ Амин Муҳаммедович (1916.14.4 — Тошкент — 2000.16.5) — гидротехник олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, техника фанлари д-ри (1966), проф. (1968), ВАСХНИЛ мухбир аъзоси (1970). Ленинград индустриал ин-тини тугатган (1937). Оқтепа ва Фарҳод ГЭС, Шим. Тошкент канали қурилишларида ишлаган. Ўзбекистон ФА Иншоотлар, Сув муаммолари ва гидротехника институтларида илмий ходим, гидравлика ва лаб. бошлиғи (1950—61). Ўрта Осиё ирригация и.т. ин-тида дарё ўзанларини бошқариш бўлими бошлиғи (1961—86), етакчи илмий ходим (1986—2000). М. айни пайтда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари ин-тида катта ўқитувчи, доцент, проф. (1956—2000).

М. илмий ишлари дарё ўзанлари, уларнинг чўкинди-оқизиқларини тўғонлардан ўтказиб юборини, Амударёнинг қуйи қисмида учрайдиган *дейлаш* ҳодисаси ва унинг олдини олиш муаммоларига бағишланган. Сибирь дарёларини Ўрта Осиёга оқизиш лойиҳасида бош каналнинг гидравлик ўлчамларини аниқлаш, сув манбаларидан оқилона фойдаланиш, Орол денгизининг экологик муаммолари масалалари ҳам унинг илмий изланишларида муҳим ўринда туради.

МУҲАНДИС (араб), инженер — техниканинг муайян бир соҳасига ихтисослашган мутахассис; техника соҳаларидан бири бўйича олий маълумотли касб эгаси. Илгари Шарқда бинокор, ер ўлчовчи, бино ва иншоотларни лойиҳаловчи, ҳандаса (геометрия) б-н шуғулланувчи кишилар М. деб аталган. Бағдод, Дамашқ, Бухоро, Хива, Самарқанд, Тошкент, Қўқон ва б. шаҳарларда ҳозиргача сақланиб қолган қад. бино ва иншоотлар қурилишида фойдаланилган мураккаб ҳандасавий (геометрик) шакллар, арклар, гумбазлар, қуббалар; суғориш ва сув чиқариш иншоотлари (кориз, сардоба), чархпалак (чигир) М.лик қадимдан тараққий этганлигини биддиради. Хусусан, *Аҳмад ал-Фарғоний*нинг Нил дарёсига қурилган сув миқдорини ўлчаш иншооти ҳам М.лик намунаси ҳисобланади.

Европада, дастлаб, ҳарбий машиналарни бошқарган кишилар инженер (лот. ingenium — қобилият) деб номланган. Бу тушунча 16-а.да Голландияда кўприк ва йўл қурувчиларга нисбатан ишлатилган, сўнгра Англия ва б. Европа мамлакатларига тарқалган.

М.нинг ҳозир механик-М., гидротехник -М., кон М.си, ҳарбий М., лойиҳаловчи М., физик-М., технолог-М., қурувчи- М., ирригатор-М. ва б. турлари бор. М. лар саноат, транспорт, қурилиш ва халқ хўжалигининг турли тармоқларида, и.т. муассасаларида ишлайди, муҳандислик академияларида, техника ин-тлари ва ун-тларида, олий техника билим юртлари ва б. муассасаларда тайёрланади. Ўзбекистонда М.лар Тошкент техника ун-ти, Тошкент информациялар технологияси ун-ти, республика вилоятларидаги олий техника ўқув юртлари, Тошкент архитектура-қурилиш ин-ти, Тошкент кимё-технология ин-ти, Тошкент давлат авиация ин-ти, Тошкент автомобиль-йўллар ин-ти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиги ин-ти, Тошкент т. й. транспорти муҳандислари ин-ти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти ва б. муассасаларда тайёрланади.

МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ — геологиянинг *Ер пўсти* юқори қатламларининг ҳоз. геологик шароитлари ва динамикасини муҳандислик-қурилиш ва б. хўжалик талбирлари нуқтаи назаридан ўрганадиган соҳаси.

М.г.нинг асосий вазифаси — геологиянинг турли иншоотларни лойиҳалаш, қуриш ва ундан фойдаланиш б-н боғлиқ амалий масалаларни ечиш. Шунингдек, М.г. географик муҳитдан оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишда муҳим роль ўйнайди. М.г.нинг илмий йўналишлари: муҳандислик-грунтшунослик — тоғ жинсларининг таркиби ва муҳандислик-геологик хоссаларини табиий жойлашган ерида ва лаб.да ўрганади. Регионал грунтшунослик яхши ривожланган бўлиб, алоҳида тоғ жинслари ва тупроқнинг М.г. хусусиятлари ва тарқалиш қонуниятларини талқиқ этади; муҳандислик геодинамикаси — табиат ҳодисалари ва одамларнинг муҳандислик ва хўжалик фаолияти б-н боғлиқ ўзгариш ва жараёнлар (*суриламалар, сел, карст*, чўкиш ва ҳ.к.)ни ўрганади ва уларнинг олдини олиш, бартараф этиш ҳақида тавсиялар ишлаб чиқади; регионал М.г. — Ер пўсти турли қисмларида муҳандислик-геологик шароитларининг ўзгариш қонуниятлари характерини ўрганади. Шунингдек, муҳандислик геоэкологияси, сейсмология, шаҳарлар, денгиз М.г. ва б. ривожланмоқда. М.г. хариталарида барча геологик омиллар кўрсатилади.

Иншоотларининг замини ҳақидаги билимлар қадим замонлардан тўплаб келинган. Қадимда маҳобатли саройлар, мақбара ва миноралар, гидротехника иншоотлари, ибодатхоналар қуришдан олдин муҳандислар амалий тажрибалари ва устоз-шогирд ворислиги асосида қурилиш бўладиган ерни пухта ўрга-

ниб, иншоотларга салбий таъсир кўрсатувчи чўкиш, ер қимирлаш, сув босиш каби жараёнлар ҳисобга олинган, уларни олдини олиш учун зарурий чоралар кўрилган. М.г. амалиётига риоя қилиб тикланган ёдгорликлардан Миср эҳромлари, Ҳиндистон ва Ҳиндихитойдаги ибодатхоналар, Хива, Бухоро, Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз ва б. қадимги шаҳарлардаги мадраса, минора ва б. меъморий иншоотларнинг аксарияти ҳозиргача сақланган. М.г.нинг Европада пайдо бўлиши ва ривожланиши 19-а.нинг 2-ярмида, т. й., туннель, кўприк, метрополитенлар қурилиши б-н боғлиқ бўлган.

Ўзбекистонда М.г.нинг ривожланиши ирригация иншоотлари (Катта Фарғона, «Дўстлик» ва б. каналлар), гидротехника иншоотлари (Чирчиқ — Бўзсув ГЭСлар каскади, Чорвоқ сув омбори ва ГЭС), Мирзачўл, Далварзин, Қарши чўлларини ўзлаштириш, эски шаҳарларни қайта қуриш, янги шаҳарлар бунёд этиш б-н боғлиқ бўлди. М.г. 20-а. 30-йилларидан тез ривожлана бориб, алоҳида фанга айланди. Тошкентда 1927 й.дан турли лойиҳалаш ташкилотлари таркибида М.г. бўлимлари, геология муассасаларида отрядлар ва ҳ.к. бўлган. 1952 й. «Ўзбекгидрогеология» трести ва унинг таркибида М.г.экспедицияси, 1960 й.да Тошкентда Гидрогеология ва муҳандислик геологияси илмий тадқиқот ин-ти («Гидроингео») ташкил этилди. Ўзбекистонда М.г. соҳасидаги талқиқотлар ва илмий ишланмалар жаҳон андозасидан кам эмас. М.г. ривожига К. Терцаги (АҚШ), М. Арнольд (Франция), Д. Смит (Англия), Р. Вольтер (Германия), Ф. П. *Саваренский*, В. А. Приклонский (РФ), Ўзбекистонда О. К. Ланге, F. O. *Мавлонов*, К. П. Пўлатов, Э. В. Мавлонов ва б. ҳисса қўшганлар.

Ад.: Қодиров Э. В., Шерматов М. Ш., Акбаров Х. А., Мавлонов Э. В., Одилов А. А., Табиий муҳитни муҳофазалашнинг геологик асослари, Т., 1999; Назаров М. З., Инженерлик геологияси, Т., 1985; Эргашев Й., Инженерлик геологияси ва гидрогеология, Т., 1990.

МУҲАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ ХАРИТАСИ — қурилиш мўлжалланган ер майдонига тегишли ҳар хил муҳандислик-геологик омиллар (тектоник, геоморфологик, гидрогеологик, гидрологик, геологик ва муҳандислик-геологик жараёнларнинг тарқалиш даражаси ва б.) акс эттирилган харита. М.г.х.да тоғ жинсларининг таркиби, физик-механик хоссалари эътиборга олинади. Хариталар мазмунига қараб бир неча гуруҳга — муҳандислик-геологик шароитлар (ер усти иншоотларни қуришини мўлжалланган ҳудудлар учун энг муҳим маълумотлар кўрсатилади), муҳандислик-геологик районлаштириш (регион, область, район ва айрим майдонлар муҳандислик-геологик шароити ҳисобга олинади), махсус муҳандислик (алоҳида қурилиш объекти учун тузилиб, лёсларнинг намлик таъсирида чўкиши, сурилмалар ўрни мукаммал тасвирланади ва башоратланади) ва б. хариталарга бўлинади.

Ҳар бир харитага тушунтириш матни, муҳандислик-геологик кесим ва шартли белгилар илова қилинади. Хариталар турли масштабларда тузилади. Ўзбекистон ва Ўрта Осиё ҳудудларининг М.г.х. тузилган.

МУҲАНДИСЛИК ПСИХОЛОГИЯСИ — психология соҳаси; инсон б-н машина (техника) ўртасидаги муносабатни, инсонга машинанинг психологик таъсирини, инсоннинг техника б-н муносабат жараёни психологик қонуниятларини ўрганади. М.п. фан-техника тараққиёти натижасида вужудга келган. У қуйидаги муаммоларни текширади: инсоннинг бошқарув тизимларидаги, автоматик қурилмалар, хусусан, ЭҲМ б-н муносабатдаги вазифалари; ЭҲМ операторларининг фаолиятида мулоқот жараёни ва уларнинг ўзаро таъсири; оператор фаолиятининг психологик тузилиши; оператор ишининг сифати, тезлиги, самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш; операторлар учун психодиагностика ва касбга йўллаш методларини ишлаб чиқиш ва ҳ.к.

МУҲАНДИСЛИК ҚЎШИНЛАРИ — барча қўшин турларининг жанговар ҳаракатларига ёрдам берадиган муҳандислик иншоотлари ва воситаларини барпо этувчи махсус қўшинлар. Дастлаб Францияда 17-а.да, Россияда 18-а. бошида пайдо бўлган. Замонавий қўшинларда М.қ. муҳандислик сапёрлик (сапёр), муҳандислик-йўл, понтон-кўприк қурувчи, муҳандис-қурувчилик, кечиб ўтувчи-десант ва б. бирлашма, қисм ва бўлинмалардан таркиб топган. Ҳозирда М.қ. қуруқликдаги қўшинларнинг жанговар ҳаракатларини осонлаштиради, мудофаа иншоотлари қурали, ҳужум операцияларини таъминлайди ва кечув воситалари тайёрлайди. Душман истеҳкомларини аниқлаб, уларни яксон қилишга ёрдам беради. Мудофаа жойларининг иҳотасини, душман авиацияси ва артиллерияси ўтидан яшириладиган жойларни мустаҳкамлаш, команда ва кузатув пунктлари учун иншоотлар қуриш, армияни сув ва энергия б-н таъминлаш, миналар қўйиш ва жойларини минадан тозалаш ишларини бажаради, ҳарбий алоқачилар қуради ва ҳ.к. М.қ. томонидан қурилаётган муҳандислик тадбирлари қўшинларнинг жанг майдонида кенг масштаб бўйлаб ҳаракат қилишини таъминлашга ва уларни оммавий қирғин қуролларидан ҳимоя қилишга қаратилган. Ўзбекистон Қуролли Кучларида ҳам бор.

МУҲАНДИСЛИК-ГЕОЛОГИК РАЙОНЛАШТИРИШ — муҳандислик ва геологик шароитлари ўхшаш бўлган ер майдонларини районларга бўлиш. М.-г.р.да қурилаётган иншоотларнинг турлари, улардан фойдаланишга салбий ва ижобий таъсир қилувчи геологик, геоморфологик, гидрогеологик маълумотлар ҳамда табиий ва инсон фаолияти б-н боғлиқ жараёнлар асос қилиб олинади. Районлаштирилаётган ҳудудлар тектоник структураларидан келиб чиқиб ретонларга, геоморфологик тузилишига кўра вилоятларга, тог жинсларининг мажмуига қараб р-ларга ва ер ости сувларининг тарқалиши, тог жинсларининг хоссалари, геологик жараёнлар фаоллиги ҳисобга олиниб кичикроқ майдонларга бўлиб чиқилади.

М.-г.р. умумий ва махсус районлаштиришга бўлинади. Умумий районлаштириш хариталари лойиҳалаштиришнинг дастлабки босқичида катта майдонларга (республика, вилоят миқёсида) барча турдаги қурилишлар ва ўзлаштириладиган р-лар учун тузилади. Мас., Ўзбекистон ва унинг ўзлаштирилган айрим қисмлари (Мирзачўл, Қарши чўли, Кўкорол, Далварзин, Сурхондарё водийси ҳудудлари) умумий районлаштирилган.

Махсус районлаштириш эса айрим типдаги қурилишлар — шаҳар ва қишлоқларни жойлаштириш ва қуриш, автомобиль, т.й. ва юқори вольтли электр узатиш симларини ўтказиш, гидроэнергетика иншоотларини қуриш бўйича, ер ости фойдали қазилмаларни қазиб олиш шароитларига кўра амалга оширилади. Булардан ташқари, М.-г.р. ҳудудларининг ўзига хос табиий шароитлари бўйича ҳам бажарилади. Лёсс ва лёссимон жинсларнинг чўкиш даражаси, карет ва суффозион говакларнинг тарқалиши ва ривожланиши, кўчкиларнинг турлари ва тарқалиши, сейсмик ва микросейсмик ҳолатлари ҳисобга олинади.

Ўзбекистондаги чўл ва тоғ олди зоналарини ўзлаштиришда М.-г.р. ишларига олимлардан F. O.Мавлонов, А. И. Исломов, Р.А.Ниёзов, С.М.Қосимов ва б. салмоқли ҳисса қўшган.

Ад.: Ломтадзе В. Д., Инженерная геология, Л., 1988.

МУҲАРРАМ (араб. — тақиқланган, муқаддас) — қад. арабларнинг Ой тақвимида, шунингдек, мусулмонларнинг *ҳижрий йил* ҳисобида биринчи ой. М. исломдан илгари ҳам араблар муқаддас ой ҳисобланган, бу ойда қабилалар уртасидаги уруш-жанжаллар ва қон тўкишлар тақиқланган. Бу М. ойининг номидан ҳам кўриниб турди. М. ойининг биринчи ун кунида шиалар имом Ҳусаинни ёдлаб мотам тутади, турли динни маросимлар ўтказади (қ. *Ашуро*).

МУҲАРРИР (араб.), редактор — 1) нашриёт ва б. масъул нашрларда муайян матнни тузи жиҳатдан таҳрир қилиб, босмага тайёрловчи ходим; 2) айрим матбуот органлари (мас., газетага раҳбарлик қилувчи шахс.

МУҲАҚҚАҚ (араб.) — *хаттотлик* услуби, араб ёзувидаги мумтоз олти хат услубидан бири. *Куфий* хати асосида Ибн Муқлаъ ихтиро қилган дейилади. Ҳарфларнинг 1—2-қисмлари доирасимон, 4—5-қисмлари тўғри чизиқлардан иборат. М.да «алиф», «лом», «дол» ва «каф» ҳарфлари асосан юқорига қараб ҳалдан ташқари чўзиқ қилиб ёзилади. Қад. маъқалий ёзувига ўхшаб кетади. 7—17-а.ларда кенг қўлланган. Ўрта аср хаттотлари М.ни энг мукаммал ва аниқ ёзув деб ҳисобланганлар; бу хатда аниқ (табиий) фанларга оид рисолалар, Қуръон, ҳадислар битилган, биноларнинг китобаларида ҳам қўлланган. Ибн Баввоб, Ёқут Мустаъсимий, Жалол Жаъфар Ҳиравийлар бу хат устасидир.

МУҲИДДИН ҚИЗИҚ Дарвешов (1938.26.2 — Бувайда тумани — 1995.25.9) — қизиқчи. Самарқанд қишлоқ хўжалиги ин-тини тугаттан (1959). Теша қизиқ Комилов ва Охунжон қизиқ Хузуржоновларга эргашиб, «Сартарош», «Самолёт», «Ичкилик-нинг оқибати»; «Ашулачининг калтак ейиши» кулки-ҳикояларни ижро этган. Ҳаётий воқеалар асосида ўзи мустақил кулки-ҳикоя, латифа ва ҳангомалар тўқиб ижро этган. М.қ. репертуари ниҳоятда бой бўлиб, у гарчи асосан кулки-ҳикоя, латифа ва ҳангома жанрларида ижод қилган бўлса-да, ўз чиқишларида уларни бир-бирига боғлаб намойиш этиши туфайли қуйидаги дастур-туркумлар яратган: 1) ўз ҳаёти ҳамда устоз қизиқлар ҳаётидан олинган ҳангомаларни ҳикоя қилиш; 2) устоз қизиқлар ҳаётидан олинган кулки-ҳикоя ва латифаларни ижро этиш; 3) Абдурайим довдир ва Мамарайим эркак саргузаштлари; 4) ҳаётий воқеалардан сўзлаш, латифалар айтиш. Ҳар бир туркум қаҳрамони қиёфасига бир ўзида кира олиш, сўзларни салмоқлаб, чертиб-чертиб айтиш, кўзлари, қошларини ўйнатиб, қўлларини ҳаракатга келтириш, даҳаларда бўлса-да, ҳикояга сўз бораётган турли қиёфаларда гапларини, ҳар сафар ажиб бир томоша яратиш М.қ. ижодига хос. «Телефон», «Футбол», «Шахмат», «Белана» пайровларида гортишган. Асконни воқеабанд қилиб қуришга уста бўлган («Келин-куёв», «Шифокор ва бемор» пайровлари). 1986 й.да Бувайда тумани маданият уйи қошида «Қаҳқаҳа» гуруҳини ташкил этган. 1967 й. халқ ижодиёти кўриги, 1984, 1986, 1988 й.ларда аскончи ва қизиқчиларнинг республика кўрик-танловининг голиби. Қизиқчилардан Рустам Ҳамроқулов, Ҳожибой Тожибоев, Баҳодир Шокиров, Абдулла Акбаров, Абдураҳмон Сиддиқовлар М.қ.нинг шогирдларидир.

Мухсин Қодиров.

МУҲИДДИНБЕК, Мўйдинбек, Муҳиддинбек Каттабек Усмон Алиев (тахм. 1877, Олай воҳасидаги Навқат қишлоғи —1922.26.8, Ўш) — Фарғона водийсида совет режимига қарши ҳаракат раҳбарларидан бири. *Туркистон мухторияти* ҳукуматини фаол қўллаб-қувватлаб, большевикларга қарши курашнинг сарчашмасида турган. Катта *Эргаш, Мадаминбек* ва *Шермуҳаммадбек*нинг ўринбосарларидан бири (1918—22). Мингтепада Йўлчи, Усмон Поисод, Булоқбошида Янгибой, Аҳмад Полвон, Аравонда Шермат қирғиз, Ўзганда Жонибек қози каби кўрбошилар М.нинг энг нуфузли сардорлари эди, ихтиёрида 4500 йигит бўлган. Унинг йигитлари 1918—21 йилларда қизил аскарларга зарбалар бериб, Ўш уездини душмандан муҳофаза қилишган. 1922 й. фев.да унга қарши большевиклар фаол жанг ҳаракатларини бошлади. Ўш уезди атрофида бир ой давом этган шиддатли жангларда М. лашкари мағлубиятга учради. М. ва унинг 7 та сафдоши Ўш шаҳридаги Азрет масжидида бўлган Инқилобий ҳарбий трибунал мажлисининг ҳукми б-н отиб ўлдирилади.

Ад.: Туркестан в начале XX века; к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилик даврида], Т., 2000; Ражабов К., Ҳайдаров М., Туркистон тарихи (1917—1924), Т., 2002; Истории Узбекистана (1917—1991), Т., 2002.

МУҲИДДИНОВ Аҳмаджон (1951, Ҳўжаобод тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тининг мат. ф-тини тугатган (1974). 1974 йдан Ҳўжаобод туманидаги 1-мактабда мат. ва чизмачилик ўқитувчиси, 1995 йдан шу мактаб ўқув бўлими мудири.

МУҲИДДИНОВ Маҳмудали (1926.1.3, Фарғона тумани)— Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1992). Фарғона пед. ин-тини тутатган (1951). 1943—56 йларда Фарғона ва Қува туманидаги мактабларда она тили ва адабиёт ўқитувчиси, мактаб ўқув бўлими мудири. 1956 йдан Фарғона вилояти педагог ходимлар малакасини ошириш ин-тида она тили ва адабиёт бўлими бошлиғи. 10—11-синфлар учун «Ўзбек тили» дарслигини тайёрлашда иштирок этган; «7—8-синфларда она тили дарслари» кўлланмаси ва «Тажрибалар кўзгуси» тўплами муаллифи.

МУҲИДДИНОВ Кўркмас (1946.20.3, Янгийўл ш.) — опера хонандаси (бас). Ўзбекистон халқ артисти (1986). Москва консерваториясини тутатган (1975). 1975 йдан Навоий номидаги опера ва балет театрида якқахон хонанда. Ўзбекистон давлат консерваториясида кафедра мудири, доцент (2002 йдан). М. ўзбек театрида Европа мумтоз операларидаги асосий партияларни ижро этувчи етакчи опера солисти. Чет эл операларида рус, инглиз ва итальян тилларида асосий партияларни маҳорат б-н ижро этган. Галицкий («Князь Игорь»), Хон Бобохон («Тоҳир ва Зуҳра»), Генерал-губернатор («Бўрон»), Мефистофель («Фауст»), Борис Годунов, Пимен («Борис Годунов»), Дон Базилио («Севилья сартароши»), Арасту («Суғд элининг қоплони»), Монтероне («Риголетто»), Рамфис («Аида»), Кирол Рене («Иоланта»), Пётр («Пётр I»), Қози («Майсараниинг иши»), Муҳаммад Саид («Зебуннисо»), Юнон элчиси («Буюк Темур») ва б. М. саҳнада яратган асосий образларидан. Концерт-ижрочилик соҳасида ҳам фаол қатнашмоқда. Замонамизнинг энг кучли опера ижрочиларидан бўлиб, кенг диапазондаги овози, мусиқада

Кўркмас Муҳиддинов Борис Годунов ролида («Борис Годунов»).

сўзларнинг дона-дона ифода этилиши, ижрода ҳис-ҳаяжон, юқори бас, ёқимли тембри б-н ажралиб туради. Германия, Финляндия, Чехословакия, Россия ва б. мамлакатлар саҳналарида ўзбек ва жаҳон операсини намойиш этган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981).

МУҲИДДИНХЎЖА ҚОЗИ (1841 — Тошкент —1902 й. март) — ўзбек маърифатпарвари. Сўнгги Тошкент қозикалони — Ҳакимхўжа ўғли. Тошкент, *Бухоро* мадрасаларида таҳсил олган. *Тошкентнинг* Себзор даҳасидаги Исахонхўжа мадрасасида мударрислик қилган. Тошкент рус аскарлари томонидан қамал қилиниб аҳоли қирилиб кетиш арафасида турган. 1865 й. июнида М.қ. Абулқосим эшон, Солиҳбек охунд ва ўз отасининг топширигина кўра, тинч хавфли вазиятда М.Г.*Черняев* қароргоҳига борган, унга махсус мактуб топшириб, шаҳарни нисбатан енгил шартлар б-н таслим бўлиши тадбирларини кўрган. Отаси вафотидан сўнг, 60-й.лар охиридан — Себзор даҳаси қозиси. 80-й.лар бошида *Сатторхон*, кейинроқ *Фурқат* б-н янги ўзбек маърифатпарварлигига асос солишда қатнашган, замонавий илм-фан, техника ва илғор маданият тарғиботи б-н шуғулланган.

М.қ. 1884 й.дан «Туркистон вилоятининг газети» б-н ҳамкорлик қилиб, илк ўзбек публицистларидан бири сифатида танилган. М.қ. ўтмиш маданий обидаларини авайлаб сақлашга жиддий эътибор қаратган. *Шарафиддин Али Яздий*нинг «Зафарнома» асарининг жаҳонда ягона мукаммал нусхаси М.қ. ва авлодлари саъй-ҳаракати б-н бизгача етиб келган ва республикамиз мустақилликка эришгач, тўлалигича нашр этилган.

М.қ. 1886 й. Себзор даҳасидаги 3-сон рус-тузем мактабини қурдирган ва умрининг охиригача унга фахрий нозир бўлган. Маърифатпарварлик фаолияти, шунингдек, 1892 й. «вабо қўзғолони»га *хайрихоҳлиги учун* М.қ. чор маъмурларининг кўплаб таъқиб ва тазйиқларига учраган, шунга қарамай ўз илғор гояларига содиқ қолган.

Ад.: Юсупов Ш., Ўзбек маърифатпарварлик адабиёти ва Фурқат, Т., 1992; Тарих ва адаб бўстони, Т., 2003.

Шариф Юсупов.

МУҲИТДИНОВ Абдулқодир (1892, Бухоро — 1934.1.6, Тошкент) — Бухородаги жадидчилик ҳаракати намояндаси, сиёсат арбоби. Бошланғич таълимни Бухорода олгач, Истанбул мадрасасида ўқиди. Отаси йирик савдогар Мирза Муҳитдин Мансуров илк жадид газ. «Бухорои шариф»ни моддий жиҳатдан таъминлаб турган, янги усул мактабларига ҳомийлик қилган. М.нинг илк мақолалари Оренбургдаги «Вақт»да эълон қилинган (1910).

Бухорода 1917 й. *апрель памойишидан* кейин *ёш бухороликлар* партияси МКга аъзо бўлди. *Колесов воқеаси*дан кейин Самарқанд, Тошкент, Москвада муҳожирликда яшаган. Туркистон мусулмонлари бюроси аъзоси (1919—20). «Қутулиш» газ. муҳаррири (1920). Бухоро инқилобий қўмитаси раиси, БХСР деҳқончилик нозири (1920—21). БХСР нинг дастлабки Конституциясини ишлаб чиқишда қатнашган, Бухорода ерсув ислоҳоти ўтказилиши ташкилотчиларидан бири. М. БХСР нинг хорижий мамлакатлар б-н Россия вакилларисиз мустақил алоқа ўрнатиш, босқинчи қизил армияни олиб чиқиб кетиш, халқ милицияси сингари миллий армия тузишни қатъий талаб қилган. 1921—24 й.ларда БХСР савдо ва саноат вазири, Бухоро Халқ хўжалиги Олий кенгаши раиси, БХСР нозирлар шўроси раисининг 2-муовини лавозимларида ишлаган. Ўрта Осиёда миллий ҳудудий чегаралашни ўтказилиб, Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР ташкил қилингач, М. Тожикистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси қилиб тайинланди (1925—29). Тожикистон ССР тузилгач, у Ўзбекистон ССР таъминот Халқ Комиссарлигида ишлади. 1933 й. 21 авг.да совет режими томонидан М. қамоққа олиниб, унга «буржуа миллатчиси» тамғаси ёпиштирилди ва 1934 й. 1 июнда отиб ташланди.

Ад.: Айний С., Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Ражабов Қ., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

Қаҳрамон Ражабов.

МУҲИТДИНОВ Мамажон (1927.5.5, Наманган — 2002.8.2, Тошкент) — шахмат бўйича Марказий Осиёдаги биринчи спорт устаси (1956), 4 марта Ўзбекистон (1952,1954, 1957, 1965) чемпиони, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий (1965), халқаро тоифадаги ҳакам (1986). Тошкент т.й. транспорти муҳандислари ин-тини тугатгач (1949), т.й. бошқармасида муҳандис (1949—60), республика ўқувчилар саройи ва мамлакат шахмат терма жамоасида катта мураббий (1960—71).

Ўзбекистон ФА Тарих ин-тида илмий ходим (1971—81). Ўзбекистонда шахмат маданияти тарихи мавзусида тадқиқотлар олиб борган. Шахмат назарияси ва услубиятга бағишланган дарслик, оммабоп китоблар ёзди, тар-жима қилди. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).

Асарлари: «Шарқ — шахмат ватани», «Ўзбекистонда шахматчилик», «Аъламоллар сулоласи», «От уйнатиб, фил суриб», «Катакларга ширинган олам», «Ақл мўъжизаси», «Соҳибқирон дона сурганда» ва б.

МУҲИТДИНОВ Нуриддин Акрамович (1917.19.11, Тошкент) — давлат ва сиёсат арбоби, дипломат. Москвадаги савдо-кооператив ин-тини тугатиб (1938), турли лавозимларда ишлади. 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1946йилдан унинг сиёсий фаолияти бошланди. Наманган вилоят партия қўмитаси котиби ва 1-котиби (1947—50), Ўзбекистон Компартияси МК котиби (1950—51), Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раиси (1951—53, 1954—55), Ўзбекистон Ташқи ишлар вазири (1953—54), Ўзбекистон Компартияси МК 1-котиби (1955—57), КПСС МК котиби (1957—61), КПСС МК Президиуми аъзолигига номзод (1956—57), аъзо (1957—61). Центросоюз бошқаруви раиси ўринбосари (1962—66), СССР Министрлар Совети Хорижий мамлакатлар б-н маданий алоқалар комитети раисининг 1-ўринбосари (1966—68), СССРнинг Сурияда элчиси (1968—77), СССР савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари (1977—85), Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг маслаҳатчиси (1986—87), «Ёдгорлик» тарихий маданий мерос жамияти раиси (1987—96), «Олтин мерос» Халқаро хайрия жамғармаси бош маслаҳатчиси (1996 й.дан).

Ас.: Кремлда ўтган йилларим, 1-китоб, Т., 1995; Река времени, М., 1995.

МУҲИТДИНОВ Қутбиддин (1906.19.11 — Самарқанд вилояти Ургут тумани —1983.17.12) — матншунос, манбашунос, лугатшунос олим. Филол. фанлари номзоди (1972). 1956—61 й.ларда Тожикистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида, 1961—1982 й.ларда Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ҳамда Шарқшунослик ин-тларида катта илмий ходим бўлиб ишлаган. Қутб, С. Сароий, Хўжандий асарларининг замонавий имлода нашр этилишига, Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли лугатини тузиш, изоҳлаш ва ундаги араб-ча.форсча сўзларни, мураккаб байтлар-ни шарҳлашга катта ҳисса қўшган. *Мукаййахонинг* туркийча-форсча «Санглох» деган устида ишлаб борган.

МУҲИТИ КАБИР — *Океан*нинг ўрта аср Шарқ тарихи ва адабиётидаги номи. «Муҳит» терминн ушбу даврда денгиз, океан маъносида кенг қўлланилган. Аниқса, Беруниининг «Ҳиндистон», «Ат-Тафҳим» асарларида Атлантика океани — Ўқианус, Муҳити Мағрибий (Ғарбий океан), Шимолий Муз океани — Дарёи Муҳити Шимолий, Тинч океани — Дарёи муҳити Машриқий (Шарқий Океан) тарзида келтирилган.

МУҲИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Муҳаммад Ризо Охунд ўғли) (1835, Қандаҳор, Афғонистон — 1911, Андижон) — шоир. Туркий ва форсий тилларда ижод қилган. Ҳирот ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. М. 19-а.нинг 60-й.лари ўрталарида Андижон вилоятида яшаган. Андижон ҳокими — Худоёрхоннинг катта ўғли Насриддинбек (1865—75) М.га «Тож уш-шуаро» («Шоирлар тожи», 1869) фахрий унвонини берган. 1871 й. ҳаж иборатидан сўнг у «Ҳожи Муҳий» тахаллусини олган. 1876 й.да Қўқон хонлиги қўшилгач, М. Қўқонда, Сомбоқда ҳаёт мадрасасида яшаган.

М.дан салмоқли ижодий мерос қолган. Бундан жумласига шоир девонининг турли котиблар томонидан кўчирилган 6 қўлёзма нусхасини, М.нинг ўзи тузган 1 шеърий тўпламни киритиш мумкин. Форсий ва туркий девонлари 1 муқовада 1912 й.да Тошкентда, Поршев матбаасида чоп этилган. Форсий девонида 242 газал, 6 қасида, 4 маснавий, 91 қитъа, 19 фард ва 3 рубоий бор (230 саҳифа), туркий девони эса 148 газал, 1 мусаддас, 1 мураббаъ, 74 қитъа, 1 қасида ва 11 муфрадот (130 саҳифа)дан ташкил топган.

Ад.: асосан, лирик шеърлар ёзган. Ғазалиётида Навоий, Лутфий, Сўфи Оллоёр ижодининг таъсири сезилади. Сатирик асарларида, хусусан, машҳур Виктор воқеаси ҳақидаги муҳаммасида ўлкага кириб келаётган рус сармоядорларининг кирдикорлари, уларга ишониб алданган маҳаллий бойлар ҳажв остига олинган.

Ад.: Қайюмов П., Тазкираи Қайюмий [3-китоб], Т., 1998.

Акрам Дедахонов.

МУҲЛАТ (ҳуқуқда) — қонун б-н белгиланган ва ўтиб кетиши ҳуқуқий оқибатларга олиб келадиган муддат, мас., М.га амал қилмаслик даъво қилиш ҳуқуқининг йўқолишига (даъво М.и), суд, арбитраж ва б.нинг қарорларини мажбурий ижро этиш ҳуқуқи йўқолишига (ижро М.и), жиноий жавобгарликнинг ёхуд айбловҳукмини ижро этиш имкониятининг истисно этилишига сабаб бўлади.

МУҲОЖИРЛАР — ўзи фуқаро бўлиб турган ёки доимий яшаётган мамлакатидан бошқа давлатга доимий яшаш учун жўнаб кетувчи кишилар. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги 1966 й.ги халқаро пактининг 12-моддаси 2-банди ҳар бир кишининг ҳар қандай мамлакатни (жумладан, ўз мамлакатини) ташлаб кетиш ҳуқуқи, яъни муҳожир бўлиш ҳуқуқини назарда тутади. Бироқ бу ҳуқуқда давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг соғлиғи, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш мақсадида қонун б-н белгиланган айрим чекланишлар ҳам бўлиши мумкин.

«МУҲОКАМАТ ул-ЛУҒАТАЙН» («Икки тил муҳокамаси», 1499) — *Алишер Навоий*нинг тилшуносликка оид асарларидан бири. Навоий «Мул-л.»да ўзбек тилининг бойлигини, қудратини, ўша замоннинг адабий тиллари қаторидан ўрин олишга қодир ва ҳақли эканлигини илмий томондан исботлади. Асарда ўзбек (туркий) ва форс тиллари унли товушлар, лексика ва морфология доирасида ўзаро қиёсланади. Дастлаб ҳар икки тилдаги унлилар қиёсланганда, шоир форс тилида унлилар сони чекланганини, ўзбек тилида эса унлилар бир қанча мазмун фарқловчи вариантларга эга эканлиги ва улар ўзаро узун-қисқалиги б-н ажралиб туришини далиллар орқали кўрсатиб берган.

Алишер Навоий ўзбек ва форс тиллари лексикасини қиёслаш учун табиат манзаралари, уй-рўзғор буюмлари, от жабзаларини, ҳайвон ва қушларнинг турлари каби жуда кўп соҳага оид юзлаб сўзларни келтириб, бу сўзларнинг форс-муқобаласи форсчада йўқлигини, форслар кўпинча ўша ўзбекча сўзларнинг ўзини ишлатишларини таъкидлаб, ўзбек тилининг бой имкониятларини ҳар томонлама кўрсатган. Мана шундай фикрларидан айримлари: «...хўбларнинг кўз ва қошлари орасининг, қабоғ дерлар, форсийда бу узвнинг оти йўқтур...».

Алишер Навоий сўзларнинг кўп маънолилиги, *синонимлар* жиҳатидан ҳам ўзбек тилининг имконияти кенглигини, уларнинг шеърият турли нозик маъноларни ифодалашдаги аҳамиятини (от, ит, туш, ён, ёқ, бор, соғин, туз, кўк каби сўзлар талқинида) кўрсатади. Навоий грамматик жиҳатдан ҳам ўзбек тили форс тилига нисбатан бой-ги имкониятларга эга эканлигини таҳлил этади. Маълумки, қайси тил маъноии қисқа йўл б-н ифодалай олса, шу тил ривожланган тил ҳисобланади. Ўзбек тилининг ривожланган тил эканлигини шоир зарурий мисоллар б-н кўрсатиб беради. Мас., ўзбек тилида бирғалик нисбат қисқагина -ш аффикси орқали ясалади: «ва масдарга бир шин ҳарфи илҳақ қилмоқ била ул мақсудни топибдурлар. Андоқки чопишмоқ ва тепишмоқ ва қучушмоқ ва ўпушмоқ ва бу ниюе лафзидур». Форслар бу маънони сўз бирикмаси орқали ифодалайдилар. Навоий шахс оти ясовчи кўшимчанинг хусусиятини 30 га яқин сўз мисолида исботлаб (кўрчи, сувчи, найзачи, юртчи, кушчи, барсчи, кўйчи, турначи, кийикчи ва ҳ.к.), ўзбек тилининг сўз ясаш ва фикр ифодалаш жиҳатидан ҳам ўзига хос имконияти мавжудлигини кўрсатган.

Навоий ўзбек тилининг бойлиги ва қудратини, ифодавий имкониятини асосли таҳлил этиб, қуйидаги хулосага келади: ўзбек тилида бу хилдаги нозик маъноли сўз ва иборалар кўп, аммо «бу кунга дегинча ҳеч киши ҳақиқатига мулоҳаза қилмоғон жиҳатидан бу ишурун қолибдур... ҳунарсиз туркнинг ситам зариф йигитлари осонлиққа бўла форсий алфоз била назм айтурга машгул бўлубтурлар». Шунинг учун Навоий ўзбек шоирларини ўз тилида ижод қилишга даъват этади.

Нашр.: Навоий, Асарлар [15 ж.ли], 14- ж., Т., 1967; Навоий, Мукаммал асарлар тўплами [20 ж.ли], 16-ж., Т., 2000.

Эргаш Умаров.

МУҲР — юридик ёки жисмоний шахснинг номи тўлиқ ёзилган матнининг (матн ва расмнинг) қабариқ ёки ботиқ тасвири бўлган босма шакл (асбоб). Қоғоз, сурғуч, мум ва б. материалларга нусха туширишга хизмат қилади. М. нусхасига штамп нусхасидан фарқли ўлароқ тузатишлар ва қўшимчалар қилиш мумкин эмас. Айрим хиллари герб муҳри деб аталган кўринишга эга бўлиб, давлат герби тасвири бўлган юмалоқ шаклда бўлади. Ўтмишда М.нинг сопол, мис, пўлат, бронза, кумуш, олтиндан қилинган хиллари ҳам бўлган. Шакли тўртбурчак, доира, эллипсесимон ва ҳ.к. Қадимда Ўрта Осиёдаги ҳар бир эътиборли одам, эшон, муфтий, қози, амир, хонларнинг ўз М.и бўлган. М. эгасининг номи, мансаби ва ясалган йили қайд этилган.

МУҲР — китобга эгалик белгиси (қ. *Экслибрис*).

МУҲСИНИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳусайнқул Сулаймонқул ўғли) (1860—Қўқон)—1917) — шоир, таржи-

мон ва хаттот. Ўзбек ва форс тилларида ижод қилган. Мирзо Ёдгор ва Ҳоким-ойим мадрасаларида таҳсил кўрган. Мадрасада ўқиб юрган йилларида *Муқимий* ва *Фурқат* б-н танишади. М.нинг 4 та шеърий девони бор. У Шарқ мумтоз адабиётининг газал, мустазод, мухаммас, қасида, таърих, рубоий, маснавий, мусаддас, таржеъбанд каби жанрларида қалам тебратган. Унинг «Риёз ул-аном фи мусобих уз-залом» номли фалсафий, ахлоқий достонида инсоний ва илоҳий муҳаббат, илм-маърифат, ҳунар ва фазл аҳлини улуғлаш ўз аксини топган. Кўпгина шеърларида Туркистоннинг чоризм томонидан асоратга солинаётгани, халқнинг қадр-қиммати, дини, диёнати поймол қилинаётганидан норозилиги ифодаланган. Халқ ва мамлакатнинг жаҳолат, разолатдан чиқишида илм-маърифат асосий нажот эканлигини тушунган ва тарғиб қилган.

М. *Бедил*нинг «Девон»и ва *Фузулий*нинг «Лайли ва Мажнун» асарларини кўчирган. «Лайли ва Мажнун» достонига миниатюралар ишлаган. Машҳур файласуф олим Мавлоно Юсуф Қорабоғийнинг «Ҳафт беҳишт» ва тарихчи Ҳакимхон Тўранинг «Мунтаҳаб ут-таворих» асарларини форс тилидан ўзбек тилига таржима қилган. Девонларининг қўлёзма нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида (инв. №7392), Қўқон адабиёт музейида (инв. №1135), қўқонлик Тўхтасин Нуридинов (шоирнинг набираси)нинг шахсий кутубхонасида сақланади.

Ад.: Холиқов Р., Серқирра ижод соҳиби, Т., 1972; Неъматов У., Муқимийнинг Муқимийга бағишланган қасидаси, Т., 1977.

Усмонжон Неъматов.

МУҲТАРАМ, Ҳожи Неъматулло, Нозик (таҳаллуслари; асл исм-шарифи Мулла Муҳаммад Неъматулла қози Шарафиддин ўғли) (1880—Бухоро — 1920) — шоир ва тазкиранавис. Бухорода таҳсил кўрган. Бухоро амири *Абдулаҳадхон* саройида хизмат қилган. Асосан, форсийда ёзган, кўпроқ тазкираси б-н танилган. «Тазкират уш-шуаро» (1908)си 2 қисм — «Тазкират ушшуаро» ва «Латойиф ул-афкор фи радоиф ул-ашъор»дан иборат. Тазкирани фақат биринчи қисмининг муаллиф дастхати ва Садр Зиё томонидан кўчирилиб, 59 шоир ҳақида маълумот илова қилинган нусхаси сақланган. Унда 19-а. охири —20-а. бошларида яшаб ижод этган 133 шоир ҳақида маълумот берилган. Шоирлар араб алифбоси тартибида жойлаштирилган бўлиб, номлари «алиф»дан «қоф»гача бўлган ҳарфлар б-н бошланадиган шоирлар ижкр қилинган, қолганларини Садр Зиё тўлдирган. Асар 19—20-а. адабий муҳитини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

МУҲТАСИБ (араб. — назорат қилувчи) — ўрта аср мусулмон давлатларида ислом маросимлари, урф-одатлари ва шариат қонунларининг бажарилиши, одамларнинг жамоат жойларида юриш-туриши устидан назорат қилувчи амалдор. Шариат тизимига хос мансабдор шахслар тоифасига кирган. Ўрта Осиёда улар раис деб аталган. М.лар бозорлардаги нарх-наво ва ўлчов асбобларининг тўғрилиги устидан назорат қилиш, урф-одатларнинг бажарилишини кузатиш, диний вазифаларини бажармаган кишиларни жазолашга ҳукм чиқариш кабилар б-н шуғулланган. Бухоро амирлигида М.шайх ул-ислом ва муфтийдан кейин учинчи мансаб ҳисобланган.

МИҲЕТА — Грузиядаги шаҳар. Арагви дарёси Кура дарёсига қуйиладиган жойда. Грузия ҳарбий йўли ёқасида, Т.й. станцияси. Аҳолиси 9,9 минг киши (1990-й.лар ўрталари). «Промсвязь», тахта тилиш, керамика з-длари, трикотаж ф-каси, озиқ-овқат, маҳаллий саноат корхоналари, Мцхета музей-қўриқхонаси, театр бор. М. Грузиянинг қад. шаҳри. Мил.ав. 1-минг йилликнинг 2-ярмида вужудга келган. М. 5-а.нинг охиригача Шарқий Грузия давлати — Картли (Иберия)нинг пойтахти бўлган. Ўрта асрларда М.муҳим шаҳар, савдо-ҳунармандчилик ва, айниқса, диний марказ бўлиб қолди. Археологик ёдгорликлардан Светицховели ва Самтавро соборлари (11-а.) манжуд. Жвари ибодатхонаси (6-а охири —7 а. бошлари) сақланган.

МШАНКАЛАР (Bryozoa) — пайпаслагичлилар типига мансуб колония бўлиб яшайдиган умуртқасиз ҳайвонлар синфи. Танаси дарахтсимон, пўстлоқсимон, бир неча см катталикда. Уларнинг айрим индивидлари зооидлар (уз. 1 мм гача) дейилади. Ҳар бир индивиднинг колониядан бир оз кўтарилиб турадиган олдинги қисми — полипидлари безовта қилинганида кутикула б-н қопланган кейинги қисми — цистид ичига тортилиб киради. Полипида пайпаслагичлар б-н ўралган оғзи ва орқа чиқариш тешиги бор. Иккиламчи тана бўшлиги (шелом) юпқа тўсиқ орқали олдинги пайпаслагичли ва кейинги тана бўлимларига бўлинган. Ичаги ҳалқасимон. Нафас олиш ва айириш системаси бўлмайди. Қон айланиш системаси йўқ бўлиб кетган. Нерв системаси битта нерв ганглийсидан ва ундан кетадиган нервлардан иборат. Гермафродит. Тухумлари сувда, тана бўшлиғида ёки махсус чиқариш камерасида ривожланади. Личинкаси ҳар хил тузилган, баъзан 2 палла чиғаноқли. Личинкаси сув тубига ёпишиб, куртакланиб колонияни ҳосил қилади. Денгиз М. колониясидаги индивидлар ҳар хил тузилган (полиморф). 4 турқум ва 4000 га яқин тури маълум. Кўпчилик турлари денгизларда, айрим турлари чучук сувларда яшайди.

МЬЕЙ, Мергуи — Андаман денгизидаги оролдар гуруҳи. Мьянма қирғоқлари яқинида. Ҳиндистон ғ.о. марказий қисмидан юг тизмаларининг сув остидаги давоми. Жами 800 дан ортиқ орол ва гранит қоялардан иборат бўлиб, майд. 3,5 минг км² чамасида. Ер юзаси тепалик ва паст тоғлардан иборат, энг баланд жойи 767 м. Тропик ўрмонлар б-н қопланган, соҳил қисмида мангра урмонлари учрайди. Балиқ овланади, маржонлар ингилаб.

МЬЯНМА (ўзларини мран деб аташади) — халқ. Мьянманинг асосий аҳолиси (33 млн. киши). Ҳиндистон, Камбоджа, Лаос ва б. мамлакатларда ҳам яшайдилар. Умумий сони 33,4 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). *Бирма тилида* сўзлашади. Динлорлари — асосан, буддавийлар.

МЬЯНМА, Мьянма Иттифоқи Республикаси (Republic of the Union of Myanmar) — Жан. -Шарқий Осиёда. Ҳиндихитой я.о.нинг шим. -гарбий қисмида жойлашган давлат. Майд. 678,5 минг км². Аҳолиси 42 млн. киши (2002). Пойтахти — Янгон ш. Маъмурий жиҳатдан 7 миллий вилоят ва 7 маъмурий вилоятга бўлинади.

Давлат тузуми. М. — республика. 1994 й. 9 апр.даги М. Иттифоқи Республикаси конституцияси амал қилади. Конституцияга биноан, давлат бошлиғи — президент, қонун чиқарувчи ҳокимият — Миллат мажлиси; ижрочи ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади. Парламент сайловигача давлат ва қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг олий органи Тинчлик ва тараққиёт давлат кенгашидир.

Табиати. М. — асосан, тоғли мамлакат. Энг баланд жойи 5881м (Ҳкакаборази тоғи). Шарқида Шан тоғлиги ва унинг денгиз бўйигача чўзилган тизмалари, ғарбида Ракхайн (Аракан-Йома), Паткай ва б. тизмалар бор. Тоғларнинг замини кембрийгача пайдо бўлган кристалли ва чўкинди жинслардан таркиб топган. Иравади текислиги қуруқлик, дарё, кўл ва денгиз ётқизиқлари қоплаган депрессиядан иборат. Муҳим қазилма бойликлари: нефть, қалай, вольфрам, кумуш, мис, қимматбаҳо тошлар, қўрғошин ва рух, табиий газ ва б.

Мьянма гербн.

Иқлими иссиқ, ўзгарувчан нам иқлим. Энг иссиқ ой — апр.нинг ўртача т-раси 30—32°, янв. ники 13—15° дан (шим.да) 20—25° гача (жан.да); тоғларнинг шамолга рўпара ён бағирларига 6000—6500 мм гача ёғин тушади. Серёғин ойлари июнь—окт. Март ва апр. энг қуруқчил ва иссиқ ойлардир. Дарёлари муссон ёмғирлари мавсумида тўлиб оқади. Ҳар йили тошқинлар бўлиб туради. Энг катта дарёлари — Иравади, Салуин. Кўл кам, энг йирик кўли — Инле. Тоғли жойларда тарқалиб озиқ моддалари кам ўрмон тупроқлари, сариқ-қўнғир ва қизил тупроқлар тарқалган. Қирғоқчил марказий вилоятларда ювилган қизғиш-қўнғир тупроқлар, саванна тупроқлари, шунингдек, жигарранг тупроқлар қўпроқ учрайди.

Ҳудудининг 60% ўрмон. Тоғларнинг серёғин қуйи минтақаларида доим яшил тропик ўрмонлар (пальма, бамбук, каштан, сарв, қарағай ва б.), юқорироқда дуб, 1200 м дан бошлаб игна баргли ўрмонлар, бутазорлар, ўтлоқлар, текисликларда барг ташлайдиган тропик ўрмонлар, айрим жойларда тик дарахти ўрмонлари, саваннлар, дарё дельталари ҳамда соҳилларида мангра чакалакзорлари бор. Ҳайвонлардан маймун, бугу, тапир, жайра, пантера, мангуста, йўлбарс, бўрсиқ, фил ва айиқлар яшайди. Ҳар хил парранда, судралиб юрувчилар ва балиқ кўп.

Аҳолиси. М. — кўп миллатли давлат. У ерда 76 га яқин миллат ва элат бор. Мьянма (бирмаликлар), карен, шан, чин, качин, мон ва б. халқлар яшайди. Ҳиндлар, хитойлар, европаликлар (асосан, инглизлар) ҳам бор. Аҳоли нотекис жойлашган. Расмий тили — мьянма тили. Динлорлари, асосан, буддавийлар (70%), мусулмон, ҳинду ва христиан жамоалари ҳам бор. Йирик шаҳарлари: Янгон, Мандалай, Моламьин.

Тарихи. М.даги энг қад. археология ёдгорликлари қуйи палеолит даврига оид. Неолит даврида ҳоз. мон халқининг аждодлари — монхмерлар қабиласи яшаган. Мил. ав. 2-минг йилликда шим.дан тибет-бирма қабилалари келиб ўрнашган. Мил. бошларидан бу ерда шаҳар-давлатлар пайдо бўла бошлади (Аракан, Шрикшетра, Рамаднас ва б.). 7—9-а.ларда Иравали водийсига Хитойнинг шим.-ғарби ва жан. -ғарбидан ҳоз. мьянмаликларнинг аждодлари кўчиб келган. Мьянмалар 9—12-а.ларда бир бутун халқ сифатида ташкил топа бошладилар. 11—13-а.ларда М. ҳудудида Паган давлати мавжуд бўлиб, бунда дини қарор топди. Археология қазилмалари ва тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Паган давлатида деҳқончилик, ҳунармандчилик, диний адабиёт, мусиқа, шеърият, наққошлик санъати, меъморлик ривож топган. 13-а. охирига келиб, Паган давлати таназзулга учрай бошлади. Ички зиддиятлар, узоқ низо ва жанглар, мўғуллар босқини Паган инқирозини тезлаштирди. М. ана шу йилларда давлатларга бўлиниб кетди. 14—17-а.ларда тарқоқ давлатлар ўртасида кураш кучайиб, натижада Ава давлати бошқа давлатлар устидан голиб чиқди. 16-а.дан М.да европалик (португал, голланд, инглиз) савдогарлар ва истилочилар пайдо бўлди.

18-а. 2-ярмида вақори М.да Конбаунлар давлати пайдо бўлди. У қўшни майда давлатларни ўзига бўйсундирди. Конбаунлар давлатида тарқоқлик тугатилди. Барча ернинг давлат мулкига айланиши марказлашган ҳокимиятнинг асосий моддий негизи бўлиб қолди. Конбаунлар давлати Ҳиндихитойдаги энг кучли давлатга айланди. 1785 й.да Аракан, 19-а. 1-ярмида Манипур ва Асеам М.га қўшиб олинди. Бу даврда маданият, санъат ва адабиёт ривожланди. Ҳашаматли қаср ва саройлар, маҳобатли будда ибодатхоналари қурилди, биринчи театр, босмахона ташкил этилди. 19-а. дан инглиз мустамлакачилари М.ни босиб олишга киришдилар. 1824 й. 5 мартда Англиянинг Ост-Индия компанияси М.га қарши уруш бошлади. Аракан, Тенасарим вилоятларини босиб олди. Лекин инглизлар қаттиқ қаршиликка дуч келиб, урушни давом эттиролмадилар. 1852 й. мамлакатда мон, шан ва карен халқлари ғалаён кўтарди. Шу вақтда Ост-Индия компанияси М.нинг Пегу вилоятини эгаллади. 1885 й. инглизлар мустақил Ава давлатини енгиб, бутун М.ни ўз мустамлакасига айлантирди ва уни Британия Ҳиндистони таркибига қўшиб олди. Мустамлакачилар барча ҳосилдор ерларни тортиб олиб, миллий бойликларни талади. Бунга жавобан миллий озодлик ҳаракати авж олди. 1920 й. талабаларнинг Янгондаги биринчи ғалаёни мьянмаларнинг миллий озодлик ҳаракати ривожланишига туртки бўлди. 1930—32 й.ларда мустамлакачилар ва маҳаллий ҳукмдорларга қарши катта ғалаёнлар бўлиб ўтди. Миллий озодлик ҳаракати 30-й.ларнинг 2-ярмида бутун мамлакатга ёйилди.

Мьянма байроғи.

Мустамлакачилар халқ ғалаёнларини тўхтатиш мақсадида М.ни Британия Ҳиндистони таркибидан ажратдилар (1937). Лекин бу тадбир миллий озодлик ҳаракатининг ривожланишига тўсқинлик қилолмади. 1942 й.да М.ни Япония босиб олди. М. халқи япон босқинчиларига қарши курашди. 1944 й.да М. халқининг миллий қаҳрамони Аун Сан Халқ озодлиги антифашист лигасини тузди. Аун Сан ва Не Вин бошчилигидаги Миллий армия ва халқ ҳашарлари босқинчиларга қарши қуролли кўзғолон кўтардилар. Японлар мамлакатдан қувиб чиқарилди (1945). Англиялик мустамлакачилар М. ҳукумати раҳбарларига қарши сунъий уюштириб, Аун Сан ва унинг бир неча сафдошини ўлдирдилар (1947). Шунга қарамай, ватанпарварлар ички ва ташқи реакцияга қарши курашни янада кучайтир-

Янгон шаҳридаги пагодалар.

дилар. Ниҳоят, Англия М. миллий мустақиллигини тан олишга мажбур бўлди ва таъсис мажлиси ўтказишга розилик берди (1947 й. янв.). 12 фев.да М.даги турли халқлар вакиллари Панлонг конференциясида мустақил давлат — Бирма Иттифоқини тузиш тўғрисида келишиб олдилар (1989 й.гача мамлакат шу ном б-н аталди). 1947 й. 24 сент.да бўлиб ўтган таъсис мажлиси М. конституциясини қабул қилди. 17 окт.да имзоланган шартномага биноан, М. Британия империясидан чиқди. 1948 й. 4 янв.да расмий равишда мустақил давлат деб эълон қилинди. У Ну раҳбарлигида ҳукумат тузилди. 1962 й.да бир гуруҳ зобитлар давлат тўнтариши ўтказди. Ҳукумат генерал Не Вин бошчилигидаги Инқилобий кенгаш қўлига ўтди. 1988 й. март— авг. ойларидаги оммавий халқ ғалаёнлари натижасида Не Вин ва унинг тарафдорлари истеъфога чиқди. Ўша йил 18 сент.да ҳарбий тўнтариш бўлиб, ҳокимият Қонунийлик ва тартибни тиклаш Давлат кенгаши қўлига ўтди. 1992 й.дан кенгашга раҳбарлик қилиб келаётган генерал Тан Шве мамлакатда парламент сайлови ўтказилгандан кейин ҳокимиятни фуқаро ҳукуматига қўлига топширишини билдирган.

М. —1948 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР б-н дипломатия муносабатлари 2001 й. фев.да ўрнатилган. Миллий байрами — 4 янв. — Мустақиллик куни (1948).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Халқ озодлиги антифашист лигаси, 1945—47 й.ларда мустамлакачиларга қарши халқ курашига бошчилик қилган, 1988 й. да қайтадан тузилган; Демократик партия, 1988 й.да ташкил этилган; Халқ демократик партияси, 1988 й.да асос солинган; Демократия учун миллий лига, 1988 й.да тузилган; Миллий бирлик партияси, 1962 й.да ташкил этилган, 1988 й.гача Бирма социалистик дастури партияси деб аталган. Деҳқонлар бирлиги ташкилоти касаба уюшмаси, 1969 й.да тузилган Марказий халқ деҳқонлар кенгаши негизида 1977 й.да ташкил этилган; Ишчилар бирлиги ташкилоти касаба бирлашмаси, 1977 й.да тузилган; М. касаба уюшмалари федерацияси, 1988 й.да асос солинган.

Хўжалиги. М. — аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 56,6%, саноатнинг улуши — 8,7%. Қадимдан шоли етиштириш б-н машҳур (йилига 13 млн. тонна). Аҳолининг 2/3 қисмидан кўпроғи қ.х.да банд.

Қишлоқ хўжалиги М. иқтисодиётининг негизидир. Шоликорлик, асосан, М. жан.да ривожланган. Буғдой, тариқ, маккажўхори, ер ёнғоқ, кунжут, дуккакли экинлар ҳам етиштирилади. Боғлар (цитрус мевалар, банан, ананас, манго), полиз экинлари, чой плантациялари, шакаркамиш, тамаки, ғўза ҳам анчагина майдонни эгаллайди. Айрим қ.х. экинларидан 2—3 марта ҳосил олинади. Чорвачиликда қорамол, чўчқа, парранда боқилади. Қорамол ва филлардан ўрмонларда ёғоч ташишда фойдаланилади. Ички сув ҳавзалари ва денгизда балиқ овланади. Ўрмонларда қимматбаҳо (айниқса, тик ва каучук) дарахтлар кўп.

Саноатида кон-руда, нефть қазиб олиш, энергетика, озиқ-овқат ва тўқимачилик тармоқлари асосий ўрин олади. Қўрғошин-рух к-ти, нефтни қайта ишлаш ва металлургия з-длари бор. Йилига ўртача 3 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Иравади дарёсининг юқори оқими, Ракхайн (Аракан) тизмаси, Пегу тоғлари, Шан платосининг ғарбий ва жан. қисмларида ёғоч тайёрланади. Денгиз портлари ва ёғоч оқизиладиган дарё бўйларида тахта тилиш ва ёғочсозлик корхоналари қурилган. Нефть, табиий газ, кумуш, қалай, рух, мис, қўрғошин ва қимматбаҳо тош қазиб олинади. Асосий шоли оқлаш марказлари: Янгон, Бассейн, Пегу, Хинтада, Моламьян. Тўқимачилик саноати Янгон, Инсейн ва Мейтхилалаги давлат ва хусусий корхоналардан иборат бўлиб, уларда шойи ва ип газлама, қоп-қанор, нейлон газламалар ишлаб чиқарилади. Кемасозлик, автомобиль ва трактор йиғиш, цемент ва сопол-чинни-гарлик з-длари бор. Ҳунармандчилик ривожланган.

Транспорти. Темир йўллар у.у. 3,1 минг км, автомобиль йўллари у.у. 23,5 минг км. Дарё ва денгизларда кема қатнайди. Энг кўп юк Иравади дарёсида ташилади. Янгон—Туанте, Пегу—Ситаун каналларида ҳам кема қатнайди. Асосий портлари: Янгон, Бассейн, Моламьян, Ситуэ. Пойтахтида халқаро аэропорт бор.

Мамлакатга четдан машина ва асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, хом ашё ва материаллар, ўғит, озиқ-овқат келтирилади. Денгиз ва қ.х. маҳсулотлари, ёғоч-тахта, рангли металлар, қимматбаҳо тошлар экспорт қилинади. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: Хитой, Таиланд, Сингапур, Ҳиндистон, Япония, Гонконг, Малайзия ва Европа Ҳамжамияти мамлакатлари. Пул бирлиги — кьят (маҳаллий номи — чжа).

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. М.да бир қанча газ. ва журналлар нашр этилади. Асосийлари: «Ботатаун» («Илғор», мьянма тилида чиқадиган кундалик газ., 1958 й.дан), «Гардиан» («Посбон», инглиз тилида чиқадиган ойлик газ., 1953 й.дан), «Мьянма Алин» («Янги Мьянма нури», инглиз ва мьянма тилларида чиқадиган кундалик газ., 1963 й.дан), «Доцаунда» («Бизнинг талаба», мьянма тилида чиқадиган ёшлар ойлик жур.), «Мьявади» (жой номи, мьянма тилида чиқадиган илмий-бадиий жур., 1952 й.дан), «Патиейн» («Партия турмуши», мьянма тилида чиқадиган ойлик жур., 1964 й.дан). М. ахборот агентлиги (МНА) ҳукумат хизмати бўлиб, 1963 й.да тузилган. М. радио ва телевизион хизмат 1946 й.да ташкил этилган. Телевидение (рангли) 1980 й.дан ишлай бошлаган.

Адабиёти. Мил. бошларига оид пальма япроқлари, тошларга битилган шеърий ва насрий ёзувлар М.нинг қад. адабий анъаналаридан дарак беради. М. адабиётининг пайдо бўлиши ва шаклланиши 9—13-а.ларга тўғри келади. 14—16-а.ларда М. мумтоз шеърияти ривожланди. Шин Махатилавунта, Шин Махарататара, Шин Оун Ньоунинг диний достонларида ўша давр ҳаёти, табиат гўзаллиги акс эттирилган. Навадейжа, Натшиннаун, Таунбила Схаядо (16—17-а.лар) шеърий шаклларни (могун, пьоу, эчхин ва ҳ.к.) такомиллаштирдилар. 18-а.нинг 2-ярми ва 19-а.да мумтоз шеърият анъаналарини давом эттирган У Тоу, Леветоундара кабилар шеъриятда самарали ижод қилдилар. 18-а.да пали, санскрит, ҳинди тилларидан таржималар қилинди. 18-а. охирида миллий драмалар шуҳрат қозонди. Шоир, ҳарбий бошлиқ У. Са таиланд эпоси ва халқ ривоятлари асосида драмалар ёзди.

19-а. охири ва 20-а. бошларида М. адабиётида Жеймс Хла Жо, У Жи, У Лат каби адиблар янги роман жанрини ривожлантирдилар. Ҳоз. замон романларининг пайдо бўлиши По Моу Нин номи б-н боғлиқ («Кечки қуёш»). Мах Свей романларида («Онамиз») ижтимоий мавзулар акс эттирилган. 20-а.нинг 1-ярми адабиётида халқнинг мустамлакачилик зулмига қарши озодлик кураши ифодаланган. Ватанпарварлик ҳаракати ташкилотчиларидан бири ёзувчи Такин Кодо Хмайнгдир. У Ба Чжоу, У Ян Аун каби адиблар ижодида жамият ҳаётининг турли томонлари очиб берилган. Кун ёзувчилар буддизм-ни ташвиқ қилди. М. мустақилликка эришгач (1948), ёзувчилар адабиётни янги ғоя ва мавзу б-н бойитдилар (Дагоун Тая, Тин Моу). Турли авлодга мансуб адиблар (Ма Ма Ле, Аун Лин ва ҳ.к.) жаҳон адабиёти тажрибаси ва М. насрчилигининг энг яхши анъаналари негизида бадиий шаклларни такомиллаштирди, муҳим ижтимоий, ахлоқий-маиший муаммоларни кўтариб чиқди. Адабиётда инсонпарварлик, тинч-лик учун кураш, янги жамият қуриш каби етакчи мавзулар кенг ўрин олган.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Татон, Пьи каби қад. шаҳарлардаги археологик қазишлар натижасида топилган Будда ибодатхоналарининг харобалари ва бронза буюмларида ҳинд меъморлиги ҳамда санъатининг таъсири кўзга ташланади. Паган ва б. шаҳарларда ўрта асрларга оид кўпгина санъат ва меъморлик ёдгорликлари сақланган. Ананда (1090), Дхамаянд (1160), Табинью (1144) ибодатхоналари қурилган. Ёдгорликлар маҳобатли бўлиб, мураккаб жимжимадор безакларга бой, серҳашам. Пагандаги ибодатхоналар ёнида қад. китоблар сақланадиган кутубхона (тайк)лар бўлган. Булардан энг машҳури Питакаттейкдаир (1508). Кейинги даврда қурилган биноларнинг меъморий тузилишида ўрта аср биноларига нисбатан янгилик йўқ, фақат ҳажмининг катталиги б-н фарқланади. Улар қад. ступалар ёнига қурилган. Мас., Янгондаги Шуэдагоун ступаси ўзининг зийнатли безаклари, катталиги б-н машҳур. Бу Осиёдаги энг баланд (107 м) ва катта (70000 $м^2$) бинолардан бири. У қанотли шерлар, кўп бошли илонлар тасвири б-н безатилган. Ёғоч безаклар устига тилла суви югуртирилган. Кейинги йилларда миллий ва чет эллик меъморларнинг лойиҳалари асосида замонавий бинолар қурилди. М. ҳайкалтарошлиги (асосан, Будда ҳайкаллари)да нафислик ва нозиклик кўзга ташланади. Ҳоз. замон тасвирий санъати, айниқса, рассомчилигида миллийликка аҳамият берилган (рассом У. Кин Маун, ҳайкалтарош У Хан Тин ва б.). М. халқ амалий санъатида ўймакорлик, каштачилик ва б. машҳур.

Мьянмадаги «сузиб юрувчи бозор»лардан бири.

Мусиқаси театр ва рақслар б-н боғлиқ. Унинг манбаи қад. диний маросимларга бориб тақалади. Буддавийликдан анча олдин (9-а.) чолғу мусиқа шаклланган. Паган давлати (11—13-а.лар) даврида юксак ривожи диний пагода (қаср) деворларидаги суратларда рақкос-лар б-н машшоқлар ифодасида тасвирланган. Хитой йилномаларида эса қўшиқ ва рақслар б-н мусиқа асбобларининг тасвири ва тавсифи берилган. Оммалашган М. оркестри — сайнвайн 1538 й.да пайдо бўлган; товушқатори бўйича доира ўртасига териб осилган 21 барабан (патсайн), таёқча б-н уриб чалинадиган 18 гонг, сурнайсимон хне, катта-кичик зиллар (лингвин ва кхевин), 13 эшма ипак тор ўрнатилган қайиқ шаклидаги арфа — саун, тимсоҳ шаклидаги 3 торли чертма — тоунсоун, бут шаклидаги потауку, чанг шаклидаги паттала, хилма-хил қўнғироқчалар, тартарак каби асбоблар. Қўшиқчи рақкослар қалимда кўпроқ жанговар тароналар ижро қилишган.

Кейинги вақтда замонавий профессионал мусиқа санъати ривожлана бошлади. Янгон ва Мандалай ш.ларида давлат мусиқа ва драма мактаблари очилган. Бу ерда мумтоз мьянма ва европача мусиқий анъаналар ўрганилиб, ижодий ривожлантирилаётир.

Театри. М.да театр томошалари азалдан диний маросим ва халқ байрамларининг таркибий қисми бўлган. Халқ сайиллари ва интермедия шакллари диний удумлар ва меҳнат жараёнларидан келиб чиққан. Театр ҳақидаги дастлабки маълумот 11-а.га оид. Ўша даврда қўшиқ ва рақс иштирокидаги мусиқий интермедия, пантомима урф бўлган. Дабдабали диний томошаларга аста-секин ҳажвий саҳналар киритила бошлаган. 15-а.да эртак ва диний ривоятларни жонлантирувчи «нибатканг» (мистерия), 16-а.да қўғирчоқ театри, 18-а. охирида саройи театри пайдо бўлди, янги жанр — «пьяза» шаклланди. Халқ театрида саҳна, парда ва декорациялар бўлмас, томошабинлар бордон устида ёки ерда ўтиришар, жодагонлар томошани тепаликдан кўришар эди. Актёрларнинг либосларига алоҳида эътибор берилар: қирол, мулозим, роҳиб ва б.ларнинг кийими рисоладагидек бўлиши шарт эди. Театрга Хитой ва Ҳиндистон санъатининг таъсири кучли бўлган. 19-а. охирида Янгонда биринчи доимий театр биноси қурилди. М. мустақилликка эришгач, барча йирик шаҳарларда кўчма театрлар, қишлоқ жойларда ҳаваскор халқ театрлари ташкил этилди. Актёрлар давлат мусиқа ва драма мактабларида тайёрланади.

Киноси. 1918 й.да суратхона эгаси У Он Маун «Бёрма филм компания» фирмасини ташкил этиб, «Муҳаббат ва шароб» фильмини суратга олди (1920). 20-й.ларда Янгонда бир неча кинокомпаниялар вужудга келди, улар Будда ривоятлари мавзуидаги картиналар, мелодрама ва комедиялар, саргузашт фильмлар чиқардилар. 1932 й.да биринчи овозли фильм — «Пул сотилмайди» (реж. Д. Натшин) суратга олинди. 2-жаҳон урушидан олдинги фильмларда инглиз мустамлакачиларига қарши кураш руҳи яққол акс этди. 2-жаҳон уруши ва япон оккупацияси давридаги вайронагарчилик, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги ички қуролли можаролар оқибатида кино и.ч. яхши ривож топмади. 60-й.ларда хусусий киностудиялар маҳсулотида кўнгилочар фильмлар устунлик қилди. 1966 й.да давлат кинокомпанияси «Севикли диёр» бадиий фильмини яратди. Кейинги йилларда экранга чиқарилган ленталар орасида «Замонанинг зайли» (реж. Маун Мо Мьин), «Юрак тилга кирди» (реж. Ту Кха), «Муҳаббат чаманзори» (реж. Ей Ван Маун Жи), «Сен б-н фахрланаман» (реж. У Пхо Хан), «Башорат» (реж. Пан Та Тин) каби бадиий фильмлар эътиборга сазовор. М.да йилига 30 дан зиёд бадиий фильм ишлаб чиқарилади.

МЭЙДЗИ ИСИН (япоча — янгиланиш, Мэйдзи реставрацияси — Япониядаги инқилоб (1867—68). Токугава хокимиятини ағдариб ташлаган ва императорлар ҳокимиятини тиклаган. Ҳокимият тепасига ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар ўтказиш йўлини тутган Мупухито бошчилигидаги ҳукумат келган.

МЭН — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги штат, Атлантика океани соҳили шим.да. Янги Англияда. Канада чегарасига яқин. Майд. 86,1 минг км². Аҳолиси 1,3 млн. киши (2002), шунинг 45% дан ортиғи шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Огаста ш.; энг йирик шаҳри ва порти — Портленд. М. ҳудудининг аксари қисми Аппалачи тоғлари б-н банд (энг баланд жойи 1291 м). Иқлими сернам, мўътадил иқлим. Январнинг ўртача т-раси –9°, июлники 19°. Йиллик ёғин 1000 мм. Штат ҳудудининг ярмидан кўпи ўрмон б-н қопланган. Гидроэнергияга бой дарё ва кўл кўп. Қ.х. ривожланган. Қ.хнинг етакчи тармоғи — чорвачилик. М. картошка етиштиришда АҚШда олдинги ўринларда. Ёғоч тайёрлаш, ёғочсозлик, целлюлоза-қоғоз саноати муҳим аҳамиятга эга. Кўн-пойабзал, тикувчилик, тўқимачилик, кемасозлик ривожланган. Тўқимачилик ва пойабзал тикиш машиналари ишлаб чиқарилади. Соҳил қисмида балиқ консервалаш корхоналари бор.

МЭН ҚЎЛТИҒИ — Атлантика океанидаги қўлтиқ. АҚШ ва Каналанинг шарқий қирғоқларида. Шим.-шарқда Янги Шотландия ва жан.-ғарбда Кейп-Код я.о.лари б-н чегараланган. Майд. 95 минг км². Чуқ. 227 м. Шим.-шарқида Фанди қўлтиғи бўлиб, бу ерда сув кўтарилиши 18 м гача (дунёда энг юқори). Асосий портлари: Бостон ва Портленд (АҚШ), Сент-Жон (Канада).

МЭР (франц. maire — катта, бошлиқ) — АҚШ, Буюк Британия, Франция ва бошқа бир неча давлатлар *муниципалитет*ларида олий мансабдор шахс. Одатда, М.ни муниципалитетнинг ўзи, баъзи ҳолларда — бевосита аҳоли сайлайди, айрим мамлакатларда М. марказий ҳукумат томонидан лавозимга тайинланади ёки тасдиқланади. М. муниципалитет вакили бўлади, унинг мажлисларида раислик қилади. М. маҳаллий бюджет тайёрланиши ва ижроси учун жавоб беради, бир қанча муниципал лавозимларга одамларни тайинлайди, девон ишини йўналтириб туради. Буюк Британияда ва АҚШнинг айрим шаҳарларида М., асосан, вакиллик ва раислик вазифаларини бажаради. Россия Федерациясида М. лавозими 1991 й.да Москва ва б. айрим шаҳарларда жорий қилинди.

МЭРИЛЕНД — АҚШнинг Атлантика океани соҳилидаги штат. Майд. 27,1 минг км². Аҳолиси 5,4 млн. киши (2002), шундан шаҳар аҳолиси 81%. Маъмурий маркази — Аннаполис ш., энг йирик шаҳри ва порти — Балтимор.

М. Чесапик қўлтиғининг ҳар икки соҳилида. Шарқий қисмида соҳилбўйи пасттекислиги, марказида Пидмонт платоси (энг баланд жойи 400 м). ғарбий қисмида Аппалачи тоғлари (энг баланд жойи 1024 м) бор. Иқлими мўътадил юмшоқ, сернам иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси 2—3°, июлники 25—27°. Йиллик ёғин 1000 мм. Тоғ ён бағирлари ўрмонлар б-н қопланган. Ҳудудининг етакчи тармоғи — саноат. Ҳом ашёнинг аксари қисми четдан келтирилади. Қора металлургия саноати ривожланган. Машинасозлик (жумладан, кемасозлик), радиоэлектроника, авиаракета, кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, тикувчилик саноати корхоналари бор. Йирик металл конструкциялар ишлаб чиқарилади. Қ.х. товар маҳсулотининг ярмидан ортиғини чорвачилик беради. Қорамол, чўчқа, парранда боқилади. Штатнинг ғарбий қисмида тамаки етиштирилади. Денгиздан балиқ овланади. М. орқали Атлантика океани соҳилини Вашингтон шаҳри б-н боғловчи муҳим йўллар ўтган.

МЮЗИКЛ (инг. musical — мусиқали) — асосан, комедия характеридаги мусиқали саҳна асари. Замонавий эстрада, маиший мусиқа, рақс, драма ва операнинг айрим ифода воситаларидан фойдаланилади. 19-а.нинг 2-ярмида АҚШда юзага келган (Бикнеллнинг «Гамғин муттаҳам» спектакли, 1866). Айниқса, 20-а.да кенг ривож топди. Рожерснинг «Оклахома» (1943), Лоунинг «Менинг гўзал маликам» (1956), Бернстайннинг «Вестсайд воқеаси» (1957), Германнинг «Хелло, Долли!» (1964) М.лари бутун дунёга машҳур бўлди. Улар *жаз* мусиқа хусусиятлари, ривожланган хореографик саҳналар, кескин драматик ривожи б-н ажралиб туради. М.лар Ўзбекистон театрларида ҳам қўйилган («Ламанчлик киши», М.Ли; «Сердаромад жой», А. Берлин; «Менинг гўзал маликам», Ф.Лоу ва б.). Ўзбекистонда М., асосан, *Болалар театри* саҳнасида ривожланган. В. Милов («Мусиқа мамлакатидаги саргузаштлар», «Али бобо ва 40 қароқчи», «Бўғирсоқ», «Аждаҳо ва най»), А. Эргашев («Тегирмон устида офтоб ярқилайди», «Илон-қиролича», «Қор маликаси»), А. Икромов («Морозко», «Андерсен эртаклари» ва б.), А. Мансуров («Синдбаднинг саргузаштлари») кабилар М. яраттанлар.

МЮЗИК-ХОЛЛ (инг. music-hall — мусиқали зал, концерт зали) — эстрада театри тури. 19-а. Англияда Лондон тавернасошхоналарида вояга келган. Дастлаб ҳаваскор мусиқачилар томонидан ижро этилган эски халқ қўшиқларидан таркиб топиб, кейинроқ М.-х.га профессионал санъаткорлар жалб этилган (1848 й. Ч. Мортон ташкил этган Canterbury Hall). Унда қисқа пьеса, қўшиқ, рақслар ижро этилган, кўзбўямачи, *мулаттолар* томонида кўрсатган. Кейинчалик Европа ва Америка мамлакатларида, 1880-йиллардан фақат томоша муассасаси сифатида кенг ривожланган. М.-х. дастурлари турли жанрларга оид кичик номерлардан иборат бўлиб, мусиқали-эстрада концерти ёки муайян сюжетга асосланган мусиқали эстрада спектакларини ташкил қилади.

Ўзбекистонда илк М.-х. дастури «Бандуни руҳи» номи б-н 1958 й.да Тошкентда бўлиб ўтган 1-Осиё, Африка ва Лотин Америкаси ёшларини анжуманида кўрсатилган (режлар А. Қобулов ва А. Иконников, дирижёр — А. Двоскин, солистлар — Ботир ва Луиза Зокировлар, К. Жалилова ва б.). 1973—78 й.ларда Тошкент М.-х.и фаолият кўрсатган (бадиий раҳбари ва бош режиссёри — Ботир Зокиров).

МЮЛЛЕР Карл Александер (1927) — швейцариялик физик. Илмий ишлари фазавий ўтишларга оид. Юқори т-рали ўта ўтказувчанлик ҳодисасини тажрибала аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1987; Й. Г. *Беднорц* б-н ҳамкорликда).

МЮЛЛЕР Пауль (1899—1965) — швейцариялик кимёгар. Асосий илмий ишлари ўсимликларни кимёвий воситалар б-н ҳимоя қилишга оид. Нобель мукофоти лауреати (1948).

МЮНХЕН — Германиядаги шаҳар. Альп тоғлари этагида, Изар дарёси бўйида. Бавария ерининг маъмурий маркази. Аҳолиси 1,2 млн. киши (1999). Транспорт йўлларининг йирик тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим саноат, савдо-молия, илмий ва маданий марказларидан. Электротехника, радиоэлектроника, оптика-механика, умумий ва транспорт машинасозлиги (жумладан, автомобилсозлик, локомотивсозлик ва самолётсозлик), ҳарбий, кимё, трикотаж, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Метрополитен қурилган. Максимилиан номидаги ун-т, ФА, Нафис санъат академияси, Бавария миллий музейи, этнография музейи, картиналар галереяси, глиптотека (ҳайкалтарошлик санъати музейи) ва б. бор. М. ўрнида 8-а.да қишлоқ бўлган. 1158

Мюнхен шаҳри. Театинеркирхе черкови.

йдан шаҳар ҳуқуқини олган. 13-а.дан 1871 й.гача Бавария пойтахти. Германия империяси тузилгач (1871), шаҳар Бавария б-н биргаликда унинг таркибига кирган. Меъморий ёдгорликларидан 13—19-а.ларда қурилган бинолар сақланган. М. да мунтазам равишда халқаро ярмаркалар ўтказилиб турилади. 1972 й.да М.да 20-Олимпия ўйинлари бўлиб ўтган.

МЮНХЕН БИТИМИ — Буюк Британия бош вазири Н. Чемберлен, Франция бош вазири Э. Даладье, Германиянинг фашист диктатори А. Гитлер ва Италиянинг фашист диктатори Б. Муссолини томонидан 1938 й. 29—30 сент. да имзоланган битим. Судет вилоятини Чехословакиядан ажратиб олиб Германияга беришни, шунингдек, Венгрия ва Польша ҳукуматларининг Чехословакияга нисбатан бўлган ҳудудий даъволарини қондиришни назарда тутган. Бу битим 2-жаҳон урушининг очилишига имконият яратди.

МЮНХЕН УНИВЕРСИТЕТИ, Людвиг Максимилиан номидаги Мюнхен университети — Германиянинг қад. ва йирик ун-тларидан бири. 1472 й.да Ингольштадт ш.да ташкил этилган. 19-а. бошларида Ландсхут ш.га кўчирилган. 1826 й.дан Мюнхен ш.да. Ҳуқуқ, сиёсий иқтисод, мат., физика, кимё, фармацевтика, биол., геол., тиббиёт, ветеринария, ўрмон хўжалиги, фалсафа ва б. соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди. 60 мингдан ортиқ талаба таълим олади. Кутубхонаси (1472 й.ташкил этилган)да 1 млн.дан ортиқ асар сақланади.

МЮЦ Марионелла Владиславовна (1922.4.6 — Тошкент — 1995.13.2) — санъатшунос, бадиий танқидчи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1970). Ўрта Осиё ун-тининг санъатшунослик бўлимини тугатган (1948). М.нинг илмий ишлари Ўзбекистон бадиий ҳаётини ёритишга, ўзбек миллий санъатининг шаклланиши ва ривожига бағишланган. Унинг асарларида Р. Аҳмедов, М. Содиқов, Н. Караҳан ва б. рассомлар ижоди атрофлича ёритилган.

Ас.: Рахим Ахмедов, М., 1976; Николай Карахан, Т., 1978; Марат Садыков, Т., 1988.

МЮНЦЕР (Munzer, Muntzer) Томас (тахм. 1490, Штольберг, Гарц — 1525.27.5, Мюльхаузен яқинида, Тюрингия) — *Реформация* даврида деҳқон-плебейлар оммаси етакчиси ва Германияда 1524—26 й.лардаги Деҳқонлар уруши раҳбари. Ҳокимиятни зўрлик б-н ағдариб ташлаш, уни халқ қўлига топшириш ва одил жамият ўрнатиш ғояларини диний шаклда тарғиб қилган. Тюрингия — Саксонияда Деҳқонлар урушининг ягона марказини тузишга уринган, лекин 1525 й. 15 майда унинг отряди Франкенхаузен ш. ёнида тор-мор этилиб, М. асир тушган ва қатл этилган.

МЮОНИЙ — мусбат заряди мюон (m^+ ва *электрон* e^- дан ташкил топган зарра. Қисқача m^+ e^- ёки Mu б-н белгиланади. 1957 й.да Л. Д. *Ландау* ва А. *Салам* М. мавжудлигини фараз тарзида айтишган. М. тузилиши водород атоми тузилишига ўхшаш, бунда протон ўрнида m^+ бўлади. М. m^+нинг моддада тормозланишидан ҳосил бўлади, бу вақтда m^+ атом электрон қобиғидаги электронлар б-н қўшилиб, мусбат ион ҳосил қилади. Мас., $\mu^+ + Xe \rightarrow \mu^+e^- + Xe^+$. Яшаш даври $\tau = 2{,}2\cdot10^{-6}$ с; μ^+ ва e^- лар хусусий магнит моментларига эга. Уларнинг спинлари бир-бирига параллел ёки антипараллел бўлиб, энергиялари ~$2\cdot10^{-5}$эВ га фарқ қилади ва шу туфайли қўшилишда 4463,16 Мгц частотали электромагнит тўлқин чиқаради. М.ни водороднинг енгил изотопи деб қараб, атомар водороднинг ҳар хил моддалар б-н кимёвий реакцияси тезлигини аниқлаш мумкин.

МЮОНЛАР (μ^-— мезонлар) — спини $\frac{1}{2}$ га тенг бўлган тургунмас элементар зарралар; яшаш даври $2{,}2\cdot10^{-6}$с, массаси электрон массасидан тахм. 207 марта ортиқ. Мусбат зарядланган μ^+ ва манфий зарядланган μ^- М. мавжуд. Улар бир-бирига нисбатан зарра ва антизарра ҳисобланади. М. *лептонлар* синфига киради, яъни электромагнит ва кучсиз ўзаро таъсирларда қатнашади, кучли ўзаро таъсирларда эса қатнашмайди. М. биринчи марта *космик нурларда* америка физиклари К. Андерсон ва С. Неддермейерлар томонидан кузатилган (1936).

Космик нурларда ва зарядланган зарралар тезлаткичларида (юқори энергияли) М., асосан π-мезон (пионлар) ҳамда К-мезонларнинг парчаланишидан ҳосил бўлади, π ва К-мезонлар эса ўзаро кучли таъсирлашувчи зарралар (адронлар) тўқнашганида, мас., протонлар p ядро б-н таъсирлашганида юзага келади. Шунингдек, М. мезонларнинг электромагнит парчаланишида ҳам ҳосил бўлади.

М.нинг бирор муҳитдан ўтувчанлик қобилияти адронлар, электронлар ўз-квантларга нисбатан анча юқори. Шунинг учун улар Ер атмосферасидан ўтибгина қолмай, Ернинг ўзига ҳам анчагина киради. Тажрибалар 10^{12}—10^{13} эВ энергияли космик нурларнинг бир неча км чуқурликкача ўтишини кўрсатди.

МЮРАТ (Murat) Иоахим (1767.25.3, Лабастид — Фортюньер, ҳоз. Лабастид — Мюра, Ло — 1815.13.10, Пиццо, Калабрия) — *Наполеон I* нинг сафдоши ва куёви (1800 й.дан), Франция маршали (1804), Неаполь қироли (1808 й.дан). Наполеон урушларининг барчасида иштирок этган.

МЮРДАЛЬ (Myrdal) Гуннар (1898.6.12, Густафс, —1987.17.5, Стокгольм) — швед иқтисодчиси, сиёсатчи ва халқаро арбоб. Жаҳон иқтисодиёти тадқиқоти ин-тининг асосчиси ва директори, БМТ нинг Европа учун Иқтисодий комиссияси Бош котиби (1947—57). Стокгольм ун-тида халқаро иқтисодий муносабатлар проф. (1961 й.дан).

Иқтисодий таҳлилга кутилаётган ва амалдаги ўзгарувчанликлар атамаларини киритди ҳамда уларнинг иқтисодий мувозанатнинг вужудга келишига таъсирини кўрсатди. «Америка дилеммаси: негрлар муаммоси ва замонавий демократия» (1944), «Урушдан кейинги оптимизмга қарши оғоҳлантириш» (1944), «Иқтисодий назария ва паст ривожланган минтақалар» (1956), «Осиё драмаси: халқлар қашшоқлигининг тадқиқоти» (1968), «Оқимга қарши: иқтисодиёт бўйича танқидий очерклар» (1973) асарларида мураккаб математик-иқтисодий назарияларнинг яратилишини танқид қилди, иқтисодий мувозанатлар муаммоларини, паст ривожланган мамлакатларга иқтисодий ёрдам кўрсатишнинг шу мамлакатлар учун салбий оқибатларини тадқиқ этди. М. пул назарияси, иқтисодий тебранишлар, иқтисодий, ижтимоий ва институционал ҳодисаларнинг ўзаро ало-

қадорликларини таҳлилга бағишланган асарлари ёзган. Нобель мукофоти лауреати (1974; Ф. *Хайек* б-н биргаликда).

Ас.: Мировая экономика. Проблемы и перспективы. Пер. с англ. М., 1958; Современные проблемы «третьего мира». М., 1972.

МЮССЕ (Musset) Альфред де (1810.11.12 — Париж — 1857.2.5) — француз ёзувчиси. Франция академияси аъзоси (1852 й.дан). Илк шеърий тўпламн «Испан ва итальян қиссалари» (1830)да романтик мактаб дастури — адабиётни ҳаётга яқинлаштириш, ёркин манзара ва сюжетлар, кучли эҳтиросларбн йўғрилган қаҳрамонлар образини яратиш ўз ифодасини топган. Севги ва рашк, хиёнат ва жазо бу тўпламга кирган достонлар мундарижасини ташкил этади. «Дудоқ ва жом» драматик достонида у озодликни куйлаб, ўзининг диний ҳурфикрлилигини намойиш этган. М.нинг ёлғизлик ғам-аламлари акс этган «Тунлар» туркум достонлари (1835—37) жаҳон романтик лирикасининг шоҳ намуналаридан ҳисобланади.

М.нинг илк пьесалари насрий йўлда ёзилган («Венеция туни», 1830; «Андреа дель Сарто», 1833; «Ишқ б-н ҳазиллашиб бўлмайди», 1834). Машҳур пьесаларидан бири «Лорензаччо» (1834)да муҳим ижтимоий-сиёсий ғоялар олға сурилган.

М. ижодининг чўққиси «Аср фарзандининг тазарруси» (1836) романидир. Асарда Июль инқилобидан кейин тарих саҳнасига келган ёш авлоднинг умумлашма образи тасвир этилган. Ушбу роман жиддий муаммоларнинг кўтарганлиги ва руҳий таҳлилнинг теранлиги б-н М.нинг бошқа асарларидан кескин ажралади.

М. ижодида Шарқ шеърияти таъсири ва Шарқ халқлари ҳаётидан олинган воқеалар тасвири муҳим ўрин эгаллайди.

МЯО (мео, ўзларини хмонг деб аташади) — Жан. Хитой, Шим. Вьетнам, Лаос, Мьянма ва Таиландлаги халқ. Умумий сони 8,53 млн. киши, жумладан, Хитойда 7,65 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Мяо-яо тил гуруҳига мансуб тилда сўзлашади. Анъанавий диний эътиқодларга риоя қиладилар. Деҳқончилик (шоли), тўқувчилик б-н шуғулланади.

МЯО-ЯО ТИЛЛАРИ — Шарқий Осиёдаги қариндош тилларнинг кам ўрганилган гуруҳи; бошқа тил гуруҳлари ёки оилалари б-н муносабатлари аниқ эмас. Эҳтимол, М.-я.т. алоҳида тил оиласини ташкил қилади. Сўзлашувчилар миқдори Хитойда 7 млн.дан, Вьетнамда 1 млн.дан ортиқ кишини ташкил этади. Асосий тарқалиш минтақаси — Хитойнинг маркази ва жанубн, қисман Вьетнам, Лаос, Таиланд ва Мьянма (кейинги давлатдаги сўзлашувчиларни асосан кучиб келган аҳоли ташкил этади). М.-я.т.да мяо, яо, шэ, гэлао халқлари сўзлашади, деб ҳисобланса-да, бу иқбатини топмаган.

М.-я.т. бўғинли (слоглабик) тилларга мансуб; морфемалар ва сода сўзлар бир бўғиндидир. Сўзларнинг тандаги грамматик муносабатларни сўз тартиби ва ёрдамчи сўзлар орқали ифодаланади. Баъзи ҳолларда мяо ва яо тилларидаги сўз тартиби ўзаро фарқланади.

М.-я.т. яқингача ҳам ўз ёзувига эга бўлмаган. 20-а. бошларида миссионер С. Полларл мяо тилининг бир лаҳжаси учун белгилари бирон-бир алифбога асосланмаган, оддий геометрик шаклларга ўхшаш махсус ёзув яратган. Ҳоз. пайтда Хитойдаги мяо ва яо ҳамда Вьетнамдаги мяо тиллари лотин алифбоси асосидаги ёзувга эга.

МЎЙДИНОВ Аҳмаджон Раззоқович (1955.15.4, Учқўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Наманган пед. ин-тини тугатган (1977). 1977 й.дан Учқўрғон туманидаги 38-гимназияда мат. ўқитувчиси. Педагогик фаолияти давомида замон талабига мос мат. хонасини жиҳозлаган.

МЎЙИНҚУМ — Қозоғистон жан.даги Чуй ва Талас дарёлари қуйи оқимидаги қумли чўл. Унинг жан.-ғарбида Қир-ғизистон ва Қоратоғ тизмалари кўтарилган. Шарқдан ғарбга 540 км, шим.дан жан.га 150 км.га чўзилган. Умумий майд. 4 млн.га. Ер юзаси жан.-шарқдан (700 м) шим.-ғарб томон (110 м) пасайиб боради. Тектоник жиҳатдан Чуй синеклизасида жойлашган. Қумнинг қалинлиги 20—40 м, остида бўр ва палеогеннинг денгиз ётқизиқлари мавжуд. Қумлар эоцен даври қумтошларининг емирилиши ва Чуй дарёси олиб келган аллювиал ётқизиқларнинг шамоллар таъсирида уйилиши ва қайта ётқизилиши натижасида таркиб топган ва ҳоз. рельеф шакллари (марзали, дўнг ва б.) вужудга келган. Марзали қум шакллари (бал. 10 м гача) кўпроқ тарқалган, улар орасида кичик кўллар учрайди. Иқлими мўътадил-континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —8°, минимал т-ра — 49° га етади. Июлники 22—30°. Энг юқори т-ра 38—40°. Ёғин миқдори ғарбий ва марказий қисмларида 250 мм, шарқида 300 мм. Грунт сувлари сатҳи 5—25 м пастда, баъзи жойларда булоқ сифатида ер юзасига чиқади. Ўсимликлардан, қум рельефининг мураккаблиги ва грунт сувларининг жойлашишига қараб, оқ ва қора саксовуллар, жузғун, қизғалдоқ, астрагал, чалов, тересken, шувоқ, ялғун, чингил, ранг, шура, қамиш, бутлойиқ ўсади. Чўл ўсимликларининг турли-туманлиги сабабли жайловларининг маҳсулдорлиги юқори. М. жайлов сифатида фойдаланилади, саксовул тайёрланади. Грунт сувлари ер юзасига яқин ерларда қисман деҳқончилик қилинади.

МЎЙЛОВЛИ БАЛИҚЛАР (Barbus) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқлар уруғи. Даре ва кўлларда яшайди ёки ўткинчи балиқлар. Оғиз ёнида иккн жуфт мўйлови, орқа сузгичида тишчалари, баъзан силлиқ тикани бўлади. Кўпчилик турлари Африка ва Осиёнинг тропик, Европанинг илиқ сувларида яшайди. Орол мўйловли балиғи

Мўйловли балиқ

(B.brachycephalus)нинг уз. 1 м гача, вазни 20 кг гача. 5—6 й.да вояга етади. Увилдириқ ташлаш учун май—июль ойларида Амударё ва Сирдарёга ўтади. 540,7 минг тагача тухум қўяди. Увилдириқлари йирик, пелагик (сувда қалқиб туради). Орол денгизида, асосан, моллюскалар б-н озиқланади. М.б. оиланди. Ҳозир сони кескин камайиб кетган.

МЎЙЛОВЛИ КИТЛАР — қ. *Тишсиз китлар*.

МЎЙЛОВОЁҚЛИЛАР (Cirripedia) — қисқичбақасимонлар синфига мансуб туркум (бошқа система бўйича кенжа синф). Сув остидаги турли нарсалар, кўпинча ҳаракатланувчи ҳайвонлар танасига ёпишиб яшайди. Юмшоқ танаси алоҳида ипроқлардан иборат чиғаноқ б-н қопланган. Бундай «уйча» ичидаги М. қорин қисми тепага қараган бўлади. Мўйловга ўхшаш кўкрак оёқлар уйчанинг очиладиган «томча»сидан чиқарилиб, елпигич сингари ёйилади. М. мўйловоёқлари ёрдамида сувдан майда фильтратларни тутиб озиқланади. Айрим турлари (мас., саккулина) текинхўр бўлиб, ўноёқли қисқичбақасимонлар танасида паразитлик қилади.

Мўйловоёқли қисқичбақасимонларнинг ташқи кўриниши.

Ўрток ҳаёт кечириш таъсирида М.нинг кўп органлари (кўзлари, антенналари, бош ва қорин бўлимлари) ўзгарган ёки редукцияга учраган. Кўпчилик М. гермафродит. 1000 дан ортиқ тури маълум. Денгизларда ҳар хил чуқурликда ҳаёт кечиради. М.дан денгиз ёнғоқчалари (балануслар) ва денгиз ўрдакчалари (Lepas) деврли барча денгизларда учрайди. Денгиз ёнғоқчалари кемаларнинг сув остки қисмларига ёпишиб олиб, пил сайин кўпайиб бориши туфайли кема оғирлигини ошириб, унинг тезлигининг пасайишига сабаб бўлади.

МЎЙНА — *мўйналар ҳайвонлар* териси. Сувсар, оқ сичқон, сассиқкўзан, тийин, тулки, товушқон, норка, қундуз, ондатра, нутрия, суғур, хомронқотиқ ва б. М.си қадрланади. М.нинг қишки ва баҳорги хиллари бўлади. Сифати жуни ва терисига қараб белгиланади. Жунининг асосий хоссалари: узунлиги, қалинлиги, йўғонлиги, эластиклиги (майинлиги), ранги, ялтироқлиги, пишиқлиги; терисининг қалинлиги, пухталиги, тиғизлиги, ўлчами, вазни, иссиқ ўтказувчанлиги ва б. М. териси ҳамда жунининг хоссалари ҳайвон тирик вақтида, шунингдек, шилиб олинганидан кейин ҳам ўзгариши мумкин. Ҳайвоннинг тирик вақтидаги ўзгаришлар иқлим, йил фасли, яшаш муҳити, озиқлар ва организмнинг физиологик ҳолатига боғлиқ. Мавсумий ўзгаришларга қараб, I, II, III, баъзан IV навларига бўлинади. Қишки М. I, кеч кузгиси II, эрта кузгиси ва баҳоргиси III ҳамда IV навларга ўтади.

Терини дастлабки ишлаш ётидан тозалаш, эни-бўйини тортиб тўғрилаш ва қуритиш, ошлаш ёки махсус реактивлар б-н ишлаб консерваланган иборат. Кўп қўлланиладиган консервалаш усули ҳеч қандай кимёвий модда ишлатмай, терини қуритишдир. Бунда терилар рамаларга ёки ёғочларга тортиб қуритилади. Қуриган тери намлиги 16—18% бўлиши керак. Қалин терилар ошланади, кейин қуритилади. Терини ҳашарот (куя ва терихўр)лардан сақлаш учун тери ҳамда биноға хлорофоснинг 1% ли эритмаси (1 м² га 60—100 мл) сепилади. М. сифати ҳайвонни сўйиш, терини шилиш, дастлабки ишлов бериш ва уни сақлаш режимига ҳам боғлиқ.

МЎЙНА САНОАТИ — енгил саноатнинг мўйнали ҳайвонлар ва қўй терисини қайта ишлайдиган ва турли мўйна ҳамда пўстин маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган тармоғи. Ўзбекистонда қадимдан мўйнадўзлик б-н шуғулланадиган якка ҳунармандлар тулки, бўри, бўрсиқ, қуён, сувсар терилари ва ошланган қўй терисидан пўстин, телпак ва б. буюмлар тикканлар.

19-а.нинг охирига қадар Ўзбекистонда мўйна терларига оддий, хонаки усулда, асосан, кимёвий моддалар қўлланилмай, ўсимлик бўёқлари, маҳаллий ошловчи моддалар б-н ишлов берилган. 20-а.нинг 20-й.лар бошидан ҳунармандлар артелларга бирлаштирилди. Тошкент кўн-мўйна ва Бухоро қоракўл тери з-длари М. с. дағи йирик корхоналардир. Тошкент кўн-мўйна з-ди 1956 й. чарм-галантерея буюмлари к-ти номи б-н ташкил қилинган. Аёллар ва болалар пальтоси, бош кийимлар, астари мўйна, авраси газлама бўлган буюмлар ишлаб чиқаради. Бу з-д Самарқанд тери хом ашёси з-дидан ҳамда республика гўшт к-тларидан келтирилаётган хом ашёдан фойдаланади. Бухоро қоракўл з-дида қоракўл терilарига ишлов берилади. 1996 й.дан Наманганда сунъий мўйна фабрикаси (Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси) ишга туширилди. Кейинчалик мўйнали кийим-кечак маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кўплаб цехлар ва қўшма, кичик корхоналар ишга туширилди. Ўзбекистон қоракўл терilарининг кўпгина навлари жаҳон андозаларига мос ва халқаро бозорда юқори баҳоланади. «Ўзбек қоракўли» компанияси таркибидаги хўжаликлар ва корхоналар қоракўл тери етиштириш, уни ошлаш, қоракўлдан тикилган турли кийим-бошлар н.ч. ва сотиш б-н шуғулланади. Ўзбекистонда 2002 й.да 685 минг (2000 й.да 743,5 минг) дона қоракўл тери тайёрланди. Ҳар йили 50 мингдан ортиқ тери экспорт қилинади.

Мўйнали ҳайвонлар: *1* — сувсар; *2* — тулки; *3* — қундуз; *4* — қора қузан; *5* — нутрия; *6* — шимол (қутб) тулкиси; *7* — ондатра; *8* — сув қундузи.

Республикада мўйнали ҳайвонлар — ондатра, нутрия, қундуз каби мўйнали ҳайвонларни саноат усулида боқиш — *даррандачилик* йўлга қўйилган. Улардан олинган мўйналардан устки ва бош кийимлар тикилади.

МЎЙНАЛИ ҲАЙВОНЛАР — терисидан *мўйна* олинадиган ёввойи ва қўлда боқиладиган сут эмизувчи ҳайвонлар. М.ҳ.нинг ҳар хил туркумга мансуб 100 дан ортиқ тури бор. Йиртқичлар туркумидан сувсарлар оиласига мансуб қайвонлар: сувсар Сибирь, Узоқ Шарқ ва Шим. Уралда, денгиз қундузи Камчатка, Курил, Командор о.лари ва Шимолий Калифорния қирғоқларида тарқалган. Айрим ноёб М.ҳ. (йўлбарс, қоплон, оқ айиқ, барс, қизил бўри ва б.) қизил китобга киритилгани сабабли уларни овлаш тақиқланади. Сифатли мўйна олиш учун М.ҳ. куз ёки қишда овланади. Кўпчилик М.ҳ. (тулки, америка норкаси, сувсар, нутрия ва б.) турлари катакларда кўпайтириб боқилади (қ. *Даррандачилик*).

МЎЙНАЧИЛИК — чорвачиликнинг *мўйнали ҳайвонлар* етиштирш б-н шуғулланувчи соҳаси (қ. *Даррандачилик*).

МЎЙНОҚ — Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги шаҳар (1963 й. 27 июлдан). Туман маркази. Қорақалпоғистоннинг энг шим. шаҳри. Орол денгизининг суви чекинмасдан аввал денгизнинг жан.-ғарбий соҳилида жойлашган эди. Нукус ш.дан 180 км шим.да, яқин т.й. станцияси — Қўнғирот (100 км). Янв.нинг ўртача т-раси —7,4°, июлники 26,3°. Кучли шамоллар бўлиб турали. Аҳолиси 13,6 минг киши (2000). Ўтмишда шаҳар саноатида ҳунармандчилик асосий ўрин тутган. Консерва к-ти, пахта тозалаш, нон з-длари, босмахона, маданий ва маиший хизмат шохобчалари, умумий таълим мактаблари, саноат транспорт касб-ҳунар коз-

лежи, бизнес мактаби, кутубхона, клуб, маданият ва истироҳат боғи, стадион, чўмилиш ҳавзаси, касалхона бор. Орол денгизининг М.дан узоқлашиши, мураккаб экологик ҳолат шаҳар қурилишига, саноатнинг ривожи ва маданий ҳаётига ўз таъсирини ўтказди.

МЎЙНОҚ ТУМАНИ — Қорақалпоғистон Республикасининг шим.даги туман. 1931 й. 19 сент.да ташкил этилган. Амударё дельтаси, Орол денгизининг жан.даги ҳудудларни эгаллайди. Қораўзак, Чимбой, Бўзатов туманлари, Қозоғистон Республикасининг Оқтўба, Қизилўрда вилоятлари б-н чегарадош. Майд. 37,94 минг км². Аҳолиси 28,8 минг киши (2003). Туманда 5 овул фуқаролари йиғини (Бўзатов, Мадали, Тикўзак, Учсой, Қозоқдарё), 1 шаҳар (Мўйноқ) бор. Маркази — Мўйноқ ш.

Табиати. Туман ҳудудининг аксари қисми Орол денгизининг қуриган туби (Оролқум) ва Амударё дельтасидаги кўллардан иборат. Туманнинг хўжалик ва маданий маркази — Мўйноқ ш. Кейинги йилларда дельтадаги илгари сув босиб ётган айрим ерлар ўзлаштирилиб, экинлар экилмоқда. Қурилиш материалларидан тош, қум, гил бор. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —7,4°, июлники эса 26,3°. Вегетация даври 213 кун. Йиллик ўртача ёғин 105 мм, асосан, баҳор ва қишда ёғади. Туманда Судочье, Кавсир, Зокиркўл, Сарикўл, Шегекда ва бир қанча майда кўллар бор. Амударёнинг Оролга қуйилиш қисми ҳам шу туман ҳудудида. Тупроқлари ботқоқ-ўтлоқи, аллювиал қайир тупроғи. 148,3 минг га ер ўтлоқ ва яйлов (асосан, қамиш-зор). Ёввойи ўсимликлардан қамиш, қўға, чий, турангил, терак, жийда, юлғун, бутдойиқ, янтоқ ва б. ўсади. М. т. Ўзбекистондаги ҳайвонот дунёсига бой туманлардан. Балиқининг 30 дан ортиқ тури бор (югорабалиқ, оқмарка, чўртан, лаққа, тарн, олабуға, судак, тўрта, бурге, бақра, пилмай, амур балиғи, илоқбурун, чавоқ, илонбош ва б.) Ондатра айиниқса, катта аҳамиятга эга. Қушларининг 80 дан зиёд тури (ўрдак, ғоз, қирғовул, оққушлар, бир-қозон, қўтон, қоравой, чағалай, чуралай ва б.), сут эмизувчилардан қобон, бўри, чиябўри, бўрсиқ, қўёнлар бор.

Аҳолиси кўп миллатли. Қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, рус, украин, татар, корейс, ва б. миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 1 кишидан кўпроқ.

Хўжалиги. Туманда балиқчилик ва чорвачилик хўжаликлари мавжуд. Саноат корхоналари Амударё дельтасидаги Мўйноқ, Учсой, Қозоқдарё, Пўрлитов, қисман Кўнғиротда жойлашган. Умумий экин майд. 1323 га. Шундан 938 га галла (асосан, бугдой, шоли), 80 га картошка, сабзавот ва полиз, 305 га майдони ем-хашак экинлари б-н банд (2003). Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 9,6 минг қорамол, 750 га яқин от бор (2003). Даррандачилик (ондатра, тулки, сувсар) б-н ҳам шуғулланилади. Туманнинг асосий транспорти сув транспортидир. Ҳаво ва автомобиль транспортидан фойдаланилади. Кўнғирот — Бейнов т.й. туманни Қозоғистон ва РФ б-н боғлайди. Тумандаги 13 дан зиёд умумий таълим мактабида 5770 ўқувчи таълим олади, Мўй-ноқ саноат транспорт касб-ҳунар коллежи (507 ўқувчи), Мўйноқ бизнес мактаби (145 ўқувчи) фаолият кўрсатади (2003). 40 га яқин кутубхона, 20 га яқин клуб бор. 20 дан зиёд тиббий муассасада 40 врач ишламоқда.

МЎЙНОҚТОВ — Қорақалпоғистонининг шим.даги баландлик. Бал. 86 м. Орол денгизи қуриб боғастанининг тўфайли Мўйноқ я.о. ўз қиёфасини ўзгартириб қуруқликка айланган денгиз тубининг ғарбий қисмида жойлашган. Мўйноқтов ҳудудида археологик қазилмалар олиб борилган. Бу ерда Мўйноқ маданияти деб аталган ёдгорлик топилган. Ёдгорлик милоддан аввалги 1-асрга оид.

МЎЙҚАЛАМ, қилқалам — рангтасвир ва графикада, шунингдек, каллиграфияда бўёқни мато, қоғоз ва б. асосга суртишда ишлатиладиган асбоб. Рассомнинг асосий иш қуроли. Ҳайвонларининг жунидан думалоқ, ясси, ўткир учли қилиб тайёрланади. Мойбўёқ рассомлигида дағалроқ жундан (думалоқ ёки ясси шаклли), елим рассомлигида узунроқ қилдан, акварель, темпера ва графикада майин (олмахон, бўрсиқ, қумсичқон) жундан (думалоқ, ўткир учли) тайёрланган М.лар ишлатилади. Ўта майин ва эгилувчан хусусиятли (колонок тукидан тайёрланган) М.ни барча бўёқлар б-н ишлаганда қўллаш мумкин.

МЎЙНОҚТОВ — Қорақалпоғистонининг шим.даги баландлик. Бал. 86 м. Орол денгизи қуриб боғастанининг тўфайли Мўйноқ я.о. ўз қиёфасини ўзгартириб қуруқликка айланган денгиз тубининг ғарбий қисмида жойлашган. Мўйноқтов ҳудудида археологик қазилмалар олиб борилган. Бу ерда Мўйноқ маданияти деб аталган ёдгорлик топилган. Ёдгорлик милоддан аввалги 1-асрга оид.

Ad.: Материалы Всероссийской переписи, вып. 5, ч. 1, Т., 1923; Материалы по районированию Средней Азии, кн. 1, ч. 1. Бухара — Т., 1926.

МЎЛА — қад. ва ўрта аср шаҳар, қалъа, кўшк ва қўрғонларнинг деворларига қурилган танча иншоот. М.лар, асосан, деворларни мустаҳкамлаш учун бино қилиниб, улардан мудофаа мақсадида ҳам фойдаланилган (яна қ. *Бурж*).

МЎЛАЛИ БОТИҒИ — Қизилқумдаги ботиқ. Навоий вилоятининг Томди туманида, Тахтатов ва Етимтоғ тизмаларининг жан. ёнбағирларида жойлашган. Жан.ғарбдан шим.-шарққа йўналган. Уз. 38—42 км, эни 10—30 км. Эни чуқур жойининг мутлақ бал. 150 м. Ўртача чуқ. 35—40 м. Қалинлиги бир неча марта денгиз босган, неоген давридан бошлаб М.б. ҳос шаклини ола бошлаган. Учламчи ва тўртламчи давр чўкиндилари жинслари қум, гил ва қумтошлардан иборат. Ботиқнинг жан. қисмида текис, кўланкали лўсс, марзали қум шаклларини таркиб топган. Илғари М.б.дан туз қазиб олинган. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —2,5°, июлники 27—29°. Йиллик ёғин 100—110 мм. М.б.да шўрхок, шўртоб, тақир, қумли, тоғларга яқин жойларда эса шағалли тупроқлар учрайди. Қумли ерларда илоқ, оқ саксовул, қандим, астрагал, шувоқ, эфемерлар, шўрхок қумликларда қора саксовул, қорабароқ, сарсазан, баъзан, юлғун, шоҳилак тарқалган. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, калтакесак, илон, юмронқозиқ, қўшоёқ, қумсичқон ва б. яшайди. М.б.да қишда ва ёзда қорақўл кўйлар, йилқи боқилади. Яйловларининг маҳсулдорлиги гектарига 0,5—1 ц.

МЎЛДАТОВ — Ички Тяньшандаги тог тизмаси. Қирғизистонда, Сўнкўлдан жан.да. Ғарбдан шарққа чўзилган. Кўкўмерен, Сўнкўл ва Норин дарёлари оралигида. Уз. 150 км. Энг баланд жойи 4100 м. Асосан, оҳактошдан тузилган. Ён бағирларининг қуйи қисми тог дашт ўсимликлари б-н қопланган, ундан юқорида қорақарағай, арча ва б. ўсади.

МЎЛЖАР (мўғулча бўлжар — учрашув жойи ва вақти) — 1) ҳарбий қисмларнинг келишувига биноан учрашув жойи, манзили ва вақти; 2) жанговар ҳаракатлар вақтида аскарлар томонидан қазиладиган чуқур, окоп. Мерганлар М. ичида жойлашиб, душманни камондан ёки ўт очиш қуролларидан нишонга олган; 3) қалъа, қўрғон сингари истеҳкомларнинг гирд-атрофида қазиладиган ханлақ (яна қ. *Бўлжар*).

МЎЛТОН — Покистондаги шаҳар. Панжоб вилоятида, Чиноб дарёси яқинида. Аҳолиси 1,2 млн. киши (1998). Мамлакатнинг муҳим саноат маркази ва транспорт йўллари тугуни. Тўқимачилик (асосан, ип газлама) саноати ривожланган. Кимё, ойна-шиша, озиқ-овқат саноати корхоналари, иссиқлик электр станцияси бор. М.га Сун газ конидан қувур орқали газ келтирилади.

М. — бадиий ҳунармандчилик (кошин ва керамика, гилам, чарм буюмлари тайёрланишининг қад. маркази. Меъморий ёдгорликлардан Шоҳ Юсуф Гардизи (1150—52), Рукни Аълам (1320—24), Шамси Табризи (1780) мақбаралари сақланган. Шаҳар мил. ав. 4-а.да барпо этилган. Мил. ав. 326 й.да *Александр* Македонияльк босиб олган. 713 й.да араблар эгаллаган. 8-а.да мустақил ҳокимлар маркази. 10-а.да Қарматлар давлатининг энг катта шаҳри бўлган. 11-а.да Маҳмуд Ғазнавий кўл остига ўтган. 12-а.да Ғурийлар давлатига қўшилган. 1228 й.дан Деҳли султонлиги таркибида. 1398 й.дан Амир Темур, 1527 й.да Бобур кўшинлари эгаллаган ва 1752 й.гача Бобурийлар салтанати таркибида бўлган. 1818 й.да сикҳлар давлатига қўшилган. 1947 й.дан Покистон таркибида.

МЎЛТОНИ — қ. *Йўллар*.

МЎМАТАЛОҚ, цианоз, кўкариш — шикастланиш натижасида тери ва шиллиқ пардаларнинг кўкариши. Веналарда қон димланиши сабабли қон айланиши бузилганда қондаги кислороднинг камайиб кетишидан юзага келади. Бадан лат еганда ҳам терида М. кузатилади, бунда латта ҳўллаб босиш яхши наф беради.

МЎМИН (араб. — эътиқод қилувчи, динга ишонувчи) — илк ислом даврида Мадина жамоси (қ. *Умма*) аъзоси. Шарьий амалларни тўкис бажарувчи шахс эса *муслим* деб аталган. М. ва мусулим луғавий жиҳатдан бир-биридан тафовут қилинган. Кейинчалик улар бир мазмунда тушуниладиган бўлган. Қуръонда М. сўзи Аллоҳнинг сифати ва диндор эътиқодининг ички, ахлоқий томонини акс эттирувчи алоҳида тушунча сифатида қўлланилган. М. — оддий халқ тилида ювош, мулойим одам деган маънони ҳам билдиради.

МЎМИН МИРЗО, Муҳаммад Мўмин Мирзо (1486—1497) — темурий шаҳзода. *Бадиуззамон*нинг ўғли. *Ҳусайн Бойқаро* невараси. Ақлли, зийрак ва жасоратли бўлган. 11 ёшида Астрободда отаси ўрнида ҳоким. М. М. амакиси Музаффар Ҳусайн Мирзо Астрободни ундан тортиб олмоқ ниятида қўшин б-н келаётганини отаси юборган мактуб орқали билгач, шошилинч равишда жангга ҳозирланиб, шаҳар ташқарисига чиқиб жанг қилган. Лекин, кучлар тенг бўлмагани туфайли М.М. асирга олиниб, Ҳиротга жўнатилган ва Ихтиёридин қалъасига қамаб қўйилган. Ҳусайн Бойқаронинг хотини Ҳадича бегим ўғли Музаффар Мирзонинг тахтни эгаллашида асосий тўсиқ деб М.М.ни биларди. У вазир Низомулмулк б-н келишиб, Ҳусайн Бойқаронинг қаттиқ маслагидан фойдаланиб, М.М.ни зудлик б-н қатл қилиш ҳақидаги фармонга муҳр бостириб олган.

МЎМИНА ХОТУН МАҚБАРАСИ — Нахичеван (Озарбайжон)даги меъморий ёдгорлик (1186). Осиё давлатидаги ильдегизлар отабеги Муҳаммад Жаҳон Паҳлавон рафиқасига атаб қурдирган. Меъмори *Ажамий*. Тарҳи айлана, 10 қиррали, минора шаклида, диаметри 14 м га яқин, бал. 25 м. Ташқи кулоҳий гумбази (10 қиррали) сақланмаган. *Фахриддин Розий мақбараси*, *Қалдир-гочбий мақбараси* гумбазларига хос услубда қурилган. Маҳобатли шакл мутаносиблиги ва меъморий безаги сер-ҳашамлиги б-н ажралиб турали. Девор қирралари ва шарафаси, ясси равоқлари ҳан-


Мўмина хотун мақбараси.

дасий ва ислимий нақшлар, куфий ёзуви, феруза кошин ва сирланмаган ғиштлар б-н безатилган. Равоқлар тепасидаги айлана ёзувда қурилган йили ва меъмор номи сақланган. Ер-тўла марказига таянч устуни ўрнатилган бўлиб, равоқлари ўзаро бир-бири б-н боғланган. 2 сағана бирин-кетин жойлашган. М.х.м.нинг безак ва нисбат гўзаллиги, маҳобатли шакли Нахичеван меъморлик мактабида яратилган ўзига хос хусусиятдир.

МЎМИНОБОД — жез даври мозорқўрғони (мил. ав. 2-минг йилликнинг 2-ярми). Самарқанд вилояти Ўргут тумани Мўминобод қишлоғи яқинида жойлашган. 1964 й. археолог Д.Н.Лев, 1966 й. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти отряди (А.А.Аскаров) тадқиқот ишлари олиб борган. Аёллар кўмилган 5 қабр очилган. Қабрда маййитлар ўнг ёни б-н, боши ғарбга қараб эпилган ҳолда кўмилган. Мозордан бой дафн ашёлари — геометрик нақшлар ўйилган ганчкор хум

идиш, тилла ва жез сирғалар, усти тилла ва кумуш б-н қопланган билагузук, жун ип қолдиқлари сақланган мунчоқлар, узук, ойналар ва б. топилган.

МЎМИНОВ Абдураҳмон Абдуқодирович (1946.16.9, Тошкент) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Ўзбекистон жисмоний тарбия ин-тини тугатган (1971). 1968—2001 й.ларда Миробод туманидаги 328-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси.

МЎМИНОВ Акбар Нишонович (1935.5.12, Андижон) — раққос, балетмейстер-реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1974). Тошкент хореография билим юртини (1955), Москва театр санъати ин-тини (1965) тугатган. Ўзбекистон ашула ва рақс ансамблида (1965—68), Ўзбек давлат филармонияси ва эстрадасида (1968—69), Самарқанд опера ва балет театрида (1969—75), «Шодлик» ансамблида бош балетмейстер (1976—78). 1978—97 й.лар Тошкент маданият ин-тида педагог, 1997 й.дан Тошкент миллий рақс ва хореография олий мактабида ўқитувчи, 2001 й.дан «ўзбек рақси» кафедраси мудири. «Франческо да Римини» (П. Чайковский), «Самарқанд афсонаси» (Г. Мушель), «Гулсанам» (М. Юсупов), «Севги тароналари» (Ф. Баҳор) каби балетларни, «Зафар» (Ҳ. Раҳимов), «Ойжамол» (И. Ҳамроев), «Тоҳир ва Зуҳра» (Т. Жалилов, Б. Бровцин), «Нодирабегим» (Х. Султонов) сингари мусиқали драма спектаклларининг рақсларини саҳналаштирган. М. йирик саҳна асарларидан ташқари оммавий ва якка рақс саҳналарини яратган («Жон Ўзбекистон» рақс-сюита, «Йигитлар рақси», «Наврўз», «Дугонажоним», «Муножот», «Келдиму», «Чўпонлар», «Теримчи қиз», «Ҳилола» ва б.).

МЎМИНОВ Акром Иброҳимович (1937.20.5, Самарқанд —2001.1.11, Тошкент) — оториноларинголог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1980). Тиббиёт фанлари д-ри (1972), проф. (1973). И. М. *Мўминовнинг* ўғли. ТошТИни тугатгач (1960), СамТИ оториноларингология клиникасида ординатор (1960—62), ассистент (1965—67). 1967 й.дан СамТИ, 1970 й. дан ТошТИ қулоқ, томоқ, ва бурун касалликлари кафедрасида доцент, проф. (1975). СамТИ даволаш ф-тида декан ўринбосари (1967—70), ТошТИда интернатура ишлари бўйича декан (1971), даволаш ва санитария-гигиена ф-ти қулоқ, томоқ, бурун касалликлари кафедраси мудири (1975—90), Бухоро тиббиёт ин-ти ректори (1990—95) ва кафедра мудири. СамТИ ректори (1995—2000). М. қулоқ, томоқ аъзолари экопатологияси, карлик ва эшитиш қобилиятининг сусайиши муаммолари устида тадқиқот олиб борди, шу аъзолар касалликларида магнитотерапия қўлланиш тавсия этди. Тиббиёт ин-ти талабалари учун оториноларингологиядан ўзбекча дарслик ва қўлланмалар муаллифи.

МЎМИНОВ Вафо Арабович (1927.12.12, Шофиркон тумани — 1989.11.9, Бухоро) — физик олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977). физика-мат. фанлари д-ри (1979), проф. (1981). СамДУни тугатган (1948). СамДУда (1948—50), Фарғона педагогика ин-тида (1951—57) педагог. Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тида илмий ходим (1957—69), директор ўринбосари (1969—79), Бухоро педагогика ин-ти ректори (1979—86) ва умумий физика кафедраси мудири (1986—89). Илмий ишлари, асосан, ядро физикасига оид. Унинг раҳбарлигида Ўзбекистон ФА Ядро физикаси ин-тидаги У-150 циклотрон базасида тезлаштирилган зарядли зарралар дастаси ёрдамида моддаларнинг элемент таркибини таҳлил қилиш учун ноёб илмий ускуналар ва услублар комплекси яратилди ва катта ҳажмдаги таҳлилий тадқиқотлар олиб борилди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1981).

МЎМИНОВ Иброҳим Мўминович (1908.7.9, ҳоз. Шофиркон тумани Тезгузар қишлоғи — 1974.22.7, Тошкент) — файласуф олим, жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1959), фалсафа фанлари д-ри (1950), проф. (1950). Бухоро билим юртида ўқиган (1925—27). Самарқанд Педакадемиясининг ижтимоий-иқтисодий ф-тини тугатган (1931), шу ерда ўқитувчи бўлиб ишлади. Педакадемия Ўзбекистон ун-тига айлантирилгач, филол., кейинчалик тарих ф-ти декани, кафедра мудири (1933—55). 1955—56 й.ларда Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти директори. 1956 й.дан академиянинг вице-президенти. Айни вақтда Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-ти директори (1958—59), Ўзбекистон «Билим» жамияти бошқаруви раиси (1958 й.дан), Ўзбек совет энциклопедиясининг биринчи бош муҳаррири (1968 й.дан).

М.нинг илмий фаолиятига шўролар мустабид тузуми ўз таъсирини кўрсатган бўлса-да, бироқ, унинг тадқиқотлари марказида Шарқ, хусусан, Марказий Осиё халқларининг ижтимоий-фалсафий ҳамда илмий-табиий фикрлари муаммолари турганлиги натижасида, аллома фалсафанинг ўта сиёсийлашувини, уни ҳукмрон мафкура хизматига тамомила бўйсундиришни хуружларини четлаб ўтиш имкониятига эга бўлди.

У Навоийдан тортиб, Аҳмад Донишгача бўлган йирик мутафаккирлар ижодини тадқиқ қилди. Айниқса, *Бедил* ижодини чуқур ўрганиб, унинг меросини тушунишни анча енгиллаштирди. М.нинг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» асари (1968), умуман Амир Темур шахсини илмий ўрганиш ташаббуси б-н чиқиши олимнинг илмий жасорат ва юксак ватанпарварлик фазилатининг ёрқин ифодаси бўлди. М. Ғарб фалсафасини, рус мутафаккирлари ижодини ҳам ўрганди. Гегель диалектикасининг рационал мағзини кўрсатиб берди.

М. Ўзбекистонда илм-фаннинг йирик ташкилотчиси. У, айниқса, ижтимоий фанларни ривожлантиришга — янги тадқиқот муассасаларини ташкил этиш, илмий кадрлар тайёрлашга катта ҳисса қўшди, унинг раҳбарлигида турли фан соҳалари бўйича йирик асарлар нашр этилди. М. Ўзбекистонда фалсафа мактабига асос солди.

Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

Тошкентдаги кўчалардан бирига, Ўзбекистон ФА Фалсафа ва ҳуқуқ ин-тига, Бухоро ва Шофиркон шаҳридаги кўчалар, мактаблар, Шофиркон туманидаги ширкат хўжалигига М. номи берилган. М. вафотидан сўнг «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2003).

Ас.: Танланган асарлар, 3 жлд, Т., 1969—72; Выдающиеся мыслители Средней Азии, М., 1963; Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли, Т., 1968; Мирзо Бедил, Т., 1974; Ўзбекистондаги табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий тафаккур тарихидан лавҳалар, Т., 1999.

Ад.: Садыков А. С., И.М. Муминов [библиография], Т., 1968; Воспоминания о И. М. Муминове, Т., 1978; Академик Иброҳим Мўминов [мақолалар ва хотиралар], Т., 1993; Шермуҳаммедов С., Қомусий олим, Т., 1998.

МЎМИНОВ Рамизулла Абдуллаевич (1941.24.10, Тошкент вилояти Қибрай тумани) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), физика-мат. фанлари д-ри (1979), проф. (1990). ТошДУ ни тугатган (1963). Ўзбекистон ФА Физика-техника и-тида илмий ходим (1970—71), директор ўринбосари (1971—76), махсус конструкторлик бюроси директори (1984—88), етакчи илмий ходим

(2002 й.дан) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлим бошлиғи (1991—92), Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитасининг Давлат илмий-техника ахборот фонди директори (1996—2002). Илмий ишлари қаттиқ жисмлар физикаси, яримўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси ва шулар асосида асбоб-ускуналар яратишга оид. У қаттиқ жисмларда ташқи таъсирлар — кучли импульс магнит майдони, ультратовуш тўлқинлари каби таъсирлар ёрдамида бутунлай янгича физик жараёнлар келтириб чиқариш усулларини биринчи бўлиб ривожлантирди. Унинг изланишлари натижалари асосида ядро нурларини ўлчовчи — яримўтказгич детекторлари, лазерлар, қуёш нурини электр энергиясига айлантирувчи асбоб-ускуналарни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу асбоб-ускуналар, фазо ва сув ости кемаларида, термоядро синтези қурилмалари ва б.да кенг қўлланилмоқда. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1992).

МЎМИНОВ Теша Ҳусаинович (1949.25.11, Бухоро) — Ўзбекистон халқ артисти (1992). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1970). 1968 й.дан ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театри актёри. 1993—96 й.лар Маданият ишлари вазирининг ўринбосари. «Ажал минораси» (А. Дюма)даги Орсиний М.нинг саҳнада яратган илк йирик образидир. Театр саҳнасида Девона (М. Карим, «Ой тутилган тунда»), Ғофир (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Йўлчи (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Кориолон (У. Шекспир, «Кориолон»), Қор одам (Т. Юнус, «Қор одам»), Шайтон

Теша Мўминов Соҳибқирон Темур ролида («Соҳибқирон Амир Темур»)

(С. Имомов, «Шайтон ва фаришта»), Шоҳ Маъмун (Ҳ. Расул, «Пири Коинот»), Шпигельберг, Гримм (Ф. Шиллер, «Қароқчилар»), Пири зиндоний (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»), Турди-войи (Уйғун, И.Султон, «Алишер Навоий»), Соҳибқирон (А.Орипов, «Соҳибқирон Амир Темур»), Жўра Алим («Бир қадам йўл») каби ролларни б-н танилди. Улкан эҳтирос, нурафкор ҳаракатлар, баланд ва сержило нутқ М. ижрочилик санъатининг етакчи хусусиятларидан. М. кинода (Комил, «Келинлар қўзғолони» да; Нурмуҳаммад, Қушбеги «Ўтган кунлар»да; раис, «Ёлғиз ёдгори»да ва б.), видео ва телевизион фильмларда (Йўлчи, «Қутлуғ қон»да; Салтабадиль, «Қиролнинг дилхуши»да; Шерзод Самандаров, «Нур борки, соя бор»да ва б.) ҳам кўплаб образлар яратган. Бир қанча фильм дубляжида қатнашган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

МЎМИНОВ Толиб Мусаевич (1943.11.1, Самарқанд ш.) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000), физика-математ. фанлари д-ри (1979), проф. (1981). СамДУ ни тугатган (1965). СамДУ ва Бирлашган ядро тадқиқотлари ин-ти (Дубна ш.) да илмий ходим (1965—79), ТошДУ да лаб. мудири (1979—81), Амалий физика и.т. ин-ти директори (1981—87; 1995 й.дан), СамДУ ректори (1992—95). Илмий ишлари фундаментал ва амалий ядро физикасига оид. Унинг бевосита раҳбарлигида экспепементал ядро физикаси учун бир неча ноёб илмий қурилмалар (СБ—50 бетатрони, МТ—22С микротрони,

ЭГ—2 ионлар тезлаткичи, ИБМ кучли ион дастаси инжектори ва б.) яратилди. Яратилган қурилмалар ёрдамида атом ядросининг хоссалари, тезлаштирилган электронлар дастасининг газ муҳитидан ўтиши, юқори энергияли гамма-квантлар дастасининг ўта кичик бурчаклартлар дастасининг ўта кичик бурчакларга сочилиши ва радиоэкологияга оид изланишлар ўтказди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1977).

МЎМИНОВ Турди Муродович (1948.5.3, Қарши тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Қарши пед. ин-тининг ўзбек тили ва адабиёти ф-тини тугатган (1971). 1971 й.дан Касби тумани халқ таълими ҳузурида ташкил этилган етакчилар тайёрлаш курсида ўқитувчи. 1979 й.дан Қарши туманидаги 12-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. М. дарсда ёшларга ватан туйғусини, миллий қадриятлар ва мафкурани сингдиришда янги услубларни қўллайди.

МЎМИНОВ Қобул (1952.10.2, Косон тумани Сариқ қишлоғи) — уста чилангар, Ўзбекистон Қаҳрамони (2001). Меҳнат фаолиятини 1968 й.да «Муборак» давлат иассилик з-дида тракторчи ёрдамчиси бўлиб ишлашдан бошлаган. 1969 й.дан Муборак — Тошкент газ қувурлари бошқармасида қувур ёткизувчи, 1972 й.дан *Муборак газни қайта ишлаш заводида* технологик қурилмаларни таъмирлаш бўйича чилангар, тажриба, таъмирлаш ва механика цехида темирчи уста, темирчилик устахонаси бошлиғи. И. ч. учун зарур бўлган, хориждан валютага олиб келинадиган айрим деталларни корхонанинг ўзида

тайёрлаш, муддатини ўтаган деталларга ишлов бериш йўли б-н улардан қайта фойдаланиш муддатини бир неча баробарга узайтириш, шу йўл б-н нодир ва рангли металларни тежаш усули ташаббускори. 1-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1994).

МЎМИНОВ Қодир (1947.14.10, Тошкент) — раққос, балетмейстер. Ўзбекистон халқ артисти (1997). Ўзбек хореография билим юртини (1969), Москва театр санъати ин-тини (1979) тугатган. 1969—70 й.лар Навоий театрида раққос-балерон, 1971—75 й.лар «Шодлик» ансамблида яккахон-раққос, 1979—89 й.лар бадиий раҳбар, бош балетмейстер, 1994 й.дан Ўзбекистон давлат ашула ва рақс ансамблида бадиий раҳбар, бош балетмейстер. М. рақс усули ва тасвирий воситаларининг аниқлиги, ижро этилаётган рақс мазмунини томошабинга осонлик б-н етказа билиш қобилияти б-н ажралиб туради. Раққос сифатида «Чўпон», «Андижонча», «Лаган», «Сўнмас довюрак», «Хоразмча», «Дашнобод», «Баликчи ва балиқча», «Дўстлик», «Тоҳир ва Зуҳра» (Д. Жабборова б-н) каби рақсларни ижро этган. «Сайил», «Катта ўйин», «Соқийномаи савти калон», «Қашқарчаи мўғулчаи дуғоҳ», «Ўзбекистон ватаним менинг», «Зарафшон воҳаси рақслари», «Бухоро нақшлари» каби рақс-сюиталар, «Дилхирож», «Гулла-яшна ҳур Ўзбекистон», «Зило-

да», «Норим-норим», «Андижон полкаси», «Бахтиёр ёшлигим» ва б. рақсларни саҳналаштирган. М. ҳақида «Марди-майдон» (1990) фильми суратга олинган.

МЎМИНОВА Шаҳноза (1949.21.8, Тошкент) — кулол, замонавий кулоллик санъатининг таниқли намояндаси. Ўзбекистон БА акад. (1990). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1974). Тошкент политехника ин-ти (1974—95) ва Республика рассомлик билим юрти (1995—98) да дарс берган, айни вақтда, Тошкент керамика з-ди ижодий гуруҳида ишлаган; 1996 й.дан Республика болалар ижодиёти марказида студия раҳбари. М. ижоди композиция ва нафис ранг колоритини нозик ҳис эта олиши б-н диққатга сазовор; чинни композициялари, мўъжаз шаклли асарлари мил-

лий оҳангларни замонавий талқин этиш маҳорати б-н ажралиб туради: «Кўза» (1975), «Воха» (1995), «Шарқ аёллари», «Учрашув» (1997), «Тонг» (1999) ва б. 1974 й.дан республика ва хорижий мамлакатлардаги йирик кўргазмаларда фаол иширок этади (жумладан, АҚШ, Туркия, Германия ва б.да шахсий кўргазмалари муваққиятли ўтказилган).

МЎМИНОВА Ҳалима Абдуллаевна (1950.20.12, Бўстонлиқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1998). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1974). 1972— 77 й.ларда Чирчиқ ш.даги 2-мактабда, 1977—82 й.ларда 16-мактабда, 1982 й.дан 21-мактабда бошлангич синф ўқитувчиси.

МЎНДИ — сопол *кўза* тури; оғзи тор, қорни кенг шаклда, дастасиз бўлади. Суюқлик солиб қўйишда фойдаланилган.

МЎЪЖИЗА (араб. — ожиз қолдирувчи) — диний таълимотга кўра, оддий инсонлар қилишдан ожиз, пайғамбарларгагина худо тарафидан берилиши мумкин бўлган хислат, ҳодисанинг ҳоҳиши ё-ишига амалга ошадиган ҳолиса. Кўпма маънода — умуман ҳар хил олатлан ташқари, кишини ҳайрон қолдирувчи ҳолиса, иш ёки нарса.

МЎЪТАДИЛ ИҚЛИМ — Қуёш кенгтача кўтарилмайдиган муътадил минтақа иқлими. М. и. 3 тонфа: муътадил денгиз, муътадил континентал ва муътадил муссон иқлимларига бўлинади. Муътадил денгиз иқлимида йил давомида ҳаво серёғин, қиши нисбатан илиқ бўлади. Ёзи эса жазирама, ҳаво т-расининг йиллик амплитудаси унчалик катта бўлмайди (10 — 15 атрофида). Бунга Ғарбий Европа иқлими мисол бўлиши мумкин. Муътадил континентал иқлимда қишлари совуқ, ёзлари иссиқ, т-раниинг йиллик амплитудаси 40° атрофида, ёғин миқдори жуда кам бўлади. Бунга денгиздан йироқ ерларнинг иқлими киради. Муътадил муссон иқлимида қишлари совуқ, қор кам ёғади ва ёзлари у қадар жазирама иссиқ бўлмаслан, ёғин миқдори нисбатан кўп бўлади. Т-раниинг йиллик амплитудаси етарлича катта (t<30°). Бунга Шим. Хитой ва Узоқ Шарқ иқлими мисол бўла олади.

МЎЪТАДИЛ МИНТАҚА — географик қобиқнинг энг катта юнал бўлинишларидан бири. Ернинг 40° ва 65° шим. кенгликлари б-н 42° ва 58° жан. кенгликлари орасида жойлашган географик минтақалар. Иқлими аниқ мавсумий, континенталлиги катта, қиши қаттиқ совуқ. М.м.да қуруқликла тайга, аралаш ўрмонлар, кенг баргли ўрмонлар, муътадил минтақа ўрмонли даштлари, даштлари, чала чўлларн ва чўллари ландшафт зоналари мавжуд.

МЎҒУЛ ЁЗУВИ — уйгур алифбоси асосида яратилган ёзув (қ. *Уйгур ёзуви*). М.ёнинг дастлабки ёдгорликлари 13-а.га мансуб: Чингизхон тошидаги ёзув (1225), элхон Аргуннинг мактуби (1289). Ёзувнинг йўналиши юқоридан пастга, қаторлар чапдан ўнгга қараб ўқилган. Белгилари полифоник хусусиятга эга, яъни бир белги бир неча товушни ифодалаган. Баъзи белгилар, сўзлаги ўрнига қараб, 2 ёки 3 хил шаклга эга бўлган. Алифбо 20 та асосий ва 8 та қўшимча ҳарфлардан иборат. Уларнинг ҳаммаси уйғур алифбосидаги 14 та асосий белгининг ҳосилалари ҳисобланади. М.ё. ўзининг пайдо бўлган давридан бошлаб, ундаги белгиларнинг полифоник хусусияти туфайли, барча мўғул қабилалари учун умумий ёзувга айланиб, 16—17-а.лар оралигида унга айрим у ҳарфлар киритилган. М.ё. Буратия (Россия Федерациясида 1931 й.гача, Монголияда 1945 й.гача (рус алифбосига утилгунча) қўлланган.

МЎҒУЛ ОТИ — жайдари от зоти. Унинг келиб чиқиши қадим замонларга бориб тақалади. Аниқса, 12-а. охирига келиб, мўғуллар давлатининг пайдо бўлиши ва мўғуллар истилоси даврларида йилқичиликка эътибор кучайган. М.о. зоти қадлаб урчитилган ва отлиқ қўшинининг асосий ҳаракат воситаси бўлган. Улар чўл ва тала чўл шароитига мослашган.

М.о. бўйи паст, жуссаси кичик бўлишига қарамай, ишчанлик қобилияти юқори (пошга синовида 25 км масофани 42 минутда босиб ўтган). М.о. нинг қарчиғай бад. 127—130 см, танасининг ус. 134—135 см, кўкрак айланаси 154—160 см, почасининг айланаси 17—18 см, бўйини қисқа, ёли ва думи қалин ва узун. М.о.дан сал миниила, юк ташишда, сут ва гўшт етиштиришда фойдаланилади. М. о. йил давомида йилова уюр-уюр ҳолда боқилади. Улар бошқа от зотларидан танасида қатламқатлам ёғ тўпланиш, терисининг жунли бўлиши, шу боис совуққа, қишда ва ёғин кўпроқчиликда бўладиган емкишак танқислигига чидамли бўлиши б-н ажралиб туради.

13-а. бошларида мўғулларнинг Ўрта Осиёга қилган босқинларида бу ҳудудда қадимдан мавжуд маданий от зотларига М.о.ларининг қисман таъсири ўтган.

МЎҒУЛ ТИЛЛАРИ — мўғул халқлари тиллари гуруҳи. Умумий сўзлашувчилар сони тахм. 7 млн. кишидан иборат. Ушбу тиллар гуруҳини *олтой тиллари*га қўшиш мумкинлиги ҳақида фаразлар ҳам бор. М.т. қачонлардир (16—17-а.ларгача) ягона тил бўлган мўғул тили заҳжаларининг ривожланиши натижасидир. Улар қуйидагича таснифланади: асосий М.т. — ҳоз. *монгол тили, бур-ят тили, қалмоқ тили;* маргинал (чекка) М.т. — Афғонистондаги моғол, Хитойнинг шим.-шарқидаги дағур, Гансу ва Цинхай вилоятларидаги монғор, дунсян, баоан тиллари. Асосий М.т. учун 13-а.дан 20-а. бошларигача (қалмоқ тили учун — 17-а. ўртасигача) ягона қад. ёзувли мўғул тили қўлланиб келган. Маргинал М.т.га эроний тил ва лаҳжалар, хитой ва тибет тиллари кучли таъсир кўрсатган. Асосий М.т. фонологик жиҳатдан *сингармонизм*га асосланган, грамматик қурилишига кўра эса суффиксал-агглютинатив тил ҳисобланади.

МЎҒУЛ ЧОЙИ — қ. *Бадан*.

МЎҒУЛИСТОН — *Чиғатой улусининг* парчаланиши (1348) натижасида ташкил топган давлат. Унга Қошқар, Етисув ўлкаси ва Или воҳаси қирғоқ. Мўғул ҳукмдорлари ва мулкдорлари ўртасида босиб олинган мамлакатларнинг халқларига 2 хил қараш мавжуд бўлиб, уларнинг бир хили маҳаллий жойлашган, савдогарлар ё-н якпалашиш, ҳунармандчилик, деҳқончиликни ривожлантириш, ислом ва мусулмон маданиятига ҳомийлик қилиш тарафдори бўлса (Ўқлон қоон, *Муғалистон* қоон, Чиғатой улуси ҳукмдорларидан Муборакшоҳ, *Барокхон*, *Кепакхон* ва б.), яна бир бошқа гуруҳ утроқлик ва шаҳар ҳаётига тамоман қарши бўлиб, кучманчилик анъаналарига содиқ эдилар. Улар шаҳарларни тамоман бузиб ташлаш (чунки, шаҳарлар мустаҳкам қалъаларга айланиб, мўғулларга қарши кўраш марказига айланиб қолади, асб ҳисобларидан), экин жойлар ва боғоларни ўтловларга айлантириш тарафдорлари (Хайду, Дурра Темур, Буқа ва б.) эдилар.

Чиғатой хонларидан Муборакшоҳ ва Бароқхон кўл остидаги қабилалар ё-н Етисувдан Мовароуннаҳрга кўчиб келадилар. Муборакшоҳ Оҳангарон воҳасига, Бароқхон эса Чағониёнга келиб ўрнашади. Бу ҳол Чиғатой улусининг иккига бўлиниб кетишига сабаб бўлди. Шу вақтдан бошлаб, улуснинг шарқий ва шим.-шарқий қисмида қолган турк ва мўғул қабилалари ўзларини мўғуллар, мамлакатни эса М. деб атай бошладилар. Мовароуннаҳрга кўчиб кетган қабилалар эса чиғатойлар номи б-н машҳур бўлди. Мўғуллар Мовароуннаҳрга кўчиб кетган қабилаларни қорауна с (дурагай), улар эса мўғулларни жета (қароқчи, талончи) деб атардилар. 1348 й.да чиғатой наслидан бўлган *Тўғлуқ Темур* М. хони қилиб кўтарилди. Тўғлуқ Темур вафотидан (1363) сўнг, Амир *Қамариддин* ҳокимиятни қўлга олди. Қамариддиннинг ҳукмронлик йилларида М.га Чиғатой улусининг ғарбий қисмида ўз ҳукмронлигини ўрнатган *Амир Темур* 7 марта (1371, 1375, 1376, 1377, 1383, 1388, 1389) қўшин тортган. Қамариддин Темур қўшинларининг таъқиби остида бир қисм навкари б-н шим.га қочиб кетди. Тахтга Хизрхўжа ўтирди. Хизрхўжа Темурнинг Эрон ва Ироқ юришларида банд бўлганлигидан фойдаланиб, М.да тартиб ўрнатиш ва марказий ҳукуматни мустаҳкамлашга муваффақ бўлди, кейинчалик (1397) у б-н қариндош бўлиб (Темурга қизи Туман оғани берган), ўз мамлакатининг мустақиллигини сақлаб қолди. Хизрхўжа вафотидан сўнг унинг ўғли Шамъи Жаҳон ҳокимиятни қўлга олди (1399). 1408 й. Шамъи Жаҳон вафот этгач, тахт-га ўғли Муҳаммадхон кўтарилди. Муҳаммадхон даврида Мовароуннаҳр қўшинлари Қошқарни эгаллаганлар (1416). Муҳаммадхондан кейин тахтга ўтирган Шамъи Жаҳоннинг ўғли Нақиш Жаҳон Хитой ва Темурийлар салтанати ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш йўли б-н М. бирлигини сақлаб қолмоқни бўлди. Лекин, у 1418 й. бошларида Шерозининг ўғли Вайсхон томонидан ўлдирилди. Вайсхон ҳукмронлиги йилларида мулкдорлар орасида кураш янада кучайди. Мулкдорларнинг бир гуруҳи Вайсхон, яна бир гуруҳи Муҳаммадхоннинг ўғли Шермуҳаммадхон атрофида уюшган эди. Бу кураида Вайсхон ва унинг тарафдорларининг кўли баланд келди. Шермуҳаммаднинг кўли баланд келди. Шермуҳаммадни Самарқандга қочиб кетди ва 1421 й. Улуғбехнинг ёрдами б-н ҳокимиятни Вайсхондан тортиб олди. Лекин орадан 3—4 й. ўтгач, у Улуғбек ҳукматига бўйсунмай қўйди. Натижада 1425 й. Улуғбек катта қўшин б-н М.га юриш қилиб, ҳокимиятни Вайсхонга топширди. Ана шу йили Қошқар М.дан ажратилиб. Самарқандга бўйсундирилди. Вайсхон вафотидан сўнг унинг 2 ўғли: Вайсхон ва Эсонбуқо ўртасидаги тож-Юнусхон ва Эсонбуқо ўртасидаги тожтахт учун курашда Эсонбуқо голиб чиқди. Юнусхон Самарқандга қочиб кетди. Эсонбуқо М.даги тарқоқликка барҳам берди, унинг чегараларини мустаҳкамлади. Эсонбуқо вафот этгач, Юнусхон темурий Абу Саъид ёрдами б-н тахтга ўтирди. Абу Саъид вафотидан сўнг, Темурийлар салтанатида бошланиб кетган ички низолардан фойдаланиб, ҳатто Мовароуннаҳрнинг ички ишларига ҳам аралашиб турди ва Андижон ҳокими Умаршайх Мирзони (Бобурнинг отаси) қўёв қилиб Сайрам, Тошкент ва Ўш вилоятини ўзига бўйсундириб олди. Юнусхон вафотидан сўнг, хон қилиб кўтарилган Султон Маҳмудхон фақат номигагина М.нинг олий ҳукмдори ҳисобланарди. Аслида эса бу вақтда мамлакат майда-майда қисмларга бўлиниб кетган эди. Мас.: Оқсув, Қорашаҳар ва Турфонда Султон Аҳмадхон, Чу ва Қозибошида қозоқ султонлари, Еттисувда Муҳаммад қирғиз мустақил ҳукмдор эдилар.

М. хонлари: Тўғлуқ Темур (1348—63), Қамариддин (1363—90), Хизрхўжа (1390—99), Шамъи Жаҳон (1399—1408), Муҳаммадхон (1408—16), Нақш Жаҳон (1416—18), Вайсхон (1418—21, 1425—28), Шермуҳаммадхон (1421—25), Эсонбуқо (1428—62), Юнусхон (1462—87), Маҳмудхон (1487—1508), Сайидхон (1504—32).

МЎҒУЛЛАР ДАВЛАТИ — 13-а.нинг 1-ярмида *Чингизхон* ва унинг ворисларининг истилочилик урушлари натижасида барпо этилган давлат. 1206 й. баҳорда Мўғулистондаги турли тоифа қабилалар сардорларининг қурултойида Темучин хон этиб тайинланган ва унга «Чингизхон» («Улуғ хон») деб ном берилган, ташкил этилган давлат «Якка монгол улус» деб аталган. Чингизхон ҳокимиятни мустаҳкамлаш йўлида бир қанча ислоҳотлар ўтказган. Жумладан, минг оилани бир маъмурий бирликка бўлишга асосланган ва қабилий тус берилган янги маъмурий тузум жорий этилган. Унга кўра, Чингизхонга тобе бўлганлар жами 95 та «минг оила» бирлигига бўлиб чиқилган ва буларнинг ҳар бирига уруш даврида Чингизхонга садоқат ё-н хизмат кўрсатган кишилар бошлиқ қилиб тайинланган. Лекин амалда айрим мингликлар бир неча минг оиладан иборат ҳам бўлган. Мингликларни ташкил этишда имкон борича бир тоифадаги қардош авлодларни ва қабилаларни бир-биридан ажратмасликка эътибор берилган. Мазкур «минг оила»лар, ўз навбатида, гарбий «ўнг қанот» ва шарқий «сўл қанот», марказий ва тогликлар каби 4 қисмга бўлинган. Ҳар бир минг оила юзликка ва ўнликка бўлинган. Аҳолини рўйхатга олиш ишлари амалга оширилган. 15 ёшдан 70 ёшгача бўлган эркаклар қарбий хизматга яроқли деб топилган. Қўшинда қаттиқ тартиб ўрнатилган, қонунбузарлар учун қаттиқ жазо, қонун устуворлигини ҳимоя қилганларга эса ҳурмат билдирилиб, мукофот белгиланган. Савдо йўллари, аввалambor *Буюк ипак йўли*нинг хавфсизлигини таъминлаб, ундан тўла фойдаланишга эътибор берилган. Бу тадбирлар Чингизхон ҳокимиятини мустаҳкамлашда ижобий самара берган.

Чингизхон мўғуллардан кўп сонли яхши қуролланган, қаттиқ интизомга асосланган ва уюшган қўшин тузади. 13-а. муаллифи Жувайнийнинг ёзишича, осойишталик даврида чорвачилик б-н машғул бўлган барча мўғул аҳолиси муҳораба эълон қилиниши б-н тезда ўн, юз, минг, ўн минг жангчи — туман бўлинмаларидан иборат мунтазам қўшинга айлантирилган. Ҳар бир жангчи қарбий юриш вақтида ўзига зарур бўладиган қурол-яроғ, турли анжомлар ва от-уловларини олдиндан тайёрлаб қўйишга мажбур бўлган. Қўшин юзбоши, мингбоши, туманбошилар томонидан бошқарилган. Туман бўлинмаларига, одатда, шаҳзодалар қўмондонлик қилган. Асосий қўшиндан ташқари, Чингизхон ихтиёрида ҳарбий зодагон-

лардан тузилган махсус гвардия («кешик») ҳам ташкил этилади. Бу гвардия фақат фавқулодда содир бўладиган хавф-хатарга қарши ташланарди. Давлат маъмуриятини марказлаштириш мақсадида Чингизхон Қоракурум қалъасини ўз империясининг пойтахтига айлантиради. Хат-саводга мутлақо эга бўлмаган, маданияти ниҳоятда тубан мўғуллар давлат бошқарув ишларида уйғурлардан ҳамда мусулмон савдогарларидан фойдаланадилар. Чингизхон ва нўёнларининг маслаҳатчилари, мирзолари ва баъзи бир мулк маъмурлари, асосан, уйғурлардан бўлган. Мас., Шарқий уйғурлар хони Идиқут (Саодатбек) хоннинг яқин дўсти ва маслаҳатчиси эди. Ташатун исмли уйғур эса давлат мухрдори лавозимини ҳамда шаҳзодаларни хат-саводга ўргатувчи устод вазифасини бажарган. Чингизхон тарқоқ жангари мўғул уруғларини бирлаштиргач, тажовузкорлик сиёсатини юргизди (қ. *Мўғуллар истилоси*). Забт этилган ўлка ва вилоятларни Чингизхон 1224 й.да ўғилларига ва набираларига тақсимлаб берди. Жан. Сибирь, Дашти Қипчоқ, Волга бўйи, Хоразм ва Дарбандгача бўлган ўлка Чингизхоннинг тўнғич ўғли Жўжига (унинг вафотидан кейин эса, набираси Батуга мерос бўлган) топширилди. Шарқий Туркистон, Еттисув ва Мовароуннаҳрга унинг 2-ўғли Чиғатой эга бўлди. Чингизхон ўз ватани Мўғулистонни, шунингдек, Хитойни 3-ўғли ва вориси Ўқтойга берди. Кенжа ўғли Тулуга эса Хуросон, Эрон ва Ҳиндистон тегди. Шундай қилиб, мўғуллар босиб олинган вилоятларни улусларга тақсимлаб бошқаришга киришади.

Чингизхоннинг набираси *Мунхэ* ҳукмронлиги даврида (1251—59) М.д. таркибига Мўғулистон, Шим. Хитой, Корея, тангутларнинг Си-Ся подшолиги, Марказий ва Ўрта Осиё, Закавказье, Эрон, Афғонистон ва Русь ерларининг аксарияти кирган. Бироқ, М.д.да ички бирлик йўқ эди, у турли тилларда сўзлашувчи кўплаб халқларни зўрлик б-н бирлаштирган эди, бу халқлар турли ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёт босқичида бўлиб, уларнинг кўпчилиги тараққиёт даражасига кўра мўғуллардан анча устун эдилар. Мунхэ ўлимидан сўнг М.д. парчаланиб кета бошлаган. Ундан дастлаб Батуга (1236—55 й.лар ҳукмронлик қилган) ва *Ҳулоқу* (1256—65 й.лар ҳукмронлик қилган) улуслари ажралиб чиқиб, мўғуллар сулоласи ҳукмронлиги остида мустақил давлатлар тузганлар (*Олтин Ўрда*, *Ҳулоқуийлар давлати*). Бу давлатлар М.д. ишларига аралашмаганлар ва ўз навбатида, бошқаларнинг ҳам уларнинг ишларига аралашишига йўл қўймаганлар. Мунхэнинг ўрнига тахтга чиққан укаси *Хубилай* (1260—94 й.лар ҳукмронлик қилган) даврида мўғуллар Хитойнинг бутун ҳудудини босиб олишган. Хубилай ва унинг ворислари салтанати *Юань* деб атала бошлаган. 1368 й. Хитойдаги халқ қўзғолони натижасида мўғуллар у ердан қувилганлар. *Куликово жанги*дан сўнг мўғулларнинг Руслари ҳукмронлигига дарз кетган. 14-а.нинг 2-ярмида Эрон, Закавказье ва Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлиги тугатилган. 14-а.нинг сўнги чорагида М.д. барҳам топган. 15-а.да Эсенхон (1440—55 й.лар да хонлик қилган) ва Даянхон (1479—1543 й.лар да хонлик қилган) каби ҳукмдорлар бирлашиб М.д.ни тиклашга ҳаракат қилдилар. Аммо бу ҳаракатлар натижа бермади. Даянхоннинг ўлимидан кейин мамлакат Жан. Монголия ва Шим. Монголияга бўлиниб кетди. Шим. Монголия ҳам, ўз навбатида, Ғарбий ва Шарқий қисмларга ажралди. 16-а.да Монголиянинг 3 қисмида жами 200 ҳокимлик (князлик) мавжуд эди.

Абдулҳаққ Ҳўжаев,
Абдулҳаққ Муҳаммадаҳмедов.

МЎҒУЛЛАР ИСТИЛОСИ — *Чингизхон* бошчилигидаги мўғулларнинг Осиё ва Шарқий Европага қилган босқинчилик юришлари (13-а.). Мўғул нўёнлари ҳарбий ташкилот тузиб, кўп халқларни босқинчилик урушига тортдилар. Улар қўшинининг асосий кучи — кўчманчилардан иборат кўп сонли ва жуда ҳаракатчан отлиқ аскарлар эди. Улар босқинчилик урушларида босиб олган мамлакатларининг ҳарбий кучи ва техника ютуқларидан ҳам фойдаланганлар. Қўшин бирлашган қўмондонликка эга бўлиб, қаттиқ интизом ва яхши қуролланганлиги ҳамда ўзининг жанговар сифатлари б-н қўшни мамлакат қўшинларидан устун турар эди. Осиё ва Шарқий Европанинг жуда кўп мамлакатларидаги ички низолар ва раҳбар табақанинг хоинлиги мўғулларнинг осонлик б-н ғалабага эришишига кўл келди.

М.и. Чингизхон бошлиқ *мўғуллар давлати*нинг ташкил топишидан бошланиб, 13-а. охирига қадар давом этган. 1207—11 й.ларда Сибирь ва Шарқий Туркистон халқлари (бурят, ёқут, ойрот, қирғиз ва уйғурлар) бўйсундирилди. Тангут давлати (Си-Ся)га қарши бир қанча юришлар қилинди (1227 й. бутунлай вайрон қилинди). 1211 й. Чжурчжэн давлати (Шим. Хитой)га ҳужум бошланди. 90 га яқин шаҳарни вайрон қилиб, 1215 й. Пекинни босиб олдилар. 1217 й. Хуанхе дарёсининг шим. даги ерларининг ҳаммаси мўғуллар қўлига ўтди.

Мўғулларнинг Мовароуннаҳрни истило қилиши. *Ўтрор воқеаси* ва ундан кейин Чингизхон элчиси Ибн Кафрож Бутронинг ўлдирилиши. Мовароуннаҳрга Чингизхоннинг бостириб кириши учун баҳона бўлди. Бу ерларда Чингизхон дастлаб Шарқий Туркистон ва Еттисувни каби ягона Чингизхоннинг Мовароуннаҳрга босқини анчадан пухта тайёргарлик кўриб режалаштирилган эди. Чингизхон Ғарбга ҳарбий юришини бошламасданоқ ўз душманининг куч-қудрати ва урушга тайёргарлиги тўғрисида савдогарлар орқали тушган маълумотларни синчиклаб ўрганиб, *Хоразмшоҳлар давлати*нинг ички аҳволидан тула воқиф эди. Хоразмшоҳлар давлати кўп сонли туркий қўнин ва яхши қуролланган кўчманчилар лашкари ҳамда етарли озиқ-овқат захирасига эга эди. Афсуски, хоразмшоҳ б-н саркардалар ўртасида мавжуд ихтилофлар анчагина бошланғоқ бўлган устунликдан фойдаланишга имкон бермади. Кенгашда фикрлар бўлиниб кетди. Хоразмнинг машҳур фақиҳи, муфтий Шаҳобиддин Хивақий барча қўшин (400 минг аскар)ни Сирдарё бўйига тўплаб, узоқ йўл сафарида толиқиб келаётган мўғулларни қарши олиш, душманга ҳали ўзини ўнглаб олмасидан туриб, бор куч б-н катта жангга тусатдан зарба бериш тўғрисида бирдан-бир тўғри фикр баён қилади. Бироқ *Муҳаммад* хоразмшоҳга бундай фикр маъқул бўлмайди. Чунки у ўзининг олий лашкарбошиларидан бўлган қипчоқ лашкарбошиларга тамоман ишончсизлик б-н қарар эди. Шунинг учун ҳам у катта қўшинни бир жойга тўпланиш ва улар фурсатдан фойдаланиб уни тахтдан ағдариб ташлашларидан қўрқар эди. Аскарий кучни қатъа ва истеҳкомларга бўлиб юбориб, айрим шаҳарларни мўғулларга қарши қўйиш б-н душманга зарба бермоқчи бўлди. Хоразмшоҳ мўғулларнинг асосий зарбаси Мовароуннаҳрнинг Зарафшон водийсига қаратилса керак деган фикр б-н Самарқанд ва Бухоро шаҳарини мустаҳкамлашни буюрди. Самарқандниг ташқи деворини қайта қуриш мақсадида шаҳар аҳолисидан ҳатто бир йил ичида 3 марта хирож ҳам йиғиб олинади. Барча кўрилган чора-тадбирларга қарамасдан хоразмшоҳ ҳужумга тайёр эмас эди. 1219 й.нинг кузида Чингизхон хоразмшоҳ салтанатига қарши юриш бошлади. Жами аскари 200 мингга яқин бўлган мўғулларга уйғур хони Идиқут ва Олмалиқ ҳукмдори Сигноқ тегинлар ҳам ўзларининг ҳарбий кучлари б-н қўшилган эди. Чингизхон Ўтрор ш. яқинида, Мовароуннаҳр ва Хоразмни қисқа муддат ичида қабз этиш учун қўшинини 4 қисмга бўлади. Унинг бир қисмини ўғиллари Чиғатой ва Ўқтой бошчилигида Ўтрорни қамал қилиш ва уни эгаллаш учун қолдиради. Иккинчи қисмга Жўжи бошлиқ этилиб, Сирдарё яқин томон юборилади ва унга Сигноқ, Ўғлон, Барчинлиқкент, Жанд, Янгиқент ва б. шаҳарларни босиб олишни буюради. 5 минг кишилик учинчи қўшинни Олоқ нўён ҳамда Суқету-чэрби қўмондонлигида Бинокат ва Хўжанд шаҳри томон юборади. Чингизхоннинг ўзи асосий кучлари б-н Қизилқум орқали Бухоро томон лашкар тортади. *Инолчиқ* раҳбарлигида ўтрорликлар шаҳарни мудофаа қилиб 5 ой давомида ўз қўлларида ушлаб турадилар. Ниҳоят мўғуллар шаҳарни эгаллашга муваффақ бўлади. Аҳолини шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқарадилар ва қатл этадилар, шаҳарни эса талайдилар (яна қ. *Ўтрор мудофааси*). Шу аснода Бухорога йўналтан Чингизхоннинг асосий кучлари йўлда *Зарнуқ* ва Нур қалъаларини ишғол қиладилар. 1220 й. февр.да Чингизхон Бухорога етиб борди (қ. *Бухоро мудофааси*). Мўғуллар Бухорони вайрон қилгандан кейин Самарқандга йўл олди. Чингизхон Бухородан ҳайдаб келтирган асирлардан тарозни ўғиллари Чиғатой ва Ўқтойларнинг Ўтрордан олиб келган бандаларини ҳам Самарқанд қамалига сафарбар этади (қ. *Самарқанд мудофааси*). Муҳаммад хоразмшоҳ *Субутой баҳодир* ва *Жебе нўён* бош бўлган мўғул қўшинининг таъқибидан қочиб, Каспий денгизининг жанубдаги оролларидан бирида паноҳ топади ва сал вақт ўтмай гарибликда зотилжам касали б-н вафот этади. Бу даврда мўғулларнинг Жўжи бошлиқ аскарий қисмлари Сирдарё этакларида босқинчилик қилмоқда эди. Жўжи шаҳарни жангсиз таслим бўлишини талаб қилиб, Сигноққа элчи сифатида юборган Ҳасанхожа исмли савдогарни сигноқликлар ўлдирадилар. Бундан дарғазаб бўлган Жўжи шаҳарга ҳужум бошлайди. Босқинчилар шаҳар-

ни талаб, аҳолисини битта қолдирмай қиради. Бу воқеадан даҳшатга тушган Ўзган ш. аҳолиси мўғулларга жангсиз таслим бўлади, аммо, Барчинлигкентни олишда яна куч ишлатадилар. 1220 й. Жанда ҳужум бошлайдилар. Жанд нойби Қутлуғхон шаҳарни ташлаб Хоразмга қочади. Босқинчилар Жандни қаршиликсиз эгаллаб, уни талайдилар. Аҳолисининг қуролланган қисми қатл этилиб, шаҳар вайрон қилинади. Бу вақтда Олоқ нўён, Сукету чэрби ва Тўғай каби мўғул сарҳанглари 5 минг қўшин б-н Банокат ва Хўжанд ш.лари устига юради. Банокат ҳимоячилари қиличдан ўтказилиб, қолганлари қулликка маҳкум этилади. Шаҳар забт этилгач, навбат Хўжандга келади. Асли насаби турк бўлган *Темур Малик*нинг шахсий қаҳрамонлиги б-н хўжандликлар мўғулларга қутилмаган қаршилик кўрсатадилар. *Жувайний* ва Рашидуддинларнинг асарларида Хўжанд қамалида 20 минг мўғул ва 50 минг асир қатнашганлиги айтилган. Бироқ, ҳимоячиларнинг кучи тенг бўлмаганлигидан Темур Малик шаҳарни ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади. 1220 й.нинг ёзида Мовароуннаҳр жанда шу вақтгача босиб олинмаган шаҳарларни забт этишга Чингизхоннинг шахсан ўзи киришади. Аввал у Насафга бостириб киради. Шаҳарликлар даҳшатга тушиб шаҳар дарвозаларини очиб берадилар. У Термизга аскар тортади. Термизнинг нойби Фахриддин Ҳабаш қаттиқ қаршилик кўрсатади. Термиз ш. ва аҳолиси ҳам мўғулларга қаршилик кўрсатган бошқа шаҳарлар фожиасини бошидан кечирди. Сирдарё ҳавзаси, Зарафшон ва Қашқадарё воҳалари, Амударё ўрта оқимининг ўнг соҳили вилоятлари забт этилгач, Чингизхон асосий кучни хоразмшоҳлар давлатининг маркази Гурганжга ташлайди. Бу ҳарбий кучни Чингизхоннинг ўғиллари Жўжи, Чиғатой ва Ўқтойлар бошқаради (қ. *Урганч мудофааси*). Хоразмшоҳлар давлати босиб олингач, мўғул жангарилари ўз кучини йирик савдо ва маданият марказлари бўлмиш Балх, Ҳирот, Марв ва Газна каби шаҳарларга йўналтиради. Аммо бу ерда улар *Жалолиддин Мангуберди*нинг қаттиқ қаршилигига учрайди. Мўғул қўшинининг атоқли жангчилари Жалолиддинга қарши тура олмайдилар. Мўғулларнинг Парвон даштидаги мағлубиятидан кейин (қ. *Парвон жанги*) Чингизхон ҳарбий ҳаракатларни шахсан ўзи бошқаради. Чингизхон Газнига лашкар тортади. Жалолиддин эса урушсиз Синд (Ҳинд) дарёси соҳилларига чекинади. Дарё бўйида 1221 й.нинг нояб.да икки ўртада қаттиқ жанг бўлади. Мўғулларнинг пистирмага қўйган 10 минг нафарли саралланган лашкари жанг оқибатини ҳал қилади (қ. *Синд дарёси бўйидаги жанг*). Рақибининг жасоратига қойил қолган Чингизхон уни таъқиб қилиш фикридан қайтади. 1225 й.га келиб, мўғул қўшинларининг асосий қисми Мўғулистонга қайтиб кетди. Жебе нўён ва Субутой баҳодир қўмондонлигидаги мўғул қўшини гарбда урушни давом эттиради ва Шим. Эрон орқали Закавказьега бостириб кирди. Грузия ва Озарбайжоннинг бир қисмини вайрон қилди. Каспий денгизи соҳили бўйлаб ҳаракат қилиб, *аланлар* ерига бостириб кирди ва уларни тор-мор келтирди (1222). 1223 й. 31 майда *Калка жанги*да мўғуллар бирлашган рус-қипчоқ қўшинини енгиб, уни Днепр дарёси этагигача қувиб, кейин Ўрта Волгага чекинди. Бироқ, *Волга-Кама Булғорияси*да мағлубиятга учраб, Мўғулистонга қайтиб кетди (1224). Бу мўғул отлиқ аскарларининг келгусида гарбга қилинадиган юришлари олдидан олиб борган разведкаси эди.

Чингизхон вафот этгач (1227), Ўқтойни Улуғ хон (қоон) деб кўтарган қурултой (1229) дан сўнг М.и. 2 йўналишда олиб борилди. Шарқда Шим. Хитой тўла босиб олинди (1231—34) ва Корея б-н уруш бошланди (1231—32). Мўғуллар бир қанча йирик юришлар (1236, 1254, 1255, 1259) дан сўнг 1273 й. Кореянинг каттагина қисмини босиб олишга муваффақ бўлган. 1229 й. Субутой баҳодир 30 минг кишилик қўшини б-н Ёйиқ дарёси бўйига чиқди. Жўжи улусининг ҳукмдори *Бату-хон* қўшини б-н биргаликда Каспий бўйи даштларидан саксин ва қипчоқларни сиқиб чиқаришга эришди. 1232 й. мўғул қўшинларининг Волга-Кама Булғориясига ёриб киришга уринишлари бекор кетди. Жўжи улусининг кучлари б-н гарбга қилинган ҳужум ҳам натижа бермади. 1235 й. қурултой чақирилиб, унда бошқа улуслар ҳарбий кучларини Ботуга ёрдамга юборишга қарор қилинди. 14 мўғул хони иштирок этиб қўшинининг умумий сони 150 мингга етди. 1236 й. кузида мўғул қўшинлари яна Волга-Кама Булғориясига ҳужум қилиб, уни вайрон қилди. Улар 1237 й.нинг баҳори ва ёзида аланлар, қипчоқлар ва Ўрта Волгабўйи халқлари б-н урушни давом эттириб, кузда Шим.-Шарқий Русга юриш қилиш мақсадида ҳоз. Воронеж атрофига тўпланди. 1237 й. қишнинг бошларида Бату Рязань князлигига ҳужум қилди. 6 кунлик қамалдан сўнг Рязань таслим бўлди. 1238 й. Коломна остонасида Владимир князлиги аскарларини тор-мор қилди. Мўғул қўшинлари Коломна ва Москвани вайрон қилиш б-н бирга 1238 й. фев. ойи мобайнида 14 рус шаҳрини (Ростов, Углич, Ярославль, Кострома, Кашин, Кснятин, Городец, Галич-Мерский, Переяславль-Залесский, Юрьев, Дмитров, Волок-Ламский, Тверь, Торжокни босиб олди. 1240 й. кузида Жан. Русга юриш бошланди. Декабрнинг охирларида Киев, Владимир-Волынский, Галич ва б. шаҳарлар босиб олинди.

1241 й. баҳорида мўғул қўшинлари рус ҳамда Шарқий Европанинг бошқа халқлари қўрсатган қаҳрамонона қаршилигига қарамай, Гарбга томон илгарилади. Бату қўшинининг асосий қисми Карпат довонлари орқали Венгрияга кириб борди ва қирол *Бела IV*нинг 60 минглик қўшинини тор-мор келтирди. Венгрия пойтахти — Пешт ш. ишғол этилиб, вайрон қилинди, мамлакатнинг кўп қисми харобага айлантирилди. Баъзи мўғул отрядлари Шарқий Чехиягача кириб борди. Бироқ қирол Вацлав I томонидан қаттиқ қаршиликка учраб орқага қайтди. 1241 й. охирларида Бату ўз қўшинининг Австрия ва Хорватия орқали Адриатика денгизи томон бошлади. 1242 й. соҳилда жойлашган қалъаларни забт эта олмаган Бату Босния, Сербия ва Болгария бўйлаб орқага қайтган. Шундай қилиб мўғулларнинг Марказий Европага қилган ҳужуми тугади.

М.и. Гарбда — Кичик Осиё ва Яқин Шарқда узоқ муддатга чўзилди. Мўғуллар Закавказьени босиб олгач, *Кўния султонлиги*ни тор-мор келтирди. 1256 й.да *Ҳулоку* Эрон ва Месопотамияни, 1258 й. эса Араб халифалигининг пойтахти — Бағдодни бўйсундирди. Мўғуллар Сурияни ишғол қилиб, Мисрга қарши ҳужумга тайёрлана бошладилар. Бироқ, 1260 й. Миср султони қўшинлари б-н бўлган жангда мағлубиятга учрағанлар. М.и. Гарбда шунинг б-н тугади.

13-а.нинг 2-ярмида мўғуллар Шарқ ва Жан.-Шарқ мамлакатларини забт қилишга киришди. Мўғул қўшинлари Жан. Сун империясига чегарадош Дали давлати (1252—53) ва Тибет (1253)ни босиб олди. 1258 й. мўғул қўшинлари ҳар томондан Жан. Хитойга бостириб кирди, бироқ *Мунке*нинг тўсатдан вафот этганлиги туфайли Жан. Сун империясини забт этиш кечикди. 1267—79 й.дагина Жан. Хитой янги Улуғ хон — *Хубилай* томонидан ишғол қилинди. 1281 й. Японияни босиб олиш мақсадида 1000 кема, 100 минг кишилик қўшин жўнатилган. Аммо, мазкур флот тўфонда қолиб ғарқ бўлган. Мўғуллар ўзларининг Жан.-Шарқий Осиёга қилган юришларида Хитой армияси ва флотидан фойдаланган бўлсалар-да, муваффақиятга эришолмаганлар. Мўғулистон қўшинлари бир неча юришлар (1277 й. 2 марта ва 1282, 1287 й.ларда) дан сўнг Бирманни ишғол қилди, бироқ тезда (1291) у ердан ҳайдаб чиқарилди. Мўғул-Хитой қўшинлари ва флоти бир неча марта Вьетнамга ҳужум қилиб (1257, 1258, 1284, 1285, 1287—88), уни бўйсундира олмади. Тьямпу давлати (Ҳиндихитойнинг жан.-шарқида) ҳам ўз мустақиллигини мўғуллардан ҳимоя қила олди. М.и. 1300 й. Бирмага қилинган янги юришдан сўнг тугади.

М.и. даврида тарихий ва маданий ёлғончиклар нахшинларча ижсон қилинди. М.и. ва ҳукмронлиги даврида мағлуб ва маълум бўлган халқларнинг ягона ҳалокати шу бўлдики, улар душманга қарши барча ички низоларни четга суриб, бирдаликда курашнини қарорларини ишлаб ситмадилар.

Манба: Рашид-ад-дин, Сборник летописей, т. 1—3, М.—Л., 1952—1956.

Ад.: Бартольд В. В., Туркестан в эпоху монгольского нашествия, Сочинения, т. 1, М., 1963; Владимирцов Б. Я., Общественный строй монголов, Л., 1934; История Монгольской Народной Республики, М., 1954; Чулуунын Далай, Монголия в XIII—XIV веках, перевод с монгольского, М., 1983; Семёнов В. Ф., Ўрта асрлар тарихи, [русчадан таржима], Т., 1973.

Абдулҳаҳат Муҳаммадиев, Шодмонқул Пардақулов.

МЎҒУЛТОҒ — Қурама тизмасининг жан.-гарбидаги тоғ. Ўзбекистон ва Тожикистон чегарасида жойлашган. Жан.-гарбдан шим.-шарққа йўналган. Қурама тизмасининг гарбий тармоқлари бўлмиш Олтинтопган ва Қорамозор тизмаларидан Мирзаработ бели ё-н ажралган. Жан.-гарбий этаклари Сирдарё водийсига туташади. Уз. 85 км чамасида. Энг баланд жойи 1624 м (Мўйбек тоғи), жан.-гарбда Катта Супа тоғи (бал. 1277 м гача) мавжуд. Тоғ кучли парчаланган, ялангоч. Қояли ён багирларида ёзда қуриб қоладиган чуқур сой кўп. Улар ярағлан жинс парчалари б-н қопланган. Этаклари кенг пролювиал шлейфлар б-н банд. Геологик тузилишида қуйи б-н банд. Геологик тузилишида қуйи силур даврининг гранитли, филитсимон слансецлари, қумтошлари, шунингдек, юқори девон қуйи карбон нинглек, юқори девон қуйи карбон мармар тошлари иштирок этган.

М.да Мозорбез, Чингилди, Дахчал довонлари бор. Йилига 200—250 мм ёғин тушади. 1200 м баландликкача бўз тупроқларда эфемерлар (ранг, қўнғирбош), ундан юқорида ювилган жигарранг тупроқларда турли ўтли бутдойнқозорлар сийрак ҳолда учрайди. Тоғ этагида Каттаайри, Чоруҳлайра қишлоқлари жойлашган.

МЎҒУЛЧА — *Шашмақом*даги ҳар бир мақомнинг ашула бўлимида 2-гуруҳни ташкил этувчи асосий шўъбалардан бири. Улар савт шўъбалари каби 5 чорак такт ўлчовидаги доира усулида ижро этилади:

М.лар жами 4 та бўлиб, Бузрук мақомида — М.и Бузрук, Навода — М.и Наво, Дугоҳда — М.и Дугоҳ, Сегоҳда — М.и Сегоҳ деб аталади. М.лар, асосан, Шашмақомдаги 1-гуруҳ шўъбаларининг бош мавзуи — Сарахборларга ҳамоҳанг бўлиб, уларнинг М. доира усулига туширилган вариантларидир. М. шўъбаси Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфардан иборат ўз шохобчаларига эга. Улар бир-биридан, асосан, усул ва суръати б-н фарқланади ҳамда М. шўъбалари номи б-н қўшиб аталади (мас., Талқинчаи М.и Бузрук, Қашқарчаи М.и Наво, Соқийномаи М.и Дугоҳ ва ҳ.к.). М.ларнинг Қашқарча, Соқийнома ва Уфар қисмлари рақс б-н ҳам ижро этилиши мумкин. М.и Дугоҳ ва унинг туркумланиш хусусиятларидан композитор М. Тожиев ўзининг 9-симфонияси (1979) да унумли фойдаланган.

Н

Н — ўзбек кирилл алифбосининг ўн бешинчи ҳарфи; тил олди, бурун, сонор, портловчи, жарангли ундош товушни ифодалайди. Сўз боши (най, новда, нон), ўртаси (анор, гунча, қанот) ва охири (боғбон, ўтин, тугун) да кела олади. Н. товуши айрим сўзларда, сўз бирикмалари орасида б товуши олдидан талаффуз қилинганда, м товушига айланади (танба > тамба, манба > мамба, сунбула > сумбула, ўн беш > ўм беш), лекин бу ҳодиса имлода акс этмайди. Н товуши соф ўзбекча сўзларда сўз бошида учрамайди. Н ҳарфи г ҳарфи б-н бирга, н+г тарзида тил орқа, бурун, портловчи, жарангли ундош товушни ифодалайди; бу товуш сўз ўртаси (сингил, денгиз, тингла) ва охири (онг, тенг, дўнг) дагина келади.

Н ҳарфи Авесто, Урхун-Енисей, суғд, туркий (уйғур) ёзувларида, шунингдек, араб ва лотин алифболари асосидаги ўзбек ёзувида ўзига хос кўринишларга эга. Булар қуйидаги жадвалда кўрсатилди.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	𐬦	Мил. ав. 6 — 4 - а
Ўрхун - Енисей ёзуви	𐰋	5 — 8 - а
Туркий (уйғур) ёзуви	𐱃	8 — 13 - а
Суғд ёзуви	𐼎	Мил. ав. 1 - минг й. охири — 13 - а
Араб ёзуви	ن	13 - а — 1929 й.
Лотин ёзуви	N	1929 — 1939 й.
Кирилл ёзуви	Н	1940 — 1995 й.
Лотин ёзуви	N	1995 й. дан

НАБАТЕЯ ПОДШОЛИГИ — Иордания ҳудудида қадимда мавжуд бўлган давлат (мил. ав. 3-а. охири — 2-а. боши — мил. 106). Мил. ав. 6-а. бошида Эдем р-нига араб қабилаларидан набатейлар келиб ўрнашган. Улар ҳақида илк марта *Библия*да қайд этилган. Мил. ав. 3-а. охири — 2-а. бошларида пойтахти Петра ш. бўлган Н.п. вужудга келган, у птолемейлар сулоласи бошқарган Миср нинг таъсир доирасига кирган. Н.п.нинг 1-подшоси — Харитат I (мил. ав. 169 й.дан шоҳлик қилган). 87 (ёки 85) й.да Харитат III (мил. ав. 87—62) Дамашқни бўйсундирган. Мил. ав. 60-й.лар охиридан Н.п. Рим вассали. Н.п.нинг равнақ топган даври Харитат IV даврига (мил. 9—40) тўғри келади. Н. п.нинг сўнгги подшоси Раббил II (71—106) бўлган. 106 й. Рим императори *Траян* Н.п.ни тугатиб, унинг ҳудудини Римнинг Арабистан провинциясига айлантирган. Набатеяликлардан ҳозир фақат от соғини ёзма ёдгорликлар сақланиб қолган.

НАБЕРЕЖНИЕ ЧЕЛНИ — Татаристон Республикасидаги шаҳар (1930 й.дан, 1982—88 й.ларда Брежнев ш.). Кама дарёсидаги пристань. Яқин т.й. станцияси — Круглое Поле (17 км). Аҳолиси 520,3 минг киши (1998). Илгари ёғочсозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати маркази эди. 1970 й.да Кама автомобиль з-дининг қурилиши муносабати б-н тез ривожланди. Озиқ-овқат, ёғочсозлик саноати корхоналари мавжуд, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Қуйи Кама ГЭС бор. Политехника, педагогика ин-тлари, қўғирчоқ театри ишлаб турибди.

«НАБИ», набиҳлар — 1890—1905 й.ларда Парижда ижод қилган рассомлар гуруҳи; П. Серюзье, М. Дени, К. Руссель, П. Боннар, Э. Вюйяр, А. Ма-йоль ва б. П. *Гоген* ва Понт-Авене мактаби таъсирида бўлган «Н.»лар «модерн» услубининг ўзига хос турини яратдилар. Уларнинг ижодига адабий символизмга яқинлик, рангнинг ҳукм-ронлиги, шаклнинг умумлашма безаги, майин мусиқий ритм, француз санъати, япон гравюраси ва итальян примитивини услублаштириш хос. Серюзье, Дени, Руссель асарларига диний мистик кайфият хос бўлса, Боннар, Вюйяр ва б.нинг асарлари нозик лирик образ қурилиши б-н ажралиб туради. «Н.»лар маҳобатли рангтасвир, графика, амалий безак санъатига мурожаат қилдилар (гилам, витраж, мебель учун эскизлар).

НАБИЕВ Вали Набиевич (1916.31.1 — Ғиждувон тумани — 1999.7.3) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи старшина. 16-гвардиячи отлиқ аскарлар дивизиясининг 60-гвардиячи Черинтов отлиқ аскарлар полки, 2-аскарон взвод командирининг ёрдамчиси. 1936—38 й.ларда армия сафида. Ҳасан кўли ёнидаги жангда қатнашган. 1943 й. 18 сент.да Днепр дарёсини биринчилардан бўлиб кечиб ўтишдаги жасорати учун Қаҳрамон унвони берилган (1944 й. 15 янв.). Урушдан кейин Ғиждувон шаҳрида яшаган. Ғиждувон туманида к-з раиси, к-лараро маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг бошлиғи лавозимларида ишлаган. 2001 й. 9 майда Ғиждувон туман марказидаги Хотира майдонида бюсти ўрнатилган, кўчалардан бирига Н. номи берилган.

НАБИЕВ Жўрабек (1941.10.2, Тожикистоннинг Ўлқандоз қишлоғи) — хонанда (лирик тенор), бастакор, актёр. Тожикистон халқ артисти (1980). Ленинобод (ҳоз. Хўжанд) пед. ин-тини тугатган (1963).

Хўжанд давлат мусиқали комедия театрида якка хонанда (1962—96), директор (1996—98). Тошкент консерваториясининг проф. (2000 й.дан). Фарғона-Тошкент ҳофизлик мактабининг намояндаси бўлиб, Бухоро мақом ижрочилик услубини ҳам мукаммал ўзлаштирган. Ниҳоятда кенг репертуаридан мақом йўллари, бастакор ашулалари, катта ашулалар, ўзбек, тожик ва б. халқлар қўшиқлари ўрин олган: «Насруллойи», «Самарқанд Ушшоғи», «Тошкент Ироқи», «Мўғулчаи Дугоҳ», «Феруз I-II», «Бебокча» ва б. Унинг муаллифлик қўшиқларидан «Қараб қўй», «Унутмасман», «Сен туғилган кун», «Қурбон бўлсайдим», «Эл дегай афсонадир» ва б. ўзининг ҳалқчиллиги, мазмундорлиги, мусиқий ифодавийлиги б-н ажралиб туради. Мусиқий театр саҳнасида Озар («Тугалланмаган қўшиқ»), Содирхон («Уйғониш») каби образлар яратган. Осиё, Европа, Америка мамлакатларида гастролда бўлган. «Мелодия» граммёзув фирмасининг «Олтин диск» мукофотига сазовор бўлган (1990).

НАБИЕВ Малик (1916.5.1, Тошкент) — рассом, педагог, Ўзбекистон ҲА акад. (1997), Ўзбекистон халқ рассоми (1992). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Тошкент рассомлик билим юртида таълим олган (1933—37), Тошкент пед. ин-тини тугатган (1962). Тошкент рассомлик билим юртида (1938—58), 1958 йдан Тошкент педагогика ин-тининг бадиий график ф-тида ўқитувчи, рангтасвир кафедраси мудири (1963—88), 1973 йдан ҳоз. Тошкент педагогика ун-ти проф. Н., асосан, портрет ва тарихий жанрларда ижод қилади. Тарихий мавзудаги асарларида гоя ва мавзунинг равшанлиги, кураш, қарама-қаршиликларда тўқнашган томонлар ҳолатини аниқ белгиланиши, давр руҳини аниқ тасвирлаш каби хусусиятлар хос бўлса, портретларида замондош шахслар табиий ҳолатда, самимий тасвирланади: «Дўстим портрети» (1933), «Кўзғолон бостирилди» (1940), «Македониялик-ларга қарши Спитамен кўзғолони» (1960), «Абу Райҳон Беруний» (1950, 1972), «Бобур» (1962), «Халқ артисти Ҳасанов» (1970), «Ўқитувчи М. Фомпова» (1977), «Амир Темур» (1994) портретлари ва б. Рисолалар ва услубий қўлланмалар муаллифи. «Буюк хизматлари учун» ордени б-н мукофотланган (2000).

Ас.: Бошланғич синфларда расм чизиш методикаси, Т., 1965; Расм чизишни ўргатиш методикаси, Т., 1971; Рангшунослик, Т., 1995.

НАБИЕВ Малик Набиевич (1913.18.1 — Тошкент — 1992.10.1) — кимёгар олим, Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1963), техника фанлари д-ри (1955), проф. (1956). Иваново кимё-технология ин-тини тугатган (1935). Донбассдаги Горловка ўғит з-дида ишлаган (1940). Чирчиқ электр кимё к-тида бош муҳандис (1940—43). Чирчиқ шаҳар партия қўмитаси котиби (1943—44). Ўзбекистон Республикаси Давлат План комиссияси раисининг биринчи ўринбосари (1944—47), Республика Министрлар Совети бошқармаси бошлиғи (1948), Чирчиқ электр кимё к-ти бош муҳандиси (1948—51). Ўзбекистон ФА кимё ин-тида лаб. (бўлим) мудири (1951—86), бош илмий ходим (1986 й.дан). Ўзбекистон ФА кимё-технология фанлари бўлими акад.-котиби (1952—56, 1966—86). Асосий илмий ишлари янги минерал ўғитлар турларини олиш, ўғитлар сифатини яхшилаш, мураккаб ўғитлардан рационал фойдаланишга оид. Н.нинг қовушоқланиб (ёпишиб) қолмайдиган аммиак селитраси олиш усули Чирчиқ электр кимё к-тида ва б. корхоналарда амалиётда қўлланди. Н. ўз шогирдлари б-н биргаликда аммонийлаштирилган суперфосфат олиш усулини ишлаб чиқди ва уни Кўқон, Жамбул, Самарқанд ҳамда Чоржўй кимё з-дларида амалга оширди. Фосфат хом ашёсини нитрат кислота б-н парчалаб, қаттиқ ва суюқ мураккаб ўғитлар (СУМ-1, СУМ-11, СУМ-III, СУМ-IV, СУМ-V) ни ишлаб чиқиш технологиясига асос солди, чигит таркибидаги мой модда-ларини кўпайтиришга таъсир этувчи «ЦАКС» дефолиантини ихтиро қилди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1968).

М. Набиев. Амир Темурнинг Тўхтамуш устидан галабаси (1994).

Ас.: Азотнокислотная переработка фосфатов, Т., 1957; Аммонизированный суперфосфат из фосфоритов Каратау, Т., 1960; Калийные соли Тюбегатана, Т., 1965; Кондесированные фосфаты и удобрения на их основе (Б. М. Беглов, А. Т. Здукос б-н ҳамкорликда), Т., 1974.

Ад.: Ахмеров К. Ўзбекистон кимёгарлари, Т., 1974.

НАБИЕВ Рашид Набиевич (1912, Самарқанд — 1985.10.6, Тошкент) — тарихчи олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1952), тарих фанлари д-ри (1967). Самарқанд пед. техникуми (1927—30) ва Фарғона пед. ин-ти (1930—33) да ўқиган. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти директори (1947—52), бўлим мудири (1956—62), ФА Ижтимоий фанлар бўлими мудири (1952—56). 1962 йдан Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида катта илмий ходим. Илмий фаолияти Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар тарихини ўрганишга бағишланган. Ўзбекистон тарихига оид бир қанча ўқув қўлланмалар, дарсликлар муаллифи.

Ас.: XIV асрда Ўрта Осиёда сарбадорлар қўзғолони, Т., 1942; Из истории Кокандского ханства (феодальное хозяйство Худояр-хана), Т., 1973; Ташкентское восстание 1847 г. и его социально-экономические предпосылки, Т., 1966.

НАБИЙ (араб. кўплиги — анбиё, илоҳий хабар келтирувчи) —қ. *Пайғамбар*.

НАБИРА, невара — биринчи ва учинчи бўғин авлодлар ўртасидаги қариндошлик муносабатларини ифодалайдиган атама. Ота-онага ўғил ёки қизининг фарзанди (бобога, бувага нисбатан) Н. бўлади; ўғлининг боласи ўғил Н., қизининг боласи қиз Н., қиз Н.нинг эри Н. куёв, ўғил Н.нинг хотини Н. келин деб аталади.

НАБИС (Nabis) (? — мил. ав. 192) — *Спарта* ҳукмдори (тирани) (мил. ав. 207—192). Еврипонтийлар шоҳ хонадонига мансуб бўлган. Бир қанча қатъий тадбирларни амалга оширган: бир қисм мулкдорларни қувғин қилган, айримларини қатл этган; йирик ер эгаларининг ерларини мусодара қилиб, *граждан*лик таркибига киритилган ерсиз спартиатлар ва илотларга бўлиб берган. Н. даврида Спарта қўшини кучайган. Аргос босиб олиниб, у ерда ҳам шу ислоҳотлар ўтказилган. Бутун Пелопоннес бўйича туб ислоҳотлар ўтказилиши хавфи Н.га қарши *Ахей иттифоқ*ининг уруш бошлашига сабаб бўлган. Иттифоқчиларга ёрдамга Рим армияси ҳам етиб келган. 195 й. тузилган сулҳга кўра, Н. ҳокимияти фақат Спарта ҳудуди б-н чеклаб қўйилган. Н.нинг қайтадан уруш қилиши унинг ҳам қуруқликда, ҳам денгизда мағлубиятга учраши б-н тугаган. Н. хоинона ўлдирилиб, Спарта Ахей иттифоқига қўшиб олинган.

НАБОКОВ Владимир Владимирович (асл номи; тахаллуси Сирин; 1899.10(22).4, Петербург — 1977.2.7, Швейцария) — рус ёзувчиси. Инглиз тили ва маданиятига ихлосманд бой дворян оиласида дунёга келган. Бир неча Европа тилларини мукаммал билган. Н. 1914—17 йилларда отасининг маблағи ҳисобига илк шеърий тўпламларини чоп эттан. 1919 йил Англияга бориб, Кембриж ун-тида таҳсил кўради, 1922 й. эса Берлинга кўчиб ўтади. Н. шу ерда рус муҳожирларининг «Руль» газда, шунингдек, «Замонавий битиклар» жур. (Парижда Сирин (жаннат қуши) тахаллуси остида шеър ва ҳикояларини эълон қилади. «Машенька» (1926) романи ва ундан кейинги «Чорбанинг қайтиши» (1928) лирик новеллалари, машҳур шахматчининг ҳаёт фожиасига бағишланган «Лужин ҳимояси» (1930) қиссаси ва б. асарлари Н.га шуҳрат келтиради. Н. рус тилида 9 роман («Қирол, дама, валет», «Истеъдод» ва б.), бир қанча пьеса («Ўлим», «Воқеа», «Вальснинг кашф этилиши» ва б.), ҳикоя ва шеърлар ёзган. Унинг ижодий услубида мистификация, турли-туман ўйинлар, хаёлот ва алаҳсирашлар, пародиялар, кутилмаган сюжет қурилмалари устуворлик қилади. Н. 1940 йда АҚШга кўчиб бориб, асосан, инглиз тилида ижод этган. «Себастиан Найтнинг чинакам ҳаёти», «Ада», «Нурсиз олов», «Лолита», «Ёркин нарсалар» «Ардлекинларга бир қара!» сингари романлари, «Евгений Онегин»нинг таржимаси ва Пушкин асарига ёзган 3 жилдли изоҳлари Н. адабий меросининг асосий қисмини ташкил этади.

Ас.: Машенька. Защита Лужина. Приглашение на казнь. Другие берега, М., 1988; Лолита, М., 1989.

НАБОНИД — Бобилнинг сўнгги подшоси (мил. ав. 556—539 йларда ҳукмронлик қилган). *Оромийлар*дан. Н. Эрон б-н курашиш учун Ғарбий Осиёнинг барча оромий қабилаларини ягона давлатга бирлаштиришга ҳаракат қилган. Арабис-тондаги Тайму ва б. вилоятларни тобе эттириш учун 10 йил курашган, ўғли Валтасарни Бобил ноиби қилиб тайинлаган. Диний ислоҳотлар ўтказган, Ой маъбуди Синага ҳомийлик қилган. 539 й. кузида Бобил форслар томонидан босиб олинган. Н. асир олинган.

НАБОПАЛАСАР, Набу-апалаушур — Янги Бобил подшоҳини ва халқи шоҳлари сулоласи асосчиси (мил. ав. 626—605 йларда ҳукмронлик қилган). 626 й. бобилликларни Оссурияга қарши қўзғолони раҳбари. Бобил 729 йдан Оссурия қўл остида эди. Н. 626 й. охирида — Бобил, 620 й. — Урук, 615 й. — Ниппур шаҳарини эгаллаган. 614 й. Мидия подшоси *Киаксар* б-н иттифоқ тузган ва у б-н биргаликда Оссурия устидан 609 й. узил-кесил ғалаба қозонган.

НАВ — селекция натижасида яратилган, муайян морфологик, физиологик ва хўжалик белги ҳамда хусусиятлари турғун ва наслдан ўтиб борадиган, бир турга мансуб ўсимликлар мажмуи; *маданий ўсимликлар* учун энг кичик таснif бирлиги. Ўсимликларнинг жайдари (маҳаллий) ва селекция йўли б-н етиштирилган Н.лари бўлади. Жайдари (маҳаллий) Н. маълум бир жойда экин етиштиришда узоқ давом этган ялпи танлаш натижасида юзага келади (қ. *Халқ селекцияси*). Селекция Н.и и.т. муассасаларида ўсимликлар селекциясининг турли илмий усулларини қўллаб олинади. Танлаш йўли б-н Н. ичила биологик барқарорлик (ўсимликларнинг бир типда бўлиши) юзага келтирилади. Ўзидан чангланувчи ўсимликларда Н. ўзидан чангланиш йўли б-н (гомозигот линия, қ. *Гомозиготалик*), четдан чангланадиган экинларда четдан чангланиш б-н ва биринчи авлод гетерозигот дурагайларида қар йили дурагайлаб туриш йўли б-н сақланиб борали (гетерозигот линия, қ. *Гетерозиготалик*). Селекция йўли б-н чиқарилган Н. ўз сифатларини бир қанча авлодлар давомида сақлаб боради. Бироқ и.ч. жараёнида ирсий ўзгарувчанлик туфайли салбий мутацияларнинг пайдо бўлиши, механик ва биол. ифлосланиш, ўсимликларнинг касалликларга чидами пасайиб қолиши ва б. натижасида Н. хусусиятлари аста-секин ўзгариб боради.

Энг яхши Н.дан фойдаланиш қ.х. экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва маҳсулот сифатини яхшилашнинг самарали усулларидан биридир. Бунинг учун *элита* уруғлари керак бўлади, бундай уруғларни уруғчилик хўжаликлари етиштириб беради. Ўсимликлар Н.ларининг ҳақиқийлиги *нав назорати* ёрдамида аниқланади. Эски Н. янгилари б-н алмаштириб турилади, яъни *нав алмаштириш* ишлари олиб борилади. Ўзбекистонда и.т. муассасаларида яратилган барча экинлар Н.лари Давлат нав синовидан ўтказилиб, энг яхшилари и.ч.га жорий этиш учун ажратиб олинади. Ҳар йили экиш учун тавсия этиладиган Н.лар рўйхати республика Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари реестрида эълон қилинади.

Ад.: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари таърифи. Т., 2001.

НАВ АЛМАШТИРИШ — экиладиган экинлар навларини ҳосилдорлиги ҳамда бошқа қимматли хўжалик белгилари устун бўлган янги навлар б-н алмаштириш. Янги навлар Давлат нав синаш комиссияси томонидан аввали навларга қараганда ҳосилдорлиги, ҳосилнинг ёки қайта ишланган маҳсулотнинг сифати, машина ишлови ва йиғиштиришга мослиги, ноқулай шароитга, касаллик ва қарқунандаларга чидамлилиги курсаткичлари бўйича устун булгандагина алмаштирилади.

Ҳар бир Н.а. даври экин турларини такомиллаштиришда янги сифат босқичи ҳисобланади. Ўзбекистонда экиладиган 105 дан ортиқ галла, дон, мойли, техника, ем-ҳашақ, сабзавот, полиз, картошка, мевали, манзарали, ўрмон ва б. экинлар турлари бўйича янги чиқарилган, тикланган, чет мамлакатлардан келтирилган ўсимликлар Н.а. ишлари илмий ва ташкилий асосга қўйилган ва Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссияси томонидан олиб борилади.

Республикада асосий экинлардан бири бўлган ғўза бўйича 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб 8 марта Н.а. ўтказилди. Натижада алмаштирилган навлар ҳосилдорлик, тола миқдори ва сифати, тола чиқиши ва тола узунлиги, касаллик ва қарқунандаларга чидамлилик бўйича узлуксиз устунликни таъминлади. Ўзбекистонда Н.а. даврларида жами 170 га яқин ғўза навлари районлаштирилди.

Ўзбекистонда 1937—92 йлар давомида бугдой бўйича 7 марта нав алмаштирилди. Натижада янги аср бошига келиб дон мустақиллигига эришилди.

Зойир Зиятов.

НАВ НАЗОРАТИ — навнинг ҳақиқийлигини белгилаш ҳамда уруғлик экинларининг нав тозалигини аниқлаш. Уруғлик экинларини *апробация* қилиш ва апробациянинг тўғрилигини экилган уруғлик тўпларидан олинган намуналарни грунт нав таҳлили усулида текшириш йўли б-н амалга оширилади. Н.н.да уруғлик фонди ҳужжатлари рўйхатга олинади ва расмийлаштирилади, уруғчиликдаги уруғлик экинлар нав софлигини сақлашга қаратилган барча қоидаларга риоя қилинади. Экилган уруғлик фонди грунт нав таҳлили

1926 йдан, республика уруғлик пахта ст-яларида эса 1935 йдан ўтказилади. Навнинг ҳақиқийлигини белгилашда усимликларнинг морфологик белгилари навнинг расмий белгилари б-н солиштирилади. Навнинг софлигини аниқлаш бўйича ўтказиладиган апробация ва грунт таҳлиллари ҳар бир экин ёки бир гуруҳ экинлар бўйича махсус услубиётлар асосида амалга оширилади.

Расмийлаштирилган элита уруғларининг нав софлиги элита-уруғчилик хўжаликларида ўтказиладиган элита синови тажрибаларида биринчи репродукция бўйича қўшимча равишда назорат қилинади. Селекция муассасаларининг давлат нав синовига топширишга мўлжалланган янги наклари нав софлиги Республика «Ўздавуругназорат» маркази уруғчилик ва уругшунослик ст-несида аниқланади.

Патент б-н ҳимоя қилинадиган навларнинг нав софлигини таъминлаш оригинаторлар зиммасида, уларнинг Н.ни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссияси амалга оширади.

Зойир Зиятов.

НАВ СИНАШ, нав синови — қх. экинларининг янги навлари ва дурагайларини стандарт навларга қиёсан бир хил шароитларда ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолаш, қ.х.да етиштиришга яроқлилигини текшириш (қ. *Давлат нав синаш тармоги*).

НАВАНДАК, Наванд — ўрта асрлаги *Чағониён* шаҳарларидан бири (5—6—18-а.лар). Баъзи олимлар фикрича, «Н.» атамаси «нав» ва «хандақ»дан олиниб «янги хандақ» маъносини англатган. «Н.» номи «наванд» («чопарлар») сўзининг кичрайтирилган шакли деб қарашлар ҳам бор (Ш. Камолиддинов). 12-а.да Балхдаги маҳаллалардан ва Самарқанд дарвозаларидан бири «Наванд» деб аталган. 15-а. охирида *темурийлар* даврида Н.да зарбхона бўлган, бу ерда «Наванд» деб битилган маҳаллий мис тангачалар чиқарилган. Сурхондарё вилоятидаги Узун ш.дан 3 км шим.-шарқда жойлашган Кофиркалъа (ёки Нованд-дактепа) шаҳар харобаси ўрнида бўлган деб ҳисобланади. Шаҳар хандақ (кенглиги 50 м) б-н ўралган мустаҳкам арк, шаҳристон (450×450 м) ва катта рабоддан ташкил топган.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX—начала XIII вв., Т., 1996.

НАВАРРА — ўрта асрларда Пиреней я.о.да пойтахти Памплона бўлган қиролик (905—1512). Илк тарихи кам ўрганилган. 9-а. ўрталарида Н. графлиги араб-

лар ва франклар ўртасидаги кураш натижасида мустақилликка эришган. Н.нинг 1-қироли Санчо Гарсия (905—925 йлар ҳукмронлик қилган) бўлган. Санчо III Буюк даврида (1000—1035) Н. ўз ҳудудига Леон, Кастилия, Арагон, шунингдек, Испания ва Франциядаги басклар ерларини қўшиб олган. Санчо III нинг ворислари даврида Н. ўзининг авваги ҳудудининг деярли ҳаммасидан ажралган. 1076—1134 йларда Н. Арагонга тобе бўлган. 1234—84 ва 1328—1512 йларда Н.даги қиролик тахтини француз графлари, 1285—1328 йларда француз қироллари эгаллашган. Н. иқтисодий қулоқ давлат ҳисобланган. 1512 й. Н.ни Фердинанд Арагонский босиб олган, натижада Н. Испанияга қўшиб юборилган. Кейин Н. эса 1589 й.гача расман мустақил қиролик бўлган, шундан сўнг (Н. қироли Генрих Наваррский Франция тахтига Генрих IV номи б-н чиққач) Франция таркибига қўшилган.

НАВАХО (ўзларини дене деб аташади) — АҚШдаги атапаскалар гуруҳига мансуб индеец халқи. 170 минг киши (1987). Диндорлари — христианлар; синкретик (аралаш) культ издошлари ҳам бор.

НАВБАҲОР — оташпарастларнинг қад. бутхонаси. Балхнинг жан. тарафида шаҳар ёнида жойлашган. *Ибн ал-Фақиҳ*нинг ёзишича, Н.да оташпарастларнинг жуда катта маъбудаси бўлган ва унга сиғиниш учун теварак-атрофдан жуда кўп киши келиб турган. Н. кўп марта бузилиб, яна тикланиб турган. У биринчи марта Араб халифалиги даврида вайрон қилинган.

НАВБАҲОР — Наманган вилояти Поп туманидаги шаҳарча (1979 й. 15 дек.дан). 1972 й.да, Наманган — Қўқон автомагистрали ёнида, чўлда, қум барханлари орасида вужудга келган. Туман марказидан 25 км, вилоят марказидан 75 км. Наманган — Андижон т.й.даги ст-я. Аҳолиси 2 минг киши (2003). Н.да умумий таълим мактаби, тўлиқсиз мактаб, балиқчилик акциядорлик жамияти, фуқаролар йиғини биноси, 5 тиббий пункт, врачлик амбулаторияси, савдо, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

НАВБАҲОР — *Фарғона вилояти* Фурқат туманидаги қишлоқ. Туман маркази. Т.й. станцияси — Яйпан. Н.дан Фарғонагача 105 км. Аҳолиси 3,1 минг кишидан зиёд (2003). Сўх сойидан сув олади. Н.да туман ташкилот ва идоралари, «Ишонч» ип-йигирув корхонаси, 2 умумий таълим мактаби, ихтисослаштирилган лицей, маданият уйи, марказий стадион, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Н. орқали Тошкент—Андижон т.й. ва Хўжанд—Қўқон автомагистрали ўтган.

НАВБАҲОР БЕНТОНИТ ГИЛ КОНИ — Навоий вилояти Навбаҳор туманида, Жан. Нурота тизмасининг жан.-ғарбий ён бағрида. Қалқонота қишлоғидан 12 км шимолда жойлашган. Кон 1998 йда А. У. Мирзаев ва Х. Чиниқуловлар томонидан очилган ва разведка қилинган. Тасдиқланган захираси 7142,6 минг т. Бентонит гилларининг саноатбоп горизонтлари эоцен кеемасида жойлашган ва сўбкенглик бўйлаб 3 км масофага чўзилган асимметрик синклиналь бурманинг қанотларини ташкил этади. Конда гилнинг 3 тури: ишқорий ва ишқорий-ер бентонитлари ҳамда карбонатли палигорскитлар мавжуд. Уларнинг умумий қалинлиги 7—13 м.

Ишқорий бентонитлар кулранг, яшилроқ кулранг, ёғсимон. Сувда секин, аммо кучли шишади. Минерал таркиби, асосан, монтмориллонитдан иборат. Гилда қўшимча сифатида гидрослюда, кварц ва темир гидроксидлари учрайди.

Ишқорий-ер бентонитлари оч кулранг, ёғсимон. Сувда юпқа пластинкаларга тез ажралади, лекин, кам шишади. Жинс ҳосил қилувчи минераллари монтмориллонит ва гидрослюдадан иборат. Қўшимчалар сифатида палигорскит, кварц ва темир гидроксидлари учрайди.

Карбонатли палигорскит гиллари оч кулранг, деярли оқ. Чиганоқсимон синишга эга, сувда парчаланмайди. Палигорскит-монтмориллонит-кальцитли полиминерал таркибга эга.

Бентонитлар нефть ва газ конларини қидириш ва разведка қилишдаги бурғилаш ишларида енгил ювувчи суюқлик сифатида, палигорскит гилларни эса туз ва иссиқлик агрессиясига чидамли суюқликлар тайёрлашда ишлатилмоқда. Бир тонна бентонит гилидан 12—14 м³ ювувчи суюқлик тайёрлаш мумкин. Пахта ёғи, вино ва мева шарбатларини тозалашда адсорбент сифатида фойдаланилмоқда. Ишқорий бентонитларни совун, лок-бўёқ, керамзит, дори препаратлари ва косметика воситалари и.ч.да, ичимлик суви, техник ва саноат оқова сувларини тозалашда ишлатиш мумкин. Н.б.г.к. қулай иқтисодий-географик шароитга эга. Гил очиқ усулда қазиб олинмоқда.

НАВБАҲОР ТУМАНИ — Навоий вилоятидаги туман. Вилоятнинг жан.-шарқида жойлашган. 1980 й. 12 мартда ташкил этилган. 1988 й.да Навоий туманига қўшиб юборилган. 1992 й.да яна алоҳида туман сифатида қайта тузилган. Н.т. шарқда Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани, ғарбда вилоятнинг Қонимех тумани ва Бухоро вилояти, шим.да вилоятнинг Нурота ва Кони-

Навбаҳор туманининг бошланиши.

мех туман яйлов ерлари, жан.да Навоий туманлари б-н чегарадош. Майд. 1,57 минг км². Аҳолиси 86,5 минг киши (2003). Туманда 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Арабсарой, Бешработ, Гигант, Олчин, Туркистон, Янгийўл, Янги-қўрғон) бор. Маркази — *Бешработ* қишлоғи.

Табиати. Н.т. Зарафшон дарёсининг шим.-шарқий қирғоғи бўйлаб Қоратов ва Зарафшон дарёси оралиғида жойлашган. Туман шим.дан Нурота тоғлари б-н ўралган. Н.т. ҳудудининг кўп қисми чўл, рельефи нотекис: чуқурлик ва тепаликлар алмашиниб боради. Бал. 500—800 м. Иқлими кескин континентал. Ёзи қуруқ, иссиқ, қиши қуруқ, совуқ. Йиллик ўртача т-ра 14—15°. Энг паст т-ра —13° (янв., фев.да), энг юқори т-ра 42° (июнь, авг.да). Йиллик ёғин 250—300 мм. Вегетация даври 212 кун. Тупроқлари лёсс, бўз, қўнғир, шўртоб тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан янтоқ, шувоқ, исириқ, қамиш, зарпечак ва б. ўсади. Туман хўжаликлари сувни Зарафшон дарёсидан чиққан Ўнг қирғоқ канали, Конимех, Човли, Арабсарой ариқларидан олади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (93%), шунингдек, рус, тожик, қорақалпоқ, қозоқ, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 55 киши.

Хўжалиги асосан, қ.х.га ихтисослашган. Пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик, паллачилик б-н шуғулланилади. Картошка, кунжут, мош, нўхат ҳам экилади. Токзорлар бор. Қоракўл қўйлари боқилади.

Туманда «Бентонит» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси, 22 кичик ва хусусий корхона, 126 хусусий фирма, 11 акциядорлик, 8 масъулияти чекланган жамият, 4 ассоциация, 1 ширкат корхонаси, 8 давлат, 32 хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, 12 қурилиш, 2 савдо корхонаси, деҳқон бозори мавжуд (2003).

Қ.хнинг етакчи тармоқлари пахтачилик ва ғаллачилик. Туманда 22,4 минг га ер майдони экинзор ва дарахтзорлар б-н банд. 10 минг га ерга пахта, 8 минг га ерга ғалла, қолган қисмига полиз, сабзавот, ем-хашак ва б. экинлар экилади. Н.т.да 14 ширкат хўжалиги, 7 фермер хўжаликлар уюшмаси, 1000 га яқин фермер, 100 дан зиёд деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда (1 ширкат хўжалиги қоракўл қўйлари боқишга, 29 фермер хўжалиги чорвачилликка ихтисослашган).

Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 33 минг қорамол, 60 минг қўй ва эчки, 412 от боқилади (2003). Н.т.да 255 км автомобиль йўллари мавжуд. Шулардан 108 км давлат аҳамиятидаги йўллар. Туман ҳудудидан Тошкент—Учқудуқ т.й. (21 км масофада), Навбаҳор—Нурота, Навоий—Учқудуқ, Навоий—Бухоро йўналишларида автобуслар қатнайди.

2002/2003 ўқув йилида туманда 28 умумий таълим, 5 таянч, 2 бошлангич мактабларида 23 минга яқин ўқувчи таълим олди, шунингдек, 1 спорт мактаби (754 ўқувчи), маънавият ва қўшимча таълим маркази (960 ўрин), «Истиқлол» касб-ҳунар коллежи (750 ўрин), «Учтут» нафис санъат лицейи фаолият кўрсатмоқда.

Марказий маданият уйи, 5 қишлоқ маданият уйи, 3 қишлоқ клуби, «Навбаҳор тароналари» ашула ва рақс халқ ансамбли, марказий кутубхона (112352 нусха китоб), унинг 24 та тармоғи ва туман болалар кутубхонаси. 2 жамоатчилик, «Нафосат», «Оила» клублари ишлаб турибди. Марказий касалхона (2895 ўрин), 6 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 8 қишлоқ врачлик пункти, 1 поликлиника, дорихоналар ва б. тиббий муассасаларида 104 врач ва 584 ўрта тиббий ходим ишлайди.

Учтут қишлоғидаги қалимчи тут дарахти.

Учтут қишлоғидаги қалимчи тут дарахти (2003 йилда 1500 йилликка кирган) Ўзбекистонда ўсимлик ёдгорлиги сифатида давлат муҳофазасига олинган.

Зулфизар Абдиева, Қаҳрамон Раҳматов.

НАВИГАЦИЯ (лот. navigo — кемада сузаман) — 1) кемаларда сузиш, учиш аппаратларида учиш; кемаларни (денгиз Н.си), учиш аппаратлари — самолёт, вертолёт ва б.ни (ҳаво Н.си), космик аппаратлар — космик кемаларни (космик Н.) бошқаришнинг назарий асослари ва амалий усулларини ишлаб чиқиш б-н шуғулланадиган фан. Асосий вазифалари: энг хавфсиз ва қулай йўлни (курсни) танлаш; Н. асбоблари ёрдамида ҳаракат йўналиши ва ўтган йўлни аниқлаш; аппаратларни бошқариш учун энг қулай харитаграфик проекцияларни ўрганиш ва танлаш; Н. масалаларини аналитик ва график усулларда ечиш; аппаратнинг танланган йўлдан оғишига сабаб бўладиган ташқи омилларни ҳисобга олиш; сунъий йўлдошлар ва Ердаги нишонлар ёрдамида аппарат ўрнини аниқлаш ҳамда бу маълумотларнинг аниқлигини текшириш. Н.нинг вазифалари геодезия, харитаграфия, гидрография, океанология ва метеорология усулларидан фойдаланиб ҳал этилади.

Денгиз Н.си қадимдан маълум. Кемаларни бошқаришнинг оддий усуллари

қад. Шарқ халқларига маълум бўлган. Кема курсини магнит мили ёрдамида аниқлаш усули тошилгач (11-а.), тенг бурчакли тўғри цилиндрик проекциялари усулини қўллаб харита тузилгач (16-а.), механик лаг (кеманинг ўтган йўлини аниқлайдиган асбоб) кашф қилингач (19-а.), ҳозирги Н.га асос солинди. 19-а. охири —20-а. бошларида физика фанининг тараққий этиши натижасида кемаларни бошқаришнинг электр Н. ва радиотехника асбоблари яратилди. Л. *Эйлер*, М. В. *Ломоносов* ва б. олимлар Н. масалаларини ишлаб чиқишда катта роль ўйнадилар. А. С. *Попов* радиони ихтиро қилгандан сўнг Н. тараққиётининг янги босқичи шаклланди. Н.да импульсли, импульс-фазали ва фазали радионавигация тизимлари ёки секторли радиомаякларни ишлаб чиқилди. Очиқ денгизлари Н. учун глобал радионавигация тизимлари ишлаб чиқилди. Бу мақсадда навигация сунъий йўлдошлари тизимидан фойдаланиш анча самарали.

Фанининг ривожланиши ва техниканинг такомиллашиши натижасида Н. маълумотларини олиш, ишлаб чиқиш ва бевосита бошқариш тизимига узатиш ишларини автоматлаштиришга имкон туғилди; 2) маълум иқлим шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, денгиз, дарё ва б. сув ҳавзаларида кемачиликка имкон берадиган мавсум.

НАВКАР, нукар (мўғулча нохор — дўст, ўртоқ) — 1) мўғул хонлари, нўён ҳузурида хизмат қилувчи олий табақали йигитлар. Н.лар — қуролланган эркин кишилар бўлиб, нўёнларга ўз ихтиёрлари б-н хизмат қилишган ва уларнинг қарамоғида бўлишган. Уруш пайтида Н. авваламбор жангчи, тинчлик пайтида эса қўриқчи ва «уй кишиси», хонадонга яқин киши бўлган. Н.лар хизматлари эвазига дастлаввал уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак ва қурол-яроғ, кейинчалик эса ҳарбий ўлжанинг бир қисми, инъом этилган ер мулки ва қароллар б-н тақдирланганлар, бу эса уларни йирик зодагонларнинг вассалларига айланишларига имкон берган. Хизмат пиллапоясида ўз истеъдодини намойиш этган кўпгина Н.лар кейинчалик турли ҳарбий бўлинма ва қисмларга қўмондон бўлганлар; 2) *Амир Темур* ва темурийлар даврида Н. атамаси — «хизматкор», «аскар», «қўшин» маъноларида қўлланилган; 3) *Усмонли турк империяси* 14—17-а.ларда Н. «танқўриқчи, хизматкор»; 4) *Сафавийлар давлатида* Н. — ҳарбий-маъмурий мансабдорга тобе ҳарбий хизматчи, аскар; 5) Хива хонлигида Н. — «лашкар»ни англатган; 6) *Бухоро хонлигида* Н. хизмати учун давлат томонидан белгиланган маош б-н таъминланган ва мажбурий ҳарбий хизматни ўтаган. Ҳарбий ҳаракатлардан бўш пайтларда Н. деҳқончилик вазифасини бажарган.

НАВКАТ-ҚУРАЙШ — ўрта асрлардаги *Кеш* вилоятига қарашли шаҳар. Кешдан *Насафга* борадиган йўлда, ҳоз. Қамаши туманидаги Қавчин қишлоғи ўрнида жойлашган. Хожа Аҳрор мулкларига оид вақф ҳужжатларида (15—16-а.лар) қайд этиб ўтилган. Н.-Қ. *Ўзтитепа* шаҳар харобаси ўрнида бўлган деб ҳисобланади. В. В. *Бартольд*нинг фикрича, Н.-Қ.даги «Қурайш» сўзи исломнинг дастлабки даврларида бу ерда арабларнинг Қурайш қабиласи яшаганлигига ишора. Қурайшлар *Ҳужайда ибн Муслим* қўшинининг кўпчилик қисмини ташкил этган. Қишлоқдарёда ҳоз. яшайдиган араблар шуларнинг авлодлари бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Сўнгийча Навкат — «Янги қалъа» ёки «Янги қишлоқ» демакдир.

НАВМИТАН — *Кушон подшолиги* даври (1—4-а.лар)да вужудга келган қад. қалъа харобаси. Бухородан 15 км жан.да. Н. қишлоғи яқинида жойлашган. Қад. Рудизар (Шаҳруд) каналининг қурилиши муносабати б-н Н. обод бўлган. 16-а.да Н.да *Жўйбор хожалари* ўзларига хос ҳашаматли мақбаралар, саганалар бино қилганлар. Бухоронинг қад. ва ўрта аср тарихини ўрганишда Н. муҳим аҳамиятга эга.

НАВНИ РАЙОНЛАШТИРИШ — қ.х. экинларининг юқори маҳсулдор, маҳсулот сифати ва б. кўрсаткичлари бўйича қимматли янги навлари ва дурагайларини танлаб олиш ва муайян табиий зоналардаги хўжаликларда экиш (жойлаштириш). Қишлоқ хўжалиги экинларини навларини р-нлаштириш Ўзбекистонда 1934 й.да жорий этилган. Районлаштириш учун қимматли хўжалик белгиларига ва маҳсулдорлигига кўра, муайян зонада илгари р-нлаштирилган нав қараганда устун турадиган янги нав тасдиқланади. Н.р. (1996 й. 29 авг.да қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Уруғчилик тўғрисида»ги қонунига кўра, республика ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалиги экинлари Давлат реестрига киритиш)да амалдаги қонунларга кўра дастлаб маҳаллий ёки хорижий селекция муассасаларида яратилган янги навлар давлат синовини ўтказиш учун Республика қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш Давлат комиссиясига топширилади. Бунда оригинатор (навнинг эгаси) томонидан навни синаш, р-нлаштириш, ҳимоя ҳужжати (патент) олиш учун ариза, синов даврида тегишли миқдордаги оригинал уруғлик (кўчат) б-н таъминлаш ҳақида кафолат хати, навнинг таърифи, селекция муассасасида ўтказилган уч йиллик синов натижалари, маҳсулотининг сифати ҳақида маълумотлар, навнинг рангли фотосурати тақдим этилади.

Н.р. учун хўжалик жиҳатидан фойдалилиги бўйича синовлар қуйидаги тавсифларни аниқлаши керак: ҳосилдорлик, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилик, ташқи муҳит шароитларига (совуққа, қурғоқчиликка чидамлилик) таъсирчанлик, тезпишарлик, олинадиган маҳсулот сифати ва б. Таклиф этиладиган янги нав реестрда рўйхатга олинган (илгари р-нлаштирилган) навлардан бир ёки икки муҳим хўжалик ва биологик тавсифига кўра яхшироқ бўлиши, қолганлари бўйича улар даражасида бўлиши ёки улардан унча паст бўлмаслиги керак. Синовлар камида икки йил давомида ўтказилади, кўп йиллик экинлар тўғрисида эса улар камида икки йил давомида тўлиқ ҳосил берганидан кейин (қ. *Нав синаш*) р-нлаштириш ҳақида эксперт комиссияси хулосаси қабул қилинади. Н.р. уни кўпайтириш, урутлик ва кўчатларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киритиш ва реализация қилиш ҳуқуқини беради, шунингдек, бу навлар экилган майдонларда апробация ўтказилиши ва уларнинг урутлик сифатини тасдиқловчи мувофиқлик сертификати берилиши учун ҳам ҳуқуқий асос бўлади.

Н.р. тартиби ҳамда навларни жойлаштириш режаларини Республика ҳукумати қабул қилади. Уни республика Вазирлар Маҳкамасининг махсус рухсатисиз бузиш, ўзгартириш мумкин эмас.

Зойир Зиятов.

НАВО (форс. — куй, оҳанг) — *Ўн икки мақом* тизими ҳамда *Шашмақом* таркибидаги учинчи мақом. Шашмақомдаги Н.нинг чолғу қисмлари Таснифи Н., Таржеи Н., Гардуни Н., Нағмаи Орази Н., Муҳаммаси Н., Муҳаммаси Баёт, Муҳаммаси Ҳусайний, Сақили Н. деб аталади. Улар муайян куй мавзулари ва доира усуллари негизида яратилган. Н.нинг ашула бўлими 2 гуруҳ шўъбаларга бўлинади. Биринчи — Сарахбори Н. (2 тароналари б-н), Талқини Баёт (тароналари б-н), Насри Баёт (2 тароналари б-н), Орази Н. (3 тароналари б-н), Ҳусайний Н. деб номланувчи шўъбалар ҳамда Уфари Баёт (Супориши б-н) қисмларидан ташкил топади. Улар навбатма-навбат туркум тарзида турли доира усулларида айтилади. Иккинчи гуруҳ шўъбалар — Савти Н., Мўғулчаи Н. ва Мустазоди Н. деб юритилади. Уларнинг ҳар бири Талқинча, Қашқарча, Соқийнома ва Уфар каби шоҳобчалардан тузилган. Н. шўъбалар шакли анча мураккаб бўлиб, даромад, миёнхат, дунаср, авж ва туширим тузилмаларидан таш-

кил топади. Н.нинг шўъбаларида, асосан, Ораз ва Баёт намудларидан авж сифатида фойдаланилган.

Н. мақомининг кўп ашула (мас., Баёт шўъбалари асосида яратилган Баёт — 1, 2, 3, 4, 5) ва чолғу (сурнай, танбур, дутор) йўллари мавжуд. Р. Глиэр, Т. Содиқов («Лайли ва Мажнун» операси), А. Козловский («Улуғбек» операси ва б.), М. Бурҳонов («Алишер Навоийга қасида»), М. Ашрафий («Дилором» операси), М. Маҳмудов («Наво» симфонияси) ва б. композиторлар Н. йўлларидан унумли фойдаланишган. Н. атамаси ва шу номли мумтоз мусиқа асарлари тожик, туркман, уйғур, эрон, озарбайжон, араб, турк халқлари мусиқа меросида кенг ўрин олган.

Раҳшан Юнусов.

НАВО (нова) — ярим ёй шаклидаги безак тури; шифт б-н девор оралиғидаги қайрилма эгик шаклли ҳошия безак. Миллий меъморликда бинолар-нинг ички ва ташқи қисмини безашда ишлатилади. Замонавий бинолар-нинг ташқи қисмида том б-н девор оралиғида бўртиб чиқиб (деворга оқиб тушадиган сувни тўсиб) туради ва бинога салобатли кўриниш беради. Н. безаги ганч, ёғоч, мармар ва б.дан тайёрланиши мумкин. Уста Ширин Муродовнинг ганчли ажойиб Н. намуналари Тошкент ш.даги кўпгина бинолар (Навоий театри, Тошкент куранти ва б.)ни безаб турибди. Халқ усталаридан Т. Арслонқулов, М. Усмонов, Ш. Гафуров, Ж. Ҳакимов, С. Норқўзиев, О. Файзуллаев ва б. нақшли ганч, ёғоч Н.ларни кенг қўллаган.

НАВОБ — Бобурийлар салтанати вилоят ҳокими. 18-а.нинг 1-ярмида салтанат инқирозга юз тутгач, Бенгалия, Аркот, Ауд ва б.нинг Н.лари мустақил ҳоким бўлиб қолганлар. 18-а.нинг 2-ярмида инглиз мустамлакачилари Н.ларни ўзларига бўйсундирганлар ва шундан кейин Н.ларни тайинлаш, вазифасидан четлатиш улар ихтиёрида бўлган.

НАВОИЙ — қ. *Алишер Навоий.*

НАВОИЙ — Навоий вилоятидаги шаҳар (1958 й.дан). Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Ўзбекистоннинг жан.-ғарбида, Зарафшон дарёси водийсида, вилоятнинг шарқий чеккасида, 347 м баландликда. Т.й. станцияси. Автотранспорт йўлларининг муҳим тугуни, Тошкентдан 509 км. Иқлими континентал, йиллик ўртача т-ра 15,1°, июлники 28,3°, янв. ники 0,4°. Майд. 60 км². Н. таркибида Кармана тумани бор. Аҳолиси 145,5 минг киши (2003; 1995 й.—112,7 минг; 1974 й.—80 минг; 1960 й.—20 минг киши).

Н. Зарафшон водийсидаги тез ўсаётган, ёш индустриал шаҳар, буюк ўзбек шоири *Алишер Навоий* номига қўйилган. Зарафшон дарёсининг яқинлиги, йирик қ.х. ҳудудининг марказида жойлашганлиги, транспорт б-н яхши таъминланганлиги шаҳарнинг тез ўсиш омили бўлди. Н. Ўрта Осиёда йирик электр энергия ва кимё саноати марказига айланди. Н.да 136 ақлвидорлик жамияти, 334 давлат корхонаси, 1103 хусусий корхона бор. Шаҳарда 21 йирик саноат корхонаси мавжуд. Вилоят саноат корхоналари ялпи маҳсулотининг кўп қисми Н.да ишлаб чиқарилади. Шаҳар саноат тармоқларида электр қуввати, минерал ўғитлар, ип ҳамда ипак газламалар ишлаб чиқарилмоқда. «Навоийазот» и.ч. бирлашмаси, электр-кимё з-ди, Навоий кончилик-металлургия, ун, нон, к-тлари, Навоий иссиқлик электр станцияси, «Қизилқумцемент» корхонаси, пахта тозалаш, машинасозлик, сут, ипак қурти з-ддари, «Синтепон» корхонаси, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат муассасалари бор. Саноат, транспорт ва қ.х. техникасини таъмирлайдиган базалар, маиший хизмат кўрсатиш к-ти ҳамда ҳунармандчилик тармоқлари ишлаб турибди. Шаҳарда хорижий мамлакатлар б-н ҳамкорликда қурилган 18 дан ортиқ қўшма корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Шулардан «Агама», «Зеркиспарк» корхоналари самарали ишламоқда. Шаҳар орқали Учқудуқ, Бухоро, Нукус ш.ларига борувчи т.й. ўтган. Н.да 20 га яқин йўналишда автомобиль транспорти қатнайди. Халқаро аэропорти Н.ни Тошкент орқали Республика вилоятлари ва 20 дан ортиқ хорижий давлатлар б-н ўзаро алоқалар ўрнатишда хизмат қилади. Шаҳар

Навоий вилоят ҳокимияти биноси.

ҳудудида (қад. *Кармана*) *Мир Сайд Баҳром мақбараси* (11-а.), *Қосим Шайх хонақоси* (16-а.) ва б. меъморий ёдгорликлар мавжуд.

Н. йирик илм-маърифат марказларидан. Бу ерда 2 олий ўқув юрти (Навоий давлат педагогика ин-ти, Навоий давлат кончилик ин-ти), академик лицей, 25 умумий таълим мактаби, 3 Меҳрибонлик уйи (шундан 2 таси оилавий), 6 коллеж, 3 махсус интернат-мактаби (шундан 1 таси ногиронлар учун), бизнес мактаби, 2 музей (вилоят ўлкашунослик музейи, унинг Қосимшайх Азизхон мажмуаси филиали), 2 маданият саройи, маданият ва истироҳат боғлари, Ёш томошабинлар театри, 8 жамоат кутубхонаси, стадион, сузиш ҳавзаси, 10 касалхона, 5 поликлиника, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, 7 тиббий диспансер фаолият кўрсатади. 1958—60 й.ларда шаҳар янги план асосида иссиқ иқлим, миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда қурилган. Меъмор ва қурувчилардан бир гуруҳи давлат мукофотларига сазовор бўлишган. Шаҳар кўкаламзорлаштирилган, фаввора ва сузиш ҳавзалари кўп. Алишер Навоий таваллудининг 560-йиллиги муносабати б-н Н.да Навоий ҳайкали ўрнатилди (2001).

Зулхумор Абдиева, Рамазон Эгамов.

«НАВОИЙ», Навоий юбилейи — юқори сифатли мева берадиган серҳосил ўрик нави. Богдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида Арзами, Гулунги навларини чатиштириб яратилган (К. В. Васильев ва Л. А. Протасевич). Дарахти кучли ўсади. Шох-шаббаларининг қалинлиги ўртача, тупига яхши шакл бериш мумкин, бал. 7,5—9 м гача, кенглиги 7 м гача боради. Қисман ўзидан ва четдан чангланади. Меваси июнь охири — июль бошларида пишади. Меваси йирик, думалоқ, тилларанг-сариқ ва қизғиш. Пўсти силлиқ, қалин. Эти оч сариқ, қаттиқ.

Кўчати ўтқазилгач, 4-йили ҳосилга киради, 15—17 ёшида тупидан 200 кг гача мева олинади. Меваси янгилигида ейилади, консерва қилинади ва қоқи солинади. Узоқ жойларга юборишга чидамли.

Тошкент, Жиззах, Сирдарё, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари учун р-нлаштирилган.

Навоий ўрик нави.

Навоий шаҳри. Фарҳод ҳайкали.

НАВОИЙ ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — маданий-маърифий муассаса; 1992 й.да Навоий ш.да ташкил этилган. Музейнинг археология, этнография, нумизматика, табиат, тасвирий санъат ва саноат бўлимлари бор. Музейда Навоий вилояти ҳудудидан топилган археологик ёдгорликлар, вилоят табиати, санъати, саноати (Навоий кон металлургия к-ти, «Қизилқумцемент», «Навоийазот» и.ч. бирлашмаси, Навоий ГРЭС каби саноат корхоналари тарихи ва фаолияти, уларнинг маҳсулотларидан намуналар) акс эттирилган. 2500 дан ортиқ ҳужжатлар ва экспонатлар, вилоят табиати, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, сув ҳавзалари, чўл табиатига хос табиий бойликлардан намуналар намойиш этилади. Музей фонди (Нурота, Зарафшон, Хатирчи, Кармана, Конимех ва б. бўлимлари б-н бирга) 35 мингдан зиёд (2003), шунингдек, илм-фан, тиббиёт, спорт каби ижтимоий соҳаларни ёритувчи материаллар тўпланган.

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ — ЎзР таркибидаги вилоят. 1982 й. 20 апр.да Бухоро вилоятининг Самарқанд вилоятлари ҳудудларидан ташкил этилган. 1988 й.да маъмурий бирлик сифатида тугатилиб 1992 й. бошида қайта тикланди. Шим. ва шим.-ғ. бошида Қозоғистон, жан.-шарқдан Жиззах, Самарқанд, жан.дан Қашқадарё, жан.-ғарбдан Бухоро вилоятлари б-н чегарадош. Майд. 111,0 минг км². Аҳолиси 802,3 минг кишига яқин (2003). Н.в. таркибида 8 қишлоқ тумани (Конимех, Навбаҳор, Навоий, Нурота, Томди, Учқудуқ, Хатирчи, Қизилтепа, Навоий шаҳар (Зарафшон, Қизилтепа, Навоий, Нурота, Учқудуқ), 8 шаҳарча (Кони, Нурота, Учқудуқ), Мурунтов, Ланғар, Маликработ, Мурунтов, Тинчлик, Шалқар, Янгиработ, Ғозғон) ва 53 қишлоқ фуқаролари йиғини бор (2003). Маркази — *Навоий* ш.

Табиати. Н.в.нинг ҳудуди табиий шароитига кўра, 3 қисмга бўлинади: вилоятнинг шим.-ғарбий қисмини Қизилқум чўли эгаллаган — бу ерда берк ботиқлар (Қарақота, Мўлалин, Мингбулоқ), эол қумли текисликлар ва қолдиқ тоғлар (Овминзатоғ, Етимтоғ, Бўкантов, Томдитов ва ҳ.к.) бор; жан.-шарқий қисмини Нурота тоғ тизмаларининг ғарбий қисми паст ва ўртача баландликлардаги тоғлар (Қоратоғ, Оқтоғ ва б.) ҳамда тоғлараро ботиқлар (Нурота ботиғи ва б.) эгаллаган; Зарафшон дарёси воҳасининг ўрта қисмида вилоятнинг пахтачилик зонаси ўрнашган.

Н.в.даги тоғлар, асосан, силур, девон, тошкўмир, бўр, палеоген, неоген даврлари жинсларидан тузилган. Тектоник ва қумликлар тўртламчи геологик даврдаги комплекс табиий омиллар таъсирида ўзгарган. Мурунтовда олтин, Овминзатоғ ним.да графит топилган. Вилоятда вольфрам, фосфоритлар, кварц қуми, цемент, оҳактошнинг захиралари мавжуд. Н.в.да минерал шифобахш, шўр ва ер ости чучук сув захиралари аниқланган. Чунончи, Томдибулоқ, Қарақота, Чингилди атрофларидан топилган сувлардан хўжаликда кенг фойдаланилмоқда. Вилоят сейсмик жиҳатдан 7 балли зилзила зонасига киради. Қизилқум чўли туфайли иқлими кескин континентал чўл иқлими: ёзи узоқ, қуруқ, иссиқ, июлда ўртача т-ра 27,2—29,6°, қумда офтобда т-ра 60—70° гача кўтарилади. Янв.да ўртача т-ра — 1,9° дан —0,6° гача. Чўл ва яйловларда, воҳаларда иқлим ўртача. Ёғин, асосан, баҳор ва қишда ёғади. Йиллик ёғин 125—282 мм. Вегетация даври 177—212 кун. Н.в.нинг асосий сув манбаи — Зарафшон дарёси. Зарафшондан Конимех канали чиқарилган. Н.в.ни сув б-н таъминлашда Қуйимозор, Тўдакўл сув омборлари, Конимех каналининг аҳамияти катта. Вилоятнинг шим. ва ғарбий катта қисми қўчма қум барханлари, унда-бунда учрайдиган гилли чўллардан иборат. Астрагал, шувоқ, шўра, исириқ, қамиш, зарпечак, саксовул, ялғун, ва б. чўл ўсимликлари ўсади. Чўл тупроқларида чиринди кам, оҳак, гипс, эрувчи тузлар кўп. Чўл ўсимликлари, айниқса, шўра, шувоқ қабилар қоракўл қўйлари ва б. моллар учун озуқа бўлади. Бўкантовда ва Мингбулоқ ботиғида қобон, бўри, чиябўри, тулки, узун думли мушук, чўл мушу-

Навоий шаҳрининг марказий кўчаси.

Навоий кон-металлургия комбинати бошқаруви биноси.

ги, бошқа ерларда малла юмронқозиқ, каламуш, сичқон, сугур, сассиқкўзан, жайрон, калтакесак, турли хил илонлар, тошбақа, қушлардан тувалоқ, қорабовур, олабовур, қирғовуллар, қарға, ҳаккa, мусича, чумчуқ учрайди.

Қизилқум чўлида пастак кўҳна тоғлар, *Мингбулоқ ботиғи*, шунингдек, Қарақўта ҳавзаси, шўрхок текисликлар ва пастликлар, қатор қум тепалари алоҳида манзара кашф этган. Яйловларда чорва боқилади. Саксовул, қандим, черкез, сингрен, оқлечак, селин, эфемер ва шўралар чорва моллари учун озуқа.

Аҳолисининг кўпчилигини ўзбеклар (63,3%) ташкил этади. Шунингдек, рус (13,5%), қозоқ (11,5%), татар (2,6%), украин (1,4%), қорақалпоқ (1,4%), тожик (1,3%), озарбайжон (0,9%), белорус (0,2%) ва б. миллат вакиллари яшайди. 1 км² га ўртача 7 киши тўғри келади. Шаҳарликлар — 319,7 минг кишига яқин, қишлоқ аҳолиси — 482,6 минг кишидан зиёд (2003).

Хўжалиги. Саноатининг етакчи тармоқлари энергетика, кончилик (олтин ва б. металлар қазиб олиш), металлургия, кимё, қурилиш материаллари, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноати корхоналаридан иборат. Йирик корхоналари: Навоий кон-металлургия к-ти, Навоий иссиқлик электр станцияси, «Навоиазот» и. ч. бирлашмаси, «Қизилқумцемент», «Электркимё», «Нуротамармар» корхоналари, маҳаллий саноат концерни. Тўкма кон чиқиндиларидан олтин ажратиб олувчи «Зарафшон-Ньюмонт» ўзбек-америка қўшма корхонаси самарали фаолият кўрсатмоқда. Улардан ташқари «Агама», «Зеристарк», «Бентонит» ва б. қўшма корхоналар ишлаб турибди. Жами 20 дан ортиқ қўшма корхона бор. 730 га яқин кичик корхона, 30 ширкат корхонаси, 10 мингдан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Кичик корхоналардан «Иттифоқ», «Навоий» (қурилиш материаллари ишлаб чиқаради), «Эдгам» корхоналарининг ҳиссаси салмоқлидир.

Экспорт қилинадиган маҳсулотларнинг аксари қисмини пахта толаси, аммиак селитраси, кимевий тола, сульфат аммоний, ортоаминофенол ташкил қилади. Четдан халқ истеъмоли моллари, калъций карбид, каустик сода, тиомочевина, тиқув ускуналари, тиббий техника, юк ва енгил автомобиллар, автобуслар ва уларга эҳтиёт қисмлар, хўжалик ускуналари келтирилади.

Қишлоқ хўжалигининг асосий тармоқлари — пахтачилик, галлачилик, шунингдек, боғдорчилик, токчилик, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш б-н ҳам шуғулланилади. Чорвачилиги кўп тармоқли. 228 мингдан зиёд қорақўл териси тайёрланади (2003). Н.в. қорақўл тери тайёрлаш бўйича республикада 1-ўринда туради. Қ.хда фойдаланиладиган ерлар майдони 9266,2 минг га, ҳайдаладиган ер майд. 111,1 минг га, яйловлар 9137,5 минг га (2003). Барча экин майд. 112,6 минг га, шу жумладан, пахта 39,4 минг га, дон экинлари 42,0 минг га, картошка, сабзавот, полиз экинлари 1,4 минг га ерга экилади. Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2,6 минг км коллектор-дренаж тармоқлари, 138 зах қочириш қудуғи қурилган. Н.в.да деҳқончилик майдонлари Аму-Бухоро машина канали Навоий, Ўртачўл, Аму, Сумбул, Майна тармоқлари ҳамда Зарафшон дарёсидан сув оладиган Тосс, Шовот, Човли, Ўнг ва Чап қирғоқ, Навкар, Конимех каналлари орқали сув б-н таъминланади. 32 йирик сув чиқариш электр насос ст-ялари ишлаб турибди.

Зарафшон шаҳрининг умумий кўриниши.

Н.в.да 75 ширкат, 4 минг фермер хўжаликлари мавжуд.

Вилоят жамоа ва хусусий хўжаликларида 200,0 минг қорамол (шу жумладан, 96,4 минг сигир), 1458 минг қўй ва эчки, 723 минг парранда бор (2003).

Транспорти. Т.йларининг узунлиги — 390,7 км, автомобиль йўлларники — 4,1 минг км (шу жумладан, қаттиқ қопламалиси — 3,3 минг км). Тошкент — Бухоро — Туркманобод, Тошкент — Учқудуқ — Нукус йўналишларидаги т. й. линиялари вилоят ҳудудидан ўтади. Навоий, Зарафшон, Учқудуқ ш.ларида замонавий аэропортлар бор. Ҳаво йўллари Навоий ш.ини Тошкент орқали республика вилоятлари ва 20 дан ортиқ хорижий давлатлар б-н боғлайди.

Маданий-маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт. 2002/2003 ўқув йилида вилоятда 376 умумий таълим мактаби бўлиб, 201,3 минг ўқувчи, 5 гимназияда 6,4 мингга яқин ўқувчи, 2 академик лицейда 1040 ўқувчи, 11 мусиқа ва 19 спорт мактабида 16795 ўқувчи таълим олди. Н.в.да 2 олий ўқув юрти (Навоий давлат пед. институти, Навоий давлат кончилик ин-ти) бор. Бу олий ўқув юртларида 7,7 мин талаба таълим олади (2003). Вилоят шаҳар ва туманларида 1998—2003 й.ларда 18 коллеж ва академик лицейлар бинолари ишга туширилди. Улар замонавий ўқув қуроллари ва техника б-н жиҳозланди. Вилоятда 23 касб-ҳунар коллежида 16,03 мини талаба ўқийди.

Навоий ўлкашунослик музейи, унинг Қосим Шайх мажмуаси филиали ва вилоятдаги 7 та бўлими, 253 жамоат кутубхонаси (1893 минг нусха асар), 105 дан зиёд клуб, 7 маданият саройи, 429 бадиий ҳаваскорлик жамоалари бор. Н.в.да Ёш томошабинлар театри фаолият кўрсатади.

Вилоятда 5 маданият ва истироҳат боғи, кўплаб фавворали кўкаламзор хиёбонлар мавжуд. Зарафшон ва Навоий ш.ларида меҳнаткашларнинг хордиқ чиқариши учун сунъий кўллар барпо қилинган. Бир қанча туманларда боғлар яратилган. Халқ ҳунармандчилиги ҳам ривожланган.

Соғлиқни сақлаш. Н.в.да 3223 ўринли (10 минг кишига 45,3 ўрин), 40 касалхона муассасаси, 1567 врач, 7,013 минг ўрта маълумотли тиббий ходим ишлаб турибди. 85 аёллар консультацияси, 93 қишлоқ врачлик пункти, 116 фельдшер-акушерлик пункти, 16 қишлоқ участка касалхонаси бор. 18 поликлиника, 3 амбулаторияда ихтисослаштирилган даволаш марказлари ташкил этилган. Вилоятда 4 профилакторий фаолият кўрсатади.

Спорт. Н.в. спортчилари спортнинг кўплаб турлари бўйича нуфузли мусобақаларда иштирок этмоқдалар (кураш, волейбол, футбол, теннис, бокс ва б.). Вилоятдан спортнинг сузиш, нафис гимнастика, оғир атлетика, армест-



Навоий шаҳри ёнидаги Қосим Шайх мақбараси (XVI-а).

лик, пауэрлифтинг турлари бўйича мамлакат ва Осиё чемпионлари етишиб чиққан. Марказий стадион, туманларда 13 стадион, 14 сузиш ҳавзаси, спорт мажмуи, 190 спорт залдари, 1287 спорт майдончалари, 18 теннис корти мавжуд. Н.в.да 19 болалар ва ўсмирлар мактабида 15 мингдан зиёд ўқувчи таълим олади, спорт секцияларига 68 минга яқин ёшлар жалб этилган (2003).

Адабиёти. Навоий заминида қадим машҳур алломалар, шоир ва файласуфлар, адиб ва муҳаддислар, моҳир хаттот ва таржимонлар яшаб ўтган. Кармининг тахаллуси б-н ижод қилган бир неча ўнлаб ижодкорларнинг номлари маълум. Шулардан Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Завъ ал-Кармининг, Абу Ҳамид Аҳмад ибн Лайс ал-Кармининг (996 й.в.э.), Ал Муътасим ибн Муҳаммад ал-Кармининг ва б. Имом Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Завъ ал-Кармининг Қуръонга тафсир битиши б-н бирга араб, форс шеъриятини назариясини ишлаб чиққан. илк марта араб, форс, турк мақолларини қиёсий ўрганган. Нажмиддин Абулвафо ал-Бўзжандий (9-а.), Забеҳо ас-Самарқандий (16-а.) Карманада туғилиб бошқа шаҳарларда ижод этганлар. Шунингдек, шоирлар Шайх Паҳлавон Муҳаммад Ғолиб (18-а.), Мавлоно Дилкаш Танбурий (19—20-а. бошлари), Шайх Кўрий Муҳаммад Ҳасан (1823—1921) ва б. шу юрт фарзандларидир.

Навоий вилоят ёнидаги қадимий қоятошларга туширилган расмлар (мил. ав. 3-а).

20-а.да Н.в.дан чиққан ижодкорлар Бухоро, Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари адабий муҳитида шаклланганлар. Карманалик шоир Саъдулла Маҳмудовнинг илк китоби 1939 й.да нашр этилган. Шундан кейин Душан Файзий, Тошпўлат Ҳамид, Ёдгор Баҳши, Файбулла Саломов, кейинчалик Ойдин Ҳожиева, Сулаймон Раҳмон, Ғаффор Ҳотамов, Ҳосият Бобомуродова, Одил Ҳотамов, Амир Пўлкан ўғли, Ашурали Жўраев, Маруся Ҳасанова, Назира Йўлдошевалар адабиёт майдонига кириб келишди. Файласуф олим Наим Ғоибов Аҳмад Донини меросидан «Наводир ал-вақоеъ»дан завқлар таржима қилди. 1990-й.лар бошларидан Азиз Саидов, Ҳалима Аҳмедова, Фахриддин Низомов, Вафо Файзуллаев, Барно Эшпўлатов, Бектемир Пирнафасов, Сурайё Зоирова, Фарҳод Арзиев сингари ёш шоирлар фаол ижод қилмоқдалар. Айни пайтда қозоқ ва тожик тилида ёзаётган ижодкорлар сафига рус тилида асарлар яратаётган ёш адиблар ҳам қўшилди. Иболулла Жаҳонгиров ҳам қўшилди. Иболулла Жаҳонгиров озарбайжон ёзувчиси Анорнинг «Оқ кўрфаз» қиссасини таржима қилди.

Н.в.да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, журналистлар ва б.)нинг вилоят ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Матбуоти, радио ва телевидениеси. Н.в.да 2 газ. («Дўстлик байроғи», «Знамя дружбы»), 9 туман газ., 1 шаҳар газ. чиқади. Вилоятда, шунингдек, 22 тармоқ ва тижорат газ., 2 журнал нашр этилади.

Н.в.да дастлабки радиоэшиттиришлар 1982 й.да бошланган. 1982 й.дан вилоятда телестудия ташкил этилиб телекўрсатувлар берила бошлади. Вилоятда шунингдек, «Қизилқум» (2002 й.дан) нодавлат телеканали кўрсатувлар олиб боради.

Меъморий ёдгорликлар. Н.в.да қад. давр, илк ва ўрта асрларда қурилган 10 дан зиёд меъморий ёдгорликлар бор. Шулардан қад. *Кармана*даги Мирсаид Баҳром мақбараси (11-а.), Қосим Шайх меъморий мажмуаси (16-а.), Катта Гумбаз масжиди (17—18-а.лар), Қизилтепа тумани Вангози қишлоғидаги Тошмачит (16—19-а.лар), Нурота туманидаги Абдуллаҳон банди (16-а.), Бухоро — Навоий йўлидаги Работи Малик карвонсароий ва сардобаси (11-а.) машҳур. Вилоятда 30 га яқин археология ёдгорликлари мавжуд. Айниқса, Навбаҳор тумани Учтут қишлоғидаги шахта (неолит даври), Нурота тумани ҳудудидаги Қоратоғда ўйиб ёзилган қоятош ёзувлари (мил. ав. 3-а.) ва б. тарихчилар диққатидадир.

Қаҳрамон Раҳимбой, Бухоттор Абдиева, Барно Эшпўлатов.

НАВОИЙ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ — Ўзбекистондаги йирик иссиқлик электр станцияси. «Ўзбекэнергия» давлат-акциядорлик компанияси таркибида шўъба корхона. Навоий ш.ининг Кармана тумани ҳудудида жойлашган. 1960—81 й.ларда қурилган. Биринчи агрегати 1962 й. фев.да ишга туширилган. Электр стансининг асосий ускуналари очиқ ҳавода ўрнатилган. Асосий ёқилғи тури — таркибида олтингугурт бўлган табиий газ ҳисобланади, эҳтиёт ёқилғиси сифатида эса мазутдан фойдаланилади.

Ст-яда ўрнатилган қувватлари 1250 МВт бўлган 11 та турбоагрегат (6 та блок), 8 буғ қозони бор. Буғ қозонлари 540° иссиқликда ва 130 атм. босимидаги буғни ишлаб беради. Сувни Зарафшон дарёсидан олади.

Н.в.э.с. Ўзбекистоннинг ғарбий-жан. ҳудудларини электр энергияси б-н таъминлайдиган асосий манбадир. Мазкур

Навоий иссиқлик электр станциясининг умумий кўриниши.

ст-я Қизилқумдаги тог-кон ва газ саноати корхоналарига, Навоий «Электркимёзаводи», «Қизилқумцемент» корхонасига, Аму-Бухоро, Қарши магистрал каналларидаги насос ст-яларига, Бухоро, Самарқанд, Каттақўрғон ш.лари истеъмолчиларига электр энергияси беради. Шунингдек, Навоий ш.даги корхоналарни ва коммунал-маиший эҳтиёжларни иссиқ сув б-н таъминлайди. Электр ст-яси кучланиши 220 минг вольтли электр узатиш линиялари б-н Урганч ш.даги тақсимлаш қурилмаси орқали Тахиатош иссиқлик электр ст-ясига, Каттақўрғон, Самарқанд ш.ларидаги тақсимлаш қурилмалари орқали Ўрта Осиё Бирлашган энергетика тизими («Энергия» бирлашган диспетчерлик маркази)га уланган. 2002 й.да 5931,5 млн. кВт-с электр энергияси ишлаб чиқарилди, истеъмолчиларга 3042 минг Гкал иссиқлик етказиб берилди.

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ (Навоий КМК) — «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни таркибидаги йирик саноат корхонаси. 1958 й.да ташкил топган. К-тда уран, олтин, кумуш, қурилиш материаллари, мармар маҳсулотлари, фосфоритлар қазиб олинади. Бундан ташқари, сульфат кислота, заргарлик, трикотаж ва тўқимачилик буюмлари, машинасозлик ва маиший техника ишлаб чиқарилади. Қидирув-разведка ишлари, маъданни қазиб олиш ва уни қайта ишлашдан бошлаб то уран оксиди ва чала оксиди, соф (999,9) олтин олишгача бўлган тугалланган жараённи амалга оширувчи саноат корхонаси ҳисобланади.

К-т таркибида республиканинг 5 та вилоятида жойлашган 5 та кон бошқармаси ва улар негизида қурилган Навоий, Учқудуқ, Зарафшон, Нуробод ш.лари, Зафаробод, Красногорск шаҳарчалари ҳамда бошқа саноат, маданий-маиший объектлар бор.

Комбинатнинг 2-гидрометаллургия заводи.

Шимолий кон бошқармаси (Учқудуқ ш.) — 1958 й.да барпо этилган. Учқудуқ кони негизида уран маъданини очиқ ва ер ости усулида, ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулида қазиб олиш ва қайта ишлаш; «Қўкпатас» конининг таркибида олтин бўлган маъданларини қазиб олиш ва қайта ишлаш корхонанинг асосий фаолият йўналишини ташкил этади; Марказий кон бошқармаси (Зарафшон ш.) — Мурунтов ноёб олтин конини ўзлаштириш учун 1964 й.да барпо этилган. 1967 й.нинг март ойидан бошлаб очиқ усулда кон ишларини олиб боради; Жанубий кон бошқармаси (Нуробод ш.) — Собирсой уран конини ўзлаштириш мақсадида 1964 й.нинг янв. ойида ташкил этилган (уран қазиб олиш; Зармитон ва Маржонбулоқ конларидаги таркибида олтин бўлган маъданларни қазиб олиш; мармар қазиб олиш ва ундан силлиқланган, пардозлаш тахтачаларини и.ч.; турли диаметрга эга бўлган поливинилхлорид ва полиэтилен қувурларини ва бошқалар и.ч.). 5-кон бошқармаси (Зафаробод ш.) — Бухоро вилояти ҳудудида жойлашган. 1971й.нинг фев.ида Бўкиной уран конлари гуруҳини саноат усулида ўзлаштириш учун Ленинобод кон-кимё комбинатининг бўлинмаси сифатида ташкил этилган. 1993 й.да Навоий КМК таркибига унинг таркибий бўлинмаси ҳуқуқи б-н кирган (ер остида танлаб эритмага ўтказиш усулида уран қазиб олинади); 2-кон бошқармаси (Красногорск шаҳарчаси) — Тошкент вилоятининг Паркент тумани ҳудудида жойлашган. 1954 й.да Човли уран конини ўзлаштириш учун кон қазиш корхонаси сифатида ташкил этилган. 1995 й.дан эса Навоий КМК таркибида (парвозловчи габбро тошини саноат усулида қазиб олиш; фосфорит хом ашёсини қайта ишлаш; «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси — 1963 й.нинг окт.да к-т бўлинмаларининг иш фаолиятини таъминлаш учун таъминлаш базаси сифатида ташкил этилган; Заргарлик заводи (Зарафшон ш.) — 1992 й.да Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси сифатида ташкил қилинган. 1996 й.дан к-т бўлинмаси (заргарлик буюмларини ясаш); «Агама» давлат трикотаж фирмаси — 1990 й.да халқ истеъмоли молларини и.ч. ва сотиш бўйича қўшма корхона сифатида ташкил этилган. 1997 й.дан бошлаб устки трикотаж буюмлари и.ч.та ихтисослашган. Навоий КМКнинг шўъба корхонаси: Зарафшон қурилиш бошқармаси — 1967 й.да ташкил топган. 7 қурилиш-монтаж бошқармаси, темир-бетон буюмлари з-ди, механизациялаштирилган ишлар бошқармаси, и.ч.-технологик-бутлаш бошқармаларини ўз ичига олади, саноат ва фуқаролик қурилишини амалга оширади, автомобиль ва т. й.дари қурилишини олиб боради; Қизилқум фосфорит мажмуаси — маъдан қазиб олиш ва фосфорит унини и.ч. бўйича корхонанинг 1-навбати 1998 й.да ишга туширилди. 2001 й.нинг авг. ойидан куйдирилган фосфорит концентратини ишлаб чиқаради ва уни Самарқанд кимё з-ди ҳамда Олмалиқ «Аммофос» акциядорлик жамиятига етказиб беради.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатда олтин ва уран қазиб олиш саноатининг ривожланишида янги тарихий босқич бошланди. Бу давр мобайнида Навоий КМКда Учқудуқда олтин ажратиб олиш мажмуаси, 3-гидрометаллургия з-ди ва Қўкпатас ҳамда Давғизтовда олтин конларининг қурилиши ниҳоясига етказилди ва улар ишга туширилди, «*Зарафшон-Ньюмонт*» қўшма корхонаси барпо қилинди, эмульсияли портловчи моддалар ишлаб чиқарувчи з-д қурилди.

Мурунтов конидан олтин рудалари қазиб олиш.



Комбинатда ишлаб чиқарилган олтин сийналар.

Таркибида олтини мавжуд бўлган маъданларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича Навоий КМК кўп йиллар мобайнида юқори техник-иқтисодий кўрсаткичлар б-н барқарор ишлаб келмоқда. Мамлакат мустақиллиги йилларида олтин и.ч. 1,5 баравар кўпайди. Ишлаб турган корхоналарни техник қайта жиҳозлаш, янги навбатларни қуриш, шунингдек, олтин и.ч. самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берувчи энг янги илмий-техник тадқиқотлар жорий этилди.

К-т Ўзбекистондаги йирик илмий марказлар ва муассасалар, ўқув юртлари, жаҳондаги кончилик ва рангли металлургия саноатидаги энг йирик компаниялар б-н ҳамкорлик қилади. Машҳур фирмалар б-н узоқ муддатли мустаҳкам алоқалар ўрнатган. Навоий КМК «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (2000). К-т директори Н. И. *Кучерский* ва экскаватор машинисти А. И. *Панин*га Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилган, кўпгина ходимлар меҳнатдаги ютуқлари учун Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари б-н мукофотланган.

Ад.: Кучерский Н. И., Фдагман индустрии независимого Узбекистана, Т., 1997; Кучерский Н. И. и др., Навоийский горно-металлургический комбинат: история создания и развития, Т., 2002.

Николай Кучерский.

НАВОИЙ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ — кон-металлургия соҳалари бўйича мутахассислар тайёрлайдиган давлат олий ўқув юрти. Навоий ш.да жойлашган. Ин-т 1995 й.да «Қизилқумнодирметаллолтин» давлат концерни қошида ташкил этилган. Ин-т таркибида кончилик, кимё-металлургия, энергомеханика, Зарафшон умумтехника (Зарафшон ш.да) ва Олмалиқ кон-металлургия (Олмалиқ ш.да) ф-тлари ва 21 кафедра мавжуд бўлиб, 10 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар (2 касбий таълим; менежмент; электроэнергетика; металлургия; машинасозлик технологияси, машинасозлик и.ч. жиҳозлари ва уларни автоматлаштириш; кимёвий технология; кончилик иши; автоматлаштириш ва бошқарув; кон электромеханикаси) ва 5 мутахассислик бўйича магистрлар (рангли ва нодир металлар металлургияси; фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш; фойдали қазилма конларини очиқ усулда қазиб олиш; фойдали қазилмаларни бойитиш; каеб-хунар фанларини ўқитиш методикаси) тайёрланади. Ин-т қошида интернат лицейи фаолият кўрсатади. 2002/2003 ўқув йили ин-тда 2,5 минга яқин талаба ўқиди; 7 фан д-ри ва проф., 44 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т олимлари хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари б-н ўқув жараёнини такомиллаштириш ва и.т. ишларини ҳамкорликда олиб бориш бўйича алоқалар ўрнатган.

НАВОИЙ КУТУБХОНАСИ — қ. *Ўзбекистон миллий кутубхонаси.*

НАВОИЙ МАҚБАРАСИ — Ҳирот (Афғонистон)даги меъморий ёдгорлик. Шаҳар ташқарисидаги Мусалло мажмуасида. Ижнил арчининг жан. қисмида жойлашган гумбазли ёдгорлик барасига қиёслаб қиротлик саллагар ҳожи Ғуломҳайдар Мухтарзода қурдирган (1947). Тарҳининг ташқариси 10×10 м, ичкариси 6×6 м. Девор қалинлиги 1 м. Анъанавий майда чорқалинлигли ғишт (18×18×5 см) ганчкор лойиси ғишт (18×18×5 см) ганчкор лойиси да терилган. Ички безагида ганчкорнакш ва проқисимон безак қўлланган. Тарзлари равоқли, тобадонли, жан. равоқ — очиқ эшик вазифасини ўтайди. Гумбаз ости гардишининг 4 томонида дарча бор. Мақбара безаксиз, хона ўртасида кичик даҳма қора мармар (182×41—35,6×4 см) б-н қопланган, унда настаълиқ хатида «Ҳазрат Амир Кабир Низомиддин Алишер Навоий Ҳиравий. Таваллуди 844, вафоти 906 ҳижрий, Донишпарвар вазир» деган сўзлар битилган. Мазкур қабртош Кобулдан келтириб ўрнатилган (1967). Н.м.ни ва унинг атрофидаги масжид, мақбараларни қайта қуриш ўзбек меъморлари томонидан лойиҳалаштирилмоқда.

НАВОИЙ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ — педагог кадрлар тайёрлайдиган давлат олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан 1992 й. 15 мартда Тошкент пед. ин-тининг Навоий филиали (1983 й. асос солинган) негизида Навоий ш.да ташкил этилган. Ин-тда 7 ф-т (физика-мат., бошланғич таълим методикаси ва мусиқа, табиатшунослик, жисмоний тарбия, ўзбек филол-си, тарих, хорижий тиллар), 25 кафедра, 10 дан ортиқ ўқув ва илмий лаб. бор. Кутубхонасида 100 мингдан ортиқ асар сақланади (2003). Ин-т қошида ихтисослашган академик лицей мавжуд. Ин-тда 16 таълим йўналиши (бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш, жисмоний тарбия ва жисмоний маданият, мат.-информатика, ўзбек тили ва адабиёти, тарих, қозоқ тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, инглиз тили ва адабиёти, геогр. ва иқтисодий билим асослари, биол., кимё ва экология, физика-астрономия, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, мактабгача таълим ва болалар спорти, мусиқий таълим, тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси) бўйича бакалаврлар, информатика, ўзбек тили, тарих мутахассисликлари бўйича магистрлар, ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича аспирантурада илмий педагогик кадрлар тайёрланади. 2002/2003 ўқув йили ин-тда 5200 талаба таълим олди; 355 ўқитувчи, жумладан, 18 фан д-ри ва проф., 60 фан номзоди ва доцент ишлади. Ин-т фахрийлари Р. Раҳмонов, У. Т. Турниёзов, Т.Г.Гулбоев, П. Мусаев, Г. Т. Темиров, О. Файзиев, М. Олтинов, Б. Ф. Избосаров, К. С. Холиқов, Ш. Ж. Мухаммадиев, А. Зайниддинова, Р. А. Рўзиев, М. Фармонова каби проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. 2003 й.гача ин-тда 9,5 минга яқин мутахассис тайёрланди. 1985 й.дан «Лайли» ашула ва рақс ансамбли фаолият кўрсатиб келмоқда.

НАВОИЙ ТЕАТРИ, Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри — опера ва балет санъати соҳасидаги Ўзбекистоннинг асосий театри. Унинг ташкил топиши Муҳиддин *Қориёқубов*нинг Ўзбек давлат концерт-этнографик ансамбли б-н боғлиқ. Мазкур ансамбль 1929 й. Қориёқубов ва *Тамарахоним* саъй-ҳаракати б-н Ўзбек давлат мусиқали театрига айлантирилган. «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин» спектакллари халқ чолғулари жўрлигида ижро этилган. 30-й.ларда «Ичкарида», «Лайли ва Мажнун», «Пўртана» спектакларида халқ чолғу асбобларига симфоник оркестр созлари қўшилиб, ўзбек операсининг яратилишига замин тайёрланган. Қозоғистонлик композитор Е. Брусиловскийнинг «Эртаргин» (1937) ва Озарбайжон композитори М. Магомаевнинг «Наргиз» (1938) операларининг саҳналаштирилиши ҳам труппани опера санъатини ўзлаштиришида муҳим роль ўйнади. 1939 й. 11 июнда биринчи ўзбек операси «Бўрон» (С. Василенко ва М. Ашрафий мусиқаси, К. Яшин либреттоси) намойиш қилинди. 1939 й. 20 июнда театр Ўзбек давлат опера ва балет театр-

Навоий театрининг бинокн.

рига айлантирилди. Театр жамоаси «Бўрон»да эришган ютуғини Р. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Лайли ва Мажнун» операси б-н мустаҳкамлади. 1941 й. Фарғона канали қурувчиларига бағишланган «Улуғ канал» (С. Василенко ва М. Ашрафий) операси (1940) саҳналаштирилди. «Улуғбек» (А. Козловский), «Маҳмуд Торобий» (О. Чишко) опералари уруш йиллари яратилди. Опера б-н бир қаторда ўзбек балети ҳам етилиб борди. 1933 й.да «Пахта» (Н. Росланец) балети саҳналаштирилди, бироқ муваффақиятсиз чиқди. Дастлабки муваффақият Ф. Талнинг «Шоҳида» (1939) балетидан бошланди. Уни А. Томский, М. *Тўрғунбоева* ва *Уста Олим* Комиловлар саҳналаштирдилар. Кейинчалик «Гуландом» (Е. Брусиловский), «Оқ билак» (С. Василенко) балетлари қўйилди. Жаҳон мумтоз репертуаридан «Кармен» (Ж. Бизе), «Қарға моткаси» (П. Чайковский) каби опералар б-н бирга «Боқчасарой фавворaси» (Б. Асафьев), «Коппелия» (Л. Делиб) балетлари саҳналаштирилди.

Навоий театрининг асосий залининг умумий кўриниши.

Театр жамоаси 1947 й. янги бинога кўчиб ўтди ва 1948 й. Тошкент рус опера театри б-н бирлашиб, Алишер Навоий номини олди Р. Глиэр ва Т. Содиқовнинг «Гулсара», Т. Жалилов ва Б. Бровшининг «Тоҳир ва Зуҳра» опералари, М. Левиевнинг «Сухайл ва Меҳри», Г. Мушелнинг «Раққоса» балетлари янги бино саҳнасида намойиш этилди. Илк бор ўзбек тилида П. Чайковскийнинг «Евгений Онегин» операси, Л. Минкуснинг «Дон Кихот», Р. Глиэрнинг «Қизил гул» балетлари 40-йилларнинг охирида саҳна юзини кўрди. 50—60-йлар театр фаолиятида кескин бурилиш ясалди, театр янги опера хонандалари ва балет артистлари б-н тўлдирилди. Унга 1959 й.да «Академик», 1966 й.да «Катта театр» унвонлари берилди. 1950—60 ва кейинги йилларда саҳналаштирилган асарларнинг аксарияти томошабинларга эстетик завқ бағишлай оладиган миллий услуб ва ифодавий воситалар, оҳанг ва шакллар б-н бойитилди, халқ мусиқаси интонацияларидан ижодий фойдаланилди. «Дилором», «Шоир қалби» (М. Ашрафий), «Зайнаб ва Омон» (Т. Содиқов, Б. Зейдман, Ю. Ражабий, Д. Зокиров), «Майсаранинг иши» (С. Юдаков), «Ҳамза» (С. Бобоев), «Сўғд элининг қонлони» (Икр. Акбаров), «Петр I» (П. Петров), «Оловли фаришта» (С. Прокофьев), «Порги ва Бесс» (Ж. Гершвин каби опералар, «Орзу» (Икр. Акбаров), «Олтин калитча» (Б. Зейдман), «Сенги гумори» (М. Ашрафий), «Қирқ қиз» (А. Фенгин), «Спартак» (А. Хачатурян), «Кармен-сюита» (Ж. Бизе — Р. Щедрин), «Икки дил достони» (О. Меликов), «Маскарад» (В. Лапутин), «Етти гўзал» (Қ. Кораев) синтари балетлар, шунингдек, мумтоз композиторлардан Л. Делиб, М. Мусоргский, А. Бородин, Н. Римский-Корсаков, П. Чайковский, Ж. Верди, А. Адан, Ш. Гуно, В. Моцарт, Ж. Пуччини ва б.нинг асарлари б-н театр мавқеи кўтарилди. Ижрочилик санъати ҳам шу йиллар ичида, оркестр маҳорати, хор, корлебалет маданияти ўсди, опера режлари, балетмейстер, хормейстер ва дирижёрлар санъатида катта ютуқларга эришилди.

Театр жамоаси Россия, Ҳиндистон, Германия, Сингапур, Малайзия, Япония, Таиланд каби ўнлаб мамлакатларда бир неча бор гастролда бўлган. Ўз навбатида Н. т. саҳнасида Америка, Европа ва Осиё мамлакатларининг етакчи якка хонанда, балет усталари ва дирижёрлар ўз санъатларини намойиш қилди.

Мустақиллик йилларида театр ривожини янгача даражага кўтариш, миллий опера ва балет спектакллари яратишга жиддий эътибор берилди. 1991—2003 йлар мобайнида «Малика айёр» (С.Жалил), «Умар Хайём», «Аҳмад ал-Фарғоний» (М. Бафоев), «Тахта йўл» (Н. Зокиров), «Амир Темур» (Г. Генделъ), «Буюк Темур» (А. Икромов) опералари, «Шоирона миниатюралар» (У. Мусаев), «Насриддиннинг қилмишлари» (С. Юдаков), «Минг бир кеча» (Ф. Амиров) каби балетлар саҳналаштирилди. Театр репертуаридан ўнлаб мумтоз опера ва балет асарлари ҳам ўрин олди. Театрда турли йилларда М. *Ашрафий*, Б. *Иноятов*, Ф. *Шамсиддинов*, Н. *Гольдман*, Х. *Шамсиддинов*, Ғ. *Тўлаганов*, А. *Абдуҳамидов*, Д. *Абдурахмонова* сингари дирижёрлар, З. Қобулов, М. Тожизода, М. *Муҳамедов*, Э. Юнгвальд— Хилькевич, А. Миролимбоева, Ф. *Сафаров* каби режлар, Тамарахоним, М. Тургунбоева, В. *Губская*, Г. *Измайлова*, Е. *Барановский*, П. *Норкин*, М. Макарьянц, И. *Юсупов* ва б. балетмейстерлар, М. *Мусаев*, Р. *Брим*, М. *Гвоздиков* ва б. рассомлар, М. Қориёқубов, Ҳ. *Носирова*, Б. *Мирзаев*, К. Зокиров, Ғ. *Абдурахмонов*, А. *Азимов*, Н. *Ахмедова*, С. *Қобулова*, С. *Ярашев*, В. *Гринченко*, Р. *Лаут*, С. *Бенъяминов*, М. *Довидов*, Ж. *Низомхўжаев*, Э. *Йўлдошев*, И. *Жалилов*, Б. *Қориева*, З. *Давлетмуродова*, В. *Васильев*, И. *Кистанов* каби санъаткорлар ижод қилишган. Қ. *Муҳиддинов*, М. *Ратъқова*, Р. *Латипов*, Г. *Хамроева*, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган

Дилором» операсидан кўриниш.

«Тумарис» балетидан саҳна.

«Оққуш» балетидан саҳна.

артистлар О. Александрова, Г. Азизова, Д. Ёқубова, В. Геллертов, А. Шалберкин, Н. Шилова, Т. Муҳамедова, Н. Ҳасанова ва б. театрнинг ҳоз. кундаги етакчи опера ва балет ижрочиларидир. Театрнинг бош дирижёри — Ф. Ёқубжонов, бош балетмейстери — И. *Юсупов*, бош хормейстери — С. Шодмонов, бош рассом — З. Ботиров, бадиий раҳбар — А. *Эргашев*. Ҳоз. репертуарида 50 га яқин спектакль мавжуд.

Театр биноси 1947 й.да қуриб битказилган (меъмор А. Шчусев лойиҳаси асосида). Бино безагида Т. *Арслонқулов*, А. *Болтаев*, Қ. *Жалилов*, С. *Норқўзиев*, *Уста Ширин* Муродов, Жалил ва Болта *Жўраевлар* (Давлат мукофоти, 1948) ва б. қатнашган. Бино тарзи ва интерьерини безакда миллий меъморлик анъаналаридан фойдаланилган. Деворларида Ч. *Ахмаров* (Давлат мукофоти, 1948) нинг А. Навоий асарларига ишланган миниатюралари акс этган. Бино тарзлари пешайвон шаклида равоқлар (3 ода, 2 ён томонларидаги равоқлар 9 та) қаторидан иборат. Фойе, томоша зали, саҳна ва б. 3 қаватга жойлашган. Безакларида Бухоро меъморлик мактабининг ганчкори безаклари; тошкентлик усталарнинг намоён ва равоқлари, гулдаста безаклари; миллик усталарнинг ганчкори, мармар, нақш, ёғоч ўймакорлигидаги ўзига хос услублари; самарқандлик усталарнинг бўртма, муқарнаси жозибадор лавҳалари, фарғоналик усталарнинг ўсимликсимон безаклари; термизлик усталарнинг унутилиб кетган майда давра ва жингалак тасвирли ўймаси яндан жонлантирилган. Бинонинг пастки залидаги деворий расмларда мусиқа, рақс шеърият ва рассомликни ифодаловчи мажозий образлар (гўзал аёллар) тасвирланган. Ў. *Тансиқбоев*, М. Аринин, К. Чепраков ва б. бино фойеларида қўшимча деворий расмлар ишлаганлар. Томоша зали 760 ўринли.

Мадиажон Раҳимова, Ирина Коптелова.

НАВОИЙ ТУМАНИ — *Навоий вилоятидаги* туман (1926—58 й.ларда Кармана, 1962 й.дан ҳоз. номда. 1980 й.да Н.т. дан Нанбаҳор тумани ажралиб чиққан. 1988 й.да қайта қўшилган, 1992 й.да яна ажралган). 1999 й.да Кармана ш. Навоий ш. таркибига қўшилганлиги муносабати б-н, туман маркази *Мадикработ* шаҳарчасига кўчирилди. Н.т. Зарафшон дарёсининг чап соҳилида жойлашган. Шим.дан Нанбаҳор тумани, ғарбдан Қизилтепа тумани, шарқдан Самарқанд вилоятининг Пахтачи тумани, жан.дан Қашқадарё вилояти б-н чегарадош. Майд. 0,95 минг км². Аҳолиси 69,5 минг киши (2003). Туманда 6 қишлоқ фуқаролар йиғини (Дўрмон, Жалойир, Нарпай, Уйрат, Янгиариқ, Ҳазора), 1 шаҳарча (Мадикработ) бор.

Табиати. Туман ҳудуди Зарафшон воҳасида жойлашган. Жан. ҳудудлари адирларга туташиб кетади. Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ, қиши совуқ. Январнинг ўртача т-раси 0,4°, июль ойининг ўртача т-раси 28,9°. Туман ҳудудидан Зарафшон дарёси оқиб ўтади (65 км масофада). Тупроқлари, асосан, маданийлашган ўтлоқи, оддий бўз тупроқлар. Табиий ўсимликлардан жийда, шувоқ, оқ ва қора саксовул, жузғун, черкез, қўнғизуяк, сегин, илоқ, янтоқ, сарсазан, егмак, жингил, тол, қамиш, қилғун, ёввойи жийда ва б. бор. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, юмронқозиқ, турли хил калтакесаклар, ўргимчаклар, қўшоёқ, типратикан, илонлар, қушлардан лойхўрак, ўрдак, хўжасавдогар, чумчуқ, майна, қарға кабилар учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (99,7%); шунингдек, тожик, рус, татар, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 73 киши.

Хўжалиги. Туман асосан, қ.х. га ихтисослашган. Халқ хўжалигида банд бўлган 25,1 минг аҳолининг асосий қисми қ.хда ишлайди. Маликработ шаҳарчасида мева-сабзавот консерваллаш цехи (қуввати 3 млн. т шартли банка) мавжуд. Н.т.да 740 га якин кичик, 55 қўшма, 10 ширкат корхоналари, парандачилик ф-каси фаолият кўрсатмоқда. Туман ер фонди 94,9 минг га, шундан 22,5 минг га ер суғорилади, 16,7 минг га экинзор, 27,7 минг га қ.хда фойдаланмайдиган ерлар, 469 га боғ, 390 га токзор, 264 га тутзорлар, 735 га бўз ерлар, 45 минг га яйлов, 2 минг га томорқа ерлари, 762 га боғ ва сабзавотчилик уюшмалари ерлари, 720 га мелиоратив ерлар мавжуд. Н.т.да 8 ширкат хўжалиги, 2 агрофирма, 2 та фермер уюшмаси бор. 8,9 минг га ерга пахта, 6,6 минг га ерга бошоқли дон, 195 га ерга сабзавот ва полиз экинлари экилади. Экинзорларини суториш учун сув, асосан, Зарафшон дарёсидан магистрал каналлар ва насос қурилмалари ёрдамида олинади. Туман жамоа ва хусусий хўжаликларида 23,7 минг қорамол, 46,1 минг қўй ва эчки боқилади. Туманда ўрмон хўжалиги бор. Қоракўлчилик, ипакчилик б-н ҳам шуғулланилади. Асосий транспорт воситаси — автомобиль транспорти. Автомобиль йўлларининг уз. 600 км дан зиёд (шундан 98 км республика аҳамиятига молик). Жами автомобиль йўлларининг 215 км асфальт б-н қопланган. Навоий — Учқудуқ т.й. туман ҳудудини 11 км масофада кесиб ўтади. Н.т.да Навоий шаҳар аэропорти жойлашган.

Туманда 24 умумий таълим мактабида 17169 ўқувчи таълим олади, 6 қишлоқ маданият уйи, 1 марказий, 24 тармоқ, 1 болалар кутубхонаси (китоб фонди 242139 нусха) фаолият кўрсатмоқда. Марказий касалхона (295 ўрин), 13 амбулатория-поликлиника, 8 доришона ва б. тиббий муассасаларда 125 врач, 517 ўрта тиббий ходим ишлайди (ҳар 10 минг аҳолига 16,1 врач, 69,9 тиббий ҳамшира, 9,3 даволаниш жойи тўғри келади). 1931 й.дан «Навоий овози» газ. чоп этилади (адади 710 нусха).

НАВОИЙ ЦЕМЕНТ ЗАВОДИ — қ.«*Кизилқумцемент» акциядорлик жамияти.*

НАВОИЙ «ЭЛЕКТРКИМЁ ЗАВОДИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ Ўзбекистондаги энг йирик кимё к-тларидан бири. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. Ўсимликларни ҳимоя қилиш кимёвий воситалари (гербицидлар, инсектоакаридлар, зооцидлар, ўсишни бошқарувчи моддалар), ацетилен қуруми, активлаштирилган кўмир, оддий суперфосфат, сирка кислотаси, А, В маркали этилацетат, метилацетат, суюқ шиша, халқ истеъмол моллари — ош тузи, йодланган ош тузи ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради.

Корхона 1971 й. Навоий кимё комбинати таркибидан Навоий электркимё комбинати дирекцияси сифатида ажралиб чиқди. 1972 й. корхонани кенгайтириш учун Навоий туманида 935 га ер ажратилди ва унинг 1- навбатини лойиҳалаштириш ишлари бошланди. Дастлаб хлорорганик моддалар и.ч.га мўлжалланган. 1976 й.дан корхона ўсимликларини кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ишлаб чиқаришга ихтисослашди. 1976—80 й. да унинг биринчи навбати қурилди. 1980 й.да биринчи маҳсулот — *хлорофос* тербишди ишлаб чиқарилди. К-т 1981 й.дан Навоий «Электрокимё заводи» деб номланди, 1994 й.дан ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти, 1996 й.дан Навоий «Электркимёзаводи» акциядорлик жамияти — Ўзбекистон-Панама қўшма корхонаси. Таъсисчиси: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси.

Корхона республикадаги ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимёвий воситаларни тайёрловчи ягона корхонадир. Корхона фаолияти Ўзбекистон Республикаси қ.х. нинг кимёвий воситаларга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган. 1996 й. дек. ойида Францияннинг «Спейшим» фирмаси б-н ҳамкорликда йиллик қуввати 10 минг т бўлган фозалон и.ч. линияси ишга туширилди, мевали экинлардаги ўсимлик бити, кана, колорадо қўнғизи ва б. зараркунандаларни йўқотишда қўлланиладиган фозалон инсектоакаридшидини и.ч. йўлга қўйилди.

2000—2002 й. давомида четдан олиб келинган хом ашёлардан 30 турдаги ўсимликларни ҳимоя қилувчи кимё воситалари ишлаб чиқарилди.

Корхона кўп йиллардан буён Швейцариянинг «Сингента», «Далстон», Германиянинг «Лурги», Японияннинг «Сумитомо», Хитойнинг Хунан экспорт-импорт корпорацияси, «Делин», Буюк Британиянинг «Дау Агросаинс» фирма ва компаниялари б-н ҳамкорлик қилади.

Рахматий Ёқубов.

«НАВОЙАЗОТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — Ўзбекистондаги йирик кимё саноати корхонаси. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. Навоий ш.да жойлашган. Корхонада ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулот турлари: минерал ўғитлар, нитрон толаси, сирка кислотаси, гиномочевина, хлор ва хлор маҳсулотлари, каустик сода. Бундан ташқари, 70 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар, органик ва ноорганик кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Минерал ўғитлар, турли хил органик синтез маҳсулотлари ва акрил толаси (нитрон) и. ч. мақсадларида табиий газни қайта ишлашга ихтисослашган корхона сифатида қурилган. Табиий газ, ҳаво, каустик сода, ош тузи ва б. асосий и.ч. учун хом ашё бўлиб хизмат қилади.

3-д 1964 й.да Навоий кимё комбинати номи б-н ишга туширилди. Шу йили кучсиз азот кислотаси и.ч. бўйича корхонада 1-агрегат фойдаланишга топширилди. 1965 й.дан аммиак корхона тўлиқ ҳажмда ишлашга ўтди.

Хом ашёдан комплекс фойдаланиш натижасида корхонада нитрон — «сунъий жун» толаси ишлаб чиқарувчи з-д қурилиб, 1971 й.да илк маҳсулот олинди. Шундан бери тўқимачилик, енгил ва б. саноат учун ўта муҳим ҳисобланган «сунъий жун» ишлаб чиқарилади. 1965—75 й.ларда аммиак ва минерал ўғитлар и.ч.нинг 1—2—3-навбатлари ишга туширилди. 2001 й.да Германиянинг «Лурги Хеминг ГмбХ» фирмасининг нитрокила қурилган ва энг замонавий усуллар б-н жиҳозланган хлор, ювучи сода, хлор кислотаси ва натрий гипохлорит и.ч. ишга қушилди. Биринчида хлорни қайта ишлаб полихлоридларга айлантирган ҳолда каустик сода и.ч. бўйича 2-навбат цехини қуриш лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

«Н.» а.ж. маҳсулотлари Россия, Эрон, Тожикистон, Украина, Буюк Британия, Нидерландия, Қозоғистон, Қирғизистон, АҚШ, Болгария давлатларига экспорт қилинади. Навоий кимё комбинати 1975 й.да «Навоийазот» и.ч. бирлашмасига, 2002 й.да «Навоийазот» очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди. Корхонада 11 минга яқин муҳандис-техник ходимлар ва ишчилар меҳнат қилади (2003).

Рахматий Ёқубов.

Навоий «Электркимё заводи»нинг умумий кўриниши.

«Навоийазот» комбинатининг умумий кўриниши.

НАВОЙ—УЧҚУДУҚ АВТОМАГИСТРАЛИ — Ўзбекистон Республикасидаги халқаро аҳамиятли йўл. 1968—75 й.да қурилган. Зарафшон воҳасида қишлоқ хўжалиги (асосан, чорвачилик, қоракўлчилик) ва саноатни ривожлантириш — узоқ йилларга ем-хашак ташиш, қазилма бойликларга бой бўлган конлардан қазиб олинаётган хом ашёни Навоий кон-металлургия комбинатига қайта ишлаш учун тухтовсиз ташиб келтириш ва б. мақсадларда бунёд этилган. Йўл Навоий ва Бухоро вилоятлари ҳудудидан ўтган бўлиб, Учқудуқ ва Зарафшон шаҳарларини Навоий, Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва б. шаҳарлар б-н узвий боғлайди.

Европа— Осиё трансконтинентал автомагистрали қурилиши б-н истиқболда йўлнинг Учқудуқдан Қозоғистон чегарасидаги Кўкаёзгача бўлган 190 км узунликдаги қисми таъмирланиб, қайта қурилади ва Кўкаёздан Қизилўрда ш.гача бўлган автомобиль йўли қурилиши тугалланган, йўл Қизилўрда ш.да Чимкент — Самара автомагистралига қўшилади.

Йўлнинг умумий уз. 291 км. Шундан 111 км асфальтбетон, 180 км қора қопламали. Йўлдаги транспорт ҳаракатининг қатнов жадаллиги Навоийда суткасига 6530, Зарафшонда 2627, Учқудуқда 485 автомобилга тенг (2003).

Таҳирхон Мирзаев.

НАВОЙ—УЧҚУДУҚ—НУКУС ТЕМИР ЙЎЛИ — Навоий, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудларидан ўтувчи темир йўл. 1994—2001 й.да қурилган. Йўлнинг умумий уз. 700 км га яқин. Навоий, Учқудуқ, Мискин, Тўрткўл ш.ларидан ўтиб, Нукусгача етказилган.

Илгари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари б-н Туркманистон ҳудудидан ўтадиган Туркманобод (Чоржўй) — Урганч темир йўли орқали боғланган эди. Н.—У— Н. т.й. қурилиши юк ва йўловчилар ташиш масофасини 450 км га ва қатнов муддатини 6—7 соатга қисқартириб, мамлакат иқтисодиётига ҳар йили 19 млн. АҚШ долларига яқин маблағни тежаш имконятини беради. Темир йўл минерал ресурсларга гоят бой минтақани ўзлаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Темир йўл орқали йўловчилар, халқ хўжалиги юклари, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари ва б. юклар ташилади.

Таҳирхон Мирзаев.

НАВРОЦКИЙ Евгений Львович (1886, Киев —1921.1.2, Тошкент) — селекционер олим, Ўзбекистонда ўрта толали гўзанинг дастлабки селекция навларини яратган. Андижон тажриба даласи селекционери (1912—20). Руссель ва Триумф америка гўза навларидан ва Навроцкий зафаки [(0100), 1913] ва Навроцкий зафари (Триумф Навроцкого, 0251), 1915] ни (Триумф Навроцкого, 0251), 1915] ни яратган. Н. яратган гўза навлари пахтачиликнинг ривожланишида катта роль ўйнаган ва 20-а.нинг 20-й.ларидан Ўрта Осиё ва Қозоғистонда экилган асосий навлар бўлди.

Н.нинг асосий илмий ишлари гўза навларини яратиш ва синаш масалаларига бағишланган.

НАВРЎЗ — қ. *Ўн икки мақом.*

НАВРЎЗ (форс. — янги кун) — шамсия (қуёш) йил ҳисобида йилнинг биринчи куни (қ. *Календарь*); Ўрта Осиё ва Шарқ мамлакатларида яшовчи халқларнинг қад. анъанавий байрами. Баҳорги тенг кунликка (21 ёки 22 март), яъни Қуёшнинг Ҳамал буржига киришига тўғри келади. Н. деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади. Н. байрамида оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўкатлардан таомлар пиширилган, баъзи экинларни экиш бошланган. Дастлаб, Н. байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи турки халқларининг ҳам урф-одатларига айланган. Асрлар ўтиши б-н турли халқларда Н. байрамини ўтказиш маросимлари уларнинг турмуш тарзига, мафкурасига мослашган.

Тарихий манбаларга кўра, Н.ни байрам қилиш *ахоманийлар* давридан бошланган ва Ўрта Осиё, Эрон, Афғонистон халқларида энг катта байрамлардан бири ҳисобланган. Бу ўлкаларга ислом дини киритилганидан кейин Н. байрами ман қилинган, аммо халқ ўз севган байрамини нишонлашда давом этган. Ўрта Осиё ва Эрон халқлари араб халифалиги ҳукмронлигидан қутулган давр (9—10-а.)дан бошлаб, Н. байрамини ўтказиш яна расмий тус олган.

Қад. паҳлавий китоблардаги маълумотларга асосланиб, Абулқосим *Фирдавсий* ўзининг «Шоҳнома» асарида Н. байрамининг пайдо бўлишини афсонавий шоҳ Жамшид номи б-н боғлайди. Н. байрами ҳақидаги маълумотлар Абу Райҳон *Беруний*нинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» ва б. асарларида, Умар Хайёмнинг «Наврўзнома» асарида учрайди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асарида Н.га бағишланган халқ қўшиқлари келтирилган. Ўрта осиёлик тарихчи олим Абу Бакр ал-Наршахий (899—959) ўзининг «Бухоро тарихи» асарида Н. куни Сиёвуш қабри бошида одамлар хўроз сўйишларини ва бунга уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтганини

Хивада «Наврўз» байрами шодиёнаси.

ёзган («Бухоро тарихи», Т., 1966). Ўрта Осиё ҳудудида Н. байрами нишонланганлиги тўғрисида бошқа манбаларда ҳам маълумотлар бор. Ҳоз. Ўзбекистон ҳудудида яшаган халқлар ҳам бу кунни янги йилнинг бошланиши деб қувонч б-н кутиб олганлар. Бир неча кун илгари тайёргарлик ишлари бошланган. Буғдойни ундиришга қўйилган ва унинг майсасидан *сумалак* тайёрланган, кўкат чучвара, ялпиз сомса каби таомлар пиширилган, отчопар, улоқ, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилган, баҳор ҳақида қўшиқлар куйланган. Н.нинг биринчи куни қишлоқ жойларида болалар тўп-тўп бўлиб хонадонлар эшиги олдида Н.га бағишланган қўшиқ айтишган. Хонадон эгаси уларни совға-салом ва егуликлар б-н сийлаган. Болалар егуликларнинг бир қисмини қишлоқдаги бева-бечораларга улашишган. Бу удум ҳозир ҳам Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг айрим қишлоқларида сақланган. Н. янги йил байрамигина бўлиб қолмай, меҳнат байрами ҳам ҳисобланган.

Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Ўрта Осиёда ҳам Н. байрами ислом дини қабул қилинмасдан анча илгари расм бўлган. Лекин, собиқ совет тузуми даврида (20-а. 80-йиллар ўрталаридан) асоссиз равишда Н. диний байрам ва маросимлар қаторида ман қилинди. Ўзбекистон ва Ўрта Осиёдаги бошқа мамлакатлар мустақилликка эришгач, бошқа қадриятлар қаторида Н. байрами яна тикланди. Ҳозир Ўзбекистонда ҳам Н. умумхалқ байрамларидан бири сифатида нишонланади, 21 март дам олиш куни деб эълон қилинган. Ҳар йили шу куни республиканинг барча вилоятларидаги хиёбон ва майдонларда байрам сайиллари ташкил қилинади, концертлар берилади. Бир неча кун мобайнида маҳаллаларда Н.га бағишланган тадбирлар ўтказилади, сумалак, ҳалим ва б. тансиқ таомлар пиширилади. Н. кунлари ҳокимликлар, маҳаллаларнинг фаоллари, хайр-эҳсон ташкилотлари — меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳузурига ташриф буюриб, уларни қутлаб, совға-саломлар улашади.

Ад.: Ўзбекистон юксалиш йўлида, Т., 2001; Қорабоев У., Ўзбек халқ байрамлари, Т., 2002.

Шавкат Миролимов.

НАВРЎЗ (1922 й. гача Янгиобод) — Сирдарё вилояти Мирзаобод туманидаги қишлоқ, туман маркази. 1980 й.да ташкил этилган. Вилоят маркази ва яқин т.й. станцияси Гулистонгача 12 км. Аҳолиси 1200 киши (1998). Н.да туман ҳокимияти биноси, деҳқон бозори, корхоналар, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, умумий таълим мактаби, иқтидорли болалар лицейи, стадион, теннис корти, тиш даволаш поликлиникаси, тез тиббий ёрдам пункти ва б. муассасалар бор.

НАВРЎЗ, Дурагай 2826 — кечпишар ўрик нави. Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илм.-тинининг Самарқанд филиалида дурагайлаш (кечки Самарқанд х Рухи Жуванон х Ёшлик) йўли б-н чиқарилган (К. В. Васильев, Л. А. Протасевич). Дарахти туж ўсади. Кеч гуллайди. Меваси йирик (40 г гача), юмалоқ-овал, сиртининг ярмидан кўпроқ қисми тўқ қизил, пўсти юпқа, хушбўй, ширин ва бир оз нордон, таркибида 13% қанд, 0,84% кислота бор.

Наврўз ўрик нави.

Данаги йирик, мағизи ширин. Июлнинг бошларида пиша бошлайди.

Кўчати экилгандан кейин 5-йили ҳосилга киради, тупидан 120 кг гача мева берали. Совуққа чидамли, шамолга барлоқли, пишиб етилган меваларининг бир қисми шохларида туршакланиб қолади. Ўзбекистоннинг жан.-ғарбий вилоятларида ўстирилади.

«НАВРЎЗ» — ресторан мажмуи. Ўзбекистон миллий боғи ҳудудида жойлашган замонавий меъморий иншоот. 1991 й.да ишга тушган. Лойиҳасини Ўзбекистон савдо бинолларини лойиҳалаш ин-ти (Узгипроторг) тайёрлаган (меъморлар: Р. Ёқубов, В. Островерхов, Н. Баторин). «Н.» 2 қаватли, 1-қаватида «Бахт уйи», «Қишки боғ» деб аталган маданий ҳордиқ чиқариш маскани, қаҳвахона (40 ўринли), бар (100 ўринли) ва турли хизмат кўрсатиш хоналари мавжуд. 2-қаватда 3 та зал ёнма-ён жойлашган. Заруратга қараб заллар ўртасидаги кўчма деворли тўсиқлар олиниб катта зал (1000 ўринли) ҳосил қилиш мумкин. «Усто» бирлашмаси усталари Маҳмуд Қосимов, Маҳмуд Абдураҳмонов, Равшан Ниёзовлар миллий услубда ганч ўймакорлигида дид б-н безаган махсус (олий мартабали меҳмонлар учун «Зиёфатхона» ҳам мавжуд. Меъморий жиҳатдан «Н.» кўркам замонавий қурилишга ягона ансамбли халқ санъати б-н уйғунлашган. Мармар шаршаралар маҳобат б-н бино ичкарисига нурланади. Атрофидаги фаворалар мажмуи, кукаламзорлаштирилган майдон бинони янада тантанавор кўрсатади.

Наврўзгул.

НАВРЎЗ АҲМАДХОН — қ. *Бароқхон.*

НАВРЎЗГУЛ (Primula) — *наврўзгулдошлар* оиласига мансуб кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ер юзида 500 дан ортиқ. Ўзбекистонда 10 тури учрайди. Лойнинг бўйи 15—30 см. Илдиз олди барглари тухумсимон, чети тўмток арраси-мон, бандли, қалқончали. Тупгули соябонсимон. Гули иприк, сариқ. Меваси — кўп уруғли, қўнғир, кўсакча. Барги таркибида С витамини, каротин, сапонин ва б. бирикмалар бор. Илдизи ва илдизпоясининг қайнатмаси бронхит касаллигида балғам кўчирувчи дори сифатида, баргининг дамламаси авитаминозда қўлланади. Н.нинг Ўзбекистондаги турлари мангаралидир.

НАВРЎЗГУЛДОШЛАР (Primulaceae) — туташ тожбаргли икки уруғпаллали, бир ва кўп йиллик ўсимликлар оиласи. Пояси ярим бута, яхши ривожланмаган, бўғиз баргли. Барглари оддий, тукли. Гуллари тўғри, икки жинсли, меваси кўсак. 23 туркумга мансуб 1000 га яқин тури бор. Мас., *наврўзгул*, цикламен, седмичник ва б. учрайди. Баъзилари манзарали (мас., цикламен, наврўзгул ва б.). Ҳашаротлар ёрдамида чангланади.

Наврўз ресторани.

НАВРЎЗОВА Нинника Сибғатуловна (1949.15.5, Удмуртия Республикаси)— Ўзбекистон Республикаси халқ ҳаракатчиси (1995). Удмуртия пед. ин-тини тугатган (1973). 1974 й.дан Пекент туманидаги 16-, 1985—99 й.ларда 17-мактабда рус тили ўқитувчиси. Н. дарсларини 200 дан ортиқ кўргазмали қурол, янги педагогик технология асосида олиб бориш, ўқувчилар билимини рейтинг асосида баҳолаган.

НАВТАКА, Навтоқа — қад. Сутга ивитиб, номи эҳтимол сутдчала «ниги тоқ», «ниги нишоот» ёки «яқинда қурилган»ни билдиради. Н. *Александр* (Искандарнинг Ўрта Осиёга қилган юриши (мил.ав. 329—327 й.лар) даври ҳақидаги ёзма манбаларда учрайди. Н.дан қалъалардан бирида *Доро III* нинг қизини *Барс* асир олинган. Мил. ав. 328 й.да Александрнинг қўшини Н.да қишни ўтказган. Айрим олимларнинг фикрича, Н. Қаршидан 10 км шим.-ғарбдаги *Ерқўрғон* ш. харобаси ўрнида бўлган. Бироқ Н.нинг ҳоз. Қашқадарё вилоятининг шарқий қисмида жойлашган деришга кўпроқ асослар бор.

Ад.: Ртвеладзе Э., Великий шелковый путь, Т., 1999.

НАВУХОДОНОСОР II — *Бобил* подшоси (мил. ав. 605—562). 605 й. Сурия ва Фаластин ҳудудини босиб олган. 598 й. Шим. Арабистонга юриш қилган. 597 й., сўнгра 587 й. (бошқа маълумотларга кўра, 586 й.) қўзголон кўтарган Қуддус ш.ни вайрон қилган. Яҳудия (Иудея) подшолигини тугатган ва Яҳудиянинг аксарият аҳолисини асир қилиб олиб кетган. Унинг даврида машҳур «Бобил минораси» ва осма боғлар бунёд этилган.

НАВЧА, думров — ўтмишда бойларга ёлланиб ишлайдиган ўспирин йигитлар. 19-а. охири —20-а. бошларида Зарафшон ва Қашқадарё воҳаларида кенг тарқалган. Н. деҳқончилик б-н боғлиқ ҳар хил ишларни: ер ҳайдаш, экин экиш, экинни ўриб-йиғиб олиш, янчиш, ариқ-зовурларни қазиш, гўнг чиқариш ва б.ни бажарган. Н.ни бой хўжаликлар кўпинча чоракорларга ёрамчи қилиб олганлар. Н. 9 ойга, яъни баҳорда қўш чиқариш вақти (март—апр.)дан то кузгача, ерни шудгор қилгунга (окт — нояб.) қадар бўлган даврга ёлланган. Н. оладиган ҳақини хўжайин б-н олдиндан келишиб олган. Иш ҳақи қ. х.дан олинадиган маҳсулот б-н тўланган. Н. донли экинлардан (арпа, буғдой, жўхори ва б.) тахм. $^1/_5$—$^1/_8$ ҳиссадан $^1/_{12}$ ҳиссагача ҳақ олган. Агар Н. чоракорга ёрдамчи бўлиб ишласа, унинг иш ҳақи олинадиган ҳосилнинг $^1/_{20}$—$^1/_{25}$ ҳиссасигача тўғри келган. Меҳнат ҳақидан ташқари хўжайин Н.ни овқат ҳамда кийим-бош б-н таъминлаши керак бўлган.

НАГАЛАР — Ҳиндистондаги халқлар гуруҳи (ао, сема, ангама ва б.). *Нагаленд* штатининг асосий аҳолиси. Манипур ва Ассом штатлари, шунингдек, Мьянма (100 минг кишидан кўп)нинг қўшни р-нларида яшайдилар. Умумий сони 2 млн. 150 минг киши (2000). Нага тилида сўзлашади. Динлорларининг бир қисми христиан (асосан, баптист) лар, қолганлари анъанавий диний эътиқодларига риоя қиладилар. Ҳиндистон ҳукуматига 1957 й. Н.ни Ассом штати таркибидан чиқариб, уни Туэнсанг — «нага тоғлари» деб номланувчи марказга бўйсунувчи ҳудудга айлантиришга қарор қилди, 1963 й. эса Нагаленд («Нагалар мамлакати») штати барпо этилди.

НАГАЛЕНД — Ҳиндистоннинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Мьянма б-н чегарадош. Маъмурий маркази — Кочегарадзоп. Маъмурий маркази — Кочегарадзоп. Майд. 16,5 минг км^2. Аҳолиси 1,9 млн. киши (2001). Н. 1963 й.да Ассом штатининг нагалар яшайдиган қисмларидан тузилган. Аҳолисининг 67% христиан динига эътиқод қилади. Н. Ассом—Мьянма тоғларида (энг баланд жойи 3824 м, Паткай тоғи) жойлашган. Иқлими субэкваториал, муссонли иқлим. 1000 м баландликкача доим ишл тропик ва муссонли ўрмонлар, ундан юқорисп игна барглп ўрмонлар б-н қопланган. Тог тепалари йўловлардан иборат.

Н. — аграр штат. Хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Аҳолининг 85% қ.х.да банд. Тоғлар оралигидаги тор водийларда шоли экилади, шунингдек, буғдой, маккажўхори ва дуккаклилар ҳам етиштирилади. Ўрмон хўжалиги ривожланган. Озиқ-овқат (қанд-шакар) саноати корхоналари, қоғоз, фанер, цемент з-длари, ГЭС ишлаб турибди. АЭС қурилмоқда. Ҳунармандчиликда газлама тўқилади. Кохима ва Лумани ш.ларида ун-т бор. Юк ва йўловчилар т.й. ва ҳаво йўллари орқали ташилади.

НАГАНО — Япониядаги шаҳар, Хонсю о.да, Исе қўлтиғи соҳилида. Айти префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,17 млн. киши (2000). Мамлакатнинг йирик (Токио ва Осакадан кейин 3-ўринда) саноат, молия, транспорт, савдо ва маданий маркази. Асосий портларидан бири (йиллик юк ортиб-тушириш 110 млн. т дан ортиқ. Япония ташқи савдо юк айланмасининг $^1/_5$ қисми). Н. — 27 шаҳарни (энг йириклари Тоёта, Окадзаки, Итиномия, Сето) ўз ичига олган агломерация маркази. Машинасозликнинг турли соҳалари (жумладан, электротехника, радиоэлектроника, кемасозлик,

ни ҳақиқий буддизмнинг «ўртача йўли» деб атади. Асосий асари: «Мадхьямика-карика» ёки «Мадхьямика-сутра».

НАГАСАКИ — Япониядаги шаҳар, Кюсю о.нинг ғарбида, Нагасаки қўлтиғи соҳилида жойлашган. Нагасаки префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 423,2 минг киши (2000). Йирик порт. Японияпинг жан. сувларидаги балиқ овлаш базаси. Кемасозлик ва кема таъмирлашнинг йирик маркази. Машинасозлик, озиқ-овқат, металлургия, тўқимачилик, нефть қимёси, ёғоч тилиш саноатлари ривожланган. Ун-т, савдо-саноат музейи, қад. санъат ва б. музейлар бор. Шаҳар 12-а.дан маълум. 16—17-а.ларда Н.да порт-португаллар фактористи бўлган. 2-жаҳон уруши охирида, 1945 й. 9 авг.да шаҳарга ташланган атом бомбаси натижасида шаҳарнинг $^1/_3$ қисми вайрон бўлган, 75 мингдан ортиқ киши ҳалок бўлган ва яраланган.

Нагасаки шаҳри. Тинчлик монументи.

Н. эркин режа асосида қурилган. Меъморий ёдгорликларидан 16—19-а.ларда қурилган Сува ибодатхонаси, будда ибодатхоналари ансамбллари, кўприклар, католиклар черковлари сақланган. 1945 й. 9 авг.даги вайронагарчиликлардан кейин қайта қурилган бинолар қаторида Тинчлик боғи (халқаро маданият маркази биноси б-н) ва монументи қурилган.

НАГОЯ — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.да, Исе қўлтиғи соҳилида. Айти префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,17 млн. киши (2000). Мамлакатнинг йирик (Токио ва Осакадан кейин 3-ўринда) саноат, молия, транспорт, савдо ва маданий маркази. Асосий портларидан бири (йиллик юк ортиб-тушириш 110 млн. т дан ортиқ. Япония ташқи савдо юк айланмасининг $^1/_5$ қисми). Н. — 27 шаҳарни (энг йириклари Тоёта, Окадзаки, Итиномия, Сето) ўз ичига олган агломерация маркази. Машинасозликнинг турли соҳалари (жумладан, электротехника, радиоэлектроника, кемасозлик,

Нагоя шаҳрининг марказий кўчаларидан бири.

автомобилсозлик, аниқ приборсозлик ва б.), қора ва рангли металлургия, нефть кимёси ривожланган. Тўқимачилик (жун ва сунъий газламалар и.ч.), озиқ-овқат, полиграфия, фарфор-керамика саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, ботаника боғи, музейлар, метрополитен бор. Меъморий ёдгорликлардан Ацута ибодатхонаси (мил. бошларида қурилган), қаср (1612), Тофукудзи ибодатхонаси (735) сақланган.

НАГПУР — Ҳиндистоннинг марказий қисмидаги шаҳар. Маҳаराштра штатида. Наг дарёси бўйида. Аҳолиси 1,96 млн. киши (2001); асосан ҳинди, маратҳи тилида сўзлашади. Муҳим савдо-транспорт тугуни. Мумбай — Калькутта т. й. ва автомагистралининг деярли ўртасида жойлашган. Ип газлама саноатининг йирик маркази. Озиқ-овқат, керамика, ойна-шиша, полиграфия саноатлари ривожланган. Совиткичлар и.ч., шина з-длари мавжуд. Ҳунармандчиликда олтин ва кумуш ипли матолар тўқилади. Ун-т, археология музейи, и.т. муассасалари, шаҳар атрофида апельсин боғлари бор, пахта экилади. Н. яқинидан марганец қазиб олинади.

Шаҳарга 18-а. бошларида асос солинган. 18-а.нинг 30-й.ларидан Маратҳ султонлиги таркибидаги Бхонсле давлати пойтахти бўлган. 1853 й. Британия Ҳиндистони таркибига қўшилди ва Марказий провинцияларнинг маъмурий марказига айланди. 1950—56 й.ларда Мадҳя-Прадеш штатининг маъмурий маркази бўлган.

НАДДОФ (араб. — тарамоқ, титмоқ) — ўрта асрларда пахта ёки жун титувчи, саваловчи киши. Ўрта Осиёнинг йирик шаҳарларида алоҳида маҳаллаларда яшаган. Уларнинг меҳнати, асосан, калавачилик — ип йигирувчиларга пахтани чигитдан ажратиб, савалаб беришдан иборат бўлган. Н.лар шаҳар аҳолисининг энг камбағал табақаси ҳисобланиб, босқинчилик зулмига қарши қўзғолонларда асосий кучни ташкил этган. Мас., Самарқандда мўғуллар зулмига қарши кўтарилган *Сарбадорлар қўзғолони*да Н.лар маҳалласининг оқсоқоли *Абу Бакр Кулуй (Калавий) Наддоф* бошчилик қилган.

НАДЕЖДИН Борис Борисович (1905.4.5, Смоленск ш. — 1961.7.3, Тошкент) — композитор ва педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950). Москва консерваториясини тугатгач (1936), Тошкент консерваториясида (1937 й.дан), Ҳамза номидаги мусиқа билим юртида (1941—45) ўқитувчи. Ўзбекистонда профессионал композиторлик таълими ривожига, мусиқа мактаблари педагогик (фортепиано) репертуари шаклланишига катта ҳисса қўшган. Ижодида ўзбек халқ қўйларига кенг таянган ва ижобий қўллаган. Бастакорлар Т. Жалилов б-н ҳамкорликда «Асрлар» (1943) ва «Алпомиш» (1949), Ю. Ражабий б-н «Фарҳод ва Ширин» (1944) мусиқали драмаларини яратган. Шунингдек, симфоник оркестр учун «Симфониетта», «Сегоҳ», «Пахта» (Ю. Ражабий б-н), «Болаларга», «Вальс», овоз ва чолғулар оркестри учун «Абдурақмонбеги», «Эй, Ватан»; болалар учун фортепиано пьесалари ва қўшиқлар яратди. Тошкентдаги 5-болалар мусиқа мактабига Н. номи берилган. Шогирдлари орасида С. *Бобоев*, Б. *Гиенко*, *Сайфи Жалил*, Т. Қурбонов, С. Ҳайитбоевлар бор.

НАДИМ (араб. — дўст, улфат) — мусулмон давлатларида, Ўрта Осиё хонликларида хонлар, подшолар, амалдорларнинг энг яқин хизматкори, маҳрами ва маслаҳатчиси. Базмларда иштирок этган кишилар ҳам бир-бирларига нисбатан Н. ҳисобланган.

НАДИМИЙ (тахаллуси; асл номи Болтаниёз Қурбониёз ўғли) (? — Хива — 1938) — шоир, хаттот. Акаси Муҳаммад Ёқуб Ҳаррот Девондан хусниҳат қоидаларини ўрганган. Н. умрининг охиригача Хивадаги идораларда турли лавозимларда ишлаган. Шарқ шоирларининг асарларини мутолаа қилиб, уларнинг таъсирида шеърлар ёзган. 1908 й.да кўчирган мукаммал девонида ўзбек мумтоз шеъриятининг турли жанрларида ёзилган асарлар бор. Шеърларида инсонни муҳаббатни улуғлайди, кишиларни олий фазилатлар эгаси бўлишга чақиради. Н. китобат қилган Абдулвоҳид ибн ал-Муфтийнинг «Ажоиб ул-қисас» асари таржимаси (1907, инв. № 874), замондош шоирлардан Шавкасин девони (1908, инв. №1145), Табибининг 2 девони (1909, инв. №927, 1910, инв. № 257) ва ўзи таржима қилган «Вомиқ ва Узро» достони (1910, инв. № 2057) ва ўзининг 3 девони Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти Қўлёзмалар фондида (№ 901, 902, 906) сақланмоқда. Н. асарлари бир неча марта ҳам учрайди (Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти Қўлёзмалар фонди, инв. инв. № 6771, 6939, 6969).

НАДИР (араб. — назир) — зенитга диаметрал қарама-қарши вертикал чизиқнинг уфқдан пастда осмон гумбази б-н кесишган нуқтаси.

НАДР МУҲАММАДХОН, Надир Муҳаммадхон ибн Диямуҳаммадхон ибн Жонибек султон (1592 — тахм. 1651) — астрахонийлардан бўлган Бухоро хони (1642—45). Балх ҳокими (1606—42). Н.М. даврида мамлакатда ички низолар кучайиб, ҳатто фарзандлари (12 та ўғли) ҳам унга бўйсунмай қўйган. Бунга унинг ўта такаббурлиги, мол-мулкка ўчлиги, қайсарлиги сабаб бўлган. Бу эса аҳолининг умумий норозилигини келтириб чиқарган. Бундан ташқари, шим.дан кўчманчилар мамлакат ҳудудига ҳужум қилиб уни талон-тарож этмоқда эдилар. Н.М. уларга қарши ўғли Абдулазизни юборади. Бироқ Н.М.дан норози амирлар ҳарбий сафар чоғида Абдулазизни хон деб эълон қиладилар. Бундан хабар топган Н. М. Балхга кетишга мажбур бўлган ва *бобурийлар*дан *Шоҳ Жаҳон*дан ёрдам беришни сўраган. Шоҳ Жаҳон икки ўғли (Муродбахш ва Аврангзеб)ни катта қўшин б-н Балхга жўнатиб, уларга вилоятни босиб олишни топширади. Бобурийларнинг ниятидан воқиф бўлган Н. М. уларга қарши чиқиб, Маймана йўлида жангда енгилади ва Эронга шоҳ Аббос II (1642—67) паноҳига қочади ва у ерда 2,5 йилча қолиб кетади. Бобурийлар Балх вилоятини 2 й. горат қилишган. Муттасил жанглар, мамлакатдаги очарчилик, қаттиқ қиш ҳиндистонлик аскарларга салбий таъсир қилган. Шоҳ Жаҳон аскарларини Ҳиндистонга чақириб олишга мажбур бўлади. Балхни эса Эрондан таклиф этилган Н.М.га топширади. Бу Н.М.нинг ўғилларини яна ташвишга солиб, уларни бирлашишга мажбур қилган. Абдулазизхон укаси Субҳонқулини Балхга

номзод этиб тайинлайди (1651). Н. М. тахтдан воз кечиб Маккага, ҳаж сафарига кетишга мажбур бўлади ва йўлда вафот этади. Мазина яқинидаги акаси Имомқулихон қабри ёнига дафн этилган. Муҳаммад Юсуф Мунишийнинг ёзишича, Н. М.нинг юк ортилган 600 туяси, 8000 жойиб тулпор отлари, 80 минг қорақўл қўйи бўлган. Н. М.нинг хазинасида фарангӣ бархат матоларга тўла бир неча сандиқлар сақланган. *Маҳмуд ибн Вали* Н. М. фармони б-н машҳур асари — «Баҳр ул асрор» («Сирлар денгизи»)ни ёзган.

НАЖАФ, ан-Нажаф — Ироқнинг жан. қисмидаги шаҳар, Фурот дарёсининг ўнг соҳилида. Нажаф муҳофазасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 310 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Н. — Макка ва Мадинага боришладиган йўл ёқасидаги савдо-транспорт маркази. Шаҳарга 8-а. ўрталарида асос солинган. 11-а.да девор б-н ўралган. Н. — шиаларнинг муқаддас шаҳарларидан. Н.да халифа *Али* масжид-мақбараси (Аббосийлар даврида қурилган) бор.

НАЖАФОВ Сулаймон Нариман ўғли (1937.25.7, Озарбайжон Республикаси Ақдам тумани — 1993.25.10, Жиззах) — театр рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1989). Боку и.даги рассомлик билим юртини (1968) ва Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1976). 1976 й.дан Юнус Ражабий номидаги Жиззах вилоят мусиқали драма театрида, 1991 й.дан Жиззах вилоят кўғирчоқ театрида рассом. Н. ижоди адабий асардаги миллий ва бадиий гоянинг тасвирий образини саҳна безакларида яратишга қодирлиги б-н диққатга сазовор. Жиззах театрининг «Холисхон» (1978), «Зўраки табиб» (1978), «Ойгул ва Бахтиёр» (1979), «Келинлар қўзғолони» (1979), «Ватан ишқи» (1981), «Хонума хоним» (1982), «Катта ўғил» (1984), «Қасам ва виждон» (1988) каби, Жиззах кўғирчоқ театрининг «Темирбойнинг саргузаштлари» ва б. спектакллари шулар жумласидан.

НАЖД — Саудия Арабистонидаги вилоят. 5—6-а. ўрталарида арабларнинг кинда қабиласи қўл остида бўлган. 7—9-а.ларда Араб халифалиги, кейинчалик Арабистон я.о.да мавжуд бўлган давлатлар таркибида. 18-а.да *ваххобийлар* ҳаракати маркази бўлган. Улар бу ерда Н. амирлигини тузганлар (18-а. охири —20-а. боши, танаффуслар б-н). *Биринчи жаҳон урушида*н сўнг Н. амирлиги Шим. ва Марказий Арабистонни бирлаштириш курашига раҳнамолик қилган, натижада Ҳижоз, Нажд ва бирлашган вилоятлар давлати (1932 й.дан *Саудия Арабистони*) пайдо бўлган.

НАЖДАК (туркийча) — майда ва юпқа доналар кристаллардан иборат тог жинси. Бокситларнинг метаморфизмга учраишдан ҳосил бўлади. Н. таркибидаги корунд бошқа минераллар (магнетит, хлорит, гематит, кварц ва мўрт слюдалар ва ҳ.к.) б-н бирикиб кетган. Таркибида 60% гача корунд бўлган Н. табиий *абразив материалларга* киради. Н.нинг қаттиқлиги минералогик шкала бўйича 7—8. Ранги қора, қорамтир кулранг, тўқ яшил. Н. кўринишда мармарларда линза, шток, уюм, томирлар шаклида, баъзан эса габбро, норит, гранитларда ва бу жинслар контактида ксенолитлар кўринишида мавжуд. Ўзбекистонда кўп жойларда (Нурота тоғлари, Молғузар ва б.) учрайди.

НАЖМИ СОНИЙ (Иккинчи Нажм) (лақаби; асл исм-шарифи Амир Нажмиддин Ёр Аҳмад Исфаҳоний) (? — 1512.12.10, Ғиждувон) — Эрон шоҳи *Исмоил I* Сафавийнинг энг машҳур саркардаси. «Н.С.» лақабини 7-а. охиридаги араб саркардаси номидан олган. 1512 й. *Бобур* Мовароуннаҳр тахтини қайтариб олиш учун курашаётганида унинг илтимосига кўра, Исмоил I *қизилбошлар*ининг катта қўшинига (12 минг аскар) Н.С.ни қўмондон қилиб ёрдамга жўнатган. Бобур Н.С. қўшини б-н Қаршини қамал қилиб, 3-куни уни эгаллаган, қизилбошлилар шаҳар аҳолисини қатлиом қилишган. Н.С. ҳеч қандай қаршиликка учрамай Бухоро томон юриб Ғиждувонни қамал қилган. Бу ерда тўсатдан шайбонийлар қўшинининг шиддатли ҳужумига дуч келиб, тор-мор қилинган. Н.С. жангда ҳалок бўлган. Кўп сонли қизилбошлилар қўшинидан оз қисмигина юртига қайтиб кетган. Бобур б-н Исмоил I иттифоқи барҳам топган. Бобур яна Кобул мулкига қайтиб кетишга мажбур бўлган.

НАЖМИДДИН ан-НАСАФИЙ ас-САМАРҚАНДИЙ — қ. *Насафий*, Абу Хафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад.

НАЖМИДДИН КУБРО — қ. *Кубро*.

НАЖМИДДИН КУБРО МАҚБАРАСИ — *Кўҳна Урганч*даги меъморий ёдгорлик (14-а. 20—30-й.лари). Суфийликдаги *кубравийлик* оқимининг асосчиси, шоир, олим ва шайх Нажмиддин *Кубро* номи б-н боғлиқ. Мақбара 3 хона (Нажмиддин Кубро саганаси жойлашган катта хона, бир неча қабрлари бўлган кичик хона ва зиёратхона)дан иборат. Миёнсарой ва хоналар гумбаз томли, ўзаро бир-бири б-н боғланган.

Нажмиддин Кубро хонақоҳининг пештоқ безаги.

Бош тарзи чуқур равоқли, пештоқ-гумбазли, кошинкори нақш б-н ҳошияланган, ёзувларида қурилган йили сақланган, Пештоқ юқориси муқарнасли шарафа б-н якунланган. Пештоқ деворлари ва сағана оқ, кўк, ҳаво ранг ва жигарранг кошин б-н қопланган. Ёғоч ўймакорлигида ишланган эшигига исломий нақш туширилган. Катта хонанинг ички гумбаз ости бағали қалқонсимон, 16 қиррали, 4 бурчаги тоқ равоқли, ганчкори муқарнаслар б-н безатилган. Хона ўртасидаги сағана ўзига хос миллий услубда ишланган. Бу кейинчалик Хоразм меъморий ёдгорликларида намуна сифатида кенг қўлланилган. Н.К.м.да Хоразм меъморлигида мусаввир ва кошинпазлар томонидан эришилган барча ютуқлар намоён бўлган.

НАЖМИДДИНОВ Муҳиддин ҳожи (1888 — Андижон — 1964) — халқ созандаси (дутор, танбур) ва хонандаси. Бобоси Шамсиддин ва отаси Нажмиддин ҳофизлардан дутор ва танбур чалишни ҳамда Фарғона — Тошкент мақом йўлларини ўрганган. Тожи Мубталодан «Уззол», «Ирғор», «Ажам Шеразий», «Насруллойи», «Наврўзи ажам» йўлларини ўзлаштирган. Айниқса, «Курд», «Чўли курд», «Сайқал» ва б. куйларни дуторда маҳорат б-н ижро этган. 1924 й. Н. Андижонда Ҳамза ташкил қилган миллий мусиқа тўдарагида мусиқа раҳбари бўлган. Ўзбек давлат концерт-этнографик труппаси (1926—28), Ҳамза театри (1929—30)да созанда. Самарқанд вилоят мусиқали драма театри (1930—31) ҳамда 1931 й.дан Кўқон темирйўлчилар театрида мусиқа раҳбари. В. Успенский ва И. Акбаров

1931 й.дан Н.дан бир қанча йирик куй ва ашулалар ёзиб олишган.

НАЖМИДДИНОВ Турсун Хўжаевич (1901.15.12 — Тошкент —1972.14.3) — инфекционист олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1944), тиббиёт фанлари д-ри (1944), проф. (1944). Ўрта Осиё ун-ти тиббиёт ф-тини тугатгач (1928), шу ун-т тропик касалликлар кафедраси ординатори, ассистенти, доценти (1928—32), ТошТИ инфекцион ва тропик касалликлар кафедраси мудири (1953—70), 1971 й.дан илмий консультант. Асосий илмий ишлари безгак, брушеллёз, гельминтоз, лейшманиоз, ришта, ўлат, тиф ва паратиф ҳамда эпидемик гепатит касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш ва даволашга оид. Тошкент ш.даги олим яшаган кўча, 2-ТошТИ инфекцион ва тропик касалликлар кафедраси Н. номи б-н аталади.

Ас.: Краткое руководство по внутренним и тропическим болезням, Т., 1939; Клиника затяжной малярии в Средней Азии, Т., 1943; Лечения малярии синтетическими препаратами, Т., 1950.

НАЖМИДДИНОВ Шокир (1903.15.1 — Тошкент — 1990.19.10) — актёр, суфлёр. Ўзбекистон халқ артисти (1970). Ижодини 1918 й. ҳаваскор актёр сифатида бошлаган. 1919—22, 1924—27, 1934—57 й.лар Ҳамза театрида актёр, 1957—75 й.лар суфлёр. Бухоро ва Тошкент маданий оқартув муассасаларида ишлаган. Н. эпизодик роллар устаси



Шокир Нажмиддинов Мамат ролида («Холисхон»).

бўлиб, унинг ижоди кучли психологик драматизми б-н ажралиб туради. Сулаймон, Аскар (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон»), Каримбахши, Арслон», (Фитрат, «Ҳинд ихтилочилари», «Арслон»), Ортиқбой (F. Зафарий, «Ҳалима»), Ишчи (У. Исмоилов, «Рустам»), Родриго (У. Шекспир, «Ҳамлет»), Юсуфжон (К. Яшин, «Холисхон»), Домла (Ойбек, «Кутлуғ қон») ва б. унинг сахнада яратган образларидан намуналаридир.

НАЖМИДДИНОВ Ҳайдар (1850—1922) — ўймакор наққош, Фарғона ўймакорлик мактаби асосчиси. Отаси уста Нажмиддиндан ҳунар ўрганган. 1890 й.дан Қўқонда ўйма нақшли эшиклар ва безаклар яратган; биноларнинг шарафа, муқарнасларини яратишга, мусиқа асбобларини бадиий безашга моҳирлиги б-н шуҳрат қозонган. «Паранг» («устаси паранг») лақабини олган. Ижодида паргари нақш (30 дан ортиқ тури) дан фойдаланган; у безаган кўп қиррали курси, лавҳ, қутичалар жозибадорлиги б-н ажралиб турали. Кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

«НАЖОТ» — жалидлар газетаси. Туркистондаги ўзбек жалид матбуотининг нодир нашрларидан бири. Россиядаги 1917 й. фев. инқилобидан сўнг Туркистон ўлкасида ўрнатилган муваққат ҳукумат томонидан нашр этилган. Жами 20 сони чиққан. Муҳаррири *Мунавварқори* бўлган. «Н» фев. инқилоби туфайли барҳам топган мустабид чор тузумини кескин танқид қилган, фев. инқилобига хайрихоҳлик билдирган. Туркистон халқларини, қайси миллатга мансубликдан қатъи назар, жипслашишга, синфий айирмага бормасликка, мустақил давлат барпо қилишга даъват этган. «Н.»да лаврини кўзга кўринган қаламкашларидан Камий (шоир), Маҳмудхўжа Беҳбудий, Холмуҳаммад Охундий, Мирмулла Шермуҳамедов, Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Абдулла Авлоний, Тўлаган Хўжамиёров (Тавалло), Лазиз Азизэода, Абдулла Қодирий, Шокиржон Раҳимий, Рауф Музаффаров ва б. ҳамкорлик қилганлар.

Ад.: Зиё Саид, Ўзбек вақтли матбуоти тарихига материаллар (1870—1927); Танланган асарлар, Т., 1974; Пидаев Т., Матбуот — миллат чироғи, Т., 1999.

НАЗАЛИЗАЦИЯ — (франц. nasalisation лот. nasus — бурун), бурунланиш — нутқ товушлари (асосан унлилар)нинг юмшоқ танглай пасайиши ва ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг айни бир пайтда ҳам оғиз, ҳам бурундан чиқишидан иборат артикуляцияси. Оғиз ва бурун резонаторларининг айни бир пайтда қўзғалиши натижасида товуш алоҳида тембрга эга бўлади. Н. фонемаларнинг фарқланувчи белгиси бўла олиши мумкин; фонемалар Н.си, бошқача айтганда, бурунланган фонемалар кўпроқ француз, поляк, португал, ҳинд тилларида учрайди. Мас., а —г, е —г ва б.

НАЗАРБЕК ЗИЛЗИЛАСИ — 1980 й. 10 декда Тошкент шаҳрининг тарбиядаги Назарбек қишлоғида рўй берган. Зилзила кучи 12 балли MSK—64 шкаласи бўйича 8 баллга тенг. Рихтер шкаласи бўйича магнитудаси M=5,4 бўлди. Зилзила натижасида аксарияти хом гишт ва пахсадан қурилган уйлар шикастланган. Тошкент шаҳрининг Назарбекка туташ қисмидаги иморатларда ҳам кўплаб ёриқлар пайдо бўлган, айрим деворлар қулаган ва ҳ.к. Бир-икки йил давомида зилзиланинг кун марта қайта силкиниши (афтершоклар) кузатилган.

НАЗАРИЯ — билимининг бирор соҳасига оид асосий гоялар тизими; воқелик қонуниятлари ва ундаги муҳим алоқалар ҳақида бир бутун тасаввур берадиган билим шакли. Н. борлиқнинг муайян соҳасига оид бўлган тажрибалардан умумлаштирилган маълумотлар асосида келиб чиқади. Илмий билишда Н.нинг асосий вазифаси тажрибалар берган далилларни изоҳлаш, шу б-н бирга, нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига чуқурроқ кириб бориш, юзага келадиган янги нарса ва ҳодисаларни олдиндан кўра олишдан иборат. Ҳар қандай Н. илмий билишнинг натижаси сифатидаги билиш шакли бўлса-да, лекин уни тугалланган, ўзгармас, мутлақ билим деб қарамаслик керак. Н. билиш жараёнида биз тўплаган билимларнинг натижасигина эмас, балки янги билимлар ҳосил қилиш йўлидаги бошланғич асосдир. Н. ҳамма вақт амалиёт б-н узвий боғлиқ бўлади ва шундагина у ҳаракат ва ривожланишнинг қуролига айланади. Н.нинг бошланғич шакли *гипотеза*дир. Амалиётда гипотезанинг тўғри, ҳақиқат эканлиги исботланса, шу асосда янги Н. юзага келиши мумкин. Илмий билиш жараёнида кишиларнинг илмий Н.лар б-н қуролланганлиги унга илмий оддиндан кўриш — *илмий башорат* қилиш имкониятини беради. Бу эса, ўз навбатида, янги қонуният ва янги Н.ларнинг шаклланишига олиб келади.

НАЗАРМАТ (Назармат Эгамназаров; 1917.7.11, Тожикистон, Хўжанд, Нов қишлоғи) — шоир, журналист. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1967). Самарқанд ун-тини тугатган (1941). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. «Қизил Ўзбекистон» (1947—54), «Тошкент ҳақиқати» газ. таҳририятида адабий ходим, бўлим мудири (1954—85). Ижодий фаолияти 30-й.лар охирида бошланган. «Ёшлик завқи» (1941), «Ватан ишқи» (1949), «Яшил далалар» (1955), «Сир бўйи — нур бўйи» (1959), «Тоғлаги гулханлар» (1962), «Най садоси» (1965), «Баҳор қўшиғи» (1968), «Шаҳримиз болалари» (1970), «Мангу олов» (1972) шеърий тўпламлари муаллифи. Кўплаб шеърлари қўшиқ бўлган. «Юракдаги ўқ» достони (1965) ва «Сайёд жасорати» қиссаси (1973) 2-жаҳон урушига мавзуида. Абулқосим Фирдавсий, Хисрав Деҳлавий, Абдурраҳмон Жомий, Бедил, Мирзо Турсунзода, Мирзакар ва б. шоирларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Ад.: Назармат, Т., 2003.

НАЗАРОВ Анорқул Мамадович (1950.5.6, Бўка тумани) — композитор, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (1995). Тошкент консерваториясини тугатган (1973). Навоий театрида соҳанда (1968—85), Ўзтелерадиокомпанияси қошидаги Эстрада-симфоник оркестрининг бош дирижёри ва бадиий раҳбари (1989—96), «Ўзбекнаво» бирлашмасининг бош директори (1996—2001). Ижодида қўшиқ асосий ўрин тутади («Дўлана», «Араздама», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни», «Ўзбекистон муштарак», «Озод элнинг ўғлиман» ва б.). Шунингдек, кино ва телефильмлар, театр спектаклларига, цирк томошалари учун мусиқалар ва б. асарлар ёзган. Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1997).

НАЗАРОВ Бахтиёр (1945.17.9, Тошкент) — адабиётшунос олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000), филол. фанлари д-ри (1984), проф. (1994). ТошДУни тугатган (1966). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим, илмий котиб (1969—72; 1979—83), директор(1986—90), бўлим мудири (1996 й.дан). Ўзбекистон ФА Бош илмий котиби ўринбосари (1973—79), вице-президент вазифасини бажарувчи (1999—2000). Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат маслаҳатчиси (1990—92), Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари (1992—94), айни вақтда «Ўзбек тили ва адабиёти» жур.нинг бош муҳаррири (1986—94).

Н.нинг илмий ишлари 20-а. ўзбек адабиёти тараққиёти, хусусан, танқидчилик ва адабиётшунослик методологияси муаммолари, адабиёт назарияси ва адабий алоқа масалаларига бағишланган. Талқинотларида Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Абдулла Орипов маҳорати ўрганилган. Ойбекнинг 20 жилдли Мукаммал асарлар тўпламини нашрга тайёрлашда қатнашган. Миллий истиқлол гояси б-н суғорилган, янги типдаги дарсликлар (ўрта мактабнинг 9, 11-синфлари учун «Ўзбек адабиёти», олий мактаб учун «XX аср ўзбек адабиёти тарихи»нинг муаллифларидан бири.

Ас.: Бу сеҳрли дунё, Т., 1980; Ҳаётийлик — бекиёс мезон, Т., 1985.

НАЗАРОВ Бахтиёр Муҳаммаджонович (1942.2.5, Наманган вилояти Навоий қишлоғи) — кино рассоми; Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби (2000). Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1965) ва Москва кино санъати ин-ти (1971)ни тугатган. «Ўзбекфильм» киностудиясида бош рассом (1983—90); айни бир пайтда Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида театр ва кино декорацияси кафедраси мудири (1983—90). Н. «Сени кутамиз, йигит» (1971), «Шум бола» (1976), «Олтин мўйна» (1980), «Ҳаёт мазмуни» (1985), «Шариф — Мазриф» (1992), «Шаршара сеҳри» (ижрочи продюссер, 2003) ва б. бадиий фильмлар, театр спектаклларига ҳам декорациялар яратган: «Буюк Пётр» (АҚШ, 1983), «Шаҳризоданинг сўнгги эртаги» (1983—84), «Уч қироллнинг уруши» (Марокаш-Италия-Испания, 1989), «О, муҳаббат» (Ҳиндистон, 2001) ва б. Н., шунингдек, дастгоҳ рангтасвирида ҳам ижод қилади: «Олим Хўжаев» (1973), «Лутфихоним Саримсоқова» (1974), «Малик Қаюмов» (1977) каби портретлар; «Ўзбекистон ёшлари», «Ҳиндистон аёллари», «Келинчак», «Она» каби туркум асарлари ва б.

НАЗАРОВ Зойир (1941.22.12, Ромитан тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Бухоро пед. институтининг физика-мат. ф-тини тугатган (1965). 1965 й.дан Бухоро вилояти Ромитан туманидаги 21-мактаб, 1974 й.дан 26-мактаб мат. ўқитувчиси. Н. мат. дарси самарадорлигини яхшилашда турли услубларни ишлаб чиққан.

НАЗАРОВ Мавлон Худойберганович (1910.15.6, Чимкент вилояти Туркистон тумани — 2000.31.3, Тошкент) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970). Тарих фанлари д-ри (1963), проф. (1965). СамДУ ни тугатган (1936). Комсомол (1941—44) ва партия (1944—52) ишларида. ТошДУ (1952—64) ва Тошкент политехника ин-ти (1964—92)да кафедра мудири. ТошТУнинг Ўзбекистон халқлари тарихи кафедрасида маслаҳатчи проф. (1992—93).

НАЗАРОВ Тўйчи (1896, Фарғона тумани Каптархона қишлоғи — 1974.18.8, Фарғона тумани Қалача қишлоғи) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси. 1-Украина фронти, 4-танк армияси, 17-механизациялашган бригада, 2-мотўқчи батальони ўқчиси. 1945 й. 24 янв.да Польшанинг Кёбен ш. р-нида Одер дарёсини кечиб ўтиш ва ўнг соҳилни эгаллашдаги жасорати учун 1945 й. 13 апр.да Қаҳрамон унвонига сазовор бўлган. Фронтдан қайтиб келгач, қ.х. ишларида ишлаган. Водил қишлоғида ҳайкал ўрнатилган.

НАЗАРОВ Қурбон (1909.1.1 — Қўқон — 1989.10.9) — актёр, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Самарқанд қишлоқ хўжалиги техникумида (1924—26), Москва Бадиий академик театри студиясида таълим олган (1930—32). Ижодий фаолиятини Самарқанд «Кўк кўйлак» театрида актёр сифатида бошлаган (1926). 1932—73 й.лар Қўқон театрида актёр, реж. И. ижодига ўткир характерли образлар яқин бўлиб, сахнада Солиҳбой (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Бобохон (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра»), Хусрав (Хуршид; В. Успенский, «Фарҳод ва Ширин»), Ҳусайн Бойқаро (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий») каби бир қанча ёркин роллар ўйнаган. Реж. сифатида «Маликаи Турандот» (К.Гоцци), «Гулсара» (К. Яшин, М. Муҳамедов; Т. Жалилов), «Аршин мол олон» (У. Ҳожибеков), «Навбаҳор», «Парвона» (Уйғун), «Олтин девор» (Э.Воҳидов) ва б. асарларни саҳналаштирган. «Тоҳир ва Зуҳра», «Фурқат», «Улуғбек юлдузи» ва б. фильмларда суратга тушган.

НАЗАРОВА Норбиғ (1945, Пастдарғом тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Самарқанд ун-тини тугатган (1973). 1965 й.дан Каттақўрғон туманидаги 1-, Пастдарғом туманидаги 49-, 1967 й.дан 53-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

НАЗАРОВА Тамара (1925.24.12 — Тошкент — 1998.24.2) — Ўзбекистон халқ артисти (1969). Москва ўзбек опера студиясини тугатган (1946). Ўзбек давлат филармониясининг ўзбек ашула ва рақс ансамблида якқахон (1940—42), Муқимий театрида (1942—55 ва 1960—71), Наманган театрида (1955—59) актриса. Уруш йиллари Ўзбекистон санъат усталари сафида фронт концерт бригадаларида қатнашган. Н. ижросида новик лиризм самимийлик б-н уйғунла-

Тамара Назарова Санам ролида («Ализ ва Санам»).

шиб кетади. Моҳин, Зуҳра (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра»), Нозиноз (М. Урдубозий; С. Рустамов, «Беш сўмлик келин»), Наталка (Н. Котляревский; Н. Лисенко, «Полтавалик Наталка»), Роҳатой (К. Яшин; Х. Тўхтасинов, «Офтобхон»), Қалдирғоч, Нурхон (К. Яшин; Т. Жалилов, «Алпомиш», «Нурхон»), Ширин (А. Навоий; Ю. Ражабий, «Фарҳод ва Ширин»), Сунбул (Ҳ. Ғулом; М. Левиев, «Ажаб саводлар») каби ролларни б-н шуҳрат қозонган. Н. кинода (Гули, «Алишер Навоий»; Фотима, «Сен етим эмассан» ва б.) ҳам суратга тушган.

НАЗАРХОН КАНАЛИ — Қорақалпоғистондаги канал. Қипчоқ қишлоғидан шим.да Амударёнинг ўнг қирғоғидан сув олади. Уз. 40 км дан ортиқ. Амударёнинг ўнг томонидан унга параллел йўналишда оқади. Канал 1928—29-й.да қазилган, дастлаб 17 км бўлган. 1937—38 й.да реконструкция қилинган. Н.к. Нукус туманини сув б-н таъминлайди.

НАЗЗОМ (тахаллуси; асл исми Иброҳим бин Сайёр бин Хоний) (?, Балх — тахм. 845) — араб файласуфи. Басрала таълим олган. Кўп асарлар ёзган, лекин улар бизгача етиб келмаган. Унинг баъзи фалсафий фикрлари б-н Абу Мансур ал-Бағдодий, Шаҳристоний, Азад-Дин ал-Ижий, Насриддин Тусий ва б.нинг асарлари орқали танишиш мумкин. У ионон фалсафасини яхши билган. Эрон ва Ҳиндистон диний ва фалсафий таълимотларидан хабордор бўлган. Н. Шарқнинг йирик мутафаккири, *мутазилийлар* тарафдори бўлиб, ўз фалсафий мактаби — наззомийликни яратган. У эркин фикрни ёқлаб чиққан, анъанавий исломнинг баъзи қоидаларини б-н келиша олмаган, диний хурофотларга, тақдир тўғрисидаги ақидага қарши чиққан. Н. Аллоҳни *вужудати вужуд* таълимоти асосида талқин қилган. Унинг фикрича, дунёдаги ўзгаришлар моддий зарраларнинг чексиз ҳаракати натижасида содир бўлади, моддий дунёдаги жараёнларга худо аралашмайди. Н. барча масалаларни ақл ёрдамида ҳал қилиш тарафдори бўлган.

НАЗИР АКБАРОБОДИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Сайид Вали Муҳаммад, 1735, Деҳли — 1830, Агра) — ҳинд шоири. Урду тилида ижод қилган илк халқ шоири. У шеъриятга оддий меҳнаткаш образини олиб кирган. Достон, газал, рубоий, маснавий, қасида ҳамда ҳажвий шеърлар ёзган. Ижодида дунё ва аҳли дунё мавзуси катта урин эгаллайди. Н.А. табиат манзаралари, турли халқ сайилгари, ҳинлулар, мусулмонларнинг байрамларини юксак бадиий маҳорат б-н, жонли тарзда баён қилган. «Одамнома», «Банжарнома», «Оқибат», «Емғир мавсуми манзараси», «Қашшоқлик», «Бахти қаро шаҳар» каби асарлари машҳур.

Н.А. шарқ алабиётида кенг тарқалган Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнун сюжетлари б-н бир қаторда қад. ҳинд адабиётидаги (Рам ва Сита, Нала ва Дамаянтий), шунингдек, панжоб оғзаки ижодидаги образларга (Ҳийр ва Ранжҳа) ҳам мурожаат қилган.

НАЗИРА (араб.) — Шарқ адабиётидаги анъанавий усуллардан бири; ўтган ёки замондош адиб асарига ўхшатма тариқасида ёзилган асар. Н.ни мумтоз шоирлар *татаббу* деб ҳам юритишган. Навоий ўз «Хамса»сининг Низомий «Панж ганжи»га татаббу деб атайди. Истеъдодли назирагўй адиблар маълум бир асарга ижодий ёндашиб, шу асар мавзуини бойитиш ва ривожлантириш, янги муаммо ва гоявий мотивларни кўтариш, янги образ ва характерлар яратишни мақсад қилган. Ўтмиш шоирларининг яхши асарларига Н. ёзиш ўзбек адабиётида ҳам учрайди. Ҳабибий, Собир Абдулла, Чархий ва б. шоирлар Н.лар битганлар.

НАЗИРОВ Набижон Назирович (1931. 9.6, Ўш — 1987.6.7, Тошкент) — физиолог, радиобиолог олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981). ВАСХНИЛ мухбир аъзоси (1970), проф. (1969). ТошДУ ни тугатган (1953). Ўзбекистон ФА Ўсимликлар генетикаси ва физиологияси ин-тида илмий ходим (1956—60). 1961 й.дан Ўзбекистон ФА Ўсимликлар эксперименталбиологияси ин-тининг ўсимликлар радиацион биол. лаб. мудири. Н. биринчиларлардан бўлиб ионловчи радиациянинг тўзага таъсирини тадқиқ қилди. У хўжалик белгилари жиҳатидан қимматли бўлган 20 дан ортиқ ўрта толали ва ингичка толали ғўзанинг янги линиялари ва навлари (тезпишар ва серҳосил АН-Каттақўрғон, вилтга чидамли АН-401, барги табиий равишда тўкиладиган АН-402 ва б.) ни яратди.

Ав.: Действие радиации на физиологические и биохимические процессы у хлопчатника, Т., 1969; Радиочувствительность хлопчатника и генетический эффект ионизирующей радиации, Т., 1970; Наука и хлопок, Т., 1977.

НАЗЛА — қ. *Глаукома*

НАЗМ (араб. — тузум, тартиб, тизма шеър) — қ. *Шеърият*.

НАЗР (араб. — сўз бериш, вақла қилиш) — ислом қонуншунослигида бирор савобли ишни бажаришга аҳд қилиш ёки муайян нарсани дин йўлида ҳадя қилиш ҳақида диндорнинг ўзига вақласи. Исломда Н.га ташаккул йўқ. Аммо, Н. қилган одам уни бажарини шарт ҳисобланади. Агар бажармаса бир воажиб амалини тарк этган ҳисобланиб, огир гуноҳкор бўлади. Кейинчалик халқ урасида Н. сўзи ҳайрсалақа, эҳсон қилиш маъноларида ҳам ишлатила бошлаган (мас., масжид, мозор ёки тиланчига Н. бериш каби). Исломга кўра, Н. имкони бор киши учун воажиб. Модлий ёки жисмоний жиҳатдан бажаришга қодир бўлмаган одам Н. қилмаслиги лозим.

НАЗРАНЬ — РФдаги шаҳар (1967 йдан), Ингушия Республикаси пойтахти. Ростов-Дон—Боку т.й. линияси (унаяишидаги т.й. станцияси, Грозний ш.дан 91 км гарбда жойланган. Аҳолиси 76,4 минг киши (1998). Электр асбоблар, ун з-длари, трикотаж ф-каси бор.

НАЗРУЛ ИСЛОМ (1899—1976) — бенгал шоири. Илк шеърларини Ҳофиз асарлари таъсирида ёзган. «Исёнкор» достони (1922), «Одовли уд» (1922), «Заҳарли най» (1924), «Фалокат нағмалари» (1924), «Булбул» (1928) шеърий тўпламлари, «Камбағалнинг изтиробларн» ҳикоялар тўплами (1924) ва «Туман» романи (1924) мавжуд. Уларда инсонпарварлик ва ватанпарварлик гоялари илгари сурилган. 30-й.ларнинг бошларида касаллиги туфайли адабий фаолияти тўхтаб қолган. Унинг «Инсон» шеърий тўплами ўзбек тилида нашр этилган (1981). Э. *Воҳидов* Н. И. ҳаёти ва ижодига бағишлаб «Руҳлар исёни» достонини ёзган (1978).

НАЗРУЛЛАЕВ Алишер Ибодуллаевич (1953.24.9, Ғиждувон) — уста кулол, Ғиждувон кулоллик мактабининг 7-авлод вакили. Ўзбекистон халқ устаси (2002), Ўзбекистон Бадиий академияси акад. (2003). Самарқанд меъморлик — қурилиш ин-тини тугатган (1975). Ҳунарни отаси уста Ибодулла *Назруллаев*дан ўрганган. Н. ижодида Ғиждувон кулоллик мактаби анъаналарини ривожлантирган; у яратган сопол буюмлар (товоқ, лаган, коса, кўза, қўшқулоқ ва б.) кўргошин туслн сирланиши б-н ажралиб турали. Нақш замини тўқ жи-

А. Назруллаев ишлаган совет даги

гарранг, шакллар буюм юзасида геимметрик эркин жойлаштирилади: «Думи бурғут» «мурғи сафед», «гули товус» каби нақш мужассамотлари қуш, ўсимлик, гул нақшларининг новик уйғунлаштирилган шаклида намоён бўлади. Америка, Европа, Осиё қитъаларидаги маданий марказларда ги нуфузли танлов, кўргазмаларда фаол иштирок этади. Н. ишларидан намуналар республика ва хорижий мамлакатлардаги музей, тўплам, хусусий коллекциялардан ўрин олган. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1996).

НАЗРУЛЛАЕВ Иболулла (1927, Ғиждувон) — уста кулол, Ғиждувон кулоллик мактабининг 6-авлод вакили. Ғиждувон кулоллик анъаналарини ривожлантирган. Ғиждувонлик уста Усмон Умаровдан ҳунар ўрганган. Н. яратган буюмлар (коса, лаган, пиёла ва б.) безаги нафис ранглар уйғунлиги ва жилоси, мужассамотлар ечими ҳамда жозибаси б-н ажралиб туради, анъанавий исломий, ҳандасий нақшларни кенг қўллаган. Н. ижодида реал мужассамотлар б-н бир қаторда афсонавий қуш тасвирлари ҳам ўз аксини топган. Айниқса, устанинг товус тасвири туширилган (товоқи-лабгардон каби) лаганлари машҳур; ҳошия нақшларда анъанавий тўлқинсимон ўсимлик новдалари тасвири, ҳандасий нақшларни кенг қўллайди.

НАЗРУЛЛАЕВ Лутфулла (1903.15.7, Бухоро — 1962.27.12, Тошкент) — театр актёри. Ўзбекистон халқ артисти (1945).

Лутфулла Назруллаев Ҳусайн Бойқаро ролида («Алишер Навоий»).

Москва ўзбек драма студиясида ўқиган (1924—27). Дастлаб Бухоро театрида ишлаган (1921—24). 1927й.дан Ҳамза театрида ишлаган. Ҳолмат («Бой ила хизматчи»), Ҳусайн Бойқаро («Алишер Навоий»), Далавой («Навбаҳор»), Раҳимжон («Шоҳи сўзана»), Полоний («Гамлет»), Егор («Егор Буличёв ва бошқалар»), Эстеван («Қўзибулоқ қишлоғи»), Горностаев («Любовь Яровая») каби ранг-баранг ва тўлақонли саҳнавий образлар яратиб, ўзбек актёрлик мактабининг шаклланишига муносиб ҳисса қўшди. Н. ўзбек театрида биринчи бўлиб, Ҳусайн Бойқаро сиймосини бутун мураккаблиги б-н гавдалантирган. «Алишер Навоий» фильмида эса Уста Жалолиддин образини яратди. Қанлай роль ўйнамасин, Н. овози, юз ифодалари, тана ҳаракатларидан унумли фойдаланиб, ўз қаҳрамонларининг анвалламбор инсоний моҳиятини, феъл-атворини, кайфиятини ифода қилишга интилган. У, айниқса, кулгили ва ҳажвий образлар устаси бўлган.

НАЗРУЛЛАЕВ Нурилла (1870 — Самарқанд — 1939) — самарқандлик ёғоч ўймакори. Отаси уста Назруллалан ҳунар ўрганган. Н. меҳнат фаолиятида нелимий ва пардаги усулларини унумли қўллаган; ўйма нақшлар устаси сифатида шуҳрат қозонган. У безаган эшик, дарвозалар кўркамлиги, жозибали нақшлари б-н диққатга сазовор.

НАИМ САИД. Саидов Наим (1902, Қўқон — 1939.2.6, Тошкент) — журналист ва таржимон. Қўқондаги мадраса, «янги усул» ва «Намуна» мактабларида таҳсил кўрган. Москвага бориб, дастлаб ишчилар ф-ти (1923—24), сўнгра давлат журналистика ин-ти (1925—28)да ўқиган. Тошкентга қайтгач, «Қизил Ўзбекистон» (1928—30) газ. муҳаррири ўринбосари, сўнг «Янги Фарғона» газ. масъул муҳаррири (Қўқон, 1930—31). Ўзлавнашр бош муҳаррири (1931—33) бўлиб ишлаган. Н.С. таржимонлик фаолиятида ўзбек тилига русча сўз ва атамаларни олиб кириш ва ўзбек тилининг шу асосда руслаштирилишига қарши она тилининг софлиги учун курашган. Айни пайтда у араб ёзувидан лотин ёзувига ўтиш жараёнида халқ оммаси саводсиз бўлиб қолмаслиги учун «Катталар учун алифбо», «Саводсизлар учун алифбо», «Чала саводлилар учун алифбо», «Кўрлар учун алифбо» (1929—30), «Саводсизлар учун ўқиш китоби» (1936) сингари ўқув қўлланмаларини яратган.

20—30-й.лар ўзбек матбуотида фаол иштирок этган. Н.С. «Миллий иттиҳод» ташкилотига аъзо бўлганлик ва ёшлар ўртасида миллатчилик кайфиятини тарқатганликда айбланиб ҳибсга олинган (1938.30.1) ва қамоқхонада вафот этган.

НАИМОВ Ҳаёт (1912.21.3 — Бухоро — 1995.14.2) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1967). Бухоро мусиқа билим юртини тугатган (1930). Бухоро театрида созанда (1930—41), актёр (1941—78), реж. ёрдамчиси (1978—86). Н. кўпроқ ҳажвий актёр сифатида танилиб, ўзбек халқ масхарабозлик театрининг ижрочилик анъаналарини давом эттирган. Ранг-баранг сатирик ва драматик образлар яратиб, саҳна санъатида ўзига хос ижро услуби б-н из қолдирди. Қози (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Вали (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон»),

Ҳаёт Наимов Одил Мирзо ролида («Кўёв омонати»).

Шмага (А. Островский, «Айбсиз айбдорлар»), Мансур (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Заргаров (А. Қаҳҳор, «Отрик тишлар»), Мирзакаримбой (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Ҳошим лаббай (С. Ғани; Ф. Солиев, «Тўй»), Тошболта (Ҳ.Ғулом; М. Левиев, «Тошболта ошиқ»), Мулла Башир (С. Жамол, «Гули сиёҳ») каби образлар б-н элга танилди.

НАЙ — пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоби. Шарқ мамлакатлари, хусусан Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Н. бўйламасинга ва ёнламасинга ушлаб чалинади; ёнламасинга ушлаб чалинадиган Н.лар тури етакчи ҳисобланади. Н.нинг энг қад. тури чўпон Н.дир. Тайёрланиш материалига кўра турлича номланади: гаров Н., ёғоч Н., мис Н. ва ҳ.к. Мазкур найларнинг диаметри 20—30 мм ва уз. 450—520 мм бўлади. Н. каналининг бир учи (юқориси) тиқин б-н беркитилади. Ана шу юқорисига яқин ён томонида пуфланадиган тешиги ҳамда унинг пастрогида 6 та чалгич-

Най.

бармоқ тешиклари бўлади. Бу тешиклар бармоқлар б-н тўла ёки ярим беркитиш ва пуфлаш кучини ўзгартириш натижасида 2.5 октава диапазонидаги товушқатор ҳосил қилиш мумкин. Бармоқ б-н беркитиладиган тешикларнинг қарама-қарши томонида товушлар мувозанатини сақлашга ёр-

дам берадиган 2 ёки 3 та тешик ҳам бўлади. Анъанавий ўзбек ва тожик чолғу ансамбллари таркибида Н. етакчи созларданлир. Куй бошланадиган пардага боғлиқ ҳолда Н.га мослаб бошқа асбоблар созланган. Шунинг учун найдаги бармоқ-чалғич тешикчалар беркитилиш сонига қараб миллий созандалар орасида «беш қўл», «тўрт қўл», «уч қўл» деб номланувчи созлаш турлари қўлланган. Ҳозирда Н. асбобининг ўрни якканавоз ва жўрнавоз соз сифатида янада кенгайди, ундан халқ чолғу ансамбллари ва оркестрларида фойдаланишнинг янгича усуллари юзага келди.

НАЙЗА — 1) санчиш ёки иргитиш учун мўлжалланган ов ва жанг қуроли. *Палеолит* даврида пайдо бўлган. Илк Н. 1.5 дан 5 м гача узунликдаги ёғочдан учи ўткир қилиб ясалган. Дастлаб Н. учига ўткир тош, кейинчалик суяк санчқи маҳкамланган. *Жез даврида* Н. санчқиси металлдан ясалган. Қўлланилишига қараб Н.нинг узунлиги турлича бўлган: иргитиладиган Н.лар калта, пиёда аскарлар Н.си ўртача, отлиқ аскарлар Н.си узун бўлган. 19-а.да милтиқ учига санчқисимон (учлик) ва пичоқсимон (тиғлик) Н.лар ўрнатилган. Н. жаҳон халқларининг деярли ҳаммасида кенг тарқалган; 2) енгил атлетикада қўлланиладиган асбоб.

НАЙЗА (амалий санъатда) — нақш тури; *наққошликда* учи ўткир ов ва жанг қуроли (*найза*)нинг услублаштирилган шаклининг такрорланишидан ҳосил бўлади. Сопол ва металл буюмлар безак мужассаматида кенг қўлланади, ҳошия нақшлар орасига ишланади. Н. барг (ўсимлик баргига ўхшаш), Н. бўйин (ости бўғим-бўғим Н. шаклида), Н. гул (ўртада тик чизиқ, юқори ва қуйида икки томонга қарата чиқарилган шохлари, ёнларида новдалари бўладиган), Н. мадоҳил (тут дарахтининг қайчи барги каби учли) каби хиллари бор.

НАЙЗАБАРГ (Sagittaria) —буладуруқўтдошларга мансуб кўп йиллик илдизпояли ўтлар туркуми. Ўзбекистонда уч япроқли Н. (S.trifolia) ўсади. Барглари илдиз бўғзидан 60—100 см гача ўсади, найзасимон, учи ўткир, банди узун. Гуллари оқ, поянинг учида оддий ёки шохланган шода ҳолида, асосан 3 ҳалқа бўлиб жойлашган. Июнь—сен.гача гуллаб мевалайди. Меваси ёнғоқча. Илдизпоясидан

Уч япроқли найзабарг.

тўпланган новдалар ўсади. Тўпбаргли ва уруғидан кўпаяди. Бир тупи 10 минггача уруғ тугади. Уруғлари шамол ва сув орқали тарқалади. 18—26° ҳароратда униб чиқади. Ўрта Осиёда тарқалган. Шолипояларга катта зарар етказади. Асосан, суғориш ва таъминлаш ариқ ва каналлар бўйларида ўсади.

Қуриш чоралари: уруғликни тозалаш, экишни сийракроқ экиш; гербицидлар пуркаш.

НАЙЗАБОЗЛИК — қўл жанги турларидан бири; рақибни найза санчиб маҳв қилиш. Н. жанг қилишнинг қад. усулларидан бири бўлиб, *найза* пайдо бўлиши б-н вужудга келган. Н.да ҳимоя воситаси сифатида қалқон ва совутлан фойдаланилган. 19-а.нинг ўрталаридан бошлаб, милтиққа найза ўрнатилгач, Н. зарур бўлгандагина қўлланилган.

НАЙЛОН (инг. nylon) — полимиллардан олинадиган сунъий тола. Ювувчи моддалар ва ишқаланиш таъсирига чидайди. Табиий ипакдан мустаҳкам (қ. *Полимид толалар*).

НАЙМАН, найманлар — ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, нўғой ва олтой халқлари таркибига кирган қабила уюшмаси. Рус этнографи А.Д.Гребенкининг 19-а. 70-й.ларида берган маълумотига кўра, ўзбек Н. Зарафшон водийси (63 та қишлоғида), Фарғона водийси, Хоразм воҳаси, Қорақалпоғистон, Қашқадарё ва Сурхондарёнинг Термиз туманида қўнғиротлар б-н бирга яшаб келишган. Кейинчалик дастлаб Афғонистоннинг Балх вилоятига, сўнгра Зарафшон водийсига кўчиб кетишган.

Ўзбек Н.лари 19-а. охирида 3 та йирик уруққа бўлинган: қўштамғали, садирбеги, увахтамғали. Булардан ташқари, Н.да бир қанча уруғ бўлимлари ҳам мавжуд бўлган: агран, айрончи, бадир, бия, боганали, болтали, букалай, бурунсов, жағалбойли, жостовон, жилонли (илонли), жумалоқ бош, олти ота, олти ўғил, оқ тунли, сегиз уруғ (саккиз уруғ), сари-найман, тургул (тўрт ўғил), тўрттамғали, ургуч, украш, чангали, чўмичли, гозоёқли, қорагадой, қорасирак, қаргали, қилтамғали, култамғали ва б. Нарпай туманидаги Н.: пўлатчи, улус, зарман, кичкиллик, оснайман. Аччинали найман, каттаки, найман, тўрғоқ найман, уйшун найманларга ҳам бўлинган.

Ўзбек Н. авлодларини бошқа қавмлар таркибидан ҳам учратиш мумкин. Мас., ўзбек-саройларининг энг йирик тўрт уруғидан бири найман- сарой деб номланган. Шунингдек, қипчоқ саройда чоркуса найман, қўштамғали сарой ва кўнғирот саройда ҳам Н. тармоғи бор. Ҳаттоки ўзбек кенагаслари ва жузлари таркибида ҳам Н. шомобчаси учрайди. Бу ҳолат ўзбек қавмларининг этногенези мураккаблигидан, уларо этногенетик ва этномаданий алоқалардан далолат беради.

Н. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Бошқирдистон, Татористон ва Мўғулистон ҳудудларида ҳам яшаганлар.

Н.ларнинг келиб чиқиши муноза-ли. Бир гуруҳ олимлар (И.Н.Березин, В.В.Бартольд, Б.Я.Владимирцов ва б.) Н.нинг этногенезини мўғуллар б-н боғлайдилар. Улар «найман» сўзининг этимологиясини (мўғулча «саккиз», «саккиз қабила») уз фикрларига далил қилиб кўрсатадилар. Иккинчи бир гуруҳ эса (Н. А. Аристов, Х.Ховорст, С.А. Аманжолов ва б.) эса Н.ни турк деб ҳисоблайдилар. Қад. Шарқ кулёмаларида ҳамда Урхун ёзувларида «саккиз уғуз» қабиласи иттифоқи тилга олинади. Улар яшаган ерларни 10-а. ўрталарида киданлар ишғол этганлар. Саккиз уғузлар киданлар томонидан тобе этилади, киданлар уларни Н. деб атай бошлаганлар. Демак, Н. аслида туркий халқлардан бўлганлар. Н. 8-а. ўрталарида Байкал кўлининг жан.да яшаганлар. 9-а. ўрталарида улар Урхун дарёсининг юқори қисмидан то Тарим ва Қора Иртишгача бўлган ерларни эгаллайдилар. Кейинчалик Н. эгаллаб турган ерларининг четараси Хонбон ва Олтой тоғларигача етган. Улар шарқда, *кераитлар*, шим.да қирғизлар, ғарбда *қанглилар*, жан.да эса *уйғурлар* б-н чегарадош бўлганлар. 12-а.нинг ўрталарида Н. кучайиб, Марказий Осиёда ўз ҳукмронликларини ўрнатдилар. Н. давлати 13-а. бошигача, яъни *мўғуллар истилосига* қадар мавжуд бўлган. Н.ларнинг охирги хони — Таянхоннинг пойтахти Жаршизнаур деган (Қорақурумга яқин) жойда жойлашган.

1204 й.да Н.нинг катта бир қисми мўғулларга тобе бўлади. Мўғулларга итоат этмаган Н. эса Балхаш кўлининг ғарбидаги чўлларда, жан.да Олакўл бўйларигача бўлган ерларда, Сирдарё бўйларида, Улуғтоғ ҳамда Ишим дарёси бўйларида яшаганлар. Сирдарё бўйларидаги Н.нинг катта қисми кейинчалик Хоразмга ва Мовароуннаҳрга кўчиб келиб ўрнашганлар. Улар астасекин ўтроқлашиб, ерлик халқларга аралашиб кетганлар.

Қозогистон чўлларида кўчиб юрган Н.нинг бир қисми *Шайбонийхон*нинг Мовароуннаҳрга қилган юришларида фаол қатнашган. 15-а.нинг охири — 16-а.нинг бошларида улар ҳоз. Ўзбекистон ҳудудларига кўчиб ўрнашган. Н.нинг Дашти Қипчоқда қолган қисми эса қозоқ, қорақалпоқ ва нўғойлар таркибига кирган. Н.нинг деярли кўпчилиги 13-а. бошларигача христиан динида бўлган. Уларнинг бир қисми эса қора киданлар таъсирида будда динини ҳам қабул қилганлар. Аммо Н. эзгиқодида ибтидоий динларининг, хусусан шаманизм қолдиқлари кучли бўлган. 13—14-а.лар давомида Н.лар ислом динини қабул қилганлар.

Ўзбек Н.нинг кўпчилик қисми Зарафшон водийсида (Пастлагром ва Нарпай туманларида) утроқ ҳолда яшаб, кўпинча деҳқончилик б-н машғул ҳам. Улар томли (паxса, чўнқори) уйларда яшаганлар. Ўтроқ Н.нинг бойлари чорвачилик б-н ҳам шуғулланганлар. Жом чули, Ўртачул, Зирабулоқ тоғида яшовчи Н.нинг асосий машғулоти чорвачилик ҳисобланган. Булар кўпинча қоракўл қўйлари, тог ва тог бағирларида яшаганлари эса жайдари қўйлар, қорамол, туя ва от сақлаганлар. Чорвадор Н. ўтовларда яшаганлар, 19-а.нинг охири — 20-а.нинг бошларида ўзбек Н. ҳам бошқа қабилалар каби ўтроқ ўзбеклар таркибига сингиб, мазкур халқнинг шаклланишида фаол қатнашганлар.

Ад.: Рашид ад-дин.. Сборник летописей, т. 1., вып. 1., М. —Л., 1962; Норбоев Н., Ўзбек элининг қабила ва уруғлари ҳақида, Т., 1997.

Очил Бўриев.

НАЙМАН АДИРЛАРИ — Фарғона вилоятидаги адирлар. Фарғона водийсида, Каркидон сув омборининг шим. ғарби, Қоратепа тоғларининг жан.-ғарбида жойлашган. Бал. 725—750 м, юқори плиоцен-қуйи тўртламчи даврнинг алевролит, конгломерат, гил, қумтошларидан тузилган. Адирлар ўртача парчаланган. Жан.дан бошланувчи сой ўзанлари уларни бир неча жойда кесиб ўтган. Ювилган тўқ бўз тупроқларда эфемерлар, эфемероидлар, шувоқ кенг тарқалган. Яйлов чорвачилигида фойдаланилади.

НАЙМАНСОЙ — Фарғона вилоятидаги сой. Сўх сойининг Сариқўрғон гидротутунидан бошланади. Дастлаб шим.-ғарбий йўналишда 12—15 км масофада адирларни кесиб ўтади. 40 км дан сўнг тармоқларга бўлиниб кетади Унинг Ўртақўрғон, Қазамуш, Кумбости, Бекобод, Тўрасой, Шайхназар каби ўнлаб тармоғи бор. Сойда куз ва қишда сув кам бўлади, баҳор ва ёз пайтларида бу сойга кўп сув ташланади. Н. Ўзбекистон ва Данғара туманларидаги хўжаликлар ерини сув б-н таъминлайди.

НАЙПАЧОҚ — ёғочдан ясалган пуфлаб чалинадиган созларда товуш ҳосил қилувчи юпқа пластинка. Илгари қамишдан тайёрланганлиги учун қамиш тил деб аталган. Ҳозир бошқа материаллардан ҳам тайёрланади. Якка (кларнет, саксофон каби созларда) ва жуфт (сурнай, гобой, фагот каби созларда) турлари бор.

НАЙПОЯ — совбонгулдошларга мансуб йирик ўтлар туркуми. 70 дан ортиқ тури маълум. Асосан, Шарқий Яримшарининг мўътадил минтақасида тарқалган. Ўзбекистонда гулпар тури кўп ўсади. Гулпарга боғ. Кўпчилик турларининг поя ва барглари ейиш мумкин, баъзилари чорва моллари учун озуқа. Терини куйдириш хусусияти бор.

НАЙРАНГБОЗЛИК — миллий ўзбек цирк санъати тури; қ. *Илюзионизм*.

НАЙРОБИ — Кения пойтахти, 1700 м баландликдаги ясситоғликда жойлашган. Иқлими экваториал, муссонли иқлим. Июль ойининг ўртача т-раси 15°, январники 18,7°. Йиллик ёғин ўртача 930 мм. Аҳолиси 2,07 млн. киши (1998). Н. маъмурий жиҳатдан провинцияга тенглаштирилган пойтахт округини ташкил қилади.

Шаҳарга 1899 й.да Момбаса — Кисуму т.й.нинг қурилиши натижасида асос солинган. Кейинроқ инглизлар Н.ни ғарбий базаси бўлган. 1963 й.дан нинг ҳарбий пойтахти. Н. — т.й. ва мустақил Кения пойтахти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Мамлакатнинг муҳим савдо-саноат маркази. Озиқ-овқат, кўнпойабзал, тўқимачилик, металлсозлик, кимё, қоғоз, ойна-шиша, цемент саноати корхоналари мавжуд. Миллий ун-т, миллий музей, Сорсби бадиий галереяси, миллий театр, кутубхона, тадқиқот марказлари бор. Шаҳар тўғри бурчакли режа асосида, бинолар европача усулда қурилган. Туризм ривожланган.

Найроби шаҳрининг марказий қисми.



НАЙТИШЛИЛАР (Tubulidentata) — йўлдошли сут эмизувчилар туркуми. Уз. 1—1,5 м, думи 45—60 см, вазни 80 кг дан ортиқ. Тумшугининг учи найга ўхшаш чўзиқ. Олдинги оёқлари 4, кейинги оёқлари 5 бармоқли бўлиб, туёқсимон тирноқлари бор. Тирноқларни ёрдамида термитлар инини бузади ёки ер ковлайди. Тили узун, чувалчангсимон. Тишлари ўзаро қўшилиб ўсган дентин найчалардан иборат (номи шундан олинган); тиш эмали ва илдизи бўлмайди; тиши доимо ўсиб туради. Курак ва йиртқич тишлари ривожланмаган. Н.га фақат 1 тур — Африка найтишлиси (Orycteropus afer) киради. Африканинг Сахрои Кабирдан жануброқда жойлашган барча ҳудудларида тарқалган. Тунда фаол ҳаёт кечиради. Уз. 3 м гача ин қазиб, 1 йилда 1 бола туғади. Асосан, термитлар ва чумолилар б-н озиқланади. Териси ва гўшти учун овланади. Кўпчилик ҳудудларда сони кескин камайиб бормоқда.

НАЙЧА — 1) чакка (соч)га тақиладиган аёллар тақинчоғи; босма усулида гуллар б-н безатилган юпқа металл япроқча ўрами (най шакли)дан иборат; ўрта қисмига феруза кўзли йирик думалоқ мунчоқ ўрнатилган. Н.нинг 2 чети феруза кўзлар қатори б-н ҳошияланган; атрофи ва ўртасидан шокила (маржон, япроқча, баъзан танга)лар осилган. Н.дан чаккадаги соч толаларини қистириб қўйиш учун фойдала-

Найча (19-а., Бухоро).

нилади;2) зар-гарликда *соч-попукка* тақиладиган кумушдан ясалган найсимон бўлак; Н. юзаси боема ислимий нақшлар б-н безатилган, юқори қисми қуббали, қубба атрофи эмаль ёки феруза кўзлар б-н ўралган; қуйи қисми кенгайиб бориб 4 та бўлак (парракча ажралади. Н. орасидан ўрилган (эшилган) қора иплар (соч) тутами ўтказилади; 3) чакка ва бошга тақиладиган тақинчоқларнинг пат, укпар ўрнатиш учун қилинган қисмлари ҳам Н. деб аталади.

НАЛБАНДЯН Микаэл Лазаревич [1829.2(14).11, Ростов-Дон тумани — 1866.31.3.(12.4), Камишин ш.] — арман ёзувчиси, файласуф. Янги арман адабий тилининг асосчиларидан бири. 1855—58 й.лар Москва ун-тининг тиббиёт ф-тида таҳсил олган, сўнг шу ерда арман тилида нашр этиладиган «Юсисапайл» («Шимол ёғдуси») жур.да ишлаган (1858—60), «Колокол» ва «Современник» жур.ларининг таъсирида инқилобий демократизм томонига ўтган. Н. 1860—62 й.ларда Туркия, Ҳиндистон ва Ғарбий Европа мамлакатларига саёҳати давомида А. И. *Герцен* ва Н. П. *Огарёв*лар б-н танишган. Кейинроқ «Мегу» («Асалари») жур. қошида яширин инқилобий ташкилот тузган, жамиятни кескин танқид этувчи асарлари учун қамоққа олинган ва кейинчалик сургунда вафот этган. Н. фалсафа, иқтисод, пед., тилшунослик б-н шуғулланган, Фейербах ва Чернишевский фикрларини ривожлантирган. Н. фалсафаси арман халқи ижтимоий тафаккури ривожида муҳим босқич ҳисобланади. Асосий публицистик асари «Деҳқончилик ҳақ йўл» (1862). «Бировга сўз, бошқага келин» (1858), «Кундалик» (1858—60) романлари б-н арман танқидий реализмига асос солган. Адабий-эстетик қарашлари «Арман ёзуви ҳақида сўз» (1854—55), «Танқид» (1858) асарларида ўз ифодасини топган.

НАЛИВКИН Владимир Петрович (1852.15.7, Калуга — 1918.20.1, Тошкент) — тарихчи, шарқшунос, лингвист ва педагог. 1873 й. артиллерия билим юртини тугатгач, Туркистонда хизмат қилган, Хива ва Қўқон юришларида қатнашган. Қисқа муддат Наманганда ҳарбий бошлиқнинг ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ерли аҳолининг тили, турмуши ва урф-одатларини яқиндан ўрганиш учун Нанай қишлоғидан ер сотиб олиб, оиласи б-н шу ерда бир неча йил яшаган. Ўзбек, тожик, араб тилларини пухта ўрганган. Н. Туркистон ўлкасида очилган биринчи рус-тузем мактабининг дастлабки ўқитувчиларидан бўлган. Тошкент ўқитувчилар семинариясида маҳаллий тиллардан дарс берган (1890 й.дача). 1890—95 й.ларда Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд губернаторининг ёрдамчиси бўлган. II Давлат думасининг депутатлигига сайланган. 1917 й.да Муваққат ҳукуматнинг Туркистон қўмитасига раислик қилган, меньшевикларни ёқлаган. У Туркистон ўлкасининг тарихи, этнографияси, ислом маданиятига доир кўплаб асарлар ёзган, ўзбек («сарт»), форс тиллари бўйича қўлланмалар яратган, «сартча» (ўзб.)-русча, русча-«сартча» (ўзб.), русча-форсча луғатлар тузган. Акад. В. В. *Бартольд*нинг таърифича, Н. «руслар орасида ўзбек тили ва турмушини энг яхши билган» олим эди. Унинг хотини М. В. Наливкина б-н бирга ёзилган «Фарғонадаги ўтроқ аҳоли аёлларининг турмушига доир очерклар» ҳамда «Қўқон хонлигининг қисқача тарихи» асарлари шарқшунос олимлар томонидан юқори баҳоланган. Кейинги асар 1899 й.да Парижда француз тилида А.Дозон таржимасида босилган. Большевиклар Таъсис мажлисини тарқатиб юбориб, зўравонлик б-н ҳокимиятни босиб олгандан кейин Н. бўлажак қатагонлар ва ваҳшийликларни олдиндан кўра олган. У 1918 й. 20 янв.да Тошкентда большевиклар тузумига норозилик сифатида хотинининг қабри устида ўзини отиб ўлдирган.

Ас.: Русско-сартовский и сартовско-русский словарь, с приложением краткой грамматики по наречиям Наманганского уезда, сост. В. Наливкин и М. Наливкина, Казань, 1884; Азбука для русско-мусульманских школ оседлого населения Туркестанского края, изд., 2, испр, Т., 1986; Сартовская хрестоматия для Туркестанской учительской семинарии, Т., 1896; Руководство к практическому изучению сартовского языка, Самарканд, 1898.

Ортиқбой Абдуллаев.

НАЛИВКИН Дмитрий Васильевич [1889.13(25).8, Петербург, — 1982.3.3, Санкт-Петербург] — рус геологи ва палеонтологи, акад. (1946), Туркманистон ФА фахрий аъзоси (1951), Меҳнат Қаҳрамони (1963).

Илмий ишлари стратиграфия, палеонтология, палеозой палеогеографияси, регионал геол., Урал, Ўрта Осиё, Шарқий Европа платформаси фойдали қазилмаларини излаб топишга бағишланган. Н. — фанлар ҳақидаги таълимота асос солувчилардан бири. Геологик харитадар тузишда қатнашган.

Ас.: Очерки геологии Туркестана, М., 1926; Учение о фациях, 3 изд., т. 1—2, М.—Л., 1955—56; Брахиоподы верхнего и среднего девона Туркестана, М.—Л., 1956; Ураганы, бури и смерчи, Л., 1969.

НАЛЬЧИК ш. (1921 й.дан) — *Кабарда-Балкария* пойтахти. Катта Кавказнинг шим. ёнбағирларида, Нальчик дарёси бўйида жойлашган. Т.и. станцияси. Аҳолиси 235,7 минг кишн (1998). Н. Кабарда-Балкария саноат маҳсулотининг 50%ини беради. Машинасозлик («Севкавэлектрод», «Теземеханика» кормоналари, электровакуум, ярим-ўтказгичли приборлар, станкосозлик ва б. з-длари), рангли металлсозлик, кимё озиқ-овқат, енгил саноатлари ривожланган. Баланд тог геофизика илмий тадқиқот ин-ти, 3 олий ўқув юрти (шу жумладан, Кабарда-Балкария ун-ти), 2 театр, ўлкашунослик, тасвирий санъат музейлари, филармония фаолияти кўрсатади. Бальнеологик ва тог-иқлимий курорти бор (Н.дан 3 км нарида. Долинскда 500—550 м баландликда жойлашган). Н. Шим. Кавказдаги туризм ва альпинизм марказларидан бири. Н. 1817—18 й.ларда руслариниг ҳарбий истеҳкоми сифатида вужудга келган.

НАМ СИҒИМИ, тупроқ нам сиғими — тупроқнинг намни тутиш хусусиятини тавсифловчи катталик: тупроқ массаси ёки қуруқ тупроқ ҳажмига нисбатан фоизлардаги намлик миқдори ёки сув қатламининг мм лардаги баландлигида ифодаланади. Тупроқнинг гранулометрик таркиби ва тузилишига, ундаги гумус таркибига боғлиқ. Н.с.нинг асосий турлари тўла Н.с. (тупроқнинг барча говаклари сув б-н тўлганда) тупроқ сингдира оладиган сув миқдори; капилляр Н.с. — грунт сувлари сатҳи устидаги тупроқ қатламн сув ва тупроқ зарралари ўртасидаги молекуляр тортишиш кучлари таъсирида тутиб турадиган энг кўп сув миқдори. Меъёрий (чегаралаги) дала Н.с. (барча гравитацион сув оқиб кетгандан сўнг тупроқ тутиб қоладиган сув миқдори, ўсимликлар учун асосий намлик манбаи). Меъёрий дала ва капилляр Н.с. қ.х. экинлари оптимал суғориш режимини ҳамда мелиорация учун зарур сув нормаларини ҳисоблаб чиқишда катта аҳамиятга эга. Меъёрий дала Н.с. 1 м қалинликдаги гилли тупроқ учун, одатда, тупроқ массасига нисбатан 25%, оғир ўртача қумоқликда 19%, енгил қумоқликда 16%, қумлоқда 13% ва қумликда 10% атрофида бўлади (яна қ. *Ўсимликнинг сув режими*).

Собиржон Азимбаев.

НАМ ТЎПЛАШ — қор ва ёмғир сувларини туплаш, оқиб кетишига йўл қўймаслик ва б-н тупроққа нам йиғишга қаратилган агротехникавий тадбир. Тупроқнинг 1,5—2 м қатламида экинлар келгуси йил баҳорда ёки ёзнинг бошланишида фойдаланишни мумкин бўлган сув захирасини яратиш учун ўтказилади. Н.т. намсевчилик етишмайдиган ва ўзлаштириб турадиган минтақаларда муҳим аҳамиятга эга. Ўрта Осиё ҳудудида Н. т., асосан, тог олди р-ларда олиб борилади. Н.т. бошқа агротехникавий тадбирлар (эрта шудгорлаш, кузги ёки қишки сув бериш ва ҳ.к.) б-н қўшиб олиб борилганда яхши самара беради. Н.т. га кўлдан ҳозирлик кўрилади, жойнинг рельефи, тупроқ ҳолати ва ҳ.к.ни ҳисобга олган ҳолда оптимал тайёрланган технология харитасига мувофиқ олиб борилади.

НАМАКОБ СУВЛАР — 1) денгиз, шўр кўллар, сунъий ҳавзалар, шунингдек, ер ости сувларининг юқори даражада минераллашган табиий сувлари. Улар ер ости гидросферасида кенг тарқалган, Н.с. ҳароратига қараб совуқ (20° дан паст); илиқ (20—35°), иссиқ (35—42°) ва жуда иссиқ сувларга бўлинади (қ. *Ер ости намакоблари*).

НАМАНГАН — *Наманган вилояти*даги шаҳар. Вилоятнинг маъмурий, иқтисодий ва маданий маркази. Аҳоли сони бўйича Фарғона водийсида олдинги ўринда. Ўзбекистоннинг йирик индустриал шаҳарларидан бири. Фарғона водийсининг шим.да, Шим. Фарғона канали б-н Намангансой кесишган ерда, 450 м баландликда жойлашган. Майд. 83,3 км². Июлнинг ўртача т-раси 26,3°, янв.никн —2,3°. Аҳолиси 395,8 минг киши (2003).

Фарғона водийсининг қад. пойтахти Ахсикат (Ахсикент) 1620 й.даги қаттиқ зилзила натижасида вайрон бўлганлиги сабабли, унинг аҳолиси ҳоз. Наманган ш. ҳудудига кўчиб ўтган. Н. туз кони («Намак кон») яқинида вужудга келган бўлиб, шаҳар номи ўрта асрларга оид тарихий ҳужжатларда биринчи марта тилга олинади. Заҳириддин Бобур ўзининг «Бобурнома» (16-а.) асарида Н. қишлоғи ҳақида гапириб ўтган. В. П. Наливкининг («Қўқон хонлигининг қисқача тарихи», Қозон, 1886) ёзишича, Н. 1643 й.га мансуб вақф ҳужжатларида учрайди. 18-а.да Н. Қўқон хонлигига тобе бўлган. Бироқ вилоятни бошқарувчи бек қароргоҳи сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолган. У фақат шаҳар аҳолисигина эмас, балки атрофдаги туманлар аҳолисига ҳам хизмат қилувчи ҳунармандчилик маркази бўлган. Деҳқонлар Н. бозорларида ип ва газламалар, мис идишлар, заргарлик буюмлари ва меҳнат қуролларини сотиб олишган. Шаҳарда меъморлик ёдгорликлари ҳозир ҳам мавжуд. 1817—22 й.ларда Н. аҳолиси кучи б-н катта Янгиариқ канали қазилиб, сув таъминоти яхшиланди. 1842—45 й.ларда шаҳар баланд девор б-н ўраб олинган. 1813—14 й.ларда Н.га келган рус офицери Ф. Назаров бу ерда шаҳар ҳокимининг девор б-н ўралган саройида анча катта гарнизон борлигини аниқлаган. Қўқон хонлиги ҳукмронлигининг сўнгги кунларигача Н. бек қароргоҳи бўлиб келди. Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона маъмурий вилояти тузилгач, Н. унинг уезд шаҳарларидан бирига айланди. 1894—95 й.ларда уезд муассасалари учун давлат бинолари қурилди. 20-а.нинг бошларида Н. Ўрта Осиёнинг «эски» ва «янги» қисмларидан иборат типик шаҳарига айланди. 1912 й.да шаҳарга Қўқон томонидан т.й. ўтказилди. 1914 й. з-длар сони 17 тага етди. Бундан ташқари, 2 ёғ з-ди ҳам қурилди. Шаҳардаги ҳар минг кишидан 22 таси саноат ишчиси бўлган. 1916 й.да Н.да Николай II нинг мардикорликка олиши ҳақидаги фармонига қарши меҳнаткашларнинг чиқиши бўлди (қ. *Мардикорлик*). Большевикларнинг босқинчилик урушн даврида Н.дагн корхоналарнинг карийб 80%ида иш тўхтаб қолди. Урушдан кейин саноат корхоналари тикланиб, ривожлана бошлади. Мотор таъмирлаш, сут-ёғ, консерва, гишт, пахта тозалаш з-длари, нон к-ти, электр стяси ва бир қанча майда маҳаллий саноат корхоналари ишга туширилди. Вилоятда пахтачилик, пиллачилик ва қ.х.нинг бошқа тармоқлари ривожланиши шаҳарда кенг истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари саноатининг ривожланишига сабаб бўлди. Шу даврда шаҳарда 3 электр ст-я, вино ва пиво з-длари, йигирув-тўқув ф-каси, таъмирлаш-механика устахонаси қурилди. Саноатнинг ялпи маҳсулоти йилдан-йилга ортиб борди. 2-жаҳон уруши йилларида шаҳарда пойабзал ф-каси, тикувчилик корхонаси, гўшт к-ти, маҳаллий ва кооператив саноат корхоналари ишга туширилди. Урушдан кейин енгил, озиқ-овқат, оғир, кимё, металлсозлик, электротехника ва қурилиш саноатлари ривожланди. Шаҳарни электр энергия б-н тўла таъминлаш мақсадида 1946 й. Намангансойда 2-ГЭС қурилди. 1949 й.да марказий экскаватор ст-ясн ташкил этилиб, бу ерда турли хил экскаватор, скрепер, бульдозер каби қ.х. машиналари таъмирланди. Ўрта Осиёда ягона электротехника з-ди (саноатда ва рўзғорда ишлатиладиган) электр ситкич асбоблари ишлаб чиқара бошлади.

Наманган шаҳридаги «Жаҳон» бозори.

Н. республиканинг енгил ва озиқ-овқат саноатлари марказларидан бирига айланди. Бу ерда Ўзбекистоннинг тўқимачилик маҳсулотларининг 15%ини ишлаб чиқарувчи йирик тўқимачилик корхоналари қурилди.

Шаҳарда 36 қўшма корхона мавжуд. Шулардан, Ўзбекистон—Япония

«Паҳлавон» спорт мажмуи.

Наманган шаҳар алоқа-транспорт касб-ҳунар коллежи.

«Силк Роад», Ўзбекистон—Швейцария «Нестле», Ўзбекистон — Туркия «Аснам-Текстиль» ва б. қўшма корхоналарнинг ҳиссаси салмоқлидир. «Атлас», «Нотўқимачи», «Наманганғўштсутсаноат», «Наманганэкстрактёғ», «Наманганмебель», «Намангандонмаҳсулот», «Меҳмаш», «Карбонам», корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Шаҳарда 400 дан зиёд кичик ва ўрта бизнес субъектлари бор.

Мустақиллик йилларида шаҳар бутунлай ўзгариб кетди. Илгариги тор кўчалар ўрнида кенг ва равон йўллар бунёд этилди. «Бобуршоҳ», «Дўстлик», «Марғилон», «Оромгоҳ», «Уйчи» кўчалари тубдан қайта таъмирланди. Н. азалдан ўзининг ҳунармандчилиги б-н ном қозонган. Шаҳарнинг турли бурчакларида кичик бозорчалар бўлиб, ҳунармандлар, савдогарлар, деҳқонлар ўз маҳсулотларини ана шу бозорчаларда сотишган. Кейинги 10 й. ичида бу бозорлар ўрнида «Чорсу», «Дўстлик», «Тахтакўприк», «Шоҳбекат», «Жаҳон» сингари замонавий бозорлар қад кўтарди. Шаҳар марказида Амир Темур, Бобур хиёбонлари, «Тинчлик» майдони, Машраб номидаги боғ бунёд этилди. Бобур боғи ҳудудида «Хотира» майдони барпо қилинди. Бобуршоҳ кўчасида академик лицейнинг ўқув биноси ва ётоқхонаси, Дўстлик кўчасида транспорт-алоқа коллежининг биноси қуриб фойдаланишга топширилди. Санъат, маданият, тиббиёт, саноат коллежларининг бинолари тубдан қайта таъмирланди ва жиҳозланди. Шаҳар марказида тез тиббий ёрдам кўрсатиш маркази, эндокринология, «Она ва бола» марказлари, кўпгина маҳаллаларда амбулаториялар ишга туширилди. Аксарият маҳаллаларда гузарлар қурилди. Шаҳарда 21 автотранспорт ва 7 алоқа корхонаси, 48 йирик қурилиш корхоналари мавжуд. Транспорт воситалари қатнайлиган кўчаларининг уз. 1010 км. Троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Аэропорт бор. Вилоят туманларига автобуслар қатнайди. Шаҳарга «Ўзқурбобита», «Камалак — ТВ» ва «ДЭУ Юнител» қўшма корхоналари хизмат кўрсатмоқда.

Наманган шаҳри Давлатобод тумани ҳокимияти биноси.

Н.да 38 йирик савдо корхонаси ва кўпгина савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. Н. республиканинг фан ва маданият марказларидан бири. Шаҳарда ун-т, 2 ин-т, 10 коллеж, 2 касб-ҳунар мактаби, 2 академик лицей, иқтисодиёт лицейи, 51 умумий таълим мактаби, 53 мактабгача тарбия муассасаси бор. 2002/2003 ўқув йилида ун-т ва ин-тларда 11129, ўрта махсус ўқув юртларида 10630 талаба, касб-ҳунар мактабларида 498, лицейларда 1608, умумий таълим мактабларида 76801 ўқувчи таълим олди. Шаҳарда 2 театр, болалар кўғирчоқ театри, 27 жамоат кутубхонаси, 5 клуб, 4 маданият ва истироҳат боғи, 2 маданият саройи, 6 маданият уйи, 5 музей, 2 болалар мусиқа мактаби мавжуд (2003). 5 спорт мактаби, бир қанча стадион ва сузиш ҳавзалари, «Паҳлавон», «Динамо» спорт мажмуалари, «Дўстлик» теннис майдонлари, отчопар бор. 67 касалхона, 2 туғруқхона, 15 поликлиника, 6 аёллар консультацияси, тиббий диспансер, 4 шаҳар врачлик пункти, санаторий-профилактория лар аҳолига хизмат кўрсатмоқда.

Муродулла Ҳайдаров.

НАМАНГАН АДИРЛАРИ — Наманган вилоятидаги адирлар. Наманган шаҳридан шим.да, жан.-ғарбий йўналишда жойлашган. Уз. 35—40 км, эни 8—10 км. Адирлар плиоцен — қуйи тўртламчи даврнинг қўнғир алевролитларидан тузилган, уларга кичик қатлам ҳолда гравелит ва конгломератлар аралашган. Н.а. меридианал йўналишда оқадиган сой (Чортоқсой, Поччаотасой, Наманган-сой, Косонсой ва б.)лар ўзани б-н бўлинган. Чеккалари атрофидаги текисликларга секин-аста қўшилиб кетган. Бир оз тикроқ ён бағирларида гўб жинслар юзаси очилиб қолган. Тупроқлари ювилган, ланд.ш ескелети, юнқароқ, гумус миқдори 0,5—1,0%. Олдин бўз тупроқларда ранг, қунғирбош, эфемероидлар кени тарқалган. Йилни чорвачилигида фойдаланилади. Кейинги вақтларда адирли ерлар ўзлаштирилиши муносабати б-н тупроқларнинг шўрланиши, эрозия, ён бағирларининг ўпирилиши каби жараёнларнинг ривожланиши кузатилмоқда.

НАМАНГАН «АСНАМ ТЕКСТИЛ» ҚЎШМА КОРХОНАСИ — Ўзбекистон — Туркия қўшма тўқимачилик корхонаси. Масъулияти чекланган жамият мақомига эга. Таъсисчилари: «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, «Енгилсаноатинвестхолдинг» акциядорлик жамияти ва Туркиянинг «Астон» фирмаси. Корхона қурилиши 1992 й. июлида имзоланган шартномага асосан бошланиб, 1994—2001 й..ларда қурилди ва и.ч. қувватларидан фойдаланиш 2001 й. апр.дан бошланди.

Низом жамғармаси 6,99 млн. АҚШ доллари. Шундан Ўзбекистон томонининг улуши 42% (2,93 млн. доллар), хорижий ҳамкорлар улуши 58% (4,06 млн. доллар). Н. «А.Т.» қ.к.нинг йиллик лойиҳа қуввати 3600 т пахта толаси ип и.ч. Корхона пахта толасидан тайёр газламалар, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Йигирув, тўқув, пардозлаш мажмуасига эга.

НАМАНГАН «АТЛАС» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — Ўзбекистондаги йирик тўқимачилик корхонаси. «Ўзбекипаги» уюшмасининг «Шойи» акциядорлик компанияси таркибида. Корхона, асосан, табиий ипак, соф ипакдан тайёрланган миллий хонатлас, тандаси соф ипак ва арқоғи пахта ипли адрас ва беқасам газламалари ҳамда соф ипакдан қадимги миниатюралар тасвирлари б-н гиламлар ишлаб чиқаради. Жамият таркибида пиллакашлик, бўёқчилик, тўқувчилик корхоналари бор.

1925 й.да маҳаллий ҳунарманд, тўқувчи косибларни бирлаштирган «Янги ривожия» артели ташкил этилган. 1962 й.да корхона Наманган шойи тўқиш

Наманган «Атлас» корхонаси маҳсулотларидан намуналар.

ф-касига айлантирилди. 1971 й.да Наманган абрли шойи тўқимачилик к-ти, 1994 й.дан ҳоз. номда. 1973 й.ларда 202 т ипак ишлаб чиқарадиган пиллакашлик корхонаси, 1976—80 й.да 7,2 млн. м миллий газлама и.ч. қувватига эга бўлган бўёқчилик ва тўқувчилик корхоналари ишга туширилди. 1994 й.да к-т давлат тасарруфидан чиқарилди ва акциядорлик жамиятига айлантирилди.

1998 й.да пиллани қайта ишлаш жараёнида чиққан чиқиндилардан ипак тайёрлашга ихтисослашган «Силк Роад» Ўзбекистон—Япония қўшма корхонаси ишга туширилди. 2002 й.да пахта ипи ишлаб чиқаразиган «Чан-На-Текс» Ўзбекистон—Хитой қўшма корхонаси қуриб битказилди. 2003 й.да эса Жанубий Кореянинг «Ай-Ди-Зи» корпорациясининг замонавий пиллакашлик автоматлари ўрнатилиб, корхона қувватлари оширилди. Маҳсулотлари хорижга экспорт қилинади.

Корхонада 1,6 млн. м тайёр газлама (шундан 956 минг м ипак газлама, 645 минг м ип газлама), 65 т табиий ипак тайёрланди (2002). Корхонада 3000 га яқин ишчи-муҳандис ходимлар ишлайди.

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ЎЛКАШУНОСЛИК МУЗЕЙИ — маданий-маърифий муассаса. Наманган ш.да жойлашган. 1920 й.да ўлкани ўрганиш мақсадида ташкил этилган. Дастлаб (шаҳар тарихига онд ашёлар намойиш қилинган) «Халқлар музейи» сифатида фаолият кўрсатган. 1941 й.дан ҳозирги мақомига эга. Музейнинг табиат, тарих, санъат, маънавият ва услубият, адабиёт ва кўлёзмалар ҳамда хазина бўлимлари бор. Музейда ўлка табиати, моддий маънавий маданияти тарихини ўзида акс эттирган 60 мингдан зиёд экспонатлар (жумладан, археологик топилмалар, амалий санъат намуналари, санъат асарлари ва б.) мавжуд. Музей таркибига «Хотира ва қадрлаш уйи», Бобораҳим Машраб уй-музейи, вилоятнинг шаҳар ва туманларидаги бошқа жамоатчилик музейлари кирган. Музейнинг асосий бинои 1986 й.да замонавий лойиҳа асосида қурилган.

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ — ЎзР таркибидаги вилоят. 1941 й. 11 мартда ташкил этилган (1960 й. 25 январда Андижон ва Фарғона вилоятлари таркибига қўшиб юборилган. 1967 й. 18 дек.да қайта ташкил этилди). Н.в. республиканинг шарқида, Фарғона водийсининг шим.-ғарбий қисмида. Тянь-шан тоғ тизмаси тармоқлари — Қурама ва Чатқол тоғларининг ён бағрида жойлашган. Шим. ва шим.-шарқдан Қирғизистон Республикаси, шарқдан Андижон, жан.дан Фарғона, шим. ва шим.-ғарбдан Тошкент вилояти ва Тожикистоннинг Суғд вилояти б-н чегарадош. Майд. 7,44 минг км². Аҳолиси 1982,7 минг киши (2002). Н.в.да 11 қишлоқ тумани (Косонсой, Мингбулоқ, Наманган, Норин, Поп, Тўрақўрғон, Уйчи, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Янгиқўрғон), 8 шаҳар (Наманган, Косонсой, Поп, Тўрақўрғон, Учқўрғон, Чортоқ, Чуст, Ҳаққулобод), 11 шаҳарча (Жомашўй, Тошбулоқ, Навбаҳор, Олтинкон, Уйгурсой, Чоркесар, Халқобод, Уйчи, Ўнқаят, Янгиқўрғон, Оқтош), 99 қишлоқ фуқаролари йиғини бор. Маркази — *Наманган ш.*

Табиати. Вилоят ҳудудининг асосий қисми Сирдарёнинг ўнг соҳилида, кенг Фарғона водийсида жойлашган. Ер юзаси, асосан, текислик бўлиб, шим.да қатор тепаликлар ва Чатқол ҳамда Қурама тоғлари б-н ўралган. Баландлиги 350—800 м. Тоғ ва адирлар, тор водийлар, воҳалар тўртламчи геологик даврнинг катта-кичик дарёлари ва ирмоқларининг фаолиятидан ҳосил бўлган. Вилоят ҳудуди геологик фаол зонада жойлашган ва 8 баллгача зилзилалар бўлиб туради. Кенг майдонни эгаллаб ётган ва деҳқончилик объекти бўлган Қорақалпоқ чўли неоген даври-да пайдо бўлган. Фойдали қазилмалардан *Чодак олтин кони*, тоғ кварци, сурма, мис, нефть, гипс, оҳактош ва б. қурилиш материаллари, шифобахш минерал сувлар (Чортоқда) топилган. Чуст-Поп ер ости сувининг иссиқлиги 50° (1300 м дан чиқади). Сув таркибида йод ва бром бор. Чодаксойдан (450 м чуқурликдан) 23° иссиқликдаги водород-сульфидли сув чиқади. Чортоқ, Шаҳанд, Косонсой, Учқўрғон сувлари ўзининг минераллаиш даражаси ва характери бўйича машҳур Мацеста, Чакрак, Тал сувларидан қолишмайди.

Наманган вилоятига кириш йўли.

Ер ости сувлари тоғ, адир, тоғ олди ботиқларида ва ёйилмаларда йирик тошли, шағалли ва қумли қатламларда жойлашган. Сирдарёга яқин зоналарда ер ости (сизот) сувлари мавжуд. Иқлими кескин континентал. Ёзи узоқ, иссиқ, қиши қисқа, нисбатан совуқ. Йиллик ўртача т-ра 13°. Янв.да т-ра —25° гача пасаяди, июнда 35—45° га етади. Вегетация даври 229 кун. Вилоятнинг турли қисмларида ёғин миқдори турлича. Наманганда ўртача йиллик ёғин миқдори 230 мм, гарбида 90—190 мм, шарқий туманларида 300—400 мм, тоғ этакларида 600 мм. Ёғиннинг энг кўп қисми баҳор ва кузда ётади. Дарёлари ёғиндан, тоғлардаги қор ва музликлардан сув олади. Н.в.да 16 дарё ва сой, кўплаб мавсумий сойлар мавжуд. Энг катта дарёси — Сирдарё. У Норин ва Қорадарёнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Норин ва Сирдарёга Чатқол тоғларидан оқиб тушадиган Поччаотасой, Чортоқсой, Чустсой, Олмоссой, Чодаксой, Ғовасой, Косонсой, Намангансой каби сersув тоғ дарёлари қуйилади. Ко-

Наманган шаҳар аэропорти.

Наманган вилояти стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази.

сонсой, Чортоқ. Эскиер сув омборлари, Охунбобоев, Шим. Фарғона, Катта Наманган каналлари қурилган. Баҳор ва ёз бошларида содир бўладиган сел ҳодисаларидан сақланиш учун сел омборлари барпо қилинган. Тупроқлари пролювиал, ўтлоқ, ўтлоқи-ботқоқ, оч тусли бўз, айрим жойларда шўрхок, оч тусли қўнғир, жигарранг. Адирлар қумтош, мергель, лёсс ва чағиртошлар б-н қопланган. Баҳорда эфемер ўсимликлар ўсади, чорва моллари боқилади. Текислик қисмларида бўз, қўнғир тупроқлар, қадимдан деҳқончилик қилиб келинганидан табиий ҳолати ўзгарган ва унумдорлиги оширилган. Косонсойда типик ва қорамтир бўз тупроқ, Наманган, Учқўрғон, Чуст туманларида оч бўз тупроқ тарқалган. Текислик қисмининг экин экилмайдиган ерларида шўра, шувоқ, лола, отқулоқ, Сирдарё бўйларида бетага, астрагал ва б. ўсади. Тоғларда арчазорлар, ёввойи олча, олма ва ёнғоқзорлар учрайди. Тоғларнинг баланд қисми субальп ўтлоқлари — ёзги яйловлардан иборат. Н.в.да деярли ўрмон йўқ. Наманган мевали ўрмон кўчатзори ва Наманган ўрмон кўчатзори мавжуд. Чўл ва адирлар ўзлаштирилиб юборилгандан бўри, тулки, қобон, юмронқозиқ кам учрайди. Тоғларда тоғ такаси, сугур бор. Адирларда каламуш, дала сичқони, эчкемар, типратикан, чўл тошбақаси, турли хил илон ва калтакесак кўп. Қушлардан бургут, каклик ва б. бор. Қорабовур, ёввойи ўрдак ва б. овланади. Дарё, сой ва б. сув ҳавзаларида ҳар хил балиқ яшайди, ондатра кенг тарқалган.

Вилоят маданият саройи.

Поччаотасой, Говасойда кундуз ҳам учрайди. Н.в. ҳудудининг интенсив ўзлаштирилиши оқибатида судралиб юрувчилар, қушлар, сут эмизувчилар, балиқларнинг кўп турлари камайиб бормоқда.

Наманган шаҳри. Амир Темур кўчасидаги «Фаввора»нинг тунги кўриниши

Аҳолиниг асосий қисмини ўзбеклар (87,8%) ташкил этади, шунингдек, тожик (9,0%), қирғиз (1,0%), рус (0,8%), татар, украин, озарбайжон, яҳудий, белорус, арман, қозоқ ва б. миллат вакиллари ҳам (жами 89 миллат) яшайди. Аҳоли зичлиги ўртача 1 км² га 266 киши. Қишлоқ аҳолиси 1238,9 минг киши, шаҳарликлар 743,8 минг киши (2002).

Хўжалиги. Н.в. республика и.ч. ва маданий тараққиётида етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Вилоят саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик, электротехника, кимё, пахта тозалаш, озиқ-овқат саноатлари. Н.в.да 170 дан зиёд саноат корхоналари мавжуд. Энг йирик саноат корхоналаридан — машинасозлик, автомобилларни тузатиш, гишт, ёғ-экстракция, пахта тозалаш, озиқ-овқат (вино з-ди, пиво к-ти, «Наманган салқин ичимликлари», «Роҳат», «Наманганконсерва», «Ширинлик», «Косонсойконсерва» корхоналари), кимё, «Электротерм» и.ч. бирлашмасининг етакчи корхонаси, ипак газламалар к-ти, балиғий буюмлар ф-каси ва ҳ.к. 3402 кичик, 249 ширкат, 76 қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Шулар орасида: «Наврўз» Ўзбекистон—Канада, «Шоҳи Сўзана», «Нестле-Ўзбекистон», «Шамс ЛТД», «Нур», «Оҳангар», «Чуст пичоғи», «Наманганшина», «Косонсой-Текмен», «Попфен», «Силк-Роад», «Касмир Дери», «Наманганқоғоз», «Янис IV», Ўзбекистон—Россия «Кемтош», «Шифо» корхоналари, Ўзбекистон—Хитой «Чанна-Текстиль» қўшма корхонаси, Ўзбекистон—Туркия «Косонсойтекстиль» ва б. бор.

Қишлоқ хўжалиги. Вилоят қ.х.нинг асосий тармоғи — пахтачилик. Н.в. мамлакатда етиштирилаётган пахтанинг 8—9% ини беради. Галлакорлик, полизчилик, токчилик, сабзавотчилик, ипакчилик ва чорвачилик ривожланган. Текисликдаги суғориладиган туманларда чорвачилик, асосан, қорамол, тоғ олдиларидаги табиий ўтлоқларда қўй ва эчки (жумладан, майин жунли) боқилади. Қ.х.да фойдаланиладиган ерлар майдони 548,1 минг га, шундан ҳайдаладиган ерлар 219,8 минг га, яйловлар 287,9 минг га, бог ва кўп йиллик дарахтзорлар 31,2 минг га, токзорлар 8,7 минг га ни ташкил қилади. Дон экинлари 80,4 минг га, пахта 109,5 минг га, картошка 1,3 минг га, сабзавот 3,5 минг га, полиз экинлари 1 минг га, озуқа экинлари 14,4 минг га майдонни эгаллайди, 7760 га ўрмонзор, 3 минг га тутзор бор (2001). Ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 4 минг км коллектор дренаж тармоқлари қурилган. Вилоятнинг ҳамма туманларида суғориладиган майдонининг асосий қисмида пахта ва дон экинлари экилади. Н.в.да 134 ширкат хўжалиги, 94,8 минг деҳқон хўжалиги, 3,5 минг фермер хўжалиги бор. Жамоа ва хусусий хўжаликларда 667,1 минг қорамол (шундан 261,4 минги сигир), 899,3 минг қўй ва эчки, 5,8 минг от мавжуд, парандачилик б-н ҳам шуғулланилади.

Транспорти. Т.й.ларнинг уз. 138 км. Автомобиль йўллари уз. 1,7 минг км (шу жумладан, қаттиқ қопламалиси 1,6 минг км). Троллейбус линияси уз. 80 км. Наманган б-н Тўрақўрғон шлари оралигида ҳам троллейбус қатнови йўлга қўйилган. Андижон—Қўқон, Наманган—Учқўрғон ўртасида поездлар қатнайди. Наманган—Тошкент, Наманган—Марғилон—Фарғона, Наманган—Андижон, Наманган—Қўқон—Самарқанд йўналишида автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Фарғона водийсини республика пойтахти б-н боғловчи Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг Камчиқ довонида уз. 358 ва 891 м дан иборат бўлган иккита тоннель қурилиб фойдаланишга топширилди. Н.в. ҳаво транспортининг ривожланиши 1941 й.да аэродром қурии б-н бошланди. 1984 й.да замонавий ҳаво лайнерларига хизмат қилувчи учиш ва қўниш майдони ишга туширилди. Ўрта Осиё давлатларидаги шаҳарлар, шунингдек, РФнинг Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Уфа, Симферополь, Новосибирск, Магадан, Норильск, Якутск, Красноярск, Мирний каби шаҳарлари ва Украина пойтахти Киев в. б-н мунтазам алоқа йўлга қўйилди.

Маданий-маориф, соғлиқни сақлаш ва спорт. 2000/2001 ўқув йилида вилоятда 671 умумий таълим мактаби (493,4 минг ўқувчи), 19 та лицей, 6 махсус мактаб-интернат, 2 та академик лицей (1350 ўқувчи), 43 касб-ҳунар коллежи (31 мингга яқин ўқувчи) фаолият кўрсатади.

Вилоятдаги 3 та олий ўқув юрти (Наманган ун-ти, Наманган муҳандислик-педагогика ва Наманган муҳандислик-иқтисодиёт ин-тларида 11 мингдан зиёд талаба таълим олди (2001). 1999—2001 й.лар мобайнида барча қулайликларга эга бўлган жами 28 касб-ҳунар коллежи (18 минг 875 ўқувчига мўлжалланган), ҳамда 2 академик лицей (1500 ўрин) бунёд этилди. Улар замонавий ўқув қуроллари ва техника б-н жиҳозланди. Вилоят ўқувчилари Республика миқёсида ўтказиладиган фан олимпиадаларида мунтазам қатнашмоқдалар. Халқаро АКСЕЛС танловида голиб чиқиб хорижий давлатларда таҳсил олиб қайтаётган ўқувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. АҚШнинг ўқувчилар ўртасида ўтказилган АКСЕЛС танловида Н.в.дан 40 ўқувчи иштирок этди. Вилоятда 2 та (Наманган ўлкашунослик ва Поп археологик) музей, 1 марказий, 409 жамоат кутубхонаси (1 млн. нусхадан ортиқ асар), 162 маданият уйи, 8 маданият ва истироҳат боғи, 5 театр (шу жумладан, Алишер Навоий номидаги вилоят мусиқали драма театри) бор. Вилоят театр саҳналарида Ўзбекистон халқ артистлари Р. Ҳамроев, М. Азизова, С. Раҳмонов, М. Мансуров, М. Убайдуллаев, Х. Охунова, Ў. Нуралиев, К. Раҳимовлар; Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар: М. Далабоев, А. Раҳимов, А. Тожибоева, М. Исомиддинов, Т. Сайдуллаевлар самарали ижод қилдилар (2001 й. да театр биноси реконструкция қилинди).

Наманган отчопари.

Халқ ҳунармандчилиги айниқса, Наманган ва Чуст шаҳарида қадимдан ривожланган. Чустда пичоқ, идиш-товоқ, қ.х. қуроллари ишлаб чиқарилади, дўппидўзлик, каштачилик б-н шуғулланилади, халатлар учун бекасам ва атлас газламалар тўқилади. Чуст бадиий буюмлар ф-каси бор.

Давлатобод туманидаги «Дўстлик» теннис мажмуи.

Соғлиқни сақлаш. Н.в. да 11 650 ўринли 115 касалхона, 250 дан ортиқ дорихона, Республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг филиали, кунига 30 минг беморни қабул қилади, кунига 30 минг беморни қабул қиладиган қувватига эга бўлган 256 амбулатория-поликлиника муассасаси ишлаб турибди. Н.в.да ўтган 10 йил мобайнида 104 қишлоқ шифокорлик пунктлари барпо этилди, 41 қишлоқ шифокорлик амбулаторияси ва фельдшер-акушерлик пунктлари қишлоқ шифокорлик пунктларига айлантирилди. Шу даврда 1505 ўринли касалхона, бир сменада 43,7 минг беморни қабул қиладиган поликлиникалар қуриб битказилди, шошилинч тиббий ёрдам маркази, вилоят кўп тармоқли касалхонаси, вилоят кардиология маркази, ўсмалар касалликлари, Наманган шаҳар оналар ва болалар физиотерапевтик, юқумли касалликлар касалхоналари фойдаланишга топширилди. Улар замонавий ниша топширилди. Улар замонавий аппаратлари, асбоб-ускуналар тиббиёт ин-тларининг вилоят филиаллари, неврология, эндокринология ва уронгия марказлари фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича «Соғлом авлод» дастури асосида 2000 й.дан бошлаб «Дельфин», «Виктор» ва б. замонавий аппаратлар б-н жиҳозланган «Она ва бола» скрининг маркази ишлаб турибди. 6 санаторий (жумладан, «Чортоқ», «Гулшан», «Косонсой») Кўксарой дам олиш зонаси мавжуд.

Наманган шаҳри. «Конституция хиёбони»нинг тунги кўриниши.

Спорт. Вилоятдан спортнинг футбол, баскетбол, волейбол, сув полоси, чим устида хоккей, мини футбол, қўл тўпи, шахмат турлари бўйича спортчилар мамлакат мусобақаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқдалар. Н.в.да «Навбаҳор» марказий стадиони, шунингдек, 28 стадион, «Пахлавон», «Динамо», «Алпомиш», «Соғлом авлод» спорт мажмуалари, 22 сузиш ҳавзаси, 54 теннис корти, 1 велотрек, 2 отчопар, 473 спорт зали, 305 отиш тири, 571 баскетбол, 1754 волейбол, 375 қўл тўпи, 422 кичик ва 563 катта футбол майдон ва майдончалари бор. 590 мингдан зиёд киши жисмоний тарбия ва спорт б-н шуғулланади. Уларнинг 260 минг нафаридан ортиғи ўсмирлар. Наманган довруғини оширган ва анъанага айланган «Универсиада-2000» тадбири катта умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланди. Шахмат, чарм тўп бўйича Осиё, жа-

Ўзбекистон—Япония «Силк-Роад» қўшма корхонаси йигирув цехида.

ҳон чемпионатлари, саралаш мусобақалари, теннисчиларнинг «Буюк ипак йўли», «Сателлит», «Фьючерс» каби турларининг ўтказилиши Наманганни дунёга яна ҳам кенгроқ танитди. Наманган ш.нинг Давлатобод туманидаги «Навбаҳор» стадиони, «Дўстлик» теннис мажмуаси, «Ёшлик» сузиш ҳавзаси, Наманган ш.даги «Паҳлавон», «Алпомиш», «Динамо» спорт мажмуалари, Тўрақўрғон туманидаги «Кураш» мажмуаси каби спорт иншоотларида халқаро мавқедаги спорт мусобақалари ўтказиб турилади. Н.в.да 15 халқаро тоифадаги спорт устаси, 900 дан ортиқ спорт устаси, 2400 спорт усталигига номзод, 5000 дан зиёд 1-тоифадаги спортчи тайёрланди. Вилоятнинг 200 дан ортиқ спортчиси Ўзбекистон миллий терма жамоалари аъзоларидир. Н.в.дан 2000 й.да бокс бўйича республика чемпиони, стол тенниси, шахмат ва б. спорт турлари бўйича халқаро мусобақа совриндорлари етишиб чиқди. Наманганда ўтказилган 18 ёшгача бўлган ёшлар ўртасида белбоғли кураш-

Наманган шаҳридаги Ал-Хоразмий номидаги 7-мактаб биноси.

чиларнинг 5-Халқаро биринчилигида Қирғизистон, Қозоғистон, Туркманистон, Арманистон, Грузия, Украина, Белоруссия, Россия, Ҳиндистон ва Туркия спортчилари иштирок этди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» мусобақаларида ўқувчи-талабалар фаоллиги тобора ошиб бормоқда. 2000 й.ги Универсиадада Н.в. спортчилари биринчи ўринни олишди. 2001 й. «Баркамол авлод» мусобақаларида Фарғонада 2-ўринни, 2002 и. Фарғонада ўтказилган «Умид ниҳоллари» мусобақаларида фахрий учинчи ўринни эгаллади. «Алпомиш», «Барчиной» тестларига 500 минга яқин ўқувчи, 30 мингга яқин талаба, ишчи-хизматчи жалб қилинди. Катталикла республикада 2-ўринда турган (36 мин ўринлик) «Навбаҳор» стадиони негизида махсус футбол мактаби, «Олимпия заҳиралари» спорт мактабида баскетбол, волейбол, қўл тўпи бўйича спортчилар тайёрланмоқда. Наманганда «Гулбаҳор» аёллар футбол жамоаси фаолияти равнақ топаяпти. Тошбулоқлик ёш каратэчи ўқувчи Достон Турғунов АҚШда «Атланта кубоги» соврини мусобақаларида иштирок этиб, биринчиликни қўлга киритиб, олтин медаль б-н қайтди. Стол тенниси бўйича Севара Қодирова 1999 й.да Швецияда ўтган жаҳон ёшлар чемпионатида жаҳон чемпиони бўлди. Шахмат бўйича Осиё чемпионатида Ольга Сон 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида Осиё чемпиони, ёзги биатлондан Муҳаббат Кандакова Европа очиқ чемпионати голиби, эркин кураш бўйича Рустам Мамажонов Осиё кубогини, шахмат бўйича халқаро гроссмейстер Саидали Йўлдошев Хитойда ўтган Осиё чемпионати голиблигини, бокс бўйича Тўлашбой Дониёров халқаро мусобақалар ғолиблигини, ака-ука Бахтиёр ва Шуҳрат Бозоровлар кураш бўйича Ўзбекистоннинг бир неча бор мутлақ ғолиблигини ва халқаро турнирлар ғолиблари унвонини, ака-ука Жўра ва Муталли Мамажоновлар каратэ бўйича АҚШ ва Венгрияда ўтган халқаро турнирлар ғолиблигини қўлга киритдилар.

Адабиёти. Наманган қадимдан халқ оғзаки ижодининг деярли барча жанрларига бой ўлкадир. Шу диёрда яратилган ва кенг тарқалган оғзаки ижод намуналарини халқ қўшиқчилари, эртакчилари ҳоз. кунгача сақлаб келганлар. Улардан ёзиб олинган қўшиқлар, термалар, асотирлар, ривоятлар ва эртаклар бир қанча тўпламларга киритилган. Янгиқўрғон, Чортоқ, Учқўрғон, Норин, Наманган ва б. туманларда халқ достончилик мактаблари давом этган. Учқўрғонлик достончилардан 20-а.нинг 20-йиларидаёқ «Ёзи б-н Зебо» достони ёзиб олиниб, кенгчилик нашр қилинган.

Ёзма адабиёт Наманганда кўпда асрлардан бошлаб ривожланиб келди. Бу ўлка ўз ижодий услуби, овози ва созига эга бўлган бир қанча истеъдод эгаларининг ватанидир. Қад. Ахсикент ш.да 11—12-а.ларда сўз санъатининг бир қанча йирик намояндалари камол топдилар. Маркази Ахсикент бўлган Наманган адабий муҳити шаклланиб тараққий эта боради. Абу Рашид-Аҳмад Ахсикатий, Абул Вафо Ахсикатийлар ўз даврининг етук адиб ва олимлари эди. Йирик истеъдод эгаси Асириддин Ахсикатий малик ush-шуаро ва амири шуаро унвонларига сазовор бўлди. Ўзбек мумтоз адабиётининг намояндаси Бобораҳим Машраб шу ўлкада вояга етди. 18-а. охири — 19-а. 1-ярмидаги адабиётнинг кўзга кўринган вакиллари малик ush-шуаро Фазлий ҳамда Нодир, Гўшй, Мажзуб, Мунший, Мухлис, Маҳзун ва б. ўзбек адабиёти хазинасига салмоқли ҳисса қўшдилар. 19-а.нинг 2-ярмида Нодим, Шавқий, Ибрат, Ҳайрат, Хилватий ва б. шоирлардан иборат ижодкорлар гуруҳи Наманганда эътиборли бир адабий муҳитни вужудга келтирди. Бу муҳитда ижодий камолотга эришган Муҳаммадшариф Суфизода Ўзбекистон сўз санъаткорлари орасида биринчи бўлиб халқ шоири фахрий унвонини олди. Исҳоқхон Ибрат ва Муҳаммадшариф Суфизода 20-а. бошларида жадидчилик, миллий уйғониш ҳаракатининг етук вакиллари сифатида фаолият кўрсатдилар. Улар ўз шеърларида халқни гафлат ва қолоқликдан чиқарди, миллат онгини уйғотиш учун илм-маърифат зарурлигини ташвиқ қилдилар. Шоир Рафиқ Мўмин 20-а. 20-й.лар шеъриятида эрк ва ҳақиқат куйчиси бўлиб танилди. Беназир истеъдод эгаси Усмон Носир ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан эди. Зафар Диёр болаларнинг севимли шоири бўлиб қолди. Йўлдош Шамшаров, Парда Турсун ўзбек насри тараққиётида ўз ўринларига эга бўлдилар. Чустий, Шўхий ўз шеърлари б-н эл орасида танилди.

20-а.нинг 2-ярмидаги Наманган адабий муҳити ижодкорларга бой бўлди. Жонрид Абдуллаҳонов, Турғун Пўлат, Нуриддин Бобохўжаев, Ҳусниддин Шарипов, Ҳабиб Саъдулла, Дилахон Нурий, Эрмуҳаммад Нурматов, Абдугани Абдувалиев, Аҳмад Турсун, Зиёвуддин Мансуров ва б. турли жанрдаги асарлари б-н танилдилар. Шоир Ҳабиб Саъдуллага Ўзбекистон халқ шоири фахрий унвони берилди. Наманган адабий муҳити умумўзбек адабиётининг

Тўрақўрғон туманидаги Ибрат музейи.

ажралмас, таркибий қисми сифатида ривож топмоқда.

Н.в.да Ўзбекистон ижодий уюшмалари (ёзувчилар, рассомлар, меъморлар, журналистлар ва б.)нинг вилоят ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда.

Матбуот, радио ва телевидениеси. Н.в.да 2 вилоят газ. («Наманган ҳақиқати», «Наманганская правда»), 11 туман газ., шаҳар газлари чиқади. Вилоятда, шунингдек, тармоқ газлари ва журналлар нашр этилади.

Н.в.да дастлабки радиоэшиттиришлар 1932 й.да бошланган. 1990 й.дан вилоятда телестудия ташкил этилиб телекўрсатувлар берила бошлади. 2000 й. да янги телемарказ қурилиб фойдаланишга топширилди. Телемарказ Германия «Сименс» фирмасининг замонавий телевизеоаппаратураси б-н жиҳозланди.

Меъморлик ва археологик ёдгорликлари. Вилоятда 85 археологик, 15 га яқин меъморий ёдгорлик бўлиб, шулардан қад. шаҳар ва истеҳкомлар қолдиқлари: Ахсикент (мил. ав. 3—2-а.лар.), Мунчоқтепа (жез даври), Ойритом, Мугтепа (антик давр) ва б.; меъморий ёдгорликлардан: Жоме масжиди (18-а.), Чодак мадраса-масжиди (18-а.), Шайх Исҳоқ Эшон (19-а.), Ота Валихон тўра (20-а.), Ҳаққулобод (1903) масжидлари, Юсупхон Эшон (18-а.), Мавлоно Лутфулло Чустий (1913) меморий мажмуалари, Ғойиб Назар (1892), Мулла Қирғиз (1911—12) мадрасалари, Хўжа Амин (17-а.), Бой Ҳамадоний (19-а.), Мавлоно Намангоний (1907) мақбаралари, Юсуфбой Ҳожи уйи (20-а. бошлари) ва б. машҳур.

Муроджон Ҳайдаров.

НАМАНГАН ЗИЛЗИЛАСИ — Наманганда рўй берган зилзила. 1927 й. 12 авг.да содир бўлган. Зилзила магнитуда-си Рихтер шкаласи бўйича М-6, зилзила кучи 12 баллик MSK-64 шкаласи бўйича 8 балл бўлган. Н.з. гипоцентри 14 км чуқурликда, эпицентри эса Фарғона шим.даги флексура-ёрилмасида жойлашган. Зилзила вақтида кўпгина уйлар шикастланган. Ўша йили 19 авг.да зилзиланинг энг кучли афтершоки 7 балл куч б-н такрорланди. Унинг магнитудаси М-5,7, чуқурлиги Н-20 км. Яна бир неча ой давомида зилзиланинг кўплаб афтершоклари рўй берди.

НАМАНГАН «КАРБОНАМ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги корхона. Асосий ч.ч. маҳсулотлари: техник, тозаланган карбоксилметилцеллюлоза, бурғилаш реагенти, шунингдек, халқ истеъмоли моллари, гулқоғоз елими ва б. ишлаб чиқаради. Наманган кимё заводи номи б-н 1942 й.да нефтни қайта ишлаш саноати учун карбоксилметилцеллюлоза ч.ч. мақсадида ташкил этилган. 1983 й.да з-да тозаланган карбоксилметилцеллюлоза ч.ч. бўйича янги цех очилди. 1991 й.гача з-д собиқ Иттифоқ тармоқларини кирувчи республикаларнинг нефть-газ саноати эҳтиёжларини таъминловчи ушбу турдаги маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчиси эди. Корхона 1997 й.дан «Карбонам» очиқ турдаги акциядорлик жамияти. З-д техник ва тозаланган карбоксилметилцеллюлоза ч.ч.га ихтисослашган Марказий Осиёда ягона корхона. Фарғона фуран бирикмалари з-дида ишлаб чиқариладиган целлюлоза асосий хом ашё ҳисобланади. Корхона маҳсулотларининг 30% ички бозорга, қолган қисми экспортга чиқарилади. Асосий истеъмолчилари — нефтни қайта ишлаш ва лок-бўёқ саноати корхоналари. Н. «К.» А.Ж. йилига 13 минг т техник ва 2,6 минг т тозаланган карбоксилметилцеллюлоза ч.ч. қувватига эга.

НАМАНГАН «МЕХМАШ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — «Ўзмашсаноат» уюшмаси таркибидаги ч.ч. корхона. Асосан, нестандарт қурилмалар, сув қувурлари зулфинлари, махсус технологик ускуналар, қ.х. техникаларига эҳтиёт қисмлар, металлконструкциялар ва халқ истеъмол моллари, гилам тўқиш дастгоҳлари, сейфлар ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. 1974 й.да «Наманган механизация ва автоматлаштириш воситалари машинасозлик заводи» номи б-н ишга туширилган. 1982 й.да илғор технологик ускуналар б-н қайта жиҳозланган корхона қуриб битказилди. 1991й.га қадар ҳарбий саноат ускуналари ч.ч.га ихтисослаштирилган. 1995 й. дан ҳоз. номда. Корхонада бир йилда 50 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар тайёрланади.

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ — муҳандис ва иқтисодчи мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-ти Наманган филиали негизида 1992 й. ташкил этилган. Ин-т таркибида 5 ф-т (иқтисод, молия, механика, технология ва сиртқи) бор. Ин-тда 17 та кафедра, иқтидорли талабалар интернати, лицейи, иқтисодий таълим ҳудудий (регионал) маркази ва унинг қошида ихтисослашган спорт бўлими, илмий ва халқаро алоқалар, маънавият бўлимлари ва иқтидорли талабалар б-н ишлаш, ахборотлар технологиялари ва масофавий ўқитиш марказлари, мультимедиа синфлари, тайёрлов курслари, марказий кутубхона ва шохобча кутубхоналар (80 минг нусха), 4 та илмий даб., «Лочин» спорт-соғломлаштириш клуби, «Зиё» кичик босмахонаси мавжуд. Ин-тда дарсликлар, рисола ва услубий қўлланмалар чоп этилади.

Ин-тда 9 та йўналиш бўйича бакалаврлар тайёрланади, магистратура ва аспирантура мавжуд. Ин-тда 120 проф.-ўқитувчи, жумладан 7 фан д-ри ва проф., 61 фан номзоди, доцентлар ишлайди (2003).

Ин-т 2 мутахассислик (менежмент ва тўқимачилик хом ашёсини дастлабки ишлаш мутахассисликлари) бўйича аспирантура орқали олий малакали илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлайди.

Магистратурада узлуксиз таълим тизимининг юқори малакали магистрларини тайёрлаш учун 6 та мутахассислик гуруҳлари ташкил қилинган. Ин-т олимлари Москва тўқимачилик академияси ва Санкт-Петербург технология ва дизайн ин-ти, АҚШ халқаро ривожланиш агентлиги «Евроазия» жамғармаси ва Халқаро меҳрибонлик корпуси б-н ҳамкорлик қилиб келади. Ин-тда ўтказилган и.т. ишлари натижасида 10 дан ортиқ ихтиро қилинди ва уларнинг аксарияти и.ч.га жорий этилди. Ин-тда 2002/2003 ўқув йилида 2300 дан ортиқ талаба таълим олди.

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ — муҳандис-педагоглар, муҳандислар, иқтисодчи-педагог ва иқтисодчилар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Саноат, транспорт, қурилиш, машинасозлик, озиқ-овқат ва кимёвий технология, қишлоқ хўжалигини механизациялаш, ахборотлар технологияси, электро-

энергетика, менежмент, бухгалтерия ҳисоби ва аудит ҳамда молия йўналишлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Тошкент политехника ин-тининг Наманган филиали негизида Наманган саноат-технология ин-ти номи б-н ташкил этилган (1991). 1998 й.дан ҳоз. номда. Ин-т касб-ҳунар коллежлари учун муҳандис-педагоглар тайёрлаш бўйича таянч олий ўқув юрти ҳисобланади. Ин-т таркибида 7 ф-т (механика, машинасозлик, технология, қурилиш, информатика, иқтисодиёт, малака ошириш), 27 кафедра, тадбиркорлик ва бизнес мактаби, академик лицей, ахборот технологиялари ва масофавий таълим бўлими, спорт-соғломлаштириш мажмуалари ҳамда бир қанча касб ва тил ўргатувчи курслар фаолият кўрсатади. Ин-тда бакалавриатнинг 17 таълим йўналиши ва магистратуранинг 11 мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрланади.

Ин-т олимлари долзарб йўналишларда, жумладан, озиқ-овқат ресурсларини ривожлантириш, янги қурилиш материаллари яратиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, халқ хўжалигида қуёш энергиясидан фойдаланиш, қ.х. экинлари ҳосилдорлигини ошириш каби мавзуларда назарий ва амалий аҳамиятга молик и.т. ишлари олиб боради. Бир қанча илмий ишланмалар и.ч. га жорий этилган.

Ин-тда 230 дан ортиқ проф.-ўқитувчи, жумладан, 15 фан д-ри, проф., 110 дан ортиқ фан номзоди, доцентлар ишлайди (2003). Ин-тда аспирантура, магистратура, ўқув-илмий кутубхона (110 мингдан ортиқ асар) мавжуд. Ин-т бир қатор ривожланган хорижий мамлакатлар (АҚШ, Германия, Голландия, Жанубий Корея, Франция) б-н ҳамкорлик алоқалари ўрнатган. Ин-т ташкил топгандан бери 10 мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди. Ин-тда 2002/2003 ўқув йилида 4100 талаба таълим олди.

НАМАНГАН НЕФТЬ КОНИ — Наманган ш.нинг шим.-шарқида, Наманган антиклинали бурмасида жойлашган. Наманган структураси дастлаб 1933 й.да ўрганилган. Кейинги йилларда ўтказилган тадқиқотлар натижасига асосланиб чуқур бурғи қудуғи қазилди. Палеоген ётқизиқларининг доломитлашган оҳактошлардан тузилган туркистон қатламларидаги 5-горизонтда нефть борлиги тасдиқланди. Умумий қалинлиги 10 м, самарали қалинлиги 3—4 м, ўртача говаклиги 10%, ўтказувчанлиги 30—100 миллидарсигача. Горизонтнинг ўртача чуқурлиги 3630 м, уз. 5,4 км, эни 3,6 км. Бошланғич қатлам босими 600 атмосфера, газ омили 180 м³/т.

Нефтнинг зичлиги 0,856 г/см³. Таркибидаги олтингугурт 0,30%, кокс 3,4%, парафин 5,0%, қатронлар 8% ни ташкил этади. Қатлам ҳарорати 87°, енгил фракциялар чиқиши 100°да 3%, 200° гача 23% ва 300° гача 41%. Нефтдаги йўлдош газ ичлиги 0,955 (азот миқдори 3,0% гача ва метан 63,9%). Қатлам сувларининг ичлиги 1,060 г/см³, минераллашганлиги 4708 мг/экв.

НАМАНГАН «НОТЎҚИМАЧИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги саноат корхонаси. 1932 й.да «Беш йиллик» артели номи б-н ташкил этилган. 1941—43 й.да фронт учун шинель ва мовутлар ишлаб чиқарилган. 1965 й.дан корхона йигирув-тўқув нотўқима мато ф-касига, 1982 й.да Балиқчи нотўқима мато ф-каси ишга туширилгач, нотўқима мато и.ч. бирлашмасига айлантирилди. 1994 й.дан ҳоз. номда. 1995 й.да суньий мўйна и.ч. технологияси ўзлаштирилди.

Корхонада, асосан, маҳсулот ўраш учун нотўқима мато, пахтали ватин ва суньий мўйна ишлаб чиқарилади. 2002 й.да 16,5 млн. м² нотўқима матолар тайёрланди.

НАМАНГАН ТЕАТРИ, Алишер Навоий номидаги давлат мусиқали драма театри — дастлабки театрлардан бири. 1931 й. 15 июнда «Интилиш» (А. Султонов) спектакли б-н очилган. Профессионал театр жамоасининг асосини маҳаллий мактаб ва техникумларнинг ўқитувчилари, ҳаваскорлик драма тўгараги қатнашчилари ташкил этган. Труппанинг бадиий раҳбари ва театр ташкилотчиси Раззоқ *Ҳамроев* (Н. Розиқий б-н) бўлган. С. Отахонов, Б. Эминов, А. Тошбоев, А. Тўрахонов, Х. Шарипов, Н. Исҳоқов, кейинроқ М. *Азизова*, Т. *Жалфарова*, С. *Раҳмонов*, М. Далабоев, Т. Содиқов ва б. театрнинг дастлабки ижодкорларидир. 30-й.лар театр учун саҳна санъатини эгаллаш йўлидаги ўзига хос мактаб йиллари бўлди. Бу даврда саҳналаштирилган «Ҳужум» (В. Ян, Чўлпон), «Маликаи Турандот» (К. Гоцци), «Ҳалима» (F. Зафарий) каби спектакллар бадиий йўналишига кўра кўпроқ ташвиқот характерида эди. 30-й.ларнинг ўрталарида жамоанинг ижодий фаолиятида маълум бурилиш ясалди. А. Турдиев, Р. Ҳамроевнинг актёрлар б-н ижодий ҳамкорлиги самарали натижа берди ва «Гулсара», «Номус ва муҳаббат» (К. Яшин), «Рустам» (У. Исмоилов), «Отсиз» (А. Мажидий), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза) каби спектакллар яратилди. Актёрлар образ яратишда қолип ва бир хилликни бартараф этиб, аста-секин қаҳрамонлар ички дунесини очиш санъати, инсон хусусиятларини тасвирлаш маҳоратини эгаллаб боришди.

1936 й. театр илк бор Тошкентга гастролга келади. «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Рустам», «Аршин мол олон» каби спектакллари пойтахт томошабинлари томонидан ижобий баҳоланди.

2-жаҳон уруши йиллари театр ижодий труппаси «Қурбон Умаров», «Фронт бўйлаб бўйруқ», «Бургутнинг парвози», украин театри актёрлари б-н ҳамкорликда Гулак-Артемовскийнинг «Запорожьелик Дунай ортида» номли ҳажвий операсини саҳналаштирдилар.

Урушдан кейинги йиллар театр репертуари кенгайди. Ижодий кўтаринкилик, репертуар мустақиллигига эришишга актёрлик маҳоратини ўстиришга интилиш сезилди. Аниқса, 50-й.ларнинг 2-ярмида А. Хачатуров бош реж. этиб тайинланач, жамоада ўзликсизлик ошиб борилиб, оригинал репертуар, спектакль саҳналаштиришда ифодавийликнинг янги қирраларини излаш, саҳна безакларини янгилаш устуворлик қилди. Айнан шу даврда ўзбек драматургияси б-н театрнинг ўзаро боғланиши жараёни кучайди. «Юрак сирлари» (Б. Раҳмонов), «Оғриқ тишлар» (А. Қаҳҳор), «Чин муҳаббат» (О. Ёқубов), «Ҳуррият» (Уйғун), «Туғма дов» (С. Қориев) каби спектакларда давр муаммолари, халқ ҳаёти ва унинг меҳнатини аниқ тасвирлашга интилиш асосий вазифага айланди. 1957 й. Тошкентга бўлган гастролида театр маданиятининг анча юксалганлиги, репертуарнинг жанр жиҳатидан ўсганлиги, актёрлик ансамблининг яхлитлиги кўзга ташланди. Театр ривожига ўша даврда М. Азизова, О. Тожибоева, Т. *Назарова*, М. *Убайдуллаев* кабилар муносиб ҳисса қўшдилар.

Наманган театри: «Алломанинг қисмати» ва «Машраб» спектаклларидан кўринишлар.

«Каса Маре» спектаклидан кўринишлар.

1963 й. театр мусиқали драма ва комедия театрига айлантирилгач, театрнинг ўзига хос репертуарини шакллантириш ҳаракатлари натижаси ўлароқ «Тошбозта ошиқ» (Ҳ. Ғулом; М. Левиев), «Нурхон», «Гулсара» (К. Яшин; Т. Жалилов), «Алпомиш», «Тоҳир ва Зуҳра» (С. Абдулла), «Гули сиёҳ» (С. Жамол), «Ҳалима» (F. Зафарий, Т. Тўла), «Лайли ва Мажнун» (Ш. Хуршид) каби мусиқали драмалар театр репертуаридан ўрин олди. Мусиқали драмалар б-н бир қаторда «Ўликлар кечирмайди» (Ў. Умарбеков), «Уфқ» (С. Аҳмад), «Каса Маре» (И. Друце) сингари драматик спектакллар ҳам қўйилди. Кейинроқ «Юсуф ва Зулайхо» (Ҳ. Саъдулла; Д. Соатқулов), «Ўн учинчи раис» (О. Абдуллин), «Ёвойи фаришта» (А. Коломийц), «Темир хотин» (Ш. Бошбеков) каби ижтимоий мавзулари асарлар муваффақият б-н саҳналаштирилди. Шу даврда театрда ижод қилган Ҳ. *Одумова*, М. Исомиддиновларнинг хизматлари катта бўлди.

Мустақилликдан кейин театр фаолиятида янги давр бошланди. 90-й.ларнинг ўрталарида театрни Карим *Йўлдошев* бошқарди. Мустақил репертуар танлаш, мавзу ва жанр диапазонининг кенгайиши кўзга ташланди. Бу даврда театр спектакллари ватан тарихи ёритилган, замонавий мавзу акс этган асарлар ҳамда жаҳон классикасидан иборат бўлди: «Машраб» (А. Турсун), «Ёр истаб» (Х. Шарипов), «Кашмир қўшиғи», «Алпомишнинг ўқ-ёйи» (А. Жаббор), «Усмон Носир ўқ-ёйи» (А. Аъзамов), «Қирол Лир қаерда?» (А. Аъзамов), «Қирол Лир»нинг набиралари» (У. Шекспир, А. Пушкин, М. Булгаков) ва б. театрнинг сўнгги йилларидаги энг яхши спектакларидир.

Ўзбекистон халқ артистлари М. Убайдуллаев, Ў. *Нуралиев*; О. Тожибоева, К. Дуллаев, Р. Расулова, М. Раҳмонов, В. Сайдалиев каби Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар, шунингдек, С. Саримсоқова, С. Омонов, М. Ниёзов, М. Фахриддинова, Х. Мадраҳимова, У. Мирзаев, А. Тожибоев, А. Каримова, М. Абдуллаева ва б. актёрлар театрнинг ҳозирги кундаги етакчи ижодкорларидир.

Муҳаббат Тўлаҳўжаева.

НАМАНГАН ТУМАНИ — *Наманган вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Шарқдан Уйчи, Норин, шим.дан Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ, ғарбдан Тўрақўрғон, жан.дан Мингбулоқ, Андижон вилоятининг Балиқчи туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,25 минг км². Аҳолиси 170,9 минг кишига яқин (2003). Н.т.да 1 шаҳарча (Тошбулоқ), 12 қишлоқ фуқаролари йиғини (Богишамол, Иброҳим Раҳматов, Ирвадон, Миришкор, Оҳунбобоев, Тепақўрғон, Хонобод, Шўрқишлоқ, Ўзбекистон, Қумқўрғон, Ғалча, Ғирвон) бор (2003). Марказ — Тошбулоқ шаҳарчаси.

Табиати. Н.т. ер юзаси текислик, адир ва дўнгликлардан иборат бўлиб, ўзлаштирилган дашт зонасига киради. Тўртламчи геологик даврнинг оқизиқ жинслари (лёсс, лой, қум, шағал)дан ташкил топган. Жан.га томон қия (бал. 400—450). Туманда ер ости суви кўп. Қурилиш материалларидан оҳактош, гишт тайёрланадиган тупроқлар бор.

Иқлими қуруқ субтропик, ёзи қуруқ, иссиқ, қиши қисқа, совуқ ва сернам. Ёғин-сочин кам (300—350 мм), бутланиш катта. Янв.нинг ўртача т-раси — 1°, —3° июликн 26,3°. Вегетация даври 236 кун. Об-ҳаво шароити субтропик мевалар (анжир, анор ва б.) етиштириш учун қулай. Сой кўп, водийлари тош-шағал б-н қопланган. Тупроқлари адирларда типик ва оч бўз тупроқ, адирлар орасида суғориладиган ўтлоқи, ботқоқ-ўтлоқи ва ботқоқ тупроқлар тарқалган. Туманнинг шим.дан Шимолий Фарғона канали, жан.дан Сирдарё оқиб ўтади. Катта Наманган канали, Янгиариқ, Наманган сой, Гирвонсой, Ирвадонсой, Косонсой каби сув манбаларидан

Наманган тумани дарвозаси.

экинзорлар суғорилади. Ёввойи ҳайвонлардан чиябўри, қўён ва б., қушлардан ёввойи ўрдак, ёввойи каптар, олақанот, қалдирғоч, чумчуқ, лайлак, бойўғли ва б. учрайди.

Аҳолиси нинг аксари қисми ўзбеклар (98,6%), шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 1км² га ўртача 683 киши тўғри келади. Шаҳарликлар 13,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 157,2 минг киши (2003).

Хўжалиги. Туман хўжалиги асосан, қ.х.га ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари ҳам фаолият кўрсатади. Пахтачилик, боғдорчилик, сабзавотчилик, галлачилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. «Миришкор» қўшма корхонаси, пахта тозалаш з-ди, кичик ва хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари ишлаб турибди. Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик. Туманда 13 хўжаликда пахта етиштирилади, ипакчилик б-н шуғулланувчи ва сабзавот етиштирувчи ширкат хўжаликлари ҳам бор. 315 фермер хўжалиги 3730 га ер майдонида фаолият кўрсатади. Шулардан 114 таси пахтачилик, 35 таси галлачилик, 47 таси сабзавотчилик, 78 таси боғдорчилик, 41 таси чорвачилик б-н шу-

Тошбулоқ теннис корти мажмуаси.

гулланади. Ушбу фермер хўжаликларида 2316 киши ишлайди (2003).

2001/2002 ўқув йилида 42 умумий таълим мактабида 43 минг ўқувчи, 3 та қ.х., саноат ва махсус иқтисодий колледж, махсус иқтисодий лицейларда 1700 дан ортиқ ўқувчи таълим олди. Болалар мусиқа мактаби бор. Туман маданият саройи қошида ашула ва рақс ансамбли, «Бўстон» фольклор этнографик ансамбли фаолият кўрсатмоқда. Тумандаги «Ёш техниклар» маскани жамоаси барча танловларда голиб чиққан. Туманда марказий кутубхона, унинг 35 та филиали, маданият саройи ва 12 та маданият уйлари мавжуд.

Марказий стадион (15 минг ўрин), ёпиқ теннис корти, 14 футбол, 17 баскетбол, 21 кўл тўпи, 85 волейбол майдони ва майдончалари, 30 спорт заллари ишлаб турибди. Жисмоний тарбия ва спорт б-н 42 мингдан зиёд киши мунтазам шуғулланмоқда. Спорт секциялари ва тўгаракларида 20 мингга яқин спортчи иштирок этмоқда. Н.т.да туман марказий касалхонаси, юқумли касалликлар, 5 қишлоқ, 2 хусусий касалхоналар (630 ўрин) мавжуд. 1 ихтисослашган марказий поликлиника, 1 тиш даволаш поликлиникаси, 14 қишлоқ врачлик пункти, 30 фельдшер-акушерлик пункти, 15 дорихона бор. Тумандаги барча тиббий муассасаларда 170 врач, 883 ўрта тиббий ходим ишлайди. 1962 й. 10 июндан «Истиқлол» туман газ. чиқади (адади 5 минг).

Мурод уллаҳ Ҳайдаров.

Наманган туманидаги «Шарқ гўзали» ўқув маркази.

НАМАНГАН УНИВЕРСИТЕТИ, Наманган давлат университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига асосан 1992 й. 15 мартда Наманган пед. ин-ти (1942 йилда асос солинган) негизида ташкил этилган. Ун-тда 12 ф-т (мат., физика-техника, хорижий тиллар, кимё-биол., санъатшунослик, инглиз филол.си, пед., иқтисод-геогр., жисмоний тарбия, ўзбек филол.си, тарих, юриспруденция), ўқув, илмий, маънавият, маркетинг хизмати, мониторинг бўлими, маънавият, ахборот ва таҳлил, тил ўргатиш, демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти маркази, социологик тадқиқотлар лаб., 38 кафедра, бир қанча илмий лаб. ва ўқув марказлари, бизнес мактаби, академик лицей бор; кутубхоналарида 500 мингдан зиёд асар сақланади (2003). Ун-т 25 йўналиш (мат., амалий мат., физика, касб таълими, кимё, биол., амалий санъат, чизмачилик ва тасвирий санъат, мусиқа, инглиз тили, немис тили, француз тили, славян филол.си, бошлангич таълим ва тарбиявий ишлар методикаси, пед. ва психология, жисмоний тарбия, иқтисод, геогр., ўзбек филол.си, тарих, ҳуқуқшунослик, миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари, бошлангич таълим ва спорт тарбиявий иш, ижтимоий-маданий фаолият) бўйича бакалаврлар, 16 ихтисослик (физика, мат., тарих, геогр., рус тили, ўзбек тили, немис тили, инглиз тили, кимё, меҳнат таълими, ҳуқуқшунос-педагог, тармоқлар иқтисодиёти, бошлангич таълим, физика ўқитиш методикаси, амалий мат., ўзбек адабиёти) бўйича магистрлар тайёрлайди. Ун-тда аспирантура, докторантура фаолият кўрсатади. 2002/2003 ўқув йили ун-тда 5 мингга яқин талаба таълим олди, 350 дан ортиқ ўқитувчи, жумладан, 20 фан д-ри ва проф., 140 фан номзоди ва доцент ишлади. Ун-т бир қанча хорижий давлатларнинг нуфузли ун-т, ин-тлари ҳамда халқаро ташкилотлар б-н ҳамкорлик қилади. Ун-т фаолияти Т. Файзуллаев, А. Аъзамов, М. Маматов, Н. Раҳимов, А. Абдураҳмонов, Ш. Абдуллаев, И. Абдуллаев ва б. проф.-ўқитувчилар номи б-н боғлиқ. Ун-тда турли йўналишларда и.т. ишлари олиб борилади. 2003 й.гача ун-т 27 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади.

«НАМАНГАН ҲАҚИҚАТИ» — Наманган вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газ. Наманган шаҳрида ўзбек тилида ҳафтада 2 марта чиқади. Дастлаб «Ишчилар қалқони» (1918—19), «Эркинлик» (1919—21), «Зарбдор» (1921—36), «Сталин ҳақиқати» (1936—48) номларида чиққан. 1958 йдан ҳоз. номда. Газда турли даврларда Лутфулла Олимий, Тургун Пўлат, Ҳусниддин Шарипов, Ҳабиб Сальмулла, Ҳамид Нурий каби ўткир қалам соҳиблари фаолият кўрсатишган. «Н. ҳ.»да узоқ йиллар самарали меҳнат қилган Иброҳим Юсупов, Фазлиддин Мирзаев, Эрмамат Нурматов, Ҳамидахон Мамажонова, Абдуфаттоҳ Ражабов, Ғуломжон Акбаровлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Республикада хизмат кўрсатган журналист фахрий унвонларига сазовор бўлишган.

«Н. ҳ.» вилоят ҳаётининг кўзгуси сифатида умумиқтисодиёт, саноат, қишлоқ хўжалиги, таълим ва б. соҳаларда ги янгилик ва ўзгаришлари, жисмоний тарбия ва спорт масаласини кенг ва муфассал ёритади. «Талбиркор» номли иловаси ҳам бор. Газ. адади 5100 (2003).

«НАМАНГАНМАШ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — «Ўзмашсаноат» уюшмаси таркибидаги йирик корхона. 1962 й.да Наманган машинасозлик з-ди номи б-н бунёд этилган. Корхона, асосан, нефть ва газ саноатида, коммунал хўжалигида ишлатиладиган сурилувчи шпинделли эгилувчан клинли пўлат, титан, чўян зулфинлар, сурилмайдиган шпинделли, параллел чўян зулфинлар, коррозиябардош мембранали клапанлар, юқори босимда ишлайдиган вентиллар ишлаб чиқаради.

1967 й.да трубопроводли задвижкалар и.ч. ўзлаштирилди. 1973 й.дан бошлаб ДУ-150, ДУ-200 титан задвижкалар тайёрлаш йўлга қўйилди ва 1980 й.га келиб уларнинг номенклатураси 15 хилга етказилди. И.ч. ҳажмлари кўпайиб, қўшимча иш жойлари яратилди ҳамда маҳсулотларни экспорт қилиш йўлга қўйилди. Задвижкаларнинг янги турларини ўзлаштириш ва чўян ҳамда пўлат қуйма технологияларни жорий қилиш мақсадида янги қуюв цехи қуриб ишга туширилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг корхонада республика эҳтиёжлари учун зарур ҳисобланган бир неча турдаги импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлана бошлади. Бунинг учун, металл юзасига полиэтилен қоплаш ва қуюв цехида пўлат чиқиндиларни эритиб маҳсулотлар қуйиш технологиялари ўрнатилди. Натижада корхонада ишлаб чиқарилган мембранали клапандлар, чўян ва пўлат қуйма зулфинлар ички ва ташқи бозорда сотилмоқда. Маҳсулотлар (пайвандланган, қуйма пўлат зулфинлар), асосан, Белоруссия, Қозоғистон ва Россия давлатларига экспорт қилинади.

«НАМАНГАНСКАЯ ПРАВДА» («Наманган ҳақиқати») — Наманган вилоят ҳокимлигининг ижтимоий-сиёсий газетаси. Наманган шаҳрида рус тилида ҳафтада 1 марта чиқади. Дастлаб «Известия Наманганского Совдепа» («Наманган депутатлари кенгаши хабарлари». 1917—20), «Рабочий путь» («Ишчи йўли». 1920—21), «Ударник» («Зарбдор», 1934—45), «За коммунизм». («Коммунизм учун». 1941—58) номлари б-н нашр этилган. 1958 йдан ҳоз. номда. Газда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий қамда бозор иқтисодларига оид таҳлилий мақолалар кенг ёритилади. Шунингдек, ундаги махсус рубрикаларда санъат ва адабиёт ҳақидаги хабарлар, ижодкорларнинг асарлари мунтазам чоп этиб борилади. Адади 1000 га яқин (2003).

НАМАНГАНСОЙ — Наманган вилоятидаги сой. Чатқол тоғларининг қорли чўққиларидан бошланувчи Поччатасойдан Заркент қишлоғи ёнида сув олади. Адирлар ва адирлар орасидаги текисликларни кесиб ўтади. Уз. 48 км. Қор ва ёмғир сувидан тўйинади. Йиллик сув сарфининг 60% баҳор ва ёз ойларига тўғри келади. Янгиқўрғон ва Наманган туманлари экин майдонларини суғоради.

«НАМАНГАНТЕКСТИЛЬ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибидаги йирик тўқимачилик корхонаси. Корхонада, асосан, пахта толасидан калава ип, сур (хом) ва тайёр газламалар, нотўқима матолар ҳамда харидорлар буюртмаси асосида тикувчилик маҳсулотлари тайёрланади.

Корхона 1967 й.да Наманган шойи ва костюмбоп газламалар к-ти номи б-н ишга туширилган. 1974 й.да ЎзССР 50 йиллиги номидаги «Наманган шойи ишлаб чиқариш» бирлашмаси деб номланди. 1994 й.да бирлашма очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. 1998 й.дан ҳоз. номда. «Н.» а. ж. вискоза, лавсан толалар ва уларнинг аралашма толаларидан кўйлакбоп, плашбоп газламалар, сунъий ип газламалар и.ч.га ихтисослашди. Четдан сунъий толаларни харид қилиш имкониятлари чекланганлиги сабабли к-тда 1997 й.дан бошлаб пахта толасидан маҳсулот и.ч. йўлга қўйилди. Корхона таркибида йилига 6,3 минг т калава ип и.ч. қувватига эга бўлган 1-ва 2-йигирув ф-каларн, йилига 28,1 млн. м сур ва 28,5 млн.м тайёр газлама и.ч. қувватига эга бўлган тўқув ф-каси, гул босиш-пардозлаш ф-каси, Ҳаққулобод шаҳри тикув ф-каси бор. 1997 й.да Германиянинг «Трючлер», «Гроссенхайнер», «CSM» фирмаларининг замонавий технологиялари б-н жиҳозланган 2-йигирув ф-каси ишга туширилди ва жаҳон бозорида рақобатбардош ип газламалар тайёрлана бошлади. Жанубий Корея ва Туркия давлатларига пахта калава ип экспорт қилади. Акциядорлик жамиятида 5 мингга яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилмоқда.

2002 йда 6 минг т калава, 22 млн. м сур газлама, 21,9 млн. м тайёр газламалар, 320 минг м нотўқима матолар ишлаб чиқарилди.

НАМАТ — қ. *Кигиз.*

НАМДИНЬ — Вьетнамнинг шим. қисмидаги шаҳар. Хонгха дарёси дельтасидаги порт. Хоаминь провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 172 минг кишидан зиёд (1990-йлар ўрталари). Транспорт йўллари тутуни. Тўқимачилик саноати (ип газлама ва ипак газлама и.ч.) ривожланган. Озиқ-овқат, ойна-шиша саноати корхоналари бор.

НАМИБ — Африканинг жан.-гарбий соҳилларидаги чўл. Атлантика океани соҳили бўйлаб, шим.да Намиб ш. ҳудудидан жан.да Олифантс дарёси қуйилиш жойигача 2100 км га чўзилган. Эни 50—130 км. Ер юзаси текислик бўлиб, материк ичкарисига зинапоясимон кўтарилиб борган (1000—1200 м). Шарқий ва шим. қисми қумли, жан. тошлоқли чўл. Иқлимига қирғоқ бўйлаб ўтган совуқ *Бенгела оқими*нинг таъсири бор. Энг илиқ ойнинг ўртача т-раси 17—19°, энг салқин ойники 12—13°. Йиллик ёғин кам бўлса-да (10—100 мм), лекин ҳавонинг намлиги юқори. Н.ни Кунене ва Оранж дарёлари кесиб ўтган. Ўсимликлари сийрак. Грунт сувлари ер юзасига яқин жойларда баъзи ксерофит ўсимликлар, акация, алоэ ва б. ўсади. Олмос, уран конлари бор. Миллий боғлар ташкил этилган.

НАМИБИЯ (Namibia). Намибия Республикаси (Republic of Namibia) — Африканинг жан.-гарбий қисмида жойлашган давлат. Майд. 825,4 минг км². Аҳолиси 1,8 млн. киши (2002). Пойтахти — Виндхук ш. Маъмурий жиҳатдан 13 туман (district)га бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — республика. Амалдаги конституцияси 1990 й. 9 февда қабул қилинган, унга кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (1990 й.дан Сэм Нуйома). Конституцияга биноан у умумий тўғри овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади, яна бир муддатга қайта сайланиши мумкин. Аммо конституцияга 1998 йда киритилган тузатишга мувофиқ Сэм Нуйома учун президент лавозимида бўлиш муддатини чеклаш бекор қилинди. Қонун чиқарувчи ҳокимият — икки палатали парламент (Миллий ассамблея ва Миллий кенгаш). Ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. Президент бош вазир ва ҳукумат аъзоларини тайинлайди.

Табиати. Н.нинг қирғоқ чизиғи текис. Ер юзасининг аксари қисми бал. 900—1500 м ясситоғлик бўлиб, дарё водийлари ва тектоник ботиқлар мавжуд. Энг баланд жойи 2600 м (Брандберг тоғи). Ясситоғликнинг шарқий ва шим. чеккалари қия, ғарбий чеккаси эса сохил бўйи текислиги — *Намиб* чўлига тик тушган. Н.нинг маркази ва жанубги кенг букилма қўйи кембрий ётқизиқлари б-н тўлган. Фойдали қазилмалардан мис, германий, кўргошин-ванадий, марганец, қалай, вольфрам конлари бор. Олтин, кумуш, уран рудалари, олтингугурт, рух, соҳилдан ва денгизнинг соҳилга яқин қисмидан олмос ҳам қазиб олинади.

Иқлими тропик, жуда қуруқ. Энг иссиқ ойи — янв.нинг ўртача т-раси 18—27°, энг салқин ойи — июлники 12—16°. Йиллик ёғин соҳилда 10—15 мм, шим.-шарқида 500—700 мм. Кўпгина дарёларида фақат ёмғир ёққан вақтда сув оқади. Йирик дарёлари: Оранж, Замбези ва Кунене. Н. ҳудудининг кўп қисмида тропик чўл ва қизғиш қўнғир тупроқ. Намиб чўлида ўсимлик жуда сийрак. Ясситогликлар ксерофит бутазорлар б-н қопланган. Баландроқ жойлар чала чўл ва чўл саванналарини иборат. Ҳайвонлардан эндемик кемирувчилар, ҳашаротхўрлар, найтиш яшайди. Виверралар, кийик, сиртлон учрайди. Ҳайвонларнинг айрим турлари фақат миллий боғлар ва қўриқ-

Намибия байроғи.

хоналарда сақланиб қолган, миллий боғларининг энг каттаси — Этоша миллий боғи.

Аҳолиси. Н. туб жой аҳолисининг аксари қисми банту тиллари оиласига мансуб элатлардан иборат. Готтентот, тоғлик дамара ва бушменлар ҳам яшайди. Европаликлар аҳолининг 7%ни ташкил этади. Расмий тили — инглиз тили. Аҳолининг 90% христианлар, қолган қисми маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Шаҳар аҳолиси 25%. Йирик шаҳарлари: Виндхук, Уолфиш-Бей, Цумеб, Китмансхуп, Очиваронго.

Тарихи. Қадим замонларда Н. ҳудудида овчилик ва ёвойи дарахт меваларини териш б-н шуғулланувчи бушменлар, кўчманчи чорвачилик б-н шуғулланувчи готтентотлар ҳамда тоғлик дамаралар яшаган. Тахм. 16-а.дан Н. ҳудудига бантулар (гереро, амбо, каванго, йейе, тсвана ва б.) кириб кела бошлади. Гереролларнинг асосий машғулоти чорвачилик бўлган. 18-а. охирларида уларни деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланувчи амболар жан.га суриб юборди. Намалар б-н тоғлик дамаралар (готтентотларнинг бир гуруҳи) эса мамлакат жан.да ўрнашиб олди. 19-а. бошларида Кап мустамлакасидан кўчиб келган орламлар кўпгина гереро қабилаларини ўзларига бўйсундириб олди. Ҳоз. Н. соҳилига дастлаб 1484 й.да португал денгизчилари келиб тушганлар, шундан сўнг бир неча асргача европаликлар бу ерлар б-н деярли қизиқмаганлар. Фақат 1802 й.дан инглизлар Оранж дарёсидан шим.рокда ўзларининг дастлабки миссияларини туздилар. 1878 й.да Буюк Британия Окаханжада қалъа қуриб, Уолфиш-Бей атрофини ўз мулки деб эълон қилди. 1884 й.да Германии Н. ҳудудини Германия Жан.-Ғарбий Африкаси (ЖҒА) номи б-н ўзининг протекторатига айлантирди. Мустамлакачилар ўз ҳукмронлигини ўрнатишда африкалик қабила бошлиқларининг ўзаро адоватидан фойдаландилар. Готтентот, мбандеру ва коуа қабилалари мустамлакачиларга энг кўп қаршилик кўрсатдилар. 1-жаҳон уруши даври (1914—18)да ЖҒАни Жанубий Африка Иттифоқи (ЖАИ) босиб олди. Урушдан кейин у Миллатлар Лигаси ихтиёридаги мандатлар таркибига киритилди. 1920 й.да ЖҒАни бошқариш мандати ЖАИга берилди. Шу вақтдан ЖАИдаги ирқий тартиблар ЖҒАга ҳам жорий бўлди. 1925 й.да ЖҒАда Қонун чиқарувчи ассамблея тузилиб, депутатликка фақат оқ танлилар сайланди. 2-жаҳон уруши (1939—45)дан кейин барча мандат ҳудудлари БМТнинг халқаро васийлиги тартибига киритилишига қарамай, ЖАИ (1961 й.дан — ЖАР) ЖҒАни БМТ васийлигига беришдан бош тортиб келди. 1949 й.да эса бу ҳудудни ЖАРнинг вилояти деб эълон қилди. 1946 й.дан ЖҒА масаласи БМТнинг турли органларида муҳокама қилиниб, ЖАРнинг ЖҒАга нисбатан мустамлакачилик сиёсати қораланди.

1966 й.да Бош Ассамблея қабул қилган резолюцияда ЖҒА халқининг ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ва мустақилликка бўлган ҳуқуқлари қайд қилинди, ЖҒАни бошқариш учун ЖАРга берилган мандат бекор қилиниб, бундан кейин бу ҳудудни бошқариш БМТга юклатилди. 1967 й.да ЖҒАни бошқариш учун БМТнинг махсус Кенгаши тузилди ва комиссар тайинланди (аммо 1990 й.гача Н.ни ЖАР бошқарди). 1968 й.да БМТ Бош Ассамблеяси ЖҒА халқининг истагини ҳисобга олиб, ЖҒА номини Н. деб аташ тўғрисида қарор қабул қилди ва БМТга аъзо давлатларни намибиялик ватанпарварларга ёрдам беришга даъват этди.

Виндхук шаҳри кўчаларида.

1960 й.да тузилган СВАПО (Жан.-Ғарбий Африка халқ ташкилоти) туб жой аҳолининг миллий озодлик ҳаракатига бошчилик қилди. 70-й.ларнинг охирларидан бу ташкилотнинг фаоллиги кучайди. У Н.га дарҳол мустақиллик берилишини ва демократик халқ ҳукумати тузилишини талаб қилди. Ниҳоят, 1990 й. 21 мартда Н. мустақил деб эълон қилинди ва Н. Республикаси деб юритила бошлади. Н. — 1990 й.дан БМТ ва Африка Бирлиги ташкилоти аъзоси. 1991 й. 25 дек.да Ў.Р суверенитетини тан олган. Миллий байрами — 21 март — Мустақиллик эълон қилинган кун (1990).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Жан.-Ғарбий Африка халқ ташкилоти (СВАПО), партия, 1960 й.да асос солинган; Турнаалле демократик альянси, партия, 1977 й.да тузилган; Демократлар конгресси, партия, 1999 й.да ташкил этилган; Бирлашган демократик фронт, 1989 й.да тузилиб, 1993 й.да партияга айлантирилган. Н. ишчилари миллий иттифоқи касаба уюшма бирлашмаси, 1971 й.да тузилган.

Хўжалиги. Н. кончилик саноати ривожланган аграр мамлакат. Кончилик саноати Н. иқтисодиётининг негизидир. Ялпи ички маҳсулотда кончилик саноати 21,6%, қ.х. ва балиқчилик 15,4%, қайта ишлаш саноати 6,2%ни ташкил этади. 20-аснинг 90-й.ларида ҳар йили салкам 800 минг карат олмос, 1600 кг олтин, 90 т дан зиёд кумуш, 72 минг т рух, 33 минг т мис, 35 минг т кўргошин, шунингдек, кўп миқдорда уран рудалари, қалай, марганец, вольфрам, ванадий, олтингугурт қазиб олинди. Рангли металлургия корхоналари қурилган. Йилига ўртача 1 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Виндхук, Цумеб ва Уолфиш-Бейда йирик иссиқлик электр ст-ялари бор. Кунене дарёсида 320 МВт қувватга эга бўлган ГЭС қурилган.

Кончиликка боғлиқ бўлмаган и.ч. саноати унчалик яхши ривожланмаган. Четдан келтирилган қисмлардан машина ва ускуналар йиғадиган з-длар, ёғочсозлик корхоналари, балиқ уни ва консервалари ишлаб чиқариладиган з-длар, тюлень ёғини қайта ишлайдиган ф-ка, озиқ-овқат, енгил саноат корхоналари мавжуд.

Қ.х.да механизациялашган йирик товар фермер (асосан, чорвачилик) хўжаликлари устун. Қоракўлчилик асосий ўринни эгаллайди. Қорамол ҳам боқилади. Мамлакат ҳудудининг 46% ўтлоқ ва яйловлар б-н банд. Ерларнинг атиги 1% сунъий сугоришсиз экин экишга яроқли. Буғдой, маккажўхори, тариқ, супурги, сабзавот етиштирилади. Денгиз бўйи аҳолиси балиқчилик б-н шуғулланади.

Темир йўллар уз. 2,4 минг км, автомобиль йўллари уз. 41,9 минг км, шундан қаттиқ қопламали йўллар — 4,5 минг км. Денгиз портлари: Уолфиш-Бей, Людериц. Виндхук яқинида халқаро аэропорт бор. Ўз маҳсулотининг 80% экспорт қилинади. Саноат ва истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжнинг 80%ғ импорт ҳисобига қондирилади. Четга минерал хом ашё (олмос, уран, турли металлар), чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, гўшт консервалари, балиқ) чиқарилади. Четдан машина ва асбоб-ускуна, кенг истеъмол моллари, қурилиш материаллари келтирилади. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: ЖАР, Буюк Британия, АҚШ. Пул бирлиги — Н. доллари.

Замонавий тиббиёт ва маориф тизимлари эндигина йўлга қўйила бошлади. Виндхукда Техника коллежи бор. Илмий муассасалари: Виндхукда Илмий жамият, Меъморлик ин-ти, Уолфиш-Бейда Экология тадқиқоти департаменти, Виндхукда қ.х. департаменти. Виндхукда халқ кутубхонаси, Архив ва унинг кутубхонаси, Давлат музейи, Свакопмунд ва Людериц ш.да музей бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Н.да нашр этиладиган асосий газ. ва жур.лар: «Альгемайне цайтунг» («Умумий газета», немис тилида чиқадиган кундалик кечки газ., 1915 й.дан), «Намиб таймс» («Намиб вақти», инглиз, немис, африкаанс ва португал тилларида ҳафтада 2 марта чиқадиган газ., 1958 й.дан), «Намибиан» («Намибиялик», инглиз тилида чиқадиган газ., 1985 й.дан), «Нью ира» («Янги давр», инглиз тилида ҳафтада 2 марта чиқадиган ҳукумат газ.), «Республикейн» («Республикачи», африкаанс, инглиз ва немис тилларида чиқадиган кундалик газ., 1977 й.дан), «Намибия тудей» [«Бугунги Намибия», икки ҳафтада 1 марта Луанда (Ангола)да чиқадиган жур., 1977 й.дан], «СВАПО информейшн буллетин» («СВАПО ахборот бюллетени», ойига 1 марта чиқади). Н. ахборот агентлиги (НАМПА) 1987 й.да ташкил этилган. Н. радиоэшиттириш корпорацияси, радиоэшиттириш ва телекўрсатув маҳкамаси, 1979 й.да тузилган.

Намибия аёллари.

Халқ санъати. Н. ҳудудидан қад. қоя расмлари топилган. Улар маълум бўёқлар б-н ёки ўйма усулда бажарилган. Бир неча минг йиллар аввал бушменлар ва уларнинг аждодлари чизган бу расмларда хилма-хил ҳаётий воқеалар (ов ва жанг манзаралари, диний маросимлар, афсона қаҳрамонларининг ишлари) тасвирланган. 1907 й.да Брандберг тоғи яқинидаги Маяк горидан топилган қоя нақши жаҳонга машҳур бўлиб, мил. ав. 2-минг йилликнинг ўрталарига мансублиги аниқланди ва у «Оқ аёл» деб номланди. Н.да анъанавий турар жойлар ибтидоий (доира шаклидаги деворлари ўт, шох-шабба, ҳайвон терилари б-н ёпилган) чайлалардан иборат. Чайла ўртасига устун қўйилиб, томи паҳол б-н ёпилади. Н.да бадиий ҳунармандчилик (кулолчилик, каштачилик), металлдан қурол, зеб-зийнат (тақинчоқ ва ҳ.к.) ясаш кенг тарқалган.

НАМЛИК — ҳаводаги сув бўғлари ва физик жисмлар таркибидаги сув миқдори; об-ҳаво ва иқлимни, жисмларнинг хоссаларини белгилайдиган омиллардан бири. Н. ҳавонинг сув бўғларига, жисмларнинг сувга қанчалик тўйинганлигига, уларнинг табиатига, зичлигига ёки говаклигига, ички ва ташқи сиртлари ўлчамларига боғлиқ. Одатда, Н. жисмнинг дастлабки оғирлигига (оғирлик бўйича Н.) ёки ҳажмига (ҳажмий Н.) нисбатан фоизларда белгиланган сув миқдори б-н ифодаланади. Уни материалнинг қуруқ қисми массаси бирлигига нисбатан олинган сув миқдори б-н ҳам ифодалаш мумкин. Материаллар (мас, пахта, тахта), маҳсулотлар (дон ва б.) нинг Н. даражасини белгилаб қўйишнинг халқ хўжалигида аҳамияти катта. Кўп жисмлар (мас., дон, цемент) маълум Н.дагина мўлжалланган мақсад учун яройди. Одам, жонивор ва ўсимликларнинг ҳаёти ҳам маълум даражадаги Н. ва муҳитнинг нисбий намлигига боғлиқ (*яна қ. Ҳаво намлиги*). Н. миқдори махсус асбоб — *намлик ўлчагич* б-н ўлчанади.

НАМЛИК АЙЛАНИШИ (Ерда) — қ. *Сув айланиши*.

НАМЛИК ЎЛЧАГИЧ — газлар, суюқликлар ва қаттиқ жисмлар (шу жумладан, сочилувчан жисмлар, мас., тупроқ, қум) намлигини ўлчайдиган асбоб. Гигроскопик, электр-кимёвий, гигрометрик ва психометрик хиллари бор. Гигроскопик Н. ўзининг иши материаллар ва моддаларнинг атроф муҳитдаги намлик (сув бўғлари) ни ўзига ютиш хоссасига асосланган. У газлар ва суюқликларнинг намлигини ўлчашда ишлатилади. Электр-кимёвий Н.ў. жисмлардан электр токи ўтказилганда унда кимёвий реакция юз бериб, намлик миқдорини ўзгартиришга асосланган. У б-н ҳам газлар ва суюқликларнинг намлиги ўлчанади. Гигрометрик Н. ўзининг иши намлик миқдорига қараб ёғсизлантирилган соч толасининг ўз узунлигини ўзгартириши хоссасига асосланган. У газларнинг намлигини ўлчаш учун ишлатилади. Психрометрик Н. ўзининг иши икки термометр (бири қуруқ, иккинчисининг устига ўралган мато ўралган) нинг кўрсатишлар фарқини ўлчашга асосланган. Бу ҳам газлар учун мўлжалланган. М. ў. ларнинг сигимли, кондуктометрик ва ядровий магнит резонанс ҳодисасига асосланган турлари ҳам бор. Булар суюқликлар ва қаттиқ жисмлар намлигини ўлчаш учун мўлжалланади.

НАМОЁН (форс. — кўриниш, манзара) — нақш мужассамоти; атрофи ҳошия нақш (кўпинча *занжира*, рута) б-н ўралган безак, тасвир ва б.дан иборат. Амалий безак санъатида воқелик (чаманзор, боғу бўстон, дарё, гул, барглар ва б.)нинг шартли умумлашма тасвирий образини ўзида акс эттиради. Асосан, Ўрта Осиё наққошлигига хос бўлиб, мустақил нақш мужассамотининг энг мураккаб тури. Н. яратишда уста наққошлар *гирих* ва *исломий* нақшлардан моҳирона фойдаланади,

«Қўқон намоёни» (чапда; С. Норқўзиев). «Исломий намоён» (И. Маҳмудов).

Н.ни узоқ ва яқиндан кўринишини ҳисобга олади. Нақшнинг банд ва таноблариии даражаларга ажратиб, биринчи даражали нақш чизиқларига алоҳида аҳамият беради. Н.да гиреҳ асосий, ўсимликсимон нақш тўлдирувчи ўрин тутади ва у асосий нақш (гиреҳни босиб ўтмайди. Фақат гиреҳдан тузилган Н.да ҳам асосий ва тўлдирувчи нақшлар бўлади, яъни йирик гиреҳлар ичига майдалари чизилади. Ўзбекистон ҳудудидаги ҳар бир воҳада Н. бир-биридан фарқ қилувчи ўзига хос безак услубига эга: Хива наққошлигида Н. бандлари бир-бири б-н ўзаро четан каби боғланади, барглар кам ишлатилади, мужассамот ривожланиш хусусиятига эга, унда ҳаракат, мавж кўпроқ кўзга ташланади; Тошкент наққошлигида Н.лар ўсимлик гулларининг кўплиги б-н ажралиб туради; Фарғона Н.ларида табиатдаги гул, барг, мевалар ва б. тўғрилан-тўғри табиий шаклда тасвирланади. Замонавий меъморликда, бинолар безакларида, мустақил амалий безак санъати асарларида Н.лар ранг-баранг: меҳроби Н., чорси Н., серафтор Н., мажнунтол Н. ва б. Жумладан, Навоий театри биноси безакларида Н.нинг ажойиб намуналарини кўриш мумкин.

НАМОЗ (форс.) — ислом кўрсатмалари бўйича бажариладиган махсус ибодат тури; исломдаги 5 рукнлан бири. Н. мусулмонларга меърож кечаси (қ. *Исро ва меърож*) фарз қилинган биринчи ибодатдир. Бир кеча-кундузда 5 маҳал (*бомдод, пешин, аср, шом, хуфтон*) Н. ўқиш фарз ҳисобланади. Н. ўқиш «Аллоҳу акбар» деб такбир айтиш б-н бошланиб, сано, Қуръон оятларидан тиловат қилиш,тасбеҳ ва дуолар ўқиш, рукуъ, сажда, тиз чўкиб ўтириш, салом беришларни ўз ичига олади. Н.нинг бир неча турлари мавжуд. Мас., фарз, вожиб, суннат, нафл, ишроқ, таҳажжуд, қазо, шукри вузу, жаноза ва б. қўшимча Н.лар борки, уларни адо этиш мусулмон кишининг ихтиёрий ибодати саналади. Фарз, вожиб, суннат Н.лари эса адо этилиши шаръан талаб этилувчи Н.лар сирасига киради.

Н. ўқиш учун намозхоннинг бадан ва кийимлари ҳамда ўқиш жойи пок бўлиши шарт. Н. қиблага — Маккадаги Каъба ибодатхонасига қараб ўқилади. Уни ўқишда махсус тўшама — *жойнамоз*дан фойдаланиш одатга айланган. Н.ни кишн бир ўзи ёки жамоа бўлиб ўқиши мумкин, лекин жума кунидаги жума Н.ини масжидда жамоа б-н ўқиш тавсия этилади. Жамоа бўлиб Н. ўқиганда намозхонлар қатор туради, улардан бири (имом) имомликка ўтади. Н. пайтида тапиришп, сйиш, ичиш, кулиш, йиғлаш, йўталиш, турли ҳаракатлар қилиш ва б. мумкин эмас. Касал ва ногиронлар Н.ни ўзларига қулай ҳолатда ўқийдилар.

Исломдаги мазҳаблар курсатмаларида Н. ўқиш қоидаларининг бир-биридан фарқ қиладиган жиҳатлари бор. Ўзбекистонда Н., асосан, *ҳанафий мак* мазҳабига мувофиқ ўқилади.

НАМОЗ ПИРИМҚУЛ ЎҒЛИ (тахм. 1877, Каттақўрғон, Ўтарчи қишлоғи — 1907) — Самарқандда миллий эзгу ва ҳақсизликка қарши кўтарилган оммавий халқ ҳаракати бошлиғи. Барвақт етим қолиб амакисиникида яшайди. Кейин Самарқандга келиб, хат-саводини чиқаради. Рус вошносига мақдлий маъмурлар кирдикорларидан шикоят қилиб, бир неча бор хат ёзади. Натижа чиқмагач, халқнинг норозилик ҳаракатига бошчилик қилди. Н.П.ў. подшо амалдорлари, бой-бадавлат кишилар мол-мулкини тортиб олиб камбағалларга, бева-бечораларга улашган. Шунинг учун у юқори табақалар, мустамлакачилар орасида «Намоз ўғри», халқ ўртасида эса «Намоз ботир» деб ном қозонган. Намоз бошчилигидаги гуруҳ 1905 й. 29 окт.да қўлга тушиб, Самарқанд қамоқхонасига қамалади. 1906 й. 2 фев.да Намоз қамоқхона остидан 42 қулоч узунликда лаҳим қазиб, 60 нафар сафдошни б-н қочишга муваффақ бўлади. Намоз 3 йил давомида мақдлий маъмурларга қарши ҳаракатга бошчилик қилди. Кўзғолончилар, асосан, Самарқанд, Каттақўрғон туманларида ҳаракат қилганлар (1904—07). Ўз тўдасидан чиққан хоин томонидан ўлдирилган. Н. П. ўлими ишлари халқ ўртасида достон бўлиб кетган. Халқ бахшиси Нурмон Абдувоҳ ўғли «Намоз» достонини яратган.

Наим Норқулов.

НАМОЗГОҲТЕПА — *энеолит* ва *жез даври*га оид қишлоқ харобаси. Жан. Туркманистоннинг Копетдоғ этакларида жойлашган, майд. 70 га. 1949—52 й.ларда проф. Б. А. Куфтин бошчилигидаги археологлар гуруҳи қазишмалар олиб борган ва бутун Ўрта Осиё энеолит ва жез даврига тегишли археологик даврий системаси ишлаб чиқилган. 1950-й.ларнинг ўрталаридан бошлаб ёдгорликни кенг кўламда ўрганиш иши б-н В. М. Массон бошчилигидаги Санкт-Петербург археологлар гуруҳи шуғулланиб келган. Н.да маданий қатламнинг қалинлиги жойларда 34 м гача боради. Н. маданий қатламлари 6 та хронологик босқичларга (Намозгоҳ I—6) бўлинган. Улардан Намозгоҳ I—3 энеолит даврига, Намозгоҳ 4—6 эса жез даврига оиддир. Намозгоҳ — I (илк энеолит) даврида аҳоли хом гиштдан қурилган бир хонали уйларда яшаган. Намозгоҳ — 2 (ўрта энеолит) даврига келиб, уй-жой қурилишида кўп хонали уйлар пайдо бўлади, бу давр қишлоқларининг атрофида мудофаа деворлари қад кўтара бошлаган. Кўп хонали уйлар орасида доира шаклида оташгоҳлар қурилган. Намозгоҳ — 3 даврига келиб (сунги энеолит), қишлоқларнинг ҳудуди анча кенгаяди, уй-жой мажмуалари қошида ҳовлилар пайдо бўлган, ҳовлиларни бирлаштирувчи тор кўчалар расмийлашди, кўчалар эса қишлоқ марказига жойлашган очиқ майдонга туташади.

Энеолит даврининг меҳнат қуроллари, асосан, тошдан, суякдан ва қисман мисдан ишланган. Сопол н.ч.да ҳали кулолчик чархи кашф этилмаган, сопол идишлар қўлда ясалган. Мас., Намозгоҳ — 1 даври идишларига қора минерал рани б-н геометрик нақш берилган. Намозгоҳ — 2 босқичи сопол идишларининг шакли ва уларнинг сиртига туширилган нақшлар содда ва кўп жиҳатдан Намозгоҳ — 1 сополларидан кам фарқ қилса-да, аммо Намозгоҳ — 1 даврининг «монохром» нақшлари ўрнида Намозгоҳ — 2 даврининг «полихром» нақшли сополлар ясала бошлаган. Намозгоҳ — 3 даврига келиб, аввали содда қилиб ишланган геометрик нақшли сополлар ўрнини мураккаб, жимжимадор нозик гулли сополлар эгаллайди. Сополларга «гилам гулли нақш» деб юритилган безак берилган. Ҳайвон ва паррандаларнинг суратларини тушириш одати янада кенг тус олади. Бу эса уруғдошлик жамоасининг диний тасаввурларини «тотемлар» кўринишида намоён бўлишидан гувоҳлик беради. Энеолит даври хўжалигининг асосини суғорма деҳқончилик ва хонаки чорвачилик ташкил этган. Намозгоҳ — 2 давридан бошлаб сунъий сув омборлари қуриш бошланади. Намозгоҳ — 4 даври мажмуалари Н.да илк жез даврининг бошланишидан гувоҳлик беради. Деҳқончилик ва хонаки чорвачилик хўжалиги, ҳунармандчиликнинг турли соҳалари кенг ривожланади. Намозгоҳ — 4 даврининг сўнгги босқичида кулолчик чархи кашф этилади. Натижада сопол и.ч.соҳасида шундай сезиларли ўзгаришлар юз беради, оқибатда Ўрта Осиёнинг жан. р-нлари ўз тараққиёти б-н кўп жиҳатдан Қад. Шарқ маданиятига яқинлашиб қолади. Сопол и.ч.да биконик шаклдаги идишлар, қалоқ ва вазасимон идишлар пайдо бўлади. Идишларнинг сиртига дарахтлар, эчки ва қушларнинг суратини солиш кенг тус олади. Идишларга «гилам гулли нақш» солиш давом этади. Шу б-н бирга Намозгоҳ — 4 даврининг сўнгги босқичида тиниқ рангли гулсиз сополлар кўпаяди. Меъморликда монументал иншоотлар қуриш кўзланилади. Намозгоҳ — 5 босқичида жез даврининг гуллаган палласи бўлиб, ҳар соҳада ривожланишнинг юксак даражаси кузатилади. Сопол и.ч. корхоналарининг маҳсулоти тула-тукис товар характерини олади. Сопол идишларининг тури ва хили кўпаяди. Сополларнинг мутлақ аксарияти нақшсиз ишлаб чиқарилади. Меъморликда монументал иншоотлар қуриш кенг тус олади. Том маънодаги илк шаҳар шаклланади. Намозгоҳ — 5 даврида юз берган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ўзгаришлар Намозгоҳ — 6 даврида янада кенгроқ ва чуқурроқ лавом этади. Н.да сунгги давр қатламлари кам учратилди. Бунинг боиси, айнан шу даврдан ьтибораи метрополилардаги шаҳар ҳаёти янги минтақаларга кучади (мас., Мургоб воҳаси ва Қад. Бақтрияга).

Ад.: Массон В. М., Средняя Азия и Древний Восток, М.—Л., 1964.

Ахмаджон Абдуллаев.

НАМОЗШОМГУЛ (Mirabilis L.) — намозшомгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ва бир йиллик ўсимликлар туркуми; экма гул тури. Ватани — тропик Америка. Ўзбекистонда 2 хил тури учрайди. Ҳидсиз Н. (M. jalopa L.), хушбўй Н. (M. odorata L.). Бир йиллик маиварали ўсимлик сифатида экилади. Бўйи 40—80 см, серпох, тукли. Илдизи урчуқсимон, йўтон. Барги узун бандли, тубн юмалоқ ёки юраксимон, учи ўткир. Гуллари қизил, сариқ, оқ. Гулқўрғони шиша-симон тўпгул. Иссидан совуқ тушгунча гуллаб уруглайди. Гуллари кундузи ёпилиб, кечқурун очилади.

Намозшомгул.

НАМПХО — КХДРнинг гарбий қисмидаги шаҳар. Маъмурий жиҳатдан провинцияга тенглаштирилган. Аҳолиси 400 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Сариқ денгиз бўйидаги порт. Пхеньян аванпорти. Рангли металлургия саноатининг йирик маркази. Машинасозлик, электромеханика, ойна-шиша, тўқимачилик саноати корхоналари бор. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Балиқ овланади.

НАМСАРАЕВ Хоца Намсараевич (1889.27.4, Кижинча қишлоғи, ҳоз. Бурятиянинг Хоринаймоғи — 1959.28.7, Улан-Удэ) — бурят ёзувчиси. Бурят адабиётининг асосчиларидан. Ижоди 1919 й.дан бошланган («Қоронғулик» пьесаси). «Оракўл Дамби» (1920), «Хўжанин ва батрак» (1930) ҳикояларида бурят халқининг ҳаёти акс эттган. «Циремпил» қиссаси ва «Шундай бўлган...» ҳикоялар тўплами бурят адабиётида яратилган энг яхши асарлардан бири. Халқ оғзаки материаллари асосида «Аламжа Мэргэн» (1936), «Согаадай сэнэ», «Харалтуур хан» асарларини ёзган. «Тонгда» романи (1950) муаллифи. Урушдан сўнг Н.нинг «Танланган асарлар» (1948), «Танланган шеърлар» асарлар» (1949) ва 5 жилдли асарлар тўплами нашр қилинган (1957—59).

НАМУД (форс. — кўриниш, намоён бўлиш) — мақом ашула йўлларида мумайин шўъбанинг бошқа шўъбаларда ишлатилмаган куй тузилмаси. Ҳар бир Н. шўъбанинг бош куй жумлаларидан олиниб, шу ва б. мақом қисмларида авж сифатида фойдаланиши мумкин. Н.лар фойдаланиладиган шўъба таркибидаги куй ва доира усулига мослаб олинади ҳамда мақомларнинг муҳим шакллантирувчи воситаси саналади. Шашмақомда Н.лар сони ўндан ортиқ бўлиб, Сарахбор, Талқин ва Наср шўъбалари асосида юзага келган. Улар Уззол, Ушшоқ, Мухайяри Чоргоҳ, Баёт, Наво, Ораз, Дугоҳ, Сегоҳ, Насруллойи ва б. Н.ларидир. Бузрукдан Уззол Н.и — Бузрук ва Рост мақомлари, Ушшоқ Н.и — Бузрук, Рост мақомлари, Мухайяри Чоргоҳ Н.и — Бузрук, Рост, Сегоҳ ва Ироқ мақомлари, Наво Н.и ва Ораз Н.и — Наво ва Сегоҳ мақомлари, Сегоҳ Н.и — Рост ва Сегоҳ мақомлари, Насруллойи Н.и — Бузрук ва Сегоҳ мақомларининг шўъбаларида авж ўрнида ишлатилади. Н.ларидан бастакорларнинг йирик шаклдаги бастакорларнинг йирик шаклдаги куй ва ашулаларида ҳам кенг фойдаланилган. Асарларда ўринга қараб муайян Н.нинг куй-оҳанглари, вазни ва ҳажми бўйича турлича кўринишлари ишлатилиши мумкин. Мақом, шунингдек, мумтоз ашула ва чолғу йўлларида ўхшаш услубда фойдаланадиган бошқа махсус куй тузилмаларидан Зебо пари ва Турк куй тузилмаларидан Зебо пари ва Турк авжлари Н.лар қаторида ўрин тутади.

Ад.: Ражабов Н., Мақомлар масаласига доир, Т., 1963.

НАМУДЛИҒ — *Ию*қдаги шаҳар харобаси (6—11-а.лар). Н. Ангрен ш. яқинидан, Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида, жойлашган. 1966—67 й.ларда ўрганилган. Н.нинг майд. 70 га, 5 бурчакли қалъа ва кенг шаҳристондан иборат бўлиб, дарё ва унинг ирмоқлари б-н мудофааланган. 3—4-а.ларда мудофаа деворлари б-н ўралмаган турар жойлар пайдо бўлган. Бу даврда тирнаб ўчбурчак нақшлар солинган, қизил охрасимон бўёқлар б-н йўл-йўл чизиқлар туширилган ва ҳайвон шаклидаги тутқичли сопол идишлардан фойдаланилган. 5—6-а.ларда Н. шаҳарга айланган. 9—10-а.ларга келиб кумуш ва б. рангли металларни қайта ишловчи ҳунармандлик корхоналари ривожланиши б-н шаҳар гуллаб яшнаган. Н.да металл эритиш ва кулолчилик печи, каолин ва бўёқ модда сақланадиган жойлар топилган. Н.даги идишлар қўлда ва кулолчилик чархида ясалган. Ундан ташқа, сопол идишлар, ҳар хил тангалар топилган. Уларга охра ва анғоб б-н жило бериш расм бўлган Шаҳар 11-а.да инқирозга учраган.

НАНА СОҲИБ (асл номи Нанд Говинд Данду Пант) (тахм. 1824—?) — 1857—59 й.лардаги *Ҳиндистон халқ қўзғолони* раҳбарларидан бири. Инглиз Ост-Индия компаниясининг нафақасида бўлган маратх пешвоси (ҳокими) Бажи Рао II нинг асранди ўғли. Пешво вафоти (1851) дан сўнг компания Н. С.га нафақа тўлашдан бош тортгани сабабли у халқ қўзғолонига қўшилган. 1857 й.да ўзини пешво деб эълон қилган, Каннур ш. ва вилоятида ўз ҳокимиятини жорий қилган. Мустамлакачиларга қарши йирик жангларда қатнашган. Кейинчалик қўзғолоннинг бошқа мулкдор раҳбарлари сингари халқ ўрушини чеклашга ҳаракат қилган. 1857 й. ўртасида Каннур яқинидаги магълубиятдан сўнг Н. С. Ауд вилоятига чекинган ва қўзғолоннинг асосий марказлари тор-мор қилинганидан сўнг Шим. Ҳиндистоннинг чангалзорларига бекинган. Кейинги тақдири маълум эмас.

Ад.: Народное восстание в Индии 1857—1859, М., 1957; Новая история Индии, М., 1961.

НАНАЙ ТИЛИ — *тунгус-манжур тил*ларидан бири. Россия Федерациясининг Хабаровск ва Приморье ўлкалари ва қисман Хитойда тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 8 мингдан ортиқ, 3 лаҳжага бўлинади: амур (уссури), кururмри, сунгари. Амур лаҳжасининг найхин шеваси адабий Н.т.га асос бўлган. Н.т. фонетикаси унлиларнинг кўплиги, синтаксиси эса содда гапларнинг қўшма гапларга нисбатан кўп қўлланиши ҳамда аниқланмиш — аниқловчи мослашувининг йўқлиги б-н ажралиб туради.

Россия Федерациясидаги Н.т. учун 1931 й.да лотин графикаси асосида, 1963. й.да рус графикаси асосида ёзув яратилган.

НАНАЙЛАР (ўзларини нани деб аташади; эски номи — гольдлар) — асосан, Россия Федерациясининг Хабаровск ва Приморье ўлкаларида яшовчи халқ. Россиядаги умумий сони 10,5 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Хи-

тойда 2 минг кишига яқин Н. яшайди. Нанай тилида сўзлашади. Диндорлари расман православлар, анъанавий эътиқодлар сақланган.

НАНДУЛАР, америка туяқушлари (Rheiformes) — кўкрак тожсуяксиз қушлар туркуми. Оёқлари уч бармоқли, қанотлари ривожланган, лекин Н. учолмайди. Патлари говак, яхши югурали ва сузади. 1 оила 2 тури: оддий нанду (баландлиги 170 см гача, оғирлиги 25 кг гача) ва дарвин нандуси, яъни узун тумшуқли нанду маълум. Жан. Америка пампаслари ва ярим чўл ҳудудларида тарқалган. Полигам. Тўда бўлиб яшайди. Тўдасида 3—8 та модаси битта уяга 30 та ёки ундан кўпроқ тухум қўйиб, уни 35—40 кун босади, жўжаларини нарлари эргаштириб олиб юради. Н. ўсимлик барглари, новдалари ва майда умуртқасиз ҳайвонлар б-н озиқланади. Гўшти ва пати учун кўп овланиши, тухумлари йиғиб олиниши туфайли сони камайиб кетган. Асосан, чекка ҳудудларда сақланиб қолган. Дарвин нандуси Халқаро Қизил китобга киритилган.

Нанду

НАНИЗМ — (nanismus; юн. nanos — пакана) — қ. *Паканалик*.

НАНКИН (хитойча Наньцзин — жан. пойтахт) — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар. Цзянсу провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 5,3 млн. киши (1998). Янцзи дарёси қуйи оқимидаги муҳим транспорт йўллари тугуни. Аэропорт бор. Денгиз кемалари кира оладиган порт. Мамлакатнинг йирик иқтисодий, илмий ва маданий марказларидан. Станоксозлик, электр ва радио аппаратуралари ч.к., автомобилсозлик ва қ.х. машинасозлиги, металлургия, кимё, цемент, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган. Н.да Хитой ФАнинг филиали, тупроқшунослик ва география ин-тлари, ун-т ва б. олий ўқув юртлари, кутубхона, музейлар, ботаника ва ҳайвонот боғлари, расадхона бор.

Н.га мил. ав. 472 й.да асос солинган. Турли даврларда шаҳар номи ҳар хил аталган. 1368—1421 й.ларда мамлакат пойтахти. 1421—1911 й.ларда Цзянань нойиблигининг маркази. 1853—64 й.ларда Тайпинлар давлати пойтахти. 1911—12 й.ларда Сун Ятсен бошлиқ Хитой Республикаси ҳукуматининг қароргоҳи. 1912 й.дан Цзянсу провинциясининг маъмурий маркази. Маъмурий ва тарихий ёдгорликлардан «Император шаҳри» (14—15-а.лар), шаҳар девори (уз. 34 км), ибодатхоналар, мақбаралар сақланган.

НАНСЕН (Nansen) Фритьоф (1861.10.10 — Кристиания (ҳоз. Осло) яқинида — 1930.13.5) — норвег сайёҳи, океанограф, жамоат арбоби. 1880—82 й.ларда Кристиания ун-тида ўқиган. 1897 й.дан ўша ун-тда зоология проф., Петербург ФА фахрий аъзоси (1898). 1888 й.да биринчи бўлиб чанғида Гренландиянинг жан. қисмини кесиб ўтиб, унинг ички р-нлари бутунлай муз б-н қопланганлигини аниқлади. 1893 й. махсус қурилган «Фрам» кемасида Шим. қутбини забт этиш мақсадида йўлга чиқади ва Шпицберген о.гача етиб борди. 1895 й.да Н. экспедиция қатнашчиси Ф. Я. Иогансен б-н «Фрам»ни тарк этиб, и.т. ўтказиш учун қутб томон юрди, лекин 86°14′ ш.к.дан орқага қайтишга мажбур бўлди.

«Фрам»да океанографик, метеорологик кузатувлар олиб борилди, Шим. Муз океани саёз эмаслиги аниқланди, сузиб юрган музлар ҳаракатига Ернинг суткалик айланиши таъсири кашф қилинди. Н. 1902 й.да Кристианияда Марказий океанографик лаб. ташкил этди. 1913 й.да Шим. Муз океани қирғоғи бўйлаб сузиб, Енисей дарёси қўлтиғи жойгача етиб борди, ундан Шарқий Сибирнинг жан. қисми ва Узоқ Шарққа саёҳат қилди. 1914—18 й.ларда Миллатлар лигасининг ҳарбий асирлар масаласи бўйича Бош комиссари бўлган. Н. номига Арктика ва Антарктикада бир қанча объектлар қўйилган. Инсонпарварлик фаолияти учун Н.га Нобель Тинчлик мукофоти берилган (1922).

Нанкин шаҳри. Дарё соҳилида.

НАНСИ — Франциянинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Мёрт ва Мозель департаментининг маъмурий маркази. Мёрт дарёси ва Марна—Рейн канали бўйидаги порт. Аҳолиси 106 минг киши (1999).

НАНТ — Франциянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Атлантика Луараси департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 277,7 минг киши (1999). Транспорт йўллари тугуни. Луара дарёси бўйидаги порт (йилига 20 млн. т дан ортиқ юк ортиб-туширилади): четдан нефть, фосфорит, ўрмон маҳсулотлари ва б. келтирилади; нефть маҳсулотлари, машиналар, ғалла, ун, ўғитлар четга чиқарилади. Металлургия, машинасозлик, хусусан, кемасозлик ва самолётсозлик ривожланган. Кимё, қоғоз, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, нафис санъат, халқ ва Бретани санъати музейлари мавжуд. Меъморий ёдгорликлардан 12—19-а.ларда қурилган бинолар сақланган.

НАНТ — ўртапишар сабзи нави. Бутуниттифоқ сабзавот экинлари селекцияси ва уруғчилиги и.т. ин-тида яккатанлаш усули б-н чиқарилган (1943). Ўзбекистонда 1946 й.дан р-нлаштирилган. Барги яшил, кам тукли. Сабзиси шакли цилиндрсимон, учи тўмтоқ, уз. 15—16 см, диаметри 3,0—4,0 см, юзаси текис, бир донаси 60—120 г. Эти тиниқ, қизғиш тўқ сариқ, сершув, ширин, мазали, ўзаги пишиқ. Таркибида қанд 5,9%, қуруқ модда миқдори 11,9%, каротин 72 мг %. Ҳосили уруғи униб чиққанидан кейин 80—90 кунда етилади. Ҳосилдорлиги 110—120 ц/га. Янгилигида истеъмол қилинади, консерва тайёрланади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида экилади.

НАНЬЮЙ — Хитойнинг жан. қисмидаги шаҳар. Гуанси-Чжуан мухтор р-нининг маъмурий, муҳим саноат, илмий ва маданий маркази. Аҳолиси 2,8 млн. киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Юнцзян дарёси бўйидаги порт. Қ.х. райони ва қ.х. маҳсулотларини тақсимлаш марказларидан. Металлургия, машинасозлик, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари, ун-т, тиббиёт ва қ.х. институтлари бор.

НАНЬЧАН — Хитойнинг шарқий қисмидаги шаҳар, Ганьцзян дарёси бўйида. Цзянси провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 4,1 млн. киши (1998). Повинў кўли системасидаги сув йўлларн тугуни. Йирик қ.х. районининг маркази. Асосий саноат тармоғи — тўқимачилик (хусусан, ип газлама саноати). Станоклар, автомобиль ва қ.х. машиналари ч.к. корхоналари, целлюлоза-қоғоз, фарфор-керамика, озиқ-овқат саноати корхоналари, ун-т бор.

НАПОЛЕОН I, Наполеон Бонапарт (1769.15.8, Аяччо ш., Корсика о. — 1821.5.5, Муқаддас Елена о.) — француз давлат арбоби ва саркардаси. Франция Республикасининг биринчи консули (1799—1804), Франция императори (1804—14 ва 1815). 10 ёшида Францияннинг Отен коллежига кирган, сўнг ўша 1779 й.да Бриенн ҳарбий ўқув юртига кўчирилган. 1784 й. мазкур ўқув юртини муваффақиятли тамомлаб, Париж ҳарбий мактабига (1784—85) ўтган. 1785 й. подпоручик унвонида армия хизматини бошлаган. Махсус, умумий илмий, фалсафий, сиёсий, бадиий адабиётни ўқиб ўрганган. Илғор француз маърифатпарварлари руҳида тарбияланган Н.I 1789 й. *Буюк француз инқилоби*ни илиқ кутиб олган. 1792 й. Якобинчилар клубига аъзо бўлган. У Париж ш. гарнизони қўмондони ва 1796 й.да Италияда ҳаракат қилаётган француз армиясининг бош қўмондони этиб тайинланган. Италия компаниясида Н.I ўзини буюк саркарда эканлигини намоён қилган. Ғолиб сифатида Парижга кириб келган Н.I Мисрга ҳарбий юриш қилиш ҳақидаги қарорини *Директория*дан ўтказган. Лекин, ўз хоҳиши б-н у Мисрни ташлаб, 1799 й. окт.да Парижга қайтиб келган ва 9—10 нояб.да давлат тўнтариши ўтказиб, *консуллик* режимини жорий этган ва амалда бутун ҳокимиятни ўз қўлига олган. У инқилоб қўлга киритган демократик ютуқларни бекорга чиқарган. Аммо, иқтисодий соҳала инқилоб самараларини, шу жумладан, мулкни қайта тақсимлаш тадбирини ҳимоя қилган, саноат ва савдонинг ривожланишига катта эътибор берган. 1800 й. француз банкига асос солган.

1802 й. Н.I ўзини умрбод консул этиб тайинланишига эришган. 1804 й.да эса император деб эълон қилинган. Янги бурж.ва монархиясини мустаҳкамлаш мақсадида Н. I 1-хотини Жозефина б-н никоҳни бузган ва 1810 й. Австрия императори Франц I нинг қизи Мария Луизага уйланган. Буюк давлатлар иттифоқига қарши олиб борган зафарли урушлари, Маренго (1800), Аустерлиц (1805), Иена (1806)даги ажойиб ғалабалари, империя ҳудудини тез сурьатда кенгайиши, Н.I ни амалда бутун Ғарбда (Англиядан ташқари) ва Марказий Европада ҳукмдорга айланиши унинг шон-шуҳратини янада оширган. 1812 й.да Россияга қарши юришдаги мағлубиятидан сўнг Н.I ўзини ўнглай олмади, унинг «буюк армияси» тор-мор қилинди, Европада Н.I зулмига қарши халқ-озодлик ҳаракатлари кўтарилди. Н.I га қарши иттифоқчилар кўтарилди. Н.I га қарши иттифоқчиларнинг ҳарбий ғалабалари вужудга келиши ҳарбий ғалабалари вужудга келди. Сўнгги урушларда Н.I нинг мағлубиятга учраши, иттифоқчи қўшинларнинг Парижга кириб келиши (1814 й. 31 март), уни тахтдан воз кечишга мажбур қилди (1814 й. 31 март). Ғолиб иттифоқчилар Н.I нинг император унвонини сақлаб қолиб, Эльба о.ни унинг ихтиёрига бердилар.

Н.I нинг Францияга қайтадан кириб келиши (1815 й. 1 март) ва «юз кун» деб аталиши даврда (1815 й. 20 март — 22 июнь) уни 2-маротаба тахтни бошқариши мамлакатда Н. I ни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий кучлар ҳали ҳам мавжудлигидан дарак берарди. Аммо Ватерлоо жангида у иттифоқчилар армияси томонидан тор-мор қилинди ва 1815 й. 22 июнда батамом тахтдан воз кечди. Муқаддас Елена о.га сургун қилинган Н.I 6 йилдан сўнг инглизлар асирлигида вафот этган. 1840 й. унинг ҳоки Парижга Ногиронлар уйига кўчирилиб келтирилган.

Н.I ҳарбий қўшинларни касбий (профессионал) армияга айлантириш. Европада энг илғор ҳисобланган француз қуролли кучларини яратиш, уларни ҳарбий санъатга ўргатишга, стратегия ва тактикани такомиллаштиришга замин яратди. У душманни тор-мор этишнинг асосий йўли унга қарши қатъий жанг қилишдан иборат деб ҳисобларди. Н.I стратегик ташаббуснинг роли ва аҳамиятига алоҳида урғу берган.

Н.I нинг саркардалик маҳорати жаҳон ҳарбий санъатига чуқур таъсир кўрсатган.

Ад.: Манфред А. З., Наполеон Бонапарт, М., 1971; Тарле Е., Нашествие Наполеона на Россию. 1812 год, М., 1938; Тарле Е. В., Наполеон, М., 1957; Левицкий Н. А., Полководческое искусство Наполеона, М., 1938.

Темур Ғиёсов.

НАПОЛЕОН III, Луи Наполеон Бонапарт (1808—73) — Франция императори (1852—70). *Наполеон I*нинг жияни. Н. III Швейцария, Италия ва б. мамлакатларда қувғинликда ҳаёт кечирган (1848). 1836 ва 1840 й.ларда Францияда ҳокимиятни қўлга олишга уриниб кўрган. 1840 й.да Гам қалъасига бир умр қамоққа ҳукм қилинган. 1846 й. Буюк Британияга қочган. 1848 й. фев. инқилобидан сўнг Францияга қайтиб келган ҳамда йирик сармоядорларнинг диктаторлик режимига интилишидан фойдаланиб, 1848 й. 10 дек.да республика президенти қилиб сайланган. 1851 й. 2 дек.да инқилобга қарши давлат тўнтариши қилиб, қонун чиқарувчи мажлисни тарқатиб юборгач, бутун ҳокимият президент қўлига ўтган. Н.III номи б-н император деб эълон қилинган (1852 й. 2 дек.). Франция Н.III ҳукмронлиги даврида *Қрим уруши*да, Австрия-Италия-Франция уруши (1859) да, Хиндихитой (1858—62), Сурия (1860—61), Мексика (1862—67) ва б. мамлакатларга қилинган интервенцияларда қатнашган. *Франция-Пруссия уруши* (Седан жанги)да пруссларга асир тушган (1870.2.9.) Париждаги 1870 й. сент. инқилоби натижасида тахтдан агдарилган. Умрининг охиригача Англияда яшаган.

НАПОЛЕОН УРУШЛАРИ — *Наполеон I* консуллиги (1790—1804) ва императорлиги (1804—14, 1815) даврида Франция олиб борган урушлар. Н.у. босқинчилик характерида бўлган. Франция Наполеон ҳарбий диктатураси ўрнатилган вақтда (1799) 1789—99 й.ларда тузилган 2-антифранцуз коалиция (Россия, Буюк Британия, Австрия, Туркия, Неаполь қироллиги ва б.) б-н уруш ҳолатида эди. 1800 й. Россия иттифоқчилар б-н келиша олмай коалиишдан чиққан. Натижада 2-коалиция расман ўз фаолиятини тугатган. Фақат Буюк Британия урушни давом

эттирган. 1805 й. 3-антифранцуз коалицияси (Буюк Британия, Австрия, Швеция, Россия) ташкил топган. Шу йили инглиз флоти адмирал Нельсон раҳбарлигида бирлашган испан-француз флотини тор-мор қилган. Бироқ Наполеон қуруқликда катта муваффақиятга эришган. У Аустерлиц яқинидаги жангда (1805 й. 2 дек.) Россия-Австрия қўшинларини оғир талафотга учратди. Австрия Франция б-н судҳ тузишга мажбур бўлган (1805 й. 26 дек.). Россия ва Буюк Британия, Пруссия б-н Швеция қўшилиб 4-антифранцуз коалицияси вужудга келган (1806 й. сент.). 1806 й. окт.да Пруссия француз қўшинлари томонидан босиб олинган. 1807 й. июнда Наполеон I Фридланд остонасида рус қўшинларини енгган. 1809 й. Буюк Британия б-н яна иттифоқ тузган (5-антифранцуз коалицияси) Австрия қўшинларини тор-мор келтирган. Наполеон империясига ҳал қилувчи зарба Россияда берилган. М. И. *Кутузов* қўмондонлигида рус армиясининг кураши натижасида Наполеоннинг «Буюк армияси» маглуб бўлган. Россиядан чекинаётган французларга қарши Европа мамлакатларида озодлик уруши бошланиб кетган. 1813 й. фев.да Пруссия Россия б-н иттифоқ тузган. Бу иттифоқ 6-антифранцуз коалиция (Россия, Буюк Британия, Пруссия, Швеция, Австрия ва б.)нинг ташкил топишига асос бўлган. Шу йили Лейпциг жангида Германия озод қилинди. 1814 й. март охирида иттифоқчилар армияси Парижни ишғол қилган. Апрелда Наполеон I тахтдан воз кечишга мажбур бўлган (6 апр.) ва у Эльба о.га сургун қилинган. 1815 й. 1 мартда Наполеон I 1000 кишилик отряд б-н ороддан чиқиб Парижга юриш қилган ва 20 мартда қайта тахтга ўтирган. Лекин, Европа давлатлари уни тан олмаганлар. 25 мартда Россия, Буюк Британия, Австрия, Пруссия ўртасида Наполеон Францияси қарши иттифоқ (7-антифранцуз коалицияси) тузилган. 18 июнда Наполеон армияси Ватерлоо жангида инглиз-прусс қўшинлари томонидан тор-мор келтирилган. 22 июнда Наполеон тахтдан воз кечган. 1815 й. 20 нояб.да иттифоқчилар б-н Франция ўртасида Париж сулҳ шартномаси имзоланиб, унга кўра *Бурбонлар* ҳокимияти яна қайта тикланган.

Шодмонқул Пирмуқулов.

НАРА — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.нинг жан.да. Нара префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 366,1 минг киши (2000). Шаҳар-музей, халқаро аҳамиятдаги туризм маркази. Станокозлик, электротехника, озиқ-овқат, ёғочсозлик, трикотаж саноати корхоналари мавжуд. Баъзи буюмлар, ёғоч ўймачиқлар ишлаб чиқарилади. Ун-т, бадиий, миллий музейлар бор. Н. — Японияниинг қад. шаҳарларидан. Мамлакатининг 710—784 й.лардаги биринчи пойтахти. Меъморий ёдгорликлардан (7—8-а.ларга оид) ёғочдан қурилган монастир мажмуалари, ибодатхоналар ва б. сақланган.

НАРАМСИН (Нарам-Суэн) — *Аккад* подшоҳи (мил. ав. тахм. 2236—2200). *Саргон*нинг набираси. Ўзини худо деб эълон қилиб, мустабид ҳокимият ўрнатган. Н.нинг Ғарбий Эрондаги лулубейлар қабиласи устига юриши шарафига ўрнатилган стела — Аккад санъати ёдгорлигидир (Луврда сақланади). Н. даврида *гутийлар* (кутийлар)нинг Аккадга босқини бошланган.

НАРАЯН Притҳви (1723—75) — Непал қироли (1769 й.дан). Ғарбий Непалда 1742—69 й.лар мобайнида Горкҳа князлигини идора этган. 1743—69 й.ларда Катманду водийсидаги Кантипур, Бҳантапур, Ламитаур, Банспур ерларини, сўнгра Кират, Моранг ҳамда Шим. Непалга қарашли Илам ерларини ўзига бўйсундирган. 1769 й. пойтахтни Катманду ш.га кўчирган ва у ерда ягона Непал қироллигига асос солган.

НАРВА — Эстониядаги шаҳар. Нарва дарёсининг чап соҳилида, унинг Фин қўлтиғига қуйилиш жойидан 14 км узоқликда. Т.й. станцияси. Аҳолиси 83 минг киши (1990)-й.лар ўрталари). Шаҳар саноатининг асосий тармоқлари — энергетика, тўқимачилик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш. Н. яқинида маҳаллий сланецда ишлайдиган Болтиқ бўйи ГРЭС, Эстония ГРЭС ишлаб турибди. ГЭС бор. Йирик ин-газлама корхонаси — Кренгольм мануфактураси, ёғочсозлик, машинасозлик, металлсозлик, озиқ-овқат ва б. саноат корхоналари фаолият кўрсатади. Н. кўприк орқали Ивангород (Ленинград вилояти) б-н боғланган. Политехникум, тарих музейи мавжуд. Шаҳар илк бор 1171 й.ги Новгород солномасида Ругодив номи б-н тилга олинган. Дания, Швеция Ливон ордени тасарруфида бўлган. 1704 й.да рус қўшинлари томонидан ишғол қилинди. 1919 й.дан Н. Эстония таркибида. Шаҳарда тарихий меъморий ёдгорликлардан: қаср (13—15-а.лар), шаҳар истеҳкомлари (14-а.), ратуша (17-а.) сақланган.

НАРВАЛ (Monodon monoceros) — дельфинлар оиласига мансуб денгиз сут эмизувчиси. Шу уругнинг ягона тури. Уз. 6,1 м, вазни 1—1,5 т гача. Боши юмалоқ. Терисининг ранги оқиш, қора доглари бор. Эркаклари, баъзан урғочиларининг юқори жағи чап томонида 3 м гача узунликда битта тиши ривожланади шунинг учун баъзан «бир шохли» деб аталади. Бу тиши ёрдамида зарур бўлганида мумкин. Тишлари бўлмайди. Арктикада яшайди. Баъзан Янги Ер, Франц-Иосиф ери ва Чукот денгизида ҳам учрайди. Бошоёқли моллюскалар ва балиқлар б-н озиқланади. Россия Қизил китобига киритилган.

НАРГИС Дат (асл исми Фотима Рашид) (1929.1.6. — 1981.3.5) — ҳинд актрисаси. Кембриж ун-тини тугатган. 6 ешида «Ҳақиқат изланг» фильмида Бэби Рани ролида суратга тушган. 1942 й. суратга олинган «Тақдир» фильмидаги Шама Н.нинг биринчи йирик роли бўлди. 1949—56 й.лар оралиғида Раж Капур б-н 15 та фильм («Дайди», «Жаноб 420», «Эмигрлар мавсуми» ва б.) яратди. У, шунингдек, «Она Ҳиндистон» «Одоб», «Ромео ва Жульетта», «Барсаат», «Уч денгиз ошиқ»си», «Анҳоне» каби фильмларда бир-бирига ўхшамаган турфа образлар галереясини яратди. Айниқса, унинг «Она Ҳиндистон» фильмидаги Радҳа образи актриса ижодида алоҳида ўрин тутади. «Тун ва кун» у суратга тушган сўнгги фильмдир. 1972 й. Тошкентда ўтказилган Осиё ва Африка мамлакатлари кинофестивалининг қатнашчиси.

НАРГИС, нарцисс (Narcissus L.) — чучмомадошлар оиласига мансуб ўтлар туркуми. Пиёзбошли кўп йиллик. Барги ништарсимон. Гули, одатда, сариқ ёки оқ, якка ёки гулбанд учида бир нечтадан жойлашган. Гулқўрғони цилиндрсимон найли, қўнғироқсимон ёки косачасимон тожли. Меваси этли кўсакча. Кўпинча, Ўрта денгиз р-ларида ўсадиган 30 га яқин (бошқа маълумотга кўра 60 тача) тури бор. Ўзбекистонда 2 та тури учрайди: N. pseudonarcissus L. — сохта ёки сариқ Н., гулқўрғон барглари оқ. Бачки (сохта) тожи сариқ, чин тожбаргларига нисбатан анча қисқа. N. poeticus L. — нафис ёки оқ Н. Ҳар иккала тури кўп йиллик, пиёзли, манзарали ўсимлик ҳисобланиб, апр. ойида гуллайди. Баъзи турларининг гулларида хушбўй эфир мойи, пиёзбошида алкалоидлар мавжуд.

Нафис наргис: *1* — пояси; *2* — гунчаси; *3* — гули.

НАРЕКАЦИ — кечинмалар ҳуқуқи ўзбек поэзияси. Арманистон ўзгармаслик, виночилик ва мевачилик и.т. ин-тида Энкелмар ва Паркент наслларини чатиштириб яратилган. Ғужуми ширин, чўзиқ, тук билан қопланган. Пусти қалин, ингичка, сершира, мазаси ҳушхўр. Ҳосилдорлиги 165—190 ц/га. Касалликка ва қарғакунандаларга чидамли, совуққа бардоши паст. Янгилигида истеъмол этилади, қишда узоқ сақланса чидамли.

Нарекация узум нави

НАРЗАН — карбонат ангидридли, сульфат гидрокарбонатли, кальций-магний-натрийли минерал сув. Юрак-томир системалари, меъда-ичак йўллари касалликларида, *моддалар алмашинуви* бузилганда ва б. касалликларда фойдаланилади. Кавказ (мас., Кисловодскда), Қримда ва б. жойларда чиқади.

НАРЗИҚУЛОВ Ҳошим (1900 — Самарқанд — 1963.9.1) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1939). Насим Ҳошимовнинг отаси. Ижодий фаолиятини 1918 й.да Абдулла Бадрий раҳбарлигидаги «Самарқанд» мусулмон труппасида бошлаган. 1927—30 й.лар «Кўк қўйлак» театрида, 1930 й.дан Ҳамид Олимжон номидаги Самарқанд давлат ўзбек драма театрида актёр, труппа бошлиғи, реж. 1944—48 й.лар Самарқанд вилоят маданият бошқармасининг бошлиғи, 1948—57 й.лар Маданият ишлари вазирлигида театр бўйича масъул ходим бўлиб ишлаган. Миркомилбой (А. Бадрий, «Шўрнинг қурбони, Миркомилбой!»), Муслим (Ғ. Зафарий, «Ҳалима»), Иброҳим (К. Яшин, М. Муҳамедов, «Ичкарида»), Хусрав (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин»), Хон Бобохон, Қоработир (С. Абдулла, «Тоҳир ва Зуҳра»), Султонбек (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олон») сингари образлари б-н ўзбек театри санъатига муносиб ҳисса қўшди. «Аршин мол олон», «Фарҳод ва Ширин», «Пўртана» (С. Абдулла), «Гунчалар» (З. Фатхуллин) каби спектаклларни саҳналаштирган.

НАРЗУЛЛАЕВ Нормурод (тахаллуси Нарзий) (1934.7.7, Касби тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (2000). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1984). Охунбобоев номидаги Қарши пед. билим юрти (1948), Самарқанд пед. билим юрти (1948), Самарқанд педагогика ин-тининг тил ва адабиёт ф-тини тугатган (1956). Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари (1974), шу уюшмада котиб (1976—81), «Ёш гвардия» нашриётида бош муҳаррир (1981), «Камалак» нашриёт-матбаа бирлашмасининг бош муҳаррири (1991—96), шу нашриёт директори (1996—97). Ўзбекистон Республикаси ёзилари «Камолот» жамғармасининг «Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида бош муҳаррир (1997 й.дан).

Ижодий фаолияти 1954 й.дан бошланган. Илк шеърий тўпламлари — «Суюнчи» (1965). Н. «Зарафшон зарлари» (1970), «Уфқларда кўзларим» (1973), «Лаҳза ва ўлмаслар» (1973), «Ёлғу» (1974), «Нигоҳларим» (1976), «Севги сеҳри» (1981), «Яхшилик деб яшайман» (1987), «Аниқ вақт» (1989), «Қалбим қатралари» (1994), «Оқ фариштам, оппоқ фариштам» (1995) ва б. шеърий тўпламлар муаллифи. «Амир Темур ҳақида қўшиқ» асари тарихий мавзуга бағишланган.

Н.нинг болаларга атаб ёзган «Ватан сени яратган бола» (1985), «Бош майдон» (1990) асарлари болалар дунёси, уларнинг беғубор олами ҳақида. Н. асарларида замон ва макон бирлиги, дунё ва давр тушунчаси улуғланади, юксак фуқаролик, самимият, бурчга садоқат, ватанга муҳаббат, жонажон ўлка табиатига мафтункорлик туйғулари етакчи ўринни эгаллайди. Н.нинг кўп шеърлари қўшиққа айланган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1998).

Ас.: Сайланма [2 ж.лик]. 1981—85; Юрт ишқида ёнаман. Т., 1996; Бола кўзи билан кўринг дунёни. Т., 1998; Халқим, сен билан қалбим... Т., 2000.

НАРЗУЛЛОЕВ Ахмат Имидович (1956.15.3, Сурхондарё вилояти Денов тумани) — муҳандис-технолог, Ўзбекистон Қаҳрамони (2003). Тошкент политехника ин-тини тугатган (1979). Меҳнат фаолиятини 1979 й.дан Сариосиё туманидаги Шарғун пахта з-дида катта усталикдан бошлаган. 1981—86 й.ларда шу з-д директори, Денов экспериментал и.ч. корхонаси директор ўринбосари (1986—90), 1991 й.дан Денов туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Лочин» фермер хўжалиги бошлиги. Йилловлари 100 гектар бўлган фермер хўжалигида 2000—2003 й.ларда қорамоллар сони 1100 бошдан 1800 бошга етказилди. Гўшт ва сут етиштиришда катта муваффақиятларга эришилди. Шунингдек, хўжаликда замонавий технология б-н жиҳозланган мол-хонлар, сутни қайта ишловчи кичик з-длар қурилди. 2000 й.да рентабеллик даражаси 63%ни, 2003 й.да 175%ни ташкил этди. Н. ташаббуси ва кўмаги б-н ҳудудда болалар спорти мажмуалари, замонавий врачлик пунктлари ва кичик корхоналар қурилиши, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам каби хайрли ишлар амалга оширилди. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2001).

НАРИГ ДУНЁ — қ. *Оқират.*

НАРИМ ТИЗМАСИ — Олтойнинг жан.даги тоғ тизмаси (Қозоғистоннинг Шарқий Қозоғистон вилояти). Уз. 120 км. Энг баланд жойи 2533 м. Палеозой қумтошлари, конгломерат, сланец, туфлардан таркиб топган бўлиб, уларни гранит интрузиялари ёриб чиққан. Тик шим. ён бағрида 1300 м баландликкача қайин, ундан юқорида тилоғоч, дарё водийлари бўйлаб қорақарағай-оққарағай-кедр ўрмонлари ўсади. Жан. ён бағир бетага-чалов ва ўтлоқ даштлар, буталар б-н қопланган. 1800 м дан юқорида сийрак субальп ўрмонлари, альп ўтлоқлари учрайди.

НАРИМОНОВ Ҳамидулла (1910.1.1 — Тошкент — 1982.6.4) — Ўзбекистон халқ артисти (1967). Москва ўзбек драма студиясини тугатган (1930). Бухоро театрида, 1933 й.дан Ҳамза театрида ишлаган. Н. ижодига нуроний, табаррук, халқ ҳурматини қозонган кишилар образи яқин бўлиб, актёр уларни ёркин, ҳаётий ва ишончли яратишга интилган. Асосий роллари: театрда — ижро этган Яичница (Н. Гоголь, «Уйланиш»), Мазаминбек, Нурбобо (М. Султон, «Бургутнинг парвози», «Номаълум киши»), Ҳолмат (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Хотам, Чўли бобо (Уйғун, «Қотил», «Ибн Сино»), Шокир (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Шайхулислом (М. Шайхзода, «Мирзо Улуғбек»); кинода — Ҳасанали («Ўтган кунлар»), Ёқуб ота («Ўғилар ташвишида») ва б.

НАРКОБИЗНЕС (юн. narke *бизнес*) — наркотик моддаларни олиш ва сотиш б-н шуғулланадиган жиноий уюшма фаолияти. Н.дан катта фойда кўраётган турли гуруҳ ва шахслар фаолияти халқаро конвенциялар, алоҳида мамлакатларнинг қонунлари б-н ман этилган. Шунга қарамай 20-а. охири ва 21-а. бошида бундай фаолият авж олди.

Н. келтириб чиқараётган глобал оқибатлар инсониятга хавф сола бошлади. Шу боис БМТ доирасидаги ҳамда турли минтақавий учрашувларда Н.га қарши курашда халқаро жамоатчилик куч-ғайратини бирлаштириш таъкидлаб келинади. *Яна қ. Гиёҳвандлик воситалари.*

НАРКОЗ (юн. narkosis — карахтлик) — сунъий йўл б-н (баъзи кимёвий моддалар ва б. омиллар таъсирида) ҳосил қилинадиган чуқур уйқу ҳолати, бунда киши ҳеч нарсани сезмайди, ихтиёрий ҳаракат қила олмайди, эс-ҳуши бутунлай ёки қисман йўқолади. Тиббиётда хирургик операция вақтида оғриқсизлантириш (*анестезия*) мақсадида қўлланади. Америкалик хирург Уоррен биринчи бор эфир Н.и б-н операция қилган (1846). Дастлаб Н. учун фақат эфир ва *хлороформдан* фойдаланиб келинган. Кимё фанининг ривожланиши туфайли Н. ҳолатини пайдо қиладиган турли хил моддалар кашф этилди.

Н.ни вужудга келтирадиган наркотик моддаларнинг бемор организмига юборилиш усулига қараб ингаляцион (нафас йўллари орқали), ноингаляцион (нафас йўлларидан бошқа йўллар б-н) ва комбинацион Н. (наркотик моддалар икки ва ундан кўп усул б-н юборилганда) фарқ қилинади. Ингаляцион Н.да эфир, флюотан, циклопропан ва б. моддаларнинг буғи ҳидлатилади, бунда махсус аппаратлардан фойдаланилади. Наркотик моддаларни кислород б-н аралаштириб юбориш нафас йўлларини ҳар хил асоратлардан сақлайди. Венага юбориб пайдо қилинадиган Н.да, асосан, уйқу дорилари — барбитурат кислота ҳосилалари ишлатилади. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бемор тез ухлаб қолиб, ҳеч нимани сезмайди. Суяк ичига, тўғри ичакка, тери остига, мускул орасига қилинадиган Н. камдан-кам қўлланади.

Кўпинча вена Н.и б-н ингаляцион Н. биргаликда амалга оширилади. Бунда Н. бериш наркотик моддаларни венага юборишдан бошланади, бемор ухлаб қолгач, ингаляцион Н. беришга ўтилади. Н. вақтида нафасни вақтинча тўхтатиб турадиган дори-дармонлар ва нафас олишни бажарадиган махсус Н. аппаратларининг қўлланилиши Н. беришни осонлаштирган ва хавфсизлигини оширган. Н. берадиган врач — наркотизатор (анестезиолог)га бемор организмининг барча функцияларини идора этиш имконини беради. Шу туфайли ўпка, юрак, йирик томирлар ва бош мияни бемалол операция қилиш мумкин. Турли кимёвий моддалар юбориб пайдо қилинадиган Н.дан ташқари махсус кўрсатма б-н электронаркоз қўлланади.

НАРКОМАНИЯ (narcomania; юн. narke — карахтлик ва *мания*) — қ. *Гиёҳвандлик.*

НАРКОТИК МОДДАЛАР, наркотиклар — қ. *Гиёҳвандлик воситалари.*

НАРКОТИК ЎСИМЛИКЛАР — таркибида одамнинг марказий нерв системасига таъсир кўрсатадиган ҳар хил синфга кирувчи органик моддалар (алкалоид, эфир мойи, органик кислоталар, гликозидлар, сапонин ва б.) мавжуд ўсимликлар. Кўпчилик Н.ўлан олинадиган моддалар тиббиёт ва ветеринарияда даволаш ва оғриқсизлантиришда ишлатилади. Таъсир қилувчи моддалари, асосан, алкалоидлар. Кўпчилик Н.ў. заҳарли ва улардан олинадиган препаратларнинг кўп қабул қилиниши *гиёҳвандлик*ка олиб келади. Н.ўлининг кўпчилиги юксак ўсимликларга киради. Кўп турлари Жан. Америка тропикларида, Шим. Америка ва Марказий Осиёда учрайди. Уларнинг айримлари доривор экинлар сифатида экиб ўстирилади (афюнли кўкнор, ҳинд нашаси, махорка, тамаки, хин дарахти, кока бутаси), айримлари заҳарли ўсимликлар бўлиб, ёввойи ҳолда ўсади (бангидевона, афсонак, марварид қулоқ, шувоқнинг баъзи турлари). *Яна қ. Гиёҳвандлик воситалари.*

Халима Отабоева.

«НАРОДНОЕ СЛОВО» — ижтимоий-сиёсий газета (қ. *«Халқ сўзи»*)

НАРПАЙ ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ — репертуар бирлиги, устоз-шогирд муносабатлари, ижро усуллари б-н бошқа бахшилардан ажралиб турган достончилар гуруҳи. Н.д.м. Эрназар шоир, Ражаб шоир, Тўхтамиш, Абдухолиқ, *Ислом Назар ўғли, Нурмон Абдувой ўғли, Зоҳир Кўчқор ўғли,* Зиёдулла Исломов каби бахшиларни ўзида бирлаштирган. Бу мактаб вакиллари Нарпай, Каттақўрғон, Жом, Когон, Муборак, Қарши атрофларида машҳур бўлган-лар. Улардан «Орзигул», «Соҳибқирон», «Эрали ва Шерали», «Кунтуғмиш», «Тоҳир ва Зуҳра», «Аҳмони», «Ҳасанхон», «Зулфигар билан Авазхон», «Гулхиромон», «Хирмондали» каби достонлар ёзиб олинган. Уларнинг аксарияти нашр этилган.

Анъанавий репертуарнинг чуқур халқчиллиги ва замонавийлиги Н. д. м.нинг ўзига хос хусусиятларидан ҳисобланади. Бу мактаб вакиллари халқ достонларининг демократик асосларини янада кенгайтирдилар. Шунга кўра, Н.д.м. вакилларидан ёзиб олинган достонларда Оптўра, Холёр, Қингир чол, Дево чўпон, Ҳамро боғбон, Уста Олим, Умар, Қулмаҳойиқ каби кенг меҳнаткашлар оммасининг турли табақаларига оид хилма-хил образлар яратилган. Бошқа мактабларнинг вакилларида бу хил образлар (Қайқубод, Жанжалкал, камбағал чол, ўтинчи ва б.) анъанавийлиги б-н ажралиб турали.

Ад.: Мирзаев Т., Халқ баҳшиларининг эпик репертуари, Т., 1979.

НАРПАЙ КАНАЛИ — Зарафшон водийсидаги қад. ва йирик каналлардан бири. *Қорадарё* (Зарафшон тармоғи)дан тўғонсиз сув олади. Сув ўтказиш имконияти 70 м³/с. Суғориш майд. 42,2 минг га; Самарқанд вилоятининг Нарпай туманида 18,6 минг га, Пахтачи туманида 17,9 минг га, Каттақўрғон туманида 4 минг га, ундан қуйироқда 1,7 минг га ерларни суғоради. Канал трассаси ларёга параллел ҳолда Зарафшон тизмасининг ғарбий тармоқлари этаклари бўйлаб ўтган. 370 шохобчаси бор. 1929 й.гача унинг уз. 30 км, сув ўтказиш имконияти 8—10 м³/с бўлган. 1929—32 й.лардаги реконструкцияда узайтирилди, сув ўтказиш имконияти 48 м³/с етказилди. Ортиқча сувни ташлаб юборадиган 4 шохобча қурилди. 1950 й.да Н.к. *Каттақўрғон сув омбори*га уланди. Қайта реконструкция қилингандан кейин сув ўтказиш имконияти 70 м³/с га етди.

НАРПАЙ ТУМАНИ — Самарқанд вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сентл.да ташкил этилган. Вилоятнинг жанд. ҳудудида жойлашган. Шарқ ва ғарбдан вилоятнинг Каттақўрғон, Пахтачи, шимдан Навоий вилоятининг Хатирчи тумани, жанубдан Нуробод тумани, Қашқадарё вилояти б-н чегарадош. Майд. 0,44 минг км². Аҳолиси 152 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Оқтош), 1 шаҳарча (Мирбозор), 9 қишлоқ фуқаролар йиғини (Исломшоир, Косагарон, Олтинўтил, Чақар, Янгиработ, Янгиқўрғон, Қалим, Қоракўл, Қорасирак) бор. Маркази — *Оқтош ш.*

Табиати. Туман ҳудудининг жан.-ғарби Қарноб чўли, марказий қисми ва шим.-шарқида Зиевуддин-Зирабулоқ тоғлари, тог оралиқлари сойлик ва ботиқлардан иборат.

Ер юзаси, асосан, учламчи давр чўкинди жинсларидан ташкил топган. Бу ер неоген давригача денгиз бўлган. Неоген давридаги алп орогенетик жараёни таъсирида водий қуруқликка айланган. Иқлими кескин континентал. Ёзи жазирама иссиқ ва қуруқ, қиши совуқ. Йиллик ўртача т-ра ниҳоя —1,9°, июлники 27,2°. Энг юқори т-ра 44°, энг паст т-ра —35°. Вегетация даври 200 кун. Йиллик ёғин миқдори 200 мм. Ёғинининг кўп қисми баҳор ва қишда тушади. Шим. четараси бўйлаб Зарафшон дарёси оқиб ўтади. Сой ва жилғалар ёзда қуриб қолади. Қад. *Нарпай канали* туман ҳудудидан ўтган. Тупроқлари суториладиган бўз тупроқ, баъзи жойларда шўрланган тупроқлар, тог этаги қия текисликларида оч бўз тупроқ, аел бўз тупроқлар учрайди. Ёввойи ўсимликлардан пашмакшўра, оқшўра, бутдойиқ, қамиш, рўвак, шўражриқ, кампирсоч, итгунафша, юлғун ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, қуён, чиябўри, жайра, жайрон ва б. учрайди. Қушлардан сўфитўргай, лойхўрак, чугурчиқ, зарғалдоқ, қирғовул; судралувчилардан геккон калтакесаги, тошбақа, сариқ илон, эчкемар; кемирувчилардан кўрсичқон, кичик кўшоёқ, қумсичқон, типратикан, каламуш ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; қозоқ, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² 345 киши (2003).

Хўжалиги. Туман хўжалигининг асосий тармоқлари — пахтачилик, галлачилик, чорвачилик, ипакчилик, сабзавотчилик. 5364 деҳқон хўжалиги мавжуд. Туманда «Зирабулоқпахта», «Оқтошдон», Зирабулоқ тажриба-синов т-ди, «Оқтошнон», «Садоматлик» кормоналари, 10 қишлоқ қурилиш-т-ти, Зирабулоқ магистрал газ йўлларидан фойдаланиш бошқармаси. Нарпай ва Зирабулоқ МТП акциядорлик жамиятлари, 2 автотранспорт корхонаси, Оқтош ва Мирбозор деҳқон бозорлари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. Умумий экин майд. 21962 га, шу жумладан, суториладигани 20640 га. 1322 га ерлар, 802 га боғлар, 779 токзорлар, 515 га тутзорлар б-н банд. Тузорлар, 515 га тутзорлар б-н банд. Туманнинг ҳудудидан республика аҳамиятидаги автомобиль йўли, т.й. (Зирабулоқдаги автомобиль йўли, т.й. станцияси) ўтган.

Маиший хизмат ва касб-ҳунар коллежи, 68 умумий таълим мактаби, 47 жамоат кутубхонаси, 26 маданият уйи, Мирбозор халқ музейи, 560 ўринли марказий касалхона, 3 поликлиника, 15 қишлоқ врачлик пункти, 2 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 39 фельдшер-акушерлик пункти, шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш марказн фаолият кўрсатади. 1932 й.дан «Пахтакор овози» туман газ. чиқади.

НАРХ, баҳо — товар қийматининг пулдаги шакли; бозор иқтисодиётида амал қилувчи иқтисодий дастак. Иқтисодий тафаккур тарихидаги айрим қарашларда Н.ни қийматнинг меҳнат назариясига асосланиб талқин қилиши деб қаралган. 21-а. бошларидаги назариялар Н.ни пулнинг миқдорий назарияси асосида изоҳлаб, Н.га харажатлар, товарнинг нафлилиги ва рақобат таъсир этишини эътироф этади. Н.ни қийматдан юқори ёки паст бўлиши мумкин, бу эса бозордаги муайян товарга бўлган *талаб* ва *таклиф*га боғлиқ. Н. фақат қийматни эмас, балки талаб ва таклиф, шунингдек, товарнинг ижтимоий фойдалилиги, сифати ва б. товарлар ўрнини боса олиши, муомаладаги пулнинг харид қобилиятига ҳам боғлиқ. Бинобарин, Н. қийматдан миқдоран фарқланади. Маҳсулот танархи ҳар қандай Н.нинг асоси бўлиб, маҳсулотнинг ҳаётий цикли давомида унинг Н.идаги ўзгаришларга катта таъсир кўрсатади. Н. миқдори харажатларга ва товар сифатига тўғри мутаносибликда, рақобатнинг шиддатига эса тескари мутаносибликда туради. Бозор иқтисодиётида Н. бир нечта вазифаларни бажаради: 1) ҳисоб-китоб ва ўлчов вазифаси —Н. воситасида қилинган харажатлар, олинган натижанинг пулдаги миқдори аниқланади. Харажатлар ишлатилган ресурслар миқдорини унинг Н.ига қўпайтириш орқали ҳисобланади; 2) рағбатлантириш вазифаси — Н. нинг ўзгариши ч.ч. ҳажмини ўзгартиради. Талаб Н.га нисбатан тескари мутаносибликка эга. Н. пасайса талаб рағбатлантирилади, аксинча, Н. ошса (бошқа шарт-шароит ўзгармаган тақдирда) таклиф рағбат олади. Н.даги ўзгариш ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчиларга нштнёқ бағишлайди; 3) рақобат воситаси вазифаси — Н. рақибни бозордан сиқиб чиқариш ва бозорда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун ишлатилади. Рақобатчилар Н.ни ўзгартириб туриш, уни шароитга қараб турлича белгилаш орқали ўзаро беллашадилар. Н. рақобатлашувнинг иқтисодий воситаси ҳисобланади; 4) иқтисодиётни тартибга солиш вазифаси — Н. бозор механизмидаги асосий иқтисодий дастак ёки восита. Н. ўзгаришига қараб нимани ва қанча ч.ч. кераклиги аниқланади. Муайян товарлар Н.нинг ошиши уларни кўплаб ч.ч. кераклигини билдиради, аксинча, Н.нинг пасайиши товар ч.ч.ни камайиши ёки умуман тўхтатилиши лозимлигини англатади. Н.га қараб бозори касод товарлардан воз кечилиб, бозори чаққон товарларни ч.ч.га ўтилади. Бу эса ресурсларнинг бир соҳадан иккинчисига оқиб ўтишига, эски соҳа қисқариб, янги соҳанинг тез ривожланишига олиб келади. Н. ресурсларни қайта тақсимлаш орқали иқтисодиётни тартиблайди.

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида товарлар ва хизматлар олди-сотдиси қўлланилиши Н. тизимини яратади. Миллий иқтисодиёт ҳолатини ҳисоблашда жорий ва қиёсий Н.лар қўлланилади. Жорий Н.лар амалдаги Н.лар бўлиб, улар ёрдамида йил давомидаги ч.ч. натижалари ҳисобланади. Қиёсий Н.ларда маълум йил асос қилиб олиниб, ч.ч.нинг натижалари шу Н.да ҳисобланади ва бошқа йиллар б-н таққосланади. Жорий Н.лар инфляция туфайли ўзгаришн ва реал иқтисодий натижани кўрсатмаслиги сабабли *ялпи миллий маҳсулот, миллий даромад, реал иш ҳақи* ва ш. к. кўрсаткичлар динамикаси қиёсий Н.ларда ҳисобланади.

Н. қайси бозорда амал қилиши, кимга мўлжалланганлиги ва қайси мақсад-

ни кўзлашига қараб бир неча турларга бўлинади.

Эркин бозор Н.и (мувозанатли Н.) — эркин бозорда сотувчилар ва харидорлар кўпчилик бўлганидан улардан ҳеч бири ўзи хоҳлаган нархни ўрнатолмайди. Бу ерда талаб-таклиф нисбатига қараб эркин савдолашув Н.и, яъни мувозанатли Н. юзага келади; монопол Н. — монопол бозорда сотувчи ёки харидор озчилик ёхуд танҳо бўлганида улар хоҳлаган Н. ўрнатилади. Бу бозорга зўрлаб киритиладиган Н. бўлиб, одатдаги Н.лардан юқори бўлади ва *монопол фойда* олишга хизмат қилади; Улгуржи Н. — товар ишлаб чиқарувчилар савдо фирмаларига товарларни бир йўла кўтарасига сотишида қўлланади. Товар биржалари ва савдо уйларида ҳам улгуржи Н.лар қўлланади; шартнома Н.лари — сотувчи ва харидорларнинг розилиги б-н белгиланадиган ва ўзаро тузиладиган шартномада кўрсатиладиган Н. Бундай Н.. одатда, шартнома муддати амал қиладиган даврда ўзгармайди. Кўпроқ миллий ва халқаро бозорларда қўлланади. Чакана Н. — товарлар бевосита истеъмолчиларга яккалаб сотилган чоғда қўлланади ва миқдори улгуржи Н.дан юқори бўлади; Прейскурант Н. — харидор учун билдирғич ёки маълумотнома Н. бўлиб хизмат қилади ва ҳақиқий Н. прейскурантлар (кўрсаткичлар)да эълон қилинган Н. атрофида бўлишини англатади; Дотация-ланган Н. — *давлат бюджети* ҳисобидан махсус арзонлаштирилган, бозор Н.идан пастроқ қилиб белгиланган Н., Н.даги фарқ бюджет берадиган *дотация* б-н қопланади. Бу Н.ни ўтиш даврида турган мамлакатларда давлат аҳолини ижтимоий ҳимоялаш учун қўллайди; Демпинг Н. — бозорда ўз мавқеини мустаҳамлаш ва рақибларни сиқиб чиқаришда қўлланадиган махсус пасайтирилган Н., халқаро бозорларда кўпроқ қўлланади.

Бозор кўламига кўра, Н.лар худудий (минтақавий), миллий ва халқаро бозор Н.ларига бўлинади. Худудий Н. — фақат маълум худудий бозорга хос бўлиб, у шу худуд доирасидаги омиллар таъсирида ҳосил бўлади. Миллий бозор Н.и — бир мамлакат доирасида амал қилувчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи Н.лардир. Халқаро Н. — муайян товарга кетган байналминал харажатларни, товарнинг нафлилиги жиҳатидан жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини ва халқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини ҳисобга олади.

Н.лар фарқининг миқдорий ифодаси Н. диапазони дейилади. Н. диапазо-ни Н.лар оралигининг пулдаги ифодасидир. Н. диапазони қуйи, ўрта ва юқори Н.ларни ўз ичига олади. Бу диапазон қанчалик катта бўлса, товар муомаласи шунчалик тез юз беради, талаб б-н Н. ўзаро боғланади. Иқтисодиёт бир-бирига боғлиқ ва ягона бўлганидан турли товарлар ва хизматлар Н.лари бир-бирини юзага чиқаради, тўлдиради ва ўзаро таъсир кўрсатади. Уларнинг ҳар бири ўзи б-н боғлиқ кейинги махсулот харажатларини шакллантиради. Кунгина соҳаларда ишлатиладиган энг муҳим иқтисодий ресурслар (металл, нефть, кўмир, газ, ёғоч, бўғдой, пахта каби товарлар) Н.нини ўзгариши бозорлари жами Н.лар нисбатига таъсир кўрсатади.

Ахмаджон Ўгамов

НАРХ ИНДЕКСИ — муайян давр давомида нархларнинг нисбий ўзгаришлари кўтарилиши ёки пасайиши, динамикаси кўрсаткичи. Н.и. якка ва йиғма Н.и.га бўлинади. Якка Н.и. кузатиладиган (ҳисобот) йилдаги муайян товар нархининг базис даврдаги нархга нисбатига, йиғма Н.и. ҳисобот даврида амалдаги нархларда сотилган товарлар гуруҳи қийматининг базис даври нархларидаги қиймати нисбатига тенг ва фоизларда ҳисобланади.

Айрим мамлакатларда, мас., Буюк Британияда товарлар ва хизматларнинг чакана нархлари индекси тахм. 130 мингдан ортиқ турли товарлар нархлари асосида Марказий статистика бюроси томонидан ҳисоблаб чиқилади ва ҳар ойда эълон қилинади.

НАРХ ПАРИТЕТИ — бир товар нархининг бошқа товар нархига нисбати. Н.п. бир товарнинг бошқа товарга қандай миқдорда тенглашувини, бир товарни сотишдан тушган пулга қанча бошқа товар берилишини билдиради. Н.п. ўзгариши бозор ҳолатига боғлиқ бўлганида унга талаб-таклиф нисбати, харажатлар, нарх б-н рақобатлашув таъсир этади. Давлат нархнинг ортиши ёки пасайишини чеклаб қўйганда бу бозор ҳолатидан келиб чиқмаганлиги сабабли Н.п.да сунъий силжиш рўй беради. Н.п. ўзгаришига *инфляция* таъсир этади. Иқтисодиёт учун энг мақбули Н.п.нинг бозор ҳолатига қараб ўзгаришидир, чунки бу талаб-таклифнинг ўзгаришини, бозор нимани талаб қилишини, нимани и.ч. нафли бўлишини билдиради.

НАРХ ШАКЛЛАНИШИ — товарлар ва хизматларга белгиланган *нарх*нинг бир қатор омиллар таъсирида юзага келиши жараёни. Умумий маънода — Н.ш.га давлат органлари (солиқ, кредит ва иқтисодий сиёсатнинг бошқа кўринишлари орқали) ҳамда иқтисодий фаолият субъектларининг ўзлари таъсир кўрсатади. Тор маънода — фирмаларнинг ўз нарх стратегиясини ишлаб чиқиши. Н.ш.нинг 3 асосий — эркин, маъмурий ва аралаш типлари мавжуд. Эркин Н.ш. талаб ва таклиф асосида юзага келади. Барча товарлар ва хизматлар нархларининг бевосита маъмурий белгиланиши маъмурий, эркин ва маъмурий Н.ш.нини турли нисбатларда қўлланилиши аралаш Н.ш. деб юритилади. Н.ш. жараёни товар ишлаб чиқарувчи фирмадан бошланиб, бозор нархи ўрнатилгач, тугалланади.

Н.ш.нини бозор реал шароитига асосланган 5 асосий қоидаси мавжуд: харажатларни қоплаш қоидаси — нарх даражаси товарлар сотилганда фирманинг товарларни ич. ва сотиш харажатлари тула қопланиб, талабирқорга минимал фойдани таъминлаши керак. Агар бу қонда амал қилмаса, фирма зарар кўради ёки талабирқор ҳеч бир даромад олмай уз ишини тухтатади. Харажатларни қоплаш зарурати нархнинг энг қуйи чегарасини белгилайди ва нархнинг бундан паст бўлиши иқтисодиёт учун мақбул эмас; фойдани максималлаштириш қоидаси — нарх ўртача харажатлардан юқори қилиб белгиланиши, товар шу нарх б-н сотилганда иқтисодий *фойда* олинишн керак. Фирма ўз товарига нарх қўйганда фойдани максималлаштиришни мўлжаллайди. Фойдани максималлаштирувчи нарх, одатда, монополлашган бозорда амал қилади; рақобатда енгиш қоидаси — белгиланган нарх даражаси харидорларни ўзига огдириб, рақибни бозордан сиқиб чиқариш имконини бериши зарур. Бунинг учун оддий товарлар нархи вақтинча паст белгиланади, фойда камаяди, лекин йўқотилган фойда рақобатда енгиш учун хизмат қилади. Мазкур қонда нуфузли товарлар нархини юқорироқ белгиланишини билдиради, чунки уларнинг харидорлари пулдор табақа ҳисобланади; пешқадамлик қоидаси — турдош (ўринбосар), яъни бир хил эҳтиёжни қондирувчи товарлар нархи пешқадам фирма белгилаган нархга биноан шаклланади. Бошқа фирмалар нархни пешқадам нархини мўлжалга олиб унга яқин қилиб белгилайди. Бу қонда одатда *олигополия* бозорида амал қилади. Бундай бозорда фирмалар озчилик бўлиб нархларни бир-бирига яқин белгилаган ҳолда, асосан, сифат ва сервис б-н рақобатлашади.

Нарх қуйи ва юқори чегара оралиғида шаклланади. Агар қуйи чегарани харажатларни қоплаш зарурати белгила-

са, юқори чегарани истеъмолчиларнинг харид қобилияти белгилади. Нарх юқори чегарадан чиқиб кетса харидорларнинг пули етмай, товарлар сотилмайди, қуйи чегарадан паст бўлса фирмалар зарарга учраб, синиб кетади. Н.ш.нини энг муҳим талаби унинг бозор шароитига мосланиши ва ўзгарувчан бўлишидир. Нарх белгилашга давлатнинг аралашуви бозор қонуниятларига зид. Шу сабабли давлат бозор нархларини эркинлаштириб, бозор қонунларидан ташқарида юзага келаётган *монопол нарх*ларини чегаралаб туради.

Ахмаджон Ўгамов

НАРХ-ФРАНКО — товарни харидорга ташиб етказиб бериш сарфларининг ҳаммаси ўз ичига олган улгуржи нарх. У одатдаги нархдан транспорт сарфларининг киритилганлиги б-н фарқланади. Товарни сотувчи ташиб етказиш манзили — темир йўл ст-яси, кемалар порти, омбор ёки давлат чегараси бўлиши мумкин. Манзилнинг узоқ-яқинлигига, товарнинг ортиб-туширилиб берилишига қараб Н.-ф. ҳар хил бўлади. Н.-ф. харидор учун қулай бўлиб, транспортни ташкил этиш муаммоларидан озод қилади.

Халқаро савдода Н.-ф.нинг СИФ, ФАС, ФОБ сингари тижорат шартлари бор. СИФ (инг. Cost, Issurance, Freight — қиймат, сугурта, фрахт) — товарнинг сотилиш нархига товар қиймати, сугурта ва манзилгача транспорт харажатлари ҳам киради; ФАС (Free Alongside Ship — кема бўйлаб эркин) — сотувчи ўз товари учун кема ёлланади, товарини кемагача ўзи ҳисобидан етказиб ва ортиб беради; ФОБ (Free on Board — кемада эркин) — кемани харидор ёлланади, сотувчи ўз товари учун кемага юклаш даврига қадар жавобгар бўлиб, товар нархи бевосита товар қиймати ва уни юклаштача бўлган харажатлардан ташкил топади (яна қ. *Франко*).

НАРШАХ, Наржақ — Бухоро вилояти Вобкент туманидаги қад. қишлоқ. Илк ўрта асрларда Н.да катта ҳисор (кўрғон) бўлган.

Муқанна кўзголонининг марказларидан бири шу қишлоқда жойлашган. 776 й. апр.да *Муқанна* тарафдорлари б-н Бухоро амири Ҳусайн ибн Маоз лашкари ўртасида Н.да катта жанг бўлади. Халифа Маҳдийнинг вазири Жаброил ибн Яҳё арабларга ёрдамга келиб, Н.ни қамал қилади. Тўрт ойлик жангларда Ҳосим Аҳмад бошчилигидаги Муқанна тарафдорлари бўлган оқ кийимликлар галаба қозонишган. Бироқ араблар қийла йўли б-н Н.ни эгаллаб, кўзғолон раҳбарларини хоинларча ўлдиришади. Бу пайтда Н.нинг ҳокими бўлган аёл киши (эрининг номи Шараф бўлиб, у *Абу Муслим*нинг лашкарбошиси бўлган)ни ҳам Жаброил ўлдиртирган.

Н.дан машҳур тарихчи олим *Наршахий* чиққан. Н. ҳақида Абу Саъд ас-Самъонийнинг «Китоб ал-ансоб» асарида ҳам муҳим маълумотлар мавжуд (12-а.). Ҳоз. Н. Нарвоқтепа номи б-н машҳур.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1966; Камалиддинов Ш., «Китоб ал-ансоб» Абу Саъда Абдалкарима ибн Муҳаммад ас-Самъони как источник по истории и истории культуры Средней Азии, Т., 1993.

НАРШАХИЙ, Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закариййа ал-Хаттоб ибн Шарик ан-Наршахий (899—959) — тарихчи олим. Бухорининг Наршах қишлоғида туғилган. Таржимаи ҳолига оид маълумотлар кам. Сомонийлар саройида котиблик қилган. Н. 943—944 йилларда «Бухоро тарихи» («Таҳқиқи вилояти Бухоро») номли асарини араб тилида ёзиб, уни сомонийлар амири *Нуҳ ибн Наср* (ҳукмронлик даври: 943—954)га бағишлаган. Н.нинг ўғли Абу Бакр Мансур ва невараси ҳалеишунос олим Абу Рафи ал-Ала ибн Мансур ибн Муҳаммад ибн Жаъфар асарни араб тилида давом эттириб, Мансур ибн Нуҳ (ҳукмронлик даври: 997—999), яъни сўнгги сомонийлар давригача тўлдиришган. Насафийнинг «Китоб ал-қанд» («Самарқандия») ва Абу Саъд ас-Самъоний (1113—1167)нинг «Китоб ал-ансоб» асарларида Н. ҳақида маълумотлар мавжуд. Н. ўз туғилган қишлоғида вафот этган. Асарининг асл нусхаси бизгача етиб келмаган. 1128 й. қувалик Абу Наср Аҳмад ибн Муҳаммад ал-Кубавий асарни форс тилига қисқартириб таржима қилган. 1178—79 й.ларда асар 2-марта қисқартирилган. Таржимонлар қисқартириш б-н бирга уни янги маълумотлар б-н маълум маънода тўлдирганлар. «Бухоро тарихи» 36 бобдан иборат бўлиб, асосан, Бухоро воҳасининг тарихига бағишланган. Китобнинг бир неча боби Бухоронинг барпо этилиши, қад. номлари, қад. подшоҳларига бағишланган. Асарнинг махсус бир боби Бухоро атрофидаги Кармана, Нур, Тавоис, Искажкат, Шарг, Зандана, Вардона, Афшона, Баркат, Ромитан, Варахша, Байканд (Пойкент), Фороб ва б.

«Тарихи Наршахий» китобининг биринчи бети (Янги Бухоро, 1904). «Бухоро тарихи» китобининг биринчи бети (Тошкент, 1966).

шаҳар ва қишлоқларнинг тасвирига бағишланган. Унда бу жойларнинг тарихи, аҳолиси ва унинг машғулоти, фанларни ҳамда ташқи шаҳарлар б-н муносабатлари ҳикоя қилинади. Бухоро аҳолисининг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётида содир бўлган муҳим тарихий воқеалар баён қилинади. Китобда Ўрта Осиёда араб халифалиги ҳукмронлигининг ўрнатилиши, ислом динининг ёйилиши ва Бухорони нинг арабдар томонидан тақсимлаб олиниши ҳамда халифаликка қарши қўзғолдар, айниқса, *Муқанна, Абу Муслим* ва б. бошчилигидаги халқ қўзғолонлари батафсил ҳикоя қилинади. «Бухоро тарихи»да 9-а.да Ўрта Осиёнинг араб халифалигидан ажралиб чиқиши, Мовароуннаҳр ва Хуросонда сомонийлар давлатининг барпо бўлиши ва сомонийлар даврида Бухорони нинг иқтисодий ва маданий ҳаёти тасвирланган. Асарда Бухорони нинг тарихий топографиясига оид маълумотлар бўлиб, унда Бухоро ш.нинг дарвозалари, ички ва ташқи деворларининг қурилиши ҳам арк ва шаҳристонининг бино қилиниши ҳикоя қилинади. Асар фақат Бухоро тарихинигина эмас, балки бутун Ўрта Осиё тарихини ўрганишда ҳамда нодир манбадир. «Бухоро тарихи» Париж (1892)да француз, Бухоро (1904) ва Теҳрон (1939)да форс, Тошкент (1897)да рус, Кембриж (1954)да инглиз, Тошкент (1966, 1993)да ўзбек тилида, Душанба (1979)да тожик тилида нашр этилган.

Ас.: Бухоро тарихи, Т., 1966.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., «Китоб ал-ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ибн Муҳаммада ас-Сам'ани как источник по истории и истории культур Средней Азии, Т., 1993; Нажмуддин ан-Насафий, Самарқандия, Т., 2001.

НАРЬЯН-МАР —РФ Архангельск вилоятидаги шаҳар (1935 й.дан). Ненецлар мухтор округи маркази. Денгиз ва дарё порти ва Печоранинг ўнг соҳилидаги пристань. Баренц денгизидан 110

км узоқликда. Аҳолиси 187 минг киши (1998). Тахта тилиш ва мой з-длари, Печора балиқ, гўшт к-тлари, ўрта махсус билим юртлари, ўлкашунослик музейи бор. 1933 й.да саноат корхоналари қурилиши муносабати б-н вужудга келган.

НАСА (Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш миллий бошқармаси) — АҚШ ҳукуматига қарашли муассаса. Аэронавтика бўйича миллий бошқарма номи б-н 1915 й. ташкил қилинган, 1958 й.дан ҳоз. номи б-н аталган. Космик учишлар дастурини ишлаб чиқиш, космик кемалар (КК) яратиш, уларни зарур асбоблар б-н жиҳозлаш ва б. амалий ишлар ҳамда назарий и.т. ишлари б-н шуғулланади. И.т. ишлари, асосан, хусусий фирмалар томонидан ҳамда НАСА и. т. марказлари, шу жумладан, реактив двигателлар лаб. ва космик нурланишларнинг КК га ва инсонга таъсирини ўрганиш лаб. да бажарилади. Назарий ишлар олий ўқув юртлари ҳамда бошқа шу соҳадаги и.т. муассасалари б-н ҳамкорликда олиб борилади.

НАСАБ (араб. — қон-қариндошлик) — бир ота-боболан тарқалган авлод; умуман авлод-аждод, насл (яна қ. *Авлод*).

НАСАВИЙ (тўлиқ исми Абулҳасан Али ибн Аҳмад ан-Насавий) (?, Наса ш. — тахм. 1030) — ўрта осиёлик математик. Аввал бувайҳий султонлари, сўнгра Маҳмуд Ғазнавий саройида хизмат қилган. У «Ҳинд арифметикаси ҳақида етарлича маълумот» («Ал-муҳиъ фил-ҳисоб ал-ҳинд») номли асар ҳамда Менелей ва Архимед асарларига шарҳлар ёзган. Н.нинг асари бутун сонлар, ўнли касрлар устида амалларга, олтмишли касрларга бағишланган тўртта мақоладан иборат. Асардаги тақрибий квадрат ва куб илдиз чиқариш қоидалари, айниқса, диққатга сазовордир. Бу қоидалар ҳоз. белгилашларда қуйидагича:

$$\sqrt{a^2+r}\approx a+\frac{r}{2a+1};\ a\neq-\frac{1}{2};$$

$$\sqrt[3]{a^3+r}\approx a+\frac{r}{3a^2+1}.$$

НАСАВИЙ, Шиҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий (? —1249) — тарихчи, Ашхобод яқинидаги Хурандиз қалъаси ҳокими (1219—21). Н 1220—24 й.ларда мўғуллар истилосига қарши кураш олиб борган. 1224 й.дан *Жалолиддин Мангуберди*нинг шахсий котиби бўлган, унинг ҳарбий юришларида қатнашган. 1241 й. араб тилида «Сийрат ас-султон Жалолиддин Мангуберди» («Султон Жалолиддин Мангубердининг ҳаёти тафсилоти») номли асар муаллифи. Асарда Мовароуннаҳрни босиб олишнинг б-н боғлиқ воқеалар баён этилган. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларининг ижтимоий-сиёсий аҳволи тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Асар 13-а. охирларида форс тилига таржима қилиниб, Теҳронда, унинг арабча нусхаси Париж, Қоҳирада, русча таржимаси Бокуда ва ўзбек тилида Тошкентда (1999) нашр этилган.

Ад.: Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавий, Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти, Т., 1999.

НАСАИЙ, Абу Абдурраҳмон Аҳмад ибн Али ибн Шуайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр ал-Хуросоний (827, Насо/Нисо ш. — 915) — муҳаддис, энг ишончли 6 та ҳадис тўпламидан бири («Сунани Нисоий»)нинг муаллифи. 15 ёшида Ҳижоз, Ироқ, Шом, Миср ва б. мамлакатларга бориб диний фанларни пухта ўзлаштиради. Дамашқда умавийларга ён босмагани сабабли тазйиқ остида қолади. Бир ривоятга кўра, Маккада, бошқасига кўра, Байтил-Мақдис (Қуддус)да вафот этади. «Ас-Сунан ал-кубро» («Катта сунан») тўплами унинг шоҳ асари ҳисобланади. Бундан ташқари, «ас-Сунан ас-суғро» («Кичкина сунан») ёки «ал-Мужтабо» («Сайланма»), «ал-Хасоис» («Хусусиятлар»), «Фазоил ас-саҳоба» («Саҳобаларнинг фазилатлари»), «ал-Маносик» («Маросимлар») ва б. китобларни ҳам ёзиб қолдирган.

НАСАФ, Нахшаб — Қарши воҳасида, Қашқадарёнинг қуйи оқими бўйларида жойлашган ўрта аср шаҳри ва вилояти номи. Н. шаҳри Қарши ш.дан 8 км шим.-ғарбдаги *Шуллуктепа* шаҳар харобаси ўрнида бўлган. 7—8-а.ларда Н.да от тасвири, G — белгиси ва туркий чеҳра ҳоким расми туширилган мис тангалар зарб қилинган. 8-а.нинг 2-ярмидан бу тангалар фельс деб аталган. Араблар истилосидан сўнг Н. вилоятининг маъмурий маркази бўлган. Н. ўрта асрларда 3 қисмдан — арк, шаҳристон ва рабоддан ташкил топган, мудофаа девори б-н ўралган, 4 та дарвозаси — Бухоро, Самарқанд, Кеш ва Губдин дарвозалари бўлган. 10-а.да арк харобага айланиб, ҳаёт кенг рабодда давом этган. Ҳоким уйи ва қамоқхона дарё бўйидаги Ра'с ал қантара — кўприк боши деган ерда жойлашган, жоме масжиди рабодда, Губдин дарвозаси олдида бўлган, шаҳар бозор б-н ҳоким уйи оралиғида жойлашган. 14-а.да Н. *Қарши* номини олган.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

НАСАФИЙ, Абу ал-Мутиъ (? — Насаф — 930) — шоир. Ҳаёти ва ижодига оид маълумот кам. Араб тилида ижод қилган. Бизгача «ал-Луълуият фи-л-мавоиз» («Мавъизалар дурдоналари») асаригина етиб келган. Асар ибратомуз ҳикоятлар, панд-насиҳат, ахлоқ мавзуидаги шеърлар, ҳикматлардан иборат. Уларда тўғрилик, ҳалоллик, ростгўйлик, яхшилик, илмга интилиш тоялари улуғланган. Бу асар бадиий адабиётда дидактик йўналишнинг шаклланишида, ахлоқий-сиёсий йўналишдаги «Сиёсатнома» (Низомулмулк), «Қобуснома», «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Қиссаи Рабғузий» каби асарларнинг яратилишида муҳим роль ўйнаган. Уни Маҳмуд ибн Ҳасан ибн Қози Ораж «Майамин ут-таржуман ва мунис ул-инсон» («Таржимон саодати ва инсон дўсти») номи б-н форс тилига таржима қилган (1935). 1868 й.да форсийдан ўзбекчага «Мунис ул-инсон» («Инсонлар дўсти») номида ўгирилган нусхалари Санкт-Петербургдаги Россия миллий кутубхонасида сақланади.

Ад.: Равшанов П., Адабий саҳифалар, Т., 1985.

НАСАФИЙ, Абу Ҳафс Нажмиддин Умар ибн Муҳаммад (1069—1142) — тарихчи, фақиҳ, тилшунос, муҳаддис, муфассир олим. Унинг мусулмон қонуншунослигига доир «ал-Манзумат ан-Насафия фил-хилофиёт» («Келишмовчиликлар борасида Насафийнинг назмий асари»), «Ақоид ан-Насафий» («Насафий ақоиди»), шариат қонунлари ва Қуръони карим шарҳига доир «ал-Йавоқит фил-мавоқит» («Қулай вақтлар хусусида ёқутлар»), 3 китобдан иборат (100 босма табоқ ҳажмида) «Тайсир фит-тафсир» («Тафсир этишдаги қулайликлар»), шунингдек, тасаввуфга доир «Рисолайи Нажмия» китоби бизгача етиб келган бўлиб, улар етарли тадқиқ этилмаган. Мусулмон оламида Абу Ҳафс Насафий асарларига қизиқиш қадимдан катта бўлган. Унинг «ал-Манзумат ун-Насафия» асарига замондоши Алоуддин Абулмужоҳид Муҳаммад Самарқандий (вафоти 1157 й.) «Ҳасрул масоил ва касруд-далоийл» («Масалаларнинг чеклангани ва далиллар касри») деб номланган тафсир битган. Соҳибқирон Амир Темур даври олимларидан Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазоний (вафоти 1390) Н. асарларига «Шарҳи ақойид ун-Насафия» номли тафсир ёзган. Н.нинг «ал-Қанд фий зикри уламои Самарқанд» [«Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин) китоб»] номли асари, асосан, самарқандлик машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти ҳамда улар ривоят қилган ҳадисларга бағишланган. Унда Мовароуннаҳр тарихи, топонимикаси ҳамда Ислом тарихига доир муҳим маълумотлар мавжуд. Асарга киритилган машҳур шахслар таржимаи ҳоли араб алифбоси тартибида жойлаштирилган бўлиб, унинг бизгача етиб келган қўлёзма нусхасининг «хо»дан «қоф» ҳарфларигача бўлган қисмигина сақланиб қолган. Шундай бўлса-да, бу асар мустақил юртимиз ўтмишига доир бўлак манбаларда учрамайдиган маълумотларга эга эканлиги боисидан ниҳоятда муҳимдир.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти Н.нинг ушбу асарининг қисқартирилган ҳолдаги ўзбекча таржимасини «Самарқандия» номи остида чоп этган (2001).

НАСАФИЙ, Абул Баракот Абдуллоҳ ибн Аҳмад ибн Маҳмуд ан-Насафий (? —1310, Бағдод) — муфассир, муҳаддис, фиқҳшунос. Устози Муҳаммад ибн Абдусаттор ал-Кардарий бўлган. Н. фиқҳга доир кўплаб асарлар ёзган. Олимнинг «Канз ул-дақоиқ» («Дақиқ масалалар хазинаси») асари айниқса машҳур. Унда мусулмон ҳуқуқшунослиги асослари, ҳанафийлик ва шофиъийлик мазҳабларининг ўзига хос қирралари жиҳатлари акс этган. Бу рисола Насруллоҳ ибн Муҳаммад ибн Жаммод ал-Ирди Кермоний томонидан форс тилига таржима қилинган. Н.нинг «Мадорик ат-танзил ва ҳақойиқ ат-таъвил» («Нозил қилинган Қуръон маънолари ва тафсир қилиш ҳақиқатлари») тафсир китоби ҳам машҳур. Уни таълиф этишда имом Замахшарийнинг «Кашшоф» тафсиридан фойдаланган. Н. тафсири ҳозиргача уламолар ва илми толиблар ўртасида шуҳрат топиб келмоқда ва уни ислом ўқув юртларида қўлланма сифатида фойдаланилмоқда. Н. ҳаётининг сўнгги йилларида Бағдодда мударрислик қилган. Н. асарлари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тининг қўлёзмалар фондида, бошқа китоб хазиналарида сақланмоқда.

НАСАФИЙ АЗИЗИДДИН (тахаллуси; тўлиқ номи Азизиддин ибн Муҳаммад Насафий) (?, Насаф — 1263, Язд, Абаркўҳ) — шоир, тасаввуф фалсафасининг йирик вакили. Шайх Кубро таълимоти ва Муҳйиддин ибн Арабий тариқатини ўзаро боғлаган кубравия машойихларидан бири. Дастлаб Насаф, сўнг Бухоро мадрасаларида таълим олган. Асосан, фалсафа ва ҳикматни ўрганган, тиб илмида ҳам юксак маҳоратга эга бўлган. Н. А. 1243—51 й.лар Хуросонда етук орифлардан бўлмиш Саъдиддин Ҳамавий (Ҳамуйа, 1191—1252) б-н танишиши натижасида тасаввуф йўлига кирган. Элхонийлар Бухорога ҳужум қилганда (1272), у ердан Баҳробод (Хуросон)га кетган. Исфаҳон ва Шероз сафаридан сўнг Яздниг Абаркўҳида маскан тутган.

Н. А. форс тилида ижод қилган. «Инсони комил» асари Н. А. рисолаларининг мажмуаси ҳам деб юритилади. 1 муқаддима ва турли мавзуларга бағишланган 22 рисоладан иборат. Ундаги рисолаларнинг кўпи «Манозил ус-соийрин» («Йўловчилар қўналғаси»)нинг баъзи нусхаларида учрайди. Ушбу асар 556 саҳифа бўлиб, ирфон ва ҳикматларга оид нозик тушунчалардан баҳс юритади. Ирфон ва ҳикмат масалалари ва асоси ҳақида яна «Баён ут-танзил» номли кичик ва мухтасар китоби ҳам бор. Н.А. нинг билдиришича, унинг фикр ва ақидалари фақат «Мақсад ул-ақсо» («Сўнгги мақсад») асарида ифодаланган. Асар 8 фасл, 8 боб ва 1 хотимадан иборат. Шунингдек, Н. А.нинг «Зубдат ул-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар қаймоғи»), «Усул ва фуруъ» («Илдизлар ва бутоқлар»), «Мабдаъ ва маъод» [«Асл макон ва (унга) қайтиш»], «Мифтоҳ ул-асрор» («Сирлар калити»), «Нафси инсоний», «Ваҳдати вужуд» ва б. китоблари чет элларда чоп этилган. Олам ва одам бирлиги таълимоти Н.А. асарларининг моҳиятини ташкил этади.

Н. А. ижоди араб, инглиз, немис, француз, турк, ҳинд, рус олимлари томонидан тадқиқ этилган. Қўлёзма нусхалари Вена, Лейден, Лондон, Калькутта, Душанба, Истанбул, Санкт-Петербург, Теҳрон ш.лари кутубхоналарида, Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади. «Зубдат ул-ҳақойиқ» асари Н. *Комилов* томонидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Ад.: Муҳаммад Носир, Насаф ва Кеш алломалари, Т., 2001.

Ҳабиб Абдуназар.

НАСАФИЙ НУРМУҲАММАД (тўлиқ номи Муҳаммад Амин ибн Нурмуҳаммад Насафий) (18-а., Қарши) — тазкиранавис. Тазкирачилиқда Навоий анъаналарини давом эттирган. Н.Н.дан бизгача «Мазҳар ул-мусаннифин» («Адиблар баёнида», 1759) асаригина етиб келган. Асар тарихий воқеалар баёнидан иборат бўлиб, унда тазкирага хос хусусиятлар мужассам. «Мазҳар ул-мусаннифин»да Бухоро амирлиги ҳудудларида кечган тарихий воқеаларнинг баёни б-н бирга бухоролик, самарқандлик, қаршилик шоир, олим, адиблар ҳақида ҳам сўзланиб, уларнинг касб-кори, шахсияти, бадиий ижод соҳасидаги нуқтаи назари ҳақида қайдлар келтирилади. Ундаги маълумотлар 18-а. адабий муҳитини чуқурроқ ўрганишга ёрдам беради. Муаллиф, айниқса, косиб-ҳунармандлар табақасига мансуб — пўстиндўз, кордгар, қоғозфуруш, тиргар (ўқ ясовчи) шоирлар ҳақида сўз юритади, уларнинг шеърлар ижод қилишдаги қобилиятларини ҳам муносиб баҳолайди.

Ад.: Муҳаммад Носир, Насаф ва Кеш алломалари, Т., 2001.

НАСИМИЙ (тахаллуси; асл исми — Али, лақаби — Имодиддин) (1370, Шемахи —1471, Ҳалаб) — озарбайжон мумтоз шоири. Форс, араб тиллари ва адабиётини чуқур ўрганган. Мантиқ, риёзиёт, табиат ва астрономия фанларини ўзлаштирган. Мансур *Ҳаллож*га кучли эътиқод қўйган, ўзини унинг шогирди ҳисоблаганидан илк шеърларини Ҳусайний тахаллуси б-н ёзган. 14-а.да Озарбайжонда тасаввуфдан ўсиб чиққан ҳуруфийлар оқими кенг ёйилиб, унда инсон омили муҳим ўрин тутади: инсон, унинг эрки улуғланади; инсонга илоҳий кувватнинг зуҳури ва тажассуми сифатида қаралади. Ҳуруфийлар тариқатининг асосчиси, шоир ва мутафаккир Фазлуллоҳ Наимий 1394 й. Ширвонга келади ва Н. б-н учрашади. Унинг ҳуруфийлик қарашлари ёш шоирга кучли таъсир қилади ва уни қабул этиб, Фазлуллоҳни ўзига муршид билади. Наимийга ҳамоҳанг Насимий тахаллусини олади. Илғор фикрли кишилар таъқиб остига олиниб, Наимий Мироншоҳ томонидан қатл қилингач, ҳам ўзини қутқариш, ҳам ҳуруфийлик ғояларини кенг ёйиш мақсадида Н. Озарбайжондан чиқиб кетади. У Бағдод, Онадўли, Токат, Бурса ва б. жойларда яшайди, ниҳоят Ҳалабда қарор топади. Миср султони Муайяддин Н.ни даҳрийликда айблаб, тириклайин терисини шилдиради.

Н. илк бор озарбайжон тилида ижод қилгани, озарбайжон адабий тилини халқ жонли сўзлашув тилига яқинлаштиргани б-н озарбайжон адабиёти тарихида алоҳида ўрин тутади. У, Ҳасан ўғли ва Қози Бурҳониддиндан кейин, озарбайжон тилида яратилган шеъриятнинг устодларидандир. Н. форс тилида ҳам асарлар ёзган, унинг форсий ижоди Эронда алоҳида тўплам ҳолида нашр этилган.

Н. ўзининг исёнкор ва ҳассос шеърлари б-н дунёнинг кўпгина мамлакатларида машҳур. Ўз фикр-ўйлари, туйғу-кечинмаларини халқона содда услубда баён қилган. Н. шеърлари бир қарашда оддий, содда бўлиб кўринса-да, лекин мазмунан чуқур ва бадиий юксак. У кўпроқ диний-тасаввуфий мавзуларни

қаламга олиб, ўзи мансуб ҳуруфийлик ғояларини улуғлаган. Н. озарбайжон адабиёти тарихида мардлик, жасорат, қаҳрамонлик тимсоли сифатида шуҳрат қозонган. Лутфий, Алишер Навоий, Машраб ва б. ўзбек шоирлари унинг шахси ва ижодига эҳтиром б-н қараган. «*Насойим ул-муҳаббат*»да у туркий машойихлар қаторида зикр этилади. Қўлёзмалари Туркия, Ироқ, Сурия, Миср, Эронда ҳамда Париж, Лондон, Кембриж, Оксфорд, Санкт-Петербург, Боку, Тошкент ва б. шаҳарлардаги кутубхоналарда сақланади. Девони нашр қилинган (1844, 1881, 1929).

Ас.: Асарлар, Т., 1977.

Ад.: Ариф М., История азербайджанской литературы, Баку, 1971; Орасли Х., Имодиддин Насими (ҳаёти ва ижоди), Т., 1973.

Эргаш Очилов.

НАСИРОВ Дўсжон Сипатдинович (1927.3.1, Мўйноқ тумани — 1992.20.12, Нукус) — қорақалпоқ тилшуноси. Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977), филол. фанлари д-ри (1976). Қорақалпоғистон пед. ин-тини тугатган (1949), шу ин-тда проректор ва кафедра мудири (1955—59), Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали Иқтисодиёт ва маданият ин-тида бўлим бошлиғи (1954—55). Тарих, тил ва адабиёт ин-ти директори ўринбосари, сектор мудири, директор (1959—91), Қорақалпоқ ун-тида кафедра мудири (1991—92). Н.нинг тадқиқотлари қорақалпоқ тили тарихи ва диалектологиясига бағишланган. У «Қорақалпоқча-русча луғат» (1958), «Русча-қорақалпоқча луғат» (1967), «Қорақалпоқ тилининг диалектологик луғати» (1983), «Қорақалпоқ тили» (1985), «Математик терминларнинг русча-қорақалпоқча луғати» (1992) ва б.ни тузишда иштирок этган.

Ас.: Қорақалпоқ тилида кўплик категорияси, Нукус, 1961; Қорақалпоқ тилида кўмакчи феъл, Нукус, 1964; Қорақалпоқ умумхалқ сўзлашув тилининг шаклланиши ва унинг диалектал тизими, Нукус, 1976.

НАСЛ (араб.) —1) бир популяцияга мансуб индивидларнинг бевосита авлоди; 2) маълум белги-хусусиятларга эга, бир турга мансуб ўсимликлар ва бир зотга мансуб ҳайвонлар гуруҳи. Физиологик, биологик вояга етган ҳайвонот ёки ўсимлик оламидаги индивидлар ўзидан Н. қолдиради. Н. авлод давомчиси ҳисобланади. (қ. *Наслчилик*).

НАСЛ АЛМАШИНИШИ — организмларнинг ҳаётий циклида улар авлоди (насли, ҳаётий гуруҳлари)нинг қонуний алмашиниб туриши.

Ҳайвонларда Н.а. бирламчи ва иккиламчи бўлади. Бир ҳужайралиларга хос бўлган бирламчи Н.да жинсий генерация жинсиз кўпайиш ҳужайра (гаметалар)лар б-н алмашиниб туради. Мас., форамининфераларда алмашиниб турадиган наел жинсий ва жинсиз индивидлар, яъни гамонт ва агамонтлардан иборат. Гаметалар ҳосил бўлишидан олдин *мейоз* рўй бериши учун жинсий авлод ва гаметалар гаплоид, зигота ва агамонтлар диплоид бўлади. Қўёвлилар ва айрим хивчинлиларда мейоз гаметалар ҳосил бўлиши б-н боғлиқ бўлгани туфайли, фақат жинсий ҳужайралар гаплоид бўлади. Худди шунга ўхшаш хусусиятлар кўп ҳужайралилар учун ҳам хос. Иккиламчи Н. а. гетерогония ва метагенез шаклда боради. Гетерогония нормал жинсий кўпайишнинг *партеногенез* б-н, метагенез эса жинсий ва жинсиз кўпайишнинг галланиб туришидан иборат. Гетерогония сўргичлилар, айрим тўгарак чувалчанглар, бонайлангичлилар, бўғимоёқлилар; метагенез қобиқлилар ва бўшлиқичлиларнинг жинсий насли эркин яшовчи медузалар, жинсиз насли эса ўтроқ полиплардан иборат.

Ўсимликларда Н. а. *гаплоид* жинсий, яъни *гаметофит* ва *диплоид* жинсиз, яъни *спорофит* насли б-н алмашиниб туришилар. Гаметофит (гаметалар ҳосил қилувчи бўғин) бир жинсли (айрим қўнғир сувўтлар, ҳар хил спорали папоротниклар, плаунлар, уруғли ўсимликлар) ёки икки жинсли (сфагнум, тенг спорали папоротниклар, плаунлар) бўлади. Спорофитнинг спорангийларида метоз орқали гаплоид споралар ҳосил бўлади. Споралардан яна жинсий бўғин гаметофит ўсиб чиқади. Изоморф Н. а.да гаметофит ва спорофит бир хил (яшил, қўнғир ва кўпчилик қизил сувўтларда), гетероморф Н. а.да гаметофит ва спорофит ҳар хил (юксак ўсимликларда) тузилган. Сувўтларда Н. а.нинг иккала хили ҳам учрайди. Шундай қилиб, изоморф Н. а.да ҳар бир ўсимлик тури икки хил (гаметофит икки жинсли бўлганида) ёки уч хил (гаметофит айрим жинсли бўлганида) алоҳида яшовчи индивидлардан иборат (айрим яшил, қўнғир ва кўпчилик қизил сувўтлар). Гетероморф Н. а.да гаметофит ва спорофит мустақил ривожланади (ламинария, тенг спорали папоротниклар, плаунлар, қирқбўғимлар) ёки улардан бири иккинчиси ҳисобига ривожланади (йўсинлар, уруғли ўсимликлар). Гетероморф Н. а.да, одатда, бир бўғин (кўпинча спорофит) иккинчисидан устунлик қилади. Юксак ўсимликларда гаметофит зиннаси бўйича эволюция фақат йўсинларда кузатилади. Уларда спорофит қисқача куртинчада уруғчи гаметофитнинг учки қисмида ҳосил бўлади. Қолган барча юксак ўсимликлар эволюцияси спорофит зиннаси бўйича давом этган. Уларда спорофит барг ва пояли ўсимлик бўлиб, яхши ривожланган. Гаметофит эса кичик, қисқа умр кўрадиган алоҳида ўсимталан (тени спорали папоротниклар, плаунлар, қирқбўғимлар) ёки спорофит ҳисобидан ривожланадиган микроскопик ҳосилалан иборат (бир хил спорали папоротниклар, плаунлар, очиқ уруғлилар, гулли ўсимликлар).

НАСЛ УЧУН ГАМХЎРЛИК — ҳайвонларнинг ўз наслини яхлаб қолиши ва ривожланишини таъминлаш учун эн қулай шароит яратишлан иборат фаолияти. Оддий ҳолда Н.у.г. пана жой танлаш ва ониқ тўплашдир. Мас., айрим пардақанотлилар фалажланган ҳашарот танасига тухум қўяди. Ҳашарот тухумдан чиққан личинка учун озиқ бўлади. Н.у.г.нини нисбатан мукаммал шакли наслни пассив ва актив парваришқилишдан иборат. Биринчи ҳолда она ёки ота организм тухумларни ёки ёш наслини терисидаги махсус чуқурчалари, тери бурмалари, халталарида олиб юради. Н.у.г.нини бу шакли айрим игнатерилилар, қисқичбақасимонлар, моллюскалар, чаёнлар, ўргимчаклар, балиқлар (денгиз отчаси, игна балиқ), сувда ва қуруқликда яшовчилар (доя қурбақа, пипа), губан сут эмизувчилар (ехидна, халталилар) учун хос. Актив Н.у.г.да вояга етган организмлар пана жой қуради; болаларини озиқлантиради, ишитади, ҳимоя қилади ва парваришлайди. Кўпчилик қушларнинг модаси йиртқич ҳайвонни турли йўллар б-н алдаб, болалари ва тухумлари турган жойдан узоқроққа олиб кетишга ҳаракат қилади. Туёқли ҳайвонлар подаси ёш ҳайвонларни ўраб олиб, уларни йиртқичлардан ҳимоя қилади. Эволюция жараёнида Н.у.г. наслнинг яшаб қолиш имкониятини оширади; ортиқча серпуштликка барҳам беради.

НАСЛЧИЛИК — қ.х. ҳайвонлари зотларини такомиллаштиришга қаратилган ташкилий-зоотехник тадбирлар мажмуи. Инсоният ҳайвонларни хонакилаштирган даврлардан бери давом этиб келади. Н.нинг асосий вазифаси мавжуд қ.х. ҳайвонлари, паррандалари, асалари, балиқлар ва ипак қурти зотларини муттасил такомиллаштириш, маҳсулдорлигини ошириш, наслдорлик сифатларини яхшилаш, янги типлар, зот гуруҳлари, линиялари, оилалари, кроссларни, партеноклонларини яратишдан иборат.

Н. ишлари Н. заводлари, Н. ҳужаликлари, Н. фермалари ва олий ҳужаликларда олиб борилади. Н. ишида қўлланиладиган асосий усул уруғитиш учун энг яхши эркак ва уруғчи ҳайвонларни танлаш ва уларни саралаш (жуфтлаштириш). Ўзбекистонда «Наслчилик» илмий-ишч. бирлашмаси қорамол, чўчқачилик, йилқи, эчки, асалари; Қорақўлчилик ва чўл экологияси пити ва «Ўзбек қорақўли» компанияси қорақўл қўйлари ва туя (бир ўркачли ёки икки ўркачлилар; «Ўзбалиқ» корпорацияси ва Аквакультура и.т. ин-ти балиқ зотининг энгора балиқ, ўтхўр балиқларнинг зотлари бўлган карп, дўнг пешона, оқ амур; «Ўзбек ипаги» уюшмаси ва Ипакчилик и.т. институти 20 гадан энга ипак қурти зотлари, Ўзбекистон паррандачилик илмий маркази парранда зотларини такомиллаштириш бўйича илмий тажрибалар ҳамда Н. ишларини олиб боради. «Наслхизмат» республика наслчилик уюшмаси Н. ишлари бўйича барча хизматларни мувофиқлаштиради. *Давлат наслчилик корхонаси* ҳужаликлардаги қорамол зотларини такомиллаштиришда қатнашади ва уларни энг яхши маҳсулдор бўқалар авлодларининг сифат бўйича баҳоланган уруғлари б-н таъминлайди.

Республикада Н. ишларига Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Н. ишларига оид ҳар қандай муносабатлар 1995 й. 21 декда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида» қонуни б-н тартибга солинади.

Натулла Эшматов.

НАСЛЧИЛИК ЗАВОДИ — қ. *Давлат наслчилик заводи.*

НАСЛЧИЛИК КИТОБИ, насллар ҳайвонлар давлат китоби — зот стандартларига мос келадиган наслли молларни рўйхатга олиш китоби. Н.к.да хўжаликларда урчитилаётган ҳайвонлар зотларидаги энг машҳур эркак ва уруғчи ҳайвонларнинг келиб чиқиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар қайд қилиб борилади. Н.к. зотларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Дунёда биринчи марта Н.к. Англиядаги йўртоқи отларининг синов натижалари бўйича 1751 й.да нашр этилган. 1793 й.да нашр этилган китобда 1690 й.дан бошлаб йўртоқи соф зотли отларнинг генеалогик маълумотлари тўпланган. Кейинчалик қорамол зотлари: 1822 й.да шортгорн ва герисей; 1838 й.да жерсей; 1845 й.да герефорд; 1862 й.да абердин-ангус ва галловей зотлари бўйича Н.к. лари чоп этилган. Россияда 1834 й.да салт миниладиган соф зот ва 1839 й.да орлов зоти бўйича, 1903—08 й.ларда Курск, Харьков ва Шимолий қ. х. жамиятларининг Н.к. ташкил этилган. 1924 й.да ярославь, 1926 й.да қизил горбат, 1927 й.да холмогор ситғир зотлари тўғрисидаги китоблар чоп этилган.

Ўзбекистонда Н.к. биринчи марта 1941 й.да Н.А.Тетерин ва П.П.Есютинлар томонидан «Ўрта Осиёнинг зотли отлари» бўйича 1-жилд, шунингдек, 1950 ва 1960- й.ларда П. К. Трофимов ва В. А. Шчекинлар томонидан «Қорабайир зотлари» китобининг 2- ва 3-жилдлари, 1982 й.да К.А. Лихов, Н. Т. Горшков ва Т.Д.Сабзушекдар томонидан «Қорабайир зотлари»нинг 4-жилди тайёрланиб, нашр этилган. Қорамолчиликда 1958 й.да А.А. Атбашьян томонидан «Бушуев зот гуруҳи» давлат Н. к.нинг «Бушуев зотлари» давлат наслчилик китобининг 2-жилди тузилиб, бунда 45 бўқа ва 568 сигир ҳақидаги маълумотлар берилган. Қўйчиликда 1949 й.да «Ҳисор қўй зотлари»нинг 2-жилди ва 1980 й.да «Қорақўл қўй зотлари»нинг 11 жилди нашр этилган.

Китобда қайд этилган маълумотлардан и. ч.да кенг миқёсда фойдаланиш мумкин. Ушбу китоб республикада урчитилаётган наслдор қорамол, от, туя, қўй ва эчкиларни рўйхатга олиш, уларнинг маҳсулдорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиб, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида кенг тарғиб қилиш имконини беради.

Натулла Эшматов.

НАСЛЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ — чорва ҳайвонлари ва паррандаларнинг маълум бир зотига мансуб молларни урлум б-н шуғулланадиган хўжалик. Н.х. етакчи наслчилик з-ди б-н ҳамкорликда ягона селекцион дастур асосида маълум бир зотдаги молларни етиштириб кўпайтиради, уларнинг тип ва тизимларини такомиллаштиради. Наслчилик ишини олиб боришнинг асосий усули наслчилик з-дларидаги каби соф зотли урчитиш бўлиб, зотдаги тизим ва оилаларни такомиллаштириб, подаларни такомиллаштириш, наслдорлик сифатларини яхшилаш, янги типлар, зот гуруҳлари, линиялари, оилалари, кроссларни яратишдан иборат.

Республикада Н. ишларига Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси раҳбарлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Н. ишларига оид ҳар қандай муносабатлар 1995 й. 21 декда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида» қонуни б-н тартибга солинади.

Натулла Эшматов.

НАСЛЧИЛИК ЗАВОДИ — қ. *Давлат наслчилик заводи.*

НАСЛЧИЛИК КИТОБИ, насллар ҳайвонлар давлат китоби — зот стандартларига мос келадиган наслли молларни рўйхатга олиш китоби. Н.к.да хўжаликларда урчитилаётган ҳайвонлар зотларидаги энг машҳур эркак ва уруғчи ҳайвонларнинг келиб чиқиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар қайд қилиб борилади. Н.к. зотларни такомиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга. Дунёда биринчи марта Н.к. Англиядаги йўртоқи отларининг синов натижалари бўйича 1751 й.да нашр этилган. 1793 й.да нашр этилган китобда 1690 й.дан бошлаб йўртоқи соф зотли отларнинг генеалогик маълумотлари тўпланган. Кейинчалик қорамол зотлари: 1822 й.да шортгорн ва герисей; 1838 й.да

Шунингдек, ўз подасини тўлдиришдан ташқари олий наслчилик фермаларига, наслчилик репродукторларига ва деҳқон (фермер) ҳўжаликларига наслли моллар етказиб беради. Хўжаликда моллар ва паррандалар ҳар йили бонитировкадан ўтказилади, наслдор ҳайвонларни давлат китобига ёзишга кераклн ҳужжатларни расмийлаштиради.

Н.х. белгиланган тартибда ҳар беш йилда бир марта Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг Чорвачиликда наслчилик ишлари бош давлат инспекцияси томонидан давлат аттестациясидан ўтказилади. Н.х.нинг фаолиятига баҳо беришда хўжаликда олиб борилаётган наслчилик ишларининг аҳволига, чорва моллари бош сонига, маҳсулдорлигига ҳамда уларнинг соғломлигига алоҳида аҳамият берилади.

Ўзбекистонда Н.х.нинг бир неча тоифадаги тармоқлари ташкил этилган. Улар наслчилик з-длари, Н.х.лари ва наслчилик фермаларидир. 2003 й.да Н.х. тоифасида жами 357 та хўжалик ишлади. Барча тоифадаги Н.х.ларининг 44 тасини наслчилик з-длари, 66 тасини Н.х.лари ва 247 тасини наслчилик фермалари ташкил этди. Қорамолчиликда 16 з-д, 24 хўжалик ва 212 наслчилик фермаси, қорақўлчиликда 18 з-д, 13 хўжалик ва 3 ферма, думбали қўйчиликда 2 з-д, 3 хўжалик ва 14 ферма, эчкичиликда 1 та з-д, 2 та хўжалик ва 4 та ферма, йилқичиликда 3 та з-д, 1 та хўжалик ва 11 та ферма, туячиликда 2 та ферма, паррандачиликда 1 та з-д, 1 та I-тартибли ва 1 та II-тартибли репродуктор хўжалиги, балиқчиликда 1 та з-д, чўчқачиликда 2 та хўжалик, асаларичиликда 2 та хўжалик, 2 та ферма ва тут ипак қурти бўйича 3 та наслчилик ст-яси ва 15 та наслчилик з-ди мавжуд (2003) (яна қ. *Давлат наслчилик заводи*).

Натулла Эшматов.

«НАСОЙИМ ул-МУҲАББАТ» («Севги шабадалари») — *Алишер Навоий* асари. 1495—96 й.ларда Абдураҳмон Жомийнинг «Нафоҳат ул-унс» асари таъсирида ёзилган. Жомий асарига танқидий қараган Навоий «бурунги замондаги машойихдин барчасининг зикрин қилмайдурлар ва ўз муосирларининг кўпини, ўзларин ҳам битмайдурлар» дер экан, асарда Жомий, Лутфий, Ашраф Муфлисий, Шайх Санъон, Носир Хисрав, Насимий ва шулар қаторн Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний каби «турк машойихлари» ҳақида маълумот беради. Навоий асарда плова қилинган шахсларнинг фақат суфиёна қарашларигинагина ёритмасдан, адабиёт ва жамиятдаги ўрнини белгилашга ҳам катта эътибор берган. «Н. ул-м.» Навоийнинг

дидактик қарашлари, таржимонлик ва талқиқотчилик фаолияти ҳамда эстетик қарашларини ўрганиш учун муҳимдир. «Н. ул-м.»нинг баъзи нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади (инв. № 3415, 857 3420, 8514, 1825).

НАСОРО (араб. — насроний сўзининг кўплиги; масиҳийлар, христианлар) — Қуръонда Исо пайғамбарга эргашган диндорларнинг аталиши. Ривоятларга кўра, Исо Масиҳ Носира номли шаҳарда туғилган бўлиб, уни Носирий деб атар эдилар. Унга эргашган кишини эса насроний деб юрита бошлаганлар. Н. Исо Масиҳни илоҳийлаштиргани учун ислом дини нуқтаи назарида ширк аҳлидан ҳисобланадилар. Зеро исломда Аллоҳ таолога ҳеч бир нарсани тенглаштириш, ҳатто ўхшатиш мумкин эмас. Н. эса Исо Масиҳни *муқаддас учлик*нинг бири деб унга эътиқод қилади. Шунинг учун ҳам Қуръоннинг кўп оятларида Н. тилга олинади ва Муҳаммад (сав)ни эътироф этишга даъват қилинади.

НАСОС — суюқликни босим остида сўриш ва ҳайдаш, газларни сиқиш ёки сийраклантириш, сочилувчи жисмларни сўриш ва ҳайдаш учун ишлатиладиган қурилма (гидравлик ёки пневматик машина, аппарат ёки асбоб). Суюқликларни босимсиз ҳаракатлантириш учун мўлжалланган қурилмалар сув кўтариш машиналари деб аталади. Н.нинг асосий параметри — маълум вақт ичида (вақт бирлигида) ҳайдаладиган сув, газ ёки ҳаво миқдори. Баъзан Н.лар учун босим (P ва H), истеъмол қуввати N ва ф. и. к. ҳам муҳим.

Қадимда ҳам Н. яратишга уринилган. Мас., қадимги Ўрта Осиё ҳудудида чархпалаклар ёрдамида сув чиқаришган. Юнон механиги Ктесибий ўт ўчириш учун мўлжалланган биринчи Н.ни ихтиро қилган. 18-а. бошларига қадар, асосан, сув кўтариш машиналари ишлатилган. Бут машинаси яратилгандан сўнг уларнинг ўрнини аста-секин Н. эгаллай бошлади. 18-а. охирларида поршенли Н. таррақиёти жадаллашди. 19-а. ўрталарида поршенли буғ Н.лари кенг ишлатила бошлади. Шу даврда парракли Н. ҳам пайдо бўлди. 20-а. 20—30-йилларидан бошлаб, баъзи соҳаларда поршенли Н. ўрнига марказдан қочма, роторли Н.лар ишлатила бошлади.

Н. тараққиётининг иккинчи йўналиши айланувчи (роторли) Н. яратилишидан бошланади. 17-а. бошида яратилган икки роторли Н. ҳозирги тишли ғилдиракли Н.га ўхшайди. Кейинчалик роторли Н.нинг бошқа хиллари пайдо бўлди. Немис муҳандиси С. Хинс 1920 й. марказдан қочма қурилма деб аталган биринчи сўрувчи уюрма Н.ни таклиф қилди.

Суюқликни ҳайдашда марказдан қочма кучдан фойдаланиш гоясини 15-а.да *Леонардо да Винчи* илгари сурган. 17-а. бошида француз муҳандиси Бланкано сув чиқаралиган оддий марказдан қочма Н.ни ясаган. Иссиқлик двигатели ва электр двигатели пайдо бўлгандан сўнг марказдан қочма Н. кенгроқ қўлланила бошлади. 19-а. охири ва 20-а. бошларида парракли ва бурилма куракли Н.лар яратилди.

Суюқликни босим остида ҳайдашнинг учинчи йўналиши — Н.-аппаратлар яратишдан иборат бўлади. Ювонистонда қиздирилган ҳаво ёки сув бути ёрдамида илинадиган сувни сиқиб чиқарадиган қурилма яратилган. Сувни ҳайдашда синалган ҳаводан фойдаланиш гояси 20-а.да амалга оширилган. Н.-аппаратларнинг хилларидан бири — сув оқимли Н.; уни инглиз олими Д. Томпсон 1852 й.да таклиф қилган. У сув ва ҳавони сўриш учун ишлатилган. Кейинчалик сувли *эжектор*, буғ-сувли эжектор ва б. тарзидаги Н.лар яратилди. қулоқлардан сув чиқарадиган гидропневматик сув чиқаргич таклиф қилинди. 20-а. бошларида магнит-гидродинамик Н.ларнинг яратилиши Н.-аппаратларни такомиллаштириш йўналишларидан бирига айланди. Атом энергетикасининг тараққиёти муносабати билан 20-а. 50—60-й.ларидагина бундай Н.лар кенг қўлланила бошлади.

Н., асосан, парракли, уюрма ва ҳажмий хилларга, булар эса яна бир неча турларга бўлинади. Парракли Н. двигатели ғилдиракни айлантирганда парраклари суюқлик оқимига таъсир қилади ва уни ҳаракатлантиради. Парракли Н.нинг марказдан қочма, диагонал ва ўқавий (ўқ бўйлаб ҳайдайдиган) хиллари бор. Булар суюқликни сўриш хусусиятига эга бўлмагани учун уларни юргизиб юборишда сўриш трубаси ва ғилдиракка суюқлик қуйилади. Парракли Н. 1 — 2500 м сув устунига тенг босим керак бўлган жойларда ишлатилади. Ф. и. к. — 90 — 92%. Уюрма Н.да двигатель энергияси уюрма ҳосил қилади; уюрма суюқликни илаштириб, ҳаракатланишга мажбур қилади. Уюрма Н. қонушоқлиги кам суюқликларни ҳайдаш учун қуввати бир неча кВт дан ошмайдиган стационар ва кўчма қурилмаларда ишлатилади. Босими парракли Н.га қараганда 2 — 10 марта ортиқ. ф.и.к. — 25 — 50%.

Ҳажмий Н.да суюқлик Н.нинг берк бўшлиғидан қувурларга поршень (плунжер), шестерня, винт, кулачок ва б. таъсирида ўтказилади. Н.га киритган ва ундан чиқаётган суюқликнинг солиштирма энергиялари фарқи босим деилади. Ҳажмий Н.нинг поршенли (плунжерли), мембранали, роторли ва б. хиллари бор. Поршенли Н.да суюқлик иш камераларн ҳажмининг ўзгариши ҳисобига ҳаракатланади. Роторли Н. шестерняли, пластинкали ва б. хилларга бўлинади.

Н.лар сув таъминоти тизимларида, нефть чиқариш, нефть маҳсулотлари ва газларни ҳайдашда, кема ва гидропресс қурилмаларида, автомобилларда, бинолари шамоллатишда ҳамда техниканинг бошқа соҳаларида кенг қўлланилади.

НАСОС (лот. Antlia) — осмон гумбазининг Жан. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузлари 4,0 визуал юлдуз катталигида. Февдл яхши кузатилади. Жан. ва марказий ҳудудларда кўринади.

НАСОС СТАНЦИЯСИ — суюқликларни юқорига кўтариш учун мўлжалланган бино; насос агрегати ва қувурлардан иборат иншоот. Н. с.га бошқариш аппаратлари, электр Н. с.да эса тақсимлаш қурилмалари, пасайтириш подстанциялари, йиғиш-сўриш ва босим коллекторлари, қўшимча жиҳозлар (асосий насосларни ишга туширадиган вакуум-насослар, ёнғинга қарши жиҳозлар, мой хўжалиги ва б.) киради. Насос агрегати сўриш қувури, насос, двигатель, узатиш механизми, тескари клапанли босим трубопроводи ва зулфиндан иборат бўлади. Мелиоратив (суғориш) Н. с.нинг қўғалмас ва сузувчи хиллари бор. Сузувчи Н. с.да насос ва куч қурилмалари понтон ёки баржаларга ўрнатилади. Кема қатнайдиган йирик каналларни сув б-н таъминлаш, сув омборларини сув б-н тўлдириш, суғориш иншоотлари ва б. учун йирик Н. с. қўлланилади.

Қарши магистрал каналидаги 7-кўтарма насос станцияси.

Водопровод Н.с. сувни манбадан сув таъминоти жойига кўтарувчи ва ундан водопровод иншоотларига ёки резервуарга ҳамда тўпланган сувни водопровод тармоғига узатувчи кўтариш ст-яларидан иборат. Канализация Н.с. панжарали ва мандалагичли резервуар, машина зали (насосхона) ва б.дан иборат. Бундай Н.с. ер устида ва ер остига урнатилади. Халқ хўжалигида Н. с.нинг аҳамияти катта. Айниқса, баланд жойларга сув чиқаришда Н. с. жуда қул келади.

НАСОС-ФОРСУНКА — *форсунка* б-н бирлаштирилган бир *плунжерли* юқори босим қурилмаси. *Дизель* двигатели цилиндрларининг қисилишидан алангаланадиган камерасига ёнилғи пуркаш учун ишлатилади.

НАСР (араб. — кўмак, ёрдам), проза — адабий тур; *назм* ва *қофия* сингари *шеъриятга* хос унсурларга эга бўлмаган ёзма нутқ маҳсули. Европа халқлари адабиётида бўлганидек, Шарқ халқлари адабиётида ҳам Н. ёзма нутқ шакли сифатида шеъриятга нисбатан кечроқ пайдо бўлган. 5—8-а.ларга оид Урхун-Енисей ёдгорликларини туркий халқлар адабиётидаги Н.нинг энг қад. намуналари, деб ҳисоблаш мумкин. Шеъриятнинг ривожланиши «Қутадғу билиг» (Юсуф Хос Ҳожиб) ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ» (Аҳмад Югнакий) каби достонларнинг яратилиши б-н бирга 10—12-а.ларда Абдулмуайяд ва Абуали Балхийларнинг «Шоҳнома», Абдулмуайд Балхийнинг «Гершаспнома», Ҳомидиддин Балхийнинг «Мақомати Ҳомидий», Саиддаддин Муҳаммад Авфий Бухорийнинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт» («Ҳикоялар тўплами ва ривоятлар ёлқини») сингари насрий асарлари вужудга келди. 14-а. бошларида Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий», Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» сингари насрий асарлари, айниқса, «Бобурнома»нинг яратилиши б-н ўзбек адабиётида миллий Н.нинг асосий қирралари нурланиб кетди. Аммо шунга қарамай, ҳоз. тушунчадаги Н.нинг тараққиёти бевосита 20-а. б-н — замонавий адабиётнинг шаклланиш ва ривожланиш даври б-н боғлиқ. Худди шу даврда том маънодаги ўзбек бадиий Н.и яратилди ва у адабий тур сифатида ўз шохобчаларига эга бўлди.

20-а. бошларида вақтли матбуотнинг пайдо бўлиши, газ. ва жур. саҳифаларида Чўлпоннинг «Қурбони жаҳолат», «Дўхтир Муҳаммадёр», Қодирийнинг «Жувонбоз», «Улоқда» сингари ҳикояларининг яратилиши, Ҳамзанинг «Янги саодат», С. Айнийнинг «Бухоро жаллодлари», «Одина» қиссалари, Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романининг ёзилиши қилиниши б-н замонавий реалистик ўзбек Н.и узил-кесил шаклланди. Бу Н. мумтоз ўзбек адабиётидаги Н.дан дастлавал ижобий ва салбий қаҳрамонлар образи, сюжет ва композицияси, бадиий конфликтга эгалиги, ҳаётий ёки афсонавий-фантастик воқеаларни муайян бадиий тил ва услубда тасвирлаб берганлиги ҳамда бадиий қонуниятларга тўла риоя этиб ёзилганлиги б-н фарқланади.

Агар насрий нутқ янги пайдо бўлганида, шеърий нутқ сингари, жимжимадор ва баландпарвоз бўлган бўлса, 20-а.нинг 1-чорагига келиб, ортиқча ҳашамлардан холи бўла бошлади, реалистик тасвирнинг қонун-қоидаларига тобора бўйсуниб борди. Н.га жонли тил хусусиятлари, прозаизм (машиий турмуш белгилари), диалектизм (шевачилик) унсурлари кириб келди. Бадиий соддалик, тадбийлик, реал ҳаётга яқинлашиш майли Н.нинг асосий мезонларига айланди. Шу б-н бирга ёзувчилар Н.нинг бадиий нутқ кўринишн эканлигини ҳам унутмадилар. Улар хусусий ижодий услубларн ва ёзилаётган асар характеридан келиб чиққан ҳолда зарур ритм (оҳанг)ни танлаб, тасвир воситаларидан самарали фойдаландилар ва фойдаланмоқдалар.

Бадиий адабиёт сўз санъатидир. Сўз Н.да ҳам асосий тасвир материали бўлиб хизмат қилади. Аммо у, шеъриятдаги сўздан фарқли ўлароқ, китобхоннинг диққат-эътиборини ўзига қаратмайди. Аниқроқ айтганда, сўз Н.да характерлар яратувчи, роман ёки ҳикоядаги бадиий оламни ташкил этувчи воқеалар, ҳаракатлар ва б.нинг, яъни асар сюжетининг бадиий мужассамланишига ёрдам беради; сўз Н.да тасвир воситасидир. Агар шоир (муаллиф) сўзи устуворлик қилгани ва персонаж сўзи ҳам шоир (муаллиф) сўзи б-н уйғун бўлгани учун шеърият монологик ҳодиса ҳисобланса, Н. диалогик ҳодисадир. У ўзига ранг-баранг, ҳатто бир-бирига мувофиқ бўлмаган овозларни «йиғиб» олади. Бадиий Н.да носир (муаллиф), ҳикоянавис ва персонажларнинг овозлари ўзаро мураккаб алоқага киришиб, сўзга сермаъноликлик, серйўналишлик хусусиятларини бағишлайди. Н., шеърият сингари, реал воқеликка ўзгача тус бериб, ўзига хос бадиий оламни яратади.

Н. адабий тур сифатида турли шохобчалардан ташкил топади. Бу шохобчалар жанр деб аталади ва қуйидагича таснифланади: *очерк, ҳикоя, қисса, роман, эпопея*. Бу жанрларнинг ҳар бири, ўз навбатида, янги-янги кўринишларга бўлинади. Мас., тарихий роман, биографик роман, психологик роман, саргузашт роман, илмий-фантастик роман ва б.

Н. б-н назм ёки шеърнятнинг ўзаро бир-бирига яқин шаклари ҳам мавжуд. Агар лирик проза ёки лирик Н., шунингдек, насрий шеър Н.нинг шеъриятга хос лирик туйғу ва оҳанглар устуворлик қилган кўринишлари бўлса, сочма, сарбаст шеър ёки эркин шеър шеъриятнинг Н.га хос белгиларига эга шаклларидир. Агар Қодирий, Чўлпон ёки Ойбек романларида лирик ҳарорат ва нафосат ёғдулари жилва бериб турса, Абдулла Қаҳҳор, Шукур Холмирзаев ҳикояларида шафқатсиз реализм унсурлари кўзга яққол ташланиб туради. *Тоғай Мурод* романлари услубида эса ритмик Н. белгилари устувордир. Ҳоз. ўзбек Н. ҳар томонлама бадиий юксакликка эришган ва жаҳон Н.нинг энг яхши тажрибалари ва анъаналари б-н бойиган.

Наим Каримов.

НАСР — 1) Шашмақом мажмуасидаги мақомларнинг ашула бўлими. Н. ҳар бир мақомда мушкилот бўлимидан кейин жойлашган бўлиб, ўз навбатида, шўъбаларнинг 2 катта гуруҳидан ташкил топади. Биринчи гуруҳ Сарахбор, Талқин, Наср (ўз тароналари б-н) ҳам-да якунловчи Уфар қисмини (Супо-рицин б-н), иккинчиси эса, асосан, Савт ва Мўғулча ва шўъбаларини ўз ичига қамраб олади; 2) Шашмақом мажмуасидаги мақомларнинг ашула бўлимида 1-гуруҳни ташкил этувчи шўъбалардан бири. Н. Сарахбор ва Талқин шўъбаларидан кейин келиб, сўнгра Уфарга уланади. Шашмақомда Н. йўлида басталанган жами 14 намуна мавжуд. Улар Бузрук мақомида — Н.и Уззол, Насруллойи, Ростда — Н.и Ушшоқ, Наврўзи Сабо, Наво мақомида — Н.и Баёт, Ораз Наво, Ҳусайнийи Наво, Дугоҳда — Н.и Чоргоҳ, Ораз Дугоҳ, Ҳусайнийи Дугоҳ, Сегоҳ мақомида — Н.и Сегоҳ, Наврўзи Хоро, Наврўзи Ажам, Ироқда — Муҳайяри Ироқ деб номланади. Н. йўлида басталанган асарлар Хоразм мақомлари, Фарғона—Тошкент мақом туркумларида ҳам асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Ўтмишда Н. ашула йўлларини муфассал ижро этувчи ҳофизларни «насрчи» деб юритилган.

Равшан Юнусов.

НАСР ибн АЛИ, Наср (? — 1012) — Мовароуннаҳр илиҳони (999—1012). *Қорахонийлардан*. Бухорони эгаллаш б-н Мовароуннаҳрнинг босиб олинишини ниҳоясига етказган (999 й. окт.). Сомонийлар амири Абдулмалик ибн Нуҳ ва унинг қариндош-уруғларини асир қилиб, Ўзгандаги зиндонга ташланган. Шу тариқа қудратли бўлган сомонийлар сулоласи қулаган. 1000—1005 й.ларда илик Н. ибн А. сомонийлар ҳоки-

миятини тиклашга ҳаракат қилган *Мутасим*га қарши курашган ва галаба қилган. 1000 й. *Маҳмуд Ғазнавий* Н. ибн А. б-н ўз ерлари ўртасидаги чегараларни белгилаш тўғрисида битим тузган, унга кўра, Амударё асосий чегара қилиб белгиланган. Натижада сомонийлар давлати ўрнида иккита янги давлат ташкил топган: биринчиси — Қашқардан Амударёгача чўзилган, Шарқий Туркистоннинг бир қисмини, Еттисув, Шош, Фарғона ва қад. Суғд ҳудудини ўз ичига олган қорахонийлар; иккинчиси — Шим. Ҳиндистон чегарасидан тортиб Каспий денгизининг жан. қирғоқларигача чўзилган, ҳоз. Афғонистон ва Шим.-Шарқий Эрон вилоятларини ўз ичига олган *Ғазнавийлар давлати*.

Бироқ Н. ибн А. Хуросонни босиб олиш ниятидан бутунлай воз кечмаганди. 1006 ва 1008 йилларда қорахонийлар Хуросонга икки марта юриш қилганлар. 1006 йдаги юриш чоғида Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистонда эди. Қорахоний қўшинлари Балх, Тус ва Нишопурни босиб олганлар. Бироқ Маҳмуд Ҳиндистондан қайтиб келиб, уларни қувиб юборган. 1008 йдаги Балх яқинидаги жангда Маҳмуд қўшинида 500 та фил бор эди. Н. ибн А. қўшини тор-мор этилиб, қорахонийларнинг Амударёнинг жан.даги ҳудудларини эгаллаш йўлидаги ҳаракатлари шу тарзда тўхтатилган. Н. ибн А. ниҳоятда жасур ва довюрак, имон, эътиқодли шахс бўлиб, у ҳақда кўплаб ривоятлар тўқилган. *Жамол Қарший*нинг ёзишича, Н. ибн А. буюк номдор хоқон, жуда кўп фазилатлар соҳиби бўлган ва ҳижрий 402 й. (1011 —12)да Ўзганда вафот этиб ўша ерда дафн этилган.

Ад.: Бартольд В.В., Сочинения, т.2(1), М., 1963; Материалы по истории Средней и Центральной Азии X — XIX вв., Т., 1988; Самарқанд тарихи, 1-ж., Т., 1971.

НАСР ибн АҲМАД, Наср I ибн Асад Сомоний (тахм. 848 — 893) — сомонийлар сулоласи бошлиғи, Самарқанд ҳокими (865—892). Н. ибн А. Норин дарёси бўйидаги Ҳайлам қишлоғида туғилган. 874 й. Хуросон ҳукмдори Муҳаммад ибн Тоҳирнинг укаси Ҳусайн ибн Тоҳир Бухорога бостириб келган. Бухоро халқи зулмга қарши кўзголон кўтарган ва Н. ибн А. ҳузурига элчилар жўнатиб, сомонийлар хонадонидан бир кишини Бухорога ҳоким қилиб юборишини сўраган. Н. ибн А. ўз укаси *Исмоил Сомоний*ни Бухорога ноиб қилиб юборган. Шундан сўнг Н. ибн А. ўзини бутун Мовароуннаҳр бошлиғи деб билган ва кумуш дирҳамлар зарб қилдирган (илгари дирҳам тангалар зарб қилишга фақат *тоҳирийлар*нинг ҳуқуқи бор эди). Исмоил бўлса, акасига итоат этмай қўйган ва улар ўртасида 888 й. тўқнашув бўлиб Н. ибн А. қўшинлари бутунлай тор-мор келтирилган.

НАСР ибн АҲМАД, Наср II Ибн Исмоил Сомоний (тахм. 906—943) — *Сомонийлар давлати* ҳукмдори (914—943). Давлатни 8 ёшли Н. ибн А. номидан вазир *Жайҳоний* бошқарган. Бу даврда сомонийлар сулоласи ичида тахт учун курашлар кучайган. Н. ибн А. тахтга ўтирини б-н амакиси Исҳоқ қўполон кўтарган. Хартанда Н. ибн А. ва Исҳоқ қўшинлари ўртасида жанг бўлиб ўтган. Жангда Исҳоқ қўшини енгилган. Хуросон ва Нишопурда сомонийларга қарши исёнлар қўполонлари бўлиб ўтган. Исёнлар тарғиботи шу қадар авж олганки, ҳатто Н. ибн А.нинг ўзи ҳам шиа мазҳабини қабул қилишга мажбур бўлган. Бундан норози бўлган суннийруҳонийлар турк гвардияси ёрдамида Н. ибн А.га қарши фитна уюштиришган. Бундан хабар топган Н. ибн А. фитнани фош этиб, ўз ўғли Нуҳ фойдасига тахтдан воз кечган.

НАСР ибн САЙЁР ал-Лайсий ибн Лайс ибн Рофеъ ибн Робиъа ибн Журай ибн Ауф ибн Амир (тахм. 666—748) — машҳур араб саркардаси, Хуросон волийси (738—748). Арабларнинг муларий қабиласидан. 728—29 йларда Самарқанд ноиби, сўнгра Балх ва бутун Хуросон ноиби. *Қутайба ибн Муслим*нинг Мовароуннаҳрга қилган юришларида иштирок этган. *Табарий*нинг ёзишича, Ҳурҳсон Н. ибн С. даврида ниҳоятда равнақ топган. Н. ибн С. Мовароуннаҳрни узил-кесил арабларнинг қўл остига ўтишига катта ҳисса қўшган. Ўрта Осиёда *Ҳорис ибн Сурайж* ҳаракатини бостириш учун 738—739 йларда Самарқанд, Чоч, Фороб ва Фарғонага бир неча бор юриш қилган. Н. ибн С. Мовароуннаҳрда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун молия ислоҳотини ўтказади, шунингдек, исломни янги қабул қилган кишилар *жизя* солигидан озод қилинадилар, барча мусулмонлар ҳуқуқ жиҳатдан тенглаштирилганлар. Ер эгаси, эътиқодидан қатъи назар, *хирож* тўлаши шарт қилиб қўйилган. Н. ибн С. маҳаллий зодагонлар (деҳқонлар) ёрдамида мамлакатни итоатда тутиб туришга интилган. Шу мақсадда у халифалик томонига ўтган йирик деҳқонларнинг аввалги имтиёзларини тиклайди, *бухорхудотлар*нинг қизига уйланади. Аммо шунга қарамай мамлакатдаги халқ озодлик ҳаракатларига барҳам бера олмайди. *Абу Муслим* б-н бўлган бир неча жангда маглубиятга учрагач, (қ. *Абу Муслим ҳаракати*), Ироққа йўл олган. Исфаҳон рустоқларидан бири Сава (Савот, Савах)да вафот этган.

Манбалар: История ат-Табари, Т., 1987; Абу Са'ид Гардизи. Заин ал-ахбар, Т., 1991.

НАСРИДДИН АФАНДИ — қ. *Афанди*.

НАСРИДДИНБЕК, Насриддинхон (1850, Қўқон —1876 йдан сўнг, Тошкент), — Қўқон хони (1875 й. июль—окт.). Андижон ҳокими (1865—75). *Худоёрхон*нинг катта ўғли. «*Нусратхон-кўршонни* даврида *Абдураҳмон офтобачи* бошлиқ бир неча амалдорлар томонидан отасига қарши уюштирилган фитнада қатнашган ва Тошкентга қочиб кетган Худоёрхон ўрнига хон қилиб кўтарилган. К.Н. *Кауфман* 1875 й. 22 сент.да Н.ни Марғилонда оғир шартлар битилган шартномага имзо чекишга мажбур қилади. Унга кўра, Н. ўзини Россия вассали деб тан олган. Сирдарёнинг ўнг соҳилидаги ерлар Наманган ва Чуст шаҳри б-н бирга Россия ихтиёрига ўтиши ва 2 млн. рубл миқдорида контрибуция (товон) тўланиши лозим бўлган. Мазкур битимдан норози бўлган халқ қўполончилар Қўқонни эгаллашган. Н. Хўжанд орқали Тошкентга келган. Н. Андижонда муҳтасиб мадраса ва жоме масжидини қурдирган.

Ад.: Мирзаолим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи, Т., 1995; Бобобеков Х.Н., Қўқон тарихи, Т., 1996.

НАСРИДДИНОВ Латиф (1918 — Тошкент — 1943) — 20-а. ўзбек рангтасвирчи рассомларидан. Тошкент рассомлик билим юртида таълим олган (1934—38). Натюрморт, портрет жанрида ижод қилган. Ижодини портретлар яратиш б-н бошлаган. Рассом асарларида шаҳслар ўйчан ҳолатда тасвирланган («Ота портрети», 1938 ва б.), бўёқ қатлами қалин ишлатилган ҳамда пухта ва пишиқ ётқизилган, тасвир шакли ва ранг-лар жозибали ва ифодали бўлиши воситасида бадиий образлар яратишга эришган («Она» портрети, 1940; «Автопортрет», 1942 ва б.). Натюрмортлар, лавҳалар, «Лайли ва Мажнун учрашуви», «Лайли изтироби», «Мажнун саҳрода», «Мажнун ўлими» каби композициялар яратган. Асарлари Ўзбе-кистон давлат санъат музейида сақланади.

НАСРИДДИНОВА Гулихон (1949.10.7, Тожикистон Республикасининг Кўлоб ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1997). Термиз пед. ин-тининг чет тиллар ф-тини тугатган (1971). 1971 йдан Узун туманидаги 4-мактабда, 1997 йдан 4-ихтисослаштирилган интернат мактабида инглиз тили ўқитувчиси. Н. ҳар бир дарсни пухта, жонли, техник воситалар ва тест синовлари асосида ташкил этади. У иш фаолияти давомида давлат таълим стандартларини жорий этиш мақсадида ноанъанавий дарс усуллари (семинар-дарс, конференция-дарс, савол-жавоб, экскурсия-дарс)дан фойдаланади.

НАСРИДДИНОВА Ёдгор Содиқовна (1920.26.12, Қўқон) — давлат ва жамоат арбоби. Тошкент темир йўл транспорти ин-тини тугатган (1941). Тошкент темир йўл бекатида муҳандис (1941—42). Комсомол ва партия органларида раҳбар лавозимларда (1942—52). Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати вазири (1952—55). Республика Министрлар Совети раиси ўринбосари (1955—59). Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг раиси (1959—70). Нитифоқ Олий Совети Миллатлар Совети раиси (1970—74). СССР Қурилиш материаллари саноати вазири ўринбосари (1974—78). 1978 й. декдан нафақада.

НАСРИДДИНШОҲ (1831—1896.1.5, Теҳрон) — Эрон шоҳи (1848—96). *Қажарлар* сулоласидан. Унинг даврида *бобийлар қўзғолонлари* шафқатсизлик б-н бостирилган. Н. даврида Европа мамлакатларининг Эрондаги сиёсий ташкил кучайган. Н. чет эл (инглиз ва рус) сармоядорларига телеграф, банк, йўл ва б. *концессия*ларини берган. 1892 йда Англиядан давлатни асоратга солдирган катта қарз олган. Чет эл тамаки концессиясига қарши кўтарилган ҳаракатни жазолагани учун махфий террористик ташкилот вакили Мирзо Ризо Кермоний томонидан ўлдирилган.

НАСРИЙ ШЕЪР — лирик кечинмаларнинг сочма бадиий нутқ шаклидаги ифодаси. Н.ш.да характернинг тараққиёти кўрсатилмай, унинг оний ҳолати тасвирланади. Муаллиф нутқининг ҳиссиётга бойлиги, индивидуал эмоционал бўёқнинг устунлиги, нутқнинг маълум ритмик қонуниятга мослиги, ниҳоят, ўзига хос интонацияга эгалиги, паузанинг кўплиги Н.ш.нинг муҳим хусусиятидир. Унда баъзан алоҳида сўз бир ёки бир неча гапга тенг келади. Кўп ҳолларда ган ёки сўзлар сўроқ, ундов оҳангига эга бўлади. Н.ш. баъзан лирик наср деб юритилади. *Оибек*, *Ўлмас Носир*, *Миртемир* ва б. ижодида Н.ш.нинг яхши намуналари бор.

НАСРОНИЙЛИК (араб.) — қ. *Христианлик*.

НАСРУЛЛАХОН (1806.1.6 — Бухоро 1860.21.9) — Бухоро амири (1826 — 1860), *мангитлар*дан. Амир *Ҳайдар*нинг ўғли. Отасининг ҳукмронлиги даврида Қаршида ҳокимлик қилган. Амир Ҳайдар вафотидан сўнг ҳокимият учун курашларда акалари амир Ҳусайн (1797—1826) ва амир Умар (1826й. в.э.)ни ордан кўтариб, Бухоро тахтига ўтиради (1826).

Н. ўз ҳукмронлиги даврида илғор шариати кўрсатмаларига қатъий амал қилган. Н. жасур ва довюрак киши бўлганлиги боис унга «баҳодир», «ботир» унвонлари берилган. Н. давлат ҳокимиятини мустаҳкамлаш мақсадида уруғ ва қавм бошлиқлари бўлган қизилбош амалдорларни қуйи табақалардан чиққан ёш ва ғайратли кишилар б-н алмаштирди. 1837 йда ҳарбий соҳада ислоҳотлар ўтказиб, ўз қўшинининг жанговар ҳолатини ихшилади. Ҳар бири 800 кишидан иборат 50 та сарбозлар бўлуқлари ва 250 кишилик тўпчилар гуруҳи ташкил қилинган. Мунтазам пиёда қўшинининг сони 40000 кишидан ортиқ бўлган.

Н. Хива ва Қўқон хонликларини Бухоро атрофида бирлаштиришга уринган. Мамлакатнинг ҳудудий яхлитлигини тиклаш учун Қўқон хонлари томонидан тортиб олинган Ҳўжанд, Ўратепа, Тошкент, Жиззах ва Зомининг Бухоро амирлигига қайтарди (1840—42). Фарғона водийси уламоларининг талаби б-н Қўқонга юриш қилиб, хонлик Эшони Пир, Мирзо Убайд, Модорихон, Исмоилхўжа (1829) Алий Чўбин, Мирзо Абдулғаффор, Тожидин мадрасалари (1860) қурилди, Халифа Хурдойдоҳ меъморий мажмуасининг қурилиши якунланди (1855). Бу пайтда тарихчи *Муҳаммад Миролим Бухорий* «Фатҳноман султоний» («Султон фатҳномаси») асарини ёзган. Кейинчалик машҳур аллома бўлиб етишган ёш Аҳмад Донини Н. назарига тушиб, саройга хизматга олинган. Н. Бухорода дафн этилган.

Ад.: Трактат Ахмад Донниша «История мангытской династии». Душанбе, 1967; Мирза Абдал'азим Сами. Тарихи салатин-и мангитийа. М., 1962; Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти, 1-қисм, Т., 2000.

НАСРУЛЛО ҚЎШБЕГИ (19-а. ўрталари — 1918, Қармана) — *мангитлар* даврида нуфузли сарой арбоби, *қўшбеги*. Амир *Абдулаҳад*, ҳукмронлиги даврида аввал Шаҳрисабз ҳокими, сўнгра саройда хизмат қилган. *Бухорода 1910 й. январь воқеалари*дан кейин Остонақул қўшбеги ўрнига қўшбеги (бош вазир) қилиб тайинланган. Саид *Олимхон* ҳукмронлиги даврида Н.қ. мамлакатда амирдан кейинги нуфузли шахс сифатида мамлакатнинг асосий ишлари б-н шуғулланган. Рус тилини яхши билгани учун амир номидан Россия империясининг Бухородаги сиёсий агенти б-н бевосита мулоқотлар ўтказган, бир неча марта Россияга борган.

Н.қ. Бухородаги *жадидчилик* ҳаракатига хайрихоҳлик б-н қараган. Амир Олимхон томонидан Бухорода ислоҳотлар ўтказиш тўғрисидаги фармон қабул қилинишида муҳим роль ўйнаган (1917 й. 7 апр.). Лекин *Бухорода 1917 й. апрель тамойилчилари*дан кейин Олимхон Н.қ.ни жадидларни қўллаб-қувватлаганликда айблайди ва уни лавозимидан олиб ташлаб, ўрнига мутаассиб Низомиддин Урганжийни қўшбеги қилиб тайинлади (1917 й. 15 апр.). Н.қ. Карманага жўнатилади ва маҳбусликда сақланади. У *Колесов воқеаси*дан кейин амир Олимхоннинг фармонига биноан, 17 кишилик ишлаш ишлаши ва бутун қариндош-уруғлари б-н бирга ўлдирилган.

Ад.: Айний С., Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. М., 1926; Фитрат, Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври, Т., 1992; Хўжаев Ф., Бухоро инқилобининг тарихига материаллар, Т., 1997; Муҳаммад Али Баҳжувоний, Тарихи иофеий (Фойдали тарих), Т., 2001.

Каҳрамон Рамазон.

НАСРУЛЛОЙИ — ўтмишда (16-а.) яшаб ижод этган машҳур бастакорнинг исми (таҳаллуси)га нисбат бериб аталган мусиқий асарлар номи. Шашмақомда Бузрук мақоми Мушкилот бўлимида «Муҳаммасиҳ Н.» номи б-н асосий чолғу қисмларидан бири сифатида ўрин олган. Ушбу мақомнинг ашула бўлимида Н. *наср* йўлида яратилган шўъбалардан биридир. У ўзининг куй қиёфаси жиҳатидан Бузрукнинг бошқа шўъбаларидан бирмунча фарқ қилади. Ички тузилиши бўйича Н. чол-

гу муқаддимма, даромад, миёнхат, дунаср, Турк авжи, туширим куй жумлаларидан ташкил топган. Н. шўъбаси ўзидан сўнг келадиган 3 Таронага эга. Н.нинг бош куй мавзуи бошқа шўъбаларда намуд сифатида ишлатилади.

Хоразм мақомларида ҳам Бузрук мақоми айтиш йўлидан ўрин олган бўлиб, наср шўъбаси услубида яратилган намуналардан. Тошкент — Фарғона мақом йўллари қаторида Н. 5 қисмли чолғу куйлар туркуми сифатида маълум. Унинг қисмлари ҳар хил вазн ва доира усулларига туширилган бўлиб, иккинчиси (чапандоз)нинг ашула йўли ҳам мавжуд.

НАССАУ, Нассо — Багама Ороллари пойтахти, Нью-Провиденс о.нинг шим. соҳилида. Иқлими тропик иқлим; янв.нинг ўртача т-раси 21°, июлиники 28°. Йилига ўртача 1150 мм ёғин ёғади. Аҳолиси 172 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Атлантика океани соҳилидаги порт; четга денгиз булути, сизаль, цитрус мевалар чиқарилади. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Халқаро миқёсдаги молиявий марказ (250 дан ортиқ банк муассасалари бор). Иқлим курорти. Туризм ривожланган. Аҳолининг катта қисми сайёҳларга хизмат кўрсатиш б-н банд. Озиқ-овқат, нефтни

Нассау шаҳрининг соҳил қисми.

қайта ишлаш саноати корхоналари, кема верфи мавжуд. Шаҳарга 1656 й.да асос солинган ва Чарльзтаун деб аталган. 1694 й.да испанлар томонидан вайрон қилинган. 1696 й.да қайта қурилиб, Н. деб номланган. Н. — мамлакатнинг маданий маркази. Кутубхона, музей, коллежлар бор. Меъморий ёдгорликлардан Монтегю ва Финкасл фортлари, собор сақланган.

НАСТАРИН, сирень (Syringo) — зайтундошлар оиласига мансуб барги тўкиладиган бута ёки дарахтлар туркуми; манзарали ўсимлик. 30 тури бор, асосан, Евросиёда тарқалган. Жўда кўп мамлакатларда экилади. Ўзбекистонда оддий Н. (S. vulgaris), форс Н. (S. persica), хитой Н. (S. chinensis) ва б. устирилади. Барги, асосан, оддий, яхлит,

Настарин.

баъзан кесик ёки патсимон қирқилган. Гули майда, ранги оқ, пушти, қизил. Икки жинсли, хушбўй, тўпгули рўваксимон, барг ёзини б-н бир вақтда гуллайди. Маданий навлари гултўпламн уз. 25—30 см гача боради. Тез ўсади. Апр.—май (жан. р-нларда), май—июнь (шим. р-нларида гуллайди. Меваси икки уяли кўсак. Уруғидан, пархиш усули б-н ва қаламчасидан кўпайтирилади. Н.нинг турли-туман навлари яратилган. Ўзбекистон ФА Ботаника богида Н.нинг доривор ва манзарали дурагайлари, интродукция қилинган навлари яратилган. Форс Н. Тошкентда 2 марта (баҳор ва кузда) гуллайди. Гулидан тайёрланадиган экстракт парфюмерия-косметика саноатида, ёғочи дурадгорликда ишлатилади.

НАСТАЪЛИҚ — *хаттотлик* услуби, араб мумтоз хат услубларидан бири. 14-а.да шаклланган, назарий асосчиси *Мир Али Табризий*. Бу хат *насх* ва *таълиқ* хат услублари асосида яратилган бўлиб, ҳарфларнинг 5/6 қисми эгри ва 1/6 қисми тўғри чизиқлар асосида ёзилади. Дастлаб мўътабар қўлёзмаларни, асосан, бадиий адабиёт намуналарини кўчиришда ва алоҳида қитъаларни битишда фойдаланилган. Кейинчалик бу ёзув китобат санъатидан насх ва сулс ёзуваларини сиқиб чиқаради. Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон ва Ҳиндистонда кенг тарқалган. Жаъфар Бойсунқурий, Азҳар Табризий, *Султонали Машҳадий* ва унинг шогирдлари Н.да ижод қилган. Айниқса, *Мир Али Ҳаравий*нинг Н.ни Моваройуннаҳрда тарқалишида хизмати катта. *Дарвиш Муҳаммад* («Фавоид ул-хутут»), Мунис Хоразмий («Саводи таълим»), Муҳаммад Азим («Миръоти таълим») асарларида Н. хатининг асосларини ўрганиш баён этилган.

НАСТИЯ (юн. nastos — зич, таранг) — ўсимлик барглари, гулбарглари ва б. қисмларининг ташқи омиллар (ёруғлик, ҳарорат ва б.) таъсирида ҳаракат қилиши. Н. ҳужайраларнинг нотекис ўсиши ёки уларлари таранглик ҳолатининг турлича ўзгариши натижасида содир бўлади. Эпинастияда ўсимликнинг учки қисми тез ўсади (мас., куртак ёки гунча очилида), гипонастияда эса пастки қисми тез ўсади (мас., гуллаш тугагандан кейин гул қопламининг тушиб кетиши). Таъсир этадиган омилларга кўра, фотонастия (ёруғлик таъсирида), термонастия (ҳарорат ўзгарганда), никтинастия (кун б-н тун алмашганда), сейсмонастия (механик таъсир ёки тебраниш таъсирида), хемонастия (баъзи моддалар таъсирида) фарқ қилинади. Ўсимликларнинг ҳаракатлар ёрдамида четдан чангланишида, тунни ноқулай шароитдан ҳимоя қилишда ва б. ҳолларда Н.нинг аҳамияти катта.

НАСТУРАН (юн. nastos — ичланган ва лот. uranium — уран), уран смолали руда — содда оксидлар синфига мансуб минерал. Уранинитнинг кристаллокимёвий аналоги. Массив ва колломорф агрегатлар. Таркибида ўзгарувчан миқдорда UO_3 (20—55%) ва UO_2 (25—60%) бўлади. Қўшимча сифатида радиоген қўргошин, Са, баъзан нодир-ер элементлари, шунингдек, сув учрайди. Н.нинг кристаллик структураси, одатда, уранинитга мос келади. Ранги қора, смоласимон ялтироқ, шаффоф эмас. Қаттиқлиги минералогик шкала бўйича 4—6; зичлиги UO_2 ва UO_3 нисбатига қараб, 4500 дан 9000 кг/м³ гача ўзгариб турали. Электромагнит хоссасига эга. Ниҳоятда кучли радиоактив. U нинг энг кўп тарқалган минерали. Мураккаб гидротермал типли конларда Sn ва W минераллари, шунингдек, кобальт, никель, темир арсенидлари б-н, мис, қўргошин, висмут, кумуш ва б.нинг сульфидлари б-н бирга ҳосил бўлади. Уран-темир рудали конларда гематит, магнетит ва б. билан бирга учрайди. Чўкинди типли конларда, конгломератларда эса қора уран деб аталувчи кукунсимон, тупроқли агрегатларда ҳам маълум. Уран ва радийнинг асосий саноат минералларидан бири.

НАСТУРЦИЯ, капуцин (Tropaeolum) — настурциядошлар оиласига мансуб бир ёки кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Кўпинча Жан. Америкада, асосан, Анд тоғларида ўрмон ва чакалакзорларда 80 га яқин тури ўсади. Новдалари серсув, сер-

Настурция.

шох. Барги қалқансимон, панжасимон кесик, бандли. Гули якка, йирик, қизил, сариқ ёки олов ранг, икки жинсли. Меваси бир уруғли, уч паллага ажралади. Мингдарли усимлик сифатида устирилади.

НАСХ (араб. — бекор қилиш) — Қуръон оятларидан айримларининг қироати ва ёзувини ўзгаришсиз сақлаган ҳолда, уларни фақат амалдан қолдириш, татбиқ этмаслик. Шу каби оят — «мансух» (бекор қилинувчи), уни бекор қилувчи оят — «носих» деб аталади. Ислом тарихига кўра, Қуръон оятлари яхлит эмас, балки вақт-вақти б-н, зарурат ва эҳтиёжга кўра, 23 й. мобайнида нозил қилинган. Бу асносда шариатнинг айрим ҳукмлари оят ва ҳадислар кўрсатмаси б-н янгиланиб турган. Шунинг учун баъзи оятлар мазмуни бир-бирига зид тушади. Бундай вақтда улардан қайси бири кейин нозил қилинган бўлса, ўшаниси носих, олдин нозил қилингани эса, мансухдир.

НАСХ — *хаттотлик* услуби, араб ёзувидаги мумтоз хат услубларидан бири. 10-а.да *куфий* ёзуви заминида яратилган, ихтирочиси *Ибн Муқла*. Куфий ёзувини китобат санъатидан бутунлай сиқиб чиқаргани учун шу ном б-н аталган (Н. сўзи «ўчириш», «бекор қилиш» деган маъноии англатади). Ҳарфларнинг 4/6 қисми эгри ва 2/6 қисми тўғри чизиқлар асосида ёзилади. Мумтоз хат услубларида бўлганидек бу хат услубида «алиф» (I), «лом» (ل) ва «лом» (ل) ҳарфларининг тураси йўқ, «то» (ت) ва баъзан «лом» ҳарфида агар ундан кейин «жим» (ج), «мим» (م), «ҳо» ҳарфлари келса, тўрка бўлади; «ҳо» ҳарфи (ه) « кўринишида ёзилади. Асосан қуръон, ҳадис, тафсир кўчиришда қўлланилган, кейинчалик илмий ва бадиий асарлар ҳам шу ёзувда битилган. Турли хат услублари ихтиро қилинишига қарамай, Н. хати бутунги кунда ҳам турли мамлакатлар матбуотида кенг қўлланилмоқда.

НАТАНС (Nathans) Даниел (1928.30.10, Уилмингтон ш.) — америкалик генетик, тиббиёт д-ри (1954 й.дан). Деловэр штати ун-тини тугатган (1950). 1972 й.дан Жон Гопкинс ун-ти тиббиёт ф-ти микробиология бўлими директори. Илмий ишлари молекуляр биологияга оид. Рестрикцион энзимлар (ферментлар) кашф этган ва уларни молекуляр генетикада қўллаган. Нобель мукофоти лауреати (1978, Х. *Смит* б-н ҳамкорликда).

НАТО (NATO — инг. North Atlantic Treaty Organization — Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти сўзларининг қисқартмаси) — қ. *Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти*.

НАТРИЙ (араб. натрун, юн. nitron — табиий сода; лот. natrium), Na — Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Ишқорий металл. Тартиб рақами 11, ат. м. 22,9898. Битта табиий изотопи ^{23}Na бор. Сунъий радиоактив изотопларидан ^{22}Na ва ^{24}Na муҳим. Н.нинг табиий бирикмалари — ош тузи NaCl, сода Na_2CO_3 қадимдан маълум. Металл ҳолидаги Н.ни 1807 й.да инглиз олими Г. Дэви ўювчи натрийни электролизлаб ажратиб олган. Масса жиҳатдан Ер пўстининг 2,64% ини ташкил қилади. Қуёш атмосфераси ва колдузлараро фазода Н. борлиги аниқланган. Денгиз сувида $1,5 \cdot 10^{16}$ т Н. бор. Н. табиатда фақат бирикма (тузлар) ҳолида учрайди. Улардан энг муҳимлари: натрий хлорид, яъни ош тузи (тош туз, галит) NaCl, натрий сульфат (мирабилит, глаубер тузи) $Na_2SO_4 \cdot 10H_2O$, натрий нитрат (чили селитраси) $NaNO_3$, натрий сульфат (генардит) Na_2SO_4, трона $NaH(CO_3)_2$, натрий алюминий гексафторид (криолит) $3NaF \cdot AlF_3$, натрий тетраборат (бура — тинкал) $Na_2B_4O_7 \cdot 10H_2O$ ва б. Буидан ташқари, Н. Са, Sr, Ba, Mg, Al ва нодир-ер элементлари б-н биргаликда кўпгина табиий силикатлар таркибига киради. Н. ўсимликлар (бўйимодарон, денгиз ўти) таркибида ҳам бор. Одам ва ҳайвонлар организмида бирикмалар ҳолида бўлади. Мас., Н. ионлари одам қони плазмасида 0,320%, суякда 0,6%, мускул тўқимасида 0,6—1,5% ни ташкил қилади. Организмда сарф қилинган Н. ўрнини тўлдириш учун киши суткасига 4—5 г ош тузи истеъмол қилиши лозим. Н. конлари ер юзида кенг тарқалган. Ўзбекистонда Сурхондарё вилоятида ва Қорақалпогистонда катта ош тузи конлари бор.

Н. — кумуш каби оқ, юмшоқ металл; пичоқ б-н осон кесилади. Зичлиги 0,968 г/см³ (20° да), суюқланиш т-раси 97,83°, қайнаш т-раси 882,9°. Кимёвий жиҳатдан жуда фаол. Ҳавода осон оксидланади. Сув б-н шиддатли реакцияга киришиб (реакция баъзан портлаш билан боради), натрий гидроксид NaOH ва H_2 ҳосил қилади. Водород, кислород, галогенлар, олтингугурт, углерод ва б. б-н реакцияга киришга олади. Н. суюқ аммиакда яхши эрийди. Кўпгина металлар б-н қотишмалар беради.

Н. ош тузи NaCl ни электролизлаб олинади. Н. жуда фаол металл бўлгани учун керосинда сақланиши керак. Уни қавшарлаб бекитилган идиш ёки махсус цистернада ташиш мумкин. Н.ни ишлатишда махсус коржома, қўлқоп кийиб, кўзойнак тақиш лозим. Иш жойи ёнғинга қарши воситалар б-н жиҳозланиши зарур. Н. бор жойда ёнғинини сув б-н ўчириш мумкин эмас, акс ҳолда портлаш юз беради.

Н. (ўзи ёки қотишмаси) авиация двигателларида, ядро реакторларида, махсус ёриткичларда, металлургияда (қайтарувчи сифатида ва қотишмалар олишда) ва тетраэтилқўрғошин олишда, бирикмалари тиббиётда касалликларни даволашда, қ.хда ўгит сифатида ишлатилади.

Натрий бирикмалари. Натрий бикарбонат, ичимлик сода — $NaHCO_3$ рангсиз моноклин панжарали кристалл модда, зичлиги 2,16—2,22 г/см³. Қиздирилганда 50° даёқ ўзидан карбонат ангидрид CO_2 ни чиқара бошлайди, 100—150° да бутунлай парчаланиб, натрий карбонат Na_2CO_3 га айланади. Сувда 20° да 8,8%, 60° да 14,1% эрийди. Натрий карбонатга CO_2 таъсир эттириб олинади. Озиқ-овқат саноатида, тиббиётда ва ўт ўчирувчи модда сифатида ишлатилади (қ. *Сода*).

Натрий бромид, NaBr — бромид кислота (HBr)нинг натрийли тузи. Рангсиз гигроскопик кристалл модда, зичлиги 3,20 г/см³, суюқланиш т-раси 747°, қайнаш т-раси 1390°. Сувда яхши эрийди, 30° дан паст т-рада $NaBr \cdot 2H_2O$ ҳолида кристалланади. NaOH эритмаси Br таъсир эттириб олинади. Оптик материал сифатида, тиббиётда ва фотографияда ишлатилади.

Натрий йодид, NaI — рангсиз кристалл модда, зичлиги 3,665 г/см³, суюқланиш т-раси 662°, қайнаш т-раси 1307°. Ёруғликда ҳаводаги кислород б-н оксидланиб, эркин йод ажратиб сарғаяди. Сувда 20° да 64,1%, 100° да 75,1% эрийди. Сув б-н кристаллогидратлар ҳосил қилади: $NaI \cdot 5H_2O$, $NaI \cdot 2H_2O$. Метил ва этил спиртида, ацетонда эрийди. Fe_3I_8 б-н $NaCO_3$ ўртасидаги алмашиш реакцияси асосида олинади. Тиббиётда йод препарати сифатида қўлланади.

Натрий силикатлар — силикат кислоталарнинг натрийли тузлари. натрий метасиликат (Na_2SiO_3), натрий ортосиликат (Na_4SiO_4), натрий пиросиликат (Na_2SiO_4), натрий бисиликат ($Na_2Si_2O_5$), натрий трисиликат ($Na_2Si_3O_7$). Сувда эриганда қуюқ коллоид эритма ҳосил қилади. Натрий метасиликатнинг 1, 5, 6, 8 ва 9 молекула сувли, натрий пиросиликатнинг 3,5 ва 11 молекула сувли кислоталлогидратлари мавжуд.

Натрий метасиликат шишасимон аморф модда. Зичлиги 2,614 г/см³, суюқланиш т-раси 1089°. Натрий ортосиликатнинг 2 та моди-

фикацияси бор, бир турдан иккинчи турга айланиш т-раси 960°; суюқланиш т-раси 1118° (парчаланади). **Натрий пиросиликат** ўткир қиррали пластинкасимон кристалл модда. Зичлиги 2,96 г/см³, суюқланиш т-раси 1115°. **Натрий бисиликат** ромб панжарали кристалл модда. Зичлиги 2,496 г/см³; суюқланиш т-раси 874°. **Натрий трисиликат** моноклин панжарали кристалл модда. Зичлиги 2,467 г/см³, суюқланиш т-раси 700°. Н.с. тегишли таркибли шишаларни кристаллаш йўли б-н олинади. Шиша, алюмосиликат катализаторлар, цеолитлар, шунингдек, суюқ шиша и.ч.да қўлланади.

Натрий тиосульфат (натрий гипосульфит), $Na_2S_2O_3 \cdot 2H_2O$ — рангсиз, ялтироқ кристалл модда, зичлиги 2,119 г/см³. Сувсиз $Na_2S_2O_3$ оқ порошок, очиқ ҳавода фақат бир неча кун барқарор. Нам ҳавода тез оксидланади. Спиртда эримайди. 100 г сувда 20° да 70,2 г эрийди. Сувдаги эритмаси ҳаводан кислород ютади. Олтингугуртни натрий сульфатнинг иссиқ эритмасида эритиб: $Na_2SO_3+S=Na_2S_2O_3$; натрий гидросульфидини натрий бисульфитга таъсир эттириб: $2NaHS + 4NaHSO_3 = 3Na_2S_2O_3 + 3H_2O$ ва б. усулларда олинади. Фотографияда, тўқимачиликда, кўнчиликда, тиббиётда, шунингдек, аналитик кимёда реактив сифатида ишлатилади.

Натрий фосфатлар — мета-, орто- ва пирофосфат кислоталарининг натрий тузлари. Ортофосфат кислота уч хил фосфат ҳосил қилади, мас., **мононатрий фосфат** (NaH_2PO_4), **динатрий фосфат** (Na_2HPO_4); **тринатрий фосфат** (Na_3PO_4). Агар NaH_2PO_4 қиздирилса, ўзидан сув чиқариб **натрий гидропирофосфат** ($Na_2H_2P_2O_7$) га, янада кучлироқ қиздирилса, полимер модда — **натрий гексаметафосфат** $(NaPO_3)_6$ га айланади. Агар Na_2HPO_4 қиздирилса, натрий пирофосфат ($Na_4P_2O_7$) ҳосил бўлади. Н.ф. сувни юмшатишда, рудаларни бойитишда, тўқимачилик, кўн, озиқ-овқат саноатларида, фотографияда, электролизда ва б. соҳаларда қўлланади.

НАТРИЙ ГИДРОКСИД (ўювчи натрий, каустик сода), NaOH — рангсиз кристалл модда. Суюқланиш т-раси 323°, қайнаш т-раси 1403°, зичлиги 2,02 г/см³. Сувда яхши эрийди, эриш вақтида иссиқлик ажратиб чиқаради. Гигроскопик. Сувдаги эритмаси кучли ишқор. Сувсиз NaOH 61,8° дан юқорида кристалланади. Ҳаводаги намни тортади, шу сабабдан ёйилиб кетади ва натрий карбонатга айланади. Н.г. натрий метали ва натрий гидритини эритади.

Ош тузининг сувдаги эритмаси (намакобини электролиз қилиб ҳосил қилинади. Сунъий ипак, совун ва б. кимёвий моддалар и.ч.да, тўқимачилик ва б. саноат тармоқларида ишлатилади. Кўпгина органик бирикмалар, чарм ва қоғозларни емиради. Терига тегса куйдиради.

НАТРИЙ КАРБОНАТ — кальцийланган сода, карбонат кислотанинг натрийли тузи Na_2CO_3. Куб панжарали кристаллардан иборат рангсиз гигроскопик модда. Суюқланиш т-раси 858°, зичлиги 2,5326 г/см³. Сувда 0° да 6,54%, 20° да 17,69%, 100° да 31,29% эрийди. Сувда эриганда иссиқлик ажралиб чиқади. Сувли эритмада 32° да йирик тиниқ $Na_2CO_3 \cdot 10H_2O$, 32° ва 34,8° орасида $Na_2CO_3 \cdot H_2O$, 34,8° дан юқорида $Na_2CO_3 \cdot H_2O$ кўринишида кристалланади. Н.к. очиқ ҳавода сақланса, CO_2 ни ютиб уюшиб қолади. Тўқимачилик, қоғоз, шиша, нефть саноатида, совун и.ч.да ва б. соҳаларда қўлланади.

НАТРИЙ ЛАМПА — газ разрядли ёруғлик манбаи. Натрий (Na) бугларида электр разряди юз берганда оптик диапазондаги нурланиш (ёруғлик) пайдо бўлади. Паст босимли ва юқори босимли турлари бор. Паст босимлиси натрий буглари ва *инерт газлар* аралашмаси тўлдирилган шиша найчадан иборат. Бундай лампа сариқ нур сочгани учун умумий ёритишда ишлатилмайди. Ундан автомобиль йўлларини ёритиш, шаҳар кўчаларини безатиш учун фойдаланилади.

Юқори босимли Н.л.нинг найчаси натрий бугларида юқори (1200° дан юқори) т-рагача электр разрядига чидайдиган поликристалл (мас., Al_2O_3)дан тайёрланади. Найчадаги ҳаво сўриб олингандан сўнг унга натрий, гелий ва инерт газ тўлдирилади. Бундай лампа нафис олтин ранг ёруғлик сочгани учун ички ва ташқи ёритиш тармоқларида ишлатилади. Н.л. электр тармоғига ишга тушириш-ростлаш аппаратлари орқали уланади.



Юқори босимли натрий лампа: 1 — разряд трубка; 2 — шишадан қилинган ташқи колба; 3 — сочувчи қоплама; 4 — барий газ ютгич; 5 — цоколь.

НАТРИЙ СУЛЬФАТ — сульфат кислотанинг натрийли тузи. Na_2SO_4, рангсиз модда, аччиқроқ; суюқланиш т-раси 32,4°, сувда оз эрийди (100° да масса жиҳатдан 29,7%). Табиатда тенардит ва мирабилит минераллари кўринишида учрайди. Кўпчилик тузлар (мас., Li_2SO_4, K_2SO_4) б-н қаттиқ эритма ва б. сульфатлар б-н қўш тузлар ҳосил қилади. Буларнинг айримлари $Na_2SO_4 \cdot MgSO_4 \cdot 4H_2O$ (астраханит), Na_2SO_4 (глауберит), $Na_2SO_4 \cdot 2K_2SO_4$ (глазерит), $2Na_2SO_4 \cdot Na_2CO_3$ (беркеит) табиатда учрайди. Н. с. шиша, сульфатли целлюлоза и.ч.да, тўқимачилик саноатида, совун ва чарм и. ч.да, рангли металлургияда, тиббиётда (сурги сифатида) ва ветеринарияда ишлатилади.

НАТРИЙ ХЛОРИД, ош тузи, NaCl — хлорид кислотанинг натрийли тузи. Куб панжарали кристаллардан иборат рангсиз модда. Суюқланиш т-раси 801°, қайнаш т-раси 1413°, зичлиги 2,161 г/см³. Сувда яхши эрийди. NaOH, HCl, $MgCl_2$, $CaCl_2$ ва б. иштирокида Н.х.нинг сувда эрувчанлиги жуда камаяди. Тоза Н.х.нинг гигроскопиклиги оз, аммо аралашмалар (мас., магний тузлари) иштирокида унинг гигроскопиклиги жуда ортади. Табиатда галит (тош туз) ҳолида, денгиз ва шўр кўл сувлари таркибида бўлади. Озиқ-овқат ва б. саноат соҳаларида, қ.х.да, рўзғорда кўплаб ишлатилади. Ундан ўювчи натрий, хлор, сода, натрий сульфат олишда фойдаланилади.

НАТРИЙЛИ СЕЛИТРА, натрий нитрат, $NaNO_3$ — нитрат кислотанинг натрийли тузи; *азотли ўғитлардан*. Сувда яхши эрийдиган рангсиз кристалл модда. Чили селитраси деб ҳам аталади. (Чилидаги табиий конлардан олинади). Саноатда азот оксидини ишқорга ютгириб, реакция вақтида ҳосил бўладиган натрий нитратни нитрат кислота б-н оксидлаб олинади. Таркибида 16—16,5% N бор, гигроскопик, сақланганда бир оз мушгланади, қуруқ ҳолида яхши сочилади. Н.с. физиологик ишқорий ўғит, шунинг учун у, кўпинча, оҳакланмаган нордон чимли-подзолли тупроқларда ишлатилади. Ўрта Осиёнинг карбонатли тупроқларида, айниқса, шўрланган тупроқларда Н.с.ни ишлатиш тавсия этилмайди. Ўзбекистонда Н.с. Чирчиқ «Электркимёсаноат» акциядорлик жамияти, Навоий «Электркимёзаводи» акциядорлик жамияти, Фарғона «Азот» и.ч. бирлашмасида ишлаб чиқарилади.

НАТРОЛИТ (*натрий* ва юн. lithos — тош) — *цеолитлар* гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Na_2Al_2Si_3O_{10} \cdot 2H_2O$, баъзан Na ўрнида K ва Ca бўлиши мумкин. Кристаллокимёвий структураси типи бўйича каркасли алюмосиликатларга киради. Ромбик ва тетрагонал сингонияларда кристалланади. Кристаллари, асосан, ингичка игнасимон, шунингдек, радиал-нурсимон, толасимон. Донали зич уюмлардан иборат. Одатда рангсиз, кулранг ёки сарғимтир, қизғиш. Шишасимон ялтироқ ёки садафсимон. Қаттиқлиги минералогик шкала бўйича 5—5,5, зичлиги 2,2—2,5 г/см³.

Сув, NH_3, CO_2, H_2S ва б. моддаларни ўзига сингдира олади. Саноатда пермутитлар (сунъий алюмосиликатлар) тайёрлашда ишлатилади. Н. қайноқ сувли эритмаларнинг вулқон жинсларидаги бўшлиқ ва ёриқларда цеолит, кальцит, кварц, хлорит б-н бирга чўкишидан ҳосил бўлади. Ўзбекистонда Курама тоғларида (айниқса, Оқтепа, Қалмоққир, Қурғошинкон ва б.), шунингдек, Белтовда (Қизилқум) маълум.

НАТТА (Natta) Жулио (1903.26.2, Империя ш., Италия — 1979.1.5, Милан) — италиялик органик кимёгар. Органик бирикмаларнинг полимерланиш жараёнларини ўрганиш ва синтетик каучуклар и.ч.га катта ҳисса қўшган. Тартибли тузилишга эга бўлган полимерлар синфини аниқлаган. К. Циглер катализатори деб номланган металлорганик катализаторлар иштирокида винил мономерларнинг стереоспецифик полимерланишини кашф қилган. Бу усулни қўллаш полипропилен, полибутен ва ш.к. кўпчилик каучукларни саноат миқёсида и.ч.га имкон берди. Нобель мукофоти лауреати (1963).

НАТУРА (лот. natura — табиат) — 1) инсон характери, мижози, ахлоқи; 2) пул ўрнига тўланган мол, маҳсулот (қ. *Айирбошлаш*); 3) (**тасвирий санъатда**) рассом томонидан тасвирлаш учун танланган воқеликдаги реал объектлар (табиат кўриниши, одам, ҳайвон, буюм ва ҳ.к.). Н. танлаш, кузатиш ҳамда унинг талқинида ижодкорнинг гоявий-эстетик қарашлари, мақсади намоён бўлади. Реалистик тасвирий санъат асосларини эгаллашда Н. асосий манба ҳисобланади. Н.ни кузатиш, унинг тузилиши ва расмини чизиш орқали рассом, ҳайкалтарош, меъмор ҳаётни чуқурроқ англаб, дунёвий билимлари кенгайиб, фазовий тасаввури ортиб боради. Н.дан ижодкор бевосита ҳаётий чизгилар ишлаши, уларнинг этюд, эскизлари — хомаки расмлар (кўпинча *манзара, портрет, натюрморт* ва мавзули композициялар) яратиши мумкин.

НАТУРАЛ АЙИРБОШЛАШ — *айирбошлашнинг* илк тури (яна қ. *Бартер*).

НАТУРАЛ ЛОГАРИФМ — асосини Непер сони e = 2,71828 ... ташкил қиладиган логарифм. N сонининг натурал логарифми $\ln N$ деб белгиланади.

НАТУРАЛ СОНЛАР — оддий ҳисоблашда қўлланиладиган бутун мусбат сонлар: 1, 2, 3 ... . Алоҳида-алоҳида нарсаларни ҳисоблаш заруриятидан келиб чиққан (қ. *Сон*).

НАТУРАЛ ХЎЖАЛИК — ўз эҳтиёжларини ўзи яратган маҳсулот ва хизматлар б-н қондирадиган хўжалик. Н.х. қўл меҳнатига асосланади, меҳнат унумдорлиги паст бўлган кўҳна меҳнат қуроллари ишлатилади. Н.х.нинг кенгайиши янги ресурсларни жалб этиш, мас., янги ерларни очиб, экин майдонларини кенгайтириш, моллар сонини кўпайтириш, ишловчилар сонини ошириш орқали амалга оширилади.

Н.х. шароитидаги иқтисодий муносабатлар ҳам содда бўлади, улар узоқ вақт, ҳатто асрлар давомида, ҳеч бир ўзгаришсиз сақланиб қолади. Мас., Ўрта Осиёда ерларни оғзаки келишув асосида ижарага бериш, ижара ҳақини ҳосилнинг бир қисмидан олиш, ҳосилдан *кафсан* тарқатиш каби муносабатлар узоқ сақланган. Н.х.нинг энг муҳим белгиси унинг бозордан ажралган бўлишидир.

Бу хўжаликда пул муносабати бўлмайди, яратилган маҳсулотни хўжаликнинг ўзи мокаки қайта ишлайди. Мас., натурал чорвадор хўжалигида жундан матолар, гилам, палос ва кигизлар, теридан эса оёқ кийимлари, пўстин тайёрланади. Н.х. ибтидоий давр ва ўрта асрларда ривож топган. Товар хўжалигига асосланган бозор муносабатларига ўтилгач, у ўз аҳамиятини йўқотади.

Товар-пул муносабатларининг ривожланиши Н.х. миқёсини қисқартиради, сўнгра амалда тўлиқ сиқиб чиқаради. Лекин унинг айрим унсурлари жаҳон иқтисодиётида сақланиб келмоқда. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда унинг аҳамияти катта эмас. Аҳоли турмуш даражаси паст, илмий-техника потенциали юқори бўлмаган, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожланмаган мамлакатларда Н.х. озиқ-овқат маҳсулотлари и.ч., уй-жой қуриш, ҳунармандчилик ва б.да ҳам муайян роль ўйнаб келмоқда.

Н.х.нинг айрим кўринишлари 21-а. бошларида ҳам Осиёнинг тоғли ҳудудларида, Африка ва Лотин Америкасининг (Амазонка) ўрмонзор ва чакалакзорларида овчилик ва теримчилик б-н шуғулланадиган қабилаларда сақланиб қолган.

НАТУРАЛИЗМ (франц. naturalizme, лот. naturalis — табиий) — 19-а.нинг охирги чорагида Европа ва АҚШ адабиёти ва санъатида юзага келган оқим ва ижодий метод; реал борлиқни объектив, аниқ ва ҳиссиз акс эттиришга интилган. Н. табиий фанларда эришилган муҳим муваффақиятлар таъсирида юзага келган. Асосий тасвир объекти — инсон, унинг табиий ва физиологик ҳаёт тарзи; табиат ва атроф муҳитни унинг маиший ва моддий муҳити деб билган. Бу эса, ўз навбатида, бадиий имкониятлари чекланган бадиий маданият тараққиётини таъминлади; Францияда Э.Мане, Э. Дега, А.Тулуз-Лотрек; Бельгияда К. Менье, П.Полюс; Германияда М. Либерман, Х. Бартельс, К. Кольвиц; Италияда веризм вакили В.Вела ва б. **Тасвирий санъатда** Н. борлиқни гоявий мазмунсиз, бадиий умумлашма ва танлашлардан холи, ташқи жиҳатдан айнан ҳаётий акс эттиради. Бунда, юзаки тасвирлаш, иккинчи даражали батафсиллик, оддий кўчириш 1820—30 й.лардаёқ намоён бўлди (айниқса, француз рассомлари П.Делорош, О. Верне ва б.), академик тасвирлаш б-н осонгина қўшилиб салон санъатининг кўтлаб турларини юзага келтирди. 19-а. ўрталаридан Н. тарихий, диний ва мажозий жанрлардаги анъанавий кўтаринкилик тушунчалари қасддан «пасайтириб» маиший далилларда изоҳланган жўнгина ҳаётга келтирилиши ўзига хос воқеа бўлди.

Адабиётда Н. инсон характерини илмий (экспериментал) ўрганишни мақсад қилиб қўйди. Адабий-бадиий асарга «инсоний ҳужжат» деб қаралди. Н. дастлаб Францияда пайдо бўлди. Француз адиби Эмиль Золя ўзининг «Экспериментал роман» (1880), «Натуралист романчилар», «Театрда натурализм», «Драматургларимиз» (1881) асарларида Н.ни ижодий метод сифатида асослаб берди. Э. Золя атрофида натуралистик мактаб вужудга келди (Г. Мопассан, П. Алексис, А. Доде ва б.). Ж. Шанфлёри, Л.Э.Дюранти, Г.Флобер, ака-ука Э. ва Ж. Гонкурлар, П. Амп (Франция), А.Хольц (Германия) ва б. ҳам Н. назариясини ривожлантиришга катта ҳисса қўшдилар.

Натуралистларнинг айрим тасвир принципларига, инсонни ахлоқий жиҳатдан яланғоч ҳолатда кўрсатишларига, тасвир объектини танлашга эҳтиёж йўқлиги хусусидаги қарашларига танқидий муносабатлар билдирилган. Айни чоғда, ушбу оқимнинг дунё адабий-назарий тафаккури тарихидаги мавжуд воқелик экани тан олинган; мавзу доирасининг кенглиги, янгича тасвир усуллари, шахс ва оломон муносабатларини ўрганганлари ижобий ҳодиса сифатида баҳоланган.

Француз адабий муҳитида пайдо бўлган Н. таъсири, маълум вақт ўтгач, бошқа мамлакатларда ҳам сезилган. Жумладан, Н.нинг Германияда А. Хольц, Г. Гауптман, Англияда Ж.Мур, Ж.Гиссинг, АҚШда С.Крейн, Ф.Норрис, Х.Гарленд каби намояндалари бор эди. Гарчанд Россия адабий муҳитида «натурализм» атамаси бевосита қўлланмаган бўлса ҳам, бу оқим таъсири Д.Е. Мамин-Сибиряк, П. Д. Боборикин ижодида сезилади. Н.га хос айрим унсур-

лар бошқа ижодий методлар асосида ёзилган турли бадиий асарларда ҳам учраши мумкин.

НАТУРАЛИЗМ — табиат бутун мавжудотни изоҳлашнинг ягона ва универсал тамойили деб ҳисоблайдиган фалсафий йўналиш. У «табиат» тушунчасига руҳ ва руҳий нарсаларни ҳам киритади (*стоицизм, Эпикур, Ж.Бруно, Гёте, романтизм*, 19-а.даги биологик дунёқараш, ҳаёт фалсафаси). И.*Кант* фикрича, Н. ҳамма содир бўлаётган нарсаларни табиат б-н боғлаш ва ундан келтириб чиқаришдир. Ахлоқда Н. табиат қонунларига мос келувчи ўз шахсий интилишларини ривожлантиришга асосланган ҳаёт тарзи. Бунга ахлоқ тушунчасини табиий қобилиятлар, шуурлар, интилишлар, манфаатлар кураши орқали фалсафий тушунтиришга ҳаракат қилиш ҳам киради (*киниклар*, стоиклар, *Ж.Руссо, О.Конт, К.Маркс, Ф.Ницше*). Социологияда Н. — жамият тараққиёти турли табиий омилларга — иқлим шароитлари, географик муҳит, одамларнинг биологик ва ирқий хусусиятларига боғлиқ деб тушунтирувчи назарияларга мансуб. Н. 17—18-а.лар маърифатчиларининг етакчи тамойилларидан бири («табиий инсон», табиий жамият, табиий ахлоқ, табиий ҳуқуқ концепциялари ва ҳ.к.). Диний дунёқарашда Н. — пантеистик гояларнинг намоён бўлишидир, яъни худо б-н табиатни бир деб билиш, худони табиатга сингдириб юбориш, худо б-н моддий олам ўртасига ҳеч қандай тўсиқ қўймаслик (*Форобий, Ибн Сино, Бедил, Ж.Бруно, Б.Спиноза*).

НАТУРФАЛСАФА — табиат фалсафаси; табиатни бир бутун тизим сифатида, асосан, жонли мушоҳада негизида ёки табиатшуносликдан ўзлаштирилган билимлар орқали талқин этиш ва тушунтириш, унинг умумий манзарасини тасвирлаш борасидаги фалсафий уринишлар мажмуаси. Юнон натурфайласуфлари — *Фалес, Анаксимандр, Анаксимен*, апполониялик Диоген, *Гераклит* Н.нинг асосчилари бўлганлар. Улар барча мавжуд нарсалар келиб чиқишининг ягона табиий асосини топишга уриндилар. Н.нинг кейинги ривожи Аристотель мактаби ва стоиклар фаолияти б-н боғлиқ бўлди. Н. («philosophia naturalis») тушунчаси илк бор *Сенекада* учрайди. Н. билан табиатшунослик ўртасидаги чегара ва унинг фалсафасидаги ўрни тарихан ўзгариб турган. Аслида, Н. фалсафа илмининг илк тарихий шакли сифатида намоён бўлди. Юнон натур файласуфлари илм-фан тарихида жуда муҳим саналган кўпгина қарашларни, жумладан, атомистик қарашларни илгари сурдилар. Кейинчалик, Н. одатда, физика ёки физиология, яъни табиат тўғрисидаги таълимот деб аталди. Фалсафа худо тўғрисидаги таълимот б-н яқинлашган ўрта асрларда Н. фалсафа соҳасидан узоқлашди. Н.нинг айрим унсурлари насроний, мусулмон ва яҳудий динларининг оламни худо томонидан яратилиши тўғрисидаги таълимотларига мослаштирилди. Натижада, Н., кўпинча, ҳаётпарастлик шаклидаги натурсафсатага айланди. Бироқ, ўрта асрларда табиатшуносликнинг ривожи б-н боғлиқ тарзда Н. ҳам ривожланди. Бу ҳол Ғарбда схоластика ривожининг сўнгги босқичи даври (*Фома Аквинский*, Буюк Альберт ижодида. Шарқда эса улардан анча олдинроқ — Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва б. фаолиятида кузатилади.

Уйғониш даври фалсафасида табиатга нисбатан қизиқишнинг ортиб бориши б-н Н.нинг янги намоёндалари (Ж. Бруно, Б. Телезио, Ж. Кампанелла, Ж. Кардано, Парацельс, Ф. Патрици) юзага келди. Уйғониш даври Н.си, асосан, *пантеизм* ва *гилозоизм* негизида ривожланди, кўп ҳолларда эса ҳаётпарастлик тусини олди. Табиатни ўрганишнинг таҳлилий усуллари устувор бўлган 17—18-а.ларда Н. ўрта чекинди. Бироқ, Н. немис мумтоз фалсафасида фалсафий йўналишлардан бири сифатида янгидан олға сурилди (Кант, Шеллинг, Окен, Гетель, Шопенгауэр, Гёте, Карус). Табиатшуносликнинг улкан ютуқлари ва идеалистик Н.нинг унутила бориши 20-а.да Н.ни аввал материализм томонга оғдирган бўлса, сўнг уни бутунлай барҳам топтирди. 19-а.нинг охири ва 20-а. бошларида Н.нинг янги турдаги шаклларини қайтадан яратишга уринишлар (Оствальд, Рейнке, Дриш, Паладьи, Н.Гартман) юз берди.

НАТУФ МАДАНИЯТИ — Фаластин ва Суриядаги мезолит даври маданияти (мил. ав. 10—8-минг йиллик). Вади ан-Натуф водийси номидан олинган. Н.м.га оид ғорлар, манзилгоҳлар ва қабрлар тадқиқ этилган. Н.м. кишилари овчилик, балиқ овлаш, теримчилик б-н шуғулланганлар.

НАТУФЛАР — мезолит даври одамлари; гавда тузилишига кўра, ҳинд-ўрта денгиз ирқига яқин бўлиб, негроид ирқининг айрим белгилари бўлган. *Натуф маданияти* ёдгорликларидан топилган скелетлар бўйича аниқланган.

НАТЮРМОРТ (франц. nature morte — жонсиз табиат) — *тасвирий санъат* жанри. Инсоннинг атрофини ўраб турган реал маиший муҳитга жойлаштирилган ва композиция жиҳатидан яхлит гуруҳни ташкил қилган нарсалар тасвирланади; шунингдек, шу жанрда яратилган рассомлик асари ҳам Н. деб аталади. Асосан, дастгоҳи рассомлик (*монтасвир* ва *графика*)да, қисман ҳайкалтарошлик (асосан, *рельеф*)да ишланади. Н.да «жонсиз буюмлар» (мас., ун-рўзғор буюмлари, қурол-аслаҳалар ва б.)дан ташқари, табиатдан ажратиб олинган ва буюм, нарсаларга айлантирилган жонли табиат нарсалари (гулдаги барглар, вазадаги гул ва б.) ҳам тасвирланади. Асосий мавзуни гуллариш учун баъзан Н.га одамлар, қайноқлар, қушларни ҳам киритиши мумкин. Маиший асосидан ажратиб олинган майда нарсаларнинг муҳимлиги бошқа жанрларга нисбатан Н.да намоён бўлади.

Н.да тасвирланаётган (мустақил акс эттирилаётган ёки картиналарда асар мазмунини бойитадиган ва гулдираган) буюмлар ўз эгасининг феъл-атворини, қизиқишини ёритишга ёки буюмларнинг шакли, ранги, фактураси, тузилишидаги ритмик, динамик ва статик ҳолатларини кўрсатишга қаратилган.

Н. Қад. Мисрда деворга ишланган фрескаларда, эллинизм даври мозаикаларида, Хитойда («қуш ва гуллар», 7-а.дан) композиция бўлаги сифатида маълум бўлган; Европада 16-а. охири — 17-а. бошларидан мустақил аҳамиятга эга бўлди, кенг тарқала бошлади, энг тараққий этган даври 17-а.га тўғри келади, 18-а.дан «Н.» атамаси қўлланила бошлади.Итальян рассоми М. *Караваджо* ва унинг издошлари (*караваджилик*) Н.нинг кенг тарқалишида муҳим роль ўйнади: гул ва мевалар, денгиз инъоми — балиқ, қисқичбақалар севимли мавзуга айланди. Голландия (В.К.Хеда, П.Клас ва б.), Фландрия (Ф.Снейдерс, Я. Фейт ва б.), Испания (Ф.Сурбаран ва б.), Франция (Ж.Б.Шарден ва б.) ва б.да юксак тараққиётга эришди. П. Сезанн, А. Матисс, Ж. Брак ва б. Н.га кўпроқ эътиборни қаратганлар. 20-а.да Н. реалистик анъаналарини Мексикада Д. Ривера, Д. Сикейрос, Италияда Р. Гуттузолар давом эттирди. Россияда Н. 18-а.да пайдо бўлди, кўзни алдайдиган «худди ўзига ўхшаш» (алдамчи) расмлар ишлашдан (Г.Н.Теплов, П.Г.Богомолов ва б.) шаклланиб борди, 19-а. 1-ярмида ҳаққонийликка, борлиқни ўзидан гўзаллик топишга ҳаракат қилинди (М.А.Врубель, К.Коровин, И.Э.Грабарь ва б.), шакл, фактура ва безакдорлик борасидаги ютуқларга эришилди (П. Кузнецов, П.П.Кончаловский, А.Куприн ва б.).

Ўзбекистон тасвирий санъатида Н. унсурлари қад. дав санъатида (мас., Афросиёб деворий расмларида — вазадаги мевалар), миниатюра санъатида (мас., Камолиддин Беҳзоднинг Шайбонийхон портретида тасвирланган буюмлар — сиёҳдон, қамчи) учраган. Н.нинг ҳақиқий шаклланиши ва ривожланиши 20-а.нинг 30—50-й.ларига тўғри келади. Айни шу даврда рассомларнинг ижодида Н.нинг дастлабки намуналари пайдо бўлди: Л.Насриддинов («Ноғора Н.»), Ш. Ҳасанова («Хитой чинниси б-н ишланган Н.») ва б.; М. Курбан, В. Рождественский, В. Уфимцев, Н. Кашина, З. Ковалевская, О. Татевосян, С. Абдуллаев, В. Фазеев, Ю. Елизаров ва б. Н. яратилар. 60—80-й.ларда Л. Салимхонова, Ю. Талликан, Р. *Чориев*, В. Бурмакин, Е. Мельниковлар ижодида Н. кенг ўрин тутади. Рассомлар Р. *Ахмедов*, А. *Икромжонов*, М. Нуриддинов ва б. Н.да самарали ижод қилиб, Н.нинг тараққиётини таъминладилар.

Неъмат Аъзамхўжаев.

НАУМОВ Сергей Николаевич (1874.6.7, Калуга — 1933.11.12, Тошкент) — кимёгар. Туркистон ун-ти проф. (1920 й.дан). 1920—24 йл.да шу ун-т тиббиёт бўлими декани, лаб. мудири (1924—25), органик кимё кафедраси мудири (1925 й.дан). Н.нинг нафтенлар соҳасидаги ишлари катта аҳамиятга эга. Н. томонидан синтез қилинган 1,4-диметилгексаметилен янги модда сифатида тан олинган. У хинон ва толухинондибромидлар тузилишини, хоссаларини ўрганиш соҳасида чуқур изланишлар олиб борди. 2,3-циклогександион 1,4-дикарбон эфирининг тузилишини топди. Мазкур модда ҳосилаларидан хиноксалин, монооксим, диоксим, моногидразон, бипиразолон, оазон ва б.ни синтез қилди. Унинг илмий кузатишлари натижалари ўлароқ изомерланиш реакцияларига анча аниқлик киритилди, турли эфир моддалари синтези амалга оширилди. Н.нинг Ўрта Осиё тоғларида учрайдиган табиий селитрани синтез соҳасида қўллаш борасидаги ишлари амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда кимё фанининг ривожланиши, миллий кадрлар тайёрлаш, янги йўналишдаги илмий ва илмий-услубий ишларнинг йўлга қўйилишида Н.нинг хизматлари катта. Унинг шогирдлари орасида С.Ю. *Юнусов*, О.С. *Содиқов*, Ҳ. *Рустамов*, К.С. *Ахмедов* каби машҳур кимёгарлар бор. ЎзМУнинг кимё ф-ти проф. С.Н.Наумов номи б-н аталади.

НАУРУ (Nauru), Науру Республикаси (Republik of Nauru) — Тинч океаннинг жан.-ғарбий қисмидаги Науру оролида жойлашган давлат. Майд. 21 км². Аҳолиси 12,3 минг киши (2002). Расмий пойтахти йўқ. Ҳукумат қароргоҳи Менент округида, ҳукумат биноси ва парламент — Яren округида. Маъмурий жиҳатдан 8 округ (district)га бўлинади.

Н. — Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибидаги республика. 1968 й.ги конституция амал қилади. Давлат ва ҳукуматнинг бошлиғи — президент. У парламент аъзолари орасидан 3 й. муддатга сайлаб олинади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни ахоли томонидан 3 й. муддатга сайланадиган ва 18 аъзодан иборат парламент, ижроия ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади; унинг вазирлари парламент аъзоларидан бўлади.

Науру о. тектоник ҳаракат натижасида сув остида кўтарилган атолл бўлиб, да сув остида кўтарилган атолл бўлиб, унда ҳалқасимон маржон қоялари кўтармалари сақланган. Ер юзаси — плато-плато (энг баланд жойи 65 м). Платонинг четларидаги камбар (эни 200 м гача) соҳил — террасасимон. Иқлими иссиқ, ойлик ўртача т-ра 28°, йиллик ёғин 2500 мм. Доимий оқар сувлари йўқ. Ичимлик сув четдан келтирилади. Ўсимлиги қаттиқ барги дарахт ва бута-лардан иборат. Денгиз қушлари ва ҳашарот кўп.

Аҳолисининг 60% маҳаллий науру (полинезияликлар, қолган қисми — Океаниянинг бошқа оролларидан келганлар, хитойлар, филиппинлар ва европаликлар. Расмий тиллари — науру ва инглиз тиллари. Диндорларининг 60% — протестантлар, қолганлари — католик ва б.

Оролга европаликлардан биринчи бўлиб 1798 й.да инглиз денгизчиси Ж. Фери келган. 1830-й.лардан савдогарлар, марваридқидирувчилар кўчиб кела бошлаган. 1888 й.да Германия оролни босиб олиб, уни ўзининг Маршалл о.лари протекторатига қўшди. 1898 й.да Н.да бой фосфорит кони топилди. 1914 й.да оролни Австралия қўшинлари эгаллади. 1919 й.да Н. Миллатлар Лигасининг мандатли ҳудуди сифатида Буюк Британия, Австралия ва Янги Зеландия биргаликда бошқариш учун берилди. 1942 й.да Н.ни японлар босиб олди. 1947 й.да БМТ нинг васийлигидаги Науру ороли ина Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия бошқарувига ўтди. 1940—50 й.ларда мамлакатда мустақиллик ҳаракати кучайди. 1951 й.да қабила бошлиқлари кенгаши (1927 й. тузилган) асосида Н. маҳаллий бошқарув кенгаши ташкил этилди. 1966 й.да тузилган Қонун чиқарувчи ва Ижроия кенгашлари маҳаллий бошқарув соҳасида ҳақиқий ҳуқуқлар олди. Ниҳоят, 1968 й.да Н. мустақил давлат — Н. Республикаси деб эълон қилинди. Н. — 1999 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 31 янв. — Мустақиллик куни (1968).



Н.да ягона партия — Н. демократик партияси мавжуд, у 1987 й.да тузилган. Мамлакат касаба уюшма бирлашмаси Н. ишчи ташкилоти деб аталади (1974 й.да асос солинган).

Иқтисодиётининг асосини фосфорит қазиб олиш ва экспорт қилиш ташкил этади (йилига 2 млн. тонна). Тропик ўсимликлар, асосан, кокос пальмаси ўстирилади, сабзовот ва мевалар ҳам етиштирилади. Балиқ овлаш ва ҳунармандчилик ривожланган. Четга, асосан, фосфорит ва конра чиқарилади, четдан озиқ-овқат, қурилиш материаллари, машина ва кон ускуналари, ёнилғи, уй-рўзғор асбоблари келтирилади. Соҳил бўйлаб 19 км тош йўл қурилган. Фосфорит кони б-н порт оралигидаги т.й. узунлиги — 6 км. Ташқи савдолаги мижозлари: Австралия, Япония, Янги Зеландия. Пул бирлиги — Австралия доллари.

Н. мактабларида 2200 киши таълим олади. 1000 га яқин киши чет эллада ўқийди. Ҳукуматга қарашли «Буллетин» газ. инглиз ва науру тилларида ҳафтада 1 марта чиқади. Н. радиоэшиттириш хизмати (1968 й.дан) ва Н. телевидениеси (1991 й.дан) ишлайди.

НАУТИЛУСЛАР (Nautilus) — *бошоёқли моллюскалар* синфининг битта туркуми. Танаси кўп камерали, спиралга ўхшаб ўралган чиғаноқ ичида жойлашган. Чиғаноқ диаметри 15—23 см, вазни 1,8 кг гача. Энг қадимги моллюскалар, ҳозиргача фақат бир неча тури яшаб қолган. Чиғаноқ оғзидан Н.нинг боши ва кўп сонли пайпаслагичлари чиқиб туради. Бошқа бошоёқли моллюскаларга нисбатан соддароқ тузилган. Ҳинд океани шарқида ва Тинч океан ғарбида 100—750 м чуқурликда яшайди. Ўлимтик ва ҳалсизланган қисқичбақа ҳамда балиқлар б-н озиқланади. Урғочилари 10 та гача йирик тухум қўяди.

НАУТОФОН (юн. nautes — денгизчи ва *фон*) — *маёқ*ларга ўрнатиладиган мембранали электр-акустик аппарат, товуш тарқатгич. Туман ва булутли пайтларда ёки ёнғингарчилик вақтида товуш сигналлари тарқатади. Н. тарқатган товуш 15 денгиз *мил*ига эшитилади. Кемаларни бошқаришда йўл кўрсатувчи восита сифатида қўлланилади.

НАФАС, нафас олиш — организмга кислород кириб, ундан карбонат ангидрид (CO_2) чиқиб кетиши, шунингдек, ҳужайра ва тўқималарда кислород ёрдамида кечадиган органик моддаларнинг оксидланиш-қайтарилиш реакциялари натижасида организм ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган энергия ажралиб чиқишидан иборат жараёнлар мажмуи.

Бир ҳужайрали жониворлар ва тубан ўсимликлар Н. олишидаги газ алмашинуви ҳужайралар сирти орқали, юксак ўсимликларда бутун таналаги ҳужайралараро қобиқ орқали диффузия йўли б-н содир бўлади. Тузилишининг мураккаблашиши ва тана ҳажмининг катталашиб бориши б-н Н. олиш вазифаларини ўтовчи махсус тузилма ёки аъзолар ҳамда қон айланиш системаси ривожлана боради, бу системада O_2 ва CO_2 ни боғлаш ва ташиш хусусиятига эга бўлган қон ва лимфа айланиб юради.

Ҳашаротларда ҳаво найчалари — трахеялар, балиқларда — жабралар Н. аъзолари ҳисобланади. Қуруқлик ва сувда яшайдиган ҳайвонлар ўпка б-н бирга тери орқали ҳам нафас олади. Умуртқали ҳайвонлар ва одамда ташқи Н. маҳсус нафас аъзоларида, тўқима нафаси эса тўқима ва ҳужайралардаги оксидланиш-қайтарилиш реакцияларида амалга ошади.

Балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчиларда оғиз туби мускулларининг ҳаракати туфайли жабра ва ўпкага ҳаво киради. Қушлар, сут эмизувчилар ва одамда нерв системасини уйғунлаштирадиган Н. мускуллари (асосан, диафрагма ва қовурғалараро мускуллар)нинг биртекис қисқариши ташқи Н.ни таъминлайди. Бу мускуллар қисқарганда кўкрак қафасининг ҳажми катталашиб, ўпка кенгаяди, бунда атмосфера босими ўпка ичидаги босимдан фарқ қилади ва ўпкага ҳаво киради (нафас олиш — *инспирация*). Н. чиқариш (*экспирация*) пассив (нафас олиш фазасида чўзилган кўкрак қафасининг пучайиши ҳисобига) ва фаол (баъзи мускулларнинг қисқариши йўли б-н) амалга оширилади. Бир гал нафас олишда ўпкага кирадиган ҳаво миқдори Н. *ҳажми* деб аталади.

Сут эмизувчилар ва одамда газ алмашинуви, асосан, ўпка альвеолаларида содир бўлади ва қонга O_2 нинг фақат 2%и тери орқали тушади. Ўпка орқали бир дақиқада ўтувчи ҳаво миқдори — минутлик нафас ҳажми (МНҲ) деб юритилади. Одам тинч турганда бу кўрсаткич 5—8 л/мин, жисмонии иш қилганда эса 100 л/мин ва ундан ортиқроқ чиқиши мумкин. Альвеолар ҳаво ва веноз қон (ўпка капиллярларидаги) орасидаги газ алмашинуви O_2 (60—70 мм симоб уст.) ва CO_2 (7 мм симоб уст.) парциал босимларининг ҳар хиллиги туфайли альвеола-капилляр мембрана (одамда мембрананинг умумий юзаси қариб 90 м² орқали амалга ошади. O_2 қонда гемоглобин молекуласига боғланиб ташилади. Етиб борган жойида O_2 тўқимага ўтади, бу жараён артериал қон (100 мм симоб уст.) ва тўқималардаги (0—40 мм симоб уст.) номутаносиб парциал босим ҳисобига юз беради. CO_2 ҳам тўқималаги қонга ва қондан альвеолаларга парциал босимнинг ўзгаришлари ҳисобига ўтади: тўқималарда 60 мм атрофида, веноздаги қонда — 47 мм, альвеолаларда 25 мм симоб уст. CO_2нинг 80%и қонга ишқорий металлар (бикарбонат), кам қисми эса гемоглобин б-н бириккан ҳолда (карбгемоглобин) боғланади. Газ алмашинувининг жалдаллиги Н. коэффициенти б-н таърифланади. Ҳайвонлар ва одамларда бош мия пўстлоғи, буйрак, юрак тўқималарининг O_2 га эҳтиёжи катта.

Н. марказий нерв системаси томонидан идора этилади. Н. олиш мускулларининг рефлектор қисқаришини таъминловчи ҳаракат нерваларининг ядролари орқа мия кулранг моддасининг олдинги шохларида жойлашган. Н. олиш ва чиқаришнинг биртекис ишлашини, узунчоқ мияда жойлашган Н. маркази (НМ) таъминлайди. Миянинг «Вароли кўприги»да пневмотоксик марказ мавжуд бўлиб, у НМ б-н бирга Н. жараёнини бошқаради. Н. назоратида қондаги CO_2 миқдорининг аҳамияти катта, бу миқдорнинг ошиши мускуллар қисқаришини кучайтиради ва МНҲни оширади, натижада организмдан ортиқча CO_2 чиқарилади. Уйқу артерияларида рецепторлар мавжуд бўлиб, улар қоннинг кимёвий таркибини назорат қилиб борали ва НМга қондаги O_2 ҳамда CO_2 миқдорининг ўзгариши тўғрисида ахборот беради. Узунчоқ миянинг сиртқи қисмида жойлашган хеморецепторлар орқа мия суюқлигидаги CO_2 миқдорининг ўзгаришини сезади. Н. назорати нафақат O_2 ва CO_2 парциал босимини меъёрда ушлаб туришга, балки бу кўрсаткичлар ўзгаришининг олдини олишга ҳам қаратилган.

Ўсимликларнинг ҳамма аъзо, тўқима ва ҳужайралари Н. олади. Н. олиш жадаллиги ўсимликнинг тури, қисмида турлича. Энг юқори Н. ёш, тез ўсувчи аъзо ва тўқималарга хос. Бутун ўсимликда энг аввал репродуктив аъзолари, кейин барглари, пояси ва илдизлари Н. олади. Ёруғликни севувчи гов ўсимликларида Н. олиш жараёни юқори, соябонгулдошларда эса аксинча, ташқи муҳит ҳарорати ошиши б-н Н. олиш кучайиб боради, ҳарорат ҳар 10 та оширида 2—3 маротаба кўпаяди. Аммо маълум бир энг юқори нуқтага етгач, Н. сусаяди, 45—50 да тўхтайди. Паст ҳароратда ўсимликларнинг Н. олиши кескин камаяди, лекин қишлайдиган ўсимлик аъзоларида Н. қисман сақланиб қолади. Ўсимликларга механик ва кимёвий омиллар б-н таъсир кўрсатилиши натижасида ҳам Н. кучаяди. Ўсимликлар ўстан сари Н. олиш жадаллиги ўзгариб боради. Қуруқ уруғлар жуда паст Н. олади, уруғлар униб чиққач ва кейинчалик ниҳол ўсиши давомида уларнинг Н. олиши бир неча мингмаротабагача ошади. Ўсимликларнинг фақат ўсиш босқичи тугаши б-н тўқималарининг Н. олиши сусаяди, бу ҳужайра протоплазмасидаги қарши жараёнлари б-н боғлиқ. Уруғлар ва меваларнинг пишиши б-н Н. тезлиги камаяди.

НАФАС ОРГАНЛАРИ — организм б-н ташқи муҳит (сув ёки ҳаво) ўртасида газ алмашинуви учун ихтисослашган органлар. Ҳайвонларда тана қопламчи ёки ичаги деворининг ботиб кириши ёки бўртиб чиқиши туфайли вужудга келган. Кўпчилик умуртқасиз ҳайвонлар (говактанлилар, бўшлиқичилар, чувалчанглар, тубан қисқичбақасимонлар, ипгатерилилар)да Н.о. бўлмайди. Умуртқалилар орасида тери орқали нафас олиш кам ҳаракатланадиган ва майда ҳайвонлар — айрим балиқлар, сувда ва қуруқликда яшовчилар учун хос. Н.о. дастлаб чувалчангларда жабралар шаклида пайдо бўлган. Кислород танқис бўлган, оқмайдиган лойқа сувларда яшайдиган айрим балиқларда атмосфера ҳавоси б-н нафас оладиган органлар — ўпкалар, лабиринт аппарат ривожланган. Орқа ичакнинг айрим қисмлари орқали содир бўладиган газ алмашинуви ичак орқали нафас олиш дейилади (айрим лаққасимон ва б. балиқлар).

Қуруқликда яшайдиган ҳайвонларнинг асосий Н.о. трахеялар ёки ўпкалар ҳисобланади. Онтогенезда Н.о. ўзгариши мумкин. Мас., кўпчилик балиқлар эмбрионлари дастлаб тана юзаси орқали нафас олади; кейинроқ уларда сариқлик халтасида сариқлик нафас олиш системаси ёки сузгичлар (анал, орқа, дум) нафас олиш системаси пайдо бўлади. Кейинчалик личинкаларда ташқи жабралар, сунгра *жабра* аппарати ривожланади. Аминолар эмбрионида нафас олиш вазифасини дастлаб сариқлик халтаси, кейинроқ аллантоис бажаради.

Одамда Н.о. ҳаво ўтказувчи йўллар (*бурун бўшлиғи, ҳақалдоқ, кекирдак* ва *бронхлар*) ҳамда ўпкадан иборат.

НАФАС ҚИСИШИ, ҳансираш — нафас олиш тезлиги, чуқурлиги ва маромининг бузилиши, одатда, ҳаво етишмаслиги б-н кечади. Физиологик ва патологик хиллари тафовут қилинади.

Физиологик Н.қ. жисмоний иш қилаётганда организмнинг кислород эҳтиёжи ошиши натижасида пайдо бўлади. Нафасининг чуқурлашуви ва тезлашуви туфайли организмга ўпка орқали кирадиган кислород миқдори Н.қ.да 2—3 баробар кўпаяди. Айни вақтда организмдан нафас б-н оғиқча карбонат ангидрид гази ҳам чиқарилади. Ҳаводаги кислород миқдори одатдагидан анча кам бўлганда баландликка кўтарилганда, ташқи муҳит т-раси ошганда ва ш. к. ҳолларда Н.қ. рўй беради. Одам ўз ихтиёрига кўра, яъни онгли равишда нафасининг тезлиги ва чуқурлигини ўзгартириши мумкин.

Патологик Н.қ. айрим касаллик ҳолатларида юз беради. Марказий Н.қ. нафасининг идора қилинишини бузилганда (қ. *Нафас*) ёки бош миядаги нафас маркази заҳарланганда, организм, мас., ухлатадиган дорилар ёки наркотик моддалардан заҳарланганда содир бўлади. Ўпкага алоқадор Н.қ. кўкрак қафаси шикастланганда, ўпка кучли заҳарланганда (ўпка яллиғланиши, сил, *бронхиал астма*, *ўпка эмфиземаси* ва б.) кузатилади. Н.қ.нинг бу тури нафас чуқурлиги ва тезлигининг бузилиши, аксари нафас чиқаришнинг қийинлашиши, тери ва шиллиқ қаватларининг кўкариб кетиши (қ. *Цианоз*), бўйин веналарининг бўртиб чиқиши, юз кўкариши б-н ўтиши мумкин. Ўпкадан бўладиган Н.қ. ҳатто озгина жисмоний ҳаракат қилганда ҳам кучаяди. Юракка алоқадор Н.қ. юрак камчилигида рўй беради, бунда тери кўкариб кетиши, оёқ-қўллар совуқ қотиши мумкин. Жисмоний иш қилганда бундай Н.қ. кескин камаяди. Одатда, бўғилиб қолишгача олиб келадиган Н.қ. бронхиал астма ва юрак астмасида кузатилади. Н.қ. авж олганда беморнинг кўкрагини қисиб турган кийимини ечиш, нафас олишини енгиллатиш учун ўрнига ўтказиб қўйиш, у ётган хона дераза сини очиб, зудлик б-н тез ёрдам чақириш керак. Ўпкага боғлиқ ҳолда Н.қ. б-н кечадиган касалликларнинг олдини олишда организмни мунтазам чиниқтириш, жисмоний машқлар ва нафас гимнастикаси б-н шуғулланиш, нафас йўлларининг юқумли ва аллергик касалликларини ўз вақтида даволатиш, тўғри овқатланиш, семиришга йўл қўймаслик лозим.

НАФАҚА — муҳтож одамларга давлат, корхона, муассаса ва айрим шахслар томонидан бериладиган ёрдам пули. Ўзбекистон Республикасида меҳнат стажига кўра бериладиган *пенсия*дан фарқли ҳолда Н. давлат томонидан, асосан, болаликдан ногирон, ёлғиз ва вақтинчалик қобилиятсизларга, меҳнатқобилиятсизларга, 3 ёшгача бўлган болалари тарбияси б-н банд бўлган аёлларга, ишсизларга, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга ва б. берилади (қ. *Ижтимоий нафақа*).

НАФИС — қишки, эрта ҳосилга киритиладиган олма нави. Р.Р.Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида маданий навларнинг ёркин чангланишидан олинган уруғдан ўстирилган ўсимликлардан танлаб чиқарилган (1963, М.М.*Мирзаев*, О.К. Қарилган (1963, М.М.*Мирзаев*, О.К. Афанасьев, А.Ҳамроҳўжаев). Дарахти кенг пирамидасимон, кучли ўсадиган, шох-шаббаси сийрак, новдалари тўқ жигарранг. Гуллари йирик, пушти-ранг. Апрель гуллайди (10—14 кун). Голден Делишес, Пармен, Жонатан каби навлардан яхши чанглайди. Меваси йирик (160—180 г), силлиқ, қизил, сариқ, эти оқ, ширин, мулойим, ҳар йили ҳосил қилади. Меваси окт. бошларида териб олинади. Кучли ўсадиган пайвандтагларда 5—6-йили, пакана пайвандтагларда 3-йили ҳосилга киради. Бактерияли ва вирусли касалликларга чидамсиз. Ўзбекистоннинг барча мевачилик зоналарида, ш.ч. синовлари учун р-нларштирилган.

Нафис олма нави.

НАФИСИЙ Саид (1895.8.6 — Теҳрон — 1966.13.11) — Эрон олими, ёзувчиси ва жамоат арбоби. Теҳрон ун-ти проф. (1934), Эрон Фарҳангистони (Тил ва адабиёт академияси) аъзоси (1935 й.дан). Теҳрон, Бери ва Парижда ўқиган. Ижоди 20-й.лардан бошланган. Эрон Марказий Осиё, Ҳиндистон халқлари адабиёти, маданияти ва тарихи масалаларига, шунингдек, рус ва Ғарбий Европа адабиётларига оид тадқиқотлар қилган. Н. «Абу Абдуллоҳ Жаъфар ибн Муҳаммад Рудакий Самарқандийнинг ҳаёти ва ижоди» номли 3 жилдли монографияси (1931—40), «Фарангис» (1931) романи, «Қожарлар тарихи», «Баҳрайн тарихи» (1955) ҳамда «Ҳозирги Эроннинг ижтимоий-сиёсий тарихи» (1959) каби асарлар муаллифи. «Байҳақий тарихи» (1—3-жилдлар, 1940—53)ни, Хондамирнинг «Дастур ул-вузаро» асарини нашр эттирган. «Ноширшоҳ ҳақида охирги ёдгор» (1926) пьесаси тарихий мавзуда. Ҳофиз Шерозий, Фаридиддин Аттор, Ибн Сино ва б. ҳақида бир қанча насрий асарлар ёзган, форс тилининг изоҳли лугати (1930, 5-жилд) ва французча-форсча лугат (1931—32) тузган. Н. шеъриятида замонавий турмушдаги воқеа-ҳодисалар ўз аксини топган. Насрий асарларида ғарб адабиётининг сезиларли таъсири бор.

Ас.: Жаннатнинг ярим йўлида, Т., 1974.

НАФЛИЛИК — моддий ва маънавий неъматлар, товарларнинг ўз хусусиятларига кўра, эҳтиёжларни қондириш хоссаси; товарлар ва хизматларни истеъмол қилишдан ҳар бир шахс оладиган муайян қониқиш. Иқтисодий назариянинг асосий тушунчаларидан бири. Н. даражаси — субъектив тушунча, у шахснинг манфаати, у ёки бу неъматга интилишига боғлиқ. Неъматларнинг инсон учун муҳимлиги ва аҳамияти уларнинг инсон учун нафлилигига — улар қондирадиган эҳтиёжларнинг эҳтиёжлар тартибидаги ўрнига, даражаси ва аҳамиятига боғлиқ. Ҳар қандай неъматларнинг Н. даражаси унинг табиий хоссаларига, сифатига боғлиқ. Маҳсулот нафлилиги ўсиши учун унинг табиий ва сунъий яратилган хоссалари сифатини яхшилаш лозим. Мас., буюмнинг сифати яхшиланиб хизмат қилиш муддати 2 марта ортса, унинг нафлилиги 2 марта ортиб, олдингисига нисбатан 2 марта кўпроқ эҳтиёжни қондиради. Шунинг учун ҳам иқтисодий ўсишнинг муҳим омили маҳсулот сифати ва унинг Н. даражасини оширишдир. Айрим товарлардан қониқиш якка қониқишдир, аммо товарларни истеъмол этишда умумий қониқиш ҳам пайдо бўлади. Умумий Н. — истеъмол қилинадиган бойликларнинг барча таркибий қисмлари бўйича нафлилигидир. Умумий Н. товарлар гуруҳига аҳолдор ва кишилар талабини тез ўзгартиради. Умуман, товарлар хилма-хил бўлганда Н. пасайишга мойил бўлади. Товарларнинг наф келтириш хусусияти — истеъмол этиш жараёнида истеъмолчида қониқиш ҳосил эта олиши, яъни харидорнинг индивидуал дидига қараб эҳтиёжни қондира олишидир. Товарнинг наф келтириши қанчалик юқори

бўлса, шунчалик нархнинг қийматдан узилиши ҳам юз беради. Аммо бундай ҳол кам учрайди, чунки товарлар тонг кўп бўлганидан айрим товарлар нафлилиги ўта юқори бўлмайди, ўринбосар товарлардаги Н. уни тутиб туради.

Нархнинг товар нафлилигига монанд ошиб бориши чексиз эмас. Чунки наф келтириш меъёрининг ҳам энг охирги чегараси бўлади. Шу чегарадан ўтгач, товарнинг нафлиги пасая боради. Шундан сўнг, харид этилган ва истеъмол қилинган товар нафлиги пасаяди. Чунки, харид нархининг чекланганлиги туфайли харидор ўз қўлидаги пулига юксак қониқиш ҳосил қиладиган товарларни олади. Бу Н.нинг юқори нуқтаси (максимизацияси) дейилади.

Бозор шароитида истеъмол танловининг асосий чегаралари товарнинг нархи ва истеъмолчининг даромади ҳисобланади. Шу сабабли, нафақат товарнинг нафлилиги, балки Н.нинг мазкур товар нархи б-н нисбати ҳам аҳамиятга эга. Бундай нисбат чамаланган (ҳисобга олинган) меъёрий Н. дейилади. Жамият ривожланишида моддий ва маънавий неъматларнинг Н. жуда муҳим масала бўлганидан иқтисодий тафаккур тарихида объектив ва субъектив нуқтаи назарларда турадиган бир қанча Н. назариялари пайдо бўлди. Н. муаммосига сиёсий иқтисодлаги *австрия мактаби* вакиллари Э. *Бём-Баверк*, Ф. *Визер*, К. *Менгер*, шунингдек, Г.Госсен ва б. катта эътибор берганлар. Уларнинг фикрича, кишилар неъматларни Н.га эга бўлгани учунгина қадрлайдилар, истеъмолчи назарида қадрли бўлган нарсагина қадр-қимматга эгалир. Кишилар муайян товарларни қадрлаганларида унинг фақат объектив Н.ни ёки субъектив Н.ни (уни истеъмол этишдан олинадиган қониқишни, нафни) ҳисобга олиш б-н чекланмасдан, унинг меҳнат натижаси эканлиги, ижтимоий меҳнатнинг мужассам эканлигини, яъни муайян ижтимоий қийматга эга эканлигини ҳам ҳисобга оладилар, товарни объектив Н. ва ижтимоий қиймат бирлигидан иборат маҳсулот сифатида қадрлайдилар. Неъматнинг суъектив қадр-қиммати унинг объектив қадр-қимматининг, объектив Н.и ва ижтимоий қиймати бирлигининг инсоний эҳтиёж, фаровонлик нуқтаи назаридан қадрланадиган субъектив аҳамиятидир (яна қ. *Мевёрий нафлилик назарияси*).

Ад.: Самуэльсон П.А., Нордхаус В.Д., Экономика, М., 2000.

Эрлис Аликулов.

НАФЛИЛИК НАЗАРИЯСИ — турли неъматлар нафлилигининг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти тўғрисидаги таълимот (қ. *Нафлилик*).

НАФОСАТ — *гўзаллик* тури. Нарса ва ҳодисаларнинг ташқи кўринишни (шакли, рангидаги алоҳида мукаммалликни, мутаносиблигини ифодалайди (мас., спортчи қиз ёки йигитнинг қаддиқомати, турфа гулларнинг ранг-баранглиги). Кишиларнинг муомаласи, нутқи, ақли, кийинишига нисбатан Н. тушунчаси уларнинг назокатли, нозик дидли эканлигидан дарак беради. Н. бадиий адабиётда воқеликлаги табиатан нафис нарса ва ҳодисаларнинг инъикоси сифатида ифодаланса, санъатда, нимани акс эттиришдан қатъи назар, акс эттириш услубининг ниҳоятда нозик ифодалилигида, ижро усулининг алоҳида нафислигида воғага чиқади. Ҳақиқий Н.ни сохта, ясама нафисликдан ажрата билиш лозим. Юксак инсоний фазилатларни, халқчил ғоя, ижтимоий мазмунга эга бўлган ва табиат гўзаллигини акс эттирган Н.гина ҳақиқий ҳисобланади.

НАФРАТ — муайян шахсга ёки кишилар гуруҳига, ғояга ёки амалий фаолиятга нисбатан қаттиқ газаб ва жирканиш туйғуси. *Муҳаббат*нинг зидди. Ақлли, тўғри, ҳалол, пок ва виждонли инсон нопок, ўғри, порахўр, мунофиқ, ахлоқан бузуқ кишилардан ва уларнинг ишларидан ҳазар қилади, уларга Н. б-н қарайди. Қурён ва ҳалсларда нопок, имонсиз, туҳматчи ва гийбатчи кишилар ҳам Н.га лойиқ эканлиги таъкидланади.

НАФТАЛИН (юн. naphtha — нефть), $C_{10}H_8$ — ароматик углеводород; конденсатланган 2 та бензол ҳалқасидан тузилган. Рангсиз, ўзига хос ҳидли пластинкасимон кристалл. Мол. м. 128,2; суюқланиш т-раси 80,3°, қайнаш т-раси 218°. Заҳарли, зичлиги 1025 кг/м³. Сувда оз, спирт, эфир, бензолда яхши эрийди. Тошкўмир чирки (дёготи)дан олинади. Н. кўпгина органик ярим маҳсулотлар, бўёғичлар (нафтоллар, нафтиламинлар ва уларнинг сульфокислоталари), пластификаторлар, суюлтиргичлар, сирт фаол моддалар ва б. олишда бошланғич маҳсулот ҳисобланади. Н.нинг яқин гомологларидан — метилнафталинлар ўсимликларнинг ўсиш регуляторлари сифатида, полиметилнафталин инсектицид сифатида, Н.нинг сульфокислота тузлари *эмульгаторлар* сифатида ишлатилади.

Нафталин.

НАФТАНДОЗ (араб. — нафт, нефть, форс. — андоз, олмоқ) — нефтни ёндириб отиш қуроли. Ўрта Осиё ҳудудидаги қазилаб шаҳар харобаларидан археолоғик конъюнктурани излашлар (сиёҳ кузчаси топилган. Уларнинг аксариятн нақш, безакдир. В.Л.*Вяткин* Афросиёб шаҳар харобасидан устига «фатҳ — талаба деб ёзилган шундай идиш топган. Ўрта асрлардаги қўшинлар таркибида махсус Н.лар қисми мавжуд бўлган. Тарихий манбаларда Н. истилоҳи 16-асрдан сўнг учрамайди.

НАФТЕНЛАР (юн. naphtha — нефть) — циклопентан ва циклогексан қаторининг тўйинган алициклик углеводородлари, шунингдек, молекуласида 2 тадан 5 тагача ҳалқаси бўлган мураккаб бир- ва полициклик углеводородлар. Умумий формуласи C_nH_{2n}. Тўйинган углеводородлардан молекуласидаги углерод атомларининг циклик ҳалқа ҳосил қилиб жойланиши б-н фарқ қилади. Асосий манбаи — нефть. Нефтда, циклн (ҳалқаси)да 5 ва 6 та углерод атом бўлиб, табиатда бирмунча кўп тарқалган Н. бор. Циклида 6 та углерод атоми бўладиган Н. — гексаметиленлар (циклогексан ва унинг гомологлари) муҳим. Улар нефтни ҳайдаш йўли б-н олинади. Каталитик крекинг жараёнида ароматик ёки тўйинмаган углеводородларга айланади. Н., мотор ёнилғиларининг таркибий қисми ҳисобланади.

НАФТОЛЛАР, оксинафталинлар — *нафталин* ҳосилалари. Мол. м. 144,16. Таркибида 1 та гидроксил (OH) гуруҳ бўлиб, унинг жойланишига қараб α- ва β-нафтолларга бўлинади. Кимёвий хоссаларига кўра, фенолларга яқин тураді. Нафталинсульфокислоталарни ишқорлар б-н суюқлантириб олинади. Асосан, азо-бўёқлар ва органик ярим маҳсулотлар олишда ишлатилади.

НАХ-ДОҒИСТОН ТИЛЛАРИ — *кавказ (ибери-кавказ) тилларининг* бир тармоғи. Чеченистон, Ингушия, Доғистон республикаларида, Озарбайжон, Грузия, Туркиянинг айрим ҳудудларида тарқалган 29 та тилни ўз ичига олади. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 2,5 млн. кишига етади. Н.-Д.т. ўз навбатида 5 ёки 6 гуруҳга бўлинади. Уларнинг асосийлари: нах тиллари (чечен, ингуш, бацби), авар-анд тиллари (авар, ботлих, годобери, ахвах, каратай, тинда чамали, анд), лак-даргин тиллари (лак, даргин), цез тиллари (цез, бежтин, гунзиб, хваршин), лазгин тиллари (лазгин, табасаран, агул, рутул, цахур, арчин, удин, хиналуг). Фонетикаси унлилар тизимининг мўътадил ривожланиши (3—10) ва ундошлар тизимининг мураккаблиги (35—40) б-н ажралиб турали. Айрим тилларда унлилар миқдори 15—20 тагача етади. Унлилар чузиқлик бўйича фарқланмаиди. Бир қатор тилларда бўғун, бўғин ва умлаутли унлилар мавжуд. Морфологияси аглютинатив хусусиятга эга. Аффиксация, ўзакдаги товуш асосий грамматик воситалардан ҳисобланади. Суффиксал сўз ясалиши префиксал усулга қарағанда кенг қўлланади. От ва феъл морфологияси ривожланган. Келишиклар миқдори анча кўп. Синтаксиси ва ундаги синтактик ҳолатлар туркий тилларданига анча яқин. Ушбу тилларнинг луғат таркиби, асосан, уларда қалимдан қўлланиб келган сўзлар ва улардан ясалган лексемалардан иборат. Уларда туркий, араб, форс тилларидан ўзлашган, рус тилидан кириб келган сўзлар ҳам анчагина.

Н.-Д.тдан чечен, ингуш, авар, лак, даргин, лазгин, табасаран тиллари 1921 й.гача араб графикаси асосидаги, 1921—38 й.ларда лотин графикаси асосидаги ёзувга эга бўлган; 1938 й.дан эса рус графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланиб келинмоқда. Бу гуруҳдаги бошқа тиллар ўз ёзувларига эга эмас.

НАХИЧЕВАН, Нахичеван Мухтор Республикаси — Озарбайжон Республикаси таркибидаги мухтор республика. Заказка яқинда жойлашган. Аракс дарёси бўйлаб Туркия, Эрон б-н чегаралаиди. Майд. 5,5 минг км². Аҳолиси 306 минг киши. Пойтахти — *Нахичеван ш.* Маъмурий жиҳатдан 6 туман, 4 шаҳар ва 6 шаҳарчага бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — мухтор республика. Қонун чиқарувчи ҳокимияти Олий мажлис (парламент), ижрочи ҳокимиятни вазирлар кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. Н. Закавказье тоглигининг жан.-шарқий қисмини эгаллайди. Шимда Даралагез тизмаси, шарқда Зангезур тизмаси (энг баланд жойи — Капитжик тоғи, 3904 м). Аракс дарёси бўйлаб жан. ва жан.-гарбий қисми текислик. Фойдали қазилмалари: молибден ва полиметалл рудалари, тош- туз, қурилиш материаллари ва б. Минерал сувли булоқлар бор. Иқлими кескин континентал, қуруқ. Янв.нинг ўртача т-раси 3—14°, июлники 25—28° (тоғ чўққиларида 5°). Йиллик ёғин 190—600 мм ва ундан ортиқ. Аракс дарёси ва унинг ирмоқлари сугоришда катта аҳамиятга эга. Тупроқлари кулранг, ўтлоқи кулранг, шўртоб, шўр, кулранг-қўнғир ва б. Ҳайвонот дунёси хилмахил: муфлон, қоплон, айиқ, тўнғиз, тулки, малла товушқон ва турли қушлар бор. Бодомли курорти. Дардоғ, Гўмир, Вайхир, Батабат шифобахш булоқлари, Нагажир оромгоҳи бор.

Аҳолиси, асосан, озарбайжонлар; рус лар, курдлар ва б. ҳам яшайди. Шаҳарликлар 33,2%. Асосий шаҳарлари: Нахичеван, Ордубад, Жулфа.

Тарихи. Ҳоз. Нахичеван ҳудудида яшаган қад. қабилалардан неолит даврига оид моддий маданият ёдгорликлари сақланган. Н. мил. ав. 8—7-асрларда Мана ва Мидия давлатлари, мил. ав. 6-асрдан Ахоманийлар давлати, кейинчалик Атропатена давлати таркибида бўлган. Мил. бошларида Н. Ғарб б-н Шарқ ўртасида муҳим савдо манзили ҳисобланган. 3-асрда Эрон, 7-асрда араблар истило қилган, 9—10-асрларда сожийлар ва салжуқийлар қўл остирилар, 11-асрда салжуқийлар қўл остида бўлган. 13—14-асрларда мўғуллар ва Амир Темур қўшинлари Н.ни забт этган. 15-асрда Қора қўюнли ва Оқ қўюнли давлатлари, 16—17-асрларда Сафавийлар давлати таркибида. 16—18-асрларда Туркия ва Эрон босқинидан анча вайрон бўлган. 18-а. охирида мустақил Нахичевон хонлиги вужудга келди. 1828 й.ги Туркманчай сулҳига биноан, Нахичевон хонлиги Россия таркибига киритилган. 20-а. бошларида ўлкада деҳқончиликнинг ривожланиши қарши ҳаракати авж олди. 1917—19 йилларда турклар, инглизлар, мусоватчилар ҳукмронлик қилди. 1920 й. 28 июлда шўро ҳокимияти ўрнатилди. 1923 й. февр.да Озарбайжон таркибида Нахичеван мухтор ўлкаси ташкил этилди. 1924 й. 9 февр.дан Н. мухтор шўро республикаси, 1990 й. ноябрдан Н. Мухтор Республикаси деб аталади.

Хўжалиги енгил ва озиқ-овқат саноатига, техника экинлари етиштиришга, деҳончилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Кончилик саноати (Парагачай молибден, Гумушли кўрғошин-рух, Нахичеван туз конлари) ривожланган. Машинасозлик ва металл ишлаш (Н. электротехника з-ди, Шахбуз авторемонт з-ди ва б.), ёғочсозлик, бинокорлик материаллари корхоналари бор. Ордубад пиллакашлик ва шойи тўқиш саноат мажмуаси, Нахичеван тикув ф-каси, трикотаж, пойабзал, мебель корхоналари енгил саноатнинг асосидир. Озиқ-овқат саноатининг вино, минерал сув, консерва ва сут маҳсулотлари и.ч. тармоқлари ривожланган.

Қ.х. суғориладиган деҳончиликка асосланган. Донли экинлар, пахта, тамаки, узум, сабзавот-полиз экинлари, пилла етиштирилади. Боғдорчилик ривожланган. Чорвачилигида қорамол, қўй, эчки боқилади. Йирик ва маҳсулдор балиқ қўй зоти шу ерда кўпайтирилади.

Маданияти. Н.даги умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари учун ўқитувчилар Нахичеван Озарбайжон ФА нинг Н. илмий маркази, Озарбайжон фан-техника ахбороти ин-тининг бўлими, Шахбуз туманида Шемаха астрофизика расадхонасининг астрономия экспедицияси илмий ишлар олиб боради. Н.да 239 оммавий кутубхона, 236 клуб муассасаси, 187 кинотеатр, мусиқали драма театри, 4 давлат музейи бор. Маҳаллий радио озарбайжон, рус ва б. тилларда эшиттириш олиб боради. Нахичеван ш.да телемарказ бор.

Н. адабиёти озарбайжон адабиёти б-н бирга ривожланиб келмоқда. 19-а. охири — 20-а. бошларида Ж. Мамадқулизода, Ҳусайн Жовид, Мамед Таги Сидқи, Э. Султонов, Али Қули Гамкусар каби ёзувчилар ижод қилдилар. 20—30-йилларда Э. Абасов, М. Носирли, М. Жафаров, М. Ақпер, А. Содиқ каби ёзувчилар республика ҳаётини тасвирловчи асарлар, 2-жаҳон уруши йилларида М. Тарвердиев, Н. Нагиев, А. Матодун, И. Сафарли ватанпарварликка даъват этувчи асарлар ёзишди. Замонавий шоирлардан Г. Алим, А. Маҳмуд, К. Огаева, В. Касумова, прозачилардан Г. Рози, Г. Иброҳимов, драматурглардан А. Юсифли, А. Аббосқулиев ва б. машҳур.

Н. ҳудудида мил. ав. 2-минг йилликнинг охири — 1-минг йилликка оид маҳобатли иншоотлар, ҳайвонларнинг жез, совод ва тош ҳайкаллари, ўрта аср Нахичеван меъморлик мактабига хос миноралар, Нахичеван, Жуга, Қорабоғлардаги мақбаралар, Ордубаддаги турар жойлар (16—19-а.лар) сақланиб қолган. Кейинги йилларда Н.да кўркам уй-жой бинолари, жамоат ва саноат иншоотлари қурилди, меъморий ёдгорликлар таъмирланди. Озарбайжон реалистик рассомчилигининг асосчиларидан бири Б.Ш.Кенгарли (19-а. охири — 20-а. боши) Н.да ишаб, ижод қилди. Энг кўп тарқалган тасвирий-амалий санъат турлари: тўқувчилик, гиламчилик, маржон ва мунчоқли каштачилик, қўлда гул солиб тўқиш, мисгарлик, ёғоч ўймакорлиги ва б.

Мусиқада халқ қўшиқ ва рақслари (меҳнат, турмуш, маросим, қаҳрамонлик, тарихий ва б.) қад. анъаналарга эга. Давра бўлиб ижро этиладиган қўшиқ-рақс (мас., қад. эллалар жўшқинлиги ва турли-туманлиги б-н ажралиб туради. Мусиқа асбоблари: сурнай, баламан, ноғора, тулум ва б. 19-а. охирида Нахичеванда ҳаваскорлик труппаси ташкил этилди. Н.да профессионал театрни барпо этишда ёзувчи Ж. Мамадқулизода, реж. Г. Арабlinский (Халафов) катта хизмат қилди. 1923 й. давлат драма театри ташкил этилди (1962 й.дан Ж. Мамадқулизода номидаги мусиқали драма театри). Унинг репертуаридан М.Ф.Охундов, С. Вурғун, Ш. Қурбонов, М. Носирли ва жаҳон мумтоз драматургия асарлари ўрин олган. Артистлардан Э. Ахвердиев, И. Ҳамзаев, М. Қулиев, И. Мусаев машҳур.

НАХИЧЕВАН — Озарбайжондаги шаҳар. Нахичеван Мухтор Республикаси пойтахти. Нахичеванчайнинг (Аракс ирмоғи) ўнг соҳилида. Т.й. станцияси. Автомобиль йўллари тугуни, аэропорт бор. Аҳолиси 61,7 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари, электротехника, радиотехника з-длари, мебель ф-каси бор, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади, тош тузи қазиб олинади. Университет, Озарбайжон ФАнинг илмий маркази, театр, тарих, адабиёт музейлари, суратлар галереяси мавжуд. Н. мил. ав. 6-а.ларда вужудга келган. 11-а.да Салжуқийлар давлати маркази, 12-а.да Элдегизилар давлати пойтахти, 1828 й.дан Россия империяси, 1923 й.дан Озарбайжон таркибида, 1924 й. 9 февдан Нахичеван Мухтор Республикаси пойтахти. Шаҳарда Озарбайжон меъморлиги ёдгорликларидан Юсуф Ибн Қусайир ва Мумина хотун мақбаралари (12-а.) сақланган.

Нахичеван шаҳри. Юсуф ибн Қусайир мақбараси.

НАХОДКА — РФ Приморье ўлкасидаги шаҳар (1950 йилар). Япон денгизининг Находка қўлтиғисидаги порт. Узоқ Шарқнинг йирик транспорт ва балиқ овлаш марказларидан бири. Яқин т.ж. станцияси — Тихоокеанская. Аҳолиси 160,5 минг киши (1998). Узоқ Шарқ кема механика, кема таъмирлаш, темир-бетон буюмлари з-длари, балиқ к-ти, гунуқа банка (идиш) ф-каси бор. Денгизчилик, мусиқа билим юртлари. Приморье давлат музейи филиали мавжуд. Н. яқинида Восточний порти жойлашган.

НАХШАБ — қ. *Насаф*.

НАХШАБИЙ Абу Туроб (? — 850, Қарши) — тасаввуф шайхларидан бири. Пири мурид даражасига эришган. У тасаввуфнинг муҳим шартларидан бири бўлган нафс ва кибрни жиловлашнинг инсон ҳаётидаги аҳамиятини кўрсатган. Алишер Навоий ўзининг «Лисон ут-тайр» достонида Н. номини эҳтиром б-н тилга олган.

НАША (Cannabis) — *нашадошлар* оиласига мансуб бир йиллик ўт ўсимликлар туркуми; йигириладиган луб толали, мойли экин. Ватани — Марказий Осиё. Толаси ва мойи учун мил. ав. 1-минг йилликдан экиб келинган. Бир-бирига жуда яқин 3 тури бор: маданий ёки экма Н. (C.sativa) — тола олиш учун Россия, Белоруссия, Украина, Ғарбий Европа мамлакатларида, Ҳиндистонда экилади, ёввойи ҳолда Монголия, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Хитойда ўсади; ҳинд Н.си (C.indica) — Эрон, Туркия, Сурия ва б. мамлакатларда уруғидан қуюқ мой, барги ва пояси чекиладиган наша (наркотик маҳсулот — гашиш) ва ургочи тўпгулидан марихуана олиш учун етиштирилади, ёввойи ҳолда Ўрта Осиё, Покистон, Афғонистон, ва б. мамлакатларда ўсади; ёввойи Н. (C.ruderalis) — Ўрта Осиё, Ғарбий Сибирь, Волгабўйида баҳори экинлар орасида, партов ерларда бегона ўт сифатида кўп ўсади.

Маданий Н.нинг илдизи ўқ илдиз, 1,5—2,0 м чуқурликка кириб боради. Пояси 1—5 м гача етади, диаметри 10—30 мм, 7—8 бўғинли, нисбатан иссиқсевар, намсевар ўсимлик. Навига қараб вегетация даври 65—160 кун. Икки уйли (эркак ва ургочи ўсимликка бўлинади), четдан чангланади. Барглари панжасимон, яшил, бандлари қизғиш-бинафшаранг. Гултўпламн шингил, ургочи ўсимликларида гуж, барг қўлтиқларида, эркак ўсимликларида эса ён шохларининг учларида жойлашади. Гуллаш даври 15—25 кун давом этиб, эркак ўсимлик гуллари ургочи ўсимлик гулларидан 4—7 кундан кеч очилади. Меваси икки паллали, бир уруғли ёнғоқча, вазни силлиқ, диаметри 2—5 мм. 1000 дона уруғи вазни 10—26 г. Уруғи 1—2 да униб чиқади, 8—10 да майсаланади, —5, —6 совуққа чидайди, 19—25 да яхши ривожланади. Шоналаш-гуллаш даврида сувни кўп талаб қилади. Эркак ўсимликлари эрта етилади. Толаси поя пўстлоғида жойлашади, дағал, йўғон, аммо жуда пишиқ, нам ўтказмайди. Пояси да 27% гача тола бўлиб, ундан дағал газламалар, қоп-қанор, арқон тайёрланади. Уруғида 30—35% мой, 18—23% оқсил мавжуд. Мойи қандолатчиликда, консерва, қайта ишлаш, лок-бўёқ саноатида, совун тайёрлашда ишлатилади. Кунжараси молларга берилади. Тола олиш учун ёппасига қаторлаб, уруғ олиш учун кенг қаторлаб экилади. Толаси учун гуллаш даврида ўрилади. Сувда ивитилиб, қуритилади ва толаси ажратиб олинади. Ўрта Осиёда қадимдан наркотик модда берадиган ҳинд Н.си *чарас* чекишда ишлатилган.

Наша: 1 — экма нашанинг уруғочи ва 2 — эркак ўсимликлари.

Ад.: Ерматова Д., Ўсимликшунослик, Т., 2000; Виноградов Б. И., Атабаева Х., Дементьев А. А., Растениеводство (практикум), Т., 1987.

Ҳалима Отабоева.

НАШАВАНДЛИК — *наша* чекиш натижасида вужудга келган *бангилик*.

НАШАГУЛ (Rubbeckia laciniata L.). қийиқбарг нашагул — мураккабгулдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўтсимон манзарали ўсимлик. Ватани — Америка. Бўйи 1—2,5 м. Пояси тик ўсади, пастдаги япроқлари патсимон, юқоридагилари уч бурчакли. Гуллари сариқ ва тўқ қизил. Тўпгули саватча, йирик (7—12 см), шарсимон, кўп гулли, узун бандли, шохлари учида биттадан ўрнашган. Саватчанинг четига ўрнашган гуллари тилсимон, жинссиз, ўртадагилари эса найчали, икки жинсли. Меваси 5—6 мм, 4 қиррали доначa, учида кокили бор. Уруғи нонасимон, чўзиқ. Н. уруғларидан ҳамда барчасидан кўпайтирилади. Иккидан то кеч кузгача гуллайди. Ўзбекистонда парклларга, майсазор ва гулзорларга экилади.

НАШАДОШЛАР (Cannabaceae) — икки уруғпаллали ўсимликлар оиласи. Кўпинча, мўътадил иқлимли р-ларда тарқалган тик поясн ёки илашиб ўсувчи ўтлардан иборат. Гули қўримсиз, бир жинсли, каллаксимон, тўпгулларга йиғилган; эркак тўпгуллари кўп гулли, рўваксимон, урғочи тўпгуллари кам гулли, каллаксимон. Икки туркуми (*наша* ва хмель), 3 тури бор.

НАШАТИР СПИРТ — қ. *Новшадил спирт*.

НАШВАТИ — халқ селекцияси йўли б-н етиштирилган нок (олмурт) навлари гуруҳи. Қишки Н., кузги оқ Н., чиллаки Н., ёзги Н. каби навлар шу гуруҳга кнд. Ўзбекистонда Н.нинг мурут, олмурут деб аталадиган ёввойи тури — Қоржинскин нокн (P. korshinskyi Litv.) тог этакларн ва ён бағирларида, сойларда ўсади. Меваси думалоқ ёки нокснмон-чўзиқ. Ўзбекистонда қадимдан экиб келинади. Маданий Н. навлари кўчатлари ёввойи нок уруғларидан етиштирилган пайвандтагларга пайванд қилиб етиштирилади. 4—6-йили ҳосилга кирали. Дарахти бақ. 8—12 м. Бошқа нок навларига қарағанда эрта гуллайди. Меваси навига қараб июнь охиридан окт. бошларигача бўлган даврда пишади, оғирлиги 120—250 г (баъзан 500—700 г), кўпчилиги сарғиш-кўкиш, айримлари рангдор, усти мойсимон

Нашвати: *1* — кузги нашвати, *2* — қишки нашвати навлари.

ғуборли, силлиқ. Эти оч сариқ ёки кўкиш-оқ, куврак, сувли, нордон-ширин, уруғи йирик; кечпишарлари март—апр.гача сақланади. Акад. Р. Р. Шредер номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. институтида Н. нинг Қишки Н. 2, кузги Қизил Н. навлари чиқарилган ва р-нлаштирилган.

НАШРИЁТ — қ. *Нашриёт ишн*.

НАШРИЁТ ИШИ — қ. *Нашриёт ишн*.

НАШРИЁТ-ҲИСОБ ТАБОҒИ — босма нашр ҳажми ўлчов бирлиги. Унга *муаллифлик табоғига* ҳисобланган асосий матн ҳажми б-н бирга муаллифга ҳақ тўланмайдиган барча матн (нашриёт томонидан ёзилган сўз боши, рукисарлавҳа, рукнрақам, зарварақ, сарварақ ёзувлари ва б.), график материалларнинг ҳажми ҳам кирали. Н-ҳ.т. нашриётдаги ҳисоб-китоб ишларида, муҳаррнр, техник муҳаррнр, мусаҳҳнҳ ва б. ходимлар меҳнатини ҳисоблашда қўлланади (яна қ. *Босма табоқ*).

НАШТАР — чақувчи пардақаноглилар уруғочиси заҳар сочувчи органининг санчувчи қисми. Ҳимоя ва ҳужум қилиш органи. Тинч ҳолатда Н. қорин бўлимининг охирги бўтими ичида жойлашади; зарур бўлганда ташқарига чиқарилади. Н. заҳар ишлаб чиқарадиган безлар б-н боғланган. Н.нинг остки ва устки тарновсимон паллалари ўртасида ғай ҳосил бўлади. Заҳарли суюқлик ана шу ғай орқали ўлжа ёки душман танасига оқиб боради. Асаларилар Н.и қирраларида майда илмоқчалар бўлади. Асалари йирик ҳайвонларни чаққанидан сўнг Н.ни чиқариб ололмасдан ҳалок бўлади. Чаёнлар Н. и заҳар суюқлиги оқиб ўтадиган игнасимон найдан иборат бўлиб, орқа қорнининг охирги бўтимида жойлашган.

«НАШТАР» — сатирик кнножурнал. 1966 й.да «Ўзбекфильм» қошида Сами Абдуҳаҳҳор, Анатолий Қобулов лар ташаббуси б-н ташкил этилган. Кундалик ҳаётда учрайдиган ижтимоий иллатларга қарши сатира, юмор ёрдамида курашиш кнножурнал бадиий, ҳужжатли, баъзан мультипликация йўли б-н суратга олинади. Кнножурнални халққа манзур қилишда таниқли ёзувчилар (С. Аҳмад, И. Раҳим, С. Абдуқаҳҳор ва б.), театр ва кино актёрлари (Ғ. Аъзамов, Ҳ. Умаров, Б. Ихтиёров, К. Жалилова ва б.)нинг хизматлари катта. 1998 й.дан «Н.» «Ўзбекматлари катта. 1998 й.дан «Н.» «Ўзбекнно» давлат акциядорлик компанияси қошидаги Республика «Видеомарказ» таркибига ўтказилди. «Н.»да турли йиллардa Ғани Шермуҳамедов, Ўлмас Умарбеков, Сами Абдуқаҳҳор, Анатолий Қобулов кабн таниқли ижодкорлар бадиий раҳбар, реж., бош муҳаррнр сифатида фаолият кўрсатдилар. Ҳоз. қунда А. Юсупов, С. Азларов (бош муҳаррнр), Э. Хушвақтов, М. Абзалов, Э. Хачатуров, Қ. Хасанов, С. Бобоев, Ф. Давлетшин, И. Эргашев ва б. «Н.»нинг асосий ташкилотчилари. Актёрлардан Клара Жалилова, Динас Раҳматов, Равшан Солиҳов, Валижон Шамшиев, Зебо Наврўзова каблар фаол иштирок этишали. «Н.» йиллар 4 марта чиқарилали (2003).

НАЪМАТАК (Rosa) — раънодошлар оиласига мансуб буталар туркуми. Бўйи 3 м ча. Барги тоқ патсимон мураккаб, новда кетма-кет жойлашади. Гули ҳушбўй, ранги ҳар хил, якка ёки 2—3 талаб ўрнашган. Меваси шарали, шакли ва ранги ҳар хил, гул ўрнидаги сохта мева ичида тукли, бир уруғли ёнғоқчалар жойлашган. Н. турлари бир-биридан мевасининг шакли, катта-кичиклиги, ранги, новда пўстлоғининг ранги ҳамда новдадаги тиканларнинг оз-кўплиги ва жойланишига қараб фарқланади. Н. ўрмонларда ариқ ёқаларида, буталар орасида, тог ён бағирларида ўсади. Гули чиройли турлари боғларда, хиёбонларда ва кўчаларда ўс-тирилади. Ўзбекистонда Н.нинг 10 дан ортиқ тури учрайди. Итбурун

Наъматак.

наъматак (R. canina) мевасида 4—6%, баъзан 18% ча С, R_p. К, Р витаминлари, 18 мг%ча каротин, 18% ча қанд, 2% ча лимон кислота, ошловчи ва б. моддалар бўлиб, тиббиётда авитаминознинг олдини олиш ва даволашда қўлланади. Н.нинг манзарали турлари — атиргулдаран олинадиган ҳушбўй эфир мойи *(атиргул мойи)*, асосан, парфюмерияда, ундан тайёрланадиган атиргул суви (Aqua Rosae) фармацевтикада дориларнинг ҳиди ва мазасини яхшилаш учун ишлатилади.

НАЪТ (араб. — мақтов, таъриф) — мумтоз адабиётнинг анъанавий таркибий қисмларидан бири. Одатда, катта шеърий-эпик асар (достон)лар, баъзан илмий асарлар бош қисмида *ҳамд* ва *муножот*дан кейин келади. Н., асосан, пайғамбар (лар) шаънига айтиладиган мақтовдан иборат бўлиб, кўпгина мумтоз шеърий асарларда учрайди.

НАЯРИТ — Мексиканинг ғарбий қисмидаги штат, Тинч океан соҳилида. Майд. 27,6 минг км². Аҳолиси 919,7 минг киши (2000). Маъмурий маркази — Тепик ш. Ғарбий Сьерра-Мадре тизмалари (бал. 2300 м) тор соҳилбўйи текислигини Мексика иссиқлигидан ажратиб туради. Иқлими ёзи сернам, тропик иқлим. Йиллик ёғин 1000 мм. Тог ораларида ёғин миқдори 200—300 мм. Асосий дарёлари: Сан-Педро, Рио-Гранде-де-Сантьяго ва б. Текисликларда доим яшил ўрмонлар, тог этакларида барг тўкувчи, баландроқда игна баргли дарахтлар ўсали. Хўжалигининг

асосини қ.х. ташкил этади. Асосий экинлари: тамаки, ер ёнғоқ, шакарқамиш, тропик мевалар. Озиқ-овқат, тўқимачилик, кўн-пойабзал саноати ривожланган.

НАҚАРОТ — *қўшиқ*нинг ҳар бандидан сўнг мунтазам равишда такрорланиб турувчи қисми. Н.нинг шеърий матни, одатда, тўртлик ёки байтдан ташкил топиб, тугал бадиий образни ифодалайди. Н. мусиқа асарининг иккинчи куй даврияси, ихчам ва содда шаклли намуналарда эса куйнинг иккинчи жумласи сифатида гавдаланади. Қўшиқ ва мадҳияларда Н. бошқа қисмлардан мусиқий вазн, услуб ва ижро суръати б-н фарқланиши мумкин. Хор жамоаларига мўлжаллаб яратилган қўшиқларда Н. қисми, одатда, яъни хор томонидан ижро этилади. Айрим халқ қўшиқ ва яллаларида Н. асосий куйни бутунлигича такрорлайди ва бандлардан такрорий шеър матни туфайли ажратилади. Қўшиқ, ашула, сувора, мақомларнинг шўъба ва тароналарида, шунингдек, ўзбек бастакорлик ижодиётига мансуб асарларда Н.нинг ҳар хил вокал ва чолғу йўллари мавжуд (мас., *Бозгўй*).

НАҚИБ, нақибхўжа (араб. — бошлиқ, сардор, қабила бошлиғи, лоҳий) — Хива хонлигидаги ҳарбий мансаблор. Саййидлар ва хўжалар учун юқори фахрий унвон. Н. ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг авлодларидан деб ҳисоблайдиган саййидлар жамоалари раҳбарларининг лавозими. Ҳукмрон доиралар Н. орқали саййидлар жамоалари б-н муомала қилганлар. Н.лик лавозими авлоддан авлодга ўтган. Н. хоннинг энг яқин маслаҳатчиларидан бўлиб, сафарларда унга ҳамроҳ бўлган. Расмий қабул маросимларда Н. хоннинг сўл томонида 1-ўринда ўтирган. Хон Н.ларга таянган. Н.ларнинг ўз навкарлари бўлиб, ҳамма ҳарбий сафарларда қатнашган. Н.ларнинг вазифаси уруш сафари вақтида қўшин тузиш, уни қуроллантириш ва жойлаштириш маҳоратига эга бўлган, олд ва орқадаги, ўнг ва сўл қанотдаги марказ ва пистирмадаги аскар ҳолидан хабардор бўлган, ўз вазифасига лойиқ бўлмаган кишини маълум вазифани бажаришга қўймаган. Хива хонлигида уруш сафарлари вақтида Н. шу вазифаларни бажарган. Хон «сайлов»и вақтида Н. иштирок этган. Н.лар хазинадан таъминланиб турилган.

НАҚЛ (араб.) — а) халқ томонидан тўқилган ва авлоддан авлодга ўтиб келаётган оғзаки ҳикоя, ривоят, қисса; б) ҳикоя қилиш, баён қилиш; в) мақол маъносида. Мас., Яхшилик қил, дарёга ташла; балиқ билур, балиқ билмаса, холиқ билур. «Нақл» сўзидан келиб чиққан ноқил, нақлчи шакллари ҳикоя қилувчи шахс маъносини англатади.

НАҚР, нақра (араб. — зарб, тақиллатиш) — ўтмиш мусиқа рисолаларида қўлланилган усул зарблари бирлиги. Ритм ўлчовлари араб алифбосидаги Т ва Н ҳарфлари воситасида ифодаланган. Мас., тан (икки Н.дан тузилган узун бўғин), танан [бир қисқа (та) ва бир узун (нан) бўғин] ва ҳ.к. Сафиуддин ал-Урмавий, Маҳмуд аш-Шерозий, Абдураҳмон Жомий, Зайнулобиддин ал-Ҳусайний рисолаларида Н.лар масаласига ҳам махсус тўхтаб ўтилган.

НАҚШ (араб. — тасвир, гул) — қисм (*тақсим*)лари муайян тартибда бир маромда такрорланишидан ҳосил бўладиган ҳандасий шакллар, ўсимлик, қуш, ҳайвон ва б.нинг услублаштирилган тасвирларидан таркиб топган безак (гул). Турли нарсалар (ашёлар, қурол, мато, мебель, китоб ва ш.к.), меъморий иншоотлар (ҳам ички, ҳам ташқи безаклар), нафис санъат (асосан, амалий санъат) асарларида кенг қўлланади, айрим халқларда, шунингдек, одам танасини безаш (татуировка, безаш)га мўлжалланади. Нарсанинг сиртини безаётган Н. унинг тузилишини юзага чиқаради ва унинг бадиий сифатини оширади. Н. ё мавҳум шакллардан тузилади, ё аниқ мавзулардан услублаштирилади. Ишланаётган хом ашёсига кўра, Н. ишлашнинг турли-туман услуб ва усуллари мавжуд: ўйма (ганч, ёғоч, мис, тош, мармар ва б.), бўяма (қоғоз, мато, ганч, ёғоч, сопол ва б.), чок ёрдамида тикма (каштадўзлик, зардўзлик ва б.), зарб қилиб, қуйиб (заргарлик, мискарлик ва б.), тўқима (гиламчилик, тўқимачилик ва б.), қадама (инкрустация, панжарасозлик ва б.) ва б.

Н.нинг пайдо бўлиши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Н. тарихи инсониятнинг бадиий маданияти каби қадимийдир. Археологик материаллар Н.нинг жаҳондаги барча халқларда қадимдан мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Металл, сопол буюм, идиш, қуроллар палеолит, неолит даврларида оддий ҳандасий шакллар қаторида ўсимликсимон Н.лар б-н ҳам безатилган. Н. турли ўлкалар, турли халқларда географик муҳит, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, маданияти таъсирида турлича ривож топган. Мас., Шимол ўлкалари Н.ларида арча, чорвадорларда мол шохи, деҳқонларда узум барги ва ғужуми, ўтроқ аҳолида гул, анор, бодом, қалампир тасвирлари кўп учрайди. Европада турли даврларда ҳукмрон бўлган бадиий услублар (барокко, готика, классицизм ва б.) Н.га ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Уйғониш даврида, айниқса, юксак жозибадорликка эришган. 19-а.нинг охиридан бошлаб шу даврда вужудга келган турли оқимлар Н.ни атайин кам ишлатди, ҳатто ундан бутунлай воз кечишгача борди.

Н. санъати Ўрта Осиё маданияти тарихида жуда қад. бўлиб, ўзига хос намуналари б-н ажралиб туради. Археологик топилмалар Н.нинг хилма-хил ва ранг-баранг намуналаридан дарак беради. Меъморий ёдгорликларда Н.нинг анча мукаммал, ўзига хос ва юксак санъаткорлик б-н яратилган нусхаларини учратиш мумкин. Халқ амалий санъатининг ҳар бир турида (хусусан, *каштадўзлик*, *гиламчилик*, *ўймакорлик*, *ганчкорлик*, *наққошлик* кабилар) Н.нинг шаклий имкониятлари нақадар кенг ва бой эканлиги яққол кўринади. Ўрта Осиёда Н.лар кенг тарқалган бўлиб, улар, асосан, 2 турга бўлинади: ҳандасий шакл ва чизиқлардан иборат энг мураккаб Н. тури — *гириҳ*, кенг тарқалган ўсимликсимон Н. — *ислимий*. Ҳар бир Н. нинг ўз қонун-қоидалари бор: тақсим ва бўлаклар аниқ ўлчамда, уйғун бўлиши, ранглари дид б-н танланган, ўзаро мутаносиб бўлиши лозим. Бу наққош усталан катта маҳорат, малака талаб қилади. Ўрта Осиёда энг қад. Н. намуналар, асосан, меъморий иншоотларда сақланган; Н.нинг ажойиб намуналари ганч, ёғоч ва тошни ўйиб, баъзан бўяб ишланган.

8—13-а.ларда тасвирий санъат ривожланмади, халқ амалий безак санъати Н. ҳисобига кенг тараққий этди, наққошлик жадал ривожланди. Бино, буюм, идиш, кийим, қуроллар аксарият Н. б-н безатилди; масжид, мадраса, мақбараларни ҳашамдор қилишда Н. муҳим ўрин эгаллади. Шу даврда меъморликда ғиштни турлича қалаб Н. ҳосил қилиш санъати юксак даражага кўтарилди. Биноларнинг ёғин тушмайдиган жойлари ганч ва ёғоч ўймакорлиги, бўяма Н.лар б-н безатилди. Жумладан, меъморий ёдгорликлардан Ўзгандаги мақбаралар (интерьер, девор, пештоқ, равоқлар) ғиштин нафис нақшланган. 14—15-а.ларда кошинкорий Н.лар яратилди (Кўҳна Урганчдаги Тўрабекхоним кўшки, Самарқанддаги Шоҳизинда ансамбли, Дилкушо кўшки — Ишратхона ва б.).

Хива, Бухоро, Қўқон хонликлари даврида халқ усталари санъати айниқса шаҳарларда ўсди, Н., наққошлик ҳам янада ривожланди. Худоёрхон ўрдаси (Хива), Ситораи Моҳи Хоса (Бухоро), Тошҳовли (Хива) ва б. бинолар моҳир усталар томонидан нафис Н.лар б-н безатилди. Бу эса Ўрта Осиёда Н.нинг ўзига хос услублари вужудга келганлигини кўрсатади.

Бухоро Н.и энг мураккаб, мукаммал ва жозибадор бўлиб, кўп асрлик ижодий меҳнат анъаналари самарасидир; Н. безак бўлиш б-н бирга бинокорликнинг ажралмас қисмига айланган. Жуда мураккаб гириҳлар пухта ўлчам б-н ишланган, гул Н.лари ўзига хослиги б-н (гул Н.да ваза, коса, гулдонлар услублаштирилиб, уларда гул буталари акс эттирилган, япроқ, мевалар тасвирлари бир маромда берилишига алоҳида эътибори б-н) ажралиб туради. Хива Н.и (юлдузлар ҳосил қилувчи гириҳлар орасида ўсимликсимон гулларни маҳорат б-н жойлаштирилиши, барг шаклидаги безакларнинг кўплиги, ўсимликсимон тасвирлар зич, кўп ва турли-туманлиги б-н машҳур. Фарғона Н.и Марғилон, Хўжанд, Қўқон, Фарғона, Наманган ва б. шаҳарларда вужудга келган услублардан иборат. Меъморий ёдгорликлар (Қўқондаги Модарихон дахмаси ва Дахмаи шоҳон). 19-а.да яратилган Н.ларда содда ранг-барангликк (сариқ, қизил, яшил, қора, оқ, кўк, пуштиранг), Н. қисмларининг анча жўзлиги кўзга ташланади. Фарғона Н.нинг ўзига хос жиҳатлари: бино деворларига меҳробий намоёнлар ишланиб, улар ҳошия Н. б-н бир-биридан ажратилади, ҳошиялар орасига гириҳ, қолган қисмларга ўсимликсимон гуллар ишланади. Уларда Бухоро, Хива Н.ларининг таъсири сезилади. 19-а. охири — 20-а. бошларидаги Н.ларда европа Н.ларининг ҳам таъсири бор.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудида яратилган рўзғор буюмлари, асбоб ва қуроллар, уй ва иншоотларни Н. (безак)сиз тасаввур қилиш қийин. Ўрта Осиёда ишланган безакли буюмлар, матолар халқаро бозорларда ҳам қадрланган. Турли ўлкалар б-н маданий-иқтисодий алоқалар Н. нинг ривожига ҳам сезиларли таъсир кўрсатган.

20-а. бошқа соҳалар қаторида амалий санъат анъаналарининг янги ривожланиш даври бўлди. 30-й.лардан йирик жамоат ва маъмурий бинолар қурилиши ривожланди, бадиий буюмлар и.ч. йўлга қўйилди. Алишер Навоий театри, Муқимий театри, Ўзбекистон тарихи музейи, Халқлар дўстлиги саройи, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Хотира» майдони, Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси, Олий Мажлис, Ўзбек миллий драма театри, Ўзбекистон консерваторияси биноларининг турли техника, усуллар б-н ишланган Н.лар ҳисобига кўркам қилингани қад. анъаналарнинг тикланганлиги, янги мазмун б-н бойиб бораётганлигига ёрқин далилдир. Халқ усталари: *Уста Ширин*, Ю. *Мусаев*, Т. *Арслонқулов*, Қ. *Жалилов*, Ш. *Ғафуров*, С. *Хўжаев*, Н. *Иброҳимов*, М. *Қосимов*, У. *Зуфаров*, Қ. *Ҳайдаров*, У. *Аҳмедов*, О. *Полвонов*, Т. *Тўхтахўжаев*, О. *Қосимжонов*, Ж. *Ҳакимов*, Ё. *Рауфов*, А. *Болтаев*, ака-ука Ж. ва Б. *Жалиловлар*, С. Худойберганов, Ҳ. Раҳимов ва б. яратган асарлар 20-а. ўзбек миллий наққошлигининг ёрқин намуналарига айланди.

Кулолчик, зардўзлик, каштадўзлик, гиламчилик, заргарлик, кандакорлик ва б. соҳаларда Н. б-н безатилган бадиий буюмлар турмушга файз киритади. Усталар янги усулларни қўллаб, янги мазмун б-н бойитилаётган Н.лар яратмоқда. Бу жараёнда наққошлардан М. Тўраев, А. *Илҳомов*, С. *Маҳмудов*, Қ. Шоисломов, Ҳ. *Нуралиев*, А. *Асқаров*, О. *Файзуллаев*, С. Шукуров ва б. йирик усталар шогирдлари б-н қатнашдилар. Улар яратган безакларда «кундал», «меҳроби», «бодом», «бута», «чорғул», «шобарг», «ойгул», «занжира» Н. турлари кўп учрайди. Ушбулардан кўринадики, Ўзбекистон мустақиллигидан кейин барча санъатлар қаторида амалий санъат турлари, шулардан Н., наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги ҳам жадал ривожланмоқда, уларда қад. унутилаётган анъаналар қайта тикланаётгани, Н. турлари кенгаётгани ва ислимий Н.нинг бир неча турлари уйғунлашаётгани кузатилади. Наққошлар ҳам 1995 й.дан Тошкент ш.да ЮНЕСКО ташкил этган халқ ҳунармандлиги ярмаркаси, Париж ш.да ўтказилган Амир Темурнинг 660 йиллиги тантаналари кўргазмаси ва б.да қатнашиб касбий маҳоратларини намойиш этдилар.

Ад.: Народное декоративное искусство Узбекистана. Альбом, М., 1955; Ремпель Л. И., Архитектурный орнамент Узбекистана, Т., 1967; Рауфов Ё. Наққошлик, Т., 1973; Зоҳидов П., Меъмор олами, Т., 1996; Ўзбекистон санъати, Т., 2001.

Пўлат Зоҳидов.

НАҚШ — 1) Шарқ халқлари мусиқага хос безак номларидан бири; 2) *Ўн икки мақом* тизими таркибида учрайдиган мусиқий шакллардан бири. Хўжа Абдулқодир Марогий (14-а.)нинг Сафиуддин ал-Урмавий (13-а.) асарига ёзган шарҳида Н. 14 хил мусиқий жанр

Князь Романов саройи деворига ишланган нақшдан лавҳа (19-а. охири, Тошкент).

Қўқон жоме масжидининг шифт ва устун шарафасидаги нақшнинг бир қисми (19-а. боши).

Нақш билан безатилган қутича (20-а. ўрталари, Тошкент).

ва шакллар қаторида келтирилган. Нажмиддин *Кавкабий*нинг ёзишича, Н. мураккаб шаклдаги икки байтни қамраб оладиган кичик ҳажмдаги асар сифатида таърифлаган. Н.лар фаръ, туркзарб, фохтазарб каби қад. доира усуллари асосида басталаган. «Ғиёс ул-луғат» (19-а.)га кўра Н. шакли хуросонлик бадиҳагўй бахшилар ижоди б-н боғлиқ ҳолда юзага келган. Ўтмишда Устод Шодий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Кавкабий, Феруз ва б.нинг Н.лари машҳур бўлган. Шашмақом таркибидан ўрин олган Н.лар бизгача умумий (тарона) номи билан етиб келган. Шу жумладан, Насри Баёт Таронаси, Насри Ушшоқ Таронаси, Сегоҳ Таронаси каби ашула йўлларида Н. хусусиятлари намоён бўлади. Хоразм мақомлари айтим йўлларидаги Н. эса ўз номи б-н юритилади.

Равшан Юнусов.

НАҚШБАНДИЯ — тасаввуф тариқатларидан бири. *Баҳоуддин Нақшбанд* асос солган. Н. хожагон тариқати негизида пайдо бўлиб, Юсуф Ҳамадоний, Абдухолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий қарашларини омухта этди, уларга янги руҳ бериб ривожлантирди. 15—18-а.ларда савдо ва ҳунармандчилик б-н шуғулланадиган шаҳар аҳолиси ҳамда кўчманчи чорвадор аҳоли орасига кенг ёйилди. Н. таълимотининг асосида «кўнгил худода бўлсин-у, қўл иш б-н банд бўлсин» («дил ба ёру, даст ба кор») шиори ётади. Н. да пиру муридлик қоидалари хийла осонлаштирилган, сиртдан туриб эътиқод қўйиш, имон мустаҳкамлиги, Ҳақ таолога сидқидилдан итоат этиш, ихлос ва маънавий камолот асосий ўрин эгаллайди. Расм-русумлар, одатларни кўр-кўрона адо этиш, риё, сохта диндорлик қораланади. Ахлоқий поклик, қаноатли, сабрли бўлиш, ихтиёрий фақирлик б-н Аллоҳга интилиш юксак фазилат ҳисобланади. Н.да одамнинг қадри мансаби, бойлиги б-н эмас, маънавий комиллиги б-н ўлчанади. Н.да ҳунар, касб эгаллаб, ўз меҳнати б-н ҳалол луқма еб яшаш талаб қилинади, тиланчилик, дарбадарлик б-н кун кечириш суфий учун иснод саналади. Қул, хизматкор сақлаш, ўзганинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам ман этилади. Н.нинг юқоридаги шиори таркидунёчиликка, текинхўрликка қарши қаратилган. Н.да манманлик, суфий, шайхман деб керилиш, шовқин-сурон кўтариб зикру самоъ б-н одамлар диққатини ўзига қаратиш қораланади. Н.да асосий талаб — қалбини дунё ғуборларидан тозалаш, ўз нафси б-н курашиб руҳда чароғонлик топиш, қалбда Аллоҳ номларини нақшлаб бориш усуллари ишлаб чиқилган. Зикри хуфия (яширин зикр тушиш) шунга хизмат қилган. «Ташқаридан халқ б-н, ичкаридан Ҳақ б-н бўлиш», ҳар бир нафасни Худо ёди б-н чиқариш, қаламни савоб ишлар, эзгу амаллар сари қўйиш, юрт кезиб, азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, ғофилларни ҳушёр этиш, ҳар қандай ҳолатда қалб огоҳлигига эришиш — Н.нинг асосий маънавий тарбия усули ҳисобланган.

Н.да пир ва мурид орасидаги маънавий орифона суҳбатга катта эътибор қилинган. Н.га кўра, суҳбат — анжуман ичра бўлиш, билмаганни билиб олиш, юксалиш, каромат-лар сиру асрори, илоҳиёт олами нурларидан баҳраманддлик бўлса, бунинг акси — хилват эса кишини билимдан, маърифатдан маҳрум қилади. Н.да ўзини ўзи назорат қилиб бориш, олган билимларини дилда мустаҳкамлаш, умрининг ҳар бир дамини савоб ишга, ҳар бир нафасни маънавий камолот учун сарфлаш лозим дейилади. «Вуқуфи замоний» (муайян вақтда тўхтаб ўзини текшириш), «вуқуфи ададий» (ишларини сарҳисоб қилиб текшириш), «вуқуфи қалбий» (қалб амаллари қандай бўлаётганлигини тўхтаб, текшириб бориш) каби шиорлар («қудсий сўзлар») ҳам ана шу назорат усулига киради. Н. шу тариқа, тасаввуфни ислом шариати ва пайғамбар суннати б-н янада мустаҳкамроқ боғлади. «Урватул вусқо», яъни барча ишда пайғамбар сўзлари ва ишларига суяниш Н. шиорларидан бирига айланди. Н. да суфийлик истеъдодига ҳам эътибор берилган, яъни баъзи кишиларнинг мен фалон силсиладанман, насл-насабим фалон-фалончиларга бориб тақалади, деган гапларига қарши Баҳоуддин Нақшбанд «гап силсилада эмас», гап Аллоҳнинг жазбасида» деб айтади. Жазба бўлмаса, суфийликда мақоматларга кўтарилиш қийин.

Н. Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётлигидаёқ кенг шуҳрат қозонди. Н.ни назарий жиҳатдан ишлаб чиқишда Муҳаммад Порсо, Алоуддин Аттор хизматлари катта бўлди. Бу тариқатга фақатгина оддий халқ эмас, балки Бухоро ва Самарқанд уламолари, Амир Темур авлодидан бўлган шоҳ ва шаҳзодалар кира бошладилар. 15-а.даёқ Н. Эрон, Афғонистон, Миср, Ҳижоз, Шим. Кавказ, Туркияга тарқала бошлади. Айниқса, «ҳазрати Эшон» унвонига мушарраф бўлган Хожа Аҳрор валий — Носириддин Убайдуллоҳ фаолияти туфайли Н.нинг обрў-эътибори янада ошди. Баҳоуддин Нақшбанд замонида мансабдор шахслар, шоҳу амирлардан узоқ туриш лозим дейилган бўлса, Хожа Аҳрор валий даврида Н. сиёсий доираларга кириб борди. Н. 16-а.да Ҳиндистонга тарқалди. Бунда Бобо валий, Хожа Боқибиллоҳ (1563—1603), Аҳмад Сирҳиндий (1564—1624) фаолияти яхши самара берган. Айниқса, Аҳмад Сирҳиндий у ерда *суннийлик* нуфузини мустаҳкамлаш учун Н.дан унумли фойдаланган. Н.ни Туркияда ёйилишида Мулла Абдуллоҳ Симавий (1490 й.в.э.), Аҳмад Бухорий ва б. шахсларнинг хизмати бор. Н. 16—17-а.ларда Миср ва Ҳижоз (Арабистон)га кириб боради. Эроннинг Нишопур, Исфаҳон, Язд шаҳарларига тарқалиб, шулар орқали Фаластин, Ироқ, Иорданияда кўплаб тарафдорларга эга бўлган. Ҳиндистон орқали у Индонезия, Малайзия, Цейлонга тарқалди. Кейинги асрларда Россия, Босния ва б. Европа мамлакатларига ёйилган. Ҳозирда АҚШ, Канада, Австрияда Н. марказлари, хонақолари, жамғармалари бор.

Н. тариқатининг умуминсоний ғоялар, маънавий камолот, ботиний покликни тарғиб этиши унинг дунёда кенг тарқалишига олиб келди. Унинг мухлислари бир неча миллион кишини ташкил этади.

Ад.: Алишер Навоий, Тўла асарлар тўплами, 17-ж., Т., 2002; Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али, Баҳоуддин Балогардон, Т., 1993; Идрис шоҳ, Нақшбандия тариқати, Т., 1993; Комилов Н., Тасаввуф. Биринчи китоб, Т., 1996; Наврўзова Г., Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси, Т., 2002.

Нажмиддин Комилов.

НАҚШИ РУСТАМ — Шероз (Эрон) дан 50 км, қад. Истахр ш. (Тахти Жамшид) яқинида жойлашган Ҳусайнкуҳ қояларидаги *ахоманийлар* сулоласи подшоҳларининг мақбаралари ҳамда китобалари. Н. Р. Эрон саркардаси — *сосонийлар*дан Яздигард III армияси бош қўмондони Рустам (636 й. араблар б-н бўлган жангда ҳалок бўлган) номига қўйилган. Н.Р. Доро I, Артаксеркс I ва Доро II ларнинг Куҳи Раҳмат бағрига кавлаб жойлаштирилган мақбараларидан иборат. Доро I мақбараси тўртбурчак шаклида, зардуштийлик анъанаси асосида яратилган бўлиб, энг қад. ёдгорликдир (қ. *Доро қабри китобалари*). Мақбарадан пастда, чап томонидаги рельефда сосонийлар подшоси *Шопур*нинг Рим императори Валериан устидан ғалабаси (мил. 260 й.) ва Валерианнинг от миниб турган Шопур I оёғига тиз чўкиб, бош эгиб турганлиги тасвирланган. Рельеф остидаги ёзувда форсларнинг Закавказьега юриши ифодаланган (мил. 262 й.). Мақбараларнинг қаршисида бурж — Зардушт каъбаси жойлашган. Унинг томи катта ҳажмдаги ясси тош плиталар б-н ёпилиб, деворларида дераза ўрнида очиқ жойлар қолдирилган. Эрон, Кавказ ва Ўрта Осиё аҳолиси уйларига ўхшатиб қурилган буржнинг деворларига паҳлавий, парфян ва юнон ёзувларида Сосонийлар давлати таркибига кирган мамлакатлар, бу зиёратгоҳга келтирилган ҳадялар рўйхати берилган. Н.Р. манзаралари ва китобалари ахоманийлар ва сосонийлар босиб олган мамлакатлар ва халқлар тарихи, этнографияси ва маданиятини ўрганишда муҳим манбадир.



Нақши Рустам. Доро I нинг мақбараси (мил. ав. 5-а.).

Ҳамиджон Ҳамидов.

НАҚҚОШ (араб.) — *нақш* устаси; безак, гул яратувчи уста. Амалий санъатнинг барча соҳаларидаги усталарга нақш нусхалари (ахта, андозалар) тайёрлаб беради; гул босувчи усталар учун нақш қолипларини тайёрлаб берувчи усталарга ҳам нақш мужассамотини чизиб беради. (*Наққошлик*).

НАҚҚОШЛИК, нақшкорлик — амалий санъатнинг қад. соҳаси; *нақш* яратиш касби. *Наққош* уста қоғозга ёки матога нақш мужассамотини ёки нақш *тақсим*ини чизиб олади (айниқса, *гириҳ* ва *ислимий* каби мураккаб нақшларда), *ахта*, андоза тайёрлайди. Амалий санъат усталари 2 хил усулда безак яратадилар: наққошлар тайёрлаган ахта, андоза ёрдамида ҳамда нақш (гул) тўғридан-тўғри безаш жараёнида усталар тасаввурининг маҳсули сифатида яратилади. Н.да нақш, безакни малакали наққош усталар чизиб берадилар, бундай нақшларни меъморлик, гиламчилик, каштадўзлик, кандакорлик ва б. даги нақш мужассамотларида бирдай учратиш мумкин. Нақш яратиш устадан дид, маҳоратдан ташқари қунт, узоқ машқ-малака талаб қилади. Наққошлар ўтмишда халқ усталарининг энг билимдон, истеъдодли қисмини ташкил этган, улар устозларда таълим олган, турли фанлар (адабиёт, мусиқа, тарих, кимё, математика)ни яхши билган.

Ўрта Осиё ҳудудидаги меъморий ёдгорликлар, археологик қазилмалар Н.нинг бу ерда қадимдан ривожланганлигини кўрсатади. Амалий безак санъати турлари (кулолчилик, мискарлик, заргарлик, гиламчилик, каштадўзлик, кандакорлик ва б.) ҳамда меъморликнинг тараққиёти Н.нинг ҳам ривожини тақозо этди. Қўйқирилганқалъа, Тупроққалъа, Кўҳна Урганч, қад. Термиз, Айритом, Болаликтепа, Варахша, Афросиёб ва б. жойлардан топилган турли хил услубдаги нақш намуналари ажлодларимиз жозибадорлиги аждодларининг юксак маданиятидан дарак беради. Н., айниқса, ўрта асрларда (9—12, 14—15, 18—19-а.лар)да кенг тарқалди. *Китобат санъати*да қўлёзмаларни муъжаз асарлар б-н безашда Н., мусаввирлик асосий ўрин тутади; меъморликда нақшларни қўллаш, айниқса, тараққий этиб, ўз қонун-қоидалари ҳамда услублари, ўзига хос ранглар уйғунлигига эга ва мустақил мужассамотларига эга бўлган.

Ўзбекистоннинг турли вилоятларидаги меъморий ёдгорликлар, иншо, буюм, меҳнат қуролларидаги нақшларда умумийлик кўзга ташланса-да, Бухоро, Хива, Фарғона, Тошкент ва б. жойларда шу ерларнинг ўзига хос нақш услублари вужудга келган. Н. авлоддан-авлодга ўтган, шогирдлар устозларидан ўрганган нақш намуналарини истеъдодлари даражасида бойитиб борганлар. Н.ни ривожлантирганлар. Ўзбекистон ҳудуди (турли минтақалари)да ўзига хос бўлган Н. мактаблари шаклланган. Шунга кўра, Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Фарғона водийси, Тошкент Н. и айрим ўзига хос хусусиятлари б-н бир-биридан фарқланади. 20-а. ўрталаридан Н. безак мужассамотларига тасвирлар (меъморий обидалар, кишилар портретлари ва б.) ҳам киритила бошланди. Жумладан, кандакори буюмлар безагида меъморий обидалар, чинни буюмлар безагида эса атоқли кишиларнинг портретлари ва б. ўз ифодасини топди.

20-а. 90-й.ларидан Н. усталари ижодий марказ ва уюшмаларга бирлашган ҳолда ижод қилмоқда. «Усто», «Мусаввир», «Ҳунарманд» усталари ижоди диққатга сазовор. Н. кенг тараққий этган бўлиб, усталар янги қурилаётган иншоотларда ҳамда маданий ёдгорликларнинг таъмирида фаол иштирок этмоқда. Бевосита уларнинг иштирокида «Оқсарой» қароргоҳи, Олий Мажлис биноси, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Туркистон» концерт зали, Ўзбекистон консерваторияси бинолари безалган. Уста наққошлардан М. Тўраев, А. *Илҳомов*, С. *Маҳмудов*, Қ. Шоисломов, Ҳ. *Нуралиев*, С. Шукуров ва б. Н. ривожига катта ҳисса қўшдилар. Н. буюмлари б-н усталар хориж кўргазмаларида ҳам фаол қатнашади.

Малакали наққош усталар қадимдан уста-шогирд усулида тайёрланган. Ҳоз. кунда ҳам шу усулда наққош усталар тайёрлаш сақланган, шунингдек, махсус билим юртлари, коллежларда, бадиий марказларда Н. бўйича ҳам мутахассислар тайёрланади.

Пўлат Зоҳидов.

НАҒМА, нағам (араб. — куй) — 1) Шарқ мусиқа илмида мусиқа товуши; *тон*. Муайян баландликда садоланиб турувчи б-н табиатдаги бошқа товушлардан фарқ қилади. Шарқ олимлари Н.ни 2 хил турга бўлишган: қавлий (инсон томоғидан чиқадиган) Н. ва феълий (мусиқа чолғуларидан ҳосил қилинадиган) Н. Куй, қўшиқ ва ашулалар ритм б-н Н.лар уюшмасидан таркиб топади. Н.лар қўшилишидан бўъд, жинс, жам, мақом пардалари ва, ниҳоят, яхлит куй — мусиқа асарлари ҳосил этилади. Ўрта аср мусиқа рисолаларида ёзилишича, товушлар бир-бири б-н мақсадга мувофиқ равишда маълум вақт оралиғида қўшилгандагина Н. деб ҳисобланади. Ўтмишда Н.лар юнонча ва арабча иборалар б-н ифодаланган. Арабча атамалари асомий нағамот (*«Асмоъ ун-нағам»*) дейилган; 2) оҳанг, куй. Н. сўзига айрим қўшимча сўзлар боғланиб, турли мусиқа иборалари ҳосил этилади. Мас., Н. боши — достон ва б. кўп қисмли асарларнинг чолғу муқаддимаси, ўтмишда сарой мусиқачиларининг бошлиғи; Н.гар, Н. зан, Н. чи ёки Н. навоз — созанда; Н.и Орази Наво Шашмақом Наво мақомининг чолғу қисмларидан бири; Н. кор ёки Н. соз — бастакор; Н. пардоз ёки Н. саро — созанда, хонанда. Хоразмда гармон чолғуси Н. деб ҳам аталади.

НАҲАЁН, Шайх Зоид бин Султон Ол Наҳаён (1916, Жаҳили) — Бирлашган Араб Амирликлари давлат арбоби. Абу-Дабида диний таълим олган. 1946—66 й.ларда Абу-Даби амирлигидаги Ал-Айн ш. ҳокими, 1966 й. авг.дан Абу-Даби амири, 1969—71 й.ларда Форс кўрфазидаги араб амирликлар федерацияси (1971 й. 2 дек.дан мустақил БАА давлати) президенти, 1971 й. дек.дан БАА президенти, 1976 й.дан айни вақтда БАА мудофаа олий кенгаши ва қуролли кучлар бош қўмондони.

НАҲАНГ — улкан сув ҳайвонлари (*акула, кит, тимсоҳ* ва б.)нинг умумий номи.

НАҲВ (араб.) — қ. *Синтаксис.*

НГУЕН ЧАЙ (Nguyen Trai) (1380—1442) —Вьетнам миллий қаҳрамони, шоир. 1418—27 йларда Ле Лон б-н биргаликда мамлакатни истило этган (1407) Хитой қўшинларига қарши кўтарилган қуролли курашга раҳбарлик қилган. Сохта айблов асосида қатл этилган. Вьетнам сўзлашув тилидаги шеърият асосчиси.

НГУЕНЛАР — Марказий ва Жан. Вьетнамдаги ҳукмрон уруғ (1558—1802), император сулоласи (1802—1945). 1884 йдан Франция протекторатлигида бўлган.

НДОЛА — Замбиянинг шим.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Коппербелт провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 380 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Т.й. тугуни. Мис минтақасининг савдо маркази. Доруссалом—Ндола нефть қувурининг сўнгги пункти. Мамлакат рангли металлургия саноатининг асосий маркази. Нефтни қайта ишлаш, кимё, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, шина з-длари, озиқ-овқат, металлсозлик, цемент, мебель саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси бор. Шаҳарга 1902 йда асос солинган.

НЕАНДЕРТАЛЛАР — қад. қазилма одамлар, палеоантропларнинг бир гуруҳи. Н. скелет қолдиқлари (бош мия қутиси, қовурғаларнинг бўлаклари, елка ҳамда сон суяклари ва б.). 1856 йда Неандерталь водийсида (ГФР нинг Дюссельдорф ш. яқинида; номи шундан олинган), шунингдек, Осиё, Ўрта Осиё (қ. *Тешиктош одами*) ва Африкада топилган. Н. бўйи унча баланд бўлмаган (160 см га яқин), мияси йирик (1700 см³), лекин ҳозирги одамларникига нисбатан содда тузилган, кўзининг устида қалин бўртиғи бўлган. Н. бундан 200—35 минг йил аввал — вьюрм музлиги даврида Ғарбий Европада, одатда, горларда яшаб, йирик ҳайвонларни овлашган, қуроллар ясашган (*Мустье маданияти*). Олов ёқишни ва ундан фойдаланишни билишган, тўда бўлиб яшашган.



Неандертал (олд ва ёндан кўриниши). М.М.Герасимов ишлаган. 1948 й.

Ад.: Алексеев В. П., Становление человека, М., 1984.

НЕАПОЛЬ, Скифлар Неаполи (мил. ав. 3-а. — мил. 3-а.) — Қримдаги скифлар давлати пойтахти. Ҳоз. Симферополь ш. ёқасида харобалари: истеҳкомлар, турар жойлар ва ҳўжалик иншоотлари, мақбара, тасвир туширилган тош лаҳмалар ва б. сақланган.

НЕАПОЛЬ — Италиянинг жан. қисмидаги шаҳар. Неаполь қўлтиғи соҳилида. Везувий вулкани этагида жойлашган. Кампания вилояти ва Неаполь провинциясининг маъмурий маркази. Мамлакат жанубидаги муҳим иқтисодий ва маданий марказ. Аҳолисининг сони бўйича мамлакатда 3-ўринда (2001 йда 993,3 минг киши), атрофидаги шаҳарлар б-н биргаликда Катта Неаполь агломерациясини ташкил этади. Транспорт йўлларининг йирик тугуни, денгиз порти (йилига 15 млн.т юк ортиб-туширилади). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Катта Н. — йирик саноат маркази: нефтни қайта ишлаш, нефть кимёси, металлургия, машинасозликнинг турли соҳалари (жумладан, кемасозлик, приборсозлик, станоксозлик, самолётсозлик, автомобилсозлик), электротехника ва радиоэлектроника саноатлари ривожланган. Озиқ-овқат, тўқимачилик, қоғоз, цемент саноати корхоналари мавжуд. Н. — халқаро туризм марказларидан бўлганлиги сабабли, аҳолининг кўп қисми хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Н.да ун-т, вулканология ст-яси, расадхона, опера ва драма театрлари, миллий музей, бадиий галереи, ботаника боғи, денгиз аквариуми бор.

Н.— қадимда юнонлар қишлоғи бўлган. Мил. ав. 327—326 йларда Рим империяси эгаллаган. Н. — Италиянинг қад. юнон маданият марказларидан бири бўлган. 1193 йда Сицилия қироллигига қўшиб олинган, 1266 йдан унинг пойтахти. 1282—1442 ва 1501—04 йларда Неаполь қироллиги пойтахти. 1860 йдан Бирлашган Италия қироллиги таркибида. Меъморий ёдгорликлардан илк христиан катакомбалари (2—5-а.лар), қасрлар (12—15-а.лар), готика черкови (13-а.), собор (13—20-а.лар), саройлар, монастирь ва б. сақланган. Ҳарбий денгиз базаси.

НЕАПОЛЬ УНИВЕРСИТЕТИ — Италиянинг қад. ун-тларидан бири. 1224 й. Неаполь ш.да Сицилия қироллигининг давлат ун-ти сифатида ташкил этилган. Тиббиёт, мат., физика, табиий фанлар, фармакология, муҳандислик, меъморлик, агрономия, ветеринария, ҳуқуқ, иқтисодиёт, филол., фалсафа ва б. соҳалар бўйича мутахассислар тайёрлайди. 100 мингдан ортиқ талаба таълим олади. Кутубхонаси (1615 й. ташкил этилганда 1 млн.га яқин асар сақланади.

НЕАПОЛЬ ҚИРОЛЛИГИ — 1) Апеннин я.о.нинг жан. қисмида 1282 йдан (расман 1302 йдан) 1504 йгача (1442—58 йларда танаффуслар б-н) мавжуд бўлган давлат. Сицилия қироллиги парчаланиши муносабати б-н барпо этилган. 1504 й. Испания таркибига кирган; 2) 1806—15 йларда Франциянга қарам давлат. Франциядан мустақил бўлган Италия ҳудудидаги иккала Сицилия қироллиги б-н бирлашган. Қироллик француз қўшинлари томонидан босиб олингач, Н.қда *Наполеон I* нинг генерали Жозеф Бонапарт (1806—08) ва Мюрат (1808—15) ҳукмронлик қилган. 1815 й. ҳокимият неаполлик Бурбонлар қўлига ўтган.

НЕАРХ (Nearxos) (? — мил. ав. тахм. 312) — *Александр*нинг флот саркардаси. 334 йдан Ликия ва Памфилия ҳокими. 325 й. Н. бошчилигидаги юнон флоти илк маротаба Ҳиндистондан Месопотамияга сузиб ўтган. Унинг саёҳати баёнида Ҳиндистон, Форс қўлтиғининг табиати ва аҳолиси ҳақида маълумотлар бор бўлиб, улардан *Арриан* ва *Страбон* кени фойдаланганлар.

Неаполь шаҳрининг соҳил қисми.

НЕБИТДОҒ — Туркманистоннинг ғарбидаги тумбасимон қирлар. Катта Болҳон тизмасидан жан.-ғарбда. Н. қалинлиги денгиз сувидан 6-и қопланган Кўлқор ёки Бобоҳужа шўрхокидан ороли кўринишида кўтарилиб турган. Мутлақ бал. 39 м. Н. учламчи давр неотектоникаси комплекс қатлам жинсларидан таркиб топган. Н. атрофида нефть конлари бор.

НЕБИТДОҒ — Туркманистондаги шаҳар (1946 йдан, 2000 йдан Болҳонобод). Болҳон вилояти маркази. Катта Бодхон тизмаси этакларида жойлашган. Туркманбоши — Мари нуқталиниялари т.й. станцияси. Аҳолиси 89,1 минг киши (1990-йлар ўрталари). Н. 1933 йда нефть-газ қазиб олиш муносабати б-н вужудга келган (номи шундан: нефтли тоғ), нефть-газни р-н маркази. Механика, йўл з-длари ва б., тиламчилик корхоналари, ГРЭС, ўлкашунослик музейи бор.

НЕБИТДОҒ НЕФТЬ КОНИ — Туркманистоннинг ғарбидаги кон, Туркманбоши ш.дан 165 км шарқда, Небитдоғ қирларида жойлашган. Дастлабки қудуқ 1889 й. қазилган ва бир суткада 10 т нефть олинган. 1926 й. разведка ишлари такрорланган. 1933 йдан мунтазам нефть олиш бошланган. Небитдоғ брахиантиклиналь бурмаси кенглик бўйлаб 30 км га чўзилган, эни 10—12 км. Структурининг қанотларида жинсларнинг ётиш бурчаги 10° дан 25° гача. Бурма дизъюнктив бузилишлар натижасида мураккаблашган. Йирик узилмаларнинг асосий зонаси структурасининг ўқи бўйлаб ўтган. Шу жойларда қанотларининг 200—250 м га пасайиши кузатилади. Саноат аҳамиятига молик нефть-газли горизонтлар акчагил (битумли қумтош, қумли гиллар) ва апшерон (қумтош, алевролит, гил) ярусларида ва қизил қатламлар (гил, қумтош) мажмуида жойлашган. Асосий захира қизил қатламларда (қалинлиги 2000 м гача) аниқланган. Қумтош пачкалар гил қатламчалари б-н ажралган. Пачкаларга бургиланган қудуқлар юқори дебитли (80—100 т/сутка). Акчагил ярусида маҳсулдорлик кам. Апшерон ярусида нефтли 1-горизонтда уюм линза кўринишида (дастлабки дебити 40—50 т/сутка). Нефть оз парафинли, зичлиги 0,850—0,900 г/см³. Н.н.к. Туркманистонда кўп вақтлар йирик кон ҳисобланган.

НЕБРАСКА — АҚШнинг марказий қисмидаги штат. Миссури дарёси ҳавзасида. Майд. 200,3 минг км². Аҳолиси 1,7 млн. киши (2002), шундан 66% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Линкольн ш.; энг йирик шаҳри ва саноат маркази — Омаха. Штат ҳудудининг катта қисми Буюк текисликларда, тарбий чеккасида Қояли тоғларнинг тармоқлари (эни баланд жойи 1654 м) ҳам. Иқлими мўътадил континентал, иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси —5°, июлники 24°. Йиллик ёғин 500—700 мм. Йирик дарёлари — Миссури ва Платт. Тоғ ён бағирларида ўрмонлар бор. Н. — аграр-индустриал штат. Қ.х. товар маҳсулотининг ярмидан кўпрогини чорвачилик беради. Чорвачилик, асосан, тўшт етиштиришга ихтисослашган. Н.нинг шарқий қисмида деҳқончилик инсбатан ривожланган. Асосий экинлари: маккажўхори ва буғдой. Тезтез қурғоқчилик бўлиб туради. Штатнинг ғарбий қисмидаги дарё водийсида суғориб деҳқончилик қилинади. Озиқ-овқат саноати ривожланган. Рангди металлургия ва қ.х. машинасозлиги корхоналари бор. Н.да озроқ нефть қазиб олинади.

НЕВА (финча пева — ботқоқлик) — РФ Ленинград вилоятидаги дарё. Уз. 74 км, Ленинград вилоятидаги дарё. Уз. 74 км, эни 1300 м гача, ҳавзасининг майд. (Ладога, Онега кўллари ва б.нинг ҳавзаси б-н бирга) 281 минг км². Н. ҳавзасининг ўзи 5000 км². Ладога кўлидан бошланиб, Болтиқ денгизи Фин кўлтиғининг Нева кўлтиқчасига қуйилади. Ўртача йиллик сув сарфи дарё қуйилиш жойида 2530 м³/сек. Жан.-ғарбий ва ғарбий шамоллар Фин кўлтиғи ва Н.нинг қуйи оқимидан сувни ҳайдайди, натижада сув сатҳи кўтарилади ва айрим вақтларда Санкт-Петербургда сув тошади. Дек.да музлаб, апр. охири — май бошларида муздан бўшайди. Ирмоқлари: ўнгдан — Охта; чапдан — Ижора, Тосна, М га. Н.да кема қатнайди: Н. Волга—Болтиқ сув йўлининг бир қисми ҳисобланади. Н.нинг дельтасидаги 42 та оролда Санкт-Петербург ш. жойлашган.

НЕВА ЖАНГИ — князь Александр Ярославич бошчилигидаги рус қўшинлари томонидан Биргер Ярл қўмондонлиги остидаги швед отрядини Нева дарёсининг бўйида тор-мор қилинишни (1240.15.7). Мўғулларнинг Русга истилоси шароитида рус-швед чегараси хавфсизлигини таъминлаган. Саркардалик маҳорати ва жасурлиги учун князь Александр «Невский» деб атала бошлаган.

НЕВАДА — АҚШнинг ғарбий қисмидаги штат. Майд. 286,3 минг км². Аҳолиси 2,2 млн. киши (2002), шунинг 88% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Карсон-Сити ш. Йирик шаҳарлари: Лас-Вегас ва Рино. Штат ҳудудининг аксари қисми Катта ҳавзада. Ғарбида Сьерра-Невада тизмасининг тармоқлари жойлашган. Иқлими континентал, қуруқ иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси —1°, июлники 23°. Йиллик ёғин 150—250 мм. Дарёлари камсув. Чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади. Н.да аҳоли сийрак. Иқтисодий жиҳатдан ҳам нисбатан кам тараққий этган штат. Кон саноати ривожланган. Н.да олтин, кумуш, вольфрам, темир, марганец, полиметалл рудалари қазиб олинади. Рангли металлургия, полиграфия, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Колорадо дарёсига катта ГЭС қурилган. Қ.х.да яйлов чорвачилиги етакчи ўринда. Қорамол, қўй боқилади. Бугдой, сабзавот, беда ва б. экинлар экилади. Н. ҳудудининг бир қисми ҳарбий полигон. Рино ш.да Невада ун-ти бор. Туристлар кўп келади.

НЕВАР ТИЛИ, невари — *тибет-бирма тиллари*нинг шарқий ҳимолай гуруҳчасига мансуб тил. Баъзи жиҳатлари б-н айрим туркий, мўғул ва манжур тилларига яқин туради. Непалда, асосан *неварлар* яшайдиган Катманду водийсида, шунингдек, қисман Ҳиндистон ва Бутанда тарқалган. Унда 1 млн.га яқин киши сўзлашади. Н.т. 4 та лаҳжага эга: уларнинг 3 таси Непалнинг марказий қисмидаги Катманду, Бақтапур, Лалитпур ш.ларида ва тўртинчиси Непалнинг шарқий қисмида тарқалган. Фонетикаси учун бўғиз ундошлари, бурунлашган унлилар хос. Морфологик тузилиши агглютинатив, ўзак ва аффиксал морфемалари асосан бир бўғинлидир. Феъллар 5 хил тусланиш шаклига эга. Лугат бойлигининг 75 фоизи неварча; санскрит ва тибет тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина.

Н.т. 14—18-а.ларда Непалнинг расмий тили бўлган, бироқ 18-а. охирида ҳам расмий, ҳам адабий доирада унинг ўрнини непал тили эгаллаган. 20-а.да сўзлашув шаклларидан, асосан, Катманду лаҳжаси асосида адабий Н.т. қайта тирила бошлади. Невар ёзуви 9-а.да *брахми* асосида шаклланган, ҳозиргача чекланган ҳолда амалда. Ҳоз. Н.т. 18-а. охиридан *деванагари* ёзувидан фойдаланиб келади.

НЕВАРЛАР — Непалдаги халқ (900 минг киши, 1990-йлар ўрталари), бир қисми Ҳиндистонда (10 минг киши) яшайди. Невари тилида сўзлашади. Дини — ҳиндуизм ва буддизм; анъанавий диний эътиқодлар ҳам мавжуд.

НЕВЕРОВ А. (тахаллуси; асл исм-шарифи Александр Сергеевич Скобелев) [1886. 12(24).12, Ставрополь уезди, Новиковка қишлоғи — 1923.24.12,

Москва) — рус ёзувчиси. Қишлоқ мактабларида ўқитувчилик қилган. Деҳқончилик ҳаётидан олинган илк ҳикояси 1906 й.да нашр этилган. 1917 й.гача бўлган ижодида, асосан, ярим оч, ярим аланғоч ҳолда яшаган деҳқонлар ва қишлоқ зиёлилари ҳаёти тасвирланган. Ўтган асрнинг 20-й.лари бошларида Волга бўйларида авж олган очлик Н.ни ризқ-рўз ахтариб Ўрта Осиёга келишга мажбур этган. Шу давр таассуротлари Н.нинг қатор ҳикоялари ва «Тошкент — нон шаҳри», «Гозу оққушлар» (1923) каби қиссаларида ўз ифодасини топган. Мишка Додоновнинг меҳрибарё кишилар туфайли омон қолиши тасвирига бағишланган «Тошкент — нон шаҳри» қиссаси Н. ижодида алоҳида ўрин эгаллайди. Қисса ўзбек тилига таржима қилинган ва шу асар асосида кинорежиссёр Ш. Аббосов айни номда кинофильм яратган.

НЕВИННОМИСК — РФ Ставрополь ўлкасидаги шаҳар (1939 й.дан, унгача Невинномысская Станицаси). Кубань дарёси бўйида. Т.й. тутуни. Аҳолиси 133 минг киши (1998). Азот и.ч, корхонаси, жунга дастлабки ишлов бериш фабрикаси, шина ремонти, бутқозон-механика, автомобиль ремонти, электромеханика, май экстракция, сут, кимёвий уй-рўзғор буюмлари, электр ўлчагич асбоблари з-длари, ун, паррандачилик к-тлари, ГРЭС бор. Ставрополь политехника ин-тининг умумий техника ф-ти, ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади. Н. ёнида Невинномиск канали бошланади.

НЕВР..., невро... нейро (юн. neuron — томир, нерв) — қўшма сўзлар бўлаги. Нерв системасига алоқадорликни билдиради; мас., *неврология, невропатология, нейрохирургия.*

НЕВРАЛГИЯ (*невр...* ва algos — оғриқ) — нерв толалари бўйлаб тарқаладиган кучли оғриқ; нерв вақт-вақти б-н санчиб, зирқираб ёки тортишиб оғрийди. Уч шохли нерв, қуймич нерви, қовурғалараро нерв Н.си кўпроқ учрайди. *Инфекцион касалликлар, интоксикация,* шикастланишлар, моддалар алмашинувининг бузилиши, *атеросклероз,* организмнинг совқотиши, *касбга алоқадор хавфлар* сабаб бўлади. Н. қайси соҳа нервида бўлса, ўша соҳа нервининг пойси, қобиғи таъсирланади, нерв пойси шишади, атрофидаги мускуллар тортишади (мас., уч шохли нерв Н.сида юз мускуллари тортишиши), баъзан нервда структур ўзгаришлар кузатилади.

Н. хуружида оғриётган жойда тери оқариши ёки қизариши, терлаш, кўз ёшланиши ёки сўлак оқиши, баъзан тошмалар пайдо бўлиши мумкин.

Даво Н.нини келиб чиқиш сабабига боғлиқ. Оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши, умумий қувватга киргизувчи дорилар, физиотерапия, санаторий ва курортларда даволанши буюрилади.

НЕВРАСТЕНИЯ (*невр...* ва юн. asthenes — дармонсизлик), астения невроз, асаб толиқиши, асаб ожизлиги — *нерв системасининг* узоқ вақт ўта толиқиши, яъни руҳий изтироб натижасида келиб чиқадиган касаллик, невроларнинг бир тури Н.га *интоксикация* (кўпинча алкоголдан), инфекция, ўта толиқиш, тўйиб овқатланмаслик, бош мия шикастланиши, шунингдек, тез-тез асабга тегадиган ва дармонни қуритадиган вазиятлар, кечаси кам ухлаш ва б. сабаб бўлади. Н.да, асосан, астения синдромига хос аломатлар юзага келади. Бунда бемор сазбий таъсиротларга осон берилувчан, серзарда, жаҳлдор, тез чарчайдиган бўлиб қолади, малори қурийди, ётганида тез ухлаб қолиб, салгина шовқинга уйғониб кетади. Бош мия катта ярим шарлари пўстлоғи фаолиятининг бузилиши туфайли олий нерв фаолиятида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг муносабатлари бузилиб, аввал биринчиси, кейинроқ иккинчиси устунлик қилади. Н. аломатлари ҳам ана шундай келиб чиқади, дастлаб бемор таъсирчан, жаҳлдор, безовта, кейинчалик чарчаган, бўшанг, ҳорғин, уйқучан, кайфияти бузуқ, хотираси пасайган аҳволга тушади. Ҳиссиёт ожизлиги, сезгиларнинг ошиши, тери сезувчанлигининг оғриқли даражагача ортиши, бетоқатлик, шу вақтнинг ўзида руҳий ва жисмоний толиқиш, диққат ва хотиранинг пасайиши кузатилади. Н.га хос аломатлардан бири уйқунинг бузилиши ва тез-тез бош оғриб туришидир. Уйқу жуда юзаки бўлиб, аксарият ҳолларда бетўхтов давом этиб, туш кўриш б-н кечади. Кундузи эса уйқу босади, бемор уйқудан турганида кучли чарчаган, ҳорғин бўлади. Н.да кўп учрайдиган белгилар — бу турли-туман сомато-вегетатив ва неврологик бузилишлардир. Бунга иштаҳанинг бузилиши, оғиз қуриши, кекириш, кўнгил айниши, ич дам бўлиши, қабзият, кўп терлаш, томир уриши ва артериал босимнинг ўзгарувчанлиги, кўз қовоқлари ва бармоқларнинг титраб туриши (тремор), пай рефлексларининг кучайиши, жинсий фаолият сусайиши ва ҳ.к. киради. Бу аломатлар беморнинг умумий аҳволи яхшиланиши б-н тезда ўтиб кетади. Н.да меҳнат қилиш ва дам олишни тўғри уюштириш, спорт б-н шуғулланиш, сайр қилиш, сув муолажаларидан фойдаланиш, витаминли овқатлар истеъмол қилиш, оилада, ишда тинч ва хотиржам бўлиш беморнинг тезда соғайиб кетишига олиб келади.

НЕВРИНОМА (*невр...* ва юн. oma — ўсма), шваннома — нерв пойси пардаларидан (Шванн пардаларидан) ривожланадиган хавфсиз ўсма. Н. кўкқул, шунингдек, бўйин, юз, мезда, тери ва б. периферик нерв толалари бўйлаб ўсади. Энг тез нерви Н.си экстрацеребрал мия ўсмасининг энг кўп учрайдиган тури, бунда қулоқда шовқин, карлик, бош айланиши, *пастагия* ва б. кузатилади. Хирургик усулда даволанади.

НЕВРИТ (*невр...* ва юн. itis — яллиғланиш) — периферик нервларнинг яллиғланиши, бунга инфекцион касалликлар, тана тўқималарига шикаст етиши, моддалар алмашинувининг бузилиши, нервнинг қон б-н таъминланишидаги етишмовчиликлар (мас., *атеросклероз*да) ва б. сабаб бўлади. Яллиғланган нервлар атрофида оғриқ, мускуллар *атрофияси* ёки фалажи, дармонсизлик, сезувчанликнинг бузилиши, ҳаракатнинг чекланиши кузатилади. Юз, эшитиш, билак, тирсак ва оралиқ нервлар Н.и кўп учрайди. Юз нерви Н.и, одатда, совуқ қотиш, ўрта қулоқнинг яллигланиши б-н боғлиқ бўлиб, бунда мимика мускуллари фалажланади; кўз юмилмайди,оғиз бурчаги қийшаяди ва ҳ. к. Эшитиш нерви Н.ида ўрта қулоқда аста-секин шовқин пайдо бўлиши б-н бирга кундан-кун қулоқ оғирланиб бораверади. Билак, тирсак оралиқ нервлар Н.и умумий интоксикация, яллиғланиш, жароҳат ва шикастлар оқибатида келиб чиқади.

Бунда қўл панжаси, бармоқларни яхши қимирлата олмаслик, сезувчанликнинг ўзгариши, мускуллар атрофияси кузатилади.

Даво касалликнинг келиб чиқиш сабабларига боғлиқ; бемор қанчалик эрта даволанса, шунчалик тез тузалиб кетади.

НЕВРОЗЛАР (*невр...* асабийлик — узоқ давом этган руҳий изтироблар натижасида *нерв системаси* фаолиятининг бузилишидан келиб чиқадиган асабий-руҳий касалликлар; ўзаро яқин функционал руҳий касалликлар (неврастения, истерия, психастения), эмоционал ёки ақлий жиҳатдан толиқиш натижасида, кўпинча инфекцион ва б. касалликлар таъсирида юзага келади. Н. анча кенг тарқалган касаллик бўлиб, асосан, нерв системаси туғма ёки ҳаётда орттирилган заиф кишиларда кузатилади. Н.да марказий нерв системасида ҳам, ички аъзоларда ҳам жиддий органик ўзгаришлар бўлмаса-да, бош мияда кечаётган асосий жараёнлар — қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг ўзаро муносабатлари бузилади. Н.да психологик фарқи уларок, беморлар ўз касалликларига нисбатан танқидий муносабатда бўладилар. Н.нинг асосан, 3 та — *истерия, неврастения* ва *психастения* (миядан кетмайдиган ҳолатлар) тури фарқланади. Аниқ «аъзолар неврози» (юрак, мезда, ўпка) ҳоз. вақтда Н.нини алоҳида тури эмас, балки унинг соматo-вегетатив белгилари деб ҳисобланади. Н. кўп учрайди ва яллиғланишга қарийиб бориш қонунига эга. Н.дан неврозга ўхшаш ҳолатларни ажратмоқ зарур. Бу белгилари жиҳатдан Н.га анча ўхшаб кетса-да, бироқ улар руҳий изтиробларнинг оқибатида эмас, балки бошқа хасталик, мас., хафақон, мия қон томирлари атеросклерози., шизофренининг бошланғич белиси сифатида намоён бўлади. Н.нини аниқ турлари келиб чиқишида киши шахсининг касаллик олди хусусиятлари (преморбид) катта аҳамиятга эга. Шунингдек, *олий нерв фаолияти* ожизроқ кишилар шундай фаолияти кучли кишиларга нисбатан Н.га кўпроқ мойил бўладилар. Бундан ташқари, биринчи сигнал системаси юқорироқ бўлган кишиларда — истерия, иккинчи сигнал системаси кучлироқ бўлганларда эса миядан кетмайдиган ҳолатлар неврози кўпроқ учраши исботланган. Булар аралаш невротик ҳолатлар кўринишида ҳам намоён бўлиши мумкин. Н.ни даволашда психоген омилларни бартараф этиш зарур. Дори-дармонлар б-н бирга психотерапия ҳам муҳим аҳамиятга эга.

НЕВРОЛОГИЯ (*невр...* ва *...логия*) — одам ва ҳайвонлар нерв системасининг тузилиши ҳамда норма ва патологик ҳолатлардаги функциялари, унинг *филогенези ва онтогенези* қонуниятлари тўғрисидаги тиббий-биологик фан. Н.нинг бўлимлари — нерв системасининг *анатомияси, гистологияси, эмбриологияси,* нейрофизиологияси, *патофизиологияси,* шунингдек, *невропатология,* болалар невропатологияси, неврогигиена ва б.

Қад. дунё тиббиёти нейроморфологиядан элементар маълумотларга эга бўлган. 16-а.да А. *Везалий* нерв системасини ўрганишда морфофункционал йўналишни бошлаб берди. 19-а.да нерв системасини микроскопик ўрганишга асос солинади, бу эса *нейронни* таърифлашга имкон берди. Гистология, тасвирий анатомия б-н бирга нейрофизиология ҳам ривожланиб борди; ҳайвонлар миясининг айрим қисмларини ажратиб олиб ўрганишга киришилди. Бош ва орқа мияда ҳаракат ва сезги функцияларини белгиловчи махсус марказлар борлиги аниқланди. 19-а.нинг 2-ярмида бош мия васкуляризацияси, нерв системасининг филогенези ва онтогенезини ўрганишда бирмунча муваффақиятларга эришилди. 19—20-а.ларда И. М. *Сеченов*, Н. Е. *Введенский*, Ч. Шеррингтонлар ўтказган физиологик тадқиқотлар чет элда Н.нинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. И. П. Павловнинг олий нерв фаолияти ҳақидаги таълимоти, миянинг функциясини ва функциясининг шаклланишида эволюцион-генетик қонуниятнинг очилиши ва б. 20-а.да Н.нинг муҳим бурилишларидан бўлди.

Мияснинг адаптацион-трофик функцияси ҳақидаги концепциянинг такомиллаштирилиши, симпатик нерв системасининг мускул қисқаришига таъсир этишини тажрибада аниқланиши, интероцепциянинг масалаларининг, бош мия пўстлоғи б-н ички аъзолар ўзаро муносабатининг ўрганилиши ва б. Н.нинг ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Н. муаммолари Ўзбекистондаги тиббиёт ин-тларининг неврология кафедраларида ўрганилади.

Ад.: Мажидов Н. М., Неврологические воззрения Абу Али ибн Сины, Т., 1980; Мажидов Н. М., Трошин В. Д., Профилактическая неврология: 1—4 т., Т., 1995—98.

НЕВРОМА (*невр...* ва юн. oma (лот.) — ўсма) — нерв тўқимасидан ривожланган хавфсиз ўсмаларнинг умумий номи. Атрофидаги тўқималардан ажралиб турадиган бўлакчали қаттиқ тугунлардан иборат. Ганглионеврома, невринома, нейрофибраматоз ва б. киради. Баъзан Н. хавфли хилига ўтиши ҳам мумкин. Ретроперитонеал бўшлиқ, кўкрак оралиғининг орқа қисми, бўйин ва буйрак усти безида учрайди. Хирургик усулда даволанади.

НЕВРОПАТОЛОГИЯ (*невр... ...логия*) — неврологиянинг клиник бўлими; нерв касалликларининг сабабларини, аломатлари ва кечишини ўрганади; уларни аниқлаш, даволаш ва олдини олиш усулларини ишлаб чиқади. Н. 19-а.нинг охирида терапиядан мустақил фан сифатида ажралиб чиқди. Қад. юнон, миср манбаларида нерв системаси касалликлари (*эпилепсия, фалаж* ва б.) ҳақида, қад. Хитой тиббиёт рисолаларида бош, бел-думғаза оғриганда игна санчиб даволаш тўғрисида маълумотлар бор. Бу соҳадаги дастлабки илмий изланишлар 20-й.ларда минтақамизда кенг тарқалган энцефалит, менингоэнцефалит, кутуриш касалликларига қарши эмлашдан сўнг пайдо бўладиган нерв касалликлари, полирадикулоневрит ва б. хасталикларни ўрганишга бағишланди. 40—50-й.ларда вирусли нейроинфекциялар устида тадқиқотлар олиб борилди. Нейроревматизм ва нейротоксидлар касалликлар таснифи яратилди (А. Р. Раҳимжонов); сурункали лептоменингит касаллиги ҳар томонлама ўрганилди ва уни даволаш йўл-йўриқлари таклиф этилди (Н. М. *Мажидов*). Болалар ревматизмида ирсий омилдар роли ўрганилди (Ш. Ш. Шомансуров, О. Т. Мажидова ва б.). Геморрагик инсультни хирургик усулда даволаш йўллари ишлаб чиқилди (М. Ҳ. Қорнев).

Ҳоз. марказий ва периферик нерв системаси жароҳатлари ва уларнинг асоратлари, мия қон томирлари касалликлари (инсульт, аневризма ва б.), ғўма касалликлар (орқа мия чурраси ва б.), шунингдек, бир неча нерв касалликлари устида тадқиқотлар давом эттирилмоқда.

Н. системаси касалликларини аниқлашда реография, эхоэнцефалография, компьютер томографияси, магнит-резонанс томографияси каби замонавий усуллардан фойдаланилади.

Нерв системаси касалликларини даволашнинг хирургик усулларини *нейрохирургия* ишлаб чиқади, психик касалликларни *психиатрия* ўрганади. Н. нерв системасининг тузилиши ва физиологиясини ўрганадиган *неврология* б-н узвий боғланган. Замонавий дори-дармонлар ва даво усуллари нерв системаси касалликларини муваффақиятли даволаш имконини бермоқда.

Ад.: Мажидов Н. М., Абдуҳакимов Ф. Т., Умумий невропатологиядан амалий машғулотлар учун қўлланма, Т., 1961; Мажидов Н. М., Умумий невропатология, Т., 1973.

НЕГАТИВ (лот. negativus — манфий, салбий) — 1) оқ-қора ёки рангли қисмлари объектнинг аслига қарама-қарши бўлган фототасвир. Н.да оқ жойлар қораяпти, қора жойлар оқиш бўлиб кўринади. Рангли Н.да тасвирни суратга олинаётган объектнинг қўшимча ранги б-н, мас., яшил ранг қизил б-н, зангори ранг сариқ ва б. б-н берилади; 2) тескари тасвирли фото- ёки кинопленка, фотопластинка; Н.ни махсус эритмада очилтириб, мустаҳкамлаб, ювиб, қуритиб. Н. тасвир ҳосил қили-

нади. Н. махсус эритмада ишлаб, *позитив* тасвир, яъни очилтирилган тўғри тасвир олинади.

НЕГАТИВИЗМ — олий нерв фаолиятининг бузилиши белгиларидан бири. Бунда бемор ўринсиз равишда ташқи таъсиротларга қаршилик кўрсатади. Пассив ва актив Н. фарқ қилинади. Пассив Н.да бемор талаб қилинаётган ҳаракатни ўжарлик б-н бажармайди. Актив Н.да киши талаб қилинаётган ҳаракатнинг аксини қилади. Н. аксарият *шизофрения*нинг кататоник шаклида кузатилади. Баъзи болалар ва ўсмирларда нотўғри тартиб оқибатида юзага келадиган Н.ни патологик Н.дан фарқ қила билиш керак.

НЕГИЗ — сўзнинг шаклини ҳосил қилиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган тил бирлиги; сўзнинг «ўзак + ясовчи қўшимча» шаклидаги қисми (иш — ўзак, -чи — сўз ясовчи қўшимча, демак: ишчи — негиз), ундан кейин қўшиладиган қўшимчалар сўзнинг грамматик шаклини ҳосил қилади. Н.нинг ҳосил бўлиши янги луғавий бирлик б-н алоқадор. Ўзбек тилида қўшимчалар ўзакдан кейин қўшиладиган хусусиятга эга бўлганлигидан, Н. асосан «ўзак + ясовчи қўшимча» шаклида бўлади, лекин бошқа тиллардан кирган олд қўшимчалар мавжудлиги ва бу қўшимчаларнинг сўз ясовчиларга мансублиги Н.нинг «олд қўшимча + ўзак» (бадавлат), шунингдек, «олд қўшимча + ўзак + ясовчи» (нотинч) шакллари ҳам борлигини кўрсатади. Демак, Н. морфемаларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади, яъни қўшимча орқали ўзакдан Н. яратилади ёки бир Н.дан бошқа Н. ҳосил қилинади (мас., темирчилик сўзида темир + чи = бирламчи Н., темирчи + лик иккиламчи Н. Н. ва ясама сўз тушунчалари ўзаро алоқадор, лекин бошқа-бошқа ҳодисалардир. Баъзи адабиётларда асос, ўзак-негиз терминлари ҳам Н. сўзининг синоними сифатида қўлланади.

Неъмат Маҳкамов.

НЕГРИ МИССИЯСИ (1820) — Эрондаги рус элчихонасининг катта маслаҳатчиси А. Ф. Негри (1784—1854) раҳбарлигида савдо шартномаси тузиш учун Бухорога юборилган миссия. Таркиби полковник Е.К. Мейендорф, палеонтолог Х. Г. Пандер, зоолог ва ботаник Э. А. Эверсман, топографлар Вальховский ва Тимофеев, таржимон Яковлев ва б.дан иборат бўлган. Н. м. бирор аниқ битимнинг имзоланишига эриша олмаган бўлса-да, келажакда Бухоро б-н Россия ўртасидаги алоқаларнинг тикланишига, савдо-сотиқнинг йўлга қўйилишига ҳамда ҳар икки давлат дипломатик муносабатларида илиқ вазиятнинг вужудга келишига сабаб бўлди.Улар жосуслик характеридаги маълумотларни ҳам тўплашган. Н. м. аъзоларидан Е. К. Мейендорф ва Э. А. Эверсман ана шу сафар хотиралари асосида материалларга бой бир неча китоб ёзиб қолдиришган.

НЕГРИЛЛ ИРҚИ (Марказий Африка ирқи) — катта экваториал (негр-австралоид) ирқига мансуб. Паст бўйлик, серяғнлик, узун бурун, юпқа лаблик уларга хос. Экваториал Африканинг тропик ўрмонларида тарқалган.

НЕГРИТОСЛАР (испанча negritos) Осиё *пигмейлари*, Жан.-Шарқий Осиёдаги бир қанча пакана негроид этник гуруҳлар (*андаманлар, семанглар, аэта*лар)нинг номи. *Меланезия ирқига* мансуб.

НЕГРЛАР (испанча negro — қора) — *негроид ирқ* вакилларининг номи. Мусулмон Шарқи мамлакатларида *занжилар* деб ҳам аталади. Ҳозирда Американинг қора танли аҳолиси бу терминни ҳақорат деб билмоқда ва ўзларини афро-америкаликлар деб аташмоқда.

НЕГРОИД ИРҚ — Катта экваториал (негр-австралоид) ирққа киради. Танасининг қоралиги, жингалак сочлиги, бурнининг кенглиги, лабларининг қалинлиги, прогнатизм (жағ суякларининг олдинга туртиб чиқиши) хослир. Африкада, Сахрои Кабирнинг жан.да тарқалган. «Н.и.» термини баъзан экваториал ирқининг синоними сифатида қўлланилади.

НЕГРОС — Филиппин архипелагининг марказий қисмидаги орол. Майд. 12,7 минг км². Рельефи, асосан, тоғли. Энг баланд жойи 2460 м (Канлаон вулкани). Ғарбий ва шим.-ғарбий қисмида вулкан тупроқли унумдор текисликлар бор. Иқлими субэкваториал, муссонли иқлим. Тоғлар доим яшил тропик ўрмонлар б-н қопланган, текисликларда саванналар учрайди. Шакарқамиш, шоли, маккажўхори экилади. Мис рудаси конлари бор. Н.да Баколод, Думагете, Сан-Карлос ш.лари жойлашган.

НЕГРУЛЬ Александр Михайлович (1900.25.12, Полтава — 1971.25.7, Москва) — узум генетикаси ва селекцияси соҳасидаги олим, қ.х. фанлари д-ри (1938), проф. (1940). РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965). Одесса қ.х. ин-тини тугатган (1925). 1926—44 й.ларда Одесса виночилик ст-ясида, Узумчилик ва виночилик и. т. ин-тида (Тбилиси ш.), Бутуниттифоқ ўсимликшунослик ин-тида (Санкт-Петербург ш.) узум селекцияси бўлими бошлиғи. 1944 й.дан Москва қишлоқ хўжалиги академияси виночилик ва субтропик экинлар кафедраси мудири. Н. тоқнинг генеалогик таснифини тузди. Ўрта Осиёда ҳураки узумчиликни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, тоқнинг 16 янги навини яратди (М. С. *Жўрабек*б-н ҳамкорликда). Бу навлар Ўзбекистонда ва қўшни давлатларда катта майдонларга жойлаштирилди (*Ўзбекистон қора, ВИР* мускати, *Жўрабек, Эртаги ВИР, Тарноғи, Ўзбекистон мускати*, Октябрьский, Победа ва б.). ВАСХНИЛ узумчилик секциясининг раиси. Италия узумчилик ва виночилик академиясининг мухбир аъзоси бўлган.

НЕЕЛЬ (Neel) Луи Эжен Феликс (1904.22.11, Лион — 1970) — француз физиги. Франция ФА аъзоси (1953 йдан). Страсбург (1937 йдан) ва Гренобль (1945 йдан) ун-тлари проф. Ядро талқинқотлари маркази директори (1956—71), Гренобль политехника ин-ти президенти (1971 йдан). Илмий ишлари магнетизм назариясига оид. Хусусан, антиферромагнетикларнинг мавжудлиги тўғрисидаги фаразни айтди (Л. Д. *Ландау*дан мустақил тарзда; 1932), *ферромагнетизм* назариясини ишлаб чиқди ҳамда ферритларнинг кучли магнетизм хусусиятига эга эканлигини тушунтириб берди, ўта парамагнетизм ҳодисасини кашф этди. Н. антиферромагнетикларнинг маълум т-радан юқори т-рада ўзига хос магнит хусусиятларини йўқотишини топди. Бу т-ра унинг номи б-н аталади (қ. *Неель нуқтаси*). Нобель мукофоти лауреати (1970).

НЕЕЛЬ НУҚТАСИ, Қ.ю.р и а н т и ф е р р м а г н и т н у қ т а с и — антиферромагнетик жисмнинг ўзига хос магнит хусусиятларини йўқотиб, парамагнетик ҳолатга ўтиш т-раси ($T_к$). Антиферромагнит жисмларнинг магнит ва б. физик хоссалари т-рага боғлиқ равишда ўзгаради. Магнит киритувчанлик т-ра ортиши б-н ортиб боради ва маълум т-радан, яъни Н.н.дан юқори т-рада антиферромагнетикнинг магнит тузилиши бузилади ва жисм парамагнит бўлиб қолади. Антиферромагнетикларнинг номагнит хоссалари (иссиқлик ўтказувчанлиги, иссиқликдан кенгайиш коэффициенти, электр ўтказувчанлигининг т-ра коэффициенти ва б.) нинг бузилиши энг юқори қийматга етади. Турли антиферромагнетик моддалар учун Н. н. турлича бўлиб, *мутлақ нол*дан 1000 К гача етади. Мас., $FeCO_3$ учун Н.н. 57 К, CrSr учун эса 725 К. $T_к$ т-рани аниқлаган Л. *Неель* номи б-н аталади.

НЕЙРО..., н е в р о . . . (юн. neuron — нерв) — қўшма сўзлар бўлаги: нерв системасига алоқадорликни билдиради (мас., *нейрохирургия*).

НЕЙРОГЛИЯ, г л и я — *нерв тўқимаси*нинг ҳужайра элементлари: нерв

ҳужайраси (*нейрон*), ўсимталари ва миянинг капиллярлари орасидаги тўлдириб туради. Н.да макроглия ва микроглия ҳужайралари тафовут қилинади. Макроглия *эктодермадан* ривожланади; эпендима (яъни, астроцитлар ва олигодендроглиядан иборат. Эпендима ҳужайралари бир-бирида ич тақлид тўқилган юмалоқ пакана ясп, улар бош мия қоринчаси ва орқа миянинг марказий канали орлиқ қисмини тўлдириб, механик, таянч ва трофик вазифасини ўтайди. Астроглия — воллузсимон ҳужайралар ўз ўсимталари б-н чигалланиб, мия пўсинни ҳосил қилади. Унинг асосий элементи гемато-энцефалик барьер бўлиб, суюқлиги ва моддаларнинг назорат қилади. Олигодендроглия ҳужайралари майда, катта ўсиқчалари бор, нейрон ва аксонлар танасини ўраб туради, аксон миелин қобигининг ҳосил бўлишида иштирок этади. Нейронларга моддалар ташилишини таъминлайди. Микроглия ҳужайралари ўсиқчалари ҳам майда ҳужайралар бўлиб, мезенхимадан ривожланади; *фагоцитоз*, шунингдек, *нерв системасида* ҳимоя вазифасини бажаради.

НЕЙРОГОРМОНЛАР (*нейро...* ва *гормонлар*), н е й р о с е к р е т л а р — нейросекрецияи ҳужайралари ишлаб чиқарадиган биологик фаол моддалар. Н. нерв учларида *медиаторлар*дан ҳосил бўлади, бироқ *гормонлар* каби, қон ёки тўқима суюқлигига ўтади. Кимёвий таркибига кўра, кўпчилик Н. *пептидлар* (вазопрессин, кортиколибрин ва б.), баъзилари катехоламинлардир. Сут эмизувчиларда Н. манбаи бош миядаги *гипоталамус*нинг нейросекретор ҳужайралари ҳисобланади. Н. баъзи эндокрин безларнинг (қ. *Ривожланиш гормонлари*) ҳужайралари фаолиятини бошқаради, шунингдек, бошқа аъзолар ҳужайраларига ҳам таъсир этади (қ. *Нейросекрецияи*). Пептид Н. биосинтези нейрон танасидаги эндоплазматик тўрда содир бўлади.

НЕЙРО-ГУМОРАЛ РЕГУЛЯЦИЯ (*нейро...* ва лот. humor — суюқлик) — одам ва юқори ривожланган ҳайвонлар организмининг аъзо, тўқималари фаоллиги ва физиологик жараёнларини нерв системаси ва гуморал омиллар (қон, лимфа ва тўқима суюқлигидаги биологик фаол моддалар) таъсирида бошқарилиши. Н.-г.р. системаси организмнинг ўзгарувчан муҳит шароитида нормал ишлашини таъминлаб беради.

Нерв регуляцияси филогенетик нуқтаи назардан *гуморал регуляция*га нисбатан анча ёш. Тубан организмларда алоҳида ҳужайралар ва аъзоларнинг ўзаро алоқасини алмашинув жараёнларида ишлаб чиқариладиган кимёвий моддалар (*метаболитлар*) амалга оширади. Эволюция давомида тўқима, аъзоларнинг мураккаблашиши ва дифференцияланиши натижасида янги гуморал омиллар (*медиаторлар, гормонлар* ва *цитокинлар*) ҳосил бўлди ва гуморал система нерв системаси б-н ўзаро боғланиб борди, натижада, Н.-г.р. системаси вужудга келди. Бунда нерв системаси биологик фаол моддаларнинг синтез қилинишига таъсир этади (мас., гипоталамус-гипофиз гормонларининг ҳосил бўлишига таъсир кўрсатади, бу омиллар қалқонсимон без, жинсий ва буйрак усти безларини фаоллаштиради). Ўз навбатида гуморал омиллар нерв системасига икки хил таъсир кўрсатади: 1) рефлектор, яъни қон, лимфа ва тўқима суюқликларидаги биологик фаол омиллар нерв системасининг интерорецепторларини «қитиқлайди»; 2) бевосита таъсир, бунда биологик фаол моддалар тўғридан-тўғри нерв ҳужайраларига таъсир кўрсатади (мас., алмашинув жараёнида ҳосил бўладиган CO_2 бош миянинг нафас олиш системасига таъсир кўрсатиб, уни фаоллаштиради).

Ад.: Маждров Н. М., Трошин В. Д., Профилактическая неврология, 1—4 т., Т., 1995—98.

НЕЙРОДЕРМИТ (*нейро...* ва юн. derma — тери) — терининг нерв-аллергик касаллиги. Қаттиқ қичиниш, тугунчали тошмалар — папулалар тошиши, зарарланган соҳа терисининг қалин тортиши б-н кечади. Н.га, асосан, нерв системасининг функционал ўзгаришлари, ички органлар, мезо-ичак касалликлари, ички секреция безлари фаолияти ҳамда моддалар алмашинувининг бузилиши ва ҳ. к. сабаб бўлади. Н.нинг чекланган, диффуз (тарқоқ) ва атиник шакллари бор.

Чекланган Н.да терининг маълум бир соҳаси қаттиқ қичишади. Зарарланиши ўчоғи бўйинининг орқа ва ён қисми, жинсий аъзолар, думбалар орасини, жинсий аъзолар, думбалар орасидаги бурмалар ва катта бўғимларнинг букилувчи юзасида бўлади. Қичиниши кучайганда терида майда тугунчалар пайдо бўлиб, юзаси кепакли тангачалар б-н қопланади. Кейинчалик тугунчалар бир-бири б-н қўшилиб, каттагина жойни эгаллаши мумкин. Тошмалар оч пушти, кўнғир тусда, ясси ва юмалоқ шаклда бўлади. Тери аста-секин қалин тортиб зичлашади. Ўткир яллиганган ўчоқларда шилинишлар кузатилади. Ҳалеб қашлана бериш натижасида чиқан қон қотиб, қора қўтир бўлади. Касаллик узоқ давом этади.

Диффуз Н.да, асосан, юз, бўйин, қўл ва оёқ букилмалари, жинсий аъзолар ва сонининг ички юзаси зарарланади. Дастлаб оч пушти рангли тугунчалар пайдо бўлади ва инфильтратланади. Тери қуруқ, усти майда кепакли тангачалар б-н қопланади. Тананинг табиий бурмаларида ёриқлар юзага келади.

Терининг кучли қичиниши, тошмалар тошиши, нерв системаси фаолиятининг бузилиши ва б. Н.га хос белгилардир. Кучли қичиниш бемор уйқусининг бузилишига, невротик ҳолатга олиб келади. Касаллик кўпинча фаслга боғлиқ, у, асосан, кишда зўраяди, ёзда *ремиссия* ҳолатида бўлади. Н. *бронхиал астма, вазомотор ринит* ва б. аллергик касалликлар б-н бирга кечиши мумкин. Эксудатли Н. ҳам бор, бунда тошмалар намланиб туради, улар тушиб кетгач, ўрни анчагача қизариб туради.

Витаминлар, гормонлар, тинчлантирадиган дорилар, мазь ва б., шунингдек, физиотерапевтик муолажалар буюрилади.

НЕЙРОЛЕПТИК МОДДАЛАР — қ. *Психотроп моддалар.*

НЕЙРОЛИНГВИСТИКА (лот. neuron — нерв ва lingua — тил) — психология фани соҳаси, *афазия*нинг психолингвистик жиҳатларини ўрганади. Н.нинг фан сифатида вужудга келиши, бир томондан, нейропсихологиянинг, иккинчи томондан, лингвистика ва *психолингвистика*нинг ривожланиши б-н боғлангандир. Ҳоз. замон нейропсихологиясида Н. сўзлашга миянинг системали функцияси сифатида, афазияга эса системанинг бузилиши сифатида қарайди. Н.нинг ривожланиши психолог А. Р. Лурия (1902—77) ва унинг шогирдларининг илмий ишлари б-н боғлиқдир.

НЕЙРОН, н е в р о н (*нейро...*) нерв ҳужайраси. *Нерв системасини*нинг асосий структуравий ва функционал бирлиги, калта дендритлар ва узун аксондан иборат (схема). Хайвон ҳужайрасига хос организмлардан



Нейрон. Схематик тасвири: *1* — дендритлар; *2* — ҳужайра танаси; *3* — аксончаси; *4* — аксон; *5* — миелин парда; *6* — Шванн ҳужайрасининг ядроси; *7* — Ранвье сиқмаси; *8* — эффектор нерв охирлари.

ташқари. Н. цитоплазма (нейроплазма)сида нейрофибриллалар (тигроид модда) бўлади. Сезувчи, қўшувчи ва эффектор Н. фарқ қилинади. Н. нерв импульсларини рецепторлардан марказий нерв системасига (сезувчи Н.), марказий нерв системасидан ижрочи аъзоларга (*ҳаракатланувчи* Н.) ўтказади, бошқа бир қанча нерв ҳужайраларини ўзаро бириктиради (қўшувчи Н.) Н.лар ўзаро ва ижрочи аъзолар ҳужайралари б-н синапслар орқали алоқада бўлади. Бош мия катта ярим шарлари пўстлоғи, мияча, марказий нерв системасининг бошқа баъзи бўлимлари нейрони мураккаб тузилган. Н.лар ўлчами ва сони турли ҳайвонлар ва одамда турлича.

НЕЙРОПСИХОЛОГИЯ — *психология* соҳаси; психик жараёнларнинг бевосита мия фаолияти б-н боғлиқ жиҳатларини ва бош миянинг алоҳида системалари б-н алоқасини ўрганади. Дастлаб *неврология* бўлими сифатида ривожланган.

НЕЙРОСЕКРЕЦИЯ (*нейро...* ва лот. secretio — ажратма) — айрим нерв ҳужайралари (нейросекреторлар)нинг физиологик фаол моддалар — нейрогормонлар ишлаб чиқариши ва уни қон ёки тўқима суюқлигига ажратиши; одам ва умуртқали ҳайвонларда Н. функциясини, асосан, *гипоталамус* бажаради. Нерв импульсларининг кимёвий ўтказувчи омиллар (*медиаторлар*)ни ишлаб чиқарувчи оддий нерв ҳужайраларидан фарқли ўлароқ, нейросекретор ҳужайралар цитоплазмасида *нейрогормонлар* синтез қилинади. Бу гормон нерв ҳужайраларининг аксонларидан гемолимфа, қон, тўқима ва орқа мия суюқлигига ажралиб, *марказий нерв системаси*, висцерал аъзолар (жумладан, эндокрин безлар) фаолиятига таъсир кўрсатади. Тубан умуртқасиз ҳайвонларда нейросекретор ҳужайралар нерв системасида тарқоқ жойлашган. Филогенезда нейросекретор ҳужайралар нейросекретор марказларга тўплана бошлайди. Умуртқалиларда бу ҳужайралар оралиқ миянинг гипоталамик зонасида жойлашган. Нейросекретор ҳужайраларни классик нейронлар назорат қилади. Ўз навбатида нейросекретор ҳужайралар, оддий нейронлар каби таъсир потенциалини генерация қилади, импульс аксонлардан уларнинг учларигача боради ва унинг таъсирида нейрогормон атроф муҳитга ажралади.

НЕЙРОФИЗИОЛОГИЯ — *физиология*нинг бир бўлими. Нерв системаси рефлектор принципда ишлаши ҳақидаги тасаввур 17-а.да француз физиологи Р. Декарт, 18-а.да чех физиологи Й. Прохаска томонидан илгари сурилган. Бироқ Н. фан сифатида 19-а.нинг 1-ярмидан, нерв системаси тажриба усуллари б-н ўрганила бошлангандан сўнг шаклланди. 19-а. бошларида Шотландия анатоми ва физиологи Ч. Белл (1811) ҳамда француз физиологи Ф. Мажанди (1822) бир-биридан бехабар орқа миянинг орқа илдизи кесилганлан сўнг сезги, олдингиси кесилгандан кейин ҳаракат йўқолишини аниқлади. Шундан сўнг у ёки бу функция нерв системасининг қаерида жойлашганлигини аниқлаш учун миянинг турли тузилмаларини кесиш, кейинчалик уларга сунъий йўл б-н таъсир этиш усулидан кенг фойдаланилди. И. М. *Сеченов* (1863) томонидан марказий тормозланиш, яъни нерв системасининг маълум маркази таъсирланишидан унинг фаол ҳолати — қўзғалишини эмас, балки сўнишини вужудга келтирадиган ҳодисанинг кашф этилиши Н. ривожида муҳим босқич бўлди. Марказий нерв системаси функциясини ўрганишда Н. Е. *Введенский*, В. М. *Бехтерев*, инглиз физиологи Ч. Шеррингтон ва бошқа ҳиссаси катта. Юрак-томир фаолияти ва нафаси бошқаришда бош мия сопининг ролини рус олимлари Ф. В. Овсянников, Н. А. Миславский, шунингдек, француз физиологи П. Флуранс, мияча ролини Италия олими Л. Лючиани аниқлаган. Бош мия ярим шарлари пўстлоғи функциясини экспериментал текширишни И. П. *Павлов* бошлаб берди, шу б-н бирга пўстлоқда содир бўладиган нерв жараёнларини объектив қайд қилиш имкониятларини кўрсатди (қ. *Олий нерв фаолияти*). Рус физиологи А. А. Ухтомский Н.га доминанта принципи ҳақидаги тушунчани киритди. Биоэлектр потенциалларини қайд қилиш методининг кашф этилиши ва ишлаб чиқилиши туфайли Н.да нерв ҳужайралари фаолиятини ва қўзғалиш ҳамда тормозланиш табиатини ўрганиш масалалари илгари сурилди.

Ҳоз. Н. олдида нерв системасининг интеграция фаолиятини ўрганиш масалалари турибди. Бу нерв системасини кесиш ва турли қисмларини олиб ташлаш, унинг электр потенциалларини ички ва сиртқи электроллар ёрдамида синаш, нерв структурасига электр ва т-ра таъсир эттириш ва б. методларга асосланган. Мия сопи ретикуляр формациясининг активлаштирувчи ҳамда тормозловчи таъсирини кашф этиш ва батафсил аниқлаш, соматик ва висцераль функцияларни бирлаштириб турадиган олий марказлардан бири бўлган мия лимбик системасининг тавсиф этилиши, нерв ҳамда эндокрин системанинг бошқарилиш механизми *гипоталамус*далигини аниқлаш ва б. кашфиётлар Н.нинг ютуқларидандир. Нерв системаси фаолиятининг ҳужайра механизмини муфассал ўрганишда микроэлектрод техника ҳамда электрон микроскопия яхши натижа бермоқда. Микроэлектродларни нейрон ичига киритиб, турли типдаги нейронларда қўзғалиш ва тормозланиш қандай пайдо бўлиши, бу жараёнларнинг ҳужайра ичидаги механизми қай тарзда эканлиги, бир ҳужайра активлиги бошқасига қандай ўтиши тўғрисида маълумотлар олинган. Нерв системаси устида олиб бориладиган экспериментлар асосида баъзи нейрон ва нерв турларининг моделини ясаш ривожланмоқда. Замонавий Н. нейрокибернетика, нейрокимё, нейробионика (қ. *Бионика*) каби фанлар б-н чамбарчас боғланган.

Ад.: Бабский Е. Б. ва б., Одам физиологияси, Т., 1972; Маждров Н. М., Тронин В. Д., Профилактическая неврология, 1—4 т., Т., 1995—98.

НЕЙРОХИРУРГИЯ — *хирургия*нинг бир бўлими. Нерв системаси касалликлари ва жароҳатларини хирургик йўл б-н даволаш методларини ўрганади ва амалда қўллайди. Н. нейроонкология, нейротравматология, нейроангиология, марказий нерв системасининг туғма нуқсонлари ва инфекцион-яллиғланиш жараёнида қоладиган асоратлар хирургияси, стереотоксик Н., эпилепсия ва кучли оғриқ хирургияси каби бўлимлардан иборат. Бош ва орқа мияни операция қилиш юзасидан олиб борилган кўп йиллик изланиш ва уринишлар туфайли 20-а. бошларида Н. мустақил фан сифатида шаклланди. Физиология, *неврология*, рентгенология, патоморфология, биокимё, анестезиология, терапия ва б. фан ютуқлари Н.нинг ривожланишига имкон берди. Н. Н. Бурденко Москвада, А. Л. Поленов Ленинградда, А. И. Арутюнов Киевда Н. ин-тини ташкил этишда раҳбарлик қилдилар (ҳоз. ин-т шу олимлар номи б-н аталади). Кейинчалик бошқа шаҳарлардаги клиникаларда ҳам Н. бўлимлари очилди.

Дастлаб Ўзбекистонда Н. бўлими Травматология ва ортопедия и. т. ин-ти, 1963 й. Самарқанд вилоят касалхонаси (1950) (С. Д. Мадиёров, А. М. Мамадалиев) таркибида ташкил қилинди. 1968 й.дан республиканинг барча вилоят касалхоналарида, жумладан, Тошкентда Онкология ва радиология и.т. ин-тида Н. бўлими (М. Ҳ. Қориев) фаолият кўрсата бошлади. 1969 й. 17-шаҳар касалхонасида (А. С. Мирсодиқов), Андижон вилоят касалхонасида (М. Д. Дўстмуродов) Н. бўлимлари ташкил топди. Кейинчалик бу бўлимлар тиббиёт ин-тларида ташкил қилинган. Н. кафедралари ва курсларининг ўқув базаси бўлиб қолди. Нейрохирургик ёрдамни режали равишда бажариш мақсадида 1983 й. Республика Нейрохирургия маркази очилди, кейинчалик у Республика и. т. марказига айлантирилди (1997).

Республикада Н. фани ривожланишида М. М. Мақсудов, М. Ҳ. Қориев, А. С. Мирсодиқов, С. А. Мадиеров, М. Д. Дўстмуродов, А. М. Мамадалиев ва бошқа мутахассислар катта хизматлари бор. 1978 й.дан Республиканинг барча тиббиёт ин-тларида юқори курс талабаларига Н. фани ўқитила бошланди. Республиканинг шаҳар ва вилоят мутахассисларини танёрлаш, асосан, нейрохирургия илмий марказида, тиббиёт ин-тларининг нейрохирургия кафедралари ва курсларида олиб борилади.

Ихтисослашган нейрохирургик марказлар ташкил этилиши бош мия усмалари, марказий нерв системасининг туғма нуқсонлари ва яллиғланиш касалликларини даволашда яхши натижаларга эришишга, Н.да мия ва орқа мия томирлари хирургияси (нейроангиология), стереотаксис каби янги бўлимлар ташкил этишга имкон берди. Н.даги ҳоз. муҳим йўналишлардан бири бош мияда қон айланиши ва мияда энергия алмашинуви физиологияси ва патологиясини ўрганишдир. Операция техникаларини ривожланиши электрохирургиянинг татбиқ этилиши ҳамда калла ичи босимини пасайтиришга ёрдам берадиган турли препарат ва методларнинг қўлланилиши, диагностика усулларининг такомиллашиши, шунингдек, Н. амалиётида оғриқсизлантириш ва реанимация методларининг жорий этилиши Н.да муҳим аҳамият касб этди. Ҳоз. томирларни операция қилиш усули ҳам муваффақиятли қўлланилмоқда.

Н. соҳасида физика, электроника, кибернетика, радиология ва б. табиий фанларнинг ютуқларидан фойдаланиши эндилikда глиал ўсмалар, калла суяги ва миянинг оғир шикастлари, эпилепсияни даволаш имконини берди. Марказий нерв системасининг мураккаб функцияларини ўрганиш соҳасидаги Н. ютуқлари невропатология, психиатрия, нейрофизиология, психология каби фанларни бойитмоқда.

Ад.: Сосин И. И., Карнев М. Х., Физиотерапия в хирургии, травматологии и нейрохирургии, Т., 1994; Мирсодиқов А. С., Мирсодиқов Д. А., Болалар нейрохирургияси, Т., 2002.

НЕЙТРАЛИТЕТ — қ. *Бетарифлик*.

НЕЙТРАЛЛАШ, нейтралланиш реакцияси, нейтрализация — кислота хоссасини эга бўлган моддаларнинг асос хоссасига эга бўлган моддалар б-н ўзаро таъсир этишини натижасида иккала бирикманинг ўзига хос хусусиятларини йўқотиши. Н. реакцияси кимё саноатида, баъзи корхоналар чиқиндиларини қайта ишлашда, лаб. амалиётида, хусусан, кимёвий анализда қўлланади (қ. *Кислота ва асослар*).

НЕЙТРИНО (итал. neutrino — *нейтрончик*) — электр заряди нолга ва тинч ҳолатдаги массаси нолга яқин бўлган элементар зарра (ν). *Лептонлар* туркумига киради. Электрон Н.си (ν_e) ва мюон Н.си (ν_μ) номлари б-н ҳам ишлатилади. Н. ҳар икки кўринишнинг ўзига хос антинейтриноси бор (электроннки $\bar{\nu}_e$, мюонники $\bar{\nu}_\mu$).

Электрон ва мюон зарралар бир-биридан квант сонлари (лептон зарядлари) L_e ва L_μ б-н фарқ қилади, яъни $L_e = +1$, $L_\mu = 0$. Н. ўзаро кучли таъсирда ҳам, электромагнит ўзаро таъсирда ҳам қатнашмайди ва фақат ўзаро кучсиз таъсирда иштирок этади. Шунинг учун Н.ни бевосита кузатиш қийин. Қувватли атом реакторлари ва тезлаткичлар қурилганидан сўнгтина, Н.нинг ўта интенсив оқимини олиш ва уни кузатиш имкони тугилди.

Н. массаси жуда кичик, лекин ўтувчанлик қобилияти катта. 1930 й.да В. *Паули* бета-емирилиш жараёнини ўрганишда жуда кичик массали ва спини яримга тенг бўлган нейтрал зарра борлигини тахмин қилган эди. Лекин 1932 й.да Ж. *Чедвик* нейтронни кашф қилгандан сўнг, Э. *Ферми* бета-емирилиш жараёнида иштирок этадиган бу заррани «Н.» деб аташни таклиф этди.

Н. ва антинейтрино ўрнида реакциялар ўринли:

$$p \to n + e^+ + \nu; \quad \bar{\nu} + p \to n + e^+;$$

$$e^- + p \to n + \nu; \quad \nu + n \to p + e^-.$$

Бундан ташқари, кўпгина элементар зарраларнинг емирилишида ҳам Н. пайдо бўлиши мумкин.

В. Паули тахмин қилган зарра 25 й.дан сўнг кузатилди ва фанда янги — Н. физикаси, Н. астрономияси каби соҳалар пайдо бўлди. Аниқланишича, Ерлар пайдо бўлди. Аниқланишича, Ернинг ҳар бир квадрат километр массасида узлуксиз равишда секундига 7330 та *антинейтрино* чиқади. Бу Н.ларнинг манбаи Ердаги радиоактив моддалардир. Қуёш, юлдузлардаги термоядро реакциясининг маҳсулотлари Коинотдаги Н. (антинейтрино) манбаи ҳисобланади. Тажрибалар натижасида Н. массаси $m_\nu < 200$ эВ $\left(\frac{1}{2500}\right.$ электрон массаси$\left.\right)$ экани маълум бўлди. Н.нинг магнит моменти жуда ҳам кичик $\mu(\nu) = 10^{-7}\,\mu_B$, бу ерда μ_B — *Бор магнетони*. Антинейтрино Н.нинг антизарраси бўлганидан унинг магнит моменти $\mu(\nu)$ дан пшораси б-н фарқ қилади. Ҳоз. вақтда Қуёш Н.си, юқори энергияли космик Н.ни қайд қилиш ва текширш янада кенг амалга оширилмоқда.

НЕЙТРОН (инг. нейтрон, лот. neuter — унисси ҳам, бунисси ҳам эмас) — тинч ҳолатдаги массаси $1.67 \cdot 10^{-24}$ г, спини 1/2, радиуси $1.23 \cdot 10^{-13}$ см, магнит моменти 1,913 ядро магнетонига тенг бўлган электр жиҳатдан нейтрал (электр заряди нолга тенг) элементар зарра; атом ядросининг таркибий қисми. Протон каби Н. ҳам нуклон деб юритилади. *Барионлар* туркумига киради. Н.ни Ж. *Чедвик* кашф этган (1932). Эркин ҳолда Н. узоқ вақт яшай олмайди: ўртача яшаш даври $\tau \approx 16$ мин. Н.нинг ярим парчаланиш даври 11,7 мин., шу вақт давомида у *протон*, *электрон* ва *антинейтрино*га айланади.

1956 й.да Н.нинг антизарраси — антинейтрон топилди. Унинг массаси Н. массасига тенг, магнит моменти эса қарама-қарши ишорали, яъни мусбат. Антинейтрон радиоактив бўлиб, у антипротон, *позитрон* ва *нейтрино*га парчаланади. Н. марказида қандайдир зарядли «ўзак» мавжуд. Бу ўзак атрофида қарама-қарши зарядли айланувчи қатлам бор, лекин бир бутун ҳолда Н. электр нейтрал зарралар. Н. энергиясига кўра ультрасовуқ (10^{-7} эВ гача), жуда совуқ (10^{-7}—10^{-4} эВ), совуқ (10^{-4}—$5 \cdot 10^{-1}$ эВ), иссиқ ($5 \cdot 10^{-1}$—0,5 эВ), резонанс (0,5—10^{-3}эВ), оралиқ (10^{3}—10^{7} эВ), тез (10^{7}—10^{9} эВ), юқори энергияли (10^{9}—10^{10} эВ) ва релятивистик ($4 \cdot 10^{10}$ эВ) бўлади. Энергияси 10^{3} эВ гача бўлганлари секин Н. дейилади.

Н.лар фаннинг турли соҳаларида кенг қўлланилади. Н.лар ҳам бошқа радиоактив нурлар сингари организмга биологик таъсир кўрсатади. Н. хусусиятларидан тиббиётда (мас., нейтронотерапия), геологияда (нейтрон каротаж ва б.) кенг фойдаланилади. Махсус усуллар (мас., радиоактивацион усул) ёрдамида Н.ни аниқлаб, моддаларнинг таркиби ўрганилади.

НЕЙТРОН БОМБА — кичик қувватли термоядро зарядли б-н таъминланган қурол. *Оммавий қирғин қуроллари* жумласига киради. Н. б.да асосий дастлабки модда *дейтерий* ва *тритий* аралашмаси ҳисобланади. Парчаланиш ва синтез ядро реакцияси (бир неча ўн млн. °С қизиш) натижасида тез *нейт-*

рон оқимлари вужудга келади. Ана шу нейтрон оқимлари шикастловчи таъсир кўрсатади. Н. б. фақат одамларни оммавий қириш учун мўлжалланади, бино ва иншоотларга, танкларга зиён етказмайди. Чет эллар да (мас., АҚШ да) 20-а. 70-йиларида яратилиб, синовдан ўтказилган, амалда қўлланилмаган (қ. *Ядро қуроллари*).

НЕЙТРОН ФИЗИКАСИ — физиканинг нейтронлар хоссалари (массаси, радиоактив емирилиши, магнит хоссалари ва ҳ. к.) ва улар б-н боғлиқ бўлган турли жараёнларни ўрганадиган бўлими. Н. ф. нейтрон кашф қилингандан сўнг (1932) унинг хоссаларини ўрганиш асосида вужудга келди ва ривожланди. Совуқ ва иссиқ нейтронлар б-н ўтказилган тажрибаларда уларнинг тўлқин хусусиятлари намоён бўлиб, кўпгина оптик ҳодисалар кашф қилинди. Бундай нейтронлар хоссалари оптика усуллари ва асбоблари ёрдамида ўрганилади. Иссиқ нейтроннинг моддада ютилиши катта бўлганидан уларнинг ҳар хил моддалар б-н ўзаро таъсири натижасида эластик сочилиш ҳодисаси ва радиацион тутув (n, γ) каби экзотермик реакциялар кетиши мумкин. Нейтронлар таъсирида ядроларнинг, айниқса, оғир ядроларнинг бўлиниши ва бўлинишининг занжирли реакцияси каби муҳим ядро реакциялари вужудга келади. Бундай реакцияларнинг кетиши ҳам нейтронлар энергиясига боғлиқ. Ана шундай боғланишлар характерини ва улардан фойдаланиш йўлларини (мас., ядро техникасида) Н. ф. ўрганади ва аниқлайди.

Юқори энергияли нейтронларнинг модда атомлари б-н ўзаро таъсири ядро реакцияларига олиб келади. Бу жараёнлар мураккаб бўлиб, уларни ўрганишда махсус асбоб ва усуллар зарур. Ўта юқори энергияли (релятивистик) нейтронлар космик нурлар таркибига кирадиган зарралардан ҳисобланади. Бундай нейтронларни (уларнинг оқимини) аниқлаш, ўрганиш ва катта энергияли бошқа зарраларга таққослашга, нейтронларнинг янгидан-янги характеристикалари (квант сонлари, ўлчаш усуллари, тузилиши ва б.)ни билишга имкон беради. Бу ишлар ҳам Н. ф.да қараладиган муҳим масалалардан биридир.

Тадқиқот ишларини бажаришда нейтрон манбалари б-н бир қаторда ўлчаш усуллари, қурилма ва асбоблари (спектрометрлар, индикаторлар, фильтрлар, *монохроматор*лар ва б.)ни ишлаб чиқиш б-н боғлиқ бўлган турли масалаларни ҳал этиш ҳам Н. ф.даги асосий масалалар ҳисобланади.

НЕЙТРОН ЮЛДУЗЛАР — катта массали юлдузлар эволюциясида содир бўлиши мумкин бўлган охирги босқичлардан бири. Н. ю. модели, асосан, нейтрондан ва қисман электрон, протон ва оғир ядролардан ташкил топган. Н. ю.нинг коинотда бўлиши мумкинлигини биринчи марта Л. Д. *Ландау* айтган (1932). 1934 й. эса америкалик астрономлар У. Бааде ва Ф. Цвикки Н. ю. ўта янги юлдузларнинг чақнашларида ҳосил бўлиши мумкин, деб тахмин қилдилар.

Юлдузлар эволюцияси назариясида кўрсатилишича, катта юлдузларнинг ядро «ёнилғиси» тугагач, уларнинг марказий қисмларида фалокатли суратда тез юз берадиган гравитацион сиқилиш (гравитацион қолланс) кузатилади. Коллапс пайтида модда зичлиги шу қадар кўп орталикки, бунда нейтронлар протонларга нисбатан тургунроқ бўлиб қолади. Бундай шароитда протонлар ва тургун атом ядролари нейтронларга ва кўп нейтронли атом ядроларига айланади. Ушбу жараён $\rho \geq 10^{11}$ *т/см*^{3} модда зичлигида содир бўлади. Н. ю.да ҳос $\rho \geq 10^{12}$ *т/см*^{3} зичлик ва $T \leq 10^{10}$ К т-рада Н. ю. модели нейтрон газлангина иборат бўлади. Бундай Н.ю.нинг массаси Қуёш массасига тенг, яъни $2 \cdot 10^{33}$ г, радиуси $R \sim 20$ км, зичлиги $\rho = 2 \cdot 10^{14}$ г/см^3, босими $10^{34} - 10^{35}$ Па, минимал айланиш даври 10^{-3} сек.

Н.с.нинг ўртача зичлиги модданинг ядро зичлигига тенг ёки ундан ҳам катта бўлади, шу сабабли, Н.ю.нинг тузилиш хусусиятлари, асосан, ядро кучларига боғлиқ. Н.ю. учун гравитацион энергия ($\sim 10^{53}$ эрг) ҳам характерли. Бу икки омил Н. ю.нинг ички тузилишини ўрганишда катта аҳамиятга эга. 1967 й.да айрим Н. ю. (пульсарлар) кашф этилди.

НЕЙТРОНОГРАФИЯ (*нейтрон* ва *...графия*) — нейтронларнинг сочилиши асосида молекула, суюқлик ва кристалларнинг тузилишини ўрганиш усули. Кристалларнинг атом ва магнит тузилиши тўғрисидаги маълумотлар нейтронлар дифракциясини кузатишдан, молекула ва кристаллдаги атомларнинг иссиқлик тебранишлари ҳақидаги маълумотлар эса нейтронларнинг сочилишини кузатишдан олинади. Нейтронлар электр зарядсиз зарра бўлганлиги туфайли уларнинг модда ларда сочилиши рентген нурлари ва электронларга нисбатан бошқачароқ бўлади. Магнитланувчи моддалар Н.сини махсус бўлим — магнит Н.си ўрганади. Баъзи ҳолларда Н. рентгенография ва б. усулларга нисбатан самаралироқ натижа беради. Мас., Н. йўли б-н енгил ва оғир элементлардан ташкил топган кристаллардаги водород ва б. енгил элемент атомларининг ўрнини бевосита аниқлаш мумкин. Н. соҳасида оид дастлабки ишлар (1946—48) Э. *Ферми* номи б-н боғлиқ бўлиб, унинг асосини нуқталилари америкалик олимлар Э. Уоллан ва К. Шалл томонидан ёритилган (1948).

Н.да асосан иссиқ ядро реакторлари деворларидан махсус тирқиш орқали чиқарилган иссиқлик нейтронлари (секин нейтронлар) дастасилар. Даста рупарасига текширилаётган нишон — модда қўйилади. Нишондан сочилган нейтронлар махсус ҳисоблагичлар ёрдамида қайд қилинади. Ядро реакторлари энергия спектри 0,06 эВ соҳасида максимумга эга иссиқлик нейтронлари манбаи ҳисобланади. Ушбу энергияга мос де Бройль тўлқин уз. $\lambda \sim 1$Å конденсирланган моддалардаги атомлараро масофалар б-н қиёсланади. Нейтронлар бу моддадаги атомларнинг ўзаро жойлашишини *дифракция* ёрдамида талқин қилишга имкон беради. Иссиқлик нейтронлари энергиясининг атомларнинг иссиқлик тебранишлари энергияси б-н қиёсланиши модданинг динамик хоссаларини ўрганишга имкон беради. Нейтроннинг атомларнинг магнит моментлари б-н ўзаро таъсирлашга оладиган магнит моменти мавжудлиги атомларнинг катталигини, жойлашишини ва магнит моментларнинг ўзаро йўналишини талқин қилишга имкон беради.

Сочувчи модда (нишон) сифатида поликристалл ва монокристаллар ишлатилади. Н. ёрдамида водороди бирикмалар (хусусан, оғир тузи, органик бирикмалар), тартиб рақамлари бир-биридан кескин фарқ қилувчи элементлар бирикмалари (PbS, ThO_2, WO_2 ва ҳ. к.), тартиб рақамлари бир-бирига яқин элементлар бирикмалари ($FeCO_3$, Ni_3Mn ва ҳ. к.), бир элементнинг маълум изотопларидан тузилган бирикмалар ва б. кўпгина мураккаб бирикмаларнинг тузилиши ўрганилади. Бирикмалар тузилишини ўрганиш учун структура Н.си манжуд. Суюқ моддаларни таҳлил қилишда ҳам Н. жуда кўл келади. Бунда таҳлил қилинадиган модда солинган идиш деворларидан нейтронлар деярли сусаймасдан ўтади ва рентген нурларига нисбатан $10^7 - 10^8$ марта кам ютилади. Тажрибаларнинг кенг т-ра (1 дан 1500 К гача) ва босим оралиғида олиб борилиши ва б. омиллар Н. усулининг бошқа усуллардан афзаллигини кўрсатади.

НЕЙТРОФИЛЛАР (лот. neuter — у ҳам, бу ҳам эмас ва юн. phileo — севаман) — умуртқали ҳайвонлар ва одам қони лейкоцитларининг бир хили. Н. протоплазмаси рангсиз ёки оч пушти, қизғиш-бинафша рангда, донадор. Ўртача катталиги 9—12 мкм. Н. етилиб боришига қараб қуйидагиларга ажратилади: миелоцитлар, ёш Н., таёқча ўзакли Н. ва сегмент ўзакли Н. Н. промиелоцитлардан етилишига қараб ўзгариб боради, асосий ўзгаришлар ўзакда кузатилади: дастлаб ўзакда ботиқ ҳосил бўлади, кейин ўзак букилган таёқчани эслатади, сўнгра орасида ингичка кўприкчалари бор сегментларга (3 талан 5 тагача) бўлинади. Н. фагоцитоз қилиш ва тумордга ўтишлар н.ч. хусусиятига эга, шунинг учун микрофаглар гуруҳига киритилган. Катта ёшли одамларда таёқча ўзакли Н. 1—6% ни, сегмент ўзакли Н. 47—72% ни ташкил қилади. Соғлом одам қонида ёш Н. учрамайди. Ҳар хил патологияларда сегмент ўзакли Н.нинг сегментланмаган Н.га нисбати ўзгаради. Мас., бу кўрсаткич камайса, Н.нинг чан томонга силжиши (кўпгина Н.ларнинг жараёнлари, лейкопитоз да), кўрсаткич кўпайса, ўнг томонга силжиши, лейкопения кузатилади (оғир кечувчи анемияда). Ҳар хил касалликларда Н.нинг ҳажми, протоплазмаси ва донадорлиги ўзгариши мумкин. Қонда Н. миқдорининг кўпайиши **нейтрофиллёз** деб аталади.

НЕКРАСОВ Николай Алексеевич [1821.28.11 (10.12). Подольск губернаси, Немиров-Винницкий уезди — 1877.27.12 (1878.8.1), Петербург] — рус шоири. Ярославль гимназиясида таълим олган (1832—37), Петербург университетида эркин тингловчи бўлган (1839—40). «Ор-нўлар ва садолар» (1840) номли илк шеърлар китоби танқидчилар томонидан тақлидий шеърлардан иборат тўплам сифатида баҳоланган. Н. 1841 й.да «Литературная газета» ва «Отечественные записки» журнали б-н ҳамкорлик қилиб, уларда ҳикоя ва қиссалардан ташқари танқидий мақолалар ҳам эълон қилган. Н.нинг «Ватан», «Йўлда» (1845) шеърлари ва «Аёз» достони (1863) да бойлар ва камбағал деҳқонлар ҳаёти акс этган.

В. Г. *Белинский* ва унинг маслакдош дўстлари Н. дунёқарашида халқпарварлик қарашларининг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнади. Бу ҳол Н.нинг «Современник» жур. нашри ва муҳаррири бўлган вақтда (1847—66), айниқса, ёркин намоён бўлиб, мазкур жур. инқилобий-демократик тафаккур минбарига айланди. Н.нинг шу даврда яратган шеърларида халқнинг оғир турмуши манзаралари, зиёлиларнинг руҳий ҳаётидаги чарчоқлик оҳанглари ўз ифодасини топди. «Шеърлар» тўпламига нашр қилинган (1856). Қишлоқ мавзуидаги «Ўй», «Калистрат» шеърлари, «Деҳқон болалари» (1861), «Газламафурушлар» (1861) достонларида шоирнинг рус деҳқонига муҳаббати акс этган.

Н. ҳаётининг сўнгги ўн йили «Отечественные записки» жур. б-н боғлиқ. Н. шу даврда «Русняда ким яхши яшайди» (1866—76) достони устида ишлади, декабристлар ва уларнинг хотинлари тўғрисида достонлар ёзди («Бобо», 1870, «Рус аёллари», 1871—72). Н.нинг сўнгги шеърларида дўст-ёрларининг оламдан ўтиши, рус жамиятидаги таназзул ва ўзининг оғир хасталикка йўлиққанлиги б-н боғлиқ мунгли оҳанглар устуворлик қилади. Аммо шу б-н бирга унинг айрим шеърларида Россиянинг келажагига умид туйғулари ҳам йўқ эмас.

Н. ижодида рус озодлик ҳаракатининг В. Г. Белинский, А. И. *Герцен* номлари б-н боғлиқ инқилобий-демократик босқичи ўз тавассумини топди. Халқнинг мушкул аҳволи, унинг ҳам ижтимоий тугузум, ҳам шафқатсиз мулкдорлар томонидан эзилиб, қадди дол бўлгани тасвирига, миллий тараққиёт довонлари сари етаклашга ожизлик қилишини сезиб, янада эзилади. Лирик қаҳрамон кечинмаларидаги ана шу ожизлик оҳанги шоирнинг хасталиги оғирлашган сайин тобора кучайиб борган.

Н. рус мумтоз шеъриятининг бошқа буюк намояндаларидан биринчи навбатда халқчиллиги, ижодида халқнинг умумлашган образи устуворлик қилиши б-н фарқланади. У халқ деганда дастлаввал мулкдорлар зулми туфайли хор-зор яшаётган мужикларни назарда тутади, улар ҳаётининг нохуш манзараларини тасвирлайди. Аммо шу б-н бирга 19-а. ўрталарида шаклана бошлаган илғор рус зиёлиларининг ижтимоий қарашларини ҳам асарларига сингдиришга, бу зиёлиларни шу халқнинг камчил, аммо пешқадам қисми эканлигини кўрсатишга уринади.

Совет даврида Н. ижодида, бир томондан, 19-а.даги рус жамияти ҳаётидаги салбий тамойиллар —«турмуш прозаси» тасвири устуворлик қилгани, иккинчи томондан, декабристлар ва б-н яратилган учун шоир ҳаёти ва ижолий фаолиятини ўрганишга алоҳида эътибор берилди. Айни пайтда нафақат рус, балки қардош халқлар шеъриятида ҳам Н. анъаналарининг давом эттирилиши ва ривожлантирилиши талаб этилди. Ўзбек шоирлари шундай шароитда Н. ижодига хос фақат бир фазилат — халқчилликдан ибрат олишга ҳаракат қилдилар. Н. асарларининг ўзбек тилига асосий таржимони *Миртемир* шу масалада рус шоири анъаналарини ривожлантириб, ўзбек шеъриятининг миллий ўзига хослигини таъминлашга улкан ҳисса қўшди.

Н. асарлари ўзбек тилига Миртемир, *Зулфия* ва б. шоирлар томонидан таржима қилинган.

Ас.: Асарлар [2 жилк]. Т., 1971.

Ад.: Жданов В. В., Жизнь Некрасова. М., 1981.

Наим Каримов.

НЕКРОБАКТЕРИОЗ, некробациллёз — уй ҳайвонлари ва кўпгина ёввойи ҳайвонларда учрайдиган юқумли касаллик. Касалликни Bacterium necrophorum бактерияси қўзғатади. Бактерия ташқи муҳитга чиқмеиз, қуёш нури таъсирида тез ўлади. Н. б-н кўпроқ қўй, сигир, от, товуқ (аксарият жўжалар) касалланиб, одамга ҳам юқиши мумкин. Касаллик манбаи — касал ҳайвонлар. Бактерия нафас йўли ва шикастланган тери ёки шиллиқ пардалар орқали организмга зақарлайди, натижада тўқималарда модалар алмашинуви бузилади ва майда қон томирларида тромблар, ички органларда эса метастазалар пайдо бўлади. Касаллик катта ёшдаги ҳайвонларда сурункали, ёшларида эса шиддатли ўтади. Кўпинча туёқ оралиғи, туёқнинг юмшоқ қисмлари, қўзиларнинг лаблари, бурун қанотлари, оғиз шиллиқ пардалари шишиб, яра бўлади. Кейинчалик шу жойларда қон аралаш йирингли суюқлик тўпланиб, тўқималар ирийди. Касал ҳайвон озади, ўлади.

Касаллик эпизоотологик ва клиник маълумотларга асосланиб, бактериологик текшириш б-н аниқланади.

Олдини олиш: ҳайвонларни боқишда ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш; уларни тўлақонли озуқалар б-н таъминлаш; молларни ботқоқланган яйловларда боқмаслик. Касал ҳайвонлар ажратиб олинади ва даволанади, тузалиши қийин бўлганлари сўйилади. Зарарланган орган ва тўқималар йўқотилади. Гўштини чекловларсиз истеъмол қилиш мумкин.

Даволаш: зарарланган жойлар хирургик йўл б-н даволанади, антибиотиклар, сульфаниламидлар, касалликнинг бошланиш даврида калий перманганатнинг 3% ли спиртли эритмаси қўлланади. Касаллик тарқалган хўжаликда карантин эълон қилинади.

НЕКРОБИОЗ (юн. nekros — ўлик ва biosis — ҳаёт) — ҳужайра ва тўқималарда улар нобуд бўлишидан олдин юз берадиган ўзгаришлар. Н. *моддалар алмашинуви*нинг бузилиши б-н боғлиқ ҳолда ҳужайрада ёғ ва ёки б. моддаларнинг айнишига олиб келиши ва аксинча, бўлиши мумкин (қ. *Дистрофия*). Ҳужайра ядросидаги ўзгаришлар (кариопикноз, кариорексис, кариолизис), цитоплазмалар ёпишқоқлигининг бузилиши Н.нинг асосий белгиларидандир. Касаллик қўзғатадиган омилларнинг узоқ вақт таъсир этиши ва организмдаги нохуш ҳолатлар дистрофик ўзгаришларнинг *некроз* б-н тугалланишига олиб келади.

НЕКРОЗ (юн. nekrosis — ўлиш) — 1) тирик организмдаги ҳужайра, тўқима, бутун аъзо ёки унинг бир қисми нобуд бўлиши. Кимёвий ёки физик таъсирлар (ҳарорат, электр токи, кучли кислота ёки ишқорлар, нур энергияси ва б.), шикастланиш, токсинлар (бактериал инфекцияларда) сабаб бўлади. Кўпчилик ҳолларда маҳаллий қон айланишининг (*тромб, эмболия, инфаркт, гангрена*), шунингдек, тўқималар иннервациясининг бузилиши Н. учун қулай шароит туғдиради. Н.да ўзига хос ўзгаришлар ҳужайралар (ядро ва цитоплазма буришиб қолади) ва ҳужайралараро моддада кузатилади. Н. атрофи ажралиб тушади (ҳужайра ядроси ва цитоплазмаси бужмаяди) ёки йиринглаб ирийди; ҳужайра кемтиги ўрнида чандиқ пайдо бўлади. Н.нинг қуруқ ёки коагуляцион (ўлган ҳужайра қурийди), ҳўл ёки колликвацион (нобуд бўлган ҳужайра ирийди) хили ажратилади. Организмнинг бирор ерида Н. вужудга келиши унинг умумий ҳолатига нохуш таъсир кўрсатади. Тана юзасидаги тўқималар Н.га учраб ириганда, аксари уларда патоген микроблар кўпаяди. Шунинг учун ириган тўқималар жарроҳлик йўли б-н олиб ташланади; 2) ўсимликларда — тўқима ёки органлар айрим қисмларининг нобуд бўлиши. Н. пайдо бўлишига ноқулай физик, механик (музлаш, куйиш, шикастланиш ва б.) ва кимёвий таъсиротлар (ўсимликларни пуркалган ёки чангитилган препаратлардан куйиши) ёки микроорганизмлар б-н касалланиш (барглардаги бактериал ва замбуругли доглар ва б.) сабаб бўлади. Н. маҳаллий, шунингдек, ўсимликнинг умумий касалланишидан пайдо бўлиши мумкин. Мас., ғўза барглардаги Н.ни патоген замбурут (*макроспориоз* ва *вилт*) ёки бактериялар (*гоммоз*) вужудга келтиради.

НЕКРОПОЛЬ (юн. nekros — ўлик, polis — шаҳар) — қад. қабристон. Бу атама антик ва илк ўрта асрлар давридаги қабристонларга тааллуқли. Н.лар шакли, тузилиши, кўмиш одати, ижтимоий-этник буюмлари б-н бир-биридан ажралиб туради. Н.лар зоналар ва тупроқдан кўтармали ёки кўтармасиз қилиб қурилган. Улар ер ости ва ер усти мақбараларга ажралади. Н.лар катакомба, ўра шаклида бўлиб, тош, ғишт б-н ўралган. Сатана, *мухтова*, эҳром ва мақбаралар тошдан, пишиқ ёки хом ғиштдан иншоотлар. Н.га мурдалар куйдирилиб ёки ўт қолича кўмилган. Мурдани куйдирмаслан кўмишнинг турли хиллари бўлиб, мурдалар қай ҳолатда ётқизилиши қўйиб кўмилаётган асбобларга кўра, бир-биридан ажралиб туради. Куйдириб кўмишда мурдани куйдирилгандаги кули қабрга тўкиб ёки бирон идишга солиб, баъзан, ҳар хил буюмлар қўйиб кўмилган.

НЕКТАР (юн. nektar) — қ. *Гулшира*.

НЕКТАРХЎРЛАР (Nektariniidae) — сайроқи чумчуқсимонлар оиласи. Уз. 9,5—25 см. Тумшуғи узун, ингичка, кўпинча пастга эгилган, нарининг патлари моласига нисбатан чиройли, ялтироқ. 8 уруғи, 104—115 тури субтропик ва тропик минтақалар (Африка, Жан. Осиё, Шим.-Шарқий Австралия) да тарқалган. Ўсимлик гуллаган даврда озиқ қидириб кўчиб юради. Бута ва дарахтларда яшайди, тогларда 4000 м гача баландликда тарқалган. Кўпчилик турлари чиройли сайрайди. Уясини дарахтлар шохининг учига қуради. 1—3 та тухум қўяди. Ҳашаротлар, нектар ва мевалар б-н озиқланади. Нектарни дарахт шохига ёки гулга қўниб олиб сўради. Колибрлар қанот қоқиб бир жойда уча туриб, нектар сўради. Н. ўсимликларни чанглатишда иштирок этади. 1 тури Халқаро Қизил китобга киритилган.

НЕЛЬСОН (Nelson) Горацио (1758. 29.9, Бёрнем-Торп, Норфолк графлиги — 1805.21.10, Трафальгар бурни яқинида, Испания) — инглиз флоти саркардаси, инглиз вице-адмирали (1801), виконт (1801). Француз ва испан флотларига қарши курашда қатор ғалабаларга эришган, шу жумладан, Абукир ва Трафальгар ёнида (шу жангда оғир яраланиб ҳалок бўлган). Н. маневрли тактика усули қўллаш ва қатъий ҳаракат қилиш тарафдори бўлган. Н.нинг флот саркардаси сифатидаги фаолияти маълум даражада Буюк Британиянинг денгиздаги қудратини ошишига имкон берган. Лондонда дафн этилган.

НЕЛЬСОН ҒЎЗАСИ (Gossypium nelsonii Frux.) — ёввойи ғўза тури. Биринчи марта 1974 й.да америкалик олим П. Фриксел таърифлаб берган. Австралиянинг шим.-ғарбий қисмида, тог массивининг шим. томонидаги қояларда тарқалган. Н.г. бўйи 2 м гача етадиган, қалин ғуклар б-н қопланган тик ўсувчи бута. Барглари думалоқ тухумсимон шаклда, уч тўпоқ, баъзан бари бўлаклари ўрга сегилади. Барг шира безлари йирик, қизил. Гулдари ўртача катталикда, барг қўлтиғида ёки ҳосил шохларида тўпгуз кўринишида бўлади. Гулбарглари оқиш, асосида аниқ кўринадиган тўқ қизил доглар бор. Очилмайдиган майда гулдари ҳам учрайди. Гулёнбарғчалари жуда майда, қилчасимон шаклда, тукли, тўкилиб кетмайди. Кўсакларн 3—5 чаноқли, тухумсимон, уч текис, сирти қора смолали жуда кўп безчалар б-н қопланган. Чигитлари конуссимон, устида 5 мм ча туклари бор. Бу тур ғўза тезпишарлиги ва ҳосиллорлиги б-н ажралиб туради. Биологик хусусиятлари етарли ўрганилмаган.

Нельсон ғўзаси: *1* — новдани бир қисми, *2* — кўсаги, *3* — чаноги

НЕМАН (литовча Нямунас) — Белоруссия, Литвадаги дарё (қисман РФнинг Калининград вилояти ҳудудидан оқади). Уз. 937 км, ҳавзасининг майд. 98200 км². Минск қирларининг жанубан бошланади. Болтиқ денгизининг Куршский қўлтиғига дельта ҳосил қилиб қуйилади. Н. қуйи қисмида икки тармоққа бўлинади: Русне (асосий) ва Гилия. Н. ҳавзасида кичик кўллар кўп. Қор, қуйи қисмида ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 678 м³/сек. Дек.да музлайди. Март охирида, айрим вақтда фев. ёки апр.да муздан бўшайди. Асосий ирмоқлари: ўнгдан — Березина, Мяркис, Нярис, Нявежис, Дубиса, Юра. Мияния; чапдан — Шчара, Шяшупе. Биштонасдан қуйилиш жойигача мунтазам равишда кема қатнайди. Ёғоч оқизилади. Н.да Каунас, Гродно, Друскининкай, Алитус, Пренай, Биштонас, Юрбаркас каби шаҳарлар жойлашган.

НЕМАТОДАЛАР (Nematoda) — бирламчи тана бўшлиқли чувалчанглар типига мансуб чувалчанглар синфи (қ. *Тўгарак чувалчанглар*).

НЕМАТОДИРОЗЛАР — кавш қайтарувчи ҳайвонларда учрайдиган гельминтоз касалликлар. Ҳайвонларнинг ингичка ичакларида паразитлик қилувчи Nematodirus авлодига мансуб нематодалар қўзғатади. Асосан, ёш моллар (қўзилар) касалланади. Касаллик, асосан, йилловларда алиментар йўл б-н юқади. Н. қурғоқ, кескин ўзгарувчан иқлимли, тупроқда мис ва кобальт етишмайдиган, лекин бор ва молибден ортиқча бўлган ҳолларда муайян ҳудудларда учрайди. Ҳайвон организмида тахминан 21—26 кун давомида жинсий етилади, 5 ойгача паразитлик қилади ва ташқи муҳитга кўплаб миқдорда тухум чиқариб туради. Касал ҳайвонлар ҳолсизланади, ориқлаб, ичи кетади, кўп сув ичади, нафас олиши тезланади.

Даволаш: нилверм, нафтамон, панакур, фарантел берилади.

Олдини олиш: ҳайвонларни маданий ўтлоқларда боқиш, минерал қўшимчалар қўшилган тўйимли озуқалар бериш.

НЕМАТОДОЗЛАР — одам ва ҳайвонларда юмалоқ гижжалар — нематодалар қўзғатадиган инвазион касалликлар (гельминтозлар). Паразитлар барча турдаги умуртқалилар организмининг кўпгина аъзо ва тўқималарини (аксарият овқат ҳазм қилиш аъзоларини) шикастлайди. Ҳайвонлар нобуд бўлади ёки маҳсулдорлиги камаяди, бу б-н Н. чорвачиликка катта зиён келтиради. Қулай иқлим шароити (ҳарорат, намлик, оралиқ хўжайин бўлиши, чорва молларини сақлаш қоидаларига риоя этмаслик, шунингдек, уларни даволаш ва профилактика қилиш тузук йўлга қўйилмаганлиги) Н. ривожланишига имкон беради. Катталарга нисбатан болалар кўпроқ касалланади ва уларда касаллик оғир кечади. Одам, паразитнинг етук тухумлари меъда-ичак йўлига ёки личинкалари терига тушганда зарарланади. Н.нинг қуйидаги турлари фарқланади: *аскаридоз*, анкилостомидоз, *энтеробиоз*, трихоцефалёз, *трихинеллёз* ва б.

Бошқа гельминтозларга ўхшаш Н. ҳам, асосан, озодаликка эътибор бермаслик оқибатида келиб чиқади.

НЕМЕРТИНАЛАР (Nemertini) — дезярли барча турлари денгизларда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонлар типи. Гавласи билатериал симметрияли, чувалчангсимон, киприкли эпителий б-н қопланган. Тана бўшлиғи бўлмайди; ички органлари оралиғи паренхимадан иборат. Танаси ясси. Қон айланиш системаси яхши ривожланган, туташ. Нафас системаси йўқ. Нерв системаси бошмия ва 3 та бўйлама нерв поясидан иборат. Бошининг олдинги учида хартумчаси бор. Хартумча оғиз ёнидаги махсус чуқурчага тортиб олиниши мумкин. Овқат ҳазм қилиш системаси оғиз тешигидан бошланиб, анал тешиги б-н тугайди. Айрим жинсли, тухум қўйиб кўпаяди. Тухумдан пилидий личинкаси чиқади. Жинссиз фрагментация йўли б-н ҳам кўпайиши мумкин. Денгиз барча Н. йиртқич; бўғимоёқлилар, моллюскалар ва балиқлар б-н озиқланади. Айрим вакиллари паразит озиқланади. Ҳаммаси бўлиб 16 белгиси туркий рунли ёзувларининг тегишли белгиларига жуда яқинлигини, Талас водийсидаги туркий ёзув ёдномалари б-н қариб ўхшашлигини аниқлади. Шунингдек, Н. Урхун ёзувларининг ўқилишига ҳам тузатишлар киритган. Унинг «Усмонли турк грамматикаси» асари турк тили бўйича муҳим қўлланмадир. Бу китоб 1962 й.да инглиз тилида ҳам нашр этилган. Н.нинг туркология бўйича кўп йиллик тадқиқ ишларининг якунлари йирик асари ширишларининг якунлари йирик асари «Видин турклари»да берилган.

НЕМИРОВИЧ-ДАНЧЕНКО Владимир Иванович [1858.11 (23).12, Озургети, Грузия — 1943.25.4, Москва] — Рус театри ислоҳотчиси, драматург, педагог, театр танқидчиси, ёзувчи., Москва Бадиий театри (ҳоз. МХАТ) б-н Москва Бадиий театри (ҳоз. МХАТ) ни ташкил этган. Труппанинг ижодий ва ташкилий ишларини ҳам ўзлари амалга оширганлар. «Репертуар раҳбари» сифатида Чехов ва М. Горький нодир» сифатида Чехов ва М. Горький нодир мидаги театрларни ҳам ҳамкорликда ишлашга жалб этган. Реж. сифатида актёрлар б-н ишлашга алоҳида эътибор қаратган. Актёр кечинмаларининг кучи ва таъсирчанлигини сиқлик, вазминлик б-н етказишга эришишга ҳаракат қилган. «Ака-ука Карамазовлар», «Якшанба», «Юлий Цезарь», «Анна Каренина», «Душманлар», «Уч опа-сингиллар» каби спектаклари катта шуҳрат қозонган. 20—30-й.лар театр қиёфаси анъанаси ва юксак маҳоратини сақлаб қолиш мақсадида эҳтиёткорлик, уддабуронлик б-н маъмурий ва репертуар сиёсатини олиб борди. 1919 й. Мусиқали студия (1941 й.дан Станиславский ва Немирович-Данченко номидаги мусиқали театр)ни ташкил этди. «Янги иш», «Олтин» каби пьесалар, «Эски уй», «Саҳна ортидаги драма» сингари романлар ҳамда қиссалар ёзган.

НЕМИС ДАВЛАТ ОПЕРАСИ (Die Deutsche Staatsoper) — Берлиндаги опера театри. 1742 й.да очилган (1918 й.гача Қирол опера театри). Миллий опера санъати ривожланишида муҳим роль ўйнаган; репертуаридан итальян ва француз композиторлари б-н бирга Л. Бетховен, К. М. Вебер, Л. Шпор, Р. Вагнер, Р. Штраус ва б. немис композиторлари асарлари асосий ўрин олган. Театрда Европанинг энг машҳур дирижёрлари (В. Фуртвенглер, О. Клемперер, Р. Штраус, Г. Караян ва б.) фаолият кўрсатган. Ҳозир театр немис операсининг энг яхши анъаналарини ривожлантирмоқда ва чет эл мумтоз ва замонавий композиторларининг операларини ташвиқ қилмоқда. Н.д.о. биноси 2-жаҳон уруши даврида қисман бузилган. Қайта тикланган, 1955 й.да очилган.

НЕМИС ОРДЕНИ — қ. *Тевтон ордени*.

НЕМИС ТИЛИ — *ҳинд-европа тиллари* оиласидаги *герман тиллари* гуруҳига мансуб тил. ГФР, Австрия Республикаси, Швейцария Конфедерацияси (қисман), Люксембург Герцоглиги (қисман), Бельгия Қироллигининг расмий тили. Россия Федерациясида, Шим. ва Жан. Америкаининг бир қанча мамлакатларида ҳам тарқалган. Сўзлашувчиларининг умумий сони 110 млн. кишидан ортиқроқдир. Н. т. франк, сакс, тюринг, аламанн, бавар диалектлари ғарбий герман қабилалари шевалари асосида таркиб топган ва қуйи немис, ўрта немис ва жан. немис лаҳжаларига, ҳар бир лаҳжа гуруҳи эса ғарбий ва шарқий гуруҳчаларга ажралади. Н. т.нинг тараққиёт тарихида миллий тилгача бўлган (16-а.гача) ва миллий тил (18-а.дан) даврлари фарқланади; 16—17-а.лар ўтиш даври ҳисобланади. Ҳоз. адабий тил меъёрларининг шаклланиши асосан 18-а. охирида тугалланиб, бу даврда грамматик тизим ва имло барқарорлашган.

Ҳоз. Н. т. фонологик тизимида монофтонг ва дифтонглар 45 фонзни ташкил этади (16 унли фонема ва 3 дифтонг); ундошлар тизими 18 ундош фо-

нема ва 2 қоришиқ товушдан иборат. Барча фонемалар ҳосил бўлиш ўрни, усули ва талаффузи жиҳатидан ўзаро фарқланади, муайян ўзига хосликларга эга. Грамматик қурилиши аналитик-синтетик хусусият б-н ажралиб турали. Мас., отларда жинс ва келишик шакллари, асосан, аналитик тарзда, сон категорияси эса синтетик тарзда ифодаланади. Бу ҳолат бошқа сўз туркумларидаги шакллар ифодасида ҳам кузатилади. Гапнинг асосий тури феъл марказли гап. Ясама, қўшма феъллардан ифодаланган кесим қисмларининг гап таркибида дистант ҳолатда қўлланиши Н. т.нинг алоҳида хусусияти ҳисобланади.

Сўз ясаш воситалари тизими яхши ривожланган; сўз қўшиш б-н от (асосан, термин) ясалиши кенг қўлланади. Луғат таркибида асл немисча сўзлар қатори лотин, француз, итальян, инглиз ва б. тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам кўплаб учрайди. Ёзуви лотин графикасига асосланган.

Адабий Н. т.нинг Австрия ва Швейцариядаги варианти Германиядаги вариантидан адабий тилдан турлича фойдаланиш ва унинг лаҳжалар ҳамда сўзлашув тилига муносабати нуқтаи назаридан ўзаро фарқланади.

НЕМИСЛАР (ўзларини дойче деб атайдилар) — халқ, Германиянинг асосий аҳолиси (74,6 млн. кишидан ортиқ). Умумий сони 86 млн. киши (1990-й.лар ўрталари), жумладан, Россия Федерациясида 843 минг киши, Қозоғистонда 958 минг киши (1990-й.лар ўрталари). *Немис тили*да сўзлашади. Диндорлари — протестантлар (асосан, лютеранлар) ва католиклар.

Немис халқининг этник асосини мил. 1-минг йиллик ўрталарида Рейн ва Одер дарёлари оралиғида яшаган қад. герман қабилалари: франклар, саксалар, баварлар, алеманиллар, тюрингиллар, тевтонлар, кимврлар қабилалари иттифоқлари ташкил этган. Бу иттифоқ намо-

Немислар: анъанавий кийимда (Юқори Бавария).

Анъанавий турар жой.

яндалари 10-а. та келиб ўзларини — «тевтонлар» деб атай бошлаганлар. Н. 9-а.да элат бўлиб шаклланган. Немис халқининг шаклланиши жараёнида (12—13-а.лар) гарбий славян (полаб) ва Болтиқбўйи қабилалари (пруссиялар ва уларга қардош литва қабилалари) ҳам қатнашган. 1871 й.да Пруссия етакчилигида Германиянинг сиёсий ва иқтисодий бирлашуви немис миллатининг шаклланишини, асосан, ниҳоясига етказган. Н.нинг аксарияти юксак ривожланган саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд.

НЕНЕЦ ТИЛИ — Россия Федерациясининг шимолида яшовчи неneцларнинг тили; *самоди тиллари*дан бири. Кола ярим о.дан Енисей дарёсининг ўнг қирғоғигача бўлган тундра зонасида ва Пур дарёси ҳавзасидаги тайга зонасида тарқалган; 25 мингдан ортиқ киши сўзлашади. Тегишли равишда 2 та: тундра ва ўрмон лаҳжаларига бўлинади. Н.т. фонетик жиҳатдан бошқа самоди тилларидан сезиларли фарқ қилади; синтаксиси эса содда гапларнинг кўплиги б-н ажралиб турали. Луғат таркибида овчилик, бугучилик, балиқчиликка оид сўзлар анчагина. Адабий Н.т. тундра лаҳжаси асосида шаклланган.

Н.т. 1932 й.дан лотин графикаси асосидаги, 1937 й.дан эса рус графикаси асосидаги ёзувдан фойдаланади.

НЕНЕЦЛАР (ўзларини хасова деб аташади; эски номлари — самоедлар, юраклар) — Архангельск ва Тюмень вилоятлари, Красноярск ўлкаси (РФ)да яшовчи халқ. Умумий сони 34 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Неneц тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар, бир қисми анъанавий диний эътиқодларга сиғинади.

НЕНЕЦЛАР МУХТОР ОКРУГИ (1977 й. 7 окт.дан) — РФ Архангельск таркибидаги мухтор округ. Шим. иқтисодий р-нга киради. 1929 й. 15 июлда миллий округ сифатида ташкил этилган. Россий Европа қисмининг чекка шим. -ғарбида жойлашган. Ҳудудининг асосий қисми Шим. Қутбий доира орқасида. Оқ, Баренц, Печора ва Кара денгизларига туташ. Колгуев ва Вайгач оролларини ўз ичига олади. Майд. 176,7 минг км². Аҳолиси 46,6 минг киши (1998). Рус, неneц, комилар яшайди. 1 км² га 0,3 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 59,4%. Округда 1 шаҳар ва 2 шаҳарча бор. Пойтахти — Нарьян-Мар ш.

Ер юзаси асосан, текислик, бир неча паст тоғлар (кряжлар). Тиман кряжи ва Пай-Хой тизмаси (бал. 467 м гача) бор. Большеземельск ва Малоземельск тундралари ботқоқланган. Иқлими субарктика иқлими, ёзи салқин, қиши узоқ ва совуқ. Январнинг ўртача т-раси —12° дан (жан.-тарбда) —22° гача (шим.-шарқда), июлники 6 дан (шим. да) 13° гача (жан.да). Йиллик ёғин 350 мм гача. Тунлиб ётган ер кўп. Вегетация даври 72—110 кун. Энг катта дарёси — Печора. Асосан, текис тундра ва глейли-торфли, жан.-тарбда глейли-подзол тупроқлар тарқалган. Ҳудуднинг ¹/₄ қисми тундра зонасида. Дарё водиларида тоғлараро бор. Дарё қайирлари ва Печора делтаси ўлоқ. Ҳудуднинг кўп қисми бутун йил ботқоқ. Оқ тулки, оқ сичқон, қушлардан тундра каклиги, тоз, ўрдаклар яшайди. Дарё ва денгизлар балиққа бой.

Саноати ёғоч тилиш, балиқ консерва, гўшт-сут корхоналаридан иборат. Нефть, газ, торф, қурилиш материаллари конлари мавжуд. Бугучилик б-н шуғулланилади, денгизлан балиқ овланади. Бурка тикиш, совға буюмлари н.ч. анъанавий касбкорлик ҳисобланади. Йирик корхоналари: «Печоралес», балиқчилик к-ти, Нарьян-Мар ёғ з-ди ва гўшт к-ти. Бош саноат маркази — Нарьян-Мар ш. Қ.х.да сут чорвачилиги етакчи ўринда. Картошка, сабзавот, турнепс экилади. Мўйнали ҳайвонлар овланади. Печора дарёсида кема қатнайди. Денгиз портлари: Нарьян-Мар, Амдерма, Юклар, асосан, автомобиль транспортида ташилади.

НЕО... (юн. neos — янги) — қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, иккинчи қисмининг янги, янгича ёки бир қадар ўзгарганлигини билдиради (мас., *неолит, неологизм, неореализм*).

НЕОАНТРОПЛАР (*нео* ... ва юн. anthropos — одам) — қазилма (кроманьонлар) ва ҳоз. замон кишилари номи.

НЕОВИТАЛИЗМ (*нео*... ва *витализм*) — биол.даги идеалистик оқим, *витализм* шаклларидан бири. 19-а.нинг 2-ярмида «эски» витализм ўрнида пайдо бўлган. Н.нинг асосчиси Х. Дриш бўлиб, кўрсатишича, организмнинг яхлит ва гармоник ривожланишини материядан юқори турадиган динамик омил, яъни «энтелехия» белгилаб беради. Ота-она учун хос бўлган белгиларнинг наслга ўтиши ва олий нерв фаолияти ана шу энтелехия б-н боғлиқ. Мосланганликнинг нисбийлиги тўғрисидаги Ч. *Дарвин* таълимотига қарама-қарши ўлароқ,

Х.Дриш мосланганликни абсолютлаштиради ва уни энтелехия бошқариб туришини тан олади. Н.нинг бошқа тарафдорлари фикрича, физиологик жараёнлар ва организмлар ривожланишининг асосини «доминанта», «ҳаёт энергияси», «куч майдони» каби модлни бўлмаган «ташкиллаштирувчи» омиллар ташкил этади. Пировардида Н. геология б-н якинлашиб, биол. фанининг ривожланишига монелик қилади.

НЕОГЕГЕЛЧИЛИК (*нео*... ва *гегельчилик*) — фалсафий оқим. 19-а.охири ва 20-а. бошларида Германияда шаклланиб, кейин бошқа мамлакатларга тарқалган. Неогегельчилар *Гегель* таълимотини янгича изоҳлаб, шу асосда бир бутун дунёқарашни яратишга уринадилар. Н. марказида тарих ва маданият, давлат, ҳуқуқ фалсафаси масалалари ётади; диалектик метод тафаккурларнинг эклектик синтези, қарама-қаршиликларни муросага келтирувчи омил сифатида талқин этилади. Н. турли мамлакатларда турлича шаклда намоён бўлди. Н.нинг намояндалари: Ж. Х. Стирлинг, Э. Керд, Ф. Брэдли, Б. Бозанкет, Ж. Э. Мак-Таггарт, Р. Коллингвуд (Буюк Британия), Г. Болланд (Нидерландия), Б. Кроче, Ж. Жентиле (Италия), В. Дильтей, Р. Кронер (Германия), И. А. Ильин (Россия), Ж. Валь, А. Кожев (Франция). Халқаро «Гегельчилар иттифоқи» тузилиб (1930; маркази Нидерландия), Гаагада (1930), Берлинда (1931), Римда (1934) конгресслари бўлган. 1930-й.лар ўртасида мустақил фалсафий оқим сифатида барҳам топди. 2-жаҳон урушидан кейин «Гегельчилар иттифоқи»ни қайта тиклашга уринишлар ҳеч қандай самара бермади. Аммо Н.нинг баъзи ғоялари ҳоз. замон файласуфларининг қарашларида баъзан кўзга ташланиб турали.

НЕОГЕН СИСТЕМАСИ (ДАВРИ), неоген (*нео*... ва юн. genos — туғилиш, ёш) — Ернинг геологик тарихида охиргидан олдинги даврда ётқизилган тоғ жинслари қатлами. Н.с.(д.) кайнозой гуруҳи (эраси)га мансуб бўлиб, палеоген системаси (даври)дан кейин ва антропоген системаси (даври)дан олдин туради. Изотоп солнома бўйича Н.с.(д.) 25 млн. йил муқаддам бошланган ва 21,75 млн. йил давом этган. 1833 й. Италияда инглиз геологи Ч. *Лайель* томонидан 2 бўлим — миоцен (қуйи) ва плиоцен (юқори)га бўлинган. Дастлаб учламчи системанинг юқори бўлими сифатида ажратилган. Н.с.(д.) номи 1853 й. австриялик геолог М. Гёрнесс томонидан таклиф қилинган.

Н.с.(д.) ҳамма жойда миоцен ва плиоцен мажмуасига ажратилади. Миоцен денгиз ва гипсли ётқизиқларидан, плиоцен эса гил қум ётқизиқларидан иборат. Апеннин ва Болқон я.о.ларида плиоценда кўплаб вулкан қатламлари учрайди. Қора ва Каспий денгизлари ўрнида палеоген охиридан Дунё океанидан ажралиб қолган ҳавза мавжуд бўлган. Плиоцен бошида Қора ва Азов денгизлари ўрнида Понт, кейинроқ Киммерий кўли бўлган. Каспий денгизи эса кичикроқ ҳавза кўринишида қолган. Плиоцен охирида катта денгиз трансгрессияси бўлиб, у океан б-н туташди. Кавказда плиоценнинг қалин вулканик қатламлари вужудга келди. Ўрта денгиз серҳаракат ўлкасида Альп, Карпат, Болқон, Атлас, Апеннин, Кичик Осиё, Кавказ, Помир, Ҳимолай каби баланд тоғларнинг ҳосил бўлиши якунланди. Жан.-Ғарбий Осиёда ботиқларда, асосан, континентал ётқизиқлар тўпланди. Тинч океан чеккаларида йирик бурмаланиш ўлкалари ҳосил бўлди.

Н.с.(д.)нинг денгиз ётқизиқлари Тинч океанининг бутун чеккалари бўйлаб тарқалган, улар қалин чўкинди-вулканоген қатламларидан иборат. Унинг каттагина қатламлари Марказий Америкадаги ороллларда ҳам мавжуд. 1968 й.дан чуқур бурғилаш асосида денгиз ва океан тубининг неоген ётқизиқлари ўрганила бошланди. Тоғларнинг ўсиши тоғлараро ва чекка ботиқларнинг ҳосил бўлиши б-н бирга кечди. Ботиқларнинг букилиши жадаллашиб улар ювилган жинслар б-н тўлдирилди. Ер пўсти ҳаракати натижасида чўкинди қатламлар сиқилиб бурмаланди. Ёриқлар бўйлаб ер юзасига чиққан магма лава қатламларини кўринишида вулкан конусларини ҳосил қилган (Апеннин, Кичик Осиё, Болқон я.о.лари, Кавказ). Н.с.(д.) охирида ички денгизлар (Қора, Каспий, Мармар, Тирренг ва б.)нинг чуқур ботиқлари вужудга келди. Улар тубининг тузилиши океанларникига ўхшаш. Индонезияда кейинларникига ўхшаш. Индонезияда кейинчалик оролларга айланган сув ости тоғларнинг ҳосил бўлиши давом этди. Ички денгизлар ва кўлларда туз ва гипс қатламлари ҳосил бўлди.

Тинч океан чеккаларида материклар соҳилида тоғ системалари (Кордильерлар, Анд, Камчатка, Япония, Филиппин, Янги Гвинея) вужудга келди. Марказий Осиёдаги тоғлар ҳам шу даврда ҳосил бўлди. Айни вақтда Африка ва Осиёда ёриқлар бўйлаб Ер пўстининг чуқур рифт ботиқлари ва уларни ўраб турган кўтарилмалар шаклланди. Ёриқлар бўйлаб силжиш зилзилалар ва вулканизмни кучайтирди. Н.с.(д.) ётқизиқларининг қалинлиги тоғ олди ва тоғ оралиғи ботиқларида бир неча км га етади. Қуруқликда ўлкаларда гипс, калий ва б. тузларнинг қалин қатламлари вужудга келган. Антарктидада музликлар Н.с.(д.) бошида, шим. ўлкаларда эса неоген охирида ҳосил бўлган. Қад. бурмаланиш ўлкаларида вертикал тектоник ҳаракатларнинг неогенда фаоллашиши «эпиплатформали орогенез» номини олган.

Органик дунёси. Неоген даври ўсимликларининг кўпгина туркум ва турлари ҳозиргача сақланиб келмоқда. Шим. ярим шарда иқлим неоген бошида ҳоз. даврга нисбатан анча илиқ ва сернамроқ бўлган.

Сибирда кенг барғли ўрмонлар, Ғарбий Европанинг нисбатан шим. кенгликларида пальма, дафна ва б. дарахтлар ўсган. Ўрта Осиё ва Қозоғистон текисликларида ҳоз.га ўхшашроқ дашт ва чўл ўсимликлари Н.с.(д.) бошларида ҳам мавжуд бўлган.

Неоген бошларида Европа ҳудудида қуруқликдаги фауна кескин янгиланган: халталилар, қад. ваҳший қайвонлар ўлиб битган. Улар ўрнида ҳоз. ҳам яшаб келаётган қайвонларнинг аждодлари пайдо бўлган. Шим. ва Шарқий Африкада континентал ётқизиқлар орасидан маймун скелетларининг айрим суяклари топилган.

Ҳашарот ва кемирувчиларнинг янги туркумлари пайдо бўлди. Шим. Америка сут эмизувчилари бошқалардан ҳоли ривожланди. Неоген ўрталарида Европа ва Осиёнинг кенг ҳудудларида даштга хос ҳайвонлар тарқалди. Неоген охирида ҳозиргача тропик минтақаларда яшаб келаётган кўпгина ҳайвон туркумлари Европада йўқолиб кетди. Жан. Америка Н.с.(д.)да кўп вақт алоҳида материк бўлганлиги учун у ерда Шим. ярим шарда учрамайдиган ўзига хос фауна (халталилар, туёқлилар, кемирувчилар ва ясси бурун маймунлар) ривожланди. Фақат плиоцен ўрталарида Шим. Американдан кўплаб ҳайвонлар жан.га томон силжиди. Австралия палеоген бошидан алоҳида бўлиб, у ерда йирик халталилар яшаган.

Н.с.(д.)нинг денгиз фаунасида пластинкажабралилар ва қориноёқли моллюскалар, форамининфералар кўп ва хилма хил бўлган. Уларнинг кўплари ҳозирда ҳам яшаб келмоқда. Форамининфера ва остраколадлар муҳим стратиграфик аҳамиятга эга.

Неоген қатламлари б-н кўпгина фойдали қазилма конлари боғлиқ. Чўкинди фойдали қазилмалардан энг муҳими Яқин ва Ўрта Шарқ, Фарғона, Калифорния, Карпатолди ва б. жойлардаги тоғ олди букилмаларида нефть ва газдир. Неоген ётқизиқларида қўнғир кўмир ва лигнит ҳам кўп учрайди. Олтингугурт, туз (Ўрта Осиё), титан,

қалай, рутил, цирконийнинг сочма конлари бор. Симоб, кўргошин, рух, сурма ва б. элементлар кони интрузив ва эффузив жинслар б-н боғлиқ. Океанларда нефть ва газ қум-гилли шельфларда (Мексика қўлтиғи, Ўрта денгиз, Беринг денгизи ва б.) учрайди. Австралия шим.-шарқидаги шельфда маҳсулдор қатлам миоцен рифига мансуб. Темир-марганецли конкрециялари ҳам истиқболли.

Ад.: Хаин В. Е., Ронов А. Б., Балуховский А. Н., Неогеновые литологические формации континентов. 1979.

НЕОДАРВИНИЗМ (*нео...* ва *дарвинизм*) — генетика ривожланишининг илк босқичида вужудга келган ва немис олими А. *Вейсман* асос солган эволюцион концепция. Н.нинг асосида унинг таълимоти ётади. Вейсман ва унинг шогирдлари *Дарвиннинг табиий танланиш* эволюциянинг асосий омили эканлиги тўғрисидаги таълимотини ҳимоя қилиб, *дарвинизм* б-н *ламаркизм*ни бирлаштириш ҳақидаги ҳар қандай уринишларга қатъиян қарши чиқишган. Улар ламаркизм принципларига қарши чиқиб, пассив адаптация органларнинг машқ қилиши натижасида келиб чиқиши мумкин эмаслигини баён қилишган. Орттирилган (туғма бўлмаган) белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши ҳақидаги *Ламарк* таълимотининг нотўғри эканлигини исбот қилишган. Мантиқан бу тўғри фикрлар Вейсманнинг «Муртак плазмасининг мустақиллиги» гипотезасида ўз ифодасини топган. Гипотезага кўра, ҳар бир организм соматик (тана) ва муртак плазмасидан ташкил топган. Соматик плазма ташқи муҳит таъсирида ўзгариши мумкин, аммо муҳит муртак плазмасига таъсир этмайди ва у келгуси авлодга тургун ҳолда ўтади. Вейсман муртак плазмаси фақат ташқи муҳитдан эмас, балки уни ҳимоя қилиб турган тана плазмасидан ҳам мустақил бўлади, деган хато гояни илгари сурган. Шунга қарамай, унинг муртак плазмаси (ядро)нинг ирсиятдаги роли тўғрисидаги фикрлари кейинчалик тасдиқланди.

НЕОДИМ (*нео...* ва юн. didymos — эгизак; лот. Neodymium), Nd—Менделеев даврий системасининг III гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 60, ат. м. 144,24. 5 та барқарор изотопи — ^{142}Nd(27,07%), ^{143}Nd (12,17%), ^{145}Nd(8,3%),^{146}Nd(17,22%), ^{148}Nd(5,78%) ва 2 та радиоактив изотопи — ^{144}Nd(23,78%, $T_{1/2}$ 5·10^{15} й.), ^{150}Nd(5,67% $T_{1/2}$ 2·10^{17} й.) мавжуд. Ер пўстида масса жиҳатидан 2,5·10^{-4}%, денгиз сувларида 9,2·10^{-8} мг/л Н. бор. Табиатда монацит, бестнезит (20% гача Nd_2O_3) ва лопарит минераллари кўринишида учрайди. Лантаноидлар гуруҳига киради. 1885 й.да австриялик кимёгар К. Ауэр кашф қилган. Оч кулранг металл. Зичлиги 7,0 г/см^3. Қайнаш т-раси 3027°, суюқланиш т-раси 1016°, оксидланиш даражаси +3, +4, гоҳо +2. Тузларининг аксарияси қизғиш-бинафша рангли. Н. бирикмалари рангли, бадиий ва оптик шишалар, лазер материаллар, чинни и.ч.да, чўян, пўлат ва б. қотишмаларга легирловчи қўшимча сифатида қўлланади.

НЕОИМПРЕССИОНИЗМ (*нео...* ва *импрессионизм*) — 19-а. 2-ярмида Европа тасвирий санъати (*рангтасвир*)да юзага келган оқим. Дастлаб Франция (1885)да пайдо бўлган. 19-а. охири —20-а. бошларида Белгия, Италия ва б. мамлакатларга тарқалган. Н. намояндалари (Ж. Сёра, П. Синьяк ва б.) *импрессионизм*нинг субъектив англаналарини ривожлантирдилар, оптика соҳасидаги замонавий кашфиётларни қўллаган ҳолда уни илмий асослашга уринидилар. мураккаб ранг тусланишларини босқичма-босқич соф рангларга ажратиш усуллари (бўёқларни тўртбурчак ёки думалоқ нуқталар шаклидаги ранг суртмалари тарзида юзага — хоссага ёнмаён жойлаштириш)га услубий хусусиятлар бахш этиб, янги мураккаб ранг тусланишларини ҳосил қилишга ҳаракат қилдилар. Н. асарлари мозаикани эслатади, бадиий образни ҳаётий воқеаларга қарама-қарши қўйиб, ҳаётий лавҳаларнинг жонли тасвиридан воз кечдилар, натижада асарлар ҳаётий аниқлик ва нафисликдан маҳрум бўлди. Н.нинг ранг борасидаги изланишлари кейинги давр санъати (жумладан, *фовизм*)нинг шаклланишида ўз ифодасини топди. Н. услубини рангтасвирнинг ҳажмли — фазовий очими б-н уйғунлаштиришга уринишларни Бельгия (Т. ван Рейселберге) ва Италия (Ж. Сегантини) рангтасвирида кўриш мумкин.

19-а. охирида Шарқ мамлакатларига ҳам бу оқим белгилари кириб келган. Ўзбекистонда Ў. *Тансиқбоевнинг* илк ижодида («Карвон», 1920), А. *Мирсоатов* асарларида бу хусусиятлар кўзга ташланади.

НЕОКАНТЧИЛИК — фалсафий оқим. 19-а.нинг 2-ярми —20-а. бошида, асосан Германияда вужудга келган. *Кант* фалсафасини тиклашга, уни қайта ишлашга уринади. Н. вакиллари Кантнинг «нарса ўзида» деган тушунчасини рад этиб, билишнинг априор (тажрибадан холи) эканлигини исботлашга моқчи бўлишган. Улар дунёни билиш фақат аниқ фанларнинг вазифаси, фалсафанинг вазифаси эса илмий билишнинг услубини ва мантиқини асослашни ишлаб чиқишдан иборат деб ҳисобладилар. Неокантчилар тушунчани воқеликдан ажратиб қўйди ва уни ўз-ўзидан ривожланувчи тафаккур маҳсули деб тушунтирадилар. Неокантчиларнинг ижтимоий-сиёсий қарашлари хилма-хил бўлиб, улар, асосан, ислоҳотлар ва сиёсий ёнбосишларни тартиб қилувчи сиёсий гуруҳлар манфаатини ифодалаб келдилар. Кенигчилик Н. физиологик (Г. Гельмгольц, Ф.А.Ланге), психологик (Л. Нельсон), танқидий реализм (А. Риль), Марбург мактаби, Баден мактаби, фихтеанчилик (Х. Файхингер), франциуз неокритицизми (Ш. Ренувье) каби бир қанча йўналишларни бирлаштирди. Н. этикаси асосида бурлиқ ва унинг зарурлигини қарама-қарши қўйиш ётади.

НЕОКЕЙНСЧИЛИК — иқтисодиётни тартибга солиш бўйича назарий *кейнсчилик*нинг 2-жаҳон урушидан сўнг юзага келган, тарихий шароитга мослашган шакли. Н.нинг таниқли вакиллари — Р. Харрод, Н. Каллор, Ж. *Робинсон*, Е. Домар, А. Хансен. Н. 20-а.нинг 50- й.лари бошида жаҳондаги иқтисодий инқироз, илмий-техника инқилоби, мустамлакачиликнинг емирилиши таъсирида шаклланди. Янги тарихий шароитда иқтисодий ўсиш сурьатлари анча пасайди, инқирозлар даври тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Бу шароитларда назария ва иқтисодий сиёсат Ж. М. *Кейнс* гоялари б-н чегараланиши мумкин эмас эди. Н. асосий эътиборни кенгайтирилган такрор и.ч.нинг миқдорий боғланишларига қаратди. Иқтисодий ўсиш муаммоларига давлатнинг энг муҳим иқтисодий сиёсати сифатида қаралаяган бўлди. Н.га кўра, капиталистик (бозор) иқтисодиёт янги шароитда иқтисодий мувозанатни стихияли тартибга солиш механизмини йўқотади ва уни давлат томонидан доимий ва бевосита тартибга солиш зарурати юзага келади. Шу сабабли иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг асосий муаммолари ҳам ўзгариб, инқирозга қарши тартибга солишнинг бандлик назариясидан иқтисодий ўсиш назариясига катта эътибор берилди.

Н. методологиясида такрор и.ч. муаммоларига макроиқтисодий, халқ хўжалиги нуқтаи назаридан ёндошув мавжуд. Унда *миллий даромад*, умумий ижтимоий маҳсулот, умумий талаб ва таклиф, умумий инвестиция ва б. категориялардан фойдаланилади, улар такрор и.ч. жараёнининг баъзи бир энг умумий миқдорий боғланишларини таҳлил қилишга имкон беради. Ж. М. Кейнснинг такрор и.ч., шунингдек, *мультипликатор* назарияси тўлдирилди. Н. акселератор назариясини илгари сурди. Иккала назарияни бирлаштириш натижасида такрор и.ч.нинг кенгайишини ижтимоий-иқтисодий жараён сифатида эмас, балки техника-иқтисодий жараён деб тушунтирилади. Н. тарафдорлари кенгайтирилган такрор и.ч.нинг ўзига хос формулаларини яратдилар ва уни иқтисодий ўсиш моделлари, деб атадилар. Е. Домар ва Р. Харрод томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий ўсиш моделида (Харрод—Домар модели) иқтисодиётни мўътадил сурьатларда ўсишни динамик барқарорликнинг асосий шарти сифатида қаралади. Динамик барқарорлик ва доимий ўсишга эришиш автоматик равишда бўлмаслиги, балки давлатнинг иқтисодиётга фаол интироки туфайли рўй бериши мумкинлиги таъкидланади. Даромад ўсишини таъминлашда инвестицияларнинг роли, и.ч. қувватларининг оширилиши муҳим, яъни иқтисодий ўсиш бандликка ёрдам беради. Н. таъминоти чуқур инқирозлар, уруш ва урушдан кейинги даврлар учун самарали бўлди. 20-а.нинг 70-й.ларидан бошлаб Н. таъминотига нисбатан давлатнинг иқтисодиётга аралашуви бўйича неолиберализм гоялари олдинги ўринга чиқди.

Абдулазиз Раззоқов.

НЕОКЛАССИК ИҚТИСОДИЙ НАЗАРИЯ — иқтисодий назарияда *маржинализм* гоялари анъаналарини давом эттирган етакчи йўналиш. Бу назариянинг энг машҳур вакиллари А. *Маршалл* (Буюк Британия), Л. Вальрас (Швейцария), Ж. Кларк (АҚШ), К. Викселль (Швеция), А. Парето (Италия), П. Самуэльсон, К. Эрроу (АҚШ) ва б. Ҳозир жаҳондаги иқтисодчиларнинг аксарият қисми Н. и. н. тарафдорларидир. Мазкур назария маржиналистик тамойиллар асосида шаклланиб, 20-а.дан Н. и. н. деб номланди.

Н. и. н.да рақобатли бозорда товарлар, хизматлар нархининг шаклланишини ва и.ч. омилларини ўрганиш учун энг сўнгги — меъёрий катталиклар — меъёрий нафлилик ва меъёрий унумлорлик, меъёрий тушумлар, меъёрий харажатлар ва б. таҳлиллари қўлланилади. И. ч. омиллари ва товарларнинг бозор нархи уларнинг камёблиги б-н боғлиқ. Н. и. н. нуқтаи назарига кўра, меъёрий миқдорлар кишилар ўзларининг иқтисодий фаолиятида қабул қиладиган қарорларида ҳал қилувчи ўринга эгалдайди. Н. и. н.нинг асосий гояси мукаммал рақобат мувозанатли иқтисодиётни яратади деган қарашдан иборат. Шунингдек, бу назарияда иқтисодиёт тавсифига микроиқтисодий ёндашувлар устунлик қилади. Д. Рикардо ва К. Маркс даврида катта мунозара-ихтилофларга сабаб бўлган даромадлар тақсимлаш назарияси масаласида неоклассиклар уни жуда тинч ва жўн йўл ё-и ҳал этадилар: ҳар қандай и.ч. омили эгаси бу омилнинг меъёрий унумдорлигига, яъни қўшимча ёлланган ишчи яратиб чиқарган ёки капиталнинг қўшимча бирлиги яратган маҳсулотга тенг даромад олади. Н. и. н. ҳар қандай бозорни талаб ва таклиф эгри чизиқлари ёрдамида таҳлил қилади. Талаб ва таклиф эгри чизиқлари кесишадиган нуқта неъматларнинг мувозанатли нархини ва мувозанатли миқдорини кўрсатиб беради.

А. Маршалл 1890 й.да ёзилган «Иқтисодиёт тамойиллари» асарида «енгёвий иқтисод» тушунчасидан воз кечди ва «economics» тушунчасини қўллади. Бу тушунчанинг юзага келиши иқтисодиётни бир воқеа эди. Чунки давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ҳамма вақт ҳам самарали бўлавермаган. 1902 й.дан бошлаб «Экономикс» курси Кембриж университетида ўқитила бошланди. Янги йўналиш тарафдорлари эркин рақобат ва бозор гояларини яна жонлантирдилар, бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодиётга аралашуви роллини кескин чеклаш кераклигини кўрсатиб беришди. Н. и. н.ларнинг бир қанча мактаблари мавжуд: Австрия мактаби, Лозанна (математик) мактаби, Кембриж (инглиз) мактаби, Америка мактаби. Кейинги даврда (П. Самуэльсон) «неоклассик синтез» концепцияси ҳам пайдо бўлди. «Неоклассик синтез» бу аслида ҳозирги *неокейнсчилик* ва неолиберал гояларни илк неоклассик қарашлар б-н бирлаштириб, уйғунлаштирилишидир.

Ҳоз. даврда, айниқса, ривожланган мамлакатларда Н. и. н. иқтисодиёт фанининг амалда барча муаммоларига нисбатан қўлланилади.

Ад.: Раззоқов А. ва б., Иқтисодий таълимотлар тарихи. Т., 2002.

Абдулазиз Раззоқов.

НЕОКЛАССИЦИЗМ — 19-а. 2-ярми — 20-а.лар санъатида антик санъат, Уйғониш даври санъати ва классицизмнинг мумтоз анъаналарига тайиниш ижтимоий йўналиши ва ғоявий мазмун жиҳатидан турлича бўлган оқимларни ифодаловчи атама. Н. (ўтмиш санъатга мурожаат этиш дастури сифатида) жонли борлиққа қандайдир «абадий» эстетик қадриятларни қарама-қарши қўйишга интилиш заминида пайдо бўлган (рассом Х. Маре, А. Фейербах, ҳайкалтарош А. Хильдебранд ва б.). «Н.» атамаси 17-а. — 18-а. 1-ярмидаги классицизмдан фарқлаш мақсадида 18-а. 2-ярми —19-а. 1-чорагидаги классицизмга нисбатан ҳам қўлланади. Н., айниқса, меъморлик ва тасвирий санъатда кенг тарқалди, шунингдек, адабиёт ва мусиқа тараққиётига ҳам таъсир кўрсатган.

Меъморликда 20-а. бошларида модернинг ўта ҳашамдор ва ноаниқ қурилмаларига акс таъсир сифатида ёркин намоён бўлди (О. Перре — Франция; П. Беренс — Германия; О. Вагнер — Австрия ва б.). 30-йиллари Италия ва Германия меъморлигида дабдабали иншоотлар қурилишида кенг қўлланди. 50-й.лардан, асосан, АҚШ расмий иншоотларида ривожланди (Э. Стоун, Г. Гроппиус, Ф. Жонсон ва б.), Россия (И. Жолтовский, И. Фомин ва б.) меъморлари ижодида намоён бўлди.

Тасвирий санъатда «Н.» атамаси кенг қамровли бўлиб, турли бадиий оқимларга нисбатан қўлланади, классик образнинг ички уйғунлигини замонавий ҳаётдаги номутаносибликка қарама-қарши қўйиш хоҳиши кучли ифодаланади. Н.нинг ҳайратга солувчи айрим нуқталари прерафаэлитлар (19-а. ўрталари) ижодида сезилади. Яхлит ҳодиса сифатида немис неоидеализми (1870-й. охири)нинг назарий қарашлари ва амалиётида намоён бўлди; импрессионизмдан таъсирланиш кўринишларидан бири сифатида кенг тарқалди. 19-а. охири —20-а. бошларида сўнгги академик анъаналар б-н антик санъат дастурларини уйғунлаштирган Н. модерн услуби б-н ижодкорлик. Ҳайкалтарошлар А. Майоль, Э. А. Бурдель (Франция), Г. Вигеланн (Норвегия), К. Миллес (Швеция), С. Т. Коненков, А. Т. Матвеев, С.Д. Меркуров (Россия) ва б., рассомлар Ф. Ходлер (Швейцария), П. Тови де Шаванн, М. Дени (Франция), В. А. Серов, А. Е. Яковлев (Россия) ва б. ижодида инсонпарварлик асослари сақланди. 20—30-й.лар тасвирий санъатида баъзи оқимлар (футуризм, кубизм ва б.)га жавоб тарзида пайдо бўлган оқим ва йўналишларнинг ҳам Н.га алоқадорлиги кузатилади. Ўз навбатида Н. ҳам Германия, АҚШ ва б. мамлакатлар санъати оқимларига таъсир кўрсатган.

Мусиқада 20-а.да мусиқий *романтизм* ва, айниқса, *экспрессионизм* услубларига акс таъсир сифатида ривож топган. Илк классик ҳамда ундан олдин бўлган баъзи услублар (мас., барокко)нинг мусиқий хусусиятларини тиклашга асосланган. Н. асарлари полифоник воситаларнинг ривожланганлиги, мусиқа шакли мантиқий қонда-

ларига асосланганлиги, бадиий образлар объектив руҳда яратилганлиги б-н ажралиб туради. Йирик вакиллари: И. Стравинский, П. Хиндемит, Б.Барток, А. Казелла, О. Респиги, А. Лютославский ва б. Ўзбекистонда Н.га Ф. Яновский, Т. Қурбонов ва б. мурожаат қилган.

НЕОКОНФУЦИЙЧИЛИК (*нео...* ва *конфуцийчилик*) — Сун династияси ҳукмронлиги даврида (10—13-а.лар) Хитой фалсафасида пайдо бўлган оқимлардан бири. Илк конфуцийчиликдан, асосан, унинг ахлоқий-сиёсий ғоясидан фарқли ўлароқ, Н.да онтология, натурфалсафа ва космогония масалалари муайян ўрин эгаллайди. Н. вакиллари янги ғоя ва тушунчаларни, хусусан, и-ли (бурч ва қонун) син-мин (табиат ва тақдир) каби тушунчаларни ишлаб чиқдилар. 10—11-а.да яшаб, ижод этган Сун-фу, Ху-Юан ва Ши Цзе Н. асосчилари ҳисобланади. Н.да 6 та асосий концепция — буюк чегара, принцип (ли-қонун), моддий куч, инсон табиати, нарсалар табиатини англаш, инсонпарварлик муҳим ўрин тутади. Н. Мин династияси даврида (1368—1644) янада ривожланди, унга оид китоблар нашр қилинди. Н. 20-а.нинг 30-й.ларида Чэн-Чжу мактаби ғоялари Фэн Юлан фалсафий қарашларининг шаклланишида асосий манба бўлди. Н. Япония, Корея ва Вьетнамда ҳам катта таъсирга эга бўлган. Н. 1949 й.да ХХР барпо этилгач, барҳам топди.

НЕОЛАМАРКИЗМ (*нео...* ва *ламаркизм*) — *Ламарк* таълимотининг айрим ҳолатларига асосланган ҳар хил идеологик эволюцион концепциялар йиғиндиси. Н. эволюцион таълимот ривожланишининг *Дарвин*дан кейинги босқичида пайдо бўлган. Дарвин назариясининг айрим аспектларини тан олган неоламаркистлар табиий танланишнинг ижодий ролини инкор қилишган. Н.да 3 асосий йўналиш мавжуд. Ортоламаркизм — органик олам эволюцияси Дарвин уқтирганидек табиий танланиш асосида эмас, балки организмларнинг азалдан белгиланган ички кучлари иштирокида амалга ошиши. Мазмун моҳияти б-н бу йўналиш Э. Коп, Г. Осборн, Л. С. Берглар илгари сурган автогенез концепциясидан бошқа нарса эмас. Механоламаркизм — организмларнинг азалдан белгиланган ички кучлар асосида ташқи муҳитнинг ўзгаришига жавобан мақсадга мувофиқ структура ва функцияларини ўзгартириши. Механоламаркистлар адаптив модификацияларни эволюцион ян-ги ҳосила ва улар наслдан-наслга ўтади деб кўрсатишади. Психоламаркизм — эволюция сабабини организмларнинг онгли хатти-ҳаракатлари орқали тушунтиришга уриниш. Н. қандай йўналишда бўлмасин, у ривожланишни мақсадга мувофиқлигини эътироф этиб, табиий танланишнинг ижодий ролини инкор қилади.

НЕОЛИТ (*нео...* ва юн. lithos — тош) — янги тош даври, тош даврининг сўнгги босқичи. Осиё ва Европа минтақаларида қайд этилган ва қайиб урганилган. Н. даври осори атиқаларининг аксарияти мил. ав. 6—3-минг йилликлар б-н саналади. *Тош даври*нинг бу янги босқичи қариб 3 минг йил давом этган. Н. даврида одамзотнинг турмуш тарзи ва иқтисодий ҳаётида бир қатор йирик туб ўзгаришлар содир бўлади. Овчилик ва теримчилик каби табиатга боқим ҳаётий машғулотлар негизида ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачилик юзага келиб, кишилик тарихида илк бор дастлабки ишлаб чиқарувчи хўжаликларга асос солинди. Н. одамининг хўжалик ҳаётидаги тараққиёт тақозоси б-н сополдан идиш-товоқлар ясалиб илк кулолчик, суяк ва ҳайвон шохларидан дук, игна, бигиз ва урчуқ тошлар ҳамда оддийгина ёғоч дастгоҳлари ясалиб, ип йигириш, балиқови тўрларини тўқиш ва хонаки тўқимачилик юзага келади. Чақмоқтошлардан турли хил майда ва йирик махсус (ўқ ёй ва найза пайконлари, парма, пона, арра, болта, ўроқ, ўроқранда) қурол ва асбоблар ясалиб, тош қуроллар ясаш услубияти такомиллашди. Тош қуроллардан кенг фойдаланилди. Тош болталарни пармалаб дастага ўрнатиш, силлиқлаб тигини чиқариш, синган сопол идишларни чегалаш, мунчоқ ва турли тошлардан ясалган маржонларни инга ўтказиб шодалаш учун пармалаш каби техник усуллар кашф этилди. Тош болта, пона, ўроқ, ўроқранда, арра, чопқилар каби хўжалик қуроллари воситасида деҳқончиликдан ташқари, синчкори чайла ва кулбалар каби турар жойлар барпо этилиб, қайиқлар ясалади. Н. одамининг меҳнат фаолиятидаги ўзгаришлар, хўжалик ҳаётида юзага келган ихтиролар туфайли бу тарихий босқич, фанда «Н. инқилоби» деб аталди. Бу босқич давомида она уруғдошлиги тизимлари камол топди. Ибтидоий деҳқончилик ва чорвачиликка асос солинди, кулолчик ва тўқимачилик каби касб-ҳунарлар кашф этилиб, ота уруғдошлигига ўтиш учун замин яратилди.

Бироқ, табиий географик шароитларнинг тақозоси б-н Н. қабилаларининг турмуш тарзи турли минтақаларда ҳар хил кечди. Шу боисдан ҳар хил ҳудудда унга хос Н. даврининг турли хил маданияти шаклланди. Ибтидоий деҳқончилик ва хонаки чорвачиликка асосланган маданий ҳает Яқин Шарқ мамлакатлари (Миср, Ироқ ва Эрон) ҳудудларида мил. ав. 6—4-минг йилликларлаёқ қад. деҳқончилик ўлкаларида тош тишли қадама ўроқ, тош ҳовонча ва суяклан ясалган кертма кетмончалардан фойдаланилиб, арпа, жавдари бўлой, ғариқ, ловия ва шоли каби бошоқли ўсимликлар маданийлаштирилди, ғувалалардан уйлар бино қилиниб, аввал кулба, сўнгра кўл чархида гулдор сопол идишлар ва аёл ҳайкалчалари ясалди.

Мил. ав. 6—3-минг йилликларда Ўрта Осиёда истиқомат қилган қабила ва жамоалар 2 йўналишда ривож топди. Мас., унинг жан.-ғарбий ҳудудларида Н. даври жамоалари илк деҳқончилик ва хонаки чорвачилик (эчки, қўй ва қорамол) б-н шуғулланган бўлсалар, унинг шим. ва шим.-шарқий ҳудудларида эса бу даврда одамлар овчилик ва балиқ овлаш б-н кун кечирадилар.

Н. даврининг ўтроқ илк қишлоқ жамоалари дастлаб Туркманистоннинг Копетдоғ этакларида топилган. Бундай ёдгорликлар *Жойтун маданияти* номи б-н аталган. Қалама тошли ўроқ, пичоқ, суяклан ясалган игна, бигиз ҳамда турли рангли тасвирлар туширилган сопол идиш бўлаклари топилган. Бу илк зироаткор қишлоқда 150—180 нафар деҳқончилик, чорвачилик ва қисман овчилик б-н кун кечирган ўтроқ қишлоқ жамоаси яшаган. Хўжаликда аёллар, айниқса, оналарнинг мавқеи кучли бўлган. Чунки, бу даврда она уруғдошлиги муносабатлари кенгайиб, ундан кичик жуфт оилалар ажралиб чиқа бошлаган тарихий босқич қарор топган.

Ўрта Осиёнинг жан. ҳудудларида ўтроқ деҳқончилик ва чорвачилик қарор топиб, ишлаб чиқарувчи хўжалик шаклланаётган замонда, унинг шим. ва шарқий қисмида жойлашган кенг даштликлар ва тоғликларда овчи ва балиқчи, овчи ва термачи қабилалари яшарадилар. Мил. ав. 5—3 минг йилликларда Амударё, Сирдарё ва Зарафшон ҳавзалари ва уларан шим.да яшаган овчи-балиқчи қабилаларнинг турар жой қолдиқлари дастлаб қад.

Неолит. Жонбос 4 маконидаги чайла.

ерларида топиб ўрганилди. Бу ёдгорликлар фанда *Калтаминор маданияти* номини олган. *Жонбос* 4 ёдгорлигидан уларкан чайла қолдиқлари қадай очилган. Унинг майд. 300 кв.м га тенг. Унда 100—120 нафарли уруғ жамоасининг балиқчи-овчилари истиқомат қилган. Қайд этилган ёғоч ва қамиш қолдиқларига қараганда чайла кул устунли, ярим-юроқ шаклда бўлиб, томи қамиш б-н ёпилган. Унда битта катта ва унинг атрофида 20 дан ортиқ майдароқ ўчоқ ўринлари қайд этилган. Ўчоқлар тирадан ва чаяладан балиқ, тунги, жайран, бўту, қуш суяклари, тухум пўчоқлари ҳамда тош қуроллар, сопол парчалари топилган.

Калтаминор маданиятига мансуб ёдгорликлар Зарафшон водийсининг қуйи оқимидан ҳам топиб ўрганилган. *Дарвозакўприклар маҳалласи* номи б-н юритилган бу ёдгорликдаги чайла тўрт бурчакли тўртбурчак шаклда қурилган. Сўрининг уз. 11,6 м, кенглиги 7 м, майд. 81,5 кв.м га тенг. Унда 30—35 нафардан иборат овчи ва балиқчилар жамоаси истиқомат қилган. Чайла ташқарисида бир қанча ўчоқ ўринлари қайд қилиниб, ундан чақмоқтош қуроллар (ўқ-ёй пайконлари, ўроқ, ранда, кескич, қирғич, тешгич, сўзан, парма ва болта), сопол идиш бўлаклари, балиқ, парранда ва ёввойи ҳайвон суяклари топилади.

Деҳқончилик ва чорвачилик хўжаликлари ҳамда ўтроқ ҳаёт б-н боғлиқ турли хилдаги касб-ҳунарларнинг кенгайиб бориши оқибатида чақмоқтошга бўлган талаб ошади. Шу боисдан тог ва тог олди ҳудудларида яшовчи қабилалар жамоасида тоғлардан юқори сифатли хом ашё конларини излаб топиш ва ундан чақмоқтош қазиб олувчи конлар гуруҳи пайдо бўлади. Хом ашё. ўлардан чиқарилган. Бунинг учун ўра ва лағмлар кавланиб, конлар барпо этилган. Бундай шахтали Н. даври конларидан бири Навоий вилоятининг Учтут қишлоғи яқинида топиб текширилган (мил. ав. 5—3-минг йилликларга мансублиар.). Ўрта Осиёда, хусусан, Ўзбекистон ҳудудида бундан 5—7 минг йил муқаддам илк бор кон саноатига асос солингани маълум бўлди. Н. даври шахталари Англия, Франция, Кения, Швеция, Германия ва Белоруссия каби ҳудудларида ҳам ўрганилган. Н. даврининг охирида одамлар металлдан, дастлаб мисдан ҳар хил тақинчоқлар, буюм ва қуроллар ишлашни ўрганиб оладилар.

Ад.: Аскаров А., Древние земледельцы Зарафшана, Т., 1977; Исламов У., Археологическая разведка в Джизакской степи, Т., 1994; Кабанов А. Н., Неолитические памятники Сырдарьинского Приаралья, Т., 1971; Гулямов Я. Г., Исламов У., Аскаров А., Первобытная культура и возникновение орошаемого земледелия в низовьях Зарафшана, Т., 1966; Толстов С. П., Қадимги Хоразм маданиятини излаб, Т., 1964.

Абдулҳай Муҳаммаджонов.

НЕОЛОГИЗМЛАР (юн. neos — янги, logos — сўз — жамият тараққиёти, ҳаётнинг талаб-эҳтиёжи б-н пайдо бўлган янги нарса ва тушунчаларни ифодаловчи сўзлар. Н.нинг янгилиги дастлаб пайдо бўлган вақтлардагина сезилиб туради; вақт ўтгач, улар «янгилик» хусусиятини йўқотиб, одатда, фақат сўзлар қаторига ўтади. Мас., ўзбек тили учун бир қанча йил давомида янги ҳисобланган маркетинг, қайта қуриш, рейтинг, тендер сўзлари ҳозирги кунда умумистеъмолдаги сўзларга айланмоқда. Тиллаги умумий Н. б-н бир қаторда индивидуал-услубий ёки окказионал Н. ҳам мавжуд. Бундай Н. муаллифлар томонидан маълум бир контекстда услубий талаб асосида яратилади.

Н. илмий асарларда шу услубга хос термин сифатида аташ (номинатив) вазифасини бажаради. Бадиий асарларда, одатда, услубий вазифани бажаради. Н.нинг пайдо бўлиш йўллари хилма-хил бўлиб, улар тилнинг маъно-қонун-қоидалари асосида янги сўз ясаш йўли, шунингдек, мавжуд сўзнинг луғавий маъноларидан бирини янги маъноза қўллаш йўли б-н ва бошқа тиллдан сўз қабул қилиш орқали ҳосил қилинади.

НЕОН (*нео...*; лот. Neon), Ne — Менделеев даврий системасининг 0 гуруҳ элементи, инерт газларга мансуб. Тартиб рақами 10, ат.м. 20,179. 1 м³ ҳаво да16 см³ га яқин Н. бўлади. Учта барқарор изотопи: ^{20}Ne(90,92%), ^{21}Ne (0,257%), ^{22}Ne (8,82%) бор. Суньий йўл б-н жуда қисқа муддат ($T^1/_2$<200 сек.) мавжуд бўладиган радиоактив изотоплари ҳам олинган. 1898 й.да инглиз олимлари У. Рамзей ва М. Траверс топган. Газ ҳолатдаги Н.нинг зичлиги 0,90035 г/л (273 К, 0,1 МПа), суюқланиш т-раси — 248,6°; қайнаш т-раси — 245,9° (273 К, 0,1 МПа). Суюқ ҳолатдаги Н.нинг зичлиги 1240кг/м³. Н., одатда, кимёвий реакцияларга киришмайди. Лекин унинг $Ne{\cdot}6H_2O$ таркибли гидрати, молекуляр боғланган бирикмалари ҳосил қилинган. Н. саноатда суюқ ҳаводан ажратиб олинади. Радиотехникада, электрон асбобларда, вакуум техникасида ишлатилади.

НЕОН ЛАМПА — электр разрядининг паст босимли неон газида нурланган газ-разрядли ёруғлик манбаи. Н.л. 2 электрод (анод ва қиздирилмайдиган, шиша баллонга кавшарланган катод)дан иборат бўлиб, баллон ичига неон (Ne) ёки неон газининг гелий ёки аргон газлари б-н аралашмаси тўлдирилади. Бу турда Н. л.да газ босими 25 —40 ГПа га яқин бўлади. Одатда, аргон гази разряди ёндирувчи кучланишни камайтириш учун киритилади. Аммо бу ҳолда шуъланинг ёркинлиги ҳам пасаяди. Н. л. ёруғлиги бинафша-қизил рангда кўринади. Ёруғликнинг бошқа рангларда (сариқ, кўк, яшил ва б.) бўлиши учун баллоннинг ички деворига *люминофорлар* ёпиштирилади.

Н.л. ўзгарувчан ва ўзгармас токда ишлайди. Фақат у ток кучини 0,20—30 мА гача туширib чегаралаб берадиган тўғрилагич ресторлар б-н кетма-кет уланиб электр занжирига қўшилади. Н. л.да электр разряд ёниши учун кучланиш 60—150 В, қуввати 0,01—3 Вт, шуъла ёркинлиги 50—600 кЖ/м² бўлиши керак. Н. л.дардан сигнализация ва ёритиш тизимларида, назорат-ўлчов аппаратларида, шунингдек, тасвирни маълум масофада туриб қабул қилувчи ва узатувчи асбоблар (*телевидение*) да кенг фойдаланилади.

НЕОПИФАГОРЕИЗМ (*нео...* ва *пифагореизм*) — мил. ав. 1-а — мил. 3-а. юнон фалсафасидаги оқим. Н. намояндалари: Нигидий Фигул, Аполлоний Тианский ва б. Улар *Пифагор*нинг математик символизм методларини қайта жонлантириб, ўз қарашларида ягона—кўп, монада—диада, айнанлик—тафовут, жуфт—тоқ, нуқта—чизиқ—текислик-жисм тушунчаларига асосланиб фикр юритдилар. *Платонизм*дан фарқли ўлароқ, барча нарсанинг ибтидоси ақл (нус) эмас, балки монада—диада деб ҳисоблар эдилар. Кейинги даврда Н. фалсафада мустақил оқим сифатида ўз мавқеини йўқотди, унинг айрим жиҳатлари *неоплатонизм*да ўз аксини топди.

НЕОПЛАТОНИЗМ (*нео...* ва *платонизм*) — юнон фалсафасидаги оқим. 3—6-а.ларда пайдо бўлган. Н. намояндалари *Плотин, Порфирий, Прокл*. Н. вакиллари *Платон*нинг моддий дунё ғоялар дунёсининг сояси эканлиги тўғрисидаги фикрини яна ҳам диний шаклда баён этдилар. Н.нинг асосий мазмуни Плотин триадаси — «ягона», «ақл» (нус), «жон» диалектикасини ишлаб чиқишдан иборат. Унга кўра, борлиқнинг асосида ҳудо, қандайдир билиш ва тушунтириб бериш мумкин бўлмаган бошланғич моҳият ётади. Энг олий моҳият — ҳудо эманация йўли б-н аввал дунёвий ақлни, кейин дунёвий руҳни яратади, ундан кейин — сўнгги босқичда идрок қилиниалиган моддий дунёни

яратади. Неоплатончилар фикрича, инсоннинг яшашдан мақсад — руҳни танадан, гуноҳлардан халос этиб, яна худога яқинлашишдан, унинг шарофатига эришишдан иборат. Инсоннинг гуноҳга ботиб қолганлигини асослашга уриниш, инсон фикрининг эркинлиги ва мустақиллигига ишонмаслик — Н.да учрайдиган асосий белгилар деб қисоблашади. Н.ислом фалсафасига ҳам муайян таъсир кўрсатган. Сухраварлий ва Ғазолий қарашларида, тасаввуф таълимотида Н.нинг баъзи белгиларини учратиш мумкин.

НЕОПОЗИТИВИЗМ (*нео...* ва *позитивизм*) — 20-а. фалсафасидаги асосий йўналишлардан бири. *Позитивизмнинг* ҳоз.замон шакли Н.га *Вена тўгараги* қатнашчилари М. Шлик, Р. Карнап, О. Нейрат асос солган. Н.нинг Англияда тарқалишида Б. Рассел, Л. Витгенштейн ва б. катта ўрин тутган. Н.нинг асосий ғоялари *эмпиризм* ва *феноменализмга* (Ж. Беркли, Д.Юм) бориб тақалади.

Фалсафанинг дунёқараш масалаларини назарий билиш воситаси сифатидаги имкониятларини рад этиб, фанни фалсафага қарши қўяди. Билимни (ёки илмий, фалсафий, оғзаки тилни) мантиқий ёки лингвистик таҳлил қилиш услубини яшлаб чиқишни мақсад қилиб олган. Н. ғоялари Вена тўгараги фаолиятида ўз ифодасини топди, унинг асосида мантиқий позитивизм вужудга келди. Н.ни фан фалсафаси (Ч. Моррис, П. Бриджмен), Швециядаги Упсала мактаби ва б. йўналишларнинг вакиллари қўллаб-қувватладилар. 1950-й.ларда лингвистик фалсафа катта нуфузга эга бўлди. Фаннинг услубий масалаларини ишлаб чиқишни даъво қилиб, амалда уларни ҳал эта олмади. Н. намояндалари ҳоз. формал мантиқ, семиотика ва фан мантиги ривожида муайян роль ўйнади.

НЕОРЕАЛИЗМ (*нео...* ва *реализм*) — 1) 20-а.нинг 40-й.лари ўртасидан 50-й.лар ўртасигача италия киносида мавжуд бўлган оқим. Демократик миллий санъат учун кураш жараёнида таркиб топган. Ижтимоий адолат ва оддий инсоннинг қадр-қиммати ғояларини ҳимоя қилди. Ҳаётий фактлар асосида қурилган фильмлар аксарият номутахассис ижрочилар иштирокида яратилди. Н.нинг бадиий манифести Р.Росселлининг «Рим — очиқ шаҳар»и (1945) фильмидир. Ч. Дзаваттини, Л. Висконти, В. Де Сика, Ж. де Сантис, П. Жерми кабилар Н.нинг кино санъатидаги асосий вакилларидир. Н. Италия кинематографияси ва б. мамлакатларнинг илгор киноси ривожига катта таъсир кўрсатди. 2) адабиётда Н. ёзувчилари ижоди демократик йўналиши, озодлик идеаллари ва ижтимоий адолатга инсоний ишончи ўз-н ажралиб туради. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати, фашизмга қарши кураш мавзуи В. Пратолининнинг лирик эсдаликларида, Р. Витано, И. Кальвино романларида, Ж. Бассани ва б.нинг қиссаларида ҳаққоний акс эттирилган. Н. намояндалари ижодида ўткир ижтимоий масалаларга бағишланган асарлар ҳам бор. В. Пратолининнинг «Камбагал севишганлар қиссаси» (1947) ҳамда «Метелло» романи (1954); К. Леви очерклари; Э. де Филиппонинг «Неаполь — миллионер» комедияси (1945); П. П. Паголини шеърияти ва б.; 3) Италия тасвирий санъати (1940—50 й.лар)даги йўналиш; италия киноси, адабиёти ва театридаги оқим ва айни бир вақтдаги йўналишлардан ном олган. 2-жаҳон уруши йиллари Қаршилик кўрсатиш ҳаракати натижасида умум демократик анъаналарининг тикланиши, 19—20-а.лар Европа санъатидаги турли оқимлар (жумладан, романтизм ва экспрессионизм)нинг бадиий усулларини ижодий қўллашлар Н.нинг шаклланишига омил бўлди. Неореалист-рассомлар (Р. Гуттузо, Г. Мукки, А. Пиццинато ва б.) воқеликни, унинг барча қарама-қаршиликлар кескинлигини санъатда янги руҳий қадриятлар ва янги қаҳрамонлар — меҳнат аҳли, унинг қаётий қатъияти ва ички қудрати б-н ҳаққоний акс эттиришга интилдилар. Н. га яқин анъаналар урушдан кейинги демократик тасвирий санъатда ва б. мамлакатлар (мас., Францияда Б. Таслицкий, А. Фужерон ва б.)да ҳам намоён бўлди.

НЕОРЕАЛИЗМ (*нео...* ва *реализм*) — 20-а. инглиз фалсафасидаги ҳукмрон оқим. Кембриж ш.да 1903 й.да инглиз файласуфи Ж. Мур (1873—1958) асос солган. Н. *неогегелчилик*ка, айрим фалсафий масалаларни спекулягив яшлаб чиқишга қарши қаратилган бўлиб, унинг вакиллари бу масалаларни мантиқий таҳлил воситаси б-н, яъни табиатшунослик услуби б-н ҳал қилишга уринадилар. Фалсафа тизим сифатида рад этилади. Фалсафий қизиқишлари марказида мантиқ, билиш назарияси, биол. ва физика турган. Ж. Мурдан ташқари, Н.нинг вакиллари С. *Александер*, инглиз файласуфи Ч. Д. Броуд (1887—?), С. Л. *Морган*, Б. *Рассел*, инглиз-америка файласуфи А. Н. Уайтхед (1861—1947) ва б.дир. Неореалистлар иккинчи гуруҳининг раҳбари инглиз файласуфи А. Айер (1910—89) бўлиб, *неопозитивизм*га яқин туради.

НЕОСХОЛАСТИКА — урта аср схоластикасини тиклашга уринувчи католицизм фалсафасидаги турли оқимлар мажмуи. 19-а. бошида пайдо бўлган, охиридан эса кенг ёйилди. *неотомизм* Н.нинг асосий оқимига айланди. Испанияда (20-а. ўртасидан Германияда ҳам) испан иезуити Ф. Суарес (1548—1617) таълимоти асосида ривожланди. Н.нинг бир қанча мактаблари *томизм*нинг энг янги фалсафий оқимлар б-н бирлаштиришга уринмоқда.

НЕОТЕКТОНИКА (*нео...* ва *тектоника*), энг янги тектоника — тектониканинг Ернинг ҳоз. рельефи асосий қиёфасини шакллантирган турли структуралар, Ер пусти ривожланишининг тарихи ва тектоник ҳаракатларини ўрганувчи бўлими. Бу жараёнлар Ер пусти тузилишида янги структура шаклларини вужудга келтириб, қолимда пайдо бўлган структураларни фаоллаштирган. 1937 й. рус олими С. С. Шульц биринчи марта «энг янги тектоника» истилоҳини таклиф этди. У Тяньшан тоглари ҳоз. рельефининг вужудга келишини энг янги тектоника жараёнлари б-н изоҳлади. 1948 й.да геологлар Н.ни геологиянинг мустақил бўлими қилиб ажратишни таклиф қилдилар. 1950 й.да олимлар тектоник ҳаракатлар кучайган давр (неоген-антропоген даврини Ер пусти ривожланишининг мустақил энг янги тектоник босқичига ажратдилар. Ер пўсти турли структура элементлари —материк платформалари, орогенез зоналари, ҳоз. геосинклиналь областлар, тафрогенезда энг янги тектоник ҳаракатлар фаоллигининг кучайиши бир вақтда кечмаган (кечки олигоцен, неоген, антропоген). Бу энг янги тектоник босқичнинг қуйи чегараси масаласи бўйича олимлар ўртасида баҳсга сабаб бўлди.

Н.да тектоник жараёнларни ўрганишда турли методлар (тарихий-геологик, тектоник ва геоморфологик, геофизик, тарихий-археологик, биогеографик) ва б.дан фойдаланилади. Н.га доир турли регионларнинг ҳар хил масштабдаги хариталари нашр қилинган.

Н.нинг назарий масалаларини ишлаб чиқиш амалий вазифалар — муҳандислик иншоотлари (тўғон, порт ва б.) лойиҳалаш ва қуриш, сув таъминоти, нефть ва газ қувурларини ётқизиш, конларни қидириш, зилзилаларни башорат қилиш б-н чамбарчас боғлиқ.

НЕОТОМИЗМ — католицизмдаги энг нуфузли фалсафий мактаб. Фома Аквинскийнинг 1879 й.да Рим папаси Лев XIII томонидан ягона чин фалсафа деб эълон қилинган таълимотига асосланган. Н. *томизм* тараққиётининг ҳоз. замон босқичидир. Италия, Испания, Франция, Бельгия, Германия, АҚШ, Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалган. Намояндалари: Э. Жильсон, Ж. Маритен, М. Грабман ва б. Асосий маркази — Лювен ун-ти ҳузуридаги Олий фалсафа ин-ти (1888 й. Д. Мерсье асос солган).

НЕОТРОПИК ОБЛАСТЬ — қуруқликлари флора ва зоогеографик областлар; ўсимликлар Н.о.т. ў-н ҳайвонлар Н.о.нинг четараси бир-биридан бир оз фарқ қилади.

Неотропик флора области. Неотропик ўсимликлар дунёси — қуруқликлари асосини ботаник-географик р-нлардан бири. Янги Дунёнинг материк қисмини, шимол Қўни Калифорниядан ва Мексика тогларининг жан. қисмидан то жан.да 40 ж.к.гача бўлган жойларни ҳамда Марказий Америкага ёндош ороллардан ўз ичига олган. Иқлими тропик, 25° ж.к.дан жан.да субтропик ва мўътадил иқлим. Ўсимлик дунёси бой ва хилма-хил, аксари қисми меҳнат ўрмон ўсимликларидан иборат. Ўсимликлар орасида асосий ўринни пантропик ўсимлик оилалари (сутламадошлар, лаврдошлар, тогбекатдошлар, тутдошлар, пальмадошлар ва б.), шунингдек, неотропик туркум вакилларидан космополит ўсимлик оилалари (ҳоқидошлар, бутдойдошлар, бурчоқдошлар, ялпизгулдошлар ва б.) эгаллаган. Эндемик ўсимлик оилалари кам, лекин уларнинг бир қисми (кактусдошлар ва б.) ўсимликларининг таркиби ва умумий манзараси учун жуда хосдир. Нисбатан турғун муҳит шароитида Н.о.нинг бошқа областлар флораси б-н алоқаси ва флорасининг Н.о. доирасида дифференцияланиши неотропик флорасининг узоқ вақт ажралган ҳолда ривожланганлигини кўрсатади. Н.о.нинг тропик Африка ва Шимолий шарнинг баланд тог флоралари б-н ўхшашлик белгилари жуда кўп.

Н.о. бир неча кичик областларга бўлинади. Кариб кичик области — Мексиканинг чекка қисмлари, Марказий Америка, Антил ороллари ҳамда Колумбия ва Венесуэла қирғоқлари яқинидаги ороллардан ўз ичига олади. Ўсимликлари пальмадошлар, бурчоқдошлар, лаврдошлар ва б. турларга бой; дарахтсимон папоротниклар ва саговниклар кўп. Кичик областнинг шимол қарағайдошларнинг баъзи вакиллари учрайди. Эндемик ўсимликлар кўп. Ориноко саванна кичик областида бурчоқдошлар, йирик бутдойдошлар ва б. кўп. Эндемиклар эса меъёрида учрайди. Амазонка гилея кичик области Амазонка дарёси ҳавзасидаги кенг гилея ўрмонларини ўз ичига олади (Анд тогларининг шарқий этаклари ё-н Атлантика океани оралиғи, 6—10° ш.к.дан 10—15° ж.к.гача). Ўсимликларга жуда бой; шароитининг бир хил бўлишига қарамай ўсимликлари ихтисослашган. Эндемик пальмалар, бурчоқдошлар, сутламадошлар, мареналдошлар, эпифитлардан орхидеялдошлар, бромели ва ароид турлари кўп. Бразилия кичик области (қуруқликнинг сийрак ўрмонлар ва саванналар кичик области) — Бразилия тогининг ғарбий ва 30° ж.к.дан бошлаб жан. тоғлигини ва 30° ж.к.дан бошлаб жан. тоғлигининг ғарбий ва шим.даги майдонларни эгаллаган. Бомбим.дан майдонларни эгаллаган. Бомбим.дан майдонларни эгаллаган. Бомбакслар, пальмалар, сутламадошлар, кактусларнинг ўзига хос турлари учрайди. Бразилия кампос (саванна)ларида дарахтсимон ўсимликлардан ташқари дарахтсимон ҳоқидошлар, қоқидошлар, қари, бутдойдошлар, қоқидошлар, бурчоқдошлар, ялпизгулдошлар ва б. туркумларининг турлари тарқалган. Бразилиянинг жан. да тропик ва субтропик доимий яшил дарахт ва буталар араралашган ўрмонлари учрайди. Ла-Плата пампа кичик области — Анд тоглари ё-н Атлантика океани оралиғи (30° ж.к.дан жан.даги текислик даштлар). Ўзига хос бутдойдошлар, қоқидошлар, итузумдошлар ва б. ўсади. Эски Дунёдан келтирилган ўсимлик турлари ҳам анчагина бор. Анд кичик области — Жан. Америка материгининг тоғлик қисми. Колумбиядан Чилининг ўрта қисмигача бўлган ерлар. Мезофиль ўрмонлар, доимий яшил лавр ўрмонлари, баланд тог ўсимлик формацияларига ва чўлларга ўчинча олади. Эндемик турлар ва турлар кўп. Тинч океандаги ороллар (Галапагос ва Хуан-Фернандес) флораси ўзига хос хусусиятга эга.

Неотропик зоогеография области. Жан. Америка материгини, Марказий Американинг кўп қисми (шим.да Мексика тоглигигача), Хуан-Фернандес, Галапагос, Оловли Ер ороллари, Фольклена, Катта ва Кичик Антил ороллари ва Багама оролларидан иборат. Н.о. характерли белгилари б-н бошқа областлардан фарқ қилади, чунки Жан. Америка палеоген ва неоген даврларида бошқа материклардан ажралган эди. Н.о. фаунаси турларга бой. Сут эмизувчилардан чала тишлилар туркуми (зирхлилар, ялқовлар, чумолихўрлар); мирмувчилардан гажак думли жайралар, ленгиз чўчқалари, агутилар, шиншилалар ва б. эндемик турлар кўп учрайди. Тоқ туёқлилардан тапирларнинг бир қанча турлари, бутуларнинг бир неча уруғлари (мазамалар, пуду) ва ламалар тарқалган. Халталилар кичик синфига кирувчилардан плавунлар, опоссумлар ва эндемик ценолестлар оиласи; йиртқичлардан итсимонлар ва енотсимонлар оиласининг бир неча тури, айиқнинг бир тури, ягуар, оцелот, пума ва майда мушукларнинг бир қанча тури, приматлардан кенг бурунли маймунлар учрайди. Қон сўрувчи кўршапалаклар бор. Дарёларда ламантин ва дарё дельфинлари яшайди. Қушлари жуда хилма-хил, нанду туякуши, тинаму, колибри, тўтилар, чумчуқсимонлар, гоатин, кондор, гарпия, туканслар бор. Н.о.да қушларнинг 20 дан ортиқ эндемик тури маълум. Уларнинг айримлари *Галапагос областида* ҳам учрайди. Судралиб юрувчилардан каймонлар, тимсоҳлар, ҳар хил тошбақалар, илонлар, калтакесаклар бор. Сувда ва қуруқликда яшовчилардан оёқсизлар, думсизлар (пипа қурбақаси ва б.) кўпроқ тарқалган. Балиқлардан икки хил нафас олувчи лепидосирен, улкан арапайма, йиртқич пиранья ва б. жуда кўп. Ҳашаротлардан чумолилар ва барг кемирувчилар учрайди. Ранг-баранг қанотли катта капалаклар яшайди. Ўргимчакларидан улкан қушхўр бор.

Н.о. Гвиана-Бразилия, Патагония-Анд (ёки Чили-Патагония) ва Антил кичик областларига бўлинади. Н.о. фаунаси анча вақт ажралган ҳолда тараққий қилганлигига қарамай қўшни зоогеография областлари таъсирида таркиб топган, чунки узоқ ўтмиш геологик даврларда Австралия, шунингдек, Эфиопия областлари ва ундан кейинроқ бошқа областлар б-н алоқада бўлган. Баъзи олимларнинг фаҳрича, халталилар бўр даврида Австралияга Антарктида орқали Жан. Америкадан ўтган. Ёриқ тишлиларнинг тенреклар б-н ўхшашлиги, шунингдек, ламантин ва икки хил нафас олувчи балиқларнинг мавжудлиги Н.о.нинг қадимда Эфиопия области ва Мадагаскар б-н алоқада бўлганлигини кўрсатади. Н.о.дан уй ҳайвонлари ҳам келиб чиққан: сут эмизувчилардан лама ва денгиз чўчқаси, қушлардан мушкли ўрдак, умуртқасизлардан кошениль шулар жумласидандир.

НЕОФАШИЗМ — ҳоз. ўнг, тажовузкор ҳаракатларни англатувчи тушунча. 2-жаҳон урушидан кейин тарқатиб юборилган фашист ташкилотлари (қ. *Фашизм*)нинг сиёсий ва ғоявий издошлари фаолиятини ифодалайди. Неофашист гуруҳлари ва партиялари террористик диктатурага интилади. Бу йўлда улар сиёсий манфаатлари мос тушган ҳукмрон доиралар б-н яқин алоқада бўлади. Н. аниаллий шовинизм, ирқчилик ва жаҳолатпарастлик ғояларига суянади. Ҳоз. даврда бундай кайфиятдаги гуруҳлар турли мамлакатларда пайдо бўлмоқда. Улар қар хил қўпорувчилик ишлари б-н демократик жара-

ёнларга халақит бермоқда. Мас., Англияда «Миллий фронт», Голландия, Бельгия, Скандинавия мамлакатлари, АҚШ, Россия ва б. давлатларда неофашист гуруҳлари ва ташкилотлари фаолияти намоён бўлиб турибди. Улар турли шиорлар ва мақсадлар остида гоҳ ошкора, гоҳ яширин тусда ҳаракат олиб бормоқда. Н. халқаро кескинлик, милитаризм ва қуролланишт пойгаси тарафдоридир. Чунки бундай шароит улар кўзлаётган мақсадларига эришиш учун қулай вазиятни юзага келтиради.

НЕОФРЕЙДИЗМ — ҳоз. замондаги, айниқса, америка фалсафаси ва психологиясидаги оқим. 1930-й.лар охирида психоанализни америка социологик ва этнографик назариялари б-н бирлаштириш жараёнида пайдо бўлди. Асосий вакиллари: К. Хорни, Х. С. Салливан, Э. Фромм. Шахслараро муносабатлардаги ички психологик жараёнларнинг муҳим томонини четлаб, Н. психологик нормаларни шахснинг ижтимоий муҳитга мослашуви сифатида изоҳлайди. З. Фрейднинг *либидо* ва сублимация ҳақидаги таълимотини Н. четга суриб қўяди ва ё умуман тайришуурийлик ролини инкор этади ёки унда ижтимоий ва психик структуралар ўртасидаги боғловчи ҳалқани кўради.

НЕПАЛ (Nepal), Непал Қироллиги (Nepal Adhirajya) — Жан. Осиёда, Ҳимолай тоғининг марказий қисмида жойлашган давлат. Майд. 140,8 минг км². Аҳолиси 25,87 млн. киши (2002). Пойтахти — Катманду ш. Маъмурий жиҳатдан 14 зона (zone)га, зоналар туман (district)ларга бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — конституцияли монархия. 1990 й. 9 нояб.да қирол томонидан эълон қилинган конституция амал қилади. Давлат бошлиғи — қирол (2001 й.дан Гьянендра Бир Бикрам Шоҳ Дев). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол ва икки палатали парламент (Вакиллар палатаси ва Миллий кенгаш), ижроия ҳокимиятни қирол ва бош вазир бошчилигидаги Вазирлар Кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Табиати. Н. ҳудудининг аксар қисмини Ҳимолай тоғлари эгаллайди. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа томон 2 тоғ тизмаси чўзилган. Н.нинг шим. ва шарқий чегараларида *Жомолунгма* (Эверест, Ер юзидаги энг баланд чўққи, 8848 м) ва Канченжанга (8585 м) тоғлари жойлашган. Олдинги тизмалар анча паст (Маҳабҳарата, 2959 м гача, Сивалик, 2277 м гача). Тоғлар оралиғида кўпгина водий ва ҳавзалар бор. Уларнинг энг каттаси — Катманду водийси. Жан.да Ҳинд-Ганг текислигининг шим. чеккаси ётади.

Иқлими баланд минтақага хос субэкваториал муссонли. Жан.да янв.нинг ўртача т-раси 15°, сойликларда 0—10°, 4 минг м дан юқорида январнинг кун вақтида т-ра манфий. Июлнинг т-раси жан.да 30°, сойликларда 20°, 4,5—5 минг м баландликларда 10°. Жан. тог этаклари ва ён бағирларида йилига 2000 мм дан ортиқ, сойликларда 1500 мм дан кам ёғин тушади.

Дарёлари жўшқин, катта гидроэнергия захирасига эга. Йирик дарёлари: Карнили, Гандак, Коси, Бағмати. Ҳимолай этаклари ва жан. ён бағирларида муссон иқлимли ўрмонлар, ботқоқликларда чангалзорлар, қирликларнинг ўрта қисмида доим яшил ўрмонлар, 3 минг м дан юқорида игна барглилар ўрмонлари, 4 минг м дан юқорида чангалзорлар, субальп ва алп ўтлоқлари бор. Ҳайвонот дунёси бой ва хилма-хил. Чангалзорларда фил, йўлбарс, леопард, каркидон, тўнғиз, турли маймунлар, қушлардан тўтиқуш, товус учрайди. Заҳарли илон кўп. Тоғларда ҳимолай айиғи, қор қоплони, архар ва ёввойи эчкилар яшайди. Лантанг, Сагарматҳа, Читауэн миллий боғлари бор.

Аҳолиси ҳинд ва тибет-хитой тили оилаларининг 60 тил ва шевасида сўзлашади (шундан 14 таси ўз ёзувига эга). Асосий халқи непаллар (52,3%) мамлакатнинг маркази ва жан.-ғарбида яшайди. Майтхиллар, бхожпурлар, таманглар, тхарулар, неварлар ҳам бор. Давлат тили — непал тили. Аҳолининг 90% га яқини ҳиндуликка эътиқод қилади, 7,5% будда, 2% га яқини ислом динида. 10%га яқин аҳоли шаҳарларда истиқомат қилади. Йирик шаҳарлари: Катманду, Биратнагар, Патан, Бхактапур.

Тарихи. Мил. ав. 1-минг йилликнинг ўрталарида тоғ этакларидаги чангалзорларда видех, шакья, малла, личчҳавларнинг қабила бирлашмалари яшаган. Мезолит даврида тоғ водийларига негр-австралоид ва монголоид қабилалари (невар, кирати ва б. халқларнинг аждодлари) келиб ўрнашган. Милоднинг дастлабки асрларида Н. (Катманду) водийсида Невар давлати пайдо бўлган. У ҳинд маданияти таъсирида ривожланган, Тибет ва Хитой б-н алоқа ўрнатган. 15-а.да Невар бир неча майда давлатлар (Бҳадгаон, Патан, Катманду, Жумла, Палпа ва б.)га бўлинган. Н.нинг шарқий қисмида бирлашган кирати ва лимбу қабилалари жойлашган эди. Ҳиндистондан Н.га кўплаб ҳинд-орий аҳолисининг кўчиб келиши (12-а.) ва уларнинг маҳаллий магар, гурунг ва б. қабилалар б-н аралашиб кетиши натижасида кхас-кура (ҳоз. непал) тилида сўзлашувчи кхас халқи шаклана бошлади. 15—16-а.ларда кхаслар Н. ҳудудида энг ирик этник гуруҳга айланди. 16—17-а.ларда кхас-магарларнинг Гуркх давлати кучайди. Унинг ҳукмдори Рам Шоҳ (1605—32 й.лар ҳукмронлик қилган) ҳокимиятни марказлаштириш мақсадида бир неча маъмурий ислоҳотлар ўтказган, қонунлар тўпламини мукаммаллаштирган. Нараян Притҳви даври (1742—69)да Гуркх давлатига қўшни давлатлар қўшиб олиниб, марказлашган Н. давлати пайдо бўлди.

18-а. охирига келиб, Н. ҳудуди гарбда Кашмир, шарқда Секкимгача кенгайди. 18-а.нинг 2-ярмидан Н.га Англиянинг Ост-Индия компанияси хавф сола бошлади. 1814 й. компания гуркхларни инглиз чегара постларига ҳужум қилишда айблаб, Н.га уруш эълон қилди. Н. қўшинлари инглизларнинг ҳарбий кучларига қарши тура олмади. 1816 й. Н. Англия б-н асоратли шартномага имзо чекди. Шартномага кўра, Катмандуда Англиянинг резиденти бўлишига рухсат этилди; мамлакатнинг ташқи сиёсати бутунлай инглизлар назорати остига ўтди. 1846 й.да компания Рана уруғи бошлиғи Жанг Баҳодирга давлат тўнтаришн ўтказиб, ҳокимиятни эгаллашда ёрдам берди. Қирол номигагина давлат бошлиғи бўлиб қолди. Рана уруғидан чиққан ҳокимлар ташқи сиёсатда инглизлар кўрсатмасига мувофиқ иш кўрилар. Н.нинг ташқи давлатлардан ажратиб қўйилганлиги, мамлакат бойликлари чет элга олиб кетилиши, мамлакатнинг географик ва иқтисодий жиҳатдан ажралганлиги ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўсқинлик қилди.

2-жаҳон урушидан сўнг Осиё мамлакатларидаги миллий озодлик курашининг муваффақиятлари ва мустамлакачилик сиёсатининг инқирози Н. халқига қарамликдан қутулиш учун қулай имконият яратди. Ҳиндистондаги непаллик сиёсий муҳожирларнинг фаолияти кучайди. Калькуттада Н. миллий конгресси партиясига асос солинди (1947). Рана ҳукмронлигига қарши бирлашган фронт тузилди ва унинг ҳаракати натижасида Рана ҳукмронлиги тугатилди (1951). 1951 й. 18 февр.да бош вазир мансабининг наслдан наслга утиши бекор қилинди. Н.нинг муваққат конституциясида партия ва ташкилотлар тузиш ҳуқуқи, умумий сайлов ҳуқуқи эълон қилинди. 1959 й. парламент сайловида Н. конгресси партияси галаба қозонди. Бу ҳукумат ер ислоҳоти утказиш, маъмурий аппаратни ва суд ишларини қайта ташкил этиш, механизаторлар ахборлини яхшилашга вазъа қилди, лекин уларни амалга ошира олмади.

Непал гербн.

Ижтимоий ва иқтисодий низолар кескинлашган шароитда қирол Маҳендра Бир Бикрам Шоҳ Дев (1955—72 й.лар Н. қироли бўлган) парламент ва ҳукумат аъзоларини тарқатиб, бутун ҳокимиятни ўз қўлига олди (1960 й. 15 дек.). Барча сиёсий партия ва ташкилотларнинг фаолияти тақиқланди. Янги конституция (1962)га мувофиқ Н.да панчаятлар — маҳаллий ва марказий ҳокимият (Миллий панчаят) ижроия органлари тартиби ўрнатилди. Ҳукумат назоратидаги деҳқонлар, ишчилар, ёшлар, хотин-қизлар, болалар ташкилотлари тузилди. Балоғатга етмаганларни никоҳлан ўтказиш, турли меҳнат мажбурияти, мажбурий меҳнат шаклари тақиқланди, каста (табақа) тизими бекор қилинди. Н. — 1955 й.дан Қўшилмаслик ҳаракати, 1956 й.дан БМТ аъзоси. Н. қироллиги 1992 й. 2 янв.да ЎзР суверенитетини тан олган. Миллий байрами — 28 дек. — қирол туғилган кун (1945).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. 1961 й. 5 янв.да қирол фармони б-н мамлакатдаги барча сиёсий партиялар тақиқланган эди. 1979 й. 2 майда кўп партияли тизимга қайтиш масаласи юзасидан миллий референдум ўтказилди. 1990 й. 11 апр.да сиёсий партияларнинг ошкора фаолиятига ижозат берилди. Асосий партия ва касаба уюшмалари: Миллий демократик партия, 1990 й. майда асос солинган; Н. конгресси партияси, 1947 й.да тузилган, 1960 й. дек.да тақиқланган, 1990 й. апр.дан яна ошкора фаолият бошлаган; Н. коммунистик партияси, 1991 й.да тузилган. Н.нинг барча касаба уюшмалари 1990 й. 11 апр.дан ошкора фаолият кўрсата бошлади.

Хўжалиги. Н. — аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қ.х.нинг улуши 60%, саноат ва қурилишнинг улуши 14%. Иқтисодий фаол аҳолининг 92% аграр соҳада банд.

Қишлоқ хўжалигининг асосий маҳсулоти — шоли. Н.да шакарқамиш, жут, чой, тамаки, ер ёнғоқ, ҳантал, бўғдой, маккажўхори, соя, цитрус мевалар, арпа, жавдар, картошка, қора мевалар, ананас, банан, ёғоч, ипак қуртини боқиш, асал, зираворлар ўстирилади. Уларнинг баъзиларидан 4 минг м баландликда экилади. Н.да ўрта таълим умумий, касб-ҳунар ва санскрит мактабларига бўлинади. Қ.х., техника, ўрмончилик, кончилик мактаблари, тиббиёт ва пед. билим юртлари бор. Энг йирик илмий ва ўқув маркази — Трибҳуван номидаги ун-т бўлиб, унинг ҳузурида 11 коллеж (Миллий коллеж, Тричандра коллежи, савдо-сотиқ, ҳуқуқ, санскрит коллежи ва б.) ташкил этилган. Н. Қироллик академияси адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшунослик, маданият, Н. тарихига оид китоблар, дарсликлар, дўстлар нашр этади. Катмандуда Миллий кутубхона, Трибҳуван номидаги ун-т кутубхонаси, Марказий кутубхона, Н. Миллий музейи бор.

Непал байроғи.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. 1950-й.ларнинг бошида мамлакат аҳолисининг 96% саводсиз эди. 2000 й. арафасида аҳолининг саводхонлик даражаси 40% га етди. Н.да ўрта таълим умумий, касб-ҳунар ва санскрит мактабларига бўлинади. Қ.х., техника, ўрмончилик, кончилик мактаблари, тиббиёт ва пед. билим юртлари бор. Энг йирик илмий ва ўқув маркази — Трибҳуван номидаги ун-т бўлиб, унинг ҳузурида 11 коллеж (Миллий коллеж, Тричандра коллежи, савдо-сотиқ, ҳуқуқ, санскрит коллежи ва б.) ташкил этилган. Н. Қироллик академияси адабиётшунослик, тилшунослик, санъатшунослик, маданият, Н. тарихига оид китоблар, дарсликлар, дўстлар нашр этади. Катмандуда Миллий кутубхона, Трибҳуван номидаги ун-т кутубхонаси, Марказий кутубхона, Н. Миллий музейи бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши, телекўрсатуви. Н.да 400 дан кўпроқ газ. ва жур. нашр этилади. Энг муҳимлари: «Аваж» («Овоз», непал тилида чиқадиган ҳафталик газ.), «Арати» («Чироқ», непал тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1966 й.дан), «Арпан», («Фидойилик», непал тилида чиқадиган ҳафтанома, 1964 й.дан), «Горкхапатра» («Гуркхлар газетаси», непал тилида чиқадиган кундалик газ., 1954 й.дан), «Коммонер» («Оддий инсон», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1954 й.дан), «Мазерленд» («Ватан», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1957 й.дан), «Непали» («Непаллик», ҳинд тилида чиқадиган кундалик газ., 1958 й.дан), «Райзинг Непал» («Тикланаётган Непал», инглиз тилида чиқадиган кундалик ҳукумат газ., 1965 й.дан) «Самикша» («Танқид», непал тилида чиқадиган ҳафталик газ., 1958 й.дан). Раштрия Самачар Самити — РСС миллий ахборот агентлиги 1962 й. да тузилган. Н. радиоси 1951 й.дан, Н. телевидениеси 1986 й.дан ишлайди.

Адабиёти. Н. адабиёти санскрит, непал ва невар тилларида. Қад. адабий ёдгорликлар — эпиграфика (мил. 1-минг йилликнинг ўрталари), ваҳшавали, маҳатмья — «Сваямбҳу пурана» (10-а.), «Непали маҳатмья» (11—15-а.лар) санскрит тилида яратилган. 15-а.дан бошлаб дунёвий адабиёт юзага келди. Поэзияда стути жанри (худо

Лалитпур шаҳридаги Маҳендранатҳ пагодаси.

ва қирол оиласи шаънига тўқилган мадҳиялар) асосий ўринни эгаллади, ишқий лирика ривожланди. 18-а.гача «Маҳабҳарата», «Рамаяна» ва пураналардан драмалар учун сюжетлар олинди.

19-а.да непал тилининг давлат тилига айланиши б-н непал адабиёти яратила бошлади. Басанта, Индирас, Ядунатҳ, Рагхунатҳ, Б. Кесари каби шоирлар анъанавий сюжет (Кришна қаҳрамонлари ҳаёти тарихи ва б.)дан фойдаландилар. Бханубхактa Ачаря ижоди шеъриятда янги босқич бўлди. 19-а. бошида насрий асарлар ҳам ёзила бошлади (Матсьендранатҳга тўғрисида ривоят» ва б.). 1888 й. маърифатпарвар Мотирам Бҳатта Н.да биринчи ойнома — «Гуркҳа Бҳарат живан»га асос солди. 20-а.да шоир Дх. Коирала биринчи бўлиб оддий инсон мавзуига мурожаат қилди. Н. адабиёти ҳинд чҳаявадаси (романтизми) ва инглиз романтикаси таъсирида ривожланди. Г. Майнали, П. Шалишер, Б. Бҳикшу, К. Малла, Б. Тивари, М. Коирала, Б. П. Коирала, Готҳале ва б.нинг ўрта ва қуйи табақа аҳоли ҳаёти тасвирланган ҳикоялари босилиб чиқди. Рудараж Пандейнинг «Рупмати», «Севги», «Гуноҳини ювиш», Рамирасаднинг «Тақдир гардиши» романларида маънавий камолотга етиш гояси акс эттирилган. 30-й.ларда драматург Б. Сама ўз пьесалари («Мен», «Севгига бағишланган»)да ёш болалар никоҳи ва хотин-қизлар ҳуқуқсизлигига қарши чиқди. 1951 й. Рана сулоласининг ағдарилиши Н. адабиётида ҳам ўз аксини топди. 50-й.лар шеъриятида барча ирқ ҳамда халқлар ўртасида тинчлик ва биродарлик гоялари қўйилди.

Непал тилидаги адабиёт 14-а. охиридан бошлаб ривожланди. 15-а.да тарихий воқеаномалар, афсона ва ривоятларга бой ваншаваллар яратилди. Непал тилига санскрит, форс ва араб тилидаги асарлар, «Минг бир кеча» ва б. таржима қилинди. Ёзувчи Ништҳананд Бажрачаря (1858—1935) лирик асар — «Аълю донишмандлик»ни санскритчадан таржима қилди (1909) ва Будда ҳаётига оид «Чексиз уфқлар» насрий асарини ёзди. 1925 й. асос солинган «Будҳа дҳарма патрика» жур. непал адабиётининг ривожланишига туртки берди. 1951 й.га келиб, Рана сулоласи ағдарилгач, непал адабиёти кенг ривожланиш имкониятига эга бўлди. Чет элларга кетган кўпгина адиблар ватанга қайтди. 1951 й. «Непал тили жамияти» тузилди, у непал тилида асарлар нашр этди. Сударшан Срамарен, Сатимоҳан Жўши, Ҳемлал Жўшилар тарихий драмалар яратдилар. Инвараманда Шрестҳачаря «Кўзгу», «Совуқ қон» романларида шаҳар ўрта табақасининг оғир ҳаётини тасвирлади. Шоирлардан Д. Шрестҳа, К. Чандра, Кхабилу ва б. ватанпарварлик руҳида шеърлар ёзди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Қад. Н.да Катманду яқинида Бодхнатҳ ва Сваямбхунатҳ ибодатхоналари (иккови ҳам мил. ав. 3-а.га мансуб) катта тошлардан ярим гумбазли, минорали қилиб қурилган. 15—18-а.да барпо этилган ибодатхоналар ҳиндларнинг жимжимадор галереяли, гумбазли эҳромлари (Патандаги Кришна-Мандир, 15—17-а.лар)ни ҳам, хитойларнинг ранглор ёғоч ўймакорли пагода (Бҳактапурдаги «55 деразали сарой», 1697; Ньятапол эҳроми, 1700—08) ларини ҳам эслатади. 19-а. охиридан форс ва араб, 20-а. бошларида Европа неоклассик меъморлиги таъсири сезила бошлади. 1950 й.дан Катманду, Жанакпур ва б. шаҳарларда замонавий бинолар қурила бошлади.

Ўрта аср Н. ҳайкалтарошлиги Ҳиндистоннинг Гупталар сулоласи ҳукмронлиги давридаги санъати ва Гандҳара санъати, рассомчилиги эса (11—14-а.лардаги қўлёзмалардаги миниатюралар) Шим.-Шарқий Ҳиндистон рассомчилиги б-н яқин. 16—17-а.лар санъати раджпут (Ҳиндистон), шунингдек, бобурийлар миниатюра мактаби б-н боғланган. 15—18-а.ларда матога солинган расмлар (тибетча «тан-ка» саънами тонфасида) кенг тарқалди. 20-а. рассомчилиги «Бенгалия Уйғониш даври» ҳамда Европа реалистик рассомчилиги таъсирида ривожланди.

Тоғга чиқиш экспедиция аъзолари.

Н.да қалимдан ёғоч ва сунъ ўймакорлиги, бамбукдан сават тўқиш, кулолчилик, жун ва шойи газламалар, гиламлар тўқиш, олтин ва кумуш тақинчоқлар ясаш урф бўлган.

Театри ва мусиқаси. Қадимдан театрларда халқ томошалари — прити (нағиллар кўрсатилган. Ҳар бир халқнинг рамзий маънодаги рақс томошалари бўлган: деви прити, ғатру прити (худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳаёти) ва бара масе (никоҳ, ҳосил байрамлари ва б.). 15—18-а.лардаги халқ рақс томошалари 20-а.да ҳоз. шаклини олди. «Маҳакали», «Харисиддҳа», «Пачали», «Канкешвари», «Ғҳантешвари» каби халқ томошалари тез-тез кўрсатилган. Бҳактапур ш.даги Суварна Малла саройида «Нав Дурга», «Маҳалакими» ва б. томошалар қўйилган. 3 соат давом этган томошада актёр 8—10 ибора айтиб, хор жўрлигида шу сўзларнинг маъносини ўйин б-н очиб берган. Турли халқ томошалари таъсирида Н. мумтоз театр жанри — гитинатя (хореографик спектакль) пайдо бўлди.

20-а. 40-й.ларида бир пардали драма ривожланди. Драматургиянинг ривожланишига қарамай, доимий драматик театр бўлмаган, ҳаваскорлик труппалари томошалар кўрсатар эди. 1973 й. охирида мусиқали рақс ҳаваскорлар жамоаси мажозий гитинатя «Ҳимоя»ни қўйди. Унда худолар ва афсонавий қаҳрамонлар б-н бир қаторда замонавий қаҳрамонлар ҳам иштирок этади. 70-й.ларда бу жамоа профессионал труппага айлантирилди. Кейинги йилларда муаллифлар воқеликни тасвирлай бошладилар. Н. радиоси ҳузуридаги ярим ҳаваскор театр жамоаси замонавий спектакллар кўрсатади. 1973 й.да профессионал мусиқа жамоаси ташкил этилди. Қиролик академияси ҳузурида мусиқа, халқ рақс ва ашула бўлими бор. Замонавий композиторлар орасида Шива Шанкар, Нита Кажа ва б. машҳур.

НЕПАЛ ТИЛИ, непалия, наипали, горкҳали, кхаскура — *ҳинд-европа тиллари* оиласининг *ҳинд-орий тиллари* гуруҳига мансуб, асосан, Непал Қироллигида, қисман Ҳиндистон шимоли ва Бутанда тарқалган тил. Сўзлашувчиларнинг умумий миқдори 10 млн. кишидан ортиқроқдир. Тузилиши жиҳатидан ҳиндий ва шарқий ҳинд-орий тиллари (масс., бенгал тили) ўртасидадир. Дидактал томонлари маркази (Катманду водийси), ғарбий, шарқий ва тог этаклари лаҳжаларига бўлинади. Оғзаки тилга қўшни тибет-бирма тиллари, хусусан, невари тили сезиларли таъсир кўрсатган. Адабиий тили Катманду шеваси асосида шаклланмоқда, шу сабабли ёзма нутқда оғзаки тил унсурлари кўплаб учрайди. Н.тилаги қад. адабиёт 19-а.дан яратила бошланган; амалда *девонагари* ёзувидан фойдаланилади.

НЕПАЛЛАР (ҳаскалар, ўзларини — непали деб аташади) — 1) халқ. Непалнинг асосий аҳолиси (11,3 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). 2,1 млн. киши Ҳиндистонда яшайди. Непал тилида сўзлашади. Динлорлари — ҳиндуизмга эътиқод қилади. Антропологик жиҳатдан монголоид ва европеоид ирқларига бўлинадилар. Н.нинг шаклланишида кхаси (гурқа) қабилалари этнофорига кирган халқлар етакчи роль ўйнаган. Деҳқончилик (шоли), чорвачилик, ҳунармандчилик б-н шуғулланадилар.

НЕПЕР (Napier) Жон (1550, Мерчистон-Касл, Эдинбург яқинида — 1617.4.4) — логарифмларни кашф қилган шотланд математиги. Эдинбург ун-тида ўқиган. «Логарифмларнинг ажойиб жадвали тавсифи» (1614) ишида Н. логарифмларга таъриф берган, уларнинг хоссалари ва қўлланилишини тушунтирган. «Логарифмларнинг ажойиб жадвалини тузиш» (1619) ишида 1614 й.даги «... тавсифи»да баён этилган логарифм назарияси ва ўнли логарифмлар гояси баён қилинган.

Н.га оферик учбурчакларни логарифмлаш учун бир қатор қулай ечиш формулалари ҳам тааллуқли.

НЕПЕР, $Н_p$, N_p — логарифмик нисбий катталик (иккита бир хил номли физик катталиклар нисбатининг натурал логарифми) бирлиги; Ж. *Непер* номи б-н аталган. $F_2/F_1 = e^n \approx 2{,}718$ бўлганда $Н_p = \ln (F_2/F_1)$, бунда, F_2 ва F_1 — физик катталик (кучланиш, ток кучи, босим ва б.) қийматлари; e — натурал логарифм асоси. Электротехникада $1Н_p = 0{,}868$ *бел* $= 8{,}68$ дБ.

НЕПЕР СОНИ (*е* сони) — $\left(1+\frac{1}{n}\right)^n$ ифодасининг n чексизга интилгандаги лимити, $e = \lim_{n\to\infty}\left(1+\frac{1}{n}\right)^n = 2{,}718281828459045\ldots$, натурал логарифмининг асоси. Ш. Эрмит (1873) Н.с. трансцендент сон эканлигини исботлаган. Н.с. Ж. *Непер* номига қўйилган.

НЕПЕСОВ Ғойиб Непесович (1907, Тошҳовуз вилояти Кўҳна Урганч тумани, Туркманистон — 1976, Нукус) — тарихчи олим, Туркманистон ФА акад. (1951), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), Қорақалпогистон АССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1966), тарих фанлари доктори, проф. (1950). Ашхобод педагогика ин-тини тугатган (1939). Тошҳовуз Ўқитувчилар ин-ти директори (1942—47), Туркманистон ФА тарих, археология ва этнография ин-ти илмий ходими (1953—59), Ашхобод педагогика ин-ти кафедра мудири (1962—65), Қонрақалпоқ педагогика ин-ти кафедра мудири (1966—70). Илмий ишлари Хоразм воҳаси ва Қорақалпогистоннинг 20-а. 1-ярмидаги тарихига бағишланган.

Непаллар. Анъанавий қишлоқ кўриниши.

НЕПОМНИН Владимир Яковлевич (1906.9.1, Днепропетровск — 1978, Тошкент) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970), тарих фанлари д-ри (1962), проф. (1963). Ўрта Осиё ун-ти ҳуқуқшунослик факультетида (1934—36), партия ишларида (1937—45) ишлаган. «Правда Востока» газ. мухбири (1946—48), Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти директори (1948—51), директор ўринбосари (1951—57), ТошДУ кафедра мудири (1965—70). Илмий ишлари Ўзбекистонинг 20-а. 1-ярми тарихига бағишланган.

НЕПТУН — Рим мифологиясида дастлаб булоқ ва дарёлар худоси, кейин юнонлар худоси Посейдон б-н айнанлаштирилиб денгизлар худоси сифатида сиғинилган. Римда Фламиния циркида Н.га бағишланган ибодатхона қурилган. Н. кўчма маънода — денгиз стихияси.

НЕПТУН — Қуёш системасида Қуёшдан узоқлиги бўйича 8-сайёра. Кўзга кўринмайди, белгиси ♆ ёки Ψ. Франциуз астрономи У. Леверьенинг математик ҳисоблари асосида 1846 й. немис астрономи И. Галле кашф этган. Қуёшдан ўртача узоқлиги 30,071 астрономик бирлик (4498.6 млн. км). Орбитасининг эксцентриситети 0,008, орбита текислиги эклиптика б-н 1°46′ бурчак ташкил этади. Қуёш атрофидаги айланиш даври 164,788 й., ўз ўқи атрофида 16 соатда айланиб чиқади. Н.нинг экваториал радиуси 24750 км, массаси Ер массасининг 17,25 бараварига тенг. Н. модласининг ўртача зичлиги бошқа гигант-сайёраларники каби 1,71 г/см³ га тенг. Экваторда оғирлик кучи тезланиши 15м/с². Н. сиртида иккинчи космик тезлик 25 км/с. Н. атмосфераси водороднинг метан б-н бир оз аралашмасидан иборат молекулаларидан ташкил топган. Н. ташқи қатламининг т-раси 200° атрофида. Оддий кўз б-н Н.ни кузатиб бўлмайди. Телескопда бурчак диаметри тахм. 2,5" бўлган яшил диск бўлиб кўринади. Н.нинг 8 та табиий йўлдоши бўлиб, улардан 2 таси катта — *Нерида* ва *Тритон* бор.

Н.нинг кашф этилиши астрономиянинг катта ютуқларидан биридир. Уран кашф этилгандан икки йил ўтгандан кейин, 1783 й. рус астрономи А. Н. Лексель (1740—84) унинг ҳаракатини ўрганиб, Уранинг ҳисобланган йўлдан мунтазам равишда оғишини аниқлади. бу оғиш 8-номаълум сайёранинг таъсири эканлигини айтган. Бу гипотезани француз физиги Д. Ф. Араго қўллаб-қувватлаган. Ж. К. Адамс ва У. Леверьелар бир-биридан мустақил ҳолда унинг ўрнини мустақил ишлаб чиққан.

НЕПТУНИЗМ (лот. Neptunus — рим мифологиясидаги денгиз ва сув худоси *Нептун* номидан) — геол. фанида 18-а. охири ва 19-а. бошида кенг ўрин олган концепция. Бунга кўра, барча тог жинслари (жумладан, отқинди жинслар ҳам) Ер юзини бутунлай қоплаган дастлабки Дунё океани сувида ва бутун олам тўфони сувида чўкиши натижасида пайдо бўлган деган тасаввур ҳукмрон эди. Н. асосчиси — немис олими А. Г. Вернер. Бу концепция *геология* фан

сифатида шаклланаётган, лекин тўфон (оламни сув босиши) ҳақидаги ривоят таъсиридаги вақтда вужудга келган. Н.нинг энг танилган тарафдорлари (Германияда — А. Г. Вернер, Францияда — А. Делюк, Буюк Британияда — Р. Кирван) плутонистларнинг интрузив тоғ жинслари магманинг совиб қотишидан пайдо бўлади, деган тўғри фикрларини инкор этдилар. Улар тоғ жинсларининг бир жойда қатламланиб ётиш тартибини барча материкларга ҳам хос деб тушунтиришди. Тоғ жинсларини 2 гуруҳга бўлишди: «дастлаб вужудга келган» Дунё океани сувида кимёвий кристалланиш йўли б-н вужудга келган жинслар (гранит, гнейслар, кристалли сланецлар ва б. отқинди ва метаморфик жинслар) ва улар устида ётувчи «флешли» ёки қатламли жинслар (оҳактош, тошкўмир, гипс, тош тузи ва б.). Бу жинслар нептунистлар томонидан тўфон давридаги «механик» ётқизиқлар деб қаралди. Тектоник ҳаракатлар тан олинмади. Вулкан жинслари Ер пўстида оз тарқалган ва улар Ер пўстида кўмирнинг ёнишидан ҳосил бўлади деб қаралди. 19-а.нинг 20-й.ларидан отқинди жинсларнинг магмадан вулкан отилиши йўли б-н келиб чиқиши тўғрисидаги таълимотни қўпчилик эътироф этгандан кейин Н. ўз аҳамиятини йўқотди.

НЕПТУНИЙ (Нептун планетаси номидан олинган; лот. Neptunium), Np — сунъий радиоактив кимёвий элемент; актиноидлар оиласига мансуб. Тартиб рақами 93, масса сонлари 227—241 га тенг бўлган 15 та изотопи маълум. Энг барқарор изотопи ^{237}Np ($T_{1/2}$=21,14·10^6 й., α-нурланувчи), ат.м. 237,0482. Америка олимлари Э. Макмилан ва Ф. Эйблсон топган (1940). Н. боғланувчан, кумуш рангли юмшоқ металл, зичлиги 20,45 г/см^3, суюқланиш т-раси 640°, қайнаш т-раси 4082°. Н.нинг ^{237}Np изотопи ^{238}Pu и.ч.да бошлангич материал ҳисобланади.

НЕРВ, нервлар (юн. neuron — тола, ип), асаб — мураккаб анатомик тузилма. *Бош мия*, орқа мия ва нерв тугунларини гавданинг бошқа аъзо ва тўқималари б-н боғлайди; асосан, *нерв толалари* тутамидан иборат. Бу толалар бириктирувчи тўқималар пардаси б-н қопланган. Одам ва умуртқали ҳайвонларда бош миядан бош мия нервлари, орқа миядан эса орқа мия нервлари чиқади. Бир нечта Н.лар нерв чигалини ҳосил қилиши мумкин. Марказга интилувчи ёки сезувчи ва марказдан қочувчи ёки ҳаракатланувчи Н. толалар фарқ қилинади. Марказга интилувчи толалар орқали мияга импульслар юналади, марказдан қочувчи толалар эса скелет мускулларига импульслар ўтказади; ички аъзоларга вегетатив (симпатик ва парасимпатик) толалар келади. Маълум соҳаларда сезувчи Н. толалари юзага (тери ости ва шиллиқ пардаларга) чиқади. Н. толаларининг чиқиш жойини аниқ билиш *нева савчиб даволашда* муҳим аҳамиятга эга. Н.лар зарарланганда сезувчанлик бузилади ёки оғриқ пайдо бўлади, шикастланган Н. толалари борадиган мускуллар фалажланади. Туқималарда моддалар алмашинувини бошқариб турадиган трофик импульслар Н. орқали ўтади. Шу сабабдан Н. шикастланганда ёки касалланганда терида яра пайдо бўлади, бўғимлар деформацияланади.

НЕРВ ИМПУЛЬСИ — нерв толалари бўйлаб тарқаладиган қўзғалиш тўлқинлари. Нерв ҳужайралари (*нейронлар*) қўзғалганда пайдо бўлади. Сигналларни сезувчи периферик нерв учлари (рецепторлари)дан марказий нерв системасига ва ундан ижрочи аъзолар (мускуллар ва безларга ўтказиб беради. Н.и. асосида электр кимёвий реакциялар ётади. Импульс ўтказиш тезлиги 0,5 дан 120 м/сек. гача. Н.и. нейрондан нейронга синапслар орқали ўтади.

НЕРВ КАСАЛЛИКЛАРИ, асаб касалликлари — нерв системаси касалликлари. Марказий ва периферик нерв системасининг бирор сабабга кўра умуман ёки қисман шикастланиши натижасида келиб чиқади. Н.к. органик ва функционал бўлади. Органик Н.к. заминида марказий ва периферик нерв системасининг анатомик структур ўзгаришлари ётади. Бунга инфекцион касалликлар, *интоксикация*, шикастланишлар, ўсмалар, томир касалликлари ва б. сабаб бўлади. Бош ёки орқа миянинг турли қисмлари зарарланиши б-н кечадиган органик Н.к.да периферик нерв системасида фалаж, тиришиш, гиперкинезлар, *рефлекслар* издан чиқиши, сезувчанлик, оғриқ ва б. сезгиларнинг бузилиши кузатилади. Функционал Н.к.да нерв системасида айтарли анатомик ўзгаришлар бўлмайди, бунга *неврозлар* киради. Нерв системасининг ирсий касалликлари (миопатия, миотония ва б.) алоҳида гуруҳни ташкил этади. Н.к.ни *неврология* ва *невропатология* фани ўрганади. Н.к.лан неврозлар, *инсульт*, *энцефалит*, *менингит*, *полиомиелит*, *неврит*, *радикулит*, *эпилепсия* ва б. учрайди.

НЕРВ МАРКАЗИ — нерв ҳужайралари (*нейронлар*) мажмуи. Одам, умуртқали ҳайвонлар ва айрим умуртқасизлар организмининг бирор функциясини бошқариш, рефлекс ҳосил бўлишида қатнашади. Оддий Н.м. таянч ҳосил қилувчи бир неча нейрондан тузилган. Юқсак даражадаги ҳайвонлар ва одамда Н.м. *марказий нерв системаси* таркибига кириб, бир неча мини, баъзан бир неча млн. нейронлардан ташкил топган. Организмнинг ҳужайрик функциялари марказий нерв системасининг турли қисмларида жойлашган бир қанча Н.м. томонидан бошқарилади (масалан, кўриш системасининг Н.м. оралиқ мия, ўрта мия катта ярим шарлари пўстлоғида жойлашган). Сезги аъзолари ёки бошқа Н.м.дан нерв импульси тарзида келаётган маълумотлар ҳар бир нерв марказининг кириш канали орқали ўтади. Бу маълумотларни Н.м.нинг нейронлари анализ ва синтез қилиб, уларга тегишли жавоб қайтаради. Н.м. таркибига ритмни бошқарадиган нейронлар ҳам киришни мумкин. Улар нерв импульсларини вақт-вақти б-н бошқариш хусусиятига эга. Н.м. фаолиятининг асосий моҳияти доминантлар принципига асосланган.

НЕРВ ОХИРЛАРИ, терминаллар — нерв ҳужайраларининг ўсиқчалари (аксонлар) охиридаги тузилма; ўсиқчаларнинг тўқималар, мускуллар, безлар, қон томир деворлари ёки бошқа бир *нейрон*га келиб туташиши — синаптик контакт ҳосил қилиш жойи; таъсиротни қабул қилиш ва узатиш вазифасини бажаради. Сезувчан ёки рецептор Н.о. — *рецепторлар* ва эффектор Н.о. ажратилади. Рецепторлар организмдаги ҳамма аъзо ва тўқималарда бўлиб, ташқи ёки ички муҳит таъсиротларини қабул қилади. Эффектор Н.о. қўзғалишни нерв толаларидан, шу толалар борадиган тўқимага, шунингдек, бошқа нерв ҳужайраларига ўтказиб беради. Н.о. функциясига, контакт ҳосил қилиш муҳитига қараб тугмачасимон, ҳалқасимон, пластинкасимон, тугунсимон бўлиши мумкин.

НЕРВ РЕГУЛЯЦИЯ — *нерв системасининг* ҳужайра, тўқима, аъзоларга улар фаолиятини организм эҳтиёжи ҳамда ташқи муҳит ўзгаришига мувофиқ ҳолда уйғунлаштирувчи таъсири. Кўп ҳужайрали организмлар ўз ҳаётий жараёнлари (ўсиш, ривожланиш, ташқи омиллардан таъсирланиш ва ҳ.к.)да бир бутунлигини намоён этади. Буни бир нечта бошқарувчи механизмлар, айниқса, ҳайвонларда муҳим аҳамиятга эга бўлган Н.р. таъминлайди. Н.р. натижасида ҳужайра, аъзолар фаолияти тўхташи, кучайиши, секинлашиши, функционал ва биокимёвий ҳолати, тузилиш хусусиятлари ўзгариши мумкин. Нерв системаси йўқ кўп ҳужайрилар (ўсимлик, ҳайвон эмбриони ва

бўлутларида) функциялар ҳужайраларининг ўзаро таъсири (ионли, метаболитик ва б.) орқали тартибга солинади. Бир ҳужайра фаолияти бошқа ҳужайрада ҳосил бўлган моддалар алмашинуви маҳсулоти б-н бошқарилади (қ. *Гуморал регуляция*). Бирон-бир ҳужайра мембранасида вужудга келган қўзғалиш баъзан ҳужайрадан ҳужайрага ўтиши мумкин. Шу тариқа ҳайвонларнинг эволюция жараёнида, асосан, 2 хил уйғунлаштирувчи механизм — Н.р. ва гормонал регуляция пайдо бўлган. Шунга кўра, 2 хил модда — *гормонлар* ва *медиаторлар* ажратилади. Гормон бутун организмга қон б-н тарқалгани сабабли гормонал регуляция кенг доирада секин, Н.р. эса тор доирада тез амалга оширилиши мумкин. Н.р. тез тарқалувчи *нерв импульси* таъсирида нерв учида ҳужайраларга тўғридан-тўғри медиаторлар ўтиши туфайли содир бўлади. Н.р. б-н гормонал регуляция ўртасида кескин чегара йўқ, чунки баъзи нерв учи актин моддаларни қонга ажратади (қ. *Нейросекреция*). Н.р. тезлиги ва қандай доирада ўтиши ҳаракатни бошқаришда катта аҳамиятга эга, шунинг учун такомиллашган локомоцияли организмлар нерв системаси яхши ривожланган. Эволюция жараёнида Н.р. юқори даражада тузилган ҳайвонларда етакчи бошқариш механизмга айланиб, фақат ҳаракатланишни эмас, балки организмнинг бошқа ҳамма системаларини ҳам қамраб олган.

НЕРВ СИСТЕМАСИ — одам ва ҳайвонлар организмида барча аъзолар фаолиятини бир-бирига боғлаган ҳолда ҳаётий муҳим функцияларни бажарадиган ҳамда организмни ташқи муҳит б-н боғлайдиган система. Ҳайвонлар организмининг эволюция жараёнида ва организмлар б-н ташқи муҳит ўртасидаги мураккаб муносабатларнинг шаклланишида Н.с. ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Н.с. асосини нерв ҳужайралари ташкил қилади. Ҳар бир ҳужайра ўзидан чиққан калта шохчалар (дендрит), битта узун тола (аксон) б-н бирга *нейрон* деб аталади. Н.с., асосан, нейронлар тўпламидан иборат. Н.с. филогенез ва онтогенезда гавданинг ташқи қавати — эктодермадан ривожланади. Организмларнинг тарихий ривожланиш жараёнида Н.с.нинг тузилиши мураккаблашиб, нерв ҳужайраларининг ҳажми ва турлари ошиб борган, нейронлар структураси ва айрим нерв ҳужайралари ўртасидаги ўзаро муносабатлар, шу б-н бирга Н.с.нинг функцияси ҳам шаклланган. Н.с.га хос иккинчи тўқима — *нейроглия* пайдо бўлган (у таянч ва трофик функцияларни бажаради).

Н.с.нинг ривожланиши даврида *марказий нерв системаси* ва *периферик нерв системаси* вужудга келади.

Н.с. шартли равишда икки қисмга бўлинади. Улардан бири организмнинг одам ихтиёрига бўйсинмайдиган аъзоларига бориб, уларни нерв б-н таъминлайдиган *вегетатив нерв системасидир*. Иккинчи қисм одам ихтиёрига бўйсиниб, скелет мускулларига ва ҳаракатда иштирок этадиган айрим аъзоларга боради.

Н.с. қўзғалиш тўлқини — импульсларни нерв толалари орқали тез ўтказилишини таъминлайди. Нерв импульслари бир лаҳзада рўй беради ва турли аъзолардан миянга ёки миядан аъзоларга боради. Н.с. ҳаракат функциясини, овқат ҳазм қилиш, нафас олиш ва б. системалар фаолиятини, қон айланишини ва б. жараёнларни бошқаради.

Н.с. тузилмалари таъсиротни сезади, таъсиротлар энергиясини нерв қўзғалиши энергиясига айлантиради, бу энергия нерв импульслари шаклида нерв толаларидан ўтади. Н.с. мураккаблашган сайин ва унда махсус рецептор (сезувчи) ҳужайралар ихтисослашган сайин Н.с. функциялари тобора турлитуман бўлиб қолган.

Н.с. *рефлекс* йўли б-н ишлайди. Организмда ташқи ва ички муҳит таъсиротларини сезадиган *рецепторлар* бор. Нормал шароитда организмга ташқи муҳит турли-туман ва доимий таъсир кўрсатиши туфайли рецепторларда импульслар вужудга келади, булар афферент нерв толалари орқали марказий Н.с.га ўтади; ўзгартирилган импульслар эса марказий Н.с.дан эфферент нерв толалари орқали ишчи аъзолар (мускуллар, безлар ва ҳ.к.)га келиб, уларни ишга солади ёки ишлаш тезлигини ўзгартиради. Н.с.нинг фаолияти *қўзғалиш* ва *тормозланиш* жараёнларига асосланган.

Бутун организм каби Н.с.да ҳам моддалар алмашиниб туради. Бу биокимёвий жараён натижасида энергия ҳосил бўлади. Нерв толалари ишлаганда энергияни жуда кам сарф қилади, нервлар-нинг амалда чарчамай, барқарор ишлашига сабаб шу. Нерв ҳужайраларидаги таналарида энергия нисбатан кўпроқ сарфланади ва моддалар тезроқ алмашинади. Шунинг учун озиқ моддалар ва кислород камчилиги миянинг кудуранг моддасига кучли таъсир кўрсатади. Н.с.нинг фаолиятида бир нейрондан иккинчи нейронга ёки бошқа ҳужайрага импульс ўтишида физиологик фаол моддалар — *медиаторлар* муҳим роль ўйнайди.

Н.с.нинг ишлашида биотоклар *(биоэлектр потенциаллари)* муҳим аҳамият касб этади. Улар қўзғалиш жараёнининг характерли белгиси бўлиб, нерв импульсларининг ўтишида катта аҳамиятга эга. Н.с. биотокларини сезгир асбоблар ёрдамида қайд қилиш Н.с. физиологиясини ўрганишда асосий усуллардан биридир, баъзи одамдаги Н.с. касалликларини аниқлашда ҳам бу усул қўлланади.

И. П. *Павлов* нерв системасининг типлари (ҳайвонлар ва одам олий нерв фаолиятининг индивидуал хусусиятлари) ҳақидаги тушунчани физиологияга киритган. Қўзғалиш ва тормозланиш жараёнларининг кучи мувозанатланганлиги, ҳаракатчанлиги каби 3 та асосий функционал хоссани назарда тутиб, Н.с.нинг одам ва ҳайвонлар учун умумий бўлган қуйидаги типлари аниқланган: 1) жуда жонсарак типда қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари кучли, аммо мувозанатлашмаган (қўзғалиш тормозланишдан устун) бўлади; 2) жуда серҳаракат типда нерв жараёнлари жуда кучли, мувозанатлашган ва яхши ҳаракатчан (тез алмашинадиган) бўлади; 3) жуда ювош типда нерв жараёнлари кучли, мувозанатлашган, лекин ҳаракатчанлиги камроқ (секин алмашинадиган) бўлади; 4) нимжон типда нерв жараёнлари суст, бош мия пўстлоғидан нерв ҳужайраларининг иш қобилияти паст бўлади. И.П. Павлов Н.с.нинг типлари б-н одамларнинг 4 хил темпераменти *(мизож)* ўртасида ўхшашлик борлигини аниқлади. Жонсарак тип холерик темпераментга, серҳаракат тип сангвиник темпераментга, ювош тип флегматик темпераментга, нимжон тип меланхолик темпераментга мос келади.

Ад.: Ахмедов Н., Содиқова Н., Нормал анатомия, нормал физиология, Т., 2003.

Носир Ахмедов.

НЕРВ ТОЛАЛАРИ — нерв ҳужайраларининг ўсиқчалари. Марказий нерв системасидан аъзо ва тўқималарга ҳамда аъзо ва тўқималардан уларни *иннервация* қиладиган марказга импульс ўтказади. Н.т. нервлар таркибига киради, сезувчан ва ҳаракатланувчан нерв охирларини ҳосил қилади. Неврология ҳужайраларидан ҳосил бўлган пардаларнинг тузилишига қараб миелинли ва миелинсиз Н.т. бўлади. Н.т. пардаси трофик ва ҳимоя ролини ўйнайди, нерв импульсларини алоҳида-алоҳида ўтказиш учун шароит яратади. Нерв қўзғалишининг Н.т. бўйлаб тарқалиш тезлиги толаларнинг йўғонлигичалигига, миелинли пардаларнинг ривожланганлик даражасига, шунингдек, уларнинг микроструктурасига ва биокимёвий хусусиятларига боғлиқ.

НЕРВ ТРОФИКАСИ — нерв системаси (асосан, вегетатив нерв системаси)нинг аъзо ва тўқималардаги моддалар алмашиниш жараёнини бошқариб туриши.

НЕРВ ТЎҚИМАСИ — нерв системасининг асосий тўқимаси. Организмда таъсиротни қабул қилиб, қўзғалишни ўтказиб беради. Организмнинг тарихий тараққиёти жараёнида Н.т. элементлари тез қўзғалиб, нерв импульсларини дарҳол ўтказиб бериш хусусиятига эга бўлди. Н.т.даги нерв ҳужайралари (*нейронлар*) унинг тузилиш ва функционал жиҳатдан асосий элементларидир.

НЕРВИЗМ — одам ва юқори даражада тузилган ҳайвонлар организмидаги барча функциялар ва физиологик жараёнларни бошқарувчи бош омил — *нерв системаси* деган гояга асосланган йўналиш. Н. терминини фанга И. П. Павлов киритди (1883), С. П. *Боткин*, И. М. *Сеченов* ва унинг издошлари асарларида Н. гоясига асос солинди. Асосий Н. И. П. Павловнинг олий нерв системаси, *шартсиз рефлекслар* ва *шартли рефлекслар* ҳақидаги таълимотидир. Ҳоз. *нейро-гуморал регуляция* ҳақидаги тушунчага кўра, организмдаги физиологик жараёнларни бошқаришда нафақат нерв системаси, балки гормонал-гуморал омиллар ҳам иштирок этади.

НЕРЕИДА — *Нептун* сайёрасининг йўлдоши. Диаметри 340 км, сайёрадан ўртача узоқлиги 5,57 млн. км. Орбита эксцентриситети 0,75. 1949 й.да америкалик астроном Ж. П. Койпер кашф этган. Сайёра атрофини 360 суткада бир марта тўла айланиб чиқади.

НЕРЕИДАЛАР (Nereidae) — кўп қилли халқали чувалчанглар синфининг оиласи. 450 га яқин тури маълум. Уз. 90 см гача. Барча денгизларда, айниқса, тропик сувларда кенг тарқалган. Соҳил яқинида лойли жойларда яшайди. Айрим турлари Малайзия ороллари тропик ўрмонларининг тўшалмасида учрайди. Полифаг. Вояга етганларининг кўзи, паратодиялари катталашади, сузишга ёрдамлашадиган қиллар пайдо бўлиб, гетеронереид шаклга айланади. Кўпайиш даврида ички тухумларга тўлган Н. сув юзасига қалқиб чиқади. Бунда ҳайвонларнинг ташқи кўриниши кескин ўзгарган бўлади. Ана шу пайтда маҳаллий аҳоли уларни йиғиб олиб, истеъмол қилади.

Нереида.

НЕРЕЙ — юнон мифологиясида денгиз худоси. Денгиз туби осойишталиги тимсоли ҳисобланган.

НЕРИТ ЁТҚИЗИҚЛАРИ (юн. nerites — денгиз моллюскаси) — саёз жойлардаги денгиз ва океан туби чўкиндилари. *Материк саёзлиги*да сув қуйи қатламининг яхши аэрацияланиши шароитида ҳосил бўлади. Н.ё. турли типга мансуб чўкиндилар (майда тош, шағал, чиғаноқлар, оолитли ва форминиферали қумлар ва алевритлар), гилли балчиқ, органоген, кам ҳолларда хемоген чўкиндилардан иборат. Умуман бу чўкиндилар сув тўлқини таъсирида сараланади, ўзаро кескин фарқ қилади. Улар орасида сув тубида яшовчи организмлар қолдиғи кўп.

НЕРНСТ (Nernst) Вальтер Герман (1864.25.6, Бризен, Польша — 1941.18.11, Обершибелле, Германия) — немис физиги ва физик-кимёгари. Гёттинген (1891) ва Берлин (1905) ун-тлари проф., Берлин ун-ти қошидаги физика ин-ти директори (1924—33). Қаттиқ ўтказгичларда т-ра градиенти ҳамда ўтказгичда тик магнит майдони мавжуд бўлганда электр майдони ҳосил бўлиши ҳодисасини очган (Нернст эффекти). Бир-бирига аралашмайдиган ёки қисман аралашадиган икки модда эритмаси орасида эрувчан учинчи модда концентрациялари нисбати ўзгармас катталик бўлишини аниқлаган (Нернст тақсимот қонуни, 1890), термодинамиканинг учинчи бош қонунини тушунтириб берган (1906). Жойига қараб концентрацияси ўзгарувчи эритмаларда электр юритувчи кучлар назарияси, металларнинг электролитик эритиш назарияси, электрод потенциаллари назарияси ва б.ни ривожлантирган. Чўтланма лампани ихтиро қилган (бу лампа унинг номи б-н аталади). Нобель мукофоти лауреати (1920).

НЕРОН (Nero) Клавдий Цезарь (37—68) — Рим императори (54—68); Юлий-клавдийлар сулоласидан. Бағритош, такаббур, маишатбоз бўлган. 59 й. Октавийга онасини ўлдиришни буюрган. 64 й. Римнинг катта қисмига ўт қўйган, бунда уни қўли борлигида шубҳа қилишмаслиги учун Рим христианларини таъқиб эта бошлаган. Кейинчалик шаҳарни тиклаш учун провинциялар аҳолисидан олинадиган солиқларни кескин оширган. Бу Н.га қарши норозиликни кучайишига сабаб бўлган. Н. қатагон сиёсати ва аҳоли мол-мулкини мусодара қилиш б-н Рим жамиятининг турли қатламларини ўзига қарши қилиб қўйган. Халқ қўполон кўтаришидан ваҳимага тушиб, Римдан қочган ва ўзини ўзи ўлдирган.

НЕРПАЛАР (Pusa) — тюленсимонлар оиласи уруғи. Баъзан оддий тюленлар оиласига киритилади. Гавдасининг уз. 1,5 м гача, вазни 100 кг гача. 3 та тури бор. Ҳалқали Н. Атлантика ва Тинч океанининг муътадил ва совуқ сувларида ҳамда Шим. Муз океанида тарқалган. Балиқлар ва қисқичбақасимонлар б-н озиқланади. Муз устида болалайди. Баъзан катта гўда ҳосил қилади. Чекланган миқдорда овланади. Каспий Н.си, яъни Каспий тюлени каспий денгизида, байкал Н.си Байкал кўлида яшайди. Каспий ва Байкал Н.нинг сони камайиб кетганлиги туфайли уларни овлаш чекланган. Финляндиянинг Сайма кўлида учрайдиган саймa нарпаси Халқаро табиатни муҳофаза қилиш иттифоқи Қизил китобига киритилган.

Нерпа.

НЕРУ Жавоҳарлал (1889.14.11, Оллоҳобод — 1964.27.5, Деҳли) — Ҳиндистон давлат, сиёсий ва жамоат арбоби. Миллий озодлик курашида М.К. *Гандининг* сафдоши, Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК) раҳбарларидан бири. Мустамлака даврида (1947 й.гача) таъқиб қилинган. 10 й.дан ортиқ умри қамоқда ўтган. Тарихда «Янги Ҳиндистон бунёдкори» номи б-н машҳур. Н. 1947 й. 15 авг.да Деҳлидаги машҳур Лал Қалъада Ҳиндистон миллий мустақиллигини қўлга киритганлигини эълон қилган. Ҳиндистон Республикаси бош вазири ва ташқи ишлар вазири (1947 й.дан). Н. раҳбарлигида Ҳиндистон халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг ривожида катта муваффақиятларга эришган. Н. Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати асосларини яратди, халқаро низолар масалаларини ҳал этишда жонбозлик кўрсатди. Унинг мустамлакачилик, ирқчиликка қарши изчил курashi, ёппасига қуролланишга чек қўйиш, халқлар ўртасида тенглик, дўстлик, ҳамкорлик сиёсати халқаро майдонда Ҳиндистон нуфузини оширди. Н. қишлимаслик сиёсатини юритди. 1947 й.да ҳарбий блокларга қўшилмаган мамлакат бирига Ҳиндистон ҳисобланган бўлса, ҳоз. қўшилмаслик ҳаракатида 120 дан ортиқ Осиё, Африка, Лотин Америкаси ва Европа мамлакатлари иштирок этмоқда.

Н. 1955 ва 1961 й.да қаттиқ Индира Ганди б-н Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўзбек халқининг турмуши, ҳаёти, тарихи б-н яқиндан танишган. Н. «Ҳиндистоннинг кашф этилиши» асарида юртдошимиз *Бобур* ва унинг набираси *Акбар* ҳақида бундай дейди: «Бобур дилбар шахс. Унинг шеърининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор одам бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишни яхши кўрарди. Унинг набираси Акбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлган».

НЕРУ Мотилал (1861.6.5, Агра — 1931.6.2, Лакҳнау) — Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати арбобларидан. Нагпур, Оллоҳобод колледжларида таълим олган, адвокат. Жавоҳарлал *Неру*нинг отаси. Бирлашган вилоятлар қонун чиқариш кенгаши аъзоси (1909, 1915), шаҳар Кенгаши аъзоси, Ҳиндистон Миллий Конгресси (ҲМК) партиясининг раиси (1919 ва 1928). 1922 й. Конгрессдан чиққан, сваражистлар (мустақилчилар) партиясининг асосчиларидан бири (1923) ва унинг раҳбари. Бу партия инглиз мустамлакачиларининг ҳокимияти б-н ҳамкорлик қилишни ва улар ҳукмдорлигида Ҳиндистонга автономия ҳуқуқини берилишини талаб қилган. 1925 й. яна ҲМК партиясига қайтиб, раҳбарлик лавозимларида ишлаган. 1928 й. Ҳиндистонга доминион-ички ишларни ўзи идора қилиш ҳуқуқини беришни талаб қилган Конституция лойиҳасининг муаллифи (кейинчалик бу Конституция «Неру конституцияси» номи б-н машҳур бўлди).

Ad.: Антонова К. А., Бонгард-Левин Г. М., Котовский Г. Г., История Индии, 1979; Горев А., Зимнин В., Неру, М., 1980.

НЕРУДА (Neruda) Пабло (тахаллуси; асл исм-шарифи Нефтали Рикардо Рейес Басуальто) (1904.12.7, Парраль ш. — 1973.23.9, Сантьяго) — Чили шоири, дипломат. Сантьяго ун-тида таълим олган. Чили Сенатининг аъзоси ва дипломат сифатида кўп мамлакатларда бўлган. «Ўлмайдиган одамнинг хатарли қадами» (1926) тўпламида шеърининг анъанавий ўлчамларини ва қофияларидан воз кечиб, ички кечинмаларини сюрреализмга яқин тил ва образлар б-н ифодалаган. «Яшаш жойи — Ер» (1933, 2 жилд), «Юраклари Испания» тўпламларига инсоният озодлиги учун кураш гоялари акс этган. Н. 1941—44 й.лар марксизм б-н қизиқади, Чили коммунистик партиясига киради, Чили коммунистик партиясига аъзо бўлади. Шу йилларда Чили президентини «АҚШ кўтирчоғи» деб ҳақорат қилганликда айбланиб, ҳукумат томонидан таъқиб остига олинади. Н. Мексикага кетади ва у ерда 340 дан ортиқ монументал асари шеърдан иборат монументал асари «Умумжаҳон кўшиғи» (1950)ни ёзади. Асарда Лотин Америкасининг ўтмиши ва бугуни марксистик нуқтаи назардан талқин этилган. Китоб Чилидан талқин этилган. Китоб Чилидан да тақиқланган, коммунистлар уни Шоширин тарқатишга уринганлар. Шоширин тарқатишга уринганлар. Шоширин донрасининг кенгайганидан, поэтик маҳоратининг янада такомиллашганидан далолат беради: «Севги ҳақида 100 сонет», «Чили тошлари» (1960), «Дисонет», «Чили тошлари» (1960), «Дисонет», «Чили қўшиқлари» (1961), «Қиёмат» (1963) шеърий тўпламлари, «Кора орол мемориали» автобиографик достони (1—5-ж.лар, 1964) ва б. Тошкентда бўлган. Нобель мукофоти лауреати (1971).

НЕСМЕЯНОВ Александр Николаевич [1899.28.8(9.9) — Москва — 1980.17.1] — рус органик кимёгари, СССР ФА акад. (1943), президенти (1951—61). Асосий тадқиқотлари металлорганик бирикмалар кимёсига бағишланган. 1929 й.да симоборганик бирикмаларни диазоусул ёрдамида синтезлашни таклиф этди. Бу усул кейинчалик Sn, Pb, Ti, Sb, Bi каби металлорганик бирикмаларга ҳам қўлланилди (Несмеянов реакцияси). Mg, Zn, Cf, Al, Te, Sn, Pb, Sb, Bi каби металлорганик бирикмаларни симоборганик бирикмалардан синтезлаб олишнинг осон ва қулай усулини ишлаб чиқди. Хлорон, бромон ва таниариилоксон бирикмаларини биринчилар бўлиб синтез қилди; металлотрочи бўлиб синтез қилди; металлотрочия ҳодисасини кашф этди.

Ac.: Избр. труды в 4-х т., 1—4, М., 1959; Химия ферроцена, 1969; Исследования в области органической химии, М., 1971.

НЕСТЕРОВ СИРТМОҒИ («ўлик сиртмоқ») — самолётни бошқаришда бажариладиган олий учиш (пилотаж) шакли — вертикал текисликдаги берк эгри чизиқ. Уни биринчи марта рус синовчи учувчиси П. Н. Нестеров 1913 й. 27 авг.да амалга оширган. Н.с. ни В. П. *Чкалов* 1933 й. такрорлаган ва ўзи ҳам бир неча учиш шаклларини ишлаб чиққан.

Нестеров сиртмоғи. Юқори нуқтасида ўнг бочка шакли ҳосил қилинган сиртмоқ.

«НЕСТЛЕ» (Nestle — немис тилининг Швейцария шевасида «жажжи ун») — Швейцариядаги озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компания. Жаҳондаги энг йирик компаниялардан бири.

Швейцариялик фармацевт Генри Нестле 1866 й.да она сути етишмаслиги оқибатида гўдаклар ўлимининг олдини олиш мақсадида сут, бутдой уни ва шакарнинг турли нисбатларда аралаштириб она сути ўрнини босадиган «Нестле сут уни»ни яратди ва уни и.ч.ни йўлга қўйди.

«Н.», асосан, турли сут маҳсулотлари, сут аралашмалари, минерал сувлар, алкоголсиз ичимликлар, болалар озиқ-овқатлари, кофе, консерваланган ва парҳез маҳсулот ишлаб чиқаради ва сотади. Компания ишлаб чиқарадиган озиқ-овқат маҳсулотларининг тури 8 мингдан ортиқ.

Компаниянинг 70 га яқин давлатларда 500 дан ортиқ корхоналари бор. Компания кўпгина мамлакатлардаги парфюмерия, косметика ва фармацевтика саноати корхоналари акцияларининг ҳам эгасидир. Даромади ҳажми жиҳатидан Европада 8-, дунёда 31-ўринни эгаллайди.

2001 й.да умумий савдо ҳажми 84,7 млрд. швейцария франкини ташкил этди. Жами ишчи-хизматчилари сони — 230 минг киши.

«Н.» Ўзбекистонда 1996 й.дан фаолият кўрсатади. Тошкентда ўз ваколатхонасини очган. 1998 й. Наманган «Нафосат» акциядорлик жамияти (собиқ Наманган сут заводи)нинг 34,9% акциясини 287 минг АҚШ долларига сотиб олди. 1999 й.да эса ушбу корхона негизида «Ўзбекистон-Нестле» корхонаси тузилди. Компания 2002 й. фев.да қиймати 30 млн. АҚШ доллари бўлган Наманган болалар озиқ-овқати э-дини ишга туширди. 3-д узоқ сақланадиган сут ва йогурт, турли хилдаги сут қоришмалари ишлаб чиқаради. 2002 й.да йилига 22 млн.литр маъданли ичимлик сувини и.ч. йўлга қўйилди.

НЕТТО (итал. netto — соф) — маҳсулотнинг ўров-идишсиз соф оғирлиги; товарнинг ташламалар кирмаган соф нархи, харажатлар айириб ташланган-

дан кейинги соф даромад. Хўжалик амалиётида Н. активларининг (компания капиталининг номоддий активлар ва қарз мажбуриятлари б-н биргаликдаги) бозор нархларидаги қиймати.

Н. - даромад (ҳамма чиқимлар чегирилганидан кейин қоладиган даромад), Н. - фойда (соф фойда), Н. - фоиз (солиқлар чегириб ташланганидан кейинги фоиз тўловлари) каби шаклари бор.

НЕУСТОЙКА (рус.) — фуқаролик ҳуқуқида мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларидан бири; қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммаси. Ўзбекистон Республикасининг ФК бўйича, Н. тўлаш ҳақидаги талаб юзасидан кредитор ўзига етказилган зарарни исботлашга мажбур эмас. Н. б-н фақат ҳақиқий талаб таъминланади. Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор Н. тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас. Н. *жарима* ёки *пеня* шаклида бўлади. Н. тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилади. Н. тўлаш тарафларнинг келишувида назарда тутилган ёки тутилмаганлигидан қатъи назар, кредитор қонунда белгиланган Н. (қонуний Н.)ни тўлашни талаб қилишга ҳақли. Қонуний Н.нинг миқдори, агар қонун тақиқламаса, тарафларнинг келишуви б-н кўпайтирилиши мумкин.

НЕФ (франц. nef, лот. navis — кема) — меъморликда интерьернинг узун, йўлаксимон хонаси, бир ёки икки ён томонлари узунасига қатор устун ёки *колонналар* б-н тўсилган қисми. Ибодатхоналарнинг катта-кичиклиги улардаги Н.ларнинг сони б-н белгиланган. Равоқсимон шаклдаги Н.лар 3 ёки 5 қисмга бўлинади. Ўртадаги қисми *базиликанинг* асосий хонаси ҳисобланган.

НЕФЕЛИН (франц. nepheline, юн. nephele — булут) — каркасли силикатлар кичик синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $KNa_3[AlSiO_4]_4$. Қўшимчалари Ca, Mg, гоҳо Fe, Be, Cl, H_2O, Ga. Гексагонал сингонияда кристалланади. Зич донадор агрегатлар, кам ҳолларда қисқа призматик кристаллар шаклида бўлади. Қаттиқлиги 5,5—6; зичлиги 2600 кг/м³. Уланиш юзаси номукаммал. Ялтироқлиги ёғсимон. Кўпинча рангсиз, пушти, кулранг ёки яшилроқ. Кислотала осон парчаланади. Н.— ишқорли отқинди жинсларининг асосий минерали. Алюминий, силикагел олишда (йўлакай сола ҳам олинади) хом ашё. Гиперген шароитларда гидрослюда, монтмориллонит, галлуазитга, латеритли нурларида эса гиббситга айланади. Н.нини конлари РФ (Кола я.о., Урал), Ўрта Осиёда Қулжуқтов (Қизилқумда), Олмалиқ яқинида ва Олан тоғларида, Гренландия, ГФР, Кения ва б. жойларда бор. Н. ойна ва керамика в.ч.да ва ўғит сифатида фойдаланилади.

НЕФЕЛИНЛИ СИЕНИТ — магматик ишқорли тўлиқ кристалли тог жинси; ишқорли дала шпати (65—70%), нефелин (тахм. 20%), биотит ва ишқорли амфиболлар ва пироксенлар, шунингдек, рангли металлар ва камёб-ер элементларидан иборат.

Н.с.нинг бир нечта хили маълум: хибинит — пегматоид структурали яшилроқ-кулранг йирик донадор; миясскит — сланцесимон биотитли; марипуполит — альбитга бой; луяврит — яшилроқ-қора, трахитоидли текстураси аниқ ифодаланган; сайбарит — меланократли ва б. Конлари Ўрта Осиё, РФ (Кола я.о., Сибирь), Украина (Мариуполь), Норвегия (Осло), Жан. Гренландия, Канада, Жан. Африка, Мадагаскар о. ва б. жойларда бор. Н.с. алюминий олиш учун руда, ойнасозлик хом ашёси. Н.с. б-н апатит, графит, криолит конлари, камёб-ер элементлари ва б. боғлиқ.

НЕФЕРТИТИ (қад. мисрча — соҳибжамол келмоқда) — мил. ав. 14-а. бошидаги Миср маликаси (подшоси), Аменхотеп IV нинг хотини. Эри ўтказган диний ислоҳотларда иштирок этганлиги тахмин қилинади; унинг исми ислоҳотлардан сўнг Нефер — Неферу — Атон («Атоннинг гўзаллар гўзали») деб ўзгартирилган. 1912 й. Амарнада Н.нинг ҳайкалтароши

Нефертити (бўялган оҳактош).

уста Тутмес томонидан нафис ишланган ҳайкаллари топилган (Қоҳира ва Берлин музейларида сақланади).

НЕФРИДИЙЛАР (юн. nephros — буйрак) — умуртқасиз ҳайвонларнинг айириш органи; осморегуляция, моддалар алмашинуви маҳсулотларини, баъзан жинсий маҳсулотларни организмдан чиқариш функциясини бажаради. Н. кўп марта тармоқланган ингичка найчаларидан ёки найчалар системасидан, тўбан кўп тукли халқаларда эса ҳар бир бўғимда бир жуфтдан жойлашган метанефридийлардан иборат. Ҳар бир метанефридий найининг воронкага ўхшаш кенгайган учи тана бўшлиғида жойлашган. Най бурилиб, ниҳоятдаги бўғимга ўтади ва тери мускула очилади. Н. сони 1 дан бир неча 100 тагача бўлиши мумкин. Бирмунча содда тузилган протонефридийларнинг танаси ичида жойлашган қисми енгил соленоцитлардан иборат. Метанефридийларда соленоцитлар бўлмайди.

НЕФРИТ (юн. nephros — буйрак; Н.нини майда тошлари буйрак шаклида бўлганлигидан қолимда ўша тошлар буйракни даволаш хусусиятига эга деб ишонганлар, номи шундан) (геология да) — минерал, тремолит-актинолит қаторидаги амфиболларнинг микроструктураси б-н боғлиқ. Ранги (сутранг-оқ, оч яшилдан яшил ва қўнғир яшилгача) Cr^{3+},Fe^{2+} ва Ni^{2+} аралашмаларига боғлиқ. Н. кам ҳолларда кулранг, тутунранг, оқ ёки қора рангда учрайди. Қаттиқлиги 5,5—6,5. Зичлиги 2900—3000 кг/м³. Яхши силлиқланади. Н.дан жуда қад. даврдан қурол, безак тош, декоратив бадиий буюмлар ясашда фойдаланилган. Амир Темур саганасига ўрнатилган тош ҳам Н.дан ишланган. Н. Хитой, Ҳиндистон, Мьянма каби мамлакатлар маданий тарихида муҳим ўринни эгаллайди — император ва юқори мартабали тўраларнинг ажралиб туриш белгиси ҳисобланган. Қимматбаҳо заргарлик тошларидан бири. Табиатда серпентенит, пироксенли ва амфиболли кристаллик сланецлар ва б.нинг метаморфизмланишидан ҳосил бўлади. Н., асосан, аллювиал ётқизиқлардан майда тош ва харсанг-тош кўринишида ажратиб олинади. Йирик конлари Ёркенд, Хотан дарёлари ҳавзасида, Байкал кўли яқинида, Янги Зеландия о.да ва б. жойларда топилган.

НЕФРИТ (юн. nephros — буйрак) — буйрак тузилмаларининг яллиғланиши б-н кечадиган касалликлар гуруҳи. Н.га *гломерулонефрит, пиелонефрит*, тубулоинтерстициал, ирсий, *нефротик синдром* ва б. киради. Н. ривожланишига бир қанча патоген микроорганизмлар (бактерия, вируслар), организмнинг совқотиши, иммун етишмовчиликлар ва б. сабаб бўлади. Н., асосан, иммун система б-н боғлиқ касаллик. Касалликнинг ривожланиш механизмига кўра, иммунбирикмали ва аутоиммун Н. тафовут қилинади. Биринчи ҳолда, антиген-антитело бирикмаси қонда ҳосил бўлиб, бошқа аъзо ва тўқималар б-н бир қаторда буйракда ҳам ушланади ва уни шикастлайди. Аутоиммун Н.да эса буйракда тузилма элементларига қарши аутоантителолар ҳосил бўлади, улар ушбу элементларга бирикиб яллиғланишни юзага келтиради. Н. кечишига кўра, ўткир, ўртача ўткир, хавфли, тез ривожланувчи ва сурункали хилларга ажратилади. Ўткир Н. кўпинча йилнинг совуқ фаслларида учраб, шиш, қон босимининг ошиши, пешоб миқдорининг камайиши, унда оқсил, эритроцитлар учраши каби клиник аломатлар б-н кечади. Ўртача ўткир, хавфли ва тез ривожланувчи Н. нисбатан кам учрайди, касалликнинг бу турларида леталлик жуда юқори. Сурункали Н. вақт-вақти б-н зўрайиб туради ва касалликнинг ҳамма белгилари намоён бўлиши б-н кечади.

Давоси. Парҳез, пешоб ҳайдовчи, иммуни тикловчи ва б. дори-дармонлар буюрилади. Организмдаги инфекция ўчоқлари аниқланиб, даволанади. Айрим оғирроқ ҳолларда «сунъий буйрак» аппаратидан фойдаланилади. Буйрак фаолиятини тиклаш иложи бўлмаганда беморга соғлом буйрак кўчириб ўтказилади (қ. *Трансплантация*). Сурункали Н. б-н оғриган беморлар доимий врач назоратида бўлиши учун рўйхатга олинади. Н.нинг олдини олишда организмни чиниқтириш, стрептококкли тонзиллит, фарингит каби ўткир юқумли касалликларни ўз вақтида аниқлаб даволаш, узоқ вақт совуқда қолмаслик лозим.

НЕФРОЗ — қ. *Нефротик синдром*.

НЕФРОЛОГИЯ (юн. nephros — буйрак ва logos —фан) — тиббиётнинг бир бўлими; буйракнинг тузилиши ва фаолияти, касалликлари: буйракнинг туғма касалликлари (буйрак гипоплазияси, буйрак аплазияси ва б.), ирсий касалликлари (тубулопатиялар, оилавий ирсий нефрит ва ҳ.к.), орттирилган касалликлари (*гломерулонефрит, пиелонефрит*, нефролитиаз ва б.) нинг юзага келиш сабаб ва механизмларини, уларнинг олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини ўрганади.

Н. фан сифатида 20-а.нинг 50—60-й.ларида ажралиб чиқди. Унинг фан сифатида ривожланишида буйрак ультра тузилишини ўрганишлари, буйрак фаолиятини экспериментал текширишлардаги ютуқлар, экспериментал ва клиник иммунологиядаги янгиликларнинг аҳамияти катта. Н.га гломерулонефритни ўрганган инглиз Р.Брайт асос солган (1927).

Охирги 30 й. ичида кўпгина буйрак касалликларининг табиати аниқланди, янги иммунтикловчи дорилар ишлаб чиқарилди, ирсий ва туғма касалликлар аниқланди, сунъий буйрак ва буйрак трансплантацияси қўлланила бошланди. Н. масалаларини клиницистлар, морфолог, физиолог, уролог ва б. мутахассислар ҳамкорликда ўрганади. Н. *трансплантация* ва трансплантацион хирургия б-н чамбарчас боғланган.

Ҳоз. Ўзбекистонда барча тиббиёт институтларида Н. фан сифатида ўқитилади ва шу ин-тлар таркибида Н. бўлимлари ишлаб турибди. Тошкентда ва б. фаолият кўрсатади. Тошкентда ва б. йирик шаҳарларда Н. марказлари бор.

НЕФРОН (юн. nephros — буйрак) — буйрак қилнайчалари; умуртқали ҳайвонлар ва одам буйрагининг асосий вонлар ва одам буйрагининг асосий структуравий-функционал бўлаги (элементи). Буйрак капсуласи ва ундан тармоқланиб чиқувчи буйрак каналчаларидан тузилган. Н.лар сийдик ҳосил бўлиш жараёнида қондан моддалар алмашинуви маҳсулотларини чиқариб ташлайди; бирламчи сийдик таркибидан сувнинг қонга қайта сўрилишини рий-кислотали муҳитни идора қилади, қон таркибини бошқаради. Ҳар бир буйракда тахм. 1 млн. Н. бўлади.

НЕФРОПАТИЯ (юн. nephros — буйрак, pathos — касаллик) — буйракнинг турли морфологик ва функционал касалликларини англатувчи умумий тушунча. Н.га *нефритлар* (*гломерулонефрит, пиелонефрит*, тубулоинтерстициал, ирсий ва б.), буйрак аномалиялари (буйракнинг артерия ва веналари нуқсонлари, буйрак аплазияси, қўшимча буйрак, буйрак гипоплазияси, фестобуйрак, буйрак гипоплазияси, пиелонефроз (буйракнинг йирингли-деструктив яллиғланиши), буйрак сили, буйрак эхинококкози, буйрак раки, буйрак амилоидози, буйракнинг ўткир ва сурункали етишмовчилиги, нефротик синдром, нефроптоз, нефролитиаз, нефросклероз ва б. касалликлар киради. Н. ривожланишига баъзи юқумли касалликлар (ангина, нафас системасининг ўткир яллиғланиш касалликлари, айрим вируслар), организмнинг совқотиши, қандли диабет, тиреоидит, амилоидоз, маълум бир гуруҳ дорилар-нинг ноҳуш таъсири, иммун системадаги етишмовчиликлар ва б. омиллар сабаб бўлади.

НЕФРОПТОЗ (юн. nephros — буйрак, ptosis — қулаш, тушиб кетиш) — гавданинг ҳолатини ўзгартирганда буйракнинг ўз физиологик ҳаракатланишидан ортиқ силжиши б-н кечадиган патологик ҳолат. Кўпроқ аёлларда учрайди. Н.нинг ривожланишида буйракнинг боғловчи аппаратидаги ўзгаришларга олиб келувчи омиллар (юқумли касалликлар, озиш) ва қорин олдиниги девори тонусининг сусайиши (ҳомиладорлик ва б. сабабли) аҳамиятга эга. Н.нинг юзага келишига шикастланишлар ҳам сабаб бўлиши мумкин. Белгилари: белда оғриқ бўлиб, ҳаракат вақтида кучаяди, баъзан оғриқ қоринга ўтиши, буйрак санчиғи бошланиши мумкин. Ўнг ёки чап ёнбош соҳасида буйрак кўлга униқади. Буйрак ва унинг томирларидаги ўзгаришлар веноз қоннинг турғунлиги ва аъзо гипоксиясига олиб келади. Бу, ўз навбатида, буйрак паренхимасида уростоз ва инфекция ривожланишига сабаб бўлади. Гемо- ва уродинамиканинг бузилиши туфайли *пиелонефрит* ва вазоренал гипертония ривожланади. Пиелонефрит буйрак атрофида тортмалар ҳосил бўлишига олиб келади (фиксацияланган Н.). Н.ни аниқлаш учун, асосан, тасвирий ва контрастли урография қилинади.

Давоси: спазмолитик, оғриқ қолдирувчи, яллиғланишга қарши дорилар ва иссиқ ванналар тавсия қилинади. Шу б-н бирга бемор оёғини кўтариб ётиши ва буйрак белбоғини тақиб юриши мақсадга мувофиқ. Бунда Н.нинг зўрайиши ва асоратларининг олди олинади. Беморга қорин олдиниги девори мускулларини мустаҳкамлайдиган махсус гимнастика машқлари тўплами буюрилади. Н.ни ўз вақтида даволаш бемор меҳнат қобилиятининг тўлиқ тикланишига олиб келади. Н. оғирлашганда (пиелонефрит, везоренал гипертония, гидронефротик ўзгаришлар) нефропексия ўтказиш тавсия этилади.

НЕФРОСКЛЕРОЗ (юн. nephros — буйрак, sklerosis — зичлашиш) — буйракни бириктирувчи тўқима қоплаб кетиши натижасида унинг қаттиқлашиши ва «буришиб» қолиши. Гипертония, *пиелонефрит*, буйрак сили, *гломерулонефрит*, буйрак-тош касаллиги (нефролитиаз) ва б.да кузатилади. Н.да, асосан, буйракнинг майда артериялари (артериолалари) шикастланади, улар буришиб қолиб парчаланади, натижада буйрак эпителийси нобуд бўлади. Асосан, гузаз парҳез ва касаллик аломатларига қараб дори-дармонлар буюрилади.

НЕФРОТИК СИНДРОМ, нефроз — протеинурия, гипопротеинемия (асосан, гипоальбуминемия), шиш, гиперлипемия ва гиповолемия б-н таърифланадиган симптомлар мажмуи. Н.с. буйракнинг бирламчи (гломерулонефрит, буйрак амилоидози, ҳомиладорлик нефропатияси, коллагенли нефропатия) ва иккиламчи (*қандли диабет*,

қон касалликлари, хавфли ўсмалар, аллергия, захм ва б.) касалликларида юзага келади. Бу синдром асосида организм иммун реактивлигининг бузилиши ётади, бунда буйрак коптокча томирчалари девори шикастланади, натижада оқсил йўқотилади, унинг қон зардобидаги миқдори камаяди, бу, ўз навбатида, қон плазмаси онкотик босимини камайтиради, пировардида суюқлик қондан тўқималарга ўтади ва шиш пайдо бўлади.

Н.с. алоҳида ёки гематурия ва гипертония б-н бирга учраши мумкин. Шу б-н бирга тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган (шишсиз), секин-аста (бир неча ой) ва рецидив кўринишида кечадиган, «гормон сезгир» ва «гормон резистент» Н.с. турлари тафовут қилинади. Н.с.нинг туғма тури ҳам мавжуд. Касаллик аутосом-рецессив йўл б-н ўтади, тез ривожланади ва кўп ҳолларда буйрак етишмовчилиги ривожланиши натижасида ўлим б-н тугайди.

Н.с.ни даволаш уни келтириб чиқарган сабабларни ва турига қараб белгиланади. Н.с. ўз вақтида аниқланиб, тўғри даволанмаса сурункали буйрак етишмовчилиги пайдо бўлиши мумкин.

НЕФТЕДОЛЛАРЛАР (инг. petradollars) — нефть экспорт қиладиган мамлакатлар нефтни четга сотганларида АҚШ долларида оладиган пул воситалари. Н. 20-а.нинг 70-й.лари ўрталаридан нефть нархларининг тез кўтарилиши оқибатида пайдо бўлди. Нефть қазиб олувчи мамлакатлар инглиз-америка нефть корпорациялари б-н курашиш натижасида нефть қазиб олиш устидан ўз назорати даражасини оширди ва нефтдан олинадиган даромадларда ўз ҳиссасини оширишга, нефтнинг жаҳон нархларини кескин кўтаришга эришдилар. 1970-й.лар ўрталари —80-й.лар бошида нефть қазиб чиқарувчи мамлакатларнинг даромадлари катта миқёсга етди. *Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти* — (ОПЕК)га кирувчи мамлакатларнинг ташқи даромади 300 млрд. доллардан ошиб кетди.

ОПЕК аъзоларининг кўпчилиги даромадларини миллий иқтисодиётни юксалтириш, таълим, соғлиқни сақлашни ривожлантиришга сарфладилар, айримлари Ғарб мамлакатлари банкларига қўйдилар ва шу тариқа бу маблағлар «Н.» номини олди.

Н. ривожланган мамлакатлар иқтисодиётини модернизациялаштиришнинг қўшимча манбаига айланди, *тўлов баланси* тақчиллигини қоплашда фойдаланилди. Чет эллардаги қўйилмалардан Н. эгалари бўлган мамлакатлар катта даромад кўра бошлади. Мас., Форс кўлтиғи мамлакатларининг 1980-йилларда чет эллардаги қўйилмаларидан олган даромадлари бу мамлакатлар экспорт тушумларининг $^1/_4$ қисмини ташкил этди. Нефть қазиб олувчи мамлакатларнинг чет эл банкларидаги қўйилмалари ҳажми ҳамон катта бўлиб қолмоқда. Мас., 1994 йилар ўрталарида Қувайтнинг чет эллардаги хусусий қўйилмалари 120 млрд. доллар, БАА-ники 23 млрд. доллар, Катарники 14 млрд. доллар бўлган.

Қодиржон Йўлдошев

НЕФТЕКАМСК — РФ Бошқирдистондаги шаҳар (1963 й.дан). Кама дарёси бўйида. Т.й. станцияси. Аҳолиси 117 минг киши (1998). Нефть қазиб олинади (Арлан нефть кони). Автосамосвал, «Башсельхозмаш», темир-бетон буюмлар, сут ва пиво з-длари, гўшт, сунъий кўн к-тлари бор, ўрмон ва ўрмон кимёси саноатлари ривожланган. Нефть техникуми, театр, ўлкашунослик музейи мавжуд. Н. Арлан нефть конининг ўзлаштирилиши муносабати б-н вужудга келган.

НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ — нефтдан нефть маҳсулотлари (бензин, керосин, дизель ёнилғиси, мазут, мой, битум, гудрон, парафин ва б.) олишда қўлланиладиган технологик усуллар мажмуи. Н.қ.и.да аввал нефть таркибидаги сув, туз ва механик аралашмалардан тозаланади, кейин уни стабиллаштириш, юқори ҳароратда буғлатиб ҳайдаш, дистиллятларни тозалаш, қўшимчалар қўшиш ва б. бажарилади. Нефтни ҳайдаш усули мил. ав. маълум эди. Бу усул нефтдан дори-дармон тайёрлаш мақсадида қўлланган. Қад. юнон табиби Кассий Феликс ва Абу Али ибн Сино нефтни ҳайдашга оид тажрибалар ўтказишган. Хоразм географи Бакрон (13-а.) Боку нефтини ҳайдаш ҳақида биринчи бўлиб эслатиб ўтади. 18-а.га келиб нефть конларини қидириш ва ўрганиш муносабати б-н нефтни ҳайдашга катта эътибор берилди. Нефтни ҳайдаш лаб. қурилди. 1823 й.да ака-ука Дубининлар Моздок ш. яқинида даврий ишлайдиган нефтни ҳайдаш з-дини қурдилар. Улар қуйга қўйилган 40 челак нефтдан 16 челак ҳайдашни нефть олганлар. Шу тариқа нефтни ҳайдаш з-длари тараққий эта бошлади.

Сув ва тузларни йўқотиш. Нефть таркибида, одатда, минераллашган бўри суви, суви 1 м³ нефтда 30—50 г гача туз бўлади. Уларни йўқотиш учун Н.қ.и. з-дларида электр ёрдамида тузсизлантириш қурилмалари ишлатилади. Нефтга деэмульгатор қўшилиб, чучук сув б-н аралаш, ҳосил бўлган эмульсияни 100—140° гача қиздирилади ва уларни ишлайдиган электр дегидраторига узатилади. Юқори кучланишли электр майдони, деэмульгатор ва қиздириш таъсирида эмульсия тез-да парчаланади, сув ва унда эриган тузлар чўкади ва чиқариб ташланади. Сув ва тузлардан тозаланган нефть таркибида 0,2% гача сув ва 0,5 мг/л гача хлоридлар (тузлар) қолади.

Нефтни стабиллаш. Нефть таркибида углеводородларнинг бутанпропанли, қисман пентанли фракциялари бўлади. Нефтни ташиш ва сақлашда энг зарур углеводородларнинг йўқолишини камайтириш, нефтни ҳайдаш қурилмасига келаётган нефть буғлари босимини бир хил тутиб туриш учун бу фракциялар кетказилади. Бу иш сувсизлантириш ва тузсизлантириш қурилмалари б-н бирга қурилган комплекс ёки махсус қурилмаларда бажарилади. Стабилланган натижасида ажратиб олинган пропанбутан фракцияси нефть-кимё саноати учун муҳим хом ашё ҳисобланади.

Нефть идишга қуйилиб қиздирилганда, унинг ҳарорати кўтарилади ва бир



Нефтдан ёнилғи ва мойлар олиниши

қисми ҳатто 30—40° дан бўғланиб ҳавога кўтарила бошланди. Нисбатан паст т-раларда бўғланган углеводородлар нефтнинг енгил қисми (фракцияси), идишда қолган углеводородлар нефтнинг оғирроқ қисми ҳисобланади. Бўғланган нефть совитилса, у яна суюқ ҳолатга ўтади. Нефтни буғлатиб, кейин бўғланган углеводородларни суюқликка айлантириш жараёни нефтни тўғри ҳайдаш деб, олинган маҳсулот дистиллят деб аталади.

Нефтни ҳайдаш. Одатда нефтдан қўйидаги т-ралар оралиғида қайнаб бўғланадиган дистиллятлар олинади: бензин 28—180°, лигроин 110—230°, керосин 120—315°; газойл 230—330°; солярь 280—380°; мой 320—500°.

Нефтни қайта ишлаб ёнилғи ва мойлар олишда уни тўғри ҳайдаш бирламчи ва асосий жараён ҳисобланади (схема). Тўғри ҳайдаш печь қувурларида ҳаракатда бўлган нефтни қаттиқ қиздириб буғлатиш, бутни ректификация устуни (колоннаси)да фракцияларга бўлиш йўли б-н амалга оширилади. Қувурли печларда нефть 330—350° гача қиздирилиб, кейин ректификация устунининг ўрта қисмига юборилади. Нефтнинг суюқ қолдиқлари устунининг деворларидан пастга сизиб тушади, енгил углеводород буғлари эса устуннинг тепа қисмига қараб интилади ва ректификация тарелкаларига урилиб, конденсатга (суюқликка) айланади. Тарелкалар устунининг ҳар хил баландликларида жойлашган бўлиб, пастки тарелкаларда оғир углеводородлар, юқорироқдаги тарелкаларда енгилроқ углеводородлар конденсатга айланади.

Нефтни тўғри ҳайдашда ректификация устунларидаги босим атмосфера босимига тенг бўлади. Ректификация устунининг тагида йиғилган мазут крекинг қурилмаларида қайта ҳайдалиши ёки ёқилғи мазути сифатида ишлатилиши мумкин. Мазутларнинг иккиламчи қайта ишланиши вакуум қурилмаларида бажарилади. Вакуум устунларининг юқори қисмидан солярь фракциялари конденсатлари, қуйироқда мой фракциялари, устуннинг пастки қисмида эса гудрон ёки ярим гудрон йиғилади.

Нефтни тозалаш. Нефть маҳсулотларининг сифатини яхшилаш мақсадида олинган дистиллятлар тозаланади. Дистиллятларни олтингугурт, азот, кислород, ва тўйинмаган углеводородлардан тозалаш учун гидротозалаш жараёни қўлланади. Гидротозалаш 350—420° да ва 1,7—40 МПа босимда катализатор ёрдамида амалга оширилади. Гидротозалаш, асосан, дизель ёнилғиси ва мой дистиллятларини олтингугуртдан тозалашда ва айрим дистиллятларни иккиламчи жараёнга тайёрлашда ишлатилади.

Ёнилғи дистиллятларидаги кислород олтингугуртли бирикмаларни йўқотишда ишқор б-н тозалаш усули ҳам қўлланади. Бу жараёнда тозаланаётган маҳсулотга ишқор ва сув қўшилиб, ҳосил бўлган бирикмани маҳсулотдан ажратиб олинади.

Ёнилғи ва мой дистиллятларининг совуқ пайтда қотиб қолмаслигини таъминлаш мақсадида улар парафинсизлантирилади. Бунда тез қуюқлашадиган парафин углеводород дистиллятлардан ажратиб олинади.

Нефтни тўғри ҳайдалганда ажралиб чиққан бензин, керосин ва дизель ёнилғиси фракцияларининг жами улуши нефть ҳажмининг 40—50%идан ошмайди. Ёнилғиларни ажратиб олиш улушини ошириш ва уларнинг сифат даражасини янада кўтариш мақсадида нефтни кимёвий қайта ишлаш, яъни иккиламчи жараёнлар қўлланади. Улар орасида крекинг жараёни — углеводородларни парчалаш жараёни кенг тарқалган. Бензинларнинг детонацияга турғунлигини оширши мақсадида углеводородларни ароматлаш жараёнлари ҳам қўлланиши мумкин.

Нефть маҳсулотларининг сифатини яхшилаш учун қўшимчалар қўшилади.

Зуҳал Ҳидоят.

НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ — оғир саноат тармоғи. нефтни қайта ишлаш ҳамда нефть маҳсулотлари н.ч.ни қамрайди. Нефтдан турли маҳсулотлар олиш қадимдан маълум бўлса-да нефть конларини қидириш, ундан саноат усулида қимматбаҳо маҳсулотлар олиш 19-а.нинг 1-ярмида пайдо бўлди. Ўзбекистонда Н.қ.и.с.нинг тўнғич корхонаси Ванновск (ҳоз. Олтиариқ) нефть з-ди 1904 й.да ишга туширилган.

2-жаҳон урушидан кейинги йилларда Ўзбекистонда янги нефть конлари очилиши б-н Н.қ.и.с. жадал суръатлар б-н ривожланди, техника даражаси ва н.ч. кўлами ўсди. 1959 й.да *Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи*нинг 1-навбати ишга туширилди. Кўкдумалоқ бати ишга туширилган кейин нефть-газ кони очилганидан кейин Франциянинг ТЕКНЕП фирмаси б-н ҳамкорликда Бухоро вилоятининг Қоровулбозор туманида *Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи* 1996 й.да қуриб битказилди. 1997 й.да юқори сифатли сурков мойлари н.ч. га ихтисослашган Ўзбекистон—АҚШ «Ўз-Тексако» қўшма корхонаси ташкил этилди. 2000 й.да Фарғона нефтни қайта ишлаш з-ди тўлиқ таъмирланди. Мазкур з-д суртков мойлари ва ёнилғи н.ч.га ихтисослашган. н.ч. бўйича 30 дан ортиқ технологик қурилмага эга. Олтиариқ нефть з-ди эса ёнилғи йўналишида.

Нефтни қайта ишлаш з-дларида юқори октанли бензин (шу жумладан, Б-92 авиабензини), дизель ёнилғиси, кокс, парафин, мотор мойларига қўшилмалар, енгил автомашиналар учун мотор ва суркоп мойлари (компрессор, турбина, ўрчуқ мойлари), керосин, битум, мазут каби 50 турдан ортиқ нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Янги маҳсулот турлари н.ч.ни ўзлаштириш дастурига мувофиқ янги технологиялар ўзлаштирилмоқда. Кейинги йилларда мамлакатимизда нефть (газ конденсати б-н бирга) қазиб олиш ҳажми кескин оширилди. Н.қ.и.с. АҚШ, Япония, Германия, Италия ва Буюк Британияда, айниқса, ривожланган (яна қ. *Ёқилғи саноати, Нефть саноати*).

Абдураҳим Ортиқов.

НЕФТНИ ҲАЙДАШ — қ. *Нефтни қайта ишлаш.*

НЕФТЬ (туркча neft, форс. нефт), қорамой — суюқ ёнувчи қазилма бойлик, органик бирикмаларнинг, асосан, углеводородларнинг мураккаб аралашмасидан иборат модда. Ер юзасидан, асосан, 1,2—2,0 км чуқурликдаги ер ости гумбазларининг говак ёки серёриқ тоғ жинслари (қум, қумтош, оҳактошлар)да жойлашган. Чиқарилаётган Н., асосан, бурғиланган қудуқлардан олинади.

Н. ўта муҳим ёнилғи-энергия манбаи бўлиб, бензин, керосин ёнилғиси, мазут, мойлаш материаллари ва битумлар олишда асосий хом ашё сифатида ишлатилади.

Н. қора ёки қўнғир, баъзан оч малла рангли бўлиб, ўзига хос ҳиди бор. Зичлиги 750—970 кг/м³. Зичлиги 20° да 850 кг/м³ дан паст бўлган Н.лар енгил, 851—885 кг/м³ — ўртача оғирликдаги ва 885 кг/м³ дан юқорилари оғир Н. ҳисобланади. Қайнаш т-раси 28° дан юқори. Қотиш т-раси —60°дан —26° гача, 50° дан қовушоқлиги 1,2—55 мм²/с, солиштирма иссиқлик сиғими 1,7—2,1 кЖ/(кг.К), ёниш иссиқлиги 43,7—46,2 МЖ/кг га тенг. Чақнаш ҳарорати 35—120°. Органик эритувчиларда эрийди, сувда эримайди, лекин сув б-н тургун эмульсия ҳосил қилади.

Н. таркибида парафин, нафтен ва ароматик углеводородлар бўлади, углерод 82—87%, водород —11,5—14,5%, олтингугурт 0,1—5,5%ни ташкил этади. Бундан ташқари, ванадий, никель, кальций, магний, темир, алюминий, кремний, натрий каби 20 дан ортиқ элементлар, 5% гача ҳар хил аралашмалар —нафтен кислоталар, асфальт-смола моддалар, меркаптанлар, водо-

род сульфид, тиофен ва тиофанлар, дисульфидлар, пиридин, пиперидин ва б. мавжуд. Н. таркибидаги олтингугурт миқдорига қараб кам олтингугуртли (0,6% гача), олтингугуртли (0,6—1,8%) ва кўп олтингугуртли (1,8%дан ортиқ) синфларга бўлинади.

Баъзи олимлар Н.ни табиатдаги кимёвий ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган деб ҳисоблаганлар. Бу ҳақда 2 қарама-қарши фикр — анорганик ва органик гипотезалар мавжуд. Анорганик гипотеза асосчиси француз кимёгари М. Бертло (1866) Н. ер қаърида карбонат кислотанинг ишқорий металларга таъсири натижасида, шунга ўхшаш, Д. И. Менделеев (1877) ер қаърига сингиб зоналари орқали тушган сувнинг углеродли металл (карбид) ларга таъсири натижасида ҳосил бўлган, деган фикрни билдирганлар.

20-а. бошларида эса Н. ҳосил бўлишининг органик гипотезаси ривожлантирилди ва чўкинди жинслардаги сапропель (органик балчиқ) б-н Н. узвий алоқада деб топилди. Бу гипотезага кўра, Н. кўл ва денгиз остида чўкинди жинслар б-н бирга чўкадиган ҳар хил йирик ҳайвонлар (қад. ихтиозаврлар, китлар ва кашалотлар)дан тортиб планктонларгача бўлган жониворлар ва ўсимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган. Денгиз ва кўл тубида йиғилган органик модданинг бир қисми денгиз жониворларига озиқ бўлса, бир қисми сувда эриган кислород б-н оксидланиб йўқолган ва органик модданинг жуда оз (2—3% гача) миқдори денгиз тубида лойқага аралашиб, унга қоратир тус берган. Лойқа ичида органик модда кислородсиз муҳитда анаэроб бактериялар таъсирида ўзгарган. Чўкинди жинслар таркибидаги сапропелнинг бир неча млн. йиллар давомида ўзгариб Н. ҳосил бўлиши лаб. синовларида амалий жиҳатдан ўрганилган. Бунда Ер пўстининг 1200—1500 м чуқурлигидаги органик моддаларнинг мураккаб молекулалари парчаланиб, газсимон, суюқ ва қаттиқ углеводородлар ажралиб чиқиши мумкин. Ундан ҳам чуқурроқ (3000—4000 м)да жараён янада тезлашиб, Н. ҳосил бўлишининг бош фазасини вужудга келтирган ва углеводородлар максимал миқдорда ажралиб чиққан.

Н.ли қатламлар Ер пўсти тарихининг ҳамма даврларига мансуб қаватларида учрайди, аммо энг кўп захираси девон, юра, бўр ва тўртламчи давр ётқизиқларида жойлашган. Н.ли қатламлар майд. 1000 км², қалинлиги 100 м гача етиб, бир конда бир неча Н.ли қатлам мавжуд бўлиши мумкин.

Н. жуда қадимдан ишлатиб келинган. Яқин Шарқда жойлашган қад. давлатларда аҳоли Н. ва битумдан фойдаланганлиги ҳақида маълумотлар сақланиб қолган. Жумладан, тарихий манбаларда Сурия ва Ироқдан оқиб ўтадиган Фурот дарёсининг соҳилларида мил. дан 4—6 минг йил аввал, икки дарё оралиғига жойлашган Шумер давлати (ҳоз. Ироқда, Бобилда, Қад. Мисрда юнон ва римликлар илгари ҳам, ҳайкалларни безашда, сарой ва йўл қурилишларида, жасадларни бальзамлаш ва мўмиёлашда Н. ишлатганликлари қайд этилган. Н. куйган жойни, шиш, ревматизм ва тери касалликларини даволашда ишлатилган. Юнон табиби Гиппократ Н. б-н тайёрланган дорилар таркибини, италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло (1254—1324) Кавказда «ер мойи» борлигини, ундан ёнилғи сифатида фойдаланиш ва туяларни даволашда ишлатиш мумкинлигини ёзиб қолдирганлар. Қад. шарқда Н.дан ҳарбий мақсадларда ҳам фойдаланганлар. Шунингдек, мил. ав. 331 й. Н.дан Генуя (Италия) кўчаларини ёритишда фойдаланганликлари маълум.

Н. чиқариш қадим замонлардан маълум. Мил. ав. Киссияда Н. қудуқлардан чиқарилган. Мидия, Бобил ва Сурияда Н. очиқ сув ҳавзалари юзидан йиғиб олинган. Ўша даврда ерни бургиламасдан ер ёки сув юзасидаги, қудуқлардаги тайёр Н.ни йиғиб олганлар. 15-а.да Италияда Н.ли қумтош ва оҳактошларни қиздириб ва сиқиб Н. олинган. 1868 й.да Қўқон хонлигида кўлдан ариқларда оқиб чиқадиган сув юзасидан Н. йиғиб олинган; бунинг учун ариқларга остидан сув ўтадиган, юзида эса Н. йиғиладиган тўсиқ қилинган. 17-а.да Бокула қудуқлардан Н. чиқарилган. Бундай қудуқларнинг чуқ. 27 м гача бўлиб, деворлари тошлар ёки ёғочлар б-н мустаҳкамланган.

Ўзбекистонда Н. чиқариш 1876 й.дан бошланган. Фарғонанинг Қамишбоши қишлоғида талабиркор Д. П. Петров томонидан 19-а.нинг 80-й.лари бошида 25 метргача бургиланган 2 та қудуқнинг ҳар биридан кунига 10 пуд (160 кг) гача Н. чиқарилган.

19-а.нинг 60-й.ларидан Н. бурғи қудуқлари орқали чиқарила бошлади. 1865 й.да АҚШда биринчи марта Н. механик усулда (насос ёрдамида) чиқарилган. Бу усул 1874—95 й.ларда Грузия, Боку ва Грознийдаги конларда ҳам жорий этилган. Н.ни бурғи қудуқлари орқали чиқариш усули, асосан, 20-а.нинг 30-й.ларига келиб анча такомиллашди.

Н. чиқариш учун Н. атрофида жойлашган сув ёки газ босимини ошириш усули б-н қатлам ғовакларидаги Н. қудуқ шўрбонга haydалади. Сув босими, одатда, бошланғич Н. захирасининг 50—80% ини, газ эса атиги 20—50%ини сиқиб чиқаради. Одатда, ташқаридан берилаётган сув қанча чиқарилаётган Н.нини ўрнини тула эгаллай олмаганлигидан босим камайиб кетади. Натижада Н.нинг фаввора бўлиб табиий оқилиши тугайди. Шундан кейин Н. компрессор ёрдамида чиқарилади.

Н.ни компрессор б-н чиқаришда қудуққа Н. гази ёки ҳаво ҳайдалади; улар Н.га аралашиб, унинг зичлигини камайтиради, натижада Н. ва газ аралашмасининг сатҳи қудуқ юзасигача кўтарилиб, Н.нинг фаввора бўлиб оқилиши давом этади. Н. қудуқлардан Н. насоси ёрдамида ҳам чиқарилади.

Қатлам босимининг пасая бориши натижасида қудуқ дебитининг тушиши Н. чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичларини ёмонлаштиради. Н. конларини ишга тушириш назарияси, айниқса, ер ости гидрогазодинамикасининг ривожланиши натижасида Н. чиқаришнинг янги усуллари ишлаб чиқилди. Буларда Н. қатламларига сув ёки газ ҳайдаш йўли б-н қатлам босимини бутун эксплуатация мобайнида деярли бирдай ушлаб туриш мумкин.

Ад.: Акрамходжаев А. М., Генезис нефти и газа, М., 1967; Геология и методы изучения нефтегазоносности древних дельт. М., 1986.

Эҳсон Ўзгаров.

НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНЛАРИ ГЕОЛОГИЯСИ ВА РАЗВЕДКАСИ ИНСТИТУТИ — Тошкентдаги йирик и.т. маркази. 1959 й. Ўзбекистон ФА Геология ва геофизика ин-тининг нефть геологияси ва геокимёси бўлими ҳамда Бутуниттифоқ Нефть геологияси ва разведкаси и.т. институтининг филиали асосида ташкил этилган. 1969 й.дан Ўзбекистон Геология вазирлиги (1991 й.дан Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси) таркибида бўлган. 1995 й.дан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси қошида.

Ин-тдаги барча и.т. ишлари, асосан, 23 лаб. ва секторни бирлаштирган 6 та бўлим: регионал геол. ва тектоника, нефть ва газ конлари геол.си, геофизика, нефть ва газ геокимёси, нефть ва газли чўкинди жинслар формацияси, нефть ва газ конларини парамалаш бўлимларида олиб борилади. Булардан ташқари, ин-т қошида методика-тажриба партияси ҳам мавжуд бўлиб, чуқур ва ўта чуқур нефть конларини бургилаш техникаси ва технологияси устида иш олиб боради. Нефть-газ углеводородларининг пайдо бўлиши ва

тарқалиши қонуниятлари ҳам ўрганилади. 1970—71 й.ларда СССРда биринчи бўлиб табиий парогазларда нефть ва газ углеводородларининг пайдо бўлиши қонуниятлари тажрибадан модели ишлаб чиқилди. Ин-т олимлари томонидан нефть ва газ конлари истиқболига бағишланган фундаментал асарлар, тавсияномалар чоп этилди. Хорижий инвесторларга Ўзбекистондаги нефть-газ захираларини изчил асослаб бериш ишлари амалга оширилмоқда.

Ин-тни ташкил қилишда ва унинг илмий йўналишларини белгилашда олимлардан О. М. Акрамхўжаев, А. Г. Бобоев, О. А. Ряжков, Ш. Д. Давлатов, И.С.Старобинец, А. К. Каримов, У. Ж. Мамажонов, А. К. Раҳимов ва б. салмоқли ҳисса қўшганлар. Ин-тда 120 та яқин илмий ходим фаолият кўрсатади (2003). Шулардан 1 акад., 9 фан д-ри, 4 проф., 22 фан номзоди, улар орасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган нефтчи (А. Р. Хўжаев), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган геолог, Давлат мукофоти лауреати (А. Т. Иброҳимов), фахрий ихтирочи (А. В. Кирюшин, З. С. Иброҳимов), биринчи кон кашфиётчиси (А. Ш. Иброҳимов) унвонларига эга бўлганлар бор. Ин-т ходимларидан Ў. Ж. Мамажонов, М. К. Туробовлар бургилашда ишлатиладиган янги (КО-4) эритманинг кашф этишдаги хизматлари учун Беруний номидаги Республика Давлат мукофоти лауреати бўлдилар (1970).

НЕФТЬ ГАЗЛАРИ — нефть б-н бирга чиқадиган углеводород газлари, шунингдек, нефтни қайта ишлаш пайтида ҳосил бўладиган газлар. 1 м³ ҳажмдаги Н. г. таркибида 100—150 г бензин фракциялари бўлади. Енгил иссиқлиги 29—38 МЖ/м³ (7000—9000 ккал/м³). Н.г.нинг алоҳида хусусиятларидан бири — таркибида метандан ташқари этан, пропан, бутан ва оғир углеводородлар бўғларининг мавжудлигидир. Аксари Н.г.да қўшимчалар сифатида водород сульфид ва ёнмайдиган компонентлар (азот, углерод (VI)-оксид, аргон ва гелий) учрайди (яна қ. *Газлар*).

НЕФТЬ КИМЁСИ — *кимё* фанининг бир бўлими, нефть ва табиий газ компонентларининг таркиби, тузилиши, хоссалари ва кимёвий ўзгаришларини, шунингдек, уларни қайта ишлаш жараёнларини ўрганади. Н.к. соҳасидаги илк тадқиқотлар 19-а.нинг охирги чорагида (тахм. 1880 й.) бошланган бўлиб, бу вақтга келиб дунё миқёсида нефть қудуқларидан йилига 4—5 млн.т нефть чиқарилган. Нефтни термик крекинглаш пайтида ажралиб чиқадиган газлардан синтез йўли б-н олинган изопропил спирт (1920, АҚШ) Н.к.нинг саноат миқёсидаги биринчи маҳсулоти эди. 1950—1960 й.ларда тошкўмирга нисбатан нефть-газ хом ашёларидан органик синтезда кўпроқ фойдаланиш Н.к.нинг кимёвий-илмий тадқиқотлардан мустақил йўналиш сифатида ажралиб чиқишига сабаб бўлди. Н.к.нинг бош масаласи — нефть ва табиий газ компонентларини (асосан, углеводородлар, турли ёнилғилар, сурков мойлари, мономерлар, эритувчилар, сирт фаол моддалар ва б. олишда қўлланиладиган катта миқдордаги органик маҳсулотлар) қайта ишлаш жараёнларини ўрганиш ва самарали усулларини топишдан иборат. Шу мақсадда Н.к. нефть углеводородларининг таркиби, тузилиши, хоссалари, углеводородлар аралашмалари ва нефть таркибидаги гетероатом бирикмаларининг ўзгаришини текширади. Н.к. мутахассисларини сунъий органик ва физик кимё, мат., иссиқлик техникаси, кибернетика ва б. фанларнинг усуллари ҳамда ютуқларидан комплекс фойдаланади.

НЕФТЬ КИМЁСИ САНОАТИ — оғир саноатнинг нефть ва табиий ёнувчи газларни қайта ишлаш маҳсулотларидан, асосан, сунъий материаллар ҳамда буюмлар ишлаб чиқарадиган тармоғи. Н.к.с. корхоналарида сунъий каучук, асосий органик синтез маҳсулотлари (этилен, пропилен, полиэтилен, сиртактив моддалар, бензол, бутадиен, қовиш воситалари, баъзи минерал ўғитлар), қоракуя, резина буюмлар (автопокришкалар, резина-техника буюмлари ва кенг халқ истеъмоли моллари), асбест-техника буюмлари ишлаб чиқарилади.

Нефтни қайта ишлашнинг *крекинг* ва *пиролиз* каби янги усуллари жорий этилиши Н.к.с.нинг вужудга келишига замин яратди. АҚШда крекинг газидан изопирил спирт (1918), алифатик кимёвий маҳсулотлар (1920), винилхлорид ва б. и.ч. ўзлаштирилди. Ўзбекистонда Тошкент резина-техника з-дида (1944), Ангрен резина-техника акциядорлик жамиятида (1975) синтетик ва табиий каучук, техник углероддан резина маҳсулотлари, автомобиль шиналари, шамоллатиш шлемлари, калиш ва б. маҳсулотлар. *Шўртан газ-кимё мажмуасида* табиий газдан полиэтилен плёнкалари ишлаб чиқарилади.

Н.к.с.нинг тараққиёти нефтни қайта ишлаш миқёсининг кенгайиши ва такомиллашиши б-н бевосита боғлиқ (қ. *Газ саноати, Нефть саноати, Нефтни қайта ишлаш саноати*).

Абдураҳим Орипов.

НЕФТЬ КОНЛАРИ — Ер пўстида маълум тектоник структурада жойлашган ва уни чиқариб олиш иқтисодий жиҳатдан фойдали ҳисобланган нефть уюмлари. Н.к. антиклиналь бурмаларда ва тектоник узилган моноструктуралари табиий тутқичларда жойлашган.

Н.к.ни тавсифловчи асосий параметрлар: кон майдонининг геологик тузилиши, локал структурасининг асосий структураларга нисбатан жойлашиши, турли структурали паланлар мавжудлиги, маҳсулдор горизонтлар, уюмлар тури, углеводородларнинг фазавий ҳолати, захиралари, уларнинг майдон бўйлаб зичлиги ва б. Н.к. бир неча структурали қаватларни бирлаштириши мумкин. Уюмлар турига қараб конлар бир қатламли ёки кўп қатламли бўлади. Конда нефтнинг фазавий миқдорига қараб нефть, нефть-газ, газ-нефть, газ-конденсат-нефть конларига бўлинади. Ўзаро яқин жойлашган бир неча йирик нефть-газ конлари ҳавзаларни ташкил қилади.

Н.к. табиатда, асосан, чўкинди жинслардан ҳосил бўлганлиги сабабли бир ёки бир неча маҳсулдор қатламдан тузилади. Н.к. захиралари умумий (геологик) ва олиниши мумкин бўлган (саноат) захираларига бўлинади.

Нефть ва газ уюмлари тузилишига кўра, қатламли гумбаз уюми (говакли жинсларда), қатламсиз гумбаз уюми (говак ёки дарзли жинсларда) ва стратиграфик чегараланган гуруҳларга бўлинади.

Н.к. Ер юзининг барча қитъаларида, континентал шельфда учрайди. Жумладан, Мексика кўлтиғи нефть-газли ҳавзаси, Шим. денгиз, Каспий, Кора ва Ўрта денгизлар ва б. сув ҳавзалари тубидаги жинсларда мавжуд. Нефть ва газ конлари протерозой эрасидан тўртламчи давргача бўлган қатламлар орасида жойлашган. Хорижда 19-а.да Апшерон я.о., Грозний ш. яқинида, Краснодар ўлкаси, Челикен я. о. ва б. жойларда топилган. Кейинроқ Туркманистон, Қозоғистон, Украина, АҚШ, Нигерия, Яқин Шарқ мамлакатларида ҳам Н.к. ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нефть ва газлилиги аниқланган 5 регионда (Бухоро—Хива, Устюрт, Сурхондарё, Ҳисор жан.-ғарби ва Фарғона) нефть ва газни қидириш бўйича регионал ишлар олиб борилмоқда. Натижада 450 дан ортиқ суюқ ва газсимон углеводород йиғилмалари аниқланган бўлиб, улар 155 конда мужассамлашган. Ҳоз.гача маълум бўлган конларда углеводород захираси миқдори бўйича

Конлардан нефть чиқариш.

Фарғонадаги нефть конларини ўрганиш ва ўзлаштиришда ўзбекистонлик олимлардан О.М. Акрамхўжаев, П. К. Авимов, О. С. Вялов, М. С. Сайдалиева, А. Ҳ. Ҳожиматов ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар.

1985 й.дан бошлаб сувоқ углеводородларни чиқариб олиш бўйича Бухоро—Хива региони Фарғона ретионидан ўзиб, Ўзбекистонда етакчи ўринни эгаллади. Бу регионда нефть, газ ва конденсат захираларини оширишда Н. Ҳ. Алимухамедов, Т. Л. Бобожонов, А. В. Ваҳобов, А. Г. Иброҳимов, В. А. Кулагин ва б. бир қанча олим ва и.ч. мутахассисларининг ҳиссаси бор.

Ўзбекистонда саноат аҳамиятига эга бўлган 86 та нефть кони очилган, улардан 36 таси нефть конлари, 24 таси нефть-газ ва газ-нефть конлари ва 26 таси нефть-газконденсат конлари топфасига киритилган ва ҳоз. нефть 63 кондан чиқариб олинмоқда. Ҳоз. нефть қазиб олиш суръатида разведка қилинган нефть захираси республика эҳтиёжини 30 й.дан ортиқроқ муддатга таъминлайди. 14 та нефть конида разведка ишлари олиб борилмоқда ва уларнинг жами захираси 185 млн. т ни ташкил этади.

Ўзбекистон регионлари бўйича нефтнинг башоратли ресурслари нотекис тақсимланиб, уларнинг асосини қисми Фарғона (74,8%) ва Сурхондарё (10,5%) регионларида мужассамланган. Фарғона регионида нефтнинг башорат қилинган ресурслари, асосан, палеоген ва неоген ётқизиқларида баҳоланган.

Бухоро—Хива регионида нефтнинг башорат қилинган ресурслари юқори юранинг карбонат ётқизиқлари ва қуйи бўрнинг терриген ётқизиқлари б-н боғлиқ. Ўртача ва нисбатан йирик нефть конларининг очилиши Сурхондарё мегасинклиналининг тузилиши ётқизиқларида кутилмоқда. Устюрт региони Каспий олди синеклизаси б-н таққосланганда геологик тузилишдаги ўхшашликлар аниқланиб, бу регионда палеозой ётқизиқларининг нефтлилигини баҳолаш имконини берди.

Ўзбекистонда нефть қазиб олиш узоқ йиллик соҳа бўлишига қарамасдан шўролар режими даврида ўз эҳтиёжини қондай олмаганлиги сабабли ҳар йили 6,0 млн. т нефть четдан олиб келинар эди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда нефть қазиб олиш суръати динамик тарзда ўсиб бормоқда (1999 й.да 8,2 млн. т) ва сувоқ ётқизиғига бўлган эҳтиёж тўла қопланмоқда.

НЕФТЬ САНОАТИ — *оғир саноат* соҳаси. Нефть ва газ конларини қидириш, кон қудуқлари қазиш, нефть ва нефть б-н аралаш чиқадиган газни қазиб олиш, нефть газини қайта ишлаш, нефтни қувурлар орқали жўнатишни ўз ичига олади. Н.с. нефть қудуқларини механик усулда қазишга ўтилган давридан (АҚШ, 1859) ривожлана бошлади, деб ҳисобланади. Россияда 1-нефть қудуғи Кубанда 1864 й.да қазилган. Н.с. Каналада 1862 й.дан, Венесуэлада 1917 й.дан, Эронда 1908 й.дан пайдо бўлган.

Ўзбекистонда дастлабки нефть кони 1904 й.да очилган (Фарғона водийсидаги Чимён нефть конида 278 м чуқурликдан суткасига 130 т нефть олинган). Ўша йили Ванновск (ҳоз. Олтиариқ) т.й. ст-ясида нефтни қайта ишлаш з-ди ишга туширилди. Ўзбекистонда нефть саноатининг пайдо бўлиши шу сандан бошланади. Кейинроқ Фарғона ботигида Ёрқўтон, Селрохс конлари ҳам очилди. Чимён-Ванновск нефть қувури қурилди, нефтни қайта ишлаш з-ди кенгайтирилди. Шу даврда рус ва чет эл капитали нефть қазиб олиш, уни қайта ишлаш, нефть маҳсулотларини сотишни тўла ўз назоратига олди. «Санто» — Ўрта Осиё нефть савдоси ширкати ташкил этилди. 1913 й.да жами 13 минг т нефть қазиб олинди. Октябрь тунтаришидан кейин нефть конлари ва нефтни қайта ишлаш корхоналари национализация қилиниб, нефть конларини излаш, ишга тушириш ҳам шўролар ҳокимияти ихтиёрига утказилди. Ўзбекистонга бошқа республикалардан, аниқса, Россиядан кўплаб мутахассислар кела бошлади. Кўкон ш.да «Ўзбекнефть» (1924), Термиз ш.да «Термиз нефть» (1936) трестлари ташкил қилинди. Кўкон нефть техникуми (1935) очилди. Ўрушдача бўлган даврда Сурхондарё вилоятида ҳам нефть конлари очилди ва ишга туширилди (1935; Учқизил, Хандиз). 1940 й.да мамлакатда нефть олинадиган конлар сони 11 тага етказилди.

1941—45 й.ларда янги нефть конлари (Фарғона водийсида Жан, Оламушук, Полвонтош, Андижон) очилди ва тез фурсатда ишга туширилди. Олтиариқ з-ди кенгайтирилди. Ўша даврда республикада нефть саноатининг инфратузилмаси ҳам вужудга келди. 1941 й.да 196 минг т, 1945 й.да 478 минг т нефть қазиб олинди. 50-й.лардан нефть конларида телемеханизация воситалари қўлланилди, турбинали бургилаш жорий қилина бошлади. 1959 й.да Фарғона водийси ва Сурхондарё вилоятидаги 9 нефть конининг ўзидан 1460 минг т дан зиёд нефть олинди. Ўша даврда Бухоро-Хива ҳудудларида топилган нефть конлари ишга туширилди, уларнинг нетизида нефть ва газ қазиб олиш бошқармаси ташкил этилди. 70-й.лар бошидан айрим нефть конларидаги захираларнинг тугаши натижасида нефть қазиб олиш камайди. Янги нефть конларини топиш учун чуқур қудуқлар қазиш ўзлаштирилди. Ворўхда 5200 м, Гумхонада 5670 м, Чуст-Попда 5805 м, Мингбулоқда 6006 м ўта чуқур нефть қудуқлари бурғиланди.

1985 й.да Бухоро-Хива провинциясида яхши таркибли, нефть-газ конденсатли Кўкдумалоқ кони очилди.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг Н.с.ни ривожлантириш масаласи муҳим ишга айланди. 1992 й. 23. дек.да нефть ва газ саноати ҳамда у б-н боғлиқ барча корхона, ташкилот, муассасалар ягона бошқарувга бирлаштирилиб, «*Ўзбекнефтгаз миллий корпорацияси* ташкил этилди. 1993 й. Фарғона ботиғининг ўта чуқур қатламларидан (Мингбулоқ тузилмасидан) нефть отилиб чиқди (қидирув-бургилаш ишлари давом этмоқда). Республика нефть саноати халқ хўжалигининг нефтга бўлган талабини тўлиқ қондириш имкониятларига эга. Айниқса, Кўкдумалоқ кони жадал сурътлар б-н ишга туширилди. 1995 й.да Ўзбекистонда 7 млн. т га яқин нефть ва конденсат қазиб олинди. 1991—2003 й.ларда Ўзбекистонда нефть ва газ конденсатини олиш 2,8 марта ошди (1990 й.да 2,81 млн. т; 1997 й.да 7,9 млн. т) ва 1995 й.да нефть импортини тугатиб, республикани нефть мустақиллигини таъминлашга имкон яратди. 2001 й.нинг янв.га келиб Ўзбекистонда 59 кондан нефть олинди, 17 та кон ишлатишга тайёрланган ва консервацияда. 13 та кон қидирув ҳолатида. Нефть қазиб олиш ва конларни ишлаб-текширини бўйича Ўзбекистон — Малайзиянинг қўшма корхонаси (Ўз-Малойл) ини ташкил этилди. Ўзбекистон нефть мустақиллигига эришгач, четдан нефть ва нефть маҳсулотлари ташиб келтиришга эҳтиёж қолмади. 2000 й.да Ўзбекистон 7 нефть қазиб олинди.

Нефть-кимё саноатининг ривожланиши туфайли ҳоз. замон иқтисодиётида нефтнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Нефтнинг 2 млрд. т дан ортиқ қисми Россия, Саудия Арабистони, Эрон, Ироқ, Кувайт, Венесуэла, Хитой ва б. мамлакатларда ишлатилади.

Абдураҳим Ортиқов.

НЕФТЬ СУВЛАРИ, нефть конларидаги сувлар — нефтли горизонтлардаги ер ости сувлари; нефть ва унда эриган газ б-н бевосита алоқада бўлади. Нефть қатламларида ва нефть уюмларига нисбатан жойлашишига қараб қуйидаги Н.с. фарқ қилинади: чекка (контурли) сувлар — нефть уюмидан қуйида жойлашган; остки (тўшак) сувлар — қалиб турган нефть уюмининг тагида жойлашган; устки сувлар— нефтли қатламининг устида жойлашган; боғланган сувлар — говаклар юзасини ўраб олувчи нефть қатламида майда капиллар найчаларни тўлдирувчи сув; сунъий киритилган сув — нефть уюмларини чиқариб олишда босимни зарур даражада сақлаб туриш учун киритилади. Н.с.нинг геокимёвий таркиби маҳсулдор горизонт ва уюм таркибининг литологик хусусиятлари б-н боғлиқ. Нефть уюмларининг чекка Н.с.да органик кислоталар, бензол, фенол, оғир карбонсувларнинг концентрацияси юқори бўлади. Газ уюмларидаги сувларда, одатда, органик кўшимчалар кам. Кўпинча Н.с.нинг таркиби катта майдонларда деярли ўзгармайди. Нефть уюмлари б-н бевосита туташган сувлар (чекка ва остки)нинг минераллашуви (200 г/л гача ва ундан зиёд), газга тўйинганлиги, метан ва бензол, аммонийнинг миқдори ўзига хос хусусиятларга эга. Гидрокарбонат-натрийли Н.с. эса кам (10 г/л гача) минераллашган. Н.сни ўрганиш нефтни қидириш, разведка қилиш ва кондан чиқариб олишда аҳамияти катта. Кўпинча Н.с. шифобахш минерал сув сифатида ёки ундан йод, бром, бор, радий, барий, стронций ва б. олишда фойдаланилади. Нефть б-н бирга чиқадиган Н.с. қаттиқ ноорганик тузлар ҳосил қилиши сабабли нефть қазиб олишни мураккаблаштиради. Бунинг олдини олиш учун Н.с. тузсизлантирилади ёки нефть сувсизлантирилади.

НЕФТЬ ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИ МАМЛАКАТЛАР ТАШКИЛОТИ, ОПЕК (Organization of Petroleum Exporting Countries, OPEC) — нефть қазиб олишни ва аъзо мамлакатларнинг нефть экспорти сиёсатини мувофиқлаштирувчи ҳамда аъзо мамлакатлар манфаатларини ҳимоя қиладиган халқаро товар ташкилоти. Ташкилот расман 1960 й.да Венесуэла ташаббуси б-н Багдод конференциясида ташкил этилган. Низоми Каракас (Венесуэла)да 1961 й.да қабул қилинган ва кейинчалик кўпгина ўзгартиришлар киритилган. Эрон, Ироқ, Кувайт, Ливия муассис мамлакатлар ҳисобланади. Аъзо мамлакатлар Жазоир, Венесуэла, Габон, Индонезия, Ироқ, Эрон, Ливия, Катар, Кувайт, Нигерия, БАА, Саудия Арабистони, Эквадор (2003).

20-аснинг 80-й.лари 2-ярмида бу ташкилотга кирмайдиган мамлакатлар ва Саудия Арабистонидан нефть таклифининг ўсиши натижасида ОПЕКнинг таъсири кескин пасайди. Ҳоз. халқаро иқтисодий муносабатларда таъсир доираси ҳамон кучли. Ташкилотнинг олий органи — йилига 2 марта чақириладиган конференция бўлиб, унда иштирокчи мамлакатлар и.ч. стратегияси ва нархлар кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Идораси Австрияда жойлашган.

НЕФУД — Арабистон я.о.даги бир неча қум чўллари. Саудия Арабистони ҳудудида. Энг йириклари: Катта Нефуд, Кичик Нефуд ва Нефуд-Даҳи.

Катта Нефуд Арабистон я.о.нинг шим. қисмида жойлашган. Майд. 670 минг км². Уз. 500 км, эни 300 км гача. Бал. 600—1000 м ли платода жойлашган бўлиб, қум тепалар ва тошлоқлардан иборат. Қуруқ ўзан кўп. Иқлими тропик, кескин континентал иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси 10° дан юқори (баъзан —11° гача пасаяди), июлники 30° (максимал т-ра 54°). Йиллик ёғин 100 мм. Кучли шамоллар эсади. Ўсимликлари сийрак. Сиртлон, чиябўри, кемирувчилар, калтакесаклар яшайди. Чекка қисмида қудуқ ва воҳалар бор, кўчманчи чорвачилик ривожланган (кўй, туя боқилади). Кичик Нефуд (Даҳно) Арабистон я.о.нинг марказий қисмидаги чўл, Катта Нефуд б-н Руб уз-Холи чўллари оралиғида. Уз. 1200 км, эни 20—70 км. Ўртача бал. 450 м.

Дунёдаги нефть қазиб олувчи асосий мамлакатлар

Мамлакат	2001 йилда қазиб олинган нефть, млн.т	Максимал қазиб олинган нефть		Қудуқларнинг ўртача маҳсулдорлиги, т/сут	Аҳоли жон бошига йиллик қазиб олиш, т/сут
		млн.т	йил		
Саудия Арабистони	403,2	495	1980	708	20,6
Россия	317,6	569	1988	8,35	2,18
АҚШ	291,2	474	1970	1,43	1,08
Эрон	178,4	300	1974	436	2,79
Хитой	162,8	162,8	2000	6,17	0,13
Норвегия	160,8	160,8	2000	727	36,5
Мексика	152,5	171	1998	140	1,66
Венесуэла	152,0	193	1970	26,7	6,44
Ироқ	134,1	168	1979	218	6,10
Буюк Британия	126,9	137	1999	239	2,16
Бирлашган Араб Амирликлари	109	123	1992	137	43,6
Канада	100,0	119	1998	5,38	3,32
Нигерия	99,6	112	1974	91,8	11,7
Кувайт	80,7	151	1975	280	36,7
Ливия	70,4	159	1970	131	13,0
Индонезия	69,0	84	1977	21,1	0,32

Қум уюмлари кўчиб юради. Ўсимлиги жуда сийрак. Нефуд-Даҳи Арабистон я. о.нинг марказий қисмида. Уз. 500 км, эни 100 км гача. Ўсимлиги жуда сийрак, қум уюмлари кўчиб юради.

НЕЪМАТЛАР — кишиларнинг кундалик ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга, уларга наф беришга қодир бўлган жами нарсалар. Н. истеъмол Н.лари (кишиларнинг бевосита эҳтиёжларини қондиради), ресурслар (истеъмол Н.лари и.ч. учун зарур Н.)га; ўз тузилмасига кўра, хусусий ва ижтимоий Н.га бўлинади. Хусусий Н. якка истеъмол этиладиган, ижтимоий Н. бутун жамият фойдаланиши мумкин бўлган, истеъмолда чеклаш бўлмаган Н.дир (қ. *Моддий фаровонлик*). Н. истеъмолга очиқлиги жиҳатидан меъёрий (истеъмолчиларнинг даромадлари ўсишига қараб истеъмол қилиниши, талаб ортиб борадиган Н.) ва чекланган (ноёблиги ёки миқдори чекланганлиги сабабли и.ч. ва тақсимлаш зарур бўлган Н.)га бўлинади. Чекланган Н.га талаб уларнинг миқдоридан анча ортиқ бўлгани учун ҳам улар *нарх*та эга бўлади. Ҳаво, қуёш нури кабиларни истисно қилганда амалда барча Н. чекланган Н. сирасига киради.

НЕЪМАТОВ Сойибжон Содиқович (1941. 16.4, Андижон) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1994), техника фанлари д-ри (1980), проф. (1984), Тошкент политехника ин-тини тугатган (1965). Тошкент автомобиль йўлларини ин-тида кафедра мудири (1972—78), Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари (1978—85), Тошкент политехника ин-ти «Композицион материаллар» и.т. бўлими мудири (1985—89), «Композит» илмий-техника маркази бош директори (1990—92), «Фан ва тараққиёт» илмий-технологик комплекси раиси (1992 й.дан). Асосий илмий ишлари қаттиқ жисмлар механокимёси, моддаларнинг радиоактивлик, магнит майдони, электр қуввати таъсирида ишқаланишини камайтириш, тебраниш қувватини ютиш, энергия ва моддий ресурсларни тежашга имкон берадиган технологияларни кашф этишга оид. Унинг раҳбарлигида полимер материаллар ва саноат чиқиндилари асосида самарали антифрикцион, ейилишга ва емиришга барқошли, тебранишга чидамли композицион материаллар олиниб, машинасозлик, қурилиш, қ.х. ва б. соҳаларда қўлланган. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2000).

Ас.: Адгезионные и прочностные свойства полимерных материалов и покрытий на их основе, Т., 1979; Основы создания полимерных композитов, ФРГ, США, Япония, Т., 1986; Композиционные материалы на основе неорганических и органических веществ, Т., 1994.

НЕЪМАТОВА Азолат (1949.6.3, Олтиариқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1970), 1971 й.дан Олтиариқ тумани, Шаҳрихон, Тошкент ш. мактабларида ўзбек тили ва адабиёти, чет тили ўқитувчиси. 1984 й.дан Мирзо Улуғбек туманидаги 223-мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси. Иш фаолияти давомида ўзини моҳир педагог сифатида намоён этди. 1994/95 ўқув йилида 1 й.да икки синф дастурини (1—2-синфлар) ўқитиш ташаббуси б-н чиқиб, уни ўзи амалга оширди. Биринчилардан бўлиб «Одобнома» синов-тажриба дарсини олиб борди. 1—4-синфлар учун «Одоб сабоқлари» дарс режаси ва дастури, «Одобнома» дарслиги ва методик қўлланмаси муаллифларидан бири.

НЕЪМАТОВА Назокат (1922.21.3 — Бухоро — 2002.31.1) — Ўзбекистон халқ артисти (1950). Саҳна фаолиятини Бухоро ёш томошабинлар театрида бошлаган (1938). 1941 й.дан Бухоро вилоят мусиқали драма ва комедия театрида. Ёқимли сопрано) драма б-н бир қаторда мусиқали драмаларда ҳам ранг-баранг лирик қаҳрамонлар образини яратиш имконини берган. Гулнор (Ш.Саъдулла, халқ мусиқаси, «Ёрилтош»), Лайли (Хуршид; Т. Содиқов, Р. Глиэр, «Лайли ва Мажнун»), Зуҳра (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра»), Ширин (К. Яшин; Ю. Ражабий, Б. Надеждин, «Фарҳод ва Ширин»), Санам (А. Бобожон; К. Отаниёзов, «Азиз ва Санам»), Сонни (Б. Гарги; М. Ашрафий, «Мирза Иззат Ҳиндистонда») каби бош қаҳрамонлар сиймосини гавдалантирган. Драмаларда Жамила («Бой ила хизматчи»), Гули («Алишер Навоий»), Катерина («Момоқалдироқ») сингари образлар яратган.

Назокат Неъматова Зуҳра ролида («Тоҳир ва Зуҳра»).

НЖАМЕНА — Чад пойтахти. Шари дарёсининг уни соҳилида, унга Логоне дарёси қуйилишида жойлашган. Шари-Багирми префектурасининг маъмурий маркази. Иқлими экваториал, муссонли иқлим. Янв. нинг ўртача т-раси 24°, июлники 27,7°. Йилига 648 мм ёғин ёғади. Аҳолиси 530,1 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йуллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Шаҳарга 1900 й.да Франциянинг Марказий Африкадаги ҳудудларининг маъмурий маркази сифатида асос солинган ва командир Лами номи б-н 1973 й.гача Форт-Лами деб аталган. 1920—58 й.ларда Франциянинг Чад мустамлакасининг маъмурий маркази. 1958 й.дан Чад мухтор Республикаси, 1960 й.дан мустақил Чад давлати пойтахти. Н.да президент қароргоҳи, Миллий мажлис, ҳукумат муассасалари ва б. жойлашган. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий, савдо-молия ва маданий маркази. Озиқ-овқат ва енгил саноат корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Пахта, чорва б-н савдо қилинади. Ун-т, миллий музей бор. Меъморий ёдгорликлардан Катта масжид, собор ва б. сақланган.

Нжамена шаҳри. Миллий музей.

НИАГАРА ШАРШАРАСИ — Шим. Америкадаги шаршара, Эри ва Онтарио кўлларини бирлаштириб турувчи Ниагара дарёсида. Бундан 8—9 минг йил олдин доломитли оҳактош ва гилли сланецлардан тузилган жарликда ҳосил бўлган. Н.ш. орол б-н 2 қисмга (чап томонда — Канада ҳудудидагисининг кенглиги 800 м, бал. 48 м, ўнг томонда — АҚШ ҳудудидагисининг кенглиги 300 м, бал. 51 м) бўлинган. Йирик ГЭС қурилган. Н.ш. ёнидан, Канада тарафида, кема қатнайдиган канал қазилган. Туристлар кўп келади (333-б.даги расмга қ.).

НИАМЕЙ — *Нигер* пойтахти. Мамлакатнинг муҳим сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази. Ниамей департаментининг маъмурий маркази. Нигер дарёси соҳилида, 163 м баландликда жойлашган. Иқлими субэкваториал иқлим, ўртача йиллик т-ра 25°. Йилига 350 мм ёғин ёғади. Аҳолиси 627 минг киши (1999).



Ниагара шаршараси

19-а. охирларида Н. ўрнида қишлоқ бўлган. 1926 й.да Нигер француз мустамлакасининг маъмурий маркази. Зинлер ш.дан Н.га кўчирилган. 1960 й. августдан Нигер Республикаси пойтахти. Муҳим транспорт йўллари тугуни. Нигер дарёсидаги пристань. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Қ.х. районининг савдо маркази. Тўқимачилик фкаси, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Қурилиш материаллари, мебель, қ.х. анжомлари ишлаб чиқарилади. Ҳунармандчилик ривожланган (кулолчилик буюмлари, тери, кумуш, олтин ва ёғочдан турли буюмлар тайёрланади). Иссиқлик электр ст-яси ишлаб турибди. Президент саройи, меҳмонхоналар, ун-т (1973), Соғлиқни сақлаш миллий мактаби, Геол. ва кончилик ишлари бўйича бюро, тропик ўрмончилик техника маркази, қ.х. ити кабн илмий муассасалар, миллий музей бор.

Ниамей шаҳридаги замонавий бино ва маҳаллий чайла уйлар.

НИВАЛ ИҚЛИМ — қор эриб ва бутланиб улгурмайдиган иқлим. Абадий қор қатламн ҳосил бўлиб, музлик бошланишига сабаб бўлади. Қор иқлими ҳам дейилади.

НИВАЛ МИНТАҚА, мангу қорлар минтақаси — тоғлардаги энг юқори табиий баландлик минтақаси; одатда, қор чизигидан юқорида жойлашган бўлади. Қутбий ва ундан қуйироқдаги ўлкаларда денгиз сатҳига қадар ёйилган. Қор бўронлари ва қор кўчкилари сабабли ҳамда муз тилларининг янада қуйироққа силжишидан Н.м. элементлари қор чизигидан ҳам пастроққа тушиши мумкин. Марказий Осиёдаги тоғларнинг чўл зонасида Н.м. четараси энг юқори (айрим жойларда 6500 м дан баландда)дан ўтади. Н.м. ландшафти учун қор уюмлари ва музликлар, қоя ва қурумлар хос. Совуқдан физик нураш жараёнлари жадал кечади. Органик ҳаёти яхши ривож топмаган. Ўсимлик қоплами (мох, лишайник ва баъзи юксак ўсимликлар) жуда сийрак, ҳайвонлар кам учрайди; фақат қуш ва ҳашаротларнинг айрим турлари муқим яшайди.

НИВЕЛИР (франц. niveler — тўғрилаймоқ, бараварламоқ) — геодезик асбоб. Ердаги икки нуқта баландликлари фарқи (нисбий баландлиги) ни горизонтал визир нури б-н, шу нуқталарга тик ўрнатиладиган Н. рейкалар ёрдамида аниқлайди. Тузилиши бўйича улар икки тур — визир нури цилиндрик адилак (сув тарози) ёрдамида горизонтал ҳолатга келтириладиган Н.га ва визир нури ўз-ўзидан горизонтал ҳолатга келадиган (компенсаторли) Н.га бўлинади. Биринчи турдаги Н.нинг асосий қисмлари — қараш трубаси ва унинг ён қисмига ўрнатилган цилиндрик адилак; иккинчи турдаги Н.да — қараш трубаси ва унинг ички қисмида жойлашган оптик призмали компенсатор ҳисобланади. Компенсатор механик маятник бўлиб, унинг оптик призмаси металл ёки синтетик икки толали ингичка ипда осиб қўйилган бўлади. У 15′ (минут) гача қия бўлган визир нурини автоматик равишда горизонтал ҳолатга келтириб беради. Аниқлиги бўйича Н. аниқлиги юқори (1 км масофага *нивелирлаш* аниқлиги 0,5—1,0 мм), аниқ (2—3 мм) ва техник (10 мм) Н.га бўлинади. Н.лар асосий геодезик ва топографик ишларда, барча турдаги қурилиш ишларида, ноёб бинолар ва мураккаб иншоотларнинг чўкиши ҳодисаларини кузатишда, Ер қобиғи вертикал ҳаракатини ўрганишда ва б. мақсадларда кенг қўлланади.

НИВЕЛИРЛАШ — геодезик ўлчашнинг бир тури; ер нуқталари баландликлари фарқи (нисбий баландлиги) аниқланиб, улар орқали ушбу нуқталарни қабул қилинган бошланғич сатҳдан ҳисобланадиган баландликлари топилади. Ўзбекистон ҳудудида бажариладиган асосий геодезик-топографик ишларда нуқталар баландлигини Кронштадт (Санкт-Петербург) футштогининг ноль чизиги (штрихи)га нисбатан ҳисоблаш қабул қилинган (қ. *Мутлақ баландлик*). Н.ни бажариш услубига қараб геометрик Н., тригонометрик Н., физик (гидростатик, барометрик ва аэро) Н. ва стереофотограмметрик Н. турларига бўлинади. Геометрик Н. горизонтал визир нур, тригонометрик Н. эса қия визир нур ёрдамида бажарилади. Стереофотограмметрик Н. бир жойнинг иккита қўш аэросуратларини махсус оптик асбоб (мас., стереоскоп)да кузатиб ҳосил қилинадиган жой рельефи моделида ўлчаб бажарилади. Геометрик Н. нисбатан содда ва аниқлиги юқори бўлиб, амалда жуда кенг қўлланади; тригонометрик Н. эса аниқлиги нисбатан паст, у тоғли ҳудудларда қўлланади. Катта ҳудудларнинг топографик хариталарини тузишда стереофотограмметрик Н. асосий ҳисобланади.

НИВХЛАР (ўзларини — нивх деб аташади; эски номлари — гиляклар) — Россия Федерациясидаги халқ. Амур дарёси қуйи оқими бўйлари (Хабаровск ўлкаси) ва Сахалин о.нинг туб аҳолиси. 4,6 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Нивх тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар; анъанавий диний эътиқодлар мавжуд.

НИГЕР — Ғарбий Африкадаги дарё, Гвинея, Мали, Нигер ва Нигерия ҳудудларидан оқади. Уз. 4160 км, ҳавзасининг майд. 2092 минг км². Каттали-ги жиҳатидан Африкада Нил ва Конго дарёларидан кейин 3-ўринда туради. Леон-Либерия қирларидан Жолиба номи б-н бошланиб, юқори қисмида тоғлар орасидаги тор водийлардан, сўнгра Судан текисликларидан оқади. Текисликда кўплаб тармоқ ва ўзанларга бўлинади. Томбукту ш. яқинида улар яна ягона ўзанга бирлашади. Куйи оқимида кенг водийдан оқиб, дельта ҳосил қилиб (майд. 24 минг км²) Атлантика океанининг Гвинея қўлтигига қуйилади. Йирик ирмоқлари: ўнгдан —

Бани, Мило, чаплан — Сокото, Кадуна, Бенуэ. Июнь— окт.да, қуйи оқимида фев.—апр.да серсув бўлади. Дарё ёзги муссон ёмғирларидан сув олади. Йиллик ўртача сув сарфи 9300 м³/сек. (максимал 35 минг м³/сек). Дарё йилига 300 км³ сув, 67 млн. т лойқа келтиради. Айрим қисмида кема қатнайди, ГЭС қурилган. Балиқ овланади. Н. соҳилида Куруса, Бамако, Томбукту, Ниамей, Жобба, Порт-Харкорт ш.лари жойлашган.

НИГЕР (Niger), Нигер Республикаси (Republique du Niger) —Ғарбий Африкадаги давлат. Майд. 1267 минг км². Аҳолиси 10,63 млн. киши (2002). Пойтахти — Ниамей ш. Маъмурий жиҳатдан 7 департаментга, улар округларга, округлар коммуналарга бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — республика. Амалдаги конституцияси 1999 й. 18 июлдаги референдумда маъқулланган. Конституцияга биноан, давлат бошлиғи — президент. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий мажлис (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятни президент бошчилигидаги ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Н. ҳудудининг кўп қисми Сахрон Кабирда, бал. 200—500 м гача бўлган плато. Энг баланд жойи 2022 м (Аир платосида, Идукальн-Тагес тоғи), жан.-ғарби Нигер дарёсининг ўрта оқимидаги водий. Н.да олтин, уран, қалай рудалари, вольфрам, ниобий, темир, кўмир, фосфорит, платина конлари бор. Чад кўли сойлигида ош тузи қатламлари топилган. Н.нинг шим. ва шим.-шарқида иқлим чўл тропик, жан. ва жан.-ғарбида субэкваториалдир. Энг салқин ойлари — дек., янв.да ўртача т-ра 20—24°, энг иссиқ ойи — майда 32—34°. Ўртача ёғин шим. ва шим.-шарқда 100 мм дан кам, жан. ва жан.-ғарбда 600—800 мм. Жан.-ғарбида мамлакатдаги йирик дарё — Нигер оқиб ўтади. Жан. ва жан.-ғарбида акация, баобаб, думпальма, қовун дарахти ва б. ўсади. Шим. саванна ва чўл ўсимликларидан иборат. Ёввойи ҳайвонлардан шер, фил, буйвол, жирафа, кийик, чиябўри, сирт-

лонлар бор. «Дубль-Ве» («W») миллий боғи ташкил этилган.

Аҳолиси. Н.да аҳолининг 50% га яқинини хауса элати ташкил этади. Сонгай ва жерма, канури ва тубу, гуарег, фульба ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг тахм. 90% и ислом динига, бир қисми христиан динига, қолганлари эса маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Расмий тил — француз тили. Асосий шаҳарлари: Ниамей, Агадес, Зиндер, Марали, Тахва.

Тарихи. Н. ҳудудида қадимдан аҳоли яшаб келган. Аир тоғлиги, Тенер чўли, Агадес ш.даги археологик қазилмаларда неолит даврига мансуб ашёлар топилган. Қад. одамлар ёввойи меваларни териб кун кечирганлар, овчилик ва чорвачилик б-н шуғулланганлар. Мил. 1-а.да Сахрои Кабирнинг жан.да римликлар кириб келган. Араб ва барбар савдогарлари келиши б-н ислом дини тарқалган. 7—19-а.ларда Н.нинг айрим қисмлари ўрта аср Ғарбий Судан давлатлари — Сонгай ва Канем таркибида бўлган. 18-а. ўрталарида Нигер дарёсининг соҳилларида туареглар қўл остига ўтган. 19-а.да Н. ҳудудида европаликларнинг бир неча экспедицияси бўлган. 1898 й.дан француслар Н.ни мустамлака қилишга киришдилар. 1901 й. Н. Франция Ғарбий Африкаси (ФҒА)га кирувчи Юқори Сенегал таркибига қўшиб олинди. 1922 й.дан Н. ФҒАнинг алоҳида маъмурий бирлиги қилиб ажратилди. Мустамлакачилар мажбурий меҳнат тартиботини жорий қилдилар. Н. халқи мустамлакачиларга қарши кўзғолонлар кўтарди (1905,1906—14, 1914—17). Мустамлакачиларга қарши кураш 1- ва 2-жаҳон урушлари ўртасидаги даврда ҳам давом этди.

2-жаҳон урушидан кейин миллий озодлик ҳаракати бошланди. 1946 й. Нигер тараққийпарвар партияси (НТП) тузилди. 1947 й. Франциянинг «денгиз орти ҳудуди» мақомини олди. 1951 й. НТПнинг сўл қаноти Жибо Бакари раҳбарлигида партиядан ажралиб чиқиб, Н. демократик иттифоқини тузди. Унинг номи 1958 й. Сабаба (Озодлик) деб ўзгартирилди. 1957 й. Ж. Бакари Н. ҳукумат кенгашининг бош вазири этиб сайланди. 1958 й. 28 сент.да Франциянинг янги конституцияси лойиҳаси ҳақидаги референдумда Сабаба Н.га мустақиллик берилишини талаб қилди. 1958 й. 18 дек.да Н. Франция Ҳамжамияти таркибида ўзини ўзи бошқарувчи республика деб эълон қилинди. 1959 й.да Н. Республикасининг биринчи конституцияси қабул қилинди. 1960 й. 3 авг.да Н. мустақил республика деб эълон қилинди ва у Ҳамжамиятдан чиқди. 1960 й.

Нигер герби.

ноябрда Миллий мажлис янги конституцияни қабул қилди ва НТП раҳбари А. Диорини республиканинг биринчи президенти этиб сайлади. Н.да бир партияли тизим қарор топди. Барча жамият ташкилотлари НТП назорати остига ўтди. 1961 й.да Франция б-н сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий ҳамкорлик ҳақида битим имзоланди. Франция Н.нинг ташқи савдоси, молияси, мудофааси, маориф тизими устидан назоратни сақлаб қолди. Ижтимоий-иқтисодий соҳаларда халқнинг аҳволи яхшиланмади, омманинг норозилиги кучайди. 1974 й. 15 апр.да, 1996 й. 27 январда содир бўлган ҳарбий тўнтаришлар ҳам аҳолининг аҳволини яхшилашга олиб келмади. Ниҳоят, 1999 й. 9 апр.даги ҳарбий тўнтариш натижасида мамлакат президенти Иброҳим Барре Майнассар ўлдирилди. Миллий мажлис ва ҳукумат тарқатиб юборилди, 1966 й. конституциянинг амал қилиши тўхтатиб қўйилди. 1999 й. 11 апр.да таслиққа келган Миллий яраш кенгашни майор Довуд Малам Вайкени давлат ва ҳукумат бошлиғи этиб тайинлади. 1999 й. 18 июлдаги референдумда янги конституция маъқулланди. 1999 й. 24 ноябрдаги сайловда Мамаду Танжа президент этиб сайланди.

Н. — 1960 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 18 дек. — Республика эълон қилинган кун (1958).

Сиёсий партиялари ва касаба уюшмалари. Тараққиёт жамияти миллий ҳаракати — Нассара, 1988 й. 2 авг.да ташкил этилган; Демократик ва социал конвент, 1991 й.да тузилган; Демократик тикланиш учун мустақил миллий иттифоқ, 1996 й.да ташкил этилган; Миллий иттифоқ ва тараққиёт партияси — Салама; Демократик ва тараққийпарвар ватанпарварлар иттифоқи партияси. Н. меҳнаткашлари касаба уюшмалари бирлашмаси, 1960 й.да асос солинган.

Хўжалиги. Н. — аграр мамлакат. Мустамлакачилик ҳукмронлиги даврида иқтисодиёт, асосан, ер ёнғоқ етиштиришга ихтисослашган эди. 1960-й.лардан хўжаликни давлат томонидан тартибга солиш кучайди, давлат ва аралаш корхоналар мавқеи мустаҳкамланди. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 12%, қ. х. улуши 37,5% ни ташкил этади.

Нигер байроғи.

Қишлоқ хўжалиги энг қолоқ тармоқ ҳисобланади. Аҳолининг 80% дан кўпроғи шу соҳада банд. Товар маҳсулотининг асосий қисмини майда анъанавий ярим натурал деҳқон хўжаликлари беради. Ниамей ва унинг атрофида йирик механизациялашган хўжаликлар ташкил топа бошлади. Деҳқончиларнинг ўзаро ёрдам уюшмалари ташкил этилди. Ер ёнғоқ, пахта, шоли етиштирувчи кооперативлар пайдо бўлди. Қ. х. учун яроқли 15 млн. гектар ердан (мамлакат ҳудудининг 12% га яқини) 42% ҳайдалади ва бўз ерлар, 53% яйлов, 4% ўрмон. Деҳончилик мамлакат жан. ва жан.-ғарбида ривожланган. Атиги 12 минг га майдон суторилади, бу жойларда ирригация иншоотлари барпо этилган. Асосий озиқ-овқат экинлари: тариқ, ньебе, маниок, шунингдек, бугдой, маккажўхори, шакарқамиш, батат ва б. Н.да кўчманчи ва ярим кўчманчи чорвачилик устун. Қорамол, қўй, эчки, туя, от ва эшак боқилади. Саванналар қовжирашининг олдини олиш ва яйловларни сақлаб қолиш учун янги ўрмонлар барпо этилган. Нигер ва Комадугу-Йобе дарёларида, Чад кўлида балиқ овланади.

Саноати. Н.да уран, қалай, гипс, ош тузи, сода қазиб олинади. И. ч. саноати маҳсулотининг 3/4 қисмини озиқ-овқат корхоналари беради. Марадидаги, Магария ва Матамейдаги ёг з-дларидаги 130 минг т ер ёнғоқни қайта ишлайди. Зиндерда ер ёнғоқ тозалайдиган 3 та з-д, ун-ёрма корхонаси, Ниамейда сут з-ди ва совиткичли кушхона, Тиллабери ва Ниамейда шоли оқлаш фабрикалари, Ниамей ва Марадида пиво з-длари бор. Тўқимачилик ф-каси, 5 та пахта тозалаш корхонаси, кўнчилик з-ди мавжуд. Бинокорлик материаллари (цемент, сопол тахтачалар), кимё маҳсулотлари (совун, упа-элик ва дорилармон) ишлаб чиқарилади. Автомашина кузови ва тиркамалари йиғилади, мебель ва майда қ. х. анжомлари ва б. ишлаб чиқарилади. Каштачилик, кўнчилик, кулолчилик ички бозорда муҳим ўрин олади. Йилига ўртача 168 млн. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Мамлакат эҳтиёжи учун зарур электр энергиянинг 50% Нигериядан олинади.

Н.да т. й. йўқ. Автомобиль йўллари уз. 19 минг км, шундан 3 минг км асфальтланган. Нигер дарёсида кемалар қатнайди. Ниамей ва Агадесда халқаро аэропорт бор. Четга уран экстрактлари, тирик мол ва чорвачилик маҳсулотлари, арахис ёғи, пахта, сабзавот чиқаради, четдан нефть маҳсулотлари, дон, транспорт воситалари ва асбоб-ускуналар келтиради. Ташқи савдодаги асосий мижозлари: Франция, Италия, Германия, Япония, Нигерия, Жазоир. Пул бирлиги — Африка франки.

Тиббий хизмати. Н.да 3500 га яқин ўринли 300 дан ортиқ даволаш муассасаси, 140 врач хизмат кўрсатади. Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ишлар вазирлиги соғлиқни сақлашнинг марказий органи ҳисобланади.

Маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Мамлакат аҳолисининг 90% саводсиз. Мактаб ёшидаги болаларнинг 21% ўқишга жалб этилган. Н. маориф тизими француз тизими таъсирида ташкил топди. 6—7 ёшдан 6 й. ўқийди. Ўрта мактаб — 7 й.лик. Давлатга қарашли бошланғич мактаблардан ташқари хусусий мактаблар ҳам бор. Ўқитувчилар нормал (пед.) бўлим юртларида 4 й. мобайнида тайёрланади, 4 й.лик ва 1 й.лик пед. курслари ҳам бор. Марадидаги техника лицейи, Агадесдаги кончилик билим юрти ҳунар-техника таълими беради. Зиндерда фельдшер ва санитарлар тайёрловчи миллий мактаб, Ниамейда соғлиқни сақлаш мактаби, фуқаро авиацияси ва метеорология мактаби бор. Олий ўқув юртлари: Ниамей ун-ти, миллий маъмурий коллеж. Ун-т ҳузурида Мат. тадқиқот ин-ти, Ижтимоий фанлар тадқиқот маркази, Геол. тадқиқотлари бюроси ишлайди. Бундан ташқари, Африка Бирлиги Ташкилотининг тилшунослик, тарих ва оғзаки анъаналар тадқиқот маркази, агрономия тадқиқотлари миллий ин-ти, ветеринария лаб. ва б. мавжуд.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Н.да нашр этиладиган газ. ва жур.лар: «Сахел» (француз тилида чиқадиган кундалик ҳукумат газ., 1960 й.дан), «Сахел эбдо» (француз тилида чиқадиган ҳукумат ҳафтаномаси, 1961 й.дан), «Журнал офисьел де ла Репюблик дю Нижер» («Нигер Республикасининг расмий газетаси», француз тилида 2 ҳафтада бир марта чиқадиган ҳукумат хабарномаси, 1933 й.дан), «Нижерама» (ҳар чоракда чиқадиган жур.). Н. матбуот агентлиги миллий ахборот агентлиги бўлиб, 1987 й.да ташкил этилган. «Сахел овози» радио стяси ҳамда Н. радиоэшиттириш ва телекўрсатув ҳукумат хизмати мавжуд.

Меъморлиги ва бадиий ҳунармандчилиги. Нигер дарёси юқори оқимида яшовчи ўтроқ халқларнинг яшаш жойи гувалардан тўртбурчак қилиб қурилган ясси томли уйлардан иборат. Мамлакат жан.-ғарбида похол кулбалар, шарқида эса гувала ва тошдан қурилиб томи хашак б-н ёпилган уйлар кўп. Дон омборлари доира шаклида гувалардан 3 м гача баландликда қурилиб, тепасидан туйнук қолдирилади. Кўчманчи аҳоли (туареглар, фульбелар) тери б-н ёпилган чодирларда яшайди. Шаҳар меъморлиги — суданча услубнинг бир тури. Турар жой ва масжидлар сомонлой (банко)дан қурилади. Зиндер, Тахуа ва б. жойлардаги турар жойлар тўғри бурчакли режада, пальма устунлардан гумбазли қилиб ёки икки нишабли қамиш томли қилиб тикланади. Пештоқига ўзига хос қабариқ нақшлар солинади. Ниамей ва б. шаҳарларда европача замонавий уй-жой ва маъмурий бинолар қурилган.

Мамлакат пойтахти ва унинг атрофида, хауса элати истиқомат қиладиган вилоятларда босма рангдор нақш солинган чарм буюмлар — халталар, эгар-жабдуқлар, шиппаклар, идишлар, ҳатто маржонлар ясалади. Ҳамма жойда темирчилик, заргарлик, тўқувчилик тарқалган. Бронза ва кумушдан қадама нақш солинган пичоқлар, кумуш билагузуклар ва шокилалар, от ҳоналари тайёрланади. Кулолчилик буюмлари орасида ботиқ нақшли идишлар ажралиб туради. Рангдор (қизил, оқ, зангори) газламалар, қовоқ пўстидан ясалган идишлар ишлаб чиқарилади.

Театри. Мусулмон байрамлари кунларида саёқ қизиқчилар қишлоқларда ёғоч қўғирчоқларни ўйнатиб, масхарабозлик қилишлари қадимдан давом этиб келади. 20-а.нинг 50-й.ларида таш-

Хаусалар яшайдиган қишлоқ.



кил этилган маданият марказларида кичик театр труппалари ишлай бошлади. Ниамейдаги маданият марказининг директори Дандоби Махаман Н.нинг дастлабки драматургларидандир. Унинг «Эчкининг саргузаштлари» ва «Кабрэи Кабра афсонаси» каби пьесаларини мамлакатнинг жуда кўп ҳаваскорлик жамоалари саҳналаштирган. 1964 й.дан буён ҳар йили ўтказиладиган ёшлар ҳафтасида мамлакатнинг барча вилоятларидан келган драма ва фольклор труппалари мусобақалашишади.

Киноси. Н. мустақилликка эришганидан кейин кино и. ч. ривожлана бошлади. 1962 й.да «Тўй» деб аталган биринчи фильм дунёга келди (реж. М. Алассан). Ушбу реж.нинг «Ганжанинг ўлими» деган мультфильми 1966 й. Дакарда ўтказилган Жаҳон африкалик негрлар санъат ва маданият фестивалида совриндор олди. Шундан кейин «Товламачининг қайтиши», «Мен — негрман», «Кабаскабо», «Учрашув», «Қора булутлар», «Зиёратчи», «Сеҳргар», «Хотин, вилла, машина, пул» каби фильмлар яратилди.

НИГЕРИЯ (Nigeria). Нигерия Федератив Республикаси (Federal Republic of Nigeria) — Ғарбий Африкада Гвинея қўлтиғи соҳилида жойлашган давлат. Майд. 923,8 минг км². Аҳолиси 129,93 млн. киши (2002). Пойтахти — Абужа ш. Маъмурий жиҳатдан 36 штат (state) ва пойтахт округига бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — федератив республика. Амалдаги конституцияси 1999 й. 29 майда қабул қилинган. Буюк Британия бошчилигидаги *Ҳамдўстлик*ка аъзо. Давлат бошлиғи президент (1999 й.дан Олусегун Обасанжо). У умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 4 й. муддатга сайланади ва яна бир марта сайланиши мумкин. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (икки палатали парламент), ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Соҳили кам парчаланган камбар пасттекисликдан иборат. Ер юзаси шим.га томон баландлашиб боради. Йоруба, Уди, Жос платолари (энг баланд жойи 1735 м) бор. Платолардан жан.да Нигер ва Бенуэ дарё водиллари жойлашган. Шарқий қисмининг рельефи тоғлик, айрим чўққиларининг бал. 2000 м дан ортиқ. Н. ҳудуди тектоник жиҳатдан Африка платформаси таркибига киради. Заминининг метаморфик жинслари мамлакат майдонининг 50% ни ташкил этган. Улар таркибида токембрий гнейслари, магматит, амфиболит, кварцит ва сланецлар учрайди. Соҳил яқинидаги ботиқлар денгиз ва континент чўкиндилари б-н тўлган. Н.нинг Атлантика океани соҳилида нефть ва газ конлари бор. Тошкўмир, лигнит ва қўнғир кўмир, нисбий (колумбит), қалай, вольфрам, молибден, темир, боксит, марганец, асбест, кўргошин, рух ва уран рудаси конлари топилган. Мамлакатнинг шим.-тарбида олтин конлари ҳам бор.

Иқлими экваториал муссонли иқлим. Шим.да декабр—март ойларида қуруқ шамоллар эсиб туради. Баҳорда деярли ҳамма жойда ёмғир ёғади. Йиллик ёғин 500—4000 мм. Ички минтақаларда энг иссиқ ой (апр. ёки май)нинг ўртача т-раси 25—33°, энг салқин ой (дек. ёки янв.)ники 20—27°. Йирик дарёлари: Нигер ва унинг ирмоқлари ҳамда Комадугу-Йобе. Нигерда кема қатнайди. Чад кўлига қуйиладиган дарёлари қурғоқчил мавсумда жуда саёзланиб қолади. Тупроқлари қизил-сариқ, латерит, қизил латерит, қизил-қўнғир, қора тусли ва аллювиал тупроқлар. Ўсимликларининг аксари тропик ўрмон ва саванналардан иборат. Соҳили камбар мангра ўрмонлари б-н қопланган. Дарахтларини кўплаб қирқиш натижасида табиий ўрмонлар, асосан, қўриқхоналарда сақланиб қолган. Ҳайвонот дунёси бой: фил, каркидон, қоплон, чиябўри, ёввойи мушук, кийик, жирафа ва б. яшайди.

Аҳолиси. Н.да турли тилларда сўзлашувчи 200 га яқин халқ бор. Гвинея тилларида сўзлашувчи халқлар — йоруба, игбо, ижо ва нупелар кўпчиликни ташкил этади. Н.да хауса тилида сўзлашувчи халқлар анчагина. Канури, фульбе халқлари ҳам яшайди. Шарқий бантоид тилларида сўзлашувчи халқлардан ибибио ва тивлар бор. Шаҳар аҳолиси — 35,2%. Аҳолисининг ярмига яқини ислом динига, қолган қисми христиан ва маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади. Расмий тиллари — инглиз ва француз тили. Йирик шаҳарлари: Лагос, Ибадан, Огбомошо, Кано, Ило, Калуна, Порт-Харкорт, Илорин, Зария, Онича ва б.

Тарихи. Ҳозирги Н. ҳудудида дастлабки аҳоли манзилгоҳлари палеолит даврида вужудга келган. Мил. ав. 4—3-минг йилликлардаёқ бу жойларда силлиқланган ва сайқалланган тош болталар ва сопол идишлар ясалгани маълум. 1-минг йилликда моддий маданият нисбатан юқори даражада бўлган. Мил. 8—10-асрларда Н. ҳудудида хауса халқининг шаҳар-давлатлари (Кано, Кашна, Зария ва б.) вужудга келган. Бенин қироллиги ушбу даврдаги энг йирик давлатлардан бири бўлган. 13-а.да ҳозирги Н. ҳудудига фулъбе қабилалари келиб, улар тезда хауса-лар б-н аралашиб кетган.

Н. ҳудудига европаликлардан дастлаб португаллар келган (1472). 1553 й.да Н. соҳилларига деярли тарафдан инглизлар кириб борди. Европалик мустамлакачилар «қора танлиларни ов қилиб», Н. халқларининг табиий тараққиёт жараёнини сунъий тўхтатирди. 1849 й. Бенинда инглиз консулини пайдо бўлди. 1861 й.да инглизлар Лагосни эгалладилар. 1870-й.лар охирида мустамлакачилар Нигер дарёси ҳавзасида катта ҳудудга ўрнашиб олдилар. 1885 й.да «Ойл-риверс протектората» (1893 й.дан Нигер соҳили протектората») тузилди. 1906 й.да унинг таркибига Лагос ҳам қўшиб олинди, шундан сўнг «Жан. Нигерия мустамлакаси ва протектората» деб атала бошлади. 1914 й. 1 январдан ҳозирги Н. ҳудуди «Нигерия мустамлакаси ва протектора-ти» номини олди. 20-а. бошидан инглизлар Н.дан арзон минерал ва қ. х. хом ашёлари манбаи сифатида фойдалана бошладилар. Мустамлакачи маъмурларнинг жабр-зулми ва бедодлигига қарши тез-тез талаёнлар бўлиб турди.

1-жаҳон уруши (1914—18) дан сўнг Н.да дастлабки ижтимоий-сиёсий ташкилотлар пайдо бўла бошлади. 1920 й.да Ғарбий Африка Миллий конгрессининг Нигерия бўлими ташкил этилди. 1922 й.да Н.да биринчи сиёсий партия — Миллий демократик партия тузилди. 20-й.лар охири — 30-й.лар бошида янги оммавий ташкилотлар вужудга келди. 2-жаҳон уруши даври (1939—45) да четдан товар келтириш кескин камайди, натижада маҳаллий саноатининг

Нигерия гербн.

Нигерия байроғи.

ўсишига шароит туғилди. Тери ошлаш, ип газлама тўқиш, мева ва сабзавотни қайта ишлаш корхоналари вужудга келди. Маҳаллий тадбиркорлар Н.га ўз ички нархларини ўзи бошқариш ҳуқуқи ва сиёсий мустақиллик берилишини талаб қила бошлади. 1944 й. авг.да дастлабки Умумнигерия сиёсий партияси — Нигерия ва Камерун Миллий кенгаши (1962 й.дан Нигерия фуқаролари Миллий кенгаши) тузилди. 1940-й.лар бошида Н.да касаба уюшмалари вужудга кела бошлади. 1945 й.да ҳали яхши уюшмаган ишчиларнинг биринчи ин таншаши бўлиб ўтди. 1950—51 й.ларда яна янги партиялар тузилди. 1958 й. окт.да Лондонда бўлган конституцион конференцияда Н.нинг барча жойларидан келган вакиллар Н.га мустақиллик беришни Буюк Британиядан талаб қилдилар. 1960 й. Н.га Британия Ҳамдўстлиги таркибида мустақиллик берилди. Шу йили Н. БМТга қабул қилинди. 1963 й. 1 окт.дан Н. федератив республика деб эълон қилинди.

1964 й. 30 дек.да федерал парламентга сайлов ўтказилиб, янги ҳукумат тузилди. Аммо ҳукумат аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳақидаги ваъдаларини бажармай, миллий манфаатларга зид сиёсат юритганлиги илғор кучларнинг норозилик кайфиятини қўзғатди. 1966 й. 15 янв.да ҳарбий тўнтариш бўлиб, федерал ҳарбий ҳукумат тузилди. 1966 й. 29 июлда яна ҳарбий тўнтариш бўлди. Янги ҳукумат федератив идора усулини дарҳол тиклади. Аммо, шундан кейин ҳам кетма-кет ҳарбий тўнтаришлар содир бўлиб, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётига салбий таъсир қилди. Ниҳоят, 1999 й. 20 фев. куни парламент сайлови ва ўша йил 27 фев.да президент сайлови бўлди. Ҳарбийлар ҳокимиятни янги сайланган президент Олусегун Обасанжога топширилар.

Миллий байрами — 1 окт. — Мустақиллик куни (1960). Н. ЎзР суверенитетини 1992 й. 11 мартда тан олди ва ўша йил 28 авг.да дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Сиёсий партия ва касаба уюшмалари. Демократия учун иттифоқ партияси, 1998 й.да ташкил этилган; Умумхалқ партияси, 1998 й.да тузилган; Халқ демократик партияси, 1998 й.да асос солинган. Н. меҳнат конгресси, мамлакатнинг ягона марказий касаба уюшма ташкилоти, 42 тармоқ касаба уюшмасини бирлаштирган, 1978 й.да тузилган.

Хўжалиги. Н. — йирик саноат салоҳиятига эга бўлган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулот ва ташқи савдо ҳажми жиҳатидан Африкада 2-ўринда (ЖАРдан кейин) туради. Ялпи ички маҳсулотнинг ярми саноатда, тахм. 30% қ. х. ва хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаб чиқарилади. Н. дунёда нефть экспорт қилувчи 10 та йирик мамлакат жумласига киради, нефть қазиб олиш соҳасида Африкада биринчи ўринни эгаллайди.

Қишлоқ хўжалиги — мамлакат иқтисодиётининг асоси, иқтисодий фаол аҳоли ярмидан кўпроғининг тирикчилик манбаи. Энг оммавий деҳқончилик шакли жамоа деҳқончилигидир. Мамлакатдаги 8 млн.га яқин фермер хўжалиги қ. х. маҳсулотининг 90% ни беради. Ҳайдаладиган ерларнинг анчагина қисмида озиқ-овқат экинлари, асосан, илдизмевали ва дони экинлар етиштирилади. Деҳқончилик-да дуккакли экинлар, шакарқамиш, сабзавот ва ҳўл мевалар муҳим ўрин олади. Экспорт учун мойли пальма, какао, ер ёнғоқ, каучукли ўсимлик, пахта етиштирилади.

Чорвачилик, асосан, шим.да ва қуруқ саванналар минтақасида ривожланган. Қорамол, қўй ва эчки боқилади. Шим.да йилқичилик, жан.да чўчқачилик ва ҳамма минтақаларда паррандачилик б-н шуғулланилади. Дарёлардан, Чад кўли ва Гвинея қўлтиғи сувларида қимматбаҳо балиқ турлари кўп бўлса-да, балиқ овлаш узчалик ривожланмаган. Балиқчилик маҳсулотларини мамлакат аҳолиси эҳтиёжларини қондира олмайди. Ўрмон хўжалигидаги асосий ёғоч захиралари Нигер дарёси этакларида ва жан.-шарқий денгиз соҳилида жойлашган. Дарахтзорлар 23 минг км² ни ташкил этади. Ўрмонлар тартибсиз кесилиши натижасида қимматбаҳо ёғоч олинадиган дарахтлар камайиб кетди. Мамлакатда ўрмон хўжалигини тиклаш тадбирлари ишлаб чиқилди, ёғоч экспорт қилиш тақиқланди.

Саноатида кончилик асосий ўринни эгаллайди. Нефть ва табиий газ, қалай ва нисбий рудалашунингдек, тошкўмир, темир рудаси ва б. бойлиги, жумладан, 2000 й. охирида Ажаокутда Тропик Африкадаги энг йирик металлургия к-тининг биринчи навбати қуриб битказилди. Нефтни қайта ишлаш з-длари, «Пежо», «Фольксваген», «Фиат» ва б. автомобиль з-дларининг йиғув линиялари бор. Йилига 9—10 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Нигер дарёси бўйидаги Каинжи ва Жебба ГЭСлари, мамлакат жан.даги йирик шаҳарларда жойлашган иссиқлик электр марказлари электр энергетикасининг асосини ташкил қилади.

И.ч. саноати тузилмасида озиқ-овқат ва енгил саноат тармоқлари етакчи роль ўйнайди. Н.да 95 та тўқимачилик фабрикаси, озиқ-овқат корхоналари бор. Обжувоз з-дларида пальма, ер ёнғоқ ва чигит ёғи ишлаб чиқарилади. Тамаки, мева-консерва, гўшт-сут, қанд-шакар и.ч. корхоналари, тегирмонлар мавжуд. Ёғочсозлик саноати Сапелдаги йирик ёғоч тилиш-фанер и.ч. к-тидан, Эпадаги к-т ва б. 400 майда ёғоч тилиш корхоналаридан иборат. Н.нинг йирик шаҳарларида мебель ф-калари, гугурт ва целлюлоза-қоғоз корхоналари барпо этилди. Мамлакат жан.даги Нкалагу, Порт-Харкорт, Абеокут, Калабар, Эмен ш.ларида цемент, асбест-цемент тахталар ва қувурлар и.ч. заводлари жойлашган. Лагос машинасозлик ва металл ишлаш тармоқларининг йирик марказидир. Халқ ҳунармандчилиги ривожланган.

Транспорти. Автомобиль ва т.й. транспорти етакчи ўринда. Ташиладиган юкларнинг 80% дан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келади. Т.й.лар уз. — 3,5 минг км, автомобиль йўллари — 124 минг км. Ғарбий (Лагос—Кано) ва Шарқий (Порт-Харкорт—Кадуна) т.й. магистраллари денгиз соҳилини мамлакатнинг ички туманларини б-н туташтиради. Нефть қувурлари уз. — 3000 км. Асосий сув йўли — Нигер дарёси ва унинг ирмоқлари бўлиб, уларда деярли йил бўйи кемалар қатнайди. Ички сув йўлларининг уз. — 7,4 минг км. Асосий денгиз портлари: Лагос (Апапа ва Тин-Кан-Айленде), Порт-Харкорт.

Лагос — Нигерияда йирик шаҳарлардан бири.

Бонни, Форкадос, Буруту, Варри. Ҳаво транспорти 2-жаҳон урушидан кейин ривожлана бошлади. Лагос, Кано ва Илорида халқаро аэропортлар бор.

Ташқи савдоси. Четга, асосан, нефть, какао, каучук, пальма ёнғоги мағзи, хом тери чиқарилади. Четдан машина ва асбоб-ускуна, истеъмол моллари, озиқ-овқат ва б. келтирилади. Савдо-сотиқдаги асосий мижозлари: Буюк Британия, АҚШ, Франция, Германия, Япония, Бразилия. Пул бирлиги — найра.

Тиббий хизмати. Давлатга қарашли тиббий муассасалар б-н бирга аралаш ва хусусий шифохоналар ҳам бор. Федерал соғлиқни сақлаш вазирлиги мамлакат миқёсида оммавий профилактика тадбирларини ўтказиш, мутахассислар тайёрлаш, тиббиётдаги ҳуқуқий қонун-қоидаларга риоя этилиши учун масъул. Даволаш ва касалликларнинг олдини олиш муассасаларига штатларнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари бевосита раҳбарлик қилади. Врачлар Ибадан, Лагос, Ифе, Энугу, Бенин-Сити, Зариядаги тиббиёт мактабларида тайёрланади. Тиббий ҳамширалар, доялар, тиш врачлари ва техниклари тайёрланадиган ўнлаб мактаблар бор. Лагос, Калун, Ибадан, Узуаколи ш.ларида тиббиёт и.т. марказлари мавжуд. Лагосда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг безгакка қарши кураш халқаро маркази ишлайди.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Н. мустақилликка эришганидан кейин маорифни ривожлантиришга эътибор берила бошлади. Катта ёшдаги аҳоли саводсизлигини тугатиш мақсадида қисқа муддатли курслар очилди. 1976 й.да 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий 6 йиллик бошланғич таълим жорий этилди. Ўқиш маҳаллий ва инглиз тилларида олиб борилади. Ўрта маълумот 5 йиллик. Хусусий ўрта мактаблар ҳам бор. 2—5 йиллик ҳунар-техника мактабларида малакали ишчилар, 4 йиллик политехникум ва технология коллежларида эса ўрта техник ходимлар тайёрланади. 29 ун-т бор. Зария, Лагос, Ибадан, Ифе, Нсукка ун-тлари энг йирик олий ўқув юртлари ҳисобланади. Ўқиш — бепул. Кўпгина ун-тларнинг сиртқи бўлимлари бор. Н. педагогика тадқиқотлари кенгаши, ун-тларнинг педагогика ф-тлари, институтлари ва тадқиқот марказлари, оширилган даражалаги баъзи пед. коллежлари маориф ва пед. фанлари соҳасида и. т. ишлари б-н шуғулланади.

Илмий муассасалари: Лагослаги Н. фанлар академияси (1977 й.да ташкил этилган), Тиббиёт и. т. кенгаши (1974), Миллий океанография ва денгиз тадқиқотлари ин-ти (1975), Ибалангаги Н. ижтимоий ва иқтисодий тадқиқотлар ин-ти (1950), Федерал ўрмончилик маркази (1954), Тропик ўсимликлар байналмилал ин-ти (1975), Ошодаги Федерал саноат тадқиқотлари ин-ти (1955), Бенин-Ситидаги пальма ёғи ин-ти (1939), Моордаги Федерал қ. х. тадқиқотлари маркази (1910), Вомдаги Федерал ветеринария маркази (1924), Самарудаги қ.х. тадқиқотлари ин-ти (1924) ва б.

Йирик кутубхоналари: Ибадан, Лагос ун-тларининг кутубхоналари, Ифе, Лагос, Бенин-Сити, Жос, Илорин ва б. шаҳарлардаги кутубхоналар, Н. Миллий кутубхонаси.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Н. матбуоти — Тропик Африкадаги дастлабки ва энг ривожланган матбуот. Инглиз ва маҳаллий тилларда 20 дан кўпроқ газ. ва 10 ҳафтанома нашр этилади.Кўп нусхада чиқадиган энг нуфузли газ.лар: «Гардиан» («Посбон», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1982 й.дан), «Дейли скетч» («Кундалик баён» инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1964 й.дан), «Дейли таймс» («Кундузги вақт», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1925 й.дан), «Ирохин йоруба («Йоруба халқи янгиликлари», йоруба тилида чиқадиган газ., 1945 й.дан), «Найжириан обсервер» («Нигерия кузатувчиси», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1968 й.дан), «Найжириан трибюн» («Нигерия минбари», инглиз тилида чиқадиган кундалик газ., 1949 й.дан), «Нэшнл конкорд» («Миллий тотувлик», кундалик газ., 1980 й.дан), «Нью найжириан» («Янги нигериялик», инглиз тилида чиқадиган кундалик ҳукумат газ., 1965 й.дан). Н. ахборот агентлиги (НАН), ҳукумат ахборот агентлиги, 1978 й.да ташкил этилган. Ҳукуматга қарашли Н. федерал радиокорпорацияси 1978 й.да тузилган. Н. телекўрсатув хизматига 1976 й.да ҳукумат томонидан асос солинган. 8 штатда штат ҳукуматлари қарамоғидаги радио ва телемарказлар бор.

Адабиёти халқ оғзаки ижодиёти б-н узвий боғланган. Йоруба, ибо, хауса тилларида адабий анъаналар яхудга келган. Замонавий Н. адибларининг кўпчилиги инглиз тилида ёзади. 19-а. охири ва 20-а. бошларида публицистика шаклланди. 20-а. 20—40-й.ларида ватанпарварлик шеърияти (Н. Азикиёве, Д. Осадебей) юзага келди. 30-й.ларга келиб, драматургия пайдо бўлди ва христиан черковлари фаолияти б-н боғланган библия мавзуида пьесалар яратилди. 30—40-й.ларда Н.нинг баъзи шаҳарлари (Оничада китоб бозорлари пайдо бўлди. С. Эквенининг ижтимоий муаммоларга бағишланган «Шаҳар одамлари» (1954) романи ва А. Тутуоланинг йоруба фольклори мотивлари асосидаги «Майхўр» (1952), «Руҳлар ўрмонидаги ҳаётим» каби асарлари Н. прозасида янги босқич бўлди. Т. Алукоининг «Қариндошлар» (1968) романида инсонпарварлик гоялари ўз аксини топди. О. Эгбуанинг «Уйланиш масаласи» романида замонавий ахлоқнинг анъанавий урф-одатлар б-н тўқнашуви муаммоси кўтарилган. Ёш адиблардан Ч. Ачебенинг «Емириш вақти келди», «Нотинч ҳаёт», «Худонинг ўқ ёйи» асарлари Н. прозасининг ривожланиш йўлини кўп жиҳатдан белгилаб берди. 70—80-й.лардаги драматургия ва шеърият ижтимоий мазмун б-н бойиди, уларда янги замон нишоналари ўз аксини топа бошлади (В. Шойинканинг «Иданре» поэмаси, «Ўрмон раҳси», «Йўл» пьесалари, К. Окигбонинг «Осмон дарвозаси», «Лабиринтлар» шеърий китоблари ва б.). 90-й.ларда янги истеъдодли қалам соҳиблари адабиётга кириб келди. «Блэк Орфью» ва «Окике» каби адабий журлар нашр қилинади.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Халқ меъморлиги табиий иқлим шароитига мослашган. Жан., жан.-шарқ, жан.-ғарбдаги тропик ўрмонларда уйлар тўғри тўртбурчакли шаклда ёғоч, лой, тўқима новалдан қурилади, томи икки нишабли қилиб, похол ва пальма барглари б-н ёпилади. Марказий Н.да бинолар айлана шаклида девори лойдан, томи похол, шох-шаббадан конус шаклида ишланади. Саванна ва чала чўлларда уйлар лойдан тўғри бурчакли қилиб, томи ясси қилиб қурилади. 13—15-а.ларда шаҳарлар режа асосида қурилди. 14-а.да шим.да ислом дини тарқалгач, масжидлар барпо қилинди. 2-жаҳон урушидан кейин Европа меъморлигининг таъсири кучайди. Биналар ҳайкал, нақшлар б-н кўпроқ безатилди. Н. мустақилликка эришгач, бетон ва металлдан қурилган иморатлар қуёш ўтқичли, пешайвонли ва ишжарали қилиб миллий услубда қурила бошлади (Ибадан ун-ти биноларн, Калунадаги Олий суд биноси ва б.). Мухандис ва меъморлар Европада, шунингдек, Лагосдаги технология коллежининг, Нсукка ва Зария ун-тларининг меъморлик ф-тларида тайёрланади.

Н. шим.да топилган Нок маданияти маҳсули бўлган гўзал ҳайкалтарошлик ва ўймакорлик асарлари мил. ав. 1-минг йиллигига мансуб деб ҳисобланади. Мил. бошларида Ифе ва Бенин санъатининг илк намуналари — сопол ва бронза ҳайкаллар ишланган маълум. Н. ҳайкалари ёғочдан санамлар, аждодлар, чавандозлар, болали аёллар ҳайкалчаларини қалимдан ясаб келганлар. Н.да янги тасвирий санъатни ривожлантиришда А. Онаболу, О. Идах, Ф. Идехен, Ф. Идубор, Б. Энвонву каби ҳайкалтарош ва рассомлар салмоқли хизмат қилди, уларнинг асарларида маҳаллий анъаналар давом эттирилгани ва замонавий Европа санъати югуклари ижодий ўзлаштирилгани кўзга ташланади. Рассомлар орасида Д. Нвоко, Ю. Грилло, Ж. Аколо, А. Эконг, А. Ласекан ва б. шуҳрат қозонган.

Бадиий ҳунармандчилик ривожланган. Яхлит ёғочдан одам ва ҳайвон қиёфаси тасвирланган, гўзал нақш солиниб, манзаралар ўйиб ишланган рўзғор анжомлари, гаройиб шаклдаги сопол, шиша ва чарм идишлар, заргарлик буюмлари тайёрланади. Бида ойнасозлари нақшли идишлар, Кано заргарлари олтин ва кумуш безаклар, нақшли билагузуклар ясайдилар. Бенин-

Нигериялик чорвадорлар.

Ситида бронза қуймалар ва фил суяги ўймакорлиги анъаналари сақланиб қолган. Ниқоб (маросимларда, карнавалларда тақилади), ўйма нақшли курсилар тайёрлаш, матолар тўқиш, кашталчилик, наққошлик санъати ривож топган. Новда, похол ва қамишдан сават ҳамда бордон тўқиш, ёғочдан елпиғич, қовоқ пўстлоғидан турли гулдор идиш ва қошиқлар ясаш кенг тарқалган.

Мусиқаси. Н. мусиқий маданиятининг хилма-хиллиги бу ердаги халқ анъаналарининг хусусиятлари б-н боғлиқ. Профессионал мусиқа санъати ўрта аср.лик. Профессионал мусиқа санъати ўрта асрларда таркиб топган. Қабила кексаларн раҳбарлигида ёшлар маросим рақслари ва қўшиқларини, созандалик сирларини ўрганар эди. Араб сайёҳларининг гувоҳлик беришича, ўрта асрининг гувоҳлик беришича, ўрта аср.ларда ҳукмдорлари саройларида созанда, хонандалар ва раққосаларни сақлаганлар.

19-а.да мустамлакачилик сиёсати ва христиан дастаткорларининг фаолияти оқибатида бир қанча маҳаллий диний мусиқа ҳам йўқолиб кетди. Европа мусиқасининг таъсири кучайди. Н. чолғу асбоблари орасида барабан энг кўп тарқалганидир. Елкага осиладиган нақш ва ҳайкалчалар б-н безатилган бир мембранали, қўлтиқ остига осиладиган икки мембранали барабанлар, игелегву деб аталадиган чанг мавжуд. Аэрофлар орқали най, қўшнай, донра, уд, цитра, алгант каби чолғу асбоблари кириб келган.

Мустақилликка эришилганидан сўнг профессионал мусиқа маданияти ривожланди. Н.да ўзига хос композиторлар мактаби вужудга келди. А. Юба, Ф. Совинде, С. Акпабот, А. Банколе, А. Фибезима ва б. композиторлар машҳур. Фольклор анъаналаридаги спектаклларда халқ қўшиқлари ва мусиқаси янграйди. Юбанинг «Ўрмон парилари», «Абику» ва «Алатангана» рақс драмалари бунга мисол бўла олади. Т. Ойелана «Адуфе», «Қондаги сеҳр» спектакларида мусиқа ёзди. Н.нинг дастлабки операси — «Орукоро» Фиберезима қаламига мансуб.

Театри. Н.да ишончи халқлар анъанавий театр томошаларининг асосини маиший ва маросим рақслари ташкил этади. Қишлоқлардаги байрам ва танаали айёмларда миллий либос ва ниқоб кийиб юришган, афсонавий мазмундаги ўйинлар ўтказиб келинган. Уларда табиат кучларини ифодаловчи илоҳлар, аждодларнинг арвоҳлари, афсона қаҳрамонлари иштирок этган. 19-а. ўрталарида шу асосда замонавий театр шаклларн бошлади. Йоруба театрининг асосчиларидан бири, шоир ва қўшиқчи Хуберт Огунде 1944—45 й.ларда сайёр театр жамоасини ташкил этиб, унинг учун насиҳат ва тарғибот руҳидаги пьесаларини ёзди. Мустақиллик йилларида бу труппа профессионал сайёр жамоага айланди. Драматург ва реж. Дуро Ладипонинг 60-й.ларда тузган театр труппаси кейинчалик «Миллий театр» номини олди. Ҳаваскорлик драма театрларида эса Европа драматургияси ва саҳна техникасидан фойдаланила бошлади. Бир қанча штатларда янги жамоалар тузилган.

Киноси. 1945—47 й.ларда бир неча ҳужжатли лентлар суратга олинди. 1960-й.лар бошида реж. Ш. Олушола телевидение учун бир қанча адабий асарларни ва театр спектаклларини экранлаштирди. Шундан кейин яратилган ҳужжатли фильмларнинг айримлари Тошкентдаги халқаро фестивалларда намойиш этилди. Биринчи тўла метражли фильми «Икки киши ва эчки» (1966) дир. «Шаҳу Гарбай» (1971), «Икки тақдир» (1972), «Лорай бобо» (1973), «Овуарусун» (1974), «Қора маъбуда» (1977), «Айе» (1979), «Пул ҳукмронлиги» (1981), «Озодлик учун» (1981) ва б. бадиий фильмлар яратилди. Мамлакатда 200 га яқин кинотеатр бор. Йилига 6—8 бадиий фильм ишлаб чиқарилади.

НИГЕР-КОНГО ТИЛЛАРИ — *нигер-кордофан тиллари* макрооиласига мансуб тил оиласи. Африканинг Саҳрои Кабир жан.рогидаги катта ҳудудда (Марказий Судан, Шарқий ва Жан. Африканинг баъзи минтақалари бундан мустасно) кенг тарқалган. Умуман, бу тилларда 300 млн. дан ортиқ киши сўзлашади. Сон-саноқсиз катта-кичик тиллардан иборат. Н.-к.т. америкалик тилшунос Ж. Гринберг таснифи бўйича 6 та кичик оилага бўлинади: 1) ғарбий атлантика тиллари; 2) манде тиллари; 3) гур (вольта) тиллари; 4) ква (гвинея) тиллари; 5) бенуэ-конго тиллари; 6) адамауа-шарқий (адамауа-убанги) тиллари (оилачалар ғарбдан шарққа қараб саналган). Бошқа олимларнинг фикрича, бу таснифи шартли, тахм. хусусиятга эга, чунки ғарбий атлантика ва манде тиллари оилачалари бошқаларидан сезиларли фарқланади; аксинча, ква тиллари бенуэ-конго тилларига жуда яқин туради. Н.-к. т.дан акан, бамана, волоф, занде, игбо, йоруба, лингала, малинке, ньянжа, рунди, санго, суахили, фула, шона, эве кабилар 2,5 млн.дан 20 млн.гача сўзлашувчиси бўлган тиллардир. Н.-к.т.нинг баъзи хусусиятлари ва ёзувлари ҳақида қ. *Нигер-кордофан тиллари.*

НИГЕР-КОРДОФАН ТИЛЛАРИ (конго-кордофан тиллари) — африка тиллари макрооиласи. Америка тилшуноси Ж. Гринберг таснифига кўра, 2 оила-

га бўлинади: *нигер-конго тиллари* ва *кордофан тиллари*. Нигер-конго тиллари Ғарбий ва Жан. Африканинг катта қисмида, кордофан тиллари эса Суданнинг шарқидаги ва Кордофан тоғли ўлкасидаги кичкина ҳудудда тарқалган. Ушбу тил оилаларининг генетик бирлиги бир қанча лугавий ўхшашлик ва морфологик мосликлар асосидагина исботланган бўлса-да, аслида улар лугавий, морфологик, синтактик жиҳатлардан фарқланиб туради. Нигер-конго тиллари ўз навбатида 6 та кичик оилага бўлинса (қ. *Нигер-конго тиллари*), кордофан тиллари 5 гуруҳга бўлинади ва 30 дан ортиқ тилни ўз ичига олади (кордофан тиллари жуда кам ўрганилган). Н.-к. т.да сўзлашувчилар тахм. 350 млн. кишидан ортиқроқдир. Бу тилларнинг кўпчилиги ёзувга эга эмас. Бир қанчаси Европа мустамлакасигача мослаштирилган араб ёзувларидан фойдаланиб келган. Баъзилари эса (акан, волоф ва б.) лотин алифбосига қўшимча ҳарф ва белгилар қўшган ҳолда ўз ёзувларига эга бўлганлар.

НИГИЛИЗМ (лот. nihil — ҳеч нима) — мавжуд ижтимоий ҳаёт шакли ва ахлоқий нормаларни, маданий мерос ҳамда идеалларни инкор этиш. Ижтимоий-тарихий тараққиёт инқирозга учраган даврларда айниқса кенг ёйилди. Н. терминини биринчи марта немис файласуфи Ф. Г. Якоби (1743—1819) қўллаган. Россияда бу термин И. С. Тургеневнинг «Оталар ва болалар» (1862) романи нашр этилганидан кейин кенг тарқалди. 19-а.нинг 2-ярмида крепостнойлик анъаналарини ва диний инкор этган разночиншестидесятникларнинг радикал оқими вакиллари нигилистлар деб аталган. Кейинчалик Н. термини инқилобий мафкура ва демократик ҳаракатни таҳқирлаш учун ишлатилган.

НИГРОСПОРОЗ — маккажўхори сўталари ва ғўза кўсаклари касаллиги. Nigrospora oriuzae, N. sparrica (маккажўхори сўталарида), N. gossypii (ғўза кўсакларида) чала замбуруғлари қўзғатади. Касалланган органларда қора доғлар ҳосил қилади. Кучли зарарланган сўталар ривожланмайди, зўғатаси ўртасидан ёрилиб кетади. Зарарланган сўталардаги маккажўхори донининг унувчанлиги пасаяди. Зарарланган уруғлик майсаси кўпинча униб чиқиши б-н нобуд бўлади. Н.га чалинган кўсакнинг барча ёки баъзи чаноқлари тўлиқ очилмайди. Касалланган тола қора-қизғиш рангга киради. Н.га қарши ўсимликларнинг бошқа замбуруғли касалликларига қарши кураш чоралари қўлланилади.

НИДЕРЛАНД МАКТАБИ — 15—16-а.лар мусиқасидаги ижодий йўналиш. Уйғониш даврининг етакчи композиторлик мактаби. Нидерландия (тарихий вилоят) илғор мусиқа маданияти юксак профессионализм, бадиий юксаклик ва халқ анъаналари заминида шаклланиб, Ғарбий Европа мамлакатларига тарқалган. Н.м. вокал-хор *полифония* тараққиётини белгилаб берди ва унинг умумий асос ва усул (имитация, мураккаб контрапункт ва б.)ларини ишлаб берган. Етук намояндалари: Г.Дюфаи, Й.Окегем, Я.Обрехт, Жоскен Депре, *Лассо*. Н.м. ижодкорлари диний ва дунёвий мусиқа (месса, мотет, мадригал, полифоник қўшиқлар), 16-а.да мураккаб чолғу пьесалар ҳам яратдилар. А капелла хор мессалари Н.м.нинг улкан ютуғи бўлди. Н.м. ишлаб чиққан кўп овозлилик қонунлари ва янги ифода воситалари композиторлик мусиқасининг кейинги тараққиётини таъминлади; услуб сифатида Европа мусиқа санъатида черков вокал-хор жанрлари ва уларда ифода топган диний дунёқарашининг кўп асрлик ҳукмронлигини якунлади. Н.м. кўп бадиий хусусиятлари мусиқанинг кейинги ривожи (полифония, гомофония, долекафония)да ўз аҳамиятини сақлаб қолди.

НИДЕРЛАНД САНЪАТИ — Нидерландия ҳудуди (ҳоз. Бельгия, Голландия, Люксембург ва қисман Франциянинг шимоли-шарқи)да ўрта асрларда мавжуд бўлган ягона бадиий мактаб; 14-а.дан то *Нидерландия инқилоби* ғалабаси (16-а.) га қадар бўлган даврда бу ерларда Ғарбий Европа Ўрта асрлар ва Уйғониш даври санъати шаклланган. Нидерландия ҳудудида Каролинглар даврида *базилика* типидаги черковлар, баъзан марказий капеллалар қурилган, 11—13-а.ларда роман услуби ривожланган. Дастлабки турар жой бинолари пайдо бўлган; қаср ва бозор майдонлари атрофида айлана тарҳли ратуша, гильдия уйлари ва устахоналари бўлган шаҳарлар қад кўтарди, шаҳарнинг минорали деворлари, кўприклари мустаҳкам қилиб қурилди. Маас водийси меъморлигида роман ва готика услублари уйғунлашган. Шим. Нидерландияда гиштли готика кенг тарқалган, бинолардаги ҳашаматли безаклар бинонинг маҳобатли шаклига бўйсундирилган. Н.с.да ҳайкалтарошлик ва рангтасвирда ютуқларга эришилди. 11-а.дан миниатюра (Ставло «Инжил»и, 1093—97), бадиий бронза буюмлар тайёрлаш, заргарлик санъати, 13—15-а.ларда готика ҳайкалтарошлиги («Момо Ҳаво», Лежддаги Сен-Жан черковида), монументал («Хочга михлаш», Утрехтдаги Синт-Питерскерк черковида) ва дастгоҳли (рассомлар Ж.Малуэль, А. Бельшоз, М.Брудерлам) рангтасвир ривожланган; ҳайкалтароши К. де Верве, миниатюрачи рассомлардан ака-ука Лимбурглар машҳур бўлган. 15-а.дан Н.с. Шим. Европа санъатида етакчи ўрин тутди, инсон ва табиатга янгича муносабатлар шаклланди, инсон ва табиат орасидаги уйғунликни акс эттириш шу даврларда яратилган асарларга бетакрор руҳ бахш этди. Жумладан, Я. *ван Эйк* асарларида кундалик ҳаёт рангбаранглиги ва кўтаринки руҳи ўз ифодасини топди, ранг ва нур алоҳида пластик куч ва ифодалилик касб этиб, Европа рангтасвирининг кейинги ривожида муҳим роль ўйнади, рассомнинг ўзи Шим. Европа Уйғониш даври санъати асосчисига айланди.

Робер Кампен. «Камин ёнида утирган маломпа».

15—16-а.лар Нидерландия Уйғониш даврида алтар картиналари, портретлар, миниатюраларда рассомлар (Р.Кампен, Я. ван Эйк, Рогир ван дер Вейден, Х.ван дер Гус, Х.Босх ва б.) дунёвий ҳаётни ҳаққоний акс эттирдилар. 16-а. 2-ярмида дунёвий рангтасвирнинг портрет (А.Мор, Д.Якобус), манзара (И.Патинир), маиший жанр (Лука Лейденский, П.Брейгель Катта) турлари тараққий этди. Н.с. амалий безак санъатида мужассамоти кўп шаклли шпалерлар и.ч., заргарлик санъати, сопол буюмлар тайёрлаш, каштачилик, 16-а.дан бадиий тўр тўқиш юксак даражага кўтарилди.

Нидерландия буржуа инқилоби ғалабасидан сўнг Н.с. икки мустақил — Голландия ва Фламанд мактабларига ажралди ва ўзига хос тарзда ривожланди ва халқин қилинди.

НИДЕРЛАНД ТИЛИ, голланд тили — *ҳинд-европа тиллари* оиласидаги *герман тиллари* гуруҳига мансуб. Нидерландия, Бельгия, Вест-Индияда, қисман АҚШда тарқалган. Нидерландия Қироллигининг расмий тили, Бельгия Қироллигининг расмий тилларидан бири (француз тили б-н бирга). Н. т.да 20 млн.дан ортиқ киши сўзлашади.

Н. т. ўрта асрларда салик франклари қабилавий лаҳжаларининг фриз ва саксон қабилавий лаҳжалари б-н ўзаро таъсирлашуви жараёнида шаклланган. Ўз тарихида 3 ривожланиш босқичини ўтган: қад. нидерланд (9—11-а.лар), ўрта нидерланд (12—15-а.лар) ва янги нидерланд (16-а.дан бошлаб; бу давр ҳоз. нидерланд тилига ўтиш босқичидир).

1650 й.да шим. нидерландлар тили «голланд тили» деб аталган. 19-а.да Нидерландия Қироллиги ижодда келгач, «нидерланд тили» термини барқарорлашиб қолади. Ягона адабий тил меъёрий асослари, тил тараққиёти марказининг шимолга кўчиши муносабати б-н 17-а.да вужудга келади. Адабий тилнинг оғзаки ва ёзма кўринишларида, шунингдек, шим. ва жан. вариантларида фонетик ва грамматик сатҳларда, лексикада муайян ҳудудий фарқлар мавжуд.

Н.т. диалектал жиҳатдан шим.-марказий, шим.-ғарбий, жан.-марказий, жан.-ғарбий, шим.-шарқий, жан.-шарқий лаҳжа гуруҳларига эга. Фонетикаси жарангсиз портловчи ундошларнинг мавжудлиги, дифтонгларга бойлиги, урғунинг, асосан, ўзакка тушиши б-н ажралиб туради. Тил хусусиятларига ва грамматик қурилишига кўра, Н.т. аналитик типдаги тиллардандир. Кўп жиҳатдан немис тилига жуда яқин, лекин сифатларнинг турланмаслиги, гапдаги сўз таркибининг ўзига хослиги жиҳатдан фарқланади. Н.т. ёзуви лотин графикасига асосланган.

Ад.: Лингвистический энциклопедический словарь, М., 1990.

НИДЕРЛАНДИЯ — ўрта асрларда Европанинг шим.-ғарбида жойлашган тарихий вилоят (ҳоз. Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Шим.-Шарқий Франциянинг бир қисми). 17 вилоят (жан. вилоятлар — Фландрия, Брабант, Люксембург, Артуа, Геннегау ва б.; шим. вилоятлар — Голландия, Зеландия, Фрисландия ва б.)дан таркиб топган. 15-а. охиридан габсбургларга (1556 й.дан — испан габсбургларига) тегишли бўлган; *Нидерландия инқилоби* Н.да бўлиб ўтган.

НИДЕРЛАНДИЯ (Niderland), Нидерландия Қироллиги (Koninkrijk der Nederlanden) (норасмий номи — Голландия) — Ғарбий Европада, Шим. денгиз соҳилида жойлашган давлат. Майд. 41,5 минг км². Аҳолиси 16 млн. киши (2002). Пойтахти — Амстердам ш. Ҳукумат қароргоҳи Гаага ш.да. Маъмурий жиҳатдан 12 провинция (provincie)га бўлинади. Нидерландия Антил оролари, Аруба о. Н. мулки ҳисобланади.

Давлат тузуми. Н. — конституциявий монархия. Амалдаги конституцияси 1983 й.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — қирол (қиролича) (1980 й.дан В.А.Беатрикс хоним). Унинг ҳузуридаги Давлат кенгаши аъзолари қирол томонидан тайинланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни қирол ва икки палатали Бош штатлар (парламент), ижроия ҳокимиятни қирол б-н ҳукумат амалга оширади.

Табиати. Н. Ўрта Европа текислигининг ғарбий қисмида жойлашган. Шим. ва шим.-ғарбдан саёз қўлтиқ ва бухталар ўраб турган. Соҳили 56 м гача баландликдаги дўнгликлардан иборат, тошқиндан сақланиш учун тўғон ва дамбалар қурилган. Ер юзаси, асосан, пасттекислик. Н. ҳудудининг 40% денгиз сатҳидан паст-да, фақат 2% 50 м дан юқори. Энг баланд жойи 321 м. Н.нинг пасттекислик қисмлари доим денгиз суви босиш хавфи остида. 1282 й.ги кучли сув тошқини натижасида Зейдер-Зе кўлтиги ҳосил бўлган. 33 км ли дамба қурилгач, Зейдер-Зенинг жан. қисми чучук сувли берк кўлга айланган. Н.нинг шарқи мореналли тепалик; шим. қум ва гилли денгиз ва дарё ётқизиқларидан, дарё шарқи музлик ётқизиқларидан, дарё дельталари эса аллювиал ётқизиқлардан тузилган. Кўмир, нефть ва газ, торф, ош тузи, каолин конлари бор.

Иқлим — денгиз иқлими, қиши юмшоқ, ёзи илиқ. Атлантика океанидан йил бўйи шамол эсади. Янв.нинг ўртача т-раси 1—3°, июлники 16—17°. Йиллик ёғин 650—750 мм. Тез-тез туман тушади. Қаттиқ совуқлар ақён-ақёнда бўлади. Қор кам, ёмғир кўпроқ ёғади. Дарёлар йил бўйи сершув; йирик дарёлар: Рейн, Маас, Шельда. Соҳил тупроғи унумдор, дарё водийларининг аллювиал-ўтлоқи тупроқ. Н.нинг шим. ва шарқида, асосан, чимли подзол, айрим жойларида ботқоқланган тупроқ. Н. ҳудудининг 70% маданий ландшафт, 8% ўрмон. Кумли жойлари бутали ва реекзор (арчагул), дарёлар соҳили тол-зор. Ҳайвонот дунёси жуда камбағал. Ёввойи қуён, тийин, сувсар, сассиқ-кўзан, елик яшайди. Н.да қушларнинг 180 тури бор. Дарё дельталаридаги сузувчи қушлар қишлайдиган жойлар қўриқланади. Велюзом, Кеннемер дўнгликлари, Хоге-Велюве миллий боғлари ва 8 та қўриқхонаси бор.

Аҳолисининг аксарияти голландлар, йирик этник гуруҳлардан фламандлар, фризлар бор. Немислар, яҳудийлар, индонезлар ва б. ҳам яшайди. Диндор аҳолининг 50% га яқини католик, 37% протестант. Расмий тил — нидерланд (голланд) тили. Н. дунёда аҳолиси энг зич жойлашган мамлакатлардан. Аҳолисининг 89% шаҳарларда яшайди. Йирик шаҳарлари: Амстердам, Роттердам, Гаага, Утрехт.

Тарихи. Н. ҳудудида одамлар неолит давридан яшайди; мил. ав. 1-минг йиллигининг 2-ярмида бу ерда кельт қабилалари яшаган. 1-а. бошида бу қабилаларни германлар сиқиб чиқарган. Мил. ав. 1-а.да Н. ҳудудининг бир қисмини римликлар босиб олган. Мил. 3—4-а.ларда Н. ҳудудига франклар ва саксалар ҳамда фризлар келиб ўрнашдилар. Франклар давлати тузилгач (5-а.), Н. ҳудуди унинг таркибига, 843 й.ги Верден шартномасига биноан, «Муқаддас Рим империяси» таркибига кирди. 10—11-а.ларда Н. ҳудудида бир неча мустақил ер-мулклар (Фландрия, Голландия, Гелдерн, Зеландия, Утрехт графликлари ва ҳ.к.) ташкил топди. 12-а.дан шаҳар ривожлана бошлади. 15-а.нинг 2-чорагигача Н.да феодал тарқоқлик ҳукм сурди. 1433 й.да Голландияни, сўнгра Н.нинг бошқа князликларини Бургундия герцоглари босиб олдилар (қ. *Нидерландия* тарихий вилояти). Карл V империяси парчалангач, Н. (1556 й.дан кейин) Испанияга қарам бўлиб қолди. 16-а. Н. инқилоби натижасида мамлакат испандар зулмидан озод бўлди ва Бирлашган вилоятлар республикаси тузилди. 17-а.да савдо ва денгизчилик ривожланиши натижасида Н.

Нидерландия герби.

Европанинг ривожланган давлатларидан бирига айланиб, Осиё, Америка, Африкада янги ер-мулкларини қўлга киритди. Индонезия, Гвиана, Кичик Антил о.ларини ва Кап вилоятини ўзига қарам қилиб олди. 1795—1813 й.ларда Голландия қироллиги Франция таркибига кирди. 1815 й.да Бельгия б-н бирлашиб, Н. қироллиги ташкил этилди. 1830 й. инқилоб натижасида Бельгия Н.дан ажралиб чиқди.

1848 й.да Н. конституцияси қабул қилинди. 1840—70 й.ларда саноат тез ўсди. 1860 й.дан давлат т.й. қуришини ўз қўлига олди. 1876 й.да Амстердам — Шим. денгиз, 1882 й.да Роттердам — Шим. денгиз каналлари қурилди. Роттердам Германия учун транзит портга айланди. 1861 й.да биринчи касаба уюшмаси ташкил топди. Н.да 19-а.нинг сўнгги чорагида саноатлашув жараёни, асосан, ниҳоясига етди. Саноатининг етакчи тармоқлари (кемасозлик, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати) модернизация қилинди. Нефть монополиялари тузилди. Қ.х.да экстенсив деҳқончилик ва чорвачиликдан замонавий и.ч.га ўтилди. Янги т.й.лар қурилди.

1-жаҳон уруши (1914—18)да Н. ўзининг бетарафлигини маълум қилди. 1917 й. иқтисодий қамал натижасида Н.да и.ч. ва савдо сусайиб кетди. 1918 й. баҳордан денгизда кема қатнови ҳам тўхтади. 1925—29 й.ларда Н.да саноатнинг янги тармоқлари (радиоаппаратлар и.ч., нефтни қайта ишлаш) вужудга келди. Жаҳон иқтисодий бўҳрони даври (1929—33)да Н.да саноат маҳсулоти и.ч., экспорт ва импорт 2 баравар камайди.

2-жаҳон уруши бошланиши б-н Н. бетарафлик эълон қилди. 1940 й. 10 майда фашистлар Германияси тўсатдан бостириб кирди ва 14 майда Н. таслим бўлди. Қиролича Вильгельмина ва ҳукумат Буюк Британияга кўчиб кетди. Н.ни нацистлар идора қила бошлади. 1944 й. сент. — 1945 й. мартда Иттифоқчи давлатлар қўшинлари Н.нинг жан.ни, 1945 й. апр.да шарқини озод қилдилар. 1945 й. май ойи бошларида Германия қуролди кучларининг Н.даги қисмлари таслим бўлди. 1948 й.га келиб, Н да и.ч. урушдан аввалги даражага етди. Четга сармоя чиқариш кескин кўпайди. И.ч.нинг концентрациялашуви тезланди. 1950-й.ларда миллий озодлик ҳаракати кучайиши натижасида Н. мустамлакаларидан маҳрум бўлди. Н. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 30 апр. (Қиролича куни). Н. 1991 й. 31 дек.да ЎзР суверенитетини тан олди ва 1992 й. 10 июлда дипломатия муносабатлари ўрнатди.

Асосий сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Давлат ислоҳот партияси, 1918 й.да тузилган; Марказ демократлари, 1993 й.да ташкил этилган; Демократлар-66, 1966 й.да асос солинган; «Сўл кўкатпарварлар», 1991 й.да тузилган; Озодлик ва демократия учун халқ партияси, 1948 й.да ташкил этилган; Меҳнат партияси, 1946 й.да тузилган; Ислоҳотчи сиёсий федерация, 1975 й.да асос солинган; Ислоҳот сиёсий иттифоқи, 1948 й.да тузилган; Социалистик партия, 1972 й.да ташкил этилган; Иттифоқ 55+, 1994 й.да ташкил этилган; Христиан-демократик даъват, 1976 й.да асос солинган; Кекасалар умумий уюшмаси, 1994 й.да тузилган. Н. касаба уюшмалари федерацияси, 1976 й.да ташкил этилган; Касаба уюшмалари христиан миллий уюшмаси, 1909 й.да тузилган.

Хўжалиги. Н. — юқори даражада ривожланган индустриал аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноат улуши 24,4%, қ.х. улуши 4,3%. Н. муҳим денгиз ва қуруқликлари транспорт йўллари кесишган ерда жойлашган.

Саноатининг техника даражаси юқори, малакали ишчи кучи б-н таъминланган. Табиий газ Н.нинг асосий кон бойлигидир. Нефть, тошкўмир ҳам қазиб чиқарилади. И.ч. саноатининг етакчи тармоқлари — кемасозлик, қора ва рангли металлургия, металлсозлик ва машинасозлик, кимё, нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси, электротехника, радиоэлектроника, озиқ-овқат, тўқимачилик. Авиасозлик ва автомобилсозлик ҳам ривожланган. Рангли металлургия саноатида алюминий, рух ва қалай эритилади. Амстердам, Роттердам, Утрехт, Харлем ва б. шаҳарларда умумий машинасозлик, Роттердам, Схидам, Дордрехт, Амстердамда йирик кемасозлик, Борн ва Эйндховенда автомобилсозлик, Роттердам, Амстердам ва Флиссинген атрофларида нефтни қайта ишлаш корхоналари бор. Пластмасса, ўғит ҳамда синтетик тола учун хом ашё ишлаб чиқарилади. Газ ва ош тузи хом ашё базасида кимё саноати

Нидерландия байроги.

ривожланган. Фармацевтика саноати, лок, бўёқ ва бўёвчи моддалар и.ч. жуда тараққий қилган. Хенгело ш.да катта туз з-ди бор. Н.нинг қад. саноати — олмосга сайқал бериш, асосан, Амстердам ш.да жойлашган. Озиқ-овқат саноати маҳсулотининг 1/3 қисмини гўшт-сут корхоналари беради. Мева-сабзавот консервалари, пиво, какао, шоколад и.ч. ривожланган. Тўқимачилик саноатида, асосан, ип газлама ва сунъий ипакдан шойи ишлаб чиқарилади. Йилига ўртача 74 млрд. кВт-соат электр энергияси ҳосил қилинади.

Қишлоқ хўжалиги кўп миқдорда товар маҳсулот ишлаб чиқариб, мамлакат экспорт қийматининг 1/4 қисмини беради. Қ.х.да фойдаланишга яроқли ерлар (2,2 млн. га)нинг 60% ўтлоқ, 35% ҳайдалади, 3% бог, полиз ва тўлчилик хўжаликлари. Н. — четга энг кўп сут маҳсулотлари, тухум, парранда гўшти, гўшт консервалари, чўчқа гўшти чиқарувчи мамлакатлардан. Қ.х. маҳсулотлари қийматининг 2/3 қисмига яқинини чорвачилик ва паррандачилик беради. Богдорчилик, сабзавотчилик ва гулчилик деҳқончиликдан олинадиган маҳсулот қийматининг 60% ни беради. Н. — иссиқхоналарда етиштирилган сабзавот, мева ва узумни экспорт қилишда дунёда 1-ўринда. Н. кўп миқдорда картошка экспорт қилади. Бундан ташқари, қанд лавлаги, донли экинлардан бугдой, арпа, сули экилади. Йилига 2 млрд. донадан кўпроқ лола пиёзи етиштирилади. Балиқ овланади.

Транспорти. Савдо флотининг тоннажи жиҳатидан Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида 3-ўринда туради. Юк айланмаси бўйича дунёда энг катта портлардан бири — Роттердам порти йилиги 280 млн. тонна юк ўтказади. Мамлакат ичкарисида ташиладиган юкларнинг 80% автомобиль транспортига, 2,9% портига, 17,1% сув транспортига, 2,9% т.й. транспортига тўғри келади. Т.й. уз. — 2850 км, автомобиль йўллари уз. — 118,2 минг км. КЛМ авиакомпанияси йўловчилар ташиш бўйича дунёда 7-ўринни эгаллайди. Амстердамда халқаро аэропорт бор.

Н. четдан пўлат, транспорт воситалари, қимёвий маҳсулотлар, минерал ёқилғи сотиб олади. Четга тайёр буюмлар, озиқ-овқат маҳсулотлари, рўзғор

бон электр асбоб-ускуна ва анёзлар чиқаради. Н., асосан, Европа мамлакатлари б-н савдо-сотиқ қилади. Чет эл сайёҳини ривожланган йилига 3 млн. сайёҳ келиб-кетади). Асосий мижози бўлган ГФР га импортининг салкам 33% ва экспортининг 22% тўғри келади. Пул бирлиги — гульден.

Тиббий хизмати, маорифи, маданий-маърифий ва илмий муассасалари. Аҳолига юқори даражали тиббий хизмат кўрсатилади. Давлат касалхоналари б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам мавжуд. Врачлар ун-тлар ҳузуридаги 8 та тиббиёт ф-тида тайёрланади.

1950 й.дан мамлакатда 8 й.лик бепул мажбурий таълим тўғрисидаги қонун кучга кирган. 7 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар 6 й.лик мактабга қатнайдилар. Ўрта мактаблар икки турдаги ун-тга кириш ҳуқуқини берадиган 6 й.лик гимназия, атенеум (реал ўрта мактаб) ва лицейлардир. Умумий ўрта таълим мактаблари таркибига кечки, оралиқ ва юқори ўрта мактаблар киради. Н.даги бошланғич ва ўрта мактабларнинг фақат 30% давлат қарамоғида. Бошланғич мактаб негизида ҳунар ва ўрта махсус таълим гимназияси ташкил этилган. Уларда ўқиш муддати бир неча ойдан 5 й.гача.

Н.да тўлиқ олий маълумот берадиган 9 та ун-т, 3 та техника ун-ти, ун-т даражасидаги 4 та коллеж, шу жумладан, Ватеннингендаги олий қ.х. мактаби бор. Давлат ун-тлари: Лейден (1575 й.да асос солинган), Утрехт (1636), Гронинген (1614), Амстердам (1877), Роттердам ун-тлари ва б. Давлатга қарашли ва хусусий илмий муассасалар мавжуд. Ун-тлар ҳузуридаги ин-тлар, Амалий тадқиқот марказий ташкилотининг ин-тлари, Н. қироллик фанлар академияси ва вазирликларнинг, Н. фундаментал тадқиқотларни ривожлантириш ташкилотининг ин-тлари, Ядро энергияси марказий кенгаши, Халқаро муносабатлар ин-ти ва б. мавжуд.

Йирик кутубхоналари: Амстердам, Лейден ун-тларининг кутубхоналари, Гаагадаги Қироллик кутубхонаси ва б. Амстерламда Давлат музейи (1808 й.да асос солинган), Ван Гог миллий музейи (1972), Рембрандт уй-музейи (1907), Қироллик тропик ин-тининг музейи, Гаагада муниципал музей, Қироллик рассомчилик мактаби (1820), Почта музейи (1929), Лейденда Миллий этнография музейи (1837), Миллий геол. ва минералогия музейи бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Энг йирик газ. ва жур.лари: «Алхемейн дахблад» («Кундалик умумий газета», 1946 й.дан), «Биненхоф» («Ички ҳовли», оқшом газ., 1945 й.дан), «Гаагсе курант» («Гаага газетаси», 1883 й.дан), «Телеграф» (кундалик газ., 1893 й.дан), «Трау» («Садоқат», кундалик газ., 1943 й.дан), «Фолкскрант» («Халқ газетаси», кундалик газ., 1920 й.дан), «Фрай Недерланд» («Эркин Нидерландия», ҳафталик газ., 1940 й.дан), «Фрайе фолк» («Озод халқ», кундалик газ., 1900 й.дан), «Фрайхейд эн демократи» («Озодлик ва демократия», ҳафталик газ., 1949 й.дан), «Хруне амстердаммер» («Кўкатпарвар амстердамлик», ҳафталик газ., 1877 й.дан), «Демократ» (ойлик жур.), «Политик эн кюльтюр» («Сиёсат ва маданият», ойлик жур., 1940 й.дан). Алхемейн Недерландс Персбюро — АНП, Н. ахборот агентлиги, 1943 й.да тузилган. Голландия газ.лари нашриётларининг кооператив уюшмаси. Н. радиоэшиттириш корпорацияси. Н. радиоэшиттириши ва телекўрсатуви ташкилоти бўлиб, ҳукумат назоратида ишлайди, 1969 й.да ташкил этилган.

Амстердам шаҳридаги канал.

Адабиёти. Голланд тилидаги энг қад. адабий ёдгорлик 9-а.да дунёга келган. Нидерланд ва немис адабиётида Г. ван Фельдеке (1140—1200) сарой эпосини яратиб шуҳрат қозонди. «Рейнард ҳақида қўшиқ» деб аталган халқ достонининг ривожланишига зўр таъсир ўтказди. 13-а.да диний адабиёт ривожланди. Н. адабиётининг йирик намояндаси Эразм Роттердамскийнинг «Бемаъни-лик мадҳи» ҳажвий асари (1509) Уйгониш даври руҳида ёзилган. 17-а. Н. маданиятида «олтин аср» бўлди. Бу даврда турли оқимларга мансуб адиблар ижтимоий ва ахлоқ-одоб масалаларига оид асарлар яратдилар, гуманистик, демократик гоялар ривожланди. Шоир ва драматург Й. ван ден Вондел (1587—1679)нинг «Мария Стюарт», «Люцифер» трагедиялари жаҳон адабиётининг нодир асарларидан бўлиб қолди. 18-а. адабиётида миллий-демократик анъаналар сусайди. 19-а.да яшаб, ижод қилган адиблар — А. Старинг, Э.Й.Поттигтер, Н.Бетс ва б. голланд мустамлакачилигини танқид қилдилар ва умуман, ўткир ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқдилар. 19-а. 2-ярми ва 20-а. бошларида адабиётда социалистик гоялар ҳукмронлик қилди. 30-й.ларда «Форум» жур. атрофида уюшган адиблар фашизмга қарши курашдилар. 50-й.ларда Л. Фроман, П.Роденко, Люсеберт, Р.Камперт, Х.Лампо Европа адабиёти оқимида борди. 80—90-й.ларда В.Рюслинк, Х. Хересм, Ж. Гимелинк, Я. Кремер ва б. реалистик тамойилларни кучайтирди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Қад. Н. ҳудудида неолит даврининг сопол идишлари, тошдан қурилган мегалитик иншоотлари, мил. ав. 1-минг йилликка мансуб келт манзилгоҳлари, мил. 1—3-а.лар қад. Рим биноларининг қолдиқлари, германларнинг металл, заргарлик буюмлари сақланган. Ўрта аср меъморлиги намуналари Амстердам, Гаага ва б. шаҳарларда мавжуд (шаҳар деворлари, сарой, қалъа, уйлар). Мамлакатда тупроқнинг ботқоқлиги, тош танқислиги биноларнинг гишт ва ёғочдан қурилишига сабаб бўлган.

16—17-а.лар тасвирий санъатида турмуш манзаралари, натюрморт, портрет жанри ривожланди (яна қ. *Нидерланд санъати*). 17-а. ўрталарида классицизмнинг голланд бадиий мактаби ривож топди (биноларнинг содда ва қулай бўлишига кўпроқ эътибор берилди). 17-а. 2-ярмида француз классицизмининг бой сарой ва парк меъморлиги таъсири кучайди. Жамоат, савдо ва и.ч. бинолари (ратуша, биржа, савдо расталари ва б.) қурилди (меъморлар Я. ван Кампен, П. Пост, ака-ука Ф. ва Ю.Вингбонс ва б.). 17-а.да ҳайкалтарошлик унчалик ривожланмади (биноларга ҳайкал б-н камдан-кам безатилди, портрет ҳайкаллар жуда кам ишланди). Рассомлик ва графика эса кенг ривож топди. Реалистик рассомлик юксалиб, бутун Европа тасвирий санъатига самарали таъсир ўтказди. Голланд рассомлари, одатда, бирор жанрга ихтисослашган. Портрет (Ф.Халс), деҳқонлар ҳаёти (А. ван Остале) ва шаҳар ҳаёти

(Я. Стен, Г. Терборх ва б.), ифодали маиший жанр, манзара (Я. Порселлис, Я. ван Рёйсдал) ва б. жанрларда қимматли асарлар яратилди. *Рембрандт*, Ф. *Халс*, К. *Фабрициус* каби буюк рассомларнинг ижодида демократик кайфиятлар моҳирона ифодаланди.

19-а.да шаҳарларда аҳоли тигизлашди, ихчам, тежамкор меъморлик шаклларига эътибор кучайди. Тасвирий санъатда оддий меҳнаткаш кишилар ҳаётига аҳамият берилди. 2-жаҳон урушидан сўнг Амстердам, Гаага, Роттердам ва б. шаҳарларда биноларнинг оқилона жойлашишига эришилди, миллий романтик тамойиллар б-н суғорилган функционализм етакчи оқим бўлиб қолди. 19-а. 2-ярмида Гаага ранг тасвир мактаби, 20-а.да голланд ҳайкалтарошлик мактаби шаклланди. Ҳоз. замон Н. тасвирий санъатида турли модернистик оқимлар ёйилган, аммо демократик тамойиллар ҳам (Чарли Тороп, Х. Шабо, П. Алма ижодила) сезилиб туради.

Мусиқаси. Н.нинг мусиқа маданиятига доир дастлабки маълумотлар илк ўрта асрларга мансуб. 12-а.дан рицарлик лирикаси ривож топди. 14-а.да менестреллар деб аталган саёқ созанда ва хонандалар халқ қўшиқчилигини профессионал санъат даражасига кўтардилар. Байрам, ярмарка, турли мусобақаларда мусиқа асбоблари жўрлигида ашула ва рақслар ижро этиш одат тусига кирди. 15—16-а.ларда мусиқа санъати, айниқса, юксалди. Хусусан, Уйғониш даврида вужудга келган *Нидерланд мактаби* Европанинг композиторлик ижодиётига таъсир ўтказа бошлади. 17-а.да мусиқа асбобларини и.ч. ҳам ривожланди. 17-а. охирларидан Н.да инглиз, француз, итальян мусиқалари таъсири ошди, комик опералар саҳнага қўйилди. К. Хакуартнинг «Ишқ тантанаси» (1678) классицизм услубидаги биринчи голланд операсидир. Шу йилларда мусиқа жамиятлари ташкил этилди. 19-а.нинг 1-ярмидан миллий-демократик мусиқа маданияти ривож топа бошлади. Амстердам консерваторияси (1884), Н. мусиқачилари қироллик жамияти (1875), Миллий опера (1916—23), Н. композиторлари жамияти (1911) ва б. ташкилотлар мамлакатда мусиқа маданияти ривожида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Амстердамда 1948 й.дан ёзги мусиқа фестивалллари ўтказиб турилади. Мамлакатда бир неча опера ва балет театрлари, 12 симфоник оркестр, 7 консерватория (баъзиларида Шарқ мусиқаси ўрганилади), 3 мусиқа лицейи, Амстердам, Лейден ва Утрехт ун-тларида мусиқа тарихи ва назарияси ф-тлари бор. Композиторлардан Г.Ландре, С.Бессем, К. ван Барен, дирижёрлардан П. Хэнпертс, Б.Хайтинк, мусиқа ижрочиларидан К.де Грот, Л.Понсе, Г.Леонхардт, Т.Олоф, Т.Байле ва б. машҳур.

Балети ўрта асрлардан вужудга кела бошлаган, байрам ва карнаваллларда рақслар кўп ижро этилган. 1959 й.да Амстердам балет труппаси тузилган. Унинг С.Гаскелл труппаси (1954) б-н қўшилиши (1961) туфайли Н. миллий балети ташкил топган. Гаагада 1961 й.дан Н. рақс театри ишлайди. 1945 й.дан болалар учун спектакллар қўядиган «Скапино» труппаси ишлаб турибди. О.де Хас, Я.Флиер, И.Сандерс Н. операсини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Театри. 12-а. охиридан бошлаб драматик асарлар саҳналаштирила бошлади. 14-а.да адабиёт ва театр шинавандалари жамияти тузилди. 1638 й.да Амстердам ш. театрига асос солинди. Кўплаб сайёр труппалар мамлакат бўйлаб томошалар кўрсатарди. 1870 й.да тузилган «Нидерланд театр уюшмаси» миллий театр санъати ривожига катта ҳисса қўшди. Н.да ҳаваскорлик театрлари кенг тарқалган. Театрларда У. Шекспир, Ф. Шиллер, Ф. Достоевский, Н. Гоголь, А. Чехов, М.Горький асарлари кўрсатилган. Кейинги йилларда маҳаллий муаллифлардан Я. Стал, С.Нотебом, Я. ван дер Мерве ва б.ларнинг асарлари кўплаб саҳналаштирилди. Арнем, Роттердам ш.ларида театрлар мавжуд. Замонавий саҳна усталари орасида А. ван Далсюм, К. ван Дейк, Э. ван Линген, В. Фос машҳур. Амстердамда Театр музейи бор.

Киноси. 1898 й.дан ҳужжатли, 1910 й.дан бадиий фильмлар ишлаб чиқарилган. 1927 й. Амстердамда кино санъатини тарғиб қилувчи «Фильмлига» кино клуби ташкил қилинди. Унинг таркибига кирган кино ходимлари «Ўлик сув» (реж. Г.Рютген) ва б. фильмларни яратдилар. Фашистлар оккупацияси йилларида экранларда, асосан, немис фильмлари намойиш қилинди. Мамлакат фашистлардан озод қилингандан кейин Қаршилик ҳаракати тўғрисида кўплаб ҳужжатли фильмлар суратга олинди (реж. Р.Хорикер, Ж.Ферну, О. ван Неевенхоф ва б.). Бадиий фильмлар яратиш кенг йўлга қўйилди. Кейинги йилларда «Амстердам, сув шаҳри» (реж. М.Хас) илмий-оммабоп фильми, «Сув овози» (реж. Б.Ханстра), «Касбдошлар, шовқин қилманг» (реж. Ф.Радемакерс), «Турк меваси» (реж. П.Ферхувен) каби бадиий фильмлар чиқарилди. Кинематография кадрлари Амстердам кино ин-ти ва кино академиясида тайёрланади.

Ўзбекистон — Н. муносабатлари. ЎзР Президенти И.Каримовнинг 1993 й. Н.га қилган ташрифи икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга негиз яратди. Ташриф чоғида «Ўзбекистон Республикаси б-н Нидерландия Қироллиги ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида қўшма баённома» имзоланди. 1996 й. Тошкентда «Инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш ҳақида» битим тузилди.

ЎзР б-н Н. ўртасидаги товар айланмаси 1999 й.да 139,6 млн. АҚШ доллари-ни, шу жумладан, экспорт 98,1 млн. долларни, импорт эса — 41,5 млн. доллари ташкил қилди. ЎзРда голланд сармояси иштирокидаги 10 корхона рўйхатга олинган, шундан 7 тасида голланд сармояси 100%ни ташкил этади. ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги ҳузурида Н.нинг 7 фирмаси ўз ваколатхонасини очган.

НИДЕРЛАНДИЯ ИНҚИЛОБИ (1566—1609) — *Нидерландия* тарихий вилоятида содир бўлган инқилоб. Кальвинизм байроғи остида ўтган ва испанлар ҳукмронлигини батамом тугатиш ва феодалларнинг зўравонлигига қарши қаратилган. Консерватив руҳдаги бюргерлар оппозициядаги дворянлар (Вильгельм Оранский раҳбарлигида) б-н иттифоқ тузиб испанлар асоратига қарши чиққанлар. Асосий воқеалар: 1566 й.даги Иконаларга қарши қўзғолон, 1572 й. шим. вилоятларда кўтарилган оммавий қўзғолон, 1576 й. жан. вилоятлардаги қўзғолон, Утрехт унияси (иттифоқи) ни барпо этилиши (1579). Шим. вилоятларни испанлар ҳукмронлигидан озод бўлиши (ҳоз. *Нидерландия* давлати ҳудуди) ва Бирлашган вилоятлар республикаси барпо этилиши б-н якунланган (жан. вилоятларни 1585 й.га келиб Испания қайта босиб олган).

НИДЕРЛАНДИЯ ҚИРОЛЛИГИ — 1814—15 й.ларда Вена конгресси томонидан *Нидерландия* ва *Бельгия* таркибида тузилган давлат. Қирол Вильгельм I ҳукмронлиги остида бўлган. Н.қ.да амалда Н ндерландия гегемонлиги ўрнатилиб, Бельгия вилоятларининг иқтисодини ва сиёсий манфаатларни камситилган. 1830 й.ги Бельгия инқилоби Бельгиянинг ажралиб чиқишига ва Н.қ.ни парчаланишига олиб келган.

НИДЕРЛАНДИЯ ҚИРОЛЛИК ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ, Нидерландия фан ва санъат қироллик академияси — Нидерландиянинг олий илмий муассасаси. 1808 й. Амстердам шаҳ.да фан, адабиёт ва санъат қироллик ин-ти номи б-н ташкил этилган. 1938 й.дан ҳоз. номда. Мат. ва табиий фанлар ҳамда филол., адабиёт, тарих ва фалсафа бўлимлари мавжуд. 180 дан ортиқ ҳақиқий ва 50 хорижий аъзоси бор.

НИЁЗ МУҲАММАД ХЎҚАНДИЙ, Мулло Ниёз Муҳаммад Ҳўқандий Ниёзий бин Мулло Ашур Муҳаммад (тахм. 1802/03—1878 й.дан сўнг) — қўқонлик тарихчи, шоир. 1860 й. Н.М.Х. Қаноатшоҳ бошлиқ Қўқон қўшинларининг Пишпак, Уч Олмати ва Узун Оточга, 1861—62 й.ларда эса Туркистон атрофига қилган юришида иштирок этган. Шунидан сўнг ҳарбий хизматдан кетиб, Қўқонда ўз маҳалласида тинч меҳнат б-н банд бўлган. «Тарихи жаданди Тошканд» муаллифи Муҳаммад Солиҳхўжа Тошкандни уни атторлик моллари б-н савдо қилувчи саводсиз деб атайди. «Ниёзий»тахаллуси б-н шеърлар битган, Н.М.Х. «Тарихи Шоҳруҳий» асарини Ҳудоёрхон топшириғига кўра ёзган (1871—72). Асар Шоҳруҳбий давридан бошлаб 1872 й.гача Қўқон хонлигида содир бўлган снёсий, иқтисодий, маданий ўзгаришларни қамраб олган.Айниқса, муаллифнинг ўзи иштирок этган воқеалар баёни илмий жиҳатдан қимматли. Асар Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

Ад.: Бобобеков Х., Қўқон тарихи, Т., 1996; Бейсембиев Т.К., «Та'рихи Шахрухи» как исторический источник, Алма-Ата, 1987.

НИЁЗБЕККАЛЪА — Чирчиқ дарёсининг ўнг қирғоғидаги қалъа харобаси. Тошкент ва унинг атрофини сув б-н таъминловчи қад. ирригация иншооти — Бўзсувни душмандан ҳимоя қилиш учун қурилган. Н.ни 1935 й.да В.Д.Жуков текширган, лекин археологик қазиш ўтказилмаган. Қалъа тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, 2 м баландликдаги кўтарма хандақ б-н ўралган. Н.нинг устки қисмидан Қўқон хонлиги (19-а.) даврига оид материаллар топилди. Генерал М.Г.Черняев бошчилигидаги подшо қўшинлари Тошкент ш.ни қамал қилган пайт (1865)да харобага айлантирилган.

НИЁЗЖОНХЎЖА (18-а. 2-ярми — 19-а. бошлари, Хива) — хоразмлик мақомчи-хонанда, созанда ва бастакор. 19-а. бошларида Бухорога бориб, Шашмақомнинг ашула ва чолғу йўлларини ўрганган, уларнинг Хоразмда кенг тарқалишида муҳим роль ўйнаган. Хоразм Бузрук мақомидаги Сақили Ниёзжонхўжа ва б. бир қанча куйлар муаллифи. Н.нинг ишини шогирдлари (Маҳсумжон Қози, Уста Муҳаммаджон Сандуқий, Комил Хоразмий, Аҳмаджон Табибий ва б.) давом эттириб, Хоразм мақомларига янги куй ва ашула йўлларини киритган.

НИЁЗИЙ (тахаллуси; исми Отаниёз Хўжаниёз ўғли, 1844 — Шовот тумани — 1928) — шоир, бастакор. К. *Отаниёз*нинг отаси. Хивадаги Арабхон мадрасасида ўқиган. Араб, форс тилларини ўрганган, ориф илмини пухта эгаллаган. Хивадаги Абдуллахон мадрасасида мударрислик қилган (1920). Мумтоз мударрислик қилган (1920). Мумтоз шеърятнинг турли жанрларида ижод қилган. Шеърларидан 3063 байтли девон тузган. Уларда халқ ҳаётининг турли томонлари акс этган. Н. Хоразм мақомлари учун чизиқли нота тизимини яратишда *Комил Хоразмий*га яқиндан ёрдам берган. Ўзи ҳам бир қанча куйлар яратган. Ҳасан Жабарутийнинг «Ажойиб ул-осор» («Ажойиб ёдгорликлар») асарининг 7—9-дафтарларини араб тилидан форсчага таржима қилган (1907). Н.нинг адабий меросидан намуналар турли мажмуа ва баёзларга кирган, улар Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №120, 121, 192).

НИЁЗИЙ Муҳаммад Ниёз Абдулғафурбек (19-а.) — уйғур тарихчиси, шоир, таржимон ва хаттот. 1851 й. умумий тарихга бағишланган «Қисас ул-ғаройиб» асарини туркий тилда ёзган. Асар мукаддима, хотима ва 3 қисмдан иборат. Асарнинг 1-қисмида Чингизхон давригача бўлган воқеалар баёни; 2-қисмида Чингизхон ва унинг авлодлари, Хумоюнгача бўлган *бобурийлар* тарихи баёни; 3-қисмда дастлабки 2 қисмда зикр қилинган муҳим воқеалар тафсилоти ёритилган. Асарга муаллифнинг шеърлари ҳам киритилган. Шарқий Туркистонда кўчирилган бир нусхаси Россия ФА Шарқшунослик институтининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда (инв. № 106). Н. Мирза Муҳаммад Ҳайдарнинг «Тарихи Рашидий» асарини форсчадан уйғурчага таржима қилган (1837). Таржимага насрий, шеърий бош сўз ва хотима киритилган. Таржиманинг муаллиф қўлёзмалари Россия ФА Шарқшунослик ин-тининг Санкт-Петербург бўлимида сақланмоқда (инв. № 120, №121, №192). Н. форс тилидан қўпгина шеърларни уйғур тилига таржима қилган.

НИЁЗМАТОВ Ибодулла Абдуллаевич (1942.17.10, Хива тумани—2003. 20.9. Урганч) — реж., Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1980). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1970). 1971 й.дан Хоразм мусиқали драма театрида ишлайди. Н. саҳналаштирган спектакллар чуқур психологик талқини, драматик тўқнашувларнинг ўткирлити, воқеалар ривожи ва б. б-н диққатга сазовор. «Абу Райҳон Беруний» (Ўйғун), «Бировнинг ташвиши» (Ў. Хошимов), «Монсерро» (Э. Роблес), «Иби Сино» (А. Шаломаев), «Нурхон» (К. Яшин ва Т. Жалилов), «Аждодлар қиличи» (Э. Самандаров), «Лайли ва Мажнун» (Хуршид), «Марварид таққан аёл», «Феруз» (К.Авад, О. Иброҳимов) ва б. спектакларини саҳналаштирган.

НИЁЗМАТОВ Амин Эрматович (1903.1.11, Фарғона вилояти, Марғилон тумани — 1973.26.12, Тошкент) — давлат ва сиёсат арбоби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган инженер (1973). 1920—30 йилларда совет органларида ишлади. Москвадаги Саноат академиясида ўқиди (1930—34). 1940 й. Ўзбекистон КП МК қурилиш бўлими мудири. 1940—46 й.ларда республика Молия халқ комиссари, 1946—47 й.ларда Ўзбекистон Министрлар Совети раиси ўринбосари. 1947—50 й.ларда Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси, 1950—55 й.ларда Ўзбекистон КП МК биринчи котиби. Ўзбекистон Коммунал хўжалик министри, Министрлар Совети Газ ва коммунал хўжалик Бош бошқармасининг бошлиғи (1956—60).

НИЁЗОВ Баҳодир Бобоевич (1959.15.8, Бешкент) — уста кулол, кулоллар сулоласининг вакили, Ўзбекистон халқ устаси (2003). Ҳунарни ота-бобосидан ўрганган. П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1984). Қарши санъат билим юртида бадиий безаш бўлими бошлиғи (1984—97). 1997 й.дан Қашқадарё вилояти «Ҳунарманд» уюшмаси раҳбари. Н. қад. кулоллик мактабларидан бири — Касби кулоллик мактабини тиклаш ва ривожлантиришга катта ҳисса қўшди; анъанавий уй-рўзғор буюмлари (хум, кўза, офтоба, тунча ва б.)ни ўзига хос усулда яратади, бинолар безаги учун сопол, терракотадан самарали фойдаланади.

Амстердам шаҳридаги гуллар дўкони.

НИЁЗОВ Муҳаммад Иброҳимович (1908, Чимкент — 1980, Тошкент) — кимёгар олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), проф. (1964). Ўрта Осиё ун-тини тугатгач (1934), шу ун-тда декан ва проректор (1934—40), Ўзбекистон Маориф вазири ўринбосари (1940—46), Тошкент политехника ин-ти ректори (1947—63), кимё технологияси жараёнлари ва қурилмалари кафедраси мудири (1953—80). Шу кафедра қошида полимерлар муаммолари лаб.ни ташкил қилган. Асосий илмий ишлари адсорбция, дистиллаш, экстракция, қуритиш ва б. жараёнларни интенсивлаш масалаларига онд.

НИЖНЕВАРТОВСК — РФ Ханти-Манси мухтор округидаги шаҳар (1972 й.дан). Обь дарёсидаги порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 235,7 минг киши (1998). Нефть қазиб олинади. Нефть-газни қайта ишлаш, ўрмон, қурилиш материаллари, озиқ-овқат саноати ривожланган, ўлкашунослик музейи бор.

НИЖНИЙ НОВГОРОД (1932—90 й.ларда Горький) — РФдаги шаҳар, *Нижний Новгород вилояти* маркази. Ока дарёсининг Волгага қуйилиш жойида. Йирик дарё порти, т.й. тугуни. Аҳолиси 1367,6 минг киши (1998). Машинасозлик ва металлсозликнинг (автомобилсозлик, станоксозлик, «Металлист» ва б. ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Красное Сормово», дизелсозлик, авиасозлик, алоқа аппаратураси, телевизор ва б. з-длар) йирик маркази. Қора ва рангли металлургия, кимё ва нефть кимёси, кимё-фармацевтика, ёғочсозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил саноат корхоналари бор. 1985 й.дан метрополитен ишлаб турибди. 9 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), 5 театр, бадиий, М.Горький, Н.А.Добролюбов музейлари, тарихий-меъморий қўриқхона бор. Шаҳарга 1221 й.да асос солинган. 1341—92 й.ларда Нижний Новгород-Суздаль князлигининг пойтахти. 1611—12 й.ларда Н.Н.да К.М.Минин ва князь Д.М.Пожарскийнинг халқ лашкари тузилган. Н.Н. 1719 й.дан губерния маркази. 19—20-а. бошларида Н.Н. улуржи бутдой савдосининг муҳим савдо-молия маркази. Шаҳарда полию Россияси давридан деярли ҳар йили ярмарка ўтказилиб келинмоқда. Меъморий ёдгорликлардан Кремль (16—17-а.лар), Благовещенск монастири (17-а.), Печёра монастири (17-а.), Смоленская (17-а. охири) ва Рождественская черковлари сақланган.

Нижний Новгород шаҳри.

НИЖНИЙ НОВГОРОД ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1929 й. 14 янв.да ташкил этилган (1932 й.гача Нижний Новгород ўлкаси, 1936 й.гача Горький ўлкаси, 1990 й.гача Горький вилояти). Россия Европа қисмининг марказида, Волганинг ўар иккала соҳилида жойлашган. Волга-Вятка иқтисодий р-нига киради. Майд. 76,9 минг км². Аҳолиси 3657,0 минг киши (2000). Шаҳар аҳолиси 78,2%. 1 км² га 48,1 киши тўғри келади. Вилоят аҳолисининг аксари қисми руслар (94,7%), шунингдек, татар (1,6%) мордва (1,0%), украин (0,9%), чуваш (0,3%) ва б. яшайди. 48 маъмурий туман, 26 шаҳар, 71 шаҳарча бор. Маркази — *Нижний Новгород*. Н.Н.в. Шарқий Европа текислигининг марказий қисмида жойлашган. Асосан, ўрмонли ўрқир даштдан иборат. Волга дарёси вилоят ҳудудини ўрмонли Чап соҳил (Заволжье) пасттекислиги ва Ўнг соҳил баландлигига бўлади. Рельефнинг карст шакллари ривожланган. Қурилиш материаллари, торф, фосфоритлар, темир рудалари конлари бор.

Иқлими мўътадил континентал. Янв.нинг ўртача т-раси —12°, июлники 19°. Йиллик ёғин миқдори 500 мм. Вегетация даври 165—175 кун. Асосий дарёлари: Волга ва унинг ирмоқлари. Горький сув ҳавзаси, кўллар (асосан, Заволжьеда) бор. Н.Н.в. жан. тайга, аралаш ва кенг барги ўрмонлар минтақасида жойлашган. Тупроқлари асосан, чимли подзол ва подзолланган тупроқлар. Вилоят ҳудудининг 40% га яқин майдони ўрмон. Ясси сувайирғич ва пастқамликларда ботқоқлик кўп. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, қунғир айиқ, силовсин, бўрсиқ, чипор юмронқозиқ, олмўрдак ва б. бор. Лось қўриқланади. Вилоят ҳудудида Кержен қўриқхонаси мавжуд. Саноатнинг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (автомобиллар, дарё ва денгиз кемалари, самолётлар, автомобиль ва кема двигателлари, станоклар, прибор ва асбоблар, кимё, енгил, озиқ-овқат саноати учун жиҳозлар, телевизорлар ишлаб чиқарилади), кимё ва нефть кимёси (органик синтез маҳсулотлари, пластмасса ва синтетик смолалар, органик шина, бўёқ, лок, ҳаҳарли кимёвий препарат ва б.), ўрмон ва целлюлоза қоғоз, нефтни қайта ишлаш саноати корхоналари ишлаб турибди. Халқ ҳунармандчилик буюмлари ҳам ишлаб чиқарилади. Қ.хнинг етакчи тармоғи — чорвачилик. Қорамол (сут-гўштли зотлари), буғу, парранда, чўчқа боқилади. Бутдой, қанд лавлаги, сабзавот (шу жумладан, пиёз), жавдар, арпа, сули, гречиха, картошка, ем-ханак экинлари экилади. Т.и. бор. Волга, Ока, Ветлуга ва Сура дарёларида кема қатнайди. Асосий дарё порти — Нижний Новгород. 10 олий ўқув юрти, 5 театр, 9 музей мавжуд.

НИЖНИЙ ТАГИЛ — РФ Свердловск вилоятидаги шаҳар (1917 й.дан). Ўрта Урал тоғларининг шарқий ён бағрида, Тагил дарёси (Обь ҳавзаси) бўйида. Т.й. тугуни. Аҳолиси 399,6 минг киши (1998). Қора металлургия (металлургия к-ти ва б.), машинасозлик, вагонсозлик, шунингдек, кимё ва кокс-кимё саноатлари («Уралхимпласт» и.ч. бирлашмаси) ривожланган, ҳарбий техника ишлаб чиқарилади. Мис рудаси қазиб олинади. Педагогика ин-ти, 2 театр, ўлкашунослик, тасвирий санъат ва б. музейлар бор. Н.Т.га 1722 й.да асос солинган. Ўша ерда кончилик ривожланиши б-н вужудга келган.

НИЗАК ТАРХОН, Абул Хайёж (? —706) — Кўҳистондаги Бодхиз ш.нинг меросий ҳокими (7-а. ўртаси). Балхдаги *Навбаҳор* ибодатхонасининг бош коҳини Бармакни (қ. *Бармакийлар*) ўлдиргач (652), Балх ва Тохаристоннинг амалдаги ҳокими. Маҳаллий ҳокимларнинг араб босқинчиларига қарши курашига раҳбарлик қилган. Балхдан жан. даги Дара-и Газ водийсидаги тоғ тепасида қурилган тош қалъа (Барбар ёхуд Фаразда) Н.т. томонидан арабларга қарши мудофаа мақсадида бунёд этилган. 701 й. Н.т. Сутд подшоси Тархунининг чақиригига кўра, Термизга. *Ал-Ашъаъиклан* ажралиб чиққан Собит ибн Қутба ва Мусо ибн Абдуллоҳга ёрдам бериш учун келган. 706 й. Қутайба ибн Муслим б-н сулҳ битими имзолагач, арабларнинг Моваройунаҳр шаҳарларига қилган ҳарбий юришларида қатнашган. Бироқ араблариниг муваффақиятларидан ҳавфсираб, уларга қарши курашга отланган. Н.т. Балх сипоҳбоши, Марказул шоҳи Бахам, Толиқон шоҳи Сахрек (Сухроб ?), Форёб шоҳи Турсул ва Жузжон шоҳи ал-Жузжонийга нома йўллаб, уларни курашга даъват этган ва розилигини олган. Ҳулм ўлкаси (тор даранда бўлган жангда Қутайба тўлиб чиққач, Н.т. Баглон ҳокимлари Фанж Жоҳ бўлоғи бўйига чекинган. Қутайба унга қарши ўкаси Абдураҳмонни *амир* қилиб жўнатган, Н.т. тоғдаги ал-Курза қалъасига жойлашиб мустаҳкам истеҳком барпо этган. Қалъага фақат биргина тор сўқмоқ йўл орқали чиқилган. Қутайба қалъани 2 ой қамал қилган. Қалъадагиларнинг озиқ-овқат ҳазираси тугаган, кишилар орасида чечак касали тарқалган. Қутайба Н.т. олдига элчисини юборib унга омонлик, ҳаҳсизлик бериш ҳақида ёлғон ваъда қилган. Бунга ишонган Н.т. қалъадан чиқиб келганда уни ҳибсга олган ва 708 та сафдошни б-н қатл эттирган.

Ад.: История ат-Табарий. Т., 1987; Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

НИЗОМИДДИН АҲМАД ҲИРОТИЙ (1549—94) — ҳинд тарихчиси. *Акбар* даврида юқори ҳарбий лавозимларни эгаллаган. 1585 й. Гужаротда баҳши (армиянинг бош интенданти), 1593 й.дан давлат баҳшиси. «Табақоти Акбарий» номли катта асар муаллифи (1593 й. ёзиб тугатилган), унда 30 га яқин турли манбалардан фойдаланилган. Асарда бобурий подшоҳ Акбар ҳукмронлиги тарихи б-н бир қаторда Ғазни, Ғур, Деҳли султонлари, Баҳманийлар давлати, Гужарот султонлиги, Малва, Бенгалия, Синд, Кашмир ва Ҳиндистондаги бошқа мусулмон давлатлари тарихи баён этилган

НИЗОМИДДИН ШОМИЙ (? — тахм. 1412) — тарихчи олим. Ўрта Осиё ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг 14-а.даги ҳаётига оид маълумотларни ёзиб қолдирган. Алабиётларда Шомий нисбаси б-н машҳур бўлса-да, баъзан Шанби Ғозоний нисбаси б-н ҳам учрайди (Шом, Шанб ёки Шанби Ғозон — Табриз яқинидаги мавзе). Н.Ш.нинг

ҳаёти ва тарихнавислик фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот йўқ. Илмий адабиётда мавжуд бўлган жуда оз маълумот эса унинг Амир Темур фармони б-н ёзилган асари «*Зафарнома*»дан олинган. Н.Ш.нинг «Зафарнома» асари аниқ манбалар ва муаллиф ўз кўзи б-н кўрган воқеалар асосида ёзилган.

Аз.: Низомиддин Шомий. Зафарнома., 1996

НИЗОМИЙ АРУЗИЙ ибн Самарқандий (11-асрнинг 90-й.лари — Самарқанд — 1160) — адиб, адабиётшунос олим. Котиб, шоир, мунажжим, табиб сифатида ҳам танилган. Арузни пухта эгаллагани учун Арузий номи б-н ҳам машҳур бўлган. 1111 й.да Шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилган. Балх, Ҳирот, Тус, Нишопур шаҳарини кезиб, Афғонистоннинг Ғур ва Бомиён вилоятларида шансабайлар судоласида 45 й. хизмат қилган. Бизнача «Мажмаъ унноводир» («Нодирлар мажмуаси») ёки «Чаҳор мақола» («Тўрт мақола», 1156—57) деб номланган асаригина етиб келган. Асар муқаддима ва 4 мақолодан иборат. Муқаддимада китобнинг ёзилиши сабаблари, мақсади айтилган. Асосий қисмдаги мақолаларда дабирлик илмининг моҳияти ва етук дабир сифатлари; шеър илмининг моҳияти ва шоирнинг салоҳияти; илми нужумнинг моҳияти ва мунажжимнинг билими, табиблик, табибнинг вазифалари ҳақида фикр юритилган. Ҳар бир мақола муаллиф томонидан илгари сурилган гоя ва фикрларни акс эттирувчи 10—12 ҳикоят б-н зийнатланган. Н. А. ҳар бир касбга таъриф берганда, шу касб эгасининг маъқавий қиёфаси ва билими қандай бўлиши лозимлигини уқтиради. Айниқса, китобдаги иккинчи мақола — «Шеър илмининг моҳияти, шоир салоҳияти»да ижодкор бурчи, масъулияти, унинг ўзига талабчан, ҳаминша изланишда, ўрганишда бўлиши, ёш ижодкорларга гамхўрлик қилиши кераклиги айтилган. Бадиий асарда шакл ва мазмун бирлиги, шеъриятнинг инсон тафаккурига таъсири, бадиий эстетик, таълим-тарбиявий аҳамияти, унинг инсон камолотига, эстетик дунё таъсири борасида ҳам қимматли фикрлар бор. Асар Ўрта Осиё ва Хуросон халқлари илм-фани, маданияти, ёзувчи-шоирлар ҳаёти ва ижодини ўрганишда муҳим манбадир. «Мажмаъ уннаводир»нинг дунё кўлёзма хазиналарида 12 та кўлёзма ва бир неча тошбосма нусхалари мавжуд. Истанбул нусхаси энг мўътабар нусха ҳисобланади. Инглиз олими Эдуард Браун ҳудди шу нусхани инглиз тилига таржима қилган (1899). Эрон олими М. Муиннинг танқидий матни асосида асарни С. Баевский ва З. Ворожейкина рус тилига (1963), асл форсий нусхадан М. Ҳасаний ўзбекчага (1985) қисқартириб таржима қилганлар.

Ас.: Нодир ҳикоялар, Т., 1985.

Ад.: Бертельс Е. Э., Избранные труды, т. 1, История персидско-таджикской литературы, М., 1960 Абдуллаев И., Ҳикматуллаев Ҳ., Самарқандлик олимлар, Т., 1969.

Бегали Қосимов.

НИЗОМИЙ ГАНЖАВИЙ (таҳаллуси; асл исм-шарифи Абумуҳаммад Илёс ибн Юсуф ибн Закий Муайяд) (1141 — Ганжа ш., Озарбайжон — 1209.12.3) — озарбайжон шоири ва маърифатпарвари. Ота-боболари Эроннинг Кум ш.дан бўлиб, онаси (Ганжа атрофидаги қишлоқлардаги) курд саркардаларидан бирининг қизи бўлган.

Қўрқонни ёд олган. Фиқҳ, тарих, геогр., фалсафа, мантиқ ва адабдан таълим олиб, уларнинг ҳар бирида устод даражасига етишган. Табиий фанлар, хусусан, табобат ва илми нужум (астрономия)ни ҳам яхши билган. Замонавий илмлардан ташқари, юнон фалсафаси ва адабиёти, эроний халқларнинг неломдан олдинги сўз санъати, халифалик даври илмий-адабий асарлари, яҳудий ва насроний халқлари тарихи, Кавказ халқларининг ўтмишидан етарли маълумотга эга бўлган. У етук математик сифатида ҳам эътироф этилган.

12-а.да Хуросон ва Моваройунаҳрнинг кўплаб шаҳарлари, жумладан, Ганжада ҳам жавонмардлик ёки ахийлик б-н машҳур ҳаракат кенг ёйилган. Ҳаракат аъзолари, асосан, косиб ва ҳунармандлардан иборат бўлиб, улар эолим ҳукмдор ва амалдорларга қарши курашган, кенг халқ оммасининг манфаатларини ҳимоя қилган. Эзгулик, адолат, инсоф, мурувват, лутфу карамни шиор қилиб олган бу тоифа илму маърифатга катта аҳамият берган. Н.Г. бу ҳаракат қоидаларини ҳурмат қилган ва уларга мойил бўлган. Н.Г. шахсияти, дунёқараши ва ижтимоий ақидалари шу ташкилот ғоялари, косиб ва ҳунармандлар таъсирида камол топган. Н.Г. ўз асарларини ўша замонлаги шоҳ ва шаҳзодаларга бағишлаган, лекин сарой шоири бўлишни истамаган, бу ҳақдаги таклифни рад этган.

Н. Г.нинг 20 минг байтдан иборат шеърий девони бўлган. Шоирнинг лирик шеърлари турли баёз ва тўпламлардан таркиб топиб, жамланган. Лекин ундан айрим парчалар: 16 қасида, 192 газал, 5 қитъа, 68 рубоий ва 17 байт сақланиб қолган, холос.

Асосий асари «Хамса»: 1. «Маҳзан ул-асрор» («Сирлар хазинаси», 1173 ёки

1180)да муқаддима ва хотимадан ташқари 20 мақола бўлиб, ҳар мақолага оид 20 ҳикоя мавжуд. Асарда шоир яшаган даврнинг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий-таълимий масалалари акс этган. Кейинчалик бу асарга жавобан форсий ва туркий адабиётларда 40 дан ортиқ достонлар (Навоий, «Ҳайрат ул-аброр») яратилган. 2. «Хусрав ва Ширин» (1181) севги ва садоқат мавзуида; 3. «Лайли ва Мажнун» достони (1188) араб ривоятлари асосида яратилган; 4. «Ҳафт пайкар» достони (1196) Баҳром Гўр ва унинг номи б-н боғлиқ воқеаларга асосланган. Асар ҳикоя ичида ҳикоя тарзида ёзилган бўлиб, уларда инсон тарбияси, хулқ-атвори б-н боғлиқ ғоялар илгари сурилган. Ҳикояларида халқ эртаклари таъсири сезилиб туради; 5. «Искандарнома» достони (1190—1200) да Н.Г. ўзининг одил ва маърифатли шоҳ, комил инсон, идеал жамият ҳақидаги орзуларини Искандар образи ва хаёлий тасвирлар орқали ифодалаган. «Хамса» Шарқ халқлари адабиётлари ривожига катта таъсир этган. 13-а.дан бошлаб бир қанча шоирлар (Амир Хусрав Деҳлавий, Навоий, Жомий ва б.) «Хамса» ёзганлар.

Навоийдан тортиб барча ўзбек шоирлари Н.Г.ни ўзларига устоз деб билишган. Навоий «Насойим ул-муҳаббат»да уни шайхлар қаторида зикр этган. 14-а. ўрталарида Қутб Хоразмий «Хусрав ва Ширин» достонини туркий тилга таржима қилган. Ҳайдар Хоразмий шоирнинг «Махзан ул-асрор» асарига жавобан «Гулшан ул-асрор» достонини битган. *Огаҳий* «Ҳафт пайкар»ни наср ий таржима қилган.

«Низомий шеъриятидан» тўплами Шоислом Шомуҳамедов таржимасида чоп этилган (1983). Унда шоир қасидалари, газаллари, қитъалари, рубоийлари ва ҳикматларидан намуналар, шунингдек, «Махзан ул-асрор» ва «Ҳафт пайкар» достонларидан парчалар мавжуд. Тошкент пед. ин-тида Низомий номи берилган (1947). Асарлари асосида кинофильм ва балетлар, тасвирий полотнолар яратилган.

Ас.: Низомий Ганжавий, Гузласта,Т., 1947; Низомий шеъриятидан, Т., 1983; Инжулар уммони, Т., 1989.

Ад.: Бертельс Е. Э., Избранные труды, Низами и Фузули, М., 1962; Эркинов С., Ганиҳонов М., Низомий Ганжавий, Т., 1992; Ҳомидий Ҳ., Кўҳна Шарқ даргалари, Т., 1999; Абдураҳмон Жомий, Бақористон, Т., 1997; Алишер Навоий, Насойим ул-муҳаббат, 17-ж., Т., 2001.

Эркин Очилов.

НИЗОМИЙ ХЎҚАНДИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Низомиддин Муҳаммаднинхўжа ўғли) (17-а. охири — 18-а. боши) — шоир. Бухорода таҳсил кўрган. Н.Х.дан фалсафий мазмундаги «Мажмуат ул-мақосид» («Мақсадлар мажмуаси») номли китоб, 300 га яқин газал ва мухаммаслардан иборат шеърлар тўплами қолган. Унинг айрим шеърлари тошбосма усулда босилган баёзларда ҳам учрайди. Н.Х. асарларида ўз замонидаги иллатларга нафрат кўзи б-н қарайди, инсоний туйғуларни, муҳаббат ва садоқатни улуғлайди. Шеърлари равон, содда тилда ёзилган.

Ад.: Қаюмов А., Кўқон адабий муҳити, Т., 1961.

Раъно Низомова («Помирча рақс»).

Навоий театрининг «Оққуш кули», «Уйқудаги гўзал», «Етти гўзал», «Эсмеральда», «Жизель» ва б. спектаклларида балет партияларини ижро этган. Н.нинг ижоди серқирра бўлиб, Фаргона, Бухоро, Хоразм услубидаги ўзбек мумтоз, халқ замонавий рақсларини, қардош ва хорижий халқлар рақсини бир маромда маҳорат б-н ижро этган. Н. репертуаридан «Баҳор» ансамблида «Пилла», «Жонон», «Роҳат», «Танавор», «Фаргона рубоийси», «Аста қиёлаб ўтди», «Ўйна Раъно», «Бухороча рақс», «Тоғли Бадахшон рақси», «Завқим келур», «Шўх қиз», «Ўйнасин» каби ҳамда афғон, ҳинд, покистон, поляк ва б. халқлар рақслари ўрин олган. Балетмейстер сифатида «Лолалар», «Ёшлик вальси», «Соқийномаи Баёт», «Дилхирож», «Ўзбекистон қизлари», «Духтари жабо» ва б. рақсларни саҳналаштирган. Австрия, Чехословакия, Индонезия, Япония, Ҳиндистон, Покистон, Канада, Миср ва б. мамлакатларда гастролда бўлган.

Ас.: Ҳаваскорлик болалар ва рақс ансамбларини ташкил қилиш ва уларнинг фаолияти (ҳамкорликда), Т., 1985.

НИЗОМУЛМУЛК (1017, Тус — 1092, Наҳованд) — *Салжуқийлар давлати* арбоби Абу Али ал-Ҳасан ибн Али ибн Исҳоқ ат-Тусийнинг унвони, «Низомулмулк», яъни мулкнинг низоми, тартиби номи б-н шуҳрат қозонган. Нишопур ва Марвда ўқиб, вояга етгач, Балхга бориб, Али ибн Шодон хизматига киради. Кейинчалик у Довуд ибн Микоилга дабир бўлади.Салжуқийлар шоҳи *Алп Арслон* саройида вазирлик мансабигача кўтарилади. 1072 й. Алп Арслон ўлдирилгач, унинг ўғли, 17 ёшлик *Маликшоҳ* (1072—92 й.лар) саройида Н. вазирлик қилиб, қарийб давлатнинг ҳамма ишларини ўзи олиб борган. Маликшоҳ уни ўз ҳомийси — отабек деб атаган. Н. мамлакатда йирик мулклордар ва қабила бошлиқларининг айирмачилик (сепаратистик) ҳаракатларига қарши курашиб, давлатни бошқариш ишларини марказлаштиришга эришган. 1067 й. Бағдодда «Низомийя» ақоид ва ҳуқуқ мадрасасини қурдирган. 1091 й. «Сиёсатнома» («Сияр ул-мулук») асарини ёзган. Унда давлат бошқарувига доқдлар қарийб ҳамма қоида ва қонунлар, усул ва воситалар, қоғоз ва қозихона ишлари, қўшин ва сарбозлар, химоячи ва шахсий сарбозлар масалалари, саройдаги соқчилару посбонлар вазифалари, уларнинг маошлари, почта ва айғоқчилик (разведка) ишлари, уларнинг моддий жиҳатлари, ҳатто шоҳнинг оилавий ишлари, солиқ ва ҳирож, закот ва вақф масалалари ҳам ўрин олган. Асарнинг асосий ғояси шундан иборатки, вазир Н. шоҳ ва ҳокимларни адлу инсофга, сулҳ ва мурувватга, давлатни оқилона бошқариб, қатъий қоида ва тартиб ўрнатишга, амалдорларни виждонли, пок, ҳалол ва иймонли бўлишга, мамлакат ободонлиги, унинг аҳли фаровонлиги, тинчлик ва тотувлигини таъминлаш учун ҳаракат қилишга даъват қилади. Н. Бағдод сафари йўлида ёлланган қотил тигидан ҳалок бўлади.

Ад.: Низомулмулк, Сиёсатнома ёки Сияр ул-мулук, Т., 1997.

НИЗОМХЎЖАЕВ Жамол (1921.15. 12 — Тошкент — 1992.26.9) — опера хонандаси (баритон), Ўзбекистон халқ артисти (1964). Москва Ўзбек опера студиясида таълим олган (1938—39), Тошкент консерваториясини тугатган (1950). Навоий театрида солист (1939—83), шунингдек, Тошкент маданий-оқартув билим юртида ўқитувчи (1961—87). Н. мусиқали драмаларда Қодир (Яшин, М.Муҳамедов; Р.Глиэр, «Гулсара») ва б., ўзбек операларида Нанфал (Р. Глиэр ва Т. Содиқов, «Лайли ва Мажнун»). Бўрон (С. Василенко ва М.Ашрафий, «Бўрон»), Фарҳод (В. Успенский ва Г.Мушель, «Фарҳод ва Ширин»), Ниёзматбек, Ардашер (М. Ашрафий, «Шоир қалби», «Дилором»), Шуниндек, мумтоз операларда Эскамильо (Ж. Бизе, «Кармен»), Томский (П. Чайковский, «Қарға моткаси»), Грязной (Н. Римский-Корсаков «Шоҳ қайлиғи») каби партияларни ижро этқайлиғи») каби партияларни ижро этган. Опера ижрочилигида миллий ашула ва ижро услубини уйғунлаштиришга интилган. Ўзбек халқ ашулалари («Лайлидони ортиқсан», «Қошлари қаламлар» ва б.), мақом йўллари («Дугоҳ», «Дугоҳ ва б.), мақом йўллари («Дугоҳ», «Дугоҳ туронаси», «Ушшоқ» каби) ва замонавий қўшиқлар («Ватанга меҳр», «Шувий қўшиқлар («Ватанга меҳр», «Шувий ҳамлам», «Ассалом» ва ҳ.к.) Н. ғонг ҳамлам», «Ассалом» ва ҳ.к.) Н. ижодида муҳим ўрин тутади.

Жамол Низомхўжаев Ҳожи дарға ролида («Майсаранинг иши»).

НИЗОМШОҲЛАР — Шим.-Ғарбий Деккандаги Аҳмаднагар давлатини бошқарган султонлар сулоласи (1490—1633). Асосчиси — Малик Аҳмад Баҳрий, *баҳманийлар* лашкарбошиси. У ўзини мустақил деб эълон қилиб низомшоҳ унвонини қабул қилган. Бурҳон I (1509—53) даврида Н. ниҳоятда кучайган, *бурийлар* б-н кураш олиб борганлар. Акбар Н.дан Берар вилоятини тортиб олган. 1633 й. сўнгги низомшоҳ Ҳусайн шоҳ III (1630—33) бобурийларга асир тушган ва улар 1636 й. Аҳмаднагарни ўз давлатларига қўшиб олганлар.

НИИГАТА — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.нинг ғарбий соҳилида, Сикано даре ёйилишида. Ниигата префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 501,3 минг киши (2000). Йирик денгиз порти (йилига 20 млн. т юк ортиб-туширилади). Нефть қазиб олиш ва уни қайта ишлаш ҳамда нефть кимёси маркази. Металлургия, электроника ва транспорт машинасозлиги, тўқимачилик (ипак ва сунъий матолар и.ч.), тахта тилиш, қоғоз, цемент саноати корхоналари, иссиқлик электр ст-яси, ун-т бор.

НИКАРАГУА — Марказий Америкадаги энг катта кўл, Никарагуа давлати ҳудудида. Майд. 8430 км², уз. 160 км, эни 70 км гача. Энг чуқур жойи 70 м. Тектоник ботиқда, денгиз сатҳидан 32 м баландликда жойлашган. Сув сатҳи йил давомида ўзгариб туради. Тинитапа дарёси орқали Манагуа кўли б-н боғланган. Н. суви Сан-Хуан дарёси орқали Карриб денгизига оқади (қадимда Н. қўлтиқ бўлган деб ҳам тахмин қилинади, чунки денгиз фаунаси сақланган). Қирғоқлари пасттекислик. Кўлнинг ғарбий қисмида Ометепе вулкани (1556 м) бор. Кема қатнайди, балиқ овланади.

Никарагуа кўли.

НИКАРАГУА (Nicaragua). Никарагуа Республикаси (Republika de Nicaragua) — Марказий Америкадаги давлат. Майд. 129,494 минг км². Аҳолиси 5 млн. киши (2002). Пойтахти — Манагуа ш. Мазмурий жиҳатдан 15 департамент (departamento) ва 2 мухтор регионга бўлинади.

Давлат тузуми. Н. — республика. Амалдаги конституцияси 1987 й. 9 январда қабул қилинган, унга 1995 ва 2000 й.ларда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент (2002 й.дан Энрике Боланьос Гейер). У тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади, кетма-кет иккинчи муддатга сайланиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Миллий ассамблея (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятни президент амалга оширади.

Табиати. Кариб денгизи қирғоғидаги энсиз (130 км гача) аллювиал пасттекислик Москито соҳили деб аталади. Мамлакат шим. ва марказидаги ясси тоғликни дарёлар кесиб ўтади (Кордильера-Исабелья тоғининг энг баланд чўққиси 2438 м). Ғарби ва жан.да тектоник ботиқ, вулканлар, кўллар бор. Йирик кўллари — Никарагуа ва Манагуа. Зилзила бўлиб туради. Олтин, кумуш, никель, симоб, мис, кўрғошин-рух, кўмир, нефть конлари бор. Иқлими тропик, пассатли, доимий нам. Ойлик ўртача температура 25—28°, тоғларда 16—18°, йиллик ёғин 2000—4000 мм дан 6500 мм гача. Дарёлари шаршарали, сершув, энг катта дарёси — Рио-Гранде. Мамлакат ҳудудининг 50% дан кўпроғи ўрмон, ички ҳудудларида саванна кўп. Н.да бугу, маймун, тапир, пекар, чумолихўр, шунингдек, жуда кўп кемирувчилар, кўршапалаклар, қушлар, судралувчилар учрайди. Волькан-Масая, Саслая миллий боғлари бор.

Аҳолисининг 87,7% га яқини никарагуалар. Қолган қисми самбо, мулатлар, тоғли жойларда москито (индейс)

Никарагуа гербн.

лар. Испан-индейс метислари латино деб аталади. Расмий тили — испан тили. Кўпчилик аҳоли католик, бир қисми протестант. Шаҳар аҳолиси 61%. Йирик шаҳарлари: Манагуа, Леон, Матагальпа, Гранда.

Тарихи. Қадимда Н. ҳудудида чибча, ацтек, толтек каби индейс қабилалари яшаган. Мамлакат қабилалардан бирининг бошлиғи Никарао номи б-н аталган. Н.га 1502 й. 16 сент.да европаликлардан биринчи бўлиб Х. Колумб борган. 1524 й.да испанлар уни мустамлака қилиб олдилар. 1573 й.да Гватемала генерал-капитанлиги таркибига киритилди. Маҳаллий аҳолининг кўпчилиги қириб ташланди, бир қисми қул қилинди. Испан конкистадорлари ва уларнинг авлодлари — креоллар мамлакат ерларининг кўп қисмини эгалладилар. Плантацияларда ишлатиш учун Африкадан қул негрлар келтирилди. 19-а. охирига келиб, Н.да Либерал ва Консерватив партиялар пайдо бўлди. 1821 й. 15 сент.да Н. мустақилликка эришди. 1824 й. қулдорлик бекор қилинди. Н. 1822 й. Мексика империяси, 1823—38 й.ларда Марказий Америка қўшма провинциялари таркибида бўлди. 1855 й. Н.ни АҚШ қўшинлари босиб олди. 1856 й. америкалик У. Уокер ўзини Н. президенти деб эълон қилди, аммо Гватемала, Сальвадор ва Гондурасниng бирлашган қўшинлари Уокерни Н.дан ҳайдаб юборди. Бу курашда фаол қатнашган Т. Мартинес 1857—67 й.лар Н. президенти бўлди. Шундан кейин ҳокимият тоҳ консерваторлар, тоҳ либераллар қўлига ўтди. Х.С. Селая бошлиқ либералларнинг миллий сиёсатини ёқтирмаган АҚШ қўшинлари 1911 й. интервенция уюштириб, Н. ҳукуматини агдариб ташлади ва мамлакатни оккупация қилиб олди (1912—33). 1927 й. А. С. Сандино бошчилигида миллий озодлик кураши кучайиб, ватанпарварлар ғалабаси б-н тугади. Аммо миллий гвардия қўмондони А. Сомоса хиёнат йўлига кириб, А. Сандино жонига қасд қилди ва 1936 й.да давлат тўнтарини уюштирди. Мамлакатда Сомоса хонадонининг ҳарбий-сиёсий истибдоди ҳукмрон бўлиб олди. 60-й.лар бошида мамлакатда кенг халқ ҳаракати бошланди. 1961 й. Сандиночилар миллий озодлик фронти тузилди, у Сомоса режимини агдариш учун қуролда етакчи сиёсий ва ҳарбий кучга айланди. 1974 й. тузилган Озодлик демократик иттифоқи мамлакатнинг етакчи мухолифат партияларини бирлаштирди, 1978 й. Кенг мухолифат фронти тузилди. Сомоса диктатураси бутунлай яккаланиб қолди. Ўша йил авг.да бутун мамлакатда халқ қўзғолони бошланди ва 1979 й. 19 июлда халқ инқилоби ғалаба қозонди. А. Сомоса диктатураси агдариб ташланди. Бутун ҳокимият Миллий тикланиш ҳукумати қўлига ўтди. 1984 й. 4 нояб.да эркин илғи сайлов ўтказилди. Сандиночилар миллий озодлик фронтининг номзоли Д. Ортега президент этиб сайланди. 2001 й. 4 нояб.даги сайловда ғалаба қозонган президент Э.Б. Гейер Либерал конституциячилар партиясининг раҳбаридир. Н. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрам — 15 сент. — Мустақиллик куни (1821).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Н. социалистик партияси, 1939 й. асос солинган, 1944 й. 3 июлда ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилган; Мустақил либерал партия, 1944 й. ташкил этилган; Н. социал христиан партияси, 1957 й. тузилган; Сандиночилар миллий озодлик фронти партияси, 1961 й. ташкил этилган; Либерал конституциячилар партияси, 1967 й. тузилган; Миллий бирлик мустақил либерал партияси, 1988 й. тузилган; Н. консерватив партияси, 1922 й. Консерватив демократик партия б-н Социал-консерватив партиянинг қўшилиши натижасида вужудга келган; Сандиночилар янгиланиш ҳаракати, 1995 й. майда тузилган. Н.да 5 та касаба уюшмаси бор, уларнинг йириклари: Меҳнаткашлар миллий фронти, 1979 й.да асос солинган; Қ.х. меҳнаткашлари уюшмаси, 1979 й.да тузилган; Н. меҳнаткашлари касаба уюшма маркази, 1962 й. ташкил этилган.

Никарагуа байроғи.

Хўжалиги. Н. — аграр мамлакат, саноати суст ривожланган. Мамлакатда қимматбаҳо қизил дарахт, кедр, кебрачо, каучукли дарахтлар кўп. Фойдали қазилмаларини кавлаб олиш яхши йўлга қўйилмаган. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. улуши — 30,8%, саноатнинг улуши — 17,5%.

Қишлоқ хўжалиги мамлакат иқтисодиётининг асосини ташкил этади, унда пахта, кофе, шакарқамиш етиштирилади. Шоли, кунжут, ловия, маккажўхори, банан, тамаки, какао ҳам экилади. Яйлов чорвачилигида қорамол, чўчқа боқилади. Иқтисодий фаол аҳолининг 47% қ.ҳ.да банд. Собиқ аҳолиси балиқ ва денгиз жониворларини овлаш б-н шуғулланади.

Саноати. Олтин, кумуш, мис, қўрғошин-рух рудалари, нефть қазиб олинади. Оиқ-овқат ва енгил (асосан, тўқимачилик ва пойабзал) саноат — қайта ишлаш саноатининг етакчи тармоқлари ҳисобланади. Кушхоналар, қанд-шакар, пахта тозалаш корхоналари, кўнчилик з-длари, металлсозлик, кимё, фармацевтика, цемент, қоғоз-ёғоч-целлюлоза тармоқларининг майда корхоналари бор. Манагуа яқинида нефть маҳсулотлари з-ди қурилган. Йилига ўртача 1,07 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Асосий саноат марказлари — Манагуа, Леон, Масая.

Т.й. узунлиги — 403 км, автомобиль йўллари — 14,4 минг км. Денгиз портлари — Коринто, Блуфилдс, Сан-Хуан-дель-Сур. Н. четга пахта толаси, чигит, кофе, гўшт, қанд-шакар, ёғоч, минерал хом ашё чиқаради. Четдан машина ва асбоб-ускуна, тайёр буюмлар, хом ашё ва б.ни сотиб олади. Савдо-сотиқдаги асосий ҳамкорлари: АҚШ, Марказий Америка мамлакатлари, Германия, Япония, Канада, Испания, Мексика, Италия. Пул бирлиги — олтин кордоба (оро).

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Давлатга қарашли тиббий муассасалар б-н бир қаторда хусусий шифохоналар ҳам манжуд. Врачлар Леондаги Н. Миллий мухтор ун-тининг тиббиёт ф-тида ва Манагуадаги тиббиёт коллежида тайёрланади. Н. маорифи А. Сомоса ҳукмронлиги даврида инқироз ҳолатида эди. 1978—79 й.ларда мамлакат аҳолисининг 70%, қишлоқ аҳолисининг 90% савод-

сиз бўлган. 1979 й.дан ялпи мажбурий умумий бошланғич таълим жорий этила бошлади. Ўрта таълим [ўрта мактабда 5 (3+2) ёки 6 (3+3) йиллик] бепул бўлди. Олий ўқув юртлари: Леондаги Н. Миллий мухтор ун-ти (1812 й.да асос солинган), Манагуадаги Марказий Америка ун-тининг Н. бўлими (1961), Манагуадаги ун-т (1976). Илмий муассасалари: Н. тиллар академияси (1928), Геогр. ва тарих академияси (1934), Миллий фалсафа академияси (1964), Геол. маҳкамаси, Қ.х. ин-ти (ҳимояси Манагуада). Манагуада Марказий кутубхона, Леонда ун-т марказий кутубхонаси ва Мунинипал кутубхона. Манагуада Марказий музей (1896), Масая ш.да «Тендери» музейи ва б. бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Йирик газ. ва жур.лари : «Баррикада» (кундалик газ., 1979 й.дан), «Бригадиста» (ойига 2 марта чиқадиган газ., 1981 й.дан), «Гасета» (кундалик расмий газ., 1912 й.дан), «Нуэво диарио» («Янги газета», кундалик газ., 1980 й.дан), «Пренса» («Матбуот», кундалик газ., 1926 й.дан), «Сентроамерикано» («Марказий америкалик», кундалик кечки газ., 1917 й.дан), «Подер сандиниста» («Сандиночилар ҳокимияти», ҳафталик жур., 1980 й.дан) ва б. Аленсиа Никарагуанес де Нотисиас — АНН ҳукумат ахборот агентлиги 1979 й. тузилган. «Телкор» давлат алоқа корпорацияси, Н. радиоси ҳукумат радио ст-яси (1979) ва Миллий телевидение тизими (1979) мавжуд.

Адабиёти испанлар Марказий Америкага келгандан кейин 16-а. 2-ярмидан испан тилида вужудга келиб, ривожлана бошлади. Фернандес де Овьедо-и-Вальдеснинг «Никарагуа тарихи» (16-а. охири)ни биринчи адабий ёдгорлик деб ҳисоблайдилар. 18-а. охирларида М. Даррайнага ва Р.Ф. Осехо илмий-оммабоп асарлар ва сиёсий мақолалар б-н майдонга чиқди. Испаниянинг Америкадаги мустамлакалари мустақиллиги учун уруш (1810—26) мамлакатда адабиётни ривожлантиришга туртки бўлди. Шу уруш қатнашчиси Ф. Киньонес Сунсининг қўшиқлар ва ҳажвиялардан иборат «Шеърлар» тўплами адабиётда романтизмга асос бўлди. 19-а. охиригача давом этган мазкур оқим А. Арагон, Л. А. Вилья, К. Диас каби адибларни вояга етказди. 19-а. охири прозасида кўсатумбризм қарор топди. Бу оқим Испания ва Лотин Америкаси мамлакатлари адабиёти ва тасвирий санъатида халқ турмушини реал акс эттиришга интилиш тамойилини ифодалар эди (Г. Гусман романлари, Х. Д. Гамес, А. Ф. Баланьос очерклари). Р. Дарио поэзияда модернизмга асос солди. Шоирнинг «Ловжувард», «Ҳаёт ва умид қўшиқлари» ва б. тўпламларига киритилган асарлари ватанпарварлик туйғуларини қуйлайди. 20-а. бошларида С. Аргуэльо, Х. Оливарес, Х. Сальгадо, С. Сакас, С. де ла Сельва шеърлари, Э. Роблето романлари шухрат қозонди. 30-й.ларлан кейин шухрат қозонган шоирлар ватанпарварлик туйғуларини куйлади. Сомоса режими агдарилгач, адабиёт гуркираб ривожланди. Ж. Белли, Э. Ильескас, К. Перес Алонсо, Э. Гутьеррес, Фанор Тельес, Х. Вальес-Кастильо каби шоирлар озодликни мадҳ этувчи шеърлар яратишди. Адибларлан Л.А. Кабралес, Б.Моралес, С. Рамирес асарлари шухрат қозонди.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Н.даги қад. индейс маданияти Мексика, Колумбия, Панама маданиятлари таъсирида бўлган. Қоялардаги тасвирлар, бўртма тош устунлар, тош ҳайкаллар, сопол гулдон ва б. сақланиб қолган. Мустамлака даврида бир қаватли, қалин деворли уйлар (ҳовлиси б-н), тўғри, тор кўчалар ва майдонлардан иборат шаҳарлар барпо этилган. 17—19-а.ларда қурилган черковлардан Сан-Франциско черкови, 1862) услубига хос нақшлар б-н безатилган. 20-а.да Манагуа ш.да замонавий меъморлик услубида қурилган иморатлар пайдо бўлди (меъмор П. Дамбах ва б.). Кейинги асрларда тасвирий санъат равнақ топди. Замонавий усталардан рассом А. Алонсо Рочи, ўймакор Х. Амадор Лира, гравюрачи С. Бараоналар машҳур.

Никарагуа табиати манзараси.

Халқ амалий санъатининг ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, каштачилик каби турлари оммалашган. Манагуа ш.да нафис санъат мактаби мавжуд.

НИКАРАГУАНЛАР — халқ. Никарагуанинг асосий аҳолиси (3,5 млн. киши). Умумий сони 3,6 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Асосан, метислар ва креоллар. Испан тилида сўзланади. Диндорлари — асосан, католиклар, бир қисми — протестантлар.

НИКЕЛИН, қизил никель колчедани — арсенидлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби NiAs. Аралашма сифатида Co, Fe, Sb, S ва б. бўлади. Гексагонал сингонияли кристаллари кам учрайди, кўпинча донадор яхлит ёки таёқчасимон массалар ҳосил қилади. Ранги оч қизил, металлсимон ялтироқ. Қаттиқлиги минералогик шкала бўйича 5,5—6,0. Зичлиги 7600—7800 кг/м^3. Электр токини яхши ўтказади. Н. магматик ва гидротермал мис-никель-кумуш ва уран-висмутли рудаларда учрайди. Ер юзасидаги қатлам шароитларида осонгина иккиламчи минерал аннабергитга айланади. Германия, РФ, АҚШ, Канада ва б. мамлакатларда учрайди. Каттароқ уюмлари тўпланган жойда никель олиш учун муҳим руда ҳисобланади.

НИКЕЛЛАШ — металл буюмлар сиртига *никель* қоплаш. Одатда, никель 1—2 мкм дан 40—50 мкм гача қалинликда қопланади. Электролит, кимёвий ва контакт усуллари бор. Энг кўп тарқалгани электролит усули (қ. *Гальванотехника*). Бунда учта асосий компонентдан иборат электролитлар: буюм сиртида электрсизланувчи ионлар манбаи ҳосил қилиш учун сульфат кислотали никель (70—280 г/л); катод қатламида кислота қатламини ростлаш учун борат кислота (30 г/л); анодларнинг нормал эришини осонлаштирувчи ош тузи (5—15 г/л) дан фойдаланилади. Кимёвий усулда натрий гипофосфатдан фойдаланилади. Электролит усулида Н. қийин бўлган сиртлар шу усулда никелланади. Контакт усулида 40 г/л борат кислота қўшилган никель хлориддан фойдаланилади. Вақт ўтиши б-н никелланган буюмлар сирти хиралашиб қолади. Шунинг учун, кўпинча, никель қатлами устига хром қатлами ҳам қопланади (қ. *Хромлаш*). Н.дан тиббиёт асбоблари, автомобиль, велосипед ва б. машина қисмларини безаш ёки коррозиядан сақлашда фойдаланилади.

НИКЕЛЛИ ҚОТИШМАЛАР — асосини *никель* ташкил қиладиган қотишмалар. Н. қ. босим остида яхши ишланади ва станокларда осон кесилади. 19-а. охиридан бошлаб пластиклиги, электр ўтказувчанлиги юқори бўлган мис-никель қотишмалари кенг ишлатила бош-

лади. Магнит жиҳатдан юмшоқ материалларга кирадиган Ni (40—85%) нинг темир б-н ферромагнит қотишмалари техникада катта роль ўйнайди. Техник никель, кремнийли никель, хромель, алюмель, нихром, пермаллой каби Н.қ. кўп ишлатилади.

Техник никель — сульфидланган тоза никелга оз миқдорда углерод, марганец ва кремний қўшилиб, аралашмалардан тозалаб олинади. Коррозиябардош, атмосфера таъсирига турғун қотишма. У кимё ва озиқ-овқат саноатида, электротехникада, аниқ механика асбоблари ясашда ишлатилади. Кремнийли никель — техник тоза никелдан марганец, мис, алюминий, углерод ва фосфор аралашмаларини йўқотиб тозалаб олинади. Урaнолампалар, электр-вакуум асбоблари ясашда қўлланилади. Хромель — никелнинг асосан хром б-н қотишмаси ва алюмель — никелнинг асосан алюминий б-н қотишмаси; термоэлектр юритувчи кучи юқори. Шунинг учун улардан 1000° гача т-рани ўлчайдиган термопаралар ясалади. Пермаллой — никелнинг асосан темир б-н қотишмаси; магнит ўтказувчанлиги юқори, кучсиз майдонларда ҳам осон магнитланиш ва магнитсизланиш хоссасига эга материал; у электротехника аппаратларининг қисмларини ясашда ишлатилади. Механик хоссаларининг яхшилиги, кимёвий таркибига қараб физик-кимёвий хоссаларининг турлича бўлиши туфайли Н.қ. техниканинг турли соҳаларида кенг қўлланилади.

НИКЕЛЬ (нем. Nickel, лот. Niccolum), Ni — Менделеев даврий системасининг VIII группасига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 28, ат.м. 58,69. Табиий Н. 5 та барқарор изотоп ^{58}Ni (67,88%), ^{60}Ni (26,23%), ^{61}Ni (1,19%), ^{62}Ni (3,66%) ва ^{64}Ni (1,04%) аралашмасидан иборат. Энг узоқ мавжуд бўлувчи сунъий радиоактив изотопи — ^{59}Ni ($T_{1/2} = 10^5$ йил). Н.ни дастлаб 1751 й.да швед кимёгари А. Кронштедт кашф қилган ва ном қўйган. «Н.» номи купферникель минерали — Kupfernickel (NiAs) номидан олинган (нем. Kupfer — мис, Nickel — жин). Бу минерал кўринишидан мис рудаларига ўхшаб кончиларни кўп чалғитгани учун шундай ном олган. Немис кимёгари И. Рихтер 1804 й. анча тоза Н. олишга муваффақ бўлган.

19-а.нинг 80-йилларига қадар Н.дан фақат зарғалдоқ ва танга пуллар тайёрлашда фойдаланилган. Янги Каледонияда ва Канадада Н. рудаларига бой конлар очилиб, пўлатга Н. қўшилганида пўлатнинг хоссалари яхшиланиши аниқлангандан кейин Н. ишлаб чиқариш саноати кенг ривож топди. Масса жиҳатидан Ер пўстининг $8 \cdot 10^{-3}$%ини ташкил қилади. Н. табиатда пентландит $(Fe, Ni)_9S_8$, миллерит NiS, никелин NiAs, хлоантит $NiAs_2$, герсдорфит NiAsS, ульманнит NiAsSb номли минераллар ҳолида ва б. металларнинг сульфидларига аралашган ҳолда учрайди. Н.нинг 50 дан ортиқ минерали маълум. Н. ишлаб чиқаришда, асосан, унинг сульфидли минераллари, сульфидли мис-никель рудалари, гарниерит минерали (магний ва Н.нинг ўзгарувчан таркибли силикатлари) ҳамда магнитли колчедан катта аҳамиятга эга.

Н. — кумуш каби оқ, яхши жилоланувчан ялтироқ металл. Бирикмалардан ажратиб олинган кукун ҳолидаги Н.нинг ранги қорамтир. Н.нинг 2 та модификацияси маълум: гексагонал панжарали ҳолда кристалланадиган α-Н. ва куб панжарали β-Н. α-Н. 250—300° да β-Н.га айланади. Н. 0 дан 1200° гача қаттиқ, асосан, β-Н. шаклида бўлади. Н.нинг суюқланиш т-раси 1455°, қайнаш т-раси 2900°, зичлиги 8,9 г/см³. Н. худди темир ва кобальт сингари ферромагнит моддалар жумласига киради. Н. кимёвий хоссалари жиҳатидан темир ва кобальтга, мис ҳамда асл металларга ўхшайди. Валентлиги 2 ва 3. Н.нинг жуда кўп комплекс бирикмалари маълум.

Саноатда бошқа металлар б-н қотишмалар ҳолида ишлатилади. Мис, темир, хром ва б. элементларнинг никелли қотишмалари коррозияга чидамли, юқори механик, магнит, электр хоссаларига эга. Шунинг учун Н. қотишмалари атом реакторлари қуришда ишлатилади. Н.нинг талайгина миқдори ишқорли аккумуляторлар, коррозияга чидамли қопламалар, қувурлар учун кетади. Кимё саноатида кимёвий қурилмалар ва катализаторлар тайёрлашда ишлатилади.

Н. организм учун зарур микроэлементлардан ҳисобланади. Ўсимлик таркибида $5,0 \cdot 10^{-5}$%, қуруқликдаги ҳайвонлар организмида $1,0 \cdot 10^{-6}$%, денгиз ҳайвонлари организмида $1,6 \cdot 10^{-4}$% Н. бўлади. Н. аргиназа ферментини фаоллаштиради ва оксидланиш жараёнига таъсир кўрсатади.

Никель бирикмалари. Никель галогенлар б-н бирикиб, асосан, дигалогенидлар ҳосил қилади.

Никель дифторид, NiF_2 — яшил-сарғиш тетрагонал панжарали кристаллар. Суюқланиш т-раси 1452°, зичлиги 4,72 г/см³. Сувда оз эрийди. NiO, $NiCl_2$ ёки никелнинг бошқа бирикмаларига фтор таъсир эттириб олинади. Кимёвий реакцияларда катализатор, ток манбаларида катод, лазер материалларининг компоненти сифатида қўлланади.

Никель трифторид, NiF_3 — KHF_2 эритмасини электролиз қилишда қуюқ рангли қолдиқ кўринишида ҳосил бўлади. Кучли оксидловчи, сувда парчаланиб, ундан кислород ажратиб чиқаради.

Никель дихлорид, $NiCl_2$ — олтин рангли тригонал панжарали кристаллар. Суюқланиш т-раси 1009°, зичлиги 3,54 г/см³. Сувда яхши эрийди. Никеллашда, никель кукуни олишда, катализатор сифатида, противогаз, термометрлар бўёқлар тайёрлашда ишлатилади.

Никель дибромид, $NiBr_2$ — сарғиш-жигарранг тригонал панжарали кристаллар. Суюқланиш т-раси 963°, зичлиги 5,10 г/см³; гигроскопик, сувда, спиртда яхши эрийди. Сувли эритмаларидан яшил рангли гексагидрат $NiBr_2 \cdot 6H_2O$ ҳолида ажралиб чиқади.

Никель дийодид, NiI_2 — пўлат каби ялтироқ ёки қора рангли, тригонал панжарали кристаллар. Суюқланиш т-раси 797°, зичлиги 5,83 г/см³; гигроскопик, сувда, спиртда яхши эрийди. Гексагидрат $NiI_2 \cdot 6H_2O$ кўк-яшил рангли кристалл модда. Никель бромиди ва никель дийодид катализаторлар ва термометрлар бўёқлари олишда қўлланади.

Никель оксидларидан никель монооксид, NiO ўрганилганига ишончли маълумотлар бор. Олиниш усули ва хоссасига қараб NiO оч-яшилдан тўқ яшил ранггача ўзгаради. α- ва β-шакллари мавжуд. Кучсиз асос хоссага эга, сувда эримайди. 2 валентли никель тузларини 1000—1100° да қиздириш ёки никелни кислородли муҳитда ёки ҳавода қиздириш йўли б-н олинади.

Никель карбонат, $NiCO_3$ — яшил (зичлиги 4,39 г/см³) ёки сариқ (зичлиги 4,6 г/см³) рангли кристаллар. 300° дан юқорида парчаланади. Керамика ва ойна ишлаб чиқишда пигмент сифатида қўлланади.

Никель нитрат, $Ni(NO_3)_2$ — куб сингонияли яшил кристаллар. Қиздирилганда аввал 200—250° да $Ni(NO_2)_2$ гача, сўнгра 300—350° да NiO гача парчаланади. Никелли катализаторлар олишда, металларни никеллашда, рангли керамика ишлаб чиқишда ишлатилади.

Никель сульфат, $NiSO_4$ — ромб панжарали оч сариқ рангли кристалл модда. Зичлиги 3,65 г/см³, сувда яхши эрийди. Ҳаводан нам тортиб аста-секин яшил тусга киради. Сувдаги эритмаларидан ромб панжарали зумрад тусли гўзал кристалл туз — Н. купороси $NiSO_4 \cdot 7H_2O$ ҳолида ажралиб чиқади. Тузи никель олишда, гальвано-техникада, металларни никеллашда ишлатилади.

Н. олтингугурт б-н NiS, NiS_2, Ni_3S_2, Ni_3S_4, Ni_6S_5, Ni_7S_6 каби сульфидлар ҳосил қилади. Н. сульфидлари табиатда миллерит γ — NiS, хизлевудит Ni_3S_2, годлевскит Ni_7S_6, полидимит Ni_3S_4, ваэсит NiS_2, пентландит $Ni_{9-x}Fe_xS_8$ ($0 \leq x \leq 1,5$) кўринишида учрайди. Пентландит, миллеритли рудалар никель ишлаб чиқаришда хом ашё. NiS, Ni_3S_2 — гидроочистка, гидрогенизация ва дегидрогенизация катализаторлари. NiS_2 — органик синтезда катализатор сифатида қўлланади. Н. углерод (II)-оксид CO б-н учувчан суюқ бирикма — никель тетракарбонил $Ni(CO)_4$ ҳосил қилади. Бу модда қиздирилганда Н. ажралиб чиқади. Н. рудаларидан Н. ажратиб олиш усулларидан бири ана шу модданинг ҳосил бўлишига асосланган.

Ад.: Перельман Ф. М., Зворыкин А. Я., Кобальт и никель, М., 1975; Худяков И. Ф., Тихонов А. И., Деев В. И., Металлургия меди, никеля и кобальта, ч. 1-2, 2 изд., М., 1977.

[illegible]

НИКЕЛЬ РУДАЛАРИ — таркибидаги никелни саноат миқёсида ажратиб олиш иқтисодий фойдали бўлган табиий минерал ҳосилалар. Н.р.нинг сульфидли-мис ва силикатли турлари бўлади. Ҳоз. таркибида никель бўлган 100 дан ортиқ минерал маълум. Сульфидли-мис Н.р.га, асосан, пирротин, пентландит, халькопирит ва магнетит, иккинчи даражали ва камёбларига пирит, хромит, кубанит, миллерит, виоларит, платиноид минераллар ва б. киради. Бу руда конларининг аксари қисми токембрий кристалли қалқонлар ва қад. платформаларга мансуб магматик ҳосилаларга тегишли. Яхлит ва хол-хол рудалар қатлам ва гомиренимон тана, линза ва томир кўринишида жойлашган. Қалинлиги 50 м гача, баъзан 300 м гача. Сульфидли рудаларда никелнинг миқдори 0,3 дан 4% гача бўлади. Рудадан никель ва мисдан ташқари бир қанча бошқа элементлар ҳам ажратиб олинади. Конлари РФ (Норильск, Печенга), Канада, Австралия ва Жан. Африкада бор. Силикатли Н.р. ултрабазитлар нураш пўстининг бўш гилсимон ҳосилаларидан иборат. Уларда Ni 4% гача ва ундан юқори бўлади. Асосий минераллари: гарниерит, непуит, ревдинскит, керолит, серпентин, гидрогетит, гётит, асболан, гидрохлорит. Силикатли рудалар орасида темирли, магнезиялли, кремнийли, гилтупроқли турлари мавжуд. Конлари Греция, Туркия, РФ (Норильск ва Тува), Украина ва б. жойларда бор. Ўзбекистонда Тошқазиган (Қуйжуқтов) конида мавжуд.

НИКЕЯ ИМПЕРИЯСИ — Константинополь салибчилар томонидан босиб олингач, Кичик Осиёда вужудга келган давлат. Византия империясидан 1204 й. охири — 1205 й. бошларида ажралиб чиққан учта грек марказларидан бири (Н.и., Эпир подшолиги ва Трапезунд империяси). Пойтахти — Никея (ҳоз. Изник). 1261 й. Н.и. императори Константинополни эгаллаб пойтахтини шу ерга кўчирган. Натижада Византия империяси қайта тикланган.

НИКИТИН Афанасий (? — 1472) — рус сайёҳи, тверлик савдогар. 1466 й. Тверь шаҳридан чиқиб жанубга келгач, ҳамроҳлари б-н бирга Волга дарёси ва Каспий денгизи орқали Дарбандга, Шемаха хонлиги орқали Бокуга етиб келган. Сўнгра Эрон орқали юриб 1469 й. Ҳурмуз ш.га, ундан Арабистон денгизини сузиб ўтиб Ҳиндистонга етиб борган ва ўша ерда қарийб 3 йил яшаган. Ватанига қайтишда Африка соҳилида (Сомали), Арабистон ш.да (Маскат) бўлган. Сўнгра яна Эрон шаҳарлари орқали юриб Трабзон ш.га етиб борган. Қора денгизни сузиб ўтиб, 1472 й. Кафа (Феодосия) ш.га, ундан Киевга етиб борган. Тверга қайтишида ватанига етмасдан ўша йили кузда Смоленск ш. яқинида вафот этган. Саёҳат давомида Н. Ҳиндистоннинг иқтисодий тузуми, давлатни бошқариш, ҳарбий ҳаёти, дини, халқининг урф-одати, қисман табиати ҳақида маълумотлар тўплади. Ҳиндистонда айтилганлар бўйича Эрон ва Эроншо Барма, Кўрти-кузатгон ва Эрондан шу-тенглари ҳақидаги хотираларини, шунингдек, Шри Ланка, Хитой ва б. мамлакатлар ҳақида бошқалардан эшитганларини «Уч денгиз ортидан саёҳат» кундалик дафтарига ёзиб қолдирган. Ундаги аниқ фактик материаллар Ҳиндистоннинг ўша даврдаги ижтимоий ҳаёти тўғрисида муҳим манбадир. Тверь ш.да 1955 й.да Н.га ҳайкал қўйилган.

Ад.: Виташевский М. Н., Странствия Афанасия Никитина, М., 1972.

НИКОЛАЕВ Александр Васильевич — қ. *[illegible]*

НИКОЛАЕВ Александр Иванович (1922.22.11, Рязань вилояти — 1994.26.11 — Тошкент) — иммунолог олим, Ўзбекистон ФАнинг мухбир аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), тиббиёт фанлари д-ри (1962), проф. (1964). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. ТошТИни тугатган (1949), шу ин-т биокимё кафедрасида катта лаборант (1949—50), Ҳарбий академиянинг махсус курси ўқувчиси (1950—52), ТошГИ, сўнгра фармацевтика ин-тида ўқитувчи (1952—58), Ўзбекистон онкология ва радиология и.т. институти директори ўринбосари (1958—68), ТошТИнинг илмий ишлар бўйича проректори (1968—75), 1975 й.дан Ўрта Осиё (ҳоз. Тошкент) педиатрия тиббиёт ин-ти биокимё кафедраси мудири. Илмий ишлари умумий иммунология, аутоиммунопатология ва биокимё масалаларига оид.

Ас.: Иммунные реакции при химиотерапии, Т., 1966; Методы определения аутоантител и их сравнительная оценка, Т., 1971 (ҳаммуаллиф); Экспериментальные и клинические аспекты аутоиммунопатологии, Т., 1974.

НИКОЛАЕВ — Украинадаги шаҳар, Николаев вилояти маркази (1937 йилдан). Қора денгизнинг Буг қўлтиғидаги чап соҳилида, Жан. Буг ва Ингул дарёларининг қўшилган жойида. Денгиз ва дарё порти. Т.й. тугуни. Аэропорти бор. Аҳолиси 508 минг киши (1997). Н. Украинанинг жанубидаги муҳим саноат ва маданият марказларидан бири. Етакчи саноат тармоғи — машинасозлик (хусусан, кемасозлик). Енгил, озиқ-овқат, қурилиш материаллари, мебель саноатлари ривожланган. Глинозём з-ди ишлаб турибди. 3 олий ўқув юрти, 3 театр, филармония, телемарказ, ўлкашунослик, бадиий, кемасозлик ва флот музейлари мавжуд. Н. 1784 йилда истеҳком сифатида вужудга келган. Шаҳар 2-жаҳон уруши йилларида вайрон қилинган. 1946—50 йилларда тўла тикланган. Н.да классицизм услубида қурилган денгизчилар гимназияси ва казармалар (18-а.), Николай черкови, Офицерлар мажлиси, расадхона (19-а.) бинолари сақланган.

НИКОЛАЕВ ВИЛОЯТИ — Украина таркибидаги вилоят. 1937 й. 22 сент.да ташкил этилган. Майд. 24,6 минг км². Аҳолиси 1322,1 минг киши (1997). Асосан, украинлар. Шунингдек, рус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 19 туман, 6 шаҳар, 19 шаҳарча бор. Маркази — *Николаев* ш.

Рельефи текислик, шимолдан жан.га (Қора денгизга) пасая боради. Ҳудудининг кўп қисми Қора денгиз бўйи пасттекислигига киради. Фойдали қазилмалари: гранит, гнейс, оҳактош, мергель, тил, каолин, шағал, қум, қўнғир кўмир. Иқлими мўътадил континентал. Июлнинг ўртача т-раси 23°, январники −4, −5°. Йиллик ёғин миқдори 300—350 мм, шим.да 450 мм. Вегетация даври 210 кун. Асосий дарёлари: Жан. Буг, Ингул, Ингулец. Тупроқлари шим.да оддий қоратупроқ, жан.да қоратупроқ ва тўқ каштан тупроқлар. Табиий дашт ўсимликлари фақат жарлар ёки бўйирларидагина сақланиб қолган. Вилоят ҳудудининг 2% ўрмон. Тулки, бўри, мола, тиврушқон, олахуржун, кемирувчилар, қушлардан бедана, қирғовул, ёввойи ўрдак ва ғоз, балиқчи, дашт лала тўртайлари бор. Денгиз ва дарёларда балиқ кўп.

Саноатининг етакчи тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик, қисман кемасозлик. Дизель, гидроаппаратура, мураккаб энергетика асбоб ускуналари, металл конструкциялар ишлаб чиқарилади. «Дормашина» (Николаев) з-ди скрепер, бульдозер, асфальт ётқизувчи машина ва йўл машиналари ишлаб чиқаради. Озиқ-овқат саноати ривожланган. Енгил саноатнинг энг йирик корхоналари: трикотаж, парфюмерия-шишса к-лари, тикувчилик ф-калари, пойабзал ф-каси, уйсозлик к-ти, девор блоклари, гишт, черепица, оҳактош з-длари бор.

Қ.х. механизациялашган, кўп тармоқли. Ғалла, сабзавот-полиз, картошка, техника, ем-хашак экинлари экилади, токзорлар, боғ ва мевазорлар, яйлов ва пичанзорлар бор. Балиқчилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланилади. Асаларичилик ривожланган. Чорвачиликнинг етакчи тармоғи — гўшт-сут етиштириш. Қорамол, чўчқа, қўй боқилади. Т.й., автомобиль йўллари зич. Денгиз транспорти муҳим аҳамиятга эга. Порти — Николаев. 5 олий ўқув юрти, 2 музей, 3 театр, кутубхоналар бор.

НИКОЛАЙ I (Николай Павлович Романов) (1796.25.6, Царское Село, ҳоз. Пушкин ш. — 1855.18.2, Петербург) — Россия императори (1825—55). *Павел I* нинг 3-ўғли. Декабристлар қўзғолонини бостирган (1825). Н. I даврида марказлашган давлат бюрократик аппарати кучайтирилган, 3-бўлим (инқилобий ҳаракатга қарши курашиш учун сиёсий полиция) барпо этилган; Россия империяси қонунлар мажмуаси тузилган, янги цензура уставлари жорий қилинган (1826, 1828). 1837 й. Россияда биринчи марта Царское Селода т.й. ҳаракати очилган. Н. I ички сиёсатининг асосий мақсади — самодержавие-крепостнойлик тузумининг мустаҳкамлигини сақлаш эди. 1830—31 й.лардаги Польша қўзғолони; 1848—49 й.лардаги Венгрия инқилобини қонга ботирган. Муқаддас иттифоқнинг тамойилларига қайтиши Н. I ташқи сиёсатининг муҳим томони бўлган. Н. I. даврида Россия Кавказ (1817—64), Россия—Эрон (1826—28), Россия—Туркия (1828—29), Қрим (1853—56) урушларини олиб борган. Хива хонлигини босиб олиш мақсадида *Перовский экспедициясини* жўнатган.

НИКОЛАЙ II (Николай Александрович Романов) (1868. 6. 5, Царское Село, ҳоз. Пушкин ш. — 1918. 17.6, Екатеринбург) — Россиянинг сўнгги императори (1894—1917), император Александр III нинг катта ўғли. Н. II даврида мамлакат саноатиқтисодий жиҳатдан тез суръатларда ривожланган. Россия Япония б-н бўлган уруш (1904—05)да мағлубиятга учраган, бу эса Россияда 1905—07 й.лар инқилобига сабаб бўлган. Инқилоб даврида (1905 й. 17 окт.) Манифест қабул қилинган. Унга кўра, мамлакатда сиёсий партиялар тузилишига ва Давлат думаси таъсис этилишига рухсат этилган; Столипин аграр ислоҳоти амалга оширила бошланган. 1907 й. Россия *Антанта* аъзоси бўлган ва унинг томонида туриб *Биринчи жаҳон уруши*да қатнашган. 1915 й. авг.дан олий бош қўмондон. Туркистон ва Россиянинг бошқа минтақаларидан фронт ва фронт ортидаги мудофаа иншоотларини қуриш учун кишиларни сафарбар қилиш тўғрисидаги (1916 й. 25 июнь) фармони Туркистонда оммавий қўзғолонлар кўтарилишига олиб келган. 1917 й. фев. инқилоби жараёнида тахтдан воз кечган [2(25) март]. Оиласи б-н бирга Екатеринбургда Ленин кўрсатмаси б-н большевикларнинг Урал область Совети қарори асосида отиб ташланган.

НИКОЛАЙ КУЗАЛИК (Nicolaus Cusanus), ҳақиқий исми Николай Кребс (Krebs) (1401, Мозелдаги Куза деган жой — 1464.11.8, Тоди, Умбрия вилояти) — немис файласуфи, илоҳиётчи, олим, диний-сиёсий арбоб. Рим папаси Пий II (1405—64)нинг яқин маслаҳатчиси, кардинал (1448). *Неоплатонизм* диалектикаси ва немис мистикаси (Экхарт) ғоясидан келиб чиқиб, мутлақ қарама-қаршиликларнинг мослиги («кесиз «максимум» б-н чексиз «минимум»нинг айнанлиги) деган таълимотни ривожлантирган. Унингча, инсон билими «билмаслик билими» («илмий билмаслик»)дир; у мутлақа жо бўлган ҳақиқатга чексиз яқинлашишдан иборат бўлиб, «тахминлар» («фаразлар») ёрдамида рўёбга чиқади. Мат. рисолалар муаллифи. Коперникнинг космология ҳақидаги таълимотига (Ер ҳам, бошқа самовий жисмлар каби, Коинотнинг маркази бўла олмайди) ва тажрибага асосланган табиатшуносликка йўл очганлардан бири.

НИКОЛЬ (Nicolle) Шарль Жюль Анри (1866.21.9, Руан — 1936.28.2, Тунис) — француз микробиологи. Де Франс коллежи проф. (1932 й.дан). 1903 й.дан Тунисдаги Пастер ин-ти д-ри. Илмий ишлари, асосан, инфекцион касалликлар (тери ва висцераль лейшманиоз, токсоплазмоз, трахома, скарлатина, грипп, Ўрта денгиз иситмаси ва б.)нинг қўзғатувчиларини ўрганишга ҳамда махсус вакцина ва зардоблар тайёрлаш усулларини ишлаб чиқишга бағишланган. Тошмали терлама типфининг кўзғатувчиси қиммат бити жанглигини тажрибада исботлаб берган (1909). Нобель мукофоти лауреати (1928).

НИКОМАРОВ Наум Давидович (1904.6.1, Боку — 1974.27.11, Москва) — Ўзбекистон халқ артисти (1950). Боку театр техникумини (1920), Москва марказий театр санъати техникумини (1924), Давлат ва декламация ин-тини (1925) тугатган. Турли йилларда Боку, Самара театрларида, 1946 й.дан Тошкент рус драма театрида ишлаган. Кутузов («Фельдмаршал Кутузов»), Сатин («Тубанликда»), Мистер Дулитл, Генри Хиггинс («Пигмалион»), Монтанелли («Суна»), Уриэль Акоста («Уриэль Акоста»), Егор Булычёв («Егор Булычёв ва бошқалар»), Фамусов («Ақллилик балоси») каби ролларн б-н танилди. Саҳнавий жозиба, жўшқинлик, ўткир ифодавий воситалар топа билиш унинг ижодига хослир.

Н. Д. Никомаров Егор Булычев ролида («Егор Булычёв ва бошқалар»).

НИКОПОЛЬ (1782 й.гача Никитино селоси) — Украинанинг Днепропетровск вилоятидаги шаҳар. Днепр дарёсига қурилган Каховка сув омбори соҳилида. Дарё порти. Т.й. станцияси. Аҳолиси 161 минг киши (1990-й.лар ўртаси). Марганец рудалари қазиб олиш маркази. Қора металлургия (Никополь жанубий қувур- металлургия, ферроқотишмалари з-длари), машинасозлик (кран қурилиш ва б. заводлар), қурилиш материаллари и.ч., енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Н.да Днепропетровск металлургия ин-тининг умумий техника ф-ти, ўрта махсус ўқув юртлари, ўлкашунослик музейи бор.

НИКОПОЛЬ ЖАНГИ — Болгариянинг Никополь ш. яқинидаги жанг (1396.25.9). Султон *Боязид I* бошчилигидаги турк армияси (тахм. 200 минг аскар) б-н венгер қироли Сигизмунд қўмондонлигидаги салибчилар қўшини (тахм. 70 минг аскар; французлар, итальянлар, инглизлар, испанлар, чехлар ва б.) ўртасида бўлган. Салибчиларнинг мағлубияти б-н тугаган. Бу ғалаба натижасида Туркия Болқон я.о.даги ҳукмронлик мавқеини мустаҳкамлаб олган.

НИКОСИЯ, Лефкосия — *Кипр* пойтахти. Мамлакатнинг муҳим иқтисодий ва маданий маркази. Ороли нинг деярли қоқ марказида, Месаория текислигида жойлашган. Иқлими субтропик, ўрта ленгиз иқлими. Январнинг ўртача т-раси 10°, июлники 28°. Йилига ўртача 360 мм ёғин ётади. Шаҳар ўрмонсиз дашт зонадаги ягона воҳа кўринишига эга. Аҳолиси 270,8 минг киши (1999, шаҳар атрофи б-н).

Шаҳарга тахм. мил. ав. 7-а.да асос солинган ва дастлаб Ледра, кейинроқ Левкотеон деб аталган. Мил. ав. 58 й.да шаҳарни римликлар босиб олган ва Рим империяси, кейинроқ Византия таркибига кирган. 1192—1489 й.ларда Кипр салбчилари қироллиги пойтахти. 1570 й.да Усмонли турклар тасарруфига ўтган. 1960 й.дан Кипр Республикаси пойтахти.

Н. — транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Тўқимачилик, тамаки, озиқ-овқат, кўн-пойабзал, ёғочсозлик, металлсозлик саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчилик (кулолчилик) ривожланган. Туризм маркази. Археология музейи, Кипр тарихи ва маданияти музейи, Султон Маҳмуд II турк кутубхонаси, картиналар галереяси, олий ўқув юртлари, театр бор. Қадъа девори б-н ўралган шаҳар марказида меъморий ёдгорликлардан Аё София готика собори (ҳоз. Салимия масжиди), черковлар, Умария масжиди, архиепископ саройи, Бедестон ёпиқ бозори ва б. сақланган. Венеция қалъасидан ташқарида кўплаб замонавий бинолар қурилган.

Никосия шаҳри. Архиепископ саройи.

НИКОТИН, $C_{10}H_{14}N_2$ — *алкалоид*, ўзига хос ҳидли, мойсимон, учувчан, рангсиз суюқлик. Қайнаш т-раси 247°, ҳаво таъсирида қўнғир тусга киради. Сувда ва органик эритувчиларда яхши эрийди, кучли асос. Тамаки ва баъзи бошқа ўсимликлар таркибида бўлади. Илк бор ўсимликлар таркибида бўлади. Илк бор Европага тамакини француз дипломати Ж. Нико (шу сабабли ўсимлик Nicotiana tabacum, алкалоиди nicotine деб номланган) олиб келган (1560). Н. 1828 й.да ўсимликдан ажратиб олинган. 1904 й.да эса швейцариялик кимёгар А. Пикте синтез йўли б-н олган. Н. кучли заҳар, унинг бир неча томчиси (200 г тамакидаги 100—200 мг миқдори) кишини ўлдириши мумкин. Одам Н.дан заҳарланганда қўнғил айниши, қусади, ичи кетади, нерв системаси бузилиши каби салбий оқибатлар келиб чиқади. Н. сульфатнинг 40%ли сувдаги эритмаси ва тамакининг сувдаги экстракти қ.х.да инсектицид сифатида қўлланади. Саноатда Н.дан *никотин кислота* олинади.

НИКОТИН КИСЛОТАСИ, пиридин-3-карбон кислота — сувда оз эрийдиган рангсиз кристалл. В витамин гуруҳига мансуб, суюқланиш т-раси 236—237°. Организмда кенг тарқалган. Сут, балиқ, сабзавотлар, мевалар, ачитқи, буғдой кепаги, гўшт, айниқса, жигар ва буйракда кўп. Н.к. амиди — никотинамид (қ. *Витаминлар*) коферментлар — никотинамиданединдинуклеотид (НАД) ва никотинамиданединдинуклеотидфосфат (НАДФ) таркибига киради. Н.к. нинг организмдаги аҳамияти меъда-ичак йўллари эпидермаси ва эпителийсини ҳамда нерв системаси функциясини нормал ҳолатда тутиб туришдан иборат. Кишининг Н.к.га бўлган бир кеча-кундузлаги эҳтиёжи 20—30 мг. Н.к. етишмаса, *пеллагра* келиб чиқади. Н.к. пеллаградан ташқари, меъда-ичак касалликлари, атеросклероз ва б. касалликларни даволашда ҳам ишлатилади. Саноатда *никотинни* оксидлаб олинади.

НИКОҲ — икки жинс вакилларининг ўзаро розилиги асосида тузилган иттифоқ. Н. оиланинг вужудга келишида биридан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари б-н эмас, балки махсус қонун ҳужжатлари б-н тартибга солинади. Ижтимоий муносабат сифатида Н. турли жамият ва тузумларда турлича кўринишда бўлган. Н.ни қайд қилиш тартиби, Н. ёшига қўйиладиган талаблар турли мамлакатларда бир-биридан фарқ қилади. Бир қатор мамлакатларда Н. фуқаровий-ҳуқуқий битим ҳисобланиб, уни расмийлаштириш тартиби оила қонунчилиги б-н эмас, фуқаро қонунчилиги б-н белгиланади. Францияда Н. ёши аёллар учун 15, эркаклар учун 18, Италияда тегишлича 14 ва 16, ГФРда эса 16 ва 21, АҚШда (турли штатларида турлича) 14—18 ва 15—21 ёш қилиб белгиланган. Н.дан ўтишда бўлажак эр-хотиннинг молмулки тўғрисидаги масала катта аҳамиятга эга. Бунинг учун Н. шартномалари тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида таъкидланишича, Н. томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлигига асосланади. Н. масалалари ЎзРнинг Оила кодексида (1998 қабул қилиниб, ўша йили 1 сент.дан амалга киритилган) ўз ифодасини топган. Амалдаги оила қонунчилиги Н.нинг тузилиши тартибига, уни давлатнинг тегишли органлари томонидан расмийлаштирилишига алоҳида эътибор беради. Ўзбекистон Республикаси ОКнинг 13-моддасига биноан, Н. фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Шундай Н.гина ҳуқуқ ва мажбуриятни вужудга келтиради. Диний расм-русумларга биноан тузилган Н. юридик кучга эга эмас. Шунингдек, соҳта Н., яъни эр-хотини ёки улардан бирининг оила қуриш мақсадини кўзламай тузган Н.и ҳам ҳақиқий эмас деб топилади. Н.тузишнинг ихтиёрийлиги ва Н. ёши Н.дан ўтишнинг асосий шартлари ҳисобланади. Н.тузишга мажбур қилиш тақиқланади. Н. ёши Ўзбекистонда эркаклар учун 18, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Ўзаро сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳланувчиларнинг

илтимосига кўра, Н. давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими Н. ёшини кўпи б-н 1 йилга камайтириши мумкин. Лоақал биттаси рўйхатга олинган бошқа Н.да турган шахслар ўртасида, насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, фарзандликка олувчилар б-н фарзандликка олинганлар ўртасида, лоақал биттасининг руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар ўртасида Н. тузишга йўл қўйилмайди. Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш шарт қилиб қўйилган. Унга кўра, никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтадилар. Белгиланган шартларнинг бузилиши суд томонидан Н.ни ҳақиқий эмас деб топиш учун асос бўлиши мумкин.

Н. эр-хотиндан бирининг ўлими ёки ўлган деб эълон қилинишии оқибатида тугатилади. Эр-хотин ҳаётлигида Н. никоҳдан ажралиш йўли б-н бекор қилиниши мумкин.

НИКОҲ ТЎЙИ — келин ва куёвнинг никоҳини жамоатчиликка маълум қилиш тантанаси. Бу маросим даврлар ўтиши б-н қисман ўзгариб борган ва ҳар бир этник гуруҳда ўзига хос хусусиятлари б-н ўзаро фарқ қилган. Ўзбек халқининг қад. Н.т. тизимида бир қанча маросимлар мавжуд: совчилик, унаштириш, уй кўрар (қиз кўрар), фотиҳа тўйи, тўй юбориш, қиз оши (қизлар мажлиси), никоҳ ўқитиш, келин тушди, *келин салом*, чарлар, қуда чақириқ каби маросимлар ва улар б-н боғлиқ урф-одатлар. Уларнинг аксарияти ҳозиргача сақланиб, амал қилиниб келинади. Н.т. куни ёки бир кун олдин қиз томонга тўйнинг ошини пишириб ёки хомлигича юборилади. Қиз хонадонида жамоага ош тортилади. Баъзан куёвникида ҳам ош берилади. Тўй куни ёки бир кун олдин қизнинг отасиникида никоҳ маросими ўтказилади. Куёв яқин жўраси, тоғаси б-н бўлажак келин хонадонига борган. Имом куёвга эр-хотинлик бурчи ва ҳуқуқларини тушунтиргач, қизнинг янгаси орқали рухсатини олиб кейин «Хутбаи никоҳ» (никоҳ ҳақидаги дуо) ўқиган. Қад. ўзбекчилик удумига кўра, никоҳ тўйи тантаналари куёвникида ўтказилади. Тўй оқшоми куёв жўралари б-н, карнай-сурнай, чилдирма-ю ноғоралар садолари остида шўх ўйинкулги ва завқли қийқириқлар б-н келинникига келади. Улар чимилдиқ тортилган хонада, ноз-неъматлар тўла дастурхон атрофида сийланадилар. Суюқ овқат, ош ейилиб бўлингач, куёв жўраларидан бири келин томондан куёв сарпосини «сотиб олади». Куёвни қиблa тарафга қаратиб унга қизнинг онаси тайёрлаган чопон, салла кийгизилади. Куёв жўралар муборакбод этгач, сурнай хониши остида куёвни қизнинг онаси, хола-аммалари б-н кўришгани олиб келишади. Она ва бувининг оқ фотиҳаси, эзгу дуоларини олиб куёв ўз жўралари б-н уйига қайтади. Келинга оқ либосини кийдириб, отаси, бувасн ва тоға, амаки каби яқин қариндошлар б-н хайрлашгани олиб чиқадилар. Келин янгалари, дугоналари даврасида отасининг олдига келиб таъзим ила берган нонну тузига розилик сўрайди. Отаси қизининг пешонасидан ўпиб, елкасидан қучиб розилигини билдиради, бахт тилайди. Қиз онаси олдига бориб «онажон, берган оқ сутингизга раҳмат» деб бағрига сингиб рози-ризолик сўрайди. Келин машинага чиқмасидан аввал ота унга оқ фотиҳа беради, бахт тилайди. Иштирокчиларнинг ҳаммаси дуога қўл очиб унга жўр бўладилар. Энг қадим одатимизга мувофиқ келин куёвнинг уйига қадар ёр-ёр б-н кузатиб қўйилади. Бу одатлар ҳар вилоятда, қишлоқларда ўзига хос тарзда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида Н.т.ларида миллийликни сақлаган ҳолда дабдабабозликка берилмай, исрофгарчиликсиз, ихчам ўтказишга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

НИКОҲНИ БЕКОР ҚИЛИШ, ажралиш — эр-хотиннинг тириклик чоғида никоҳнинг бузилиши. Ўзбекистонда ОК ажралишнинг асосига қараб, уни амалга ошириш тартибини белгилаган. Қонунчиликка кўра, никоҳдан судда ва маъмурий тартибда, яъни фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органида ажратилади. Ажралиш эр-хотиндан бирининг ёки ҳар иккисининг берган аризасига кўра амалга оширилади. Агар эр-хотин алоҳида яшаса, даъво жавобгар эр ёки хотин турган жойдаги судда қўзғатилади, турар жойи номаълум бўлса, ариза жавобгар охирги яшаб турган жойдаги судга топширилади. Ажралиш ишлари очиқ суд мажлисида кўрилади. Ажралиш тўғрисидаги иш эр-хотиннинг аризасига мувофиқ, зарур ҳолларда, суднинг ажримига асосан ёпиқ суд мажлисида кўрилиши ҳам мумкин. Суд ишнинг кўрилишини кейинга қолдириб, эр-хотинга ярашиш учун 6 ойга муҳлат тайинлашга ҳақли. Суд эр-хотинни яраштириш мақсадида, зарур ҳолларда, ажрим нусхаларини улар яшайдиган жойдаги хотин-қизлар қўмиталарига, ўзини ўзи бошқариш органи, маҳалла оқсоқоллари кенгашига, улар ҳузуридаги ярашитириш комиссияларига муҳокама қилиш ва ярашитириш учун юбориши мумкин. Аниқ ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда суд, эр-хотиннинг ёки улардан бирининг аризасига кўра, уларнинг ярашиши учун берилган муҳлатни уларнинг иккаласи бу муҳлат угунга қадар ишни кўришга ҳақли. Судлар ажралишнинг ҳақиқий сабабларини аниқлаб, уйнинг бутун фаолиятини оилани сақлаб қолишга ва уни мустаҳкамлашга, оилалик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўриши лозим.

Қуйидаги ҳолларда Н.б.қ. суд тартибида кўрилади: эр-хотиндан бири н.б.қ.га рози бўлмаса; ўртада вояга етмаган умумий болалар бўлиб, уларни кимда қолдириш ва таъминоти учун *алимент* ундириш юзасидан низо бўлса; эр-хотин ўртасида меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотинга алимент ундириш ва унинг миқдори ҳақидаги масала тугилса; биргаликда умумий мулкни бўлиш бўйича низо бўлса.

Вояга етмаган болалари бўлмаган эр-хотин н.б.қ.га ўзаро рози бўлсалар, улар никоҳдан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) органида ажратилади. Шунингдек, агар эр-хотиндан бири: суд томонидан бедарак йўқолган; руҳияти бузилиши (руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги) сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган бўлса; содир қилган жинояти учун 3 йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинган бўлса, ўртада вояга етмаган фарзандлари борлигидан қатъи назар, эр-хотиндан бирининг аризасига кўра, ФҲДЁ органида никоҳ бекор қилинади.

НИКСОН (Nixon) Ричард Милхауз (1913.9.1, Йорба-Линда, Калифорния штати — 1994.22.4) — АҚШнинг 37-президенти (1969—74). Республикачилар партиясидан. 1953—61 й.ларда вице-президент. 1973 й. Н. ҳукумати Вьетнамда ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва тинчлик ўрнатиш ҳақидаги шартномани имзолашга мажбур бўлган. 1972 й.дан олий даражадаги Совет—Америка учрашувларида қатнашган. «Уотергейт иши» деган ғайриқонуний ҳаракатларда иштироки учун айбланиш хавфи борлиги муносабати б-н истеъфога чиққан.

НИКУЛИН Юрий Владимирович (1921.18.12, Смоленск вилояти — 1997.21.8, Москва) — рус цирк артисти, киноактёр. Цирк санъатида машҳур масхарабоз (клоун) сифатида танилган. 1982 й.дан Цветной бульваридаги Москва циркининг бош реж.и ва директори. Кинода 1958 й.дан суратга тушган: «Кавказ асираси», «Бриллиант қўл», «Операция Ы ва Шурикнинг бошқа саргузаштлари», «Дарахтлар катта бўлганида», «Қароқчи чоллар», «Чучело» каби фильмларда комик роллар б-н бир қаторда драматик образларни ҳам бирдай маҳорат б-н ижро этган. У кинода яратган образлари орқали комик актёр сифатида шуҳрат қозонган.

НИЛ (ҳоз. мисрликлар тилида — Ал-Баҳр; лот. Nilus, юн. Neilos) — Африкадаги дарё. Руанда, Танзания, Уганда, Судан, Миср ҳудудларидан оқади. Дунёда энг узун, уз. 6671 км, ҳавзасининг майд. 2870 минг км². Дарёнинг бош ирмоғи Шарқий Африкадаги Вирунга тоғларидан Кагера номи б-н бошланиб, Виктория кўлига келиб қуйилади. Дарё мазкур кўлдан Виктория-Нил номи б-н оқиб чиқади. Сўнг Кьога ва Альберт кўлларидан ўтгач, дастлаб Альберт-Нил, сўнгра Баҳр ул-Жабал деб аталади. Ясситоғ чегарасида кўплаб остона ва шаршаралар (Мерчисон ва б.) ҳосил қилган. Судан текислигида водийси ботқоқланган, бу қисмида дарё жуда секин оқади. Сувининг катта қисми буғланишга сарф бўлади. Н. чапдан Баҳр ул-Ғазал ва Баҳр ул-Араб дарёлари б-н қўшилгач, Оқ Нил (Баҳр ул-Абьяд) деб аталади ва Хартум ш.гача чала чўл ва чўл зонасидан оқади. Ўнгдан Асва, Сабат, Кўк Нил (Баҳр ул-Азрақ), Атбара каби ўнлаб ирмоқлар қўшилган жойдан Н. номини олган. Кейинги 3000 км ли масофада, яъни Н. Ўрта денгизга қуйилгунча унга биронта ҳам ирмоқ келиб қўшилмайди. Ўрта денгизга майд. 24 минг км² га тенг дельта ҳосил қилиб қуйилади. Дельтасида катта ва кичик жуда кўп тармоқларга бўлинган кўллар мавжуд. Дарё сувининг бир қисми Иброҳимия канали ва Юсуф тармоғи орқали Биркат-Қарун кўлига қуйилади. Н.дан чиқарилган Исмоилия канали Сувайш канали соҳилидаги аҳоли пунктларини, Маҳмудия канали Искандария ш.ни чучук сув б-н таъминлайди.

Н.нинг сув режими мавсумларга қараб кескин ўзгариб туради. Асвон ш. ёнида ўртача сув сарфи 2600 м³/сек. (максимали 15000 м³/сек., минимали 400—500 м³/сек.), қуйилиш жойида 2900 м³/сек. Н.нинг экватор қисмидаги ҳавзасида ёз ва қиш мавсумларида, Миср ва Суданнинг марказий ва шим. ҳудудларида ёз — куз ойларида суви кўпаяди. Дарёнинг қуйи оқимида айни жазирама ёзда сув кўпаяди. Тўлинсув даврининг чўққиси сент. ойига тўғри келади. Ўртача йиллик оқим 73,1 км³. Баланд Асвон тўғони қурилгунга қадар дарё қуйи оқимига йилига 62 млн. м³ лойқа келтирган. Н. суви оқимини тартибга солиб туриш мақсадида Асвон, Баланд Асвон тўғонлари, Асвон, Нағ-Ҳаммади, Ул-Файюм, Оуэн-Фолс



Нил дарёсининг Асвон тўғони яқинидаги қисми.

ГЭСлари қурилган. Дарёнинг қуйилиш жойидан Асвон тўғонигача ва ўрта қисмларида кема қатнайди. Н. ва унинг ирмоқларида кема қатнайдиган қисмининг жами уз. 32 минг км. Н. суви бағишқа бой. Дарё бўйида Қоҳира, Искандария, Хартум ва б. шаҳарлар жойлашган. Н. водийси суғориладиган деҳқончилик асосида юзага келган қад. цивилизация марказларидан бири бўлган. *Аҳмад ал-Фарғоний* бошчилигида аббосий халифа ал-Мутаваккилнинг буйруғи б-н 861 й.да Н. сувининг сатҳини ўлчайдиган иншоот қурилган. Бу қурилма дастлаб «Миқёси жадид» (Миқёс ан-Нил), кейинчалик *Нилометр* деб аталган ва ҳозирга қадар Сайёлат ул-Род майдони (Равзо о.)да сақланиб қолган.

НИЛ— кўк бўёқ модда. Мол. м. 262,27. 390—392° да суюқланиб парчаланади. Сув ва спиртда эримайди, анилинда эрийди. Н. жуда қадимдан маълум. Н.ли ўсимликлар (индигофера ва б.)дан, саноатда эса анилин ёки изатинни синтез қилиб олинади. Н. қайтарилганда унинг лейко-ҳосиласи — «оқ Н.» ҳосил бўлади. Н. газламаларни бўяшда ишлатилади. Унинг ҳосилалари, айниқса, тетраброминдиго ва аналоглари, мас., тиоиндигоид бўёқлар катта аҳамиятга эга.

НИЛОМЕТР — *Аҳмад ал-Фарғоний* бошчилигида аббосий халифа ал-Мутаваккилнинг амри б-н 861 й.да Қоҳира ш. яқинидаги Равзо о.да *Нил* дарёси сув сатҳини ўлчаш мақсадида қурилган иншоот. Баъзи Шарқ муаллифлари асарларида «Миқёс ан-Нил», деб аталади. Н. мураббa шаклидаги қудуқ кўринишида бўлиб, Нил дарёси б-н учта ер ости сув йўллари орқали туташган. Қудуқ ўртасида оқ мармар б-н қопланган (бал.10 м чамасида) саккиз қиррали устун ўрнатилган. Устунда сув сатҳини ўлчашга имкон берадиган йирик даражот бўлиб, у майда даражотга бўлинган. Йирик даражот араб тирсак бирлиги (тахм. 54 см)га, майдалари эса унинг 1/24 қисми (қирот)га, яъни 2,25 см га тенг. Кузатувчи сув сатҳи ҳақида ҳисоб олиш учун айланма зинапоядан тушиб чиққан. Н. дарё сув сатҳини катта аниқликда ўлчашга имкон берган. Жаҳон Метеорология Ташкилотига аъзо бўлган барча давлатларда сув ҳавзалари (дарёлар, кўллар, сув омборлари, ҳатто денгиз ва океанлар)нинг сув сатҳлари ҳам шу принципда ўлчанади.

НИЛОТ ТИЛЛАРИ — Африка шарқидаги шарқий судан тиллари; *Нил - Саҳрои Кабир тиллари* макрооиласининг шари-нил тиллари оиласига мансуб. Судан, Уганда, Кения, Танзанияда, шунингдек, Конго ва Эфиопиянинг айрим ҳудудларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 20 млн. кишидан ортади. Н. т.нинг ўзаро қариндошлиги уларнинг фонетик тузилиши ва асосий луғат таркиби (50 фоизгача), кишилик, сўроқ ва кўрсатиш олмошлари; отларнинг кўплик шакли каби тил ҳодисаларини ўрганиш жараёнида аниқланган.

Мавжуд таснифларга кўра, Н.т. ғарбий, шарқий ва жан. зоналарга бўлинади; ғарбий Н.т. —3 гуруҳчага бўлинади ва 20 дан ортиқ тилни қамраб олади; шарқий Н.т. —2 гуруҳчага бўлинади ва 12—14 та тилни ўз ичига олади; жанубий Н. т. —3 гуруҳчага бўлинади ва 10 дан ортиқ тилни қамраб олади. Шарқий ва жан. зоналарга мансуб Н.т. типологик жиҳатдан ва ўзаро қариндошлик муносабатларига кўра бир-бирига яқин туради, ғарбий Н. т. эса бир нечта фонетик ва грамматик хусусиятлари б-н улардан фарқ қилади. 1920—50 й.ларда Н. т. учун лотин графикаси асосида алифболар яратиш йўлида дастлабки уринишлар бўлган, бироқ бу жараён ниҳоясига етмаган.

НИЛОТЛАР — Шарқий Африкадаги халқлар гуруҳи (динка, нуэр, жан, луо, бари, лотуко, масаи, нанди, покот ва б.). 19 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Нилот тилларида сўзлашади. Диндорлари анъанавий диний эътиқодларга сиғинадилар, бир қисми сунний мусулмонлар, христианлар ҳам бор.

НИЛ-САҲРОИ КАБИР ТИЛЛАРИ — Африка тиллари макрооиласи. Н.-С.К.т.нинг генетик яқинлиги ҳақидаги фараз америкалик олим Ж. Гринбергга тегишли. Бу тиллар, асосан, Марказий ва Шарқий Африкада тарқалган (энг ғарбий чегараси Нигер дарёсининг ўрта оқими). Н.-С.К. т.да 30 млн. дан ортиқ киши сўзлашади; ушбу тиллар ғарбдан шарққа йўналган 6 оилага бўлинади: 1) сонгаи-зарма; 2) Саҳрои Кабир; 3) маба; 4) фур; 5) шари-нил; 6) кома.

Н.-С.К.т. ичида шари-нил оиласи алоҳида ўринга эга, чунки бу оила ўз навбатида шарқий судан, марказий су-

дан, кунама, берта каби тармоқларга, тармоқлар эса гуруҳларга бўлинади. Умуман, Н.-С.К.т.га мансуб 50 дан ортиқ тил ўз грамматик қурилиши ва луғат таркибига кўра ўзаро кескин фарқланади, чунки бу тилларга қўшни тиллар (айниқса, хом-сом тиллари) кучли таъсир кўрсатган. Олимлар бу тилларни 160 дан ортиқ лугавий ўхшашликлар, шунингдек, 30 дан ортиқ морфологик кўрсаткичларнинг ўзаро мувофиқлиги асосида генетик жиҳатдан бир деб ҳисоблаган бўлсаларда, бундай ўхшашлик ва мосликлар Н.-С.К.т. макроолласидаги ҳамма тилларда ҳам мавжуд эмас.

НИЛУФАР (Nelumbo) — нилуфарлошларга мансуб сувда ўсадиган кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Иккала ярим шарнинг мўътадил минтақаларида ва тропикларда 2 тури — гули пушти ёнғоқчали Н. (N.nicifera) ва сариқ Н. (W.lutea) ўсади. Барги йирик, қалқонсимон, банди узун, сув бетида қалқиб туради ёки сувдан юқори кўтарилиб ўсади. Гули якка, йирик, икки жинсли, диаметри 16 см гача боради, оқ ёки пушти, хушбўй, барги устида очилади.



Нилуфар.

Меваси конуссимон, кўп ёнғоқчали, сув остида етилади. Н. уруғидан ёки илдизпоясидан кўпаяди. Униб чиққанидан кейин 3-йили гуллайди. Ҳиндистон ва Хитойда пушти Н. қадимдан муқаддас ўсимлик ҳисобланади. Н.нинг маданий шаклари кўп. Н.нинг пояси, барглари витамин С ва каучук, банди ва новдаларида заҳарли модда — нелюмбин бор.

«НИЛУФАР» — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ассоциациясининг йиллик халқаро мукофоти. 1967 й.дан бошлаб адабиёт соҳасида эришган ютуқлари, шунингдек, Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ҳаракатини ривожлантиришдаги хизматлари учун мазкур мамлакатлар ёзувчиларига берилади. Ўзбекистонда *Зулфия*, К. *Яшин* ва С. *Азимов* «Н.» халқаро мукофоти б-н тақдирланган.

«НИЛУФАР» («Lotus») — Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ассоциациясининг 3 ойда 1 марта нашр этилувчи адабий-ижтимоий журнали. 1968 й. Қоҳирада, 1979 й.дан Байрутда, 1983 й.дан Тунисда инглиз, араб ва француз тилларида нашр этилади. 6-сонига қадар «Африка-Осиё адабиётлари» деб номланган. Бош муҳаррири Файз Аҳмад Аббос (1979 й.дан).

НИЛФИЯ, нимфея (Nymphaea) — нилфиялошларга мансуб сув ўсимликлари. Кўп йиллик илдизли, барглари этли, узун бандли, юраксимон, сув бетида сузиб юради. Гули якка, йирик, гулбанди узун, косачабарги яшил, гулбарги ҳар хил рангли. Меваси шарсимон, этли, кўп уруғли. Бутун ер юзида 40 дан ортиқ тури бор. Ўзбекистонда Амударё ҳавзасида учрайди.

НИМКОРЛИК (форс.- тож. — ярим ва иш) — хусусий эгаликда бўлган ерни *ижара*га олиб фойдаланиш шакли. Н.да кам ерли ёки от-улови етишмайдиган деҳқон олган ҳосилнинг ярмини бериш шарти б-н ерга экин экган. Н.да ер эгаси деҳқонга от-улов, уруғлик берган, айрим ҳолларда унинг оиласига иш вақтида яшаш учун турар жой ҳам ажратган. Хўжалик йили тугагач, ҳосилнинг ярмини деҳқон, қолган ярмини эса ер эгаси ўзаро тенг бўлиб олган. Н. Ўрта Осиёда 20-а.нинг 20-й.ларига қадар мавжуд бўлган.

1921—29 й.лардаги Ўрта Осиё ва Қозоғистонда ўтказилган ер-сув ислоҳотлари натижасида Н. барҳам топди (қ. *Ўрта Осиёда ер-сув ислоҳоти*).

НИМРАНГ, Шербанди, Ангури калон — ўртача кечпишар, хўраки маҳаллий узум нави. Ўзбекистон ва Тожикистонда кўп тарқалган. Қозоғистон, Қирғизистон, Қрим, Дағистон ва б. жойларда ҳам экилади. Тупи кучли ўсади. Барги ўртача (14—17 см), сал тўғарак ёки 5 бўлакли, кам кертикли, четлари юқорига қайрилган. Гули бир жинсли (функционал уруғочи). Узум боши йирик (бўйи 20—22 см, эни 12—15 см), вазни 550—600 г (баъзан 1—1,5 кг гача), кенг конуссимон ёки чўзиқ.

Нимранг узум нави.

Ғужумлари йирик, асосан, думалоқ, кунги томони қисиқ, ширин ва сал нордон, кардиланди. Таркибида 22—25% қанд, 5—6‰ кислота бор. Сент. бошларида тўлиқ пишади. Чангломчи навлар (Пушти Тоифи, Паркати, Саперави ва б.) б-н аралаш экиб, новдалари узун кесилиб (тупида 300—400 куртак), яхши парваришланса гектаридан 250—300 ц ҳосил беради. Узоқ жойларга жўнатишга, сақлашга чидамли.

НИМФА (юн. nymphe — личинка, келин, қиз) — гумбак даврига эга бўлмаган бутимоёқлиларнинг вояга етишидан олдинги даври. Каналар ва чала қанотлиларнинг вояга етган ҳашаротлар (сувараклар, чигирткалар, саратонлар, қандалалар ва б.) учун хос. Н. ташқи кўринишига ўхшаб кетади, лекин жинсий органлари ва қанотлари (қанотли ҳашаротларда) ривожланмаган бўлади. Н. бир неча марта пўст ташлагандан сўнг вояга етади.

НИМФАЛАР — юнон мифологиясида тоғлар, ўрмонлар, денгизлар, булоқларда яшовчи табиат маъбудалари. Зевснинг қизлари ҳисобланиб, *Артемида* ёки *Дионис*нинг ҳамроҳлари деб тасаввур этилган ва кўпинча маҳаллий диндарда уларга эътиқод қилинган. Н.га бағишлаб тоғларга, булоқларга, денгиз қирғоқларига қурбонликлар келтирилган. Н. ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъатида такрор-такрор тасвирланган.

НИМФАЛИДЛАР (Nymphalidae) — кундузги капалаклар туркуми. Қанотлари ёзилганда 25—80 мм, устки томони чиройли нақшинлар. Қуртларининг танасида пихлари ва кутикулар ўсимталари бўлади. 2 минтақа яқин тури маълум. Турлари тропик ва субтропик минтақаларда айниқса хилма-хил. Капалаклари яхши учади; айрим турлари миграция қилади. Ёш қуртлари ўргимчак тўрига ўхшаш учларида гуж бўлиб яшайди. Ўтлар, баъзан дарахтлар барги б-н озиқланади; кўпчилиги бирон ўсимлик турига ихтисослашган олигофаглар. Ғумбаги танасида олтинроқ доғлар бор; бошини пастга осилтириб билар бор; бошини пастга осилтириб билар нарсага ёпишиб олади. Ёш капалаклик ёки қуртлик даврида қишлайди. Н. орасида садафворлар, тасмалилар, шашкалилар, қичитқон ўт капалаклари, турли рангли капалаклар, мотамсаро капалаклар, адмирал, геликонидлар ва б. кўпчиликка таниш.

НИМЧА — хотин-қизларнинг енгсиз ва ёқасиз калта устки кийими; кўйлак устидан кийилади. Бичими турлича — олди очиқ (учбурчак шаклда чуқур ўйилган), тугмачали, апра-астарли, баъзан икки ёнида чўнтаклар қилинган. Аврасн бахмал, парча, кимхоб, шойи ва б. матолардан, астари ип матолардан тайёрланади; дуҳобдан ёқали ва ёқасиз қилиб, бағаи орасига юнқи пахта солиб қаваб пахталн Н.лар ҳам тайёрланади. Кашта тикиб безатилган (зардўзи Н., проқи Н. ва б.) турлари ҳозирда ҳам кенг тарқалган. Н. қизларнинг сепига кирган.

Зардўзи нимча (1970-й., Бухоро).

НИМШОҲИ, нимшони (форс. ним — ярим) — ярми ип ва ярми ипак (тенг нисбатдаги) ипдардан тўқилган мато тури; яна қ. *Шойи*.

НИНАЧИЛАР (Odonata) — ҳашаротлар туркуми. Гавдасининг уз. 1,4—120 мм, қанотлари 90 мм гача. Фасеткали кўзлари ҳаракатчан, бошининг катта қисмини эгаллайди. Мўйловлари калта, кўзга зўрға кўринади. Қанотлари қалин тўрланган. Дорзовентрал (орқадан қорин томонга йўналган) қанот мускулларининг, эркакларида иккиламчи қўшилиш органининг бўлиши б-н бошқа ҳашаротлардан фарқ қилади. 4500 га яқин (бошқа маълумотларга кўра, 3000 дан ортиқ) тури бор. Арктика ва қўрғоқчилик ҳудудларидан ташқари ҳамма жойларда тарқалган. Асосан, тропик ҳудудларда, сув ҳавзалари яқинида учрайди. Йиртқич вояга етган Н. ҳашаротлар б-н озиқланади. Ўлжасини ҳавода тутади. Йирик Н. личинкаси итбалиқлар ва балиқлар чавоқларига ҳужум қилиши мумкин. Ярим ўзгариш орқали ривожланади. Ҳавода учрашади. Тухумларини сув тубига ёки сувдаги ўсимликларга қўяди. Личинкалари йиртқич, оғиз органлари ўлжасини тутувчи орган — ниқобга айланган. Махсус ташқи жабралар (дум жабралари) ёки орқа ичак ўсимталари (ректал жабралар) ёрдамида нафас олади. 3 та кенжа туркум: тенг қанотлилар, ҳар хил қанотлилар, аралаш қанотлиларга бўлинади. Кейинги туркумга олдинги икки туркумининг ҳам белгилари-

Кўриқчи ниначи.

ни мужассамлаштирган, тропик ҳудудларда тарқалган битта уруғ киради. Ўзбекистон ҳудудида Н.нинг ўнлаб турлари тарқалган. Тоғли ҳудудларда Ўрта Осиё учун эндемик, йирик Н. кордудетектер; воҳалар ва тоғ олди ҳудудларида шайдли ниначилар кўп учрайди. Н. қанотли ҳашаротлар, уларнинг личинкаси эса қон сўрувчи ҳашаротларнинг сувдаги личинкалари б-н озиқланади. Н.нинг личинкалари балиқлар учун озиқ.

НИНЕВИЯ (Ninua, Ninn) — қад. Осурмандаги шаҳар (ҳоз. Ироқдаги Мосул ш. яқинида). Мил. ав. тахм. 5-минг йилликда асос солинган. Мил. ав. 3-минг йилликдан миҳхат ҳужжатларида қайд этилган. Савдо йўллари кесишган ерда жойлашгани учун Олд Осиёнинг тарихида муҳим роль ўйнаган. Мил. ав. 9-а.дан оссурий шоҳлари қароргоҳи. Н.нинг юксалиши ва равнақ топиши, ayни Оссурия давлати ва «жаҳон»нинг пойтахтига айланиши мил. ав. 8—7-а.ларга оиддир (*Синахериб* ва унинг ворислари даврида). Н.нинг шим. қисмида Синахерибнинг «жан.-ғарбий саройи» ва ички қисми деворлари ҳаройи» ва ички қисми деворлари ҳарбий, ов ва маиший саҳналарини акс эттирган жуда кўплаб барельефлар б-н безатилган. *Ашшурбанипал*нинг ҳашаматли «шим. саройи» жойлашган. Ашшурбанипал саройида давлат архиви ва подшоҳ кутубхонаси бўлган. Кутубхонада 20 мингдан зиёд «китоб» — миҳхат сопол жадвалчалар бўлган. Н.нинг жан. қисмида Иштар маъбудасининг марказий саждагоҳи — Эминшиш ибодатхонаси (мил. ав. 3-минг йилликдан бошлаб қайд этилган) ва подшоҳ Асарҳаддон саройи қурилган. Мил. ав. 612 й. Н. Янги Бобил подшоси *Набопаласар* ва Мидия подшоси — *Киаксар* томонидан ер б-н яксон қилинган. Римликлар Н. ўрнида Claudia Ninus ҳарбий колонияси (манзилгоҳи)ни барпо этганлар. Н. харобалари Куюнжик шаҳар харобасида ўтказилган археологик қазишмалар натижасида аниқланган.

Нинева. Шаҳарни оссурияликлар томонидан вайрон қилиниши (подшоҳ Ашшурбанипал саройидаги манзара; мил. ав. 660 — тахм. 635).

НИНСЯ-ХУЭЙ МУХТОР РАЙОНИ — Хитой таркибидаги маъмурий бирлик, мамлакатнинг шимолида. Майд. 60,4 минг км². Аҳолиси 5,38 млн. киши (1998); 1/3 қисми дунган (хуэйлар. Маъмурий ва иқтисодий маркази — Иньчуан ш. Хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Шоли, бугдой, тариқ, гаолян, пахта, мойли экинлар экилади. Чорвачиликда, асосан, қўй ва қорамол боқилади. Радиотехника, электроника, металлургия, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Иньчуан ш. яқинидан тошкўмир ва ош тузи қазиб олинади. Хуанхэ дарёсида кема қатнайди.

НИОБАТЛАР — ниобат кислота тузлари. Н. жумласига мета — $MeNbO_3$ ва орто — Me_3NbO_4, пиро — $Me_4Nb_2O_7$ ва полиниобатлар $Me_2O{\cdot}nNb_2O_5$ киради. Бу ерда Me — бир валентли катион, n=2+1,2, 2, 3, 4 валентли металларнинг Н. и ҳам маълум. Ранги қора, баъзан сариқ, қизғиш ва қўнғир-қора. Ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг Н. и иссиққа чидамли моддалар. Улар юқори т-рада суюқланади (мас., $NaNbO_3$ 1417° да, $KNbO_3$ 1039° да суюқланади). Н.нинг табиий бирикмалари (таркибида ниобий бўлган мураккаб минераллар) кўпинча пегматитлар ва гранитларда дала шпатлари (асосан, альбит) б-н бирга учрайди. Н. гуруҳига ильменорутил, пирохлор, эшинит каби минераллар ҳам киради. Ишқорий металлар ва баъзи металларнинг Н.и сувда оз эрийди. Кўпчилик металларнинг Н.и сегнетоэлектрик ва пьезоэлектрик хоссаларни намоён қилади. Шунинг учун улардан керамик сегнетоконденсаторлар ва пьезоэлектр кучайтиргичлар тайёрланади.

НИОБИЙ (Niobium), Nb — Менделеев даврий системасининг V гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 41, ат. м. 92,9064. Битта табиий изотопи ^{93}Nb бор. Н.нинг сунъий радиоактив изотопларидан $^{95}Nb(T_{1/2}$=35 кун) радиоактив индикатор сифатида ишлатилади.

Н.ни илк бор инглиз олими Ч.Хатчет 1801 й.да кашф қилиб, «колумбий» деб атаган; кейинчалик унга юнон афсонасидаги қаҳрамон баҳодир Тантал номи берилган, чунки Н.нинг хоссалари танталга ўхшайди. Металл ҳолидаги соф Н. 1907 й.да олинган. Атом радиуси 0,145 нм, ион радиуси (қавсларда координацион сон келтирилган) Nb^{2+} 0,085 нм (6), Nb^{3+}0,086 нм (6), Nb^{4+} 0,082 нм (8), Nb^{5+} 0,062 нм (4), 0,078 нм (6), 0,083 нм (7), 0,088 нм (8). Оксидланиш даражаси +5, баъзан +4, +3, +2 ва +1.

Н. Ер пўстининг масса жиҳатидан $2 \cdot 10^{-3}$% ини ташкил этади. Минераллари сийрак учрайди. Улар 2 гуруҳга бўлинади: бири —танталниобатлар, яъни танталат ва ниобат кислоталарнинг тузлари, иккинчиси — титан-тантал-ниобатлар, яъни таркибида титан, тантал ва Н. бўлган мураккаб минераллар. Ниобит (ёки колумбит) номли минераллар $Fe(NbO_3)_2$ биринчи гуруҳга мансуб, унинг таркибида $Fe(TaO_3)_2$ оз миқдорда бўлади. Лопарит $Me(NbO_3)_2 + Me(TiO_3)_2$ (бу ерда Me— Na, Ca, Ce, Sr бўлиши мумкин) иккинчи гуруҳга киради. Табиатда Н. тантал, титан, нодир-ер элементлари, уран, торий ва цирконий б-н бирга учрайди. Ниобит ва лопаритдан ташқари, пирохлор номли минерал ҳам амалий аҳамиятга эга. Н.нинг йирик конлари Африкада, Канада ва Норвегияда, Кола я.о.да бор.

Н. — кулранг металл, зичлиги 8,57 г/см³; суюқланиш т-раси 2477°, қайнаш т-раси 4760° атрофида. Н. коррозияга чидамли, кимёвий жиҳатдан жуда барқарор элемент. Кислоталарда, ҳатто зар сувида ҳам эримайди. Лекин суюқлантирилган ишқорларда (ҳаво кислороди иштирокида) эрийди; натижада *ниобатлар* ҳосил бўлади. Кўпчилик металлар б-н қотишмалар беради. Нитрат кислота б-н фторид кислота аралашмасида эриб, комплекс фторидлар ҳосил қилади. Юқори т-рада металлмаслар б-н реакцияга киришади. 200° дан юқорида ҳавода оксидланиб, Н. оксидларини беради. Н. монооксид, NbO кулранг ялтироқ кукун, суюқланиш т-раси 1945°. Н. (VI)-оксид, NbO_2 — қора рангли кристалл, суюқланиш т-раси 1917°, зичлиги 5,98 г/см³. Ҳавода қиздирилса NbO_2 га айланади. Н. (V)-оксид, NbO_5 рангсиз кристалл, суюқланиш т-раси 1510°, зичлиги 4,55 г/см³. Н. пўлатни микролегирлашда, коррозияга чидамли, оловбардош юқори сифатли пўлат олишда қўлланади.

НИОБИЙ РУДАЛАРИ — таркибидаги ниобий бирикмалари ва концентрацияси миқдори саноатда фойдаланиш учун техник имконият етарли ва иқтисодий жиҳатдан самарали бўлган табиий минерал ҳосилалар. Н.р. таркибида муайян миқдорда тантал бўлади. Ниобийнинг асосий руда минераллари: пирохлор, колумбит, фергусонит, эвкеенит, лопарит. Руданинг генетик типига қараб, шунингдек, таркибида фтор, цирконий, камёб-ер элементлари, уран, торий, литий ва б. минераллар мавжуд. Н.р. конлари пайдо бўлишига қараб ишқорли ва субишқорий жинслар б-н боғлиқ эндоген ва карбонатитлар қатламда колумбитли гранитлардаги чизиқли ва майдонли нураш пўстига мансуб, шунингдек аллювиал, делювиал-аллювиал, кўл ва флювиал-гляциал сочмали экзоген конларга бўлинади. Дунё бўйича жами ниобий захираларининг 2/3 қисми пирохлорли карбонатит конларига тўғри келади. Бундан энг йириклари Бразилия, Канада ва б. мамлакатларда. Барча конлардан руда очиқ усулда қазиб олинади. Н.р. таркибида Nb_2O_5 миқдори ўртача 0,2—0,6%; бой конларда 1% ва энг кўп миқдори 4% га етади.

НИОБИЙ ҚОТИШМАЛАРИ — *ниобий* б-н бошқа элементларни аралаштириб олинадиган, юқори (1000° дан юқори) т-рага чидамли материаллар. *Ванадий, цирконий, вольфрам, молибден* ва *графит* б-н легирлаб тайёрланган Н. қ. энг сифатли ҳисобланади (қ. *Легирлаш*). Мас., ВН-3 маркали қотишма таркиби: молибден (Mo) — 4,0 — 5,2 %, цирконий (Zr) — 0,8 — 2,0%, углерод (C) — 0,08 — 0,16% ва қолгани ниобий. Н. қ. вакуум-ёйли, электрон-нурли ва плазма печларда олинади. Н.қ. босим остида яхши ишланади, пайванланади; улардан поковкалар, листлар, қувурлар тайёрланади. Н. қ. моторсозлик, самолётсозлик ва ракетасозликда конструкцион материал сифатида ишлатилади.

НИППУР (хоз. Ниффер ёки Нуффар, Ироқдаги Бағдод ва Басра шл.ари орасида) — қад. *Шумер* шаҳарларидан бири, унинг бош диний маркази (мил. ав. 3-минг йиллик бошлари). Мил. ав. 3-минг йилликда Н.да шумерийларнинг маҳаллий маъбудлари — «тоғликлар» (Энлиль бошчилигида) ва Эриду — «денгиз» (Энки бошчилигида) маъбудларини бирлаштирган бир саждагоҳи (пантеон) қурилган. Мил. ав. 18-а.да Н. Бобил томонидан босиб олинган. Шу муносабат б-н Н. диний марказ сифатидаги ролини Бобилга берган. Бобилнинг бош маъбуди Мардук, олий маъбуд Бела номини олган Энлиль деб эътироф этила бошланган.

Н. диний марказ сифатида Шумер шаҳар-давлатлари ҳаётида катта роль ўйнаган. Н. коҳинлари тан олмаган биронта ҳам подшо Шумерда тан олинмаган. Н. ибодатхонасида кутубхона барпо этилган бўлиб (мил. ав. 3-мини йиллик), унда тарих, геогр., астрономия, ботаника, зоол., филология ва б. фанларга оид шумерийларнинг рисолалари изоҳиёт, мунажжимлик-сеҳргарлик (уларнинг кўпчилиги мил. ав. 1-мини йилликда Ашшурнасирпал ва Ашшурбанипал кутубхонаси олимлари томонидан қайта кўчирилган) оид асарлар б-н бирга сақланган. Мил. ав. 2-мини йиллик бошида кутубхона Элам истилочиси Кудур-мабук томонидан ёқиб юборилган. Мил. ав. 2—1-мини йилликларда Н. Бобилнинг «эркин шаҳри» сифатида ички мухторият ҳуқуқига эга бўлган. *Ахоманийлар* даврида (мил. ав. 5-а.) Н.да Мурашу савдо-судхўрлик уйи мавжуд бўлган (унда катта архив ҳужжатлари сақланган). Сўнгра Н. кимсасиз шаҳарга айланиб, *сосонийлар* даврида *некрополь* бўлган Н.да қазишма ишлари 19-а.дан олиб борилади; Энлиль (Экур) ибодатхонаси, мактаб, кутубхона (80 хонадан иборат, 80 минга яқин миххат ҳужжатлари, шундан 23 мингги кутубхонанинг энг қад. даврига оид), ҳусусий уй-жойлар ва б. топилган.

НИРВАНА (санскритча, айнан — сўлиш) — *буддизм* ва *жайнизм*нинг асосий тушунчаси. Инсон интилишининг олий ҳолатини, мақсадини ифодалайди. Буддизмда Н. — инсон ички дунёсининг мукаммаллиги, орзу-истакларсиз яшаш ҳисси, қаноат, тарки дунёчилик каби руҳий ҳолатлар. Буддизм тараққиёти жараёнида этик-психологик Н. тушунчасига уни мутлақ деган тасаввур ҳам қўшилди. Жайнизмда Н. — материя кишанидан, туғилиш ва ўлишга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ташвишлардан озод жоннинг мукаммал ҳолати.

НИРЕНБЕРГ (Nirenberg) Маршалл Уоррен (1927.10.4, Нью-Йорк) — америкалик биокимёгар. АҚШ миллий ФА (1967) ва Америка санъат ва фан академияси (1966) аъзоси. Мичиган ун-ти (1952—57), Артритлар ва моддалар алмашинуви касалликлари ин-ти (1957—62) илмий ходими, 1962 й.дан Лингов юрак касалликлари миллий ин-ти биокимё генетикаси лаб. мудири. Асосий ишлари *генетик код*нинг мазмунини очиб беришга бағишланган. У полиуридил кислота полифенилаланинни синтез қилиш учун матрица бўлиб хизмат қилишини исботлаб берди. Нобель мукофоти лауреати (1968, Р. Холли ва Х. Г. Корана б-н ҳамкорликда).

НИСБАТ, икки сон нисбати — биринчи сонни иккинчисига бўлишдан ҳосил бўлган бўлинма. Каср сонларнинг

Н.нини бутун сонлар Н.и б-н алмаштириш мумкин, мас., $\frac{2}{3} : \frac{4}{5} = \frac{5}{6} = 5 : 6$.

Иккита бир жинсли миқдор (кесма, бурчак, вақ ва б.нинг нисбати деб, уларнинг сонли ўлчовлари тушунилади. Иккита кесма узунлигининг нисбати рационал сон бўлса, улар ўлчовдош, иррационал бўлса ўлчовдош бўлмаган кесмалар дейилади. Бундай тушунчалар вақ, бурчак ва б. учун ҳам тааллуқли.

НИСБАТДОР МАСЖИДИ — Самарқанддаги меъморий ёдгорлик (1901). Абдуқодир Боқиев бошчилигида қурилган. Ака-ука Зиниддин ва Шамсиддин Ғафуровлар (ишт. терувчи), уста Саъдулла (ганчкор), уста Маҳмуд (нақшкошлар қатнашган. Эски масжид ўрнида пишиқ тошдан қурилган ҳонақоҳ ва унга жам. томонидан туташган кенг айвонидан иборат. Айвон қаршисида ўнча баланд бўлмаган қиррали минора жойлашган. Н.м. баланд супа устига қурилган. Ҳонақоҳнинг шарқий тарафи 3 равоқли, ўрта қисмидагисининг 2 ёни гулдастали. Равоқларнинг ҳар бирида эшик, тепасида тобалони бор. Тобалони ганчкори панжарали, гириҳ нақшлар қирма услубида ишланган. Айвони ўзига хос, 2 эшикли, шини нозик ганчкори безакла қизил ва кўк бўёқлар б-н пардозланган. Ғарбий айвон деворидаги меҳроб ва унинг ён томонларидаги намоёнлар ҳашамдор кўринишда. меҳроб токчасида муқарнасининг ироқи услуби қўлланилган. Айвон ўртасидаги устун бошаси мадоҳил нақшли, танаси эгри-бугри йўлли нақшлар ишланган. Ҳонақоҳ безаги содда, меҳроб безагида ўйма нақшлар сақланган. Айвонлари ўймакори эшикка ишланган нақшлар орасида бино қурилган сана ёзилган. Н.м. халқ усталари томонидан ижодий ҳамкорликда яратилган ноёб меъморий ёдгорлик ҳисобланади.

Ад.: Зоҳидов П., Самаркандская школа зодчих XIX — начало XX века, Т., 1965.

НИСБИЙ БАЛАНДЛИК — Ер юзасидаги икки нуқта орасидаги тик баландлик, у мутлақ баландликлар орасидаги фарққа тенг. Мас, тог чўққиси б-н яқин жойлашган водий туби орасидаги тик баландлик ёки дарё икки қирғоғининг бир-биридан баландлиги.

НИСБИЙ НАМЛИК — атмосферадаги сув буғининг ҳақиқий *парциал босими*нинг шу т-радаги унинг максимал парциал босимига нисбатининг фоиз-ларда олинган қиймати (f=e/E·100% га тенг). Мас., 20° т-рада тўйинган буғ босими 23,4 гПа га тенг. Агар тўйинмаган буғ босими 11,7 гПа ни ташкил этса, у ҳолда Н.и. $\frac{11{,}7\ гПа}{23{,}4\ гПа} \cdot 100\%$. Қуйидаги миқолда f=50 фоиз. Бунда f— нисбий намлик, e — ҳаводаги сув буғининг миқдори, E — ҳавонинг тўйиниши учун зарур бўлган сув буғи миқдори. Мутлақ қуруқ ҳавода Н.и. нолга тенг, тўйинган ҳавода эса 100% бўлади. Н.и. — бирор ҳавонинг мутлақ ёки солиштирма намлигининг шу т-рада-ги тўйинган ҳолати учун мутлақ ёки солиштирма намлигига нисбати деб ҳам қаралиши мумкин.

НИСБИЙ УЗИЛИШ КУЧИ —ўсимлик экинларидан олинадиган толанинг пишиқлиги кўрсаткичларидан бири. толани узиш учун сарфланадиган ўртача узилиш кучи (гк ёки Н)нинг тола чизиқли зичлиги (текс)га нисбати (қ. *Узилиш кучи*).

НИСБИЙ ҲАРАКАТ — моддий нуқтанинг шартли равишда кўзғалмас деб олинган асосий саноқ системага нисбатан кўчиб бораётган ҳаракатдаги саноқ системага нисбатан ҳаракати. Инерциал саноқ системага нисбатан маълум тезланиш б-н ҳаракатланаётган ҳар қандай саноқ системаси ноинерциал саноқ системани ташкил этади. Координата ўқларининг бошланиши нуқта O_1 да бўлган шартли равишда кўзғалмас деб қабул қилинган инерциал саноқ системаси S_1 ва унга нисбатан тезланиш б-н ҳаракатланаётган, координата ўқларининг бошланиши нуқта O да бўлган ноинерциал саноқ системаси S га нисбатан бирор моддий нуқта M ҳаракатланаётир, дейлик (расмга қ.). Кўзғалмас нуқта O_1 дан ҳаракатланувчи нуқта O га ўтказилган радиус-вектор $\bar{R}_0$ бўлиб, моддий нуқтанинг кўзғалмас саноқ системасидаги ўрнини R ва ҳаракатдаги саноқ системасидаги ўрнини эса $\bar{r}$ радиус векторлари ифодалайди. Бу векторлар исталган вақтда ўзаро қуйидагича боғланган бўлади:

$$\bar{R} = \bar{R}_0 + \bar{r}. \qquad (1)$$

Умумий ҳолда саноқ система S нинг S_1 га нисбатан ҳаракати мураккаб бўлиб, уни илгариланма ва айланма ҳаракатларнинг йиғиндисидан иборат, деб қараш мумкин. Агар S саноқ системаси S_1 га нисбатан илгарланма ҳаракатланаётган бўлса, моддий нуқтанинг мутлақ тезлигини ва мутлақ тезланишини (1) формуладан қуйидагича ифодалаш мумкин:



Нисбий ҳаракат.

$$\frac{d\bar{R}}{dt} = \frac{d\bar{R}_0}{dt} + \frac{d\bar{r}}{dt} \quad \text{ва}$$

$$\frac{d^2\bar{R}}{dt^2} = \frac{d^2\bar{R}_0}{dt^2} + \frac{d^2\bar{r}}{dt^2}. \qquad (2)$$

Бу тенгликлардаги биринчи ҳадлар мос равишда S саноқ системаси O нуқтасининг мутлақ тезлиги ва мутлақ тезланишидан иборат бўлиб, уларни кўчирма тезлик ва кўчирма тезланиш деб аталади. Илгариланма ҳаракатда бу катталиклар саноқ системаси S нинг ҳамма нуқталари учун бир хил қийматга эга. Иккинчи ҳадлар эса мос равишда нисбий тезлик ва нисбий тезланишдан иборат. Умумий ҳолда моддий нуқта нисбий ҳаракатининг тенгламаси қуйидаги кўринишга эга

$$m\bar{a}_{нис} = \bar{F} - m\bar{a}_0 + m\bar{a}_k.$$

бунда a_k — ноинерциал саноқ системаси S нинг O нуқта атрофида айланиши натижасида вужудга келувчи тезланиш; уни кориолис тезланиши деб аталади.

Агар саноқ системаси S илгариланма ҳаракатда бўлса, кориолис тезланиши нолга тенг бўлади; илгариланма ҳаракат инерциал бўлса, кўчирма тезланиш ҳам нолга тенг бўлади. Шу сабабли, Ньютоннинг иккинчи қонуни мутлақ қўзғалмас ва инерциал координата системаларига нисбатан бир хил ёзилади. Агар қўзғалувчан координата системаси инерциал бўлса, Ньютон иккинчи қонунининг ифодасида кориолис ва кўчирма инерция кучлари бўлади. Координата системаси илгариланма ҳаракатда бўлса, кориолис ва инерция кучлари бўлмайди.

НИСБИЙ ҲАҚИҚАТ — қ. *Ҳақиқат*.

НИСБИЙЛИК НАЗАРИЯСИ — фазо ва вақтнинг ҳар қандай физик жараён учун ўринли бўлган хусусиятлари ҳақидаги ҳоз. замон физика таълимоти. А. *Эйнштейн* яратган Н. н. 2 қисмдан: махсус Н.н. ва умумий Н.н.дан иборат бўлиб, махсус Н. н. 1905 й.да, умумий Н.н. 1916 й.да ниҳоясига етказилган.

Фазо ва вақт ҳақидаги тушунчалар турли даврда турлича бўлган. Классик физикада вақтнинг фазо б-н материяга ҳеч қандай даҳли йўқ. Фазо ва вақт ҳақидаги классик механика таълимоти *Галилей нисбийлик принципи* асосида математик равишда ифодалаш мумкин. Фазонинг аниқ нуқтасида аниқ вақтда рўй берувчи ҳодисани воқеа дейилади. Бирор воқеанинг S инерциал системадаги координатилари x, y, z, вақти t'ва S инерциал системадаги координаталари x, y, z, вақти t бўлади, дейлик. Шунингдек, S' саноқ системаси, дейлик. Шунингдек, S' саноқ система координата ўқлари S саноқ система ўқларига мос равишда параллел бўлиб,



x ва x' ўқлар ўзаро устма-уст тушади, дейлик. S саноқ система S' саноқ системага нисбатан x ўқининг мусбат йўналиши бўйича u_0 тезлик б-н тўғри чизиқли текис ҳаракатланади (расмга қ.). Бу саноқ системаларнинг координата бошлари устма-уст тушганда, бу системаларга нисбатан тинч ҳолатда жойлаштирилган соатларнинг кўрсатишлари $t=t'=0$ деб танлаб олинади. Воқеа содир бўлган нуқтанинг S ва S' системаларига нисбатан ўрнини аниқловчи координаталар орасида қу-йидаги боғланиш мавжуд:

$$x=x'+u_0 t;\ y=y';\ z=z';\ t=t'. \quad (1)$$

Галилей алмаштиришлари деб аталувчи бу формулалар бирор инерциал саноқ системанинг фазодаги ўрни маълум бўлса, иккинчи инерциал саноқ системага нисбатан унинг ҳолатини аниқлашга имкон беради. (1) га асосан, икки воқеа орасидаги масофа ва ўтган вақт ҳамма инерциал системаларда бир хилдир. $x(x')$ ўқи бўйича ҳаракатланувчи зарранинг S ва S' системалардаги v' б-н v тезликлари (1) га мувофиқ

$$v=v'+u_0$$

бўлади. Бу формула классик механикадаги тезликларни қўшув қонунини ифодалайди. (1) га мувофиқ, ҳаракат тезланиши барча инерциал системаларда бир хилдир, яъни

$$\frac{dv}{dt}=\frac{dv'}{dt'};\ a=a'. \quad (3)$$

Классик механикада жисм массаси ҳаракатга боғлиқ бўлмай, тинч ҳолатда массаси қандай бўлса, ҳаракатланганда ҳам худди ўшандай бўлади. Массаси m ва тезлиги v бўлган жисмга F куч таъсир қилса, Ньютоннинг иккинчи қонунига мувофиқ:

$$\vec{F}=m\frac{d\vec{v}}{dt} \quad (4)$$

бўлади. Бу ифода классик механиканинг ҳаракат тенгламасидир. Механик ҳодисалар барча инерциал саноқ системаларда бир хил рўй беради, демак, ҳаракат тенгламасининг ёзилиш шакли барча инерциал саноқ системаларда бир хилдир. Бу хусусият Галилей алмаштиришларига нисбатан Ньютон ҳаракат тенгламасининг инвариантлиги дейилади.

Н.н.га кўра, физик жараёнларда фазо ва вақт хусусиятлари ўзаро боғлиқдир. Фазо ва вақтнинг ўзаро боғланиши ҳаракат туфайлидир. Жисм турли ҳаракатда экан, фазо ва вақт хусусиятлари ҳам турличадир. Махсус Н.н. учун 2 принцип асосини қонуни замин ҳисобланади: биринчиси *нисбийлик принципи*, иккинчиси ёруғлик тезлигининг доимийлиги-лар. Нисбийлик принципига асосан, физик қонуниятларни ифодаловчи математик тенгламалар бир хил кўринишга эга; яъни улар турли инерциал саноқ системаларга нисбатан инвариантдир. Иккинчи принципини қуйидагича ифодалаш мумкин: ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги барча инерциал саноқ системаларда бир хил қийматга эга бўлиб, ёруғлик манбаининг ҳаракатига боғлиқ эмас.

Икки инерциал системанинг биридан иккинчисига ўтишда координаталар ва вақт орасидаги боғланиш мавсус. Н. нда қуйидагича ифодаланади:

$$x=\frac{x'+v't'}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}};\ y=y';$$

$$\partial z=z';\ t=\frac{t'+\frac{v}{c^2}x'}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}$$

$$x'=\frac{x+vt}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}};\ y'=y;$$

$$z=\frac{v}{c}x$$

$$z'=z;\ t'=\frac{t-\frac{v}{c^2}x}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}, \quad (5)$$

бу ерда, c— ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги ($c=3\cdot10^8$м/с). S ва S' саноқ системаларга оид координата ва вақтларнинг ўзаро боғланишини ифодаловчи (5) ифодалар биринчи марта Х. А. *Лоренц* томонидан келтириб чиқарилганлиги учун *Лоренц алмаштиришлари* деб аталади.

Турли системаларда вақтнинг ўтиши (соат юриши) ҳам турличадир. Мас., S' нинг бирор ўзгармас нуқтасида юз берган икки воқеа орасидаги ўтган вақт t_0 ва S да ўша икки воқеа орасида ўтган вақт t дейилса,

$$p^2=\frac{\tau_0}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}; \quad (6)$$

бўлади, яъни бирор системанинг ўзгармас нуқтасида рўй берувчи жараён вақти τ_0 энг кичик қийматга эгадир, демак, у энг қисқа вақт бўлади, аммо бу системага нисбатан ҳаракатланувчи бошқа системаларда эса шу жараён вақти τ кўпроқ қийматга эгадир. Демак, S' да рўй берувчи жараённинг давом этиш вақти τ_0 га қараганда унинг S даги давом этиш вақти τ кўпроқ бўлади.

Маълумки, ҳар қандай жисмнинг вақт утиши б-н фазодаги ҳаракати тезлик, импульс, энергия ва б. физик катталиклар б-н характерланади. Н.н.га мувофиқ, жисмнинг массаси, импульси ва энергияси унинг ҳаракат тезлиги орқали қуйидагича ифодаланади:

$$m=\frac{m_0}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}; \quad (7)$$

$$\vec{p}=\frac{m_0\vec{v}}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}=m\vec{v}; \quad (8)$$

$$E=\frac{m_0c^2}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}=mc^2, \quad (9)$$

бу ерда m_0 — жисмнинг тинч ҳолатдаги массаси (тинчлик массаси), m — жисмнинг v тезлик б-н ҳаракатланишдаги массаси, c — ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги $\vec{p}$ — жисм импульси. E — жисмнинг тўла энергияси. (7) дан кўриниб турибдики, тезлик ўзгариши б-н масса ҳам ўзгаради. Жисмнинг ҳаракат тезлиги v ёруғлик тезлиги c га нисбатан жуда кичик бўлгандагина жисм массасини ўзгармас ҳисоблаш мумкин.

Аммо v тезлик c га яқинланиб борган сари (7) формулага асосан, жисм массаси чексиз катта қийматга интилади. Бундан кўриналдики, бирор куч таъсирида жисм тезлигини узлуксиз равишда катталаштира бориб, унга ёруғлик тезлигига тенг бўлган тезлик бериш учун чексиз катта иш бажариш керак. Демак, тинч ҳолатдаги массаси нолдан фарқли бўлган ҳар қандай жисм ҳеч қачон ёруғлик тезлигига тенг тезликка эга бўла олмайди. (8) ва (9) формулалардан фойдаланиб жисмнинг тўла энергияси ва импульси орасидаги қуйидаги боғланишни олиш мумкин:

$$E^2=p^2c^2+m_0^2c^4. \quad (10)$$

Бирор инерциал саноқ системага нисбатан ҳаракатланаётган жисмнинг тезлиги, импульси ва кинетик энергияси бошқа инерциал саноқ системага ўтишда ўзгаради. Лекин (10) дан кўриниб турибдики, жисмнинг тинч ҳолатдаги массаси ва ёруғлик тезлиги ҳамма инерциал саноқ системаларда бир хил бўлганлиги учун, $E^2-p^2c^2$ ҳам барча инерциал саноқ системаларда бир хил қийматга эга, яъни инвариант катталикдир.

Тинчлик массаси m_0 ва тезлиги v бўлган заррага таъсир қилувчи куч F бўлса, Н.н.га мувофиқ, бу зарранинг ҳаракат тенгламаси қуйидагича ёзилади:

$$\vec{F}=\frac{d}{dt}\left[\frac{m\vec{v}}{\sqrt{1-\frac{v^2}{c^2}}}\right]. \quad (11)$$

Н.н.га асосланган динамика учун асосий қонун шу тенгламада ифодаланган.

Гравитация, фазо ва вақт ҳақидаги қад. замон физик назарияси, асосан, А. Эйнштейн томонидан яратилди ва у умумий Н.н. номини олди. Умумий Н.н.нинг яратилишида *эквивалентлик принципи* асос бўлиб хизмат қилди.

Н.н.дан келиб чиқувчи хулосалар жуда кўп текширилган, кузатишлар ва тажрибалар асосида тасдиқланган. Ҳозирги кунгача Н.н.нинг камчиликлари мавжудлигини кўрсатувчи бирор далил ёки тажриба натижалари маълум эмас.

Ад.: Эйнштейн А., Сборник научных трудов, т.т. 1—4, М., 1965—67; Бекжонов Р., Эйнштейн ва нисбийлик назарияси, Т., 1978.

НИСБИЙЛИК ПРИНЦИПИ — ҳар қандай инерциал саноқ системаларида бир хил шароитларда барча физик ҳодисалар айнан бир хилда содир бўлиши ҳақидаги асосий қонун. Мас., иккита K ва K' инерциал саноқ системаси берилган бўлиб, уларнинг мос келувчи ўқлари ўзаро параллел ва x, x' ўқлари эса устма-уст тушади, дейлик. KF саноқ системаси шартли равишда тинч ҳолатда K системага нисбатан x ўқининг мусбат йўналиши бўйича ўзгармас u_0 тезлик б-н ҳаракатланади, деб олайлик. Моддий нуқта KF саноқ системага нисбатан маълум қонуният бўйича ҳаракатланаётган бўлиб, унинг K ва KF саноқ системаларга нисбатан фазодаги ўрни, мос равишда $\vec{r}$ ва $\vec{r}'$ радиус векторлари орқали ифодаланса, қуйидаги муносабат ўринли:

$$\vec{r}=\vec{r}'+\vec{u}_0 t.$$

Бу тенгликни вақт бўйича дифференциаллаб моддий нуқта тезлигининг K системадаги қиймати $\vec{v}$ унинг K' системага нисбатан аниқланган $\vec{v}'$ қийматидан $\vec{u}_0$ га фарқ қилишини кўриш мумкин:

$$\vec{v}=\vec{v}'+\vec{u}_0.$$

Одатда $\vec{v}$ — моддий нуқта ҳаракатининг мутлақ тезлиги $\vec{v}'$ — нисбий тезлиги деб аталади. Охирги муносабатни вақт бўйича дифференциаллаб, моддий нуқта ҳаракатининг K ва K' инерциал саноқ системаларидаги $\vec{a}$ ва $\vec{a}'$ тезланишлари бир хил қийматга эга эканлиги ҳақидаги хулосага келиш мумкин.

Классик механикага асосан, барилган жисм массаси ҳамма инерциал саноқ системаларда бир хил қийматга эга ва жисмнинг физик ҳолатига боғлиқ эмас, яъни $m=m'$. Демак, Ньютоннинг иккинчи қонуни ҳам барча инерциал саноқ системаларда бир хил кўринишга эга, деган хулосага келиш мумкин. Бу хулоса *Галилей нисбийлик принципи* деб аталади. Кузатишлар натижасида тўпланган маълумотлар, фақат механик ҳодисалар эмас, балки ҳар қандай ҳодисалар ва уларни ифодаловчи табиат қонунлари ҳамма инерциал саноқ системаларда бир хилда содир бўлишини кўрсатади.

1887 йил А. *Майкельсон* ёруғликнинг бўшлиқдаги тезлиги ёруғлик манбаининг ҳаракатидан қатъи назар, барча инерциал саноқ системаларда бир хил қийматга эга эканлигини тажрибада исботлади. Физиканинг асосий қонунларидан бўлган электродинамика қонунларини ифодаловчи *Максвелл тенгламалари* ҳам барча инерциал саноқ системаларда бир хил кўринишга эга. Максвелл тенгламалари Галилей алмаштиришларига нисбатан эмас экан. А. *Эйнштейн* Галилей алмаштиришларини универсал характерга эга эмаслигини, бундай ҳолларда фазо б-н вақт орасида ўзаро боғланишлар мавжудлигини эътиборга олувчи *Лоренц алмаштиришларидан* фойдаланиш зарур эканлигини кўрсатди. Ёруғлик нурининг бўшлиқдаги тезлиги барча инерциал саноқ системаларда бир хил қийматга эга бўлиб, ёруғлик манбаининг ҳаракатига боғлиқ эмаслиги Н.н. асосида Эйнштейн нисбийлик назарияси яратган.

Ад.: Эйнштейн А., Сбор. науч. трудов, т.т. 1—4, М., 1967; Бекжонов Р., Эйнштейн ва нисбийлик назарияси, Т., 1978.

НИСО — антик ва ўрта аср шаҳар хробаси; қад. *Парфия* давлатининг пойтахти (мил. ав. 3—мил. 3-а.лар). Ашхобддан 18 км шим.-ғарбда жойлашган. Н. иккита тепалик (Янги Нисо, майд. 18 га ва Эски Нисо, майд. 14 га)дан иборат. 1946—60 й.ларда Н.да проф. М. Е. *Массон* томонидан археологик қазишмалар олиб борилган. Натижада жуда бой ва хилма-хил археологик материаллар топилган. Улар орасидаги сополга битилган ёзувлардан бирида Эски Нисо тепалиги қадимда Михридаткирт деб аталгани маълум бўлди. Янги Нисо тепалиги эса антик даврда Парфия подшолигининг пойтахти бўлган. Н.дан ибодатхона қолдиғи, сопол ҳайкалли ҳашаматли зал, подшо хазинаси ва монументал уй-жой қолдиқлари очилган. Хоналардан бири тўртбурчакли санъат кошонаси бўлиб, у эллинизм анъаналари асосида қурилган. Мил. ав. Кўҳна Нисо. Родогуна ҳайкали. Мармар (мил. ав. 2-а.).

3—1-а.ларга оид бу заллан Парфия маданиятига оид мармар ҳайкал, фил суягига жило бериб ишланган қадаҳ (ритонлар) ва б. буюмлар топилган. Н.даги хўжалик архивидан Парфия подшолигининг мил. ав. 1-а.га оид иқтисодий ва маъмурий тузумини жаҳонга маълум қилувчи сопол парчаларига битилган 200 та ҳужжат, шунингдек, ҳарбий қуроллар ва безак буюмлар, терракота ва металлдан ишланган майда ҳайкалчалар, турли жилоҳ ва б. топилган. Ўрта асрларда Н. Хуросоннинг муҳим маркази бўлган.

Ад.: Труды ЮТАКЭ, том 1—2, 4, 6. Ашхабад, 1949—58; Кошеленко Г. А., Культура Парфии, М., 1966; Пугаченкова Г. А., Искусство Туркменистана, М., 1967.

НИСО ЖАНГИ (1221 й.) — *Жалолиддин Мангубердининг* мўғулларга қарши дастлабки зафарли жангларидан бири. *Чингизхон*, *Муҳаммад* Хоразм шоҳининг фарзандлари Урганчдан чекинишганидан дарак топгач, Хуросоннинг шим. чегараларига мўғулларнинг кузатувчи қўшинларини жойлаштиришга фармон берган. *Нисо* ш.нинг теварак-атрофида 700 отлиқдан иборат мўғул аскари турган эди. Жалолиддин Қорақумдан ўтиб 300 отлиқ аскари б-н тўсатдан мўғулларга шиддат б-н ҳужум қилган. Мўғуллар саросимага тушиб қурол-яроғ ва озиқ-овқатларини ташлаб қочганлар, улардан озгинаси қўтулиб қолган. Насавий бу жангни мўғулларнинг дастлабки галабаси деб атайди. Н.ж.даги галаба туфайли Жалолиддин ва унинг сафдошлари ҳориган отларини алмаштириб, эсон-омон Нишопурга етиб олишга муваффақ бўлишган.

НИСОРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳасанхожа Подшоҳожа ўғли) (1516 — Бухоро — 1597) — шоир, тазкиранавис. Таниқли шоир ва давлат арбоби *Хожа* (Подшоҳожа)нинг ўғли. Бухоро мадрасаларида ўқиган. Риёзиёт, ҳандаса, тиббиёт, мусиқа илмларини пухта эгаллаган, отасидан аруз сирларини ўрганган. Шеърлар машқ қилган. Отаси Балхда шайхулисломлик пайти-

да (1533—43) Н. шу шаҳардаги Камолиддин Кўкнок мадрасасида хусниxат илмидан дарс берган. Бухорога қайтгач, 1545—50 й.ларда Абдулазизхон, 1551—66 й.ларда Миёнкол ҳокимлари ҳузурида саройлик вазифасини бажарган. Сўнг Бухорода умрининг охиригача маҳтабдорлик қилган. Бадиий ижод б-н машғул бўлган «Малик ушшуаро» унвонига мушарраф бўлган. Н. туркий ва форсийдаги шеърларидан девон тузгани маълум, лекин девон ҳали топилмаган. Фақат 16-а.да яратилган бир қанча асарлар орқали унинг бир неча ғазал, рубоийлари. «Баҳориёт» қасидаси ҳамда «Музаккири аҳбоб» (1566) тазкираси етиб келган.

«Музаккири аҳбоб» *Давлатшоҳ Самарқандий*нинг «Тазкират уш-шуаро» ва Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарларидан кейинги учинчи тазкира деб ҳисобланади ва бу асар Мақола, 4 боб ва Хотимадан иборат. Мақола қисми темурийлар ва шайбонийлар ҳамда бобурийлардан етишиб чиққан шоирларга бағишланган. 4 боби Мовароуннаҳр, Хуросон, Шарқий Туркистон, Туркия, Озарбайжон ва Ҳиндистонда яшаган шоирлар ижоди ҳақида. Хотима қисмида эса муаллифнинг шеър ёзган ота-боболари ва яқин қариндош-уруғлари тўғрисида сўз юритилган. Асарда жами 288 шоир ва адиб ҳақида маълумот берилган. Асар адабиёт назарияси, ҳусусан, шеърият масалалари ҳақида, 16-а. Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон каби ўлкалар адабиёти, маданияти, тарихи ва ижтимоий тафаккури ҳақида маълумотлар олишда муҳим манба бўла олади.

Асарнинг дунё қўлёзма хазиналарида 14 нусхаси мавжуд. Ўзбек тилига Исмоил Бекжон таржима қилган (1993) Қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти қўлёзмалар фондида сақланади (инв. №4282, 1438, 4374, 7760).

Ас.: Музаккири аҳбоб, Т., 1993.

Ад.: Исмоил Бекжон, «Музаккири аҳбоб» тазкираси ва унинг муаллифи ҳақида, Т., 1994.

Бегали Қосимов.

НИСТАГМ (юн. nistagmos — мудроқ) — кўз соққасининг беихтиёр ҳаракат (тез-тез ва суст) ритмик ҳаракат қилиши. Кўз соққасининг ҳаракатига қараб горизонтал, вертикал, диагонал, аралаш ва айланма Н. фарқ қилинади. Н. кўпинча икки, баъзан бир кўзда бўлади. Соғлом кишилар, мас., кўз олдидан тез ўтаётган нарсани кузатганда танани тез у ёқ бу ёққа буриганда, қулоққа иссиқ ёки совуқ сув қуйганда Н. пайдо бўлиши физиологик ҳолат. Кўз мускули фалажи, лабиринтит, истерия, интоксикация, *марказий нерв системаси* ва мия касалликлари, шунингдек, тўлиқсиз ёки шилпиқ кўз ва кўр-кўрона бўлганда патологик Н. кузатилади. Нокулай шароитда ишлайдиганларда (кон ишчилари) кузгуқ кўзида шокулар Н. пайдо бўлиши мумкин.

Даволаш Н.га сабаб бўлган касалликни даволашдан иборат. Н. кўзга алоқадор бўлса, бемор бошқа ишга ўтказилади.

НИТР..., НИТРО... (юн. nitron — табиий сода; селитра) — қушма сўзларнинг биринчи қисми, шундай қўшма сўзларнинг азотга, азот кислоталари тузларига алоқадор эканлигини билдиради (мас., *нитратлар, нитрат кислота, нитробензол*).

НИТРАГИН — бактериал ўғит, таркибида туганак бактериялари бор. Т-с кукун, препаратда 50 млн. гача бактерия бўлади. Н. таркибидаги туганак бактериялар ат. азотни тутиб, уни ўсимликлар ўзлаштирадиган бирикмаларга айлантиради. Н. илдизларда туганаклар сонини кўпайтириб, тупроқни азот б-н бойитади. Дуккакли экинлар ҳосилини оширади ва сифатини яхшилайди. Н. донли, дуккакли экинлар ва дуккакли ўтларни етиштиришда қўлланилади. Н. қуруқ хонада 0—10° да сақланади.

НИТРАМИНЛАР, N-нитроаминлар — молекуласидаги NO_2 группи органик радикалларга азот атомлари орқали боғланган органик бирикмалар. Н. бирламчи $RNHNO_2$ ва иккиламчи $RR'NNO_2$ бўлиши мумкин (бу ерда R, R' — алкил ёки арил радикаллари). Алифатик Н., одатда, қаттиқ моддалар, алифатик Н. суюқлик ёки суюқланиши қийин қаттиқ моддалардир. Бирламчи алифатик Н. кислоталар таъсирида спирт ва азот (I)-оксид N_2O га айланади, иккиламчиси эса кислоталар таъсирига чидамли, аммо концентрланган H_2SO_4 таъсирида альдегидлар ва нитрит кислотагача парчаланади. Кўпчилик бирламчи Н. ишқорлар б-н туз ҳосил қилади. Қуйи Н. ниҳоятда портловчи. Н. гербицидлар, ўстирувчи моддалар, антисептик, физиологик фаол модда ва портловчи моддалар сифатида ишлатилади (мас., тринитрофенилметилнитрамин — тетрил, циклотриметилентринитрамин — гексоген, циклотетраметилентетранитрамин — октоген).

НИТРАТ КИСЛОТА, HNO_3 — кучли бир асосли кислота. Сувсиз беқарор суюқлик. Мол.м. 63,016. Сувсиз Н.к.нинг суюқланиш т-раси — 41,59°, қайнаш т-раси 84°, зичлиги 1,513 г/см³. Н.к. сув б-н исталган нисбатда аралашади. Сувсиз Н.к. (98—100%ли) хона ҳароратида тутаб парчаланади, бунда ҳосил бўлган NO_2 дан ҳаво сариқ тусга киради. Н.к. қайнатилганида ҳам парчаланади:

$$4HNO_3 \rightarrow 2H_2O + 4NO_2 + O_2$$

Азеотроп зичлиги 1,44 г/см³ бўлган 63—65% ли концентрланган кислота ишлатилади. Н.к. — кучли оксидловчи. Шу сабабли металларга кислоталар нитратлардан водород ажралиб чиқмайди. Н.к. металлмасларни ҳам оксидлайди. Концентрланган Н.к. металлар ва металлмаслар б-н реакцияга киришганида, асосан азот (IV) оксид ажралиб чиқади. Н.к.да олтин, платина, иридий, родий ва рутенийдан бошқа барча металлар эрийди. Н.к.га хлорид кислота қўшилганда сеча хосил бўлади. Н.к.нинг барча тузлари сувда яхши эрийди. Н.к. саноатда аммиакни ҳаво кислороди б-н оксидлаб олинади. Азотли ва мураккаб ўғитлар (аммиак селитраси, кальций ва калий нитрат селитралари, нитрофоска) и.ч.да, оммада, металлургияда ва б. мақсадларда кенг қўлланади. Концентрланган Н.к. портловчи моддалар, сульфат ва фосфат кислоталар, ароматик нитробирикмалар, бўёқлар олишда ишлатилади. Н.к. буғи нафасга тегса зарарлайди, терини кўйдиради. Концентрланган Н.к. органик моддаларга тегканда портлайди ва ёнгин чиқади.

НИТРАТЛАР, металл нитратлари — нитрат кислота HNO_3 тузлари. Рангсиз кристаллар; оддий шароитда барқарор. Юқори т-рада кислород ажратиб чиқариб парчаланади. Н. парчаланганда таркибидаги металлнинг фаоллигига қараб турлича маҳсулотлар ҳосил бўлади. Мас., ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг Н.и парчаланганида нитритлар ҳосил бўлади ва кислород ажралиб чиқади; оғир металларнинг Н.и парчаланганида металл оксиди, азот (IV)-оксид ва кислород ҳосил бўлади (баъзан эркин металл ажралиб чиқади), мас.:

$$2KNO_3 \rightarrow 2KNO_2 + O_2;$$

$$2Cu(NO_3)_2 \rightarrow 2CuO + 4NO_2 + O_2;$$

$$2AgNO_3 \rightarrow 2Ag + 2NO_2 + O_2.$$

Аммоний нитрат NH_4NO_3, калий нитрат KNO_3, кальций нитрат $Ca(NO_3)_2$ селитралар деб аталади. Н. нитрат кислотани металлар, оксидлар, гидроксидлар ва бошқа тузларга таъсир эттириб олинади. Турли саноат соҳаларида, қ.х.да ўғит сифатида, портловчи моддалар и.ч.да, пиротехникада ва б. сифатида қўлланади. Н. заҳарли. Одам ўпкасида шиш пайдо қилади, қўнгилни беҳузур қилади, йўталтиради, ўткир юрак-томир етишмовчилиги ва б.га сабаб бўлади.

НИТРАТЛАШТИРУВЧИ БАКТЕРИЯЛАР — аммиак ва аммоний тузларини нитрат кислота тузлари — нитратларга айлантирувчи бактериялар. Н. б. *нитрификация* жараёнига сабаб бўлади. Ажратиб чиқади энергияни Н.б. органик моддалар синтези учун ишлатади. Н.б. тупроқда ва сув ҳавзаларида яшайди. Улар ишқорий ёки нейтрал муҳитли, яхши аэрацияли тупроқларда ривожланади. Шунинг учун нитратлашув жараёни ҳаво билан таъминланган тупроқларда жадалроқ кечади. Н.б. муҳитнинг органик моддаларига жуда сезгир *хемотроф организмлар*дир. Рус микробиологи С. Н. Виноградский 1890 й.да аммиакнинг нитритгача оксидлайдиган ҳужайра синтези учун энергия олади. ...к. *Хемосинтез.* Улар нитритларни нитратларгача оксидлайди. Н.б. ни ажратиб олган.

НИТРАТЛАШУВ (лот. nitrum — азот ва facio — бажараман), нитрификация — аммоний тузларининг микробиологик йўл б-н нитратларга айланиши жараёни. Нитратлар ўсимликларнинг азот б-н озиқланишидаги асосий манбадир. Бу жараён тупроқ ва сув ҳавзаларида кечади. Азотнинг табиатда доиравий айланиши учун муҳим аҳамиятга эга. Н.га *аммонификация* жараёнида боғланган азотли органик бирикмаларнинг минераллашуви ниҳоясига етади. Н. нитратлаштирувчи бактериялар таъсирида юз беради. Н. жараёни 2 босқичдан иборат. Биринчи босқич Nitrosomonas бактериясининг NH_3 ни нитритгача оксидлашидир: $NH_4^+ + 1\frac{1}{2}O_2 \rightarrow NO_2^- + 2H^+ + H_2O$. Иккинчи босқичда нитрат бактериялари (Nitrobacter) нитритни нитратгача оксидлайди: $NO_2^- + \frac{1}{2}O_2 \rightarrow NO_3^-$. Ҳосил бўлган нитратларни ўсимликлар яхши ўзлаштиради. Н. жараёни фақат сувда эрувчан органик моддаларнинг бўлишига боғлиқ. Н. жараёнига аэрация, тупроқнинг кимёвий таркиби ва реакцияси (муҳити), ҳарорати катта таъсир кўрсатади. Нитрификаторларнинг ривожланиши учун тупроқ реакцияси pH 5—8 бўлгани маъқул. Тупроқ намлиги мўътадил (умумий сув сиғимининг 40—70% и миқдорида), муҳити яхши (нейтрал ёки кучсиз ишқорий), т-раси 28—30° бўлиб, шўрланмаган бўлади. Н. жараёни шундай тез кечадики, ҳатто тупроқдаги минераллашган азотнинг асосий қисми нитрат шаклида қолади. Бунда нитрат кислота ўсимликни фақат азот б-н таъминлаб қолмасдан, балки қийин эрийдиган минерал тузлар (кальций фосфатини осон эрийдиган ҳолатга ўтказишига ва ўзлаштирувчанлигини оширишга катта таъсир қилади. Лекин нитратлар ўзининг яхши эрувчанлиги туфайли тупроқнинг пастки қатламларига ювилиб ва ювилиб кетади. Етарли аэрация бўлмаганда улар яна денитрификацияланади.

...тратлаштирувчи бактериялар ёрдамида молекуляр азотгача қайтарилиши мумкин. Бу эса тупроқ азотининг сезиларли даражада йўқотилишига олиб келади (қ. *Денитрификация*). Жадал Н.га пахта йўқолишининг олдини олиш учун турли органик ўғитлар солиш керак.

НИТРАТЛИ ЎҒИТЛАР — таркибида нитрат шаклидаги азоти бор ўғитлар (қ. *Азотли ўғитлар*).

НИТРИДЛАР — азотнинг электр мусбат элементлар, асосан, металлар б-н бирикмалари. Кўпинча Н. ҳосил қилган бирикмаларни... Кўпинча Н. ... таркибида азот ва бирор металл тарзида ... Н. ... 3 группага ... бўлиши мумкин... ион боғли, ковалент боғли ва металл боғли Н. (ёки металлсимон Н.). Ишқорий ва ишқорий-ер металларнинг нитридлари, мас., K_3N, Ca_3N_2 ион ва рух нитридлари ион боғли Н.га киради. B, Al, Si, Ga, Ge каби элементларнинг нитридлари (BN, AlN, Si_3N_4, GaN, GeN_2) ковалент боғли Н.га киради. Булар кимёвий таъсирларга чидамли, қийин суюқланадиган ва термик барқарор моддалардир. Металл боғли Н. азотнинг баъзи элементлар б-н бирикишидан ҳосил бўлади. Мас., TiN, Cr_2N, TaN, Ta_2N ва ҳ.к. W_2N, Ti_2N, Mn_3N ўта қаттиқ, ўта қийин суюқланадиган бирикмалар. Н. техниканинг турли соҳаларида, жумладан, ярим ўтказгичлар и.ч.да кенг қўлланади.

НИТРИЗЛАР — органик радикаллар б-н боғланган битта ёки бир неча циан гуруҳи —C≡N ни сақловчи органик бирикмалар. Н. изонитриллар

$$R-\overset{+}{N}\equiv\bar{C}$$

изомерларидир. Н. номи, одатда, карбон кислоталарининг номидан келтириб чиқарилади, бунда нисбатан ... (мас., CH_3CN ни сирка кислота нитрили, ... кислота динитрили ... $NC(CH_2)_4CN$ ни адипин кислота динитрили ...) ... кислота ҳосилалари сифатида кўриш қаралади (CH_2=$CHCH_2CN$ — аллилцианид ва ҳ.к.).

Н. — рангсиз суюқлик ёки қаттиқ моддалардир. Сувда оз, кўпгина органик эритувчиларда яхши эрийди. Электрофиллар ва нуклеофиллар б-н таъсирлашади, металлар тузлари б-н комплекслар ҳосил қилади, портлаш мумкин. ...да галогеноводородлар б-н қим... таъсирлашади, спиртлар ва тиоллар б-н иминоэфирлар ёки тиоиминоэфирлар тузларини беради. Карбон кислоталар б-н қиздирилганда Н. амидларга айланади, аминлар б-н ёки бирламчи ёки иккиламчи аминлар б-н амидинлар беради, гидроксиламин амидоксим, гидразин эса амидразон ҳосил қилади. Н. магнийорганик бирикмалар б-н бирикиб, магний алмашган кетиминларга, улар эса гидролизланиб (кислотали муҳитда) кетонларга айланади. Н. фосфорнинг галогенли бирикмалари б-н фосфалобирикмалар (иминофосфоранлар) беради. Риттер реакцияси орқали Н.га олефинлар ёки уларнинг функционал ҳосилаларини таъсир эттириш йўли б-н амидлар олиш мумкин. Н.дан тетразоллар, пиридин ҳосилалари, триазинлар, иминонитриллар, занжирли кетонлар, аминобирикмалар, альдегид ва б. бирикмалар олинади.

Н. амидларни дегидратлаш, цианид кислота тузларини алкиллаш, углеводородларни аммиак б-н оксидлаш, спиртларга аммиак таъсир эттириш ёки бошқа йўллар б-н олинади.

Н. эритувчилар, радикал-занжир реакциялар инициаторлари сифатида, сунъий толалар олишда хом ашё, пластификаторлар, дори-дармон ва пестицидлар и.ч.да қўлланади.

НИТРИТЛАР — нитрит кислота тузлари. Ишқорий металлар ва аммоний Н.и кўпроқ, ишқорий-ер металлар, қўрғошин ва кумуш Н.и нисбатан камроқ ишлатилади. Калий, натрий, барий Н.и сувда яхши эрийди, кумуш, симоб, мис Н.и эса оз эрийди. Н.нинг аксарияти спирт, эфир ва б. органик эритувчиларда жуда оз эрийдиган термик беқарор бирикмалар. Фақат ишқорий металларнинг Н.и парчаланмай суюқланади, қолганлари 25—300° да парчаланади. Н.нинг ажралиш жараёни мураккаб бўлиб, параллел ва кетма-кет реакцияларни ўз ичига олади. Асосий газсимон ажралиш маҳсулотлари — NO, NO_2, N_2 ва O_2, қаттиқ моддалар сифатида металл оксиди ёки элементар металл бўлади. Нейтрал муҳитда Н. азот (II)-оксид NO гача қайтарилади, кислотали муҳитда эса нитратларгача оксидланади. Органик галогенидлар б-н реакцияга киришиб органик Н. RONO ҳамда нитробирикмалар ҳосил қилади. Саноатда нитроза газини ($NO+NO_2$ аралашмаси) ишқорий металлар карбонатлари ёки гидроксидлари эритмаларига шимдириш (абсорбциялаш) йўли б-н олинади. Бошқа металларнинг Н.и $NaNO_2$ га металларнинг тузларини таъсир эттириб алмашиниш реакцияси ёрдамида ёки шу металлар нитратларининг қайтарилиши йўли б-н олинади. Азо бўёқлар синтезида, капролактам и.ч.да, озиқ-овқат консервантлари ўрнида, резина и.ч.да, тўқимачилик ва металлни қайта ишлаш саноатида оксидловчи ва қайтарувчи, амилнитрит $C_5H_{11}ONO$ ва б. тиббиётда қон томирни кенгайтирувчи модда сифатида ишлатилади.

НИТРОАММОФОСКА — таркибида азот, фосфор, калий бўлган мураккаб доначадор ўғит. Унда сувда эрувчан шаклдаги 12—18% N, 18—20% лик P_2O_5 ва K_2O бор. Н.ни нитрат ва фосфор кислоталарининг аммиак ёрдамида нейтраллаб ёки апатитни нитрат кислота б-н парчалаб ва эритмани калий хлорид б-н аралаштириб олинади. Қ.х. экинларининг эҳтиёжига қараб N:P:K нисбати ўзгариши мумкин. Н. юқори концентрланган ўғитдир. Барча тупроқ типларида асосий, экиш олдидан ва озиқлантириш ўғити сифатида турли қ.х. экинларига қўлланилади. Н. битум шимдирилган қоғоз қопларга солиниб, қуруқ биноларда сақланади.

НИТРОАНИЛИНЛАР — органик бирикмалар. Мол.м. 138,12; сариқ рангли кристалл моддалар. Иссиқ сувда, этанолда, диэтилэфирда, бензол, ацетон, хлороформда яхши эрийди. Ароматик *аминлар* ва *нитробирикмалар*нинг хоссаларини намоён қилади. Кучли анорганик кислоталар б-н тузлар беради.

2- ва 3- Н. ишқорлар б-н бирга қиздирилганда таркибидаги NH_2 гуруҳи NH_3 кўринишида ажралиб чиқиб, тегишли нитрофенолларга айланади. Нитроанилинларда ди- ва полинитроанилинлар ҳосил бўлади. Улардан 2,4- динитроанилин (мол.м. 183,12, суюқланиш т-раси 187—188°, зичлиги 1,615 г/см³) ва 2, 4, 6- тринитроанилин (мол.м. 229,12, суюқланиш т-раси 188—189°, зичлиги 1,762 г/см³) аҳамиятли ҳисобланади. Мононитроанилинлар (азоаминлар) — оч ва тўқ сариқ, қизил рангли бўёвчилар олишда, оқартирувчи модда, пигмент ва коррозия ингибитори сифатида қўлланади. 2, 4-динитроанилин дисперс бўёвчилар, пигментлар ва ҳ.к.лар, органик синтезда ва б.ларда ишлатилади. Н. заҳарли. Кўз шиллиқ пардаси ва терига кучли таъсир қилади, терида пигментланиш ва экземага олиб келади, юрак-томир ва марказий нерв системасига, жигар фаолиятига салбий таъсир қилади, қондаги гемоглобинни метгемоглобинга айлантиради.

НИТРОБЕНЗОЛ, $C_6H_5NO_2$ — сарғиш-яшил мойсимон суюқлик, аччиқ бодом ҳиди келади. Мол.м. 123,11. Суюқланиш т-раси 5,85°, қайнаш т-раси 211°, зичлиги 1,2037 г/см³. Кимёвий хоссаларига кўра, ароматик нитробирикмаларнинг яққол вакили. Сувда оз эрийди, диэтил эфир, бензол б-н ҳар қандай нисбатда аралашади, бошқа органик эритувчиларда яхши эрийди. Саноатда Н. бензолни концентрланган HNO_3 ва H_2SO_4 аралашмаси б-н узлуксиз *нитрлаш* йўли б-н олинади. Анилин, таркибида азот тутган ароматик бирикмалар (мас., бензидин, хинолин, азобензол) ва ҳ.к.лар хом ашё, целлюлоза эфирлари учун эритувчи, органик бўёғичлар ва б. олишда бошланғич маҳсулот сифатида қўлланади. Н. заҳарли. Тери орқали шимилади, марказий нерв системасига кучли таъсир қилади. Моддалар алмашинувини издан чиқаради, қондаги гемоглобинни оксидлаб, метгемоглобинга айлантиради.

НИТРОБИРИКМАЛАР (С-нитробирикмалар) — молекуласида углерод атоми б-н бевосита-тўғри боғланган битта ёки бир неча нитрогуруҳ (NO_2) сақловчи органик моддалар. Азотли ва кислородли нитробирикмалар ҳам мавжуд.

Нитрогуруҳ 2 та тенг қийматли резонанс структураларининг оралиқ ҳолати тузилишига эгалиги б-н тавсифланади:



Бир дона бўлса-да, α-Н атомини сақловчи Н. умумий мезомер аниони эга икки таутомер шаклда мавжуд бўла олади.

Оддий нитроалканлар рангсиз суюқликлар, ароматик Н. эса оч-сариқ рангли, қайнаш т-раси юқори бўлган суюқликлар ёки қаттиқ моддалардир. Улар ўзига хос ҳидга эга, сувда эримайди, бу б-н ҳавфлидир.

Нитрогуруҳ кучли электроноакцептор хусусиятга эга бўлиб, манфий зарядни делокаллайди. Ароматик бирикмаларда индукцион ва мезомер эффекти туфайли электрон зичлигининг тарқалишига таъсир этади. Бунда орто- ва пара ҳолатларда локалланган мусбат заряднинг маълум бир қисмини доро ўзига олади. Органик бирикмаларга нитрогуруҳ киритилганда уларнинг нуклеофиль реагентларга нисбатан реакцион хусусияти ошади, электрофиль реагентлар б-н реакциясини эса қийинлаштиради. Бу Н.ни органик синтезда кенг қўллашга, реакцияларни бошқаришга ва керакли йўналишда давом эттиришга имкон беради. Н.дан тетикли тузлар, алкиллаш маҳсулотлари, карбонил бирикмалари, гидроксам кислоталари, органик кислоталар, гидроксиламин, олефинлар, нитреналар, аминобирикмалар, эфирлар, нитрол кислоталари ва б. олинади. Полинитробирикмалар портловчи моддалар тайёрлашда, ракета ёнилғиси компоненти сифатида эритувчилар, биологик фаол бирикмалар, нефтни депарафинлашда, инсектицид ва гербицидлар ва ҳ.к.да қўлланади.

НИТРОГЛИЦЕРИН, глицеринтринитрат, тринитроглицерин, $O_2NOCH(CH_2ONO_2)_2$ — глицерин ва нитрат кислотанинг мураккаб эфири. Мол.м. 227,14; зангсиз ёпишқоқ суюқлик, зичлиги 1,595 г/см³ (25°) да, қотиш т-раси 13,2°. Бензолда, сувда эримайди, ацетон, эфир ва бензолда яхши эрийди. Глицеринни нитрат ва сульфат кислота аралашмасида этерификациялаб олинади. Н.ни илк бор 1846 й.да италиялик олим А. Собреро синтез қилган. 19-асрнинг 60—70-й.ларида А. Нобель ва қ. *Нобелнинг* ташаббуси б-н ишлаб чиқилган динамит кенг қўлланган. Н. жуда кучли портловчи модда. Тутунсиз порох, динамит ва ҳ.к.да қўлланади. Тиббиётда спиртдаги 1% ли эритмаси ва таблеткаси ишлатилади. Асосан, бош, юрак ва бошқа томирларини кенгайтиради. Юрак ва мия томирлари спазмида буюрилади.

НИТРОЗОБИРИКМАЛАР (С-нитрозобирикмалар) — молекуласида углерод атомлари орқали боғланган бир ёки бир неча нитрозогуруҳ —N=O тутган органик моддалар. Н. одатда мономер ва димерларнинг мувозанат ҳолатидаги аралашмаси кўринишида мавжуд бўлади.



Мономер Н.ни номлашда асос бирикмалар номига «нитрозо» қўшимчаси қўшилади. Н.нинг аксарияти димер кўринишидаги ҳолатда бўлади, лекин органик қолдиққа электроноакцептор ўринбосарлар киритилиши мономерлар пайдо бўлишига олиб келади. Димер Н.да транс-изомерлар цис-изомерларга нисбатан барқарорроқ. Эритмаларда ёки қиздирилганда димер Н. диссоциацияга учрайди. Мономер Н. — газлар ёки қорамтир ёки яшил рангли суюқликлар, сувда яхши эрийди. Димер Н. — рангсиз кристаллар, кўпгина эритувчиларда яхши эрийди. Н. бирламчи аминларни Каро кислотаси таъсирида ёки гидроксиламинларни органик перкислоталар б-н оксидлаш йўлида олинади. Гетероциклик бирикмалар, аминокислоталар ва б. синтезида, бўёвчилар, доривор препаратлар, эластомерлар, вулкан ишлаш каучуклар ва ҳ.к.да қўлланилади. Баъзи Н. мутаген ва канцероген фаол моддалар. Тери касалликларини пайдо қилади.

НИТРОЗОЛАШ — органик бирикмалар молекуласига нитрозогуруҳ —NO бириктириш. Н. электрофиль реакция механизмлари бўйича амалга ошиши мумкин. Н. реакция орқага фаол ароматлар, нитрозоний катиони NO^+ ва радикал NO иштирок этади. Асосий электрофиль нитрозоловчи агентлар — нитрит кислота HNO_2, нитрозилсульфат кислота $ONOSO_3H$, нитрозилгалогенидлар (мас., NOCl), азот оксидлари (NO, N_2O_3, N_2O_4), алкил ёки ацилнитритлар, 3-нитрозокарбазол, нитрозоний тузлари (мас., $NOBF_4$). Радикал механизми бўйича Н.да, одатда, азот оксидлари, NOCl, алкилнитритлар, баъзан N-нитрозаминлар қўлланади. Н. препаратив синтезларда, мас., транс формалдегидида $CH_2{=}CO$ ... $=NOH \to CH_2NO_2$, доривор моддалар, каучуклар учун мономерлар олишда ва б.да кенг қўлланилади.

НИТРОЛАШ — органик моддаларга нитрат ва сульфат кислоталар аралашмаси таъсир эттириб нитромаҳсулотлар ҳосил қилиш реакцияси. Портловчи моддалар, бўёқлар ва б. маҳсулотлар олишда кенг қўлланилади. Н.да хавфсизлик техникасининг барча қоидаларига риоя қилиш керак.

НИТРОЛОКЛАР — *нитроцеллюлоза* асосида олинадиган локлар. Таркибида табиий ва сунъий смолалар, пластификаторлар, эритувчилар ва б. бўлади. Металл ва ёғоч буюмлар, тери ва б.ни бўяшда, эмал бўёқлар (нитроэмаллар) тайёрлашда қўлланади. Н.ни ишлатишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш керак.

НИТРОМЕТАН, CH_3NO_2 — ачиқ бодом ҳиди келадиган рангсиз суюқлик. Мол.м. 61,042. Суюқланиш т-раси −28,55°, қайнаш т-раси 100,8°, зичлиги 1,1371 г/см³. Сувда оз эрийди, азеотроп аралашма ҳосил қилади; органик эритувчиларда (алифатик углеводородлардан ташқари) яхши эрийди. Кимёвий хоссаларига кўра, Н. — алифатик углеводородларнинг яққол вакили. Саноатда буғ ҳолатидаги алканларни (мас., пропан) 50—70% ли HNO_3 б-н 400—700° да кимёвий реакторда деструктив *нитрлаш* йўли б-н олинади. Н. — эфирцеллюлоза локлари ва смолалари учун эритувчи, дизель ёнилғиларига қўшимча, бир компонентли ракета ёнилғиси. Заҳарли. Марказий нерв системасини кучли оҳарлайди.

НИТРОН — полиакрилонитрилдан олинадиган сунъий тола. Чет мамлакатларда орлон, акрилан (АҚШ), кашмилон (Япония), куртель (Англия), дралон, вольпрюла (ГФР), анилана (ПХР) деган номлар б-н аталади. Н. механик жиҳатдан мустаҳкам (узилишга пишиқлиги 35—45 кгс/мм²), иссиққа анча чидамли. Хар хил техник буюмлар ва газламалар тайёрлашда ишлатилади.

НИТРОФОС, нитрофосфат — таркибида азот, фосфор бўлган мураккаб минерал ўғит. Унда ўрта ҳисобда 20% дан N ва P_2O_5 бўлади. Олиш учун фосфоритларни нитрат кислота б-н, шунингдек, нитрат кислотанинг сульфат ёки фосфат кислота аралашмаси ёрдамида парчалаб, б-н аралашмаси ёрдамида парчалаб, кейин аммиак ёки б. асослар б-н нейтраллаб олинади. Преципитат, аммиакли селитра ва типидаги ёки преципитат, дикальцийфосфат ва аммоний селитрадан иборат донача (гранулалар) ҳолида ишлаб чиқарилади. Доналарини бир хил, нами юқори ўғит ишлатилишни осонлаштиради. Н. калийли ўғит ишлатилишни сотилаб қўлланилади. У ҳамма экинлар учун асосий ва экишдаги ўғит сифатида қўлланилади.

НИТРОФОСКА — таркибида азот, фосфор, калий бўлган мураккаб минерал ўғит. Унда 12% дан азот, фосфор ва калий бор. Н. фосфор хом ашёси (апатит ёки фосфоритлар)ни нитрат кислота б-н парчалаб, унга калий хлорид қўшиб донадорлаш ва қуритиш йўли б-н ишлаб чиқарилади. Бўлага оммиакли селитра ўғит аралашмаси ўзаро аралаштириш йўли ҳам. Олинган ўғит 50—70 кг/га (азот бўйича) меъёрида солинади. Н. ёпиқ биноларда қоғоз ва полиэтилен қопларда сақланади.

НИТРОЦЕЛЛЮЛОЗА, целлюлоза нитрати — целлюлоза (клетчатка) ва нитрат кислотанинг мураккаб эфирлари. Умумий формуласи $[C_6H_7O_2(OH)_{3-x}(ONO_2)_x]_n$. Зичлашган, оқ ёки сариқ толасимон масса. Н. эне тўқима полимер материал, уни илк бор француз кимёгари А. Браконно 1832 й.да олган. Зичлиги 1,58—1,65 г/см³, сувда эримайди. Н.нинг қандай мақсадда қўлланишига қараб таркибидаги азот миқдорига қараб белгиланадиган турлари қўлланади. Амалда қуйидаги турлари (қавсда азот миқдори берилган): коллоксилин (10,7—12,2%), пироксилин №2 (12,2—12,5%) ва пироксилин №1 (13,0—13,5%). Коллоксилин целлулоид, пластмасса, фотоплёнка, нитролок, нитроэмаллар ва нитроэмал ишлаб чиқаришда, пироксилинлар тутунсиз порох, динамит ва б. портловчи моддалар тайёрлашда қўлланади.

НИХРОМ (*никель* ва *хром*) — никель асосидаги қотишмаларнинг турухининг умумий номи. Таркибида 65—80% никель (Ni), 15—35% хром (Cr), 1—20% темир (Fe), 0,5—2% марганец (Mn) ва алюминий (3,5% гача), кремний (1,5% гача), углерод, олтингугурт аралашмалари бўлади. Таркибида Fe миқдори 20% дан ортиқ бўлган Н. ферронихром деб аталади. У пастроқ т-рада чидамли. Н.нинг оловбардошлиги жуда юқори (1250° гача), солиштирма электр қаршилиги ҳам анча юқори (1,05—1,4 мкОм·м). Қаршилик элементлари, юқори т-рали шароитда ишлайдиган деталлар, баъзи реостатлар тайёрлашда ишлатилади (яна қ. *Никель қотишмалари*).

НИЦЦА — Франциянинг жан.-шарқидаги шаҳар, Ўрта денгиз бўйидаги порт. Ницца тарихий вилояти ва Соҳилбўйи Альп департаментининг маъмурий маркази. Аҳолиси 345,9 минг киши (1999). Транспорт йўллари тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Муҳим курорт маркази. Ниццада ўрта т-раси 7°, ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 22°). Йилига 1000 мм ёғин ёғади. Аҳолисининг катта қисми хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Озиқ-овқат, тўқимачилик, тикувчилик, парфюмерия, мебель, электротехника ва б. саноат корхоналари мавжуд. Эсдалик буюмлари (сувенирлар) тайёрланади. Шаҳар чеккасида гулчилик ва ҳ.к. ривожланган. Н.да ун-т, турли музейлар бор. Меъморий ёдгорликлардан 17—18-а.ларга оид собор, черков, саройлар сақланган.

НИЦШЕ (Nietzsche) Фридрих (1844.15.10, Реккен, Лютцен яқинида, Саксония — 1900.25.8, Веймар) — немис файласуфи. Ҳаёт фалсафаси намояндаси. Протестант руҳонийси оиласида туғилган, тақводорлик муҳитида ўсди. Гимназиядаги дўстлари уни ибодатга назоки 13 ёшли Исонинг ўхшатиб, «кичик пастор» деб аташган. Н. Инжилдан парчаларни ва черков қўшиқларини таъсирчанлик билан ижро этган. 10 ёшидан шеърлар ҳам ёза бошлаган. Бонн ва Лейпциг ун-тларида таҳсил олди (1864—68). Базель ун-тида проф. (1869—78). Касаллиги туфайли ун-тдаги ишини ташлаб кетишга мажбур бўлди. 1871 й.дан Н.нинг соғломлиги ёмонлашиб, қаттиқ бош оғриғидан азоб чекди; 1888 й.дан фалаж бўлиб қолди, кўп ўтмай ақли заифлашди. Синглиси Элизабет Фёрстер-Ницше унга ўлимига қадар меҳрибонлик кўрсатган, вафотидан сўнг эса Н.нинг ижодий мероси ҳақида қайғурди. Н. касаллиги, оғриқлар ва кўнгилсизликлар инсон эди. У ўзи касдан яратган кескин инсон тимсолига бутун борлиғи б-н таянди. 1872 й. Н.нинг «Мусиқа руҳидан фожианинг туғилиши» деб аталган 1-китоби босилиб чиқди. Бунда у борлиқнинг 2 негизини — бир

томондан, «ҳаётийлик», «маишат» ва «фожиавийлик»ни ва 2-томондан, «мушоҳадавийлик», «мантиқийлик», «бир томонлама интеллектуаллик»ни ўзаро қарама-қарши қўйган. Бу китобни замондошлари ғайриилмий асар сифатида рад этишди. Н. 1873—76 й.ларда ёзилган «Бемаврид мулоҳазалар»ида Д. Ф. Штраус ва тарихийлик тарафдорларини кескин танқид қилиб, айни вақтда файласуфлардан *Шопенгауэр* ва Рихард Вагнерни улуғлайди. Бироқ кўп ўтмай, Н.нинг Вагнердан ихлоси қайтади. Н.нинг машҳур асари «Зардушт таваллоси: ҳамма учун ва ҳеч кимга аталмаган китоб»дир (1 қисми — 1883, 1-тўлиқ нашри 1892 й.да чиққан). Ўзининг бу асарини Н. «инсоният қўлидаги китоблар ичида энг теранн», деб ҳисоблаган. Н. ўзини инсоният имкониятлари чегарасидан ташқарига чиққан онгни ўзида мужассамлаштирган Зардушт б-н тенглаштирган. Н. «Ҳокимиятга интилиш» китобини ўзининг асосий дастурий асарига айлантиришни ўйлаган эди. Лекин Н. уни тайёрлаш жараёнида туғилган бир қанча фикрлар ва ҳикматли сўзларнигина ёзиб қолдирди. Китобни Э. Фёрстер-Ницше ва П. Гаст такомилига етказиб, 1906 й.дагина нашр этишга муваффақ бўлдилар.

Н. фалсафасига Шопенгауэрнинг волюнтаристик метафизикаси ва Дарвиннинг яшаш учун кураш қонуни катта таъсир кўрсатди. Бу таълимотларга асосланган Н. барча сохта, чиркин, ҳаётга душман бўлган нарсаларни йўқ қилишга тайёр турувчи янги инсон идеалини яратишга интилди. Унинг фалсафаси ижинлашиб келаётган фалсафий *нигилизм* ўрнини эгаллаши лозим эди. Н. христианликка қарши курашди ва «қуллик ахлоқи»ни христианликнинг маҳсули деб баҳолади. У буржуазияга қарши эди, бу синф ахлоқини сохта ахлоқ деб билди. Н.чиликнинг метафизик ғояси «барча мавжудотлар, шу жумладан, инсон онгида ҳам ҳокимиятга интилиш шакли намоён бўлади, ҳеч қандай мутлақ ҳаёт йўқ, ҳамма нарса мангу қайтарилишга маҳкум» деган фикрда мужассамлашган. Н. фалсафага «ҳокимиятга интилиш» ғоясидан ташқари, «барча қадриятларни қайта баҳолаш», «одамларнинг янги насли», «идеал инсон» тушунчаларини киритган.

Н. янги услубий шаклларни топган танқидчи ва шоир, афоризмлар устаси эди. Н. фалсафасининг софистика шакли уни тушинишни қийинлаштиради. Ундан кейин яшаган файласуфларнинг уқтиришича, Н. фалсафасида узил-кесил ҳақиқат, эътиқод деб қабул қилиш мумкин бўлган қоидалар йўқ.

Асосий асарлари: «Тарихнинг ҳаёт учун фойдаси ва зарари тўғрисида» (1874), «Шопенгауэр мураббий сифатида» (1874), «Рихард Вагнер Байретда» (1875—76), «Эркин тафаккур соҳиблари учун қўлланма» (1876—78), «Тонг ялдузи» (1881), «Қувноқ билим» (1882), «Ёвуз донишмандлик: ҳикматлар ва доно сўзлар» (1882—85), «Ахлоқнинг моҳияти» (1887).

Ад.: Галеви Д., Жизнь Фридриха Ницше, М., 1991; Цвейг С., Вчерашний мир, М., 1991.

Саида Жўраева.

НИШ — Сербиядаги шаҳар, Нишава дарёсининг Жан. Моравияга қуйилиш яқинида. Аҳолиси 176 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Транспорт йўллари тугуни. Машинасозлик (хусусан, радиоэлектроника), озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё саноати корхоналари мавжуд. Ун-т, музейлар бор. Н.дан 10 км жан.-шарқда Нишка-Баня бальнеологик курорти жойлашган ва қал. Византия шаҳри — Медиана харобалари сақланган. Меъморий ёдгорликлардан 4—5-а.ларда қурилган рим қалъаси, базилика қолдиқлари, 15—18-а.ларга оид бинолар сақланган.

НИШ, ўсиш нуқтаси — ўсимликлар новдаси ва илдизининг учки конуссимон қисми. Янги ҳужайралар ҳосил қилувчи тўқима (меристема)дан иборат. Бирламчи тўқима ва органларнинг шаклланишини, уларнинг ўсишини таъминлайди.

НИШБОШСОЙ — Тошкент вилоятидаги сой. Қурама тизмасининг шим. ён бағридан, 3550 м баландликдаги унча катта бўлмаган қорликдан бошланади. Уз. 30 км, ҳавзасининг майд. 180 км². Юқори оқими — Қашқасой, ўрта оқими Лашкараксой б-н қўшилгунга қадар Ловксой деб аталади. Юқори ва ўрта оқимида чуқур, ён бағирлари тик водийда оқади. Қуйи оқимида 2—3 кўҳна қайири (терраса) бор. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 2,55 м³/сек. Суви кўпайганда (март—июнь) сув сарфи 3,52 м³/сек.дан 8,66 м³/сек. гача ўзгариб туради. Умумий уз. 141 км бўлган 75 та ирмоғи бор. Энг йириклари: Кичик Қашқасой, Тўрткўл, Парак, Теракли, Бешсандиқ ва б.

НИШОЛДА — ширинлик тури. Тайёрлаш усули: сирли идишга шакар ва сув солиб қайнатиб, қиём тайёрланади ва совитилади. Етмак (бех) ўсимлигининг илдизи тозаланади ва майдалаб сувда қайнатилади. Етмак қайнаб чиққандан сўнг, сувни докадан ўтказиб, мис қозон (ё сирли кострюлька)га солиб бир оз совитилади, бунинг устига тухумнинг оқи қушилади ва чигчун б-н аралаштирилади. Ҳосил бўлган оқ қўпикка озгина қиём қўшилади ва чигчун уриш узоқ давом эттирилади. Таъмини яхшилаш мақсадида қиёмга лимон кислотаси ванилин қўшилади. Н.да кристалланган шакарнинг қумоқланиши ва қиёмнинг қуюқлик даражасини Н. тайёр бўлганини кўрсатади. Тайёр бўлган Н.нинг ранги оппоқ бўлиб, махсус ёғоч куракчани ботирганда чўзилиб чиқади.

НИШОН — уқ отиш учун мўлжалга олинадиган табиий ёки сунъий белги. Ҳарбий машқларда, спорт машқларида турли Н.лардан фойдаланилади. Н.нинг доиравий, кўчма радиолокацион, автомобиль кузовига ўрнатиладиган, шакллар. Н. - самолёт, денгизда сузувчи ва муаллақ турувчи артиллерия ичини ва б. ҳаммалари бўлади. Турли мудофаа иншоотлари (окоп, блиндаж ва б.) дан ҳам Н. сифатида фойдаланиш мумкин. Ҳаводаги отиш машқларида Н. - парашютларни сим б-н самолётга боғлаб қўйилади.

НИШОН (тиббиётда) — одамнинг бирор ташқи аъзоси нуқсони (масалан, тиртиқ лаб, бўри жағ, қулоқдаги ортиқ, ортиқча бармоқ ва б.); яна қ. *Майиб-мажруҳлик.*

НИШОН ТУМАНИ — *Қашқадарё вилоятидаги* туман. 1975 й. 6 мартда ташкил этилган. Жан.да Туркманистон, шим.да вилоятнинг Қарши, шарқда Ғузор, ғарбда Касби туманлари б-н чегарадош. Майд. 2,1 минг км². Аҳолиси 112,5 минг киши (2003). Н.т.да 2 шаҳар (Таллимаржон ва Янги Нишон), 1 шаҳарча (Нуристон), 8 қишлоқ фуқаролар йиғини (Балхияк, Нишон, Наврўз, Ойдин, Оқолтин, Пахтазор, Қирққулоч, Ширинобод) бор. Туман маркази — Янги Нишон ш.

Табиати. Туман ҳудуди Қашқадарё воҳасининг жан.да, Қарши чўлида жойлашган. Ҳудудининг асосий қисми чўл, қир ҳамда адирлардан иборат. Бу ерда Нишон, Гулбодом, Ғовур, Капарли, Ойдин каби чўл ва яйловлар мавжуд. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 14,8°. Янв.нинг ўртача т-раси 0,2°, энг паст т-ра –15°, июлники 28,8°, энг юқори т-ра 45°. Вегетация даври 230 кун. Окт. ойининг охирлари ва нояб. ойининг бошларидан ҳаво совийди ва намгарчилик бошланади. Йиллик ёғин 180—220 мм. Туман ҳудудидан Қарши магистрал канали ўтган. Таллимаржон сув омбори бор. Тупроғи асосан, бўз тупроқ.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, тожик, туркман, қозоқ, қорақалпоқ, корейс ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли зичлиги 1 км² га 53 киши.



Хўжалиги. Н.т. хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, сабзавотчилик, полизчилик, чорвачиликка ихтисослашган. Туманда 377 кичик ва хусусий корхона, 52 акциядорлик жамияти, Таллимаржон ГРЭС қурилиш бошқармаси, Таллимаржон иссиқлик электр ст-яси шўъба корхонаси мавжуд. Н.т.да 3 ширкат, 1967 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. 47196 га ер майдони суғорилади, шу жумладан, 24553 га пахта, 18640 га ғалла, 596,6 га сабзавот ва полиз, 1637 га ем-хашак экинлари б-н банд. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 22 минг қорамол, 42,1 минг қўй ва эчки боқилади. Туман марказини хўжаликлар б-н боғлайдиган йўллар асфальтланган. Туман ҳудудини Катта Ўзбекистон тракти ва т.й. кесиб ўтган. Нишон—Қарши (25 км) ва б. йўналишларда автобуслар қатнови йўлга қўйилган. Н.т.да 33 умумий таълим мактаби, агроиқтисодиёт коллежи, 3 касб-ҳунар мактаби, 21 кутубхона, маданият уйлари, стадион бор. Касалхона, фельдшеракушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик пунктлари ва б. тиббий муассасаларда 156 врач ва 640 ўрта тиббий ходим ишлайди. 1975 й.дан «Нишон тонги» туман газ. чиқади (адади 960).

НИШОН ЧЎЛИ — Қашқадарё вилоятининг жан.-ғарбий қисмида (Қарши чўлининг жан.да)ги чўл. Ер юзаси текислик ва қирлар (Қорақир, бал. 500 м гача, Дўлталитоғ, бал. 510 м гача, Алоуддинтоғ, бал. 485 м гача) дан иборат. Қирлар вақтинча сув оқувчи сой ва жарликлар б-н парчаланган. Қоракирнинг сой ва жарлар б-н зич ва чуқур кесилган шарқий қисми «Саксондара» деб аталади. Текислик қисмида тадарлар ҳам учрайди. Чўлнинг текислик қирлар ҳам учрайди. Чўлнинг текислик қисми тўртламчи давр, қирлар эса бўр ва палеоген даврларида тоғ жинсларидан тузилган. Иқлими кескин континентал.

НИШОНОВ Бобожон (1930, Фарғона вилояти Риштон қишлоғи) — кулол. Ўзбекистон халқ рассоми (1973). Отаси уста Нишонбой Зоировдан ҳунар ўрганган. 1941 й.дан «Янги ҳаёт» артелида кулол, рассом. 1970 — 90 й.лардан Риштон бадиий кулолчилик буюмлари з-дида рассом. Н. Риштон кулолчилиги мактабини ривожлантирди, нақш мужассамини янги мавзу ва нақшлар б-н бойитиш йўлида ижод қилди. Н. анъанавий буюмларни маҳорат б-н безади. Н. ишлаган, сирлаб безаган сопол идишлар ва бадиий буюмлар халқаро кўргазмаларда намойиш қилинган; Н. яратган айрим бадиий буюмлар республика музейларида сақланади.

НИШОНОВ Рафиқ Нишонович (1926.15.1, Бўстонлиқ тумани) — сиёсат ва жамоат арбоби. 1951 й.дан туман партия комитети котиби, Тошкент ш. партия комитети бўлим мудири, Тошкент ш. ижроия қўмитаси раиси. Ўзбекистон КП МК котиби (1963—70). 1970 й.дан Шри Ланка Республикаси ва Мальдив Республикасида СССРнинг Фавқулодда ва мухтор элчиси, СССРнинг Иорданиядаги элчиси. Ўзбекистон ССР Ташқи ишлар вазири (1985—86). Ўзбекистон Олий Совети Президиуми раиси (1986—88). Ўзбекистон КП МК 1-котиби (1988—89), СССР Олий Советининг Миллатлар Советининг раиси (1989—91). Н. республикага раҳбарлик қилган йилларда қатъиятсизлиги, узоқни кўра билмагани туфайли Марказнинг Ўзбекистонга нисбатан ғаразли сиёсати ва қатағонлари давом этди, ижтимоийиқтисодий ҳаёт оғирлашди, миллатлараро адоватлар кучайди, республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилиши бўйича волюнтаристик қарорлар қабул қилинди.

НИШОНОВ Ҳаким Кабирович (1917.5.12, Андижон) — созанда, бастакор. Ўзбекистон халқ артисти (1989). Тошкент консерваториясини тугатган (1957). Андижон болалар театрида актёр (1933—36), Ўзбек давлат филармониясида созанда (1936—39), Ўзбек ашула ва рақс ансамбли (1957—59), «Шодлик» ансамбли (1971—76) бадиий раҳбари, директор ўринбосари (1976—79), Қибрай тумани Дўрмон қишлоғи «Дўстлик тароналари» халқ ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари (1959 й.дан). «Ирода» (С. Жўра ва В. Саълулла), «Қаҳрамон» (И. Ахмедов) мусиқали драмалар, айрим композиторлар б-н ҳамкорликда симфоник поэма ва сюиталар, шунингдек, хор ва қўшиқлар муаллифи.

НИШОПУР — Эроннинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар, Хуросон остонида. Аҳолиси 160 минг киши (1998). Транспорт йўллари тугуни. Суғорма деҳқончилик қилинадиган р-н (пахта, мойли экинлар; боғлар, токчилик; чорвачилик) маркази. Озиқ-овқат ва кўн саноати корхоналари бор. Шаҳар яқинидан феруза қазиб олинади. Шаҳарга 3-а. ўрталарида асос солинган. Шаҳар номини сосонийлар шоҳи Шопур I (ёки Шопур II) номи б-н боғлайдилар. Шаҳарни 7-а. ўрталарида араблар эгаллаган. 9-а.да Тоҳирийлар давлати, 10-а.да Сомонийлар давлатининг Хуросон ноиблиги пойтахти. Н. 9—12-а.ларда Ўрта Шарқнинг муҳим иқтисодий марказларидан эди. 1153 й.да ўғузлар, 1221 й.да мўғуллар томонидан вайрон қилинган, аҳолиси деярли қириб ташланган. 14—15-а.ларда шаҳар қайта тикланди, бироқ иқтисодий аҳамияти пасайиб борди. 1722 й.да афғонлар томонидан вайрон қилинган. Н.да форс шоири Умар Хайём ва Фаридуддин Аттор яшаб, ижод қилган ва ўша ерга дафн этилган.

НИШОПУР ТОҒЛАРИ — Эроннинг шим.-шарқий қисмидаги тоғлар, Туркманистон—Хуросон тоғларининг жан. тармоғи. Шим.-ғарбдан жан.-шарққа тахм. 350 км га чўзилган. Ўртача бал. 3000 м. Энг баланд жойи 3314 м (Кенгзошк чўққиси). Кенг ясси водийлар, ботиқлар б-н ажралиб турган бир неча тизмадан иборат. Н. т. Гўргон—Машҳ-

ад ботиқлари орқали Копетдоғдан ажралган. Тоғлар чўкинди ва метаморфик жинслардан, порфирит ва гранитлардан тузилган. Иссиқ сувли булоқлар, феруза конлари бор. Тоғ этаклари чўл, ён бағирлари чала чўл, юқори қисми тоғ даштларидан иборат.

НИШОТИЙ Муҳаммадниёз (18-а., Хоразм) — шоир. Хива мадрасаларида ўқиган. Хоразм хонлигида сиёсий аҳвол оғирлиги туфайли Н. Бухорога келган, ғариблик ва мухтожликда яшаган. Алабий мероси «Ҳусну Дил» достони, «Қушлар мунозараси» манзумаси ҳамда 1500 мисра шеър — 38 ғазал, 14 мухаммас, 1 қасида ва мусаддасдан иборат. Лирикаси дунёвий муҳаббат мавзуида. Унда шоир ўз кечинмалари, замона ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ифодалаган, вафо, садоқат, гўзаллик ва нафосатни куйлаган. «Қушлар мунозараси»да 14 хил қушнинг ўзаро бақсу мунозаралари орқали ўша даврдаги ижтимоий тузумга хос иллатлар, жаҳолат, мансабпарастлик ва б. мажозий шаклда танқид қилинган, меҳнат аҳлининг камтарлиги улуғланган. «Ҳусну Дил» достони (1779) — шоир ижодининг чўққиси. У Шарқ халқлари орасида машҳур сюжет асосида назмда яратилган. Достон 15584 мисра, 62 боб-дан иборат. Анъанавий кириш (1—5-боблар)дан сўнг шоир ўзи ҳақида, достоннинг ёзилиш сабаблари, сўз ва унинг қудрати, ҳамсанавислар (Низомий, Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва б.) ҳақида фикр юритган. Асосий қисм 11-боблан бошланади ва асар хотима б-н якунланади. Етакчи мавзуи — севги. У Ҳусн ва Дилнинг мураккаб саргузаштларида ўз аксини топган. Ақл, Ишқ, Вафо, Меҳр, Номус, Ҳиммат, Сабр, Рақиб каби образларда кишилардаги муайян хусусиятлар ифодаланган. Достон Ҳусн ва Дилнинг тўй тантанаси, яъни эзгуликнинг ёмонлик устидан ғалабаси б-н тугайди. Асарда Ватанни севиш, халқпарварлик, маърифат ва адолат, мардлик, севги-садоқат, яхши хулқ-одоб каби ғоялар илгари сурилган.

Достон қўлёзма нусхалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №1198, 7013, 1997, 1666, 1027), СамДУ (инв. №21828) қўлёзма фондларида сақланади.

Ас.: Танланган асарлар, Т., 1960; Ҳусн ва Дил. Лирика, Т., 1967.

Ад.: Абдуллаев В., Хоксор ва Нишотий, Самарқанд, 1960; Ўзбек адабиёти тарихи [3 ж.ли], 3-ж., Т., 1978.

НИШХЎРД — ҳайвонларга берилган ем-хашак қолдиғи, чиқит. Ҳайонлар концентрат озуқалардан (ёрма ҳолдаги дон ва дон чиқиндилари, кепак, кунжара ва шротлардан), одатда, Н. қолдирмайди. Н. кўк ўтлар, силос, сенаж, пичан, похол ва тўпонлардан қолади. Бундай озуқалардан чиқадиган Н. миқдорини уларга ишлов бериб едиришга тайёрлаш (ивитиш, бўғлаш, майдалаш, минерал қўшимчалар аралаштириш ва б.) йўли б-н камайтириш мумкин. Н.ни камайтиришнинг яна бир йўли пичанлардан донадор озуқалар ва брикетлар тайёрлашдир. Брикет б-н боқилган қорамолларда Н. чиқариш 4% дан ошмайди.

НИҚОБ — маскарад, карнавал қатнашчисининг ўзини танитмаслик учун юзига киядиган (кўз ўрни очиқ бўлган), баъзан одам башарасини, ҳайвон ёки афсонавий маҳлуқ бошини тасвирлайдиган махсус қоплама. Хоз. Н.лар магзи сохта, пластмасса, резина ва б. материаллардан ясалади. Н. қад. замонларда ов қилинган ҳайвон ва қушларнинг табиий каллалари, пўстаклари ва патларидан ясалган. Одам тимсолларини кўрсатишда калла суякларидан ишлатилган. Кейинчалик улар ўлган кишини эслаш ва аждодлар руҳига сиғиниш б-н боғлиқ маросимларда қўлланувчи шартли тасвирлар б-н алмаштирилган. Юнон ва Рим театрида, Шарқ мамлакатлари ва қад. Хоразм, Бақтрия, Паркона (Даван), Суғдиёна давлатларидаги анъанавий шаклдаги театрларда Н.дан кенг фойдаланилган. Афросиёб, Ҳолчаён, Оҳанин, Тупроққалъа каби қад. шаҳарлардан топилган Н. тасвирлари шундан далолатдир. Археологик қазишлар натижасида Афросиёбдан (1-а.) қўлида Н. ушлаб турган тўрт актёрнинг тасвири, Тупроққалъадан (3-а.) масхарабоз Н.и топилган. Ўрта асрларда Н. масхарабозлар театрида кенг қўлланилган. Хоразм масхарабозлари «Хатарли ўйин» деган туркум томошаларида шу кунгача Н.дан фойдаланиб келадилар. Мамлакатнинг бошқа жойларида Н. дор масхарабозлари томошаларида учрайди. Ҳиндистон, Хитой, Япония ва б.нинг замонавий театрларида Н. ўрнига кўпинча ниқобсимон гримлардан фойдаланилади. Шунингдек, бу мамлакатлар ва баъзи Африка халқлари томошаларида от, шер, аждарҳо ва б. ҳайвон ҳамда афсонавий маҳлуқотлар ифодаланган Н. либослар кенг тарқалган (яна қ. *Маска*).

Мухсин Қўшоров.

Кўршапалак кўринишидаги илоҳий ниқоб (мил. 1-минг йиллик; чапда) ва қадимги ниқоб. (Хоразм, 3-а.).

НИҚОБЛАШ, маскировка — ҳарбий ишда — ўз қўшинларини душман разведкаси кузатувидан яширish, душманни чалғитиш учун қўлланиладиган тадбирлар мажмуи. Ҳақиқий объектларни яширish (пиналаш), сохта объектлар қуриш, чалғитма ҳаракатлар қилиш, радиотехника воситалари б-н елгондакам шовқинлар тарқатиш, Н. турлари қўлланиб, сохта хабарлар тарқатиш, боқиқурув пунктларининг ўрнини тез-тез ўзгартириб туриш ва б. тадбирлар орқали амалга оширилади. Н.даги асосий воситалар: ниқобловчи қопламалар, буёқлар, ўсимликлар, ёруғлик, тутун, шовқинлар, тўсиқлар ва б.

НИҒМАТОВ Юсуфжон Қўчқорович (1940.1.1, Тошкент ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1963). 1967 йилдан Собир Раҳимов туманидаги 11-, 1968 йилдан Шайхонтоҳур туманидаги 169-, 1974—99 йилларда Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда кимё ўқитувчиси. Педагогик фаолияти давомида кимё бўйича ихтисослашган синфлар ташкил этиш ҳамда дарс синфати ва самарадорлигини оширишда ибратли ишларни амалга оширди.

НИҲОВАНД — қ. *Ўн икки мақом.*

НИҲОЛ — экилган уруғдан тупроқ юзасига униб чиққан ўсимлик.

НОБЕЛИЙ (Nobelium), No — Менделеев даврий системасининг III гуруҳчасига мансуб сунъий кимёвий элемент; *актиноидлар*га киради. Тартиб рақами 102. Барқарор изотоплари йўқ. Масса сонлари 251—259 бўлган 9 та изотопи маълум. Энг узоқ мавжуд бўлувчи изотопи —^{259}No ($T_{1/2}$=1 соат). Оксидланиш даражаси +2, +3; ион радиуси No^{2+} учун 0,11 нм. Оғирлик миқдорида олинмаган, хоссалари 10 та атомидан фойдаланиб ўрганилган. Стокгольмда (Швеция) халқаро олимлар гуруҳи 1957 йилда Н. атомини олинганлигини эълон қилди ва уни А. Нобель (қ. *Нобеллар*) номи б-н аташни тавсия этди. Н.нинг масса сони 252—256 бўлган изотоплари 1963—67 йилларда Дубна ш.да Г. Н. Флеров бошчилигида олимлар томонидан олинди.

НОБЕЛЛАР — швед ихтирочилари ва саноатчилари. Эммануэль Нобель (1801.24.3 — 1872.3.9) — сув ости миналари ихтирочиси. 1842—59 йилларда Петербург (Россия)да яшаган, у ерда механика з-дига асос солган. Альфред Бернхард Нобель (1833. 21.10 — 1896.10.12) — динамит ихтирочиси. Эммануэль Нобельнинг ўғли. 1867 йилда динамит тайёрлашга Англиядан патент олган. Динамит ишлаб чиқаралиган кормона эҳсн. Кўп мамлакатларда динамит ишлаб чиқариш ф-калари қурган. Лондон Қироллик жамияти ва Швеция ФА аъзоси. *Нобель мукофотлари* таъсис қилиш ҳақида васият қилган. Людвиг Нобель (1831.27.7 — 1888.12.4) — кормона эгаси, станоқлар конструктори. Эммануэль Н.нинг ўғли. Петербургдаги отаси асос солган кормонани «Людвиг Нобель» номли йирик машинасозлик з-дига айлантирган. 1871 й. ака-укалари Роберт ва Альфредлар б-н биргаликда Боку (Озарбайжон) да нефть саноати кормонаси (1879 йилдан «Ака-ука Нобеллар ҳамкорлиги»)га асос солган. Эммануэль Нобель (1859.22.6 — 1932.31.5) — Людвиг Н.нинг ўғли. Петербургда «Ака-ука Нобеллар ҳамкорлиги»ни, «Людвиг Нобель» жамиятн ва б. кормоналарини бошқарган (1888—1917).

НОБЕЛЬ МУКОФОТЛАРИ — ҳар йили буюк ишлар учун бериладиган халқаро мукофот. Таъсис этувчиси А. Б. Нобелнинг (қ. *Нобеллар*) васиятига кўра, ундан кейин қолган маблағ асосида Нобель жамғармаси ташкил этилди; шу жамғармага ҳар йили келиб тушадиган даромад 5 қисмга тенг бўлиниб, ирқи, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, физика, кимё, физиология ёки тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар, бадиий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун берилади (1968 й.да Швеция давлат банки ўзининг 300 йиллиги муносабати б-н иқтисод фанлари соҳасидаги ютуқлар учун бериладиган қўшимча Нобель мукофотини таъсис этган).

Н. м. Альфред Нобель тасвири туширилган олтин медаль, диплом ва миқдори Нобель жамғармасидаги даромадга боғлиқ (одатда, 30 мингдан 70 минг долларгача) бўлган маблағдан иборат. Альфред Нобелнинг васиятига кўра, Н. м.ни бериш вазифаси Стокгольмдаги Қироллик ФА га (физика, кимё, иқтисод фанлари бўйича), Стокгольмдаги Қироллик тиббиёт-жарроҳлик институтига (физиология ёки тиббиёт бўйича) ва Стокгольмдаги Швеция академиясига (бадиий асарлар бўйича) топширилган. Тинчликни мустаҳкамлаш йўлида кўрсатилган фаолият учун Н.м.ни Норвегия парламентининг Нобель комитети аъзолари беради. Тинчлик мукофотидан ташқари ҳамма мукофотлар фақат индивидуал тарзда берилади. Вафот этганларга Н.м. берилмайди. Н.м.ни топшириш тантанаси Стокгольм ва Ослода Альфред Нобель вафот этган кун (10 декабрь) да ўтказилади. Биринчи мукофот 1901 й. топширилган. Нобель мукофотини 1901—2003 йилда 565 киши олган.

НОБИЛЕ (Nobile) Умберто (1885—1978) — итальян дирижабль конструктори ва саёҳатчиси. Р. Амундсен экспедициясида ўзи қурган «Норвегия» дирижаблида иштирок этган (1926), «Италия» дирижаблида Шим. қутбга қилинган экспедициясига раҳбарлик қилган. Н. 1932—36 йилларда СССРда ишлаб, дирижаблсозликка ўз ҳиссасини қўшган.

НОБИЛИТЕТ (лот. nobilitas — юқори табақа, оқсуяк) — Рим республикасида мил. ав. 3-а. бошига келиб, *патрицийлар* б-н *плебейлар* ўртасидаги кураш натижасида шаклланган ҳукмрон табақа. Н. давлатнинг олий мансабларини эгаллаш ҳуқуқига эга эди. Н. аристократик республиканинг сиёсат аниқларини сақловчилари ҳисобланган, лекин унинг орасидан сиёсий мухолифлар ҳам чиққан. Императорлар даврида эски Н.га мансублик илгаригидек аҳамият касб этмаган. Кенг маънода (қад. муаллифларда) Н. — «халқ», «қора халқ»нинг энг юқори табақа», «оқсуяк».

НОВ — 1) канал, жар, сой ва йўллар устидан сув ўтказиш мақсадида қурилладиган махсус гидротехник иншоот (энсиз, қия сунъий канал, ариқча). Илгари чархпалакда чиқарилган сув Н. орқали экинзорларга юборилган. Н. Ўзбекистон ҳудудида қад.дан қўлланиб келинган. Асосан, ёғоч ва тошдан ишланган (қ. *Жўйи Арзиз*). Ёғоч оқизиш нови ёғочларни битталаб ва кўплаб оқизиш, гидроиншоотдан ўтказиш учун мўлжалланади. Балиқ ўтказиш нови тўсиқсиз ва қарши оқимли бўлади. Тегирмон тоши ва ГЭС турли биналарини айлантириш, молларга сув бериш ва б. мақсадларда ишлатиладиган Н.лар ҳам бор (яна қ. *Акведук*); 2) океанлар остидаги кўпинча узун чўзилган чуқур ботиқлар. Мас., Мариана нови, Ява нови ва б.

НОВАДОН АРИҒИ — Самарқанд ш.нинг энг қад. сув манбаларидан бири. Шаҳар ҳудудини шим.дан жанубий н.га кесиб ўтувчи Н.а. булоқ сувидан ҳосил бўлган. Абу Тоҳирхожанинг «Самария» асарида «Самар қаздирган «Самария» сифатида қайд этилган. Манбаларда кўрсатилишича, Н.а.дан чиқарилган махсус ариқ орқали мил. ав. 5—4-асрларда *Афросиёб*га сув олиб келинган. Илк ўрта асрларда Н.а. «Чокардиза» номи б-н машҳур бўлган. Ундан сув шаҳарга *Жўйи Арзиз* орқали олиб ўтилган. Эҳтимол шу туфайли бу сув манбаи — Новадон, яъни «Новали» номини олган.

НОВАЛИСОЙ — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги сой. Писком дарёсининг ўнг ирмоғи. Чорвоқ сув омборида сув сатҳи кўтарилган баҳорёз ойларида Н. бевосита сув омборига қуйилади. Ўгом тизмасининг жан.-ғарбий ён бағирларидаги булоқлардан бошланиб, жан.-ғарбий йўналишда оқади. Уз. 17 км, сув тўплаш майд. 99,4 км^2. Бешта кичик ирмоқларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Ирмоқларининг энг йириги Яхаксой (11 км). Н. ёмғир ва кўпроқ қор сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 2,85 м^3/сек. Оқимининг 65—70% март—июнь ойларига тўғри келади. Энг катта сув сарфи май ойида кузатилади (6,32 м^3/сек). Тўлинсув даврини ҳисобга олмаганда, сувн доим тиниқ.

НОВАЯ ЗЕМЛЯ — Шим. Муз океанидаги архипелаг. Баренц ва Кара денгизлари орасида. РФ Архангельск вилояти таркибида. Маточкин Шар бўғози (эни 2—3 км) ажратиб турадиган 2 катта орол — Шим. ва Жан. ороллардан ва бир қанча майда ороллардан таркиб топган. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа тахм. 1000 км чўзилган. Майд. 83 минг км^2 дан зиёд. Н.З. Урал-Пайхой бурмали областининг шим. давоми ҳисобланади. Палеозой даврининг ётқизиқларидан таркиб топган. Музлик, делювий, денгиз, торф-ботқоқ ётқизиқлари кенг тарқалган. Энг баланд жойи 1547 м. Ҳамма жойда кўп йиллик тўнгиб ётган музлоқ ерлар бор. Иқлими денгиз арктика иқлими, совуқ. Қиши узоқ ва совуқ (—40° гача), кучли шамол (тезлиги 40—50 м/сек) ва бўронлар бўлади. Авг.нинг ўртача т-раси шим.да 2,5°дан жан.да 6,5°гача. Йилига 300—600 мм ёғин тушади. Музнинг қалинлиги 300 м дан ортиқ. Ороллрнинг бир қисми тундра зонасида. Кўп жойлар ботқоқ. Йўсин-лишайник ўсади. Сут эмизувчилардан қутб тулкиси, лемминг, шимол бугуси, оқ айиқ; денгизларда нерпа, денгиз қуёни, гренландия тюлени, морж, белуха, треска, сельдь бор. Ёзда қушлар учиб келади.

НОВАЯ СИБИРЬ ОРОЛЛАРИ — Лаптевлар ва Шарқий Сибирь денгизлари орасидаги архипелаг. Саха (Якутия) таркибида. Майд. 38 минг км^2 га яқин. Новая Сибирь ёки Анжу (29 минг км^2), Ляхов (6,1 минг км^2), Де-Лонг о.ларидан иборат. Ороллар мезозой бурмала-

нишида пайдо бўлган ва асосан, палеозой оҳактошлари, мезозой сланецлари, қумтошлари ва отқинди жинслардан таркиб топган. Тўртламчи давр аллювиал, кўл-аллювиал, денгиз ва музлик ётқизиқлари кенг тарқалган. Рельефи, асосан, аккумулятив текислик, ўртача бал. 60—80 м. Энг баланд жойи 374 м (Котельний оғаги Малакатин-Тас тоғи).

Н.с.о. иқлими нисбатан континентал Арктика совуқ иқлими. Қиш 7—8 ой давом этади, қор қоплами 9 ой эримай туради. Янв. нинг ўртача т-раси —28°дан —31°гача, июлиники 1—3°. Йиллик ёғин 132 мм гача. Ер ости (қазилма) музликлари кенг тарқалган.

Тундра ландшафти асосий ўрин тутади. Шимол буғуси, бўри, қутб тулкиси, оқ айиқ, оқ қаклик, лемминг учрайди. Денгизларда моржлар, қояли қирғоқларда «қушлар бозори» бор.

НОВВОС — 2—3 ёшли буқача. Н. 6—8 ойлигида жинсий етилади. Зотли Н.лар 16—18 ойлигида сигирларни қочиришга қўйилади. Хўжаликларда улғайган Н.лардан 6—8 йил сигирларни қочиришда фойдаланилади. Н.ларнинг аксарият қисми гўшт етиштириш учун боқилади. Н.лар жалап усулда боқилганда 15 ойликдан 18 ойликкача ҳар куни бир кг дан эт олади, экстенсив усулда парваришланганда кунлик ўсиш даражаси паст бўлади. Н.лар тирик вазни 420—450 кг га етганда сўйилади ва гўшт чиқими 58—60% гача боради.

НОВВОТ — шакар қиёмидан тайёрланадиган ялтироқ, қаттиқ, рангсиз ёки саргиш тусли ширинлик. Йирик қанд кристалларидан иборат. Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган. Таркибида 99,75% сахароза (шакар моддаси) бор. Намлиги 1% дан ошмайди.

Н. олиш технологияси: қозонга 2 улуш шакар ва 1 улуш сув (мас., 10 кг шакарга 5 л сув) солиб, милтиллатиб қайнатиш йўли б-н шарбат ҳосил қилинади. Шарбатни яхшилаб аралаштириб, кўпик ҳосил бўлгунча қайнатилади, кўпикни олиб ташлаб, қайнатиш тўхтатилади. Шарбатга тухум (80—100 кг шакарга 1 л сувга чақилган 1 тухум) қўшилади. Шарбатни яна қайнатиб, кўпиги олиб турилади. Сўнгра махсус қозонга 3—4 қатор оқ ип параллел тортилади. Ипларнинг учини бирлаштириб, елим б-н ёпиштириб қўйилади. Бошқа қозонда қайнаб турган шарбат ип тортилган қозонга қуйилади, 1 соатча тургандан кейин шарбат сиртида парда ҳосил бўлади. Қозонни махсус қопқоқ б-н ёпиб, уч сутка шу ҳолича қолдирилади. Бу даврда иплар атрофида кристаллар ҳосил бўлиб, ўса бошлайди. Уч сутқадан кейин қопқоқни очиб, қозонда қолган шарбат бошқа идишга қуйиб олинади. Ундан қандолат маҳсулотлари тайёрлашда фойдаланилади. Қозон тагига ёпишиб қолган Н. ҳам истеъмол қилинади. Кристаллар ёпишган ипларни қозондан олиб, столда қуритилади. Н. шу нни б-н сотишга чиқарилади. Бу Н. дури деиилади (65% га дур чиқади). Н.ни кундалик ширинлик сифатида истеъмол қилиш мумкин.

Ад.: Рустамов А., Восточные сладости и другие сахаристые кондитерские изделия, Т., 1965.

Ҳожиакбар Муслимов

НОВГАРЗОН ДОВОНИ — Оҳангарон ва Фарғона водийларини туташтириб турувчи довон. Қурама тизмасининг сувайиргич қисмида, 2200 м баландликда. Новгарзонсой водийсида. Довоннинг икки томонидаги ён бағирлари арча б-н қопланган.

НОВГАРЗОНСОЙ — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги сой. Оҳангарон дарёсининг чап ирмоғи. Қурама тизмасининг шим.-гарбий ён бағридаги (2800 м) бир қанча майда булоқлардан бошланади. Умумий уз. 55 км бўлган 35 дан ортиқ ирмоғи бор. Юқори оқимида водийси чуқур, ён бағирлари тик. Ўрта ва қуйи оқимида водийси кенг, 2—3 та кўҳна қайири (терраса) бор. Қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1 м³/сек. фев.— март ойларидан 3—5,5 м³/сек.

НОВГОРОД — РФдаги шаҳар. Новгород вилояти маркази. Волхов дарёсининг ҳар иккала соҳилида, Ильмень кўлидан 6 км. Москва — Санкт-Петербург автомагистралида. Т.й. тугуни. Пристань. Аҳолиси 232,4 минг киши (1998). Шаҳар ластлаб 859 й.га мансуб Новгород 1 йилномасида тилга олинган. Шар-қий Европанинг муҳим савдо йўли ўтган ерда жойлашгани учун йирик савдо марказларидан ҳисобланган. 10-а.да ҳунармандчилик ривожланган. Н. 1136—1478 йилларда Новгород феодал республикасининг маркази. Ички муҳолифлар истилоси даврида инкирозга учрамаган, шунинг учун миллий маданият бойликлари яхши сақланган. Москва княги Иван III 1478 й. Н.ни Москва князлигига қўшиб олди. 1727—1927 йилларда Новгород губерниясининг маъмурий маркази. 2-жаҳон уруши даврида шаҳар жиддий зарар кўрди. Шаҳарнинг қурилиш ч-л ва фабрикалари урушдан кейин қурилган. Саноати: машинасозлик ва металлсозлик (шу жумладан, радиоэлектроника саноати), кимё, ётқизиқлик, озиқ-овқат, енгил саноат. Қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади.

Шаҳар ҳудудида қад. ёдгорликлардан: София собори (1045—50) ва б. соборлар ва черковлар сақланиб қолган. Археологик қазилмалар натижасида шаҳар қурилиши қолдиқлари, ёпиқ қопланган кўчалар, модлий маданият буюмлари, береста ёрлиқлари топилди. 3 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т), театр, тарихий-меъморий музей-кўриқхонаси бор.

НОВГОРОД ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1944 й. 5 июлда ташкил этилган. Россия Европа қисмининг шим.-гарбида жойлашган. Шим.-Гарбий иқтисодий р-н таркибида. Майд. 55,3 минг км². Аҳолиси 728,7 минг киши (2000), асосан руслар, шунингдек, украин, белорус ва б. миллат вакиллари яшайди. Шаҳар аҳолиси 71,2%. 21 маъмурий туман, 10 шаҳар, 22 шаҳарча бор. Маркази— Новгород ш.

Н.в. рельефига кўра, текислик (гарбий) ва баланд (шарқий) қисмларга бўлинади. Гарбий қисми Ильмень бўйи пасттекислиги б-н банд. Жан.-шарқида Валдай қирлари (энг баланд жойи — Рижоха тоғи, 299 м) жойлашган. Иқлими мўтадил континентал. Қиши юмшоқ, қорли. Янв.нинг ўртача т-раси — 7°, июлиники 16°. Ёзи мўтадил иссиқ. Йиллик ёғин 800 мм гача. Вегетация даври 120—130 кун. Йирик дарёлари: Мета, Ловать, Полисть, Шелонь. Ильмень кўлидан Волхов дарёси бошланиб Ладога кўлига қуйилади. Кўл кўп. Тупроқлари, асосан, чимли-подзол, шим.-гарбида ботқоқланган тупроқлар. Вилоятнинг ҳудудининг 50% ўрмон, 7% ўтлоқ, 11% торфли ботқоқзор. Ёввойи қайвонлардан лось, тулки, қундуз, норка, сассиқкўзан, сувсар, тийин, қуён, бўри бор. Дарё ва кўлларда балиқ тури кўп.

Машинасозлик ва металлсозлик (рангли телевизорлар, видеомагнитофонлар, телевизион системалар, оптик приборлар, ёғочсозлик станоклари, автоматлаштириш воситалари ва б.), ўрмончилик ва целлюлоза-қоғоз (мебель, қоғоз, фанера ва б.), озиқ-овқат (сут-гўшт, консерва, кондитер), кимё (минерал ўғитлар, метанол ва б.), енгил (шу жумладан, ипгирга ишлов бериш) саноатлари, халқ ҳунармандчилиги — каштачилик («Крестец строчка» ф-каси) ривожланган. Вилоятнинг энг йирик корхоналари: «Акрон», «Квант», «Планета», «Старт», «Волна», «Спектр», Ҳаммаси Новгород ш.да; Боровичиларда ўта чидамли қурилиш материаллари к-ти, Старая Руссадаги «Старорусприбор» авиаремонт з-длари. Қ.х.да энгирчилик ва гўшт-сут чорвачилиги асосий ўринда. Бугдой, жавдар, сули, толали энгир, картошка, сабзавот, емхашак экинлари экилади. Қорамол, қўй, чўчқа, парранда боқилади. 1149 км т.й., 6 минг км га яқин автомобиль йўли, 700 км сув йўли бор. Волхов, Мета дарёлари ва Ильмень, Валдай кўлларида кема қатнайди. 2 олий ўқув юрти, жамоат кутубхоналари, 7 музей, драма театри фаолият кўрсатмоқда. Вилоят ҳудудида Старая Русса бальнеобалчиқ курорти, санаторийлар бор.

НОВГОРОД РЕСПУБЛИКАСИ — Русснинг шим.-гарбн ва шим.да 1136—1478 й.ларда мавжуд бўлган давлат. Пойтахти — Новгород. Ҳўжалик асосини деҳқончилик ва чорвачилик ташкил қилган. Овчилик, асаларичилик, балиқчилик кенг тарқалган. Ҳунармандчилик деҳқончилик б-н биргаликда олиб борилган. Бошқарув органлари — бояр-лар кенгаши, епископ (сўнгра архиепископ), посадник (шаҳар бошлиги), минтбошиларни сайлайдиган вече бўлган. Князлар вече б-н келишилган ҳолда таклиф этилган ва улар асосан лашкарбошилик қилишган. Н.р.да шаҳар аҳолисининг 80 га яқин норозилик чиқишлари, жумладан, кўзголонлари бўлган. 13—15 а.ларда шведлар ва *Ливон ордени* агрессиясини муваффақиятли қайтарган. *Иван III* ҳарбий юришлари натижасида Русь давлатига қўшиб олинган.

НОВДА (cormus) — юксак ўсимликлар — дарахт ва бутларнинг асосий органларидан бири. Поя, ундаги барг ва куртаклардан иборат. Н. илдиз системаси б-н биргаликда қирққулоқлар, қирқбўғимлар, плаунлар, очиқ урутли ва ёпиқ урутли ўсимликларнинг танасини ташкил қилиб, новдали ўсимликлар (кормофитлар) деб номланади. Бир йиллик ўсимликлар Н.си фақат бир мавсум, кўп йилликлари эса ҳар хил яшайди ва ҳар йили куртаклардан янги Н. ўсиб чиқади. Ортотроп (тик ўсадиган) ва, баъзан плагиотроп (ётиқ ўсадиган) Н.лар фарқ қилинади. Кўпчилик ўсимликларда Н. ёки унинг бир қисми кўринишн ўзгариб (метаморфозга учраб) тиканга (дўланада), тутанакка (картошкада), гажакка (токда) айланган.

НОВЕЛЛА (итал. novella) — насрнинг кичик жанри. Ҳикоянинг бир тури. Дастлаб қисса ҳажмидаги асарлар ҳам Н. деб аталган. Н. ҳикоядан сюжет ва композициясининг қатъийлиги, тавсифийлиги ва психологик тасвирдан холилиги, воқеаларнинг талати ва ҳайратомузлиги, рамзий унсурларнинг мавжудлиги ва б. б-н ажралиб туради. Жаҳон адабиёти классиклари Г. *Мопассан*, А. П. *Чехов*, Э. *Хемингуэй*, немис новеллачилари Л. Тик, Г. фон Клейст ва б. Н.нинг яхши намуналарини яратганлар.

Ўзбек адабиётида А. Қаҳҳорнинг «Майиз емаган хотин», «Думли одам» сингари ҳикоялари ҳажмий Н. жанр талабларига кўпроқ жавоб беради.

НОВИКОВ Василий Корнеевич (1907.28.8, Россия Федерациясининг Калинин вилояти Пено тумани Наумово қишлоғи — 1981.20.1, Тошкент) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, подполковник. 1941 й. июлдан фронтда. 2-Украина фронтининг 4-гвардиячи армияси, 438-танкка қарши қирувчи артиллерия полки командири. 1944 й. 17 февда Черкасси вилоятининг Лисянка туманидаги Журжинци қишлоғи атрофида қуршаб олинган душман группировкаси б-н бўлган қўл жанггруппировкаси б-н бўлган қўл жангда Қаҳрамонлар хиёбонига дафн этилган. Жасорат кўрсатган жойда ёдгорлик белгиси қўйилган.

НОВИ-САД — Сербиянинг шим. қисмидаги шаҳар. Дунай дарёси бўйида. Воеводина мухтор ўлкасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 179,6 минг киши (2000). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Юк ортиб-тушириш ҳажми бўйича мамлакатда Белграддан кейин 2-ўринда. Машинасозлик, кимё, саноат шаҳри. Машинасозлик, кимё, фармацевтика, кўн-тери, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Мамлакатдаги муҳим қ.х. районининг маркази. Ун-т, музей, картиналар галереяси, курорт бор. Шаҳарда қ.х. ярмаркаси ўтказилади. 14—18-а.ларда қурилган меъморий бинолар сақланган.

Новодевичий монастири.

НОВОДЕВИЧИЙ МОНАСТИРИ — қад. рус меъморий ёдгорлиги. Аёллар монастири. Смоленскнинг олинишн шарафига князь Василий III томонидан бунёд этилган (1524). Дастлаб Москвани жанубдан ҳимоя қилиш вазифасини ўтайдиган қалъа сифатида қурилган. 16—17-а.ларда аёллар монастири вазифасини ўтаган. Н.м. турли даврларда қурилган кунгурадор деворлар (17-а. охири), ҳашаматли собор (1524—25), ошхона, маликалар палатаси, ибодатхона (17-а.нинг 80-й.лари) ва кўп погонали кўркам қўнғироқхона минораси (1689—90) ва б.дан иборат. Уларнинг қурилиш усули ва меъморий безакларида 17-а. рус меъморлигининг ўзига хос томонлари ёрқин акс этган. 1922—34 й.лардан музей ҳудудининг бир қисми рус маданиятининг таниқли арбоблари, давлат, жамоат ва ҳарбий арбобларн ва б. дафн этилган Новодевичий қабристонига туташ. 1994 й. бошларида аёллар монастири тикланган.

НОВОКАИН (Novocainum) — рангсиз ва ҳидсиз кристалл. Сувда ва спиртда яхши эрийди. Н. маҳаллий оғриқсизлантиришда, *новокаин блокадасида* ва б. да қўлланади. Н. қонга юборилганда организмга умумий таъсир кўрсатади: ацетилхолин ҳосил бўлишини камайтиради, вегетатив ганглийларга блокадаловчи таъсир кўрсатади, силлиқ мускуллар спазмини камайтиради, шунингдек, юрак мускули, бош мия пўстлоғининг ҳаракат соҳалари қўзғалувчанлигини сусайтиради.

Организмда Н. парааминобензой кислота ва диэтиламиноэтанол ҳосил қилиб гидролизланади. Унинг 5—10% ли эритмаси физиотерапевтик (электрофорез) даволашда ишлатилади. Кўпгина антибиотиклар (мас., пенициллин)ни эритишда ҳам қўлланади.

Новгород. София собори.



НОВОКАИН БЛОКАДАСИ — периферик нерв системаси элементларига *новокаин* эритмаси (0,25% ли) таъсир эттириб даволаш усули. Новокаиннинг нерв ҳужайрасига оғриқсизлантиради-ган ва хиёл қўзғатадиган таъсир кўрсатиш хусусиятига асосланган. А. В. *Вишневский* таклиф этган (1929). Нормал шароитда ва турли патологик ҳолатларда *нерв системасининг* организмда моддалар алмашинуви ҳамда ҳужайра ва тўқималар ҳаёт фаолиятини мунтазам тартибга солиб турувчи таъсири Н.б. усулига асос қилиб олинган. Н.б.нинг бир неча тури бор. Суяк синганида, турли жароҳатларда Н.б. оғриқсизлантиришнинг энг самарали усули ҳисобланади. Бел, бўйин, думғаза блокадаси, шунингдек, гилоф (оёқ-қўлларга) ва қисқа блокада (патологик ўчоққа яқин нервларга) қўлланади. Бунда новокаин қовурғалараро *нерв толаларига* таъсир этиб, оғриқ импульслари ўтишини тўхтатади. Суяк синганда, баъзи бир томир ва нерв касалликларида оёқ-қўл суяги яқинида жойлашган нервларга (гилоф блокада), қовурғалар синганда, кўкрак қафаси жароҳатланганда бўйнидан ўтадиган нервларга, бачадон яллиганганда эса думғаза суягидан ўтадиган нервларга, шунингдек, *невралгия, миалгия, миозит*ларда шприц б-н новокаин эритмаси юборib блокада қилинади.

НОВОКУЗНЕЦК (1622—1931 й.ларда Кузнецк-Сибирский, 1932—1961 й.ларда Сталинск-Кузнецк) — РФ Кемерово вилоятидаги шаҳар. Томь дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Т.й. тугуни. Аҳолиси 564 минг киши (1998). Н. 1617 й.да қалъа сифатида вужудга келган. РФнинг металлургия марказларидан бири. 1917 й.гача кичик савдо ва ҳунармандчилик маркази бўлган. Саноати 1929 й. Кузнецк металлургия к-тининг қурилиши муносабати б-н ривожланди. Асосий корхоналари: Кузнецк, Ғарбий Сибирь металлургия к-тлари. Ферроқотишмалар, алюминий з-лари ва б. ишлаб турибди. Машинасозлик ва металлсозлик ривожланган. Кимё-фармацевтика и.ч. бирлашмаси, енгил, озиқ-овқат саноати мавжуд. Тошкўмир қазиб олинади. 2 олий ўқув юрти, 2 театр, 4 музей (шу жумладан, ўлкашунослик, тасвирий санъат музейлари) бор.

НОВОРОССИЙСК — РФ Краснодар ўлкасидаги шаҳар. Қора денгизнинг музламайдиган Цемесская қўлтиқчасидаги порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 204,3 минг киши (1998). Н.га 1838 й.да асос солинган. 1973 й. 14 сент.да Қаҳрамон шаҳар фахрий унвони берилган.

Н. цемент саноатининг йирик маркази, шунингдек, машинасозлик ва металлсозлик, ёғочсозлик, озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Давлат денгизчилик академияси, тарихий-ўлкашунослик музейи бор. Аниқ машинасозлик саноати корхоналари мавжуд.

НОВОРОССИЯ — Қора денгизнинг Шим. соҳилларини 18-а.нинг 2- ярмидан 1917 й.гача бўлган расмий номи. Туркия б-н имзоланган бир қанча битимларга (1739, 1774, 1791, 1812), асосан, 18-а.да Россияга қўшиб олинган. «Н.» атамаси янги ҳудудни ҳўжалик жиҳатдан Россия томонидан ўзлаштирилиши натижасида келиб чиққан. Россия ҳукумати бу ерларга украин ва руслари кўчириб келтира бошлаган, колонистлар орасида кўплаб немис ва греклар ҳам бўлган. Ҳукумат зўр бериб Н. ерларини нафақат подшо амалдорлари, балки кўчиб келиш шарти б-н «ҳар қандай паст даражадаги» шахсларга ҳам тарқата бошлаган. Ўлка ҳаётида деҳқончилик ва чорвачилик катта ўрин тутган. 18-а.да Н.да Екатеринослав, Николаев, Херсон, Одесса каби шаҳарлар барпо этилган; 1838 й. 12 сент.да *Новороссийск* ш.га асос солинган.

НОВОСИБИРСК (1903—25 й.ларда Новониколаевск) — РФ даги шаҳар, Новосибирск вилояти маркази, Обь дарёсидаги пристань. Обь дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Н. яқинига Новосибирск ГЭС қурилган ва Новосибирск сув омбори бунёд этилган. Сибирнинг йирик транспорт тугуни. Аҳолиси 1399,4 минг киши (1998). Шаҳар 1893 й.да посёлка сифатида вужудга келган. Шаҳар саноатида машинасозлик ва металлургия (ялпи саноат маҳсулотининг 65%ни беради) асосий ўринни эгаллайди («Сибэлектротяжмаш», «Сибсельмаш», станоксозлик з-длари бор). Қора ва рангли металлургия, кимё ва фармацевтика, енгил, озиқ-овқат саноатлари, қурилиш материаллари и. ч. ривожланган. ГЭС, метрополитен (1985 й.дан) бор. Россия ФАнинг Сибирь бўлими, 13 олий ўқув юрти (шу жумладан, 2 ун-т, консерватория), 6 театр (шу жумладан, опера ва балет театри) фаолият кўрсатади. Суратлар галереяси, ўлкашунослик, геол., зоол., Сибирь халқлари тарихи ва маданияти музейлари мавжуд.

НОВОСИБИРСК ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1937 й. 28 сент.да ташкил этилган. Ғарбий Сибирнинг жан.-шарқида жойлашган. Ғарбий Сибирь иқтисодий р-ни таркибида. Майд. 178,2 минг км². Аҳолиси 2744,0 минг киши (2000), асосан, руслар, шунингдек, немис, украин, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 30 маъмурий туман, 14 шаҳар ва 18 шаҳарча бор. Маркази — Новосибирск ш.

Н.в. асосан, Обь ва Иртиш дарёлари оралиғида жойлашган. Вилоятнинг текислигининг жан. қисмини, Барабa пастекислигининг шаллайди, шарқда Салаир кряжига туташган. Ер юзаси текислик, бал. 150—200 м, вилоятнинг ғарбий шарқий қисмида бал. 300—350 м бўлган Салаир кряжининг этаклари бор (энг баланд жойи 498 м). Фойдали қазилмалари: табиий газ, нефть, тошкўмир, торф, олтин. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси жанд. —16° гача, июлда —20° гача. Йилига 300—350 мм ёғин тушади. Вегетация даври шимд.да 146, жан.да 160 кун. Асосий дарёси — Обь. Обь дарёсида Новосибирск сув омбори ва ГЭС бор. Кўл кўп. Н.в. ҳудудининг 28% ботқоқлик. Тупроқлари подзол, сур тусли, ва ўрмон, қоратупроқлар. Катта майдонини асосан, игна барглн ўрмонлар эгаллайди. Ёввойи ҳайвонлардан шимол бутуси, лось, силовсин, елик, росомаха, қундуз, бўри, тулки, қуён, оқ товушқон, гоз, ўрдак, кўлларда ондатра, сув каламуши бор.

Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (станоксозлик — «Тяжстанокгидропресс», «Станоксиб» корхоналари, «Сибштамш» з-ди; авиасозлик — авиация и.ч. бирлашмаси, приборсозлик ва радиоэлектроника саноати — «Элек-тросигнал» з-ди, Коминтерн номидаги з-д, алоқа, шу жумладан, космик алоқа воситалари; «Комета», Вега», «Луч» и. ч. бирлашмалари, яримўтказгич приборлар и.ч., электровакуум, радиодеталлар, конденсатор з-длари; «Восток» илмий и.ч. бирлашмаси, прибор созлаш з-ди, «Север», «Химконцентрат» и.ч. бирлашмалари — атом энергетикаси учун аппаратура ва асбоб-ускуналар, ёқилғи

Новосибирск. Опера ва балет театри.

энергетика мосламалари; нефтегика ва электротехника машина ва асбоб-ускуналари и.ч. — «Электродвигатель», «Элсиб» корхоналари, қ.х. машинасозлиги — «Сибсельмаш» и.ч. бирлашмаси; тўқимачилик саноат учун асбоб-ускуналар — «Сибтекстильмаш» з-ди), қора т-Новосибзавод» корхонаси) ва рангли (Новосибирск қалайи к-ти, Новосибирск электрод з-ди) металлургия. Қурилиш материаллари и.ч. (цемент ва асбоцемент маҳсулотлари), кимё, ўрмон ва ёғочсозлик, енгил (тикувчилик, ип-газлама — «Новосибирск ип газлама к-ти»; —трикотаж «Сибирь» корхонаси; кўнпойабзал: «Корс», «Комфортер» корхоналари), озиқ-овқат саноатлари ривожланган. Новосибирск ГЭС, Бараба ГРЭС мавжуд. Йирик саноат шаҳарлари: Новосибирск, Бердск, Искитим.

Н.в. — Сибирнинг муҳим қ.х. райони. Қ.х. экин-чорвачилик йўналишида ял. Ғалачилик, ўтлоқ, техника экинлари, картошка, сабзавот экилади. Сут-гўшт чорвачилиги, паррандачилик ривожланган. Обь дарёсида кемалар қатнайди. Автойўллар зичлиги 51 км/минг км² (1997). Карачи (Карачи кўли) курорти бор.

НОВУС, наус — зардушийларнинг остодон (оссуарий)ларини сақлаш учун лой, тош, гиштдан қилинган иншоот. Зардуштийларда ўликларни ерга кўмиш, сувга ташлаш, ўтда ёқиш ман қилинган. Ўликларни қовлар, кумлар устига ташлаб, дахмаларга қўйиб, йиртқич ҳайвон ва қушларга едирганлар, сувгини остодон ёки хум ва хумчаларга солиб, Н.да сақлаганлар. Н.лар 1,5 м кенгликдаги узун оҳор шаклида тўрт девор б-н ўралган, усти гумбаз

Новус. Панжакент некрополидаги новуслар.

б-н пастак қилиб, тўрт бурчакли бино шаклида ёпилган. Баъзи ҳолларда Н.лар одамлар яшайдиган уйларнинг деворлари орасида ёки ҳовлида жойлашган. Н.лар Хоразмда (мил. ав. I-минг йилликнинг ўрталарига оид), Самарқанд атрофида (мил. 13-а.га оид) топилган. Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг бошқа р-ларида ҳам Н.лар учрайди.

НОВШАДИЛ — қ. *Аммоний хлорид.*

НОВШАДИЛ СПИРТ, нашатир спирт — аммиакнинг сувдаги 3—10% ли эритмаси. Рангсиз, ўткир ҳидли, учувчан суюқлик. Аммиак б-н сувнинг ўзаро таъсири натижасида ҳосил бўлади:

$$NH_3 + H_2O \rightleftarrows NH_4OH \rightleftarrows NH_4^+ + OH^-.$$

Тиббиётда, асосан, 10% ли аммиак эритмаси ишлатилади. Ҳушдан кетганларга ҳидлатилади (бурун-ҳалқум шиллиқ пардаси нерзларига таъсир этиб, марказий нерв системасини қўзғатади), алкоголдан заҳарланганларни қустириш учун ярим стакан сувга 5 томчи томизиб ичирилади. Териси ёғли юзни артиш, юз ва қўл терисини юмшатиш учун 0,5% ли эритмаси қўлланади. Микробларга қарши таъсирга эга бўлганлиги сабабли Н.с.дан баъзан хирургия амалиётида ҳам фойдаланилади.

НОГИРОНЛИК, инвалидлик — касаллик, шикастланиш, майиб-мажруҳлик, бахтсиз ҳодисалар туфайли бутунлай ёки маълум муддат меҳнат қобилиятини йўқотиш. Жисмоний ёки ақлий нуқсонлари борлиги сабабли ижтимоий ёрдам ва ҳимояга муҳтож шахс ногирон ҳисобланади. Ўзбекистонда Н. Тиббий меҳнат экспертиза комиссияси (ТМЭК) томонидан белгиланади. Н. меҳнат қобилиятини йўқотиш даражасига қараб 3 гуруҳга бўлинiб, вақтинча (6—12 ой) ёки муддатсиз қилиб тайинланади. 1-гуруҳ Н.ги меҳнат қобилиятини бутунлай йўқотган, лекин бошқаларнинг доимий парваришига муҳтож бўлмаган, шунингдек, меҳнат туридан қатъи назар, унда узоқ муддат ишлай олмайдиган шахслар; 3-гуруҳ Н.ги меҳнат қобилияти сезиларли даражада пасайган шахслар киради. Ногиронлар давлат нафақаси б-н таъминланади, харур бўлганда даволанади, уларга протезлар берилади, ишга, махсус мактабларга жойлаштириш учун шароит яратилади. Ногиронларни тиббий, ижтимоий ва касбий реабилитация қилиш орқали фаол ҳаётга, меҳнатга жалб қилиш долзарб масала ҳисобланади.

ЎзР қонунчилигида Н.нинг қуйидаги сабаблари назарда тутилади: умумий касалликлар (иш б-н боғлиқ бўлмаган) оқибатидаги Н.; турмушдаги бахтсиз ҳодисалар натижасида шикастланиш оқибатида юз берган Н.; н.ч.даги жароҳатлар ва касб касаллигига дучор бўлиш натижасидаги Н.; касб касаллигига чалиниш туфайли юз берган Н.; Ўзбекистонни ҳимоя қилиш ёки бошқача тарзда ҳарбий бурчни бажариш пайтида рўй берган Н.; ҳарбий бурчни бажариш б-н боғлиқ бўлмаган ҳарбий хизматни ўташ давридаги Н. Бу борадаги тартиб-қоидалар ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг 1994 й. 24 нояб.даги 317-сон қарори б-н тасдиқланган «Тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари тўғрисида низом»да кўрсатиб ўтилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1995 й. 11 нояб.да «ЎзРнинг ногиронларни реабилитация қилиш борасидаги чора-тадбирлари Давлат дастури тўғрисида» қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг ижроси ногиронларни реабилитация қилиш марказлари системаси (Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича реабилитация қилиш миллий маркази, Тошкўрғонда ногиронлар реабилитация марказлари ва 10 та умумий типдаги ҳудудий реабилитация марказлари) ташкил этилди. Бундан жойларда ТМЭКлар б-н ҳамкорликда ногиронларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш чора-тадбирларини амалга оширади.

Ад.: Ўзбекистон Республикасида пенсия таъминоти тўғрисида [норматив ҳужжатлар тўплами]. Т., 1994; Ўзбекистон Республикасининг Давлат пенсия таъминоти тўғрисидаги қонунга шарҳлар. Т., 1996.

Нисор Муҳаммаджонов, Йўлдош Турсунов.

НОДАВЛАТ СЕКТОРИ — миллий иқтисодиётнинг давлат тасарруфида бўлмаган соҳалари. Н.с. Ғарб мамлакатларида приват, яъни хусусий сектор деб юритилади. Ўзбекистонда хусусий корхоналар, қўшма корхоналар, ширкатлар, кооперативлар, ҳўжалик уюшмалари, акциядорлик жамиятлари, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари Н.с.га киритилган. У хусусий мулкнинг устуворлиги б-н ажралиб туради ва унинг миллий иқтисодиётдаги ҳиссаси турли мамлакатларда турлича. Н.с. корхоналари, биринчидан, ўзаро бозор алоқалари ўрнатса, иккинчидан, давлат сектори б-н боғланиб, турли ресурслар ва хизматларни сотиб олади. Н.с. ҳўжалигининг ҳамма жабҳаларида мавжуд бўлиб, савдо-сотиқ, хизмат кўрсатиш, қ.х., транспорт, қурилиш, истеъмол буюмлари и.ч.да етакчилик қилади, аммо базавий тармоқларда унинг ҳиссаси нисбатан кичик. Н.с. иқтисодиётнинг эркин, давлат аралашувидан холи соҳаси сифатида бозор қоидаларига биноан ривожланади. Бу ерда и.ч. стратегиясини бозордаги талаб ва таклиф нисбати белгилаб беради. Н.с.да даромадлар эркин тақсимланиб ўзлаштирилади. Н.с. ўз товарларини давлат буюртмаларига биноан (бозор нархини ҳисобга олиб), давлат секторидан сотади, давлат секторидан эса керакли товар ва хизматларни ке-

лишилган нархда сотиб олади. Н.с. эркин бўлганидан унга иқтисодий фаолиятни хилма-хиллиги хос. Н.с.нинг иқтисодиётдаги ҳиссаси шу сектор корхоналарида жамғариш юз бериб, даромадлар инвестицияга йўналтирилиши натижасида и.ч.нинг кенгайиши ва давлат мулкининг хусусийлаштирилиши туфайли корхоналарнинг Н.с.га ўтиши йўли б-н ўсади. Бу ҳисса 4 кўрсаткичга биноан аниқланади: ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ишловчилар сони, капитал маблағлар ва *асосий капитал* (фонд) миқдори кўрсаткичлари. Булар орасида асосийси — Н.с.нинг ЯИМ дага ҳиссаси ҳисобланади. Ўзбекистон иқтисодиётида Н.с. ҳиссаси 2000 й.да ялпи ички маҳсулотнинг 70,2% ни, банд бўлганлар сонининг 76% ни, корхоналар сони бўйича, 87,7% ни ташкил этди (1995 й.да тегишлича 67,0, 63,9, 78,3%).

Аҳмаджон Ўлмасов.

НОДИМ Наманганий (тахаллуси; асл исм-шарифи Сулаймонхўжа Улутхўжа ўғли) (1844 — Наманган —1910) — шоир. Саидқулибек мадрасасида таҳсил кўрган. Араб, форс тилларини ўрганган. Қўқон ва Тошкентда бўлган, фан-техника янгиликлари, рус маданияти, адабий ва маданий доиралари б-н яқиндан танишган. Бухоро, Самарқанд (1899), Туркия, Миср, Арабистон (1902—03)га саёҳат қилган. Навоийдан ўрганган, ғазалларига тахмис, назиралар ёзган. Муқимий, Муҳйи, Фурқат, Завқий, Муҳаййир, Шавқий каби шоирлар б-н яқин дўст бўлиб, ижодий ҳамкорлик қилган, улар шеърларига мухаммаслар боғлаган. Мумтоз шеъриятнинг барча жанрларида, туркий ва форсийда ижод қилган. Ғазалларида инсон гўзаллиги, муҳаббат ва вафо, аёллар эркини куйлаган («Согиндим мен, соғиндингми?», «Мактуби муҳаббат услуб» ва б.), она-Ватан табиати, унинг гўзаллигини тараннум этган, халқ ҳаётини реалистик акс эттирган, ижтимоий иллатларни фош этган, маърифатпарварлик ғояларини илгари сурган («Баҳор айёми келди», «Давр жаворидин...», «Баёни дар сафари Тошканд» ва б.). «Шикояти пахта» шеърида қишлоқ меҳнаткашларининг ачинарли ҳаётини тасвирлаган.

Ҳажвий асарларида мақтанчоқ, мутакаббир бойлар, чор амалдорлари танқид қилинган («Дар мазаммати замона», «Дар шикояти қози» каби). Юмористик асарлар ёзган («Безгак» ва б.).

Н. нинг шеърлари «*Туркистон вилоятининг газети*»да босилган. Ўзи тузган «Баёзи Нодим»нинг муқаммал нусхаси Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №4179).

Ас.: Танланган шеърлар, Т., 1964.

Ад.: Каримов Ғ. К., Ўзбек адабиёти тарихи, 3-китоб, Т., 1987; Қайюмов П., Тазкираи Қайюмий, 2-дафтар, Т., 1998.

Бегали Қосимов.

НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ — Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони *Имомқулихон*нинг вазири Нодир девонбеги (Нодир мирзо Тоғай ибн Султон) қурдирган (1622—23). Н.д.м. *Лабиҳовуз ансамбли*нинг шарқий қисмида жойлашган. Дастлаб карвонсарой сифатида қурилган, хоннинг қарори б-н мадрасага айлантирилган. Унда мадрасаларга хос айвон, масжид ва катта дарсхона йўқ, ҳовли атрофи 4 томондан 2 қаватли кичик ҳужралар б-н ўралган. Ҳужраларга ўймакори усулида безатилган эшиклар, эшиклар тепасидаги тобалонга панжаралар ўрнатилган. Ҳовлига пишиқ гишт ётқизилган. Бош тарзи майдонга қараган. Олд томонида ҳовуз бор. Пештоғи ўзига хос маҳобатли ва серҳашамдир. Ундаги ўсимликсимон накшлар орасида қўёшга интилаётган афсонавий ҳумо қуши ва бутунинг ўтлаб юрган тасвири кошинкори безаклари ёрқин бўёқларда акс эттирилган. Ҳошияларига,

Мадраса пештоғи.

Нодир девонбеги мадрасаси ҳовлиси (Бухоро).

китобасига арабий ёзувлар битилган. Устунгўшаси бурамасимон. Пештоғининг 2 ён қанотидаги 2 қаватли 3 талаи чуқур равоқли пешайвон алоҳида кўб бериб пардозланган. Бурчакларидаги 2 гулдаста равоқлардаги накшлар б-н ўзаро уйғунлашган. Мадраса тарҳи 52×49 м, ҳовли 34×30 м. Н.д.м. бир неча марта таъмирланиб, гумбаз, равоқ ва деворларидаги намлик йўқотилиб, бузилиб кетган ҳужралари қайта тикланди. Самарқанд ва Бухоро усталарининг саъй-ҳаракатлари б-н бош тарзи қайта жиҳозланди.

НОДИР ДЕВОНБЕГИ МАДРАСАСИ — Самарқандлаги меъморий ёдгорлик (1630—31). Нодир девонбеги маблағига қурилган. Хожа Аҳрор хонақоҳи ёнида жойлашганлигидан баъзан халқ орасида Хожа Аҳрор мадрасаси ҳамда қўёш ва шерлар тасвири туширилгани учун кичик Шердор мадраса номи б-н ҳам юритилади. Н.д.м. бир қаватли, ҳовлисининг 2 томонида айвон, ҳужралар, масжид ва дарсхона жойлашган. Бош тарзидаги пештоқ айвон безакларига ўзаро уйғунлаштириб феруза, ишқ ва сариқ рангларда майда ва жимжимасимон накшлар б-н нафис безатилган. Гумбаз ости тоқи ва бағаллари безаги да устанинг ижодий эркинлиги кўзга ташланади. А. Ҳаққулов бошчилигида таъмирланган (1980).

НОДИР ДЕВОНБЕГИ ХОНАҚОҲИ — Бухородаги меъморий ёдгорлик. Бухоро хони *Имомқулихон*нинг вазири Нодир девонбеги (Нодир мирзо Тоғай ибн Султон) қурдирган (1620—21). *Лабиҳовуз ансамбли*даги ҳовуз б-н бирга бунёд этилган. Пештоғи ҳашаматли, равонининг қаноси анча баланд, улугвор, айрим ерларида кошинларнинг парчалари сақланиб қолган. 2 томонидаги тағи қирралы гулдаста-мезаналар олд кўринишига салобат беради. Хонақоҳнинг 2 ёнидан ҳам ҳужраларга кириладиган эшиклари бўлган. Деворлари бир неча бор таъмирлангани (1914—16 й.ларда Бухоронинг охирги амири Сайид Олимхон томонидан таъмирланган) дан асл кўриниши ўзгарган. Н.д.х. симметрик тарҳли (27,5×25 м), кираверишда айвон, хонақоҳ (11,2×11,2 м) ва унинг ён томонларида 2 қаватли дарвишлар ётоғи бўлган. Гулдасталар ичидаги айланма зина б-н бино томасига чиқилади. Хонақоҳ улкан гумбазли, деворларига тахмонлар ишланган. Ундаги серҳашам накшлар сақланмаган. Пештоқ равоғидаги 3 тобалонни тамғакори панжаралар безаган. Н.д.х.нинг ҳозирги кўринишга ўзгариб муҳташам, салобатли, кўркам иншоотга айлантирилган.

Нодир девонбеги мозаикасининг олд кўриниши.

НОДИР МЕТАЛЛАР, сийрак металлар — қ. *Нодир элементлар.*

НОДИР МЕТАЛЛАРНИНГ ҚОТИШМАЛАРИ — *нодир элементлар* б-н бошқа элементларни қўшиб суюқлантириш натижасида ҳосил бўладиган қотишмалар. Н.м.қ. учун умумий хоссалар — иссиқбардошлик, коррозиябардошлик, оловбардошлик ва б. Энг кўп ишлатиладиган Н.м.қ. жумласига *ванадий қотишмалари, вольфрам қотишмалари, молибден қотишмалари, ниобий қотишмалари, рений қотишмалари, тантал қотишмалари, цирконий қотишмалари* ва б. кирали. Бу қотишмалар машинасозлик, асбобсозлик, ракетасозлик ва саноатнинг кўпгина бошқа тармоқларида ишлатилади.

НОДИР ЭЛЕМЕНТЛАР, сийрак элементлар — ер қатламида жуда кам учрайдиган элементларнинг шартли номи. Улар 45 га яқин металлдан иборат. Чунончи: литий (Li), рубидий (Rb), цезий (Cs), бериллий (Be), радий (Ra), галлий (Ga), индий (In), таллий (Tl), германий (Ge), ванадий (V), ниобий (Nb), тантал (Ta), селен (Se), теллур (Te), полоний (Po), молибден (Mo), вольфрам (W), рений (Re), скандий (Sc), иттрий (Y), лантан (La) ва 14 лантаноид, актиний (Ac), торий (Th), протактиний (Pa), уран (U) ва инерт газлар. Н.э. нисбатан янги ёки нисбатан кам ўзлаштирилган элементлардир. Н.э.нинг аксарияти Ер пўстида оз, баъзилари кўп уч-райди, ҳатто уларнинг Ер пўстидаги миқдори турмушда ва техникада энг кўп қўлланадиган элементларникидан анча орқа экани маълум. Мас., бир вақтлар «нодир» ҳисобланган титан элементининг Ер пўстидаги миқдори табиатдаги углерод, азот каби элементларникидан анча ортиқдир. Барча Н.э. Ер пўстининг масса жиҳатидан 0,2%ини ташкил қилади. Тог жинсининг 1 т сида ўртача 65 г литий, 46 г цезий, 150 г ванадий, 220 г цирконий бўлади. Н.э. кўпинча, Ер пўстида 2 та, 3 та, 4 та элемент б-н бирга учрайди. Мас., 1 гуруҳга руҳга мансуб Li, Rb, Cs III гуруҳга оид Se, Y каби нодир-ер элементлари б-н, IV гуруҳга оид Ge Zr б-н, V гуруҳга оид Nb Ta б-н, IV гуруҳ элементи — Mo эса W б-н биргаликда учрайди.

Ўрта Осиёдаги Н.э.нинг деярли барчаси таркиби мураккаб рудаларда учрайди. Ангрен конидан қазиб олинадиган кўмир таркибида галлий, германий, ванадий, молибден, рений элементлари мавжуд. Олмалиқдаги Қалмоққир металл конидаги рудалар таркибида эса молибден, рений каби Н.э. учрайди. Бу элементлар жуда оз миқдорда бўлганлиги сабабли уларни бойитиш ва ажратиб олишнинг самарали усуллари ва технологиялари ҳозирча ишлаб чиқилмаган. «Қизилқумнодирметаллоатом» концернига қарашли ҳудудларда уран ва б. актиноид элементлар бор. Айни вақтда саноат миқёсида фақат уран бирикмалари ажратиб олинади. Н.э.дан халқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлган қотишмалар олишда, оптик асбоблар ва б. ясашда кенг фойдаланилади.

Ад.: Даминов Т. Н., Шаякубов Т. Ш., Троицкий В. И. ва б., Геология и полезные ископаемые республики Узбекистан, Т., 1998; Букин В. И., Исчумнов М. С., Сафонов В. В., Переработка природных, сточных отходов и вторичных ресурсов, содержащих редкие, благородные и цветные металлы, М., 2002.

Одилхўжа Ҳўжаев.

НОДИРА (тахаллуси; исми Моҳларойим) (1792, Андижон —1842, Қўқон) — шоира, маърифатпарвар ва давлат арбоби. «Комила» ва «Мақнуна» тахаллуслари б-н ҳам шеърлар ёзган. Отаси Андижон ҳокими Раҳмонқулбий — миниг қабиласидан, Фарғона ҳукмдори Олимхоннинг тоғаси.

Олимхон укаси Умархонга Марғилон ҳокимлигини беради ва уни 1807 й.да Н.га уйлантиради. Н.шу хонадонда шеър ёзишни машқ қилади, шоира *Увайсий* б-н танишади, уни муаллима сифатида саройга таклиф этади. Н.нинг турмуш йўлдоши Амир Умархон ҳам *Амирий* тахаллусида ижод қилган.

1822 й.да Умархон вафот этиб, унинг ўғли, 14 ёшли Муҳаммад Алихон (Маъдалихон) тахтга кўтарилди. Лекин давлатни, асосан, Н.нинг ўзи идора қилди. У маданият ва санъатни ривожлантиришга интилди. Н.нинг замондоши қози Абдунаби Хотифнинг тамомланмай қолган воқеабанд достонида Н.нинг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти ишончли далиллар б-н кўрсатиб берилган: «Асар ёзишдан мақсадим Н.нинг оқила, фаҳмли, илм ва сўзнинг қадрига етадиган донишманд аёл эканлигини кўрсатишдир... Умархон вафотидан сўнг бу иффат салафининг инжуси кунларни ҳасрату фироқ б-н шу тариқа ўтишини ношукурлик деб билди. У гулистондек Чаҳорчаман боғига бориб, Фарғона, Тошкент, Хўжанд, Андижон ва б. шаҳарлардан фозиллар, олимлар, хаттотлар, наққошларни ўз хизматига чақиртириб келди». Н. бир неча китобларни кўчиртирди ва шоирларни янги-янги асарлар ёзишга ташвиқ қилди. Шоира девонларининг чиройли ёзилиши, муқовасининг безатилишини ўзи шахсан кўздан кечириб турган. У яхши ишлаган котибларга тилла қалам, кумуш қаламдон бериб, уларни «Заррин қалам»лик мансабига кўтарган.

Н. бозор ва расталар, масжид ва мадрасалар, карвонсаройлар қурилишига эътибор берган. Гўристони калондаги Мадрасаи Чалпак, Тақагарлик растасидаги Моҳларойим мадрасасини бино эттирган. Бухоро амири Насрулло 1842 й.да Қўқонга бостириб кириб, Маъдалихонни, укаси Султон Маҳмудхонни, 14 яшар ўғли Муҳаммад Аминхонни ва Н.ни фожиали равишда ўлдирди.

Н.нинг адабий мероси ўз гоявий-бадиий аҳамияти нуқтаи назаридан мумтоз шеъриятнинг гўзал намуналаридандир. Унинг тўла бўлмаган ўзбекча девони Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида сақланади (инв.№ 4132). Девонга Н.нинг 109 (ёки 1704 мисра) ғазали киритилган. Н.нинг ўзи ёзган дебочада таржимаи ҳолига оид баъзи муҳим маълумотлар берилган. 19-а.да кўчирилган, ҳоз. Ўзбекистон ФА Тарих музейи архивида сақланаётган девонда Н.нинг «Комила» тахаллуси б-н ёзган 19 (328 мисра) ғазали борлиги аниқланган. 1962 й.да Наманганда шоиранинг мукаммал девони топилди. Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейида сақланаётган (инв. № 313) бу

девон шоирининг мероснни тўлиқ қамраб олган, дейиш мумкин. Бунда шоира ёзган девоча мукаммал берилган. Девонда шоирининг «Нодира» тахаллуси б-н ёзган 180 шеъри жамланган (шулардан 136 таси ўзбек тилида, 44 таси тожик тилида). Жумладан, 11 мухаммас, 2 мусаддас, 1 мусамман, 1 таржиъбанд, 1 таркиббанд ва 1 фироқнома ҳам бор. Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти фондида Н.нинг «Макнуна» тахаллуси б-н ёзилган, 333 газалдан иборат бир девони мавжуд (инв. № 7766). Бугунги кунда биз Н.нинг ўзбек ва форс-тожик тилларида яратган 10 минг мисрага яқин лирик мероснга эгамиз.

Н. шеъриятининг асосини лирика ташкил этади. Н. муҳаббат, садоқат ва вафо куйчисидир. У гўзаллик ва садоқатни, Шарқ хотин-қизларининг дард-аламлари, оҳу фиғонларини куйлади. Шоира ўзини ишқ ойнаси деб атар экан, бу ойнада инсоннинг ҳаётга умид б-н қараши, эзгу истаклари ва орзуси акс этган. У муҳаббат Аллоҳ томонидан инсонлар қалбига солинган мангу ёғду эканлигини куйлади:

Муҳаббатсиз киши одам эмаслур,
Гар одамсан, муҳаббат ихтиёр эт!

Н.нинг муҳаббат тушунчаси чуқур ижтимоий мазмун касб этади. Муҳаббат шахсий туйғулар доирасидан юқори кўтарилиб, одамийликни чуқур идрок қилиш воситасига айлантирилади. Н. инсоннинг энг юксак фазилати вафодорликда деб билади. Шоиранинг форс-тожик тилидаги мебош радифли ғазалида вафо мавзуи кенг доирада қаламга олинади.

Шоира ҳиммат, сабр, қаноат, номус, ҳаё каби хислатларни маърифат, яъни Худо васлига эришишни яқинлаштирувчи манзиллар сифатида қайд этади, одам ана шу шарафли хислатларни ўз руҳига мукаммал сингдириб олиши ва уни собитқадамлик б-н кўнгил ганжинасида асрамогини образли қилиб тасвирлайди. Одамзод шу сифатлардан маҳрум бўлар экан, у риё йўлига кириб кетади.

Н. ўз ижодида дунёвийлик б-н бир қаторда тасаввуфнинг нақшбандия йўналишига асосланган бир бутунлик орқали инсоннинг жамият ва табиатга муносабатини ҳам, илоҳий муҳаббат йўлидаги руҳий дунёсини ҳам жуда гўзал ва жонли мисраларда ифодалаб беради. Н. шеърларида ислом руҳи, тасаввуф таълими ва ҳаёт фалсафасини чуқур идрок этган ҳолда ҳаётга ҳамма вақт умидбахш нигоҳ б-н қарайди ва ундан яхшилик уруғини қидиради. Н. саройда яшаса ҳам, ўзини маънавий жиҳатдан бахтиёр ҳисоблай олмас эди.

Нодира (Рассом Ш. Ҳасанова асари, 1947).

Шунинг учун ҳам у ғазалларидан бирида: «Мени салтанат маснадида кўриб, гумон этманг айшу фароғат б-н», дейди.

Н. олимлар, шоирлар, айниқса, шоираларни ўз ҳимоясига олган. Шоира ўз девонларининг «ҳамишини олима афифалар, фозила ҳамсуҳбат шарифаларнинг маслаҳатлари ва ташаббусларига кўра жамланганини»ни ўзбекча девонига ёзган сўзбошисида қайд этиб ўтади.

Н. мумтоз шеъриятнинг мавжуд ҳамма жанрларида қалам тебратди. Унинг ўзбекча ва форсийча-тожикча ғазаллари арузнинг турли вазнларида 5, 7, 9, 13, ҳатто 18 байтли ҳажмда яратилган. Шоира ғазалларининг асосий қисми 7—9 байтлидир. Н. мумтоз адабиёт анъаналарини қунт ва ихлос б-н давом эттирган. Навоий, Фузулий, Бедил ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Н. ўз ғазалларида кўпроқ «мукаррар» (сўзнинг такрорланиб келиши) ва «кўш мукаррар» усулларидан фойдаланган. Асарларида талмеҳ, мажоз, ташбеҳ, истиора, тазод, тадриж, ташхис, интоқ каби бадиий воситалар маҳорат б-н қўлланган.

Н. форс-тожик тилида ҳам гўзал, таъсирчан шеърлар ёзган. Улар ҳам мазмун ва бадиий маҳорат жиҳатдан ўзбек тилидаги ғазалларидек юксак даражада ёзилган бўлиб, шоира ижодини яна ҳам кенг ва тўлароқ ўрганишда муҳим роль ўйнайди.

Н. ижодига бўлган қизиқиш шоира ҳаётлик даврлиёқ бошланган. Машҳур шоира Дилшод (1800—1905) Н.га махсус ғазаллар бағишлаб, уни «илм-адаб ва назм осмонининг ҳалоли, ушшоқлари ғазалхони, шакар сочувчи булбул» деб таърифланди. Н. ғазалларига жуда кўп шоирлар назиралар ёзганлар, мухаммас боғлаганлар. Ўзбек адабиётида ва саҳнада Н.нинг бадиий образи яратилди. Ҳ. Раззоқовнинг «Нодира», Туроб Тўланинг «Нодирабегим» мусиқали драмалари саҳналаштирилди. Комил Ёрматов ва М. Мелькумовларнинг сценарияси асосида «Нодирабегим» фильми яратилди. Шоира асарлари рус ва б. чет тилларга таржима қилинган. Ғазаллари ўзбек мақомлари ва халқ куйларига солинган. Ўзбекистоннинг шаҳар ва қишлоқларида кўплаб кўчалар, кинотеатр, мактаб ва кутубхоналар Н. номи б-н юритилади.

Ас.: Шеърлар, Т., 1958; Девон, Т., 1963; Асарлар (2 жилд), 1-к., Т., 1968; 2-к., 1—2-китоб, Т., 1971; Девони форс-тожик тилидаги ғазаллар, Душанбе, 1967; Ўзбекистон ва Нодира, Т., 1994.

Ад.: Жалолов Т., Ўзбек шоиралари, 1-китоб, 2-нашр., Т., 1970; Абдуллаев В., Ўзбек адабиёти тарихи, 2-китоб, 1967; Каюмов А., Қўқон адабий муҳити, Т., 1961; Кодирова М., Давр Нодираси (Нодирахоннинг ҳаёт ва ижод йўли), Т., 1991; Маънавият қалдуғлари, Т., 2001.

Маҳбуба Қодирова.

НОДИР-ЕР ЭЛЕМЕНТЛАРИ, *сийрак-ер элементлари* — Менделеев даврий системасининг III гуруҳида жойлашган кимёвий элементлар: *иттрий* Y, *лантан* La ва 14 та *лантаноидлар*. Баъзан скандий Sc ни ҳам шу элементлар жумласига киритилади. Н.-ер э. табиатда ўзаро бирга учрайди, кимёвий хоссалари ҳам ўхшаш. Кумуш каби оқ, ҳаво кислороди таъсирида оксид парда ҳосил қилганлиги сабабли қорайди. 2 гуруҳчага бўлинади: церий гуруҳчаси (La, Ce, Pr, Nd, Sm, Eu) ва иттрий гуруҳчаси (Y, Gd, Tb, Dy, Ho, Er,Tm, Yb, Lu).

НОДИРОВ Бозорбой (1937.7.4, Нукус) — қорақалпоқ хонандаси (драматик тенор), Қорақалпоғистон (1977) ва Ўзбекистон (1982) халқ артисти. Кучли ва жарангдор овоз соҳиби. Нукус санъат билим юртида ўқитувчи (1969 й.дан). Бердақ номидаги мусиқали драма ва комедия театрида яккахон хонанда (1975—93). Опера саҳнасида Онегин (П. Чайковский, «Онегин»), Алеко («Алеко», С.Рахманинов), Жусуп («Ажинёз», Н.Муҳаммаддинов) каби ролларни ижро этган. Концерт репертуаридан қорақалпоқ халқ («Жети асирим», «Гулзар», «Тарлан», «Ниғорим» ва б.) ва бастакорлар («Элим бор», «Жигирма бесте», «Халқим», «Тутан жерге», К. Абдуллаев ва б.) қўшиқлари ўрин олган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1987).

НОДИРОВ Турди (1936.5.10, Тошкент) — кинорež.-оператор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1973). Москва кинематография ин-тини тугатган (1959). «Ўзбекфильм»да оператор (1959—61), Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясида реж.-оператор (1961—86), директор (1976—86). 1989—2002 йиллар «Ўзбекистон видеомаркази»да реж.-оператор, 2002 йилдан Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари. Ижодий фаолиятини 1959 й. «Маҳаллада дув-дув гап» фильмига операторлик қилишдан бошлаган. «Заиф-ри олов кишилари» ҳужжатли фильми (1960) Н.нинг ҳужжатли киноларидаги биринчи ишидир. У ўз ижоди давомида 130 дан ортиқ илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар яратди («Салом, баҳор», «Олтин тўй», «Тожихон билан учрашув», «Аския», «Регистон», «Ўн уч қаландғоч», «Канадда саккиз кун», «Олтин Бенгалия», «Халқ ўйинлари» ва б.). Операторга хос кузатувчанлик, воқеликка ижодий ёндашув, ҳозиржавоблик, лавҳалардаги ҳар бир эпизодни тез илғаб олиш, суратга олиш жараёнида импровизация б-н ишлаш Н. ижодига хосдир. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1975).

НОДИР-УЗЛАТ, Маҳжур, Шариф (тахаллуслари; исми Муҳаммад Шариф) (1743 — қоз. Косонсой туманн — ?, тахм. Қўқон) — шоир ва хаттот. Косонда ўқиб, савод чиқарган, котиблик қилган. Сўнг Қўқонга келган ва шу ерда яшаб қолган. Нодира уни ўз паноҳига олиб, саройда хаттот этиб тайинлаган. Н.-У. туркий ва форсийда ижод қилган, ғазал, маснавий, рубоий, мувашшах, таржиъбанд, таърих, ўлан жанрларида 13 минг мисрадан кўпроқ шеърлар ҳамда «Ҳафт гулшан» достонини (1824—25) ёзган. Лирикаси, асосан, ишқий-фалсафий шеърлардан иборат. Халқ оғзаки ижоди б-н ёзма адабиёт алоқалари унинг ўланларида ёрқин акс этган. Девон тузган. «Ҳафт гулшан» достони Нодирага бағишланган. Асар 5842 мисра — ҳамд, наът, чаҳор ёр таърифи, шоир аҳволи ва достонининг ёзилиш сабаблари баёни (кириш) ҳамда 7 мустақил шеърий ҳикоядан иборат. Асарда малика Нодиранинг мамлакат ободончилиги ва илм-фан ривожига кўшган ҳиссаси, унинг юксак инсоний фазилатлари акс эттирилган. Шунингдек, бахти ҳаёт ва одил шоҳ ғоялари илгари сурилган. Достонда бош мавзу — севги, садоқат тасвири биринчи ўринда туради. «Ҳафт гулшан» ҳамда Девонининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари Қўқон адабиёт музейи (инв. № 1462, 88), Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №1801, 10114) фондида сақланади.

Ас.: Ҳафт гулшан, Т., 1961.

Ад.: Қаюмов А., Қўқон адабий муҳити, Т., 1961; Ўзбек адабиёти тарихи, [5 жилд], 4-к., 1978; Ғафуржонова Т., Нодир ва унинг «Ҳафт гулшан» достони, Т., 1982.

НОДИРШОҲ Афшор (1688.22.10, Деррегёз — 1747.20.6, Хабушон) — Эрон шоҳи (1736—47), *қизилбошлар*нинг афшор қавмидан бўлган. Хуросонда ҳарбий кўмондон сифатида ўз фаолиятини бошлаган. 1726 й.да *сафовийлар* шоҳи Тахмасп II (ҳукмронлик даври: 1722—32)нинг ҳарбий хизматига ўтиб, Машҳаддан афғонларни ҳайдаб чиқарган. Хиротдаги афғонларнинг абдал ва Хуросондаги афғонларнинг абдал ва Хуросондаги туркман қабилаларига қарши курашда голиб келган (1729). Эронни босиб олиш учун уруш бошлаган Усмонли турк султонлигига қарши сарли мирза шошилинч сулҳ тузади ва орқага қайтади (1736). Бироқ Н.нинг ўзи катта қўшинга бош бўлгач, Балхни эгаллаб, Бухоро устига юриш қилганида уни Муҳаммад Ҳакимбий ва ўғли *Муҳаммад Раҳим* қўлаб-қувватлайди (1740). Бухоро устидан сиёсий ҳокимият ўрнатилгач, у Хива хонлигига қарши юриш қилади. Хонқани эгаллаш пайтида Хива хони Элбарс ўлдирилган (1740). Н. ҳукмронлигига қарши Хива ва Бухорода бир неча марта кўзғолонлар кўтарилган. Эронда ҳам ички низолар ва сарой фитналари кучаяди. Н. Хуросон нойби, ўзининг жияни Алиқулихон томонидан Машҳадда ўлдирилган. Алиқулихон ўзини Одилшоҳ номи б-н шоҳ деб эълон қилган. Н.нинг ўлими б-н Эрон давлатининг марказлашуви жараёни тўхтаб қолган.

Ад.: Мирза Абдал'азим Сами, Тарихи салатин-и мангитийа, М., 1962.

Қаҳрамон Раззоқов.

НОДИРШОҲ Муҳаммад (1883.9.4 — 1933.8.9) — Афғонистон подшоси (1929—33); 1973 й.гача Афғонистонда ҳукмронлик қилган сулола асосчиси. Афғонистоннинг мустақиллик урушида (1919) муҳим роль ўйнаган (қ. *Инглиз-афғон урушлари*). 1919—24 йилларда ҳарбий вазир, 1924—26 йилларда Парижда элчи; 1926 й. истеъфога чиқиб Францияда яшаган. 1929 й. ватанига қайтиб Бачаи Сақога қарши курашга бошчилик қилган. 1929 й. окт.да Афғонистон подшоси (қироли) деб эълон қилинган. Суиқасд натижасида ўлдирилган.

НОЕВКЛИД ГЕОМЕТРИЯЛАР — *Евклид геометриясидан* фарқли бўлган барча геометриялар. Мас., *Лобачевский геометрияси*, *Риман геометрияси*, Минковский геометрияси ва ҳ. к. Тексликда 9 та, фазода эса 27 та геометрия мавжуд.

НОЗЕМАЛАР (Nosema) — микроспоридиялар типига мансуб бир ҳужайралилар уруғи. 120 га яқин тури бор. Ҳайвон тўқималари, органлари ёки организмини зарарлайди. Типик тури ипак қурти ноземаси спораити 2 ядроли спора ҳосил қилади. Тут ипак қуртида пебрина (қорасон) касаллиги пайдо қилиб, қуртларнинг илиқ қирилиб кетишига сабаб бўлади. Асалари ноземаси асаларида ичбуруғ пайдо қилади; арилар оиласининг ёппасига қирилиб кетишига сабаб бўлади. Одам ҳам нозематоз б-н зарарланиши ва ҳалок бўлиши мумкин.

НОЗИГАРДОН (форс. — бўйин бези) — заргарлик буюми; аёлларнинг бўйинга тақадиган тақинчоғи. Н. марказий турунж, унинг 2 ёнидан 2 та дан 4 та мураббв шаклли, 1 талан учбурчак шаклли япроқчаларнинг ўзаро 5—6 қаторли занжирлар б-н бир маромда маълум оралиқда бирикишидан ҳосил бўлади; япроқчаларнинг ён томонларига балиқ ва б. шаклли шокилалар осилади. Турунж ва япроқчалар бир томонлама сиркори усулида ишланиб, ўсимликсимон нақшлар б-н безатилади, баъзан кўзлар қадалади. Марказий турунжга бир-бирига қараб турган қанотларини ёзаётган иккн қуш шакли ўрнатилади. Самарқандлик усталар ясаган Н. енгил кўринишга эга: турунж ва япроқчалар панжарали (тўрсимон) усул-

Нозигардон (19-а., Бухоро).

да ясалиб, зиғираклар, баъзан феруза кўзлар б-н зийнатланган.

НОЗИКНИҲОЛ, космос, космея (Cosmos) — мураккабгуллилар оиласига мансуб бир ёки кўп йиллик ўтлар туркуми, экма гул тури. 25 тача тури Америкада учрайди. Бўйи 1 м ча, поясн шохланган, барги қўш патсимон қирқилган; тўпгули узун гулбандли саватча, гуллари оқ, пушти, қизил, икки жинсли. Меваси тез тўкиладиган пистача. Уруғлари март—апр. бошларида очиқ ерга экилади. Ўзбекистонда Мексикадан олиб келинган бир йиллик қўшпатли Н. (C. bipinnatus Cav.) ва сариқ гулли Н. (C. sulphureus) манзарали ўсимлик сифатида баҳорда экилади. Гулзорларда ўстирилади, гулдасталар ясаш учун ишлатилади.

НОЗИЛ, Нозил Хўжандий (тахаллуси; исм-шарифи Авазмуҳаммад ибни Ҳожимуҳаммад) (1788, Хўжанд — 1876, Қўқон) — шоир. Дастлабки маълумотни Хўжандда олгач, умрининг охиригача Қўқонда яшаган. Ўзбек ва тожик тилларида ижод қилган. Асарларининг мавзуи бой ва ранг-баранг. Ҳажвий асарлари *Маҳмур* ҳажвиясига ҳамоҳанг. Ҳажвий шеърларини «Ҳашвиётнома» китобига жамлаган. Асар 3297 мисра —100 ҳажвий шеър: 49 мухаммас, 33 газал, 12 мусаддас, 3 рубоий, 1 мураббадан иборат. Шуларнинг 91 таси ўзбек тилида. Уларда амалдорлар, маккор шахслар, такаббур бойлар, майхўрлик ва бангилик танқид қилинган.

Н. халқ мақоллари ва ҳикматли сўзларни тўплаб, тўртликлар яратган ва уларни «Зарбулмасал» деб номлаган. Асар ўзбек ва тожик тилларида. 3000 ирсолул масал рубоийни ўз ичига олган. Унда одамийлик, меҳр-муҳаббат улуғланган, камчилик ва нуқсонлар танқид қилинган. Асардаги ҳикматли сўз ва мақолларнинг кўпчилиги Гулханийда учрамайди. Н. асарлари қўлёзмалари Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида (инв. №12080), Тожикистон ФА Шарқшунослик ин-тида (инв. №1033) сақланади.

Ад.: Шодиев Ў., Алишер Навоий ва Хўжанд шоирлари, Т., 1981.

НОЗИМ Мулла Билол (1825, Ғулжа — 1899, Еркент) — уйғур шоири. Ғулжа мадрасасида ўқиган. Хаттотлик қилган. Араб, форс тилларини яхши билган. 1851 й. «Ғазалиёт» девонини тузган. Манжурхитой босқинчиларига қарши 1864—67 йилардаги Или қўзғолонига бағишланган «Китоби газот дар мулки Чин» («Чин империясидаги уруғлар ҳақида китоб», 1876) тарихий достонида уйғур халқининг миллий қаҳрамони Содир Полвон жасоратини мадҳ этган. Халқ ҳикояси асосида ёзилган «Чонг мўза Юсуфхон» («Чўққи қулоқли Юсуфхон», 1881) достони ва «Нозутум» (1882) қиссасида адолат ва эркинлик, кишиларнинг бахт-саодат ва ёркин келажак йўлидаги кураши акс этган.

НОЗИМ ҲИКМАТ РАН (Nazim Hikmet Ran) (1902.20.1, Салоники — 1963.3.4, Москва) — турк шоири ва жамоат арбоби. Турк шеъриятига янги ритм ва эркин шеър жанрини олиб кирган. Ҳарбий-денгиз билим юртида ўқиган. «Қирқ ҳаромилар асири» шеъри (1920) Туркия нинг мустамлакачилик кишанларига тушаётганига қарши ёзилгани учун инглизлар ва султон саройи томонидан таъқиб этилган. Н. Ҳ. Р. шу йили инглизлар забт этган Истанбулни тарк этиб, Анатолияга кўчиб ўтади. Ғарб давлатларининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кураш ғоялари таъсирида Москвага келиб (1922), Шарқ халқлари меҳнаткашлари коммунистик ун-тида ўқийди. Ватанига қайтгач (1924), адабий фаолият б-н шуғулланади. 1927 й. коммунистлар ва уларга маслакдош кишиларнинг қувғин қилиниши б-н Н. Ҳ. Р яна шўролар мамлакатига келади. Шоирнинг «Қўёш ичганлар қўшиғи» номли дастлабки шеърий тўплами Бокуда чоп этилади (1928). Н. Ҳ. Р. бу даврда В. В. *Маяковский* эстетикаси таъсирида интим туйғулар тасвиридан онгли равишда қочиб, минбар шеърият намуналарини яратади. Шу йили Туркияга қайтиб, газета таҳририятида ишлайди, Н. Ҳ. Р. шу йилларда «835 сатр» (1929), «Варан-3» (1930), «Сасини йўқотган шаҳар» (1931) шеърий тўпламлари, «Жиноконда ва Си-Я-у» (1929) романи, «Бенержи ўзини нега ўлдирди?» (1932) шеърий романи, «Бош чаноғи» (1932), «Унутилган одам» (1935) пьесаларини ёзиб, нафақат Туркия, балки ер юзида рўй бераётган муҳим воқеаларга муносабат билдиришга уринади.

Н. Ҳ. Р. умрининг аксар қисмини қувғинда ўтказган ва жами 17 й. қамоқда яшаган. Шу даврда у 20-а.нинг унга хос поэтик тарихи — «Инсон манзаралари» (1941) эпопеяси, «Турмадан хатлар» шеърий туркуми, «Бир севги афсонаси» (1965) ҳамда «Юсуф ва Зулайҳо» пьесаларини яратган.

1950 й. жаҳон жамоатчилиги Н. Ҳ. Р.нини озод этилишига эришди. У яна шўролар мамлакатига кўчиб келиб (1951), адабий ва ижтимоий фаолият б-н шуғулланади. «Туркияда» (1952), «Анони» (1955), «Бекат» (1958), «Тартюф-59» (1959), «Дамокл қиличи» (хотини С. Туликова б-н ҳамкорликда, 1960) сингари пьесалар, шеър ва достонлар ёзади.

Ўзбекистонда Н. Ҳ. Р. ижодига қизиқиш 1928 й.даёқ бошланган. *Ғафур Ғулом, Шайхзода, Миртемир* ва б. Н. Ҳ. Р.нинг кўплаб асарларини ўзбек тилига таржима қилган. «Туркия ҳақида ҳикоя» пьесаси ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театрида, «Бир севги афсонаси» пьесаси асосидаги балет эса Навоий номидаги давлат академик катта театрида саҳналаштирилган.

Н. Ҳ. Р. Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари ҳаракатининг қатнашчиси, Жаҳон Тинчлик Кенгаши бюроси (1951) ва ҳайъати (1959) аъзоси, Халқаро тинчлик мукофоти совриндори (1950).

Ас.: Шеърлар. Поэма, Пьеса, Т., 1953; Бир севги афсонаси, Т., 1955; 65 шеър, Т., 1962; Сурур [роман], Т., 1966; Инсон манзаралари, Т., 1982; Қон гапирмас [роман], Ошиқ булут [эртаклар], Т., 1987.

Ад.: Бабаев А., Назым Хикмет, М., 1957; Финн Р., Назым Хикмет, М., 1968.

Наим Каримов.

НОЗИМАХОНИМ (1870 — Тошкент — 1924) — шоира. Ўзбек аёллари орасидан чиққан биринчи журналист-публицист. Татар, араб ва форс тилларини ўрганган. Оренбург ва Қозонда чиқиб турган матбуотни мунтазам кузатиб борган. Европа адабиёти ва маданияти б-н таниш, эркпарварлик ғояларидан баҳраманд бўлган. Ўзбек ва форс мумтоз адабиётини, айниқса, Саъдий, Ҳофиз асарларини ўқиган.

Шеър ва мақолалари 1900 й.дан матбуотда босилган. 20 ёшларида шоира «бешёғочлик Нозимахоним» номи б-н машҳур бўлган. Тараққиёт, маърифат ва маданиятни ташвиқ этувчи шеър ва мақолалари, жаҳолат, билъат-хурофотни фош этувчи асарлари, замонасидаги ижтимоий тенгсизлик ва аёқ олган миллий истибоддан кескин норозилик баён қилинган ўткир ҳажвий шеърлари «*Шухрат*», «*Саодати Туркистон*», «*Тараққий*» каби газеталарда мунтазам чиқиб турган. Шоира меҳнаткаш халқнинг миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаган, хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва ўрни ҳақида асарлар ёзган, жаҳолат ва зулм поймол этган ўзбек аёлининг миллий, инсоний ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиб чиққан («Инсонга қанча эрк лозкор?», «Илм ва маориф борасида бир-икки сўз», «Хотинлар ҳуқуқига оид» ва б.).

Н. шеърияти 1905—17 й.лар ўзбек адабиётининг етакчи тамойилларини аниқлашда, 20-й.лар ўзбек шеъриятининг характерли хусусиятларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Ад.: Қосимов Б., Миллий уйғониш, Т., 2002.

НОЗИР (араб. — назоратчи) — 1) қилинаётган ҳаракатнинг тўғрилигини, қонун, қарор ва низомларнинг бажарилишини назорат қиладиган мансабдор шахс, инспектор; 2) Туркистонда 20-а. бошларига қадар меросни сақловчи ҳомий; 3) БХСР ва ХХСРда вазирликни бошқарувчи масъул шахс — вазир. Н.лар киритилган ҳукумат Нозирлар шўроси деб аталган ва у олий ижроия қўмитаси саналган; 4) баъзи араб мамлакатлари (мас., Миср)да вилоят бошлиғи.

НОИНИЙ Бокиййи (16-а.нинг 2-ярми — 17-а.) — ўртаосиёлик созанда, шоир ва мусиқашунос. Ўрта Осиё ва Шим. Ҳиндистонда яшаган. *Кавкабий* Бухорийнинг издоши. Форс тилида битилган шеърий девон, фалсафий рисола ва «Замзамайи ваҳдат» («Муштарак наволари») мусиқа рисоласи Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-тида сақланади (инв. №10266/II, тахм. 1654). Рисола дебоча, муқаддима, 6 боб ва хулосадан иборат. Унда мусулмон Шарқ маданиятида ривож топган *Ўн икки мақом* тизими (6 овоза, 24 шўъба, 48 гўша) ва ҳинд мумтоз мусиқа парда тузилмалари (6 рага, 30 рагини ва б.), мусиқа жанрлари (дубайт, пешраи, кор, амал, шунингдек, гита, ҳанд, хайал, фарси ва б.), мақом ва рагаларнинг мазмун доираси, ижро этиш шароитлари (муайян вақти) масалалари ёритилган. Мазкур рисолада, айниқса, муаллифнинг Ўрта Осиё ва Шим. Ҳиндистон минтақаларида мусиқа анъаналарининг ўзаро муносабатлари (яқинлиги) масаласига эътибори аҳамиятлидир.

НОИН-УЛА — ҳун зодагонлари қабристони (мил. ав. 1-а. — мил. 1-а. боши). Шим. Мўғулистондаги Ноин-Ула тоғисидан (Улан Батордан 130 км шим.да) жойлашган. 1924—25 й.ларда археолог П. К. Козлов, кейинчалик МХР Фанлар комитети томонидан қазишма ишлари олиб борилган. Қабристонда 200 дан ортиқ квадрат шакладаги катта мозорқўрғонлар (бал. 2 м гача) бор. Мозорқўрғонлардан *ҳунлар* даври маданиятини акс эттирувчи бой топилмалар (тойдаги Хань сулоласи б-н яқин маданий ва қариндошлик алоқаларида бўлганлар. Мозорқўрғонлардаги қабрлар ҳодаларидан ташланган. Қабрлардан ҳунларга тегишли қурол-яроғ, рўзғор ашёлари, кийим-кечак, санъат буюмлари б-н бирга хитойликларга оид кўплаб жез, нефрит, усти докланган ёғоч буюмлар ва катта миқдорда ипак матолар топилган. Н.-У. дан чиққан юксак бадиий қимматга эга бўлган жун матолар, айниқса, диққатга сазовор: ўрталарида бу даврда *Буюк ипак йўли* орқали олиб борилган қизғин савдо алоқалари натижасида ҳунларда пайдо бўлган.

НОЙИБ, ноиб (араб. — ўринбосар, ёрдамчи) — ўрта асрларда мусулмон давлатларида тобе ўлка ёки вилоят ҳокими. Н.лар, одатда, олий ҳукмдорнинг ўринбосари ҳисобланган. 1) *Олтин Ўрда*да Н. хонинг йирик вилоятларидаги ёрдамчиси (мас., Хоразмда). 2) *Муҳаммад* Хоразмшоҳ тўнғич фарзанди *Жалолиддин Мангуберди*га Ғазни, Бомиён, Ғур, Бust, Такинобод, Замин Давор ҳамда қўшни Ҳинд ерларини бошқаришга берган. Бироқ, Жалолиддинни Урганчдан узоқлаштирмаслик мақсадида Қузбар Маликни номи зикр этилган мамлакатларга шаҳзоданинг Н.и этиб жўнатган. 3) *Амир Темур* салтанатида соҳибқироннинг фарзандлари, неваралари, яқин сафдошлари турли ўлка ва вилоятларга Н. этиб тайинланган. Н. унга швонинб топширилган ҳудуднинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳолати учун масъул ҳисобланган. 4) Озарбайжонда Окт. тўнтаришидан (1917) олдинги маҳаллалар (магаллар) бошлиғи. 5) Туркия султонлигида қози ва мулла ўринбосари. 6) 20-а.да Н. атамаси Эрон ва Афғонистонда турли ҳарбий унвонларни англатган (мас., «нойибе ебе аввал» — катта лейтенант, «нойебе сарҳанг» — подполковник).

Ад.: Шихаб ад-дин Мухаммад ан-Насави, Жизнеописание султана Джалал ад-Дина Манкбурны, Баку, 1973.

НОК (Pyrus) — раъногуллоғлар оиласига мансуб барг тўкувчи дарахтлар ёки буталар туркуми, мевали дарахт. Евросиёнинг мўътадил ва субтропик минтақалари (Шарқий ва Кичик Осиё, Кавказ, Жан. Европа)да 60 га яқин тури учрайди. Ўрта Осиё, Россиянинг жанубн, Узоқ Шарқ, Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи, Молдавияда 40 га яқин тури ўсади. Н. қадимий маданий ўсимлик. Дастлаб Эрон ва Арманистонда маданийлаштирилган деган тахминлар бор. Европа мамлакатлари, Американинг мўътадил иқлимли ҳудудлари (айниқса, АҚШ)да, Африка, Австралия, Жан. Шарқий Осиёда кўп экилади. Дунё бўйича уруғли мевалилар ичида (экилган майдони жиҳатидан олмадан кейин) 2-ўринда туради. Хитой, Италия, АҚШ, Испания, Туркияда ноксзорлар кўп. Н.нинг маданий навлари оддий Н. ёки ўрмон Н.и (P. communis), қор Н. (P. nivalis), Буасье Н. и (P. boissieriana), Коржинский Н.и (P. korshinskyi), қумоқли ёки кечки Н. (P. serotina), уссурия Н.и (P. ussuriensis) ва б. турларга мансуб. Н.нинг оддий ёки ўрмон Н. тури кенг тарқалган. Ўзбекистонда Коржинский нок мурут, олмурут (P. Korshinskyi Litv.); туркман нок (P. turcmanica Maleg.) тог ён бағирларида ёввойи ҳолда ўсади. Н. дарахти 50—300 йилгача яшайди, бўйи 15—20 м га етади; шох-шаббаси ихчам, пирамида шаклида. Н. ёруғсевар, қурғоқчиликка ва совуққа ўртача чидамли. Н. кумли, шўрланган ерлардан бошқа ҳамма жойда яхши ўсади. Илдизи кам тармоқли ўқ илдиз, асосий қисми тупроқнинг 20—80 см қатламида жойлашади. Барглари тухумсимон, туксиз, яшил, ялтироқ, чети арра тишли. Гулдаги оқ, баъзан пушти ёки қизил. Меваси турли шаклда, вазни 25—300 г, баъзан 500—700 г, ранги сариқ, яшил, пушти, зар-ғалдоқ ва б. Меваси янгилигида ейилади, қоқи, жем, компот, мураббо қилинади. Таркибида ўртача 80% сув, 10,4% қанд, 0,3% органик кислоталар, 0,03% ошловчи моддалар, 2,6% клетчатка, 0,4% азотли моддалар, В, С витаминлари, А провитамини бор. Асалширали дарахт, айрим турлари ёғочидан мусиқа асбоблари ясалади.

Н. пайвандлаш йўли б-н кўпайтирилади; пайвандтаг ёввойи Н. ёки беҳи уруғларини ўстириб тайёрланади. Ноксзорлар икки йиллик кўчатлардан барпо этилади. Кучли пайвандтагга уланганлари 8×6 (7—6×4—2,5) м, пакана пайвандтагга уланганлари эса 6×4 м, 3,5×2,5 м схемада экилади. Кўпчилик Н. навлари қўшимча чангланишни та-

Нок: *1* — гулли шохчаси; *2* — нок навларидан Любимица Клаппа; *3* — Совға; *4* — Кулала; *5* — мева кесими; *6* — Тошкент ноки.

маса, ҳакам тиббиёт ходимлари хулосасига кўра, унга нисбатан «техник Н.» эълон қилиши ва учрашувни тўхтатиши мумкин. Жангни Н. б-н ютқазган боксчига, одатда, камида 3 ойгача мусобақаларда қатнашишга рухсат этилмайди.

НОКДАУН (инг. knock — зарба, down — қулатиш) — боксда рақибининг кучли зарбасидан боксчининг гарангсиб, ўз ҳаракатларини бошқара олмай қолиши ва бир неча сония жангни давом эттиришга қодир эмаслиги. Бунда боксчи 10 сек. ичида (ҳакам «тўққиз»гача санаганда) учрашувни давом эттириш ҳолатига кела олмаса, унинг рақиби *нокаут* б-н ғалаба қилган ҳисобланади.

НОКТЮРН (франц. nocturne — тунги) — 1) 18-а. Европада, асосан, пуфлама ёки торли ва пуфлама созлар ансамбллари учун кечки очиқ ҳавода ижро этиладиган сюита шаклидаги кичик пьесалар туркуми (мас., В. Моцарт, Й. Гайдн асарлари); 2) 19-а.дан кейин, лирик характердаги, кўпинча тун образи ва сокинлиги б-н йўғрилган мусиқа асари. Секин ёки ўртача суръатда бўлиб, ўрта қисми жонлироқ. Н.нинг илк намунаси фортепиано учун Ж. Филд (Англия) томонидан яратилган. Ф. Шопен ижодида етук бадиий ривожга топган. Н. айрим чолғулар, шунингдек, ансамбль (А. Бородиннинг 2-торли квартетидаги Н.), оркестр (мас., К. Дебюссининг Н.лари) учун ҳам ёзилган. Н. баъзан вокал мусиқала ҳам учрайди (Ж. Россини, М. Глинка ва б.). Ўзбекистон композиторларидан А. Козловскийнинг «Лола» Фаргона сюитасида, Г. Мушелининг «Кашмир афсонаси» балетидаги Н.; Х. Изомов, Б. Зейдман, С. Варелласларнинг фортепиано пьесалари, И. Акбаров, М. Юсуповларнинг вокал асарларидан Н. ва унинг хусусиятларидаги лавҳалар ўрин олган.

НОЛА — *мусиқа безаклари*дан бири. Ашула айтганда сўзнинг бир бўғинида овозни тебратиб чўзиш. Кўпроқ лирик куйлар ижросида қўлланилади.

НОМ (мантиқда) — тил ифодаси. Предмет (атоқли Н.) ёки бир гуруҳ предметлар (умумий Н.)ни англатади. Бунда предмет кенг маънода тушунилади. Атоқли Н.лар айрим предметларнинг Н.лари (мас., «Бобур», «Ўтган кунлар» муаллифи) ҳамда бир гуруҳ предметларнинг умумлашган Н.ларига (мас., «инсоният») бўлинади. Гуруҳлар Н.ини умумий Н. (мас., «инсон»)дан фарқлаш лозим. Содда ёки элементар Н.лар ва мураккаб Н.лар бўлади. Содда Н.лар бошқа Н.лардан ёки тилнинг бошқа маъноли ифодаларидан тузилмайди. Мураккаб Н.лар эса маъно касб этувчи қисмлардан тузилган бўлади («инсоният» — содда Н. бўлса, «ҳозирги инсоният» мураккаб Н.).

Формаллашган тилларда атоқли Н.ларнинг аналоги константалар; предметларнинг атоқли Н.ларига индивид константалар, гуруҳларнинг атоқли Н.ларига гуруҳ константалар мос бўлади. Н.лар ва улар б-н боғлиқ бўлган муносабатлар (аввало Н. б-н у ифода этилган предмет ўртасидаги муносабатни мантиқий семантика ўрганади.

НОМА (форс. — хат, мактуб) — 1) хат, мактуб, фармон, ёзилган нарса; 2) адабий жанр; ўзбек ва форс мумтоз адабиётларида яратилган, реал ёки хаёлий-тўқима шахсга асосан инсьрий мактуб тарзида ёзилган бадиий асар тури. Фахриддин Гургоний (11-а.), Авҳадий (1274—1338), Хожа Имод Кирмоний (14-а.)лар форс адабиётида Н. жанрига асос солиб, уни ривожлантиришган. Ўзбек мумтоз адабиётида Н. жанрининг пайдо бўлиши Хоразмий номи б-н боғлиқ. Унинг «Муҳаббатнома» асари (1353—54) ошиқнинг маъшуқага йўллаган газал шаклидаги 10 та ишқий мактубидан иборат. Кейинчалик Хоразмийнинг «Муҳаббатнома»си таъсирида яратилган *Хўжандий*нинг «Латофатнома», *Саййид Аҳмад*нинг «Ташшуқнома», Юсуф *Амирий*нинг «Даҳнома» асарларида ҳам Н. жанри анъаналарига риоя қилинган: уларнинг барчаси бир хил вазнда, маснавий шаклида ёзилган; барчаси ҳам 10 номадан иборат. «Муҳаббатнома», «Латофатнома», «Ташшуқнома» асарларида Н.лар ошиқ тилидан ёзилган бўлса, «Даҳнома»даги Н.лар ҳам ошиқ, ҳам маъшуқа номидан йўлланган. Алишер Навоий ва Зокиржон Фурқатнинг ўз дўстлари ва устозларига ёзган шеърий мактубларини ҳам кенг маънода Н. жанрига киритиш мумкин; 3) бирор тарихий шахс ёки асар қаҳрамонининг саргузаштлари, сафар таассуротлари, ички кечинмалари назм ёки насрда баён этилган ҳар қандай (бадиий, илмий, мемуар ва б.) асар тури. Мас., Бобурнинг «Бобурнома», Мукимийнинг «Саёҳатнома», Шайхзоданинг «Тошкентнома» асарлари; 4) мазмунан мураккаб, йирик эпик асар; достон. Мас., Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Низомийнинг «Искандарнома», Муҳаммад Солиҳнинг «Шайбонийнома» асарлари.

НОМА (юн. nime — тарқалувчи), «сувли рак» — гангрена тарзида кечадиган касаллик; атрофидаги тўқималарга тез тарқалади. Кўпинча юзнинг юмшоқ тўқималари, орқа тешик атрофи, камдан-кам қолларда бўйин, қўлоёқ бармоқлари териси касалланади. Одатда, оғир юқумли касалликларни бошидан кечирган нимжон, дармонсиз болаларда, баъзан катталарда ҳам учрайди. Н.да касалланган соҳа шилиқ қаватида кукимтир-қизил доғ бўлади. Жараён юмшоқ тўқиманинг ҳаммасига жуда тез ниқлает етказади. Беморнинг умумий аҳволи оғирланади, ҳарорати кўтарилади ва ҳ.к. Н.нинг ҳеч бир рақиба ўхшаш аломатлари йўқ, фақат тўқималар нобуд бўлишига кўра, уни «сувли рак» деб атаганлар; одатда, Н. ҳўл гангрена деб ҳам юритилади.

НОМЗОДЛИК МИНИМУМИ, номзодлик имтиҳонлари (ўзб.) — олий ўқув юртлари ва ил.т. муассасаларида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилишдан олдин аспирант ва таянчилар томонидан топширилади.ган имтиҳонлар. Фалсафа ва миллий истиқлол ғояси ҳамда демократик жамият қурилишининг назарий асослари, чет тили, компьютер ва ҳисоблаш техникаси, диссертация мавзусига мувофиқ келадиган мутахассислик фанидан топширилади. Ижтимоий-гуманитар йўналишда диссертация ёқламоқчи бўлганлар бундан қўшимча равишда мустақиллик мафкураси ва демократик жамият қурилишининг иқтисодий, маънавий негизлари ҳамда илмий асослари фанидан ҳам Н.м. топширадилар.

Фалсафа ва миллий истиқлол ғояси ҳамда демократик жамият қурилишининг назарий асослари фанидан имтиҳон топширувчилар олий мактабларда ўқитиладиган классик фалсафа курсларидан ташқари, замонавий фалсафий оқим ҳамда йўналишларнинг моҳиятини акс эттиган алабиётлар б-н танишишлари ва шу асосда Н.м.га тайёргарлик кўришлари керак. Бу имтиҳон саволларига фалсафа ва демократик жамият қурилишининг назарий асослари фанлари дастурлари тавяч бўлиб хизмат қилади. Номзодлик имтиҳони мазмуни тегишли олий мактаб ёки и.т. муассасаси фалсафа кафедраси томонидан белгиланади ва шу кафедра томонидан тайёрланган махсус дастур асосида ўтказилади.

Чет тили бўйича олинадиган номзодлик имтиҳонида даъвогардан мутахассислигига доир ва бирор ижтимоий-сиёсий мавзудаги матнни луғатсиз ўқиш, қайта сўзлаб бериш, чет тилида ўқилган матн юзасидан суҳбатлашиш ҳамда мутахассисликка оид мавзуда суҳбатлаша олиш талаб этилади. Имтиҳон ҳажми тегишли кафедра ёки сектор томонидан даъвогарнинг мутахассислигига қараб белгиланади.

Инсон интеллектуал фаолиятида компьютер техникасининг тобора катта ўрин тутиб бораётганлиги илмий даражага даъвогарларининг компьютерни эгаллашларини шарт қилиб қўйди. Шунинг учун ҳам кейинги вақтларда компьютер ва ҳисоблаш техникаси фанидан Н.м. киритилди. Бу имтиҳонда компьютер ва ҳисоблаш техникаси ишлаш тамойилларининг назарий жиҳатлари ҳамда амалий кўникмалари, аспирант ёки талқиқотчининг ўз мутахассислиги бўйича изланишлар олиб боришида компьютердан фойдалана олиш малакаси текширилади. Даъвогарлардан компьютердан фойдаланишнинг назарий қоидаларидан ташқари амалий малакага эга бўлиши ҳам талаб этилади. Бу фандан олинадиган имтиҳон мазмуни ҳам тегишли кафедра ёки сектор мутахассислари томонидан белгиланади ва мазкур дастур шаклига келтирилиб, аспирант ва талқиқотчиларга етказилади.

Мустақиллик мафкураси ва демократик жамият қурилишининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий негизларини тушуниш ҳамда илмий асослари фанидан Н.м. топширишда ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида диссертация ёзаётган аспирант ва талқиқотчилардан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ва мафкуравий асосларини пухта билиб олиш талаб этилади.

Номзодлик имтиҳонлари топширилган кундан эътиборан 5 й. мобайнида кучга эга бўлади. Агар диссертация ҳимоя кенгаши томонидан қабул қилиб олинган вақтда номзодлик имтиҳонларидан бирортасининг топширилганига 5 й.дан ошиб кетган бўлса, у қайта топширилиши лозим.

Аспирантурага кириш вақтида Н.м. топширишни истаган шахслар кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар. Хусусий йўсинда Н.м. топширган кишилар қабул комиссияси қарори б-н тегишли фанлардан кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар ва уларга Н.м.да олган баҳолари қўйиб берилади.

Аспирантурада сиртдан ўқиётган шахсларга Н.м.лари топшириш ҳамда диссертация юзасидан тадқиқотлар олиб бориш учун ҳар йили иш ҳақи сақланган ҳолда бир ойлик қўшимча таътил берилади.

НОМИНАЛ ИШ ҲАҚИ — пул шаклидаги иш ҳақи; ишчи ва хизматларнинг соат, кун, ҳафта, ой давомида ўз меҳнати эвазига оладиган даромади ҳисобланади. Товарлар нархлари ва хизматлар кўрсатиш ҳақига боғлиқ бўлмаган иш ҳақи даражасини ифодалайди. Унинг *реал иш ҳақи*дан фарқи ҳам шунда (қ. *Иш ҳақи*).

НОМИНАЛ ҚИЙМАТ, номинал (лот. nominalis — номи ёзилган) — пул белгилари, *банкнотлар* ва қимматли қоғозларнинг устига ёзиб қўйилган қиймати, нархи. Қимматли қоғозлар курси Н.қ.дан четга чиқиши мумкин.

НОМИНАЛИЗМ (лот. nomen — ном) — ўрта аср схоластик фалсафасидаги йўналиш. *Реализм*га қарама-қарши равишда Н. оламда фақат якка нарсалар, предметлар мавжуд, умумий тушунчалар (универсалийлар) эса фақат нарсаларнинг номларидангина иборат деб, ёки инсон ақл-идрокида бўладиган соф тафаккур ҳосилалари (концептлар, мўътадил Н.нинг «концептуализм» номи шундан) деб ҳисоблайди. Вакиллари: И. Росцелин, Дунс Скот, У. Оккам. Н. 11—12-а.ларда пайдо бўлди, дейишса, 14—15-а.ларда ривожланди.

НОМИНАЦИЯ (лот. nominatio — номлаш, ном қўйиш, аташ) (тилшуносликда) — номлаш хусусиятига эга бўлган, яъни нолисоний борлиқ унсурларига ном бериш ва уларни ажратиб кўрсатиш, улар ҳақида тегишли тушунчаларни шакллантириш учун хизмат қиладиган тил бирликлари — сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологизмлар ва гапларни ҳосил қилиш. Н. жараёнининг натижаси ҳисобланган маъноли тил бирлиги ҳам айни шу термин орқали ифодаланади. Айрим олимлар Н. терминини тилшуносликнинг номлаш жараёнлари таркибини ўрганувчи бўлимини билдириш учун ҳам қўллайдилар.

Н.да 3 жиҳат фарқланади: номланувчи объект, номловчи субъект, танлаб олинадиган тил унсурлари. Алоҳида тушунча, предмет, белги («гўзаллик», «китоб», «айтмоқ», «яшил»), муайян белгилари бўлган предмет («яшил дарахт») ёки бутун бир воқеа-ҳодиса («Бахор», «Қушлар учди») кабилар Н.нинг объекти бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан Н. лугавий ва пропозитив (сўз бирикмаси ва гап шаклидаги) Н.га бўлинади. Н. жараёнида номлаш учун асос сифатида танлаб олинаднган белги(лар) номнинг ички шаклини ташкил этади. Демак, айни бир объект ўзининг турли белгилари асосида турлича номланиши мумкин (мас., «болалар стулчаси» — мўлжалланганлик; «катта стул» — ҳажм, шакл белгиси). Номнинг ташқи шакли номлаш жараёнида танлаб олинадиган лексик-грамматик воситалар б-н белгиланади. Шу сабабли ички шакл жиҳатидан бир хил бўлган номлар ўзларининг ташқи шакли б-н фарқланадилар («нуроний» — «кекса одам» — «чол»).

Ad.: Сорта плодовых, субтропических, орехоплодовых культур и ягод, Т., 1968; Рибаков А. А., Остроухова С. А., Ўзбекистон мевачилиги, Т., 1967; Помология Узбекистана, Т., 1983;

Султон Холмаҳаров.

Н.ни вазифа ва келиб чиқиш жиҳатидан текшириш уни азалий, аввалдан мавжуд бўлган (ёки ҳоз. тилда туб деб қаралаётган) Н. ва ясама (маъно ва сўз ясалишига кўра) Н. деб иккига ажратишга асос беради. Аввалдан мавжуд бўлган ёки бирламчи Н. жараёнлари — ҳоз. тилларда жуда кам учрайдиган ҳодиса: тилнинг номинатив бойлиги, асосан, ўзлашмалар ёки иккиламчи Н. ҳисобига — Н. жараёнида олдиндан мавжуд бўлган бирликларнинг фонетик шаклидан янги ифодаланаётган нарсанинг номи сифатида фойдаланиш ҳисобига боғиқ бормоқда. Бирламчи Н. натижалари муайян тил вакиллари томонидан азалий, дастлабки ном тарзида идрок қилинади (мас., сув, тог, ичмоқ, қора каби). Бундай Н.ларнинг ясама эканлиги фақат этимологик ёки тарихий таҳлил орқалигина аниқланиши мумкин. Иккиламчи Н. натижалари эса морфологик таркиби ёки маъносига кўра, ясама ном сифатида идрок қилинади. Тилда тасвирий воситалар, перифраза ва идиомаларнинг ҳосил бўлиши иккиламчи Н.нинг алоҳида ҳолатидир.

Тилнинг ички ривожланиш қонуниятларига мос келадиган ва муайян тил вакиллари эҳтиёжларига жавоб бера оладиган Н.лар, олатда, умумистеъмолдаги лугат таркибидан ўрин олади. Лекин махсус терминологик тушунчалар учун яратиладиган ёки тор ижтимоий гуруҳлар доирасида (жаргонлар), шунингдек, алоҳида муаллиф томонидан сўз қўллашда пайдо бўладиган Н.лар ҳақида бундай деб бўлмайди.

Абдувоҳид Мадвалиев.

... НОМИЯ (юн. nomos — қонун) — ўзлашма қўшма сўзларнинг иккинчи қисми бўлиб, муайян фанни, қарашлар (ёки қоидалар) тизимини англатади (мас., *астрономия*, *агрономия*).

НОМИҚ КАМОЛ (тахаллуси; асл исми Меҳмед, 1840.21.12, Тақиртоғ — 1888.2.12, Сақиз ороли) — турк ёзувчиси, публицист ва давлат арбоби. Турк драматургиясини ривожлантириб, романчиликка асос солган ёзувчилардан бири. «Янги усмонлилар» жамиятининг аъзоси (1865). «Фикр тасвири» газ.ни ташкил этган. Абдулҳамид II ҳукмронлиги даврида Н. К. Мидилли оролига сургун қилинган. Сургунда «Жалолиддин Хоразмшоҳ» пьесасини ёзган. Асарда бош қаҳрамон Жалолиддин Мангубердининг мўғул босқинчиларига қарши марлона курashи мисолида ҳурриятпарварлик фикрлари олға сурилган. Пьеса султон Абдулҳамид II га маъқул келиб, Н. К.ни Родосн (1884), Сақиз (1887) о. ларига ҳоким этиб тайинлаган. Асарларида ватанпарварлик, миллатпарварлик, ҳуррият, маърифатпарварлик, тенглик ғоялари акс этган. Шахс эркн, ватан манфаатини доим биринчи ўринга қўйган. Романтик руҳдаги асарларида ҳамиша адолат тантанаси тасвирланган. «Бечора бола» (1873), «Акифбей» (1874), «Гулниҳол» (1875), «Жалолиддин Хоразмшоҳ» (1875) пьесалари, «Интибоҳ» (1876), «Жазмин» (1880) романлари, шеърлари, публицистик мақолалари, усмонийлар тарихига бағишланган илмий асарлари (Усмонли тарихи, 1971—74; Буюк Ислом тарихи, 1975) Н.К.ни даврининг энг машҳур адиби сифатида танитди. Унинг шеърлари тўплам ҳолида 1941 й. С. Н. Эргун томонидан эълон қилинган. «Жалолиддин Хоразмшоҳ» пьесаси ўзбек тилига таржима қилиниб (таржимон *Ҳуршид Даврон*), телевидение орқали намойиш этилган.

НОМЛАР (юн. nomos — мамлакат, вилоят, округ) — Қад. Мисрдаги маъмурий округ (миср ча — «сепат»). Миср давлати ягона ирригация тизимини барпо этиш ва ишлаш учун зарур бўлган сиёсий бирлашмалар — Н.дан ташкил топган эди. Ҳар бир Н.нинг аниқ белгиланган чегараси, сиёсий ва диний маркази, қўшини, герби ва ҳомий худолари бўлган. Н.нинг маъмурий аппарати номархга бўйсунган. Подшоҳлардан Снофру ва Неусерра (IV ва V сулолалар) ибодатхоналарида 97 та Қад. подшолик (мил. ав. 28—23 а.лар) Н.нинг рўйхати келтирилган.

НОМОГЕНЕЗ (юн. nomos — қонун ва ... *генез*) — тирик табиатнинг тарихий ривожланишини ички программалаштирилганлиги тўғрисидаги эволюцион концепция. 1922 й. рус физиологи Л. С. Берг томонидан илгари сурилган. Н. мақсадга мувофиқлик (мосланиш)нинг объективлиги ва нисбийлигини инкор этиб, тирикликнинг олдиндан мақсадга мувофиқлигини тан олади. Олимнинг фикрича, мақсадга мувофиқлик протоплазма оқсилларининг стереокимёвий хусусиятларига боғлиқ. Бошқача қилиб айтганда, эволюция — олдиндан кўрсатилган белгиларнинг ривожланишидан иборат. Ана шу асосда онто- ва филогенез жараёнлари ягона қонуният асосида амалга ошади, яъни эволюция Н. бўлиб, қонуниятлар эволюциясидан иборат, деган хулоса чиқарилган. Бундан ташқари, Берг ирсият географик муҳит таъсирида бир вақтнинг ўзида жуда кўп индивидуалларда намоён бўладиган муайян қонуният асосида бориши ва йўналтирилганлиги тўғрисидаги тушунчани илгари суради. Берг кўрсатишича, тур ҳосил бўлиши кескин сакраш орқали бориши мумкин (қ. *Мутационизм*). У *конвергенция* ва параллелизм тушунчаларидан фойдаланиб, таксонларнинг позициялик йўл б-н келиб чиққанлигини асослашга уринди. Органик дунёнинг ихлиа-хилмахил ривожланишини дивергенция нуқтаи назаридан тушунтирувчи Дарвин таълимотига қарама-қарши равишда Берг ҳаётнинг аздан хилма-хилликни кўрсатади. Ана шу тушунчалар асосида Берг автоном ортогенез, яъни ташқи муҳитга боғлиқ бўлмаган, морфофизиологик тузилишни мукаммаллаштиришга қаратилган, тириклик учун хос бўлган қонуйлар куч тўғрисидаги ғояни илгари сурди. Н. тарафдорлари дарвин таълимотини эволюцияга тасодифларни абсолютлаштириш (тихогенез) дан иборат тон сифатида танқид қилишади. Н. ғоялари бошдан охиригача *дарвинизм*га қарши қаратилган, эволюция сабаблари ва қонуниятларини янгидан тушунтиришга муваффақиятсиз уринишлардан бири ҳисобланади. Аслида Н.да Бергача ҳам илгари сурилган ғоялар акс этган. Бергнинг хизмати ана шу ғояларни умумлаштириб, системага солиш б-н бирга эволюцион таълимотда очилмаган муаммоларга, хусусан, эволюцион жараёнининг йўналтирилганлиги масаласига эътиборни жалб қилинганлигидан иборат. Ҳозирги замон биолда Бергнинг мазмунан телеологик ғоясидан бир қанча макроэволюцион жараёнларни антидарвинизм нуқтаи назаридан тушунтиришда баъзи фойдаланилади (яна қ. *Автогенез*, *Ортогенез*, *Телеология*, *Преформизм*).

НОМОГРАММА (юн. nomos — қонун ва ... *грамма*) — турли миқдорлар орасидаги функционал боғлиқликни ифодалайдиган чизма. Н.нинг текисланган нуқталардан тузилган, тўрли, транспарант ва кўп шкалали ва б. хилларга бўлади. Мас., логарифмик линейка икки шкалали Н. ҳисобланади. Турли муҳандислик ҳисобларини ва тенгламаларни ечишда қўлланади (қ. *Номография*).

НОМОГРАФИЯ (юн. nomos — қонун ва ... *графия*) — *номограмма* тузишга оид математик назария. Мас., йўниш станоклари кескичининг параметрлари a, j, a_1 орасидаги $\operatorname{tg} a_1 = \operatorname{tg} a \sin j$ боғланишини ифодаловчи чизма номограмма ҳисобланади (расм). Агар a ва j параметрларнинг қиймати берилган бўлса, четки шкалалардаги уларга мос нуқталар тўғри чизиқ б-н туташтирилади. Бу тўғри чизиқ ўртадаги шкаланн кесган нуқтадан a_1 қиймати топилади. Мас., a=7,5°, j=4° бўлса, номограммага мувофиқ a_1=6,2°. Шу номограммнинг ўзидан a ва a_1 (ёки j ва a_1)нинг берилган қиймати бўйича j ни (мос



Кескич параметрларини ҳисоблаш номограммаси.

ҳолда a ни) топиш учун ҳам фойдаланиш мумкин. Мат., физика ва техниканинг турли соҳаларида кўп шкалали ва б. мураккаб Н. усуллари қўлланади.

НОМОЗОВА Замира Ҳушвақтовна (1958.31.5, Хатирчи тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тининг кимё-биол. ф-тини тугатган (1980). 1980—2001 й.ларда Хатирчи туманидаги 24-мактабда кимё ўқитувчиси. Ўқувчиларга билим беришда ноанъанавий дарс усулларини қўллади.

НОМУНТАЗАМ ҚЎШИНЛАР, лашкарлар — барқарор уюшмага эга бўлмаган аскарий қисмлар. Н.қ. тузилиши, хизматни ўташи, қўйим-кечаги (униформаси) жиҳатдан мунтазам қўшинлардан фарқланади. Ўрта асрларда Н.қ. ҳарбий юришга чиққан армиянинг асосини ташкил қилган. Мунтазам қўшин мавжуд бўлсада, унинг миқдори Н.қ.га нисбатан озчиликни ташкил этган. Ҳарбий юришлар бошланишидан аввал ҳукмдор ўз қўл остидаги ҳудудларга қўшин тўплаш учун ҳарбий нозирлар (тавочилар)ни жўнатган. Қўшин тўплаш ҳақидаги махсус буйруқ (тунқал)га биноан вилоят ҳокимлари, туман ва шаҳар беклари, қалъа, қўрғон доруғалари, олий бош қўмондон томонидан тузилган рўйхатга мувофиқ ўз аскарлари, зарур от-улови, қурол-яроғи, озиқ-овқати, ем-хашаги б-н олдиндан белгилаб қўйилган тўпланиш ўрнига ўз вақтида кечикмасдан етиб келиши шарт ҳисобланган.

Бухоро амирлигида ҳарбий кучлар мунтазам қўшин (навкария) ҳамда Н.қ. (қора черик)дан иборат бўлган. Н.қ. амир фармонининг жарчи томонидан бозорларда эълон қилинишидан сўнг йиғилган. Хизматга чақирилган Н.қ. жангчилари қурол-яроқ ўрнида баъзан бел, кетмон, панжшаха б-н қуролланган. Эҳтиёж бўлмаган пайтларда Н.қ.га уйларига қайтишга рухсат берилган.

Россияда (17—20-а.лар) Н.қ. аксарият казаклардан ташкил этилган. 20-а.нинг бошларида Туркистондаги отлиқ дивизион, Догистондаги отлиқ полк ҳам Россиянинг Н.қ.и таркибига кирган. 17—20-а.ларда Австралия, Афғонистон ва Эронда ҳам Н.қ. мавжуд эди. *Биринчи жаҳон урушидан* кейин Н.қ. барча давлатларда тугатилган.

НОМУС, ор, орият — 1) кишининг ўз обрўсини улуглаш ва ардоқлаш туйғуси; кишининг қадр-қимматига, ўз хатти-ҳаракатлари олдидаги ахлоқий масъулиятига бўлган қарашларни ифодаловчи тушунча. Асосан, индивидуал маънода ишлатилади. Хиёнат тортиш, уялиш туйғусини, бундан ташқари, ҳазар қилиш, ор қилиш маъноларини ҳам билдиради; 2) бошқа шахсларга нисбатан шарм-ҳаё б-н муносабатда бўлишга ундовчи ҳис.

НОМУСГА ТЕГИШ — зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий алоқа қилиш. Ушбу жиноятнинг жабрланувчиси фақат аёл киши, номусга тегишнинг субъекти эса аёлнинг хоҳиши, эркига қарши у б-н жинсий алоқага киришган эркак ҳисобланади. Кўпинча жиноятнинг мотиви жинсий эҳтиёжни қондиришдан иборат бўлади. Аммо суд амалиётида жиноят содир этишнинг мотиви сифатида ўч олиш, аёлни шарманда қилиш, ёки ҳақорат қилиш, аёл кишини эрга тегишга мажбур қилиш ва ҳ.к. ҳам учраб туради. Н.т. вақтида айблор жисмоний ва руҳий зўрлик ишлатиши мумкин. Н.т. жиноятини содир этишдаги қўрқитиш жабрланувчининг қаршилигини енгиш мақсадида унга ёки унга яқин кишиларга нисбатан ишлатиладиган турли хил руҳий таъсирларни англатади. Жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиш деганда жабрланувчининг ўзига нисбатан содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусияти ва моҳиятини англай олмаслиги ёхуд содир этилаётган ҳаракатларнинг хусусиятини англаса-да, айбдорга қаршилик кўрсатиш имкониятига эга бўлмаган шахс б-н жинсий алоқа қилиш тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг ЖК бўйича, Н. т. аёлларнинг жинсий эркинлиги ва жинсий дахлсизлигига қаратилган энг оғир тажовузлардан биридир. Вояга етган аёлларнинг жинсий эркинлиги, 16 ёшга тўлмаган аёл жинсидаги шахсларнинг жинсий дахлсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар жиноят қонуни б-н муҳофаза қилинади. Н.т. жиноятини содир этган шахс учун белгиланган жазонинг энг оз муддати 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилишдир. Жавобгарлик ўта оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган деб топилса, айбдорга 15 йилдан 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади (Ўзбекистон Республикасининг ЖК, 118-модда).

Мирзоюсуф Рустамбоев.

НО МУ ХЁН (1946.6.8, Кимхэ ш.) — Корея Республикаси давлат арбоби. 1971 й.дан ҳарбий хизматда. 1978 й.дан хусусий адвокатлик б-н шуғулланган. 1985 й.дан Пусан халқ демократик кенгаши ижтимоий ташкилот раиси, 1987 й.дан Демократик конституцияни қабул қилиш фуқаролик ҳаракати Пусан бўлими ижроия раиси, 1991 й.дан Демократик партия спикери, 1993 й.дан партия юқори кенгаши аъзоси, 1995 й.дан вице-президенти. 1997 й.дан Янги сиёсат учун миллий конгресси партияси вице-президенти, 2000 й.дан Денгиз ва балиқчилик ишлари вазири, 2001 й.дан Янги миллениум демократик партияси юқори кенгаши аъзоси, сўнг доимий маслаҳатчиси. 2003 й. 25 фев.дан Корея Республикаси президенти.

НОН — қадим-қадимдан улуғланиб, инсоннинг кундалик истеъмолида муқаддас, азиз ҳисобланган неъмат. Турли таомларга қўшиб ёки ўзи ейилади. Археологик маълумотларга кўра, бошоқли ўсимликлар донларини пишириб истеъмол қилиш мил.дан 10—15 минг йил муқаддам бошланган деб тахмин қилинади. Бу даврларда олов кашф қилинган бўлиб, донни пишириб ейишга имконият туғилган. Дастлаб, бошоқ чўғда думбул қилиниб, сўнг бошоқ ичида қовурилиб, пишган дон уқаланиб, истеъмол қилинган. Н.га «*Авесто*»да деярли бир боб бағишланган, деҳқончиликнинг энг қимматбаҳо маҳсули сифатида таърифланган.

Ёғочўқ пайдо бўлиши б-н донни тош орасида майдалаб ёрма ҳолатида истеъмол қилиш ўрнига галладан ун тайёрлаш ва хамир қориб, қизитилган тош устида ёки кўрга кўмиб Н. пиширишга ўтилди. *Хамиртуруш* кашф этилиши ҳамда ўчоқ, тандир, това ва б. Н. пиширш воситаларининг яратилиши ва такомили б-н тортилган ундан Н. тайёрлаш янги, ҳоз. замонга қадар давом этиб келаётган босқичга кўтарилди. Энг муҳими, хамиртуруш б-н кўпчитилган хамирдан пиширилган Н. иссиқлигида ва ўз бутида пишади, пишган Н.да жуда кўп майда говаклар ҳосил бўлади. Н.нинг говаклар бўлиши унинг организмда ҳазм бўлишини осонлаштиради. Бугдой унидан тайёрланадиган Н.нинг кимёвий таркибида, асосан, 30—35% оқсил, 60—70% углеводлар, клетчатка, витаминлар B_1, B_2, PP,

Нон: 1, 2 — Самарқанд совға нонлари; 3, 5, 6, 7 — Самарқанд нонлари; 4 — Фарғона ширмойи; 8, 9 — Хоразм нони ва патири; 10—14— Тошкент нонлари (патир, гўштли нон, гул нон, оддий ва тўй нони).

минерал тузлар, шунингдек, темир, кальций, фосфор ва б. моддалар бор.

Йирик шаҳарларнинг пайдо бўлиши, саноатнинг тараққий қилиши Н. ишлаб чиқаришни кенг кўламда ташкил этишни тақозо этди. Натижада Н. маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар — з-длар, к-тлар яратилди, уларнинг технологик жараёнлари юзага келди, *нон саноати* пайдо бўлди. Ҳоз. пайтда ҳар бир мамлакатда аҳолининг тарихий маънавияти негизида пайдо бўлган Н. маҳсулотларининг турли хиллари ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистонда (умуман, Ўрта Осиёнинг ўтроқ аҳолиси ўртасида) Н. пишириш (ёпиш) усулининг ҳар хил турлари мавжуд бўлган. Шунга кўра, тандир Н., това Н., газ-печь Н.и ва б., ун тортилган ғаллага қараб буғдой Н.и, арпа Н.и, маккажўхори ва оқ жўхори Н.и ва б. турларга бўлинади.

Ўзбек пазандачилигида тайёрлаш технологиясига қараб оби Н., гижда Н., патир Н., ширмой Н. турларидан иборат (баъзан лочира Н. ҳам алоҳида технологик турга киритилади; қ. *Лочира*). Оби Н. (форс.-тож. — сувли нон деган маънони билдиради) тайёрлашда, асосан, хамир буғдой уни, хамиртуруш ва туз қўшиб оширилади. Оби Н.да хамирнинг нисбатан бўшроқ бўлиши, зуваланинг кичиклиги (200 г атрофида) характерлидир. Гижда усулида ҳам хамир буғдой уни, хамиртуруш ва туз қўшиб оширилади, сўнгра узоқ ийланади. Гиждада хамир қаттиқроқ бўлади ва Н. қалин қилиб ясалади (қ. *Гижда*).

Тандирга ёпишда ҳар бир Н. орқасига намакоб сепилади. Тандирдаги чўғ ўртага уюлиб, устига кул (ёки темир қопқоқ) ёпилади. Н. тандирга яхши ёпишгач, Н. юзига сув сепаланади ва чўт очилади (баъзан нам сочиқ б-н епилади). Пишган Н. куракча б-н олинади. Патир Н. хамири хамиртуруш ва туз солинган сув (сут)га ун солиб қорилади ва оширилади. Хамир ошгач, ёйилиб юзасига сариёғ, қўй ёғи, маргарин, жизза, қийма, тўғралган майда пиёз солиб ўралади ва зувала уюлиб патир Н. ясалади, сўнг тандирга ёпилади (қ. *Патир*). Ширмой Н. (баъзи жойларда ширмон, ширмол деб аталади; форс-тож. «сутли нон» демакдир) хамирини тайёрлаш мураккаб; дастлаб махсус усулда олинган нўхат ва арпабодиён қайнатмасига бир миқдор буғдой уни сепиб хамирпайгир қорилади. Пайгир 5—6 соатдан сўнг етилади. Уни хамиртуруш сифатида ишлатиб буғдой унидан сутга кориб хамир тайёрланади. Хамир муштлаб етилтирилади (қ. *Ширмой*).

Н. энг олий меҳмондўстлик ва муқаддаслик рамзи бўлганлиги, асрлар давомида новвойлар маҳоратининг ўсиши ва технологик усулларнинг такомиллашуви натижасида оби, гижда, патир ва ширмой Н.нинг уйлаб хиллари яратилган. Ўзбекистоннинг турли вилоятларида ўзига хос хилма-хил Н.лар тайёрланади: Тошкент ш.да ўзига хос обинон, жайдари Н., седанали Н., Тошкент патири, юлдузча патир, гижда патир, гўштли патир, гўштли Н., ёғли патир, жиззали патир, пиёзли патир каби Н.лар ёпилади. Чирчиқ воҳаси қишлоқларида ертандир ва ерчўқларда тайёрланадиган уй Н.лари, обинон, ёнғоқ мағизли Н., лочира Н. лар мазаси, тўйимлилиги б-н ажралиб туради. Шунингдек, хоразмликларнинг саватдек-саватдек (доира кенглиги 0,4—0,5 м) нони ва патири, гўштли нони, обинонга ўхшаш чурраги, қорақалпоқларнинг нонлари ҳам ўзига хос шакл ва таъмга эга. Фарғона водийсида тайёрланадиган Н. номлари: оби Н.; оби жимжима; уй Н., кулча Н., жиззали Н., гўштли Н., ёғли Н., чап-чап Н., гижда Н., оддий патир, ёғли патир, қашқар патир, ёғсиз патир, қатлама патир, тўй патири, лўлда патир, қўшалоқ ширмой, пайванд, оби хол олча гули, ширмой кулча, ширмой патир, кунгирали ширмой, кунжутли бозор Н.и, седанали бозор Н.и, байрам безакли Н.и ва б.

Бухоро, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё воҳасида (Шаҳрисабз, Китоб) тайёрланадиган Н. номлари: оби, яққафю, гахсаки, нони заргарон, ширмоли дудуги, фатири қашқари, ширмоли дужуфт, тафтон, тафтори ду без, нони тароқи, осиёни, пўлодий, жаззани, туркулчаи равғанин, оби жимжима, забони фон, нони хаман, кулоболи, ширмоли седанагов, сохта ширмол, ширмоли оби холи олчагули пайванд, ширмоли оби холи олчагу-ли, нони саланг, лаваш, чуррак, давра, совғатин нақшин, уй Н.и, қўшалоқ барака кулча, куёв ширмой Н., седанапаркуп Н., кунжутли оби Н., седанали оби Н., кунжутли патир Н. ва б. (яна қ. *Нон саноати*).

Ҳожиакбар Муслимов.

НОН САНОАТИ — озиқ-овқат саноати тармоғи. Ноннинг турли навларини, бўханка, булка ва тешиккулча, пархез, диабетик ва шифобахш нон турларини и.ч.га ихтисослашган. Ўзбекистонда новвойлик қадимий тарихга ва бой анъаналарга эга (қ. *Нон*).

Нон деярли ҳар бир оилада тайёрланишига қарамай шаҳарлар ва йирик қишлоқларда йирик новвойхоналар

Нон саноати корхоналарида тайёрланадиган нон намуналари.

аҳолининг ёпилган нонга бўлган эҳтиёжларини таъминлашда муҳим мавқеда турган. Новвойлик касб-ҳунарининг бир тури сифатида ривожланган. 1929 й.да Самарқанд ва Тошкент ш.да дастлабки нон пиширадиган саноат корхоналари қурилгач, новвойчилик озиқ-овқат саноати тармоғига айланди. Кейинги йилларда Қўқон (1930), Қарши (1936), Термиз (1940), Бухоро (1946), Урганч (1955), Наманган (1961) каби йирик шаҳар ҳамда шаҳарча, туман марказлари, йирик қишлоқларда нон з-длари, новвойхоналар қурилди. Ўзбекистонда Н.с. европача нон хилларини ишлаб чиқарадиган нон з-длари ва новвойхоналарни қуриш йўналишида ривожланди. 1960—85 й.ларда Тошкент, Жиззах, Нукус, Ангрен каби шаҳарларда катта (100 т/сутка) ва ўрта (30 т/сутка) қувватга эга бўлган 15 та нон з-ди қурилиб ишга туширилди. Н.с. корхоналарида миллий нонларни саноат усулида и.ч. имкониятини берадиган печлар (Брувер-Салихов, Данько-Семёнов печлари) ўрнатилди. Тошкент, Самарқанд ва Фарғона ш.ларидаги нон пишириш корхоналари тубдан қайта қурилди. Замонавий хамир тайёрлов агрегатларининг ўрнатилиши, узлуксиз хамир тақсимловчи тизимлар, ун ва ёрдамчи маҳсулотларни (туз, хамиртуруш сути, шакар, ёғ) идишсиз сақлаш қурилмаларининг барпо этилиши Н.с.нинг ривожланишига ёрдам берди. Шунингдек, оби нон ишлаб чиқарувчи цехлар йириклаштирилиб, савдо дўконларига эга бўлган янги цехлар қурилди. 1986 й. нон корхоналарининг умумий қуввати 1886,7 т/сутка нон маҳсулотларини ташкил этди (миллий нонлар ҳиссаси 18% бўлди). 1987 й. нон корхоналари республика Озиқ-овқат саноати вазирлигидан Дон маҳсулотлари вазирлиги тасарруфига ўтказилгач, фирма дўконларига эга бўлган кичик новвойхоналар тизимини ташкил этишга устувор аҳамият берилди. Н.с. корхоналарида нон, нон-булка, макарон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарила бошлади. 1988 й.да мамлакатда 29 та йирик нон з-длари ишлади.

Республика мустақилликка эришганидан сўнг, айниқса, шаҳар аҳолисини нон б-н барқарор таъминлаш мақсадида Н.с. корхоналарини замонавий ускуналар б-н қайта жиҳозлаш, нон турларини кўпайтириш йўналишларида муҳим ишлар амалга оширилди. Даҳа ва гузарларда кичик нон корхоналари ишга туширилди. 1995 й.да «Ўзнонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси таркибида 4 нон и.ч. бирлашмаси (Тошкент, Янгийўл, Фарғона, Қарши), 21 нон з-ди ишлади ва бир суткада 1300 т дан зиёд нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. «Ўзнонмаҳсулот» тизимида ҳар бири суткада 3 т дан 120 т гача нон и.ч. қувватига эга бўлган 200 дан ортиқ нон з-длари ва кичик новвойхоналар фаолият кўрсатади (2003). Уларда дунёдаги энг илғор «Винклер» (Германия) ва «Экмасан» (Туркия) каби фирмаларнинг замонавий жиҳозлари ўрнатилган. Ҳоз. «Тансиқ нон» (Тошкент), «Бухоро нон», «Самарқанд нон», «Нукус нон», «Ризқ» (Андижон), «Қарши нон» акциядорлик жамиятлари тизимлари йирик нон з-длари ҳисобланади. Нон и.ч. корхоналари фақатгина йирик шаҳарларда эмас, балки қишлоқ жойларида ҳам ривожланган. Айни пайтда «Ўзбекбирлашув» акциядорлик компанияси таркибида 844 та нон и.ч. цехлари, 3 мингга яқин тандир (новвойхона) ва кичик корхоналар бор. Улар томонидан бир йилда 160 минг т нон маҳсулотлари тайёрланди (2002). Ўзбекистон Н.с. корхоналарида 300 хилдан кўпроқ нон ишлаб чиқарилади.

Жаҳонда Италия, Германия, Туркия, АҚШ, Хитой ва б. мамлакатларда Н.с. ривожланган. Киши бошига ўртача йиллик нон истеъмол қилиш кўрсаткичлари Италия, Дания, Германияда 70—82 кг ни, Буюк Британия ва Францияда 42—45 кг ни ташкил этади (2002).

Ғофир Мирзаев.

НОН СИНДИРИШ — никоҳ тўйи маросимларидан. Ўрта Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар ўртасида кенг тарқалган. Н.с. отанинг совчи юборган оилага қизини узатишга рози эканлиги, ваъданинг қатъий ва муқаддаслигини, шунингдек, куёв-келин, қуда оилалар аҳил бўлишига билдирилган истакни ифодалайди. Н.с. одати айрим маҳаллий тафовутларга эга. Чунончи, Фарғона водийсидаги ўзбекларда Н.с. қизнинг отаси рози бўлгач, бажарилади: совчилар келтирган дастурхон очилиб, нони синдирилади, сўнг тўй масалалари аниқланади. Илгари Сурхондарё водийсида Н.с. *қалин* миқдорини белгилашдан сўнг ўтказилган — нон тенг иккига бўлиниб, келин ва куёвнинг қариндошларига тақсимланган.

Н.с.нинг қай даражада ўтказилиши куёв ва келин томонининг иқтисодий аҳволига боғлиқ бўлган. Илгари Н.с. б-н фотиҳа тўйи алоҳида маросим тарзида уюштирилган бўлса, кейинги йилларда Н.с. ихчамлаштирилиб, қўшилиб ҳам ўтказилмоқда. Н.с.да унаштирилган қиз йигит томонига ва йигит эса қизнинг яқин қариндош-уруғларига ҳурмат юзасидан кўринмасликка ҳаракат қилади.

НОНИУС [португалиялик ихтирочи П. Нуниш (P. Nunes) номидан] — оптик-механик ўлчаш асбобларидаги ёрдамчи (қўшимча) шкала. Асосий шкала бўлинмалари улушларини ҳисоблаш учун хизмат қилади. Н.нинг чизиқли, бурчакли, спиралсимон ва трансверсаль хиллари бор. Баъзан верньер (француз математиги П. Верньер номидан) деб ҳам аталади.

Тошкент. «Сағбонион» мажмуи.

ФТЛ—2 печкали қолипли нон тайёрлаш цехи.

НОНПАРЕЛЬ (франц. nonpareille — беқиёс) — ўлчами (кегли) 6 пункт (2,25 мм) бўлган босмахона шрифти. Ихчам нашрлар (луғатлар, митти маълумотномалар ва б.), газеталар учун мўлжалланган. Мас., «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» даги мақолаларнинг библиографиялари ва расмлар тагидаги ёзувлар Н. б-н терилган.

НОНТРОНИТ (Франциядаги Нонтрон ш. номидан) — смектитлар (монтмориллонит) гуруҳининг қатламли силикатлар кичик синфига мансуб минерал, $(Fe, Mg)_3[Si_4O_{10}] (OH)_2 \cdot nH_2O$. Таркиби барқарор эмас. Изоморф аралашмалар сифатида Al, Mg, Ni, Co, Cu, Zn мавжуд. Моноклин сингонияда кристалланади. Тупроқсимон ва зич (опал кўринишида) агрегатлар ҳолида учрайди, ушлаб кўрилганда ёғсимон. Ранги яшилсимон-сариқ, қўнғирдан тўқ яшилгача. Синиши чиғаноқсимон. Қаттиқлиги минералогик шкала бўйича 2, зичлиги 1700—1900 кг/м³. Сорбцион хусусиятга эга, сувда кўпчийди. Н. — турли ўта асосли отқинди ва метаморфик тоғ жинсларидаги таркибида темир бўлган силикатларнинг нураишидан ҳосил бўлган типик гиперген минерал. Никель рудаси таркибига киради. Қозоғистон, РФ, Куба, Франция, Австралия ва б. жойларда конлари бор.

НООСФЕРА (юн. noos — ақл-идрок ва sphaira — шар) — *биосфера*нинг инсон ақл-идроки ҳукмронлик қиладиган янги ҳолати. Н.да инсон биосфера ривожланишини белгилаб берадиган асосий омил ҳисобланади. Н. тушунчасини 1927 й.да француз олимлари Э. Леруа ва П. Теятр де Шарден фанга киритишган бўлиб, улар Н.ни биосфера устидан ҳукмронлик қилувчи, ерни ўраб олган ақл-идрок қавати деб қараш-ган. В. И. *Вернадский* 20-а.нинг 30—90-й.ларида Н. тўғрисидаги материалистик тушунчани илгари сурди. Унинг фикрича, жамиятнинг ўзаро муносабатлари натижасида пайдо бўлган биосферанинг сифат жиҳатидан янги, инсон манфаати йўлида қайта ташкил этилган эволюцион ҳолатидир. Тиббиёт қонуниятларининг тафаккур ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий қонуниятлари б-н уйғунлашиб кетиши Н. учун хос хусусият ҳисобланади. Н.нинг айрим таркибий-функционал элементлари жамият ривожланишининг ҳоз. даврида-ёқ юзага келмоқда. Ривожланишнинг умумбашарий муаммоларини ҳал қилиш мақсадида инсонлар куч-қудрати бирлашиб борган сари биосферанинг Н.га айланиши ҳам кучайиб боради.

НОР — бир ўркачли *(дромедар)* эркак туянинг ўзбек тилидаги номи (қ. *Туя*).

НОРАДРЕНАЛИН, норэпинефрин, артеренол, аминоэтанол-пирокатехин — буйрак усти бези мия моддаси гормони; нерв системаси медиатори (қ. *Медиаторлар*). Кимёвий тузилишига кўра, катехоламинларга мансуб. Н. адреналин аналоги ва организмда унинг ўтмишдоши ҳисобланади. У, асосан, симпатик нерв системасининг (қ. *Вегетатив нерв системаси*) адренергик *нейрон*ларидан ажралади ва медиатор вазифасини ўтайди. Н.нинг қондаги миқдори нерв системаси ҳолатининг (тонуси ва реактивлиги) кўрсаткичи бўлиши мумкин. Н. тиббиёт амалиётида қон босими пасайганда, шок, қон йўқотиш б-н боғлиқ ҳолатларда қўлланади. Н. синтез йўли б-н олинади.

НОРАЗТЕПА — археологик ёдгорлик, истеҳкомсиз қишлоқ (10—13, 15-а.). Тошкент ш.нинг шим. қисмида (Чуқурсойда) жойлашган. 1969 й. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-ти археологик экспедицияси қазиш ишлари ўтказган. Қишлоқ бал. 5 м, эни 80 м лик тепаликдан иборат. Қазишмалар натижасида қишлоқ 10-а.да вужудга келганлиги ва девор б-н ўралганлиги аниқланди. 11-а.да катта ёнғин бўлишига қарамай, 13-а. бошига қадар унда ҳаёт бўлган. *Бинкат* атрофидаги бошқа қишлоқлар сингари Н. ҳам шаҳар савло йўли устида барпо этилган ва шаҳар атрофидаги обод ерлардан бири саналган. 15-а.да қишлоқ харобалари ўрнида ҳаёт қисман қайта тикланган.

НОРАК — Тожикистондаги дарё. *Вахш*нинг ўнг ирмоғи. Уз. 20 км, сув тўпланш майд. 88,6 км², ҳавзасининг ўртача бал. 1500 м. Ўртача йиллик сув сарфи 1 м³/сек, чамасида. Н. асосан, мавсумий қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Апр.—май ойларида суви кўпаяди. Н. дарёсининг Вахшга қуйилиш жойида Норак сув омбори тўғони қурилган.

НОРАК — Тожикистондаги шаҳар. 1960 й.да Ўрта Осиёнинг энг йирик электр ст-яси — Норак ГЭСнинг қурила бошлаши муносабати б-н 3 та кичик қишлоқ (Дисабур, Тутқовул ва Лангар) ўрнида вужудга келган. Н. Душанбадан 68 км жан.-шарқда, Вахш дарёсининг ўнг соҳилида, Душанба — Кўлоб автомобиль йўлининг чап томонида жойлашган. Аҳолиси 21 мин. кишига яқин (1990-й.лар ўрталари). Шаҳарда темир-бетон, нон з-лари, тикувчилик, металлсозлик корхоналари, стадион, кутубхона мавжуд.

НОРАК ГЭС — Тожикистондаги энг йирик гидротехника иншоотларидан бири. Вахш дарёсида, Норак ш. яқинидаги Пулитангин дарасида 1961 й.дан қурила бошланган. ГЭСнинг лойиҳа қуввати 2700 МВт (300 МВтли 9 агрегатдан иборат). 2 та агрегати 1972 й.да, охирги агрегати 1979 й.да ишга туширилган. ГЭС йилига 11,2 млрд. кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқаради. Тожикистон жамдами саноат маҳсулотларини энергия б-н таъминлайди.

ГЭС сув омбори, тўғон ва электр ст-ясидан иборат. ГЭС тўғони бал. 310 м дан ортиқ (жаҳонда энг баланд тўғон). Бу тўғон ўртача 645 м³/сек сув ўтказадиган ускуналар б-н жиҳозланган. ГЭС 275 м сув босими остида ишлайди. Электр энергияси 500 ва 220 кВ кучланишли электр узатиш тармоқлари орқали Ўрта Осиё «Энергия» бирлашган энергетика тизимига уланган.

НОРАК СУВ ОМБОРИ — Ўрта Осиёдаги йирик гидротехника иншооти. Тожикистон Республикаси ҳудудида, Вахш дарёсида Норак ГЭС тўғони қурилиши натижасида вужудга келган. 1972 й.дан сув тўлдирила бошланган. Энергетика-ирригация мақсадларидаги гидроузелнинг таркибий қисми ҳисобланади. Майд. 98 км², ҳажми 10,5 км³, узунлиги 70 км, энг кенг жойи 1 км, ўртача чуқурлиги 107 м, сув омбори сатҳи 53 м чамасида ўзгариб туради. Н.с.о. дарё режимини мавсумий тартибга солади. Дашт ва чўлларни ўзлаштириш ҳамда 1 млн. га яқин ерни суғориш имконини берган.

НОРБЕК БАХШИ (тахаллуси; асл исм-шарифи Қурбонназаров Абдулла) (1949.9.2, Хива) — Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси (2000). Хоразм достончилик мактабининг йирик вакиллари. Хива ш.даги «Достон» фольклор-

Норак ГЭСнинг умумий кўриниши.

этнографик ансамблининг бадиий раҳбари. Озарбайжон бахшилар уюшмаси аъзоси (1989). *Бола Бахши*нинг усул ва шогирдлик, санъаткорлик сирларини ана Комилжон *Отаниёзов*дан ўрганган. Илк ижро этган қўшиғи — «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам» достонидан «Она, мен Ғариб, мен Ғариб». Унинг репертуарида «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ошиқ Маҳмуд», «Бозирғон», «Хирмонлали», «Авазхон», «Кампир» «Қирқ мия», «Сафар кўса» ва б. бор. Ўзбекистон, Қозоғистон, Дағистон, Закавказье бахшилари кўрик-танловларини голиби. Республика миқёсида ўтказилган қатор анжуманлар, Наврўз, Мустақиллик байрамлари, Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейи (1997), Жалолиддин Манғубердининг 800 йиллик юбилейи (1999) ва б.нинг фаол иштирокчиси.

НОРБЕКОВ Комилбек (1880—Тошкент—1943) — ўзбек маърифатпарвари. Тошкентнинг маърифатли бойларидан Муҳаммадаминбекнинг ўғли. Укаси Каримбек (1882—1970) б-н бирга чарм ш.ч.ни йўлга қўйган. Австрия ва Германия фирмалари б-н тери-чарм савдо алоқасини ўрнатган. Тараққийпарвар дўстлари *Мунавварқори* Абдурашидхонов, Абдулла *Авлоний*, Убайдулла Хўжаев *(Асадуллахўжаев)*, Низомиддин Хўжаев, Орифхўжабой Ҳожиновлар б-н бирга «Имдодия» («Ҳайрия») жамияти (1909), «Турон» жамияти ва шу номли труппани ташкил этган (1914). 1909—11 й.ларда 35 ўқувчига мўлжалланган усули жадид мактабини қуриб берган ва ўқувчиларни иқтисодий таъминлаган. 1917—18 й.лардаги очарчилик даврида аҳолига 600 пуддан ортиқ галла тарқатиб, халқни очлик азобидан қутқарган. Файзулла Хўжаевнинг амир айтоқчилари таъқибидан сақлаб қолган, унинг амирга қарши курашида моддий ёрдам берган. 1919—24 й.ларда *«Миллий иттиҳод»* ташкилотининг аъзоси. 1930 ва 1935 й.ларда сиёсий идора (ГПУ) томонидан қатғон қилинган. 1989 й.да оқланган.

НОРБОЕВА Ойдин Абдулҳақовна (1944.1.2, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1978). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1964). 1964—90 й.лар Ҳамза театрида, 1990—94 й.лар «Илҳом» театрида актриса. «Қонли сароб» (С. Азимов) спектаклидаги Ақиқа унинг саҳнадаги илк образи. Н. ижодига чуқур психологик талқин, тиниқ ва равон нутқ, қаҳрамонларини романтик ва ёркин бўёқларда нозиклик б-н ифодалаш хос. Асосий ролларн: Асал (Ч. Айтматов, «Сарвқомат дилбарим»), Унсин, Нури (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Корделия,

Ойдин Норбоева Маша ролида («Тирик мурда»).

Дездемона (У. Шекспир, «Қирол Лир», «Отелло»), Умила (А. Қаҳҳор, «Анжонларим»), Сайёра (Уйғун, «Абу Райҳон Беруний»), Герда (Е.Шварц, «Қор маликаси»), Анвара (Ў. Умарбеков, «Қизикаси»), Камола (Р. Тагор, «Ганг ёмат қарғи»), Камола (Л. Толстой, дарёсининг қизи»), Маша «Тирик мурда»), Мария Стюарт (Ф. Шиллер, «Мария Стюарт»), Антигона (Софокл, «Антигона»), Шакунтала (Калидаса, «Йўқолган узук»), Милли (А. Фуғорт, «Бу ерда одамлар яшайди»). Н. «Ўзбекфильм» ва «Тожикфильм» киноларида ҳам ўзига хос образлар яратган (Сурайё, «Сурайё»; Нодира, «26-дан (Сурайё, «Сурайё»; Нодира, «26-отилмасин»; Замира, «Фидойи»; Хадича, «Қалбингга қўёш»; Малоҳат, «Сенга интиламан»; Тахмина, «Рустам ҳақида достон», «Рустам ва Сухроб»; Хайри, «Юрак амри билан» ва б.). Видеофильмларда ҳам суратга тушган (Халичабегим, «Бобур» ва б.).

НОРБОЕВА Сапаргул (1946.20.1, Янгиариқ тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Хоразм вил. ижт-тини тугатган (1967). 1967 й.дан пед. ин-тини тугатган (1967). 1967 й.дан Янгиариқ тумани Аливер Навоий номидаги мактабда, 1968 й.дан Питнак ш.даги 1-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси.

НОРБЎТАБИЙ, Норбўтахон (тахм. 1749—1798) — Қўқон хони (тахм. 1763—1798). *Абдулкаримбий*нинг набираси, Абдураҳмонхоннинг ўғли. 14 ёшидан тахтга чиққан. Наманган бекларининг сепаратизмини бостирган. Кўзғолон кўтарган Хўжанд бегини енгиб, шаҳарни ўзига бўйсундирган. Аммо Ўратепани номигагина Бухорога тобе бўлиб қолган. Н. ҳукмронлигининг сўнгги йилларида акаси Ҳожибек Ўратепа ва Кўрама ҳокимлари ёрдамида исён кўтармоқчи бўлган. У Тўрақўрғон ва Андижонни маскан тутган. Н. Андижонга қўшин тортиб, акаси б-н сулҳ тузган.

Н. вафот этган йил (1798) Эрдонахон мақбараси яқинидаги мадраса қурилиши ниҳоясига етган (қ. *Норбўтабий мадрасаси*). Н. даврида Фарғона водийсини бирлаштириш жараёни тугаган, иқтисодиёт тикланган, мўл-кўлчилик, арзончилик бўлган. Бу эса Фарғонага чекка туман ва вилоятлардан кўплаб аҳолини кўчиб келишига замин яратган. Қўқон водийнинг маданий-иқтисодий марказига айланган.

НОРБЎТАБИЙ МАДРАСАСИ — Қўқондаги меъморий ёдгорлик (18-а. охири). Қўқон хони *Норбўтабий* ҳукмронлиги даврида қурилган. Халқ орасида Мадрасан Мир номи б-н ҳам юритилади. Н.м. чорсу майдони яқинида қурилган. Бир қаватли, ҳовлили, тўғри тўртбурчак тарҳли (52×72 м), 4 бурчагига минора-гулдасталар ишланган. Ҳовли (38×38 м) атрофига қатор равоқли ҳужралар жойлашган. Пештоғи шим.га қараган. Миёнсаройнинг 2 тарафида пештоқ бўйлаб туташган гумбазли масжид ва 12 та дераза-ли (панжаралар ўрнатилган) дарсхона мавжуд. Н.м. пишиқ гиштдан қурилган. Хоналар ичи ганчсувоқ қилинган. Масжиднинг гумбаз ости шарафаси ва меҳробининг юлдузсимон безакларн серҳашам кўринади. Эшиклари гирих нақшлар б-н безатилган, ички қисмида эса ўймакорн ислимий нақш қўлланилган. Н.м.нинг ташқи кўриниши Бухоро меъморлик мактаби услубига хосдир.

Ад.: Азимов И., Фарғона водийсининг архитектура ёдгорликлари, Т., 1986.

НОРВЕГ ТИЛИ — *ҳинд-европа тиллари* оиласидаги *герман тиллари* гуруҳининг скандинав тиллари шохобчасига мансуб тил. Норвегияда, шунингдек, АҚШ ва Канадада тарқалган; Норвегия Қироллигининг расмий тили. 5 млн. дан ортиқроқ киши сўзлашади. Н.т. лаҳжалари ғарбий ва шарқий гуруҳларга бўлинади. Н.т. тарихи 2 даврга: қад. Н.т. (9-а.дан 1525 й.гача) ва янги Н.т. (1525 й.дан) даврларига бўлинади.

1380 й.дан Норвегия Данияга тобе бўлиб қолиши муносабати б-н бу ҳудудда ёзма дан (дат) тили кенг тарқалади ва 16-а.да расмий тил мақомини олади. 19-а. бошларида Норвегияда 2 та адабий тил вужудга келди: риксмол (дан-норвег адабий тили) ва ланесмол (19-а. ўрталарида норвег тилшуноси И. Осен томонидан адабий тилнинг қад. шаклидан сунъий яратилган). 1929 й.да риксмол ва ланесмол расмий равишда букмол ва нюнорск (янги норвег) атамалари б-н алмаштирилган. Ҳар иккала адабий тил бир қатор фонетик жиҳатлари б-н ўзаро фарқланади, улардан букмол нисбатан кенгроқ қўлланади. Адабий Н. т.нинг шаклланиши ва такомиллашувида 1907, 1917, 1938 й.ларда имло соҳасида ўтказилган ислоҳотларнинг аҳамияти бор.

Н.т. нинг қад. ёзуви руник ёзув асосида бўлган, замонавий ёзуви эса лотин алифбоси асосида яратилган.

НОРВЕГИЯ (Norge), Норвегия Қироллиги (Kongeriget Norge) — Шим. Европадаги давлат. Скандинавия я. о.нинг ғарбий ва шим. қисмида. Майд. 387 минг км². Аҳолиси 4,5 млн. киши (2002). Пойтахти — Осло ш. Маъмурий жиҳатдан 19 фюльке (вилоят)га, жумладан, фюлькега тенглаштирилган Осло ш.га бўлинади. Шпицберген архипелаги, Медвежий, Ян Мейен ва Буве о.лари ҳам Н.га қарайди.

Давлат тузуми. Н. — конституцияли монархия. 1814 й. 17 майда қабул қилинган Н. Қироллиги конституцияси амал қилади, унга кейинчалик тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — қирол (1991 й. 21 янв.дан Харальд V). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни икки палатали (юқори палатаси лагтинг, қуйи палатаси одельстинг) парламент — стортинг амалга оширади. Ижрочи ҳокимият қирол қўлида бўлиб, у Давлат кенгаши (ҳукумат)ни тайинлайди.

Табиати. Н. — тоғли ўлка. Ҳудудининг қарийб 2/3 қисми денгиз сатҳидан 500 м дан баланд; денгиз соҳилидагина пасттекислик бор. Ғарбий қирғоғида тик ён бағирли тор қўлтиқ (фьорд) кўп. Йирик ороллари — Лофотен, Вестеролен, Сенья, Магерё ва б. Ҳудудининг катта қисмини Скандинавия тоғлари ишғол қилади (энг баланд жойи Гальхёпигген тоғи — 2470 м). Фойдали қазилмалари: темир, никель, мис, титан, уран, молибден, кобальт ва кумуш рудалари. Шим. денгизининг қуруқликка яқин саёз қисмида нефть ва газ конлари бор. Иқлими мўътадил, шим. чеккасида субарктика, соҳилида океан иқлими. Янв.нинг ўртача т-раси шим.да −2—4°, жан.да 2°. Ёзи салқин, тез-тез ёмғир ёғади. Йиллик ёғин 1000—3000 мм. Музликларнинг умумий майдони 3000 км² га яқинини ташкил этади. Йирик дарёлари — Гломма, Логен (Гудбрансдаль), Логен (Нумедаль). Катта гидроэнергия салоҳиятига эга бўлган бу дарёлар қор, ёмғир ва музликлардан тўйинади. Энг катта кўли — Мьёса. Асосий тупроғи — юпқа тундра тупроғи, жан.да тоғ подзол тупроғи учрайди. Мамлакат ҳудудининг 27% ўрмон. Ёввойи ҳайвонлардан тулки, силовсин, росомаха, сувсар, лось, буғу, қуён, тийин, лемминг ва б. бор. Денгиз соҳилида гала-гала қушлар, денгизларда турли балиқ ва тюлень кўп.

Аҳолисининг 97% норвеглар. Саамлар, квенлар, шведлар, данлар, немислар ва б. ҳам яшайди. Расмий тил — норвег тили. Расмий дин — лютеранлик. Шаҳар аҳолиси 50%. Йирик шаҳарлари — Осло, Берген, Тронхейм ва б.

Тарихи. Н. ҳудудида одам муз;ик давридан кейинги асрлардан бери яшайди. Мил. ав. 1-минг йиллик ўрталарида саам ва герман қабилалари яшаган. Норвегларнинг ҳаёти азалдан денгиз б-н боғлиқ; мамлакатнинг номи ҳам «норвег» — «шимолий йўл», «денгиз йўли» маъносини билдиради. 872 й. биринчи норвег қироли тахтга ўтирди. 8—11-а.ларда моҳир денгизчи бўлган норвег викинглари Исландияга, Гренландия соҳилларн ва Шим. Атлантикадаги оролларга етиб бориб, уларни мустамлакага айлантирдилар. 11-а.да христианлик жорий этилди, марказлашган монархия қарор топди. 14-а. ўрталарида тарқалган вабо мамлакат хўжалигини, ижтимоий ва сиёсий ҳаётини издан чиқарди, аста-секин мустақиллик барбод бўлишига олиб борди. 1319 й. Швеция, 1380 й. Дания б-н иттифоқ тузди. 1397 й. Кальмар иттифоқига кўра, Н. Данияга тобе бўлиб қолди, 1537 й. Даниянинг вилоятига айланди.

1805—14 й.лардаги Англия-Дания уруши ва ҳосилсизлик Н.ни ҳалокат ёқасига келтириб қўйди, ўн минглаб киши очликдан ўлди. 1814 й. Киль сулҳ шартномасига кўра, Н. шведлар мулки бўлиб қолди. Бундан норози бўлган норвег халқи мустақиллик учун кураш бошлади. Ўша йил 17 майда биринчи парламент (таъсис мажлиси) чақирилиб, конституция қабул қилинди ва қирол сайланди. Швеция-Н. иттифоқи 1905 й.гача амал қилди, Н. ички мустақилликдан фойдаланди. 1905 й. 7 июнда стортинг Швеция-Н. иттифоқини бекор қилди.

1-жаҳон урушида Н. бетарафлик эълон қилди. 2-жаҳон уруши бошланиши б-ноқ Н. бетараф эканини билдирган бўлса ҳам, 1940 й.да гитлерчилар Германияси унга бостириб кирди. Н. ҳукумати Лондонга кўчди. 1942 й. фашистлар Н.да В. Квислинг бошчилигида сотқин ҳукумат тузди. Мамлакатда Қаршилик кўрсатиш ҳаракати авж олди. 1945 й. 8 майда Н. озодликка эришди. Урушдан кейинги йилларда мамлакат иқтисодиётини қайта тиклаш ва ривожлантиришга киришилди. 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР б-н дипломатия муносабатларини 1992 й. 10 июнда ўрнатган. Миллий байрами — 17 май — Конституция куни (1814).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Н. ишчи партияси, 1887 й. асос солинган; Марказ партияси, 1920 й. ташкил этилган; Тараққиёт партияси, 1973 й. тузилган; Венстре, либерал партия, 1884 й. асос солинган; Социалистик сўл партия, 1975 й. ташкил этилган; Христиан халқ партияси, 1933 й. тузилган;

Норвегия герби.

Хейрс, консерватив партия, 1884 й. асос солинган. Н. касаба уюшмалари марказий бирлашмаси, 1899 й. ташкил этилган. Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерацияси ва Европа касаба уюшмалари конфедерациясига киради.

Хўжалиги. Н. — ривожланган индустриал-аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 28,6%, қ.х. улуши 2,9%. Денгиз кема қатнови, балиқ овлаш, ташқи савдонинг роли катта.

Саноат нинг етакчи тармоқлари: электр металлургия, электр кимё, целлюлоза-қоғоз, балиқ саноати, асосан ташқи бозор учун ишлайди. Ички бозорга хизмат қиладиган тармоқлар орасида озиқ-овқат ва енгил саноат б-н бирга машинасозлик ва металлсозлик дурусг тараққий этган. Кончиликда темир ва титан рудаси, кўмир, нефть ва газ қазиб олиш катта ўрин тутади. Электр энергиянинг 99% ГЭСларда ҳосил қилинади (йилига ўртача 122 млрд. кВт-соат). Қора ва рангли металлургия, кемасозлик, электротехника, радиотехника ва ёғочсозлик саноати кўпроқ ривожланган. Аҳоли жон бошига электр энергияси, целлюлоза-қоғоз маҳсулотлари, ферроқотишма, алюминий и.ч. ва кемасозликда Н. дунёда олдинги ўринларда туради.

Қишлоқ хўжалиги. Мамлакатнинг табиий шароити қ.х. учун жуда ноқулай. Тоғ-тош кўплигидан Н. ҳудудининг 3% га яқини ҳайдалади. Қ.х. асосан, гўшт-сут чорвачилигига ихтисослашган. Деҳқончилигида ем-хашак экинлари, бир оз миқдорда ғалла (сули ва арпа), картошка экилади. Чорвачиликда йилқи, қорамол, қўй, чўчқа, парранда боқилади. Қ.х. мамлакатнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондира олмайди. Мўйна ҳайвончилиги, балиқчилик ривожланган, ўрмонларда кўп миқдорда ёғоч тайёрланади.

Ички юклар ва ташқи савдо маҳсулотларининг аксарияти денгиз кемаларида ташилади. Денгиз савдо флотининг тоннажи 38,3 млн. тонна дедвейт. Йирик портлари: Осло, Берген, Ставангер. Т.й. узунлиги — 4 минг км, автомобиль йўллари 89,7 минг км. Асосий аэропортлари — Форнебу (Осло), Сула


Норвегия байроғи.

(Ставангер) ва Буде. Четга нефть ва табиий газ, кемасозлик, целлюлоза-қоғоз ва кимё саноати маҳсулотлари, қора ва рангли металлар, балиқ маҳсулотлари чиқаради. Четдан машина, минерал хом ашё, автомобиллар олади. Ташқи савдодаги асосий ҳамкорлари: Буюк Британия, Швеция, ГФР, Нидерландия. Пул бирлиги — крона.

Тиббий хизмати. Н.да соғлиқни сақлаш юқори даражада ташкил этилган. Тиббий хизмат қийматининг 80% ижтимоий суғурта ҳисобидан қопланади. Врачлар ун-тларнинг тиббиёт ф-тларида тайёрланади. Санкт-Олафс-Килле, Саннефьорд, Ларвик, Ханке бальнеологик курортлари, ғарбий соҳилида Берген денгиз бўйи иқлимий шифохонаси бор.

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Дастлабки мактаблар 12-а. бошларида очилган. 1848 й. 7 ёшдан 13—14 ёшгача бўлган болалар учун мажбурий таълим жорий этилди. 1968 й. 16 ёшгача етказилди. Ҳоз. таълим тизими мактабгача тарбия муассасалари, 6 й.лик кичик ва 3 й.лик юқори мажбурий мактаблар, ўрта умумий таълим мактаби — гимназиялар, ҳунар-техника ва ўрта махсус ўқув юртларини ўз ичига олади. Осло, Берген, Тронхейм, Тромсёдаги ун-тлар, 10 та ин-т олий таълим беради.

Мамлакатдаги и.т.ларни Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда и.т.лар маслаҳат кенгаши мувофиқлаштиради. Н. фан ва адабиёт академияси (1857), 300 дан ортиқ илмий тадқиқот ин-ти, саноат ва савдо фирмаларининг 300 лаб., 40 га яқин илмий жамият ва б. бор. Бундан ташқари, Осло ун-тида 90, Тронхейм ун-тида 50 и.т. институти ва лаб. иш олиб боради. Ун-тлар ҳузурида йирик кутубхоналар ва Осло ш. кутубхонаси, Н. халқ музейи (1894), ун-т миллий осори атиқалар музейи. Миллий галерея, Амалий санъат музейи, Зоол. музейи ва б. бор. Норвег викингларининг кемалари, Т.Хейердалнинг «Кон-Тики» соли музейда сақланаётир.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Энг йирик газ. ва жур.лари: «Адрессеависен» («Манзилли газета», кундалик газ., 1767 й.дан), «Арбейдербладет» («Ишчилар газетаси», кундалик газ., 1884 й.дан), «Бергенс арбейдерблад» («Берген ишчилар газетаси», кундалик газ., 1927 й.дан), «Верденс ганг» («Ҳаракатдаги дунё», кундалик газ., 1945 й.дан), «Ворт ланд» («Бизнинг мамлакат», кундалик газ., 1945 й.дан), «Дагбладет» («Кундалик газета», 1869 й.дан), «Моргенбладет» («Тонгги газета», кундалик газ., 1819 й.дан), «Нашунен» («Миллат», кундалик газ., 1896 й.дан), «Норгес индустри» («Норвегия саноати», 2 ҳафтада чиқадиган жур., 1920 й.дан), «Фремовер» («Олға», кундалик газ., 1903 й.дан), «Харстад тиденде» («Харстад газетаси», кундалик газ., 1887 й.дан), «Актуэльт перспектив» («Долзарб истиқбол», жур., 1963 й.дан), «Фри фагбевегельсе» («Эркин касаба ҳаракати», 2 ҳафтада чиқадиган жур., 1906 й.дан) ва б. Норвегия телеграф бюроси (НТБ) — норвег газ.ларининг акциядорлик жамияти, 1867 й.да тузилган. Н. давлат радиоэшиттириш маҳкамаси (1933 й.да асос солинган) мамлакатдаги радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни назорат қилади.

Адабиёти. Қад. норвег адабиёти ёдгорликлари деярли сақланиб қолмаган. Оғзаки халқ афсоналари ва қаҳрамонлик қўшиқлари ёзма адабиётнинг илк манбалари бўлган. «Тушдаги шарпа» достони ва «Қирол кўзгуси» айтишуви (диалоги) 13-а.га оид адабий намуналардир. 14—15-а.ларда баллада пайдо бўлди. Дания ҳукмронлиги даврида адабиёт тушкунликка учради, дан тили кўп вақт Н.нинг адабий тили бўлиб турди. 18-а.да миллий туйғу кучайиши б-н норвег адабиёти юксала борди, драматургия ва лирика ривож топди. Норвег ва дан маданиятларининг атоқли намояндалари — Скандинавия театрининг ижодкори — Л.Хольберг ва шоир К.Тулин шу даврда фаолият кўрсатди. 1772 й. Копенгагенда норвег адабиётини тиклаш мақсадида «Норвег жамияти» тузилди. Шу йили Ю.Н.Брун биринчи миллий драма ва Н. мадҳиясини яратди, К.Фастинг, К. Фриман миллий ватанпарварлик руҳидаги шеърларини ёзди. 19-а. 1-ярмида тарих ва фольклорга қизиқиш кучайди, П.К.Асбьёрнсен ва Й.Э.Му норвег халқ эртакларини йиғиб нашр этдилар, халқ қўшиқлари ва балладаларини ёзиб олишга киришилди. Драматургия ва лирика ривожланди. 50-й.ларнинг 2-ярмида реализм хусусиятлари пайдо бўлди (Б.М.Бьёрнсоннинг «Баджаҳл Сегурд» драматик трилогияси, Я.К.Коллетнинг «Амтманн қизлари» романи ва б.). 70—90-й.ларда танқидий реализм устунликка эришиб, норвег адабиётини жаҳон даражасига кўтарди. (Г.Ибсен, Б.М.Бьёрнсон, Ю.Ли, А.Хьелланн ижоди).

20-а. бошларида Ю.Бойер, У.Дуун, С.Унсет каби ёзувчилар адабиётга кириб келдилар. С.Хёль, А.Омре, А.Сандемусе, Т.Весос, Ю.Борген инсон руҳиятини теран акс эттирдилар. 2-жаҳон уруши йилларида Н. ёзувчилари фашизмга қарши курашда қатнашдилар, 300 га яқин яширин газ. чиқариб турилди. Урушдан кейин яратилган кўпгина асарлар Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига бағишланди. 70—90-йилларда ижод қилган шоирлар Р.Якобсен, Я.Брюхейм, А.Андерсен атроф дунё чигалликларини тасвирладилар. Г.Люнде, Э.Ховардсхолм ва б. жамият иллатларини танқид қилдилар.

Меъморлиги. Ўрта асрларда Н.да ёғоч меъморлиги ривож топди, қўш синчли черков («ставкирка»)ларнинг ўзига хос тоифаси вужудга келди (Урнес ва Бор-

Осло шаҳри кўчаларида.

гунидаги черковлар). 12—16-а.лардаги гиштли иморатларда роман ва готика меъморлигининг таъсири сезилади. Бергендаги 16-а. 2-ярми ва 17-а.га мансуб Розенкранц минорасида Уйғониш даври, Сер-Фрундаги 18-а.га оид черковда *барокко* ва *рококо*, Тронхеймдаги 19-а.га мансуб қирол қароргоҳида *классицизм* меъморлиги намуналаридан фойдаланилди. 19-а. меъморлигида *эклектизм* (Бюгдё я.о.даги Оскарсхолль қасри, меъмор Ю.Небелонг), 20-а. бошларида функционализм (Ослодаги «Скансен» ресторани, меъмор Л.Баккер) усуллари устунлик қилди. Кейинги ўн йилликларда Ослодаги ратуша (меъморлар А.Арнеберг ва М.Поульсон), «Викинг» меҳмонхонаси (меъмор К. Кнутсен), Ҳукумат уйи (меъмор Э.Викше), Ховикаддендаги музей (меъморлар И.Эйквар, С.Энгебретсен) бинолари қурилишида ўзига хос миллий меъморий шакллар пайдо бўлди. Маҳаллий халқ меъморлиги анъаналарига мурожаат қилиниб, меҳмонхона, хусусий виллалар, ҳовлили кошона уйлар қурила бошланди.

Тасвирий санъати. Неолит ва жез даврларида қояларга ишланган расмлар

Норвегия табиати кўриниши.

Н. ҳудудидаги энг қад. санъат ёдгорликларидир. 8-а. охирида ўрта аср санъати (ёғоч, фил суяги ўймакорлиги ва ҳ.к.) таркиб топган. 13—14-а.ларда *готика* услубидаги тасвирий санъат ривожланди. Ҳақиқий норвег санъати 19-а.да юзага келди. Атоқли рассом Ю.Даль гўзал манзаралар чизди, А.Тидеманн, Х.Гуде, Ф.Коллетт, Х.Баккер халқ қўшиқларини тасвирладилар. 20-а. 1-ярмида монументал-безак санъатининг роли кучайди. Ҳайкалтарошлардан Р. Луннс, Г. Янсон машҳур бўлди. 20-а.нинг 2-ярмида абстракционизм ва турли модерн оқимлари вужудга келди. Амалий санъат (металл буюмлар, жимжимадор ёғоч анжомлар ясаш, газлама, тўр тўқиш, каштачилик, кулолчилик) халқ орасида кенг тарқалган.

Мусиқаси қадимда юзага келган. Ўзига хос норвег халқ қўшиқлари (қаҳрамонлик ва муҳаббат қўшиқлари, қисса-қўшиқлар, чўпон ва балиқчи қўшиқлари), рақслар (халлинг, спрингтар ва б.), чолғу куйлари (люарслотт ва б.) кенг ёйилган. Азалий чолғу асбоблари — букехорн (эчки шохи), приллар (буқа шохи), селье (пайнинг бир тури), хартингфеле (тижжакнинг бир тури) ва б. 16-а.да сайёр бахши (зингмейстерлар, моҳир скрипкачилар, органчилар бўлган. 18-а. охири — 19-а. бошларида Ф.Грот, А.Флинтенберг, Ф.Фогель, Л.М.Линнеман каби композитор, дирижёр ва мусиқа назариётчилари ижод қилган. 1850—60 й.ларда Х.Хьерульф, У.Булль, Р.Нурдрок ва б. миллий мусиқа мактабини яратдилар. Э.*Григ* ижоди ва ижтимоий фаолияти мусиқа маданияти юксалишига катта таъсир қилди. Композитор Ф. У. Вален замонавий норвег мусиқасига асос солди. 20-а. ўрталарида Х.Северуд, К.Этте, Э.Твейт, Л.Йенсен, А.Янсон, Л.Нильсен каби композиторлар ижод қилдилар. Ослоа Норвегия операси (балет труппаси 6-н), Осло ва Бергенда консерватория, Тронхеймда Олий мусиқа мактаби ва б. бор.

Театри. Миллий театр фаолияти диний ва маиший удумларни саҳналаштиришдан бошланган. 18-а. ўрталарида Кристиания (ҳоз. Осло) ва Бергенда ҳаваскор театр труппалари тузилди. 1780 й. доимий театр очилди. 1899 й. Кристиа-нияда барпо этилган Миллий театрда Г.Ибсен, Б. М. Бьёрнсон, У. Шекс-пир, Ф.Шиллер, Б.Шоу асарлари қўйилди. 19-а. охири — 20-а. бошларида Кристиания, Берген, Тронхейм, Ставангерда янги театрлар барпо этилди. Х.Крог, Н.Грю ва б. ёзувчиларнинг пьесалари саҳналаштирилди. 2-жаҳон уруши (1939—45) даврида Н. театрлари инқирозга учради. Мамлакат озод этилгач, театрларда жаҳон ва миллий мумтоз драматургиясининг асарлари кўрсатилди. Ослоа актёр ва режиссёр тайёрлайдиган Давлат театр мактаби (1953) бор.

Киноси. 1908 й.дан кинофильмлар чиқарила бошланди. 20-й.ларда чет эл фильмларига тақлидий фильмлар яратилган бўлса, 30-й.ларда ўткир ижтимоий ва тарбиявий мавзуларга мурожаат этилди («Саёқ», «Торрес Снертевольд», реж. Т.Ибсен). 40—60-й.ларда Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига бағишланган фильмлар — «Яшашни хоҳлаймиз» (реж. У. Дальгар), «Қочоқлар» (реж. Т. Саннё), «Тўққиз ҳаёт» (реж. А.Скоуэн) Н. киносининг катта ютуғи бўлди. Кейинги йилларда реж.лардан Н.Мюллер, Н. Кристенсен, Т.Вибе-Мюллер ва б. рнёкорона ахлоқни фош этувчи фильмлар яратишди. Н.да ҳужжатли, илмий оммабоп (реж. П.Хест, А.Берг, Т.Хейердал) ва мультипликация (реж. И. Каприно) киноси ҳам ривожланган.

НОРВЕГИЯ ДЕНГИЗИ — Шим. Муз океанининг чекка денгизи. Скандинавия я.о. б-н Шетланд, Фарер, Ирландия, Ян-Майен, Медвежий о.лари оралиғида. Атлантика океанидан сув оқиб тизмаси ажратиб туради. Майд. 1340 минг км². Энг чуқур жойи 3970 м. Илиқ оқим ўтганлигидан қишда музламайди. Сувининг т-раси фев.да 8—12°, Шўрлиги 34—35,2‰. Сув кўтарилиши ҳар ярим суткада такрорланади (бал. 3,3 м гача). Балиққа бой. Асосий портлари: Тронхейм, Тромсё, Нарвик.

НОРВЕГЛАР — халқ. Норвегиянинг асосий аҳолиси (4,15 млн. киши). Умумий сони 5 млн. киши (1990-й.лар ўртачалари). Норвег тилида сўзлашади. Динлари — асосан, лютеранлар, католиклар ҳам бор.

НОРДЕНШЕЛЬД АРХИПЕЛАГИ — Кара денгизининг жан.-шарқий қисмидаги ороллар (РФ). Ғарбдан шарққа 93 км чўзилган. 5 гуруҳга бўлинган 90 оролдан таркиб топган. Энг шим. ва энг йирик ороли Рус о.ли бўлиб, уз. 38 км, эни 14 км. Ороллар, асосан, оҳактош жинслардан таркиб топган. Н. а. швед а.нинг 30-й.лари ўрганилган. Н. а. швед қутбшуноси Н. А. Норденшельд (1832—1901) номи б-н аталган.

НОРДИЗМ (нем. Nord — шимол) — *арқачилик* кўринишларидан бири. Н. ғайриилмий назария бўлиб, унинг асосида шим. (ворд) ёки «ариан» ирқи инсониятнинг бошқа ирқларидан устун эканлиги ҳақидаги даъво ётади. Н. асосчилари француз социологлари Ж.А.Гобино ва Ж.В.Лануа ҳисобланади. Н. мадҳоҳлари шим. ва «герман» ирқларини тенг қўйган, герман ирқини «олий» ирқ ҳисоблаб, цивилизациянинг барча ютуқлари учун инсоният «олий» ирқдан миннатдор бўлиши керак, деб даъво қилган. Германия фашизми назариётчилари Н.ни ўз расмий мафкурасига айлантирган эди.

НОРДКАП — Норвегиянинг шим.-шарқий чеккасидаги бурун. Материкда (71°10′ н.к. ва 25°47′ шк.у.); қирғоқлари тик қоялардан иборат, бал. 300 м дан ошёл. Н. — Европанинг энг машҳур чекка шим. бурунларидан.

НОРДОН ЁМҒИРЛАР — таркибида оз-тингутурт водороди, карбонат ангидриди бўлган ёмғирлар. Йирик металлсозлик, кимё корхоналари, иссиқлик электр станцияларидан ҳавога қўшилган тутун ва б. газлар ҳаводаги нам б-н қўшилиб ҳосил бўлади. Жониворлар, тупроқ, ўсимликларга зарар келтиради.

НОРДОН ТОҒ ЖИНСЛАРИ — таркибида кремнезём жуда юқори (64—78%) бўлган магматик тог жинслари. Бу жинслардаги ортиқ даражада бўлган кремнезём кристалл кварц кўринишида ажралиб туради ёки эффузив тог жинсларида асосий массаларги вулкан шишаси таркибига киради. Асосий минераллари: кварц (20—30%), ишқорли дала шпати (25—35%), нордон плагиоклаз (20—30%), рангли минераллар (5—15%) ва б. Н.т.ж.ни келиб чиқишига қараб плутоник ёки вулканик синфига ажратадилар (яна қ. *Магматик тог жинслари*).

НОРЖИГИТОВ Абдуҳаким (1936.16.1, Дашгобод ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1965). 1965—77 й.ларда Дашгобод ш.даги 25-мактабда физика ўқитувчиси, директор ўринбосари, директор. 1977 й.дан Тошкент ирригация ва қ.х.ни механизациялаш муҳандислари ин-тининг Янгиер филиалида тайёрлов бўлими мудири. 1979 й.дан Зомин тумани 2- мактабларараро ўқув и.ч. к-ти директори. 1989—2002 й.ларда Зомин туманидаги 39-мактабда ўқитувчи. Иш фаолияти давомида замон талаби даражасидаги физика ва астрофизика кабинетлар, физика-мат. чуқур ўрганиладиган синфлар ташкил этди, табақалаштирилган тест усулини қўллади ва оммалаштирди.

НОРИЛЬСК — РФнинг Красноярск ўлкасидаги шаҳар (1953 й.дан). Дунёда энг шим. шаҳарлардан бири (Шим. Қутбий доира орқасида жойлашган). Т.й. станцияси (т.й. орқали Енисейдаги Дудинка порти б-н боғланган). Аҳолиси 151,2 минг киши (1998). 1935 й.да кончилик-металлургия к-ти қурилиши муносабати б-н вужудга келган. Рангли металлургия маркази. Никель, кобальт, мис ва б. рудалар қазиб олинади ва қайта ишланади; тошкўмир қазиб олинади. Металлсозлик ва қурилиш материаллари саноати корхоналари ишлаб турибди. Мессояха-Норильск газ қувури ўтказилган. Чекка Шимол қ.х. илмий тадқиқот ин-ти, театр, суратлар галереяси бор.

НОРИМ-НОРИМ (форс. — анор сўзидан) — Хоразмда кенг тарқалган куй ва анъанавий эркаклар рақси. Халқ байрамлари ва турли томошаларда халқ чолғу ансамбли жўрлигида ижро этилади, кўпинча қайроқ ҳам жўр бўлади. Ижрочилар (2—4 эркак) қарама-қарши туриб рақсга тушади. Рақс икки қисмдан иборат. Биринчиси тантанавор тарзда тўрт чоракли (4/4) усулда ижро этилади, асосан, қўллар рўбарў ҳолда тутилиб, юқоридан пастга, пастдан юқорига ҳаракат қилади. Иккинчиси шўх ва илдам уфар (6/8) усулида оёқ ва бутун гавда ҳаракати б-н ижро этилади. Н.-н. ва уфарисининг ашула вариантлари мавжуд. Ўзбек бастакор ва композиторлари ўз асарлари (мас., С.Юдаковнинг «Хоразмча байрамона юриш» увертюраси ва б.)да Н.-н. куй ва усулларидан фойдаланганлар.

НОРИН — Ўзбекистон ва Қирғизистондаги дарё. Марказий Тяньшандан бошланади. Уз. 807 км, ҳавзасининг майд. 59,9 минг км². Дарё Норин ш.дан 44 км шарқда Катта Норин ва Кичик Норин дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. Норин ш.дан 21 км оқиб ўтгач, унга ўнг томондан Ўнарча дарёси, сўнгра Сўнқўлдан чиқиб келадиган Кўкжерти дарёси қўшилади. Шундан сўнг, энг йирик чап ирмоқларидан Олабуға дарёси келиб қўшилади. Тўғузғўрў сойлигига оқиб чиққач, Н. дарёсига чап томонидан янча йирик Кўкиндарёси, 32 км оқиб боргач, Кўкўмаррасув дарёлари қўшилади. Ўзунахмат ва Қорводийсига чиқади. Шу ердан бошлаб унинг суви қисман суғоришга олинади. Наманган ш. яқинидаги Балиқчи қишлоғи ёнида Н. Қорадарё б-н қўшилиб Сирдарёни ҳосил қилади. Н. юқори оқимида кент водийда, Ахала дарёсининг қуйилиши жойига қадар чуқур ва тор водийли жуда тез оқади. Норин ш.дан бошлаб дарё водийсида икки ёқлама қайир ҳосил бўлган. Ўзунахмат дарёси қўйилиши жойига яқин дарё водийси тобора тораЙиб, қояли дарага айланади ва Учқўрғон ш.дан ўтгач, кенгайиб, конуссимон ёйилмадан оқа бошлайди. Н.нинг ўртача кўп йиллик сув сарфи (Норин ш. яқинида) 87,5 м³/сек, ўртача оқим модули 8,24 м³/сек. Дарёсининг энг катта максимал сув сарфи 1936 й. 20 майда 772 м³/сек, минимал ўртача ойлик сув сарфи 10,2 м³/сек. (1938 й. янв.) бўлган. Н. қор-музлик сувларидан тўйинади. Катта Фарғона, Катта Андижон, Шим. Фарғона, Катта Наманган каналлари шу дарёдан сув олади. Н. жуда катта энергия захираларига эга. Дарёда Учқўрғон ГЭС, Тўқтағул ГЭС қурилган. Н. бўйида Норин, Тошқўмир, Учқўрғон ш.лари жойлашган.

НОРИН — Қирғизистоннинг *Норин вилояти*даги шаҳар (1927 й.дан), вилоят маркази. Норин сойлигида, Норин дарёси (Сирдарё ҳавзаси) бўйида, бал. 2000 м дан ортиқ бўлган Оламушук тизмаси этакларида; Рибачье т.й. станциясидан 180 км жанубда. Автомобиль йўллари тутуни. Аҳолиси 44.5 минг киши (1990-й.лар ўрталари).

Қашқардан Чуй водийсига ўтадиган савдо йўли устида истеҳком пункти сифатида вужудга келган. Механика з-ди, тикувчилик ф-каси, гўшт к-ти, педагогика ва тиббиёт билим юртлари, Тяньшан мусиқали драма театри бор. Шаҳар 1867 й.да бунёд этилган.

НОРИН — миллий таом. Тайёрлаш усули: қўй, от ёки мол гўшти (баъзан, қази) қозондаги совуқ сувга солиб, кейин милдиратиб (янги мол ёки от гўшти 1—1,5 соат, сур от гўшти 2 соат) қайнатилади. Сўнгра совитилиб сомонча шаклида майда тўғралади. Ошхамир юпқа 0,8—1 мм қилиб ёйилиб 10×10 см, 10×5 см ли шапалоқлар кесилади. Хамир гўшт шўрвасида пиширилиб олинади ва бир оз совитилгач, ҳар бир шапалоқ бетига доғланган пахта ёғи (ёки қази ёғи) суртилиб, лаганларга устмаust тахланади. Сўнг шапалоқ хамир пилта қилиб (3,5—4 см) кесилиб, майда қилиб тўғралади. Тўғралган гўшт хамир б-н аралаштирилади. Бундай Н. қуруқ Н. деб аталиб, тақсимчаларга солиб, юзига зирапнёз ва 1—2 паррак қази қўйиб, яхна таом сифатида дастурхонга тортилади. Н. хамир пиширишдан аввал олиб қўйилган гўшт шўрвасн ҳамда пиёз қўшиб ҳам истеъмол қилинади (ҳўл Н.). Бундай Н. косаларда дастурхонга тортилади. Н. энг қадимий таомлардан ҳисобланиб, ўтмишда чорвадор қабилалар ўртасида кент тарқалган.

Ад.: Маҳмудов К., Ўзбек танскц таомлари, Т., 1989.

НОРИН ВИЛОЯТИ — Қирғизистон Республикаси таркибидаги вилоят. 1970 й. 11 дек.да ташкил этилган (1939—62 й.ларда Тяньшан вилояти). Жан.-шарқ.-да ва жан.да Хитой б-н чегарадош. Майд. 47,3 минг км². Аҳолиси 259,9 минг киши (1990-й.лар ўрталари), асосан, қирғизлар, шунингдек, рус, ўзбек, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 21%. 6 маъмурий туман, 1 шаҳар, 2 шаҳарча бор. Маркази — Норин ш.

Н.в. Ички Тяньшанда жойлашган. Ғарбдан шарққа баландлаша боради. Жан.-шарқида Қақшалтов (энг баланд жойи 5982 м), жан.-ғарбда Фарғона тизмаси (4692 м), шим.-ғарбда Сусамиртовнинг шарқий қисми (4048 м), Жумғолтов тизмаси (3947 м), шим-шарқда Терскай-Олатов тизмасининг ғарбий қисми ва Етим тизмаси чўзилган. Вилоятнинг ички қисмини Жоматов (4718 м), Отбоши (4786), Норинтов, Мўлдатов тизмалари ва б. қисман яссн сиртлар эгаллаган. Йирик сойликлар ва водийлар: шим.да Кўчқор, Жум-ғол, марказида Норин, Отбоши, жан.да Оқсой, Чатиркўл, ғарбида Тўғузтўрў, уларнинг туби 1000—1200 м дан 3800 м гача баландликда.

Иқлими кескин континентал. Қиши қаттиқ совуқ, ёзи нисбатан салқин. Янв.нинг ўртача т-раси —10,1° (Кўчқорда) дан —27,7° гача (Оқсой водийсида). Июлиники 21° дан (Қазарман) 9° гача (Оқсой водийси). Н.в.да ҳавонинг ўртача суткалик т-ра амплитудаси катта. Вилоят ҳудудининг кўп қисмида йиллик ёғин 200—300 мм. Айрим водийларда қишда деярли қор ёғмайди. Вегетация даври 130 кун. Энг йирик музликлар Қақшалтов тизмасида.

Дарёлари Норин (70%), Тарим (20%), Чуй ҳавзаларига мансуб. Норин дарёсининг муҳим ирмоқлари: ўнгда Кичик Норин, Кўкўмерен; чапда От-Норин дарёси.

боши, Олабуга. Кўпчилик дарёлари музлик-қор сувларидан тўйинади. Дарёлари гидроэнергия ресурсларига бой. Норин дарёси ирмоқларидан, асосан, суторишда фойдаланилади. Чуй дарёсида Ўртатўқай сув омбори қурилган. Йирик кўллари: чучук сувли Сўнкўл ва оқмас шўр сувли Чатиркўл. Тог.-дашт ва чалачўл ўсимликлари (тог водийларида шувоқ ва бошоқлилар) ўсади. Тог ён бағирларининг юқори қисмлари субальп ва альп ўтлоқлари б-н қопланган. Баланд тог тундраси, шарқида совуқ баланд тог чўли мавжуд. Наъматак, ирқ, учқат, водийларида терак ва қоратол, тог ён бағирларида тяньшан қорақарағайи, арча ўсади. Н.в.да архар, тог эчкиси, барс, сувсар, бўри, тулки, кулранг суғур яшайди. Иқтисодиётида қ.х. асосий ўринда. Н.в. — чорвачилик р-ни. Республикадаги қўйларнинг 1/4 қисми, эчки, қорамол, йилқи, қўтос боқилади. Н.в. ҳудудида олтин, тоштуз, қурилиш материаллари конлари бор. Қ.х. хом ашёсини қайта ишлаш (гўшт к-тлари, мой-сир з-длари, тегирмонлар), кенг истеъмол моллари ва қурилиш материаллари и.ч. корхоналари, механика з-ди (Норинда), «Оргтехника» прибор з-ди ишлаб турибди. Автомобиль транспорти ривожланган. Асосий йўллари: Рибачье—Норин—Тўруғарт, Норин—Қазарман. Кутубхоналар, театр, Қирғизистон Чорвачилик ва ветеринария илмий тадқиқот ин-тининг чорвачилик бўйича Тяньшан тажриба ст-яси жойлашган.

НОРИН СОЙЛИГИ — Ички Тяньшандаги сойлик (Қирғизистонда). Норин дарёсининг ўрта оқимида. 1300—3000 м баландликда. Уз. 300 км, эни 50 км гача. Норин дарёси ўнг соҳили ўр-қирли ерлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Қиши совуқ, деярли қор ёғмайди, ёзи салқин. Янв.нинг ўртача т-раси —15°, —18°, июлиники 15—17°. Йиллик ёғин 200—300 мм. Тупроғи оч-қўнғир тупроқ. Шўра-шувоқ ва бошоқлилар ўсади.

НОРИН ТУМАНИ — *Наманган вилоятининг жан.-шарқий қисмида жойлашган туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1962—1973 й.ларда ва 1988—89 й.ларда Учқўрғон тумани таркибида бўлган. Н.т. ғарбдан вилоятнинг Наманган ва Уйчи, шим.дан Учқўрғон туманлари, жан. ва шарқдан Андижон вилоятининг Балиқчи ва Избоскан туманлари б-н чегарадош. Майд. 207,1 км². Аҳолиси 118,3 минг кишн (2003). Н.т.да 1 шаҳар (Ҳаққулобод) ва 8 қишлоқ фуқаролар йиғини (Марғзор, Норинкапа, Пахтақишлоқ, Тошлоқ, Тўда, Усмон Юсупов, Учтепа, Хўжаобод) бор (2003). Маркази — Ҳаққулобод ш.*

Табиати. Н.т. вилоятнинг шарқий қисмида, Фарғона тизмасининг этакларида жойлашган, ғарбий четаралари бўйлаб Қорадарё ўтади. Рельефи пастбаланд текисликдан иборат (бал. 600—800 м). Тог этаклари палеоген даврининг гил, оҳактош, мергель жинсларидан таркиб топган. Норин ҳавзаси ёпинсига конгломератдан иборат. Қорадарё ҳавзасида конгломерат устуни ўнлаб метр қалинликда қоплаб ётган лёсс катта майдонда текислик ҳосил қилган. Норининг қайир текислиги Учқўрғон қишлоғидан бошлаб 2—3 км га кенгаяди; бу ерда қумоқ ҳамда қумлоқ жинслар кенг тарқалган. Туман ҳудудининг шим.дан жан.га томон Катта Андижон канали кесиб ўтади (туман ҳудудида уз. 13,5 км). Туманнинг жан.-ғарбий томонидан Қорадарёнинг эски ўзанидан ўтадиган Қолгандарё барча сизот сувларни йиғиб Қорадарёга қўшилади. Тупроғи жан. қисмида ботқоқ-торфли, шим.да бўз тупроқ. Норин Қорадарёга қўшиладиган ерда ўтлоқли, ботқоқ-ўтлоқи тупроқлар учрайди. Иқлими қуруқ континентал. Ёзи иссиқ, қиши совуқ. Янв.нинг ўртача т-раси —6°, июлники 27°. Йиллик ёғин 190—215 мм. Вегетация даври 233 кун. Туман ҳудуди ҳайдаладиган ерлардан иборат. Ёввойи ўсимликлардан фақат дарё бўйларида, канал, зовур четларидагина қамиш, ажриқ, ялпиз, қирқбўғин, қўйпечак, қизилмия, бурган, гумай, янтоқ, шўра, откулоқ, шувоқ, ёввойи жийда, момоқаймоқ, самбит,

Шошилинч тиббий ёрдам туман филиали биноси.

волғун ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлар жуда кам қолган. Илонлар, сув ҳашаротларида ондатра, шунингдек, тулки, қўён, калтакесак, юморонқовоқ, балиқлардан сазан, лаққа, чўртан ва б. бор. Қушлардан ёввойи ўрдак, лойқўрак, қалдирғоч, бўлбул, чумчуқ, тутурчиқ, мусича, ҳакка, қарға, суфитўрғай, сиичалак, каркунок, кўмри, лайлак ва б. учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар; шунингдек, тожик, қирғиз, рус, татар, корейс ва б. ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 571 кишн (2003).

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. Ширкат хўжаликлари пахтачилик, ғаллачилик, богдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик ва паллачилик б-н шуғулланади. Туманда 2 (Ўзбек-Литва «Клайпна Текстиль» ва «Ҳаққулобод ПИК») қўшма корхонаси, кичик ва хусусий корхоналар, «Норинтола» акциядорлик жамияти ва б. мавжуд (2003). Қ.х.нинг етакчи тармоғи — пахтачилик. Қ.х.да сугориладиган ерлар 13 минг га, экинзорлар 12 минг га дан зиёд. Шу жумладан, 6,7 минг га ерга пахта, 4,6 минг га ерга буғдой, 563 га ерга ем-хашак, 80 га ерга сабзавот, 30 га ерга картошка ва б. экилар экилади (2003). Н.т.да 9 ширкат хўжалиги, 2 фермер хўжаликлар уюшмаси, 245 фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 19,9 минг қорамол, 19,3 минг қўй, 44,2 минг паррнда боқилади (2003). 2002/2003 ўқув йилида 44 умумий таълим мактаби бўлиб, 28,0 минг ўқувчи таълим олди, 4 касб-ҳунар коллежи ва иқтидорли болалар лицейида 1530 ўқувчи ўқиди. 37 кутубхона, маданият саройи, 11 қишлоқ маданият уйлари, музей, «Ҳўрозча» «Гулдаста» халқ ансамбли, «Ҳўрозча» халқ кўғирчоқ театри ҳамда халқ дорбозлар гуруҳи фаолият кўрсатмоқда.

Н.т.да марказий касалхона ва 21 та даволаш ва тиббиёт муассасасида 231 врач. 1210 ўрта тиббий ходим ишлайди. Туманда ҳар 10 минг аҳолига 19,7 та врач., 103,2 ўрта тиббий ходим тўғри келади (2003). 1931 й.дан «Норин овози» туман газ. чиқади (адади 5000).

Муродулла Ҳайдаров.

НОРИНЖОН БОБО МАЖМУАСИ — Қорақалпоғистон (Элликқалъа тумани)даги меъморий ёдгорлик (10—18-а.лар). Мажмуа қад. қалъа ўрнидаги қабристон марказн — Норинжон бобо мақбараси атрофида турли даврларда зиёратхона, шарқий мақбара (14-а.), хонақоҳ айвони, қаландархона (18-а.) ва б. қўшимча хоналар қуриб барпо этилган. Норинжон бобо ҳақидаги аниқ маълумотлар сақланмаган. Мақбарадаги қабртошга «Бу оқил, обид, Аллоҳ йўлида доимий рўзадор, Аллоҳ қаромятини ерда пайдо этувчи, Муҳаммад ибн Мусо ибн Довуд Абу Абдуллоҳ ан-Норинжоний қабридур. Аллоҳнинг унга ва унинг дўстларига раҳмати бўлсин, ҳижрий 712 й.в.э.» — деб ёзилган.Ундаги гириҳ нақшлар Термизий мақбарасидаги қабртошга ўхшашдир.

Дастлаб мурабба тарҳли пештоқсиз мақбара қурилган (10-а.), зиёратхона ва унинг ёнидаги гўрхона (14-а.) томлари гумбазли қилиб бирлаштирилиб олдига пештоқ ва чиллахона ишланган. Шарқдан хонақоҳ ва айвон бунёд этилиб мақбаранинг шарқий эшиги ўрнига меҳроб қурилган. Пештоқининг шарқий бурчагида кичик минора, ёнида қаландархона қурилган. 1981—83

Норинжон бобо мақбараси.

йиларда илмий ўрганилган. Мустақилликдан кейин қайта тикланди.

НОРИНОВА Мавлуда Ҳакимовна (1949.15.4, Янгиқўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон пед. ин-тини тугатган (1972). 1972 й.дан Янгиқўрғон туманидаги 54-мактабда ўқитувчи, 1973 й.дан 81-мактабда ўқув бўлим мудири, 1984—2000 й.ларда Чортоқ туманидаги 27-мактабда директор. Иш фаолияти давомида новаторлик дарс усулларини қўллаган, педагогик-психологик тадқиқот материалларини амалиётга тўлиқ жорий қилишга эришган.

НОРИНТОВ — Ички Тяньшандаги тог тизмаси. Қирғизистонда, Отбоши дарё водийси б-н Норин дарёси водийси орасида кенглик бўйича 145 км га чўзилган. У ғарбда Отбоши дарёси орқали Қоратов ва Бойбичатовдан, шарқда Жалджар (Отбошининг ирмоғи) дарёси орқали Барколдзой тоғидан ажралиб туради. Н.нинг жан.да Отбоши, шим.да Нура ва Жетимтов жойлашган. Н. баланд тог ҳисобланиб айрим чўққилари 4500 м дан зиёд. Тизмасининг ўқ қисми оҳактош ва метаморфик сланец, гранитлардан ташкил топганлиги туфайли қояли, қиррали бўлиб, кичик музликлар ва доимий қорлар б-н қопланган. Қиши совуқ, давомли, ёзи салқин ва қисқа. Янв.нинг ўртача т-раси —18, —20°, июлники қуйи қисмида 15—17°, энг баланд қисмида 0° атрофида. Йиллик ёғин 200—400 мм. Шим. ён бағри Норин водийсига тик тушган. Жан. ён бағри қия, жарлар б-н ўйилган. Асосан, тог-ўтлоқ, тог-дашт ландшафти мавжуд бўлиб, баъзи нам кўпроқ бўлган қисмларида тяньшан қорақарағайи ўсади. Тик ён бағирлари қоя ва қурум тошлардан иборат.

НОРКАЛАР — сувсарсимонлар оиласига мансуб йиртқич сут эмизувчилар. Танаси ингичка, чўзиқ, оёқлари калта, бармоқларида сузгич пардалари бор. Юнги қалин, ялтироқ, кулранг тусли. 2 тури бор. Европа норкаси Европа ва жан.-ғарбий Сибирда яшайди. Уз. 45 см

Норка.

гача, думи 20 см гача. Ноёб, йўқолиб бораётган тур. Қуриш о.да иқлимлаштирилган. Америка норкаси Шим. Америкада тарқалган; уз. 54 см гача. Қўпчилик мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда иқлимлаштирилган; Европа норкасини аста-секин сиқиб чиқармоқда. Америка норкаси ўрмонлар яқинидаги музламайдиган дарёлар, кўллар ва ботқоқликлар яқинида уяла яшайди. Полигам. Бўғозлик даври 36—80 кун, 1—9 та, баъзан 16 тагача бола туғали. Лактацияси 2—2,5 ой. Майда сут эмизувчилар ва балиқлар б-н озиқланади. Н. мўйнаси учун овланади. Америка норкаси мўйначилик фермаларида боқилади. Селекция орқали Америка норкасининг ҳар хил рангли мўйна берадиган зотлари чиқарилган.

НОРМАЛ ТАҚСИМОТ — *эҳтимоллар назариясидаги* муҳим тақсимотлардан бири

$$\varphi(x) = \frac{1}{\sigma\sqrt{2\pi}}\, e^{-\frac{(x-a)^2}{2\sigma^2}}$$

дан иборат бўлган тасодифий миқдорлар тақсимоти (a — ихтиёрий ҳақиқий сон, $\sigma>0$). Н.т. (1) га бўйсунган ξ тасодифий миқдорнинг ўрта қиймати a га, дисперсияси σ^2 га тенг бўлади: $M\xi = a$, $D\xi = \sigma^2$. Н.т. $x = a$ нуқтага нисбатан симметрияга эга. Ўзаро боғлиқ бўлмаган $\xi_1, \xi_2, \ldots, \xi_n$ нинг тақсимоти (жуда кенг шартларда) Н. т.га яқин бўлиши исботланган (қ. *Лимит теоремалар*). Бирор тасодифий миқдорни катта сондаги ўзаро боғлиқмас сабабларнинг натижаси деб қараш татбиқларда кўп учраганлиги учун Н.т. эҳтимоллар назарияси ва табиатшуносликда катта аҳамиятга эга. Н.т.нинг вужудга келишига классик намуналар К. *Гаусс* (кузатиш хатолари тақсимоти қонуни) ва Ж. *Максвелл* (молекулалар тезликлари тақсимоти қонуни) га тегишли.

НОРМАЛЬ (лот. normalis — тўғри) — эгри чизиқнинг бирор нуқтасига ўтказилган уринманга (ёки сиртнинг уринма текислигига) тик тўғри чизиқ. Текисликда $F(x,y) = 0$ тенглама б-н берилган (L) текис



Эгри чизиққа ўтказилган нормаль.

эгри чизиқнинг $M(x_0, y_0)$ нуқтасидаги N.и MN тўғри чизиқдан иборат (расм). Фазовий эгри чизиқнинг ҳар бир нуқтасидан чексиз кўп Н.лар ўтади; улар уринмага тик бўлган Н. текислигини ташкил қилади.

НОРМАНДИЯ (Normandie) — Франциянинг шим.-гарбидаги, асосан, Нормандия я. о.даги тарихий вилоят. Кальвадос, Манш, Эр, Денгизбўйи Сенаси, Орн департаментларидан таркиб топган. Майд. 29,9 минг км². Аҳолиси 3,1 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Икки иқтисодий р-нга — Юқори Н. ва Қуйи Н.га бўлинган. Асосий шаҳарлари — Руан, Кан. «Н.» номи ушбу ҳудуди 10-а.ининг 1-ярмида босиб олган *норманлар*дан олинган. 10—13-а. бошида Н. — герцоглик, Англияни Нормандия, босиб олгач (1066 й.) — инглиз қироллари мулки. 1202—04 й.ларда Н.ни Франция қайтариб олган; 1790 й.гача вилоят мақомида бўлган.

НОРМАНДИЯ ДЕСАНТ ОПЕРАЦИЯ-СИ — 2-жаҳон уруши даврида-ги жанговар операция (1944 й. 6.6 — 24.7). *Иккинчи фронт*нинг очилиши. Англия-Америка экспедицион кучларининг Ла-Манш бўғози орқали Нормандияга туширилиши ва қулай стратегик плацдармни эгаллашлари. Бу ердан Шим.-Гарбий Францияда ҳужумкор операция бошлаб юборилган.

НОРМАНДИЯ ОРОЛЛАРИ — Ла-Манш бўғозидаги бир гуруҳ ороллар. Нормандия соҳиллари яқинида, Буюк Британия таркибида. Майд. 196 км². Иккита йирик (Гернси ва Жерси) ва бир қанча майда ороллардан иборат. Гранит ва гнейслардан таркиб топган. Энг баланд жойи 148 м. Иқтими мўътадил иқлим. Балиқ овлаш, гулчилик, сабзавотчилик ривожланган. Иқлим курортлари бор. Сент-Хелиер порти — йирик молиявий марказ.

«НОРМАНДИЯ-НЕМАН» — Иккинчи жаҳон уруши даврида Францияни фашистлар оккупациясидан халос қилиш ҳаракати — «Курашаётган Франция» қирувчи авиацияси полкининг номи. 1943—45 й.ларда совет-герман фронтида ҳаракат қилган. Полк учувчилари немисларнинг 280 га яқин самолётини йўқ қилиб, 80 тасини шикастлаганлар. 1944 нояб.да Литвани озод қилишдаги жангларда ва Неман дарёсини кечиб ўтишда ўрнак кўрсатганликлари учун полкка «Неман» фахрий номи берилган.

НОРМАНН НАЗАРИЯСИ — Россия ва б. хорижий тарихшунослигидаги оқим. Унинг тарафдорлари *норманнлар* (*варяглар*) қад. Русдаги давлатга асос солишган деб ҳисоблайдилар. 18-а. 2-чорагида Г.З.Байер, Г.Ф.Миллер ва б. томонидан ишлаб чиқилган. Н.н.ни М.В.Ломоносов, Д.И.Иловайский, С.А.Гедеонов ва б. рад этишган.

НОРМАННЛАР (скандинавча northman — шимол одами) — Скандинавия я.о.да яшаган ва Европа мамлакатларига босқинчилик юришлари (8—11-а.лар) уюштирган халқлар; Гарбий Европада шу ном б-н машҳур бўлишган. Скандинавиянинг ўзида юрин қатнашчиларини *викинглар*, Русда эса *варяглар* деб аташган.

НОРМАТ ҚИЗИҚ СУЛОЛАСИ — қўқонлик қизиқчилар. 1) Нормат қизиқ (лақаби Мулла. Оғи катта. 1849 — Қўқон — 1919) — *Зокиржон қизиқчи*нинг туғасида катта қизиқчилардан таълим олиб, ин бошлаган. Тўда б-н бирга Фарғона водийси бўйлаб ва Шарқий Туркистонда томоша кўрсатган. Зокиржон қизиқ вафотидан кейин Қўқонга қайтиб ўз тўдасини тузган. Тўдада унинг раҳбарлигида Руи гов, Немонд хўроз, Лум-лўм Мамажон (Муҳаммад Қундузов), Азим бола, Бойбат қизиқ, Шомат қизиқ каби кўпгина устадлари ижод қилишган. Нормат қизиқ уларга ҳам устозлик, ҳам корфармонлик қилган. Катта қизиқларининг «Ҳожи кампир», «Қаландарлар», «Аторлиқ», «Бола ўқитиш», «Мударрис», «Мамаюсуф», «Кетмон тилаш», «Ёғоч полвон» каби анъанавий комедияларини янги шароитларга мослаб тиклаган, ижро этган. У 360 та қизиқчилик томошасини билган ва бир йил давомида ҳар куни янги томоша кўрсатиш имкониятига эга бўлган экан.

2) Пўлатжон қизиқ (1907 — Қўқон — 1960) — Нормат қизиқнинг ўғли. Отасининг ва у раҳбарлик қилган қизиқчилар тўдасининг томошаларини кузатган, ўзлаштирган, отаси унинг қизиқчи бўлишига монелик қилишига қарамай ниҳоятда иқтидорли қизиқчи бўлиб етишади. Ҳамид оғиз, Комилқори қизиқ Қулижонов б-н ҳамкорликда қизиқчилик қилган. 30-й.ларда Аъзам қизиқ тўдасида, уруш йилларн ва кейин *Ака Бухор* тўдасида фаолият кўрсатган. «Афғон табиб», «Ўлик сотди», «Ҳаммол», «Бедана ўйини» каби комедияларда ўйнаган, ҳамтўдалари б-н лапар, аския айтишган. Тошкентда (1932, 1937), Москвада (1937) ўтган декада ва кўрикларда қатнашган. «Саодатхон» номли янги оғзаки комедиянинг яратилиши ва ижросида Пўлатжон қизиқнинг хизмати катта. 3) Жўрахон аския Пўлатов (1934.10.6, Қўқон) — қизиқчи, аскиячи. Пўлатжон қизиқнинг ўғли. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1999). Болалигида отаси ва б. қизиқчилар ижодини кузатган, чолғулар (дутор, танбур, рубоб, доира) чалишни, ашула айтишни ўрганган. «Мамаюсуф», «Тун ўтиши», «Саодатхон» каби комедияларни наро этишда қатнашган. Кули санъатида ўз ишт. ўз услубини топишга интилиб, мусиқий қизиқчилик б-н шуғулланган; машҳур ашулачиларга муқаллидлар яратган. Ҳаётдан олинган кулгили воқеалар, антиқа воқеа-ҳодисалар асосида кулки-ҳикоя ва латифалар тўқиб томошабинни кулдириб келган. Қизиқчиликда *Муҳаддин қизиқ* Дарвешов б-н тенглашган. Аниқса, мустақилликдан сўнг аския санъатида катта ютуқларга эришди. У академик Ҳасанбой Султонов, маргилонлик Мамасидиқ Шираев, Ҳошимжон Ҳакимов, қўқонлик Йўлдошхон Носиров, Неъматжон Тошматов б-н бирга Наврўз ва Мустақиллик байрамлари томошаларида фаол қатнашиб келмоқда. Қизиқни ва аскияни сифатида сўзнинг мазмунли, тагдор, ўтноқи, жозибалор бўлишига, равон ва дона-дона жаранглашига интилади. У шунингдек, Ҳамза номидаги Қўқон мусиқали драма театрининг актёри ҳамдир.

Мухсин Қобилов.

НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР — ваколатли давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг умуммажбурий кўрсатмаси. Уларда ҳуқуқ нормалари (қонун, кодекс, фармон, қарор, йўриқнома ва б.) ўрнатилади, ўзгартирилади ва бекор қилинади. Н.-ҳ.ҳ. Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқнинг асосий манбаидир. ЎзРнинг 2000 й. 14 дек.да қабул қилинган «Нормативҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонунининг 2-моддасига кўра, «... умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида қонун ҳужжатлари нормаларини белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжат Н.-ҳ.ҳ. деб ҳисобланади». *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикасининг Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, вазирликлар, давлат қўмиталари* ва идоралари, *маҳаллий давлат ҳокимияти органлари* ва *мансабдор шахслар* ЎзРда Н.-ҳ.ҳ.ни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Н.-ҳ.ҳ. нинг асосий белгилари қуйидагилар: ваколатли давлат органи томонидан умумий қоидаларга асосан чиқарилади, аниқ ўрнатилган тартиблар асосида қабул қилинади; Н.-ҳ.ҳ. ни қабул қилиш жараёни ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсули бўлиб ҳисобланади; Н.-ҳ.ҳ. ушбу ҳужжатнинг номидан келиб чиқиб умумий характердаги ҳулқ-атвор қоидаларини ҳуқуқ нормалари кўринишида мужассамлантиради; Н.-ҳ.ҳ. расмий ҳужжат бўлиб, белгиланган шакл ва реквизитларга эга: расмий номи, рақами, ушбу ҳужжатни қабул қилган органнинг номи, қабул қилинган ва кучга кирган вақти, расмий эълон қилинган жойи ва ҳ.к.; Н.-ҳ.ҳ. юридик кучга эга.

Н.-ҳ.ҳ.га қуйидаги асосий талаблар қўйилади: Н.-ҳ.ҳ. лойиҳасини ишлаб чиқаётган орган, қонда тарифасида, лойиҳани тайёрлаш юзасидан комиссия тузади; Н.-ҳ.ҳ. лойиҳаларини тайёрлашга манфаатдор давлат органлари, ёрдамга мўлжалланган давлат органлари, илмий муассасалар ва б. ташкилотларнинг вакиллари, айрим фуқаролар жалб этилиши мумкин; Н.-ҳ.ҳ.ни қабул қилувчи орган бир неча давлат органлари, илмий муассасалар ва б. ташкилотларга айрим фуқароларга мукобил лойиҳалар тайёрлашни топширишга ёки улар б-н шартномалар тузишга, шунингдек, энг яхши лойиҳа учун танловлар эълон қилишга ҳақлидир; вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Н.-ҳ.ҳ. лойиҳаларини тайёрлаш бўйича ишини мувофиқлаштириб туриш ўзР Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади; Н.-ҳ.ҳ.нинг матни лўнда, оддий ва равон тилда баён этилади. Н.-ҳ.ҳ.да уни амалга оширишнинг ҳуқуқий воситалари, шу жумладан, молиялаштириш манбаларн, рағбатлантириш, мукофотлаш ва ҳ.к.; назорат қилиш чора-тадбирлари ва ш.к. кўрсатилиши мумкин.

Н.-ҳ.ҳ. агар унинг матнида бошқа изоҳ берилмаган бўлса, муддатсиз амал қилади. Н.-ҳ.ҳ. амал қилишининг вақтинчалик муддати бутун ҳужжат учун ёки унинг қисмлари учун белгиланиши мумкин. Н.-ҳ.ҳ.нинг амал қилиши ЎзР фуқаролари ва юридик шахсларига, шунингдек, ЎзР ҳудудидаги чет эллик юридик шахслар, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга татбиқ этилади.

Нурмат Сабуров.

НОРМАТОВ Умарали (1931.3.1, Бешариқ тумани) — адабиётшунос олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981), филол. фанлари д-ри (1978), проф. (1979). Тошкент ун-тининг филология ф-тини тугатган (1957). 1962 й.дан ТошДУ (ҳоз. ЎзМУ) филология ф-тининг ўзбек адабиёти кафедрасида катта ўқитувчи, доцент; кафедра мудири (1974—2000), кафедра проф. (2001 й.дан). 1957 й.дан адабий-танқидий ва илмий мақолалари б-н адабий жараёнда иштирок этиб келади. Н.нинг илғор ўзбек адабиёти тадқиқотлари ва янги ўзбек адабиёти тарихи, тараққиёти масалаларига, унинг ўзига хос анъаналари ва новаторлик хусусиятларини аниқлашга қаратилган. Илмий фаолиятида реализм масалалари, 20-а. ўзбек адабиёти, адабий жараён ҳамда адабий танқидчилигининг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, Қодирий, Ш. Холмирзаев, П. Қодиров, Ў. Ҳошимов ва б. ижодкорларнинг асарлари б-н боғлиқ масалалар муҳим ўрин эгаллайди. Н. умумтаълим мактабларининг 5-, 9-, 11-синфлари учун «Ўзбек адабиёти» дарслик ва мажмуалари, олий ўқув юртлари учун «20-аср ўзбек адабиёти тарихи» (1999) дарслиги муаллифларидан бири. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

Ас.: Насримиз уфқлари. Т., 1978; Қалб инқилоби. Т., 1986; Қодирий боғи. Т., 1996; Умумбахш тамойиллар. Т., 2000; Қаҳҳорни англаш машаққати. Т., 2000.

НОРРИШ (Norrish) Рональд Жорж Рейфорд (1897.9.1, Кембриж — 1978.7.6) — инглиз физик-кимёгари. Кембриж ун-т проф. (1937 й.дан). Асосий илмий ишлари ўта тезкор кимёвий реакцияларни импульс усулларн б-н тадқиқ қилишга онд. Ёруглик нури таъсирида кетонларнинг парчаланишини (Норриш реакцияси) топган (1936—38). Ж.Портер б-н ҳамкорликда импульсли фотолизнинг биринчи қурилмасини яратган (1950). Бензинга тетраэтилқўргошин қўшилганда пероксидлар — спонтан ёниш марказларининг қайтарилиши натижасида детонациянинг йўқолишини аниқлаган. Нобель мукофоти лауреати (1967, Ж.Портер ва М. Эйген б-н ҳамкорликда).

НОРТ (Nort) Дуглас Сесил (1920.05.11, Кембриж, Массачусетс штати) — америкалик иқтисодчи. Сиэтл (1960—83) ва Сент-Луисдаги Вашингтон ун-ти проф. (1983 й.дан). Н. Европа ва АҚШ иқтисодий ривожланишида институционал омилларнинг аҳамиятини талқин этган. Институционал тузилмаларнинг иқтисодий битимлар ва харажатлар тавсифини белгилаб беришини, алоҳида хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятга киришиш имкониятлари ва афзалликлари масалаларини асослаб берди. Тарихий ҳодисаларни ўрганишда иқтисодий назария ва миқдорий усулларни қўллаш бўйича тадқиқотлари муҳим ўрин тутади. Нобель мукофоти лауреати (1993; Р.Фогель б-н биргаликда).

НОРТРОП (Northrop) Жон Хоуард (1891.5.6, Йонкерс, Нью-Йорк штати — 1987.27.5) — америкалик биокимёгар олим. Калифорния университети проф. (1949 й.дан). Илмий ишлари ферментатив реакциялар кинетикаси ва механизми ҳамда ферментлар хосса-

ларини ўрганишга оид. Илк бор соф крис-талл ҳолдаги пепсин энзими (1930), трипсин (1932) ва б.ни, шунингдек, дифтерияга қарши антитоксинни (1941) ажратиб олган. Нобель мукофоти лауреати (1946, У.М.Стэнли б-н ҳамкорликда).

НОРУДА (НОМЕТАЛЛ) ФОЙДАЛИ ҚАЗИЛМАЛАР — саноат ва қурилишда табиий ҳолатда ёки турли хил ишлов берилгандан кейин фойдаланиладиган, шунингдек, улардан неметалл элементларни ёки уларнинг бирикмалари ажратиб олинадиган ёнмайдиган қаттиқ тоғ жинслари ёки минераллар. Улардан комплекс фойдаланиш мумкин. Н.ф.қ. тури юздан зиёд. Қазиб олиш ва улардан фойдаланиш бўйича энг муҳим хом ашёлар қаторида туради. Н.ф.қ.нинг ҳозирга қадар системалаштирилган ягона таснифи йўқ. Одатда фойдаланиш соҳасига қараб 4 гуруҳга бўладилар: кончилик-кимё ҳом ашёси — апатит, галит, туғма олтингугурт, олтингугурт колчедани, барит, табиий туз ва б. (буларнинг аксариятидан минерал ўғит ишлаб чиқарилади); кончилик-металлургия хом ашёси — ўтга чидамли материаллар и.ч., флюс сифатида ишлатилувчи қолиплаш материаллари (гил ва қумлар); қурилиш материаллари — норуда қурилиш материаллари, керамика ва шиша хом ашёси, боғловчи материаллар учун хом ашё, минерал бўёқлар, иссиқлик ва шовқин ўтказмайдиган материаллар; неметалл руда хом ашёси — техник кристаллар (олмос, пьезокварц, исландия шпати, мусковит, агат ва б.), қимматбаҳо ва зебу зийнат буюмлари ясашда ишлатиладиган тошлар (заргарлик олмоси, зумрад, ёқут, топаз, малахит, фируза, каҳрабо ва б.); бу тоифага яна, одатда, асбест, тальк, графит, корунд, наждакни ҳам киритадилар.

Техника тараққиёти жараёнида Н.ф.қ. таркибига тобора янги тоғ жинслари ва минераллар қўшилиб бормоқда.

НОРУДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ — қ. *Қурилиш материаллари саноати.*

НОРФОЛК — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги шаҳар. Атлантика океани соҳилида, Виргиния штатида. Аҳолиси 234,4 минг киши (2000). Хэмптон-Родс қўлтиғи соҳилидаги порт. Кемасозлик (жумладан, ҳарбий кемалар), нефтни қайта ишлаш, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, кимё, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Ҳарбий денгиз базаси. Шаҳарга 1688 й.да асос солинган.

НОРХЎЖАЕВ Файзулла Хўжаевич (1911.25.11, Чуст тумани Қизилтепа қишлоғи — 1983.25.5, Тошкент) — ҳарбий арбоб, генерал-лейтенант (1972). 1927 й.дан армия сафида. Н. Ўрта Осиё бирлашган ҳарбий билим юртини (1931), Бош штаб ҳарбий академиясини (1959) тугатган. Хасан кўли ва Халхин- Гол дарёси бўйидаги жангларда иштирок этган (1938—39). 2-жаҳон уруши йилларида Жан.-Ғарбий, 3-Украина ва 1-Белоруссия фронтларида жанг қилган. Урушдан кейин танкка қарши қирувчи артиллерия бригадаси (1946—52), алоҳида ўқчи бригада, мотоўқчи дивизия артиллерияси қўмондони. Шим. қўшинлар гуруҳининг ракета қўшинлари ва артиллерияси бошлиғи ўринбосари (1961—64). Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондони ўринбосари (1964—73), 1974—82 й.ларда Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти республика бошқармаси Президиуми раисининг 1-ўринбосари. Уруш фахрийлари қўмитаси Тошкент шўъбаси раиси (1982 й.дан). Н. «50 йил жанговар сафда» асари (1982) муаллифи. Тошкент кўчаларидан бири Н. номи б-н аталган.

Ад.: Раҳмат А., Ўзбек генераллари, Т., 1965.

НОРХЎЖАЕВ Қодир (1907.15.12, Тошкент) — ўзбек геодезист олимларидан. Ўзбекистонда геодезиянинг ривожланишига самарали ҳисса қўшган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1974), техника фанлари номзоли (1940). 1938 й.дан 1988 й.гача Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари ин-тида ассистент (1938—44), доцент (1944 й.дан), кафедра мудири (1955 й.дан). Илмий ишлари геодезия тарихига, муҳандислик геодезиясига, умумий геодезияга оид. Геодезия фани бўйича «Инженерлик геодезияси» дарслиги (1984), ўндан ортиқ услубий қўлланмалар муаллифи.

НОРҚЎЗИЕВ Саидмаҳмуд (1883 — Қўқон — 1967.27.12) — наққош, бўяма нақш устаси; Фарғона наққошлик мактабини яратган. Ҳунарни отаси уста Норқўзи Нурматовдан ўрганган. Отаси ва уста наққош Муҳаммад Соли раҳбарлигида ишлаган, турар жой, масжидларни безашда қатнашган. 1903 й.дан мустақил уста. Қўқон, Андижон (Мамажон мингбошининг уйи), Марғилон, Ўш, Жалолобод (Барот ҳожи уйи, Матқосим масжиди) ва б. жойларда шуҳрат қозонган; клуб, чойхона, маданият саройларини безаган. Тошкентдаги Навоий театри биносининг Фарғона залини безаган усталарга раҳбарлик қилган, театр сахна пардаси учун нақшларнинг чизмасини яратган. Меъморий ёдгорликларни таъмирлашда фаоллик кўрсатган, жумладан, Қўқондаги Худоёрхон ўрдасини таъмирлашда қатнашган (40—50-й.лар). Н. яратган нақшларида ранглар уйғунлигига эришган нақш заминида лангар, барги қарам (ишлил), қизил ранглар, нақшларда ҳамма ранглардан фойдаланган, тилла ҳал ишлатган.

С. Норқўзиев «Фарғона нақши»

Н. яратган нақш мужассамотлари республика ва халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Н. кўплаб шогирдлар тайёрлаган. Шулардан ўғли Саидаҳмад *Маҳмудов* Ўзбекистон БА академиги.

НОСИР — *аббосийлардан* бўлган халифа (1180—1225). Н. даврида халифалик б-н салжуқийлар, *хоразмшоҳлар* ўртасидаги иддият янада авж олди. Салжуқий султонлар Бағдодда хутба ўқилаётган вақтда уларнинг ҳам номи қўшиб ўқилиши лозимлигини халифаликдан қатъий талаб қилганлар. Н. буни қатъиян рад этган. Хоразмшоҳ *Такаш* 1194 й. салжуқийларни енггач, ушбу талабни қўйган. Унинг ўғли *Муҳаммад* хоразмшоҳ ҳам отаси изидан борган ва 1217 й. қўрол кучи б-н Бағдодни олишга ҳаракат этган, бироқ юриш муваффақиятсиз тугаган. *Жалолиддин Мангуберди* ҳам Н.га қарши бўлган. Халифа Н.нинг халқ орасида обрўи паст эди. Халифа султонлардан ўзининг ҳам, балки вазирини ҳам иззат-икром қилишларини талаб этган. Н. мусулмон оламида хусусий ер мулки йўқ, чунки барча ерлар «амирал мўминин» (халифа)га тегишли деб эълон қилган. Н. ўз рақиблари б-н курашда ҳар қандай воситадан қайтмаган, унинг айғоқчилари ҳамма ерда изғиб юришарди, ўзи эса кечалари кийимини ўзгартириб Бағдоди кезарди. У давлат хазинаси учун янгидан-янги солиқлар, тўловлар ўйлаб топишга моҳир эди.

НОСИР Жамол Абдул (1918.15.1, Миср, Асьют вилояти Банн Мур қишлоғи — 1970.28.9, Қоҳира) — Миср Араб Республикасининг давлат ва сиёсий арбоби, 1939 й. ҳарбий билим юртини, 1942 й. ҳарбий-штаб колледжини тугатган. 1948—1949 й.лардаги Араб—Исроил уруши иштирокчиси. «Озод зобитлар» ташкилотини тузиб инқилобий ҳаракатга раҳбарлик қилган. Н. Инқилобий кенгашнинг аввало раис ўринбосари, сўнг раиси. 1952—56 й.ларда Миср Бош вазири ўринбосари, Ички ишлар вазири, Бош вазири бўлган. 1956 й. июнь — 1958 й. февр.да Миср президенти. 1956 й. Миср халқининг инглиз-француз-исроил агрессиясига қарши курашига бошчилик қилган. 1958 й. Н. раҳбарлигида Миср б-н Сурия қўшилиб, Бирлашган Араб Республикаси (БАР) вужудга келди. Н. 1958 й. БАР президенти, 1963 й. Араб социалистик иттифоқининг раиси, 1956 й.дан БАР қуролли кучлари бош қўмондони. 1961 й.да Сурияни БАРдан ажралиб чиқиши Н.нинг умум миллатпарварлик сиёсатига ҳамда 1967 й.даги Исроил б-н бўлган «олти кунлик уруш»да Миср армиясининг енгилиши Н.нинг сиёсий мавқеига сезиларли зарба берган.

НОСИР ХИСРАВ (тўлиқ исми: Абу-Муъиниддин Носир Хисрав ал-Қубодиёнӣ) (1004, Қубодиён — 1088, Баҳшон) — форс-тожик шоири, мутафаккири. Бошлангич маълумотни ўз қишлоғида олган, кейин Марв ва Балх мадрасаларида таҳсилни давом эттирган. Маҳмуд Ғазнавий ва унинг ўғли Масъуд саройида мирзалик қилган, солиқ маҳкамасини бошқарган. У 7 йил (1045—52) давомида Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Сурия, Миср, Арабистон, Ироқ мамлакатларини кезиб чиқади. Унинг «Сафарнома» асари шу сафар натижасида яратилган. Адолатли ҳукмдорлар туфайли осойишта ва фаровон шаҳарларни кўрган Н. Х. кейинчалик ўз асарлари орқали одил подшоҳ ғоясини илгари сурди.

Миср да 3 йил яшаб, фотимийлар тариқатига киради ва исмоилийлар маслагини қабул қилади. Фотимийлар бутун дунёни эгаллашни мақсад қилиб, уни 12 жазира (орол)га бўлган эдилар. Н.Х. Хуросон бўйича жазира бошлиғи — Ҳужжат этиб тайинланади (баъзи шеърларида Ҳужжат тахаллусини ҳам қўллаган). Кейинчалик, 1052 й.да Балхга қайтган Н.Х. бу ерда исмоилийлик ғояларини қизғин тарғиб-ташвиқ қила бошлайди. Бу ҳаракати учун Н.Х. шиалик ва кофирликда айбланиб, ўлимга ҳукм қилинади. Шундан сўнг у қолган 25 йиллик умрини Балахшонда — Ҳазрати Сайид қишлоғидаги Юмғон дарасида ўтказади. Унинг даъватлари натижасида бу ерда исмоилийлар жамоаси вужудга келади. Мақбараси асрлар давомида зиёратгоҳлардан бири бўлиб, маҳаллий аҳоли томонидан «Мозори Шоҳ Носир» деб аталган.

Н.Х. «Сафарнома», «Зод ул-мусофирин», «Важҳи дин», «Саодатнома», «Рўшноинома», «Хон ул-ихвон», «Бустон ул-уқул», «Далил ут-мутаҳайирин», «Жомеъ ул-ҳикматайн», «Ришриш», «Жомеъ ул-ҳикматайн», «Рисола дар жавоби 99 саволи фалсафи», «Қушойиш ва раҳойиш» каби кўплаб шеърий ва насрий асарлар яратган. У форс-тожик ва араб тилларида икки девон ҳам тузган, лекин араб тилидаги девонининг тақдири ҳозиргача номаълум. Шоирнинг қасида, ғазал, қитъа ва рубойиларини ўз ичига олган, 12 минг мисрадан иборат форсий девони эса Эронда бир неча марта чоп этилган.

Дунёвий илмларни чуқур ўзлаштирган Н.Х. ҳар фикрли киши бўлган. Одам ва Одам моҳияти тўғрисида ақл воситасида фалсафий фикр юритган. Дунёнинг номукаммаллиги, инсон табиатининг ноқислиги хусусида «Худо б-н мунозара» деган шеър ҳам ёзган. Ижодий орқали адолатсиз замон, жоҳил ва манфаатпараст кишиларни танқид қилиб, меҳнатқаш деҳқонни, косибу ҳунармандни, илм соҳибларини улуғлаган, инсоний камолотга даъват қилган. Унинг ҳар фикрлари ўзидан кейинги ижодкорлар, жумладан, Умар Хайёмга кучли таъсир кўрсатган.

Н.Х. асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинган. Бир нечта шеърлари, «Саодатнома» маснавийсидан парчалар ва «Сафарнома» асари М. Муинзода, Ш. Шомуҳамедов, Ғ. Каримлар томонидан ўзбек тилига ўгирилган.

Ас.: Сафарнома, Т., 2003.

Ад.: Бертельс А. Е. [Насир-и Хосрав и исмаилизм, М., 1959; Самарқандий Д., Шоирлар бўстони], Т., 1981.

Эргаш Очилов.

НОСИРОВ Абдулла (1899.6.12 — Тошкент — 1987) — библиограф, хаттот, манбашунос олим. Дастлаб Қўқалдош мадрасасида мударрис, кейинчалик хаттот ва шоир бўлган бобоси Сирожиддин Маҳдум Сиддиқий Хондайлиқий қўлида таҳсил кўрган. 1922—40 й.ларда Тошкент шаҳар ва р-н кутубхоналарида, 1940 й.дан эса ҳоз. Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг шарқ қўлёзмалари бўлимида ишлаган. 1943 й.дан Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти илмий ходими. Н. Шарқшунослик ин-тидаги қўлёзма ва босма китоблар бўйича Ўрта Осиё олимлари, шоирлари ҳамда ўлка ва шаҳарлар ҳақида библиографик маълумотлар тўплаган, уларга кўрсаткичлар тузиб, мавзуига кўра, соҳаларга тақсимлаб чиққан. Ўрта Осиё халқлари маданияти, тарихи ва б.га оид бир қанча илмий рисолалар муаллифи.

Ас.: Ўрта Осиёлик қарқ олим (ҳамкорликда), Т., 1962; Али Қушчи, Т., 1964; Аҳмад Фарғоний (ҳамкорликда), Т., 1966; Алишер Навоий қўлёзма асарлари каталоги (ҳамкорликда), Т., 1970.

НОСИРОВ Пўлатжон Хайруллаевич (1948.6.1, Ургут ш. — 1999.15.9, Тошкент) — иқтисодчи олим, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ФА акад. (1992), иқтисод фанлари д-ри (1987), проф. (1991). Тошкент халқ хўжалиги ин-тини тугатган (1970). Ўзбекистон ФА Иқтисодиёт ин-тида илмий ходим (1972—75), илмий котиб, бўлим бошлиғи, директор ўринбосари (1975—90), Ўзбекистон Республикаси Давлат режалаштириш қўмитаси раисининг ўринбосари (1990—92), Ўзбекистон молия вазирининг 1-ўринбосари (1992—93). Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси раисининг 1-ўринбосари (1993—94), шу қўмита Бош ҳисоблаш марказининг Бош директори (1994), Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Бош маслаҳатчи — Таҳлил ва ахборот марказининг раҳбари (1994—96), Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида 1-проректор (1996—97), 1998 й.дан Банк ва молия академияси молия кафедраси мудири. Илмий ишлари Ўзбекистонда товар-пул муносабатлари, нархларнинг шаклланиши, режалаштириш ҳам-да маркетинг муаммоларига бағишланган.

НОСИРОВ Темуржон Хайруллаевич (1941.25.7, Тошкент вилояти Зангиота тумани) — энергетик олим, Ўзбекистон ФА акад. (2000). Техника фанлари д-ри (1989), проф. (1990). Тошкент политехника ин-тини тугатган (1963). Шу ин-тда доцент, проф. (1963—95); «Электр станциялари» кафедрасининг мудири (1980—95), 1995 й.дан «Ўзбекистон энергомаркази»нинг бош директори, ТошТУ энергетика ф-ти проф., «Электроэнергетика» йўналишининг илмий раҳбари. Илмий

ишлари электроэнергетика тизимларининг турли режимлари таҳлили учун назарий умумлаштирилган моделлари ва алгоритмларига ҳамда автоматлаштирилган диспетчерлик бошқаруви тизимларига бағишланган.

Ас.: Линейные расчетные модели сетей электрических систем, Т., 1982; Основы теории и расчета установившегося режимов электрических систем, Т., 1985; Установившиеся режимы электроэнергетических систем и их оптимизация, Т., 1999.

НОСИРОВ Убайдулла Насруллаевич (1935.18.2, Жиззах тумани) — зоотехник олим, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби (1995), қ.х. фанлари д-ри (1974), проф. (1979), Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ФАнинг мухбир аъзоси (1991).

Самарқанд қишлоқ хўжалиги ин-тини тугатган (1957). Зомин туманининг «Зомин» хўжалигида зоотехник-селекционер (1960—64), Ўзбекистон чорвачилик и.т. ин-тида илмий ходим (1964—67), лаб. ва бўлим бошлиғи (1968—82), Республика наслчилик маркази директори (1982—84), Ўзбекистон чорвачилик и.т. ин-ти директори (1984—89), «Племэлита» илмий- и.ч. бирлашмасининг бош директори (1989—99). 1999 й.дан Тошкент аграр ун-тининг проф. Илмий ишлари қорамолчиликда гўшт йўналишдаги селекция, наслчилик хизматини ташкил этиш, мол гўшти етиштиришнинг назарий ва амалий масалаларига бағишланган. Олий ўқув юртлари учун дарсликлар муаллифи.

Ас.: Гўштдор қорамолчилик, Т., 1971; Производство говядины в зонах жаркого климата, Т., 1985; Қорамолчилик, Т., 2001; Фермер бўламан, Т., 2002.

НОСИРОВ Элёр Расулович (1953.22.9, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (2003). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1974). 1974—87 й.лар Ҳамза театрида, 1987 й.дан Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида актёр. Шуфтерле (Шиллер, «Қароқчилар») саҳнадаги илк образи. Нодир (Э. Воҳидов, «Олтин девор»), Илҳом (Ў. Умарбеков, «Шошма қуёш»), Раҳматилла (Уйғун, «Иби Сино»), Искандар (Навоий, «Искандар»), Отелло (У. Шекспир, «Отелло»), Қориншкамба (С. Айний, «Бухоро»), Меҳмонхўжаев (Р. Бобожон, «Тоға-жиянлар») ва б. ролларни ижро этган. Н. телевизион ва видеофильмлар, телепостановкаларда ҳам ролларни ижро этган («Қироллнинг дил хушн», «Вафодор», «Баҳс», «Бир фожиа изидан», «У Ромео эмас», «Сўнгги ўқ», «Холисхон», «Кўнгил кучалари», «Нейрон операцияси», «Қирқ гогораннинг қирқ ногораси» ва б.). Н. дубляж санъатининг етакчи актёрларидан.

НОСИРОВ Ҳамрокул (1904.2.1, Жиззах тумани — 1978.7.10, Жиззах ш.) — қ. х. ишлаб чиқарини ташкилотчиси, деҳқончилик амалиёти новатори, 2 марта Меҳнат Қаҳрамони (1956, 1978). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор (1966). 1944 й.дан Жиззах туманидаги «Москва» ширкат хўжалигининг (ҳоз. Х. Носиров номидаги жамоа хўжалиги) раиси. Н. раҳбарлигида жамоа хўжалиги илғор, иқтисодий бақувват пахтакор, чорвадор хўжаликка айланди, пахтадан 40 ц/га дан ошириб ҳосил, соғин сигирларнинг ҳар биридан 4000 л дан ортиқ сут олинди. Кўплаб турар жойлар, жамоат, маданият-маърифат бинолари, Ҳамид Олимжон музейи, хўжаликнинг «Шон-шуҳрат» музейи қурилди. Аҳоли газ, ичимлик суви б-н тўла таъминланди. Ширкат хўжалиги марказида Н.нинг бюсти ўрнатилган.

НОСИРОВА Муҳтарама (1925.1.7, Қарши) — Ўзбекистон халқ артисти (1964). 1941 й.дан Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилояти мусиқали драма театрининг актрисаси. «Ғунчалар» (З. Фатхуллин) спектаклидаги Нигор Н.нинг саҳнада яратган илк образидир. Н. саҳнавий жозиба, майин ва таъсирли овозга эга бўлгани сабабли мусиқали драмаларда ҳам катта муваффақият қозонди: Лайли (Хуршид; Т. Содиқов, Н. Миронов, «Лайли ва Мажнун»), Ширин (Хуршид; Г. Мушель, В. Успенский, «Фарҳод ва Ширин»), Зуҳра (С. Абдулла; Т. Жалилов, «Тоҳир ва Зуҳра») ва б. Айни чоғда драмаларда Жамила, Холисхон (Ҳамза, «Бой ила хизматчи», «Холисхон»), Гули (Уйғун, И. Султон, «Алишер Навоий»), Ҳур она (А. Орипов, «Жаннатга йўл»), Қурбонгул (Фитрат, «Абулфайзхон»), Муштипар она (М. Халил, «Сеҳрли узук»), Азиза (А. Шаломаев, «Оқибат»). Она (Ш. Парлаев, «Сўнгги қурбон») каби ролларни ижро этди. «Қалимда бўлган экан» (1995) фильмида Момо ролини ўйнади. «Шуҳрат» медали б-н тақдирланган (2001).

НОСИРОВА Ҳалима (1913.7.12, Қўқон яқинидаги Тоғлиқ қишлоғи — 2003.3.1, Тошкент) — опера хонандаси (лирик-драматик сопрано), ўзбек хонандалик санъатининг йирик намояндаси. Ўзбекистон халқ артисти (1937). Боку театр-техникуми (1924—27), Москва ўзбек опера студияси (1934—37)да таълим олган. Тошкент консерваториясини тугатган (1977; 1977—82 й.ларда Шарқ мусиқаси кафедрасида педагог). Мумтоз опера ҳамда миллий саҳна ижрочилик анъаналарини Н. Исҳоқхонова, Н. Голованов, М. Уйғур, М. Муҳамедов, Т. Жалилов ва б. устозлардан ўзлаштирган.

Фаолиятини актриса сифатида 1927 й.дан Ўзбек давлат намуна сайёр труппасида бошлаб, Мария Антоновна (Н. Гоголь, «Ревизор»), Маликаи Турандот (К. Гоцци, «Маликаи Турандот») каби ролларни ижро этган. 1929—39 й.ларда Ўзбек давлат мусиқали театри, 1939—86 й.ларда Навоий театрининг етакчи якқахон хонандаси. Ноёб, ўзига хос ширали ва кенг диапазонли овоз, саҳнавий истеъдодга эга бўлган Н. «Ҳалима» (Ғ. Зафарий), «Аршин мол олон» (У. Ҳожибеков), «Лайли ва Мажнун» (Ф. Фарҳод ва Ширин» (Хуршид; Т. Содиқов мусиқаси), «Фарҳод ва Ширин» (Хуршид; В. Успенский), «Гулсара» (К. Яшин ва М. Муҳамедов; Р. Глиэр) каби мусиқали спектаклларда бош роллар-ни ижро этиб шуҳрат қозонган.

Н.нинг мусиқали драма театри саҳнасида эришган муваффақиятлари ўзбек опера ижрочилигининг юзага келишига туртки бўлди. 1938 й. Ўзбек давлат мусиқали театрида саҳналаштирилган Е. Брусиловскийнинг «Эр Тарғин» операсидаги Оқжунус образи Н.нинг биринчи опера партияси эди. Н. илк ўзбек опералари — «Бўрон» (Г. Василенко ва М. Ашрафий, 1939)да Норгул, «Лайли ва Мажнун» (Т. Содиқов ва Р. Глиэр, 1940)да Лайли каби бош ролларни ижро этган. Кейинги-лик у «Улуғбек» (А. Козловский, 1942) операсида Син Дун Фан, «Кармен» (Ж. Бизе, 1944, ўзбек тилида)да Кармен, «Тоҳир ва Зуҳра» (Т. Жалилов ва В. Бровцин, 1949)да Зуҳра, «Гулсара» (Р. Глиэр ва Т. Содиқов, 1949)да Гулсара каби образлар яратди. Гулсара партиясида Н. миллий куйлаш санъатини опера ижрочилигига узвий боғлашга муваффақ бўлди. Кейинчалик бу ҳол Н. яратган барча ролдар талқинининг асосий хусусиятига айланди.

«Майсаранинг иши» (С. Юдаков)даги бош қаҳрамон талқинида ўзбек опера саҳнасидаги илк ҳажвий образни яратди. Майсарага хос лирик ва комик ҳолатлар инсонарли намоён бўлди. Н.нинг Зайнаб (Т. Содиқов, Ю. Ражабий, Д. Зокиров ва Б. Зейдман, «Зайнаб ва Омон»), Саодат (С. Бобоев, «Ҳамза»), Баҳор (М. Юсупов, «Хоразм қўшиғи»), Ҳадича хола (Я. Сабзанов, «Қайтиш») образлари фаолиятининг сўнгги йиллари маҳсулидир.

Н.нинг концерт репертуаридан ўзбек мумтоз мусиқа мероси намуналари катта ўрин олган: «Ушшоқ», «Дугоҳ», «Чоргоҳ», «Самарқанд ушшоғи», «Чапандози Наво» каби мақом йўллари, «Чаман ичра» ва б. А. Козловский овоз ва симфоник оркестр учун қайта ишлаган «Ўзганча», «Гулюз ичра», «Фитон» ва, айниқса, «Танавор» ашулаларининг лирик-драматик жиҳати Н. ижросида янада теранлашди. «Мен ўзбек қизиман», «Меҳнат аҳли» (Ф. Бурҳонова б-н биргаликда катта ашула йўлида) ва б. замонавий ашулаларни, «Ўзбек қизи овози» (М. Левиев), «Хуш келибсиз» (Сайфи Жалил) сингари композиторларнинг қўшиқларини кўтаринки руҳда тараннум этган. Бошқа халқлар (тожик, қозоқ, арман, озарбайжон, хитой, рус, украин каби) қўшиқлари ҳам Н. репертуаридан ўрин олган. Осиё, Америка ва Европа мамлакатларида гастролда бўлган. Давлат мукофотлари (1946,1951, 1968), Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1971), «Буюк хизматлари учун» ордени (2000) б-н мукофотланган.

Ас.: Мен ўзбек қизиман, Т., 1968.

Ад.: Саидов А., Ҳалима Носирова, Т., 1974; Хамидова М., Халима Насырова, Т., 1995.

НОСИРУДДИН АЛ-ҲАНАФИЙ, Носир Тўра (19-а. ўрталари, Бухоро — 20-а. бошлари, Кобул) — тарихчи олим, амир *Музаффар*нинг ўғли. Бухоро мадрасаларида таҳсил олган. *Бухоро илмий жамияти* аъзоси (1921—23). У *Бухоро Арки* тарихига доир «Таҳқиқоти Арки Бухоро» асарини шу жамият ҳамкорлигида ёзган. Шунингдек, унинг Бухоро амирлиги тарихига бағишланган «Осори салотин» («Султонлардан қолган ёдгорликлар»), «Туҳфат уз-зоирин» («Зиёратчиларга туҳфа», 1910 й.да Бухоро тошбосма нашриётида чоп этилган), «Ҳоди уз-зоирин» («Зиёратчилар учун кўрсаткич»), «Кунуз ал-атқиё» («Тақводорларга аталган хазиналар») («Тақводорлар» асарлари мавжуд. Амир Олимхоннинг талаби б-н унинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари қаторида (жами 51 киши) Афғонистонга юборилган (1923 й. июль).

Ҳалима Носирова Майсара ролида («Майсаранинг иши»).

НОСИРХЎЖАЕВ Собитхон Ҳошимович (1929.28.12, Тошкент) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1982), тарих фанлари д-ри (1971), проф. (1972). Тошкент юридик ин-тини тугатган (1951). Тошкент политехника ин-тида катта ўқитувчи (1954—64). Тошкент педагогика ин-тида доцент (1964—71), кафедра мудири (1971—82), демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти кафедраси проф. (1989 й.дан). Тошкент вилояти педагогика ин-ти ректори (1983—88). Асарлари Ўзбекистонда тарих, маданият, маърифат, миллий ғоя, истиқлол мафкурасига масалаларига бағишланган. «Ўзбекистон энгелинари» (ўзбек ва рус тилларида, Т., 1972), «Сиёсатшунослик фанидан қўлланма» (1992), «Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асари миллий ғоя ва мафкуранинг асослари, политология фанида фойдаланиш учун қўлланма» (2001), «Маънавият асослари» (2003) ва б. ўқув қўлланмалари муаллифи.

Ас.: Сиёсатшунослик лугати, Т., 1993; Социология асослари, Т., 2001.

НОСТРАТИК ТИЛЛАР — тилларнинг таснин қилинган макрооиласи. Ҳинд-европа, картвел, урал, дравид ва олтой тиллари оилаларини бирлаштиради. Н. т.нинг генетик жиҳатдан қариндошлиги уларда генетик жиҳатдан тенг, ўхшаш кўплаб ўзак ва аффиксал морфемаларнинг (1000 та якин) мавжудлигидир. Ўзак морфемалар қатлами асосий луғат таркибидаги ўзаклар бўлиб, тана аъзолари, қариндошлик муносабатлари, асосий табиат ҳодисалари, ҳайвон ва ўсимликлар номлари, оддий ҳаракат ва жараёнлар, асосий хусусиятларни (уларнинг номларини) қамраб олади. Генетик жиҳатдан умумий, тенг бўлган хусусиятлар грамматика ва фонетика соҳаларида ҳам кузатилади.

Ностратик макроилага кирувчи тиллар оилаларининг энг қад. қариндошлиги ҳақидаги масала ана шу оилаларни қиёсий-тарихий ўрганишнинг илк даврида юзага келган. Дастлаб тил оилалари жуфт-жуфт қилиб қиёсланган. Бир жуфт эмас, балки бир қанча (яъни урал-олтой, ҳинд-европа, сом-хом) тил оилаларининг қариндошлиги ҳақидаги қоидани биринчи марта данияльк тилшунос Х. Педерсен таърифлаб берган.

Мазкур масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар ва материалларни тўплаш ҳамда қад. ностратик тилни, яъни боботилни тиклаш ўтган асрнинг 70-й.ларида биринчи марта рус олими В.М.Илич-Свитич томонидан амалга оширилган.

НОСҚОВОҚ, носдон, носкади — нос соливадиган идиш. Оғзи тиқин б-н беркитиладиган бўғзи тор, қуйи қисми кенг шаклда бўлади. Қовоқ (сув-қовоқнинг пўсти қаттиқ алоҳида на-

Носковок (20-а. бошлари, Бойсун).

видан махсус ўстириб тайёрланади (баъзан қовоқ туга бошлагандан сўнг исталган шаклда қолип ясаб, унга киягизиб қўйилади ва керакли шаклга солинади); банди ўрни (бош қисми)дан тешилади, ичи қириб тозаланади, ичи 1—2 кун ёгга тўлдириб қўйилади, ёғ қовоқ пўстига шимилгач, ранги жигарранг, қизил тусга киради. Шундан сўнг буюм юзаси силлиқланади, ўйма ва бўема нақшлар б-н безатилади; мис, биринж, кумуш ва б. хом ашёлардан қопқоқ, занжир, белбог қилинади, баъзан кўзмунчоқ ва тангачалар осилади ҳамда қопқоқ қисмига қимматбаҳо тошлар қадалади. Фаргона водийсида мис, кумуш, мол шохи ва б.дан думалоқ ва эллипс шакли (кўпинча обдаста кўриниши)да ясалган тури нослон деб аталади.

НОТА (лот. nota — белги, огоҳлантириш) — қ. *Дипломатик нота.*

НОТА (лот. nota) — 1) мусиқа асарларини ёзиб олиш учун қўлланиладиган ёзув белгиси (қ. *Нота ёзуви*); 2) мусиқа асари ёзилган варақ, дафтар, китоб ва б.

НОТА АЛМАШИШ — *халқаро шартномаларни* тузиш шаклларидан бири. Одатда, дипломатик муносабатларни ўрнатиш, дипломатик миссияларни элчихонага айлантириш, бирон-бир шартноманинг айрим қоидаларини аниқлаштириш, шартнома амал қилишини тўхтатиш, мулкни топшириш ва ш.к. масалалар бўйича давлатлар ўртасида битимлар тузишда ноталар алмашинилади. Шартномани ташкил қилувчи нотанинг айнан бир хил матнини томонлар дастлабки тарзда оғзаки ёки дипломатик ёзишмалар йўли б-н келишиб оладилар.

НОТА ЁЗУВИ, нотация — мусиқа товушларининг баландлиги, узунлиги ва б. хусусиятларини ифодаловчи белги (нота)лардан иборат ёзув усули; мусиқа асарининг ёзув ифодаси. Н.ё. қадимдан турли халқлар мусиқа амалиёти ва илмий изланишларнинг маҳсули сифатида юзага келган (Қад. Миср, Бобил, Қад. Хитой ва б.). Н.ё.нинг бизгача етиб келган дастлабки намуналари мил. ав. 3-а.да Юнонистонда пайдо бўлиб, ҳарфлар б-н ифодаланганлиги учун ҳарфли Н.ё. дейилган. Бундай Н.ё. нинг маълум турини Ўрта Осиёда Форобий ишлаб чиққан. Ҳарфли Н.ё. товушлар баландлиги ва парда тузилмаларини аниқлашга ёрдам берган. Н.ё.нинг мукаммаллашишида кўп мамлакатларда юзага келган турли *табулатуралар* муҳим роль ўйнаган. Ўрта Осиёда Сафиуддин ал-Урмавий (13-а.) томонидан уд чолғу асбоби пардаларига мўлжаллаб яратган 2 хил табулатуралар маълум бўлган. Улар жадвал шаклида бўлиб, товушлар баландлиги турли ҳарфлар б-н, давомийлиги эса рақамлар (ёки нуқталар) ёрдамида ифодаланган. 19-а. охирида Хоразмда «танбур чизиги» деб номланган табулатура шаклидаги Н.ё. жорий этилган. Ўрта асрларда Европа черков вокал мусиқасида невма (матн сўзлари устига қўйилган оҳанг йўналишини кўрсатувчи махсус белги)ларга асосланган Н.ё. кенг тарқалди. Товуш баландлигини аниқроқ кўрсатиш учун бу белгилар горизонтал чизиқларга ёзила бошлаган. 11-а.да *Гвидо д'Арешцо* мазкур Н. ё. турини такомиллаштириб 4 чизиқли Н.ё. ни кашф қилган. 16-а. охиридан *гомофония* услубида генерал-бас усули жорий этилган. Унда бас овози товушлари тагида ёзилган рақамлар муайян аккордларни ифодалаган. Ҳоз. Н.ё. 5 та горизонтал чизиқлар (нота йўли)га (уларнинг орасига, юқориси ёки пастига) ёзиладиган ноталардан ташкил топган. Ноталар товушларнинг узун-қисқалигига қараб овал шаклидаги бўш ва қора доирача (бошча)лардан иборат бўлиб, улардан думли ёки думсиз (юқорига ёки пастга) чизиқчалар тортилиб ёзилади. Ноталар номи 7 та бўлиб, улар муайян *калит*ларида турлича ёзилади. Яна қ. *Альтерация, Динамика, Пауза.*



Скрипка калитидаги нисталар ёзуви.

Ад.: Акбаров Ил., Музика саводи, Т., 1953; Ражабов И., Мақомлар масаласига доир, Т., 1963.

НОТАРИАЛ ҲАРАКАТЛАР — нотариал идоралар *(нотариат)* томонидан ҳуқуқий ҳаракатларни тасдиқлаш, шаҳодатлаш ва ҳужжат бериш борасида амалга ошириладиган ишлар. Ўзбекистон Республикасида Н.ҳ.ни давлат нотариал идорасида ишловчи ёки хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариуслар амалга оширади. Нота-риуслар бўлмаган аҳоли пунктларида фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари), бошқа давлатларнинг ҳудудида Ўзр консуллик муассасаларининг ушбу ҳаракатларни амалга ошириш ваколати берилган мансабдор шахсларни амалга оширади. ЎзРда Н.ҳ. ва уларни амалга ошириш қоидалари аввало Нотариат тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1996 й. 26 дек.даги қонуни (ўзгартиш ва қўшимчалар 2003 й. 25 апр.да киритилган), шунингдек, соҳага оид Адлия вазирлиги чиқарган қўлланма ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар б-н тартибга солинади. Қонунга кўра, давлат нотариал идораларида ишловчи нотариуслар: *битимларни, васиятномаларни* тасдиқлайди, эр-хотиннинг умумий мулкидаги улушга *мулк ҳуқуқи* тўғрисидаги гувоҳномаларни беради; мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўяди ва тақиқни бекор қилади; мероса бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома беради; мерос мулкнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради; ҳужжатлар нусхаларининг бир тилдан бошқа тилга тўғри таржима қилинганлигини; ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди; *кўчмас мулк* оғир савдода сотиб олинганлиги ҳақида гувоҳнома беради; фуқаронинг тирик эканлиги, муайян жойда экандиги, фотосуратда акс эттирилган шахс эканлигини тасдиқлайди ва ҳ.к. Хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариуслар мол-мулкни ўзга шахсга ўтказишни тақиқлаб қўйиш ва тақиқни бекор қилиш, мероса бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома бериш ва мерос мол-мулкни кўриқлаш чора-тадбирларини кўриш ҳаракатларидан бошқа барча Н.ҳ.ни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) қуйидаги Н.ҳ.ни амалга оширади: васиятномаларни, ишончномаларни тасдиқлайди, автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш ҳақидаги ишончномалар бундан мустасно; мерос мол-мулкнинг кўриқланишига доир чора-тадбирлар кўради; ҳужжатлар нусхаларининг ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайди, маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхалари бундан мустасно; ҳужжатлардаги имзонинг ҳақиқийлигини шаҳодатлайди. Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари қуйидаги Н.ҳ. ни амалга оширади: битимлар (шартномалар, васиятномалар, ишончномалар ва ҳ.к.)ни тасдиқлайди. ЎзРдаги уй-жойларни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги шартномалар бундан мустасно; фуқаронинг тирик эканлиги, фотосуратда акс этган шахс эканлиги ва ш.к.ни тасдиқлайди.

Н.ҳ. нотариал идора ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи жойлашган бинода, фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра бора олмайдиган айрим ҳолларда мазкур фуқаро турган жойда, касалхонада ёки бошқа жойда амалга оширилиши мумкин. Н.ҳ. қақ тўланишидан сўнг зарур бўлган барча ҳужжатлар тақдим этилган куни амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасида Н.ҳ давлат тилида олиб борилади. Расмийлаштирилган ҳужжат матни фуқароларнинг талабига биноан, нотариус ёки Н.ҳ. ни амалга оширувчи шахс томонидан рус тилида ёки имкон бўлса, бошқа мақбул тилда берилади.

Шавкат Шораҳметов.

НОТАРИАТ (лот. notarius — мирза, котиб) — юридик аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқлар ва фактларни тасдиқлаш вазифаси топширилган ва қонунда назарда тутилган бошқа *нотариал ҳаракатларни* бажарувчи органлар тизими. Ўзбекистон Республикасида давлат ва хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариал идоралар Н. тизимини ташкил этади, улар бўлмаган аҳоли яшайдиган жойларда баъзи нотариал ҳаракатлар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) томонидан амалга оширилади. Нотариал идоралар юридик фактларни белгилайдиган ва фуқаролик ҳуқуқлари тўғрисидаги низоларни ҳал қилувчи суд муассасаларидан фарқланади. Бу идоралар фуқаролар б-н бевосита учрашиш йўли б-н ёки қонунда кўрсатилган ҳолларда ҳужжатларга асосан низосиз ҳуқуқларни ва юридик фактларни тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикасида Н.нинг ташкил этилиш принциплари ва фаолияти ЎзРнинг «Нотариат тўғрисида»ги қонуни (1996 й. 26 дек.), ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг Н. тўғрисида чиқарган қарорлари ва ЎзР Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси нотариал идоралари томонидан нотариал ҳаракатларни бажариш тартиби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларининг нотариуслари ва хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариусларнинг нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги 1997 й. 28 апр.даги қўлланмаси, ЎзР Адлия вазирлиги қайъатининг 1997 й. 28 апр.даги қарори б-н тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат нотариал идораларида хусусий амалиёт б-н шуғулланувчи нотариусларнинг иш юритиш тартиби ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролари йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида»ги қўлланмалари ҳамда бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга асосланади.

НОТР-ДАМ МАКТАБИ — 12—13-а.ларда Париждаги *Бибн Марям ибодатхонасида* фаолият кўрсатган композиторлар, хонандалар ва мусиқашунослар, жамоа ҳолда толалар ёки ипларни турли йўллар б-н бириктириб олинган матолар ва б. тўқимачилик маҳсулотлари; тўқимачилик маҳсулотларининг асосий турларидан бири. Н.м. олишининг физикавий-кимёвий ва механик усуллари бор. Физикавий-кимёвий усулда толалар ёки ипларни ёпиштирувчи моддалар (мас., елимлар) б-н бириктирилади, қизиб-елимлаш, қоғоз олиш машиналаридан фойдаланилади. Фильерли усулда йигирув машинаси фильери (тешик-тешик мосламаси)дан чиқаётган синтетик толалар махсус каналлар орқали ўтиб, ҳаво ёрдамида чўзилади, кейин ҳаракатланиб турган транспортёрда матога айланади. Бунда ҳам ёпиштирувчи моддадан фойдаланиш мумкин. Бундан бошқа усуллар ҳам бор.

Механик усулда матолар холст (дағал толалардан тўқиладиган мато) тикиш, ипларни тикиб бириктириш, жун толаларини наматга ўхшаб босиш ва б. йўллар б-н олинади. Н.м.дан тайёрланадиган маҳсулотлар: гиламлар, адёллар, попукли сочиқлар, сунъий чарм, линолеум, клеёнка тайёрланадиган матолар, фильтр материаллар, техник мовут, несеқлик-товуш изоляция-си материаллари ва б.

НОУ-ХАУ (инг. know how — қандайлигини биламан), ишлаб чиқариш сири — ҳали ҳаммага маълум бўлмаган ва кенг тарқалмаган янги илмий-техникавий, и. ч.-технологик, бошқариш, молиявий-иқтисодий, тижоратга оид билимлар мажмуи ва уларни амалиётда қўллаш тажрибалари; уларга таноз эга бўлиш. У корхона учун ҳам, шахс учун ҳам муайян устуликни таъминлайди. Н.-х. турли шаклларда: чизмалар, схемалар, йўриқномалар, маҳсулотлар намуналари, и.ч. технологияси ва уни ташкил этиш, ходимларни тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар ва б. бўлиши мумкин. Одатда, Н.-х.да патентланган маҳсулотга тааллуқли маълумотлар эмас, балки ундан фойдаланишни ташкил этиш ёки уни и.ч. ва ўзлаштириш хусусиятларига доир махсус ахборот бўлади. Н.-х. мажбурийлиги б-н ажралиб туради ва тижорат сири ошкор этилмаслигини талаб этади. Н.-х. патентланмайди, шунинг учун ҳам Н.-х. бўйича шартномада берилаётган маълумотлар сир сақланиши ва бу шарт бузилган тақдирда кўриладиган зарарни қоплаш ҳақида алоҳида банд бўлади. Муайян и.ч. жараёнидаги Н.-х. у ёки бу фирманинг мулки ҳисобланади ва шу сабабли олди-сотди қилинади. Одатда, Н.-х. товар сифатида патентлар ва лицензиялар б-н биргаликда сотилади, лекин Н.-х. мустақил сотилиши ҳам мумкин. Н.-х.ни лицензия б-н бирга сотиб олиш (нархи арзон бўлади) и.ч.-ни ўзлга қўйишни, и.ч. сирларини тўлароқ кўлга киритишни, и.ч. ни ишга туширишда сотувчи фирма мутахассислари иштирокини осонлаштиради.

НОХУН (форс. — тирноқ) — 1) мусиқада — танбур (баъзан, сато) ва доира чалишда ишлатиладиган мослама. Икки тури мавжуд: танбур Н.и — бўйин бармоқнинг бир бўғинига тенг тирноқ шаклида (одатда, ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғига кийилади); доира Н.и — узунасига кесилган яримта ангишвона шаклида бўлиб, бармоққа боғлаб қўйилади. Н., кўпинча, пўлат, жез (баъзан кумуш, мис ва б.)дан ясалади; 2) зиқдўзликда (ўйма жиик тикишда) чап қўлнинг кўрсаткич бар-

Танбур ва доира нохунлари.

мотига кийиладиган ангишвонага ўхшаган асбоб.

НОШИРЛИК, нашриёт иши — нашриётлар ташкил этиш, китоблар, газета, журналлар, тасвирий санъат асарлари ва б. босма маҳсулотларини тайёрлаш, нашр қилиш ва уни тарқатишга оид соҳа.

Нашриётлар чиқарадиган маҳсулотининг турига қараб — китоб нашриёти, китоб-жур. нашриёти, газета-жур. нашриёти ва б., қандай ўқувчиларга мўлжалланганлигига кўра — илмий адабиёт, оммавий адабиёт, болалар адабиёти, ўсмирлар адабиёти нашриётлари ва ҳ.к.га бўлинади; мавзусига кўра — универсал ва муайян соҳага ихтисослашган нашриётлар бор. Универсал нашриётлар (мас., «Ўзбекистон» нашриёти) барча хил ёки кўп турдаги, ихтисослашган нашриётлар (Ибн Сино номидаги нашриёт ва б.) муайян соҳа бўйича китоблар нашр этади.

Китобчилик иши *китоб босиш* пайдо бўлишидан бир неча минг йиллар олдин мавжуд бўлган. Хусусан, Ўрта Осиёда мил. ав. асрлардаёқ китобчилик ишлари б-н шуғулланганлар. Бу ерда арабларнинг истилосига қадар авчагина иодир китоблар яратилган (қ. *Китоб*). Араб халифалиги даврида ҳам бу иш тараққий этди. Тарихчи, хушнавис, қоғозчи, муқовасоз, безовчи (ловаҳ) ва ш. к. касб эгалари етишди. Тарихчи-ёзувчилар асарларини илгаригидек ўзлари кўчириб ўтирмасдан бу ишни улардан тез ва яхшироқ бажара оладиган мутахассисларга топширадиган бўлдилар. Китобларни, асосан, қўлда махсус хушнавислар кўчириб кўпайтирганлар. Шу тариқа *хаттотлик* санъати (каллиграфия) юзага келди ва такомиллашиб борди. Китоб бетларини турли ўлчамдаги катакларга бўлиш, саҳифаларнинг четларига ранг-баранг чизиқлар, нақшлар чизиш, китоб номини муқовасига ва зарварақларига олтин ҳал б-н ёзиш китоб безагининг одатдаги услубига айланди. Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий ва б.нинг асарлари фақат мазмун жиҳатидан эмас, китобат санъати б-н ҳам нодир ҳисобланади. Уларнинг кўплари жаҳондаги йирик кутубхоналарда қимматли ёдгорликлар сифатида сақланади.

Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан босиб олиниши (13-а.нинг 1-ярми) бутун маданий ҳаётда бўлгани каби китоб яратиш ва тарқатиш ишларини анча сустлаштирди. Темурийлар ҳукмронлиги даврида у яна юксалди. Айниқса, *Шоҳрух*, *Улуғбек* даврида адабий фаолиятда, хусусан, китобчилик ишларида катта ўзгаришлар рўй берди. Шоҳрухнинг ўғли *Бойсунғур* ташаббуси б-н Ҳиротда катта бир кутубхона-устахона ташкил этилиб, унга ўз даврининг машҳур котиблари, муқовасозлари, рассом-наққошлари ва б. китобсоз мутахассислар жалб этилган. Уларга зарур китобларни кўчириб ёзиш ва кўпайтириш вазифаси юклатган эди. Устахонада ҳар бир қўлёзма китоб бир неча мутахассис қўлидан ўтарди. Алишер Навоий ўзбек халқи маънавий хазинасини бойитган асарлар ёзиш б-н биргаликда бадиий қўлёзма санъатини янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. 15-а. ва 16-а.нинг 1-ярмидаги бадиий қўлёзма санъатининг услуб ва анъаналари кейинги йиллардаги каллиграфия санъатининг асосини ташкил этди. Миниглаб хаттотлар шу даврнинг усталаридан намуна олдилар, уларга эргашдилар (яна қ. *Китобат санъати*).

Нашриёт босма маҳсулотлари чиқарадиган корхона, муассаса сифатида Европада 16-а.да пайдо бўлди. Босмахоналарнинг йириклашиши, айрим китоблар нашри устида узоқ муддат ишлаш, и.ч.ни техника ва маблағ б-н таъминлаш, китоб савдосини ташкил этиш зарурияти махсус касб эгалари — матбаачи-ноширлар пайдо бўлишини тақозо қилди. 19-а.га қадар нашриётлар китобчилик ишининг барча жараёнлари (таҳририй иш, босмахона, реклама тарқатиш ва б.)ни ўз ичига олган. 19-а. ўрталарида *полиграфия саноати* ўсиб, янги, кучли техника базасининг вужудга келиши б-н Н.да нашриёт ва полиграфия корхоналарининг ихтисослашиш жараёни бошланди. 19-а. охири — 20-а. бошларида нашриётлар эълисига акционерлик жамиятлари каби ташкилотларга айланди, кейинроқ китоб ва газета-жур. нашриётлари трестлари вужудга келди. Россияда ҳам Н. б-н шуғулланадиган бир қанча фирмалар бўлган.

19-а.нинг 2-ярмида Россиянинг чекка ўлкаларида, жумладан, Туркистонда ҳам Н. юзага кела бошлади. Туркистонда китоб нашр этиш б-н дастлаб подшо Россияси статистика қўмиталари шуғулланди. Бу қўмиталар Туркистон ўлкасига оид турли маълумотларни, кейинчалик туркистоншунос рус олимларининг илмий ишларини нашр қилдирган. 1868 й.дан 1910 й.гача Туркистонда нашр этилган китобларнинг асосий қисмини русча китоблар ташкил этган. Туркистонда китоблар нашр этишда Тошкентдаги О.А. Порцев, В.М.Ильин, Самарқандаги Г.И. Демуров босмахоналари машҳур бўлган. 1910—17 й.ларда ўзбекча нашр қилинган китобларнинг кўплари шу босмахоналардан чиққан. 1874 й. Хивада Муҳаммад Раҳимхон II (*Феруз*) томонидан ташкил этилган босмахона то 1910 й.га қадар китоб нашр этган. Ўлка аҳолиси ўртасида иодир қўлёзма асарларни кўпайтириб нусхаларда нашр этиб тарқатишда, айниқса, Тошкентда «Ғуломия», Наманганда «Исҳоқия» номи б-н маълум бўлган босмахоналар муҳим роль ўйнаган. «Ғуломия»нинг ташкилотчиси Ғулом Ҳасан Орифхонов ўз фаолиятининг дастлабки йилларида ўртаосиёлик буюк мутафаккирларининг машҳур асарларини нашр этишга эътибор берган. «Исҳоқия» босмахонасида унинг ташкилотчиси маърифатпарвар ва рус тилининг илк тарғиботчиларидан Исҳоқхон тура Жунайдулло Эшонов кўпгина асарларни нашр этган.

20-а.нинг 10-й.ларида Туркистонда китоб нашр этишни ва омма ўртасида тарқатиш ишлари б-н шуғулланувчи ширкатлар, бирлашмалар, фирмалар пайдо бўлди. «Русская окраина», «Туркестанское товарищество печатного дела», «Маданият», «Мактаб», «Туркистон кутубхонаси» Н. ширкатлари шулар жумласидандир. Бу ширкатларга маҳаллий аҳолининг баъзилат ва маърифатпарвар кишилари, жадидлар, шунингдек, илғор кайфиятдаги рус кишилари, татар зиёлилари уюшган эди.

Окт. тўнтаришидан сўнг босмахоналар мусодара қилиниб, давлат ихтиёрига ўтказилди. 1918 й. Туркистон МИК ҳузурида Миллий ишлар халқ комиссариятида ва Матбуот бюросида нашриёт бўлимлари тузилиб, маҳаллий тилда сиёсий адабиётлар нашр этила бошлади. Туркистон АССР Маориф халқ комиссарлигининг нашриёт бўлими дарс-ликлар чиқаришга ҳаракат қилди. Шу даврда бошқа турли идоралар ҳам оз миқдорда босма маҳсулотлар чиқарди. Китоблар Туркистон матбуот марказий бошқармаси («Туркцентропечать») томонидан бепул тарқатилди. 1920 й. мартда Туркистон МИК Туркистон давлат нашриёти (Туркдавнашр) таъсис этиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу Ўрта Осиёдаги илк китоб нашриёти бўлиб, унга ўлкадаги барча нашр ишларини бирлаштириш, қоғоз тақсимоти ва босмахона жиҳозларини назорат этиб, раҳбарлик қилиш вазифалари юкланди. Фуқаролар уруши тамом бўлиб, ҳарбий интервенция тугатилгандан кейин барча нашр ишлари янги иқтисодий сиёсатга мувофиқ қайта қурилди. ХКС нинг 1921 й. 28 нояб.даги қарори б-н нашрлар пулли бўлиб, китоб савдоси жорий қилинди. Нашриёт ва полиграфия корхоналари хўжалик ҳисобига ўтди. 1923 й.да Туркдавнашр Ўрта Осиё нашриёти деб атала бошлади. Бу нашриёт 1921 й.дан 1924 й.гача 1184 номда 3 млн.дан ортиқ нусхада китоб нашр этди. Туркистонда нашриёт ишини йўлга қўйишда И. И. Гейер, Ғулом Ҳасан Орифхонов, Исҳоқхон Ибрат, Абдурраҳмон Саиёҳ Содиқов, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов ва б. салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегаралашишидан сўнг (1925) Ўрта Осиё давлат нашриёти негизида Ўзбекистон давлат нашриёти — Ўздавнашр (ҳоз. «Ўзбекистон» нашриёти) ташкил топди. 1925 й. Ўзбекистонда 334 номда 1,5 млн.дан ортиқ тиражда китоб нашр этилди.

30-й.лар нашриёт ишида кескин бурилиш даври бўлди. Нашриётлар маҳсулотларининг гоявий-сиёсий йўналишида партиявийлик ўқмронлиги мустаҳкамланди. Марксизм-ленинизм асарларини ўзбек тилида чиқариш мақсадида Ўзбекистон КП МК ҳузурида Партия нашриёти (Ўзпартнашр) ташкил этилди. 30-й.ларнинг 2-ярмида тегишли халқ комиссарлари ва ташкилотларининг ихтисослашган тармоқ нашриётлари барпо этилди.

2-жаҳон уруши йилларида нашриётлар фронт ва мамлакат ичкарисидаги эҳтиёжга мувофиқ қайта қурилди. Ўзбекистондаги 8 мустақил нашриёт ўзаро ташкилий бирлаштирилиб, матбаа корхоналари ҳам унинг ихтиёрига берилди. Айрим муассасаларга қарашли нашриётлар ёпилди. Китоблар нашри кескин қисқарди.

Урушдан кейинги йиллар ихтисослашган нашриётларни тиклашга ҳаракат қилинди. 1950 й. «Ўқувпедагогнашр» (ҳоз. «Ўқитувчи» нашриёти) тикланди; 1957 й. Адабиёт ва санъат нашриёти; 1959 й. Медицина нашриёти; 1960 й. «Ёш гвардия», 1964 й. Нукусда «Қорақалпоғистон» нашриёти, 1968 й.да Тошкентда Ўзбек совет энциклопедияси Бош таҳририяти очилди. Нашриёт ишларига раҳбарликни яхшилаш мақсадида 1963 й. Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузуридаги матбуот комитети ташкил этилди (1978 й.дан Ўзбекистон Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети, кейинчалик Давлат матбуот қўмитаси). Нашриётлар маҳсулотлари коммунистик мафкурага хизмат қилишга қаратилди. Шу мақсадда жуда кўп номда ва нусхада марксизм-ленинизм асарлари, ижтимоий-сиёсий адабиётлар нашр этилади. Айни вақтда Алишер Навоийнинг 15 жилдли асарлари, Ҳамза, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Миртемир каби ёзувчиларнинг сайланма асарлари, жаҳон мумтоз адабиёти намуналари чиқарилди.

Лекин, советлар тузумида Ўзбекистондаги нашриётларнинг моддий-техника базаси ривожланган мамлакатлар даражасидан анча орқада эди. Аксарият босмахоналарда ҳамон қўлёзмалар кўргошин б-н қуюладиган ҳарфларда терилар эди. Босиш усуллари ҳам эскича. Шу сабабли босилган китобларнинг матбаа нўроси сифатсиз эди. Нашриётларда муҳаррирлар «сиёсий хатолар» ўтказиб юбормаслик учун мук тушиб қўлёзма-корректураларни қайта-қайта ўқишарди, айниқса, диний, тарихий адабиётларга «эҳтиёт» бўлишарди. Мана шу эҳтиёткорлик туфайли Ўзбекистон ФА «Фан» нашриётида нашр этилган Алишер Навоийнинг академик нашридан (15 жилдли) «илоҳий» ва б. мазмундаги шеърлар олиб ташланди ва ҳ.к. Нашриётларнинг йиллик режалари марказдан қатъий назорат қилинарди. Ижтимоий фанлардан маҳаллий муаллифлар дарсликлар ёзишларига имкон қадар йўл берилмасди. Марказда нашр этилган дарсликлар, асосан, таржима қилинарди.

20-а.нинг 50-й.лардан кейинги даврларида Ўзбекистонда нашриёт ишини, матбаачиликни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда Жалолхон Азизхонов, Файзулла Юнусов, Воҳид Валиев, Тўлқин Рустамов, Абдулла Ўразаев, Азиз Клеблеев, Вали Раҳим, Файзулла Эргашев, Мели Жўра, Юнус Юсупов, Насрулло Оҳунлий, Аҳмад Акбаров, Зиёд Есенбоев, Абдувосиқ Абдувалиев, Иелом Шоғуломов ва б.нинг хизмати катталир.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг Н.да кескин ўзгариш бўлди. Бу борада Ўзбекистон Республикасининг «Нашриёт фаолияти тўғрисида» қонуни (1996 й. 30 авг.) ҳуқуқий асос бўлди. Мазкур қонун асосида ноширлар ўз фаолиятларида, шу жумладан, ноширлик ўйналишини, мавзуларини, ихтисослашувини, чиқариладиган маҳсулот нусхасини белгилашда, муаллифни танлашда мустақил фаолият юритадиган бўлди. Юридик ва жисмоний шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтгандан ва лицензия олгандан кейин Н. фаолияти б-н шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлишди. Нашрга тайёрланган қўлёзмалар ва материалларни цензурадан ўтказиш бекор қилинди. Матбаа маҳсулотини шартнома асосида тарқатиш жорий этилди. Нашриётлар бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб, харидоргир китоблар нашр этишга ҳаракат қила бошладилар. Китоб маҳсулотлари мазмун-мундарижасини белгилашда уларга тўла эркинлик берилди. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши муносабати б-н ўзбек тилидаги китоблар салмоғи ошди. Амир Темур мавзуи, буюк мутафаккирлар, диний, миллий қадриятлар б-н боғлиқ ўнлаб китоблар чиқарилди. Болалар адабиёти, илмий адабиётлар нашрига, нетиқлол, миллий тафаккур ғоялари сингдирилган, шарқона одоб-ахлоқ, биродарлик, миллий гурурни кўтаришга ундайдиган адабиётларга, мактаб дарсликлари нашрига алоҳида эътибор берилди. «Ўзбекистон» нашриётида ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг ижтисодий ислоҳотлар, уларни амалга ошириш йўллари, мамлакат ижтимоий ва маънавий ҳаётни соғломлаштириш, миллий қадриятларни тиклаш, анъаналарни бойитиш ва ш.к.га бағишланган дастурилламал китоблари нашр этилди (яна қ. *Китоб*).

Китоб ва б. босма маҳсулотлар нашр этишда нашриёт муаллиф б-н тегишли шартнома — нашриёт шартномасини тузади. Унда муаллиф китоб қўлёзмасини маълум муддатда топшириш мажбуриятини, нашриёт эса уни нашр этиш, тарқатиш (айрим ҳолларда бу мажбуриятни олмайди) ва муаллифга тегишли ҳақ (гонорар) тўлаш мажбуриятини олади. Шартномада китобнинг адади, чоп этиш муддати ва б. мажбуриятлар ҳам кўрсатилади.

Нашриёт фаолияти марказида *муҳаррирлик* туради. Муҳаррир нашриёт чиқармоқчи бўлган китоб қўлёзмасини дастлаб ўқиб чиқиб, ўз хулосасини беради: таҳрир учун қабул қилади; камчиликларини кўрсатиб қўлёзмани қайта ишлашга муаллифга қайтаради ёки умуман таҳрирга нолойиқ топади. Муҳаррир қўлёзмани таҳрир қилишда ижтимоий-сиёсий, илмий ва адабий нуқтаи назардан ёндашади. Бундай ёндашув ундан муаллифнинг индивидуал услубини сақлаган ҳолда китобнинг мазмунан ва шаклини такомиллаштиришга қаратилган муайян билим ва иқодий жараённи талаб қилади. Нашриёт *муҳаррири* имло ва б. грамматик хатоларни тузатади. Муҳаррир таҳрир қилинган қўлёзмани матбаага топширишдан олдин нашриёт рассоми (баъзий муҳаррир) б-н китобнинг бадиий безаги устида иш олиб боради. Айни вақтда техник муҳаррир б-н биргаликда тегишли шрифтлар белгиланади, безаклар жойлаштирилади, қўлёзма ёки терилган матн саҳифаланади ва ҳ.к. Нашриётда тайёрланган қўлёзма наш-риёт (буюртмачи) ва босмахона (буюрт-мани бажарувчи) ўртасида тузилган шартнома асосида чоп этиш учун матбаага топширилади.

Ўзбекистон Н. ишига раҳбарлик қилиб келган ЎзР Давлат матбуот қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Матбуот ва ахборот соҳасида бошқарувни такомиллаштириш

тўғрисида»ги фармони (2002 й. 3 июль)га биноан, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги этиб қайта ташкил этилди. Агентлик зиммасига, бошқа вазифалар қатори, ноширлик ишлари ва матбаачиликни кенг миқёсда ривожлантиришга кўмаклашиш, амалдаги қонунчиликка риоя этилиши устидан мониторингни амалга ошириш, нашириқ-матбаачилик фаолиятининг и.ч.-техника базасини ривожлантириш ва янгилаш, стандартлаштириш ҳамда сертификациялаш соҳасидаги чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги бошқарувининг ташкилий тузилмасида қуйидаги нашриётлар киради: *«Ўзбекистон»*, *«Ўқитувчи»*, *«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»*, *Давлат илмий нашриёти*, *«Чўлпон»*, *«Меҳнат»*, *Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи*, *«Ижод дунёси» нашриёт уйи*, Абдулла Қодирий номидаги *халқ мероси нашриёти*, *Ибн Сино номидаги нашриёт*, *«Ўзбекнашр»*. Булардан ташқари, *«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси* Бош таҳририяти, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг *«Янги аср авлоди»* наш-риёт-матбаа маркази, Ўзбекистон ФА нинг *«Фан»* нашриёти, ЎзР Адлия вазирлигининг *«Адолат»* нашриёти, Ўзбекистон Республикаси «Маънавият ва маърифат» кенгашининг *«Маънавият»* нашриёти, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Movarounnahr» нашриёти, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг «Академия» нашриёти, ЎзМУ, Тошкент Ислом ун-ти ва б. йирик олий ўқув юртларининг нашриётлари фаолият кўрсатади, шунинг-дек, хусусий, вилоят нашриётлари ҳам Н. б-н шуғулланади. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида жами 58 нашриёт, 800 дан зиёд йирик ва кичик босмахона рўйхатдан ўтган (2003). Нашриётлар китоблари, асосан, Тошкент матбаа к-ти, Рангли босма ф-каси, 1-Тошкент босмахонаси, Тошкент китоб-журнал ф-каси, «Тезкор» босмахонаси, Янгийўл китоб ф-каси, «Растр» қўшма корхонасида, «Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилади. Нашриётчилар ва матбаачилар ўз соҳаларига замонавий ноширчилик, босма усуллар, янги техника жорий қилиб бормоқдалар. Босмахоналар ке-йинги даврда технологик жиҳатдан қайта қурилди. Корхоналар ва ташкилотлар Германия, АҚШ, Швеция, Швейцария, Буюк Британия каби матбаа саноати тараққий этган мамлакатлар б-н амалий алоқалар ўрнатишган. Ўзбекистонда 2002 й. жами 969 номда 16,5 млн. нусха китоб чиқарилди. 2002–2003 ўқув йилида жами 519 номда 31,0 млн. нусхада мактаб дарсликлари чоп этилди. Ўзбекистонда Н.ка доир масалалар, асосан, *«Ўзбекистон матбуоти»* журнала ёритилади.

Ад.: Мели Жўра. Ношириюма. Т., 1979. Абдувалиев В., Нурли чанғил. Т., 1995. Шоғуломов И., Саодат манзилларн. Т., 1996.

Муроджон Аминов, Ўткир Зокиров.

НОЯБРЬ (лот. November — тўққиз) — Григорий *календарида* йилнинг 11-ойи, 30 кунлик. Қад. Рим календарида 9-ой (қад. римликларда йил март ойида бошланиб, ўн ой бўлган).

НОҚИС (тахаллуси; асл исм-шарифи Абдулқодир Муҳаммадшокир ўғли) (1860 — Каттақўрғон — 1929) — ўзбек шоири. Каттақўрғон, Бухоро мадрасаларида ўқиган. 1895 й.да Каттақўрғонга қайтиб, мадрасада мударрислик қилган, деҳқончилик б-н шуғулланган. Саъдий, Жомий, Навоий, Фузулий ва б.га эргашган, улар газалларига мухаммаслар боғлаган. Айниқса, Муқимий ижодига эҳтиром б-н қараган, тазмин мухаммаслар ёзган («Догмен», «Кел эртароқ», «Нозанинним» ва б.).

1905 й.дан Н. ижодида ижтимоий мазмун кучайган. Шеърларида ижтимоий адолатсизликка, нодонликка қарши нафрат ифодаланган. Газаллари «Баёзи Маҳдий», «Армуғони Хислат», «Баёзи Мирий», «Баёзи Жўрабек» ва б. баёзларга киритилган. Н. қўлёзмалари — «Баёзи Ноқис» Тожикистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №1005)да, «Девони Ноқис» Ўзбекистон ФА Шарқшунослик ин-ти (инв. №97)да сақланади. 19-а. охири — 20-а. бошларида Бухорода тузилган тазкираларда Н. ижодига юқори баҳо берилган. Шоир «Лайли ва Мажнун» сюжети асосида достон ёзганлиги ҳақида маълумот мавжуд. Аммо у ҳали топилмаган. Н.нинг баёзлари ва 6 минг мисрага яқин шеърлари сақланган. Газал ва мухаммаслари ҳофизлар томонидан куйлаб келинади («Ҳажрингда дарду там б-н ҳасратда доғман...» ва б.).

Ад.: Орзибеков Р., Абдуқодир Ноқис. XIX аср ўзбек адабиёти тарихига доир материаллар. Самарқанд, 1985.

НОҒОРА (араб. наққора — зарб берувчи) — урма мусиқа чолғу асбоби. Тузилиши турлича; тувақсимон косахонаси, асосан, сополлан ясалади. Кийик ёки эчки (айрим жойларда бошқа ҳайвонлар) териси б-н қопланади. Қадимдан ҳарбий, жарчи ҳамда оммавий маросим чолғу асбоби сифатида Шарқ мамлакатларида маълум бўлган. Ҳозирда ўзбек, тожик, уйғур, арман ва б. халқ созандалари томонидан қўлланилади.

Қўш нағора

Ўзбекистонда унинг дўл Н. (бутун товушли катта Н., тери қопланадиган қисмининг диаметри 60 см), рез Н. (ингичка товушли кичик Н., диаметри 20–30 см), кўс Н. (товуши рез Н.дан бутунроқ, диаметри 30–40 см) турлари кенг тарқалган. Рез ва кўс Н. иккита чўп б-н, дўл Н. нисбатан йўғонроқ битта чўп б-н чалинади. Халқ мусиқа ижрочилигида кўс ва рез Н.дан иборат қўш Н. қўлланилади. Қўш Н. товушлари бир-биридан тахм. кварта интервалида фарқ қилади. Бу эса турли шаклдаги безакларга бой усулларни ижро этиш имкониятини яратади. Н.нинг чинловул (мис ёки б. металлдан ясалган ҳажми катта Н.), таблак (кичкина Н.) турлари ҳам бўлиб, улар кам тарқалган. Қўш Н. сурнай ва карнайлар б-н қўшилиб анъанавий миллий ансамблни ташкил этади. Бундай ансамбллар очиқ жойларда ўтказиладиган томошалар, тантаналар, тўй маросимлари жарчиси бўлиб, «Шодиёна», «Катта ўйин», уйғурларда ҳайит кечаларида чалинадиган «Нағора муқом» каби чолғу йўлларини ижро этиб келмоқда.

НОҒОРА БАЗМ — ўтмишда нағорачилар, созанда-хонандалар, раққослар иштирокида байрам сайли, тўйларда ўтказилган катта мусиқий кеча. йиғин.

НОҒОРА ВА БАЙРОҚ — қадимда туркий халқларда ҳокимият белгиси, рамзи. Н. ва б.ни олган шахс маълум мамлакатнинг олий ҳукмдори деб танилган. Мас., *Амир Темур* 1370 й. Балх ҳокими амир Ҳусайнга қарши қўшин тортиб бораётганда, Термиз яқинидаги Биё қишлоғида маккалик шарифдан *Сайиид Барака* унга олий ҳокимият, салтанат рамзи катта нағора — табл ва ялов — байроқ тортиқ қилади. *Бароқхон* 1423–27 й.ларда Улуғ Муҳаммад устидан галаба қилиб, *Оқ Ўрда* да ҳокимият тепасига келгач, *Улуғбек* унга қимматбаҳо совғалар, шунингдек, Н. ва б. юборганлиги маълум.

НОҒОРАХОНА (наққорахона) — ўрта асрларда ҳукмдор саройида мусиқа чолғу асбоблари (най, карнай, сурнай, нағора ва ҳ.к.) сақланадиган ва шу асбоблар ижрочиларига мўлжалланган махсус жой. *Хоразмшоҳлар* даврида Н. ўрнида талбхона истилоҳи қўлланилган.

Ҳарбий ҳаракатлар чоғида Н. олий бош қўмондонининг баланд ерга ўрнатилган ҳиргоҳи олдидан жой олган, жангчиларни руҳлантирувчи куйларни тинмай ижро этиб турган. Н.дан янгилувчи мусиқа ижодининг тинчлик муайян даражада мағлубиятдан дарак берган.

Саройларда Н. дарвоза устидаги хонага жойлашган. Н.да мавжуд чолғу асбобларидан саройда ўтадиган турли тантаналар, байрамлар, халқ томошаларида фойдаланилган. Н.даги чолғучиларга *меҳтар* бошчилик қилган. Бу чолғучилар репертуарида халқ оғзаки ижоди анъаналаридаги профессионал мусиқа асарлари, шунингдек, сурнай (нафир), нағора (нақора, кўс, табл, қовурға) ва найларда чалинадиган турфа жанрлардаги оммабоп куйлар алоҳида ўрин эгалланган. Ҳукмдор Н. созандаларни хизматидан тез-тез ювштириб турадиган ов (чорға) пайтида ҳам фойдаланган.

НУАКШОТ — *Мавритания* пойтахти. Мамлакатнинг иқтисодий ва маданий маркази. Атлантика океани соҳилида. Иқлими тропик чўл иқлими. Янв.да ўртача т-ра 21°, июлда 28°. Йиллик ёғин 150 мм. Аҳолиси 667 минг киши (1999), асли барбар арабларидан келиб чиққан маврлар.

Н. 17-а.да португал мустамлакачиларнинг ҳарбий қалъаси ёнида вужудга келган. Кейинроқ французларнинг Мавританияни босиб олишда асосий таянч базаларидан бўлди. 1950 й.да Сенегал дарёсининг кучли тошқинидан Н. бутунлай вайрон бўлган. 1957 й.да ундан 1 км шим.роқда шу номда янги шаҳар бунёд этилди. 1958 й.да мамлакат пойтахти Сен-Луидан (Сенегал) Н.га кўчирилди.

Н. — денгиз порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Саноати озиқ-овқат, ёғоч-соэлик, металлсозлик, кичик-роқ кемалар қурувчи верфлар, ишқор ф-каси, босмахона, денгиз сувини чучутувчи қурилма, майда ҳунармандчилик корхоналари ва устахоналаридан иборат. Ун-т, Миллий кутубхона,

Нуакшот шаҳри. Марказий госпиталь.

иссиқлик электр ст-яси бор. Меъморий бинолардан Президент саройи, Адлия саройи, Миллий мажлис бинолари қурилган.

НУБИЙ ТИЛИ — *Нил-Сахрои Кабир тиллари* макрооиласи таркибидаги шарқий судан тиллари тармоғига мансуб суб ва Нил водийсида (Миср ва Судан ҳудуди), Кордофан платоси, Дарфур тоғларида, Атбара дарёси зонасида тарқалган тил; 2 млн. дан ортиқ киши сўзлашади. 6–14-а.ларда қад. Нубиянинг расмий тили бўлган. Н.т. нил ва тог (кордофан, дарфур) лаҳжаларига бўлинади. Н.т. агглютинатив тил; қад. Н.г.да суффиксал сўз ясалиши устунлик қилган бўлса, кейинчалик префиксация ривожланган. Қад. Н.т. лугат таркибида миср ва грек тилларидан кирган сўзлар кўп бўлган, ҳоз. Н.т.да эса арабча ўзлашмалар катта бир қатламни ташкил этади. Н.т. қадимда (8–11-а.лар) кил этади. Н.т. қадимда ёзувга эга бўлган, ўзига хос алифбоси ёзувга эга эмас.

НУБИЙЛАР (ўзларини — нуба деб атанади) — Миср нинг жан.даги (350 минг киши; 1990-й.лар ўрталари) ва Суданнинг шим.даги (2,2 млн. киши) халқ. Нубияннинг туб аҳолиси. Нубий тилида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар.

НУБИЯ — Нил дарёсининг 1- ва 5- осгоналари оралиғидаги водийда, ҳоз. Миср ва Судан ҳудудида жойлашган тарихий вилоят; 7–14-а.ларда нубияларнинг христиан давлати мавжуд бўлган. Пойтахти — Кўҳна Донгола ш. 14-а. охирида араб қабилалари келиб жойлашгач, аҳолиси ислом динига ўтган.

НУБИЯ ЧЎЛИ — Африкадаги чўл. Кўп қисми Судан ҳудудида, Нил дарёси б-н Қизил денгиз оралиғида. Ер юзаси платодан иборат бўлиб, шарқдан ғарбга ястанаймон пасайиб борган. Шарқида бал. 1000 м, ғарбида 350 м. Энг баланд жойи 1240 м. Қизил денгиз бўйида кам-бар пасттекислик бор. Қирғоқ яқинида маржон орол кўп. Н.ч.нинг шарқий қисмида Нубия–Арабистон қалқонининг қад. кристалли жинслари, қумтошлар ер юзасига чиқиб қолган. Ғарбий қисмида қумликлар бор. Платони қуруқ ўзанлар — водийлар кесиб ўтган. Ер ости сувлари кам. Йиллик ёғин 25 мм га якин. Ўртача т-ра январда 15°, июлда 30°. Ўсимликлари сийрак. Ксерофит гаплагуллилар, тиканли буталар ўсади. Аҳоли булоқлар атрофида яшайди, чорвачилик б-н шуғулланади. Чўлни т.й. ва автомобиль йўллари кесиб ўтган.

НУБИЯ-АРАБИСТОН ҚАЛҚОНИ — Африка платформаси токембрий фундаментининг шим.-шарқий қисмидаги туртиб чиққан жойи. Қизил денгиз рифтининг Н.-А.қ. ўқ қисмини кесиб ўтиши туфайли қалқоннинг ғарбий қисми Африка (Нубия чўлида, шарқий қисми эса Арабистон я.о.нинг ғарбий ҳудудида жойлашган. Ёши жиҳатдан юқори протерозойга мансуб бўлган гнейсларнинг жуда қалин ва мустаҳкам ўринашган қатлами ва кварцит ҳамда мармарларнинг бир неча қатламидан тузилган кристаллик ва метаморфик сланецлардан ҳосил бўлган. Жинсларнинг бу қалин қатлами гранитлар интрузияси (бир неча генерация) томонидан ёриб чиқилган. Базальтларнинг ёш отқиндилари ҳам мавжуд.

НУВАЙРИЙ Шиҳобиддин Аҳмад ибн Абд ал-Ваҳҳоб (1279.6.4 — 1332.17.6, Қоҳира) — араб олими. Миср да, *мамлюклар* саройида яшаган. Н. 31 жилддан иборат «Ниҳоят ал-араб фи фунун ал-адаб» («Адабиёт ҳақида арабча етук китоб») номли йирик (9 минг бетдан ошиқ) асар муаллифи. Асарнинг ярми тарихга оид бўлиб, Миср, Олтин Ўрда, мусулмонлар Испанияси (Андалусия) тарихи батафсил баён этилган. Асар бир неча Европа халқлари тилларига таржима қилинган.

НУЗХА, нузҳат (араб. — кўнгил очувчи, лаззатбахш) — *қонун* туридаги қадимий кўп торли мусиқа чолғуси.

НУКАТ — ўрта аср шаҳри. Тошкентдан *Туркистон* ва Фарғонага борадиган савдо йўлида жойлашган. Н. 11–12-а.лардаги Шарқ йўлномаларида қайд этилган. 9–10-а.ларда катталиги жиҳатидан Илоқда Туркистон кейинги ўринда турган. Н.нинг кейинчалик Улкан Тўйтепа деб аталган шаҳар харобасини 1928 й. М. Е. *Массон* Тошкент яқинидаги Тўйтепа қишлоғидан топган. Н.нинг маркази тўғри бурчак шаклидаги шаҳристон бўлиб, майд. 18 га. У тўрт дарвозали улкан девор б-н ўралган. Шим. қисмида тўртбурчакли 0,75 га катталикдаги қалъа бўлган. Н.нинг рабоди 100 гадан ортиқ майдонни эгаллаган. Ша-

ҳарининг шарқий қисмида ўзликлар оссуарийлар (остодон)да дафн қилинган қабристон жойлашган. Н.дан 8—12-а.ларга оид тангалар, сопол, олтин, мис ва жез идишлар, темир ўроқ, пичоқ, шунингдек, чироғли қандил ва мураккаб босма нақшлар б-н безалган идишлар топилган. Топилмаларнинг энг қад.си 6—7-а.ларга оид. 9—10-а.ларда шаҳар тез ривожланган. *Идрисий*нинг маълумотига кўра, 12-а.да Тункат таназзулга учраши муносабати б-н Илоқ давлатининг пойтахтига айланган. 13-а. бошида мўғуллар истилоси натижасида харобага айланган.

НУКЛЕАЗАЛАР — нуклеин кислоталар (НК) ни парчалайдиган гидролитик ферментлар. Барча биологик объектларда борлиги маълум. Н. фосфодиэстераза бўлиб, *рибонуклеин кислотани* парчалайдиган рибонуклеаза (РНКаза), *дезоксирибонуклеин кислотани* парчалайдиган дезоксирибонуклеаза (ДНКаза), айримлари ҳар икки нуклеин кислоталар (НК)га нисбатан фаол бўлган (номахсус) Н. деб аталади. Экзонуклеазалар нуклеин кислота молекуласининг бир учини, эндонуклеазалар полинуклеотид занжирни ораларидан гидролизлайди. Овқатдаги НКни ҳазм қилишда, организм учун ёт бўлган НКни чиқариб юборишда, ҳужайраларда НКнинг синтезланиши ва парчаланишини бошқаришда қатнашади. Н.дан НК структурасини тадқиқ қилишда ва баъзи вирусли касалликларни даволашда фойдаланилади.

НУКЛЕИН КИСЛОТАЛАР, полинуклеотидлар — нуклеотидлар қолдиғидан ҳосил бўлган юқори молекулали органик бирикмалар. Н.к. таркибига қандай углевод — дезоксирибоза ёки рибоза киришига қараб *дезоксирибонуклеин кислота* (ДНК) ва *рибонуклеин кислота* (РНК)ларга бўлинади. Нуклеотидларнинг Н.к.даги кетма-кетлиги уларнинг бирламчи структурасини белгилайди. Н.к. барча тирик организмларнинг ҳужайраларида мавжуд бўлиб, ирсий (генетик) информацияни сақлаш ва наслдан-наслга ўтказишдек энг муҳим функцияни бажаради, ҳужайра оқсилларининг бу информацияни воқе қилувчи синтези жараёнига таъсир кўрсатади. Организмда эркин ҳолда бўлади, оқсиллар б-н бир комплекс *(нуклепротеидлар)*ни ташкил этади.

НУКЛЕОЗИДЛАР — таркибида пурин ёки пиримидин асоси ва рибоза ёки дезоксирибоза углеводи бўлган гликозидлар. Н. нуклеотидларнинг нуклеотидаза ферменти б-н парчаланишидан келиб чиқади. Барча тирик организмлардаги нуклеин кислоталар ва нуклеотидлар таркибида бўлади. Н.нинг номи унинг молекуласига кирадиган асосга қараб, мас., аденин бўлса, аденозин, гуанин бўлса, гуанозин ва ҳ.к. деб аталади.

НУКЛЕОПРОТЕИДЛАР — нуклеин кислоталарнинг оқсиллар б-н бирикканлардаги комплекси. Н. таркибига кирган нуклеин кислоталарнинг хилига қараб, дезоксирибонуклеопротеидлар (ДНП) ва рибонуклеопротеидлар (РНП) фарқланади. ДНП барча ҳужайралар ядроларида ва митохондрияларида, шунингдек, сперматозоидларнинг бошчасида бўлади. ДНП оқсиллари гистонлар ва протаминлар кўринишида бўлиб, ДНК иккитали спирали тармоқларида жойлашади, улар ДНК тузилишини мувофиқлаштириб, фаоллигини оширади. Кўпгина вируслар, информосомалар РНПдан ташкил топган. Организмда Н.нинг биологик аҳамияти нуклеин кислоталар (НК) нинг функциясига боғлиқ.

НУКЛЕОТИДЛАР, нуклеозидфосфатлар — нуклеозидларнинг фосфорли эфирлари. Н. — нуклеин кислоталар, коферментлар ва б. биологик фаол бирикмаларнинг таркибий қисмидир. Улар тирик ҳужайрада эркин ҳолда бўлиб, *моддалар алмашинувида* муҳим роль ўйнайди. Н. таркибига углевод (рибоза ёки дезоксирибоза), фосфор кислота ва азот асослари қолдиқлари киради. Аденин, гуанин, гипоксантин, цитозин, урацил ва тиминлар табиатда кенг тарқалган пурин ва пиримидин асослари табиий Н.дир.

НУКЛЕУС (лот. nucleus — ядро) (археологияда) — тош қуроллар ясаш учун чақмоқтош ёки бошқа тош парчаларидан учириб олинадиган тош бўлаги. Н.лардан қирғич ва найзасимон қуроллар ясалган.

НУКЛИДЛАР — бир-биридан ядросининг таркиби б-н (ёки бир хил сондаги *нуклонлари* б-н ёхуд нуклонлари сони бир хил бўлган ҳолда *протон* ва *нейтронлар* сонининг ҳар хиллиги б-н) фарқ қиладиган атомлар. Мас., бирон-бир кимёвий элементнинг *изотоплари* Н. ҳисобланади. Улар бир-биридан ядросидаги нейтронлар сони б-н фарқланади.

НУКЛОНЛАР, нуклеонлар — атом ядросини ташкил қиладиган зарралар — *протон* ва *нейтрон*ларнинг умумий номи. Протон ва нейтрон массаси деярли бир-бирига тенг (m_p=938,2 МэВ ва m_n=939,5 МэВ) бўлгани, протон ва нейтрон спини $\frac{1}{2}$ бўлиб, ўзаро кучли таъсирларда бир хил заррадек таъсирлангани учун протон ва нейтрон битта зарра (нуклон)нинг икки электр ҳолати деб қаралади. Н., асосан, учта квант сони — барион заряди (B=1), джеблик квант сони (S=0) ва изотопик спин $\left(I=\frac{1}{2}\right)$ б-н ифодаланади. Спинлари бирор йўналиш бўйича жойлашган Н. оқими Н.нинг қутбланган дастаси деилади.

Н.ни қутблашнинг бир неча усули мавжуд. Мас., секин ҳаракатланувчи протонларнинг қутбланган дастасини махсус ион манбаи ёрдамида олиш; ядро ва электромагнит сочилиш ҳодисаси натижасида нуклонларни қутблаш ва ҳ.к.

Н.нинг турли хил сочилишни нуклон спинининг йўналишига ва таъсир қилувчи кучларга боғлиқ. Шунинг учун сочилишгача нишонга тушувчи қутбланмаган дастани қутбланган ва қутбланмаган Н. оқимидан иборат дейиш мумкин. Нишондан сочилгандан кейин эса бу икки компонентнинг интенсивлиги бир-биридан фарқ қилади, демак, Н.нинг қутбланган дастасини ажратиб олиш мумкин бўлади. Радиотўлқинлар зарраларига ҳам қутбланган дастани ҳосил қилиш мумкин. Бу зарралар энергияси ва интенсивлиги чекланган (10^7—10^9 нуклон/с·стер дан кам) бўлишига қарамай, тез нейтронлар дастасини олишда энг қулай воситадир. Н.нинг қутбланган дастасидан кўпгина тадқиқот ишларида, ядро кучларининг ўзаро таъсирлашувчи зарраларнинг спинларига боғлиқлигини аниқлашда фойдаланилади.

НУКУАЛОФА — Тонга давлати пойтахти, Тонгатапу о.да. Аҳолиси 21 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Тинч океан соҳилидаги порт; четга копра ва банан чиқарилади. Туризм ривожланган.

НУКУС, некуз, некус — кўнгиротлар ҳамда қорақалпоқларнинг *кенагас* қабилалари таркибидаги уруғлардан бири. Н. аслида мўғул қабилаларидан бирининг номи. Мўғуллар истилоси даврида (13-а.) Н.ларнинг бир қисми Дашти Қипчоққа, кейинчалик бошқа ўзбек қабилалари б-н бирга Мовароуннаҳрга келиб ўрнашган бўлишлари мумкин. Буларнинг кўпчилик қисми вақт ўтиши б-н маҳаллий халқлар — ўзбеклар, қорақалпоқларга аралашиб кетган. Рашидуддиннинг «Жоме ат-таворих», Абулғозий Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» (нугузлар, нўғузлар, нукузлар), рус талқиқотчиси Н. Ханыковнинг «Бухоро хонлигининг тавсифи» (нукуз), Вамберининг «Ўрта Осиё» (нукуз), Вамберининг «Ўрта Осиё» (нўкис, нукус, нукуз) бўйлаб саёҳат» (нўкис, нукус, нукуз) асарида Н.лар қайд этилган. Н.ларнинг жуда оз қисми яқин вақтларгача (асосан, қуйи Қашқадарёда) йирик қабилалар таркибида уруғ бўлиб, ўз номларини сақлаб келганлар.

НУКУС (қорақалпоқча Нөкис) — Қорақалпоғистондаги шаҳар (1932 й.дан). Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти, Республика ҳудудининг марказий қисмида, Амударёнинг ўнг соҳилида, 109 м баландликда. Жан. ва шарқда Қизилқум чўли б-н уралган, шимда Амударё дельтаси б-н туташган. Ўртача т-ра июлда 27°, январда —6,9°, максимал т-ра 46°, минимал т-ра —32°. Т.й. станцияси. Н.дан Тошкентгача 1265 км. Қизкетган канали шаҳарни кесиб ўтади. Майд. 200 км². Аҳолиси 255 минг киши (2001; 1974 й.да 88 минг; 1959 й.да 39 минг; 1939 й.да 10 минг); асосан, қорақалпоқлар; қозоқ, ўзбек, рус, корейс, татар ва б. ҳам яшайди.

Ҳоз. Нукус ш. ўрнида 19-а.нинг 60-й.ларида Н. овули мавжуд бўлган. 1870-й.лардан Н.да савдо-сотиқ, ҳунармандчилик, балиқ овлаш бирмунча ривожланди, Амударёнинг сув режимини назорат қилувчи гидрологик пост қурилди. Рус мустамлакачилари Н.да 1500 кишилик гарнизонни жойлаштирди. 1877 й. рус-тузем мактаби очилди. 20-а.нинг бошларида Н. овули Амударёнинг ўнг соҳилидаги энг йирик аҳоли пунктларидан бирига айланди. 1930 й. 12 ноябрда Қорақалпоғистон Мухтор Республикасининг марказини Тўрткўл ш.дан Н. овулига кўчириш ҳақида қарор қабул қилинди. 1932 й.дан Н.да янги маъмурий бинолар қурилиши бошланди. 1939 й. Республика маъмурияти Н. шаҳрига кўчиб ўтди.

Нукус шаҳар ҳокимияти биноси.

Нукус шаҳри. Бердақ ҳайкали.

Шаҳарнинг йирик автомагистраллар тугунида жойлашганлиги унда кўп тармоқли саноатининг тез ривожланишига сабаб бўлди. Н. — Тошҳовуз, Н. — Ғузор автомагистраллари халқаро аҳамиятга эга. 345 км ли Навоий — Н. темир йўли, Н. б-н Хўжайлини боғлайдиган кўприк. 243 км узунликдаги Туямўйин — Н., 112 км узунликдаги Н., Тахтакўпир сув узатиш тармоқлари қурилди. Республика саноати умумий маҳсулотининг 20% ни Н. шаҳар саноат корхоналари беради. Шаҳарда 50 дан зиёд саноат корхонаси бор. Металлсозлик, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, енгил, ёғочсозлик ва полиграфия саноати тармоқлари мавжуд. Н.да қурилиш материаллари саноати яхши ривожланган, йирик панелли уйсозлик ва силикат-бетон з-лари, қурилиш материаллари к-тлари, гишт, кабель з-лари, мармар и.ч. бўйича Қорақалпоқ—Италия қўшма корхонаси бор. Нон, гўшт, сабзавот-консерва, тегирмон ва аралаш ем к-тлари, сут-ёғ, вино-арақ ва пиво-лимонад з-лари, бозорлар ишлаб турибди. Н.да ширинмия дорилар ўсимлиги илдизини йиғадиган ва пресслайдиган тиббий корхона мавжуд. Бу корхонанинг маҳсулоти АҚШ, Канада, Япония, шунингдек, Европа мамлакатларига экспорт қилинади. Енгил саноат корхоналарига Ўзбекистонда ягона ўтов-кигиз к-ти, тикув ва трикотаж ф-калари, маиший хизмат кўрсатиш к-ти киради. Шаҳарда ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида газета-китоблар босадиган матбаа к-ти, мебель ф-каси бор. Н.дан турли йўналишларда автобуслар қатнайди. Н. ҳаво йўллари орқали Ўрта Осиё ва Қозоғистон, Европа мамлакатлари шаҳарлари, Москва, Минеральные Воды, Киев, Волгоград, Боку, Остона, Қизилўрда, Тошкент ва Ўзбекистоннинг барча вилоят марказлари б-н боғланган.

Н. — Қорақалпоғистоннинг илм-фан ва маданият маркази. Н.да Ўзбекистон ФА, Ўзбекистон БА ларининг Қорақалпоғистон филиаллари, Ўзбекистон тери-венерология, онкология, шунингдек, чорвачилик илмий тадқиқот ин-тларининг филиаллари, педагогика ин-ти, Қорақалпоғистон университети, ўқитувчилар малакасини ошириш ин-ти ва б. олий ўқув

Нукус шаҳри маркази кўриниши.

Нукус шаҳри. Театр майдони.

юртлари ишлаб турибди. 43 умумий таълим мактаби, бир қанча академик лицей, 2 спорт, 2 мусиқа мактаблари, 18 ўрта махсус билим юрти, клуб, кутубхона, спорт мажмуи, маданият саройи мавжуд. Н. телестудияси ўз дастурларидан ташқари, Москва, Тошкент, Ашхобод телекўрсатувларини ҳам олиб кўрсатади. Шаҳарда 5 касалхона, поликлиника, дорихоналар ва консультация пунктлари, тез ёрдам ст-яси бор. Бердақ номидаги давлат мусиқали драма театри, филармония, санъат музейи ва б. музейлар, 5 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр, марказий стадион, 57 спорт зали, ботаника боғи мавжуд.

Н. Ўзбекистоннинг ёш ва кўркам шаҳарларидан бири. Шаҳар 1936 йилги бош план асосида қурила бошлаган эди. 1965 й. янги бош плани бўйича (меъмор А. М. Эркабоев ва муҳандис Т. З. Зиёев) Н. кўкаламзорлаштирилган тўғри тўртбурчакли даҳаларга бўлинган.

Ўзбекистоннинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётига қўшаётган муносиб ҳиссаси ва шаҳарнинг 70 йиллиги муносабати б-н Н. «Дўстлик» ордени б-н мукофотланди (2003 й. 11 сент.).

НУКУС ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ, Ажиниёз Кўсибой ўғли номидаги Нукус давлат педагогика институти — педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1943 й. Қорақалпоғистон давлат ўқитувчилар ин-ти (1934) негизида Қорақалпоғистон пед. ин-ти номи б-н ташкил этилган. Дастлаб Тўрткўл ва Чимбойда бўлган. 1945 й.дан Нукус ш.да. 1976 й. ин-т *Қорақалпоғистон университети*га айлантирилганлиги муносабати б-н у тугатилди. 1990 й. ҳоз. номи б-н қайта ташкил этилди. 1993 й.дан Қорақалпоқ шоири *Ажиниёз* Кўсибой ўғли номи б-н аталган. Институтда 11 ф-т (қорақалпоқ тили ва адабиёти; табиатшунослик; филол.; рус-инглиз филол.си; мусиқа, тасвирий санъат ва чизмачилик; тарих-геогр.; мат.-информатика; бошланғич таълим методикаси; мактабгачатарбия; муҳандислик-пед.; жисмоний тарбия), сиртқи, махсус сиртқи ва магистратура бўлимлари, 35 кафедра, 38 кабинет, 13 лаб., 3 лингафон кабинети, 215 компьютер синфи, кичик босмахона, 7 интернет тармоғи, 2 электрон кутубхона, замонавий 2 спорт зали, «Турон» стадиони, 3 кутубхона, 4 қироатхона, 4 устахона, ўқув тажриба хўжаликлари, соғломлаштириш лагери, «Тумарис» ва «Зиуар» ансамблари бор. Кундузги бўлимда 20, сиртқи бўлимда 10, махсус сиртқи бўлимда 5 таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва 3 мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланади. 1993 й.дан аспирантура мавжуд. 2002/03 ўқув йили ин-тда 4906 талаба таълим олди, 431 ўқитувчи, жумладан, 1 Ўзбекистон ФАнинг академиги, 17 фан д-ри ва проф., 111 фан номзоди ва доцент ишлади. Турли йўналишларда и.т. ишлари олиб борилади. Хорижий давлатлар ва МДҲ мамлакатларининг олий таълим муассасалари б-н илмий-педагогик ҳамкорлик қилади. Ташкил бўлгандан бери ин-т 20 мингдан ортиқ мутахассис тайёрлади (2003).

НУКУС ТУМАНИ — Қорақалпоғистон Республикасидаги туман. 1968 й. 25 дек.да ташкил этилган. Ғарбда Хўжайли, шим.-ғарбда Амударё орқали Қанлиroutкўл тумани, шарқда Қораўзак, шим.-шарқда Кегейли, шимолда Бўзатов туманлари, жан.-шарқда Амударё тумани б-н чегарадош. Майд. 1,0 минг км². Аҳолиси 43,5 минг киши (2001). Туманда 1 шаҳарча (Оқмангит), 6 овул фуқаролари йиғини (Арбаши, Бақаншақли, Кердер, Саманбай, Тақиркўл, Қиронтов) бор. Маркази — Оқмангит шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудуди Қорақалпоғистоннинг марказида, қуйи Амударёнинг шарқий соҳилидаги пасттекисликда жойлашган. Рельефи, асосан, паст-баланд текисликлар, ғарбий қисми Амударё ботиғи, шарқий қисми қум дўнгалари ва қатор қум тепаларидан иборат. Бал. 100 м. Шим. ва жан.-ғарбий қисмида ер усти Амударё оқизиб келтирган унумдор аллювиал ва эол ётқизиқларидан тузилган. Асосан, ботқоқ, ўтлоқи-ботқоқ, ўтлоқи-тақир, Амударё бўйларида эса сур-қўнғир ва ўтлоқи-чўл тупроқлар тарқалган. Бу ерларда деҳқончилик ва ўрмон хўжаликларини ривожлантириш учун қулай шароит мавжуд. Туманнинг жан. қисми геологик жиҳатдан Султон Увайс тоғининг давоми ҳисобланади. Лекин, рельефида унинг тоғли хусусияти яхши сақланмаган. Баланд тепаликлар Амударё бўйидаги кичик аллювиал пасттекисликлар б-н алмашиниб борили. Тепаликларнинг энг баланд жойи 149 м (Бештубе). Ланд-шафт жиҳатидан туманнинг бу қисми Қорақалпоғистон Қизилқумининг давомидир. Туман ҳудудида суғориш каналлари, зовурлар (коллекторлар), турли хил катталикдаги кутармалар бор. Қурилиш материалларидан тош, шағал, қум ва гил кўп. Тумандаги Назархон кўли, Сапоққўл ва б. бир неча кичик кўллар хўжалик аҳамиятига эга. Назархон, Чўртонбой, Саманбой ўрмон хўжаликлари мавжуд (6,5 минг га). Туранғил дарахти ёғочи мебель тайёрлашда ишлатилади. Туман ҳудудидаги табиий комплексни қайта тиклаш ва унинг ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича ишлар қилинмоқда.

Ёввойи ўсимликлардан кўпроқ оқ саксовул ўсади. Амударё қайирларида туранғил, терак, юлғун, жийда, бугдойиқ, ажриқ, қорабароқ, чий, қамиш, қўға тўқайлари бор. Қирларда оқ шувоқ, шўралар ўсади. Қамишзор ва тўқайларда қобон, чиябўри, қуён, ондатра, бўрсиқ, қушлардан қирғовул, ўрдак, чағалай, каптар, кўтон, бир қозон, қорабузов (баклан), мўйловли читтак, ишуя, деҳқончумчуқ, оқ қанотли қизилиштон, попушак, заргалдоқ, тентаққуш ва б. бор. Судралувчилардан тошбақа, калтакесаклар, каламуш, сичқон ва б. кемирувчилар кўп. Амударё ва кўлларда сазан, бакра, лаққа, чўртан, оқ амур ва б. балиқлар сероб. Иқлими кескин континентал. Қишда т-ра кескин пасайиб кетади. Йиллик ўртача т-ра 11°, янв.да ўртача т-ра —6,9°, июнда 27°, энг паст т-ра —32°, энг юқори т-ра 46°. Вегетация даври 226 кун. Йиллик ёгин 92 мм. Ёғиннинг 45% баҳорда, 27% қишда тушади. Асосий сув тармоғи — Амударё, Бўзатов каналлари. Туман ҳудудидан Қизкеткан канали ҳам оқиб ўтади.

Аҳолиси, асосан, қорақалпоқлар (60,8%), шунингдек, қозоқ (30%), ўзбек (8,7%), рус, туркман, корейс,

татар ва б. миллат вакиллари (0,5%) ҳам яшайди. 1 км² га 43,5 киши тўғри келади. Шаҳарликлар 8,3 минг киши (19,1%), қишлоқ аҳолиси 35,2 минг киши (80%) (2001).

Хўжалиги. Саноати аҳолига маиший-маиший хизмат кўрсатиш корхоналаридан иборат. Қ.х. Нукус ш. аҳолисини қ.х. маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган. Қ.х. нинг барча тармоқлари ривожланган бўлиб, уларнинг асосий йўналиши мевачилик, токчилик, полиз ва сабзавотчилик, гўшт ва сут чорвачилиги, паррандачилик, шолиқорлик, ғаллачилик ва пахтачиликдан иборат. Туманда бир қанча қўшма корхона (шу жумладан, Исроил-Ўзбекистон иссиқхонаси), бошқа саноат корхоналари, кичик, хусусий корхоналар, акциядорлик жамиятлари мавжуд. Қ.х. нинг етакчи тармоқлари — ғаллачилик ва пахтачилик. Картошка ва беда ҳам экилади. Тутзор, пичанзор ва яйловлар бор (2003). Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 13,3 минг қорамол, 7,6 минг қўй ва эчки, 800 от, шунингдек, паррандa боқилади.

Асфальтланган автомобиль йўлларининг уз. 100 км. Нукус—Халқобод—Чимбой — Тахтакўпир, Нукус — Оқмангит — Қозонкетган — Қозондарё, Нукус — Хўжайли — Қўнғирот — Мўйноқ йўналишларда мунтазам автобус қатнови йўлга қўйилган. Туман ҳудудидан т.й. ўтган. Умумий таълим мактаблари, лицейлар, касб-ҳунар мактаблари, касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатади. 2 касалхона ва б. тиббий муассасалари мавжуд. Н.т.да «Орол», «Алпомиш», «Умид» дам олиш масканлари бор.

НУКУС — ТОШҲОВУЗ АВТОМАГИСТРАЛИ — Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ҳудудидан ўтган халқаро аҳамиятли йўл. 1950—53 й.ларда қурилган. Умумий уз. 152 км. Н.—Т. а. Нукус, Тахиатош, Хўжайли, Кўҳна Урганч ва Тошҳовуз ш.ларини ўзаро боғлаб, Ўзбекистон Республикаси ва Туркманистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Йўлнинг республикамиз ҳудудидаги қисми асфальтбетон бўлиб, уз. 36 км, транспорт ҳаракатининг ўртача суткалик қатнов жадаллиги 3096 автомобилга тенг (2002).

НУКУС — ҒУЗОР АВТОМАГИСТРАЛИ — Ўзбекистон Республикасидаги халқаро аҳамиятли автомобиль йўли. 1956—70 й.ларда қурилган. Газлидаги газ конининг очилиши ва Бухоро — Урал газ қувурининг қурилиши учун зарурий юкларни етказиб бериш, Амударёнинг қуйи қисмида жойлашган туманларни иқтисодий ривожлантириш мақсадида қурилган. Йўл Қашқадарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан ўтган, Нукус, Беруний, Тўрткўл, Газли, Қарши ва Ғузор ш.ларини ўзаро боғлайди. Н.-Ғ. а. орқали қўшни Туркманистондан мамлакатимизга кириб келаётган барча халқаро транзит юклар ҳам ташилади. Бугунги кунда Европа мамлакатлари чиқадиган «Астрахон — Оқтўба» автомагистралига боғланиш учун йўлнинг Манғишлоқ вилоятига олиб чиқувчи 407 км узунликдаги қисми замонавий андозалар талабида таъмирланмоқда.

Йўлнинг умумий уз. 770 км. Шундан 408 км асфальтбетон, 362 км қора қопламали. Йўлдаги транспорт ҳаракатининг ўртача суткалик қатнов жадаллиги Нукусда 1670, Хоразмда 1944, Бухорода 6289, Қашқадарёда 4945 автомобилга тенг (2002).

НУЛЛИФИКАЦИЯ (лот. nullificatio — бирор ҳужжатни юридик йўқотиш) — бирор ҳужжатни юридик кучдан, қонунийликдан маҳрум этиш. Қимматли қоғозларга ва пул белгиларига нисбатан Н. уларнинг давлат томонидан бекор қилинишини билдиради. Баъзан амалда *деvalьвация*га тўғри келади.

НУЛЬ (лот. nullus — ҳеч нарса), ноль — 1) мусбат сонлар б-н манфий сонлар чегарасидаги сон. Асосий хоссалари: а) $a+0=a$; б) $a \cdot 0=0$; в) икки соннинг кўпайтмаси Н.га тенг бўлиши учун кўпайтувчилардан камида биттаси Н.га тенг бўлиши зарур; 2) ўнли саноқ системасида ёзилган сонинг бирор хонасида бирликлар олинмаганини кўрсатувчи рақам; 3) физикада бирор асбоб шкаласининг бўлимлари бошланадиган нуқта.

НУМЕА — Янги Каледония (Франция мулки)нинг маъмурий маркази ва энг катта шаҳри. Янги Каледония о.нинг жан.-шарқий соҳилидаги порт. Никель, хромит ва кобальт эритиш з-длари бор. Н. порти орқали четга никель, темир рудалари, копра чиқарилади.

НУМИДИЯ (лот. Numidia) — Шим. Африкадаги қад. вилоят (ҳоз. Жазоирнинг шарқий қисми). Аҳолисини нумидийлар ташкил этган. Мил. ав. 201 й. Н. нинг бутун ҳудуди ягона Масиниссой подшоҳлигига бирлаштирилган. Мил. ав. 46 й. Римнинг Н. Африка провинциясига айлантирилган. Мил. 429/430 й. — вандаллар, 533 й. — византияликлар, 7-а.да — араблар томонидан босиб олинган.

НУМИЖКАТ — қадимда Бухорога яқин, лекин ундан алоҳида бир шаҳар бўлиб, сўнг бу икки шаҳар бир-бирига қўшилиб кетган. Шунинг учун Бухоро (яна қ. *Бухоро*) гоҳо «Н.» деб ҳам аталган.

НУМИЗМАТИКА (лот. numisma — танга) — тангалар ҳақидаги фан; тангаларнинг тасвирлари, ёзувлари, оғирлиги, қандай металлдан ясалганлиги, пул муомаласидаги даражаси ва танга зарб қилиниш тарихини ўрганади. Н. хронология, моддий маданият, ички ва ташқи савдо тарихи масалаларини текширишга имкон беради, тарих, археология, палеография, санъат тарихи, иқтисод, этнография фанлари учун катта аҳамиятга эга. Н. тушунчасига яна қоғоз пулларни ўрганиш (бонистика) ва медаль, жетон, орден ҳамда нишонларни ўрганиш (фалеристика) ҳам киради. Металл пуллар пайдо бўлгунга қадар пул вазифасини ҳар хил товарлар: ҳайвонлар, тақинчоқлар, металл қуроллар ва қуймалар бажарган. Жамиятнинг иқтисодий ривожланиши, савдонинг ўсиши пулга бўлган эҳтиёжни келтириб чиқарган. Фақат давлат бошлиқларигина танга чиқариш ҳуқуқига эга бўлган. Биринчи металл тангалар мил. ав. 7-а.да Кичик Осиёнинг Лидия давлатида зарб қилинган.

Ўрта Осиёда биринчи тангалар (кумушдан) мил. ав. 3-а.да чиқарилган. Унинг юза қисми (аверси)га подшоннинг сурати, орқа томони (реверси)га эса ҳар хил худолар, муқаддас ҳайвонлар тасвири солинган ёки подшоларнинг номи ёзилиб, тамғаси туширилган.

Н. нумизматик коллекциядан фарқ қилади. Тангаларни коллекция қилиш 14—15-а.ларда Италияда пайдо бўлган. Илмий Н. фани 18-а.нинг 2-ярмида венлик Й. Х. Эккель томонидан асосланган.

Н. шартли равишда Антик давр, Византия, Шарқ (Осиё ва Африка мамлакатларида, шунингдек, Ўрта Осиё, Кавказ, Қрим, Волга бўйида ўрта асрларда чиқарилган тангаларни ўз ичига олади), Ғарб (Ғарбий Европа ҳамда АҚШ, Канада ва Лотин Америкасида чиқарилган тангалар) ва рус Н.сига бўлинади.

Шарқ Н.сига Х. Д. Френ асос солган. Ўрта Осиё давлатлари тангаларини ўрганишда рус олимлари П. С. Савельев, В. Т. Тизенгаузен, Е. А. Давидович, О. Н. Смирнова, ўзбекистонлик олимлардан М. Е. Массон, Ш. Р. Пидаев, Э. В. Ртвеладзе, Т. С. Ерназарова, Е. В. Зеймаль, Б. Д. Кочнев, А. А. Мусакаева, И. Т. Тўхтиев ва б.нинг ҳиссаси катта.

Ад.: Смирнова О. И., Каталог монет с городища Пенджикент, М., 1963; Давидович Е. А., История монетного дела Средней Азии XVII—XVIII вв., Душанбе, 1964; Ерназарова Т. С., Денежное обращение Самарканда по археолого-нумизматическим данным (до нач. IX в.). в сб. «Афрасиаб», вып. 3, Т., 1974; Ртвеладзе Э. В., Пидаев Ш. Р., Каталог древних монет Южного Узбекистана, Т., 1981; Нумизматика Узбекистана, Т., 1990.

НУНАВУТ — Канададаги маъмурий ҳудуд. Мамлакатнинг шим.-шарқий қисми ва атрофлаги оролларни ўз ичига олади. Майд. 2,0 млн.км². Маъмурий маркази — Икалуит ш. Аҳолиси 28,1 минг киши (2002).

Н. 1999 й. 1 апр.да Шим.-Ғарбий ҳудудларнинг бир қисмидан ажратиб олинган ерлардан ташкил этилган. Н. майдони Канада ҳудудининг 25% ни ташкил қилади. Ҳудуднинг 85% аҳолиси Арктиканинг туб аҳолиси — канадалик эскимослар, яъни инуитлардан иборат. Уларнинг тилида «нунавут» — «бизнинг ер» деган маънони англатади.

Фойдали қазилма, шу жумладан, разведка қилинмаган конларга бой. Материк саёзлигида нефть ва табиий газ конлари, Баффин Ерида полиметалл рудалар, мис-никель ва темир рудалари, нодир ер элементлари ва ҳ.к. бор. Бироқ транспорт алоқаси яхши йўлга қўйилмаганлиги сабабли улардан тўлиқ фойдаланилмайди. Хўжалигида етакчи тармоқ — кончилик, қуруқлик ва денгиз ҳайвонларини овлаш; қисман балиқ ҳам овланади. Озиқ-овқат (хусусан, консерва қилиш) саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчиликда тош ўймакорлиги, ҳайкалтарошлик, графика ривожланган, анъанавий эскалик буюмлари тайёрланади. Туризм ривожланганлиги сабабли аҳолининг кўп қисми хизмат кўрсатиш соҳасида банд. Н.да 28 турар жой (қишлоқ) бор. Фақат Икалуит (аввалги Фробишер-Бей) шаҳар мақомига эга.

НУР (математикада) — қ. *Ярим тўғри чизиқ*.

НУР — (физикада) ёруғлик манбаидан ингичка тола тарзида тарқаладиган ёғду; тўлқинли жараён (мас., ёруғлик, товуш, электрон тарқалиши) да тўлқин фронтида тарқалаётган энергия оқими; геометрик оптикада нурланиш энергияси, геометрик акустикада товуш энергияси тарқалади, деб қаралаётган чизиқ. Бир жинсли муҳитда тўғри чизиқ ҳолида, оптик хоссалари ўзгарувчан муҳитда эса эгри чизиқ ҳолида тарқалади.

НУР БИЛАН ДАВОЛАШ, нур терапияси — ионловчи нурлар (альфа, бета, нейтрон, электрон, протон зарралар ҳамда рентген ва гамма нурлар)дан даво мақсадида фойдаланиш жараёнларини даволашда кенг қўлланади.

Н. б-н д. ионловчи нурларнинг биологик таъсир кўрсатишига асосланган. Бунда нурлар тўқималар б-н ўзаро таъсирлашиб, уларда *ионланиш* ҳамда мураккаб физик-кимёвий ва биокимёвий жараёнларни юзага келтириб, нурлантирилган тўқималарнинг ҳаёт фаолиятини излан чиқаради. Ионловчи нурлар хавфли ўсма тўқималарига соғ тўқималарга қараганда кўпроқ таъсир қилади; ўсмаларни Н. б-н д.да унинг ана шу хусусияти назарда тутилади. Н. б-н д. мустақил ёки даво усуллари б-н бирга олиб борилади. Н. б-н д. хирургик даво усуллари б-н бирга олиб борилади.ган бўлса, нур операциядан олдин ёки кейин берилади. Ҳоз. кўпчилик мамлакатларда онкологик беморларнинг 70% и нур б-н даволанади. Ўсмаларга нур берилганда аввал ҳужайралар бўлиниши ва кўпайиши секинлашади, кейин тўлиқ тўхтайди. Лекин ўсма ҳужайраларининг бир қисми доимо тирик қолади. Бу жуда хавфли, чунки уларнинг бир қисми — рецидив (қайталанган) ўсмага, бошқаси — метастаз (иккиламчи) ўсмага айланади. Ҳужайраларнинг омон қолиши, атроф муҳитнинг турли омиллари таъсирида пайдо қилинган зарарларни бартараф қиладиган (репарацияловчи) ферментли система б-н таъминланганидадир. Бу система яхши ишласа, шикастланган ҳужайранинг фаолияти тўлиқ тикланади. Ҳар бир ҳужайранинг умрида нурга нисбатан юқори ва паст сезгирлик даври бўлади. Агар ионловчи нур ҳужайранинг юқори сезгирлик пайтида таъсир этса, у қаттиқ шикастланади, сезгирлик паст вақтида бўлса, фаолияти унча ўзгармайди. Кўпгина тадқиқотларда кўрсатилишича, ўсма ҳужайрасининг нур б-н зарарланиш даражаси ундаги кислород миқдорига боғлиқ; кислород кўп бўлса, нур таъсири кучли, кам бўлса, аксинча. Шунинг учун кислородга бой ўсма ҳужайралари нобуд бўлади, сийрак бўлса, омон қолади.

Клиник амалиётда Н. б-н д. режаси ўсма пайдо бўлган нормал тўқиманинг нурга сезгирлигига ва ўсма ҳужайраларининг морфологик етуклиги даражасига асосланади: лимфоид тўқимадан ўсиб чиққан саркомалар бириктирувчи тўқима ўсмаларига нисбатан нурга таъсирчан, ҳазм йўли ўсмалари — нурга чидамли.

Ўсмаларни Н. б-н д.да, асосан, иккки нур манбаи: зарядланган зарралар тезлаткичлари (рентген асбоблар, циклик ва чизиқли тезлаткичлар) ва сунъий радиоактив моддалар (гамма-мосламалар, радиоактив моддалар)дан фойдаланилади. Н. б-н д.нинг организмга ташқи (дистанц) таъсир эттириш (нур чиқарувчи манба бемор организмига киритилади) йўли б-н амалга оширилади. Амалиётда кўпроқ ташқи нурлаш қўлланилади.

Ўсмаларни Н. б-н д.да уларни тўлиқ емириш учун ионловчи нурларнинг катта дозасини қўллашга тўғри келади: бунда нур реакциялари (нурга нисбатан организмнинг мақаллиги ва умумий реакциялари) кузатилади, бунда дарҳол врачга мурожаат қилиш зарур. Н. б-н д.нинг самарали бўлиши беморнинг врач кўрсатмаларига риоя қилишига боғлиқ.

Нарзулла Муродхўжаев.

НУР БИЛАН ИСИТИШ — хоналар асосан иссиқлик нурланиши ва баъзан *конвекция* орқали иситиладиган иситиш тури. Бунда иситиш асбоблари хона шипига, полга, деворларга ўрнатилади. Шу асбоблардан тарқаладиган иссиқлик нури оқими (кўзга кўринмайдиган нурлар) хонани, шу жумладан, хонадаги кишиларни иситади. Н. б-н ида иссиқлик элтгич (ташувчи) сифатида иссиқ сув, буғ, қайноқ сув, электр энергияси ишлатилади. Иситиш асбоблари, кабель (электр б-н иситишда) шип, девор ёки пол ичига жойлаштирилади. Хонадаги кишилар ўзини яхши ҳис қилиши учун шип, девор ёки пол т-раси 25° дан ошмаслиги лозим. Ёзда Н. б-н и. тизимидан хоналарни сал-кам қилишда ҳам фойдаланилади. Бунинг учун иситиш асбоблари орқали совуқ сув ҳайдалади.

НУР КАСАЛЛИГИ — ионловчи нурларнинг организмга таъсир этишида юзага келадиган касаллик (қ. *Ионланиш*). Н.к. бутун гавда ёки унинг каттагина қисми ташқаридан нурланганда, шунингдек, организмга нафас, меъда — ичак йўли ва тери орқали радиоактив моддалар кириши натижасида у ичкаридан нурланганда, аксарият нурланиш нормал миқдордан ортганда рўй беради. Ионловчи нурларнинг қисқа вақт (бир неча минут, соат) таъсир этиши натижасида пайдо бўладиган ўткир ва камроқ дозадаги нур узоқ вақт (бир неча ой ва йиллар) таъсир этганда юзага келадиган сурункали Н.к. фарқ қилинади. Бунда, асосан, қон яратувчи аъзолар, нерв системаси, меъда-ичак йўли ва б. аъзолар зарарланади. Ионловчи нурлар ишлатилганда махсус ҳимоя материаллар ва кимёвий препаратлар қўлланилиши учун нур касаллиги, асосан, ядро қуроли портлаганда ёки ядро реактори ва радиоизотоп аппаратлар авариясн натижасида вужудга келади. Организмнинг шикастланиш даражаси (енгил, ўртача, оғир ва жуда оғир), асосан, нур дозасига, шунингдек, организмнинг нурни индивидуал сезувчанлигига боғлиқ. Н.к.нинг ўткир, ўртача ўткир ва сурункали хили фарқ қилинади. Қисқа вақт ичида катта дозада нур таъсир этганда, мас., атом ва термоядро қуролларн портлаганда ўткир Н.к. кузатилади. Одатда, камроқ дозадаги нур узоқ таъсир этганда ўртача ўткир ва сурункали Н.к. рун беради. Касалликнинг бир шакллари организмга радиация таъсир этач, онлар ва йиллар ўтгандан кейин пайдо бўлиши б-н ўткир Н.к.дан фарқ қилади.

НУР ОПТИКАСИ — ёруғлик нурининг тарқалиш, четдан сиртдан қайтиш ва синиш қонуниятларини ўрганувчи оптика бўлими (қ. *Геометрик оптика*).

НУР САИДБЕК (? —1467) — темурийлардан *Улуғбек* ва *Абу Саид* мирзоларнинг нуфузли амирларидан бири. *Амир Темур, Шоҳрух* ва Улуғбекнинг амирларидан бўлган Шоҳмаликнинг ўғли, машҳур тарихчи, «Шайбонийнома» асари Билқут қабиласидан. Дастлаб, Н. С. Улуғбек хизматида бўлиб, унинг ўлимидан сўнг (1449), бошқа чигатой бекларн қаторн палларқуш *Абдуллатифга*, сўнгра темурийларнинг янги ҳукмдори Абу Саидга (1451—60 й.ларда ҳукм-ронлик қилган) бўйсунишдан бош тортган. Н.С. Бухорошнинг Нур қишлоғи яқинидаги тоғларни маскан тутиб, Самарқанд ва Бухоро атрофларига *чоп-қунлар* қилиб турган. Уни муросага келтириш учун Абу Саид бир неча марта ўз вакилларини, жумладан *Ҳожа Аҳрорни* юборган. Бироқ Н. С. уларга бўйсунишдан воз кечган, Самарқанд қўшинларини Нурдан қувиб юборган. Н. С. қисқа фурсатдан сўнг Абу Саид ҳузурига бош эгиб келгач, афв қилиниб, туманбоши этиб тайинланган. 1460 й. Н. С. қўшини Хоразм орқали Хуросонга бостириб кирган. *Ҳусайн Бойқаро*га қарши юборилган. Бироқ Сабзавор йўлида у Мовароуннаҳрга қайтиб, *Шоҳрухия* яқинида Абу Саидга қарши исён кўтарган Муҳаммад Жўгий (Улуғбекнинг набираси) б-н кўшилган. Муҳаммад Жўгий кўчманчилар ёрдамида Туркистон, Сайрам, Тошкент ва Шоҳрухияни эгаллаб олган эди. 1462 й. гача Н. С. унинг хизматида бўлган. Абу Саид фақат Хўжа Аҳрорнинг ёрдамидагина Шоҳрухияни эгаллаб (1462 й. 5 окт.), исённи бостирган. Афв этилган амир Н. С. Хоразм ҳокими (волийси) этиб тайинланган. Ҳусайн Бойқаро Дашти Қипчоқдан Хоразмга бостириб кирганда Н. С. вилоятни мудофаа этишда кўп ҳатоликларга йўл қўйган. Натижада тахтдан туширилиб, Хиротга чақирилган ва қатл этилган. Муҳаммад Солиҳнинг сўзига кўра эса Н. С. бирмунча пайт Марвда яшаган ва Ҳусайн Бойқаро фармонига кўра шу ерда қатл қилинган.

Ад. Бартольд В. В., Сочинения, т. II (2), М., 1964; *Ахмедов* Б. А., Историко-географическая литература Средней Азии XIV—XVIII вв. Письменные памятники, Т., 1985

НУР ТЕЗЛИГИ (астрономияда) — осмон жисми (мас., қолдуқ) фазовий тезлигининг кузатувчидан шу жисмга ўтказилган тўғри чизиққа, яъни кўрин нури йўналишига проекцияси. *Доплер эффекти* бўйича аниқланади. Унга кўра, ёруғлик манбаи кузатувчидан узоқлашаётган бўлса, нурланишининг тўлқин узунлиги узаяди, яқинлашаётган бўлса, қисқаради. Тўлқин узунлигининг ўзгариши ёки фарқи $\Delta\lambda = \lambda_0 - \lambda = \lambda_0 \frac{v}{c}$ формула б-н ифодаланади. Бунда c — ёруғлик тезлиги, λ — ҳаракатдаги ёруғлик манбаининг нурланиш тўлқин узунлиги, λ_0 — кўзғалмас (лаборатория) ёруғлик манбаининг нурланиш тўлқин узунлиги, v — ёритқичнинг кузатувчига нисбатан тезлиги Н. т.ни аниқлаш учун осмон ёритқичидаги нурланиш (ёки ютилиш) тўлқин узунлиги спектри б-н кўзғалмас ёруғлик манбаи тўлқин узунлиги спектрининг ўзаро фарқи расмга олинади ва уларни бир-бирига таққосланади. Шу усулда неча минг юлдузларнинг Н.т. аниқланган. Кўпчилик юлдузларнинг Н.т. неча ўн км/с, баъзиларининки бир неча минг км/с.

НУРА, Керегетас. Қарашўқи, Байтўжа — Қозогистон Республикасининг Қарағанда ва Оқмўла вилоятларидаги дарё. Қаркаралн тоғлари этагидан бошланади ва шим., шимоли-ғарбга оқиб бориб Тенгиз кўлига қуйилади. Уз. 978 км, ҳавзасининг майд. 60,8 минг км². Тўлиб оқиш даврларда Н.нинг ичагина суви Мухор тармоғи орқали Ишим дарёсига қуйилади. Ўртача йиллик сув сарфи қуйилиш жойидан 369 км да 19,5 м³/сек. Асосан, қор сувларидан тўйинади. Бир ойча (асосан, апрель ойида) тўлиб-тошиб, қолган вақтларда эса жилдираб оқади. Нояб. да музлаб апр.да мутлан бўшайди. Н. Қарағанда ва Темиртовни сув б-н таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Н.да сув омборлари қурилган.

НУРАЛИ ҚИЗИҚ Нурмат ўғли, Лайзонгул (1882— Кўқон —1969) — халқ қизиқчиси, аскиячи, найрангбоз, эр-такчи. Тошкентлик Ориф найранг ва чиниларнинг (лаган, тақсимчалар ва б.) б-н томоша кўрсатишни ўрганган. 1909—14 й.ларда *Юсуфжон қизиқ* б-н аския ва қизиқчиликда тортишган. Асосан, томошаларни якка ўзи кўрсатган. Репертуаридан кулки-ҳикоялар, лоф, ил ва латифалар ўрин олган. Н.қ.нинг ишлар ёрдамида ҳаракатга келтирувчи Лайзонгул деган қўғирчоғи бўлиб, уни таърифлаб қўшиқ айтган. «Лайзонгул» лақаби шундан. Ўрта Осиё ва Қозогистоннинг кўпгина шаҳарларида томошалар кўрсатган, ҳикоялари, таърифларини ўзбек, қозоқ, тожик, уйғур тилларида олиб борган. Асосан, Фарғона водийси ва Тошкентда ижод этган. Н.қ. тилидан ўзлаб қизиқчилик ва эртаклар ёзиб олинган, шундан бир қисми 1990 й.да «Луқмони Ҳаким» номи б-н нашр қилинди.

НУРАЛИЕВ Акрамжон Ҳожиқўзиевич (1948.5.6, Андижон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2001). Андижон пед. ин-тини тугатган (1975). 1967 й.дан Андижон туманидаги 28-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси, 2001 й.дан 52-мактаб директори. Мактабда фан кабинетларини ташкил этиш ва уларни замонавий ўқув қуроллари б-н жиҳозлашда алоҳида ўринак кўрсатди.

НУРАЛИЕВ Олтинбек Нуралиевич (1912.28.4, Қозогистон Республикаси Қизилўрда вилояти Туманариқ қишлоғи — 2002.19.8, Тошкент) — пахтани қайта ишлаш соҳасидаги олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1972). Тошкент тўқимачилик ин-тини тугатган (1938). Самарқанд ва Хоразм вилоятидаги пахта тайёрлаш трестларида бош муҳандис (1938—45), Ўзбекистон Енгил саноат вазирлиги пахта бош бошқармаси бошлиги (1945—46), СССР Енгил саноат вазирлиги Пахта тозалаш саноати Марказий и.т. ин-ти директори (1946—74), лаб. мудири ва катта илмий ходим (1974—94), айни пайтда Ўзбекистон пахтачилик вазири ўринбосари (1953—54), «Хлопковая промышленность» («Пахта саноати») жур. бош муҳаррири (1954—74). Н.нинг илмий асарлари ва ихтиролари пахтани, айниқса, машина терими пахтасини қайта ишлашнинг янги техника ва илғор технологиясини яратиш (Нуралиев пахта қуритгичи, парракли қуритгич, ОВП ва ЗОВП тола тозалагичлар, панжарали аррали ЧХ-3 пахта тозалагич ва б.), пахта тозалаш саноати учун янги техника ва технологияни жорий этиш масалаларига бағишланган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).

НУРАЛИЕВ Ўринбой (1942.25.9, Наманган вилояти Бешқапа қишлоғи) — актёр, хонанда, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1991). Андижон педагогика ин-ти (1970), Тошкент театр ва рассомлик санъат ин-тини (1979) тугатган. Наманган театрида (1958—60, 1977—91), Андижон театрида (1961—77) актёр. 1991—92 й.лар Наманган театри. 1992 й.дан

Ўринбой Нуралиев Ибн Сино ролида («Ибн Сино»).

Маданият бошқармасига қарашли Халқ ижоди уйи (Наманган) директори. Н. Фарҳод, Мажнун (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун»), Ҳайдар (К. Яшин, «Нурхон»), Навоий (Уйғун, И. Султон, «Навоий»), Ибн Сино, Умар Хайём (А. Шаломаев, «Ибн Сино», «Умар Хайём»), Зокирхўжа (Т. Малик, «Сўнгги ўқ») каби миллий драматургия асарларида яратган образлари б-н ўзбек театри тарихидан муносиб ўрин олди. Унинг ижоди кучли драматизми, саҳна ҳаракатларининг аниқлиги, образларидаги кўтаринкилик, жўшқинлик, соддалик, олижаноблиги б-н ажралиб туради. Н. хонанда сифатида «Онагинам», «Сўрамайсиз», «Сиз яхши одамлар», «Кўча боги-2», «Баёт-2», «Қуёш» каби қўшиқлари б-н танилган. Реж. сифатида «Чимилдиқ» (Э. Хушвақтов) каби спектаклларни саҳналаштирган.

Х. Нуралиев иш устида.

НУРАЛИЕВ Ҳайдарали (1944.10.12, Тошкент) — наққош, Ўзбекистон халқ устаси (1998). П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тугатган (1969). 1969—78 й.ларда Тошкентдаги «Сувенир» ф-касида наққош, бош уста лавозимида ишлади. 1978 й.дан «Усто» бирлашмасида наққош уста. Кўп йиллар давомида устози Ҳаким Жалолов гуруҳи б-н Ўзбекис-тоннинг кўплаб маданий, маъмурий бинолари шифт ва деворларига кўркам безаклар ишлашда маҳорат кўрсатди. Айниқса, «ислимий» нақшлар ишлашда ютуқларга эришди. Темурийлар тарихи давлат музейи, Олий Мажлис биноси интерьерлари ва б. та ишлаган нақшлари наққошлик санъати намуналари ҳисобланади.

НУРАЛИЕВА Муҳаббат (1954.10.5, Сариосиё тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Душанба пед. ин-тини тугатган (1977). 1973 й.дан Денов туманидаги 41-мактабда, 1976 й.дан 42-мактабда мат. фани ўқитувчиси.

НУРАЛИХОН (18-а.) — Хива хони (1741—47). *Абулхайрхон* ўғли. Хиваликлар Эрон шоҳи *Нодиршоҳ* ноибига қарши қўзғолон кўтарадилар, унда Н. катта роль ўйнайди. Қўзғолончилар Хивани қамал қилиб уни эгаллайдилар. Хива ноиби ўлдирилиб, унинг қўшини қириб ташланган. Тахтга Н. ўтиради. Бундан хабар топган Нодиршоҳ Марвдаги ўғли Насрулло мирзога хат юборib, унга Хоразмга бориб, Эрон ҳукмронлигини қайта тиклашни буюрган. Н.ни тахтга кўтаришга ёрдам берган Хива амалдорлари Марвга, Насрулло мирзо олдига келиб тавба қиладилар. Хиваликлар иттимосига кўра, Нодиршоҳ Элбарсхоннинг Хуросонда турган ўғли Абу Муҳаммадни Хивага хон қилиб тайинлайди. Насрулло мирзо отасининг буйруғига кўра, оролликлар ва хиваликлардан ёрдамчи лашкар тўплаб, унинг ҳузурига юборади, туркманлар ва ёвмутларни эса Хоразмдан Хуросонга кўчиртириб юборади.Н. лашкар қочиб кетган. 1746 й. эронликлар Н. ни Хива тахтига ўтиришга яна таклиф қилганлар, бироқ Н. бу таклифда бирор найранг бўлса керак деб хавотирланиб Хивага бормаган. Н.га душман қозоқ султони Ботирнинг ўғли Ғойиб Хива тахтига ўтқазилган.

НУРАШ — атмосферанинг физик-кимёвий, ер ости ва ер усти сувлари ҳамда организмларнинг таъсирида ер юзидаги тоғ жинслари ва минералларнинг бузилиш ва емирилиш жараёни. Н.нинг физик, кимёвий ва органик турлари маълум. Содир бўлиш муҳитига кўра, атмосфера ва сув ости Н. фарқланади.

Физик Н. т-раннинг кескин ўзгариб туриши ва тоғ жинсларининг қуёш нуридан ҳар хил қизиши сабабли катта-кичик бўлакларга бузилишидир. Бунда нураган тоғ жинсини ташкил этувчи минералларининг кимёвий таркиби деярли ўзгармайди. Тоғ жинсларида кулаб ёриқларининг бўлиши ва сувнинг музлаб қолиши физик Н.ни тезлаштиради. Сув музлаганда ҳажми кенгайиб, ёриқ деворларининг 1 $см^2$ юзасига таъсир этган кучи 870 кг га етади. Бундан Н. ялаги тоғ жинсларида, баланд тоғларда йилнинг ҳамма фаслида содир бўлади. Натижада чақиқ жинслар уюми ҳосил бўлади. Емирилган жинслар заррачаларининг катталиги 0,01 мм гача етиши мумкин.

Кимёвий Н.да тоғ жинсларининг кимёвий таркиби ўзгариб ер юзасида барқарор минераллар ҳосил бўлади. Тоғ жинслари ёриқларидаги эркин кислород, карбонат, сульфат ва органик кислоталарга бой бўлган сув оксидланиш ва қайтарилиш редукцияларига сабаб бўлади. Кимёвий Н. натижасида турли тоғ жинслари, гиллар ҳосил бўлади.

Органик (биологик) Н. ўсимлик ва организмларининг тоғ жинсларига таъсири натижасида содир бўлади. Бунда ер юзасидаги ўсимликлар асосий омиллардан ҳисобланади. Ўсимликларнинг илдизи тоғ жинслари орасига ёриб кириб, уларни турли бўлакларга ажратади ва дарзларни кенгайтиради. Чиритган илдизлардан кирган сув тоғ жинсларида музлаб, Н. жараёнини тезлаштиради. Ёрдаги микроорганизмлар гил ва лёсс жинслари орасида кўп миқдорда говаклар ҳосил қилиб уларни емиради. Н. жараёни натижасида турли чўкинди жинслар ва кўнгина фойдали қазилмалар (каолин, охра, ўтга чидамли тупроқлар, қум, темир, алюминий, марганец, никель, кобальт, олтин, платина сочмалари ва б.) ҳосил бўлади.

НУРАШ КОНЛАРИ — Ер юзасига яқин тоғ жинсларининг нураш қатламида сув, углекислоталар, кислород ҳамда органик ва ноорганик кислоталар (кимёвий нураш) таъсирида парчаланишидан пайдо бўлган фойдали қазилмалар кони. Н.к. аввалги геологик даврларда шаклланган бўлиб, ҳоз. даврда эса чуқурликдан ер юзасига чиқарилган ва янги термодинамик шароитларда барқарор бўлмаган тоғ жинслардан ташкил топган. Нураш жараёнлари натижасида тоғ жинслари мураккаб таркибли силикатлардан содароқ таркибли оксид ва гидроксидларга ўтади. Янги ҳосил бўладиган бирикмалар эриган ҳолда ер ости сувлари б-н кўтарилиб қайтадан чўкинди ҳосил қилади ва инфильтрацион конларни ташкил этади. Бу турдаги конларга уран, мис рудалари, олтингугурт конлари киради. Бошқа қисми эриган бирикмалар ер юзаси яқинида ишлиб қолиқ конлар деб аталувчи конларни ташкил этади. Бу гуруҳга силикатли никель рудалари, темир, марганец, боксит, магнезит, каолин конлари мансуб.

НУРАШ ПЎСТИ — тоғ жинсларининг нураши натижасида ер юзасида ҳосил бўладиган континентал геологик формация. Ўзгарган нураган жинслар ўз жойида қолса, қолдиқ Н.п., туб жинс б-н алоқаси узилмай қандилдир масофага силжиса кучирилган Н.п. деб аталади. Баъзи бир геологлар аккумулятив Н.п. номини келтирилган гил-тупроқ ва қолдиқ Н.п. ўзгарган нураган жинслари)ни алоҳида ажратадилар. Ётиш шаклига кўра, Н.п. майдонли (катта ҳудудларда ҳосил бўлади, қалинлиги 10 м гача ва ундан ортиқ) ва чизиқли бўлади (бир йўналишда чўзилиб, тоғ жинслари ёриқлари бўйлаб 100—150 м ичкарига кириб боради).

«Н.п.» терминини фанга швейцариялик геолог А. Гейм киритган (1879). Н.п.нинг ҳосил бўлиши жойининг иқлими, тоғ жинсларининг таркиби, гидрогеологик шароити, рельефи, тектоник тузилиши, ҳосил бўлиш вақти ва б. омиллар б-н боғлиқ. Бунда асосий омил иқлим ҳисобланади. Ернинг геологик тарихида бир неча марта (токембрий, юқори палеозой, триас-юра, бўр-палеоген, палеоген-тўртламчи давр) катта қалинликда Н.п.нинг шаклланиш даври бўлган. Н.п.нинг ҳосил бўлишида дастлаб ишқорий, кейин нордон муҳит юзага келади. Ҳар муҳитда ўзига хос минераллар ҳосил бўлади. Натижада Н.п.да пастдан юқорига қараб айрим зоналар (дезинтеграция, ареса, гидрослюда-монтмориллонит ва каолинит минераллари зонаси) пайдо бўлади. Н.п. зоналарининг ҳосил бўлишида жинсларнинг таркиби катта роль ўйнайди. Мас., ётин-сочин кўп шароитда нордон жинслар нураш натижасида каолинит, гидрослюда, дезинтеграция зоналари, асосли ва ўта асосли жинслардан эса темир, марганец, баъзан алюминийнинг сувли, ярим оксидли зоналари ҳосил бўлади. Н.п. б-н алюминий, темир, титан, марганец, стронций, никель, галлуазит, оловга чидамли гил, сочма олмос, олтин, платина, қимматбаҳо тошларнинг конлари боғлиқ. Ўзбекистонда Оҳангарон водийси, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғлари ён бағирлари ва Марказий Қизилқумда 2 м дан 150 м гача каолин қатламлари ҳосил бўлган.

НУРИДДИН (? —1440) — Ҳўжа Ўрда хони (1426—40). Едигей (Идикут)нинг кичик ўғли. Н. отаси сиёсатини давом эттирган, Нўғай Ўрдасининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида кўп тадбирларни амалга оширган. Унинг номи кейинчалик мажозий маънода касб этган: Н. — Нўғай Ўрдада вазиятда (мамлакат тарбий қисмининг ҳарбий бошлиғи).

НУРИДДИН ҒОРИ — Зарафшон тизмаси сувайиргич қисмига яқин жой (Тожикистоннинг Суғд вилояти Панжакент туманидаги гор. 2500 м баландликда. Силур даврига мансуб оҳактошларда ҳосил бўлган. Оғзи шим.-шарқ томонга очилган, эни 2,5 м, бал. 4 м. Горга 5 м киришдан сўнг унинг саҳни 40 м гача пасая бориб, шиши эса кўтарилади ва 15 м баландликда гор тарнов ер юзасига гирқини шаклида очилади. Ғор саҳнида қалинлиги 0,3 м гача бўлган гор гиллари, унинг шиши ва деворларида калта сталактитлар ва кальцит минераллардан ташкил топган қоплама (қалинлиги 1—3 см) ҳосилалар учрайди.

Н.г. Ўрта Осиё шароити учун жуда ноёб ҳисобланади. Чунки, унинг ичида йил бўйи муз ва қор қолдиғи сақланади. Қор горининг шифтидаги тешикдан тушади. Қор сувлари эриб, музга айланади. Қорнинг қалинлиги, тешик остида 5 м гача, қор остидаги музнинг қалинлиги 0,5 м дан ошмайди. Горнинг умумий уз. 49 м, майд. 125 $м^2$, ҳажми 1000 $м^3$ дан ошмайди.

НУРИДДИНОВ Акмал Ваҳобович (1959.27.2, Наманган) — рангтасвир устаси; Ўзбекистон БА акад. (1997). Ўзбекистон халқ рассоми (2003). П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юрти (1978).Маннон Уйғур номидаги театр ва рассомлик санъати ин-ти (1984)ни тугатган. Н. ижодида эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва зулмат тўқнашуви ва бунда эзгулик ва ёруғликнинг тантанаси, маънавий қадриятлар тараннум этилади, мустақиллик олиб келган ўзгаришлар, муҳаббат, онглавий бахт-саодат, инсоф ва диёнат ўз аксини топди. Асарлари: «Ҳаёт бошланмоқда» учлиги, «Умид булоғи», «Аждодлар назари» (1987); «Кушан қишлоғи», «Тонг», «Кушан афсонаси» (1988); «Оила» (1990); «Дарвиш», «Шарқ ҳар тақдири», «Тун ва кун», «Унутилган қадриятлар», «Ширин туш» (1992); «Тожмаҳал», «Муҳаббат боғи» (1993); «Ишқ олмаси», «Тун ва кун. Зулмат ва Зиё» (1995); «Жайҳун», «Фикр парвози» (1996); «Тавҳид» (1997); «Ришton натюрморти», «Илҳом париси» (1998); «Муҳаббат водийси», «Армон» (2000); «Ой устидаги пари» (2001); «Жаннат учлиги», «Она» (2003) ва б.

Акмал Нуриддинов. «Афросиёб келини».

Н. 1987 й.дан республика ва халқаро кўргазмаларда асарлари б-н иштирок этади. Асарлари республика ва хорижий мамлакатлар (АҚШ, Ҳиндистон, Швейцария ва б.) музейлари ва хусусий тўпламларда сақланади.

НУРИДДИНОВ Зуҳриддин Расулевич (1918.18.3 — Тошкент — 1988.22.11) — тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1974). Тарих фанлари д-ри (1966), проф. (1964). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45). ЎзДУнинг тарих ф-тини тугатган (1939), Тошкент педагогика ин-тида ўқитувчи, доцент (1952), умумий тарих кафедраси проф. (1964), кафедра мудири (1966), шу ин-т ректори (1971—76), 1976 й.дан кафедра мудири, 1982—88 й.ларда проф. маслаҳатчи. Илмий фаолияти Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи, тарихшунослигига оид. Н. Марказий Осиё ҳудудида биринчи бўлиб Ўзбекистондаги олий ўқув юртлари учун ўзбек тилида «Ғарб мамлакатларининг энг янги тарихи (1917—71)» дарслиги ҳамда «Ғарб мамлакатлари энг янги тарихининг тарихшунослиги (1917—39)» ўқув қўлланмаси муаллифи. Тошкент шаҳари кўчаларидан бири Н. номи б-н аталган (1990).

НУРИМОВ Қуронбой (1949.1.10, Урганч тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). ТошДУни тугатган (1974). 1974 й.дан Урганч туманидаги 5-мактабда мат. фани ўқитувчиси, 1977 й.дан вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида кабинет мудири, директор. 1995—97 й.ларда Хоразм вилоят халқ таълими бошқармасида ишлаган. 1997 й.дан Урганч туманидаги 45-интернат-лицей директори, 2000 й.дан Урганч ш. халқ таълими бўлими мудири. Иш фаолияти давомида аниқ фанлар бўйича ихтисослашган мактаб ва синфлар ташкил этган, таълим жараёнига янги педагогик технологиялар, илғор иш услубларини жорий қилади.

НУРИСТОН, собиқ Кофиристон — Афғонистоннинг шим.-шарқидаги баланд тоғли вилоят. Аҳолиси, асосан, *нуристонлар*. 19-а. охирига қадар Н.да мустақил деҳқон жамоалари яшаган; улар *араблар, Амир Темур, Акбар, Нодиршоҳ* б-н бўлган урушларда ўз мустақилликларини сақлаб қолишган. 1896 й. афғон амири *Абдураҳмон* томонидан буйсундирилган, аҳоли исломга киргизилган.

НУРИСТОН — Қашқадарё вилояти Нишон туманидаги шаҳарча (1992 й.дан). Яқин т.й. станцияси — Жайрон (6 км). Вилоят маркази (Қарши ш.)гача 50 км. Аҳолиси 10,5 минг киши (2003). Жами 35 миллат вакиллари яшайди. Қарши магистрал каналидан сув олади. Маъмурий идоралар, алоқа бўлими, сув тозалаш иншоати, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 1768 ўринли умумий таълим мактаби, маънавият ва маърифат маркази, касалхона, дорихона бор.

НУРИСТОНИЛАР — Афғонистоннинг шим.-шарқидаги қардош қабилалар гуруҳи (кати, вайгаллар, ашкуни, прасун), 150 минг киши (1990-й.лар ўрталари); Покистон б-н қўшни р-нларда (10 минг киши) ҳам яшайди. Нуристон тилларида сўзлашади. Диндорлари — сунний мусулмонлар.

НУРЛАНИШ — 1) эркин электромагнит майдон ҳосил бўлиш жараёни. Эркин, яъни нурланган электромагнит майдоннинг ўзи ҳам «Н.» термини б-н аталади; 2) радиодиапазондаги электромагнит тўлқинларнинг галаёланиши ва фазода тарқалиши. Бунда ўзгарувчан ток ёки зарядлар энергияси фазода тарқалаётган электромагнит тўлқинлар энергиясига айланади (қ. *Радиотўлқинлар*); 3) табиий шароитда тирик организмга инфрақизил, кўринадиган ва ультрабинафша нурларнинг биологик таъсири. Тирик организм космик нурлар ва ион нурлари б-н ҳам нурланади. Даволаш мақсадида тирик организм ультрабинафша, ультравзокори частотали нурлар б-н сунъий нурлантирилади. Н.нинг тотал (тўла), локал (қисман), тез (қисқа вақт ичида), хроник (узоқ вақт давомида), ташқи, ички ва б. хиллари мавжуд. Нурларнинг биологик таъсири Н. дозаси, хили, энергияси ва организмнинг физиологик ҳолатига боғлиқ.

Н. дозалари — нурларнинг бирор муҳитга таъсирини белгиловчи миқдорлар. Бир неча турлари мавжуд. Ютилган доза — нурланаётган муҳитнинг масса бирлигига ютиладиган Н. энергияси; ионлаштирувчи нурлар (рентген γ-нурлари, α - ва β -зарралар, нейтронлар, космик нурлар ва ҳ. к.нинг муҳитда ютилган дозалари *рад*ларда ифодаланади. Нурлантириш дозаси — Н. миқдорини ифодалайдиган ва ҳавонинг тонланиши б-н ўлчанадиган миқдор, рентген ва γ-нурлари рентгенларда, бошқа ионлаштирувчи нурлар эса бэрларда ифодаланади. Биологик доза — нурларнинг организмга биологик таъсирини ифодаловчи миқдор; *бэр* (рентгеннинг биологик эквиваленти)ларда ўлчанади. Интеграл доза — нурланаётган ҳажм бўйича тула ютилган ионлаштирувчи нурларнинг умумий дозаси; грамм-рентген ёки грамм-радларда ўлчанади. Вақт бирлигидаги Н. доза қуввати дейилади. Баъзи Н. дозаларининг қийматлари: табиий фон (космик нурлар, муҳит ва одамни ўраб олган радиоактивликнинг Н. дозаси 0,1 бэр/йил; нур касаллигига олиб келадиган Н. дозаси — 400 — 500 бэр; терапияда қўлланиладиган Н. дозаси 10000 бэр гача (яна қ. *Дозиметрик асбоблар, Дозиметрия, Дозиметрия назорати*).

НУРЛИ ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВИ — жисм ички энергиясининг нурланиш энергиясига (фотонлар ёки электромагнит тўлқинлар энергиясига) айланиши, нурланиш йўли б-н энергиянинг фазога узатилиши ёки жисмларга ютилиши. Бошқа турдаги иссиқлик алмашинувларидан фарқи шуки, бу ҳодиса иссиқлик алмашинадиган сиртларни ажратиб турувчи модний муҳитсиз ҳам содир бўлиши мумкин, чунки нур электромагнит нурланиш натижасида тарқалади. Шаффофмас жисм сиртига тушадиган нур энергиясининг бир қисми жисмга ютилади, бир қисми эса ундан қайтади. Т-раси мутлақ нолга тенг бўлмаган ҳар қандай жисм қиздирилса, ўзидан энергия (нур) чиқаради. Бир хил т-радаги жисм нур чиқариш қобилиятининг *мутлақ қора жисм* нур чиқариш қобилиятига нисбати жисмнинг мутлақ қоралик даражаси дейилади. Барча жисмлар учун мутлақ қоралик даражаси 1 дан кичик. Н. и. а. тизимидаги ҳар қандай жисм нурлар оқимини қайтаради ва хусусий нурлар оқимини чиқаради. Жисм сиртидан кетадиган энергиянинг умумий миқдорига эффектив нурланиш оқими дейилади. Жисм ютган энергиянинг бир қисми тизимга хусусий нурланиш сифатида қайтади. Шунинг учун Н. и. а.ни ютилган ва хусусий нурлар оқими айирмаси деб қараш мумкин. Н. и. а. металлургия, ядро энергетикаси, ракета техникаси, кимё технологияси, қурилиш техникаси, *телетехника* ва б. соҳаларда қўлланади.

НУРЛИ ТОШ, нур сочувчи тош — амфиболлар гуруҳига мансуб минерал (қ. *Актинолит*).

НУРМАНОВ Менглибой (1947.15.6, Чимбой тумани — 2001.27.1, Бўзатов тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қорақалпоғистон пед. ин-тини тугатган (1967). 1969 й.дан Бузатов туманидаги мактабларда бошланғич таълим ўқитувчиси, мактаб директори ўринбосари, 1998 й.дан 17-мактаб директори ўринбосари бўлиб ишлаган.

НУРМАТОВ Ҳожиакбар (1944.25.11, Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1989). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1968). 1966 й.дан Ҳамза театри (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театрида актёр. «Алишер Навоий» (Уйғун, И. Султон) спектаклидаги Мумин Мирзо унинг саҳналардаги илк образидир. Подколёсин (Н. Гоголь, «Уйланиш»), Франц Моор (Шиллер, «Қароқчилар»), Ибн Сино (Уй-гундер, «Қароқчилар»), Протасов (Л. Толстой, «Тирик мурда»), Нодир (Э. Воҳидов, «Олтин девор»), Оқ йигит (М. Карим, «Ой тутилган тунда»), Глостер (Шекспир, «Қирол Лир»), Куёв (Ў. Назаров, «Ойна»), Содиқ (Ў. Умарбеков, «Қиёмат қарз»), эркак (Ш. Бошқов, «Тақдир эшиги»), Искандар (Искандар нинг отаси (А. Навоий, «Искандар») ва б. театрдаги энг яхши ролларидан. Видеофильмлар: домла («Домла»), майор Солиев («Шайтанат» ва б.) ва кинода ҳам бир қанча роллар ўйнаган: Равшан («Йигит ва қиз»), Дони

Ҳожиакбар Нурматов Фазлиддин ролида («Бобур»).

Исломович («Бир муллатли дахо»), Маҳмуд («Фарҳод озод ичра»), Каримов («Абдуллажон»), Ука («Кичкина табиб»), Алишер («Осмондаги болалар»), Мурод ака («Калиш»), Ака («Нотаниш полвон»), Терговчи («Тухмат») ва б. 2000 га яқин фильм («Ишлаги ишқ», «Олович бўйсундириш», «Бобби», «Полиноҳ», «Қирол Лир», «Иван Васильевич ўз касбини ўзгартради», «Даллас», «Маҳаббатга» ва б.) дубляжида қатнашган.

НУРМЕТОВ Сотим (1924.15.6, Хива — 1994.4.8, Урганч) — 2-жаҳон урушн қатнашчиси, гвардиячи сержант. 1943 й.дан армия сафида. 51-аломида гвардиячи сапёрлар батальони (3-Белоруссия фронти 43-армиясининг 13-гвардиячи ўқчи корпусининг бўлинма командири. Кёнигсберг (ҳоз. Калининград) ш. учун олиб борилган жангларда (1945 й. 7 апр.) жасорат кўрсатган. 1945 й. 19 апр. Қаҳрамон унвонини олган. Урушдан сўнг Урганч ш.да хўжалик ишларида меҳнат қилган.

НУРМОН АБДУВОЙ ЎҒЛИ (1862 — Пайариқ тумани Энамоҳини қишлоғи — 1940) — Ўзбек халқ достончиси. Деҳқон оиласида туғилган. Қирқ ёшида Абдуҳолиқ бахшидан фотиҳа олиб, мустақил достончи сифатида эл орасида танилади. У ҳозиржавоб бахши бўлган. 20-а. бошларида Самарқанд атрофларида чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсатига қарши кўтарилган оммавий ҳаракат бошлиғи *Намоз Пиримқул ўғли* ҳақида достон яратиб, халқ орасида куйлаб юрганлиги учун Каттақўрғон ҳокими томонидан қамоққа олинган (1914). Жисмонан майиб (шол) бўлиб, қамоқдан чиққан Н.А.ў. достон куйлашни касб қилмаган. Уни мухлислари елкаларида кўтариб, достончилик даврларига олиб борганлар. У 20 дан ортиқ анъанавий достонларни куйлаб келган. Шоирдан «Кунтуғмиш», «Ортаитул» («Абдулла кофир»), «Намоз» (парчалар) достонлари, «Чигиртка», «Дўмбирам», «От» сингари термалар ёзиб олинган. Унинг термалари «Ўзбек фольклоридан намуналар» (1935), «Ўзбек фольклори» (1939) тўпламларида нашр этилган.

Тўра Мирзаев.

НУРМОНОВ Иброҳим (1936.29.12, Самарқанд вилояти) — актёр, реж. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991). Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати ин-тининг актёрлик бўлимини (1965) ва режлик бўлимини (1982) тугатган. 1965 й.дан Каттақўрғон театрида ишлайди (1982—85 й.лар театр директори ва бадиий раҳбари, 2000 й.дан бош реж.). Комилов (И. Султон, «Имон»), Соррини (М. Лермонтов, «Испанлар»), Ниёз (И. Султон, «Номаълум киши»), Навоий (И. Маҳсумов, «Навоий Астрободда»), Хусниддин (Я. Ҳудойқулов, «Суд») каби образлар яратди. У ўз қаҳрамонларини романтик ҳис-туйғулар ва фалсафий мазмун б-н чуқур очишга интилади. Н. саҳналаштирган «Олтин девор» (Э. Воҳидов), «Меҳрибонлар» (Ж. Асомиддинов), «Тобутдан товуш» (А. Қаҳҳор), «Зебуннисо» (Уйғун), «Макр ва муҳаббат» (Ф. Шиллер), «Ўзинг учун ўл етим» (Ў. Умарбеков), «Армон» (Я. Ҳудойқулов) каби спектаклларда ижрочилар ансамблининг яхлитлиги таъминланган.

НУРМОНОВ Пиримқул (1911.20.4 — 1978.10.12) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи катта сержант. 1942 й. июлдан фронтда. 178-гвардиячи ўқчи полки (3-Украина фронти 6-армияси 60-гвардиячи ўқчи дивизияси) нинг бўлинма командири. Н. 1943 й. 26 окт.да ўз бўлинмаси б-н биринчилардан бўлиб Запорожье р-нидаги Разумовка қишлоғи атрофида Днепр дарёсини кечиб ўтган ва плацдарм учун бўлган жангда алоҳида жасорат кўрсатган. Н.га 1944 й. 22 февр.да Қаҳрамон унвони берилган. Урушдан кейин жамоа хўжалиги, қишлоқ совети раиси, бригада бошлиги бўлиб ишлаган. Ўзи тугилиб ўсган жамоа хўжалигига Н. номи берилган.

НУРМУҲАМЕДОВ Бадал (1913.13.2 — Тошкент — 1991.21.6) — актёр, реж. Ўзбекистон халқ артисти (1990). Тошкентдаги ишчи-ёшлар театр техникумини (1935), «Ўзбекфильм» қошидаги киноактёр, кинореж., кинооператор тайёрлов студиясини (1938) тугатган. 1938—41 й.лар Республика қўғирчоқ театрида реж., актёр, 1941—48 й.лар Муқимий театрида, 1948—91 й.лар Ёш томошабинлар театрида актёр. Карл бобо («Буратино»), Даврон («Ўқитувчи»), Мўмин ота («Оқ кема»), Охунбобоев («Ота юртим оқсоқоли»), Қоноқвой («Чипполино»), Маҳкам ота («Ўз уйингдасан»), Маҳалла оқсоқоли («Фарзандим жигарбандим») каби ранг-баранг характердаги кишилар образини яратиб, миллий театр санъати ривожига муносиб ҳисса қўшди. Саҳнада кўп гапирмаса-да, бутун хатти-ҳаракат, кўз қарашлари, юз ифодаси б-н қаҳрамонинг ички дунёсини очиб бера олиш, инсонларга талқин, самимийлик Н. ижодига хос. Бир қанча фильмлар (Нозим, «Тоҳир ва Зуҳра»; домла, «Алишер Навоий» ва б.)да ҳам суратга тушган. Телевидениеда «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» кўрсатувининг доимий (1978—91) бошловчиси бўлган.

НУРМУҲАМЕДОВ Марат Коптилеувич (1930.6.1, Қорақалпоғистон, Тўрткўл ш. — 1986.21.6, Туркия; Нукусда дафн этилган) — қорақалпоқ адабиётшуноси. Ўзбекистон ФА акад. (1974). Ўзбекистонда (1980) ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1973). Филол. фанлари д-ри (1965), проф. (1968), Қорақалпоғистон пед. ин-ти рус тили ва адаби-ёти ф-тини тугатган (1950). Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлимининг Иқтисодиёт ва маданият ин-тида катта илмий ходим, бўлим мудири, директор ўринбосари (1953—59), Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлими раиси (1959—61). «Амударё» жур. бош муҳаррири (1957—58), Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси (1958—59). Ўзбекистон ФА Тарих, тилшунослик ва адабиётшунослик бўлими акад.-котиби (1966—74, 1979—80). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-ти директори (1974). Ўзбекис-тон ФА вице-президенти (1974—79). Қорақалпоғистон Олий Кенгаши Президиуми раиси ўринбосари (1980—83). Нукус ун-ти ректори (1983—85). Асосий илмий ишлари қорақалпоқ прозасининг ривожланиш йўллари мавзусида. Ўрта мактаблар (9—10-синфлар) учун адабиётдан дарслик, ўқув дастурлари тузган. «Қорақалпоқлар» (тарихий-этнографик очерк) китоби (Т. А. Жданко, С. К. Камоловлар б-н ҳамкорликда, 1971) муаллифларидан. Берунний номидаги Ўзбекистон (1983) ҳамда Берлак но-

Бадал Нурмуҳамедов Ёзувчи ролида («Тошкент ноч шахри»).

мидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофотлари лауреати (1970).

Ас.: Довоенная каракалпакская проза. Нукус, 1959; Қорақалпоқ адабиёти тарихи. Т., 1962; Ҳозирги замон қорақалпоқ прозаси. Т., 1968; О зарождении письменной литературы полуоседлых и кочевых тюркоязычных народов Средней Азии и Казахстана. Т., 1970; Из истории русско-каракалпакских связей. Т., 1974.

НУРМУҲАМЕДОВ Раҳим Муҳамедович (1925.26.4, Янгийўл) — хирург ва геронтолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975), тиббиёт фанлари д-ри (1969), проф. (1970). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. ТошТИни тугаттач (1954), шу ин-т хирургия кафедрасининг клиник ординатори (1954—57), ассистенти (1957—58), доценти (1958—69), педиатрия ф-ти (1969—72), 1972 й.дан даволаш ф-ти умумий хирургия кафедраси мудири, ўқув ишлари бўйича проректор (1971—81), Андижон тиббиёт ин-ти ректори (1981—89). Н. Ўзбекистонда геронтология хизмати ташкилотчиси ва раиси. Илмий фаолияти яра касаллиги, жигар, ўт пуфаги, чурра касаллиги, турли шикастланишлар, хусусан, бош мия шикастлари, перитонит, ичакдан тўсатдан ҳеч нарса ўтмай қолиш ҳолатлари, томир патологиясининг хирургияга хос жиҳатларини ўрганиш ва даволаш, шунингдек, операция жараёнида оғриқсизлантириш муаммоларига оид.

Ас.: Некоторые вопросы хирургического лечения больных пожилого и старческого возраста. Т., 1973.

НУРОБОД — Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги шаҳар (1983 й.дан). 1990 й.дан «Нуробод» номи б-н аталади. Туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Улус (15 км). Вилоят марказидан 75 км. Аҳолиси 8,7 минг кишига яқин (2003). Н. Навоий конметаллургия к-тига қарашли Жан. кон бошқармаси томонидан 1965—70 й.ларда посёлка сифатида қурилган. Н.да мармар э-ди ишлаб турибди. Полиэтилен қувурлар ишлаб чиқарилади. 3 умумий таълим мактаби, саноат касб-ҳунар коллежи, Навоий политехника билим юртининг кечки ўқув филиали, катталар ва болалар кутубхоналари, «Кончилар» маданият сароийи, туман марказий касалхонаси, 2 тиббиёт санитария қисми, юқумли касалликлар касалхонаси бор. Н. — Улус, Н. — Кетмончи йўналишида автобуслар қатнови йўлга қўйилган.

Нуробод шаҳрининг марказий кўчаси.

НУРОБОД — Тошкент вилояти Ангрен шаҳар кенгашига қарашли шаҳарча (1984 й.дан). Чатқол тоғининг этагида жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Оҳангарон (12 км). Майд. 164,3 га. Аҳолиси 6,5 минг киши (2003). Н.да умумий таълим мактаби, алоқа бўлими, кутубхона, маданият уйи, дорихона, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо тармоқлари бор. Н. яқинидан Тошкент—Ангрен—Қўқон—Наманган—Андижон—Ўш автомобиль йўли ўтади.

НУРОБОД ТУМАНИ — *Самарқанд вилоятида*ги туман. 1975 й. 26 ноябрда ташкил этилган. Шим.дан Каттақўрғон, Нарпай, Пахтачи туманлари, ғарбдан Навоий вилояти, шарқдан Самарқанд, Пастдарғом туманлари, жан. дан Қашқадарё вилояти б-н чегарадош. Майд. 4,79 минг км². Аҳолиси 98,7 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Нуробод), 7 қишлоқ фуқаролар йиғини (Жарқулуқ, Жам, Нурбулоқ, Сазағон, Тим, Тутли, Улус) бор. Маркази — *Нуробод* ш.

Табиати. Рельефи, асосан, ясситоғлик, текислик, адир ва қирлардан иборат бўлиб, шарқдан ғарбга нишаб. Қарноб чўлининг бир қисми туман ҳудудида жойлашган. Иқлими континентал. Йиллик ўртача т-ра 14°, энг юқори т-ра 43°. Вегетация даври 180 кун. Йиллик ёғин 275 мм. Ёғинининг асосий қисми қишда ва баҳорда тушади. Шарқидан Эски Анҳор ва Москва каналлари, туман марказидан Ғалабек-Собирсон оқиб ўтади. Қоратепа тоғларидан Оқсой, Анжирли, Омонлара сойлари оқиб тушади. Асосан, бўз ва қум тупроқли ерлар. Яйлоқ, шувоқ, каррак, оққуррак, қизилмия, читир ва б. ўсади. Бўри, тулки, қуён, жайрон; қушлардан чумчуқ, чугурчиқ, тарлалоқ, тустовуқ, ўрдак, қарға; судралиб юрувчилардан калтакесак, тошбақа, илон, эчкемар; кемирувчилардан юмронқозиқ, қўшоёқ, кўрсичқон, каламуш ва б. учрайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, тожик, татар, украин ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 20 киши. Шаҳар аҳолиси 8,7 мини киши, қишлоқ аҳолиси 90,0 минг киши.

Хўжалиги. Туман хўжаликлари асосан, чорвачилик ва деҳқончиликка ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. Ширкат хўжаликлари галлачилик, сабзавотчилик, полизчилик, мевачилик, токчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. Туманда 2 қўшма корхона, 58 кичик корхона, 5 акциядорлик жамияти мавжуд (2003).

Қ.х.нинг етакчи тармоғи галлачилик. Қ.ялда суғорилаётган ерлар 5627 га, шу жумладан, 2 минг га ерга галла, 130 га ерга сабзавот ва полиз экинлари, 30 га ерга қунғабоқар, 155 га ерга беда экилади, 3370 га ер боғдан иборат. Н.да 8 ширкат хўжалиги, 520 фермер хўжалиги мавжуд. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 20,7 минг қорамол, 280,2 минг қўй ва эчки, 16,7 мини парранда, 1461 от бор (2003).

2002/2003 ўқув йилида 75 умумий таълим мактаби бўлиб, 26 минг ўқувчи таълим олди. Касб-ҳунар коллежи, касб-ҳунар мактаби, мусиқа ва спорт мактаблари фаолият кўрсатади. Кутубхона, 52 клуб, 16 маданият уйи, стадион ва спорт майдонлари ишлаб турибди.

10 касалхона, тутруқхона ва б. тиббий муассасаларда 120 врач, 624 ўрта тиббий ходим ишлайди (2003). Туман ҳудудида минерал булоқли «Нагорний» санаторийси бор. Халқаро ва Самарқанд—Қарши йўналишидаги поездлар туман ҳудудидан ўтади.

НУРОТА — Навоий вилояти *Нурота тумани*даги шаҳар (1976 й.дан). Оқтоғининг этагида, 524 м баландликда жойлашган. Туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Тинчлик (85 км). Н. вилоят маркази (Навоий ш.)дан 85 км. Аҳолиси 30,1 минг киши (2003).

Н. Ўзбекистоннинг қад. шаҳарларидан бири. Шаҳар дастлаб 10-а.да Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида «Нур» шаклида (шу ердаги машҳур «Нур» чашмаси номидан) тилга олинган. Маҳаллий ривоятларда шаҳарнинг пайдо бўлиши Искандар Мақдунийлаврига бориб тақалади. Кейинчалик шаҳар бу ерда яшаб ўтган машҳур Шайх Абулҳасан Нурий (9-а.) шарафига «Нурота» деб атала бошлаган. Н. устидан Буюк ипак йўлининг бир тармоғи ўтган. У ўтмишда ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлиб, йирик савдо маркази ҳам ҳисобланган. «Нур» қалъаси қадимдан Жиззахдан сўнг Бухоро ва Самарқанд воҳасига кириш учун иккинчи дарвоза ҳисобланган. Н. (қад. «Нур») Бухоронинг шим.даги чекка шаҳар бўлиб, маданий ўтроқ аҳоли ва кўчманчи халқлар яшайдиган ҳудуд чегарасида жойлашган. Ўғуз турклари Н. воҳасидан аввал Хуросон, сўнгра Кичик Осиё я.о.га бориб ўрнашган ва Салжуқийлар давлатига асос сол-ган (11-а.). Қад. тош йўли орқали Нурга кўплаб карвонлар келиб тўхтаган. Чингизхон қўшинлари Бухорога боришда ҳудди ана шу йўлдан (1220 й. янв.) Нурга кириб келган. Шу боис тош йўли «хон йўли» номи б-н ҳам юритилган. Н. Сомонийлар, Аблуллахон даври (16-а.) ва ундан кейинги даврларда ҳам муҳим стратегик истеҳком ҳисобланган. Н.нинг улкан бойлиги унинг мармар конидир. Шаҳардаги «Нуротамармар» саноат корхонаси ушбу кон хом ашёси асосида ишлаяпти. Шунингдек, Н.да нон к-ти, пичувчилик ф-каси, «Нурбулоқ», «Нуробод» акциядорлик жамиятларига қарашли корхоналар, бир неча бозор, савдо дўконлари, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор. 8 умумий таълим мактаби, педагогика, к.х. касб-ҳунар коллежлари, 7 оммавий кутубхона, клуб, «Чашма» ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади (2003). Н.да 2 касалхона, 10 дорихона ва б. тиббиёт муассасалари мавжуд.

Нурота шаҳридаги «Чилустун» жоме масжиди.

Халқ амалий санъат ва ҳунармандчилиги қадимдан ривожланган. Н. усталари томонидан тайёрланган дурадгорлик, темирчилик, чилангарлик, кўрувчилик, кулолчилик, мисгарлик, каштачилик, заргарлик маҳсулотлари ҳамиша харидоргир бўлиб келган.

Н.да энг қадимги даврда қурилган Нур қалъаси қолдиқлари (уни Искандария, Искандар қалъаси ҳам дейишган), Пирокандар мудофаа девори қолдиқлари ва қад. ер ости мудофаа иншоотлари системаси (тахм. мил. ав. 4—3-а.лар), «Чилустун» жоме масжиди (9—20-а. бошлари), Катта Гумбаз масжиди (1582 — 90 й. лар), «Сайидота», «Оқмасжид», «Баргсўз» масжидлари (19-а. охири — 20-а. бошлари), Сулар Бобо ҳаммоми (1928 й.) каби меъморий ва тарихий ёдгорликлар сақланиб қолган. Шаҳарда Мозори Санг Андоз (Паҳлавон Аҳмад Замжон), Мозориёс (Бибиситам Тағалбос), Мозори бандиқушо (Ҳожи Бурҳониддин Жарроҳ), Чилла мозор (Хожа Убайдулло Жарроҳ), қад. Нур чашмаси каби зиёратгоҳлар мавжуд.

Қаҳрамон Раҳабов, Зулхумор Абдиева.

НУРОТА ДАВЛАТ ҚЎРИҚХОНАСИ — Жиззах вилоятининг ғарбий қисми (Фориш тумани)да, Нурота тоғининг шим. ён бағрида жойлашган қўриқхона. 1975 й.да ташкил этилган. Майд. 17752 га, шу жумладан, ўрмонлар б-н қопланган 2599 га (2001), денгиз сатҳидан 530—2100 м баландликда. Асосий вазифаси шу ҳудуднинг ўсимлик ва ҳайвонот оламини муҳофаза қилиш. Халқаро ва Ўзбекистон Қизил китобига киритилган *архар*нинг Осиё қўйи турига мансуб Северцев қўйи (Қизилқум қўйи) популяциясини ҳамда ёнғоқнинг табиий хилма-хиллигини сақлашдан иборат.

Қўриқхонада ўсимликларнинг 629 тадан, қушларнинг 195 тадан, ҳайвонларнинг 60 тадан ортиқ тури бор. Уларнинг кўпчилиги эндемик (зола турлари, анзур пиёзи). Ёнғоқ дарахтлари б-н бирга ёввойи олма, қайрағочлар ўсади. Буталар қопламаси, асосан, Туркистон дўланаси, қизил, учқат, зирк, иргай, ёввойи токлардан иборат.

Нурота шаҳрининг Нур қалъаси устидан кўриниши.

Нурота давлат қўриқхонаси.

Қўриқхона ҳудуди табиат манзараларига, археологик топилмаларга бойлиги б-н ҳам ажралиб туради: қоштош (тоғ қўйини овлаш) суратлари, Мажрумсойдаги танаси йўғонлиги 8,5 м келадиган шарқ биотаси дарахти (ёши тахм. 1000 йилдан ортиқ) каби ёдгорликлари бор. Архарлар сони 500 дан кўпроқ (2003).

Абдушукур Хонтаров.

НУРОТА ДОСТОНЧИЛИК МАКТАБИ — Нурота туманининг шим.дан Қизилқум бўйлаб Қизилтепа, Конимех туманларигача бўлган ҳудудларда етишиб чиққан бахшиларни бирлаштирган достончилар гуруҳи. Қурбон бахши, Ашур бахши, Исиргап бахши, *Бекмурод Жўрабой ўғли, Саидмурод Паноҳ ўғли,* Қурбон Наврўзов, Турсун Шеров, Маъмур Эрматов, Файзи Нажмиддинов каби ўнлаб ижодкорлар шу мактабга мансуб бўлиб, Нурота, Навоий, Томди, Конимех, Навбаҳор, Ғиждувон, Шофиркон туманлари аҳолисига хизмат қилганлар. Бу мактабнинг сўнгги талантли вакиллари Саидмурод Паноҳ ўғли ва Бекмурод Жўрабой ўғлидан «Алпомиш», «Одилхон», «Кунтуғмиш» («Холбека»), «Гўрўғлининг Қримга бориши», «Аваз-хон», «Маликаи айёр» («Гулшанбоғ») каби достонлар ёзиб олинган ва нашр этилган. Бу бахшилар репертуарида бошқа ҳудудларда тарқалмаган «Сормонхон», «Аҳмадхон», «Чўпон қиз», «Мастон камир» каби достонлар ҳам бўлган. Аммо улар ўз вақтида ёзиб олинмаган. Бу бахшилар «Гўрўғли» туркуми достонларини 64 достон қилиб куйлаганлар. Шунингдек, бу ҳудудлардаги қорақозоқ ва қозоқ халқлари орасида ҳам 20-а. бошларигача ижод достончилик анъаналари давом этган. Бу анъаналарнинг Н.д.м. вакилларига таъсири сезиларли бўлган. Бу таъсир репертуар таркибини ўзгартира олиш даражасида бўлмаса-да, кўпгина мотивлар талқини, ижро усулларида яққол кўзга ташланади.

Ас.: Одилхон, Т., 1972; Алпомиш [Бекмурод бахши варианти], Т., 1999; Авазхон, Т., 1965; Гулшанбоғ, Т., 1966; Холбека, Т., 1967.

Ад.: Мирзаев Т., Халқ бахшиларининг эпик репертуари, Т., 1979.

Тўра Мирзаев.

НУРОТА МАРМАР КОНИ — Ғозғон шаҳарчаси яқинидаги кон, Навоий вилоятининг Нурота ш.дан 3 км ғарбда, Навоий ш.дан 90 км масофада жойлашган. Кон тоғ этагидаги мармар қатламидан иборат. 1972 й.дан қазиб олинмоқда. Мармар ўрта ва йирик кристалли, ранги оқдан кулрангтача. Ажратиб олинадиган мармар блокларида дарзликлар йўқ, меъёрида юмшоқ; ҳар 1м³ дан 16—18 м² дан кўпроқ мармар плиталари олинади. Н.м.к.нинг захиралари 1700 минг м³ миқдорида баҳоланган. Н.м.к.дан олинган мармар плиталарининг сифати ва чиройли ранглари учун Нурота мармари Парижда бўлган халқаро кўргазмада (2000 й.) Катта олтин медаль б-н тақдирланди. Н.м.к.да йилига 3,5 минг м³ атрофида (2000 й.) мармар блоклари қазиб олинади.

НУРОТА ТОҒЛАРИ — Туркистон тизмасининг шим.-ғарбий тармоғи. Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида. Жан.-шарқда Сангзор дарёсидаги Илонўтти тоғ йўлаги Н.т.ни Молгузар тизмасидан ажратиб туради. Жан.дан Зарафшон ботиғи, шим.дан Қизилқум чўли б-н чегараланган. Н.т. бир-бирига параллел бўлган иккита тизмадан иборат.

Шим. тизма Н.т., аниқроғи, Шимолий Н.т., жанубинси — Жанубий Н.т. деб юритилади. Шимолий Н.т. жан.-шарқий қисмини Қўитош тоғлари ишғол қилган. Қўитош тоғлари шим.-ғарбда Совурбел довонидан жан.-шарқда Сангзор дарёсигача боради. Уз. 70 км, ўртача бал. 1260 м. Шим. Нурота тизмасининг марказий қисми нисбатан баланд, ўртача бал. 1750 м. Энг баланд жойи (Заргартоғ) — 2169 м. Бу қисмида Катта Фозилмон (2134 м), Қарчиғай (2105 м) каби чўққилар ҳам бор. Шимолий Н.т.нини шим.-ғарбий қисми унча баланд эмас, ўртача бал. 900—1100 м. Жанубий Н.т. бир қанча меридианал водийлар б-н қирқилган; жан.-шарқдан шим.-ғарбга чўзилган Ғубинтоғ, Қароқчитоғ, Оқтоғдан иборат. Оқтоғнинг шим.-ғарбидаги Қоратоғ ҳам жанубий Н.т.га киради. Бу тоғлар бир-биридан Қушработ, Қўитош ва Нурота оркали ажралиб туради. Н.т. шимоли-ғарбга томон 180 км чузилган. Ўртача бал. 1000—1500 м. Палеозойнинг оҳактош, қумтош ва сланецларидан, метаморфик жинслардан ташкил топган. Булар орасида отқинди жинс кўп. Жан. тизмаларнинг пастроқ қисмлари ва ботиқларда неоген ва тўртламчи давр ётқизиқлари ҳам тарқалган. Тектоник жиҳатдан тизмалар мегантиклиналь структурага эга бўлиб, герцин бурмаланишида ҳосил бўлган ва ҳоз. баландлигида янги тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилган.

Н.т.нинг пастроқ қисмида ёз қуруқ ва иссиқ, қиш у қадар совуқ эмас. Иқлими тоғ ён бағирларида ва юқори қисмларида салқин, ёғин кўпроқ. Йиллик ўртача т-ра 13,4—14,4°, янв.нинги −0,6° −2,3°, июлиники 15°—25,4°. Энг юқори т-ра тоғолди ҳудудларда 46°—47°, энг паст т-ра −29°, −30°. Йиллик ёғин миқдори 251—452 мм, қор қопламининг қалинлиги 15—30 см. Шамолнинг ўртача тезлиги секундига 2,0—3,2 м, баъзида 28 м га етади.

Н.т.дан кўплаб дарё ва сойлар (Осмонсой, Қулбасой, Учмасой, Мажрумсой, Ухумсой, Сентабсой, Тусунсой, Оқтепасой, Кўксаройсой, Оқчопсой ва б.) бошланади. Уларнинг сув сарфи кам бўлганидан текисликка чиққач, қуриб қолади ёки суғоришга сарфланади. Баҳорда уларда сел ҳодисалари ҳам содир бўлади.

Н.т.да, асосан, бўз тупроқлар, 1600—1700 м баландликларда жигарранг бўз тупроқлар тарқалган. Тоғ этаклари ва 1600 м баландликгача бўлган қисмида эфемер ва эфемероидлар ўсади. Бута ва дарахтлардан бодом, ёнғоқ, наъматак, учқат, дўлана ва б. бор. Баланд қисмида арчазорлар учрайди. Ҳайвонлардан

Нурота тоғлари.

бўри, тулки, юмронқозиқ, қўён, тоғ эчкиси, бўрсиқ, илонлар, каклик, будлуруқ ва б. яшайди. 1975 й.да ташкил этилган Нурота тоғ-ёнғоқзор давлат қўриқхонасида тоғ ландшафти ва у ердаги ўсимликлар (ёнғоқ, олма, олча, тут), ҳайвонлар (муфлон, қобон, тулки, жайра, каклик, бургут, илонлар) муҳофаза қилинади. Н.т.дан йилов сифатида фойдаланилади. Сойлар водийларида полиэнлик, богдорчилик қилинади. Ён бағирларида буғдой, арпа ва б. экинлар экилади.

НУРОТА ТУМАНИ — *Навоий вилоятидаги* туман. Шим.дан вилоятнинг Томди, ғарбдан Конимех туманлари, Бухоро вилояти, шарқдан Жиззах вилояти, жан.дан Навоий, Хатирчи туманлари, Самарқанд вилояти б-н чегарадош. Майд. 6,5 минг км². Аҳолиси 78 минг киши (2003). 1 шаҳар (Нурота), 7 қишлоқ фуқаролари йиғини (Нурота, Деҳибаланд, Сентоб, Қизилча, Чуя, Ғум, Ғозғон) бор. Туман маркази — Нурота ш.

Н.т. 1926 й. 29 сент.да Нурота уезди (маркази Нурота қишлоғи) ўрнида ташкил этилган. 1930 й. 17 авг.дан Н.т. Самарқанд вилояти, 1982 й.дан Навоий вилояти, 1988 й.дан Самарқанд вилояти, ва ниҳоят, 1992 й. мартдан яна Навоий вилояти таркибида.

Нурота тоғларининг этаги, Қизилқум билан туташган жойи.

Табиати. Н.т. ҳудудининг шим. Айдар шўрхоклари, Қизилқум ва Қоратоғ б-н, маркази ва жан. Нурота ва Оқтоғ тизмалари ҳамда улар орасидаги ботиқлар б-н банд. Ботиқларда ёз қуруқ ва иссиқ, қиш у қадар совуқ бўлмайди. Баландроқ жойларда ёз салқин, қиш эса совуқ бўлиб, узоқ давом этади. Йиллик ўртача т-ра 13,4°. Январнинг ўртача т-раси −1,0°, энг паст т-ра −29°, июлда 27—28°, баланд жойларда 25—15°, энг баланд т-ра 43°. Вегетация даври 202 кун. Йиллик ёғин 200—222 мм. Сувлари тоғдан оқиб тушадиган сойлардан (Оқсой, Фангатсой, Навкатсой, Оқчопсой, Орасой, Гумсой ва б.) иборат бўлиб, маълум ҳавзага қуйилмасдан, текисликка чиққач, суғоришга сарф бўлади. Ёйсс, тош-шағал пролювиал жинслардан тузилган ботиқларида оч бўз тупроқ, бўз тупроқ, оддий бўз тупроқ, ювқорироқда тўқ тусли бўз тупроқлар учрайди. Ёввойи ўсимликлардан эфемерлар, оқ қурай, гулхайри ва б. ўсади. Буталардан дўлана, писта, иргай, қоратикан, чий, бодомча, қуёнсуяк, жингил ва б. учрайди. Ёввойи ҳайвонлардан кийик, архар, чиябўри, қарсоқ тулки, қобон, қўён, сувсар, типратикан, қоплон, бўри, силовсин, айиқ, каламуш, ўрмон сичқони, юмронқозиқ, тошбақа, эчкемар ва илонлар; қушлардан каклик, будлуруқ, қорабовур, бургут, қорақарға, олашақ-шақ, чумчуқ, қирғий, лочин, калхат, кўкқарға, бедана, мусича, тўрғай ва б. кўп. 1997 й.да «Оқтов» ландшафт қўриқхонаси ташкил этилди (майд. 15,5 минг га).

Нурота мармарини қайта ишлаш Ўзбекистон—Италия қўшма корхонаси цехи.

Аҳолиси. асосан, ўзбеклар (86%), шунингдек, тожик (11%) ва б. миллат вакиллари ҳам (3%) яшайди. 1 км² га ўртача 12 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 30,1 минг киши, қишлоқ аҳолиси 47,9 минг киши (2003).

Хўжалиги. Республикада салмоқли ўринлардан бирини тумандаги «Ғозғонмармар» акциядорлик жамияти корхонаси эгаллайди. Ундан ташқари, «Нуротамармар» ш.ч. корхонаси, «Нуротаавтойўлмармар», «Нурбулоқ» минерал сув қадоқлаш корхонаси, «Чашма», «Истиқлол» савзо корхоналари, тикувчилик ф-калари мавжуд. Тумандаги 700 га яқин корхонадан 551 таси кичик фирма, 70 га яқин кичик ва ўрта корхона. Шунингдек, 120 га яқин маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 200 дан зиёд савдо дўкони ишлаб турибди.

Туман қ.х., асосан, чорвачилик ва деҳқончилик (галлакорлик)ка ихтисослашган. 4 хўжалик қорақўлчилик б-н шуғулланади. 10 ширкат, 500 га яқин деҳқон-фермер хўжалиги мавжуд. Қ.х.да фойдаланиладиган 503 минг га ернинг 3,1 минг га си шарғли суғорилади. Лалмикор ерлар 16,3 минг га ни ташкил этади. 1,1 минг га ерга дон, 1,1минг га ерга озуқа экинлари экилади. 187 га мевазор, 125 га токзор, 213 га тутзор б-н банд. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 9,6 мингдан зиёд қорамол, 1,5 минг га яқин от бор. Парранда ҳам боқилади. Туман хўжалигида авто-

Нурота шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи биноси.

Нурота тумани. 1:750 000

тран-спорт асосий ўринда. Вилоят марказига Нурота шаҳридан автобуслар мунтазам қатнайди.

54 умумий таълим мактаби (19,7 минг ўқувчи), касб-ҳунар коллежлар, 19 жамоат кутубхонаси, 26 клуб, «Чашма» ўлкашунослик музейи, 3 стадион, 26 спорт майдончаси фаолият кўрсатади.

Туман марказий касалхонаси, болалар юқумли касалликлар, 5 қишлоқ участка касалхоналари, 4 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 10 қишлоқ врачлик пункти, катталар ва болалар поликлиникаси ва б. тиббий муассасаларда 152 врач (ҳар 10 минг аҳолига 20,6 врач), 394 ўрта тиббий ходим ишлайди. Туман ҳудудида, Нурота шаҳридаги меъморий обидалар б-н бирга, Абдуллахон банди гидротехника иншоотн қолдиқлари (16-а.) сақланиб қолган.

Қаҳрамон Раҳмабов, Зулфизар Абдиева.

НУРОТА ҚАЛЪАСИ — Нуротадаги қалъа харобаси (тахм. 5—6-а.лар); тогнинг этак қисмида жойлашган. Асли номи Нур, халқ уни ҳурматлаб, «ота» сўзини қўшиб атайди. Қалъада катта булоқ бор, атрофда ундан бошқа оқар сув йўқ. Сув бошига эгалик қилиб, душман қамалига бардош бериш мақсадида қадимда булоқ устига пахсадан қалъа қурилган. У бир неча марта таъмирланган. Қалъанинг ичида булоқ бошига тушиб сув олиналиган махсус йул бўлган. Қалъанинг тепаси баланд қирлик бўлгани учун душманни кузатиш мақсадида қирнинг тепасига мўла (бурж) қурилган. Мўла б-н қалъа орасида йўлак бўлиб, унинг уз. 60 м. Н.қ қадимдан муҳим стратегик қалъа ва савдо магистрали бўлган. Н.қда, кейинчалик Бухоро амирлигининг Нурота беги турган.

НУРПЕИСОВ Абдужамил Каримович (1924, Оролбўйи, Ушқон қишлоғи) — Қозоғистон халқ ёзувчиси (1985). 2-жаҳон уруши қатнашчиси. М. Горький номидаги Адабиёт ин-тини тугатган (1953). «Жулдиз» жур. бош муҳаррири (1954). Биринчи романи — «Қурландия»да урушнинг сўнгги кунлари тасвир этилиб, Ватан ҳимоячилари образи яратилган. Н. «Кутилган кун» (1957), «Оқшом» (1960), «Сарсонлик-саргардонлик» (1970) романлари муаллифи. Сўнгги уч роман кейинчалик «Қон ва тер» трилогиясини ташкил этиб (1974), кўплаб тилларга таржима этилган. Н.нинг очерк, эссе ва танқидий мақолалари «Ўйлар» (1974) китобидан ўрин олган. Н. А. П. *Чехов*, А. М. *Горький* ҳикоялари, испан драматурги А. Кэссонинг «Дарахтлар тик туриб ўлади» ва *Ноким Ҳикмат*нинг «Кўк подшо» асарларини қозоқ тилига таржима қилган. Жамбул номидаги Қозоғистон Давлат мукофоти лауреати (1947).

НУРПЕИСОВ Плис Кольгелдиевич (1919, Тахтакўпир — 1945.23.4, Берлин) — 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардиячи катта лейтенант. 1939 й.дан армия сафида. Мелитополь ҳарбий авиация билим юртини битирган. 1943 й.дан фронтда. 47-гвардиячи алоҳида разведка авиация полки (2-Белоруссия фронтининг 4-ҳаво армияси)нинг кузатувчи-учувчиси; разведка мақсадида душман томонга 100 марта

парвоз қилган. Жумладан, 10 марта куни ва Берлинга учиш. 18 августа (фотосидан сўнг) Қаҳрамон унвони берилган. Нукус ун-ти биносига ёдгорлик лавҳаси ўрнатилган. Тахтакўпир туманидаги мактаб ва Хужайли пед. билим юртига Н. номи берилган.

НУРСИМОНЛАР, нурлилар — сохта оёқлилар синфига мансуб бир ҳужайрали ҳайвонлар кенжа синфи (қ. *Радиолярияли*).

НУРСОЯ — пластик санъат (тасвирий ва амалий безак санъати, меъморлик, дизайнининг ифода воситаларидан бири. Турли ёрқинликдаги ранглар бир ранг туслариниинг ажралишидаги ичилликка асосланади. Н.даги ичилик нур ва қоронги (соя)нинг тарқалиши, тасвирланаётган муҳит, нарсаларни ҳажмни нур-ҳаво оғушида идрок қилиш имконини беради. Нарсаларга ёруглик тушиши натижасида унинг сатҳи ёрут ва қоронги (соя) юзаларга ажралади (мас., тўртбурчак шаклдаги буюмларда бу ажралиш кескин бўлса, думалоқ ва цилиндрсимон буюмларда бу ажралиш аста-секинлик б-н боради). Натижада бундай буюмларда Н. орасида ярим соя ва соя томонида қаптан нурлар ҳисобига ёритилган юза — *рефлекс* мавжул бўлади. Н. нур йўналиши, нарсаларнинг ҳажмли шакл хусусиятлари, сифати ва ҳаво ҳолатига боғлиқ: у орқали ижодкор (рассом, ҳайкалтароши ва б.) ўз гоявий эстетик қарашларини ифодалайди, ундан лирик ёки драматик кайфият ҳосил қилишда фойдаланади.

Н. имкониятлари қадимдан қўлланилган. Юнон рассомлари (Полигнот, Парраси ва б.) Н. воситасида катта ижодий ютуқларга эришган. Мусулмон Шарқида қадимдан меъморлик, амалий безак санъатида Н. имкониятларидан кенг фойдаланилган; ўймакорлик (ганч ва ёғоч), ҳайкалтарошлик (рельеф ва б.)да безакни жозибали бўлиши, таъсирчанлигини оширишда Н. ўйинга асосланилган. Н. ва унинг назарий асослари Уйгониш даври усталари (Леонардо да Винчи) томонидан ишлаб бошланди. Шу даврда Н. рассомлар томонидан бадиий асарнинг ифодалилигини белгиловчи восита сифатида кенг фойдаланилади, имкониятлари янада бойитилади. Бугунги кунда ҳам Н. реалистик тасвирнинг асосини ташкил этади, психологик асарлар яратишнинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Неъмат Абдуллаев.

НУРУЛЛАБОЙ САРОЙИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик. Асфандиёрхоннинг собиқ расмий қабулхонаси (20-а.). Бу сарой-боғни Хива хони Муҳаммад Ра-



Нуруллабой саройи пештоқи.

ҳимхон II Феруз ўғли Асфандиёрхон учун қурдирган (Нуруллабой деган шахснинг боғи ўрнига қурилгани учун Н.с. деб аталади). Н.с. 9 та катта-кичик хоналар, дарвозахона, сарой, қабулхона, арзхона, мадраса, хизматчилар учун турар жой, боғ, гулзорни ҳокимлардан иборат. Мажмуага (185,6×143,0 м) жанубдаги ариқ устига қурилган кўприк орқали дарвозадан кирилади. Дарвозахонанинг далонида бир неча хоналар бор. Сарой тўғри тўртбурчак тарҳли (87,1×65,0 м), 4 ҳовлили, қалъабанд девор (бал. — 7,5 м) б-н ўралиб, бурж-лар ишланган. 3 ҳовлида 2 қаватли, жан.-гарбий ҳовлида 1 қаватли хоналар жойлашган. Бош тарн дарвозаси мадраса, турар жой ва арзхона б-н ўзаро боғланган. Сарой шим. дағи 2 ҳовли айвонларининг томи иккинчи қават учун

Асфандиёрхон қабулхонаси.

ўтиш жойи вазифасини ўтайди. Катта ҳовли саройнинг шим.-гарбий қисмини эгаллаган. Ҳовлида қудуқ бор.

Қабулхона (27,5×32,1 м) саройнинг шим.-шарқида, ўзига хос европача услубда қурилган. Бош тарзи жанга қаратилган. 1 қаватли, 7 хонаси бор. Олд ва орқа томони айвонли.

Арзхона (82,0×71,0 м) саройнинг шарқида жойлашган. Тарҳи «Г» шаклида, жан. қисми уч бурчакли, шим. ва ғарбга қаратилган айвонлари мавжуд.

Мадраса бош тарзи шарққа қараган. Жан.-шарқий бурчагида 4 устунли 2 қаватли масжид, шим.-ғарбида айвон, ҳовли атрофида дарсхона ва ҳужралар жойлашган. Ташқи деворлари ва 4 бурчагидаги гулдасталар пишиқ ғишт ва қопин б-н безатилган.

Бог саройга туташ бўлиб, баланд қалъабанд девор б-н ўралган, бурждар ишланган. Боғининг 3 томонида эшик бўлиб, 2 эшик сарой б-н, шарқдагиси арзхона, қабулхона б-н боғланган. Боғ ўртасида 8 қиррали ҳовуз бор.

Н.с.нинг ганчкор деворлари олтин ва кумуш б-н ҳалланган, залининг «олтин шифти» ниҳоятда кўркам, ундаги мунаққаш гирих нақшлар ўзига хос, ички ва ташқи дарвозалари, эшиклари, айвон устунларидаги нақшлар Хоразм ёғоч ўймакорлигининг юксак намунасидир. Қабулхоналаги баланд эшиклар, катта ранглар ойналар, паркет поллар ва қопинлар печлар европа меъморлиги б-н уйгунлашган. Ташқи томони силлиқ гиштлар ва феруза ранг кошинлар б-н шахмат тахтаси шаклида безатилган. Уни қуришда ганчкор усталар Ҳудойберган ҳожи, уста Нурмат, Рўзимат Машариповлар, ёғоч ўймакорлиги ва уни бўяш усталари Бобожон Қаландаров. Ота Шайх, Немонт Абдуназёлов, гишт терувчи Қурбон Бобожонов ва б. қатнашган.

Н.с. мужассамотида Хоразм миллий ҳуйи-жой қурилишининг анъанавий хусусияти ўз ифодасини топган.

Ад.: Маньковская Л., Булатова В. Памятники зодчества Хорезма. Т., 1978.

НУРУЛЛИН Рустам Абдураҳимович (1929.4.1, Наманган) — тарихчи олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1981). Тарих фанлари д-ри (1970), проф. (1975), Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тида катта илмий ходим (1959—72), партия тарихи ин-тида директор ўринбосари (1972—78, 1988—90), жур.да бош муҳаррир (1978—88). Ўзбекистон ФА Тарих ин-ти етакчи илмий ходими, бўлим бошлиғи (1990—98). Илмий фаолияти Туркистон, Бухоро ва Хоразм Республикалари тарихи масалаларига оид.

НУРУМОВА Айитжон Ёқубовна (1954.10.9, Тўрткўл тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). ТошДУни тугатган (1979). 1973 й.дан Тўрткўл туманидаги 15-мактабда тарих ўқитувчиси. Ўқувчиларга Ватан тарихи, бой маданий мероси бўйича дарсларда янги педагогик технологиялардан самарали фойдаланади.

НУРХАЦИ (1559—1626) — манжур хони. Ойсингоро қавмидан. *Мин* сулоласи туманбошиси Мангу Темурнинг авлоди. Цзяньчжоу жужанлари қабиласи бошлиғи (1583). Мин империяси вассали; 1589 й. эвазларга кўрсатган хизмати учун дуду цзяньци (генерал) қарбий унвонини олган. Н. манжур қабилаларини бирлаштиришга киришган. 30 йиллик уруш ҳаракатларидан сўнг, 1616 й. Н. Хэту-ала (ҳоз. Ляонин вилоятида) шаҳри марказ қилиб хонлик ташкил этиб, ўзини «Йингмин хон» деб эълон қилган. У давлатига «Дажин» (Улут олтин миллатидан, рус.да Дацин) деб ном берган, унинг асосини 8 қисмдан иборат армия ташкил этган. Ҳар бир қисмнинг туғи (байроғи) бўлиб, уларнинг ранги бир-биридан фарқ қилади. Шу туфайли Н.нинг армияси «8 туғли армия» деб номланган. 1618 й.дан Мин империяси б-н уруш олиб борган. 1626 й. Нинъюань ш.га нисбатдаги ҳужуми вақтида Н. минларнинг генерали Юань Чунгхуан қўшинидан мағлубиятга учраган. Унинг ўрнини 8- ўғли Хунтайжи эгаллаган ва ишни давом эттирган. 9-набираси Ойсингоро-Фулин (Шизу — 1638—61) даврида манжурлар Мин сулоласини агдариб, Манжурия ва Хитой ҳудуди асосида Чин (Цин) империясини ташкил этган. Н. нинг руҳини шод этмоқ учун унга «Тайзу ҳазрат» («Сулола асосчиси бўлган хоқон») деб ном берилган. Манбаларда ушбу номни бошқа сулолалардан фарқ қилиш мақсадида «Чин Тайзу» деб аташ қабул қилинган.

Абдусаттор Ҳўжаев.

НУРХОН Йўлдошхўжаева (1913—Марғилон — 1929.1.7) — профессионал театр соҳасига кириб келган биринчи ўзбек раққосаси. 1928 й.дан М. Қориёқубов раҳбарлигидаги концерт-этнографик ансамблида раққоса бўлиб ишлаган. Ансамблнинг Марғилонга қилган гастроли вақтида вафотёна ўлдирилган. Бу фожиага бағишланган «Нурхон» (К. Яшин асари; Т. Жалилов мусиқаси) мусиқали драмаси яратилган. Марғилон ш. маданият уйи олдида Н.га ҳайкал ўрнатилган (1968, ҳайкалтарош В. Клебанцов).

НУСАЙРИЙЛАР, алавийлар — шиалиқдаги фирқалардан бирининг тарафдорлари. 10-а.да Шим. Суриида эн

кескин шиалар даврасида пайдо бўлган. Фирқанинг номини Муҳаммад ибн Нусайр ан-Нумайрий (тахм. 883 й. Басрада вафот этган) б-н боғлайдилар. Н.нинг асосий ақидаси — *Али* ибн Абу Толибни илоҳийлаштириш («алавийлар» номи шундан), унда Худонинг ўзи мужассамланган деб ишонишдан иборат. Уларнинг диний таълимоти ва исмоилийларнинг қарашларига асосланган маросимларига христиан дини ва айрим қад. эътиқодлар таъсир этган. Христианликдаги *муқаддас учлик* каби, Н. ҳам Муҳаммад, Али ва Салмон ал-Форисийни Худонинг уч хил намоён бўлиши деб, уларга эътиқод қиладилар. Улар Қуёш, Ой ва ёритқичларга сиғинади, эркакларда жоннинг кўчиб юришига ишонади. Н. ҳажни эътироф қилмайди, закотни бошқа мусулмонлар тушунгандек белгиламайди.

Ҳукмрон диний оқимлар томонидан асрлар давомида таъқиб қилингани сабабли Н. ўз эътиқодларини сир тутади, маросимларини кечалари, махфий адо этади. Улар намоз, рўза ва б. ислом маросимларини адо этмайдилар, уларнинг масжидлари йўқ. Н.нинг асосий қисмини деҳқонлар ташкил этади. Уларнинг ярмидан кўпи ҳоз. вақтда Суриядa, тахм. учдан бир қисми Туркияда, қолганлари Шим. Ливанда яшайди.

НУСРАТ ФАТЕХ АЛИ (Nusrat Fateh Ali Khan; 1948, Файсалобод — 1997.16.8, Лондон) — Покистон хонандаси, 20-а. оммабоп мусиқа маданиятида шуҳрат қозонган мусиқа намояндаларидан. Вашингтон ун-ти проф. (1993 й.дан). Машҳур мусиқачилар оиласидан. Панжоб мактаби вакили. Дастлаб, Покистон мумтоз мусиқасининг йирик устаси сифатида Покистон ва Ҳиндистонда «Қаввалининг шаҳаншоҳи» унвонига сазовор бўлган. 1970—80 й.ларда Покистон киностудияларида ишлаб, кўплаб фильмларга овоз берган. 1985 й.дан Европа ва Америка мамлакатларида гастролда бўлиб, энг йирик концерт саҳналарида *қаввалли* жанрини тар-ғиб этган; поп-мусиқа, рок-мусиқа юлдузлари (П. Гэбриэл, Э. Уэддер, Н. Кенеди ва б.) б-н ҳамкорлик қилган, 100 дан ортиқ альбом чиқарган. Покис-тон ва Ҳиндистоннинг давлат мукофотлари б-н тақдирланган.

НУСХА — 1) тасвирий санъатда — муаллифнинг ўзи ёки бирор бошқа рассом томонидан бирор асарни такрор яратилган намунаси. Н. аслидан ишланиш усули ва ўлчами б-н фарқ қилиши мумкин; бироқ аслининг усули ва композициясини айнан такрорлаши шарт; 2) амалий санъатда — бир хил қилиб ясаш учун тайёрланган буюм намунаси, нақш андазаси *(ахта)*, *қолип*. Халқ усталари ижодий хаёлоти асосида ясана келади, давр тақозоси б-н ўзгариб, янгиланиб боради.

НУСХА КЎЧИРИШ ҚУРИЛМАСИ — 1) матиларнинг асл нусхалари (оригиналлар) дан нусха (нусхалар) олинадиган қурилма. Энг кенг тарқалганлари фото, ёруғлик, ксеро- (электрфото), термо... ва электрон Н.к.қ. Буларнинг ёрдамида ҳар хил ўлчамли бир ва бир неча нусхани кўчириш мумкин; 2) машинасозликда — металл кесиш станогининг кескичи ёки заготовка ҳаракатини автоматик бошқариб турадиган қурилма. Унда ишланадиган буюмнинг шакли андаза, *модель*, эталон ёки чизма ёрдамида берилган буюм шаклига ўхшаб чиқади. Нусха кўчириш каллаги, кескич ўрнатиладиган каллак, ижро механизмидан иборат. Ижро механизми б-н кескич орасидаги алоқа механик, электр, гидравлик ва б. усуллар б-н амалга оширилади; 3) матбаада — босма қолипларни фотомеханик усулда тайёрлайдиган жиҳоз тури; 4) кинотехникада — тасвир *негативи* ва *фонограмма* негативидан кинопленкага *позитив* нусха кўчирадиган қурилма.

НУТАЦИЯ (лот. nutatio — тебратиш) — 1) механикада — қаттиқ жисмнинг ўз ўқи атрофида айланиши жараёнидаги тебранма ҳаракати; у жисмнинг хусусий айланиш ўқида содир бўлади; жисм қанча тез айланса, унинг нутацион тебраниш частотаси шунча катта, амплитудаси шунча кичик бўлади. Н. *прецессия* б-н бир вақтда юз беради. Н. вақтида жисмнинг хусусий айланиш ўқи б-н прецессия юз берадиган ўқ орасидаги бурчак ўзгарали; 2) астрономияда — Ер айланиш ўқининг бир оз тебраниши. Ернинг суткалик айланишига Қуёш ва Ойнинг тортиш кучлари таъсир этади. Ернинг суткалик айланиш ўқи *эклиптика*га қиялигини ўзгартирмаган ҳолда ўз йўналишини ўзгартириб боради, чунки Қуёш ва Ойнинг прецессион кучлари ҳам ўзгариб турали ва Қуёш ҳамда Ой Ер экваторида бўлганида бу кучлар нолга тенг бўлади, оғиши энг катта бўлганида эса максимумга эришади. Ернинг айланиш ўқи Н.сини 1737 й. Ж. *Брадлей* кашф қилган. Бундай нутацион тебранишлар 18,6 йиллик даврга, яъни Ой орбитаси тугунларининг айланиш даврига тенг. *Осмон сфераси*да қутб ярим ўқлари 9", 21 ҳамда 6", 86 нутацион эллипс чизади. Н.нинг аниқ қийматини 1953 й. америкалик астроном Э. Вулард топган.

НУТКА — Канадалаги (Ванкувер о. соҳили) ваккалар гуруҳига мансуб индеец халқи; бир қисми (маках) АҚШ (Вашингтон штатида яшайди. Умумий сони 2 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Катта монголоид ирқининг америка ирқига мансуб. Н. тили шевалари: нутка, нитина, маках; шунингдек, инглиз тили ҳам кенг тарқалган. Динлорлари — христианлар.

НУТРИЯ, сув бобри (Myocastor coypus) — кемирувчилар туркуми, нутриясимонлар оиласига мансуб ҳайвон. Оиланинг ягона тури. Танасининг уз. 60 см гача, думи 45 см гача, оғирлиги 8 кг гача. Орқа оёқларининг деярли барча бармоқларида сузгич парда бўлади, қулоқ тешиги сувда бекилиши мумкин. Жан. Американинг тропик ва субтропик минтақаларида тарқалган. Жан.-ғарбий Европа, Закавказье ва Ўрта Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон ҳам *акклиматизация* қилинган. Сувда ва сув бўйида яшайди; яхши сузади ва шўнғийди. Кечаси ва оқшомлари фаол. Ботқоқ ўсимликлари поясидан ин қуради, ин қазиши ҳам мумкин. Бир йилда 2 марта 2—8 та (одатда, 5 та) кўзи очиқ, ювиғи бола туғади. Қимматли мўйнаси ва гўшти учун овланади. Мўйначилик фермаларида боқилади. Ҳар хил рангли мўйна берувчи зотлари чиқарилган.

Нутрия

НУТТАЛЛИОЗ — тоқ туёқли ҳайвонлар, асосан, отларда учрайдиган протозоий касаллиги. Қўзғатувчиси эритроцитларда паразитлик қилувчи бир ҳужайрали Nuttallia equi организмлари. Н.ни каналар тарқатади. Касал ҳайвоннинг ҳарорати кўтарилади, бўшашади, иштаҳаси йўқолади, шиллиқ пардалари сарғаяди. Қонда эритроцитлар сони ва гемоглобин миқдори камаяди. Касаллик 2—6 ҳафтагача, баъзан ундан ортиққа чўзилади. Ташхис клиник белгилар ва қонда қўзғатувчининг топилишига қараб қўйилади.

Даволаш: флавакридин, пиропламзин (акарпин), азидин, сульфантрол ва б. дори-дармонлар қўлланилади.

Олдини олиш: Н. касаллигини тарқатувчи иксод каналарини йўқотиш.

НУТҚ — тилнинг фикр ифодалаш ва алмашиш жараёнларида амал қилиши. тилнинг алоҳида ижтимоий фаолият тури сифатидаги муайян яшаш шакли. Н. деганда унинг оғзаки (овозли) ва ёзма равишда намоён бўлишидаги жараёнлар, яъни сўзлаш жараёни ва унинг натижаси (матнда сақланган ёки ёзувда қайд этилган нутқий фикрлар, асарлар) тушунилади.

Лингвистик назарияда Н. тушунчаси муайян тил жамоасида қабул қилинган ифода воситалари тизими ҳисобланган мавҳум тил тушунчасига ҳамда ижтимоий борлиқ (ҳаётнинг энг характерли кўринишларидан бўлган доимий, бир қадар умумийроқ тил тушунчасига қарама-қарши қўйилади. Бошқа одамлар нутқ-асарини ва фаолиятига таъсир кўрсатиш мақсадида уларга ахборот, Н. (ташқи нутқ), яъни гапириш, тил белгиларининг ташқи аъзолари томонидан ҳарорат қилинадиган товуш ёзиб олувчи ускуналар ёрдамида қайд этиладиган ва қайта такрорланадиган) артикуляцияси тарзида ёки ушбу белгиларнинг ёзувда шартли акс этиши тарзида юзага чиқади.

Асл нутқ («ташқи нутқ») б-н бир қаторда ички Н. ҳам бор. У сўзловчи онгида билишга ёрдам берадиган турли хил масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишга қаратилади. Ички Н. ташқи Н. асосида, товуш ёки ёзув қўлланмаган ҳолда, фақат овозли Н.даги сўзлар ҳақидаги аниқ тасаввурлар б-н кечадиган ақлий жараёнлар тарзида амалга ошали. Ёзма Н. оғзаки Н.дан бир қадар шаклланганлиги, сўзларнинг ўта синчковлик б-н танлаб олиниши, грамматик жиҳатдан аниқ, лекин мураккаб шакланганлиги, оғзаки Н. учун хос бўлган оҳанг, мимика ва қўл ҳаракатларининг бевосита қўллана олмаслиги б-н фарқланади. Н.нинг монологик (қ. *Монолог*) ва диалогик (қ. *Диалог*) турлари мавжуд.

Н. алоқа-аралашув вазифасидан ташқари яна бошқа вазифалар, чунончи, воситик вазифа ҳам бажариши мумкин. Н.нинг алоҳида кўриниши ўқишдир.

Ҳар бир кишининг Н.и. индивидуал, ўзига хос хусусиятларга эга бўлади; ватандошки, асосий тил унсурлари — лугат таркиби ва грамматик қурилиши якка шахсларгагина тегишли бўлмай, умумлашган ҳолда маълум миллат жамоасига киридир, яъни муайян тил жамоасига умуман тааллуқли бўлади. Н. киши тафаккури, унинг онги б-н чамбарчас боғлиқдир. Н.да кишининг ўй-фикрлари шаклланади ва мавжуд бўлади. Н. туфайли ва Н. асосида борлиқни умумлашган ҳолда мавҳумий акс эттириш, индивидуаллик доирасидан чиқиб, жамоатчилик маҳсулига айланадиган мантиқий тушунчавий фикрлаш мумкин бўлади. Н. киши руҳиятининг бошқа жиҳатларини, унинг сезгилари, идроки, хотираси, ўй-

даси ва б.нинг намоён бўлиши ва амал қилишида, киши онгининг ривожланишида ҳам катта аҳамиятга эга.

Н. қўлланиш соҳасига қараб адабий Н., илмий Н., расмий Н. каби шаклларга эга бўлади. Ҳар қандай шакл-да ва ҳар қандай ҳолатда ҳам аниқлик, равонлик, соддалик, таъсирчанлик Н.нинг энг муҳим белгилари бўлиб қолиши керак.

Абдуқодир Мадаминов.

НУТҚ АЪЗОЛАРИ, нутқ аппарати — одам организмининг нутқ товушлари ҳосил бўлишида қатнашадиган турли қисмлари. Тил, лаб, юмшоқ танг-лай, ҳиқилдоқ мускуллари ва нафас мускулатурасидан ташкил топган периферик нутқ аппарати фаолиятини бош мия пўстлоғи бошқаради. Актив Н.а.га тил, лаб, юмшоқ танглай, пассив Н.а.га эса тишлар, қаттиқ танглай, бўғун бўшлиғи киради. Н.а. 3 қисмдан иборат: 1) нафас йўли — нутқ аппаратининг қўйи қисми; 2) ҳиқилдоқ — нутқ аппаратининг ўрта қисми; 3) томоқ, оғиз ва бурун бўшлиқлари — нутқ аппаратининг юқори қисми. Нутқ аппарати нафас олиш ва овқат ҳазм Н.а. бўлиб, нутқ товушларининг **НУТҚ МАДАНИЯТИ,** нутқ одоби — 1) оғзаки ва ёзма адабий тил меъёрлари (талаффуз, урғу, сўз қўллаш, грамматика, услубшунослик қоидалари)ни эгаллаш, шунингдек, турли алоқа-аралашув шароитларида тилнинг тасвирий воситаларидан нутқнинг мақсад ва мазмунига мос равишда фойдаланиш маҳорати; 2) тилшуносликнинг тилни маданият кўроли сифатида мустаҳкамлаштириш мақсадида меъёрлаштириш (тартибга солиш) муаммоларини ўрганувчи бўлими. Ғарб тилшунослигида умумий маънода «тил маданияти» термини ҳам қўлланади.

Нутқ аъзолари: I, II, III — оғиз, томоқ (фаринкс) ва бўғун бўшлиқлари; IV — ҳиқилдоқ; *1* — товуш пайчалари; *2* — товуш ҳосил қилишда қатнашмайдиган пайчалар; *3* — кичик тил (увула); *4* — кичик тил (увула); *5* — юмшоқ танглай ва танглай пардаси; *6* — пастки лаб; *7* — устки лаб; *8* — тиш; *9* — қаттиқ танглай.

1-маънодаги «Н.м.» тушунчаси адабий тилни ўзлаштиришдаги икки босқични қамраб олади: а) нутқнинг тўғрилиги ва б. нутқий маҳорат. Нутқнинг тўғрилиги муайян тилда сўзловчилар ва ёзувчилар томонидан «идеал» ёки умум томонидан қабул қилинган ва анъанавий сақланиб келаётган одатлар, ибрат ва намуналар тарзида идрок этиладиган адабий меъёрларга амал қилишдир. Нутқий маҳорат эса нафақат адабий меъёрларга амал қилиш, балки ўзаро мавжуд бўлган вариантлардан мазмунан энг тўғри, энг аниқ, услуб ва вазият нуқтаи назаридан энг мақбули ва ифодалисини танлаб олиш маҳоратидир (мас., ака — ока — ако; келяпти — келаётти — келопти вариантларидан бирининг адабий меъёр сифатида танланиши). Юксак Н. м. кишининг умумий юксак маданиятини, фикрлаш маданиятини, тилга нисбатан онгли меҳр-муҳаббатини намоён қилади.

Н.м. назариясининг асосий тушунчаси *тил меъёридир*. 2-маънодаги Н.м.нинг асосий вазифаси ижтимоий тил амалиётига фаол таъсир кўрсатиш мақсадида (тилнинг барча сатҳларида) объектив тил меъёрларини уларнинг барқарорлашган шаклларида, эндиятларида, вужудга келувчи тамойилларида ва б.да ўрганишдир.

Замонавий Н.м. назарий ва амалий фан бўлиб, у тил амалиётига таъсир этиш мақсадида адабий тил тарихи, грамматика, услубшунослик ва б. тилшунослик бўлимларининг ютуқлари ва хулосаларини умумлаштиради. Н.м. назариясида адабий тил миллий тилнинг олий шакли деб эътироф этилади; барқарор адабиёт тили ўзининг энг яхши намуналари б-н халқнинг маданияти соҳасидаги ютуқлари ва анъаналарини мустаҳкамлайди ва бойитади.

Н.м. ижтимоий ҳодиса бўлиб, у жамият, фан ва техника, маданий ва адабий ҳаёт ривожи б-н чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этади. Жамият аъзоларининг маданий савияси ортган сари нутқи ҳам жилоланиб, сайқаллашиб, Н.м. қоидалари ва меъёрларига мувофиқ ҳолда такомиллашиб боради. Н.м.нинг шаклланиши ва ривожланишида адабиёт, санъат, радио, телевидение ва даврий матбуотнинг алоҳида ўрни бор. Айниқса, адабий тилни меъёрлаштириш ва Н.м. назариясини ривожлантиришда *лексикография*, хусусан, изоҳли, имло, талаффуз, ўқув ва б. махсус луғатлар муҳим аҳамиятга эга.

15-а.даёқ ўзбек адабий тилининг Н.м. ва унинг ўзига хос меъёрлари бўлган

— Алишер Навоий ўзининг бутун ҳаётий ва ижодий фаолияти б-н ўз даври Н.м.га, нутқ одобига миқдорсиз ҳисса қўшган бўлса, кейинги даврда яшаган Бобур, Муҳаммад Солиҳ, Гулханий, Нодира, Огаҳий, Фурқат, Мукимий ва б. шоирларнинг асарлари тилида ҳам ўша давр тили ва Н.м. маълум даражада акс этган. «Яхши сўз — жон озиғи», «Бутдой нонинг бўлмаса ҳам, бутдой сўзинг бўлсин», «Ўйнаб гапирсанг ҳам ўйлаб гапир», «Ҳар нени емак — ҳайвоннинг иши, ҳар нени демак — нодоннинг иши» каби мақол ва ҳикматли сўзларнинг пайдо бўлиши ҳам ўзбек халқида Н.м. га аввалдан эътибор кучли бўлганидан дарак беради.

Ўтган асрнинг 20-й.ларидан сўнг ўзбек тилининг Н.м. халқ тилига яқинлаштирилган миллий адабий тил меъёрларига асосланади. Бу меъёрларни шакллантириш ишига олимлар (Отажон Ҳошим, Т. Н. Қориниёзий, С. Иброҳимов, Олим Усмон ва б.), адабу шоирлар (*Қодирий, Чўлпон, Авлоний, Фитрат, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор* ва б.) муносиб ҳисса қўшдилар.

Абдуваҳоб Мадвалиев, Йўлдош Солижонов.

НУФАР, сариқ нилфия (Nuphar) — нилфиядошлар оиласига мансуб ўсимликлар туркуми, экма гул. Кўп йиллик, илдизпояси йўғон. Барги қалин, юраксимон, узун бандли, сув юзида сузиб туради. Гули якка (диаметри 4—5 см), сариқ, 10 та яқин (бошқа маълумотларда 25) тури бор. Асосан, Шим. ярим шарнинг мўътадил зонасидаги кўлларда 2 тури ўсади. Шундан сариқ Н. (N. luteum) Ўзбекистон сувларида ўсади. Илдизида алкалоидлар (нуфурин), таннидлар, крахмал бор. Манзарали ўсимлик сифатида ўстирилади.

Нуфар: *1* — барги; *2* — очилган гули.

НУФУС — қ. *Аҳоли*.

НУЦЕЛЛУС (лот. nucella — ёнғоқча), уруғкуртак магзи — уруғли ўсимликлар уруғкуртагининг марказий қисми (ядроси); қирққулоқсимонларнинг мегаспорангийига ўхшайди. Н. ичида мегаспороцит шаклланади ва унинг ядроси 4 та ядро ҳосил қилиб бўлинади, натижада 4 та мегаспора ривожланади. Шундан 3 таси нобуд бўлади, биттаси эса ургочи гаметофитга айланади. Баъзи гулли ўсимликларнинг 4 ядроли ҳужайраси 2 ядролига айланади ёки бутунлай бўлинмайди, гаметофит эса битта икки ядроли ҳужайрадан (иккинчиси ўлади) ёки 4 ядролидан вужудга келади. Уругда сақланиб қолган Н. перисперм деб аталади.

НУШИЧ (Нушић) Бранислав (1864.8.10 — Белград — 1938.19.1) — серб ёзувчиси, драматурги. Сербия ФА акад. (1933). 1915—18 й.ларда мухбирликда ишлаган. Ўткир ҳажвий асарларида Сербияда сиёсий тузумнинг сиқилишни, сайловларнинг сохталигини, полиция бюрократизмини қаттиқ қоралаган («Халқ депутати», 1883; «Протекция», 1888; «Олдин кишн», 1899 ва б.). «Рамазон оқшомлари» (1898, ҳикоялар тўплами), «Ташула» (1902) қиссаси шарқ экзотикаси мавзуига бағишланган. Н. «Бир мини тўққиз юз ўн бешинчи йил» (1916) асарида ватанпарварларнинг 1-жаҳон урушига нафратини ифодалаган. «Мистер доллар» (1932), «Изтироб чеккан онда» (1935), «Доктор» (1936), «Мурда» (1937) комедиялари Н. сатирик истеъдодининг янги парвози бўлган. Н. ижоди ҳажвий ва юмористик нафосининг кучлилиги б-н жаҳон адабиётида муҳим ўрин тутади ва кўплаб ёзувчилар ижодига самарали таъсир кўрсатиб келмоқда. Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган («Таржимаи ҳолим», 1970; «Кикиндон машмашалари», 1981 ва б.).

НУЭВО-ЛЕОН — Мексиканинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Майд. 64,5 минг км². Аҳолиси 3,8 млн. киши (2000). Маъмурий маркази — Монтеррей ш. Штатнинг ғарбий ва жан. қисмини Мексика тоғлиги, кенг майдонларни платолар эгаллаган. Иқлими тропик, қиши қуруқ иқлим. Ўртача ойлик т-ралар 15° дан 28° гача. Йиллик ёғин 300—600 мм.

Н.-Л. — Мексиканинг нисбатан ривожланган штатларидан. Саноати етакчи ўринда (мамлакатда ишлаб чиқариладиган саноат маҳсулотининг 15%). Фойдали қазилма конларига бой. Саноатининг етакчи тармоғи — қора ва рангли металлургия. Металлсозлик ва кимё саноатлари ҳам ривожланган. Қ.х.да чорвачилик етакчи ўринда. Пахта экилади. Мевачилик ривожланган. Цитрус мевалар плантациялари бор.

НУЭР (ўзларини наас деб аташади) — Жан. Судан (1,6 млн. киши, 1990- й.лар ўрталари) ва Эфиопиянинг қўшни туманларида (100 минг киши) яшовчи нилотлар гуруҳига мансуб халқ. Тоғо-наас тилида сўзлашади. Анъанавий эътиқодларга амал қилишади. Асосий машғулотлари — яйлов чорвачилиги (зебу, қўй, эчки), деҳқончилик (маккажўхори, ловия, ер ёнғоқ, кунжут, тамаки), теримчилик, овчилик, балиқ овлаш. Ҳунармандчилик соҳалари — темирчилик, кулолчилик, терини қайта ишлаш, пальма барглариии тўқиш.

НУҚТА — энг кўп қўлланадиган ва энг кал. тинини белгиларидан бири (·); 11-а.да араб матнларида ёзув белгиси сифатида пайдо бўлган. 19-а.гача унинг вазифаси ва қўлланиши ҳоз. дағи тинин белгисиникидан тамомила фарқ қилган. Ҳоз. ўзбек имлосида Н. қуйидаги ўринларда қўлланади: 1) дарак гаплар охирида (Қуёш ҳамма ёқни қиздирмоқда); 2) орзу-истак, илтимос, илтижо, даъват, ундаш, маслаҳат, огоҳлантириш каби маънонни ифодаловчи буйруқ гаплар охирида (Бугун эртароқ боринг. Бизга овқат келтирсангиз. Майли, ўқини бўлмаса, ҳамма ёнитсин); 3) бош ҳарфлар ёки бўғинлар б-н курсатилган шартли қисқартмалардан сўнг (С. Раҳимов; М. Т. Ойбек; ва ш.к.; ва б.); аббревиатураларда Н. қўйилмайди; 4) рақамлар ёки ҳарфлар б-н курсатилган нумерациялардан сўнг (1. А. 2. В. каби. Бунда нумерациядан кейин келадиган гаплар мустақилликка эга бўлиши шарт); 5) баъзи саналар рақам б-н ёзилганда, йил, ой, кунларни ўзаро ажратиш учун улар орасига қўйилади (2003 й. 19 окт.); 2000.14.VIII. (2000 й. 14 август) ва ҳ.к.

Ад.: Назаров К., Ўзбек тили пунктуацияси, Т., 1976.

НУҚТА (математикада) — геометриянинг асосий тушунчаларидан бири. Геометрияни изчил баён қилишда Н., одатда, бошланғич тушунчалардан бири сифатида қабул қилинади. Ҳоз. замон мат.сида ҳар хил фазоларни ташкил қиладиган турли элементлар Н. деб аталади (мас., *n*-ўлчовли эвклид фазосида *n*-та сонлардан ҳосил бўлган тартибланган тўплам Н. деб аталади).

Мат.нинг кўп соҳаларида махсус ном б-н аталадиган Н.лар учрайди. Мас., геометрияда эгри чизиқларнинг асосий нуқталари ўрганилади; қайтиш Н.си, иккаланган Н., эгилиш Н.си, бурчак Н.си.Тўплам назариясида қаралаётган тўплам хоссаларини таъсифловчи Н. лар тескирилади: лимит Н., ловчи Н. лар тескирилади: лимит Н., ловчи Н. лар текширилади: лимит Н., чегаравий Н., зичлик Н.си, дифференциал тенгламалар ечимларининг махсус Н.лари ва ҳ.к.

НУҚТАВОР — нуқталар асосида яратилган нақш.

НУҚТАЛИ ВЕРГУЛ — устма-уст жойлашган нуқта ва вергулдан ташкил топган, икки унсурли тинин белгиларидан бири (:). Ўзбекча матнларда 19-а.дан бири (:). Ўзбекча матнларда 19-а.дан бири (:). Ўзбекча матнларда 19-а. охирларидан қўллана бошлаган. Ҳоз. ўзбек имлосида Н.в. қуйидаги ўринларда қўлланади: 1) богловчисиз қўшма гап таркибида маъно жиҳатдан бир-бирига яқин бўлмаган гаплар орасида (Қаландаровнинг таклифи, шубҳасиз, ўтмайди; унда раисиинг ўрнини тутади); 2) гапдаги ўхшиқ бўлаклар мураккаб бўлиб, улар маълум гуруҳларга ажратилганда, шу гуруҳлар орасида (Боғимизда шафтоли ва олма; қовун ва тарвузлар пишиб етибди. Мажлисда талаба ва ўқитувчилар; муҳандис ва фермерлар қатнашишди; 3) ярим қисм б-н ажратилган рақам ёки ҳарфлардан кейинги гаплар охирида (Ҳозирги асосий вазифа қуйидагилар: а) дарс жадвалини тузиш; б) ўқитувчиларни огоҳлантириш; в) графикка риоя қилиш ва б.ў; 4) мураккаб (аралаш) қўшма гаплар орасида (Ер кўкармас, эл яшнамас, бўлмаса кўк томчиси; Қилган олсин ишларни шоир, бўлмаса илҳомчиси (А. Тўқай)).

Ад.: Назаров К., Ўзбек тили пунктуацияси, Т., 1976.

НУҲ — Қуръонда номи зикр қилинган пайғамбарлардан бири. Қуръонга кўра, Аллоҳ Н.ни ўз қавмига пайғамбар қилиб юборган. Н. ўз қавми ичида узоқ умр кўрди, яъни 950 йил яшади (Анкабут сураси, 14-оят). У турли илоҳ-ларга, бутларга сиғинган қавмини тўғри йўлга бошлаб, фақат Аллоҳга ибодат қилишга даъват этди. Лекин қавм унинг сўзига кирмади, уни масхара қилди. Н.нинг даъватига ҳатто ўз-нинг хотини ва фарзанди ҳам ишонмади. Шунда Н. Аллоҳдан ёрдам беришни, кофирларни жазолашни сўради (Шуаро сураси, 118—119-оятлар). Аллоҳ унинг илтижосини қабул этиб Н.га кема ясашни ва барча жониворлардан бир жуфтдан олиб кемага жойлаштиришни буюради. Кейин осмондан жала кўп ёмғир ёғдирди, ернинг ҳамма тошмонидан ҳам сув чиқартирди. Осмон суви б-н ер суви қўшилиб улкан тўфон пайдо бўлди. Тўфонда барча кофирлар ҳалок бўлди, фақат кемадагилар соғ қолдилар. Тўфон бошланишидан олдин Н.нинг фарзандларидан бири кемага чиқмади. Н.нинг оталик меҳри кўзғаб, ўғлини кемага чиқишга ундади. Аллоҳга куфр келтирган фарзанд эса отасига рад жавоб айтиб имон келтиришдан яна бош тортди ва тоққа чиқиб жон сақламоқчи бўлди, лекин у ҳам ҳалокатга учради (Ҳуд сураси, 45—47-оятлар). Сув пасайгандан кейин кема Жудий тоғи устида тўхтади. Кема тоғ тепасига келиб тўхтаб, ер тўфон сувини ютиб битиргач, Аллоҳ Н.ни кемадан ерга тушишга буюрди. Н. ва унга имон келтирган кишилар кемадан тушишди. Бу замин Мусил деган юрт эди. Қуръонда Н. қиссасини баён қилувчи «Нуҳ» сураси бор.

Ад.: Пайғамбарлар қиссаси, Т., 1993.

НУҲ ибн АСАД (? — 841) — *сомонийлардан* бўлган Самарқанд ҳокими (820—841). *Тоҳирийлардан* Абдулла ибн Тоҳир ўз-н бирга *халифа*ликдан мустақил сиёсат юргизишга интилган. *Ислахтий* ва *Ибн Ҳанбал*ларнинг ёзишича, халифа Муътасим (833—842) бундан норози бўлиб Абдулла ибн Тоҳирдан нома юборяб, уни қойиган. Абдулла бу хатни Самарқандга жўнатган. Н. ибн А. ўзининг жавобида Мовароуннаҳрда 300 минг қишлоқ борлигини, ҳар бир қишлоқ битта сарбоз ва битта навкар беришга қодир экалигини кўрсатиб ўтади. Бу ўз-н у халифадан кўрқиш кераклигини, чунки фақат Мовароуннаҳрнинг ўзигина 600 минг сарбоз ва навкардан иборат қўшин тўплай олишини билдирган. Бу даврда кўчманчи туркий қабилалар Шошга кўп ҳужум қилиб турардн. Шош *Яғмо ибн Асад* ихтиёрида эди. Унинг илтимосига кўра, Н. ибн А. 840 й. Исфижобнинг туркий қабилаларидан бўлган ҳокимига қарши қўшин тортган. Бу уруш Н. ибн А. нинг ғалабаси ўз-н тугаган. *Балоғурий*нинг ёзишича, бу вақтда Н. ибн А. жанговарлар, тоқчилар, боғлар, қишлоқлар ва шаҳарларни кўчманчиларнинг ҳужумидан сақлайдиган катта мустаҳкам девор қуришни буюрган.

НУҲ ибн МАНСУР, амири Рашид (963 — Бухоро — 997) — *Сомонийлар давлати*нинг амири (976—97), амир *Мансур ибн Нуҳ*нинг ўғли. Отасининг вафотидан сўнг тахтга ўтириб (976 й. 26 сент.). Сиёсий ва ҳарбий соҳада исломхўрлар ўтказган. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Аниз вазир, *Абулҳасан Симжурий* сипоҳсолор (бош қўмондон) бўлди. Сиёсий жараёнларда турк лашкарбошиларининг мавқеи кучайган. Н.ибн М.нинг лашкарбошиси Фойиқ Работи Малик якинида бўлган жангда атайлаб енгилган ва *қорахонийлар* ҳукмдори Бугрохон (Ҳорун ибн Мусо) Бухоро, Бугрохон касаллик туфайли Бироқ, Бугрохон касаллик туфайли Қашқарга қайтиб кетаётганда йўлда вафот этган (992). Н.ибн М. Амул (Чоржўй)дан қайтиб, Бухорони қайта эгаллаган. Бу пайтда Сомонийлар давлатига қарашли Хуросон Абу Али Симжурий (Абулҳасан Симжурийнинг ўғли) ва Фойиқ, Ғазна ва Ҳирот вилоятлари *Сабуктегин* қўлида бўлган.

Н.ибн. М. б-н Сабуктегин ўртасида Кеш ва Нахшабда ўзаро учрашув бўлиб, унда Сабуктегин сомонийларни қўллаб-қувватлашга ваъда берган. *Гардизий*нинг ёзишича, Сабуктегининг 20 минг кишилик қўшини Абу Али Симжурий (997 й.в.э.) ва Фойиқ аскарларига Ҳирот атрофида кучли зарбалар берган. Н.ибн М. Бухорога қайтган. Бироқ унинг Сомонийлар давлатини таназзулдан сақлаб қолиш йўлидаги ҳаракатлари ўз натижасини бермади. Қорахонийларнинг Бухорога 996 й. қилган ҳужумлари оқибатида Сабуктегин б-н Бугрохоннинг вориси *Наср* Иэоқхон ўртасида Н. ибн. М.нинг иштирокисиз музокаралар ўтказилиб, сомонийларга Мовароуннаҳрнинг фақат маркази қолдирилади.

Н.ибн М. саройида шоир *Дақиқий* ижод қилган. Машҳур табиб Абу Али ибн Сино 16 ёшида Н.ибн М.ни даволаб, ўша даврда Шарқдаги энг бой кутубхона саналган Сомонийлар давлатининг кутубхонасида мутолаа қилиш имкониятига эга бўлган.

Ад.: Абу Са'ид Гардизи, Зайн ал-ахбор., Т., 1991.

НУҲ ибн НАСР, амири Ҳамид, Абу Муҳаммад (? — Бухоро — 954) — *Сомонийлар давлати*нинг амири (943—954), амир Наср II ибн Аҳмаднинг ўғли. Отаси 30 й. ҳукмронлик қилгач, тириклик пайтида тахтни унга топширган (943 й. 10 апр.). Бухоро қозиси, фиқх илмининг билимдони Абулфазл Марвазий (946 й.в.э.) унинг вазири бўлган. Н.ибн Н. мамлакатда кенг ёйилган қарматийлар ҳаракатини бартараф этиш чораларини кўрган. Мовароуннаҳрдаги бу ҳаракат раҳбари Муҳаммад ибн Аҳмад Нахшабийни Бухородa дорга остирди. Бироқ Сомонийлар давлатининг молиявий аҳволи оғирлашганлиги учун у солиқ ва турли тушумларни кўпайтиришга мажбур бўлган. Мамлакатда исён ва талаёнлар кучайган. *Наршахий*нинг ёзишича, ҳатто унинг амакиси Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Аҳмад Ироқдан келиб, Нишопур амири *Абу Али Симжурий* ёрдамида Бухоро тахтини эгаллаб олган (947 й.). Орадан кўп ўтмай Н.ибн Н. Самарқандан қайтиб, тахтни қайтариб олгач, марказий ҳокимиятга қарши исён кўтарган қариндошларини жазолаган, Марвдаги исёнларни ҳам бостирган. Аммо у Абу Алини аввал Чағониён, сўнгра Хуросонга ҳоким қилиб (652) тайинлашга мажбур бўлган. Сомонийлар давлати инқирозини тўхтатишга ҳаракат қилган. Наршахий ўзининг «Бухоро тарихи» асари (943—944)ни унга бағишлаган. Огир касалликдан сўнг Бухорода вафот этган.

Ад.: Наршахий, Бухоро тарихи, Т., 1993.

НУҲ ибн ЯЗИД ал-МАРВАЗИЙ Абу Асома (? — 789/90) — ўртаосиёлик илк қомусий олимлардан бири. Марв ш.нинг қозикалони бўлган; турли фанларни пухта эгаллаганлиги туфайли алломе лақабини олган. У Марвда 4 та

фан: ҳадисшунослик, фиқҳ, араб тили грамматикаси ва шеъриятидан дарс берган. *Самъонийнинг* ёзишича, у Марвда биринчи бўлиб ҳанафия мазҳаби бўйича тўплам (жоме) тузган, Марвда ҳамда Хуросон ва Ироқнинг бошқа шаҳарларида кўплаб шогирдлари бўлган.

Ад.: Камолиддинов Ш. С., «Китоб ал-ансаб» Абу Са'да Абдалкарима ибн Мухаммада ас-Самъани как источник по истории и истории культуры Средней Азии, Т., 1993.

НУҲУФТ (форс. — яширин, ҳуфия) — *Ўн иккси мақом* тизимидаги шўъба.

НЬЮ... (инг. new — янги) — инглизча қўшма сўзлар, асосан топонимларнинг биринчи қисми бўлиб, «янги» маъносини билдиради (мас., *Нью-Йорк*, Нью-Дели).

НЬЮ-БРАНСУИК — Канаданинг шарқий қисмидаги провинция, Атлантика океани соҳилида. Майд. 72,9 минг км². Аҳолиси 756,6 минг киши (2002), асосан қисми француз-канадаликлар. Маъмурий маркази — Фредериктон ш. Аҳолисининг катта қисми шаҳарларда яшайди.

Н.-Б.нинг ер юзаси қир ва пасттекисликдан иборат. Ҳудудининг 75% ўрмон. Фойдали қазилмалардан мис, никель, қўрғошин, рух, кумуш рудалари конлари бор. Ёғоч тилиш, целлюлоза-қоғоз саноати ривожланган.

Н.-Б. ҳудудига дастлаб, 1604 й.да французлар бориб ўрнашган. 1794 й.дан Буюк Британия мустамлакаси, 1867 й.дан Канада таркибига кирган.

НЬЮ-ЖЕРСИ — АҚШнинг шарқий қисмидаги штат. Майд. 20,16 минг км². Аҳолиси 8,6 млн. киши (2002), 89% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Трентон ш. Йирик шаҳарлари: Ньюарк, Жерси-Сити, Н.-Ж.нинг кўп қисми Атлантика бўйи пасттекислигида, шим. қисми Аппалачи тоғлари этакларида. Иқлими мўътадил, сернам. Янв.нинг ўртача т-раси 1°дан –5° гача, июлиники 22—24°.

Н.-Ж. — АҚШнинг аҳолиси энг зич ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган штатларидан. Ишлаб берувчи саноат етакчи ўринда. Тўқимачилик, рангли металлургия, силикат-керамика, тикувчилик корхоналари бор. Богдорчилик ривожланган. Н.-Ж. ҳудуди орқали АҚШнинг йирик шаҳарларини боғловчи т.й. ва автомобиль йўллари ўтган.

НЬЮ-ЙОРК — АҚШнинг энг катта саноат, молия, савдо-транспорт ҳамда сиёсий ва маданий маркази, дунёдаги энг йирик шаҳарлардан бири. Атлантика океани соҳилида, Гудзон дарёсининг қуйилиш жойида. Шаҳарнинг марказий қисми Манхаттан о.да жойлашган. Иқлими мўътадил, сернам иқлим; янв.нинг

Нью-Йорк шаҳри. Манхаттан ороли.

ўртача т-раси 1°, июлиники 23°. Йиллик ёғини 1000 мм. Майдони (шаҳарнинг муниципаль чегараси доирасида, сув ҳавзаларисиз) 953 км². Аҳолиси 8 млн. киши (2001). Н.-Й.нинг амалда қўшилиб кетган шаҳарлар ва шаҳар атрофи б-н бирга майд. 27 минг км², аҳолиси 19 млн. киши. Шаҳар аҳолисининг кўпчилиги асли европалик, осиёлик ва африкаликлар, хусусан, 15% қоратанлилар, 14% келиб чиқишига кўра итальянлар, 12% пуэрториканлар ва б.дан иборат. Н.-Й. 5 та шаҳар р-нига бўлинган. Шаҳарни мэр, муниципаль кенгаш ва ҳисоблар бошқармаси идора қилади. Мэр аҳоли томонидан 4 й. га сайланади.

Илк бор Манхаттан о.ла 1613 й.да голландлар келиб ўрнашган. Шаҳарга 1625 й.да асос солинган. 1626 й.дан Янги Амстердам деб аталган. 1664 й.да Янги Амстердамни инглизлар босиб олиб, герцог Йоркский шарафига Н.-Й. деб атаганлар. 1785—90 й.ларда Н.-Й. АҚШнинг муваққат пойтахти. Шаҳарда БМТ ва б. халқаро ташкилотларнинг штаб-квартираси жойлашган.

Н.-Й. — АҚШда энг катта, дунёда энг йирик денгиз портларидан. Четдан келтириладиган юклар (нефть, тропик ўсимликлар маҳсулоти, хом ашё, саноат буюмлари) четга чиқариладиган юклар (саноат буюмлари, озиқ-овқат)дан 3 марта кўп. Мамлакат ташқи савдо айланмасининг 1/4 қисми Н.-Й. орқали ўтади. Шаҳарда фонд биржаси, банк, сугурта жамиятлари, саноат ва б. корпорацияларининг бошқармалари жойлашган. 3 та катта халқаро аэропорт мавжуд. Тикувчилик ва полиграфия саноатлари салмоқли ўрин тутади. Машинасозлик ва металлсозлик (жумладан, электротехника, тайёр қисмлардан автомобиль йиғиш, авиаракетасозлик, оптика-механика), кимё ҳамда галантерея ва заргарлик буюмлари ич. ривожланган. Нефтни қайта ишлаш, рангли металлургия, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Шаҳарнинг айрим қисмларини 60 дан ортиқ кўприк, бир нечта автомобиль туннели (умумий уз. 370 км) ва йўловчилар ташиш пароми бирлаштириб турали. 1868 й.дан метрополитен ишлаб турибди.

Н.-Й.да 6 ун-т, 40 дан ортиқ колледж, ФА ва б. академиялар, ин-тлар, йирик кутубхоналар, музейлар, 70 дан ортиқ театр бинолари, Филармония зали, консерватория, концерт заллари ва б. бор.

Н.-Й.да итальянлар, яҳудий, хитой ва б. миллатга мансуб аҳолининг кўча ва квартадлари мавжуд. Шаҳар 19-а. бошидан тўғри бурчакли режа асосида шаклана бошлади. 19-а. ўрталарига келиб, улкан шаҳарга айланди. Энг катта кўчаларидан бири — Бродвей (уз. 29 км). 19—20-а.ларда кўп қаватли баланд бинолар қурила бошланди. 20-а. ўрталарига келиб Н.-Й. уз. 200 км келадиган ва бир-бири б-н туташиб кетган улкан шаҳарлар тўдасига айланди. 17—18-а.ларда қурилган бинолардан ратуша (1803—12), Тринити-Чёрч черкови (1839—46), катта муҳандислик иншоотларидан Бруклин кўприги (1869—83) ва б. сақланган. Кўп қаватли бинолардан Эмпайр стейт билдинг (102 қават, 1930—31), БМТ штаб-квартираси биноси (1947—52), Халқаро савдо марка-

Нью-Йорк. Озодлик ҳайкали.

зи (2 та 110 қаватли минора, бал. 412 м; 1971—73; 2001 й. 11 сент. да террорчилар томонидан портлатилган) ва б. Йирик кўприклари: Жорж Вашингтон ва Верразано-Нарроус. Муҳим ёдгорликлари: Озодлик ҳайкали, Вашингтон арки.

НЬЮ-ЙОРК — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Атлантика океани соҳилида (Лонг-Айленд о. ҳам Н.-Й. таркибида). Канада б-н четарадош. Майд. 127,2 минг км². Аҳолиси 19,2 млн. киши (2002); 84% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Олбани ш. Йирик шаҳарлари: Нью-Йорк, Буффало, Рочестер, Сиракьюс. Штат ҳудудининг кўп қисмида Аппалачи тоғ тизмалари (энг баланд жойи 1628м) жойлашган. Иқлими мўътадил, сернам иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси 0—8°, июлиники 20—23°. Йиллик ёғини 800—1000 мм. Йирик дарёлари: Гудзон, Сан-Лаврентий. Ўрмонлар бор.

Н.-Й. — АҚШнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган ва аҳолиси зич штатларидан. Саноат маҳсулоти ич. ва савдо айланмаси бўйича АҚШда 1-ўринда. Қ.х.нинг етакчи тармоқлари сут чорвачилиги, паррандачилик, сабзавотчилик, токчилик.

Н.-Й. ҳудудини 17-а. бошида голландлар босиб олган. Штатининг маҳаллий аҳолиси қириб ташланган. 1664 й.да Н.-Й.ни инглизлар эгаллади. 1776 й.да Н.-Й. АҚШни тузишда қатнашган дастлаб-ки 13 штатдан бири бўлган.

«НЬЮ-ЙОРК ТАЙМС» («New-York Times» — «Нью-Йорк вақти») — АҚШнинг йирик кундалик газетаси. Нью-Йоркда чоп этилади. 1951 й.да асос солинган. Дастлаб 4 саҳифали нашр кўринишида бўлган. 1997 й. 15 июндан рангли тарзда чоп этила бошлади. 2000 й. сентябрида «Н.-Й.т.» оддий иш кунлари 1,1 млн., якшанба кунлари 1,7 млн. нусхада чоп этилган. Йирик монополистик капитал манфаатларини акс эттиради, АҚШнинг энг нуфузли, мъ-лумот-ахборотларга бой газларидан. Расман мустақил деб ҳисобланса-да, асосан, Демократлар партиясини қўллаб қувватлайди. Париж ва Лима (Перуда ҳам чоп этилади.

НЬЮКАСЛ — Австралиянинг жан.-шарқий қисмидаги шаҳар. Янги Жан. Уэльс штатида. Тасман денгизи соҳилидаги порт. Аҳолиси 479,3 минг киши (1999). Австралиядаги йирик кўмир ҳавзаси маркази. Қора металлургия, кемасозлик, автомобилсозлик, кимё саноати корхоналари, ун-т бор. Н. порти орқали четга кўмир чиқарилади.

НЬЮКАСЛ — Буюк Британиядаги шаҳар, Англиянинг шим.-шарқий қисмида. Тайн-энд-Уир метрополитен графлигининг маъмурий маркази. Аҳолиси 283,5 минг киши (1990-йй.лар охири). Транспорт йўллари тутуни. Тайн дарёсининг Шим. денгизга қуйилиш жойидаги порт. Мамлакатнинг савдо-молия ва саноат марказларидан. Кемасозлик ва кема таъмирлаш, электротехника саноати корхоналари, ун-т, фан ва техника музейлари бор. Меъ-морий ёдгорликларидан 12—19-а.ларда қурилган ратуша, қаср, собор, темир кўприк ва б. сақланган.

НЬЮКОМ (Ньюкомб, Newcomb) Саймон (Симон) (1835.12.3, Уоллис, Янги Шотландия — 1909.11.7 Вашингтон) — америкалик астроном. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1869), Лондон қироллик жамияти аъзоси (1877), Петербург ФА фахрий аъзоси (1896). Гарвард ун-тини битирган (1858) Асели каналлик. 1853 й. АҚШ га кўчиб ўтган. Асосий илмий ишлари катта сайёралар ҳаракатини ўрганишга, астрономик доимийларни аниқлашга, ҳолдузларнинг аниқ вазиятларини белгилаб берувчи каталоглар тузишга оид. *Аберрацион вақт, нутация ва прецессия* доимийларининг Н. томонидан топилган сон қийматлари ҳозир ҳам қўлланилади. Н. моҳир фан тарғиботчиси ҳам бўлган. Унинг машҳур «Умумий маъ-лумотга астрономия», «Ҳаммабоп астрономия» китоблари нашр қилинган.

НЬЮ-МЕКСИКО — АҚШнинг жан.-ғарбий қисмидаги штат. Мексика б-н четарадош. Майд. 314,9 минг км². Аҳолиси 1,85 млн. киши (2002), 73% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Альбукерке ш. Штатнинг марказий қисми Қояли тоғлар (энг баланд жойи 4000 м), ғарби Колорадо платоси, жан.-шарқи Льяно-Эстакадо платоси б-н банд. Иқлими субтропик, қуруқ иқлим. Ўртача т-ра июлда 23°, янв.да 1°. Йиллик ёғини 250—500 мм. Энг катта дарёси — Рио-Гранде.

Н.-М. АҚШнинг аҳолиси сийрак штатларидан. Уран рудаси қазиб чиқаришда етакчи ўринда. Калий тузлари, нефть, табиий газ, мис, қўрғошин, рух, олтин, кумуш, ванадий конлари бор. Саноатининг етакчи тармоқлари: рангли металлургия, озиқ-овқат, нефтни қайта ишлаш. Атом энергетикаси ўрганиш марказлари бор. Қ.ха йўлов чорвачилиги асосий ўрин тутади. Н.-М. ҳудудини 16-а.да испанлар босиб олган. 1821 й.да Мексика таркибига кўшилган. 1848 й.дан АҚШ босиб олган. 1912 й.дан АҚШнинг 47-штати.

«НЬЮМОНТ МАЙНИНГ» (инг. — янги тог конлари) — жаҳондаги олтин қазиб чиқарадиган ва сотадиган йирик корпорация. Марказий бошқарув идораси АҚШнинг Колорадо штати Денвер ш.да. «Н.М.» 1921 й.да АҚШнинг Делавер штатида таъсис этилган. Фаолиятининг дастлабки йилларида фойдали қазилмаларни (асосан, никель, мис, кумуш, олтин, кўмир ва б.) қидириш, қазиб олиш ва ич. б-н шуғулланган.

20-а.нинг 80-й.ларидан бошлаб корпорация олтин и.ч.га ихтисослашган. 2002 й.да бир йилда олтин и.ч. ҳажмини 270 т га, мис и.ч.ни 8 млн. т га етказиб, дунёда 1-ўринга чиқиб олди. Корпорация ўз фаолияти давомида и.ч.-ни кенгайтиришга, янги конларни қидириб топишга, рудадан ажратиб олинадиган олтин миқдорини кўпайтиришга, ишлатиладиган техника ва технологияни такомиллаштиришга катта эътибор беради. Натижада 1 унция (31,4 г) олтин и.ч. таннархини жаҳондаги энг паст миқдорга — 175 долларга пасайтиришга эришди. Корпорация конлари АҚШнинг Шим. Невада ва Калифорния штатлари, Перу, Индонезия, Австралия, Мексикада жойлашган. Ўзбекистонда *«Зарафшон—Ньюмонт»* қўшма корхонасини ташкил этган.

«Н.М.» ҳар йили жаҳон бозорида 1,4 млрд. АҚШ доллари миқдорида олтин сотади. Жами ишчи-хизматчилар сони 10 мингдан зиёд.

НЬЮТОН (Newton) Исаак (1643.4.1, Вулстори — 1727.31.3, Лондон; Вестминстерда дафн этилган) — инглиз олими, ҳоз. замон табиатшунослиги асосчиларидан бири. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1672 й.дан) ва унинг президенти (1703 й.дан). Кембриж ун-тини тугатган (1665). Илмий ишлари учун унга лорд унвони берилган (1705).

Н. механика ва астрономиянинг назарий асосларини яратди, *бутун олам тортишиш қонунини* очди, дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиқди, кўзгули телескопини кашф қилди. У оптикага оид муҳим экспериментал ишлар муаллифи. «Ёруғлик ва рангларнинг янги назарияси» асарида (1672) ёруғликнинг корпускуляр тузилиши ҳақидаги гипотезани илгари сурган. Н. «Оптика» асарида (1674) *ёруғлик аберрацияси, интерференция, ёруғликдаги дисперсия, дифракция, ёруғликнинг қутбланиши* ва б. ҳодисаларни ёритган. У биринчи бўлиб ёруғликнинг тўлқин узунлигини ўлчаган. Н. «Натурал философиянинг математик негизлари» («Негизлар»; 1687) Н.нинг энг муҳим илмий асари ҳисобланади. У бу асарида ўзидан илгари ўтган олимлар (Г.*Галилей*, Р.*Декарт*, И.*Кеплер*, Х.*Гюйгенс*, Р.*Гук*, Э. *Галлей* ва б.) ҳамда ўзи эришган илмий натижаларни умумлаш-

тирган ва классик физиканинг асоси бўлган Ер ва осмон механикаси системасини яратган ва осмон жисм-ларининг ҳаракат назариясини ишлаб чиққан; классик механиканинг асосий тушунчалари — массаси ва зичлигига эквивалент бўлган материя миқдорига; импульсига эквивалент бўлган ҳаракат миқдорига ва кучнинг ҳар хил турига таъриф берган; ўзининг 3 машҳур «аксиома ёки ҳаракат қонунлари»: *инерция қонуни* (Н.нинг биринчи қонуни), *таъсир ва акс таъсир қонуни* (учинчи қонуни)ни таърифлаган.

Н. барча сайёра ва кометаларнинг қуёшга, йўлдошларнинг эса сайёраларга улар орасидаги масофа квадратига тескари бўлган куч б-н тортишишини асослаб берган. У бутун олам тортишиш қонунидан *Кеплер қонунлари* келиб чиқишини исботлаган. Н. бу асарида Ой ҳаракатининг ўзига хос хусусиятларини тушунтирган, шунингдек, Ер шакли ва унинг ҳаракатига оид хусусиятларни аниқлаган. У гидростатика ва гидродинамиканинг баъзи масалаларини қайта ишлаб чиққан; муҳит (газ ва суюқлик)даги жисм ҳаракатини шу муҳитнинг аралашиш тезлигига боғлиқ ҳолда текширган.

Н. илгари сурган табиатшунослик масалалари бутунлай янги математик усулларни ишлаб чиқишни талаб этарди. У дифференциал ва интеграл ҳисоб асосларини ишлаб чиққан, дифференциал ва интеграл ҳисобнинг ўзаро тескари характерга эга эканлигини кашф қилган, чексиз қаторлар соҳасида янгилик яратган. Н. ва ундан мустақил равишда Г.*Лейбниц* томонидан яратилган дифференциал ҳисоб ва интеграл ҳисоб мат. тараққиётида янги босқич бўлди. Н. *Ньютон биноми* формуласини ихтиёрий кўрсаткичга умумлаштирган, ҳисоблаш мат.си соҳасида тенгламаларни тақрибий ечиш усули ва интерполяция формуласини топган. Унинг алгебра ва геом.га оид бошқа ишлари ҳам муҳим. Н. физика ва кимёнинг кўп соҳаларига катта таъсир кўрсатган. Баъзи оптик ва кимёвий ҳодисаларни тушунтиришда Н. механик моделлардан фойдаланди.

Ад.:Вавилов С. И., Исаак Ньютон, М., 1961.

НЬЮТОН — *Халқаро бирликлар тизими* СИ да куч ва оғирлик ўлчов бирлиги: Н б-н белгиланади. 1 кг массали жисмга 1 м/с² тезланиш бера оладиган кучга тенг. И. *Ньютон* шарафига қўйилган.

НЬЮТОН БИНОМИ — икки қўшилувчи йиғиндисининг ихтиёрий бутун мусбат даражасини қўшилувчилар даражалари йиғиндиси кўринишида ифодаловчи формула

$$(a+b)^n=a^n+na^{n-1}b+\frac{n(n-1)}{1\cdot2}a^{n-2}b^2+\ldots$$

$$+\frac{n(n-1)\ldots(n-k+1)}{1\cdot2\cdot3\ldots k}a^{n-k}+\ldots+b^n=$$

$$=\sum_{k=0}^{n}\binom{n}{k}a^{n-k}b^k,$$

бунда n — бутун мусбат сон, a,b — ихтиёрий сонлар. $n=2$ бўлганда Н.б. $(a+b)^2=a^2+2ab+b^2$, $n=3$ бўлса, $(a+b)^3=a^3+3a^2b+3ab^2+b^3$ кўринишида бўлади. Н. б.нинг коэффициентлари биномиал коэффициентлар дейилиб,

$a^{n-k}b^k$ ҳад коэффициенти $\binom{n}{k}$ ёки C_n^k каби белгиланади. (қ. *Комбинаторика*). Биномиал коэффициентлари *арифметик учбурчак* ташкил қилади.

Н.б. формуласи И. *Ньютон*дан анча аввал ҳам маълум бўлган. Мас., *Умар Хайём* (11—12-а.лар), Жамшид Коший (14—15-а.лар) биномиал коэффициентларни ҳисоблаш қоидасини билганлар. И. Ньютон эса бином ёйилмасини ихтиёрий кўрсаткич учун умумлаштирган:

$$(1+x)^n=1+mx+\frac{m(m-1)}{1\cdot2}x^2+$$

$$+\frac{m(m-1)(m-2)}{1\cdot2\cdot3}x^3+\ldots,\ -1<x<1.$$

Мас.,

$$\sqrt{1+x}=(1+x)^{\frac{1}{2}}=1+\frac{1}{2}x-\frac{1}{8}x^2+\ldots,$$

$$\frac{1}{1+x}=(1+x)^{-1}=1-x+x^2-x^3+\ldots$$

Н.б. математик анализ, сонлар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва б. соҳаларда муҳим аҳамиятга эга.

НЬЮТОН СУЮҚЛИГИ — И. *Ньютон*нинг қовушқоқ ишқаланиш қонунига мувофиқ оқадиган қовушқоқ суюқлик. Ламинар оқимда $h=P/Q$ қовушқоқликка эга бўлади, бунда, P — оқиш, силжиш тезлиги, Q — ламинар оқим тезлиги градиенти, h — суюқлик молекуляр табиатига боғлиқ физик-кимёвий доимий катталик. Суюқ ҳолатдаги барча молекуляр моддалар, уларнинг аралашма ва эритмалари (сув, металл эритмаси, тузлар, шиша ва ҳ.к.) Н. с.га киради. P ва Q катталиклари кичик суюқликлар Н.с. бўлмайди, бундай суюқликларга полимерлар эритмаси, юмшаш т-расидаги шиша ва ҳ.к. киради.

НЬЮТОН ҲАЛҚАСИ — шиша пластинканинг ясси сиртига тегиб турган ясси-қаварик линзадан ўтаётган ёруғликнинг қайтиши (синиши) дан ҳосил бўлган интерференцион ҳалқасимон йўллар. Биринчи марта 1675 й.да И. *Ньютон* кашф қилган. Ҳалқалар диаметри катталашган сари уларнинг ичидаги ортади ва ҳалқалар полосаси кенглиги, яъни икки қўшни ҳалқа орасидаги масофа кичиклашади (1-расм). Н.Ҳ. махсус микроскопда кузатилган. (3-расм).

Микроскоп столида ясси шиша пластинка жойлашган, унинг устига эгрилиги кичик қаварик линза қўйилган. Микроскопда шиша пластинка текислигига перпендикуляр йўналишда кузатиш олиб борилади. Манба L дан чиқаётган ёруғлик шиша пластинка текислигига перпендикуляр тушиши учун MM шиша пластинкани микроскоп ўқига 45° бурчак остида қўйилади. Шундай қилиб, интерференцион манзара (2-расм) шу шиша пластинкадан кузатилади. Пластинка Н.ҳ.ни кузатишга халақит бермайди, чунки ундан етарли даражада ёруғлик ўтади. Н.ҳ. сферик ва ясси сиртларнинг шаклини тўғрилашни текширишда ҳам б.да қўлланилади.



1-расм. Ньютон ҳалқаси ҳосил қилиш учун оптик система схемаси.

2-расм. Ёруғлик қайтганидаги Ньютон интерференцион ҳалқалари.



3-расм. Ньютон ҳалқасини микроскопда кузатиш.

НЬЮТОННИНГ МЕХАНИКА ҚОНУНЛАРИ — классик механика асосини ташкил қиладиган учта қонун. И. *Ньютон* томонидан таърифланган (1687). Биринчи қонун — ҳар қандай жисмга ташқи куч таъсир қилмагунча у ўзининг тинч ҳолатини ёки тўғри чизиқли текис ҳаракатини сақлайди (қ. *Инерция қонуни*). Иккинчи қонун — ҳаракат миқдори (жисм массаси б-н тезланиши кўпайтмаси) нинг ўзгариши жисмга таъсир қилувчи кучга пропорционал, йўналиши эса таъсир этаётган куч йўналишида бўлади. Бу қонуннинг математик ифодаси қуйидагича: $\frac{d(mv)}{dt}=F$ ёки $ma=F$, бунда m — жисм массаси, v — жисм тезлиги, a — жисм тезланиши, F — таъсир кучи. Учинчи қонун — икки жисмнинг ўзаро таъсир кучи бир-бирига тенг, йўналиши эса қарама-қарши бўлади (қ. *Таъсир ва акс таъсир қонуни*). Н.м.қ. Г.*Галилей*, Х.*Гюйгенс*, Р.*Гук* ҳамда И.Ньютоннинг ўзи ўтказган қўшлаб кузатишлар, тажрибалар ва назарий талқинотлар натижасида пайдо бўлган. Н.м. қ. элементар зарралар ва техники ёруғлик техникига яқин мод-далар учун ўринли эмас.

НЬЮТОНИНГ ТОРТИШИШ ҚОНУНИ — қ. *Бутун олам тортишиш қонуни*.

НЬЮФАУНДЛЕНД — Атлантика океанидаги орол. Шим. Американинг шарқий қирғоқлари яқинида, Канадага қарашли Ньюфаундленд провинцияси таркибида. Майд. 111 минг км². Ер юзаси тўлқинсимон текислик. Айрим тепаликларининг бал. 200—300 м, энг баланд жойи 814 м. Кўл ва ботқоқлик кўп. Н. материклари антропоген даврида ажралган. Иқлими мўътадил, денгиз иқлими. Янв.нинг ўртача т-раси —4° дан —10° гача, июлиники 10—15°. Йилига 750—1500 мм ёғин ёғади. Н., асосан, игна барглн ўрмонлар б-н қопланган. Гро-Морн ва Терра-Нова миллий боғлари ташкил этилган. Балиқ овланади. Ёғоч тайёрланади. Бош шаҳри — Сент-Жонс. Н. соҳилларига дастлаб европаликлардан 11-а.да норманнлар борганлар.

НЬЮФАУНДЛЕНД — Канаданинг шарқий қисмидаги провинция. Атлантика океани соҳилида. Ньюфаундленд о. ва Лабрадор я.о.нинг шим.-шарқий қисмида. Майд. 405,2 минг км². Аҳолиси 513,6 минг киши (2002). 54% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази ва энг катта порти — Сент-Жонс ш. Н.нинг ер юзаси сертепа текислик. Дарё ва кўл кўп. Ҳудудининг катта қисми ўрмон, шим. тундра. Хўжалиги экспорт маҳсулот тайёрлашга ихтисослашган. Темир рудаси, қўрғошин, рух ва мис қазиб олинади. Целлюлоза-қоғоз, нефть кимёси, транспорт машинасозлиги, озиқ-овқат (хусусан, балиқни қайта ишлаш) саноатлари ривожланган. Қ.х. ёрдамчи аҳамиятга эга. Н.га 11-а.да дастлаб норманнлар борган. 1497 й.да у ерда инглиз экспедицияси бўлган. 1713 й.дан Н. Англия мустамлакаси. Маҳаллий аҳоли (индейс ва эскимослар) жуда кам қолган. 1917 й.дан доминион, 1949 й. мартдан Канада таркибидаги провинция.

НЬЮ-ХЭМПШИР — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Янги Англияда, Канада б-н чегарадош. Майд. 24,03 минг км². Аҳолиси 1,27 млн. киши (2002). 51% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Конкорд ш. Энг катта шаҳри — Манчестер. Н.-Х. мандолининг катта қисмида Аппалачи тоғлари жойлашган, шим.-шарқида Оқ тоғлар бор. Йирик дарёлари: Мерримак ва Коннектикут. Кўл кўп. Игна барглн ўрмонлар бор.

Машинасозлик, кўн-пойабзал, тўқимачилик, целлюлоза-қоғоз, кемасозлик саноатлари ривожланган. Иссиқлик электр ст-ялари ва ГЭСлар бор. Қ.х. товар маҳсулотининг катта қисмини сут чорвачилиги ва паррандачилик беради. Деҳқончиликда ем-хашак экинлари, сабзавот экилади. Туризм ривожланган.

Штат ҳудудига европаликлар 1623 й.дан бориб ўрнаша бошлаган. Н.-Х. АҚШни тузишда қатнашган дастлабки 13 штатдан бири.

НЬЮ-ХЕМПШИР — гўшт ва тухум учун боқиладиган товуқ зоти. 20-а. бошларида АҚШ (Нью-Хэмпшир штати)да Ред-айланд товуқ зотидан танлаш йўли б-н яратилган. 1935 й.да Америка мукаммаллик стандартига киритилган. Пати тилларанг-сариқ ёки оч жигарранг. Товуқлари тез етилади. Хўрозларининг вазни 3,2—3,5, товуқлариники 2,6—2,7 кг, йилига ўртача 180—190 тухум қилади. Тухуми вазни 60—62 г, пўчоғи сариқимтир-жигарранг. Кўпгина мамлакатлар (Германия, Голландия, АҚШда Н.-х. б-н Леггорн зотини чатиштириб, йилига 280—310 дона тухум қиладиган жигарранг патли кросс-лар яратилган (эломан-браун, хай-лайн ва б.). Ўзбекистон паррандачилик хўжаликларида ломани-браун кросси товуқларининг тухумлари келтирилиб кўпайтирилмоқда (2003).

Нью-Хемпшир товуқ зоти.

НЬЯМВЕЗИ (ўзларини ваньямвези деб аташади) — Танзаниядаги халқ. Қарадош суқума ва ньятурулар б-н бирга-ликдаги умумий сони 4,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Анъанавий динний эътиқодларга риоя этишади, суннийи мусулмонлар ва христианлар (асосан, католиклар) бор.

НЬЯНКОЛЕ (хима) — Угандадаги банту гуруҳига мансуб халқ. 1,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Анъанавий динний эътиқодларга риоя этадилар, христианлар ҳам бор.

НЬЯСА, Малавн — Африкадаги кўл. Мозамбик, Танзания ва Малавн ҳудудларида. Шарқий Африка ёриқлар зонасидаги тектоник ботиқда, 427 м баландликда жойлашган. Майд. 30,8 минг км², уз. 580 км, энн 80 км гача, энг чуқур жойи 726 м. Шим. ва шим.-шарқий қирғоқлари баланд, тик ва қоялн, жан. — паст. Кўл Шире дарёси орқали Замбези дарёсига оқади. Балиққа бой (230 дан ортиқ турн, кўпи эндемик), тимсоҳ, каркидон яшайди. Балиқ овланади. Кема қатнайди. Кўл соҳилида Нкота-Кота, Каронга, Бандаве, Мвая, Мбанба-Бей, Кобве, Метангула йирик порт ш.лари жойлашган. Кўл атрофи миллий боғ таркибида.

НЬЯЯ (санскритча — мантиқ) — ҳинд фалсафасидаги 6 ортодоксал (*ведалар*ни эътироф этадиган) тизимлардан бири. Ҳинд файласуфи Готама (тахм. мил. ав. 2-а. — мил. 2-а.) асос солган. Н. марказида билиш назарияси ва мантиқ масалалари туради. Мантиқий хулоса чиқаришнинг 5 қисмли усулини ишлаб чиққан. Н.нинг мантиқий реализми уни *вайшешика* атомистик таълимоти б-н яқинлашиб, бирлашишга олиб келган. *Буддизм* билиш назарияси (мадхьямика)нинг скептицизмига қарши чиққан.

НЭШ (Nash) Жон (1928.13.6, Блуфильд, Гарбий Виржиния) — америкалик иқтисодчи. Массачусетс технология ин-ти проф. (1951—59), Принстон ун-ти математика ф-ти проф. (1959 й.дан). Н. ўйин назарияси ва мувозанатлик назариясига бағишланган ишлари б-н танилган. У умумий ўйин назариясига нокооператив ўйинлар концепциясини киритди. Бу концепция рақобат, *олигополия*, саноатни ташкил этиш назарияси, шунингдек, иқтисодий сиёсатни таҳлил қилишнинг макроиқтисодий назариясида кенг қўлланилади. Нобель мукофоти лауреати (1994; Ж. Харшаньи ва Р. Зелтен б-н биргаликда).

НЮ (франц. nu — яланғоч) — тасвирий санъатнинг яланғоч, кўпроқ аёл танасини тасвирловчи жанри. Уйғониш даврида мифология, аллегория (мажоз), тарихий ва маиший жанрлар соҳасида юзага келган. Жоржоне, Тициан, Коррежо ва б.нинг асарларида яланғоч аёл танаси тасвири орқали итальян инсонпарварларининг аёл гўзаллиги ҳақидаги тасаввурлари ифода этилган. Жанр сифатида 17-а.да шаклланган.

Ню жанридаги асар. А.С. Белодли «Чўмилаётган аёл» (1870, Тошкент).

П.П.Рубенс асарларида бароккога хос ҳашамдор шакллар, ёш гўзалнинг ҳаётий нафосати акс этган. Веласкеснинг «Венера кўзгу б-н» (1651) асарида аёл танаси асосий мавзуга айланса, Рембрандтнинг «Сувга тушаётган аёл» (1655) асарида аёл нозик маиший ҳолатда тасвирланади. Г. Курбе асарларида мифологик асослан воз кечади, О. Ренуар асарларида ялангоч аёл манзара б-н уйғунликда (нур ва ҳавога чўмилаётгандай) тасвирланади. Н. намуналаридан бири — А.С. Белодли (1820—1881)нинг «Чўмилаётган аёл» асари (1870) Ўзбекистон санъат музейида сақланади. 20-а. тасвирий санъатида Н. ривожи янги ифода воситалари излаш б-н боғлиқ бўлиб (П. Пикассо, А. Модильяни ва б.), бу образлар таъсирчанлигини оширди.

НЮРНБЕРГ — Германиядаги шаҳар, Бавария ерида. Пегниц дарёси ва Людвиг канали бўйида. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Аҳолиси 486,4 минг киши (1999). Мамлакатнинг йирик саноат марказларидан. Аэропорт бор. Майн-Дунай каналидаги порт. Электротехника, станоксозлик, аниқ механика, кимё, тўқимачилик, кўнтери, озиқ-овқат, ёғочсозлик, полиграфия саноати ривожланган. Амалий техника ва тасвирий санъат академиялари, ун-т, и.т. марказлари, опера ва драма театрлари, музейлар (жумладан, ўйинчоқлар музейи) бор. Меъморий ёдгорликлар сақланган. Метрополитен қурилган.

Н. қўлёзмаларда 1050 й.дан тилга олинган. 1219 й.дан эркин шаҳар. 14—15-а.ларда ҳунармандчилик ва савдонинг йирик маркази. 1806 й.дан Бавария қироллиги таркибида. 1945—46 й.ларда Н. да Халқаро ҳарбий трибунал 2-жаҳон урушининг бош айбдорлари ини юзасидан суд жараёни ўтказган.

НЮРНБЕРГ СУД ЖАРАЁНИ — асосий нацист ҳарбий жиноятчилар устидан ўтказилган суд жараёни. Нюрнберг ш. (Германия)да 1945 й. 20 нояб. — 1946 й. 1 окт.да бўлиб ўтган. Фашистлар Германиясининг олий давлат ва ҳарбий арбоблари жавобгарликка тортилган. Н.с.ж.да нацинал-социалистлар партиясининг раҳбар таркиби ва бу партиянинг соқчи отрядлари (СС), хавфсизлик хизмати (СД), давлат махфий полицияси (гестапо) жиноятчи деб топилган. 12 киши (Г. Геринг, Э. Кальтенбруннер, А. Йодль ва б.) ўлимга, 7 киши узоқ муддатли ёки умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинган. Тарихда 1-марта Н.с.ж.да *агрессия* инсониятга қарши энг оғир жиноят эканлиги эътироф этилди. Суд жараёнини иттифоқчилар томонидан тузилган Халқаро ҳарбий трибунал амалга оширди.

НЯНЬХАО (хитойча) — Хитойда йил ҳисоби шаклларидан бири, император ҳукмронлиги «шиори». Мил. ав. 141 й. охири —140 й. бошида жорий қилинган. Мил. 536 й. йил ҳисобининг бу шакли Кореяда (корейсча — нёнко), 644 й. — Вьетнамда (вьетнамча — намхао), 645 й. — Японияда (японча — нэнго) пайдо бўлган. Н. баъзан бир император ҳукмронлиги даврида бир неча бор ўзгарган, зеро шиорининг алмаштирилиши салтанатни янада бахтлироқ қилади деб ҳисобланган. Хитойда Н.нинг бот-бот ўзгариб туриши қад. замонлардан то 17-а.гача давом этган. Японияда бир император даврида шиорларнинг тез-тез ўзгариб туриши 13—15 ва 19-а.ларда содир бўлган. Хитойдаги Цин сулоласи даврида ҳар бир императорнинг биттадан шиори бўлган. Н., одатда, рамзий маъно касб этган, масалан, Мин сулоласи императори Чжуди (Тай Цзун) [1402/3—24]нинг Н.си Юнлэ, яъни Абадий қувонч деб аталган. Японияда Мэйзи (1868—1912) императори Маърифатли бошқарувни англатган.

НЎЁН, нуёнлар (мўғулча нойон, noyan, noyin — жаноб, князь) — ўрта асрларда Мўғулистондаги олий табақа вакиллари. Дастлаб (11-а. — 12-а.нинг 1-ярми) қад. мўғулларнинг аслзода уруғ бошлиқларини англатган, сўнгра (12-а.нинг 2-ярмида) — чўл ноғаойларини, уруғчилик тузуми емирилиб мулкдорлик муносабатлари шаклланаётган даврда жамоа раҳбарлик чиққан аслзодаларни билдирган. Чингизхон империяси ташкил топгунига қадар Н.лар ўзларига тааллуқли қавмларга бошчилик қилган. *Мўғуллар империяси* (13—14-а.лар) Н. — чингизий шаҳзодалар, туманбошилар, минтўмбошилар, юзбошилар, умуман барча «оқ суякли» («пиган ясун»). Н.лар аксарият ҳолларда сечан (чечан), байан, батур каби юқори унвонларга сазовор этилган. Этник таркиб оқлик шароитида (14—17-а.лар) Н. — марказлашган хон ҳокимиятидан мустақил бўлган мулк ҳокимлари; улар мусақил ташқи сиёсат юргизиб, ўзларига қарам ерларни эксплуатация қилишга тўла ҳуқуқли бўлганлар. 16—19-а.ларда, асосан, антропонимнинг компонентига айланган ва киши номидан кейин келтирилган. Манжурлар ҳукмронлиги даврида (17—20-а. бошн) Н. — турли даражага эга рутбадаги ҳокимлар — сиёсий мустақилликдан маҳрум бўлишган, бироқ ўзларининг мулкдорлик ҳуқуқлари ва имтиёзларини дахлсиз сақлаб қолишган. 1911—19 й.ларда Н. ина давлат ҳокимиятига эга бўлишган. Халқ инқилобининг дастлабки йилларидаёқ Н. ҳокимиятдан четлатилиб, барча табақавий имтиёзлардан маҳрум этилганлар. 1940 й.га келиб Мўғулистонда мулкдорлар синфи сифатида тугатилиши муносабати б-н Н. тарих саҳнасидан тушган.

Ҳамидулла Дадабоев.

НЎХАТ (Cicer) — дуккакдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимлик туркуми, дуккакли дон экини. 30 дан ортиқ, асосан, кўп йиллик турлари Европада, Шим. ва Шарқий Африкада учрайди. Жуда қадимдан бир йиллик маданий тури (C.arietinum) Ҳиндистон, Италия, Украина жанубий, Закавказье, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Греция, Болгария, Миср, Жазоир, Туркия ва Эронда экилади. Маданий Н.нинг пояси —ўқ илдиз (100—150 см). Пояси ўтсимон, тик ўсади, дағал, қовурғали, сершох, тукли, бал. 30—70 см. Барги мураккаб, тоқ патсимон. Гули икки жинсли, капалаксимон, майда. Ранги оқ, сариқ, сарғиш-яшил, оч-пушти ва кўк. Меваси — дуккак, дуккагида 1—2 та, гоҳо 3 та дон бўлади. 1000 та уруғининг вазни 220—300 г, гоҳида 600 г гача боради. Донининг ранги оқ, пушти, туқ-сариқ. Н. говак, қумоқ, енгил шўрланган тупроқли ерларга экилади. Қора, бўз, каштан тупроқларда мўл ҳосил беради. Н. иссиқсевар, ёруғсевар, баҳори экин. Бошқа дуккакли экинларга нисбатан қурғоқчилик ва шўрга чидамли, уруғи 2—5° ҳароратда унib чиқади, паст ҳароратда секин ўсади. Майсаси баҳорги —6°дан —8°гача қорасовуқларга чидайди. Н. гуллаш ва меваси шаклланиш даврида иссиқликка талабчан. Намлик меъёрдан ортиқ бўлса касалланади, шона ва гули тўкилади. Ўғитдан чангланади. Ўсув даври 70—190 кун. Н. донидан ёрма, айниқса, ўзбек пазандачилигида ҳар хил таомлар, қандолат маҳсулоти тайёрланади, унидан нон ёпилади (бугдой унига 10—20% қўшилади), суррогат кофе ишлаб чиқарилади. Дони таркибида 19—33% оқсил, 4—7% мой, 0,2—4,0% кул, 48—61% азотсиз моддалар, 2—12% клечатка, витаминлар ҳамда аминокислоталар мавжуд. Н. бугдой ва ғўза учун яхши ўтмишдош ҳисобланади. Бир мавсумда бир гектар ерда Н. илдизлари 50—70 кг соф модда ҳисобида азот тўплайди.

Н. Ўзбекистоннинг лалми ерларида 6—8 ц/га, суғориладиган ерларда 22-32 ц/га ҳосил беради. Н. кенг қаторлаб (қатор ораси 45—60 см) ёки ёппасига қаторлаб (қатор ораси 15 см), баъзан сеппа усулида экилади. Экиш усулига ва нав биологияси ва морфологиясига қараб 150—200 кг/га уруғ сарфланади. Ўзбекистонда аксарият лалми ерларда экилади. Суғориладиган ерларда қатор ораси 1—2 марта культивация қилинади. Н. кам суғорилади. Гуллаш даврида сувни кам меъёрда бериш яхши натижа беради, тўлиқ пишганда барги тўкилади, дуккаги деярли чатнамайди, ҳосили дон комбайнларида йиғиб олинади.

Ўзбекистонда Зимистоний, Лаззат, Ўзбекистон32, Юлдуз навлари экилади.

Касалликлари: аскохитоз ва фузариоз; зараркунандалари: Н. донхўри, Н. бити, Н. трипси.

Зулфия Йўлдошева.

Нўхат:
1 — гуллаган новда;
2 — дуккаги;
3 — дони.

НЎХАТГУЛ (Lathyrus odoratus L.) — дуккакдошлар оиласига мансуб бир йиллик сертук ўт. Бўйи 15—60 см. Пояси камшох, бандининг учи жингалак; жингалаклари ёрдамида бошқа ўсимликларга илашиб ўсади. Барги узун банд-ли, жуфт япроқли. Гули зигоморф, катталиги 2—3 см, ранги оқ, пушти, қизил, ҳиди ўткир, узун гулкўшлади. Ивитилган нўхат қозонга солинади, устидан 2—3 марта қайнатилади, сувини тўкиб, қопқогини буткўйилади, миллиграмм 30—35 мин. қайчиқмайдиган қилиб жипс ёпиб, яна 20—25 мин. дамланади. Юмшаган нўхат қошиқ б-н эзилиб, ликобларга солинади ва бетога эритилиёғ, туз, қалампир сепилгач, дастурхонга тортилади.

НЎХТА — чорвачилик анжоми, отуловини (от, эшак, хачир) ва қорамолларини боғлаш, етаклаш учун қўлланилади. Махсус Н.лар ҳайвон тури ва боши-нинг шаклига мос ҳолда махсус тасмалар ёки пишиқ хом теридан тайёрланади.

НЎҒАЙ (13-а.нинг 1-ярми — 1300) — *Олтин Ўрда* туманбошиси, *Жўжихон*нинг эвараси, *Беркахон* қўшини қўмондони сифатида *Хулоку* ва унинг вориларига қарши бир қанча юришлар қилган. Жангларадан бирида бир кўздан ажралган. Беркахон вафотидан сўнг Олтин Ўрдада Н.нинг обрў-эътибори тез ортиб борган. Дондан Дунайгача бўлган улкан ҳудуд Н. назорати остида бўлган. 13-а.нинг 70-й.ларидан ўз тасарруфидаги улусда мустақил сиёсат юргиза бошлаган. Н. Византия императори Михаил Палеологнинг никоҳсиз туғилган қизи — Евфросинияга уйланган (1273). 1271, 1277, 1278 й.ларда Н. император Михаилнинг илтимосига кўра, Болгарияга қарши юриш қилади. Кейинги ўн йилликда Н. қўшинлари Болгария, Фракия ва Македония ерларини бир неча бор ғорат қилади. Дунай орти давлатлари, хусусан, Тирново шоҳлиги, Бранничевский ва Видин князликлари Н.га тобе этилади. 90-й.ларда Сербия қироли Милутин ўзини Н.нинг вассали сифатида тан олади. Н. б-н иттифоқда бўлишга рус князликлари, Польша, Венгрия, Болгария, Сербия ҳаракат қилишган. Н. ёрдамида Телебугахон (Тўлабугахон) Олтин Ўрда тахтидан туширилиб, ўрнига Тўқта ўтқазилган. Тўқта қудратли туманбошидан халос бўлиш мақсадида Н.га қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлаган. 1300 й. Донининг ғарбидан оқувчи Кўҳанлиқ дарёси бўйидаги ҳал қилувчи жангда Н. қўшини тормор келтирилган. Н. асир олиниб, қатл этилган. Н. номи б-н кейинчалик *нўғайлар* атала бошлаган.

Ад.: Егоров В. Л., Историческая география Золотой Орды в XIV—XVI вв., М., 1983.

Ҳамидулла Дадабоев.

НЎҒАЙ ЙЎЛИ, Нўғай шляхи — 13—17-а.ларда кўчманчи халқларнинг рус ерларига қиладиган чопқунларининг асосий йўлларидан бири (Волганинг қуйи оқимидан Коломна ва Рязангача)нинг 16-а. бошидан эътиборан манбаларда учрайдиган номи. Бу йўллан қилиналиган чопқунларнинг олдини олиш учун рус ҳукумати Воронеж (1586), 17-а.нинг 30-й.ларида Тамбов, Козлов, Ломов қалъаларини қурдирган.



Нўхта. От нўхтаси: *1* — чакка бог; *2* — энса (бўйин) бог; *3* — бурундуқ (тумшуқ) бог; *4* — ник боғи ҳамда ҳалқача ва илгаклар.

НЎҒАЙ ТИЛИ — туркий тиллар оиласига мансуб, Россия Федерациясининг Чечен Республикасида, Ставрополь (жумладан, Қорачой-Черкес Республикаси) ва Краснодар ўлкаларининг бир қатор туманларида тарқалган. Оқнўғай, нўғай, қоранўғай лаҳжаларига бўлинади. 60 мингга яқин киши сўзлашади. Н. т. фонетик ва грамматик хусусиятлари б-н қозоқ ва қорақалпоқ тилларига ўхшайди, мас, умумтуркий «ч» ва «ш» товушлари Н. т.да «ш» ва «с»га мувофиқ келади (Н. т.лаги шиқ ва тас сўзлари бошқа туркий тилларда чиқ ва таш тарзида талаффуз этилади).

Адабий Н.т. 20-а.да шаклланган; унинг таъсирида диалектал фарқлар йўқолиб бормоқда. Ёзуви 1924—28 й.ларда араб алифбоси, 1928—38 й.ларда лотин алифбоси асосида бўлган; 1938 й.дан эса рус графикаси асосидаги алифбодан фойдаланилади.

НЎҒАЙ ЎРДА, Нўғай хонлиги — Шим. Каспий ва Орол денгизлари бўйидан Тура ва Камагача, Волгадан Иртишгача бўлган ҳудудда ташкил топган кўчманчилар давлати. 14—15-а. бошларида *Олтин Ўрда*дан ажраб чиқади. *Идику*нинг ўғли Нуриддин замонида (1426—40) кучайган. Аҳолиси, асосан, манғит ва қўнғиротлардан иборат бўлган. Пойтахти — Саройчиқ ш. У Қора денгиз бўйларидан Ўрта Осиёга борадиган савдо йўлидаги йирик шаҳар эди. 16-а.да Н. Ў. Москва ва Қозон бозорларини чорва маҳсулотлари б-н таъминлаган. Н. Ў. мурзалар бошқарган улусларга бўлинган. 16-а. 2- ярмида Н. Ў. Катта Нўғай, Кичик Нўғай ва Олтиовул Ўрдаларига парчаланиб кетган. Н. Ў.да «Идику» («Едиген») достони яратилган.

Ад.: Похлёбкин В. В., Татары и Русь, М., 2001.

НЎҒАЙЛАР, нўғай (13-а.дан Олтин Ўрда хони Нўғай номи б-н боғлиқ) — халқ, Россия Федерациясининг Ставрополь ўлкаси, Дағистон, Чеченистон, Ингушистон Республикалари ҳамда Қорачой-Черкасия вилоятларида яшайдилар (75,2 минг киши, 1990-й.лар ўрталари). Ўзбекистонда жуда озчиликни ташкил этади.

Н.нинг қора нўғай (Дағистон), нўғай ёки ачиқулоқ (Ставрополь ўлкаси), оқ нўғай ёки кубань нўғайлари (Қорачой-Черкасия) ва астрахон нўғайлари каби этник гуруҳлари мавжуд. Жан. Сибирь (Турон) ўтиш иркига мансуб. *Нўғай тили*да сўзлашадилар. Динлорлари — сунний мусулмонлар. Н. аждодлари *Нўғай* тасарруфидаги ҳудудларда яшаган турк-мўғул қабилалари ҳисобланади. Улар Уралдан то Днепргача, жумладан, Шим. Кавказ, Қуйи Волга, Қримда кўчиб юрганлар. Дашти Қипчоқда қипчоқлар б-н аралашиб туркий тилни қабул қилишган.

Ўтмишдаги анъанавий машғулотлари — кўчманчилик ва яйлов чорвачилиги (қўй, ечки, йирик шохли мол), туячилик, отчилик, қисман деҳқончилик бўлган. Ҳунармандчиликда мовут тайёрлаш, чарм ва қўй терисини қайта ишлаш, кигиз босиш ва ундан чакмон, этик, бош кийимларини тикиш, айниқса, кенг расм бўлган.

Ад.: Гаджиева С. Ш., Материальная культура ногайцев в XIX — нач. XX в., М., 1976; Гаджиева С. Ш., Очерки семьи и брака у ногайцев в XIX — нач. XX в., М., 1979.

Ориф Бўриев.

НЎҒАЙҚЎРҒОН МАҚБАРАСИ — қ. *Хайробод масжид-мақбараси.*

НЎҒОЕВ Нажиб Нуъмонович (1910, Ульяновск вилояти, Старая Кулатка посёлкаси — 1964.6.5, Шаҳрисабз) — 2-жаҳон урушн қатнашчиси, кичик сержант. 1941 й.дан армия сафида. 1669-танкка қарши қирувчи артиллерия полки (Дашт фронтининг 7-гвардиячи армияси)нинг тўп наводчиги. 1943 й. 5 окт.да Днепропетровск вилоятининг Верхнеднепровск туманидаги Бородаевка қишлоғи атрофидаги жангда душманнинг 4 та танкини яксон қилган, 3 миномёт батареяси, 6 пулемёт нуқтаси ўтини ўчирган, юк ортилган 2 автомашинасини ёки б-н. 100 га яқин гитлерчини яксон қилган. 1943 й. 26 окт.да Қаҳрамон унвони берилган. Шаҳрисабздаги кўчалардан бирига унинг номи берилган ва бюсти ўрнатилган.

О

О— ўзбек кирилл алифбосининг ўн олтинчи ҳарфи. Тил орқа, кент, лабланмаган (шеваларда бир қадар лабланган) унли фонемани ифодалайди. Шунингдек, қипчоқ шеваларида тил орқа **а** унлисини, рус тилидан ва рус тили орқали ўзлашган баъзи-бир сўзларда **ў** (ургули бўғинда), **а** ёки кучсиз **и** (ургусиз бўғинда) унлиларини ифодалаб келади. Сўзнинг ҳамма ўрнида ишлатилади, лекин охирида О ҳарфи бўлган сўзлар, асосан, ўзлашма сўзлар ҳисобланади: Барио, маъно, фазо. Ҳоз. ўзбек имлосида **й** ҳарфидан кейин келиб, й+о тарзида **ё** ҳарфини ташкил этса-да, ўзининг алоҳида ҳолатдаги мазкур хусусиятларини сақлаб қолади: ёнғоқ, энё, дарё.

О ҳарфи Авесто ёзувида, шунингдек, лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувида ўзига хос белги-ифодаларга эга. Булар қуйидаги жадвалда кўрсатилди.

Ёзув тури	*Белги*	*Сана*
Авесто	ъ	*Мил. ав. 6 — 4 - а*
Уйғур - Енисей ёзуви	—	*5 — 8 - а*
Туркий (уйғур) ёзуви	—	*8 — 13 - а*
Суғд ёзуви	—	*Мил. ав. 1 - минг й. охири — 13 - а*
Араб ёзуви	—	*13 - а — 1929 и.*
Янги ёзуви	О	*1929 — 1939 и.*
Кирилл ёзуви	О	*1940 — 1995 и.*
Лотин ёзуви	О	*1995 и. дан*

ОАХАКА — Мексиканинг жан. қисмидаги штат, Тинч океан соҳилида. Майд.95,4 минг км². Аҳолиси 3,4 млн. киши (2000), асосан, индейслар. Маъмурий маркази — Оахака ш. Йирик шаҳарлари: Истепек, Матиас-Ромеро, Салина-Крус, Треуантепек, Хучитан. Штатнинг катта қисмини Жан. Сьерра-Мадре тог системаси (бал. 2500—3400 м) эгаллаган, шарқий қисми — пасттекислик. Иқлими тропик, марказий р-ларда мўътадил нам, чеккаларида серёғин. Ўртача ойлик т-ра тоғларда 24°дан пасттекисликларда 24—28°. Тоғлар аралаш ўрмонлар, қуруқ сойлик-лар саванналар, жан. ва шарқий қисми доим яшил тропик ўрмонлар б-н қопланган.

О. — Мексиканинг иқтисоди нисбатан кам ривожланган штатларидан. Аҳолининг катта қисми қ.хда банд. Ананас плантациялари бор. Сугорилдиган ерларда тропик кўп йиллик экинлар етиштирилади. Олтин, кумуш, титан конлари топилган. Озиқ-овқат, целлюлоза-қоғоз саноатлари, ҳунармандчилик ривожланган. Тинч океан соҳилида Салина-Крус порти жойлашган.

ОБАКИ — ўтпоясимон маҳаллий узум нави. Ўнинг тўпи ўртача ўсади. Барги йирик. Ўртача кертикли донра шаклида, тер тарафининг туклари сийрак. Гули кўш жинсли. Узум бошлари йирик (300—350 г), конуссимон. Шингиллари тиғиз, гухумсимон, серэт, сершира, ранги қизил ёки пушти. Июль охирида пиша бошлайди. Сент. бошларида тўла етилади. Меваси таркибида 20—21% қанд, 6—7% кислота бор. Гектаридан 100—150 ц ҳосил олинади. Ўнинг Оқ О. хили ҳам бор. Оқ обакининг узум боши ўртача катталикда (200—250 г), конуссимон ёки цилиндр — конуссимон, ҳовол. Ғужумлари тухумсимон, ранги оч-яшил, етилганда бир оз сарғаяди. Қуртаклари бўрта бошлагандан кейин 173 кунда (Тошкент атрофида) пишиб етилади. Ҳосилдорлиги 150—180 ц/га. Совуққа анча чидамли. Замбуруғли касалликларга чидамсиз. Меваси ейилади, вино тайёрланади. Тошкент, Сирдарё, Наманган вилоятларида кўп экилади.

ОБАСАНЖО (Obasanjo) Олусегун (1937.5.3, Абеокута ш.) — Нигерия давлат арбоби. Генерал. Абеокутадаги баптистлар мактабини тугатган. Англия ва Ҳиндистондаги ҳарбий ўқув юртларида ўқиган. Нигерия армиясида турли лавозимларда ишлаган. 1975—76 й.ларда Нигерия қуролли кучлари бош штаби бошлиғи. 1976—79 й.ларда Нигерия Федератив Республикаси ва федерал ҳарбий ҳукумат бошлиғи, Олий ҳарбий кенгаш раиси, қуролли кучлар бош қўмондони. 1979 й. 1 окт.да ҳокимиятни фуқаро маъмуриятига топширган ва ўз фермасида қ.х. б-н шуғулланган. Айни пайтда сиёсий фаолиятини ҳам давом эттирган: турли халқаро ташкилотлар ишида фаол қатнашган. Нигерия ҳукумати фаолиятини танқид қилганлиги ва унга оппозицияда бўлганлиги учун 1995—98 й.ларда қамоқда бўлган. 1999 й.ги президент сайловида галаба қозонган ва шу йилдан Нигерия Федератив Республикаси президенти.

ОБГАРДОН (форс. — сув ва бўйин) — чўмичсимон мис асбоб; тўй ҳамда катта йиғинларда катта қозонларга сув қуйиш, олишда, таом пиширишда (гуруч ва сувни ўлчаш)да қўлланади. Мисдан 4—6 л сув сиғадиган пақирча кўринишида ясалиб, зўғатасига ёғоч даста (40—70 см дан 1—2 м гача узунликда) ўрнатилади. Баъзан О. кандакори нақшлар б-н безатилади.

ОБЛАСТА (форс. — сув ва даста), офтоба — рўзғор буюми; юз-қўлни ювишда ишлатиладиган идиш. О. бўғзи узун ва тор, қуйи қисми (қорни) кент, баъзан тубида чамбараги бўлади (Қўқон ва Тошкент О.лари), қопқоқли, узун ва ингичка жўмракли, дастали. Қадимдан мис ва сополдан ишланган, кейинчалик чўяндан тайёрлана бошланган, ҳозирда, шунингдек, з-ларда алюминийдан

Областа (Уста Мулла Сиддиқ, 1885, Қўқон).

қуйиб тайёрланади. Миқдорлар шаклига кўра, турли хил О. (ўрдак О., товус О., тунбўйин О. ва б.) тайёрлаганлар, кандакор усталар уларни кандакори усулида турли хил нафис нақшлар б-н, баъзан кўзлар қадаб ажойиб бадиий буюмлар яратадилар. Зийнатланган О. намуналари республика музейларида, хусусий тўпламларда сақланади. Андижон, Наманганда офтоба, Қашқадарёда ибриқ деб аталади.

ОБДОН — қ. *Овдан.*

ОБДУЗД (форс. об — сув ва дузд — ўғри, талаш) — ўрта асрларда суғориш тармоқлари (шоҳариқ, анҳор, канал)-дан навбатдан ташқари сувни яшириича боғлаб олиш. Сув манбаларининг этакларида жойлашган ерларда суғориш мавсумида шоҳариқлардаги сувни қуйига очиб юбориш ҳам О. ҳисобланган. О.лик, айниқса, Зарафшон водийсининг қуйи оқимида Қоракўл ва Олот туманларида кам сувлик мавсумларида тез-тез содир бўлган. Бухоро воҳасида июль ойининг охири ва авг.нинг бошида 5 кун давомида суғориш тармоқларига боғлаб олинган сув «Оби талаш», яъни жанжалли сув деб юритилган. Чунки бу даврда сувга бўлган талаб ниҳоятда авж олиб, О.лик кучайган.

Ад.: Муҳаммаджонов А., Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача), Т., 1972.

ОБЕЛИСК (юн. obeliskos — сих) — меъморий иншоот тури; *ёдгорлик.* Юқори (учи)га томон ингичкалашиб борадиган, асосан, тўртбурчаксимон (квадрат тарҳли) қиррали устун. Тарихий шахс ёки воқеалар хотирасини абадийлаштириш мақсадида ўрнатилади. Дастлаб Қад. Мисрда пайдо бўлган, сарой ва ибодатхоналар олдига ёдгорлик сифатида ўрнатилган. Мисрдан олиб кетилган яхлит О.лардан Европада шаҳарсозлик мақсадларида фойдаланилган. Ўзбекистонда О. 20-а. бошларидан қурила бошлаган. 1941—45 й.лар урушида ҳалок бўлган жангчиларга атаб Самарқанд, Бухоро, Урганч ва б. шаҳарларда О.лар ёдгорлик сифатида бунёд этилган. Замонавий меъморликда О. *монументал санъат*нинг кенг тарқалган тури.

ОБЕРОН — *Уран* сайёрасининг йўлдоши, диаметри 1520 км, сайёрадан ўртача узоқлиги 582,6 млн. км. 1787 й. инглиз астрономи В. *Гершель* кашф қилган. О.нинг орбита текислиги Ураннинг орбита текислигига деярли перпендикуляр.

ОБЕРТ (Oberth) Герман (1894.25.6, Херманштадт, Трансильвания, Руминия — 1989.29.12, Нюрнберг) — немис олими, ракета техникаси асосчиларидан бири. Мюнхен ун-ти (1913—14 ва 1919—20), Гёттинген ун-ти (1920—21), Гейдельберг ун-ти (1921—23)да ўқиган. Ракета техникасини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш, хусусан, уни атмосферани тадқиқ қилишга қўллаш масалалари б-н шуғулланган, ракета двигателлари назариясини ишлаб чиққан. Немис ракета техникаси ва космик парвозлар жамияти асосчиларидан бири. Шу жамият ракета техникаси ва космонавтика бўйича фундаментал тадқиқотлар учун О. медалини таъсис қилган (1951). Жамиятга О. номи берилган (1983).

ОБЕРТОН (нем. ober — юқори ва *тон*) — 1) техникада — асосий тонга нисбатан анча юқори частотали мураккаб тебранишлар (механик, товуш ва электр тебранишлари)дан ташкил топган тон. О.ни *резонатор* ёрдамида ажратиш мумкин. Ҳар бир даврий жараён (тебраниш)ни, яъни товуш, электр тебранишлари ва б.ни оддий тебраниш (О.) ларга ажратиш мумкин. Агар барча О.ларнинг частотаси асосий частота *f* га яхлит кўпайтмадан иборат бўлса (мас., 2*f*, 3*f*, ...), бундай О.лар гармониклар дейилади; 2) мусиқада — асосий товуш б-н бирга пайдо бўладиган ва унга бошқача тус берадиган товуш. Бир овоз ёки мусиқа асбобини иккинчисидан ажратишга имкон беради. О.ларнинг тебранишлар частотаси асосий тоникадан 2, 3, 4 ва 5 марта юқори бўлади.

ОБЖАЗ — Қурама тизмасининг шим.-ғарбий қисмидаги довон. 2216 м баландликда, Оҳангарон дарёси чап ирмоғи Обжазсойнинг бошланиш қисмида жойлашган. Оҳангарон ва Фар-ғона водийларини туташтириб туради. Довондан апр.дан окт.гача чорва молларини ҳайдаб ўтишда фойдаланилади.

ОБЖАЗСОЙ — Тошкент вилоятидаги сой. Қурама тизмасининг шим.-ғарбий ён бағридан бошланади. Оҳангарон дарёсининг чап ирмоғи. Юқори оқимида Сариқтошсой деб аталади. Уз. 24 км, ҳавзасининг майд. 140 км². Сой Обжаз довонидан 3,5 км жан.-ғарбда бир қанча майда булоқлардан оқиб тушади. Қор, ёмғир ва булоқлардан тўйинади. Ўрта ва қуйи оқимида водийси кенг, ён бағирлари ётиқ. Ўртача йиллик сув сарфи 0,61 м³/сек., февр.да 2,9 м³/сек. га етади. 20 дан ортиқ майда ирмоғи бор, энг йириги — Қирққизсой.

ОБЖУВОЗ (форс. об — сув ва жувоз — ўғир) — шоли оқланадиган қурилма. Сув кучи б-н ҳаракатланади. Қуйидаги қисмлардан иборат: ўқ, шу ўққа бириктириладиган парра, лингкўп, кели, нов. Барча қисмлари қаттиқ ёғочдан тайёрланади. Нов 3 та қалин тахтадан ариқча шаклида ясалади. Сув шу новдан келади. Новнинг охири паррага (куракчалари бор ғилдиракка) тўғрилаб қўйилади. Ўқ новнинг 3 томонига кўндаланг ўрнатилади. Ўқнинг 2 учидаги турум (ёғоч подшипник) турумдонга қўйилади. Кели (охурга ўхшаган ёғоч идиш) ўқдан 2—3 м нари ўрнатилади. Унга шоли солиб қўйилади. Лингкўп (учига тишли чўян мослама ўрнатилган соп) — кўтарилиб-тушиб шолини оқлайдиган қисм. О. қуйидагича ишлайди: новдан келган сув паррага урилиб, ўқни айлантиради. Ўқнинг қилинчаклари лингкўпга урилади, шунда лингкўп кўтарилиб-тушиб шолини оқлайди. Тушилган шолининг қобиғи, тупони шамол тегирмон қурилмаси ёрдамида тозаланади. О.ни обжувозчи бошқаради. Ҳозир шоли махсус электр машиналарда оқланади. О. баъзи жойларда (Афғонистон, Ҳиндистон ва б.) ҳозир ҳам ишлатилади.

ОБИДА (араб.) — моддий маданият ёдгорликлари (қ. *Ёдгорлик*).

ОБИДИЙ Исмоил Эллинович (1880, Ғулжа — 1941/42, Красноярск ўлкаси) — журналист, жамоат арбоби, ўзбек даврий матбуотининг асосчиларидан бири. Ғулжадаги Россия элчихонаси ходими оиласида туғилган. Отаси вафотидан кейин 1890 й.да онаси б-н бирга Қозонга кўчиб келган ва шу ердаги реал билим юртида ўқиган. Инқилобий кайфиятдаги ёшлар гуруҳига мансуб бўлганлиги учун 1900 й.да Бишбек ш.га сургун қилинган. Орадан бир йил ўтгач, Петербургга бориб, ҳайкалтарошлик ва меъморлик билим юртида ўқиган (1901—1905). 1905 й. воқеаларида қатнашгани учун 3 й.га Туркистон (Тошкент)га сургун қилинган. О. Тошкентда ўзбек, татар ва рус маърифатпарварлари ёрдамида 1906 й. бошларида Тошкент жадидларининг «Тараққий» газ.ни чиқарган. Унинг муҳаррири О. тошкентлик жадидлар ўртасида «Исмоил Тараққий» номи б-н машҳур бўлган. О. 1912—17 й.ларда турли жойларда ишлайди. 30-й.ларнинг ўрталарида А.Қодирий б-н яқинлашиб, унинг «Обид кетмон» қиссасини рус тилига таржима қилади.

Ўз олдига фақат чоризмга қарши курашни вазифасини қўйган О. Окт. тўнтаришидан кейин большевиклар фойдасига хизмат қилади. Шунга қарамай, 1938 й. 13 янв.да эсерлар партиясининг собиқ аъзоси ва япон разведкасининг жосуси сифатида қамоққа олинади ва 1940 й. 9 февр.да Красноярск ўлкасига 5 й.га сургун қилинади.

Наим Каримов.

ОБИДОВ Абдураҳим Обидович (1929.15.10, Тошкент) — микробиолог-иммунолог олим. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Ўбекистонда хизмат кўрсатган врач (1968), тиббиёт фанлари д-ри (1965), проф. (1967). ТошТИни тугатгач (1953), Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги тез ёрдам ст-яси бош врачи (1953—54). Ўзбекистон ФА Ўлка тиббиёт ин-тида катта илмий ходим-докторант (1960—63). Вакцина ва зардоблар и.т. институти директори (1963—82), лаб. мудири (1982—83), айни вақтда ТошТИ микробиология кафедраси мудири. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар и.т. институти лаб. мудири (1983 й.дан). Асосий илмий ишлари микроблар генетикаси, вакциналарнинг инсон организми ҳимоя омилларига таъсири, юқумли ичак инфекция-лари экспрес диагностикаси, дисбактериозларни ўрганишга оид. Турли илонлар ва қорақурт заҳарига қарши зардоблар, шунингдек, стафилококка қарши *гамма-глобулин* и.ч.га раҳбарлик қилган.

Ас.: Генетические рекомбинации и атипичные кишечные болезни, Т., 1971; Курикетсиоз в Узбекистане, Т., 1975.

ОБИДОВ Қобилжон Ғафурович (1951.20.4, Қўрғонтепа тумани, Хонобод қишлоғи) — Ўзбекистон Қаҳрамони (1998). Андижон пахтачилик ин-ти гидромелиорация ф-тини тугатган (1972). Андижон сув иншоотлари қурилиш трести 3-қурилиш-монтаж бош-қармасида уста, прораб, ёрдамчи корхоналар бошқармаси бошлиғи (1972—75), шу трест и.ч. ва технологик жамлаштириш бошқарма-сининг бош муҳандиси, бошлиғи (1975—86), Андижон сув қурилиш трестининг бошқарувчиси, Андижон сув қурилиш-монтаж и.ч. бирлашмасининг бошлиғи (1987—88). Марҳамат тумани ижроия қўмитасининг раиси, туман партия қўмитасининг 1-котиби, туман ҳокими (1988—92), Андижон ш. ҳокими (1992—93), Андижон вилояти ҳокими (1993—96; 1997й.дан). Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 1-ўринбосари (1996—97).

Ўзбекистон Олий Кенгаши (1990—94), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати (1994 й.дан). «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (1995).

ОБИДОВА Муҳаббат Фозиловна (1931.18.10, Тошкент) — кимёгар олима. Ўзбекистон ФА акад. (2000). Кимё фанлари д-ри (1974), проф. (1976). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1954). Ўзбекистон ФА Кимё ин-ти (1957—58) ва Полимерлар кимёси ин-ти ходими (1959—64), Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати ин-тида сектор мудири (1965—67), лаб. мудири (1967 й.дан). Илмий ишлари нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси саноатида ишлатиладиган гидрокрекинг катализаторлари синтезига оид. О. раҳбарлигида витаминлар ва ярим маҳсулотлар и. ч.да узоқ муддат фаол ишлайдиган гидрогенлаш катализаторларининг турлари олинган.

ОБИДУЗД (форс. об — сув ва дузд — ўғри) — қад. қальалардаги яширин сув йўли. Қадимдан қалъа ва истеҳкомлар сув бўйида қурилган. Уруш пайтида қамал қилувчи душман, кўпинча, қалъа ва унинг атрофига борадиган сувни тўсиб ёки бошқа ёққа буриб юбориб, аҳолини сувсизликдан қийнаган. Шунинг учун қалъа бино қилувчилар қалъа ҳимоячиларини яширин сув йўли б-н таъминлаган. Одамлар қальанинг ичидан ер ости йўли б-н дарё, сой, кўл ёки канал бўйига чиқиб, душманга билдирмай сувдан фойдаланишган. Мас., Нурота қалъасидаги О. тўппа-тўғри қалъа остидаги булоқ бошига олиб тушган.

ОБИЗАРАНГ (Дашнободсой) — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги сой. Тўполон дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 58 км, сув тўплаш майд. 330 км². 60 га яқин ирмоғи бор. Ҳисор тизмасининг жан. тармоғи — Қоддирға тоғларининг жан. ён бағирларидаги булоқлардан бошланади. О. мавсумий қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. О.да 1928 й.дан гидрологик кузатишлар йўлга қўйилган. Ўртача йиллик сув сарфи 3,5 м³/сек. О. оқимининг 80—85% март—июнь ойларига тўғри келади, апр.—май ойларида ўртача ойлик сув сарфи 25 м³/сек. гача етади. О.да тез-тез сел тошқинлари ҳам кузатилиб, сув сарфи 100 м³/сек. ортади. Ёзнинг охири ва кузда қуйи оқимида ўзани қуруқ бўлади. О. суви, асосан, суғоришга сарфланади.

ОБИМАШАД АРИҒИ, Обимашҳад ариғи — Самарқанд ш.нинг шим.-шарқий қисмида жойлашган шу номдаги булоқдан бошланган ариқ. Аслида О.а. Сиёб анҳорининг ирмоқларидан бўлиб, Самарқанддан кесиб ўтган Новадон, Сиёбча, Жарариқ каби суп манбалари б-н бир қаторда шаҳарнинг сув таъминоти ва атрофидаги деҳқончилик ва боғдорчилик ерларини суғоришда муҳим аҳамият касб этган. О.а.нинг суви самарқандликлар ўртасида муқаддас саналган. Ривоятларга кўра, Қусам ибн Аббос ибн Абдулмутталиб (Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси) Обимашҳад булоғининг ёқасида шаҳид бўлиб, унинг яқинига дафн этилган. Шу боисдан унинг мозори «Машҳад», яъни, шаҳид бўлган ер деб аталган. Ҳар йили Наврўзда шаҳар аҳолиси О.а. соҳилларида тўпланиб «Қозон тўлди», «Бой бўлди» ва «Гуноҳ тўкилди» деб аталган турли сайил ва маросимлар ўтказганлар ҳамда унинг суви б-н таҳорат олиб ғусл этганлар. Обимашҳад қадимда аслида «Обимаскат» шаклида талаффуз этилиб, у «Катта қишлоқнинг суви» (яъни ариғи) номини англатган.

Ад.: Муҳаммаджонов А. Р., Қуйи Зарафшон водийсининг суғорилиш тарихи (Қадимги даврдан то XX аср бошларигача), Т., 1972; Абу Тоҳирхожа, Самария, Т., 1991.

ОБИНОВВОТ, новвот — юқори сифатли, серҳосил, туршакбоп ўрик нави. Р.Р. Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида Кўрсодиқ ва Арзами навларини чатиштириб яратилган. (К.В.Васильев, Л.А.Протасевич). Дарахти катта, шакл берилса, янада яхши ўсади. Кўчати экилгандан кейин 3-йилидан мева бера бошлайди. 5—6 ёшдан тўла ҳосил беради. Июнь ойининг 3-ўн кунлигида пишади. Мевалари йирик ва ўртача йирик, вазни 35—40 г, тухумсимон, сариқ, қизил мумғубор б-н қопланган. Эти сариқ, данагидан осон ажралади. Таркибида 16% қанд, 0,5% кислота бор. О. шамолга бардошли, етилиб пишгани тўкилмайди, новдаларда туриб туршакка айланади. Қуритилганда 23—25% баргак, 30—32% туршак тушади. Тоғли ва тоғ этаги минтақаларида мўл ҳосил беради.

ОБИНОВВОТ — ўртапишар қовун нави. Шакли тухумсимон ёки думалоқ, ўртача катталикда (3—4 кг), фақат дум томони тўрлайди, баъзан тўрсиз бўлади. Туси тўқ сариқ. Пўстининг қалинлиги ўртача, эти қалин (5—6,5 см), оқ, юмшоқ, серншира, ширин, таркибида 7,4—9,3% қанд, шунингдек, 4,9—5,6% сахароза бор. Қуруқ моддаси 9,2%. Уруғхонаси ўртача, уруғи йирик, сариқ. Уруғи униб чиққандан кейин 70—80 кунда пишади. Ҳосил-

Обиноввот қовун нави.

дорлиги 180—200 ц/га. Узоқ муддат сақлашга, узоқ жойларга юборишга яроқсиз. Фар-ғона водийсида, Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида етиш-тирилади.

ОБИРАҲМАТ ҒОРИ — *зпустье маданиятига* доир қад. манзилгоҳ. Тошкентдан 100 км шим.-шарқда. Кўксув тизмаси этагидаги Палтовсойнинг ўнг қирғоғида жойлашган. О.ғ.ни А. Р. Муҳаммаджонов ва С. К. Насриддинов топган (1962). Р. Ҳ. Сулаймонов текширган. О.ғ. кенг ёйсимон шаклда бўлиб, эни 20 м дан ортиқ; у қуруқ ва ёруғ, шарқий чеккасидаги қирдан чучук сувли шалола оқиб тушади. Ғорнинг оғзи жан. томонга қараган. О.ғ.да узоқ вақт давомида ҳосил бўлган 21 *маданий қатлам*нинг умумий қалинлиги 10 м.



Обираҳмат ғори. Тош паррақчалар.

О.ғ.дан найзасимон қуроллар, *нуклеуслар*, турли хилдаги тош кесгичлар, понасимон қуроллар, бигизлар топилган. Топилмалар Ўрта Осиёда тош даврининг энг бой коллекцияларидан бирини ташкил қилади.

ОБИХИНГОВ — Тожикистондаги дарё, Вахш дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 196 км, ҳавзасининг майд. 6660 км². 500 га яқин катта-кичик ирмоғи бор. О. Федченко музлигининг тармоғи — Гарм музлигидан бошланади, ғарбий йўналишда оқиб, Лабитор қишлоғи яқинида Сурхоб б-н қўшилиб, Вахшни ҳосил қилади. О. асосан, музликларнинг ҳамда мавсумий қор қопламининг эришидан ҳосил бўлган сувлар ҳисобига тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 225 м³/сек. Жазирама ёз ойларида О.да тўлинсув даври кузатилади. Энг катта сув сарфи 1300 м³/сек. гача етади. Оқимининг асосий қисми (80% га яқини) май—сент. ойларига тўғри келади. Дарёда энг кам сувли давр қиш-қишда кузатилади.

ОБИШИР ҒОРЛАРИ — *мезолит* даврига оид ғорлар. Фарғона вилояти ҳудудидаги Сўх дарёсининг қад. ўзани Обишир сойининг ўнг қирғоғида жойлашган. Ўзбекистон ФА Тарих ва археология ин-тининг Фарғона палеолит отряди 5 та ғорни текширган (1966). Обишир-1 ва Обишир-5 да қазиш ишлари олиб борган. Уларнинг санаси мил. ав. 8-минг йилликка оид. Обишир-1 нинг эни 25,5 м бўлиб, бал. 12 м. Ғордан тош қалама пичоқлар, микропластинкалар, пармалар, бигизлар, қирғичлар, нуклеуслар топилган.

Обишир-5, Обишир-1 дан 200 м ғарбда. Унинг эни 8 м, бал. 10 м. Ғорда 3 та *маданий қатлам* мавжуд. Қуйи қатлам антик даврга оид, қалинлиги 1—1,20 см. Ундан сўнг қалинлиги 30—40 см лик мезолит даврига тегишли қатлам бошланади, унда тош қуроллар ва ҳайвон суяклари кўплаб учрайди. Учинчи қатлам ҳам шу даврга тааллуқли бўлиб, қалинлиги 3—4 м. Бу ерда тош қуроллар нисбатан анча кам. Обишир-5 ғори яшаш учун қулай бўлганлигидан унда қадимда одамлар яшаган.

ОБКАНД — қадимда ва ўрта асрларда шаҳарни сув б-н таъминлаш мақсадида қазилган суғориш тармоғи. У шаҳар суви, шаҳар ариғи маъноларини англатади. Бухоро ш.нинг Шаҳрud (Шаҳар руди), Тошкентнинг Анҳор канали шу мақсадда қазилган қад. шаҳар суғориш тармоқларидир. Шунингдек, О. «Ўпқон-сўзининг синоними бўлиб, сизот сувлар оқимидан ер остида пайдо бўлган табиий чуқурлик, ўра ёки камарни англатган. Буларлан ташқари, ғарё ёки унинг тармоқлари оқими ҳосил этган ўзан ҳам «обканд», яъни «сув қазилган», «оқим ўйган», сув йўли, яъни ўзан маъносини ҳам англатган.

ОБЛЕПИХА — қ. *Чаканда*.

ОБЛИГАЦИЯ (лот. obligatio — мажбурият) — қийматига нисбатан эгасига қатъий белгиланган даромад келтирувчи қимматли қоғоз, қарзни қайтариш бериш ва фоиз тўлашни тасдиқловчи мажбуриятнома. Фонд биржаларида сотилади. О. аҳоли, корхона ва ташкилотлар қўлидаги пул маблағларини тўплаб, бирор мақсад йўлида сафарбар этиш учун чиқарилади. О., асосан, давлат, маҳаллий ва корпорация О.ларига бўлинади. Даромад давлат томонидан чиқариладиган О. бўйича ютуқ, компаниялар О.ларига фоиз шаклида тўланади. О. уюштирилган савдо орқали (биржаларда) ва эркин жойлаштирилади. О. моддий ёки пул маблағи эвазига кафолатланган ёки кафолатланмаган, яъни О. чиқарувчиларнинг чин сўзи ва обрўси б-н таъминланган ёки таъминланмаган бўлиши мумкин. Баъзи О.лар конвертирланади (О. эгаси уни бошқа О.га алмаштириб олиш ҳуқуқига эга бўлади). О.нинг бозор нархи унинг номиналидан юқори ёки паст бўлади.

Заём О. илк бора 17-а. бошларида Англияда чиқарилган бўлиб, кейинчалик жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида муомалага киритилган. Улар, асосан, давлат ҳамда акциядорлик компаниялари томонидан чиқарилиб, сўнгги капитали бозорида эркин муомалада бўлган.

Ўзбекистонда 1996 й.дан Молия вазирлиги томонидан юридик шахсларга мўлжалланган давлат қисқа муддатли О.лари муомалага чиқарила бошланди. О.ни сотишдан келиб тушган маблағлар давлат бюджети тақчиллигини қоплашга йуналтирилади.

ОБЛИТЕРАЦИЯ (лот. obliteratio — текисланмоқ, битиб қолмоқ) — 1) *тиббиётда* — ички ковак ёки найсимон аъзолар (мас., ички аъзо бўшлиғи, чиқарув канали йўли, қон ёки лимфа томирлари) тешигининг битиб, беркилиб қолиши. Бу, кўпинча, илдизланиш ёки ўсмалар туфайли рўй беради, бунда организм фаолиятига путур етади. Тухум йўлларининг тўлиқ О.си беморни *бепуштлик*ка олиб келади (яна қ. *Битиш*). Шу б-н бирга, айрим касалликлар, мас., плевритда, плевра бўшлиғида О. вужудга келиши беморнинг соғаятганлигидан далолат беради; қорин пардаси қин ўсиқчасининг О.си ривожланиш меъёрида бораётганлигини кўрсатади; 2) *ботаникада* — ўсимлик тўқималари ва ҳужайраларининг пучайиши. Баъзан ҳужайра ичидаги ва ҳужайраларо бўшлиқларнинг битиб қолишига олиб келади.

ОБЛИТЕРАЦИЯЛОВЧИ ЭНДАРТЕРИИТ (юн. endon — ичидаги ва *артериялар*), винивартер касаллиги — оёқ артерияларининг яллиғланиши б-н кечадиган сурункали касаллик. Бунда томирлар аста-секин торайиб, бора-бора бутунлай бекилиб қолади, унинг қон б-н таъминланиши издан чиқади. Оёқни совуқ олдириш, лат ейиш, мия шикастланиши, чекиш, интоксикация, ҳаяжонланиш, толиқиш, перифферик нервлар касаллиги, гурли инфекциялар ва б. сабаб бўлади. 20—40 ёшлаги эркакларда кўпроқ учрайди. О.эда оёқ тез толиқади, томир тортишади, кейинчалик оқсайдиган бўлиб қолади, эт увишиши, парестезиялар, қаттиқ оғриқ кузатилади. Тўқималар қон б-н таъминланишининг бузилишига қараб касалликнинг 4 даражаси фарқланади. 1-даражада оёқ бармоқлари совуқ қотади, увишади, тез толиқади, оёқ териси оқаради, сал узоқроқ юрганда оғриқ пайдо бўлади. 2-даражада юрганда оёқ оғрийди, оёқ тирноқлари мўрт бўлиб, тез синади. Оёқ артерияларида пульс суст аниқланади. 3-даражада бемор 20—30 қадам юрганда оёқда оғриқ зўраяди, оёқ териси оқаради, совуқ бўлади. Оёқ мускуллари атрофияси, кўпинча трофик яралар кузатилади. 4-даражада оёқларда ломнинг оғриқ-ши пайдо бўлади, трофик яралар, бармоқлар гангренаси тез ривожланади, касаллик ўрайганда бутун оёқ панжаси гангренага учрайди. Касалликнинг кечишига қараб четаралашган ва тарқалган шаклари тафовут қилинади. Чекиш, ичиш ялартерит кечишини оғирлаштиради, шунинг учун касалликни даволашда аввало шуларни одатлардан воз кечиш, физиотерапия ва консерватив даво буюрилади. Булар наф бермаса, операция қилинади (томирлар тикланади ёки оёқ кесиб ташланади).

ОБЛОҚУЛ «ҒОЛИБ» (1831/40—1917/27) — уруғлик чўпкор, меъмор. Усталар мусобақасида ғолиб чиқиб «Ғолиб бува» номини олган ва шу ном б-н машҳур бўлган, 300 га яқин шогирдлари бўлган. Уруғтла у бошчилигида бир қатор жамоат бинолари қурилган (мас., Ургутдаги Жума масжид, Чўбин масжид, Ургутлик эшон масжиди, Чорчинор қишлоғидаги Гузни масжиди ва б.).

ОБЛОҚУЛОВ Маҳкам (1920.16.4, Ургут тумани — 1992.12.2) — кулол; Самарқанд кулоллик мактабининг намояндаси. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1977). Ҳунарни отасидан ўрганган. 1935 й.дан «Ҳаракат» ва «Иттифоқ» (1937 й.дан) артелларида косагар уста. 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1942—44). Косагар (коса, лаган, товоқ) ҳамда кўзагар (кўза, хум, тандир ясаш) сифатида уруғт кулоллигини ривожлантирди; анъанавий шаклдаги кулоллик буюмларида ранг ва бўёқлар жилвасини (сариқ, яшил ранг ва уларнинг ўнларча туслари)ни яратди. О. яратган кулоллик буюмларидан намуналар Ўзбекистон ва хорижий мамлакат музейларида ва хусусий тўпламларда сақланади.

М. Облоқулов. Лаган ва кўза (1970, Ургут).

ОБЛОҚУЛОВ Ҳазрат (1928, Ғиждувон тумани Тодон қишлоғи) — уста деҳқон, Ўзбекистон Қаҳрамони (2000); Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими (1998). Меҳнат фаолиятини 2-жаҳон уруши йиллари Ғиждувон тумани Тодон қишлоғидаги жамоа хўжалиги аъзолигидан бошлаган. 1960 й.дан шу тумандаги С. Айний номли жамоа (ҳоз. ширкат) хўжалигида пахтачилик бригадаси бошлиғи. 1999 й.дан бош пудратчи. О. раҳбарлик қилаётган жамоа аъзолари пахтачиликда янги агротехнологияларни қўллаб, юқори ҳосилдорликларни, шартномавий режаларни мунтазам ошириб бажаришга эришган. Кўплаб шогирдлар етиштирган.

ОБМЎРИ (форс. об — сув ва мўри — қувур) — қалъа, истеҳком, қўрғон ва шаҳарларни ичимлик суви б-н таъминловчи ер ости сув иншоотн. У икки хил — қудуқли ва сопол қувурлар ётқизилган дахим (туннелли)ли бўлади. Қудуқли О. — қалъа тубида гумбазсимон сувхона бино қилиниб, тубидан қудуқ қазилади. Сувхонага зинапоялар орқали тушилади. Лаҳимли О. сув манбаидан (сой ёки дарё тармоғи) қалъа томон қазилган лаҳим бўйлаб тош ёки пишиқ гиштлардан новсимон сув йўли — ариқ ишланади ва унга сопол қувурлар ётқизилади (мас., Аксиқат ш.нинг 10—11-асрларида барпо этилган мўрисининг қувурлари 40 см ли бўлган). Қувурлардан оқиб келган сувдан фойдаланиш мақсадида қалъа ичида бир неча сувхона ва ундагача тушиш учун зинали мўрилар ишлаб чиқилади. Иншоотнинг зинали сувхонасига тушиладиган мўри).

Шубҳасиз кориз усулида барпо этилган ер ости сув иншоотн О. каби ўрта асрнинг мураккаб гидротехникасини яратган мухандислар қалъа ёки шаҳар аҳолисини, хусусан, унинг мудофаачиларини ичимлик суви б-н таъминлаб, қамал вақтида уларни сув танқислигида қолдирмаслик чора ва тадбирларини назарда тутганлар ва уларнинг ечимини топа олганлар.

Ад.: Муҳаммаджанов А. Р., Ўзбекистоннинг қадимги гидротехника иншоотлари, Т., 1997.

ОБО (мўғулча) — Қозоғистон, Ўрта ва Марказий Осиёдаги тог чўққиларида маҳаллий аҳоли томонидан бунёд этилган тош уюми. Руҳларга сажда қилиш жойи.

ОБОДОН — Эроннинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар. Хузистон остида. Шатт ул-Араб дарёси бўйида, Форс қўлтиғи қирғоғидан 50 км ичкарида. Аҳолиси 206,1 минг киши (1997). Океан кемалари кира оладиган порт. Йилига 30 млн.т нефтни қайта ишлаб берадиган йирик з-д, нефть-кимё корхонаси бор. Нефть конларидан О.га нефть қувурлари ўтказилган. О. орқали четга нефть ва нефть маҳсулотлари чиқарилади. Нефть ин-ти, халқаро аэропорт бор.

ОБОЙ (рус.) — қ. *Гулқоғоз*.

ОБРАЗ, бадиий образ — воқеликни фақат санъатга хос усулда ўзлаштириб ва ўзгартириб характерловчи эстетик категория. Шунингдек, бадиий асарда ижодий қайта яратилган ҳар қандай воқеа ҳам О. деб юритилади.

О.да объектив англаш б-н субъектив ижодий тафаккур қоришиб кетади. Бадиий О.нинг ўзига хос хусусиятлари реал воқеликка ва фикрлаш жараёнига бўлган муносабатда аниқ намоён бўлади. О. воқеликнинг бадиий инъикоси сифатида реал мавжуд объектнинг ҳиссий аниқ, тайин замон ва маконда давом этган, моддий тугал, ўзича етук хусусиятларига эга бўлади. Бадиий О.ни реал объект б-н чалкаштирмаслик керак; у шартлилик, рамзийлик хусусияти б-н реал воқеликдан фарқ қилади ва асарнинг ички «иллюзияли» оламини ташкил қилади. О. воқеликнинг оддий инъикоси бўлмай, балки уни умумлаштириб, алоҳида, ўткинчи, тасодифий ҳодисанинг энг моҳиятли, ўзгармас-муқим, алабий жиҳатларини очиб беради. Мавжум тушунчадан фарқли равишда О. кўргазмалилик хусусиятини намоён этади, у воқеаларни мавжум мулоҳазалар б-н эмас, балки ҳиссий яхлит, бир бутун тақрорланмас тарзда акс эттиради. О.нинг бадиийлиги мавжуд воқеликни акс эттириш ва уни англаш хусусияти б-н белгиланмайди, балки бадиийлик О.нинг мисли кўрилмаган, янги ўйлаб чиқарилган дунё ярата олиш имкониятида юзага чиқади. О.да объектив мавжуд ва муҳим жиҳатлар б-н бирга, бўлиши мумкин бўлган, мўлжалдаги, хоҳишдаги, яъни турмушнинг эмоционал-продавий томонларига муносабат, унинг кўринмас, ички имкониятлари б-н боғлиқ хусусиятлар ҳам муҳрланган бўлади. Шунингдек, бадиий О.да хаёлот, бўёқ, тонуш, сўз ва б.ни ижодий ишлаш йўли б-н санъат асари яратилади.

О. мураккаб тузилиш ва мураккаб кўринишга эга; у борлиқ б-н руҳий дунёнинг бир-бирига ўтишидаги бар-

ча моментларни ўз ичига олади. Бадиий О. воситасида субъективлик б-н объективликнинг, якка ҳолат б-н умумийликнинг, идеаллик б-н реалликнинг ўзаро мувофиқ муносабатлари ижодий ишлаб чиқилади.

Бадиий асарда О. сўз воситасида юзага чиқарилади. Адабий асарнинг материали ашёвий асосдан (бўёқлар, мармар, тош ва б.) эмас, балки белгилар тизими, тил, сўз материалидан иборат бўлгани учун ҳам сўз б-н ифодаланган О.да кўргазмалилик томони пластик О.га нисбатан кам акс этади. Шоир ҳатто конкрет-тасвирий сўзлардан фойдаланганда ҳам, предметнинг кўзга кўринадиган қиёфасини эмас, ассоциатив алоқадаги мазмуний кўринишини яратади.

Бадиий О.нинг муҳим вазифаси унинг ҳаётдагидек салмоқдорлик, яхлитлик ва жонлиликка эга бўлишидир.

Ад., Храпченко М. Б., Горизонты художественного образа, М., 1982; Адабиёт назарияси [2 ж.ли], Т., 1978; Иззат Султон, Адабиёт назарияси, Т., 1980.

Баҳодир Каримов.

ОБРАЗЦОВ Сергей Владимирович [1901.22.6(5.7) — Москва —1992] — қўғирчоқ театри актёри ва реж. 1920 й.дан эстрадада пародиячи актёр (қўғирчоқлар б-н) бўлиб ишлаган. 1931 й.дан Москва марказий қўғирчоқ театрини бошқарган, театр назарияси ва услубиятини ишлаб чиққан, актёр ва реж.лар тайёрлаган, репертуарини бойитган. «Аловуддин чироғи», «Антиқа концерт», «Мистер Твистер», «Марказий қўғирчоқ театри гапиради ва кўрсатади», «Шўртан балиқ амри билан» каби спектаклларни саҳналаштирган. Кинода ҳам сценарийчи, ҳам реж. сифатида «Кинокамера айблайди», «Ақлга сиғмас ҳақиқат», «Кичик дўстларимиз», «Кимга ҳам керак, бу Васька» сингари фильмларни экранга чиқарди. О. ўз театри б-н 1971 й. Ўзбекистонда гастролда бўлган.

ОБРАЗЦОВА Елена Васильевна (1939.7.7, Санкт-Петербург) — рус хонандаси (меццо-сопрано). Халқ артисти (1976). Ленинград консерваториясини тугатган (1964). Тўлақонли ва кучли овоз, юксак вокал ҳамда драматик маҳорат соҳибаси. 1964 й.дан *Катта театр*нинг етакчи яккахон хонандаси. Опера саҳнасида Марфа («Хованщина», М. Мусоргский), Любаша («Шоҳ қайлиғи», Н. Римский-Корсаков), Кармен («Кармен», Ж. Бизе), Эболи, Азучена («Дон Карлос», «Трубадур», Ж. Верди) каби бош партияларни ижро этган. Концерт репертуаридан камер-вокал асарлари кенг ўрин олган. Европа, Осиё, Америка мамлакатларида гастролда бўлган. П. Чайковский номидаги (Москва, 1970), Ф. Виньяс номидаги (Барселона, 1970) ва б. халқаро танловлар ғолиби. Глинка номидаги Россия Давлат мукофоти б-н тақдирланган (1973).

ОБРЕНОВИЧЛАР — Сербиядаги князлар (1815—42, 1858—82), сўнгра қироллар (1882—1903) сулоласи. Асосчиси — Милош Обренович. 1842 й. мамлакатдан қувғин қилинган; 1858 й. Сербия тахтига қайта тикланган. О. сулоласи ҳукмдорлари: Милош (1815—39, 1858—60); Михаил (1839—42, 1860—68); Милан (1868—89, 1882 й.дан қирол); Александр (1889—1903). О.нинг сўнгги вакили — Александр *Карагеоргиевичлар* тарафдорлари бўлган зобитлар гуруҳи томонидан ўлдирилган.

ОБРЛИҒ (Арбилах) — *Илоқ* даватига қарашли ўрта аср шаҳри. Тошкент вилоятининг Облиқ ст-яси яқинида. Ю. Ф. *Буряков* томонидан текширилган (1962). Майд. 80 га бўлиб, 8—10-а.ларда барпо этилган. О. Илоқнинг бошқа шаҳарларига ўхшамайди: арк *шаҳристон*дан ажралмаган; ҳунармандчилик рабодлари қишлоқ ерлари б-н туташиб кетган. Шаҳар иқтисодий ҳаётининг юксалиши 9—10-а.ларда кон ишлари, айниқса, унга яқин бўлган олтин ва кумуш конларидан кенг фойдаланишга боғлиқдир. Лекин, маъдан қазиб олиш 11-а.дан тушкунликка учрайди. 13-а. бошларида шаҳар вайронага айланган. 14-а. охири —15-а.да шаҳарнинг ғарбий қисмида ҳаёт жонланган, ке-йинчалик шаҳар ҳоз. Облиқ қишлоғи томон кенгайган.

ОБРОК — ўрта асрларда Россияда помешчиклар томонидан деҳқонлардан пул ва озиқ-овқат кўринишида олинадиган йиллик йиғим. Озиқ-овқат О.и 1861 й. 19 фев.даги Низомга асосан бекор қилинган, пул О.и — вақтинча мажбурият асосида ишловчи деҳқонлар учун 1883 й.гача сақланиб қолган.

ОБРУЧЕВ Владимир Афанасьевич (1863. 10.10, ҳоз. Тверь вилояти — 1956, 19. 6, Москва) — рус геологи ва географи, акад. (1929). Петербург кончилик ин-тини тугатган (1886), Томск технология ин-тида (1919—21), Симферополь ун-тида (1918—21) ва Москва кончилик академиясида (1921—29) проф. Абадий тўнгликларни ўрганиш комиссияси раиси (1930—39), ФА Тўнгликшунослик ин-ти директори (1939—56), ФА геол.-география бўлимининг академик-котиби (1942—46). О. Сибирь, Марказий ва Ўрта Осиё геол.сини тадқиқ этган. Неоген-тўртламчи даврда Ер пўстининг вертикал ҳаракати аҳамиятини асослаган. Тяньшан тоғларининг геол.сини атрофлича ўрганган. 1886—88 й.ларда Қорақумда и. т. ишлари олиб борган ва қумли рельефларни 4 тур (барханли, эгри-бугри, жуякли ва чуқур) ажратган.

Жунгария Олатовида бир қанча нефть, олтин ва б. конларни очган. Илмий ишлари рудали конлар геол.си, геоморфология, геогр.га бағишланган.

О. номига Россия ФА Тўнгликшунослик ин-ти, Кяхта ш.да ўлкашунослик музейи, кўпгина географик объектлар, музлик, тоғ, минерал булоқлар, Хитойдаги бир қанча тошқотган жинслар ва б. қўйилган. ФА Сибирь геологияси бўйича олиб борилган ишларга В.А.Обручев номидаги мукофот таъсис этган.

Ас.: Геология Сибири, М., 1935—38; Рудные месторождения, М., 1935; История геологического исследования Сибири, М., 1931—49; По горам и пустыням Азии, М., 1948; Избранные работы по географии Азии, М., 1951.

Ад.: Мирзаев Э., Владимир Афанасьевич Обручев, Т., 1964.

ОБРЎ — ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларида (мас., илмий, диний, сиёсий соҳаларда, жамоада, оилада) бирон шахснинг билими, тажрибаси, ташкилотчилиги, ахлоқий фазилати туфайли орттирган, кўпчилик томонидан эътироф этилган таъсири, нуфузи. О. айниқса шахснинг халқи, Ватанига чин садоқат б-н хизмат қилиши туфайли ортиб боради. Аксинча, ножўя ҳаракати, сўзи б-н ишининг тўғри келмаслиги кишини обрўсизлантиради.

ОБСЕРВАТОРИЯ (лот. observator — кузатувчи) — қ. *Расадхона.*

ОБСЕРВАЦИЯ (лот. observatio — кузатиш, назорат) — карантинга олинган юқумли касалликларга (ўлат, вабо, чинчечак) чалинган беморлар б-н мулоқотда бўлганлиги сабабли вақтинча алоҳидалаб қўйилган кишилар устидан тиббий кузатув. Зарурат бўлганда О. бошқа юқумли касалликларга ҳам белгиланиши мумкин.

О.ни санитария-эпидемиология хизмати амалга оширади. О. муддати О. қилиш буюрилган касаллик яширин даврининг энг узоқ муддатига (қ. *Инкубацион давр*) боғлиқ.О. қилинадиган кишилар доим врач назоратида бўлади. Ҳар куни уларнинг ҳол-аҳволи сўраб чиқилади, кўздан кечирилади, тана т-раси ўлчанади, зарур бўлса, тегишли текширувлар ўтказилади, шошилинч махсус профилактика қилинади, эҳтиёт-дан эмланади ва ҳ.к. Тиббий кузатувдаги кишиларга *меҳнатга қобилиятсизлик варақаси* берилади. О.да транспорт воситалари ва юкларга ишлов бериш (*дезинфекция, дезинсекция, дератизация*) ҳам кўзда тутилади.

ОБСИДИАН (лот. Obsidianus lapis — Обсидий тоши; тошни Эфиопиядан келтирган римлик Обсиус номидан) — шишасимон вулканик тоғ жинси. Ранги кўпинча қора, қизғиш-қорамтир; майда чангсимон темагит заррачалари О. га доғсимон тус беради. Қаттиқлиги 5; зичлиги 2,5—2,6 г/см³. Кимёвий таркиби ҳар хил, кўпинча липаритга яқин. Ҳажмининг 80% атрофида силикат шишаси ва 1% гача сув бор. Нордон липарит ёки липаритдацит лаваларининг қотишидан ҳосил бўлади. О. осон силлиқланади. О.дан тош ва жез даврларида камон ўқи ва найза учи, пичоқлар ясалган, ҳоз. даврда баъзилари безак буюмлар тайёрлашда, асосан, енгил бетонларга бўрттирувчи қўшимча сифатида, йўл қурилишида ва бинокорлик безакларида ишлатилади. О.нинг баъзи турларидан (онгониглар) литий, цезий, бериллий ва б. ноёб элементлар ажратиб олиш учун фойдаланиш мумкин.

ОБУНА (франц. abonner — ёзилмоқ) — даврий нашрлар (газ., жур.) ва тегишли босма китоблар (кўп жилдли бадиий, илмий, илмий-оммабоп асарлар) учун олдиндан буюртма тўплаш, уларга ёзилиш. О. маълум маънода нашр маҳсулотлари адади (миқдори)нинг қанча бўлишини аввалдан белгилаш имконини беради. Ўзбекистонда даврий нашрларга О. «Матбуоттарқатиш» уюшмаси, почта-алоқа бўлимлари, корхона, муассаса ва олий ўқув юртларидаги жамоатчи тарқатувчилар томонидан, бошқа босма асарларга О. китоб савдоси б-н шуғулланувчи ташкилотлар, махсус китоб дўконлари томонидан амалга оширилади.

ОБУРДОН УСТУНЛАРИ — Зарафшон дарёсининг юқори қисмидаги Обурдон қишлоғидан топилган ёғоч устунлар. 1920 й. этнограф М.С.Андреев томонидан топилган. О.у. *сомонийлар* маданиятини акс эттирувчи ноёб ёдгорлик. Зарафшон ўймакорлик усулида ишланган ёғоч ёдгорликларнинг кўпчилиги маҳаллий уста-ўймакорлар томонидан ясалиб, масжид ва иморатларга ишлатилган. Устунларнинг нақшлари ўсимлик ва ҳайвонлар суратидан иборат. О.у. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланмоқда.

ОБЧАҚ СВИТАСИ — Фарғона водийсининг шим.да неоген ётқизиқлари таркибидаги свита. ... Геолог олим М. Н. Грамм томонидан аниқланган. О.с. қизғиш-қўнғир, қизил ва тўқ қўнғир алевритли гил, қумтош ва конгломератлардан таркиб топган. Умумий қалинлиги 400 м (Норин) дан 600 м (Варзиқ)гача. Конгломерат ва қумтошлар таркибидан, асосан, палеозой чўкинди-метаморфик жинсларининг синиқ (линза)лари учрайди. О.с. Мойлисой свитаси устида ётади, унинг ёши таркибида сақланган чучук сув жониворларидан остракода ва гастропода ҳамда сувўт қолдиқлари асосида аниқланган. О.с. стратиграфик аҳамиятга эга.

«ОБЩЕСТВЕННЫЕ НАУКИ В УЗБЕКИСТАНЕ» — қ. *«Ўзбекистонда ижтимоий фанлар».*

ОБЪЕКТ (лот. objectum — нарса) — *субъект*га қарама-қарши бўлган ҳамда инсоннинг амалий ва билиш фаолияти қаратилган объектив реаллик. О. инсон ва унинг онгидан мустақил объектив реаллик бўлиб, уни билаётган индивид учун жамият тарихий тараққиёти жараёнида ҳосил қилинган фаолият, тил ва илм тарзида намоён бўлади. О.ни 2 турга: назарий ва эмпирик О.га бўлиш мумкин. Лекин улар фаолиятнинг ҳар хил соҳаси эмас. Баъзида назарий билишнинг предметлари (мас., идеал газлар ва б.) О. сифатида реал мавжуд бўлмай, балки О.нинг эмпирик билимда қамраб бўлмайдиган томонларини кўрсатиш усули ҳисобланади. Мас., атомлар, элементар заррачалар каби назарий О.лар онтологик жиҳатдан, асосан, макрожисмлардан фарқ қилмайди: ҳамма ҳолларда ҳам назарий О. ҳақидаги билимдан эмпирик О.ларни тушунтириш учун фойдаланилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам эмпирик билишдан назарий билиш сари бориш муайян О.дан узоқлашиш эмас, балки О.нинг эмпирик йўл б-н аниқ англаш мумкин бўлмаган ҳақиқий мазмунини чуқур назарий акс эттириш усулидир.

ОБЪЕКТИВ — оптик асбоб ёки фотоаппаратнинг объектнинг тескари тасвирини ҳосил қиладиган қисми; бир неча линза ёки кўзгулардан иборат бўлади. Қуйидагиларга бўлинади: 1) кўриш трубаси ва телескоп О.лари; тасвирни кичрайтириб беради; 2) микроскоп О.лари; тасвирни катталаштириб беради; 3) фотографик ва проекцион О.лар; ўз тузилиши ва ажрата олиш қобилиятига қараб, ҳам кичрайтириб, ҳам катталаштириб беради. Муҳим кўрсаткичлари: фокус масофаси (тасвирнинг масштабини ифодалайди), кўриш майдони бурчаги, ёруғлик кучи (нур кириш тирқиши диамет-рининг фокус масофасига нисбати) ва ажрата олиш қобилияти.

О.лар тузилишига кўра, линзали (рефрактор, диоптриклар), кўзгули (рефлектор, катоптриклар) ва кўзгу-линзали; ажрата олиш хусусиятига кўра, универсал, телеобъектив, ёруғлиги кучли, кенг (тор) бурчакли ва б. хилларга бўлинади. Объектгача масофага кўра, уларни маълум (аниқ) бир масофада жойлашган буюмнинг тасвирини ҳосил қиладиган О. (микроскоп О., проекцион О.); чексиз узоқликда жойлашган буюмнинг тасвирини ҳосил қиладиган О. (кўриш трубаси О.и, телескоп О. ва кўпчилик фотографик О.лар)га бўлиш мумкин.

Телескопларда линза ва кўзгу-линзали О.лар қўлланилади. *Рефрактор*ларда 2 линзали О.лардан, *астрограф*ларда осмон ёритқичларининг суратини олинадиган, 3 ва 4 линзали О.лардан фойдаланилади.

Астрономик О.ларга *Ер сунъий йўлдошлари*ни кузатиш системасида қўлланиладиган О.лар (йўлдош камералари) ва атмосферанинг юқори қатламларидаги жисмлар (мас., метеорлар) нинг ҳаракатини суратга олишда ишлатиладиган О.лар ҳам киради. Бу О.лар ўз кўрсаткичлари бўйича бир томондан астрограф О.ларига ўхшаса, иккинчи томондан фотографик О.ларнинг баъзи турига ўхшайди.

Фотографик (киногa олиш ва репродукциялашда қўлланиладиган) О.лар буюм тасвирини аниқ ҳосил қилиш б-н бошқа О.лардан фарқ қилади. Ишлатилишига қараб, улар ҳаваскорлик ва касбга оид фотографияда; кинематографияда қўлланиладиган, телевизион, репродукцион, флюорографик, астрографик ва б.га бўлинади. Микроскоп О.лари бошқа О.лардан буюмга жуда яқин туриши б-н фарқ қилади. Бундай О.ларнинг энг такомиллашгани планахромат ва планапохромат.лардир. Хоссалари жиҳатидан фотографик О.га яқин бўлган спектрал асбоблар О.лари; лазерлар б-н ишлатиладиган О.лар ва б. О.нинг алоҳида гуруҳига киради.

Фотоаппарат объективи (чапда); микроскоп объективи схемаси.



ОБЪЕКТИВ ИДЕАЛИЗМ— қ. *Идеализм*.
ОБЪЕКТИВ РЕАЛЛИК — қ. *Материя*.
ОБЪЕКТИВ ҲАҚИҚАТ — қ. *Ҳақиқат*.
ОБЪЕКТИВИЗМ — дунёқарашдаги, ижтимоий фанлардаги, адабиёт ва санъатдаги йўналиш. *Субъективизм*нинг акси. Воқеликни тўғри билиш ижтимоий ҳодисаларни синфий таҳлил этишни рад қилади. Унга кўра, илмийлик партиявийликдан ва синфийликдан холи бўлмоғи лозим; қадриятлар ва мақсадларни ижтимоий-таниқдий баҳолашдан, мушоҳадаташдан сақланиш, фалсафий ва ахлоқий масалалардан, айниқса, партияларнинг ҳулосаларидан четда туриш йўли б-нгина объектив билимга эга бўлиш мумкин.

ОБЬ — РФ ва Ер шаридаги энг йирик дарёлардан бири; Россияда серсувлиги жиҳатидан 3-ўриндаги (Енисей ва Ленадан кейин) дарё. Олтойдаги Бия ва Катунь дарёларининг қўшилишидан ҳосил бўлади ва Ғарбий Сибирь ҳудудини жанубдан шим.га кесиб ўтиб, Кара денгизининг Обь қўлтиғига қуйилади. Уз. 3650 км (Иртиш дарёсининг бошланишидан ҳисоблаганда 5410 км), ҳавзасининг майд. 2990 минг км². Ҳавзасининг асосий қисми (85%) Ғарбий Сибирь текислигида, жан.-шарқий қисми Жан. Сибирь тоғларида жойлашган (Олтой, Кузнецк Олатови, Салаир кряжи ва Тоғли Шория). О. ҳавзасига 150 дарё қуйилади. Ҳавзасининг юқори қисми тоғларда жойлашган бўлиб, у ердан Бия ва Катунь ҳамда кўпчилик ирмоқлари бошланади.

Томь дарёси қуйилиш жойидан қуйироқда О. серсув ва Иртиш дарёсига қўшилгунга қадар тайга зонаси бўйлаб оқади. Бу ерда О. водийсининг эни 30—50 км ва ундан ортиқ. Чуқ. 4—8 м. Йирик ирмоқлари: Томь, Чулим, Кеть, Тим, Вах ва б.

Иртиш дарёси қуйилгандан сўнг О. шимолга бурилади. Водийси кенг, асимметрик. Қайири ҳам кенг (40—50 км). О. Перегребное ш.дан қуйироқда 2 ўзанга — Катта Обь ва Кичик Обга бўлинади. Қуйи оқимининг асосий ирмоқлари: Казим, Полуй (ўнгда), Шим. Сосьва, Шчучья (чапда). О. Обь қўлтиғига дельта (майд. 4 минг км²дан ортиқ) ҳосил қилиб қуйилади. Асосан, қордан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи Барнаул ш. яқинида 1470 м³/сек, Салехард ш. яқинида 12700 м³/сек. О.нинг юқори оқимида муз 150 кун, қуйи оқимида 220 кун эримай ётади.

О. ҳавзаси ҳар хил табиий ресурсларга бой. Ғарбий Сибирь нефть, газ ва кўмир захираси бўйича Россияда муҳим ўрин эгалланди. РФдаги барча торф захирасининг асосий қисми шу ерда. Сув, ўрмон ва б. ресурслар ҳам кўп. О. ва Обь қўлтиғида 50 га яқин балиқ тури учрайди. О. ҳавзасининг умумий потенциал гидроэнергия ресурси 250 млрд. кВт-с. Новосибирск ГЭС. Бухтарма ГЭС ва Усть-Каменогорск ГЭС ишлаб турибди. О. — Ғарбий Сибирнинг асосий транспорт магистрали. О.нинг бошланиш жойидан қуйилиш еригача кема қатнайди. О. ҳавзасининг асосий порт ва пристанлари: Новосибирск, Томск, Сургут, Лабытнанги, Павлодар, Омск, Тобольск, Тюмень.

ОБ-ҲАВО — бирор жой ёки ҳудуд атмосферасидаги метеорологик элементларнинг узлуксиз ўзгаришлари мажмуи, атмосферанинг муайян табиий жараёнларга боғлиқ ҳолати. Бу жараёнлар атмосферада Қуёш энергияси оқими ва Ер юзасининг ўзаро таъсиридаги физик жараёнлар натижасида содир бўлади. Одатда, О.-ҳ. деганда Ер юзасидаги О.-ҳ. тушунилади. Бироқ авиация, халқ хўжалиги фаолияти ривожланиши б-н эркин атмосфера О.-ҳ.си тушунчаси ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Инсон фаолиятининг барча жабҳалари О.-ҳ. б-н узвий боғлиқ. О.-ҳ. тўхтовсиз ўзгариб туради. Маълум жойнинг аниқ бир вақтдаги О.-ҳ.си метеорологик элементлар (т-ра, ҳаво намлиги, булут, ёғин миқдори, шамол тезлиги ва йўналиши, қор бўрони, момақалдироқ, туман ва ҳ.к.) б-н тавсифланади. О.-ҳ.да Ернинг ўз ўқи атрофидаги ҳаракатига боғлиқ бўлган даврий ўзгариш, шунингдек, асосан, ҳаво оқимларининг алмашинишига боғлиқ бўлган нодаврий кескин ўзгаришлар содир бўлиб туради. Атмосферадаги ҳавонинг горизонтал ҳаракати вертикал ҳаракатидан бир неча марта катта бўлишига қарамай, О.-ҳ.нинг ўзгаришида горизонтал ҳаракат б-н бир вақтда вертикал ҳаракат ҳам катта роль ўйнайди: булутларнинг ҳосил бўлиши ва ёғин-сочин миқдори, дўл ҳосил бўлиши, асосан, ҳавонинг вертикал ҳаракатига боғлиқ. Халқ хўжалигининг қарийб ҳамма тармоқларини О.-ҳ.нинг келгусидаги ҳолати қизиқтиради (қ. *Об-ҳавони олдиндан айтиш*).

Ўрта Осиё ҳудудида йилнинг совуқ даврида мўътадил кенгликлардаги ҳаво фронтларининг Ғарбий тармоғидаги циклоник фаолияти ривожланади, бу эса О.ҳ.нинг илиқ типини вужудга келтиради. Арктикадан чиқадиган (совуқ типидаги О.ҳ.) совуқ ҳаво массалари-нинг бостириб кириши тез-тез такрорланиб туради. Арктикадан келадиган совуқ ҳаво массалари кўпинча ҳарорат-

реографик проекцияларда фойдаланилади. Уларда қуруқлик, денгиз ва б. орографияларнинг муҳим хусусиятлари берилади. О.-ҳ. х. комплекс, аэрологик, ёрдамчи ҳариталарга бўлинади. Улар об-ҳаво хизматида мунтазам талабга қараб ҳар 3, 6, 12 соатлар оралатиб тузилади. Бу ҳариталарни таҳлил қилиб, бўлиб ўтган, ҳозирги ҳолат ва бўладиган об-ҳаво аниқланади. Метеорологик маълумотлар асосида тузилган ҳариталар Ер юзини синоптик О.-ҳ. ҳодиса, аэрологик жараёнлар тузилишини ифодаловчи маркази бўлиб, унда денгиз юзасига мослаштирилган ҳаво босими, т-раси ва намлиги, у ёки ён кўриш масофаси, ҳар хил булутлар, ёғин турлари, атмосфера ҳодисалари ва ҳ.к. ифодаланади. Комплекс ҳариталардан об-ҳавони ва атмосфера синоптик ҳолатини таҳлил қилишда фойдаланилади. Аэрологик ҳариталар атмосферанинг маълум баландликлари учун тузилади. Бу ҳариталарда шамол тезлиги ва йўналиши, т-ра, намлик ва ҳ.к. белгиланади. Аэрологик ҳариталар, асосан, авиация хизматида катта аҳамиятга эга. Ёрдамчи, комплекс, синоптик ҳариталарга қўшимча қилиб, айрим метеорологик элементлар (мас., туманлар, чанг бўронлари, яшин ва чақмоқлар, эҳмалаклар, кучли ёғинлар, энг юқори ва энг паст т-ралар, тропопауза баландлиги ва б. асосида) тузилади. Кичик р-ҳудудлар учун тузиладиган О.-ҳ.х. маҳаллий аҳамиятга эга бўлган кўп сонли метеорологик ст-ялар маълумотларидан фойдаланиб тузилади. Авиация хизмати учун мўлжалланган О.-ҳ.х. маълум р-н учун уни ҳалқа кўринишида ўраб олган энг метеорология ст-ялари маълумотлари асосида тузилган об-ҳаво харитаси асосида қисқа вақт оралиғи учун тузилади. Авиаметеорология марказларида мунтазам равишда махсус прогноз хариталари тайёрланади.

Таҳрир Мухторов.

ОБ-ҲАВО ХИЗМАТИ — халқ хўжалигини ёки унинг бирор тармоғини шунингдек, Ватан мудофаасини кундалик об-ҳаво ва об-ҳаво прогнозларига тегишли маълумотлар б-н таъминлаш вазифасини ўтайдиган ташкилот. Бу ташкилот ишн метеорология ва аэрология кузатиш ст-ялари маълумотларига асосланади. О.-ҳ. х. барча давлатларда маҳкум. Мас., Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология бош бошқармаси бу ишларга раҳбарлик қилади (қ. *Бошгидромет*). Бевосита об-ҳаво муаммоларни б-н гидрометеорология маркази шуғулланади. Бундан ташқари, ҳар бир вилоятда гидрометеорология бошқармаси мавжуд бўлиб, улар зиммасига, бошқа ишлар қатори О.-ҳ. х. ҳам юкланилган. Умуман, *Жаҳон метеорология ташкилоти* ташаббуси б-н 3 та (Москва, Мельбурн, Вашингтон) жаҳон, 34 та регионал ва 185 та миллий метеорология марказлари ташкил этилган. Ана шу 34 та регионал марказлардан бири Тошкентда жойлашган. Жаҳон об-ҳаво хизмати тармоғи ҳар куни қуруқликда жойлашган 10 000 та метеорологик, 1000 та аэрологик, 7300 та сувдаги кемалар, дарё ва океанларнинг саёз ерларини кўрсатувчи 600 та кўчма нишонлар, шунингдек, 70000 га яқин қўшимча маълумотларни берадиган ва ҳ.к. Ҳалқаро келишувга биноан, ҳар бир давлатдаги О.-ҳ. х. қуйидаги ишларни бажаради: барча метеорология кузатиш ст-ялари (қуруқликда, денгиз ва тоғларда) бир хил муддатга об-ҳавони кузатиш; аэрология ст-яларида *радиозонд, самолёт, аэростат* ва учар шарлар ёрдамида ҳар хил баландликлардаги метеорологик элементлар — ҳаво т-раси, босими ва намлиги, шамол тезлиги ва йўналиши, булутлар ва б.ни бир вақтда кузатиш; метеорологик ва аэрологик кузатиш натижалари ҳар хил узатиш воситалари ёрдамида марказий ташкилот ва гидрометеорология марказларига юбориш; гидрометеорология марказларида тузилган синоптик ва аэрологик хариталар, вертикал қирқим ва графиклар таҳлил қилиниб об-ҳаво хизмати ходимлари, унинг ривожи, бўладиган об-ҳаво шароитлари аниқланиб тегишли муассасаларга юборилади.

ОБ-ҲАВОНИ ОЛДИНДАН АЙТИШ — атмосферада содир бўладиган жараёнлар ривожланиш қонуниятларини ҳисобга олган ҳолда об-ҳавонинг келажакдаги ҳолати (об-ҳаво прогнози) ҳақида илмий асосда маълумот бериш. О.-ҳ. о. а. муддатлари: ўта қисқа муддатли (1—2 соатгача), қисқа муддатли (1—2 сутка), ўрта муддатли (3—10 кунгача), узайтирилган ўрта муддатли (1 ойгача), ой, фасл прогнозларига бўлинади. Об-ҳаво прогнози аниқлик даражаси, ҳудуд, трасса, вилоят ва республика ҳудуди учун берилиши мумкин. О.-ҳ. о. а.да умумий ва махсус мақсадлар кўзда тутилади. Умумий об-ҳаво прогнозида энг муҳим метеорологик элементлар (т-ра, босим, булут, ёғин, шамол), шунингдек, туман, чанг ёки қор бўронлари, момақалдироқ, довул, ўсимликларни совуқ уриши, қор кўчкилари, яхмалак ва б. метеорологик ҳодисаларнинг келажакдаги ўзгаришлари ҳақида маълумотлар берилади. Халқ хўжалигининг турли соҳалари: мас., булутларнинг пастки ва юқори чегаралари, Ер сиртида ва юқори баландликларда шамол тезлиги ва йўналиши (авиация учун); ёғин миқдори, ҳаво т-раси, ўсимликларни совуқ уриши, қурғоқчилик ва ҳ.к. (қ. х. учун); қор бўрони, кучли жала, узоқни кўриш масофаси (т.й. транспорти учун) ва б. учун махсус прогнозлар ҳам тузилади.

Суткали О.-ҳ. о. а. ўтган асрнинг 60-йилларида бошланди. 20-асрнинг 30-йилларида атмосферанинг юқори қатламларини систематик ўрганишга имкон берадиган радиозондининг яратилиши (собиқ СССРда), атмосферада жараёнларининг физик қонуниятларини чуқур ўрганиш О.-ҳ. о. а. усулларининг такомиллашишига олиб келди. О.-ҳ. о. а. учун керакли маълумотлар метеорологик ст-ялардан сутка давомида бир неча марта телеграф ёки радио орқали олинади. Об-ҳаво бюроларида Ер учун синоптик харита ва юқори қатламлар учун барик топография хариталари ва б. тузилади. Шулар ёрдамида Ер шарининг катта ҳудудида об-ҳаво ҳолати таҳлил қилиниб, барик системалар, шикастлар, антициклонлар ҳамда ҳаво массалари, атмосфера фронтларининг силжиш тезлиги ва йўналиши аниқланади. Бу маълумотлар ҳамда жойнинг маҳаллий хусусиятлари (Ер юзаси ландшафти, орографияси ва ҳ.к.) пункт, трасса ёки аниқ бир р-н учун О.-ҳ. о. а. га имкон яратади.

Узоқ муддатли О.-ҳ. о. а. муаммоси қисқа муддатли прогнозга нисбатан анча мураккаб. Катта миқёсдаги атмосфера жараёнларининг бир неча кундан бир неча ойгача давердаги циркуляцияси ўрганилиб, уларнинг алмашиниш қонуниятлари ва келажакда қандай бўлиши аниқланади. Ойлик прогнозда ўртача ойлик т-ра ва ёғинлар миқдорининг кўп йиллик меъёрдан қанча фарқ қилиши ёки ишораси қандай бўлиши ҳақида фикр юритилади ва ой давомида бўладиган ўзгаришлар ҳақида ахборот берилади. Ўрта Осиё мамлакатлари учун ойлик О.-ҳ. о. а.ни Тошкентдаги гидрометеорология маркази амалга оширади.

Таҳрир Мухторов.

ОВ, ов қилиш, шикор — ёввойи ҳайвон ва паррандани овлаш; одамнинг ҳаёт кечириш жараёнидаги қад. меҳнат фаолиятларидан бири. Одамлар дастлаб гуруҳ бўлиб, кейин якка ҳолда ов қилишган. Қалимда тош, найза, кейинроқ пичоқ, тўр ва б.дан ов қуроли сифатида фойдаланилган. Камон кашф этилиши овчиликда катта аҳамият касб этган. Осиёдаги кўчманчилар от миниб, исковуч ит ва қуш ёрдамида ов қилган.

Ов. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома» асарига ишланган. «Бобур Алишанг тоғидаги кийик овида» миниатюраси (16-а.нинг 80-йиллари).

Ҳозир кўпроқ милтиқ, қопқон ва тўр, ит б-н ов қилинади.

Ҳайвон ва паррандалар қурол б-н ов қилинганда итлардан фойдаланилади. Бунда, асосан, мўйнали ва туёқли ҳайвонлар, ўрмон ва сув паррандалари овланади. Қуролсиз овда мўйнали ҳайвонлар ва илвасин тутилади. Бунда қопқондан ва тузоқдан фойдаланилади, улар ҳайвонлар ини оғзига, юрадиган йўлига қўйилади. Ит ёрдамида ов қилишда отлиқ, баъзан пиёда овчи ов итларидан фойдаланади, бунда тез югурадиган този ит ҳайвонни очиқ майдонга «ҳайдаб» беради, овчи б-н ов ити эса уни қувлаб бориб тутади. От ва тез югурадиган този ит ёрдамида ов қилинганда ҳайвон итга олдирилади, бунда ит ҳайвонни қувиб тутгунча овчи отда стиб боради ва итдан уни айириб олади. Овчи қушлар б-н ов қилишда ҳайвонлар, асосан, очиқ майдонларда, бургут, лочин, қирғий каби қўлга ўргатилган қушлар ёрламида тутилади (қ. *Қирқиш, Матраш*).

Ов шартли равишда саноат, спорт-ҳаваскорлик ва илмий мақсадлардаги овларга бўлинади. Саноат мақсадидаги овда аҳоли ва саноат эҳтиёжи учун мўйнали, туёқли ёввойи ҳайвонлар ва сув қушлари тутилади. Спорт ови дам олишнинг бир турилир. Илмий ов овланадиган ҳайвонларни, ёввойи ҳайвонлар касалликларини, овчилик иши ва ўзқани ўрганиш мақсадида илмий муассасалар топшириғи б-н олиб борилади.

Мўйнали ҳайвонларнинг 100 дан ортиқ тури, туёқли ёввойи ҳайвонларнинг 20 дан зиёд ва овланадиган парранда (қуш)ларнинг 150 дан кўп тури мавжуд. Овнинг асосий товар маҳсулоти — мўйна, қўшимча маҳсулоти — гўшт, ёғ; қимматбаҳо хом ашёси: тери, пат, пар, жун.

Ўзбекистонда 18 ёшга кирган, овчилар уюшмаси аъзоси ва овчилик билети бўлган фуқаролар ов милтиғидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Ҳайвонларнинг қимматбаҳо турлари махсус рухсатнома (лицензия) б-н овланади. Ов тўғрисидаги қонунларга риоя қилиш, ов муддатлари ва усулларини белгилаш ишларини «Ўзбековчибалиқчи» уюшмаси ва овчилик назорати хизмати бажаради (қ. *Овчилик хўжалиги*).

Баҳодир Абдуллаев.

ОВ ИТЛАРИ — овчиликда фойдаланиладиган махсус ит зотлари гуруҳи. Ер шарида 100 дан ортиқ О.и. зоти бор. Қимматбаҳо мўйнали ҳайвонлар (олмахон, сувсар, соболь), асосан, О.и. ёрдамида овланади. О.и. зоти бир неча гуруҳга бўлинади: лайкалар — ўрмонли жойларда мўйнали ва туёқли ҳайвонлар (сеғвони чучқа, лось, бугу), шунингдек, ўрмон, ўрмон-дашт зоналаридаги ёввойи, сувда сузувчи паррандаларни овлашда фойдаланилади. Лайкалар овланган ҳайвон ёки паррандаларни қидириб топиб, овчи келгунича ушлаб туради. Тез югурар тозилар — ўрмон, ўрмон-дашт зоналарида қуён, тулки, бўри, чиябўри, силовсин ва туёқли ҳайвонларни овлашда фойдаланилади. Улар, овчи ўлжасини отмагунча, вовуллаб ҳайвон изидан бораверади. Тозилар — қуён, тулки, ўрмон-дашт, дашт ва ярим чўл р-ларида майда туёқли ҳайвонларни овлашда фойдаланилади. Тозилар катта, ўнига хос тана тузилишига эга, кучли ит, кўзи ўткир, тез югуришга мослашган (20 м/сек гача югура олади). Улар ҳайвонларни қувиб ушлаб олади (ёки бўғади). Ит итлари (такса, терьерлар, фокстерьерлар) — ниларидаги тулки, бўрсиқ, енотсимон итларни овлаш учун фойдаланилади; улар ниларидаги ҳайвонларни овчи олдига ҳайдаб чиқаради ёки инида ҳолсизлантирради. Ищековучлар (сеттер, пойнтерлар ва б.) — ботқоқ, ўрмон, дашт ва сувда сузувчи паррандаларни ҳидлаб топиб писиб ётган жойини овчига билдиради. Овчининг имоси б-н паррандани чўчитиб, отишга қулай қилиб беради. Спаниеллар ерда писиб ётган паррандаларни чўчитиб, учиради. Отилган паррандаларни топиб, овчига олиб келади. (яна қ. *Ит, Итчилик*).

Ад.: Пособие по собаководству, 2 изд., М., 1973.

ОВ ҚУШЛАРИ — ёввойи паррандаларнинг мазали гўшти, қимматбаҳо пар ва патлари, мўйнаси учун овланадиган гуруҳи. Баъзи қушларнинг тухумлари ҳам йиғилади. Қушлар қадимдан ов объекти сифатида сут эмизувчилардан кейинги ўринда турган. Қуш овлаш қад. миср фрескалари ва юнон вазаларида тасвирланган. Қуш овлашнинг турли усуллари мавжуд. 9-а.дан қушларни махсус ўргатилган лочинлар ёрдамида овлана бошланган. 10—17-а.ларда эса овнинг бу усулидан фойдаланиш оммавий тус олган. Тарихий манбалардан ов қилиш учун 17-а.дан илгари Бухорога Россиядан махсус ўргатилган лочинлар олиб келингани маълум. Ўзбекистонда қушларнинг 100 дан ортиқ тури спорт, ҳаваскорлик ва анъанавий ов объекти ҳисобланади. Овланадиган қушлар тоғ, чўл, сув, ўрмон ва б. экологик муҳитларда тарқалган. Ер юзида кўпроқ ғозсимонлар, товуқсимонлар, балчиқчисимонлар турқумларининг вакиллари овланади. Республика, асосан, сузувчи қушлар (ўрдаклар, қашқалдоқлар, балчиқчилар ва б.), кам, қир-тошл, ўсмлик ва кашталар овланади. Шунингдек, қарқилдоқ, бўлдуруқлар, чўтурғуқларни овлаш ҳам кузатилган. 19-а. охирида Ер юзида, айниқса, Европада қушларни овлаш тобора кучайиб кетди, ҳар йили бир неча млн. қушлар овланади.

Ўзбекистонда спортчи ва ҳаваскор овчилар ҳар йили сувда сузувчи минглаб қушларни овлайди. Уларнинг асосий қисмини ўрдаклар ва қашқалдоқлар ташкил этади. Овланадиган ҳайвон турлари ресурсларидан барқарор фойдаланиш мақсадида ҳозир 40 га яқин овчилик ва балиқчилик хўжаликлари ташкил этилган. Уларнинг катта қисми сув олди ҳудудларида жойлашган бўлиб, сувда сузувчи қушларни овлашга ихтисослашган. Ов қилиш қоидалари, муддати ва миқдорини тегишли ташкилотларда О.ҳ. ишларига салбий таъсир этувчи омилларнинг кўпайганлиги инобатга олиниб, уларни янада жойларида, миграция ва қишлаш даврида муҳофаза қилишни кучайтириш, ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришни амалга ошириш ҳамда муоффиқлаштирни мақсадида сувда сузувчи қушларни ўрганиш бўйича халқаро бюро ташкил этилган. Сувда сузувчи қушлар мажмуини, шунингдек, айрим турлари муҳофазасини кўзда тутиб, халқаро конвенциялар, битимлар тузилган. Оқбош ўрдак, ола ғозлар, мармар чуррак, тўхта ва йўрға ўзбекистон Республикаси Қизил китобларига киритилган.

Элмурод Шермаҳмат.

ОВАЛЛАР (лот. ovum — тухум) — ясси, каварик ёниқ эгри чизиқлар. Мас., айлана, эллипс. Агар О. етарлича силлиқ бўлса, уларнинг эгрилиги максимум ва минимумга эришадиган камида 4 учта эга бўлади (эллипсда тўртта). Овал нуқталари орасидаги масофанинг аниқ юқори чегараси унинг диаметри, бирор йўналишдаги уринмалари орасидаги масофа шу йўналишдаги энига перпендикуляр. Мас., эллипснинг OA_1 йўналишдаги эни B_1B_2 га, OB_1 йўналишдаги эни A_1A_2 га тенг (расмга қ.). Айланани эни ҳамма йўналишда бир хил. Расмда яна бир неча эни ўзгармас О. (Релэ учбурчаклари) кўрсатилган. Эни h ўзгармас бўлган О.нинг узунлиги πh га тенг (Барбье теоремаси). Баъзан, О. деганда умуман ўз-ўзини кесмайдиган ёпиқ чизиқлар тушунилади.



Оваллар.

ОВАМБО (амбо) — Намибиядаги банту гуруҳига мансуб халқ (750 минг киши, 1990-й.лар ўрталари); Анголада ҳам (240 минг киши) яшайди. Динлорлари — христианлар (асосан, лютеранлар).

ОВАЦИЯ (лот. ovatio) — Қад. Римда кичик *триумф*. О.га фақат *магистрат*ларгина сазовор бўлишган; голибни тўла триумф б-н тақдирлаш мумкин бўлмаган чоғлагина О. ўтказилган. У триумфдан камроқ тантанаворлиги б-н фарқ қилган: олдин магистрат кийимини кийган сарқардалар, бошларига лавр эмас мирта япроқларидан қилинган тожни кийиб Римга жанг аравасида келишлари лозим бўлган. Қурбонлик чоғида буқа эмас, қўй сўйилган. «О.» сўзи лот. ovis — қўйдан ёки ажабланиш гуйгуси — О! О!дан келиб чиққан.

ОВГА — Шим. Нурота тизмасининг сувайиргичидаги довон. 1699 м баландликда. Нурота богиндаги Самбур ва Нурота тизмасининг шим. қисмидаги Кескин қишлоқлари орасида жойлашган. Довондан чорва моллларини ҳайдаб ўтишда фойдаланилади.

ОВДАН, обдон (тож. — сувдон) — ер ости ва ёмғир сувларини бир жойга йиғиш учун шаҳарларда қурилладиган иншоот. Ўрта Осиёдаги *сардобалар*нинг бир тури. Асосан, ўрта асрда Озарбайжонда кенг тарқалган. Одатда, меъморлик мажмуасининг, боғ ёки паркларнинг бир қисми саналади. Шаклли ва ҳажми муайян жойнинг тузилиши, геологик шароити ва рельефига қараб турли хил бўлган. О. сувидан шаҳар аҳолиси турли мақсадларда фойдаланган. Кўпинча сув омбори, ҳовуз ҳам О. деб юритилади.

ОВИДИЙ, (Публий Овидий Назон — Publius Ovidius Naso) (мил. ав. 43 — мил. тахм. 18) — Рим шоири. Ижодини ишқий шеърлар б-н бошлаган («Ишқий элегиялар», мил. 1—2-й.лардан олдин). «Севги санъати», «Севги давоси» достонлари (иккаласи ҳам тахм. мил. ав. 20—мил. 1-й.) дидактик руҳда, уларда Рим ҳаёти лавҳалари ифодаланган. Машҳур «Метаморфозалар» мифологик эпоси (15 китобдан иборат, тахм. мил. 1—8-й.лар) — О. ижодининг чўққиси. Аслоқ хусусидаги дадил фикрлари учун император Август томонидан Томи ш. (ҳоз. Руминия-нинг Констанца порти)га сургун қилинган ва шу ерда умрининг охиригача туриб (тахм. 10 й.), «Ғуссали элегиялар» (5 китоб, тахм. мил. 8-й.дан кейин) ва б. асарларини ёзган. «Элегиялар», «Метаморфозалар», «Ғуссали элегиялар»дан намуналар *Одек* таржимасида ўзбек тилида нашр қилинган.

ОВИМБУНДУ (мбунду) — Анголадаги банту гуруҳига мансуб халқ, 3,7 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Динлорлари — католиклар ва протестантлар; анъанавий диний эътиқодлар ҳам сақланган.

ОВЛОҚ, авлоқ — ёввойи ҳайвонлар кўп бўлган, ов қилинадиган жой. Қадимда Ўрта Осиёда қулон, жайран, кийик, архар, паррандалар ов қилинадиган жойлар О. дейилган.

ОВНАТАНЯН — 17—19-а.ларда яшаб ўтган арман рассомлари сулоласи. Сулола бошлиғи Овнатан Нагаш (1661—1722) — рангтасвир устаси; Эчмиадзиндаги ибодатхона деворий расмларининг муаллифи. Ўғиллари Акоп (1692—?) ва Ару-Арутон (1706/07—?) О. қўлёзма китобларига миниатюралар ишлашган, оталари б-н ибодатхона деворий расмларини яратишда иштирок этишган. Акопнинг ўғли Овнатан О. (1730—1801, Тбилиси) грузин подшоси Ираклий II нинг сарой рассоми бўлган, шогирдлари б-н Эчмиадзиндаги ибодатхона учун янги деворий расмлар ишлаган ҳамда Инжилдан олинган мавзуларда асарлар яратган (1782—86); унинг ўғли Мкртум О. (Авнатамов, 1779— Тбилиси — 1845) рангтасвирчи бўлиб, черков учун расмлар ишлаган, арман подшо ва ҳарбий саркардаларн портретларини ишлаган («Шоҳ Трдат», 1836; Арманистон картиналар галереясида); Акоп О. (Яков Авнатамов, 1806, Тбилиси — 1881, Эрон) — рангтасвир устаси, арман тасвирий санъатида портрет жанрининг асосчиларидан; тасвирий санъат асосларини отасидан ўрганган. Унинг портретлари (Н.Теумян, Е.Гургенбекян ва б.)да арман санъатига хос хусусиятлар — тасвирланувчининг тинч, қотиб қолган ҳолатида кўрсатиш, майда деталларга эътибор берган ҳолда уларни аниқ тасвирлаш, асар фактурасининг эмалдек силлиқ ва ялтироқ даражада ишланишида билинса, ўзига хос томонлари нозик руҳий кечинмаларни шоирона ифодали тасвирланиши, ранг тизимининг сипо ва бирмунча оддийлигида ифодаланади. Агафон О. (Авнатамов, 1818, Тбилиси — 1893, Петербург) — Мкртум О.нинг ўғли, Петербург БАда ўқиган (1836—43) ва шу ерда ишлаган; Акоп О. портретларидан литографик ишлар, чопқир отларга бағишланган композициялар яратган.

ОВОЗ — 1) овоз аъзолари ёрдамида чиқариладиган, баландлиги, кучи ва тембри ҳар хил бўлган товуш (одам ва ўпкадан нафас олувчи ҳайвонларда). О. ҳиқиллоқда ҳосил бўлади: ўпкадан чиқаётган ҳаво оқими, бир-бирига тегиб турган О. бойламлари оралигидан ўтиб уни тебратади, натижада нозикина О. ҳосил бўлади, сўнгра буни юқори резонаторлар (оғиз бўшлиғи, ҳалқум, бурун ва ёндош бўшлиқлари) кучайтириб беради, О. ўзига хос оҳанг (тембр) олади. Ўпкадан чиқаётган ҳаво оқимининг кучига, жипс турган О. бойламларининг кўрсатаётган қаршилиги ва уларнинг тебраниш амплитудасига қараб, О. кучли ёки кучсиз, шунингдек, тебранишининг узунлиги ва частотасига қараб баланд ёки паст бўлиши мумкин.

О. пайдо бўлишида иштирок этадиган аъзоларнинг ҳаммаси соғлом бўлса, О. енгил ва бемалол эшитилади. Турли касалликлар, хусусан, ҳиқиллоқ, бурун-ҳалқум ёки бурун касалликларида О. ўзгаради, баъзан маъқа бўлиб қолади. Юрак, бронхлар, марказий нерв системаси касалликлари ва юқумли касалликларда ҳам О. ўзгариши мумкин. О. кўпинча, совқотиш, ангина, юқори нафас йўллари яллиғланиши, ларингит, трахеит ва бронхитдан кейин ўзгаради. Ҳалеб бақириб гапиравериш ҳам О. бузилишига сабаб бўлади. Чекиш ва ичкиликка ружу қилиш, шунингдек, тиш йўқлиги ёки ясама тишнинг нотўғри кўйилганлиги ва б. ҳам О. «сифати»га таъсир этади. Одатда, ёшларда ўтиш даврида бўладиган овоз ўзгаришида алоҳида эҳтиёт чораларига риоя қилиш зарур. О.ни асрашда энг муҳими организмни чиниқтиришдир. О. ўзгарганда, албатта, мутахассис врачга мурожаат этиш лозим; 2) *мусиқада* — одамнинг аниқ баландлик ва узоқ садоланишга эга товуши (қ. *Хонанда овози*); кўп овозли мусиқа асарининг муайян куй йўли; партитурадан алоҳида кўчириб ёзиладиган хор ёки оркестр гуруҳи ижро йўли.

ОВОЗ БОЙЛАМИ — думсиз амфибиялар, баъзи судралиб юрувчилар, кўпчилик сут эмизувчилар ва одамда ҳиқилоқ ён деворининг ички юзасидан бурчак бўлиб чиқадиган иккита бурма. Фиброз-эластик тўқимадан тузилган бўлиб, шиллиқ парда б-н қопланган. Бу ҳақиқий О.б.дир. Баъзи сут эмизувчилар ва одамда ҳақиқий О.б.дан бир оз юқорироқда сохта О.б. ҳам бўлиб, у овоз ҳосил бўлишида қатнашмайди.

Одамда ҳақиқий О.б. — мускул тўқимаси ва бириктирувчи тўқимадан тузилган жуфт бойламдир. Товуш ҳосил бўлишида қатнашади, шунингдек, нафас йўлларини ёт жисмлар тушишидан сақлайди.

ОВОЗ БЎҒИЛИШИ — одатдаги овозининг ўзгариши. Овоз бойламларининг шакли ёки ҳаракатининг ўзгариши натижасида уларнинг бир меъёрда тортилмаслиги сабаб бўлади. Бойламларнинг ўткир ва сурункали яллиғланишида, полип ва ўсма пайдо бўлганда бойламларни тортадиган мускул фалаж бўлиб қолганда кузатилади.

ОВОЗ ОПЕРАТОРИ — кинода фильмни суратга олувчи ижодий жамоа аъзоси. Сценарий муаллифи ва режиссура умумий гоясига мувофиқ фильмни овозлаштиради.Фильм овози безагининг баланд ва техник сифатига жавоб беради. Овозлар изоҳини тайёрлайди, актёрлар овозини синаш учун ёзиб олади. Фонотека материалларини танлайди, синхрон овоз ёзиш, мусиқа ва шовқинларни ёзиш каби ишларни амалга оширади. Радиоэшиттириш, телевидение ва овоз ёзиб олиш студияларида О. о. магнит фонограммаларини ёзиб олади ва эшиттиради. Овоз режи раҳбарлигида ёзиб олинган фонограммаларни монтаж қилади, улардан нусха олади ва эски фонограммаларни таъмирлайди.

ОВОЗА, овоз — *Ўн икки мақом* тизимидаги парчалар туэилмаси. О.лар 6 та бўлиб, Наврўз, Салмак, Гардония, Гувашт, Мои ва Шаҳноз деб номланган. О.ларнинг кўплари мақомлар бош парчасига нисбатан кварта, квинта баланд парчалардан бошланиб, мусиқа асарларида оғишма натижасида юзага келадиган янги лад-тоналликлар ўрнини эгаллаган. О.лар Шашмақомнинг шакланишига ҳам таъсир кўрсатган ва уларнинг баъзилари, кейинчалик мақом шўъбалари таркибига киритилган.

ОВОЗЛИ КИНО — тасвирни кўрсатиш б-н бирга, кинолентанинг овоз йўлига ёзиб олинган нутқ, мусиқа, шовқин ва б. товушлар б-н ҳамоҳанг олиб бориладиган кинематография тури. Кинематографиянинг дастлабки давриданоқ тасвирни овоз б-н кўрсатишга интилишлар бўлган: мусиқа жўрлигидан фойдаланилган (пианино, оркестр ва б.), фильм иштирокчиларининг овози, қўшиқлари ва ш.к.ни тасвирга биноан ижро этувчи актёрлар жалб этилган. 19-а. охири — 20-а. бошларида фильм овоз б-н синхрон равишда қайд этилишига имкон берувчи қурилма яратишга ҳаракат қилинган. Бунинг учун Т. Эдисон кинефони (АҚШ, 1899), Д. Гомон хронефони (Франция, 1901), граммофон пластинкаларидан фойдаланилган. Аммо синхронликка тасвир ва фотографияга овоз ёзиш услубини киноленталга бирга қушиб ёзиш ва уни такомиллаштириш натижасидагина эришилди. О.к. тизими 20-а.нинг 20-йилларида юзага келди (АҚШ, Россия, Германияда). Ўзбекистон киносида О.к. даврини «Қасам» фильми (1937, реж. А. Усольцев) бошлаб берди.

ОВОЗСИЗ КИНО — кинематографиянинг дастлабки ривожланиш даврилари номи. О. к. даврида фильмнинг тузилиш хусусиятлари, унга хос эстетик жиҳатлари белгиланди. Бадиий фильмлар мазмуни ва воқеаларнинг ривожланиб бориш ҳолати сўзсиз — фақат тасвир ёрдамида очиб берилардн. Даст-лабки ривожланиш даврилари унга хослиги унинг актёр ижроси б-н боғлиқ ифода воситалари бўлиб, кадр тагига воқеани тушунтириб берувчи ёзувлар ёзиб борилган. Асосий ифода воситалари 20-а.нинг 20-йилларида кино санъати асослари (кинематографик режалар, суратга олиш ракурслари, монтажнинг алмашиниб туриши, яхлит асар яратиш, унга лойиқ талқин топиш ва б.) га сувнган ҳолда ишлаб чиқилди. Биринчи овозсиз фильмлар режиссури француз ака-ука Люмьерлар (ҳужжатли) ва Ж. Мельес (фантастик эртак) жаҳон киносининг бош йўналишини белгилаб берди. О. к.ни француз «авангард»лари, немис экспрессионизм вакиллари, шунингдек, Д. *Гриффит*, Ч. *Чаплин*, Р. *Флаэрти* каби америка кинорежиссорлари олиб борадилар. А. Нильсен, Б. *Кинтон*, М. Линдер, Ч. Чаплин, М. Пикфорд ва б. О. к.нинг етакчи актёрлари бўлди.

Ўзбекистонда О. к. даври 1925—35 йилларни ўз ичига олади. «Соябон араваси», «Равот қошқирлари», «Иккинчи хотин», «Юксалиш» ва б. дастлабки овозсиз фильмлардир. С. Ҳўжаев, Э.Ҳамроев, Н. Ғаниев, К. Ерматов, Р. Пирмуҳамедов, Й. Аъзамов, З.Шокирова, М.Жаъфарова каби санъаткорлар О. к. даврида миллий кинонинг шаклланишида муҳим роль ўйнаганлар.

ОВОСКОП (лот. ovum — тухум ва юн. skopeo — қарайман) — тухумнинг сифати текшириладиган асбоб. У ичига электр лампочка ўрнатилган, тухум шаклидаги тешикли гилофдан иборат. Тухум шу тешикка ўрнатилиб текширилади. Новларга қатор териб қўйилган тухумларни текшириш учун ёритувчи блокли О.-столдан фойдаланилади. Янги, соғлом тухум сариғи унинг марказида жойлашган бўлади. Инкубаторда очилтириладиган тухумларни танлашда, уларни биологик жиҳатдан назорат қилишда ҳам О.дан фойдаланилади.

ОВРИНГ — Тожикистоннинг тоғлик ҳудудларида тик тог ён бағирларидан ўтган тор йўлларнинг илмий адабиётда қабул қилинган номи. О. қоялари ўйиб, мустаҳкам қоқиқлар устига шоҳшаббалар тўшаб ишланади. Ўтиб бўлмайдиган жойларга осма кўприклар қурилади. Тик сиалиқ қоя баланд иланпоялар осиб қўйилади. Баъзан қояниинг тепасига катта қоқиқлар қоқилади, ишиқ новдалардан ишлаган арқон ҳалқа шу қоқиқларга осилади. Арқон ҳалқаларининг пастки учига ғўлалар ётқизилади. Кишилар ана шу ғўлалар устидан юради. О.лар, асосан, пиёда юришга мўлжалланган. Баъзи қисмларида эшак-отларда ўтса ҳам бўлади. О.ларни тепадан тушган сув, тошлар ва қор кўчкилари ишдан чиқаради. Шутнон ва Рушонда О. маржа (марза), парин (паринд), Ягнобда рафақ деиилади. Тоғларда катта йўллар қурилиши муносабати б-н О. ўз аҳамиятини тобора йўқотмоқда.

ОВУЛЯЦИЯ (лот. ovum — тухум) — тухум ҳужайраларининг тухумдонидан тана бўшлиғига чиқиши. Ургочи сут эмизувчи ҳайвонларда ва аёлларда О. вақтида етук тухум ҳужайраси бўлган *Грааф пуфакчаси* ёрилади ва О. даври кечади. О.ни, асосан, гипофиз гормонларини б-н О. тўхтайди (яна қ. *Ҳайз*).

ОВХОНА — Самарқанд вилояти Пастдаргом туманидаги соя. Зирабулоқ — Зиёвуддин тоғларининг шим. ён бағридан бошланади. Уз. 30 км, ҳавзасининг майд. 24,3 км². Ўртача йиллик сув сарфи 0,28 м³/сек., оқим модули 11,5 л/сек. км². Сувининг асосий қисми қишининг 2-ярмида ва эрта баҳорда ўтади. Сойдан 4—5 йил кучли сел келади.

ОВЧИ ҚУШЛАР, овга ўргатилган қушлар — йиртқич ҳайвонлар ва паррандаларни овлаш ва ҳаваскорлик спорти мақсадида фойдаланиладиган йиртқич қушлар (*бургут, лочин, қарчиғай, қирғий*). Ўргатилган О.қ. б-н ов қилиш Ўрта Осиёда 10—17-а.ларда, айниқса, оммавий тус олган. Ҳоз. пайтда бундай ов Абхазия ва Ажарияда (қирғий б-н белана овлаш), Қирғизистон ва Қозогистонда (бургут б-н тулки, қўён ва бўри овлаш, қарчиғай б-н ўрдак, ғоз, қирговул ва қўён овлаш), Туркманистонда (балобан б-н ўрдак, тувалоқ, қўён овлаш) сақланиб қолган.

Инидан олинган ёки тўр б-н тутилган ёш, полопон йиртқич қушлар қўлга киритилган овни қулатиш ёки қувиб етиш ва овчи етиб келгунга қадар тутиб туришга узоқ вақт ўргатилади. Куз ва қиш ойларида тажрибали овчилар бургут б-н 30—40 тагача тулки овлаганлар. Йиртқич қушлар сонининг камайиб кетаётгани туфайли овчи қушлар б-н ов қилиш ҳам камайиб бормоқда.

ОВЧИЛИК ХЎЖАЛИГИ (ЎзРда) — мамлакатдаги овчилик майдонларини кўриқлаш, тиклаш ва ундан фойдаланишни б-н шуғулланадиган хўжалик. Ох. ҳукумат қарори б-н ташкил этилади. Ўзбекистонда ов қилиналиган жойлар «Ўзбекистонда ов қилиналиган жойлар тасарруфи» Ўзбекчибалиқчи уюшмаси» тасарруфида. Майд.—708698 га (2003). 40 та Ох.га шартнома асосида бириктириб қўйилган. Тоғли минтақалардаги Ох.лари ихтиёрида 360 минг га майдон бор. Энг йириклари Бахмал-Зомин, Гова-Олмос, Сангзордон, Қурама, Белорсой Ох.лари. Каклик, бедана, улар, қуён, тўнғиз, бўрсиқ ва б. овланади. Чўл-ярим ва сувли ерлардаги Ох.лари дарёлар ва сув омборлари атрофида ташкил этилган: Айдар, Арнасой, Зарафшон, Оқтепа, Сариқамиш, Сирдарё, Қорақир, Жан. Сурхон, шарқий Арнасой ва б. Умумий майд. 348 минг га дан ортиқ. Бу хўжаликларда яна ҳар хил баликлар ва турли сув қушлари, шунингдек, кўчманчи қушлар овланади.

Ох.лари фаолияти хўжалик ҳисоби асосида олиб борилади. Овшунослар ва етерлар хўжалик ишларидан ташқари ботехник тадбирларни амалга оширади: қишда ёввойи ҳайвонлар ва қушларни қўшимча овқатлантириш, сунийилар ва уялар қуриш, дарахт ва бута кўчатлари ўтқазиш ва парвариш қилиш ишлари бажарилади. Бир йилда 2 марта ҳайвонлар ва қушларнинг миқдори ҳисобга олинади, уларнинг популяциясига зарар етказмасдан овлаш талбирлари (отиладиган, тутиладиган ҳайвон ва қушлар сони) белгиланади.

ОВШУНОСЛИК — ов қилиш ва овчилик хўжалиги, овчилик фаунасини бойитиш ва ундан самарали фойдаланиш тўғрисидаги фан. 20-а. бошларида мустақил фан сифатида шаклланган.

Ов майдонларини, овланадиган ҳайвонлар ва қушлар биологиясини ўрганилади, уларни ҳисобга олиш усулларини, ов қуролларини ишлатиш ва овлаш услубларини ишлаб чиқади, ов товаршунослиги ва овчилик хўжаликлари иқтисодиётни ва уни ташкил этиш б-н шуғулланади. Оиинг муҳим талқиқот усуллари — ҳайвонларни мунтазам кузатиш, табиатда тажрибалар ўтказиш, ҳайвон қушларни яшаш жойида тамғалаш, морфофизиологик индикаторлар ёрдамида ҳайвонлар популяцияси таркибини таҳлил қилиш. О. биология, экология, биоценология., ботаника, биогеография, иқтисодиёт фанлари б-н узвий алоқада ривожланади. Ўзбекистонда О. ка оид ишлар овчилик хўжаликлари, Ўзбекистон ФА ин-тлари давлат қўриқхоналари ва б.да олиб борилади.

Европа ва Шим. Америка мамлакатларида О. ривожланган. Овшуносликнинг энг йирик халқаро форуми 1953 й.да ташкил топган Халқаро биологовшувослар конгресси ҳар 2 йилда бир марта йиғилади.

Ад.: Русанов Я.. Основы охотоведения, М., 1986.

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ — одам ва ҳайвонлар организмида овқатнинг механик ва кимёвий қайта ишланиш жараёни, бунда озиқ моддалар сўрилиб ҳазм бўлади, парчаланиш маҳсулотлари ва ҳазм бўлмай қолган моддалар эса организмдан чиқарилади. О.ҳ.қ. натижасида мураккаб кимёвий моддалар организм осон ўзлаштира оладиган оддий моддаларга айланади. О.ҳ.қ.нинг ҳужайра ичида ва ҳужайралар ташқарисида содир бўладиган хиллари бор. Ҳужайра ичида О.ҳ.қ. (И.И.*Мечников* кашф этган) бир ҳужайралилар, айрим тубан кўп ҳужайралилар (*говактанлилар*), юксак кўп ҳужайралиларнинг айрим ҳужайралари (*лейкоцитлар*, мононуклеар фагоцитлар ва б.) учун хос. Бу жараёнда ҳужайра озиқ моддаларни фаол ютиб, цитоплазма ферментлар ёрдамида О.ҳ.қ. вакуолалари ичида парчалайди.

Ҳужайралар ташқарисида О.ҳ.қ. одам ва кўпчилик ҳайвонлар учун хос бўлиб, асосан, О.ҳ.қ. системаси бўшлиғида содир бўлади (қ. *Овқат ҳазм қилиш системаси*). Ҳужайра ташқарисида О.ҳ.қ. мембранада, яъни ичак деворида ва ичак бўшлиғида рўй беради, Мембранада О.ҳ.қ. одамлар, барча умуртқалилар ва кўпчилик умуртқасизлар учун хос бўлиб, ичак ворсинкалари ҳужайралари мембранасида жойлашган ферментлар ёрдамида амалга оширилади (қ. *Биологик мембраналар*).

Ҳужайралар ташқари (бўшлиқларда), ҳужайра ичида ва ҳужайра мембранасида (ҳужайра ташқариси б-н ҳужайра ичи ўртасидаги чегарада) О.ҳ.қ. фарқ қилинади. Аксарият ҳайвонларда 2 хил (ҳужайра ичида ва ҳужайра ташқарисида) О.ҳ.қ. бир-бирини тўлдиради. Кўпчилик умуртқали ҳайвонлар ва одамда О.ҳ.қ. оғиз бўшлиғидан бошланади. Бу ерда овқат чайналиб майдаланади, сўлак б-н аралаштирилади ва ҳўлланиб, озиқ лукмаси ҳосил бўлади. Асосий О.ҳ.қ. суюқликлар (сўлак, меъда, меъда ости бези ва ичак шираси, сафро) ферментлари таъсирида овқат кимёвий ишланади. Айрим ҳайвонларда сўлак таркибидаги ферментлар (одамда амилаза) таъсирида овқат тар-

кибидаги углеводлар парчаланади. Овқат ютилиб, томоқ ва қизилўнгач орқали меъдага тушади. Меъдада овқатнинг майдаланиши ва углеводларнинг парчаланиши давом этади; протеолитик ферментлар таъсирида оқсилларнинг парчаланиши бошланади. Айрим ҳайвонлар ва қушларда озиқ меъда (ошқозон)га тушишдан олдин жиғилдонда йиғилади. Яхши эзилган ва қисман ҳазм бўлган озиқ ошқозонлан оз-оздан *ингичка ичакка* ўтади. Ингичка ичакдаги О.ҳ.қ. жараёнида озиқ моддалар ошқозон ости бези ва ичак шираси ҳамда ўт суюқлиги иштирокида ҳужайралардан ташқарида, яъни ворсинкалар мембранасида парчаланиб, ҳазм қилиш ва сўрилиш тугалланади. *Йўғон ичакда* ингичка ичак ферментлари, йўғон ичакнинг ўзи ва бактериялар ишлаб чиқадиган ферментлар таъсирида углеводлар бижғийди, оқсиллар чирийди; сув ва унда эриган моддалар қонга шимилиб, ахлат массаси шаклланади. Йўғон ичакла ахлатнинг тўпланиши *дефекация*га олиб келади.

О.ҳ.қ. *нейро-гуморал регуляция* орқали амалга ошади. О.ҳ.қ.га овқат ейиладиган шароит, овқатнинг кўриниши, миқдори, таркиби ва б. омиллар таъсир қилади. О.ҳ.қ. физиологиясини ишлаб чиқишда рус олими И.П. *Павлов* ва унинг шогирдлари катта ҳисса қўшган. *Ўрганилганлар* ва *кашф қайтарувчиларда* О.ҳ.қ. ўзига хос хусусиятга эга.

ОВҚАТ ҲАЗМ ҚИЛИШ СИСТЕМАСИ — одам ва ҳайвонлар организмида озиқ моддаларнинг қайта ишланиши ва ҳазм бўлишини таъминлайдиган органлар мажмуи. Кўпчилик бир ҳужайралилар (мас., амёба)да О.ҳ.қ.с. функциясини овқат ҳазм қилиш вакуоллари бажаради. Бундан ташқари, айрим бир ҳужайралилар (мас., туфелька)да озиқ киradиган (оғиз, ҳалқум) ва озиқ қолдиқлари чиқадиган махсус тешиклар ҳам бўлади. Тубан кўп ҳужайралилар (мас., *говактанлилар, бўшлиқичлилар*, ичаксиз турбелляриялар)да озиқ махсус ҳужайралар ичида ҳазм бўлади. Умуртқасиз ҳайвонлар О.ҳ.қ.с. жуда хилма-хил. Энг оддий тузилган ҳайвонлар (бўшлиқичлилар, тароқлилар) О.ҳ.қ.с. оғиз тешиги б-н бошланадиган ва шу тешик б-н тамом бўладиган гастрал бўшлиқдан иборат. Кўпчилик ҳайвонлар (*немертиналар, тўғарак чувалчанглар, моллюскалар, ҳалқали чувалчанглар, бўғимоёқлилар*)да О.ҳ.қ.с. олдинги, ўрта ва орқа бўлимлардан ташкил топган бўлиб, оғиз ва анал тешик орқали ташқи муҳит б-н боғланган. Одам ва умуртқали ҳайвонлар О.ҳ.қ.с.нинг тузилиши озиқланиш хусусияти ва шароитига боғлиқ. О.ҳ.қ.с. найининг олдинги қисми ихтисослашиб, *оғиз бўшлиғи, ҳалқум* ва *қизилўнгачни* ҳосил қилади. Оғиз бўшлиғида жағлар, тишлар, шилимшиқ ва сўлак безлари, тил ва б. жойлашади. О.ҳ.қ.с.нинг ўрта қисми ҳисобидан *ошқозон, ингичка ичак, жигар, ошқозон ости бези* вужудга келади. Овқат ҳазм қилиш найининг кейинги қисми йўғон ичак, тўғри ичак ва анал тешикдан иборат. Қизилўнгач, ошқозон, ингичка ичак ва йўғон ичак биргаликда овқат ҳазм қилиш найини ҳосил қилади; унинг девори шилимшиқ, сероз ва мускул қаватларидан ташкил топган. Эволюция жараёнида ҳайвонлар танасининг йириклашуви туфайли б-н овқат ҳазм қилиш найи шилимшиқ қавати юзаси ҳар хил йўл б-н (ичакнинг узайиб сиртмоқ ҳосил қилиши, бурмалар пайдо бўлиши, шилимшиқ қават ворсинкаларининг ривожланиши, эпителийнинг ичак деворига ёки ичак бўшлиғига ботиб кириши ор-қали) кенгайиб борган. Ана шу тариқа жуда кўп сонли майда (ичак девори) ёки йирик (жигар, ошқозон ости) безлар ҳосил бўлган. Овқат ҳазм қилиш найи шилимшиқ қавати остида ҳимоя функциясини бажарадиган лимфоид фолликулалар жойлашган. О.ҳ.қ.с. қон ва лимфа томирлари б-н таъминланган. О.ҳ.қ.с.нинг функционал фаолияти мураккаб нейрогуморал ва гормонал механизмлар орқали бошқарилади. Бу жараёнда О.ҳ.қ.с.нинг ўз гормонлари асосий аҳамиятга эга (яна қ. *Нейро-гуморал регуляция, Гормонал регуляция*).

ОВҚАТДАН БЎЛАДИГАН ТОКСИКОИНФЕКЦИЯЛАР ВА ИНТОКСИКАЦИЯЛАР — патоген микроорганизмлар ёки уларнинг токсинлари тушган озиқ-овқатларни истеъмол қилганда юзага келадиган ўткир касалликлар гуруҳи. Истеъмол маҳсулотларига турли кимёвий моддалар, қ.х.ла ишлатиладиган ҳар хил ўғитлар, дефолиантлар тушган овқат, сув, ҳўл мева, сабзавотлар, кўзиқориннинг айрим заҳарли турлари билмай еийлганда рўй берадиган *овқатдан заҳарланиш* бундан мустасно.

Кўп ҳолларда О.б.т. ва и. зарарланган гўшт, балиқ, тухум, сут маҳсулотлари, сабзавотлардан тайёрланадиган салатларни еганда рўй беради. Етарли даражада стерилланмасдан тайёрланган консервалар ҳам О.б.т. ва и.га сабаб бўлади.

Озиқ-овқатларга патоген микроорганизмлар турли йўллар б-н тушиши мумкин. Инфекция б-н зарарланган маҳсулотлардан овқат тайёрлаш, ишлатовоқларни яхшилаб ювмаслик, салат тайёрлаётганда гигиена қоидаларига риоя қилмаслик, озиқ-овқатлар ёки уларнинг хом ашёларини нотўғри сақлаш О.б.т. ва и. юзага келишига имкон беради. Инфекциянинг асосий манбаи касал ёки патоген микроб ташувчи одам, ҳайвон ва қушлар, шунингдек, инфекциянинг механик ташувчилари (пашша, суварак, кемирувчилар ва б.) ҳисобланади.

О.б.т. ва и.ни қуйнича сальмонелла, шигелла, ичак таёқчаси, стафилококк, протея, клостридия, хеликобактериялар ва ҳ.к., қўзғатади. Мас., сутга ҳайвонлардан, асосан, сил микобактериялари, сальмонеллалар, бруцеллалар, патоген стафилококк ва стрептококклар тушади. Сутни ташиш, қуйиш, қайта ишлаш, маҳсулот тайёрлаш даврида хизматчилар орасидаги касал ёки микроб ташувчилардан ҳам патоген бактериялар тушиши мумкин. Гўштнинг патоген ва шартли-патоген микроблар б-н ифлосланиши ҳайвон ва қушларнинг касалланиши ҳисобига, улар сўйилганда, терисини шилинганда, гўшт маҳсулотларини ташиш ва сақлаш жараёнларида юзага келиши мумкин. Балиқ таркибида қорин тифи сальмонеллалари, ичбуруғ шигеллалари, ботулизм қўзғатувчиларига ва вабо вибрионлари узоқ вақт сақланиб қолади. Мева ва полиз маҳсулотларида, асосан, тупроқнинг патоген микрофлораси (шигелла, сальмонелла, вабо вибриони, ичак таёқчаси, ботулизм қўзғатувчиси, замбуруғлар ва б.)ни учратиш мумкин. Қўпинча гўшт, балиқ, мева ва полиз маҳсулотлари консерваларида ботулизм қўзғатувчиси сақланиб қолади, чунки бу анаэроб микроорганизм бўлганлиги учун консерва ичида уларга оптимал шароит вужудга келади. Тухум таркибида қўпинча сальмонеллалар, замбуруғлар, актиномицетлар, стафилококклар учрайди. Нон маҳсулотларида, асосан, патоген замбуруғлар ва бактерияларни топиш мумкин.

Масалликлар ва овқатлар (мас., нон, сомса, қийма ва б.) иссиқ жойда рин, сомса, қийма ва б.) иссиқ жойда сақланганда, уларда микроблар тез кўпаяди. Мас., янги тайёрланган қийма га бир неча бактерия тушган бўлса, бир кунда улар сони бир неча мингга етади. Шунинг учун, қийма ва б. шунга ўхшаш тез бузиладиган масалликларни фақат совуқ жойда (музлаткичларда) да, қишда иситилмайдиган хоналарда) қисқа вақт сақлаш мумкин. Ўта юқори ҳароратда микроорганизмлар нобуд бўлади, шунинг учун овқат пиширганда қовуриш ёки қайнатиш муддатини камайтирмаслик лозим. О.б.т. ва и.нинг яна бир хили консерваларда учрайдиган ботулизм қўзғатувчиси бўлиб, заҳарланган консервалар истеъмол қилинганда рўй беради. Бу бактериялар қатъий анаэроблар бўлгани учун консерва ичида тез кўпаяди ва ута заҳарли 2 хил экзотоксин (нейротоксин ва гемолизин) ишлаб чиқаради. Бу токсинлар марказий нерв системаси, мускуллар ва юрак-томир фаолиятига таъсир этади.

О.б.т. ва и. ўткир гастроэнтерит тарзида кечади. Токсикоинфекцияларнинг юзага келиши ва ривожланиши меъда-ичак системасига овқат б-н тушган патоген микроорганизмлар миқдори, тури ва организмнинг реактивлигига боғлиқ. Организмнинг заҳарланиш алюматлари организмга микроб тушганидан сўнг бир неча соат ўтгач бошланади: бемор ўзини нохуш ҳис қилади, кўнгли айниб, қусади, ичи кетади, қорни оғрийди, қўпинча ҳарорати 38—39° га кўтарилади. Бу белгилар бошланганда тўлиқ б-н врачга мурожаат қилиш лозим.

О.б.т. ва и.нинг олдини олиш учун овқат тайёрлаш ва сақлашда санитария-гигиена қоидаларига қатъий амал қилиш, ошхона ва идиш-товоқларни доимо тоза тутиш, механик ташувчиларга қарши курашиш лозим.

Ветеринария ва санитария-эпидемиология назорати ходимлари ҳайвонларнинг соғлигини, гўшт ва балиқ, полиз маҳсулотларини лаб. текширувдан ўтказилишини доимо назорат қилишлари шарт. Гўшт ва балиқ комбинати, ошхона хизматчилари ва тиббиёт ходимлари бактерия ташувчиларини аниқлаш ва уларни даволаш учун мунтазам тиббий кўрикдан ўтиб туришлари керак. Аҳоли ўртасида санитария маорифи ишлари олиб бориш О.б.т. ва и.нинг олдини олишда муҳим тадбир ҳисобланади.

Муҳсин Зокиров.

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ — микроблар б-н зарарланган озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилинганда вужудга келадиган касаллик. Аксарият бирдан кўпчилик касалланади, лекин беморлардан соғлом одамга юқмайди. Кўпинча стафилококклар, энтерококклар, айрим ичак таёқчалари, протей, цитробактер, перфиния, клостридия ва б. микроблар сабаб бўлиши мумкин. Қуйидаги 2 ҳолат О.з. учун умумий ҳисобланади: 1) микроб тушиб кўпайган овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш оқибати; 2) бемор организмига микробнинг ўзи ва унинг токсини таъсири. О.з. ёз ойларида кўп учрайди. Катталарга нисбатан болалар, айниқса, 3 ойликдан 2 ёшгача бўлган болалар кўпроқ касалланади. Одам кўпроқ уриниб қолган гўшт ва унинг маҳсулотлари, сут маҳсулотлари (айниқса, торт ва пирожное), балиқ, товуқ гўштини истеъмол қилганда заҳарланиши мумкин. Стафилококклар сабаб бўлган ҳолларда инфекция манбаи одам ҳисобланади. Ангина ёки турли йирингли касалликлар: сачратқи, чипқон, ҳамод ва б. йирингли яралар бўлган кишилардан микроб тайёр маҳсулотга ўтиб, тез кўпаяди. Уни билмай истеъмол қилган киши дарҳол заҳарланади. Касалликнинг яширин даври 2—3 соатдан 3 кунгача. Касаллик тўсатдан кўнгил айниши ва қусиш б-н бошланади, ич кетади, қоринда туташ оғриқ пайди. Қисқа вақт ичида бемор организми сувсизланади, у ҳолсизланиб қолади. Юрак-томир системаси фаолияти бузилади. Айниқса, клостридиялар сабабли рўй берадиган заҳарланиш оғир кечади. Касалликка ташхис қўйиш учун беморнинг қусуқ массаси, меъдани чайилган суви стерилланган банкага йиғилиб лаб.га юборилади. Заҳарланишнига сабабчи деб гумон қилинган овқат маҳсулотлари ҳам лабда текширилади. Нажасдан Мюллер муҳити ва тузли эритмага экма олинади. Текширишга етарли қилиб тайёрланиши лозим. Овқатга ишлатиладиган идишлар аввал ювилиб, сўнгра қайнатилиши, устига тоза дока ёпиб қўйилиши лозим. Рўзғорда ишлатиладиган тез буziладиган маҳсулотлар совиткичда сақланиши шарт. Ошпазлар санэпидстанция ходимлари томонидан белгиланган муддатларда тиббий кўрик ва лаб. текширувдан ўтиб туришлари керак.

Шоназар Шоназаров.

ОВҚАТЛАНИШ — организмнинг ҳаёт фаолиятини таъминлаш, саломатлик ва иш қобилиятини сақлаб туриш учун зарур озиқ моддаларни ўзлаштириш жараёни. Киши режим б-н тўғри овқатланса, касалликларга камроқ чалиниб, уларни осон енгади. Тўғри О. барвақт қариб қолишнинг олдини олишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Меъда-ичак, юрак-томир касалликлари ва б. касалликларда алоҳида тузиладиган рацион ҳамда О. режими даво шартларидан ҳисобланади (қ. *Парҳез билан даволаш*).

Овқат организмнинг уйғун равишда ривожланиши ҳамда бир меъёрда ишлаб туришини таъминлай оладиган бўлиши керак, бунинг учун овқат рационининг миқдори ва сифати, кишининг касб-кори, ёши, жинсига тегишли эҳтиёжларга монанд келиши лозим. Организмнинг физиологик эҳтиёжлари турли шарт-шароитларга боғлиқ. Буларнинг кўпчилиги доимо ўзгариб туради. Шу сабабли ҳаётнинг ҳар бир фурсати учун аниқ тўғри келадиган овқат бўлиши амалда мумкин эмас. Бироқ одамда махсус регулятор (бошқарув) механизмлар бўлиб, улар мазкур пайтда ўзига керакли миқдордаги зарур озиқ моддаларни ейилган овқатдан ажратиб олади ва ўзлаштиради. Лекин организмдаги мослаштирувчи регулятор қобилиятларнинг ҳам маълум чегараси бор; болалар ва кексаларда улар анча чекланган. Бундан ташқари, бир қанча озиқ моддалар, мас., витаминлар, алмаштириб бўлмайдиган аминокислоталарни (қ. *Оқсиллар*) одам организми моддалар алмашинуви жараёнида ҳосил қила (синтезлай) олмайди. Бу моддалар организмга овқат б-н тайёр ҳолда кириб туриши керак, акс ҳолда сифатсиз О. натижасида касалликлар пайдо бўлади.

О. жараёнида организм ҳаёт фаолияти учун муҳим озиқ моддалар (оқсил, ёғ, углевод, витаминлар, минерал тузлар)ни олиб туради. Булар эса ўзлаштирилиши жараёнида организмнинг энергияга бўлган эҳтиёжини қондириб боради. Бирор хил озиқ-овқат маҳсулоти организмда ўзлаштирилганида ажралиб чиқадиган энергия миқдори шу маҳсулотнинг калориясидир. Турли озиқ моддалар ва энергияга бўлган эҳтиёж одамнинг ёши, жинси ҳамда меҳнат тарзига қараб ҳар хил бўлади. Меҳнат фаолияти характерини ҳисобга олган ҳолда овқат рационини тўғри тузиш учун *овқатланиш гигиенаси* со-

ҳасидаги мутахассис олимлар катта ёшдаги кишиларнинг ҳаммасини 4 гуруҳга бўлишади. Биринчи гуруҳга жисмоний куч сарф қилмайдиган ёки кам жисмоний куч сарфлаб ишлайдиган кишилар: ақлий меҳнат ходимлари, ишда асабига зўр келадиган ходимлар; бошқариш пультларининг ходимлари: диспетчерлар, барча хизматчилар киради. Иккинчи гуруҳга механизациялаштирилган корхона ходимлари ва жисмоний зўриқмасдан ишловчи ходимлар: ҳамшираллар, санитаркалар, сотувчи, алоқачи, тикувчи, автоматлаштирилган жараёнларда банд ишчилар ва б. киради. Учинчи гуруҳга меҳнат шароитлари қисман механизациялаштирилган корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳасида анча жисмоний куч сарфлаб ишлайдиган ходимлар, станокчи, тўқувчи, пойабзалчи, метро поезди, автобус, трамвай, троллейбусларнинг ҳайдовчилари, умумий овқатланиш корхоналари ходимлари (маъмурий бошқарма аппаратидан ташқари) ва б. киради. Тўртинчи гуруҳга ярим механизациялаштирилган ёки механизациялаштирилмаган корхоналарда ўртача оғир ва оғир меҳнат қиладиган ходимлар: кон ишчилари, шахтёрлар, юк автомобиллари ҳайдовчилари, металлурглар, темирчилар, қ.х. ходимлари ва механизаторлар, ёғоч тайёрлашда банд бўлган ишчилар ва б. киради. Овқат рационини тўғри тузиш учун, албатта, озиқ-овқат маҳсулотларининг кимёвий таркибини билиш лозим.

Оқсиллар овқатнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Овқатда оқсиллар етишмаса, организм юқумли касалликларга кўпроқ мойил бўлиб қолади, қон яратилиши сусаяди, ўсиб келаётган организмнинг ривожланиши секинлашади, нерв системаси, жигар ва б. аъзолар фаолияти бузилади, оғир касалликлардан кейин ҳужайраларнинг тикланиши қийинлашади, шунингдек, рационда оқсилларнинг ортиқча бўлиши ҳам организмга зиён. Овқатланишнинг Ўзбекистонда қабул қилинган физиологик меъёрларида рациондаги умумий калорияларнинг 14% часи оқсиллар ҳисобига қопланадиган бўлиши тавсия этилган.

Ўсимлик маҳсулотлари — дон, дуккаклилар, картошка ва б. организмни оқсиллар б-н таъминлаб турадиган қимматли ва муҳим манбадир.

Гўшт ва балиқда бўладиган азотли экстрактив моддалар овқатланишда жуда муҳим аҳамиятга эга. Гўшт ва балиқ шўрваларида экстрактив моддалар мавжудлиги кўпроқ ҳазм ширалари ишлаб чиқиши ва овқатнинг яхши ҳазм бўлишига ёрдам беради.

Углеводлар. Нормал ҳаёт фаолияти учун зарур энергиянинг ярмидан кўпроғини одам организми углеводлардан олади. Улар, асосан, ўсимликлардан олинадиган маҳсулотларда бўлади. Углеводлар нон, ёрмалар, картошкада крахмал ва қанд ҳолида, қандолат маҳсулотлари, шарбати мевалардан эса қанд ҳолида кўп учрайди. Нерв системаси, мускуллар, юрак, жигар ва б. аъзолар фаолиятида углеводлар муҳим роль ўйнайди.

Ёрмалар, макарон ёки луккакли-лардан тайёрланган, картошка ёки сабзавотлардан пиширилган таом ва гарнирдан кунига икки маҳал еб туриш, 400—500 г нон ва 90—100 г атрофида қанд ҳамда ширинликлар истеъмол қилиш катта ёшли одамнинг углеводларга бўлган суткалик эҳтиёжини бемалол қондиради.

Ўсимлик маҳсулотларида организмни энергия б-н таъминлаб турадиган углеводлар б-н бирга озиқ ҳисобланмайдиган углевод — клетчаткалар ҳам бўлади. Клетчатка таҳм. 25% миқдорида ўзлаштирилиб, овқат рационида энергия манбаи сифатида амалий аҳамияти йўқ. Бироқ у ичакнинг нормал ишлашига ёрдам беради: ичак деворларига таъсир этиб, уларни ҳаракатга келтиради — ичак перистальтикасини қўзғатади. Клетчаткаси йўқ овқат еганда перистальтика сусайиб ич қотиши мумкин.

Киши ҳар куни сариқ магиз бутдой нон, жавдар нон, сабзавотлардан тановул қилиб туриши керак. Ҳўлларича ва хомлигича ейиладиган сабзавот ва мевалар жуда фойдали, шунингдек, уларда пектин моддалар ҳам бор. Бу моддалар углеводлар тоифасидан бўлиб, озиқли қимматга эга. Уларнинг овқат ҳазм бўлишидаги асосий аҳамияти перистальтикани кучайтириб, ичакнинг яхшироқ бўшалиб туришига ёрдам беришидир.

Ёғлар организмни энергия б-н таъминлаб турадиган тайёр ёнилғи материалидир; улар организм томонидан оқсиллар, баъзи минерал тузлар, шунингдек, ёғда эрийдиган витаминларнинг нормал ўзлаштирилиб бориши учун ҳам зарур. Овқат рационида ёғлар бўлиши таомнинг мазасини яхшилайди ва иштаҳани очади.

Овқат б-н бирга қабул қилинадиган ёғлар организмда қисман ёғ захираси ҳосил қилишга сарфланади. Ёғларга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши ёғнинг тури ва сифатига боғлиқ. Ҳайвон ва ўсимлик ёғлари бир-бирининг ўрнини боса олади. Овқат рационидаги ёғлар меъёри одамларнинг ёши, меҳнат фаолияти ва иқлимий хусусиятларга қараб белгиланади. Ўзбекистон аҳолиси учун тавсия этилган овқат меъёрларида калорияларнинг 30% ини ёғлар ҳисобига қондириш кўзда тутилган. Суткалик овқат рационидаги ёғларни нормаланда ҳар 1000 ккал га 35 г ёғ мўлжалланади.

Овқат рационига киритилган ёғларнинг сифат таркиби маълум аҳамиятга эга. Овқатда ҳар хил ҳайвон, парранда ва балиқлар ёғи, шунингдек, ўсимлик мойи қўшиш фойдали. Кундик рационда 70—85 г ча ҳайвонлар ёғи (шулардан, 40 грамми табиий ҳолда, қолгани ҳар хил озиқ-овқат, табиий маҳсулотлар таркибида) бўлиши лозим. Овқат рациони таркибига баъзи ёғсимон моддалар — холестерин ва лецитин ҳам киради.

Ҳайвонлар ёғи, тухум сариғи, балиқ тухуми (увилдириқ), мия, жигар, буйракларда кўп миқдорда бўладиган холестерин организмнинг ҳаёт фаолиятида, хусусан, нерв системаси фаолиятида катта роль ўйнайди. Лецитин таркибида фосфор ва холин борлиги туфайли бу модда холестеринининг биологик антагонисти ҳисобланади. Лецитин ўсиб келаётган организмнинг ривожланиши, қон яратилишини стимуллайди, нерв системаси, жигар фаолиятига фойдали таъсир кўрсатади, организмнинг заҳарли моддаларга кўрсатадиган қаршилигини кучайтириб, ёғларнинг сингишини яхшилайди, атеросклерознинг пайдо бўлишига тўсқинлик қилади. Гречиха ёрмаси, салат, бутдой кепаги таркибида талайгина лецитин бор. Қон ва тўқималарда нормал миқдорда суюқлик сақлаб туриш учун ош тузи бўлиши шарт, у сийдик ажралиб чиқишига, нерв системаси фаолиятига, қон айланишига таъсир қилади, меъда безларида хлорид кислота ҳосил бўлишида иштирок этади.

Минерал тузлар организмдаги барча тўқималар таркибига киради ва организмнинг ҳаёт фаолияти жараёнларда тўхтовсиз сарфланиб боради. Одам хилма-хил овқатлар истеъмол қилса, организмнинг минерал тузларга бўлган эҳтиёжи тўла-тўкис қондириб борилади. Бундай тузлар орасида ош тузи муҳим ўрин тутади. Қон ва тўқималарда нормал миқдорда суюқлик сақлаб туриш учун ош тузи бўлиши шарт, у сийдик ажралиб чиқишига, нерв системаси фаолиятига, қон айланишига таъсир қилади, меъда безларида хлорид кислота ҳосил бўлишида иштирок этади.

Суяк скелети одам гавдаси оғирлигининг тахминан 1/2—1/3 қисмини ташкил этади, суякларнинг 2/3 қисми эса минерал тузлардан ташкил топган. Одам организмида бўладиган жами кальцийнинг 99% суяк тўқимаси таркибига киради: қолган 1% кальций моддалар алмашинувига тааллуқли хилма-хил жараёнларда иштирок этади. Калийли тузлари деярли барча озиқ-овқат маҳсулотларида бор, лекин одам организми уларни ҳамма маҳсулотлардан ҳам ўзлаштириб олавермайди. Организми зарур миқдорда калийли тузлари б-н таъминлаб туриш учун овқат рационига таркибида организмга яхши сингадиган калийли кўп маҳсулотлар: сут ва сут маҳсулотлари, пишлоқ, тухум сариғи ва б.ни қўшиш керак.

Фосфор сувяк тўқимасининг ҳосил бўлишида иштирок этиш б-н бирга, бутун организмнинг ҳаёт фаолиятида ҳам муҳим ўрин тутади. Нерв тўқимаси таркибига кўпгина миқдорда фосфор киради, шунинг учун у нерв системасининг нормал ишлаб туришида катта аҳамиятга эга. Деярли барча озиқ-овқат маҳсулотларида фосфор тузлари бор, ёнғоқ, нон, ёрмалар, гўшт, мия, жигар, балиқ, тухум, пишлоқ, сутда фосфор кўп.

Магний тузлари юрак-томир системасининг нормал ишлаб туришини таъминлайди. Бу тузлар кекса кишиларга айниқса зарур, чунки организмдан ортиқча миқдор холестеринни чиқариб ташлашга ёрдам беради. Магний тузлари кепакда, жайдар ундан ёпилган нонда, гречиха, арпа ёрмаларида, денгиз балиғида кўп.

Калий тузлари юрак-томир системасининг нормал ишлаб туришини таъминлашда айниқса муҳим, чунки у сийдик ажралишини кучайтиради. Юрак касалликлари, гипертония касаллиги б-н оғриган кишиларга қовоқ, тарвуз, олма, баргак, майиз еб туриш тавсия этилади, чунки улар таркибида талайгина калий тузлари бор.

Организмнинг темир ва мисга бўлган эҳтиёжи жуда кам, суткасига грамминг миқдан бир улушига тўғри келади, лекин бу элементлар қон яратилишида муҳим роль ўйнайди; йодга бўлган эҳтиёж ҳам ниҳоятда кам, лекин озиқ-овқат маҳсулотларида йод бўлмаса, қалқонсимон без фаолияти бузилиб, эндемик буқоқ касаллиги вужудга келади. Микроэлементларга кирадиган кобальт тузларининг қон яратилишида роли катта; кобальт витамин B_{12} таркибига киради. Нўхат, лавлаги, қизил смородина, қулупнайда кобальт тузлари кўп бўлади.

Сув озиқ моддаларнинг организмда сарфланишида энергия ҳосил қилмаса ҳам, лекин сувсиз ҳаёт йўқ. Овқат рационида зарур миқдорда суюқлик бўлса, овқатнинг ҳажми (оғирлиги) кераксиз даражага етади ва тўйганлик ҳисси вужудга келади. Сувга бўлган суткалик эҳтиёж гавда оғирлигининг ҳар 1 кг вазнига 35—40 мл ни, яъни тахминан 2,5 л ни ташкил этади. Шу миқдорнинг талайгина қисми (1 л га яқини) озиқ-овқат маҳсулотларида бўлади. Кишининг сувга бўлган эҳтиёжи иқлим шароитларига ва жисмоний ишнинг оғир-енгиллигига боғлиқ.

Витаминлар рационнинг жуда муҳим ва ўрнини босиб бўлмайдиган таркибий қисмидир. Улар организмнинг нормал ҳаёт фаолиятини таъминлаб туради, бошқа озиқ моддаларнинг ўзлаштирилиши жараёнида иштирок этади; организмнинг ташқи муҳитдаги турли зарарли таъсиротларга кўрсатадиган қаршилигини кучайтиради, одамнинг меҳнат қобилиятини оширади (қ. *Витаминлар*).

Рационда таркиби хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотларининг бўлиши ва овқатнинг тўғри пиширилиши витаминларни сақлаб қолишга имкон беради. Оғир жисмоний меҳнатда, ҳомиладорлик даврида, шим. р-ларда яшаладорлик даврида, шим. р-ларда яшаганда витаминларга талаб кучаяди. Бундай витамин препаратлари истеъмол қилиб туриш зарур.

Овқатнинг ҳазм бўлиши маҳсулотлар тури ва овқатнинг нечоғли хилма-хил бўлишига боғлиқ. Ҳайвон маҳсулотлари яхши ҳазм бўлади, бунда оқсилларнинг ўзлаштирилиши алоҳида аҳамиятга эга. Нон, ёрмалар, сабзавот ва мевалар оқсилларига қараганда гўшт, балиқ, тухум ва сут маҳсулотларининг оқсиллари яхши ўзлаштирилади. Тўғри овқатланишнинг энг муҳим омили овқатнинг хилма-хил бўлишидир. Бир хил овқат кўнгилга уриб, яхши сингмайди. Овқат гўшт, нон ва ёрмалардан иборат бўлса, таркибидаги оқсилларнинг ўртача 75% ўзлаштирилади, агар овқатга сабзавотлар қўшилса, оқсилларнинг ўзлаштирилиши 85—90% га етади. Масалликлар тўғри пиширилиб майдаланганда озиқ моддалар яхши ҳазм бўлади.

Овқатланиш режими кунига неча маҳал ва қанча вақт оралатиб овқатланиш, суткалик рацион калорияларининг овқатланиш маҳалларига тақсимланишидан иборат. Кунига 4 маҳал овқатланиш мақсадга мувофиқ, чунки бунда ҳазм йўли бир маромда ишлайди ва ҳазм шираларининг кучи расо бўлиб, овқат батамом қайта ишланади. Доим бир вақтда овқатланганда меъда шираси бирмунча актив ажралади. Овқатнинг нормал ҳазм бўлишида унинг иссиқ-совуқлиги ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кечки овқат. 60 ва ундан катта ёшдаги кишиларда моддалар алмашинуви жараёни бирмунча сусаяди. Уларда ўрта ёшдаги кишиларга қараганда овқат калориялари ва қабул қилинадиган оқсиллар, ёғлар ҳамда углеводларга бўлган эҳтиёжнинг ўзгариб қолиши ҳам ана шундан.

Киши қариганда серғўшт шўрвалар, қайдаларни (овқат ҳазм қилиш, юрак-томир, сийдик ажратиш системалари иши учун қулай шароит яратиш ҳамда сув-туз алмашинувини нормаллаштириш мақсадида), таркибида холестерин кўп масаллиқлар (тухум сариғи, мия, жигар ва б.) ҳамда қийин эрийдиган ёғлар (қўй ёғи ва б.)ни кам истеъмол қилиши ёки овқатга ишлатмаслиги керак. Зарур миқдордаги ҳайвон оқсиллари ва ёғларни кўпроқ сут маҳсулотлари ҳисобига олиб туриш мумкин. Сабзавот ва меваларни хомлигича еб туриш фойдали. Ош тузи миқдорини ҳам чеклаш зарур. Қариганда овқатланиш режимини кескин ўзгартирмай, ўз вақтида овқат еб туриш муҳим. Овқатни пиширишга ҳам эътибор бериш лозим. Қовурилган, дудланган, тузланган ва сиркаланган таомларни кам истеъмол қилиш тавсия этилади.

Ҳомиладор аёл ва эмизикли она овқати. Ҳомиладорлик оқсиллар, қисман ёғлар, кальций, фосфорга бўлган эҳтиёж ортади. Ҳомиладор аёл бажараётган ишининг характерига ва вазнига қараб суткасига 100—120 г, асосан, осон сингадиган ва тўла қимматли оқсил қабул қилиши, шунинг, таҳм. 65 г ҳайвон оқсили бўлиши, сут, творог, пишлоқ, балиқ, гўшт (гўштнинг ёғсиз хилини қайнатиб пиширилган ҳолда) истеъмол қилиш лозим. Ҳар куни сут ичиб туриш ҳомиладор аёл организмини зарур миқдордаги оқсил, кальций ва фосфор б-н таъминлаб боради. Ҳомиладор аёл овқати витаминларга ҳам бой бўлиши керак. Улар организми кўпроқ темир моддасига муҳтож бўлади. Жигар, тухум сариғи, ошкўклар, мевалар темирга айниқса бой. Ҳомиладорлик даврида ош тузини ортиқча истеъмол қилмаслик, семиришга мойил аёллар эса ёғ, углеводларни камроқ истеъмол қилиши зарур.

Эмизикли она ҳомиладорлик давридагига қараганда бирмунча кўпроқ овқат ейиши, ичиладиган сут миқдорини ошириш, тухум, сариёғ, пишлоқ, сабзавот, мевалари кўпроқ еб туриши лозим.

Шифобахш-профилактик овқатлар. Кўпгина корхона ва муассасаларда шифобахш-профилактик овқатлар бериш жорий этилган. Овқатланишнинг бу усули организмни мустаҳкамлайди, ташқи муҳитнинг ноҳуш омилларига бўлган қаршилигини оширади, моддалар алмашинуви нормаллашади, системалар функцияси яхши-

ланади; и.ч.даги зарарли чиқиндиларнинг меъда-ичакларда сўрилиши камаяди, уларнинг организмдан чиқиб кетиши кучаяди в ҳ.к. Ана шу мақсадларни кўзда тутиб махсус рацион тузилган. Шифобахш-профилактик овқатлар и.ч. корхоналарининг ошхоналарида ёки маъмурият б-н келишиб, махсус парҳез таомлар ошхоналарида тайёрланади.

Шаҳобиддин Баҳриддинов.

ОВҚАТЛАНИШ ГИГИЕНАСИ — *гигиена*нинг бир тармоғи, соғлом одамнинг тўғри ва бекаму кўст овқатланиш муаммоларини ўрганадиган фан. Унинг мустақил бўлими — *диетология* беморлар овқатини ўрганади ва парҳез овқатлар таркибини ишлаб чиқади. *Гудаклик давридаги* овқатланишни ўрганиш ҳам О.г.нинг мустақил бўлимидир. О.г. одамнинг овқатланишини жинс, ёш, касб, меҳнат характери, жисмоний зўриқиш, иқлим шароити, миллий ва б. хусусиятлари, турли ҳудудлардаги аҳоли овқатининг миқдори ва сифат томонларига боғлаб ўрганади ва кишиларнинг меҳнат шароитига қараб озиқ моддаларга эҳтиёжини белгилаб беради.

И.ч. корхоналарининг жамоалари, мактаблардаги, мактабгача тарбия ёшидаги болалар ва б. муассасаларнинг болалар жамоалари учун рационал овқат ишлаб чиқиш, умумий овқатланиш ва овқат саноати корхоналарида озиқ-овқат масаллиқларини зарарли моддалар қўшилишидан сақлашга доир таъсирли санитария назорати усулларини ишлаб чиқиш, *овқатдан бўладиган токсикоинфекциялар ва интоксикацияларнинг* олдини олиш тадбирларини ишлаб чиқиш, овқат саноати, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини лойиҳалаш, қуриш ва ишга туширишни профилактик санитария назоратига олиш, янги саноат товарларининг вақтинча техника шартлари ва давлат андозасига мос ишлаб чиқишда қатнашиш О.г.нинг амалий вазифаларидир.

О.г. ўз тадқиқотларида *кимё, микробиология, физиология, стоматология, иқлимшунослик* ва б. фанларнинг илмий маълумотларига таянади.

ЎзРда О.г. соҳасидаги и.т.ларни республика диетология маркази, ТошТИнинг овқатланиш гигиенаси кафедралари, шунингдек, санитария-гигиена и.т. институти, лаб.лари ва бўлимлари, дон, гўшт ва сут, консерва ва сабзавот қуритиш, кондитер саноати ва б.нинг назорат тармоқлари олиб боради.

ОГАЙО — АҚШдаги дарё, Миссисипи дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 1580 км, ҳавзасининг майд. 528,1 минг км². Аппалачи тоғларидан бошланиб, Аппалачи платоси ва Марказий текисликлардан оқади. Асосий ирмоқлари: Кентукки, Камберленд, Теннеси (чаплан). Ўртача сув сарфи 8000 м³/сек. Қор ва ёмғирдан сув олади. Йилнинг совуқ мавсумида тўлиб оқади, авг.— сент.да саёзланиб қолади. Дарё деярли ҳамма қисмида шлюзланган ва кема қатнайди (Луисвилл ш. яқинидаги серостона қисмида параллел равишда каналлар қурилган). Йирик ГЭСлар бор. О. соҳилида Питсбург, Цинциннати, Луисвилл ш.лари жойлашган.

ОГАЙО — АҚШнинг шим.-шарқий қисмидаги штат. Эри кўли б-н Огайо дарёси оралиғида. Майд. 107,0 минг км². Аҳолиси 11,4 млн киши (2002). 75% дан кўпроги шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Колумбус ш., йирик саноат шаҳарлари: Кливленд ва Цинциннати. Штатнинг шарқида Аппалачи платоси (энг баланд жойи 460 м), ғарбида Марказий текисликлар бор. Январнинг ўртача т-раси 0 дан —3° гача, июлники 23—25°. Йиллик ёғин 800—1000 мм.

О. — АҚШнинг аҳолиси зич ва иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган штатларидан. Тошкўмир (йилига 40 млн. т), туз (5 млн. т), нефть ва табиий газ қазиб олинади. О. чўян ва пўлат эритишда АҚШда Пенсильвания штатидан кейин 2-ўринда, электр энергия ҳосил қилишда эса 1-ўринда. Қ.х. товар маҳсулотининг 60%ни чорвачилик беради. Экин майдони 5 млн. га. Асосан, маккажўхори, соя, буғдой, сули ва ем-хашак экинлари экилади. Мева, узум ва сабзавот етиштирилади. Эри кўли соҳилидаги портлар орқали кўмир жўнатилади, темир руداси келтирилади. О. ҳудудини европаликлардан биринчи бўлиб 17-а.да франциялар эгаллаган. Париж шартномасига биноан, 1763 й.да О. Буюк Британия қўлига ўтди. 1783 й.дан АҚШ таркибида. 1802 й.дан АҚШ штати.

ОГАНЕСОВ Тачат Амаякович (1922. 1.2, Арманистон, Ленинакан вилояти— 1991.15.5) — рангтасвирчи рассом, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). 1933 й.дан Ўзбекистонда. П. Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини (1947) ва Репин номидаги Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик ин-тини (1953) тугатган. 1954 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида педагог, проф. (1984). О. ижодини замондошларининг портретларини, меҳнат аҳлини улуғловчи, табиат манзараларини таранум этувчи полотнолар яратишга бағишлаган, инсон характерини очишда мойбўёқларнинг ранг ва тусларидан моҳирона фойдаланади. «Ёзувчи С. Бородин» (1956), «Кончи Мавлонов», «Рассом И. Вальденберг ва Д. Ушаковлар» (1959), «Ҳайкалтарош Макаров» (1960), «Профессор А. Асқаров» (1975) ва б. портретлари, «Пахтакорлар» (1958), «Тоғдаги оқшом» (1958), «Қушиқ» (1965), «Чўлда» (1981), «Оқ олтин» (1982) ва б. асарлари шулар жумласидан.

ОГАРЁВ Николай Платонович [1813.24.11 (6.12), Петербург — 1877.31.5 (12.6), Гринвич (Англия)] — рус публицисти, шоири, жамоат арбоби. 1820 й.дан бошлаб Москвада яшаган. 1825—26 й.ларда олис қариндоши А.И. *Герцен* б-н танишган. Декабристлар ҳаракати ва кўтарилишнинг бостирилишидан кейин Россияда пайдо бўлган шароит улар дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган. 1831 й.да О. Москвадаги ташқи ишлар архивига ишга ва Москва ун-тига ўқишга киради. Аммо орадан бир йил ўтгач, ун-тни ташлаб, Герцен ва б. маслакдошлари б-н бирга француз социал утопистлари таъсирига берилади. 1834 й.да «ҳукуматга қарши тўғарак» йиғилишларида қатнашгани учун ҳибсга олиниб, 1835 й.да отаси назорати остида яшаш шарти б-н Пенза губерниясига сургун қилинади. 1838 й.да Кавказда даволаниш пайтида А.И.Одоевский ва б. сургун қилинган декабристлар б-н танишади. 1840 й.дан бошлаб шеър ёза бошлайди ва шеърлари В. Г. *Белинский* сингари танқидчилар томонидан илиқ кутиб олинади.

О. 1856 й.да Лондонга кўчиб бориб, Герцен б-н бирга чор ҳокимиятига қарши сиёсий фаолият б-н шуғулланади. Улар «Полярная звезда» («Қутб юлдузи») альманахидан ташқари, «Колокол» («Бонг»), «Голоса из России» («Россиядан садолар») сингари нашрларни чиқариш ва тарқатиш ишларини йўлга қўядилар. О. айни пайтда Англиядаги ёш рус муҳожирлари б-н алоқа ўрнатади, қизғин сиёсий ва адабий фаолият б-н шуғулланади.

О. ижодининг дастлабки босқичида романтик шеърият устуворлик қилган. Ҳатто муҳаббат ва пейзаж лирикасининг гўзал намуналари яратилган бўлса, кейинчалик публицистик оҳанглар биринчи ўринга чиққан. Муҳожирлар биринчи ўринга чиққан. Муҳожирлик лирикаси эса очиқдан-очиқ рус инқилобий демократларининг гоявий курашларига хизмат қилган.

Ас.: Стихотворения и поэмы. М., 1961.

ОГАҲИЙ (тахаллуси; тўлиқ исм-шарифи Муҳаммадризо Эрниёзбек ўғли) (1809.17.12, Хива яқинидаги Қиёт қишлоғи — 1874.14.12) — шоир, тарихчи, таржимон. Миробликда туғилган. Хива мадрасаларида таҳсил кўрган. Араб, форс, турк тилларини пухта эгаллаган. Хоразмнинг машҳур шоир ва олимлари, адабиёт мухлисларининг сухбатларида иштирок этган. Шарқ классиклари асарлари, айниқса, Навоий ижодини қуни б-н ўрганган. 1829 й.да амакиси ва устози *Мунис* вафот этгач, Хива хони Оллоқулихон (1825—42) О.ни Муниснинг ўрнига мироб этиб тайинлаган. Шу даврдан эътиборан О. халқ ҳаёти ва саройнинг ички ишларини б-н шуғулланган. Қизғин ижтимоий-сиёсий меҳнат б-н машғул бир пайтда отдан йиқилиб, оёғи «шакарланг» (шол) бўлиб қолган (1845). 1857 й.дан мироблик вазифасидан истеъфо берган. Умрининг охиригача моддий муҳтож, тамгин, касалманд аҳволда кун кечирган.

О. халқ орасида кўпроқ лирик шоир сифатида машҳур. Умрининг охирги йилларида тузган лирик куллиёти — «Таъвиз ул-ошиқин» («Ошиқлар тумори», 1872) бизгача тўла етиб келган. Девон анъанавий тартибда тузилган, 470 ғазал, 3 мустазод, 89 мухаммас, 5 мусаддас, 2 мурабба, 4 мусамман, 4 таржеъбанд, 7 қитъа, 80 рубоий, 10 туюқ, 1 муламма, 4 чистон, 2 муаммо, 4 маснавий, 1 баҳри тавил, 1 муножот, 1 ошиқ ва маъшуқ савол-жавоби, 20 таърих, 19 қасида — жами 18000 мисрадан иборат. Девонга «Ашъори форсий» номи б-н О.нинг форс тилидаги 1300 мисра шеъри ҳам киритилган. Девондаги асарлар мазмун-мундарижаси марказида ишқ мавзуи туради.

О. ижодининг мавзу доираси кенг. Аммо у қайси мавзуга мурожаат қилмасин, ишқни четлаб ўтолмайди. Ишқ унинг қаламида мавзуни ёритишда, ғоявий илгари суришда асосий бадиий восита; шеъриятида ишқ — иймон, эътиқод, ватан, заковат тимсоли каби лирик қаҳрамоннинг ўй-кечинмалари, фаолияти, дунёқарашини ҳаракатлантирувчи куч. О. девонида замон ва замондошлари тасвири ҳам катта ўрин эгаллаган. Шоир ўзи яшаб ижод этган мураккаб даврни маҳорат б-н бадиий умумлаштирганда, замон ва унинг аҳлига муносабат билдирганда, баҳо берганда, инсонпарварлик, халқпарварлик нуқтаи назаридан ёндашган. О. жанр имкониятларига ижодий ёндашиб, уларни такомиллаштирган: ўзи-

Огаҳий ҳайкали (Қиёт қишлоғи).

гача бўлган 7—8, 10—12 байтли газалга ўзини тартибини 23 байтгача етказди, мустазод жанрининг кўш ортиргани, мустазод жанрининг кўш ортирган, мусаддас ва мухаммас жанрларида янги шаклини кашф этган:

Эй ёр, санго ушбу жаҳон боғи аро гул
бир ошиқи ҳайрон, дийдорига шайдо,
Бир шуйфтадур кокили мушкулинга сумбул
ҳам ҳоли паришон, ҳам бошида савдо.

Шоир ярузининг жуда кўп баҳрларидан фойдаланган. Унинг газаллари «Шашмақом»нинг ҳамма куйларига тушади. Хоразм халқ оҳангларига мос келади.

О. «Риёз ул-давла» («Салтанат боғлари», 1844), «Зубдат ут-таворих» («Тарихлар қаймоғи», 1845—46), «Жомеъ ул-воқеоти султоний» («Султонлик воқеаларини жамловчи», 1857), «Гулшани давлат» («Давлат гулшани», 1865), «Шоҳиди иқбол» («Иқбол гувоҳи», 1872) ва б. тарихий асарларида Оллоқулихон, Раҳимқулихон (1843—46), Муҳаммад Аминхон (1846—55), Сайид Муҳаммад Раҳим II (1856—64), Муҳаммад Раҳим II (1864—1910) ҳукмронлиги даврида Хоразмда яшаган ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ халқларининг тарихи, маданий ва ижтимоий ҳаёти, Хива хонлигининг бошқа хонликлар б-н муносабати ва б. тарихий воқеалар акс этган.

О.нинг юксак инсонпарварлик руҳи б-н суғорилган ғоялари хон ва шоир Феруз нинг сиёсий-маърифий тарбинсига таъсир қилган. У тарихчи олим сифатида Хива хонларига, йирик тарихий шахсларга бағишлаб қасидалар ёзган. О.нинг «Қасидаи насиҳат» асари Феруза бағишланган. У ўз насиҳатларида салтанатни бошқаришнинг йўлйўриқларини кўрсатади, мамлакат ва халқни адолат б-н идора этиш йўлларини белгилаб беради. Қасида маснавий жанрида ёзилган бўлиб, унда шоирнинг сиёсий-маърифий қарашлари ёрқин акс этган. О. фикрича, ҳар қандай давлат бошлиғи ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун барча ижобий фазилатларга эга бўлиши лозим. Подшоҳ ҳиммати, шижоати, адолати, ғайрати, саховати, ҳаёли, соф ниятли, маданиятли, ҳамиятли, камбағалпарвар бўлиши зарур. Ҳукмдор шу фазилатларга эга бўлса, унинг ҳокимияти камол топади, мамлакати фаровон бўлади, деган фикрни илгари суради. О. давлатни бошқаришнинг йўлларини ҳам кўрсатиб ўтган. Шоирнинг фикрича, шоҳ шариат аҳкомларига қаттиқ амал қилмоғи лозим. У айш-ишратдан, фитна ва ғийбатдан, ғафлатдан, ялқовликдан, зулм-разолатдан, чақимчиликдан, молпарастликдан узоқ бўлиши керак. Феруз О.нинг давлатни бошқариш тўғрисидаги маслаҳатларига кўлоқ тутган, унинг ҳикматли байтларини мармар тошларга ёздириб, арзхоналарга қўйдирган, кўп эзгу ишларни амалга оширган. Шу боис ҳам О. тарихий асарлари бадиий наср сифатида ҳамда 19-а. Хоразм воқелигини ҳаққоний акс эттирувчи ноёб тарихий ҳужжатлар сифатида қимматлидир.

О. «Равзат ус-сафо» (*Мирхонд*), «Тарихи жаҳонкушойи Нодирий» (Муҳаммад Маҳдий Астроболий), «Базоеъ ул-вақоеъ» (З. Восифий), «Мифтоҳ ут-толибин» (Маҳмуд бинни Шайх Али Ғиждувоний), «Табақоти Акбаршоҳий» (Муҳаммад Муқим Ҳиротий), «Тазкираи Муқимхоний» (Муҳаммад Юсуф Мунший), «Равзат ус-сафойи Носирий» (Ризоқулихон Ҳидоят), «Ахлоқи Муҳсиний» (*Кошифий*), «Қобуснома», «Зубдат ул-ҳикоёт», «Шарҳи далоил ул-ҳайрат» (Муҳаммад Ворис), «Гулистон» (*Савдий*), «Юсуф ва Зулайҳо» (*Жомий*), «Шоҳ ва гадо» (*Ҳилолий*), «Ҳафт пайкар» (*Низомий*) ва б. тарихий-бадиий асарларни форс тилидан ўзбекчага таржима қилган. О. «Ҳафт пайкар»ини насрий йўл б-н, «Гулистон»ни қисқартириб, кенг китобхонларга тушунарли қилиб таржима этган. «Юсуф ва Зу-

Огаҳий уй-музейи олдидаги шоир экkан тут дарахти.

лайҳо» ҳамда «Шоҳ ва гадо» достонларини эса байтма-байт таржима қилиб (кириш қисмидан ташқари), аниқ ижодий таржима намунасини яратган. «Мифтоҳ ут-толибин» (нав. №8473), «Равзат ус-сафойи Носирий» (Д-125), «Табақоти Акбаршоҳий» (ТНС—106), «Тазкираи Муқимхоний» (ТНС—105), «Фирдавс ул-иқбол» (С—571), «Шоҳиди иқбол» (С—572), «Юсуф ва Зулайҳо» (ТНС—117), «Таъвиз ул-ошиқин» асарларининг қўлёзма нусхалари Тошкент, Душанбе ва Санкт-Петербургда сақланади. «Зафариома» (Али Яздий), «Баҳористон», «Саломон ва Ибсол» (Жомий), «Ҳашт беҳишт» (Хусрав Деҳлавий) асарларининг О. таржимаси ҳанузгача топилмаган.

«Таъвиз ул-ошиқин» Хивада тошбосмада нашр этилган (1905—09). Ўзбекистонда кўчалар, мактаблар, Хоразм вилояти мусиқали драма ва комедия театри, истироҳат боғи ва б. муассасаларга О.номи берилган. Қиёт қишлоғида О. боғи ташкил этилиб, шоирнинг уй-музейи очилган; музей олдида О.га ҳайкал ўрнатилган.

Ас.: Таъвиз ул-ошиқин, Т., 1960; Асарлар [6-жилдли], Т., 1971—80; Ишқ жўшининг тумори. Танланган асарлар, Т., 1999.

Ад.: МунировҚ., Огаҳий илмий ва адабий фаолияти, Т., 1959; Зоҳидов В., Ўзбек адабиёти тарихидан, Т., 1961; Мажидий Р., Огаҳий лирикаси, Т., 1963; Абдуллаев В., Ўзбек адабиёти тарихи, 2-нашр, 2-китоб, Т., 1967; Ўзбек адабиёти тарихи [5 жилдли], 4-ж., Т., 1978; Абдуғафуров А., Муҳаммад Ризо Огаҳий, Т., 1999; Маънавият юлдузлари, Т., 2001.

Нусрат Жўраев.

ОГБОМОШО — Нигериянинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Ғарбий штатда. Аҳолиси 644 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Автомобиль йўллари тугуни. Какао, мойли пальма маҳсулотлари б-н савдо қилинади. Ҳунармандчиликда ҳар хил газлама тўқилади. Пойабзал ф-каси, тўқитувчилар коллежи бор.

О'ГЕНРИ (О'Генгу) (тахаллуси; асл номи Уильям Сидни Портер) (1862.2.9, Гринсборо яқинида, Шим. Каролина —1910.5.6, Нью-Йорк) — америкалик ёзувчи. Аптекачи, сотувчи, китоб безакчиси, ношир ва б. касбларда ишлаган; асар, фельетонлар ёзишни машқ қилган (1896 й. гача), қамоқдалигида (1897—1901) ёзган ҳикояларини О. тахаллуси б-н яширин чоп эттирган. 1904—10 йилларда 9 новеллалар тўпламини («Ёнаётган шам», «Ғарб қалби», «Ёқимтой ўтри» ва б.), вафотидан кейин яна 7 таси босилиб чиққан. «Қироллар ва карам» (1904) романи саргузашт-юмористик новеллалардан ташкил топган. О. америка ҳикоячилигининг ўзига хос типини яратди. Юморининг кучлилиги, кинов, қиёс, пародия каби усулларининг кўп ишлатилганлиги, энг муҳими, муаллифнинг оддий меҳнаткаш — «кичик инсон»га самимий муҳаббати, олижаноблик ва софдилликни мадҳ этиши ва б. О. ҳикояларига оламшумул шуҳрат келтирди («Тўрт миллион», 1909). Асарлари ўзбек тилига таржима қилинган. F. Гулом («Менинг ўтригина болам»), А. Қаҳҳор («Анор») ва б. ўзбек ҳикоячилигини О. ижодининг илғор томонлари б-н бойитдилар.

ОГЛАХТИ — *Тошток маданиятига* мансуб қабристон (мил. ав. I-а. -мил. I-а.). Енисей дарёси бўйидаги Оглахти тоғи этагида жойлашган. 1903 й. А. В. Адрианов, 1969—70 й.ларда Л. Р. Кизласов томонидан ўрганилган. Қабрлар устидаги береста устунлар, мунча, ипак ва жундан тикилган кийимлар, қалпоқлар, оёқ кийимлари ва б. яхши сақланиб қолган. Қабрларга типс бўёқли маскалар (ниқоблар) кийдириб мумиёланган майитлар қўмилган. Майитлар ёнига идиш-товоқ, шунингдек, кичик ҳажмдаги шамширлар, ханжарлар, салоқлар, ўқ-ёйлар, жез қозончалар ва б. қўйилган.

ОДА (юн. aoide — қўшиқ) — шеърий ва мусиқий жанр. Юнонистонда пайдо бўлиб, тантанавор, кўтаринки руҳда яратилган насиҳатомуз хор қўшигига нисбатан айтилган (Пиндар ва б.). 17-а.дан Европа мусиқасида бирор киши шаънига ёки муҳим воқеа муносабати б-н яратилган вокал-чолғу мусиқа асари. *Кантатага* яқин (Г. Пёрселл, Г. Ф. Гендель, И. С. Бах, Л. Бетховен ва б.) ҳамда чолғу жўрлигидаги қўшиқ (Г. Ф. Телеман, К. Ф. Э. Бах, К. Ф. Глюк ва б.) турлари мавжуд. Ҳозирда турли шаклдаги тантанавор, *гимнга* яқин мусиқа асари (И. Стравинский, С. Прокофьев, А. Шёнберг, М. Бурҳонов ва б.).

ОДАМ — барча жонзодларнинг энг юқори поғонасида турадиган мавжудот, ижтимоий жараёнлар субъекти. О. ижтимоий меҳнат асосида шаклланган тафаккур ва нутққа эга бўлиши, меҳнат қуроллари ясаши ва атроф муҳитга фаол таъсир кўрсата олиши б-н бошқа тирик мавжудотлардан фарқ қилади. О.ни *антропология* фани ўрганади.

О.нинг ҳайвонлардан фарқи. Зоология системасига кўра, ҳоз. ақлли одам (Homo sapiens) тури хордалилар типи, сут эмизувчилар синфи, приматлар туркумига киритилади. Бош миясининг йириклиги, тирноқларининг ясси бўлиши, бош бармоқларининг бошқа бармоқларга қарама-қарши қўйилиши, скелет ва органларнинг тузилиши, она қорнида ривожланиши, рудимент ва атавистик белгиларнинг учрашлигига биноан, одам одамсимон маймунлар оиласига киритилади. Бундан ташқари, одам б-н одамсимон маймунларнинг касалликлари ва паразитлари ҳам ўхшаш.

О. одамсимон маймунлардан оёқларининг қўлга нисбатан узунлиги, умуртқа поғонасида бўйин, кўкрак, бел, думғаза эгиклари ва товон гумбазининг бўлиши, чаноқ сўнгининг кенгайганлиги, кўкрак қафасининг олдинги томонидан яссиланганлиги, оёқ бармоқларининг бир қатор жиҳатларда ва б. морфологик белгилари б-н фарқ қилади. Маънохи нутққа эга бўлиши туфайли О. бош миясининг ҳажми шарлари пўстлоғининг нутқ б-н боғлиқ қисмлари кучли ривожланади; говуш ҳосил қилувчи аппарат О. учун ўзига хос тузилишга эга. Бош скелети мия қисмининг юз қисмига нисбатан йирик бўлиши, гавдасида жунларининг йўқолиб кетиши ҳам О. учун хос белги ҳисобланади.

О.нинг келиб чиқиши ва тарихий ривожланиши тўғрисида турли фикрлар ва назариялар мавжуд. О. б-н боғлиқ қадимиятлар ва қад. диний китобларга кўра, *Одамато* ва *Момохаво* Ер юзидаги дастлабки одамлар бўлган. Зардуштийлик линида О. табиатнинг бир бўлаги, унда вужудга келган ва яна унга қайтади лейлади. Ислом динига кўра, худо «ўзининг энг ярқа ва яркин бандасини тириклик одамига сарлор қилиб юборган», яъни О.ни лойдан ўзининг сурати ўрнида босари (халифаси) сифатида яратиб, унга ўз руҳидан жон ато этган, унга ақлидрок берган. Табиёт фанларининг ривожланиши б-н О. нинг пайдо бўлиши тўғрисида илмий фикрлар пайдо бўла бошлади. Француз олими *Ж.Ламарк* биринчи бўлиб О.нинг пайдо бўлишини умумий тарзда тушунтириб берди. Унинг фикрича, О. дарахтда яшашдан ерда юришга ўтган маймунсимон аждодлардан келиб чиққан. Инглиз олими *Ч.Дарвин* одамнинг пайдо бўлиши муаммосини эволюцион нуқтаи назардан талқин қилиб, О. б-н одамсимон маймунлар узоқ умумий аждодга эга эканлигини кўрсатиб берди. Унинг фикрича, антропогенезда ҳам биологик омиллар, яъни яшаш учун кураш, ирсий ўзгарувчанлик ва *табиий танланиш* амал қилади. Лекин, кўпчилик олимларнинг фикрича, антропогенезда биологик омиллар (ижтимоий ҳаёт, ижтимоий меҳнат), айниқса, унинг сўнгги босқичларида катта аҳамиятга эга бўлган.

Тик юришга ўтиши О. эволюциясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади, чунки тик юриш туфайли қўллар таянч вазифасидан озод бўлиб, меҳнат қуроллари ясаб, уни ишлатадиган органга айланган. Меҳнат қуролларининг пайдо бўлиши эса О. тафаккурини кенгайтирган, унинг табиатга қарамлигини камайтирган. Меҳнат фаолиятининг ривожланиши б-н антропогенезда биологик омиллар таъсири камайиб ижтимоий омиллар аҳамияти орта борган.

Антропогенезда ижтимоий ҳаёт катта аҳамиятга эга бўлган. О. аждодлари азалдан тўда бўлиб яшашган. Қўл меҳнат органига айлана бориши б-н улар жамоа бўлиб яшашга ўтишган, яъни биргаликда овга чиқишган, ўзларини ҳимоя қилишган; болаларини тарбиялашган, уларга ҳунар ўргатишган. Оловнинг кашф қилиниши, овқатни пиширib енилиши О. жағ суяклари ва чайнаш мускуллари вазнини камайтириб, жағларнинг ҳаракатланишини осонлаштирган, нутқнинг ривожланиши учун имкон яратган. Маънони нутқнинг пайдо бўлиши эса О. тафаккурини кенгайтирган; О.лар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг тезлашувига олиб келган. Бу жараёнлар туфайли, бош миянинг вазни, катта ярим шарлар пўстлоқ қисмининг сатҳи ортган, натижада онг, тафаккур ва нутқ ривожланган. Тахминларга кўра, дастлабки О.лар бундан 1—2 млн. йил илгари, ҳозирги О. бундан 40 минг йил илгари пайдо бўлган.

О. эволюциясининг асосий йўналишлари. Мезозой эрасида ҳашаротхўрлар орасидан парапитеклар (маймунсимон ҳайвонлар) ажралиб чиққан. Улардан кейинчалик ярим маймунлар, маймунлар ва дриопитеклар (дарахтда яшовчи маймунлар) келиб чиққан. Иқлим совиб, ўрмонларнинг сийраклашиб боришн б-н дриопитеклар ерда яшашга ўтишган. О. пайдо бўлишининг 1-босқичи маймунсимон ҳайвонларнинг 2 оёқда юришга ўтишидан иборат. Бу босқичда олдинги оёқлар таянч вазифасидан озод бўлиб, қўлга айланган. Худди шу йўл б-н австралопитеклар (жан. маймунлар) келиб чиққан. Улар бундан 3—5 млн. йил илгари Жан. ва Шарқий Африка ҳамда Жан. Осиёда яшаган. Антропогенезнинг 2-босқичи онгли равишда меҳнат қуроли ясашга ўтишдан иборат. Энг қад. одам питекантроплар (маймун О.лар) бундан 1 млн. йил аввал яшаган. Улар скелети қолдиқлари Ява ороли, Африка ва Жан. Европадан топилган. Питекантроплар тўда бўлиб, ғорларда яшашган; жуда содда тош қуроллар ясашган; оловдан фойдаланишган. Улардан кейинроқ яшаган синантроплар (хитой одами) ва неандерталлар тош ва суякдан қурол ясашни билишган, ҳайвон терисини ёпиниб юришган. Уларнинг бош миясининг питекантропларга нисбатан йириклиги 2 томонлама симметрияга эга бўлиб, бош, бўйин, тана, оёқ ва қўлларга бўлинади. Бу бўлимлар ҳам яна тегишли қисмларга ажратилади. Хусусан, бош бўлими мия қутиси ва юзга, тана — кўкрак, қорин ва орқага, қўл — елка, тирсак, билак ва панжага; оёқ — сон, тизза, болдир ва панжага бўлинади. О. гавдаси бичимида ёш, жинс ва шахснинг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади. Мас., эркаклар гавдаси нисбатан йўғон ва йирик, чаноғи тор, елкаси кенг; аёллар гавдаси, аксинча, нозик, калта, чаноғи елкага нисбатан кенгроқ бўлади. Гавда тузилишининг долихоморф (дароз), брахиморф (калта), улар ўртасида мезоморф (ўрта бўй), астеник (новча, хипча, озғин), гиперстеник (семиз, пакана), нормостеник (нормал) типлари мавжуд.

О. гавдаси тери б-н қопланган. Тери организмни ҳимоя қилади, айириш ва терморегуляция функциясида ҳам иштирок этади. Скелет таянч функциясини бажаради, организмга шакл бериб туради. Суяклар, уларни туташтириб турувчи пайлар ҳамда мускуллар б-н бирга таянч-ҳаракат системасини ҳосил қилади. О. скелети калла (мия қутиси, юз), тана (умуртқа поғонаси, қовурғалар, тўш), қўл (елка, билак, тирсак, панжа), оёқ (сон, катта ва кичик болдир, оёқ панжаси), елка камари (ўмров, курак) ва оёқ камари (чаноқ) суякларидан иборат. Таянч-ҳаракат системаси таянч, гавдани тик тутиш, ҳаракатланиш ҳамда ҳимоя (мия қутиси, умуртқа поғонаси, кўкрак қафасини ҳосил қилувчи, чаноқ суяклари) функциясини бажаради. Калла суяги мия қутиси ва юз бўлимига бўлинади. Мия қутиси пешона, иккиталап тепа ва чакка, энса, понасимон ва ғалвирсимон юз суякларидан бир жуфтдан юқори жағ ва ёноқ, бурун, кўз косаси суякларидан иборат. Юқори ва пастки жағлар тишлар б-н биргаликда оғиз бўшлигини ҳосил қилади. Калла суягининг юз қисмида чайнаш мускуллари; кўз, бурун ва оғиз атрофида мимика мускуллари жойлашган. Умуртқа поғонаси 33—34 та умуртқадан иборат бўлиб, бўйин (7 та умуртқа), кўкрак (12), бел (5), думғаза (5), дум (4—5) бўлимлари бор. Думғаза ва дум умуртқалари ўзаро ҳаракатсиз, бошқа умуртқалар чала ҳаракатчан қўшилади. Кўкрак умуртқалари, 12 жуфт қовурғалар ва тўш суяги кўкрак бўшлигини ўраб турадиган кўкрак қафасини ҳосил қилади. Кўкрак бўшлиги пастки томондан диафрагма орқали

Анатомо-физиологик хусусиятлари. О. гавдаси ҳам барча хордалилар сингари

қорин бўшлиғидан ажралган. Кўкрак қафаси девори ички томондан юпқа плевра парда б-н (қ. *Нафас*), ўпка ҳам худди шундай плевра б-н қопланган. Кўкрак бўшлиғида юрак, йирик қон томирлари, ўпкалар, уларга келувчи трахея, бронхлар, қизилўнгач жойлашган. Кўкрак қафаси деворининг олдинги қисмини кўкрак мускуллари қоплаб туради. Кўкракнинг чап ва ўнг томонида сут безлари бўлади. Қовурғаларнинг умуртқалар ва тўш суяги б-н ярим ҳаракатчан бирикканлиги ва қовурғалар орасидаги мускулларнинг қисқариши сабабли кўкрак қафасининг кенгайиши ва торайиши натижасида нафас олиш содир бўлади. Бел умуртқалари, кейинги қовурғалар ва чаноқ суягининг олдинги учига қорининг сербар мускуллари бирикади. Қорининг олдинги ва ён деворлари мускуллардан иборат. Бу мускуллар ички органларни ушлаб туради ва қорин прессини ҳосил қилди. Қорин бўшлиғини юқоридан диафрагма, пастдан чаноқ суяги чегаралаб туради. Диафрагма остида жигар ва ўт пуфаги, улардан чапроқда ошқозон ва талоқ, пастроқда ингичка ичак жойлашган. Ингичка ичакни ўнг, чап ва юқори томондан йўғон ичак (чамбар ичак) ўраб туради. Қорин бўшлиғи деворини ички томондан юпқа қорин пардаси қоплаб олган. Қорин бўшлиғининг орқа томонида, бел умуртқаларининг 2 ёнида бир жуфт буйрак жойлашган. Умуртқа погонасига параллел равишда унинг чап томонидан қорин аортаси, ўнг томонидан пастки ковак вена ўтади. Қорин бўшлиғининг пастки қисми чаноқ бўшлиғига айланган. Унда қовуқ, тўғри ичак ва ички жинсий органлар (аёлларда бачадон, тухумдонлар ва найлар; эркакларда простата бези, уруғдонлар ва уруг ўтказувчи найлар) жойлашган. О. қўлининг жуда мураккаб ҳаракатлар қилишга мослашганлиги бўғимларнинг цилиндрсимон, шарсимон, чигирсимон ҳаракатчан бирикиши ва уларни ҳаракатга келтираднган мускулларнинг хилма-хил тузилишига боғлиқ.

Эмбрионал ривожланиши. Ота ва она жинсий ҳужайраларнинг қўшилиши, яъни отаналишдан кейин ҳосил бўлган зигота 2 жинснинг белгиларига эга бўлади. Зигота бўлинишга киришиши б-н эмбрионал ривожланиш бошланади. Уругланишдан сўнг 6 кун ўттач, муртак бачадон бўшлиғига ўтиб, унинг шиллиқ пардасига ўрнашиб олади. Эмбрион пардаси ва бачадон деворидан йўлдош шаклланади. Эмбрион киндик орқали йўлдош б-н туташган бўлади. Йўлдош орқали она организми б-н эмбрион ўртасида модлалар ва газлар алмашинуви содир бўлиб туради. О.нинг она қорнида ривожланиши ўртача 280 кун, яъни 9 ойдан кўпроқ давом этиб, бола туғилиши б-н тугалланади. Шу даврнинг дастлабки 8 ҳафтаси муртаклик (эмбрион) даври, қолган қисми ҳомила даври дейилади (қ. *Ҳомиладорлик*). Эмбрионлик даврида муртак пардалари ҳосил бўлади, йўлдош шаклланиб бошлайди, бўлғуси ҳомиланинг тўқималари ва органлари шаклланади; ҳатто улардан айримлари ишлай бошлайди (1-ой охирида эмбрион юраги ишга тушади). Эмбрион бўйи 2 мм га етганида унинг ўқ органи — хорда си ва нерв системасининг асоси бўлган нера найи юзага келади. Бир вақтнинг ўзида эмбрион варақлари ҳам шаклланиб, эктодермадан нерв системаси, сезги органлари, тери эпителийси, оғиз бўшлиғи ва орқа ичак эпителийси; мезодермадан юрак, қон томирлари, скелет, мускуллар, айириш ва жинсий органлар; эндодермадан овқат ҳазм қилиш системаси, ҳазм безлари, нафас органлари ҳосил бўлади. Ривожланишнинг 5-ҳафтасидан бошлаб қўл ва оёқ, 7-ҳафтала бармоқлар шаклана бошлайди, 8-ҳафтала эмбрион ташқи кўринишдан О.га ўхшайди; бу даврда унинг бўйи 4 см, оғирлиги 4—5 г бўлади. 9-ҳафтала эмбрион органларининг шаклланиши тугалланади. Шу даврдан бошлаб эмбрионлик даври тугалланиб, ҳомила даври бошланади. Ҳомила туғилгандан сўнг О. чақалоқлик, гўдаклик, болалик, ўспиринлик, етуклик, қарилик, кексалик даврларини ўтади. Болалик даврининг узоқ давом этиши, жинсий балоғатга етиш даврида бўйига ўсишининг тезлашуви одам индивидуал ривожланишига хос хусусият ҳисобланади. Болалик даврининг О. умрига нисбати 1:5 га тенг бўлади. О.да жинсий диморфизм гавданинг умумий ўлчами ва айрим қисмлари пропорциясида (аёлларда чаноқнинг, эркакларда елканинг кенглиги), гавда айрим қисмларининг ривожланиши (аёлларда тери ости ёғ қаватининг, эркакларда скелет ва мускулларнинг яхши ривожланганлиги ҳамда мускул толалари ва ёғ ҳужайраларининг йирик бўлиши)да намоён бўлади.

Ад.: Алексеев В. П., Становление человечества, М., 1984; Мавлонов О., Биология, Т., 2003; Аҳмедов Н., Содиқология, Т., 2003.

Карим Алматов, Одил Мавлонов, Баҳодир Тўраев, Мухсин Валихонов.

ОДАМ ГЕНЕТИКАСИ — *генетика* фанининг бир бўлими; одам ирсиятининг сақланиши, наслдан-наслга утиши ва авлоды намоён бўлишини урганади. О.г. шартли равишда инсон генетикаси (антропогенетика) ва тиббиёт генетикаси га бўлинади. Антропогенетика одам организми нормал белгиларининг ирсийлиги ва ўзгарувчанлигини, тиббиёт генетикаси эса унинг ирсий патологиясини урганади. О.г. 19-а.нинг охирларидан ривожлана бошлади. Бу даврда ҳали ирсиятни ўрганувчи усуллар кам булганлиги сабабли, одам айрим белгиларининг наслдан наслга утишини урганишда эгизаклар усулидан фойдаланилади. 20-а.нинг бошларидан одамнинг популяцион генетикаси ривожлана бошлади. Популяцион генетика маълум бир чегараланган гуруҳ одамлардаги географик, этник, табақали ва б. генларнинг турлари ва таркибининг ўзгаришини ўрганади. Бундан ташқари, бу усул ёрдамида одамнинг тур сифатида эволюцион шаклланиши, уларнинг сут эмизувчилардан ирсий фарқлари, замонавий одам популяцияларидаги ирсий ўзгарувчанликларни ўрганиш мумкин.

20-а.нинг 20—30- й.ларидан бошлаб одамдаги мутациялар ўрганила бошланди. Одам ирсиятини ўрганишда уни хавфли мутациялардан ҳимоя қилиш катта аҳамиятга эга, чунки техника ривожланиши ва кимёвий воситалар кўп ишлатилиши туфайли одам организмига мутаген омиллар таъсири ошиб бормоқда.

20-а.нинг ўрталарига келиб ва радиацион генетика ривожланиши б-н О.г.ни ўрганиш яна кучайди. 1956 й. одамда 46 та хромосома (23 жуфт) борлиги аниқланди, 1959 й.да эса одамнинг биринчи хромосома касаллиги (Даун касаллиги) кашф қилинди.

О.г. хромосомадаги ҳар бир генни, уларнинг хромосомада жойлашишни, намоён қиладиган белгиларини ва бу белгилар юзага келишида ирсият ва ташқи муҳитнинг аҳамиятини, мутацияларнинг юзага келиш сабабларини ўрганади. Изланишлар натижасида ирсий хилма-хиллик ёки полиморфизм кашф этилди. Мас., гемоглобинининг 200 га яқин тури борлиги, ферментларнинг турли-туман шакллари ва б. аниқланди.

Ирсиятнинг хромосома ва генларини ўрганишда молекуляр биологиянинг бир неча усуллари: цитогенетик, биокимёвий, иммуногенетик, ген инженерияси ва ҳ.к.лан фойдаланилади.

Цитогенетик усуллар одам хромосомалари сони, уларнинг тузилишини

ўрганиш имконини берди, натижада кўпгина ирсий касалликларни аниқлаш мумкин бўлди. Биокимёвий усуллар ёрдамида генлан у назорат қиладиган белгигача бўлган йўл урганилиб, ирсий касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш усуллари ишлаб чиқилди. Иммун жавобининг ривожланиш механизмлари ўрганилганда бир гуруҳ гендар (маркаин гистомослик комплекси генларининг аҳамияти жуда катта эканлиги аниқланди. Бу система омиллари организмнинг ноёблигини таъминланда, ҳужайраларо реакцияларни амалга оширишда, иммун жавоб кучини назорат қилишда қатнашади, яъни система донор—трансплантатни танлаш билишда, янги иммун никлаш усулларини ишлаб чиқиш, туғма касалликларни олдиндан аниқлаб олишда аҳамияти катта.

20-а.нинг охирида америка олимлари одам генлари картасини тузиқ ўрганиб чиқишга муваффақ бўлишди. Бу кашфиёт эндиликда тен инженерияси методлари ёрдамида ирсий касалликларни даволаш усулларини ишлаб чиқишга имкон беради. Шу б-н бирга ирсий касалликларни ҳомиладорликнинг илк даврларида аниқлаш (пренатал ташхис) усуллари ишлаб чиқилмоқда.

Ген инженерияси усуллари ёрдамида бепушт аёлга пробиркаларда чатиштирилган ҳомила имплантация қилинмоқда, натижада улар фарзанд кўриш имкониятига эга бўлмоқдалар.

О.г.ни ўрганишдаги билимлар асосида ҳоз. кўп мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда генетик маслаҳатхоналар ва генетик скрининг марказлари очилиб, уларнинг келажак авлоднинг соғлом туғилиб, улғайишида аҳамияти ортиб бормоқда.

ОДАМ КОНСТИТУЦИЯСИ, тана конституцияси (қомати) — одам организмининг ўзига хос алоҳида морфологик ва функционал хусусиятлари мажмуи. Табиий ва ирсий омилларга боғлиқ. О.к. табиат ва маълум бир жамият тузуми таъсирида ўзига хос морфологик ва физиологик хусусиятларга эга бўлган индивидуал белгилар йиғиндисидан вужудга келади. Одам қомати ўз авлоди (насли)дан орттирган асосий хусусиятлари заминида ривожланади. О.к.нинг ҳар хил бўлиши наслига, ташқи муҳит таъсирига, ижтимоий шароитга, касбига ва иқтисодий аҳволига боғлиқ. О.к. морфологик тузилишига қараб 3 турга ажратилади: а) кенг елкали паст бўйлилар; бундай одамларнинг елкалари кенг, гавдалари вазмин, бақувват ва тиқмачоқлек, қоринлари кўкрагига нисбатан катта, таканинг кўндаланг ўлчами бўйича нисбатан узунроқ бўлади; б) узун бўйли, тор кўкракли лар — бўйлари узун, организми шифроқ, вазни енгил, қўл ва оёқлари узун, кўкраклари қорни қисмидан катта; в) ўрта бўйлилар — паст ва узун бўйлилар оралигидаги одамлар.

Одамнинг қомати унинг ички аъзолари тузилишига ҳам таъсир қилади, жумладан, паст бўйли одамларнинг диафрагмаси юқори, узун бўйлиларда эса ҳамма аъзолар ҳажми кичик ва пастроқ жойлашган бўлади.

ОДАМ ЎЛДИРИШ — қасддан бошқа шахсни ҳаётдан маҳрум қилиш. Жиноят ҳуқуқида шахсга қарши қаратилган энг оғир жиноятлардан бири бўлиб, фуқаролар ҳаёти хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга газовуз ҳисобланади. Ў.ў. Ўзбекистон Республикаси ЖК 97-моддасида назарда тутилган жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради. Эҳтиётсизлик оқибатида О.ў. — 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш; онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириши —3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш; зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб қасддан О.ў. — 3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш; эҳтиётсизлик оқибатида О.ў. —2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш б-н жазоланади).

Мирзоюсуф Рустамбеков.

ОДАМАТО — исломга (шунингдек, иудаизм ва христианликка) кўра, Аллоҳ томонидан яратилган ер юзидаги биринчи одам ва инсон зотининг отаси. Қуръонга кўра, Аллоҳ О.ни лойдан ўзининг ердаги ўринбосари (халифа) сифатида яратиб, унга ўз руҳидан жон ато этган. О. Абул-башар (инсоният отаси) деб ҳам аталади. Исломда О. биринчи пайғамбар ҳисобланади. Аллоҳ О.га барча нарсаларнинг номларини ўргатди ва бу б-н уни фаришталардан юқори қўйди, фаришталарга О.га бош эгиб сажда қилишни буюрди. Фақат Иблис сажда қилишдан бош тортди. Иблис такаббурлиги ва саркашлиги туфайли жаннатдан қувилди. О. жуфти ҳалоли *Momoxaво* б-н жаннатда яшаб, уларга барча неъматлардан ейишликка рухсат берилди, фақатгина бир дарахтнинг меваси дан ейиш тақиқланди (Аъроф сураси, 19—21-оятлар). Иблис О. б-н Момохаводни алдаб, тақиқланган дарахт мевасини едиради. Бунинг жазоси эвазига улар жаннатдан чиқарилиб, уларнинг авлодлари ерда яшашга ва меҳнат қилишга маҳкум этилади.

ОДАМСИМОН МАЙМУНЛАР, гоминоидлар, антропоидлар (Hominoidea, Ahthropomorphidae) — тор бурунли маймунлар катта оиласи. Гиббонсимонлар, понгидлар, гоминидлар оилаларини ўз ичига олади. Бир қанча белгилари, мас., гавдасининг йирик бўлиши; думи, жаг орти халтаси ва қуймич сўгалининг бўлмаслиги, эшитиш чиғаноғининг тузилиши б-н О.м. мартишкаларга нисбатан одамга кўпроқ ўхшайди. Мияси йирик бўлиб, унда эгатчалар ва пушталар ривожланган; мия пўстлоғининг сирти кенгайган. Тишлари одамларникига ўхшаш тузилган. Одамларга ўхшашлик белгилари ички органлари (жигар, буйрак ва б.)нинг тузилиши, аппендикс ўсимтасининг бўлишида ҳам кўзга ташланади. Қон гуруҳлари (О, А, В ва АВ), қонининг иммунлик хусусиятлари ва организмда моддалар ҳамда энергия алмашинуви жараёнлари одамникига ўхшаш. Хусусан, О.м.да сийлик орқали бошқа сут эмизувчилар ва тубан маймунларга ўхшаш аллантоин эмас, балки сийдик кислотаси ажралади. Анатомик тузилиши ва физиологик хусусиятларига кўра шимпанзе ва горилла одамга кўпроқ ўхшайди. Буни молекуляр биол.га оид тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди. Мас., шимпанзе б-н одам ўртасидаги генларнинг 91%, мартишка б-н одам ўртасидаги генларнинг 66% ўзаро ўхшаш бўлади. Патологик жараёнлар ва инфекцион касалликлар кечишининг ўхшашлиги тиббий ва биоло-

гик тадқиқотларни ўтказишда шимпанзедан модель сифатида фойдаланишга имкон беради. Ҳайвонлар орасида фақат О.м.да захм ва мохов касаллиги пайдо қилинган. Бўғозлик ва балоғатга етиш даврлари ҳам одамларникига ўхшайди. Жинсий диморфизмнинг кучли ривожланганлиги, тана ўлчами, анча мураккаб хулқ-атвори барча О.м. ни бир-бирига яқинлаштиради.

ОДАМТОШ — Чатқол тизмасининг сувайиргич қисмидаги довон. Чирчиқ ва Оҳангарон водийларини туташтириб туради. 2696 м баландликда. Довонга жан.-ғарбда Каттасой, жан.-шарқда Ертошсой водийлари бўйлаб чиқилади. Довон орқали Чатқол дарёсининг чап ирмоғи Тераклисойдан (Оқбулоқ дарёсининг юқори қисми) Иртош дарёсига (Оҳангарон дарёсининг ўнг ирмоғи) ўтилади. Довондан июндан окт. гача чорва молларини ҳайдаб ўтишла фойдаланилади.

ОДАМТОШ ГАЗ-КОНДЕНСАТ КОНИ — Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги Одамтош антиклиналь бурмасида жойлашган кон. Одамтош антиклинали жан. -ғарбдан шим.-шарққа йўналган. Қанотлари асимметрик тузилган, шим.-ғарбий қаноти тикроқ. Юра даври оҳактошлари бўйича антиклиналнинг уз. 14 км, эни 5,2 км, қалинлиги 600 м. 1962 й.да конда қидирув қудуқлари бургиланган. Юра, бўр ва палеоген давирларига мансуб жинслар мавжуд. Юра даври жинслари континентал ва денгиз шароитида ҳосил бўлган терриген жинслар, оҳактош, туз ва ангидритдан иборат, умумий қалинлиги 2000 м дан зиёд. Бўр даври жинслари ҳам континентал ва денгиз шароитида ҳосил бўлган шағалтош, қумтош алевролит, гил, оҳактошдан тузилган. Палеоген даври жинслари кам тарқалган, қалинлиги 100 м.

О.г.-к.к.да саноат аҳамиятига эга бўлган газ уюмлари юқори юра оҳактошларининг 15- ва 15-а горизонтларида топилган. 15-горизонтдаги газ уюмлари оҳактошларнинг юқори говакли қисмида жойлашган. Горизонтнинг умумий қалинлиги 174—270 м, говаклиги 3,15%, ўтказувчанлиги 245 миллидарсигача, газ уюми 1397—1468 м чуқурликда жойлашган бўлиб, уз. 12,2 км, эни 4,4 км. Қатлам босими 17,4 ат. Газнинг зичлиги 0,691—0,782, таркиби 0,10—0,30% водород сульфид, 0,4—7,5% карбонат ангидрид, 33,4—87,4% метан ва 1,9—11,4% азотдан иборат. Конденсат қуюқлашган суюқ углеводородлар бўлиб, 1 м³ газ таркибида 12—700 см³ ни ташкил этади. Конденсатнинг зичлиги 6,9—7,3 г/см³. 15-а горизонт ўртаси майда, дарз кетган тўқ кулранг оҳактошлардан иборат бўлиб, 1287— 1210 м чуқурликда жойлашган. Горизонтнинг умумий қалинлиги 129 — 173 м. Говаклиги 11,6%. Газ уюмининг уз. 8,7 км, эни 2,4 км, босими 174,4 ат.

ОДАМТОШ СЕРИЯСИ — Жан. Ўзбекистондаги юқори бўр даврига мансуб қатламлардаги стратиграфик бирлик. О.М. Акрамхўжаев, М. Эгамбердиев ва Ҳ. Ҳ. Миркамоловлар томонидан 1971 й.да ажратилган. О.с. турон ва коньяк ярусларининг палеонтологик қолдиқларига бой бўлган гилтош, мергель ҳамда оз миқдорда гипс, оҳактош ва қумтош қатламларидан ташкил топган. О.с., ўз навбатида, Ғозлиҳона, Чашмаобозон (қуйи турон), Деҳқонобод, Пачкамар (юқори турон) ва Оқрабоғ (коньяк) маҳаллий свиталарига бўлинади. Умумий қалинлиги 230—600 м бўлиб, остки нефть-газли маҳсулот қатламлари учун флюидларни тўсиб турувчи экран вазифасини бажаради. Стратиграфик аҳамиятга эга.

ОДАТ (психологияда) — ўрганиш бўлиб қолган ва муайян вазиятда бажарини индивид учун эҳтиёжга айланган хатти-ҳаракат. О. стихияли тарзда шаклланиши, муайян тарбия маҳсули бўлиши, характернинг барқарор хусусиятига айланиши, автоматизм белгиларига эга бўлиши мумкин. О.нинг физиологик асоси, *малакаларни* каби, динамик стереотип, яъни бош мия катта ярим шари пўстлоғидаги нерв системасидир. О. фаолиятнинг турли соҳалари (меҳнат, ўқув, спорт ва б.)да вужудга келиб, инсон хатти-ҳаракатининг барча томонлари (ахлоқи, билиш жараёни, маданий-маиший турмуши ва б.)ни қамраб олади. О. фойдали (мас., эрталабки гимнастика) ва зарарли (мас., чекиш) бўлиши мумкин. Фойдали О. шахснинг ижобий хислатларини шаклланишига ёрдам беради. Мас., меҳнат одати меҳнатсеварликни ривожлантиради. Аксинча, зарарли О.лар салбий хусусиятларни келтириб чиқаради. Мас., вақтни беҳуда ўтказишдан дангасалик, ишни охирига етказмасликдан иродасизлик О.лари келиб чиқади. О. тусини олган хатти-ҳаракатлар кишига мустаҳкам сингиб, унинг табиатига — фазилати ёки иллатига айланади. Ёшликдан ижобий О.ларни тарқиб топтириб, салбий О.ларга қарши курашиш таълим-тарбиянинг муҳим вазифасидир.

ОДАТ ҲУҚУҚИ — жамиятда узоқ вақт амал қилиниавериб, унинг аъзолари учун ўрганиш бўлиб кетган ва давлат томонидан рухсат этилган, лекин қонунлаштирилмаган тартиб-қоидалар (одатлар) мажмуи. О.ҳ. нормалари ижтимоий нормалардан бири бўлиб ижтимоий нормаларга, шунингдек, ҳуқуқий нормалар, ахлоқий, диний нормалар ҳам киради. Кишилар ҳаётида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг аксар қисмини тартибга солади. О.ҳ. унинг 2 жиҳати б-н, яъни: халқнинг ҳуқуқий онги, ҳуқуқий маданияти б-н чамбарчас боғлиқлиги; халқ орасида доимий такрорланиб турувчи, аммо ёзилмаган, авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтувчи жамиятнинг асл қонун-қоидалари ила ҳамоҳанглиги б-н эътиборлидир. О.ҳ. нормалари ни муомаласи одатлари, маҳаллий одат ва анъаналар шаклида намоён бўлади.

Ҳозирга келиб, О.ҳ. нормалари ҳуқуқнинг алоҳида бир манбаи сифатида эътироф этилмоқда. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси бўйича, О.ҳ. нормалари илк бор ҳуқуқнинг манбаи сифатида киритилди. Унга кўра, тадбиркорлик фаолиятининг бирон-бир соҳасида вужудга келган ва кенг қўлланиладиган, қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган хулқ-атвор қоидаси, бирон-бир ҳужжатда ёзилганлиги ёки ёзилмаганлигидан қатъи назар, ши муомаласи одати бўлиб ҳисобланади. Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, бу муносабатларни тартибга солишда маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Оила кодексига кўра, қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларни тартибга солишга оид тегишли нормалар бўлмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари тамойилларига зид бўлмаган маҳаллий урф-одат ва анъаналар қўлланилади.

Мирфозил Баратов.

ОДДИЙ КАСР — сурати махражидан кичик мусбат *каср* (мас., 4/5).

ОДДИЙ МЕҲНАТ — ҳеч қандай махсус тайёргарлиги, малакаси, ихтисоси бўлмаган одамнинг меҳнати. Мас., юк ташувчи ва юкни тушириб-ортувчи, фаррош ёки қоровул бажарадиган ишлар қандайдир тайёргарлик кўришни, муайян малакага, қобилиятга эга бўлишни талаб этмайди. Шунингдек, одамларнинг уй-рўзғор ва уй-ҳўжалик борасидаги бажарадиган ишлари ҳам О.м. ҳисобланади.

ОДДИЙ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ — қ. *Такрор ишлаб чиқариш.*

ОДДИЙ ЎҒИТ — таркибида ўсимликлар учун асосий озиқ моддалардан бири бўлган ўғит. Бу ном шартли равишда берилган. Чунки О.ў. таркибида асосий озиқ моддалардан ташқари бошқа аралашмалар — олтингугурт, магний, кальций ва б. микроэлементлар ҳам бўлиши мумкин. Мас., оддий суперфосфатда 14—20% фосфор ангидрид, қолгани кальций, олтингугурт ва б. элементлардан иборат. О.ў. аммоний фосфорлар, калийли ва ҳ.к. бўлади. Қ.х. экинларини озиқлантиришни пантида қарор озиқ моддалар тизимини олиш учун уларни қушима аралаштириш керак.

ОДЕНСЕ — Данияда шаҳар ва порт. Фюн оролининг шим. қисмида. Аҳолиси 145,1 минг киши (2000). О. — мамлакат кемасозлик саноатининг ин катта маркази. Ун-т (1964 й.дан), Х. К. Андерсеннинг Музей уни, бадиият музейи, тарих ва маданият музеи, Фюн қишлоғи-музеи ва ҳ.к. бор.

ОДЕССА — Украинанинг *Одесса вилояти* маркази. Украинанинг ирик саноат, маданият, илмий ва курорт марказларидан бири. Қора денгизнинг шим.-ғарбий соҳилидаги порт. Шоссе ва т.й. тугуни. Аҳолиси 1037 минг киши (1997). Шаҳар 6 туманга бўлинган.

О. ўрнида 15-а.да туркларнинг «Хаджибей» қалъаси бўлган. Уни руслар эгаллаб, 1793 й. ўзларининг жанубдаги таянч нуқтига айлантирган. 1794 й.дан шаҳар, 1795 й.дан расмий равишда О.номида аталди. Шаҳарнинг марказий қисмида А. Э. Ришелье ҳайкали ва Потёмкин зинаси жойлашган классик биноолар ансамбли бор (1826—41). Классицизм услубида қурилган Воронцов, Потоцкий, Нарышкина саройлари, эски биржа, госпиталь, О. атрофи ва унинг чеккаларида — иқлимий ва бальнеологик курортлар (Аркадия, Лузановка ва б.) мавжуд. О.да тарихий воқеалар б-н боғлиқ жой кўп. 1941—44 й.ларда О.ни немис фашистлари эгаллаб турди. Шаҳар 1944 й. 10 апр.да озод қилинди. 1965 й. О.га қаҳрамон-шаҳар фахрий унвони берилди.

Одесса давлат опера ва балет академик театри биноси.

О.да машинасозлик (станоксозлик, юк-транспорт, сонгкич, тиббий, савдо, полиграфия ва б. асбоб-ускуналар, агрегатлар, ҳисоблаш машиналари н.ч. ва б.), кимё, нефтни қайта ишлаш, кимё-фармацевтика, озиқ-овқат, енгил (жун, тўқимачилик ва б.) саноатлари корхоналари бор. Пўлат прокат н.ч. бирлашмаси фаолият кўрсатади.

О. — йирик денгиз порти. Ҳаво линиялари орқали йирик шаҳарлар б-н боғланган. О.да Антарктика кит овлаш флотилияси базаси, 14 олий ўқув юрти (шу жумладан, ун-т, консерватория), Украина ФАнинг Жан. илмий маркази, 7 театр (шу жумладан, опера ва балет театри), археология, бадиий, консерватория, киностудия бор.

ОДЕССА ВИЛОЯТИ — Украинадаги вилоят. 1932 й. 27 февр.да ташкил этилган. Украинанинг жан.-ғарбида жойлашган. Майд. 33,3 минг км². Аҳолиси 2566,8 минг киши (1997), асосан украинлар, шунингдек, рус, болгар, молдаван, яҳудий ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. 26 туманга бўлинган; 14 шаҳар, 26 шаҳарча бор. Маркази — Одесса ш.

О.в.нинг катта қисми Қора денгиз бўйи пасттекислигида жойлашган. Вилоят шим. қисмида Подолия қирларининг этакларн бор. Фойдали қазилмалари: гранит, гнейс, оҳактош.

Иқлими мўътадил континентал. Январнинг ўртача т-раси жан.да —2°, шим.да —5°, июлники шим.-ғарбида 21°, жан.да 23°. Йиллик ёғин 350—470 мм. Вегетация даври 168—200 кун. Дарёлари Қора денгиз ҳавзасига мансуб. Асосий дарёлари: Дунай, Днестр (Кучурган ирмоғи ва Днестр дарёсининг дельтаси ўзи ирмоғи). Дунай дарёсининг дельтаси қоқланган. Ёзда қуриб қоладиган кичик дарё ҳам кўп. Вилоятнинг йирик дарёларида кема қатновида, суғоришда ва гидроэнергия олишда катта хўжалик аҳамиятига эга. Денгиз соҳилига яқин жойларда чучук ва шўр сувли кўл кўп.

Тупроғи, асосан, қоратупроқ. Вилоят шим.да ўрмон (дуб, қора қайин, шумтол, жўка) сақланиб қолган. 25 минг га дан ортиқ ўрмон иҳота дарахтзорлари бор. Кемирувчилардан малла товушқон, олахуржун, юмронқозиқ, кўшоёқ, қушлардан қирон қора учрайди. Дарёлари балиққа бой. Ондатра, қирғовул иқлимлаштирилган.

Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик. Қ.х. машиналари (асосан, плуглар), программа б-н бошқариладиган станоклар, технологик ва б. тарозилар, ўзиюрар ва кўтарма кранлар, кино ва электротехника аппаратураси, совиткичлар, кимё ва полиграфия саноатлари учун жиҳозлар ишлаб чиқарилади. Одесса, Измаил, Килияда кема таъмирлаш з-длари бор. Озиқ-овқат саноатида ялпи саноат маҳсулотининг 60% дан ортиғини Одесса беради. Енгил саноат корхоналари (тўқимачилик, жут, мовут, кўн, пойабзал, тикувчилик ва б.), аксари Одесса, Татарбунари, Балта, Белгород-Днестровский, Болград ш.ларида жойлашган.

Қурилиш материаллари саноатида темир-бетон буюмлар, цемент, гишт, черепица, рубероид, девор плиталари, оҳак ва ҳ.к. ишлаб чиқарилади.

Кимё саноати, асосан, четдан келтирилган хом ашёда ишлайди ва суперфосфат, линолеум, бўёқ, пластмасса, полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқарилади. Целлюлоза-қоғоз, қурилиш материаллари саноати ҳам ривожланган.

Қ.х. ялпи маҳсулотининг 61,8% деҳончиликдан, 38,2% чорвачиликдан олинади. Қ.х.да галлачилик ва сут-гўшт чорвачилиги етакчи ўринда. Токчилик ва боғдорчилик ҳам ривожланган. Галладан ташқари техника экинлари, картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, эшилади. Қорамол, чўчқа, қўй ва эчки, парранда боқилади. Темир йўл уз. 1039

км, автомобиль йўллари 8,7 минг км. Дунай дарёсида юк ташилади. Аэропорт бор. О.в. ҳудудидан Шебелинка — Одесса магистрал газ қувурининг бир қисми ўтади. 16 олий ўқув юрти, 8 и.т. институти, Одесса астрономия расадхонаси ва б. илмий муассасалар бор. Оммавий кутубхоналар, 7 музей, 6 театр, клублар мавжуд. Телестудия фаолият кўрсатади. О.в. ҳудудида бальнеологик, балчиқ б-н даволайдиган ва иқлимий курортлар жойлашган.

ОДЕССА УНИВЕРСИТЕТИ, И. И. Мечников номидаги Одесса университети — Украинадаги қад. ун-тлардан бири. Тарихи 1865 й. Одессада ташкил этилган Новороссийск ун-тидан бошланади. 1920 й. Новороссийск ун-ти негизида бир қанча олий ўқув юртлари вужудга келди. 1933 й. ун-т қайта тикланиб, О.у. деб атала бошланди. 1945 й. унга рус биолог олими И. М. Мечников номи берилган. Ун-т физика, мат., кимё, биол., геол., геогр., тарих, филол., ҳуқуқ ва б. ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Ун-тда 10 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ОДИЛ СУДЛОВ — ҳақиқий ҳолатни аниқлаб, одамлар орасидаги, улар б-н жамият ва давлат ўртасидаги келишмовчилик ва низоларни фақат суд томонидан ҳал этиб берилиши. О.с.ни амалга ошириш борасида суд мустақил, унинг фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади. ЎзРда суд ҳокимияти қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлардан, сиёсий партиялардан, бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақил ҳолда иш юритади. Ўзбекистон Республикасида суд тизими 5 й. муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва хўжалик судларидан иборат.

О.с.ни юритишнинг конституциявий, фуқаролик, хўжалик, жиноий ва маъмурий турлари белгиланган. Мустақиллик шарофати б-н О.с.ни амалга ошириш учун суд ваколатларида туб ўзгаришлар юз берди. «Суд тўғрисида» алоҳида қонун қабул қилинди (2000 й. 14 дек.), суд ваколатлари халқаро андозаларга мос келадиган даражада кенгайтирилиб, судлар орқали инсон ҳуқуқларини ва жамиятнинг ҳуқуқий негизларини самарали ҳимоя қилишга имкон берадиган шарт-шароитлар яратилмоқда.

Суд ислоҳоти нуснида О.с.ни амалга оширишнинг бирмунча такомиллаштирилган процессуал тартиби белгиланди, судья кадрлар танлаш ва жой-жойига қўйиш борасида самарали тизимга асос солинди, суд процесси иштирокчиларининг тенглиги қонунда мустаҳкамлаб қўйилди. ЎзР Конституциясининг суд ҳокимиятига бағишланган қоидалари О.с.ни ташкил этиш, суд органларининг давлат механизмидаги ва жамиятнинг сиёсий тизимидаги роли ва ўрни ҳақидаги масалаларга доир қонунчилик учун негиз ҳисобланади. Президент Ислом Каримов уқтирганидек, суд ислоҳотини чуқурлаштириш, ҳокимиятнинг мустақил ва қарам бўлмаган тармоғи сифатида бутун О.с. тизимини демократлаштириш — ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашнинг яна бир муҳим йўналишидир. Ижтимоий турмушнинг демократик ин-ти тарикасида суднинг аҳамияти жиддий равишда оширилиши зарур.

Ғафур Абдумажидов

ОДИЛОВ Аҳмад Одилович (1928.21.7, Тошкент) — созанда (чанг), педагог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1977). Тошкент консерваториясини тугатган (1952). Ўзбек давлат филармонияси халқ чолғу асбоблари оркестри созандаси (1943—57), Тошкент мусиқа билим юртида ўқитувчи (1944—82) ва директор (1957—60). Ўзбекистон давлат консерваториясида ўқитувчи (1948 й.дан), проф. (1977), чангчилар ансамбли ташкилотчиси ва раҳбари (1971 й.дан). Ижро услуби юқори бадиий-техник маҳоратига асосланган. Кенг қамровли концерт репертуарида ўзбек халқ куйлари («Гулбаҳор», «Танавор», «Шароф 1—2», «Жазоир», «Курд» ва б.) ва, айниқса, ўзбек ва чет эл композиторлари асарлари кенг ўрин олган. Чанг учун дарсликлар, қўлланмалар муаллифи. Осиё ва Европа мамлакатларида гастролда бўлган.

Ад.: Лутфуллаев А., Аҳмаджон Одилов, Т., 1998.

ОДИЛОВ Собир Раҳимович (1932.1.3. — Тошкент — 2002.18.7) — меъмор. О. ўзбек меъморлиги ва монументал санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган бинокор (1967). Ўрта Осиё политехника ин-тини тугатган (1955). Олмалиқ ш. (1955—61) ва Тошкент вилояти (1962—66) бош меъмори, Тошкент ш. бош меъмори (1970—84, 1990—91). «Ўзбекдавлатқурилиши» қўмитаси раиси ўринбосари (1975—85, 1990—91). Ўзбекистон маданият ёдгорликларини таъмирлаш и.т. ва лойиҳалаш ин-тида бўлим мудири (1986), директори (1989). Тошкент ш. бош плани ва Андижон, Жиззах марказ лойиҳалари (1970, 1980) муаллифи. О. раҳбарлигида 80 дан ортиқ лойиҳа (майдон, турар жой, ҳайкал ва б.) яратилган.

ОДИЛОВ Ҳасан Пирматович (1960.24.7, Тошкент) — ёғоч ўймакори. Ўзбекистон халқ устаси (2002). 1982 й.дан «Усто» бирлашмасида ишлаб О. Файзуллаевдан ёғоч ўймакорлиги сирларини ўрганган. 1991 й.дан мустақил уста. Республика ва хорижий кўргазмаларда унинг «ислими» ва «гириҳ» нақшли ёғоч ўймакорлиги асарлари б-н қатнашиб келмоқда. Тошкентдаги «Тошкент куранти» биноси зали, Темурийлар тарихи давлат музейи, Олий Мажлис биноси зали ва б. маъмурий биноларнинг ёғоч ўймакорлиги безакларини бажарган. Иқтидорли устанинг *Бухорий ёдгорлик мажмуи*, Тошкентдаги хотира майдонидаги айвонининг устун безаклари диққатга сазовор. О.нинг курси ва хонтахталари кўп қиррали, ўзига хос ишлов берилганлиги б-н ажралиб туради.

Ҳ. П. Одилов ишлаган хонтахта.

ОДИЛХОНОВА Онажон (1953.28.12, Гурлан тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1979). 1976 й.дан Янгибозор туманидаги 16-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. О. дарс жараёнида таълимнинг илғор ва ноанъанавий усулларидан фойдаланади.

ОДИМЧИЛАР (Geometridae) — капалаклар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. 12 минг тури маълум. Қанотлари ёйилганда 14—50 мм. О. капалагининг ранги бўғиқ кулранг, қанотлари катта, хартумчаси ривожланган, эркагининг мўйловлари патсимон ёки тароқсимон. Қуртларининг қорин оёқлари 2 та, камдан-кам 3—4 жуфт, ҳаракатланганида дастлаб танасининг олдинги қисмини илгари суради, сўнгра орқа қисмини тортиб олади (гўё «одимлагандек» бўлади; номи ҳам шундан).

Одимчилар: *а* — эркаги; *б* — урғочиси; *в* — барг билан озиқланаётган қурти; *г* — ҳаракатдаги ва ҳимоя ҳолатидаги (*д*) қурти.

Суғорма деҳқончилик минтақаларида кўп учрайди. О. барглар орқасига, пўстлоқ ёриқларига, куртак учига биттадан ёки туп-туп қилиб тухум қўяди. Қуртининг ривожланиши 1—2 ой давом этиб, тупроқда, тўкилган барглар орасида ғумбакка айланади. О. ўсимлик барги, куртаклари ва б. б-н озиқланади. Асосан, бегона ўтлар орасида ва бедазорларда ҳаёт кечиради.

Кураш чоралари: бедазорларга фозалон (1,5 кг/га), хлорофоснинг ҳўлланувчи кукуни ёки техник хлорофос (1,5 кг/га), амбушнинг 25%ли эмульгирланувчи кукуни ва б. б-н ишлов берилади.

«ОДИССЕЯ» (лот. Odessea, Odyssia) — юнон эпик достони. Муаллифлиги *Гомер*га нисбат берилади. Мил. ав. тахм. 9—8-а.ларда пайдо бўлган *«Илиада»* достонидан кейин яратилган. Гекзаметр (мусаддас ўлчови)да ёзилган (12100 мисра). «О.» негизида дунёга машҳур шундай фольклор сюжети ётади: узоқ дарбадарликдан сўнг садоқатли рафиқаси Пенелопа олдига таниб бўлмайдиган ҳолда эри — Одиссей қайтиб келади. Одиссей образида қаҳрамонлик сифатларидан кўра унинг ақл-заковати, эпчиллиги, тадбиркорлиги устун туради. «О.»да маиший картиналар ва эртак унсурлари «Илиада»дагига қараганда кўпроқ. Достон қад. замонлардаёқ юнон халқининг муқаддас ва мўътабар китобига айланган. Кўп тилларга таржима қилинган. Айрим парчалари ўзбек тилида *Миртемир* таржимасида нашр этилган.

ОДОАКР (Odoacer) (тахм. 431—493.15.3) — Ғарбий Рим империяси императори армиясидаги ёлланма герман отрядларидан бирининг раҳбари. Германларнинг скирлар қабиласидан. 476 й. 22 ёки 23 авг.да Ғарбий Рим империясининг сўнгги императори Ромул Августулни тахтдан ағдарган, ўзини Италия ҳокими деб эълон қилган. 493 й. О. давлати *остготлар* томонидан забт этилган, О. эса ўлдирилган.

ОДОБ (араб. — адаб сўзининг кўплиги) — жамиятда эътироф этилган хулқ нормаси. Шахс маънавий ҳаётининг ташқи жиҳатини ифодалайди ва ўзгалар б-н муносабат (оила, меҳнат жамоаси, турли маросимлар)да намоён бўлади. О. негизида ахлоқнинг баъзи тамойил ва меъёрлари, шунингдек, мақсадга мувофиқлик ва гўзаллик (эстетика) талаблари ётади. О. кишининг жамоат орасида ўзини қандай тутиши, одамлар б-н қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, бўш вақтини қандай ташкил этиши, инсон ташқи қиёфаси қандай бўлиши лозимлигига тегишли қоидалар (мас., шарм-ҳаё, камтарлик, хушмуомалалик, озодалик сингарилар)ни ўз ичига олади. Инсоннинг диний эътиқоди унинг О.ли бўлиб камол топишига самарали таъсир кўрсатади. О. таълим-тарбия, амалий тажриба жараёнида шаклланади.

ОДОҚ (оёқ сўзидан) — дарё ва сойлар этаги, қуйилиш ери, баъзан ўрта оқими соҳилларидаги текис пастлик ерлар. О.ларни тошқин вақтида баъзан сув босади, ер ости сувлари юза бўлиб, дарё сувининг сатҳига қараб ўзгариб туради. Тупроғи кўпинча, шўртоб ботқоқ бўлиб, қамиш, қўға, юлғун, шўра, жирғ б-н қопланиб ётади.

ОДРА, Одер (чех ва полякча Odra; нем. Oder) — Ғарбий Европадаги дарё. Чехиядаги Шарқий Судет тоғларидан бошланади, сўнгра Польша ҳудудидан оқади. О.га Ниса-Лужицка дарёси қўшилган жойдан Грифино ш.гача Польша ва Германия ўртасида чегара вазифасини ўтайди. Болтиқ денгизининг Шчецин қўлтиғига қуйилади. Уз. 891 км, ҳавзасининг майд. 149 минг км². Ниса-Лужицка дарёси қуйилгага яқин. Ниса-Лужицка дарёси қуйилган жойдан бошлаб кенг (эни 200 м дан зиёд) ва серсув. Қуйи қисмида 2 тармоққа бўлинган. Қор ва ёмғирдан тўйинади. Қуйилиш жойида сув сарфи ўртача 580 м³/сек, максимали 3000 м³/сек. Денгиз йилига 16 км³ сув келтиради. Баҳорда серсув. Қиш совуқ келган йиллари музлайди. О.нинг кумилиш жойидан Козле ш.гача йирик кемалар қатнайди. Эльба ва Висла дарёлари б-н каналлар орқали туташган. О. бўйида Острава, Ополе, Вроцлав, Франкфурт-Одер ш.лари Шчецин, жойлашган.

ОЁҚ — таянч ва ҳаракат аъзоси. Ҳайвонларда О.нинг вужудга келиши ва тузилиши турлича бўлса ҳам, бажарадиган вазифаси ўхшаш. Кўп қилли ҳалқилиларнинг жуда содда тузилган жуфт оёғи мускулли, калта, лекин серҳаракатдир.

Хордали ҳайвонлар оёғи тоқ ва жуфт бўлади. Қуруқликда яшайдиган барча умуртқали ҳайвонларда тоқ О. бўлмайди, бироқ улар сувда яшашга ўтса, тоқ О. (сузгич қанотлар) қайта вужудга келиши мумкин (мас., ихтиозаврлар, китлар ва б.да). Тоқ О. туфайли ҳайвон сувда мувозанатини сақлайди, олдинга ҳаракат қилади ва, асосан, ўзини-ўзи бошқаради. Жуфт О. дастлаб балиқларда пайдо бўлган, у сувга шўнғиш ёки кўтарилишини бошқаради ва мувозанатни сақлайди.

Ҳар бир О. мускуллар ёрдамида ҳаракатланувчи ва бир-бири б-н туташган тоғайли ёки суякли скелетдан иборат. Қуруқликда яшайдиган умуртқали ҳайвонларнинг оёқлари 3 бўлимдан ташкил топган: О. камари б-н туташувчи елка (олдинги О.да) ёки сон (орқа О.да), билак (олдинги О.да) ёки болдир (орқа О.да) ва панжа (олдинги О.да) ёки пай (орқа О.да).

Эволюция жараёнида жуфт О. кўп ўзгаришларга учраган. Учар калтакесаклар, қушлар ва кўршапалакларда учишнинг тараққий этиши туфайли олдинги О. қанотга, денгиз калтакесаклари, китсимонлар, куракоёқли сут эмизувчиларники куракка айланган ва ҳ.к. Баъзан ҳайвонларнинг олдинги оёқлари ковлашга (кротда), айримларининг ушлашга (маймунларда) мослашган. Функционал аҳамияти камайиши сабабли айрим ҳолларда жуфт О. йўқ бўлиб кетган (мас., илонбалиқларнинг қорин сузгич қаноти, китсимонлар ва сиреналарнинг орқа оёқлари, оёқсиз амфибиялар ҳамда барча илонларнинг иккала жуфт оёқлари ва ҳ.к.).

Одамда О. суяклари ва мускуллари гавдани кўтариб туришга ва турли ҳамда мураккаб ҳаракатларни бажаришга мослашган. Шунинг учун оёқ рельефининг қўлга нисбатан ўзига хос бўлишида оёқ суяклари, мускуллари аҳамиятга эга. О. думба, сон, болдир ва оёқ кафтидан иборат. Думба соҳасининг ҳажми катта, бўртган. Сон ҳажми ўртасидан торайиб борган. Тизза қисми олдинга бўртган, орқа соҳасида тизза ости чуқурчаси жойлашган. Болдир соҳасининг орқа қисми мускул ҳисобига бўртиб, пастга томон аста камайиб боради. Оёқ кафти кўндаланг жойлашган, пастки юзаси ёй шаклида бўлгани учун ҳаракат осонлашади.

Оёқ рельефи ёш, жинс ва одам қоматига қараб турлича бўлади.

Оёқ панжаси кафт олди, кафт ва бармоқлардан ташкил топган. Жуда кўп пишиқ бойламлар ва кўплаб мускуллар пайлари б-н яхлитлашган кафт олди суяклари юқорида бўртиб чиққан гумбаз ҳосил қилади. О. панжаси бойламлари ва мускулининг заифлашиши О. панжасининг ясситланишига сабаб бўлади.

ОЁҚДУМЛИЛАР, айримдумлилар, подуралар (Callembola ёки Padura) — тубан ёки бирламчи қанотсиз ҳашаротларнинг энг катта туркуми. 2 мингдан ортиқ. Ўрта Осиёнинг деҳқончилик минтақаларида эса 50 та яқин тури маълум. Чўзинчоқ танасининг уз. 0,2—2 мм. Қорни бўғимларга бўлинган ёки юмалоқ; оқ, яшил, гунафша, кулранг, кўпинча ола-була доғли. Усти туклар ёки тангачалар б-н қопланган. 4—6 бўғимли мўйловлари турли узунликда; оғиз аппарати — кемирувчиёки санчиб сўрувчи типда. 3 жуфт кўкрак оёқлари бўлиб, болдир ва панжалари бирлашиб кетган, учида тирноқлари бор. 6 бўғимли қорни 3 ўсимта — қорин найчаси, таянч ва сакровчи айридан иборат, сакраб ҳаракатланади (тупроқда яшовчи кўпгина О. сакровчи айрилари тараққий этмаган ёки бутунлай йўқ); чала ўзгариш б-н ривожланади. Сернам ерларда яшайди. Органик қолдиқлар, бир қанча турлари эса тирик ўсимлик б-н озиқланади. Қ.х. экинларига, айниқса, дуккакликларга зарар келтириши мумкин.

Яшил оёқдумли.

Кураш чоралари: уругликка, парник ва иссиқхоналарга сиртдан таъсир қилувчи инсектицидлар (карбофос, кельтан) б-н ишлов бериш.

ОЁҚОҒИТМА КЎЛИ — Бухоро вилояти шим.даги Оёқоғитма қишлоғи яқинидаги кўл. Оёқ-оғитма ботиғида. О.к.га Бухоро ва Навоий вилоятлари экин майдонларидан чиқадиган сизот ва оқова сувлардан ҳосил бўлган Шўркўл коллектори қуйилади. Сув юзаси майдони ёз ойларида 60 км² гача ортади, шу вақтда чуқ. 10 м дан ортади, кузда сув юзаси майдони кичраяди. Суви шўр. Балиқларининг сазан, дўнгпешона, лаққа каби турлари учрайди. О. атрофи қамишзор, ботқоқлик, қушларга бой.

ОЁҚСИЗ АМФИБИЯЛАР (Apoda, Gymnopkiona) — сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар туркуми. Битта черяга оиласи киради; 170 тур ва 37 уругга ажратилади. Африка, Осиё ва Америкасининг тропик минтақаларида тарқалган. Уз. 38—100 см. Гавданинг шакли ва тузилиши тупроқни ковлаб ҳаёт кечиришга мослашган. Гавдаси чувалчангсимон, оёқсиз, кўндаланг ҳалқаларга бўлинган. Териси яланғоч, кўп миқдорда шилимшиқ безлар б-н қопланган. Боши танасидан деярли ажралмаган, кўзлари кучсиз ривожланган бўлиб, думи калта. Ногора пардаси ва ўрта қулоғи бўлмайди, ҳид билиш ва туйғу органлари яхши ривожланган. Кўпчилик турлари нам тупроқларда, дарё ва кўллар бўйида, айрим турлари сувда яшайди. Гавдасини илонга ўхшаб эгиб ҳаракатланади. Умуртқаси ҳайвонлар б-н озиқланади. 5 талаи 30 тагача тухум қўяди. Бир хилларининг тухумлонидан сувда метаморфоз орқали ривожланадиган личинкалар чиқади. Бошқаларида личинканинг ривожланиши тухум ичида тугалланади. Сувда яшовчи турлари тирик тугади.

ОЖЕГОВ Сергей Иванович [1900.10(23).9, Тверь губернияси — 1964.15.12, Москва] — рус тилшуноси-лугатшуноси. Ленинград ун-тини тугатган (1926). Филол. фанлари д-ри, проф. (1961). СССР ФА Рус тили ин-ти нутқ маданияти сектори мудири (1952—64). Асосий ишлари лексикология, лексикография, социолингвистика, нутқ маданияти ва амалиёти, рус тили тарихи, айрим ғарбий тиллар тили ва б.га бағишланган. Д.Н. Ушаков таҳрири остидаги 4 жилдли «Рус тилининг изоҳли луғати» (1935—40) тузувчиларидан бири. О.нинг 1 жилдли «Рус тили луғати» (1949, 20-нашри 1988; Н. Ю. Шведова ҳаммуаллифлигидаги 4-нашри 2000) рус тилининг замонавий лексикасини қамраб олган ва кўплаб русча-миллий луғатлар, жумладан, 1983—84 йилларда нашр этилган 2 жилдли «Русча-ўзбекча луғат» тузишга асос бўлган. О. «Рус тилининг имло луғати» (1956, 5-нашри 1963), «Рус адабий талаффузи ва урғу» (1955), «Русча нутқ тўғрилиги асослари» (1962) каби луғат-маълумотномалар муаллифи; «Нутқ маданияти масалалари» номли тўпламининг (1—6-жилдлар, 1955—66) асосчиси ва бош муҳаррири.

ОЖЕШКО (Orzeszkowa) Элиза (1841.6.6 — Гродно шаҳри — 1910.18.5) — поляк адибаси. Йирик ер эгасининг қизи. Варшава пансионида тарбияланган (1852—57). Асарлари 1866 йилдан нашр этила бошлаган. О.нинг илк роман ва қиссалари («Пан Грабе», 1869; «Марта», 1873 ва б.) аёлларнинг инсоний қадр-қиммат ва ижтимоий эркинлик учун курашига бағишланган. О. ижодининг асосий мавзуи эски помешчиклик тартибининг инқирози ҳамда буржуазия обрў-эътиборининг юксалишидир: «Эли Маковер» (1874—75), «Брохвичлар оиласи» (1876) романлари ва б. Реалистик ҳикоялар тўплами «Турли-туман давралардан» (1—3-жилдлар, 1879—82), белорус деҳқонлари ҳаётини акс эттирувчи «Пастиклар» (1883), «Дзюрдзи» (1883) ва «Сурбет» (1888) қиссалари шуҳрат топган. «Неман узра» романи (1887) О. ижодий ютуқларининг умумлашмаси бўлиб, унда таназзулга юз тутаётган шляхта (поляк дворянларга миллий-ватанпарварлик анъаналарига содиқ меҳнатсевар деҳқонлар қарши қўйилган. О. насрий асарлари 19-а. поляк реализми чўққиларидан биридир.

ОЖИБВЕ (чиппева) — АҚШ (10 минг киши, 1990-йилар ўрталари) ва Канада (20 минг кишилик) алгонкинлар гуруҳига мансуб индеис халқи. Диалектлари — асосан католиклар.

ОЗАР (тахаллуси; тўлиқ номи Лутф Алибек Отохон Бегдилий узбек) (1722—1780) — шоир ва адабиётшунос. Эроннинг Қум, Шероз ва Исфаҳон шаҳарида яшаб, форс тилида ижод этган. Замондоши шоир Мир Саид Али Мушток таъсирида шеърлар ёзган. «Вола», «Нағзи» тахаллуслари б-н ҳам асарлар яратган. Шеърлар девони мажмуа-«Юсуф ва Зулайхо», «Дафтари ишқ ос-мон» каби достон ва газаллар муаллифи. Машҳур асарларидан бири «Оташкада» (1779) 2 китобдан иборат бўлиб, унда 10—18-а.ларда Эрон, Мовароуннаҳр ва Ҳиндистонда яшаб ижод этган 842 шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган, уларнинг асарларидан намуналар келтирилган.

ОЗАРБАЙЖОН (Азербайжон Республикаси (Азербайжан Республикаси), — Закавказьенинг жан.-шарқий қисмида жойлашган давлат. Майд. 86,6 минг км². Аҳолиси 8,2 млн. киши (2003). Пойтахти — *Бокў* ш. Маъмурий жиҳатдан 61 туман, 65 шаҳар, 122 шаҳарчага бўлинади. Нахичевань Мухтор Республикаси ва Тоғли Қорабоғ Мухтор Республикаси ҳам киради.

Давлат тузуми. О. — республика. Давлат бошлиғи — президент (2003 й.окт. дан И. Алиев). Қонун чиқарувчи ҳокимиятни парламент (Миллий мажлис), ижрочи ҳокимиятни Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади.

Табиати. О.нинг асосий қисми Катта Кавказ ва Кичик Кавказ тоғлари ва Кура-Аракс пастекислиги. Толиш тоғлари оралиғида жойлашган. Жанд Ўрта Аракс сойлиги ва унинг шим. тармоғи бор (тоғлар О. ҳудудининг деярли ярмини эгаллайди). Каспий денгизи қирғоғи кам парчаланган. Қирғоқ чизиғининг уз. 800 км. Йирик ярим ороллари: Апшерон, Кура қум тили, Сара; қўлтиқлари: Апшерон, Қизилоғоч, Боку қўлтиқчаси; йирик ороллари: Артём, Жилой. Нефть ва газ, темир рудаси, олунит, молибден, тошгуз конлари бор. О., асосан, субтропик иқлимдан тоғ тундраси иқлимигача бўлган иқлимни учратиш мумкин. Июлнинг ўртача т-раси 25—27°, янв.ники пасттекисликларда 0 дан +3°гача, тоғларда — 10° гача. Энг ис-

О.арбайжон гербн

сиқ т-ра 40—43°, энг совуқ т-ра — 30°. Ётингарчилик жуда нотекис. Йиллик ёғин — 200 мм дан 1800 мм гача. Йирик дарёси — Кура ва унинг асосий ирмоғи — Аракс. 250 та кўл бор (энг йириклари Ғажакобул ва Бўюкшўр). Тупроғи — кулранг-ўтлоқ, шўрхок, кулранг-қўнғир, жигарранг, каштан, тог-каштан ва б. тупроқлар. Ўсимликлари жуда хилма-хил — 4100 турдан ошади. Пастекисликларда чўл ва чала чўл ўсимликлари, қўпроқ бутазорлар. Кура-Аракс пастекислигининг шўрхок ерларида шўра, тог ялпизларидаги текисликларда шувоқ ва шувоқ-чалов ўсади. Ўрмонлари 1146 минг га, 2200—2500 м баландликларда субальп ва альп ўтлоқлари бор. Ҳайвонот дунёси турли-туман: судралиб юрувчилар, кемирувчилар, ёввойи тўнғиз, пўтрия, сиртсимон ит, жайран, қоплон, айиқ, тустовуқ, каклик, тоғ ва ўрдак кабилар. Каспий денгизи ва Кура дарёсида балиқ (лосось, осетр, севрюга, белуга ва б.) мўл. Закатали, Турянчай, Қизилоғоч, Ширвон ва б. қўриқхоналар бор.

Аҳолиси, асосан, озарбайжонлар (83%); руслар, лезгинлар, аварлар, курд, талиш, тахур, татлар ва б. ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 54%. Расмий тили — озарбайжон тили. Йирик шаҳарлари: Боку, Сумгаит, Мингечаур, Ганжа, Ленкоран, Нахичеван. Диндорлари — асосан мусулмонлар.

Тарихи. О.да *палеолит* давридан аҳоли яшай бошлаган. Қадим замонларда ҳоз. О. ҳудудида яшаган кўпгина қабилалар (каспийлар, кадусийлар, албанлар) тарихий ривожланиш давомида қабила иттифоқларига бирлашиб, кейинчалик дастлабки давлат тузилмаларига асос бўлди. Мил. ав. 9-а.да Мана подшоҳлиги вужудга келди. Ҳўжалик ва маданият бирмунча ривожланди. Мил. ав. 7-а. охирларида О. ва қўшни мамлакатларда *Мидия* давлати ташкил топди. Мил. ав. 6-а. да ҳокимият *Ахоманийлар* қўлига ўтди. Бу давлатни Македониялик Александр қўшинлари тор-мор этгач, Атропатена давлати вужудга келди. Мил. ав. 3—2-а.ларда ҳоз. О. ҳудудининг катта қисми Албания деб аталди (қ. *Кавказ Албанияси*).

Оғир босқинчилар кўп марта талади. Аҳолининг уларга қарши қураши, хусусан, мил. 5-а. охири — 6-а. бошларида *Маздакийлар ҳаракати*ни юзага келтирди. 8-а. бошларида О. Араб халифалиги қўл остига ўтди, ислом дини тарқалди. *Бобак қўзғолони*, Хуррамийлар ҳаракатида деҳқонлар ва ҳунармандлар қатнашди. 11-а. ўрталарида *Салжуқийлар* бошлиқ турк қабилалари (ўғузлар ва б.) бостириб келди. 12-а.да Салжуқийлар мавқеи пасайиб, Ширвоншоҳлар, Каспорийлар, Эльдегизийлар подшоҳлиги ривож топиши б-н ҳунармандчилик, деҳқончилик, савдо-сотиқ тараққий этди. Шу даврда етишиб чиққан Маккий ибн Аҳмад, Баҳманёр, Хатиб Табризий, Ҳоқоний, Низомий Ганжавий, Маҳастий ва б. жаҳон маданияти равнақига салмоқли ҳисса қўшдилар.

13-а.нинг 30-йилларида О.га мўғуллар, 14-а. охирида Амир Темур қўшинлари бостириб кирди. 14—15-а.ларда Ширвоншоҳлар подшоҳлиги кучайди. Қора қўюнлилар ва Оқ қўюнлилар деб аталган янги давлатлар вужудга келди. Савдо-сотиқ анча ошди. *Сафавийлар давлати* (16-а.) даврида О. халқ ҳўжалиги ва маданиятида юксалиш рўй берди. Шоҳ *Аббос I* (1587—1629 йилларда ҳукмронлик қилган) О. марказини Эрондаги Исфаҳонга кўчиришга оқибатида у Эроннинг чекка вилоятига айланиб қолди. Маҳаллий ҳокимлар ва ажнабий босқинчиларга қарши деҳқонлар кўзғолонига халқ қаҳрамони Кўрўғли бошчилик қилди. 18-а. бошларида Закавказье, хусусан, О.ни ўзига киритиб олиш учун Эрон б-н Туркия ўртасидаги кураш кучайди. 19-а.дан Россия Закавказье ерларини босиб ола бошлади. 1805—13 ва 1826—28 йилардаги Россия-Эрон урушлари натижасида ҳоз. О.нинг кўп қисми Россия давлати таркибига ўтди. Россия б-н Эрон ўртасидаги Гулистон шартномасига биноан белгиланган О.нинг жан. чегаралари ҳозиргача амал қилиб келаётир. 1917 й. нояб.да шўро ҳокимияти ўрнатилди. 1918 й. 28 майда О. Республикаси эълон қилинди. 1920 й. 28 апр.да Озарбайжон ССР ташкил бўлди. 1922 й. 12 мартда О. Закавказье Совет Федератив Социалистик Республикаси (ЗСФСР), сўнгра у тугатилган (1936), иттифоқдош республика сифатида СССР таркибига киритилди. 1991 й. фев.дан О. Республикаси деб номланди. 1991 й. 30 авг.да мамлакат Олий Кенгаши О. давлат мустақиллиги тўғрисида Декларация қабул қилди. 1988 й. Тоғли Қорабоғ ҳусусида О. б-н Арманистон ўртасида низо чиқиб, қуролли тўқнашувга айланиб кетди. 1994 й. майдан мозаро тўхтатилиб, масалани тинч ҳал этиш тўғрисида музокара бошланди. О. — 1992 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1991 й. 19 окт.да тан олган ва 1995 й. 2 окт.да дипломатия муносабатлари ўрнатган.

Озарбайжон байроғи.



Боку шаҳри.

Сиёсий партиялари. Янги Озарбайжон, Озарбайжон халқ фронти, Миллий мустақиллик партияси, Мусовот, Озарбайжон халқ партияси, Озарбайжон деҳқонлар партияси, Тўғри йўл партияси, Озарбайжон социал-демократик партияси ва б.

Хўжалиги. О. — индустриал-аграр мамлакат. Нефть, темир руда, алунит конлари бор; олтингугурт колчедани, барит, кобальт, молибден, маргимуш кабилар саноат асосида қазиб чиқарилади. Ялпи ички маҳсулотда саноатнинг улуши 54,2%, қ.х.нинг улуши 26,1%.

Саноати нинг етакчи тармоқлари: нефть, газ, кимё, машинасозлик, металлсозлик, бинокорлик материаллари ва электр энергетика. Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам ривожланган. Йилига ўртача 23,3 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади (асосан, иссиқлик электр ст-яларида). Нефть Апшерон я.о., Кура-Аракс пасттекислиги ва Каспий денгизидан, газ эса Қоратог-Дуваний ва Зира-Гўргон туманларидаги конлардан қазиб олинади. Нефть ва газ асосида кимё ва нефть кимёси саноати минерал ўғит, олтингугурт кислотаси, каустик сода, синтетик каучук, шина ва б. маҳсулотлар (Сумгаит, Сальян, Нефтечала, Мингечаур, Боку) ишлаб чиқарилади. Машинасозлик ва металлсозлик, асосан, нефть саноати учун машина-қурилмалар, электр двигателлар, трансформаторлар, кабель, радиоэлектрон аппаратлар, приборлар и.ч.га ихтисослашган. Қ.х. машинасозлиги, кемасозлик, озиқ-овқат саноати учун асбоб-ускуна и.ч. ривожланган (Боку, Ганжа, Мингечаур, Хонкенди, Нахичеван, Куба).

Озарбайжон табиати кўриниши.

Қора ва рангли металлургия Сумгаитдаги қувур прокати ва алюминий, Ганжадаги алюминий, Боқудаги пўлат арқон з-дларидан иборат. Боку, Ганжа ва Мингечаурда ип газлама к-тлари, Шеки ва Хонкендида шойи к-тлари жойлашган. Пахта тозалаш, жун газлама ва гилам тўқиш, тикувчилик ва трикотаж, ун, вино-коньяк, балиқ саноати корхоналари мавжуд.

Қишлоқ хўжалиги нинг асоси — деҳқончилик, унинг ялпи маҳсулоти 80% суториладиган ерларга тўғри келади. Юқори Ширвон, Юқори Қорабог, Самур-Апшерон каналлари, Жайрон-Батан, Аракс сув омборлари барпо этилган. Пахтачилик қ.х.нинг етакчи тармоқларидан бири. Тамаки ва чой ҳам етиштирилади. Галла экинларидан буғдой, маккажўхори, арпа, шоли, шунингдек, сабзавот экинлари экилади. Боғдорчилик ва токчилик ривожланган. Субтроник мевалардан анор, анжир, япон хурмоси, бодом кўплаб етиштирилади. Апшерон я.о.да зайфарон ва зайтун ўсади. Чорвачилик гўшт-жун ва гўшт-сутга ихтисослашган. Қорамол, қўй, эчки, чўчқа, парранда боқилади, пиллачилик б-н шуғулланилади.

Транспорти. Т.й. узунлиги — 2 минг км дан ортиқ, автомобиль йўллари уз. 36,7 минг км, 32 минг км қаттиқ қопламали. Денгиз транспортининг аҳамияти катта. Асосий порти Боку. Боку — Туркманбоши денгиз пароми мавжуд. Кура дарёсида кема қатнайди. Боку—Батуми ва Али-Байрамли — Боку нефть қувури, Қоратог — Акстафа, Қоратог — Сумгаит газ қувурлари бор. Бокуда метрополитен қурилган. Пул бирлиги — манат.

Тиббий хизмати. Тиббиёт ходимлари О. тиббиёт ин-тида ва 17 та ўрта тиббиёт билим юртида тайёрланади. Машҳур бальнеология курортлари — Нафталан, Истису; иқлимий курортлари — Шуша, Мардакян, Билчи, Бузовна ва Апшерон я.о.даги Боку «Саломатлик зонаси».

Маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Ҳоз. О. ҳудудида дастлабки мактаблар 5-а.да очилган. Араблар истилосидан сўнг болалар мактаб ва мадрасаларда ўқитилди. 20-а.дан замонавий маориф тизими жорий этилди. Ҳунар-техника билим юртлари ва олий ўқув юртлари очилди. О. ун-ти, нефть ва кимё ин-ти, политехника, пед., тиббиёт ун-ти ва б. бор. Илмларни мувофиқлаштирувчи О. Фанлар академияси ишлайди. Кутубхоналари: Республика кутубхонаси, О. ун-ти кутубхонаси, ФА кутубхонаси ва б. 38 музей бор, шулардан: О. Тарихи, Санъат, Адабиёт музейлари, Қ.х. музеи ва б.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. О.да 500 дан ортиқ газ. ва жур. рукнига олинган. Йирик газлари: «Озарбайжон» (озарбайжон тилида), «Вишка» («Минорa», рус тилида), «Бакинский рабочий» («Боку ишчиси», рус тилида), «Оҳолик», «Мухолифат», «Халқ» (учаласи озарбайжон тилида). Радиоэшиттириши 1926 й.дан,телекўрсатув 1956 й.дан бошланган. Азериформ телетраф агентлиги, Асса-Ирода, Турон, Хабар-сервис хусусий телеграф агентликлари мавжуд.

Адабиёти қад. ва бой. Халқ ижодида достон, бақе (тўртлик) қўшиқ, эртак, латифа, мақоллар кенг тарқалган. «Кўрўғли», «Ошиқ Ғариб», «Шоҳ Исмоил» каби достонларда озарбайжон халқининг юртпарварлик, инсонийлик ҳис-туйғулари ифодаланган. Халқ достонлари ва термаларининг энг яхши намуналари 16—17-а.ларда Курбоний, Сариошуқ, Аббосошуқ, Валеҳошуқ каби бахшилар оғзидан ёзиб олинган. Миллий санъатнинг ўзига хос тури бўлган ошуқлар шеърияти маданий ҳаётда кучли таъсир ўтказиб келган. 19—20-а.ларда яшаб ижод қилган ошуқлардан Алескер, Гусайн Бозалганди, Асад Ризаев, Мирза Байрамов, Шамшир Гожаев кабиларнинг қўшиқлари жуда машҳур бўлган.

О. ёзма адабиётининг энг қад. ёдгорликлари бизга етиб келмаган, аммо Қавказ Албанияси (ҳоз. О.)да юксак маданият мавжуд бўлганлиги маълум. 11—12-а. ларда форс тили таъсири кучайиши туфайли Хатиб Табризий, Бахчайиши туфайли Хатиб Табризий, Ҳоқоний, Маҳастий Ганжавий ва б. йирик озарбайжон олим ва шоирлари ўз асарларини форс тилида ёздилар. Низомий Ганжавий асарлари — О. шеъриятининг чўққиси бўлди. 13—14-а.ларда Авҳадий Марогий, Зулфиқор Ширвоний, 15—16-а.ларда Насимий, шоҳ Исмоил Хатоий, М. Фузулий, 17—18-а.ларда Соиб Табризий, Масиҳий, Видодий, Воҳиф ва б. шоирлар яшаб, ижод қилдилар.

19—20-а.ларда О. адабиётида новелла, достон, драма жанрлари пайдо бўлди. Реалист адиб М. Ф. Охундов, маърифатпарвар шоир Саид Азим Ширвоний, драматург Н. Н. Наримонов, новатор ҳажвчи шоир Мирза Алекпер Собир 19-а. озарбайжон адабиётини янги асарлар б-н ривожлантирдилар. 20-а. ўрталари ва 2-ярмида Сулаймон Рустам, Расул Ризо, Ж. Жабборли, М. Иброҳимов, Самад Вургун каби истеъдодли адибларнинг асарларини бошқа халқлар тилларига таржима қилиниб, кенг тарқалди. О. Ёзувчилар уюшмаси 1932 й.да ташкил қилинган.

Озарбайжон ва ўзбек халқлари қадимдан адабий алоқада бўлиб келганлар. Низомий асарларининг баъзилари урта асрлардаёқ ўзбек тилига таржима қилинган. Жумладан, Қутб Хоразмий 14-а.нинг 1-ярмида «Хисрав ва Ширин»ни ўзбек тилига кучирган. Навоий Низомий «Хамса»си — «Панж ганж»дан илҳомланиб ўзининг беш буюк достонини яратган. Ҳайдар Хоразмий 15-а.да Низомийнинг «Маҳзан ул-асрор» достонини, Огаҳий 19-а.да «Хафт пайкар»ни таржима қилган.

Навоий асарлари ўзи ҳаёт вақтидаёқ О. шоирлари ўртасида машҳур бўлган. Айниқса, Кишварий ва Фузулий Навоийни ўзларининг буюк устозлари деб билганлар. Фузулий «Лайли ва Мажнун»нинг лебочасида Навоийни Низомий б-н бир қаторга қўяди. Навоий «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайн» асарларида Низомий, Хоқоний б-н бирга Шайх Ширвоний, Абу Аббос Сухравардий, Абу Абдуллоҳ Хоқоний Суфий, Шайх Табризий, Қосим Анварий сингари озарбайжон шоир ва олимларининг номларини ҳам ҳурмат б-н тилга олади.

Муҳаммад Фузулий асарлари, айниқса, унинг «Лайли ва Мажнун» достони 17-а.дан бошлаб Туркистон мадрасаларида ўқув қўлланмаси вазифасини ўтаган. Бутина эмас, Фузулий ўзбек халқи ўртасида энг севимли шоирлардан бири бўлган. Шу туфайли Туркистонда «навоийхонлик», «бедилхонлик» мактабларн б-н бирга «фузулийхонлик» уюшмаларида минглаб кишилар шоир асарларини таҳлил қилганлар. Фузулийнинг асарлари Ўзбекистонда бир неча марта босилиб чиққан. Низомийнинг «Гулдаста», Фузулийнинг икки жилдли танланган асарлари, М. П. Воқифнинг «Танланган шеърлар», М. Ўрдубодийнинг «Қилич ва қалам» дилогияси, Собирнинг «Хўпхўпнома», М. Иброҳимовнинг «Қорабог қўшиқлари», «Буюк таянч», «Бўрон қуши», М. Дилбозийнинг «Озар қизи», С. Рустамнинг «Танланган шеърлар», И. Ғуломовнинг «Чексиз уфқлар» китобларн, М. Ҳусейн, А. Валиев, М. Раҳим, У. Сариведли, С. Раҳимов, Қ. Имомвердиев ва б. озарбайжон шоир, адиб ва драматургларнинг асарлари, «Озарбайжон шоирлари» антологияси ўзбек тилида нашр этилган.

Эр...

О. ёзувчиларининг асарларида Ўзбекистон мавзуи ҳам акс этган С. Рустам «Қалардон шаҳар», «Ўзбек қардошимга», М. Дилбозий «Ўзбек қизига», Ю. Ширвон «Қардош Ўзбекистонда» очерклар туркуми, М. Иброҳимов «Улуғ дўстлик» асарида ўзбек халқи ҳаётини қаламга олади.

Меъморлиги. О. ҳудудида неолит ва жез даврига мансуб қад. меъморий ёдгорликлар: дольменлар, кромлехлар, менгирлар, қалъаларнинг харобалари сақланиб қолган. 5-а.га оид Лекит қишлоғидаги христианларнинг доврасимон ибодатхонаси, 6-а.га оид Чирағқалъа, 7-а.га оид Мингечаур ибодатхоналар мажмуаси диққатга сазовор. 11—13-а.ларда Нахичеван ва Ширвон-Апшерон меъморчилик мактаби таркиб топди. Қасрлар ва масжидлар б-н бирга мақбаралар (Юсуф мақбараси, 1162 й. ва *Мўмина хотун мақбараси*, 12-а., меъмори Ажамий) ҳам қурилди. 14—15-а.ларда қуббасимон ва гумбазли иншоотлар расм бўлди, улар гиряк нақшлар ва тош ўймакорлиги б-н безатилди (Бокудаги Ширвоншоҳлар саройи, 15-а., Табризлаги Занғор масжид, 1465). 16—18-а.ларда Карвонсарой, ҳаммом ва кўприклар қурилди, шаҳарлар ривожланди. Ардабилдаги меъморий мажмуа (меъмор Шайх Баҳовуддин), Шекидаги хонлар саройи ва б. шу даврнинг энг машҳур ёдгорликларидир. О.даги масжид, мақбара, мадраса ва б. иншоотлар қурилиши ҳамда безакларн Ўрта Осиё ва Эрон меъморлиги б-н ўзаро уйғунлашган. 19-а. 1-ярмида О.да Россия ва Европа меъморчилигининг таъсири кучайди. 20-а. Боку ва б. шаҳарлар қайта қурилди, янги бинохамда иншоотлар барпо этилди. Матбуот уйи (меъмори С. С. Пэн), «Интурист» мехмонхонаси (меъмори А. В. Щчусев), Низомий номидаги музей, консерватория (меъморлари С. А. Далашев ва М. А. Усейнов), М. Азизбеков номидаги театр (меъмори Г. М. Азизода) шулар жумласига киради. Мингечаур, Сумгаит, Дашкесан каби янги шаҳарлар қад. кўтарди. О. Меъморлар уюшмаси 1936 й.да тузилган.

Шуша шаҳри.

Тасвирий санъати. О. ҳудудидан мил. ав. 2—1-минг йилликларга мансуб лой ва тошдан ясалган жониворларнинг қайкалчалари (Нахичеван Мухтор Республикасида Култепа қазилмалари) ва сопол буюмлар (Мингечаур қазилмалари) топилган. Қоялардаги расмларда одамлар, жониворлар, ов ва расм-русум манзаралари (Қобустон, Гямиқоя), жездан ясалган зеб-зийнатлар тасвирланган. Ўрта асрларда қайкалтарошлик (жез бургутлар, тош қайкалчалар ясаш) ривожланган. Араблар истилосидан сўнг нақшли кулолчилик, тош ўймакорлиги, хаттотлик урф бўлди. Жумладан, 13—16-а.ларда китобларни бадиий безаш, Табриз миниатюра мактаби, гиламдўзлик санъати юксак даражага кўтарилди. 18-а.да иморат деворларига нақш ва расм солиш (Шекидаги хонлар саройи, Ордубад, Шушадаги турар жойлар) ривожланди. 19-а.да миниатюра рангтасвири деворий расмлар ва портрет мусаввирлигида давом эттирилди (Уста Қамбар Қорабоғий, Мирза Қадим Эриванний, Мирмуҳсин Наввоб).

20-а.да тасвирий санъатининг реалистик шакллари ривожланди, янги жанрлар (ҳажвий графика, иллюстрация, плакат) пайдо бўлди. А. Азимзода ва Б. Кенгерли О. реалистик санъатига асос солдилар. 1920 й. Бокуда рассомлик мактаби очилди, муайян мавзуга бағишланган рангтасвир, портрет, пейзаж (манзара), ҳайкалтарошлик, дастгоҳ графикаси каби жанрлар вужудга келди. Ганжадаги Низомий қайкали (Ф. Абдураҳмонов) диққатга сазовор. Ҳоз. замон рассомларидан Т. Салахов, Т. Наримонбеков, Н. Абдураҳмонов, Э. Ризоқулиев, ҳайкалтарошлардан Э. Ҳусайнова, Э. Шомилов, К. Алекперов асарлари машҳур. О. Рассомлар уюшмаси 1940 й.да тузилган.

Мусиқаси. О. ҳудудидан топилган қоя расмлари (мил. ав. 5—3-минг йилликда яратилган), археологик материаллар бу ерда мусиқанинг жуда ҳам қадимийлигини кўрсатади. Меҳнат қўшиқлари, тарихий ва лирик қўшиқлар, ҳазил қўшиқлар кенг тарқалган. Қўшиқлар кўпинча якка, баъзан гуруҳ бўлиб ижро этилади. Чертиб чалиналиган тор, соз, уд тори, ишқаб чалиналиган камонча, пуфлама тутак, боломон, сурнай, зарб бериб чалиналиган ноғора, қўш ноғора, доира каби мусиқа асбоблари озарбайжон халқининг қад. севимли чолғу асбобларн саналади. Ўрта асрлардаёқ мақомлар тадқиқ қилинган. О. мақомлари назарияси У. Ҳожибеков томонидан ёзилган («Озарбайжон халқ мусиқаси асослари», 1945

Ганжа шаҳридаги Низомий Ганжавий қабрига ўрнатилган ёдгорлик.

йда нашр этилган). У. Ҳожибеков Фузулий достони асосида «Лайли ва Мажнун» (1908) операсини, «Аршин мол олон» (1913) комедиясини яратди. 1921 й.да консерватория, 1931 й.да биринчи нотали халқ чолғу асбоблари оркестри ташкил қилинди. 1938 й.да симфоник оркестр ташкил топди. 1927 й.да Р. Глиэрнинг «Шоҳсанам» операси саҳнага қўйилди. М. Магомаевнинг «Наргиз» (1935), У. Ҳожибековнинг «Кўрўғли» (1937) опералари О. мусиқа санъати ривожида муҳим воқеа бўлди. Қ. Қораев, Ж. Ҳожиев, Ф. Амировнинг опера ва симфониялари машҳур. Ш. Мамедова, Булбул, Р. Бейбутов, П. Будбул ўғли, М. Магомаев каби хонандаларнинг фаолияти диққатга сазовор.

Бокуда У. Ҳожибеков номидаги консерватория, М. Ф. Охундов номидаги опера ва балет театри, Ш. Қурбонов номидаги мусиқали комедия театри, Кўшиқ театри, филармония, симфоник оркестр, ашула ва рақс ансамбли ишлаб турибди. Республика радиоси қошида халқ мусиқа асбоблари оркестри бор. Озарбайжонда Давлат мусиқа академияси, 6 мусиқа билим юрти, 73 мусиқа мактаби мавжуд. У. Ҳожибеков номидаги Озарбайжон санъати илмий тадқиқот ин-ти (1945) мусиқа ва театр масалалари б-н шуғулланади.

Озарбайжон ва ўзбек халқлари мусиқа соҳасида қадимдан ҳамкорлик қилиб келганлар. Хусусан, Эрон озарларига мансуб Абдулқодир Марогий (1340—1435) деярли бутун ижодий (хонанда, созанда ва бастакорлик) ва илмий (мусиқашунослик) фаолиятини Амир Темур, Шоҳрух Мирзо ва Халил Султон Мирзолар саройида ўтказган.

1950-й.лар охирида ўзбек композитори М. Бурхонов жўрсиз мор учун қайта ишлаган халқ қўшиқлари О.да бу турдаги хор мусиқаси тараққиётига туртки бўлди. Мазкур алоқалар мустақиллик йилларида шаклан ва мазмунан кенгайиб бормоқда. Навоий номидаги театрда О. Меликовнинг «Икки дил достони», Ф. Амировнинг «Минг бир кеча» балетлари саҳналаштирилган.

Театри. Озарбайжон халқ театр санъати сарчашмалари қад. рақс ва маскарабозликлардан бошланади. Халқ орасида қўғирчоқ томошалари қалимлан ривож топган. 1920 й.да Бирлашган давлат театри ташкил қилинди (ҳоз. М. Азизбеков номидаги Озарбайжон театри). Бу театр 30—40-й.ларда услуби ва жанри жиҳатдан турли-туман бўлган кўпгина спектакларни томошабинларга тақдим қилди: М. Иброҳимовнинг «Ҳаёт», С. Вургуннинг «Фарҳод ва Ширин», А. Островскийнинг «Момақалдироқ» ва б. 40-й.ларда Р. Ризонинг «Вафо», З. Ҳалилнинг «Қасос» асарлари саҳналаштирилди. Республикада рус драма театри, ёш томошабинлар театри, Қўғирчоқ театри (ҳаммаси Бокуда) ва б. театрлар бор. М. Алиев, М. Довудова, С. Рухулло, А. Искандаров, А. Алекперов, О. Қурбонов каби артистлар миллий санъат ривожига муносиб ҳисса қўшдилар. 1944 й. Бокуда Озарбайжон театр жамияти тузилган.

Ўзбек театр санъатининг тараққиётида О. театри ва драматургиясининг таъсири катта бўлди. О. театри 1911 й.да Туркистон ш.ларида томошалар кўрсатди. М. Ф. Охундовнинг «Ҳожи Қора», «Мусьё Жордан ва Дарвиш Мусталишоҳ», Н. Везировнинг «Ёмғирдан қочиб селга», «Мусибати Фахриддин», А. Ахвердиевнинг «Талинган уя», «Оға Муҳаммадшоҳ Қожар» асарлари намойиш этилди. 1916 й.да О. мусиқали театри ҳам гастролга келиб, У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон», «Асли ва Карам», «Лайли ва Мажнун» сингари спектакларини кўрсатди. Кейинроқ озарбайжон драматурглариниг «Кўрўғли», «Наргиз», «Севил», «Юлдуз», «Қайнона» сингари қатор асарлари Ўзбекистон театрларида муваффақият б-н саҳналаштирилди. Ҳ. Носирова, М. Уйгур, М. Қориева, С. Олимов, З. Қобилов каби театр арбоблари Бокуда ўқиб келганлар.

Киноси. Биринчи озарбайжон бадиий фильми — «Нефть ва миллионлар оламида» 1916 й.да намойиш қилинган (реж. Б. Н. Светлов). 1923 й.да О. фотокино бошқармаси ташкил этилиб, 1924 й.дан бадиий фильмлар суратга олина бошлаган. 1945 й. У. Ҳожибековнинг «Аршин мол олон» комедияси экранлаштирилди (1966 и. реж. Т. Тагизода шу фильмнинг янги вариантини яратди). Тарихий ва ижтимоий мавзулардаги «Латиф», «Иснат» (реж. М. Ю. Микаилов) фильмлари яратилди. 1936 и. дастлабки овозли фильмлар — «Олмос» (реж. А. Р. Қулиев), «Мовий денгиз соҳилида» (реж. Б. В. Барнет, С. Мардонов), «Янги уфқ» (реж. Э. Қулиев) дунёга келди. 50—70-й.ларда О. кинематографияси янги босқичга кўтарилди. «Ҳаёт имтиҳони» (реж. Ш. Маҳмудбеков), «Болаликнинг сўнгги куни» (реж. А. Бобоев), «Юрак-юрак» (реж. Э. Қулиев), «Бахт қадри», (реж. Г. Сеидбейли) фильмларида инсоннинг ички дунёси, аҳлоқ-одоб масалаларини ёритишга ҳаракат қилинди. Халқ ўтмишини ёритишга киришган Г. Сеидбейли, Т. Тагизода, Э. Қулиев каби режиссёрларнинг жанрларидан «Насимий», «Сўнгги гулханлар шуъласи», «Бобак», «Асов Кура», «Етти ўғлим менинг» фильмларини яратдилар. О. киночилари йилига 4—5 бадиий, кўплаб воқеий-ҳужжатли ва мультипликацион фильмлари ишлаб чиқарадилар.

ОЗАРБАЙЖОН ТИЛИ — *туркий тиллар* оиласининг ўғуз гуруҳига мансуб тил; асосан, Озарбайжон Республикасида ва Эрон Ислом Республикасида, қисман Арманистон, Грузия, Туркия, Ироқ Республикаларида тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 14 млн. кишидан ортиқ (жумладан, Озарбайжонда 6 млн.га яқин — 1979 й. маълумотлари). О. т. 4 лаҳжа гуруҳига эга: шарқий (куба, боку, шемаҳи лаҳжалари ва муған, ланкаран шевалари); гарбий (казах, қорабоғ, ганжа лаҳжалари, айрум шеваси); шим. (нуҳин лаҳжаси ва закатала-кох шеваси); жан. (наҳичеван, ўрдубод, тавриз лаҳжалари, сереван шеваси). Лаҳжалардаги фарқлар, асосан, фонетика ва лексика соҳаларида кузатилади.

О.т. фонетикасининг бошқа туркий тилларга нисбатан фарқли жиҳатлари: О.т. да 9 унли, 23 ундош товуш бор; барча ўринларда G фонемасининг кенг қўлланиши; асли туркий к/к ундошларининг жарангланиши (қон→ған) ва бўғиз товушига айланиши (қачон→ҳачан) сўз бошидаги баъзи жарангли ундошларнинг жарангсизланиши (балчиқ→палчиг) ва б. Морфологияда бир қатор аффиксал кўрсаткичлар ўзаро фарқланса, синтаксисда боғловчили қўшма гаплар тизими ривожланган. Ҳоз. О.т. лексикасининг асосий қисмини шу тилнинг ўзига мансуб ва умумтуркий сўзлар ташкил этади; шунингдек, унда араб ва форс тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина.

Ёзуви 1929 й.гача араб графикаси асосида, 1929—39 й.ларда лотин графикаси асосида, 1939—90 й.ларда рус графикаси асосида бўлган. 1992 й.дан яна лотин графикаси асосидаги ёзув жорий этилган. Ҳоз. адабий О.т. (Озарбайжон Республикасида) 19-а.нинг ўрталарида Боку ва шемаҳи лаҳжалари асосида шаклланиб бошлаган.

ОЗАРБАЙЖОН УНИВЕРСИТЕТИ. М. Э. Расулзода номидаги Озарбайжон университети — илмий ва педагог кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. 1919 й. Боку ш.да очилган. Аввал Боку, 1922 й.дан Озарбайжон ун-ти. 1930 й. тиббиёт, пед., халқ хўжалиги ва б. мустақил олий ўқув юртларига бўлиниб кетди. 1934 й. ун-т сифатида қайта тикланди. Мат., механика, физика, кимё, биол., геол., геогр., тарих, филол., ҳуқуқ, шарқшунослик, журналистика бўйича мутахассислар тайёрлайди. 13 минтга яқин талаба таълим олади. Кутубхонасида 1,5 млн.дан ортиқ асар бор.

ОЗАРБАЙЖОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ — Озарбайжон Республикасининг олий илмий муассасаси. 1945 й. СССР ФА Озарбайжон филиали асосида ташкил қилинган. Боку ш.да жойлашган. Академиянинг 6 бўлимида 29 илмий муассаса бўлиб, булар бир қанча и.т. институти, астрофизика расадхонаси, Ботаника боғи, Республика қўлёзма фонди, Озарбайжон халқи тарихи музейи, Озарбайжон адабиёти музейи, кутубхонаси (1,3 млн.дан ортиқ асар) бор. Нахичеван ва Ганжа ш.ларида илмий марказлари мавжуд. Бир қанча илмий жур., ин-тларнинг асарлари ва б. илмий адабиётлар чиқаради.

ОЗАРБАЙЖОНЛАР (ўзларини — озарбайжонлилар, озарлар деб аташади) — халқ. Озарбайжоннинг асосий аҳолиси (5,8 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). Шунингдек, Эрон (10,430 млн. киши). Россия Федерацияси (336 минг киши), Грузия (307 минг киши), Қозоғистон (90 минг киши), Арманистон ва б. мамлакатларда ҳам яшайди. Умумий сони 17,2 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). *Озарбайжон тилида* сўзлашади. Диндорлари — асосан, шиа мусулмонлар. О. катта европеоид ирқининг жан. ирқига мансуб. О. этногенезида қад. Мана (мил. ав. 1-минг йилликнинг 1- ярми), Кавказ Албанияси (мил. ав. 1-минг йилликнинг 2-ярми — мил. 10-а.), Мидия, Атропатена (мил. ав. 4-а. — мил. 7- а.) давлатлари аҳолиси қатнашган. 7-а.да араблар истилосидан сўнг Алербейжон ёки Озарбайжон номини олган. Мил. ав. 1-минг йиллик — мил. 1-минг йиллик мобайнида келгинди эроний ва туркийзабон қабилалар (скифлар, гузилар, булғорлар, бижанаклар ва б.) маҳаллий аҳоли б-н аралашиб кетганлар. Озарбайжон этник бирлигининг шаклланиши, асосан, 11—13-а.ларда Озарбайжонга янги туркий (ўғуз) қабилаларининг кириб келиши натижасида якунланган. О.нинг бир қисми саноатда (айниқса, нефть, газ, асбобсозлик ва б.) ва қ.ха банд. Қишлоқ аҳолисининг анъанавий машғулоти — деҳқончилик, пахтачилик, богдорчилик, узумчилик, ипакчилик.

ОЗИҚЛАНИШ — қ. *Минерал озиқланиш.*

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ — халқ хўжалигининг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган соҳаси. Тармоқ таркибида гўшт-сут, ёғ-мой, балиқ маҳсулотлари, ун-ёрма, макарон, мева-сабзавот консервалари, сут-ёғ, шакар, чой қалоқлаш, қандолатчилик, нон, узум ва шампан винолари, спирт, арақ, тамаки, пиво, ҳанқовбосар ичимликлар, совун ва б. саноат корхоналари бор.

Ўзбекистон замонавий озиқ-овқат саноатига эга. Унинг таркибида 3200 дан ортиқ корхоналар бор. Бу соҳа, асосан, маҳаллий хом ашёни қайта ишлашга асосланган. О.-о.с. корхоналарида 200 дан ортиқ маҳсулот тури тайёрланади.

Мамлакат мустақилликка эришгач, О.-о.с.да чуқур ташкилий ва иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Кўпгина саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, очиқ турдаги акциядорлик бирлашмалари ва жамиятларига айлантирилди, илгари тармоқ корхоналарига раҳбарлик қилган озиқ-овқат, гўшт-сут, дон маҳсулотлари ва б. вазирликлар тугатилиб, «Ўзозиқовқатсаноат» давлат-акциядорлик концерни (1993 й. 5 май; 1994 й. 26 сент.дан «Озиқ-овқатсаноат» ва «Ёғсент.дан «Озиқ-овқатсаноат» давлат-акциядорлик мойтамакисаноат» уюшмалари), «Ўзгўштсаноат» давлат-акциядорлик уюшмаси (1993 й. 6 апр.), «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси (1994 й. 22 апр.), «Ўзмевасабзавотузумсаноат» давлат-акциядорлик уюшмаси (1994 й. 28 нояб.дан), «Ўзбалиқ» давлат-акциядорлик корпорацияси (1994), Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги таркибидаги «Ўзпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси (1964), «Ўзбекбирлашув» таркибидаги О.-о.с. корхоналари очиқ турдаги акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Аҳоли эҳтиёжларини республиканинг ўзида ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари б-н қондириш чоралари кўрилмоқда. 2002 й.да О.-о.с. корхоналарида (минг т): гўшт — 147,4, мол ёғи — 1,9, сут маҳсулотлари — 216,6, консервалар — 480,6 минг шартли банка, қандолатчилик маҳсулотлари — 61,1, ўсимлик мойи — 222,2 нон ва нон-булка маҳсулотлари — 842,8, ун (давлат ресурслари доирасидан) — 1554,9, қадоқланган чой — 5,3, тамаки — 10,6, хўжалик совуни — 41, қанд-шакар — 217,2, макарон маҳсулотлари — 74,6, вино-арақ — 6134 минг дал, пиво — 7853 минг дал, ҳанқовбосар ичимликлар — 12680 минг дал ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Тармоқ корхоналарига олий ва ўрта махсус маълумотли муҳандис-техник кадрлар Тошкент кимё-технология ин-ти, Бухоро енгил ва озиқ-овқат саноати ин-ти, Тошкент иқтисодиёт ин-ти ва Тошкент техника ун-тида, Самарқанд, Янгиёўл озиқ-овқат, Тошкент технология коллежларида тайёрланади.

О.-о.с. корхоналарида банд бўлган ходимлар сони 100 минг киши (2003).

Ўзбек Турсунхўжаев.

«ОЗОД ЕВРОПА» /«ОЗОДЛИК» — бир қанча Шарқий Европа мамлакатлари ҳамда собиқ Совет Иттифоқи республикаларига эшиттиришлар олиб борувчи нотижорий, нодавлат халқаро радиостанция. «Озод Европа» корпорацияси («Free Europe, Inc.») 1949 й.да коммунистик мафкура таъсири остидаги Шарқий Европа давлатларида рўй бераётган воқеалар ҳақидаги хабар ва репортажларни эфир орқали бериш мақсадида ташкил этилган. 1951 й.да айнан шу асосларда Совет Иттифоқи республикалари учун эшиттиришлар олиб бориш мақсадида «Озодлик радиоси комитети» («Radio Liberty Comnitee, Inc.») корпорацияси ташкил этилган.

Ҳар иккала радиостанция, асосан, АҚШ Конгресси томонидан Марказий разведка бошқармаси (МРБ) орқали маблағ б-н таъминланиб келинган, айни шайтда бюджетнинг муайян қисми айрим шахсларнинг хайрияларидан иборат бўлган. Радиостанциялар фаолиятини маблағ б-н таъминлаш ва назорат қилиш бўйича барча мажбуриятлар 1971 й.да Халқаро радиоэшиттиришлар кенгаши ихтиёрига ўтган, МРБ ушбу соҳадаги ўз ишторкини тўхтатади.

Халқаро радиоэшиттиришларга ихтисослашган мазкур корпорацияларга 1975 й. RFE /RL, Inc. («Radio Free Europe» / Radio Liberty, Incorporated) — PCE/PC тарзида бирлаштирилди. «О.Е.»/«О.» радиостанцияси 26 тилда эшиттиришлар олиб боради.

Радиоэшиттиришларнинг ҳафталик умумий ҳажми 800 соатни ташкил этади. Мазкур радиостанцияларнинг штаб-квартиралари 1995 й.гача Германия-

нинг Мюнхен ш.да бўлган, 1995 й.дан Чехия Республикасининг Прага ш.га кўчирилган. Асосий штаб-квартирасидан ташқари, жойларда (жумладан, Тошкент ш.да) унинг 24 бюроси фаолият кўрсатади.

РСЕ/РС, яъни «О.Е.» /«О.»радиостанцияси аввалларі коммунистик тузумга қарши эшиттиришлар тайёрлаган бўлса, 1991 й.дан ўз эшиттиришлари йўналиши ва мазмунини қуйидагилардан иборат деб ҳисоблайди: демократик ва бозор муносабатлари соҳасидаги ислоҳотларга алоқадор ички ва минтақавий масалалар бўйича янгиликлар, таҳлилий материаллар бериб бориш; демократик қадриятларни тарғиб қилиш орқали фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлашга ёрдам бериш; этник ва диний келишмовчиликларни бартараф этишга ҳисса қўшиш ва б. Айни вақтда «О.Е.»/«О.» хабарларида «шов-шув» кетидан қувиб, воқеа-ҳодисаларни бузиб кўрсатиш, бирёқламалик, «тирноқ остидан кир қидириш» ҳолатлари ҳам учраб туради.

ОЗОДБОШ СВИТАСИ — Тошкент ш. атрофида учрайдиган қуйи бўр ётқизиқлари таркибидаги стратиграфик бирлик. Қоржонтовнинг жан.-ғарбий этакларида жойлашган Озодбош яланглиги номи б-н аталган. Н.Е.Минакова томонидан 1941 й.да ажратилган. О.с. палеозой баландликларининг бузилиши, чала сийқаланган йирик ва майда шағалларнинг кумли оҳак ва гил б-н цементланиши натижасида ҳосил бўлган қизил рангли континентал брекчия ва конгломератлардан ташкил топган. О.с.нинг умумий қалинлиги 30—160 м.

ОЗОДИЙ Давлатмамед (1700—1760) — туркман шоири ва маърифатпарвари. *Маҳтумқулі*нинг отаси. Туркман мумтоз адабиётининг йирик вакилларидан бири. Аввал эски мактабда, сўнгра Хива мадрасасида ўқиган, араб, форс тилларини ўрганган, кейинчалик шу мадрасада мударрислик қилган. У халқ оғзаки ижодини, Шарқ адабиётлари улуғ намояндалари асарларини чуқур ўрганган, улар таъсирида қасида, рубоий, ғазаллар ёзган. 6000 мисрали «Ваъзи Озод» номли йирик илмий рисола-достони (1753—54) О. ижодида муҳим ўрин тутади. Асар маснавий усулда ёзилган бўлиб, 4 бобдан иборат. 1-қисмида мамлакатда тартиб ўрнатиш, 2-қисмида қалъа ва саройлар қуриш, 3-қисмида жамиятда фан ва маорифнинг ўрни, 4-қисмида камбағаллар ва дарвешлар тўғрисида фикр юритилган. Асарда туркман қабилаларини бирлаштириш, солиқларни камайтириш, каналлар ўтказиш, йўл ва кўприклар қуриш каби масалалар акс этган.

ОЗОДЛИКДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ — жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсни махсус ажратилган тарбиявий муассасаларда мажбурий равишда жамиятдан ажратишда ифодаланадиган *жазо* тури. О.м.қ. асосий ва энг оғир жазолардан бири ҳисобланади. У *маҳкумлар*га нисбатан жиддий чекланишлар қўллаш б-н боғлиқдир. Маҳкум фақат жамиятдан ажралиб қолмасдан, балки ҳаракатланиш, меҳнат фаолиятини танлаш эркинлигидан ҳам маҳрум бўлади. Ўз вақтидан фойдаланиш имконияти чекланади ва ҳ.к.

О.м.қ.нинг мақсади айбдор (жиноятчи)ни жамиятдан ажратиш йўли б-н унинг жиноий фаолиятини давом эттириш имкониятини йўқотиш, тарбиялаш, шунингдек, бошқа бекарор фуқароларга огоҳлантирувчи таъсир кўрсатишдир. ЎзР Жиноят кодекси тегишли моддаси санкцияси О.м.қ. тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳоллардагина ушбу жазо чораси қўлланилади.

О.м.қ. Ўзбекистон Республикаси ЖК моддаси б-н белгиланган доирада муайян муддатга суд томонидан тайинланади. О.м.қ. муддати 6 ойдан 20 йилгача белгиланган, бир неча жазоларни қўйиш тартибида эса 25 йилгача белгиланиши мумкин. Маҳкумлар О.м.қ. жазосини турли тарбиявий муассасаларда ўтайдилар, унинг турларини суд ўз ҳукмида белгилаб беради. Улар манзил колониялар, умумий, қаттиқ ва махсус тартибли колониялар ёки турмалар бўлиши мумкин.

ОЗОКЕРИТ (юн. ozo — ҳид тарataман ва keros — мум), тог муми — *битумлар* гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби қаттиқ ҳолатдаги тўйинган углеводородлардан иборат. Ранги оч яшил, сариқ, қўнғирдан қорагача. Юмшоқ, қаттиқ, баъзан мўрт бўлади. О.дан керосин ҳиди келади. Зичлиги 0,85—0,97 г/см³; 52—85° да эрийди. Таркибида 83—85% углерод, 13,5—15% водород ва 2% кислород, азот, олтингугурт бор. Юқори парафинли нефть ва оғир газ-конденсатларининг тақсимланишидан ҳосил бўлади. О. қатламларда нефть борлигидан дарак беради. Қум ва оҳактошларда 4—16% О. мавжуд. Термоизоляция, бўёқчилик, тиббиёт *(озокерит билан даволаш)* ва атторлик саноатида қўлланади. Асосан, О. қайта ишланиб, ундан церезин олинади. Ўзбекистонда (Фаргона), Украина (Львов вилояти), Туркманистонда (Челекен) катта конлари бор.

ОЗОКЕРИТ БИЛАН ДАВОЛАШ — *озокеритни* дано мақсадида ишлатиш. Эритилган шифобахш озокерит иссиқликни узоқ вақт сақлаб туради ва уни аста-секин баданга ўтказади. У оғриқ қолдириш ва суриб олиш хусусиятига эга; *моддалар алмашинуви*, қон айланиши, тўқималар озиқланишини кучайтиради. О. б-н д. сурункали касалликларда, бўғим, мускуллар шикастланганда, нерв системаси касалликлари (радикулит, невралгия, невралгияда, *овқат ҳазм қилиш системаси* касалликлари (яра касаллиги, колит, гастритда, ярқак ва аёллар жинсий аъзолари яллиғланганда, қулоқ, бурун, томоқ касалликларида қўлланади.

ОЗОН (юн. ozon — ҳид тарқатувчи), O_3 — кислороднинг аллотропик шакли. О. молекуласида 3 та кислород атоми бор. О.ни илк бор 1785 й.да голландиялик физик Ван-Марум ҳаво орқали электр учқунлари ўтказилганда ўзига хос ҳид пайдо бўлиши ва оксидловчи хоссага эга бўлишлигини топган. О.нинг хоссалари кислороднинг одатдаги шароитда барқарорлиги газ. Қайнаш т-раси — 111,8°, суюқланиш т-раси — 192,4°. Кучли оксидловчи ва бекарор модда. Калий йодиднинг нейтрал эритмасига О. таъсир эттирилганда, калий йодид оксидланиб, йод ҳосил бўлади:

$$O_3+2KJ+H_2O\rightarrow J_2+O_2+2KOH.$$

Қора тусли қўргошин сульфид О. таъсирида оксидланиб, оқ тусли қўргошин сульфатга айланади. О. баъзи бир анорганик ва органик моддалар б-н бирикканда, озонидлар (қ. *Пероксидлар*) ҳосил қилади. О. ҳосил қилиш учун махсус асбоб — озонатор ишлатилади. О. сув ҳавода жуда оз миқдорда (1 м³ да 1 мг) бўлади. Ер юзасидан узоқлашган сайин О. миқдори ортиб боради ва 20—25 км баландликда максимумга етади. Оксидловчи, дезинфекцияловчи ва бактерияларни ўлдирувчи хоссаларга эга бўлганлиги учун ичимлик сувини тозалашда, озиқ-овқат саноатида, оксидловчи сифатида ёғ ва қоғозни оқартиришда ҳам ишлатилади. О.нинг ҳавоdаги концентрацияси 5—10% дан ошса маслиги керак, чунки О. ис гази *CO* га нисбатан ҳам заҳарлидир.

Мезосфера ва стратосферадаги атомар кислород (О) молекула ҳолдаги кислород (O_2) б-н тўқнашиб, O_3 ҳосил қилади: $O+O_2=O_3$. молекулалар тўлқин уз. 200—300 нм бўлган фотонларни ютади. Бу жуда муҳим. Агар стратосферада О. қатлами бўлмаса, юқори энергияга эга бўлган қисқа тўлқинли фотонлар Ер сатҳига етиб келар, ундаги ўсимлик ва ҳайвонлар бундай юқори энергияли нурга бардош беролмаган бўлар эди. «О. қалқони» Ерда ҳаётни сақлаб қолишда муҳим роль ўйнайди. Лекин товушдан тез учадиган самолётларнинг ички ёниш двигателларидан чиқадиган юқори ҳароратли атмосферадаги кислород б-н азотнинг реакцияга киришишига, азот моноксиднинг ҳосил бўлишига ва у О. б-н реакцияга киришиб, «О. қалқони»га салбий таъсир этишига олиб келади. Совитхончалар, пуркагич газ балончаларидан чиқадиган хлорфтометан ҳам худди шундай таъсирга эга. *«Озон тешиги»* ибораси шулар туфайли келиб чиққан.

ОЗОН ТЕШИГИ, озон туйнуги — Ер атмосферасининг озон қатламидаги узилиш; дастлаб 1985 й.да Антрактида устида, кейинчалик Австралия томон силжиётгани, 1992 й.да эса Арктика устида кузатилган. О. т. тахминларга кўра, антропоген (инсоният фаолияти) таъсирлар, шу жумладан, озон қатламини емирувчи хлорли совитхончалар (фреонлар)ни саноат ва турмушда кўплаб миқдорда ишлатиш натижасида рўёбга чиққан. Қуёшнинг ультрабинафша (200—300 нм) нурланиши озон қатламида ютилгани учун тирик организмларга хавфли бўлган нурланиш Ер сиртига етиб келмайди. Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисида 1985 й.да Вена конвенцияси, 1987 й.да Монреаль протоколи қабул қилинган. Бу ҳужжатларда хлорли совитхончилар ва дезодорантлардан воз кечиш зарурлиги қайд этилган.

ОЗОНОСФЕРА — Ер сиртидан 10—50 км баландликда жойлашган озонли атмосфера қатлами. Озон 20—25 км баландликдаги О.да энг кўп тўпланади (қ. *Озон*). О.да озоннинг ҳосил бўлиши ва унинг баландлик бўйича тарқалишини фотокимёвий назария талқин қилади. Озон Қуёш радиациясини кучли ютади, шунинг учун Қуёш радиациясининг биологик жиҳатдан анча фаол қисми Ер сиртига етиб келмайди. Радиацияни ютиши натижасида О. қатламида т-ра анча кўтарилади. О.даги озонни текшириш учун ҳар хил баландликда олинган ҳаво намунаси таҳлил қилинади. Ер сиртидаги ёки зонд ва ракеталар ёрдамида атмосферага олиб чиқилган оптик асбоблар (спектрофотометр ва б.)дан фойдаланилади. О. маълумотлари Қуёш радиациясининг Ер атмосферасида ютилиш табиатни ўрганишда жуда муҳим.

ОЗУҚА БИРЛИГИ — молларга едириладиган ем-хашак тўйимлилигини белгиловчи ўлчов бирлиги. О.б.нинг 1кг қуруқ сули тўйимлилигига тенг қилиб олинган. Бошқа ем-хашаклар тўйимлилиги шунга таққослаб баҳоланади. Мас., 1 кг қуруқ беда 0,5; арпа 1,15; 1 кг маккажўхори 1,4 О.б.га тенг. Қорамолларда ёг тўпланишига қараб белгиланадиган бир О.б. тўйимлилиги 150 г ички ёг тўпланишига ёки 1414 ккал га тенг. Ем-хашак тўйимлилиги баҳоланаётганда О.б.дан ташқари, унинг таркибидаги ҳазм бўладиган протеин, кальций, фосфор, каротин ҳамда витаминлар ҳам назорат қилинади. Амалда ем-хашак тўйимлилиги кўрсатилган махсус жадваллардан фойдаланилади. АҚШ, Германия, Буюк Британия ва б. мамлакатларда озуқа таркибидаги ҳазм бўладиган озиқ моддаларга қараб баҳоланадиган озиқ моддаларга қараб баҳоланади (яна қ. *Ем-хашак тўйимлилиги*).

ОЗУҚА НОРМАСИ — ҳайвонлар ҳаётини сақлаш ва маҳсулдорлигини ошириш учун зарур озуқа моддаларининг кундалик миқдори. Чорвачилик маҳсулотларини кўплаб етиштириш ва ем-хашакдан оқилона фойдаланиш моддаларга бериладиган ем-хашакнинг сифати ва миқдорига, ҳайвонларнинг озуқага бўлган талаби ҳамда хўжалик шароитига боғлиқ. Молларга озуқа белгиланган норма асосида берилади. Озуқанинг нормадан кам ҳам, кўп ҳам ҳайвонларга салбий таъсир этади. Амалда ҳайвонларнинг озуқа моддаларга бўлган умумий талаби асосида тузилиб, *озуқа бирлиги* б-н ифодаланган; шунингдек, ҳазм бўладиган протеин, кальций, фосфор, каротин, ош тузи нормаларидан ташқари 1985 й.дан бошлаб ҳайвон турига қараб — ферментлар, витаминлар, углеводлар, микроэлементлар каби 30 га яқин турдаги биологик фаол моддалар ва қўшимчалар кўрсатилади.

Ёғлилиги 4% 1 л сут ҳосил бўлиши учун тахм. 0,5 озуқа бирлиги сарф бўлиши инобатга олиб, соғин сигирлар учун О.н. ҳисоблаб чиқилади. О.н. доимий бўлмай, шароитга ва ишлаб чиқариш режасига қараб қайта кўриб чиқилади, лозим бўлса ўзгартирилади.

ОЗУҚА РАЦИОНИ — молларга маълум вақт (кун, ой, мавсум)да бериладиган ем-хашак. О.р. *озуқа нормаси* асосида тузилади; бунда хўжаликда мавжуд ем-хашакнинг тури, тўйимлилиги, чорва молларининг ёши, соғломлиги, маҳсулдорлиги, иштаҳаси ва б. индивидуал хусусиятлари эътиборга олинади. О.р. протеин, аминокислота, кальций, фосфор ва ош тузига бой бўлиши керак. О.р. белгилашда ўртача иштаҳали чорва моллари кўзда тутилади. Уларнинг нормал овқат ҳазм қилишни таъминлаш учун рационда ем-хашак нисбати тўғри белгиланиши лозим. О.р. таркибидаги турли озуқаларнинг фоизда ифодаланган миқдори рацион тузилмасини кўрсатади. О.р., одатда, ҳар ойда янгидан тузилади.

ОИДИУМ (лот. oidium; юн. oon — тухум) — токнинг замбуруғли касаллиги, бутун вегетация давомида ток тупининг кўк қисмини зарарлайди (қ. *Кул, Para*).

ОИЛА — *никоҳ*га ёки тугишганликка асосланган кичик гуруҳ. Унинг аъзолари рўзғорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий масъулияти б-н бир-бирига боғланган. О.нинг энг муҳим ижтимоий вазифалари — инсон зотини давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, О. аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали уюштиришдан иборатдир. Оилавий муносабатлар нисбатан мустақил ҳодиса саналса-да, жамиятдаги мавжуд ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий муносабатлар б-н белгиланади ва улар таъсирида ўзгариб боради. Шунга мувофиқ, ҳар бир жамият ўзгариб мос О. типини, оилавий муносабатларни ўрнатади.

О. жамият тарихида азалдан мавжуд бўлмаган. Ибтидоий жамоа тузумининг биринчи босқичида, кишилар тўда-тўда бўлиб яшаётган даврда жинслар орасидаги муносабатлар муайян тартиб-қоидага эга бўлмай, тўдадаги барча эркаклар ва аёллар бир-бирларига умумий эр-хотин ҳисобланган. Тарихий тараққиёт жараёнида жинсий муносабатлар аста-секин муайян тартибга солина бошланди. Дастлаб ота-она б-н фарзандлар, сўнгра ака-ука ва опа-сингиллар орасидаги жинсий муносабатлар тақиқланиб гуруҳли О. пайдо бўлган. Лекин бу О.ларда ҳали эр-хотин никоҳи барқарор алоқида хўжаликка эга бўлмаган. Бу даврда табиий омил ўз вазифасини туталлади, яъни жинсий муносабатлар доирасидан қон-қариндошлар истисно қилинди, жинсий муносабатлар фақат бир эркак ва бир аёл муносабатига айланди (яна қ. *Патриархал оила, Полиандрия, Полигамия, Полигиния*).

Ижтимоий н.ч. — чорвачилик ва деҳқончиликнинг ривожланиши б-н эркаклар меҳнатининг қадри ошди, маҳсулот и.ч.да улуши ортди, бинобарин, уларнинг ижтимоий мавқеи ҳам тубдан ўзгарди. Мавжуд қонда тартиблар — фарзандларнинг онагасининг тегишли бўлиши, она мулкига меросхўр саналиши эркакларнинг янги мавқеига зид келиб қолди. Натижада ота ҳуқуқига

асосланган патриархал О. вужудга келди. Шундай қилиб, ҳоз. индивидуал О.нинг ўтмишдоши — моногам О. вужудга келган (қ. *Моногамия*).

О. халқнинг, жамиятнинг ҳаёти, турмушига оид урф-одатларни ўзида синовдан ўтказади. Яхшиларини ўз бағрида асраб-авайлаб келажак авлодларга етказади. О. ўз фарзандларини тарбиялаб, уларга умуминсоний қадриятларни сингдириш б-н уларга бошланғич ижтимоий йўналиш беради. Ўз фарзандларини катта оқимга — жамиятга қўшиш б-н эса О. жамият йўналиши, иқтисодиёти, маданияти ва маърифатини ҳам белгилашга ўз таъсирини кўрсатади. Шунинг учун ҳам Шарқда О. қадим-қадимдан муқаддас кўрган ҳисобланиб келинган. Хусусан, ўзбек О.ларининг серилдизлик, сербутоқлик хусусиятлари ҳозир ҳам сақланиб турибди. Ўзбекларда О.ларнинг муайян турмуш тарзи шаклланиб ҳаётий тажриба орттириб бориши, тежамли ва саришта рўзғор тутиши, фарзандларни одобли, маънавий етук бўлиб камол топишида кекса-лар, ота-онанинг роли катта. Ўзбек О.лари ўзларининг мустаҳкамлиги, саранжом-саришталиги, болажонлиги, қариндош-қондошлик риштоларини ҳурмат қилиши, меҳр-оқибатли ва б. қадриятлари б-н ажралиб турали (қ. *Оила тарбияси*).

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги туфайли халқимизнинг азалий миллий урф-одат ва маросимлари қайтадан тиклана бошланди, бу удумлар О.ни мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон ҳукумати О. масалаларига давлат сиёсати даражасида баҳарилиши лозим бўлган устувор вазифа сифатида қарайди. ЎзР Конституциясининг 63-моддасига кўра, О. жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланади, у жамият ҳамда давлат томонидан муҳофазада бўлиш ҳуқуқига эга. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича бошқа қонуний ҳужжатлар ҳам қабул қилиниб, амалий тадбирлар белгиланган. Жумладан, «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 1994 й. 22 авг.да фармон чиқарилиб, муҳтож оилаларга модлий ва маънавий ёрдам беришнинг кўлами кенгайтирилди. О.ни жамиятнинг равнақ топтирилишдаги тутган ўрни ва ишторокини янада ошириш, О.ларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ва фаровонлигини яхшилашни давлат томонидан қўллаб-қувватланиш кучайтириш ҳамда изчил таъминлаш мақсадида ЎзР Президенти 1998 й.ни «О. йили» деб эълон қилди. Шунга асосан, О. манфаатларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган тадбирлар тўғрисида давлат дастури ишлаб чиқилди. ЎзР Хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида Республика «Оила» илмий-амалий маркази ташкил этилди. Оилавий ҳаёт масалаларини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган Ўзбекистон Республикасининг *Оила кодекси* қабул қилинган.

Ад.: Рагоуддин ибн Фахриддин. Оила. Т., 1991.

Оғил Бўриев, Аслиҳ Сайдов.

ОИЛА (Familia) — биол. систематикасида таксономик категория. Тузилиши ва келиб чиқишига кўра, бир-бирига яқин бўлган уруғлар (усимликларда туркумларни бирлаштиради. Мушуксимонлар О.си мушуклар, қипчоқлар, гепардлар уруғини ҳосил қилади. Айрим О.лар жуда кўп, бошқалари озроқ туркумларни ўз ичига олади. Мас., қоқиндошлар 1000 га яқин, анорлошлар 1 та туркумдан ташкил топган. О.нинг лотинча номи типик уруғининг лотинча номига idae (зоология ва вирусологияда) ва aceae (ботаника, микология, бактериологияда) қўшимчасини қўшиш орқали ҳосил қилинади. Йирик О.лар баъзан кенжа О., трибалар ва кенжа трибаларга ажратилади. Кенжа О.нинг лотинча номи уруғ номига inae қўшилишидан ҳосил бўлади. Ўзаро яқин О.лар зоологияда туркумларга ёки ботаникада тартибларга бирлаштирилади.

ОИЛА КОДЕКСИ (ОК) — оилавий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиб, оила аъзолари (эпьи, эр-хотинлар, ота-оналар, болалар, шунингдек, фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олинувчилар ва оиланинг бошқа аъзолари) ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатларни тартибга солувчи ва мустаҳкамловчи қонун ҳужжати. Ҳуқуқнинг алоҳида тармоғи ҳисобланган оила ҳуқуқининг махсус манбандир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ОК Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 й. 30 апр.даги қарори б-н тасдиқланиб, ушбу йилнинг 1 сент.дан амалга киритилди. Эътиборлиси, ОК мамлакатимизда «Оила йили» деб эълон қилинган йилда қабул қилинди. Кодекс 8 бўлим, 30 боб, 238 моддадан иборат. Амалдаги ОК бир қатор оилавий ҳуқуқий муносабатларни янгича ҳал этган. Чунончи, миллий негизларга асосланганлиги (кўда-андачилик, қариндош-уруғчилик, бобо-бувилар ва набиралар ўртасидаги муносабатларнинг янгича талқини), умуминсоний қадриятлар акс этганлиги (никоҳ шартномаси ин-тинини киритилиши, никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилиши) каби ҳоллар.

ОИЛА ПУДРАТИ — меҳнатни ташкил этишнинг ички ҳўжалик шакли, жамоа пудрати кўринишларидан бири. Бунда оила пудратчи бўлиб партнома тузади. Шунингдек, О.п. томонидан қариндошчилик алоқалари бўлмаган кичикроқ жамоалар (3 кишигача) ҳам ишлаши мумкин. Ҳужалик б-н О.п. муносабатлар пудрат шартномаси б-н келишиб олинади. О.да ишлаётган жамоа ич. воситаларидан фойдаланади. Улар етиштирган маҳсулот ширкат ҳўжалиги мулки ҳисобланади. О.да ходимлар фақат маҳсулот ич. б-н банд бўлади, молиявий ва модлий-техника таъминоти, қурилиш, маҳсулот тошиниши, ветеринария ва агрозоотехника хизмати масалаларини ҳўжалик раҳбарияти ҳал этади.

О.п. илгаридан пахтачилик, ғаллачилик, полизчилик, мевачилик ва сабзавотчилик, тамакичилик каби қўл меҳнати кўп талаб қилинадиган тармоқлар қўлланиб келинган. Ҳоз. шароитда О.п. ишлаб чиқарини жиҳозланган механизациялашган соҳаларда ҳам кенг қўлланилмоқда. О.п. жамоа пудрати имкониятлари б-н бирга ўзига хос хусусиятларга эга, мас., меҳнатга ҳақ тўлашни соддалаштирали, чунки ҳар бир ҳодимнинг меҳнатда иштироки коэффициентини ҳисобга олишга зарурат қолмайди. О.п. болаларнинг меҳнат тарбиясига ижобий таъсир кўрсатали, шахсий ва ижтимоий ич.лик қўшиб олиб бориш учун қулай шароит яратади.

Қ.х. корхоналари б-н муносабатлар ҳўжалик ҳисоби асосида қурилади. О.п.да ишлаётганларга, имкониятига қараб, ич. воситалари (ер , техника ва б.)ни узоқ (3 й.дан кам бўлмаган) муддатга ижарага берилади. Ажратилган ресурслар доирасида маҳсулот ич.ч. бўйича ўзаро келишилган вазифалар белгиланади, иқтисодий санкциялар келишиб олинади. Аниқ ич.ч. шароитидан келиб чиқиб, иш ва дам олиш режимини оиланинг ўзи тартибга солади. Оилавий меҳнат характерига илиндаги даромадга қараб ҳақ тўлаш кўпроқ тўғри келади, бунда қ.х. корхонаси оила етиштирган маҳсулотни сотиб олади, оила эса, ўз навбатида, маҳсулот етиштириш учун сарфланган модлий воситаларга ҳақ тўлайди. Даромадга б-н харажатлар ўртасидаги фарқ меҳнатга ҳақ тўлашга сарфланади. Оила ижара пудратида ҳам ишлаши мумкин. Бунда оила ер, техника, чорва ва б. ич. воситаларини узоқ муддатга ижарага олиб, мустақил ҳўжалик юритади ва ҳўжалик даромадидан ўз ҳиссасини олади.

ОИЛА ТАРБИЯСИ — оилада ота-она, асосий ёки катта кишилар томонидан болаларни тарбиялаш. Ёш авлоднинг ҳар томонлама ривожланишида муҳим ўрин тутади. О.да доимий тарбиявий таъсирчан куч — оилада руҳий хотиржамлик, самимий муносабат, ота-она обрўсининг юқори бўлиши, болаларга талаб қўйишда оила катталари ўртасидаги бирликнинг сақланиши, бола шахсини меҳнатга тарбиялашга алоҳида эътибор бериш, болани севиш ва изтитини жойига қўйиш, оилада қатъий режим ва кун тартибини ўрнатиш, болининг ёш ва шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш, болаларни ўзларишларини кузатиб бориш, уларга мустақилликка интилиш ва ташаббускорлик сифатларини қўллаб-қувватлаш ва ҳ.к. Оила қанчалик тартибли, унинг аъзолари ўртасидаги муносабат самимий бўлса, О.т. ҳам шунчалик муваффақиятли бўлади. О.да ота-она обрўси, уларнинг кузатувчанлиги, сезгирлиги, ҳозиржавоблиги муҳим тарбиявий аҳамиятга эга. О.да тарбия жараёни зериқарли, қуруқ насиҳатгўйликдан иборат бўлиб қолмаслиги лозим. Бола ҳаётининг кўп қисми оилада ўтади. Шу боисдан маижул аньаналар, урф-одатлар, расм-русумлар ва маросимларнинг ижобий таъсирида бола аста-секин камол топиб боради. Аньана ва маросим О.т.нинг қудратли қуролидир. О.т. ижтимоий тарбия б-н узвий алоқада бўлсагина, кутилган натижаларга эришиш мумкин. О.т.да кутуқларга эришиш ота-оналарнинг педагогик билимларга эгалиги, О.т. бўйича тажрибалар алмашиши, ота-оналарни тарбиявий ишларга қизғин жалб қилишга ҳам боғлиқдир. Ҳар бир ота-она О.т.да ўзларининг бурч ва масъулиятларини чуқур англашлари лозим. Нормал оилавий муҳит, болани китоб ўқишга, меҳнат қилишга ўз вақтида жалб этиш ҳам О.т.нинг муваффақияти гаровидир. Оилада ота ёки онанинг йўқлиги ёки улардан бирининг кетиб қолиши О.т.га катта зарар етказади. Уларнинг болага берадиган тарбиявий таъсир кучи йўқолади, О.т.даги мувозанат бузилади. Бундай шароитда бола қалби қатиқ жароҳатланади, у тажанг, сержаҳл, кўпол, дағал бўлиб қолади, катталарга ишонмай қўяди, ўқиши пасайиб кетади. О.т.да отанинг обрўси катта аҳамиятга эга. Болаларни баркамол инсон қилиб етиштиришда мактабни оила б-н боғламасдан муваффақиятга эришиб бўлмайди. Шунинг учун О.т.да мактаб ва ота-оналар ўртасидаги таълим-тарбияга оид биргаликдаги ишлари катта аҳамиятга эга. Ота-оналарнинг ўқитувчилар б-н бўлган учрашувларида айтилган фикрлар, айниқса қимматлидир. Чунки улар ўз фарзандлари тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб оладилар. Шунинг учун бола тарбиясининг туб моҳиятини тушунган ҳар бир ота-она оила б-н мактаб ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилади. Бола мактабни тамомлагунга қадар ота-она мактаб б-н яқин алоқа ўрнатиши, фарзандининг дарсларини ўзлаштириши, хулқ-атворидан хабардор бўлиб туриши, тарбия масалаларида ўқитувчи, синф раҳбари б-н маслаҳатлашиб туриши, болининг дарсдан сўнг нима б-н машғулиги ҳақида ўқитувчи ва синф раҳбарини хабардор қилиб туриши лозим. Ўз навбатида ўқитувчи ва синф раҳбари ҳам болининг ўқиши, одоби, хулқи, мактабда ўзини тута билиши ҳақидаги маълумотларни ота-онага етказиши, зарурат туғилганда пайдо бўлган муаммоларни биргаликда ҳал қилиши зарур. Фарзанди мактабга борган ота-она мактаб жамоасининг аъзоси бўлиб қолиши керак. Ўқитувчи ва синф раҳбари ҳам ўқувчисининг оиласи б-н мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим. О.т.да ота-оналарнинг маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари б-н ҳамкорликлари ҳам муҳим. О.т. фарзандларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шароитлар яратилсагина муваффақиятли бўлиши мумкин. О.т.да ҳар бир оила ўзига хос хусусиятларни намоён қилади.

Ад.: Каримов И.А., Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т., 1997; Абдулла Авлоний, Туркий гулистон ёхуд ахлоқ, Т., 1992; Файзуллаев Н. Р. ва б., Педагогика, Т., 1999.

Гулзора Ибрагимова.



1-расм. **Ой харитаси.** Ой автоматик станциялари — «Луна-2» (1), «Луна-9» (2), «Сервейер—1» (3), «Луна — 13» (4); космик кемалар — «Аполлон—11» (5) ва «Аполлон—12»нинг ой бўлмаси (6) қўнган районлар.

ОЙ — Ернинг табиий йўлдоши; Ерга энг яқин осмон жисми, ундан ўртача узоқлиги 384400 км. Астрономик белгиси О. Ой орбитаси эклиптика текислигига ўртача 5°8′43″ бурчак остида ётиб, 4°58′ дан 5°20′ гача ўзгариб туради. Ой Ер атрофида гарбдан шаркка ҳаракатланиб, бирор юлдузга нисбатан тўла айланиш даври унинг сидерик (ёки юлдуз) даври деб аталади. Бу давр 27,32 ўртача Қуёш суткасига тенг. Ой орбитасининг эклиптика текислиги б-н кесишиш нуқталари унинг сидерик даври эклиптика бўйлаб Ойнинг ҳаракатига қарама-қарши йўналишда (яъни ўқитувчилар б-н бўлган учрашувларида айтилган фикрлар, айниқса қимматлидир. Чунки улар ўз фарзандлари тўғрисида кўпроқ нарсаларни билиб оладилар. Шунинг учун бола тарбиясининг туб моҳиятини тушунган ҳар бир ота-она оила б-н мактаб ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга интилади. Бола мактабни тамомлагунга қадар ота-она мактаб б-н яқин алоқа ўрнатиши, фарзандининг дарсларини ўзлаштириши, хулқ-атворидан хабардор бўлиб туриши, тарбия масалаларида ўқитувчи, синф раҳбари б-н маслаҳатлашиб туриши, болининг дарсдан сўнг нима б-н машғулиги ҳақида ўқитувчи ва синф раҳбарини хабардор қилиб туриши лозим. Ўз навбатида ўқитувчи ва синф раҳбари ҳам болининг ўқиши, одоби, хулқи, мактабда ўзини тута билиши ҳақидаги маълумотларни ота-онага етказиши, зарурат туғилганда пайдо бўлган муаммоларни биргаликда ҳал қилиши зарур. Фарзанди мактабга борган ота-она мактаб жамоасининг аъзоси бўлиб қолиши керак. Ўқитувчи ва синф раҳбари ҳам ўқувчисининг оиласи б-н мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиши лозим. О.т.да ота-оналарнинг маҳалла фаоллари, меҳнат фахрийлари б-н ҳамкорликлари ҳам муҳим. О.т. фарзандларнинг ҳар томонлама камол топиши учун қулай шароитлар яратилсагина муваффақиятли бўлиши мумкин. О.т.да ҳар бир оила ўзига хос хусусиятларни намоён қилади.

Ад.: Каримов И.А., Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори, Т., 1997; Абдулла Авлоний, Туркий гулистон ёхуд ахлоқ, Т., 1992; Файзуллаев Н. Р. ва б., Педагогика, Т., 1999.

Гулзора Ибрагимова.

гарбга томон) силжиб боради ва 18 йилу 7 ой (6793 сутка)да эклиптикани тўла бир марта айланиб чиқади. Ойнинг бирор тугунидан чиқиб, яна шу тугунга қайтиб келиши орасида ўтган вақт ажадар ойи дейилиб, у ўртача 27,21222 сутка га тенгдир. Қуёш ва Ой тутилишларининг даврийлиги шу ой б-н боғлиқ.

Ой ўз орбитаси б-н ўртача 83°20′ бурчак ташкил этувчи ўқ атрофида айланади. Унинг ўз ўқи атрофида айланиш даври (27.32 сутка) сидерик ой (давр)га тенг, шу сабабли Ой ҳамма вақт Ерга бир томони б-н «қараб» туради. Бу давр ларнинг бир хил бўлиб қолганлиги тасодифий эмас. Ернинг тортиш кучи Ойнинг ўз ўқи атрофида айланишига таъсир кўрсатиб (секинлатиб), миллион йиллар давомида уни Ер атрофида айланиш даврига тенглаштирилган.

Ой ўз ўқи атрофида текис айланган ҳолда Ер атрофида айланиш орбитасининг турли нуқталарида унинг тезлиги турлича бўлади, натижада Ердан қараганда Ой бир оз тебраниб ҳаракатлангандай кўринади. Тебранши узунлама бўйича 7°54′, кенглама бўйича 6°50′ ни ташкил этади. Бундай тебранишни либрация дейилади.

Ой шар шаклида бўлиб, радиуси 1737 км, яъни 0,2724 Ернинг экваториал радиусига тенг. Ой сирти майдони $3{,}8 \cdot 10^7$ км²ни, ҳажми — 0,0743 = $^1/_{49}$ Ер ҳажмини ташкил этади. Ой сиртидаги нуқталарининг радиусини ўлчаш учун либрацияга асосланган кучсиз стерео-

2-расм. Ойдаги кратер ва ёриқ.

скопик эффектдан фойдаланилади. Либрацияни ўрганиш Ой эллипсоидининг бош ярим ўқлари фарқини аниқлашга имкон берди. Ойнинг қутбий ўқи Ерга йўналган экваториал ўқдан 700 м, Ерга томон йўналишга перпендикуляр йўналишдаги экваториал ўқдан эса 400 м кичик. Шундай қилиб, Ернинг тортиш кучи таъсирида Ой шаклида Ерга йўналган қабариқлик ҳосил бўлган. Ердан учирилган сунъий йўлдошлар ҳаракат траекторияларини ўрганиш асосида Ой массаси энг аниқ ҳисобланган: у Ер массасидан 81,3 марта кичик, яъни $7{,}35 \cdot 10^{25}$ г. Ўртача зичлиги 3,34 г/см³ (0,61 Ер ўртача зичлиги)га тенг. Оғирлик кучининг тезланиши, Ой сатҳида Ердагидан 6 марта кичик, яъни 162,3 см/с² бўлиб, Ой сатҳидан ҳар бир км кўтарилган сари 1 0,187 см/с² га камаяб боради. Орбита биринчи космик тезлик 1680 м/с, иккинчи космик тезлик 2375 м/с. Ойнинг тортиш кучи кичик бўлганлиги сабабли, унинг атрофида газ қобиғи ва эркин ҳолдаги сув бўлиши мумкин эмас.

Ой сирти бирмунча қора-оқ рангда, унинг *альбедоси* (нурни қайтариш даражаси) 0,073, яъни Қуёшдан тушаётган нурларнинг фақат 7,3% ини қайтаради. Ойнинг Ердан ўртача узоқлиқдаги кўринма қалдуз катталиги 12,7. Тўлин Ой Қуёшга қараганда 465000 марта хира. Ойнинг ўз ўқи атрофида Қуёшга нисбатан бир марта тўла айланиш даври синодик ой деб олиниб, у 29,53059 суткани ташкил этади. Ойнинг бошқа фазаларида эса унинг ёритилиши янада кам. Мас., 7 ва 22 кунлик Ой ёруглиги тўлин Ой ёруглигининг 8% ига тенг. Ойнинг ранг кўрсаткичи +1,2. Ой ўз ўқи атрофида Қуёшга нисбатан бир синодик ойда бир марта тула айланиб чиқади. Шунинг учун Ойда бир кунлузи ва кечаси салкам 15 сутка давом этади. Ойда атмосфера бўлмаганлиги учун тупроғи т-раси кундузи (Қуёш кўринишига нисбатан) +120°, кечаси — 150° гача боради. Радиотўлқинлар ёрдамида кузатиш шуни кўрсатдики, Ой тупроғи т-расининг бундай ўзгариши фақат сиртқи қатламларга хос бўлиб, бир неча дм чуқурликда т-ра деярли ўзгармайди.

«Ой географияси»ни *селенография* фани ўрганади. Ойнинг мукаммал хариталари тузилган. Айниқса, Ойнинг Ердан кўринадиган томони яхши ўрганилган, сиртидаги 32000 та турли тоғ, кратер ва денгизларга ном берилган. Бундан ташқари, 200000 га яқин майда номланмаган тузилмалар Ой харитасига туширилган (1-расм). Қувватли телескопларда Ой сиртида катталиги 100 м келадиган тошлар ёки ёриқларни кўриш мумкин (2-расм). Оддий кўз б-н Ой дискида «денгизлар» деб номланган катта-катта қора доглар кўринади. Денгизлар четидаги кичик шохобчалар «қўлтиқлар», катта ёруг доглар «қитъалар» ва ўртача ёруғликдаги доглар «ботқоқликлар» деб аталади. Бундай номларни 17-а.да яшаган италиялик астроном Риччоли таклиф қилган. Ойни биринчи марта 1610 й.да Г. *Галилей* телескопдан кузатган, 1647 й.да Я. *Гевелий* (Гданьск) биринчи Ой харитасини тузган. Ой денгизлари ўртача сатҳдан пастроқ жойлашган, қитъалари эса, асосан, тоғли р-нлардир. Кузатишлар натижасида қитъа ва денгизлар бошқа-бошқа моддалардан ташкил топган, деган хулосага келинди. Ойдаги энг катта денгиз «Бўронлар океани» деб аталади. Ой харитасида «Муз-қўчқлик денгизи», «Сокинлик денгизи», «Булутлар денгизи», «Равшанлик денгизи», «Емғирлар денгизи», «Орзу денгизи» каби номлар бор.

3-расм. Ойнинг орқа томонидаги ўзгаришлар.

Ой сирти телескопда бенихоя нотекис, ўнқир-чўнқир бўлиб кўринади (3-расм). Аниқса қитъаларда зич жойлашган ва баъзан «денгизлар»да учрайдиган ана ёки эллипс шаклидаги ҳалқасимон тоғлар кўп. Диаметрлари бир неча юз м дан бир неча юз км гача келадиган ҳалқасимон тоғларнинг 30000 тадан ортиғи Ой хариталарида акс эттирилган.

Баъзи ҳалқасимон тоғлар қорамтир моддалар б-н қопланган. Уларга *циркдар* деб ном берилган. Цирклариинг максимал диаметри 250 км гача етади. Ой шарсимон бўлганлиги сабабли, катта цирклариинг ички телескопда қабариқ бўлиб кўринади. Ҳалқасимон тоғлар орасида, марказий қисмида чўққили тепаликлар бўлган тоғлар ажралиб туради. Улар *кратерлар* деб аталади. Одатда, кратерлар цирклардан кичик бўлади, лекин диаметри 100 км га етадиганлари ҳам учрайди.

Ойда тизма тоғлар кратерлардан камроқ учрайди. Ойдаги тизма тоғларга Ерроқ учрайди. Ойдаги тизма тоғларга Ерроқ учрайди. Ойдаги тизма тоғларга Ердаги тоғларнинг номлари берилган. Мас., Ой хариталарида Алп, Карпат, Олтой, Кавказ ва б. тоғлар бор. Ойнинг Жан. қутби атрофида тоғлар бенихоя кўп, баланди Лейбниц тоғи — 9 км. Ойнинг бизга кўринмайдиган томонида тоғли жойлар кўп, қорамтир текислик ва денгизлар жуда кам. Ой орқа томонининг қитъаларида диаметри 200—500 км ли катталикда кратерлар кўп. «Зонд-3» ёрдамида олинган 5 млн. км² га яқин ҳудуд акс эттирилган фотосуратда 484 тадан ортиқ кратер бор (4-расм).

Ой сунъий йўлдошлари ёрдамида Ойдан келтирилган айрим вулқон жинсларининг ёши қарийб 4,5 миллиард йиллиги аниқланди. Бу йиллар давомида Ойнинг тузилиши, физик табиати, кимёвий таркибида катта ўзгаришлар юз берган. Лекин шулар асосида Ойнинг пайдо бўлиши ҳақида узил-кесил бирор фикр айтиш қийин. Ойнинг пайдо бўлиши ва тараққиётини муҳим маълумотларга таянган илмий гипотезалар асосида *космогония* фани тушунтиради.

Ойни тадқиқ қилишнинг янги босқичи Ойга сайёраларо автоматик станциялар (САС)ни учиришдан бошланди. Ойни «*Луна*» ва «*Зонд*» типидаги САСлар б-н, «Лунар Орбитер», «Сервейер» ва асосан, «Аполлон» дастури ёрдамида талқиқ қилинди. Ойнинг тўлиқ харитаси ва глобусини ясаш имконини туғилди. 1966 й. 31 янв.да учирилган СССРнинг «Луна-9» КК 1966 й. 3 фев.да Ойга биринчи марта юмшоқ қўндирилди. Унинг ёрдамида О. панорамаси Ерга узатилди. Ой атрофида айланувчи сунъий йўлдош 1966 й. 31 мартда учирилган «Луна-10» ст-яси б-н бошланди. У 1966 й. 3 апрелда Ойнинг биринчи сунъий йўлдошига айлантирилди. Ойга қўндирилган САСлар Ой тупроғини, унинг кимёвий таркибини ва механик хоссаларини, физик шароитини ўрганишга имкон берди. Маълум бўлишича, Ой сиртқи қисмининг зичлиги 1,1—1,2 г/см³ бўлиб, 1 кг/см² нагрузкагача чидайди. 1969 й. 21 июлда Ойга биринчи марта америкалик астронавтлар Н. *Армстронг* ва Э. *Олдрин* «Аполлон-11» (АҚШ) космик кемаси ёрдамида учирилди ва Ой сиртига қўндирилди. Кейинги «Аполлон»ларда учирилган 18 та астронавтдан 10 таси О.га қўндирилиб, улар О.да текшириш олиб бордилар (5-расм) ва у ердан бир неча юз кг тупроқ, тог жинслари, кристаллар намуналарини Ерга олиб тушдилар (қ. «*Аполлон*»). 1970 й. 20 сент.да «Луна-16» ст-яси Ой тупроғини 35 см чуқурликкача қазиб, ундан олинган намуналарни Ерга олиб келди. Ой тупроғи ва жинсларидан намуналар кейинчалик «Луна-20» ва «Луна-24» автоматик станциялар томонидан ҳам келтириб ўрганилди (қ. «*Луна*»). Ой сиртининг физик шароитлари, тупроқ намуналари, шунингдек, ССССРнинг «Луноход-1,2 («Луна-17» томонидан Ойга 17.11.1970 ва «Луна-21» томонидан 16.1.1973 й.да элтилган) и.т. лабораторияларн томонидан ҳам ўрганилди (қ. «*Луноход*»). Бу аппаратлар ёрдамида Ойда иссиқлик оқимининг ўзгарини, магнит майдони, радиация даражаси, Қуёш «шамоли»нинг таркиби ва интенсивлиги ўрганилди.

4-расм. Ойнинг орқа томони харитаси.

Ойнинг космик аппаратлар қўндирилган ҳамма жойида Ой сатҳи реголит б-н қопланганлиги аниқланди. Реголит — юмшоқ қўнғир рангли тупроқ қатлами бўлиб, қалинлиги бир неча м дан бир неча ўн м гача. Реголитнинг баъзи бўлакларида метеорит зарралари топилган. Ерга келтирилган намуналар орасида икки турли жинслари учратиш мумкин: вулқон жинслари (лавалар) ва метеоритлар тушганида майдаланган ва эриган жинслар (шиша синиқларини эслатувчи жинслар — брекчия). Вулқон жинсларининг асосий массаси Ердаги базальтларга ўхшайди. Уларда плагиоклаз, пироксен, ильменит, оливин, шпинель, циркон, апатит, металли темир ва мис учрайди. Шунингдек, Ойдан келтирилган намуналарда норит, анортозит, дацит ва калий, фосфорлар борлиги аниқланди. Ой тупрогида кремний оксиди (SiO_2) 44% га яқинни, темир оксиди (FeO) — 19,5% ни, алюминий оксиди (Al_2O_3) — 14% ни, титан оксиди (TiO_2) — 4% га яқинини ташкил этади. Жинсларнинг барча турлари Ой қаърида узоқ вақт давом этган эриш жараёнида ҳосил бўлган. Ой жинслари қатор хоссалари б-н Ерникидан фарқ қилади. Уларда сув ғоят кам, нодир ва учувчи элементлар эса жуда оз миқдорда учрайди, баъзи намуналарда титан ва темир жуда кўп.

Математик Маматқулов

5-расм. Америкалик астронавт Ж. Ирвин Ойда (1971 й. июль).

ОЙ (вақт) — Ойнинг Ер атрофида бир марта айланиши даврига яқин вақт оралиғи; ўлчов бирлиги. Қуйидаги турлари фарқ қилинади: 1) синодик О. — Ойнинг кетма-кет келган икки бир хил фазаси орасидаги (О. *календарига* асос қилиб олинган) вақт, 29 кун 12 соат 44 мин. 2,28 сек.; 2) сидерик О. — Ойнинг юлдузларга нисбатан икки кетма-кет келган бир хил вазияти орасида ўтган вақт, 27 кун 7 соат 43 мин. 11,51 сек.; 3) тропик О. — Ойнинг бир хил астрономик узунламалардан ўтиши орасида ўтган вақт, 27 кун 7 соат 43 мин. 4,68 сек.; 4) аномалистик О. — Ойнинг *перигейдан* икки марта кетма-кет ўтиши орасидаги вақт, 27 кун 13 соат 18 мин 33,16 сек; 5) аждар О. — Ойнинг кўтарилиш тугунидан икки марта кетма-кет ўтиши орасидаги вақт, 27 кун 5 соат 5 мин. 35,81 сек. *Григорий календарида* бир йил 12 ойга бўлинади; бунда О.лар 28 (29), 30, 31 кундан иборат бўлади. Қуёш календаридаги (қ. *Календарь*) календарь О. Ой фазаларига боғлиқ бўлмайди. Календарь О. узунлиги ҳам 28—31 кунга тенг бўлади.

ОЙ АВТОМАТИК СТАНЦИЯСИ — Ойни ва космик фазони тадқиқ қилишга мўлжалланган космик аппарат (КА). Ойдаги физик шароитни тадқиқ қилиш, Ой сатҳини ўрганиш, Ой жинсларининг кимёвий таркибини аниқлаш, механик хусусиятларини текшириш, т-ра ўзгаришини кузатиб бориш, Ойнинг магнит майдони ва радиациясини ўрганиш, Ойдаги сейсмик тўлқинларни қайд қилиш аппаратлари ва б. илмий аппаратлар, маълумотларни Ерга узатишга мосланган радиотелеметрик ва телевизион системалар б-н жиҳозланади. О. а. с. ва ундаги аппаратлар Ойдаги ўзига хос шароит (вакуум, т-раниинг катта диапазонда ўзгариши ва б.) га чидамли қилиб ясалади. Бортидаги аппаратлар электр энергиясини қисман Қуёш *батареясидан* олади. Биринчи О. а. с. «Луна-9» ёрдамида 1966 й. 3 фев.да Ой сатҳига қўндирилди (қ. «*Луна*»). «Луна» (СССР) ва «Сервейер» (АҚШ) типидаги бир қанча космик аппаратлар Ойга қўндирилган. Яна қ. *Ой сунъий йўлдошлари*, *Луноход*.

ОЙ ЙИЛИ — Ой календарида асосий бирлик вазифасини ўтайдиган ва синодик ойга тавянан вақт оралиғи. О. й.да 12 синодик ой бир йилни ташкил этади. Синодик ой 29,5306 сутка, яъни 29 кун 12 соат 44 мин. 3 сек. бўлгани учун бир О. й. 354,36702 кунга тенг. Шу боис, оддий О. й. 354 кундан қилиб олинади. Бироқ 354 кундан ортган қолдиқ (0,36702) уч йилда яна бир суткадан ортгани туфай-

ли, ўртача уч йилда бир марта О. й. узунлиги 355 кун қилиб олинади ва у *кабиса йили* дейилади (қ. *Календарь*).

ОЙ КАЛЕНДАРИ — қ. *Календарь*.

ОЙ СУНЪИЙ ЙЎЛДОШЛАРИ — Ой атрофидаги орбитага чиқарилган космик учиш аппаратлари. О. с. й. орбитаси барча сайёраларнинг йўлдошлари орбитасига ўхшайди. Орбитанинг Ой марказига энг яқин нуқтаси перисе-ление, энг узоқ нуқтаси апосе-ление дейилади. Биринчи О. с. й. — «Луна-10» 1966 й. 31 мартда учирилган (қ. *«Луна»*). 1966—69 й.ларда ҳаммаси бўлиб «Луна» (СССР) типида бешта, «Лунар Орбитер» (АҚШ) типида бешта О. с. й. учирилди. О. с. й. ёрдамида Ой атрофидаги космик фазо, Ойнинг тортиш майдони ва радиация минтақалари ўрганилди, Ой сатҳининг фотосуратлари олиниб, Ерга узатилди, телевизион камера ёрдамида Ойни доимо кузатиш имкони туғилди.

ОЙ ТУТИЛИШИ — *Ой* сатҳига *Ер* сояси тушганда юз берадиган ҳодиса. Бу ҳодиса Қуёш, Ер ва Ойнинг бир-бирларига нисбатан эгаллаган вазиятларига боғлиқ. Ой Ердаги кузатувчига нисбатан Қуёшга қарама-қарши томонда (яъни тўлиной пайтига яқин) бўлса — О. т., Қуёш томонда (янги ой пайтига яқин) бўлса, *Қуёш тутилиши* юз беради. Ой б-н Қуёшнинг кўринма диаметри тахм. баробар. Ой Ердан энг узоқлашганда 29′30″, Ерга энг яқинлашганда 33′ 30″ бурчак остида кўринади. Ер Қуёшдан энг узоқлашганда Қуёш гардиши 31′ 20″, Қуёшга энг яқинлашганда эса 32′ 30″ бурчак остида кўринади. Демак, Қуёш тутилиши пайтида, тутилиш марказий бўлса, Қуёш дискини Ой тўла тўсиб қолиши мумкин. Ой ҳар 29,53 кунда Ер атрофини Қуёшга нисбатан тўла бир марта айланиб, Қуёш ва қарама-қарши томонда бир мартадан бўлади. Аммо Ойнинг орбита текислиги Ернинг Қуёш атрофида айланиши орбита (эклиптика) текислиги б-н устма-уст тушмай, у б-н 5°, 09′ бурчак ташкил этганлиги сабабли, О. т. ҳар ойда юз бермайди. Ойнинг янгиой ва тўлиной фазалари Ер ҳамда Қуёшни бирлаштирувчи тўғри чизиқдан юқорида ёки пастда содир бўлади. Ой орбитасининг эклиптика текислиги б-н кесишиш нуқталари чиқиш ва тушиш тугунлари дейилади. Икки кетма-кет келган янгиой (ёки тўлиной) орасида ўтган вақт 29,53 кун бўлиб, бу давр да Қуёш эклиптика бўйлаб 29° га силжийди ва Қуёш тугунларидан ўтиш пайтида бир марта, баъзан икки марта Қуёш тутилиши юз беради. О. т. юз бермаслиги ҳам мумкин. Қуёш тутилишлари кетма-кет икки марта тутилиш четараларида рўй берса, О.т. кузатилиши шарт. Демак, тутилиш ҳодисаси гуруҳли гуруҳи тарзда рўй беради. Гуруҳда энг камида битта Қуёш тутилиши, кўпи б-н учта Қуёш — Ой — Қуёш тутилишлари юз беради. Йилига 4—5 марта Қуёш тутилиши, 2—3 марта О. т. рўй беради. Қуёш тутилиши ва О. т. кетма-кетлиги 18,6 йиллик давр б-н такрорланиб туради (қ. *Сарос*). О. т. Ерда Ой кўриниб турган барча нуқталарда кузатилади. Ойнинг тўла тутилиши 2 соатча давом этади.



Ой фазалари.

ОЙ ФАЗАЛАРИ — Ойнинг Ер атрофидаги ҳаракатланиши даврида Қуёшга нисбатан эгаллайдиган вазиятлари. Ой ўзидан нур чиқармайди, уни Қуёш нури ёки Қуёш нурининг Ердан қайтган қисми ёритиши мумкин, шу туфайли Ойнинг фазода Қуёшга ва Ерга нисбатан қандай ҳолатда туришига кўра, у ердан қараганда турли шаклда кўринади. Ҳар ойда Ой тахм. Ер б-н Қуёш орасидан ўтади ва Ерга ўзининг қоронғи томони б-н туради. Бунда астрономик *янги ой* дейилади. 1—2 кун (сутка) дан сўнг Қуёш ботгач, осмоннинг ғарбий қисмида Ой ингичка ўроқ шаклида кўринади, бу халқ тилида ҳилол ёхуд янгиой (фан тилида — визуал янгиой) дейилади. Бунда Ойнинг қолган қисмини Ер ўзининг кундузги ярим шаридан қайтган Қуёш нурлари б-н хира кулранг рангда ёритиб туради. 7 кундан кейин Ердан Ойга ва Қуёшга томон йўналишлари орасидаги бурчак 90° га тенг бўлади, бунда у ярим «кулча» шаклида кўриниб, Ойнинг бу фазаси *биринчи чорак* дейилади. Тахм. 14—15 кунлик Ой Қуёшга қарама-қарши туриб, унинг Қуёш б-н ёритилган ярим сфераси тўлалигича Ерга қарайди. Ойнинг бу фазаси *тўлиной* деб аталади. Бунда Ойни тўла ёруғ доира шаклида кўриш мумкин. Кейинги кунларда Ойнинг ғарбий томони «емирила бориб», 22-суткала фақат қабариқ томони шарққа қараган ярим доира шаклида кўринади. Буни Ойнинг *охирги чорак* фазаси дейилади. 29,5 суткадан сўнг Ой яна астрономик янгиой фазасида бўлади. Икки кетма-кет келган янгиой орасида ўтган вақт Ойнинг синодик даври дейилиб, у 29,53059 суткага тенг. Синодик ой сидерик ойга қараганда бир оз ортиқроқ, чунки шу давр орасида Ер ўз орбитасининг $\sim \frac{1}{12}$ қисмини ўтади. Агар Қуёш Ой орбитаси тутунларининг биронтаси яқинида (ундан 16,5° дан кичик ёй масофада) бўлганда янгиой кузатилса, албатта Қуёш тутилади. Бу ҳодиса тулин ой пайтига тўғри келса, унда Ой тутилиши мумкин (қ. *Ой тутилиши*, *Қуёш тутилиши*). Ой фазаларининг даврий ўзгаришини ой календарларининг яратилишини учун асос бўлган (қ. *Календарь*).

Маматқулов Маҳбубатхон

ОЙБЕК (тахаллуси; асл исм-шарифи Муса Тошмуҳаммад ўғли; 1905.10.1 — Тошкент — 1968.1.7) — шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим ва жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ ёзувчиси (1965). Ўзбекистон ФА академиги (1943). Ҳунарманд-бўёчи оиласида туғилган. Дастлаб Оқмасжид маҳалласидаги эски мактабда (1911—17), сўнг *Мунаввар-қори* Абдурашидхонов ташкил этган «Нажмуна» мактабида (1918—21) бошланғич маълумот олади. Шундан кейин Навоий номидаги таълим ва тарбия техникум-интернатида таҳсил олгач (1921—25), Тошкент ун-тининг ижтимоий фанлар ф-тида (1925—27), Ленинград халқ хўжалиги ин-тида (1927—29) уқийди ва оғир хасталиги сабабли яна Тошкентга қайтиб, Тошкент ун-тида ўқишини тугатади (1930).

О. меҳнат фаолиятини талабалик йилларида бошлаб, ўрта мактаб, техникум ва ишчилар ф-тлари (1925—27) да, Халқ хўжалиги, Қишлоқ хўжалик ва Педагогика ин-тларида тил ва адабиёт фанларидан дарс берди. Тошкент ун-тининг иқтисод ф-тида эса ассистент сифатида хизмат қилади (1930—35). Айни пайтда Маданий қурилиш лар комитети ҳузуридаги Тил ва адабиёт ин-тида (1934—37) илмий ходим бўлиб ишлайди. 1937 й.да Совет давлати қатағон сиёсатининг авж олиши О.нинг «миллатчи» ва «миллий иттифоқчилар»га хайрихоҳ киши сифатида ишдан ҳайдалиши ҳамда тазйиққа учрашига сабабчи бўлади. Қамбағал оиладан чиққанлиги ва интернатда тарбияланганлиги туфайли қатағондан омон қолган О. 1938 й. охиридагина Ўзбекистон ўқув-педагогика нашриётига таржимон-муҳаррир сифатида ишга қабул қилинади. 1941—45 й.лар урушининг бошланиши ё-и у ана номатлуб шахс сифатида қувғинга учрайди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкил этилиши ё-и академиянинг гуманитар бўлимига (1935—51), Ҳамид Олимжон вафотидан кейин эса Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатига раис, «Шарқ юлдузи» жур.га бош муҳаррир (1945—59) этиб тайинланади; Тил ва адабиёт ин-тининг директори (1950—52) ҳамда «Ўзбек тили ва адабиёти» журнини бош муҳаррири (1958—68) вазифасини бажаради. 50-й.лар аввалида яна қатаган тўлқинининг бошланиши ё-и О. инсульт хасталигига учрайди ва узоқ давом этган хасталик оқибатида вафот этади.

Ойбек (1964).

О. адабий фаолиятини шоир сифатида бошлаган. «Чолғу товуши» деган биринчи шеъри 1922 й. «Армуғон» жур.да босилган. Бу вақтда у Чўлпон, шунингдек, «ёш ўзбекистонлар» шеъриятини тарғиб қилиб, улар руҳидаги шеърларидан иборат «Туғғулар» (1926) ва «Кўнгил пайлари» (1929) тўпламларини эълон қилган. О. дастлабки ижодида даврнинг ўткинчи мавзуларига бағишланган сарбаст шеърлар яратган. Уларнинг аксарияти «Машъала» (1932) тўпламидан ўрин олган. Кейинчалик шоир лирик туйғу ва кечинмалар тасвирига катта эътибор бериб, «кўнгил лирикаси» намуналарини яратишга интилди. Унинг бу борадаги изланишлари, айниқса, «Евгений Онегин» шеърий романини таржима қилиши (1936) жараёнида орттирган тажрибаси туфайли ва А. С. Пушкин асарларидаги лиризм таъсирида яхши самаралар берди. О.нинг «Чимён дафтари» туркумига кирган, ўзбек табиатининг фусункор тароватини ва бетакрор рангларини ўзига сингирган шеърлари нафақат шоир ўзбек лирикасининг шоҳ намуналаридан бири бўлди. Шоир бу шеърлари б-н ўзбек шеъриятига ойбекона нафис лиризмни олиб кирди, нозик туйғу ва кечинмаларни тасвирлаш маданиятини янада мукаммаллаштирди, лирик шеърият тилини нафосат ёғдулари б-н жилолантириб юборди.

Бир томондан, лирик ҳарорат, иккинчи томондан, эпик кўлам О. шеъриятига хос хусусиятлардир. У лирик шеърият б-н бир қаторда достончилик соҳасида ҳам изланишлар олиб бориб, «Дилбар — давр қизи» (1932), «Ўч» (1933), «Бахтигул ва Соғинди» (1934), «Қаҳрамон қиз» (1936), «Гулноз», «Камончи», «Навоий» (1937) сингари достонларни ёзди. Шоир бу достонларида ўз даврининг қаҳрамони образини яратиш ва шу даврнинг муҳим ижтимоий-маънавий масалаларини кўтариш б-н бирга тарихий ўтмиш мавзуига ҳам мурожаат этди. О.нинг лирик-эпик шеърларидаги дастлабки тажрибалари унинг катта эпик полотноларини яратишга қодир санъаткор эканини намойиш этади. «Ўч» ва «Навоий» достонлари эса яқин келажакда яратажак «Кутлар қон» ва «Навоий» романлари учун луғ қон» ва «Навоий» романлари учун ўзига хос эскиз вазифасини ўтади.

Совет давлатининг 1937—38 й.ларда сиёсати натижасида ёзувчилар ва уларнинг асарларига нисбатан социологизм нуқтаи назаридан ёндашиш тамойили кучайди. О.нинг «Чимён дафтари» туркумига кирган лирик шеърлари буржуа шеърияти намуналари, деб баҳоланди. Давлат сиёсати даражасига кўтарилган бу ҳаракат оқибатида, бошқа шоирлар қатори, О. ҳам, «кўнгил шеърияти»га тамомила зид ўлароқ, «граждanлик шеърияти» деб аталган шеърият намуналарини яратишга мажбур бўлди. Шунга қарамай, О.нинг илм-фан ва техникани эгаллашга даъват этувчи ҳамда ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик гоялари б-н суғорилган «Ўзбекистон», «Днепрострой», «Фанга қўриш», «Раиса», «Қизлар» сингари ўнлаб шеър ва достонлари 30—40-й.лар ўзбек шеъриятида муҳим воқеа бўлди.

О. 40-й.лар охири — 50-й.лар бошларида «Қизлар» (1947) достонидан ташқари, «Ҳамза» (1948), Покистон тассуротлари асосида «Зафар ва Заҳро» (1950) ва «Ҳақиқўйлар» (1952) достонларини яратди. 60-й.ларда шахста сиғинишга фожиалари фош этилиб, собиқ совет мамлакатида «хрушчёвча» ҳарорат жилвалари кўринганда, О. хасталигига қарамай, яна «соф лирика»нинг гўзал намуналарини тақдим этади, Хиросима фожиасига бағишланган «Даврим жароҳати» (1952), «Гули ва Навоий» (1968) достонларини ёзиш б-н бирга Амир Темур ва Бобур ҳақидаги лирик достонларни ёзишга киришади. Шоир ўзининг бу асарлари б-н 60-й.лар ўзбек шеъриятида янги бадиий тафаккурнинг бошланиши ва қарор топишига муҳим ҳисса қўшади.

О.нинг насрий мероси 5 роман («Кутлуғ қон», «Навоий», «Олтин водийдан шабадалар», «Қуёш қоралмас» ва «Улуғ йўл»), 4 қисса («Шоҳли йўл», «Нур қидириб», «Болалик хотираларим» ва «Бола Алишер») ҳамда бир қанча ҳикоя ва очерклардан иборат.

О.нинг роман жанридаги дастлабки тажрибаси — «Кутлуғ қон» асари ёзувчи ҳаётининг энг таҳликали кезларида, 1938 й.да, қисқа муддатда ёзилган ва 1940 й.да нашр этилган. Ёзувчининг болалик хотиралари б-н тўйинган бу

асарда ўзбек халқининг 1-жаҳон уруши арафасидаги машаққатли ҳаёти қаламга олинган. Бу даврда, бир томондан, мустамлакачилик сиёсати, иккинчи томондан, ўлкага кириб кела бошлаган капиталистик муносабатлар туфайли меҳнаткашлар оммаси ғоят қашшоқлашган эди. Шундай вақтда сабр косаси тўлган халқнинг норозилик намойиши б-н чиқиши ёки қўзғолон кўтариши табиий эди. Чор ҳокимиятининг Ўрта Осиё аҳолисини мардикорликка олиш тўғрисидаги фармони 1916 й. қўзғолонининг гуруллаб ёниши учун бир туртки бўлди. О. романда Йўлчи бошлиқ меҳнаткашлар, Мирзакаримбой бошлиқ бойларнинг ўзаро муносабатларини тасвирлаш орқали мазкур қўзғолоннинг келиб чиқиш сабабларини бадиий таҳлил этди. Жамиятнинг шу даврдаги қутблашган ҳолатини таъкидлаб кўрсатиш мақсадида ва совет мафкурасининг талаби б-н бойлар образини, айниқса, Мирзакаримбой образини яратишда қора бўёқлардан кўпроқ фойдаланди. 1937 й. тегирмонидан аранг омон қолган адибнинг романи бусиз нашр этиши амри маҳол эди.

О. бу асари б-н А. Қодирий, Чўлпон ва С. Айний бошлаб берган тарихий романнавислик анъанасини ривожлантириб, уни меҳнаткаш халқ характерини ўзида мужассамлантирган Йўлчи, Гулнор каби қаҳрамонларнинг ёркин образлари б-н бойитди. «Қутлуғ қон» ўзбек адабиётидаги бадиий жиҳатдан энг юксак романлардан биридир.

О. шоир, носир, адабиётшунос олим сифатида ҳам Навоий ҳаётига кўп бор мурожаат этган. Унинг 1942 й. 2-жаҳон урушининг қизғин бир пайтида «Навоий» романини ёзиб тугатгани тасодифий эмас. Нафақат улуғ шоир, балки 15-а.даги Хуросон ҳаётини ҳам пухта ўрганган адиб бу асарда Навоийнинг шоир ва инсон сифатидаги гуманизми — инсонпарварлик моҳиятини катта маҳорат б-н гавдалантириб берган. О. Навоий образини 15-а. Хуросонида рўй берган муҳим тарихий воқеалар фонида гавдалантирар экан, шу даврда Темурийлар давлатини ҳаракатга келтирган, кейинчалик эса уни таназзулга олиб келган кучлар ва уларнинг ўзаро курашини ҳаққоний акс эттирган. О. мазкур асари б-н ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрини бошлаб, унинг асосий тамойилларини белгилаб берди. «Навоий» романи кейинчалик ўзбек

Ойбек ҳайкали (уй-музейида).

адабиётида «Улуғбек хазинаси», «Кўҳна дунё» (О. Ёқубов), «Юлдузли тунлар», «Авлодлар довони» (П. Қодиров) сингари тарихий-биографик романларнинг майдонга келишига замин ҳозирлади.

О.нинг насрий асарлари орасида ўзбек халқининг 2-жаҳон урушидаги жасорати тасвирига бағишланган «Қуёш қораймас» (1943—59) романи алоҳида эътиборга лойиқ. Адиб мазкур романини гарчанд Ғарбий фронтга қилган сафаридан қайтибоқ ёза бошлаган бўлса-да, уруш тўғрисидаги даҳшатли ҳақиқатни айтиш иложи бўлмагани учун, уни 50-й.ларда — хасталик пайтида ёзиб тугатди. О. Бектемир ва унинг икки жанговар дўстининг образини яратиш орқали Совет давлатининг урушга тайёргарликсиз киргани ва саркардаларнинг қўпол хатолари туфайли миллионлаб кишилар, шу жумладан, ўзбек жангчиларининг «тўп еми» бўлаётгани ҳақидаги ҳақиқатни бадиий мужассамлантириб берди.

Адиб «Олтин водийдан шабадалар» (1949) романида урушдан кейинги давр қаҳрамони образини, «Қутлуғ қон» романининг давоми сифатида ёзилган «Улуғ йўл» (1967) асарида эса Йўлчи ва Гулнорларнинг 20-й.лардаги издошлари образини яратишга интилди.

О. қаламига мансуб роман ва қиссалар қайси давр ҳаётидан олинган бўлмасин, адиб шу давр ҳаётини мукаммал ўрганган, айниқса, тарихий давр ва тарихий шахс ҳаёти б-н бирламчи манбалар асосида якиндан танишган ёзувчи сифатида намоён бўлади. О.нинг насрий асарларига хос муҳим хусусиятлардан яна бири шундаки, у асар қаҳрамони ёки тарихий шахсни Ватан ва халқ манфаатлари йўлида курашувчи, меҳнаткаш халқ оғир-армонларининг рўёбга чиқиши йўлида ҳаракат чекувчи синмас сифатида тасвирлайди.

О. озгина бўлса-да, ўз кучини драматургияда ҳам синаб кўрди. У уруш йилларида Чингизхон истилосига қарши кўтарилган халқ ҳаракатларидан бирига мурожаат этиб, ватандошларида фашизмга қарши кураш майлини рағбатлантирувчи «Маҳмуд Торобий» оперетта либреттосини ёзди (1944) ва шу мавзу бўйича драма театрлари учун «Ғаламчи», рус адиби ва адабиётшуноси А. Дейч б-н ҳамкорликда эса рус тилида «Халқ қалқони» пьесалари устида ишлади. О. бу асарларида ҳам тарихни жараён қонуниятларини яхши билган, тарихга халқ манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашувчи йирик олим сифатида намоён бўлди.

О. адабий фаолиятининг муҳим қисмини адабиётшуносликка оид талқинот ва мақолалар ташкил этади. Ўзбек халқи тарихи ва ўзбек мумтоз адабиётининг улкан билимдони О. ўзининг адабий-танқидий фаолиятида адабиётимизнинг энг қад. даврдан то ўтган асрнинг 60-й.ларига қадар кечган шаклланиш ва тараққиёт йўлига бағишланган кўплаб мақолалар эълон қилди. Бу мақолаларнинг катта бир қисми Алишер Навоий ижодига шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишланган бўлиб, улар кейинчалик О.нинг «Навоий гулшани» мақолалар тўпламини ташкил этди. Бу мақолалар навоийшуносликнинг ўзбек адабиётшунослигининг муҳим бир соҳаси сифатида шаклланиши ва ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилди. Шу б-н бирга О. Ёзувчилар уюшмаси ва Фанлар академияси гуманитар бўлимининг раиси сифатида Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ташкил этиш ва ўтказишга раҳбарлик қилди. А. Дейч б-н бирга рус тилида Навоийга бағишланган туркум мақолалар чоп этди (бу мақолалар муаллифларнинг 1968 й.да нашр этилган «Алишер Навоий. Литературно-критический очерк» китобидан ўрин олган).

Йирик адабиётшунос О. «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» (1935) монографияси ва б. мақолаларида 20-а. ўзбек адабиётининг тараққиёти муаммоларини, А. С. Пушкин, Л. Н. Толстой ва А. М. Горький сингари рус адабиёти намояндаларининг ўзбек ёзувчиларига таъсири масалаларини юқори илмий-назарий савияда ўрганди. Мумтоз ва замонавий ўзбек адабиёти вакилларини қардош халқларга таништиришда О.нинг рус тилидаги мақолалари айрича аҳамиятга молик.

Серқирра ижод соҳиби О. жаҳон ва рус адабиётининг энг юксак намуналарини ўзбек тилига таржима қилиб, Чўлпон ва Қодирий асос солган ўзбек таржима мактабини ўзининг юксак даражадаги таржималари б-н бойитди. Ўзбек китобхони О. таржимаси орқали Рим адабиёти намуналари, Ж. Б. Мольернинг «Тартюф», А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин», М. Ю. Лермонтовнинг «Маскарад», «Довуд Сосунли» достон эпоси, Г. Гейне, И. А. Крилов, В. Г. Белинский, Э. Верхарн ва б.нинг асарлари ўз-н таништи.

О. ўзининг рани-ёраниг ижоди ва улкан жамоат арбоби сифатидаги фаолияти б-н ўзбек халқининг маданий юксалишига катта ҳисса қўшди. 1980 й.да адиб яшаган уйда О. уй-музейи ташкил этилган ва унга ҳайкал ўрнатилган. Тошкентдаги мактаб, хиёбон ва метро бекатларидан бири О. номи б-н аталган, Термиз давлат ун-ти, Тошкент вилоятидаги жамоа хўжалигига О. номи берилган. О. вафотидан кейин «Буюк хизматлари учун» ордени б-н тақдирланган (2001).

Ас.: Мукаммал асарлар тўплами [20-ж.ли]. 1—20-ж.лар, Т., 1975—1985.

Ад.: Бать Л., Кошчанов М., Айбек. Критико-биографический очерк, М., 1966; Ёқубов Ҳ., Адибнинг маҳорати, Т., 1966; Каримов Н., Ойбек, Т., 1985; Каримов Н., Ойбек гулшанида қолган гунчалар, Т., 1985.

Нави Каримов.

ОЙБОЛДОҚ — *исирға* тури; ой шаклида безаксиз қўлда (дастаки) ясалади ёки қўйма бўлади. Заргарлар олтин, кумуш, мисдан турли шаклда кўзсиз қилиб тайёрлайди; баъзан ой ўроги усти (ўртаси)га металл шарча ҳам ишланади: ой олтин ёки мисдан бўлганда, шарча кумушдан, ой кумушдан бўлганда шарча тилла б-н ҳалланган. Андижонда зулукзира деб аталади.

ОЙБОЛТА — жанг қуроли; лами (тиғи) янги тузилган ойга ўхшаш болта. Ўрта асрларда О. б-н отлиқ аскарлар қуроллантирилган.

Ойболта.

ОЙГАЙИНГ — Тошкент вилоятидаги тог дарёси. Талас Олатови ва Писком тизмаси туташган ердаги (Тўқмоқсойдан довонидан шим.-шарқда) музликлардан Шовурсой номи б-н бошланади. Уз. 76 км, ҳавзасининг майд. 1102 км². Сув йиғилиш майдонининг ўртача бал. 2998 м.

О. чуқур ва тор водийда оқади. Қайир ва биринчи кўҳна қайир (терраса) яхши ривожланган. Қад. музликлардан қолган мореналар кўп учрайди. Дарё ўзани катта-катта харсанг тошлар б-н тўсилганлиги сабабли айрим ерларда шовқин ҳосил бўлган. Майсумий қор, қорликлар ва музликлардан тўйинади. Июль—сент.да сувнинг сарфи 27,9 м³/сек., ўртача йиллик сув сарфи 0,82 м³/сек. км². Умумий оқим модули 27,2 л/сек. км². Умумий уз. 206 км дан ортиқ 100 та ирмоғи бор. Йириклари: Тасторсой, Оққопторсой, Чараюлмасой.

ОЙГАЙИНГ РУДА МАЙДОНИ — (*Ойгайинг* дарёсининг ўрта оқимида жойлашган рудали майдон. 1936 й.да топилган. 1942—43 й.ларда вольфрам ва молибден металлар қазиб олинган. О.р.м.нинг максимал захираларини аниқлаш мақсадида 40-й.лар 2-ярмида қидирув-разведка ишлари олиб борилган. О.р.м. гранит массиви ва палеозой даврига мансуб метаморфик жинслардан ташкил топган. Майдонда гранит массиви ўз-н генетик боғланган пегматит, грейзен, скарн, апогранитлар (альбит ва грейзенлашган гранит) ва апокарбонатлар (слюда ва флюоритлашган оҳактош) мавжуд. Улар таркибида вольфрам, қалай, фтор, мис, молибден, рух ва б. нодир элементларнинг минераллари учрайди. Бу минераллардан нодир металларнинг ҳом ашёси сифатида фойдаланилади.

ОЙГУЛ, мох — кўп япроқли мойчечак шаклидаги нақш. О. япроқлар сонига қараб 3 япроқли, 4 япроқли, 5 япроқли О. деб номланади. Наққошлик ва мискарликда ўсимликсимон нақш бўлаги ҳисобланиб, усталар нақш мужассамотини яратганда, идишлар бетагида қўлланади. Ойтулли исломий нақшни таноб б-н бандининг мураккаб айланма ҳаракатидир. О.ни наққошлар бахт-иқбол рамзи сифатида қўллаб келганлар. Бухорода нақши мойчечак деб юритилади.

ОЙДИН (таҳаллуси, асл исм-шарифи Собирова Манзура) (1906.20.11 — Тошкент — 1953.30.5) — ёзувчи, драматург. Хотин-қизлар билим юрти (Инпрос)да (1919—23) ва Самарқанд педакадемиясида (1927—31) ўқиган. Ўздавнашрда бўлим бошлиғи (1931), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида масъул котиб (1932—37), «Ёркин ҳаёт» жур. муҳаррири ўринбосари (1938—41), Ўзбекистон Радиокўмитасида адабий эшиттиришлар бўлими мудири (1941—45), «Ўзбекистон хотин-қизлари» жур. бош муҳаррири (1946—53).

Илк шеърлар тўплами — «Тонг қўшиғи» (1931) ва «Чечак қўллар» (1932)да ўзбек аёлларининг ҳаётда тутган ўрни, қадр-қиммати ва ўзига хос характерини реалистик бўёқларда тасвирлаган. «Чақалоққа чақмонча» (1939), «Қизларжон» (1943), «Ширин келди» (1944), «Мардлик — мангулик» (1947), «Ҳикоя ва очерклар» (1952), «Ҳикоялар» (1954) каби китоблари ўзбек ҳикоячилигининг энг яхши намуналаридир. О. асарларининг асл моҳиятини бадиий адабиётнинг азалий муаммоси бўлган яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги кураш ташкил этади. Драма («Янгиликка қадам», 1925), айрим санъат арбоблари: М. Турғунбоева, Х. Носирова ва б. ҳақида очерклар, адабий-публицистик мақолалар муаллифи. Тошкент кўчаларидан бирига О. номи берилган.

Ас.: Шеърлар, Т., 1937; Ҳикоялар, Т., 1967; Ширинга мактуб, Т., 1975; Гулсанам, Т., 1985.

Ад.: Зулфия, Ойдин Собирова [очерк], Т., 1953; Мирзаев С., Ойдин, Адабий портрет, Т., 1965.

ОЙДЎСТБИЙ (? — 1828) — Хива хонлигида кўтарилган *қорақалпоқлар қўзғолони* раҳбари, нуфузли *бийлардан*; кўнғирот қорақалпоқлари, кейинчалик бутун қорақалпоқлар сардори. *Муҳаммад Амин инақ, Муҳаммад Раҳим I* ва *Оллоқулихонларнинг* яқин маҳрамларидан бўлган. О.га қўшин тутиш, қорақалпоқлар орасидаги жанжалли ишларни ҳал этиш, солиқларни йиғиб олиш ҳуқуқлари берилган. О. пойтахт — Хивага келганда, уни «бийбобо» деб ҳурмат қилиб, турли инъомлар берилган, мамлакатдаги ички сиёсат ҳақида хонлар у б-н маслаҳатлашиши эди. Бироқ Оллоқулихон давридаги бетўхтов урушлар, оғир солиқ-мажбуриятларга бардош беролмаган қорақалпоқлар бардош қўзғолон кўтарган (1827—28). О. унга раҳбарлик қилган; қўзғолон бостирилиб, О. қатл этилган.

ОЙИМ — 1) оқсуяк, зодагон аёллар номига қўшиб ишлатилган ёки унинг таркибий қисмини ташкил этган сўз (мас., Ўзбек ойим, Оғоча ойим, Бег ойим, Эшон ойим, Моҳлар ойим ва б.); 2) умуман аёл кишига мурожаат қилганда ҳурматлаш, улуғлаш маъносида унинг номига қўшиб айтиладиган сўз (Сожида ойим, Мастура ойим каби).

ОЙМУРЗАЕВ Жўлмурза (1910, Чимбой тумани —1996, Нукус) — шоир ва драматург. Ўзбекистон (1981) ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси (1974). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1957).

Меҳнат фаолиятини мактабда ўқитувчиликдан бошлаган, сўнг газ. ва жур. таҳририятларида ишлаган, бир неча йил давомида Қорақалпоғистон ёзувчилари уюшмасини бошқарган (1944—51; 1958—62). «Ўзбекхроникалфильм» студиясининг Қорақалпоғистон филиалида раҳбар, катта муҳаррир (1968—84).

Ижодий фаолияти 1927 й.дан бошланган. «Кураш» (1935), «Биз курашда ғолиб чиқдик» (1938) достонлари янги қорақалпоқ шеъриятининг шаклланиши ва ривожига сезиларли таъсир кўрсатган. О. «Қаҳрамонона кураш» (1942), «Менинг паҳлавонларим» (1943), «Таскин» (1946), «Шоир сўзи» (1949), «Ёш авлодга» (1951), «Шонли дўстлар» (1954), «Нурли йўлдан» (1955), «Амударё бўйида» (1958), «Оламлар, мен сизларни севаман» (1978) ва б. шеърий ва насрий китоблар муаллифи.

О. драматург сифатида «Бюрократлар», «Лейтенант Ешмуратов» (1943), «Ойгул ва Обот» (1946—62), «Бердақ» (1958—77), «Равшан» (1959), «Севикли доктор» (1960), «Ҳаёт булоғи» (1967) сингари пьесалар яратган. «Кўмекбойнинг найранглари» (1958) биринчи қорақалпоқ ҳажвий романи ва «Етим қалби» (1961—67) мемуар қиссаси машҳур. О. рус, европа ва ўзбек адабиётининг намуналарини қорақалпоқ тилига таржима қилган. Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат мукофоти лауреати (1968).

Ас.: Асарлар [2 ж.ли], Т., 1961—62; Сайланма [2 ж.ли], Т., 1980.

ОЙМЯКОН ЯССИТОҒЛИГИ — Саха (Якутия)даги ясситоғлик. Сибирнинг шим.-шарқида, Индигирка дарёси ҳавзасининг юқори қисмида жойлашган. Сунтар-Хаята ва Тас-Кистабит тизмалари оралиғида. Рельефи парчаланган. Алоҳида ясситоглар ва текисликлардан ташкил топган. Марказига — Оймякон ботиғига (700 м) томон пасайиб боради. Ясситоғликнинг ўртача бал. 800—900 м, энг баланд жойи 1802 м. Асосан, сланец, қумтошлардан иборат, улар орасида гранит интрузиялари учрайди. Иқлими кескин континентал, қиши жуда совуқ, ёзи салқин. Янв.нинг ўртача т-раси —50°, июлники 8°. Оймякон ботиғи Шим. ярим шарнинг совуқ қутби ҳисобланиб, мутлақ паст т-ра —70°гача тушади. Ясситоғликнинг 1200 м баландликкача бўлган қисмида сийрак ҳолда тилоғоч, пакана кедр, сибирь қорақарағайи ўсади. Ундан юқорида тоғ-тундраси мавжуд.

ОЙНА — 1) қ. *Шиша*; 2) кўзгунинг жонли тилдаги аталиши.

«ОЙНА» — ўзбек тилидаги тўнғич журнал. 1-сони 1913 й. 20 авг.да чиққан. Жур. Самарқандда нашр қилинган, 2 тилда — ўзбек ва форс тилларида чоп этилган. «О.» Туркистон жадидларининг раҳномаси — Маҳмудхўжа *Беҳбудий* томонидан асосланган ва унинг муҳаррирлигида фаолият кўрсатган. «О.» хусусий жур. бўлиб, 400—600 нусхада тошбосмада чоп қилинган, мухлислар орасида обуна ва чакана савдо йўли б-н тарқатган. «О.» аввалига ҳафтада 1 марта 24 саҳифада, кейинроқ 15 кунда 1 марта 35 саҳифада чиқарилган. Материаллар «Баёни ҳол», «Самарқанд хабарлари», «Ахбори жаҳон», «Реклама» номли доимий рукнлар остида чоп этилган. «О.»нинг бир қанча хорижий Шарқ мамлакатларида ҳам мухлислари бўлган.

«О.»ни чиқаришда М. Беҳбудийга самарқандлик иқтидорли қаламкашлар: Саидризо Ализода, Рожий, Ҳожи Муинлар кўмаклашганлар. Жур.да четдан мактаб, мадраса муаллимлари, элга танилган адиблар, илм аҳллари ҳамкорлик қилганлар. М. Беҳбудий ноширлик, муҳаррирлик вазифаларини адо этиш б-н бирга, жур.нинг қарийб ҳар бир сонида долзарб мавзулардаги сермазмун, сара мақолалар б-н кўриниб турган. М. Беҳбудий ва унинг жадид сафдошлари Туркистоннинг миллий ва диний заминда тараққий этмоғини кўзлаганлар. Шу боис ўлка тараққиётининг жадидлар назарда тутган бу икки асосий йўналишига даҳлдор муаммолар «О.»нинг ҳам диққат марказида турган.

Туркистондаги туб аҳолини замонавий илму урфонлан, маърифатдан баҳраманд этиш мақсадида нашр қилинган. «О.» жур. асосий диққатни ўлкадаги миллий таълим тизимини янгилашга йўналтирган. Жур. саҳифаларида чоп қилинган материалларнинг аксарияти маорифга алоқадор. Жур. жамоатчилик ўртасида ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни ўргатувчи янги «усули жадид» мактабларини ташвиқ қилди, бундан мактаблар учун дарсликлар, билимдон муаллимлар тайёрлаш вазифасини эслатиб турди, миллий ўзликни англаш муаммоларига катта эътибор берди.

Ватанпарварлик, миллатпарварлик ғояларини, бетакрор тарихий маданий меросимизни кенг тарғиб қилиш — «О.»нинг муҳим хусусиятидир. Бу фикрлар М. Беҳбудий қаламига мансуб «Туркистон», «Самарқандда Шерлор мадрасаси», «Улуғбек расадхонаси», «Сарт сўзи мажҳулдир», «Саёҳат хотиралари» ва б. мақолаларда яққол ҳис этиш мумкин. «О.» миллий тилга доир мақолаларида жамоатчиликни миллий тилни тараққий эттиришга, унинг софлигини асрашга даъват этиб, «ҳар миллат ўз тили ила фахр этар», деб уқтирган.

«О.» 1915 й.нинг 15 июнига қадар нашр қилинган. Жами 68 та сони чиққан.

ОЙНАВАНД ЎЙМА — ганч ўймакорлигида безак тури. Безатиладиган юзага мустаҳкамланган кўзгу (тошойна) устига ганч қоришмаси қўйиб ва сувалиб, сўнг ўйма усулида ойнаванда зимиидла безак ҳосил қилинади. О.ў. усули безатилган хоналаги кўзгу (тошойна)да ташқаридаги манзара ва атрофдаги майин ўйма ганч нақшлар акси товланиб, янада жозибадор, ўзига хос кўриниш ҳосил қилади. Ганч ўймакорлигининг бу тури 19-а.да вужудга келган. Бухоролик *Уста Ширин Муродов*нинг илк ишларидан бири Бухоро яқинидаги *Ситораи Моҳи Хоса*нинг «Оқ зали» ана шу усулда зийнатланган (1912). Ганч ўймакорлигида О.ў. кенг қўлланилади.

ОЙНАТОШ, с а н г и о й н а — текис юзали кўзгусимон тош. Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти Боткент тумандаги Қорабоғ қишлоғидан 800 м чамаси жан.-шарқда, Туркистон тизмасининг шим. ён бағрида жойлашган. Унинг яқинидан Яйпан — Шўрсув — Боткент автомобиль йўли ўтади. О. тўғрисидаги ёзма маълумотлар «Бобурнома»да ҳам келтирилган. Бобур ўз асарида шундай ёзади: «...Исфаранинг бир нарида жануб сори пуштанинг орасида бир парча тош тушубдур, «санги ойна» дерлар, узунлиги тахминан ўн кари бўлгай, баландлиги, баъзи ери кишининг бўйи, пастлиги баъзи ери киши нинг белига бўлгай, ойнадек ҳар нима мунгакис бўлур». О. ҳақида маҳаллий аҳоли ўртасида турли ривоятлар тўқилган. О. палеозой даврининг кремнийли сланецларидан тузилган бўлиб, уз. 18 м, эни 2 м ча. Қиялиги 38—48° бўлган, жан.га қараган яхлит тош. Тошнинг юзаси ойнасимон, текис бўлганлигидан унда барча предметларнинг акси аниқ кўринади. О. тектоник узилманинг юзасида ҳосил бўлган. Унинг юқасидаги «чандиқлар» узилма юзасида бўлган силжишларнинг гувоҳидир.

ОЙРОТ ТИЛИ — қ. *Олтой тили.*

ОЙРОТ ХОНЛИГИ (Жунғор хонлиги) — Жунғориядаги ўрта аср давлати (1635—1758). Или водийсида яшаётган *ойротларнинг* чурос улуси вакили *Ботур хунтайжи* раҳбарлигида Ёркенд хонлигидан ажралиб чиқиши натижасида барпо этилган. Хон ўрдаси Или водийсида жойлашган. О.х. маъмурий жиҳатдан 4 улусга (чурос, дербет, хушоут ва хуйт) бўлинган. Ҳар бир улуснинг бошлиғи тайжи (хон, князь) ҳисобланган. Тайжилар хонлик ҳукмдори — Хунтайжи (Улуғ хон)га бевосита итоат қилган. О.х. 1641 й. Тибетга юриш қилиб, у ердаги ҳокимиятни ағдариб, тахтга будда дини етакчиси Далай-ламани ўтказди. 1688—90 й.ларда ойрот хони Галдан (1671—97 й.лар ҳукмронлик қилган) Чингизхон салтанатини тиклаш мақсадида Мўғулистонга юриш қилган. Бунда ханотирга тушган Хитойдаги Цин империяси (1644—1911) мўғулларни қўллаб-қувватлаб, О.х.га қарши ўзи ҳам кураш бошлаган. 1695 й. ёвда Ғарбий Мўғулистондаги ҳал қилувчи жангда хитойликлар ғалаба қилган ва Мўғулистонни эгаллаб олган.

Галдан вафотидан сўнг тахтга ўтирган Цеван Рабдан (1697—1727) ва унинг ўғли Галдан Церен даври (1727—45)да О.х. қайта кучайган. Улар Цин империяси б-н тинчлик алоқаларини ўрнатиш ва ташқи сиёсатдаги фаолликни Ғарб томонга қаратиш ҳамда Ёркенд хонлиги устидан ойротлар ўрнатган назоратни кучайтириш сиёсатини олиб борган. Бироқ, Цин империяси Мўғулистонда ўрнашиб олгач, О.х.га қарши кураш бошлаган, жумладан, 1717 ва 1731 й.ларда 2 марта катта қўшин б-н ҳарбий юриш қилган. Аммо, бу юришлар мағлубият б-н тугаган. Ойротлар биринчи марта Олтой томонидан, иккинчи марта Тибет томонидан айланиб ўтиб, Хитой қўшинни авангардини орқа тарафдан узиб қўйиш хийласини ишлатиб, кам куч б-н катта армия устидан ғолиб чиқиб Цин империяси режаларини барбод этган. Цин ҳукумати О.х. б-н сулҳ битимини тузишга мажбур бўлган (1741).

18-а. ўрталарида О.х.да ички зиддиятлар кучайган. Ҳокимият талашувчи кучлар ичида Цин ҳукумати ёрдамида мақсадга эришмоқчи бўлган шахслар пайдо бўлган. *Амурсана* Цин сулоласи учун маъқул шахс деб топилган. Аммо, у Цин сулоласининг О.х.ни бутунлай йўқотишга қаратилган махфий режасидан бехабар бўлган.

1755 й. баҳорда Цин империяси О.х.га қарши 50 минг кишилик қўшин б-н уруш бошлаган. Қўшин авангардига Амурсана бош бўлган. О.х. йўқ қилинган, лекин Амурсанага тахт берилмаган, у махфий кўрсатма б-н Пекинга чақиртирилган. Алданганини билиб қолган Амурсана ўзини хон деб эълон қилиб, Цин салтанатига қарши кураш бошлаган, бироқ мағлубиятга учраб Россия ҳудудига қочиб ўтиб, мусофирликда вафот этган. О.х.нинг сўнгги хони Даваци Пекинга олиб кетилиб зиндонга ташланган. Шундай қилиб, О.х. ярим аср давомида Цин империясининг ҳужумига қарши туриб, унинг Туркистонга бостириб келишига йўл қўймаган. О.х. барҳам топгандан кейинги ички ва ташқи вазият Цин империясига Шарқий Туркистонни нарига ўтишга имкон берган. 1758 й. Ёркенд хонлиги ҳам йўқ қилинган. Шундан кейин Ойрот ва Ёркенд хонликлари ҳудудида Цин ҳукумати томонидан ҳарбий-маъмурий тузум ўрнатилган.

Абдулаҳад Хўжаев.

ОЙРОТЛАР (мўғулча — бирлик, иттифоқдош, яқинлик, қўшничилик, ўрмонзорда яшовчилар) — ғарбий мўғуллар таркибига кирган чурос, дербет, хўшоут ва торғоут каби 4 улус, яъни қабилалар иттифоқининг умумий номи. О.ни «дербен ойрот» («тўрт ойрот») деб ҳам аташган. Туркий халқлар О.ни «қалмоқ» деб атаган. О.нинг умумий сони ҳақида аниқ маълумот йўқ. О. илк бор 1204 й.га оид манбаларда қайд этилиб, Енисей дарёсининг юқори қисмида яшаган. Кейинчалик (15-а.) Шарқий Туркистоннинг шим. қисми Шарқий (Жунғория) яйловларига жойлашдаги (Жунғория) ... 17-а. бошларигача О.га хўшоутлар сардори (тайжи) етакчилик қилган. Кейин ушбу лавозим таркибида туркилар кўпроқ бўлган чурос улуси бошлиғи қўлига ўтган. О.нинг ҳаёти чорвачиликка асосланган, шу б-н бирга улар овчилик, деҳқончилик, ҳунармандчилик б-н ҳам шуғулланади. О.нинг ёзуви қад. уйғур ёзувига асосланган. Диндорлари — Тибет будда динидан, унинг «сариқ дин» (хитойча «хуангжао») оқимига эътиқод қилади. Шу боис Тибетнинг маркази Лхасадаги ибодатхонани зиёрат қилиш О. учун ҳаж қилиш б-н тенг бўлган. О. жамиятида мавжуд бўлган қоидалар Чингизхон давридаги қонунлар асосида битилган. «Ойрот-мўғул тузуги»га асосланган.

Манжурлар томонидан Хитойда ташкил этилган Цин (Чин) империяси (1644—1911)нинг О. давлатини тугатиши (қ. *Ойрот хонлиги*), О. учун катта фожиа бўлган. О. ярим аср мобайнида хитойликларга қаршилик кўрсатиб фақат давлат тузумидан, балки 600 минг кишидан иборат аҳолисининг 5/6 қисмидан ажралган. О.нинг тирик қолган қисми Шарқий Туркистон, Мўғулистон ва Хитойнинг ғарбий ўлкаларига тарқатиб юборилган.

Абдулаҳад Хўжаев.

ОЙСТРАХ Давид Фёдорович [1908.17(30). 9, Одесса — 1974.24.10, Амстердам; Москвада дафн этилган] — скрипкачи, педагог, дирижёр; замонавий рус скрипка ижрочилик мактаби асосчиларидан. Лондон (1959), Бостон, Рим, Берлин (1961) санъат ва мусиқа академиялари фахрий аъзоси, Кембриж ун-ти проф. (1969). Одесса мусиқали драма ин-тини тугатган (1926). Москва филармонияси

якка созандаси (1932—34 ва 1941 й.дан), Москва консерваториясида доцент (1934 й.дан), проф. (1939 й.дан), кафедра мудири (1950 й.дан). Услубига мукаммал ижро маҳорати, теран мазмун, бадиий-ғоявий равшанлик хосдир. Ниҳоятда кенг репертуаридан мумтоз ҳамда замонавий скрипка асарлари ўрин олган. Чет эл мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистонда гастролда бўлган. Бир нечта халқаро танловлар ғолиби (Ленинград, Варшава, 1935; Брюссель 1937). Ўғли — Игорь О. (1931) ҳам машҳур скрипкачи ва дирижёр. Россия халқ артисти (1986). Москва филармонияси якка созандаси (1958 й.дан).

«ОЙСУЛУВ» — ўзбек халқ достони. Эргаш Жуманбулбул ўғлидан Ҳ. *Зарифов* ёзиб олган. Бош қаҳрамони Ойсулув — Турон мамлакатининг подшоси. Достон чуқур ижтимоий-сиёсий мазмунга бой бўлиб, унда халқнинг орзу-умидлари, ватанпарварлик туйғулари, босқинчиларга қарши кураши акс этган. Ойсулув ўз халқи ва юртига содиқ, ватанпарвар, мард, жасур, курашда тенгсиз, душманга аёвсиз афсонавий қаҳрамон образидир.

Ойсулув Эрон подшоси — босқинчи Доро лашкарларига қарши қаҳрамонона жанг қилади ва уни тор-мор этади. Ойсулув Ўрта Осиё халқлари ифсоналаридаги қаҳрамон аёл Тўмарис образини эслатади.

ОЙТАКА — қорақалпоқларнинг орис ўн тўрт уруғ деб аталган қабила бирикмаси таркибидаги уруғ. 19-а.нинг ўрталарида 3 бекликдан иборат бўлган. О.лар Хива хонлигига ҳар йили 37—78 отлиқ навкар, 112 қазувчи бериш мажбуриятини бажарган.

ОЙТАМҒАЛИ — ўзбек халқининг *дўрмон, қипчоқ, қўнғирот*, Нурота туркманлари ва б. йирик қабилалари таркибига кирган уруғлардан бири. О. Ўзбекистон, Қозоғистон ҳудудида учрайди. О. қирғизлар таркибида ҳам бўлиб «Ойтама» деб аталади.

ОЙТОШ — дала шпатлари гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $K_2O{\cdot}Al_2O_3{\cdot}6SiO_2$. Қаттиқлиги 6, зичлиги 2,6 г/см^3. Кўпинча ярим шаффоф (ойдек товланади — номи шундан) кўкимтир О. учрайди. Кристаллари призматик, таблеткасимон донадор агрегатлардан иборат. О. кварц слюда, нодир минераллар (топаз, турмалин) б-н бирга (пегматит ёки альп типли томирларида) учрайди. Шри Ланка, РФ (Карелия, Урал тоғлари ўрта қисми)да О.нинг сифат турлари бор. О. қимматбаҳо ва безак буюмлар ясашда ишлатилади.

ОЙХОНИМ — қад. шаҳар харобаси (мил. ав. 4-а. охири — 2-а.нинг 2-ярми) — Афғонистоннинг шим.-шарқида, Амударёнинг сўл қирғоғида, Кўкча дарёси қуйилиш ерида жойлашган. *Юнон-Бақтрия подшолиги* даврида обод бўлган; Александрия Оксиана (П. Бернар) ёки Евкратидия деб аталган. О.даги археологик тадқиқотлар Афғонистондаги француз археологик миссияси (Д. Шлюмберже, сўнгра П. Бернар раҳбарлигида) томонидан (1964—78) олиб борилган.

Бақтрия шаҳарларидан бири бўлган О., эллинизм даврида, юнон колонистлари томонидан юнон шаҳарсозлиги тамойилларига асосланиб қурилган. О. юқори (қалъа) ва қуйи (шаҳар), шунингдек, унинг шим.-шарқий томони-

Ойхоним. Қазишма ишлари олиб борилган ибодатхона харобаси.

Юнон шаҳарсозлигига асосланиб қурилган иншоот устунининг тепа қисми.

да жойлашган шаҳар атрофидан иборат. О.нинг дастлабки 2 қисми қалин мудофаа деворлари б-н ўраб олинган. Қуйи шаҳар қисмида сарой, ибодатхона, ёшлар таълим-тарбия оладиган гимназий ёки палестра харобалари очилган; улдан Гермей ва Геракл шаънига битилган юнонча маърифий ёзувлар топилган. Шаҳар марказида геройон — шаҳарга асос солган киши ёки унинг фахрий фуқаросининг мақбараси жойлашган. Қалъа яқинидан театр, шаҳарнинг асосий қўчаси, уй харобаси топилган. Шаҳар атрофидан эса мақбара, ибодатхона ва турар жой қолдиқлари чиққан.

О.дан моддий ва бадиий маданиятнинг турли хилдаги кўплаб обидалари, тангалар, юнон эпиграфикаси ёдгорликлари, Гераклнинг бронза ҳайкали, ўсмир ҳайкали, ибодатхонага ўрнатилган улкан мармар ҳайкалнинг 5 панжали оёқ қисми, ибодатхонадан сақвкийлар, юнон-бақтрия, ҳинд-юнон ва ҳинд мис ва олтин тангалари, темир буюмлар, қимматбаҳо тошлар хазинаси топилган.

Ад.: Великий шелковый путь, Т., 1999.

Эдвард Ртвеладзе.

ОЙША (613—678) — *Муҳаммаднинг* хотини, биринчи халифа *Абу Бакрнинг* қизи. Лақаби Сиддиқа, унвони Уммул-мўминун (Мўминлар онаси)дир. Муҳаммад (сав) вафотидан кейин О. халифалик ҳокимиятига номзодлар ўртасидаги мунозараларда пайғамбарнинг сафдошлари Талҳа ва Зубайр томонида туриб, Али тарафдорларига қарши чиққан. О. Муҳаммад (сав) умрининг охиригача у б-н бирга яшагани туфайли жуда кўп *ҳадисларнинг* ровийси ҳисобланади. Саҳобалар баъзи оилавий муносабатларга доир мураккаб масалаларни ундан сўраб билиб олар эдилар. Халифалар — Абу Бакр, Умар ва Усмон замонларида фатволар ҳам берган. О. тафсир, ҳадис, фиқҳни мукаммал билган, араб тили ва адабиётидан яхши хабардор бўлган. Мадинадаги Бақий қабристонига дафн қилинган.

ОЙШАБИБИ МАҚБАРАСИ — Қозоғистон (Жам. Тароз ш.)даги меъморий ёдгорлик (11—12-а.лар). Афсонага кўра, мақбара қорахонийлар сулоласи ҳукмдорларидан бирининг бевақт вафот этган севгилиси Ойшабиби шарафига қурилган. О.м. пишиқ ғиштдан мураббаъ тарҳли (7,23×7,23м). Бурчакларига ихчам ва сербезакли устунлар ишланган. Бош тарзи уйма сопол бўлакларидан ҳандасий ва ислимий нақшлар ва араб ҳиндасий ... бий ёзувлар б-н қопланган. Пойдевори қурилиш ... 80 смли ганч қоришмасидаги қуриб ... г ... лиши чиқиндилари б-н тўлдирилган (девор қалинлиги 162 см). Мақбаранинг 2 равоғи турли кўринишда. О.м. безагича анча вайрона ҳолда етиб келган. Унинг тузилиши Исмоил Сомоний ва Мирсаид Баҳром мақбараларига ўхшаш. Мақбара асосини бадиий безаклар ташкил қилади. Юлдузсимон, хочсимон ва б. шакллардаги нақш бўлаклари уйғунлашиб гилам шаклида намоён бўлган. Бу О.м.да нафислик, ихчамлик, жозибадорлик ва миллийликни намоён этган. Мақбара Ўрта Осиё меъморлигининг ноёб ёдгорликларидан бири ҳисобланади.

Ойшабиби мақбарасининг пештоқ безаги.

ОЙ-ҚУЁШ КАЛЕНДАРИ — қ. *Календарь.*

ОЙҚУЛОҚ — қ. *Жабра.*

ОКА — РФнинг Европа қисмидаги дарё, Волганинг ўнг ирмоғи. Ўрта Россия қирларининг марказий қисмидан (226 м абсолют баландликдан) бошланади. Нижний Новгород ш. ёнида Волга дарёсига қуйилади. Уз. 1500 км, ҳавзасининг майд. 245 минг км^2. Бошланиш жойидан Угра дарёси қуйилган жойгача қадар О. тор (0,5—1,0 км) ва чуқур (20—80 м) водийда, эгри-бугри ва серостона ўзанда оқади. Угра дарёсининг қуйилиш жойидан Мокша дарёсининг қуйилиш жойигача бўлган ўрта оқимида дарё водийси 0,4 км дан 20—30 км га қадар кенгайган. Бу қисмида дарё ўзани жуда ҳам эгри-бугри, кема юришини қийинлаштирадиган саёз жойлар ва остоналар бор. Дарёнинг бу қисмида кемалар қатновини яхшилаш учун иккита шлюз қурилган. Мокша дарёси қуйилган жойдан О.нинг қуйи оқими бошланади. Бу қисмида О. янада кенг водийда оқади, эни айрим жойларда 20 км га етади. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи (этак қисмида) 1300 м^3/сек. О. суви нояб. охиридан апр. охирига қадар музлайди. Муҳим ирмоқлари: чапда — Зуша, Мокша. Чекалин ш. яқинидан қуйилиш жойигача (1200 км) кема қатнайди. О. бўйида Орёл, Калуга, Серпухов, Кашира, Рязань, Коломна, Муром, Нижний Новгород ва б. ш.лар жойлашган.

ОКАЯМА — Японияддаги шаҳар. Хонсю о.нинг ғарбий қисмида. Окаяма префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 626,5 минг киши (2000). Ункишпорти бор. Т.й. пароми орқали Сикоку о. б-н боғланган. Савдо-тақсимот ва маданий марказ. Электротехника, кемасозлик, тўқимачилик, қоғоз, керамика, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. Ҳунармандчиликда чинни буюмлар и.ч. ривожланган. Ун-т, музейлар бор.

ОКЕАН, Дунё океани (юн. Okeanos — Ерни айланиб оқадиган азим дарё) — Ернинг материк ва оролларини ўраб турувчи сув қобиғи. Гидросферанинг катта қисми (94%) ни. Ер юзасининг тахм. 70,8% ини эгаллайди. Физик ва кимёвий хусусиятлари ҳамда сувининг кимёвий таркиби жиҳатидан О. бир бутун, лекин миқдор жиҳатидан гидрологик ва геокимёвий кўрсаткичлари хилма-хилдир.

Гидрологик режимининг табиий-географик хусусиятларига кўра, Дунё океани алоҳида океанлар, денгизлар, қўлтиқлар, бухта ва бўғозларга ажралиб туради. 1650 й.да голланд географи Б. Варениус Дунё океанини 5 алоҳида қисмга: Тинч, Атлантика, Ҳинд, Шим. Муз, Жан. Муз О.ларига бўлди. 1845 й.да Лондон география жамияти ҳам буни тасдиқлади. Кейинроқ баъзи олимлар Дунё океанини фақат 3 га ажратадилар: Тинч, Атлантика ва Ҳинд океанлари. 20-а.нинг 30-й.ларидан бошлаб Арктика ҳавзаси синчиклаб текширилгандан кейин, 4 алоҳида океан ажратилди: Тинч, Атлантика, Ҳинд ва Шимолий Муз О. Алоҳида О.лар ва Дунё океанининг асосий морфометрик кўрсаткичлари 1- жадвалда берилган.

1-жадвал.

Океанларнинг асосий морфометрик кўрсаткичлари

Океанлар	Юзаси		Ҳажми, млн.км^3	Ўртача чуқурлиги, м	Энг чуқур жойи, м
	млн.км^2	%			
Тинч	179,68	50	724	3984	11022
Атлантика	93,36[1]	25[1]	337[1]	3926[1]	8428
Ҳинд	74,92	21	292	3897	7130
Шимолий Муз	13,10[2]	4[2]	17[2]	1205[2]	5449
Дунё океани	361,06	100	1370	3795	11022

[1]Бошқа маълумотларга кўра тегишлича — 91, 14, 388, 3332.

[2]Бошқа маълумотларга кўра тегишлича — 14, 7, 16,7, 1130.

Ер шарида О. суви ва қуруқликларнинг тақсимланиши турлича. Шим. ярим шарда сув сатҳи ер шарининг 61% ини эгаллайди. Бу ерда О. сувлари қуруқликка анча кириб бориб, кўп сонли денгиз ва қўлтиқлар ҳосил қилади. Барча ички денгизлар Шим. ярим шарда жойлашган. Жан. ярим шарда сув сатҳи 81% майдонни ташкил этади, лекин денгиз ва қўлтиқлар кам. 81° шим. кенгликдан шим.да Шимолий Муз океанида ва жан. кенгликнинг тахм. 56° б-н 65° ўртасида О. суви ер шарини узлуксиз қатлам шаклида ўраб олган. Сув ёки қуруқликнинг кўплигига қараб ер шари океан ярим шари ва материк ярим шарига бўлинади. Океан ярим шарининг қутби Янги Зеландиядан жан.-шарқда, материк ярим шарининг қутби эса Франциянинг шим.-ғарбида жойлашган. Гидросферанинг бир қисми бўлган О. атмосфера ва Ер пўсти б-н узлуксиз ўзаро алоқадор; шунинг учун ҳам О.нинг кўпгина муҳим хусусиятлари атмосфера ва Ер пўстига боғлиқ.

О. иссиқлик ва намнинг жуда катта аккумуляторидир. О. туфайли Ерда т-ра жуда кескин фарқ қилмайди, узоқ-узоқ ўлкаларга намлик етиб боради, натижада ҳаёт учун қулай шароит вужудга келади. О. оқсил моддаларга эга бўлган бой озиқ-овқат маҳсулотлари манбаидир. О. энергетик, кимёвий ва минерал бойликлар манбаи ҳам бўлиб, уларнинг бир қисмидан (сув кўтарилиш энергияси, баъзи кимёвий элементлар, нефть, газ ва б.дан) инсон ҳозирданоқ фойдаланмоқда. О. ва унинг денгизларидан халқаро алоқалар ўрнатишда жуда қадим замонлардан фойдаланилган. Бу эса янги ерларнинг очилиши ва маданият марказларидан узоқ ҳудудларни ўзлаштириш учун шароит яратди; транспорт воситаларидаги техника тараққиёти бу жараённи янада тезлаштирди. Дунёдаги юк айланишининг 4/5 қисми О. йўллари орқали амалга оширилади (қ. *Денгиз транспорти*).

О.нинг инсоният ҳаётидаги роли тез ўсмоқда. Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг турли соҳаларида О.дан фойдаланиш муаммолари (кема қатнови, балиқ овлаш, О. ресурсларидан рационал фойдаланиш, шельфни ўзлаштириш, континенталараро кабеллар ўтказиш, сувни чучуклаштириш, шунингдек, денгизларни муҳофаза қилиш ва ифлосланишининг олдини олиш ва б.) оламшумул аҳамиятга эга бўлиб, муҳим иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий масалаларни ҳал қилиш б-н боғлиқ.

Кейинги йилларда О.да олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, О. тубининг рельефи мураккаблиги жиҳатидан материклар усти рельефидан қолишмайди.

Тубининг геологик тузилиши ва рельефи. О. туби майдонининг кўп қисми (73,8%) 3000 м дан 6000 м гача чуқурликда жойлашган. О. тубининг планета миқёсидаги морфоструктуралари (энг йирик шакллари) Ер пўсти айрим қисмларининг тузилиши ва тарихий ривожланишидаги тафовутларга қараб ажратилади. О. туби энг йирик рельеф шаклларига қараб 4 қисмга бўлиш мумкин: 1) материкларнинг сув остида қолган четка қисмлари; 2) *Океан қаъри;* 3) материкларнинг сув остида қолган четка қисмлари б-н О. қаъри ўртасидаги оралиқ зона; 4) океан ўртасидаги тоғ тизмалари.

О. тубининг материкларга ёндош қисмларининг Ер пўсти материкларникига ўхшаш бўлиб, материкларнинг сув остидаги четкаси ҳисобланади ва унда рельеф хусусиятларига қараб шельф, материк ён бағри ва материк этаги фарқ қилинади. Материк этаги б-н чегарадош О. қаъри уч қатламли: юпқа пўстдан иборат юмшоқ чўкиндили юқори қатлам (ёки «биринчи» сейсмик қатлам), «иккинчи» (базальт усти қатлами) ва пастки қатлам — базальт қатлами.

Тинч океан четкаларининг катта қисмида, Ҳинд океанининг шим.-шарқида, шунингдек, Кариб ва Скоша (Скотия) денгизларида материкнинг сув остидаги четкаси б-н О. қаъри ўртасида *оралиқ зона* жойлашган. Бу ерларда

чекка денгиз сойликлари (чуқ. 4000—5000 м гача), ёйсимон тизилган ороллар (бундай ороллариниг тепаси сув устида тог тизмаларини хосил қилган), чуқур новлар рельефиниг асосий шаклларидир; О.нинг энг чуқур жойлари ана шу новларда (Марнана нови — 11022 м). Бундай ороллар зонасида зилзила бўлиб, вулканлар отилиб туради.

Океан ўртасидаги сув ости тог тизмалари О. тубиниг 4-йирик шаклидир. Барча океанларни у бошидан бу бошга кесиб ўтган сув ости тоғларида рифт водийлари, рифт тизмалари, кўндалант синиқлар, шуниигдек, йирик вулкан массивлари учрайди.

О. туби чўкиндилари. Кейинги йилларда олиб борилган геологик ва сейсмик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, говак чўкиндиларнинг қалинлиги О.нинг материк яқинидаги зоналарида 2000—3000 м ва ундан ҳам ортиқ бўлса, океан ўртасидаги тог тизмаларида, тик тог ён бағирларида ва материк ён бағри жарликларида бир неча ўн м ва, ҳатто, ноль м га тенглиги аниқланди.

О. туби чўкиндилари орасида терриген, биоген (оҳакли ва кремнийли), вулканоген ва аралаш (полиген) чўкиндилар ҳам бўлади, чуқур сув ости қизил гиллари ана шундай аралаш (полиген) чўкиндилардир. Терриген чўкиндилар материкларнинг сув остидаги чеккаларида, О. қаърининг четларида ва чуқур сув новларида учрайди. Оҳакли чўкиндилар О.нинг иссиқ ва мўътадил зоналарида (50° шим. кенгликдан 50° жан. кенгликкача) кўпроқ тарқалган; О. қаърида улар фораминифера ва кокколит-фораминифера ётқизиқларидан, саёз жойларда — чиғаноқ ва маржон ётқизиқларидан иборат бўлади. 4500—5000 м дан чуқурда $CaCO_3$ эриган ҳолатда бўлгани учун оҳак чўкиндилар йўқ. Кремнийли чўкиндилар (радиолярия ва диатом чўкинди-

Океан туби манзараси.

лар) юқори маҳсулли фитопланктон зоналарига мувофиқ равишда 3 минтақа — иккита қутб ёни ва битта экваториал минтақалар ҳосил қилади. Чуқурсув қизил гили 4500—5000 м ва ундан ҳам чуқур ботиқларда бўлади. О.нинг фаол субаэрол вулканизм зоналарига ёндашган қисмларида вулкан чўкиндилари шаклланади. О. тубида карбонатли чўкиндилар (150 млн. км²), чуқурсув қизил гиллари (110 млн. км² дан кўпроқ) ва кремнийли гиллар (60 млн. км²га яқин) энг кўп майдонни эгаллаган.

О. тубида эндоген моддалар сув ости вулканлари мавжуд жойлардагина тўпланмай, О. ўртасидаги тог тизмалари ва йирик синиқлар яқинида ҳам учрайди. Таркибида металлар, баъзи ҳолларда рудалар [(20—40%гача Fe), Mn, Co, Ni, Pb, Zn, Ag, Se, Hg ва б. элементлар] бўлган қатламлар ана шулар жумласидандир.

Океан чўкиндилари денгиз чўкиндиларига нисбатан секинроқ тўпланади. Чуқур сув қизил гиллари 1000 йил ичида 1 мм, оҳакли ва диатомли чўкиндилар 1000 йилда 1—30 мм гача йиғилади. Материк ён бағрининг асосида терриген чў киндилар энг тез тўпланади (1000 йилда 100 мм).

Океан чўкиндиларининг асосий қисми заррачалар шаклида ёки эриган ҳолда материклардан келади. Чўкиндиларнинг миқдори ва хили иқлим, вертикал, горизонтал ва циркумконтинентал зоналликка, шуниигдек, тектоник режимга боғлиқ.

Келиб чиқиши ва геологик тарихи. О. суви Ер мантияси моддаларининг дифференциацияси маҳсулидир. О.даги ботиқларнинг пайдо бўлиши ҳақида турли гипотезалар бор. Чуқур сув ҳавзаларидан иборат ҳозирги О. камида юра давридан бери мавжуд, чунки О. тубида бундан қад. жинслар топилганича йўқ. Бўр даври ва кайнозой эрасида ҳавзалар янада чуқурлашди ва абиссал чўкиндилар тўпланиб борди. Яқин геологик ўтмишда чекка геосинклиналь ҳавзалар ҳисобига материк четлари ўсиб борган. Геосинклиналь денгизлар ботиқларидаги анча қалин чўкиндилар О.нинг жуда қадимийлигидан далолат беради. О. туби йирик рельеф шаклларининг вужудга келишида Ер пўстининг вертикал ва горизонтал ҳаракатлари муҳим роль ўйнади (қ. *Ер*).

Сувлари геокимёси. О. суви ўртача 35 г/л концентрацияли тузлар эритмасидан иборат. О.да ҳаммаси бўлиб $5 \cdot 10^{22}$ г эриган тузлар бор. Бу тузлар таркибида Na^+, Mg^{2+}, K^+, Ca^{2+}, Cl^-, SO_4^{2-} ионлари 99% ни ташкил этади. Бошқа кўпгина элементлар фонининг миллион ва миллиардлан бир неча улушига тенг (2-*жадвал*).

2-жадвал.

Денгиз сувидаги кимёвий элементларнинг ўртача таркиби

Элемент	г/л	Элемент	г/л
H	10^{-7}	V	$3 \cdot 10^{-3}$
He	$5 \cdot 10^{-15}$	Zr	$5 \cdot 10^{-5}$
Li	$1{,}5 \cdot 10^{-4}$	Nb	$1 \cdot 10^{-5}$
Be	$6 \cdot 10^{-11}$	Mo	$1 \cdot 10^{-2}$
B	$4{,}6 \cdot 10^{-3}$	Ag	$3 \cdot 10^{-7}$
C	$2{,}8 \cdot 10^{-2}$	Cd	$1 \cdot 10^{-4}$
N	$5 \cdot 10^{-4}$	In	$1 \cdot 10^{-5}$
O	85,8	Sn	$3 \cdot 10^{-3}$
F	$1{,}3 \cdot 10^{-3}$	Sb	$5 \cdot 10^{-4}$
Ne	$1 \cdot 10^{-7}$	I	$6 \cdot 10^{-2}$
Na	1,035	Cs	$3{,}7 \cdot 10^{-4}$
Mg	0,1297	Ba	$2 \cdot 10^{-2}$
Al	$1 \cdot 10^{-5}$	La	$2{,}9 \cdot 10^{-10}$
Si	$3 \cdot 10^{-3}$	Ce	$1{,}3 \cdot 10^{-10}$
P	$7 \cdot 10^{-5}$	Pr	$6 \cdot 10^{-11}$
S	0,089	Nd	$2{,}3 \cdot 10^{-10}$
Cl	1,93	Sm	$4{,}2 \cdot 10^{-11}$
K	0,03	Eu	$1{,}1 \cdot 10^{-10}$
Ca	0,04	Gd	$6 \cdot 10^{-11}$
Sc	$4 \cdot 10^{-5}$	Dy	$7{,}3 \cdot 10^{-11}$
Ti	$1 \cdot 10^{-3}$	Ho	$2{,}2 \cdot 10^{-11}$
V	$3 \cdot 10^{-3}$	Er	$6 \cdot 10^{-11}$
Cr	$2 \cdot 10^{-4}$	Tm	$1 \cdot 10^{-11}$
Mn	$2 \cdot 10^{-3}$	Yd	$5 \cdot 10^{-11}$
Fe	$1 \cdot 10^{-5}$	Lu	$1 \cdot 10^{-11}$
Co	$5 \cdot 10^{-5}$	W	$1 \cdot 10^{-4}$
Ni	$2 \cdot 10^{-3}$	Au	$4 \cdot 10^{-10}$
Cu	$3 \cdot 10^{-3}$	Hg	$3 \cdot 10^{-5}$
Zn	$1 \cdot 10^{-4}$	Ti	$1 \cdot 10^{-4}$
Ga	$3 \cdot 10^{-5}$	Pb	$3 \cdot 10^{-5}$
Ge	$6 \cdot 10^{-5}$	Bi	$2 \cdot 10^{-5}$
As	$1 \cdot 10^{-3}$	Ra	$1 \cdot 10^{-11}$
Se	$1 \cdot 10^{-4}$	Ac	$2 \cdot 10^{-16}$
Br	$6{,}6 \cdot 10^{-2}$	Th	$1 \cdot 10^{-4}$
Kr	$3 \cdot 10^{-7}$	Pa	$5 \cdot 10^{-15}$
Rb	$2 \cdot 10^{-4}$	U	$3 \cdot 10^{-3}$
Sr	$8 \cdot 0^{-4}$		

О. тузлари массаси таркиби материклардан келадиган чўкиндиларнинг эриши, атмосфера б-н модда алмашиш жараёни ва О. туби чўкинларашиш шароити, шуниигдек, денгиз организмлари, шуниигдек, денгиз организмларининг ҳаёт фаолияти натижасида тарнинг ҳаёт фаолияти натижасида тарқалиб турилади. Ti, Mn, Zr ва б. тибга солиб турилади. Ti, Mn, Zr ва б. баъзи металларнинг ионлари гидролиз баъзи металларнинг ионлари гидролиз натижасида коагуляцияланади ва гидрооксидлар шаклида О. тубига чўкади. Денгиз сувининг бир қанча микроэлементлари — Cu, Pb, Mo, Hg, Zn, U, Ag, сийрак ер элементлари ва б. турли хил табиий сорбентлар — органик модда, темир ва марганец гидроксидлари, кальций фосфат, силикатлар б-н адсорбцияланиш йўли орқали чўкади.

О. сувида атмосферадан тушадиган ва океан суви қатламларида вужудга келадиган турли хил газлар ҳам эриган ҳолда мавжуд. О.даги ҳаёт фаолиятини белгилаб берадиган O_2 ва CO_2 айниқса

муҳим аҳамиятга эга. Бир қанча инерт (кимёвий реакцияларда иштирок этмайдиган) газлар — N_2, Ar, Kr, Xe ҳам бор. Сувнинг устки қатламларида (100—150 м) O_2 миқдори энг кўп (7—8 мл/л); чуқурлашган сари 3,0—0,5 мл/л га тушиб қолади, бир хил жойларда умуман O_2 йўқ. CO_2 эса, аксинча, сувнинг чуқур қатламларида энг кўп бўлади.

Фитопланктоннинг фотосинтетик фаолияти сувнинг устки (100—150 м гача чуқурликда бўлган) қатламларидаги эриган газларни кислород б-н бойитади, CO_2 ни ютади. Организмлар углероддан ташқари Si, Ca, Mg, K, Br, I, P, Na, шуниигдек, физиологик аҳамиятга эга бўлган V, Zn, Cu, Co, Ni каби бир қанча оғир металларни ҳам ютади. Организмлар ўлганда бу элементларнинг бир қисми чўкади ва тегишли шароитда тўпланиб боради. Темир-марганецли конкрецияларда Cu, Zn, Ni, Co, Mo, Ag, Ti, Pb ва б. элементлар ҳам йиғилади. Темир-марганецли конкрецияларнинг умумий миқдорини 10^{11} га тенг деб ҳисоблаш қабул қилинган.

Минерал ва энергетика ресурслари. О. бой минерал ресурслар манбаидир. Улар денгиз сувларида эриган ҳолдаги кимёвий элементлар; денгиз туби тагидаги ва туби ҳозасидаги фойдали қазилмалардан иборат.

20-а.нинг 70-й.ларигача денгиз сувларидан, асосан, ош тузи (йилига 8 млн. т), натрий сульфат, магний хлорид, калий хлорид, бром хлорид олинар эди. Фан-техниканинг кескин ривожланиши шароитида денгиз сувларидан хилма-хил кимёвий элементлар олиш истиқболлари очилмоқда.

О.дан олинадиган минерал хом ашё умумий қийматининг 90% нефть ва газга тўғри келади. Шельф зонасидаги нефть ва газга бой майдон 13 млн. км² га тенг (шельф умумий майдонининг $^1/_7$ қисми). Тахм. ҳисобга кўра. О. даги нефтининг геологик захиралари (305 м чуқурликкача) 280 млрд. т, газники — 140 триллион м³. 20-а. 70-й.лар бошигача нефть ва газ қирғоқдан 150 км узоқликдаги 100—110 м чуқурликлардан олинар эди. Яқин келажакда бу ишларни О.нинг қирғоқдан анча узоқ ва чуқурроқ жойларида амалга ошириш имкони туғилади. 40 га яқин мамлакат денгиз тубидан нефть ва газ чиқариш б-н шуғулланади, 100 га яқин мамлакат денгиз ва О. шельф зоналарида қидирув ишлари олиб бормоқда. Денгиз тубидан нефть ва газ чиқаришнинг энг йирик конлари Форс ва Мексика қўлтиқларида жойлашган. Шим. денгиз тубидан ҳам нефть ва газ олинмоқда.

Шельф металл рудалари ва нометалл қазилмаларга ҳам бой. Улар ичида титанли минераллар — ильменит ва рутил, шуниигдек, циркон ва монацит муҳим аҳамиятга эга; энг йирик конлар Австралия (шарқий соҳил)да бўлиб, йилига 1 млн. т титанли минераллар чиқарилади. Бундай сочма конлар Ҳиндистон, Шри Ланка, Малайзия ва б. мамлакатлар яқинида ҳам учрайди. Қалайдай (Малайзия, Индонезия, Таиланд, Вьетнам ва Осиёдаги б. мамлакатлар қирғоқлари яқинидаги шельфларда), қирғоқлари яқинидаги шельфларда), темир рудаси (Япония, Канададаги Ньюфаундленд), соф олтингугурт (Мексика), кўмир (Канада) ва б. қазиб чиқариш муҳим аҳамият касб этмоқда; бир қанча жойларда олтин ва платина (мас., АҚШдаги Аляска ва Калифорниядан), танталониобат, магнетит, тинтан-магнетит, хромит, олмос (Африканинг жан.-ғарбий қирғоқларидаги Намибиянинг жан.-ғарбий қирғоқларидаги Намибиянинг жан.-ғарбий қирғоқларида) ҳам топилган. Фосфорит конкрецияларида) ҳам топилган. Фосфорит конкреция-лари ётқизиқлари (Мексика, Перу, Чили, ЖАР ва б.) кенг тарқалган.

О. тубининг кенг майдонларида ўзига хос кўп компонентли рудалар — темир-марганец конкрециялари ётқизиқлари топилган; уларнинг потенциал захиралари бир неча триллион т ҳисобидан; бу рудалар таркибидаги марганец, никель, кобальт захиралари уларнинг қуруқликлардаги захираларидан бир неча марта кўп. Баъзи мамлакатларда 4 минг м чуқурликдан саноат йўли б-н конкрешилар қазиб чиқариш синаб кўрилмоқда.

Нефть ва газдан бошқа энергетика ресурслари ҳам муҳим потенциал аҳамиятга эга. О.дан энергия олиш учун тўлқинлар кучи, сув кўтарилиши ва қайтиши юзага келтирадиган сатҳ тафовути ёки сув юзаси ва тагидаги т-ра тафовутидан фойдаланиш мумкин. Сув кўтарилиши энергиясининг қуввати 1 млрд. кВт ҳисобланади. Дастлабки сув кўтарилиши электр ст-яси Франциянинг Ла-Манш соҳилида, Ранс дарёси қуйиладиган жойда қурилди (1967); РФда Кола я.о.нинг шимолида Кислая Губа сув кўтарилиши ва қайтиши б-н ишлайдиган электр ст-яси тажриба тариқасида қурилди (1968); янада каттароқ қувватли сув кўтарилиши ва қайтиши электр ст-ялари қуриш лойиҳалари тузилмоқда. Канада, АҚШ, Буюк Британияда ҳам бундай ст-ялар лойиҳалари ишлаб чиқилмоқда. О.нинг термик энергиясидан фойдаланишда тропик ўлкаларда шароит айниқса, қулай. Бу ерларда қирғоқ зонасидаги сувларнинг т-раси устки қатламларда 30°, 400—500 м чуқурликда эса 8—10°. Биринчи гидротермал электр ст-яси Абиджан яқинида (Кот-д'Ивуар)да қурилди. О. огир водород (дейтрий)нинг асосий манбаидир. Термоядро реакциясини муваффақиятли бошқариш масаласи ҳал қилинса, огир водород битмас-тутанмас энергия манбаига айланади.

Гидрологик режими. О.нинг иссиқлик балансининг асосий таркибий қисмлари: радиация баланси (қуёшнинг ялпи радиациясидан О.нинг нур қайтариши айирмаси), бутланишга сарфланадиган иссиқлик, океан юзаси б-н атмосфера ўртасидаги турбулент иссиқлик алмашинуви ва оқимларнинг иссиқликни бир жойдан иккинчи жойга олиб кетиши.

Жами радиация юқори кенгликлардан қуйи кенгликларга қараб кўпая боради ва атмосфера босими юқори бўлган жойларда 20° шим. кенглик ва 20° жан. кенгликда максимумга етади, бу нарса тропик ва субэкваториал кенгликларда

3-жадвал.

Иссиқлик баланси асосий таркибий қисмларининг ўртача миқдорлари

Кенглик	Ялпи радиация	Радиация баланси	Бутланишга кетилган иссиқлик	Турбулент иссиқлик алмашинуви	Ички иссиқлик алмашинуви
70 — 60 ш.к.	69	23	33	16	— 26
60 — 50	68	29	39	16	— 26
50 — 40	90	51	53	14	— 16
40 — 30	126	83	86	13	— 16
30 — 20	156	113	105	9	— 1
20 — 10	164	119	99	6	— 14
10 — 0	157	115	80	4	— 31
0 — 10 ж.к.	160	115	84	4	— 27
10 — 20	160	113	104	5	— 4
20 — 30	149	101	100	7	— 5
30 — 40	128	82	80	9	— 7
40 — 50	93	57	55	9	— 7
50 — 60	67	28	31	8	— 11
70 ш.к.— 60 ш.к.	127	82	74	8	0

Океаннинг космосдан кўриниши.

булут кам бўлишига боғлиқ. Босим баланд жойларда бутланишга ҳам максимал иссиқлик сарф бўлади. Турбулент иссиқлик алмашиниш барча кенгликларда ҳам бошқалардан кам бўлади. О. суви 30° шим. кенглик б-н 30° жан. кенглик орасида иссиқликни ютади ва юқори кенгликларда эса иссиқликни атмосферага беради. Бу фактлар йилнинг совуқ ярмида ўрта ва қутбий кенгликларда иқлимни анчагина юмшатиб туради. 3-жадвалда О. иссиқлик балансининг таркиби ккал/см² йилда кенглик минтақалари бўйича берилган

Сув баланси. О. юзасидан буғланадиган намлик, ёғин сувлари ва материклардан оқиб тушадиган сувлардан таркиб топади. Ана шу сувларнинг нисбати турли кенгликларда О. сувининг шўрлик даражасини белгилайди. Материклардан оқиб тушадиган сувлар О.га тушадиган ёғин сувларининг атиги 10% ини ташкил этади. Шим. ярим шарда буғланиш бир йилда 111,9 см; ёғин 116,7 см га, Жан. ярим шарда буғланиш 113,0 см, ёғин 91,6 см га тенг. Ўртача ва қутбий кенгликларда музларнинг эриши ва сув музлаши ҳам сув балансида муҳим аҳамиятга эга.

4-жадвал

Сув баланси

Баланс элементлари	Йиллик ҳажми, км³	Бир йиллдаги қалинлиги, мм
Ёғин	411000	1140
Дарё сувлари	41000	111
Буғланиш	452000	1251

Температураси. Сувнинг 1 см қалинликдаги устки қатлами О. устига тушадиган қуёш энергиясининг 94% ини ютади. Аралашиш натижасида иссиқлик О.нинг барча қатламларига ўтади. О. юзасидаги сувларнинг йиллик ўртача т-раси 17,5°, О. устидаги ҳаво т-раси эса 14,4° га тенг. Шим. ярим шарда сув т-раси Жан. ярим шардагига нисбатан баландроқ (материк таъсирида). Термик экватор (энг катта т-ралар линияси) экватордан шимолда жойлашган. Бу ерда ўртача йиллик т-ра 28°, ёниқ тропик денгизларда эса 32°. Экватордан қутбларга узоқлашган сари у қутбий ўлкаларда секин-аста 1,5—1,9° гача пасаяди. Т-ранинг мавсумий тебранишлари 100—150 м чуқурликкача юз беради. Чуқурлашган сари т-ра пасаяди ва туби юзасидаги қатламда 0° дан пастга тушади. Лекин бу ҳолат ҳамма ерда ҳам бир хил бўлмайди. О. тубида т-ра юзадан келиб турадиган сув т-расига боғлиқ. О. тубига яқин сув т-раси 1,4—1,8°, қутбий областларда эса 0° дан паст бўлади. 7 минг м дан чуқур ботиқларда т-ра пасаймасдан, аксинча, адиабатик жараён таъсирида бир градуснинг ўндан бир улушларигача орта боради.

Шўрлиги. Сув балансининг таркибий қисмлари нисбатига қараб шўрлик 0‰ дан (йирик дарёлар қуйиладиган жойда) 30—42‰ (тропик денгизларда — Қизил денгиз, Форс қўлтиғи, Ўрта денгиз) гача бўлади. Бунга оқимлар, муз ҳосил бўлиши ва муз эриши ҳам таъсир этади. 5-жадвалда турли хил кенгликлардаги О. юзасидаги шўрликнинг ўртача миқдори кўрсатилган.

Шим. ярим шарда Жан. ярим шардагига нисбатан шўрлик камроқ. Атлантика океанининг тропик кенгликларидаги қисмида 37,25‰; қутбий ўлкаларда шим.да 31,4‰; жан.да 33,93‰; экваторда 32—34‰. Шўрликнинг мавсумий ўзгариши сувнинг юза қисмида, 100—150 м чуқурликкача сезилади.

О. сувларининг циркуляцияси. О.нинг 150—200 м чуқурликкача бўлган юза қисмида О. сувлари кўп эсадиган шамоллар таъсирида циркуляция қилади. Сувнинг бу қатламлари тропик ва субтропик кенгликларда антициклонал, юқори ва мўътадил кенгликларда циклонал айланма ҳаракат қилади. Пассатлараро тескари оқим мавсумий характерга эга ва фақат Тинч океандагина йил бўйи мавжуд. Муссонли ўлкаларда юза оқимлар мавсумий ўзгариб туради. Ҳинд океанининг шим. қисми ва Тинч океанининг шим.-ғарбий қисми бунинг яққол мисолидир. 150—200 м дан чуқурда сув циркуляцияси О. суви қатламлари орасидаги тафовути туфайли вужудга келади (қ. *Денгиз оқимлари*).

Тўлқинлар. Сув массаларининг горизонтал ва вертикал ҳаракатларидан ташқари О. да шамол, сув кўтарилиши ва қайтиши, ишқаланиш натижасида юзага келадиган тўлқин ҳаракатлари ҳам бўлади. Шамол тўлқинлари О.нинг 50—60 м чуқурликкача бўлган юза қатламларигагина рўй беради; уларнинг бал. 12—13 м ва ундан кўпроқ. Кучлик океан тўлқинларининг баландлиги муътадил кенгликларда 4 м, тропикларда — 1,5 м. Сув кўтарилиши тўлқинлари ва Цунами деб аталадиган сейсмик тўлқинлар О. сувининг губигача етиб боради. Сув кўтарилиши тўлқинлари О.да доимо бўлиб туради. О.да ички тўлқинлар ҳам бўлади. Уларнинг баландлиги бир неча ўн метрга етади.

Сув кўтарилишлари. О. режимида сув сатҳининг даврий равишда кўтарилиб-пасайиб туриши — сув кўтарилишлари ва сув кўтарилиши оқимлари муҳим роль ўйнайди. Ярим сутканлик сув кўтарилишлари энг кўп тарқалган. Очиқ О.да бу тўлқинларнинг бал. 1 м дан ошмайди, лекин, қирғоқларда 3—6 м га етади. Энг катта сув кўтарилишлари океан қўлтиқлари ва чекка денгизлар учун хосдир: Фанди қўлтиғида (Канаданинг Атлантика океани қирғоғи) 18 м га етади. Баъзи ўлкаларда (Мексика қўлтиғининг ғарбий қисми, Ява денгизи ва б.) сув кўтарилишлари суткалик бўлиб, 5,9 м га етади (Охота денгизи). Бошқа жойларда аралаш (ярим суткалик ёки суткалик) сув кўтарилишлари 13,2 м га етади (Охота денгизидаги Пенжина қўлтиғи).

О. сувларининг аралашиши. О. сувлари вертикал ва горизонтал йўналишда аралашиб туради. Натижада гидрологик ва гидрокимёвий хусусиятлари бир қатламдан иккинчи қатламга ўтади. Аралашиш молекулир ва турбулент турларга ажралади. Бунда фрикцион ва конвектив аралашиш юз беради. Фрикцион аралашиш шамол ва сув кўтарилиши шаклида бўлади. Шамол таъсирида сув шамол тўлқинлари, етиб борган чуқурликкача аралашади, сув кўтарилиши натижасидаги аралашиш О. тубигача етади.

Сув аралашишининг О. ҳаётидаги роли катта. Аралашиш натижасида қуёш нури юза қатламлардан қуйи қатламларгача ўтади, чуқур қатламлар кислородга тўйинади, юза қатламлар тўйимли (биоген) моддаларга бойийди. О.ларнинг унча чуқур бўлмаган ва интенсив аралашиб турган жойларида денгиз ҳайвонларини овлаш қулай (Баренц, Шимолий, Азов денгизлари, Ньюфаундленд ороли яқинида ва б.).

О. сатҳи сув кўтарилиши, шамоллар, атмосфера босими таъсирида ўзгариб турали. Атмосфера босими таъсирида О. сатҳининг ўзгаришн мавсумий характерга эга. Шамоллар таъсирида баъзан, сув сатҳи жуда баланд кўтарилади ва О. соҳилларида сув тошқинларига олиб келади.

О. сувининг ранги ва шаффофлиги унинг ёруғлик нурларини ютиш ва тарқатиш қобилиятига, спектрал таркибининг ўзгаришига, ёруғлик оқимининг секинлашишига боғлиқ. Очиқ О.да сув ўта шаффоф кўк рангда бўлади. Сув таркибида заррачалар кўп бўлса сув зангори-кўк ёки яшил рангда бўлади (қирғоқ бўйи, баъзи ёниқ денгизлар). Кўплаб лойқа келтириладиган катта дарёлар қуйиладиган жойларда сув ранги сарғиш ёки жигарранг тусда бўлади.

Зоналлик. Қуёш энергиясининг О.да тақсимланиши бир хил бўлмай, зоналлик қонунига бўйсунади. Кенглик зоналлиги 150—200 м қалинликдаги қатламни ўз ичига олади. Шунга биноан, О.да қуруқликда бўлганидай қутбий, қутб ёни, мўътадил, субтропик, тропик ва экваториал минтақалар бор.

Вертикал зоналлик юза, юза таги, оралиқ, чуқур ва О. туби яқинидаги сув массалари шаклида ажралиб туради. Юза сув массаларидан атмосфера б-н актив энергия ва модда алмашинишни рўёбга беради.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси. Тирик организмлар О.нинг юзасидан тортиб энг тагигача учрайди. Яшаш жойига қараб сувдаги пелагик организмлар (пассив сузувчилар — *планктон* ва фаол сузувчилар — *нектон*) ва О. тубида яшайдиган организмлар (*бентос*) бўлади. Ўсимлик организмларидан бактериялар ва баъзи қуйи замбуруғларгина О.нинг ҳамма жойида учрайди. О.даги биологик, кимёвий, геологик жараёнларда бактериялар катта роль ўйнайди. Улар модда алмашиниши, оксидланиш-тикланиш жараёнларида иштирок этади, сувда ва туб чўкиндиларидаги органик моддаларни ўзлаштиради ва ҳ.к. Қолган ўсимлик организмлар О.нинг фотосинтез юзага келадиган ва ёритилиб турадиган устки қатламларидагина (асосан, 50—100 м чуқурликкача) бўлади. О.да 10 минга яқин ўсимлик тури бор. Фитопланктон, асосан, диатом сувўтлар, қизғишсимонлардан перидиней ва кокколитофоридлардан иборат. О. туби ўсимликларига (фитобентос) диатом, яшил қўнғир ва қизил сувўтлар, шунингдек, гуллайдиган ўтсимон ўсимликларнинг (мас., зостера) бир неча тури киради.

О.нинг ҳайвонот дунёси яна ҳам хилма-хилдир. О.да эркин ҳаёт кечирувчи ҳоз. замон ҳайвонларининг синфлари яшайди, кўпчилик синфлар эса фақат О.дагина боғ. О. фаунаси 160 мингдан ортиқ турни ўз ичига олади: 15 минг энг содда жониворлар (асосан, радиолярилар), 5 минг булутлар, 9 минг ковакичлилар, 7 мингдан ортиқ ҳар хил чувалчанглар, 80 минг моллюскалар, 20 мингдан ортиқ қисқичбақасимонлар, 6 минг игнатанлилар ва бошқа умуртқасизлар (мшанкалар, брахиоподалар, погонофоралар ва б. баъзи бир турлар). 16 минг балиқ тури. Умуртқали ҳайвонлардан О.да, балиқлардан ташқари, баъзи тошбақалар ва илонлар (50 тур) ва 100 хилдан ортиқ сут эмизувчилар, асосан, китсимонлар ва кураконёқлилар яшайди. Баъзи қушларнинг (пингвинлар, альбатрослар, чайкалар ва б. — 240 тур) ҳаёти доимо О. б-н боғланган.

Тропикларда ҳайвон турлари, айниқса, хилма-хил. О. туби фаунаси саёз маржон рифларида, айниқса, кўп турлардан иборат. Чуқурлашган сари ҳаёт камаяди. Энг чуқур жойларда (9000—10000 м ва ундан ҳам кўпида) бактериялар ва бир неча ўн хил умуртқасиз ҳайвонларгина яшайди.

О.нинг турли жойларида ҳаёт ҳар хил тараққий этган. Фитопланктон миқдорлари устки қатламлардаги биоген элементлар миқдорига, биринчи навбатда азот, фосфор, кремний бирикмаларига боғлиқ. Фитопланктонга бой жойларда у б-н озиқланадиган зоопланктон ва зоопланктонни ейдиган нектон ҳам энг кўп.

5-жадвал

Океан юзасидаги шўрликнинг ўртача миқдори

Кенглик	50—60 шк.	60—50	50—40	40—30	30—20	20—10	10—0	0—10° жк.	10—20	20—30	30—40	40—50	50—60	70° шк., 60° жк.
Шўрлик, ‰	32,87	33,03	33,91	35,30	35,71	34,95	34,58	35,16	35,52	35,71	35,25	34,34	33,95	34,89

О. туби организмлари мўътадил ўлкаларнинг қирғоққа яқин саёз жойларида, айниқса, кўп (О. тубининг 1 км² майдонида бир неча ўн кг фито ва зообентос мавжуд). Жуда катта чуқурликлардаги тирик организмлар юза қатламлардан чўкадиган ва қирғоқ яқинидаги саёзликлардан келадиган органик қолдиқлар ҳисобига яшайди. О.нинг турли чуқурликларида ҳаёт шароитлари бир хил эмас. Чуқурлашган сари ёруғлик камаяди, т-ра пасаяди, гидростатик босим орта боради, озиқ-овқат камаяди ва ҳ.к. Буларнинг ҳаммаси О.да вертикал биологик зоналликни вужудга келтиради. О. тубида қуйидаги ҳаёт зоналари мавжуд: *литораль* (сув кўтарилиши ва қайтиши зонаси), *сублиторалъ* (200 м гача), *батиалъ* (2500—3000 м), *абиссалъ* (6000 м гача), ультраабиссаль ёки хадалъ (6000 м дан чуқур). О. суви қатламларида, одатда, юза зона ёки эпипелагиаль (150—200 м) оралиқ, ёки мезопелагиаль (750—1000 м) ва чуқур сув зоналари ажратилади. Чуқур сув зонаси ўз навбатида батипелагиаль (2500—3000 м), абиссопелагиаль (6000 м) ва ультраабиссаль (6000 м дан чуқур)га бўлинади. Кўпгина денгиз организмлари овланади ва озиқ-овқат ёки техника хом ашёси сифатида фойдаланилади.

Биологик ресурслари. О. йирик биологик ресурслар манбаидир. Бутун дунёда ишлатиладиган ҳайвон оқсилининг 12—15%, ҳайвон ёғларининг 3—4% и О.дан олинади. Дунёдаги балиқ ва б. жониворлар овининг 4/5 қисми денгиз ва океанларга тўғри келади. Денгиздан овланадиган маҳсулотларнинг 90% ини балиқ ташкил этади. 5% турли хил моллюскалардан, 3% қисқич-

Океандаги тўлқинлар.

бақасимонлардан, 1,5% сув ўсимликларидан иборат. Денгиз сут эмизувчилари (китлар, тюленлар ва б.) ҳам овланади. О. биологик ресурсларининг жалол суръатларда ўзлаштирилиши ва қудратли техникадан фойдаланиш бу захираларнинг кескин камайиши ва тикланмасдан қолиш хавфини туғдиради. О.даги ҳайвонот ва ўсимлик дунёсидан оқилона фойдаланиш зарурати бу соҳада халқаро ҳамкорлик қилиш, О. ҳайвонларини муҳофаза қилиш масаласини кун тартибига қўяди. Энг қимматли денгиз ҳайвонлари ва ўсимликларини сунъий равишда қайтадан кўпайтириш муҳим роль ўйнаши керак.

Халқаро ҳуқуқ режими. О. ҳуқуқ режими инсон фаолиятининг О. б-н боғлиқ бўлган 6 та йирик ҳуқуқий регламентациясини, яъни О. *акваторияла*ри режими, О.да савдо кемалари қатнови режими, ҳарбий кемаларнинг сузиб юриши режими, О.да илмий тадқиқотлар олиб бориш режими, О. туби ва ер ости бойликлари, шунингдек, О. муҳитини муҳофаза қилиш ҳуқуқий регламентацияларини ўз ичига олади.

О. ҳуқуқ режими халқаро шартномалар ва таомиллар, шунингдек, айрим давлатларнинг миллий қонунларида акс этган. О. режимини белгилашда ҳукуматлараро денгиз консультатив ташкилоти, БМТнинг Маориф, фан ва маданият масалалари б-н шуғулланувчи ташкилоти (ЮНЕСКО) нинг океанография комиссияси, БМТнинг миллий юрисдикция доирасидан ташқарида амал қиладиган қўмитаси — денгиз ва океанлар остидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш қўмитаси, БМТнинг денгиз ҳуқуқи қўмитаси ва б. халқаро ташкилотларнинг роли катта.

О. акваторияларининг халқаро ҳуқуқий режими денгизга чиқиш йўли бўлган ҳар бир давлатнинг ички денгиз сувлари (қ. *Ички сувлар*), ҳудудий сувлар ва очиқ денгиз сувлари ҳуқуқий регламентациясини ўз ичига олади.

Океан қирғоғи.

Савдо кемалари қатновининг халқаро ҳуқуқий режими барча мамлакатлар савдо кемаларининг тинчлик ва ўзаро манфаатдорлик асосида эркин сузишига ёрдам бериш, денгиз савдо кемалари қатнови хавфсизлигини таъминлаш, йўловчилар ва юкларни ташиш, савдо кемалари ва уларнинг экипажлари, йўловчилари ва юкларининг ҳуқуқий ҳолатига очиқ денгизда ҳам, чет давлатларга тегишли сув ва портларда ҳам риоя қилиш учун белгиланади.

Ҳарбий денгиз кемаларининг халқаро ҳуқуқий режими барча мамлакатлар ҳарбий кемаларининг денгизда эркин сузишига кўмаклашиш, хавфсизлигини таъминлаш, денгизда бўладиган ҳар хил ҳодисанинг олдини олиш, денгиз ва океанларда ҳуқуқий тартиботга бўйсунишга хизмат қилишдан иборат. Бу режим очиқ денгиздаги ҳарбий кемаларга алоҳида ҳуқуқлар (денгизда ҳуқуқбузарларни таъқиб қилиш, денгиз қароқчилари, қул савдоси ва б. халқаро жиноятларга қарши курашиш каби ҳуқуқлар) беради.

Илмий тадқиқотлар олиб бориш халқаро ҳуқуқий режими вазифаси О.ни, шунингдек, денгиз акваториясидан атмосфера ва космосни ҳар томонлама тадқиқ этиш учун қулай шароит яратишдан иборат. О. ҳуқуқининг бу соҳаси ривожланиб бормоқда. О.ни тадқиқ этиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган битими О. ҳуқуқида алоҳида аҳамиятга эга.

О. муҳитининг халқаро-ҳуқуқий муҳофазаси О.дан ҳар қандай мақсадда фойдаланган ҳолда ҳам денгиз муҳитини, экологик мувозанатини сақлашдан, унинг ифлосланишига (айниқса, радиоактив моддаларнинг тарқалишига) йўл қўймасликдан, шунингдек, флора ва фауна, О. туби ва ер ости бойликлари, О. устидаги атмосферага ва ш.к. га зарар етказилишининг олдини олишдан иборат.

О.да балиқ ва денгиз ҳайвонлари овлаш ва ўсимликлар йиғишни тартибга соладиган халқаро ҳуқуқ О.даги биомассаларнинг ривожланишига зарар етказмасдан иш кўришни белгилайди. О. туби ва ер ости бойликлари халқаро ҳуқуқ режими ҳоз. денгиз ҳуқуқида кам ишланган соҳадир. Денгиздан фойдаланишнинг бу тури 60-й.лар ва 70-й.ларнинг бошида ривожлана бошлади.

Ад.: Шокальский Ю. М., Океанография, 2 изд., Л., 1959; Керрингтон Р., Биография моря, пер. с англ., Л., 1966; Исследования Мирового океана, Л., 1969; Дитрих Г., Общая океанография, пер. с нем., М., 1962; Океан (О. сб. ст.), пер. с англ., М., 1971; Шепард Ф. П., Морская геология, пер. с англ., 2 изд., Л., 1969; Леонтьев О. К., Дно океана, М., 1968; Океан и человечество, М., 1968.

ОКЕАН ОҚИМЛАРИ — қ. *Денгиз оқимлари*.

ОКЕАН ПЛАТФОРМАЛАРИ — океан ости Ер пўстининг нисбатан барқарор қисмлари (қ. *Талассократон*).

ОКЕАН ПЛИТАЛАРИ — океан ўрталик тизмаси этаги б-н материкларнинг сув остидаги текка қисмлари оралиғидаги яхлит жойлар. Улар абиссал текисликлар рельефини ташкил қилиб 4,5—6,0 км, ер ёриқлари зонасида эса 6—7 км чуқурликда жойлашган. Абиссал текисликлар плита ичидаги кўтарилмаларга ва айрим доирасимон ботиқларга бўлинади. Бундай ботиқлар Атлантика океани ўрталиқ тизмасининг икки томонида бутун океан бўйлаб занжирсимон тизим ҳосил қилиб жойлашган. Ботиқларни қоплатган чўкиндилар қалинлиги бир неча юз м га етади, асосан оҳаксиз балчиқлар — радиолярийли, диатомли, қизил рангли, чуқур сув гил жинсларидан тузилган.

Унинг остки, қад. қисмида фақат пелагик карбонатлар ҳосил бўлади. Океаннинг текис туби вулкан жинсларидан таркиб топган сув ости тизмаси ҳамда риф оҳактошлари — гайота (гайота)лар б-н банд (айниқса, Тинч океанда). Ботиқлар магистрал ёриқлар б-н кесилган (мас., Тинч океанининг шим. қисмидаги Император ёриғи).

ОКЕАН ЧЎКИНДИЛАРИ, океан ётқизиқлари — Океан остидаги Ер пўсти устида ётувчи ҳоз. ва қадимги океанлар губидаги чўкиндилар. (қ. *Океан*).

ОКЕАН ҚАЪРИ — Дунё океани туби рельефи ва геологик структурасининг энг асосий элементларидан бири. Дунё океанининг ўртасидаги тизмалардан ташқари абиссал қисмини (қ. *Абиссал область*) ўз ичига олади. Ер юзасининг энг паст гипсометрик сатҳини (ўртача чуқ. 4 минг м, максимал чуқ. 7 минг м гача) эгаллайди. Майд. 185 млн. км² дан ортиқ (Дунё океани туби умумий майдонининг 50% дан кўпроқ қисми).

О.қ. рельефи ва тектоник структураси нинг энг йирик элементлари — океаннинг ўрталиқ тизмаларидан ботиқлари ва уларни ажратиб турадиган турли типдаги кўтарилмалардир. Ботиқлар О.қ.нинг энг катта қисмини эгаллайди; уларнинг ўртача чуқ. 5 минг м. Ботиқлар туби майдонининг 80% и паст-баланд абиссал типдаги рельеф (нисбий чуқ. 500—1000 м), қолган қисми ясси ва қия абиссал текисликлардан иборат. Ясси абиссал текисликлар О.қ.нинг 10% дан камроқ юзасини эгаллаб, одатда, материкларга яқин ботиқларининг четларида жойлашган. Улар бирламчи паст-баланд рельефини материклардан оқиб келган чўкиндилар б-н кўмилиши натижасида пайдо бўлди. Қия текисликлар ботиқлар четларида ҳам бўлади ва аста-секин материк этаги текислигига қўшилиб кетади. Ясси абиссал текисликлар ва абиссал паст-баланд ликлар орасида алоҳида сув ости тоғлари (вулканлар) кўтарилиб туради. Тропик денгизларидаги кўпгина сув ости тоғларининг усти маржон б-н қопланган. Маршалл, Каролина, Гильберт, Эллис, Токелау, Феникс, Лайн, Туамоту, Науру, Ошен ва б. майда оролларнинг марказий оролларидир. О.да фойдали қазилмалардан кўпроқ никель, фосфат, нефть, олтин, кўмир, мис учрайди.

Пало-пало шаҳри.

Иқлими. О. оролларининг аксари қисми иккала ярим шарнинг тропик иқлим минтақасида жойлашган; Австралия ва Осиёга яқин экваториал кенгликлардаги оролларда иқлим субэкваториал, 180-меридианидан ғарбда экваториал иқлим. Тропик чизигидан шимол ва жан.да эса субтропик иқлим. Янги Зеландиянинг Жан. ороли мўътадил минтақада. Энг иссиқ ойининг ўртача т-раси шим.да 25°(авг.), жан.да 16°(фев.), энг совуқ ойиники шим.да 16° (фев.), жан.да 5° (авг.). Экваториал зонада ўртача ойлик т-ра 26—28°. О.да т-ранинг суткалик фарқи кам. Йиллик ёғин пассат шамоллари эсадиган тропик минтақаларда 1000 мм дан кам. Аммо йирик вулкан оролларининг шамолга рўпара ён бағирларида 10 000 мм га етади. О.нинг ғарбий қисмида, экватордан шим.да ёзда кучли тропик довуллар бўлиб туради. Янги Гвинея ва Янги Зеландиядаги тоғларда музликлар (умумий майд. 1000 км²) бор. Дарё ва кўллар О.нинг, асосан, ғарбий қисмидаги тоғли йирик оролларида жойлашган. Энг катта дарёлари: Флай (1130 км), Дигул (600 км) — Янги Гвинеяда. О.да майда кўл кўп; энг каттаси — Янги Зеландиядаги Таупо кўли. Вулканли оролларда қайноқ ва шўр сувли кўллар, гейзерлар бор.

Тупроқлари хилма хил. Иссиқ ва сернам иқлимли оролларда қизил-сариқ латерит, тоғ-латерит, сариқ, қизил ва сариқ-қўнғир тупроқлар учрайди. Вулкан куллари ётилган жойларда ва янги лавалар устидаги тупроқ жуда унумдор. Ётин камроқ ерларнинг тупроғи қизил-қўнғир; серёгин жойларнинг тупроғи ботқоқли тупроқ.

Қук, Тубуаи о.лари, Пасха ва б. майда оролдар вулкан натижасида ҳосил бўлган. Лекин кўпгина вулкан чўққилари сув остида бўлиб, уларнинг усти маржон б-н қопланган. Маршалл, Каролина, Гильберт, Эллис, Токелау, Феникс, Лайн, Туамоту, Науру, Ошен ва б. майда оролдар марказий оролларидир. О.да фойдали қазилмалардан кўпроқ никель, фосфат, нефть, олтин, кўмир, мис учрайди.

Иқлими. О. оролларининг аксари қисми иккала ярим шарнинг тропик иқлим минтақасида жойлашган; Австралия ва Осиёга яқин экваториал кенгликлардаги оролларда иқлим субэкваториал, 180-меридианидан ғарбда экваториал иқлим. Тропик чизигидан шимол ва жан.да эса субтропик иқлим. Янги Зеландиянинг Жан. ороли мўътадил минтақада. Энг иссиқ ойининг ўртача т-раси шим.да 25°(авг.), жан.да 16°(фев.), энг совуқ ойиники шим.да 16° (фев.), жан.да 5° (авг.). Экваториал зонада ўртача ойлик т-ра 26—28°. О.да т-ранинг суткалик фарқи кам. Йиллик ёғин пассат шамоллари эсадиган тропик минтақаларда 1000 мм дан кам. Аммо йирик вулкан оролларининг шамолга рўпара ён бағирларида 10 000 мм га етади. О.нинг ғарбий қисмида, экватордан шим.да ёзда кучли тропик довуллар бўлиб туради. Янги Гвинея ва Янги Зеландиядаги тоғларда музликлар (умумий майд. 1000 км²) бор. Дарё ва кўллар О.нинг, асосан, ғарбий қисмидаги тоғли йирик оролларида жойлашган. Энг катта дарёлари: Флай (1130 км), Дигул (600 км) — Янги Гвинеяда. О.да майда кўл кўп; энг каттаси — Янги Зеландиядаги Таупо кўли. Вулканли оролларда қайноқ ва шўр сувли кўллар, гейзерлар бор.

Тупроқлари хилма хил. Иссиқ ва сернам иқлимли оролларда қизил-сариқ латерит, тоғ-латерит, сариқ, қизил ва сариқ-қўнғир тупроқлар учрайди. Вулкан куллари ётилган жойларда ва янги лавалар устидаги тупроқ жуда унумдор. Ётин камроқ ерларнинг тупроғи қизил-қўнғир; серёгин жойларнинг тупроғи ботқоқли тупроқ.

Ўсимликлари Палеотропик областга мансуб. О. флораси Осиё, Америка ва Антарктида флорасидан шаклланган. О.да 3 кичик область ажратилади: Малайзия, Гавайи, Янги Зеландия. Малайзия области учун тропик ўсимликлар оилаларининг кўплиги хосдир. Эпифитлар кўп. Гавайи областчасида очиқ уруғлилар, фикуслар йўқ, пальманинг бир тури бор, орхидея кам, папоротник кўп. Янги Зеландия областчаси мураккабгуллоғошлар, папоротник ва бошоқдошлар турига бой. О.нинг шарқий қисмидаги оролларда эндемик тур (Гавайи о.ларида 90% гача) кўп. Шарққа томон ўсимлик тури, туркум ва оиласи камайиб боради. Янги Гвинеяда 6800 тур, Гавайи о.ларида 1100 тур ўсимлик ўсади.

О. ўсимликлари жуда хилма-хил. Тоғларнинг сернам ён бағирлари 300—600 м баландликкача бутазор ва саванна, 1000—1800 м баландликкача сернам доим яшил ўрмон. Шамолга тескари тоғ ён бағирларининг этаклари саванна ва чала чўл, юқорироғи ксерофил ўрмонлар, бутазор ва саванна. 1500м дан баланд жойларда доим яшил тропик

Меланезлар.



Океаниянинг сиёсий бўлиниши

Мустақил давлатлар ва қарам ороллар номи	Майдони (минг км²)	Аҳолиси, минг киши (1999)	Пойтахти ёки маъмурий маркази
Америка Самоаси	0,195	67,7	Паго-Паго
Вануату Республикаси	12,22	189,6	Порт-Вила
Гуам (АҚШ мулки)	0,549	151,7	Хагатна
Ириан-Жая (Индонезия провинцияси)	422	3506	Жаяпура
Кирибати Республикаси	0,81	91,9	Баирики
Кук ороллари (Янги Зеландия мулки)	0,237	20,0	Аваруа
Маршалл Ороллари Республикаси (АҚШ б-н эркин уюшган)	0,181	50,8	–
Микронезия Федератив Штатлари (АҚШ б-н эркин уюшган)	0,7	133,1	Паликир
Науру Республикаси	0,021	11,8	–
Ниуэ (Янги Зеландия мулки)	0,262	2,08	Алофи
Норфолк (Австралия мулки)	0,34	2,21	Кингстон
Палау Республикаси (АҚШ б-н эркин уюшган)	0,508	18,7	Корор
Папуа-Янги Гвинея	462,8	4900	Порт-Морсби
Питкэрн (Буюк Британия мулки)	0,035	0,058	Адамстаун
Самоа	2,8	179,4	Апиа
Соломон Ороллари	27,6	466,1	Хониара
Токелау (Янги Зеландия)	10,12	1,5	Токелау
Тонга Қироллиги	0,748	102,3	Нукуалофа
Тувалу	0,026	10,8	–
Уоллис ва Футуна ороллари (Франция мулки)	0,274	15,2	Мата-Уту
Фижи Ороллари Республикаси	18,4	832,4	Сува
Франция Полинезияси	4,2	249,1	Папеэте
Шимолий Мариана Ороллари (АҚШ б-н эркин бирлашган)	0,457	69,3	–
Янги Зеландия	270,5	3700	Веллингтон
Янги Каледония	19,01	201,8	Нумеа

ўрмонлар. Маржон оролларда ўсимлик турлари кам. Атолларда пандванус, кокос пальмалари, нон дарахти ўсади. Лагуналар мангра ўрмонлари б-н қопланган. О.нинг табиий ўсимлик қопламини инсон томонидан жуда ўзгартириб юборилган. Ўрмонлар кирқилиб плантациялар барпо қилинган.

Ҳайвонот дунёси. О.нинг катта қисми Полинезия фауна областига ва унинг Гавайи кичик областига мансуб. Янги Зеландия фаунаси мустақил область, Янги Гвинея эса Австралия областининг Папуа областчасига киради. Сут эмизувчилар деярли учрамайди, аммо қуш кўп. Эндемик тур кўп бўлса ҳам реликт ҳайвонлар оз. Янги Гвинеяда сут эмизувчилар (жумладан, тухум қўювчи ва халталилар) нисбатан кўп. Атолларда ҳайвон турлари жуда кам. О.га қорамол, қўй-эчки, қуён, чўчқа, каламуш, мангуста ва ҳ.к.нинг олиб борилиши унинг фаунасига нихоятда катта салбий таъсир кўрсатди.

Кашф этилиши ва тадқиқ қилиниш тарихи. 16-а.да О.га европаликлар боргунга қадар океаниялик денгизчилар қўшни оролларга кўчиб бориб ўрнашиш жараёнида Тинч океанининг жан. қисмида энг яқин сув йўлларини ўзлаштирганлар. Уларнинг тажрибасидан кейинчалик европаликлар маълум даражада фойдаланганлар. О. оролларининг европаликларга маълум бўлиши Ф. *Магеллан* экспедициясидан (1521) бошланди. 16-а. охирларигача испан ва португал денгизчи сайёҳлари Микронезия, Соломон ва Меланезиядаги бошқа оролларни топдилар. 1642—43 й.ларда А. Тасман экспедицияси Янги Зеландия, Тонга ва Фижи о.ларини тадқиқ қилди. 17-а. охири — 18-а. бошларида инглиз ва француз денгизчи сайёҳлари О.нинг марказий ва шарқий қисмидаги оролларга етиб бордилар. Ж. *Кук* томонидан Туамоту, Тонга, Янги Гебрид, Янги Каледония, Гавайи о.лари, Кук о.лари ва б. кашф этилди. 19-а.да О.ни тадқиқ қилинишига И. Ф. Крузенштерн, Ю. Ф. Лисянский, Ф. Ф. Беллинсгаузен, М. П. Лазарев, О. Е. Коцебу, Ф. П. Литке ва б. ҳисса қўшдилар. Н. Н. *Миклухо-Маклай* О.даги Янги Гвинея ва б. ороллар аҳолисининг антропологияси ва этнографияси, хўжалиги тўғрисида муҳим маълумотлар тўплаган.

Аҳолиси 31 млн. киши (2001, Австралия б-н бирга). О.нинг туб жой аҳолиси 4 йирик гуруҳга бўлинади: папуаслар, меланезлар, полинезлар ва микронезлар. О.га европаликлар кела бошлаган вақтда (16-а. боши) у ерда тахм. 3,5 млн. аҳоли яшар эди. Бегуноҳ ўлдириш, четдан олиб борилган юқумли касалликлар ва б. натижасида аҳоли кескин камайган. 19-а. охири ва 20-а. бошига келиб аҳоли сони яна тез ўса бошлади.

Этник таркиби. О.да ирқи, тили, тарихи ва маданияти жиҳатидан ўзаро кескин фарқ қилувчи халқлар яшайди. Уларни сон жиҳатидан 2 қисмга: маҳаллий аҳоли ва кўчиб борган аҳолига бўлиш мумкин. О.нинг маҳаллий аҳолиси полинезия, меланезия ва микронезия антропологик типларга мансуб. Маҳаллий аҳолининг бир қисми малай-полинез тилларида, бошқа қисми папуа тилларида сўзлашади. Папуа тиллари бир неча гуруҳларга бўлинади. Лекин О. халқларининг тил гуруҳлари уларнинг мавжуд этник ва маданияти жиҳатидан яқинлигига тўла мувофиқ эмас. Этнографик адабиётларда уларни кўпинча тарихи ва маданияти ўхшаш областлар бўйича гуруҳлаштирадилар. О.нинг маҳаллий бўлмаган халқлари инглиз-янги зеландиялик, француз (Янги Каледония), америкалик, япон ва филиппинлик (Гавайи

Папуа - Янги Гвинеядаги қишлоқ.

о.лари), Фижи (Фижи о.лари) ва б.лар иборат. Диний жиҳатдан О. аҳолисининг кўпчилиги христиан.

Тарихи. О.нинг энг қад. аҳолиси О.га бундан 20—30 минг йиллар аввал Жан.-Шарқий Осиёдан бориб ўрнашган. Кейинроқ келган қабилаларнинг папуаслар б-н қўшилишидан меланезиялар пайдо бўлган. Микронезия ва Полинезияга аҳоли милоднинг 1-минг йиллигида кўчиб борган. 16-а. бошида О.да яшовчи халқлар жамият тараққиётининг турли босқичларида бўлган. Европаликлар узоқ вақт О.га қизиқмадилар. Кўпгина ороллар европаликларга 18-а.нинг 2-ярмида маълум бўлди. О. оролларини дастлаб Гарбий Европа давлатлари, кейинроқ АҚШ эгаллай бошлади. 1-жаҳон уруши (1914—18)дан кейин О.да сиёсий ташкилотлар вужудга келди. 2-жаҳон урушди (1939—45) даврида О. уруш ҳаракатлари майдонига айланди. О.да ривожланган давлатларнинг ҳарбий базалари кўпайди. Урушдан кейин О. халқларининг мустақиллик учун кураши ташкилий тус олди. Кўпгина ороллар мустақил давлатларга айланди. О.нинг сиёсий бўлиниши ҳақида 489-б.даги жадвалга қ.

ОКЕАНИЯ ТИЛЛАРИ — *австронез тилларига* мансуб малайзия-полинезия тармоғининг шарқий тармоқчасига киручи тиллар. О.т. тахм. 450 та бўлиб, уларда 2,5 млн.дан ортиқроқ киши сўзлашади. Океаниянинг Марианa о.laридан, Янги Гвинеядан шарқ томонроқда жойлашган ҳудудларида тарқалган. О.т. шартли равишда 21 гуруҳга, гуруҳлар эса гуруҳчаларга бўлинади. Кўпчилик О.т.нинг фонологик таркиби содда; 3 қатор портловчи ундошлари: жарангсиз, жарангли ва бурун ундошлари мавжуд бўлиб, ҳосил бўлиш ўрнига қараб 5 га ажратилади. Грамматик жиҳатдан О.т. аналитик тилларга мансуб, ҳар бир сўз туркумининг ўзига хос хусусиятлари бор.

19-а. ва 20-а. бошларида бир неча ўнлаб О.т. учун лотин графикаси асосида ёзувлар яратилган, лекин бу тиллар кўпинча алабий тил сифатида ривожланмади. О.т.-ни ўрганиш 19-а.да бошланиб, 20-а. 50-йилларида анча олға бўлса-да, уларнинг кўпчилиги амалда ҳануз тавсиф этилмаган.

ОКЕАНОГРАФИЯ — 1) *океанологиянинг* синоними; 2) сув муҳитининг физик ва кимёвий хусусиятлари. Дунё океанидаги физик ва кимёвий жараёнлар ва ҳодисаларни, уларнинг атмосфера, қуруқлик ва океан туби б-н ўзаро таъсирини ўрганадиган фан.

ОКЕАНОЛОГИЯ (*океан* ва ... *логия*), океанография — Дунё океанидаги физик, кимёвий, геологик ва биологик жараёнларни ўрганадиган фанлар мажмуи. О.нинг асосий амалий мақсади — денгиздаги сув ости ва сув ости кемалари қатновининг хавфсизлигини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш, океан суларидан ва тубининг биологик-минерал ва энергетика ресурсларидан фойдаланиш; об-ҳавони олдиндан айтиш усулларини мукаммаллаштириш.

О., асосан, кемаларда ва гидрологик ст-яларда ўлчовлар ўтказишга асосланади: кемаларда эхолот ёрдамида океан тубининг чуқурлиги ўлчанади; астрономия усулида Ернинг радио йўлдошлари ва махсус навигация йўлдошлари ёрдамида кема турган жойнинг ўрни аниқланади; гидрологик ст-яларда эса сувнинг т-раси ўлчанади; шўрлиги ва кимёвий, оптик хусусиятларини аниқлаш учун турли чуқурликдан намуна олинади. Бу фан океан суви юзасидаги ва чуқурлиги оқимларни, тўлқинларни ўлчаш; сув рангини, музларнинг хусусиятини аниқлаш, грунтдан, ҳайвон ва ўсимликлардан намуна олиш усулларидан ҳам фойдаланади.

Бир қанча ўлчовлар (денгиз сатҳи, сув кўтарилиши, тўлқинлар, т-ра ва б.) қирғоқ ва орол ст-яларида олиб борилади. Дунё океанография каталоги (1973) 200 минг гидрология ст-ясининг маълумотларини ўз ичига олади. Океан туби чуқурликларини системали равишда ўлчаб туриш йўли б-н тўпланган маълумотлар океан майдонни асосий қисмининг 1:10 000 000 масштабли батиметрик хариталарини тузиш имконини бермоқда. О. маълумотлари навигация хариталари, жадваллар, қўлланмалар ва лоциялар тузишда гидрография хизмати муассасалари учун илмий асос бўлиб хизмат қилади.

Океан физикаси (физик океанография, денгиз физикаси) гидротермодинамика, акустика, океан оптикаси, радиоактивлиги (ядро гидрофизикаси) ва электромагнит майдонини талқин ҳолини ўз ичига олади. Океан физикасининг энг ирмқ муаммоси об-ҳавони анча вақт олдиндан айтиш имконини берадиган қонуниятни — океан ва атмосфера ўртасидаги ўзаро таъсир қонуниятини аниқлашдан иборат.

Океан кимеси (кимёвий океанография) океан сувларининг гидрокимеси ва океан тубн чўкиндиларининг геокимесини ўз ичига олади.

Океан геологияси геол., геофизика ва геокимёнинг Дунё океани тагидаги Ер қобиғига тегишли барча бўлимларини ўз ичига олади.

Океан биологияси тирик организмлар — планктон, нектон, бентос ва микроорганизмларни ўрганиш б-н шуғулланади.

Асосий халқаро океанология ташкилотлари: ЮНЕСКО қарамоғидаги ҳукуматлараро океанография комиссияси (ХОК), Денгизни ўрганиш халқаро кенгаши ва б.

О'КЕЙСИ (О'Kasey) Шон (1880.30.3, Дублин — 1964.18.9, Торки, Англия) — ирланд ёзувчиси ва драматурги. 1926 й.дан Англияда яшаган. Ўтган асрнинг 10—20-й.ларида ирланд халқининг янгилиз мустамлакачиларига қарши инқилобий кураши қатнашчиси. «Ўқнинг сояси» (1923), «Юнона ва товус» (1924), «Омоч ва юлдузлар» (1926) пьесалари ирланд халқининг 20-а. бошидаги миллий озодлик ҳаракати воқеаларига бағишланган. Илк асарларининг бадиий услубида реалистик ва романтик тамойиллар ўзаро қўшилиб кетган. «Юлдуз қизармоқда» (1940) пьесаси инқилобий гоялар б-н сугорилган. «Уйимдаги кўзу» («Таржиман ҳол», 1—6-ж.) эпопеясида (1939—54) қора халқ орасидан чиққан кишининг жаҳон маданияти, ижодиёти чўққиларига, инжтимоий тараққиёт учун курашга қадар босиб ўтган йўлини кўрсатиб берган. «Епископ гулхани» (1995), «Нед отанинг ноғоралари» (1958) пьесаларида Ирландия католик руҳонийлари раҳбарларини ҳажв қилган. «Учаётган ариқ» (1937), «Яшил қарға» (1956), «Гулдор қалпоқ остида» (1963) каби мақолалар ва эсселар тўпламларида О'К. реализмнинг ҳақиқий тарафдори сифатида модернизмга қарши курашиб, реалистик санъат принципларини қўллаб-қувватлаган. Публицистик асарлари тинчлик учун кураш ишига хизмат қилади.

ОККУЛЬТИЗМ (лот. occultus — яширин, сирли) — инсонда ва космосда ишрин кучлар мавжудлигини эътироф этувчи таълимотларнинг умумий номи. О.га кўра, бу кучларни махсус псиник машқлардан ўтган ва ўзини фақат шу йўлга бағишлаганларгина пайқай олади. Фалсафий жиҳатдан *идеализм* ва *пантеизмга* яқин. О.нинг ҳодисалар ўртасидаги умумий ишрин алоқалар тўғрисидаги ва микрокосм ҳисобланган одам ҳақидаги таълимоти 14—16-а.ларда кузатиш ва тажриба методлари (Уйғониш даври итальян натурфалсафаси ва б.нинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Умуман, О. илмни тафаккурга зид таълимотлар.

ОККУПАЦИЯ, ҳарбий оккупация (лот. occupatio — эгаллаш, босиб олиш) — халқаро ҳуқуқда — уруш олиб бораётган томоннинг қуролли кучларининг душман ҳудудини вақтинча эгаллаб олиши. Ҳарбий О. режими 1907 йили 4-Гаага конвенцияси ва «Фуқаро аҳолини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Женева конвенцияси (1949) б-н тартибга солинади. Бу ҳужжатларда О. қилиб турган ҳокимият ўзи эгаллаган жойларда тартибни сақлаши, фуқароларнинг шахси, оилавий ҳуқуқлари ва ҳаётини ҳурмат қилиши, мол-мулк, маданий бойликларни яксон қилмаслиги, О. қилинган ҳудуднинг снёсий тақдири тўғрисидаги масалани ҳал этмаслиги ва ш.к. назарда тутилган. О. режимини бузиш халқаро жиноят ҳисобланади, бунда жавобгар бўлган шахслар ҳарбий жиноятчилар деб қаралади.

ОКЛАДНИКОВ Алексей Павлович [1908.20.9, Константиновичина (ҳоз. Иркутск вилояти) — 1981.18.11, Москва] — рус археологи, тарихчи ва этнограф, СССР ФА акад. (1968 й.дан), 1966 й.дан ФА Сибирь бўлимининг Тарих, филол. ва фалсафа ин-ти директори. *Тешиктош ғорида* неандерталь одамнинг бош суяги қолдиқларини топган ва ўрганган (1938—39). Сибирь, Ўрта Осиё ва Монголия археологияси, этнографияси соҳасида узоқ вақт ишлаган. Монголия ҳудудида биринчи бор палеолит даври ёдгорликларини текширган. Ўрта Осиёда тош даврига оид ёдгорликларни қазиш ва илмий тадқиқ қилишда фаол иштирок этган. Ўзбекистонда тош даврининг ўрганилишига асос солган.

Ас.: Неолит и бронзовый век Прибайкалья, т. 1—3, М.—Л., 1950—53; Центральноазиатский очаг первобытного искусства, Новосибирск, 1972.

ОКЛАХОМА — АҚШнинг жан. қисмидаги штат. Майд. 181,1 минг км². Аҳолиси 3,5 млн. киши (2002), 68% шаҳарларда яшайди. Маъмурий марказий — Оклахома-Сити ш., иқтисодий маркази — Талса ш.

Ер юзасининг кўп қисми текислик, ғарби эса плато (энг баланд жой 1516 м). Жан.-шарқида Уошито тоғининг тармоқлари бор (энг баланд жойи 884 м). Иқлими субтропик иқлим, январнинг ўртача т-раси 0—6°, июлники 24—27°. Йиллик ёғин 450—1000 мм. Йирик Йилдик ёғин 450—1000 мм. Йирик дарёлари: Арканзас ва Ред-Ривер. Ҳудудининг кўп қисми эманзор. Тог ён бағирларида ўрмон. Ҳўжалигининг етакчи тармоғи — кончилик саноати. О.да нефть, табиий газ, рух ва кўмир қазиб олинади. Машинасозлик ва металлсозлик ривожланган, кон ва қурилиш ускуналари, металл конструкциялар ишлаб чиқарилади. Қ.ха ғўшт-сут чорвачилиги етакчи ўринда. Деҳқончиликда, асосан, буғдой, пахта ва маккажўхори экилади. О.дан бошқа штатларга нефть ва газ қувурлари ўтказилган.

ОКЛАХОМА-СИТИ — АҚШнинг жан. қисмидаги шаҳар. Оклахома штатининг маъмурий маркази. Аҳолиси 506,1 минг киши (2000), шаҳар атрофи б-н 1млн. Транспорт йўллари тутуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Қ.х. районининг саноат-молия маркази. Авиация, автомобилсозлик, радиоэлектроника (жумладан, ЭҲМ ва алоқа воситалари и.ч.) саноатлари ривожланган. Металлсозлик, нефть саноати учун жиҳозлар, кимё, нефтни қайта ишлаш, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари, ун-т бор.

ОКЛЕНД — АҚШнинг ғарбий қисмидаги шаҳар. Калифорния штатида. Сан-Франциско кўлтиғи соҳилидаги порт. Осма кўприк ва паром орқали Сан-Франциско ш. б-н боғланган. Аҳолиси 400 минг киши (2000). О. — трансконтинентал йўлларнинг сўнгги пункти. Кемасозлик ва кема таъмирлаш, электротехника, металлсозлик, тайёр кийим-лардан автомобиль йиғиш, кимё саноати корхоналари, расадхона, ҳарбий денгиз базаси бор. Шаҳарга 1850 й.да асос солинган.

ОКЛЕНД — Янги Зеландиядаги шаҳар, Шим. оролда, Окленд н.о.нн Шим. оролининг асосий қисми б-н боғлаб турувчи бўйинда жойлашган. Аҳолиси 1,1 млн. киши (2000). Тинч океанининг Хаураки қўлтигидаги муҳим денгиз порти. йилига 16 млн. т юк ортиб-туширилади. Четга жун, ғўшт чиқаради. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Т. й. станцияси. Мамлакатнинг муҳим саноат маркази (мамлакатдаги саноат маҳсулотининг 1/3 қисми ишлаб чиқарилади). Машинасозлик (хусусан, транспорт, қ.х., электротехника машинасозлиги), металлсозлик, кимё, тўқимачилик, кўн-пойабзал, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т (1882) санъат галереяси, маорийлар санъати музейи бор.

ОКОП (рус. окоп — хандақ, чуқур) — ҳарбий ишда — жонли кучлар ва жанговар техникани душман ўтидан пана қиладиган, жанговар марра (позиция) вазифасини ўтайдиган ҳарбий муҳандислик иншоати. *Бобур* ва *Шайбонийхон* қўшинларида О. «мўлжар» истилоҳи б-н аталади. Тўфанг ва милтиқнинг пайдо бўлиши (16-а. 1-ярми) натижасида О.га эҳтиёж сезилди. О.нинг кейинги тараққиёти ўйиқ стволли қуролларнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ (19-а. 2-ярми). Одатда, О. бир киши, бўлим, пулемёт, миномёт, тўп, танк ва б. учун мўлжалланган бўлади. Бир кишилик О. ётган одам кўринмайдиган даражадаги ўлчамда (110—150 см чуқурлик, 150—170 см узунликда) қазилади. Бир кишилик О. ўзаро бирлаштирилиб, бўлинма учун окоп ҳосил қилинади. Бўлим О. лари атрофи тупроқ б-н шиббаланган чуқурлик (траншея), 1—2 кишига мўлжалланган ўқ отиш жойлари, қўл пулемёти учун майдонча, шахсий таркиб учун олдинроқ пана жой, ўқ-дорилар қўйиладиган токчалардан иборат бўлади. Миномёт, тўп, танк ва б. учун қурилган О.да ўт очиш майдончаси, экипаж (расчёт) учун пана жой, жанговар техниканинг О.га киришн ва чиқиши учун йўлак ҳамда бруствер (тупроқ кўтарма) бўлади. О. барча турдаги жанговар ҳаракатларда, айниқса, мудофаада кенг қўлланилади. О. сингувчи радиацияни анча кайтаради, зарб тўлқинини ва ёруғлик нурининг шикастлаш доирасини камайтиради. О.ни қўшинлар ўз кучи ва махсус О. кавлаш машиналари б-н қазийди. О.нинг деворлари чим, тахта, шох-шабба ва б. нарсалар б-н маҳкамланади. Траншея ва алоқа йўлларининг ҳимоя қувватини ошириш учун баъзан уларнинг усти ёпилади. Тоғли жойларда О. тош ва харсангларан териб ҳосил қилинади. Ер портлатилиб, чуқурлик очилади. Мустаҳкам бўлиши учун тошлар орасига тупроқ, баъзан қум солинган қоплар жойлаштирилади. Барча хилдаги О. жойнинг табиий кўринишига мослаб ниқобланади. Ошмавий қирғин қуроллари, кимёвий, биологик (бактериологик) қуроллар мавжуд бўлган ҳоз. шароитда О. ўз аҳамиятини анча йўқотди, лекин ҳозир ҳам шароит тақозоси б-н О.дан фойдаланилади.

ОКРУГ (рус. — атроф) — 1) бир қанча давлатлар (мас., Исландия, Португалия)да маъмурий-ҳудудий бирлик; 2)

Ҳарбий округ, 3) вақтинчалик тузилган ҳудудий бўлим (мас., *сайлов округи*); 4) муайян органлар ваколати тарқаладиган ҳудуд (мас., суд округи, нотариал О.).

ОКС, Оксус — *Амударёнинг* юнон. лотин ва ўрта асрлардаги Европа манбаларида тилга олинган номи. Баъзи олимлар (В. В. Бартольд, Б. Ғофуров) О.ни сув ҳудоси Вахшининг (Вахш — Охшо) номи десалар, бошқа олимлар (С. П. Толстов, Я. Ғ. Ғуломов, Ҳ. Ҳасанов) қад. туркий Ўқуз — «дарё» сўзининг фонетик варианти деб ҳисоблайдилар.

ОКСАЛАТ КИСЛОТА, HOOC—COOH — энг оддий икки асосли карбон кислота, рангсиз кристаллар. Суюқланиш т-раси 189,5° (сувсизиники), 2 молекула сувли кристаллогидратиники 101,5°. Сувда, спиртда эрийди, хлороформда, бензолда эримайди. Заҳарли. Ўсимликларда кальцийли тузи кўринишида кенг тарқалган. О.к. ва унинг тузлари (қ. *Оксалатлар*) аналитик кимёда баъзи металларни чўкмага туширувчи реагент сифатида ҳамда бошқа мақсадларда қўлланади.

ОКСАЛАТЛАР (юн. oxalis — шовул) — *шовул кислота* HOOC—COOH тузлари. Нордон О. (мас., HOOC—COOK) ва ўрта О. (мас., NaOOC—COONa) мавжуд. О. табиатда кенг тарқалган. Кальций оксалат $Ca(COO)_2$ барча ўсимликларнинг ҳужайра ва тўқималарида бўлади. Одам ва ҳайвон сийдигида ҳам оз миқдорда кальций оксалат минераллар ҳолида учрайди. О. — кристаллар; қиздирилганда парчаланмасдан суюқланади; сувда оз эрийди (ишқорий металларнинг ўрта О.и бундан мустасно). О. аналитик кимёда (аммоний О.и), фотографияда, бўёқчиликда ишлатилади.

ОКСИ ... (лот. oxygenium — кислород) — қўшма сўзлар бўлаги. Бирикма ва аралашмаларда кислород борлигини билдиради; мас., *оксигемоглобин*.

ОКСИГЕМОГЛОБИН (*окси...* ва *гемоглобин*), HbO_2 — молекуляр гемоглобинниг кислород б-н бирикмаси; ўпкадан тўқималарга кислород етказиб беради. Тўқималарда осон парчаланади. Артериал қоннинг оч қизил ранги О.га боғлиқ. Бунда гемоглобин таркибига кирадиган темирнинг валентлиги ўзгармайди. Иссиқ қонли ҳайвонлар ва одамда кислороднинг кўпроқ қисми тўқималарга О. таркибида боради.

ОКСИГЕНОТЕРАПИЯ (*окси...* ва *терапия*) — қ. *Кислород билан даволаш*.

ОКСИДИМЕТРИЯ (нем. oxydiren — оксидлаш ва юн. metreo — ўлчайман), аниқроғи редоксиметрия — оксидланиш-қайтарилиш реакцияларига асосланган миқдорий анализ усуллари мажмуи (қ. *Ҳажмий анализ, Титриметрик анализ*). *О. йодометрия, перманганатометрия*, бромато метрия, титанометрия, перметрия каби бир қанча усулларга бўлинади. О. анорганик ва органик моддаларни анализ қилишда кенг қўлланади.

ОКСИДЛАНИШ, оксидланиш жараёни — тор маънода — турли моддаларнинг кислород б-н бирикиши. Кенгроқ маънода — атомлар ёки ионлар электронларни тортиб олиши б-н содир бўладиган кимёвий реакция (қ. *Оксидланиш-қайтарилиш реакциялари*). Энг муҳим оксидловчиларга кислород O_2, озон O_3, водород пероксид H_2O_2, хлор Cl_2, фтор F_2, калий перманганат $KMnO_4$ ва б. киради.

ОКСИДЛАНИШ ДАРАЖАСИ, оксидланиш сони — оксидланиш реакцияларини талқин қилишда валентлик ўрнида ишлатиладиган тушунча. Кимёвий бирикмани батамом ионли тузилишга эга деб фараз қилиниса, унинг таркибидаги бирор элементнинг шартли заряди шу элементнинг оксидланиш даражаси деб аталади. Элементларнинг О. д.ни аниқлашда доим кислороднинг О.д.ни −2, водороднини +1 деб қабул қилинади. Металл ионларининг О.д. уларнинг зарядига тенг деб олинади. Мас., сув H_2O да водороднинг О.д.+1, кислороднiки −2 дир. Калий йодид KJ да калийнинг О.д. +1, йодники −1 дир. Эркин элементларнинг О.д. 0 га тенг қабул қилинган. Ҳар қандай молекула таркибидаги барча атомларнинг О.д. йиғиндиси 0 га тенг. Мас., хромат кислотада (H_2CrO_4) хром атомининг О.д. $(+1)\cdot2+x+(-2)\cdot4=0$, бундан $x=+6$. Шу йўл б-н H_2SO_4 да Sнинг О.д. +6, $KMnO_4$ да Mn нинг О.д. +7 га тенглигини аниқлаш мумкин. Кимёвий бирикмаларда атомларнинг О.д. мусбат (+), манфий (−), 0 ва ҳатто каср сонга тенг бўлиши мумкин. C_2H_2 да углерод (C)нинг О.д. — 1 га, $K_4[Ni(CN)_4]$да никель Ni нинг О.д. 0 га тенг. Кўпчилик ҳолларда молекула таркибидаги атомларнинг О.д. уларнинг валентликларига, яъни айни элемент ҳосил қиладиган ҳақиқий боғланишлар сонига тенг бўлмайди. Органик бирикмаларда углероднинг валентлиги 4 га тенг, лекин О.д. турли бирикмаларда турлича. Мас., CH_4 да углероднинг О.д. −4 га, CO_2 да +4 га, HCOH да 0 га, HCOOH да +2 га, C_2H_4 да −2 га тенг.

ОКСИДЛАНИШ ЗОНАСИ (геология) — сульфидли конларнинг ер юзига яқин қисмини ўз ичига олган ва ер ости сувлари сатҳидан юқорида жойлашган қисми. О.з.да ер юзасидан чуқурроқ қатламларга ўтаётган сув ва унда эриган кислород, карбонат ангидрид ва кислоталар таъсирида турли минераллар емирилиб, мураккаб шароитда паст босим ва т-рага мос янги кристалл ва коллоид бирикмалар ҳосил бўлади. Бу бирикмалар кимёвий таркиби жиҳатидан емирилаётган минерал ва жинсларга яқин бўлиб, кислород ва сув молекулаларининг кўплиги б-н ажралиб туради.

О.з. учун турли гиллар, темир ва марганецнинг кислородли ва сувли бирикмалари тургун ҳисобланади. Мазкур зонада олтингугурли металл рудалари ҳамда олтингугурт, тут ва тошкўмир конлари тез уқаради. Бунда металларнинг сульфидли бирикмалари оксид, гидроксид, карбонат, сульфатлар б-н ўрин алмашади. Олтингугурт ўрнида алунит ва гипс уюмлари ҳосил бўлади, тош тузи қатламлари бўлган жойда гипс тўпланади. О.з. ер юзасидан грунт сувларигача, одатда, бир неча м дан юзларча м гача бўлган жойни эгаллайди. О.з. геологияси ва минералогиясини ўрганиш темир ва марганец рудалари, боксит, турли гиллар ва б. фойдали қазилма бойликларини топиш ва разведка қилишда муҳим аҳамиятга эга.

ОКСИДЛАНИШ СОНИ — қ. *Оксидланиш даражаси*.

ОКСИДЛАНИШЛИ ФОСФОРЛАНИШ — тирик организмларда органик кислоталар (субстратлар)нинг оксидланиши натижасида ҳосил бўлган энергия ҳисобига аденозиндифосфат кислота (АДФ) ва фосфат кислотадан *аденозинтрифосфат кислота*нинг (АТФ) синтезланиш жараёни. Бу кўпинча нафас олиш занжиридаги фосфорланиш деб ҳам аталади. О.ф. натижасида ҳужайрада кўп миқдорда энергияга бой макроэргик бирикма — АТФ тўпланади. АТФ энергияси кейинчалик ҳужайрада содир бўладиган барча ҳаётий жараёнларни энергия б-н таъминлайди. О.ф.нинг асосий субстратлари Кребс циклида ҳосил бўладиган органик кислоталардир. Оксидланиш б-н боғлиқ бўлган фосфорланиш жараёнини рус олими В. А. Энгелгардт кашф этган (1930). Нафас олиш б-н боғлиқ бўлган фосфорланиш жараёни эса рус олимлари В. А. Белицер ва Е. Т.Цибаковалар томонидан очилган (1939). Кейинчалик А. Ленинжер (АҚШ) бу жараён нафас олиш занжирида электронларнинг кўчирилиши б-н боғлиқ эканлигини кўрсатди. Электронлар нафас олиш занжирига қайтарилган никотинамидадениндинуклеотид ($НАДН_2$) ёки никотинамидадениндинуклеотидфосфат ($НАДФН_2$) дан келади; кофермент *Q* орқали кетма-кет равишда потенциали манфий бўлган бирикмалардан мусбат потенциалли бирикмаларга кўчирилади. Нафас олиш занжири орқали электронларнинг кўчирилиши кислороднинг қайтарилиши ва сув молекуласининг ҳосил бўлиши б-н тугалланади. Бу охирги жараён мураккаб тузилишга эга бўлган цитохромоксидаза ферменти ёрдамида амалга оширилади. Шундан қилиб, субстратларнинг кислород ёрдамида оксидланиши бир қатор оксидланиш ва фосфорланиш реакциялари б-н боғланган бўлиб, бу реакцияларнинг ҳар бири учун оксидланаётган субстратнинг молекуласида тўпланган энергия ох-отдан ажралиб туради ва бу энергиядан ҳужайра тўлиқ фойдаланиши учун имконият яратилади. Ажралиб чиққан энергиянинг фойдали энергияга айланиши «фосфорланиш нуқталари» деб аталувчи қисмларда содир бўлади. АТФнинг ҳосил бўлиши АТФ синтетаза ферментлари мажмуаси ёрдамида амалга оширилади. Бу реакция қайтар характерга эга бўлиб, тескари реакция, яъни АТФнинг парчаланишини ҳам амалга оширади.

О.ф. жараёнини миқдор жиҳатдан нафазаловчи катталик $Ф_{ат}/O$ коэффициенти бўлиб, у АТФ ҳосил қилиш учун сарфланган фосфор атомлари миқдорининг митохондрий томонидан ютилган кислород атомлари миқдорига бўлган нисбатини билдиради. Бу коэффициент катталиги оксидланаётган субстратнинг характерига, ҳужайранинг физиологик ҳолатига ва ҳужайра муҳитининг таркибига боғлиқ. Нафас олиш занжиридаги фосфорланишнинг максимал самарадорлиги, яъни $Р_{ат}/O$ қиймати субстрат $НАДН_2$ бўлганида 3 га, сукцинат кислотада — 2 га тенг.

Нафас олиш занжиридаги фосфорланиш жараёнининг молекуляр механизмлари, яъни оксидланиш реакцияларининг натижасида ажраладиган энергиянинг АТФ молекулаларида тўпланиш механизмлари инглиз олими П. Миттелл томонидан аниқланган. Унинг хемиосмотик назариясига кўра, оксидланиш ва фосфорланиш жараёнлари митохондриянинг ички мембраналарида ҳосил бўладиган водород ионларининг электрокимёвий потенциали орқали ўзаро боғланган. Нафас олиш занжири бўйлаб электронларнинг кўчирилиши 3 та босқичда (боғланиш нуқталарида) энергия ажралиши б-н боради. Ажралган энергия ионларнинг электрокимёвий градиенти шаклида ($Δμ^+$) бўлади. Кейинчалик ундан АТФ вужудга келади ёки ҳужайранинг энергия талаб қилувчи эҳтиёжлари учун тўғридан-тўғри фойдаланилади.

Абдукарим Зикриёев.

ОКСИДЛАНИШ-ҚАЙТАРИЛИШ РЕАКЦИЯЛАРИ — электронларнинг атомлардан атомларга бутунлай ёки қисман ўтиши б-н боғлиқ кимёвий реакциялар. Электронлар чиқарилиши оксидланиш, электронлар бириктириб олиниши қайтарилиш деб айтилади. О.-қ.р. атомлари дастлаб металл оксидларининг ҳосил бўлиш ва парчаланиш реакцияларида қўлланилади. $Cu^{+1}/_2O_2=CuO$ металларнинг оксидланишига, $CuO+H_2=Cu+H_2O$ металл оксидларидан металл ҳосил бўлиши (қайтарилиши)га мисол бўлади.

Атом ёки ионлари реакция жараёнида электрон бириктириб оладиган моддалар оксидловчилар, электрон берадиган моддалар эса қайтарувчилар деб аталади. Оксидловчи реакция вақтида оксидланаётган моддадан электронни тортиб олиб, ўзи қайтарилади, қайтарувчи эса электронлар йўқотиб, ўзи оксидланади. Мас., Sn^{2+} ёки Fe^{3+} ионлари ўртасида сувли эритмада қуйидаги реакция юз беради:

$$Sn^{2+}+2Fe^{3+}=Sn^{4+}+2Fe^{2+}$$

Бу ерда Fe^{3+} иони оксидловчи, Sn^{2+} иони қайтарувчидир.

О.-қ. р. жараёнларида эркин энергиянинг ўзгариши гальваник элементларда э.ю.к. манбаи вазифасини ўтайди. Мас., Даниел элементида рух анод реакцияси $Zn=Zn^{2+}+2e^-$, катодда эса мис ионлари қайтарилади: $Cu^{2+}+2e^-=Cu$. Бу жараёнда ташқи электр занжирида электронлар рухдан мисга томон ҳаракатланади. Электролизда ҳам анодда электр-кимёвий оксидланиш, катодда электр-кимёвий қайтарилиш юз беради. Мас., NaCl нинг сувдаги эритмасини (симоб катоди ўрнатилган) электролизлашда хлор б-н натрий амальгамаси ҳосил бўлади: $C^-—^{\circ}1/_2Cl_2+e^-$, $Na^++e^-=Na$.

Ҳар қандай оксидланиш қайтарилишсиз бўла олмайди, чунки кимёвий реакцияда атомлар оксидланиш даражаси (n)нинг йиғиндиси доимийдир. $H_2+Cl_2=2HCl$ реакциясида n (H) 0 дан +1 гача ўзгаради, бинобарин, водород (H) оксидланади; n(Cl) 0 дан — 1 гача ўзгаради, бинобарин, хлор Cl қайтарилади.

О.-қ. жараёни кенг тарқалган кимёвий реакциялар жумласига киради, унинг табиатда ва техникада аҳамияти катта. Барча турдаги ёқилғиларнинг ёниши, турли металларнинг рудалардан ажратиб олиниши О.-қ.р. жараёнига асосланган. Металларнинг коррозияга учраши, кўпгина муҳим кимёвий маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши уларнинг оксидланиши туфайлидир. Электр-кимё саноати О.-қ.р.га асосланган. Мис, никель, олтин, рух ва б. эритмалардан электролитик қайтарилиш йўли б-н олинади ёки тозаланади. Кимёвий ток манбалари — аккумуляторлар ва гальваник элементлар О.-қ.р. туфайли ишлайди ва ҳ.к.

Сайфулло Ҳамроев.

ОКСИДЛАР, табиий оксидлар (юн. oxys — нордон) — элементларнинг кислород б-н табиий кимёвий бирикмалари, минераллар синфи. 300 тача минерални ўз ичига олади. Табиатда энг кўп учрайдиган О.дан бири — сув (водород оксиди). Силикат ангидрид (SiO_2) кўпгина тог жинслари таркибига киради. Энг кенг тарқалган О. ҳосил қилувчи элементлар: Si, Fe, Mn, Al, камроқ миқдорида — Cu, U. О.нинг аксарияти — ион алоқали бирикмалар, аммо кремнезём (Si), нометалл (As, Se, Te) ва халькофил (Cu, Pb, Zn, Sn, Hg, Cd, In, Bi, Sb) элементлар минераллари ковалентли алоқалар б-н тавсифланади. Одатда, О. таркибида гидроксид ва оксигидратлар (бир пайтда O^{2-} ва OH^-) бирлашмалари мавжуд. Нормал оксид молекуласи таркибидаги барча кислород атомлари фақат ўша элемент атомларига бириккан бўлади, лекин ўзаро бирикмайди. Пероксид, супероксид ва озонидлар (пероксид ва супероксид бирикмалар) таркибида кислород атомлари фақат элемент атомларига бирикиб қолмай, бир-бири б-н ҳам бирикади (мас., SnO_2 — нормал оксид, BaO_2 — пероксид). Нормал О. элементларнинг кислород б-н бевосита бирикишидан, элементларнинг гидроксидлари карбонат, нитрат, сульфат ва б. кислородли кислоталар тузларининг ажралишидан ҳосил бўлади.

ОКСИДЛАР — элементларнинг кислородли бирикмалари. Нормал оксид молекуласи таркибидаги барча кислород атомлари фақат ўша элемент атомларига бириккан бўлади, лекин ўзаро бирикмайди. Пероксид, супероксид ва озонидлар (пероксид ва супероксид бирикмалар) таркибида кислород атомлари фақат элемент атомларига бирикиб қолмай, бир-бири б-н ҳам бирикади (мас., SnO_2 — нормал оксид, BaO_2 — пероксид). Нормал О. элементларнинг кислород б-н бевосита бирикишидан, элементларнинг гидроксидлари карбонат, нитрат, сульфат ва б. кислородли кислоталар тузларининг ажралишидан ҳосил бўлади.

О.нинг номланиши қуйидагича: а) агар элемент кислород б-н фақат 1 та кислородли бирикма ҳосил қилса, у

оксид деб аталади. Мас., Al_2O_3 — алюминий оксид, MgO — магний оксид; б) элементнинг бир неча О.и маълум бўлса, унинг оксидланиш даражаси эътиборга олинади: Cu_2O мис (I)-оксид, CuO — мис (II)-оксид, Cr_2O_3 — хром (III)-оксид, CrO_3 — хром (VI)-оксид ва ҳ.к.; в) элементнинг оксиди сув таъсирида кислотага айланса (ёки кислотадан ёхуд унинг тузидан олиниши мумкин бўлса) айни оксид ўша кислотанинг *ангидриди* деб аталади: SO_3— сульфат ангидрид, SO_2 — сульфит ангидрид.

Нормал О. — асосли, кислотали ва амфотер (оралиқ) О. деб, 3 гуруҳга бўлинади. Менделеев даврий системасида давр ичида чапдан ўнгга ўтган сари О.нинг хоссалари асослиликдан амфотерликка, сўнгра кислоталикка айланади. Мас., III давр элементлари оксидларидан Na_2O, MgO асосли О; Al_2O_3 — амфотер оксид; SiO_2, P_2O_5, SO_3 ва Cl_2O_7 — кислотали О.дир. Элементнинг оксидланиш даражаси ортган сари оксидларнинг асослик хоссалари кучсизлана боради: MnO — асос хоссасига, MnO_2 — амфотер хоссага, Mn_2O_7 — кислота хоссасига эга.

Базси О. тузлар ҳосил қилмаганлигидан уларга индифферент ёки бефарқ О. номи берилган (мас., CO ва NO). Кўпчилик О. табиатда учрайди. Табиатда энг кўп учрайдиган О. дан бири сув — водород оксиддир. Силикат ангидрид (SiO_2) кўпгина тоғ жинслари таркибига киради.

О. турмуш ва техникада кенг қўлланади. Мас., сўндирилмаган оҳак CaO — қурилишда, NO_2, SO_2 — нитрат ва сульфат кислота и.ч.да., баъзи металларнинг оксидларидан иборат аралашмалар эса катализаторлар сифатида ишлатилади.

ОКСИДЛАШ (нем. Oxydierung) — металл буюмлар сиртини оксидловчи эритмалар ёрдамида кимёвий, электрокимёвий йўл б-н ҳавода қиздириб *коррозия*дан сақлаш ёки кўркамлаштириш усули. Кимёвий О.нинг кенг тарқалгани ишқорли ва ишқорсиз О.дир. Ишқорли О.да буюм қайнаб турган натрий ёки калий ишқори эритмаси муҳитидан ўтказилади. Ишқорсиз О.да эса буюм фосфат кислота, калий ёки барий нитрат ва марганец фосфат аралашмасида 100° т-рада қиздириб оксидланади. Кимёвий О.да буюм сиртида 3 μ ча оксид қатлам ҳосил бўлади. Бу қатлам докланганидан ёки мойланганидан сўнг металл коррозияга бардошли бўлади. Бу усуллар пўлат, чўян ва рух буюмларни О.да қўлланади.

Электр-кимёвий О. (анодлаш) ток таъсирида ўтказилади. Бу усул кимёвий О.га нисбатан яхшироқ натижа беради. Мас., 20—60 мин. давомида 30° иситилган 20% ли сульфат кислота (ток кучи 1,5—2,5 а ва кучланиши 10—20 в) ток б-н О. натижасида буюм сиртида 20 μ қалинликда оксид парда ҳосил бўлади. Оксидланган буюм сирти докланади. Анодланда оксид қатлам қалинлигини 600 μ гача етказиш мумкин. Бу усул, асосан, алюминий, мис ва б. металл қотишмаларини О.да қўлланади. Ҳавода О. пулат буюмларини қиздириб, сиртини мойлашдан иборат.

ОКСИДОРЕДУКТАЗАЛАР (юн. oksido — нордон ва reducto — орқага қайтараман) — тирик ҳужайралардаги оксидланиш-қайтарилиш реакциясини каталиглайдиган ферментлар. Ҳамма тирик ҳужайраларда учрайди. Ҳужайрани энергия б-н таъминлашда муҳим роль ўйнайди. О.нинг энг муҳимлари: дегидрогеназалар (нафас олганда ва фотосинтез жараёнида водород ва электронларни бир моддадан иккинчи моддага ўтказади), оксидазалар (уларда O_2 оксидловчи), пероксидазалар (оксидловчи — H_2O_2), гидролазалар (моддага O_2 нинг бир атомини беради), оксигеназалар (моддага O_2 нинг иккала атомини беради).

ОКСИКИСЛОТАЛАР, оксикарбон кислоталар — таркибида ҳам карбоксил (—COOH), ҳам гидроксил (—OH) гуруҳи бўлган органик бирикмалар. Ўсимликлар оламида кўп тарқалган. Кўпчилигининг оптик изомерлари бор. Таркибида 1 та карбоксил ва 1 та гидроксил гуруҳи бўлган оксикислота О.нинг энг оддийси ҳисобланади. Гидроксил гуруҳининг карбоксил гуруҳ бирикkан углероддан қанча узоқликдаги углерод б-н бирикканлигига қараб α-, β-, γ ва δ-О. фарқланади. Мас.,



α-оксикислота

О.нинг солдалари қовушоқ суюқликлар ёки кристалл моддалар бўлиб, сувда яхши эрийди. О. спирт ва кислоталарнинг умумий хоссаларини намоён қилади. О.нинг яна ўзига хос бошқа хоссалари ҳам бор. γ ва δ-О. ички эфирлар — лактонлар ҳосил қилади. О. ўсимлик ва ҳайвон организмларида (мас., сут, олма, лимон кислоталар) учрайди. Ароматик О. дори ва азобўёғичлар и.ч.да қўлланади.

ОКСИПРОЛИН (гидроксипролин, 4-гидроксипиролидин -2-карбон кислота) — аминокислота, рангсиз кристалл модда. Мол. м. 131,13. 4 та оптик фаол стереоизомерлари маълум. L-О.нинг суюқланиш т-раси 274°. Сувда, этанолда оз эрийди. Бирикгирувчи тўқималардаги оқсиллар — коллаген (13% гача), шунингдек, эластин таркибига киради. L-О — алмаштириб бўлмайдиган аминокислота, биосинтез жараёнида пептид занжирга қўшилмайди, пролин қолдиқларининг ферментатив гидроксилланишида ҳосил бўлади. О.нинг организмдаги метаболизм маҳсулотлари — пиррод -2-карбон ва глутамин кислоталар. Коллаген ва б. оқсилларнинг гидролизатларидан олинади. L-О.ни илк бор 1902 й.да немис олими Э. Фишер желатиндан ажратиб олган.

ОКСИТАН ТИЛИ, провансал тили — *роман тилларидан* бири; Жан. Францияда, шунингдек, Италия шимол.да тарқалган. Сўзлашувчиларнинг умумий сони 10 млн. кишидан ортиқ. Лаҳжалари 2 гуруҳга бўлинади: шим.-окситан (лимузин, овери, провансальп) ва урта окситан (лангедок, прованс), шу б-н бирга алоҳида гаскон лаҳжаси ҳам маълум. О.т. француз тилига яқин бўлса-да, бир қанча фонетик ва морфологик жиҳатлари б-н ундан фарқ қилади. Алабий тили 11-а.дан маълум, 12—13-а.ларда алабиёт гараққиёт чўққисига кўтарилган. Ана шу даврда бир қанча лаҳжаларнинг қўшилишидан умумпровансал алабий тили шаклланган. 13-а.да Пированснинг Шим. Франциясига қўшиб олиниши О.т. вазифа доирасининг кескин қисқаришига, унинг бир неча алоҳида лаҳжаларга бўлиниб кетишига олиб келди. Ҳоз. О.т.даги алабиёт чекланган ҳолда, кўпинча оғзаки муомалада қўлланади. Ёзуви лотин графикаси асосида. Қад. ёзув ёдгорликлари 10—11-а.ларда яратилган.

ОКСИТОЦИН (*Oxytocinum*), питоцин — нейрогипофизнал гормон; гипофиз орқа бўлаги *гормонларидан* бири; 9 та аминокислота қолдиғидан тузилган циклик пептид. О. тузилиши ва таъсирига кўра, бошқа нейрогипофиз гормони — вазопрессинга яқин туради. Бир қатор табиий аналоглари маълум, синтетик йўл б-н ҳам олинади. Бачадон гайниқса, ҳомилали бачадон) ва сут безининг силлиқ мускулларини қисқартиради. Дара тутиши сусайганда, бачадондан атоник қон кетганда буюрилади. Ампулаларда 1 мл дан чиқарилади.

8-ОКСИХИНОЛИН (оксин, 8-гидрок-сихинолин) — рангсиз, ўзига хос ҳидли кристалл модда. Мол. м. 145,15. суюқланиш т-раси 75—76°, қайнаш т-раси 266,6°. Спирт, ацетон, хлороформ, бензол, кислота ва ишқорларда эрийди, сувда ва эфирда эримайди. 40 дан ортиқ кимевий элементларни (мас., мис, рух, магний ва б.) ажратиш ва аниқлашда, алюминий, рух, ванадий ва ҳ.к. элементларни колориметрик аниқлашда қўлланади. Баъзи ҳосилалари фунгицидлар ва антисептиклар сифатида ишлатилади.

ОКСФОРД — Буюк Британиядаги шаҳар, Лондон шидан шим.-гарбда, Темза дарёси бўйида жойлашган. Оксфордшир графлигининг маъмурий маркази. Аҳолиси 132 минг киши (1999). Полиграфия саноати ривожланган, автомобилсозлик, электротехника корхоналари мавжуд. Шаҳар қўлёзмаларда 912 й.дан тилга олинган. Қад. университет шаҳарларидан (12-а.да ун-т ташкил этилган). Инглиз готика услубида қурилган ун-т коллежларининг комплекси шаҳар қиёфасига алоҳида кўрк бағишлайди. Ўқитувчилар орасида Лондон қироллик жамияти аъзолари, Нобель мукофоти лауреатлари бор.

ОКТАН СОНИ — карбюраторли *ички ёнув двигатели* ёнилғиларининг *детонациянга* турғунлигини ифодалайдиган кўрсаткич. Ёнилғининг О.с. эталон ёнилғи аралашмасига таққослаб аниқланади. Эталон ёнилғи сифатида изооктан (2, 2, 4-уч метилпентан) ва *гептан* аралашмаси қабул қилинган. Изооктаннинг детонацияга турғунлиги 100, нормал гептанники ноль деб олинган. Эталон ёнилғи аралашмасидаги изооктаннинг фоизлардаги миқдори синалаётган ёнилғининг О.сини белгилайди. Ёнилғининг О.с. қанча катта бўлса, детонацияга мойиллиги шунча кичик бўлади. Автомобилларда О.с. 66—98 га тенг бензин, сиқиш даражаси юқори бўлган двигателларда О.с. юқори бензинлар ишлатилади.

ОКТАНЛАР (юн. okto — саккиз), C_8H_{18} — тўйинган углеводород. Мол. м. 114,22. 18 та изомер О. бор. Н-О. — $CH_3(CH_2)_6CH_3$ нинг суюқланиш т-раси — 56,8°; қайнаш т-раси 125,67°; зичлиги 702,5 кг/м³. Нефтда, бензинда бўлади. О.дан *изооктаннинг* О. сони юқори (97) бўлганлиги учун эталон ёнилғи сифатида ишлатилади. н-октаннинг О. сони жуда кичик (17—19).

ОКТАНТ (лот. octans) — *астрономик асбоб*нинг Жан. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Юлдуз катталиги 3,8. Ўзбекистонда кўринмайди.

ОКТАЭДР (юн. okto — саккиз ва hedra — ёқ) — 1) математикада — саккизта учбурчак б-н чегараланган жисм, саккизёқлик. О.нинг 6 та учи, 12 та қирраси ва 8 та ёғи бўлади. О. ёқлари мунтазам учбурчаклардан иборат бўлиб, ҳар бир учидан 4 талаи қирра чиқади. Агар О. қирраси *a* га тенг бўлса, ҳажми

$V = \frac{a^3\sqrt{2}}{3}$ формула б-н ҳисобланади

(қ. *Кўпёқлик*); 2) кристаллографияда — электролиз ва кимёвий реакциялар натижасида эритма, газ ва қаттиқ жисмлардан ҳосил бўладиган кристаллар шаклларидан бири (бунда О.дан б.) шакллар ҳам ҳосил бўлади (қ. *Кристаллар*).

ОКТЯБРЬ (осто — саккиз) — *Григорий календари*да йилнинг 10-ойи (31 кунлик). Қад. Рим календарида йилнинг 8-ойи.

ОКТЯБРЬ ТЎНТАРИШИ — Россияда *Муваққат ҳукумат*нинг қурол кучи б-н агдарилиши ва ҳокимият тепасига большевиклар партиясининг келиши (1917 й. 24—26 окт. (6—8 нояб.)]. *Февраль инқилоби*дан кейин Муваққат ҳукуматнинг ишчилар ва деҳқонларнинг талабларн, миллий масалаларни ҳал қилишдаги сустқашлиги ва катъиятсизлиги, Россиянинг урушда иштироки давом этаётганлиги умуммиллий инқирозни авж олдирди, марказда экстремистик (ўта сўл) партияларнинг, мамлакатнинг чеккаларида эса миллатчи партияларнинг кучайиши учун шароит туғдирди. Ҳаммадан ҳам большевиклар фаол ҳаракат қилдилар. Улар Россияда социалистик инқилобни бошлаймиз, бу жаҳон инқилобининг дебочаси бўлади, деб бонг урдилар. 1917 й. авг. охири — сент. бошларида большевиклар Петроград ва Москва Советларида кўпчиликни эгаллади ва қуролли тўнтаришга тайёргарлик кўрди. 24 окт.дан 25 окт.га ўтар кечаси (6—7 нояб.) қуролланган ишчилар, Петроград гарнизонининг солдатлари ва Балтик флотининг матрослари Қишки саройга бостириб кирди ва Муваққат ҳукумат аъзоларини қамоққа олди. Бутун Россия Советларининг 2-съездида большевикдар дастлаб сўл эсерлар б-н ҳамкорликда Муваққат ҳукумат агдарилганлигини қўллаб-қувватлаб, Тинчлик ва Ер тўғрисида декретлар эълон қилдилар. В.И.*Ленин* бошчилигидаги ҳукумат — Халқ Комиссарлари Совети (ХКСнн туздилар. Петроград ва Москвада Муваққат ҳукуматга содиқ кучларнинг қаршилигини шафқатсиз бостириб, Россиянинг муҳим марказий саноат шаҳарларида тезлик б-н ҳукмронликни ўрнатдилар. Асосий душман — калетлар партияси эса қонундан ташқари деб эълон қилинди, партия йўлбошчилари қамоққа олинди, матбуот эркинлигига чек қўйилди. Шунга қарамай, Таъсис мажлисига бўлган сайловлар (1917 й. 12 нояб.)да большевиклар фақат 25% овоз олди. 1918 й. 5(18) январда Петроградда бўлган Таъсис мажлиси большевикларнинг дўқ-пўписаларидан иборат талабларини рад қилгач, улар томонидан ноқонуний равишда тарқатиб юборилди. Бу ҳолат мамлакатнинг парчаланиши ва *Россияда фуқаролар уруши* (1918—22) кучайишига олиб келди. 1918 й. март ойига келиб Россиянинг анчагина ҳудудида совет ҳокимияти ўрнатилди. «Ҳарбий коммунизм» сиёсатига ўтилиши, қатағон органи — *Бутун Россия Фавқулодда комиссияси* (ВЧК)нинг тузилиши (1917 й. дек.) ва Қизил армиянинг ташкил қилиниши (1918 й. фев.) большевикларнинг ҳокимиятни ўрнатишдаги якқапартиявий ҳукмронликни ўрнатишига имкон берди.

1917 й. кузида Туркистонда ҳокимиятнинг Советлар қўлига ўтиши учун объектив шарт-шароитлар йўқ эди, большевикларнинг омма ўртасида таъсири ҳам оз бўлган. Бу ерда асосий сиёсий кучлар эсерлар ва миллий партиялар эди. Бироқ О.т. ҳақидаги хабар 27 окт.да Тошкентга етиб келгач, большевиклар ва сўл эсерлар ҳокимиятни зўравонлик йўли б-н эгаллаш учун кураш бошладилар. Тўрт кунлик жангларлан сўнг Тошкентнинг янги шаҳар қисмида совет ҳокимияти ўрнатилди (1917 й. 1 нояб.). Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети агдарилганлиги. Бироқ қуролли тўқнашувда маҳаллий аҳоли деярли иштирок этмади. 1917 й. 15—22 нояб.да бўлган Туркистон

Советларининг 3-Ўлка съездида сўл эсерлар, большевиклар ва максималистлардан иборат Туркистон ўлкаси ХКС (раиси Ф.И.Колесов) тузилди. Ҳукумат таркибига туб миллат вакилларидан бирон киши ҳам киритилмаган эди. Ҳокимиятнинг Советлар томонидан босиб олинишини тараққийпарвар кучлар (*Фитрат, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Мунаввар-қори, Мустафо Чўқай, Шерали Лапин* ва б.) кескин қоралашган. Туркистондаги совет ҳокимияти Муваққат ҳукуматдан мерос қолган ҳарбий кучлар ва б. қуролли кучларни ўз қўлига тўплаб, Қўқонга ҳужум қилди ва *Туркистон мухторияти*ни тугатди (1918 й. фев.). Бироқ Бухорога қилинган босқин (1918 март) маглубиятга учради (қ. *Колесов воқеаси*).

О.т. 20-а.да Россия ва бутун жаҳон учун кучли таъсир қилди. Дунё сиёсий тартиботида ақл бовар қилмайдиган воқеалар юз берди. Амалга оширилган О.т.ни сақлаб қолиш учун большевиклар бутун ижтимоий-сиёсий жараёнлар устидан диктатурани, яъни алоҳида шахсларнинг ҳокимиятини таъминлаб берувчи ҳарбий-сиёсий режимни ўрнатдилар. Бу режим собиқ СССР ҳудудида қатағон сиёсатини амалга оширди. Гарчи О.т. 18—19-а.ларда шаклланган социалистик ғоялар байроғи остида амалга оширилган бўлсада, аслида мақсад қандай қилиб бўлмасин давлатни қўлга олишга қаратилган эди. Большевиклар О.т.дан кейин олдинги империячилик сиёсатини изчил давом эттирдилар. 20-а.нинг 2-ярмида эса империя чегарасини Ғарбий Европагача етказдилар. Дунёнинг икки қутбга бўлиниш жараёни бошланди. Бу жараён 20-а.нинг 80-й.ларигача давом этди. О.т. инсоният тарихий тараққиётини бутунлай тескарига бураб юборди. Жамият тараққиётини таъминловчи хусусий мулк, тадбиркорлик, савдо-сотиқ, эркин ҳаракат, шунингдек, эркин фикр аввалига бир қолипга солинди, кейинроқ бутунлай тақиқлаб қўйилди. Инсоният яратган, табиат инъом этган ҳамма нарсалар давлат мулкига айлантирилди. Собиқ Иттифоқ ҳудудидаги халқларнинг қадрияти астасекин йўқотила борилди. Ягона халқ, ягона онла, ягона тил каби сунъий қадриятлар тиқиштирилди.

Халқни, унинг манфаатларини назар-писанд қилмай, аслида халқ иродасига қарши амалга оширилган Россиядаги О.т. 20-а.даги давлат терроризмини бошлаб берган сиёсий воқеа эди.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги давр]. Т., 2000; Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т., 2000; История Советской России Санкт-Петербург, 2001; Верго Н., История советского государства, 1900—1991. М., 2001.

Қаҳрамон Ражабов, Саифиддин Жўраев.

ОКУЛЯР (лот. oculus — кўзга оид) — мураккаб оптик асбоб (кузатиш трубаси, микроскоп, дурбин)нинг кузатувчи қарайдиган қисми. Битта линза ёки линзалар тизимидан иборат бўлади. *Объектив* бошқа оптик тизимлар (мас., призма, коллиматор) б-н ҳосил қилган тасвир О. ёрдамида кўрилади. Дастлаб (1609 й.) О.лар астрономик кўриш трубаларида ишлатилган (Галилей О.лари). Кейинчалик нидерланд олими Х. Гюйгенс (17-а.) ва инглиз олими Ж. Рамсден (18-а.) икки хил О. кашф қилишган. Улар амалда ҳозиргача ишлатилади. Бундай О.ни объектив б-н бирга ясаб буюмнинг тасвири олинади.



Окуляр. 1-расм. Гюйгенс окуляри.



2-расм. Рамсден окуляри.

19-а. охирларидан, айниқса, ҳарбий оптика ривожланиши муносабати б-н дурбин, перископ ва б.да такомиллаштирилган О.лар ишлатилади. О.лар мусбат ва манфий линзали бўлиши мумкин. Мусбат линзали О. ўзидан ўтаётган ёруғлик нури дастасини тўплайди (тўрайтиради), манфий линзали О. нур дастасини сочади (кенгайтиради). Г. Галилей О.лари манфий линзали оддий (кузатиш бурчаги кичик), Х. Гюйгенс ва Ж.Рамсден О.лари мусбат линзали бўлган (расм). Уларда кузатиш бурчаги катта (кенгроқ)лиги учун ҳозиргача ишлатилади. О.ларнинг асосий оптик хоссаси фокус масофаси (линзанинг бош фокусидан унинг оптик марказигача бўлган масофа), одатда, 15—25 мм б-н ифодаланади. О.нинг аниқ кўрсатиши шу масофага боғлиқ бўлади.

ОКУНСИМОНЛАР — қ. *Олабуға балиқлар.*

ОЛ (алламоқ сўзидан) — ўрта асрларда Мовароуннаҳрда душманни чалғитиш мақсадида қўлланилган ҳийла, тактик усул. Кичик бир қисмини чекинишга буюриб, уни таъқиб қилиб, ҳужумга ўтган душманни пистирма асканжасига олинган. О. усулларидан бири *тўлғама* деб аталган. О.дан *Чингизхон, Амир Темур* ва *Абдулаҳон II* ўз юришларида устalik б-н фойдаланган.

ОЛАБУТА эшакшўра (Atriplex L.) — шўралошларга мансуб бир йиллик ўтсимон ёки ярим бута ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда О.нинг майда-гул О. (A.micrantha C.A.Mey.), татар О.си (A.tatarika L.), елпиғичсимон О. (A.flabellum Bgge.) турлари учрайди. Пояси тик, шохланиб ўсади, бўйи 1 м ёки ундан ортиқ. Барглари бандли, ромбсимон, кумушранг губор б-н қопланган, пастдагилари доирасимон шаклда, юқоридагилари эса узунчоқ — найтарсимон. Тўпгули бошоқсимон. Меваси — текис ясмалоқ халтача. Уруғи ясмиқсимон, қора, ялтироқ, катталиги 1—1,5 мм. Июлдан сент.гача гуллайди ва мева тугади. Бир ўсимлик 100 минтга яқин уруғ беради, тўкилган уруғлари баҳорда яна униб чиқади. Бегона ўт сифатида йўл ёқасида, экинзорлар орасида ва ташландиқ ерларда ўсади.

Олабута.

Қ у р а ш ч о р а л а р и : а л м а ш л а б экиш, культивация; уруғларни саралаб экиш, гербицидлардан экиш вақтида кotopан, прометрин ёки котофор қўлланилади.

ОЛАБУҒА БАЛИҚЛАР (Perciformes), о к у н с и м о н л а р — суякли балиқлар туркуми. Уз. 1 см дан 5 м гача, вазни граммнинг бир неча улушидан 900 кг гача. Кўпчилигининг сузгич пуфаги бор. Сузгичлари тиканли, орқа сузгичи 2, қорин сузгичлари 6 ёки камроқ нурли. Тангачалари ктеноидли, баъзан цикloидли, улар модификациясидан иборат ёки бўлмайди. 149 оила, 1200 уруғ

Олабуға.

ва 6500 га яқин тури бор. Барча денгиз, океан ва чучук сувларда тарқалган. О.б. балиқларининг энг ширин туркуми, барча маълум турларининг 40%ини ўз ичига олади. Барча денгизларнинг сохил бўйи сувларида ставридалар, денгиз итчалари, ҳўкизчалар, серрансимонлар, губанлар; очиқ денгизларда тунецлар, елканлилар, коринфенлар ва б. кени тарқалган. Евросиё ва Шим. Америка сувларида олабуғалар, Африка ва Жан. Америкада цихлидлар, Шим. Америкада центрархидлар, Жан. Осиё ва Африкада лабиринтлилар кўп учрайди. Ўзбекистонда О.б.нинг 4 оиласи (буқа балиқлар, атеринлар, олабуғалар, тошбуқалар), 9 уруғи ва 13 тури тарқалган. Оддий олабута ва оқ сла Аму ва Сирдарёнинг қуйи оқимларида, Орол денгизида яшайди. Кўпчилик О.б. Орол денгизи б-н боғлиқ бўлган. Бир қанча О.б. саноат миқёсида овланади, сунъий сув ҳавзаларида кўпайтирилади.

ОЛАЙ ВОДИЙСИ — Киргизистоннинг Помир-Олай тоғлари орасидаги ботиқ. Ғарбдан шарққа (Олай ва Оркд Олай тизмалари орасида) 150 км га йўналган. Эни 8—25 км. Майд. 1700 км² га яқин. Баландлиги ғарбида 2240 м, шарқида 3536 м (Томурун довони). О.в. тағи адлювиал ва пролювиал жинслардан тузилган, жан.да ва қисман ўрта қисмида моренали паст-баланд қатор тепалар мавжуд. Тоғ яйлови, ғарбида — Қизилсув дарёси бўйларида суғориб деҳқончилик қилинадиган ерлар бор.

ОЛАЙ ТИЗМАСИ — Помир-Олай тоғлари системасидаги тизма. Киргизистон ва қисман Тожикистонда. Энг баланд жойи 5539 м. Уз. 400 км. Жан.да Фарғона водийси б-н чегараланади. Қум-гилли жинслар ва кристалли сланецлардан тузилган. Шим. ён бағри қия ва бир неча кўндаланг водийларни ўз ичига олади. Жан. ён бағри Олай водийсига тик тушган. Чўққиларида, айниқса, ғарбий қисмида қор ва музликлар (568 км²) бор. Тоғ этакларида чала чўл ўсимликлари ўсади, ён бағирлари қуруқ чалов-бетага даштларидан иборат. 2000—3200 м баландликда ўтлоқ-дашт ўсимликлари ва арча ўрмонлари, ундан юқорида альп ўтлоқлари бор.

ОЛАКЎЗАН (Vormela peregusna) — сувсарсимонлар оиласига мансуб йиртқич сут эмизувчи ҳайвон; уруғининг ягона тури. Гавдасининг уз. 26—35 см, думи 11—20 см. Танаси хипча ва узун, оёқлари калта, думи бароқ. Ранги қора, сариғиш ола, сариғиш ёки қуранг доғли. Жан.-Шарқий Европа ва Осиёда, асосан, дашт ва чўлларда тарқалган. Қора денгиз ҳқинидаги чўлларда, Кавказ, Ўрта Осиё, Қозоғистон, Олтой ва Тувада учрайди. 3—8 та бола туғади. Кўрсичқон, сичқон

Олакўзан.

ва б. майда кемирувчилар б-н озиқланади. Кўриқ ерларининг ўзлаштирилиши туфайли сони кескин камайиб кетган. Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ОЛАКЎЛ — Қозоғистондаги оқмас шўр кўл. Балхаш-Олакўл сойлигининг шарқий қисмида. Майд. 2200 км², 343 м баландликда. Майд. 2200 км². Чуқ. 45 м гача. Янв.дан апр.гача муз б-н қопланади. О.га Эмел дарёси қуйилади. Балиқ овланади.

ОЛАМ ЎҚИ — *осмон сферасининг* марказидан ўтувчи ва Ернинг айланиш ўқига параллел деб тасаввур қилинадиган тўғри чизиқ. О. ў. осмон сферасини оламнинг шим. ва жан. қутбларида кесиб ўтади.

ОЛАМ ҚУТБЛАРИ — *олам ўқи* б-н *осмон сферасининг* кесишган нуқталари. Улар оламнинг шим. ва жан. қутбларидир. О. қда осмон жисмлари жойлашмаган, лекин оламнинг шим. қутби яқинида (1° узоқликда) *қутб юлдузи* бор.

ОЛАМИЙ РУҲ — *неоплатонизм* фалсафасидаги марказий тушунчалардан бири. *Плотин*нинг коинотни ҳаракатга келтирувчи ибтидо бўлган О.р. тўғрисидаги таълимотидан келиб чиққан; идеал (жисмсиз) дунё б-н О.р. яратган ҳиссий дунё оралиғида туради. О.р. ҳақидаги таълимот Уйғониш даври пантеизми (италъян неоплатониклари, Ж.Бруно), немис романтизми ва 19-а. идеализм фалсафаси (Ф.В.Шеллинг, Г.Т.Фехнер, Э.Гартман) томонидан қабул қилинган.

ОЛАМНИНГ ГЕЛИОЦЕНТРИК СИСТЕМАСИ — Ер ва Қуёш системасидаги бошқа сайёралар Қуёш атрофида айланиб туради, деган таълимотга асосланган система; *Н.Коперник* яратган (қ. *Гелиоцентрик система*).

ОЛАМНИНГ ГЕОЦЕНТРИК СИСТЕМАСИ — оламнинг маркази Ер бўлиб, унинг атрофида бошқа барча осмон жисмлари ҳаракатланади, деган қад. дунёқараш. О.г.с. ҳақидаги таълимотни дастлаб *Аристотель* мил. ав. 4-а.да ишлаб чиққан. Унинг фикрича, Ер кўзғалмас *Ой, Меркурий, Венера, Қуёш, Марс, Юпитер* ва *Сатурн*га тегишли еттита осмон б-н ўралган. Саккизинчи осмон кўзғалмас юлдузларга тегишли. Тўққизинчи осмонда эса барча осмон сфераларини ҳаракатлантирувчи «руҳ» жойлашган, деб тушунтиради. Ана шу таълимотни *Птолемей* (мил. 2-а.) «Алмагест» асарида қуйидаги 4 фаразга асосланиб келтирган: 1) Ер коинотнинг маркази; 2) Ер кўзғалмайди; 3) барча осмон жисмлари Ер атрофида айлана бўйлаб ҳаракатланади; 4) осмон жисмлари текис бир тезликда ҳаракатланади. О.г.с.га асосан барча сайёралар, Ой, Қуёш ва юлдузлар Ер атрофида бир сутқада текис айланиб чиқади, сайёралар эпициклар бўйлаб, эпициклларнинг маркази эса деферент деб аталган айлана бўйлаб ҳаракатланади. Ой ва Қуёш эса фақат деферентларда ҳаракат қилади. О.г.с. таълимоти то 16-а.гача ҳукмрон бўлиб келди. 16-а.дан О.г.с. ўрнини *гелиоцентрик система* эгаллади.

ОЛАМУШУК АДИРИ — Фарғона ботиғининг жан.-шарқий қисми (Андижон вилояти ҳудуди)да жойлашган адир. Жан. ва жан.-шарқда Ўш-Аравон аэропорти ботиғи, ғарбда Аравон — Шаҳрихон ёйилма конуслари орасида. Ғарбда Андижон адири б-н туташган, шим.да Қорадарёга яқинлашади. О.а. жан.-ғарбдан шим.-шарққа 15 км масофага чўзилган, эни 300—700 м, энг баланд жойи 919 м. Атрофидаги текисликлардан 300—400 м га кўтарилган, жан.-шарқий ён бағри тикроқ. Ён бағирлари кўплаб қуруқ сойлар ва жарликлар б-н кесилган. Тектоник жиҳатдан брахиантиклиналь структура. Палеоген, неоген ва тўртламчи давр конгломерати, лойтош, қумтош, қумоқ жинслардан ташкил топган. Улар қуйи ерларда қалин лёссимон жинслар б-н қопланган, рельефи текисроқ. Адирнинг қуйи қисми тўртламчи даврда содир бўлган янги тектоник ҳаракатлар натижасида кўтарилган. Иқлими қуруқчил, ёзи иссиқ, йиллик ёғин 20—300 мм. Тупроғи бўз тупроқ. Ранг, қўнғирбош, шайтонковуш каби ўсимликлар ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қўшоёқ, бўрсиқ, жайра, тулки, қалампш, қалтакесак, илонлар ва б. учрайди. Табиий бойликлардан нефть, табиий газ, олтингугурт бор. О.а. ерлари яйлов сифатида ҳам фойдаланилади.

ОЛАПЎЧОҚ — кечпишар қовун нави. Шакли чўзиқ, тухумсимон, йирик, учи ингичка, уз. 28—35 см, оғирлиги 4—6 кг. Дум томони бироз тилим-тилим, уч томони ғадир-будур, тўр б-н қопланган, туси тўқ сариқ. Сиртининг гуллари қўшалоқ, кенг, тўқ яшил доғлари бор. Пўсти

Олапўчоқ қовун нави.

қаттиқ, эти тўқ яшил, қалинлиги 5,5—6 см, сершув, ширин. Таркибида 9,8% қанд, шу жумладан, 6,5% сахароза, 11,7% қуруқ модда бор.

О.нинг уруғхонаси унчалик катта эмас, уруғи йирик. Экилган уруғи униб чиққанидан кейин, ҳосили 95—110 кунда пишади. Ҳосилдорлиги 250—300 ц/га. Қишда асрашга ва узоқ жойларга олиб боришга яроқли. Бўз тупроқли унумдор ерларда мўл ҳосил беради.

ОЛАТОВ ҚОРАМОЛ ЗОТИ — сут-гўшт йўналишидаги қорамол зоти. 20-а.нинг 30—50-й.ларда Қирғизистон ва Қозоғистонда маҳаллий зотли қорамолларни швиц ва кострома зотлари б-н чатиштириш ва олинган дурагайлар маҳсулдор гуруҳларини ўз ичида уруғлантириш орқали яратилган. 1950 й.да янги зот сифатида тасдиқланган. Тана тузилиши бақувват, боши катта, кўкраги, ягрини кенг, елини косасимон, туси кўнгир. Буқаларининг вазни 850—1000

Олатов сигир зоти.

кг, сигирлариники 450—550 кг. Сигирлари йилига 3200—4200 кг (айримлари 8—10 минг кг гача) сут беради. Сутининг ёғлилиги 3,8—4,0%. Гўштдорлик сифати яхши. Ахта новвослари жадал етиштирилиб, бўрдоқи қилиб боқилганда 18—20 ойлигида вазни 500—550 кг га боради. Гўшт чиқими 55—62%. Тоғ шароитига яхши мослашган.

ОЛАТОF, Олатов — кўп йиллик қор ва музликлари ҳамда баланд тоғлик минтақалари бўлган тоғлар. Баланд тоғларда доимий қорлар оппоқ, яланғоч қоялар эса қорамтир, ўтлоқлар ям-яшил бўлиб кўринади. О. тоғлар номини ҳам билдиради. Мас., Жунгария Олатови, Орқа Или Олатови, Кунгай Олатов, Терскай Олатов, Талас Олатови, Қирғизистон Олатови, Олатоғ ва б. «Олатоғ» сўзидаги «ола» мўғулча ола («тоғ») сўзидан келиб чиққан деган тахминлар бор. Бошқа вариантида «ола» арабча «олий» (баланд) сўзидан олинган фикрлар ҳам мавжуд.

ОЛАЧА — ингичка йўлли мато; одатда, пахта ипидан (арқоқ ва танда ипи), баъзан ип ва ипак (арқоғи ип, тандаси ипак)дан қўлда тўқилади. Йўл-йўл бўлгани учун О. деб аталган. Танда ипи бўялгани учун 2 томони ҳам бир хил бўлади. Қадимдан Ўрта Осиёда кўплаб ишлаб чиқарилган. Олан. асосан, тун ва б. тайёрланади.

ОЛАҚАРҒА (Corvus cornix) — чумчуқсимонлар туркуми, қарғалар оиласига мансуб қуш. Гавдасининг уз. 44—56 см. О.нинг боши, кўкрак, дум ва қанот пат-лари, тумшуғи ва оёқлари қора, қолган қисми кулранг. Шарқий Европа, Ғарбий Сибирь, Кавказ, Олд Осиё ва Ўрта Осиёда тарқалган. Ўзбекистон ҳудудида баҳор, куз ва қиш ойларида учрайди. Ўрмон ва ҳиёбонлардаги дарахт ва буталарга ин қуради. 4—5 дона тухум қўяди. Ўсимлик уруғлари, умуртқасизлар ва майда умуртқали ҳайвонлар б-н озиқланади. Баъзан қушларнинг тухуми ва болаларини еб, табиатга иён келтириши мумкин.

Олақарға.

ОЛАҲАММА — маҳаллий кечинишар қовун нави. Шакли тухумсимон, уз. 35—40 см, сирти текис, ялтироқ. Дум томонида сезилар-сезилмас тўри бор. Туси сариқ. Эти қалин (7—8 см), оқ, сиқлаш лавомида майинлашиб, мазаси янада ширинлашади. Таркибида 10,5—12,5% қанд, шунингдек, 5,8—8,3% сахароза

Олаҳамма қовун нави.

бор. Уруғхонаси катта эмас. Уруғлари сариқ. Экилиб, униб чиққандан кейин 110—115 кунда ҳосили пишади. Ўртача оғирлиги 8—17 кг. Ҳосилдорлиги 300—350 ц/га. Яхши сақланади. Узоқ жойларга олиб боришга яроқли. Хоразм вилояти учун р-нлаштирилган.

ОЛД ОСИЁ — *Осиёнинг жан.-ғарбий қисми (қ. Ғарбий Осиё).*

ОЛД ОСИЁ ТОҒЛИГИ — Осиёнинг ғарбий қисмидаги бир гуруҳ тоғликлар. Узунлиги ғарбдан шарққа қарийб 4000 км, эни 600—1500 км. Умумий майд. 3,5 млн. км². Таркибида Кичик Осиё, Арманистон ва Эрон тоғликлари бор. Баландлиги марказий қисмида 1000—2000 м ли ясситогликлар ва бал. 2000—4000 м ли чекка тоғликлардан иборат. Иқлими аксари қисмида субтропик, континентал иқлим. Ёзи қуруқ ва иссиқ (фақат Эрон тоғлигининг шарқий ён бағрида муссон ёмғирлари ёғади), қиши совуқ, баҳори сернам. Ўсимликлари, асосан, бута ва ўрмонлардан иборат. Ландшафти кўп жойларда қуруқ субтропик, жан.да қуруқ тропик, тоғларнинг сернам ён бағирларида нам субтропик ва тропик.

ОЛДИ-СОТДИ (ҳуқуқда) — фуқаролик ҳуқуқи муносабатларида кенг тарқалган шартнома. Унинг асосий вазифаси товар-пул алмашинувини амалга оширишдир. О.-с. шартномасига мувофиқ, 1-тараф—сотувчи 2-тараф—сотиб олувчига товарни мулк қилиб топшириш мажбуриятини олади, 2-тараф (сотиб олувчи) эса товарни қабул қилиш ва унинг ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

О.-с. шартномаси қалим замонларидан кишилар ўртасида кенг қўлланиладиган шартномалар сирасига киради. У тарафларнинг махсус (оғзаки ёки ёзма) келишуви асосида амалга оширилади. Товар бу шартноманинг предмети ҳисобланади. Товар-ашёлар, кўчар ва кўчмас мол-мулк, қимматли қоғозлар, мулкий ҳуқуқлар ҳамда пул шартнома предмети бўлади. Фуқаролар, юридик шахслар ва давлат шартнома субъектлари ҳисобланади. О.-с. шартномасининг асосий шартлари: тарафлар, предмет, баҳо, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шартнома шартларини бузганлик учун тарафларнинг жавобгарлигидир. О.-с. шартномасининг чакана О.-с., маҳсулот етказиб бериш, контрактация (қ. *Контрактация шартномаси*), энергия таъминоти, кўчмас мулкни сотиш каби турлари мавжуд.

Кўпгина давлатларда О.-с. фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари асосида амалга оширилади. Ички, шунингдек, халқаро бозорда ҳам турли товарлар О.-с.сига оид операцияларни мукаммал тартибга солувчи махсус савдо (тижорат) кодекслари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси ФК да О.-с. шартномасининг турли жиҳатлари ва унинг шартнома тарафларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини аниқ кўрсатган ҳолда амалга оширилишига оид қонун талаблари қатъий белгиланган. Хорижий юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек, чет эл давлатлари иштирокида амалга ошириладиган О.-с. операциялари ЎзРнинг чет эл инвестициялари тўғрисидаги қонунчилиги, ЎзРнинг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар б-н тузган икки томонлама ва кўп томонлама битимлари б-н тартибга солинади.

Саид Ғуломов, Нурилло Исмоилов

ОЛДРИЖ (Aldridge) Жеймс (1918. 10.7, Уайт-Хилс, Виктория штати, Австралия) — инглиз ёзувчиси ва жамоат арбоби. Лондон ун-тида ўқиган. 2-жаҳон уруши даврида жанговар репортаж ва очерклар ирратган. «Денгиз бургути» (1944), «Дипломат» (1949) каби романлари ва «Ўзга ватан ўғлони» (1962), «Хавфли ўйин» (1966) романларидан иборат дилогия муаллифи. «Чўл уфқи қаҳрамонлари» (1954), «Унинг ўлимини истамайман» (1957), «Сўнгги қувғин» (1961) романларини Шарқ мавзуига бағишлаган. «Янги Миср» (1967) очеркида уйғонаётган мамлакат ҳаётини реалистик манзараларда ифодалаган. О.нинг сиёсий руҳдаги публицистик мақолалари ҳам бор. Бир қанча асарлари ўзбек тилига таржима қилинган: «Алвидо, Антиамерика» (1973), «Фарзандларга сабоқ» (1966) ва б. 1979 й.да Ўзбекистонда бўлган.

ОЛДРИН Эдвин (1930.20.1) — АҚШ астронавт-учувчиси, Ҳарбий-Ҳаво Кучлари полковниги. АҚШ Ҳарбий академиясини тугатган (1951). АҚШнинг Аэронавтика ва космик фазони тадқиқ қилиш Миллий бошқармаси астронавтлари гуруҳига қабул қилинган. 1966 й. ноябрда «Жемини-12» космик кемасида космосга парвоз қилган; 1969 й. июлда «Аполлон-11» космик кемасида (Н. *Армстронг* ва М. Коллинз б-н бирга) биринчи марта Ойга тарихий парвозини амалга оширган. «Аполлон-11» космик кемасининг ой бўлмасида 20 июлда Ойга қўнган ва 21 июлда О. Армстронгдан 20 мин. кейин Ой сатҳига қадам қўйган ва 1,5 соат юрган. Ойнинг орқа томонидаги кратерга О. номи берилган.

ОЛЕГ СВЯТОСЛАВИЧ (?—1115) — Қад. Русь князи. Ростов-Суздаль ери, Волинда князлик қилган. Мулкларидан ажралиб (1076) Тмутараканга қочган. Қипчоқлар (половецлар) ёрдамида 2 марта Черниговни олган. Хазарлар қўлида тутқунликда, Византияга тегишли Родос о.да сургунда бўлган. О.С. ни қипчоқлар б-н алоқаси рус йилномачилари томонидан қораланган. «Игорь полки жангномаси»да Горислвич деб аталган.

ОЛЕИН КИСЛОТА (лот. oleum — ёғ, мой), $CH_3(CH_2)_7CH=CH(CH_2)_7COOH$ — бир асосли тўйинмаган ёғ кислота. Мол. м. 282,46, кристалл ҳолдаги 2 та модификацияси (α,β) бор: α - шаклининг суюқланиш т-раси 13,4°, β - шаклининг суюқланиш т-раси эса 16,3°. Қайнаш т-раси 225—226°. О.к. — табиатда кенг тарқалган кислоталардан бири; ҳайвон ва ўсимлик ёғларида триглицерид ҳолида учрайди. О.к. лок, эмаль, алифмой ва бўёқларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Баъзи эфирлари целлюлоза пластификаторлари сифатида ишлатилади. О.к. тузлари совундир.

ОЛЕНЁК — Саха (Якутия)даги дарё, бош қисми Красноярск ўлкасида. Уз. 2292 км, ҳавзасининг майд. 220 минг км². Вилюй платосидан бошланади. Чапдан Бур дарёси қўйилгандан кейин Шим. Сибирь пасттекислиги бўйлаб шим.-ғарбга бурилади. Лаптевлар денгизининг Оленёк қўлтиғига қўйилиш жойида дельта (майд. 475 км², уз 20 км) ҳосил қилган. Йирик ирмоқлари: чапдан — Бур, Буолқалах. Қор ва ёмғирдан тўйинади. Қўйилиш жойида ўртача сув сарфи 1210 м³/сек. Сент. охири — окт.да музлаб, май—июнда музлан бўшайди. Дарёда балиқ тури кўп. О. бўйида Оленёк, Тайлилар, Усть-Оленёк аҳоли пунктлари жойлашган.

ОЛЕУМ (лот. oleum — мой) — 100% ли *сульфат кислота* H_2SO_4. 96—98% ли H_2SO_4 га сульфат ангидрид SO_3 юттириш йўли б-н олинади. О. таркибида эркин ҳолда бўладиган SO_3 миқдори О.нинг қўлланиш мақсадига қараб 18,5—20% гача етади. О.ни сувда эритиб, ҳар қандай концентрацияли жуда тоза сульфат кислота олиш мумкин. Бўғичлар, портловчи моддалар ва бошқалар и.ч.да ишлатилади.

ОЛЕФИНЛАР (франц. olefiant — мой ҳосил қилувчи, лот. oleum — мой ва facio — қиляпман), алкенлар — тўйинмаган углеводородларнинг гомологик қатори, умумий формуласи C_nH_{2n}. Занжири очиқ бўлиб, битта қўш боғлидир. Ашиклик бирикмаларга киради. О.нинг энг оддий вакили этилен $CH_2=CH_2$ бўлганлигидан улар этилен углеводородлари деб ҳам аталади. Этилен ва унинг яқин гомологлари (пропилен $CH_2=CH-CH_3$, бутенлар C_4H_8, амиленлар C_5H_{10} ва б.) кўпинча алкиленлар деб юритилади. О. Женева номенклатурасига мувофиқ тегишли тўйинган углеводородларнинг номига қараб аталади, фақат «ан» қўшимча ўрнига «ен» қўлланилади ва занжирдаги қўшбоғ ўрни рақамлар б-н кўрсатилади, мас., этан→этен (этилен), пропан→пропен (пропилен), бутан→бутен-1 $\left(CH_2^1=CH^2-CH_2^3-CH_3^4\right)$ ва бутен-2 $\left(CH_3^1-CH^2=CH^3-CH_3^4\right)$.

Бутендан бошлаб О. қаторида структура изомерияси мавжуд; бундан ташқари, молекуласида қўшбоғ борлигидан О. геометрик изомерлар ҳолида ҳам бўлиши мумкин (қ. *Изомерия*).

О. физик хоссасига кўра, тўйинган углеводородлардан кам фарқ қилади. Уларнинг қайнаш т-раси алканларга қараганда анча паст, зичлиги эса бирмунча юқори. Қуйи О. (C_2H_4 дан C_4H_8 гача) газ, кейингилари $C_{16}H_{32}$ гача суюқлик, ундан юқориси қаттиқ моддалардир. Барча О. рангсиз, сувда деярли эримайди, спиртда оз эрийди, углеводород ва эфирларда яхши эрийди. О.нинг қўшбоғига водород, галогенлар, водород-галогенидлар, сув осонликча бирикади (бунда мойсимон суюқлик ҳосил бўлади; О.нинг номи ҳам шундан олинган). О. осон изомерланиб, полимерланиб ва сополимерланиб қимматбаҳо маҳсулотлар ҳосил қилади (қ. *Полиолефинлар, Полиэтилен, Полипропилен, Полиизобутилен*). Юқори алкилланиш қобилияти О.нинг муҳим хоссаси ҳисобланади (қ. *Изооктан*). О. саноатда, асосан, нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ва табиий газлардан олинади. О.нинг кимёвий реакцияларга киришиш хусусияти юқорилиги, арзонлиги туфайли улардан нефть-кимёвий синтезда пластмассалар, синтетик каучуклар, кимёвий толалар ва б. муҳим саноат маҳсулотлари олишда фойдаланилади.

ОЛЁКМА — РФнинг Чита ва Амур вилоятлари ҳамда Саха (Якутия)даги дарё. Ленанинг йирик ўнг ирмоғи. Олекминский Становик тоғларининг шим. ён бағирларидан бошланиб, аввал шим.-шарқ, сўнгра шим.-ғарбга оқиб Олёкминск ш. яқинида Лена дарёсига қуйилади. Уз. 1436 км, ҳавзасининг майд. 210 минг км².

О., асосан, ёмғир ва қор сувларидан тўйинади. Ўртача сув сарфи 1950 м³/сек. Дарё окт. ўрталаридан май ўрталарига қадар муз б-н қопланиб ётади. Асосий ирмоқлари: ўнгда — Тунгир, Нюкжа; чапда — Чара. Енюк ст-ясидан қуйилиш жойигача кема қатнайди. Тунгир ирмоғи қуйилган жойдан ёғоч оқизилади.

ОЛИВИН (лот. oliva — зайтун; номи зайтунсимон-яшил-хризотил рангидан) — ортосиликатлар кичик синфига мансуб минераллар гуруҳи. Кимёвий таркиби $(Mg,Fe)_2[SiO_4]$. Унда 8—12 %, баъзан 20 % FeO ва 45—50% MgO бўлади. О. гуруҳига форстерит $Mg_2[SiO_4]$, фаялит $Fe_2[SiO_4]$, тефроит $Mn_2[SiO_4]$, кнебелит (Fe, Mn)$_2[SiO_4]$, монтичеллит $CaMg[SiO_4]$, изоморф қаторли минераллар — гортонолит (MgFe)$_2[SiO_4]$, пикротефроит (Mn, Mg)$_2[SiO_4]$ кирали. О. таркибидаги

Mg, Fe, Mn изоморф шаклида Ni, Co, Ca, Cr б-н алмашади. Таркибида фаялит молекулали О. табиатда кўпроқ тарқалган (10—30%), марганец кўшилган молекулали турлари камроқ учрайди. Ромб сингонияда кристалланади. Донадор агрегат ва кристаллар ҳолида бўлади. Ранги сарғиш-яшил, сариқ, зайтун рангли, шаффоф. Қаттиқлиги 6,5—7; зичлиги 3,2—4,4 г/см³. О. асосли ва ўта асосли жинслар (дунит, перидотит, габбро, базальт, пикрит ва б.) ҳосил қилади. У топилган жойда кўпинча никель, хром, темир конлари бўлади. Олнинг шаффоф сариқ-яшил тури — забаржад (хризолит ёки перидот) қимматбаҳо тош ҳисобланади. Форстерит — ўтга чидамли материаллар учун хом ашё.

ОЛИВОЛИ — қ. *Олча*.

ОЛИВЬЕ ДЕ СЕРР — қишки нок нави. Ватани — Франция. Ўзбекистонда 19-а. охиридан экила бошланган. Дарахти ўртача катталикда. Ҳосил шохлари кўп, барглари ўртача ва майда, ўзидан чангланади. Мевасининг ўртача вазни 150—160 г, баъзан 500—600 г ва ундан ортиқ. Таркибида 13,68% қанд, 23,3% қуруқ модда, 0,31% кислота бор. Беҳи пайвандтагга уланган кўчати 3—4

Оливье де Серр ноки.

йилда, ёввойи нокка пайванд қилингани 4—5 йилда ҳосилга киради. 8—10 ёшида тупи ўртача 20—40 кг, 25—30 ёшида 110—120 кг ҳосил беради. Ҳосили сент.-окт. ойларида терилади, фев. ойларигача сақланади. Ўзбекистонда қишки нокларнинг энг ширини ҳисобланади. 1959 й.дан республиканинг барча вилоятлари учун р-нлаштирилган.

ОЛИГАРХИЯ (юн. oligarchia — озчилик ҳокимияти) — давлат бошқарув шакли; унда сиёсий ва иқтисодий ҳукмронлик аристократлар ёки бойларнинг кичик гуруҳи томонидан амалга оширилади (мас., молия О.си). «О.» терминни дастлаб юнон ёзувчилари (Аристотель, Полибий) асарларида *аристократия* тушунчасига зид ҳолда, яъни ҳокимият тепасида бир неча кишининг турганлигини ифодалаш учун қўлланилган.

ОЛИГО... (юн. oligos — кам, оз, озгина) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, бирор нарсанинг камлигини, оз миқдорда эканлигини билдиради (мас., *олигофрения*).

ОЛИГОКЛАЗ (*олиго...* ва юн. klasis — синиш, ёрилиш) — натрий-кальцийли *дала шпатлари* (плагиоклазлар) гуруҳига мансуб минералларнинг нодир хили. Таркиби 10—30% *анортит* ва 70—90% *альбит*нинг изоморф аралашмасидан иборат. Триклин сингонияли. Таркибида 5—25% анортит бўлган тури перистерит (юн. перистера — қанот, мовий рангига кўра) деб аталади. О. — магматик ва метаморфик минерал турларига киради.

ОЛИГОПОЛИЯ (*олиго...* ва юн. poleo — сотаман) — бозорни ташкил этиш шаклларидан бири. Гуруҳ монополияси, оз сонли йирик корхона (фирма)ларнинг бозорда ёки бирон-бир хўжалик соҳасида ҳукмронлиги.

О. учун бозорда бир неча сотувчининг бўлиши хос, аммо умумий бозор савдоси ҳажмида улардан ҳар бирининг ҳиссаси жуда катта бўлганидан, ҳар бир сотувчи ўзи таклиф этаётган маҳсулотлар миқдорини ўзгартириши б-н нархларда ҳам ўзгаришлар юз беради.

Фирмаларнинг унча кўп бўлмаслиги яширинча келишишларга қулайлик туғдиради. Бу эса, ўз навбатида, уларга нархларни белгилаш, бозорни бўлиш ёки тақсимлаш ва бошқача йўллар б-н ўзаро рақобатни чеклашга қўл келади. Яширинча келишишнинг бир қатор шакллари (*картель* битими ва б.) бор. *Монополия* каби О. ҳам номукаммал рақобат кўриниши ҳисобланади.

ОЛИГОФРЕНИЯ (*олиго...* ва phren — ақл), ақлий норасолик — туғма ёки 3 ёшгача бўлган даврда орттирилган руҳий ривожланмай қолиш б-н кечадиган касалликлар гуруҳи. Бу ном немис психиатри Э.Крепилин томонидан берилган. О. аёлларга нисбатан эркаклар орасида кўпроқ учрайди. О.нинг енгил — дебиллик, ўртача — имбециллик ва оғир идиотлик (идиотизм) тури фарқ қилинади. О.нинг сабаблари хилма-хил. Буларга генетик-ирсий омиллар, хромосомаларнинг бузилиши, ота-она касалликлари, айниқса, онанинг ҳомиладорлик вақтидаги касалликлари ва заҳарланишлари, боланинг туғилиш даврларидаги шикастланишлари ҳамда бола туғилгандан кейин 3 йил ичида ўтказган оғир касалликлари (*менингит, энцефалит* ва ҳ.к.), миянинг шикастланишлари ва б. киради.

О.нинг асосий белгиси руҳий фаолиятнинг ҳамма томонлама етишмаслиги, шахснинг билим ва кўникмаларининг етук эмаслиги, тафаккури, фикрлаш қобилиятининг четарагланганлиги ёки умуман йўқлиги киради. Шахс ривожлана ва камол топа боргани сари унинг фикрлаши абстрактлаша бошлади, яъни аниқ нарсалар ва белгиларга қараб тафаккури бошқа. Мас., дастлаб бир сонни бошқасига қўшиш керак бўлса, бунда болалар конкрет предметларни кўлга тутадилар. Кейинроқ предметланган сонлар ўрнига фақат қуруқ сонларнинг ўзи қолаверши мумкин бўлиб қолади, яъни ўша конкрет нарсалар, бювмлар (предметлар) мавҳумланади. Мана шу жараёнга улар тушуниб етмайдилар. Карра жадвалини ёддаб олиб айтиб бериш — конкрет ҳолисадир, конкрет хотира фаолиятидир. Бироқ бу жадвал ичида айириш, қўшиш, бўлиш каби амалларни бажаришда мавҳумлашган фикрлар зарур бўладики, буни бажаришда ақли заиф болалар жуда қийналадилар ёки бутунлай бажара олмайдилар. Фикрларни абстракция қилиш қобилиятининг йўқлигини, сўзларнинг маъносига тушуниб етмаслик ҳолатларини ҳам кўриш мумкин. Олда сўз бойлиги, сўзлаш қобилияти, ҳиссиётлар, ҳаракатлар ҳам саёз бўлади. Кўпинча бундай беморларда турли хил туғма нуқсонлар (аномалиялар) кузатилади. Бусонлар (аномалиялар) кузатилади. Буларга мускулларнинг заифлиги (парез), бош мия чаноғининг катта ёки кичиклиги ҳамда қийшиқ бўлиши, кўз, қулоқ, бурун, оғиз бўшлиғи, кўл-оёқ панжалари камчиликлари ёки нуқсонлари ва б. киради. Каттароқ ёшга етган ақлий норасо беморларда дайдилик, овқатланиш ва жинсий ҳисларнинг ошишига тааллуқли хатти-ҳаракатлар, вужкорлик белгилари кузатилади.

ОЛИГОФРЕНОПЕДАГОГИКА (*Олигофрения* ва *педагогика*) — ақли заиф болаларни ўқитиш, тарбиялаш, коррекциялаш (тузатиш), ижтимоий ҳаётга жалб этиш масалаларини ўрганувчи *дефектология* тармоғи. О.нинг асосий вазифаси ақли заиф болаларнинг ривожланишида коррекцион тарбиянинг моҳиятини очиб бериш, улардаги нуқсоннинг ривожланишини ва нуқсонларининг ўзини бартараф этиш йўлларини, махсус мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларида ақли заиф болалар учун махсус таълим-тарбия ва коррекцион-ривожлантирувчи иш ва методларни ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришдан иборат. О. умумий ва махсус пед., психология, анатомия, физиология, генетика, невропатология, педиатрия, олигофрения клиникаси қоидаларига асосланади. 19-а. бошларида тиббиёт ва пед.нинг ривожланиши туфайли муайян йўналиш сифатида вужудга келди. Ўша асрнинг ўрталарида француз врачи ва педагоги Э.Сегин (1812—80) ақли заиф болаларни ўқитиш ва тарбиялаш назариясини ишлаб чиқди. Аниқса, унинг «Ақлий нормал бўлмаган болалар тарбияси, гигиенаси ва ахлоқий давоси» асари (1846) Ола катта ютуқ бўлди. Чет элларда Олнинг шаклланишин Ж.Демор ва О. Декроли (Бельгия), Б.Меннель ва А.Фукс (Германия), А.Бине, Ж. Филипп ва И.Бонкур (Франция), В.М.Бехтерев, П.Ф.Лесгафт, Л.С. Выготский (Россия) ва б. номи б-н боғлиқ. Ўзбекистонда С.Т.Айтметова, К. К.Мамедов, П. М.Пўлатова, М.И.Соатовалар томонидан О. бўйича ўқув қўлланмаси тайёрланиб нашр этилган.

Ўзбекистонда ақли заиф болаларни тарбиялаш ва ўқитиш махсус *ёрдамчи мактаблар*да амалга оширилади. Ола бола ҳис-туйғусини бойитишга, нутқини ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, таълим-тарбиявий жараёнда кўргазмали қуроллар ва б. методлардан кент фойдаланилади. Ақли заиф болаларни психологик-педагогик ўрганиш асосида ҳар бир болага индивидуал ёндашилади. Ўзбекистонда олигофренопедагогларни Тошкент пед. ун-ти ва пед. ин-тларининг дефектология ф-тлари тайёрлайди. О.га оид н.т. ишлари Ўзбекистон пед. фанлари н.т. ин-тида, Тошкент пед. ун-ти ва айрим пед. ин-тларининг дефектология кафедраларида олиб борилади.

Дола Мўминова.

ОЛИГОЦЕН (*олиго...* ва kainos — янги) — *палеоген системаси* (*даври*)нинг юқори бўлими. 1855 й.да немис геологи Г.Бейрих томонидан ажратилган. Геологлар О.ни 2 (баъзи тадқиқотчилар эса 3 та) қисмга бўладилар. Ўзбекистоннинг ҳамма ҳудудларида О.га мансуб сумсар қатламлари ажратилган. О. ётқизиқларидаги йирик нефть конлари Фарғона ботиғидаги Шўрсув-4, Чўнғара-Ғалча, Шим. Сўх, Чаур-Ёрқўтон, Хонқиз, Аввал, Полвонтош, Андижон, Хўжаобод, Бўстон конлари (3-, 4- нефть-газли горизонтлар)да учрайди.

ОЛИЙ АТТЕСТАЦИЯ КОМИССИЯСИ (ОАК), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси — Ўзбекистонда илмий ва илмий-педагог ходимларга фан, техника, халқ таълими ва маданиятнинг барча йўналиши бўйича илмий даража ва унвон берувчи давлат органи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Олий Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси ташкил қилиш тўғрисида»ги фармони (1992 й. 31 март) ҳамда ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси фаолиятини ташкил этиш масалалари» ҳақидаги қарори (1992 й. 9 сент.) б-н ташкил этилган.

ОАК нинг асосий вазифаси олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишга даражаларини ва унвонларга қўйиладиган талабларнинг ягоналиги ва бажарилишини таъминлаш, ихтисослашган кенгашлар ишини ва диссертация ишлари сифатини, уларнинг илмий ҳамда амалий қийматини назорат қилиб боришдан иборат. ОАК вазирлик ва идораларнинг, Ўзбекистон Республикаси ФА нинг тақдимномаларига биноан, етакчи олий ўқув юртлари ва н.ч. муассасаларида *фан доктори* ва *фан номзоди* илмий даражаларини олиш учун *диссертацион кенгашлар* ҳамда ихтисослашган кенгашлар тузади, манфаатдор вазирлик ва идоралар б-н биргаликда илмий-техника ва ижтимоий тараққиёт талабларини ҳисобга олган ҳолда, режалаштирилаётган д-рлик ва номзодлик диссертацияларининг мавзуларини шакллантириш ишларини мувофиқлаштиради ҳамда мониторингини олиб боради, тегишли ихтисослашган кенгашнинг тақдимномаси асосида фан д-ри, фан номзоди илмий даражаларини, *профессор*, *доцент* илмий унвонларини беради, бошқа даврлатларнинг илмий даражалари ҳақидаги дипломларни ўрнатилган тартибда республика дипломларига тенглаштириш (нострификациялаш)ни амалга оширади, фан д-ри, фан номзоди дипломлари ҳамда проф., доцент аттестатларини расмийлаштиради, ёқланган диссертация ишларини тақлил қилади ҳамда натижалари диссертация ишларида баён этилиб, бажарилган н.т. ҳақида, уларни амалиётга жорий қилиш имконияти тўғрисидаги тегишли тавсиялар б-н биргаликда вазирлик, идораларга ахборотлар юборишни таъминлайди.

ОАК га олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказишни ташкил қилиш юзасидан корхона, ташкилот, муассасалар томонидан, уларнинг идоравий бўйсунишидан қатъи назар, бажарилиши шарт бўлган буйруқ ва йўриқномалар чиқариш, шунингдек, уларнинг ижросини назорат қилиш, илмий, илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича ихтисослашган кенгаш ва илмий кенгашлар фаолияти устидан давлат назоратини амалга ошириш, ОАК илмий кенгаши ва Раёсати мажлисларида иш тажрибаларини ўрганиш ва умумлаштириш мақсадида ихтисослашган кенгашлар рейсларининг ҳисоботларини эшитиш, ихтисослашган кенгашларда ишлар сифатсиз олиб борилган ёки диссертация ёқлаш юзасидан белгиланган тартиб қўпол равишда бузилган ҳолларда уларни тугатишгача бўлган чораларни кўриш, ихтисослашган кенгашлар фаолиятини текшириб туриш, айрим диссертацияларни назорат экспертизасидан ўтказиш учун зарур ҳолларда оппонент ва тақризчилар тайинлаш, олий ўқув юртлари, Ўзбекистон ФА, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг юқори малакали мутахассисларини жалб қилиш, номзодлик имтиҳонларини ташкил этиш ва уларнинг савияси устидан назоратни амалга ошириш, илмий даража ва унвонлар берувчи кенгашлар ишлаб турган ташкилот, муассасалардан белгиланган тартибда ҳар йилги ҳисоботларни ҳамда республикада илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва чора-тадбирлар кўриш учун вазирлик ҳамда идоралардан зарур ахборотлар олиб туриш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестацияси тизимини такомиллаштириш, диссертацияларнинг илмий савияси ва амалий қийматини ошириш б-н боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш учун белгиланган тартибда идоралараро кенгашлар чақириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш ҳамда аттестациядан ўтказиш масалалари бўйича халқаро ташкилот, кенгаш, конференциялар ишида қатнашиш, бошқа мамлакатларнинг тегишли ташкилотлари б-н тажриба алмашишни амалга ошириш, белгиланган тартибда илмий ва илмий-педагог кадрларни илмий даража ва ва илмий унвонлардан маҳрум қилиш ёки тиклаш ҳуқуқи берилган.

ОАК МДҲ давлатлари орасида биринчи бўлиб замонавий информацион технологиялар асосида диссертацияларнинг электрон экспертизасини ўтказиш, шунингдек, диссертацияларни холисона, мустақил, объектив экспертизасини ўтказиш мақсадида уларни тақризчиларга компьютер дастури орқали тақсимлаш ҳамда чет эл мутахассис олимларини электрон почта орқали экспертиза ишларига жалб қилишни ташкил этди.

ОАК раиси, унинг ўринбосари, бош илмий котиб ва ОАК илмий кенгаши бошқа аъзоларидан иборат Раёсат ОАКнинг ижроий раҳбар органи ҳисобланади. Раёсат аъзолари сони ва таркибини ЎзР Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайди. ОАК Илмий кенгаши илмий ижтимоий орган бўлиб, у олий ўқув юртлари, и.т. муассаса ва ташкилотлари, вазирлик, идора, Ўзбекистон ФАнинг таклифлари асосида фаннинг асосий йўналишлари бўйича етакчи олим ва мутахассислардан тузилади. Илмий кенгаш аъзолари сони ва таркиби ҳам ЎзР Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади ва вақти-вақти б-н янгиланиб турилади.

ОАК таркибида Физика-мат., техника фанлари ва Ер ҳақидаги фанлар, Биол., қ.х., кимё ва тиббиёт фанлари, Гуманитар ва ижтимоий фанлар бўлинмалари, Мезёрий-ахборот бўлими бор. Тақдим этилган диссертацияларни илмий экспертизадан ўтказиш, илмий унвонлар бериш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиш учун ОАК ҳузурида фан тармоқлари бўйича халқ хўжалиги ва маданиятнинг етакчи мутахассис олимларидан иборат 14 эксперт кенгаш мавжуд. Уларнинг таркиби олий ўқув юртлари, и.т. ин-т ва муассасалари, ЎзР ФА, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг тавсиялари ҳисобга олинган ҳолда белгиланади ва кейинчалик кенгашнинг камида 1/3 қисмини янгилаш шарти б-н ОАК Раёсати томонидан 3 й. муддатга тасдиқланади.

ОАК га ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори б-н тайинланадиган раис бошчилик қилади. У ОАК Илмий кенгаши, Раёсати ва ҳайъати ишига раҳбарлик қилади ҳамда ОАК га юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради. ОАК «Олий Аттестация Комиссияси бюллетени» жур.ни нашр этади.

Муҳсин Муҳиддинов.

ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОН — мамлакат қуролли кучларининг олий раҳбари. Тинч даврда ҳам, уруш пайтида ҳам қуролли кучлар бошлиғи ҳисобланади. Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ (93-модда, 16-банди), ЎзР Президенти Ўзбекистон Республикасининг О.б.қ. ҳисобланади. У қуролли кучларнинг олий қўмондонларини вазифасига тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради.

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС МАКТАБ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ — ЎзРда олий ва ўрта махсус таълимни такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг долзарб муаммоларини ҳал қилувчи илмий-методик марказ. ЎзР Вазирлар Маҳкамасининг қарори б-н 1995 й. Тошкент ш.да ташкил этилган. ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қарамоғида.

Ин-т ўз фаолиятини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлигида Фан ва технологиялар маркази, Ўзбекистон ФА, таълим муассасаларига эга бўлган бошқа тармоқ вазирлик ва идоралари, олий таълим муассасалари, илмий муассаса ва и. ч. корхоналари б-н узвий ҳамкорликда амалга оширади. Ин-тда 3 илмий-методик бошқарма (олий таълим нормативлари ва стандартлари; ижтимоий-иқтисодий талқиқотлар; малака ошириш, пед. ва ахборот технологиялари), 11 бўлим (касбий илмий-методик таъминоти; магистратуранинг илмий-методик таъминоти; таълим, фан ва и.ч.ни интеграциялаш; иқтисодиёт таълими; маънавият ва маърифат; истеъдодли ёшлар б-н ишланнинг илмий-методик таъминоти; ўқув адабиётлари яратишнинг илмий-методик таъминоти; қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илмий-методик таъминоти; педагогик технологиялар ва таълим сифати; таълимда янги ахборот технологияларининг илмий-методик таъминоти; кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш мониторинги), 1 сектор (жаҳон таълим тизимларининг қиёсий таҳлили) бор.

Ин-т жаҳон тажрибаларини инобатга олган ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, республика ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги ўзгаришларга, бозор иқтисодиёти эҳтиёжлари талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, кўп босқичли таълим муассасаларининг замонавий моделларини яратиш, мутахассисларга таълим ва тарбия беришнинг замонавий методларини, янги информацион ва педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, талаба ёшлар дунёқарашини шакллантириш, ЎзР мустақиллигини мустаҳкамлаш ғоясига содиқ бўлган ватанпарварларни тарбиялаш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талаба ёшлар билим даражаларини аниқлашнинг тест назорати ва баҳолашнинг рейтинг усулини изчил равишда ўқув жараёнига татбиқ этиш ишларини амалга ошириш, касбий таълим тизимини такомиллаштириш, фан ва техника йўналишининг замонавий ҳолатини акс эттирувчи оригинал дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монография ва маъруза матнларини тайёрлаш асосида нашр этишни ташкил қилиш ва б. вазифаларни бажаради. Ин-т ўз фаолиятини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарлигида Фан ва технологиялар марказининг Ўзбекистон ФА, таълим муассасаларига эга бўлган бошқа тармоқ вазирлик ва идоралари, олий таълим муассасалари, илмий муассаса ва и. ч. корхоналари б-н узвий ҳамкорликда амалга оширади. Ин-тда 3 илмий-методик бошқарма (олий таълим нормативлари ва стандартлари; ижтимоий-иқтисодий талқиқотлар; малака ошириш, пед. ва ахборот технологиялари), 11 бўлим (касбий илмий-методик таъминоти; магистратуранинг илмий-методик таъминоти; таълим, фан ва и.ч.ни интеграциялаш; иқтисодиёт таълими; маънавият ва маърифат; истеъдодли ёшлар б-н ишланнинг илмий-методик таъминоти; ўқув адабиётлари яратишнинг илмий-методик таъминоти; қайта тайёрлаш ва малака оширишнинг илмий-методик таъминоти; педагогик технологиялар ва таълим сифати; таълимда янги ахборот технологияларининг илмий-методик таъминоти; кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш мониторинги), 1 сектор (жаҳон таълим тизимларининг қиёсий таҳлили) бор.

Ин-т жаҳон тажрибаларини инобатга олган ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимини такомиллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, республика ижтимоий-иқтисодий соҳасидаги ўзгаришларга, бозор иқтисодиёти эҳтиёжлари талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган, кўп босқичли таълим муассасаларининг замонавий моделларини яратиш, мутахассисларга таълим ва тарбия беришнинг замонавий методларини, янги информацион ва педагогик технологияларни ўқув жараёнига татбиқ этиш, талаба ёшлар дунёқарашини шакллантириш, ЎзР мустақиллигини мустаҳкамлаш ғоясига содиқ бўлган ватанпарварларни тарбиялаш, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида талаба ёшлар билим даражаларини аниқлашнинг тест назорати ва баҳолашнинг рейтинг усулини изчил равишда ўқув жараёнига татбиқ этиш ишларини амалга ошириш, касбий таълим тизимини такомиллаштириш, фан ва техника йўналишининг замонавий ҳолатини акс эттирувчи оригинал дарсликлар, ўқув қўлланмалари, монография ва маъруза матнларини тайёрлаш асосида нашр этишни ташкил қилиш ва б. вазифаларни бажаради.

Ин-тда 1996 й.дан ҳар чоракда «Таълим муаммолари» илмий-методик жур. чоп этилади.

ОЛИЙ ЖАЗО — қ. *Ўлим жазоси.*

ОЛИЙ МАКТАБ — халқ хўжалигининг турли тармоқларида амалий, педагогик ёки илмий фаолият кўрсатиш учун умумий ўрта ёхуд ўрта махсус маълумот асосида олий малакали мутахассислар тайёрланадиган олий ўқув юрти. ЮНЕСКОнинг белгилашича кўра, «О.м.» тушунчаси ўз ичига ун-тлар, ўқув ин-тлари, академиялар, олий билим юртларини қамраб олгандек, лицей ва коллежлар таълимини ҳам олади. Бунда О.м.нинг ўз талабаларига қай даражада билим бериши ва уларда қандай малакалар шакллантиришга эмас, балки унинг ўрта *маълумот* негизида мутахассис тайёрлаши асос қилиб олинади. Шунинг учун ҳам бир қатор мамлакатларда умумий ўрта таълимдан кейин мутахассис тайёрлайдиган ҳар қандай ўқув юрти О.м. ҳисобланади. ЎзРда *Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини* рўёбга чиқаришнинг учинчи босқичидан сўнг О.м. ўрта махсус маълумот негизидагина мутахассис тайёрлайдиган бўлади.

ОЛИЙ МАТЕМАТИКА — техника, иқтисод, қишлоқ хўжалиги ва б. махсус ўқув юртларида ўқитиладиган математика бўлимларидан иборат курс. О.м. курсига, асосан, *аналитик геометрия*, олий алгебранинг айрим қисмлари, *дифференциал ҳисоб*, *интеграл ҳисоб*, *дифференциал тенгламалар* киради. 20-а. 70-й.ларида О.м.га *математик статистика*, *эҳтимоллар назарияси*, чизиқли дастурлаш ва б. соҳалар ҳам қўшилди. Баъзан, мат.нинг ўрта мактаб дастурига киритилмаган қисми О. м. деб тушунилади. Бу нотўғри, чунки ўрта мактаб мат. дастурига мат.нинг кўп соҳалари, жумладан, аналитик геометрия, математик анализ, эҳтимоллар назариясининг маълум қисмлари киритилган (қ. *Элементар математика*).

ОЛИЙ НЕРВ ФАОЛИЯТИ — ҳайвон ва одам марказий нерв системаси олий бўлимлари (бош мия ярим шарлари пўсти ва пўст ости марказлари)нинг фаолияти; бутун организмнинг ташқи муҳит б-н нормал муносабатда бўлиб туришини таъминлайди. О.н.ф. терминини фанга И. П. *Павлов* киритган. У О.н.ф. ни «психик фаолият» б-н бир маънодаги тушунча деб ҳисоблаган. Павлов айтганидек, психик фаолиятнинг ҳамма шакллари, жумладан, одам тафаккури ва онги О.н.ф. элементларидандир. О.н.ф. тўғрисидаги таълимотни яратгувчиларидан бири — Павловнинг ўтмишдоши И. М. *Сеченов* бўлган. У «Бош мия рефлекслари» деган асарида (1863) психик фаолиятнинг рефлектор табиати тўғрисидаги гояни ривожлантирган.

Юқори даражада ташкил топган ҳайвонлар О.н.ф. асосида марказий нерв системасининг юқори қисмлари (юқори даражада тузилган умуртқали ҳайвонларда ва одамда — бош мия катта ярим шарларининг пўстлоғида ҳосил бўладиган *шартли рефлекслар* ҳамда мураккаб *шартсиз рефлекслар* (инстинктлар, эмоциялар), яъни, асосан, пўстлоқ ости нерв ҳосилалари томонидан амалга оширилади. Шартсиз рефлексларнинг О.н.ф.даги роли шундаки, мазкур рефлекслар асосида ҳамма шартли рефлекслар ҳосил бўлибгина қолмай, балки шартли ва шартсиз рефлексларнинг О.н.ф.даги аҳамияти ҳайвонот оламининг тарихий ривожланиши жараёнида ўзгаради. Павлов фикрича, ҳатто юқори даражада ривожланган ҳайвонлар (мас., ит, маймун)нинг О.н.ф., асосан, ҳайвонлар б-н одамда умумий бўлган *биринчи сигнал системасининг* хилма-хил ва турли-туман шартли рефлекслар йиғиндисидан иборат. Нутқнинг аста-секин ривожланишига қарамаслан *биринчи сигнал системасининг* шартли рефлекслари болалар ҳаётининг дастлабки йилларида О.н.ф. нинг асосий фондини ташкил қилади; кейинги ўсиш даврларида эса одамнинг О.н.ф. маълум ўрнини эгаллайди. Лекин одамда меҳнат фаолиятининг ижтимоий шакллари ривожланиши муносабати б-н иккинчи сигналлар пайдо бўлди ва ривожланди. Павлов О.н.ф. нинг қуйидаги асосий қоидаларини ишлаб чиққан: 1) шартли рефлекслар ёки нерв туташишларининг ҳосил бўлиши; 2) шартли рефлекс кучининг қўзғалиш кучига боғлиқлиги; 3) шартли қўзғатгичларнинг йиғиндиси; 4) шартли рефлекслар мустаҳкам бўлмагандиги учун, шартли қўзғатувчининг кескин кучайиши ёки янги қўзғатувчининг таъсири туфайли тормозланишнинг ўсиши; 5) нерв жараёнларининг бош мия пўстлоғида тарқалиши ва концентрацияланиши натижасида унинг айрим қисмлари ўртасида алоқанинг вужудга келиши ҳамда шартли рефлексларнинг умумлашиши ва ихтисослашиши; 6) қўзғалиш ва тормозланишнинг пўстлоқ манбалари ўртасидаги қарама-қарши ўзаро муносабатни таъминлайдиган нерв жараёнларининг бир-бири б-н боғлиқ индукцияси.

О.н.ф. да марказий ҳодиса шартли рефлекслар бўлиб, улар жаҳон нейрофизиологияси ва экспериментал психологиядаги муҳим талқиқот объекти ҳисобланади. Павлов ва унинг ходимлари белгилаган О.н.ф.нинг асосий фактлари ва изчилдигининг тўғри эканлиги олимларнинг кўпгина ишларида исботланган. Хусусан, физиолог П. К. Анохин функционал система назариясини ишлаб чиқиб, бу назарияни функциялар эволюциясига татбиқ этди, натижада эволюцион жараённинг умумий қонуниятини бўлган системогенез тушунчасини яратди.

ОЛИЙ ТАЪЛИМ — турли олий мактабларда юқори, олий малакали мутахассислар тайёрлаш. О.т. олий ўқув юртлари томонидан халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли соҳалари бўйича олий малакали мутахассис бўлишни истаган ва тегишли талабларни бажарган ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълимини олган кишиларга илмий-назарий билим бериш ҳамда муайян кўникмалар шакллантириш йўли б-н амалга оширилади.

О.т. жараёнида талабага олий маълумот берилади. Олий маълумот тушунчаси муайян ихтисослик бўйича мутахассис олдида турган назарий ва амалий муаммоларни мустақил ҳал қилиш имконини берадиган даражадаги билим ва малакалар йиғиндисини англатади.

О.т. узоқ тарихга эга бўлиб, у дастлаб Қад. Шарқ мамлакатларида пайдо бўлган. Миср, Бобил, Хитой сингари мамлакатларда мил.дан бир неча минг йиллар бурун О.т. тизими дунёга келган. Олий босқичдаги мактабларда талабалар олимларнинг табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари, давлатни бошқариш йўллари ҳақидаги асарларини ўрганар эдилар. Платон (мил. ав. 428—348 й.), Аристотель (мил. ав. 384—322 й.) сингари мутафаккирлар ҳар бир шахснинг жисмоний ва ақлий имкониятлари 3 босқичли таълимда тўла намоён бўлишини асослаганлар. Шунинг учун ҳам Юнонистон ва Қад. Римда озод кишилар ҳамда аслзодаларнинг фарзандлари учун таълимнинг учинчи — олий босқичи зарурлиги тан олинган. Антик О.т.да фалсафа, филол., мусиқа, нотиқлик, тиббиёт, мат. фанларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилган.

Мусулмон Шарқининг кўп мамлакатларидаги каби Туркистонда ҳам дастлабки О.т. *мафрасаларда* берилган. Инсоният тарихида мусулмон Ренессанси деган босқичнинг юзага келишида мадрасалар ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

Ғарб мамлакатларида 11—12-а.ларга келиб замонавий маънодаги О.т. тизимининг дастлабки кўринишлари вужудга кела бошлади. *Уйғониш даврида* мат., механика, астрономия, навигация, тиббиёт каби соҳалардаги улкан илмий кашфиётлар О.т.нинг мазмуни чуқурлашуви ҳамда қамрови кенгайишига сабаб бўлди. Фан, техника, маданият ва санъатнинг ривожланишига мутаносиб равишда О.т. ҳам тараққий этиб борди.

Ўзбекистоннинг маҳаллий аҳолисига ҳоз. тушунчалари О.т. Ўрта Осиё жадидчилик ҳаракати асосчиси *Мунаввар қори* раҳбарлигида 1918 й. 12 майда Тошкентда ташкил этилган Халқ дорилфунунида берила бошланган. Шўролар даврида О.т. тармоғи бир қадар кенгайган бўлса-да, маҳаллий аҳолидан олий маълумотли кадрлар тайёрлаш устувор мавқеда бўлмаган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин О.т. тез суръатлар б-н ривожлана бошлади. ЎзРнинг «Таълим тўғрисида»ги қонуни (1997)га мувофиқ, О.т. ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълими негизига асосланади ҳамда икки — *бакалавриат* ва *магистратура* босқичига эга. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини рўёбга чиқаришнинг маълум даврига қадар О.т. ўн бир йиллик умумий ўрта таълим негизида ҳам амалга оширилади. Эътиқод эркинлигига амал қилинадиган ЎзРда дунёвий олий ўқув юртлари б-н бирга*ликда олий диний ўқув юртлари* ҳам бор. Ўзбекистонда О.т. давлат қарамоғидадир. Мамлакатда ун-т О.т.и устувор мақомга эга. Бу тайёрланаётган мутахассисларнинг жаҳон даражасида назарий билим ва амалий тайёргарликка эга бўлиш имконини беради.

О.т. расмий давлат ҳужжатлари асосида амалга оширилади. Бунда таълимнинг давлат стандартлари, ўқув режалари ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Уларда ўрганилиши мажбурий ва ихтиёрий бўлган фанлар, ихтисослик курслари, уларнинг ўқитилиш тартиби, миқдори, вақти, назарий ва амалий таълим ўртасидаги нисбат, назарий машғулотлар, ўқув ва и.ч. амалиётлари, рейтинг тизими, таътил, бакалаврларнинг малакавий битирув ишлари, магистрларнинг диссертацияларини ёқлаш муддати асосий педагогик ҳужжат — ўқув режасида белгилаб берилади. Ўқув режасида ўрганиладиган фанлар гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий, математик ва табиий-илмий, умумкасбий, ихтисослик фанлари ва таълимнинг қўшимча турлари сингари қисмларга бўлинади. Ўқув режасидаги фанлар мажбурий, махсус, танлов ва факультатив кўринишларида олиб борилиши кўзда тутилган.

Талабаларга и.ч.дан ажралмаган ҳолда олий маълумот бериш таълимнинг сиртқи шакли орқали амалга оширилади (қ. *Сиртқи таълим*). ЎзРда О.т. тизимида бир қанча ихтисослик бўйича мутахассислар тайёрланади. Кундузги О.т.да ўқиш курс тизимида олиб борилади: талаба барча ўқув машғулотларига қатнашиши мажбурий. Сиртқи О.т.да таълимнинг фан-курс тизими жорий этилган. Бунга кўра, талаба имтиҳон сессиясигача машғулотларга келишга мажбур. Сиртқи О.т.нинг имтиҳон сессиялари ҳар бир ўқув юртининг имкониятига қараб, бир йилда икки мартадан ортиқ бўлмаган йўсинда ташкил этилади. Сиртқи О.т. муддати кундузги ўқишдаги тегишли мутахассисликка қараганда ярим ёки бир йил ортиқ давом этади (яна қ. *Олий ўқув юртлари*).

Қозоқбой Йўлдошев.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ — халқ хўжалиги, фан ва маданиятнинг турли тармоқлари учун малакали мутахассислар, илмий ва педагог кадрлар тайёрлаб беришга йўналтирилган ўқув муассасалари. Уларда бўлажак мутахассисларга олий таълим беришдан ташқари, назарий ва амалий йўналишлаги илмий ишлар ҳам олиб борилади, олий ва ўрта махсус мактабларнинг проф.-ўқитувчилари, тегишли йўналишдаги и.ч. ва маданият соҳаларининг мутахассислари малака оширадилар. О.ў.ю.га ун-тлар, тармоқ (техника, тиббиёт, пед., маданият, иқтисод ва б.) ин-тлари, олий ҳарбий ёки техника ўқув юртлари, ўқув академиялари, олий мактаблар киради.

О.ў.ю.нинг дастлабки кўринишлари бўлмиш фалсафа мактаблари мил. ав. 5—3-а.ларда Афина ва Римда вужудга келди. Мусулмон Шарқида эса ислом қабул қилиниб, шиддат б-н ёйилган 10-а.га келиб араб халифалигига қарашли Ироқ, Сурия, Миср мамлакатларида О.ў.ю.нинг мадраса шакли қарор топди. Мусулмон Ренессансининг юзага чиқишида мадраса таълими тизими муҳим аҳамиятга эга бўлди.

О.ў.ю. сифатида ун-тлар мусулмон мадрасалари таъсирида Ғарб Ренессансининг бўлғуси ўчоқларида анча кейин: 11—12-а.ларда Италия (Салерно ва Болонья), Франция (Париж), 12-а. охири — 13-а. бошларида Испания (Саламанка) ва Англияда (Оксфорд) пайдо бўлди. Кейинчалик ун-тлар бошқа мамлакатларда ҳам очила бошлади. Россияда биринчи олий ўқув юрти 1725 й.да очилган Петербург ФА қошидаги Академия ун-ти эди. 1755 й. М. Ломоносов ташаббуси б-н Москва ун-ти очилди.

Мамлакатимиз ҳудудидаги илк олий ўқув юрти Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг «Бухоро тарихи» асарида айтиб ўтилган 937 йили ёнгинда зарар кўрган Форжак мадрасаси бўлган. Туркистондаги илк О.ў.ю. 2 турга бўлинган. Биринчи тури мадраса деб аталган ва талабаларга илоҳий (нақлий) ва дунёвий (ақлий) илмлар берилиб, кичикроқ шаҳарларда, туманларда фаолият кўрсатган. Иккинчи турлари О.ў.ю.лари олий мадрасалар (мадрасаи аъло) деб юритилган. Олий мадрасаларда дарсхоналар ҳам, ҳужралар сони ҳам кўп бўлган, бу ердаги муаррислар илм аҳли томонидан тан олинган, талабаларга бериладиган вазифалар миқдори кўпроқ бўлган. Олий мадрасалар сиёсий ва илмий пойтахт ҳисобланиши шаҳарларда фаолият кўрсатган. Уларга ажратилган вақф ерлар миқдори катта бўлган ва улар шаҳардаги энг ҳашаматли биноларда жойлашган. Олий мадрасада берилган санад (диплом) мусулмон оламининг барча жойларида инобатга ўтган. Мадрасалардаги талабалар ўзлаштириш даражаларига қараб, таълимнинг қуйи (адно), ўрта (авсат) ва юқори (аъло) босқичларини ўтаганлар. Муайян босқични саккиз йилда ўтай олмаган талаба вазифадан маҳрум қилинган. О.й.ю.нинг бу тизими то шўролар бошқаруви қарор топганга қадар давом этди. 1929 й. га келиб, Шўро ҳукумати О.ў.ю.нинг мадраса турини расмий равишда тақиқлаб қўйди (яна қ. *Мадраса*).

Ўзбекистонда замонавий маънодаги биринчи олий ўқув юрти Туркистон АССР Халқ комиссарлар кенгаши буйруғи б-н 1918 й.нинг 16 мартида ташкил этилган Туркистон халқ университетидир. Аммо бу ун-т фақат рус тилида маълумот олган кишиларни ўқитишга йўналтирилган бўлиб, ўлканинг ҳақиқий эгаларига олий маълумот бериш кўзда тутилмаган. Миллатнинг фикрий ривожида замонавий ун-тларнинг ғоят улкан ўрин тутишини англаган Мунавварқори етакчилигидаги зиёлилар ташаббуси ва саховатли кишиларнинг кўмаги б-н 1918 й. 12 майда Халқ дорилфунунининг ташкил этилиши улкан воқеага айланган. Халқ дорилфунуни ташкил этилганда, унинг қошида адабиёт-фалсафа, ижтимоий-иқтисодий, табиий-математик, қ.х., техника сингари 5 ф-т фаолият кўрсатган. Ўлкада ўрта маълумотли ёшлар кам бўлгани учун ҳам Халқ дорилфунуни қошида ўқишга киришга тайёрлайдиган мактаб ва курслар ташкил этилган. 1919 й.дан бошлаб шу мақсадда ишчилар факультет (рабфак)лари юзага келди. Халқ дорилфунунининг миллий асосларда мустақил равишда фаолият кўрсатаётганлигидан хавотирга тушган РСФСР Халқ комиссарлари кенгаши 1920 й. 7 сент.да 2 йилдан ошиқроқ вақтдан буён ишлаётган дорилфунунни «ташкил этиш» ва уни давлат ун-тига айлантириш ҳақида декрет чиқарди. Бу ин олий ўқув юртида маҳаллий мутахассисларининг камроқ бўлиши ва олий таълимнинг ташкил этилишида миллий хусусиятлар ҳисобга олинишига имкон бермаслик учун қилинган эди. Халқ дорилфунуни 1920 й.дан Туркистон давлат ун-ти, 1923 й.дан Ўрта Осиё давлат ун-ти (САГУ), 1960 й.дан Тошкент давлат ун-ти (ТошДУ), 2001 й.дан *Ўзбекистон миллий университети* (ЎзМУ) тарзида аталган.

1918 й. 8 ноябрда ташкил этилган *Туркистон шарқшунослик институти* мамлакатимиздаги иккинчи олий ўқув юртидир (бу ин-т 1924 й.да Ўрта Осиё давлат ун-тининг ф-тига айлантирилган). 1919 й.нинг 15 авг.да ташкил этилган Туркистон ўлкаси олий тиббиёт мактаби Ўзбекистондаги учинчи олий ўқув юрти бўлди (мактаб 1919 й. нинг 27 ноябр.да Ўрта Осиё давлат ун-тининг тиббиёт ф-тига айлантирилган). 1927 й. Самарқандда очилган Ўзбекистон Олий пед . ин-ти (1930 й.дан Ўзбекистон Пед. академияси) мамлакатимиздаги тўртинчи олий ўқув юрти ҳисобланади. 1933 й. шу олий мактаб негизида Ўзбекистон давлат ун-ти (1960 й.дан Алишер Навоий номидаги *Самарқанд университети*) ташкил бўлди.

1929 й. Ўрта Осиё давлат ун-ти негизида бир қатор О.ў.ю. ташкил этилди. Ўрта Осиё қишлоқ хўжалик ин-ти (қ. *Тошкент аграр университети*), Ўрта Осиё Пахтачилик ва ирригация политехника ин-ти (қ. *Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти*), Ўрта Осиё энергетика, Ўрта Осиё геоло-разведка (булар кейинчалик Тошкент техника университетининг ф-тларига айлантирилган) ва Ўрта Осиё қурилиш (қ. *Тошкент меъморлик ва қурилиш институти*) сингари О.ў.ю. ташкил топган. 1931 й. Ўрта Осиё давлат ун-ти асосида Тожикистон Қ.х., Олий пед., Туркманистон Зооветеринария ин-тлари, Ўрта Осиё тиббиёт ин-ти, Ўрта Осиё План-ин-ти (қ. *Тошкент иқтисодиёт университети*) ташкил этилди. Ўрта Осиё республикаларидаги 15 олий ўқув юрти ва ўнлаб н.т. муассасалари САГУдан ажраб чиққан. 20-а.нинг 30—40-а.ларида Ўзбекистондаги кўплаб О.ў.ю. Ўрта Осиё миқёсида иш кўрганлиги диққатга сазовордир. Уларда тегишли соҳалар бўйича фақат мамлакатимизга эмас, балки бутун Ўрта Осиёга олий малакали кадрлар етиштириб берилган. Шу тариқа, Ўзбекистон қарлоғ мамлакатларни олий маълумотли мутахассислар б-н таъминлаш ва у жойларда О.ў.ю. тизимини яратишнинг ўзига хос ўчоғи бўлди.

2-жаҳон урушигача бўлган даврда Ўзбекистонда бир нечта О.ў.ю. ташкил этилди. 1932 й. Ўрта Осиё Темир йўл инженерлари ин-ти (қ. *Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти*), Самарқанд қишлоқ хўжалик институти, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти, Ўрта Осиё Совет қурилиши ва ҳуқуқи ин-ти (қ. *Тошкент юридик институти*), 1935 й. Тошкент пед. ин-ти (қ. *Тошкент педагогика университети*), 1936 й. Тошкент консерваторияси, 1937 й. *Тошкент фармацевтика институти* ташкил топди.

1940/41 ўқув йилида Ўзбекистонда 30 олий ўқув юрти бўлиб, уларда 19061 талаба ўқиган. 2-жаҳон уруши йилларида Ўзбекистондаги О.ў.ю. фаолияти издан чиқди. Талабаларнинг асосий қисми фронтга чақирилгани, олий таълимни маблағ б-н таъминлаш ниҳоятда оғирлашгани учун ҳам О.ў.ю. да ўқийдиганлар миқдори кескин камайди. Бунинг салбий оқибатлари урушдан кейинги йилларда ҳам яққол сезилиб турди. Натижада, моддий-техника ҳамда ўқув-илмий базаси ночорлашиб қолган бир қатор ин-тлар йирик О.ў.ю.га (мас., айрим ҳуқуқ ва пед. ин-тлари ун-тларга, ўқитувчилар ин-тлари пед. ин-тларига) қўшилди.

Мустақиллик арафасида Ўзбекистонда 41 олий ўқув юрти бўлиб, улардан 3 таси ун-т (ТошДУ, СамДУ ва 1976 й. ташкил этилган *Қорақалпоғистон университети*), 15 таси пед. ин-ти, 7 таси техника ин-ти, 3 таси иқтисод ин-ти, 5 таси тиббиёт ин-ти, 4 таси қ.х. ин-ти, 3 таси санъат ин-ти, 1 таси жисмоний тарбия ва спорт ин-ти бўлган.

Мустақилликка эришилгач, Ўзбекистонда О.ў.ю. тизими миллий асосларда тубдан қайта қурилди. О.ў.ю. нинг замон талабларига мос, рақобатбардош олий малакали кадрлар тайёрлаш имконияти яратилишига алоҳида аҳамият берилди. Шу мақсадда ун-т тизими кенгайтирилди. 1992 й.га келиб, мамлакатимиздаги ун-тлар сони 12 тага етди. Мустақилликдан кейин бир қатор янги О.ў.ю.лари ташкил қилинди. 2002 й. Ўзбекистондаги О.ў.ю. сони 61 тани ташкил этди. Шулардан 18 таси ун-т бўлиб, қолганлари ин-тлар, ўқув академиялари, олий мактаблардир. 2001/2002 ўқув йили 61 олий ўқув юртида 207,2 минг талаба таълим олди.

ЎзР Конституциясига кўра, ирқи, миллати, жинси, ижтимоий мавқеи, мулки, диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар бир Ўзбекистон фуқароси О.ў.ю.да ўқиш ҳуқуқига эга. О.ў.ю.да таълим давлат ҳисобидан ва шартнома асосида амалга оширилиши мумкин. О.ў.ю. га 35 ёшгача бўлган ўрта ва ўрта махсус маълумотли кишилар (О.ў.ю.нинг сиртқи бўлимида ёшга қарамайди) қабул қилинади. О.ў.ю. га кирувчилар танлаган мутахассисликлигидан таълов йўли б-н ҳар 5 йилда бир сайланади. Танлов қарорлари О.ў.ю. кенгашида яширин овоз бериш йўли б-н қабул қилинади. Айрим йирик О.ў.ю.да доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларига сайлаш ваколати ф-т илмий кенгашига берилган.

О.ў.ю.да ўқув жараёни ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасдиқлаган ўқув режаси ва дастурлар бўйича ташкил этилади.

О.ў.ю.да дарсларга қатнашиш мажбурий. Ўқув йили якуний баҳолаш б-н тамомланадиган 2 семестрдан иборат. Ўзбекистондаги О.ў.ю.да таълим 2 босқичли бўлиб, камида 4 йиллик *бакалавриат* ва камида 2 йиллик *магистратура*дан иборат. Бакалавриат босқичида талаба ўқиган асосий курслардан давлат аттестациясидан ўтади ва малакавий битирув иши ёзади. Магистратура босқичида эса магистрлик диссертацияси тайёрлаб, ҳимоя қилади. Шунингдек, мамлакатимизда экстерн (машғулотларга қатнамай, индивидуал тайёргарлик асосида) йўл б-н ўқиш ҳам кўзда тутилган.

О.ў.ю.нинг бакалавриат босқичини битирганларга мутахассислик, магистратура босқичини тугаллаганларга *илмтасдиқ* берилади. О.ў.ю.ни битирувчиларга (кундузги, сиртқилигидан қатъи назар) ихтисоси бўйича бир хил кучга эга ягона намунадаги диплом берилади. Асосий фанларнинг 75% дан ортиғини «аъло» баҳоларга ўқиган талабалар имтиёзли дипломга эга бўладилар.

Қозоқбой Йўлдошев.

ОЛИЙ ҚИСҚИЧБАҚАСИМОНЛАР (Malacostraca) — *қисқичбақасимонлар* кенжа синфи. Бош, кўкрак ва қорин бўғимларининг сони доимий, қорин оёқлари ривожланган. Бош ва кўкрак бўғимлари қўшилиб, бошкўкракни ҳосил қилади. Бошида бир жуфт фасеткали кўзлари, узун ва калта мўйловлари, 3 жуфт (бир жуфт юқори ва 2 жуфт пастки) жағлари бўлади. Қорин бўғимлари баъзан ўзаро ёки телсон (дум пластинкаси) б-н қўшилиб кетади. Нафас олиш ва қон айланиш системаси яхши ривожланган. Ошқозони чайновчи ва фильтрловчи бўлимлардан иборат; ҳазм бези мураккаб тузилган. Ўзгаришсиз ёки метаморфоз орқали ривожланади. «О.қ.» номи бу ҳайвонлар учун унча мос келмайди. Чунки уларнинг мураккаб тузилиш белгилари б-н бир қаторда тубан белгилари (мас., икки шохли қорин оёқлари) ҳам бўлади. 13 тага яқин турқумга бўлинади. 19,5 минг тури маълум. Жуда кенг тарқалган; асосан, денгиз бентосида яшовчи ва пелагик ҳайвонлар. Чучуқ сувларда *дарё қисқичбақалари*, сув ҳўтиклари, ёнлаб сузарлар тарқалган. Айрим турлари *(зах-каклар)* паразит ва қуруқликда яшайди. Озиқ-овқат сифатида саноат миқёсида овланади (*креветкалар*, лангустлар, омарлар, камчатка краби).

ОЛИЙ ҲАРБИЙ БОЖХОНА ИНСТИТУТИ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институти — божхона тизимига юқори малакали мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юрти. Тошкент ш.да жойлашган. 2002 й. 22 майда божхона коллежи, Солиқ ва божхона академиясининг божхона иши ф-ти негизида ташкил этилган. Таркибида божхона иши, қайта тайёрлаш ва малака ошириш ф-тлари ҳамда 12 кафедра (жанговар, ҳарбий

Олий ҳарбий божхона институти биноси.

хизмат, жисмоний тайёргарлик ва автомобиль иши; божхона назоратини ташкил этиш; ташқи иқтисодий фаолиятни дав-лат томонидан бошқариш ва ҳ.к.) бор.

Ин-тда божхона тизимидаги кадрларнинг базавий касбий тайёргарлиги оширилади, тизим ходимлари қайта тайёрланади ва малакаси оширилади; божхона иши соҳасида и.т. ишларини ташкил этиш, хорижий мамлакатларнинг шу каби ўқув бўлинмалари б-н амалий, услубий алоқалар ўрнатиш, илмий адабиётлар тайёрлаш ва нашр этиш ишлари бажарилади. Ин-тда 2003/2004 ўқув йилида 125 нафар талаба ўқиди, 112 нафар проф.-ўқитувчилар ишлади. Докторлик ва номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилиш бўйича ихтисослашган илмий кенгаш мавжуд. Аспирантура бор. Ўқув қўлланмалари, дастурлар, илмий ва методик қўлланмалар нашр этилади.

Муҳаммаджон Нигматов.

ОЛИМ УСМОН (тахаллуси; асл исм-шарифи Усмонов Олим; 1912.31.12, Жалолобод — 1989.20.9, Тошкент) — тилшунос олим, лугатшунос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1973). Низомий номидаги Педагогика ин-тини тугатган (1940). Ўзбекистон Давлат нашриётида дастлаб муҳаррир, кейин бўлим мудири (1932—35), ЎзФАН Тил ва адабиёт ин-тида илмий ходим (1935—38), ЎзФАН нашриёти директори (1938—42), Давлат радиоэшиттириш қўмитаси раиси ўринбосари (1944—46). Ўзбекистон ФА Тил ва адабиёт ин-тининг лугат (1946—53), тил тарихи (1958—65), терминология бўлимларига раҳбарлик қилган (1965—84). Тошкент ун-ти филол. ф-тининг доценти (1954—58). Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари ҳақида и.т.лар олиб борган. «Ўзбек тили грамматикаси (фонетика ва морфология)» (ҳамкорликда, 1938), «Ўзбек тилининг имло луғати» (1940), «Имло луғати» (1949) синтари дарслик ва ўқув қўлланмаларини ёзиш қилган. 5 жилдли «Рус-ча-ўзбекча лугат» (1950—55), «Русча-ўзбекча ён лугат» (1956), «Интернационал сўзлар лугати» (1959, 1962), «Қисқача русча-ўзбекча лугат» (1961), «Русча-интернационал ўхшатирма сўзлар изоҳли лугати» (1965, 1972), «Ижтимоий-сиёсий терминлар лугати» (1976) каби китобларнинг яратилишида иштирок этган.

ОЛИМЖОНОВ Анвар (Алимжонов Ануар) (1930.2.5, Толдиқўрғон вилояти, Қорлиғаш овули) — қозоқ ёзувчиси. Қозоғистон ун-тини тугатган (1954). 1955 й.дан «Литературная газета», кейинроқ «Правда» газ.ларининг Қозоғистондаги мухбири, «Қозоқфильм» киностудияси бош муҳаррири (1960—70), 1971 й.дан Қозоғистон Ёзувчилар уюшмасининг биринчи котиби. Дастлабки асари «Оқ дўст, қора дўст, сариқ дўст» 1958 й.да чоп этилган. «Мангу томирлар» (1960), «Карвон қўёш томон бормоқда» (1963), «Зангори тоғлар» (1964), «Ўтрор армугони» (1966), «Қорашунқор кўприги» (1969), «Жамшид ойнаси» (1970), «Қурмонгозининг болалик чоғи» (1972), «Рудакий тахти», (1974), «Муаллимнинг қайтиши» (1978) сингари қатор роман ва қиссалар муаллифи. «Маҳамбет найзаси» (1969) романида қозоқ халқининг ўтмиши, орзу-умидлари тасвирланган. «Дўстлар учрашганда» (1959), «Сувда, қуруқликда эллик минг миль» (1962) каби китобларида Олимнинг очерклари ва публицистик мақолалари ўрин олган. Ёзувчининг «Маҳамбет найзаси» романи ҳамда публицистик асарлари ўзбек тилида нашр этилган. Абай номидаги Қозоғистон давлат мукофоти (1967) ва Халқаро Неру мукофоти лауреати (1969).

ОЛИМЖОНОВ Раҳим Олимжонович (1913.10.7 — Тошкент — 1985.17.2) — энтомолог олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1952), биол. фанлари д-ри (1949), проф. (1950). Ўрта Осиё ун-тининг қ.х. ф-тини тугатган (1934). Ўрта Осиё ўсимликларини ҳимоя қилиш и.т. ин-тида илмий ходим (1935 — 37). Ўзбекистон ФАнинг зоология сектори илмий ходими (1939—40). Ботаника ва зоология ин-ти директори ўринбосари (1941—44). ЎҚДУ ректори (1950—53). Ўзбекистон ФА Зоология ва паразитология ин-ти энтомология лаб. мудири (1956—72), шу ин-т директори (1958—61). Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-ти энтомология кафедраси мудири (1972—81). Илмий асарлари ғўза, беда ва б. экинлар зараркунандаларини ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларига бағишланган. Энтомология дарслигини тузган (1977).

Ас.: Почвообитающие и приносящие вреда формы насекомых орешаемых земель Узбекистана, Т., 1972; Формирование вредной энтомофауны хлопчатника и люцерны в Каршинской степи, Т., 1974.

ОЛИМЖОНОВ Ҳошимжон (1940.3.5, Андижон вилояти, Қоратепа қишлоғи) — Ўзбекистон халқ артисти (1987), 1961 й.дан Андижон театрида актёр, реж. ёрдамчиси. «Оқ нилуфар» спектаклидаги Арияка унинг театрдаги биринчи ролидир. У саҳна сирларини Аббос Баҳировдан ўрганган. Қорахўжа («Нодира»), Ҳожи («Нурхон»), Қосимбек («Бобур»), Гефир («Бой ила хизматчи»), Ҳулоёрхон («Меҳробдан чаён»), Эзоп («Эзоп»), Глостер («Қирол Лир»), Ролл Эдуард («Ричард III»), Мафия бошлиғи («Қотил ким?»), Бобохон («Тоҳир ва Зуҳра»), Шоҳжаҳон («Зебуннисо»), Сулаймон баъзоз («Чўлпон») каби ролдар ижро этган. О. бир қанча фильмлар («Саратон», «Қуллар» ва б.) ва видеофильмлар («Меҳробдан чаён» ва б.)да ҳам суратга тушган.

ОЛИМОВ Саййид (1901.18.2 — Тошкент — 1984.14.7) — актёр., реж., ўзбек театри ташкилотчиларидан бири. Ўзбекистон халқ артисти (1950). Саҳна фаолиятини 1918 й. Тошкент эски шаҳар халқ маорифи бўлими қошидаги «Эътузар» ирим профессионал труппада бошлаган. 1919 й. М. Уйғур раҳбарлигидаги театр труппасига қабул қилинган. 1925—27 й.лар Боку театр техникумида ўқиган. 1927—84 й.лар Ҳамза театрида актёр. 1931—32 й.лар Ивичи-ёшлар театрида, 1935—37 й.лар Хоразм театрида, 1937—40 й.лар қ.-з—с-з театрида реж. О. импровизация санъатига бой, ҳозиржавоб, характерли ролдар устаси, актёрлик санъатининг йирик намоянласи сифатида танилган. Яратган образлари миллий бўёқларга бой ва ҳаётийлиги, ифода воситаларининг аниқлиги, саҳна техникасининг мукаммаллиги б-н қимматлидир. Табиб («Туркистон табиби»), Маҳмудхон, Қодирқул мингбоши (Ҳамза, «Заҳарли ҳаёт», «Бой ила хизматчи»), Миллер (Ф. Шиллер, «Макр ва муҳаббат»), Султонбек (У. Ҳожибеков, «Аршин мол олди»), Исмоил (К. Гоцци, «Малика турандот»), Полоний (У. Шекспир, «Ҳамлет»), Жомий (И. Султон, Уйғун, «Алишер Навоий»), Саиджаров («Имон») каби ноёб образлар яратган. Реж. сифатида «Пахта шуҳратлари», «Рустам» (У. Исмоилов), «Ёндирамиз» (К. Яшин), «Уйланиш» (Н. Гоголь) каби спектакларни саҳналаштирган. Кинода (Зартар, «Нас-риддининг саргузаштлари»; Тарихчи, «Амирликнинг емирилиши»; Мунаққим, «Улуғбек ҳолдузи» ва б.) ҳам рант-баранг образлар яратган.

ОЛИМОВ Ҳудоёр Олимович (1928.30.5, Тошкент) — психиатр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1988), тиббиёт фанлари д-ри (1962), проф. (1963). Тош ТИни тугатган (1948). Шу ин-т психиатрия клиникасида асистент (1954—57), айни вақтда ТошДУ юридик ф-тида ўқитувчи. Ўзбекистон ўлка медицинаси и.т. институтида катта илмий ходим (1957—62). Андижон тиббиёт ин-ти психиатрия кафедрасида мудир (1963—65), айни вақтда шу ин-т даволаш ф-тида декан. 1965 йили Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-ти ректорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, шу ин-т (1966—73), ТошТИ (1973—97) психиатрия кафедраси мудири. 1997 й.дан илмий консультант. О. Ўзбекистонда психиатрлар мактаби ташкилотчиларидан. Илмий фаолияти шизофрения, инфекцион энцефалит, маниакал-депрессив психоз, қандли диабетда психиканинг айниши ва бу касалликлар клиникаси, қайталанишининг олдини олиш, даволаш масалаларига онд.

Ас.: Рекуррентная шизофрения, Т., 1982; Психические нарушения при сахарном диабете, Т., 1987.

ОЛИМОВ Ҳамиджон (1948.2.12, Охунбобоев тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Фарғона пед. ин-тини тугатган (1972). 1966—76 й.ларда ва 1994 й.дан Охунбобоев туманидаги 8-мактабда тўғарак раҳбари, мат. ўқитувчиси, 1976—94 й.ларда 13-мактабда илмий бўлим мудири ва мат. ўқитувчиси. Ин фаолияти давомида ўқувчиларни ихтирочиликка ўргатди, мактабда мат. бўйича намунали фан хонаси ташкил этиб, уни турли ўқув қўлланмалари ва кўргазмали қуроллар б-н бойитди.

ОЛИМП ТОҒИ — Грециядаги энг баланд тог массиви. Этаж денгизининг Термайкос қўлтиғи соҳилида. Энг баланд жойи 2917 м. Оҳактош ва сланецлардан тузилган. Тик ён бағирларида дара кўп. Кенг барги ва игна барги ўрмонлар бор. Чўққиларида қишда қор ётади. Миллий боғ ташкил этилган. Юнон афсоналарида О.т. муқаддас тог, худолар макони ҳисобланган.

ОЛИМПИАДА (юн. olympias) — 1) Юнонистонда олимпиада ўйинлари ўртасидаги 4 йил муддат (Юнонистонда ва ги 4 йил муддат (Юнонистонда ва ҳозир); Юнонистонда йил ҳисоблаш бирлиги (милодий 394 й.гача). Милоддан аввалги 776 й. 1-О. йили ҳисобланади; 2) ҳоз. даврнинг энг йирик халқаро спорт мусобақалари (қ. *Олимпиадалар ўйинлари*); 3) ўқувчилар, талабаларнинг бирор фан соҳаси бўйича билимларини синаш мусобақаси, кўрик, танлов (мас., мактаб ўқувчиларининг математика О.си).

ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИ — 1) Юнонистонда умумюнон байрами ва мусобақалари (2 гилдиракли аравада тез юриш, бешкураш, муштлашиш мусобақалари, санъат конкурси). Мил. ав. 776 й.дан бошлаб милодий 394 й.гача ҳар 4 йилда *Олимпия* шаҳ ҳудо Зевс шарафига ўтказилган. Ана шу 4 йиллик давр *Олимпиада* деб аталган. Ўйинлар 5 кун давом этган; 2) Юнонистоннинг О.ў.ни эслатувчи жаҳон спорт мусобақалари. 1896 й. (Олимпиаданинг 1-йилидан бошлаб ўтказилади. О.ў.ни ўтказиш тартиби, қоидалари Олимпия хартиясида белгилаб берилган. Бу хартиянинг замонавий олимпия ҳаракати асосчиси, франциялик жамоат арбоби Пьер де Кубертен (1863—1937) ишлаб чиққан. 1894 й. Парижда Халқаро спорт конгресси хартияни тасдиқлаган (янги таҳрири 1999 й. қабул қилинган). Ўйинлар *Халқаро Олимпиада қўмитаси* (ХОҚ) томонидан ташкил қилинади. Ўйинларда мусобақалар спортнинг фақат олимпия турлари бўйича ўтказилади. Олимпия спорт тури ҳарнинг биноан аниқланиб, у энг кенг тарқалган (ёзги ўйинларнинг эркаклар учун спорт тури 4 қитъанинг камида 75 давлатида ва аёллар учун эса, 3 қитъанинг камида 40 давлатида тарқалган) бўлиши керак. Дастурга енгил атлетика, гимнастика, сузиш, оғир атлетика, кураш, бокс, қиличбозлик, эшкак эшиш, велосипед спорти, футбол, баскетбол мусобақалари, албатта, киритилади. 1968 й.дан О.ў. ташкилий қўмитаси ХОҚ томонидан тасдиқланган маданий дастур тадбирларини ўтказиб келади. Бу тадбирлар санъат воситасида олимпиаданинг халқлар ўртасида тинчлик ва тотувлик идеалларини тарғиб қилишга қаратилгандир. 1924 й.дан О.ў.нинг қишки қисми мустақил мусобақалар сифатида ўтказилади (қ. *Қишки олимпиада*).

Олимпиада шиори «Тезроқ, баландроқ, кучлироқ» (лот. «Citius, altius, Sortius») 1920 й.дан олимпиада эмблемасига киради. Олимпиада эмблемаси — кўк, қора, қизил (юқори қатор), сариқ ва яшил (пастки қатор) рангдаги бирбирига чатишган 5 халқа — олимпиада ҳаракатига бирлашган 5 та қитъа рамзи. Ҳар бир олимпиада, шунингдек, ўз эмблемасига эга: олимпиаданинг 5 халқаси (халқлар) ва ўйинлар ташкилотчиси бўлган шаҳар рамзи, ўйинлар ўтказилаётган йил, жой ва ҳ.к. Олимпиада байроғи — Олимпиада тимсоли (5 халқа) туширилган оқ мато барча О.ў.да кўтарилади. О.ў.нинг анъанавий атрибути Олимпиада машъалаларидир. У Алфей дарёси водийсидаги Кронос тог ён бағрида қуёш нурларидан ёндирилиб, ўйинларнинг тантанали очилишига эстафета б-н олиб келинади ва олимпиада стадионидаги махсус меҳробда ўйинлар ёпилгунча (16 кун) ёниб туради.

Олимпиада эмблемаси.

Жаҳон О.ў. (тартиб сони ва ўтказилган йили): I — 1896 (Афина), II — 1900 (Париж); III — 1904 (Сент-Луис, АҚШ), IV — 1908 (Лондон), V — 1912 (Стокгольм), VII — 1920 (Антверпен), VIII — 1924 (Париж), IX — 1928 (Амстердам), X — 1932 (Лос-Анжелес, АҚШ), XI — 1936 (Берлин), XIV — 1948 (Лондон), XV — 1952 (Хельсинки), XVI — 1956 (Мельбурн, Австралия), XVII — 1960 (Рим), XVIII — 1964 (Токио), XIX — 1968 (Мехико), XX — 1972 (Мюнхен, ГФР), XXI — 1976

Олимпиада медали. 1896, Афина.

Олимпиада ўйинлари ғолиблари ва совриндорлари бўлган Ўзбекистон спортчилари:

Йил	Ўйинлар	Фамилияси, исми	Спорт тури	Ўрни
1952	XV	Шамрай Галина	Гимнастика	1 ва 2
1964	XVIII	Диамидов Сергей	Гимнастика	2
		Бабанина Светлана	Сузиш	3
		Устинова Наталья	Сузиш	3
1968	XIX	Дуюнова Вера	Волейбол	1
1972	XX	Дуюнова Вера	Волейбол	1
		Сакаи Элвира	Гимнастика	1
		Казаков Рустем	Юнон-рум курашы	1
		Жармуҳамедов Алжан	Баскетбол	1
1976	XXI	Рисқиев Руфат	Бокс	2
		Федоров Владимир	Футбол	3
1980	XXII	Панфилов Александр	Велоспорт	2
		Шагаев Эркин	Сув полоси	1
		Павлова Лариса	Волейбол	1
		Ковшов Юрий	От спорти	1 ва 2
		Ямбулатов Рустам	Стенд ўқ отиши	2
		Бутузова Наталья	Камондан ўқ отиш	2
		Рўзиев Собиржон	Қиличбозлик	2
		Горбаткова Нелли	Чим устида хоккей	3
		Загдравних Валентина	Чим устида хоккей	3
1980	XXII	Аммерова Лайло	Чим устида хоккей	3
		Хам Алина	Чим устида хоккей	3
		Зубарева Ольга	Кўл тури	1
1988	XXIV	Хадаричев Мадрбек	Эркин кураш	1
		Фазлаев Арсен	Эркин кураш	1
		Муҳамадеров Нодил	Огир атлетика	2
		Гатауллин Родион	Енгил атлетика	2
		Заболотнов Сергей	Сузиш	3
1992	XXV	Сиряков Сергей	Огир атлетика	2
		Чусовитина Оксана	Гимнастика	1
		Галиева Роза	Гимнастика	1
		Шмигина Марина	Енгил атлетика	2
		Асрабаев Анатолий	Ўқ отиш	3
		Захаревич Валерий	Қиличбозлик	
1994	XXVII қишки	Черняева Лина	Фристайл	1
1996	XXVI	Багдасаров Армен	Дзюдо	2
		Тўлағанов Карим	Бокс	3
2000	XXVII	Абдуллаев		1
		Муҳаммадқодир	Бокс	2
		Таймазов Артур	Эркин кураш	3
		Михайлов Сергей	Бокс	3
		Саидов Рустам	Бокс	3

Олимпиада машъалаларининг ёндирилиши.

таркибида, 1996 ва 2000 й.ларда мустақил давлат вакиллари сифатида) қатнашиб келади. Олимпиада ҳаракатини ривожлантиришдаги алоҳида хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ХОҚ томонидан Олимпиада олтин ордени б-н тақдирланган (1996).

ОЛИМПИЯ — Элида (Пелопоннеснинг шим.-ғарбий қисми)даги юнонлар шаҳри; *Зевс* саждагоҳи (муқаддас Альтис ўрмонзори). О. атрофида Олимпиада ўйинлари ўтказиш учун қурилган иншоотлар (стадион ва б.) жойлашган. О.да Фидий устахонаси жойлашган. О. мажмурий мажмуаси мил. ав. 7—4-а.ларда шаклланган. Мил. 426 й. Рим императори Феодосий II буйругига кўра ўт қўйилиб, бундан аввалроқ у Зевсга саждани мажусийлик белгиси сифатида ман қилган. Қазишмалар натижасида Пелопс саждагоҳи, ибодатхоналар харобалари, жумладан, Гера, Зевс, Худолар онаси, 12 хазина, 130 дан зиёд ҳайкаллар, 13 мингга яқин жез буюмлар, 10 мингга яқин битиклар ва б. топилган. О. *Жаҳон мероси* рўйхатига киритилган.

ОЛИМПИЯ ШОН-ШУҲРАТИ МУЗЕЙИ — Ўзбекистонда олимпиада ҳаракати ва спорт ютуқларини тарғиб қилувчи марказ. 1996 й. 1 сент.да Тошкентда очилган. Осиё қитъасида биринчи ташкил қилинган олимпия музейи. Очилишида *Халқаро Олимпиада кўмитаси*(ХОҚ)нинг Президенти Х.А.Самаранч иштирок этган. Музейнинг экспозициясида: олимпия ғояларини тарғиб қилиш б-н бирга республикада жисмоний тарбия, спорт, саёҳат ва халқ миллий ўйинларини юксалтириш, шунингдек, Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон миқёсидаги нуфузини мустаҳкамлаш ишига кўмаклашиш. Музейда 11 мингдан зиёд экспонатлар: турли буюмлар, ашёлар, расмлар, ёрлиқлар ва мусобақаларнинг ғолибларига берилган кубоклар, медаллар, нишонлар мавжуд. Улар АҚШ, Испания, Швейцария ва б. хорижий давлатлардан олиб келинган. Музейнинг 1-қаватида ноёб экспонатлар жойлаштирилган. Президент И. Каримовнинг музейга совғалари ҳам бор. Булар халқаро спортни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун Ўзбекистон Президентига ХОҚ Президенти топширган Олимпиада олтин ордени, Осиё Олимпиада Кенгашининг Олимпиада олтин орденидир. Шунингдек, бу ерда Халқаро қаваскорлар қураш федерациясининг «Олтин маржон», профессионал бокс бўйича 16 карра жаҳон чемпиони А. *Григорьев*нинг чемпионлик олтин камари, гулчамбари ва медаллари, *олимпиада ўйинлари* вақтида тайёрланган турли медаллар ва нишонлар бор. Музейнинг 2-қаватида Олимпиада ўйинлари ўтказилган йиллар хронологик тарзда берилган бўлиб, уларда иштирок этган ўзбекистонлик спортчиларнинг кийимлари, асбоб-анжомлари, суратлари, мукофотлари б-н танишиш мумкин. Ўзбекистон мустақиллиги йилларида спортчиларимизнинг жаҳон, Европа биринчиликлари, Осиё, Марказий Осиё ўйинлари, Тошкент ва хорижий мамлакатларда ўтказилаётган турли халқаро турнирларда эришган ютуқлари, қўлга киритган совриндори музей экспонатларининг асосини ташкил этади. Амалдаги экспозициялар мунтазам янги экспонатлар б-н тўлдириб турилади. Музей видеокассетаси тасмаларига энг қизиқарли мусобақалар тасвири ёзилган. О.ш.-ш.м.да Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт тарихига оид ҳужжатлар фонди яратилган. Бу ерда муҳим спорт тадбирлари ўтказилиб турилади.

Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейи.

ОЛИМХОН (? — 1810) — Қўқон хони (1801—10). *Минг* сулоласидан. *Норбўтабий*нинг ўғли. Унинг даврида салтанат ҳудудини кенгайтириш давом эттирилади. У Оҳангарон, Чимкент, Сайрам, Тошкент вилоятининг ҳамасини, Россияга борувчи карвон йўлларидаги муҳим манзилгоҳларни забт этади. У Бухоро амирлигига қарши туришга кучи етмагачин кўриб хон унвонини қабул қилади, давлати эса *Қўқон хонлиги* деб атала бошланди. Пойтахт — Қўқоннинг сиёсий аҳамияти ошган. О. тоғли тожиклар: қоратегинлар, шўғнонликлар, балахшонликлар, эронийлар ва б.дан иборат ёлланма қўшин тузган. Бу қўшин ҳокимиятни марказлаштириш учун курашда унинг таянчи бўлган. О. даврида Россия б-н 1-марта савдо алоқалари ўрнатилган. О. диний соҳада ҳам ўзгаришлар қилишга интилган, хусусан, диний унвон ҳисобланган «эшон»ни бекор қилади, камбағал, бечораларга ва қаландарларга ер майдонлари ва чорва беради, шу б-н уларни ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб қилади. Айрим диний арбобларни имтиҳон қилади ва ғаламчиликни фош қилинганларни жазолайди. Узамолар унинг бу хатти-ҳаракатларидан норози бўладилар. Унинг Тошкентдалигидан фойдаланиб, фитна уюштирадилар, у ўлдирилди, деб миш-миш тарқатадилар. Тахтга унинг укаси *Умархон* ўтқазилади. О. хиёнатни биліб қолиб, қисқа йўл б-н Қўқонга жўнайди. Йўлда қўйилган пистирма ўлдиради.

Олим отиб

Ад.: Бобобеков Х., Қўқон тарихи, Т., 1996; Миродим Мушриф. Қўқон хонлиги тарихи. Т., 1995.

Хайдарбек Бобобеков.

ОЛИМХОН, Амир Олимхон, Амир Саид Олимхон (1881, Кармана — 1944.28.4, Кобул) — Бухоро амири (1910—20). *Мангитлар*дан. Амир *Абдулаҳад*нинг ўғли.

Петербургдаги Николаев кадет (пажлар) корпусида таълим олган (1893—96). 1898 й. Қарши, сўнгра валиаҳд сифатида Кармана бекликларига ҳоким бўлган. Отаси вафотидан сўнг, Бухоро тахтига ўтирган (1910 й. 24 дек.).

О. даврида Бухоро амирлигининг Россияга қарамлиги янада кучайди. Тараққийпарвар кучлар, шунингдек, *Ёш бухороликлар* қатлиқ таъқиб қилинди. *Биринчи жаҳон уруши* даврида Россия императори Николай II уни генерал-лейтенант ҳарбий унвони б-н тақдирлаган ва ўзининг генерал-адъютанти қилиб тайинлаган (1915 й. дек.). Чунки, у Россияга катта миқдорда пул б-н ёрдам берган эди. *Бухоро 1917 й. инқилоби тамойиллари*, хусусан, *Колесов вақеаси* (1918 й. март)дан кейин у амирлик ҳудудида 3000 кишини жадидликда айблаб, ноҳақ қатл қилдирган.

1920 й. апр.да *Бухоро босқини* натижасида амирлик тузуми ағдарилб ташланди. Сент. ойининг ўрталарида О. Шарқий Бухорога бориб, Бухоро халқининг босқинчи қизил армияга қарши олиб борган мустақиллик курашига раҳбарлик қилишга уринди. О. Ҳисор вилоятини ўзига қарорғоҳ қилиб, 6 ой давомида қизил аскарларга қарши курашган. Ҳисорда янги ҳукумат ташкил қилиб, бухороликларнинг қизил аскарларга қарши олиб борәётган жанг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга интилган. О. Кўлоб, Ҳисор ва Душанба атрофида катта миқдордаги кучларни бирлаштиришга муваффақ бўлган. 1920 й. нояб. ойининг ўрталарида унинг қўшинлари Бойсун, Дарбанд, Шерободни қизил аскарлардан озод қилишди. О. ихтиёрига Фарғонадан ёрдамга юборилган 4000 йигит ҳам Шарқий Бухорога етиб келади. 1921 й. 8 янв.да О. қўшинининг миқдори 25000 кишига етган. Ҳисордан Кўлоб вилоятига келган О. бутун қўшинларига Иброҳимбекни Олий бош қўмондон (ўринбосарлар: Шарқий Бухорода — *Давлатмандбек* ва Ғарбий Бухорода — *Мулла Абдулқаҳҳор*) қилиб тайинлайди. Бироқ, бир қатор жангларда мағлубиятга учрагач, О. Амударёнинг Чубек кечувидан Афғонистонга ўтиб кетган (1921 й. 4 март).

О.ни Кобулда Афғонистон амири *Амануллахон* қабул қилиб, доимий яшаши учун унга Қалъаи Фотуда махсус қўрғоқ ажратиб беради. У Кобулда яшаса ҳам Бухородаги озодлик ҳаракатига ғоявий жиҳатдан раҳбарлик қилишда давом этди, кўрбошилар ва уламоларга турли мактублар ва қимматбаҳо совғалар жўнатиб, уларни курашга илҳомлантирган. О. Кобулда ўзининг эсдаликларини ёзиб тугаллайди. Умрининг охирида кўзи ожизланиб қолади, оғир дарага чалинади. Узоқ давом этган хасталикдан сўнг у Қалъаи Фотуда вафот этади. Кобул атрофидаги Шаҳидони ислом (Ислом шаҳидлари) қабристонига дафн этилган. О.нинг хотиралари Парижда француз тилида (1929), кейинчалик Ғарбда форс тилида, Ўзбекистонда ўзбек ва рус тилларида (1991), Тожикистонда тожик тилида (1992) алоҳида китоб сифатида чоп қилинган. О. ҳукмронлиги даврида Бухорода Олимхон мадрасаси қурилган, Ситораи Моҳи Хоса саройини қўриш якунланган.

Ад.: Бухоро халқининг ҳаррати тарихи. Т., 1991. М.;

Ад.: Айний С., Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Фитрат, Амир Олимхонинг ҳукмронлик даври, Т., 1992; Муҳаммад Али Балжувоний, Тарихи нофеи [фойдали тарих]. Т., 2001; Ражабов К., Бухорога қизил армия бостқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

Каҳрамон Ражабов.

ОЛИФ — қ. *Алифбой.*

ОЛЛАБЕРГАНОВ Отахон (1947.17.11, Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, Изёли тумани) — театр рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1981), Ўзбекистон БА акад. (2003). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1974). 1975 й.дан Огаҳий номидаги Хоразм вилоят мусиқали драма ва комедия театрида бош рассом. Изк бор Муқимий театри спектакларига (Э. Собитовнинг «Ҳижрон», Ф. Мусажоновнинг «Олифта», 1973) декорациялар яратди. О. эскизларда яратилган бадиий ғояни саҳна безакларига тўлиқ кўчиришга эришади. «Беруний» (Уйғун, 1976), «Нурхон» (К. Яшин, 1977), «Платина» (О. Матжон, 1977), «Майсаранинг иши» (Ҳамза, 1983), «Ягона гувоҳ» (К. Омаров, 1985), «Тобутдан товуш» (А. Қаҳҳор, 1986, Тошкент сатира театрида), «Жалолиддин» (Э. Самандаров, 1987) ва б. спектаклларни бадиий безаган. Шунингдек, О. қад. Хива, Урганч манзаралари акс эттирилган йирик полотнолар муаллифи: «Эски шаҳар» туркуми (1977), «Биринчи ўқитувчи» (1978) ва б. «Меҳнат шуҳрати» ордени б-н мукофотланган (2000).

ОЛЛАНАЗАРОВ Туреш (1916.11.9, Қўнғирот) — реж., театршунос, драматург, таржимон. Ўзбекистон халқ артисти (1963). Москвадаги театр санъати ин-ти қорақалпоқ студиясини (1939), Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини (1951) тугатган. Қорақалпоқ театрида реж. (1939—47), бош реж. (1951—59), Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон бўлимининг тарих, тил ва адабиёт ин-тида бўлим мудири (1959—66; 1968—74), катта илмий ходим (1983 й.дан), Қорақалпоқ маданият вазири (1966—68), Тошкент маданият ин-тида кафедра мудири (1974—83). Ўз ижоди б-н қорақалпоқ миллий театри, режиссураси ва актёрлик санъатини профессионал даражага кўтарган. «Майсаранинг иши», «Бой ила хизматчи» (Ҳамза), «Алпомиш» (Н. Довқораев, Ж. Обилов б-н ҳамкорликда), «Тенгини топган қиз» (А. Ўтепов), «Оғриқ тишлар» (А. Қаҳҳор), «Васса Железнова» (М. Горький), «Ўғирланган бахт» (И. Франко), «Тартюф» (Ж. Мольер) каби спектакллари ўткир ифодавийлиги б-н ажралиб туради. «Ошиқ Ғариб» (А. Бегимов б-н ҳамкорликда), «Равшан» (Ж. Оймирзаев б-н ҳамкорликда), «Айпберген Мусаев», «Ойдўс бобо» каби драматик асарлар, «Қорақалпоқ театри» (1966), «Санъатимиз қаллиғочлари» (1969), «Қорақалпоқ Совет драматургияси тарихи масалаларига доир» (1987) ва б. илмий асарлар муаллифи.

ОЛЛОБЕРГАНОВ Раҳмон Оллоберганович (1910.1.1 — Хива — 1986.15.11) — бастакор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1968). Тошкент консерваториясини тугатган (1965). Хоразм театрларида созанда, мусиқа раҳбари ва дирижёр (1930—40), Урганч мусиқа мактаби ўқитувчиси (1940—42) ва директори (1944—62 ва 1964 й.дан). 2-жаҳон урушн қатнашчиси (1942—44). О. «Адолат» (И. Акрамов), «Маърифат қурбонлари» (Э. Раҳим), «Ошиқ Ғариб» (Ю. Юсупов, А. Отажонов б-н ҳамкорликда) ва б. пьесаларга, бир қанча инсценировкаларга мусиқа ёзган. «Ёшлигим», «Бир келиб кетинг қишлоғимизга» ва б. қўшиқлари оммавийлашган.

ОЛЛОҚУЛИХОН (тахм. 1794—1842) — Хива хони (1825—42) — Муҳаммад Раҳимхоннинг ўғли. О. даврида зулм, талончилик, ўзаро урушлар кучайган. О. Бухоро б-н сулҳ тузилганига қарамай 7 марта Бухоро хонлиги ҳудудига юришлар қилиб қишлоқларни талаб қайтган. Хуросонга 5 марта юриш қилган. Қорақалпоқ ва туркманларнинг қўзғолонларини бешафқат бостирган (1828). Россия б-н савдо ва элчилик муносабатларини (1840—41) ривожлантирган. О. даврида Хивада карвонсарой, тим, 111 хона ва бўлмали Тошҳовли саройи (1834—35). *Ичан қалъанинг* шарқий дарвозасига туташтириб қурилган *Оллоқулихон мадрасаси*, Оқ масжид, Саитбой масжиди, Тошҳовуз қалъаси (1835—36) ва б. иншоотлар қурилган. Янги каналлар қаздириб суғориладиган ерларни кенгайтирган. Хива ш.нинг ободончилиги учун кўп меҳнат сарф қилган. О. даврида кошинпазлик (кошинкорлик) санъати юксак чўққига чиққан. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси ва Кўҳна Арк кошинлар б-н безатилган. Сайид Аловуддин мақбараси ва б. кўпгина тарихий обидалар таъмирланди. Арабхон ва Муҳаммад Амин иноқ мадрасалари қайталан қурилди. Хива ш.нинг атрофи мудофаа девори б-н ўраб олинган (1842). Ичан қалъа ташқарисида яшаётган аҳолини ҳимоя қилиш мақсадида *Дишан қалъа* (Ташқари қалъа) қурилган. Қалъанинг уз. 6250 м бўлиб, шундай улкан қурилиш кўл кучи б-н пахсадан 30 кун давомида қуриб битказилган. Ичан қалъанинг жан. дарвозасидан Дишан қалъа дарвозагача бўлган масофа 300—400 м ни ташкил қилади. О. 1842 й. Чоржўйга юриш қилиб қайтаи қамал қилган пайтда оғир касалга дучор бўлиб орқага қайтишга мажбур бўлган ва 23 ноябрда вафот этган. Уни ўғли ҳаёт чоғида тайёрлаб қўйган *Пахлавон Маҳмуд мақбарасига* дафн этишган.

Ад.: Йўлдошев М., Хива хонлигида феодал ер эгалиги ва давлат тузилиши, Т., 1959; Гулямов Я. Г., Памятники города Хивы, Т., 1941; Худойберганов К., Хива — 2500. Хива хонлари шажараси, Хива, 1996.

Сенара Сайдумова

ОЛЛОҚУЛИХОН КАРВОНСАРОЙИ ВА ТИМИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1832—33). Тўғри тўртбурчак тарҳли (69,0×58,0 м), бурчакларига гулдаста — миноралар ишланган. Карвонсаройга ишм. ва жанубдаги пештоқ орқали кирилади. Унинг кенг ҳовлиси (46,3×42,4 м) ва ҳовли атрофидаги 2 қаватли ҳужралар (4,6×2,9 м) бир хил ҳажмда 105 тани ташкил қилади. Ҳужралар ҳовли саҳнига қаратилган. Бурчакларидаги 8 та ҳужралар (5×5 м) гумбаги баланд қилиб ишланган, улар яшик генасидаги тобалон панжаралари орқали ёритилади. Томи балхи гумбазли. Ҳовлига киритилган йўлак 2 томондан пештоқ б-н чегараланган. Пештоқ қанотлари ичида 2-қаватга олиб чиқиладиган айланма зинапоялар бор. Пастдаги хоналарда юк сақланган, юқоридагиларидан меҳмонхона сифатида фойдаланилган.

Карвонсаройнинг ташқи ва ички тузилишига ўзига хос томонлар бор. Мас., шу типдаги биноларда ичкарига махсус хоналар орқали айланиб ўтилса, бу ерда ичкарига юклар б-н 2 гумбаз остидан



Оллоқулихон тими.

тўғри ўтиш мумкин. Ҳовли ўртаси отаравага мол юкланига қулайлаштирилган. Тим карвонсаройга нисбатан кейинроқ қурилган. Карвонсаройнинг бош тарзи тим қурилиши (1835—38)да тамоман ўзгартирилган. Пастки қаватда равоқлар асоси мустаҳкамланган, 24 та ҳужранинг 2-қавати бутунлай бузилган ва тим гумбазлари (катта гумбаз диаметри — 9,5 ва 10,7 м, кичик гумбаз диаметри — 6,0 м)ни ўрнатиш учун мослаштирилган. Тим тарҳи —74×26,5 м, 2 та катта гумбаз (марказида ва гарбида), 2 қаторли 12 та майда гумбазлар карвонсарой олдидаги катта гумбазли хонага келиб тақалган, ундн шундай гумбазли хона тимнинг гарбида ҳам бор. Тим ичкариси гумбазлардаги туйнуклар орқали ёритилган. Тимда савдо расталари жойлашган. Гумбазларни қуришда устадлар биноига мос (тўғибурчак, чорси, олти қирралн шаклдардан қурилма асосини топа олганлар.

Ад.: Маньковская Л., Булатова В., Памятники зодчества Хорезма, Т., 1978.

ОЛЛОҚУЛИХОН МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1834—35). Мадраса қурилиши *Ичан қалъанинг* яхлит ансамбль бўлиб шаклланиш тарихи б-н боғлиқ. Ўрта Осиё меъморлигида кенг тарқалган қўшмадраса услубида. Оллоқулихон тими, Ҳужамбердибий мадрасаси, Полвон дарвоза б-н ўзаро боғланган, О.м. сунъий тепалик (бал. 3 м) устига қурилган, шу туфайли қўшни биноларидан анча баланд кўринади. Мадраси тўғри тўртбурчак тарҳли (62,45×47,0 м), пештоқи гарбга қараган. Бош тарзини мисёнсарой, масжид ва дарсхона ҳамда 2 қаватли ҳужралар эгаллаган. Эшиклари ёзувда биноннг қурилган санаси сақланган. Ҳовли (34,6×29,4 м) томони ўзига хос, ундаги 2 қаватли қатор ҳужралар Полвон дарвозанинг кичик гумбазлари устига ва қисман тим гумбазлари чеккасига жойлашган. Масжид ва дарсхона (4,8×4,8 м) тузилиши бир хил. Усти ярим айлана шаклдаги пастак гумбаз б-н ёпилган. Деворларидаги чуқур равоқлар ҳисобига хона кенг кўринади. Айвон (5,5×5,5 м) мадраса гарбида жойлашган, меҳроби ганчли мукарнасдан «пероқи» услубида безатилган. Ҳужралар (99 та)нинг ҳар биридa ёғтадан эшик, тобалонига панжаралар ўрнатилган.

Мадрасанинг пештоқ безаги.

ОЛЛОҚУЛИХОН САРОЙИ — халқ орасида *Тошҳовли* номи б-н машҳур.

ОЛЛОҲ — қ. *Аллоҳ.*

ОЛМА (Malus) — раънодошлар оиласига мансуб, барг тўкувчи дарахтлар ёки буталар туркуми; уругли мева дарахти. Шим. ва жан. ярим шарнинг мўътадил минтақаларида О.нинг 25—30 тури, жумладан, Ўрта ва Шарқий Осиё, Ўрта Осиё ва Кавказда 10 тури тарқалган. Экиладиган мевали дарахтлар орасида майдони жиҳатидан биринчи ўринда туради. Ялпи олма ҳосили бўйича АҚШ (4,8 млн. т), Хитой (22,01 млн. т) олдинги ўринларда туради (1999). Жаҳон бўйича ялпи ҳосили 60,2 млн. т ни ташкил этган (1999). Ўзбекистонда ~0,4 млн. т. АҚШ, Чили, Хитой, Россия, Эрон, Туркия, Франция, Италия мамлакатларида олмазорлар катта майдонларни эгаллайди. Ўзбекистонда 8 тури ёввойи ҳолда учрайди (қ. *Ёввойи олма*). Дунё бўйича етиштириладиган навларининг асосий қисми хонаки О. (M.domestica) турига киради. Паст бўйли О. (M.pymila) турига киритилган дуосен ва парадизкалар мевачиликда пайвандтаг сифатида фойдаланилади. О. совуққа чидамли, ёруғсевар ва намсевар, тупроқ танламайди, лекин унумдор тупроқларда юқори ҳосил беради. О. дарахти бўйи 15 м гача боради. Ўзбекистонда О. апр. ойида гуллайди. Гули 5 бўлакли, гултожибарги оқ, пушти, айримлари қизил. Меваси, навига қараб, июнь—октда пишади. Бир дона меваси вазни 15 г дан 400 г гача боради. Таркибида (%) фруктоза 6,5—11,8, сахароза 2,5—5,5, органик (олма ва лимон) кислоталар 0,2—1,6, витамин С 5—30 мг, пектин, ошловчи моддалар ва б. мавжуд. Меваси янгилигида ейилади, қоқи, консерва, мураббо, жем қилинади. О. уруғидан ҳамда пайвандлаш, пархиш қилиш йўли б-н илдиз бачкираридан кўпайтирилади. Ҳосилдорлиги 130—300 ц/га. Дарахти 100 йилгача яшайди. Одатда, боғга ўтқазилгандан кейин 4 й. ўтгач, ҳосилга киради. 40—50 й. мўл ҳосил беради. Кўчати кузда ва баҳорда 30—60 см чуқурликда ҳайдалган ерга экилади. Кўчат ўтқазиладиган чуқурга 5—6 кг чиринди гўнг, 150 г аммиакли селитра, 200 г суперфосфат тупроққа аралаштириб солинади. Кўчатлар 8×8м, 8×6 м, паст бўйли пайвандтагларга уланганлари 4×6 м, 3×5 м, 4×4 м схемада экилади. Ёш дарахтлар 8—12 марта, ҳосилга кирганлари 4—6 марта суғорилади, туп ва қатор оралари юмшатиб турилади. Ҳосилга кирган олмазор гектарига ҳар уч йилда 20—40 т чиринди гўнг ва ҳар йили соф ҳолда 120 кг азот, 60—90 кг фосфор, 30 кг калий ҳисобидан ўғитланади. Дарахтлар ҳар йили кузда ва баҳорда бутаилади (қ. *Буташ, Дарахтларга шакл бериш*). Ўрта Осиёда экиладиган О. навлари келиб чиқиши бўйича қуйидаги гуруҳларга бўлинади: халқ селекцияси йўли б-н етиштирилган Ўрта Осиё маҳаллий навлари — оқ олма, қизил олма, Самарқанд олмаси, Наманган олмаси, аччиқ олма, қимизак олма, Хоразм олмалари гуруҳи ва б. О.нинг маҳаллий навлари Ўзбекистоннинг тупроқ-иқлим шароитига мослашган, иссиққа, совуққа чидамли. Меваси ширин, эртапишар; Гарбий Европа, Америка, АҚШ навлари — Розмарин, Мантуанер, Старкримсон, Скарлет, *Парнем, Вайнсеп* ва *Голден Делишес, Делишес, Жонатан*, Боровинка; Украина нави — Ренет Симеренко; Қрим навлари — *Кандил*, сари синап (О.нинг бу гуруҳ навлари Ўзбекистонга дастлаб 19-а. 2-ярмидан бошлаб, Ўрта Осиёни Россия босиб олгандан кейин, руслар томонидан, сўнгра 20-а.нинг 20-йилларидан бошлаб Ўзбекистондаги н.т. муассасалари таснияси б-н келтирилган). Шредер номидаги Богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институти селекционерлари етиштирган янги навлар — Самарқанд аъзоси; Афросиёби, — ҳосилдор, Тошкент боровинкаси, Меҳмоний, Тилла олма,

Оллоқулихон мадрасаси.

Олма: *1* — гули Олма навлари; *2* — Ёввойи олма—сариқ Ранетка; *3* — Самарқанд эртагиси; *4* — Оқ Розмарин; *5* — меванинг кўндаланг кесими; *6* — Апорт.

Нафис ва б. Бу навлар ҳосилдор, меваси маҳаллий шароитга мослашган, кўриниши чиройли, мазали; совуққа ва иссиққа чидамли.

Зараркунандалари: *олма қурти*, олма қўнғизи, битлар, олма куяси.

Касалликлари ҳақида: қ. *Бактериал касалликлар, Вирусли касалликлар.*

Суятов Холмаҳамат.

ОЛМА КИСЛОТА, оксикаҳрабо кислота, HOOC—CH(OH)—CH_2COOH — рангсиз, игнасимон кристалл модда. Мол. м. 134,09. Швед кимё-гари К. Шееле 1785 й.да хом олмадан ажратиб олган. О.к. жуда муҳим 2 асосли оксикарбон кислоталар (қ. *Оксикислоталар*). 2та оптик фаол изомер ҳосил қилади; рацемат (оптик нофаол, қайнаш т-раси 130°)шакли ҳам мавжуд. Сув ва спиртда яхши эрийди, қайнаш т-раси 100°. Табиатда L - олма кислота учрайди. У равоч, вино, хом олма, узум, зирк ва тамакида бўлади. О.к. тиббиётда сурғилар ва бўғилишга қарши препаратлар тайёрлашда ишлатилади.

ОЛМА ҚУРТИ, олма мевахўри (Carposarsa pomonella) — уруғли меваларнинг зараркунандаси, барг ўровчи капалаклар оиласидан. Олма, беҳи, нок, баъзан ўрик, шафтоли, олхўри меваларига зарар етказади. Мевaнинг уруғи ва эти б-н озиқланади. О.к. капалакларининг қанотлари ёзилганида 18—21 мм, олдинги қанотлари кулранг, қанотлари асоси ва учи қорамтир; ке-йинги қанотлари оч қўнғир, оқиш тукли. Сўнгги ёшдаги қуртлари 14—20 мм, оч пушти. Ғумбак даврида дарахт пўстлоғи, тўкилган шохшабба ва барглар остида, тупроқнинг юза қаватида, мева омборлари деворлари кавагида, мева яшиклари тирқишларида қишлайди. Эрта баҳорда олма гуллаганда пилладан каналак учиб чиқиб, дарахт барги ва гулларига тухум қўяди. Тухумлардан 6—8 кундан сўнг қуртлар чиқиб, меваларни зарарлайди. Мавсумда 3—4 марта насл беради.

Кураш чоралари: эрта баҳорда дарахт пюсидан эски кўчган пўстлоқ олиб ташланади; илдизи атрофидаги тупроқ яхши юмшатилади; мева сақланадиган омборлар ва яшиклар *дезинфекция* қилинади; тўкилган мевалар ҳар доим йиғиб олиб турилади; каналаклар ҳар қайси наслининг пайдо бўлиши даврида дарахтлар *инсектицидлар* (фозалон, Би-58) ва б. препаратлар б-н ишланади.

ОЛМАЗОР (1963 й.гача — Вревский) — Тошкент вилояти Чиноз туманидаги шаҳарча (1937 й.дан). Чирчиқ дарёсининг ўнг соҳилида. Тошкентдан 50 км жан.-гарбда. Тошкент — Сирдарё т.й.даги станция. Аҳолиси 9,1 минг кишидан зиёд (2003). О.да 13 ташкилот ва корхона бор, шулардан, қурилиш материаллари к-ти, ғишт з-ди, мебель ф-каси ва б. фаолият кўрсатади. 2 умумий таълим мактаби, 2 кутубхона, клуб, касалхона, 3 дорихона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд.

ОЛМАЛИҚ — Тошкент вилоятидаги шаҳар (1951 й.дан). Олмалиқсой бўйида, Қурама тоғларининг шим. ён бағрида, 600—650 м баландликда. Тошкент ш.дан 60 км жан.-шарқда, Оҳангарон дарёсининг чап соҳилида. Шаҳарнинг шим.-шарқида Қурама тизмаси, шим. ва жан.-шарқда Чатқол тизмалари бор. Яқин т.й. станцияси — Оҳангарон (18 км). Майд. 10,8 км². Аҳолиси 114,6 минг киши (2000; 1974 й.да 92,3 минг; 1959 й.да 40 минг киши).

О.да мис конининг топилиши шаҳарнинг тез ўсишига сабаб бўлди. 1954 й. О.да қўрғошин-рух ф-каси ишга туширилди. Қалмоққир конидан мис рудаси очиқ усулда олина бошлади. О.даги саноат корхоналарини электр энергияси б-н таъминлаш мақсадида О. ёнида иссиқлик электр станцияси қурилди. 1963 й. мис эритиш з-ди фондаланишга топширилди. Кон-металлургия к-ти тула ишга туширилиб маҳсулот бера бошлади. Олдин рангли металл рудалар олтингугурт-га бой. Шу сабабли металлургия к-тида рудадан олтингугурт ажратилади ва «*Аммофос*» корхонасига юборилади.

О.да Ўрта Осиёда биринчи бўлган ун-рўшор кимеси з-ди қурилди. О.да республика қ.хнинг 80% ни фосфорит ўғитлар б-н таъминлаётган «Аммофос» з-ди. «Поснэт» пилам, «Палмофос» з-ди. «Посэлэт» пилам, «Палмофос» з-ди. «Посэлэт-Восток», «Джефинтернейшнл» Ўзбекистон — Покистон қўшма корхоналари, мебель жиҳозлари к-ти, «Олмалиқ-тишт», «Оқтош» корхоналари, «Қовулли» олтинли рудани қазиб олиш кони ва б. корхоналар бор. Енгил ва оиқ-овқат саноат рривожланмоқда. О.га Тошкент— Ангрен т.й.дан шохобча чиқарилган. Тошкент — О. автомобиль йули ўтган. Навоий кон-металлургия ин-тининг кон металлургия ф-ти, 23 умумий таълим мактаби, 12 кутубхона, 3 маданият уйи, ўлкашунослик музейи, мусиқа ва санъат мактаблари, 3 стадион, 36 спорт зали, 86 волейбол ва баскетбол майдонлари, 11 гандбол, 18 теннис заллари ва 5 сузиш ҳавзаси бор. Шаҳарда марказлашган ҳудудий тиббий бирлашма, болалар касалхонаси, «Кимёгар» касалхонаси, юқумли касалликлар, силга қарши курашиш диспансерлари, тугруқхона, 10 поликлиника ва б. тиббий муассасалар ишлаб турибди.

ОЛМАЛИҚ «АММОФОС» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — Ўзбекистондаги йирик кимё корхоналаридан бири. «Ўзкимёсаноат» давлат-акциядорлик компанияси таркибида. Азотли ва фосфорли ўғит — *аммофос*, шунингдек, моноаммонийфосфат, салифос, аммоний сульфат, ёғоч-толали тахталар, полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқаради. 1969 й. дек.да Олмалиқ кимё з-ди ишга туширилган ва собиқ Иттифоқда 1-марта экстракцион фосфат кислота ҳосил қилиш учун хом ашё сифатида Қоратов (Жан.Қозогистон) фосфорити қўлланилган. Корхона 2-навбати 1973 й.да ишга туширилган. 1998 й.дан Қизилқум фосфорит к-тида ишлаб чиқариладиган фосфорит унини қайта ишлайди.

Олмалиқ шаҳри. Автовокзал.

Корхона йилига 338,1 минг т фосфорли ўғитлар, 500 минг т сульфат кислотаси и.ч. қувватига эга. 1992 й.нинг фев. ойидан корхона «Аммофос» и.ч. бирлашмаси деб номланди. 2001 й. лек.дан, ҳоз. номда ва очиқ турдаги акциядорлик жамияти.

Корхонада 2 та аммофос цехи, 3 та экстракцияланган фосфор кислотаси цехи, олтингугурт кислотаси, халқ истеъмол моллари и. ч. бўлимлари, қатор ёрдамчи цехлар ва «Турон MSI» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхонаси бор.

Корхона маҳсулотларига ички бозорда талаб катта ва республиканинг турли минтақаларидаги барча турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун ишлатилади. Бундан ташқари, МДҲ мамлакатларига, Хитой ва Эронга экспорт қилинади.

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — Ўзбекистонда рангли металлургия саноатининг йирик корхонаси. К-т 2 мажмуадан — қўрғошин-рух (Қўрғошинкон, Олтинтопган, Сардоба ва Чалата конлари, қўрғошин-рух бойитиш ф-каси ва рух з-ди) ҳамда мис эритиш мажмуасидан (Қалмоққир кони, мис бойитиш ф-каси, мис з-ди)дан иборат.

Корхона томонидан Қурама тоғларидаги полиметалл рудаларнинг бой захирасини кенг кўламда ўзлаштириш мақсадида кон-қурилиш ишлари 1949 й.дан бошланган эди. 1950 й.да қўрғошин-рух бойитиш кони, 1954 й.да қўрғошин-рух бойитиш ф-каси, 1955 й.да Олтинтопган кони қуриб битказилди. 1961 й.да мис-молибден руда бойитиш ф-каси, 1964 й.да мис эритиш з-ди, 1970 й.да рух з-ди, 1971 й.да Чалата кони, 1974 й.да Сари-Чека карьери ишга туширилди. И.ч. объектларини ривожлантириш 80-й.ларда ҳам фаол давом эттирилди. 1999 й.дан к-т очиқ акциядорлик жамиятига айлантирилди.

К-тда қазиб чиқарилаётган ру-далар таркибидан 13 та кимёвий элементларни ажратиб олиб мис ва мис буюмлар, рух, кадмий, олтин, кумуш, кўргошин, сульфат кислотаси, мис ва молибден концентратлари, селен, теллур, мис ва рух купороси каби маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Корхона бўлинмаларини «Сведала» (Швеция), «Вармон» (Германия), «Интегра Гроур» (Америка), «Механобр-Инжиниринг» (Россия) ва б. илғор фирмаларнинг замонавий асбоб-ускуналари б-н жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда. К-т маҳсулотлари чет мамлакатларга экспорт қилинади.

Қалмоққир карьери.

ОЛМАЛИҚСОЙ — Тошкент вилоятидаги сой. Қурама тизмасининг шим.-гарбий ён бағридаги Новали довонидан 3 км гарбда (2330 м) бир қанча майда булоқлардан бошланади. Олмалиқ шаҳрининг ариқларга бўлиниб, Оҳангарон дарёсига етмай тугайди. Уз. 32 км, ҳавзасининг майд. 84 км². Юқори оқимида сой тор ва нисбатан чуқур, қуйи оқимида кенг ва ён бағирлари ётиқ водийда оқади. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,28 м³/сек. Март—апр.да сувн кўпаяди. Умумий уз. 20 км га яқин, 8 та ирмоғи бор.

ОЛМАОТА (қозоқча — Алматы; 1921 й.гача Верний) — Қозогистондаги шаҳар. Олмаота вилояти маркази. 1929—1998 й.ларда мамлакат пойтахти. Т.й. ва автомобиль йўллари тутуни, 2 аэропорт бор. Орқа Или Олатови тизмасининг шим. ён бағри этакларида, 650—950 м баландликда. Янв.нинг ўртача т-раси —8°, июлники 22,9°. Аҳолиси 1129,4 минг киши (1999). 6 тумандан иборат. Шаҳар дастлаван 1854 й.да Заилийское ҳарбий истеҳкоми сифатида қозоқлар жойлашган Олмаота қалъаси ёнида қурилган. Кейинчалик бу истеҳком Верний деб аталди. 1867 й.да Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида янги ташкил этилган Еттисув вилоятининг марказига айланди. У даврда саноат корхоналари бўлмаган, аҳолининг кўпчилиги деҳқончилик б-н шуғулланган.

Шаҳарда машинасозлик ва металлсозлик саноати («Поршень», станоксозлик, механика-тажриба, паст вольт-ли аппаратура и.ч.) корхоналари етакчилик қилади. О.да Қозогистон енгил саноат корхоналари маҳсулотининг 28% ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик ва мўйна, ип-газлама к-тлари, ип-йигирув, трикотаж, пойабзал, тикувчилик ф-калари фаолият кўрсатади. Озиқ-овқат саноати (гўшт-консерва, ун-ёрма, макарон ф-каси, сут, шампан виноси, мева-консерва, қандолатпазлик, чой қадоқлаш, ликёр-арақ, вино,

Олмалиқсой.



Олмаота шаҳар ҳокимияти биноси.

пиво, ачитқи з-длари) корхоналари маҳаллий хом ашё асосида ишлайди. Электротехника з-ди ҳам фаолият кўрсатади. Қурилиш материаллари, ёғочсозлик, темир-бетон конструкциялари ва қурилиш деталлари з-длари бор. О.нинг ёқилғи-энергетика базаси Қарағанда ҳавзасининг кўмири, кўмир ва мазут б-н ишлайдиган иссиқлик электр ст-ялари, Катта Олмасой дарёсидаги ГЭС каскадлари, Или дарёсидаги Қопчиғай ГЭСдир. О.да тижорат банклари, қўшма ва кичик корхоналар фаолият кўрсатмоқда. Қозогистон ФА, 16 олий ўқув юрти, 13 музей, республика кутубхонаси, театрлар, телемарказ мавжуд. Шаҳардаги диққатга сазовор бинолар: Абай номидаги қозоқ опера ва балет театри (1941), Ҳукумат уйи (1957), Республика саройи (1970), «Қозогистон» меҳмонхонаси (1977). О.нинг турар жой мавзелари бир неча марта зилзиладан қаттиқ шикастланган. Охирги зилзилалар 1911 ва 1921 й.ларда содир бўлди. Шунингдек, сел ҳам вақт-вақти б-н анча зиён етказиб туради. Шу боис селга қарши иншоотлар қурилган. О. — йирик туристик ва спорт маркази. Шаҳардан жанд Орқа Или Олатови туристик зонаси ҳамда курортлар бор. О. яқинида «Медео» қишки спорт мажмуи ишлаб турибди.

ОЛМАОТА ВИЛОЯТИ — Қозогистоннинг жан.-шарқидаги вилоят. 1932 й. 10 мартда ташкил қилинган. Майд. 104,7 минг км². Аҳолиси 1614,8 минг киши (1999). Асосан, қозоқлар, шунингдек, рус, украин, уйғур, корейс ва б. ҳам яшайди. 11 маъмурий туман, 4 шаҳар ва 6 шаҳарча бор. Маркази — Олмаота ш. Вилоят жанд Шим. Тяньшан тоғлари, шим.-ғарбда Балхаш кўли ва шим.-шарқда Или дарёси оралигида жойлашган. Шарқда Хитой б-н чегарадош. О.в. ҳудудининг шим. қисми Жан. Еттисув текислиги ёки Балхаш бўйи текислиги (бал. 300—500 м)дан иборат. Жан. қисмини Кетмон, Орқа Или Олатови ва Кунгай Олатовининг шим. этаклари (бал. 5000 м) эгаллаган. О.в. шим. қисмининг иқлими кескин континентал, қиши совуқ (янв.нинг ўртача т-раси —9 дан —10° гача), ёзи иссиқ (июлнинг ўртача т-раси 24°). Йиллик ёғин 100 мм дан (чўлда) 1000 мм гача (тоғларда). Вегетация даври 205—225 кун. Вилоятнинг шим. ва шим.-ғарбида оқар сувлар деярли йўқ. Биргина Или дарёси оқади. Жан. тог олди қисмларида оқар сувлар кўпроқ. Кўпчилик дарёлар тоғлардан бошланиб Или дарёсигача етиб бормай, қумларда тугайди ёки суторишга сарф бўлади. Тоғларда чучук сувли кичик кўл ва мингерал булоқлар кўп. О.в.нинг шим.-ғарбий қисмида гилли қўнғир тупроқ, бўз тупроқ ва шўрхоклар. Или дарёси водийсида қамиш, саксовул ўсади, тўқайлар учрайди. Тоғларда 600 м дан юқорида шувоқ-чалов бетага даштлари; 800—1700 м баландликда ўтлоқ, 1500—1700 м да субалпи ўтлоқлари минтақаси бўлиб, игна барглы дарахтлар ҳам аралаш ўсади. 2800 м дан юқори қисми алпи ўтлоқлари ва бута зорлардан иборат. Чўлларда қум сичқони, товушқон, жайрон, елиқ, бури, тулки, бўрсиқ. Или дарёси дельтасида қобон, ондатра бор. Илон, тошбақа, калтакесак, фаланга, қоракўри, тоғларда барс, силовсин учрайди. Балхаш кўли ва Или дарёсида балиқ кўп. Орқа Или Олатови ён бағрида Олмаота кўриқхонаси ташкил этилган.

Вилоят иқтисодиётида ривожланган қ.х. ва ялпи чорвачилиги б-н бирга ҳар хил саноат тармоқлари бор. Металлсозлик ва мураккаб машинасозлик, енгил (тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик, кўн-пойабзал ва б.), ёғочсозлик ва қурилиш материаллари н.ч. саноати тармоқлари ривожланган. Вилоят энергетикаси арзон гидроэнергия ресурсларига (Қопчиғай ГЭС, Олмаота ГЭСлар каскади) ва Қарағанда ҳавзаси кўмирига асосланади. Саноат корхоналарининг асосий қисми Олмаотада жойлашган. Талғар шаҳрида қоғоз-картон комбинати, Отарда ипак-қанд ва гинт з-длари, Қопчиғай ш.да темир-бетон конструкциялар з-ди бор.

О.в.да қисман суториб ва қисман суғориладиган деҳқончилик қилинади. Суғориладиган ернинг 80% га яқинига ғалла экилади. Бугдой, арпа, сули, тариқ, маккажўхори, шоли, ҳар хил дуккаклилар ва ем-хашак экинлари (асосан, беда), сабзавот, техника экинлари экилади. Қанд лавлаги, тамаки, мева, узум етиштирилади. Қорамол, қўй ва эчки, от, парранда боқилади. Тог этакларида, Олмаота атрофида қ.х. шаҳар аҳолисини маҳсулотлар б-н таъминлашга ихтисослашган. Вилоят ш.м.да ялпи чорвачилиги (гўшт-мой ва гўшт-жун, қўйчилик, тузчилик), тоғларнинг жан. қисмида йилқичилик, гўшт ва гўшт-жун (архар-меринос қўйлари боқиш) чорвачилиги ривожланган. Балхаш кўли ва Или дарёсида балиқ овланади. Муҳим автомобиль йўллари: Олмаота — Каскелен — Бишкек, Олма-ота — Талғар — Чилик — Норинкўл, Олмаота — Или — Толдикўрғон. Балхаш кўли ва Или дарёсида кема қатнайди. 16 олий ўқув юрти, театрлар, музейлар бор. Олмаота ёнида туристик базалар, тог курортлари, «Медео» спорт мажмуи жойлашган.

ОЛМАОТА ЗИЛЗИЛАСИ, Верний зилзиласи — 1887 й. 9 июнь маҳаллий вақт б-н соат 4 дан 35 мин. ўтганда содир бўлган зилзила. Маркази Орқа Или Олатовининг шим. қисмида бўлиб, кучи 9—10 баллга етган. Зилзиладан Олмаота ш.даги 3000 га яқин бино бутунлай харобага айланган. 80 га яқин кишни ҳалок бўлган. Зилзила эпицентрал зонасининг уз. 35 км, кенглиги 5 км га етган. Ер юзасида катта ўзгаришлар бўлган. Рус геологи И.В.Мушкетов маълумотича, зилзила натижасида Орқа Или Олатовининг 1500—2000 м баландликдаги қоялари қулаб, Оқсой, Оқтор дарёлари водийсини тўсиб қўйган. Қулаб тушган баъзи тош бўлакларининг оғирлиги 500 т дан ошган. Тог ён бағирларида кенглиги 1 м дан ортиқ, узунлиги бир неча км дан иборат ёриқлар ҳосил бўлиб, улардан сув отилиб чиққан. Тог қулаши натижасида дарё сувлари тўсилиб, бир қанча овулларини сув босган. О.з.нинг ўнғи 20—30 км чуқурликда бўлган. Зилзиланинг кучи Тошкент, Урумчи, Аягуз ва Қиш-қартача бориб етган. Зилзила вақтида кучли ёмғир ёққан. Зилзила 2 йил давомида вақт-вақти б-н қайтарилиб, унинг кучи 6—7 баллга етган.

«Медео» яхмалаги.

ОЛМАХОН (Gliridae) — кемирувчилар туркумига мансуб сут эмизувчилар оиласининг бир тури. Гавдасининг уз. 40 см гача (думи б-н). Жан. Осиё, Африка ва Европада тарқалган. Асосан, ўрмонларда яшайди. Кўзи ва эшитиш органи яхши ривожланган. Тунда фаол. Дарахт ковакларида ёки ўт-ўланлардан тўқилган инларда яшайди. Мева, уруғ, ҳашарот ва б. б-н озиқланади. Сичқонсимон О., боғ О.и, ўрмон О. и, ёнғоқхор О.и ва подсинниг уз. 6—60 см. 25 га яқин урғи, жумладан, олмахонлар, *бурундуқлар*, *суғурлар*, ингичка бармоқли *кумранқошқолар* ва б. мавжуд. 230 га яқин тури маълум. Европа, Африка, Шим. Америка ва Жан. Америкаининг шим. қисмида мўътадил, субтропик ва тропик минтақаларидаги ўрмонлар, очиқ текисликлар, тундра ва баланд тоғларда (3800 м баландликкача) тарқалган. Дарахтларда (олмахонлар, бурундуқлар), ерда (суғурлар, кўмроқошқолар) ҳаёт кечиради. Кўпчилик турлари қишда уйқота кетади. Асосан, ўсимликлар б-н озиқланади, айрим турлари қишга озиқ гамлайди. Йилда 1—3 марта болалайди. 6 тури Халқаро Қизил китобга, кўк сугур Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

ОЛМОС — туғма элементлар гуруҳига мансуб минерал, соф углероднинг кристалл ҳолидаги тури. О. табиатда маълум барча материаллардан қаттиқлиги б-н ажралиб туради ва шунинг учун саноатнинг кўп муҳим тармоқларида қўлланади. О. инсониятга мил. ав.дан маълум бўлиб, дастлаб Ҳиндистонда (мил. ав. 8—7-а.лар) топилган. Кўп асрлар мобайнида О. фақат Осиё регионидан чиқарилган. Кейинчалик Бразилияда (18-а.), Россияда (1829 й.), Жан. Африкада (19-а.нинг 60-й.лари) қазиб олина бошлаган ва 1866 й. О. саноатининг бошланиши деб ҳисобланади. Шу вақтдан Африка мамлакатлари О. қазиб олинадиган асосий минтақа бўлиб келмоқда. Бундан ташқари, О. конлари Жан. Америка, Осиё (Ҳиндистон, Индонезия)да ҳам бор ва саноат миқёсида О. олинмоқда. 1955 й.дан Россия (Якутия)да ҳам кўп О. қазиб чиқарилмоқда. Ўзбекистонда О. сочмаларини топиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда.

Табиий О. турли шаклларда учрайди. Унинг микроскопик доначаларидан тортиб 100 ва 1000 каратли (1 карат = 0,2 г) ўта йирик кристаллари ҳам маълум. Кўпинча 0,1—1,0 каратли О. учрайди. 100 каратдан ортиқ йирик кристаллари кам. Жан. Африкада дунёдаги энг йирик О. —3106 каратли «Куллинан» топилган (1905) ва ундан 105 та бриллиант ясалган. О. ўзининг катталиги, шакли, ранги, қўлланишига кўра, 7 категория ва 23 гуруҳга бўлинади. О. саноатида 2 хил — заргарлик ва техник О. фарқ қилинади. Мукаммал шаклли, ўта шаффоф, соф, дарзсиз ва б. нуқсонсиз О. заргарлик ҳамда безак ишларида қўлланади. Сифат ва катталигидан қатъи назар, қолган барча О.лар техник О. ҳисобланади. Техник О. кукун, шунингдек, кристалл ҳолида бўлиши мумкин. Уларни қирралаб, зарур шаклга (кесиқ, фильер ва б.) келтирилади. Жаҳонда барча қазиб олинадиган О.ларнинг 25% гачаси заргарлик О. ҳисобланади.

Физик хоссалари. Табиий О. кристалл панжарасининг тузилиши куб шаклида. Углероднинг ҳар бир атоми тетраэдр учлари бўйлаб симметрик жойлашган. Кристаллик структурасининг ўзига хослигига кўра, О.нинг идеал (нуқсонсиз) кристали шаффоф бўлиши керак. Табиатда учрайдиган кристалларда, жуда оз миқдорда бўлса ҳам, бошқа аралашмалар борлиги туфайли кристалл панжарада нуқсон бўлади. Энг тоза заргарлик О.нинг 1 см³ ҳажмидаги аралашмалар миқдори 10^{16} атомни ташкил этади. О.да кремний, алюминий, кальций ва магний бирикмалари кўп учрайди.

О. *Мос шкаласи* бўйича каттиқлик эталони ҳисобланади (О.нинг қаттиқлиги 10, корундники 9, кварниики 7, кальцитники 3 ва ҳ.к.). Турли кристаллографик томонлари бўйича О.нинг қаттиқлиги турлича (мас., октаэдр томони энг қаттиқ ҳисобланади). О.нинг нормал эластиклик модули 1000 Гн/м² (10^{13} дин/см²), ҳажмий сиқилиш модули 600 Гн/м² (6×10^{12} дин/см²). Иссиқлик ўтказиш коэффициенти (т-ра 100 К дан 400 К гача ортиши б-н) 6 дан 0,8 кЖ/м К гача пасаяди. О.нинг уй т-расида иссиқлик ўтказувчанлиги кумушникидан юқори. Диамагнит хоссага эга.

О.нинг ранги ва шаффофлиги ҳар хил. Рангсиз, оқ, ҳаво ранг, яшил, сариғиш, жигарранг, кизгиш, тўқ кулранг хиллари учрайди. Кристаллнинг ранги кўпинча бир текис тусда бўлмайди.

О.нинг зичлиги 3,515 г/см³, нур синдириш кўрсаткичи 2,417, *дисперсияси* 0,063. Нурнинг тўлиқ қайтиш бурчаги 24°24′, айрим намуналари оптик анизотропия хоссасига эга. Ультрабинафша ва рентген нурлари, электрон, α-заррача ва нейтронлар таъсирида О.да *люминесценция* ҳодисаси кузатилади. О.ни нейтронлар б-н нурлантириш натижасида унда барқарор радиоактив-

Олмахон

лик хоссаси пайдо бўлмайди. Бунда О.нинг зичлиги камаяди, кристалл панжараси «бўшашади» ва абразивлик сифати ёмонлашади.

О. кислота ва ҳатто қайноқ ишқор эритмалари таъсирига чидамли, селитра ва сода (t≈500°) эритмаларида эрийди. О. ҳавода 850—1000° да, кислородда 720—800° да ёнади. Вакуум ёки инерт газда 1400° да О.нинг устки қисмида сезиларли графитланиш бошланади. Т-ра кўтарилиши б-н бу жараён тезлашади ва 2000° атрофида (15—30 минут ичида) О. графитга тўла айланади. Импульсли қизитишда (3400° да ҳам) О. кристаллари сақланади, лекин 3600° ва ундан юқорида графитга айланади. Шу туфайли О. нормал босим ва 1000° гача т-рада чексиз вақт сақланади.

О. туб ва сочма конлардан қазиб олинади. О. олинадиган, саноат аҳамиятига эга бўлган ягона туб жинс — қад. шчит ва платформаларда учрайдиган кимберлитдир. О. кимберлитларда нотекис тақсимланган. Якка кристаллар, баъзан у кристалларининг ўсинталари ҳолида учрайдиган О.нинг кимберлитларда пайдо бўлиши ҳақида ягона фикр йўқ. У ҳеч ерда йирик уюмлар ҳосил қилмайди. О., асосан (80—85% қисми), сочма конлардан (делювиал, аллювиал, денгиз бўйи сочмаларидан) қазиб олинади. Бутун дунёда қазиб чиқарилаётган О.нинг 80% и саноатда ишлатилади. 20-а.нинг 30-й.ларигача ЖАР дунёда О. қазиб чиқаришда 1-ўринни эгаллаб келган. Кейинчалик О.нинг йирик захиралари Конго Демократик Республикасида топилди. О. тог жинси б-н олингач, руда бойитишнинг барча физик ва кимёвий усуллари ёрдамида ажратилади.

Синтетик О., асосан, графит ва углеродли моддалардан сунъий йўл б-н махсус қурилмаларда 1200—1600° да ва 4,5—8 ГПа босим остида Fe, Co, Gr, Mn ёки уларнинг қотишмалари иштирокида олинади. Ранги оқдан қорагача; шаффофлиги олиниш технологиясига боғлиқ, кўпинча ярим шаффоф ёки хира (тиниқмас). Кристалларининг ўлчамлари 1—2 мм гача етиши мумкин; кўпинча 0,1—1 мм бўлади.

О.нинг кимёвий таркиби 18-а. охирида аниқланиб, бу ҳол турли мамлакатларда сунъий (синтетик) усул б-н О. олиш учун кўпгина уринишлар бошланишига сабаб бўлди. 20-а.нинг 50-й.лари ўртасида бир неча мамлакатларда деярли бир вақтда О.ни синтез қилишга муваффақ бўлинди. О.ни синтез қилиш усуллари ривожланиши б-н махсус физик хоссаларга эга бўлган (мас., яримўтказгич) синтетик О. олиш ва ундан асбобсозликда кенг фойдаланиш йўлга қўйилди.

Зикир Исабоев.

ОЛМОС ЭНТОМОЛОГИЯ ҚЎРИҚХОНАСИ — зарарли ҳашаротларни ўрганиш, фойдали ҳашаротларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш, уларнинг қ.ҳ.даги аҳамиятини аниқлаш мақсадида ташкил этилган қўриқхона. Наманган вилояти Чуст тумани Олмос қишлоғи яқинида жойлашган. Майд. 96 га. 1990 й.да Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш ин-ти ва энтомолог олим С. Н. *Алимухамедов* ташаббуси б-н ташкил этилган. Фарғона водийсида, умуман, Ўрта Осиёдаги каби, 1970 й.ларга қадар қ.ҳ. экинлари зараркунандаларига қарши кимёвий воситалар қўлланилиши натижасида бузилган атроф муҳит экологиясини, табиатдаги биологик мувозанатни тиклаш, фойдали ҳашаротларни кўпайтириш вазифаларини бажаради. Қўриқхона фаолияти ўсимликларни зараркунанда ҳашаротлардан биологик ҳимоя қилиш усулини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, фойдали ҳашаротларни сақлаш ва кўпайтириш б-н биофабрикаларда ишлаб чиқарилаётган фойдали ҳашаротлар самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Қўриқхоналарда зарарли ҳашаротлари, шунингдек, улар б-н озиқланадиган 10 дан ортиқ фойдали ҳашаротларни тўплаш ва кўпайтириш, кузла экинзорлардан фойдали ҳашаротларнинг қишлаш учун қўриқхонага ўтиши, қишдан чиққач, уларнинг бутун Фарғона водийсига тарқалиши учун шароитлар яратилган.

ОЛМОСЎТ (Ranunculus severtzovii) — айиқтовондошларга мансуб кўп йиллик ўт. Пояси битта, бўйи 25—40 см. Илдизи рўваксимон, юқори қисми йўғонлашган. Ёпирма (тўп) барглари бандли, поядаги барглари бандсиз ёки қисқа бандли, икки-уч карра бўлинган. Гуллари тўғри, икки жинсли, гулқўргони мураккаб, косабарглари ва тожбарглари одатда бештадан. Чанчилари кўп. Тупмевалари чўзиқ ёки юмалоқ-чўзиқ. Мевачалари майда, уз. 7—7,5 мм, эни 5—6 мм. О. апр.—май, баъзан июнда гуллаб мевалайди. Ўзбекистоннинг кўпгина минтақаларида ўсади.

Олмосўт.

ОЛМОШ — от, сифат, сон ўрнида қўлланувчи мустақил сўз туркуми. Оларнинг асосий маъноси ва қайси сўз туркуми ўрнида қўлланиши ҳақида ойдинлашади. Оларнинг маъноси нозиқ ва умумий бўлади. Маъно ва грамматик хусусиятларига кўра, О. умумлашган предмет (О. - от: *мен, сен, у, ким, нима, ҳеч ким, ҳеч нима*), умумлашган белги (О. - сифат: *бу, шу, ўша, қайси, аллақандай, ҳеч қандай*), умумлашган миқдор (О. - сон: *қанча, неча, шунча, ўнчанча*) билдирувчи О.ларга бўлинади. О.лар нозиқлиги, сўз ясалишининг йўқлиги б-н бошқа сўз туркумларидан фарқланади.

О.лар маъно ва грамматик хусусиятларига кўра, қуйидаги гурларга бўлинади: кишилик О.лари — *мен, сен, у, биз, улар* бўлиб, шахслар ўрнида ишлатилади, ўзлик О. — ўз сўзидан иборат бўлиб, предмет маъносини кучайтириб, таъкидлаб кўрсатади; кўрсатиш О. — *бу, шу, ўша, у, ана, мана* кабилар предмет ва унинг белгиларини кўрсатади; сўроқ О. — *ким? нима? қанча?* қандай кабилар предмет, белги ва миқдор ҳақида сўроқни билдиради; белгилаш-жамлаш О. — *ҳамма, бари, баъзан, ҳар нима, ҳар қандай* кабилар предмет ва унинг белгисини умумлаштириб, жамлаб кўрсатади; бўлишсизлик О. — *ҳеч ким, ҳеч қандай, ҳеч қанақа, ҳеч қайси* кабилар инкор маъносини билдиради; гумон О. — *аллаким, алланима, нимадир, кимдир* кабилар предмет ва унинг белгиси, миқдорини тахминий билдиради.

ОЛМУРОД СВИТАСИ (Туркманистондаги Олмурод тоғи номидан) — *Вилюйжин ярусига* мансуб жинслар комплекси. Россиялик тектонист олим Н. П. Херасков ажратган. О.с. қизил гилтош, доломит, мергель, оҳактош, гипс, қумтош қатламларидан таркиб топган. Қалинлиги 60—160 м. Оҳактош ва доломитларда пелециопода, амонит, денгиз типратикани ва б. денгиз ҳайвонлари қолдиқлари, гилтошларда эса остракода, форминифера ва б. қолдиги учрайди. О.с. Дарвоз тоғларидан Амударё этакларигача бўлган ҳудудда тарқалган. Ўзбекистон ҳудудининг баъзи жойларидаги О.с.да оч тузи кони борлиги аниқланган.

ОЛОВБАРДОШ ҚОТИШМАЛАР — асосини никель, темир ёки темир-никель ташкил қиладиган материаллар.

Таркибида 30% гача хром бўлади. О.қ. юқори т-рали ҳаво ёки газ муҳитида коррозия (занглашга яхши чидайди. Айрим О.қ. алюминий ёки кремний б-н легирланади (қ. *Легирлаш*). Қиздирилганда уларнинг сиртида зич ҳимоя пардаси ҳосил бўлади. Легирловчи элементлар (хром, алюминий ва б.) оксидларидан иборат бу пардалар асосий элементларнинг оксидларига нисбатан термодинамик жиҳатдан турғун бўлади. Парданинг ҳимоя қилиш хоссаси унинг зичлиги ва асосий металл б-н мустаҳам бирикишига боғлиқ. О.қ., асосан, қиздириш элементларининг детал-лари ва қаршиликларнинг элементларини тайёрлаш учун ишлатилади.

ОЛОВБАРДОШЛИК — металларнинг 1000° дан ҳам юқори т-рада ҳаво ёки бошқа газсимон муҳит таъсирида кимёвий емирилишга чидамлилик хусусия-ти. Оксидлайдиган атмосферада металл (қотишма) нинг О. хоссаси металл сиртида оксид — қуйинди қатлами (металл ичида газ диффузиясини қийинлаштирадиган қатлам) ҳосил бўлишига боғлиқ. О. металлнинг кислород ютиши ҳисобига металлнинг массаси ортиши ёки унинг сиртидан қуйинди йўқолиши натижасида массаси камайиши б-н ифодаланади. О. материални юқори т-рали шароитда ишлатиш мумкинлигини белгилайдиган муҳим омил ҳисобланади.

ОЛОВЛИ ЕР — Жан. Американи-нг жан. чеккасидаги архипелаг. Материкдан Магеллан бўғози орқали ажралган. Ғарбий қисми Чили, шарқий қисми Аргентина таркибида. Майд. 72 минг км². Оловли Ер ёки Ила-Гранде о. (майд. 48 минг км²) ва жуда кўп майда орол ва қоялардан иборат. Ғори бурни Жан. Американи-нг энг жан. нуқтаси. Архипелагнинг жан. ва ғарбий қисми тоғлиқ (энг баланд жойи 2469 м), қолган қисми сертепа текислик ва пасттекислик. Фьорд, торфли ботқоқлик кўп. Музликлар бор. Иқлими мўътадил, салқин океан иқлими. Январнинг ўртача т-раси 10—11°, июлиники 0—2°. Йилига 500 мм дан 2000 мм гача ёғин ёғади. Миллий боғлар ташкил этилган. Аҳоли кўйчилик ва балиқ овлаш б-н шуғулланади. Нефть ва газ конлари бор. Асосий аҳоли пунктлари: Ушуая ва Порвенир. О.е.ни европаликлардан дастлаб 1520 й.да Ф. *Магеллан* айланиб ўтган. У маҳаллий аҳоли ёққан гулханларни кўриб архипелагга шундай ном берган.

ОЛОМОУЦ — Чехиянинг Шим. Моравия вилоятидаги шаҳар. Морава дарёси бўйида. Аҳолиси 225,3 минг киши (2000). Транспорт йўллари тугуни. Машинасозлик, кимё, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати корхоналари бор. 11-а.да Моравия орқали ўтган қад. савдо йўллари кесишган ерда бунёдга келган. 12—13-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. 19-а.гача қалъа сифатида маълум эди. Ун-т бор.

ОЛОТ — Бухоро вилояти *Олот тумани*даги шаҳар (1982 й.дан). Туман маркази. Вилоят маркази (Бухоро ш.) дан 70 км. Т. й. станцияси. Бухоро ш. б-н т.й. ва шоссе йўли орқали боғланган. О. маркази-дан Бухоро—Туркманобод халқаро т.й. ва автомобиль йўллари ўтган. Амў-Қоракўл канали шаҳарининг жан.дан ўтади. Аҳолиси 11,5 минг киши (2003).

Олот шаҳридаги супермаркет.

«Олот» атамасининг орлот туркий уруғ (қабила) номидан келиб чиққанлиги тахмин қилинади. Шаҳарда туман ҳокимияти биноси, «Олотгекс» қўшма корхонаси, эсфальт, гишт, консерва з-длари, Амў-Бухоро канали бошқармаси, кўчма қурилиш механизациялашган колоннаси, МТП, алоқа бўлими, 7 умумий таълим, мусиқа мактаблари, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи, касб-ҳунар мактаби, кутубхона, болалар кутубхонаси, музей, клуб, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, марказий касалхона ва б. тиббий муассасалар ҳамда савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

ОЛОТ ТУМАНИ — *Бухоро вилоятидаги* туман. 1943 й. 14 февр.да ташкил этилган. 1960 й. Қоракўл туманига қўшилган. 1973 й. 26 дек.да қайта ташкил этилган. 1983 й.дан яна Қоракўл тумани таркибида. 1989 й.дан О.т. яна алоҳида туман мақомига эга бўлди. Бухоро вилоятининг жан.-ғарбида жойлашган. Жан., жан.-шарқдан Қашқадарё вилояти, жан.-ғарбдан эса Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудлари билан чегарадош. Майд. 3,22 минг км². Аҳолиси 77,9 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Олот), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини (Баҳористон, Гулистон, Денов, Жумабозор, Кирлишон, Пахтакор, Сойиноқоровул, Толқонсаёт, Чандир, Чорбоғ) бор. Маркази — Олот ш.

Олот қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи.

Табиати. Туман ҳудуди Зарафшон дарёсининг энг қуйи қисмида, Қоракўл дельтасидаги текисликда жойлашган. Рельефида кескинлик кам. Фақат Денгизкўл районида Денгизкўл ботиғи (160 м) ва Денгизкўл платоси ўртасидаги баландликлар фарқланади (Жилликон — 302 м, Сомонтепа — 280 м). Туманнинг 10% га яқин майдони ўзлаштирилган воҳадан иборат, қолган қисми қумли, гипсли, гилли, шўрхок чўлларидир. 100 га яқин қолдиқ кўл бор. Улардан энг катталари — Денгизкўл, Сомонкўл, Қоронгикўл, Шўркўл, Хўжамсаёз, Қарағанжида ва б. Қоракўл дарёсининг қуйи оқими ва собиқ Мохондарё ўзани, асосан, текисликдан иборат. Тупроқлари ўтлоқи бўз, қумлоқ бўз, тақир бўз тупроқлардир, жан.-да шўрхоклар катта майдонни эгаллайди. Ёр ости сизот сувлари анча яқин. Туман ҳудудида 132 қудуқдан фойдаланилмоқда. Йирик гидротехника иншоотлари ва насос станциялари мав-

Олот алоқа бўлими.

жуд. Туман ҳудуди орқали Аму-Бухоро, Аму-Қоракўл каналлари ўтади. Фойдали қазилмалардан Ўртабулоқ ва Олотда табиий газ, қоллиқ кўлларда туз, қурилиш материаллари захираси катта. Иқлими кескин континентал. Янв. нинг ўртача т-раси — 0,4°, энг паст т-ра —24°, июлнинг ўртача т-раси 29,3°, энг юқори т-ра 46°. Вегетация даври 205 кун. Йиллик ёғин 120—125 мм. Ёввойи ўсимликлардан боялич, коврак, янтоқ, шувоқ, сингрен, саксовул, қандим, баҳорда ранг, қўнғирбош, илтирбош ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан тароқ бармоқли қўшоёқ, ингичка бармоқли юмронқозиқ, малла юмронқозиқ, сутур, сассиққўзан, қумсичқон, қум бўғма илони, чарх илон, чўл мушуги, қушлардан тувалоқ, қорабовур, олабовур, қирғовуллар ва б. бор. Қумли чўлларнинг типик табиий комплексларини қўриқлаш ва бойитиш мақсадида туман ҳудудида 1971 й.да Қоракўл қўриқхонаси ташкил этилди. Қўриқхонада 200 га яқин ўсимлик тури (шундан 30 га яқин дарахт ва буталар) бор. Қўриқхонадаги сув ҳавзалари (каналлар, кўлларда 30 га яқин балиқ тури яшайди. Судралувчиларнинг 30 хили, қушларнинг 170 тури, сут эмизувчиларнинг 30 га яқин тури бор. Жумладан, қўриқхонада зарафшон қирғовули, қум қуёни, қобон ва б. кўпайтирилмоқда.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, қозоқ, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳоли зичлиги 1 км² га 24,2 киши (2003). Шаҳар аҳолиси 11,5 минг киши, қишлоқ аҳолиси 66,4 минг киши.

Хўжалиги. Туман қ.х. асосан, пахтачилик, галлачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Пилла чилик, сабзавотчилик, полизчилик ҳам ривожланмоқда. Суғориладиган ерлар 19,5 минг га. Туманда 8 йирик саноат корхонаси мавжуд. Шулардан Ўзбекистон — Швейцария—Германия қўшма корхонасида пахта хом ашёсидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Ҳунармандчилик тармоқлари бор. 2 та автохўжалик ишлаб турибди. Ўрмон хўжалиги фаолият кўрсатади. Туманда 14 ширкат хўжалиги, 800 дан ортиқ фермерлар хўжалиги мавжуд. «Олот» ширкат хўжалиги қўйчиликка ихтисослаштирилган. Туман шамоли ва жамоа хўжаликларида 36,9 минг қорамол, 87,9 минг қўй ва эчки, 36,2 минг парранда боқилади (2003).

Туман маркази Ўрта Осиё т.й. тармоқлари б-н боғланган. Бухоро—Олот йўналишида поезд қатнови йўлга қўйилган. Автойўлларининг уз. 251 км.

2002/2003 ўқув йилида 35 та умумий таълим мактабида 19,7 минг ўқувчи таълим олди. Олот қ.х. коллежи (653 талаба), музей, 38 кутубхона, 19 клуб, маданият ва истироҳат боғи бор.

Туманда марказий касалхона, бир неча фельдшер-акушерлик пунктлари ишлаб турибди. Уларда 205 малакали тиббий ходим хизмат қилади. 1998 й.дан «Олот ҳаёти» газ. чоп этилмоқда (алади 1000).

ОЛТИАРИҚ — Фарғона вилояти *Олтиариқ туманидаги* шаҳарча (1980 й.дан). Туман маркази. 470 м баландликда. Вилоят маркази (Фарғона ш.) дан 36 км, яқин т.й. станцияси — Олтиариқ (6 км). Аҳолиси 11 минг киши (2003), асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, рус, ўйғур, татар, озарбайжон ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Олдан Марғилон—Қўқон, Водил—Учуй автомагистраллари ўтган. Аҳоли орасидаги ривожда шаҳарчанинг кад. номи Лалакхона ёки Лаклакмона (аҳоли яч жойлашган ер маъносида) бўлиши дейилади. Олтиариқсой Қапчиғай дарасида 6 қишлоқ (Повулғон, Полосон, Лалакхона, Янгиқўрғон, Жўра ва Киткон) ариқларига бўлинган. О. номи шундан келиб чиққан ва кейинроқ шаҳарча ва туман номига ўтган. Хонлик даврида (18—19-а.лар) О. Марғилон вилояти Олтиариқ беклигининг маркази бўлган.

О.нинг Бутдойчи маҳалласида ўтмишда хонларнинг Кичик Ўрда деб номланган ёзги қароргоҳи жойлашган (ҳоз. Ўрданинг пахса девори қолдиклари сақланган).

Шаҳарчада туман ҳокимияти бинокори, маъмурий идоралар, 50 дан зиёд савдо, транспорт, алоқа, қурилиш корхоналари ва б. муассасалар бор. «Пахтабанк», «Асакабанк», Халқ банки, деҳқон бозори, 3 умумий таълим мактаби, маданият саройи, 3 жамоат кутубхонаси, туман тарихи музейи, теннис корти, марказий касалхона, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари фаолият кўрсатади. «Мотамсаро она» ҳайкали ўрнатилган марказий хиёбон, Мустақиллик майдони мавжуд.

«ОЛТИАРИҚ» САНАТОРИЙСИ — бальнеологик курорт. Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида, Фарғона ш.дан 50 км, туман марказидан 9 км узоқликда. Майд. 33 га, иқлими кўрук, сершамол. Йиллик ўртача т-ра 13°, июлда 26—28°, янв.нинг ўртача т-раси —2°. 1954 й.да Марказий Фарғона чўлини ўзлаштирувчилар учун ичимлик сув қидириб чуқур қудуқ пармалаганида иссиқ минерал сув отилиб чиққан. Шу

Олтиариқ шаҳарчасидаги туман тарихи музейи.

Олтиариқ шаҳарчасидаги Мустақиллик майдони.

жойга ванна хоналар қурилиб, чўлқувварлар даволанадиган бальнеологик касалхонаси ташкил этилган. 1976 й. санаторий қурилиш қилинган ва 1979 й. 9 майда санаторий расмий равишда очилиб, уруш ва меҳнат фахрийларини даволаш бошланган, кейинчалик таянч-ҳаракат аъзолари, нерв системаси, овқат ҳазм қилиш аъзолари касалликлари, қандли диабетнинг енгил шаклини даволаш мақсадга мувофиқ бўлган. Санаторий ҳозир кўкаламзорлаштирилган. «О»с.да 1756 м чуқурликдан 41° иссиқликдаги тиниқ, чучук, майин минерал сув чиқиб турали. Унинг таркибида литий, калий, нат-рий, магний, кальций, стронций, кобальт, никель, қўрғошин, рух, фтор, хлор каби кимёвий элементлар, шунингдек, карбонат-гидрокарбонат, кремний кислотаси ва б. бор.

Минерал сувдан, асосан, ванналар учун, меъдани ювиш, ичакларни чайиш, тюбаж, душ (найланма ва кўтарилма), сув ости массажи қилиш усулларидан фойдаланилади. Бундан ташқари, физиотерапия, даво физкультураси, массаж, иссиқ (парафин ва озокерит) б-н даволаш усуллари ҳам қўлланилади.

300 ўринга мўлжалланган ётоқ корпуси, ёзги ва қишки клуб, кутубхона, спорт майдончалари, чойхоналар мавжуд.

ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ — Фарғона вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Жан.дан Фарғона, шим.дан Наманган вилояти, ғарб ва шим.-ғарбдан Риштон, Бувайда ҳамда Боғдод, шим.-шарқдан Охунбобоев, Ёзёвон туманлари ва жан.дан Қирғизистоннинг Қадамжой тумани б-н чегарадош. Майд. 0,63 минг км². Аҳолиси 166 минг киши (2003). О.т.да 1 шаҳар (Ҳамза), 1 шаҳарча (Олтиариқ), 15 қишлоқ фуқаролари йиғини (Азимобод, Бурбалиқ, Жўрақ, Зилха, Каттпут, Олтиариқ, Оқбўйра, Повулғон, Полосон, Файзнобод, Янгиараб, Янгиқўрғон, Қапчиғай, Қизилтепа, Ғайрат) бор. Маркази — *Олтиариқ* шаҳарчаси.

Табиати. Туман ҳудудининг жан. адирлар, сойларнинг ёйилмалари, қумли шўрхоклардан иборат. Адирлар ва адир этакларининг бал. 500—700 м. Бу ерлар тоғлардан оқиб тушадиган кўп сойларнинг қад. конгломератларидан — Сўх свитаси комплексларидан ташкил топган (қалинлиги 80—200 м). Адирларнинг Марказий Фарғона текисликларига қўшилиб кетган қисмлари ёйилма кўринишида бўлиб, тошли-шағалли, гилли ва қумоқ жинслардан иборат. Уларнинг ҳаммаси антропоген даврининг турли ёшдаги ётқизиқларидир. Шим. қисмининг рельефи кенг текислик бўлиб, юзасини қум, гил, ўпалб м чуқурликда тошли-шағалли жинслар қоплаб ётади. Уларнинг тагида 400 м қалинликда палеоген даврининг карбонатли денгиз чўкиндилари бор. Иқлими қуруқ, сершамол, баҳор ва кузда шамол бўлади (тезлиги секунд.да 12—15 м). Йиллик ўртача т-ра 13°, июлда 26—28°, энг юқори т-ра 42°, январда ўртача т-ра —2°, энг паст т-ра —23°. Вегетация даври 210 кун. Йиллик ёғин 100—180 мм. Адир ва адир этакларида оч бўз, тўқ бўз, қўнғир бўз, марказий ва шим. қисмида ўтлоқи, ўтлоқи-ботқоқ шўрхок тупроқлар тарқалган. Ёввойи ўсимликлардан адирларда шувоқ, баҳорда эфемер ва эфемероидлар, марказий ва шим. қисмидаги кўсимликларда шўра, қоғуп, селин, янтоқ ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, қуён, тулки, каламуш, ўқилон, чипорилон, бургут, бойўтли, калхат, қирғир ва б. бор. Туманнинг экин майдонлари Олтиариқсой, Жан. Фарғона, Катта Фарғона, Катта Андижон, Сўх-Шоҳимардон каналларидан сув олади. «Кўргонтепа», «Кенг кўл» сув омборлари қурилган. Чўл қисмида йирик минерал сув ҳавзаси бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (93,5%), шунингдек, тожик (4,4%), қирғиз (1,9%), рус, лўли, корейс, арман, немис, чуваш, қозоқ, озарбайжон, украин ва б. миллат вакиллари (1,1%) ҳам яшайди. 1 км² га ўртача 263 киши тўғри келади. Шаҳар аҳолиси 22 минг 500 киши (14%), қишлоқ аҳо-лиси 143 минг 500 киши (86%; 2003).

Хўжалиги. О.т. вилоятнинг марказий қисмида жойлашганлиги, муҳим транспорт йўлларининг ўтганлиги, иқлим шароитининг қулайлиги туманда и.ч., деҳқончилик ва талабкорлик, маданий-маиший соҳалари ва савдо-иқтисодий муносабатларининг ривожланишига муҳим омил бўлмоқда. И.ч. кор-хоналари ва турли муассасалар Олтиариқ шаҳарчаси, Ҳамза ш., Қапчиғай, Файзнобод қишлоқларида жойлашган. Туманда республикадаги дастлабки корхоналардан ҳисобланган Олтиариқ нефтни қайта ишлаш ва Олтиариқ пахта тозалаш з-длари, шунингдек, «Шоҳимардонсой» минерал сув қадоқлаш з-ди, вагонларни бутлаб ювиш корхонаси, Қапчиғай темирбетон буюмлари з-ди, Файзнобод қурилиш к-тлари (2 та), 2 механизациялашган қурилиш ташкилоти, МТП лари, 2 автокорхона, автомобиль йўлларини қуриш, нон маҳсулотлари и.ч. корхоналари ва б. мавжуд.

Тумандаги 1051 хўжалик юритувчи субъектлардан 18 таси акциядорлик жамияти, 15 ширкат хўжалиги, 6 йирик саноат корхоналари, 145 кичик ва ўрта корхоналар, 326 фермер хўжаликлардир.

Туман ҳудудида республика аҳамиятига эга бўлган Тошкент—Фарғона ҳамда маҳаллий Марғилон—Қўқон, Водил—Учуй автомагистраллари ўтган. Қопламали асфальт йўлларининг умумий уз. 392 км.

Қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоғи — деҳқончилик. Тумандаги 24 минг га суғориладиган ер майдонидан 20,6 минг га ерга экин экилади. О.т.да



Олтиариқ қишлоқ хўжалик колледжи биноси.

15 ширкат хўжалиги, Қизилтепа фермерлар бирлашмаси, туман фермерлар уюшмаси томонидан 7895 га ерга пахта, 8520 га ерга дон экинлари экилади (2002). 534 га ўрмонзор, 1530 га кўп йиллик дарахтзор, шундан 1250 га боғ, 21 га токзор, 250 га тутзор б-н банд.

Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 29,8 минг қорамол (шу жумладан, 12,8 минг сигир), 13,9 минг қўй, 32,6 мингдан зиёд парранда боқилади (2003). Пиллачилик б-н ҳам шуғулланилади.

О.т.да 41 умумий таълим мактаби, 9 йиллик таянч мактаби, 3 лицей ва гимназия, 3 касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатади. Таълим муассасаларида 41 мингдан зиёд ўқувчига 3 мингдан зиёд ўқитувчи таълим-тарбия беради. Туманда 2 болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, футбол мактаблари ишлаб турибди. Марказий маданият саройи, «Олтиариқ тарихи» музейи, қишлоқ музейи, 5 маданият уйи, 26 жамоат кутубхонаси (239838 асар), «Зилола» ашула ва рақс ансамбли фаолият кўрсатади. Туман марказида Хотира майдони, «Мотамсаро аёл» монументи мавжуд. О.т.нинг Қизилтепа мавзесида Республика аҳамиятига молик «Олтиариқ» фахрийлар санаторийси ва 2 та вилоят аҳамиятидаги ҳамда Файзиобод болалар санаторийларида табиий ер ости минерал суви б-н даволаш йўлга қўйилган. Ушбу минерал сув асосида «Шоҳимардонсой» қалоқлаш корхонаси ташкил этилиб, 2002 й.да ушбу корхона маҳсулоти Швейцарияда ўтказилган Халқаро

Бурбалиқ қишлоғидаги Дўсти Худо масжиди.

кўргазмада Халқаро «Сифат Олтин юлдузи» медали б-н тақдирланган.

Туманда 6 касалхона (830 ўрин), 7 поликлиника, 15 қишлоқ врачлик пункти, 27 фельдшер-акушерлик пункти, диагностика марказлари, саломатлик-шифохонаси тез ёрдам маркази, силга қарши курашиш диспансери ва б. тиббий муассасалар «Саломатлик» дастури асосида «Абакус», «Уросан», «Филипс», «Шиллер» лабораторий жиҳозлари ва плазмафорез аппаратлари б-н таъминланган. Туманда спортнинг 22 тури бўйича 10 мингдан зиёд спортчи шуғулланади. Стол тенниси, кўл жанги, футбол, қураш, велоспорт ривожланган. Спортнинг бу турлари бўйича Ўзбекистон, Халқаро мусобақалар совриндор ва голиблари шу тумандан етишиб чиққан. Туманда Қалчигай гори (мил. ав. 33—12 минг йилликлар), Зураймомо тепалиги (мил. ав. 6-а). Кит-қонқала (1—4-а.лар); археологик манзилгоҳлар; Кўктилло бува, Муйка Азиз бува, Умоч бува, Сертут бува, Шоҳ Толиб бува, Хаста хоним, Девона бува, Оқмозор каби зиёратгоҳлар, Дўсти Худо масжиди (Бурбалиқ, 18—19-а.лар) ва б. тарихий-меъморий ёдгорликлар мавжуд.

1931 й.дан «Давр овози» газ. нашр этилади (адади 3000).

ОЛТИАРИҚСОЙ — Фарғона вилоятидаги сой. Шоҳимардонсойнинг чап тармоғи. Уз. 30 км. Водил қишлоғи ёнида Шоҳимардонсойдан ажралиб чиқиб, ғарбий йўналишда адирлар ортидаги текисликка бўйлаб оқади. Йўл-йўлакай Чимён ва Хонқиз қишлоқларидан бир қанча булоқлар суви келиб қўшилади. Ўртача йиллик сув сарфи 1,2 м³/сек. Фарғона ва Олтиариқ туманларининг экин майдонларини суғоради.

ОЛТИН (Aurum), Au — Менделеев даврий системасининг I гуруҳига мансуб кимёвий элемент. *Асл металлардан* бири. Тартиб рақами 79, ат. м. 196,9665; ранги сариқ, оғир металл. Табиатда О. 1 та барқарор изотоп ^{197}Au ҳолида учрайди. О.нинг сунъий радиоактив изотопларидан ^{195}Au ва ^{199}Au нинг аҳамиятли бор. Ер пўстининг массаси жиҳатдан $4{,}3\cdot10^{-7}$% ни ташкил қилади.

О. инсонга маълум бўлган дастлабки металлардан. Археологик топилмалардан О. буюмларининг мил.дан 5—4 минг йил илгари ясалгани маълум бўлди. Миср, Месопотамия, Ҳиндистон, Хитойда милод. 3—2 минг йилликларда О. қазиб олинган ва ундан турли буюм ва безаклар ишланган, кейинчалик танга пул зарб қилинган.

О. табиатда кўпинча эркин ҳолда (тўғма О.) учрайди. Табиатда учрайдиган бирикмалари жуда оз, улардан муҳими калаверит минерали ($AuTe_2$).мир. Соф О. майда зарра ҳолда кварца, ҳар хил сульфидли рудаларда, кўпинча кумуш аралашган бўлади. РФ да (Урал, Сибирь), Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, АҚШ (Калифорния), Бразилия, Австралия, Канадада, шунингдек, Африка мамлакатларида О. конлари бор. Денгиз ва океан сувларининг 1 м³ да 0,008 г гача, тирик организмларнинг ҳужайраси ва қонида 0,01—0,05 мг/кг гача О. бўлади. Ўзбекистонда О. маккажўхори дони ва попугида (2—4 г/т) ва Қизилқумда шувоқ ўсимлигида борлиги аниқланган. Ўзбекистоннинг Олмалиқ, Зарафшон (Маржонбулоқ), Қизилқум ҳудудларида олтин ва поликристалл конлари мавжуд.

О. юмшоқ, пластик, чўзилувчан металл (қалинлиги 0,0002 мм гача бўлган варақлари олинади ва ундан турли буюм ва безаклар ишланган, кейинчалик танга пул зарб қилинган.

О. табиатда кўпинча эркин ҳолда (тўғма О.) учрайди. Табиатда учрайдиган бирикмалари жуда оз, улардан муҳими калаверит минерали ($AuTe_2$).мир. Соф О. майда зарра ҳолда кварца, ҳар хил сульфидли рудаларда, кўпинча кумуш аралашган бўлади. РФ да (Урал, Сибирь), Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, АҚШ (Калифорния), Бразилия, Австралия, Канадада, шунингдек, Африка мамлакатларида О. конлари бор. Денгиз ва океан сувларининг 1 м³ да 0,008 г гача, тирик организмларнинг ҳужайраси ва қонида 0,01—0,05 мг/кг гача О. бўлади. Ўзбекистонда О. маккажўхори дони ва попугида (2—4 г/т) ва Қизилқумда шувоқ ўсимлигида борлиги аниқланган. Ўзбекистоннинг Олмалиқ, Зарафшон (Маржонбулоқ), Қизилқум ҳудудларида олтин ва поликристалл конлари мавжуд.

О. юмшоқ, пластик, чўзилувчан металл (қалинлиги 0,0002 мм гача бўлган варақлари олинади ва ундан турли буюм ва безаклар ишланган, кейинчалик танга пул зарб қилинган.

О. табиатда кўпинча эркин ҳолда (тўғма О.) учрайди. Табиатда учрайдиган бирикмалари жуда оз, улардан муҳими калаверит минерали ($AuTe_2$).мир. Соф О. майда зарра ҳолда кварца, ҳар хил сульфидли рудаларда, кўпинча кумуш аралашган бўлади. РФ да (Урал, Сибирь), Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, АҚШ (Калифорния), Бразилия, Австралия, Канадада, шунингдек, Африка мамлакатларида О. конлари бор. Денгиз ва океан сувларининг 1 м³ да 0,008 г гача, тирик организмларнинг ҳужайраси ва қонида 0,01—0,05 мг/кг гача О. бўлади. Ўзбекистонда О. маккажўхори дони ва попугида (2—4 г/т) ва Қизилқумда шувоқ ўсимлигида борлиги аниқланган. Ўзбекистоннинг Олмалиқ, Зарафшон (Маржонбулоқ), Қизилқум ҳудудларида олтин ва поликристалл конлари мавжуд.

О. юмшоқ, пластик, чўзилувчан металл (қалинлиги 0,0002 мм гача бўлган варақлари олинади ва ундан турли буюм ва безаклар ишланган, кейинчалик танга пул зарб қилинган.

О. табиатда кўпинча эркин ҳолда (тўғма О.) учрайди. Табиатда учрайдиган бирикмалари жуда оз, улардан муҳими калаверит минерали ($AuTe_2$).мир. Соф О. майда зарра ҳолда кварца, ҳар хил сульфидли рудаларда, кўпинча кумуш аралашган бўлади. РФ да (Урал, Сибирь), Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, АҚШ (Калифорния), Бразилия, Австралия, Канадада, шунингдек, Африка мамлакатларида О. конлари бор. Денгиз ва океан сувларининг 1 м³ да 0,008 г гача, тирик организмларнинг ҳужайраси ва қонида 0,01—0,05 мг/кг гача О. бўлади. Ўзбекистонда О. маккажўхори дони ва попугида (2—4 г/т) ва Қизилқумда шувоқ ўсимлигида борлиги аниқланган. Ўзбекистоннинг Олмалиқ, Зарафшон (Маржонбулоқ), Қизилқум ҳудудларида олтин ва поликристалл конлари мавжуд.

қолдан О. ажратиб олинади. «*Зарафшон-Ньюмонт*» Ўзбекистон—АҚШ қўшма корхонаси ўзларининг олтин и.ч. комплекси чиқиндисидан цианлаш усулида О. ажратиб олишни йўлга қўйган. Бу усулда ишлатиладиган эритувчилар ниҳоятда заҳарли бўлганлиги сабабли Ўзбекистон олимлари самарали ва инсон саломатлиги учун безарар эритувчилар олиш бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда. О.нинг энг кўп ишлатиладиган бирикмаси хлороўрат кислота $H[AuCl_4]\cdot4H_2O$ дир. Бу модда О.ни ҳар сувида эритиш натижасида ҳосил бўлади. О.нинг AuCl, $AuCl_3$ таркибли хлоридлари, AuO_2, Au_2O_3 таркибли оксидлари ва б. бирикмалари маълум. О. валюта сифатида, заргарликда, кимё саноатида, электротехникада, асбобсозликда, тиббиётда, фотографияда қўлланади.

Ад.: Далимов Т.Н., Шаякубов Т.Ш., Троцкий В.И. и др., Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан, Т., 1998; Парпиев Н.А., Муфтахов А.Ғ., Рахимов Х.Р., Аморганик кимё [3 қисм], Т., 2000—2003.

Нусрат Парпиев.

ОЛТИН, тўғма соф олтин — тўғма элементлар гуруҳига мансуб минерал. О. табиатда кўпинча эркин ҳолда учрайди, табиий бирикмалари жуда оз. Кристаллари куб сингонияли, координацион структурали, асосан, кичик ўлчовли (0—1,0 мм) кристаллари учрайди, баъзан 3 см гача бўлган кристаллари ҳам бор. Конларда, асосан, 0,01—4,0 мм заррачали О. бўлади, катталиги тўпламлари (1—5 г ва ундан кўп) ҳам учратилади. Жаҳонда топилган энг катта О. тўпламлари маълум: «Холтерман плитаси» деб ном берилгани (93,3 кг) Австралияда, «Катта учбурчак» (36,04 кг) ва «Тиелгин» (14 кг) Россияда ва б. Асосан, О. майда зарралар ҳолида кварцга ва баъзан, ҳар хил сульфидли рудаларга, О. зарралари эса кўпинча кумуш аралашган бўлади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия (Урал, Сибирь), Африка, Австралия, АҚШ (Калифорния), Канадада О. конлари бор. Ғарбий Ўзбекистонда О. маккажўхори дони ва попугида (2—4 г/т) ва Қизилқумда шувоқ ўсимлигида борлиги аниқланган.

О.нинг софлиги (пробаси) ўзгарувчан бўлиб, кўпинча учрайдиганлари қуйидаги қаторни: 930—900, 820—780, 650—600 ни ташкил этади, жуда кам учрайдиган пробаси 550. Одатда, О.нинг таркибида Ag, Cu, Fe, Mn, Pb, кам миқдорда Bi, Sb, Hg, Te, Se, Pt, In ва б. қўшимчалар бўлади. О.нинг зичлиги ғоваклигига боғлиқ бўлиб, 15600 кг/м³ дан 19200 кг/м³ гача ўзгаради, қаттиқлиги 2—3. Таркибидаги Hg аралашмаси О.ни юмшатса, Pt, Sn, Cu қўшимчалари қаттиқлигини оширади.

О. табиатда кенг тарқалган бўлиб, отқинди, эффузив, метаморфик, чўкинди тог жинсларида учратилади ва *олтин рудалари* конларини гидротермал жараёнлар натижасида пайдо бўлишида иштирок этади. О.нинг сувда эрувчан бирикмалари (хлоридлари, гидросульфидлари ва б.) Ер пўстининг пастки горизонтлари ёки юқори мантиядан гидротермалар б-н олиб чиқилиб, кварц томирларининг аввал шаклланган ёриқларида Fe, Cu, Pb, Zn, Bi, As, Sb, Ag сульфидлари ва шу элементларнинг теллуридлари б-н биргаликда кристалланади. Мис колчедани ва кўргошин-рух сульфид конлари шаклланишида О. иштирок этиб, уларнинг орасида юпқа дисперсли доначалар ҳосил қилади. Худди шу тарзда магматик генезисли мис-никелли сульфид рудаларда ҳам О.нинг қўшимчалари пайдо бўлади. Гипергенез зоналарда О. қисман қайта чўкиб, сульфид руда таналарини юқори қисмини қўшимча бойитади. Руда таналарининг кейинчалик емирилиши б-н ювада жойлашган О. аввал бирга боғланиб турган агрегатлардан ажралиб ва сув оқимлари б-н чиқарилиб тўпланганда сочма О. конларини ҳосил қилади. Бу жараён мобайнида О. заррачалари силлиқланади, электрокимёвий коррозия натижасида уларнинг юзасидаги Ag емирилиши б-н О.нинг пробаси ошалиган қатлам ҳосил бўлади. О. олтин рудали конларни ҳосил қилувчи асосий минералдир.

ОЛТИН БАЛИҚ (Carassius auratus auratus) — товонбалиқ (карас)нинг ювонакшаштирилган кенжа тури. Дастлаб хитой сув ҳавзаларида 7—9-а.ларда товонбалиқнинг сариқ ва қизил мутантларини узоқ вақт танлаш натижасида етиштирилган. Товонбалиқдан саригиш тилларанг туси, қисқа ва кенг (шарсимонгача) танаси, сузгичларининг тузилиши б-н фарқ қилади. Кўп асрлар давомида олиб борилган селекция ва дурагайлаш натижасида бирбиридан ранги, катта-кичиклиги, гавдаси, боши ва сузгичлари шакли, кўзининг ўлчами ва жойлашган ўрни, бошқа белгилари б-н

Олтин балиқ.

фарқ қиладиган юзлаб зотлари яратилган. О.б.нинг энг кўп тарқалган зотлари телескоп (кўзлари бўртиб чиққан), шербош (бошида ҳар хил ўсимталар бор), вуал дум (думи узун, иккита ажралган, танаси калта), диакин (думи капалакка ўхшаш), комета (думи танасидан 3—4 марта узун) ва б. зотлари кўп боқилади. Одатда, ҳаворда 3 мингтагача тухум қўяди. О.б. овқат танламайди. Генетик ва б. экспериментларда фойдаланилади. 35—40 йил яшайди.

«ОЛТИН БАЛИҚ» — ўзбек халқ эртакларидан. Эртакдаги сеҳрли балиқ ибтидоий инсон тушунчаси б-н боғлиқ бўлиб, тотемистик дунёқарашлар асосида юзага келган. Қад. одамлар балиқни ҳам муқаддас билиб, унга сиғинган. Шу боис балиқ эртак қаҳрамонига айланган. «Қаландар б-н Самандар», «Соҳибжон б-н Аҳмаджон», «Суҳроб б-н Музроб», «Сеҳрли балиқ» эртаклари «О.б.»нинг вариантларидир. Олтин балиқ мазкур эртакларда бош қаҳрамонга йўлдош ва кўмакдош бўлиб, сюжет чизигида мавжуд эпизодлар ҳаракатини таъминлайди, ечимда ҳал қилувчи вазифани бажаради. У «О.б.» эртаги ва унинг вариантларида балиқчининг ўғли томонидан тутилади ва қўйиб юборилади.

Олтин балиқ б-н боғлиқ бўлган эртаклар Шарқда ва, умуман, жаҳон халқлари оғзаки ижодида кенг тарқалган ва шуҳрат топган. Барча эртакларда ҳам сирли балиқ талаба, дўстлик, муваффақият тимсоли сифатида акс этади. Олтин балиқ ҳақидаги эртакларнинг ёзма адабиётга ҳам таъсири кучли. Мас., А.С.Пушкиннинг «Балиқчи ва балиқ ҳақидаги эртак» асари ана шу хил эртаклар асосида яратилган.

ОЛТИН БАЛИҚ (лот. Dorado) — *осми сфераси*нинг Жан. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёруғ юлдузи 3,3 юлдуз катталигида. Ўзбекистонда кўринмайди.

ОЛТИН БЕШИК — Қўқон хонлигини идора этган минг судоласининг келиб чиқиши ҳақидаги ривоят. Унга кўра, 1512 й. *Бобур* Самарқанддан Фарғона орқали Ҳиндистонга қочади, йўлда Бобурнинг хотинларидан бири ўғил туғади. Қочоқлар гўдакни қаровсиз ташлаб кетишга мажбур бўлишган. Уни қимматбаҳо зийнат буюмлари қўйилган бешикка ётқизиб, содиқ хизматкорлардан бирига қолдирадилар. У Бобурга гўдакнинг тақдири ҳақида хабар бериши керак бўлган. Бу вақтда мазкур жойда ўзбекларнинг қирқ, қипчоқ, қирғиз ва минг уруғларининг овуллари бор эди. Ушбу уруг вакиллари болани топиб олиб, унга «О.Б.» деб ном қўйганлар. Бола минг уруги ову-

лига жойлаштирилган. О.Б. вояга етганда халқ унга ҳар бир уруғдан (қирқ, қипчоқ, қирғиз ва миниг) биттадан қизга уйланишга имкон беради. Миниг уруғидан бўлган катта хотин унга ёлғиз ўғил туғиб беради. Унга Тангриёр деб ном қўядилар, бошқача қилиб Худоёр ёки Элоқ Султон деб атай бошлайдилар. Бобур асарларида О.Б. ҳақида ҳеч нарса демаган, унинг замондошлари ҳам уни тилга олмайдилар. Шунинг учун бу ривоятни Қўқон хонлари ўз шажараларини Бобур б-н боғлаш ва ўз ҳокимиятларини барқарор этиш мақсадида тўқишган деб ҳисоблаш мумкин.

Ривоятларга кўра, О.Б. 1545 й. вафот этган. Унинг ўғли Тангриёр кейинчалик Фарғонанинг ҳукмдори бўлади, лекин хон эмас, балки бий деб аталади. Бу ном унинг авлодларидан то Олимхонгача берилган.

Ад.: Бобобеков Ҳ.Н., Қўқон тарихи, Т., 1976.

ОЛТИН БОЗОРИ — олтин б-н олди-сотди операцияларини доимий равишда амалга оширувчи марказ. Жаҳон О.б. минтақавий бозорлардан таркиб топади. Уларнинг энг йириклари Лондон, Цюрих, Нью-Йорк, Женева, Мельбурн ш.ларида жойлашган. 1919 й.дан буён фаолият кўрсатиб келаётган Лондон О.б.да кун давомида 2 маротаба олтиннинг махсус нархи (*фиксинг*)ни белгилаш тартиби жорий этилган. Лондон бозоридаги нархлар энг қулай ҳисобланиб, турли ҳисоб-китоблар учун база вазифасини бажаради ва узоқ муддатли шартномаларда нархларни белгилаш учун қўлланади. Цюрих О.б. 1970 й.дан фаолиятни бошлаган бўлиб, 1980-й.ларга келиб энг йирик марказлардан бирига айланди, жаҳонда олтинга бўлган талабнинг асосий қисми ушбу бозор орқали қондириладиган бўлди. Ҳоз. пайтда дунё олтин савдосининг 40% Швейцарияда ўтказилади. Швейцария банкларининг афзаллик томонлари шундан иборатки, улар жаҳонининг барча ҳудудларидаги О.б.ларида жойлашган.

1970 й.да АҚШда олтин демонетизацияси, яъни 40 й. давомида мавжуд бўлган резидентлар томонидан олтинни сотиш ва сотиб олишни тақиқловчи шартнома бекор қилиниши б-н О.б. ривожланди. Чунки бу шартнома АҚШ резедентларига хусусий равишда олтин қуймаларини сақлаш имконини бермас эди. Олтин савдосининг эркинлаштирилиши Нью-Йорк ва Чикаго товар биржаларидаги халқаро пул бозорини олтин фьючерс шартномалари асосида амалиётлар олиб борувчи йирик марказга айлантирди. У марказларда олтин етказиб бериш бўйича дунёнинг 90% фьючерс шартномалари имзоланади.

Халқаро телекомуникацияларнинг юксак даража ривожланиши ҳам махсус компьютер тармоқлари орқали олди-сотди шартномаларини тузишга замин яратди. Бундай савдода фақатгина олтинни етказиб бериш шарти курсатилади, харидор ва сотувчининг қаерда жойлашгани аҳамиятли эмас. Олтин ишлаб чиқарувчи мамлакатлар ва хусусий эгалари олтин сотувчилар ҳисобланса, хусусий фирмалар, зарғарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи корхоналар, инвесторлар, тезаураторлар, Марказий банклар ва махсус фондлар унинг истеъмолчиларидир. Деярли барча мамлакатларнинг Марказий банклари олтинни халқаро захира таркибида сақлайдилар. Жаҳонда турли давлатларнинг олтин захиралари ҳажми турлича. Мас., бу кўрсаткич АҚШда 8,1 минг т, Германияда 3,5 минг т, Францияда 3 минг т, Италияда 2,5 минг т ва Халқаро валюта фондида 3,2 минг т га тенг. Бир йил давомида энг кўп олтин ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторига ЖАР (394 т), АҚШ (335 т), Австралия (285 т), Хитой (183 т), Россия (165 т), Канада (157 т), Перу (134 т) ва Ўзбекистон (84 т) каби давлатлар кирали (2002).

Файзулла Муллажонов.

«ОЛТИН ЁРУҚ» — бўлаажийликка элтиқоз қилган туркий қавмлар орасида машҳур бўлган қад. ёзма ёдгорлик. Асл номи «Суваришарабхаса» бўлиб, санскрит тилидан қад. хитой тилига таржима қилинган. 10-а.да Бешбалиқ шаҳ. Сенги Сели Тудунг уни хитой тилидан қад. туркий тилга «О. ё.» номи б-н таржима қилган ва эски уйғур-турк ёзувида кўчирган.

Ўнта афсонани ўз ичига олган «О.ё.» 675 саҳифадан иборат. Барча афсоналарда ҳам будда-вийлик-нинг асосий таълимоти («нажот топиш» таълимоти) биринчи ўринда турали. Мазмуни турлича бўлган афсоналарнинг ҳаммасини бирлаштириб, яхлит асар ҳолига келтирилишининг бош омили ҳам ана шу таълимотдир. Унда акс этган «тўрт олий ҳақиқат» босқичи ҳам Ўрта Осиё халқларининг фалсафий қарашларига мос келади.

«О.ё.»нинг ҳоз. туркийшунослар кўп фойдаланадиган нусхаси 18-а.да кўчирилган. Бу қўлёзма Санкт-Петербургдаги Осиё музейида сақланади.

«О.ё.»ни 1910 й. Шарқий Туркистоннинг Хан-су вилоятидаги Вун-шигу қишлоғидан С.Е.*Малов* топган. Унинг факсимиле нусхаси В.В.Радлов ва С.Е. Малов томонидан нашр этилган (1913—17). Немис олими В.Мюллер эса асарнини 1920 саҳифасини хитойча асл нусхаси б-н қиёслаган ҳолда чоп эттирган (1913). В.В.Радлов «О.ё.»нинг бир қисмини немис тилида нашр қилган (1930). Турк олими Рашид Раҳматий Арат «О.ё.»ни транслитерация қилиб, усмонли турк тилига таржима қилишни бошлаган, лекин ни ниҳоясига етмаган. Яна бир турк олими Чевал қоя юқорида эслатилган факсимиле нашр асосида «О.ё.»ни тулиқ транслитерация қилиб чоп эттирди (Анқара, 1994).

Насимхон Раҳмонов.

ОЛТИН КЕСИМ, гармоник бўлиш, кесмани ўрта ва чет нисбатда бўлиш — геометриянинг қад. масаласи. О.к. атамасини *Леонардо да Винчи* фанга киритган. Бунда берилган *AB* кесмани $AB : AC = AC : BC$ шартни қаноатлантирадиган *AC* ва *BC* кесмаларга бўлиш талаб қилинади. О.к.ни геометрик усулда ясаш расмда тасвирланган ($BE \perp AB$, $BE = \frac{1}{2} AB$, $ED = EB$, $AC = AD$). Агар $AB = a$, $AC = x$ деб белгиланса, О. к. $a:x=x:(a-x)$ тенгламанинг мусбат илдизи $x = \frac{\sqrt{5}-1}{2} a$ дан иборат кесмани ясашга келади, бунда $x \approx 0{,}62\ a$. $\varphi = \frac{\sqrt{5}-1}{2}$ коэффициент Фибоначчи сонларидан тузилган

$\frac{2}{3} \cdot \frac{3}{5} \cdot \frac{5}{8} \cdot \frac{8}{13} \cdots$

кетма-кетликнинг лимитидир.



Олтин кесим чизмаси.

О.к. масаласи *Евклид* «Негизлар»ида учрайди, томонлари *a* ва *x* бўлган тўғри тўртбурчак қадимда ва ўрта асрларда меъморлик асарларида қўлланилган.

ОЛТИН ПАРИТЕТИ — 1) мамлакат пул бирлигида давлат томонидан белгиланган ва қонунда қайд этилган соф олтин миқдори (огирлиги); 2) турли мамлакатлар пул бирликларининг расмий олтин таъминоти миқдорига кўра нисбати. Мас., 1 АҚШ долларининг олтин таъминоти 0,818513 г соф олтинга тенг бўлган. 1961 й. СССР да 1 сўмнинг олтин таъминоти 0,987412 г соф олтин деб белгиланган. Натижада 90 тийин 1 долларга тенг деб қабул қилинган. 1989 й. 62,5 тийин 1 долларга тенг бўлган.

20-а.нинг 70-й.ларидан бошлаб Ямайка келишувига асосан қоғоз пулларининг О.п. бекор қилинди (қ. *Ямайка валюта тизими*).

ОЛТИН РУДАЛАРИ — таркибида олтин минерали бўлган табиий ҳосилалар, рудалар. Табиатда 30 дан ортиқ олтинли минераллар маълум. Улардан ташқари, таркибида олтин бўлган бошқа металлар (мис, никель, қўрғошин, рух, кумуш, темир, марганецнинг рудаларидан ҳам олтин олинади. Асосий саноат аҳамиятига эга фойдали қазилма тўғма олтин бўлса, бошқа бир қанча турли минераллар: кюстелит (таркибида 10—20% Au), калаверит $AuTe_2$ (40—43% Au), креннерит $(Au,Ag)Te_2$ (40% Au), сильванит $(Au,Ag)Te_4$ (25—27% Au), петцит Ag_3AuTe_2 (25% Au), купроаурид $AuCu_3$, родит Au,Rh, порпецит Au,Pd, ауростибит $AuSb_2$, мальдонит Au_2Bi, ютенбогардеит Ag_3AuS_2 ва б. дан ҳам фойдаланилади.

Эндоген, экзоген ва метаморфик О.р. фарқ қилинади. Барча эндоген О.р. гидротермал йўл б-н пайдо бўлган, бир тонналигининг таркибида 2—3 г дан бир неча юз г гача олтин бор. Эндоген О.р.нинг барчаси плитасимон томир массивлар (Россия, Қозоғистон, Канада), ғарамсимон томирлар (Шарқий Сибирь, Австралия), қувурсимон томирлар ва штокверклар (Ўзбекистон, АҚШ) рудалардир.

О.р.нинг таркибига 200 дан ортиқ турли минераллар киради. Олтин-сульфид-кварц рудалари кенг тарқалган (1,5—20°г руда минераллари). Минералларининг асосийси — кварц, турли миқдорда кальцийли ва темирли карбонатлар, барит, хлорит, серицит, турмалин. Рудали минералларнинг устувор-лари пирит, камроқ арсенопирит. Иккинчи даражали минераллар: пирротин, мис, қўрғошин, рух, висмут, кумуш сульфидлари, темир оксиди, тўғма кумуш, баъзан — теллуридлар. Олтининг пробаси 700—900. Олтин-кварцли рудалар таркибида камроқ миқдорда рудали минераллар ва умумий ҳажми ҳам кам бўлади, темир сульфидлари кескин ортади. Ер юзасига яқин жойлашган олтин-кварцли ва олтин-сульфид-кварцли рудали конлар олтин-кумуш конлари деб аталади (Сибирь, Тяньшан, Филиппин ҳамда АҚШ ва Мексикада учрайди). Улар таркибида халцедон, магний карбонатлари ва силикатлари, адуляр, диккит, камроқ миқдорда флюорит ва рудали минераллардан пирит, марказит, халькопирит, галенит, аргентит, кумуш сульфотузлари, камроқ олтин, кумуш, висмут, қўрғошин теллуридлари бор.

Сульфид рудалари (20—30% рудали минераллар) кам тарқалган бўлиб, таркиби оддийроқ; асосан, пирит ва арсенопирит, 2-даражада мис, қўрғошин, висмут сульфидлари (баъзан теллуридлари) О.р. қатлами ва баъзан қувурсимон танадар ҳосил қилади (Қозоғистон, Шарқий Сибирь, Австралия, Бразилия).

Экзоген О.р., асосан, соччма конларда, кам ҳолларда олтин сульфидли конларнинг оксидланиш зоналарида учрайди. Бу конларда рудали қатламлар ва оқимлар ғовак ва мустаҳкамланмаган ётқизиқлардан иборат бўлади. Олтин эса, қўпинча юмалоқланган алоҳида заррачалар ёки тангачалар (ўлчами 0,5—4 мм), баъзан қум ва гилларни орасида кварц б-н бирга қотган шаклларда учрайди. О.р. таркибида олтининг миқдори 100—150 мг/м³ дан ўнлаб г/м³ гача, пробаси 800—950 бўлади. Оксидланиш зонасида олтин, асосан, темир ва марганец гидроксидлари, мис, маргимуш, кумуш, карбонатлар, каолинит минераллари б-н ассоциацияланган ҳолатда ўтказилади, таркибида 2—3 дан 10 г/т гача олтин бўлади. О.р. мураккаб шаклли уюмлар, линзалар ҳосил қилади (Қозоғистон, Россия, Доминикана Республикаси).

Метаморфизланган О.р. олтинли конгломератлар, баъзан гравелитлар қатламлари б-н боғлиқ бўлади. Олтин заррачалари (5—100 мкм) кварцсерицитхлоритли цементда ёки кварцли шағаллари ингичка томирчаларда темир ва б. металлар оксидлари ва сульфидлари б-н бирга-ликда жойлашади. Олтининг миқдори 3—20 г/т, пробаси 900 дан юқори бўлади (ЖАР, Австралия, Бразилия).

Ўзбекистонда О.р. аниқланган 600 га яқин кон маълум бўлиб, 144 таси кадастрга киритилган, 12 тасида олтин қазиб олиш ишлари олиб борилмоқда, 15 таси разведка қилинган, 16 тасида разведка ишлари олиб борилмоқда (2001). О.р. конлари асосий геологик-саноат турларидан учтаси: олтин-кварцли (Мурунтов, Зармитан Пирмироб, Ғузоқсой), олтин-сульфид-кварцли (Қизилолмасой, Қўшбулоқ, Балпантов, Маржонбулоқ, Сармич, Булаткон ва б.), олтин-сульфидли (Кўкпатос, Довгизтов, Омонтойтов ва б.) ва 2 та комплексли турлари: олтин-кумушли («Юқорнжольт», Косманачи, Ўқтепа, Оқтепа) ва олтин-мис-порфирли (Қальмоққир, Олис ва б.) ажратилган. Ўзбекистон олтинининг разведка қилиб аниқланган захиралари бўйича жаҳондаги энг йирик мамлакатлар орасида 4-ўринда, йиллик қазиб олиш миқдори бўйича 9-ўринда туради (2000).

Ад.: Рудные месторождения Узбекистана, Т., 2001.

ОЛТИН САНОАТИ, олтин қазиб чиқариш саноати — кон саноатининг тўғма ва соччма конлардан олтин қазиб олувчи тармоғи. Олтин қазиш жуда қадим даврдан маълум. Турли мамлакатларда: Гана (1471), Мексика (1500), Перу, Чили (1532), Бразилия (1577), Россия (Урал, 1745), Канада (Квебек, 1823), АҚШ (Калифорния, 1848; Колорадо, 1858; Аляска, 1890), Австралия (1851), ЖАР (1884) ва б. мамлакатлар ҳудудларида ўрта асрлардан бошлаб бой олтин конлари топилган ва қазиб олинган. 19-а.нинг охири ва 20-а.нинг бошларида йирик олтин конларининг очилиши ва техниканинг умумий тараққиёти О.с.нинг ривожланишига замин яратди. Дунё бўйича 15-а.да 763 т, 17-а.да 914 т, 18-а.да 1890 т, 19-а.да 11616 т олтин олинди.

Ўрта Осиёда, хусусан, ҳоз. Ўзбекистон ерларида олтин қазиб олиш ва ундан турли тақинчоқлар, зарғарлик буюмлари, безаклар ясаш мил. ав. 6—5-а.лардаёқ мавжуд бўлганлиги археологик топилмалардан маълум. Тарихда Ўзбекистон ҳудудида 5-а.гача, 5—12- а.ларда ва 17—20-а.ларда олтин қазиб олинган 30 дан ортиқ кўхна олтин конлари бўлгани аниқланган. Тўғма (эркин учрайдиган) олтин конларини ўзлаштиришга қадар олтин, асосан, соччма конларда ибтидоий усулларда — олтин зарралари аралаш қумни қўй териси қопланган ёғоч тоғораларда ювиб, ажратиб олинган. Соччма олтин олиш 10—11-а.ларда Чатқол, Чирчиқ, Норин, Косон, Сўх, Зарафшон, Даҳвоз дарёлари водийларида олиб борилганлиги ҳақида манбаларда маълумотлар бор. Ўрта асрларда олтинли қумларни ювиш б-н бирга мўғуллар босқинига қадар Чатқол — Қурама, Нурота тоғларида, Марказий Қизилқумдаги конлардан тўғма олтин қазиб олинган. Мўғуллар босқинидан кейин Ўрта Осиёда кон қазиш ишлари аста-секин инқирозга юз тутди, қўпгина олтин конлари унутилди.

Ўрта Осиёнинг минерал хом ашё ресурсларини ўрганишда 19-а.нинг охирги чорагида жиддий ишлар олиб борилди: ўлканинг барча жойларида тадқиқотлар ўтказилди, геологик хариталар тузилди, айрим конлар тавсифланди. 1917 й.гача Чирчиқ, Писком ва Чатқол дарёлари водийларида кичик-кичик олтин изловчилар корхоналари олтин олиш б-н шуғулланганлар. 1913—17 й.ларда Обираҳмат дараси (Тошкент вилоятидаги «Николай» олтин конидан фойдаланилган. 1930-й.лар бошида «Ўзбеколтинноёбмет» трести ташкил этилди. Ўша йиллари Оқанга-

рон, Чирчиқ дарёлари водийларида. Қурама тоғларида олтин изловчилар олтинни қумни ювиш усулида ажратиб олар, йиллик олтин бир неча ўн кг дан ошмас эди. Кейинчалик ўша жойларда рудали олтин конлари топилди. 1941—45 й.ларда олтин изловчилик (артель) йўли б-н олтин ажратиб олиш жадал олиб борилди, олинган йиллик олтин миқдори қарийиб 50 кг га етди. 1950 й. сочма олтин излаш ишлари тўхтатилди. 1950-й.лардан рудали олтин конларини излаш ва разведка қилиш бўйича олиб борилган фундаментал тадқиқотлар натижасида Қорақўтон, Бичанзор, Пирмироб, Ғузаксой, сўнгра Қўшбулоқ, Мурунтов, Чормитон, Маржонбулоқ, Каулди, Қизилолмалисой, Сармич ва б. руда конлари топилди.

1965 й. СССР рангли металлургия вазирлигига бўйсунувчи «Ўзбеколтин» бирлашмаси ва б. олтин қазиб олиш корхоналари ташкил этилди. Қазиб олган флюс рудаларидан Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг мис эритиш з-дида олтин ажратиб олиш йўлга қўйилди. 1970 й.да Чодак олтин кони ишга туширилди. Ўша вақтдан республикада О.с. шаклланди, олтин олиш олдинги йилларга нисбатан 3 марта кўпайди. 1972 й.Қўшбулоқ кони ва Ангрен олтин ажратиш ф-каси лойиҳа қувватларида ишлай бошлади. 1977 й. Каулди, 1980 й. Маржонбулоқ олтин қазиб олиш мажмуаси, 1989 й. Зармитан ва Қизилолмалисой конлари фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон мустақилликка эришиши б-н Ўзбекистон ҳукумати узоқ йиллар давомида СССРнинг Марказий ҳукумати ихтиёрида бўлган олтин қазиб олиш саноатини республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ривожлантириш бўйича бир қанча ташкилий чораларни кўрди.

Ўзбекистон ривожланган кон-қазиб олиш саноати ҳамда йирик ресурс потенциалига эга бўлиб, 1999 й.дан эътиборан йиллик олтин қазиб чиқаришни кескин кўпайтирди. Республика олтин қазиб олиш саноатининг йирик маркази «Қизилқумнодирметалл олтин» концернининг (1991) бош корхонаси — *Навоий кон-металлургия комбинати*дир. Олтин қазиб олиш бўйича «*Зарафшон-Ньюмонт*» Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси 1995 й.дан бошлаб самарали фаолият юргизиб келмоқда. Корхона йилига 10 т дан зиёд олтин ишлаб чиқаради.

1995 й. Марказий Қизилқумдаги Амантайтов олтин конини ўзлаштириш мақсадида Буюк Британиянинг «Оксус Майнинг» компанияси б-н ҳамкорликда «Амантайтау Гольфилдз» (АГФ) қўшма корхонаси тузилди. Лойиҳанинг илк босқичи амалга оширилиши б-н кўзда тутилган и.ч. унумдорлигига эришилади. Чормитон олтин конини ишга тушириш кўзда тутилаётган «Малтинлекс Майнинг» (Австралия) компанияси б-н ҳамкорликда Зармитан лойиҳаси ҳам ниҳоясига етказилмоқда. Йилига 9 т олтин и.ч. имконинятини берадиган ушбу лойиҳани амалга ошириш учун сарфланган дастлабки инвестиция ҳажми 69,8 млн. АҚШ долларини ташкил этди (2003).

Тошкент ва Наманган вилоятларида жойлашган конларда олтин қазиб чиқариш ишлари Олмалиқ кон-металлургия комбинатида амалга оширилади. Унинг таркибида Ангрен, Каулди ва Чодак кончилик корхоналари, Ангрен ва Чодак олтин ажратиш фабрикалари фаолият кўрсатади.

Ўзбекистон олтини асиллик даражаси (пробаси) жиҳатдан жаҳонда олдинги ўринларни эгаллайди. Ўзбекистон О.с.да бир йилда 80 т атрофида олтин ишлаб чиқарилади. 1994 й.да Навоий кон-металлургия к-тида олинган олтин ёмбилар Лондон рангли металлар биржасининг сертификатини олган (яна қ. *Заргарлик саноати, Рангли металлургия*).

Нурмуҳаммад Аҳмедов, Юрий Парамонов.

ОЛТИН СТАНДАРТ — мамлакатнинг пул ва валюта муносабатларини олтиндан пул товари сифатида фойдаланиш асосида ташкил қилиш шакли. О.с. олтин танга, олтин ёмби ва олтин девиз (олтин валюта) турларига бўлинади (қ. *Девизлар*). Олтин танга стандарт энг барқарор пул тизими бўлиб, инфляцияни истисно этади, чунки эҳтиёждан ортиқ олтин тангалар муомаладан олиниб хазинага айланади. О.с.ни 1821 й.да Англия банки бошлаб берди. Бу тизим ҳуқуқий жиҳатдан 1867 й.да Париж конференциясида давлатлараро битим б-н расмийлаштирилди. Миллий валюта курси олтинга қатъий боғлиқ бўлиб, валютанинг олтин таркиби орқали қатъий валюта курси бўйича бир-бири б-н ўзаро мувофиқлаштирилган. Уларнинг *олтин паритети* валюталарда расмий белгиланган олтин миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланиб, валюталар бевосита олтинга айирбошланар эди. Олтин тангалар чекловларсиз муомалада бўлган ва зарб қилинган, қоғоз пул олтин тангаларга эркин алмаштирилган, нархлар олтинда ҳисобланган. 1-жаҳон урushи даврида деярли барча мамлакатларда қоғоз пулларга олтин алмаштирish тўхтатилди, муомалаги олтин танглар муомаладан чиқарилди. 20-а.нинг 20-й.ларидан айрим мамлакатларда (хусусан, АҚШ ва Буюк Британияда) олтин ёмби стандарт жорий этилди, бунда банкнотлар 12.5 кг дан кам бўлган олтин ёмбиларга алмаштирилган, бунинг учун эса банк-ка катта пул миқдорини тақдим этиш лозим бўлган. Бошқа мамлакатларда кредит пулларини дастлаб олтин ёмби стандарти мамлакатлари валюталаридаги девизларга сўнгра олтинга алмаштириш тартиби пайдо бўлди ва О.с.нинг бу шакли олтин девиз стандарт номини олди. Бу шаклда бир мамлакат валютаси бошқа мамлакатлар воситасида боғлиқ қилиб қўйилади.

2-жаҳон урушидан кейин Бреттон — Вудс валюта тизими шаклланди (қ. *Бреттон— Вудс битими*) ва олтин девиз стандарт фақат марказий банклар учун сақлаб қолинди. Олтин жаҳон пули сифатида Ямайка шартномаси (1976) имзоланишига қадар муомалада бўлган.

Абдураҳмат Боймуродов.

ОЛТИН СУВИ — қ. *Заргал, Ҳал.*

ОЛТИН ШОҲ — 1) Босфор бўғозининг Европа қирғоқлари яқинидаги бухта. Уз. 12.2 км, эни 91—122 м, энг чуқур жойи 47 м. Ҳар икки соҳилида *Истанбул* ш. жойлашган; 2) Буюк Петр қўлтиғидаги (Япон денгизи) бухта. Уз. 7 км. Соҳилларида Владивосток ш. жойлашган.

ОЛТИН ЮГУРТИРИШ — буюмлар сиртига юпқа қатламда (0,01 мкм дан бир неча мкм гача) олтин қоплаш. Буюмларнинг коррозияга чидамлилигини, электр ўтказувчанлигини, ялтироқлигини ошириш, шунингдек, декоратив-ҳимоя мақсадларида қилинади. О.ю.да гальваник, катодли пуркаш, юпқа зар қатламини ёпиштириш, контакт-механик усуллар (буюм сиртига олтин кукунини сепиб ишлов бериш, оловда олтин амальгамасини қоплаш ва б.) қўлланади.

ОЛТИН ЎРДА. *Жўжи улуси* — 13-а.нинг 40-й.лари бошида Жўжихоннинг ўғли *Ботухон* (1238—1255) томонидан асос солинган давлат. 1224 й. Жўжи улуси Хоразм, Шим. Кавказдан иборат эди. 1236—40 й.ларда Ботухоннинг юришлари натижасида Волга булғорлари юрти, Дашти Қипчоқ, Қрим, Гарбий Сибирь, О.Ў.га қўшиб олинди. Рус князлари О.Ў.га қарам бўлиб, хирож тўлаб турганлар. Рус манбаларида бу давлат О.Ў., Шарқ манбаларида Жўжи улуси деб аталган. О.Ў. маркази Ботухон даврида Қуйи Волгада, *Сарой Ботуда*, *Беркахон* (1255—66) даврида *Сарой Беркада* кўчирилди. О.Ў. олдин мўғул қонунига қарам бўлиб, Ботунинг насли Берка даврида мустақилликка эришди. Сарой Бату, Сарой Берка, Урганч, Судак, Қофа (Феодосия), Азоқ савдо марказлари эди. О.Ў.ни ҳон бош-қарган. Зарурат тугилганда қурултой чақирилган. Давлат ишлари б-н бевосита шуғулланган. Девон ишларини вазир бошқарган. Солиқ ингичи лорута ихтиёрида бўлган. Зарур пайтларда босқоқлар жўнатилган. Яна қуйидаги мансаб ва амалдор бўлган: алпаут (зодагон), туман, туманбеги, элчи, босқоқ, девон битикчиси, тамғач (бож йиғувчи), тирноқчи (тарозибон), шусунчи (таъминотчи), юртчи (мезмор), йўл арачи (йўл назири), тутқовул (қоровул), кўпирчи, кемачи, ёмчи, овчи.

Қўшинларга туманбеги, нўён (амир), юзбошилар кўмондонлик қилганлар. О.Ў. Жўжининг 14 нафар ўғлининг 13 улусидан иборат эди. Улар ўз улусларини мустақил бошқаришга интилганлар. Мустақиллик ҳаракати Мангу Темур (1266—82) вафотидан кейин кучайди. Тўла Мангу (1282—87), Талабуга (1287—91) хонликлари даврида туманбеги Нўғайнинг нуфузи кўтарилди. 5 йил орадан ўтгач, яна исён кўтарилди. Унга *Ўзбекхон* (1312—42) барҳам берди. У ва вориси *Жонибек* (1342—57) даврлари О.Ў. ҳарбий салоҳиятининг энг кучайган даври бўлди. Ҳокимият марказлашди. Улуслар вилоятларга айлантирилди, уларни амирлар бошқарган; қурултойлар чақирилмай қўйган. Ўзбекхон даврида О.Ў. қуролли кучлари 300 мингга етган. Лекин, ички зиддиятлар 1357 й. Жонибекхоннинг ўлдирилиши б-н яна юзага чиқди. Шундан 1380 й.гача 25 марта хон алмашди. 14-а.нинг 60-й.ларида Хоразм мустақил давлат бўлиб ажралиб чиқди. Польша ва Литва давлати Днепр дарёси ҳавзасини босиб олди. Ҳожитархон (Астрахон) хонлиги ташкил топди. Фақат *Тўхтамиш* даври (1380—95) га келиб неёнлар тўхтади, 1382 й. у Москвани эгаллаб, ўт қўйди. Мовароуннахрга таҳдид сола бошлади. *Амир Темур*нинг 1389, 1391, 1395—96 й.лари Тўхтамишга қарши юришлари О.Ў.ни ҳолдан тойдирди. *Идику* О.Ў.ни тиклашга ҳаракат қилди, натижа бермади. 15-а.нинг 20-й.ларида *Сибирь хонлиги*, 40-й. *Нўғай Ўрда*, 1438 й. *Қозон хонлиги*, 1443 й. *Қрим хонлиги*, 60-й.ларда Қозоқ хонлиги ташкил топди. 1480 й. *Ахмад* Русни бўйсундиришга уринди. 16-а. бошларида О.Ў. қулади.

Лит.: Греков Б.Д., Якубовский А.Ю., Олтин Ўрда ва унинг қулаши, Т., 1964; Сафаргалиев М.Г. Распад Золотой Орды, Саранск, 1960; Ризаэтдин Фахретдин., Хаяа Золотой Орды, Казань, 1995

Наим Норқулов.

ОЛТИН-ВАЛЮТА ЗАХИРАЛАРИ — мамлакатнинг марказий эмиссия банки ёки хазинасида қуйма (ёмби) ва танга шаклида тўпланган маркалаштан олтин резерв фонди. О.-в.з.га ҳукумат ва марказий банкларга тегишли бўлган олтин қуймалари ва олтин танглар, хорижий банк ҳисоб рақамларидаги валюта маблағлари, хорижий мамлакатлар банкнотлари, тангалари ва давлат қимматли қоғозлари, шунингдек, Халқаро валюта фонди (ХВФ)даги резерв позициялари киради. О.-в.з. мамлакатнинг пул бирлигини мустаҳкамлаш, уни барқарор ушлаб туриш, шунингдек, ички *валюта бозори*ни зарурий валюта маблағлари б-н таъминлаш мақсадида шакллантирилади.

Марказий банк ва бошқа молия институтлари томонидан сақланадиган О.-в.з. ҳажми халқаро ва минтақавий валюта-кредит ҳамда молиявий институтларнинг хорижий банк ҳисоб рақамларидаги халқаро тўловлар учун мўлжалланган маблағлари ҳисобидан тўлдириб борилади. О.-в.з.ни шакллантиришда эркин муомаладаги, яъни бошқа валюталарга тўсиқларсиз айирбошлаш мумкин бўлган валюталар ҳам муҳим ўрин тутади. Олтин (қуйма ва танга кўринишида) юқори ликвидликка эга бўлган халқаро маблағлар орасида муҳим аҳамиятга эгалигини сақлаб келмоқда.

ХВФга аъзо мамлакатлар ўзларининг О.-в.з.га ХВФдан эркин талаб қилиб олиш мумкин бўлган валюта қолдиқларини киритиб боришга алоҳида эътибор беради. Ушбу маблағдан ХВФ капиталига олтиндан берилиши лозим бўлган тўлов квотасини ўтказиб бериш ҳам фойдаланилади. 1970 й.дан бошлаб эса ушбу тўлов квотасини ҳар бир давлат учун белгиланган бирор фонд валютасида тўлаш ҳуқуқлари жорий этилди.

О.-в.з. халқаро маблағларининг захира фонди вазифасини бажаради ҳамда тўлов балансі тақчиллигини қоплаш ва валюта бозорида миллий валюта курсини ушлаб туриш мақсадида интервенция қилиш учун фойдаланилади. Унинг оптимал қийматі ташқи ликвидлигини, яъни мамлакатнинг хорижий мамлакатларга бўлган тўловларини ўз вақтида, узлуксиз таъминлаш учун етарли бўлмоғи лозим. О.-в.з.нинг камайиши мамлакатнинг валюта сиёсати салбий эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистонда сўнгги 5—6 йил давомида О.-в.з.нинг ҳажми мамлакатнинг 5 ойлик импорт ҳажмини қоплай олиш даражасида сақланиб келинмоқда. Халқаро тажрибага мувофиқ, мамлакатнинг О.-в.з.нинг ҳажми мазкур мамлакатнинг 3 ойлик импорт ҳажмидан кам бўлмаслиги лозим (яна қ. *Валюта резервлари*).

Фойдулла Мўллажонов.

ОЛТИНГУГУРТ (Sulfur), S — Менделеев даврий системасининг VI гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 16, ат.м. 32,064. Табиий О. 4 та барқарор изотоп ^{32}S, ^{33}S, ^{34}S, ^{36}S дан иборат. Сунъий радиоактив изотоплари ^{35}S, ^{38}S, ^{37}S ҳам олинган. Ер пўстининг масса жиҳатдан $5·10^{-2}$% ини ташкил қилади. Денгиз сувида 0,08—0,09% О. бор. Табиатда эркин (тутма О.) ва бирикмалар ҳолида учрайди. О.нинг энг муҳим табиий бирикмалари металл сульфидлари, мас., FeS_2 — темир колчедан (пирит), ZnS — алдама рух, PbS — қўрғошин ялтироғи ёки галенит, Cu_2S — мис ялтироғи ва ҳ.к. О. сульфатлар ҳолида (ангидрит $CaSO_4$ гипс $CaSO_4·2H_2O$, оғир шпат $BaSO_4$, *глаубер тузи* ва ҳ.к.) ҳам учрайди. Бундан ташқари, О. кўмир, сланец, нефть, табиий газлар, ҳайвон ва ўсимлик организмларида органик ва анорганик бирикмалар ҳолида мавжуд. Мас., оқсилда 0,8—2,4% О. бор. Тутма О. Мексика, АҚШ, Италия, Япония, МДҲ мамлакатларида бир неча аллотропик кўринишларда учрайди. Уларнан муҳимлари ромб ва моноклин сингонияли О.дир. Ромб панжарали О. сариқ тусли, зичлиги 2,07 г/см³ (20°да), суюқланиш т-раси 112,8°, қайнаш т-раси 445°. Сакқиз бурчакли ҳалқасимон S_8 таркибли молекулалардан тузилган. Моноклин О. призма шаклидаги тиниқ кристаллардан иборат, зичлиги 1,96 г/см³, суюқланиш т-раси 118,9°.

О. қиздирилса, 112,8° да эриб, сариқ тусли ҳаракатчан суюқликка айланади. 160°да қўнғир тусга кириб, қовушоқ бўлиб қолади. О. металлоидлар жумласига киради. У *инерт газлар, азот, йод, платина, олтиндан* ташқари деярли барча элементлар б-н бирикади. Кислородда 250°да, ҳавода 360° да аланглаиади. О. бирикмаларда —2, +4 ва +6 валентли. Ишқорий металлар, мис, кумуш ва симоб б-н хона т-расида, қиздирилганда фақат металлар б-н эмас, балки металлмаслар б-н ҳам реакцияга киришади. Мас., фтор б-н

SF_6, кислород б-н SO_2 ҳосил қилади. Унинг водородли бирикмаси — водород сульфид H_2S 350°да О. устидан водород ўтказиб, шунингдек, SO_2 ни қайтариб, H_2S ни оксидлаб ҳосил қилинади. О.нинг жуда кўп бирикмалари маълум. О. конлардан (туғма О. ҳолида) қазиб олинади. Шўртанг газ комплексида шу усулда гуваласимон (комовая) О. олинади. О.нинг 50%га яқини сульфат кислота, 25% га яқини сульфат целлюлоза, қолган қисми резина саноатига, сунъий тола, портловчи моддалар и.ч.га, органик синтез ва тиббиёт эҳтиёжларига сарфланади.

Собиржон Аминов.

ОЛТИНГУГУРТ, туғма олтингугурт — туғма элементлар гуруҳига мансуб минерал. Табиатда эркин (туғма О.) ва бирикмалар ҳолида учрайди. О.нинг энг муҳим табиий бирикмалари — металл сульфидлари (мас., FeS_2 — темир колчедан (пирит), ZnS — алдама рух, PbS — кўргошин ялтироғи ёки галенит, Cu_2S— мис ялтироғи ва ҳ.к.), сульфатлар ҳолида (ангидрит $CaSO_4$, гипс $CaSO_4{\cdot}2H_2O$, оғир шпат $BaSO_4$, *глаубер тузи* ва ҳ.к.) ҳам учрайди. Бундан ташқари, О. кўмир, сланец, нефть, табиий газлар, ҳайвон ва ўсимлик организмларида органик ва анорганик ҳолида мавжуд (мас., оқсилда 0,8—2,4% О. бор). О. бир неча аллотропик кўринишларида бўлади. Энг кўп учрайдиган тури ромбик модификацияси (альфа-S), уни секинлик б-н 96—120°гача қиздирганда моноклиник модификацияси (бета-S)га ўтади. О.нинг ранги сариқ. Қаттиқлиги минералогик шкала бўйича 1—2, зичлиги 2,0—2,1 г/см³, суюқланиш т-раси 118,9°. Ромбик О. саккиз бурчакли ҳалқасимон S_8 таркибли молекулалардан тузилган. Моноклиник О. призма шаклидаги тиниқ кристаллардан иборат. О.нинг жуда кўп бирикмалари маълум. Мас., водород сульфид (H_2S), сульфат кислота (H_2SO_4), гипосульфит ($Na_2S_2O_3$) ва ҳ.к. Туғма О. конлари Мексика, АҚШ, Италия, Япония, Россия, Туркманистонда учрайди. О. конлардан қазиб олинади ва флотация усулида бойитилади, SO_2 ни қайтариб, H_2S ни оксидлаб ҳам ҳосил қилинади.

ОЛТИНГУГУРТ ГУЛИ — олтингугурт-нинг буғи совитилганда ҳосил бўладиган кукуни. Боғдорчиликда дарахтлар, токларнинг вирусли касалликлари, айниқса, рагада сепилади, шунингдек, тиббиётда ишлатилади.

ОЛТИНГУГУРТ РУДАЛАРИ — таркибидаги соф олтингугурт концентрациясини техник ва иқтисодий жиҳатдан ажратиб олиш фойдали бўлган табиий минерал ҳосилалар. О.р. уни уз ичига олган тог жинсларига қараб ажратилади. О.р.ни ташкил қилувчи асосий минераллар: соф олтингугурт, кальцит, доломит, гипс, ангидрит, целестин, кварц, халцедон, опал, гилли минераллар, пирит, алунит. Таркибида олтингугурт 25%дан ортиқ бўлса бой, 10—25% — ўртача, 5—10% — камбағал руда ҳисобланади. Бирга учрайдиган фойдали компонентлари (олтингугуртдан ташқари) — оҳактошлар (флотания чиқиндилари тупроқни оҳаклаш учун ишлатилади), целестин, пирит, алунит; зарарлиси — органик моддалар (битумлар), As, Se.

О.р.нинг уюмлари қатламсимон, линзасимон, увсимон бўлади; қалинлиги бир неча ўн см дан бир неча ўн м гача. О.р. конларининг асосий генетик ва саноат тири — чўкинди қатламларининг инфильтрацион-метасоматик сульфатлари ва туз гумбазларининг кепроқлари. О.р.дан ташқари, олтингугурт ва унинг бирикмалари кодчедан, мис рудалари чиқиндилари ва б. сульфидли рудалардан, ёнувчи табиий газ таркибидаги водород сульфид, битумли қумтош, олтингугуртли нефть ва б.дан ҳам олинади. Буларнинг барчаси таркибида олтингугурт бўлган хом ашё ҳисобланади.

Рудалардан олтингугурт кон технологияси (ер ости усули) буйича олинаётган олтингугуртнинг 10—20%) ва геотехнология (90—80%) усули б-н ажратиб олинади. О.р. конларининг аксари қисми Ироқ, АҚШ, Чили, Мексика, Польша, Украина, РФ, Туркманистонда жойлашган.

Ад.: Геология месторождений самородной серы. М., 1969; Вулканические серные месторождения и некоторые проблемы гидротермального рудообразования. М., 1971.

ОЛТИНГУГУРТЛИ БЎЯГИЧЛАР — ароматик бирикмалар, нитро- ёки аминобирикмаларни олтингугурт ёки натрий сульфид б-н бирга қиздиришдан ҳосил бўладиган синтетик бўягичлар. О.б., одатда, сувда эримайдиган кўп жинсли қаттиқ моддалардан иборат. Матони бўяшда О.б.ни натрий сульфиднинг сувдаги эритмаси б-н қайтариб, лейкобирикмалар ҳосил қилинади. Бу моддаларнинг натрийли тузлари сувда эрувчан бўлиб, матога яхши сингади. Матога сингдирилган лейкобирикмалар ҳаво кислороди б-н оксидланиб, дастлабки О.б. рангини олади. О.б. сариқ, жигарранг, кўк, зангори, бинафша ранг, яшил, қора ва б. тусда бўлиши мумкин. О.б. ювилганда ранги айнимайди. Арзон, олиниши оддий бўлгани учун кенг қўлланади.

ОЛТИНГУГУРТЛИ ЎҒИТЛАР — таркибида олтингугурти бўлган ва ўғит сифатида ишлатиладиган бирикмалар. Калий, магний, аммоний сульфатлари, фосфогипс ва б., шунингдек, қисман олтингугурти бўлган жинслар О.ў. сифатида қўлланилади. Ўсимликлар учун қор-емирг, гўн ва б. органик ўғитлар олтингугурнинг яхши манбаи ҳисобланади. О.ў. таркибида олтингугурт кам бўлган шўрмок ва б. ерларда қўлланилади; қумоқ қуларни гупроқни ерларда купроқ самара беради. Гупроққа йилига етиш б-н бирга гектарига 8 кг гача олтингугурт ангидриди (SO_3) тушади. О.ў. қупчилик қ.х. экинларига, айниқса, таркибида кўп миқдорда олтингугурт тутадиган ва уни аксарият ҳолларда камида фосфорга тенг миқдорда ўзлаштирадиган бутгулдошлар, дуккакдошлар, кунгабоқар ва картошка учун фойдали. О.ў. биллосита унинг тарида ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин: гупроқдаги оргиқча ишқорийликни камайтиради, нейтраллайди, қийин эрувчи фосфатларнинг ўзлаштирилишини оширади. Са, К, Mg, Fe ларнинг эрувчанлигини кучайтиради.

ОЛТИНКОН — Наманган вилояти Поп туманидаги шаҳарча (1966 йлдан Чодакбоши қишлоғи). Туман марказидан (Поп ш.дан 46 км. Яқин т.й. станцияси — Поп (50 км). Аҳолиси 3,6 минг кишн (2003). Асосан, ишчи ва хизматчилар. Шаҳарчала мактаб-интернат, қўшима корхона, клуб, кутубхона, мехмонхона, касалхона, дорихона, тиббий пункт, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

ОЛТИНКЎЗЛАР (Chrysopidae) — тўрқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротлар оиласи. Ўрта Осиё фаунасида 24 тури тарқалган. Ўзбекистонда Ch. carnea Steph., Ch. septempan cfata W., Ch. albolineata L., ва Ch. vittata W. кўп учрайди. Танаси оч яшил, кўзлари тилларанг, садафсимон ёки камалаксимон товланувчи қанотлари ёйилганда 19—50 мм. Мўйлови чўткасимон, пешонаси текис. Ингичка дастали оч яшил тухумини ўсимликка ёпиштириб қўяди. Личинкаси тиғиз, олд ва орқа томони ингичка, кўкрак оёқлари яхши ривожланган. Ғумбаги очиқ типда, ранги яшил. О.нинг личинкалари йиртқич ҳаёт кечириб, улар жуда хўра ва ниҳоятда

Олтинкўзлар. Вояга етган олтинкўз ва ўсимлик битини еётган личинкаси.

ҳаракатчан. Улар полифаг (оғуқа тури кўп). Личинкаси 3000 тагача бит, ўргимчаккана ва зараркунанда тухум тухумларини йўқ қилиши мумкин. Етук ҳашарот фазасида, камдан-кам гумбак ҳолида қишлади. Қишловдан март охири — апр. бошларида, суткалик ўртача ҳарорат 10—11° бўлганда чиқади. Тухумини усимликнинг барги ва б. қисмларига биттадан ёки гуп қилиб қўяди. Ўргочиси бир кунда 65, ҳаёти давомида эса 500—750 тагача тухум қўяди. Деҳқончилик минтақаларида йилдиган О.нинг асосий турлари 4—5 авлод беради. Пахта далалари агробиоценозида О. туз ва б. қ.х. зараркунандаларини йўқ қилувчи энтомофаглар сифатида катта аҳамиятга эга. Ўсимликларни зараркунанда ҳашаротлардан ҳимоя қилишда қўллаш учун О.ни лабораторияларда, табиий ва сунъий озуқа муҳитида кўпайтириш усули ишлаб чиқилган (яна қ. *Фойдали ҳашаротлар*).

Султон Алиназаров.

ОЛТИНКЎЛ — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги шаҳарча (1969 йлдан). Қўнғирот шаҳар кенгашига қарашли. Туман маркази ва яқин т.й. станцияси (Қўнғиротдан 6 км. Аҳолиси 24 минг кишн (2000). Ола пахта тозалаш з-ди, 6 умумий таълим мактаби, маданият ва истироҳат боғи, автокорхона, маданий, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари бор. Ола Қўнғирот туман аэропорти жойлашган.

ОЛТИНКЎЛ — Андижон вилояти *Олтинкўл тумани*даги қишлоқ. Туман маркази. Вилоят маркази (Андижон ш.дан 16 км жан.-тарбда жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Андижон (23 км). Аҳолиси 6,5 минг кишн (2001), асосан, ўзбеклар, шунингдек, қирғиз, тожик, татар, уйгур ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Ола туман ҳокимияти биноси, умумий таълим, таянч мактабларн, мактаб-интернат, мусиқа ва санъат мактаби, касб-ҳунар коллежлари, марказий кутубхона, маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, касалхона, поликлиника, дорихона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

Олтинкўл саноат касб-ҳунар коллежи биноси.

ОЛТИНКЎЛ ТУМАНИ — Андижон вилоятидаги туман. 1939 йлда ташкил этилган. 1963 йлда Андижон туманига қўшилган. 1978 й. қайтадан ташкил қилинди. Андижон, Асака, Шаҳрихон ва Балиқчи туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,21 минг км². Аҳолиси 133,5 минг кишн (2003). О.т.да 8 қишлоқ фуқаролар йиғини (Жалабек, Қўмақай, Маслар йиғини (Жалабек, Қўмақай, Маслар йиғини (Жалабек, Қўмақай, Маслахат, Олтинкўл, Оразий, Охунбобоев, ев. Сувюлдуз, Қўштепасарой) бор. Маркази — *Олтинкўл* қишлоғи.

Табиати. О.т. рельефи пасттекислик, қир ва адирлардан иборат. Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 25—28°, январники — 5—7° атрофида. Айрим ҳолларда ёз ойларида т-ра 42—43°, январда эса —15, —18° совуқ бўлиши кузатилади. Вегетация даври 160—180 кун. Йиллиқ ўртача 225 мм ёғин тушади. О.т. жанубида Катта Фарғона канали, шимолидан Қоradарё, бўлардан ташқари, туман ҳудудидан туманлараро Коллектор—Асака ташламаси, Улугнор каналн оқиб ўтади. Туман адир қисмининг тупроғи арзик, қолган ерларда бўз тупроқ. Баҳорда адирлар эфемер ўсимликлар б-н қопланади. Экин экилмайдиган ерларда шувоқ-шўра ўсади. Ёввойи ҳайвонлар кам учрайди, судралувчилар, кемирувчилар, қушлар бор.

Аҳолиси нинг аксари қисми ўзбеклар; рус, тожик, уйгур, татар ва б. миллат вакиллари ҳам бор. 1км² га 636 киши тўғри келади. Аҳолининг бар-часи қишлоқда яшайди (2003).

Хўжалиги. Туман хўжалиги қ.х.га ихтисослашган. Пахтачилик, пиллачилик, чорвачилик б-н шуғулланилади. Саноати асосан, енгил саноат корхоналаридир. Пахта толаси, чигит хом ашёси, трикотаж матосн ва маҳсулотлари, мебель, оҳак, гишт ишлаб чиқарилади. «Олтин-Дери», «Эталон-Плюс», «Кезар-Тур» қўшма корхоналари, 992 кичик ва ширкат корхоналар, 8 ёқилғи қуйиш шохобчалари, 70 дан ортиқ савдо шохобчалари бор. О.т. да 15 ширкат хўжалиги, 79 фермер хўжалиги, хусусий ферма, 24140 деҳқон хўжалиги мавжуд. Умумий экин майд. 13961 га, чорвачилигининг асосий тармоқлари ширкат хўжаликларида жойлашган. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 21,2 минг қорамол (шу жумладан, 8,5 минг сигир), 23,3 минг қўй ва эчки, юза яқин от бор (2003). 36 умумий таълим, 15 таянч мактабларида 35,4 минг ўқувчи, 3 ихтисослашган интернат-мактабда 875 ўқувчи таълим олади, шунингдек, 2 мусиқа ва санъат мактаби фаолият кўрсатади. Иқтисодиёт, саноат, маиший хизмат касб-ҳунар коллежларида 1807 ўқувчи таълим олмоқда. Марказий кутубхона, унинг 22 та тармоғи (19 қишлоқ кутубхонаси, 3 болалар кутубхонаси, китоб фонди 363 минг асар), 7 маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи ишлаб турибди. 2 касалхона (440 ўрин), 4 поликлиника, 28 фельдшер-акушерлик, 18 қишлоқ врачлик пунктлари, 9 дорихона ва б. тиббий муассасаларида 173 врач, 976 тиббий ходим ишлайди.

Ўрта тиббий ходим ишлайди.

1979 й. 1 янв.дан «Олтинкўл» туман газ. нашр қилинади (адади 2442).



«Хотира» хиёбони.

ОЛТИНОВА Мақсуда Баҳриевна (1951.10.11, Самарқанд) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Термиз пед. ин-тини тугатган (1974). 1975 й.дан Навоий ш.даги болалар боғчаларида тарбиячи, 1980 й.дан 4-мактабда ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси. Иш фаолиятида ноанъанавий дарс усулларидан фойдаланади.

ОЛТИНСАРИН Ибрай (1841.20.10 — 1889.17.7) — қозоқ ёзувчиси ва маърифатпарвари, миллий бадиий насрнинг асосчиларидан. Оренбург ш.даги рус мактабида ўқиган (1850—57). 1860—69 й.лар Тўргайдаги рус-қозоқ мактабида ўқитувчи, 1879 й.дан Тўргай вилоятидаги қозоқ мактаблари инспектори. О.нинг ташаббуси б-н қозоқ болалари учун 7 та бошланғич волость мактаби, 4 та 2 йиллик мактаб, 1 та ҳунар билим юрти ва қозоқ ўқитувчилари учун мактаб очилган (1883 й. Орск ш.). О. шу мактаблар учун илк дарсликлар, мажмуалар («Қирғиз хрестоматияси», 1879) ёзган. «Дарё», «Ёз», «Кел болалар, ўқийлик!» сингари ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳидаги шеърлари, «Қипчоқ Сандуқ», «Бой болалари б-н Ҳусан» сингари ахлоқ-одобга оид китоблари илк маротаба ана шу мажмуаларга киритилган. Қозоқ фольклорига оид бир қанча асар тўплаган ва нашр эттирган («Луқмони Ҳаким», «Ёлғоннинг зарари», «Сахий», «Ибодати бий» балладалари, «Қора ботир», «Кал бола» эртаклари, «Кўбланди» эпоси ва б.).

О. Жан Пьер Беранже, И. А. Крилов, Л. Н. Толстой ва б.нинг асарларини қозоқ тилига таржима қилган. Улар қозоқ тилидаги биринчи бадиий наср намуналари ҳисобланади.

ОЛТИНСОЙ — Навоий вилоятидаги сой. Оқтоғнинг жан. ён бағридан бошланади. Уз. 44 км, ҳавзасининг майд. 280 км². Юқори оқимида Лангарсой номи б-н жануби-шарққа оқади. Тарама қишлоғидан қуйи қисми О. деб аталади. Чилош қишлоғи яқинида Майдонсой б-н бирлашиб, Каттасойни ҳосил қилади. Бош қисмида тор дарадан оқади. Ўрта ва қуйи оқимларида 4 та кўҳна қайири бор. О. қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,22 м³/сек. (Хонақа қишлоғи яқинида), оқим модули 2,1 л/сек.км². Суви эрта баҳорда кўпаяди. Апр.да сувининг 20—25%, авг.да 2—3% оқади. Баъзан сойдан сел келади. 1963 й. баҳорида ўтган селнинг миқдори 600 м³/сек. бўлган. Умумий уз. 130 км дан ортиқ ирмоғи бор. О.дан Хатирчи туманидаги хўжаликлар ва қишлоқлар сув олади. Сой водийсида Тарама, Оқтепа, Хонақа, Олтинсой каби қишлоқлар жойлашган.

ОЛТИНСОЙ ТУМАНИ — *Сурхондарё вилояти*даги туман. 1981 й. 23 январда Шўрчи ва Денов туманлари қисмларидан тузилган. Вилоятнинг Денов, Бойсун, Шўрчи, Қумқўрғон туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,56 минг км². Аҳолиси 116,9 минг кишн (2003). Туманда 9 қишлоқ фуқаролар йиғини (Вахшивор, Дутоба, Миршоди, Олтинсой, Оқарбулоқ, Оқолтин, Хўжасоат, Чеп, Қарлуқ) бор. Туман маркази — Қарлуқ қишлоғи.

Табиати. О.т. Сурхондарёнинг шим. қисмидаги серунум текисликда жойлашган. Ер юзаси шарққа томон пасайиб боради. Ғарбий чеккалари Кератогот этагига туташиб кетади. Туман марказидан Олтинсой дарёси, шим.-дан жан.га томон Ҳазарбоғ канали оқиб ўтади. Рельефи, асосан, текислик ва адирлардан иборат. Бал. 400—700 м.

Иқлими қуруқ, тиниқ субтропик иқлим. Йиллик ўртача т-ра 15,9°. Январнинг ўртача т-раси 2,6°. Энг паст т-ра —25°. Июлнинг ўртача т-раси 32—33°, энг юқори т-ра 46°. Йиллик ёғин 240—260 мм. Вегетация даври 230 кун. Баъзан кучли шамоллар эсали. Тупроқлари ўтлоқи-ботқоқ, бўз тупроқлар. Ёввойи ўсимликлардан шувоқ, шўра, янтоқ, бодом, пista, тог райҳони, дўлана, ровоч, алқар ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бури, тулки, жайран, каламуш, қўшоёқ, юмронқозиқ, кўрсичқон, жайра, тўқайларда тўқай мушуги, қобон, чиябўри, қушлардан майна, сўфитўрғай, каклик, қалдирғоч, кўршапалак, гоз, ўрдак, судралувчилардан ўқилон, геккон, кўзойнакли илон ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1км² га 209 киши.

Хўжалиги. Туман хўжалиги асосан қ.х.га ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа корхоналари бор. Қ.х.да боғдорчилик асосий ўрин тутади. Айниқса, токчилик ривожланган. Пахта, дон экинлари, сабзавот, полиз экинлари ҳам экилади. Саноат корхоналаридан Олтинсой «Шароб» самарали ишламоқда. «Шароб» корхонаси 1982 й.да Денов вино-арақ з-ди таркибидан ажралиб чиққан. Бир йилда 800 минг декалитр вино ишлаб чиқарилади. «Портвейн», «Жасорат», «Мусқат», «Кагор» навлари маълум. О.да 2 қўшма корхона, 5 йирик саноат корхонаси, 172 кичик ва хусусий корхона бор.

2003 й.да қ.х.да суғориладиган ерлар 12,4 минг га, шу жумладан, 4,1 минг га ерга пахта, 4,2 минг га ерга дон экинлари, 578 га ерга сабзавот, 90 га ерга полиз экинлари экилади, 852 га ерга полиз экинлари экилади. 852 га ерга полиз экинлари экилади. 5,5 минг га токзорлар б-н банд. О.т.да 16 ширкат хўжалиги, 120 фермер хўжалиги бор.

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 33490 қорамол, 49800 қўй ва эчки, 895 от, 50900 парранда боқилади.

Туманда 61 умумий таълим мактаби (34770 ўқувчи), 4 коллеж (1700 талаба), лицей-интернат, мусиқа мактаблари бор. «Ёрилтош» ҳаваскор кўғирчоқ театри, «Алпомиш» ширкат хўжалигидаги фольклор ансамбли маданий хизмат кўрсатади. Марказий калланий хизмат кўрсатади. Марказий поликлиника, катталар ва болалар поликлиника-

Олтинсой тумани.

никалари, ишлаб турибди. Стадион, 7 спорт зали, футбол, волейбол, баскетбол, кўл тенн майдонлари мавжуд. 1986 й.дан «Олтинсой тонги» туман газетаси чиқарилади (олдин 900).

ОЛТИНТЕПА — жез даврига оид шаҳар харобаси (мил. ав. 3—2 минг йилликлар). Туркманистон жанубидаги Мелна қишлоғи яқинида жойлашган. 1929 й. А. А. Семенов топган. 1930-й.ларда А. А. Марушенко, 1949 й.дан М. Е. Массон бошчилигидаги экспедиция текширган. О. шим.-шарқдан жан.-ғарбга чўзилган бўлиб, бал. 20 м га етади. О. қад. деҳқончилик маданиятига оид ёдгорликдир. О.нинг майд. 60 га дан ортиқ. О.нинг атрофи қалинлиги 2 м гишт девор б-н ўралган бўлиб, ичида аҳоли яшайдиган массивлар, кулолчилик маҳалласи бўлган. Кенг ва узун йўллар, бир неча хумдонлар, маҳобатли уй қолдиқлари, диний иншоотлар, *пакхаут*, мозорлар топилган. Бу топилмалар қад. Ўрта Осиёда деҳқончилик б-н шуғулланувчи ўтроқ қабилалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

ОЛТИНТЕПА — ўрта аср шаҳар харобаси (5—13-а.лар). Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги Қорабоғ қишлоғи яқинида жойлашган. О. дастлаб ТошДУнинг археологик экспедицияси томонидан текширилган (1966). 1964 й.дан мунтазам археологик тадқиқотлар олиб борилган. Шаҳар 2 қисмдан: ҳисор ролини ўйнаган марказий қисм (2,5 га дан ортиқ) ва рабодлан иборат. О.даги марказий тепаликнинг ҳажми 160×160 м, бал. 13 м га яқинини ташкил қилади. О.нинг умумий майд. 40 га бўлган. Дастлаб О. ўрнида 5—6-а.ларда кичик қишлоқ ёхуд алоҳида турган иншоот жойлашган; у 7—8-а.ларда кенгайган. Асосий тепалик мудофаа девори б-н ўраб олинган, қишлоқни шаҳарга айланиш жараёни кечган. 10-а.да шаҳар ниҳоятда катта бўлган, ҳунармандчилик ривожланган. 13-а. бошида мўғуллар истилоси натижасида вайрон бўлиб, 13-а.нинг 30-й.ларида шаҳар ҳаёти қайта жонланган. Олдан кўплаб сирланган, турли хилдаги нақшлар, ёзувлар б-н безатилган сопол идишлар (кўза, хум, лаган ва б.), тангалар, ўйма (кўза, хум, лаган ва б.), тангалар, ўйма (кўза, хум, лаган ва б.), тангалар, ўйма нақш туширилган терракота парчалари, ўгирлар, жез кўзгу, қулдон, ҳайкалчалар ва б. топилган.

Ад.: Лунина С. Б., Города Южного Согда в VIII—XXII вв., Т., 1984.

ОЛТИНТОПҒАН ҚЎРҒОШИН-РУХ КОНИ — Тожикистон Республикасининг Суғд вилояти ҳудудида, Олмалиқ ш.дан 10 км масофада жойлашган полиметалл кони. Кон Қурама тоғининг жан.-ғарбида юқори палеозой даврига мансуб граноздиоритлар б-н юқори девон — қуйи тошкўмир даврларига оид карбонат жинслар оралиғидаги тектоник бузилишлар зонасида. Рудаланишнинг бузилишлар зонасида. Рудаланишнинг шток ва дайка шаклларидаги гранит-порфир, диоритпорфирлар, гранит-порфир, диабазли порфирларнинг кумтош, оҳактош ва сланец қатламлари б-н туташган чегарасида рудали скарнлар ҳосил бўлган. Асосий руда ҳосил қилувчи минераллар — галенит, сфалерит, камроқ миқдорда пирит, халькопирит, магнетит ва б. шитирок этган. Руда тўпламларининг қалинлиги 10 м, уз. 1 км га етади. Бу минтақада руда қазиб олиш мил. ав. 3—2- минг йилликларда бошланганлиги маълум. Ҳоз. давр технологиялари бўйича кенг миқёсда руда қазиб олиш 1955 й.да *Олмалиқ кон-металлургия комбинати*га тарқибида ташкил этилган, 1971 й.гача комбинашкил этилган, 1971 й.гача комбинашган (ер ости ва очиқ) усулда ишлаб олиб борилган. О.к.-р.к.дан қазиб олинган руда Олмалиқ кўрғошин-рух бойитиш ф-каси ва э-дида қайта ишланган. 1990-й.лардан конда қазиб олиш ишлари тўхтатилган.

ОЛТИНТОШ. Олтунтош ал-ҳожиб (асл исми Абу Саъид) (? — 1032) — турк гуломларидан, кейинчалик *газнавийлар*дан *Сабуктегин* ва унинг 2 ворисининг

Олтинтепа топилмалари: *1* — сирланган сопол парчалари (9-а. — 11-а.нинг боши); *2* — одам шакли чизилган сопол бўлаги (10-а.).

2

лашкарбошиси. Сабуктегин давридаёқ у ҳукмдор гвардиясидаги энг юқори мартаба — «улуғ ҳожиб» унвонига эга бўлган; *Маҳмуд Ғазнавий* даврида *қорахонийлар* б-н бўлган катта жангда (1008 й. 1 янв.) О. қўшинининг ўнг қанотига қўмондонлик қилган; 1000—11 й.лар у Ҳирот нойби сифатида манбаларда қайд этилган. Хоразм забт этилгач (1017), О. хоразмшоҳ унвони б-н ушбу вилоятга нойб этиб тайинланган, у бу лавозимини вафот этгунига қадар эгаллаб турган. О. чегара вилояти бўлган Хоразмни эҳтиёткорона идора этган ва ўзини кўпини туркий қабилалардан муваффақиятли суратда мудофаа қилган, бу б-н у Хоразмдаги ўз ҳокимиятини янада мустаҳкамлаган. Маҳмуд ва *Масъуд Ғазнавий*лар О.нинг бу ҳаракатларига шубҳа б-н қарашган, улар ҳийла б-н О.ни даф этиш йўлига ўтишган. 1032 й. баҳорида О. султон Масъуд топшириғига кўра, *Алитегин*га қарши отланган ва Дабусия яқинидаги жангда оғир жароҳатланиб вафот этган. Нойблик унинг ўғли Ҳорунга топширилган, хоразмшоҳ унвони Масъуднинг ўғли Саъидга берилган, Ҳорун мамлакатни фақат шаҳзоданинг вакили сифатидагина бош-қара олиши мумкин бўлган. Бироқ 1034 й. авг.да Ҳорун ўзини мустақил деб эълон қилган, аммо келаси йили газнавийлар кўрсатмасига кўра, ўлдирилган; унинг биродари ва вориси Исмоил Хандон Хоразмни 1041 й.гача идора қилган, сўнгра газнавийлар топшириғига кўра, Жанд ҳокими Шоҳ Малик томонидан қувиб юборилган. Шу б-н О. томонидан асос солинган сулола барҳам топган.

ОЛТИНТОҒ — Марказий Қизилқумдаги қолдиқ тоғлар. *Бўкантовнинг* жан.да жойлашган. Жан.-ғарбда *Айтмонтов* б-н туташган. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа 10 км га чўзилган. Энг баланд жойи 322 м. Палеозойнинг гранит, гранодиорит, сланец, алевролит, кварцит, мармарлашган оҳактош, қумтош, этаклари эса бўр ва палеоген ва тўртламчи даврнинг қумоқ ва қум жинсларидан тузилган. Шим.-ғарбий ён бағри тикроқ ва чуқур сойлар б-н ўйилган. Шим.-ғарбида Авлиёсой, жан.-шарқида Мештепасой ва Марасой каби қуруқ ўзанлар бор. Нураш жараёнлари кучли.

ОЛТИНТОҒ ПЕГМАТИТ КОНИ — Жан. Бўкантовда, Учқулоқ ш.дан 2 км шим.-шарқда жойлашган. Пегматит томирлари токембрий кремнийли сланецлари ва Олтинтоғ интрузияси гранитлари экзоконтакт зонасида жойлашган. Уларнинг тарқалган майд. 80—85 км² ни ташкил этади. Кон қалинлиги 2,0—2,5 м дан 117 та пегматит танасидан

иборат. Пегматит томирларида дала шпатининг миқдори ўртача 70—75%, кварц 25%. Мусковит ва гранат минераллари мавжуд. Кон разведка қилинган ва қазиб олишга тайёрланган.

ОЛТИНХОН ТЎРА, Маҳмуд ибн Саййид Назир ат-Тарозий (тахм. 1894, Авлиё ота, ҳоз. Тароз ш. — 1991.26.6, Макка) — уламо, адиб, таржимон. Дастлабки таълимни падари буюрукворидан, сўнгра шайх ибн Камол Носирхон Тўра Косонийдан, даврининг бошқа етук олимларидан олди. Хўжанд, Тошкент, Бухоро мадрасаларида ўқиди. Араб, форс, турк тилларининг барча лаҳжаларини мукаммал эгаллади, мударрис бўлиб етишди. Шўро тузумининг зиёлиларга, илм аҳлларига ўтказган ноҳақ зуғуми сабабли мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлди. 1932 й.дан Кобул ш.да истиқомат қила бошлади. Бир муддат Афғонистон маориф вазирлигида маслаҳатчи лавозимига тайинланди. Сўнг Ҳиндистоннинг Бомбай ш.даги масжидда имом хатиб бўлиб хизмат қилди. 2-жаҳон уруши бошлангандан кейин Саудия Арабистонига кўчиб бориб, умрининг охиригача Макка ва Мадина ш.ларида яшаб ижод этди. О.Т. Маккадаги Харами шариф, Мадинадаги Масжид ан-набавийда мударрислик қилиб Қуръон ва ҳадислардан сабоқ берди.

О.Т. тафсир, ҳадис, фиқҳ, адабиёт ва илмнинг бошқа соҳаларига оид 20 дан ортиқ асарлар муаллифи ва таржимонидир. У Қуръони каримни ҳоз. замон ўзбек тилига илк бор таржима қилиб, тафсир ёзди. Бу китоб Ҳиндистон, Покистон (1976) ва Саудия Арабистонида (1985) чоп этилган. Шунингдек, олим Қуръоннинг айрим сураларини ҳам таржима ва тафсирлари б-н алоҳида ҳолда нашр қилдирган. Имом Абу Закариё ан-Набавийнинг пайғамбар ҳадисларига бағишланган «Риёз ус-солиҳийн» («Яхшилар гулшани») номли 4 жилдли асарини, Имоми Аъзамнинг «Фиқҳ ал-акбар» («Асосий шариат қоидалари»), «Ақоид исломия», «Ҳизб ал-Аъзам» каби китобларини арабчадан ўзбек тилига ўгирди. Ўзбек, араб, форс, урду тилларида диний маърифий мазмунда рисолалар, таснифлар, рубоийлар ёзди. О.Т. томонидан ат-Термизий қаламига мансуб «Китоб аш-шамоилу ан-Набавия» асарининг ўзбек тилига қилинган таржимаси сўнгги йилларда Тошкентда араб ва ҳоз. ўзбек имлосида бир неча марта нашр этилди.

Ас.: Риёз ус-солиҳин (Яхшилар гулшани). 1-китоб, Т., 1991; Китоб ал-ҳаж. Т., 1993.
Ад.: Жалилов С., Саййид Маҳмуд Тарозий — Олтинхон тўра, Т., 1997.

ОЛТИНХОНЛАР — фахрий лақаб ёки унвон; чжурчжэнларнинг Хитойдаги *Цзинь* (хитойча — олтин) сулоласини мўғуллар томонидан аталиши. Кейинчалик бу унвонга туматлар князи Олтинхон ва хотоғойтлар (Шим.-Гарбий Монголия) элати князлари эга бўлишган.

ОЛТИОСОР — қ. *Жеттисоор.*

ОЛТМЕН Сидни (1939.8.5, Монреаль) — америкалик кимёгар. Колорадо ун-ти фалсафа д-ри, Йель ун-ти проф. (1971). Асосий илмий ишлари нуклеин кислоталар кимёсига оид. 1970-й.ларнинг ўрталарида ичак таёқчасида гайриодлий фермент топиб, унга рибонуклеаза ёки (РНКаза) Р деб ном берган. Кейинчалик бу ферментнинг нафақат бактерияларда, балки ҳайвон тўқималарида ҳам мавжудлигини аниқлаган. Рибонуклеаза РНК ва оқсил компонентларидан ташкил топганлигини, уларни ажратиш ва қайта бириктириш мумкинлигини, РНК дан ажратиб олинган оқсил компонентлари ферментатив фаоллikka эга эмаслигини исбот қилди. РНК фрагментлари айни вақтгача фақат оқсил ферментларга тааллуқли деб ҳисобланган, барча классик-каталитик хоссаларга эга бўлган янги рибобизм кашф этди (1983). Нобель мукофоти лауреати (1989, Р. Чек б-н ҳамкорликда).

ОЛТОЙ (туркий ва монгол тилларида алтан — олтин) — Осиёдаги тоғ системаси, РФ, Монголия ва Хитой ҳудудида. Шим.-ғарбда Ғарбий Сибирь текислиги (81° шк.у.)дан жан.-шарқда Гоби текисликлари (106° шк.у.)гача чўзилган. Уз. 2000 км. Айрим тизмалардан иборат. Баланд чўққилари ғарбий қисмида (Белуха, 4506 м). О. уч қисмга — Асл О., Гоби Олтойи ва Монголия Олтойига бўлинади. Асл О. РФ Олтой ўлкаси ва Қозоғистон Республикасининг Шарқий Қозоғистон вилоятида жойлашган. У шим.да Ғарбий Сибирь текислигидан жарлик орқали ажралган, шарқи ва шим.-шарқи Монголия Олтойи, Ғарбий Саян тоғларига туташиб кетади. Гоби Олтойи Монголия Олтойининг давоми. Монголия ҳудудида. Уз. 500 км, бал. 1500—2500 м, энг баланд жойи 3957 м; тоғ этакларида чўл, юқорироқда дашт ўсимликлари ўсади.

О. мураккаб палахсали-бурмали тоғлар ўлкаси. Протерозойдан карбон даврigача ҳосил бўлган терриген, карбонат ва вулканоген жинсларидан тузилган. Геологик тузилиши ва геологик ривожланиш тарихига кўра, О. ҳудудининг шим.-шарқий қисмини эгаллаган каледон О.ига (Тоғли О.) ва ундан чуқур ёриқлар орқали ажралган герцин О.тойи — Жан.-Гарбий О. (Рудали ва Жан. О.ига бўлинади. О. ҳар хил фоиллари қазилмаларга бой (Тоғли О.да темир рудаси, симоб, олтин, нодир металлар, Рудали О.тойида асл ва рангли металлар бор).

Герцин орогенизида вужудга келган тоғ рельефи мезозойда текисланиб қолган. Палеоген охирида яна бир оз кўтарилган, неоген охири — антропоген бошларида кўтарилиш яна кучайган. Қад. ва янги ёриқлар бўйлаб ер қатламлари палахса-палахса бўлиб силжиган ва нишоят, ҳоз. мураккаб рельефи вужудга келган. Рельеф тузилишида тўртламчи давр муздликлари ва дарё эрозияси катта роль ўйнаган. Энг баланд тизмалар (3200—4000 м ва ундан баланд) — Катунь, Шим. Чуя, Жан. Чуя тизмалари. Асл О.нинг марказий ва шарқий қисмларида бўлиб, рельефи альп типли. Кўпчилик тизмалар бир-биридан О. учун хос бўлган тектоник сойликлар (даштлар) орқали ажралиб туради.

Иқлими континентал. Қиши юқори атмосфера босими (Осиё антициклони) таъсирида совуқ ва даволи. Январнинг ўртача т-раси −15°дан (тоғ оралиқларида) −28°гача. Марказий О.нинг тоғлар орасидаги сойликларида −32° (Чуя даштида мутлақ минимум −60°). Баланд тоғларда ёз қисқа ва салқин; июлнинг ўртача т-раси 1000 м баландликда 14 ва 16° дан ошмайди. О. — намлик энг кўп тўпланадиган жой. Сернам ёи бағирларида йилига 800—1200 мм гача (айрим жойларда 2000 мм гача), жан.-шарқида 200—300 мм (Чуя «даш-ти»да 100 мм) ёғин тушади. О.да 1000 дан ортиқ музлик бор (умумий майд. 800 км²).

О.да дарё кўп. Дарёлар қор сувлари ва ёмғирдан тўйинади. Баҳорда тошади. Энг йирик ва серсув дарёлари: Катунь, Бухтарма, Бия, Чуя. 3500 дан ортиқ кўл бор (йириклари Телец, Марқакўл).

Ландшафт типлари тоғ дашти, тоғ ўрмон ва баланд тоғ ландшафтларидан иборат. Марказий О.нинг қуруқ сойликларида ҳам ланг ўсимликлари ўсади. Тоғ ўрмон ландшафтлари О. ҳудудининг 70% ни эгаллайди. Тоғ ўрмонлари 1700—2450 м баландликлар оралиғида ўсади. О.нинг энг баланд тизмалари баланд тоғ ландшафтини ҳосил қилган.

Белуха тоғи.

Ад.: Камбалов Н., Природа и природные богатства Алтайского края, Барнаул, 1952; Куминова А. В., Растительный покров Алтая, Новосибирск, 1960; Горный Алтай, Томск, 1971.

ОЛТОЙ, Олтой Республикаси — Россия Федерацияси таркибидаги республика. Майд. 92,6 минг км². Аҳолиси 202,9 минг киши (2002). Пойтахти — Горно-Алтайск ш. Маъмурий жиҳатдан 9 туман (район), 1 шаҳар, 2 шаҳартага бўлинади. Республика бошлиғи лавозими таъсис этилган. Парламенти Давлат мажлиси — Эл Қурултойи деб аталади. Ҳукуматга Республика бошлиғи раислик қилади.

Табиати. Олтой Республикаси *Олтой*нинг баланд тоғли жан. қисмини эгаллайди. Республикада Олтойнинг энг бал. нуқтаси — Белуха тоғи (4506 м) жойлашган. Тоғ тизмалари (Катунь, Қурай, Шим. ва Жан. Чуя) оралигида чуқур водийлар ёки кенг сойлик («дашт»)лар бор. Иқлими кескин континентал. Январнинг ўртача т-раси −12° дан −32° гача, июлники 9—18°. Йиллик ёғин 100 мм дан 1000 мм гача. Дарёлари: Бия ва Катунь. Уларнинг гидроэнергия захираси катта. Бия дарёсида ёғоч оқизилади. Йирик кўли — Телец (Олтинкўл). Тупроғи қора ва тоғ-подзол тупроқ. Ҳудудининг 25% ўрмон. Ўрмондан юқорида субальп ва альп ўтлоқлари бор. Йирик сойликларда тоғ-дашт ёки чала чўл ўсимликлари ўсади. Тоғ эчкиси, қоплон, айиқ, бўри, лось, ҳолдор буғу, қулранг суғур, узун думли юмронқозиқ, тийин, соболь; қушлардан турна, каркур, пишчуха, қур, чил, оқ ва тундра каклиги яшайди. Телец кўли атрофида Олтой ва Катунь қўриқхоналари ташкил этилган. Чемал тоғ-иқлимий курорти машҳур. Телец кўлида туризм ривожланган.

Аҳолиси олтойлар (31%), руслар (60,4%), қозоқлар (5,6%), украинлар ва б. Шаҳар аҳолиси 27%.

Тарихи. О. ҳудудида қадимдан одам яшаган. Қуйи ва юқори палеолит даврларига оид манзилгоҳлар (Улалинка, У.-Кан) топилган. Бу ерлардан ҳунилар, турк қабилалари, уйғурлар, Энасой қирғизлари, қорахитойлар, мўғуллар ўтган. 13-а. бошларида О. ҳудуди *Мўғуллар давлати*га тобе бўлган. 1756 й.да олтойлар Россия фуқаролигига олинган. Аҳоли чорвачилик, овчилик б-н шуғулланган. 1918 й. янв.— мартда шўролар ҳокимияти ўрнатилди. Ўша йил июнида оқ гвардиячилар қўлига ўтди. 1920 й. апр.да шўролар ҳокимияти қайта тикланди. 1922 й. 1 июнда РСФСР таркибида Ойрот мухтор вилояти ташкил этилди. 1948 й. 7 янв.да у Тоғли Олтой мухтор вилоятига айлантирилди, унинг маркази — Ойрот-Тура ш. эса, Горно-Алтайск деб аталди. 1991 й.да республика мақомини олди ва 1992 й. майдан О. Республикаси деб атала бошлади.

Хўжалиги. Саноатининг муҳим тармоқлари: озиқ-овқат, енгил саноат, ўрмон ва ёғочсозлик, кончилик, қурилиш материаллари саноати ва б. Горно-Алтайск ш.да гўшт, ёғ-пишлоқ, сут, тикувчилик, пойабзал корхоналаридан ташқари тажриба ёғочсозлик к-ти, самоварлар, темир-бетон буюмлари, автомобиль ғилдиракларидаги руда конларида олтин қазиб олинади. Чемал ГЭС қурилган.

Қ.х.нинг асосий тармоғи — чорвачилик. Қўй, эчки, қорамол, олтой отлари ва тоғли дашт жойларда кўтос, шохидан дори-дармон олиналиган буғулар (марал ва ҳолдор буғулар), Чуя водийсида туялар боқилади. Асларичилик ривожланган. Тийин, оқ сичқон, тулки, қолоқон, соболь, норка каби мўйнабоп жониворлар овланади. Тоғ оралиғи ва дарё водийларида деҳқончилик қилинади: сули, арпа, маккажўхори, кунгабоқар, ўтлар экилади. Богдорчилик бирмунча ривожланган.

Бийск ш. (Олтой ўлкаси)дан Монголия чегарасигача боradиган транспорт магистрали — Чуя тракти (621 км) О. ҳудудидан ўтади.

Маданияти. 1992/93 ўқув йили республикада 199 умумий таълим мактаби бўлиб, уларда 37 минг бола ўқиди; 5 ўрта махсус ўқув юртида 3,9 минг ўқувчи, пед. ин-тида 3,1 минг талаба таълим олди. 6 илмий тадқиқот ин-ти (жумладан, тарих, олтой тили ва адабиёти и.т. институтлари), 147 жамоат кутубхонаси, 253 клуб муассасаси, 253 кино қурилма, миллий драма театри, филармония, ўлкашунослик музейи бор. Олтой тилида «Алтайдын чолмоны» («Олтой юлдузи», 1922 й.дан) ва рус тилида «Звезда Алтая» газ.лари чиқади. О. радиоси олтой ва рус тилларида эшиттириш беради.

Адабиёти. Олтой қабилаларининг хитой ва жунғар босқинчиларига қарши кураши, бахт-саодат ҳақидаги орзу-умидларини ифодаловчи қаҳрамонлик эпослари, қўшиқ, эртак, афсоналар, мақол, топишмоқлар тўқилган. 19—20-а.ларда М. Ютканаков, Ш. Шунеков, Н. Улагашев каби бахшилар, М.В. Чевалков каби маърифатчилар машҳур

бўлган. 20-а.нинг 20-й.ларида ёзувчи М. В. Мундус-Эдоков («Қайлиқ», «Мозийда ва ҳозирда» пьесалари), шоир П. А. Чагат-Строев («Доно баҳодир» ва «Қоракўрўм» достонлари) ва б. баракали ижод қилдилар. 30—40-й.ларда П. В. Кучияк халқ ҳаётини тасвирлади.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. О. ҳудудида мил. ав. 2-минг йилликка оид кўҳна шаҳар харобалари, истеҳкомларнинг қолдиқлари сақланиб қолган. Қояларда ҳайвон, қушларнинг тасвирлари, ов манзараларини учратиш мумкин. Қад. кўчманчиларнинг мил. ав. 5—3-а.ларга мансуб кўплаб амалий санъат намуналари топилган. Қад. намат, гулдор гилам тўқиш, каштачилик анъаналари ҳамон давом этиб келади.

ОЛТОЙ ТИЛИ — *туркий тиллар*дан бири. 1948 й.гача ойрот тили деб аталган. РФ Олтой ўлкасининг Тоғли Олтой вилоятида тарқалган, 60 мингга яқин киши сўзлашади. Лаҳжалари 2 гуруҳга бўлинади: жан. (қирғиз-қипчоқ гуруҳи) ва шим. (уйғур гуруҳи). О.т. унлилар тизими хусусиятига ва лаб сингармонизмининг умумий қонунларига кўра қирғиз тилига яқинроқ туради. Ундошлар тизимида ўхшашликлар б-н бирга муайян тафовутлар ҳам бор: қирғиз тилидаги сўз бошида келувчи қориқиш ж ўрнида О.т.да дъ мос келади; қирғиз тилидан фарқли равишда унлилар орасида жарангсиз ундошлар жарангли ундошларга айланади. Феъллар тусланганда, шахс кўрсаткичининг редукцияга учраши О.т. морфологиясининг асосий хусусиятидир.

Адабий тили жан. лаҳжаларга асосланади. Ёзуви 1939 й.дан рус графикаси асосида.

ОЛТОЙ ТИЛЛАРИ — *туркий тиллар, мўғул тиллари* ва *тунгус-манжур тил*ларини уларнинг келиб чиқиши бир деган тахмин асосида бирлаштирадиган тиллар макрооиласини билдирувчи шартли термин. Айрим олимлар ушбу макрооилага корейс ва япон тилларини ҳам киритганлар. «Олтой» атамаси ушбу тилларнинг эҳтимолдаги қад. ватанига ишоралар.

Г. Рамстед, Н. Н. Поппе, Е. Д. Поливанов, В. Л. Котвич, М. Рясянен каби туркийшуносларнинг асарларида турли даврларда турлича нуқтаи назардан исботлашга ҳаракат қилинган олтой назариясининг келиб чиқишига қуйидаги омиллар сабаб бўлган: санаб ўтилган тил оилаларидаги анчагина умумий лексика; сўзнинг товуш таркибидаги, фонетик ва морфологик қурилишидаги ўхшашликлар (сингармонизм ва аглютинация); сўз ясалиши ва синтаксис соҳасидаги категориялар нинг структура ва мазмун жиҳатдан бир хиллиги ёки ўхшашлиги ва б. Шунингдек, деярли барча О.т.да махсус сўроқ юкламалари мавжуд, олд қўшимча (префикс)лар қўлланмайди, эгалик категорияси тараққий этган, равишлош ва сифатдошларнинг қўлланиш доираси кенг ва ҳ.к.

Бироқ 20-а. 50-й.ларида тўпланган материалларни ёпишасига ўрганишдан шу нарса маълум бўлдики, сонлар, тана аъзолари, йил фасллари ва сутка бўлаклари, осмон жисмлари, об-ҳаво ҳодисалари номлари каби асосий лугавий гуруҳлар соҳасидаги ўхшашликлар фонизм жуда паст экан. Бу ҳолат олтой боботилининг мавжуд бўлганлигини шубҳа остида қолдиради.

О.т.нинг қариндошлиги ҳақидаги фаразининг, бир томондан, материалар етарли бўлмаганлигидан, исботланган деб ҳисоблаб бўлмайди; иккинчи томондан, тавсия этилган кўплаб чоғиштиришларнинг ишончлилиги туфайли, асоссиз, пуч деб ҳам бўлмайди. Бу масалани чуқур ўрганиш ва узил-кесил ҳал қилиш олтойшуносликнинг долзарб вазифаларидандир.

ОЛТОЙ ЎЛКАСИ — РФ таркибидаги ўлка. 1937 й. 28 сент.да ташкил этилган. Ғарбий Сибирнинг жан.да, Обь дарёси юқори оқими ва унинг ирмоқлари — Бия ва Катунь ҳавзаларида жойлашган. Ғарбий Сибирь иқтисодий р-нига киради. *Олтой*нинг деярли ҳаммасини, Салаирнинг ғарбий ён бағирларини ва унга ёндош текислик ҳамда тоғ олди ҳудудлари — Даштли Олтойни ўз ичига олади. Жан.-шарқда МХР ва Хитой б-н чегаралош. Майд. 169,1 минг км². Аҳолиси 2672 минг киши (1998), асосан, руслар (89,5%), шунингдек, немис (4,9%), украин (2,9%) ва б. миллат вакиллари ҳам (2,7%) яшайди. Шаҳар аҳолиси 52,6%. Маркази — Барнаул ш. Бошқа йирик шаҳарлар: Бийск, Рубцовск. 60 маъмурий туман, 12 шаҳар, 15 шаҳарчага бўлинган.

О.ў. 1917 й.гача Томск губерняси таркибида бўлди, 1917 й.дан Олтой губерняси деб аталган, 1925 й.дан Сибирь ўлкаси таркибида (1930 й.да Ғарбий Сибирь ўлкаси қилиб ўзгартирилди). 1991 й. ўлка таркибидан Тоғли Олтой республикаси (1992 й.дан Олтой Республикаси) ажралиб чиқди.

Табиати. Ўлка ҳудуди Обь дарёси томонидан шарқий (Салаир кряжининг тоғ этаги ва ён бағирлари) ва ғарбий (Кулунди текислиги, Обь бўйи платоси) қисмларга бўлинади. Жан.-шарқда — Олтой тоғлари тармоги (бал. 2421 м гача). Тошкўмир, полиметалл рудалар, Кулунди текислиги кўлларида турли туз конлари бор. Иқлими континентал. Қиши совуқ, кам қорли. Январнинг ўртача т-раси —19°. Ёзи қисқа, илиқ, июлнинг ўртача т-раси 19°. Йилига 250—350 мм атроф тушади. Вегетация даври 160—170 кун. Ҳудудининг катта қисми Обь ва унинг ирмоқлари — Бия ва Катунь ҳавзаларига мансуб дарёлардан суғорилади, қолган дарёлар Кулунди даштининг оқмас ҳавзасига мансубдир. Йирик кўллари — Кулунди, Кучук. Тупроқлари асосан, қоратупроқ текисликларда Ўлканинг ғарбий қисмида шўрланган тупроқлар, тоғларда тог водзол тупроқлар. Ўлка ҳудудининг ⅓ қисми ўрмон. Текислик қисмини дашт ва ўрмонли дашт ландшафтлари эгаллаган. Дашт ўсимликлари деярли қолмаган, кўп ерлар ҳайдаб юборилган. Тоғларнинг энг тепасида алп ва субалп ўтлоқлари ҳамда тог тундраси мавжуд.

Ҳайвонот дунёси. Даштларда кемирувчи кўп, қушлардан дашт тўрғайи ва балчиқчи, тувалоқ, бизғалдоқ, дашт бурғути, дарё водийларида сув паррандалари, тоғларда лось, марал, тог эчкиси, тог қўйи яшайди. О.ў.нинг жан.-шарқий қисмида Олтой қўриқхонаси бор.

Хўжалиги. Саноатининг асосий тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (трактор, трактор плуглари — «Алтайтрактор» акциядорлик жамияти; қ.х. машиналари — «Алтайсельмаш-холдинг»; бут қозонлари; магистрал юк вагонлари — «Алтайвагон» Россия и.ч. нинг ¹/₇ қисмини беради; «Алтайдизель», «Сибэнергомаш» ва б.); кимё ва нефть-кимёси (шина, сунъий тола, кимё маҳсулотлари ва б. ишлаб чиқариш — «Химволокно», «Барнаулшина», «Каучуксульфат», кимё реактивлари з-длари, «Алтайхимпром» ш.ч. бирлашмаси); озиқ-овқат (гўшт, пиширлоқ, мой и.ч.), енгил (ип-газлама, трикотаж и.ч.), кончилик (полиметалл рудалар, олтин, симоб, оғир гузи ва глаубер тузи); ўрмон ва ёғочсозликдир.

Ўлкадаги корхоналар уй-рўзғор техникаси: «Обь» ва «Алтай-электрон» кир ювиш машиналари, центрифуга, «Алтай» телевизорлари, электронасослар, «Дружба» бензопилалари, ошхона машиналари ва б. ҳамда маиший кимё товарлари, мебель, спорт ва туризм б-н шуғулланиш учун маҳсулотлар чиқаради. Асосий саноат марказлари: (Барнаул, Бийск, Рубцовск, Новоалтайск, Славгородск, Заринск шаҳарлари).

Қишлоқ хўжалигида галла, сут, гўшт етиштирилади. Кунгабоқар, қанд лавлаги ҳамда зигир экинлари кўп экилади. Мевачилик ривожланган, галла, картошка, сабзавот экилади. Қўйчилик, паррандачилик, асаларичилик, мўйначилик тараққий этган. Тоғларда ола кийик ва марраллар боқилади. Бийскдан Монголияга Чуя тракти ўтган. Автойўллар зичлиги 83 км/минг км² (1997). Обь дарёсида кема қатнайди. 6 олий ўқув юрти, кутубхоналар, бальнеологик ва иқлимий курортлар бор.

ОЛТОЙ ҚЎРИҚХОНАСИ — Олтойнинг шим.-шарқий қисмидаги давлат қўриқхонаси. Россиянинг Олтой ўлкасидаги Телец кўли (Олтинкўл) яқинида. Майд. 889 минг га (1999). Тайганинг ўзига хос табиатини ҳимда Жан. Сибирнинг баланд тоғли тундрасини қўриқлаш мақсадида ташкил этилган. Тоғларда баландлик минтақалари кўзга яққол ташланиб туради; оқ қарағай, оқ қарағай-кедр ва кедр-тилоғочли тайга ўрмонли субалп минтақаси б-н алмашинган, ундан юқорирокда эса алп минтақаси (бутали тундра ва алп ўтлоқлари, шағалли-лишайникли ва тошлоқ тундра) бошланади. Ҳайвонлардан марал, лось, кабарга, морхўр, елик, қўнғир айиқ, сувсар, бўрсиқ, тийин, бурундуқ, барс; паррандалардан улар, оқ ва тундра каклиқлари, каркур, чил, қур кўп.

ОЛТОЙЛАР (ўзларини — олтой-кижи деб атайдилар) — Олтой Республикасидаги халқ (59 минг киши). Россия Федерациясида жами 69 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Қуйидаги этнографик гуруҳларга бўлинади: олтой-кижи, теленгитлар, телеслар, телеутлар, тубалорлар, челканлар, кумандинлар. Олтой тилида сўзлашади. Диндорлари — православлавлар, бир қисми баптистлар, анъанавий диний эътиқодлар сақланган.

Олтой ўлкаси. Тоғларда қиш пайти.

ОЛХЎРИ, олу (Prunus) — раънодошлар оиласига мансуб данакли мева дарахти ёки бута. 30 дан ортиқ тури маълум. Энг кўп тарқалган тури оддий О. бўлиб, тоғолча б-н ёввойи олхўри (тери)нинг табиий чатишишидан келиб чиққан деб тахмин қилинади. Ватани — Кичик Осиё, Кавказ, Шим. Эрон. Ўзбекистонга Эрон орқали келтирилган. Ҳозир Ўрта Осиёда дастлаб келтирилган оқ олу, сариқ олу, қора олу ва улардан келиб чиққан навлар тарқалган. О. жой танламайди. 2000 га яқин (Ўзбекистонда 200 дан ортиқ) нави бор. Ўзбекистонда экилади. О. меваси думалоқ, тухумсимон, чўзинчоқ, 60—100 г, сариқ, яшил, қизил, кўкимтир-қора; мумғубор б-н қопланган. Таркибида 14—21% қанд, 0,5—1,2% кислота, азотли моддалар ва витаминлар мавжуд. Янгилигида ейилади, қоқи, консерва қилинади, шарбатли ичимликлар, жем, мураббо, қиём ва б. маҳсулотлар тайёрланади.

Олхўри: *1* — гуллаган шохчаси; *2* — Истанбул олхўриси; *3* — меваининг кўндаланг кесими; *4* — Маливаранг олхўри.

О., асосан, пайвандлаб ҳамда илдиз бачкисидан кўпайтирилади. О. учун энг яхши пайвандтаг тоғолча. Кўчати ўтқазилгач, 4—6-йили ҳосилга киради. Ўзбекистонда март-апр.да гуллайди, меваси июннинг иккинчи ярмидан сент. охиригача пишади. 20—25 йил яхши ҳосил беради (дарахти 30—50 кг, айримлари 100 кг гача); совуққа чидамли. Парваришни данакли мева дарахтларинигкага ўхшаш. Ўзбекистонда *Венгерка, Бертон, Истанбул олхўриси*, Самарқанд қора олуси, Вашингтон ва б. навлари экилади.

Зараркунандалари: олхўри қурти, олма қурти.

Касалликлари: клястероспориоз ва б.

Ад.: Помология Узбекистана, Т., 1983; Рибаков А. А., Остроухова С. А., Ўзбекистон меванчилиги, Т., 1967.

ОЛЧА, олиҳоли (Cerasus) — раънодошлар оиласига мансуб барг тўкувчи дарахтлар туркуми; мевали дарахт, 150 га яқин тури бор. Асосан, Осиёда, шу жумладан, Ўрта Осиё ва Кавказда 25 га яқин тури ўсади. Маданий турларидан оддий О. (C.vulgaris) кўп тарқалган. Жуда қадимдан Марказий ва Жан. Европада, Шим. Африка, Шарқий Осиё, Шим. Америкада экилади. Ўзбекистонда О.нинг махалеб О.си ёки камхастак (C.mahaleb), қизилмевали О. ёки чия (тошчия) (C. erythrocarpa Neski.) ёввойи турлари адир ва тоғ ён бағирларида учрайди. Оддий О. дарахтининг бўйи 6—7 м, совуққа, қурғоқчиликка чидамли, унумлор тупроқларда яхши ўсади ва мўл ҳосил беради, 30—40 йил (баъзан 100 й.гача) яшайди. Меваси майда, думалоқ, данакли, суюли, нордон, оч қизилдан тўқ қизилгача. О. мева бандининг узунлиги б-н бошқа данакли мевалардан фарқ қилади. Таркибида 7,3—14,5% қанд, 0,8—2,4% органик кислоталар, 0,15—0,88% ошловчи моддалар, С, B_2, B_6 витаминлар ва б. мавжуд. Янгилигида ейилади, консервалар, мураббо, жем, вино, қандолат маҳсулотлари тайёрланади. Ҳосилдорлиги 100 ц/га. Меваси май— июнда пишиб етилади. О. данагидан, илдиз бачкисидан ҳамда пайвандлаб кўпайтирилади. Экилгандан сўнг 3—4-йили ҳосилга киради, 6—7-йили яхши ҳосил беради. О.га қисқа танали қилиб, енғирак поғонали шакл берилади.

Олча: *1* — гуллаган шохчаси; *2* — Самарқанд олчаси нави; *3* — Любская 15 нави.

Ўзбекистонда О.нинг Гриот, Любская 15, Позбельская, Самарқанд, Тургеневка, Қора шпанка навлари экилади (2003).

Зараркунандалари: олча аррақаши, олча узунбуруни, битлар, олча пашшаси ва б.

Касалликлари: мева чириши, клястероспориоз, коккомикоз, питоспороз ва б.

Ад.: Дейн А. Н., Олча ва гилос, Т., 1962; Рибаков А. А., Остроухова С. А., Ўзбекистон меванчилиги, Т., 1967.

ОЛЧИН, алчин — бир қанча туркий халқлар таркибига кирган йирик қабила иттифоқи. Олар қад. туркий халқлардан бўлиб, милоднинг бошларида Олтойда ва Иртиш дарёси яқинидаги чўлларда яшаганлар. Кейинчалик (6-а.дан) Турк хоқонлиги, Кимаклар давлати, қипчоқлар иттифоқи ва б. таркибида бўлган. *Мўғуллар давлати* парчаланиши б-н Олар *Ўғай Ўрда* ва 16-а. ўрталарида эса қозоқ халқи таркибига кирган. Оларнинг айрим гуруҳлари бошқирд, Қозон татарлари, Қрим ва Шим. Кавказ ноғайлари ва қорақалпоқлар, кичик бир қисми ўзбеклар таркибида ҳам бор. 1926 й. маълумотларига кўра, Бухоро воҳасида (2525 киши), Кармана атрофида (750 киши) ва Қашқадарёнинг қуйи оқимида (Олчин қишлоғида, 300 киши) яшаганлар. Олар алимули, байули, жетиуру қабилаларига, буларнинг ҳар бири, ўз навбатида, яна бир қанча уруғларга бўлинган.

ОЛЧИН — узунлик ўлчов бирлиги; *аршин* ва *газ* қийматлари (65÷112 см)га тенг.

ОЛЬБОРГ — Данияда шаҳар, Ютландия я.о.нинг шимолида, Шим. Ютландия амтининг маъмурий маркази. Аҳолиси 119,6 минг киши (2000). Лимфьорд бўғозидаги порт. Машинасозлик (асосан, кемасозлик ва цемент саноати учун жиҳозлар и.ч.) саноати ривожланган. Цемент, балиқни қайта ишлаш, тўқимачилик, кимё саноати корхоналари бор.

ОЛЬГЕРД (Альгирдас, Algirdas) — Литва буюк князи (1345—77). Гедимин ўғли. Литва буюк князлиги ҳудудини кенгайтириш учун курашган. Тевтон ордени (1348, 1370), Олтин Ўрда (1363) устидан ғалаба қозонган, ғарбий рус ерларининг бир қисмини қўшиб олган. Тверь князлигини қўллаб-қувватлаган ва 3 марта (1368, 1370, 1372) Москвага муваффақиятсиз юриш қилган.

ОЛЬГИН — Кубадаги шаҳар. Ольгин провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 245 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Автомобиль йўллари тугуни. Ривожланган қ.х. районининг савдо-саноат маркази. Комбайн з-ди, тамаки, ёғочсозлик, тўқимачилик, кўнпойабзал саноати корхоналари бор. Резина-техника буюмлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқарилади. Олда йирик тиббиёт мажмуаси қурилган. Шаҳарга 1523 й.да асос солинган.

ОЛЬМЕК МАДАНИЯТИ — Мексиканинг Веракрус ва Табаско штатлари ҳудудида қадимда яшаган номаълум индейс халқи маданияти. О.м. мил. ав. 8—4-а.ларда равнақ топган. О.м. номи бу ҳудудда кейинчалик, мил. 11—14-а.ларда яшаган кичик қабилалар гуруҳи (ольмеклар) номи б-н шартли аталган. О.м. иқтисодиёти деҳқончилик ва балиқчиликка асосланган. О.м.ни яратган халқ Америкада илк бор синфий тараққиёт йўлига ўтган халқлардан бири бўлган. Унинг мил. ав. 8—2-а.лардаги маданияти ва санъати Марказий Американинг қўшни индейс халқлари (майя ва б.) маданиятига катта таъсир кўрсатган. Ольмек ҳайкалтарошлигининг ажойиб обидалари, жумладан, улкан инсон каллалари, кўплаб ҳайкалар О.м. аҳолисининг бош маъбуди — ягуарни ифодалайди. Турли диний ниҳоятлар: эҳромлар, супалар ва б. қолдиқлари сақланган. Мил. 3-а.да номаълум сабабларга кўра ольмеклар гойиб бўлишган; эҳтимол, бу йирик этник кўчишлар б-н боғлиқ бўлиши мумкин.

ОЛЬСТЕР — Ирландия о.нинг шим.даги тарихий вилоят. Илк ўрта асрларда мустақил қироллик. 12-а. охирида О. расман инглиз тахтига тобе этилган. 16-а.дан Ирландиянинг вилоятларидан бири. 16—18-а.ларда инглизларга қарши кўзғолон маркази. Англия — Ирландия битими (1921) га кўра, О.нинг катта қисми (Шим. Ирландия; матбуотда уни кўпинча О. деб аташади) Буюк Британия қўл остида қолган, қолган қисми Ирландия давлати таркибига кирган (1949 й.дан Ирландия Республикаси, Ольстер вилояти).

ОМ (Ohm) Георг Симон (1787.16.3, Эрланген — 1854.7.7, Мюнхен) — немис физиги. Лондон Қироллик жамияти аъзоси (1842 й.дан). Эрланген ун-тини тугатган (1806). Нюрнберг (Германия) политехника мактаби (1833 й.дан), Мюнхен ун-ти (1849 й.дан) проф. Илмий ишлари электр, оптика, кристаллооптика ҳамда акустикага оид. Электр занжирини кашф қилган. Шу занжирнинг энг муҳим характеристикаларидан бири — ўтказгичлар қаршилиги эканлигини кўрсатиб, қаршилик тушунчасини фанга киритган. Электр токининг асосий қонуни (қ. *Ом қонуни*)ни яратган. Электр қаршилик бирлиги — Ом унинг номи б-н аталади.

ОМ — Халқаро бирликлар тизими СИ даги электр қаршилик бирлиги. Ом б-н белгиланади. Ўтказгичдан ўтаётган ўзгармас ток кучи 1 *ампер* ва унинг учларидаги кучланиш 1 *вольт* бўлганда унинг қаршилиги 1 *Ом* га тенг бўлади, яъни 1 Ом=В/А. Г. С. *Ом* шарафига қўйилган.

ОМ ҚОНУНИ — ўтказгичдан ўтаётган ўзгармас ток кучи *I* б-н унинг учларидаги потенциаллар фарқи *V* нинг ўз-аро боғлиқлигини ифодаловчи қонун. *Электр токининг* асосий қонунларидан бири. Бу қонунни 1826 йил Г. С. *Ом* кашф қилган. У қуйидагича ёзилади:

$$RI=V. \qquad (1)$$

Ўтказгичнинг геометрик, электр хоссаларига, шунингдек, т-рага боғлиқ пропорционаллик коэффициенти R ўтказгичнинг Ом қаршилиги дейилади. Бу қонунга кўра, ток кучи кучланишга тўғри, ўтказгич қаршилигига тескари пропорционал. О. қ.ни ўтказгичнинг э. ю. к. манбаи бўлмаган занжир қисми учунгина қўллаш мумкин. Э. ю. к. манбаи (аккумуляторлар, термопара ва б.) мавжуд бўлса:

$$RI=V+E, \qquad (2)$$

бунда E — занжирнинг берилган қисмидаги барча манбаларнинг э. ю. к. Берк занжир учун О. қ. қуйидаги кўринишни олади:

$$R_{т}I=E, \qquad (3)$$

бунда $R_{т}=R+R_{i}$ — занжирнинг барча ташқи қаршилиги R дан ҳамда э. ю. к. манбаи ички қаршилиги R_{i} дан иборат қаршилик. О. қ.нинг тармоқланган электр занжири учун умумлашган кўринишини *Кирхгоф қоидалари* б-н тушунтирилади.

ОМАХА — АҚШнинг марказий қисмидаги шаҳар. Небраска штатида. Аҳолиси 390 минг киши (2000). Муҳим т.йтугуни. Миссури дарёси бўйидаги порт. Йирик қ.х. р-нининг савдо маркази. Ғалла ва гўшт биржалари бор. Йирик озиқ-овқат (ун тортиш, гўшт, ёғ к-тлари) саноати маркази. Алоқа воситалари, ЭҲМ, юк машиналари, саноат жиҳозлари, қ.х. машиналари, минерал ўғитлар ишлаб чиқарилади. Рангли металлургия (рух эритиш) ривожланган. Ун т бор. Шаҳарга 1804 й.да асос солинган.

ОМБОР, омбор бинолари — 1) озиқ-овқат, асбоб-анжом, хом ашё, маҳсулотлар, ускуналар, ҳар хил материаллар сақланадиган жой. О.ларнинг усти ёпиқ, ярим ёпиқ (бостирма), кўп оралиқли, кўп қаватли, иситиладиган, иситилмайдиган турлари мавжуд. О.лар тош, шағал, цемент, гишт, ёғоч ва б. материаллардан қурилади; 2) сув тўпланадиган жой, сув ҳавзаси, масс., сув омбори.

ОМБОР ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ — дон, чорвачилик маҳсулотлари ва б.ни зарарлайдиган ҳашаротлар, жониворлар. Омборлар, элеваторлар, тегирмонлар, макарон ва кондитер маҳсулотлари ф-калари, одамлар яшайдиган бинолар ва б. жойларда тарқалган; шунингдек, дала ва галла хирмонларида ҳам учрайди. О.з.нинг кўпчилиги ҳашаротлар синфининг қўнғизлар (қаттиққанотлилар), капалаклар (тангақанотлилар) туркумига, шунингдек, ўргимчаксимонлар синфининг каналар туркумига мансуб. Қушлар ва сут эмизувчилар синфи вакиллари орасида ҳам О.з. бор. О.з. бутун Ер юзида кенг тар-қалган. О.з. дан омбор узунтумшуқ қўнғизи (митаси), гуруч митаси, кичик ун митаси, тўтиқушсимон мўйловли мита, катта ун митаси, суринам унхўри, тилам қўнғизи, тўқ қўнғир мита, мутомбир трогодерма, қўнғир терихўр, мавритания қўнғизи, калта сариш унхўр, ветчина терихўри, дон парвонаси, омбор куяси, дон куяси, тегирмон парвонаси, ун парвонаси, жануб омбор парвонаси, ун канаси, чўзиқ кана, қорамтир кана, оддий туклор кана ва б. кўп тарқалган бўлиб, катта зарар келтиради. Булардан кичик ун митаси (Tribolium confusum Duv.), тўқ қўнғир мита (Alphitobius laevigatus F.), катта ун митаси (Tenebrio molitor L.), тўғноғичсимон мўйловли мита (Tribolium castaneum Herbst.), калта мўйловли сариш унхўр (Cryptolestes ferrugineus Steph.), қўнғир терихўр (Attagenus simulens Solski.), дон парвонаси (Sphestia elutella Hb.), жануб омбор парвонаси (Plodie interpunctella Hb.), омбор куяси (Tinea granella L.), дон куяси (Sitotroga cerealella Oliv.), чўзиқ кана (Tyrophagus putres centia Oud.s.), ун канаси (Acarus siro L.), оддий кана (Glycyphagus destructor Schrk.) ва б. пахта, чигит, кунжара, шулха ва б. маҳсулотларнинг хавфли зараркунандаларидир.

О.з. озиқ-овқат маҳсулотлари захирасини нобуд қилади, донининг муртаги ва унли қисмини ейди натижада галла ва б. унли қисмини ейди натижада галла ва б. узоқ сақланмайди, уларнинг озуқалик сифатини бузади, уруғларни шикастлаб, унувчанлигини кескин камайтиради.

Шунингдек, каламуш ва сичқонлар ҳам О.з. ҳисобланади. Улар маҳсулотларни фақатгина қолмай, балки иншоотларни, асбоб-ускуналарни ишдан чиқаради ҳамда турли юқумли касалликларни тарқатади. Зараркунандалар мустақил равишда ҳамда маҳсулот ташиладиган идишлар, маҳсулотлар ҳамда омбор анжомлари ва б. орқали тарқалади.

Кураш чоралари: ҳар йили янги ҳосилни қабул қилиш олдидан ва зарурратга кўра, омборлар, бостирмалар, хирмонлар, маҳсулот ташиладиган идишлар ва анжомларни таъмирлаш, йилда икки марта — баҳор (апр.—май) ва ёз охири (июль— авг.)да хлорофос, карбофос ва б. препаратлар б-н ҳам дезинсекциялаш, омбор атрофларини тоза тутиш, ахлатларни ёқиб ташлаш ёки ерга кўмиш керак.

О.з.ни йўқ қилиш учун маҳсулот сақланадиган омборларни бромметил ёки метилхлорид б-н газли дезинсекциялаш — фумигация зарур.

Сулаймон Алиназаров.

ОМБУДСМАН (шведча ombudsman — бирон киши манфаатларининг вакили) — турли хил маъмурий органлар, баъзи мамлакатларда эса — шунингдек, хусусий шахслар ва бирлашмаларнинг

Омбор зараркунандалари. *1.* Гуруч митаси: 1а — дон ичидаги гумбаги; *1б* — личинкаси; *1в* — шикастланган дон. *2.* Омбор узунтумшуқ қўнғизи: *2а* — дон ичидаги личинкаси; *2б* — гумбаги. *3.* Катта ун митаси: *3а* — личинкаси. *4.* Кичик ун митаси: *4а* — личинкаси. *5.* Тўғноғичсимон мўйловли мита. *6.* Суринам унхўри: *6а* — личинкаси. *7.* Дон арра-кана: *7а* — личинкаси; *7б* — шикастланган дон. *8.* Мавритания қўнғизи: *8а* — шикастланган дон. *9.* Калта мўйловли сариқ унхўр. *10.* Сариш унхўр.



Омбор зараркунандалари. Омбор куяси: *1* — капалаги; *1а* — қурти; *1б* — шикастланган ва ўрмачак ини бостан дон. Дон куяси: *2* — капалаги; *2а* — дон ичидаги қурти; *2б* — қуя учиб чиққан дон. Ун парвонаси: *3* — капалаги; *3а* — қурти. Жануб омбор парвонаси: *4* — капалаги; *4а* — қурти. Дон парвонаси: *5* — капалаги; *5а* — қурти. Тегирмон парвонаси: *6* — капалаги; *6а* — қурти. Ун канаси: *7* — эркаги; *7а* — уруғочиси. Чўзиқ кана: *8* — эркаги; *8а* — уруғочиси; *8б* — шикастланган чигит.

инсон ҳуқуқларига риоя этишини назорат қилиш учун махсус сайлаб (тайинлаб) қўйиладиган мансабдор шахс. О. назоратни амалга оширади ва прокуратурадан фарқли равишда нафақат қонунийлик, балки шу б-н бирга самарадорлик, мақсадга мувофиқлик, идоратпарварлик нуқтаи назаридан ҳам текшириш олиб боради. Бу хилдаги мансабдор шахслар ҳар хил ном б-н аталади: Скандинавия мамлакатларида — О.; Испания ва Колумбияда — халқ ҳимоячиси; Францияда — воситачи, Руминияда — халқ адвокати ва ш.к. О. турли йўллар б-н сайланиши ёки тайинланиши мумкин. Испанияда у парламент томонидан 5 йилга сайланади, Намибияда президент томонидан, Францияда — Вазирлар кенгашининг декрети б-н тайинланади. Аксарият кўпчилик мамлакатларда ҳар бир фуқаро О.га бевосита мурожаат қилишга ҳақлидир. О. камчилик ёки суиистеъмолларни аниқлаб, тегишли орган ёки мансабдор шахсга кўрсатали ва уларни бартараф этишни таклиф этади. Агар улар О.нинг таклифидан бош тортса, О. суд органлари ёки парламентга мурожаат қилиши мумкин. О. фуқароларнинг шикоятлари бўйича, шунингдек, ўз ташаббуси б-н иш олиб боради. Францияда фуқаролар воситачига бевосита эмас, балки ўз сенатор ёки депутатлари орқали мурожаат қиладилар. Дунёда 1-марта О. лавозими 1709 й. Швеция қироллиги ҳузурида жорий қилинган. Ҳоз. вақтда у жаҳоннинг 110 дан ортиқ мамлакатида мавжуд. О. ин-тини ташкил этишишга қараб 2 турга бўлиш мумкин: парламент томонидан тайинланадиган (сайланадиган) классик типдаги О. ва ижроия ҳокимияти органлари томонидан тайинланадиган О. Классик типдаги О. ҳар қандай ташкилот, корхона, муассаса ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини текшириш ҳуқуқига эга. Классик О. қаторига Швеция, Норвегия, Дания, Португалия, Испания ва ш.к. кўпгина мамлакатлар О.лари киради. Ўзбекистон О.и ҳам классик О. ҳисобланади. Ижроия ҳокимияти органлари томонидан тайинланадиган О. ҳуқуқлари бироз чегараланган. Улар алоҳида соҳалар бўйича текшириш ҳуқуқига эга. Мас., касалхоналар, жазони ўташ муассасалари, болалар, ногиронлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳарбий хизматчилар, жиноятлардан жабрланганлар, солиқ муассасалари бўйича шуғулланадиган алоҳида соҳалар О.лари.

О.нинг алоҳида обрў-эътибори ва замонавийлиги унинг демократик хусусиятлари б-н тавсифланади. О.лар давлат органлари тизимидан мустақиллиги, парламентнинг белгиланган муддати давомида ўзгармаслиги, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эгалиги, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга муҳтож бўлган барча фуқароларга очиқлиги, шикоят ва мурожаатларни тақдид этишда расмиятчиликка йўл қўймаслиги, аҳолига бепул хизмат кўрсатиши б-н ажралиб туради.

Ўзбекистон Республикасида О. фаолиятининг ҳуқуқий асослари «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари вакили (омбудсман) тўғрисида» ЎзРнинг қонуни (1997 й. 24 апр.да белгилаб берилган. Мазкур қонунга кўра, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) — мансабдор шахс бўлиб, унга ЎзР да давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилишининг самарадорлиги устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган. Вакил ўз фаолиятида ЎзР нинг Конституцияси, қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига, ЎзРнинг халқаро шартномаларига, шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этган принциплари ва нормаларига асосланади. Вакил ўз ваколатларини мустақил ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахсларга тобе бўлмаган тарзда амалга оширади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳисоб беради.

Ад.: Сатторов А., Омбудсман — ҳуқуқ ҳимоячиси, Т., 2000.

Асмал Саидов.

ОМБУР — 1) мих суғуриш, нарсаларни қисиб ушлаш, эгиш, қирқиш учун ишлатиладиган икки жағли асбоб. Ясси жағли, думалоқ жағли, ўткир жағли, тишли, нўғайдўз (этикдўзлик ва кавушдўзликда ишлатиладиган), қаламгир (темирчиликда ишлатиладиган), нов О. (жағининг ўртаси новсимон, тақачилар ишлатади) ва б. хиллари бор. Баъзи станокларда О. станокнинг бир қисми вазифасини ўтайди. Турли-туман донали юкларни кўтаришда юк омбури ишлатилади. Материални (мас, симни) ҳам эгиб, ҳам қирқиб, ҳам қисадиган (монтёрлар ишлатадиган) универсал О.лар ҳам бор. Металлургия, металлсозлик, дурадгорлик, темирчилик, заргарлик, монтёрлик ва б. соҳаларда, уй-рўзғорда ишлатилади; 2) электротехникада юқори вольтли линияларда ток кучи ва электр кучланишини ўлчайдиган асбоб. Каллаги ферромагнит ўзакдан иборат. Унда *индуктивлик галтаги* жойлашган.

ОМДУРМАН — Судандаги шаҳар. Оқ Нил дарёси бўйида (унинг Кўк Нилга қўшилиш жойида). Аҳолиси 230 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Хартум ва Шим. Хартум ш.лари б-н бирлашиб пирак агломерациясини ташкил этади. Савдо-транспорт маркази (чорва, тери, маҳсулотлар б-н савдо қилинади). Тўқимачилик, тери, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ислом ун-ти, Миллий театр, Маҳди Муҳаммад Аҳмад мақбараси бор.

ОМИН (араб., сомича) — ислом, яҳудий ва христиан динларида динлорлар ўртасида «қабул ишин», «ижобат бўлсин» маъносида ишлатиладиган сўз. Қуръони каримдаги Фотиҳа сураси тиловат қилиб бўлингач, ўқиган ва эшитганлар «О.» деб қўйиш лозимлиги ҳақида ҳадисда айтилган.

ОММАБОП МУСИҚА — 1) кенг маънода — энг машҳур мусиқа асарлари; ижрочилар репертуаридан доимий ўрин олган турли жанр ва услуб намуналари (мас., халқ қўшиқ ва куйлари, мумтоз композитор асарларидан иборат; 2) тарихий тушунча сифатида — 20-а. маданиятида қарор топган мусиқа тури. Ёшлар мусиқаси, поп-мусиқа, рок-мусиқа, эстрада мусиқаси каби йўналишларни ўз ичига олади. Унинг ривож топишига дастлаб 20-а.да юз берган ижтимоий (мас., урбанизация) ва маънавий ҳаёт (диний қарашларга нисбатан дунёвий мафкура кенг ёйилиши ва б.) ўзгаришлари замин яратган. Натижада, шаҳар аҳолисида кеекин кўпайган бўш вақтини тўлдириш мақсадида мунтазам равишда ўтказиладиган кўнгилочар томоша ва концертлар кенг ривож топган. Олдин шаҳар боғи ва хиёбонлари, ресторан (кабаре, кафе-шантан) ва б. жойларда, кейинчалик махсус қурилган театр ва саҳна (мас., *мюзик-холл, дискотека*)ларда фаолият кўрсатган янги бадиий жамоалар ижодида О.м.нинг асосий жанр ва шакллари қарор топган. О.м.нинг ҳоз. дунё маданиятида кенг ёйилишда, айниқса, оммавий ахборот воситалари (радио, телевидение), овоз ёзиш ва тарқатиш аппаратлари (граммофон, магнитофон ва б.)нинг кашф этилиши катта таъсир ўтказган. О.м. тингловчидан мусиқа уқуви, кенг бадиий тажриба, баъзида идрок этишда алоҳида аҳамиятни ҳам талаб этмайдиган намуналардан иборат бўлиб, улар шаклларнинг оддийлиги, мусиқа тилининг байналмилал (универсал) оҳангларга яқинлиги, кўпроқ рақсбон усулларга мойиллиги б-н ажралиб туради.

Олимжон Бекмс.

ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИ — душманнинг жонли кучларига, қурол-аслаҳаларига, иншоотларига ялпи (оммавий) талафот етказиш учун мўлжалланган жанговар воситалар. Қирғин қуроллари. Жанговарлик (талафот етказиш, қирғин қилиш) хусусиятларига кўра, бошқа барча жанговар воситалар, қуроллардан самаралироқ ҳисобланади. О. қ. қ. жумласига бактериологик (биологик), кимёвий ва ядровий қуроллар киради. Бу қуроллар ичида энг катта ижтимоий ва талафот келтирувчиси, ялпи қирғинлари, асорат қолдирадиганлари, энг даҳшатлиси ядро қуролидир. О. қ. қ.ни ишлатиш шаронти, ҳудуди, миқёси деярли чекланмаган. Ҳозирча О. қ. қ.нинг энг катта захираси икки йирик давлат — АҚШ ва Россия Федерациясида жамланган. Покистон, Эрон, Ҳиндистон, Шим. Корея, Ироқ ва б. баъзи давлатлар О. қ. қ.ни ишлаб чиқариш ва захира ҳосил қилиш ҳаракатида. О. қ. қ.дан мудофаа қилиш чора-тадбирлари, умумий ва шахсий ҳимоя воситалари ишлаб чиқилган. Баъзи йирик мамлакатлар (АҚШ, Англия, Германия, Россия Федерацияси ва б.)да аҳолини О. қ. қ.дан ҳимоя қилиш учун яхшилаб жиҳозланган бомбабаналар мавжуд. фуқаро мудофааси тизими ташкил қилинган ва вақт-вақти б-н машғулотлар ўтказиб турилади (қ. *Бактериологик қурол, Кимёвий қуроллар, Ядро қуроли*).

ОММАВИЙ ҚИРҒИН ҚУРОЛЛАРИДАН МУДОФАА — қўшин, аҳоли ва мамлакат халқ хўжалиги объектларини душманнинг ядро, кимёвий ва бактериологик (биологик), қимёвий ва ядровий қуроллар таъсиридан ҳимоя қилишда қўлланиладиган чора-тадбирлар комплекси. Бунда индивидуал ҳимоя воситалари, траншеялар, махсус жиҳозланган пана жойлардан фойдаланилади, эпидемияга қарши ва б. тиббий тадбирлар, дезактивация, дегазация ҳамда умумдавлат мудофаа тадбирлари кўрилади (қ. *Фуқаро мудофааси*).

ОММАВИЙ ҚЎШИҚ — *қўшиқ* тури; халқ орасида оммалашувига мўлжалланган композитор асари. Кўпинча жамоавий (хор) тарзда, чолғу жўрлигисиз ижро этилади. О.қ. намуналарига банд (банд-нақарот) шакли, ёркин, эсда қоладиган куйи, айни пайтда, мусиқий ва шеърий баёнининг оддийлиги, куй ҳажмининг ўрта вокал регистрга асосланганлиги хосдир. Асосан, намойиш, митинг, йирик йиғилиш каби жамоавий тадбирларда ижро этилади. Илк намуналари Буюк Франция инқилоби даврида юзага келган (мас., «Марсельеза» — ҳозирда Франция Давлат мадҳияси). Инқилобий қўшиқ, ҳарбий-лар (сафда ижро эти-ладиган) қўшиғи, *Давлат мадҳияси* каби турлари бор. Ўзбекистонда 20-а.нинг 1-чорагида юзага келган (Ҳамзанинг «Биз ишчимиз», «Ҳой ишчилар» ва б.), кейинчалик бастакор (Т. Жалилов, К. Жабборов ва б.) ва композитор (С. Юдаков, М. Бурҳонов)лар ижодида ўрин олган.

ОММЕТР (*ом* ва... *метр*) — электр қаршилигини ўлчайдиган асбоб. Иши ўзгармас ўлчанишли ток манбаида ўлчанадиган қаршилик орқали ўтадиган ток кучини ўлчашга асосланган. Ўлчанадиган қаршилик диапазонига қараб, мегаомметрлар, тераомметрлар, микроомметрларга; магнитоэлектрик логометр-ли, электрон О.ларга бўлинади. Катталиги 100 ом дан бир неча Мом гача қаршиликларни ўлчаш учун О. ўлчанадиган қаршиликка кетма-кет уланади. Катта қаршиликлар мегаомметр б-н, кичик қаршиликлар микроомметр б-н ўлчанади.

ОМНИБУС (лот. omnibus — ҳамма учун) — кўп ўринли от-арава; жамоат транспортининг дастлабки тури; *автотранспортининг ўтмишдоши*. Нечта йўловчи ташишга қараб, унга 2, 4, ҳатто 6 от қўшилган. Дастлаб (1662 й.) Парижда пайдо бўлган, кейинчалик бошқа Европа мамлакатларига тарқалган. Шаҳарлар ичида ва шаҳарлар орасида қатнаган. *Ирқи ёвуз деҳқонлар* пайдо бўлганидан сўнг (1860) аста-секин ўз аҳамиятини йўқота борган. Баъзи Европа мамлакатларида 20-а. бошларигача қўлланилган. Ҳозир О. ўрнини автобус бутунлай эгаллаган.

ОМО... (юн. homos — бир хил, ўхшаш) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, иккинчи қисмдан анг-лашилган тушунчанинг бир хил, ўхшаш, тенг бўлишини билдиради.

ОМОЛОН — РФ Магадан вилояти ва Саха (Якутия)даги дарё. Колыманинг ўнг ирмоғи. Уз. 1114 км, ҳавзасининг майд. 113 минг км². Колима тоғлигидан бошланиб, Юкагирь несситоглигининг шарқий чеккасидан, қуйи қисмида Колима пасттекислигидан оқиб ўтади. Қор ва ёмғир сувларидан тўйинади. Окт.да музлаб, майда музлан бўшайди. Асосий ирмоқлари: ўнгда — Молонгда, Олой, Олойчан; чапда — Келон. Қуйи оқимида ёғоч оқизилади. Шчербаково пристанидан қуйилиш жойигача (600 км) кема қатнайди.

ОМОН МАТЖОН (тахаллуси; асл исм-шарифи Матчонов Омон) (1943.14.2, Ҳоразм вилояти Янгибозор тумани) — Ўзбекистон халқ шоири (1993). Самарқанд ун-тининг филология ф-тини тугатган (1969). Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида муҳаррир, бўлим мудири (1969—85), «Ёшлик» журнала бош муҳаррир (1985—91), Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида масъул ходим (1991—94), Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида раис ўринбосари (1994—99), «Чўлпон» нашриётида директор (1999—2001). 2001 й.дан «Гулхан» жур. бош муҳаррири. Шеърлари 1965 й.дан бошлаб эълон қилина бошлаган. Шоирнинг «Карвон қўнғироғи» (1973), «Қуёш соати» (1974), «Ёнаётган дарахт» (1976), «Яралор чақмоқ» (1977), «Сени яхши кўраман» (1981), «Дарахтлар ва гиёҳлар» (1984), «Ўртамизда биргина олма» (1990), «Одамнинг сояси қуёшга тушди» (1991), «Қуш йўли» (1993), «Иймон ёғдуси» (1994), «Ардахива» (2000), «Хожа Аҳрор знётлари» (2002) ва б. шеърий асарларида воқеликни нозик ҳис этган ҳолда бадиий ифодалаш, муайян ҳолисалар фавқулодда фалсафий хулосалар чиқариш, ўзи тугилиб ўсган муҳит колоритига мос ифодалар топиш тамойили устуворлик қилади.

О.М. лирик шеърлар б-н бирга лирик қисса ва драматик достон жанрларида ҳам ижод қилиб, Хоразм халқ афсоналарининг ўзига хос бадиий талқини — «Ҳаққуш қичқириғи» (40 афсона, 1979) шеърлар китобини, истиқлол арафасидаги шўролар мамлакати ҳаётининг энг ёлгиз манзаралари ва жароҳатлари тасвирига бағишланган «Ганлашадиган вақтлар» (1986) қиссасини, шунингдек, ўзбек халқининг Хоразмдан чиққан буюк сиймолари ҳақидаги драматик достонлари («Паҳлавон Маҳмуд», 1975; «Беруний», 1977 ва б.) ни яратган. «Минг бир ёғду» (1982) асари Навоий «Хамсa»си таъсирида ёзилган. О. М. бу асарларида ўтмишда яшаб ижод қилган аммолар сиймолар ҳаёти ва ҳоз. давр муҳлмас сиймоларини тасвирлашда лиро-эпик шеърият имкониятларидан маҳорат б-н фойдаланган. Ўзбек шеъриятига Хоразм шевасига хос лексик унсурлар ва мусиқий оҳангларни олиб кирган, лирик шеъриятни эпик шеърият унсурлари б-н бойитган. Ҳамза номида-

ги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989).

Ас.: Сайланма [2 жилд]. Т., 1997.

Ад.: Жумабоева Ж., Омон Матжон. Т., 1993.

ОМОН МУХТОР (тахаллуси; асл исм-шарифи Мухторов Омон Сулаймонович) (1941.16.7, Бухоро) — ёзувчи, шоир, драматург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1991). ТошДУ журналистика ф-тини тугатган (1964). Ўзбекистон радиосида (1965—75), «Ўзбекфильм»да (1975—77), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида (1977—80), Ўзбекистон давлат кино қўмитасида (1980—84) турли лавозимларда ишлаган. «*Шарқ юлдузи*» жур.да бўлим мудири (1984—89), бош муҳаррир ўринбосари (1989—95), бош муҳаррир (1995 й.дан).

Илк шеърлар тўплами — «Чорлар қўшиғи йўллар» (1966). «Оҳанг» (1974), «Ёғду» (1979), «Марварид» (1985), «Шиддат» (1990) шеърий тўпламлар, «Нигоҳ» (1968), «Қушлар ва тушлар» (1971), «Шаҳарлик келинчак» (1973), «Ҳаёт дарвозаси» (1978), «Учқур поезд-лар» (1981), «Болаликка саёҳат» (1984), «Вазифа» (1988), «Ўлмаган жон» (1995) ва б. китобларидан жой олган ҳикоя ва қиссаларида замондошларимиз ҳаёти, уларнинг қувонч ва изтиробларини фалсафийликка мойил бир тарзда акс эттирилган.

О.М.нинг «Йиллар шамоли» (1976), «Эгилган бош» (1989), «Аёллар мамлакати ва салтанати», «Ффу» (1997), «Афлотун» (1998), «Тўрт томон қибла» трилогияси («Минг бир қиёфа», «Кўзгу олдидаги одам», «Тепаликдаги хароба», 2001), «Майдон» (1999), «Ишқ аҳли» (2001) каби замонавий ва тарихий мавзулардаги романлари ўзбек насрининг шаклан ва мазмунан бойишида муҳим ўрин тутади. Улардаги янгича тасвир усуллари, тафаккур тарзи ва роман-ҳангома, роман-ривоят жанрларидаги шаклий изланишлар эътиборга лойиқ. «Аёллар мамлакати ва салтанати» романи асосида бадиий фильм ишланган (2001). Пьесалари Хоразм театрида саҳналаштирилган («Бош масала» ва б.). «Дўстлик» ордени б-н мукофотланган (1997).

Ас.: Тўрт томон қибла (трилогия). Т., 2001.

ОМОН ПОЛВОН [1856, Наманган вилояти Хизробод (Қизил Работ) қишлоғи —1923.13.6, Наманган] — Фарғона водийсида совет режимига қарши ҳаракатнинг раҳбарларидан бири. 1918 й.гача Қизил Работ қишлоғида ариқ оқсоқоли вазифасини бажарган. 1918 й. бошларида Фарғона водийсида қизил армияга қарши қуролли ҳаракат бошлаган 9 ҳарбий қўмондоннинг бири. Мадаминбек ва Шермуҳаммадбекнинг ҳарбий тоширқларини бажариб, 2500—3000 нафарга раҳбарлик қилган. Далабон (Туракўрғон) ва Мақсуд (Уйчи) унинг энг якин кўрбошилари саналган. 1922 й.да О.П.Норин дарёсидан Чустгача бўлган ҳудудни ўз назоратига олган. 1923 й. майда қизил аскарлар томонидан қўлга олиниб, кейинчалик отиб ташланган.

Ад.: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т., 2000; Раҳабов Қ., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917—1924). Т., 2002.

ОМОНАТ — мижознинг маълум бир шартлар асосида банкка қўйган пул маблағлари. О. га пул маблағларини кириш қилиш миқдори, уларни сақлаш муддати ва мақсади О.нинг турн шартларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида амалдаги қонунчиликка кўра, О. кимнинг номига қабул қилинса, унинг номига О. дафтарчаси расмийлаштирилади. О. номига бошқа шахс маблағ топшириши мумкин, бунда маблағ кимнинг номидан топширилган бўлса, ўша шахс О.чи ҳисобланади. О.дан маблағлар О.чининг биринчи талабига кўра, тўлиқ ёки қисман берилиши таъминланади. О.чи О.га қўйган маблағидан шахсан ўзи ёки ишончли вакили орқали фойдаланиш ҳуқуқига эга. О.даги маблағлар бир ёки бир неча кишига, шунингдек, давлатга, алоҳида ташкилот ва корхоналарга васият қилиниши мумкин. О. бўйича даромадлар фоиз ёки ютуқ кўринишида тўланади. Фоиз ставкасининг миқдори банклар томонидан мустақил равишда белгиланади. Банклар талаб қилиб олинадиган, муддатли ва жамғарилувчи О. турларига пул маблағларини қабул қиладилар (яна қ. *Депозит*).

ОМОНАТ СЕРТИФИКАТИ, депозит сертификати — омонат банки ёки бошқа кредит муассасасининг пул омонатга қўйилганлигини тасдиқловчи ҳужжати. У пул белгиланган муддат ўтиши б-н омонатни ва у бўйича фоизларни талаб қилиб олиш учун асос бўлиб хизмат қилади. 2 турда муомалага чиқарилади: юридик шахсларга 1 й.гача муддатга бериладиган О.с.; жисмоний шахсларга 3 й.гача муддатга бериладиган О.с. О.с.нинг муомалада бўлиш муддати у берилган кундан бошлаб омонатни талаб қилиб олиш санасигача ҳисобланади.

ОМОНАТ ШАРТНОМАСИ (Ўзр да) — шартнома турларидан бири. Бунда бир тараф (омонат сақловчи) иккинчи тараф (сақлашга топширувчи) берган ашёни сақлаш ва бу ашёни тўла ҳолда қайтариш мажбуриятини олади. Омонат сақлашдан асосий мақсад ашёларнинг бутлигини таъминлашдан, унга ўзга шахслар томонидан зарар етказилиши ва ўзлаштириб олинишидан иборат. Шартнома бўйича топширилган мулкнинг сақланиши ва уни албатта бутун ҳолда қайтарилиши назарда тутилади. О.ш. ёзма шаклда бўлади. Ундан ташқари омонат сақлашга топширишда берилаётган патта, гилхат, гувоҳнома кабилар ҳам, агар унда омонат сақловчи имзо қўйган бўлса, ёзма шартнома ҳисобига ўтади (ФК, 876-модда).

О.ш. бўйича омонатчи ашёга нисбатан мулк ҳуқуқига, ашёни тасарруф қилиш ҳуқуқига эга бўла олмайди, у фақат ашёни сақлаб бериши лозим. О.ш.да қатнашувчи тарафлар фуқаролар ва юридик шахс ҳисобланган ташкилотлардир. Ташкилотлар ўз устав (низом)ларида назарда тутилган ҳоллардагина омонат сақлаш фаолияти б-н шуғулланишлари мумкин. Жисмоний хусусиятлари жиҳатидан омонат сақловчининг ихтиёридаги бинога ёки ҳудудга жойлаштирилиши мумкин бўлган буюмларгина О.ш.нинг предмети бўла олади. Шу сабабли кўчмас мулк ва ҳажми улкан объектлар бўйича О.ш. тузилиши мумкин эмас. Бундай объектни қўриқлаш иши қоровул ва ш.к. б-н *меҳнат шартномаси* тузиш асосида амалга оширилади. Сақланиши қонун ҳужжатлари б-н тақиқланган нарсалар — қоралори, заҳарли моддалар, ҳар хил ўқотар қурол ва ҳ.к. омонат сақлаш шартномасининг предмети бўлиши мумкин эмас. ФҚ нинг 878-моддасига мувофиқ, омонат сақловчи ашёни шартномада келишилган муддат давомида сақлаши шарт. Агар О.ш.да муддат назарда тутилмаган бўлса, ашё шахс томонидан талаб қилиб олингунча сақланади.

Сотибалдн Бобоқулов.

ОМОНАТЛАРНИ ИНДЕКСАЦИЯЛАШ — мамлакатда нархларнинг умумий даражаси ўсишига қараб омонатлардаги пул миқдорининг оширилиши. Бу инфляция туфайли пул бирлиги қадрсизланишининг, яъни харид қобилиятининг пасайиши б-н боғлиқ. О.и. орқали қадрсизланиши натижасида омонатчи кўрган зарар қопланади.

Ўзбекистон Республикасида 1993 й. 12 нояб.да «сўм-купон»нинг ва яна кейинчалик 1994 й. 1 июлдан унинг ўрнига сўмнинг муомалага киритилиши натижасида О.и. амалга оширилди. Банк омонатларидаги ва қимматбаҳо қоғозларга инвестиция қилинган пул маблағлари 1000 сўм-купонга 1 сўм қилиб қайта ҳисобланган. 1992—95 й.ларда Ўзбекистонда нархлар индексининг 3860 баравар ўсганлигидан келиб чиқиб, 1996 й.дан бошлаб аҳолининг сўмда ифодаланган омонатларининг харид қобилиятини сақлаб қолиш мақсадида О.и. миқдори 4 минг баравар қилиб белгиланган. Фуқароларнинг омонатларини тўғри ва асосли индексациялаш учун пул маблағларини индексация қилиш бўйича республика, вилоят, шаҳар ва туман комиссиялари тузилган.

ОМОНИМЛАР (юн. ... ва юн. onyma — ном, исм) — умумий маъно унсурларига эга бўлмаган, тасодифий боғланмаган, лекин бир хил ёзилиб, бир хил айтиладиган сўзлар; улар орасида семантик алоқа бўлмайди. Ана шундай сўзларнинг тилда мавжуд бўлиши ва шунга боғлиқ ҳодисалар омонимия дейилади. О.нинг лугавий ва грамматик кўринишлари фарқланади.

О.нинг тилда пайдо бўлиш сабаблари турличадир: аввалдан ҳар хил айтилиб, бир хил ёзиладиган сўзлар талаффузининг тарихий жараёнда тенглашиб қолиши ёки талаффуз ўзгариши натижасида бир-бирига мос келиб қолиши; (от — исм, от — ҳайвон; ўт — олов, ўт — ўсимлик) бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг талаффуз ва ёзилиши жиҳатидан она тилидаги сўзларга мос келиб қолиши (тур-боскич; тур-хил, нав); тилда мавжуд бўлган кўп маънони сўз маъноларининг бир-биридан узоқлашиши (дам — нафас; дам — ҳордиқ; дам — боскон) ва б. О. бир ёки бир неча сўз туркуми доирасида бўлиши мумкин: бир сўз туркуми доирасида омонимик уя ташкил этувчи, ёзилиши ва талаффузи айнан бир хил бўлган сўзлар тўлиқ ёки мутлақ О. дейилади (чанг — губор, тўзон; чанг — чолғу асбоби); фақат айрим шакллардагина мос келадиган, бошқа-бошқа туркумларига мансуб сўзлар нотўлиқ О., бошқача айтганда, омонимшакллар дейилади, қўй (ҳайвон) — қўй (феълнинг буйруқ шакли).

О. б-н бир қаторда тилда уларнинг алоҳида турлари сифатида омографлар (бир хил ёзиладиган, лекин урғу ва талаффуз б-н фарқланадиган сўзлар: олма—олма, том (уй томи) — том (китоб томи) ва б. ҳамда омофонлар (бир хил талаффуз қилинадиган, лекин ёзилишида фарқ қиладиган сўзлар: етти (сон) — етан (феъл); ёт (бетона) — ёд (хотира) ва б. Омонимиянинг мазкур барча кўринишларига мансуб сўзлар маъноси асосан матн орқали билинади.

О. мумтоз адабиётда *тажнис* санъати ва *туюқ* жанрини яратишда, аския пайровларида эса сўз ўйини ва қочириқ сифатида ишлатилади. Сўз усталари, айниқса, шоирлар (Хоразмий, Лутфий, Навоий, Бобур, Сўфи Оллоёр, Ҳабибий ва б.) поэтик таъсирчанликни оширишда О. дан маҳорат б-н фойдаланганлар. Хоразмийнинг:

Бугоғ сарғу сағубартек, белинг-қил,
Вафо қилган кишиларга вафо қил

байти ёки Алишер Навоийнинг:

Ozmaдин сўнди нигорим — ал, —деди,
Олма барги бу кўнгилни ол, — деди,
Сўрдим эрса олмасининг рангини,
Не сўрарсиз? — олма ранги ол, деди.

гуюғи бунинг ёркин исботидир. Дастлабки байтда қил сўзи 2 маънода (қилга ўхшаш ингичка; қилмоқ феълининг ўзагини ташлатилган бўлса, туюқда ол сўзи (3 маънода ишлатилган (буйруқ феъли; кўзнинг оқламоқ; қизил ранг, ол ранг).

Абдумалик Мадматов, Бозорбой Ўрнбоев.

ОМОНИСОХОНИМ НАФИСИЙ (1534 — Шарқий Туркистон Макит тумани — 1567) — Ёркенд (Якан) хони Абдурашидхон даврида (1533—69) яшаган уйғур мақомшуноси, шоира, хаттот. Ёшлигидан сато ва танбур чалишини ўрганган. Абдурашидхоннинг О.Н.га уйланиши унинг ижодий фаолиятига кенг йўл очиб берган, натижада мусиқашунос олима, шоира, уста хаттот бўлиб етишиб, хонлик маданияти ривожига катта ҳисса қўшган. О.Н. «Нафисий» тахаллуси б-н шеърлар ёзган ва «Девони Нафисий» номли машҳур шеърлар тўплами, хотин-қизларга насиҳат мазмунидаги «Ахлоқи жамила» («Гўзал хулқлар») ва шоирлик, нағмачилик ва хаттотликка оид «Шуруҳ улқулуб» («Қалблар шарҳи») номли асарлар ёзиб қолдирган. О. Н. Қидирхон Ёркандий б-н «Ун икки мақом»ни тиклаш ишига ҳисса қўшган.

ОМОНОВА Оминахон Эргашевна (1957.21.8, Андижон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Андижон пед. ин-тини тугатган (1977). 1977 й.дан Андижон ш.даги 27-мактабда тарих ўқитувчиси, 2001 й.дан Андижон қ.х. ин-ти қошидаги Куйган-ёр академик лицейида ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси. Ёш авлодга билим беришда турли методик қўлланмалардан фойдаланади. Мактабда фан кабинети ташкил этиб, замонавий ўқув қуроллари б-н жиҳозлаган.

ОМОНОВА Ҳамрохон (1918.20.2, Наврўз туманн — 1996.26.9, Каттақўрғон ш.) — Ўзбекистон халқ артисти (1981). 1945—96 й.лар А. Мажидий номидаги Каттақўрғон театрида актриса. Асосий рольлари: Ойсара, Ҳалча (К.Яшин, «Гулсара», «Нурхон»), Майсара, Ҳожи она (Ҳамза, «Майсаранинг иши», «Бой ила хизматчи»), Фотима (С.Жамол, «Фотима Сабрий»), Адолат (Уйғун, «Парвона»), Хосият хола (И.Султон, «Имон»), Бўстон хола (А.Каҳҳор, «Анжонларим»), Фармонбиби (С.Ахмад «Келинлар қўзғолони»), Қумри (Ў. Умарбеков, Ғ.Ғулом, «Ажаб саодатлар») ва б.

ОМОНУЛЛАХОН (1892.1.6, Кобул — 1960.25.4, Цюрих) — Афғонистон амири (1919—29), баракзайлар сулоласидан. Амир *Ҳабибуллахоннинг* ўғли. Отаси сарой фитнаси натижасида ўлдирилгач, тахтга чиққан (1919 й. 21 фев.). Афғонистон мустақил давлат деб эълон қилингандан сўнг (1919 й. 28 фев.), Англия томонидан Учинчи инглиз-афғон урушн бошланган (1919 й. 6 май). Бу урушда афғонлар ғалаба қилиб, Равалпиндида тинчлик шартномаси имзоланган (1919 й. 8 авг.). Россия, Туркия, Эрон, Германия, Италия ва Франциянга фавқулодда миссиялар юборнб, бу давлатлар б-н ёш Афғонистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатди. О. *Ёш афғонлар* таъсирида Афғонистонда муҳим ислоҳотлар ўтказган. Абдулқудусхон Иттимодий бош вазир, *Маҳмуд Тарзий* ташқи ишлар вазири, генерал Муҳаммад Нодирхон *(Нодиршоҳ)* ҳарбий вазир бўлди. Афғонистон Конституцнясн қабул қилинган (1923). 1927 й. дек. — 1928 й. июнда Ҳиндистон, Туркия, Эрон, СССР ва б. мамлакатларда бўлиб, Ғарб турмушидаги тараққийпарвар анъаналарини Афғонистон ҳаётига татбиқ қилишга интилган. Бироқ О.нинг ислоҳотлари қаттиқ қаршиликка учради. Бир томондан, мулла Левананй бошчилигидаги жан. қабилаларнинг марказий ҳокимиятга қарши исёнлари кучайган бўлса, иккинчи томондан, ҳукумат ичидаги консерватив фикрловчи айрим вазирлар (Нодирхон ва б.) мухолифатга қўшилган. 1928—29 й.ларда тожик деҳқони Ҳабибулла-Бачаи Саққо раҳбарлигида шим.да кўтарилган қўзғолон натижасида О. тахтдан воз кечишга мажбур бўлган (1929 й. 14 янв.) ва Қандаҳорга қочиб кетган.

Афғонистон ташқи ишлар вазири Ғулом Сиддиқхон ва мамлакатнинг СССР даги элчиси Ғулом Набихон Чархий Москвада И.В.*Сталин* б-н учрашгач, О.га ҳарбий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги расмий таклиф қондирилади (1929 й. март). В. Примаков бошчилигидаги совет ҳарбий қисмлари Афғонистонга киритилган (1929 й. 14 апр. — 31 май). Бироқ 1929 й. май ойининг охирида янги амир — Ҳабибуллахонга қарши қурашни тўхтатиб, О. 20 халта тилла (10 млн. олтин тилла) ва б. қимматбаҳо бойликлар ҳамда қариндош-уруғларни олиб, аввал Ҳиндистон, сўнгра Италияга жўнашган. 1948 й.да Афғонистондаги мавжуд сиёсий ҳокимиятни тан олгач, унинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди. Жалолобод (Афғонистон)да дафн этилган.

Ad.: Назаров Х., Социальные движения 20-годов XX века в Афганистане, Душанбе, 1989; Ражабов Қ., Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

ОМОНҚЎТОН ҒОРИ — мустье даврига оид ғор. Самарқанд вилояти, Ургут туманидаги Омонқўтон қишлоғидан 2 км шарқ томондаги Булбулзорсойнинг баланд соҳилида жойлашган. Археолог Д.Н.Лев текширган (1947—57). 2 та маданий қатлам аниқланган. О.ғ.да яшаган одамларнинг меҳнат қуроллари диорит, кварц ва чақмоқтошдан ясалган қирғичлар, тиғи қиррали қўпол пичоқлар, найзасимон тош қуроллар ва *нуклеус*лардан иборат (жами 140 та тош қурол топилган). Ғордан кўпдаб ҳайвон (архар, қўнғир айиқ ва б.) суяклари чиққан; суяклар узунасига ёрилган, уларда оловда куйганлик излари бор. О.ғ. Ўзбекистондаги энг қад. манзилгоҳлардан бўлиб, фан учун аҳамияти катта.

ОМОТ ТИЛЛАРИ — Жан.-Ғарбий Эфиопияда тарқалган тиллар гуруҳи. Сўзлашувчиларнинг умумий миқдори 2 млн. кишига яқин. О.т.нинг генетик мансублиги ҳақидаги фикрлар бир хил эмас: баъзи олимлар уларни *кушит тиллари* тармоғига мансуб деса-лар, кўпчилик олимлар О.т. африка-осиё тилларининг алоҳида гуруҳи деб ҳисоблайдилар.

О.т.нинг асосий гуруҳчалари: арибанна, дизимажи, каффа, гимирражанжеро, омето (воламо, омето, чара, зайсе ва б. тиллар). О.т. фонологик жиҳатдан бошқа кушит тилларига яқин; лабланган ва чуқур тил орқа ундошлари мавжуд эмас; отларда жинс ва сон грамматик категориялари бархам топган, лекин келишик категорияси ривожланган; сифат алоҳида сўз туркуми тарзида ажратилмайди. Кўплик сондаги кишилик олмошлари; суффикслар ёрдамида сўз ва шакл ясалиши, гапдаги сўз тартиби кушит тилларидагига ўхшаш, лексикаси бир оз фарқ қилади. О.т. ўз ёзувларига эга эмас.

ОМОЧ — улов (от, ҳўкиз) қўшиб ер ҳайдаладиган ёғоч асбоб. Қад. (ҳали трактор ва плуг бўлмаган даврлар)да асосий ер ҳайдаш қуроли ҳисобланган. О., асосан, 3 қисм: тана, қулоқ ва ўқдан иборат бўлган. О. қисмлари қаттиқ ёғочдан тайёрланади. Тананинг олд томони учли бўлиб, унга тиш (металл тиғ) кийдирилган (шу тиғ б-н ерни ағдариб кетган). Қулоқ — тананинг орқа томонига бириктириладиган ёғоч даста. Қўшчи шу қулоқдан ушлаб О.ни йўналтириб борган. Ўқ — тананинг олд томонига, қулоқнинг пастроғига қоқиладиган чорқирра, яссироқ ёғоч. Ўқ

Омоч: *1* — тана; *2* — қулоқ; *3* — ўқ; *4* — тиш (металл тиғ).

от ёки ҳўкиз бўйинтиригига маҳкамланган. У тана ва қулоқни олдинга тортиб борган. О. баъзи мамлакатлар (мас., Ҳиндистон, Афғонистон ва б.)да ҳозир ҳам ишлатилади. Ўзбекистонда ерлар *плуг*да ҳайдалади.

ОМСК — РФ Омск вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Омь дарёси Иртишга қуйиладиган ерда. Йирик порт ва т.й. тугуни. Аэропорт бор. Аҳолиси 1159,2 минг киши (1998). О. аҳолисининг сони ва майдони жиҳатдан Сибирда 2-ўринда туради (Новосибирск-дан кейин). 7 шаҳар тумани бор. Машинасозлик (қ.х. машиналари, электр приборлари ва б.), нефтни қайта ишлаш ва нефть кимёси (шина, техник резина, пластмасса ва б. маҳсулотлар и.ч.), енгил, озиқ-овқат, ёғочсозлик саноат корхоналари бор. 4 театр, тарихий ва адабиёт, тасвирий санъат музейлари мавжуд. 1716 й.да Сибирни эгаллаш учун таянч пункти сифатида қурилган. 1782 й.гача Омь остроги, 1782—97 й.ларда ва 1804 й.дан шаҳар. Сибирь казак қўшинлари (1808—1917), Ғарбий Сибирь (1824—82) ва Чўл генерал-губернаторликлари (1882—1917) маркази.

ОМСК ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1934 й.да ташкил этилган. Ғарбий Сибирь иқтисодий районига киради. Майд. 139,7 минг км². Аҳолиси 2162,5 минг киши (2000), асосан, руслар (80,3%), шунингдек, немис (6,3%), украин (4,9%), қозоқ (3,5%), татар (2,3%) ва б. миллат вакиллари (2,7%) ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 67,3%. Таркибига 32 маъмурий туман, 6 шаҳар, 24 шаҳарча киради. Маркази — Омск ш. Бошқа йирик шаҳарлари — Исилкўл, Тара.

О.в. Ғарбий Сибирь текислигида Иртиш дарёси ҳавзасида жойлашган. Ер юзаси қия-тўлқинсимон текислик, бал. 100—140 м, жан. қисмида қатор тепа (=грива=)лар, шим. қисмида кенг botқоқликлар бор. Иқлими континентал, муътадил совуқ. Қиши даномли ва қаттиқ, январнинг ўртача т-раси —20°. Июлники 20°. Йиллик ёғин 300—400 мм. Вегетация даври 153—162 кун. Дарёлари Иртиш ҳавзасига мансуб. Кўл кўп, жан.даги кўллар қупинча шур, шимол — чучук. Улардан энг ириклари — Ик, Тениз, Салтаим, Эбейти. Тупроқлари қора тупроқ, подзол, ўтлоқ, кулранг ўрмон, чимли подзол. Ўрмон ва бутазорлар вилоят ҳудудининг 1/4 қисмини эгаллайди. Қорақарағай, оққарағай, оқ қайин, кедр, тог терак усали. Айиқ, бўри, тулки, қуён, ондатра, гоз, ўрдак вишайди, балиқ гури кўп.

Саноатининг муҳим тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик (қ.х. машинасозлиги, моторсозлик, приборсозлик, электротехника ва радиоэлектроника саноатлари — «Полёт» и.ч. бирлашмаси, «Омск» моторсозлик корхонаси, «Сибкровотехника» ва б.), нефтни қайта ишлаш, кимё ва нефть кимёси (синтетик каучук, техник резина маҳсулотлари, пластмассалар. Омск нефтни қайта ишлаш з-ди, «Омскқаучук» акциядорлик жамияти, техник углерод з-ди; автопокришкалар — «Омскшина» ва б. корхоналар). Ёғочсозлик корхоналари ишлаб турибди. Йирик саноат марказлари — Омск, Калачинск, Исилкўл, Тара ва б. шаҳарлар.

О.в. Сибирнинг йирик қ.х. районларидан бири. Ғалла, техник (энгир) ва озуқа экинлари, картошка ва сабзавот экилади. Сут-гўшт чорвачилиги ривожланган. Мўйнали ҳайвонлар (олмахон, ондатра ва б.) овланади, даррандачилик б-н шуғулланилади. Иртиш дарёсида кема қатнайди. Нижневартовск — Усть-Балык—Омск нефть қувури ўтказилган. Автомуллар ичлиги 53 км/мин км². 9 олий ўқув юрти, 2 музей, 4 театр, филармония бор.

Омск шаҳрининг умумий кўриниши.

ОНА ТИЛИ — ҳар бир халқнинг, халқнинг, миллатнинг ўз тили. О.т. дуғат тарқиби, асосан, шу тилга мансуб халқнинг турмуши, маданияти ва анъаналарини ифодаланган сўз ва тушунчалардан иборат бўлади. О.т. тараққиёти ҳар бир халқ, халқ ва миллатнинг ижтимоий ривожланиши б-н узвий боғлиқ (қ. *Миллий тил*).

ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР МУҲОФАЗАСИ — оналар ва болалар саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, соғлом жисмоний ва ақлий баркамол болаларни тарбияланга қаратилган давлат ва ижтимоий-тиббий тадбирлар тизими. Ўзбекистонда бу тизим аёллар, ҳомиладорлар ва эмизикли оналар меҳнатини муҳофаза қилиш қонунчилиги, оналар ва болаларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, шунингдек, акушерлик-гинекология ва педиатрия ёрдамини кўрсатишга мўлжалланган. Мамлакат мустақиллигига эришганидан сўнг О. ва б.м.га қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар кўзда тутилган дастурлар ишлаб чиқилган. 1998 й.дан Тошкентда «Она» илмий-амалий маркази фаолият кўрсата бошлади; бу марказда Ўзбекистонда онлани ижтимоий ва демографик ривожлантиришга оид муаммолар юзасидан и.т. ишлари олиб борилади. Давлат томонидан ёш болали оналар иш соатлари чекланади, уларга тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, шунингдек, зарурлигидан келиб чиқиб ўзларига қулай соатларда ёки уйда ишлаш имкониятлари берилади. Ҳар бир она ва бола соғлигини кузатиш, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш ҳам давлат зиммасида. Соғлом авлодни тарбиялаш мақсадида давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари томонидан мактабгача таълим, мактаб, интернат мактаб, болаларни соғломлаштириш комплекслари каби хилма-хил тармоқлар ривожлантирилмоқда.

О. ва б.м. 2 асосий бўлимни: акушерлик-гинекология (туғишга ёрдам бериш) ва болаларга даволаш-профилактика ёрдами кўрсатишни ташкил қилишни ўз ичига олади. Акушерлик-гинекология ёрдамини махсус муассасалар, хусусан, шаҳарда туғруқхоналар, шунингдек, таркибида аёллар маслаҳатхонаси бўлган туғруқхона комплекслари, касалхоналарнинг акушерлик-гинекология бўлимлари, акушерлик ва гинекология и.т. институти, тиббиёт ин-тлари акушерлик-гинекология кафедраси таркибидаги шу соҳа бўлимлари, аёллар маслаҳатхонаси, поликлиника ва и.ч. корхоналари тиббий-санитария қисми қошидаги акушерлик-гинекология кабинетлари амалга оширади. Қишлоқ жойларда аёлларга акушерлик-гинекология ёрдамини вилоят, туман касалхоналарининг туғлоят руҳхона бўлимлари, амбулаториялари, фельдшер-акушерлик пунктлари ва поликлиникалардаги акушерлик-гинекология кабинетлари кўрсатади.

Аёллар маслаҳатхонаси ўз ҳудудида-ги поликлиника, ҳомиладорларни согломлаштириш муассасалари, «Она ва бола скрининг» маркази ва перинатал марказлар, тиббий-генетик, шунингдек, «Никоҳ ва оила» маслаҳатхоналари, оилавий ва болалар поликлиникалари, кўп тармоқли касалхоналарнинг ихтисослаштирилган бўлимлари б-н узвий боғлиқ ҳолда фаолият кўрсатади.

О. ва б.м. тизимида даволаш-профилактика ёрдамининг бир нечта босқичлари мавжуд: 1-босқич — ёшларни жинсий масалаларга тайёрлаш, соғлом оила қуриш, жинсий ҳаёт генетикаси ва жинсий йўл орқали юқадиган касалликлардан бохабар этиш бўйича юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатишни «Оила ва никоҳ» илмий маслаҳатхоналари амалга оширади. 2-босқич — ҳомилани антинатал муҳофазалаш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш аёллар маслаҳатхонаси, туғруқхона комплекслари ва б. фаолиятига киради. 3-босқич — туғишни бекаму-кўст олиб бориш учун ҳомилани интранатал муҳофазалаш — бу туғруқхона зиммасига юкланган. 4-босқич — янги туғилган чақалоқ соғлигини ҳимоя этиш, уни эмизиш, умумий ҳолати, физиологик ривожланишини назорат қилиш ва б. туғруқхоналарининг чақалоқлар бўлимида кўздан кечириб борилади. 5-босқич — мактабгача ёшдаги болалар соғлигини муҳофаза қилиш. 6-босқич — мактаб ёшидаги болалар соғлигини ҳимоя қилиш. Буларнинг ҳаммаси ЎзР да йўлга қўйилган ягона О. ва б.м. тизимида босқичма-босқич амалга оширилади. Республикамизда фаолият кўрсатаётган Акушерлик ва гинекология институти, Педиатрия и.т. институти, «Она ва бола» касалхонаси ва марказлари, шунингдек, шу соҳага оид қатор даволаш-профилактика муассасаларида О. ва б.м. бўйича илмий изланишлар олиб борилади.

ОНАНИЗМ (Библиядаги персонаж Онан номидан). мастурбация — жинсий алоқасиз эротик соҳалар ва жинсий аъзоларни сунъий таъсирлаб ёки руҳан тасаввурлаш йўли б-н шахвоний ҳисни қўзғатиб оргазм — шахвоний лаззат олиш. О., асосан, балоғатга етиш даврида кўпроқ кузатилади ва ҳақиқий жинсий ҳаёт бошланиши б-н бирдам топиши мумкин. Ҳаддан ташқари тор ички кийим кийилганда ҳам жинсий аъзолар таъсирланади, порнографик фильмлар, суратлар, эротик рақслар, ўйинлар, фильмлар, ҳикоялар, туш кўришлар ва шу мазмундаги китобларни ўқиш, жинсий алоқалар мавзусида сўзлашиш О.га бахона бўлиши мумкин. О. одат тусига кириб қолганда салбий оқибатларга олиб боради. Юқорида келтирилган сабаблар бартараф этилса, бу одат аста-секин барҳам топади. Бундан ташқари, ўсмирларда О.нинг ривожланишига ёрдам берадиган касалликлар (экзема, гижжалар, айниқса, острицалар ва қабзият)ни йўқотиш ҳам ижобий натижа беради. О. олигоферения, психопатия, шизофрения ва руҳий касалликларда ҳам учраши мумкин.

О.нинг олдини олиш учун ўспиринлар ҳар куни тоза ҳавода сайр қилишлари, бадан тарбия ва фойдали меҳнат б-н шуғулланишлари лозим.

ОНГ — психик фаолиятнинг олий шакли. У фақат инсонга хос феномендир. О., унинг моҳияти масаласи энг қад. муаммолардан бири. О.ни дастлаб диний ва мифологик қарашлар доирасида тушунтиришга уринганлар. О.ни диний тушунтириш уни илоҳий ҳодиса, худо яратган мўъжиза тарзида талқин қилишга асосланади. Кўпгина динларда инсон О.и буюк илоҳий ақлнинг намоён бўлиш шакли тарзида тавсифланади. Бундай қарашларнинг илдизи жуда қад. бўлса-да, улар ҳамон ўзининг кўплаб тарафдорларига эга. Кимки олам ва одам яратилганлигини тан олар экан, О. ҳам яратганнинг қудрати деб ҳисоблайди.

О.нинг моҳиятини изоҳлашда 2-йўналиш — бу О. моддий оламни инсон миясида акс этиши деб тушуниш, уни инсон танаси фаолияти б-н боғлаб талқин этишдир. Айни вақтда материалистик йўналиш номини олган бундай ёндашувлар доирасида О.нинг моҳиятини бузиб талқин қилиш ҳоллари ҳам пайдо бўлди. Вульгар материализм деб ном олган оқим намояндаларининг фикрича, худди жигар сафроси ишлаб чиқаргани каби, мия ҳам О.ни ишлаб чиқарар эмиш. Бундай ёндашув натижасида О. идеал эмас, моддий ҳодиса деган хулоса келиб чиқади. Ваҳоланки, сафроси кўриш мумкин, аммо О.ни кўриб ҳам, ушлаб ҳам

бўлмайди. Аслида О. тарихи инсоннинг инсон бўлиб шаклана бошлаши тарихи б-н боғлиқдир. Инсон ҳам биологик, ҳам ижтимоий мавжудот экан, демак, О. ҳам биологик ва ижтимоий тараққиёт маҳсулидир. О. инсоннинг фикр ва ҳислари, сезгилари, тасаввурлари, иродаси ва қарашларидан ташкил топган. Ўз-ўзини англаш, хотира, ирода, нутқ О.нинг асосий жиҳатларидир.

Ҳоз. замон фани О. материянинг узоқ давом этган эволюциясининг натижаси эканлигини тан олади. Материя, табиат ҳамма вақт мавжуд бўлиб келган, инсон эса моддий дунёнинг нисбатан сўнгги тараққиётининг маҳсулидир. Материя тараққиёти, фикрлай оладиган инсоннинг пайдо бўлиши учун бир неча миллион йиллар керак бўлган. О. табиат тараққиёти маҳсули, материянинг ҳоссасидир, барча материянинг эмас, балки олий даражада ташкил топган материянинг, яъни инсон мия-сининг маҳсулидир. Лекин О.нинг бўлиши учун миянинг ўзигина бўлиши етарли эмас. О. инсонни қуршаб турган табиий ва ижтимоий муҳит б-н чамбарчас боғланган ва шу муҳитнинг таъсирида фаолият кўрсата олади.

Ҳоз. замонда мураккаб ижодий жараёнларни ҳам амалга оширувчи электрон машиналар яратилган, лекин улар О.нинг ўрнини боса олмайди, чунки О. ўта мураккаб объектив мавжудликдир.

Абдулла Авлонов.

ОНГСИЗЛИК (психологияда) — онг иштирокисиз содир бўладиган руҳий жараён ва ҳолатлар. О., кўпинча, бадан ҳаракатида, хотира, хаёлда намоён бўлади. Реал мавжуд, лекин сезилмайдиган кўзғатгичлар вужудга келтирадиган жавоб таъсиротларида, асли онгли пайдо бўлиб, такрорланиши натижасида автоматлашиб кетган ҳаракатларда ва б. ҳолатларда рўй беради. Мас., одам ўз ўй-хаёлларига чўмган ҳолда уйига қайтади ва ҳар ҳолда йўллан адашмасдан келади. Агар у бирор хавфни сезиб қолса, бу хавфнинг сабаби ва қандайлигини ҳали англамасдан туриб ҳам, ҳимоя ҳаракатини қилади. Бемор психикасида вужудга келадиган алаҳлаш, галлюцинация каби патологик ҳодисалар, ухлаш, гипноз вақтида, лунатизм ва ш.к. чоғида юз берадиган психик фаолият ҳам О. ҳолатига киради. З. *Фрейд* О.ни соф иррационалистик тарзда талқин этади. Унинг фикрича, онг б-н О. ўртасида муросасиз қарама-қаршилик бор. Инсоннинг бутун хатти-ҳаракати ана шу қарама-қаршилик б-н белгиланади. О.ни одам англашга ва пайқашга журъат этолмайди, у инсондаги азалий майллар масканидир.

ОНДАТРА, мушк каламуш (*Ondatra zibethicus*) — дала сичқонлари оиласига мансуб кемирувчи; урутнинг ягона тури. Гавдаси 35 см гача, думи 28 см гача, вазни 1,5 кг гача. Қуруқлик ҳамда сувда яшашга мослашган, қишда мулталйланган сув ҳавзаларида яшайди. Думи ён томонлан яссилашган, тангачали, тукси; орқа оёқларидаги сузгич пардаси тўлиқ ривожланмаган. Юнги қалин, қорамтир қунғирдан қора рангача, қисман сув ювтирали. Эркагининг думи асосидаги бир жуфт мушк безлари урчиш даврида ҳидли ёғсимон оқиш суюқлик — мушк ажратали. Ватани — Шим. Америка, у ердан Европа ва Осиёга, жумладан, Ўзбекистонга келтириб иқлимлаштирилган. Баҳорда болалайди, йилига 1—2 марта, жан.да 2—3 марта 5—8 талан бола тугади. Сув ҳавзаларининг қирғоқларини ковлаб ёки шох-шаббалардан уя қуради. Овланади ва кўпайтирилади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Сибирь ва б. жойларда ондатрачилик хўжаликлари ташкил этилган.

Ондатра.

ОНЕГА, Онего — РФ Европа қисмининг шим.-ғарбидаги кўл. РФнинг Карелия Республикаси, Ленинград ва Вологда вилоятларида. Майд. 9,7 минг км² (ороллорсиз). Ўртача чуқ. 30 м, энг чуқур жойи 127 м, сув ҳажми 292 км³. Кўл ўрни тектоник ҳаракатлар натижасида вужудга келган ва кейинчалик тўртламчи давр материк музликлари таъсирида анча ўзгарган. Шим. ва шим.-ғарбий қирғоқлари баланд, ўйдим-чуқур, қояли, жан. қирғоқлари эса, паст ва ясси. О.да 1360 дан ортиқ орол бор (майд. 250 км²). Кўлга 58 дарё қуйилиб ундан Свирь дарёси оқиб чиқади. Суви нордда мазлаб, майда эрийди. 47 балиқ тури бор. Балиқчилик ривожланган. О. Оқ денгиз—Болтиқ канали орқали Болтиқ ва Оқ денгизлари, Волга—Болтиқ сув йўли орқали Волга ҳавзаси б-н боғланган. Кема қатнайди. О.даги Кижи о.да ёғочдан ишланган меъморлик музей-қўриқхонаси бор. О. бўйида Петрозаводск, Кондопога ш.лари жойлашган.

ОНИКС (юн. onux — тирноқ), тасмасимон ақиқ — минерал, *ақиқ*нинг оқ ва қора қатламлари алмашиниб жойлашган йўл-йўл тури. Кўпинча қора тусли халцедонни О. деб атайдилар. О. безак тош сифатида меъморий иншоотлар қурилишида, шунингдек, зарҳикма ишлатилади. О.дан бўртма тасвирли буюм (камея)лар тайёрлашда фондаланилади, бунда қора қатламлар фон учун, оқ қатламлар эса тасвир учун фондаланилади.

Имом ал-Бухорий сўрғичи пойлеворига оникдан ишланган безак.

О'НИЛ (O'Neill) Юджин Гладстоун (1888.16.10, Нью-Йорк — 1953.27.11, Бостон) — америка драматурги. Адабий фаолиятини 1912 й. шеърлар ёзиш б-н бошлаган. 1914 й.да «Ташналик» ва б. бир пардали пьесалар тўплами чоп этилган. 1916 й.да «Кардиффдан Шарқ томонга» пьесаси саҳналаштирилган. Реализм ва экспрессионлик, рамз ва муболаға уйғунлашиб кетган пьесаларида инсон турмушининг зиддиятли томонлари тасвирланган. О'Н. асарларининг асосий мавзулари: эзгу орзу-умидларнинг кундалик, турмуш ташвишлари б-н фожиали даражада мос келмаслиги («Уфқ ортида», 1920); бойлик тўплашга интилишда ва унга эришиш йўлида одамийлик хислатларининг йўқола бориши («Шоир қалби», 1957); ирқий зиддиятлар («Хуби», 1957); авлодлар ўртасидаги фожиали низолар («Узун кун тунга уланади», 1956); шахснинг инсонийлик моҳиятидан узоқлашуви («Бойроқ қасрлар», 1939) ва б. Монументал афсонавий ва мажозий трагедиялари бор («Мотам — Электранинг қисмати», 1931; «Муз ташувчи яқин келмоқда», 1946). Нобель мукофоти лауреати (1936).

ОНИХИЯ (юн. onux, onychos — тирноқ), онихоз — қўл-оёқ тирноқларининг касаллиги; бунда тирноқ пластинкасининг ранги ўзгариб, ранг-баранг доғ ва ҳошиялар пайдо бўлади, тирноқнинг шакли ўзгаради, қалинлашади ёки юпқалашади, юзи ғадир-будир бўлиб қолади, кўндалангига ёки узунасига кетган эгатлар вужудга келиб, тирноқ жойидан кўчади. О. туғма бўлиши ёки турли сабаблар б-н (мас., тирноқ пластинкаси ёки тирноқ фалангасининг шикастланиши натижасида) келиб чиқиши мумкин. *Трихофития*, кал ярa замбуруғлари, шунингдек, стафилококк ва стрептококклар О.га сабаб бўлади. Ички аъзолар, нерв системасининг турли касалликлари, *моддалар алмашинувининг* бузилиши, ички секреция безлари касалликларида, шунингдек, тери касалликларидан бошқа ҳолларда ҳам О. кузатилади.

ОНИХОФОРАЛАР (Onychophora), бирламчи трахеялар (Protracheata) — умуртқасиз ҳайвонлар типи. Танаси бўғимларга бўлинган (13 талан 43 тагача), қуртга ўхшаш, уз. 15 см гача, юпқа кутикула б-н қопланган. Бўғимларида 1 жуфтдан калта, хитин тирноқли содда тузилган оёқлари бор. Бошида гавдасидан аниқ ажралмаган, унда оғиз, 1 жуфт узун мўйловлари, улар орасида 1 жуфт кўзлари жойлашган. Гавда бўшлиғи аралаш, бош миясида 3 бўлимдан иборат, қорин нерв стволи 2 та. Нафас олиш органлари — кучсиз ривожланган трахея найчалари. Қон айланиш системаси туташ эмас, ҳазм қилиш системаси найча ўхшаш. Айириш органлари оёқлари асосига очиладиган найчалардан иборат. Айрим жинсли, кўпчилиги тирик тутади. 1 та синфи — онихофоралар, 70 та тури бор. Жан. ярим шарининг тропик ва мўътадил иқлимли ўрмонлар тўшалмасида яшайди. Йиртқич, оғиз сўргичлари ажратиб чиқарадиган ёпишқоқ шилимшиқ модда ёрдамида ўлжа тутади. Илгари О.га ҳалқали чувалчанглар б-н бўғимоёқлиларни боғлаб турадиган оралиқ формалар сифатида қаралган. Ҳозир улар ҳалқали чувалчанглардан ажралиб чиққан ҳайвонларнинг мустақил типи ҳисобланади.

ОНКОЛОГИЯ (юн. onkos — шиш, ўсма ва ... *логия*) — тиббий-биологик фан; одам, ҳайвон ва ўсимликларда онкогенезни назарий, экспериментал ва клиник жиҳатдан ўрганади ва ўсмаларни аниқлаш, даволаш ҳамда олдини олиш усулларини ишлаб чиқади. Экспериментал ва клиник О. фарқ қилинади. О. 20-а.да экспериментал тиббиёт ютуқлари (ўсма ҳужайраларини кўчириб ўтказиш, кейинчалик эса ташқаридан таъсир этиб, ҳайвонларда ўсмалар ҳосил қилиш) асосида шаклланди. Ўсмалар инсониятга жуда қадимдан маълум (*Гиппократ*, К. *Гален*), унга оид дастлабки ёзма манбалар мил. ав. Миср, Хитой ва Ҳиндистонда топилган. О.нинг ривожланишида, айниқса, Гиппократ, *Ибн Сино*, немис олими Р. Вирхов, рус олимлари М. А. Новинский, Н. Н. Петров ва б.нинг хизматлари катта. Экспериментал О. (М. А. Новинский асарларидан бошланган, 1876) ва назарий О.да ўсма ҳосил қилувчи омил турига қараб 3 асосий йўналиш: вирус О.си (француз олими А. Боррель, 1903, америкалик олим Ф. П. Раус, 1911), кимёвий О. (япон олимлари К. Ямагива ва К. Итикава, 1915) ва радиацион О. (француз олими А. Лакассанъи, 1932) ва б. шаклланди. Рус олими Л. А. Зильбер ўсмаларнинг вирус-генетик назариясини ишлаб чиқди. О.нинг жадал ривожланиши хирургия, *радиология, кимётерапия, иммунология* нинг муваффақиятлари б-н боғлиқ. Гиппократ ҳайвон ўсмалар келиб чиқишини да ташқи омилларга алоҳида аҳамият берган, бунда у беморга руҳий ва жисман сифатларини мужассамлаштирган ҳолда, ҳар бирига хос (индивидуал) ёндошиш кераклигини айтган.

Абу Али *ибн Сино* «Тиб қонунлари» китобида ўзининг шахсий экспериментал ва клиник тажрибалари б-н бирга ўсмаларнинг келиб чиқиши, белгилари, уларни таний олиш ва даволаш усулларини ҳам баён қилган.

Р. Вирховнинг ҳужайра патологияси назарияси тиббиёт, жумладан, О. тарихида кескин бурилиш ясади.

Экспериментал О.нинг асосчиси М. А. Новинский ҳайвонларда хавфли ўсмаларни бирдан-бирига кўчириб ўтказиб, ўсмаларнинг экспериментал штаммларини ҳосил қилиш учун йўл очди. Н. Н. Петровнинг назарий ва амалий О.га қўшган ҳиссаси улкан. Унинг «Ўсмалар ҳақида умумий таълимот» (1910) монографияси О. тарихида шифокор-онкологларнинг илк дастури бўлиб қолди ва ўсмалар ҳақидаги билимларнинг кенг тарқалишига олиб келди.

Ўзбекистонда О. фанининг ривожланиши П. Ф. Боровский, Л. Д. Василенко ва б. олимлар номи б-н боғлиқ. 1931 й.да Тошкентда Ўзбекистон рентген-радиология ва ўсма и.т. институти очилиб, 1940 й.гача фаолият кўрсатиши. 1946 й.да Тошкент врачлар малакасини ошириш ин-тида О. кафедраси очилиши, 1958 й.да Ўзбекистон Рентгенология, радиология ва онкология и.т. институти ташкил этилиши, республикадаги барча тиббиёт ин-тларида онкология кафедралари фаолият кўрсата бошлаши О. соҳасида кенг кўламда тадқиқотлар олиб борилишига имкон берди.

Ўзбекистон онкологлари томонидан ўсмалар б-н бирга учрайдиган касалликлар, қуёш нурининг ўсма тўқималаридаги алмашинувга таъсири (Ж. М. *Абдурасулов*, К. Е. Никишин ва б.), ўсма касалликлари эпидемиологияси ва онкологик ёрдамни ташкил этиш (Н. Қ. *Муродхўжаев*, К. Г. Бобрина), хавфли ўсмалар иммунологияси масалалари (А. И. *Николаев*), ўсмаларни рентгенологик (Ж. М. Абдурасулов), ультратовуш (А. А. Фозилов) ва радиоизотоп (Н. Қ. Муродхўжаев) усуллар орқали аниқлаш йўллари такомиллаштирилди.

Хавфли ўсмаларнинг экспериментал, кимёвий ва радиацион канцерогенези масалалари, онкологик касалларни операция қилиб даволаш ишлари йўлга қўйилади. Онкология марказида ўсмани ультратовуш, электр магнит майдони (СВЧ, УВЧ), лазер нури ва физик омиллар ёрдамида маҳаллий ҳамда умумий гипертермия усулларини қўллаган ҳолда комплекс даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқилди.

О. фани ҳоз. 3 йўналишда ривожлантирилмоқда: 1) нормал ҳужайрадан рак ҳужайрага ўтиш механизмини фундаментал усуллар орқали ечиш; 2) аҳоли ўртасида ушбу касалликка мойил бўлган ва клиник белгилари юзага чиқмаган кишиларда *рак*ни иммунологик усуллар б-н аниқлаш; 3) хавфли ўсмаларни иммунологик усуллар б-н даволашни такомиллаштириш.

Хавфли ўсма кўпинча ўлим б-н тугайди. Шунинг учун деярли ҳамма мамлакатларда унга қарши кураш олиб борилади. Бу ишга Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро ракка қарши кураш иттифоқи ва агентлиги раҳбарлик қилади.

Ҳоз. Ўзбекистоннинг йирик шаҳар ва қишлоқларида О. диспансерлари ва марказлари фаолият кўрсатмоқда. ЎзР Соғлиқни сақлаш вазирлиги *Онкология маркази*, республика ва шаҳар онкология диспансерлари, шунингдек, тиббиёт ин-тларининг О. кафедраларида О.нинг энг долзарб масалалари устида и.т. ишлари олиб борилади.

Нармина Муродхўжаева.

ОНКОЛОГИЯ МАРКАЗИ, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги онкология маркази — и.т. муассасаси. 1958 й. Тошкент ш.да Рентгенология, радиология ва онкология и.т. институти номи б-н ташкил этилган. 1966 й.дан Онкология и.т. институти деб аталган. 2001 й.дан ҳоз. номида. Замонавий типда қурилган ва 9 та ихтисослашган бўлими, *ўсмаларни* аниқлаш ва даволаш аппаратлари б-н жиҳозланган хоналари, тажрибалар ўтказиш учун махсус виварийси бўлган марказда *онкологи*я соҳасида кенг қамровли фундаментал ва амалий изланишлар олиб борилади ва мазкур

соҳа мутахассислиги бўйича илмий кадрлар тайёрланади. О.м.да меъда-ичак ва сўяк ўсмаларини аниқлашда рентгенотомограммани қўллаш, ўпка, ўт пуфаги ва талоқни сканерлаш усули б-н текшириш, ультратовушда деярли барча аъзолардаги ўсмаларни аниқлаш; экспериментал ҳайвонлар бош миясида сунъий ўсмалар ҳосил қилиш, хавфли ўсмалар пайдо бўлиши, ривожланиши ва тарқалишида генлар ролини аниқлаш, онкологик беморларни физик омиллар: юқори ҳарорат, ўта совуқ ва *лазер билан даволаш* усуллари ишлаб чиқилди. Шунингдек, ўлкага хос хавфли ўсмалар, уларнинг дастлабки диагностикаси, олдини олиш, комплекс даволаш ва б. масалалар юзасидан илтлар ўтказилади. Диспансер ишларини яхшилаш, фан ютуқларини тиббиёт амалиётига жорий этиш б-н шуғулланилади. Жойларда соғлиқни сақлаш органларига онкология бўйича илмий-амалий, ташкилий, консультатив ёрдам кўрсатилади. Марказда 14 лаб., 7 илмий гуруҳ, илмий тиббиёт ахбороти, патент гуруҳлари, 315 ўринли клиник касалхона, аспирантура, клиник ординатура, консультатив поликлиника, дорихона, виварий, кутубхона, шунингдек, махсус препаратлар ишлаб чиқарадиган «Ниҳол» з-ди ва б. бор (2003). 1972 й. О.м.нинг Қорақалпоғистон филиали (Нукус ш.да) очилган.

Марказда 180 дан ортиқ илмий ходим, жумладан, Ўзбекистон ФА 1 акад, 4 та проф., 9 та фан д-ри, 98 дан зиёд фан номзоди ва кўпгина малакали онколог шифокорлар хизмат қилади (2003). Марказда онкология соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ва эришилган ютуқлар Ж. М. Абдурасулов, А. И. *Николаев*, Н. Қ. *Муродхўжаев*, А. А. Фозилов, С. Н. Наврўзов, Б. А. Шек, С. Б. Каримова, Р. Р. Романова, В. А. Алижонова, М. А. Ғофур-Охунов, М. Д. Жўраев, А. В. Хўжаев ва б. фаолияти б-н бевосита боғлиқ. Марказ ЎзРда онкология муаммолари бўйича илмий ва методик муассаса ҳисобланади. Илмий ишлар нашр этади.

ОНОМАСТИКА (юн. onomastike — номлаш, ном қўйиш санъати) — тилшуносликнинг ҳар қандай атоқли номларни, уларнинг пайдо бўлиш ва ўзгариш тарихини ўрганувчи бўлими, шунингдек, барча атоқли номлар йиғиндиси. Айрим тадқиқотларда «О.» термини *антропонимика* маъносида ҳам қўлланган. О. мавжуд ономастик тизимларни аниқлаш ва ўрганишни мақсад қилиб қўяди.

О. атоқли номларни олган объектларнинг тоифаларига мувофиқ қуйидаги бўлимлардан иборат: антропонимика — кишиларнинг атоқли номларини; топонимика — географик объектларнинг атоқли номларини; теонимика — турли диний тасаввурлар бўйича худолар, маъбудлар, диний-афсонавий шаҳс ва мавжудотларнинг номларини; зоонимика — ҳайвонларга қўйилган (шартли) атоқли номлари; космонимика — фазовий бўшлиқ ҳудудлари, галактикалар, бурждар ва б.ларнинг илмий муомалада ва халқ орасида тарқалган номларини; астронимика — айрим осмон жисмлари (планета ва юлдузларнинг номларини ўрганади. О.нинг юқоридагилардан ташқари яна бир қанча бўлимлари бор. О. атоқли номлари реалонимлар (аввал ёки ҳозир мавжуд бўлган объектларнинг номлари) ва мифонимлар (хаёлий-тўқима объектларнинг номларига бўлади.

Атоқли номларнинг лисоний хусусиятларига қараб О. алабий ва диалектал, одатдаги (амалий) ва поэтик, замонавий ва тарихий, назарий ва амалий турларга бўлинади.

Назарий О. тил ва нутқдаги, алабий ва диалектал соҳалардаги атоқли номларнинг пайдо бўлиши, номинация (номлаш) асослари, ривожланиши, шу жараёндаги турли хил ўзгаришлари, нутқда қўлланиши, муайян ҳудуд ва тилларда тарқалиши ҳамда таркибий тузилишини ўрганади. Бадиий матнлардаги атоқли номларни (поэтик О.) тадқиқ этиш алоҳида муаммо ҳисобланади. О., шунингдек, тилшуносликнинг қиёсий-тарихий, структур, генетик, ареал, ономастик хариталаштириш ва б. усулларини қўллаган ҳолда, атоқли номларнинг фонетик, морфологик, сўз ясалиши, семантик, этимологик ва б. жиҳатларини ўрганади.

Амалий О. хорижий тилларга мансуб номларнинг транскрипцияси ва транслитерацияси, анъанавий (талаффуз ва ёзилишига кўра), таржима қилинадиган ва қилинмайдиган номларни аниқлаш, «бегона» номларни ўз тилда қандай ёзиш бўйича йўриқномалар тайёрлаш, хорижий тиллардан ўзлашган номлардан янги сўзлар ҳосил қилиш б-н, ном бериш ва номларни ўзгартириш масалалари б-н шуғулланади.

О. тарих, этн., археология, генеалогия, геральдика, матншунослик, алабиётшунослик, геогр., астрономия, геол., демография каби фанлар б-н ўзаро алоқадордир.

Абдуваҳоб Мадмалиев.

ОНОН — Монголия ва РФнинг Чита вилоятидаги дарё. О. Ингода дарёси б-н қўшилгач, Шилка дарёси ҳосил бўлади. Уз. 1032 км, ҳавзасининг майд. 96,2 минг км². Ҳитой тоғларидан бошланади. Асосан, қордан тўйинади. Ўртача сув сарфи нагила 191 м³/сек. Ноябрда музлаб, апрда музлаи бошлайди. Асосий ирмоқлари: Ушла — Хурах-Гол, Борзя, Унда, чапда — Агуша, Кира, Ага. Суви суғоришга сарф бўлади ва саноатни таъминлайди.

ОНСАГЕР (Onsager) Ларс (1903.27.11, Кристиания, ҳоз. Осло — 1976.5.10, Корал-Гейблс, Флорида) — америкалик физик ва физик-кимётар. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1947 й.дан). Тронхеймдаги Олий техника мактабини тугатган (1925). АҚШ га кўчиб келганидан бошлаб (1928) у ерлаги ун-тларда, 1933 й.дан бошлаб Йель ун-тида ишлаган (1945 й.дан проф). Илмий ишлари электролитлар назарияси, қайтмас жараёнлар назарияси, фазовий ўтишлар назарияси, квант суюқликлар динамикасига оид. Эритманинг электр ўтказувчанлигини унинг концентрацияси б-н боғловчи тенглама (Онсагер тенгламаси) ни келтириб чиқарган (1926); кинетик коэффициентларнинг симметриклик принципини (Онсагер теоремасини кашф этган (1931). Нобель мукофоти лауреати (1968).

ОНТАРИО — АҚШ ва Канададаги кўл. Буюк кўллар таркибида. Майд. 19,5 минг км². Уз. 310 км, кенглиги 90 км, энг чуқур жойи 236 м. О.га Ниагара дарёси қуйилади ва Шим. Лаврентий дарёси оқиб чиқади. О. АҚШ ва Канаданинг ички р-ларини Атлантика океани б-н боғловчи муҳим сув йўли. Уэлланд канали орқали Эри кўли б-н туташган. Деклан апрелгача музлайди. О. бўйида Торонто, Гамильтон, Рочестер ш.лари жойлашган.

ОНТАРИО — Канададаги провинция. Майд. 1076,3 минг км². Аҳолиси 12.1 млн. кишн (2002), 82% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази ва энг катта шаҳри — Торонто. О. ҳудудида мамлакат пойтахти — Оттава ш. жойлашган. О. ҳудудининг катта қисми Лаврентий қирларида (энг баланд жойи 646 м). Иқлими мўътадил иқлим. Янв. нинг ўртача т-раси —6°, —24°; июлники 12—20°. Йиллик ёғин 500—750 мм. Фойдали қазилмаларга бой дарёлари катта гидроэнергия захирасига эга. Провинция жанда *Буюк кўллар* жойлашган. Мамлакат ўрмон бойлигининг $^1/_4$ қисми О.да.

О. — Канаданинг иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган провинцияси. О. мамлакатдаги ишлаб берувчи саноат маҳсулотининг $^1/_3$ қисмини ва кон маҳсулотларининг $^1/_4$ қисмини беради. Қ.х. шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари б-н таъминлашга ихтисослашган.

О. ҳудуди орқали транс-Канада йўллари ўтган. Сан-Лаврентий дарёси орқали Буюк кўлларга кема қатнайди.

ОНТОГЕНЕЗ (юн. ontos — борлиқ ва ...*генез*) — организмнинг индивидуал ривожланиши, унинг шаклланиш ва фаолиятда етиш даврларини ўз ичига олади. О. давомида ривожланаётган организмнинг алоҳида қисмлари ўсади, ихтисослашади ва ўзаро мувофиқлашади. 18-а.да О.ни тушунтиришда икки қонгенизм кўриш олиб борди. Уларди бири — преформизм О.ни индивидуал ўсишдан иборат деб тушунтирса, иккинчиси — эпигенез эса уни структурасиз муртакдан бошланадиган янги ҳосилаларнинг ривожланиш жараёни сифатида тушунтирди. Замонавий тушунчаларга биноан, О. бошланғичдан ҳужайрада ирсий ахборот коди ҳолатида организмнинг бундан кейинги ривожланиш программаси жойлашган. О. давомида бу программа ядро б-н цитоплазманинг ўзаро таъсири жараёнида муртакнинг ҳар бир ҳужайрасида, унинг ҳар хил ҳужайралари ва ҳужайра комплекслари ўртасида амалга ошади. Ирсий аппарат маҳсус оқсил молекулаларининг синтезини кодлаш орқали морфогенетик жараёнларнинг умумий йўналишини белгилаб беради. Бу жараёнларнинг амалга ошиши озми-кўпми (ирсий белгиланган реакция нормаси чегарасида) ташқи муҳит таъсири б-н боғлиқ.

Ҳайвонларда О. жараёнларини бошқаришда нерв ва эндокрин системаси муҳим аҳамиятга эга. О. жинсий кўпаядиган кўп ҳужайрали ҳайвонларда, айниқса, мураккаб содир бўлади. Улар онтогенезида О.нинг муртаккача (проэмбрионал), муртак (эмбрионал), муртакдан кейинги (постэмбрионал), ёнига етган даврлари бўлади. Проэмбрионал давр жинсий ҳужайраларнинг етилиши (гаметогенез) ва урғочиниш даврини; эмбрионал давр эмбриоиннинг тухумдан ёки эмбрион пардадан чиққунгача, постэмбрионал давр жинсий ёнига етгунга ўтган даврни, ёнга етган давр эса организмнинг етуклик ва кексайган ҳолатини ўз ичига олади. Ҳайвонларда О.нинг 3 типи маълум: 1) личинкалик — тухум пўстидан анча эрта чиққандан сўнг организм личинка ҳолида ҳаёт кечиради, личинка даври охирида эса метаморфоз юз беради; 2) тухум қўювчи — муртак узоқ вақт тухум ичида ривожланади, личинка даври бўлмайди; 3) она қорнида урғланган тухум — тухум йўлида ривожланади, бундай ҳолатда баъзан муртак б-н она организм ўртасида йўлдош орқали боғланиш юз беради. Аньанавий равишда О.ни эмбриология ўрганар эди. Эмбриологиядан ривожланиш биологияси даражаси чиққандан сўнг эмбриология нинг вазифаси муртакдан олдинги ва муртак даврини ўрганиш бўлиб қолди.

Ўсимликларда О. урғланган тухум ҳужайранинг ривожланишидан бошланади. Ўсимликларда О.нинг ўзига хос хусусиятлари жинссиз (спорофит) ва жинсий (гаметофит) наслнинг алмашинишидан иборат. Спорофит ғаметалдн, гаметофит — унинг чиқётган спорадан ҳосил бўлади. Гулли ўсимликлар ҳаётий циклида спорофит устунлик қилади, эркак ва уруғчи гаметофит эса қисқариб кетади. Вегетатив мева, тугунак, пиёзбоши ва б.) ҳужайралардинг бўлинишидан бошланади. Одатда, ўсимликлар О.и эмбриональ, ювенил (ёшлик), етук, кўпайиш ва қарилик даврларига бўлинади. О. давомида ўсимликлар ҳужайралари, тўқималари ва органларининг структуравий ва функционал ихтисослашуви юз беради; ўсимликлар турли қисмларининг ўзаро таъсири мураккаблашиб боради; яхлит система сифатида бутун бир организм сифатида ўсиш ёшга оид қайтмас ўзгаришлар пайдо қилади. О.да ўсимликларнинг бир бутунлиги фитогормонлар, шунингдек, ҳар хил органлар, мас., фотосинтез қилувчи орган — барглар б-н сув ва минерал моддаларни шимувчи илдиз ўртасида моддалар метаболитлар алмашинуви орқали таъминланади. О. давомида ўсимлик ўсади ва ривожланади. Ўсимликнинг бўйига ортиши, яъни миқдорий ўзгариши бўлса, ривожланиш сифат ўзгаришидан иборат. Кўпчилик ўсимликлар ёшиниб яшаши туфайли улар О.и кўп жиҳатдан ташқи муҳит шароитига боғлиқ. Ўсимликларда муҳитнинг ноқулай омилларига турли хил мосланишлар (тиним ҳолати, фотопериодизм ва б.) пайдо бўлган. Шу туфайли улар фаолиятининг фаол даври йилнинг энг қулай фаслига тўғри келади.

ОНТОЛОГИЯ (юн. ontos — борлиқ ва ... *логия*) — фалсафа бўлими, *борлиқ* ҳақидаги таълимот. Борлиқнинг умумий асослари, принциплари, унинг шаклларн ва қонуниятларини текширади. «О.» терминини немис файласуфи Р. Гоклениус фанга 1613 й. киритган, Х. Вольф (1679—1754) ўз дарслигида қўллаган бўлса-да, дастлаб юнон файласуфлари унинг турли талқинларини баён этганлар. Улар О.ни ҳақиқий борлиқни ноҳақиқий мавжудликдан ажратиб олувчи борлиқ ҳақидаги таълимот, деб ҳисобланган. *Элея мактаби* намояндалари ҳиссий дунёнинг алдамчи кўринишини ҳақиқий борлиққа қарама-қарши қўйиб, О.ни мангу ўзгармас, ягона, соф борлиқ ҳақидаги таълимот сифатида қўллашган. Милет мактаби вакиллари ва *Иония файласуфлари* дастлабки борлиқнинг сифатий талқини ҳақида бош қотиришган. Улардан борлиқнинг бошланишида ётувчи бундай асосни Эмпедокл «стихия», *Демокрит* «атомлар», *Анаксимандр* «апейрон», *Анаксагор* «уруғ» деб атаган. *Платон* ғоялар О.сини, *Аристотель* эмпиризм О.сини яратди. Ўрта асрлар фалсафасида О. илоҳиёт б-н чамбарчас боғланади. Шарқ фалсафасида О. кўпроқ илоҳий борлиқнинг, ҳудонинг моҳиятини акс эттирувчи таълимот тарзида, шарқ пантеистик фалсафасида *вақдати мавжуд* ва *вақдати вужуд* кўринишларн таълимотлар шаклида пайдо бўлган. Фалсафада О. монистик, дуалистик ва плюралистик концепциялар шаклида ҳам учрайди (қ. *Материя*). Янги давр фалсафасида дуалистик О. намоиндаси Р. Декарт бўлган. Ўз фалсафасининг асосига «монада» — «илоҳий атомлар»ни қўйган В. Г. *Лейбниц* фалсафаси — плюралистик О.га мансубдир. Бу концепция бўйича оламнинг асосида бир қанча моҳият ётиши мумкин. Шундай концепция эмпириокритицизмда ҳам учрайди. Р. *Авенариус*, Э. *Мах* борлиқнинг асосида сезгилар мажмуи ётади, деб ҳисоблайди. Ҳоз. замон фалсафасида О.нинг мазмуни янада бойиган. Бу борлиқ ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиши б-н боғланганлир. Маълумки, борлиқни механистик, метафизик ва материалистик талқин этишда у мослийлик б-н, актуал мавжудлик б-н, реаллик б-н айнанлаштириб қўйилган эди. Борлиқ аслида барча нарса

ва ҳодисаларни, илгари мавжуд бўлган, ҳозир мавжуд бўлиб турган ва келажакда мавжуд бўладиган реалликларни, моддийлик ва маънавийликни, модда ва гояни ҳам ўзига қамраб олади.

Ад.: Фалсафа. Маърузалар матни. Т., 2000.

Бахтиёр Тўраев.

ООЛИТЛАР (юн. oon — тухум ва lithos — тош) — темир, марганецнинг юмалоқ ва эллипс шаклидаги оксид ва силикат бирикмалари. О. таркибида, одатда, кальцит, доломит, арагонит, родохрозит, лептохлорит ва б. минераллар ҳам бўлади. Майда (микроскопик) зарра ҳолидан нўхат катталигигача ўлчамда учрайди. О.нинг 2—5 мм катталикдагилари пизолитлар деб аталади. О.нинг марказий қисмига, кўпинча, майда қум зарралари ёки ҳайвон чиғаноқлари жойланиб, уларнинг атрофида қат-қат О. тўпланган бўлади. О. океан, денгиз ва қайнар булоқлар тубида вужудга келади. Россияда (Урал ва Керчь я.о.) темирли О. (темир рудаси хили) конлари бор. Ўзбекистонда темирли О. палеоген гил қатламларида топилган.

ООМИЦЕТЛАР (Oomycetes) — замбуруғлар синфи (бошқа маълумотларга кўра, кенжа синф). Сувда ва қуруқликда ўсади. Мицелийси ҳужайрасиз; ҳужайра пўсти целлюлоза ва глюкандан иборат бўлиши б-н бошқа замбуруғлардан фарқ қилади. Жинссиз зооспора ёки конидия ҳосил қилиш; жинсий — оогамия орқали кўпаяди. Антеридий кўп ядроли, шарсимон оогонийда 1 ёки бир нечта тухум ҳужайра етилади. Уруғланган тухум ҳужайралар ооспораларга айланади. Улардан баҳорда зооспоралар, муртак зооспорангийли калта ўсиш гифлари ҳосил бўлади. 4 та тартиби (сапролегнинсимонлар; лептомисимонлар, лагенидсимонлар, пероноспоралилар), 350 тури мавжуд. Тубан О. — сапротроф, органик моддаларга бой чучук сувларда яшайди. Кўпчилик О. ҳайвонлар мурдаси ва б. органик қолдиқларда учрайди, айрим турлари балиқлар ва сувда ҳамда қуруқликда яшовчилар увилдириқларида, касалланган балиқчалар ва итбалиқларда паразитлик қилади. Қуруқликдаги турлари юксак ўсимликларнинг облигат паразити, тўқима ичида яшайди, барг оғизчаларидан фақат агорангит (конидит) ҳосил қилувчи қисми чиқиб туради. Жинсий органлари ва ооспоралари ҳам эндофит ривожланади. Баъзи О. (мас., пероноспора токда кул, фитофтора картошкада чириш) касаллигини пайдо қилади. О. ҳужайра пўстида хитин бўлмайдиган сарғиш-яшил ёки хивчинли сув ўтларидан келиб чиққан бўлиши мумкин.

ООФОРИТ (лот. oophoron — тухумдон) — тухумдонининг яллиғланиши. Турли инфекциялардан, кўпинча аборт ва туққандан сўнг қузатилади. Фақат тухумдоннинг яллиғланиши деярли учрамайди, у кўпинча Фаллопий найнинг яллиғланиши — сальпингит б-н бирга учрайди (яна қ. *Сальпингоофорит*).

ОПАЛ (санскритча упал — қимматбаҳо тош) — таркибида сув сақлайдиган коллоидли кремний оксидидан иборат минерал, глобуляр (шарча) тузилишга эга. $SiO_2 \cdot nH_2O$. Кремнезёмнинг глобулалари, асосан, 150—400 нм ўлчовли, баъзан каттароқ. Аксарият О.да 2—14% сув мавжуд. Одатда, рангсиз, таркибидаги аралашмаларга кўра, оқ, сариқ, қўнғир ва б. хиллари бўлади. Қаттиқлиги 5—6,5, зичлиги 1900—2300 кг/м³. Глобуляр тузилиши б-н опалесценция (нурни тарқатиш) хоссаси боғлиқ. Асли О. кристаллик панжарасида глобуллар тўғри жойлашганлиги учун нур дифракцияси натижасида ранг-баранг нур тарқатади. Тарқаладиган нурларнинг ранги глобулаларнинг диаметрига боғлиқ (d=150—200 нм бўлса ранги бинафша, 400 нм гача — яшил, каттароқ бўлса — қизил). Асл О.нинг рангига қараб турларга ажратилади: оқ, қора, арлекин, оловранг, жиразоль. Табиатда О.нинг оддий турлари кўпроқ учрайди (оникс, опалли кахалонг, празопал, гидрофан, гиалит ва б.). О. иссиқ вулканоген сувлардаги кремнезём чўкиндилари ва нураш зонасида сув таъсиридан силикат қатламлар ҳамда карбонат кислотанинг ажралишида кристалланиш натижасида ҳосил бўлади. О.нинг катта уюмлари денгиз ҳавзалари чеккаларида опока, трепел ва диатомит қатламларини ҳосил қилади. Учламчи давр ётқизиқларида кўп учрайди. Рангли О. безак тоши сифатида ҳам ишлатилади. Асл О. — қимматбаҳо тош. Австралия, Чехия, Мексика, Украина, Қозоғистон ва б. жойларда О.нинг эндоген конлари топилган. Россияда 70-й.лардан асл О.ни синтез қилиш йўлга қўйилган.

ОПАРИН Александр Иванович (1894.2.3, Углич ш. — 1980.21.4, Москва) — рус биокимёгари, акад. (1946). Москва ун-ти проф. (1929 й.дан), СССР ФА биокимё ин-ти директори (1946—1980).

Асосий илмий ишлари Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, тирик ҳужайраларга ферментларнинг таъсири механизмларини аниқлаш ва ўсимликлар хом ашёсини қайта ишлаш технологияси каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ бўлган назарияни илгари сурган (1922). Бу назарияга кўра, Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши модлий тузилма ривожланишининг қонуний босқи-чи ҳисобланади. Назария ҳозир О.нинг кимёвий назарияси деб юритилади. О. тирик ҳужайралардаги ферментатив реакциялар қайтар характерга эга эканлигини тушунтириб берди (1935). О.нинг ишлари бир қанча биокимёвий жараёнлар, хусусан, июн в. ч., шарбатлар тайёрлаш, виночилик, чой ва тамаки тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Ас.: Изменение действия ферментов в растительной клетке под влиянием внешних условий. М., 1922; Возникновение жизни на земле. 5 изд., М., 1980.

«ОП-АРТ» (инг. op art — оптик санъат) — оддий ҳандасий шакл ва тасвирлар ё-н томошабинни чалғитиш, алдашга қаратилган. 20-а. 60-й.лар юзага келган асарлар, модернизмдаги неоавангардик оқим. 1960-й.лардан ривожланиб, кенг тарқалган. Асоси геометрик абстракционизмга бориб тақалади. Асосчиси француз рассоми В. Вазарели (Вашархей), 40-й.ларнинг 2-ярмида шу санъатнинг дастлабки намуналарини яратган. «О.» вакиллари рангтасвирларида оддий геометрик шакларнинг күп маротаба такрорланиши ҳисобига гўё улар ўз ўрнини ва ҳолатини ўзгартираётганга, ҳаракатга келаётганга ўхшаб кўринишини ва шу ҳолат томошабинда маълум туйғулар уйғотишини асосламоқчи бўладилар. Рассомлар ўз

В. Вазарели. «1 май композицияси» (1960 й.).

асарлари учун шундай шакл ва рангларни танлайдиларки, улар идрок этилганда жимирлаш, эгилиш, юқорига интилиш каби таассуротини уйғотади. «О.»нинг безак имкониятлари саноат графикаси, плакат, амалий ва безаш санъатида ўз аксини топди.

ОПАСИАКЛАР — қад. Хоразм воҳасидаги Жангаларё бўйларида яшаган сак қабилалари (мил. ав. 7—2-а.лар). Мил. ав. 7—5-а.ларда О. ярим ўтроқ ҳаёт кечириб, деҳқончилик, чорвачилик, овчилик ҳамда балиқ овлаш б-н шуғулланган. О.нинг қароргоҳлари харобасидан кўплаб жез, темир буюмлар, сопол идишлар ва тош (кварцит) қуроллар топилган. Мил.ав. 4—2-а.ларда О. маданияти ўзининг юксак чўққисига чиққан. Бу даврга оид мудофаа иншоотлари ё-н мустаҳкамланган антик шаҳар типидаги йирик ёдгорликлар (*Чирикработ, Бойлисчелла* ва б.)да олиб борилган текширишлар натижасида О. маданияти ривожланганлиги ва унинг Хоразм антик маданиятига яқинлиги аниқланди (яна қ. *Сакlар*).

ОПЕК (Organization of the Petroleum Exporting Countries) — қ. *Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти*.

ОПЕРА (лот. opera — меҳнат маҳсули, асар) — мусиқали драматик санъат жанри. О. қоришма (синтетик) жанр бўлиб, ўзида бир нечта санъат турларини мужассам этади; унда драматургия, мусиқа, тасвирий санъат ва рақс санъати шакллари яхлит саҳнавий жараёнда узвий боғланади. Лекин мусиқа улар орасида етакчи ўрин эгаллайди. О.нинг адабий асоси — *либретто*даги воқеалар мусиқий драматургия воситалари ё-н, аввало, вокал мусиқа шакл-ларида гавдалантирилади. Қаҳрамонларнинг ҳиссий кечинмалари, асосан, якка-хон хонандалар ижросидаги *ария, кавати-на* каби тугал мусиқа лавҳаларида ўз ифодасини топади. О.даги *речитатив* тугал мусиқа шаклларини ўзаро боғлаб, мусиқий драматургия жараёнида муҳим вазифалар бажаради. Турли вокал ансамбл (*дуэт, трио* ва б.)ларда қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари, драматик воқеалар ўз аксини топади. *Хор* рўй бераётган воқеаларнинг изоҳловчи воситаси вазифасини бажаради, унинг ёрдамида халқ ҳаёти лавҳалари гавдаланади. О.да *оркестр* ҳам катта ўрин эгаллайди: вокал шаклларга жўр бўлади, мустақил чолғу қисм (*антракт, увертюра, интродукция* ва б.)ларда вазиятнинг мазмунини очиб беради, ҳар бир саҳнанинг руҳий ҳолатини ифодалашга ёрдам беради. О.нинг тузилиши унинг ғоявий мақсадига, сюжет хусусиятларига, мусиқий-ижодий мактаб анъаналари ва услубларига ҳамда композиторнинг ижодий тафаккурига боғлиқ.

О. санъатнинг алоҳида тури сифатида 16-а. охирида Флоренция (Италия)да юзага келди: Я. Перининг «Дафна» (1598) ва «Эвридика» (1600) асарлари. О. кейинчалик Европанинг бошқа мамлакатларида тарқалиб, тарихий ривожи давомида турли хилларига эга бўлди: француз «лирик трагедияси» (Ж.Б. Люлли, Ж. Ф. Рамо) ва катта опера (Л. Обер, Ж. Мейербер), итальян О.-серия — жиддий О. (А.Скарлатти ва Неаполитан опера мактаби) ва *буфф-опера* (Ж. Перголези, Ж. Паизиелло, Д. Чимароза), немис зингшпили (И. Хиллер, В. А. Моцарт ва б.), инглиз баллада О.си (Ж. Пепуш), испан сарсуэла ва тонадильяси (В. Гарсиа) ва б. 18-а. Европа композиторлик ижодиётида Шарқ, хусусан, ўзбек мавзуларига қизиқиш кучайган ва Италияда А. Скарлатти (1706), Н. Порпора (1730), А. Вивальди (1735), А. Сакчини (1773), А. Сапиенца — ўғли (1828), Германияда Г. Гендель (1724) ва Г. Телеман (1729)лар Амир Темурни ўз операларида бош қаҳрамон сифатида гавдалантиришган. Мазкур қизиқиш 19—20-а.ларда янада кенгайиб бевосита Ўзбекистон б-н боғлиқ асарлар Англия, Арманистон, Белоруссия, Россия ва б.да кўпайди. 19-а.да романтик О. ривож топди (К. М. Вебер, В. Беллини, Г. Доницетти ва б.), янги миллий О. мактаблари юзага келди (Россияда — М. Глинка ва А. Даргомижский, Польшада С. Монюшко, Чехияда Б. Сметана, Венгрияда Ф. Эркель, Украинала С. Гулак-Артемовский, Грузияда М. Балончивадзе ва б.). 20-а.да О.— оратория (А. Онеггер), О.—кантата (К. Орф), камер О. (Ф. Пуленк), қўшиқ О.си (К. Вайль), рок-опера (Э. Л. Уэббер) каби янги турлари юзага келди, О. жанри *модерни*зм йўналишлари (импрессионизм — К. Дебюсси, экспрессионизм — Р. Штраус, А. Шёнберг, А. Берг, неоклассицизм — Ф. Бузони, И. Стравинский ва ҳ. к.) таъсирида ривож топди. К. Монтеверди, Ж. Россини, Ж. Верди, Ж. Пуччини, К. В. Глюк, В. А. Моцарт, Р. Вагнер, Л. Керубини, Ш. Гуно, Ж. Бизе, М. Мусоргский, П. Чайковский, С. Прокофьев, Д. Шостакович, Б. Барток, З. Кодай, Б. Бриттен, Ж. Гершвин ва б. О. санъати ривожига улкан ҳисса қўшишди.

Ўзбекистонда О. жанри ўзбек мусиқали драмасининг ривожи асосида, шунингдек, чет эл мумтоз О.сининг таъсирида юзага келган. 19-а.нинг охири—20-а. бошларида Тошкентга бир нечта (грузин — 1894; 1907—15 й.larda — итальян, татар, рус, озарбайжон) О. труппалари гастролга келган. 1918 й.дан Тошкентда Рус опера театри ўз фаолиятини бошлаган. 1929 й.да М. Қориёқубов ташаббуси б-н Ўзбек мусиқали театри ишга тушди. Унинг репертуари, асосан, мусиқали драмалардан иборат бўлган. Мазкур театр саҳнасида ўзбек тилида қўйилган биринчи опералар — «Эр Таргин» (Е. Брусиловский, 1937) ва «Наргиз» (М. Магомаев, 1938)дир. Ўзбек опера ва балет труппаси Ўзбек мусиқали театри заминида юзага келиб, 1939 й. С. Василенко ва М. Ашрафийнинг «Бўрон» О.си б-н ўз фаолиятини бошлаган. Дастлабки ўзбек операларн ўзбек ва рус композиторларининг ижодий ҳамкорлиги натижасида ҳамда Ўзбекистонда ижод қилган рус композиторларининг маҳаллий мавзудаги ижодида ривож топган (Р. Глиэр, Т. Содиқов, «Лайли ва Мажнун», 1940; «Гулсара», 1949; А. Козловский, «Улуғбек», 1942). Шу даврда ўзбек тилида жаҳон мумтоз О. намуналари (Ж. Бизенинг «Кармен», 1944; П. Чайковскийнинг «Евгений Онегин», 1947 ва б.) ҳам саҳналаштирилди. Кейинчалик ўзбек композиторларининг афсонавий-романтик, тарихий, лирик, замонавий мавзулардаги мустақил О.лари пайдо бўлди: «Дилором», «Шоир қалби» (М. Ашрафий), «Ҳамза» (С. Бобоев), «Хоразм қўшиғи» (М. Юсупов) ва б. Биринчи ўзбек ҳажвий О.си «Майсаранинг иши» (С. Юдаков) бўлиб, бир нечта чет мамлакатлар театрларида қўйилган. «Ёрилтош» (С. Бобоев) биринчи ўзбек балалар О.сидир.

1970—80 й.лари ўзбек композиторлари О. жанрини мавзу жиҳатидан бойитишди. Шу давр ичида тарихий — «Мангулик» (У. Мусаев), «Фидойилар» (С. Бобоев), замонавий — «Садоқат» (Р. Абдуллаев), атоқли шахсларга бағишланган — «Сўғд элининг қоплони» (И. Акбаров), «Зебуннисо» (Сайфи Жалил), «Алишер Навоий» (М. Бурҳонов), шунингдек, камер О.лар — «Соҳилда тўқнашув» (Н. Зокиров), «Она қалби» (Ҳаб. Раҳимов) ва б. О.лар саҳналаштирилди.

Мустақиллик даври ўзбек О.ларида жанр талқини, мавзу ва мазмун доираси янада кенгайтирилиб, бойитилди: жаҳон мумтоз адабиёти (Н. Зокировнинг Шекспир трагедиясига асосида яратилган «Ҳамлет» ва «Макбет» О.-дилогияси), ҳоз. замон ижтимоий муаммолари (Н. Зокировнинг «Мухторият» операфарси, О. Абдуллаевнинг «Вафо», Ф. Янов-Яновскийнинг «Оркестр» О.лари), тарихий шахслар сиймолари (М. Бафоевнинг «Ал-Фарғоний») ва фалсафий мавзулар (И. Акбаровнинг «Ибтидо хатоси» О.-ораторияси) О. жанрини кейинги ривожини белгилади. Мазмунни талқин қилишда асосий уруғ миллий ҳамда умумбашарий маънавий қадриятларни тараннум этишга, мураккаб вазият ва психологик ҳолатларни чуқур ифода этишга қаратилди. Бу даврда ўзбек композиторлари О. асарларида ўзбек халқ мусиқа мероси ва миллий ижрочилик анъаналарини замонавий ифода ва техник воситалар б-н узвий боғлашга аҳамият беришди.

Ад.: Пеккер Я., Узбекская опера. М., 1984; Муродова Д., Мустақиллик даври Ўзбекистон композиторлик ижодиёти тўғрисида. — Мусиқа ижодиёти масалалари. Т., 2002.

Дилора Муродова, Тўхтасин Ғафуровлар.

ОПЕРАТИВЛИК САНЪАТИ — *харбий санъатнинг* таркибий қисми: уруш ҳаракатлари майдонларида қўролли кучлар турларининг оператив бирлашмалари томонидан биргаликда ёки мустақил операция (амалиёт) ва жанговар ҳаракатларни тайёрлаш ва амалга ошириш назарияси ва практикаси масалаларини ўз ичига олади. Ҳужум, мудофаа, қўшинларни оператив қайта гуруҳлашни ташкил этиш, уни амалга оширишни ўрганади ва ишлаб чиқади. О.с. стратегия б-н тактика оралиғидаги санъат бўлиб, улар ўртасида боғловчилик ролини ўйнайди.

ОПЕРАТОР (лот. operatio — ҳаракат) — 1) математикада — икки тўплам X ва Y элементларининг ўзаро мос келиши, яъни X нинг x элементига Y нинг бирор y элементи мос келишини ифодалайдиган математик тушунча. Квант назариясида О. — математик ифода. ψ ҳолат (ёки тўлқин функция векторининг ψ_1 ҳолат (функция) векторига солиштириш учун хизмат қилади. Квант механикада О. б-н муҳим амаллар бажарилади. О.ни қўшиш, кўпайтириш, даражага кўтариш, улардан қаторлар тузиш мумкин; 2) ҳисоблаш техникасида — рақамли ҳисоблаш машинаси (РҲМ) да ахборотларни қайта ишлашда бирон бир тугал амални бериш учун программалаш (дастур тузиш) кўрсатмаси; 3) техникада — мураккаб қурилмани (мас., ЭҲМ ни, компьютерни), радиолокацион ст-яни, бургилаш қудуғининг ишини бошқариб турилган мутахассис; 4) кинотехникада — кинофильмларни суратга олувчи, телевизион эшиттиришларни узатувчи, аппаратда ишловчи мутахассис — кинооператор, телеоператор (қ. *Операторлик санъати*).

ОПЕРАТОРЛАР НАЗАРИЯСИ — математиканинг *операторлар* ва улар хоссаларини ўрганадиган бўлими.

E чизиқли фазонинг F чизиқли фазога акслантириш *(A)*.

$$A(\lambda x + \mu y) = \lambda Ax + \mu Ay$$

хоссага эга бўлса, A акслантириш чизиқли оператор дейилади (бу ерда λ , μ— ҳақиқий ёки комплекс сонлар, x, $y \in E$). Одатда, чизиқли оператор узлуксиз бўлиши ҳам талаб қилинади. Мас., E ва F нормалаштирилган фазолар бўлган ҳолда, барча $x \in E$ учун

$$\|Ax\| \le \|x\|$$

тенгсизликни қаноатлантирувчи K сони мавжуд бўлиши керак. Бу ҳолда A чегараланган чизиқли оператор ҳам дейилади.

О. ида операторларнинг умумий хоссалари ўрганилиб, бу назария математика ва унинг татбиқларида учраиган дифференциал, интеграл ва б. тенгламаларни энг умумий шартларда ечишга асос яратади.

ОПЕРАТОРЛИК САНЪАТИ — суратга олиш услуби орқали фильм мазмуни ва гоясини очиб бериш ҳамда бадиий тасвир яратиш вазифасидан иборат кинематография ва телевидениеда хос бўлган бадиий ижод соҳаси. О.с.нинг ривожи кино санъати, тасвирни санъат, театр, драматургия ва б. ривожи б-н чамбарчас боғлиқ. Оператор реж., рассом, фильмнинг бошқа ижодкорлари б-н ҳамкорликда кинематографик техника ва замонавий услуб асосида фильмнинг тасвирий талқини, суратга олиш жараёнини ишлаб чиқади. Суратга олинган тасвир сифати оператор маҳоратига боғлиқ; у суратга олиш жараёнида умумий, ўрта, йирик планлардан, ракурс ва ёруғлик-нурлан, кинокадр композициясидан мақсадга мувофиқ фойдаланади. О.с.нинг ўзига хослиги шундаки, у экранда нарсаларнинг нафақат шакл, ранг, ҳажмини, суратга олиш жойининг манзара ва масофасини тўғри, бутун борича тасвирлаш санъатини кўрсатишга, балки ҳаракат тезлиги, суръати ва йўналишига имконият яратади. Хроникал-ҳужжатли кино оператори киножурналист вазифасини, илмий-оммабоп ва ўқув киноси яратилишида оператор кўпроқ муаллиф-оператор вазифасини бажаради. Ҳар бир фильмнинг постановкачи оператори ва уларга ёрдамчи операторлар бўлади. Ёрдамчи оператор постановкачи-оператор топшириғи б-н иш кўради. Биринчи ўзбек кинооператори Ҳулойберган *Девонов* ўз фаолиятини 1907—08 йлар бошлаган. Ўзбек киносининг дастлабки йилларида Ф. Верито-Даровский, А. Гинзбург, А. Булинский каби четдан келган мутахассислар фаолият кўрсатган. 30-й.ларнинг бошларида ўзбек операторларидан М. *Қаюмов*, О. *Турсунов*, А. Саидов, М. *Краснянский* ва б. иш бошлаган. Кейинроқ Ўзбекистонга келиб ишлаган украин оператори Д. *Демчукий* фаолияти республикамизда О.с.нинг юксалишида алоҳида ўринга эга. У операторлик қилган «Насриддин Бухорода», «Тоҳир ва Зуҳра», «Насриддиннинг саргузаштлари» каби фильмлар энг яхши миллий кино асарларидир.

50-й.ларда Н. Рядов, А. *Панн*, П. *Расулов*, Х. *Файзиев* каби миллий суратга олиш усталари кириб келди. 60—70-й.ларга келиб ўзбек операторлари фильм мавзуини кенгайтириш учун янги услублар топишда ишландилар. Д. Фатхуллин («Нафосат»), Даврон Салимов («Доира»), Т. Рузиев («Ер-ёр»), Ш. Жумабуллаев («Дилбарим») каби янги кучларнинг келиб қушилиши фильмларнинг тасвир имкониятларини янада кенгайтирди. 70—80-й.лар ўзбек киносида кенг тарқалган жанр ва мавзу хилма-хиллиги янгича фикрланиган операторлар етишиб чиқишини таъминлади. Аниқса, А. *Исломов* («Шиддат»), Ш. Маҳмудов («Ажойиб хаёлпарст»), Т. Қаюмов («Жазирама қуёш остидаги уй»), Э. Аъламов, Л. Симбирцев («Ота насиҳати»), Д. Абдуллаев («Ватанга хиёнат қилиб»), Н. Ғуломов («Сувчи»), Б. Назаров («Сут ранга») каби операторларнинг ижодлари алоҳида.

Мустақилликдан сўнг О.с. янада гуркираб усди, имкониятлар кенгайди, жанр ва услуб жиҳатдан чуқурланди. Ўзбек операторларининг маҳоратлари намоён бўлишида «Буюк Амир Темур» (Р. Иброҳимов), «Маргиёна» (Ҳ. Ҳасанов), «Отамдан қолган далалар» (Р. Ғалиев), «Ёлғиз ёғочим» (У. Ҳамроев), «Аёллар салтанати» (Ҳ. Файзиев.) «Тилсимот — тароноб қизалоқ» (М. Мирзаахмедов) каби фильмлар ана бир катта «кўприк» вазифасини ўтади. Реж. Зулфикор Мусоқовнинг «Аскар ҳикояси», «Абдуллажон», «Аяжон», «Муъжизалар майдони» фильмлари визуал санъат ривожланишида бой «озуқа»дир. Фалсафий гоя б-н суғорилган У. Ҳамроевнинг «Воиз» фильми йирик операторлик иши бўлди. М. Қаюмов, Ҳ. Файзиев, А. Исмоилов, Т. Нодиров, Д. Салимов, Ш. Маҳмудов, Д. Абдуллаев ва б. республикамизнинг энг таниқли операторларидан.

Жўра Тоғаймов.

ОПЕРАЦИЯ (тиббиётда) — тўқима ва аъзолардаги касаллик жараёнига хирургнинг аралашуви. Бунда операцион жароҳат ҳосил қилинади (қ. *Изи О.*), баъзан махсус механик усуллар татбиқ этилади (қ. *Консил О., мас., чиққан суякни солиш, синган суяк бўлакларини бир-бирига тўғрилаб қўйиш*). Кўпинча даволаш, баъзан эса диагностика мақсадида (мас., *биопсия, пункция, лапаротомия*) қилинади.

Режали ва кечиктириб бўлмайдиган (зудлик б-н қилинадиган) О. тафовут қилинади. Режали О.дан олдин бемор синчиклаб текширилади ва О.га тайёрланади (мас., меъда яраси, рак), суякнинг аппендицит, катаракталар). Касаллик ҳолати беморнинг ҳаётига таҳдил қилиб турганда (меъда яраси тешилганда, чурра қисилиб қолганда, ичак буралганда ва б.) кечиктириб бўлмайдиган О. қилинади.

О. характери жиҳатдан радикал ва паллиатив турларга ажратилади. Радикал О.да патологик жараён бартараф қилинади (касаллик учоғи ва, ҳатто, бутун орган олиб ташланади). Патологик жараён оқибатида келиб чиққан касаллик симптомини бартараф қилиш паллиатив О.нинг вазифасидир. Тикланиш О.лари алоҳида урин тутади (қ. *Пластик хирургия*).

ОПЕРЕТТА (ital. operetta — кичик опера) — мусиқавий саҳна асари. Драматургияси вокал ва чолғу мусиқа, рақс ҳамда диалогларнинг эстрада санъати элементлари б-н узвий боғланишига асосланган. О.нинг мусиқий жараёни нетик нақаротли қўшиқ ва рақслар йиғиндисидан иборат. Ҳар бир тугал саҳнанинг кулминациясини, одатда, муайян оммабоп рақс ташкил этади (галоп, канкан, вальс, чардаш ва б.). О.да опера вокал шакл (ария, дуэт, ансамбль, хор кабилар) ҳам қўлланилади, лекин улар бирмунча соддалаштирилган ва оммабоплигига б-н ажралиб туради. Бош ғоя баёни ва ривожи асосан мусиқа орқали ифодаланишини туфайли О. турли халқлар маданиятига хос мусиқали саҳнавий жанрлар (француз водевили, немисча ва австрияча зингшпиль ва б.) элементларини ҳам мужассам этган. Мустақил жанр сифатида О. 19-а. ўрталарида Парижда юзага келган (Ж. Оффенбахнинг «Орфей дўзахда», 1858). Унинг дастлабки намуналари, асосан, ҳажвий йўналишда бўлган. Кейинчалик, О.га лирик оҳанглар ҳам киритилди. Француз композиторларидан Ш. Лекок, Э. Одран ва Р. Планкетлар О. жанрида ижод қилишган. Оффенбах ижоди таъсирида 19- а. охирларида Ф. Зуппе, И. Штраус (ўғли) ва К. Миллёкер каби композиторлар томонидан Вена О.си яратилди. А. Салливен ва С. Жонс 19-а. инглиз О.сининг йирик намояндалари эди. 20-а. бошларида венгер композиторлари Ф. Легар ва, айниқса, И. Кальман О. ривожига катта ҳисса қўшишди. 1920-й.ларда АҚШда О. таъсирида *мюзикл* жанри юзага келди. Ўзбекистонда О. жанрининг ривожи 20-й.ларда Рус опера ва балет театри, Самарқанд оперетта театри (1938—40), кейинчалик эса Тошкент оперетта театри (1971 й.дан) фаолияти б-н боғлиқ бўлган. Бу театрларда, асосан, О. нинг мумтоз (И. Штраус, И. Кальман, Ф. Легар), шунингдек, замонавий (А. Журбин, К. Листов ва б.) намуналари қўйилди. 1970 й.дан бошлаб мазкур санъатга Ўзбекистон композиторлари ҳам эътибор қаратмоқда (Э. Солиҳовнинг рус тилида саҳналаштирилган «Хўжа Насриддин», «Оппоз пари совғалари», «Пароль — «Шарқ волуни», А. Эргашевнинг «Миттивой», П. Ҳолиқовнинг «Қорбобо ва Санта Клаус» каби асарлари).

Лит.: Юлдашева С., У истоков классической оперетты, Т., 1976.

ОПИЙ (лот. opium — қўкнор шираси) — қ. *Афюн*.

ОПИСТОРХОЗ — гижжа касалликлари гуруҳига мансуб табиий ўчоқли биогельминтоз. Сурункали кечади ва, асосан, жигар, меъда ости бези ҳамда ўт пуфаги зарарланади. Трематодалар гуруҳига мансуб 2 хил описторхлар қўзғатади. Одам ва ҳайвонларда учрайди. Мутадил. Одам ва ҳайвонларда учрайди. Мутшук, ит, чўчқа ва одам паразитларини ташувчи манба бўлиши мумкин. Гижжа тухумлари ижжас б-н ташқарига чиқа тухумлари ижжас б-н ташқарига чиқиб, сувга ва у орқали чиганоқлар организмига тушади. Орадан 2—10 ой ўтгач личинкалар пайдо бўлиб, иккинчи оралиқ хўжайин — балиқларнинг организмига ўтади ва 2 йилгача яшайди. Паразитлар хом ёки чала тузланган, дудланган балиқни истеъмол қилганда одамга юқади. Унинг табиий ўчоқлари Европа ва Жан.-Шарқий Осиёда учрайди. Ёш болаларда ҳам, катталарда ҳам кузатилади. Денгизчилар, балиқчилар, қ. х. ходимлари кўпроқ касалланади. Касалликнинг яширин даври 2—4 ҳафта. Асосий клиник аломатлари: бир оз иситмалаш, хорғинлик, ич бузилиши, терида тошмалар пайдо бўлиши, камқонлик, B_{12} витаминни етишмаслиги. Касаллик охирида ўт пуфаги ва ўт йўллари, ўн икки бармоқ ичак ва меъда ости безларининг яллигланиш аломатлари юзага келади. Диагноз ўн икки бармоқ ичак ширасини ва нажас таркибида описторхларни лаборатория усулида текшириб топишга асосланиб қўйилади.

Празиквантель, хлоксил, битионол каби препаратлар б-н даволанади. Беморлар 6 ойгача диспансер назоратида бўлади.

ОПОКА (геологияда) — мустаҳкам, кремнийли говак чўкинди тог жинси. Таркиби, асосан, аморф кремнезёмдан (98% гача — опал) иборат ва гил, кум, глауконит, кварц, дала шпатлари ва б. қўшилиши бўлади. О. дастлаб кремнийли мергел ёки кремнийли глаб кремнийли деб ҳам аталган. Оч ва тўқ кулранг, бальзан қорамтир. Зичлиги 1000 кг/м³ чамасида. Тоза турлари юқори адсорбцион хоссага эга. Денгиз шароитида кимёвий йўл б-н ҳосил бўлади. Асосан, палеоген, қисман юқори бўр ётқизиқларида учрайди. Россиянинг Европа, Шарқий Урал ён бағирларида мавжуд. Қурилишда ва адсорбент сифатида ишлатилади.

ОПОССУМЛАР (Didelphidae) — халтали сут эмизувчилар оиласи. Энг қад. халталилар. Гавдасининг уз. 7 — 50 см, думи 4—55 см. Думи тутувчи. Орқа оёқларининг олдинги бармоги йирик, бошқа бармоқларига қарама-қарши қўйилган. Сут безлари сўргичлари 5 тадан 27 тагача. 11 уруғи, 77 тури маълум. Канаданинг жан.-шарқидан бошлаб Америка қитъасининг 52° жан. кенгликларигача тарқалган. Ўрмон, чўл, дашт, тоғларда 4 минг м баландликкача учрайди. Ерда ва дарахтларда, айрим турлари (сув опоссуми) ярим сувда ҳаёт кечиради. Озиқ танламайди. Бир йилда 1—3 марта 4—11 тадан (баъзан 25 та) бола туғади. Айрим турлари мўйнаси ва гўшти учун овланади. Оддий О. лаб. ҳайвони.

ОППЕНГЕЙМЕР (Oppenheimer) Роберт (1904.22.4, Нью-Йорк — 1967.18.2, Принстон) — америкалик физик. Гарвард ун-тини тугатган (1925), Кембриж ва Гёттинген ун-тларида ҳам ўқиган (1925—27). Лейден ва Цюрихда ишлаган (1928—29). Калифорниядаги ун-т ва технология ин-ти проф. (1929). Принстондаги Фундаментал тадқиқотлар ин-ти директори (1947 й.дан). Илмий ишлари *квант механика*, космик нурлар физикаси, *нисбийлик назарияси*, элементар зарралар физикаси, нейтрон юлдузлар назариясига оид. 2-жаҳон уруши йиллари (1939—45)да Лос-Аламосдаги ядро лаб.сига раҳбарлик қилган, атом бомбасининг яратилишида фаол иштирок этган. Водород бомбасини жорий этишга қаршилик кўрсатгани ва атом энергиясидан фақат тинч мақсадларда фойдаланиш тарафдори бўлганлиги учун 1954 й.да махфий ишлар б-н боғлиқ бўлган барча вазифаларидан четлатилган.

ОППОНЕНТ (лот. opponens — эътироз билдирувчи) — 1) баҳсда қарши тараф; 2) илмий маъруза ёки ҳимоя қилинаётган диссертацияни танқидий таҳлил қила оладиган, баҳолай биладиган, маърузачи ёки диссертантга эътироз билдира оладиган шахс. Ўзбекистонда *фан номзоди* илмий даражасини олиш учун қилинаётган диссертация ҳимоясида камида 2 расмий О. (бири диссертантнинг ихтисослиги бўйича фан д-ри ёки проф., иккинчиси фан номзоди ёки фаннинг шу соҳаси бўйича етакчи мутахассис), *фан доктори* илмий даражасини олиш учун қилинаётган диссертация ҳимоясида камида 3 расмий О. (улар фан д-ри ёки проф., мумкин қадар диссертант фаолият юритаётган ташкилотдан бошқа ташкилотлардан) белгиланади. Диссертация ҳимоясида норасмий О.ларнинг сони чекланмайди. Расмий О.лар диссертацияни чуқур ва ҳар томонлама

тахлил этишлари, шу асосда диссертациянинг белгиланган талабга қай даражада жавоб беришлигини, унинг илмий-назарий ва амалий аҳамиятини баҳолаган ҳолда тақриз тайёрлашлари лозим. Ўз қарашлари б-н О. диссертация ҳимоясида ва унинг илмий кенгашдаги муҳокамасида қатнашади.

ОПТИК АЛОҚА — оптик диапазондаги (одатда, 10^{13} — 10^{15} Гц) электромагнит тебраниш (мас., *лазер*)лар ёрдамида боғланадиган алоқа. О. а. линиялари тузилиши жиҳатидан радиоалоқа линияларига ўхшайди. Нурланишни модуляциялаш учун таъминлаш манбаига ёки генераторнинг оптик резонаторига таъсир қилиб, генерация жараёни бошқарилади ёки чиқиш нурланишини маълум қонун бўйича ўзгартирадиган қўшимча ташқи қурилмадан фойдаланилади. Чиқиш оптик узели ёрдамида нурланиш кам сочилувчи нурга айланади ва кириш оптик узелига боради; бу узел уни фото ўзгартиргичнинг фаол сиртига фокуслайди. Фото ўзгартиргичдан чиққан электр сигналлар информацияларни ишлаш узелига келади. Сигналларни қабул қилишнинг 2 усули — тўғри детекторлаш ва гетеродин қабул усуллари бор.

Таъсир доирасига кўра, О. а. қуйидаги асосий турларга бўлинади: таъсир доираси кичик бўлган очиқ ер усти тизимлари (ер сирти атмосфера қатламларидан ўтувчи нурлардан фойдаланади); берк ёруғлик каналларидан фойдаланувчи ер усти тизимлари (шаҳарлараро алоқа боғлаш, АТС, ЭҲМ орасида алоқа боғлаш учун); яқин космик алоқа линиялари; узоқ космик алоқа линиялари. Очиқ О. а. линиялари Ер б-н космос орасида алоқа боғлаш воситаси сифатида жуда муҳим. Мас., лазер нури ёрдамида 10^8 км масофага секундига 10^5 бит тезлик б-н информация узатиш мумкин (бундай масофага микротўлқин техникаси б-н секундига фақат 10 бит тезлик б-н узатилади). Яримўтказгичли диод нурлатгичлар, ёруғлик толали кабеллар ва яримўтказгичли қабул қилгичлардан фойдаланиб, бир-биридан 10 км гача масофада мингларча телефон каналлари бўлган алоқа магистралларини қуриш мумкин. О. а. системаси магистрал ва ички алоқанинг асосий турларидан бири ҳисобланади.

ОПТИК ГИРОСКОП — жисмнинг айланаётганлигини билишга ва унинг бурчак тезлигини аниқлашга имкон берадиган асбоб. Иши лазер нурларининг гироскопиклик хоссаларига асосланади (қ. *Гироскоп*). О. г.нинг датчиги (қ. *Датчик*) вазифасини халқасимон *лазер* ўтайди. У умумий ёруғлик канали бўйича тор монохроматик ёруғлик дас-талари тарзида тарқалиб, бир-бирига рўпара ҳаракатланаётган икки ёруғлик тўлқинларини генерациялайди (ҳосил қилади). Ҳалқасимон лазернинг резонатори битта умумий қаттиқ асосга бириктирилган 3 та (ёки кўпроқ) кўзгудан иборат. Бу кўзгулар берк системани ҳосил қилади. Ёруғлик дасталарининг шу кўзгулардан ўтиши фарқи бўйича гироскопиклик хоссалари намоён бўлади.

ОПТИК КВАНТ ГЕНЕРАТОР — атом ва молекулаларнинг мажбурий нурланишига асосланган нур манбаи; ультрабинафша, инфрақизил ва кўзга кўринадиган соҳа диапазондаги нурланишларни ҳосил қилувчи квант генератор. Квант электроникадаги асосий қурилмалардан бири (қ. *Лазер*).

ОПТИК КУЧ — симметрия ўқига эга бўлган *линза* ёки линзалар тизимининг ёруғлик нури синдирувчанлик қобилиятини ифодалайдиган катталик. Тизимнинг фокус масофасига тескари бўлади: $\varphi = n'/f' = -n/f$, бунда n' ва n — тизимнинг орқа ва олд томонидаги муҳитнинг синдириш кўрсаткичи, f' ва f — тизимнинг орқа ва олд фокус масофаси. Шундай қилиб, линзалар тизими (ёки битта линза) ёруғлик нурини қанча кучли синдирса (яъни фокус масофаси қанча кичик бўлса), О.к. шунча катта бўлади. О.к. *диоптрия*да ўлчанади. У кўз диоптикаси ва кўзойнак оптикасида кенг қўлланилади.

ОПТИК ЛОКАЦИЯ — оптик диапазондаги электр-магнит тўлқинлар ёрдамида узоқдаги объектларни топиш, координаталарини ўлчаш, шаклини аниқлаш жараёнлари мажмуи. Оптик локаторлар ёрдамида амалга оширилади. Уларда зондловчи нурлагич сифатида *лазер* қўлланилади. Оптик локаторлар *радиолокатор*ларга нисбатан ўлчаш аниқлигини бир неча марта оширишга имкон беради.

ОПТИК ПЕЧЬ — бирон бир энергия манбаи (мас., Қуёш, кучли лампочка) нинг нур энергиясини қайтаргичлар воситасида тўплаб, кичикроқ (одатда 1 — 30 мм, йирик печларда 350 мм гача) сиртга фокуслаш орқали юқори (1000—5000°) т-ра ҳосил қиладиган қурилма. Нур энергияси манбаига кўра, қуёш печлари (гелиоқурилма), сунъий энергия манбалари (лампочкалар, графит қиздиргичлар, ёй лампалар, ксенон лампалар, плазмавий нурлатгичлар)дан фойдаланиладиган хилларга бўлинади. О.п. таркибига нур тарқатиш манбаи, нур қайтариш қурилмаси, нур оқимини ростлаш қурилмаси ва иш камераси киради. О.п. материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилишда, қийин эрийдиган материалларни суюқлантириш, пайвандлаш ва кавшарлашда, монокристалларни устиришда, рангли металларни аралашмалардан тозалаш (рафинирлаш) ва б. мақсадларда кенг қўлланилади. Яна қ. *Гелиотехника*.

ОПТИК ПРИЗМА — ясси сиртлар б-н чегараланган ва шаффоф материаллардан ясалган жисм. Бундай сиртга тушган нур жисмдан ўтишда синади. О. п.ларнинг дисперсион (спектрал) ва нур қайтариш хусусиятига эга турлари бор. Спектрал О.п.лар ёруғлик *дисперсияси* ҳодисасига асосланади ва кўпинча спектрал қурилмаларда ишлатилади. Ёруғликнинг тўла ички қайтиши ҳодисасига асосланган О.п.лар нур йўналишини ўзгартириш учун оптик тизимларда қўлланилади. Спектрал призмадаги нур йўналишлари 1-расмда кўрсатилган; *BAC* — призманинг бош кесими. Агар BA сиртга турли тўлқин узунлигидаги *MN* параллел нур дастаси тушаётган бўлса, нур *BA* ва *AC* сиртларда синади. Ёруғлик дисперсиясига асосан тўлқин узунлиги катта нур дастаси *PQ* йўналишида, кичиги P_1Q_1 йўналишида чиқади. 2-расмда нур қайтариш хусусиятига эга тўғри бурчакли призма кўрсатилган. Бундай О.п. ёрдамида бирламчи нур дастаси б-н 90° ёки 180° ли бурчак ҳосил этадиган қайтган нур дастасини олиш мумкин.



Оптик призма. 1-расм. Спектрал призмадаги нур йўналиши.

2-расм. Нур қайтарадиган тўғри бурчакли призма.

ОПТИК СПЕКТРЛАР — ультрабинафша (тўлқин узунлиги l < 3800Å), кўзга кўринадиган (7600Å ≥ l ≥ 3800Å) ва инфрақизил (l > 7600Å) нурлар, яъни 100 дан 0,01 микронгача узунликдаги тўлқинлар соҳасини ўз ичига оладиган спектрлар. Кўпинча, спектр нурланувчи манба табиатига қараб ажратилади. Шунга асосан, атом ва молекула ташқи электрон қобиқлари жараёнларида, молекулаларнинг айланма ва тебранма ҳаракатида ҳамда қаттиқ ёки суюқ моддани қиздириш ва *люминесценция* вақтида чиқадиган спектрлар О.с.дир.

О.с. туташ (узлуксиз), чизиқли ва йўл-йўл хилларга бўлинади. Қиздирилган қаттиқ ёки суюқ моддалар туташ О.с. чиқаради; бунда узлуксиз турли (қизил, тўқ сариқ, яшил, кўк, ҳаво ранг, бинафша) спектрлар пайдо бўлади. Юқори т-рада яроқлайдиган газ ва модда буғлари чизиқли ва йўл-йўл О.с. чиқаради. Чизиқли спектрлар айрим чизиқлардан иборат бўлиб, атомларга хос (қ. *Атом спектрлари*). Йўл-йўл спектрлар молекулалар нурланиши бўлиб, ҳар бир йўл алоҳида чизиқли спектрлардан иборат.

О.с. нурланиш ва ютилиш спектрларида ажралади. Нурланиш спектри қаттиқ, суюқ, газсимон модданинг юқори т-ра ёки электр разряди таъсирида ҳосил бўлади. Маълум бир манбадан чиқаётган туташ спектр бирон муҳитдан ўтаётганда ютилиш спектри содир бўлади. *Кирхгоф нурланиш қонуни*га асосан ҳар қандай жисм спектрли нур чиқарса, шундай спектрли нурни ютади. О.с.ни ўрганиш физика, астрономия ва техниканинг кўп соҳаларида, айниқса, атом ва молекула спектрлари қонуниятларини аниқлашда, уларнинг тузилиш назариясини ишлаб чиқишда катта ўрин тутади.

ОПТИК ТАСВИР — бирон бир объект-нинг шу объект чиқараётган ёки қайтараётган ёруғлик нурларига оптик тизим (қ. *Оптик тизимлар*) таъсир қилиши натижасида ҳосил бўладиган тасвири. О.т. ҳақиқий ва тасаввурдаги хилларга бўлинади (расмга қ.). Ҳақиқий О.т. учрашуви нурлар дастаси кесишган нуқтада ҳосил бўлади. Бу тасвирни экранда ҳосил қилиш мумкин. Тасаввурдаги О.т.ни экранда ҳосил қилиб бўлмайди, чунки баъзи ҳолларда оптик тизимдан чиққан нурлар учрашмайди. О.т.да объектнинг қиёфаси ва деталлари бир оз бузилиб чиқади. Бунга *аберрация* сабаб бўлади.



Оптик тасвир. **1.** Линза ҳосил қиладиган A объектнинг ҳақиқий тўнтарилган тасвири. **2.** Линза ҳосил қилган A объектнинг тасаввурдаги A тасвири.

ОПТИК ТЕЛЕГРАФ — ахборотларни семафор алифбоси ёрдамида визуал (кўриб) узатиш системаси. 19-а. 1-ярмида кенг тарқалган. Биринчи О.т.ни 1794 й. ака-ука французлар К. ва И. Шапп Париж б-н Лилл орасига (225 км) қурган. Қўзғалувчан рейкалардан иборат бўлган узатувчи семафор қурилма минорага ўрнатилган. О.т. линияси бир-биридан кўриниб турадиган минораралар тизимидан иборат бўлган. Дунёдаги энг узун О.т. линияси Петербург (Россия)дан Варшава (Польша)гача бўлган (1200 км) линия 1835—54 й.ларда ишлаб турган. Ҳозир О.т. ўрнига радиотелеграф, фототелеграф (факсимил), электр телеграф алоқа қўлланилади.

ОПТИК ТИЗИМЛАР — оптик элементлар (линза, кўзгу, призма, пластинка ва ҳ.к.) мажмуи. Қуйидаги кўрсаткичлар б-н ифодаланади: чизиқли апертура, бурчакли ёки чизиқли кузатиш майдони, оптик катталаштириш ўлчамлари, тасвирнинг сифатлилиги, ажрата олиш қобилияти ва ёруғлик энергиясини тақсимлай олиши. О.т. ёрдамида буюм тасвири фотопластинка, фотоэлемент ва б.да ҳосил қилинади ёки ёруғлик манбаидан чиққан нур дастасининг йўналиши, интенсивлиги ва б. ўзгартирилади.

О.т. кўрсаткичларига тегишли масалалар идеал оптик тизим қонунлари орқали ҳал қилинади. Тасвирнинг сифатлилиги ва ажрата олиш қобилиятида эса О. т.нинг қуйидаги нозик хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади: оптик тизим аберрацияси, дифракцион ҳодисалар, О.т.нинг нотўғри тайёрланганлиги ва ҳ.к. Тасвирнинг сифатлилигини белгилайдиган омиллар сифатида ё кўндаланг тўлқин аберрациянинг қиймати, ёки частота-контраст характеристика катталиги олинади. О.т. кинотехника, *телевидение*, *фотография*, микроскопия, ҳарбий иш ва б. кўп соҳаларда қўлланилади.

ОПТИК ФАОЛЛИК — баъзи моддалар (кварц, скипидар, қотишмалар) ва бошқаларнинг ўзидан ёруғлик ўтказаётганда бугнинг кутбланиш текислигининг айланишини вужудга келтириш хоссаси. Табиий ва сунъий бўлиши мумкин. Оптик фаол моддалар табиий О.ф.ка эга; сунъий О.ф.ни эса ташқи таъсир, мас., ташқи магнит майдони ҳосил қилади. Ёруғлик кутбланиш текислигининг φ бурчакка ўзгариши О.ф.нинг миқдорий характеристикасидир. У муҳитда ёруғликнинг ўтган йўлига ва тўлқин узунлигига тўғри пропорционал. Бундай боғланиш О.ф. дисперсияси дейилади. О.ф. дисперсияси молекула тузилишига, молекулалараро таъсирга, т-ра ҳамда босимга боғлиқ. Суюқлик ва газларда кутбланиш текислигининг ўзгариш бурчаги φ модда қалинлиги l ҳамда концентрацияси c га тўғри пропорционал: $\varphi = [\alpha]lc$, бунда $[\alpha]$ — солиштирма О.ф. коэффициенти дейилади. Кристалларда φ бурчак чизиқли ўзгариб қолмасдан, эллипсоид кутбланиш ҳам рўй беради, бу ҳодиса дихроизм дейилади. О.ф. суюқлик ва газларнинг молекулалари хоссаларини ифодалайди. Бу хоссаларга асосланиб кўпгина моддаларни, айниқса, органик моддаларни аниқлаш мумкин. Шунинг учун О.ф. усулидан физика, кимё, биология ва б. соҳаларда кенг фойдаланилади.

ОПТИК ШИША — ўта шаффоф, кимёвий тургун бир жинсли шиша. Аниқ берилган оптик хоссалари — нур синдириш кўрсаткичи (1,47—2,04) ва *дисперсия* коэффициенти (70—78) сақланган ҳолда тайёрланади. Шу кўрсаткичларига кўра, О.ш. кронларга (кичик синдириш кўрсаткичли ва катта дисперсияли) ёки флинтларга (катта синдириш кўрсаткичли ва кичик дисперсияли) бўлинади. О.ш. оптик асбоб ва буюмлар (кўзойнак, объектив, микроскоп, бинокль ва б.) тайёрлашда ишлатилади.

ОПТИК ЎЛЧОВ АСБОБЛАРИ — физик катталиклар ўлчанадиган асбоблар. Уларга масофа, чизиқли ва бурчак силжишлари ўлчанадиган (мас., оптиметр), т-ра, қуёш радиацияси ўлчанадиган (мас., *актинометр*), моддаларнинг таркиби ва концентрацияси ўлчанадиган (калориметр, нефелометр, поляриметр, *интерферометр*, спектрометр ва б.), фотоэлектр катталиклар ўлчанадиган асбоблар (люксметр, сенситометр, *фотометр*) киради.

ОПТИК ЎҚ, линзанинг оптик ўқи — *линза*нинг нур синдириш сиртлари симметрияси ўқи (тўғри чизиғи); сирт марказидан унга тик ҳолда ўтади. Оптик тизимга кирадиган барча линзаларнинг умумий симметрия ўқи оптик тизимнинг О.ў.и ҳисобланади.

ОПТИКА (юн. optike — кўриш ҳақидаги фан) — физиканинг ёруғликнинг табиатини, ёруғлик ҳодисалари қонуниятларини, ёруғлик б-н моддаларнинг ўзаро таъсирини ўрганадиган бўлими. Ёруғликнинг тўғри чизиқ бўйлаб тарқалиши қадимда Месопотамия ва қад. Мисрда маълум бўлган ҳамда ундан қурилиш ишларида фойдаланишган. Тасвирнинг кўзгуда ҳосил бўлиши б-н мил. ав. 3-а.да *Аристотель*, *Платон*, *Евклид*лар шуғулланишган. О.нинг ривожланиши И. *Ньютон*, Р. *Гук*, Ф. *Грималь-ди*, Х. *Гюйгенс* ва б.нинг ишлари б-н боғлиқ. 11-а.да араб олими Ибн ал-Хайсам (Альгазен) О. тўғрисида рисола ёзган бўлса-да, *ёруғликнинг синиши* қонунини ифодалай олмаган. Фақат 1620-й.ларда бу қонунни тажриба йўли б-н голланд олими В. Снеллиус ва Р. *Декарт* исботлади. 17-а.дан ёруғлик ҳақида корпускуляр ва тўлқин назария-лар пайдо бўла бошлади. Ёруғлик корпускуляр (зарра) назариясининг тар-ғиботчиси Х. Гюйгенс эди.

Ёруғликнинг тўлқин табиати ҳақидаги тасаввурлар М. *Ломоносов* ва Л. *Эй-*

лер томонидан ривожлантирилди. 19-а. бошларида инглиз олими Т. Юнг ва О. *Френель* ишлари ёруғлик тўлқин назариясининг узил-кесил талабасига олиб келди. О. Френель *кристаллооптика* ҳодисаларига тўлқин назариясини қўллади. Т. Юнг *ёруғлик интерференцияси* ҳодисасини кузатди. Бу ҳолиса ёруғлик тўлқин табиатига эга эканлигини кўрсатди. О. Френель ёруғлик интерференцияси асосида ёруғликнинг тўғри чизиқ бўйлаб тарқалишини, турли дифракция ҳодисаларини ва б.ни тушунтирди. Ёруғликнинг синиши ва қайтишида *ёруғликнинг қутбланиши*ни француз олими Э. Малюс кузатди (1808) ва фанга «ёруғликнинг қутбланиши» терминини киритди. М. *Фарадей* ёруғлик қутбланиш текислигининг магнит майдонда бурилишини кашф қилди (1846) ва электромагнетизм б-н О. орасидаги боғланишни, ток кучи электромагнит бирлигининг электростатик бирлигига нисбати ёруғлик тезлигига тенглигини ($3 \cdot 10^{10}$ см/с) топди.

Ж. К. *Максвелл* электромагнит майдон тушунчасини ривожлантирди, ёруғлик ҳам электромагнит тўлқиндан иборат, деган назарияни яратди. У ёруғликнинг электромагнит назариясига асосланиб, ёруғликнинг ҳатто босими бўлишини айтди ва унинг сон миқдорини назарий аниқлади (1873). Унинг назарий текширишлари электромагнит майдоннинг ёруғлик тезлигига тенг тезлик б-н тарқалишини кўрсатди. Итальян олими А. Бартоли эса 1876 й.да ёруғлик босимининг термодинамик асосини яратди. 1899 й.да П. Н. *Лебедев* биринчи бўлиб тажриба йўли б-н ёруғлик босимини аниқлади. 1888 й. да Г. *Герц* вакуумда тарқалаётган электромагнит майдоннинг тезлиги ёруғлик тезлигига тенг эканлигини аниқлади ва Ж. Максвелл назариясини тажриба йўли б-н тасдиқлади.

Ёруғликнинг моддалар б-н таъсирлашувини 19-а. 90-й.ларида жуда кўп олимлар, жумладан, немис олими Э. Друде, Г. *Гельмгольц* ва Г. А. *Лоренти* текширдилар. Лоренти модда ва ёруғликнинг электромагнит назариясини яратди. Шу назария асосида О.даги қатор ҳодисаларни, мас., ёруғликнинг дисперсия ҳодисаси, диэлектрик синг-дирувчанлик ε нинг электромагнит тўлқин узунлиги λ га боғлиқ бўлиши ва ҳ.к.ни текшириш ва тушунтириш мумкин бўлди.

Классик электрон назария айрим оптик ҳодисаларни тушунтириб бера олмади ва назария натижалари тажриба натижаларига, мас., *мутлақ қора жисм*нинг нурланиш спектрида энергия тақсимоти ва б.га мос келмай қолди. Бундан қаноатланиш бартараф қилиш учун М. *Планк* ёруғликнинг квант назариясини яратди (1900). О.нинг кейинги ривожланиши *квант механика* назариялари б-н боғлиқ. *Фотоэффект* ҳодисаси учун Планк назариясини А. *Эйнштейн* ривожлантириб, ёруғлик кванти — *фотон* тушунчасини фанга киритди (1905). Ёруғликнинг электромагнит назарияси *нисбийлик назарияси*нинг яратилишига мос бўлди.

О. шартли равишда геометрик О. ва тўлқин О.сига, физиологик О., ночизиқли О. ва б. хилларга бўлинади. Геометрик О.да ёруғликнинг қайтиши ва синиши қонунлари асосида, яъни икки муҳит чегарасида ёруғликнинг синиши ва қайтиши натижасида объектларнинг тасвири ҳосил бўлишини тушунтириш мумкин. Унда *фотометрия*, ёруғлик оқими, ёруғлик кучи, *ёритилганлик* ва ёруғликни миқдорий ифодаловчи бошқа катталиклар қаралади. Геометрик О. фотометрия б-н бирга О. техникаси, яъни оптик асбоблар назарияси ва рационал ёритиш, ёруғлик дастасини тақсимлаш ва йўналтириш таълимотининг илмий асослари б-н ҳам шуғулланади.

Тўлқин О.сида *интерференция*, *дифракция* ва ёруғликнинг қутбланиши каби ёруғлик табиати б-н боғлиқ бўлган ҳодисалар ўрганилади. Бу ҳодисалар назарияларининг ривожланиши ёруғлик табиатини тўла очиб бериш б-н бирга, ёруғликнинг қайтиши ва синиши қонунларини ҳам тушунтириб бера олди. Ёруғликнинг модда б-н таъсири туфайли қар хил эффектлар — механик (ёруғлик босими, *Комптон эффекти*), хусусий оптик (ёруғликнинг сочилиши, фотолюминесценция), электр (фотоэлектр ҳодиса), кимёвий (фотокимё ва фотография эффектлари), шунингдек, ёруғликнинг ютилиши ва сочилиши, иссиқлик нурланиши ва б. кузатилади.

Ёруғликнинг ютилиши ва сочилиши ранг ҳақидаги таълимот асосини ташкил қилиб, рассомлик санъатида кенг ишлатилади. Мас., тиниқ бўлмаган муҳитда ёруғликнинг сочилиши фотолюминесценция учун асос бўлиб хизмат қилади. *Люминесценция* ҳодисаси ҳозирги замон газ разряд ва люминесценция ёруғлик манбаларини яратиш мақсадида қўлланилади. Бу ёруғлик манбалари электр энергиясини анча тежайди. Улардан люминесценцияланувчи экранлар тайёрлашда фойдаланилади. Бу экранлар рентгенология, телевидение, ўлчов асбоблари ва ҳарбий техникада ишлатилади. Фотоэлектр ҳодисага асосан ўлчов асбоблари, ҳар хил ёруғлик релелари ихтиро қилинди. О. техникаси ва машинасозликда металл ёки объектни назорат қилиш ёруғлик интерференцияси ҳодисасига асосланган. *Ёруғлик дифракцияси* ҳодисаси архитектура акустикасида ультратовуш тўлқинларни оптик қайд қилишга имкон беради. Рентген нурларининг молекулалар, аниқроқ, кристаллардаги дифракцияси моддалар структурасини таҳлил қилишда муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Физиологик О.да одам кўзининг оптик хусусиятлари, кўз нуқсонларини оптик воситалар (*кўзойнаклар*, *линзалар* ва б.) ёрдамида тўғрилаш, кўз касалликларининг келиб чиқишига кўз оптик хусусиятлари бузилишининг таъсири ва б. масалалар ўрганилади.

О.нинг амалий қўлланиш соҳаси кенг, мас., спектрал таҳлил соҳасида атом ва молекулаларнинг спектрини текшириш натижасида моддаларнинг тузилишини аниқлаш мумкин. Спектрал таҳлил астрономия, геол., биол., тиббиёт, тупроқшунослик, санъатшунослик ва криминалистика ишларида, металлургия, машинасозликда, нефть, кимё саноати, енгил саноат, геологияқидирув ишлари ва б. да қўлланилади.

Ўзбекистон ФА таркибида акад. П. Қ. Хабибуллаев раҳбарлигида «Иссиқлик физикаси» бўлимининг ташкил қилиниши (1977) республикада О.нинг замонавий фундаментал йўналишлари бўйича и.т.нинг кенг ривожланишига асос яратди. Жумладан, лазер О.си, молекуляр тизимлар физикаси, конденсатланган муҳитлар О.си, спектроскопия, тўлқин жараёнлар физикаси ва б.га оид и.т. ишлар бажарилди. Бўлимда моддалар юқори т-ратуравий синтези, структураси ва хоссаларини лазер нури б-н бошқаришнинг янги усуллари ишлаб чиқилди ва уларнинг механизми, лазер нурининг атомар муҳитлар б-н таъсири ўрганилди (Д. Т. Алимов). 5 — 1000° ва 80 — 2000° т-ра интервалида ишлайдиган пирометр (А. Э. Алиев), инфрақизил жисмнинг нурланишини қайд қилишда ишлатилиши мумкин бўлган янги тур приёмник яратилди (А. Т. Мамадалимов, А. С. Зокирова ва Х. Т. Этамбердиев). Конденсатланган муҳитлар оптикаси соҳасида ўта тоза шаффоф муҳитларда лазер нурининг тарқалиши б-н боғлиқ оптик ҳодисалар ўрганилиб, унда янги ҳодиса — тезкор кенг полосали люминесценция топилди. Ночизиқий модуляцион нур толалар О.си яратилди (М. А. Қосимжонов, Э. А. Зоҳидов ва С. С. Қурбонов). Лазер спектроскопияси соҳасида но-

чизиқий муҳитларда лазер нурининг аномал сиқиши ва ўз-ўзидан фокусланиши ҳодисалари кашф қилинди (Г. Усмонов, С. А. Ахмедова), тиббиёт-да ва ишлаб чиқаришда кенг қўлланиладиган экспресс-лазерлар яратилди (Г. У. Арсланбекова). Мунтазам ёйр жисмли бўлмаган муҳитларда нурлар тарқалишини моделаси аниқланди (С. С. Абдуллаев). Шунингдек, ЎзМУ ҳамда СамДУ физика ф-тларида қаттиқ ва суюқ бомонжой муҳитлар структурасини ҳамда улардаги релаксациянинг жараёнларини оптик усуллар б-н ўрганиш соҳасида кенг қўламли тадқиқотлар олиб борилди (Б. М. Носенко, А. А. Аникеева, Ш. О. Отажонов, У. В. Валиев — ЎзМУ; А. Қ.Отажўжаев, Ф. Х. Тухватуллин, Л. М. Собиров, А. Жумабоев ва б. — СамДУ).

Ад.: Борн М., Вольф Э. Основы оптики [пер. с англ.]. М., 1973.

Ярлақ Назаров

ОПТИМЕТР (юн. optos — кўринувчи ва ...*метр*) — чизиқли ўлчамларни ўлчайдиган асбоб; ричагли-оптик механизм ёрдамида нисбий усулда ўлчайди. Механизмда ричагли узатгич сифатида тебранма кўзу, оптик ўзгартиргич сифатида автоколлимацион (фокусдан чиққан ёруғлик нурини автоматик тарзда яйд фокуста қайтарувчи) найча қўлланилади. Биринчи марта (1837 й.) немис муҳандиси Н. Сакстон ўлчаш асбобларида тебранувчи кўзгудан фойдаланган. 1925 й. Германияда автоколлимацион кузатиш трубаси ва тебранувчи кўзгудан фойдаланиб О. тайёрланган. Кейинчалик бундай асбоб анча такомиллаштирилган. О.нинг вертикал ва горизонтал хиллари бор. Кузатиш трубасида ўлчаш натижаси оқуляр ёки проекцион усулда ҳисобга олинади. О. трубасининг шкаласи 1 мкм ли бўлинмаларга бўлинган, шкала бўйича ўлчаш чегараси ± 100 мкм. Бўлинмаларнинг қаймати 0,2 мкм, ўлчаш чегараси 25 мкм бўлган О. ультраоптиметр дейилади. О. калибр, ясси-параллел плиталар ва б.нинг чизиқли ўлчамларини ўлчашда ишлатилади.



Оптиметр. Проекцион ҳисобдагичли оптиметр схемаси: *1* — лампа; *2* — шкала ва индексли пластина; *3* — экран; *4* — проекцияловчи кўзгу; *5* — кўзгалмас кўзгу; *6* — тебраниб турувчи кўзгу; *7* — ўлчаш стержени.

ОПТИМИЗМ (лот. optimus — энг яхши) — дунёга ижобий омил, яхшилик ҳукмронлик қилади деган тасаввур. Бу атама мавжуд дунёнинг «энг яхши дунё сифатида» яратилганлиги тўғрисидаги Г. В. *Лейбниц* таълимотини ифодалаш учун жорий қилинган. Пессимизмнинг зидди. Ўрта аср Шарқи ҳамда Европада Уйғониш даври гуманизмининг вакиллари, 18-а. француз маърифатчиларининг дунёқараши О. руҳи б-н суғорилган эди. Улар «ақлга мувофиқ ижтимоий тузумга эришиш мумкин деб ҳисобладилар. Умуман О. тарафдорлари ўзлуксиз тараққиётга ишонадилар, келажакка ишончи б-н қарайдилар. Одамларни ҳаётни севишга, инсон ақл-идрокини кенгайтиришга, илм-маърифатга ўришишга даъват қиладилар.

ОПТОЭЛЕКТРОНИКА (*оптика* ва *электроника*) — ёруғлик ва электр усулларидан фойдаланиб ахборотларни ишлаш, сақлаш ҳамда узатиш масалалари б-н шуғулланиладиган *электроника* бўлими. *Радиоэлектроника* ва *ҳисоблаш техникасининг* тараққиёт босқичини сифатида юзага келди.

О. яримўтказгич ва вакуум электроникаси сифатида ахборотларни ишлаш, сақлаш ҳамда узатиш масалаларини ечишда ноанъанавий ёндашувларни ўзлаштирди. Ахборотларни ишлаш, сақлаш ва узатиш ўзининг янги принципларини ва усулларини, оптик ва электрон техникаси тизимини тузишнинг янги принципларини ва усулларини, оптик алоқа, ахборотларни эслаб қолиш ва ишлаш когерент О. б-н боғлиқдир. Оптроникаларнинг ривожланиши ёруғлик манбалари ва фотоприёмникларидан тўғри фойдаланишга асосланган. Оптрон схемалар тузилиши жиҳатидан ярим ўтказгичларга нисбатан ниҳам ва содий бўлади. Оптроникаларнинг асосий элементи — оптрон. У электр ва оптик сигналларни кучайтириш ва ўзгартириш, алмаштириб улаш, модуциялашлаш ва б.ни бажаради.

ОПТРОН — ёруғлик сигналларини кучайтириб ёки ўзгартириб берадиган асбоб. Ёруғлик нурлатгичи ва фото қабул қилгичдан иборат. О. элементларни ўзаро оптик, электр ёки аралаш усулда уланади. Ёруғлик нурлатгичида киручи электр сигналлар ёруғлик сигналларига айланади ва оптик канал орқали фото қабул қилгичга узатилиб, унда электр сигналларига айланади. Нурлатгич сифатида, одатда, ярим ўтказгичли ёруғлик нурлатувчи диодлардан; оптик каналининг оралиқ муҳити сифатида оптик елимлар, шишалар, толали ёруғлик ўтказгичлар, ҳавоdан; фото қабул қилгич сифатида фотодиод, фоторезистор, фототранзистор ва б.дан фойдаланилади. О. радиоэлектроника ва ҳисоблаш техникасида ишлатилади.

ОПЦИОН (нем. option — танлаш, истак) — сотувчи ёки харидорга қимматли қоғозлар ёки товарларни муайян муддат давомида белгиланган нархларда сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини берадиган шартнома. Фьючерс О. биржа битишуви турларидан бири бўлиб, товарни кейинчалик биржада қайта сотиш мақсадида харид қилинади.

ОРАЗ (араб. — чеқра) — 1) *Ўн икки мақом* тизимидаги шўъба номи. *Шашмақом*нинг Наво ва Дугоҳ мақомларининг Наср шўъбаларидан иборат (Ораzи Наво ва Ораzи Дугоҳ). Бу шўъбалар асосида О. *мавҳи* яратилган; 2) *сурнай* йўлларидан бири.

ОРАЛИҚ (тиббиётда) — одам дум суягининг учи ва қуймич дўмбоқлари оралиғида ётган юмшоқ тўқималар йиғиндиси. Тўғри ичакнинг пастки бўлаги, сийдик чиқариш канали (уретра)нинг бошланғич қисми (аёлларда қин ҳам) О.дан ўтади.

ОРАЛИҚ ЗОНА. Қатор ороллар зонаси — Ернинг энг йирик глобал морфоструктураларидан бири, материкнинг сув остидаги чети б-н океан қаъри ўртасида жойлашган. Одатда, чекка денгизларнинг ўринлари, қатор ороллар ва чуқур сув новларидан иборат (Тинч океанининг шим. ва ғарбий қисмлари, Атлантика океанидаги Карибий ва Скошa (Скотия) денгизлари атрофлари, Ҳинд океанининг шим.-шарқий четлари). О.нинг рельефи хилма-хил (чуқур сув ости новларининг чуқ. 11 км гача, қатор ороллардаги баъзи вулкан чўққиларининг бал. 5–7 км гача), магнит ва гравитация

майдонлари бир-биридан кескин фарқ қилади, Ер пўсти вертикал ҳаракатларининг тезлиги катта ва кескин дифференциацияланган. О.э. ҳозирги замон вулканизми, интенсив сейсмик ва тог ҳосил бўлиши областига киради.

ОРАЛИҚ МИЯ — бош мия сопининг таламус (кўриш дўмбоғи), метаталамус (кўриш дўмбоғи орти соҳаси), гипоталамус (дўмбоқ ости соҳаси), эпиталамус (дўмбоқ усти соҳаси) ва субталамус (таламус ости соҳаси) жойлашган қисми. О.м.да *вегетатив нерв системасининг* марказлари бор.

ОРАЛИҚ ХЎЖАЙИН (биологияда) — 1) вояга етмаган паразитлар яшайдиган ҳайвон организми. О.х.дан сўнг паразитнинг ривожланиши асосий хўжайинда давом этади, мас., безгак паразити учун одам О.х., безгак чивини асосий хўжайин бўлади. Одам организми (эритроцитлар)да паразит кўп марта бўлиниш орқали кўпаяди. Жигар қурти учун сув шиллиғи О.х., сут эмизувчи ҳайвонлар ва одам асосий хўжайин ҳисобланади. Чунки жигар қуртининг личинкаси сув шиллиғи танасида маълум вақт ривожланади, лекин фақат сут эмизувчилар жигари ўт йўлларига ўтгандан кейин вояга етади ва тухум қўйиб кўпая бошлайди. Паразитнинг ривожланиш циклида бир неча О.х. бўлиши ҳам мумкин. Мас., ланцетсимон сўрғичлининг 1-О.х.и қуруқликда яшовчи шиллиқлар, 2-О.х.и чумолилар ҳисобланади. Айрим паразитлар (жигар қурти, эхинококк) личинкалик даврида О.х. организмида кўпайиши мумкин. 2) занг замбуруғларининг маълум ривожланиш даври ўтадига ўсимлик. Бу замбуруғларининг кўпчилиги О.х.да споралар ҳосил қилиб, ўсимликнинг ривожланишига зарар келтиради.

ОРАЛИҚ ЭКИНЛАР — *алмашлаб экиш* тизимидаги асосий экинлар ҳосили йиғиб олингандан кейин экиладиган қўшимча экинлар. Интенсив алмашлаб экишда бир йилда 2 —3 марта ҳосил олиш имконини беради, тупроқни эрозиядан асрайди. Ўрта Осиёнинг суғорма деҳқончилик минтақаларида жавдар, арпа, сули, нўхат, шабдар, кузги индов, хантал, берсим ва бошқалар О.э. ҳисобланади. О.э. баҳорда кўк озуқа учун ўриб олинади, ўрнига асосий экин тариқасида маккажўхори, жўхори, суданўт ва б. экилади. О.э.нинг зичлашган экин, аралаш экин, кўкат ўғит, қўшма экин, кулис экин, иккинчи экин деб аталувчи турлари бор. О.э. туфайли ҳар га ердан олинадиган маҳсулот миқдори ортади, тупроқ унумдорлиги ошади.

Ўзбекистонда О.э.ни етиштириш учун ниҳоятда қулай шароит мавжуд: кўкиш-эрта баҳор мавсумларида 1000 — 1500° иссиқлик тушади. О.э. етиштириш учун эса 540 —900° ҳарорат талаб этилади. Шу давр ичида О.э. 1 га ерда 300 —600 ц кўк масса ҳосили, бундан ташқари, 4 —6 тонна қуруқ ҳосилни илдизпоя қолдиғи тўплайди. Ўзбекистоннинг суғорма деҳқончилик ерларида О.э.ни экиш ҳисобига 2,7 —3,0 млн. т қўшимча озуқа бирлиги етиштириш мумкин. О.э. икки мавсумда — биринчиси авг.да, иккинчиси окт.да экилади.

ОРАН — Жазоирнинг шим.-гарбий қисмидаги шаҳар. Оран вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 650 минг кишидан зиёд (1990-й.лар ўрталари). Йирик транспорт ва савдо-саноат маркази. Порт (четга вино, альфа ўсимлиги ва бошқа қ. х. хом ашёси чиқарилади). Озиқ-овқат, металлсозлик, кимё, ойна-шиша, металлургия, тўқимачилик, цемент саноати корхоналари мавжуд. Ҳунармандчилик ривожланган. Ун-т, ислом санъати музейи бор. Шаҳарга 10-а.да асос солинган. Меъморий ёдгорликларидан қад. қалъа қолдиқлари, масжид (18-а.) сақланган.

ОРАН ҚАЛЪА, Орен қалъа — Озарбайжондаги ўрта аср шаҳар харобаси (5 —13-а.лар). *Байлақон* ш. харобаси. 1953 й.дан Озарбайжон археологик экспедицияси томонидан қазишма ишлари олиб борилган. Майд. 36 га. Мудофаа деворлари, минорлар, турар жойлар, ҳаммомлар, хумдонлар ва б. қолдиқлар топилган.

ОРАНГЛАУТЛАР (малайча orang — laut, айнан — денгиз одами) — Жан.-Шарқий Осиёнинг денгиз кўчманчилари, денгиз лўлилари, денгиз халқлари (бажао, маукенлар, иллаунлар, обианлар ва б.). Балиқ овлаш ва денгизчилик б-н шуғулланадилар. 40 минг кишидан зиёд (1992). Малайя ва б. тилларга сўзлашадилар.

ОРАНГУТАНЛАР (Pongo) — одамсимон маймунлар уруғининг ягона тури (оддий орангутан). Эркаги гавдасининг уз. 1,5 м гача, вазни 200 кг

Орангутан.

гача, урғочилари кичикроқ. Орқа оёқлари калта, олдингиларидан жуда узун бўлиб, орқа оёқ кафтидача етади. Мускуллари кучли ривожланган, гавдаси сийрак жун б-н қопланган; елкаси ва бошидаги жунлари узун; соқол ва мўйловлари бор. Боши баланд; юзи кенг; кўзлари бир-бирига яқин жойлашган. Қулоқлари, кўзлари ва бурни кичик. Юқори лаби қалин, тишлари йирик. Суматра ва Калимантан о.нинг ботқоқлашган тропик ўрмонларида яшайди. Дарахтда ҳаёт кечиради, ерга деярли тушмайди. Кечаси дарахт шохларида тунаш учун ин қуради. Меваларқуш болалари ва тухумлари б-н озиқланади. Урғочиси ва эркаги алоҳида яшайди. Туғилган боласнинг вазни 1,5 — 2 кг, онасини 3 —4 йил эмади. О. 30 йилгача яшайди. Ўрмонларнинг кесиб кетиши ва браконьерлар ови туфайли О. сони жуда камайиб кетган.

ОРАНЖ (голланд шаҳзодаси Оранский номидан) — Жан. Африкадаги дарё. Лесото, ЖАР ва Намибия ҳудудларидан оқиб ўтади. Уз. 1860 км, ҳавзасининг майд. 1020 минг км². Драконтоғларининг гарбий ён бағридан, 1360 м баландликдан бошланиб, Баланд Венд қўрғоқчил зонаси ва Кап платосидан оқиб ўтади. Бу ерда даралар ҳосил қилган. Атлантика океанига қуйилади. Қўрғоқчил жойлардан ўтган қисмида ўзани ёзда баъзан қуриб қолади. Юқори ва ўрта оқимида остона ва шаршаралар бор. Қуйи қисми (97 км) текисликдан оқади. Ёғингарчилик мавсуми (нояб. —март)да дарё тўлиб оқади. Йиллик ўртача сув сарфи 200 м³/сек. Суви лойқа. Океанга йилига 15 км³ сув, 153 млн. т оқизиқ келтиради. Сув сарфи йилдан-йилга ўзгариб туради. Дарёдан суғоришда, шаҳарларни сув б-н таъминлашда фойдаланилади. О.да гидроэнергетика иншоотлари қурилган.

ОРАНЖЕРЕЯ (франц. orange — апельсин) — муайян жой иқлимининг очиқ ҳавосида ривожлана олмайдиган ўсимликларни ўстириш ва сақлаш учун мўлжалланган ойнаванд бино, унда зарур намлик, ҳарорат ва ёруғлик шароити яратилади. Ўзбекистон шароитида кўчатлар, цитрус, резавор мевали ўсимликлар, гуллар ва б.ни қишда ўстириш учун ҳам, кўпинча, О.дан фойдаланилади.

ОРАОНЛАР (ўзларини — курукх деб аташади) — Ҳиндистондаги халқ (2 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). 10 мингдан ортиқ киши Бангладешда яшайди. Дравидий оиласига мансуб тилда сўзлашади. Диндорларининг аксарияти анъанавий эътиқодларга риоя этишади, бир қисми — христианлар.

ОРАСЛИ Ҳамид Муҳаммадтаги ўғли (1909.23.2, Ганжа — 1983.21.11, Боку) — озарбайжон адабиётшуноси. Озарбайжон ФА акад. (1968), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1968), филол. фанлари д-ри (1954), проф. (1955). Озарбайжон пед. ин-тининг Тил ва адабиёт ф-тини тугатган (1931). Озарбайжон ФА Адабиёт ва тил ин-тида бўлим мудири (1938—65). Низомий номидаги Адабиёт музейи директори (1950—68).

О.нинг асосий илмий фаолияти Низомий ва Фузулийларнинг ҳаёти, ижодининг тонгвий-балиий хусусиятлари, Шарқ адабиётида тутган ўринларига бағишланган. О.нинг илмий мероси бир адабиёт доирасида бўлмай, бошқа халқлар адабиёти, хусусан, ўзбек, турк, эрон, араб, туркман, грузин халқлари адабиётлари ўртасидаги кўп асрли алоқалар ҳамда уларнинг ички ривожланиш қонуниятларини очиб беришга кўмакланган. О. Алишер Навоий тавалудининг 500 йиллигига тайёргарлик ишлари муносабати б-н 1939 й.да биринчи марта Тошкентга келган. Кейинчалик, 60—70-й.ларда Ўзбекистонда ўтказилган навоийшунослик ва навоийшунослик анжуманларида фаол иштирок этиб, Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақидаги озарбайжон, ўзбек ва рус тилларида ёзган мақола ва маърузалари б-н улуг ўзбек шоири ва мутафаккирининг бой адабий ҳамда илмий меросининг кам ўрганилган муаммоларини илмий асосларда ёритиб бериш ва ушбу меросни Кавказ, Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатларида ўрганиш ва тарғиб этишда филофиик кўрсатган.

О. халқ оғзаки ижодининг ҳам йирик тадқиқотчиларидан. Унинг «*Китоби дадам Қўркут*», «Кўрўғли» достони ҳақидаги тадқиқотлари, «Ашуқ ижодиёти» монографияси (1960) бошқа туркий халқлар, жумладан, ўзбек фольклори намуналарини ўрганишда муайян аҳамиятга эга.

Абдуқодир Ҳайитметов.

ОРАСОЙ ТЕКИСЛИГИ — Бахалтоғ ва Қоратог оралиғи (Навоий ва Бухоро вилоятлари)даги текислик. Баландлиги шарқий қисмида 800 м, гарбий қисмида 300—400 м бўлиб, Қизилқум чўлига туташиб кетган. Текислик тўртламчи проловиал, қисман делювиал ётқизиқлардан ташкил топган. Оч бўз тупроқларда яйлов сифатида фойдаланилади.

ОРАТОРИЯ (лот. oratorium — ибодатхона) — яккахон хонандалар, хор ва оркестр учун яратилган,одатда, драматик сюжетга асосланган йирик мусиқа асари. 16—17-а.ларда Италияда диний мусиқа жанри сифатида юзага келган. *Опера* ва *кантата* б-н деярлик бир давр (16—17-а.ларда Италияда шаклланган. Лекин кантатадан йириклиги, муайян сюжетга асосланганлиги, операдан эса драматик ривож ўрнига баён хусусиятлари етакчилиги б-н ажралиб туради. О.нинг кенг кўламли мумтоз намуналарини Г. *Гендель* яратган. У ўз О.ларидада, асосан, Инжил мавзуларига таянib, халқ ва унинг қаҳрамонларини мадҳ этган. О. Европа композиторлари (И. С. Бах, Й. Гайдн, Г. Берлиоз, Ф. Лист, Р. Шуман, А. Онеггер, П. Дессау, К. Пендерецкий, Ю. Шапорин, А. Шнитке ва б.) ижодидан кенг ўрин олган. Марказий Осиё мамлакатларида К. Молдобосанов (Қирғизистон), Г. Жубанова (Қозоғистон) ва б.нинг О.лари машҳур. Ўзбекистонда Ю. Шапорин, Ф. Янов-Яновскийнинг «Нақшбандия», М. Бафоевнинг «Бухоронома», «Чили», «Ҳажнома» каби О.лари таниган.

Тўхтасин Ғафуровсон.

ОРБИТА (лот. orbita — йўл, из) — ихтиёрий табиий ёки сунъий космик жисм ҳаракатининг тўла йўли. Хусусан, Қуёш системасининг ҳар бир жисми (сайёралар ва уларнинг йўлдошлари, кометалар, астероидлар, космик аппаратлар), юлдузлар ва галактикалар ўз О.лари б-н аниқ фарқланади. Шу маънода фанга О. элементлари тушунчаси киритилган. Космик жисмнинг исталган вақтдаги ўрнини ва унинг О.си фазодаги вазиятини тўла аниқлаш учун О.нинг 6 та элементи кузатишлар ёрдамида топилади. Мас., ихтиёрий сайёра учун унинг О.си элементлари қуйидагилар: сайёра О.си текислигининг экслиптикага қиялиги, О. катта ярим ўқи, О. эксцентриситети, О. перигелий нуқтасининг чиқиш тугунидан узоқлиги, чиқиш тугунини баҳорги тенгкунлик нуқтасидан узоқлиги, сайёранинг перигелий нуқтадан ўтиш пайти.

«ОРБИТА» — Ердаги космик алоқа ст-яларининг шартли номи. Телевидениенинг оқ-қора ва рангли дастурларини ретрансляция қилиш учун алоқа йўлдошларидан фойдаланилади. Дастлаб (1967 й.) собиқ СССР Марказий телевидениесининг дастурларини узатиш ва ретрансляция қилиш учун космик алоқа тизимида дециметрли тўлқинларда ишлайдиган «Молния-1» сунъий йўлдошидан фойдаланилган. Ҳозир (2003 й.) ишлаб турган космик алоқа тизими «Молния-О» номи б-н юритилади. «О.» телевизион дастурларини трансляция қилиш б-н бирга бошқа хил информацияларни икки томонлама узатиш ва қабул қилиш учун ҳам хизмат қилади. «О.»нинг ердаги марказий ст-я тармоқлари орқали узатилган телевизион сигналларини «Молния» алоқа йўлдошлари қабул қилиб, кучайтиради ва яна Ерга узатади. Ерда қабул қилинган сигналлар туташтириш линиялари бўйича маҳаллий телемарказларга келади, у ердан эфирга узатилади.

ОРБИТА — қ. *Кўз косаси.*

ОРБИТАЛ СТАНЦИЯ — Ер, бошқа сайёра ва Ой атрофидаги орбитада узоқ вақт фаолият кўрсатиш учун мўлжалланган бошқариладиган ёки автоматик космик аппарат. О.с.ни орбитага йиғилган ҳолатда чиқариш ёки орбитанинг ўзида йиғиш мумкин. О.с.да Ер ва космик фазо тадқиқ қилинади, тиббий-биологик, техник экспериментлар ва б. илмий-амалий ишлар ўтказилади. «Салют» ва «Мир» (Россия), «Скайлэб» (АҚШ) ва б. космик аппаратлар О.с. ҳисобланади.

ОРГАН (юн. organon — қурол, асбоб) — дамли клавишли мусиқа чолғу асбоби. Турли ўлчамдаги (ёғоч ва металл) трубалар тўпламидан, пневматик тизим (ҳаво ҳайдовчи қурилма ва ҳаво ўтказгичлар)дан ва бошқариш минбаридан ташкил топган. Бир қанча клавиатуралари — мануаллари (қўл б-н босиш учун) ва педаллари (оёқ б-н босиш учун) бўлади. 14-а.дан О. Гарбий Европада аввал черков, кейинчалик дунёвий чолғу асбоби сифатида кенг тар-қалган. Асосан, якканавоз мусиқа асбоби сифатида ишлатилади. Ж. Фрескобальди, Ф. Куперен, Г. Пёрселл, Я. Свелинк, И.С.Бах, Ф. Мендельсон, Ф. Лист, М. Регер, С. Франк, 20-а.да Б. Бриттен, П. Хиндемит, О. Мессиан, А. Овеггер ва б.нинг О. учун яратган асарлари машҳур. Ўзбекистонда О. учун бирончи асарларни Г. Мушель ёзган (Сюита, 1947; Орган ва виолончель учун поэма, 1948 ва б.). Ўзбекистон давлат консерваториясида О. синфи мавжуд. Ўзбекистон ижрочиларидан Р. Каримова, Т. Левина ва б. танилган.

Орган.

ОРГАН ВА ТЎҚИМАЛАРНИ КЎЧИРИБ ЎТКАЗИШ — қ. *Трансплантация.*

ОРГАНЕЛЛАЛАР (юн. organon — қурол, асбоб, орган) — энг содда организмлар «органлари»; ҳаракат қилиш ва қисқариш, ретенция, ҳужум қилиш ва ҳимояланиш, овқат ҳазм қилиш, экскреция ва секреция каби турли функцияларни бажаради. Кўпинча «О.» термини органоидлар синоними сифатида ишлатилади.

ОРГАНИЗМ (лот. organizo — ҳушбичим қиламан) — жонсиз материядан бир қанча хусусиятлари б-н фарқ қиладиган тирик мавжудот. Кўпчилик О.лар ҳужайра тузилишига эга. Яхлит О.нинг шаклланиши шундай жараёнки, *онтогенез* ва *филогенез*да структуралар (ҳужайралар, тўқималар, органлар) ва функциялар дифференцияси ва интеграцияси содир бўлади.

ОРГАНИЗМЛАР СИСТЕМАСИ — Ер юзида мавжуд бўлган ва қирилиб кетган организмлар системаси. Тирик организмларнинг 2 млн.дан ортиқ (баъзи маълумотларга кўра, 2,5—3 млн.га яқин) тури мавжуд. Замонавий систематика турлар ўртасида қариндошлик муносабатларини намоён қиладиган турдан ва кенжа турлардан бошлаб энг юксак таксонлар — синфлар, бўлимлар (типлар) ва дунёларгача бўлган даражада ишлаб чиқиладиган филогенетик, яъни эволюцион системани тузишга ҳаракат қилмоқда. Аммо 19-а. лаёқ айрим олимлар барча бир ҳужайралилар ёки ҳатто тубан организмлар (сода ҳайвонлар, сув ўтлари, тубан замбуруғлар)ни мустақил дунёга ажратишни, айрим микологлар эса замбуруғларга алоҳида дунё сифатида қарашни таклиф этишган. Шунга қарамай, 20-а. ўрталаригача органик олам фақат ўсимликлар ва ҳайвонлар дунёсига ажратиб келинди. Фақат 20-а. ўрталарида электрон микроскопия ва *молекуляр биология*нинг ривожланиши б-н юксак таксонлар системасини бутунлай янгидан қайта ишлаб чиқиш бошланди.

Ҳоз. тирикликнинг энг йирик бўлимлари *вируслар* ва ҳужайрали организмлар ҳисобланади. Ҳужайрали организмлар *прокариотлар* ва *эукариотлар*га ажратилади. Прокариотларга *бактериялар* ва *кўк-яшил сувўтлар* киради. Уларнинг ядро мембранаси, микронайчалари, актиномиозин қаракат системаси бўлмайди; генлари оперон, РНКси полистрон ҳолида ташкил топган; рибосомалари жуда майда (70S) бўлади. Прокариотларнинг ҳалқа шаклидаги ягона хромосомаси цитоплазмада эркин жойлашган; уларда трансляция ва транскрипция биргаликда боради. Пептидогликанли ҳужайра девори, бактериал флагеллинли хивчин ва газли вакуола прокариотлар учун хос. Эукариотларга содда ҳайвонлар, сувўтлар (кўк-яшил сувўтлардан ташқари), замбуруғлар, кўп ҳужайрали усимликлар ва ҳайвонлар киради. Уларядроси мембрана б-н ўралган. Цитоплазмасида микронайчалар ва актиномиозинли ҳаракат системаси бўлади (силлиқтоп, жгутиқтоп, амебасимон ҳаракатланиш ва б. цитоплазматик ҳаракатланишни юзага келтиради). Трансляция ва транскрипция алоҳида боради; РНКси моноцистронли, рибосомалари йирик, хромосомалари кўп чизиқли, хроматини нуклеосома тарзида; митоз орқали кўпаяди. Эукариотлар ҳужайрасининг нафас олиши митохондрияларда, фотосинтез эса хлоропластларда боради. Эукариотлар хивчини бир хил типда мураккаб тузилган. Уларнинг бир қанча органоидлари, мас., митохондрилар ва хлоропластларнинг келиб чиқиши эндосимбиотик бактериялар б-н боғлиқ бўлиши мумкин.

Прокариотлар ва эукариотлар органик оламнинг 2 та катта дунёси ҳисобланади. Прокариотлар катта дунёси 2 та дунё — эубактериялар ва архебактерияларга ажратилади. Улар, асосан, липидлар таркиби бўнича ўзаро фарқ қилади.

Эукариотлар системасига 2 хил ёндошув мавжуд. 1-хил ёндошувга кўра, эукариотлар 4 дунёга, хусусан, кўп ҳужайралилар бир-биридан яхши фарқ қиладиган монофилик 3 дунёга: кўп ҳужарали ҳайвонлар (Metazoa), юксак кўп ҳужайрали қуруқлик ўсимликлари (Metaphyta)га ва юксак замбуруғлар (Eumycota) ажратилади. Қолган барча эукариотлар (бир ҳужайралилар, колониялилар, айрим кўп ҳужайралилар) битта протистлар (Protista) дунёсига бирлаштирилади. Бошқа хил ёндошувга кўра, барча эукариотлар филогенетик жиҳатдан ўзаро тенг бўлган жуда кўп дунёга ажратилади. Агар ҳоз. илмий нуқтаи назардан қаралаётган бўлса, бу хилдаги ёндошувга кўра, 10—15 та эукариотлар дунёсини ажратиш мумкин. Лекин, айниқса, тубан эукариотлар ўртасидаги қариндошлик муносабатларининг ноаниқлиги бунлай системаларнинг ишончли бўлишига имкон бермайди. Шундай қилиб, тубан эукариотлар ўртасида чегара мунозарали масала бўлиб қолмоқда. Ҳамма учун маъқул келадиган О.с. ҳозиргача ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун қар хил манбаларда кўрсатиладиган дунё, кенжа дунё ва типлар (бўлимлар) сони ҳам бир хил эмас. Замонавий О.с.га мисол тариқасида А. Л. Тахтажан, Л. Маргелис, Ж. Корлис, С. Карпов, И. М.Мирабдуллаев ва б.нинг системасини кўрсатиш мумкин. Бу муаллифларнинг системаси асосида О.с. қуйидаги кўринишга эга бўлади:

I. Катта дунё. Прокариотлар (Prokaryota).

1. Эубактериялар (Eubacteria) дунёси.

2. Архебактериялар (Archaebacteria) дунёси.

II. Катта дунё. Эукариотлар (Eukaryota).

1. Протистлар (Protista) дунёси.

2. Кўп ҳужайрали ҳайвонлар (Metazoa) дунёси.

3. Ҳақиқий замбуруғлар (Eumycota) дунёси.

4. Юксак усимликлар (Metaphyta) дунёси.

Ю. Кусакин О. Г., Дроздов А. Л. Филемогенетическое древо живого мира. Часть 2. Санкт—Петербург, 1998. *Маргелис Л.* Роль симбиоза в эволюции клетки. М., 1983.

Исмоилов Мирайдулла.

ОРГАНИЗМНИ ТИРИЛТИРИШ — *Реанимация*.

ОРГАНИЗМНИ ЧИНИҚТИРИШ — организмининг ноқулай иқлим шароитлари (ҳавонинг паст ва юқори ҳарорати, паст атмосфера босими ва б.) таъсирига чидамини оширишга қаратилган тадбирлар. О.ч.ни болаликдан бошлаш муҳим.

Одам организми ўзларига тушаётган ташқи муҳит шароитларига мувофиқлашган ҳолда (қ. *Адаптация*) чиниқиб боради. Бирор омил (совуқ, иссиқ ва б.)нинг мунтазам, кўп марта таъсир этиши ва улар доимий тобора ошира бориш йўли б-н чиниқтирувчи эффектга эришилади, чунки шундай шароитлардагина организмда мосланадиган ўзгаришлар ривожланади: нейрогуморал ва моддалар алмашинуви жараёни такомиллашади, атроф муҳитдаги ноҳуш омиллар таъсирига организмнинг умумий қаршилиги ошади. О.ч.га организмнинг муайян физик омиллар таъсирига сезувчанлигини аста-секин пасайтириш орқали эришилади. Чунончи, маълум даражадаги совуқ б-н мунтазам таъсир кўрсатиш, асосан, паст ҳарорат таъсирига, иссиқ б-н таъсир кўрсатиш эса юқори ҳарорат таъсирига чидамлигини оширади. Организмнинг совуққа чидамини оширилган бўлса-да, иссиққа ёки паст атмосфера босими ва б.га чидамлилар тўхтатилгандан сўнг чиниқиш кучи пасаяди ва, одатда, 1—1,5 ойдан кейин бирор хил физик омилга чидамлилик йўқолади.

Организмни совуққа чидамли қилишнинг амалда аҳамияти муҳим, чунки совқотиш жуда кўп ҳолларда ўткир респиратор касалликларга сабаб бўлади. Совқотиш даражасини аста-секин оширга борилса шу б-н организмни совуққа чидамли қилинади. Совуққа ўрганган кишилар организмида иссиқлик ҳосил бўлиши бирмунча жадал боради, бу — терининг қон б-н яхшироқ таъминланишига имкон беради ва юқумли касалликларга ҳамда совуқ уришига чидамини оширади. Тери мутуз қаватининг бир оз қалин тортиши ҳисобига ҳам совуқ сезиш пасаяди, натижада терининг иссиқликни изолияш қилиш хоссаси кучаяди. Совуққа ўрганмаган кишиларда гавдаининг ҳатто озгина қисмининг совқотиши ва умумий совқотиш бўруи шилдиқ пардаси томирларининг кенгайишига, унинг ялпиланиб, секретор суюқлигининг кўп ажралишига, яъни юқори нафас йўлларининг ўткир респиратор касалликларига олиб келади. Совуққа чиниққан кишиларда юқори нафас йўллари шилдиқ пардасида бундай реакция кузатилмайди. Офтоб, ҳаво ҳк. *ҳаво ва кўёш ванналари*) ва сувдан оқилона фойдаланиш йўли б-н ҳам организмни совуққа чиниқтириш мумкин. Ҳўл совиқ б-н артиниш, бошдан сув қуйиш, душ қабул қилиш, чўмилиш энг қулай ва таъсирчан сув муолажаларидан ҳисобланади. Уларни аввалдаб уй т-расидаги сувдан бошлаш, сўнгра т-рани аста-секин пасайтириб, муолажа муддатини ошира бориш лозим.

Атроф муҳит иссиқ бўлганда бундай ҳароратга одатланмаган одам организми иссиқлаб кетиши мумкин (қ. *Иссиқ уриши*). Кўп марта ва узоқ муддат иссиқ таъсир этиши натижасида организмнинг юқори т-ра таъсирига чидами ошади, гарақ-гарақ терлаш ва тер таркибининг ўзгариши ҳисобига организм кўп иссиқлик ажрата бошлайди. Юқори т-рага чидамли кишиларда иссиқлик ажралишининг яхшиланиши туфайли иссиқ иқлим шароитида ишлаганда томир ўртача тезликда уриб, меҳнат қобилияти пасайиб кетмайди. Организмни паст атмосфера босимига чиниқтириш мақсадида аксари тоғларга чиқилади.

О.ч. режимини кишининг ёши, индивидуал хусусиятлари ва соғлигига қараб врач белгилайди. Касаллик белгилари пайдо бўлган тақдирда О.ч. вақтинча тўхтатилиб, кишни согайгандан сўнг яна давом эттирилади.

Кекса ёшдаги кишиларни чиниқтиришни эҳтиётлик б-н бевосита врач назоратида ўтказиш лозим. Бу ёшда О.ч.да жисмоний таъсирларга мослашувнинг ёмонлашишини ва муолажалардан кейин физиологик функцияларнинг бирмунча секин тикланишини ҳисобга олиш лозим. Бу ёшдаги кишилар учун ҳаво б-н О.ч.нинг ҳар хил турлари — ҳоналарда, равоналарда, дов-дарахтлар совсида ҳаво ваннаси қабул қилиш, сигил кийимларда аста-секин сайр этишга ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Жисмоний машқлардан кейин ҳўл совиқ б-н артиниш, бошдан сув қуйиш ёки душга тушиш, ёзда эса сув ва ҳаво т-раси камида 20—22° бўлганда чўмилиш лозим.

Болаларни чиниқтириш ёш даврида соғлом қилиб тарбиялашга имкон берадиган асосий профилактик тадбирдир. Болалар соф ҳаво етишмаслигига жуда сезувчан бўлади. Узоқ муддатгача ёхуд сезувчан бўлган. Узоқ муддатгача ёхуд сезувчан бўлган болалар ланж, инжиқ ҳоналарда бўлган болалар ланж, инжиқ бўлади. Уйқуси бузилади, иштаҳаси бўлмайди, боши оғрийди, кўнгли айниб турали, камқонлик рўй беради. Ўздак атроф муҳитнинг физик омилларига аста-секин мослашади, чунки унинг муҳофаза реакциялари суст равожланган бўлади. Болани ҳаётининг биринчи кунларидан бошлаб эҳтиётлик б-н мунтазам чиниқтира бориш, лекин бунда унинг аъзо ва системалари функционал жиҳатдан ҳали етилмаганлигини ёддан чиқармаслик керак. *Гипотермия, рахит*, қайталаб турадиган ёки хроник касалликлардан кучсизланган болалар организми чидамини оширадиган муолажаларга айниқса мухтож бўлади. Соф ҳаво ҳар қандай касалликларда самарали таъсир кўрсатади. Нимжон ва касалманд болаларга, асосан, сust таъсир этадиган сув муолажалари: ҳўл сочиқ б-н артиб туриш, оёғига сув қуйиш тавсия қилинади. Сув т-раси (35—36°) аста-секин пасайтириб борилади ва боланинг умумий ҳолати яхшиланганда соғлом болалар учун тавсия этиладиган даражага етказилади.

ОРГАНИЗМНИНГ РЕАКТИВЛИГИ — организмнинг ташқи муҳит таъсирига жавобан ҳаёт фаолиятини ўзгартириб реакция кўрсатиши. Юксак ҳайвонларда равшанроқ, нерв системаси одий тузилган организмларда камроқ билинади. О.р. организм генотипидан келиб чиқади ва турга хос белги ҳисобланади. И. П. Павлов олий нерв фаолияти ва унинг типларига баҳо беришда «реактивлик» терминини татбиқ этган. Клиник тиббиётда беморнинг аҳволига умумий баҳо беришда О.р. термини ишлатилади. Ички ва юқумли касалликлар клиникасида, мас., пневмония, сил, дизентерия ва б. касалликларнинг реактив (гиперергик) ва кам реактив (дизергик, гипоэргик) шаклари тафовут қилинади. Тез, оғир ўтадиган касалликларни реактив шаклларга, сust, билинар-билинмас ўтадиган касалликларни эса кам реактив шаклларга киритилган.

Хирургияда жароҳатнинг турлича битиши, сепсис, перитонит ва б. касалликларнинг ҳар хил ўтиши О.р.нинг ўзгаришига боғлиқ. Жароҳатнинг тез битиши, бир талай қизил грануляция пайдо бўлиши, мукаммал эпителий ривожланиши О.р.нинг юксак даражада эканлигини кўрсатади.

О.р.нинг биологик (турга хос), гуруҳли ва индивидуал турлари бор. Ҳайвонларнинг муайян турига хос физиологик ва патологик реактивликнинг энг характерли хусусиятлари **биологик реактивликка** киритилади. Гуруҳли реактивлик биологик реактивлик асосида шаклланади. **Индивидуал реактивлик** индивид (шахс)нинг конституцияси, жинси, ёши, яшаш шароитига боғлиқ. Бола ўсган сайин О.р. такомиллашиб боради.

Ғоят зарарли омиллар таъсир этганда **патологик реактивлик** рўй беради. Мас., ҳомиладорлик токсикозларининг баъзи шаклларида О.р. аллергик типда ўзгаради. Патологик реактивлик кўпгина касалликлар (*ревматизм, гипертония касаллиги, бронхиал астма* ва б.) патогенезида муҳим роль ўйнайди.

ОРГАНИК АРХИТЕКТУРА — 20-а. меъморлигида Европада пайдо бўлган йўналиш, оқим. Иншоот ва бинолар шакли ва тузилиши атроф муҳит б-н уйғунлашган ҳолда табиий материаллардан бўлиши керак, деган ғояни илгари суради (мас., қабулхона, виллалар, данғиллама уйлар, шаҳар ташқарисидаги меҳмонхоналар). Бу ғоя илк бор 1890 й.да америкалик меъмор Л. Салливен томонидан тарғиб қилинган, кейинчалик шогирди Ф. Райт ижодида назарий ва амалий жиҳатдан ривожлантирилган. О.а. таъсирида АҚШ, Италия, Франция, Япония ва Скандинавия мамлакатларида маҳаллий меъморий мактаблари вужудга келди. Ф. Райт вафотидан сўнг (1959), О.а. 60-йлар меъморлигидаги турли оқимлар услубий б-н аралашиб кетди. Унинг янги шаклларини ҳосил қилишдаги умумий қоидалар, баъзи бир усуллар ҳоз. замон меъморлиги *дизайнида* ва бадиий қурилишларда кенг фойдаланилмоқда.

ОРГАНИК ГЕОКИМЁ — Ернинг турли геосферадаридаги органик моддаларни ўрганувчи *геокимё* фанининг бўлими. О.г. вазифаси органик бирикмаларнинг юзага келиши, шакли ва келгусида улар таркибининг ўзгариши ва тарқалиш қонуниятларини тадқиқ этишдан иборат. О.г., шунингдек, тирик организмларнинг қазилмалар шаклига (жумладан, микроорганизмлар ингрокида) ўтишини, бу моддалар пайдо бўлиш шароитлари ва омилла-

рини ҳамда уларни иссиқлик, юқори босим ва б. геологик омиллар таъсири остида яна ўзгариб, тог жинсларига ва ёнувчи фойдали қазилмаларга айланишини ҳам ўрганади. Нефть ва кўмир геокимёси мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланган. О.г.нинг муҳим бўлими рудали конларни (уран, олтин, симоб, мис, ваналий, германий ва б.) пайдо бўлишида ва Ер пўстидаги бир қанча кимёвий элементларнинг миграцияси ва тўпланишида органик моддалар иштирокини ўрганиш устида иш олиб боради. О.г. космик жисмларнинг органик моддаларини талқиқ қилувчи органик космокимё б-н узвий боғлиқ.

ОРГАНИК ДУНЁ, тирик табиат — Ер биосферасида тарқалган тирик мавжудот — *организмлар* (мас., микроорганизмлар, ўсимликлар, ҳайвон ва одамлар) мажмуи. О.д.нинг алоҳида компонентлари ўзаро ва анорганик табиат б-н мустаҳкам алоқада бўлади.

ОРГАНИК КИМЁ — углероднинг бош-қа элементлар б-н органик бирикмалар ҳосил қилиши ва бу бирикмаларнинг ўзгариш қонунларини ўрганадиган фан. *Кимё*нинг бир бўлими. О.к.нинг асосий вазифаси — органик бирикмаларни соф ҳолда олиш ва уларнинг тузилишини аниқлаш, реакцияга киришиши, реакциялар механизмини, моддаларнинг кимёвий тузилиши ва хоссалари орасидаги боғланишни ўрганиш, шунингдек, улардан амалиётда фойдаланиш йўлларини тадқиқ қилишдан иборат. Органик бирикмалар инсоннинг Ер мавжуд бўлиши ва унинг амалий фаолиятда ўта муҳим аҳамиятга эга. Тирик организмларни ташкил қиладиган барча асосий компонентлар — *оқсиллар, нуклеин кислоталар, углеводлар, ёғлар, витаминлар, гормонлар* ва б. — органик бирикмалардир. Деярли барча синтетик ва табиий толалар, *пластмассалар, пестицидлар, бўёғичлар,* дорилар ва ш.к. ҳам органик бирикмаларга тааллуқли. Ҳоз. вақтда ажойиб хусусиятларни ўзида мужассамлаштир ган органик бирикмалар йилига 250 мингдан 300 мингга синтез қилинади, уларнинг умумий сони эса 10 миллиондан ошди. Баъзи органик моддалар инсонга жуда қадимдан маълум. Мас., кишилар узум шарбати ачиганда спиртга айланишини, мусаллас очиқ ҳавода турганида сирка кислота ҳосил қилишини билардилар. Ўсимлик мойлари ва ҳайвон ёғлари озиқ-овқат сифатида қадимдан ишлатиб келинади. Совун ва ҳар хил бўёқлардан фойдаланиш қадим замонлардан бери маълум. Мас., кишилар узум шарбати ачиганда спиртга айланишини, мусаллас очиқ ҳавода турганида сирка кислота ҳосил қилишини билардилар. *Ўсимлик мойлари* ва ҳайвон ёғлари озиқ-овқат сифатида қадимдан ишлатиб келинади. Совун ва ҳар хил бўёқлардан фойдаланиш қадим замонлардан бери маълум. Соф ҳолдаги органик моддаларни дастлаб 900-й.ларда араб алкимёгарлари ҳосил қилдилар. Лекин органик кимё фан сифатида 19-а.нинг 2-ярмида шаклланди. «О.к.» терминини фанга илк бор 1827 й. да Й. Я. *Берцелиус* киритди. 1828 й.да немис кимёгари Ф. Вёлер лаб. шароитида мочевинани синтез қилди. Немис олимлари А. Кольбе, Ф. А. Кекуле, шотландиялик кимёгар А. Купер ва б. углеводнинг 4 валентлигини, унинг атомлари ҳалқа ҳосил қилиш хусусиятига эга эканлигини аниқладилар. Кейинчалик О.к. А. М. *Бутлеров*нинг органик бирикмаларнинг тузилиш назарияси (1861) асосида ривожланади. Ф. Кекуле бензолнинг замонавий циклик формуласини таклиф қилди (1865). Я. Х. Вант-Гофф ва француз кимёгари Ж. Ле Бель атомларнинг молекулада фазовий жойлашиш назариясини олга суришди. Электрон ва, айниқса, квант-механика тасаввурларининг ривожланиши натижасида кимёвий боғларнинг фазодаги йўналиши, тўйинган ва тўйинмаган бирикмаларнинг хоссалари орасидаги тафовут, бензолнинг ароматиклиги, органик бирикмалар молекулаларидаги атомларнинг ўзаро таъсири тушунтириб берилди. Физик усуллар ёрдамида органик бирикмаларда кимёвий боғларнинг узунлиги, валент бурчаклар катталиги ва геометрик тузилишдаги молекулаларнинг бошқа параметрлари топилди. Шу усуллар б-н баъзи мураккаб органик бирикмалар — B_{12} витамини, пенициллин, хлорофилл, бир қатор оқсиллар, нуклеин кислоталар ва б.нинг кимёвий тузилиши аниқланди.

Органик бирикмаларга тавсифли хосса — углерод атомларининг бир-бири б-н оддий, қўш ёки уч боғ орқали тўғри чизиқли, занжирсимон, 1, 2, 3 ва кўп ҳалқали (ядроли) ёки каркасли бирикмалар ҳосил қила олишидир. Бундай бирикмалар асосини очиқ занжирли углеводдан ўзга атомларга алмаштирилиши мумкин. Бу атомлар гетероатомлар деб аталади (мас., кислород, азот, олтингугурт). Структурасига кўра, органик бирикмалар алифатик бирикмалар (очиқ занжирли углеводородлар ва улар ҳосилалари)га, ёпиқ углерод занжирли карбоциклик бирикмалар (алициклик бирикмалар, ароматик бирикмалар) ва гетероциклик бирикмаларга бўлинади. Занжирида қўш боғ ёки 3 боғи бўлмаган углеводородлар ва уларнинг ҳосилалари тўйинган бирикмалар, қушбоғ еки 3 боғ тутганлари — тўйинмаган бирикмалар ҳисобланади.

Ҳар бир углеводородлаги водород атомларини турли функционал гуруҳларга алмаштириш йули б-н генетик қатор келтириб чиқариш мумкин, мас., этан — этилхлорид — этанол — сирка альдегиди — сирка кислотаси ва ҳ.к. Булар углеводородлар RH (функционал гуруҳи йўқ), галогенадмаштан ҳосилалар RHal, спиртлар ROH, альдегидлар RCHO, кетонлар R_2COR_2, карбон кислоталар RCOOH, бирламчи, иккиламчи ва учламчи аминлар RNH_2, R_2NH ва R_3N нитробирикмалар RNO_2, тиоллар (маркептанлар) RSH, сулфидлар R_2S ва б. Углерод — углеродли қўшбоғлар ҳам функционал гуруҳлар қаторига қушилади.

Бир хил тузилишга эга бўлган ўхшаш функционал гуруҳли органик бирикмалар углерод занжиридаги — CH_2 — гуруҳлари сони б-н фарқланганда *гомологик қаторлар* келиб чиқади.

Молекуласида углерод ва водород атомлари ҳамда органоген атом (Hal, O, N, S)лардан ташқари углерод б-н боғланган элементлари бўлган бирикмалар *элементорганик бирикмалар* ҳисобланади.

О.к.нинг ривожланишида рус олимларидан В. В. Марковников, Н. Н. *Зинин*, А. Е. *Фаворский*, С. В. *Лебедев*, Н. Д. *Зелинский*, А. Н. *Несмеянов* ва б.нинг хизматлари катта.

О.к.нинг ривожланишида Ўзбекистон кимёгарларининг ҳам катта ҳиссаси бор. 20-а.нинг 20-й.ларида Ўрта Осиё унти кимё ф-тида проф. С. Н. Наумов бошчилигида хинон ва толухинон — дибромидлар тузилишини аниқлаш устида кузатувлар амалга оширилди (1933). 2, 3-циклогександион 1,4-дикарбон эфири тузилиши ўрганилди. Мазкур модда ҳосилаларидан хиноксалин, моноксалин, диоксим, моногибразон, пиразолон, бипиразолон, оазонлар олинди, шўрсув нефти тадқиқ қилиниб, унинг таркибидаги углеводородлар ва олтингугурт миқдори аниқланди.

40-й.ларда О. С. *Содиқов* бошчилигида органик кислоталар, биологик стимуляторлар, РР витамини, хинозидин ва б. олиш йўлга қўйилди. 50-й.ларда С. Ю. *Юнусов* Ўзбекистон ўсимликлари таркибидаги ноёб органик моддаларни ажратиб олиш ва таркибини ўрганишга киришди. Ароматик бирикмаларни алкиллаш ва алциллаш амалга оширилди (И. П. Цукерваник ва б.). Апротон ва протон кислоталар алкиллаш реакцияларида катализаторлар сифатида

қўлланди, *п*-анетилланизол олиш усули саноатга татбиқ этилди. Ортошиклогексилфенол синтез қилинди (проф. А. Р. Абдурасулова). Турли органик бирикмаларни алкиллаш реакциялари, гумин кислоталари ҳосилалари ўрганилди (проф. А. Б. Қучқоров). А. С. *Султонов* нефтни қайта ишлаш соҳаси учун самарали катализаторлар синтез қилиб амалиётда қўллади. Унинг шогирдлари М. Ф. *Обидова* б-н проф. А. Абдуқодиров ҳам органик катализ ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Металлорганик бирикмалар (проф. З. М. Минулкин) ва кўмир кимёси (проф. Д. Т. Зимбрамский) ривожлантирилди. Гумин кислоталарини электролитлар б-н чўктириш орқали фракцияларга ажратиш усули қўлланишга тавсия этилди. Органик бирикмаларни карбонилланш реакциялари талқиқ қилинди (Ё. Ю. Азиев).

Кейинги 30 й. давомида фосфорорганик бирикмалар, физиологик фаол моддалар, элементорганик бирикмалар, комплексонлар ва органоминерал ўғитлар кимёси тез ривожланди. Бу борада А. А. *Абдувахобов*, Ш. И. *Салоҳов*, С. *Искандаров* ва б.нинг ишлари таҳсинга сазовордир.

Ад.: Дьюр М., Дюгерти Р., Теория возмущений молекулярных орбиталей в органической химии, М., 1977; Браун Т., Лемей Г. Ю., Химия в центре наук, т. 1—2, М., 1983; Петров А. А. ва бр., Органическая химия, М., 1985; Искандаров С., Содиқов Б., Органик химия назарий асослари, Т., 1987.

Қўдрат Ахмеров.

ОРГАНИК КИСЛОТАЛАР — таркибида *карбоксил гуруҳ* сақловчи органик бирикмалар синфи (қ. *Карбон кислоталар*).

ОРГАНИК МОДДА — 1) кимёда — органик бирикма, яъни углероднинг бошқа элементлар б-н бирикишидан ҳосил бўлган бирикма; 2) геологияда — табиий органик бирикмаларнинг мураккаб аралашмаси; тупроқ, денгиз ва кўл чўкиндилари, чўкинди тог жинслари, шунингдек, ер усти ва ер ости сувлари таркибида бир оз миқдорда бўлади. О.м.нинг бош манбаи, асосан, ўсимликлардир. О.м.нинг гумус, сапропель ва липтоболит хилларн бор. Чўкинди жинсларда ўрта ҳисобда 15—20 кг/м³ чамасида бўлади. Кўмир ва ёнувчи сланецларнинг асосий массасини ташкил этади; нефть ва ёнувчи газларнинг манбаи деб ҳисобланади.

ОРГАНИК ШИША — шаффоф пластик материал (қ. *Полиметилметакрилат*).

ОРГАНИК ЎҒИТЛАР — таркибида ўсимлик ёки ҳайвон организми бирикмалари шаклида озиқ моддалари бўлган ўғитлар. О.ў.га қўшимча маҳаллий ўғитлар, яшил ўғит, шаҳар коммунал хўжалиги чиқиндилари (ахлат ва уларнинг компостлари, оқинди сувлар чўкиндилари, нажас), озиқ-овқат, кўн ва б. саноат тармоқлари чиқиндилари ҳамда сапропель (чўкма лойқа), торф ва б. киради. О.ў. тупроқда биологик жараён-ларни кучайтириб, унинг физик ва кимёвий хоссаларини яхшилайди, озиқ моддалар миқдорини оширади, тупроқнинг муҳим агрономик хусусиятларига ҳар томонлама таъсир этади ва тўғри қўлланилганда барча экинлар ҳосилдорлигини кескин оширади. Тупроқ микроорганизмлари ҳаёт фаолияти натижасида О.ў. парчаланганда ўсимликлар ўзлаштира оладиган минерал бирикмалар ва чиринди ҳосил бўлади. Мас., тупроққа гўнг орқали ўсимликлар учун керакли барча озиқ моддалар (макро- ва микроэлементлар) тушади. Бундай ўғитлар тўлиқ ўғитлар деб аталади. О.ў. тупроққа солинган йилдалар гина эмас, балки бир неча йил таъсир этади. О.ў. фақат ўсимликлар учун минерал озиқ моддалар манбаи бўлиб қолмасдан, CO_2 манбаи ҳамдир. О.ў. тупроқ микроорганизмлари учун энергетик материал ва озиқ манбаи бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, гўнг ва нажаснинг ўзи микрофлорага бой бўлади. Шунинг учун О.ў.нинг солиниши тупроқда азот тўпловчи бактериялар, аммонификаторлар, нитрификаторлар ва б. фойдали микроорганизмлар гуруҳлари фаолиятини кучайтиради. Мас., типик соз тупроқ ерларидаги ғўзага узоқ йиллар давомида гўнг солиниб турилганда тупроқнинг сув ўтказувчанлиги анча яхшиланади. Эгатлараро га биринчи бор сув таралганда тупроқнинг бир соатда сув ичиши ўғитланмаган далада гектарига 117 м³ ни, ҳар 195 м³ ни ташкил этди.

О.ў. гектарига 15—20 т ва ундан ортиқ нормада ҳайдаш вақтида *асосий ўғит* сифатида ишлатилади. Улар ғўза-беда-галла almашлаб экишда беда-лалоя ҳайдалгандан кейин 5—6-й.ларн солинади. О.ў. ўсимликларни озиқлантиришда минерал ўғитлар б-н биргаликда ҳам қўлланилади.

Ад.: Скрябин Ф. А., Навоз в системе удобрений хлопчатника в орошаемых условиях Средней Азии, Т., 1970; Рекомендации по применению удобрений в республиках Средней Азии, Т., 1974; Лигнин асосидаги органик ўғитлар юқори ҳосил омили, Т, 1978.

Эргаш Зокирхамедов.

ОРГАНИК-МИНЕРАЛ ЎҒИТЛАР — таркибида органик моддалар ва минерал бирикмалар бўлган ўғитлар. *Гумин кислоталар*дан олинади. Таркиби ва номи турлича бўлади. Мас., гумофос, гумофоска, торф-аммиакли ўғитлар, торф-минерал-аммиакли ўғитлар ва б. (қ. *Гумин ўғитлар*).

ОРГАНОГЕН ТОҒ ЖИНСЛАРИ (юн. organon — организм ва ...*генез*), биоген тог жинслари — организм қолдиқларидан ёки организмларнинг фаолияти натижасида ҳосил бўлган минераллардан ташкил топган чўкинди тог жинслари. Таркибига кўра, карбонатли, кремнийли, баъзи фосфатли жинсларга, шунингдек, кўмирга бўлинади. Карбонатли О.т.ж. форамининфера, маржон, мшанка, брахиопода, моллюскалар ва б. организмларнинг чиганоқлари, сувўтларидан таркиб топган. Уларга оҳактош, бўр ва б. киради. Кремнийли О.т.ж. диатомит, спонголит, радиолярит (кремнийли жинслар), кокколитофорид ва б.дан иборат. Фосфатли О.т.ж. кам учрайди, уларнинг таркибига турли даврларда йиғилган силур брахиоподалари, гуано ва б. киради. Кўмирли О.т.ж. таркибига турли сифатли кўмир, ёнувчи сланецлар киради; бу гуруҳ тог жинсларининг ҳажми Ер пўстидаги карбонатларга нисбатан жуда кам. Нефть ва қаттиқ битумлар О.т.ж.нинг алоҳида гуруҳини ташкил қилган, фитопланктон уларни ҳосил қилувчи асосий материал бўлган. О.т.ж. қатламларининг қалинлиги 5—10 см дан бир неча 100 м гача. Таркибига қараб ранги ҳар хил, кўпроқ оч кулранг ва оқ. О.т.ж. палеозой, мезозой, кайнозой даврлари чўкинди жинслари орасида учрайди. Ўзбекистонда бу жинслар кўпгошин, рух, оҳактошлар, кўмир, нефть ва газ конларида мавжуд.

Ад.: Логвиненко Н. В., Петрография осадочных пород, М., 1984.

ОРГАНОГЕНЕЗ (юн. organon — орган ва ... *генез*) — кўп ҳужайралиларда эмбриогенезнинг охирги босқичи, органларнинг ҳосил бўлиши, шаклланиши ва ихтисослашуви жараёни. О. гаструляцияда эктодерма, энтодерма, мезодерма каби ҳомила қаватларн ҳосил бўлишидан бошланади. Эктодермадан нерв системаси, сезги органлари, терининг устки қисми ва унинг ҳосилалари, олдинги ва орқа ичак эпителийси; энтодермадан ўрта ичак эпителийси, ҳазм безлари, нафас органлари; мезодермадан таянч ҳаракат системаси, скелет ва мускуллар, юрак, қон ва лимфа томирлари, жинсий ва сийдик органлари ҳосил бўлади.

Ўсимликларда «О.» термини, одатда, асосий органлар (илдиз, поя, барг, гуллар)нинг онтогенез жараёнида меристемадан шаклланиши ва ривожланишини ифодалайди.

ОРГАНОИДЛАР (юн. organon — орган ва eidos — кўриниш, қиёфа) — ҳужайранинг ҳаёт фаолияти давомида унинг махсус функциясининг бажарилишини таъминловчи доимий таркибий қисмлари, яъни ҳужайра органлари. Эукариот ҳужайраларда хромосомалар, митохондрийлар, Гольжи комплекси, эндоплазматик тўр, рибосомалар, микронайчалар, мизосомалар, ҳайвон ҳужайраларида центриоллар, микрофибриллар, ўсимликларда пластидалар О. дейилади. Прокариот ҳужайраларда кўпчилик О. бўлмайди.

Бир ҳужайраларнинг махсус структуравий элементлари, мас., ҳаракатланиш функциясини бажарувчи хивчинлари ва киприклари, овқат ҳазм қилиш ва айириш вазифасини бажарувчи вакуолляри *органеллалар* дейилади. Кўпинча «О.» ва «органеллалар» терминлари синоним сифатида қўлланади.

ОРГАНОТЕРАПИЯ (*орган* ва *терапия*) — беморларни ҳайвонларнинг секрецияга безларидан, шунингдек, бошқа аъзо ва тўқималаридан тайёрланган препаратлар б-н даволаш. Ички секрецияга безларидан тайёрланган органопрепаратлар ғоят самарали, чунки уларда организмнинг энг муҳим функцияларига жуда кучли таъсир этадиган гормонлар бор. Бундай органопрепаратларга гипофиз препаратлари (питуитрин, пролактин, адренокортикотроп гормон ва б.), қалқонсимон без препарати (тиреоидин), қалқонсимон без ёнидаги безчалар препарати (паратиреоидин), меъда ости бези препаратлари (инсулин, липокаин ва б.), буйрак усти безлари пўстлоқ қаватининг гормонлари (кортизон ва б.), аёл жинсий гормонлари (фолликулин, синэстрол ва б.), эркак жинсий гормонлари (метилтестотерон ва б.) киради (қ. *Гормонал препаратлар*). Органопрепаратларнинг аксарияси ҳазм ширалари таъсирида емирилади, шунинг учун улар организмга парэнтерал йўл б-н (тери остига, мускул орасига ёки венага) юборилади. Органопрепаратларни врач буюради.

ОРДЕН (лот. ordo — қатор, даража) — 1) металл нишон, тақдирлаш белгиси, ҳарбий ёки фуқаролик хизматлари учун берилаётган фахрий мукофот. О.нинг тақдирлаш белгиси сифатида вужудга келиши рицарлик тарихи б-н боғлиқдир. Қад.да рицарлар алоҳида кийим бош кийиб, буюмларига қимматбаҳо металлдан ясалган крест тақиб юрганлар, бу уларнинг муайян рицарлик ташкилоти тарбиясини тегишлилигини билдириб турган. «Фалон О. кавалери» (яъни аъзоси) деган ибора ана шундан келиб чиққан. 14—16-а.ларда саройга амалдорларининг белгилари пайдо бўлди, улар кейинроқ мукофотлар тусини олди (мас., 1348 ёки 1350 й.дан инглизларнинг Боғичлар О.и; 1399 й.дан Бани О.и; 1429 й.дан австриялиқлар ва испанларнинг Олтин Жун тери О.и; 1579 й.дан французларнинг муқаддас Руҳ О.и.). Ислом дини тарқалган Туркия, Эрон, араб давлатларида подшолар буюк хизматлар кўрсатган одамларни бўйнига тақиша мўлжалланган ярим ой шаклидаги нишонлар б-н тақдирлашган. Тақдирлаш маросимлари, асосан, диний ва миллий байрамларда ўтказилган. Россияда биринчи О.ни Петр I 1698 й. таъсис этган (авлиё апостол Андрей Первозванинг О.и.). Октябрь тўнтаришидан кейин подшо О. ва медаллари бекор қилинди. Биринчи совет Қизил Байроқ О.и 1918 й.да РСФСР да таъсис қилинди. Шўролар ҳукумати кейинчалик жуда кўп О., медаль, фахрий ёрлиқлар таъсис этди. Ленин О.и СССРнинг энг олий О.и ҳисобланган. СССР тарқалиб кетгандан сўнг Ўзбекистон мустақил республикалар ичида биринчи бўлиб ўз О. ва медалларини жорий этди ҳамда уларни, шунингдек, турли эсдалик ва коллекция тангаларини ўзида ифода этган йўлга қўйди (қ. *Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари*); 2) Ғарбий Европада рицарларнинг ҳарбий-монахлик ташкилотлари; 3) баъзи махфий жамиятларнинг номи; мас., масонлик О.и.

ОРДЕР (лот. ordo — қатор, тартиб) — 1) буйруқ, кўрсатма, фармойиш берувчи расмий ҳужжат (мас., уй-жойга кўчиб киришга, тергов органларининг тинтув ўтказишга рухсат берувчи буйруғи); 2) бухгалтерияда — пул маблағлари ёки моддий бойликлар б-н операцияларни амалга оширишга оид ҳужжат.

ОРДЕР (меъморликда) — меъморий қурилмалардаги турли (вертикал ва горизонтал) қисмларнинг ўзаро уйғунлиги, уларнинг тарихий ва бадиий услуби. Вертикал қисми устун (*колонна*)дан иборат бўлиб, тана, капитель (бошқа) ва пойустун, баъзан пьедесталдан ташкил топади. Горизонтал (тўсин) қисми архитрав, фриз ва карнизни, улар биргаликда антаблементни ташкил қилади. О.нинг мумтоз тизими Юнонистонда пайдо бўлган. Асосий О.лар юнон қабила ва вилоятларининг номлари б-н дорий, ионий, коринф О.лари деб аталади. О.нинг дастлабки ҳар хил тизимлари Қад. Миср ва Эрон халқ меъморлигида қўлланилган. Қад. Римда шаклланган мумтоз О.лар тизими жаҳон меъморлигининг юксалишига катта ҳисса қўшди (қ. *Меъморлик ордерлари*).

ОРДИНАТА (лот. ordinatus — тартибланган) — *Декарт координаталар тизимида* нуқтанинг иккинчи координатаси, у ҳарфи б-н белгиланади.

ОРДИНАТОР (лот. ordinator — тартибга келтирувчи) — даволаш муассасаларида бўлим мудири раҳбарлигида беморларни даволаётган врач. Клиникада ёшлик О.т кафедра ассистенти қўл остида ишлайди.

ОРДИНАТУРА, клиник ординатура — тиббиёт олий ўқув юртлари, малака ошириш ин-тлари ва и.к. муассасаларида врачлар малакасини оширишнинг олий формаси.

ОРДОВИК СИСТЕМАСИ (ДАВРИ), ордовик (лот. Ordovices — Буюк Британиянинг қад. келт қабиласи номидан) — палеозой эрасининг пастдан 2-даври. О.с. радиологик метод бўйича ҳоз. даврдан 490±15 млн. йил аввал бошланиб, 435±10 млн. йил аввал тугаган ва тахм. 67 млн. йил давом этган. О.с. дастлаб 1879 й.да инглиз геологи Ч.Лапуорс томонидан Буюк Британия ҳудудида ажратилган. О.с. мустақил давр сифатида фақат 1960 й.да халқаро геологик конгрессда қабул қилинган. Шу пайтгача кўп мамлакатларда уни силур системаси (даври)нинг қуйи бўлими сифатида қўлланилар. О.с. 3 бўлим (қуйи, ўрта, юқори) ва 6 ярус (тремадок, аренег, ланвирн, лландейль, караДок ва ашгиль) дан иборат. О.с.нинг бўлим ва ярусларга ажратилиши ҳамма томонидан тан олинган бўлишидан ҳозиргача йўқ. О.с. барча қитъаларда ва кўпгина ороллардa ажратилган. О.с.нинг бошланиши Ер юзасининг чўкишига тўғри келиб, кўпгина ҳудудлар денгиз суви б-н қопланган. Денгиз трансгрессиясининг максимуми ўрта ордовик бўлимларида мавжуд бўлган. Юқори О.с. каледон бурмаланиши туфайли денгиз сувлари б-н қопланган майдонлар камайиб, янги йирик қуруқликлар вужудга келган. Бу даврда денгиз ҳавзаси икки турли бўлган: биринчиси тургун платформа структураларида тузилган эпиконтинентал денгиз ҳавзаларидан иборат; уларда, асосан, оҳактош, гил, кварцли қум ётқизиқлари тарқалган; иккинчиси эса геосинклиналь структураларга хос бўлиб, қум, гил ва граптолитли сланецлар ҳамда сув ости вулкан жинслари кўп. Вулкан жинслари Уэлс, Аппалачи, Қозоғистон, Шим. Тянь-Шан ва б. геосинклиналь областларида учрайди.

О.с. денгиз ётқизиқларида граптолит, трилобит, бошоёқли моллюскалар, елкаоёқлилар, целеннпода, форамининфера ва б. умуртқасиз жониворлар қолдиги учрайди. О.с.да денгиз типратикани, остракода, миианкалар, булутлар мавжуд бўлган ва умуртқалилар пайдо бўла бошлаган. Ўсимликлардан кўк-яшил сувўтлар кўп тарқалган бўлиб, биринчи бор юксак ўсимликлар вужудга келган. Кембрий даврида гидек, бу даврда ҳам бактериялар ниҳоятда кўп эди. Ўрта Осиёда О.с. ётқизиқлари Шим. ва Жан. Тянь-шан, Чатқол, Туркистон, Зарафшон, Олай, Нурота ва Қизилқумдаги Томдитов, Бўкантов тоғларида маълум. О.с. ётқизиқларида нефть (АҚШ), ёнувчи сланец (Эстония), фосфоритлар (Ленинград вилояти), ордовик интрузияларида олтин ва б. металлар (Қозоғистон) учрайди.

ОРДОС — Хитойнинг шим. қисмидаги чўлли плато. Хуанхэ дарёсининг айланиб оққан жойида. Майд. 95 минг км². О.нинг жанубий қисми Лёесли платога туташган. Кўп қисмининг бал. 1100—1500 м, энг баланд жойи 2535 м. Асосан, қора ва бўр даврининг қумтошларидан тузилган. Ер юзаси қир ва ботиқлардан иборат. Пастқам жойлари шўр кўл, шўрхок ва ботқоқликлар б-н банд. О. ҳудудининг ярмига яқинини шамолда қисман кўчиб юрувчи қум тепаликлари эгаллаган. Иқлими кескин континентал, мўътадил иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси — 10°, июлники, 23°. Йиллик ёғин 100—400 мм. Ландшафтининг аксари қисми чўл, чала чўл ва қуруқ дашт. Бошоқли ўт ўсимликлари ўсади. Бутазорлар бор. Аҳолиси кўчманчи чорвачилик б-н ҳаёт кечиради. Тошкўмир, нефть, сода конлари топилган.

ОРЕГОН — АҚШнинг шим.-ғарбий қисмидаги штат. Тинч океан соҳилида. Майд. 251,4 минг км². Аҳолиси 3,5 млн. киши (2002). 70% шаҳарларда яшайди. Маъмурий маркази — Сейлем ш., иқтисодий маркази ва порти — Портленд ш. О. ҳудудига европаликлар 19-а. бошидан бориб ўрнашганлар. 1859 й.да О. штат мақомини олган. О.нинг ғарбий қисми тоғлик (энг баланд жойи 3427 м), ички қисми плато. Иқлими соҳил қисмида мўътадил нам (ёғини 2000мм), плато қисмида қуруқ континентал. Тоғ ён бағирлари игна барги ўрмон б-н қопланган. О. — ўрмон захираси ва ёғоч тайёрлаш бўйича АҚШда етакчи ўринда. Колумбия дарёси ва унинг ирмоқлари гидроэнергия захирасига бой. Саноатининг етакчи тармоқлари: ўрмон хўжалиги ва ёғочсозлик. Озиқ-овқат саноати балиқ, мева ва сутни қайта ишлашга ихтисослашган. Йирик ГЭСлар, алюминий ва никель эритиш з-длари, металлсозлик ва машинасозлик корхоналари бор. Соҳил қисми ва дарё водийларида деҳқончилик ва сут чорвачилиги ривожланган. Ички ҳудудларда яйлов чорвачилиги ва суғорма деҳқончилик б-н шуғулланилади. Асосий товар экинлари: бугдой, арпа, картошка, ем-хашак ўтлари.

ОРЕНБУРГ (1938—1957 й.ларда Чкалов) — РФнинг Оренбург вилоятидаги шаҳар. Урал дарёси бўйида. Т.й. тутуни шаҳар. Урал дарёси бўйида. Т.й. тутуни шаҳар. Аҳолиси 529,6 минг киши (1998). Шаҳар саноатида машинасозлик етакчи ўринда — темирчилик, пресслаш асбоб-ускуналари, пармаловчи жиҳозлар, пахт волғли аппаратлар, станок ва б. ишлаб чиқарилади; ёқилғи, кимё ва нефть кимёси, енгил (ипак газлама, кўн), озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. 4 олий ўқув юрти, 3 театр, ўлкашунослик, тасвирий санъат музейлари бор. Илк бор 1735 й.да Ўр дарёсининг Ёйиқ (ҳоз. Урал)га қуйилиш жойида вужудга келган (номи шундан); 1743 й.дан ҳоз. ўрнида. О. 18-а. ва 19-а.нинг 1-ярмида ҳарбий чегара линиясининг асосий истеҳкоми; 1744 й.дан О. губернияси, 1782 й.дан Уфа наместничествоси)нинг маркази, 1796—1801 ва 1865 й.дан губерния маркази. О. казак қўшинларининг ҳарбий ва маъмурий маркази (1748 й.дан). 1850—81 й.ларда генерал губернаторлик маркази. Россия империяси б-н Ўрта Осиё хонликлари ўртасида 18—19-а.ларда савдо ва элчилик алоқалари, асосан, О. орқали ўтган. Ўрта Осиёдан О.га савдо ва элчилик карвонлари қатнаб турган (қ. *Оренбург савдо йўли*). 1900—1906 й.ларда О. — Тошкент т.й. қурилган. 1920—25 й.ларда Қирғизистон Мухтор Республикаси (ўша вақтларда руслар Қозоғистонни Қирғизия деб атаган) пойтахти. Меъморий ёдгорликлардан қалъа дарвозаси қолдиқлари (18-а.), карвонсарой (1836—42) сақланиб қолган.

ОРЕНБУРГ ВИЛОЯТИ (1938—1957 й.ларда Чкалов вилояти) — РФ таркибидаги вилоят. Урал иқтисодий р-нига киради. Майд. 124 минг км². Аҳолиси 2229,6 минг киши (1998), асосан, руслар (72,3%), шунингдек, татар, украин, қозоқ, мордва, бошқирд, немис, чуваш, белорус ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Маркази — Оренбург ш. Таркибида 35 маъмурий р-н, 12 шаҳар, 26 шаҳарча бор. Бошқа йирик шаҳарлари — Орск, Новотроицк.

Оренбург шаҳри. КарвонсароЙ.

О.в. ҳудудининг кўп қисми Жан. Урал тоғлари этагида. Фойдали қазилмалари: нефть, газ, тоштуз, сланец, фосфорит, қўнғир кўмир, никель, кобальт, мис колчедани, олтин, асбест, ўтга чидамли гиллар, яшма. Иқлими кескин континентал. Янв.нинг ўртача т-раси — 14° дан —19° гача, июлники 19—22°. Йиллик ёғин 300—450 мм. Вегетация даври 180 кунгача. Асосий дарёси — Урал ва унинг ирмоқлари: Жан.-шарқда оқмас кўллар бор. О.в., асосан, чўл зонасида жойлашган. Тупроқлари қора, каштан тупроқлар. Ҳар хил ўт-бетага чалов дашт ўсимликлари ўсади. Ҳудудининг 4% ўрмон (оқ қайин, қарағай). Тулки, оқ товушқон, малла товушқон, жомбоқзиқ, сугур, ўрдак, ғоз, балиқчи бор. Вилоят ҳудудида Оренбург қўриқхонаси ташкил этилган.

Саноатининг асосий тармоқлари: ёқилғи, қора ва рангли (никель, мис, хромли бирикмалар) металлургия, машинасозлик ва металлсозлик (кончилик, металлургия саноати учун жиҳозлар, совитқич асбоб-ускуналар, темирчилик-пресслаш машиналари, металл кесувчи станоклар, электродвигателлар, қ.х. машиналари учун эҳтиёт қисмлар ва б. ишлаб чиқарилади), кимё, нефть кимёси, озиқ-овқат (ўшт маҳсулотлари, ун, ёрма, ош тузи, ўсимлик ёғи) саноатлари. Энг йирик корхоналари: «Оренбургнефть», «Оренбургазпром», «Оренбургнефтеоргсинтез», «Оренбургазбест», «Носта» (Новотроицк), «Южуралникель» (Орск), Орск енгил металлконструкциялар з-ди, «Орентекс» (Оренбург), Медногорск мис-олтингугурт к-ти, Гай руда бойитиш к-ти, «Южуралмаш» (Орск), «Гидропресс» станоксозлик з-длари (Оренбург). Газ (Оренбург газ конденсат кони), нефть (Уралолди р-ни), темир (Халилов кони), мис (Гай кони) ва никель рудалари (Кимбой кони), қўнғир тош тузи (Илецк кони), қўнғир

кўмир (Тюльган кўмир разрези) ва б. қазиб олинади. Ириклин ГРЭС ишлаб турибди. Асосий саноат марказлари — Оренбург, Орск, Бузулук, Медногорск, Новотроицк, Гай, Бугуруслан, Қувондиқ ш.лари. Қ.х.да дон-чорвачилик йўналишлари ривожланган. Бугдой, сули, тариқ, мош, кунгабоқар, картошка, сабзавот, озуқа экинлари экилади. Қорамол (сут-гўшт зотлари), чўчқа, қўй, эчки, парранда боқилади. Автойўллар зичлиги 101 км/минг км². 5 олий ўқув юрти, кутубхона ва клублар, касалхоналар бор. Гай бальнеобалчиқ курорти ишлаб турибди.

ОРЕНБУРГ САВДО ЙЎЛИ — Россия б-н Ўрта Осиё ўртасидаги савдо йўли. Россия ҳукумати 18-а.нинг 30-й.ларида Қозогистон ерларини ўзлаштириш ва Ўрта Осиё б-н савдони ривожлантириш мақсадида Ёйиқ дарёсига қуйиладиган Ўр дарёси ёнида ҳарбий қалъа қуришга киришиб, К. Кириллов бошчилигида Оренбург экспедициясини ташкил этди. Экспедицияга ҳарбий қалъа қуриш б-н бирга ўзбек хонликлари б-н алоқаларни ривожлантириш ҳамда ўзбек савдогарларига имтиёзлар бериш вазифалари юклатилди. Оренбург ш. келажакда Россиянинг Туркистон ўлкаси б-н дипломатик, иқтисодий алоқаларида муҳим ўрин тутиши лозим эди. Ҳукумат кўрсатмасида Тошкент, Хўжанд, Хива, Бухоро б-н алоқани юксак даражага кўтаришга алоҳида аҳамият берилди. Бухорога 1-марта савдо карвони юбориладиган бўлди, ўзбекларга Россияда доимий яшашга рухсат ҳам берилди.

1735 й. авг.дан Оренбург ш.га пойдевор қўйилди, унда тошкентлик савдогарлар ҳам қатнашган. 1744 й.да Оренбург губерняси ташкил топди. Россия ҳукумати Ўрта Осиёдан инглизларни суриб чиқариш учун хонликлар б-н ҳар қандай йўл б-н бўлса-да дипломатик муносабатларни қўллаб-қувватлади, уларнинг элчиларини иззат-икром б-н кутиб олди.

Ташқи ишлар коллегияси 1750 й.да Оренбургга Хива хони Ғойибхон вакиллари келганлигини билгандан сўнг губернатор Неплюевга элчи орқали хонга табрик ва совға юборишни топширади ва савдони рағбатлантириш, Оренбургга қўплаб савдогарларни юборишни таклиф этади. 1753 й.да Хива ва Бухорога Данило Рукавкин бошчилигида савдо карвони келади.

О.с.й.нинг узунлиги тахм. 2226 км бўлиб, карвон уни 50—60 кун мобайнида босиб ўтган.

1757, 1761 ва 1763 й.ларда Хива элчилари Оренбург ва Астрахонга келади. Сўнгра элчи ҳар йили апр. ва авг. ойларида Хива маҳсулотларини Астрахонга ташиб бериш учун Мангишлоққа рус кемаларини юборишини сўрайди. 1774 й.да Бухоро элчиси Эрназар Мақсутов Каспий денгизи атрофларида бепул савдо қилишга рухсат олади. Шундан сўнг бухороликларга Россия орқали Маккага ҳаж сафарига боришга рухсат берилади. О.с.й. Россиянинг Ўрта Осиё хонликлари б-н иқтисодий, сиёсий ва савдо-сотиқ ишларини кучайтиришда муҳим роль ўйнади.

Назаров Тожибоев.

ОРЕНБУРГ ЭЧКИ ЗОТИ — тивит йўналишидаги эчки зоти. О.э.з. маҳаллий тивитли эчкиларни узоқ вақт тинлаб чатиштириш йўли б-н чиқарилган. Тана тузилиши бақувват. Шохлари узун. Серкалари ўртача 65—70 кг, урғочилари 45—47 кг келади. Қирқиб олинадиган жун чиқими 0,3—0,4 кг. Жуни тивит (35%, уз. 5—6 см, ингичкалиги 14—16 мкм) ва қил (65%, уз. 7—9 см, ингичкалиги 80—90 мкм)дан иборат. Тивити қоратир-кулранг. Оқ рангдиси кам учрайди. Тараб олинадиган тивит чиқими 0,2—0,3 кг дан

Оренбург эчки зоти.

0,5 кг гача. Тивити бутун дунёга машҳур. Ундан иссиқ оренбург рўмолларн тайёрланади. Соғим даврида 90—120 кг сут беради, ёғлилиги 4,8—5%, 100 та она эчкидан 125—140 улоқ олинади. Бу эчки Оренбург, Челябинск вилоятларида, Бошқирдистонда ва Қозогистоннинг айрим жойларида боқилади.

ОРЕХОВО-ЗУЕВО — РФ Москва вилоятидаги шаҳар (1917 й.дан). Клязьма дарёси бўйида. Т.й. тугуни. Аҳолиси 125,3 минг киши (1998). Россия тўқимачилик саноатининг илк марказларидан. Машинасозлик ва металлсозлик корхоналари, пластмасса и.ч. «Каролит» з-ди мавжуд. Пед. ин-ти, тарих-ўлкашунослик музейи, драма театри фаолият кўрсатади. О.-З. 19-а.нинг ўрталарида вужудга келган. 1917 й.дан О.-З. деб атала бошлаган.

ОРЁЛ — РФ Орёл вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Ока дарёсининг ҳар иккала соҳилида. Т.й. тугуни. Аҳолиси 346,8 минг киши (1998). Машинасозликнинг йирик маркази — автогрейдер, автоюклагич, бошқарувчи ҳисоб машиналари, «Янтарь» соатлари ишлаб чиқарилади, приборсозлик, тўқимачилик машинасозлиги ривожланган. Пўлат қуйиш з-ди бор. Енгил, озиқ-овқат ва б. саноат корхоналари мавжуд. 5 олий ўқув юрти, 3 театр, И. С. Тургенев (Орёлда туғилган), И. А. Бунин, Н. С. Лесков, орёллик ёзувчилар, тарихчи Т. Н. Грановский, композитор В. С. Калинников музейлари, ўлкашунослик музеи, суратлар галереяси, «Орёл ҳужуми операцияси» музей-диорамаси мавжуд. О. 1566 й.да Рус давлати жанубчегарасини ҳимоя қилувчи қалъа сифатида қурилган. 1778 й.дан Орёл губерниси маркази. 17 а. ўрталаридан Қалуга савдосининг муҳим маркази. О.да 18—19-а.лар тарихий-меъморий ёдгорликларидан Николо-Песков ва Михаил Архангел черковлари, «Дворянлар уйи» (ҳоз. шаҳар маданият ва истироҳат боғи ҳудудида) атрофидаги бинолар сақланган.

ОРЁЛ ВИЛОЯТИ — РФ таркибидаги вилоят. 1937 й. 27 сент.да ташкил этилган. Марказий иқтисодий районга киради. Майд. 24,7 минг км². Аҳолиси 898,9 минг киши (2000), асосан, руслар (96,9%), шунингдек, украинлар (1,3%), ва б. миллат вакиллари (1,8 %) ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 63,2%. Маркази — Орёл ш. Таркибига 24 маъмурий туман, 7 шаҳар ва 14 шаҳарча киради. Бошқа йирик шаҳарлари — Ливни, Мценск.

О.в. Ўрта Россия қирларида жойлашган. Дарё водийлари ва жар кўп. Фойдали қазилмалари: оҳактош, доломит, бўр, ҳар хил гиллар, қум, темир руда-си. Иқлими мўътадил континентал. Январининг ўртача т-раси —9°, июлиники 18°. Йиллик ёғин 500 мм (энг кўпи ёзда ёғади). Вегетация даври 190—200 кун. Асосий дарёси — Ока ва унинг ирмоқлари. Сунъий ҳовуз кўп. Тупроғи қоратупроқ, тўқ кулранг ўрмон, чимли подзол тупроқлар. 10% ҳудуди ўрмон (дуб, заранг). Бўри, тулки, сув калами, юмронқозиқ ва б. яшайди. Вилоят ҳудудида Орёл Полесьеси миллий боғи жойлашган.

Асосий саноат тармоқлари: машинасозлик ва металлсозлик. О.в.да автосозлик ва металлсозлик. О.в.да автогрейдерлар, енгил, ойна ва озиқ-овқат саноатлари учун асбоб-ускуналар, ҳисоблаш техникаси ва автоматлаштириш воситалари, приборлар, соатлар ва б. ишлаб чиқарилади. Металлсозлик (пўлат прокати, сим, металл тўри ва б.), енгил (пайпоқ, пойабзал, кийим), озиқ-овқат (сут, гўшт, қанд) саноати корхоналари, Орёл ГЭС бор. Энг йирик корхоналари: «Орёл» пўлат-прокат з-ди, «Орлэкс», «Янтарь» соатсозлик

корхонаси, бошқарувчи ҳисоблаш машиналари з-ди, «Дормашина», «Текмаш» (Орёл ш.) з-длари; гидравлик машиналар з-ди (Ливни ш.), алюминий з-ди.

Қ.х.да техника экинларини етиштириш ривожланган, дон-чорвачилик йўналишни ҳам асосий ўрин тутади. Бугдой, сули, картошка, сабзавот-полиз, озуқа экинлари экилади, мевачилик ривожланган. Сут-гўшт чорвачилиги, чўчқачилик, гўшт-жун қўйчилиги, паррандачилик тараққий этган. Зотли илқичилик машҳур. Олий ўқув юрти, кутубхоналар, музей, театр, бор. Вилоят ҳудудида И. С. *Тургеневнинг* Спасское-Лутовиново музей усадьбаси жойлашган.

ОРЖОНИКИДЗЕ Григорий Константинович [1886.12(24).10, Кутаиси губерняси Шаропанск уезди — 1937.18.2, Москва] — Туркистонда большевикча режимни ўрнатиш ташкилотчиси. 1922 й. апр.—майда Туркистонда бўлиб, бу ерда совет режими ва Қизил армияга қарши курашаётган миллий кучларни гор-мор қилиш режаларини ишлаб чиққан. О. РКП (б) МК Туркистон бюроси ўрнида Ўрта Осиё бюроси (Средазбюро) тузилишини ташаббускори (1922 й. май). ВКП (б) МК Сиёсий бюроси аъзоси (1930 й.дан). СССР ни индустриаллаштиришда катта куч-гайрат сарфлаган. Оммавий қатағонлар даврида И. В. *Сталин* б-н ихтилофга борган ва ўзини отиб ўлдирган.

Ад.: Ражабов К., Бухорога Қизил армия бостқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

ОРЖОНИКИДЗЕ ЧЎҚҚИСИ — Тожикистон (Помир)даги тоғ чўққиси. Бал. 6346 м. Сомонийён чўққисидан шарқда, Фанлар Академияси тизмаси шарқий тармоғи қиррасида жойлашган. Ён бағирларида қор ва фирн майдонлари бор. Г. К. *Орджоникидзе* номига қўйилган. Чўққига илк бор 1937 й.да, Помир экспедицияси иштирокчилари О. Д. Аристов, В. М. Киркоров ва Н. А. Гусаклар чиққан.

«ОРЗИГУЛ» — ўзбек халқ ишқий-романтик достонларидан. *Ислом шоир* Назар ўғлидан ёзиб олинган. Достоннинг бош қаҳрамони Орзигул халқнинг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, адолат йўлида курашга одиб борувчи аёл образидир. Орзигул ҳаёти, кураши ўша даврнинг ижтимоий масалалари б-н боғлаб талқин қилинади. Орзигул б-н Сувонхон муҳаббати барча тўсиқларни енгишга қодир қудратли куч сифатида намоён бўлади. Асарда Орзигул, Сувонхон ва Доно чўпоннинг Қорахон подшо қўшинлари устидан ғалабаси адолат ва ҳақиқатнинг рўёбга чиқиши, зулмат устидан ёруғлик тантанаси сифатида акс эттирилган.

ОРИЙЛАР — Ҳиндистоннинг кўп минг йиллик тарихида уни биринчи бор истило қилган қабилалар. «Орий» сўзи қад. Эронзабон қабилаларнинг номи бўлиб, «келгинди», «бегона», «бошқа ерлик» маъноларини билдириб, кейинчалик «ҳўжайин», «асилзода» маъносини англатган. Қад. ҳинд манбаларида О. нинг муқаддас юрти Арьяварта ҳақида зикр қилинади. Эроний ва ҳинд-орий қабилалари аждодларининг кенг уруғчилик даврларидаёқ тилининг яқинлиги, грамматик ва асосий луғат бойлиги умумий бўлганлиги, диний тушунчаларнинг бир эканлиги, шунингдек урф-одатлари, оловларга топинишнинг ўхшашлиги диққатга сазовор. Қад. ҳиндлар ва эроний лар бирга яшаб, ҳинд-орий умумийлигини ташкил этганлар. Уларнинг аждодлари аввало Марказий Осиё ва унга қўшни ўлкаларда яшаганлар деган фикр мавжуд. Бу ҳудудда яшаганларнинг бир гуруҳи Ҳиндистонга, бошқаси эса Ғарбий Осиёга борганлар. Бу жараён мил. ав. 2-минг йилликнинг ўрталарида рўй берган. Баъзи олимлар О.ни Ҳиндистонга икки йўл орқали, яъни Кавказ ва Марказий Осиё орқали ўтиши мумкинлигини тахмин қиладилар. Бу жараён бир неча юз йиллар мобайнида рўй берган. Ўша даврда маҳаллий қабилалар б-н ҳарбий тўқнашувлар, орий қабилаларнинг ичида ҳам ўзаро низолар бўлиб турган. Ҳинд-орийларнинг Ҳиндистонда маҳаллий аҳоли б-н ассимиляция жараёни ва О.нинг Шарққа ҳаракати тезроқ кечган. О. маҳаллий қабилаларнинг ижтимоий, сиёсий тизимига маълум даражада ўзгартиришлар киритган, ўз навбатида, ҳиндларнинг диний тушунчалари ҳам ҳинд-орийларга ўз таъсирини кўрсатган. Аста-секин ҳинд-орий ва маҳаллий қабила ботуқларини мужассамлаштирган, Шим. ҳамда Шарқий Ҳиндистоннинг анчагина ҳудудини ўз ичига олган янги маданият вужудга келган.

Ад.: Гафуров Т., Қадимги Ҳиндистон тарихи, Т., 2000; Бонгард — Левин Г. М., Ильин Г. Ф., Древняя Индия, М., 1969; Индия в древности, М., 1985.

Тешабой Ғафуров.

ОРИНОКО (маҳаллий индейслар тилида Ориноку — дарё) — Жан. Америкадаги дарё, Венесуэла ва Колумбияда. Уз. 2730 км, ҳавзасининг майд. 1086 минг км². Гвиана ясситоғлигидан бошланади ва Атлантика океанига бот-қоқли дельта (майд. 20 минг км²) ҳосил қилиб қуйилади. Юқори оқимида О.дан Касикьяре дарёси ажралиб чиқиб, Амазонканинг Рио-Негру ирмоғига қуйилади. Мета ирмоғи қуйиладиган жойгача серстона, тез оқади. Ўрта оқимида серсув. Дельта қисмида дарё 36 тармоққа ажралган. Ёғингарчилик даври (апр.—сент.)да сув сатҳи 8—15 м гача кўтарилади. Бу вақтда кемалар Колумбия чегарасигача бора олади. О. ҳавзасидаги кема йўлларининг умумий уз. 12 минг км. Дарё океанга йилига 915 км³ сув, 45 млн.т оқизиқ келтиради. Қуйи қисмида йиллик ўртача сув сарфи 29 минг м³/сек. ГЭС лар қурилган. Балиқ тури кўп.

О.нинг қуйилиш жойини 1498 й.да Х. Колумб, 1499 й.да А. Охеда ва А. Веспуччи экспедицияси, ўрта оқимини испан сайёҳи Диего Ордас тадқиқ қилган, 1800 й.да немис олими А. Гумбольдт француз ботаниги Э. Бонплан б-н биргаликда О. бўйлаб саёҳат қилиб, унинг Амазонка системаси б-н туташ эканлигини аниқладилар.

ОРИНЬЯК МАДАНИЯТИ (археология) — Ғарбий Европадаги сўнгги палеолит даври маданияти. Франциядаги (Юқори Гаронна департаменти) Ориньяк (Aurignac) ғори номидан олинган. О.м.да тасвирий санъатнинг энг қад. тури *ҳайкалтарошлик* пайдо бўлган. О.м.нинг илк даврида ёрма техника такомиллашган. Ушбу давр одамлари ҳоз. замон одами типига (Homo Sapiens) тегишли бўлган.

ОРИОН — экваториал юлдуз туркуми. Ригель, Бетельгейзе, Беллатрикс номли энг равшан юлдузлари бор. Уларнинг визуал юлдуз катталиги 1,7; 1,8; 2,0 ва 2,2. О.да катта газ-чанг туманлиги бўлиб, кўндаланг масофаси тахм. 5,5 парсек. Куз ва қишда кўринади.

ОРИОН КАТТА ТУМАНЛИГИ — Галактикада Қуёш системасига яқин турувчи йирик газ-чанг туманлиги; Ердан унгача бўлган масофа тахм. 300 парсек (қ. *Туманликлар*).

ОРИОНИДЛАР — метеор оқими. Радианти *Орион* юлдуз туркумида жойлашган. Ҳар йили 15 окт.дан 25 окт.гача кузатилади. Айниқса, 20—21 окт. кечаси оддий кўз б-н бир соатда 10—20 тагача «учар юлдуз» — О. оқимини кузатиш мумкин. О. орбитаси *Галлей кометаси*га яқин жойлашган метеор жисмлар туркуми б-н боғланган. Ер Қуёш атрофида айланаётиб, бу туркум б-н икки марта тўқнашади. Галлей орбитаси б-н боғланган иккинчи метеор оқими — Акваридлар. Акваридлар оқими баҳорда кузатилади.

ОРИПОВ Абдулла (1941.21.3 — Қашқадарё вилояти Косон тумани Некўз қишлоғи) — шоир ва жамоат арбоби. Ўзбекистон халқ шоири (1990). Ўзбекистон Қаҳрамони (1998). ТошДУнинг журналистика ф-тини тугатган (1963). «Ёш гвардия» (1963—69), Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётларида муҳаррир (1969—74), «Шарқ юлдузи» жур.да адабий ходим, бўлим мудири (1974—76), Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи (1976—82), масъул котиб (1985—88), Тошкент вилоят бўлимида масъул котиб (1982—83), «Гулхан» жур.да муҳаррир (1983—85), 1996 й.дан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, айни вақтда, Ўзбекистон Республикаси Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат агентлиги раиси (1989 й.дан).

О.нинг «Тилла балиқча», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» сингари дастлабки шеърлари талабалик йилларида ёзилган ва ўзбек шеъриятига янги, истеъдодли, ўзига хос овозга эга шоирнинг кириб келаётганидан дарак берган. Кўп ўтмай, «Митти юлдуз» (1965) илк шеърлар тўпламининг нашр этилиши шеърият мухлисларида пайдо бўлган шу дастлабки тасаввурнинг тўғри эканлигини тасдиқлаган. Шундан кейин шоирнинг «Кўзларим йўлингда» (1966), «Онажон» (1969), «Руҳим», «Ўзбекистон» (1971), «Хотирот», «Юртим шамоли» (1974), «Юзма-юз», «Ҳайрат» (1979), «Нажот қалъаси» (1981), «Йиллар армони» (1983), «Ҳаж дафтари», «Муножот» (1992), «Сайланма» (1996), «Дунё» (1999), «Шоир юраги» (2003) сингари шеърий китоблари нашр этилган.

О. ўзбек шеъриятига ўтган асрнинг 60-й.ларида собиқ совет жамиятида эса бошлаган янги шабаланинг элчиси сифатида кириб келди. У дастлабки шеърларидан бошлаб миллий шеъриятда янги поэтик тафаккурнинг қарор топиши йўлида ижод қилди; турмушда

Абдулла Орипов мухлислар даврасида.

пайдо бўла бошлаган янгича қарашлар, кишиларнинг руҳий оламидаги ўзгаришлар, фикр ва хатти-ҳаракат эркинлигига бўлган эҳтиёж О. шеърларининг ғоявий мундарижасини белгилаб берди. О.нинг дастлабки шеърларидаги романтик кайфият аста-секин ўз ўрнини фалсафий мушоҳадаларга бўшатиб, шоирнинг ҳаётда рўй бераётган воқеа ва ҳодисаларга муносабати фаол тус олди. Шу маънода «Тилла балиқча», «Қуриқхона», «Генетика», «Оломонга» каби шеърлар О.нинг лирик шеърият уфқларини ҳаёт муаммолари тасвири ҳисобига кенгайтириб бораётганидан дарак берди. Худди шу нарса О.нинг достон жанрига мурожаат этиши ва лиро-эпик тасвир имкониятларидан самарали фойдаланишига сабабчи бўлди. О. «Жаннатга йўл» (1978), «Ҳаким ва ажал» (1980), «Ранжком» (1988) каби достонларида маънавият масалаларига алоҳида эътибор бериб, кишиларнинг руҳий оламидаги айрим қусурлар б-н илмий-техник тараққиёт ва тафаккурнинг парвози ўртасидаги зиддиятни очиб ташлади. Умуман, О.нинг шеър ва достонларида юзага сурилган маънавий муаммолар мустақиллик даврида, айниқса, долзарб аҳамият касб этиб, шоирнинг худди шу масалалар тасвирида ўз даврига нисбатан (уларнинг аксари 90-й.ларга қадар ёзилган) илгорлаб кетганини намойиш этди.

О. ижодида, бир томондан, Ғафур Ғулом лирикасига хос фалсафийлик кўзга ташланса, иккинчи томондан, Ҳамид Олимжон шеърларига хос мусиқий равонлик ва балиқий соддалик акс этиб туради.

Мазкур 2 манба О. шеърларида ўзаро ўхшаш ҳолда ориёна шеъриятнинг асосий хусусиятларини ифодалаб келади. О.нинг сунгги йиллар ижодида туғу ва кечинмалар тасвири сусаймаган ҳолда яна бир муҳим фазилат бор. Бу, О. шеърларига лиро-эпик тасвир унсурларининг кўплаб кириб келишидир.

О. мустақиллик йилларида адабиётнинг ранг-баранг тур ва жанрларида ижод эта бошлади. Шу даврда тарихий адолатнинг тикланиши, ўтмишда яшаган саркардалар ва алломалар ҳотирасининг эъзозланиши О.нинг Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихий тақдирида ўчмас буюк роли кўрсатувчи «Соҳибқирон» шеърий драмасини (1998) ёзишга илҳомлантирди. О. бу асарида қариб уч аср давомида ҳукм сурган қудратли Темурийлар салтанатининг асосчиси ва 15-аср Шарқда Уйғониш даврининг бошланишига ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий шароит яратган Амир Темур образини ёрқин гавдалантириб берди. Мазкур асар республиканинг барча йирик театрларини ва қардош мамлакатлар саҳналарида катта муваффақият б-н ўйналди.

О. — Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясининг матнини ёзган (1992). У Навруз ва Мустақиллик байрамларини ўтказиш бўйича ёзилган сценарийларининг аксарияти муаллифи.

О. Ёзувчилар уюшмаси раиси сифатида Ўзбекистондаги ҳоз. адабий жараёнга раҳбарлик қилмоқда. Шеърияти *Муҳаммад Юсуф* каби кўплаб ёш шоирлар ижодининг шаклланишига таъсир кўрсатган.

Данте «Илоҳий комедия»сининг «Дўзах» қисмини, А. С. Пушкин, Н. А. Некрасов, Т. Г. Шевченко, Л. Украинка, Р. Ҳамзатов, Қ. Кулиев ва М. Байжиев асарларини ўзбек тилига маҳорат б-н таржима қилган. Ўз навбатида, унинг асарлари ҳам рус, инглиз, болгар, турк, украин, туркман, озарбайжон каби кўплаб хорижий тилларга таржима қилинган. 1990 й.дан Ўзбекистон Олий Кенгаши, 1995 й.дан Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати. О. Калифорния (АҚШ) Фан, таълим, саноат ва санъат халқаро академиясининг ҳақиқий аъзоси. Сока университети (Япония) проф. «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Бош таҳрир ҳайъати аъзоси (1997 й.дан). Ҳамза номидаги (1983) ҳамда Алишер Навоий номидаги (1992) Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотлари лауреати.

Ас.: Танланган асарлар [4-жилд]. Т., 2001.

Ад.: Қўшжонов М., Мели С., Абдулла Орипов. Т., 2000.

Наим Каримов.

ОРИПОВ Дилшод (1977.20.7, Тошкент) — юнон-рум қураши бўйича халқаро миқёсдаги спорт устаси (1997), «Ўзбекистон ифтихори» (2001). Тошкентдаги Республика олимпия ўринбосарлари билим юртини тугатган (1994). О. Ўзбекистон (1995—2002), Осиё (1997, Теҳрон) ва жаҳон (2001, Патри) чемпиони. Осиё ўйинларида (2002, Пусан) кумуш медалга сазовор бўлди. Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги академиясида ўқиди (2003).

ОРИПОВ Тоҳир Фотимович (1945.7.9, Тошкент) — биофизика ва экология соҳасидаги олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995), Биология фанлари д-ри (1988), проф. (1990). ТошДУни тугатган (1970). Ўзбекистон ФА Биоорганик кимё ин-тида лаб. мудири (1975 йдан), Ўзбекистон Олий аттестация комиссияси бош илмий котиби (1992—93), ранс мудири (1993—94), раиси (1995—97), Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида етакчи консультант (1994—95), Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат мустақиллиги раиси (1997), Ўзбекистон ФА вице-президенти (1997 й.дан). Асосий илмий ишлари оқсил моддаларнинг биомембраналар б-н таъсирланиш биоспектроскопиясига оид. О. раҳбарлигида цитотоксинларнинг биологик мембраналар модели б-н таъсирланиш механизми, цитотоксин молекулаларнинг шакли, ўлчами, уларнинг фосфолипидли мембраналарда жойлашиши, липид ва сув фазаларида тақсимланиш қонуниятлари, госсипол ва госсипол модификацияларининг структураси аниқланган. Тиононинни ажратиб олиш технологияси ва унинг таъсири муаммолари тадқиқ қилинган.

ОРИПОВ Тўйчи (Мирҳосил) (1928. ? Тошкент) — Ўзбекистон халқ артисти (1979). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1953). Қўқон театрида (1953—58), Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрида, (1987—94), Ҳамза театрида (ҳоз. Ўзбек миллий академик драма театрида) (1951—53; 1958—87; 1994 й.дан) актёр. О. драматик, фожиавий ва комик роллар, айниқса, ўткир характерли, салбий образлар устаси сифатида танилган. Яратган образлари ҳаётий, ифода воситалари аниқ ва ишонарли бўлиб, қаҳрамонларининг ички дунёси, маънавий ҳолати ва характерини тўлиқ очишга интилади. Театрда Лембет (Э. Раннет, «Оқпадар»), Йўлчи, Ҳакимбойвачча (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Синтаро (М. Клору, «Ўтирлангач умр»), Гойинг (Уйгун, «Қотил»), Салас Ина (Э. Роблес, «Монсерра»), Солиҳбой (Ҳамза, «Бой ила хизматчи»), Маҳмуд Ғазнавий (Уйгун, «Абу Райҳон Беруний»), Маҳкам (С. Аҳмад, «Келинлар кўзголони»), Бобобеков (Ш. Холмирзаев, «Қора камар»), Шайбонийхон (П. Қодиров, «Юлдузли тунлар»), ота (У. Азим, «Бир қадам йўл») каби роллар б-н театр санъати равнажига муносиб ҳисса қўшди. Шунингдек, видеофильм-лар (Амир Жонидор, «Улуғбек хазинаси»; Муҳиддин Жабборович, «Гирлоб»; Исҳоқ, «Гулула»; Санжаров, «Имон»; Мажиддинн, «Навоий»; Қудратхўжа, «Диёнат» ва б.), кинода (Ранс, «Абдуллажон»; Ганибойвачча, «Сайёд қўнғироғи»; Ғанибойвачча, «Амирнинг хуфиёна саёҳати»; Йўлдошев, «Иккинчи айлана бўйлаб»; Куёв, «Қариб қуюлмаган»; Бобо, «Осмондаги болалар» ва б.) ҳам суратга тушган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1989). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

Тўйчи Орипов Ота ролида («Бир қадам йўл»).

ОРИПОВ Эргаш (1931.2.3, Тошкент) — визокти — 1997.17.11, Тошкент) — кимёгар олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1993), кимё фанлари д-ри (1972), проф. (1974). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1953). Ўзбекистон ФА Кимё ин-тида директор муовини (1976—82), лаб. мудири (1965—95). О.нинг илмий ишлари табиий минерал сорбентлар ғовакли ва сирт қатламли силикатларнинг физик-кимёвий асослари ҳамда усулларини, сирт-фаол моддалар ва сувда эрувчан полимерлар (полиэлектролитлар) эритмаларида тузилмалар ҳосил бўлиши ва гидрофоб боғланишга таъсир кўрсатишга оид. Табиий минерал хом ашёлар асосида самарали адсорбентлар, тўлдиргичлар олиш, тупроқ структурасини яхшилаш ва кўчма кузларни кимёвий мустаҳкамлашнинг асосларини ишлаб чиққан.

Ас.: Природные минеральные сорбенты, их активирование и модифицирование, Т., 1970; Активные центры природных минеральных дисперсий, Т., 1993.

ОРИПОВ Ўктам Орипович (1927.3.1, Жиззах ш. — 2001.15.12, Тошкент) — хирург олим, Ўзбекистон ФА акад. (1974), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1967), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган врач (1958), тиббиёт фанлари д-ри (1963), проф. (1964). СамТИни тугатган (1948), шу ин-т факультет хирургияси кафедрасида клиник ординатор (1948—50), ассистент (1950—56), доцент (1956—61), умумий хирургия кафедраси мудири (1961—64), Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари (1964—71), ТошТИ ректори ва ф-т хирургияси кафедраси мудири (1971—84), 1-ТошТИ ф-т ва госпиталь хирургияси кафедраси мудири (1984—97), 1997 й.дан Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги Жигар ва ўт йўллари хирургияси илмий маркази директори. Илмий ишлари мураккаб радиацион жароҳатларнинг кечиш хусусиятларини, организмга радиацион нур таъсир қилганда шикастланган периферик нервнинг ўсишини тезлаштириш, хирургик касалликлардаги аутоиммун жараёнларнинг ролини ўрганишга, жароҳатланган ўт йўлининг хирургияси, сурункали гломерулонефритни даволаш усуллари ва хирургиянинг бошқа долзарб масалаларига бағишланган. Органларни кўчириб ўтказиш бўйича минтақада ташкил этилган марказ асосчиси. Ўрта Осиёда биринчи бўлиб одамда буйракни кўчириб ўтказган (1972). Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983). «Эл-юрт ҳурмати» ордени б-н мукофотланган (1998).

Ас.: Корин бўшлиғи органларининг ошғич жарроҳлиги, Т., 1991; Умумий хирургия, Т., 1994 (ҳаммуаллифлар); Техника наложения желчеотводящих анастомозов механическим швом, Т., 1999 (ҳаммуаллифлар).

ОРИПОВ Ҳамидилла Нигматович (1940.10.10. — Тошкент — 1998.14.3) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995), кимё фанлари д-ри (1979), проф. (1987). Тошкент политехника ин-тини тугатган (1962). Ўзбекистон ФА

Ўсимлик моддалари кимёси ин-тида лаб. мудири (1983—85), илмий ишлар бўйича директор ўринбосари (1985—89), директор (1989—98). Илмий ишлари табиий фаол бириқмаларни ўрганиш ва самарали синтетик препаратлар олишга оид. О. раҳбарлигида дезоксипеганин гидрохлорид, медамин каби доривор препаратлар, гельминтларга қарши қўлланадиган самарали препаратлар — альбендазол, медалек, фенасал ва б.синтез қилинган, бутилкаптакс дефолиантини олиш технологияси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Беруний номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати (1984).

ОРИСАБА, Ситлальтепетль — Мексикадаги ҳаракатдаги вулкан, Мексика тоглигининг жан.-шарқий чеккасида. Бал. 5700 м (мамлакатдаги энг баланд чўққи). Андезит ва базальт жинслардан тузилган. 1545, 1566, 1630, 1687 й. ларда кучли отилган. Ён багри 4000 м баландликкача ўрмон, ундан юқорида альп ўтлоқлари; 4500 м дан абадий қор қоплами бошланади.

ОРИССА (ория халқи номидан) — Ҳиндистоннинг шарқий қисмидаги штат (1947 й.дан). Майд. 156 минг км². Аҳолиси 36,7 млн. киши, аксари қисми ориялар. Маъмурий маркази — Бхубанешвар ш.

Штатнинг катта қисми Декан ясситоғлигида (ўртача бал. 200—700 м). Жан.да Шарқий Гат тоғлари (бал. 1000—1500 м) бор. Шарқи Бенгалия қўлтиғига туташ. Соҳили пасттекислик. Иқлими субэкваториал муссонли иқлим. Йиллик ўртача т-ра 18—25°. Йиллик ёғин 1500 мм гача. Тог ён багирлари тропик ўрмонлар, соҳиллари қисман мангра ўрмонлари б-н қопланган.

О. — саноати ривожланиб бораётган аграр штат. Аҳолисининг катта қисми қ.х.да банд. Ҳайдашга яроқли ерларнинг 57% дан фойдаланилади, шундан 15% суғорилади. Шоли, шунингдек, тариқ, шакарқамиш, жут, бир оз пахта ва б. экинлар экилади. Соҳилга яқин сувларидан балиқ овланади. Энергетика ресурсларидан деярли фойдаланилмайди. Марганец, темир ва хром рудалари қазиб олинади. Қора металлургия ва минерал ўғитлар, алюминий з-длари, кабель ва прокат ишлаб чиқарувчи корхоналар, ферромарганец, цемент з-длари бор. Ҳунармандчиликда бадиий буюмлар и.ч. ривожланган.

Қадимда О. ҳудуди ўрнида Калинга давлати бўлган. 16-а.гача О. турли давлатлар таркибида бўлиб келди. 1576 й.да О.ни Бобурийлар эгаллаган. 1803 й. да Англиянинг Ост-Индия компанияси босиб олган. 1817—18 й.ларда О. ҳудудида инглиз мустамлакачиларига қарши катта қўзғолонлар бўлган.

ОРИФ ГАРМОН Тошматов (1891.4.3 —Андижон—1944.3.5) — актёр, созанда (гармончи). Ўзбекистон халқ артисти (1941). Дутор чалишни отаси Тошмат ҳофиздан, гармон чалишни амакиси Ҳожи Гармондан ўрганган. 1905 й.дан сайёр труппаларда қиличчилик ва созандалик қилган.

1918 й. Андижонда Т. Жалилов бошчилигидаги «Саноий нафиса» тўгарагига аъзо бўлган. Туркистон Ўлка Сайёр сиёсий труппаси (1918—19), Андижон театри (1920—25), Асака к-з—с-з театри (1926—33)да актёр, Андижонда мусиқа ансамбли раҳбари (1933—44). О. Г. ўзбек профессионал театрига халқ театрининг сахна ва мусиқа анъаналарини синдиришига ҳисса қўшган. У гармонда «Абдураҳмонбеги», «Муножот», «Ором», «Андижон полькаси», «Танавор», «Дилхирож» ва б. ўзбек куйларини, «Насруллойи», «Баёт», «Бузрук», «Наво» сингари мақом йўлларини нафислик б-н ижро этган. У бир қанча куйлар муаллифи.

ОРИФЖОНОВ Рихсибой (1926.23.4 — Тошкент — 1979.4.6) — актёр, реж., драматург. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1964). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1953). Ҳамза театрида (1941—53; 1956—61), Қўқон театрида (1953—56) актёр. Каттақўргон театрида (1961—64), Самарқанд театрида (1964—67) бош реж., Сурхондарё театрида бош реж. ва директор (1970—72), Тошкентдаги Муқимий театрида директор (1973—75), Сирдарё театрида бош реж. (1975—78), Республика халқ ижоди уйи раҳбари (1978—79). Омон (Туйғун, «Баҳодир»), Соли писмиқ, Асқар (Уйғун, «Қалтис ҳазил», «Ҳуррият»), Язантўш (Н. Сафаров, «Шарқ тонги»), Муқимий (С. Абдулла, «Муқимий»), Карл Моор (Ф. Шиллер, «Қароқчилар»), Саттор (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари») каби образларни яратган. Реж. сифатида «Она қалби» (М. Бобоев), «Фурқат» (Б. Авезов), «Дугоналар» (Е. Худойқулов), «Қароқчилар» (Ф. Шиллер), «Ажаб савдолар» (Ҳ. Ғулом), «Нолира» (Ҳ. Раззоқов), «Бой ила хизматчи» (Ҳамза) каби 50 дан ортиқ спектакль саҳналаштирган. Республика театрларида саҳналаштирилган «Бахтиёр қизнинг бахти», «Бой ила хизматчи», «Ўтмиш сабоқлари», «Она ҳукми», «Алданган қиз» сингари пьесалар муаллифи.

ОРИФОВ Убай Орифович (1905.15.6, Қўқон — 1976.24.12, Тошкент) — физик олим, давлат ва жамоат арбоби. Ўзбекистон ФА акад. (1956), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби (1959). Физика-мат. фанлари д-ри (1954), проф. (1956). Ўзбекистон пед. академиясини тугатган (1931). Қўқон пахтачилик ин-тида (1932—34), ЎрДУ да (1935—41) ишлаган. Ўзбекистон ФА Физика-техника ин-ти (1945—56, 1963—67), Ядро физикаси ин-ти директори (1956—62, 1967—69), Ўзбекистон ФА президенти (1962—66), Ўзбекистон ФА Электроника ин-ти директори (1966—76). О.нинг асосий илмий ишлари физик электроника, ядровий ва радиацион физика, гелиоэнергетика, пахта хом ашёсига дастлабки ишлов бериш масалаларига бағишланган. О. томонидан фанда ҳали номаълум бўлган ҳодисалар: қаттиқ жисмга атом зарралари таъсир этганда рўй берувчи қўплаб мураккаб жараёнлар, иккиламчи ионлар ва электронларнинг ҳар хил гуруҳларини тониш ва ажратиш, қаттиқ жисмлар сиртининг хоссаларини ўзгартириш усуллари аниқланган ва шу асосда электрон техника, микроэлектроника ва машинасозлик материалларига ишлов бериш усуллари яратилган. У пахтачилик ва пахта саноатининг тараққиётига ҳамда халқ хўжалигида қўёш энергиясидан фойдаланиш муаммоларига катта эътибор берди. О. раҳбарлигидаги талқинотлар натижасида уруғлик ва техник чигитни тўла туксизлантириш, уларни сараш ва тозалаш муаммолари ҳал этилди, қўёш энергиясини электр энергиясига айлантириш ва гелиотехник қурилмалар яратиш бўйича ишлар амалга оширилди. О. ташаббуси б-н 1965 й.дан бошлаб Тошкентда «*Гелиотехника*» халқаро жур. нашр этила бошланди. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1968). Ўзбекистон ФА Электроника ин-тига ва Тошкент ш.нинг Юнусобод туманидаги кўчалардан бирига унинг номи берилган.

Ас. Взаимодействие атомных частиц с поверхностью металла, Т., 1961; Взаимодействие атомных частиц с поверхностью твердого тела, М., 1968.

ОРИФХОНОВА Муаррам Мажидовна (1911, Чимкент — 1974, Тошкент) — ботаник олима, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1970), биол. фанлари д-ри (1965), проф. (1968). Тошкент тиббиёт техникумини тамомлаб (1926—31), Мартилон дорихонасида ассистент-фармацевт бўлиб ишлаган. Ўрта Осиё ун-тининг биол. ф-тини тугатган (1937). Шу ун-т ёзги ўсимликлар кафедрасида ассистент (1942—43), доцент (1944—68). Илмий ишлари, асосан, Фарғона водийсидаги ўсимликлар қопламини ўрганишга оид. О. чўл яйловларини ўзлаштириш масалаларига қаратилган бир қанча илмий экспедициялар қатнашчиси.

Ас. Фарғона водийсининг ўсимликлар қоплами, Т., 1967.

ОРИЯ, уткала — Ҳиндистондаги халқ. *Орисса* штатининг асосий аҳолиси (32,2 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари). 50 минг кишига яқини Бангладешда яшайди. Ория тилида сўзлашади. Диндорлари ҳиндуизмга эътиқод қилади.

Қад. манбаларда О.лар саискритча одра ва уткала номи б-н тилга олинган. О.лар одра деша (одра халқи мамлакати) ёки уткала деша (уткала халқи мамлакати) деб ҳам аталган. О.лар аждодлари ҳоз. Орисса ҳудудида мил. ав. 1-минг йилликда пайдо бўлиб, *орийлар*нинг Ҳиндистонга тарқалиш даврига тўғри келади. 1956 й.да ўз мустақил штатларига эга. Деҳқончилик, ҳунармандчилик б-н шуғулланадилар.

ОРИЯ ТИЛИ, одри, уткали — *ҳинд-европа тиллари* оиласи ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб. Ҳиндистоннинг асосий тилларидан бири ва Орисса штатининг расмий тили. Кўшни Андҳра Прадеш, Мадҳья Прадеш ва Биҳор штатларида ҳам тарқалган. 25 млн.дан ортиқ киши сўзлашади. Тузилиши жиҳатидан кўпроқ бенгал тилига ўхшайди. Асосий хусусиятларидан бири — сўз охирида қисқа унлиларнинг сақланиши натижасида ундош б-н тугаган сўзларнинг жуда озлигидир. Диалектал жиҳатдан О.т. нисбатан бир хил бўлиб, жан.-ғарбда бҳатри лаҳжасигина ажралиб туради. Ёзма ёдгорликлари 11—13-а.лардан мавжуд бўлса-да, ҳоз. тил 19-а.нинг 2-ярмидан шаклланган. Қад. браҳми ёзуви асосида шаклланган, ҳарфлар шакли бошқа ҳинд ёзувларидан фарқ қиладиган ўз ёзувига эга.

ОРКЕСТР (юн. orchestra — юнон театрида саҳнанинг олд майдончаси) — турли мусиқа чолғу асбобларини чалувчилардан тузилган ва улар учун яратилган асарларни биргаликда ижро этувчи созандалар жамоаси. О. камер *ансамбл*идан *дирижёр* томонидан бошқарилиши ва баъзи партиялар якка созларда эмас, балки созандалар гуруҳи томонидан ижро этилиши б-н фарқланади. Созларнинг турлари ва тузилишига кўра, О.лар *симфоник оркестр*, халқ чолғу асбоблари О.и, *камер оркестр*, *пуфламалар* ари О.и, *камер оркестр*, *эстрада оркестри*, торли чолғулар О.и, *эстрада оркестри*, *жаз оркестри* ва б. турларга бўлинади. Ўзбекистонда О.ларнинг барча турлари мавжуд.

ОРКЕСТРАТОР — электрон мусиқа чолғу асбобларидан бири. Клавиатура ва бошқариш пульти, товуш генераторлари, модуляторлар, фильтрлар, электрон хотира, динамиклар ва б.дан иборат. Якка ижрочи О. ёрдамида ҳар қайси куйнинг кўп овозли *аранжировка*сини яратиб, уни «йўқ» оркестр (ансамбль) томонидан чалинаётгандай туюлишига эришади. Бунга О.нинг электрон хотирасида сақланаётган 100 дан ортиқ стандарт тайёр усуллар,

Оркестратор.

электрон синтез йўли б-н пайдо бўлаётган 600 дан ортиқ товуш тембр (тус)лари имконият яратади. О. 1980-й.лар охирида синтезатор ва ритмбокс мусиқа мосламалари негизида яратилган. Ҳозирда Korg, Yamaha, Roland ва б. компаниялар ишлаб чиққан О.лар ҳаваскор мусиқачилар, айниқса, поп-мусиқада кенг жорий этилмоқда.

ОРКЕСТРЛАШ, чолғулаштириш — мусиқа *асари*нинг муайян *оркестр*га мўлжаллаб *партитура*сини яратиш. Композитор бирор чолғу ёки ансамбль учун яратилган асарни О. жараёнида ундаги куйлар ва жўр бўлувчи овозларни оркестрнинг қайси чолғулари ижро қилишини созларнинг товуш туси (тембри), регистри, диапазони, ифодавий ва ижровий имкониятларига қараб аниқлайди. О.да асарнинг асосий гояси ва бадиий мазмуни, унинг услубий хусусиятлари, жанри, оҳанг, гармоник ва ритмик тузилмаларининг хусусиятлари эътиборга олинади.

ОРДЕАН — Франциянинг марказий қисмидаги шаҳар. Луара дарёси бўйида. Луара департаментининг маъмурий маркази ва Орлеане тарихий вилоятининг бош шаҳри. Аҳолиси 112 минг киши (1999). Йирик транспорт йўллари тугуни. Қ.х., электротехника машинасозлиги ривожланган. Озиқ-овқат, тўқимачилик, фармацевтика саноати корхоналари мавжуд. Шаҳар Ценабум номи б-н мил. ав. вужудга келган. Ўн-т, Нафис санъат, тарих музейлари бор. 10—18-а.ларда қурилган меъморий бинолар сақланган.

ОРЛОВ Михаил Александрович (1888, Москва — 1972.4.5, Тошкент) — тупроқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1944), проф. (1949). Москва ун-тини тугатган (1912). Ўрта Осиё ун-ти тупроқшунослик кафедраси доценти (1920—35), мудири (1935—62). О. раҳбарлигида ва иштирокида Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари, Қорақалпоғистон ва Помирнинг табиий шароити, тупроқлари ўрганилган, 200 дан ортиқ хўжаликнинг тупроқ харитаси тузилиб, и.ч.га татбиқ этилган. О. Ўрта Осиёдаги қадимдан суғориб келинаётган воҳа маданий тупроқ хусусиятларини ўрганиб, уларнинг биринчи таснифини ишлаб чиққан.

Ас.: О почвах Памира, Т., 1937; О серозёмах и озимсно-культурных почвах, Т., 1937; Новые основы почвенной классификации, Т., 1947.

ОРНИТОЗ (юн. ornis, ornithos — қуш), пситтакоз — одам ва паррандаларда учрайдиган юқумли касаллик, вирусемион қўзғатувчилар — Chlamidia psittaci хламидиялари қўзғатади. О. иситма ҳамда интерстициал *пневмония* тарзида ўтади. Касал паррандалар (тўти, каптар, ўрдак, ғоз, чумчуқ, товуқ ва б.)дан одам ва чорва молларига юқади. О. каптар кўп боқиладиган жойларда айниқса кенг тарқалган. О. ўткир ва сурункали бўлади. Касаллик 8—9 кун давом этади, одатда, 30%ча парранда нобуд бўлади.

Касаллик паррандачилик хўжаликлари, ҳайвонот боғлари ва парранда магазинларида ишлайдиган кишиларга юқиши мумкин. Касаллик одамларда тўсатдан бошланади. Беморнинг дармони қурийди, боши оғрийди, уйқусизлик рўй беради, ҳарорати кўтарилади, 18—20 кун иситмалайди.

Олдини олиш: ветеринария-санитария тадбирлари; касалланган паррандаларни сўйиш; шахсий гигиена қоидаларига, паррандачилик хўжаликларида санитария режимига риоя қилиш.

ОРНИТОЛОГИЯ (юн. ornithos — қуш ва ... *логия*) — умуртқалилар зоологиясининг қушларни ўрганадиган бўлими. О. қушларнинг экологияси, биол.си, систематикаси, морфологияси, физиологияси, биогеографияси, эволюцияси ва амалий аҳамиятини ўрганиб, бу маълумотлардан умум биологик ва инсониятнинг амалий фаолияти б-н боғлиқ муаммоларни ҳал этишда фойдаланади. «О.» терминини фанга 16-а. охирида итальян натуралисти У. Альдрованди киритган. Қушларга бағишланган биринчи асар «Ҳайвонлар тарихи»ни Аристотель (мил. ав. 384—322 й.лар) ёзган; у 170 тур қушнинг тузилиши ва ҳаётини тасвирлаб берган. Ўрта асрларда лочинлар ёрдамида ов қилишга қизиқиш анча кучайганлиги туфайли германиялик Ф. Гогенштауфеннинг «Қушлар б-н овлаш санъати ҳақида» асари дунёга келди. Асар қушлар тўғрисидаги билимларни бирмунча кенгайтирди. 16-а.дан бошлаб қушларнинг анатомик тузилиши, биологик таснифи, ҳаёт тарзига оид маълумотлар тўпланиб борди. Швед табиатшуноси К. Линней қушлар систематикаси ва фенологиясини ўрганишга асос солди. 19-а.да айрим ҳудудлар фаунасини ўрганиш, қушларнинг систематикаси, эволюцияси ва Ер юзида тарқалиш қонуниятларини ўрганиш соҳасидаги ишлар О.нинг янада ривожланишига олиб келди. 20-а.нинг биринчи ярмидан бошлаб қушларнинг экологик ва этологик хусусиятлари, турлараро муносабатлари, миграцияси ўргана бошланди. 20-а.нинг биринчи ярмидан тадқиқотларнинг янги экспериментал ва далада ишлаш методлари ишлаб чиқилиши туфайли О. соҳасидаги тадқиқотлар биосфера ва экологияга оид муаммоларни илмий нуқтаи назардан ҳал этишда бошқа фанлар орасида мустаҳкам ўрин эгаллайди. Қушларни ўрганиш борасида халқаро ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши О.нинг ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлди. 1884 й.да О. соҳасидаги и.т.лар ва амалий ишларни мувофиқлаштириш мақсадида Халқаро орнитологлар комитети тузилди. Халқаро, мамлакатлар ва регионлар миқёсида конгресслар, конференциялар ва семинарлар ташкил этила бошланди. Ҳоз. 200 дан ортиқ орнитологик жур.лар қушларнинг ҳаёти ва табиат муҳофазасига оид маълуотларни бериб боради. Туркистон қушлари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар 19-а.нинг 1-чорагида пайдо бўла бошлаган. Лекин О. соҳасидаги фундаментал тадқиқотлар фақат 20-а.дан бошланди. 20-а.нинг 2-ярмида Ўзбекистонда «Ўзбекистон фаунаси», «Ўзбекистон қушлари» каби йирик монографик асарлар, «Қушлар энциклопедияси», «Осиёда қушлар миграцияси» ва б. бир қанча йирик тўпламлар нашрдан чиқарилди. Республика орнитологлари халқаро ташкилотлар ва фондлар б-н ҳамкорликда биологик хилма-хилликни сақлаш, биологик ресурсларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида йирик тадқиқотлар олиб боришмоқда. Мамлакатда орнитологик тадқиқотлар, асосан, Ўзбекистон ФА Зоология ин-тида ва олий ўқув юртлари қошидаги зоология кафедраларида олиб борилади.

Элмурод Шерназаров

ОРНИТОХОРИЯ (юн. ornithos — қуш ва ... *хория*) — ўсимлик уруғи спораларининг ва б. қисмларининг қушлар ёрдамида тарқалиши. *Зоохория* шаклларидан бири.

ОРОГЕН (юн. oros — тоғ ва ... *ген*) — Ер пўстининг тектоник фаол зонаси — геосинклиналлар ривожланишининг 2-босқичи. Бу босқичда кўтарилишлар бўлиб, тоғлар юзага келган. О. терминини фанга австралиялик геолог Л. Кобер (1921) киритган. Унинг фикрича, О., у кузатган Альп тоғлари сингари симметрик тузилишга эга бўлиб, қаттиқ массалар орасида жойлашган бўлади ва улар томонидан таъсир қилувчи босим остида юзага келади. Кобер О.ни бир неча зоналар (марказий, туташган ва чекка)га ажратишни таклиф этиб, уларни тавсифлаб берган. Бурмали тоғлар, *геосинклиналь*, геосинклиналь системадан О. синоними сифатида фойдаланилади.

ОРОГЕНЕЗ, орогенезис (юн. oros — тоғ ва ... *генез*) — *геосинклинал*да силқувчи массалар таъсирида содир бўладиган фаол тектоник ҳаракатлар натижасида юқорига кўтарилиш. О. терминини фанга америкалик геолог Г. Жильберт (1890) киритган. Илгари О.дан бурмалар ва тоғликлар пайдо бўлади деган фикр мавжуд эди. Олимлар фикрича, О. фақат тоғ пайдо бўлиш ҳодисасини билдиради, бурмалар эса тоғ пайдо бўлишига қадар бошқа ҳаракатлар натижасида юзага келади. О. Ўрта Осиёда неоген ва антропоген даврларида кенг миқёсда содир бўлган. Ҳимолай, Тяньшан, Помир ва б. тоғлар О. натижасида пайдо бўлган.

ОРОКЛАР (ўзларини ульта — буғули одам деб аташади) — Сахалин о. (Россия)да яшовчи халқ. Умумий сони 180 киши (1990-й.лар ўрталари). Орок тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар, анъанавий эътиқодлар сақланган. Анъанавий машғулотлари — буғучилик, денгиз ҳайвонлари (нерпа, тюлень)ни овлаш, балиқ овлаш, қишда эса мўйинали ва тирик ёввойи ҳайвонларни овлаш.

ОРОЛ, о т а — 1) ҳамма томондан океан, денгиз, кўл ёки дарё суви б-н ўралган, майдони унча катта бўлмаган қуруқлик. Якка О. ва О.лар гуруҳи — *архипелаг*лар мавжуд. Ҳосил бўлишига кўра, материк, оралиқ зона ва океан О.лари бўлади. Материк О.лари қуруқликнинг чўкиши, ювилиб кетиши, дарёлар кесиб ўтиши, денгиз қирғоқлари яқинига чўкинди жинслар тўпланиши натижасида материкдан ажралиб ҳосил бўлади. Одатда, улар материк саёзлигида жойлашади: Гренландия, Калимантан, Мадагаскар ва б. Оралиқ зона О.лари ва океан О.лари денгиз тагидан вулкан отилиб чиқиши натижасида вулкан жинслари тўпланишидан ва денгиз поли...лари — маржонлар фаолияти туфайли вужудга келади; 2) қуриниши атрофидаги манзаралардан фарқ қиладиган жойларнинг номи (мас., Оролтепа, Орол денгизи, Кўкорол).

Дунёдаги энг йирик архипелаг ва ороллар

Номи	Майдони, минг км²
Тинч океанида	
Катта Зонд	1485
Калимантан (Борнео)	735
Суматра	435
Сулавеси (Целебес)	179,4
Янги Гвинея	809
Япония	372,2
Хонсю	228 га яқин
Хоккайдо	78 га яқин
Филиппин	300 га яқин
Лусон	105,6
Минданао	94,6
Янги Зеландия	268,7
Жанубий орол	150,5
Шимолий орол	115
Кичик Зонд	128
Молукка	83,7
Сахалин	76,4
Тасмания	68 га яқин
Тайвань	36 га яқин
Хайнань	34
Атлантика океанида	
Британия	325 га яқин
Буюк Британия	218
Ирландия	84
Катта Антил	209
Куба	105
Гаити	77 га яқин
Ньюфаундленд	112,3
Оловли Ер*	72 га яқин
Ҳинд океанида	
Мадагаскар	590
Шри Ланка	65,6
Шимолий Муз океанида	
Гренландия**	2176
Канада Арктика архипелаги**	1300
Баффин Ери	478
Виктория	221
Элсмир	212,7
Исландия	103 га яқин
Новая Земля	83,1
Шпицберген	62 га яқин

* Қисман Тинч океанида
* Қисман Атлантика океанида.

ОРОЛ ДЕНГИЗИ — Ўрта Осиёдаги энг катта берк шўр кўл. Маъмурий жиҳатдан О.д.нинг ярмидан кўпроқ жан.-ғарбий қисми Ўзбекистон (Қорақалпоғистон), шим.-шарқий қисми Қозоғистон ҳудудида жойлашган. Ўтган асрнинг 60-й.ларигача О.д. майдони ороллари б-н ўртача 68,0 минг км² ни ташкил этган. Катталиги жиҳатидан дунёда тўртинчи (Каспий денгизи, Америкадаги Юқори кўл ва Африкадаги Виктория кўлидан кейин), Евросиё материгида (Каспийдан кейин) иккинчи ўринда эди. Денгиз шим.-шарқдан жан.-ғарбга чўзилган, уз. 428 км, энг кенг жойи 235 км (45° ш.к.) бўлган. Ҳавзасининг майд. 690 минг км², сувининг ҳажми 1000 км³, ўртача чуқ. 16,5 м атрофида ўзгариб турган. Ҳавзасининг катталиги учун денгиз деб аталган. О.д. юқори плиоценда Ер пўстининг эгилган еридаги ботиқда ҳосил бўлган. Тубининг рельефи (ғарбий қисмини ҳисобга олмаганда) текис. О.д.да жуда кўп ярим орол ва қўлтиқлар бўлган. Шим. қирғоқларида энг катта қўлтиқларидан Чернишев, Паскевич, Сарычиғаноқ, Перовский, жан.-шарқий ва шарқий қирғоқларида Тушбас, Ашшибас, Оқсага, Сулув ва б., Амударё б-н Сирдарё қуйиладиган жойларида Ажибой, Толлиқ, Жилтирбас қўлтиқлари, Қулонли ва Мўйноқ йирик ярим ороллари бўлган. О.д.да қадимдан сув сатҳи гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб турган. Кейинги геологик даврда Сариқамиш ва Ўзбўй орқали О.д. суви вақт-вақти б-н Каспийга қуйилган. Сув сатҳи анча баланд бўлиб, жан. ва жан.-шарқидаги бир неча минг км² майдонли соҳил сув остида бўлган. О.д. унчалик чуқур эмас. Чуқур жойлари ғарбий қисмида, Қорақалпоғистон Устюрти ёнида чуқ. 69 м гача етган. Кўлининг саёз жойлари унинг жан., жан.-шарқий ва шарқий қисмларига тўғри келган.

Орол денгизига қуйилган дарё сувлари (w, км³) динамикаси.

О.д. қирғоқларининг морфологик тузилиши жуда мураккаб. Улар бир-биридан баъзи хусусиятлари б-н фарқланади. Шим. қирғоғи баланд, айрим ерлари паст, чуқур қўлтиқлар бор. Шарқий қирғоғи паст; қумли, жуда кўп майда қўлтиқ ва ороллар бўлган. Жан. қирғоғи Амударё дельтасидан ҳосил бўлган.

Ғарбий қирғоғи кам қирқилган ва Устюрт чинкидан иборат. О.д.да 300 дан ортиқ орол бўлган. Уларнинг 80% денгизнинг жан.-шарқий қисмида. Энг катталари *Кўкорол* (273 км²), *Возрождение* (216 км²) ва *Барсакелмас* (133 км²) эди. Денгизга Амударё б-н Сирдарё қуйилади, 60-й.ларгача йилига Амударё О.д. га 38,6 км³, Сирдарё эса 14,5 км³ сув олиб борган. Сув балансида ёғинлар ҳам муҳим ўрин эгаллаган. Денгиз акваториясига йилига 82—176 мм ёғин ёғади. Атрофдан денгизга йилига 5,5 км³ ер ости сувлари қўшилиб турган.

Денгиз чўл зонасида жойлашганидан унинг юзасидан ҳар йили 1 м қалинликдаги сув буғланади. Бу эса кейинги даврда денгизга дарёлар олиб келган сув, ёғин ва ер ости сувларидан ортиқдир. Шунинг учун иқлимий ўзгаришлар натижасида О.д. сувининг сатҳи йиллар давомида ўзгариб турган. Мас., 1785 й.дан денгизда сув сатҳи кўтарила бошлаган бўлса, 1825 й.дан пасайган, 1835—50 й.ларда яна кўтарилган, 1862 й. камайган. Кўкорол 1880 й.да ярим оролга айланиб қолган. 1881 й. сув сатҳи пасайган. 1885 й.дан О.д.да сув сатҳи яна кўтарила бошлаган. 1899 й.га келиб Кўкорол я.о. орол бўлиб қолган. 1919 й. денгиз майд. 67300 км², сув миқдори 1087 км³ бўлган бўлса, 1935 й.га келиб майд. 69670 км², сувнинг миқдори 1153 км³ га кўпайди. Кейинги бир ярим аср мобайнида денгиз суви сатҳи анча ўзгарган.

О.д.да сув сатҳининг йил давомида ўзгариб туриши Амударё ва Сирдарёнинг баҳор-ёз пайтларида тошиши б-н боғлиқ. Баҳорги ёмғирдан ҳам денгиз сатҳи кўтарилади. Суви сатҳининг йил давомида ўзгариш амплитудаси ўртача 25 см га тенг бўлган. Сувининг шўрлиги ўртача 10—11‰. Сувдаги тузларнинг кўп қисмини ош тузи ва сульфатли магний тузи ташкил этган. Кимёвий таркибига кўра, суви Каспий денгизи сувига ўхшаш. О.д. сувининг таркибидаги туз 11 млрд. т га яқин деб баҳоланган. Бу тузлар саноат аҳамиятига эга.

Денгиз суви, айниқса, марказий қисмида жуда тиниқ. Суви, хусусан, қишда тиниқ бўлади. Ёз ойларида ҳам 24 м чуқурликкача денгизнинг туби кўринади. Сувининг ранги кўпгина қисмида кўк, қирғоқларига яқини кўкимтир тусда. Амударё б-н Сирдарёнинг қуйилиш жойида суви лойқа. Денгиз дек. ўрталаридан март охиригача музлайди. Ёзда сувининг юқори қисмидаги т-раси 27° га етади. Чуқурлик ортиши б-н т-ра тез пасаяди. Ёзда 1 м чуқурликда т-ра 8° га ўзгаради. Денгиз устида ҳавонинг ўртача т-раси ёзда 24—26°, қишда −7°, −13,5°. О.д. сазан, чўртан, сўъан, судак, оқчавоқ, лаққа, таран (лешч), пилмай

Орол денгизининг космосдан олинган сурати (2002 й.).

(шип) ва б. тур балиқларга бой бўлган. Денгизда навигация мавсуми 7 ой давом этган. Аральск ва Мўйноқ каби йирик портлари фаолият кўрсатган. О.д. атрофида аҳоли кам бўлган. Аҳоли, асосан, балиқчилик б-н ва, қисман, чорвачилик, ондатра урчитиш ва сабзавотполизчилик б-н шуғулланган. Ўтган асрнинг 90-йилларигача денгиздан балиқ овланган. Аральск ва Мўйноқ шаҳри ва бу шаҳарлар атрофида кўп сонли балиқ овлаш хўжаликлари фаолият кўрсатган, Амударё дельтасида, Аван посёлкасида (Кўкорол о.), Бутун посёлкасида (шарқий соҳил), Уялы ва Узунқир оролларида балиқ тузлаш эдлари ишлаб турган.

О.д.ни биринчи марта А. И. Бутаков 1848—49 йилларда талқиқ этган ва харитага туширган.

О.д. сувининг сатҳи Амударё ва Сирдарё сувининг режими б-н боғлиқлигидан, бу икки дарё суви суғоришга қанча кўп сарфланса, денгизда сув шунча камая борган. Айниқса, ўтган асрнинг 60-йилларидан суғориладиган экин майдонларининг кенгайтирилиши натижасида денгизга Амударё ва Сирдарёдан қуйиладиган сув миқдори йилдан-йилга камая борди. Оқибатда денгизда сув сатҳи жадал суръатларда пасая бошлади.

Орол денгизида сув сатҳи пасайишининг унинг сув юзаси ва сув сигимига таъсири

Йиллар	Сув сатҳи H, м	Майдони F, км²	Сув сигими W, км³
1960	53,40	68900	1063
1976	48,27	55700	730
1991	37,70	35100	302
1994	36,60	32500	250
1997	36,60	32500	250
2000	33,22	23900	167
2001	32,11	21100	142
2002	30,9	18100	119



Орол денгизи сув юзаси майдони ва ундан бўладиган бутланиш динамикаси.

О.д. да сув сатҳининг пасайиши сув балансн элементларининг қийматларига ҳам кескин таъсир кўрсатди: 1911—60 йилларда денгиз сатҳи ўртача 53,04 м ни ташкил этиб (Болтиқ системасида), дарёлар денгизга қуядиган сув миқдори 56 км³, денгиз юзасига етган атмосфера ёғинлари миқдори эса 9,1 км³ га тенг бўлган. Сарфланиш, яъни чиқим эса, асосан, бугланишдан иборат бўлиб, шу даврда ўртача 66,1 км³ ни ташкил этган. Шу давр ичида сув балансида салбий фарқ қайд этилган: денгиз ҳар йили 1 км³ дан, 1911—60 йилар давомида 50 км³ ҳажмдаги сувни йўқотган.

Орол денгизининг турли ҳисоб даврлари учун сув баланси (км³/йил).

Ҳисоб даври (йиллар)	Кирим		Чиқим		Фарқ
	Амударё ва Сирдарё йиғиндиси оқими	Ёғин	Буғланиш		
1911—1960	56,00	9,10	66,10		—1,00
1961—1970	43,30	8,00	65,40		—14,10
1971—1980	16,70	6,30	55,20		—32,20
1981—1990	3,90	6,20	43,70		—33,60
1991—1994	21,00	4,60	33,60		—8,00
1996—2000	13,66	4,27	22,7		—4,77

Ҳоз. кунда О.д. 3 бўлакка бўлинган: биринчиси — кичик ва саёз шим. қисми (шўрлиги — 8—13г/л); иккинчиси — нисбатан каттароқ майдонга эга бўлган ва саёз шарқий қисми (шўрлиги — 69—72 г/л); учинчиси — энг чуқур ҳисобланган ғарбий қисми (шўрлиги — 68-69 г/л).

Ad.: Берг Л. С., Аральское море, СПБ,1908; Шульц В. Л., Машрапов Р., Ўрта Осиё гидрографияси, Т., 1969; Рафиков А. А., Тетюхин Г. Ф., Снижение уровня Аральского моря и изменение природных условий низовьев Амударьи , Т., 1981; Глазовский А. Ф., Аральский кризис, М., 1990; Акрамов З., Рафиков А. А., Прошлое, настоящее и будущее Аральского моря, Т., 1990; Хикматов Б. Ф., Изучение динамики элементов водного баланса и минерализации Аральского моря, Диссертация на соискание академической степени магистра гидрологии, Т., 2003.

Фатхиддин Хикматов, Даулетбай Аймбетов

ОРОЛ СВИТАСИ — миоцен даврига мансуб ётқизиқлар комплекси. Россиялик геолог А. Л. Яншин томонидан ажратилган. *Орол денгизи*нинг ғарбий соҳилида О.с. саргиш-кулранг қум, қуқимтир гилтош, рангли қумтош ва чиғаноқли қатламлардан таркиб топган. Умумий қалинлиги 90 м га етади. Стратиграфик аҳамияти юқ.

ОРОЛ ЧЎЛИ — дунёдаги энг ёш чўл. Ўрта Осиёда суғоришнинг тез суръатларда ривожланиши муносабати б-н Орол денгизига қуйилаётган Амударё ва Сирдарё сув ҳажмининг камайиб боришн ва табиий шароитларининг ёмонлашуви туфайли Орол денгизининг 40 минг км² дан ошиб қисми қуруқликка айланиши натижасида 20-а. охирида вужудга келган. Қуруқлик типик қумшўрхокли чўл хусусиятига эга. Чўл ер юзаси Орол денгизининг марказий қисмига нисбатан текислик бўлиб, унда, асосан, эол рельеф шакллари (сўнгибарҳан қумлари, бал. 0,5 — 4м) ва шўрхоқлар тарқалган. Чўл дельта, денгиз ва кўл шароитларида ҳосил бўлган қум-шағал, қум, қумоқ, лойлардан ташкил топган. Субтропик кенгликда жойлашган, иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 9,6°, январники —7°, июлники 25,7°, йиллик ёғин 88 мм. Грунт сувларининг чуқ. 7—10 м, минераллашуви 30—80 г/л. Чўлда, асосан, тақирсимон қолдиқ шўрхоқлар ҳосил бўлган. Ўсимлиги сийрак, эол қум рельефи мавжуд ерларда қора саксовул, черкез, изғун, шўралар, тақирсимон қолдиқ шўрхокли ерларда изғун, сарсазан, шўралар тарқалган. Чўлда унинг атрофидаги ҳудудлардан кириб келган ҳайвонлар (асосан, кемирувчилар) яшайди. Жан. қисмида саноат аҳамиятига эга бўлган сульфат тузлар, табиий газ каби фойдали қазилма конлари очилган.

ОРОЛБОЙ — қорақалпоқларнинг орис ўн тўрт уруғ деб аталган қабила-уруғ гуруҳига кирадиган уруғ. О.лар Хива хонлари архиви ҳужжатларида кўрсатилишича, 260 хўжалик ва 3 бинолардан иборат бўлиб, хонликка 52 отлиқ навкар, ҳашар ишларига 156 қозувчи бериш мажбуриятини бажарган. О.лар Кегейли бўйларига кўчиб келиб, Оролбойён каналини қазиганлар. Уларнинг 142865 таноб экинбоп ва яйлов ерлари бўлиб, ҳар йили хонликка 520 тилладан солиқ тўлаганлар.

ОРОЛБЎЙИ, Қуйи Амударё — мураккаб табиий географик ҳудуд. Маъмурий жиҳатдан Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудларида. Унинг ғарбида Устюрт платоси чинқлари, шим.да Каттақирлик ва Кичик Бўрсиқ қумликлари, шим.-шарқида Оролбўйи Қорақуми, шарқда Сирдарё дельтаси, жан.-шарқида Қизилқум чўлининг шим. қисми, жан.да эса Амударёнинг ўрт. дельтаси жойлашган. Орол денгизи шим.-шарқий ва жан. қисмларида сув сатҳининг пасайиши натижасида вужудга келган ҳудудлар (Оролқум) мавжуд.

Орол денгизи чўкмаси юқори неогенининг охири плиоценида таркиб топган. Геологларнинг фикрича, ўша даврда Мўйноқ н.о. — Возрождение — Борсакелмас оролларн бўйлаб меридионал йўналишда Устюрт чинқининг вужудга келиши боғланган. Орол чўкмасини биринчи марта юқори плиоценда Каспийнинг Оқчагил трансгрессияси даврида сув босган. Оқчагилнинг кўлденгиз ётқизиқлари (мергель, гил, қум, қумтошлар) О.дағи Қўшхонатов ва Белтов баландликларида сақланган. Каспийнинг аншерон трансгрессияси даврида Орол чўкмасини иккинчи марта сув босган, унинг ётқизиқлари (қалин қум-гил) Амударё дельтасида тўртламчи давр ётқизиқлари остида мавжуд. Ўрта тўртламчи даврда Амударё шим. томонга бурилади. 2-минг йилликнинг иккинчи ярмидан Амударё Орол чўкмасига қуйилган ва дарёнинг ҳоз. ёки Орол дельтаси таркиб топиб, натижада ҳаракатдаги қумлар (барханлар), баъзи жойларда дўнг ва кичик марзали қум шаклларн ҳосил бўлиши бошланган. Ўша даврда Амударёнинг Оқчадарё дельтаси вужудга келган. У шим. ва шим.-шарқда Сирдарёнинг қад. Жаналарё дельтаси б-н бирлашган. Ҳоз. у ерда қум рельеф шакллари плиоценнинг гил, қумтош, мергель, тог жинсларидан ташкил топган қолдиқ баландликлар (Бузғул — 95 м, Учтаган — 414 м, Жомонтов — 102 м ва б.) бор.

Амуларёнинг ҳоз. дельта юзаси дарёнинг кўплаб эски ва янги ўзанлари б-н мураккаблашган. Дельтада қолдиқ денудацион баландликлар: Белтов (142 м), Қушхонатов (138 м), Қизилжар (118 м), Мўйноқ (86 м) ва б. мавжуд. О.нинг жан. қисмида қишда ҳаво т-раси —7,6, —8,8°, ёзи иссиқ, июлнинг ўртача т-раси 25,9°, 28,3°, йиллик ёғин 75—120 мм. Охирги йилларда Орол денгизига қуйиладиган сув миқдори жуда камайган, баъзи йиллар ёзда Тахиатошдан қуйида сув бутунлай бўлмайди.

Натижада кўплаб кўллар қуриб қолди. Тупроқ қопламининг хусусиятлари ҳам ўзгарди, грунт сувларининг сатҳи пасайди, шўрхоқзорлар майдони кескин кенгайди, чўлланишининг кучайиши сабабли тўқайларнинг асосий қисми қурили. Қамишзор, тўқай ўрнида эндиликда қолғунзорлар, бир йиллик шўралар таркиб топган. Ўсимликларнинг дегралацияси кучайиши б-н яйловлар маҳсулдорлиги, ҳайвонлар тури ва сони камайиб кетди. Оқибатда, ушбу ҳудудда бир-бири б-н боғлиқ бўлган геоэкологик муаммолар вужудга келди.

ОРОЛБЎЙИ ҚОРАҚУМИ — Орол денгизининг шим.-шарқида жойлашган ҳудуд. О.қнинг мутлақ баландлиги шарқдан (160 м) ғарбга, шунингдек, Орол денгизи ботиғига (53 м) қараб пасайиб боради. Энг баланд жойлари алоҳида турган гилли қолдиқлардан (Жилонқир, 157 м ва б.) иборат. Улар атрофидаги текисликлардан 20—50 м кўтарилиб туради. Қум уюмларининг қалинлиги 10—30 м. О. К. ҳудудининг замини бўр, палеоген ва неоген тог жинсларидан ташкил топган, асосан, гил-қум ётқизиқлари кенг тарқалган. Бу жинслар баъзи жойларда ер юзасига яқин, баъзан чиқиб қолган. Қум массивларининг энн ва узунлиги турлича, мас., Жеңешкеқум массивининг уз. 100—120 км, энн 10—15 км. Қўқдўққум уз. 50—60 км, энн 3—15 км. Қум массивлари ўсимликлар б-н мустаҳкамланган. Массивлари бир-биридан бо-тиқлар орқали ажралган, уларнинг туб-лари шўр, шўрхок ва тақирлар б-н банд. Қум рельефи улардан 10—20 м баланд.

Иқлими типик адыр хусусиятига эга. Қишда ҳавонинг ўртача т-раси — 11,7° дан (Қазали метеостанцияси) — 13,5° гача (Орол денгизи ст-яси) боради. Июлнинг ўртача т-раси ушбу ст-яларда 26,1°, 26,3°. Қайд этилган йиллик мутлақ энг паст т-ра —34°, —36°, энг юқори т-ра 42°. Ёғин миқдори кам (108—124 мм), уларнинг асосий қисми йилнинг илиқ даврига тўғри келади (64—67 мм). Қор қопламининг қалинлиги 10 см атрофида, 77—88 кун сақланади. Грунт сувлари сатҳи ер юзасига яқин, қумларда ўзига хос сув линзалари ҳосил бўлади. Ботиқларда грунт сувларининг сатҳи 2—3 м чуқурликда жойлашган. Суви чучук ёки бир оз шўрроқ, яйловларни сув б-н таъминлашда фойдаланилади. О.К. юзасини чўл-қум тупроқлар ва қумликлар эгаллаган. Қумларда кўпроқ оқ жусан ва яшил шувоқ гуруҳлари кенг тарқалган. Шўрхок ва шўрланган тупроқларда шўралар ўсади. Ҳудудлари яйловлардан йил бўйи фойдаланиш мумкин, ўрта ча маҳсулдорлик гектарига 2,2 центнер.

ОРОЛЛАР ЁЙИ — континентлан океанга ўтувчи оралиқ зоналардаги ҳоз. геосинклиналь системалари рельефида яққол кўриниб турувчи структуралар. О. ёйлар йўналиши бўйича жойлашган. Улар океан ва денгизлар суви юзасидан оролларнинг кўринишида кўтарилган ва чекка денгизлар ўрнини чуқур сув ости новларидан ажратиб турувчи тог тизмаларидир.

О.ёйларнинг асоси энн 40—50 км, уз. 1000 км ва ундан ортиқ бўлган сув ости тизмаларидан иборат. Тизмалар вулканоген қатламлардан тузилган ва сув устида оролларнинг кўринишида чиқиб туради. О.ёйлар кўпинча икки параллел қатор тепаларлан иборат бўлиб, аксари ташқи қатори (чуқур сув ости новига қараган) сувнинг тагида жойлашган. Бу ҳолда қатор тепалар чуқ. 3—4,5 км ли бўйлама депрессия б-н ажралган бўлади. Ёйларнинг зонасида кўндаланг депрессиялар ҳам бор. О.ёйларнинг, айниқса, Тинч океанининг ғарбий чеккасида яхши ривожланган. О.ёйларнинг ривожланишининг дастлабки босқичида океан ости Ер пўсти қалинлашади (мас., Марианa О.ёйи). Сўнгги босқичда йирик оролларнинг ёки ярим оролларнинг (мас., Япония о.лари, Камчатка я.о., Янги Гвинея) ҳосил қилади. Бу ерларда Ер пўсти тузилишига кўра, континентал типига яқин бўлади. О.ёйларнинг хос. кучли зилзилалар хос.

ОРОЛЛАР ЗОНАСИ — ер шарининг шим. қисмида яшаган ўзбеклар. Амударёдаги оролларда яшаганлар (номлари шундан). Деҳқончилик, балиқ овлаш, қисман овчилик б-н шуғулланганлар.

ОРОЛПАЙҒАМБАР ҚЎРИҚХОНАСИ — қ. *Сурхон давлат қўриқхонаси*.

ОРОМИЙ ЁЗУВИ — ғарбий сем ёзувларидан бири; оромийлар мил. ав. 1-минг йилликнинг бошларида финикий ёзуви асосида шакллантирган каноонант ёзув. Оромийлар финикий ёзувининг алиффо таркибини ўзгартирмаган ҳолда (оромий алиффоси ҳам фақат ундошларни ифодаловчи 22 ҳарфдан иборат бўлган), унга айрим ўзгаришлар киритганлар: ҳарфларни ташкил этувчи унсурлар сонини камайтириш ёки унсурлар шаклини ўзгартириш орқали жуда кўп ҳарфларнинг шаклларини соддалаштирганлар ва ёзувни тез ёзишга мослаштирганлар. О.ёзда сўзлар асосан ажратиб ёзилган: дастлабки сўзларни ажратувчи белгилар — бир вертикал чизиқ ёки нуқта қўлланган, кейинчалик эса сўзлар ўртасида бўш жой қолдириш б-н сўзлар ўзаро ажратилган. О.ёзда ҳарфлар алоҳида-алоҳида, лигатурасиз (2 ҳарфни бир ҳарф шак-

лига келтирмаслан) ёзилган; ўзига хос хусусиятларидан бири d ва r ҳарфларининг фарқланмаслигидир. О.ё. ва оромий тили мил. ав. 6—4-а.ларда янги оссур ва қад. форс давларида бутун Ғарбий Осиёда, ҳатто Миср, Кичик Осиё ва Ҳиндистонда девонхоналарнинг расмий ёзуви ва тилига — халқаро алоқа воситасига айланган. О.ё. нафақат монументал тошбитикларда, балки сопол буюмларда (сопол парчаларида) ва папирусларда сақланиб қолган. Бу ёзув ғарбий сом ёзувларининг мил. ав. 3—2-а.лардаги кўплаб оромий вариантларининг, сурёний, квадрат шаклли яҳудий, араб, паҳлавий, суғд, уйғур, мўғул ёзувларининг келиб чиқишига асос бўлган. О.ё.даги энг қад. ёзма ёдгорликлар мил. ав. 9—8-а.ларга мансуб.

ОРОМИЙЛАР (арамейлар) — Арабистон я.о.дан чиққан кўчманчи семий қабилалар. Мил. ав. 14—11-а.ларда Ғарбий Осиё бўйлаб тарқалганлар. Илк бор мил. ав. 3-минг йиллик ўрталарига оид манбаларда қайд этилган. Оромий тили милоднинг бошларида Ғарбий Осиёнинг асосий оғзаки нутқига айланган. Олнинг авлодлари — ҳоз. *ассурийлар* (ойсорлар).

ОРОМО ТИЛИ — *кушит тилларидан* бири. Эфиопиянинг марказий ва шарқий ҳудудларида ҳамда Шим. Кенияда тарқалган, 8 млн.дан ортиқ киши сўзлашади. Лаҳжалари шим. (тулама, борана ва б.) ва жан. (бараретта, уата ва б.) гуруҳларга бўлинади. Эфиоп алифбоси асосида ёзуви 1977 й.да жорий этилган. О.т.да даврий матбуот чоп этилади, бошланғич мактабларда ўқиш-ўқитиш ишлари амалга оширилади, радиоэшиттиришлар олиб борилади.

ОРОЧЛАР (ўзларини нани деб аташади) — Россиянинг Хабаровск ўлкасидаги халқ. Умумий сони 900 кишига яқин (1990-й.лар ўрталари). Олтой оиласи тунгус-манжур гуруҳининг ороч тилида сўзлашади. Диндорлари — православлар, анъанавий диний эътиқодлар сақланган. Анъанавий машғулотлари — овчилик (денгиз ҳайвонларини овлаш) ва балиқ овлаш; ҳунармандчилик (темирчилик, ёғоч, қайин пўстлоғини қайта ишлаш, чана, чанғи ва қайиқ ясаш кенг тарқалган).

ОРСК — РФ Оренбург вилоятидаги шаҳар (1865 й.дан). Жан. Уралда, Ўр дарёсининг Урал дарёсига қуйилиш жойида. Т.й. тутуни. Аҳолиси 274 минг киши (1998). «Южноуралникель» к-ти, Жан. Урал машинасозлик, трактор прицеплари з-длари, рангли металлургия, нефть кимёси, озиқ-овқат ва б. саноат корхоналари бор. Пед. ин-ти, ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади. Шаҳар 1735 й.да Россия империяси томонидан жан. ерларни эгаллаш мақсадида қалъа сифатида қурилган.

ОРТЕГА СААВЕДРА (Ortega Saavedra) Даниель (1945 й.) — Никарагуа президенти (1985—90). Сандиночилар миллий озодлик фронти (СМОФ) Миллий раҳбарияти ижроия комиссияси координатори (1985 й.дан). СМОФ Миллий раҳбарияти аъзоси (1965 й.дан), Миллий уйғониш ҳукумати Раҳбарлик кенгаши координатори (1981—85).

ОРТИКОН (юн. orthos — тўғри ва eikon — тасвир) — ёруғлик сигналларини электр импульсларига айлантириб берадиган узатувчи телевизион трубка. Америка мухандислари А. Роз ва Х. Ямс таклиф қилишган (1939). Узатилаётган тасвир О. нишонига, яъни — объект томонидан ярим шаффоф электр ўтказувчи қатлам (сигнал пластинка) б-н, электрон прожектор томонидан майда доначали фотоактив қатлам (мозаик фотокатод) б-н қопланган юпқа шиша пластинкага проекцияланади. Ҳосил бўлган ёруғлик сигнали пластинка занжирида видеосигналга айланади. О. ёритилганлик етарли бўлмаган шароитда тасвирларни телевидение орқали узатишда ишлатилади. Анча такомиллашган О. суперортикон деб аталади.

ОРТИТ (юн. orthok — тўғри) — силикатлар синфига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Ce_2Fe_2AlO(OH)[KiO_4][Ki_2O_7]$. Олда 6%ча Ce_2O_3 мавжуд бўлиб, кўпинча торий, уран, баъзан 8%гача Y_2O_3 учрайди. Моноклин сингонияли. Қаттиқлиги 5,5—6; зичлиги 4100 кг/м³. Ранги қўнғир, қора, сариғиш-қўнғир. Шишасимон ялтироқ. Кристалл шакллари қалин призматик устунсимон, баъзан найсимон. Кўпроқ хол-хол доналар, баъзан ихлит массалар ҳолида бўлади. Радиоактив. Ўзбекистонда гранит, гранит-пегматит, сиенит таркибида акцессор минерал сифатида, нордон интрузив ва эффузив жинсларда мавжуд. О. тог жинсларининг ёшини аниқлашда, сийрак ер элементлари (церий, иттрий ва б.)ни олишда қимматбаҳо хом ашё ҳисобланади. Синонимлари: алланит, уралортит, боденит (эскирганлари: муромонит, тринорит).

ОРТИҚОВ Абдураҳмон (1918.15.12, Тошкент) — файласуф олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1979), фалсафа фанлари д-ри (1967), проф. (1968). 1945—50 й.ларда Ўрта Осиё ун-тида катта ўқитувчи, айни вақтда «Қизил Ўзбекистон» газ.да бўлим мудири. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат ин-тида катта ўқитувчи, доцент (1950—56). 1956—2003 й.ларда Тошкент политехника ин-ти (ТошГУ)да фалсафа кафедраси мудири, проф. Илмий ишлари дин тарихи ва ҳуфиқарлилик, ахлоқ, ижтимоий фалсафа масалаларига бағишланган. «Шуҳрат» медали б-н мукофотланган (1994).

ОРТИҚОВ Исроил (1907, Қўқон — 1938.5.10, Тошкент) — жамоат арбоби. Отаси давлакутубхоналар томонидан ўлдирилган (1918). Ёшлар ташкилоти ишораларида фаолият кўрсатган (1928 й.дан). Ўзбекистон комсомоли МК 1-котиби (1931—37). О. ташаббуси б-н Тошкентда кирдор ёшлар кўрики (1931 й. 12 май) бўлиб, унда ипак-қизлар Ўзбекистондаги йирик саноат корхоналарини қуришда фаол иштирок этишга чақирилди. Қувасой цемент к-ти, Тошкент тўқимачилик к-ти, Чирчиқ электрокимё к-ти, Бухоро ва Самарқанд ип-йигирув ф-калари, Марғилон шойи тўқиш к-ти ва б. иншоотлар қурилишида ёшлар катта хизмат қилган. О. маориф жабҳасидаги ёшлар фаоллигини ҳам йўналтириб турган. 1937 й. 14 октда ҳибсга олинган ва унга Ўзбекистон ёшларини миллатчилик руҳида тарбиялаганлик айби қўйилган. СССР Олий суди ҳарбий коллегиясининг Тошкентдаги сайёр мажлиси қарори б-н «халқ душмани» сифатида отишга ҳукм қилинган. О. 1956 й. 12 июнда СССР Олий судининг қарори б-н тўла оқланган.

Ад.: Маҳмудов М., Барқарёт сиймолар, Т., 1981; Усмонов И., Қатағон қурбонлари, Т., 1992.

ОРТО... (юн. orthos — тик, тўғри) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми. Бирор нарсанинг тиклигини, тўғрилигини, бирор ҳодисанинг тўғридан-тўғри рўй беришини билдиради.

ОРТОГЕНЕЗ (юн. orthos — тўғри ва ... *генез*) — тирик табиатнинг ривожланиши ички омиллар б-н боғлиқлиги тўғрисидаги эволюцион таълимот концепцияси. О. тўғрисидаги тасаввурлар асосида немис зоологи Т. Эймернинг қарашлари ётади (1888—97 й.даги ишлари). О. таълимотига кўра, эволюция табиий танланиш натижасида бўлмасдан, балки ирсий ўзгарувчанликнинг муайян йўналишда бориши б-н белгиланади. Тирик системаларда юз берадиган барча ўзгаришлар ташқи муҳитнинг бевосита таъсири натижаси бўлиб, табиат томонидан белгилаб берилган қатъий йўналишлар асосида рўй беради, сўнгра ирсиятга ўтказилади. 20-а. га келиб О. тарафдорлари эволюция йўналишини модлий асосга эга бўлмаган ёки бундай асосга эга бўлган, лекин азалдан генетик кодга солинган ички омиллар б-н боғлашга уринишмоқда. Ортоселекция муҳит таъсирини ҳисобга олмаслиги, организмларнинг ички имкониятларидан тўлароқ фойдаланишга қаратилган.

ОРТОГНЕЙС — магматик тог жинслари (*гранит* ва кварцли диоритларнинг метаморфизланишидан ҳосил бўлган жинс. О. сланецсимон кристалли ва йўлйўл структурага ва ҳ. *Гнейс*).

ОРТОКЛАЗ (юн. orthos — тўғри ва klasis — синиш, ажралиш) — ишқорли дала шпатлари гуруҳига мансуб жинс ҳосил қилувчи минерал. $K[AlSi_3O_8]$. Таркибида K_2O — 16,9%, Al_2O_3 — 18,4%, SiO_2 — 64,7%, қаттиқлиги 6,5, зичлиги 2500 — 2600 кг/м³. Табиатда кам учрайди. О. кўпинча альбит-диоритит минераллари б-н қаттиқ қоришмалар ҳосил қилади. Моноклин системада кристалланади. Кристаллари призматик шаклда. Майдаланганда 90° бурчакли бўлакчаларга бўлинади (номи шундан). *Микроклин*дан тўғри синиши б-н фарқ қилади. Ҳар хил рангда (оч пушти, оч кулранг, қизғиш, қўнғир-сариқ ёки оқиш, баъзан қизил) бўлади. Баъзи гидротермал ўзгарган зоналарда Олнинг шишасимон шаффоф турлари (адулар) учрайди. Эффузив жинсларда учрайдиган Олнинг шаффоф тури санидин дейилади. Олнинг шаффоф ва ярим шаффоф турлари призманинг (қирра ёки юзаларининг товланиши) хоссасига эга бўлиб, кристаллари мовий нур сочади ва *айтинг* деб аталади. Олнинг бу турлари заргарликда фойдаланилади, бошқалари керамика ва шиша саноатида хом ашё сифатида ишлатилади.

ОРТОПЕДИЯ (*орто...* ва лот. paideia — парвариш қилиш) — тиббиётнинг бир соҳаси. Тутма нуқсонлар, шикастлар ва турли касалликлар оқибатида таянч ҳаракат аъзолари шакли ва функциясининг бузилишини аниқлаш, даволаш ва олдини олиш йўлларини ўрганади. Ҳоз. О. фанига француз врачи Н. Андри (1658—1742) асос солган. О. узоқ тарихга эга. Умуртқа погонасининг қийшайиши, маймоқлик, сон суягининг бўкса бўғимидан чиқиши, синган ва чиққан суякларни солиш ва тўғрилаш усуллари *Гиппократ* асарларидаёқ муфассал баён этилган эди.

Қад. замон врачлари *Асклепий*, *Гален* ва б. ҳам О.га кўпгина янгилик киритилар. Ўша даврда таклиф қилинган «лордоз» (умуртқа погонасининг олдинга қийшайиши), «кифоз» (орқага қийшайиши), «сколиоз» (ёнбошга қийшайиши) каби терминлар О.да шу кунга қадар ўз моҳиятини сақлаб қолди. Ўрта Осиё олимларидан Абу Али ибн Сино, Абулқосим Абдураҳмон ва б. ўз асарларида силаш усулларини тасвирлаганлар ва синган қўл ёки оёққа гипс боғлаш қўйишни амалда татбиқ этганлар. Француз хирурги А. Паре эса қўл ёки оёқ суякларининг синиши, чиқиши, умуртқа погонасининг қийшайиши, тутма маймоқлик ва б.нинг келиб чиқиш сабабларини тасвирлади, турли даво усулларини таклиф этди.

18-а. охирларида махсус ортопедик даволаш муассасалари ташкил топди. Синган қўл-оёқ суягини даволашда Европада биринчи марта гипс қўлланила бошлади. О.да консерватив даво усулларидан редрессация, синган қўл-оёқни чўзиш, гипс боғлов қўйиш, силаш, даво машқлари ва б.дан ҳам кенг фойдаланилади. Антисептика, асептика, наркоз, кейинчалик *рентгенографиянинг* ривожланиши б-н О.да остеотомия, остеосинтез, артропластика, мускул пайларини тез, артропластика, мускул пайларини кўчириб ўтказиш каби оператив методлар ҳам қўлланилади.

1806 й.да рус хирурги Е.О. Мухин ўқатлар аъзолари хирургиясини тасвирлаб берди. Н. И. *Пирогов* О. соҳасида илмий асарлар, Н. Эдлинский десмургия тўғрисида қўлланма, Н. И. Студенский «Ортопедия курси»ни яратди ва ҳ. к. Рус врачи И. В. Склицкий биринчи бор суякни парадеи остидан арралаб операция қилди. Бу даврда сон ва тизза протезлари такомиллаштирилди. 19-а. охирида В. И.Кузьмин синган ва битган суякларни никель штифтлар б-н бириктириш усулини амалда татбиқ этди. 1900 й.да Петербург Ҳарбий-тиббиёт академиясида биринчи О. кафедраси ва клиникаси ташкил этилиб, 1906 й.да ин-тга айлантирилди.

Ўзбекистонда бу соҳа 20-й.ларда ривожлана бошлади. 1926 й.да Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-тида суяк сили ва ортопедия доцентлик курси жорий этилиши, 1930 й.да физиотерапия ин-тида О. клиникаси очилиши, унинг 1931 й.да Ортопедия, травматология ва суяк сили и.т. институтига айлантирилиши травматология ва ортопедия муаммолари устидаги тадқиқот ишларининг ривожланишига имкон берди. 1940 й. ин-т беркитилди, лекин унинг клиникаси Тошкент тиббиёт ин-ти таркибида ўз фаолиятини давом эттиравверди.

2-жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонда кўплаб госпиталлар очилди, ярадорларни даволаш, уларни ҳаётга, меҳнатга қайтариш йўлида республикамиз мутахассислари проф. О. Ш. Шокиров, проф. Н. М. Шоматов ва б. катта тажриба орттирдилар. Бу ўзбекистонда суяк жарроҳлиги ва протезлаш соҳаларининг ривожланишига асос бўлди.

Урушдан кейинги йилларда и.т. ишлари тобора чуқурлаштириб борилди. Ўзбек олимлари томонидан жароҳатларни даволашда суяк пластикаси қилиш (Н. М. Шоматов), шарқ табобати усулларини қўллаш (О. Ш. Шокиров) устида чуқур илмий ишлар олиб борилди. Шу б-н бир қаторда Ўзбекистон учун жуда муҳим муаммо — болаларда тугма мажруҳликларнинг олдини олиш ва даволаш масаласига катта эътибор берилди. Н. М. Шоматов бошчилигидаги олимларнинг ҳаракатлари натижасида Ўзбекистонда болалар ортопедияси хизмати ташкил топди.

70—80-й.ларда Ўзбекистонда ўлка патологияси деб ҳисобланадиган кенг тарқалган ортопедик касалликларни даволаш устида и.т.лар олиб борилди. Қўл-оёқларнинг қуйишдан кейинги шакл ўзгаришларини тери пластикаси ёрдамида даволаш (К. Х. Тагиров, Б. М. Миразимов, Р. Ф. Башкинова, С. М. Маннонов), болалар церебрал фалажи (Б. В. Шаварин), суяк синишини (Ў. С. Исломбеков), остеомиелит касаллигини (Ш. Ш. Ҳамроев, Ш. Б. Турғунов) даволаш бўйича қилинган илмий ишлар мамлакатда травматология ва ортопедия фанининг ривожланишида катта роль ўйнади.

ЎзРда ортопедик касалликларни Илизаров усулида даволаш бўйича и.т.лар проф. Б. М. Миразимов номи б-н боғлиқдир. Ҳозир О. масалалари б-н Травматология ва ортопедия и.т. институти, шунингдек, барча тиббиёт ин-тларидаги ортопедия ва травматология кафедралари шуғулланади.

Шароф Ҳамроев.

ОРТТИРИЛГАН ИММУН ТАНҚИСЛИГИ СИНДРОМИ (ОИТС) — ретровирус гуруҳига мансуб вирус қўзғатовирус гуруҳига мансуб вирус қўзғатадиган касаллик; икки даврга бўлинади: ОИТВ инфекцияси ва бевосита ОИТС (СПИД) даври. ОИТВ инфекцияси даври одам организмида вирус бор, лекин касаллик аломатлари ҳали намоён бўлмаган давр. Вирус деярли бир вақтда Парижда проф. Люк Монтанье ҳамда АҚШда проф. Галло бошчилигидаги олимлар томонидан кашф этилган (1983 й.). Бу вирус одамнинг иммунитет тизимига таъсир кўрсатади, айниқса, CD4+ иммун ҳужайраларига киргани келтиради. Вирус одам организмига тушгач, 2—3 кундан сўнг, 25—30% ҳолларда бирламчи инфекция даврига хос аломатлар кузатилиши мумкин. Бу «ўткир сероконверсия синдроми» деб аталади, бунда ҳарорат кўтарилади, тунда терлаш, бўғимлар ва бош оғриги, лоҳаслик, қайт қилиш, ич

кетиши, баданда, айниқса, унинг юқори қисмида тошмалар пайдо бўлиши мумкин. Бу аломатлар одам организмига тушган вирус таъсирига иммунитет тизими маълум даражада жавоб қайтариш реакцияси б-н боғлиқ. Лекин бу даврда антителоларни аниқлаш натижа бермайди, чунки иммунитет тизимининг жавоби ҳали тўлиқ шаклланмаган бўлади. Касалликнинг бу даври 8—10 й.гача, баъзан ундан ҳам узоқ давом этиши мумкин. Ҳоз. кунда амалиётда ОИТВ инфекцияси ташхисини қўйиш қонда касаллик вирусига қарши пайдо бўлган антителоларни аниқлаш — иммун фермент таҳлили (ИФТ) реакциясига асосланган. Дастлабки антителолар вирус организмга тушгач, 3 ҳафтадан сўнг шаклланабошласа ҳам, қўлланилаётган диагностикумлар уларни илгай олмайди. Шу боис, одамга ушбу инфекция илашгани тўғрисида вирус организмга тушганидан сўнг 90 кун ўтказиб олинган текшириш натижасига қараб хулоса чиқариш мумкин.

ОИТС ОИТВ инфекциясининг якуний даври ҳисобланади. Вирус б-н организм ўртасидаги кураш узоқ давом этиб, вирусннг устунлиги б-н тугайди. Шу вақтдан ОИТС даври бошланади. Бу даврда одам организми ҳар қандай микробга бардош бериш хусусиятини йўқотади. Жумладан, нафас, меъда-ичак, сийдик йўлларида доимо мавжуд бўлган ва касаллик қўзғатта олмайдиган микроблар ҳам фаоллашиб, турли хасталикларни келтириб чиқариши мумкин. Уларнинг намоён бўлиши организмда юзага келган ОИТС ҳолати б-н боғлиқ бўлгани учун, ушбу гуруҳга кирувчи касалликлар жамланган ҳолда ОИТС б-н боғлиқ (ассоциирланган) инфекциялар деб аталади. Булар бактериал инфекциялар, замбуруғли касалликлар, вируслар қўзғатадиган касалликлар, Капоши саркомаси ва ҳ.к.

Касаллик вируси инфекция юққан одамнинг қонида, эркаклар шаҳватида, аёлларнинг жинсий аъзолари чиқиндиларида ва кўкрак сутида бўлади. Шунинг учун ОИТВ, асосан, уч хил йўл б-н юқади: қон орқали, жинсий алоқа воситасида ва инфекция юққан онадан ҳомиласига вертикал йўл б-н ўтади.

ОИТС б-н оғриганларнинг кўпчилигини наркоманлар (гиёҳвандлар), фоҳишалар, гомо- ва бисексуаллар ташкил этади. ОИТС организмга жинсий алоқа, парентерал муолажалар (нострил игна, шприц ва б. тиббий анжомлар ишлатилганда), инифицирланган қон ва унинг ўрнини босувчи дориларни қўллаш, аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказиш (трансплантация) вақтида, шунингдек, вирусни юқтириб олган онадан ҳомилага ҳомиладорлик даврида, туғиш жараёнида ва гўдак эмизилаётган бўлса, кўкрак сути б-н юқиб қолиши мумкин.

Ўзбекистонда ОИТВ/ОИТС б-н боғлиқ масалалар Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ОИТВ/ОИТС хизмати томонидан амалга оширилади. Республика ОИТВ/ОИТС маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ОИТВ/ОИТС маркази, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ОИТВ/ОИТС марказлари ўз ҳудудларида ушбу соҳа фаолияти б-н боғлиқ барча профилактик, эпидемиологик, лаб. текширувлар, даволаш тадбирларини олиб боради. Ҳар бир марказ қошида ўз ихтиёри б-н лаб. текшируви учун келганларни сир сақлаган ҳолда текширадиган аноним хоналар мавжуд. Мақсадли гуруҳлар-гиёҳвандлар ва секс ходимлари б-н вирус юқиб қолишининг олдини олиш мақсадида хуфиёна иш олиб борадиган Ишонч пунктлари (ИП) ҳам ишлади.

Профилактикаси. Ушбу инфекция кенг тарқалган касалликлардан бири бўлгани учун муҳофаза тадбирлари иҗтимоий ҳаётнинг барча соҳа вакилларини иштирокида олиб борилиши лозим. Ҳар бир йигит-қиз бу инфекциянинг тарқалиш йўллари, унинг олдини олаладиган тадбирлардан хабардор бўлиши ва ўзини ундан эҳтиёт қилиши керак.

Ад.: Ахтамов М. А., Ахмедов М. А., СПИД. Т., 1991; BUR/-инфекция. Руководство для врачей. Нижний Новгород, 1999.

Шоҳасқар Шоҳаҳмедов.

ОРУЖЕЙНАЯ ПАЛАТА (Қурол-аслаҳа палатаси) — Москва Кремлидаги қад. рус музейи. 16-а.да аслаҳахона сифатида ташкил қилинган; махсус қурилган бинода жойлашган (1844—51, меъмори К. Тон). 16-а. 2-ярми —18-а. бошларида қурол, қимматбаҳо тақинчоқлар, сарой рўзғор буюмлари тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш марказлари тарзида шаклланган. 1960 й.дан Москва Кремли Давлат музейлари таркибида. О.п.да Россия, Ғарбий Европа, Олд Осиёдаги бир қатор мамлакатларда 5—20-а. бошларида яратилган амалий безак санъати намуналари, қурол-аслаҳалар, ўйма нақшли, эмал. қимматбаҳо тошлар ва б. б-н безатилган олтин ва кумуш идишлар, тақинчоқлар, зар ва дур тикиб безатилган бадиий буюмлар, мато, ҳокимлик рамзи бўлган нарсалар, серҳашам от абзаллари ва б. сақланади. О.п.да Ўзбекистон ҳудудида тайёрланган бадиий ҳунармандлик асарлари намуналари (бахмал, зардоначи каби мато; зарбоф либослар, зарлўзи буюмлар, Бухоро амирининг тахти ва б.) ҳам сақланади.

ОРФ (Orff) Карл (1895.10.7 — Мюнхен — 1982.29.3) — немис композитори, педагог, драматург. Мюнхендаги Мусиқа санъати академиясида таълим олган (1913—14). Бавария санъат академияси (1950), Римдаги «Санта-Чечилия» академияси (1957) ва б. академиялар аъзоси. Зальцбург (Австрия) дағи халқаро Мусиқий тарбия ин-ти (ҳоз. О. ин-тиз асосчиси ва биринчи раҳбарларидан (1962 и.дан). Замонавий драма театри, мистерия (ўрта аср диний театри) шаклларн, *маринотестакалар*, театри, *карнавал* ва б.ларнинг ифодавий воситаларидан фойдаланиб, мусиқали спектаклнинг янги турларини яратган (мас., «саҳнавий кантата», «саҳнавий концерт» ва б.). «Кармина Бурана» (1936), «Катулли кармина» (1942), «Афродита триумфи» (1951), «Антигона» (1949), «Шоҳ Эдип» (1959), «Прометей» (1967) ва б. асарлари машҳур. О. 1930-й.ларда кашф этган болалар мусиқий тарбия тизими, шунингдек, болалар учун махсус ишлаб чиққан мусиқа чолғулари (ксилофон К. Закс ҳамда чолғулар устаси К. Мендлер б-н биргаликда) кўпгина мамлакатларда кенг жорий этилган. Германия Миллий мукофоти б-н тақдирланган (1979).

ОРФОГРАФИЯ (юн. orthos — тўғри ва *графия*) — тўғри ёзиш ҳақидаги қоидалар тизими (қ. *Имло*); 2) тилшуносликнинг шундай қоидалар тизимини ишлаб чиқадиган бўлими.

ОРФОЭПИЯ *(орто...* юн. epos — нутқ, талаффуз) —1) тилшуносликнинг адабий талаффуз меъёрларини ўрганувчи бўлими; 2) муайян миллий тилнинг талаффуз меъёрларига мос ҳолда бир хил талаффузни таъминловчи қоидалар тизими ва уларга риоя қилиш. Оғзаки нутқ талаффузининг бир хиллиги, имло (орфография) каби лисоний муомалани енгиллаштиради. «О.» тушунчаси кенг ва тор маънода 2 хил тушунилади: кенг маънода — унга фонемаларни қўллаш қоида ва фонема аллофонлари (вариантлари)ни талаффуз қилиш қоидалари киритилади; тор маънода — фақат фонемаларни қўллаш қоидалари киритилади. О. кўламининг бир хил белгиланмаслигининг сабаби шундаки, баъзи олимлар талаффуз меъёрлари тушунчасига фақат товушларни талаффуз қилишни, бошқалари эса урғуни ҳам, баъзан вариантдор грамматик шакллар ҳосил бўлишини ҳам киритадилар.

Тилнинг ички категорияси тарзидаги орфоэпик меъёр б-н қоидалаштирилган меъёр ўзаро фарқланади. Улардан биринчиси айни бир воқеа-ҳодисани ифодалашнинг тилда намоён бўладиган имкониятлари мавжудлиги б-н боғлиқ; бунда меъёр — муайян тилнинг аниқ бир сўзловчилар жамоасида тегишли давр орасида мавжуд бўлиши б-н боғлиқ бир қанча ижтимоий омилларнинг амал қилиши натижасидир. Иккинчиси эса амалда мавжуд бўлган меъёрнинг турли лугатлар, маълумотномалар ва қўлланмаларда қонда ва кўрсатмалар тарзида шакллантирилган аксидир. Қоидалаштиришда қўлланувчи тўғри деб белгиланадиган фактлар танлаб олинади. Қоидалаштирилган меъёр кўпинча амалда мавжуд бўлган меъёрдан орқада қолади.

О. миллий тилнинг шаклланиши б-н бир пайтда, оғзаки нутқнинг таъсир доираси кенгайган, оммага қаратилган нутқнинг янгича шакллари ривожланган пайтда пайдо бўлади. Орфоэпик меъёрларнинг шаклланиш жараёни турли миллий тилларда турлича кечади. Мас., ҳоз. ўзбек адабий талаффузи меъёрларининг дастлабки илдизлари ўтган асрнинг 20—30-й.ларида вужудга келган, бу соҳада бир қанча тадқиқотлар ўтказилиб, орфоэпик лугатлар нашр этилган бўлса-да, ўзбек талаффуз меъёрлари тўлиқ шаклланган деб бўлмайди.

Орфоэпик меъёр муаммоси бир тил бирлигининг бир эмас, икки ёки ундан ортиқ ифодаси бўлган ҳолларда юзага келади. Меъёрда айни пайтда тил тизимида мавжуд бўлган ёки мавжуд бўлиши кўзда тутилган нарса сараланади. Тизим доирасида янги шаклларнинг пайдо бўлиши ҳамда эскиларини экстралингвистик омиллар таъсирида аста-секин сиқиб чиқариши натижасида меъёр ўзгариши мумкин. Меъёрнинг ўзгариши (алмашиниши) ҳар бир тарихий давр тилида вариантдор меъёрларнинг айни бир пайтда мавжуд бўлиши мумкинлигини инкор этмайди. Вақт ўтиши б-н вариантлардан бири етакчига айланиб, қолганлари камроқ қўлланиб, истеъмолдан чиқиб кетади. Вариантлардан бирининг етакчи деб танланишига унинг тил тараққиётидаги объектив қонунларга мувофиқ келиши, кенг тарқалганлиги, мўътабар анлозаларга (жамиятнинг билимли ва маданиятли вакиллари талаффузига) мослиги каби омиллар таъсир кўрсатади. О. ривожида намунали адабий талаффузни тарғиб қилувчи театр, кейинчалик радио ва телевидение катта роль ўйнаган. Саҳна нутқи кўпчилик тилларда орфоэпик меъёрларнинг асоси ҳисобланади.

Нутқнинг характерига кўра, адабий талаффузни 2 гуруҳга ажратиш мумкин: тўлиқ талаффуз; қисқарган талаффуз; маърузачилар, актёрлар, диктторлар нутқи тўлиқ талаффузни акс эттиради, чунки бунда ҳар бир сўз, унинг морфемалари адабий тил қоидасига мос равишда тўла, аниқ, дона-дона талаффуз қилинади.

Сўзловчи ўз нутқига бепарво қараши орқасида, ўз шеваси таъсирида айрим фонемалар турли ўзгаришларга дуч келади, сўзнинг баъзи бирликлари қисқаради. Мас., олиб келди — обкелди; олиб борди — обборди. Бу қисқартган талаффуздир.

Ўзбек адабий тилининг асосий орфоэпик қоидалари унли ва ундош фонемаларнинг талаффузи, морфологик бирликларнинг айтилиши, сўз бирикмаларининг талаффуз қилиниши каби масалаларни ўз ичига олади. Шунга кўра умумий орфоэпик меъёрлар белгиланади. Орфоэпик меъёрлар, одатда транскрипцион белгилар воситаси б-н ифодаланади.

О. орфографик б-н зич боғланган. Бироқ сўзнинг ёки сўз шаклларининг жонли талаффузи ҳамма вақт ҳам уларнинг ёзувдаги ифодасига тенг бўлавермайди. Жумладан, ёзувда бор баъзи товушлар талаффузда сезилмайди: бироқ, билан, туҳмаччи, адабиёчи каби; ёзувда берилган товушлар талаффузда тушиб қолади: балбах, аёлламан, абстрак, Самарқан каби; ёзувда ифодаланган товуш талаффузда бошқаси б-н алмаштирилади: обод-обот, китоб-китоп, пешвоз-пешвос каби. Талаффуздаги ана шу мураккаб тонмонларни ҳисобга олган ҳолда ягона орфоэпик қоидалар яратиш лозим бўлади.

Абдумажид Маданиев, Бозорбой Ўринбаев.

ОРХИТ (юн. orchis — мояк, itis — ялигланиш) — моякнинг яллигланиши. Кўпинча юқумли касалликлар (грипп, тепки, сил ва б.) асорати сифатида ёки ёрғоққа шикаст етиши оқибатида (қ. *Жинсий аъзолар*) пайдо бўлади. Касаллик бирдан бошланади: гавда т-раси кўтарилади, мояк қаттиқ оғрийди, катталашиб, таранг тортади ва безиллаб туради. Касаллик белгилари пайдо бўлиши б-н врачга мурожаат этиш ва унинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиш зарур, акс ҳолда яллиғланиш жараёни авж олиб мояк функциясига жиддий путур етиши мумкин. Бемор ўринда ётиши ва суспензорий тақиши лозим. Яллиғланиш жараёни кейин ҳам суспензорий тақиш ёки сиқиб турадиган трусик (плавки) кийиб юриш керак, вақтинча жинсий алоқадан ўзни тийиш тавсия этилади.

ОРХУС — Даниядаги шаҳар, Ютландия я.о.нинг шарқида. Орхус амтининг маъмурий маркази. Аҳолиси 217,2 минг киши (2000). Орхус-Бутт қўлтиғидаги порт. Машинасозлик, кимё, тўқимачилик, озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Ун-т бор. Шаҳар 10-а.дан маълум. Меъморий ёдгорликлардан готика собори ва черков (11—15-а.лар) сақланган. «Эски шаҳар» қисми очиқ осмон остидаги меъморий музей ҳисобланади.

ОРША — Белоруссиянинг Витебск вилоятидаги шаҳар. Днепр дарёси бўйида. Йирик т.й. тугуни. Аҳолиси 125,7 минг киши (1998). Энгир тола к-ти, станоксозлик, асбобсозлик, «Легмаш» ва б. з-длар; қурилиш материаллари, енгил, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. О. дастлаб (Рша шаклида) 1067 й.да тилга олинган. 1359 й.дан Литва ва Польша таркибида, 1772 й.дан Россия империяси таркибида бўлган. Шаҳарда Богоявление монастири (17-а. бошлари), барокко черкови б-н унинг монастири (18 а.) сақланиб қолган.

ОРҚА ИЛИ ОЛАТОВИ — Тяншан системасидаги тог тизмаси. Қозоғистон, Қирғизистон чегарасида. Уз. 350 км. Энг баланд жойи 4973 м (Талгар чўққиси). Гранит, конгломерат, оҳактош ва сланецлардан таркиб топган. Баъзи чўққинецлардан таркиб топган. Баъзи чўққилари музликлар б-н қопланган (484 км²). Шим. ён бағирларидан Или дарёсининг чап ирмоқлари оқиб тушади. Тог этакларн қўруқ даштлардан иборат, баландроқда бута, дашт ўсимликлари ўсади, ўтлоқлар ва ўрмонлар (олма, тоғтерак, қорақарағай) мавжуд. Шим. этагида Олмаота ш. жойлашган.

ОРҚА МИЯ — одам ва умуртқали ҳайвонлар марказий нерв системасининг бир қисми, умуртқа погонаси каналида жойлашган. Кўпчилик рефлексларда иштирок этади. Катта ёшдаги одамда унинг уз. 41—45 см, оғирлиги 30 г ча. Одамда О.м. 31—33 сегментдан иборат, уларнинг ҳар бирида 2 жуфт нерв илдизи бор: олдинги (ҳаракатлантирувчи) илдизлар орқали импульслар О.м.дан ҳужайраларидан периферияга (скелет ва томир мускуллари, ички аъзоларга) ўтади. Орқа (сезувчи) илдизлар импульсларни тери, мускул, ички аъзолар рецепторларидан О.м.га ўтказади. О.м.нинг 2 томонида олдинги ва орқа илдизлар ўзаро бирлашиб, аралаш *орқа мия нервларини* ҳосил қилади. О.м.нинг марказий қисми кулранг модцаси нерв ҳужайраларининг тўпламларидан, периферик қисми — оқ модцаси нерв толаларининг тўпламларидан иборат. Нерв толалари О.м. ҳужайраларини бир-бирига, шунинг-

дек. бош мияга боғлаб туради. О.м. кўндаланг кесилганда кулранг модда-си «капалак» нусха бўлади; унда олдинги ва орқа шохлар фарқ қилинади. О.м.нинг кўкрак бўлимидаги ва бел бўлимининг юқори қисмидаги ён шохларда симпатик нерв системасининг қужайралари бор (қ. *Вегетатив нерв системаси*), толалар гавданинг ҳамма аъзоларига боради.

О.м. мия пардалар ва *орқа мия суюқлиги* б-н ўралган. Унинг оқ моддасини ташкил этадиган, марказга интилувчи нерв толалари баландан огриқ, т-ра ва б. сезги импульсларини бош мияга ўтказиб, шу тариқа аъзолар ҳолати, шунингдек, ташқи муҳитдаги аҳвол ҳақида сигнал бериб туради.

ОРҚА МИЯ НЕРВЛАРИ — одамда орқа миядан бошланадиган нервлар. О.м.н. 31 жуфт: 8 жуфт бўйин, 12 жуфт кўкрак, 5 жуфт бел, 5 жуфт думғаза ва 1 жуфт дум нерви. О.м.н. гавда мускулларига, терига тарқалади. О.м.н. ва уларда ҳосил бўлган бўйин, елка, бел, думғаза ва дум нерв толалари, тери, ички аъзолар ва бутун гавда скелет мускулларини *марказий нерв системаси* б-н боғлайди (иннервация). О.м.н. таркибида сезувчи ва ҳаракатлантирувчи толалар бўлади. Қўзғалувчанлик аъзоларда, мускулларда ва терида жойлашган нерв охирлари (рецепторлар) орқали сезгини қабул қилиб марказий нерв системасига, у ердан ҳаракатлантирувчи нервлар орқали ишчи аъзоларга керакли жавоб импульсларини етказади. Таъсирларни ўтказиш тезлиги ўртача 0,5—120 м.га тенг, йўғон диаметрли нервларда тезроқ бўлади.

ОРҚА МИЯ СУЮҚЛИГИ, ликвор — умуртқали ҳайвонлар ва одамда *орқа мия* б-н *бош мия* бўшлиқларини тўлдириб турадиган суюқлик. Таркибига кўра, *лимфа*га яқин, лекин оқсили кам. Миянинг баъзи касалликларида бу суюқликнинг босими ва таркиби ўзгаради. Шунинг учун уларни аниқлашда О.м.с.ни ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

ОРҚА МИЯ СЎХТАСИ — *захм* касаллигининг учинчи ёки тўртинчи даврида орқа миянинг орқа илдизи ва орқа устунларида рўй берадиган дегенератив ўзгаришлар. Бунда бемор мувозанатини йўқотади, юрганида оёқларини кенг ташлаб, кўзи б-н кузатиб босади, кўзини юмишга тўғри келса, гандираклаб йиқилиб тушиши ҳам мумкин. Сўхтанинг охирги босқичида бутунлай юра олмай қолади. Бундан ташқари, пай рефлекслари йўқолади, бўғимлар кечаси қаттиқ огрийди, кўзнинг кўриш лаёқати сусаяди.

ОРҚА ОЛАЙ ТИЗМАСИ — Помирнинг шимолги тоғ тизмаси. Олай водийсини жанубдан ўраб туради. Асосан, Қирғизистон ва Тожикистон чегарасида. Уз. 240 км, энг баланд жойи 7134 м. Сланец, оҳактош, қумтош ва конгломератлардан таркиб топган. Шим. ён бағри узунроқ. Ён бағирларининг қуйи қисмида тоғ-дашт ва тоғ-ўтлоқ ўсимликлари ўсади, баландроқда — абадий қор ва музликлар ётади (1436 км²). О.о.тдаги Қизилорт довони (4280 м) орқали Ўш — Хоруғ автомобиль тракти ўтган.

ОРҚАТОҒ — Куньлунининг марказий қисмидаги тоғ тизмаси, Хитой ҳудудида. Уз. 650 км. Энг баланд жойи 7723 м (Улугмузтоғ чўққиси, Куньлундаги энг баланд чўққи). Асосан, гранит, гнейс ва қумтошлардан тузилган. Чўққилари ясси, ён бағирлари қия, ҳамма қисмида қурум тошлар учрайди. Тошлоқ чўллар, кўлли ботиқлар ва водийлар бор. Тоғ тепалари алабий қор ва музликлар б-н қопланган. Шим. ён бағрида олтин конлари топилган. Тизмани 1884 йл.да рус сайёҳи Н. М. Пржевальский тадқиқ этган.

ОСАКА — Япониядаги шаҳар. Хонсю о.нинг жан. қисмида. Осака префектурасининг маъмурий маркази. Аҳолиси 2,6 млн. киши (2000). О. — катталиги ва иқтисодий аҳамияти жиҳатдан мамлакатда 2-ўринни эгаллайди. Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Ички Япон денгизи соҳилидаги йирик порт (йилига 90 млн. т дан ортиқ юк ортиб-туширилади). Итами аэропорти халқаро аҳамиятга эга.

О. — мамлакатнинг савдо-молия маркази. Фонд, шоли, пахта биржалари, банклар бор. Оғир саноат маркази (жумладан, пўлат, прокат, рангли металл

Осака шаҳрининг канал бўйи қисми.

бюмлари ишлаб чиқарилади). Аниқ машинасозлик, кемачилик, энергетика, приборсозлик ва станоксозлик, тўқимачилик, кимё-фармацевтика, ёғчисозлик, полиграфия, цемент, ойна-керамика саноати корхоналари мавжуд. 1933 йл.да метрополитен қурилган. 13 ун-т ва б. олий ўқув юртлари, нафис санъат музейи ва б. музейлар, планетарий, театрлар, ботаника ва ҳайвонот боғлари бор.

Шаҳар 4—7-асрлардан тилга олинган. Дастлаб Нанива, 15-асрдан О. деб аталган. 16-а. охиридан О. мамлакат ҳокимининг қароргоҳи ва йирик савдо шаҳри. Ўрта аср меъморий ёдгорликларидан ибодатхоналар, қаср ва б. бор. 1970 йл.да шаҳарда «ЭКСПО—70» бутун жаҳон кўргазмаси бўлиб ўтган.

ОСВЕНЦИМ — Польшанинг жан.да, Сола дарёси бўйида жойлашган шаҳар. Аҳолиси 46 минг киши (1990-йиллар ўрталари). Кимё саноати ривожланган. 1940—45 йиллар.да О. (нем. Аушвиц) яқинида немис фашистлари концлагери бўлган. Унда 4 млн.дан зиёд киши қирғин қилинган. 1945 й. 27 январда Совет армияси томонидан озод этилган. Собиқ концлагерь ҳудудида музей очилган.

ОСЕТИН ТИЛИ — ҳинд-европа тиллари оиласининг эроний тиллар гуруҳига мансуб, асосан Шим. Осетия-Аланияда ва Жан. Осетия мухтор вилоятида, шунингдек, Кабарда-Балқарияда тарқалган тил. 500 мингдан ортиқ киши сўзлашади. 2 асосий лаҳжаси бор: адабий тилга асос бўлган ирон лаҳжаси ва дигор лаҳжаси. Дигор лаҳжаси Шим. Осетиянинг ғарбида, ирон лаҳжаси эса Шим. Осетиянинг қолган ҳудудларида ва Жан. Осетияда қўлланади.

О.т.нинг ўзига хос томони шундаки, у ҳам қад. Европа тиллари, ҳам Кавказ тиллари б-н узоқ йиллар алоқада бўлган. Натижада бошқа эроний тиллардан фарқли равишда унинг фонетикасида портловчи бўғиз ундошлари, морфологиясида кўп келишикли агглютинатив турланиш пайдо бўлган.

Ёзуви 18-а. охиридан маълум. 1844 йл.да акад. А. Шёгрен кириллица асосида ёзув яратган эди. О.т. 1923—38 йиллар.да лотин графикасидан фойдаланган. 1938 йдан ёзуви рус графикаси асосида; жан. осетинлар 1938—54 йиллар.да грузин ёзувидан фойдаланганлар.

ОСЕТИНЛАР (ўзларини — ирон, дигорон деб атайдилар) — Россия Федерацияси (402,6 минг киши; Шим. Осетияда 335 минг киши) ва Грузиядаги (164 минг киши; Жан. Осетияда 65 минг киши) халқ. Умумий сони 598 минг киши (1990-й.лар ўрталари). *Осетин тилида* сўзланади. Диндорлари — асосан, православлар, сунний мусулмонлар ҳам бор. Этногенези жиҳатидан форсий халқ ҳисобланади. Олинг шаклланишида *скифлар, сарматлар, аланлар* ҳамда Шим. Кавказнинг қад. аҳолиси иштирок этган. Аланлар О.нинг энг яқин аждодлари ҳисобланади. О.нинг аксарияти саноатда банд, шунингдек, текисликларда деҳқончилик ва тоғли туманларда чорвачилик (қўйчилик) б-н шуғулланадилар.

ОСЁТРСИМОНЛАР (*Acipenseridae*) — суяк-тоғайли балиқлар турқуми (қ. *Бақрабалиқ*).

ОСИЁ (юн. Asia, эҳтимол ассурийча асу — шарқ) — Ер шариздаги энг катта қитъа (бутун қуруқлик майдонининг 30% часини эгаллаган). *Европа*ё материгининг бир қисми.

Умумий маълумот. О. Шим. ярим шарнинг барча географик минтақаларини ўз ичига олади; Малай архипелагини қисман Жан. ярим шарга кириб борган. О.нинг материклари энг чекка нуқталари: шим.да Челюскин бурни (77°43′ ш.к.), жан.да Пиай бурни (26°10′ шк.у.), шарқда Дежнёв бурни (169°40′ г.у.) гарбда Бобо бурни (26°10′ шк.у.). О. шим.дан Шимолий Муз океани, шарқдан Тинч океан, жан.дан Ҳинд океани, жан.-гарбдан Атлантика океани денгизлари (Ўрта, Эгей, Мармар, Қора, Азов) ва Каспий денгизи б-н ўралган. Беринг денгизи О.ни Америкадан ажратиб туради. Суэйши бўйин О.ни Африка б-н туташтиради. Европа б-н О. чегараси шартли равишда Урал ва Мугожар тоғларининг шарқий этагидан, Эмба дарёси, Каспий денгизи, Кума ва Манич дарёлари бўйлаб ўтади.

Майд. 43,4 млн. км² (Кавказ б-н); шундан 8 млн. км² ярим ороллар (Ямал, Таймир, Чукотка, Камчатка, Корея, Ҳиндихитой, Ҳиндистон, Арабистон, Кичик О.), 2 млн. км² дан ортиғи ороллардир (Северная Земля, Новая Сибирь, Врангель, Курил, Сахалин, Япон, Рюкю, Тайвань, Хайнань, Малай архипелаги, Андаман, Шри Ланка, Кипр). О. дунёда мутлақ баландликлари катта фарқ қиладиган қитъадир. Дунёдаги энг баланд чўққи (Ҳимолай тоғларидаги Жомолунгма чўққиси, 8848 м), энг чуқур ботиқлар — кўл бўлиб қолган ботиқлар ҳам (энг чуқур жойи 1620 м бўлган Байкал кўли, денгиз сатҳидан 392 м паст бўлган Ўлик денгиз), очиқ ботиқлар ҳам (мутлақ белгиси — 154 м бўлган Турфон сойлиги) О.дадир (7-жилд 472-бетдаги Осиё харитасига қ.).

Табиати. Орографиясининг асосий хусусиятлари. О. майдонининг 3/4 қисми тоғлар ва ясситоғлардир. Энг баланд тоғлар Марказий ва Ўрта О.дадир. Тибет, Тяньшан, Помир, Ҳимолай, Ҳиндукуш, Қорақурум ва Ўрта О.даги бир қанча тоғ тизмаларининг бал. 7000 м дан ошади. Кичик О.даги, Арманистон, Эрон тоғликлари, Ҳиндихитой я.о., Япон о.лари ва б. ороллардаги тоғлар ҳам анча баланд. Кенг Ўрта Сибирь ясситоғлиги жан.дан Олтой, Гарбий ва Шарқий Саян тоғлари б-н ўралган; ундан шарқда Байкалбўйи ва Забайкалье тоғлари, Становой ва Алдан тоғликлари жойлашган. РФнинг шим.-шарқида Юқори Яна, Черский тизмалари, Колима тоғлиги, Чукотка ва Камчатка тоғлари бор. Камчаткада, Шарқий О. ороллари ва Малай архипелагида сўнмаган вулқонлар бор.

Чорвоқ сув омбори.

О. майдонининг 1/4 қисми текисликлардан иборат. Энг йирик текисликлар: Гарбий Сибирь, Турон, Буюк Хитой, Ҳинд-Ганг, Месопотамия. Тоғлар орасидаги баландроқ текисликлар — Қашқар, Жунғория, Гоби, Цайдам ва Фарғона водийлари.

Рельефи. Тоғлар ва текисликларнинг асосий хусусиятлари мезозой ва ундан тоғ бурмаланишларида таркиб топган. Неоген ва антропоген даврлардаги вертикал ҳаракатлар Марказий О.да, айниқса, кучли бўлган (Помир, Тибет, Ҳимолай тоғлари 4000 м дан кўпроқ кўтарилган, материкнинг шарқий чеккаси 700 м гача чўккан). Копетдоғ, Фаркаси 700 м гача чўккан). Копетдоғ, Фарғона тизмалари, Тяньшан, Ҳисор-ғона тизмалари, Тяньшан, Ҳисорғона тизмалари ҳам анчагина кўтарилган. Олай тоғлари ҳам анчагина кўтарилган. Эрозия таъсирида кўпгина қад. ясситоғликлар жуда ўйдим-қир тоғли ўлкаларга айланиб қолган. Ўрта ва Марказий О.да кенг майдонлар лёсс б-н қопланган.

Антропоген даврида шим.-гарбий О.нинг 60° ш.к.дан шим. қисмини ёпиб сига бир неча бор музлик босган ва қайтган. Ўша замонларда тоғларни муз қоплаган. Қорақурум, Помир, Тяньшан, Ҳиндукуш, Ҳимолай тоғларида ҳозир ҳам музликлар бор. 47° ш.к.гача замин қишининг ёзин музлаб ётади. О. рельефининг таркиб топишида вулқонлар ҳам ҳодисалари катта роль ўйнаган. Ҳиндистон я.о. ва Ўрта Сибирь қад. вулқон жинслари (трапплар) ер юзасига чиқиб ётади. Шарқий О.даги қатор ороллар-да, Камчатка я.о., Филиппин, Катта ва Кичик Зонд о.ларида ёш вулқон рельеф шакллари ва замонавий вулканизм ҳодисалари учрайди.

Геологик тузилиши ва фойдали қазилмалари. О. протерозой эрасининг охиридан буён бурмаланмаган бир қанча йирик токембрий платформаларидан ҳамда бу платформалар орасида жойлашган ва қисман денгиз тубига кириб кетган бурмали кенг ўлкалардан иборат. Токембрий платформаларининг энг йириклари: шим.да Сибирь платформаси, шарқда Хитой-Корея платформаси ва Жан. Хитой платформаси, жан. ва жан.-гарбда Ҳиндистон платформаси. Булар О. материгининг қад. қисмларидир. Платформалар ёки платформаларнинг айрим қисмлари орасида палеозой, мезозой ва кайнозой геосинклиналларида пайдо бўлган бурмали тоғ минтақалари материкларнинг ана шу қад. ядроларини бир бутун қилиб бирлаштирган. О. ғарбий қисмининг геологик тарихида Шарқий Европа платформа-

Хўжапирён қишлоғи. Сурондарё вилояти.



Тяньшан тоғлари этагидаги қозоқлар ўтови.

си муҳим роль ўйнаган — палеозой охирида шу платформанинг шарқий чеккаси бўйлаб Урал ва Марказий Қозоғистон бурмали тоғлари кўтарилган, оқибатда Европа б-н О. бир-бирига қўшилиб Евросиё пайдо бўлган.

Гершн бурмали тоғлари Шарқий Европа ва Сибирь платформалари орасида шим.-шарқий ва меридиан йўналишда (Таймир, Урал), Қозоғистон, Салаир ва Жан. Олтойда шим.-ғарбий йўналишда, Тяньшан, Монголияда, Хитойнинг ғарбий қисмларида кенглик бўйлаб (Куньлун, Наньшан), Дунбэйда шим.-шарқий йўналишда чўзилган.

Альп бурмаланиши Альп (Альп-Ҳимолай) бурмали областини ўз ичига олади. Бу ерда мезозой эрасида Тетис геосинклинали 2 мустақил материк — Ангарида ва Гондванани бир-биридан ажратиб турган. Кавказ, Туркманистон-Хуросон, Паропамиз, Ҳиндукуш, Помир, Ҳисор-Олай, Тавр, Загрос, Макрон, Сулаймон, Ҳимолай тоғлари альп бурмаланишида пайдо бўлган.

О.нинг энг шарқий чеккаси ҳоз. замон геосинклиналь минтақасидан иборат бўлиб, материкни Тинч океан қаъридан ажратиб туради.

Неоген ва антропогенда О. материгида Ер пўсти вертикал ва горизонтал йўналишда ҳаракат қилган. Баланд тоғлар 1—4 км ва ундан ҳам кўпроқ кўтарилган (мас., Тибет, Помир), тоғлар орасидаги ботиқлар ва чекка денгизлар (Япон, Охота ва б.) эса ҳийла чўккан.

Шундай қилиб, О. қитъаси қиёсан яқин геологик даврларда шаклланган. Палеозой бошларида Шарқий Европа, Сибирь, Хитой-Корея ва Жан. Хитой платформалари қуруқлик бўлган ёки саёз денгиз тубида ётган. Ҳиндистон платформаси ва Арабистон я.о. платформаси *Гондвана* материгининг таркибий қисми бўлиб, улар Тетис геосинклинали парчаланиб кетгандан сўнг Ангаридага қўшилиб, О. материгини ҳосил қилган.

О. фойдали қазилмалари ниҳоятда хилма-хил. Қозоғистон (Қароғанда ҳавзаси ва б.), Сибирь (Канск-Ачинск, Лена, Кузнецк, Минусинск, Тунгуска ҳавзалари), Узоқ Шарқ (Сахалин о., Приморье), Хитой, Корея, Ҳиндистон, Ўрта О., Вьетнам ва Японияда кўмир конлари бор. О.даги Закавказье, Ғарбий Сибирь текислиги, Туркманистон, Мангишлоқ я.о., Каспий бўйи пасттекислиги, Сахалин, Форс қўлтиғи соҳили — Саудия Арабистони, Кувайт, Қатар, Ироқ, Эрон, БАА нефтга бой р-нлар; Хитой (Ганьсу вилояти), Индонезия (Суматра о.), Ҳиндистон, Бруней, Япония (Хонсю о.) ва б. баъзи мамлакатларда ҳам нефть қазиб олинмоқда. Ёнувчи газ конлари Ўзбекистон (Газли, Бухоро лепрессиясидаги бошқа конлар), Ғарбий Сибирь текислиги, Мангишлоқ я.о., Яқин ва Ўрта Шарқнинг юқорида тилга олинган мамлакатларида жойлашган. Ош тузи конлари Сибирь платформаси, Покистон, Эрон, Каспий бўйи пасттекислиги, Ўрта О.да. Темир рудаси конлари —

Олтой ландшафти.





Ғарбий Осиё кўчли чўлларида.

Қозоғистон, Сибирь, Хитой, Шим. Корея, Ҳиндистонда. Ҳиндистон, Закавказьеда йирик марганец конлари бор. Хром рудаси конлари — Қозоғистон шим.-ғарби, Туркия, Филиппин, Эронда. Никель — Норильскда, мис рудаси — Қозоғистон (Жезқазған, Қўнғирот ва б.), Сибирь шим., Японияда; полиметалл рудалари — Ўрта О. (Қорамозор, Қоратов ва б.), Рудали Олтой, Япония, Шарқий Хитой, Мьянма, Вьетнамда. Боксит — Қозоғистон, Красноярск ўлкаси, Ҳиндистон, Мьянма, Индонезияда; фосфорит — Қозоғистон; қалай — Шарқий Сибирь, Узоқ Шарқда. Олтин — Шим.-Шарқий Сибирь, Аллан, Лена дарёси бош томони, Амур бўйи, Қозоғистоннинг шим., Ўзбекистон, Корея я.о., Японияда ва ҳ.к. Олтос конлари Якутиянинг ғарбий қисмида ишга туширилган.

Иқлими. Қуруқлик майдонининг кенглиги, тоғ тўсиқлари ва берк ботиқларнинг кўплиги, қуёш радиацияси, атмосферадаги ҳаракатлар иқлимнинг хилма-хил бўлишига имкон берган. О.да барча иқлим зоналари — тундра иқлими зонасидан экваториал ва жан. тропик иқлим зоналаригача учрайди. О. кўп қисмининг иқлими континентал. Атлантика ҳавоси О.га етганда континентал ҳавога айланади. Тинч океаннинг денгиз ҳавоси О.нинг шарқий чеккасига таъсир этади. Шим.дан О.га Арктика ҳавоси бемалол кириб келади. О. жан.да тропик ва экваториал ҳаво массалари ҳукмрон. Ёзда сув юзасига нисбатан қуруқликнинг тезроқ исиши ва қишда кучлироқ совиши атмосфера ҳаракатларида мавсумий ўзгаришларга олиб келади. Қуруқликнинг қишда совиб кетиши Шим. ва Марказий О.да кўп ойлар давомида аёзли антициклон туришига сабаб бўлади. Энг паст т-ра Шим. ярим шарнинг совуқлик қутби жойлашган шим.-шарқдалир (Верхоянск, Оймякон), бу ерда айрим ҳолларда совуқ −70 °га етади, январнинг ўртача т-раси −50° дан ҳам паст. Ёзда Ғарбий, Ўрта ва Марказий О.да жазирама ва қуруқ континентал иқлим ҳаво тарқиб топади. Ёзда бутун О. устида, ҳусусан, жан. қисмида босим паст бўлади. Осиё депрессияси (паст босим) маркази Ҳиндистон я.о.нинг ғарбий қисмидалир. Депрессиянинг жан. четлари бўйлаб, О.га ёзги муссон кириб келиб, Ҳиндистон я.о., Ҳимолай жан. ва Ҳиндихитой я.о.да кўплаб ёмғир ётишига сабаб бўлади. Шарқий О. ёзда Тинч океан қутб фронти таъсирида туради. Ёзги муссон кўплаб ёғин олиб келади. Кузда шарқий О. қирғоқлари яқинида қаттиқ довул — тропик циклон (тайфун) туриб, жала ёғади.

Сибирнинг кўпгина қисмида янв.нинг ўртача т-раси −20°, Верхоянскда −50°, Тинч океанининг Шим. О. қирғоқлари яқинида эса −15°, −5°. О. янв. изотермаси Самарқанд, Нанкин ва Токиодан ўтади. Тропикларда қишда т-ра 20°—25°. Июлда Ғарбий О. ва Ўрта О. (ўртача т-раси 30° ва ундан баланд). Такламакон ва Тар чўллари айниқса исиб кетади. 20° изотерма 55—60° ш.к. гача етиб боради. Шим. О.да доимий тўнг ер кўп. Экваториал минтақада йиллига 2000 мм, Жан. ва Шарқий О.нинг денгиз соҳилидаги шамолга рўпара ён бағирларда 2000—3000 мм (баъзи жойларда 8000—12000 мм) ёғин ётади. 1861 й. Черапунжида 22900 мм ёғин ёққан. Шарқий Сибирда 350 мм дан кам, Ўрта, Марказий ва Ғарбий О. чўлларида 150—200 мм, баъзи жойларда 100 мм дан кам ёғин ётади.

Ички сувлари. О. — азим дарёлар ўлкаси. Обь (Иртиш б-н), Енисей (Ангара б-н), Лена (Алдан, Вилюй б-н), Яна, Индигирка, Колима Шим. Муз океанига, Анадирь, Амур (Сунгари, Уссури б-н), Хуанхэ, Янцзи, Сицзян, Меконг, Менам Тинч океанга, Салуин, Иравади, Брахмапутра, Ганг, Инд, Шатт ул-Араб Ҳинд океанига қуйилади. О.да кичикроқ дарёлар Азов, Қора, Ўрта денгизларга қуйилади. Кура, Амударё, Сирдарё, Или дарёлари Каспий, Орол денгизлари ва Балхаш кўлига қуйилади. Берк ҳавза дарёларининг бир қисми кўлларга қуйилади, бир қисми қум ёки шўрхокларга сингиб кетади ёки бутунлай суғоришга сарф бўлади (Тарим, Чуй, Ҳилманд).

О.нинг энг йирик кўллари Каспий ва Орол денгизларидир. Ҳозир Орол қуриб, жуда кичрайиб қолган. Байкал, Иссиққўл, Хубсугул кўллари, Ўлик денгиз, Ван, Урмия, Телец кўллари тектоник ботиқлардадир. Бир қанча кўлар тоғларнинг қулашидан (Сарез кўли), карет натижасида (Ғарбий Тавр кўллари) пайдо бўлган, шунингдек, шўр кўл кўп (Кукунор, Туз ва б.). Дарёларга ГЭС-лар қурилиши натижасида йирик сув омборлари вужудга келган: Братск (Ангара), Красноярск (Енисей), Новосибирск (Обь), Бухтарма (Иртиш), Фарҳод, Қайроққум, Чордара (Сирдарё) сув омборлари ва ҳ.к. Қирғоқчил ўлкаларда ер ости сувлари катта аҳамиятга эга. Ўрта, Марказий ва Ғарбий Осиёда ер ости ҳовузларда бўлоқ, қудуқ ва артезиан сувларидан кенг фойдаланилади.

О.нинг дарё ва кўллари муҳим транспорт йўлларидир. Кўпгина дарёлар катта гидроэнергия захирасига эга. РФ, Қозоғистон, Япония, Корея ва Хитойда энергиядан, айниқса, кўп фойдаланилади.

Тупроқлари. О.да Ер шаридаги барча тупроқ типлари учрайди. Шим.дан жан.га томон иссиқликнинг орта бориши ва намлик режимининг ўзгариши б-н тупроқлар ҳам алмашиниб боради. О.да подзол тупроқ айниқса кўп майдонни эгаллаган. Ғарбий, Марказий ва Ўрта О.да бўз тупроқлар, кўнғир ўрмон тупроқлари энг кўп майдонни эгаллаган. Субтропик тоғларда ва мўътадил минтақанинг жан. қисми, шарқи ва ғарбида тоғ ўрмон қўнғир тупроқлари, Тибет тоғлигида баланд чўл тупроқлари ва тоғ ўтлоқи тупроқлари асосий тупроқ типларидир. Хитойнинг чекка жан.-шарқида Япония, Ҳиндистон, Ҳиндихитой ва Индонезияда қизил тупроқлар асосий ўрин тутади. Водийлар ва дар асосий ўрин тутади. Водийлар ва дельталарда ўтлоқ ва аллювиал ўтлоқи тупроқлар кенг майдонни эгаллаган.

Ўсимликлари. О. икки фитогеографик областга — Голарктика областига ва б-н Палеотропик областига киради. Палеотропик флора доимий иссиқ иқлим шароитида ривожланган бўлиб, турларга ниҳоятда бой. Голарктика флораси муз босишлар, тоғ кўтарилишлари таъсиридан анча камайиб кетган. Шим.-дан жанубга томон иқлимнинг ўзгариши б-н ўсимлик типлари ҳам ўзгара боради — бу ерда тундралан тортиб Жан. ярим шардаги сернам экваториал ўрмонлар ва саванналаргача учрайди.

Чекка шим.да тундра зонаси жойлашган. Тундрада ўрмон йўқ. Тундра — бутулар яйлови (лишайникли тундра —

Ҳиндистон филлари.

қишки яйлов, ўтли ва бутали тундра —ёзги яйлов) ҳисобланади. Тундралан жан.да ўрмонли тундра жойлашган; ўрмонли тундрада тундра б-н бирга сийрак пакана ел ўсадиган ўрмонли жойлар ҳам учрайди. Ундан жан.да ўрмонлар зонаси жойлашган; ўрмонлар зонаси аксари тайга ўрмонларидан иборат; майда барғли ва кенг барғли ўрмонлар (шарқда) камроқ майдонни эгаллаган. Сибирнинг жан.-ғарбий ҳудудларида, Забайкалье ва Монголиянинг шим. қисмларида, шунингдек, Хитойнинг шим.-шарқида ўрмонли дашт ва дашт ўсимликлари; Қозоғистоннинг жан.да, Ўрта ва Марказий О.да, шунингдек, Ғарбий О. тоғликларида ва Арабистон я.о.да чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади. О.нинг ғарбий қисмларида Ўрта денгиз типидаги ўсимликлар учрайди. Шарқий О.нинг субтропикларида доим яшил ва аралаш муссон ўрмонлари ҳамда саванналар тарқалган, денгиз соҳилидаги шамолга рўпара ён бағирларни доим яшил ўрмонлар қоплаб олган. Тоғларда ўсимликлар баландлик минтақаларини ҳосил қилган, тоғ тундраси, тоғ тайгаси, тоғ ўрмонлари, тоғ дашглари ва чўллари, тоғ субтропик ва тропик ўсимликлари учрайди.

Буюк Ипак йўлидаги карвон.

Ўлик денгизининг жанубий соҳили.

Ҳайвонот дунёси. О. фаунаси материк фаунасидан иборат. Эндемик ҳайвонлардан ҳинд фили, улкан панда, икки ўркачли туя, таиланд горларида жуда кичик кўрсичқон-узунтумшуқ, Японияниинг жан. соҳиллари яқинида чангаллари уз. 2 м ли ўргимчак ва б. бор. Кўпгина ҳайвонлари Европа, Шим. Америка ва Африка ҳайвонларига ўхшайди. Арабистон я.о.нинг жанубий Африка б-н биргаликда Эфиопия зоогеографик областига киради. Фил, каркидон, буғу, товуслар ана шу областга хос ҳайвонлардир. Кичик Зонд о.лари Австралия зоогеографик области таркибида. Жан. О.нинг бошқа р-н лари Ҳиндистон-Малай областига киради. О.нинг қолган қисми Голарктика областининг Евросиё қисмига — Палеарктикага мансуб. Шим. соҳиллар, тундра, тайга, дашт, чўл, тоғ чўллари, Марказий О. тоғлари, Узоқ Шарқнинг кенг баргли ва субтропик ўрмонлари, Жан. О. тропик ўрмонлари зоогеографик зоналари бор. Кенг майдонларда инсон таъсирида ҳайвонот дунёси ўзгариб, камайиб қолган (Шарқий Хитой, Ҳиндистон, Ява о., Ғарбий Сибирнинг жан.). Кейинги вақтда амалга оширилган тадбирлар бир қанча ноёб ҳайвонлар (соболь, сайғоқ, лось ва б.)ни кўпайтириш ва ареалларини тиклашга имкон берди. Ўрта О.да асосан, чўл ҳайвонлари яшайди. Бу ерда ЮНЕСКОнинг «Қизил китоби»га ёзилган ноёб ҳайвонлардан кулон, Бухоро буғуси — хонгул, оқ тирноқли айиқ, мензбир суғури қўриқланади.

Осиё шимолида бугучилик ривожланган.

Географик тадқиқотлар тарихи. Қад. замонларда оссурийлар, бобилликлар, ҳиндлар, хитойлар, мисрликлар ва б. О. географиясидан озми-кўпми тасаввурга эга бўлганлар. Қад. Миср, Юнонистон —Форс урушлари (мил. ав. 477—449), Македониялик Александр юришлари (мил.ав. 4-а.), Мисрнинг Ҳиндистон б-н денгиз орқали савдо қилиши, Хитой элчиси Чжан Цяннинг Ўрта О.да бўлиши (мил.ав. 2-а.), Ипак йўлининг очилиши, римликларнинг ҳарбий юришлари натижасида О. тўғрисида маълумотлар тўпланди. Ўрта асрларда О. ҳақида ўрта-осиёликлар ва араблар (Масъудий, Идрисий, Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Муҳаммад Хоразмий, Ибн Баттута ва б.), хитойлар (Сюань-Цзан ва б.), европалиқлар (салиб юришлари, Карпини, Рубрук) анчагина маълумотлар берадилар. Хусусан, 10-а. охирида ёзилган «Ҳудуд ул олам» асарида О. географияси ўша замонга нисбатан анча тўғри баён этилган. 13-а. охирида венециялик Марко Поло Марказий О.ни кесиб ўтди ва ўз сафарлари ҳақида асар ёзди. Шим. Муз океанининг О. соҳилини руслар ўрганди. 1441—44 й.ларда Абдураззоқ Самарқандий Ҳирот да Абдураззоқ Самарқандий Ҳирот ш.лан Эрон орқали Ҳиндистонга сафар қилган ва кўрганларини ёзиб қолдирган. Рус савдогари Афанасий Никитин ҳам 1466—72 й.ларда Эрондан ўтиб, Ҳиндистонга борди. Португаллар денгиз орқали Ҳиндистонга (1498, Васко да Гама), Японияга (1542) бордилар, 1520 й. Макаода ўрнашиб қолдилар. 1521 й. Магеллан Филиппин о.ларига етиб борди. Заҳириддин Бобурнинг «Бобурнома» асарида ҳоз. Ўзбекистон, Афғонистон ва Ҳиндистон географияси батафсил ва қизиқарли тасвирланган. 1581—82 й.ларда Ермак Сибирга юриш қилди. 1639 й. И. Москвитин Охота денгизига, 1643 й. В. Поярков Амур дарёсига етиб борди. 1649—52 й.ларда Е. Хабаров Амур бўйлаб саёҳат қилди. 1697—99 й.ларда В. Атласов Камчаткани тадқиқ қилди. 17-а.нинг 2-ярмида П. И. Годунов ва С. У. Ремезов Сибирнинг дастлабки хариталарини тузадилар. 1768—74 й.ларда Россия академик экспедицияси Шим. О. ва Кавказни ўрганди. Эверсман (1820—25) ва Г. С. Карелин (1832—42) Ўрта О. текисликларини, А. Ф. Миллендорф (1877—78) Фаргона водийсини ўрганди. 1848—63 й.ларда А. И. Бутаков Орол денгизи, Амударё ва Сирдарё ҳақида асар ёзди. 19-а. ўртасидан турли илмий ташкилотлар ва ҳарбий муассасаларда тадқиқот ишлари ривожлана бошлади. О.нинг айрим ўлкалари ҳақида даврий нашрлар ва монографиялар сони кўпайди. Россия Геогр. жамияти томонидан Сибирь, Узоқ Шарқ, Кавказ, Марказий О., Ўрта О.га кўплаб экспедициялар уюштирилди ва бу ўлкалар табиати анча мукаммал тадқиқ қилинди. 19-а. охири ва 20-а. бошларидаги, хусусан, И. В. Мушкетов, Л.С.Бергнинг Ўрта О., В. А. Обручевнинг Сибирь, В. Л. Комаровнинг Камчатка, А. Н. Краснов ва А. И. Воейковнинг Шарқий ва Жан. О.га доир тад.-қиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

20-а.да тадқиқотлар натижасида О.да бир қанча муҳим кашфиётлар қилинди. О.нинг Арктика қисми табиати мукаммал ўрганилди (Арктикада бир қанча оролдар кашф этилди, Шим.-Шарқий Сибирь. Помирнинг орографик схемаси янгидан тузилди ва ҳ.к.).

Аҳолиси. О.да 3720 млн. аҳоли яшайди (2001), бу Ер шари аҳолисининг 60,6%ни ташкил этади.

Антропологик таркиби. Ғарбий Осиё, Жан., Шарқий ва Жан.-Шарқий О.нинг асосий қисмларида нинг тарихининг илк даврларидаёқ одамлар яшаган, қуйи палеолит даврида Жан.-Ғарбий О.да эҳтимол, ҳоз. типдаги одам (Homo Sapiens) таркиб топган. О.нинг катта қисмида одамлар юқори палеолит ва мезолит даврилан яшай бошлаган. О.дан одамлар Америка, Австралия, Океанияга ўтган. О.да европоид, монголоид, австралоид ирқлари келиб чиққан. Аҳолининг кўп қисми 55,4% монголоид ирқининг турли гуруҳларига киради. Ғарбий О., Шим. Ҳиндистон, Ўрта О. халқлари (тожиклар) европоид ирқига мансуб. Бир қанча кам сонли халқлар австралоид ирқи вакилларидир. Ғарбий Сибирь пастекислиги, Жан. Урал, Олтой, Қозоғистон, Ўрта О., Шим. Ҳиндистондаги бир қанча халқлар (30 млн.га яқин) европоид-монголоид аралаш ирқига мансуб.

О. аҳолисининг этник таркиби ниҳоятда хилма-хил. Бу ерда кўплаб тил оилалари ва гуруҳларига мансуб бир неча юз халқ яшайди.

Аҳолисининг жойлашиши. О.да аҳоли нотекис жойлашган. 1 км² да аҳолининг ўртача зичлиги 87 киши. Япония (1 км² да 336 киши), Ливан (430 киши), Корея Республикаси (493 киши), Шри Ланка (295 киши), Ҳиндистонда (314 киши) аҳоли зич. Жан. ва Марказий Хитойдаги соҳиллар ва йирик дарёларнинг водийлари, Японияниинг жан. қисмида, Ганг дарёси бўйида ва Брахмапутра этакларида. Ҳиндистон я.о.нинг шарқий соҳили, Меконг дарёси водийси, Ява о.да 1 км² га 1000—1500 киши, баъзи жойларда ундан ҳам кўп киши тўғри келади. Шу б-н бир қаторда Марказий О., Шим. ва Ғарбий О.нинг кўп жойларида аҳоли жуда сийрак. Чўлларда (Руб ул-Ҳолий, Дашти Кабир, Тасламакон, Гоби) ва Тибет, Ҳимолай, Ҳиндукуш тоғларининг баланд жойларида аҳоли деярли яшамайди.

Демографик таркиби. 2000—01 й.ларда ҳар 1000 киши ҳисобидан туғилиш 22, ўлим 8, табиий ўсиш 14 нафарни ташкил қилди. Европада эса табиий кўпайиш —1 га, Африкада +24 га, Америкада +13 га, Океанияда +11 га, бутун дунё бўйича эса +13 га тенг. О.да ўртача умр узунлиги эркакларники 65 ва аёлларники 68 ёш. Лекин болалар орасида ўлим анча юқори: ҳар 1000 та болага 55 та тўғри келади (қиёслаш учун: Африкада 88 та, Америкада 25 та, Океанияда 28 та, Европада 9 та). О.да 15 ёшгача бўлган болалар бутун аҳолининг 30%ни, Европада 18%ни, Америкада 28%ни, Африкада 43%ни ташкил этади. 64 ёшдан катта кишилар О.да 6% бўлгани ҳолда Европада 15%, Америкада 8%, Африкада 3%, Океанияда 10%дир.

Сиёсий бўлиниши. Илк цивилизация марказлари қадимда О.да юзага келган. Бу ерда асрлар давомида буюк давлатлар (Бобил, Шумер, Оссурия, Хараппа, Урарту ва б.) ҳамда салтанатлар (Бобурийлар, Усмонлилар) юзага келган ва парчаланиб кетган. 19-а.ларда О. ҳудудидаги бир қанча мамлакатлар европаликларнинг мустамлакаларига бўлган. О. сиёсий харитасида 20-а.да жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Миллий озодлик кураши оқибатида Монголия (1921), Вьетнам (1945), Корея (1948), шунингдек, Британиянинг собиқ мустамлакалари мустақилликка эришди (Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Шри Ланка, Иордания, Мальдив о.лари, Малайзия, Сингапур, Яман, Индонезия, Сурия, Ливан, Лаос, Камбоджа). Фаластиннинг бир

Осиёнинг сиёсий бўлиниши (2001).

Давлатлар	Майдони (минг км²)	Аҳолиси (млн. киши)	Пойтахти
Ғарбий Осиё:	4729	193,0	
Арманистон	30	3,8	Ереван
Бахрайн	0,7	0,72	Манама
БАА	84	3,3	Абу-Даби
Грузия	70	5,5	Тбилиси
Иордания	89	5,2	Аммон
Ирок	439	23,6	Бағдод
Исроил	21	6,4	Тель-Авив
Кипр	9	0,88	Никосия
Кувайт	18	2,1	Кувайт
Ливан	10	4,3	Бейрут
Озарбайжон	87	8,1	Боку
Саудия Арабистони	2152	21,1	Ар-Риёд
Сурия	185	17,1	Дамашқ
Туркия	726	66,3	Анқара
Уммон	213	2,4	Маскат
Фаластин	6	3,3	Қуддус
Яман	529	18,0	Адан
Қатар	11	0,59	Доҳа
Марказий ва Жанубий Осиё	10780	1505,0	
Афғонистон	653	26,8	Кобул
Бангладеш	144	133,5	Дакка
Бутан	47	0,9	Тхимпу
Мальдив Респ.	0,3	0,29	Малэ
Непал	147	23,5	Катманду
Покистон	797	145,0	Исломобод
Тожикистон	143	6,2	Душанбе
Туркманистон	489	5,5	Ашхобод
Шри Ланка	66	19,5	Коломбо
Эрон	1635	66,1	Теҳрон
Ўзбекистон	448,4	25,1	Тошкент
Қирғизистон	199	5,0	Бишкек
Қозоғистон	2720	14,8	Остона
Ҳиндистон	3291	1033,0	Деҳли
Жан.-Шарқий Осиё	4500	519,0	
Бруней	6	0,35	Бандар-Сери-Бегаван
Вьетнам	332	78,7	Ханой
Индонезия	1907	206,1	Жакарта
Камбоджа	181	13,1	Пномпень
Лаос	237	5,4	Вьентьян

давоми

Давлатлар	Майдони (минг км²)	Аҳолиси (млн. киши)	Пойтахти
Малайзия	330	22,7	Куала-Лумпур
Мьянма	677	47,8	Янгон
Сингапур	0,6	4,1	Сингапур
Таиланд	514	62,4	Бангкок
Филиппин	300	77,2	Манила
Шарқий Тимор	15	0,77	Дили
Шарқий Осиё	11788	1503,0	
Корея Республикаси	99,0	48,8	Сеул
КХДР	121	22,0	Пхеньян
Монголия	1568,0	2,4	Улан-Батор
Хитой	9584	1273,3	Пекин
Япония	378,0	127,1	Токио

Эслатма: Рўйхатга РФнинг Осиё қисми киритилмаган.

қисмида Исроил давлати ва Фаластин мухторияти пайдо бўлди. 1971 й. Абу-Даби, Дубай, Шаржа, Ал-Фужайра, Умм ал-Кайвайн, Ажман амирликларининг бирлашувидан БАА давлати тузилди. 1991 й.да Россия империясининг парчаланиб кетиши оқибатида Ўрта Осиёда Ўзбекистон, Туркманистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Қозоғистон Республикалари мустақилликка эришди. О. ҳудудининг 1/4 қисмидан кўпроғи, унинг шим. қисми РФ таркибида. 2000 й.да Шарқий Тимор давлати ташкил топди.

Ад.: Новожении И. В., Физическая география, М., 2001; Страны Мира, М., 2001.

«ОСИЁ» — жадидлар газетаси. 1908 й. 9 апр.дан Тошкент ш.да А. Бектемиров муҳаррирлигида нашр этилган. «Хуршид», «Шуҳрат» газ.лари ишини давом эттириб, маориф соҳасидаги ислоҳотлар, дунёвий илмларни ўрганиш зарурлиги, маънавий ва иқтисодий масалалар, муаммолар тўғрисида ёзилган мақолалар ва шеърларга кенг ўрин ажратган. А. Иброҳимов, Мунавварқори, А. Авлоний ва б. жадид адибларининг мақолалари эълон қилинган. Жами 5 сони чиққач, чор мустамлакачи маъмурлари томонидан ёпилган.

ОСИЁ АНТИЦИКЛОНИ, Марказий Осиё антициклони, Сибирь антициклони — Осиё устидаги юқори атмосфера таъсирининг мавсумий марказларидан бири. Қиш ойларининг кўп йиллик ўртача хариталарида Осиё устида жойлашган юқори босимли майдон. О.а. марказида ўртача босим 1030 гПа дан паст бўлмайди. Бу совиган қуруқлик устида антициклонларнинг тез-тез шаклланиши, уларнинг кучайиши ва туриб қолишининг статик натижасидир. Бунга маҳаллий топография ва орографиянинг таъсири жуда катта. О.а. уюшган жойда алоҳида антициклон ёки ўркачларнинг Тинч океан томон муттасил ҳаракати кузатилади ва юқори босимли субтропик зона жонланиб туради. Ёзда О.а. ўрнини Ғарбий Осиё термик депрессияси эгаллайди. Осиёнинг материк қисмида О.а. даврида совуқ (ер юзасига яқин қатламларда), сокин, кам булутли, кам қорли об-ҳаво ҳукмронлик қилади. Энг паст т-ра О.а.нинг шим.-шарқида (Верхоянск ш.да) кузатилади. Бунда т-ра —70° гача пасаяди, янв. ойидаги ўртача т-ра —50°дир.

О.а.нинг пастки қатламларида совуқ ҳавонинг чиқиб кетишига Саян, Олтой ва б. тог тизмалари тўсқинлик қилади, шунинг учун О.а. стационар турғун антициклондир. Осиёнинг шарқий чекка-ларида, шарқ ва жан.-шарқдан ҳўл-ҳаҳонда ленгиз ҳавоси бостириб келиши натижасида антициклоннинг марказий р-ларига қараганда қиш иссиқроқ бўлади. О. а.нинг жан.-ғарбий қисми Ўрта Осиё ҳудулига таъсир қилиб, бу ерда турғун, очиқ, тинч об-ҳавога сабаб бўлади. Ёзда О.а. *Осиё депрессия*сига алмашинади.

ОСИЁ ДЕПРЕССИЯСИ, Жанубий Осиё депрессияси — Осиё устида пайдо бўладиган паст босимли барик майдон. Ёзда Ўрта Осиёнинг жан.-шарқида қуруқ ва иссиқ об-ҳавони юзага келтирадиган фронтсиз 2 барк изобара б-н ўралган паст босимли, циклонли, циркуляцияси яхши ифодаланган қуйи тропосферада содир бўлади. О.д. ўртача 2,2—2,5 кун, баъзи вақтлар 5—7 кунгача давом этиши, шу даврда т-ра 40—45° гача кўтарилиши мумкин. О.д. вақтида энг паст т-ра 30°. О.д. қанча кўп кўтарилса ва унинг мавжуд даври қанча узоқ бўлса — ёз иссиқ, акс ҳолда салқин келади. Шамол ва чанг-тўзонлар кўтарилади, узоқни кўриш сезгирлиги 4—10 км гача камаяди.

О.д. марказидаги босим июль ойида тахм. 995 гПа. Унинг жан. қисми экваториал депрессия, яъни Осиё материгининг экваториал қисмида қизиган ва тропик кенгликларга силжиган ҳаводан, шим. қисми эса материк устида кўп учрайдиган циклонлардан ташкил топади. О.д. ёз ойларининг ўртача кўп йиллик хариталарида берилади.

ОСИЁ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИ (ОТБ) — халқаро минтақавий банк. Банкни тузиш ҳақидаги битим 15 та давлат ҳукуматлари томонидан имзоланган бўлиб 1966 й. 22 авг.да кучга кирган. ОТБ таркибига аъзо сифатида БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий масалалар бўйича Осиё—Тинч океан комиссиясига аъзо бўлган давлатларгина киритилиши мумкин. Ҳозирда банкка 61 мамлакат аъзо. Банк фаолиятининг асосий мақсади Осиёдаги ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётига ва ташқи савдосига кўмаклашиш, молиявий, техник ва иқтисодий ёрдам кўрсатиш. Банк хусусий секторни ривожлантиришга, минтақавий ҳамкорлик ва атроф муҳит тозалигини сақлашга алоҳида эътибор қаратади. ОТБ томонидан 1968—83 й.да 9,2 млрд. доллар одатдаги кредит ва 4,2 млрд. доллар махсус фонд кредити берилган. ОТБнинг низом жамғармаси — 43,6 млрд. АҚШ долларига тенг. Банкнинг ҳар қандай қарорини ҳамкорликда 1/3 овозга эга бўлган АҚШ ва Япония тўхтатиб қўйиши мумкин. Уларнинг ҳар бири низом жамғармасининг 15,9% миқдорида улушга эга. Шунингдек, банк ҳузурида 2 махсус фонд фаолият кўрсатади — Осиё тараққиёт фонди ва Техника ёрдами махсус фонди. Банкка ривожланган давлатларнинг таъсири катта: маблағларининг 50% уларга тегишли. Штаб-квартираси Манила (Филиппинда). Олий органи — Бошқарувчилар кенгаши. Япония вакили ҳамиша банк президенти бўлади.

Ўзбекистон Республикаси 1995 й.да ОТБга аъзо бўлган. Республиканинг устав банклари квотаси 310,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Ҳоз. пайтда Ўзбекистонда ОТБ шаҳрокидаги умумий миқдори 625,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 13 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

ОСИЁ ЧИГИРТКАСИ (Locusta migratoria migratoria L.) — чигирткаларнинг тарқалиниб яшовчи кенжа тури. Буйи 35—55 мм, қулранг, сарғиш-яшил ёки яшил; қаноти устида қўнғир доглари бор. Личинкалари ёлғиз яшайдиган даврида яшил, сариқ, қора, тарқалиниб яшайдиган даврида эса қора ҳолли оч сариқ. О.ч. Жанубий Европа, Қозоғистон, Ўрта Осиё, Жан. Сибирь, Монголия, Шим.-Ғарбий Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Афғонистон ва Шим. Африкада тарқалган. Россиянинг Европа қисми жанубидаги дарё этаклари, шунингдек, Амударё, Сирдарё дельталаридаги қимматбаҳо ерларда кўп учрайди. О.ч. деярли ҳамма экинни, айниқса, галлани қаттиқ зарарлайди (яна қ. *Чигиртка*).

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ — Осиё қитъасининг нуфузли спорт мусобақалари. 4 йилда 1 марта ўтказилади. Осиё Олимпида кенгаши 1949 й. 13 февр.да асос солган ва мусобақаларни ўтказувчи О.ў. федерациясини ташкил этган. Унинг низоми *Олимпиада ўйинлари* гоялари асосида тузилган. Ҳар бир давлат О.ў.нинг қайси турларида иштирок этишини ўзи белгилайди, лекин вакиллари таркиби ташкилий қўмита ва Осиё Олимпида кенгаши белгилаган сонлардан ошиб кетмаслиги керак. О.ў. да волейбол, футбол, енгил атлетика, сузиш каби Олимпиада ўйинлари дастурига кирган спорт турлари ҳамда мураккаб, сепак текраш сингари миллий спорт турлари бўйича мусобақалар уюштирилади. О.ў. дастурига бирор миллий спорт турини киритиш учун бу турнинг камида 6 та давлатида оммалашган бўлиши ва камида 4 мамлакатдан шу тур бўйича спортчилар иштирок этиши зарур.

Ўзбекистон спортчилари О.ў.га 1994 й.дан қатнашади. Спортчиларимиз О.ў.нинг 100 дан ортиқ медаллари б-н тақдирланишди (2002), улардан 31 таси

олтин медаллар. Бандарқачи Иван Киреев (1994) 3 бор, гимнастикачи Оксана *Чусовитина* (2002) ва боксчи Сергей *Михайлов* (1998, 2002) 2 мартадан О.ў. чемпиони бўлди. Ўзбекистон футбол терма жамоаси 1994 й.да Хиросимада қитъа чемпиони унвонини қўлга киритди.

О.ў. қитъа давлатларида миллий спорт турларининг кенг оммалашишига ёрдам беради. 2006 й.да Дўҳада бўладиган О.ў. дастурига ўзбек кураши мусобақалари ҳам киритилди.

Осиё ўйинлари

Санаси	Ўтказилган жойи
1951	Деҳли (Ҳиндистон)
1954	Манила (Филиппин)
1958	Токио (Япония)
1962	Жакарта (Индонезия)
1966	Бангкок (Таиланд)
1970	Бангкок (Таиланд)
1974	Теҳрон (Эрон)
1978	Бангкок (Таиланд)
1982	Деҳли (Ҳиндистон)
1986	Сеул (Жан. Корея)
1990	Пекин (Хитой)
1994	Хиросима (Япония)
1998	Бангкок (Таиланд)
2002	Пусан (Жан.Корея)

ОСИЁ- ТИНЧ ОКЕАН ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИГИ — халқаро иқтисодий ташкилот. Осиё-Тинч океанининг 12 давлати — Австралия, Бруней, Индонезия, АҚШ, Канада, Малайзия, Янги Зеландия, Сингапур, Филиппин, Корея Республикаси, Япония, Янги Зеландия ташқи ишлар ва савдо вазирларининг Канберра ш.да (Австралия) бўлиб ўтган 1-конференциясида асос солинган (1989 й. нояб.). Ташкилотнинг асосий мақсади Осиё-Тинч океан минтақасида очиқ ва эркин савдо ҳамда инвестициялар учун шароит яратиб бериш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш юзасидан куч-ғайратларни мувофиқлаштириш. Бунда умуман минтақада, ва, хусусан, ташкилот доирасида интеграция жараёнларига муҳим эътибор берилади. О.-Т.о.и.ҳ.да интеграция жараёнлари минтақада саноати ривожланган давлатлар учун 2010 й.гача ва ривожланаётган мамлакатлар учун 2020 й.гача очиқ ва эркин савдони таъминлаш ва қўллаб-қувватлашни, О.-Т.о.и.ҳ. ташкилотига аъзо мамлакатларнинг изчил суратда ўсиши, бир текис ривожланиши ва миллий барқарорлигига эришиш учун якуни ҳамкорлик қилишни назарда тутади. Бу бағнот О.-Т.о.и.ҳ давлат бошлиқларининг 1994 й.ги Богор декларацияси номини олган.

Ҳамкорлик ташкилоти ўз фаолиятини, асосан, 2 соҳада олиб бормоқда. Биринчидан, халқаро савдони эркинлаштириш ва миқёсини кенгайтириш мақсадида савдо соҳасида ҳамкорлик қилиш, иккинчидан, Осиё-Тинч океан минтақасининг технологик ривожланиши ва юксак тараққий этган минтақавий инфратузилмани (бунда ахборот ва алоқа индустрияси, транспорт, молиялар тайёрлаш ва б. ҳам назарда тутилади) вужудга келтиришга ҳаракат қилинмоқда.

О.-Т.о.и.ҳ. мамлакатлари Ўзбекистон бозорини бирмунча истиқболли деб билади, айни чоғда Ўзбекистон Осиё-Тинч океан минтақаси мамлакатлари б-н сиёсий-иқтисодий ва илмий-маданий ҳамкорликни кучайтиришга интилади.

О.-Т.о.и.ҳ. ташкилотининг доимий ишчи органи — Котибият. У 1993 й. ташкил қилинган. Қароргоҳи Сингапур ш.да.

Сайфиддин Жўраев.

ОСИЁЧА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УСУЛИ — қад. жамият ривожланишининг алоҳида босқичи таснифи. Бу тушунча дастлаб 1859 й.да К. Маркс томонидан киритилган бўлса-да, ўтган асрнинг 20—30- ва 60—80-й.ларида иқтисодий фанда кескин тортишувларга сабаб бўлди, лекин ўзининг узил-кесил ечимини топмади.

Икки минг йил олдин пайдо бўлган и.ч.нинг бу усули Мексика, Перу, Шумер, Қад. Хитойда, ҳатто Россияда мавжуд бўлган деган фикрлар ҳам бор. Осиёча иқтисодиётнинг мил. ав. 8—4 а.ларда қад. Спартада, 3—1 а.ларда Мисрда, 6—14 а.ла Византия империясида ва, ниҳоят, 1917—1991 й.ларда собиқ Совет Иттифоқида амал қилганини маълум.

О.и.ч.у.нинг моҳияти айрим минтақаларда кишилар фаолиятининг моддий шарт-шароитлари ва хусусиятларини б-н белгиланади. Бу хусусиятларни 3 йўналишга ажратиш мумкин: катта миқёсларда и.ч.нинг мувофиқлаштирилишини талаб қиладиган ижтимоий меҳнат тақсимоти ва меҳнатини кооперациялашнинг алоҳида тури мавжудлиги; ресурсларнинг (табиий, моддий) чекланганлиги; меҳнат ресурсларининг кераклидан ортиқ даражаси. О.и.ч.у.нинг асосий хусусияти ерга давлат мулкчилигининг амал қилишидир. Давлатнинг алоҳида хўжалик роли худди ана шундан келиб чиқади. Ерга давлат мулкчилиги қишлоқ жамоалари тизими б-н кўшилиб кетиб, бу и.ч. усули фаолиятига кенг йўл очиб беради. Бундай шароитда ҳокимиятга алоҳида деҳқон ёки ҳунарманд эмас, жамоанинг демократик ташкилоти рўбарў турадики, улар ўз навбатида давлат олдида жамоа аъзолари манфаатларини ҳимоя қилади. Бу типдаги иқтисодиёт ҳокимият ва мулкнинг итоаталигига ва марказлашган хўжалик юритишга асосланади. Шунинг учун уни «ҳокимият — мулк» тизими деб ҳам аташади. Давлат тизими устига қурилган и.ч. усули биқиқликка, яъни бошқа тизимлардан алоҳида яшашга мойил бўлади.

Бу и.ч. усулида жамоанинг ўрни алоҳида. Осиё типидаги жамоа ўзининг мустаҳкамлиги ва монолитлиги б-н ажралиб туради.

О.и.ч.у. хўжаликни марказлашган тартибда юритишни тақозо этади. Чунки оддий меҳнат кооперациясини катта ҳудудларда кенг миқёсда ташкил этиш (каналлар қазиш, тўғонлар қуриш, табиий офатларга қарши курашиш) зарур эди. Бундай шароитда алоҳида фуқароларнинг манфаати, кичик гуруҳлар (оила, жамоа, меҳнат жамоаси) манфаатига, уларники катта гуруҳ (табақалар, касталар) манфаатларига, кейингиларники эса давлат манфаатларига тўла бўйсундирилади. Натижада давлат фуқароларнинг барча ҳатти-ҳаракатлари ва, ҳатто, фикрлаш тарзи устидан ҳам тўлиқ назорат ўрнатади.

О.и.ч.у. қисқа муддатларда мас., 15—20 й.лар ичида салмоқли, айтайлик, йилига 20% гача иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга қодир. Узоқ муддатларда, мас., 50 й. мобайнида эса бу тизим эришилган даражани сақлаб қолишга ҳаракат қилиши б-н ҳам турғунликни ва деградацияни келтириб чиқаради.

О.и.ч.у. турли шаклларда амал қилиб келди. У учун тарихий жараённинг эволюцион йўли характерлидир. Бу тенденция анъаналарнинг кучлилиги б-н мустаҳкамланган бўлиб, халқнинг диний-ахлоқий ҳаётига асосланади. Маъмурий-буйруқбозлик тизими б-н О.и.ч.ў. ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлиб, унинг муҳим белгиси давлатнинг хўжалик механизми бошқаришида намоён бўлди. Собиқ СССР да и.ч.нинг барча омиллари, шу жумладан, ер, ер ости бойликлари, сув ресурслари, барча асосий и.ч. фондларининг 90% та иқтисодиёт

латга тегишли бўлиб, улар партократия, совет номенклатураси, совхолигархия деб номланган бир гуруҳ шахслар томонидан бошқарилар эди. Бундай бошқарини Ўзбекистонда бир қанча салбий оқибатларга олиб келди. Энг аввало иқтисодий ҳаёт тараққиётнинг экстенсив омиллари ҳисобига шаклланди ва ривожланди. Бунда асосий эътибор техника прогрессига эмас, табиий и.ч. кучларига, жумладан, табиат ресурсларидан аёвсиз фойдаланишга қаратилди. 70 йил мобайнида мамлакатда ярим натурал, ярим биқиқ, хом ашё тармоқларига асосланган хўжалик тури вужудга келди.

Нурислом Тухлиев.

ОСИЙ (араб. — исён қилувчи, итоатсиз, гуноҳкор) — диний ақидага кўра, Аллоҳнинг буйруқлари, пайғамбарнинг суннат ва кўрсатмаларига риоя қилмайдиган, буюрилган вазифаларни бажариш ўрнига уларни бутунлай ёки қисман инкор этадиган, шаръан тақиқланган ишларни қиладиган шахс. О. бандаларнинг тақдири Аллоҳга ҳавола этилади. *Аҳл ас-сунна вал-жамоа* ақидасига кўра, О. банда агар куфр ёки ширкка кетмаган бўлса, ҳар қанча катта-кичик *гуноҳ*ларига қарамай мусулмон-мўмин саналади, яъни кофир бўлиб қолмайди, балки гуноҳкор ҳисобланади. Бошқа баъзи диний оқимларга кўра, О. банда куфрга маҳкумдир. О. нинг қилган баъзи гуноҳлари учун бу дунёда шаръий жазо белгиланган. Мисол учун, ислом мамлакатларида, арақ ичганга дарра урилади. О.нинг қилган ҳар бир гуноҳи учун у дунёда алоҳида жазолар белгиланган. О. ўз гуноҳларига чин дилдан тавба қилиб, уларни қайта такрорламаса, кечирилиши таъкидланган.

ОСИПОВ ИСЁНИ — Туркистон АССР ҳарбий комиссари К. Осипов бошчилигида совет режимига қарши кўтарилган исён (1919 й. 18—21 янв.).

1918 й. охирида К. Осипов бошчилигида советларга қарши фаолият кўрсатувчи Муваққат комитет тузилган. О.и. 1919 й. 18 янв.да бошланган. 19 янв.га ўтар кечаси К. Осипов буйруғи б-н Туркистон АССР МИК раиси В. Вотинцев, Туркистон АССР ХКС раиси В. Фигельский, ЧК (фавқулодда комиссия) раиси И. Фоменко, Тошкент Совети раиси Н. Шумилов ва б. комиссарлар отиб ташланган. Тошкент ш. дезярли тўлиқ исёнчилар қўлига ўтган. Бироқ, тез орада коммунистлар Қўқон, Самарқанд, Перовскдан қизил аскар отрядларини чақириб, исённи бостиришган. Исёнчиларга қарши курашга сўл эсер Г. Колузаев раҳбарлик қилган. Бу ҳарбий можароларга Эски шаҳардаги маҳаллий аҳоли 1917 й. окт.да бўлгани сингари бефарқ қараган, чунки улар К. Осипов аслида ҳокимиятни эгаллаш учун интилаётганини, Туркистонда демократик республика ўрнатиш ҳақидаги унинг ваъдалари қуруқ сўз эканлигини тушунганлар. 21 янв.да исён тор-мор қилингач, К. Осипов кичикроқ отряд б-н Фарғона водийсига (*Маданбек* ҳузурига) борган. У андижонлик Парпи қўрбоши (Парибек) қароргоҳида ҳам бўлиб, Тошкентдан келтирган советларнинг пул босиш машинасида Қўқонқишлоқ (ҳоз. Пахтаобод)да унинг номидан пул чиқариб, халққа тарқатган. Сўнгра Бухоро амирлигига қочиб борган. 1920 й.да у хорижга утиб кетган (унинг Ҳиндистонда ишлагани ҳақида айрим маълумотлар мавжуд).

Совет режими О.и.ни бостириш баҳонасида совет тузумидан норози бўлган кўплаб кишиларни террор ва қатағон қилган. Партия ва совет идораларида тозаланишлар ўтказилган.

Ад.: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Т., 2000.

Каҳрамон Раҳимбоев.

ОСЛО (1624—1924 й.ларда Кристиания) — Норвегия пойтахти. Ослофьорд соҳилида, 300—400 м баландликда. Иқлими мўътадил. Янв.нинг ўртача т-раси —5° гача, июлники 16°. Йиллик ёғин 677 мм. Аҳолиси 507,4 минг киши (2000).

Шаҳарга 1048 й.да асос солинган. 13-а. охири — 1380 й.ларда Норвегия қироллигининг қароргоҳи. 1572 й.дан Данияга қарашли Норвегиянинг маъмурий маркази. 1624 й.ги ёнгиндан кейин шаҳар эски ўрнидан нарироқда қайта қурилган ва Кристиания деб номланган. 1924 й.дан О. деб атала бошлади. 1814 й.дан мамлакат пойтахти. 1940 й. 9 апр.дан 1945 й. 8 майгача шаҳарни немис фашистлари қўшини оккупация қилиб турган.

О. — Норвегиянинг энг катта иқтисодий ва маданий маркази, йирик денгиз порти. Порт орқали мамлакат ташқи савдо юкларининг 1/3 қисми ўтади. Т.й. тугуни. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. О. ва унинг атрофидаги корхоналар Норвегияда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 25%ни беради. Машинасозлик ва металлсозлик саноати тармоқлари ривожланган. Энергетика ва кема таъмирлаш, электротехника ва радиоэлектроника, металлургия, ёғмойлик, тўқимачилик, полиграфия, озиқ-овқат ва б. саноат корхоналари бор.

Меъморий ёдгорликлардан Қирол саройи, собор, Миллий театр ва ун-т бинолари, ратуша ва б. сақланган. Метрополитен қурилган. Шаҳарда боғ кўп. Ун-т (1811), консерватория, драма ва опера театрлари, Норвегия ФА, музейлар. Миллий галерея бор. Боғдаги музейда Ф. Нансен ва Р. Амундсенларнинг «Фрам» кемаси, Т. Хейердалнинг «Кон-Тики» сали сақланмоқда. О. чанги спорти марказларидан. 1952 й.да шаҳарда 6-қишки Олимпиада бўлиб ўтган.

ОСЛО УНИВЕРСИТЕТИ — Норвегиядаги биринчи ун-т. 1811 й. ташкил этилган. Илоҳиёт, юриспруденция, тиббиёт, тарих ва филсафа, мат. ва табиий фанлар, стоматология, ижтимоий фанлар бўйича мутахассислар тайёрлайди. Таркибида бир қанча ин-т ва илмий жамиятлар бор. Кутубхонасида 2 млндан ортиқ асар сақланади. Унда 22 мингдан зиёд талаба таълим олади, мингдан ортиқ ўқитувчи ишлайди.

ОСМА ВОДИЙ — бошқа водийга, денгиз ёки кўл қирғоғига жарлик ҳосил қилиб тик тушган водий. О.в. сув оқими ёки музликнинг чуқурлатиш эрозиясидан бошқа водийдаги чуқурлатиш эрозиясидан ёки кўл ва денгизлардаги тўлқин эрозиясидан секин рўй берганда ҳосил бўлади, шунингдек, эрозия базисининг ёки денгиз ва кўл сув сатҳининг кескин ўзгариши, тектоник ҳаракатлар емирилаётган тоғ жинслари литологик таркибининг ҳар хиллиги натижасида ҳам вужудга келади.

ОСМА КОНСТРУКЦИЯЛАР — асосий юк кўтарувчи қисмлари қайишқоқ материаллар (арқонлар, кабеллар, тросслар, занжирлар, мембрана ва б.) дан

Осло шаҳрининг порт қисми.

иборат бўлган осма тизимлар. Асосий турлари — осма кўприклар, бино ва иншоотларнинг баъзи катта қопловли ёпмалари, канат йўллар, осма қувурлар ва б. Қурилиш механикасида, кўприксозликда, жарлар устидан йўллар ўтказишда, тоғли жойларда кенг қўлланилади.

ОСМА КЎПРИК — эгилувчан элементлар (кабель, сим, арқон, занжир ва б.)га осилган *кўприк*. Унинг транспорт қатнайдиган ва одамлар юрадиган қисмлари бўлади. Фақат одамлар юрадиган О.к.лар кўпроқ қўлланилади. Осма тизимлар, асосан, автомобиль йўлларида, шаҳар кўприкларида, жарлар, кўрфазлар устидан йўл ўтказишда ишлатилади.

Осма кўприк. Верразано (АҚШ) кўрфазидаги осма кўприк (1965). Ўртача қулочи 1298 м.

ОСМАНЛАР (Diprychus) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқлар уруғи. 3 тури маълум. Ўрта Осиё тоғларидаги сув ҳавзаларида 2 тури (тангачали ва тангачасиз О.) тарқалган. Тангачали О. дарёларда яшайди. Уз. 50 см, вазни 1 кг гача; баҳор ва ёзда уручйди. Тангачасиз О. дарё ва кўлларда яшайди; айниқса, Иссиққўлда кўп. Уз. 60 см, вазни 3 кг гача. Чирчиқ дарёсининг юқори қисми ва ирмоқларида тангачасиз О. учрайди.

Тангачасиз осман.

ОСМАНОВ Сейтумер Османович (1907.20.12) — биолог олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. Биол. фанлари д-ри (1969). Симферополь педагогика ин-тини тугатган (1933). Челябинск педагогика ин-ти зоология кафедраси доценти ва мудири (1938—40). Севастополь биол. станциясида катта илмий ходим (1940—41). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—44). Қорақалпоғистон педагогика ин-ти зоология кафедраси доценти ва мудири (1944—50). Иқтисодиёт ва маданият ин-тида катта илмий ходим (1950—57), Комплекс илмий тадқиқот ин-ти балиқчилик лаб. мудири (1957—58). Ўзбекистон ФА Қорақалпоғистон филиали зоология ва паразитология сектори бошлиғи (1958—59), паразитология лаб. мудири (1959 й.дан). Илмий ишлари балиқлар паразитлари экологияси, систематикаси, биол.си ва зоогеографиясига бағишланган.

Ас.: Паразиты рыб Узбекистана. Т., 1971.

ОСМАТУЗИ, қанот осма — зийнат буюми: Хоразм аёлларининг бошга тақадиган тақинчоғи. *Таллақошлар* Хоразм зарғарлигига хос безаклари — панжарали қанотларининг айлана нақш-гуллар б-н тўлдириб безатилганлиги, узун шоколаларининг кўплиги, пастга қанотлар келиб туташадиган айниқса, қанотлар келиб туташадиган

Осматузи (19-а., Хоразм).

марказий шаклининг ўзига хослиги ҳамда уклар, пар ўрнатиладиган найчаси борлиги б-н фарқ қилади. О. тақинчоғи — *яримтимсоқ* б-н бирга ансамбль ҳосил қилади.

ОСМИЙ (юн. osme — ҳид; лот. Osmium), Os — Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 76, ат.м., 190,2. Табиий О. 7 та барқарор изотопдан иборат: ^{184}Os(0,018%), ^{186}Os(1,59%), ^{187}Os(1,64%), ^{188}Os(13,3%), ^{189}Os(16,1%), ^{190}Os(26,4%), ^{192}Os(41,1%). О.нинг сунъий радиоактив изотоплари ичида ^{194}Os энг узоқ яқт мавжуд бўлучи ($T_{1/2}$=700 кун). О.ни 1804 й.да С. Теннант платинани зар сувида эритишда ортиб қолган моддалар таркибидан топган. О.нинг OsO_4 таркибли ангидриди ўзига хос ўткир ҳидли (хлор ҳидига ўхшайди), кукун ҳолидаги О. ҳам шундай ҳидга эга. О. Ер пўстининг масса жиҳатидан 5·10^{-6}%ни ташкил қилади. Табиатда иридий б-н қотишма ҳолида, платина гуруҳи металларининг рудаларида учрайди. Ўзбекистонда Олмалиқ ва Қизилқум ҳудудларидаги полиметалл рудалари таркибида тарқоқ ҳолда мавжуд.

О. — кўкимтир тусли қаттиқ металл. Металлар ичида энг оғири. Зичлиги 22,6 г/см^3 (15°да), суюқланиш т-раси 3027°, қайнаш т-раси 5027°. О. кимёвий хоссалари жиҳатидан платина гуруҳидаги бошқа металлардан кескин ажралиб туради; у баъзан металлмаслик хоссаларини ҳам намоён қилади. О. ҳавода қиздирилса, оксидланиб, OsO_4 — осмий (VIII)-оксидга айланади.

О.нинг 2,4 ва 8 валентли оксидлари бор. О. оксидлари 600—950° да учувчан. Осмий монооксид ёки осмий (II)-оксид, OsO — қора тусли кукун, сувда ва кислоталарда эримайди, жуда тез оксидланади. Осмий (IV)-оксид, OsO_2 жигарранг ёки қора кукун модда, сувда ва суюлтирилган кислоталарда эримайди, зичлиги 7,91 г/см^3 (22°да), 650° да парчаланади. Ҳавода қиздирилганда осмий (VIII)-оксидга айланади. Осмий (VIII)-оксид ёки осмий ангидрид OsO_4 рангсиз кристалл модда, зичлиги 4,96 г/см^3 (22°да), суюқланиш т-раси 39,5°, қайнаш т-раси 130°. Заҳарли. Сув, спирт ва эфирда яхши эрийди. Сувдаги эритмаси осмат кислота $H_2[OsO_4(OH)_2]$ деб йилади. Металл О. кукуни фтор б-н 250° гача қиздирилса, осмий (VIII) - фторид OsF_8 га айланади. Қўшимча сифатида OsF_6 ва OsF_4 ҳам пайдо бўлади. О. хлор атмосферасида қиздирилса, $OsCl_6$, $OsCl_3$, $OsCl_2$ лар вужудга келади.

О. таркибида мис-никелли сульфид рудалари ва мис молибден бўлган рудалардан платина гуруҳи металлари б-н ажратиб олинади. Уни бошқа металлардан ажратишда OsO_4 ҳолида бошқа идишга ўтказилади. О. қотишмалари аниқ ўлчов асбоблари ўқларини тайёрлашда, радиотехникада, композицион материаллар олишда, бирикмалари эса катализаторлар сифатида тиббиётда ва фотографияда ишлатилади.

Отажонов Ҳўжаев.

ОСМИЙЛИ ИРИДИЙ — туғма элементлар синфига мансуб минераллар гуруҳи. Осмий ва иридийнинг табиий қаттиқ қоришмаси. Таркибидаги компонентлар миқдорига қараб ҳар хил бўлади. Қаттиқ қоришмалар гексагонал ёки кубик сингонияларда кристалланади, кристаллар бир неча мкм дан 1 мм гача табletка ёки пластинка шаклида бўлади. Металлсимон ялтироқ, магнит хоссаси йўқ. Таркибида Ir кўпроқ бўлса, ранги оқ, Os кўпроқ бўлса, кўнғир-кулранг. Қаттиқлиги 5—7, зичлиги 17600—22400 кг/м^3. О.и. магматик ёки гидротермал йўл б-н ҳосил бўлади. Ўта асосли тоғ жинсларида туғма платина, хромшпинелидлар, мис

сульфидлари, баъзан кварц томирларида туғма олтин б-н бирга учрайди. Табиатда сочма ҳолда жуда кам миқдорда (100 мг/м³ гача) бўлади. О.и. минераллардан невьянскит энг кўп тарқалган, сисертскит кам; осмирид, туғма осмий — жуда камёб минераллар. Осмий, иридий ва рутений олишда хом ашё сифатида ишлатилади.

ОСМОН, осмон гумбази — Ер устида гумбаз шаклида кўриниб турадиган фазо (само, фалак, кўк). О. булутсиз кунлари кундузи ҳаво ранг (қуёш нурларининг Ер атмосферасида сочилиши кўпроқ қисқа тўлқин узунликларига тўғри келгани учун), кечалари қора бўлиб кўринади. Кундузи О.да Қуёшни, баъзан Ойни ва камдан-кам ҳолларда баъзи осмон жисмлари (мас., Зуҳра юлдузи, яъни Венера)ни, кечалари эса бир вақтнинг ўзида 3000 тача юлдуз, сайёралар, Ой, туманликларни, баъзан комета, метеор ва б. осмон жисмларини кўриш мумкин.

ОСМОН КООРДИНАТАЛАРИ — осмон сферасида ёритқичларнинг ўрнини аниқлаш учун қўлланиладиган бир нечта координаталар системасининг умумий номи (қ. *Астрономик координаталар*).

ОСМОН МЕХАНИКАСИ — астрономиянинг Қуёш системасига киручи табиий ва сунъий жисмларнинг ҳаракат назариясини яратиш б-н шуғулланувчи бўлими. О. м. асосларини И. *Кеплер*, И. *Ньютон*, Л. *Эйлер*, Ж. *Лагранж*, П. *Лаплас*, С. Ньюком, А. Пуанкаре ва б. ишлаб чиқишган. Асосий бўлимлари: 1) Ер сунъий йўлдошлари (ЕСЙ) ва б. сайёраларга учирилган космик аппаратлар ҳаракат назарияларини яратиш; 2) кўп жисм масаласи доирасида Қуёш системасининг ҳар бир табиий жисм учун ҳаракати назарияси ва математик қонуниятларини аниқлаш; 3) кузатув маълумотлари асосида осмоннинг ихтиёрий жисми орбитаси элементларини ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш; 4) сайёралар ва улар йўлдошларининг тўлқинсимон ҳаракати учун аналитик назариялар ишлаб чиқиш; 5) Қуёш системасидаги асосий табиий жисмларнинг фазовий ўрни ва ҳаракатига оид маълумотларни олдиндан аниқ ҳисоблаб, астрономик йилномалар тузиш.

Бу бўлимлар мос равишда ўз объектлари тури бўйича алоҳида йўналишларга бўлинади. Хусусан, ЕСЙ ҳаракати назариясида унга таъсир этувчи қуйидаги омиллар бўйича махсус йўналишлар мавжуд: 1) Ернинг мураккаб шакли ва унда материянинг нотекис тақсимоти таъсири; 2) Ой ва Қуёшнинг гравитацион таъсири; 3) Ер атмосферасининг таъсири; 4) Қуёш ва Ой нурларининг ЕСЙга босими; 5) Ердаги *кузатишлар* ва *пасайиш* ҳолисалар таъсири ва б.

Маълумки, 3 ва ундан ортиқ жисмлар масалалари умумий ҳолда аниқ ечимга эга эмас. Шу сабабли, О. м.да махсус келтирилган масалалар ўрганилиб, натижалари бунга мос системада қўлланилади. Бунда муаммони аниқ ечиш мақсадида айрим физик параметрлар бўйича номаълум функцияларни қаторларга ёйиш усуллари ишлатилади. Мас., Ер ва сайёраларнинг гравитацион потенциаллари сферик функциялар бўйича қатори, эллиптик орбита бўйича ҳаракатланувчи осмон жисми координатаси эксцентриситет даражалари бўйича қатори амалда тез-тез учраб туради.

Қуёш системасидаги ҳар бир жисм орбитаси элементлари вақтга боғлиқ функциялардир. Улар эволюциясини ифодаловчи тенгламаларни биринчи бўлиб Л. Эйлер топган. Ҳаракатланувчи жисмга таъсир этувчи куч ўз потенциалига эга бўлса, унда орбита элементлари учун Лагранж тенгламала ридан фойдаланилади. Унибу потенциал О. м.да пертурбацион функция дейилиб, уни аниқ билиш ва назариясини яратиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу функция, одатда, маълум қаторлар тарзида қўлланилади.

О.м.нинг усуллари, хусусан, янги кометалар ва астероидларни илгари маълум бўлганларидан фарқлашда ҳам кенг қўлланилади, чунки фақат орбита элементлари орқали бу муаммони ҳал этиш қийин масала. Бунда «комета инварианти», Тиссеран мезони, Якоби интеграли каби тушунчалардан фойдаланилади.

ОСМОН СФЕРАСИ — осмон ёритқичларининг вазиятини кўрсатиб берувчи ҳаёлий ва ихтиёрий радиусли сфера. Ёритқичларнинг ўрнини ва унинг кўринувчи ҳаракатини ўрганишда *осмон координаталаридан* фойдаланилади. О.с.нинг текисликлари проекцияси айлана. Кузатувчи О.с. марказида туради ва у турган жойининг ўз меридиани мавжуд бўлади. Кузатувчи турган нуқтадаги шоқулнинг йўналиши вертикал чизиқ (ZZ′) деб аталади. Вертикал чизиқнинг О.с. б-н кузатувчининг тепасида (уфқ юқорисида)кесишган нуқтаси зенит (Z) ва унга диаметрал қарама-қарши томонда кесишган нуқтаси надир (Z′) дейилади. Z ва Z′ нуқталаридан ўтган вертикал чизиққа ўтказилган катта айлана вертикал айлана ёки вертикал дейилади. Вертикал уққа перпендикуляр қилиб ўтказилган катта айлана *(SW NE)* уфқ текисликлари. Кузатувчи О. сининг фақат уфқ текислигидан юқорида жойланган ёритқичларни кузата олиш.

Осмон ёритқичлари сутка давомида Ер атрофида *тобеъ уқи PP′* атрофида) кўринма ҳаракатда бўлади. Олам уқига ўтказилган перпендикулар диаметрлар суткалик параллеллар, уларнинг энг катта си эса осмон экватори дейилади. Олам уқи б-н уфқ текислигининг кесишувидан ҳосил бўлган бурчак кузатувчи



Осмон сфераси: Ер сиртининг кенгликлари нуқтасидан кузатилаётган осмон сфераси: *Z* — зенит; *Z′* — надир; *NESW* — математик уфқ; *N, E, S, W* — шимол, шарқ, жануб ва ғарб нуқталари; *P* ва *P′* — Шимолий ва Жанубий қутблар; *AWA′E* — осмон экватори; — φ географик кенглик.

турган жойнинг географик кенглигига тенг. Уфқ текислигининг осмон меридиани *(PZSP′Z′N)* б-н кесишган нуқталари оламнинг қайси қутбига яқин турганлигига қараб шимолий нуқта *(N)* ёки жанубий нуқта *(SP′)* деб аталади. Шим. ва жан. нуқталарни ўзаро бирлаштирувчи *NS* тўғри чизиқ туш чизиғи дейилади. *Экватика* осмон экватори б-н 23°27′ бурчак ташкил этади. Бу текисликлар кесишган нуқталар баҳорги ва кузги тенгкунлик нуқталаридир. О.с. сутка давомида шарқдан ғарбга томон юлдуз суткасига тенг давр б-н айланади.

ОСМОНСОЙ — Жиззах вилояти Фориш туманидаги сой. Нурота тоғининг шим. ён бағридан бошланиб шим.га оқади. Уз. 24 км, ҳавзасининг майд. 31 км² . Ўртача йиллик сув сарфи 0,17м³/сек., оқим модули 5,5 л/сек. км². Баҳорда суви кўпаяди.

ОСМОРЕГУЛЯЦИЯ (юн. *osmos* — туртки, босим ва лот. regulo — бошқараман) — ҳайвонлар организми ички муҳитидаги осмотик фаол моддалар концентрациясини доимий бир меъёрда сақлаб туришни таъминлайдиган физик ва кимёвий жараёнлар мажмуи. О. кўпчилик ҳайвонлар учун хос. Ҳайвонларни осмотик босим реакциясига кўра, *пойкилосмотик* ва *гомойосмотик* гуруҳларга ажратиш мумкин. Пойкилосмотик ҳайвонлар танасида осмотик босим муҳит хусусиятларига боғлиқ бўлиб, нисбатан кенг чегарада ўзгариши мумкин. Гомойосмотик ҳайвонлар осмотик жиҳатдан ўзгармас; ташқи муҳит ўзгаришидан қатъи назар улар танасидаги суюқлик босими нисбатан доимий сақланади. Ички муҳит осмотик босими кучга нисбатан ҳайвонлар гипероосмотик ва гипоосмотик бўлади. Ички муҳит суюқлигида осмотик фаол моддалар концентрацияси гипероосмотик ҳайвонлар (қуруқликда ва чучук сувда яшовчилар, тоғайли балиқларда ташқи муҳит босимига нисбатан юқори, гипоосмотик ҳайвонлар (денгиз сувини ичиб, ундан ортиқча тузларни жабраларда жойлашган махсус ҳужайралар ёки туз ажратувчи безлар ёрдамида ажратиб, уни чучуқлантириш орқали (судралиб юрувчилар, қушлар) боради. Икки валентли ионлар эса ичак ва буйрак ёрдамида ажратилади. Сут эмизувчиларнинг буйраклари асосий О. органи ҳисобланади. Ўткинчи балиқлар (лосос-симонлар ва б.) ва айрим қисқичбақасимонлар гипер- ва гипоосмотик О.га эга бўлиб, денгиз ва чучук сувда ҳам яшаши мумкин. Кўпчилик умуртқасиз ҳайвонларнинг ҳар хил шўрланган сувларда яшаши ҳужайра О.си б-н боғлиқ. О. системасининг нам танқислигига мослашуви бир қанча механизмларни, концентрацион хоссасини ошириш орқали сувни тежаш (кенгурусимон каламуш), сувсизланишга чидамлигининг кескин ошиши (эшак), азотли алмашинувининг охирги маҳсулоти сифатида сийдик кислотанинг ҳосил бўлиши (судралиб юрувчилар, қушлар), туз ажратадиган бўрун безларининг бўлиши (айрим судралиб юрувчилар) ва б. ни ўз ичига олади. О. рефлекс тарзида амалга ошади. О.да *сипофаз*, *бўйрак усти безлари*, *қалқонсимон без* ва ошқозон ости безлари ҳамда ҳар хил сенсор органлар ва ҳаракат системаси қатнашади. О. туфайли ҳайвонлар ҳар хил муҳитда яшашга мослашган (яна қ. *Моддалар алмашинуви*).

ОСМОС (юн. *osmos* — туртки, босим) — эритувчининг эритма б-н эритувчи орасига ёки концентрацияси турлича бўлган 2 эритма орасига қўйилган ярим ўтказгичли парда орқали ўтиши ҳодисаси. Эритувчи (мас., сув) О. туфайли суюқроқ эритмадан қуюқроқ эритмага ўтади. О. эритмалар концентрацияси орасидаги фарқни йўқотиб, системани мувозанат ҳолатига келтиришга интилади. Бу ҳодисани дастлаб 1748 й.да А. Нолле кузатган. Нолле туби мол пуфаги б-н бекитилган шиша найга қанд эритмаси солиб, найнинг пуфакли қисмини сувга ботирганида най ичига пуфак орқали сув кириб, найдаги суюқлик кўтарила бошлаган. Сувнинг пуфак орқали найга ўтиши маълум босим (осмотик босим) туфайли содир бўлади. Суюқлик найда маълум баландликка қадар кўтарилади; найдаги суюқликнинг гидростатик босими осмотик босимга тенглашса, суюқлик кўтарилиши тўхтайди. Бу баландликнинг катталиги осмотик босимнинг ўлчови бўлиб хизмат қилади. О. ҳажми чекланган суюқликнинг ички томонига йўналган бўлса, эндосмос, ташқи томонига йўналган бўлса, экзосмос дейилади.

Ярим ўтказувчи пардаларни полимер материаллардан (мас., коллодийдан) ёки ноорганик моддалардан (мас., мис ферроцианид $Cu_2[Fe(CN)_6]$ чўкмасидан) тайёрлаш мумкин.

О. полимерларнинг молекуляр массасини аниқлашда, эритмаларни концентрашишда, баъзи бир полимер материаллар олишда, юқори минерал-ларни тозалашда қўлланади. О. ҳодисаси ўсимлик ва ҳайвон организмларида ниҳоятда катта аҳамиятга эга, чунки организмдаги ҳар қайси ҳужайра яримўтказгич вазифасини бажара олади. Бир хил осмотик босимга эга бўлган эритмалар *изотоник* эритмалар дейилади. Агар эритмаларнинг осмотик босими ички ҳужайра суюқлигининг осмотик босимидан катта бўлса, *гипертоник*, кичик бўлса *гипотоник* эритмалар дейилади. Бир эритма маълум бир тўқдаги ҳужайра учун гипертоник, бошқаси учун изотоник, учинчиси учун гипотоник бўлиши мумкин. Тиббиётда, одатда, изотоник эритмалар, аммо баъзан гипертоник эритмалар (жароҳатларни боғлов б-н боғлашда) ҳам қўлланилади. Дарахтларда сув ҳам О. туфайли юқорига кўтарилади.

ОСМОТИК БОСИМ, диффузия босими — суюқликда эриган моддаларнинг *диффузия* ҳаракати туфайли пайдо бўладиган босим. О. б. эритувчи б-н эритма орасига қўйилган ярим ўтказувчи (ўзидан эритувчини ўтказиб, эриган моддани ўтказмайдиган) парда ва осмометр ёрдамида аниқланади. О.б. эритмада эриган моддаларнинг концентрациясини ўта камайтириш учун эритувчининг эритмага сўрилишини юзага келтириб чиқаради.

О.б. бир хил бўлган эритмалар изотоник ёки изоосмотик эритмалар, агар бир эритманинг О. б.и бошқасиникига нисбатан юқори бўлса, *гипертоник*, паст бўлса *гипотоник* эритма дейилади.

О.б.ни ўлчаш усуллари ва техникаси ҳақидаги таълимот *осмометрия* деб аталади. Осмометрия, асосан, полимерларнинг молекуляр массасини аниқлайди. Ҳайвон, ўсимлик ҳужайралари, микроорганизмлар ва биологик суюқликларнинг О.б.и уларнинг суюқ муҳитида эриган моддаларнинг концентрациясига боғлиқ. О.б. тургунлиги сувтуз алмашинуви б-н таъминланади. Ўсимликлардаги О.б. уларнинг ўсиш шароитига боғлиқ.

ОСОН ЭРИЙДИГАН ҚОТИШМАЛАР — *қаларга* нисбатан пастроқ т-ра (тахм. 232°) да эрийдиган қотишмалар. Таркибида турлича нисбат ва уйғунликда ушбу элементлар бўлади: Sn (қалай), Bi (висмут), In (индий), Pb (қўргошин), Cd (кадмий), Zn (рух), Sb (сурма), Ga (галлий), Hg (симоб) ва б. Кавшарлар, эрувчан сақлагичлар, металл суркама (замазка) лар, қуйма қолиплар ва ҳимлагичлар тайёрланадиган материаллар сифатида ишлатилади.

ОСПАНОВА Бибираба Рашидовна (1950.15.6, Чимбой тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1995). Қорақалпоғистон пед. ин-тини тугатган (1974). 1974 й.дан Нукус ш.даги 12-мактабда қорақалпоқ тили ва адабиёти ўқитувчиси. Дарсда кўргазмали воситалардан, янгича дарс бериш усулларидан фойдаланади.

ОССУАРИЙ, остадон (лот. *os* — суяк) — зардуштийлик динига мансуб халқларда марҳумнинг суяги солинган сопол, тош ёки ганч идиш, суякдон. Зардуштийларда ўликни ерга дафн этиш ман этилган. Бунда улар «Она ер муқаддас, у барча жонзотнинг боқувчиси, тупроқнинг таркибини бузмаслик керак», деган ақидага риоя қилишган. Шунинг учун ҳам ҳар бир қишлоқ, туман, шаҳарда, тоғ ён бағри ёки баланд тепаликда махсус супалар ясаб, ўликни ўша ерга эҳтиб бараҳна (ялан-

ҳаракатчанлиги, жисмоний зўриқишларга чидамлилигини умуртқалараро дисклар таъминлайди. Бу дискни қоплаб турган тоғай ва пай элементлари умуртқаларни бир-бирига боғлаб туради ва бир бутун умуртқа устунини ҳосил қилади. Диск ва унинг атрофидаги пай-тоғай боғловчи элементлардаги ўзгаришларга ревматизм, шикастланишлар, иммунитетнинг сусайиши ва ирсий омиллар сабаб бўлиши мумкин. О. кўпроқ бўйин ва бел дискларида учрайди. Дискда кузатиладиган дегенератив ўзгаришлар асосида мураккаб биокимёвий жараёнлар ётади. Турли шикастланишлар таъсирида дискнинг асосий модаси деполимеризацияга учраб, ҳужайраларни жароҳатлайди ва ўзгартиради. Натижада асосий модда нордон мукополисахаридларнинг кўпайишига олиб келади, у эса дискнинг тоғай ва пай тўқималарини аста-секин юмшатиб, фиброз халқаларда ёриқчалар ҳосил қилади ва дискнинг герметик ҳолатини бузади, дистрофик ва дегенератив жараёнлар ривожланади.

О. 2 босқичда ўтади: 1) хондроз даври. Бунда умуртқалараро диск ядросини ўраб турган боғловчи фиброз халқа ва б. элементларда ўзгариш бошланади, лекин диск оғриқни сезмаганлиги учун бу даврда беморда клиник белгилар кузатилмайди; 2) О. даври. Бунда бошланган дегенератив ўзгаришлар диск ва умуртқанинг суяк қисмига ўтади, чегараланган «беркитувчи» пластинкалар йиртилиб, герметиклиги йўқолади; қон томирлар ва нерв толалари диск ичига ўтиб, оғриқ беради. Дистрофик жараён диск атрофидаги умуртқа бўғимларида, калта-узун пайларда ҳам ривожлана боради ва умуртқалар орасини торайтириб қўяди, умуртқа «ўтириб» қолади. Касаллик белгилари дегенератив дискнинг жойлашишига боғлиқ. Агар бўйин соҳасида бўлса, шу соҳага алоқадор аъзолар фаолиятида ўзгаришлар, касалликлар ва синдромлар кузатилади. Бўйин остехондрози экстракраниал (ташқи нерв илдизлари синдромлари), интракраниал (ички ва ташқи шикастланишлар, қон етишмовчилиги), вертебрал (вертебрал етишмовчилик) хиллари бор.

Кўкрак қисмидаги О. белгилари, асосан, нерв илдизларининг синдромлари б-н ифодаланади.

Бел умуртқаси остеохондрози кўпроқ учрайди, чунки киши бирор бир меҳнат қилганда маълум бир жисмоний куч талаб этади ва бу ўз-ўзидан белни зўриқтиради. Бел О.нинг қуйидаги турлари ажратилади: 1) илдизли — рефлектор синдром (люмбаго, ишиас ва б.); 2) умуртқа диск чурраси, унда турли компрессион миелопатиялар кузатилади; 3) диск атрофидаги илдиз қон томир ва бутимлар б-н бирга кузатиладиган синдромлар; 4) чаноқ суяклари пайлари ва думғаза б-н бирга учрайдиган синдромлар (сакроилеит, сакрализация, кокцигодиния).

О.нинг барча хилида оғриқ бўлади, бу касалликнинг қайси босқичда эканлигига боғлиқ. Даво, асосан, консерватив, оғриқ қолдирувчи дорилар буюрилади. О.нинг диск чурраси стабил ҳолажни келтириб чиқарса, операция қилинади.

Гулчеҳра Давлатова.

ОСТИНАТО (лот. obstinatus — ўжар, қатъий) — мусиқада муайян куй ёки ритм тузилмасининг кетма-кет, кўп маротаба такрорланиши.

ОСТ-ИНДИЯ (инг. East Indies — Шарқий Ҳиндистон) — Ҳиндистон ҳамда Жан. ва Жан.-Шарқий Осиёдаги баъзи мамлакатлар ҳудудларининг европаликлар ўртасидаги эски номи. Вест-Индия терминининг акси сифатида вужудга келган. Ўша вақтларда Американинг Кариб денгизидаги Х. Колумб кашф қилган оролларини «Ҳиндистон» деб ҳисоблаган европаликлар шарққа томон саёҳат қилиб, ҳақиқий Ҳиндистонни топгач, уни О.-И. деб аталадилар. Англия, Голландия ва Франция Ост-Индия компанияларининг мустамлакачилик фаолиятлари натижасида О.-И. номи узоқ вақт сақланиб келди.

ОСТИТ *(остео...* ва лот. itis — яллиғланиш) — суяк тўқимасининг яллиғланиши. Одатда, *остеомиелит* б-н бирга учрайди.

ОСТОНА — Қозоғистондаги шаҳар, Қозоғистон Республикаси пойтахти, Оқмўла вилояти маъмурий маркази. Ишим дарёсининг ўнг соҳилида жойлашган. Т.й. тугуни. Аэропорт бор. Аҳолиси 493,6 минг киши (2002). Машинасозлик ва металлни қайта ишлаш (қ.х. машиналари, насос, вагон ремонти, газ аппаратураси, чўян қуйиш ва б. з-лар), озиқ-овқат (гўшт, сут, нон маҳсулотлари, пиво з-ди), енгил (чинни з-ди, тикувчилик фкаси ва б.) саноатлари ривожланган. Ғишт, темир-бетон материаллари, уй-жой қурилиш қисмлари, асфальт, керамика маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. ТЭЦ ишлаб туриб-

Остона. Парламент биноси.

ди. Электр узаткич линиялари О.ни Қарағанда, Павлодар, Петропавловск, Рудний б-н боғлаган.

Шаҳар эски қисмининг кўчалари тўғри бурчак шаклида тузилган. О.да 1960 й.дан катта қурилиш ишлари бошланди. 1961–92 й.лар бош плани бўйича шаҳарнинг жан.-шарқий қисмилари бун ерларда типовой лойиҳа асосида кўп қаватли бинолар қурилган, янги турар жой микрорайонлари ва жамоат бинолари (Маданият саройи, 1960–64, меъморлар О. Крашклис, Д. Даннеберг, П. Фотель). Ёшлар уйи (1974, меъмор А. Т. Полянский ва б.), «Ишим» меҳмонхонаси, телемарказ ва б. барпо этилган. О.да 4 олий ўқув юрти, театр, ўлкашунослик ва тасвирий санъат музейлари бор. О. 1830 й.да Оқмўла қалъаси сифатида барпо қилинган. О. Тошкент ва Бухородан Россиянинг Европа қисмига борувчи карвонларнинг тўхташ манзили ва ўша атрофнинг савдо маркази бўлган. 1961–92 й.ларда Целиноград, 1961 й.гача ва 1992 й.дан 1998 й.гача Оқмўла, 1998 й.дан Остона деб аталган.

ОСТОНАЛАР, остона тошлар — ларё ўзанининг кўтарилган саёз жойлари. Бундай жойларда сув тез оқади.

Остона. Марказий кўчаси.

О., одатда, даре қояларни ёки қаттиқ жинсларни кесиб ўтган жойларда ёки ўзанда катта тўда тош (валунлар) тўпланиб қолган ерларда пайдо бўлади. Баъзи шарсимон ларда ҳам О. учрайди. О. этагида ГЭСлар (мас., Днепр остонасида ДнепроГЭС, Волхов остонасида Волховстрой) қурилади. О. кўпинча кема қатновига ва ёғоч оқизишга халақит беради.

ОСТОНАҚУЛ ҚЎШБЕГИ, Остоналқулбий Муҳаммад Шариф Девонбеги ўғли (1860–1923) — *мангитлар* даврида сарой арбоби, бош вакилчи, *ҳужбеги*. Қарши ва Чоржўй вилоятлари ҳокими (1879–86). У Бухоро амирлигида қушбеги — бош вазир (1886–1910) бўлиб, амир *Абдулаҳад* барча давлат ишларини унга топширган. Ўзи Карманда ўтирган. О.қ. амир номидан фаолият юритиб, Россия империясининг Бухородаги сиёсий агенти б-н муомала қилган. Бир неча марта Россияга борган.

О.қ. амир *Музаффар* даврида бой берилган Бухоронинг мавқеи тикланиши учун интилган. У Бухорода ароқхўрлик ва ширатбозлик базмларини тақиқлаган, порахўрликка қарши курашган, раъият фаровонлиги учун интилган. *Бухорода 1910 й. январь воқеалари*, яъни шиалар ва сунний лар ўртасидаги хунрезликдан фойдаланиб, душманларини ўзи қўшбегиликдан олиб ташлашга амирни қўндиришган. Абдулаҳад уни Карманага чақирган. Хатирчи ва Зиёвуддин вилоятларига ҳоким қилиб тайинлаган (1910). Орадан кўп ўтмай у Карманада зиндонга ташланган. БХСР тузилгач, «Авқаф» вақф идорасини бошқарган.

Ад.: Айний С., Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар, М., 1926; Муҳаммад Али Балжувоний, Тарихи иофсий (Фойдали тарих), Т., 2001.

ОСТРАВА, Моравска-Острава — Чехиядаги шаҳар. Одра дарёси бўйида, Шим. Моравия вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 320 минг киши (2000). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни. Мамлакатнинг йирик саноат маркази. Қора металлургия, энергетика, оғир машинасозлик, кокс-кимё ва кимё саноати корхоналари бор. Шаҳар яқинидан тошкўмир қазиб олинади.

ОСТРИЦАЛАР (Enterobius) — паразит нематодалар уруғи. Урғочиси 12 мм гача, эркаги 5 мм гача. Одам ва приматлар ичагидаги паразит. Кутикуласи бош қисмида бўртиқ ҳосил қилади. Оғзи 3 та лаб. б-н ўралган. Тухумлари 0,05 мм. Йўғон ичакла ва ингичка ичакнинг кейинги қисмида паразитлик қилади. Вояга етган урғочилари анал тешигидан чиқиб, терига тухум қўйгач, ўлиб бўлади. Ифлос қўл ва буюмлар орқали тухумлари одам оғзига тушганида О. яна қайтадан ривожланади. 20 та тури маълум. Ўрта Осиёда 1 тури — болалар ичакларида кенг тарқалган. Бошқа ва кичик мактаб ёшидаги болаларда кўпроқ учрайди, *энтеробиоз* касаллигини пайдо қилади.

ОСТРОВСКИЙ Александр Николаевич [1823.31.3 (12.4), Москва — 1886.2 (14).4, Кострома губернияси] — рус драматурги. Дастлаб 1-Москва гимназияси (1835–40), кейин Москва ун-тининг юридик ф-тида (1840–43) ўқиган. Аммо ўқишни тугатмай, Москвадаги виждон суди (1843–45) ва тижорат судида (1845–51) хизмат қилган. Суд муассасаларида ишлаш О.га ёпишқак пьесалари учун бой материал берган. О.нинг дастлабки «Камбағал қиздлар» ва «Оиласий бахт манзараси» комедиялари «Московский городской листок» («Москва шаҳри варақаси») газ.да босилган (1847). О.нинг «Камбағал қарздор» пьесаси асосида яратилган «Қўйиндан тўкилса кўнжинга» комедияси (1849) Москвадаги театр жамоатчилигига манзур бўлган. Аммо асар Николай I томонидан тақиқланиб, муаллиф полиция назорати остига олинган. О. қўламига мансуб асарлар жами 47 та бўлиб, улар «Островский театри» деган адабий ҳодисани ташкил этган.

О.нинг адабий-эстетик қарашлари В. Г. Белинский асарлари таъсирида шаклланган. 40-й.ларда ишлаган бошқа рус ёзувчилари сингари, О. ҳам санъаткор ўзига замондош жамиятнинг турли қисмларини мақсус ўрганиб, замондошлар учун халқ ҳаётининг ҳануэгача тасвир этилган соҳаларини кашф этишни лозим, деб ҳисоблаган. 40-й.ларда яшаган рус ёзувчилари ижодидаги ана шу тамойил «физиологик очерк»да, айниқса, ёрқин кўринган. О.нинг дастлабки пьесалари мазкур «физиологик очерклар» услубида ёзилган.

О. ижоди 3 босқичдан иборат. Ижодининг 1-босқичида драматург Россиядаги ислоҳотларга қадар бўлган ҳаётни тасвир этган бўлса («Оиласий турмуш», 1847; «Қўйнидан тўкилса кўнжинга», 1849; «Бечора келин», 1852; «Камбағаллик айб эмас», 1853 ва б.), 2-босқичида ислоҳотдан кейинги рус жамиятини ислоҳотдан олдинги ҳаётини акс эттирган («Эски дўстларни ҳаётини акс эттирган («Кечиккан муҳаббат», 1873; Бальзаминовлар оиласи ҳақидаги трилогия, 1856–61; «Қутурган пуллар», 1869; «Бўрилар ва қўйлар», 1875 ва б.). «Бой келинлар» (1875) пьесаси б-н О. ижодининг 3-босқичидаги «ғамгин комедиялар» туркуми бошланади. Драматург бу даврда «Ҳақиқат яхши-ку, аммо бахт афзал» (1876), «Юрак тош эмас» (1877), «Сепсиз қиз» (1878), «Айбсиз айбдорлар» (1883) сингари асарларини ёзган.

О. пьесалари совет даврида Ўзбекистон театрларида ўзбек ва рус тилларида намойиш этилган. О.нинг айниқса, «Момақалдироқ», «Сепсиз қиз», «Айбсиз айбдорлар», «Камбағаллик айб эмас» сингари қатор пьесалари ўзбек тилига таржима этилиб, узоқ йиллар давомида ўзбек саҳналарида ижро этилди.

Ас.: Пьесалар, Т., 1956; Собрание сочинений, т. 1–10, М., 1959–60.

Ад.: Филиппов В. А., Великий русский драматург А. Н. Островский, М., 1948; А. Н. Островский в воспоминаниях современников, М., 1996.

Нажм Каримов.

ОСТРОВСКИЙ Николай Алексеевич [1904.16(29).9, Ровно вилояти Вилия қишлоғи — 1936.22.12, Москва] — рус ёзувчиси. Черков қошидаги диний мактабни тугатиб (1913), 9 ёшида меҳнат фаолиятини бошлаган. Дастлаб 2 синфли, кейин Олий бошланғич билим юртида ўқиган (1917–19). Сўнг кўнгилли сифатида фронтга кетиб, Г. И. Котовскийнинг отлиқ бригадаси ва Биринчи отлиқ армияда хизмат қилган. 1920 й.да оғир жароҳат олгач, «меҳнат фронти»да ишлаб, комсомол ташкилотларида фаоллик кўрсатган. 1927 й.да хасталиги оғирлашиб, кўзи ногирон, ўзи эса тўшакбанд бўлиб қолган. Шунга қарамай, О. адабий фаолият б-н шуғулланиб, дастлаб Котовский бригадаси тўғрисида қисса (1927–28), кейин «Пўлат қандай тобланди» романини ёзади (1932–34). Фуқаролар уруши йилларидаги комсомол ёшлар жасоратига бағишланган ва муҳаррирлар томонидан қайта ишланган мазкур асар совет адабиётининг улкан ютуғи сифатида баҳоланиб, узоқ даврлар мобайнида совет ёшлари ҳаётига бағишланган совет даври қаҳрамони образи яратилган асарлар учун андоза бўлиб қолган. Романнинг бош қаҳрамони Павел Корчагин образи эса ёшларни совет даври тоялари руҳида тарбиялашда совет тарғибот ва ташвиқот машинаси учун муҳим воситалардан бирига айланган. Дастлабки романининг катта муваффақият қозонганидан илҳомланган О. яна фуқаролар уруши мавзуида «Бўрон болалари» қиссасини ёзган (1934–36) ва публицистик мақолалар эълон қилган. О.нинг ҳар иккала романи ўзбек тилига таржима қилинган.

Ас.: Сочинения, т. 1–3, М., 1969; Пўлат қандай тобланди, Т., 1970; Бўрон болалари, Т., 1985.

Ад.: Тимофеев В., Ширяева М., Николай Островский. Критико-биографический очерк, М., 1957.

ОСТРОГРАДСКИЙ Михаил Васильевич [1801.12(24)9, Полтава вилояти — 1861.20.12 (1862.1.1), Полтава] — рус математиги, Петербург мат. мактаби асосчиларидан бири. Петербург ФА акад. (1830). Парижда О. *Коши*, П. *Лаплас*, *Ж. Фурье* кўлида ўқиган (1822—28). Асосий ишлари математик анализ, сонлар назарияси, эҳтимоллар назарияси ва б. соҳаларга оид. У қаттиқ жисм ва суюқликларда иссиқлик тарқалиши тенгламасини, ҳажм интегралини сирт интегралига ўтказувчи формулани келтириб чиқарди (қ. *Остроградский формуласи*).

ОСТРОГРАДСКИЙ ФОРМУЛАСИ — V ҳажм бўйича олинган интегрални шу ҳажм чегараланган S сирт бўйича олинган интегралга ўтказадиган формула:

$$\iiint_V \left(\frac{\partial P}{\partial x} + \frac{\partial Q}{\partial y} + \frac{\partial R}{\partial z}\right) dxdydz =$$

$$= \iint_S P dydz + Qdzdx + Rdxdy,$$

бунда P, Q ва R лар $(x, y, z) \in V$ нуқтанинг функциялари, ўнг томондаги интеграл иккинчи турдаги сирт интеграли. Бу формулани М. В. *Остроградский* 1828 йилда топган, унинг n-ўлчовли интеграл учун умумлашмаси 1834 йилда топилган. О.ф. вектор кўринишда қуйидагича ёзилади:

$$\iiint_V Pdiv\vec{p}d\tau = \iint_S \vec{p}nds,$$

бунда $\vec{p}$ — майдон вектори, $\vec{n}$ — сиртга ўтказилган ташқи нормалнинг бирлик вектори, ds — шу сирт элементи. О.ф. математика ва физиканинг турли соҳаларида кенг қўлланилади.

ОСТРОУМОВ Николай Петрович (1846.15.2, Тамбов губерняси — 1930.17.2, Тошкент) — Туркистонда фаолият кўрсатган рус миссионери, шарқшуноси, этнографи. Қозон диний академиясида ўқиган (1866—70). 1877 йилдан Тошкентда яшаган. Халқ билим юрти инспектори, Ўқитувчилар семинарияси (1879 йилдан) ва Эрлар классик гимназияси директори (1889). Айни вақтда «Туркестанская туземная газета» (*«Туркистон вилоятининг газети»*) муҳаррири (1883—1917). Окт. тўнтаришидан сўнг совет идораларида ишлаган. Ўлкашуносликка оид кўпгина илмий асарлар муаллифи. Ўзбекистон халқининг ҳаёти ва турмуш шароитини яхши билган. Айрим асарлари Тошкент ш.га бағишланган: «Тошкентдан Самарқандгача, 1901; «Тошкент шаҳрининг сўнгги Шайхулисломи ва қозикалони ака-ука Ойхўжа ва Ҳакимхўжалар», 1915 ва б. Тошкент ҳудудида археологик қазишлар олиб борган тарихчи Никифоров ерларида. Шоҳимшинтепа ва б.). Туркистон археологияси ҳаваскорлари тўгарагининг ташкилотчиларидан ва фаол аъзоларидан бўлган. О. ташаббуси ва интилишида А. С. *Пушкин*, Л. Н. *Толстой* асарларидан намуналар ўзбек тилига таржима этилган. *Маҳтумқули*, *Мукимий*, *Фурқат* ва б. шоирларнинг асарларини марказий ва маҳаллий матбуотда чоп эттирган. Ўзбек фольклори намуналари (эртак, мақол ва маталларни тўплаган ва нашр эттирган. Шу б-н бирга О. монархизм ва православ миссионерлиги руҳида тарбияланган бўлиб, Россия империяси таркибида яшаган халқларни руслаштириш сиёсати тарафдори бўлган.

ОСТЯКОВА Лариса Александровна (1952.20.5, Чимкент вилояти) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1975). 1975 йилдан Оҳангарон шлаги 3-, 1993—2002 йилларда 4- мактабда тарих ўқитувчиси. Дарсларини илмий асосланган, кўргазмали қуроллардан фойдаланган ҳолда олиб борган.

ОСЦИЛЛОГРАФ (лот. oscillo — тебранаман ва ...*граф*) — икки ёки бир неча катталиклар (параметрлар ва функциялар; электр катталиклар) орасидаги боғлиқликни кузатишга имкон берадиган, катталикларнинг вақт бўйича ўзгариш эгри чизиқларини ўз-ўзидан ёзиб оладиган асбоб. Турли техника масалаларини ҳал қилишда ишлатилади. О. тасвирланадиган ва текширилаётган жараённинг вақтга боғлиқлигини ифодалайдиган эгри чизиқ осциллограмма деб аталади.

ОСЦИЛЛЯТОР (лот. oscillare — тебраниш), вибратор — механик, электромагнит ва б. тебранишлар ҳосил қиладиган физик тизим. Тизим ҳолатини ифодаловчи катталиклар вақт бўйича даврий ўзгарадиган тизимлар учун О. атамасидан фойдаланилади. Тизимни мувозанат ҳолатидан чиқарувчи куч уни мувозанат ҳолатига қайтарувчи кучга мутаносиб бўлса, бундай О. гармоник (уйғунлашган) О. дейилади. Бунда О. частотаси тизим параметрларига боғлиқ бўлиб, гармоник тарзда тебранади. Мас., кичик тебранишлар б-н ҳаракатланаётган *маятник* гармоник О. ҳисобланади. Электромагнит майдон назариясида О. диполь деб аталади. Бундай О.нинг тўлқин тарқатиши электродинамика масалаларини ҳал қилишда жуда муҳим. Молекула ва қаттиқ жисмдаги ионлар, атомлар, радикаллар ва б.нинг тебраниши ҳам О. деб қараш мумкин.

ОСЬМИНОГЛАР (Octopoda), саккизоёқлилар — бош-оёқли моллюскалар туркуми. Уз. 1 см дан 60 см гача, қуллари б-н бирга 3—5 м гача, вазни 50 кг ва ундан кўпроқ. Гавдаси овал, халтасимон, боши танасидан сал ажралиб туради. Оғиз атрофида сўргичлар б-н қопланган 8 та қули жойлашган. 200 тури маълум. 11 оилага бўлинади. Деярли барча денгизларда учрайди. Ўргочиси бир неча мини гухумини сув тубига ёки уяси томига осиб қўяди, балиқ қулида. *Ярмовит* чиғаноғида олиб юради. Ўргочиси тухумларини қўриқлайди ва тозалаб туради. Бу даврда улар ҳеч нарса емасдан жуда озиб кетади ва кўпинча ҳалок бўлади. Инкубация даври бир неча суткадан 1 йилгача, 2 тури тирик тугади. Сув тубида, зоопланктон, балиқлар, крабсимонлар, креветкалар, моллюскалар, баъзан чувалчанглар ва игнатерилилар б-н озиқланади. Айрим гуруҳлари доимо инида яшайди. Кўпчилик О.нинг ўз жойини танлаш хусусияти яхши ривожланган; хилма-хил ва мураккаб *шартли рефлекслар* ҳосил қилади; қўлга осон ўрганади. Тажрибаларда О. қисқичбақа солинган банка қопқонини очишни билган; тошоқ қўлидаги балиқни бемалол олган. О. гўшти учун саноат миқёсида овланади. Айрим жойларда О. сони тез камайиб кетмоқда.

ОТ — мустақил сўз туркумларидан бири. У бошқа туркумлардан бир неча белги — хусусиятлари б-н ажралиб туради. Улар қуйидагилардан иборат: 1) от ясалиш хусусиятига эга: ишчи, сухот ясалиш хусусиятига эга: бола — болалар, дафтар—дафтарлар; в) эгалик кўрсаткичига эга: отам, отанг, отаси — отамиз, отангиз, оталари; г) келишик шаклари б-н ўзгаради; мактаб, мактабнинг, мактабни, мактабга, мактабда, мактабдан; д) гапда барча гап бўлаклари вазифасида келади.

Аниқ предметларни ёки предмет сифатида тасаввур қилинадиган тушунчаларни ифодалайдиган О.лар маъносига кўра, атоқли ва турдош О.ларга бўлинади. Бир хилдаги предмет ёки ҳодисанинг бирини ажратиб кўрсатувчи О.лар атоқли О.лар саналади: Рустам, Олимжон, Жомбой, Марс, Венера, Бойчибор кабилар. Бир жинслаги предметларнинг умумий номи турдош О.лардир: гул, дарахт, қалам, дафтар каби.

О. туркуми 3 хил грамматик категорияга эга: 1) сон категорияси; 2) эгалик категорияси; 3) келишик категорияси.

Олнинг функционал шакллари мавжуд бўлиб, улар маълум бир қўшимча грамматик маъно ифодалаши, О.ларнинг категориал шаклларига хос бўлмаган бирор синтактик вазифасига мослашиш учун хизмат қилади. О.га хос функционал шакллнинг ясалишга кўра 3 типи мавжуд: 1) синтетик шакл; 2) аналитик шакл; 3) жуфт ва такрор шакл. Олнинг синтетик функционал шаклларига ўт маъно ва вазифаларига кўра қуйидаги турларга бўлинади: а) кичрайтириш шакли (болақча, йигитча, келинчак); б) эркалаш шакли (опажон, бўталоқ, қизалоқ); в) ҳурмат шакли (онажон, опажон, аламлар, акамлар, оймлар); г) қаратқичлик шакли (акамнинг, мактабнинг); д) ўрин белгиси (осмонлаги, қирдаги, қишлоқдаги); е) чегара шакли (уйгача, тоққача, боққача); ж) ўхшатиш шакли (Озодлай — Озод каби, сичқонлардан — сичқон сингари). Олнинг аналитик шакли кўмакчи ёрдамида ҳосил бўлади: қалам б-н (-да), отам учун (-га) каби. Олнинг жуфт шакли умумлаштирини, жамлик маъноларини ифодалайди: қозон-товоқ, қовун-тарвуз. Олнинг такрорий шакли кўплик маъносини ифодалайди: қатра-қатра ёш, омбор-омбор галла.

О.ларнинг ясалиши натижасида ясама О.лар пайдо бўлади. Ясама О.лар аффиксация, композиция, аббревиация йўллари б-н ясалади. Аффиксация от ясашдаги энг маҳсулдор усул бўлиб, унинг ёрдамида шахс отлари (бўёқчи, ишчи, мактабдош, заргар, шолиқор, саройбон, чорвадор, тилшунос, этиқдўз, ошпаз, аравакаш, кантарбоз, китобхон); нарса, қурол отлари (очқич, ўсма, тўплам, курак, киринди, экин, кекирдак, суюнчи, туздон); ўрин, жой отлари (бодомзор, Ўзбекистон, қароргоҳ, ишхона, ётлоқ, Пахтаобод); мавҳум маъноли отлар (яхшилик, пахтачилик, ишонч, йигитлик, радиоалоқачилик, одамгарчилик).

Композиция усули б-н О. ясалганда, қисқартма О.лар ҳосил қилинади: БМТ, СамДУ, ЎзМЭ каби.

О.лар гапда эга, тўлдирувчи, қаратқичли аниқловчи, ҳол вазифаларида келади. Аммо ўрни б-н сифатловчи, изоҳловчи, кесим ёки атов, вокатив гап бўлиб келиши ҳам мумкин.

Бозорбой Ўрозбоев.

ОТ, хонаки от (Equus caballus) — тоқтўёқсимонлар оиласига мансуб тоқ туёқли ўтхўр ҳайвонлар авлоди. Ўрта Осиёда ва Европанинг жан.-шарқий қисмида хонаки отлар мил. ав. 3-минг йилликдан маълум эди. Олар ёввойи ҳолда Европада, Осиё ва Африкада узоқ бўлиб яшаган. Улар 4 кенжа авлодга бўлинади: ҳақиқий О. (буларга Пржевальский оти, қирилиб кетган тарпанлар ва хонаки О.лар киради), эшаклар, ярим эшаклар (мас., қулон) ва зебралар. Хонаки О.лар эшаклар, зебралар ва қулонлар б-н чатиштирилиб, дурагайлар — ҳачирлар, от-ҳачир, от-қулон, зебрасимонлар ва қулонсимонлар олинади. Лекин булар, одатда, насл бермайди.

О. кўп асрлар мобайнида асосий транспорт воситаси, қ.хнинг асосий иш ҳайвони эди. Шунингдек, армия учун ҳам жуда кўп от талаб қилинарди.

Ҳоз. замондаги О. зотлари бўйи 2.5 м гача, бад. 50 см дан 185 см гача, вазни 60 кг дан 1500 кг гача боради. Улар бошқа қ.х. ҳайвонларидан тез югуришга эгалиги б-н ажралиб туради. Айғирларининг тиши 40 та (12 та кўлди ва 12 та жағ тиши), байталида қозиқ тишлар бўлмайди, тишлари сони 36 та. Қулунларининг сут тишлари 6—9 ойда ўсиб чиқади, 5 ёшга тўлганда сут тишлари доимий тишлар б-н алмашади. Устки ва пастки жағларда қозиқ ва жағ тишлар орасида тишсиз жой (бўшлиқ) бўлиб, оғиз сувлиқ б-н бошқариш имкониятини беради. Оқизозони яхши ривожланган. Ўт халтаси йўқ, олдиғ тузилишга эга, ўт халтаси йўқ. Ёш отларнинг жуфтлари нисбатан калта (1—4 см), тўғри, жингалакланган ёки ва думи узун. Ёш отлар 1,5 ёшида жинсий етилади, лекин 3 — 3,5 ёшгача наел олишга қўйилмайди. 5—6 ёшида ўсишдан тўхтайди. Биялар 4 ёшга тўлганда биринчи қулун беради. Бўғозлик даври 11 ой (340 кун)га яқин. Камдан-кам эгизак тугади. Соғин даври 6—8 ой, баъзан 10 ойга боради, суткасига 11—15 л сут беради. Олар отхонада, отхона—яйловда (баҳордан кузгача) ва яйловда (йил бўйи) боқилади. Сутидан *қимиз* тайёрланади. Ўрта Осиё халқлари қадимдан О.ларни гўшт олинадиган ҳайвон сифатида ҳам боқади.

Наслчилик (янги зотлар етиштириш) от з-ларида, йилқичилик хўжаликларида, йирик фермаларда, наслчилик, сунъий уруглантириш ст-яларида олиб борилади. Янги тугилган тойчоқ «қулун», 2 ёшлиси «тай», 3 ёшдагиси «гўнон» ва 4 ёшлиси «дўнон» деб аталади.

Дунёдаги барча мамлакатларда 250 дан зиёд от зотлари маълум. Шундан 50 дан ортиқроги яқин МДҲ мамлакатларида ва 8 таси Ўзбекистон ҳудудида урчитилади. Ҳоз. замон отлари бирбиридан тана тузилиши ва яққол ихтисослашганлиги б-н фарқ қилади. Шулар жумласига эгарлаб салт миниладиган отлар (қ. *Араб оти*, *Ахалтака от зоти*, *Ёмут оти*, Англия асил от зоти ва б.); салт миниладиган, аравага ёки чанага қўшиладиган йўртоқи от зотлари (қ. *Дон от зоти*, *Гуцул оти*, *Лакай от зоти*, *Қорабайир от зоти*); оғир юкларни тортадиган юкчи отлар (қ. *Арденна от зоти*, *Брабант от зоти*, *Владимир от зоти* ва б.) киради.

Қ.хда механизациялашнинг ривожланиши б-н от боқиладиган кўпчилик мамлакатларда 20-а. ўрталаридан бошлаб, О.нинг от сворти, туризм, тўшт ва қимиз олиш учун мўлжалланган зотлари етиштирилмоқда.



От: *1* — салт миниладиган асил от зоти; *2* — миниладиган ва аравага қўшиладиган янги қирғиз от зоти; *3* — оғир юк тортадиган рус от зоти; *4* — пони оти.

О.ларнинг сифати, иш қобилияти ва узоқ муддат фойдаланиш имконияти уларни боқиш ва асраш шароитига боғлиқ. Отхонада О.лар сули, арпа, жавдар, маккажўхори дони, кунжара ва б. қўшилган терт, дон-дуккаклилар пичани, сершира озуқа (сабзи, лавлаги, картошка, силос), аралаш ем-хашак б-н, ёзда ўтлоқда боқилади. О. озуқасига ҳар куни ош тузи қўшиб бериш керак. Кунига 3 маҳал суторилади. О.ни *ипподгология* фани ўрганади (яна қ. *Йилқичилик*).

Ад.: Алмазов Б., Бормисиз, тулпорларим, Т., 1983.

Абдусаттор Алиров.

ОТ ЗАВОДИ — наслдор ва юқори сифатли чопқир ва ишчи отлар етиштириш, мавжуд от зотларини такомиллаштириш ва янги от зотларини яратиш, наслчилик-селекция ишлари б-н шуғулланувчи махсус хўжалик (қ. *Йилқичилик*).

ОТ ЙИЛИ — мучал йил ҳисобида еттинчи йил номи (қ. *Мучал*).

ОТ КУЧИ — тизимга кирмаган *қувват* бирлиги; о.к. б-н белгиланади. Ўзбекистон ва б. бир қанча мамлакатларда 1 о.к.=735,499 Вт (АҚШ ва Буюк Британияда 1 о.к. = 745,7 Вт). Бу тушунча фанга 18-а.да киритилган. Техниканинг бир қанча соҳаларида (асосан, автомобилсозлик ва тракторсозликда) қўлланилади.

ОТ СПОРТИ — отда юриш мусобақаси. Асосий турлари: от йўрттириш; конкуриллик (тўсиқлардан сакраб ўтишнинг юксак тури); уч кураш (манежда юриш), далада синаш (йўлда юриш, стипл-чейз, кросс) ва тўсиқлардан сакраш; пойга, отда ов қилиш, от устида машқ қилиш ва б. Мил. ав. 680 й.дан бошлаб антик Олимпиада ўйинлари дастурига от араваларда мусобақалар киритилган эди. Отда юришнинг махсус мактаби 16-а. бошида Италия, Франция, Испания, Австрияда пайдо бўлди. Ўрта Осиё, Закавказье, Шим. Кавказ, шунингдек, казаклар яшайдиган жойлар (Дон, Кубань, Урал, Терек)да қад. замонлардан миллий от ўйинлари ривожланган. Ўзбекистон ҳудудида О.с. тахм. 3 минг йиллик тарихга эга. *Улоқ* (кўпкари), олмон-пойга, «ағдариш», «қиз қувди» халқнинг оммавий миллий О.с. ўйинлари ҳисобланиб келган.

Ҳоз. замон О.с. 1900 й.дан Олимпиада ўйинларидан жой олган. 1953 й.дан жаҳон ва Европа чемпионатлари ўтказилади. О.с. Халқаро федерацияси — FEI (1921 й. тузилган) 100 га яқин мамлакат миллий федерацияларини бирлаштиради. Ўзбекистон О.с. федерацияси унга 1993 й.дан аъзо.

20-а.нинг 30-й.лари бошида Ўзбекистонда ДОСАРМ (Армияга кўмаклашувчи кўнгилли жамият) ташкил қилинган эди. Унда армиянинг кавалерия қисмлари учун отлиқлар тайёрланарди. 1953 й. ДОСАРМ от спорти клуби ДОСААФ (Армия, авиация ва флотга кўмаклашувчи кўнгилли жамият) от спорти клубига айлантирилди. Шу йилдан ўтказила бошлаган бутуниттифоқ мусобақаларида ўзбек спорт усталари муваффақиятли қатнашган. Александр Киселёв, Жўра Алимов, Владимир Арафьев, Роза Багаутдиновадан иборат жамоа аъзолари ДОСААФ мамлакат кубогини қўлга киритдилар (1954). 1960 й.гача О.с. фақат пойтахт Тошкентдаги ягона спорт клуби базасида ривожланган бўлса, кейинги ўн йил оралиғида республикада бир қанча О.с. клублари ва секциялари очилди. Халқаро тоифадаги спорт устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий М. Исмоилов, шунингдек, В. Дворянинов, А. Абдуқодиров, Ю. Ковшов, Искандар ва Иброҳим Йўлдошев, В. Петров, С. Лисицин, А. Танқовлар олимпиада ўйинлари, жаҳон ва Европа чемпионатларида, бошқа халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этдилар. 1990 й.гача О.с. бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бу мусобақаларда 50 дан ортиқ медални қўлга киритган.

От ўйини.

Ўзбекистонда республика О.с. олий маҳорати мактаби, 3 та олимпия захиралари мактаби ва 5 та болалар ҳамда ўсмирлар спорт мактаблари фаолият кўрсатади (2003). Ҳар йили О.с. бўйича республика чемпионати ўтказилади. 1997 й.дан Ўзбекистон миллий терма жамоаси мустақил равишда халқаро мусобақаларда қатнашади. Ўзбекистонликлар жаҳон кубоги мусобақаларида тўсиқлардан сакраш бўйича 1-ўринни эгаллади (2003 й., Бишкек ш.). Ғайрат Назаров «Ковум» лақабли отида жаҳон кубогини қўлга киритди (1998, Олмаота), Сергей Шмелев, Искандар Йўлдошев, Александр Мартинов, Анна Лисяк совринли ўринларни эгалладилар.

ОТ ЎЙИН — цирк санъатининг қад. тури. О.ў. ҳарбий машқлар, чавандозларнинг халқ ўйинлари, мусобақалари («човган», «қиз қувиш», ағдариш», пойга ва ҳ.к.) дан келиб чиққан. 19-а. охири ва 20-а. бошларида ўзбек цирки тарихига Раҳмоновлар, Хужаевлар, Зарифовлар сулоласи кириб келди. Улар репертуаридан 1 талаи 6 тагача от ўйнатиш, эгарланган ва эгарсиз от устида икка ёки кўпчилик бўлиб рақсга тушиш, жонглёрлик, муаллақчилик, турли мураккаб машқлар томошалари ўрин олган. Ҳоз. Зарифовлар сулоласи О.ў.и жаҳон ареналарида катта муваффақият б-н намойиш этилмоқда.

ОТА ВАЛИХОНТЎРА МАСЖИДИ — Намангандаги меъморий ёдгорлик (20-а. бошлари). Меъмор Мулло Қирғиз лойиҳаси асосида қурилган. Масжид тўғри тўртбурчак тарҳли (25,6×22,6 м), ўртасида хонақоҳ (17,31×23,99 м), унинг уч ёнига 11 та балхи гумбазли ҳужралар жойлашган. Бош тарзи шарққа қараган. Пештоқ дарвозаси гириҳ ва ислимий нақшлар б-н безатилган. Бурчакларига мезанали гулдасталар ишланган. Хонақоҳ гаровли гумбаз (диаметри 13,9 м) б-н қопланган. Гумбаз оғирлиги пойгумбаз ости деворига сингиб кетган 8 қиррали бурчаклари бўйлаб кўтарилган равоқларга тушади. Меъморлар бу услуб б-н бино ичини ортиқча гиштдан ҳоли этиб, тақинчи ва ички қисми гиштлари мутаносиб терилган, бу бинонинг яхлитлигини таъминлаган. Пойгумбаз сиртидаги дарчалар ўртасида безакли ёзувлар бор. Кошинкори мовий ҳошиялар ҳона ичини янада кўркамлаштирган. Ғарбий деворида чуқур равоқли меҳроб жойлашган. Пештоқ ёнларига 2 тадан 4 та равоқли дераза ишланган. О.В.м. меъморий кўлами ва қурилма ечими, маҳобатли қиёфаси б-н ўзига хосдир.

ОТА ДАРВОЗА — Ичан қалъанинг ғарбий дарвозаси. Оллоқулихон ҳукмронлиги даврида қурилган (1828—29). Шермуҳаммад ота номи б-н ҳам аталган. Дарвозахона тўғри тўртбурчак тарҳли (17,50×15,40 м), ичкариси узун даҳлон бўлиб, усти икки катта гумбаз (диаметри — 15,07 м) б-н қопланган. Далонининг 2 томонида бир-бирига ўтиладиган олди очиқ, гумбазли хоналар дарвозабонлар хонаси вазифасини ўтаган. Хоналарнинг биридан ҳужрага ўтилади. Ҳужралари айланма зинадан томга чиқилади. Дарвоза пештоғи баланд бўлиб, икки ён томонини гулдасталар эгаллаган. Пештоқининг равоқли дарчалари гулдасталар қафасаси б-н бир баландликда бўлиб, кунгуралар б-н якунланган. О.д. нинг дастлабки кўриниши сақланмаган, архив материаллари асосида қайта тикланган (1974). 1978 й.дан дўкон учун мослаштирилган.

Ота дарвоза.

ОТА ЖАЛОЛ Носиров (1845, Бухоро — 1928, Самарқанд) — ҳофиз, созанда, бастакор. Дастлабки мусиқа сабоқларини онасидан олган, кейинчалик Тиллабой ҳофиздан созандалик ҳамда мақом ижрочилик сирларини ўрганган. 1862 й.дан Бухоро амирлари (Музаффархон, Абдулаҳадхон, Олимхон) саройларида хонанда ва созанда бўлиб хизмат қилган. 1920—27 й.лар Бухородаги Шарқ мусиқа мактабида, 1928 йили Самарқанд мусиқа ва хореография интида ўзбек ва тожик халқлари мумтоз мусиқа меросидан дарс берган. Шашмақом йўлларини мукаммал билувчи мақом устоз, мураккаб усуллар устаси сифатида тан олинган. Хусусан мушкилот қисмларини тартибга солган, айрим мақом шўъбаларини кенгайтирган, Сегоҳ мақомига савтлар басталаган (Савти Жалолий). Унинг ижро услуби мақом йўлларини усулининг равонлиги, талаффузининг

бўррозиги ва овозининг катта таъсир кучига эга эканлиги б-н ажралиб туради. 1923 й. О. Ж. ижросида В. Успенский Бухоро Шашмақомининг ашула ва чолғу йўлларини тарихда илк бор нотага ёзиб олиб, 1924 й.да нашр эттирган. *Домла Ҳазим* Иброҳимов, *Ҳожи Абдулазиз*, *Левича ҳофиз* Бобохонов, Б. Файзуллаев ва б. О. Ж. шогирдларидир.

ОТАБЕК — 1) Яқин Шарқдаги айрим мамлакатлар давлат бошлиқларининг унвони (12—13-а.лар); 2) *Мамлюклар* давридаги Миср да лашкарбоши; 3) салдавридаги Миср да лашкарбоши; муражжуқий султонлар валиаҳдлари мураббийси бўлган. О.нинг *оталиқ* шакли ҳам бўлган.

ОТАБОЕВ Носир Аминжонович (1938.12.8, Фарғона) — реж., Ўзбекистон (1983) ва Қорақалпоғистон Республикаси (1999) санъат арбоби. Тошкент театр ва рассомлик санъати институтини тугатган (1965). Ҳамза театрида реж. (1965—69), Фарғона театрида (1970—86), Сатира театрида (театр ташкилотчиларидан; 1986—88), Муқимий театрида бош реж. (1988—91; 1994—96), Ғ. Ғулом номидаги театрда реж. (1996—2001). «Оқ кабутар» (Ф. Мусажонов), «Вероналик икки йигит» (У. Шекспир), «Бўрон қуши» (Р. Ишмуродов), «Мирзо Улуғбек» (М. Шайхзода) ва б. О. саҳналаштирган (Ҳамза театрида) дастлабки спектакллардир. Фарғона театрида «Кумуш тўй» (З. Фатхуллин; Ик. Акбаров), «Яйлов тонги» (Тамкин; С. Ҳайитбоев), «Олтин девор» (Э. Воҳидов), «Завқий» (Қ. Маҳкамов; С. Ҳайитбоев), «Танбур ноласи» (М. Халил; Ҳ. Раҳимов), «Парвоз» (Уйғун), «Бир ўлимга бир тирик» (А. Иброҳимов), «Инсонликка номзод» (Ў. Умаров), «Ўғтан кунлар» (А. Қодирий); беков), «Ўғтан кунлар» (А. Қодирий); Муқимий театрида «Гул ва Наврўз» (С. Абдулла; Т. Жалилов), «Мушкул савдо» (М. Бобоев; С. Ҳайитбоев), «Бошорат» (Э. Самандар; С. Ҳайитбоев) сингари спектакллар, болалар учун бир қанча мусиқали эртакларни саҳналаштирди. Сатира театри у саҳналаштирган «Тобутдан товуш» (А. Қаҳҳор) спектакли б-н очилган. Кейинроқ «Темир хотин» (Ш. Бошбеков), «Сабил қолди» (Ф. Мусажонов), «Гап эгасини топди» (С. Аҳмад, О. Фармон, Н. Отабоев) каби сатирик комедияларни саҳналаштирди. 1992 й.дан ҳар йили республикамизда ўтказиладиган Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, шаҳар ва шаҳслар юбилейлари, театр ва кўшиқ фестивалларини ўтказиш томошаларини саҳналаштиришда катта ҳисса қўшиб келмоқда.

ОТАБОЕВ Қайғисиз Сардорович (1887, Закаспий вилояти Тажан уезди — 1937, Москва) — давлат ва жамоат арбоби. Туркистон АССР Халқ комиссарлари Совети раиси (1920—22). Тошкентдаги ўқитувчилар семинариясини тугатган. 1917 й.гача Мари ш.да ўқитувчи, банк ходими бўлиб ишлаган. Мари Совети ижроия комитети раиси ўринбосари ва раиси (1917—19). 1920 й.да О. Тошкент-га чақирилди ва Туркистон АССР ҳукумати раислигига тайинланди. У шўролар даврида «босмачилик» номини олган ҳаракат аслида Туркистон халқларининг миллий озодлик ҳаракати эканлигини тушуниб етган ва уни қурбий куч б-н бостиришга қарши чиққан. Самарқанд вилоятида қизил армияга қарши курашаётган Баҳромбек кўрбоши б-н тенг асослада тинчлик шартномасини имзолагани ва уни қамоққа олмаганлиги сабабли лавозимидан бўшатилди ва «қайта тарбияланиш» учун Москвага юборилди (1922). 1923 й. ёзида БХСР Нозирлар Шўроси раисининг 1-ўринбосари. Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилгач, Туркманистон ССР ХКСининг 1-раиси (1925 й. фев.).

О. Москвада қамоққа олинган (1937 й. 11 июнь) ва «халқ душмани» сифатида отиб ташланган. Кейинчалик оқланган. Ашхобода ҳайкали ўрнатилган (1967).

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000; Ўзбегим, Т., 1992.

ОТАБОЕВА Раъно Отамирзаевна (1952.31.10, Косонсой тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1999). Наманган пед. ин-тини тугатган (1982). 1972—93 й.ларда Косонсой туманидаги 19-, 1994 й.дан 20-мактабда бошланғич синф ўқитувчиси. Дарсни кўргазмали қуроллар, техника воситалари ёрдамида новаторлик усулда ўтади.

ОТАЖОН ҲОШИМ (тахаллуси; асл исм-шарифи Ҳошимов Отажон) (1905—Тошкент — 1938.4.10) — адабиётшунос, жамоат арбоби. Рус-тузем мактабида, сўнгра ўқитувчилар тайёрлаш билим юртида ўқиган (1919—21). Иқтидорли ўқувчи сифатида Москвадаги Бухарин номидаги ишчилар фтига ўқишга юборилган (1922). Уни тугатган О. Ҳ. Қизил профессорлар ин-тининг тайёрлов бўлимига қабул қилинган (1923). О. Ҳ. мазкур ин-тда ўқиб юрган кезларида (1924—27) ўзбек драма студияси тингловчиларига дарс берган. Сўнгги ёмонлашгани бонс ин-тни тугатмай, она ватанига қайтган О. Ҳ. ўзбек ёзувчиларининг биринчи адабий уюшмаси — «Қизил қалам» ташкилотига раҳбарлик қилади (1926—29) ва шу давр адабий ҳаётида муҳим воқеа бўлган «Қизил қалам» мажмуаларини нашр

этади (1-китоб, 1928; 2-китоб, 1929). Ўша кезларда Маориф халқ комиссарлиги ҳузуридаги илмий кенгашга раис этиб тайинланади. О. Ҳ. ташаббуси б-н 1927 янв.да Самарқандда Олий педагогика ин-ти (ҳоз. Самарқанд давлат ун-ти) ташкил этилади. Ўзбекистонда «буржуа миллатчилари»га қарши кураш кампанияси бошланганда, республика раҳбарияти О. Ҳ.ни Ленин-граддаги СССР ФА Шарқшунослик ин-тининг аспирантурасига ўқишга юборади (1929). Аспирантурани тугатгандан сўнг ин-тнинг илмий котиби қилиб олиб қолинади. 1933 й. декабрида О. Ҳ. Тошкентга чақириб олиниб, Тил ва адабиёт и.т. институтига директор этиб тайинланади. Шунингдек, у Ёзувчилар уюшмаси танқид ва адабиётшунослик шўъбаси раиси (1934 й.дан), янги ташкил этилган Фанлар комитети раиси ўринбосари (1937 й.дан) сифатида ҳам қизғин илмий-ташкилий фаолият б-н шуғулланади. Шу вақтда олимнинг ташаббуси б-н халқ оғзаки ижоди намуналари («Ўзбек фольклоридан намуналар», 2 жилдли; «Ўзбек халқ эртаклари», «Алпомиш», «Малика айёр» ва б.), ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётига бағишланган илмий асарлар, бир қанча терминологик луғатлар нашр этилади. О.Ҳ.нинг адабиётшунос ва жамоат арбоби сифатида фаолияти айни қизиган бир вақтда — 1937 й. 2 авг.да у «халқ душмани» сифатида қамоққа олинади ва кўп ўтмай Тошкентда отиб ташланади.

Нажи Каримов.

ОТАЖОНБОЙ МАДРАСАСИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1884). Мадраса мураккаб тарҳли (19.9×17,25 м). Пештоғи жан.га қараган. 2 қаноти гулдаста б-н безатилган. Пештоқ орқали гумбазли миёнсаройга кирилади. Кичик ҳовли (5,65×11,0 м) атрофи ҳужралар б-н ўралган. Масжид гумбаз томли, бағали қалқонсимон. Бағали ва жан. деворлари меҳробга муқарнаслар ишланган. Ҳужралар балхи гумбазли. 1970—80 й.ларда таъмирланган. Амалий санъат устахонаси жойлашган.

ОТАЖОНОВ Раҳим Каримович (1905.5.5, Фарғона вилояти Чимён қишлоғи — 1996.17.9, Тошкент) — математик олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1975). Фарғона таълим-тарбия техникумини тугатган (1924), шу ерда ўқитувчи (1924—30). Фарғона педагогика ин-ти физ.-мат. ф-ти кечки бўлимини тугатган (1933), шу ин-тда ўқитувчи, декан ва илмий бўлим мудири (1930—39). Тошкент педагогика ин-тида катта ўқитувчи (1939—47), декан (1941—45; 1959—61), проректор (1945—47), доцент (1947—59), проф. (1971 й.дан). Илмий ишлари геометрик ясаш усулларига, конструктив геометрия элементларига, дарсларда геометрия ўқитиш усуллари ва б.га оид. Бир неча дарслик ва қўлланмалар муаллифи.

Ас.: Геометрик ясаш методлари, Т., 1958; Факультатив дарсларда геометрия, Т., 1973; Конструктив геометрия элементлари, Т., 1974.

ОТАЖОНОВ Султон (1937.5.11, Хоразм вилояти Янгиариқ тумани) — кулол, Ўзбекистон халқ устаси (1999). Таниқли сулолавий кулоллар авлоди давомчиларидан. Хоразм кулоллик мактабининг йирик намояндаларидан. Кулоллик касбини отаси Отажон Матёқубов ва уста Раҳимберди *Матчонтов*дан ўрганган. У сополдан болиш, коса, лаган ва б. кўплаб идишларнинг нодир намуналарини яратди; ишларида оқ

С. Отажонов безаган бодиялар.

ангобдан унумли фойдаланади. Бинокорларнинг деворларига сополдан намоёнлар ишлаган. Республика ва хориждаги кўплаб ҳунармандлик, халқ амалий санъати кўргазма ва ярмаркаларида иштирок этиб келади. Асарлари Республика ҳамда хорижий музей ва коллекцияларидан ўрин олган.

ОТАЛИҚ — 1) Кавказ халқлари, *келтлар*, араблар ва б.да балоғатга етмаган ёки ота-онадан ажралган ҳолда қолган болаларни ўз тарбиясига олган ота-она. Отаоналик ҳуқуқи ва мажбуриятлари ота-она ўртасидаги шартномага асосан белгиланган. Ота-она ўз фарзандларини тарбиялаш учун вассаллар ёки хизматкорларга бериш, фарзанд маълум ёшга етганда оилага қайтган; 2) *Салжуқийлар* даври (1038—1194)да султон эътиборини қозонган кишиларга берилган мансуб. О. «ота ўрнига ота» деган мазмунга эга бўлиб, унинг вазифаси шаҳзода ёки хонзодаларни тарбиялаш ва улар ихтиёридаги улусни балоғатга етгунларига қадар бошқаришдан иборат бўлган. Тарихда баъзи О.лар ҳокимиятни ўз қўлларига олган ҳоллар ҳам бўлган. Чунончи, *Аштархонийлар* даврида Балхда *Маҳмудбий* оталиқ (18-а. бошлари), *Мангитлар* даврида Бухорода *Муҳаммад Раҳим* оталиқ (1753—58) ҳокимиятни эгаллаган.

ОТАМУРОД МАТРИЗА ҚУШБЕГИ МАСЖИДИ — Хивадаги меъморий ёдгорлик (1800). Хон қушбегиси Отамурод Матриза қурдирган. Масжид хонақоҳ, ҳужра ва терс айвон қисмда 2 қушимча хонадан иборат. Бинога шарқий тарафдан пештоқ орқали кирилади. Кираверишда 3 гумбазли хона ва кичик минора бор. Хонанинг ичи шарқий бўлагининг миёнсаройи ва 2 қушимча хона ялпиланган. Жан.даги терс айвондан ҳовлига чиқилади. Унинг қаршисидаги ўн айвон 6 устунли, марказидаги меҳроб муқарнас нақшлар б-н безатилган. Орқасидаги хонақоҳ томи текис тусинлар б-н ёпилган. Тусинлар 4 устунга таянган. Масжид Хоразм турар жойларига хос услубда қурилган. Устунлари олдин, пойустунлари мармардан, хонақоҳ ва айвон деворларига нақшинлар ишланган.

ОТАМУРОДОВА Орзигул (1923.5.1, Нукус тумани) — хонанда. Ўзбекистон халқ артисти (1969). Қорақалпоқ давлат мусиқали драма ва комедия театри қошида очилган балет курсини тугатган (1944). 1953 й.гача шу театрда актриса сифатида ишлаб, Онасанам (С. Хужаниёзов; О. Халимов, Ж. Шомуродов, «Суймаганга суйканма»), Хурлийман (Ж. Оимирзаев; О. Халимов, «Бердақ»), Шоҳиста (Ушғун; М. Левиев, «Олтин кўл») каби образларни яратди. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат филармонияси (1959—63), Қорақалпоқ давлат телевидениеси ва радио қўмитаси (1953—59 ва 1967 й.дан) яккахон хонандаси. «Эшвой», «Ҳошим полвон», «Ёра ёндим» каби халқ. «Ватаним — жоним онам», «Боғбон қиз», «Бўлажоним онам», «Богбон қиз», «Бўлаётган» сингари замонавий қўшиқлар О. репертуаридан ўрин олган.

ОТАМУРОТ (1999 й.гача Карки) — Туркманистоннинг Лебап вилояти Отамурод туманидаги шаҳар (1925 й.дан). Туман маркази. Амударёнинг чап соҳилида. Ўни соҳилда пристань ва Каркичи т.й. станцияси (Когон — Душанбе т.й. йўналиши) жойлашган. Шаҳар Туркманобод — Отамурот т.й.нинг охирги пункти. О. шоссе йўли орқали Туркманобод ва Амударё орқали Мари, Тажан шаҳри б-н боғланган. Аҳолиси 30,8 минг киши (1999).

О. 10 а.дан маълум. 1917 й.гача Бухоро амирлигининг Карки беклиги маркази. 1943 й. декдан 1947 й. янв.гача Туркманистон ССР Карки вилояти маркази. Шаҳарда пахта тозалаш, қурилиш материаллари, сут-май з-длари, гўшт ва нон к-лари, гилам ф-каси, умумий таълим ва мусиқа мактаблари, вед. билим юрти, маданият уйи, 5 кутубхона, тарихий-ўлкашунослик музейи, касалхона, маданий, маиший ва савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари бор.

ОТАНИЁЗОВ Комилжон (1917.20.7, Шовот тумани Бўйрачи қишлоғи — 1975.5.11, Тошкент; у қишлоғига дафн этилган) — хонанда, созанда (тор), актёр ва бастакор. Ўзбекистон (1949), Туркманистон (1964), Қорақалпоғистон (1968) халқ артисти. Ниҳоятда жозибали ва кучли овоз соҳиби бўлиб, ҳар бир асар талқинида баланд етукликка эришган. Достон йўлларини Бола бахши Абдуллаевдан, Хоразм мақом анъаналарини Матпано Худойбердиевдан ўрганган. Тошкентдаги Ҳамза номидаги мусиқа билим юртини тугатган (1955), Тошкент консерваториясида таълим олган (1955—56). Хоразм театрларида хонанда ва актёр сифатида ишлаб (1936—52), Фарҳод («Фарҳод ва Ширин»), Тоҳир, Парфи ҳофиз («Тоҳир ва Зуҳра»), Қозир («Гулсара»), Даврон Ота («Даврон Ота») каби образлар яратган. О. Хоразм вилоят театрида ашула ва рақс ансамбли гузиб (1949), концертлар уюштирган. 1957—75 й.ларда Ўзбекистон давлат филармониясида яккахон хонанда, 1957 й.да филармония қошида Хоразм ашула ва рақс ансамбли (ҳоз. «Лазги», 1957—59 ва 1963—68 й.ларда баланд раҳбари), 1967 й.да Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти театрида халқ ансамбли, 1973—74 й.лар Шовот туманида «Фарғуз» ансамблини ташкил этди.

О. 30-й.лардан мураккаб халқ ашулаларини, достонлардан қўшиқлар айта бошлаган. Хоразм сувора ва маҳомлари О. ижрочилик фаолиятининг юқори босқичи бўлди. О. Хоразм доғистон қўшиқ(ном)лари асосида янгича услуб яратган. Бастакор сифатида бу услубда ижод қилган «Салом, сенга Хоразмдан», «Муборак», «Ватан», «Од-қиш», «Темир йўл», «Ўзбекистон», «Хоразм» каби қўшиқлари ўзининг оммабоплиги ва халқчиллиги б-н ажралиб туради. О. А. Степанов б-н ҳамкорликда «Азиз ва Савам», «Ошиқ Ғариб», С. Ҳайитбоев б-н «Сўнгги хон» каби мусиқали драмалар яратди. Осиё мамлакатларида гастролда бўлган.

Ас.: Учинчим шиюқор қушимни, Т., 1987.

ОТА-ОНАЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ — оила ҳуқуқи соҳаси. Аввало, ота-оналар ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасида назарда тутилган хотин-қизлар ва эркакларнинг тенг ҳуқуқлигидан келиб чиқади. Бола ҳақида ғамхўрлик қилиш, унга таълим-тарбия бериш ота-она учун фақат ахлоқий қонда бўлиб қолмай, балки конституциявий ҳуқуқ ва бурчдан ҳам иборат.

О.-о.ҳ. ва м. 2 турга бўлинади: шахсий ҳуқуқ ва мажбуриятлар; мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар. ЎзР оила қонунчилигига кўра, О.-о.ҳ. ва м.га ўз фарзандлари б-н бирга яшаш, уларнинг тарбияси б-н шуғулланиш, ота-оналик ҳуқуқларини мустақил равишда амалга ошириш, болаларнинг соғлиғи, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилиш, болаларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган зарур даражада таълим олишини таъминлаш, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш кабилар киради. Оилавий-ҳуқуқий муносабатларда қонунчилик болалар манфаатининг устуворлигини белгилайди. Ота-она ва болалар ўртасида келишмовчиликлар мавжуд бўлганда, васийлик ва ҳомийлик органи болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун вакил тайинлайди.

ОТА-ОНАЛИК ҲУҚУҚИДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ — оила ҳуқуқи соҳаси. Ўзбекистон Республикаси ОК га кўра, қуйидаги ҳолларда ота-она (ёки улардан бири) ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин: ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан, *алиментни* тўлашдан бўйин товласа; узрсиз сабабларга кўра ўз боласини тугруқхона ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларидан олишдан бош тортса; ота-оналик ҳуқуқини суиистеъмол қилса, болаларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса; муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса; ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қасддан жиноят қилган бўлса.

О.-о.ҳ.м.қ. ота (она)нинг ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг, прокурорнинг, васийлик ва ҳомийлик органининг, вояга етмаганлар ишлари б-н шуғулланувчи комиссиялар ҳамда бошқа муассасаларнинг талаби б-н суд тартибида амалга оширилади. Болани бошқа ота-онага беришнинг имкони бўлмаган тақдирда, бола васийлик ва ҳомийлик органининг қарамогига олиб борилади. Ота-она қайси болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган бўлса, шу болага нисбатан бўлган қариндошлик фактига асосланган барча ҳуқуқлардан, шу жумладан, ундан таъминот олиш, шунингдек, болали фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқларидан маҳрум бўлади. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниш ота-онани ўз боласига таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Шоира Йўлдошева.

ОТАР — яйловда қўшиб боқиш ва сақлаш учун шакллантирилган қўй подаси. О. учун жинси, ёши, наслдорлик хусусиятлари бўйича бир хил зотли қўйлар, совлиқлар эса қочириш муддатларини ҳисобга олган ҳолда олинади. О.лати моллар сони: майин ва ярим майин жунлилар учун 800—900 она қўй; 4—18 ойлик тўқлилар учун 800—1000 бош; она қўйдан ажратилган қўзилар учун 600—800 бош; ярим дағал ва дағал жунли она қўйлар учун 900—1000 бош; ахта қўчқор ва қочириладиган қўйлар учун 1000 ва ундан зиёд. Чўл минтақаларда О. сони янада йириқроқ бўлиши ҳам мумкин. Наслчилик фермаларида О.лардаги қўйлар сони маҳсулот берадиган О.ларга нисбатан 15—20% кичикроқ бўлади. О.ларни 3—4 кишидан иборат чўпонлар гуруҳи боқади.

ОТАТУРК (асл исми Мустафо Камол Пошо (1881, Салоники — 1938.10.11, Истанбул) — Туркия Республикаси асосчиси ва биринчи президенти (1923—38), ҳарбий саркарда. Туркияда фамилия жорий қилингач, Буюк миллат мажлиси томонидан унга О. фамилияси берилган (1934).

Турли ҳарбий мактаблар ва Истанбул Бош штаб академиясини (1905) тугатган. Шом (Сурия), Фаластин, Салоникида зобит сифатида ҳарбий хизматни ўтаган (1905—09). Салоникида унинг сиёсий фаолияти бошланган. Дастлаб, *Ёш туркларнинг «Иттиҳод ва тараққий»* партиясига аъзо бўлган (1908), кейинчалик улардан аста-секин узоқлашган. *Италия-Туркия уруши* (1911—12), 2-Болқон уруши (1913), 1-жаҳон урушида қатнашган. 1919 й. 19

майда Истанбуллан Анатолия (Оналўлия)га келган. Арзирум ва Сивас конгресслари (1919 й. июль—сент.)га раҳбарлик қилиб, турк халқини инглиз ва грек (кейинчалик арман) босқинчиларига қарши озодлик урушига чақирган. Сивас конгрессида у Анатолия ва Румэли Мудофаа ҳуқуқ жамияти (Вакиллик комитети) раиси қилиб сайланган.

О. бошчилигида мамлакатда *Камалчилар инқилоби* авж олган. Истанбул инглизлар томонидан ишғол қилингач (1920 й. 16 март), барча ватанпарвар кучлар унинг атрофида тўпланган. Анқарада янги парламент — Туркия Буюк миллат мажлиси (ТБММ) чақирилиб, унга Мажлис ва ҳукумат раислигига сайланган (1920 й. 23 апр.). Инглиз ва грек босқинчиларига қарши курашда турк армиясининг қўмондони. Бироқ Истанбул ҳукумати О. ва унинг сафдошларини осий деб эълон қилган ва сиртдан ўлим жазосига ҳукм этган. Сакарияда (1921 й. 23 авг. — 13 сент.)дан сўнг унга маршал унвони ва ғозий насаби берилган. 1922 й. охирида турк армияси О. раҳбарлигида тўлиқ ғалабага эришган.

О. иродали сиёсатчи, моҳир қўмондон, кучли нотиқ бўлган. О. ташаббуси б-н Усмонли турк султонлиги тугатилди (1922 й. 1 нояб.), Туркия республика деб эълон қилинди (1923 й. 29 окт.), халифалик бекор этилди (1924 й. 3 март). Давлат бошқаруви тубдан ўзгартирилиб, сиёсат, иқтисодиёт, маданият ва ҳарбий соҳада чуқур ислоҳотлар ўтказилган. Мамлакат тараққиётининг устувор йўналишларини белгилаб берувчи 6 та тамойилни ишлаб чиққан. Унинг таълимоти Туркияда отатуркчилик, Ғарбда эса камолизм деб баҳоланган. Туркия Республикасида ислом динининг таъсири камайтирилиб, уни Ғарб намунасидаги дунёвий давлатга айлантириш жараёни бошланган.

О. туркий халқлар тарихи, сиёсий ва ҳарбий мавзуга оид кўплаб назарий асарлар муаллифи. Тошкентдаги кўчалардан бири О. номига қўйилган.

Ad.: Турк халқининг буюк фарзанди Отатурк, Т., 1998; Қосимов А., Туркия, Т., 1992.

Каҳрамон Раҳабов, Темур Ғиёсов.

ОТАХОНОВ Очилхон (1926.7.4, Андижон вилояти Наймаво қишлоғи) — хонанда, Ўзбекистон халқ ҳофизи (1992). Овози майин ва силлиқ бўлиб, талқинлари ўта нозиклиги б-н ажралиб туради. Хонандаликни тоғалари Эшонбобохон, Кўкхон ва Афандихон ҳофизлардан ўрганган. 1959 й.дан Янгийўл театрида ишлаган. Мумтоз ашулалар («Насруллойи», «Талқинчан Ушшоқ», «Елғиз», «Эҳтиёж», «Самарқанд Ушшоғи» ва б.) айтиш б-н бирга актёр сифатида Илҳом («Юрак сирлари»), Турсунали («Олтин кўл»), Аскар («Аршин мол олон»), Ҳайлар («Нурхон») каби ролларни ҳам ижро этган. 1978—86 й.лар Юнус Ражабий номидаги *«Мақом» ансамблида* ишлади. Унинг репертуаридан Шашмақом шўъбалари, Фарғона — Тошкент мақом йўллари («Мўғулчаи Ушшоқ», «Баёт III», «Баёт Уфориси» ва б.), ўзбек мумтоз ашулалари («Фиғон», «Шароб» каби), замонавий бастакорлар асарлари («Бир кулиб қўй», «Кутарман», «Вафо»), катта ашулалар («Бир келсун», «Дўстлар», «Кўп эрди», «Адашганман», «Эй, дилбари жононим») ўрин олган.

ОТАХОНОВ Эргаш Исабоевич (1914.11.9, Наманган — 1967.18.11, Тошкент) — терапевт олим, Ўзбекистон ФА мухбир аъзоси (1960), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1964). Тиббиёт фанлари д-ри (1947), проф. (1947). ТошТИ ни тугатгач (1936), Ҳарбий-Денгиз флотида хизмат қилган (1937—39). ТошТИ госпиталь терапия кафедрасида аспирант, ассистент, доцент, мудир (1939—49), Ўзбекистон Гематология ва қон қуйиш и.т. институтининг директори (1942—44), ТошТИда илмий ишлар бўйича проректор (1949—51), педиатрия ва санитария-гигиена ф-тлари ички касалликлар пропедевтикаси кафедраси мудири (1951—1967). Илмий ишлари ўлка патологияси, овқат ҳазм қилиш аъзолари ва қон касалликларига оид. Наманган тиббиёт билим юртига О. номи берилган.

Ас.: Хронические заболевания кишечника, Т., 1965; Сердечно-сосудистые заболевания и их предупреждения, Т., 1970.

ОТАҲЎЖАЕВ Акбар Қосимович (1926.31.12, Туркистон ш. — 1994.5.9, Самарқанд) — физик олим, Ўзбекистон ФА акад. (1979), физика-мат. фанлари д-ри (1970), проф. 1971). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1977). ЎзДУни тугатган (1948). Самарқанд педагогика ин-тида ўқитувчи ва директор ўринбосари (1948—53), СамДУ оптика кафедрасида ассистент, доцент (1953—59), кафедра мудири (1959 й.дан), СамДУ физика ф-ти декани (1970—72). 1972—87 й.ларда СамДУ ректори. Илмий ишлари молекулар оптика ва спектроскопияга оид. Суюқлик молекулаларининг релаксация вақтини аниқлашнинг спектроскопик усулини ихтиро этган. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1983).

ОТАШГОҲ, олов хона — оташпарастлар сигинган, доимий олов ёниб турадиган махсус бино. Ҳар бир шаҳар ва каттароқ қишлоқда О.лар бўлган. Улар қаим раиси томонидан тайинланган озарбон (оташбон) томонидан қўриқланиб, назорат қилиб турилган. Халқ доимий оловдан тутантириқ олиб, уйларида олов ёққан. Қадимда ҳокимиятни қўлга олган ҳар бир подшоҳ ўз номидан махсус О.лар қурдирган. Доро О.и, Анушервон О.и, Афросиёб О.и ёки Митра, Анахита О.и деб номланган О.лар шу тарзда пайдо бўлган. *Персеполь*, Исфаҳон, Язд, Хуросон (Эрон), Хоразм ва Сурхондарёда қад. О.лар топилган. *Доро I* замонидан бошлаб О.ларни биноларнинг жан. томон этагига, аҳоли ганжум яшайдиган шаҳарларнинг четроғига қуриш расм бўлган.

Ad.: Асқаров А., Энг қадимий шаҳар, Т., 2001.

ОТАШКАДА — *зардуштийлик* дини ибодатхонаси. *Гўштасп*нинг фармони б-н қурила бошланган. О.лар турли табиий офатлардан муҳофаза қилиш мақсадида баландликка, тепа устига ёки харсанг тошлардан ясалган 3—4 м лик тагкурсилар устига қурилган. Дастлаб О. диний маросим ва ибодатларни бажариш маскани бўлган. Аста-секин О.нинг вазифалари ўзгара бориб, *сосонийлар* даврида жамоа йиғинлари ва б. тадбирлар ўтказиладиган жойга айланган. Барча харажатлар подшолик томонидан О.га вақф қилинган ер, чорва, боғ-роғлардан олинадиган даромадлар ҳисобига қопланган; О.лар бир неча ҳужра, толор (зал)лардан иборат бўлган. Бино олдида доим олов ёниб турадиган О. майдони бўлган. Исфаҳон, Язд, Кома (Ҳиндистон) ш.ларида ён қад. О.ларининг харобалари мавжуд. О.ларда 7 хил мусиқа асбоби жўрлигида Тоҳларни ёддаттирадиган махсус гуналар бўлган. О.лар диний удум ва маросимларни ўтказадиган мангил бўлиши б-н бирга маъмурий, маърифий ишлар маркази ҳисобланган.

Ҳамидхон Ҳомидов.

ОТАШПАРАСТЛИК — қ. *Зардуштийлик*.

ОТАҚЎЗИ МАДРАСАСИ — Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги меъморий ёдгорлик (20-а. бошлари). Мадрасани маҳаллий бой Отақўзи қурдирган. Қурилишда Уста Киргизбой ва Мамажонлар қатнашган. О.м. тарҳи кўп бурчакли, пештоқ — гумбазли дарвозахона, масжид — айвон, 2 қаватли ҳужралардан иборат. Бинонинг умумий кўлами ва тарҳ тузилиши ўзига хос. Ҳовли бўйлаб ҳужралар ва гумбазли дарсхона жойлашган. О.м. қурилишида усталар олдин пишиқ гиштнинг безак имкониятлари нақадар кенглигини намойиш этганлар. Равоқли, мезанали ва қуббали устунўшаналар бинодан бирмунча баландроқ кўтарилган. Устунўшаларга ишлов беришда турли шаклда гишт териш йўли б-н ўзига хос безак ҳосил қилинган. Улар орасидаги девор сиртига юза равоқлар ишланган. Масжиднинг гул солинган шифти алоҳида бадиий қимматга эга, унда гириҳ ва ислимий нақшлар Қуръон сураларидан олинган ёзувлар б-н ўзаро уйғунлашиб кетган (безагида маҳаллий уста Саййдулло қатнашган). Мадраса қурилишида Хоразмча муқарнас, шарафа ва кунгура қўлланган. О.м. Кўқон хонлигининг сўнгги давр меъморий ёдгорлиги ҳисобланади. 1971—75 й.ларда таъмирланиб, ўлкашунослик музейи жойлашган.

Отақўзи мадрасаси шифт безаги.

ОТБОСАР — Қозоғистон Республикасидаги шаҳар. Жабай дарёси (Ишим ирмоғи) соҳилида. Т.й. тугуни. Аҳолиси 40 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Қ.х. хом ашёларини қайта ишлаш маркази. Озиқ-овқат саноати, элеваторлар, темир-бетон конструкциялар з-длари бор. 1846 й.да казаклар станицаси сифатида барпо этилган.

ОТБОСАР ЧИГИРТКА (Dociostaurus kraussi) — ҳақиқий чигиртқалар оиласига мансуб якка яшовчи ҳашарот. *Маданий чигиртқасига* жуда ўхшаш, аммо унга нисбатан кичикроқ. Эркаги танасининг уз. 15—20 мм, урғочисиники 20—30 мм. Қўлранг доғлари бор. Урғочисининг орқа болдирлари қисқа, эркагиники сариқ. Ғўза, дон экинлари, боғ-ниқи сариқ. Ғўза, дон экинлари, боғ-шоқли ўсимликларга зарар келтиради. Тухум қўйиши учун тупроқдан ясаган кўзчасининг уз. 19—30 мм, қалинлиги 5—6 мм. Ўсимликлари сийрак жойларга ёки партов ерларга мавсумда 2—5 марта тухум қўяди. Тухумдан личинкалар, одатда, март ойининг охири — апр.нинг бошларида чиқади. 20—25 кундан сўнг личинкалари ривожлана бошлайди ва 10—15 кунда шаклланиб бўлади.

Қураш чоралари: партов ва бўз ерларни ўзлаштириш; инсектицидлар қўллаш.

ОТБОШ ТУМАНЛИГИ — Орион юлдуз турқуми яқинида от калласи шаклида кўриниладиган туманлик. О.т., асосида кўриниладиган туманлик. О.т., асосан, чангдан иборат (чанг заррачаларининг ўлчами ≈1 мк, ўртача зичлиги $\approx 10^{-22}-10^{-23}$ г/см³). Бу туманлик Ердаги кузатувчига нисбатан ўзидан нарида жойлашган юлдузларнинг нурини ютиб қолгани учун юлдузлар орасида тўсиб қолгани учун юлдузлар орасида отнинг бош шаклида кузатилади. Галактикамизда О. т. сингари туманликлар кўп (қ. *Туманликлар*).

ОТБОШИ — Ички Тянь-шаннинг жан. қисмидаги тоғ тизмаси. Киргизистонда. Ғарб.-жан.-ғарбдан шарқ-шим.-шарққа томон чўзилган бўлиб, Отбоши ботиғини шим.да Чатиркўл сойлигидан ва жан.да Оқсой сиртларидан ажратиб туради. Уз. 135 км. Энг баланд жойи 4786 м. Метаморфик сланец, оҳактош, кумтош, қисман гранит ва сиенитлардан ташкил топган. Чўққисида музликлар бор (майд. 150 км²). Тоғ-ўтлоқ ва субнивал ландшафтлар мавжуд.

ОТЕЛЬ (франц. hotel) — *меҳмонхона*нинг халқаро номи. Дастлаб, 16—17-а.лар Франциядаги катта ҳашаматли уйлар О. дейилган. Кейинчалик шуларга тақлидан қурила бошлаган шаҳар меҳмонхоналари О. номини олган.

ОТЕНИТ, отунит (Франциядаги Отён ш. номидан) — уранли слюдалар гуруҳига мансуб минерал. Кимёвий таркиби $Ca(UO_2)_2[PO_4]_2 8H_2O$; таркибида 62,7% UO_3 бор. Тетрагонал сингонияда кристалланади. Кристаллари, одатда, юпқа квадрат, таблетка шаклида, слюдасимон. Тангача шаклли агрегатлари ҳам учрайди. Ранги сариқ, баъзан яшилроқ сариқ. Салфексимон ялтироқ. Қаттиқлиги 2—2,5. Зичлиги 3,1—3,2 г/см³. Кучли радиоактив. О. гидротермал томирларда, пегматитларда уранниг турли минераллари (айниқса, уранит)нинг юза қисмида рўй берган ўзгаришлар натижасида ҳосил бўлган. О. катта уюмларидан уран рудаси сифатида фойдаланилади.

ОТИН —1) *мактабхона*да қизлар ўқитувчиси; дин ва шариат билимдони. Кўпинча аёллар ўртасида диний маросимлар (мас., мавлуд)га бошчилик қилади; 2) аёлларни ҳурматлаб, улар исмига қўшиб айтиладиган сўз.

ОТИТ (юн. otos — қулоқ, itis — яллиғланиш) — қулоқнинг яллиғланиши. Ташқи қулоқнинг яллиғланиши ташқи О., ўрта қулоқнинг яллиғланиши ўрта О. ва ички қулоқнинг яллиғланиши лабиринтит дейилади.

Ташқи О.га ташқи эшитув йўлига инфекция кириши, шунингдек, қашиниб ёки ҳашарот чақиб яраланиши, куйиш, совуқ уриши, шпилька ёки бармоқ б-н қулоқ қовлаш ва х.к. сабаб бўлади.

Ўрта О. кўпинча ёш болаларда учраб, бирмунча оғир кечади, қулоқ қатиқ оғрийди, ҳарорат кўтарилади, эшитиш анча пасаяди, мия ва унинг пардасига асорат бериши мумкин. Ўрта О.га аксарият юқори нафас йўлларининг яллиғланиши б-н кечаётган инфекцион касалликлар: *грипп, ўткир респиратор касалликлар, қизамиқ, скарлатина* ва б. сабаб бўлади. Ўрта О.да врач тавсияси бўйича компресс қилинади; у оғриқни пасайтиради ва нотора бўлишигидаги яллиғланиш сўрилиб кетишига имкон беради. Ўрта қулоқ яллиғланишининг олдини олиш учун *организмни чиниқтириш*, сервитамин овқатлар истеъмол қилиш (қ. *Овқатланиш*), физкультура ва спорт б-н шуғулланиш лозим. Тамаки чекиш ва алкоголга ружу қилиш оқибатида нафас йўлларининг сурункали яллиғланиши кейинчалик ўрта қулоққа ҳам ўтиши мумкин. Томов бўлганда бурунни тўғри қоқа бимов бўлганда бурунни тўғри қоқа би-

лиш ҳам ўрта О.нинг олдини олишда айниқса муҳим. Ўз вақтида тўғри даво қилинса, бемор бутунлай тузалиб кетади, эшитиш қобилияти ўз ҳолига қайтади. Баъзан сўргичсимон ўсиқ катакларида ва улар оралигидаги тўсиқларининг яллиғланиши (қ. *Қулоқ*) каби асоратлар юзага келиши ёки касаллик сурункали шаклга ўтиши мумкин.

Сурункали О.да вақт-вақти б-н йиринг оқиб туради, эшитиш қобилияти пасаяди. Сурункали О.га хос аломатлар пайдо бўлиши б-н ларҳол врачга мурожаат этиш лозим. Ўз вақтида даво қилинмаса, *менингит*, *сепсис*, ҳатто мия тўқимаси *абсцесси* каби асоратлар рўй беради. Ўрта қулоқ яллиғланишини мунтазам даволаш зарур, бемор врач-оториноларинголог назорати остида бўлиши лозим. Бу касалликда қулоқ пардасида доимий тешик мавжудлиги туфайли қулоққа сув кирганда дард зўраяди. Шунинг учун чўмилганда ва бош ювганда пахтани вазелин ёки бошқа суюқ мойга шимдириб, қулоққа тиқиб қўйиш керак.

ОТИШ СПОРТИ — спорт тури, ўқ отиш қуроли ва пневматик қурол (ўйиқ стволли ва силлиқ стволли қуроллар), шунингдек, *камондан отиш*. Спорт атамашунослигида, одатда, ўқ отиш О.с. деб аталади. О.с.да ҳаракатланмайдиган ва ҳаракатланиб турадиган нишонларга қараб милтиқ, пистолет ёки револьвер (тўппонча)дан ўқ узилади. Ҳоз. замон мусобақалари диаметри 162,4 мм ли нишонларга 50 м масофадан 5 соат 15 мин. давомида милтиқдан (ётган ҳолда, тик туриб ва тиззалаб) 3 ×40 та ўқ узиш; 50 м масофадан 2 соат давомида ўша нишонга милтиқдан 60 та ўқ узиш (ётган ҳолда); 1320×70 мм катталикдаги ҳаракатланиб турадиган нишон — «чопиб кетаётган тўнғиз»га 2 кун мобайнида 30+30 та ўқ узиш (тик туриб, милтиқни кўтара солиб дарҳол); ўзи ўқланадиган пистолетдан 1600 ×450 мм катталикдаги 5 та фигурали нишонга 25 м масофадан 2 кун мобайнида 2×30 та ўқ узиш (тик туриб); бир зарядли пистолетдан 500 мм диаметрли нишонга 50 м масофадан 2 соат 30 мин. давомида 60 та ўқ узиш (тик туриб) машқларини ўз ичига олади. Ўқ отиш бўйича биринчи мусобақалар 1824 й. Швейцарияда ўтказилган. Жаҳон чемпионатлари 1897 й.дан (1954 й.дан —4 й.да 1 марта) ўтказилади. 1921 й. Халқаро О.с. уюшмаси (УИТ)га асос солинган. О.с. барча Олимпиада ўйинлари (1904, 1928 й.дан ташқари) дастурига киради.

Ўзбекистонда О.с. кенг тарқалган спорт турларидан бири ҳисобланади. 20-а.нинг 20-й.ларидан оммалаша бошлади. Қулай иқлим шароити туфайли бутун йил давомида қуролларининг барча турилари мерганлар танлаб келинган. Отиш тирлари ва полигонлари республиканинг барча вилоятларида бор. 1960—80 й.ларда О.с. республикада, айниқса, юксалишга эришди. Бу даврда Ўзбекистон вакиллари Европа ва жаҳон чемпионатларида 100 дан ортиқ медални, шунингдек, Олимпиада ўйинларининг 2 та кумуш медалини қўлга киритган.

Ўзбекистон О.с. федерацияси 1992 й. тузилди ва Халқаро отиш спорти уюшмасига қабул қилинди. 1995 й.дан Осиё отиш спорти конфедерациясига аъзо бўлди. Жаҳон чемпионлари А. Орипов, Е. Кондратьев, С. Лазарева стендда отиш бўйича, А. Колников, А. Романов ўқ отиш бўйича ва Олимпиада ўйинларининг совриндорлари А. Асрабоев ва Р. Ямбулатов республикалигина эмас, халқаро миқёсда танилдилар. Мустақиллик йилларида Д. *Мухторов*, Ш. Аҳмедов, Э. Осмонов, Н. Репичев, Ю. Шахова, Н. Долбикина, А. Аксенова Осиё ўйинлари, қитъа чемпионлари, жаҳон кубоги мусобақаларининг голиблари ва совриндорлари бўлдилар.

ОТЛАШУВ, субстантивация — *транспозициянинг* бир тури, бошқа туркумга оид сўзларнинг отга кўчиши. Сифат, сон, равиш, сифатдош, ҳаракат номи отлашади, келишик, эгалик ва кўплик аффикслариии қабул қилиб, от бажарган синтактик вазифани бажаради. Отлашган сўз предметнинг белгисини ёки бошқа хусусиятларини эмас, балки унинг ўзини билдиради ва от жавоб берадиган сўроқларнинг бирига жавоб бўлиб келади.

Сифат ва сифатдошлар кўпроқ от хусусиятига эга. Сифат қуйидаги ҳолларда отлашади: а) предмет-аниқланмиш тушиб қолганда: Кўр тутганини қўймас, кар эшитганини (кар одам, кўр одам); б) киши ёки ҳайвонларнинг табиий ҳолатини (нуқсон, камчиликларини) билдирувчи сифатлар аниқланмишсиз от тарзида қўлланганда: пакана, чўлоқ, маймоқ, малла, кал, семиз. Сифатдошлар отлашганда, отларга хос синтактик вазифаларни бажаради: Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим (мақол). Сон абстракт маънода қўлланса, у кўпинча отга яқин вазифани бажаради: Ўннинг ярми беш. Билаги зўр бирни йиқар, билими зўр мингни йиқар (мақол).

Ҳаракат номи ҳаракатнинг бажарилиши ва у б-н боғлиқ бўлган бошқа маъноларни билдирмайди, балки ҳаракат-ҳолатнинг номини билдиради. Шу сабабли О.ларга хос грамматик курсаткичларни қабул қилади ва гапда О.ларга хос вазифаларни бажаради: утириш-а, куришим, сиқиш, сапчил, кетувини. Отлашган сўзлар эмоционал — экспрессив ёки кучма маъно ифодалаши мумкин: заҳар (одам), тилла (бола), шакар (қиз) каби.

ОТЛИҚ АСКАРЛАР — қад. дунё мамлакатларида вужудга келган қўшин тури. О.д. пайдо бўлишга қадар Миср, Хиноб, Хиндистон ва ҳ.к. ерларда отлар қўшилган 2 тилдирақли жанг аравалардан фойдаланилган. О.д. алоҳида қўшин тури сифатида илк бор мил. ав. 9-а.да *Ассурия* армияси таркибида ташкил этилди ва сунгра бошқа қулдорлик давлатларига тарқалди. Мил. ав. 6-а.дан ахборан *ахоманийлар* армиясида О.д. қўшинининг асосий тури бўлиб, қилич ва найза б-н қуролланган оғир О.д. ҳамда камон ва ўқ б-н таъминланган енгил О.д. мавжуд бўлган. Ўрта Осиёда О.д. мил. ав. 1-минг йиллик 1-ярмидан мавжуд бўлиб, *сиклар*, *массагетлар*, *сугдийлар*, хоразмийлар қўшинининг асосини ташкил қилган. *Парфия* О.д.и ҳам даврли шундай қуролланиш ва қуроллашиш га эга бўлган.

Юнон давлатларида (Спарта, Афина) О.д.нинг миқдори анча камсонли эди. Мил. ав. 4-а. 1-ярмида Фива сархарбаси Эпаминонд биринчи бўлиб О.дни пиёда аскарлар б-н ҳамкорликда жангга солган. Мил. ав. 4-а. 2-ярмида Македонияда мунтазам О.д. юзага келади ва мустақил қўшин тури саналади. *Александр* армиясида О.д. яхши тайёргарлик кўриш, жанг майдонида эркин ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлган зарбдор куч тарзида оғир, ўрта ва енгил турларга бўлинган. Қад. Рим армиясида О.д. қўшимча қўшин тури ҳисобланган.

Ғарбий Европада 11—12-а.ларда армиянинг асосий зарбдор қисмини рицарлардан тузилган О.д. ташкил қилган. Суворий ришар қилич, оғир найза, қалқон, дубулға ва зирҳ б-н қуролланган. 12-а.нинг 2-ярмидан жанговар отлар ҳам махсус зирҳ б-н таъминланган.

Қад. Русь давлати (9—10-а.лар) қўшинида князь дружиналаридан ташкил қилинган О.д.нинг сони пиёда аскарларга нисбатан анча кам бўлган.

Турк-мўғул давлатлари армиясининг асосини ташкил этувчи О.д. ўзининг ташкилий ҳамда жанговар қобилияти б-н алоҳида ажралиб турган. *Ҳуннлар* даврида О.д.нинг сони 240 мингтага етган. Туркийлар томонидан жаҳон ҳарбий санъати тарихида биринчи бўлиб суворийлар сафининг жорий қилиниши (ҳар бир отлиқ аскар орасидаги масофа 20 м, жанговар қаторлар сони 10 та) отлиқ қўшинининг душман устидан тула устунлигини таъминлаган. *Турк хоқонлиги*нинг (6—8-а.лар) совутли мунтазам О.д.и нафақат тезкислиқда, шунингдек, тоғлик ҳудудларда ҳам мувофиқлаштирилган ҳаракат қилиш қобилиятига эга бўлиб, кўп вақтлар давомида ўзига тенг келадиган рақиб топилмаган. Ҳинд б-н жанг қилиш санъатини моҳирона эгаллаган турк отлиқлари хитойлик пиёда найзабозлар ва эронлик отлиқ ўқчилар (камонкашлар) б-н бўлган муҳорабаларда, аксар ҳолларда, ғалаба қозонган. Турк суворийси кўкрак қисмида думалоқ қалқони бўлган ярқ б-н таъминланган, бошига темир дубулға кийган, қилич, шохсимон ёй, тўқмоқ ва найза б-н қуролланган. Отир қуроли О.д. аслаҳа ҳамда тажрибали жангчилардан ташкил этилган жангда ҳал қилувчи роль ўйнаган. Тобе қабилаларнинг аскарларидан тузилган енгил О.д., асосан, разведка ҳамда ангоқчилик вазифаларини бажарган. Зарур пайтларгагина жангга кирган.

Чингизийлар армиясида енгил қуролли О.нинг мавқеи баланд бўлган. Мутул жангчилари отда юриш, камон, қилич ва арқон б-н муомала қилиш санъатини мукаммал эгаллаган. Улар жангтоқда ўсталик б-н маневр-ҳаракат қилган, сохта чекиниш, пистирма қўйиш санъати каби тактик амалиётларни мунтазам қўллаган.

Амир Темур армиясининг зарбдор қисмини енгил ва оғир қуроллар б-н қуролланган О.д. ташкил этган. Дубулға, совут, қилич, ёй, садоқ, қалқон ва найза б-н таъминланган оғир қуролли суворийлар сара жангчилардан тузилган, таянчнинг асосий зарбасига қарши турган, жанг натижаси шуларга боғлиқ бўлган. Ёй, садоқ ва қилич б-н қуролланган енгил О.д., асосан, соқчи-разведкага мўлжалланган. Ўта лиқ ва разведкага мўлжалланган. Ўта зарур чоғлагина ёв б-н жанг қилиш ҳуқуқига эга бўлган.

Европа мамлакатлари армиясида ўт сочиш қуролининг ривожланиши (14-а.) ҳамда пиёдалар ролининг ошиб бориши бонс (15-а.) О.д.нинг мавқеи сезиларли камая боради. 20-а.нинг 50-й.лари ўрталарида оммавий қирғин қуролларининг ривожланиши ва армияларнинг тўлиқ моторлаштирилиши туфайли О.д. қўшин тури сифатида барҳам топди.

Ад.: Дадабоев Ҳ., Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати, Т., 1996.

Хамидулла Дадабоев.

ОТО... (юн. otos — қулоқ) — қўшма сўзлар бўлаги. Қулоққа алоқадорликни билдиради (мас., *отосклероз*, *оториноларингология*).

ОТОЛИТЛАР (ото... ва юн. lithos — тош), статолитлар — бир қанча умуртқасизлар ва барча умуртқали ҳайвонлар мувозанат органларида жойлашган қаттиқ ҳосилалар. Ҳайвонларда О.нинг келиб чиқиши, ўлчами ва тузилиши турлича. Одатда, О. ҳужайралар ишлаб чиқарадиган минерал моддалар (кўпинча кальций карбонат) ва органик моддалардан иборат; баъзан ташқи муҳитдан олинади (мас., дарё қисқичбақасларида қум заррачалари О. вазифасини бажаради). О. майда доначалар ёки ноорганик ҳосилалар шаклида бўлиши мумкин. Умуртқасизларда О. статоцистлар, умуртқалиларда вестибуляр аппарат ичида жойлашган. Гавда ҳолати ўзгарганида ёки тезланиш таъсирида О. ўрнининг ўзгариши туфайли рецептор ҳужайраларнинг механик қўзғалишига ва нига йўналувчи электр сигналларининг пайдо бўлишига олиб келади.

ОТОМИ (Отон ҳудоси аждодлари номидан олинган; наҳа тилида «найза б-н қуровчилар»; ўзларини инон, ину деб аташади) — Мексиканинг марказий ҳудудларида яшовчи индейс халқи; асосан, тоғли, арим қуруқликлари тарқоқ ҳолда яшашади. Отоми тилида сўзлашадилар. Диндорлари католиклар, протестантлар, анъанавий динни эътиқодлар сақланган.

ОТОРИНОЛАРИНГОЛОГИЯ (ото..., юн. rhis — бурун, larynx — томоқ ва ...логия), ларингооториноло гия (ЛОР) — қулоқ, бурун ва томоқ ҳамда уларнинг атрофидаги аъзолар касалликларини ўрганадиган фан. Эшитув физиологияси, унинг бузилиши ва шунга алоқадор касалликларни ўрганиш (аудиология), овоз ҳосил қилиш, унинг ўзгариши ва бу ўзгаришларни келтириб чиқарган касалликларни ўрганиш (фониатрия), қулоқ оғир бўлиб қолиши, карлик сабабларини ўрганиш (сурдология) ҳам О.га киради. Нормал ва патологик шароитда ички қулоқ (асосан, лабиринт)нинг бош миянинг турли бўлимлари б-н алоқасини ўрганадиган соҳа отоневрология деб аталади.

О. 19-а. ўрталарида хирургия ва терапиядан мустақил соҳа сифатида ажралиб чиққан. Собиқ Иттифоқда 1922 й.дан О. тиббиёт ин-тларида мустақил фан сифатида ўқитила бошлади, и.т. институтлари ташкил этилди. Ўзбекистонда бу соҳадаги тадқиқотлар дастлаб Ўрта Осиё ун-тида проф. С. Ф. Штейн томонидан 1920 й.да ташкил қилинган кафедрада олиб борилди. Ўрта қулоқнинг ўткир ва сурункали яллиғланиши, унинг асоратларини аниқлаш, карликни даволаш усуллари устида тадқиқотлар ўтказилди (Қ. Ж. Миразизов, А. И. Мўминов, А. Н. Дадамуҳамедов, Ғ. Қ. Иброҳимов, С. А. Ҳасанов, К. А. Хўжаев, А. М.Ҳакимов). Ҳоз. қабилдоқнинг ўткир ва сурункали яллиғланиши, хавфли ва хавфсиз ўсма касалликларини аниқлаш, даволаш муаммолари устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, 1-ТошТИнинг О. кафедраси қошида қулоқ ва юқори нафас йўллари фаолиятини микрохирургик усулда тиклаш маркази, 2-ТошТИнинг О. кафедраси қошида эшитиш қобилиятини қайта тиклаш маркази ва фонатрия илмий-амалий маркази ташкил этилганлиги бу соҳадаги и.т. ишларни кўламининг кенгайишига олиб келди. Ўзбекистондаги барча тиббиёт ин-тларида О. фан сифатида ўқитилади.

Кўчқор Миразизов.

ОТОСКЛЕРОЗ (ото... ва *склероз*) — қулоқ касаллиги. Бунда ўрта қулоқни ички қулоқ б-н бирлаштириб турадиган овал дарча соҳасидаги суяк тўқимаси ўсиб кетади. Натижада товуш тебранишларининг эшитув суякчалари системаси орқали ўтиши қийинлашади ёки бутунлай тўхтайди. Деярли ҳамма вақт иккала қулоқ отрийди, одатда, 16—17 ёшда, баъзан болаликда бошланади, кўпроқ хотин-қизларда учрайди. О.да беморнинг қулоғи аста-секин эшитмай қолади, қулоғи шанғиллайди, бора-бора карлик олиб келади. Касаллик баъзан жуда секин ривожланади. Касбга алоқадор баъзи зарарликлар (шовқин, вибрация ва б.) ҳамда инфекцион касалликлар, шунингдек, ҳомиладорлик ва туғиш кўпинча О.ни кучайтиради. Касалликка кўпроқ ички секрешия безлари функциясининг бузилиши, эшитув органининг кучли товуш таъсирида зарарланиши сабаб бўлади. Касалликнинг бошланғич даврида дори-дармонлар б-н эшитишни бир оз яхшилаш ва қулоқ шанғиллашини пасайтириш мумкин, шунингдек, эшитиш аппаратлари ҳам яхши фойда беради.

ОТОСКОПИЯ (ото... ва юн. skopeo — кўраман, кўздан кечираман) — ташқи эшитув йўли ва қулоқ пардасини кўздан кечириш усули. О.да қулоққа киритиладиган махсус воронкалар, пешонага тутиладиган рефлектор (ўртаси тешик кўзгу) ва ёруғлик манбаидан фойдаланилади. Диагностика мақсадида мутахассислар ва операциялар қилишда қўлланади.

ОТОУЛЛА САИД ВАҚҚОС МАҚБАРАСИ — Сурхондарё вилояти Шеробод туманидаги меъморий ёдгорлик (11-а.). Мақбара лашкарбоши Отоулла эшон Мир Ҳайдар номи б-н боғлан-

ган. Бир хонали, кулоҳий гумбазли, безаксиз. Хом ғиштдан қурилган. Бош тарзи жан.-шарққа қараган, чуқур равоқли. Хона бурчакларига ғиштлар кўндаланг терилиб, равоқсимон ҳошия ҳосил қилинган. Умумий тарҳи 6,80×6,40 м, ички хона 5,25×4,75 м.

Ад.: Аршавская З. А., Ртвеладзе Э. В., Хакимов З. А., Средневековые памятники Сурхандарьи, Т., 1982.

ОТРЯД (рус.) (ҳарбий ишда) —1) жанговар ёки махсус вазифани (разведка, илғор О. ва б.) бажариш учун тузиладиган вақтинчалик ёки доимий ҳарбий тузилма; 2) айрим давлатлар ҳарбий ҳаво кучларида эскадрилья таркибига кирувчи бўлинма; 3) чегара қўшинларида — тактик бирлашма.

ОТС Георг Карлович (1920.21.3, Петроград —1975.5.9, Таллин) — эстон хонандаси ва опера яккахони (лирик баритон). Халқ артисти (1960). Таллин консерваториясини тугатган (1951). 1945 й.дан Таллиндаги «Эстония» опера ва балет театрида яккахон хонанда. Операларда Дон Жуан, Фигаро («Дон Жуан», «Фигаронинг уйланиши»), Онегин («Евгений Онегин») каби, оперетталарда Данила («Қувноқ бева»), Тасилло («Мариша») ва б. партияларни ижро этган. Концерт репертуаридан классик ва замонавий камер асарлар, қўшиқлар ўрин олган. О. майин, ёқимли овози ҳамда оптимистик талқинлари б-н шуҳрат қозонган. «Мистер Икс», «Кола Брюньон» каби фильмларда бош ролларни ижро этган. Чет мамлакатларда (жумладан, бир неча бор Тошкентда ҳам) гастролла бўлган.

ОТСИЗ Хоразмшоҳ (тўлиқ исми Отсиз ибн Қутбиддин Муҳаммад ибн Ануштегин) (1097 —1156) — *анушгегинийлар* сулоласидан бўлган Хоразм ҳукмдори (1128—56). Отаси вафотидан сўнг тахтга ўтирган, *салжуқийлар* султони *Санжар*нинг вассали бўлган. Лекин у Хоразмни мустақил давлатга айлантиришга интилган. О. Санжарнинг рухсатисиз аввало Жанд ва Манғишлоқни эгаллаб ва Туркистоннинг ички туманларига юриш қилиш б-н ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган. Шундан сўнг у ўзини мустақил деб эълон қилган, бироқ 1138 й. Ҳазорасп яқинида Санжар қўшини томонидан мағлубиятга учраб, мамлакатдан қувғин қилинган. Санжар ўзининг жияни Сулаймон бин Муҳаммадни хоразмшоҳ этиб тайинлаган, лекин келаси йили О.ни Хоразм аҳолиси чақириб олган, шаҳзода эса қувиб юборилган. 1141 й. майда О. Санжарга тобелик изҳор этиб, умрбод унга салоқат б-н хизмат қилишга қасам ичган, лекин бир неча ойдан сўнг Санжар қорахитойлардан енгилгач (1141 й. 9 сент.), қасамини бузган. О. ўша йили кузида кучли қўшин б-н Хуросонга юриб Марвни эгаллаб олган; келаси йил баҳорида Нишопурни тобе этган, бироқ Санжар томонидан дарҳол қувиб юборилган. 1143—44 й.ларда Санжар яна Хоразмга юриш қилган, О. кучи оҳлиги туфайли унга тобелик изҳор қилган. Шундан сўнг бир оз вақт ўтгач, О. 3-марта исён кўтарган ва Санжарнинг элчисини (шоир Алиб Собир) Амударёга ташлаб юборишни амр қилган. 1147 й. нояб.да Санжар 3-марта Хоразмга юриш уюштирган, 2 ойлик қамалдан сўнг Ҳазорасп ш.ни олган ва Гурганжга яқинлашган. 1148 й. июнда султон б-н шахсан учрашув чоғида гарчанд ўзини такаббурона, гердайган ҳолда тутган бўлса-да, О. султонга тобелик биллиргач, ўз лавозимида қолдирилган. 1153 й. Санжар ўғузлар қўлига асир тушиб қолган. О. бу сафар султоннинг содиқ хизматкори ва ҳимоячиси сифатида яна Хуросонга юриш қилишга шайланган ва ўзига *Амул* ш.ни беришни талаб қилган, бироқ рад жавобини олган. 1156 й. у Нисога келиб асирликдан қочган Санжарга ўз садоқатини билдирган, лекин шу йилнинг 30 июлида Ҳабушон (ҳоз. Кучанда 59 ёшида вафот этган.

Ад.: Бартольд В. В., Сочинения, т. II(2), М., 1964.

ОТТАВА — Канаданинг жан.-шарқий қисмидаги дарё. Шим. Лаврентий дарёсининг чап ирмоғи. Уз. 1120 км, ҳавзасининг майд. 147 минг км². Лаврентий қирларидан бошланади. Ўртача сув сарфи 2000 м³/сек. Дек.дан апрелгача музлайди. Қуйилиш жойидан 400 км масофада кема қатнайди. Ридо канали орқали Онтарио кўли б-н боғланган. Ёғоч оқизилади. ГЭС қурилган. О. бўйида Оттава ш. жойлашган.

ОТТАВА — Канаданинг пойтахти. Мамлакатнинг жан.-шарқий қисмида. Оттава дареси ва Ридо канали соҳилларида. 72 м баландликда. Онтарио провинциясида. Иқлими мўътадил континентал иқлим. Январнинг ўртача т-раси —11°, июлники 20,3°. Йиллик ёғин 879 мм. Аҳолиси 1,06 млн. киши (2001), асосан, Европадан кўчиб борган инглиз ва француз.ларнинг авлодлари.

О.га 19-а.нинг 20-и.ларида асос солинган ва дастлаб Бытаун деб аталган. 1854 й.да шаҳар ҳуқуқини олгач, О. деб атала бошлади. 1858 й.дан Англия мустамлакаси. 1867 й.дан Канада пойтахти.

О. — мамлакатнинг сиёсий, маданий ва иқтисодий маркази. Т.й. ва шоссе йўллар тугуни, дарё порти. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Целлюлоза-қоғоз, полиграфия, тўқимачилик, кимё, машинасозлик ва металлсозлик, ёғочсозлик, мебель, озиқ-овқат саноати корхоналари бор. ЭҲМ, илмий асбоблар ва ҳ.к.лар ишлаб чиқарилади. О.да Канада Қироллик илмий жамияти, Оттава ва Карлтон ун-тлари, Канада и.т. кенгаши (ФА), илмий муассасалар, кутубхоналар, музейлар, Миллий галерея (1880), расадхона. Миллий санъат маркази бор. Шаҳарда боғ ва гулзор кўп.

ОТТОН I (Otto) (912—973) — герман қироли (936 й.дан), «*Муқаддас Рим империяси*» императори (962 й.дан); *саксония сулоласидан*. Шим. ва Ўрта Италияни забт этиб, империяга асос солган. Германларни тобе этиб, епископ ҳамда аббатларга суянган ҳолда қиролик ҳокимиятини мустаҳкамлаган. Лех жангида (955) венгерларни мағлубиятга учратиб, уларни гарбга қилган ҳужумларини тўхтатган.



Оттава шаҳрининг умумий кўриниши.

ОТХОНА — отлар учун мўлжалланган бино. Махсус от фермалари ва от з-дларида қурилади. Наслдор отлар О.ида наслга олинадиган биялар, айғирлар, 1,5 ёшгача ва маиш қилдирилаётган 1,5 ёшдан катта тойлар боқилади. Наслдор отлар оғилларда боғламай, тойлар эса оғилларда ёки умумий биноларда сақланади. Наслга олинадиган биялар, айғирлар ва маиш қилдирилаётган тойлар учун оғиллар ҳажми 3,5×3,5 м, 1,5 ёшгача бўлган тойлар учун 3×2,5 м дан бўлади. Иш отлари оғилларда боғлаб боқилади. Қулунли биялар ва тойлар оғилларда алоҳида сақланади. Оғиллар ҳажми ботқи катта отлар учун 1,75×3 м, майдалари учун эса 1,6×2,85 м қилинади. Умумий бино (секция)ларда 1 той учун 4,5—7 м² жой ажратилади.

О.нинг ички ҳаққи қаторли, ўртасида 2—3 м кенгликдаги йўл, йўлнинг икки томонида оғиллар ва умумий биноларга очурлар қурилади, водопровод ўтказилади. О.да от машқ қилдириладиган, ем-хашак, асбоб-ускуна сақланадиган жойлар, гўнгхона, навбатчи хонаси, айғирлар уруғи текириладиган хона ва б. қўшимча хоналар бўлади. О. 40—100 отга мўлжаллаб қурилади.

ОТЧОПАР, ипподром — йўртоқи ва чопқир отларни синаш (совитиш) ҳамда *от спорти* мусобақаларини ўтказиш учун мўлжаллаб махсус жиҳозланган жой; бу синов ва мусобақаларни ўтказишни ташкил қилувчи муассаса. О.да отларни йўрттириб чопиш ва пойгага ўтказиш учун мўлжалланган ҳалқасимон (доира) берк йўлкалар, томошабинлар учун мўлжалланган минбарли иншоот (асосан, финиш йўлкаси бўйлаб қурилади), ҳакамлар учун мўлжалланган минора (одатда, финиш чизиги рўпарасига қурилади) бўлади. Йўлкалар ичида турли-туман от спорти мусобақаларини ўтказиш учун мўлжалланган майдончалар ва от б-н сакраб ўтиладиган тўсиқ-қурилмалар қилинади. О.да ёрдамчи ва хўжалик иншоотлари ва бинолари (ёпиқ манежлар, отхоналар, от тақалаш устахонаси, ветеринария лазарети, карантин хоналари ва б.) ҳам бўлади.

О.лаги йўлкаларнинг пойга ўтказиш, отларни йўрттириб чопиш ва аралаш хиллари бўлади. Пойга ўтказиш йўлкасида от пойгаси ўтказилади, отларни йўрттириб чопиш йўлкасида отлар йўрттиришга ва юк тортишга синалади, аралаш йўлкада ҳам пойгалар ўтказилади, ҳам отлар синалади. Йўлкалар, асосан, эллипс шаклида бўлади. Йўлкаларга чим ёки юмшоқ резина қопланиши мумкин. Чимли йўлкалар чопқир отлар учун, резина қопланган йўлкалар йўртма отлар учун яралди. Йўлкаларнинг уз. 1600—2000, 2400—3000 м бўлиши мумкин.

О. дунёнинг деярли барча йирик шаҳарларида бор. Баъзи О. ларда тотализаторлар (отларга пул тикиладиган жойлар) ҳам бўлади. Ўзбекистонда от спорти (улоқ, «қиз қувиш» ва б.) қадимдан ривожланган. Булар кенг қадимдан ўтказилади, махсус О.лар қурилмайди. Тошкентда яхши жиҳозланган ва дунё меъёрлари талабларига жавоб берадиган О. 1976 й. қурилган (меъморлар Р. У. Асанов, Э. И. Гусарова). Унгача (20-а. бошидан) от пойгаси мусобақалари Қўйлиқдаги эски О.да ўтказилган.

ОТҚИНДИ ТОҒ ЖИНСЛАРИ — қ. *Магматик тоғ жинслари.*

ОТҚУЛОҚ (Rumex) — торондошлар оиласига мансуб бир ва кўп йиллик ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда 16 тури маълум. Шулардан экма, О., шотут (R.thyrsiflorus Fengerh.),жингалак ут (R.thyrsiflorus Fengerh.),жингалак О. (R. crispus L.), қизғиш О. (R. conglomeratus Murr.), Сурия О.ги (R.syriacus Meisn.), Дробов О.ги (R.drobovii Korov.) учрайди. Илдизи ўқ илдиз, йўғон, пояси кўп қиррали, бўғимли, юқори қисми камшох. Илдиз олди барглари узун бандли, барг пластинкасининг тубн ўқсимон ёки кент мон), учбурчак-тухумсимон ёки кент тарсимон, поясидагиси чўзиқ-наштарсимон, поя бўғимларида кетма-кет ўрнашган. Гуллари бир жинсли, майда, тўпгули рўваксимон. Май ойидан сент.гача гуллаб уруглайди. Меваси 3 қиррали ёнғоқча. О. нам ерларда, ўтлоқларда, тог ёнбағирларида ўсади. Тиббиётда дориворО., майда барглиО. ёки шовул ва одатдаи О.дан фойдаланилади. О. С, В ва б. витаминларга бой бўлганлиги сабабли овқатга ишлатилади.

ОУКЕН ҚОНУНИ — қисқа муддатли ишсизлик даражасининг ўсиши б-н ч.ч. ҳажмидаги йўқотишлар ўртасидаги боғлиқни ифодалайдиган қонун. Америкалик иқтисодчи Артур Оукен (1929—1979) аниқланган. Бу қонунга кўра, ялпи миллий маҳсулотнинг йиллик ўсиши 2,5%ни ташкил этганда ишсизлик даражаси амалда доимий бўлиб қолади. Ишсизлик даражасидаги ўзгаришларга қараб ялпи миллий маҳсулот реал ҳажмининг потенциал ҳажмига нисбати ўзгаришлари (эластиклиги) доимий ва тахм. 3% га тенг. Мас., ишсизликнинг 1% га ўсиши реал и.ч. ҳажмида 3% га тенг қисқаришга олиб келади ёки аксинча.

Шу сабабли мамлакатда ишсизликни табиий даражасида сақлаш ва тартибга солиб туриш муҳим аҳамиятга эга. Муайян миллий иқтисодиёт барча ишлашни хоҳловчиларга ва меҳнатга лаёқатли фуқароларга янги иш жойларини яратиб бера олмас экан, бу иқтисодиёт товар ва хизматлар и.ч. потенциалини тўлиқ ишга сола олмайди. О.қ. дунёдаги деярли барча мамлакатлар иқтисодиётидаги ишсизлик муаммоларини тартибга солишда катта аҳамиятга эга.

Муҳаммаджон Нигматов.

ОФАРИНКЕНТ — Зарафшон водийсининг ўрта қисмидаги ўрта асрларга оид шаҳар ва туман. *Миёнкол*нинг юқори қисмини Суғди Хурд (Кичик Суғд) ёки Ним Суғда (Ярим Суғд) тумани эгаллаган бўлиб, темурийлар даврида О. шаҳри унинг маркази эди. «Қандия»да айтилишича, О. шаҳри Самарқанд ҳукмдори Ғурак даврида (8-а.) қурилган. *Шайбонийлар* даврида бу туман О. деб атала бошлаган. У шайбоний султонларидан Искандарга (Абдуллахон II нинг отаси) мулк сифатида берилган. *Ҳофиз Таниш ал-Бухорий* О.ни Миёнколдаги «иқлими жуда қулай, сершув, очиқ кўнгилли ва тенгликсевар аҳоли яшайдиган энг яхши жойлар», деб таърифлайди. *Аштархонийлар* даврида ҳам О. ҳоким, бек ёки қўшин қозисининг қароргоҳи бўлиб хизмат қилган. Кейинчалик О. ўз ўрнини Даҳбедга бўшатиб берган. 18-а.нинг 2-ярми ва 19-а.нинг 1-ярмида О. маъмурий жиҳатдан Бухоро амирлигининг Самарқанд беклиги таркибига кириб, манбаларда туман ва шаҳар сифатида эслатилади. «О.» атамаси 20-а. бошигача сақланган. Ҳоз. бу жой Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани тасарруфида бўлиб, Примкент қишлоғи номи б-н маълум. Қад. О. шаҳар харобаси сақланган.

ОФЕРТА, офферта (лот. offero — таклиф этаман) — бир шахснинг бошқа шахсга товар етказиб бериш, бирор-бир хизмат кўрсатиш ва б. учун шартнома тузиш истаги ва шартлари ҳақида ёзма ёки оғзаки хабарномаси. Шундай хабар юборган жисмоний ёки юридик шахс оферент, хабарнома олган шахс акцептант деб аталади (қ. *Акцепт*).

О. қабул қилинган ҳолларда акцептант оферентни ёзма хабардор қилади ва томонлар битими расмий кучга киради. О. унда кўрсатилган амал қилиш муддатига эга бўлади. Шу муддат давомида акцептант О.ни қабул қилиш ҳуқуқига эга ва бу оферент б-н шартнома мажбуриятларини боғлаб олади.

Халқаро савдода О.нинг қатъий ва эркин турлари бор. Қатъий О. оферентнинг товарлар партиясини сотиш иммконияти ҳақидаги мудлати кўрсатилган

ёзма таклифи эҳтимоли бўлган харидорлардан фақат биттасига юборилади ва сотиш шу муддат давомида ўз таклифига боғланиб қолади (жавоб кутади) ва шундай таклифни бошқа харидорга қўллай олмайди. Эркин О.да бир вақтнинг ўзида бир товар партияси бир қанча харидорларга таклиф этилади ва жавоб учун муддат белгиланмайди ва шу жиҳат б-н оффертни мажбуриятлар б-н боғлаб қўймайди. Харидорнинг О.га розилиги ҳақидаги ёзма жавоби битим имзоланганлигини тасдиқлайди.

ОФИОЛИТЛАР (юн. ophis — илон ва lithos — тош) — ўта асосли ва асосли интрузив (дунит, перидотит, пироксенит, габбро), эффузив (гиббербазитлар) ва чўкинди (аксари чуқур сув ётқизиқлари) тог жинсларининг биргаликда учрайдиган мажмуи. О. тушунчасини фанга дастлаб 1905 й.да швейцариялик олим Г. Штейнман киритган. Бурмаланган областларнинг О. океан ости Ер пўстининг ўтмиш геологик даврда тектоник ҳаракатлар натижасида қитъалар четига келиб қолган реликти деб тахмин қилинади. Одатда, серпентинлашган ультрабазитлар юқори мантиясининг бир қисми, габброидлар — «базальт қатлами», эффузив-чўкинди қатламлар эса ҳоз. океан ости Ер пўстининг «биринчи» ва «иккинчи» қатламларидан иборат. Бу тартибнинг ўзгариши кўпинча тектоник жараёнлар б-н боғлиқ бўлиб, ўзига хос геологик формация (серпентинли меланж)ни ташкил этади. О. Ер шарининг бир йўналишдаги бурмали структуралари учун хос. О. айрим ҳолларда горизонтал йўналишда катта масофаларга силжиган, баъзан ағдарилган. О.ни тадқиқ этиш офиолитли тог жинслари б-н генетик боғлиқ бўлган конлар (хром, никель, платина, олтин, симоб ва б.)ни аниқлаш ва Ер пўстининг ривожланишини ўрганишда катта аҳамиятга эга.

ОФИТЛИ СТРУКТУРА (юн. ophites — илонга ўхшаш) — томирли ва асосли интрузив тог жинслари структураси; унда плагиоклазлар йирик чўзиқ кристаллар ҳосил қилиб, уларнинг орасини тўқ рангли минераллар (асосан, пироксенлар) тўлдирган бўлади. О.с. кўпинча *габбро* ва *диабаз*ларга хос. О.с.нинг бир-бирига ўзаро ўтиши б-н фарқ қиладиган бир қанча хиллари мавжуд.

ОФИУРАЛАР (Ophiuroidea), илондумлилар — игнатерилилар синфи. Диски симон, гавдаси 10 см гача, ундан 5 та (баъзан 10 тагача) эгилувчан нурлар тарқалади. Айрим О.нинг нурлари кўп марта шохланади (горгонацефаллар). Гавдасининг узунлиги нурлари б-н бирга 0,5 м га етади. Кўпчилик О. сингари нурларини регенерация қилиш хусусиятига эга. Тропик денгизларнинг саёз қисмида яшайдиган О. рангги жуда чиройли. 2 туркуми: терили О. (бешнурли ва барча шохланган нурли О.ни ўз ичига олади) ва ҳақиқий О.га ажратилади. 2 минга яқин тури бор; денгиз ва океанлар тубида литоралдан бошлаб 8 км чуқурликкача учрайди. Кўпчилиги айрим жинсли, айрим турлари гермафродит. Жинсий ҳужайраларини сувга чиқаради, личинкаси офиоплетеус. Айрим турлари уғариш орқали ривожланади; тухумдан чиққан ёш О. махсус чиқариш халтасида ўсади. Фитопланктон ва зоопланктон организмларини оқимга қарши ёпиниб тўрадиган қўллари б-н ушлайди. Баъзан денгиз тубида қунлаб тўпланади; бентофаг балиқлар учун озиқ (ина қ. *Игнатерилилар*).

ОФИЦЕР (нем. Offizier, лот. officiaritis — мансаблар шахс), зобит — қуролли кучлар, полиция ва жандармериянинг командирлар (бошлиқлар) таркибидаги ҳарбий хизматчи. О. унвони 16-а. охирида дастлаб Францияда, сўнгра Европанинг бошқа давлатларида, Россияда — 17-а.нинг 30-й.ларида пайдо бўлган. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида бир қанча О.лик унвонлари мавжуд (қ. *Ҳарбий унвонлар*).

ОФОРТ (франц. eau-forte — азот кислотаси) — металлга ишланадиган *граворa* тури. Тасвир металл пластина (тахтача кислота таъсир эттириш йўли б-н ҳосил қилинади. Кислотага чидамли лок б-н қопланган рух ёки мис пластина юзаси махсус игна, мих б-н металл юзагача тирнаб (олдин кислотали мўйқалам б-н чизиб), тасвир чизиқлари ҳосил қилинади. Сўнг пластинадаги ўйиқлар (босма элементлари) кислота таъсирида яна чуқурлаштирилади. Бу жараённи бир неча маротаба такрорлаб, керакли даражадаги туслар жилвасини ҳосил қилиш мумкин. Бўёқ суртилган пластинадан босим таъсирида қоғозга нусха кўчирилади. Бу усул рангли босмада ҳам ишлатилади. Тасвир чизиқларини кучайтириш имконияти, ўзига хос балиний-лиги, штрихининг эркинлиги, нурсонининг нафислиги, босиш жараёнида юзага келадиган такрорланмас сифати (бир пластинадан турли хил нусхалар олиш имконияти) б-н О. барча бошқа граворалардан фарқ қилади. Дастлабки О. намуналари 16-а.да Германияда (Д.Хофер ва А.Дюрер томонидан) яратилган. Француз Ж.Калло, голланд Рембрандт, италиян Г.Рени, Ж.Кастильоне, испан Ф.Гойя, рус И.Шишкин, В.Маяк, В.Серовлар О.да самарали ижод қилдилар. Ўзбекистонда О.В. Кедрин, А.Ошенко ва б. ижоди б-н машҳур.

ОФОҚХЎЖА (1625, Кумул, Шарқий Туркистон — 1695, Қўқон қишлоғи, Қашқар вилояти — ислом ва тасаввуф илмининг йирик тарғиботчиларидан бири ва Еркенд хонлигида тахта учирган ҳужаларнинг дастлабкиси, Туркистон тасаввуф илмининг раҳнамоларидан Маҳдуми Аъзамнинг авлоди. Отининг исми Ҳазратулло бўлиб, у халқ орасида ҳурмат белгиси бўлган «Офоқ» («Ёруғ дунё» ёки «Ёруғлик нури») — ҳужа номи б-н машҳурдир. О. ёшлигида отаси Муҳаммад Юсуф ибн Эшон Калон б-н турли шаҳарларда юриб билим ва тарбия олган. 1638 и.да Қашқарга келиб, отаси вафотидан сўнг бу ердаги оқсоқлик ҳужаларга бош бўлган. 1670 и.да Еркенд хонлигида юз берган ички курашлар натижасида О. Қашқарни тарк этиб Туркистон шаҳарзорига, қалмоқлар (ойротлар) орасида ва Хэнни вилоятидаги (Хэси-коридор) водийларда 7 йил тартибот ишлари б-н шуғулланган. 1678 и.да Тибетда 2 йилга яқин яшаган ва бу ердан Будда динининг вакиллари б-н яқин алоқада бўлган. 1680 й. Тибет йодгонлари ёрдамида ойротлар хони б-н танишган. 1681 й.да қалмоқлар томонидан Еркенд хонлиги тахтига ўтқазилган. Унинг жасади Ёғду деб номланган жойдаги ота-бувалари қабри ёнига дафн этилган. Шундан бошлаб ушбу қабристон «Офоқхўжа мозори» деб номланиб, зиёрат маскани айланган.

Абдулазиз Ҳожиев.

ОФОҚХЎЖА МАҚБАРАСИ — Қашқар (Хитойдаги меъморий ёдгорлик (1664). Мақбара шаҳарнинг шим.-шар.-кий қисмидаги Қўқон қишлоғида. Дастлабки О. намунаси 16-а.да Германияда (Д.Хофер ва А.Дюрер томонидан) яратилган. Француз Ж.Калло, голланд Рембрандт, италиян Г.Рени, Ж.Кастильоне, испан Ф.Гойя, рус И.Шишкин, В.Маяк, В.Серовлар О.да самарали ижод қилдилар. Ўзбекистонда О.В. Кедрин, А.Ошенко ва б. ижоди б-н машҳур.

Офоқхўжа мақбараси.

тида «Шаҳид ним» (Ширкент мозорида жойлашган. Отаси манжур истилочиларига қарши чиққанлиги учун Ширхон (Офоқхўжанинг эвараси) ака-укалари б-н Пекинга олиб кетилган. Ривоятларга кўра, гўзал, ёш Ширхон бетона из қолдира олмаган. Жасади Пекиндан олиб келиниб, О.м.га дафн этилган.

Мақбара бад. 27 м, гумбаз (35×27 м) гумбаз томи, ёнги тарвинни 4 бурчагида 4 минора — гўлдаста (бал. 18 м) бор. Пештоқи девордан сал олдинга чиқариб қурилган. Унинг 2 ёнини ўстунчалар безаган. О.м. деворининг қалинлиги 1 м, 4 томонга дарча ишланган. Мақбарада 5 авлод вакилларидан 72 киши дафн қилинган. Офоқхўжа ва унинг буваси Эшон Калон, отаси Муҳаммад Юсуф ва б. қабрларидан саландар бир-бирига яқин бўлган. Саландар ҳажми ҳар хил, унда дафн этилган кишининг мартабаси улуғлигига қараб жойлаштирилган. О.м. таркибида ҳарбихона, атрофида бог, ҳовлисида 2 ҳовуз, мадраса, катта ва кичик масжидлар мавжуд. О.м. бир неча бор таъмирланган.

Абдулазиз Ҳожиев.

ОФСЕТ БОСМА, офсет (инг. offset) — *текис босма* усули; бунда бўёқ қолип (форма) дан эластик оралиқ сирт (резина пилиндр)га, ундан қоғозга ёки босма материалга ўтказилади. О.б. АҚШ да офсет босма машина яратилгандан сўнг (1905) таклиф қилинган. О.б. қолипи 0,3—0,8 мм қалинликда рух, алюминий, биметалл (мис, нихель) пластинадан фотомеханик усулда тайёрланади. О.б. қолипларидан *нега-тив* ва *позитив* усулларда нусха кўчирилади. Негатив усулда нусха кўчиришда металл пластина сиртига хромланган ёруғлик сезгир коллоид қатлами суркалади ва негатив қайта босилган оригинал) га силадиган асл нусха (оригинал) га кўчирилади. Нусха бўёқ б-н қопланади, махсус эритмаларда очилтирилади ва ишланади. Позитив усулда нусха кўчиришда *диапозитивлар* қўлланилади. Нусхани очилтириш ва ишлаш натижасида босма элементлари анча чуқурлашади; бу эса босма сифатини оширишга ва қолипдан кўплаб нусха олишга имкон беради. Қолип биметалл (мис ва никельдан тайёрланган бўлса, босма элементлари мис сиртда, очиқ қолдиган жойлар (пробеллар) эса нихель сиртда ҳосил бўлади. О.б. кўп рангли нашрлар (плакатлар, бадиий репродукциялар, рангли китобчалар, расмли журнал ва б.), шунингдек, бир хил рангдаги расмли китобларни босишда кенг қўлланилади. О.б. корхонасида ранг бериш, фотоҳарф терши автоматлари, офсет ротациялари, автоматик линиялар бўлади.



Офсет босма цеҳемаси: *1* — босма қолип; *2* — резина цилиндр; *3* — қоғоз.

ОФСЕТ БОСМА МАШИНА — *босма машиналарининг* бир хили; унда босма қолип (форма)даги бўёқ резина цилиндрга, ундан эса қоғоз (ёки босма материал)га ўтади. (қ. *Офсет босма*). Асосан, *текис босмада* қўлланилади. АҚШ да 1905 й. яратилган. Олдий О.б. м. 3 цилиндр: қолип, офсет (резина қопламали) ва босма цилиндрлардан иборат. О.б. м.нинг 1,2 ва кўп бўёқли; листли ва роликли хиллари бор. 2 бўёқли О.б. м.да (расмга қ.) иккита қолип $Ф_1$ ва $Ф_2$, 2 офсет цилиндри $О_1$ ва $О_2$, 2 та бўёқ аппарати $К_1$ ва $К_2$, 2 та ҳўлловчи аппарат $У_1$ ва $У_2$ ҳамда босиш цилиндри П бор. Қоғоз ўзи тахловчи мослама С дан узатилади. Тайёр нусхалар транспортёр Т б-н қабул қилувчи стапель ПС га ўзатилади. О.б.м. афзалликлари: кўп бўёқли пашарларни тез босиш мумкин, ҳар хил силлиқликдаги қоғозларга ҳам босилаверади, босма қолиплари кам ейилади.



Офсет босма машина. Олдий офсет босма машина схемаси.

ОФТАЛЬМО... (юн. ophthalmos — кўз) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми бўлиб, шу сўзларнинг кўзга, кўз касалликларига алоқадорлигини билдиради.

ОФТАЛЬМОЛОГИЯ (*офтальмо... ва ...логия*) — кўзнинг нормал ҳолати ва касалликларини ўрганадиган фан. Клиник тиббиётнинг бир бўлими. О. фанининг тарихи *Ибн Сино*дан бошланади. У яратган «Тиб қонунлари» китобининг 3-жилди кўз ва кўз касалликларига бағишланган. О. 17-ада мустақил фан сифатида ривожлана бошлади, кўз типик муҳитларининг нур сингдирувчи хоссалари (диоптрикаси) ҳақидаги тасаввур ўша вақтда вужудга келди, рефракция аномалияларини тушуниш ва уларни кўзойнак б-н тузатишга шу тариқа асос солинди, кўзнинг тўр пардаси унинг ёруғлик сезувчи қисми эканлиги, катаракта кўз тавҳарининг хира тортишидан иборатлиги аниқланди. 18-а. охирида О. б-н, асосан, хирурглар шуғулланишди. 19-а.нинг 1-ярмида кўзнинг, асосан, таш-қи касалликлари ўрганилди ва операция техникаси ишлаб чиқилди, шу асрнинг 2-ярмида, офтальмоскоп кашф этилгач, кўз «туби» — тўр пардаси ва кўриш нерви касалликлари чуқурроқ ўрганила бошланди. 19-а. охирида бактериология муваффақиятлари туфайли бир қанча кўз касалликларининг юқумли эканлиги аниқланди. 20-ада кўзни текширишнинг нозик усуллари тараққий топди, жумладан, биомикроскопия усуллари (гониоскопия, тонография ва б.) жорий қилинди. Кўзойнак оптикаси муваффақиятларга эришди.

Ўзбекистонда бу соҳадаги тадқиқотлар 20-й.ларда Ўрта Осиё ун-ти тиббиёт ф-ти кўз касалликлари кафедарасида бошланди. Кейинчалик улар республикадаги тиббиёт ин-тларининг кўз касалликлари кафедраларида давом эттирилди. Ўлка касалликлари муаммолари, бруеллёз, лейшманиоз, терлама, безгак ва б. умумий касалликларда кўриш аъзосининг ўзгариши масалалари (П. Ф. Арнантельский, С. А. Попова, Т. Г. Ильина, М. Ҳ. Ҳамидова), Ўзбекистонда О. соҳасининг аҳволи ўрганилди. Кўриш аъзоларининг н.ч. жароҳати б-н боғлиқ шикастланишининг олдини олиш ва даволаш масалалари ишлаб чиқилди (Т. Е. Қосимов, М. К. Комилов, Ҳ. К. Ҳожимуҳамедов, Қ. А. Асланова, Т. У. Умарова), мия ишлатланиши — онтохиазмал лептоменингитда кўзда содир бўладиган ўзгариш-

ларини аниқлаш ва янги даво усулларини топиш (Ҳ. М. Комилов), назла (кўксув, *глаукома*) оқибатида кўр бўлиб қолишни барвақт аниқлаш, даволаш ва олдини олишга доир талқиқотлар ўтказилди (А. Ю. Юсупов, М. Ҳ. Ҳамидова, Т. Г. Ильина, К. К. Қолирова ва б.).

О. фани ютуқлари амалиётда жорий этилиши туфайли Ўзбекистонда ўткир эпидемик *конъюнктивит* эпидемияси, трахома (шилпиқ) бутунлай тугатилди. Кўз қон томири касалликлари, миопия, гилайлик ва б. касалликлар муаммоларини илмий асосда ҳал қилиш устида илмий ишлар олиб борилмоқда (Ҳ. М. Комилов, О. Г. Левченко, Б. О. Зоҳидов, Ф. О. Баҳриддинова, А. А. Юсупов, Р. О. Муҳаммадиев, А. У. Зокиров, А. Р. Худойбердиев ва б.). кўз микрохирургияси ривожланмоқда, кўзнинг турли касалликларини даволаш учун маҳаллий хом ашёдан тайёрланган янги дори-дармонлар қўлланилмоқда (Н. М. Норматова, М. С. Қосимова, М. Ҳ.Каримова ва б). Ҳоз. Ўзбекистондаги барча тиббиёт институтлари кафедралари ва уларнинг клиникалари, шунингдек, республика офтальмология касалхонасида О. соҳасида и.т. ишлари олиб борилмоқда.

Ҳолиджон Комилов.

ОФТАЛЬМОСКОПИЯ (*офтальмо...* ва юн. skopeo — кўраман, текшираман) — кўзнинг ички пардаларини (тубини) текшириш методи. Ўртаси тешик махсус кўзгу — офтальмоскоп (ёруғлик нурини кўз ичига йўналтиради), ёруғлик манбаи ва лупа (катталаштириб берувчи шиша)дан фойдаланиб қоронғи хонада О. қилинади. Офтальмоскопларнинг такомиллаштирилган ва мураккаброқ моделлари ҳам бор.

ОФТОБ УРИШИ — қуёш нурлари тик тушиб турганда бошнинг (айниқса, яланг бошнинг) ўта қизиб кетишидан келиб чиқадиган касаллик ҳолати.

Офтоб урганда мияда қон айланиши бузилади; мия пардалари ва моддасининг томирлари кенгайиб, қонга тўлиб кетади, мия шишади. О.у. оғир бўлганда майда қон томирлари ёрилиб, миянинг турли бўлимларига ва пардаларига қон қуйилади, натижада марказий нерв системаси турли бўлимларининг функцияси бузилади. О.у. енгил бўлганда бош айланади, оғрийди, дармон қурийди, кўз тинади. Оғир О.у.да бемор талвасага тушиб қусади, ҳушдан кетади, териси қизаради, пульси ва нафас олиши тезлашади, т-раси кўтарилади. Бундай ҳолларда уни дарҳол касалхонага ётқизиши керак.

Олдини олиш офтобда ишлаганда ёки юрганда, албатта, бош кийими кийиб олиш лозим.

ОФТОБА — қ. *Область*.

ОФТОБАЧИ — Ўрта Осиё хонликларида сарой мансаби. Мас., Бухоро хонлиги (18-а.)да Мирза Бале девонининг «Мажма ул-арқом» асарида кўрсатилишича, О. маҳрам — амир кўл ювадиган пайтда офтоба (обласа) тутиб турувчи давозимли шахс; саройга келган меҳмонларга ҳам О. хизмат қилган.

ОФТОБИ — майиз солиш усули, узумни ишлов бермасдан, бевосита офтобда қуритиш. Бу усул узумчиликда тарқалган бўлиб, асосан, оқ кишмиш ва қора кишмиш узум навлари қуритилади. Узум бошлари узиб олингач, хилланади ва тахта патнислар; бўйра ёки сомон сувоқ қилинган жойга бир текис қилиб ёйилади. Орадан 7—8 кун ўтгач, гужумларнинг уст қисми сўлиб, бир оз қорая бошлади. Шунда узум бошлар ағдариб қўйилади ва қуригунча шу ҳолда туради. Қуритиш 15—20 кун давом этади. Намлиги 18% дан ошмайдиган қуриган майиз шингил банддан, хас-чўпларидан тозаланиб, илиштларга жойланади.

ОФФЕНБАХ (Offenbach) Жак (асл исми ва фамилияси Якоб Эберши) — (1819.20.6, Кёльн — 1880.4.10, Париж) — француз композитори, француз *оперетта*сининг асосчиси. 1849 й.дан «Комедия Франсез» театрида дирижёр ва композитор. 1855—61 й.ларда ўзи асос солган «Буфф-Паризьен», 1872—76 й.лар «Дела Гэте» театрларини бошқарган. О. 100 га яқин оперетта ёзиб, мазкур жанр тарихини бошлаб берган. Улардан «Орфей дўзахда», «Гўзал Елена», «Кўк соқол», «Париж ҳаёти», «Перикола», шунингдек, «Гофман эртаклари» номли романтик операси (1880) кўп мамлакатларда саҳналаштирилган.

ОХАРУН — илк ўрта асрларда Чағониённинг шим.да жойлашган вилоят (6—10-а.лар). О. ҳокими қўшни *Шуман* шоҳига тобе бўлгани туфайли тарихий манбаларда бу вилоятлар қўшма ҳолда учрайди. Хитой сайёҳи Сюань Цзаннинг хотираларида Хо-ру-мо деб аталган. О. ҳокими Хи-су уругига мансуб турк бўлган. 7-а.да бу ерда 2 будда ибодатхонаси ва 100 га яқин роҳиб бор эди. Хитой тарихий йилномаси «Тан шу» («Тан сулоласининг тарихи»)да О. Хулу-йён шаклида қайд этилган. Унга кўра, Хитой маъмурлари томонидан 658—659 й.ларда Гарбий Турк хоқонлиги ерларида ўтказилган маъмурий ислоҳотдан сўнг Ху-ду-йен мулки Шуман ё-н бирлашиб ягона губернаторликни ташкил этган. *Табарий*га кўра, 700 й. араб саркардаси Муҳаллаб ибн Абу Суфра Кеш ҳамалини бўшатиб шошилинч равишда қўшини ё-н О.га келган. 705 й. О. ва Шуман шоҳи Ғуштасбон қўзғолиб, Чағониён вилоятига ҳужум қилган. Чағониён шоҳи Тиш арабларга ё-н иттифоқ тузган. 722—723 й.ларда О. ва Шуман шоҳи Ғурам арабларга томонидан тутиб Деваштич кўзғолонини бостиришда қатнашган. Ғурам 700 й.да арабларга томонига ўтган «О.ҳокими» бўлиб, шу туфайли Шуман шоҳи Ғуштасбон уни тақиб этган. Ғуштасбон 709/710 й.да ўлдирилган. Шундан сўнг Ғурам О. ва Шуман шоҳи бўлган.

9-а.нинг 1-ярмида О. Тохаристоннинг алоҳида округи бўлган. 826—827 й.ларда ундан 32 минг дирҳам миқдорда хирож олинган. О. пойтахти *Ҳамаварон* ш. бўлган. 10-а.да *самонийлар* даврида О. таназзулга учраган. 10—12-а.ларда О. номи манбаларда учрамайди.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начало XIII вв., Т., 1996.

Сайфулло Турсунов.

ОХИРАТ (араб. — охирги кун, дунёнинг тугаш куни) — диний тушунча. О. ҳақидаги тасаввурлар барча динларга хос. Исломдаги О. ҳақидаги тасаввур ва ривоятлар яҳудийлик, христианликдаги тасаввурларга ва баъзи Шарқ халқларининг диний ривоятларига қисман ўхшаб кетади, Қуръонда О. кунида осмон ёрилиши, денгизлар тошиши, инсонларнинг тирилиб ўрнидан туриши, сўроқ қилиниши, гуноҳ ва савобнинг ўлчаниши, марҳумларнинг жаннат ё дўзахга жўнатилиши тафсилотлари ва ш.к. кенг берилган.

ОХИРГИ ЗАРУРАТ (ҳуқуқда) — ўзининг ёки бошқа шахснинг ҳаёти, шаъни, қадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари, шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари хавф-хатар остида қолган ҳолларда, тажовуздан ҳимояланиш мақсадида заруратдан содир этилган ҳаракатлар. О.з. ҳаракатлари, расман қараганда, жиноий тусда бўлса-да, келаётган хавфни қайтариш учун ноилож содир этилгани ва унинг оқибатлари қайтарилган хавфга нисбатан озроқ бўлгани сабабли, шахс жавобгарликка

тортилмаган. Агар таҳдид қилаётган хавфни бошқа воситалар ё-н қайтариш имконияти бўлса, шахс О.з. чегарасидан четга чиққан ҳисобланади. О.з. ҳолатига баҳо беришда таҳдид қилаётган хавфнинг хусусияти, етказилиши эҳтимол бўлган шаънинг даражаси, хавфнинг юз бериш вақти яқинлиги ва ҳимояланаётган шахснинг руҳий ҳолати эътиборга олинади (қ. *Зарурий мудофаа*). О.з. чоралари чегарасидан чиқиб ҳужум қилувчига ёки ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсга уни ушлаш вақтида баданига оғир шикаст етказилганлик ёхуд ҳаётидан маҳрум этганлик учун енгилроқ жазо чоралари тайинланади. Жисмоний ёки руҳий мажбурлаш натижасида бошқаларга зарар етказиш ҳолларида ҳам О.з.га оид қоидалар қўлланади (Ўзбекистон Республикаси ЖК, 38-, 39-, 55-, 101- ва 108-моддалар). Ўзбекистон Олий суди Пленумининг 1990 й. 20 июлдаги қарорида, агар шахс жисмоний ёки руҳий таъсир этиш, ишдан ёхуд бошқа яшаш манбаидан маҳрум бўлиш хавфи остида расмий жиҳатдан жиноий жазо тайинлаш мумкин бўлган ҳаракатларни содир этса, бу ҳаракатларини О.з. ҳолатида бўлган ҳисобланиш ҳақида йўл-йўриқ берилган.

Гафур Абдумажидов.

ОХОТА ДЕНГИЗИ — Тинч океанаги ярим берк денгиз. Осиё материгининг шарқий соҳили ё-н чегарадош. Океандан Камчатка я.о., Курил о.лари ва Хоккайдо о. ажратиб туради. Невельский, Татар ва Лаперуз бўғозлари орқали Япон денгизи, Курил бўғози орқали Тинч океан ё-н туташган. Майд. 1603 минг км². Энг чуқур жойи 3521 м. Шим. дан жанубга 2445 км чўзилган, энг кенг жойи 1407 км. Қирғоқлари кам парчаланган. Шим.-шарқида Шелихов, жан. қисмида Анива, Сахалин ва б. қўлтиқлар жойлашган. Денгизга Амур дарёси қуйилади. Сувининг т-раси қишда 1,8—2°, ёзда 1,5 дан 15° гача, шўрлиги 32,8—33,8‰. Балиқ овланади. Асосий портлари: Магадан, Охотск, Корсаков, Северо-Курильск.

ОХУН, охунд (араб. — ваъзхон, нотиқ, дин тарғиботчиси) — 1) мударрис, муаллим, устоз. Хива хонлигидаги катта мадрасаларда О.лар сони кўп бўлган, жумладан, Оллоқулихон мадрасасида 7 та О., 2 та муаззин, 2 та фаррош, 1 та сартарош ва мешкобчи хизмат қилган. Мударрис ва О.лар ўзлари таълим берган мадраса вақфидан маош олиб туришган, мадраса уларга ҳужра ҳам ажратган; 2) Хитой мусулмонлари орасида кенг тарқалган ном. Мадрасаларда мударрислик (ўқитувчилик) ва масжидларда имомлик қилган шахслар ҳурмат юзасидан умумлаштирилган ҳолда О. деб номланган. Қашқар аҳолиси орасида ҳам ҳурмат юзасидан бир-бирининг исмига О. сўзини қўшиб айтиш одат бўлган. Шу боис қашқарликларни О. деб аташ ўзбеклар орасида ҳам учраб туради.

ОХУНБОБОЕВ Йўлдош (1885, Марғилон яқинидаги Жўйбозор қишлоғи — 1943.28.2, Тошкент) — давлат ва жамоат арбоби. Марғилондаги пахта томилаш корхонаси, «МТП, Андижон-тевино и.ч. корхонаси, 2 та новвойхона, Пахтабанк, Хамкорбанк, Тадбиркорбанк бўлимлари, деҳқон бозори бор.

5 умумий таълим мактаби, лицей, гимназия, қ.х. касб-ҳунар ва ижтимоий-иқтисодий пед. колледжлари, малака ва истироҳат боғи, Хотира хиёбонида «Мотамсаро она» ҳайкали, марказий кутубхона, музей, стадион, касалхона, марказий, болалар ва стоматология поликлиникалари, тутуқхона, тиббий тез ёрдам ҳамда санитария эпидемиология марказлари фаолият кўрса-тади.

ОХУНБОБОЕВ НОМИДАГИ КАНАЛ — Наманган вилоятидаги магистрал канали. Уз. 48 км. Сув ўтказиш имконияти 70 м³/с. Сирдарёдан тўғонсиз сув олади, сувининг ўзи оқиб ўтади. Қорадарёдан сув олувчи Ўроламин, Маҳман ва Эшонбобо каналлари бирлаштирилиб, реконструкция қилингач, 1930 й.да ишга туширилган. Унинг янги бош иншооти Сирдарёнинг Мингбулоқ бурни яқинида барпо этилган (1964). Канал трассаси бош қисмида Сариқсув коллекторини кесиб ўтади. Мазгил ўзани орқали, сўнгра кўриқ ерлан оқади. Наманган вилоятининг Тўрақўрғон, Учқўрғон, Поп, Уйчи, Наманган туманларидаги 40 минг гектарга яқин ер суғорилади.

ОХУНБОБОЕВ ТУМАНИ (1943. й.гача Марғилон тумани) — Фарғона вилоятидаги туман. 1926 й.да ташкил этилган. Кейинчалик туман ҳудудидан Тошлоқ, Ёзёвон каби янги туманлар ажралиб чиққан. Ғарбдан Олтиариқ, жан.дан Фарғона, шим.дан Ёзёвон, шарқдан Тошлоқ туманлари ва Марғилон ш. б-н чегарадош. Майд. 0,39 минг км². Аҳолиси 137,3 минг киши (2003). О.т.да 16 та қишлоқ фуқаролари йиғини (Болталиқўл, Дўрмон, Йўлдошобод, Лангар, Лойсон, Охунбобоев, Пахтакор, Саримозор, Солижонобод, Сурхтепа, Ҳалқобод, Шаҳартепа, Ўқчи, Қорақушчи, Кумтепа, Ғиштмон бор). Маркази — Лангар қишлоғи.

Табиати. Туман Фарғона водийсининг марказида, Ёзёвон чўлида жойлашган. Рельефи кенг текисликдан иборат, шим. томон пасайиб боради; дарё ёйилмалари ва уларнинг оралиғидаги пастликлар ҳамда Сирдарёнинг қайир усти террасаси, суви қуриб қолган кўл ботиқлари ё-н бирга қад. сойларнинг ўзанлари, қум барханлари ва тепалари учрайди. Иқлими кескин континентал. Ёзи иссиқроқ, қиши совуқроқ. Баҳорда ғарбдан шамол эсиб туради. Йиллик ўртача т-ра 13,6°. Июлда ўртача т-ра 27°, энг юқори т-ра 43°, янв.да ўртача т-ра —2,2°, энг паст т-ра —23°. Вегетация даври 220 кун. Йиллик ёғин 110—130 мм. Туман ҳудуди орқали Катта Фарғона канали (27 км), Марғилонсой, Жан. Фарғона канали оқиб ўтади. Туман ҳудуди

Охунбобоев шаҳридаги ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежи.

ди мураккаб гидрогеологик ўрнида жойлашган. Теварак атрофдаги баландликлардан келган сизот сувлари ва сугоришдан чиққан оқова сувлар ер ости сувини кўпайтиради. Сизот суви юза (1—1,5 м). Ер остидаги сувли қатламлардан сув артезиан қудуғи орқали чиқариб олинмоқда.

Туман ҳудудининг катта қисмини қисман шўрлашган ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқлар, баъзан шўрхок тупроқлар ишғол қилади. Ўтлоқи тупроқларда бутун вегетация даврида намлик етарли бўлади. Жан. қисмида оч бўз, суғориладиган бўз-ўтлоқи, ботқоқ ўтлоқи тупроқлар (чиринлиси 2—4%) бор. Ёввойи ўсимликлардан черкез, қандим, селин, ялғун, қум тепалари оралигидаги текисликларда шўра, лёссли-гилли ерларда шувоқ, зовурлар ичида қамиш ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан қуён, тулки, кемирувчилар ва судралувчилар бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (92,5%) шунингдек, қирғиз (6,5%), татар, тожик, рус ва б. (1%) яшайди. 1 км²га 352 киши тўғри келади. Қишлоқ аҳолиси 137,3 минг киши (2003).

Хўжалиги. Туман хўжалиги, асосан, қ.х.га ихтисослашган. Ширкат хўжаликлари пахтачилик, галлачилик, богдорчилик, сабзавотчилик, полизчилик, ипакчилик, чорвачилик б-н шуғулланади. О.т.да 1000 дан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатга олинган. Шулардан 74 таси йирик корхоналар, 942 таси кичик ва ўрта бизнес корхоналари, бундан ташқари, 649 та фермер хўжаликлари, 379 та деҳқон, 218 та боғдорчилик, 31 та чорвачиликка йўналтирилган фермер хўжаликлари бор.

Туманда Жан. Корея б-н ҳамкорликда ташкил этилган «ДЭУ текстил компанию» корхонаси, «Фарғона пахта парранда», «Мақсбетон», МТП, Қорақўшчи механика таъмирлаш, сувни қайта ишлаш корхоналари, «Расхар-200», «Ёзлу» синтари кичик корхоналар фаолият кўрсатади.

Қишлоқ етакчи тармоғи — пахтачилик. Туманда жами 24,6 минг га ерда деҳқончилик қилинади, шундан 11 минг га ер майдонига дон, 11,02 минг га ер майдонига пахта экилади, 2,6 минг га дан ортиқ майдон полиз, озуқа экинлари, сабзавот, боғ ва токзорлар б-н банд. 15 ширкат хўжалиги, ширик бўрдоқичилик хорхонаси мавжуд. Ўрмон хўжалиги бор. Туман ширкат ва шахсий хўжаликларида 25,8 минг қорамол (шундан 11 мингта яқини сигир), 25,5 мингта яқини қўй, 311 от, 176,7 мингта яқин парранда боқилади (2003).

Автотранспорт йўлларининг уз. 266 км. 2002/2003 ўқув йилида 49 умумий таълим мактаби, 2 лицей-интернатда 36,9 мингта яқин ўқувчи таълим олди, шунингдек, 2 коллеж (570 талаба) фаолият кўрсатади.

Марказий маданият уйи, қишлоқларда уларнинг 6 та филиали, 25 кутубхона, 2 маданият саройи, 2 стадион мавжуд. 3 касалхона (500 ўрин), санитария назорати, «Саломатлик» марказлари, 3 поликлиника, 15 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 10 дорихона, 4 хусусий касалхона ишлаб турибди. Тумандаги барча тиббий муассасаларда 192 врач (ҳар 10 минг аҳолига 15 врач) ишлайди.

«Истиқбол йўли» туман газ. 1943 й.дан чиқади (адади 5 минг).

ОХУНДОВ Мирза Фатали [1812.30.6, Шеки (ҳоз. Нуха) — 1878.26.2, Тифлис] — озарбайжон ёзувчиси, маърифатпарвари ва файласуф. «Пушкин ўлимига шарқ достони» (1837) асари А.С.Пушкинга бағишланган. «Пушкиннинг ўлими Россияда Лермонтовни, Кавказда Охундовни уйғотди» деган ибора шу асардан кейин пайдо бўлган. О., асосан, драматургия соҳасида катта ютуқларга эришган. 1851 й. «Ҳикояти Мулла Иброҳим Халил кимиё гар», «Набобат ҳакими мусье Жордан ва сеҳргар дарвеш Мастали шоҳ ҳикояти» комедиясини ёзган. «Сартушхона вазири хони Лан-карон» (1851), «Ҳикояти хирс қўлтурбоқон», «Хожа қора» (1852), «Мураффи вакилларининг ҳикояти» (1856) комедияларида 39-а. 1-ярми озарбайжон халқи ҳаёти акс этган. Шарқ адабиётларида О.ни «Шарқ Мольери», «Озарбайжон генийси» деб атайди. «Алланган йолчилар» қиссаси (1857) б-н озарбайжон реалистик нас-рига асос солган. Асарда ижтимоий тузум ва ҳоким б-н халқ оммаси ўртасидаги кескин қарама-қаршиликлар тасвирланган. О. араб алифбосини ислоҳ қилишга бағишланган «Араб, форс, турк тилларининг ёзувлари учун янги алифбо» (1857) асарининг муаллифи. О. фалсафа ва б. фанларни лотин алфавити, табиат сирларини ўрганишга, маърифатни эгаллашга чақирган. Унинг фалсафий қарашлари «Инглиз файласуфи Юмга жавоб» (1870) асарида ифодаланган. Асар бирмунча ўзгартирилиб, «Ҳиндистон шаҳзодаси Камолуддавланинг Эрон шаҳзодаси Жалолуддавлага ёзган хати ва Жалолуддавланинг жавоби» фалсафий романсасига илова қилинган.

ОХУНЖОН ҚИЗИҚ Ҳузуржонов (1903 — Марғилон — 1967) — халқ қизиқчиси. Қизиқчиликни *Юсуфжон қизиқ* Шакаржоновдан ўрганган. Фарғона, Самарқанд, Хоразм вилоят театрларида, Тошсовет номидаги театр, Ўзбекистон филармониясида ишлаган. О.қ. ўзбек анъанавий театрининг асосчи кулки-ҳикоя жанрида танилган. Катта қизиқчилардан эшиттиларини қайта ишлаб айтиб юрган, лекин аксарият кулки-ҳикояларини ўзи тўқиган. У турли хил воқеаларни бир сюжет ипига тизиб бадиий тўқима ҳосил қилишда, ўхшатиш, сифатлаш ва бўрттириб тасвирлашда юксак маҳоратга эга бўлган. «Саводсиз сартарош», «Самолёт», «Сумалак», «Кинначи кампир», «Поезддаги чиптасиз киши», «Зарарли ичимлик», «Зиёрат», «Граммофон», «Маддоҳлик», «Ашулалар тўплами» каби юзга яқин кулки-ҳикояларида ҳаётда учраган қаллоблар, шахсиятпарастларни фош этиб келган. 1937, 1951, 1959 йилларда Москвада бўлиб ўтган ўзбек санъати декадаларида қатнашган. «Қўшиқлар парвоз этади» ҳужжатли фильмида суратга тушган (1959). Умрининг сўнгги йилларида Марғилон халқ театрида ишлаган. О.қ. санъатини унинг ўғли Одилжон Охунов б-н Муҳиддин Дарвешмолар давом эттирдилар.

Ад.: Қодиров М., Масхарабоз ва қизиқчилар санъати, Т., 1971.

Мирзо Қодиров.

ОХУНЖОНОВ Собиржон (1919.10.10, Тошкент) — генерал-лейтенант (1973). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими (1982). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёнғин мураббийси (1989). 1938 й.дан армия сафида. Ҳарбий пиёдалар билим юртини (1940), ҳарбий академияни (1955), Фарғона педагогика ин-тини (1966) тугатган. 2-жаҳон уруши даврида Сталинград, Жан.-Ғарбий, 1-Украина фронтларида хизмат қилган. 1946—64 й.ларда Туркистон ҳарбий округида турли лавозимларда ишлаган. Фарғона вилояти ҳарбий комиссари (1964—67), Ўзбекистон ҳарбий комиссарининг ўринбосари (1967—71). Ўзбекистон граждан мудофааси бошлиғи ўринбосари, штаб бошлиғи (1971—86). Тошкент ш. уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси (1987—91). Ўзбекистон Республикаси уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси ўринбосари (1991—97).

ОХУНОВ Жалолиддин Собитович (1932.15.6 — Фарғона — 1996.14.6) — актёр, хонанда (араматик баритон). Ўзбекистон халқ артисти (1980). 1946—96 й.лар Фарғона театрида ишлаган. Тоҳир (С.Абдулла, «Тоҳир ва Зуҳра»), Равшан, Ҳайдар (К. Яшин, Т.Жалилов, «Равшан ва Зулхумор», «Нурхон»), Норбойвачча (Ҳамза, Х.Тўхтасинов, «Паранжи сирлари»), Ниёз (И.Султон, «Номаълум киши»), шаҳар ҳокими (Н.Гоголь, «Ревизор»), Нурохун (Ж.Машрабий, М.Муртазаев, «Кумриннинг муроди») ва б. роллари б-н шуҳратқозонган. О. ижодига жасур, матонатли кишилар образи яқин бўлиб,

Жалолиддин Охунов Бобохон ролида («Тоҳир ва Зуҳра», ўртада).

қаҳрамонлари характерини, уларнинг ички кечинмаларини кучли эҳтирос оркали тўлиқ очиб бериш хос. Хонанда сифатида «Баланд тоғлар», «Эй гўзал», «Раққосага», «Барнога ўхшатдим», «Ваъда бердинг», «Сендан бўлак» синтари қўшиқлари б-н ҳам танилган.

ОХУНОВ Қосимжон (1904— Андижон — 1989.17.5) — Ўзбекистон халқ артисти (1967). Шоира Эътибор Охуновнинг отаси. Андижон ш. маорифи қошидаги мусиқа дастасида (1922—24) М.Жабборов, Т.Жалилов, Уста Рўзиматхон каби санъаткорлардан танбур, дутор бўйича таълим олган. 1924 й.дан Андижон театри актёри. Табиийлик, самимият, майин юмор О. ижодига хос. У, айниқса, оддий меҳнаткаш халқ вакиллари образини маҳорат б-н ижро этган. Табиб (В.Ян, Чўлпон, «Ҳужум»), Раҳим ямоқчи, табиб (Ғ.Зафарий, «Ҳалима»), Вали (У.Ҳожибеков, «Аршин мол-олон»), Муллаадўст (Ҳамза, «Майсаранинг иши»), Зайд (Хуршид, «Фарҳод ва Ширин») каби роллари б-н танилган. Хонанда сифатида «Дутоҳ», «Баёт-5», «Ушшоқ» каби қўшиқларни ижро этган.

ОХУНОВА Турсуной (1937.20.5 — Чинноз тумани Эски Тошкент қишлоғи — 1983.21.9) — ўзбек хотин-қизлари орасида пахта териш техникасини ўзлаштириш ҳаракати ташаббускори, 2 марта Меҳнат Қаҳрамони (1959, 1978). Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги механизатори (1967). Қ.х. механизаторлари курсини битиргандан кейин слесарь, Пахта МТСда механизатор (1954—60), 1960 й.дан Чиноз туманидаги Киров номидаги жамоа хўжалиги (ҳоз. Т. Охунова номидаги ширкат хўжалиги)да пахта териш машинаси механик ҳайдовчиси, комплекс механизациялашган пахтачилик бригада бошлиғи бўлиб ишлади. О. бошлиқ бригада пахта етиштиришнинг илғор усулларини қўллаб катта ютуқларга эришди. Шунингдек, у 2 қаторли вертикал шпинделли пахта териш машинаси конструкциясини такомиллаштиришда ва қ.х.га жорий этишда иштирок этди. 60—70-йй.ларда О. ташаббусидан давлатнинг расмий тарғибот-ташвиқот ишларида кенг фойдаланилди. О. бригадаси базасида «илғор тажриба мактаби», хотин-қизлар учун механизаторлик ҳунар-техника билим юрти ташкил этилди, турсуной-чилар ҳаракати пахта етиштирувчи бошқа республикаларга ҳам кенг ёйилди. Лекин, далаларнинг экологик муҳити ва меҳнатшашилаш ишларидаги зўриқишлар аёллар организмида зарарли асоратлар қолдириши натижасида кейинчалик хотин-қизларнинг пахта териш машиналарида ишлашига барҳам берилди. Чиноз туманидаги Эски Тошкент қишлоғида О.нинг бюсти ўрнатилган, музейи бор, ўрта мактаб ва маҳалла унинг номи б-н аталади.

ОХУНОВА Ҳабиба Ҳўжановна (1943.10.1, Асака ш. — 1994.22.9, Наманган) — хонанда (лирик драматик сопрано). Ўзбекистон халқ артисти (1975). Андижон (1959—63), Наманган (1963—94) театрларида ишлаган. Кумуш (Д.Файзий, «Зарафшон қизи»), Лайли, Ширин (Хуршид, «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин»), Гули (Уйғун, И.Султон, «Алишер Навоий»), Гулсара (К.Яшин, «Гулсара»), Гулрух (А.Турсун, «Машраб»), Ҳалима (Ғ.Зафарий, «Ҳалима»), Раъно (Ё.Мирзо, «Анвар ила Раъно»), Дездемона, Офелия (У. Шекспир, «Отелло», «Ҳамлет») Барчиной (С.Абдулла, «Алпомиш») каби роллари б-н танилди. О. лирик-драматик образларнинг моҳир ижрочиси бўлиб, унинг ижоди қаҳрамонинг руҳий ҳолатини, алам ва ўкинч ҳислари, изтиробларини томошабинга драматик ўртаниш-ларда, чуқур инсоний дард б-н етказиб бериши б-н ажралиб туради. Унинг «Алла», «Кўнгил», «Кўрмаган бўлсам сени», «Одоб билан», «Кўркам Ватаним», «Най навоси», «Ошнолигинг», «Барно йигит», «Сабо билан», «Ўзинг», «Най деб» сингари қўшиқлари, «Ушшоқ», «Таронаи баёт» мақом йўллари эл орасида машҳур. «Гуноҳ» фильмида она ролини ижро этган. Наманган ш. маданият саройига О. номи берилган. Республикада ўтказиладиган «Алла» танлови унинг номи б-н юритилади.

Ад.: Юсупов., Йўлларингнинг ҳалолаи бўлай, Т., 2001.

Ҳабиба Охунова Нурхон ролида («Нурхон»).

ОХУР — чорва моллари (қўй, эчки, сигир, от)га ем-хашак (пичан, силос, аралаш озуқа) бериладиган мослама (идиш). Катта-кичиклиги, юза-чуқурлиги молларнинг сонига, ёшига, турига, боқилиш усулига қараб белгиланади. Асосан ёғочдан ясалади, баъзан металл, пластмасса, бетондан ҳам қурилиши мумкин. О.нинг бир томонлама (моллар фақат бир томондан овқатланадиган), икки томонлама, умумий ва алоҳида-алоҳида, муқим (стационар) ва кўчма хиллари бўлади. Йилқичилик фермаларида деворга осиб қўйиладиган О. ҳам бўлиши мумкин. Замонавий фермаларда, асосан, *автомат охур* қўлланади. Паррандачилик фермерларида дон-дун ва сув тушиб туришига мосланган автомат-О.дан фойдаланилади.

ОЦЕОЛА (Осеола) (Osceola) (1800—1838) — индейслар сардори. АҚШ ҳукумати томонидан индейс-*семинолларни* Флоридадан Арканзас штатига кўчириш сиёсатига қарши қуролли қаршилик кўрсатиш (1835—42) раҳбарларидан бири. Асирликда вафот этган.

ОЧ ҚОЛИШ (тиббиётда) — озиқ моддаларнинг организмга бутунлай ёки етарли кирмай қўйиши ёки тузук ўзлаштирилмаслиги сабабли организмда рўй берадиган ҳолат; О.қ. сифатсиз овқат истеъмол қилганда ёки организм бирор сабабга кўра овқатни сингдира олмаганда ҳам вужудга келади.

О.қ. табиатда ҳайвонлар орасида физиологик ҳолат ҳисобланади (улар қишки уйқуга кетганда). Бунда организмда *моддалар алмашинуви* кескин пасаяди.

Одамда О.қ. патологик ҳодиса бўлиб, овқат емаганда, ейилган овқат ҳазм бўлмаганда (мас., меъда-ичак касалликларида) ёки сифатсиз овқат ейилганда рўй беради. О.қ. айниқса, болалар учун зарарли, бундай болалар жисмоний ва ақлий жиҳатдан тузук ривожланмай қолади.

Тўлиқ, мутлақо (абсолют) ва чала (тўйиб овқатлана олмай) О.қ. фарқ қилинади. Бундан ташқари, айрим озиқ моддалар организмга етарли кириб турмаса, жузъий (сифат жиҳатдан) О.қ. деб юритилади. Тўлиқ ва мутлақо (абсолют) О.қ.да организмдаги захира озиқ моддалар (айниқса, ёғ) ҳисобига у бир неча вақт яшаб туради. Одам учун тўлиқ О.қ.нинг чегараси 70 кунгача, бу кишининг ўзига хос жиҳатлари, ёши, жинси ва б.га боғлиқ. Аёллар О.қ.га кўпроқ чидамли; болалар ва кексаларга О.қ. тез таъсир этади.

Ёғ босишни, баъзан моддалар алмашинувининг бузилишига алоқадор бўлган бошқа касалликлар (подагра, қандли диабет ва б.), шунингдек, аллергик ва руҳий касалликларни даволаш мақсадида тўлиқ ва жузъий О.қ. татбиқ этилади. Оч қолдириб даволаш курси 2 даврдан иборат: оч қолиш ва тикланиш, бу даво усулини касалхона шароитида олиб бориш мақсадга мувофиқ.

ОЧАМАЙЛИ, ачамайли, очамойли, ашамойли — 1) ўзбекларнинг *дўрмон, кенагас, найман, қўнғирот, қурама, юз* қабилалари таркибига кирган йирик уруғлардан бири, қозоқлар ва қорақалпоқлар таркибида ҳам бор; 2) ўзбек қунғиротлари ва қорақалпоқ қўнғиротларига мансуб қабила. Бу қабила қорақалпоқ қунғиротларининг Шуллук бўлими таркибига киради. О. қабиласи 13 уруғдан ташкил топган. Улар 19-а.нинг ўрталарида 750 га яқин хўжаликдан иборат бўлган.

ОЧАМБИТИ — қ. *Жаг-жаг.*

ОЧАРЧИЛИК — иқтисодий таназзул, инқироз ва танглик оқибатида жамият миқёсида юзага келадиган кескин озиқ-овқат танқислиги. О. ижтимоий ҳодиса бўлиб, урушлар, қурғоқчиликлар, табиий офатлар, зилзилалар, ҳар хил экологик фалокатлар ва б. табиий ҳодисалар натижасида муайян мамлакатда оммавий тус олиши мумкин. О. 2 хил: очиқ (мутлақ О.) ва яширин (нисбий О. — тўйиб овқат емаслик, овқатланиш рационида ҳаётий зарур озиқ-овқат турларининг етишмаслиги) кўринишларда намоён бўлади. Ҳар икки шаклда ҳам О. оғир оқибатларга — турли юқумли ва руҳий касалликларга, ақлий ва жисмоний ривожланиш жараёнларининг издан чиқишига, ногиронларнинг кўпайишига, кўплаб бевақт ўлимга олиб келади.

О. ибтидоий жамоа тузуми даврида ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг пастлиги ва инсоннинг табиатга ниҳоятда қарамлиги оқибатида содир бўлган. Жамиятда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига қараб бу қарамлик тобора камайиб борди. Собиқ Совет давлатидаги қурғоқчилик натижасида 1921—22, 1927, 1931—32 й.ларда содир бўлган даҳшатли О. миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди. 2-жаҳон уруши (1939—45) й.ларида бутун Европа О. комига тортилган эди.

БМТ маълумотларига қараганда 1975 й.да дунёда 500 млн., 1990 й.да салкам 620 млн. аҳоли О.ка мубтало бўлган ва 1998 й.да 841 млн.га яқин аҳоли тўйиб овқатланишдан маҳрум бўлди. Қ.х. экинлари ҳосилдорлиги паст ва қолоқ техникага эга бўлган Африка ва Жан.-Шарқий Осиё мамлакатларида миллионлаб аҳоли О.дан қутилган эмас. Жаҳон ҳамжамияти, жумладан, тараққий этган мамлакатлар — АҚШ, Германия, Франция, Япония, Италия, Буюк Британия, Швейцария, Канада ва б. ривожланаётган мамлакатларга қ.х. экинлари ҳосилдорлигини оширишда ва табиий офатлари ҳамда фуқаролик урушлари оқибатларини бартараф этишда яқиндан ёрдам бермоқда.

Жаҳонда аҳоли сонининг ортиб бориши б-н озиқ-овқат муаммоси тобора долзарб муаммога айланади. Мамлакатларда оқилона демографик сиёсат, экин майдонларини кенгайтириш, технологияларни мукаммаллаштириш ҳисобига экинлар ҳосилдорлигини ва илми ҳосилини муттасил ошириш О. муаммосини бартараф этишда муҳим аҳамиятга эга.

Муҳаммаджон Низматов.

ОЧЕРК (рус.) — бадиий адабиётнинг эпик тур жанрларидан бири. О. ўзининг ҳозиржавоблиги, ишонарлилиги, ҳақиқий ҳаётда рўй берган воқеаларни ифодалаши, ҳужжатларга асосланганлиги б-н ажралиб туради. О. бадиий тўқимадан унумли фойдалана олмаслиги, қаҳрамонни типиклаштириш ва индивидуаллаштириш ҳамда асарнинг сюжет ва композицион қурилишини белгилашда ёзувчининг ижодий ёндашуви бир қадар чекланганлиги б-н эпик турнинг *ҳикоя, қисса, роман* жанрларидан фарқ қилади. Чунки очеркнавис аниқ тарихий шароитда бўлиб ўтган, ўзи кўрган, гувоҳи бўлган воқеани қаламга олади, яратажак қаҳрамони б-н юзма-юз суҳбатлашади, унинг ҳаёти ва фаолиятини аниқ ифодалайди. Шу жиҳатдан О.да муаллиф ўз қаҳрамонига нисбатан хайрихоҳлигидан келиб чиқиб, унда учрамайдиган сифатларни юкламайди. О. эркин композиция асосида яратилади. Унда ҳикоя, қисса, роман, драмалардагидек муаллиф «ихтиёридан ташқари» турадиган мустаҳкам композицион марказ бўлавермайди.

О. ҳаётни акс эттириш тамойиллари жиҳатидан *лирика*га яқин туради. Чунки О. жанрида ҳам муаллиф худди лирикадаги сингари ҳаётдан олган таассуротларини, унга муносабатини, ички кечинмаларини бемалол ифодалаш имконига эга.

Ўзбек адабиёти учун О. жанр сифатида янги бўлса ҳам (у, асосан, 20-а.нинг 20—30-й.ларида кириб келган), унинг илдизлари мумтоз адабиётнинг илк намуналаридан озиқланади. Мас., Урхун-Енисей ва Култегин ёдномалари, «Бобурнома» асарларида О.га хос ҳужжатлилик сезилади. О. аслида жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг пайдо бўлиши б-н боғлиқ равишда ривожланади. Дастлабки пайтда О. жанрининг шаклланишига Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор сингари адиблар, кейинроқ Назир Сафаров, Йўлдош Шамшаров, Ҳабиб Нуъмон, Суннатилло Анорбоев, Расул Раҳмон ва б. катта ҳисса қўшдилар. Ҳоз. ўзбек адабиётида О. тараққиёти Даламон Нурий, Ёқубжон Хўжамбердиев кабиларнинг номлари б-н боғлиқ. О. танланган мавзу ва йўналишига кўра, йўл О.лари, муаммоли О.лар, портрет О.лар, суд О.лари каби кўринишларга эга. Ҳар қандай О.да ҳам ёзувчи ҳаётий воқеаларни реал, ростгўйлик б-н тасвирлаб беришга масъулдир. Кейинги йилларда О.жанри ҳам мазмунан, ҳам шаклан бир оз чекинишга юз тутди. Унинг ўрнини эссе жанри кўпроқ эгаллай бошлади (қ. *Эссе*).

Ад.: Адабий турлар ва жанрлар [3 жилдли], 1-ж., 1991; Қўшжонов М., Маъно ва меҳон, Т., 1974.

Йўлдош Солижонов.

«ОЧИЛ ДАСТУРХОН» — сеҳрли эртаклардан. Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган. «Чол б-н кампир», «Очил, супрам», «Ур, тўқмоқ» — мазкур эртакнинг вариантлари. Эртак сюжети тилсим асосига қурилган. Ҳикоя қилинган воқеа-ҳодисалар «йўқдан бор бўлишга» асосланган. Жоду кучига эга бўлган дастурхон бадиий деталь сифатида қолдирилиб яратади ва сюжет давомида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Тилсим воситалари амал қилганда, дастурхон очилиб, ноз-неъматлар пайдо бўлади. «Ур, тўқмоқ» вариантида эса, қовоқ ичидан тўқмоқлар чиқиб, чолнинг рақибини дўппослайди. Эртакда меҳнаткаш халқ оммасининг тўқ ва фаровон ҳаёт ҳақидаги орзу умидлари акс этган. «О.д.» да тинчлик ва шодлик улуғланиб, эгрилик ва фирибгарлик, зулм ва зўрлик каби ижтимоий иллатлар фош этилади.

ОЧИЛБЕК, Очилдев (тахм. 1883, Самарқанд яқинидаги Қўштамғали қишлоғи — 1923.10.5, Китоб атрофидаги Варганза қишлоғи) — Самарқанд вилоятида совет режимига қарши ҳаракат раҳбарларидан бири. Ўзбекларнинг найман уруғидан бўлган. Самарқанд ва Тошкентдаги жадид мактабларида таҳсил олган. Ғузор беки Саид Акрам тўра (Бухоро амири *Олимхон*нинг амакиси) хизматида бўлиб, ҳарбий ишни ўрганган.

1918 й. охирида у бошчилик қилган гуруҳ Самарқанд вилоятида қизил аскарларга қарши ҳужум бошлаган. 1921 й.дан Туркистон миллий бирлиги сиёсий ташкилоти кўрсатмалари асосида иш олиб борган. *Валидий* унинг қароргоҳида бўлиб, большевикларга қарши курашга ғоявий раҳбарлик қилган (1922). О. бошчилигида 10 та қўрбоши (Каттақўрғонда Қорақулбек, Ургутда Ҳожи Абдулқодир, Жиззах атрофида Маъмур Ниёзбек ва Тўрабек, Матчо беклигида Асрорхон, Нусратшоҳ, Ҳамидбек, Ўратепада Холбўтабек ва б.) ва 4000—5000 йигит фаолият кўрсатган. У Самарқанд вилоятидаги бошқа йирик қўрбоши — Баҳромбек (вафоти 1922) б-н ҳамкорликда ҳарбий ҳаракатларда қатнашган. О.нинг ҳужумлари оқибатида Самарқанд—Зарафшон ҳудудидан Матчо тоғлари этакларигача бўлган жойларда совет ҳокимияти ағдарилган. 1923 й. май ойининг бошларида О. ўз гуруҳи б-н Шаҳрисабздаги ватанпарварларга ёрдамга борган. Китоб атрофида қизил аскарлар б-н бўлган жангда ҳалок бўлган, унинг омон қолган (130 йигит) дастасига Зиёвуддин бошчилик қилган.

Ад.: Валидий, Бўлинганни бўри ер [Хотиралар], Т., 1997; Ражабов Қ., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

ОЧИЛОВ Рўзимурод (1926.11.5, Каттақўрғон тумани) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (2002). Тошкент пед. ин-тини тугатган (1963). 1950—59 й.ларда Каттақўрғон туманидаги 8-, 23-мактабда жисмоний тарбия, ҳарбий таълим, 1959 й.дан 10-мактабда тарих ўқитувчиси. Дарсни кўргазмали қуроллар ва техника воситаларидан фойдаланиб, янги педагогик технологиялар асосида ўтади.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — иштирокчилари ўзларига қарашли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф этиши мумкин бўлган *акциядорлар жамияти.* Бундай акциядорлик жамияти ўзи чиқарадиган акцияларга қонун ҳужжатларида белгилаб қўйиладиган шартлар асосида очиқ обуна ўтказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли. О.а.ж.нинг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди. Ўзбекистонда О.а.ж. фаолияти «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ги қонун (1996 й. 26 апр.) б-н тартибга солинади.

ОЧИҚ БОЗОР — товарларнинг бошқа ердан эркин келтирилиб ва чегараланмаган миқдорда олди-сотди қилиниши. Халқаро бозор ўз табиати билан О.б. унда ҳамма мамлакатлар қатнаша оладн. О.б. хориж моллари учун очиқ бўлган миллий ва давлатлараро (минтақавий) бозордир. О.б. бож тўлови б-н ҳимоя қилинмайди, бу ерга товарлар чекланмай оқиб келади. О.б. айрим товарларга нисбатан ҳам қўлланилади. Миллий бозор бир товар учун очиқ бўлса, бошқаси учун ёпиқ бўлиши мумкин. О.б.нинг ўзига хос муайян шароитлари ҳам бор. *Европа Иттифоқи* бозори унда иштирокчи мамлакатлар учун тўла очиқ, лекин бошқа мамлакатлар учун қисман очиқ (яна қ. *Бозор*).

ОЧИҚ ДЕНГИЗ (халқаро ҳуқуқда) — ҳудудий сув чегараларидан ташқарида бўлган, барча давлатлар эркин фойдаланадиган денгиз саҳни. О.д.дан фойдаланиш халқаро ҳуқуқ режими Женева конвенцияси (1958) ва б. халқаро ҳуқуқ нормалари б-н тартибга солинади. О.д. ҳақидаги конвенция денгиз бўйидаги ва денгизга яқин бўлмаган барча мамлакатларга: кемаларнинг эркин сузиш, сув ости кабели ва қувурлар ўтказиш, денгиз устидан учиш, шунингдек, балиқ овлаш, океан ости ресурсларини ўрганиш ва и.т.лар олиб бориш ҳуқуқини беради. О.д. эркинлиги мутлақ чексиз эмас. Бошқа мамлакатларнинг қонуний манфаатлари б-н ҳисоблашмай, ундан турли мақсадларда фойдаланиш ман қилинади (мас., ядро синовлари жараёнида денгиз сувини радиоактив моддалар б-н заҳарлаш, чиқиндилар б-н булғаш ва б.).

ОЧИҚ ИҚТИСОДИЁТ — жаҳон миқёсида товарлар, хизматлар, капиталлар ва ишчи кучи ҳаракатида, миллий иқтисодиётлар ўртасида ўзаро тўсқинликлар бўлмайдиган иқтисодиёт. О.и. унга тескари бўлган ёпиқ иқтисодиётдан айрим белгиларига кўра фарқланади: О.и.да жами таклифнинг қўшимча элементи — экспорт б-н импорт ўртасидаги фарқни белгилайдиган соф экспорт мавжуд бўлади; очиқлик шароитларида товарлар, хизматлар, пуллар ва молиявий активлар меҳнат ресурслари б-н биргаликда валюта бозорини юзага келтиради; бу бозордаги пул қиймати — валюта курси асосий макроиқтисодий параметрга айланади; О.и.да фискал ва пул-кредит сиёсати ёпиқ хўжаликка нисбатан бошқа натижаларни юзага келтиради.

О.и.да монетар сиёсат жами талабга таъсир кўрсатиш нуқтаи назаридан мутлақ самарасиз бўлиб қолади. Шунинг учун пул таклифини кўпайтириш орқали барча таклифларни рағбатлантиришга уриниш «ортиқча» пулларнинг Марказий банкда валютага алмаштириш учун сотилишига олиб келиши мумкин. Бу эса давлат валюта захираларини камайишига олиб келади, лекин умумий талабга таъсир кўрсатмайди. Ҳоз. шароитда турли бозорларнинг очиқлик даражаси ҳам бир

хил эмас. Айрим ҳолатларда юқори даражада товарлар, хизмат бозорлари, кам миқдорда капиталлар бозори, ундан ҳам кам миқдорда эса меҳнат бозорлари эркинлаштирилади.

Миллий иқтисодиётларнинг бир-бирларига нисбатан ўсиб борувчи очиқлиги иқтисодиётни миллийлашуви жараёнининг ажралмас, бошлангич қисмидир. Бу жараёнлар халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштириб, маҳсулот ва хизматлар сифатининг ўсишига ва и.ч. харажатларини пасайишга олиб келади. Кўп мамлакатлар О.и.га ўтишда рўй берадиган хавф-хатарлар бўлишини ҳисобга олиб, ташқи иқтисодий алоқаларни бошқаришда божхона божлари ставкаларини қайтадан кўриб чиқишга, импорт ва экспортга миқдорий квоталар ва лицензиялар белгилашни такомиллаштиришга, валюта назорати олиб боришга аҳамият берадилар. Бундан ташқари, халқаро даражаларда мамлакатлар ўртасида холисона тақсимот, харажатларни энг кам даражага олиб келиш орқали хўжалик фаолиятини миллийлаштириш бўйича механизмларни топиш ишлари ҳам изланади.

Дилорам Тожибоева.

ОЧИҚ ШАҲАР (халқаро ҳуқуқда) — урушаётган томонлардан бири ҳимоясиз деб эълон қилган шаҳар. О.ш. ҳарбий ҳаракатлар майдони бўлиши мумкин эмас. О.ш.нинг ҳуқуқий мақоми 1907 й. Гаага конференциясида қабул қилинган «Қуруқликдаги уруш қонунлари ва одатлари тўғрисида»ги қоидага асосланади. Унга кўра, ҳимояланмаган шаҳарлар, қишлоқлар, турар жой ёки иморатларга ҳар қандай усулда ҳужум қилиш ёки бомбалар ташлаш ман этилади. 2-жаҳон уруши (1939—45) вақтида, мас., Париж, Рим О.ш. деб эълон қилинган эди.

ОЧЛИК ЭЪЛОН ҚИЛИШ — сиёсий, иқтисодий, ижтимоий норозилик шаклларидан бири; норозилик белгиси сифатида овқат ейишдан бош тортиш.

ОЧОА (Ochoa) Северо (1905.24.9, Луарка, Испания — 1993.11.1, Мадрас) — америкалик биокимёгар, АҚШ миллий ФА аъзоси (1957), тиббиёт д-ри. Мадрид ун-тини тугатган (1929). 1940 йдан АҚШда. Илмий фаолияти нуклеин кислоталар (НК) биокимёси, фотосинтез механизмига оид. О. генетик кодининг маъносини очиб бериб, НК биосинтези механизмини ўрганган.

Полинуклеотидфосфорилаза ферментини ажратиб олиб тадқиқ этган. Нобель мукофоти лауреати (1959, *Корнберг* б-н бирга).

ОШ ТУЗИ — қ. *Натрий хлорид.*

ОШ ҚОВОҚ — қовоқдошлар оиласига мансуб ўсимлик (қ. *Қовоқ*).

ОШАНИН Василий Федорович [1844.21.12(1845.2.1), Липецк вилояти Данков тумани — 1917.25.1(7.2), Петроград] — рус энтомологи ва сайёҳи. Москва ун-тини тугатган. 1872—1906 й.ларда Туркистонда ишлаган. 1878 й. Помирга экспедиция уюштириб, Федченко музлигини кашф этган. Асосий илмий ишлари Ўрта Осиё ва Россиянинг Европа қисми ўрта минтақаси ярим қанотли ва тенг қанотли ҳашаротларини ўрганишга бағишланган. Янги турларни кашф қилган, 5 мингдан кўпроқ турларнинг систематик ва географик каталогини тузган.

Ас.: Зоогеографические задачи в Туркестане, Т., 1880; Зоогеографический характер фауны полужесткокрылых Туркестана, СПБ, 1891; Указатель литературы при определении фауны полужесткокрылых, Т., 1916.

ОШАНИН Лев Васильевич (1884.7.3 — Тошкент — 1962.9.1) — антрополог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1959). проф. (1935), биология фанлари д-ри, (1939). Ўрта Осиё ун-ти антропология кафедраси мудири (1939—60). Ўрта Осиё антропологияси асосларини ишлаб чиққан. О. Ўрта Осиё ҳудудида 2 европеоид антропологик тип: закаспий ва икки дарё оралиги ирқи (қ. *Помир-Фарғона ирқи*)ни ажратган, шунингдек, туркманларни скиф-сарматлардан келиб чиққанлиги ҳақидаги гипотезани асослаб берган.

ОШЕЙКО Анатолий Кузьмич (1913.14.1, Узоқ Шарқ ўлкасидаги Липовци ш. —1987.2.11, Тошкент) — график рассом. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1974). Владивосток ш.даги бадиий мактабда ўқиган (1928—30). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—45). Туркистон ҳарбий округи сиёсий ишлар бош бошқармасида рассом (1946—49). «Ўзбекистон хотин-қизлари» жур.да бадиий муҳаррир (1947—60), Ўзбекистон давлат нашриётида бош рассом (1960—87). О. ижодида китоб безаги ва графика етакчи ўринни эгаллайди. «Ёш Ўзбекистон», «Ўзбек халқ шеърияти», «Олтин қишлоқ» (М. Миршакар), «Шуъла» (М. Шайхзода) ва б. китоблар безагида ўзбек халқ амалий безак санъати анъаналаридан ижодий фойдаланган. Линогравюралари («Қуёш ботиши. Самарқанд», «Қирғ», «Қиш. Ан-ҳор», «Катта энергия» ва б.)да кескин ранглардан моҳирона фойдаланиб, манзара, ҳолатлар ифодалилиги ва таъсирчанлигига эришган.

ОШИҚ, ошуг — озарбайжон, арман ва б. халқларда шоир, хонанда ва бастакор. О.лар санъати қад. туркий ўзон ва арман гусанлар анъаналари негизида 16—17-а.ларда ривож топди. Репертуаридан ишқий, қаҳрамонлик, насиҳатомуз ва б. қўшиқлар, достонлар («Кўрўғли», «Асли ва Керем», «Ошиқ Ғариб» ва б.). О.ларнинг ижодий мусобақаларида ижро этиладиган айтишувлар ўрин олган. Мусиқа услубига боғлиқ парталарда куйлаш, тор ҳажмдаги оҳанглар, ритмик балиқғуйлик, баднақарот шаклдар хосдир. О.лар мусиқа ижросида соз, тор, кеманча каби мусиқа чолғуларидан фойдаланади. Тарихда Саят-Нова, Живани, Шерам, Мискин Бурҳи, Қурбони, Дилғам, Алескер, 20-а.да А. Ўзаев, М. Байрамов, Григор, Ашот ва б. О.лар танилган.

«ОШИҚ ҒАРИБ» — ишқий-романтик достон. Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда турли вариант ва версияларда кенг тарқалган: «Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам», «Ғариб ва Санам», «Ғариб Ошиқ», «Ғарибжон» каби номлар б-н ҳам машҳур. Дастлабки варианти Озарбайжон ёки Туркияда тахм. 14-а.да яратилган. 17-а. ўрталарида Ўрта Осиёга ёйилган. Шоҳаббос ўз вазири б-н бўлгуси фарзандларини унаштириб, қуда бўлишга ваъдалашади. Аммо вазир вафот этгач, шоҳ ўз ваъдасидан тониб, қизи Шоҳсанамни вазир ўғли Ғарибга беришдан бош тортади. Ғариб араздаб, элдан бош олиб кетади. Шоҳсанам Шоҳдалада уналтирилади. Ғариб хонанда-бахши сифатида тўй устига етиб келади ва халқ ёрдамида ўз севгилисига етади. «О.Ғ.» вариантларида Ўрта Осиё ва Кавказ халқлари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар, ўзаро дўстлик, шунингдек, ишқ-муҳаббат, вафодорлик каби соф инсоний фазилатлар акс этган. Достон илк бор турк тилида Истанбулда (1880), кейин ўзбек тилида Бухорода (1906), Тошкентда (1907), озарбайжон тилида Ганжада (1902) нашр этилган. Йигма нашри Тошкентда чиққан (1956).

ОШИҚЎТ (Chrorophora Neck.) — сутламадошлар оиласига мансуб бир йиллик ўтсимон ўсимликлар туркуми. Ўзбекистонда бир неча турлари, хусусан, олмагул О. (Ch. hierosolymitana Spreng.), қийшиқ О. (Ch.obliqua (vahl) A. Juss.) учрайди. Бир уйли, айрим жинсли ўсимлик. Сершох, барглари узун бандли, кенг тухумсимон ёки ромбсимон, четлари ўйма тишчали, уз. 2,5—6 см, эни 1,8—5 см. Тожбарглари кўп, тўпгули шингилсимон, сершох, чочоқ тўпгулли. Чангчи гуллари 5—8 та, гулкоса ва гултожибарглари 5 бўлакли, уруғчи гуллари 2—6 та, узун гулбандда ўрнашган. Кўсакчаси туклар б-н қопланган. Май— сент. ойларида гуллаб, уруғлайди. Кўпинча адир ва тоғли минтақаларда, экинлар орасида ўсади.

ОШКОРАЛИК — демократиянинг зарур шарти; жамоатчиликка муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятига оид барча маълумот, хабарларни билиш, муҳокама ва назорат этиш учун рўй-рост эълон қилиш. Турли даражадаги раҳбарларнинг жамоатчилик б-н эркин мулоқотлари, савол-жавоблари ва бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиш, цензурага йўл қўймаслик О.ни таъминлашга ёрдам беради.

ОШКОРМАС ФУНКЦИЯ — эркинг ўзгарувчига нисбатан очилмаган ҳолда берилган функция. Бир аргументли О. ф.нинг умумий кўриниши:

$$F(x, y)=0. \qquad (1)$$

Мас., $y^2-x=0$ тенглама $y=\sqrt[2]{x}$ О. ф.ни, $x^2+y^2-1=0$ тенглама $y=\sqrt{1-x^2}$ О. ф. ни аниқлайди. (1) кўринишдаги тенглама О. ф.ни аниқламаслиги ҳам мумкин, мас., $x^2+y^2+1=0$. Агар (x_0, y_0) нуқтанинг бирор атрофида $F(x, y)$ функция ва унинг хусусий ҳосилалари узлуксиз, шунинг-дек, $F(x_0, y_0)=0$, $F_y'(x_0, y_0) \neq 0$ бўлса, (1) тенглама $y_0(x_0)=y_0$ шартни қаноатлантирувчи ягона $y=y(x)$ О. ф.ни аниқлайди. Бу ҳолда О. ф. ҳосиласи

$$y'(x) = -\frac{F_x'[x, y(x)]}{F_y'[x, y(x)]}$$

формула б-н ҳисобланади. (1) тенглама О. ф.ни аниқлаш ҳам у элементар функциялар б-н ифодаланмаслиги мумкин. Мас., $x+2y+\sin y=0$. Бундай ҳолларда О. ф.нинг қийматини ҳисоблашда тақрибий усуллар қўлланилади.

ОШҚЎҚЛАР — таомларга (кўк ҳолича) қўшиладиган кўкатлар. О.га жамбил, кашнич, петрушка, райҳон, кўк (барра) пиёз, шивит, саримсоқ кўки, сельдерей ҳамда баҳор ойларида ёввойи ўсадиган ялпиз ва б. киради. Улар лаззатли таом тайёрлашда *зиравор*лар каби муҳим аҳамиятга эга. О. таркибида ифори (эфирли) мойлар, турли витаминлар мавжуд. О. қўшилган таомлар хушхўр бўлади, яхши хазм бўлади. Аксарият О. тўғралган ҳолда суюқ ошларга қўшилади, шунингдек, уларнинг шохчаларини салатларни безашда ишлатилади. О.дан райҳон, жамбил шўрваларга шохчаси б-н ҳам собилинади. Баъзи О. (мас., укроп, петрушка) бодринг ва помидор тузлашда, сиркалаб консерва қилишда ишлатиладиган О. толқонидан қиш фаслида ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўзбек пазандалигида отқулоқ, немалоқ, ялпиз, жағ-жағ, момақаймоқ беда, анзур пиёзи, семизўт кабиларнинг янги униб чиққан барглардан ёғ қўшиб (сомса, чучвара ва б.) таомлар тайёрланади.

ОШЛАШ, тери ошлаш — махсус моддалар, эритмалар (қ. *Ошловчи моддалар*) б-н тери ва мўйнани ишлаш, терининг жунини тўкиш (ялангочлаш). Терини О. б-н одамлар қадимдан шуғулланишган. Ибтидоий одамлар кийим тўлланишган. Ибтидоий одамлар кийим ўрнида ҳайвон терисини ёпиниб юришган. Улар аста-секин тери О.ни, унга кигиз, мўвий ва механик ишлов бериб, ундан чарм тайёрлашни, чармдан пойабзал ва кийим-бош тикишни ўрганиб олишган. Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларида ҳам тери О. ҳунари машҳур бўлган, дастлабки тери О. дўконлари 19-а. 2-ярмида пайдо бўлган. 20-а. бошларида артеллар, ҳамда кейинчалик давлат корхоналари ташкил бўла бошлаган. Лекин хусусий тери ошловчилар ҳам сақланиб қолган (улар ҳозир ҳам мавжуд). О. заводларда чанлар, баркаслар, барабанларда амалга оширилади. О. жараёнида жун қирқиш машинаси, силлиқлаш машинаси ва б. машина ҳамда аппаратлардан фойдаланилади (яна қ. *Кўнмачилик, Кўн-пойабзал саноати*).

ОШЛОВЧИ МОДДАЛАР — тери ва мўйнани ошлашда ишлатиладиган моддалар. О.м. минерал ва органик турларга бўлинади. Хром, алюминий, циркония, титан, кремний, темир бирикмалари минерал О.м.га киради. Бу бирикмаларнинг кўпчилиги сульфат кислота тузлари бўлиб, сувли эритмалар ҳолида ишлатилади. Хром бирикмалари тери ва мўйналарнинг барча турларини ошлашда кенг қўлланади. Циркония ошлашда кенг қўлланади. Циркония бирикмалари терини чидамли ва сиртини силлиқ қилади.

Органик О.м. ҳайвон, сунъий ва синтетик турларга бўлинади. Турли балиқлар ва денгиз ҳайвонларининг юқори тўйинмаган ёғлари ҳайвон О.м.ига мансубдир. Улар замшани ошлашда қўлланади. Ўсимлик О.м.ига кирадиган таннидлар ўсимликлардан олинади. Турли ўсимликлардан олинган таннидларнинг таркиби турлича, улар гидролизланадиган, конденсирланган ва б. машина ҳамда аппаратлардан фойдаланилади (яна қ. *Кўнмачилик, Кўн-пойабзал саноати*).

Сунъий О.м. юқори молекулали моддалар бўлиб, органик хом ашёлардан қайта ишловчи саноат чиқиндиларидан иборат. Сунъий О.м. ишлатиш асосан бўлиши учун концентрланади, баъзида эса тозаланади. Целлюлозани қайта ишлашда ҳосил бўлган сульфит-целлюлоза экстракти сунъий О.м.нинг яққол вакилидир. Бу хил О.м. тери яримфабрикатига таннидларга қарағанда тез сингади.

Синтетик О.м. ёки синтанлар турли органик бирикмалардан олинадиган О.м.дир. Фенол ва унинг ҳосилалари, ароматик углеводородлар, нафтоллар, сульфонлар, лигносульфон кислоталар, формалин, мочевина ва б. синтанларнинг асосий хом ашёси ҳисобланади. Синтанларнинг ўсимлик О.м. б-н бирга ишлатиладиган хили ҳам бор. Юқори сифатли синтетик О.м. олиниши натижасида қимматбаҳо эман дарахти экстракти и.ч. кескин равишда камайди. О.м.нинг тури кўпайди, ҳоссалари ва сифати яхшиланди ва тери и.ч. жараёни тезлашди.

Ҳинон ва формальдегид ҳам ошлаш хоссасига эга бўлган оддий органик бирикмалардир. Улар таннидлар ва хром бирикмалари б-н биргаликда ошлашда ишлатилади.

ОШОГБО — Нигериянинг жан.-ғарбий қисмидаги шаҳар, Ошун дарёси бўйида. Аҳолиси 650 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Т.й. ва автомобиль йўллари тутуни. Какао, мойли пальма меваси, пахта, тамаки етиштириладиган қ.х. районининг йирик маркази. Тамаки ва пахта тозалаш корхоналари бор. Шаҳарга 17-а.да асос солинган.

ОШХОНА — сўнгги *мезолит* даври манзилгоҳи. Шарқий Помирдаги Мирқансув дарёсининг ўнг ирмоғи ҳавзасида, Уйсу музлиги (Тожикистон)дан 12 км узоқликда (денгиз сатҳидан 4100 м баландликда) жойлашган. Тош қурол ишлайдиган устахона ва манзилгоҳдан иборат. 1957 й. В. А. Ранов бошчилигидаги Тожикистон ФА археологик отряди ўрганган.

О.дан мезолитдан илк неолитга ўтиш даврини қамраб олувчи 4 та маданий қатлам очилган. О. материаллари кварц ва чақмоқтош қуроларга археик палеолит усули б-н ишлов берилганлигини ва *микролитлар, нуклеуслар* пайтини ва бўлаётганлигини кўрсатади.

ОШҚОЗОН — қ. *Меъда.*

ОШҲАЛОЛ, ошҳалол, ошалол — Ўрта Осиё халқларида, жумладан, ўзбекларда подачиларга таом бериш одати. Ўтмишда қишлоқларда моли кам оилалар ўз моллариини (кўпинча қорамолларини) бирлаштириб пода ташкил этганлар. Эрта баҳорда жамоа йигинида қишлоқ подасини боқиш учун камбағаллардан ва таниқли бир кишини подачи қилиб танланган. Подачи ўз меҳнати эвазига (мол боши ва катта-кичиклигига қараб) ҳар ойнинг охирида келишувга кўра, натура (дон) ёки пул олишдан ташқари мол эгаларидан ҳар чоршанба куни битта нон (мол сонига қараб), жума ёки якшанба — бозор

оқшоми кунларида эса пиширилган таом олган. Одатда кечқурун пола қайтганда подачининг ўғиллари хонадонма хонадон юриб О. йиққанлар. Мол эгалари О. сифатида уларга гўжа, айрон ёки нон беришган. Подачи таомларни оиласи б-н тановул қилиб ортганини эса яйловга олиб чиққан. Шу боисдан ҳам подачига бериладиган бу таом О. (яъни, подачининг ҳалол меҳнати учун берилган ош, таом), деб аталган.

ОЯТ (араб. — илоҳий белги, мўъжиза) — Қуръон сураларининг бандн. Исломга кўра, О. Аллоҳнинг ўз элчиси Муҳаммад(сав)га ваҳий қилиб, бандаларга қўлланма сифатида юборган фармойиши, мўъжизаси. Қуръонининг 7-а.га оид илк нусхаларидаёқ суралар О. ларга бўлинган ва ҳар сура доирасида тартиб б-н рақамланган. О.ларининг айримлари қисқа иборалан, баъзилари бир неча жумладан ташкил топган. Қуръон О.ларининг сони 6236 та экани кўпроқ манбаларда қайд этилган. Айрим О.лардан масжидлар, ислом мамлакатларидаги расмий идоралар ва хусусий уйларнинг ички ва ташқи безаги сифатида фойдаланилади. Қабртошларга ҳам О. ёзиш учраб турали. Бир қанча О.лар ва уларнинг қисмларига мўъжизакор, сеҳрли куч сифатида қаралиб, улардан тумор қилинган; бундай О.лар оят-уз ҳафз (ҳимояловчи О.), оят-уш шифо (шифо О.) деб аталади.

ОЯТУЛЛОҲ (араб. — Аллоҳ мўъжизаси) — шиаликда мустақил фатво бериш ҳуқуқига эга бўлган дин олими (*мужтаҳид*)ларининг унвони. О. истилоҳи шу маънода 19-а.нинг 2-ярмида ишлатила бошлаган. 20-а. 40-й.ларидан эса кенг қўлланилмоқда. О.лар диндорлар орасида катта обрўга, шиалик тарқалган давлатларда (Эрон, Ироқ) сиёсий таъсирга ҳам эга. О. унвони юзлаб уламоларда бор. Улардан бир нечаси «Оятуллоҳи узмо» («Буюк О.»), энг юксак обрўга эга бўлган биттаси «Маржаи тақлид» («Тақлид қилинадиган инсон») деб аталади ва у барча шиаларнинг олий раҳнамоси деб танилади (яна қ. *Хумайний*).

ОҚ АЙИҚ [Ursus (Thalarctus) maritinus] — айиқсимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи; баъзан алоҳида Thalarctos уруғига ажратилади. Гавдасининг уз. 2—2,5 м, баъзан 3 м гача, баландлиги (яғринидан) 1,5 м гача, вазни 800 кг гача. Юнги оқ, баъзан лимон ёки кулранг тусда. Товони ва панжаларининг ости юнг б-н қопланган. Арктика фаунасининг типик вакили, сузувчи мўзликлар ва Шим. Муз океани соҳиллари яқинида яшайди. Яхши сузади ва шўнғийди. Асосий озиғи — тюленлар. Паст ҳароратга яхши мослашган, гавдаси массасининг 40 % ини ёғ ташкил этади. Атроф муҳит ҳарорати —50° гача пасайганида ҳам танасидаги газ алмашинуви кучаймайди, яъни терморегуляция учун қўшимча энергия сарфламайди. Март—апр.да урчийди. Уруғланган 2 йилда 1 марта (дек.—январда) 1—3 та кўзи юмуқ бола туғали. Бўғоз уруғланган қор остидаги инида қишки уйқуга кетади ва фақат март—апр.да бола-

Оқ айиқ.

лари б-н инидан чиқади ва кеиб ҳаёт кечиради. Болалари 1,5 йилгача онасига эргашиб юради. О.ларн териси ва гўшти учун кўп овланади. 1956 й.дан овлаш ман қилинган. 1976 й.дан халқаро муҳофазага олинган, Халқаро ва РФ Қизил китобларига киритилган.

ОҚ АКАЦИЯ, сохта акация (Robinia pseudoacasaia L.) — дуккакдошлар оиласига мансуб дарахт тури. Бўйи 20—30 м. Барги узун бандли, уз. 10—25 см, патсимон мураккаб; ҳар бир барги 5—12 жуфтгача япроқчали. Гуллари оқ, ҳидли, ширали, тўпгули шингилсимон. Дуккаги туксиз, уз. 5—7 см. Апр.нинг охири — майнинг бошида гуллайди, окт.да мева тугади. Ўрта Осиёда манзарали (асалли) дарахт сифатида парк ва хиёбонларга экилади, қургоқчилликка ва шўрга чидамли бўлгани боис тог ёнбағирларини ва адирларни ўрмонлаштириш учун кўпайтирилади. Ёғочи пишиқ. Дурадгорликда ишлатилади.

Оқ акация. Гуллаган шохчаси.

ОҚ ДЕНГИЗ — Шим. Муз океанининг ички денгизи. РФ Европа қисмининг шим. қирғоқларига туташ. Шим.да Горло бўғози орқали Баренц денгизи б-н боғланган. Майд. 90 минг км². Ўртача чуқ. 67 м, энг чуқур жойи 350 м. Йирик қўлтиқлари: Кандалакша, Онега, Двина, Мезень. Йирик ороллари: Соловки, Моржовец, Мудьюга. О.д.га Шим. Двина, Мезень, Онега, Вит, Умба, Варзуга, Поной дарёлари қуйилади. Иқлими денгиз қутб иқлими б-н континентал мўътадил иқлим оралиғида. Январда ҳавосининг ўртача т-раси —9° дан —13° гача, июлда 8° —15°. Йиллик ёғин жамда 529 мм, шим.-шарқда 282 мм. Сувининг т-раси денгиз юзасида ёзда 6,9° дан 15° гача, қишда марказий қисмида —1,3° дан —1,7° гача ва қўлтиқларда 0,5° дан 0,7° гача. Сувининг шўрлиги 24 ‰ гача. О.д. окт.—ноябрдан бошлаб май—июнгача музлаб ётали. Сув кўтарилиши 10 м гача. Денгиз тубида яшайдиган 720 тур ҳайвон, 60 турдан ортиқ балиқ, 5 тур денгиз сут эмизувчилари бор. Портлари: Архангельск, Онега, Беломорск, Кандалакша, Кемь, Мезень, Умба. О.д. Оқ денгиз — Балтиқ канали орқали Балтиқ денгизи ва Волга — Балтиқ сув йўли орқали эса Азов, Каспий ва Қора денгизлар б-н туташган.

Оқ денгиз. Гренландия тюленлари.

ОҚ ЖЎХОРИ, қўкон жўхори (Sorghum cernuum) — бошоқдошлар оиласига мансуб бир йиллик ўсимлик. *Жўхори*нинг бир тури.

ОҚ ИДИЛ — Бошқирдистон Республикасидаги дарё. Каманинг чап ирмоги. Уз. 1430 км, ҳавзасининг майд. 142 минг км². Иремель ш. шарқидан (Жан. Урал) бошланади. Юқори оқимида Жан. Урал тоғлари орасидан, Уфа дарёси қуйиладиган жойдан қуйироқда текисликда оқади. Асосан, қордан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи Бирск яқинида 858 м³/сек. Нояб.да муздаб, апр.да мулдан бўшайди. Асосий ирмоқлари: ўнгда — Нугуш, Сим, Бир, Танып, Уфа; чапда — Ашкадар, Уршак, Кармасан, Чермасан, База, Сюнь, Дёма. Уфа ш.дан бошлаб кема Бирск ш.лари жойлашган.

ОҚ ИЛОН, чипор илон (Coluber ravergieri) — сувилонсимонлар оиласига мансуб тур. Гавдасининг уз. 1—1,5 м. Териси кулранг, баъзан сариғиш, яшил тусда товланади. Калтакесаклар, қушлар ва кемирувчилар б-н озиқланади. Кунузи девор ёриқларида, тошлар тагида, турли кемирувчилар инида, баъзан одам яшайдиган биноларда яшириниб ётади, ертаълб ва кечқурун фаол. Уруғланган июнь—июль ойларида 5—20 та тухум қўяди. Тухумдан боласи август—сент.да чиқади. О.н. апрель—май ойида пўст ташлайди. Миср, Ўрта Осиё, жан.дан, Ўзбекистон, Закавказье, шим.-гарбий Хиндистонда тарқалган. Ўзбекистонда типик кенжа тури учрайди. Заҳарсиз, безовта қилинса, пишлайди.

Оқ илон.

ОҚ КАПАЛАКЛАР (Pieridae) — кундузги капалаклар оиласи. Ёзилган қанотларининг уз. 8 см гача, кўпинча оқ, сариқ ёки алвон рангли қора доғлари бор. Қуртлари яшил ёки олачипор рангли, танаси қалин ва калта тукдар б-н қопланган. Ғумбаги ипак белбоғ ёрдамида субстратга ёпиштан бўлади. 500 га яқин, жумладан, Ўзбекистонда 10 га яқин тури маълум. Қуртлари, асосан, карамдошлар ва бурчоқдошларда ривожланади. Бир қанча турлари (карам, турп, дўлана капалаклари) ўсимликларга жиддий зиён келтиради. Айрим вакиллари ноёб тур сифатида муҳофаза қилинади.

ОҚ КИШМИШ — ўртапишар, майизбоп узум нави. Ватани — Марказий Осиё ва Яқин Шарқ. Унинг Кишмиши Сафед, Бедона майиз, Кишмиш, Султонина (Франция), Томпсеон Сидлесее (АҚШ) номлари бор. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига киради. Тупи кучли ўсали. Барги ўртача катталикда, думалоқ, 3—5 бўлакчали, гули икки жинсли.

Оқ кишмиш узум нави.

Узум боши ўртача катталикда (бўйи 17, эни 10 см), шакли цилиндр-конуссимон, шингилларн зич. Ғужуми майда, уруғсиз, юмалоқ, ранги оч сариқ, пўсти юпқа, карсиллайди. Сент. бошларида тўлиқ пишади. Таркибида 25—26% қанд, 4—4,5 г/л кислота бор. О. нави қурғоқчиликка чидамли, совуққа чидамсиз. Кул, атракноз, барг ўровчилардан зарарланади. Ҳосилдор-лиги 200—250 ц/га. Узуми янгилигида ейилади, майиз қилинади. Ўзбекистоннинг барча вилоятларида р-илаштирилган. Самарқанд вилоятида кўп экилади.

ОҚ МАСЖИД — Самарқанд вилояти Тим қишлоғидаги меъморий ёдгорлик (15-а. 2-ярми — 16-а. бошлари). О.м. пештоқ-равоқли, бир хонали, гумбаз томли. Деворлари ганч б-н қопланган (номи ҳам шундан). Бош тарзи пештоқли, равоқли эшик орқали кирилади. Эшик тепасидаги тобадон ганч панжара б-н безатилган, унинг тепасига дарча ишланган. Пештоқнинг ўнг қаноти текис девор, чап қаноти эса томга чиқиладиган зина бор. Икки ён тарнида эшик бўлиб, унинг тепасидаги тобадонлар ҳам ганчкори панжаралар б-н безатилган. Ички хонанинг гумбаз ости баландлиги 16 қирралн, равоқсимон безакли. Жан.-гарбий деворига меҳроб ишланган. Умумий таррн 14,78×12,41 м, хонақоҳ 7,10×7,10 м, пишиқ тишт (27×27×5—6 см) ганч қоришмасида терилган.

ОҚ МАСЖИД — Хивадаги меъморий ёдгорлик (18—19-а.лар). Уч томони айвонли, бир хонали гузар масжиди. Тарнонли, бир хонали гузар масжиди. Тарҳи 25,5×13,5 м. Хонақоҳ (6,3×6,3 м)нинг гумбази чорси асосга ўрнатилган. Гумбази ва асосн узоқдан оппоқ бўлиб кўринади (номи ҳам шундан).



Оқ масжид (Хива).

Хонақоҳ ичига ишланган чуқур равоқлар ҳисобига кенг кўринади. Жан. деворида меҳроб бор. Гумбаз ости бағаллари 4 погонали муқарнаслар б-н тўлдирилган. Панжаралар ва 3 эшик гирих нақшлар б-н ўзига хос услубда безатилган (нақшларни ота-бола Нурмуҳаммад Одина Қаландар ўғли ва Қаландар Самдмуҳаммад ўғли безаган). Ёғочустунлар оддий, фақат устунларнинг юқори қисми хотамкори пиликлардан териб безатилган. О.м. таъмирланган, айвон суфаси тикланган, томи ва деворлари тузатилган.

ОҚ МИТТИ ЮЛДУЗЛАР — айниган газлардан иборат кичик ўлчамли жуда зич қайноқ юлдузлар. Массалари Қуёш массасига яқин, лекин ўлчамлари Қуёшга нисбатан тахм. 100 марта кичик бўлади. Шу туфайли О.м.ю.нинг зичликлари жуда катта -10^6 -10^9 кг/м³. Радиуси бир неча минг км, сиртидаги т-ра 10 минг К. Т-раси ва спектри оқ рангли юлдузларга мос экани ҳамда ўлчамлари кичиклиги сабабли шу ном б-н аталади. Галактикамиздаги юлдузларнинг 10% га яқини О.м.ю. ташкил қилади. Ушбу физик ҳолат юлдузлар эволюциясининг энг охирги босқичларидан бирига тўғри келади. О.м.ю. массаси юқоридан 1,4 қуёш массаси б-н чегараланганлигини биринчи бўлиб ҳнид астрономи С. Чандрасекар кўрсатган. Ҳисоб-китобларга кўра, О.м.ю. нормал юлдузларнинг портлаб, ташқи қобиқларининг фазога тарқаб кетиши натижасида вужудга келган.

ОҚ МУШАК КАСАЛЛИГИ — чорва моллари, паррандаларда учрайдиган касаллик. Моллалар алмашинувининг бузилиши, миокард-юрак мушаги ва скелет мушакларидаги функционал ҳамда морфологик ўзгаришлари б-н кечади. Кўпроқ бузоқлар ва қўзиларда, камроқ чўчқа болаларида, мўйнали ҳайвонларда, жўжалар ва б.да кузатилади. Озуқа таркибида оқсил, фосфор, микроэлементлар ва витаминлар етишмаганда, ҳайвонлар ва паррандалар сурункали бир хил ва тўйимсиз озуқа б-н озиқлантирилганда юзага келади.

Бузоқлар ва қўзиларда касалликнинг бошланишида ҳолсизлик, кўп ётиш; скелет мушаклари зарарланганда — ҳаракат мувозанатининг бузилиши, паралич, миокард зарарланганда — юрак уришн ритмининг бузилиши, тахикардия, нафас олишнинг тезлашиши кузатилади. Касаллик ривож олса, оёқлар, кўкракларда, қоринда шиш пайдо бўлади. Сийдикда шакар, ацетон таначалари пайдо бўлади. Касаллик ўткир ва ярим ўткир, баъзан сурункали кечади. Касаллик клиник белгилари пайдо бўлгандан кейин, одатда, 3—7 кун давом этади, айрим ҳолларда касаллик белгилари намоён бўлгандан кейин ҳайвон бир неча соат ичида нобуд бўлади.

Даволаш. Ҳайвонларни яхши шароитларда сақлаш ва тўйимли озуқалар б-н боқиш. Тери остига натрий селенит тузининг 0,5% эритмаси (1 кг тана массасига 0,1—0,15 мг қуруқ модда юборилади), витамин Е берилади. Асорат пайдо бўлса антибиотиклар қўлланилади.

Олдини олиш. О.м.к. бўйича нотинч хўжаликларда ҳайвонларни бог-

лаб боқиш пайтида рационга силос, бедa, суяк уни, микроэлементлар қўшилади. Бўғоз моллarга (туғишгача 20—30 кун қолганда) ва янги туғилган бузоқ ва қўзиларга натрий селенитларнинг 0,5% эритмасидан тери остига юбориш тавсия этилади. Жўжаларга 1 кг озуқага 1 мг селен қўшиб, 5—7 кун давомида берилади.

Ҳошим Нурманатов.

ОҚ НИЛ, Баҳр ул-Абъяз (араб. баҳр — дарё, абъяз — оқ) — Нил дарёсининг чап ирмоғи, Ал-Газал дарёси қуйилган жойдан Кўк Нил дарёси қуйиладиган жойгача бўлган қисмининг номи. Уз. 957 км. Энг катта ирмоғи (ўнгдан) Сабат (у тўлиб оққан вақтларда кўплаб оқиш рангдаги муаллақ оқизиқлар келтиради; дарё номи ҳам шундан). Сабат қўшилган жойдан Кўк Нил қуйиладиган жойгача жуда секин оқади. Юқори қисмида йиллик ўртача сув сарфи 453 м³/сек., Хартум ш. ёнида эса 800 м³/сек. Нил сувини тартибга солиш учун Хартум ш.дан 40 км юқорига тўғон қурилган. О.Н.дан суғоришда фойдаланилади, балиқ овланади. Кема қатнайди.

ОҚ ТАНГА — ибтидоий одамлар яшаган унгур. Туркистон тизма тоғининг Зарафшон дарёси воҳасида жойлашган. 1954—63 й.ларда Тожикистон ФА Тарих ин-тининг археология отряди (Б. А. Литвинский, В.А.Ранов) текширган. 80 м² майдон очилиб, турли даврга оид 11 та маданий қатлам топилган. Булардан энг қад.си *мезолит, неолит, энеолит, жез даври*, антик ва ўрта асрларга оиддир. О.т.дан кўплаб меҳнат ва ов қуроллари топилган, улар Ўрта Осиё халқларининг қад. тарихи ва маданиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга.

«ОҚ ТЕРАКМИ, КЎК ТЕРАК?» — болалар ўйини. Бу ўйинда иштирокчилар бўйи, кучи ва чаққонлигига қараб тенг 2 жамоага бўлиниб (ҳар жамоада 10 дан 20 тагача бола қатнашади), 15—20 м оралиқдаги масофада қўл ушлашиб сафланиб турадилар. Биринчи жамоа сардори 2-жамоадан бирининг отини айтиб чақиради:

Оқ теракми, кўк терак!
Бизлан сизга ким керак?
Сиздан бизга, «фалончи» керак.

Шундан сўнг ўша чақирилган бола югуриб келиб, рақиб жамоа аъзоларининг қўл ушлашиб турган ерини кўкраги б-н узишга уринади. Агар қўллар ушланган жойидан узилиб кетса, рақиб томондаги болалардан хоҳлаганини ўз жамоасига олиб кетади, узолмаса, ўзи ўша жамоада қолади. Ўйин шу тариқа навбат б-н давом этади. Қайси жамоада ўйинчилар қолмаса, ўша жамоа ютқазган бўлади.

ОҚ ТОЛ (Salix alba L.) — толдошлар оиласига мансуб манзарали дарахт. Новдалари тўғри, эгилувчан, барги ингичка (1—3 см), узун (5—15 см), чети арра тишли, иккала томони кумушранг туклар б-н қопланган. Кўчаласи 3—5 см, барги б-н бир вақтда чиқади. Апр.—майда гуллаб мевалайди. Каналлар, ариқлар ва ҳовузлар бўйига экилади. Новдасидан қаламча қилиб кўпайтирилади. Бир йиллик новдаларидан сават ва б. анжом тўқилади, 3—4 йилликлари эса сўри, ишком қилишда ишлатилади (қ. *Тал*).

ОҚ ТУНЛАР — ёзнинг бошида иккала ярим шарнинг 60° дан наридаги кенгликларида кузатиладиган ёруғ кечалар. Оқшом гира-ширалиги тонг б-н қўшилиб кетадиган даврда содир бўлади. Оқшом (қош қорайиши) ботаётган Қуёш гардиши марказий нуқтаси уфқдан 7° оттунча (h⊙ = —7° бўлгунча), эрталабки гира-ширалик (тонгёришиши) эса чиқаётган Қуёш гардиши марказий нуқтаси уфққа 7° етмасдан бошланади. Астрономик гира-ширалик h⊙ = —18° гача давом этади. О.т. Шимолий ярим шарнинг 59,5° ш.к. ва Жан. ярим шарнинг 59,5° ж.к. оралиғидаги жойларда содир бўлади. О.т. давомийлиги жойнинг географик кенглигига боғлиқ, мас., Санкт-Петербургда (Россия) 11 июндан 2 июлгача давом этади ва ҳ.к.

ОҚ УЙ (White House) — АҚШ президенти қароргоҳи ва идораси (1800 й.дан). Вашингтон ш. марказида жойлашган. Классицизм услубида қурилган (1792—1829). Президент бошқарадиган АҚШ ҳукумати кўпинча «О. у.» деб аталади.

ОҚ УЙЛИК — қадимда ва ўрта асрларда давлатлараро сиёсий муносабатларда сиёсат гарови тариқасида бир давлатдан иккинчи давлатга бериладиган кишилар. Ўрта Осиё ва б. Шарқ мамлакатларида бир ҳукмдор иккинчи бир ҳукмдорга дўстлиги ёхуд тобелиги исботи тариқасида ўз томонидан О. у. юборар эди. О. у. сифатида тобе ҳукмдорнинг ўғли, биродари ёки мамлакатнинг машҳур кишиларидан бир гуруҳи юборилган. О.у.лар мамлакатда доим назорат остида ва хавфда яшардилар, чунки уларни юборган ҳукмлор ўз аҳдини бузса, О. у.лар ўлдирилиши мумкин эди. Баъзан ҳукмдорлар ўзларига муҳолиф бўлган шаҳзодалар ёхуд юлбарсларни тантанали суратда О. у. қилиб юбориб, улардан қутулганлар.

Оқ чавоқ

ОҚ ЧАВОҚ, елец (Leuciscus leuciscus) — карпсимонлар оиласига мансуб балиқ тури. Ўрта Осиёда Балхаш кўлига қуйиладиган Аягуз дарёсида кўпайтирилган, Чу ва Сарисув дарёларида авваллан яшаган. Уз. 25—30 см гача, оғирлиги 400 г гача. Тез сузади. Танасининг орқа томони кулранг, гусла тобланиб турали. Ён томонлари оч ҳаворанг, қорни кумушранг. 3 ёшлик даврида урчийди. Увилдиригини тошлоқ ва сувга тиниқ ерларга ташлайди. Турли ҳашаротларнинг қуртлари, сувўтлар, қуруқликдан шамол учириб келадиган ҳашаротлар б-н озиқланади. Оналанади.

ОҚ ЧУМОЛИЛАР — қ. *Термитлар.*

ОҚ ШАФТОЛИ — маҳаллий нав. Боғлорчилик, узумчилик ва виночилик и.т. ин-тининг Самарқанд филиалида маҳаллий оқ шафтолиларнинг катта гуруҳи ичидан танлаш усулида чиқарилган (А.С. Череватенко, 1936). Дарахти кучли ўсади. Ўртача шоҳланади. Гули икки жинсли, пушти, оқ рангда, ўзидан чангланади, меваси ўртача 100—110 г, ранги оқиш-кўкимтир-ялтироқ. Пўсти майин тукли, этидан осон ажралади. Эти оқ, ширали, таркибида 11—13% қанд, 0,52% кислота бор. Кўчати ўтқазилгач, 3-йилдан мунтазам ҳосил беради. 7—9 ёшида энг кўп (70—90 кг) ҳосил беради. Ҳосилдорлик даври 12—15 й. Совуққа бардошлиги. Авг.нинг 2—3-ўн кунлигида пишиб етилади, банди бўш. Янгилигида ейилади, қоқи солинади, консерва қилинади.

Оқ уй.

ОҚ ШЕЪР — силлабик ва *силлабик-тоник шеър тизимлари* миралари ўзаро қофияланмаган шеър тури: қофиясиз шеър. О.ш. шоирга ўз фикри ва ҳиссиётини тўлароқ ифодалаш имконини беради ва ундаги ритмик изчиллик эса шеър товушга кучли таъсирчанлик бағишлайди. Рус классиклари А.С.Пушкин («Сув париси»), М.Ю. Лермонтов («Калашников ҳақида қўшиқ») ва бошқалар О.ш.нини ажойиб намуналарини яратдилар. Ўзбек адабиётида Усмон Носир, Абдулла Орипов, Рауф Парфи ва б. шоирлар ижодида О. ш. бор. М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» трагедияси О.ш.да ёзилган.

ОҚ ЎРДА (рус манбаларида Кўк Ўрда) — *Олтин Ўрда*нинг бир қисми. *Жўжихонинг* ўғли Ботухон ва унинг авлодлари томонидан идора қилинган; иккинчи қисмини Жўжихоннинг бошқа ўғли Ўрдахон (Ўрда-Ичен) бошқарган. Бу ҳолат 13—14-а.лар давомида ўзгармай келган. Ботухон авлодига номигина қарам бўлган Ўрдахон авлодлари кейинчалик, Сасибуқо даврида (1291—1310) тўла мустақил бўлиб олганлар. Олтин Ўрда тушунчаси Ботухон давридан бошлаб бутун *Жўжи улусига*, 14-а. бошидан эса О.Ў. га нисбатан қўлланилган. О.Ў. таркибига Сирдарё ҳавзасининг катта қисми ва Орол денгизининг шим.-шарқидаги чўллардан Ишим ва Сарисув дарёларигача ёйилган ҳудудлар кирган. Пойтахти— Сигноқ ш. (Ҳоз. Туманариқ т.й. ст-яси яқинида). 14-а. охирида О.Ў. *Амир Темур* томонидан забт этилган. 15-а.да О.Ў. ҳудудида Олтин Ўрданинг давоми сифатида янги давлатлар (*Катта Ўрда, Нўғай Ўрда*, Қосимовлар подшолиги ҳамда Ўзбек, Қрим, Қозон, Сибирь ва б. ханликлар) вужудга келган.

ОҚ ЎРИК — эртапишар хўраки маҳаллий ўрик нави. Дарахти кучли (бал. 7,5 м ўсади. Четдан чангланади (*Арзами, Кўрсодиқ* навлари яхши чангловчи ҳисобланади). Меваси ўртача катталикда, тухумсимон, вазни 30—40 г, ранги сариқ, эти тиғиз, майин, серсув, ширали. Июнь ойининг 2-ўн кунлигида пишади. Данаги ўртача, магзи ширин. Меваси таркибида 11—16% қанд, 0,6—0,7% кислота, 16—20% қуруқ модда бор.

Оқ ўрик нави.

Кўчати ўтқазилгандан кейин 5—6-йили ҳосил беради. Тупидан 80—100 кг ҳосил олинади, меваси янгилигида истеъмол қилинади, қоқи солинади, мураббо тайёрланади. Совуққа чидамли. Тошкент ва Фарғона вилоятларида кўп экилади.

ОҚ ҚАРАҒАЙ (Abies sibirica) — қарағайлошлар оиласига мансуб доим яшил дарахт. Бўйи 30 м ча. Танаси тўқ кулранг, силлиқ пўстлоқли. Игна барглари юмшоқ, учи тўмток, ҳушбўй. Гулдари чангчи ва уруғчилардан иборат. Уруғи қўнғир новдаларда, тухумсимон ўсимтада ривожланади. О.қ. асосан, Сигуллада ривожланади. О.қ. асосан, Сибирда (айниқса, Саян ва Олтойда) ва Россиянинг Европа қисми шим.-шарқида ўрмон ҳосил қилади. Барги ва ёш новдаларида 3,27% эфир мойи, 0,32% С витамини ва б. моддалар бор. Эфир мойи, асосан, борнилацетат (30—60%), борнеол камфен (10—20%), пинен (10%) ва б. бирикмалардан иборат. Борнеолдан камфора синилацетат ва борнеолдан скипидар олинади. Смоласидан скипидар тез қилинади. Смоласидан тайёрланган қайнатма С витаминига бой бўлиб, *лавше* касаллигини даволаш ва олдини олиш учун қўлланилади.

ОҚ ҚОН КАСАЛЛИГИ — қ. *Лейкоз.*

ОҚ ҚОН ТАНАЧАЛАРИ — қ. *Лейкоцитлар.*

ОҚ ҚЎЮНЛИ, оқ қўюнлилар, оқ қўйлар — 1) турк-ўғуз қабилаларининг Дажла дарёсининг юқори оқими бўйларида 14—15-а.ларда ташкил топган бирлашмаси; 2) ушбу бирлашмага раҳбарлик қилган етакчи қабила — боёндурлардан чиққан сулола; 3) айман шу бирлашма томонидан 15-а. бошида барпо этилган давлат. *Узун Ҳасан* даврида (1453—78) О.қ. ўзларининг асосий душманлари — *Қора қўюнлилар давлати*нинг тор-мор этганлар (1468). Арманистон, Озарбайжон, араб Ироқи ва Ғарбий Эроннн эгаллаб, Табриз ш.ни пойтахт қилишган. Узун Ҳасан Усмонли турк салтанати б-н муваффақиятсиз урушлар олиб борган. Шунингдек, Грузия б-н ҳам урушган (1477). 1489—97 й.ларда солиқ исёнлари ўтказишга ҳаракат қилинган, лекин у мулкдорларнинг қаршилигига учрагани сабабли натижасиз тугаган. 16-а. бошида О.қ. давлати *Исмоил I* Сафавий бошчилигидаги *қизилбошлар* томонидан тор-мор этилган; 4) ўзбеклар ва қорақалпоқлар таркибига кирган уруғ номи. О.қ. этноними 20-а. бошларигача ўзбекқўнғиротлар (қ. *Қўнғирот*), шунингдек, Зарафшон водийсида яшовчи қорақалпоқлар таркибида сақланиб қолган.

ОҚ ҲУН — гарбий ҳунлар. *Ҳунлар давлатининг* сўнгги даврида шим. ҳунлар ҳукмдори Қут уш қабиласи б-н гарбга *Қанг давлати* томон чекинган. Мазкур давлатнинг хони қудачилик ҳурмати юзасидан Қут-ушга ва унинг одамларига ўз ҳудудидан жой берган. Орадан кўп ўтмай ҳунлар Яйпан (Юэпан) хонлигини ташкил этган. У Уйсун (Усун) хонлигининг шим-гарбида (ҳоз. Жан. Қозоғистон) жойлашган. Мил. ав. 1-а.нинг ўрталарида О.ҳ.ларнинг бошлиғи Чжичжи хитойлар б-н бўлган урушда мағлуб бўлиб, у ҳам Қанг давлатидан паноҳ топган эди. Қанг ҳукмдори ҳунларга ҳоз. Жамбул (Авлиёота) вилоятидан жой берган. Яйпан давлати кейинчалик *Эфталийлар давлати*га қўшилиб кетган. Хитой манбаларида 448 й. Яйпан давлатидан Хитойга элчилар борганлиги, шундан кейин ушбу хонлик Шим. Вэй давлати (386—534) б-н дипломатик алоқалар қилиб турганлиги зикр этилган. Хонликнинг аҳолиси 200 мингдан ортиқ бўлган. Туркистонга чекиниб келган ҳунлар қад. турк тилида «О.ҳ.» яъни «гарбий ҳун» деб номланган.

ОҚАР КЎЛ — бир ёки ундан ортиқ сой (дарё) қуйилиб, сув оқиб чиқиб кетадиган кўл. Мас., Тожикистондаги Искандаркўлга Ҳисор тоғларидаги музликлардан бир неча сой ва дарёлар оқиб тушади ва ундан биргина Искандардарё оқиб чиқади. Қўпгина кўллар О.кларлдир (Байкал, Ладога, Онега, Эри, Сарез, Сариқелак, Кўккўл ва б.). О.кларнинг суви, одатда, чучук бўлади (қ. *Кўл, Оқмас кўл*).

ОҚАРТИРИШ — турли ашёлар (ёғоч массаси, тўқимачилик материаллари, кимёвий моддалар)нинг оқлик даражасини кучайтириш (оширш) учун амалсини кучайтириш (оширш) учун амалга ошириладиган технологик жараён ёки жараёнлар мажмуи. Кимёвий ва термик усуллари мавжуд. О.да материал таркибидаги бўёвчи моддалар кетказилади ёки емирилади. О.нинг оптик ва фотографик усуллари ҳам бор. Оптик О.да ультрабинафша нурларини ютувчи ва уларни кўк ёки бинафша рангга айлантирувчи рангсиз ёки оч рангли органик бирикмаларан фойдаланилади. Бу усул, асосан, табиий ва синтетик толаларни, қоғозлар, пластмассаларни О. учун қўлланилади. Фотографик О.да оқ-қора ва рангли фото ва кинематериалларга ишлов берилади. Бундай ишлова махсус модда таъсирида фото ёки кинотасвирнинг металл кумуш қатлами оқсизланиб емирилади ва О. жараёни рўй беради. Бу усул фотографик тасвирни равшанлаштириш ва кучайтириш учун қўлланилади.

ОҚБАЙТАЛ ДОВОНИ — Шарқий Помирдаги довон. Тожикистон Республ-

ликасида. Бал. 4665 м. Сарикўл ва Музкўл тизмаларини бир-бирига туташтирадиган ва Музкўл (Қоракўл ҳавзаси) дарёси б-н Жан. Оқбайтал (Оқсув-Мурғоб ҳавзаси) дарёсининг юқори қисмларини ажратиб турадиган сувайиргичда жойлашган. О. орқали Ўш — Хорут автомобиль тракти ўтади.

ОҚБЕЛ ТОҒЛАРИ — Фарғона ботиғининг ғарбий қисмида (Тожикистон ҳудудида) жойлашган. Ғарбдан шим.-шарққа 35 км чўзилган, эни 800 м гача. Энг баланд жойи 954 м. Шим.-шарқий қисмидаги тепаликлар Қизилжар деб аталади. Тоғларнинг ён бағри унинг ғарбий ва марказий қисмида Қайроққум сув омбори қирғоғидан тик кўтарилган. Шим. ён бағри нишаброқ, қуруқ сойлар б-н кесилган. Тектоник жиҳатдан Оқбел брахиантиклиналь бўлиб, янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилмоқда. Гил, алевролит, конгломерат, гипс, тузлар каби тог жинсларидан тузилган. Қизилжар деб аталувчи қисмида тузларда турли карст рельеф шакллари (воронка, қулоқ, арка, туннель, ғор, карр) ҳосил бўлган. Айниқса, карст воронкалари кенг тарқалган. Иқлими кескин континентал, кўп йиллик ўртача ёғин миқдори 100 мм га яқин. Буз тупроқлар тарқалган, ўсимлик қоплами сийрак, шувоқ-эфемерлар ўсади.

ОҚБЕШИМ — шаҳар харобаси. Қирғизистондаги Чу водийсида, Тўқмоқ ш.дан 12 км жан.-ғарбда жойлашган. 1894 й. В. В. *Бартольд* томонидан очилган. У 10—12-а.лардаги *Қорахонийлар давлати*нинг пойтахти *Баласоғун* О. ўрнида бўлган деб тахмин этган. О. шаҳристон, арк, мустаҳкамланган рабод ва вилоятни кўчманчилар ҳужумидан мудофаа этиш мақсадида қурилган. «Узун девор» дан таркиб топган. Шаҳар мажмуасига Кичик О. (шаҳар харобасидан шим.-ғарбда жойлашган қалъа) ҳам кирган. 1938—40 й.ларда О.ни А. Н. Бернштам тадқиқ этиб қисман қазишма ишларини олиб борган. 1953—54 й.ларда Л. Р. Кизласов шаҳристонининг маданий қатламида (5—10-а.лар) 4 қурилиш даврини аниқлаган. О. рабодида 6—8-а.ларга оид ёдгорликлар ўрганилган. Археологик маълумотларга кўра, О.даги шаҳар ҳаёти 10-а.га келиб барҳам топди, шунинг учун Боласоғун б-н айнан деб ҳисоблаш нотўғри бўлиб чиқди.

ОҚБОШ [Karelinia caspia (Pall.) Less.] — мураккабгулдошларга мансуб илдизбачкили кўп йиллик бегона ўт. Пояси йўғон, сершох, тик ўсади, бўйи 50—100 см. Барглари бутун, узунчоқ, банд-сиз, бир оз этли, пояни чала ўраб туради. Саватчаси цилиндрсимон, уз. 10—15 мм, эни 4—8 мм. Гуллари найсимон, пушти-гунафшаранг, тўпгулли саватча. Июнь—сент. ойларида гуллаб уруглайди. Ниҳоллари апр.—майда униб чиқади. Илдиз бачкиси ва уруғидан кўпаяди. Ўрта Осиёда тарқалган. Далаларда, галлазор ва беланоқларда учрайди.

Қ у р а ш ч о р а л а р и: ерни ҳайдаш, экинни вақтида культивация қилиш ва б.

ОҚБУЛОҚ — Тошкент вилоятидаги сой. Чатқол дарёсининг энг йирик ирмоғи. Чатқол тизмасининг сувайиргич қисмидаги (3477 м.) кичик тог кўлидан бошланади. Уз. 40 км, ҳавзасининг майд. 818 км². Юқори оқимида водийси кенгроқ, қуйи оқимида водийси жуда тор, ён бағирлари тик. Қор ва ёмғирдан тўйинади. Умумий уз. 135 км бўлган 85 та ирмоғи бор. Энг йириклари Тошкесаксой, Қўшмоисой, Саргардонсой, Қорарчасой.

ОҚБУЙРА — Фарғона водийсининг жан.-шарқидаги дарё. Кичик Олай тизмасининг сувайиргич қисмидан бошланади. Уз. 70 км. Ҳавзасининг майд. 2676 км². Ўш шаҳ. шим.да тармоқларга ажралади. Текисликка чиққунча 60 км масофада чуқур дарада оқади. Қор ва муз сувидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 21,1 м³/сек., оқим модули 7,9 л/сек. км². Июнь — июль ойларида йиллик сувининг 16,6—17,7% оқиб ўтади. О.дан Ўш вилояти туманлари ва Андижон вилоятининг Хўжаобод тумани ерлари сугорилади.

ОҚДАРЁ — Зарафшон дарёсининг икки йирик тармоғидан бири. Самарқанд ш.дан 7 км қуйида, Чўпонота тепалиги яқинида, Зарафшон иккига — О. ва Қорадарёга ажралади. Хатирчи қишлоғи ёнида яна бирлашади. О.нинг уз. 131 км, сув сарфи 230 м³/сек. (Самарқанд гидроузелида). О.дан йигирмадан ортиқ ариқ сув олади. Шундан ўнг соҳилида (Қурбонобод уз. 9,6 км, Янгикент 34 км ва б.), 9 таси чап соҳилда (Шахоб — 17 км, Газара — 26,8 км, Челак — 9 км ва б.). Бу каналлар орқали Пайариқ, Иштихон ва Хатирчи туманларидаги хўжаликлар ерлари сугорилади.

ОҚДАРЁ — қаранг *Оқсув* (термин).

ОҚДАРЁ СУВ ОМБОРИ — Самарқанд вилоятида, Зарафшоннинг Оқдарё тармоғи ўрта оқимида Орзикўл қишлоғи яқинида барпо этилган гидротехника иншоотн. 1989 й.да фойдаланишга топширилган. Дарё сувини мавсумий тартибга солади. Тўлиқ ҳажми 131,8 млн.м³, тўғонининг максимал бал. 20,0 м, сув ўтказиш имконияти 70 м³/с. Самарқанд вилоятининг Иштихон ва Навоий вилоятининг Хатирчи туманларидаги экинзорлар сув таъминотини яхшилаш ва янги ерларни ўзлаштириш имкониятини беради.

ОҚДАРЁ ТУМАНИ — Самарқанд вилоятидаги туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган. Иштихон, Пастдаргом, Самарқанд, Жомбой, Паярик туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,37 минг км². Аҳолиси 101,7 минг киши (2000). О.т.-да 2 шаҳарча (Даҳбед, Ловшан), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини (Зарафшон, Примкент, Янгикент, Янгиқўрғон, Қоратепа, Қуралиш) бор (2000). Маркази — Ловшан шаҳарчаси.

Т а б и а т и. Туман ҳудуди Зарафшон дарёсининг ирмоқлари — Қорадарё ва Оқдарё водийсида жойлашган. Ерининг устки қисмини дарёлар олиб келган аллювиал ётқизиқлар қоплаган. Рельефи, асосан, ясси текислик бўлиб, шарқдан ғарбга нишаб. Ер юзасининг бал. 450 м. Зарафшон дарёсининг фаолияти натижасида кўҳна қайирлар (террасалар) ҳосил бўлган. Иқлими континентал. Шим., шим.-шарқ ва шарқ томонлари тоғлар Арктикадан келувчи совуқ ҳавоқлариги тусиб туради. Янв.нинг ўртача т-раси —1°, июлиники 27—28°. Йилига ўртача 200—300 мм ёғин ёғади. Вегетация даври 217 кун. Тупроқлари қадимдан сугориладнган 1—2% чириндили буз тупроқ. Ёввойи ўсимликлардан қамиш, бутдойиқ, шўражиқ, кампирсоч, ялғун ва б. ўсади. Бўри, тулки, қўён, чиябўри, жайра, тўқайзорларда қирғовул, лойхўрак, ўрлак, суфитўрғай, чугурчиқ, зиргалоқ; судралувчилардан геккон қалтакесаги, тошбақа, сариқ илон, эчкемар; кемирувчилардан кўрсичқон, кичик қўшоёқ, кумсичқон, типратикан, юмронқозиқ, каламуш ва б. бор.

А ҳ о л и с и, асосан, ўзбеклар; тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² да 275 киши.

Х ў ж а л и г и. Туманда гишт з-ди, маиший хизмат кўрсатиш к-ти, мева кўчатлари етказиб берувчи хўжалик, бўрдоқичилик базаси, қурилиш бошқармаси, консерва з-длари, МТП мавжуд. Қ.х.нинг барча тармоқлари ривожланган. Пахтачилик — етакчи тармоқ. Туманда 18 ширкат, 456 фермер хўжалиги мавжуд. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларининг 8501 гектарига пахта, 736 га ерга картошка, 871 га ерга сабзавот, полиз экинлари экилади. 11,6 минг га дан иёл ер мевазор, 45,7 минг га дан зиёл ер токзор ва тутзорлар ўсади. Туман ҳудудларида 17,4 минг қорамол, 12,1 минг қўй ва эчки, 1000 дан зиёл от, 56 минг парранда боқилади.

49 та умумий таълим мактабларида 30350 ўқувчи таълим олади. Мусиқа, махсус интернат мактаблари, вед., механика, иқтисодиёт коллежлари, касб-ҳунар мактаблари фаолият кўрсатади. Марказий кутубхона ва унинг тармоқлари, маданият маркази ва маданият уйлари, маданият ва истироҳат боғи, стадион мавжуд.

Марказий касалхона (286 ўрин) ва унга қарашли тиббий муассасаларда 170 врач ва 970 ўрта тиббий ходим ишлайди. Туман ҳудудини Катта Зарафшон магистрал йўли кесиб ўтган.

«Оқдарё овози» туман газ. чиқади.

ОҚЖАР — мустье даврига оид манзилгоҳ. Тожикистондаги Кўргонтепа ш.дан 22 км жан.-ғарбда жойлашган. О.дан қирғич, сихча, нуклеуслар ва б. тош қуроллар топилган; уларни ишлаш техникаси ва шаклини О.дан 10 км узоқликдаги *Қорабура* маконидаги қуролларга ўхшашлиги ҳар иккала қароргоҳда яшаган ибтидоий одамларнинг бир тўдага оид эканлигини кўрсатади.

ОҚЖАР НЕФТЬ ВА ГАЗ КОНИ — Бухоро вилояти Қизилтепа туманидаги кон. 1959—62 й.ларда конда разведка ишлари олиб борилган. 1964 й. нефть ва 1966 й. газ олина бошланди. Кон юра, бўр, палеоген ва неоген даврлари жинсларидан таркиб топган. Нефть ва газ юра — бўр даврлари жинслари орасида. Юра даври жинслари кулранг қумтош, алевролит, гил, ангидрит, мергель ва гилли оҳактошлардан, бўр даври жинслари эса қўнғир, қизил, кўкимтир, кулранг қумтош, алевролит ва гиллдан иборат. Бу жинсларнинг умумий қалинлиги 120—550 м. Палеоген даври жинслари саргиш оҳактош ва кўк гил қатламларидан тузилган. Умумий қалинлиги 35 м. Горизонтларнинг уз. 840 м гача, эни 330—2000 м. бал. 8—160 м, умумий қалинлиги 7,4—167 м. маҳсулдор қатлам қалинлиги 1,3—47 м. жинсларнинг говаклиги 7,25—26%, ўтказувчанлиги 22—913 миллидарси. Газ таркибида 94,6% метан, 3,2% азот, нефть таркибида 1,57% олтингугурт, 0,68% асфальтен, 5,16% парафин бор.

ОҚЖАРСОЙ — Сурхондарё вилоятидаги сой. Қоратоғдарёнинг ирмоғи. Уз. 50 км, ҳавзасининг майд. 38 км². О. қисмларида сув сарфи 0,60 м³/сек, ўртача оқим модули 15,8 л/сек. км². Қор, ёмғир сувларидан тўйинади. Март —июнда суви кўпаяди.

ОҚИЗИҚЛАР — дарё оқимлари б-н бирга сув омборлари, кўл ва денгизларга оқиб келадиган минерал ва органик заррачалар. О. дарё ўзани, жарлик ва сойларнинг оқар сувлар, дарё ҳавзаларидаги жинсларнинг ёмғир ва эриган қор сувларида ювилишидан ҳосил бўлади. Табиий шароитларда О.нинг катта-кичиклиги тог дарёларида бир неча ўнлаб см гача бориши мумкин (шағал ва харсанглар). Сувлари О. миқдори унинг лойқалик даражасини белгилайди, кг/м³, г/м³, мг/л ва %да ўлчанади. Ўрта Осиёнинг текисликларидан оқадиган дарёларида лойқалик даражаси юқори (Амударёда 4,6, Сирдарёда 2 кг/м³ гача). Сувдаги ҳаракатига қараб О. муаллақ (сув ичида сузиб юрувчи) ва сув ости (сув остида ўзан бўйлаб сирғалиб силжийдиган) турларга бўлинади. Сувнинг оқим тезлигига қараб сув ости О. муаллақ ҳолатга ўтиши ва аксинча бўлиши мумкин. Айниқса, тошқин ва тўлин сув вақтида О. жуда жадал ҳосил бўлади. Маълум вақт ичида (ой, йил) оқимининг жўшқин кесими орқали ўтувчи О. миқдори дарёнинг оқими (т/ой, т/йил) деб аталади. Ўрта Осиё дарёларининг қаттиқ оқими жуда катта миқдорни ташкил этади. Мас., Амударё йилига 300 млн. т гача О. келтиради. О.ни ва қаттиқ оқимни ўрганиш гидротехника иншоотларини лойиҳалаштириш, қуриш ва ишлатишда катта аҳамиятга эга. О. чўкиши натижасида сув олиш иншоотларининг хизмат муддати қисқаради, каналларнинг сув ўтказиш имконияти ва сув омборларининг сиғими камаяди.

Маъмуржон Боқиев.

ОҚИЛОВ Комил Оқилович (1928.5.2, Самарқанд ш.) — тарихчи олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1989), тарих фанлари д-ри (1987), проф. (1988). Самарқандаги Ўзбекистон ун-тининг тарих ф-тини тугатган (1949). Ўзбекистон пед. фанлари н.т. ин-тида катта илмий ходим, бўлим мудири (1953—57). Ўзбекистон ФА Тарих ин-тида катта илмий ходим (1957—64), бўлим мудири (1964—96), гуруҳ раҳбари (1996—98), етакчи илмий ходим (1998—2000), катта илмий ходим (2000 й.дан). О. нинг илмий фаолияти Ўзбекистоннинг маданий жараёнларига бағишланган. 9, 10-синф-лар учун «Ўзбекистон тарихи» дарсликлари ва «Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилари даврида» китобининг муаллифларидан бири. Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати (1967).

ОҚИЛОВЛАР — 20-а. Ўзбекистон рақс санъатига улкан ҳисса қўшган санъаткорлар оиласи. Сулола бошлиғи раққос, балетмейстер, ўзбек саҳна рақси асосчиларидан, Ўзбекистон халқ артисти (1964) Исохор Оқилов (1914.14.7, Самарқанд — 1988.25.9, Тошкент) — Самарқандаги Мусиқа ва хореография ин-тида (1928—29), Ўзбек давлат мусиқали театри студиясида (1929—32) таълим олган. *Қаранг театрда* малакасини оширган (1953—54). 1932—36 й.лар тожик ва яҳудийлар мусиқали театри (Самарқанд, Бухоро)да, 1936 й.дан М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармониясида ишлаган. «Чархи дўзон», «Катта ўйин», «Лазги», «Якқакаре», «Оҳанги кўҳистон» каби рақсларни маҳорат б-н ижро этган. Анъанавий-мумтоз («Севги тароналари», «Муножот», «Тантана», «Бухоро воллуси» каби), замонавий («Тонг малакаси», «Уч гўзал», «Шодиёна» ва б.) рақсларни саҳналаштирган. «Шодлик», «Гўзал» ансамбларини ташкил этган. Бухоро мумтоз рақси анъаналари, профессионал ўзбек рақсининг ривож топишида унинг хизматлари алоҳида. Кўпгина фильмларга («Мафтункиман», «Амирликнинг емирилиши» ва б.) балетмейстерлик қилган. Ҳамза номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти совриндори (1977). Г. *Изайлова*, Қ. *Мирлаудерати* (1977). Г. *Изайлова*, Қ. *Мирхамидова*, Х. *Комилова*, К. *Юсупова*, Г. *Мавлева*, Д. *Жабборова*, Қ. *Дўстмуҳамедова*, М. *Аҳмедова*, Қ. *Мўминов* ва б. унинг шогирдларидир.

Исохор Оқилов («Афғонча» рақс).

Маргарита Оқилова («Шоҳиёна» рақси).

Исохор Оқиловнинг рафиқаси Ўзбекистон халқ артисти (1970) Маргарита Оқилова (1920.20.1, Самарқанд) — раққоса. 1932—35 й.лар Душанбедаги Лохутий номидаги Давлат мусиқали театрида ишлаб, шу театр студиясини тамомлаган. 1935—36 й.ларда Самарқанддаги тожик ва яҳудийлар мусиқали театрида яккахон. 1936—60 й.ларда Ўзбек давлат филармониясида ишлаган. «Занг ўйин», «Гулузорим», «Танавор», «Дилхирож», «Бухороча рақс» каби рақсларни ижро этган. 1960—89 й.лар Тошкент тўқимачилар саройи қошидаги халқ рақс ансамблида бад. раҳбар.

Вилоят Оқилова (1937.12.10, Самарқанд) — раққоса, балетмейстер. Ўзбекистон халқ артисти (1989). О. қизи. 1958—94 й.лар филармонияда раққоса, балетмейстер, 1994—96 й.лар «Туркистон» саройида. 1996 й.дан Ўзбекистон хорижий мамлакатлар б-н маданий-маърифий алоқалар жамиятида балетмейстер. «Занг», «Ларзон», «Шодлик», «Хоразм лазгиси», «Тожик гўзали», «Помир рақси», «Афғонча», «Дилрабо», «Шодиёна» каби бир қанча рақсларни кўтаринкилик, жўшқинлик б-н ижро этган.

Вилоят Оқилова («Чеҳра» рақси).

Балетмейстер сифатида «Чорзарб», «Самандарий», «Бухоро тўлқини», «Танавор 2», «Афғонча», «Тожикча», «Сурнай лазгиси» каби рақсларни саҳналаштирган. Раққоса ижоди лирик жўшқинлиги, нафис, равон ижроси, оёқ, қўл, бош ва тана ҳаракатларининг умумий оҳангга бўйсуниши, шўхчанлиги, пластик ифодавийликнинг кучлилиги б-н ажралиб туради. «Зарафшон» ансамблининг ташкилотчиларидан. Р. Султонова, Ф. Солиҳова, Р. Абдулҳайирова, Н. Олимова, Э. Норбоева, Х. Ихтиёроваларга устозлик қилган. «Эл-юрт ҳурмати» орден б-н мукофотланган (1998).

Зулайҳо Оқилова (1945.12.3, Тошкент — 2000.30.9, Москва) — рақсқоса, балетмейстер. О. қизи. Наводий театрида М. Левиевнинг «Суҳайл ва Меҳри», Д'Фальянинг «Севги-сеҳргар» балетларини саҳналаштирган. «Шарқ миниатюралари» (реж. Л. Файзиев) фильмига ҳам балетмейстерлик қилган. Бир қанча ўзбек («Чеҳра», «Балиқ ва балиқчи», «Тинчликни асранг!») ва жаҳон халқлари рақсларини моҳирона ижро этган.

Лола Оқилова (1957.10.6, Тошкент) — раққоса. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист (1990). О. қизи. «Парипари», «Тожик гўзали», «Бахт қуши», «Фарғонача», «Хоразмча», «Учрашув», «Ларзон» ва б. рақслари б-н танилган. О.га бағишланган «Оқиловлар рақсга тушади» («Чарху лу зону») ва «Қувонч» (реж. А. Ёқубов, 1980) фильмлари суратга олинган.

Гавҳар Оқилова (1949.27.4, Тошкент) — дирижёр. О. қизи. Юсуф Оқилов (1963.28.2, Тошкент) — композитор. О. ўғли.

Моҳира Аширова.

ОҚИЛОНА ЭХТИЁЖ — ресурслар камёблиги шароитида эҳтиёжларни қондириш усулларидан бири. О.эда энг кам ресурслар б-н кўпроқ эҳтиёж қондирилади (оптимал даража). Кишиларнинг эҳтиёжи миқдоран муттасил ўсиб боради. Шу сабабли иқтисодиёт ҳам шунга мос ривожланиши керак. Акс ҳолда эҳтиёжлар қондирилмай қолади.

Табиий бойликларни, ресурсларни кўпроқ ишлатиш ҳисобидан эҳтиёжларни қондириш вақтинчаликдир, чунки табиий бойликлар, ресурслар тугаб борганидан кишилар уни камроқ сарфлаш йўлини қидиради. Ресурсларни тежовчи технология яратилиб, кенг қўлланилади. Камёб ресурслар б-н эҳтиёжларни таъминлаш учун қўйиладиганларни амалга ошириш зарур: эҳтиёжлар кўп бўлганидан уларнинг ҳаммасини бирданига қондириш мумкин эмас, шу боисдан уларнинг энг муҳими ажратиб олинади ва ҳ.ч. уларни қондиришга қаратилади (мас., ҳоз. бозорчида Ўзбекистон учун қ.х., нефть маҳсулотлари, айниқса, донга бўлган эҳтиёж энг зарур ҳисобланади ва ресурслар ни аввал шуларни қондиришга йўналтирилган; ресурслар камёб бўланидан ҳ.ч.нинг энг зарур соҳаларига устувор аҳамият берилади. Муқобил зарур маҳсулотлардан энг мақбули танлаб олинади. Бир маҳсулот учун ресурс кўпроқ кетса, табиий равишда бошқасига камроқ кетади. Шунинг учун ресурслар сарфининг тежамли усули танланади, шунда шу ресурс бирлиги ҳисобига кўпроқ маҳсулот олинади, эҳтиёжни тўлароқ қондириш мумкин бўлади.

Дилфуза Гозибоева.

ОҚИМ — 1) сув ва ҳаво массасининг муайян йўналишда ҳаракатланиши, кўчиши. Ер юзасининг нишаби, босим, бир томонга қараб эсувчи шамоллар, сув т-раси ҳамда шурлигидаги тафовут ва б. омиллар О.га сабаб бўлиши мумкин. Денгиз, дарё, бўғоз, ер ости суви ва бошқа О.лар бўлади (қ. *Денгиз оқимлари*); 2) физикада — нурланиш оқими, нурланиш қуввати — берилган сиртдан вақт бирлиги ичида ўтаётган тўлиқ энергия миқдори; магнит оқими, магнит индукция оқими — бирор сиртдан ўтаётган магнит индукция вектори оқими.

ОҚИМЛИ НАСОС — сув ва ҳавони сўриш учун ишлатиладиган қурилма (қ. *Насос*).

ОҚИН — қозоқ ва қирғизларнинг бадиҳагўй шоири, куйчиси. О. анъанавий матнни айнан такрорламай, ижодий ўзгартишлар ҳам киритади. О. лар ижодкор сифатида *жиров* ва жирчилардан фарқ қилиб, дўмбира жўрлигида поэтик фольклорнинг барча жанрлари (достон, тўлғов, терма, қўшиқ) намуналарини ижро этадилар, оилавий маросимларда иштирок этадилар, ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир асарлар яратадилар. Жамбул Жабаев, Тўғалоқ Мўлла, Мойлихўжа, Тўхтағул Сотилганов каби О.лар халқ орасида машҳур. Ўзбекларда айрим жойларда (Тошкент ва Сирдарё атрофларида) О. атамаси достончи маъносида, баъзан сўзамол, чечан кишиларга нисбатан қўлланади (яна қ. *Бахши*).

ОҚИНДИ СУВЛАР — хонадонлар (хўжалик ва ҳожатхоналар), жамоат бинолари ва корхоналардан ажраладиган чиқинди сувлар ҳамда ёғин сувлари. Аҳоли яшайдиган жойлар ва саноат корхоналаридан канализация тизими орқали оқизиб кетилади. Ёғин сувларининг кўп қисми табиий равишда ерга сингиб кетади. Корхоналарнинг О.с.и тозалаш иншоотлари орқали тозаланиб, кейин канализациянга оқизилиши лозим.

ОҚИШОҚ — шоли оқлаганда синган гуруч. Асосан, суюқ овқатларга ишлатилади.

ОҚҚАРРАК (Onopordon L.) — мураккабгуллошлар оиласига мансуб икки йиллик бегона ўт. Ўзбекистонда О.нинг оддий О. (O. acanthium L.), олға О.ги (O. olgae Rgl.) турлари учрайди. Поясн серпох, тик ўсади, бўйи 80—120 см. Илдизи йўғон, ўқ илдиз. Илдиз бўғзлари барглари чўзиқ-тухумсимон, асоси барглари ланцетсимон, четлари пканли, арраташли, набўлтма-набўлт жойлашган. Гуллари тўқ қизил, саватчаларн шохчаларининг учида 1—3 талан, бандсиз тўпгул ҳосил қилади. Меваси — кулранг ёки жигаррант уруғча. Июнь — сентда гуллайди ва мевалайди. Уруғидан 3—3,5 марта юқорн ёғлари, сирка, винолар, витамин, антибиотикларни тозалаш, сувни юмшатиш, газламаларни оқартиришда, шунингдек, уна-элик саноатида ишлатилади. Минерал таркиби бўйича О.г. бир неча турга бўлинади: бейделлит, бентонит, аттапулгит, палигорскит ва тонтонит, аттапулгит, палигорскит ва тонтонит жойи номи б-н аталади: фазовилган ридин (АҚШ), монтмориллонит (Франция), гумбрин ва аскапит (Грузия), гидобн (Озарбайжон), (Қрим), навбахит (Ўзбекистон) ва б.

Оққарак.

ОҚМА — орган ва тўқималардаги патологик жараёнлар оқибатида пайдо бўлиб, узоқ вақт битмайдиган тешик яралар, йўллар; тананинг ичкарисидаги тўқималардан ёки ички аъзодан терига (ташқи О.) ёки тўқималардан ичак, қин сингари қонак аъзога (ички О.), ё бўлмаса бир аъзодан бошқа аъзога, мас., қизилўнгачдан бронхга, қовуқдан ичакка (аъзоларарО.) очилган бўлади. О. туэма бўлиши ҳам мумкин (мас., кинрдик яраси). Кўпинча йиринг бойлаш ва унинг ёриб чиқиши б-н давом этадиган яллигланиш жараёнлари, мас., остеомиелит, шу жумладан, сил остеомиелити ҳам О. деб аталади. Узоқ давом этадиган яллигланишлар О.нинг битишига тўсқинлик қилади; О.нинг биттаси битиб тузалса, иккинчиси очилади.

Бемор, асосан, операция қилинади. Бирор сабабга кўра операция қилиш мумкин бўлмаса, уйда парварнш қилинади, бунда О.га қўйиладиган богловни алмаштириб туриш, врач буюргапларини бажариш лозим.

Оққўл қовун нави.

ОҚМАНҒИТ — Қорақалпоғистон Республикаси Нукус туманидаги шаҳарча (1980 й.дан), туман маркази. Туманнинг шим. қисмида жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Нукус (18 км). Аҳолиси 8,1 минг киши (2000). О.да умумий таълим мактаблари, клуб, кутубхоналар, касалхона ва б. даволаш муассасалари, савдо, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият кўрсатади. О. — Нукус йўналишида автобус қатнайди.

ОҚМАС КЎЛ — бир ёки бир неча сойдарё қуйилса ҳам суви оқиб чиқмайдиган кўл. Бундай кўл суви, асосан, бугланишга сарф бўлади. Мас., Қирғизистондаги Иссиққўлга Туп, Жирғалан каби кўплаб дарё ва сойлар қуйилади. Қозоғистондаги Балхаш кўлига Или, Қоратол, Оқсув, Лепси ва б. сувлар қуйилади, лекин, улардан бироита ҳам сой оқиб чиқмайди. Орол денгизлари ҳам аслида О.кларлир. Асосан, қурғоқчил ўлкаларда О.кларни суви, одатда, шўр ёки шўртоб бўлади (қ. *Оқар кўл*).

ОҚМИЯ (Vexibia alopecuroides (L.) jakov) — дуккакдошлар оиласига мансуб илдиз бачкили, кўп йиллик карантин бегона ўт. Пояси тик ўсади, сертиш бегона ўт. Пояси тик ўсади, сертшох, бўйи 40—80 см. Барглари чўзинчоқ, четлари яхлит, кумуш-ипаксимон. Гуллари сарғиш шода тўпгулга йиғилган. Уруғи ва илдизпояларидан кўпаяди. Бир тупи 600—800 урут беради. Уруғлари заҳарли. 15—20° ҳароратда униб чиқади. Илдиз бўғзидан илдизпоялар ўсиб чиқиб, 50—60 см дан кўпроқ чуқурга кириб боради. Илдизпоядан кўплаб куртаклар ҳосил бўлади. Ўрта Осиёда кенг тарқалган. Беда, ғўза, ғалла экинлари орасида учрайди. Суториш шохобчалари бўйлари, дала, йўл ёқалари, боғ, токзорлар, кўриқ ерларда ўсади.

Қураш чоралари: уруғликни тозалаш; ерни 30—35 см чуқурликда ҳайдаш; чопиқталаб экинларни мотиғалаш; ғалла экинларига 2,4 — Д гербицидн пуркаш тавсия этилади.

ОҚМЎЛА ВИЛОЯТИ — Қозоғистондаги вилоят (1961 й.гача Акмолинск). 1961—92 й.ларда Целиноград. 1992 й.дан Оқмўла вилояти). 1939 й.да ташкил этилган. Майд. 155,1 минг км². Аҳолиси 583,3 минг киши (1999), қозоқ, рус, немис, украин, белорус, татар, удмурт, бошқирд, мордва, уйгур, кореис ва б. яшайди. 13 туман, 7 шаҳар, 12 шаҳарча бор. Маъмурий маркази — Астана ш.

О.в. Қозоғистон паст тоғларининг шим.-ғарбий қисмини эгаллаган. Ҳудуми

дининг катта қисми тўлқинсимон текислик. Мутлақ бал. 300—400 м. Шарқида Ерментов тоғлари (энг баланд жойи — 897 м), жан.-ғарбида Тенгиз-Қургалжин ботиғи жойлашган. Фойдали қазилмалари: олтин, боксит, сурма, мис, тошкўмир, гил, кварц қуми. Иқлими кескин континентал, қуруқ иқлим. Июлнинг ўртача т-раси 20°, январники —18°. Йиллик ёғин 300 мм. Энг катта дарёси — Ишим. Кўл кўп. О.в.нинг шим. қисмидаги қоратупроқларда шувоқ-бетага ўсади. Даштларда кемирувчилар, туёқлилар, йиртқичлар, қушлар яшайди. Қургалжин қўриқхонаси бор.

О.в. Қозоғистондаги муҳим галлачилик р-ларидан. Хўжалигининг асосий тармоқлари — обикор деҳқончилик ва гўшт-жун чорвачилиги.

Энергетикаси Қараганда ҳавзасидаги тошкўмир ва мазутга асосланади. Иссиқлик электр ст-яси ишлаб турибди. Кон қазиш, машинасозлик ва металлсозлик (қ.х. машиналари, насос, вагон таъмирлаш з-длари), озиқ-овқат (ун к-ти, сут з-длари) ва мебель саноати тармоқлари ривожланган. Қурилиш материаллари (темир-бетон конструкциялар, ғишт и.ч.) саноати барпо этилган. Кўпчилик саноат корхоналари Остонада, шунингдек, Макинскда (поршень халқалари ишлаб чиқарувчи з-д, қ.х. инвентарлари, автомобиль ва тракторлар учун эҳтиёт қисмлар), Отбосарда (гўшт к-ти, ремонт-механика з-ди), Алексеевкада, Шўртанди шаҳарчасида (мебель ф-калари) ва туман марказларида (мой з-длари, қурилиш материаллари и.ч. корхоналари) жойлашган.

О.в.нинг қ.х.га яроқли ерлари орасида катта қисмини яйловлар эгаллайди. Қ.х. йирик ғаллачилик б-н сут-гўшт чорвачилиги, паррандачилик, чўчқачилик ва майин жунли қўйчилик, йилқичиликка ихтисослашган.

Оқмўла вилояти. Маданият саройи.

Ишим дарёси ва чучук кўлларда балиқ овланади. 4 олий ўқув юрти, ўлкашунослик музейи, драма театри бор.

ОҚОЛТИН — Андижон вилояти Улугнор туманидаги шаҳарча. Туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Мархилон (35 км). Вилоят маркази (Андижонгача 65 км. О. 1987 й.да Шаҳрихон ва Оқолтин қишлоқларининг бирлаштирилишидан вужудга келган. Майд. 780 га, 450 м баландликда. Аҳолиси 9 минг киши (2003), асосан, ўзбеклар (99,8%).

Оқолтин шаҳарчасида кириш дарвоза.

Шаҳарчанинг асосий сув манбаи — Катта Андижон канали. О.да туман ҳокимияти бинокн, «Оқолтин» ширкат хўжалиги, бир қанча фермер хўжаликлари, пахта тозалаш з-ди, «Универсал» бозори. Буюк Британиянинг Кордес ЛТД фирмаси б-н ҳамкорликда иш бошлаган тўқимачилик ва тикувчиликка ихтисослашган «Улкард» қўшма корхонаси, автокорхона, маиший хизмат уйи бор. О. ҳудудидан Мархилон — Сойбўйи — Улугнор — Мингбулоқ, Штаб — Улугнор магистрал йўллари ўтган. О. автомобиль йўллари орқали Наманган, Мархилон, Фарғона, Андижон ва б. шаҳарлар б-н боғланган. 3 умумий таълим мактаби, қ.х. касб-ҳунар коллежи, интернат лицейи, интернат-гимназияси, болалар мусиқа мактаби, маданият уйи, марказий кутубхона фаолият кўрсатади. «Улугнор» стадиони, «Улугнор» қишлоқ спорт соғломлаштириш клуби, теннис корти, «Ал Мажиддин» спорт-и.ч. фирмаси, болалар спорт мактаби ишлаб турибди. Марказий касалхона (170 ўрин), унинг болалар, жарроҳлик, тез тиббий ёрдам, гинекология, терапия, туғруқхона бўлимлари мавжуд. Поликлиника, 5 дорихона бор.

ОҚОЛТИН ТУМАНИ — *Сирдарё вилояти*даги туман. 1971 й. 29 декабрда ташкил этилган. Шим.дан Қозоғистон Республикаси, шим.-ғарбдан Жиззах вилоятининг Мирзачўл, жан.-ғарбдан Дўстлик туманлари, жан.дан вилоятнинг Шароф Рашидов, шим.-шарқ, жан.-шарқдан Мирзаобод ва Меҳнатобод туманлари б-н чегарадош. Майд. 0,57 минг км². Аҳолиси 51,3 минг киши (2003).

О.тл.да 6 қишлоқ фуқаролар йиғини (Андижон, Бўстон, Сардоба, Фарғона, Шодлик, Ғалаба) бор (2003). Маркази — *Сардоба* қишлоғи.

Табиати. Рельефи, асосан, текислик бўлиб, Мирзачўл даштидан иборат. Тупроқлари турли хил бўз тупроқ. Баъзи хўжаликларда ер ости сувлари юза, бу ерларда шўрхок тупроқлар тарқалган. Шўрланишга қарши очиқ ва ёпиқ коллекторлар қурилган. Ерлар Жан. Мирзачўл канали ва Марказий тармоқ каналидан сугорилади. Иқлими кескин континентал. Қиши совуқ. Кучли совуқ шамоллар эсади. Январда т-ра —15°, —20°гача пасаяди. Ёзи иссиқ, июлда ўртача т-ра 30°. Аҳён-аҳёнда гармсел эсади. Гармселга қарши дарахтзорлар барпо қилинмоқда. Баҳор серёғин. Март, апрель йиллик ёғинининг 70% ёғади. Ёзгинаси 11% ни ташкил этади. Қорлар декабрь охирларида ёғиб, 1 апрелгача ётади. Қор қалинлиги 10—15 см. Тупроқлари бўз тупроқ. Баъзи хўжаликларда ер ости сувлари юза, бу ерларда шўрхок тупроқлар тарқалган. Шўрланишга қарши очиқ ва ёпиқ коллекторлар қурилган. Ерлар Жан. Мирзачўл канали ва Марказий тармоқ каналидан сугорилади. Иқлими кескин континентал. Қиши совуқ. Кучли совуқ шамоллар эсади. Январда т-ра —15°, —20°гача пасаяди. Ёзи иссиқ, июлда ўртача т-ра 30°. Аҳён-аҳёнда гармсел эсади. Гармселга қарши дарахтзорлар барпо қилинмоқда. Баҳор серёғин. Март, апрель йиллик ёғинининг 70% ёғади. Ёзгинаси 11% ни ташкил этади. Қорлар декабрь охирларида ёғиб, 1 апрелгача ётади. Қор қалинлиги 10—15 см. Тупроқлари бўз тупроқ. Баъзи хўжаликларда ер ости сувлари юза, бу ерларда шўрхок тупроқлар тарқалган. Шўрланишга қарши очиқ ва ёпиқ коллекторлар қурилган. Ерлар Жан. Мирзачўл канали ва Марказий тармоқ каналидан сугорилади. Иқлими кескин континентал. Қиши совуқ. Кучли совуқ шамоллар эсади. Январда т-ра —15°, —20°гача пасаяди. Ёзи иссиқ, июлда ўртача т-ра 30°. Аҳён-аҳёнда гармсел эсади. Гармселга қарши дарахтзорлар барпо қилинмоқда. Баҳор серёғин. Март, апрель йиллик ёғинининг 70% ёғади. Ёзгинаси 11% ни ташкил этади. Қорлар декабрь охирларида ёғиб, 1 апрелгача ётади. Қор қалинлиги 10—15 см. Тупроқлари бўз тупроқ.

Оқолтин шаҳарчаси. Навоий шоҳкўчаси.

вони ўсимликлардан, янтоқ, шувоқ, илғун, оқбош, тузқорин ва б. ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, чиябўри, ондатра, қўён, тулки, комронсвик, тошбақа, турли хил илонлар, калтакесаклар; қушлардан чўл бурғути, калхат, бойўғли, гуррак, попишак, сўфитўрғай, бултўғил, зағчи, том майнаси ва б. бор.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, қозоқ, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 90 киши (2003).

Хўжалиги. Пахтачилик туман хўжалигининг асосий тармоғидир. Тумандаги жами ер майд. 36,9 минг га дан зиёд. Шундан 19,9 минг га ерга пахта, 14,1 минг га ерга донли экинлар, шунингдек, сабзавот ва полиз экинлари, беда экилади, мевазор, токзор ва тутзорлар бор. Қорамол боқилади, пилла етиштирилади. Туманда пахта тозалаш корхонаси, 22 умумий таълим мактаби, 3 коллеж, кутубхоналар, клублар, марказий касалхона, поликлиника ва б. тиббий муассасалар маъжуд.

ОҚОСТОНА БОБО МАҚБАРАСИ — Сурхондарё вилояти Сариосиё туманидаги меъморий ёдгорлик (10-а. охири — 11-а. бошлари). Мақбара чорси хонали (ташқи ўлчами 9×8,7 м, ички си 5,65×5,80 м), тарадларига ғиштлар маж шаклида терилган. Шим.-шарқий тарнинг 2 ёнидаги равоқ орқали кирилади. Унинг ёнига ишланган гулдастадан фақат жан. қисмидагиси сақланган. Пойгумбази ғўласимон, юқориси қубба б-н якунланган. Гумбаз ости бағаллари 8 қирралн, чуқур равоқлар ишланган. 15-а.да жан.-шарқий томондаги девори қайта қурилган, 19-а. охирида уста Худойберди ярим шикастланган гумбазни қайта тиклаган, бинонинг шарқий томонидан қўшимча кириш хонасини қурган.

Ад.: Аршавская З. А., Ртвеладзе Э. В., Хакимов З. А., Средневековые памятники Сурхандарьи, Т., 1982.

ОҚОТА — Тошкентнинг шим.-шарқий чеккасида жойлашган шаҳар харобаси (мил. 5—6—11-а.лар; қисман 15-а.). 20-а.нинг 20-й.ларида қайд этилган бўлса-да, биринчи археологик тадқиқот ишлари 1940 й. ўтказилган (М. Э. Воронец). О.нинг умумий майд. 600 × 300 м, арқининг бал. 5—6 м. 1960 й. О.дан темурийлар даврига оид хазина топилиб, 1040 та мис танга Ўзбекистон халқлари тарихи музейига топширилган.

О.нинг негизини илк ўрта асрларда қурилган арк ташкил қилади. У 10—11-а.ларга келиб қабристонга айланган. О.даги ҳаёт 15-а.да бир оз жонланган.

ОҚПАДАР, оқ қилиш — ота-она томонидан ўз боласини фарзандликдан маънавий маҳрум этиш. Ўғил ёки қиз жуда қаттиқ гуноҳ (ватанга хоинлик, қотиллик, бузуқлик ва б.), ножўя хатти-ҳаракат б-н ота-онага номус келтирадиган иш қилса, ота-она бундай фарзандлан воз кечган ва ўз қарорини кўпчилик олдида очиқланган (ёки элон қилган). Оқ қалинган фарзандлар «оқпадар» деб аталган (акса-лар) оқ қилғанлари учун шундай аталган). Улар меросдан маҳрум этилган ва уйдан бадарға қилинган, уларга қиз бермаганлар, жамоатга аралаштирмаганлар. О.дар кўпинча эл-юртдан чиқиб, мусофирликда яшашга мажбур эди. О. ота-она томонидан фарзандларга берилдиган энг олий ахлоқий жазо ҳисобланади.

ОҚПАЛАК — қ. *Вертишиллёз яшт.*

ОҚСАРОЙ — Самарқандаги меъморий ёдгорлик (15-а.). Темурийларнинг сўнгги даҳмаси. О. қўшимча даҳма сифатида Абу Саид (1449—69) ва Султон Аҳмад Мирзо (1469—94) ҳукмронлиги даврида қурилган. Мақбара пиширилган. О. чортоқ тарҳли катта хона ва қарама-қарши жойлаштирилган хоналардан иборат. Бош тарзи жан.га қарагган. Ўртадаги мнёнсарой тагида сардоба жойлашган. О. қурилишида ўша давр меъморлигига хос мураккаб усуллар қўлланилган: катта хона гумбази 4 катта равоқ ва ўзаро кесишган равоқчалар



Оқсарой (Самарқанд). Ички гумбаз кўриниши.

ҳамда тоқчалар ёрдамида ёпилган. Бу қурилмалар шарифа ва ганч безаклари б-н пардозланган. Безакларининг кўп қисми кундал услубида бажарилган. Нафис ишланган оқ, кўк ранглар олтин ҳал б-н ўзаро уйғунлашиб ажойиб кўринишн касб этган. Нақш шаклдаги ўзаро такрорланмаган. Бир равоқдаги нақшла бир-бирига ўхшамайдиган 67 хил безак-гул бўлган. Биноининг ташқи меъморлиги ниҳоясига етказилмаган. Катта хона ташқи гумбази, 8 қиррали пойгумбази тугалланмаган. О. темурийлар даври меъморлигининг ноёб намунаси ҳисобланади.

ОҚСАРОЙ — Шаҳрисабздаги меъморий ёдгорлик (1380—1404). Амир Темур қурдирган. Шаҳарнинг шим.-шарқидаги бош майдонда жойлашган. Бир замонлар муҳташам, қашаматли бўлган бу саройнинг бизгача емирилиб, харобага ҳолга келган улкан пештоғи, икки чеккасидаги миноралари, сарой пойдеворининг бир қисмигина сақланган. О.нинг ҳоз. кўринишн ҳам салобатли ва гўзалдир. Бу салобатлилик ва гўзалликка ғиштларнинг яхлит бўлиб кўринишини таъминлаш — олд ва шим. девор юзасини сиркор пардинлар б-н бир текисда ишлаш туфайли эришилган. Пештоқ равоғининг эни 22,5 м, бал. 40 м, умумий бал. 50 м дан ошади. Пештоқ минораси ичидаги айланма зина орқали юқорига чиқилган.

Оқсарой (Шаҳрисабз).

О.нинг аввалги ҳолати тўғрисида фақат ёзма манбаларга қараб фикр юритиш мумкин. 20 й. давомида қурилган бу бино тўғрисида Абдураззоқ Самарқандий қуйидагича маълумот беради: «Темур ишга яроқли бўлганларнинг ҳаммасини Хоразмдан Моваройуннаҳрга кўчириш учун буйруқ берди... Хоразмлик усталар баланд ва салобатли сарой қуришди, ҳозир у Оқсарой номи билан машҳур». *Кампихо* саройни кўздан кечирганда (1404, 29 авг.) у ҳамон қуриб битказилмаган, баъзи жойларининг кошинли нақшлари тугалланмаган эди. Шунга қарамай, жуда ҳайратланганлигини, унинг ниҳоятда гўзаллигини ёзади. Сарой қурилишида хоразмлик усталар қатори, маҳаллий ва б. давлатлардан келган усталар ҳам қатнашган. Пештоқидаги ёзувлар орасида эронлик Муҳаммад Юсуф Табризий номи 2 марта такрорланган.

Ёзма манбаларга кўра, О. турар жой ва жамоат биноси сифатида қурилиб, хоналар ҳовли атрофида жойлашган. Бобур маълумотларига кўра, ҳовли ўртасида ҳовуз, тўрида гумбазли катта хона — девонхона, ёнларида маслаҳатчилар учун кичик хона, ҳашаматли равоқли бостирмалар, ички томонида ҳарам ва амирнинг хонаси жойлашган. Девонхона пештоғида арслон ва қуёш тасвири ва Темур давлатининг 3 ҳалқа шаклидаги нишони бўлган. Гумбаз ичи ва ёнларига, бурчаклардаги минораларга кошин-гиштлардан қалқон шаклидаги гириҳ нақшлар ишланган. Бу нақшлар силлиқланган гишт ва феруза рангли сиркор парчиндан ёзилган куфий хатлар замини йўғон кўк белбоққа ўхшаш мужассамотни ташкил этган. О. деворларидаги ранглар жилоси, тарихий, фалсафий ва диний мавзудаги, куфий, сулс ёзувлари, кошинкори безаклар, ислимий, гириҳ нақшларнинг ўзаро уйғунлиги бинога ажойиб ва сеҳрли мазмун бағишлаган. Рангларнинг ой ёруғида жилоланиб-оқариб кўринишидан бино О. деб номланган.

Пештоқ безаги.

Саройнинг ўзига хос хусусиятларидан бири — том тепасига ишланган ҳовузлар. Ҳовузга сув Тахтакўрача дарвозидан қўргошин қувурлар орқали оқиб келиб, ундан шаршара ҳосил қилиб пастга туширилган.

1707 й.да Бухоро хони Убайдуллахон О. пештоғи остида тож кийиб, тахтга ўтирганлиги пештоқнинг ўша пайтда бутун эканлигидан дарак беради. 1973—75 й.ларда археологик тадқиқотлар, 1994—96 й.ларда консервация ишлари олиб борилган.

Ад.: Маньковская Л. Ю., Қашқадарё воҳасининг архитектура ёдгорликлари, Т., 1979.

ОҚСАРОЙ — Тошкентдаги замонавий меъморий иншоот; Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароргоҳи. Бинонинг меъмори А. Тохтаев. О. Югославия (ҳоз. Сербия ва Черногория)нинг «Энергопроект високоғрадня Холдинг» компанияси б-н ҳамкорликда 6 ойда бунёд этилган (1999). Майд. 5460 кв. м. Қабулхона (тантанали кириш қисми)да меҳмонлар қабул қилиниб, ўзаро музокаралар олиб борилади. Мажлислар зали, дам олиш ва хизматчилар хоналари ҳамда қўшимча хоналар мавжуд. Хоналар турлича лойиқаластирилганига қарамай, ихчам ва бир-бири б-н ҳамоҳангдир. Одлий геометрик шакллардан ташкил топган бино тарзи жуда ҳашаматли кўринади. Пештоқи майда равоқчали, устунли, 2 қаноти галереяли, ўртаси ротонда шаклида. Оппоқ кўркам ва маҳобатли кўринишга эга. Сатҳи катта ўлчамдаги тош бўлаклари б-н қопланган. Интерьери юқори сифатли материаллар б-н жиҳозланган. Қабулхонанинг оқ ва зангори мармарли пол сатҳи ярқираган баланд шипи б-н уйғунлашган. Табиий қурилиш материалларидан маҳорат б-н сайқалланган. Атрофи манзарали дарахт, гулзор ва фавворалар б-н безатилиб, кўкат чимлар ётқизилган, шамчироқлар ўрнатилган.

ОҚСИЛ КАСАЛЛИГИ, оқсим, яшчур — асосан, жуфт туёқли ҳайвонларда шиддатли ўтадиган юқумли касаллик. Ҳайвонларнинг оғиз-бурун, туёқ ва елин териси эпителийларида пуфакчалар ҳосил бўлади. О. одамларга ҳам юқиши мумкин. Касалланган ҳайвонлар сути камаяди, озиб кетади, бола ташлайди: 50—70% ўлади. О.к. Осиё ва Африка мамлакатларида кўп учрайди.

Қўзғатувчиси — фильтрланувчи вирус; у 1897 й. Леффлер ва Фрош томонидан аниқланган. Ҳоз. вақтда иммунологик хоссаларига кўра, 7 хили ва кўпгина вариантлари аниқланган. О. хили — 13, С хили — 5, САТ-1—7, САТ-2 хили — 3, САТ-3 хили —4 ва Осиё -1 хили эса 2 вариантда мавжуд. Вируслар ташқи муҳит таъсирига чидамли, ажралиб тушган тери эпителийларида 67 кун, ахлат ва сийдикда 39 кун, музлаган гўштда 680 кун, қўлмак сувда 103 кун ўз хусусиятини сақлайди. Совуқ унча таъсир қилмайди, юқори ҳароратда тез ўлади, ўювчи ишқор ва формальдегид кучли таъсир этади.

Касаллик ҳайвондан оғиз, жароҳатланган тери ва шилимшиқ пардалар орқали юқади ҳамда 2—3 ойлик бузоқлар, қўзилар ва чучқа болаларида, кўпинча, оғир, эпизоотик ёки панзоотик кўринишда ўтади.

Вирус организмга тушиб, тери эпителийсида ривожланади ва шу жойни яллиғлантиради; кейинчалик қонга ўтиб, септицемия авж олади. Касалликнинг типик ва хавфли (атипик) кўринишлари бор. Типик кўринишда сўлак ажралиши кучаяди, кавш қайтариш сусаяди ва тана ҳарорати 40,5—41,5°гача кўтарилади. Касалликнинг 2—3 куни оғиз бўшлиғининг шилимшиқ пардаларида, туёқ оралиғи ва елин териси эпителийсида пуфакчалар вужудга келади. Кейинчалик улар ёрилиб, эрозиялар пайдо бўлади, ҳайвон оқсайди, туёғи тушиши мумкин. Маститлар, эндометритлар ривожланади. Ёш бузоқларда шиддатли гастроэнтерит пайдо бўлиб, кўпинча, ўлим б-н тугайди. Хавфли кўриниш, кўпинча, типик кўринишнинг давоми бўлиб, тузала бошлашнинг 7—10-кунида бирданига ҳайвон ҳолати оғирлашади, юрак фаолияти натижасида 20—50% ҳайвон ўлади.

Оқсарой (Тошкент).

Қуруқ чоралари: оғиз жароҳатлари калий перманганат, фурацилин эритмалари б-н чайиб турилади. Туёқ жароҳатлари формалин эритмаси, йод настойкаси ёки калий перманганат-стрептоцид аралашмаси, елин жароҳатлари эса антисептик малҳлар б-н даволанади.

Олдини олиш: карантин эълон қилинади, фаол ва пассив иммунизация ташкил этилади, касал ҳайвонлар соғломларидан ажратиб даволанади. Молхоналар ҳар куни дезинфекция қилинади. Дезинфекция учун 1% формальдегид эритмаси тавсия этилади. Гўнг биотермик йўл б-н зарарсизлантирилади. Шундай ҳайвонларнинг гўшт ва сут маҳсулотларини қайнатиб истеъмол қилиш мумкин. Одамлар О.к. б-н жуда кам касалланади. Уларга О.к. касал ҳайвонлар орқали, хом сут истеъмол қилганда юқиши мумкин.

Муҳаммат Ҳасанов, Эргашжонов Тошпўлатов.

ОҚСИЛ МИНИМУМИ — организмда азот мувозанати сақланиши учун овқатда бўлиши зарур оқсилнинг энг кам миқдори. Овқатдаги оқсил О.м.дан камайиб кетганда организмнинг ўз оқсиллари парчаланади. О.м. организмнинг индивидуал хусусиятларига, ёшига, семизлигига, шунингдек, овқатдаги углеводлар, ёғлар, витаминлар ва б. сифатига ҳамда миқдорига боғлиқ. Овқат рационлари тузиш учун оқсил оптимуми (организм эҳтиёжларини тўла таъминлаш учун зарур оқсил миқдори) асос қилиб олинади. Катта ёшли одамга бир суткада ўрта ҳисоб б-н 80—100 г (оғир жисмоний ишда 150 г) оқсил керак (яна қ. *Оқсил, Моддалар алмашинуви*).

ОҚСИЛ ПЛАСТИКЛАР — ҳайвон ёки ўсимлик оқсилларидан тайёрланган пластмассалар. Асосан, сут оқсили (казеин). Маккажўхори дони, ер ёнғоқ ва соя донидаги оқсиллар хом ашё бўлиб хизмат қилади. О.п. таркибида оқсиллардан ташқари, пластификаторлар, бўёғичлар бўлади. О.п.дан кўпроқ тарқалгани — галалит, асосан, тугма ва тўқа тайёрлашда ишлатилади.

ОҚСИЛЛАР, протеинлар — ҳамма тирик мавжудотлар таркибига кирадиган мураккаб, азот тутувчи органик моддалар. О. тирик материянинг тузилишида, шунингдек, унинг ҳаёт фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Ҳужайра таркибида бир неча минг хил О. мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бири маълум бир вазифани бажаради. Шунинг учун улар протеинлар (юн. protos — биринчи, энг муҳим) деб аталади. О. ҳужайра қуруқ вазнининг 3/4 қисмини ташкил этади.

Маълумки, ҳамма организмларнинг О.и, уларнинг ҳар хил биологик фаоллигидан қатъи назар, бир хил 20 та стандарт аминокислотадан ташкил топган бўлиб, бу кислоталар алоҳида ҳеч қандай биологик фаолликка эга эмас. О.нинг бир-биридан кимёвий фарқи, улардаги аминокислоталарнинг кетма-кетлигига боғлиқ. Аминокислоталар оқсил тузилмасининг алифбоси бўлиб, уларни турли тартибда бириктириб, чексиз сондаги кетма-кетликларни, яъни чексиз миқдордаги ҳар хил оқсилларни олиш мумкин. Мас., ҳар бир тур организмда бир неча минг хил О. мавжуд бўлиб, улар турларининг сони 10 млн. атрофида. Математик изланишлар шуни кўрсатадики, 20 та аминокислотадан ҳосил бўлиши мумкин бўлган О. изомерларининг оғирлиги Ер шари оғирлигидан оғирроқ бўлар экан.

О. макромолекулалар бўлиб, уларнинг мол. м.си бир неча мингдан бир неча млн.га тенг. О. молекуласининг қурилиш ашёси сифатида α-аминокислоталар хизмат қилади. α-аминокислотанинг бир углерод атомига (α-углерод атоми) аминогуруҳ ва карбоксил гуруҳ бирикади.

О.да 20 та α-аминокислота учрайди, улар бир-биридан R-гуруҳи б-н фарқ қилади, у гидрофил ёки гидрофоб, асосли, кислотали ёки нейтрал бўлиши мумкин.

О.даги аминокислоталар бир-бири б-н пептид боғлари, яъни амид боғлари б-н бириккан, бу боғ бир аминокислота α-карбоксил қолдигининг иккинчи аминокислота α-аминогуруҳли қолдиғи б-н боғланиши ҳисобига ҳосил бўлади. Шу кўринишда тузилган полимерлар пептидлар деб аталади, ди-, три-, тетра- ва ҳ.к. деб номланган олд қўшимчалар, молекула таркибидаги аминокислота қолдиқлари сонига боғлиқ, мас., дипептидда 2 та қолдиқ, трипептидда — учта қолдиқ ва б. Унча катта бўлмаган аминопептидлардан фарқли ўлароқ, полипептидлар 20 ёки ундан ортиқ (оқсил табиатига кўра, тахм. 50 тадан 2500 тагача) аминокислота қолдиқлари тутади.

О.да кетма-кет жойлашган аминокислота қолдиқлари узун занжирни ёки О.нинг бирламчи тузилмасини ташкил этади. Ўз навбатида, О.нинг ҳар хил жойида жойлашган аминокислота қолдиқлари таркибидаги кимёвий моддалар ўзаро ҳар хил боғлар б-н боғланиши натижасида О.нинг мураккаб иккиламчи, учламчи ва тўртламчи тузилмалари ҳосил бўлади. Юқори тузилишдаги тузилмалар физик ва кимёвий омиллар (юқори ҳарорат, кислота, ишқор ва б.) таъсирида қуйи тузилишдаги шаклларга қайтади (бу ҳодиса О. денатурацияси деб аталади), натижада улар ўз биологик фаоллигини йўқотади. Аммо айрим ҳолларда ташқи таъсир йўқотилса, О. юқори кўринишдаги шаклларига қайтади.

О. тузилиши ва вазифалари бўйича хилма-хил. Тузилишига кўра, 2 катта гуруҳга бўлиш мумкин: глобуляр ва фибриллар. Глобуляр О., асосан, сферик ёки эллипс шаклида бўлиб, улар таркибига бошқа гуруҳ моддалар ҳам қўшилган (простетик гуруҳ). Мас., гемоглобин глобин ва геминг қўшилмасидан ҳосил бўлган, шунинг учун уни яна гемопротеид деб ҳам аталади. Липид тутувчи О. липопротеидлар, углевод тутувчилар — гликопротеидлар, металл тутувчилар — металлпротеидлар дейилади.

Фибриллар О. — бир ёки бир неча полипептид занжирдан ташкил топган моддалар. Улар узун ип кўринишида бўлади. Бириктирувчи тўқима (актин, миозин, коллаген), соч, тери (α-кератин) О.и бунга мисол бўла олади. Фибриллар О., асосан, қурилиш ашёси ёки ҳимоя вазифасини бажаради.

О.нинг биологик вазифалари бўйича қуйидаги таснифи мавжуд: ферментлар (трипсин, рибонуклеаза), ташувчи О. (гемоглобин, зардоб альбумини, миоглобин), озиқ-овқат ва захира О.и (туҳум альбумини, сутдаги казеин, ферритин), қисқарувчи ва ҳаракат О.и (актин, миозин), тузилма О.и (коллаген, протеогликанлар, кератин), ҳимоя О.и (антителолар, фибриноген, тромбин, илон заҳари, бўғма қўзғатувчисининг токсини), назорат қилувчи О. (инсулин, кортикотропин, ўсиш гормони) ва б.

О.ни ажратиб олиш, улардаги аминокислота қолдиқларини аниқлашда кимё ва молекулар биол. фанларининг усулларидан (анализ, гельфильтрация, электрофорез, хроматография, секвенация ва б.) фойдаланилади.

Ад.: Ленинжер А., Основы биохимии, в 3 томах, М., 1985; Уайт А., Хендлер С., Смит Э. и др. Основы биохимии, в 3 томах, М., 1981.

Муҳсин Зокиров.

ОҚСИЛЛИ ОЗУҚАЛАР — ўсимликлар ва ҳайвонлар маҳсулотларидан тайёрланган, таркибида протеин кўп бўлган ем-хашак. Кўпчилик моллар учун ем-хашак озуқалар — кўкўт, пичан, дон ва дон чиқитлари, кунжара ва б. протеиннинг асосий манбаи ҳисобланади. Кўк озуқалар орасида ёш

дуккакли ўсимликлар ўтида хом протеин, айниқса, кўп. Мас., беданинг 1 озуқа бирлигида 200 г, хашаки дуккакли ўсимликларнинг 1 озуқа бирлигида 320 г гача хом протеин бор. Шунингдек, уларнинг сифати ҳам ғоят юқори бўлиб, тез ҳазм бўлишига ёрдам берадиган сувда эрувчи ва тузда эрувчи оқсиллар, алмаштириб бўлмайдиган *аминокислоталар* кўп. Шунингдек, дуккакли экинлар дони ҳам протеинга бой: нўхат ва вика 1 озуқа бирлиги донида 200 г гача, сояда 256 г гача протеин бор. Аминокислоталар таркиби бўйича кунжара (1 озуқа бирлигида 270—340) ва шротлар (300—370 г) протеинлари ҳам тўла қимматли емиш ҳисобланади. Ҳайвон маҳсулотларидан тайёрланган емларда протеин миқдори кўп ва юқори биологик қимматга эга. Гўшт унининг 1 озуқа бирлигида 570 г, балиқ унининг энг яхши навларида 600 г дан ортиқ, қуруқ қон кукуни 1 озуқа бирлигида 550 г протеин бор. Пиво, нон ва озуқа ачитқилари ҳам таркибида оқсилнинг кўплиги б-н ажралиб туради. Бундан ташқари, ачитқи хамиртуруш В гуруҳидаги витаминлар ва микроэлементлар манбаидир.

Рўзимат Ҳамроқулов.

ОҚСИЧҚОН — сувсарсимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи. Танасининг уз. 32 см гача, думининг уз. 10 см гача. Евросиё ва Шим. Америкада тарқалган. Ўрта Осиёда ҳам учрайди. Зарарли кемирувчилар б-н озиқланади. Мўйнаси учун овланади.

ОҚСОЙ — Самарқанд вилоятидаги сой. Зарафшон тизмасидаги Қоратепа тоғининг шим. ён бағридан бошланиб, шим.-шарққа оқади. Уз. 26 км, ҳавзасининг майд. 25,6 км^2. Бош қисмида Эрикўл деб аталади. Исломтепа яқинида Қорадарёга қуйилади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,31 м^3/сек., оқим модули 12 л/сек. км^2. Сувнинг асосий қисми эрта баҳорда ўтади. Баҳор ва ёз бошларида сойдан сел келади. О. водийсида яйловлар бор.

ОҚСОҚОЛ — Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбеклар ўртасида обрўэътиборли, ували-жували ва тадбиркор кишиларга нисбатан ҳурмат юзасидан ишлатиладиган атама. О.лар қадимда уруғ-жамоа бошлиғи ва кейинги даврларда нуфузли аъёнлар тоифасига киритилган. Мас., Хива хонлигида О.лар элчиларни қабул қилиш ва б. кўпгина тадбирларда фаол иштирок этишган.

Қишлоқ жамоасини ҳам сайлаб қўйиладиган О. лар бошқаришган. Йирик шаҳарлар, даҳалар ва маҳалла (гузарлар) бошлиқлари ҳам О.лар ҳисобланган. Шунингдек, қишлоқ ҳунармандчилик устахоналарига ҳам О.лар раҳбарлик қилган. Йирик сув тармоқларида суғориш-тақсимланишини ариқ-оқсоқол назорат қилган. О.лар турли солиқлар тўплашга, қ.х. юмушларини бажаришга, ҳашарларни уюштиришга ва тўй-маракаларни ташкил этишга раҳбарлик қилганлар. Баъзан зарурат туғилганда О.лардан оилавий-маиший масалаларни ҳал этишда ҳам маслаҳатлар сўралган.

Ҳозир — қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва шаҳарлар маҳалла қўмиталари раислари. Республика, вилоят, туман ва шаҳарларда О.лар кенгашлари фаолият юритмоқда.

ОҚСОҚОЛОТАСОЙ — Навоий вилояти Хатирчи туманидаги сой. Қоратоғнинг жан. ён бағридан бошланувчи Қорамачитсой ва Гумассойларнинг қўшилишидан ҳосил бўлади. Уз. 33 км, ҳавзасининг майд. 20,6 км^2. О. жан. ва жан.-ғарбга оқиб, Полвонота қишлоғи яқинида Қаҳрамон каналига қуйилади. Қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,03м^3/сек., оқим модули 1,7 л/сек. км^2. Ирмоқларининг умумий уз. 50 км, энг йириги Лабиараб (16 км). Баҳорда сел келади. О.дан Хатирчи туманидаги хўжаликлар ерлари суғорилади.

ОҚСОҚОТАСОЙ — Тошкент вилоятидаги сой. Чирчиқнинг йирик чап ирмоғи. Чатқол тоғ тизмасининг жан.-ғарбидан бошланиб, Барраж яқинида Чирчиққа қуйилади. Уз. 48 км, ҳавзасининг майд. 453 км^2. Сув йиғилиш майдонининг ўртача бал. 1840 м. Юқори қисмида тор, чуқур водийдан оқади. Чирчиқ водийси текислигига чиқиладиган қуйи қисмида эса дарё водийси кенгаяди. Энг йирик ирмоқлари: Белдорсой ва Нуракотасой. Қор-ёмғир сувларидан тўйинади. Тўлин сув даври апр.—июнда, энг катта сув сарфи эса май ойида кузатилади. Июль — окт.да суви камаяди. Ўртача оқим модули 14л/сек. км^2. Энг кўп сув сарфи 72,1 м^3/сек., энг кам сув сарфи 1,1 м^3/сек.

ОҚСУВ — тоза чучук сув. Ўрта Осиёда кенг тарқалган атама. Кўпроқ турғун, зах сувдан фарқ қилиб, оқар сув маъносида ишлатилади. Кўпинча сув номлари (гидроним)га айланади. Кўпгина олимлар, жумладан, Н. Г. Маллицкий, «музлик тагидан оқиб чиқадиган сув оқсув дейилади, чунки таркибидаги муз зарралари туфайли музлик суви оқ кўринади», деб ҳисоблайди. В. Л. Вяткин фикрича, тоғ дарёлари Оқсув (ёки Оқдарё)дир. Академик В. В. Бартольднинг кузатишича, ўз ўзанида оқадиган сув Оқсув ёки Оқдарё, канал қазиб оқизилган сув эса Қорасув ёки Қорадарё деб юритилади (қ. *Қорасув*).

А. Н. Кононов О.ни оқар сув деб изоҳлайди. Оқсув сўзи «Бобурнома»да кўп учрайди. Умуман, музлик сувлари оқиш кўринганидан шундай ном олган. Суви лойқа дарёлар ҳам О. Оқдарё деб юритилади. Шу номдаги дарё жуда кўп.

ОҚСУВ — Қашқадарё вилоятидаги сой. *Қашқадарё*нинг ирмоғи. Ҳисор тизмасининг ғарбий ён бағридаги музликлардан бошланади. Уз. 62 км. Сув йиғилиш майд. 845 км^2, ўртача бал. 2444 м. О.га чапдан Даҳансой, Обикихона, Гелендарё, Работ, Сужар каби ирмоқлар, ўнгдан Шутсой қуйилади. О. Чироқчидан 18 км юқорида Қашқадарёга қуйилади. Қор-музликлардан сув олади. Ўртача йиллик сув сарфи 12,3 м^3/сек. Энг кўп сув сарфи июнь ойига, энг кам сув сарфи дек.—янв.га тўғри келади. Йиллик сувининг 49,2% март—июнда оқиб ўтади. О.нинг ўртача оқим модули 14,6 л/сек. км^2. О.дан Китоб, Шаҳрисабз, Чироқчи туманларининг экинзорлари суғорилади.

ОҚСЎХТА (Dactylis glomerata L.) — бошоқдошлар оиласига мансуб кўп йиллик ўт. О.нинг бўйи 100—150 см. Пояси кўп, ҳавол, сербарг. Илдиз олди барг-лари жуда кўп, ингичка ва узун (100 см гача). Тўпгули бир ёнлама рўвак, поянинг учида. Илдизи сершох, узун (100 см гача).

Оқсўхта: илдизи ва пояси.

О. қор остидаёқ кўкара бошлайди, июнда гуллайди, авг. да уруғи пишади ва ер устки қисми қурийди. Ўзбекистонда тоғларнинг шим. ён бағирларида, айниқса, дарахт ва буталар остида кўп ўсади. О. энг яхши озуқабоп ўсимликлардан бири; таркибида 6,2—24,3% протеин бор. Молларга кўк ҳолида берилади, пичан тайёрлашда 19-а. бошларида О. лалмикор ва суғориладиган ерларга экила бошлаган.

ОҚТЕПА — *Анов маданияти*га оид маконлардан бири (мил. ав. 5-минг йиллик охири — 3-минг йилликнинг 2-ярми). Ашхобод ш.дан 3,6 км жан.-ғарбда жойлашган. О. дастлаб бир уруғнинг, кейинчалик йирик оила жамоасининг қароргоҳи ва кичик оиланинг қўрғони бўлган. Кейинги даврларга оид хом ғиштдан ишланган уй-жойлар (4 хонали), хўжалик буюмлари учун кичик ҳужралар ҳамда оила саждагоҳи ва б. топилган. О.да яшаган кишилар деҳқончилик, узумчилик, чорвачилик б-н шуғулланганлар. Улар жез қуроллар ва сирли сопол идишлардан фойдаланганлар.

ОҚТЕПА — Ўрта Осиёда қад. бинолар қолдиқлари ва археологик маданий қатламлар сақланган тепаликлар номи. Мас., Тошкент ш.нинг ўзида бир қанча О.лар мавжуд (қ. *Кўкча Оқтепаси*, *Чилонзор Оқтепаси*, *Чиғатой Оқтепаси*, *Юнусобод Оқтепаси*).

ОҚТЕПА ГЭС, Йўлдош Охунбобоев номидаги Оқтепа гидроэлектр станцияси — Ўзбекистонда дастлабки қурилган гидроэлектр станция. «Ўзбекэнергия» давлат-акциядорлик компаниясининг «Тошкент ГЭСлари каскади» шўъба корхонаси таркибида. Чирчиқ — Бўзсув сув трактининг ўрта қисмида жойлашган (Тошкент ш.да).

1935 й. 2 майдан қурила бошлаган. 2-жаҳон уруши бошланиши б-н қурилиш вақтинча тўхтатиб қўйилган. ГЭС қурилишида Тошкент ш.нинг аҳолиси ҳашар йўли б-н фаол қатнашди. Станцияда битта 15 минг кВт ли агрегат ўрнатилган. Тошкент ш. ва Тошкент вилояти истеъмолчиларига электр энергияси етказиб беради.

ОҚТЕПАСОЙ — Самарқанд ва Навоий вилоятларидаги сой. Нурота тизмасининг жан. ён бағридан бошланади. Уз. 60 км, ҳавзасининг майд. 715 км^2. Юқори оқимида Шағалсой номи б-н жан.-шарққа, сўнгра жан.-ғарбга оқади. Ўрта оқимида Пангатсой б-н қўшилиб Қўшработсойни, Ғужумсой б-н қўшилиб О.ни ҳосил қилади. О. Иштихон тумани ҳудудида Оқдарёга қуйилади. Водийсида тор даралар, тик қояли ён бағирлар, кўҳна қайирлар учрайди. Водийсининг кенглиги бир неча юз метр-дан 2 км гача.

Сой, асосан, мавсумий қор, ёмғир ва ер ости сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 1,15 м^3/сек., оқим модули 1,6 л/сек. км^2. Ёз ва кузда суви кескин камайиб кетади. О.нинг 60 дан ортиқ (умумий уз. 150 км) ирмоқлари бор. Йириклари: Пангатсой, Қизилолмасой, Шоввасой, Ғужумсой ва б. Сой водийсида камёб ҳайвонлар (архар, каклик, қобон ва б.) ва ўсимликлар учрайди. Сойдан Навоий вилоятининг Нурота, Самарқанд вилоятининг Иштихон туманлари хўжаликлари суғорилади.

ОҚТИШЛИЛАР (Crocidura) — ерқазарлар оиласига мансуб ҳашаротхўр сут эмизувчилар уруғи. Гавдасининг уз. 4—15 см (думи 4—10 см), калта юнг, сийрак ва узунроқ қил б-н қопланган. Тишларининг коронкаси оқ (номи шундан олинган), юқори жағининг ҳар қайсиси ярмида 3 тадан бир учли тишлари бор. 150 га яқин тури Африка, Жан. ва Ўрта Европа, Осиё, жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистонда тарқалган. Ўзбекистонда 2 тури: кичик О. Амударёнинг қуйи оқими, Зарафшон, Сирдарё, Фарғона, Сурхондарёда; оқ қоринли О. Сурхондарё водийсида учрайди.

ОҚТОВ (1964—91 й.ларда Шевченко) — Қозоғистон Республикаси Манғишлоқ вилоятидаги шаҳар, вилоят маркази. Каспий денгизидаги порт. Манғишлоқ я.о.да жойлашган. 1963 й.да, нефть ва газ конининг очилиши муносабати б-н бунёд этилган. Аҳолиси 143,4 минг киши (1999). Озиқ-овқат, енгил саноат корхоналари, АЭС, драма театри, ўлкашунослик музейи бор.

ОҚТОВ СЕРИЯСИ — Жан. Ўзбекистон палеоцен ётқизиқларидаги стратиграфик бирлик. О.М. Акрамхўжаев ва М. Эгамбердиевлар томонидан ажратилган. Оқжар (қуйи палеоцен) ва Бухоро (ўрта ва юқори палеоцен) қатламларини ўз ичига олади. Таркиби такрорланиб қатламлашган гипс-ангидрит, ғовак оолит (яхши коллектор хусусиятига эга) ҳамда фораминифера қолдиқларига бой доломит ва оҳактошлардан иборат. Остки палеоцен ётқизиқларининг энг катта қалинлиги (Сурхондарё ботиқлигида) 150 м гача бўлиб, баъзи жойларда гипс қатлами йўқ, доломит ва оҳактошлар эса кесимда 12—15 м гача қисқарганлиги кузатилган. Органик қолдиқлардан моллюскалар, микрофаунадан фақат остракодалар учрайди. Юқори палеоцен карбонат-сульфатли, карбонат-терриген ва мергель-гилли ётқизиқлардан иборат бўлиб, аниқ ажралган. Қалинлиги 50—193 м гача. Баъзи жойларда каолинит таркибли карбонатсиз, орасида ғурра шаклида жойлашган фосфорит таналари мавжуд бўлган қалинлиги 18—25 м гиллар ва 0,7 м гача қалинликда ёнувчи сланец қатламлари учрайди. Юқори палеоцен ётқизиқларининг умумий қалинлиги 70—210 м. О.с. қатламларининг умумий қалинлиги 40—50 м дан 390 м гача. О.с. қатламлари Тожикистон депрессияси ва Бухоро—Хива областларида ҳам кенг тарқалган. Сурхондарё ҳавзаси О.с. қатламларида 6 коллектор, горизонт ва бир неча нефть конлари мавжуд. О.с. стратиграфик аҳамиятга эга.

ОҚТОВ ТИЗМАСИ — Жан. Нурота тоғларидаги тизма. Самарқанд ва Навоий вилоятлари ҳудудида жойлашган, жан.-шарқдан шим.-ғарбга 120 км га чўзилган. Шарқда Қароқчитоғ тизмаси, ғарбда Қизилқум чўли, шим.да Нурота боғи, жан.-ғарбда Қоратоғ тизмаси б-н чегараланган. Ўртача бал. 1000—1200 м; шим.-ғарбда 600 м гача пасайиб, текислик б-н туташади. Энг баланд жойи 2003 м (Тахку чўққиси). Тизманинг жан. ён бағри қияроқ, кўплаб дарё ва сойлар б-н кесилган. О.т. бир неча кичик тоғлар (Бахилтоғ, Пистали, Дултали, Оқтошдан иборат. Герцин бурмаланиши даврида шаклланган антиклиналь структура. Палеозойнинг янги тектоник ҳаракатлар таъсирида кўтарилган оҳактош, сланец, гранитларидан ташкил топган. Иқлими кескин континентал, йиллик ёғин (ғарбий этакларида) 250 мм дан зиёд, шарқий этакларида эса (бал. 720 м) 450 мм дан ортиқ. Тизманинг юқори қисмларида ёғин кўпроқ. О.т.дан Зарафшон дарёсининг ўнг ирмоқлари (Зарбандсой, Қуруқсой, Андоқсой, Тасмачисой, Майдонсой, Олтинсой ва б.) бошланади. Тизмада кўплаб карст булоқлари мавжуд бўлиб, дарёларнинг тўйинишида (айниқса, ёз фаслида) асосий роль ўйнайди. Шим. ён бағридаги сойларда ҳам сув баҳор фаслида бўлади. Тоғ ён бағрида оддий бўз ва тўқ-бўз, тоғ жигарранг тупроқлар тарқалган. Эфемер ва эфемероид, шувоқ, қўзиқулоқ, оқ каврак, буғдойиқ, типчак, учқат, дўлана, писта, наъматак, бодом, баланд бўйли дашт ўтлари ўсади. О.т.да дала шпати, гранит, мармар конлари мавжуд. Яйлов сифатида фойдаланилади.

ОҚТОМ ҚАБРИСТОНИ — Жан. Фарғонадаги Марғилонсойнинг чап қирғоғидаги Оқтом ва Дамкўл қишлоқлари қаршисида жойлашган қад. қабристон (мил. ав. 6—3 а.лар). Жами 65 та мозоркўрғон аниқланган, улардан 15 таси милоднинг бошларига тааллуқли; қолган 50 тасининг 31 донаси кавлаб очилган. Кавланган мозоркўрғонлар остида 126 та қабр қазиб ўрганилди. Мозоркўр-ғонлар тупроқ ва чақиртошларни қабр устига тўплаб — уюм қилишдан вужудга келган. Улар остидаги ўрта қабрда 1 тадан 8 тагача майит бошини ғарбга қилиб қўйилган. Чириган ёғоч қолдиқларига кўра, ўралар устига ёғоч терилиб сўнгра усти ёпилган. Бу давр урф-одати бўйича марҳум ўнг томонига сопол идишлар (баъзан махсус токчага), жездан пичоқ, бигиз, пайконлар ҳамда жез, темир ва суякдан ясалган тақинчоқлар, баъзан қўйнинг бирор бўлаги ҳам қўйилган. Маҳаллий аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик б-н шуғулланган.

ОҚТОШ — Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги шаҳарча (1974 й.дан). Яқин т.й. станцияси — Тўрақўрғон. Аҳолиси 6 минг кишига яқин (2003). О.да пахта тозалаш з-ди, гугурт ф-каси, нефть базаси, туман «Деҳқонмаштаъминот» акциядорлик

жамияти, МТП, қишлоқ қурилиш конструкциялари к-ти, кўчма механизациялашган колонна, «Агрокимётаъминот» акциядорлик жамияти, газ тўлдириш ст-яси, Соҳил-обод ширкат хўжалиги, туманлараро улгуржи чакана савдо-и.ч. акциядорлик базаси, 3 умумий таълим мактаби, ихтисослаштирилган интернат лицейи, 2 қишлоқ врачлик пункти бор.

ОҚТОШ — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги шаҳар. Вилоятнинг жан.-ғарбида жойлашган. Туман маркази. 1967 й. 31 сент.да ташкил этилган. Т.й. станцияси (Зирабулоқ). Вилоят маркази (Самарқанддан 133 км ғарбда. Аҳолиси 35 минг кишига яқин (2003), асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, тожик, қозоқ, украин, корейс, яҳудий ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳарда 12 умумий таълим мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, 2 автокорхона, пахта тозалаш з-ди, «Оқтошдон», «Оқтошнон», «Саломатлик» акциядорлик жамиятлари, «Зарафшон» фирмаси, Зирабулоқ тажриба-синов з-ди, МТП, Зирабулоқ магистрал газ йўлларидан фойдаланиш бошқармаси, 4 банк, қурилиш қишлоқ к-ти, 2 та бозор, 2 клуб, туман марказий маданият уйи, 8 кутубхона, маданият ва истироҳат боғи, марказий касалхона, катталар, болалар, стоматология поликлиникалари, дорихона ва б. савдо, маданий, маиший шохобчалар бор. «Оқтош-эфир» телестудияси фаолият кўрсатади.

Оқтош шаҳридаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежи биноси.

ОҚТОШ АГАЛЬМАТОЛИТ-АЛУНИТ КОНИ — Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманидаги кон. Ғазалкент ш. яқинида, Қоржонтовнинг жан. ён бағрида жойлашган. 1923 й.да конда агальматолит, дюмортьерит ва иккиламчи кварцитларда *алунит* борлиги аниқланган. О.а.-а.к. тошкўмир даврига мансуб ҳар хил таркибли эффузив жинслар (Аққа свитасида)да топилган. Эффузивлар гумбазсимон букилмалар ҳосил қилган бўлиб, уларда турли йўналишдаги ёриқлар мавжуд. Лейкократ гранитлар эни 50—300 м ли кварц-серицит, кварц ва андалузит-корундли жинслар б-н ўралган. Акча свитаси (қалинлиги 400—600 м) дан паст т-рада ҳосил бўлган кварцит юнасида алунит, диаспор, агальматолитларнинг линзасимон, устунсимон таналари жойлашган. Кварцитлашган юнанинг жанд.да дюмортьерит, корундга бой кварц-серицитли жинслар, шим.да каолинитли, диаспор-каолинит-пирофиллитли, диаспор ва алунитли кварцитлар кенг тарқалган. Алунитли увомлар 20—120 м ли изотермик шаклларга эга. Алунитнинг рудалаги умумий миқдори 10—60%. 100—500 м чуқурликда алунитли кварцитлар борлиги аниқланган.

«ОҚТОШ» САНАТОРИЙСИ — Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Оқтош қишлоғидаги тоғ иқлимий курорт. Тошкент ш.дан 65 км, Ғазалкент ш.дан 10 км масофада, денгиз сатҳидан 1140 м баландликда жойлашган (Ғарбий Тяньшан — Қоржонтовнинг пастки қисми). Майд. 8,5 га. Тарихий манбаларга кўра, санаторий ҳудудида дастлаб геологлар яшаб тоғ қидирув ишларини олиб боришган. 1936 й. силга алоқаси бўлмаган нафас аъзолари ҳамда нерв системаси касалликлари б-н оғриган кишилар даволанадиган санаторий ташкил этилган. 1942—45 й.лар санаторий кўкрак қафаси жароҳатланганлар учун ҳарбий госпиталь бўлган. Ҳоз. нафас аъзолари касалликлари, асосан, бронхиал астма б-н оғриган беморлар давола-нади. Санаторий яхши кўкаламзорлаштирилган, атрофи кенг баргли ўрмонлар б-н ўралган (ёнғоқ, писта, бодом ва б. ўсади). Иқлими мўътадил континентал: қиши юмшоқ, ёзи иссиқ, ининг уртача т-раси —2°, июлиники 35°, нисбий намлик 55%, қуёшли кунлар давомийлиги йилига 2550 соат. Даволаш омили — кислородга ва нифобахш ҳир моддаларга бой мусаффо тоғ ҳавоси. Тоғ дарёларидан келадиган табиий гидро иоплашш келиб чиқиши жиҳатдан постнефтик нафас аъзолари хасталикларига шифобахш таъсир этади. Даволаш комплекси физиотерапия, сунъий ваннлар (игнабарги, тузли), сауна, парафин ва озокерит б-н даволаш, массаж, даво физкультураси, терренкур, мақсадга мувофиқ овқатланишдан иборат. Санаторийда шарқ табобати — гиёҳлар б-н даволашга кенг фойдаланилади. 100 (ёзда 126) ўринга мўлжалланган ётоқ корпуслари (бир ва икки ўринли), 4 та оилавий коттедж, клуб, кутубхона, спорт майдончалари мавжуд (2003). Болалар ва ота-оналари учун йил бўйи ишлайдиган болим ҳам бор (1999 й.дан). Санаторийнинг кириш дарвозаси арк услубида қурилган.

«Оқтош» санаторийси манзараси.

ОҚТУМШУҚ БУРНИ — Орол денгизининг ғарбий соҳилида, Устюрт платосининг шарқида жойлашган бурун. Оқтумшуқ кўтарилмалар юнаси Кассарма антиклиналининг энг баланд б. ўсади). Иқлими мўътадил континентал: қиши юмшоқ, ёзи иссиқ, ининг уртача т-раси —2°, июлиники 35°, нисбий намлик 55%, қуёшли кунлар давомийлиги йилига 2550 соат. Даволаш омили — кислородга ва нифобахш ҳир моддаларга бой мусаффо тоғ ҳавоси. Тоғ дарёларидан келадиган табиий гидро иоплашш келиб чиқиши жиҳатдан постнефтик нафас аъзолари хасталикларига шифобахш таъсир этади. Даволаш комплекси физиотерапия, сунъий ваннлар (игнабарги, тузли), сауна, парафин ва озокерит б-н даволаш, массаж, даво физкультураси, терренкур, мақсадга мувофиқ овқатланишдан иборат. Санаторийда шарқ табобати — гиёҳлар б-н даволашга кенг фойдаланилади. 100 (ёзда 126) ўринга мўлжалланган ётоқ корпуслари (бир ва икки ўринли), 4 та оилавий коттедж, клуб, кутубхона, спорт майдончалари мавжуд (2003). Болалар ва ота-оналари учун йил бўйи ишлайдиган болим ҳам бор (1999 й.дан). Санаторийнинг кириш дарвозаси арк услубида қурилган.

ОҚТУМШУҚ БУРНИ — Орол денгизининг ғарбий соҳилида, Устюрт платосининг шарқида жойлашган бурун. Оқтумшуқ кўтарилмалар юнаси Кассарма антиклиналининг энг баланд қисмида жойлашган. Ер ости сувлари ҳавзаси Кассарма антиклиналининг ғарбий қанотида ҳосил бўлган. Ер ости сувлари ҳавзаси Кассарма антиклиналининг ғарбий қанотида ҳосил бўлган. Ер ости сувлари ҳавзаси Кассарма антиклиналининг ғарбий қанотида ҳосил бўлган.

лик ф-каллари), «Актюбинскхимёпластмасс» и. ч. бирлашмаси бор. Қурилиш материаллари ҳам ишлаб чиқарилади. 3 олий ўқув юрти, театр, 2 музей мавжуд.

ОҚТЎБА ВИЛОЯТИ (1992 й.гача Актюбинск вилояти) — Қозоғистон Республикасидаги вилоят. 1932 й. 10 мартда ташкил этилган. Республиканинг ғарбий қисмида. Майд. 300,6 минг км². Аҳолиси 718,9 минг киши (1999), асосан, қозоқлар, шунингдек, рус, украин, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 54%. О.в.да 13 маъмурий туман, 7 шаҳар, 4 шаҳарча бор. Маъмурий маркази — Оқтўба ш.

О.в. ғарбда Каспийбўйи пасттекислиги, жан.да Устюрт платоси, жан.-шарқда Турон пасттекислиги ва шим.да Урал тоғларининг жан. тармоқлари оралиғида. Вилоятнинг катта қисми текислик (бал. 100—200 м); ўрта қисмида Мугожар тоғлари (энг баланд жойи 657 м), ғарбий қисмида Урал ёни платоси, жан.-шарқда Ороллбўйи Қорақуми, Катта ва Кичик Бўрсиқ қумлари, шим.-шарқда Тўрғай платоси бор.

Иқлими кескин континентал, ёзи иссиқ ва қуруқ, қиши эса совуқ. Ёзда тез-тез гармсел ва тўзон, қишда эса қор бўронлари бўлиб туради. О.в. шим.-ғарбида июлнинг ўртача т-раси 22,5°, жан.-шарқида 25°, янв.да шим.-ғарбида —16° ва жан.-шарқида —15,5°. Йилига шим.-ғарбида 300 мм га яқин, маркази ва жан.да 125—200 мм ёғин ёғади. Вегетация даври шим.-ғарбида 175 кун, жан.-шарқида 190 кунгача.

Дарёлари Каспий денгизи ва кичикроқ кўлларга қуйилади. Йирик дарёлар — Эмба, Уралнинг ирмоқларидан — Ўр, Илек, шунингдек, Иргиз, Ушл, Тўрғай ва Сағиз. Аксари дарёлари камсув, ёзда қуриб қолади. 150 га яқин, асосан, шўр кўллар бор. Вилоятнинг шим.-ғарбида қоратупроқ ва каштан тупроқлар, ўрта ва шим.-шарқида оч каштан ва бўз тупроқлар тарқалган.

Жан.да шўрхоклар ҳам учрайди. Вилоятнинг шим.-ғарбида хилма-хил дашт ўсимликлари, жан.да эса чала чўл ва чўл ўсимликлари ўсади. Юмронқозиқ, қўшоёқ, сичқон каби кемирувчилар кўп. Йиртқич ҳайвонлардан бўри, қарсак тулки бор, жайран ва сайғоқ сақланиб қолган.

О.в. да йирик саноат (асосан, кончилик, кимё, машинасозлик ва қ.х. маҳсулотларини қайта ишловчи) ва қ.х. (лалмикор деҳқончилик ҳамда йилов қўйчилиги) ривожланган. Вилоят энергетикаси асосан Қарағанда кўмирига асосланган. Хромит, мис, никель-кобальт рудалари, титан, олтин, шунинг-дек, фосфорит (Оқтўба фосфорит ҳавзаси), нефть ва табиий газ бойликлари кўп. Кончилик, кимё, ферроқотишма ва б. саноат тармоқлари ривожланган. Кончилик саноати корхоналари Мугожар тоғларидадир, вилоятнинг марказий ва жан. қисмида нефть ва газ қазиб олинади. Оқтўба ш.да ферроқотишма, хром бирикмалар, рентген аппаратураси, қ.х. машинасозлиги, механика, автомобиль таъмирлаш з-длари ва енгил ҳамда озиқ-овқат саноати корхоналари, кимё к-ти бор.

Ернинг кўп қисми яйлов ва ўтлоқлар. 1956—58 й.ларда 1,6 млн.га дан ортиқ кўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, галлачилик хўжаликлари барпо этилди. Ғалла, техника экинлари (асосан, кунгабоқар), картошка, сабзавот сан, кунгабоқар), картошка, сабзавот ва полиз, озуқа экинлари экилади. Қорамол, қўй, эчки, йилқи, туя боқилади. Вилоятнинг шим.-ғарбида лалмикор галлачилик (баҳорги бугдой, арпа, кор галлачилик (баҳорги бугдой, арпа, сариқ), гўшт-сут чорвачилиги, чўчқачилик ва паррандачилик ривожланган. Вилоятнинг кўр-тоқчил ҳудудида яйлов чорвачилиги (гўшт-ёғ ва гўшт-жун) ва деҳқончилик б-н шуғулланилади. Шалқар кўлида балиқ овланади. Т.й. узунлиги 1140 км. Асосий т.й.лари: Оренбург—Оқтўба—Тошкент ва Оренбург — Қандағач — Орск. Ҳаво йўллари Оқтўба — Қандағач — Орск. Ҳаво йўллари О.ни Москва, Олмаота ва вилоятнинг б. туманлари б-н боглаб туради. О.т.дан Атеров — Орск нефть қувури ўтади. О.в.да пед. ва тиббиёт ин-тлари, кутубхоналар бор.

ОҚТЎҚАЙ ҒОРИ — Қозоғистоннинг Жамбул вилояти, Сариеу туманидаги ғор. Оқтўқай қишлоғининг жан. чеккасида, Чабакти дарёси соҳилида, 850 м баландликда жойлашган. Тошқўмир даврига мансуб оҳактошларда ҳосил бўлган. Ғорнинг кириш қисми Чабакти дарёси ўзанидан 30 м баландликда, эни 14 м, бал. 0,6 м. Ғор бир хона (зал)дан иборат, уз. 48 м, эни 6—16 м, бал. 3—9 м. Сақни ичкарига томон кўтарилиб боради, шипи гумбаз шаклида. Ғор охиридаги тешик ер юзасига чиқади. Ғорнинг майд.441 м², ҳажми 2198 м³.

ОҚУВЧАНЛИК (машинасозликда) — материалга таъсир этаётган кучнинг қиймати оширилмаган ҳолда унинг деформацияланишида (шаклини ўзгартиришда) давом этиши, О. газлар, суюқликлар, пластик материалларга хос хусусият. О. ҳар қайси материал учун кучланишнинг маълум чегараси (О. чегараси) да ҳосил бўлади. Газ ва суюқликлар учун О. ҳар қандай кучда, қаттиқ пластик материаллар учун юқори кучланишларда намоён бўлади. Агар материал О. хусусиятига эга бўлмаса, унга нисбатан О. чегараси қўйилади (бу материал узилишини 0,2% узайтирадиган нагрузка вужудга келтирадиган кучланишга тенг). Металларни қиздириб ҳамда совуқлайин босим б-н ишлашда О. хоссасидан фойдаланилади.

ОҚУРУҒ — ўрпатишар оиласига мансуб, ярим ўткинчи ва ўтроқ балиқлар уруғи. Таносининг қорин сузгичидан кейинги тўғрисидан кейинги қисми тангачасиз, анал сузгичи узун. 3 тури бор. Европнинг сув ҳавзаларида учрайди. Улар орасида оқ балиқ кенг тарқалган; Ўзбекистонда Амударё, Зарафшон, Сирдарё ва уларнинг ирмоғида яшайди. Уз. 50 см гача, вазни 5 кг гача. Бу тур Оқ денгиз, Болтиқ, Баренц ва б. Шим. денгизлар, Қора, Азов, Каспий ва Орол денгизлари ҳавзаларида ярим ўткинчи ва ўтроқ формаларини ҳосил қилади. Ғарбий Сибирнинг айрим кўлларида *акклиматизация* қилинган. Ярим ўткинчи О.б. 3—4 й.да, ўтроқ О.б. 5—8 й.да вояга етади, апр.—майда 68—390 мингтача тухум қўяди. Саноат миқёсида овланади.

Оқуруғ қовун нави.

Оқча балиқ.

ОҚЧИЛ — аёлларнинг жинсий аъзоларидан ажраладиган чиқинди; қинда доим бўлади (қ. *Жинсий аъзолар*). Одатда, жинсий аъзоларнинг тери ёки шиллиқ қаватларини қизартирмайди. Ҳайз кўришдан олдин, ҳомиладорлик ва чилла даврида, шунингдек, қизлар балоғатга етиш даврида О. кўпроқ ажралади, чунки бу вақтда жинсий аъзоларга қон кўп қуйилиб, тухумдон функ-ци-

яси кучаяди. Доим озода юрадиган аёлларда О. ажралиши сезилмайди. О.нинг ранги, ҳиди ўзгарса (саргимтир-яшил, суюқ ёки қуюқ, қўланса) ёки одатдагидан кўп ажралса, аёл жинсий аъзолари соҳасида ачишиш, қичишиш сезади; шу соҳа доим намланиб турали. Жинсий аъзоларнинг турли касалликлари (мас., *вульвовагинит* ва б.) ёки организмнинг умумий касалликлари (мас., сил, камқонлик, қандли диабет), шунингдек, юрак касалликларида О. кўп ажралади. Аёлларда қин девори пастга тушганда, оралиқ йиртилганда, шахсий гигиена қоидалари бузилганда, ҳомиладорликдан сақланиш воситаларидан ножоиз фойдаланганда ва б. ҳолларда ҳам О. кўп ажралиши мумкин. О. келиши ўзгарганда дарҳол мутахассис врачга учрашиш ва тегишли маслаҳатлар олиш лозим.

ОҚЧИТИР, қаргатирноқ (*Euclidium sytiacum*) — бутгулдошларга мансуб бир йиллик бегона ўт. Пояси асосидан тарвақайлаган, сершох, қаттиқ туклар б-н қопланган, бўйи 10—30 см. Барглари бандли, чўзинчоқ, кетма-кет жойлашган, четлари сийрак тишли, тукли. Гуллари оқ ёки оқиш-сариқ, бандсиз, поя учида шода тўпгул ҳосил қилади. Мевабанди йўғон, меваси — қўзоқ. Илдизи ўқ илдиз. Май — июлда гуллайди ва мевалайди. Бир тупи 3 мингдан ортиқ уруғ тугади. Уруғидан кўпаяди. Уруғлари 4—18° ҳароратда кўкаради. Март — майда, шунингдек, авг.—окт.да ниҳол беради. Ўрта Осиёда тарқалган. Беда, суғориладиган ва лалми дон экинлари орасида учрайди.

Оқчитир: *1* — пояси; *2* — илдизи.

Кураш чоралари: гуллагунгача ўтоқ қилинади, пичанга экилган беда эрта муддатларда, бегона ўт мевалари етилгунча ўрилади; ғалла экинларига 2,4-D типидаги гербицидлар пуркалади ва б.

ОҚЧЎП СВИТАСИ — Фарғона водийсининг шим. ва шим.-ғарбий қисмида жойлашган ўрта плиоцен (неоген) қатламлари таркибидаги стратиграфик бирлик. М. Н. Грамм (1959—62 й.лар) ажратган. О.с. оч қўнғир, қизғиш ҳамда тўқ қўнғир рангдаги гилтош, гилли алевролит, қумтош ҳамда конгломератлардан таркиб топган. Умумий қалинлиги 400 м дан (Избоскан) 800—1000 м гача (Оқчўп, Супатов). Қатламлар ёшин айрим денгиз ҳайвонлари (гастроподлар, остракодлар) ҳамда субтропик ўсимликлар қолдиқларига қараб аниқланган. О.с.нинг остида бахмалтепа ёки обчақ свиталари, юқорисида кепелли свитаси ажратилган. О.с. стратиграфик аҳамиятга эга.

ОҚШИЙРОҚ — Тяньшандаги тог массиви, Қирғизистонда. Жан.-ғарбдан шим.-шарққа томон чўзилган ва Норин дарёси б-н Сарижаз дарёси ҳавзаси ўртасида сувайиргич. Уз. 50 км. 3 параллел тизмадан иборат. Энг баланд жойи 5126 м. Метаморфик сланец, оҳактош, гранитлардан таркиб топган. Тяньшандаги муҳим музлик маркази. Умумий майд. 439 км²; 59 музликдан энг каттаси Петров музлиги бўлиб, Норин дарёси шу ердан бошланади. Баланд тог-субнival ва гляциал-нival ландшафтлар асосий ўрин тутади.

ОҚШОҲ (? — 1221) — *Муҳаммад* Хоразмшоҳнинг ўғли. Хоразмшоҳ ўлими олдидан О. ва бошқа ўғли *Ўзлоқшоҳни* чақириб тахтни *Жалолиддин Мангубердига* беражагини билдирган. Ака-укалар Гурганжни мудофаа этиш учун келишган. Собиқ валиаҳд Ўзлоқшоҳ тарафдорлари Жалолиддинни тан олмаганлар. Жалолиддин Гурганжни ташлаб кетишга мажбур бўлган. 3 кундан сўнг мўғулларнинг яқинлашиб келаётганини эшитган Ўзлоқшоҳ ва О.лар ҳам шаҳарни тарк этганлар. Мўғуллар уларни таъқиб этиб, Ҳабушон вилоятидаги Вашта қишлоғида уларга етиб олганлар. Аввалига шаҳзодалар мўғулларнинг бир тўдасини енгишган, галабадан кибрланиб, хавф-хатардан огоҳ бўлмай турганларида мўғуллар уларни қуршаб олиб, аскарлари б-н чопиб ташлаган. Мўғуллар О. ва Ўзлоқшоҳнинг каллаларини найзага илиб мамлакат бўйлаб кўтариб юришган.

*Жувайний*нинг ёзишича, Ўзлоқшоҳ ва О. мўғуллар томонидан асир олиниб, 2 кундан сўнг қатл этилган. *Рашидуддин*га кўра, мўғуллар уларни шаҳзода эканликларидан бехабар бошқалар қатори чопиб ташлаганлар.

ОҚШЎЛАҚ — Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманидаги шаҳарча (1992 й.дан). Яқин т.й. станцияси — Қирққиз. Аҳолиси 1 минг киши (2000). О.да умумий таълим мактаби, кутубхона, клуб, дорихона, тиббий даволаш муассасалари, савдо, маданий, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бор.

ОҚҚАНОТЛАР, алейродидлар (Aleyrodinea) — тенгқанотлилар туркумига мансуб ҳашаротларнинг кенжа туркуми. Танасининг уз. 1,3—1,8 мм. Вояга етган индивидлари жуда ҳаракатчан; оқ унсимон губор б-н қопланган қанотлари бор. Мўйловлари 3—7 бўғимли. Оғиз аппарати сўрувчи типда. Чала ўзгариш б-н ривожланади. О. намсевар ҳашаротлардир, шунинг учун ҳаво ҳароратининг ошиши ва нисбий нам-дикнинг пасайиши уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Ўзбекистонда иссиқхона О. (Trialeurodes vaporariorum Westw.) ва гўза ёки тамаки О. (Bemisia tabaci) нисбатан яқинда пайдо бўлиб, асосан, иссиқхоналардаги ўсимликларга зарар келтира бошлади. Бироқ кейинги йилларда улар очиқ далалаги сабзавот экинларга ҳам кенг тарқалмоқда. Суғорма деҳқончилик минтақаларда йилига 7—8 авлод беради. О. личинкаси ҳужайра ширасини сўриб, ўсимлик ривожига салбий таъсир қилади ва улар ажратган ёпиш-қоқ суюқликда қоракуя замбуруғлари тараққий этиб, ассимиляция жараёнини суслайтиради, шу тариқа О. икки тарафлама зарар келтиради.

Оққанотлар: етук иссиқхона оққаноти ва бардаги ҳашаротлар.

Кураш чоралари: актеллик (0,15%), карбофос (0,2%), БИ-58 (0,15%) ва пиретроидлар (прометрин, цимбуш, децис, суми-альфа, ровикурт ва б.) пуркаш; иссиқхоналарда 1—3 ёшдаги личинкаларга қарши энтомопатоген замбуруғ — ашерсония, катта ёшдаги личинкаларга қарши эса энкарзиядан фойдаланиш тавсия этилади.

Шамил Ҳўжаев.

ОҚҚОВОҚ ГЭСЛАРИ — Ўзбекистонда қурилган дастлабки гидроэлектр станциялари. Тошкент вилоятидаги Чирчиқ-ларнинг Бўзсув каналида қурилган. 1-ГЭС 1941 й. ноябрда қурила бошлаб, 10,7 минг кВт қувватга эга бўлган 1-навбати 1943 й. 7 мартда ишга туширилган. 2,61 минг кВт қувватли 2-навбати 1946 й июлда қурила бошланиб, 1951 й. июлда тугалланган. ГЭСда йилига ўрта ҳисобда 170 млн. кВт-с электр энергия-си ҳосил қилинади. «Ўзбекэнергия» давлат-акциядорлик компаниясининг «Чирчиқ ГЭСлар каскади» шўъба корхонаси таркибида. 2-ГЭС 4 км қуйироқда, 1943—46 й.ларда қурилган. ГЭС тупроқ-тўғон, уз. 2833 м бўлган очиқ деривацион канали, босим ҳавзаси, станция бинокори ва очиқ электр тақсимлаш қурилмасидан иборат. Станция бинокорида умумий қуввати 9 минг кВтли 2 та агрегат ўрнатилган. ГЭСда йилига ўртача 65 млн. кВт-с электр энергияси ҳосил қилинади. «Қодирия ГЭСлар каскади» шўъба корхонаси таркибига киради.

Электр станциялар Тошкент вилоятининг йирик саноат корхоналарини ва аҳолини электр энергияга бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

ОҚҚОВУН, Оқ қовун - 557 — ўртапишар, серҳосил нав. Шакли чўзиқ — тухумсимон, йирик, уз. 30—35 см, яхши парваришланса 50—60 см гача етади, 6—10 кг. Сирти бир оз ғадир-будур, йирик тўрли. Пўсти қаттиқ. Этининг қалинлиги ўртача —5—6 см, оқ, сершира, қумоқ-юмшоқ, карсилдоқ, хушбўй. Таркибида 6,27—10% қанд, шу жумладан, 5,3—6,5% сахароза, 11,6—14,0% қуруқ модда бор.

Оққовун қовун нави.

Уругхонаси ўртача, уруғи йирик. Уруғи униб чиққач, 85—100 кундан кейин пишиб етилади. Бўз тупроқли ерларда, айниқса яхши ҳосил беради. Ҳосилдорлиги 250—380 ц/га. Узоқ жойларга юборишга, қоқи қилишга яроқли. Тошкент вилояти ва Фарғона водийси учун р-нлаштирилган.

ОҚҚОПЧИҒАЙ — Сурхондарё вилоятидаги сой. Сурхондарёнинг ўнг ирмоғи. Ҳисор тизмасининг жан.-шарқ-ий ён бағридан бошланади. Уз. 61 км, ҳавзасининг майд. 65,4 км². Юқори оқимида тор дарасимон водийда оқади. Оққопчиғай дарасигача ўзанининг кенглиги 6—8 м, қуйи оқимида 80—150 м гача кенгаяди. Қор, ёмғир сувларидан тўйинади. О.га баҳорда вақтинча оқар сойлар қуйилади. Ўртача йиллик сув сарфи 4,9 м³/сек.

ОҚҚУЙРУҚ (Saiga tatarica) — қувушшохлилар оиласига мансуб сут эмизувчи ҳайвон (қ. *Сайғоқ*).

ОҚҚУРАЙ (Psoralea L.) — дуккаклилар оиласига мансуб ўтлар туркуми, кўп йиллик ўсимлик. Ўзбекистонда (P. drupaceae Bge.) дуккакли О. тури учрайди. Илдизи йўғон ва узун. Пояси тарвақайлаб шохланган, уз. 130 см ча. Барглари оддий, яхлит, юмалоқ ёки уч бўлакли, четн аррасимон, бандли, кетма-кет жойлашган. Гули майда, тўпгулли шингилсимон, гултожиси бинафша ранг. Гулкосалари қўнғироқсимон, 5 тишли. Меваси бир уруғли дуккак. Дуккаги пахмоқ туклн. Пояси, барги ҳамда меваси тук ва майда безакчалар б-н қопланган. Июнь—сент. ойларида гуллаб уруғлайди. Доривор ўсимлик ҳисобланади. Илдизи ва мевасида фурокумаринлар (псорален, изопсорален ва б.), мевасида эфир мойи ва б. мавжуд. Илдизи ва мевасидан олинадиган псорален препарати пес касаллиги (витилиго)ни даволашда ишлатилади. Тоғ ёнбағирларида, баҳорикор ерларда бегона ўт сифатида ўсади. Чўл ва адир минтақаларига кенг тарқалган.

Оққурай.

ОҚҚУШ (лот. Cygnus) — *асосан ефет расининг* Шим. ярим шаридаги юлдуз туркуми. Энг ёрут юлдузлари α (Денеб), γ, ε ва δ; уларнинг ёрутлиги 1,3; 2,2; 2,5; 2,9 визуал юлдуз ёрутлигига мос келади. О. *Somon йўли*да жойлашган. Ўзбекистонда июль, август ойларида кузатиш мумкин.

ОҚҚУШЛАР (Cygnus), оққушлар — гоззлар оиласига мансуб йирик қушлар. Бўйни тана узунлигича тенг. Патлари кўпинча оқ рангда. Ўзбекистонда 3 тури учрайди. Вишилоқ О. — тумшугидаги қора гурраси б-н бошқа тўпларидан ажралиб туради. Гавдасининг уз. 180 см, вазни 13 кг. Ғарбий Европадан Тинч океанигача бўлган ҳудудларда уя қуради. Бақироқ О. гавдасининг уз. 160 см гача, вазни 12 кг гача. Атлантика океанидан Тинч океанигача бўлган ҳудудларда тарқалган. Кичик О. — гавдасининг уз. 120 см гача, вазни 7 кг гача; асосан, тундрада яшайди; чучук сувли кўл, баъзан денгиз қирғоқларидаги қамишзорларга уя қуради. Кичик О.нинг урғочиси 5—12 та тухум қўйиб, 35—40 кун босади. Нари ҳам уя қуришда ва болаларини боқишда қатнашади. О. жуда яхши сузади ва учади; ўсимликлар, майда сув жониворлари б-н озиқланади. Улар чиройли бўлганлиги учун ҳайвонот боғларида боқилади. Тутқинликда кўпаяди. Вишилоқ ва бақироқ О.лар Ўзбекистон Қизил китобига киритилган.

Оққушлар.

ОҚҚЎРҒОН — қушонлар даврига оид қишлоқ харобаси (мил. ав.1-а. — мил. 4-а.лар). Шеробод шаҳ.дан 8 км жан.-ғарбда, Хўжакиз қишлоғи яқинида жойлашган. О.нинг сақланиб қолган қисми тўғри тўртбурчак шаклида, бал. 3—4 м, майд. 0,6 га. 1973—74 й.ларда Ўзбекистон ФА Археология ин-тининг Бақтрия экспедицияси (Ш. Пидаев) томонидан археологик тадқиқот ишлари олиб борилган. Стратиграфик изланишлар давомида ёдгорликнинг маданий қатламлари 6,5 м ни ташкил этиши ва унда 5 та меъморий босқич мавжуд бўлганлиги аниқланган. О.нинг энг сўнгги меъморий босқичи тўлиқ очиб ўрганилган. Бу ерда 5 та алоҳида жойлашган уйлар мажмуаси борлиги қайд этилган. Уйлар бир-бирлари б-н катта кўча ва ҳовлилар б-н ажралиб турган. Ҳар бир уй мажмуаси 10 га яқин хонадондан иборат бўлиб, уларда кичик оилалар истиқомат қилган. Кичик оилага 2—3 та хона тегишли бўлган. О.да жами 70 тадан ортиқ хоналар очиб ўрганилган. Уйларнинг деворлари 60—80 см баландликда сақланган. Деворлар квадрат шаклидаги хом гиштлардан ва пахсадан барпо этилган. Кўпгина хоналарнинг деворлари лой сувоқ устидан оқланган. Айрим хоналар лой сувоқ устидан ганч б-н сувалган. Жан. уй мажмуасидаги бир хона ўзининг катта ўлчамлари, деворлари қора ва қизил рангли б-н безатилганлиги б-н ажралиб туради. Бу хона қишлоқ жамоаси оқсоқолининг қабул хонаси бўлган деб тахмин қилинади. О.да олиб борилган археологик тадқиқотлар давомида юқори сифатли турли шаклдаги бежирим сопол идишлар, темирдан ясалган пичоқ, ўроқ, ўқ-ёй нишлари, қошиқлар, турли қимматбаҳо тошлардан ясалган маржонлар, жез кўзгулар, шиша маржон

Оққўрғон. *1* — Будда ҳайкалчаси (4-а.). *2* — олтин сирға (13-а.).

ва идишлар, тош ёргучоқ, тегирмонтошлар, урчуқлар, фил суягидан ишланган соч тўғногичлари, аёл маъбудаларининг терракотадан ишланган ҳайкалчалари, от, суворий, йўлбарс, шер, эчки, қўй, маймун, кабутар кабиларнинг ҳайкалчалари топилган. Топилмалар орасида турли тарихий даврларга оид тангалар алоҳида ўрин эгаллайди. Бу ерда Гелиокл тангаларига тақлид қилиб зарб қилинган тангалар, кушон шоҳлари Вима Такто, Вима Кадфиз, Канишка, Хувишка, Васудева, кушон-сосонийлар ва сосон-кушоний тангалари (жами 152 та танга) топилган. Қишлоқ харобасида бунчалик кўп тангаларнинг топилиши, кушонлар даврида товар-пул муносабатлари жуда юқори тараққий қилганлигидан далолат беради. О.да Будда ҳайкалининг топилиши буддавийлик динининг қишлоқ аҳолиси орасига кириб борганлигидан гувоҳлик беради. О. аҳолиси, асосан, деҳқончилик ва богдорчилик б-н шуғулланган. Деҳқончилик б-н боғлиқ меҳнат қуроллари қишлоқнинг ўзида тайёрланган. Деҳқончилик Шеробод дарёсидан канал орқали келтирилган сувга асосланган. О. қишлоқ жамоаси яшаган ёдгорлик бўлиб, кушон салтанатининг инқирозидан кейин вужудга келган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий сабаблар оқибатида ташлаб кетилган. 13-а.да қишлоқ харобасига бир неча қабрлар қўйилган. Қабрларнинг биридан олтиндан ишланган сирға ва мўғулларга хос бўлган пайкон топилган.

Ад.: Пидаев Ш. Р., Поселения кушанского времени Северной Бактрии, Т., 1978.

Шокиржон Пидаев.

ОҚҚЎРҒОН — Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги шаҳар (1980 й.дан). Туман маркази. Яқин т.й. станцияси — Кучлик (16 км). О.дан Тошкент ш.гача 59 км. Аҳолиси 10,8 минг киши (2000), асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, қозоқ, тожик, корейс, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. О.да туман ҳокимияти биноси, пахта тозалаш з-ди, МТП, нон к-ти, автокорхона, қурилиш ташкилотлари бор. Умумий таълим мактаблари, касб-ҳунар коллежи, махсус интернат мактаби, марказий кутубхона, клублар, ўлкашунослик музейи фаолият кўрсатади. Сузиш ҳавзаси, стадион, теннис корти, касалхона, дорихоналар мавжуд.

ОҚҚЎРҒОН ТУМАНИ — *Тошкент вилоятида*ги туман. 1935 й. 28 июлда ташкил қилинган. Шим. ва шим.-ғарбда Қуйи Чирчиқ тумани, ғарб ва жан.-ғарбда Сирдарё вилояти, шим.-шарқда Ўрта Чирчиқ тумани, жан. ва жан.-шарқда Бўка тумани, шарқда Писқент тумани б-н чегарадош. Майд. 0,40 минг км². Аҳолиси 86,8 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Оққўрғон), 1 шаҳарча (Алимкент), 10 қишлоқ фуқаролари йиғини (Аччи, Дўстлик, Зарбдор, Зафар, Ойтамғали, Оққўрғон, Тоштўғон, Шоҳрухия, Элтамғали, Эркинлик) бор. Туман маркази — *Оққўрғон ш.*

Табиати. Туман ҳудуди Сирдарё ва унинг ирмоғи Оҳангарон дарёси водийсида жойлашган. Жан.-ғарбидан Сирдарё, шим.-ғарбидан Оҳангарон ва унинг ирмоқлари (Қорасув ва б.) оқиб ўтади. Сирдарё бўйларидаги ботқоқлашган ерлар қуритилиб, экинзорга айлантирилган. Сирдарёдан шарққа томон ер юзаси баландлаша боради. Дарёлар кўҳна қайир (терраса)лар ва жарликлар ҳосил қилган. Ўртача бал. 320 м. Шим.-ғарбий томони очиқ бўлганидан Арктика ҳаво массаси бемалол кириб келади ва қишда т-ра пасайиб кетади. Янв.нинг ўртача т-раси —3,7°, энг паст т-ра —33°, июлники 26,5°, энг юқори т-ра 42°. Йиллик ёғин 256 мм. Вегетация даври 200 —212 кун. Тупроғи ер ости суви юза бўлганидан кам чиринди аллювиал ўтлоқи тупроқ. Оҳангарон соҳилида (1 — 2% чиринди) бўз тупроқ учрайди. Ёввойи ўсимликлардан турангил, терак, жийда, тол, қамиш, янтоқ, оққурай, тунқорин ва б. ўсади. Сирдарё ва Оҳангарон қайирларида, Хонариқ бўйларида тўқай мушуги, қўён, тулки, чиябўри, юмронқозиқ, ўрдак, ғоз, қирғовул, сув каламуши, сичқон, чумчуқ, лойхўрак, бақа, сувилон ва б. яшайди.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (80,9%), шунингдек, қозоқ (8,3%), рус (2,8%), татар (1,09%), тожик (1,6%) кореис (1,4%), украин, немис, қирғиз, уйғур, озарбайжон, белорус, туркман, яҳудий ва б. миллат вакиллари (3,1%) ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1км² га 217 киши.

Хўжалиги. Туманда ўнлаб ортиқ корхона мавжуд. Йирик корхоналари: Алимкент ва Оққўрғон пахта тозалаш з-длари, «Мафтуна», «Оққўрғон МТП» акциядорлик жамияти. Хусусий фирмалар, 46-автокорхона ишлаб турибди. Пахта ёғи, трикотаж ва тикувчилик буюмлари, озиқ-овқат, сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 6 қурилиш ташкилоти бор. Туман комплекс ривожланган қ.хўл эга. 13 ширкат хўжалиги ва 5 хусусийлаштирилган чорвачилик фермаси мавжуд. Қ.хнинг етакчи тармоғи — пахтачилик; галла, сабзавот ва полиз, беда, озуқа экинлари ҳам экилади. Узум ва мева етиштирилади. Туман хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки, паррандa, ипак қурти боқилади.

О.да 49 умумий таълим мактаби, 1 касб-ҳунар коллежи, махсус интернат мактаби, марказий кутубхона ва унинг 38 та тармоғи (287 мингдан зиёд китоб), 15 клуб, музей, Мангулик кўргони бор. 2 стадион, теннис корти, 2 сузиш ҳавзаси, 184 спорт майдончаси фаолият кўрсатади. 78 жисмоний тарбия ва спорт муассасаларида 20 мингдан зиёд киши спорт ва жисмоний тарбия б-н шуғулланади. 2 касалхона, 25 фельдшер-акушерлик пункти, 2 қишлоқ даволаш амбулаторияси, 6 қишлоқ врачлик пункти, 15 дорихона аҳолига хизмат кўрсатади.



О.да автомобиль йўлларининг умумий уз. 620 км га тенг бўлиб, улардан мамлакат аҳамиятидагилари 62 км ни ташкил этади. 1935 й. 1 сент.дан «Оққўрғон овози» тумани газ. чиқарилади.

ОҚҚЎРҒОНЧАСОЙ — Самарқанд вилоятидаги сой. Зарафшон тизмасидаги Чақалиқалон тоғининг шим. ён бағридан бошланиб, шим.га оқади. Уз. 25 км, ҳавзасининг майд. 23 км². Юқори оқимида Кечкеликак, Тожкой деб аталади. Дарғом каналига етмасдан тугайди. Қор, ёмғир ва бўлоқлардан сув олади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,2м³/сек., оқим модули 11 л/сек. км². Сувининг асосий қисми баҳорнинг 2-ярмида оқиб ўтади. О. Ўргут тумани ерларини суғоради.

ОҒА (туркча) — 1) Усмонли турк империясида *яничарлар* бошлиғи унвони, шунингдек, сарой ходимлари бошлиғи. Яничарлар корпуси тугатилгач (1826), Туркия армиясидаги кичик ва ўрта зобитлар. Ҳоз. Туркиядаги ер эгаларига мурожаат қилишганда О. кўшиб ишлатилади, баъзан киши исмининг ўрнида ҳам қўлланади; 2) бир қисми бўлиб ҳам қўлланади: О.нинг «ака» маъноси ҳам бор (мас., оға-ини — ака-ука); 3) хон саройи ёки бой хонадонидаги канизак, уйғур хонадонидаги энг кекса аёл оғача деб айтилган; 4) *ҳарам* қўриқчиси (бичилган қул) харам оғаси деб аталган; 5) Хоразмда хон саройига арза келувчиларни қабул қилувчи киши эшик оғаси дейилган; 6) хотининг акаси ёки укаси (агар эридан катта бўлса) эр учун, эрининг акаси ёки укаси (агар хотинидан катта бўлса) хотин учун қайноға ҳисобланади; 7) бу атама Эронда оқо шаклида ишлатилади.

ОҒА МИРАК Исфаҳоний (16-а.) — наққош, мусаввир; Табриз миниатюра мактабининг йирик вакили, Камолиддин *Беҳзод*нинг шогирди. О.М. яратган асарлари мужассамотининг уйғунлиги, нафислиги, қисмларининг узвий ишланиши б-н ажралиб туради. Асарлари Россия миллий кутубхонаси («Икки аждар олишуви»), Лондондаги Британия музейи («Мажнун ҳайвонлар орасида») ва б. тўпламларда сақланади. Низомийнинг «Хамса» асарининг 1520 й.да кўчирилган қўлёзмасига 5 та ҳамда 1539 —43 й.ларда кўчирилган қўлёзмасига мўъжаз расмлар ишлаган.

ОҒА РИЗО (? — 1616) — мусаввир. 16-а. 2-ярми — 17-а. бошларида Машҳадда, Исфаҳонда (шоҳ Аббос саройида, 1585—1600) ишлаган. Миниатюра, айниқса, портретларида мукаммаллик ва ҳаётийликка эришган; миниатюра санъатига график усулни олиб кирган. О. Р. асарлари Честер Битти, Дублин («Шоҳнома»), Париж миллий кутубхоналарида ва хусусий тўпламларда сақланади.

ОҒАЖАРИ НЕФТЬ КОНИ — Эрондаги газ-конденсат ва нефть кони. Жанубдаги йирик конлардан бири. Ободан шдан 130 км нарида жойлашган. Фарс *кўлтаги нефть-газли ҳавза* таркибига киради. Кон 1938 й.да очилган, 1945 й.дан ишлатилмоқда. Нефтнинг бошланғич захиралари 1,3 млрд. т, газники 263 млн. м³ миқдорида баҳоланган. Кон эни 6 км, уз. 60 км бўлган олигоцен-қуйи миоцен даврига мансуб асимметрик антиклиналь бурмада жойлашган. Самарали қатламлари (қалинлиги 300 м дан ортиқ) эсмари свитаси ва юқори бўр даври оҳактошларидан иборат. Коллектор жинслар юқори говакли ва ёриқли. Қатламнинг бошланғич босими 28,2 МПа, т-раси 77°. Нефтнинг зичлиги 850 кг/м³, қовуш-қоқлиги 5,7 сПз. таркибида 1,42% S бор. О.н.кда «National Iranian Oil Company» (NIOC) давлат корхонаси 60 та фаввора қудуқдан йилига 31 млн. т дан ортиқ нефть олмоқда.

ОҒАЛИҚ — Бухоро хонлигидаги мансаб шахс; хон, амир маслаҳатчиси. *Шайбонийлар* даврида жорий этилган. Хонликдаги 4 беклик (Чоржўй, Қарши, Шаҳрисабз ва Китоб) узоқ вақт марказий ҳокимиятга бўйсунмай келганлари туфайли хонлик б-н бекликлар ўртасида воситачилик роли аҳамияти О. мансаби таъсис этилган. Юртнинг энг ҳурматли, нуфузли оқсоқолларидан халқ йиғинларида О. мансабига тавсия этилган кишига амирлик томонидан махсус ёрлиқ берилган. О. хонлик ва халқ ўртасидаги вакил ҳисобланиб, аҳоли турмушининг барча долзарб масалаларини ечиш ҳуқуқига эга бўлган. Валюат ва салтанат миқёсидаги энг муҳим масалалар да ҳам О.қа мурожаат қилинган. У халқ оммасини амалдорларнинг турли тазйиқларидан ҳимоя қилган. О.нинг энг асосий вазифаси — халқ б-н бек ва амир ўртасида муросачилик юритиш, фуқаролар кайфиятидан хабардор бўлиш ҳамда содир бўлиши мумкин бўлган турли кўнгилсиз тасодифларни бартараф этишдан иборат эди.

ОҒАХОН — *исмоилийлар*нинг низорийлар фирқаси бошлиғининг унвони. 19-а.нинг 1-ярмидан шу ном б-н аталган. Низорийлар фирқасининг ҳоз. имоми, Али ва Фотиманинг авлоди ҳисобланадиган Карим шоҳ О. унвонини олган кишиларнинг тўртинчисидир. У 1957 й. имоматни қабул қилган. Унинг Ҳиндистон ва Кенияда жойлашган қарорғоҳидан таблиғчилар жўнатиб турилади, бу таблиғчилар низорийлар таълимотини (айниқса, Афғонистонда фаоллик кўрсатиб) тарғиб қилиш б-н шуғулланадилар. Ҳоз. вақтда низорийлар жамоаси (баъзи мамлакатларда уларни хўжалар ёки оғахонийлар деб аташади) Осиё ва Африканинг 20 дан ортиқ мамлакатида (хусусан, Афғонистон шимоли — Балахшонда) мавжуд.

ОҒЗАКИ АНЪАНАДАГИ МУСИҚА, анъанавий мусиқа — мусиқа ижодиётининг асосий турларидан. Қадимдан одамларнинг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш жараёни (меҳнат, маросим ва б.)да юзага келиб, тарихий ривожи натижасида иккита асосий — халқ мусиқа ижоди (мусиқий фольклор) ва оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа (мумтоз мусиқа, *бастакорлик*) қатламларига ажратилган. О.а.м. ижодкорлари оммавий бадиий онгнинг хусусиятларига изчил таянib, муайян давр, услуб ва б.нинг эстетик қонунлари, ижодий қоидаларига қатъиян бўйсунади. Шу нуқтаи назардан О.а.м., аксар ҳолларда индивидуал образлар яратишга қаратилган *композиторлик* ижодидан фарқ қилади. Ўз табиатига кўра, О.а.м. нота ёзувида «мустаҳкамланган» муаллифлик асарлардан эмас, балки оғзаки шаклда, авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган намуналардан иборат бўлади. Мазкур намуналарнинг бадиий ифодаси турли жараёнлар, ўзига хос йўллар орқали гавдаланади. Устозлардан бевосита эшитиб ўрганган намуналарга шогирд сеҳзанда-хонандалар ўз ҳиссаларини қўшадилар, ёшики бошқача вариант (йўл)лар яратиб, ижро этадилар. Ўзбек мусиқа меросини халқ мусиқа ижоди (меҳнат ва маросим қўшиқлари, ялла, лапар, термалар, ўйин-рақс ва лирик куйлар каби) ҳамда оғзаки анъанадаги профессионал мусиқа (мақом, ашула, чолғу йўллари ва б.) жанрлари ташкил этади.

Отажон Бекон.

ОҒЗАКИ ДРАМА, оғзаки драматургия — халқ орасида яратилган, халққа намойиш этиладиган ўйин-томошалар тарзидаги алоҳида фольклор жанри. Жаҳондаги барча халқларнинг ёзма драматургияси О.дан бошланган. О.д. халқ анъанавий театри б-н чамбарчас боғланган ҳолда шаклланиб ривож топиб келган. Унинг матни анъанавий фабула ва баъзи барқарор *диалог*лар асосида ижро пайтида тўқилган. Халқ О.д. томошаларининг сюжети, одатда, содда бўлиб, асосий эътибор сюжетга эмас, вазиятга, қаҳрамонларнинг ҳолатига қаратилган, унда диалог ва ижро пайтида тўқилаётган эпизодлар муҳим роль ўйнаган. Айниқса, ҳажвий диалогнинг ишланишига кўп эътибор қилинган. О.д. томошабинларни кулдирибгина қолмасдан, катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятга ҳам эга бўлган.

Ўзбек халқ О.д.си ўрта асрларда масхарабозлар ва қўғирчоқбозлар санъати б-н боғлиқ ҳолда майдонга келиб, катта тараққиёт йўлини босиб ўтган. У профессионал масхарабозлар, муқаллидлар, қизиқчилар, қўғирчоқбозлар томонидан бадиҳа йўли б-н тўқилган. О.д. «Танқид», «Муқаллид», «Кулки-ҳикоя», «Қўғирчоқ ўйин» деб аталган пьесалар туркумларини ўз ичига олади. Тематик жиҳатдан О.д. ниҳоятда бой. Унда халқ турмуши, урф-одатлари, меҳнати б-н боғлиқ бўлган воқеалар ҳам ўз аксини топади. О.д. Ўзбекистонда ёзма профессионал драманинг яратилиши ва шаклланишида муҳим роль ўйнади. Ҳ. Ҳ. Ниёзий ўз драматургиясида, жумладан, «Туҳматчилар жазоси», «Майсаранинг иши» комедияларида халқ ижодининг бошқа турлари қатори О.д. мотивлари ва тасвирий воситаларидан фойдаланган. О.д. анъаналарини машҳур қизиқчилар Юсуфжон Шакаржонов, Бердиёр Диёров, Охунжон Ҳузуржонов, Ҳожи тамтамлар давом эттириб, санъат ривожига муҳим ҳисса қўшдилар.

Европа мамлакатларида ҳам О.д. меҳнат фаолияти б-н боғлиқ ҳолда шаклланган. Унинг асосини йил фаслларининг алмашишига ҳамда деҳқончилик ишларига бағишланган ўйинлар ташкил этади. Мас., Ғарбий Европада қишни кузатиш б-н боғлиқ масленица байрамларида қиш ва ёзнинг кураши рамзий образлар орқали намойиш этилган. Дастлаб Германияда ривожланган бу мавсумий ўйин-томошалар кейинчалик, 15 —16-а.ларда Италия, Франция ва б. мамлакатларда ҳам тарқалган. Россияда О.д. 17 —18-а.ларда пайдо бўлган. Европа мамлакатларида тарқалган О.д. ҳам шу мамлакатлардаги миллий ёзма драматургия ривожига катта таъсир кўрсатган (яна қ. *Драма*).

ОҒЗАКИ НУТҚ — нутқнинг сўзлашув шакли. О.н. ёзма нутқдан товуш орқали фарқланади. О.н. 2 шаклга эга: монологик нутқ ва диалогик нутқ (қ. *Нутқ*).

ОҒИЗ, оғиз оши — янги туққан сигирнинг дастлабки 3 кунлик сутидан тайёрланадиган таом. Шеваларда лалама, гелагай, палла каби номлар б-н аталади. О. сути қозонда сут каби суст оловда қайнатилади. О. сути таркибида ўртача 25% қуруқ модда бўлиб, 5,4 % ёғ, 15% оқсил, 3,3% сут шакари, 1,3% минерал моддалар, 200 га яқин тўйимли ва биологик фаол моддалар (БФМ) енгил ҳазм бўладиган ҳолатда учрайди. Пиширилганда О. сутининг оқсили ивиб, худди творогга ўхшаб қолади, шунда қозонга туз солиб таъми ростланади. Айрим жойларда О.га седана ҳам солинади. Баъзи жойларда гуруч қўшиб пиширилади. Мазали, тўйимли таом О. сотиб истеъмол қилинади. Сигир эгаси сут мўл-кўл бўлишини ният қилиб, О.ни яқин қўни-қўшни ва қариндош-уруғларга тарқатади.

Рўзимат Ҳамроқулов

ОҒИЗ БЕЗЛАРИ — одам ва ҳайвонларда йўли оғиз бўшлиғига очиладиган безлар (мас., сўлак безлари). Улар овқат ҳазм бўлиши, шунингдек, қон ивишига имкон берадиган ширали, лекин заҳарли секрет ажратади.

ОҒИЗ БЎШЛИҒИ — ҳазм йўлининг бошланғич бўлими. Олд ва ён томонлари лунж б-н, юқоридан юмшоқ ва қаттиқ танглай, пастдан О.б. туби — тил ости мускуллари б-н чегараланган. О.б. орқа томондан тоқ тешик—томоқ орқали ҳалқум бўшлиғига туташади.

Тишлар ва милклар О.б.ни оғиз даҳлизи (оғизга кираверишн) б-н асли О.б.га ажратиб туради. Оғиз даҳлизи оғиз тешиги орқали ташқи муҳитга туташади. Оғиз юмилганда О.б. тораяди ва уни тил тўлдириб туради. Сўлак безлари О.б. даҳлизига очилади.

ОҒИЗ БЎШЛИҒИ САНАЦИЯСИ — оғиз касалликларининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чоратадбирлар. Булар тишларни даволаш ва пломбалаш (бу кейинчалик тиш чириши ва асорати — пульпит ҳамда периодонтитнинг олдини олади), тишнинг механик шикастланишига йўл қўймаслик; тиш-жағ соҳаси ва тиш нуқсонларини ўз вақтида бартараф этишдан иборат.

Мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда (йилига 2 марта), касбга алоқадор зарари бор саноат корхоналари хизматчилари, шунингдек, ҳомиладорлар, турли хасталиги бўлган беморларда О.б.с. мажбурий тарзда олиб борилади.

О.б.с. атрофидаги тўқималар, оғиз шиллиқ қавати касалликлари кўпгина умумий ўткир ва сурункали касалликларнинг олдини олишда ниҳоятда муҳим, чунки чириган ёки касал тишлар сурункали инфекция ўчоғи бўлиб, организмга зарарли таъсир кўрсатади. Шу боис, ҳар бир киши ўзи мустақил равишда *оғиз бўшлиғи* ва тишларни тўғри парвариш қилиб бориши, уларни тиш чўткаси, паста ёки тиш порошоги б-н ювиб, оғизни сув ва зарарсиз дезинфекцияловчи эритмалар (2% ли сода эритмасидан 1 стакан сувга 1 чой қошиқ ёки борат кислота ва б.) б-н оғизни чайиши, овқатдан сўнг тиш ораларини махсус тиш ковлагич б-н тозалаши лозим. Тиш, милк, тил касалликларига хос илк аломатлар пайдо бўлса, дарҳол стоматологга мурожат қилиш керак (яна қ. *Тиш*).

ОҒИЗ ЕЛИКИШИ — қ. *Нома*.

ОҒИЗ ОҚАРИШИ — оғиз бўшлиғи шиллиқ пардаси касаллиги. Оғиз, қин, ичак шиллиқ пардасида яшайдиган ачитқи замбуруғлари О.о.га сабаб бўлади. Эмадиган болаларда кўпроқ учрайди. Ўсмирлар ва катта кишилар узоқ касалланиб озиб кетганда, уларда ҳам кузатилади. Оғиз шиллиқ пардасида сутдай оқ пардачалар пайдо бўлади; булар бир-бирига туташгач, оғиз оқариб қолади. Парда кўчирилса, ўрни қизаради ёки қонайди. О.о.га гумон туғилганда дарҳол врачга мурожаат қилиш зарур, чунки у тарқалиб, ҳалқум, қизилўнгач ва нафас йўлларига ўтиши мумкин.

Бемор врач назорати остида даволанади. Витаминотерапия ва витаминли (витамин С) овқатлар яхши наф беради.

ОҒИЗ СУТИ — ҳомиладорликнинг сўнгги ҳафталарида ва туққандан кейинги дастлабки 2—3 кунда сут безларида ишланиб чиқадиган сут. О.с. оддий (етилган) сутдан юксак даражада тўйимлилиги ва енгил ҳазм бўлиши, ёғ, оқсил, тузлари кўплиги ва қанди камлиги б-н фарқ қилади. О.с.даги ёғ ва тузлар таркиби янги туғилган бола организмидаги ёғ ва тузлар таркибига ўхшайди. О.с. витаминларга бой, унда антителолар ҳам кўп. Бола янги ҳаёт шароитига мослашган сари О.с.нинг таркиби оддий сутникига ўхшаб боради.

ОҒИЗ ҲИДЛАНИШИ — айрим касалликларнинг белгиси. Кўпинча тиш, милк, бурун-ҳалқум, қизилўнгач, меъда ва ўпка касалликларида кузатилади. Баъзан О.ҳ. қандли диабет, нефрит ва ички аъзоларнинг бошқа касалликлари белгиси бўлиши ҳам мумкин. Тиш эликсири ва лосьонлар ёрдамида О.ҳ.ни вақтинча йўқотса бўлади, лекин, албатта, мутахассис врачга мурожат этиш лозим.

О.ҳ.нинг олдини олиш овқатдан кейин оғизни чайиш, тиш ва тиш протезларини тозалаб ювиб туриш (қ. *Тиш*), шунингдек, оғиз бўшлиғини соғлом сақлаш, тиш врачи кўрсатмаларига пухта амал қилиш, меъда-ичак касалликларини ўз вақтида даволатишдан иборат.

ОҒИЗАЙЛАНГИЧЛАР (Rotatoria) — бирламчи тана бўшлиқли чувалчанглар синфи. Халтасимон, баъзан шарсимон гавдаси бош, тана ва дум бўғимларидан иборат. Кўп ҳужайрали ҳайвонлар орасида энг кичиги, гавдасининг уз. 0,01 дан 2,5 мм гача. Оғиз олди киприклари мураккаб тузилган, оғиз айлангич аппаратини ҳосил қилади. Айрим турларининг бош бўлимида сезгир тук-

чалари ва 1—2 та пигмент кўзчалари бўлади. Кўпчилик О. танаси совут б-н ўралган. Ўтроқ О. оёғи учидаги 2 та ўсимтаси ёрдамида субстратга ёпишиб олади. Ичаги тўғри най шаклида; ичакнинг олдинги қисми чайновчи ошқозон — мастаксни ҳосил қилади. Айириш органлари — протонефридийлар клоакага очилади. Нерв системаси ҳалқум усти ганглийи ва ундан қиллар, кўзчалар ва б. органларга кетадиган нервлардан иборат. Айрим жинсли. Жинсий безлар йўли клоакага очилади. Тухим қўяди ёки баъзи вакиллари тирик туғади. Эркаги майда, айрим турларининг эркаги бўлмаслиги туфайли партеногенез кўпаяди. О. систематикаси ва турлари яхши ўрганилмаган. Кенг тарқалган; 2000 га яқин тури бор. Чучук сув бентоси ва планктони таркибига киради; нам мох ва тупроқда яшайди; айрим турлари денгизларда ва шўр сувли ҳавзаларда учрайди. Бир ҳужайрали сув ўтлари, микроорганизмлар б-н озиқланади, айримлари йиртқич. Сув ҳавзалари қуриб қолганда кўпчилик О. анабиоз ҳолатига ўтади. Сув ҳавзаларининг ўз-ўзидан тозаланишида ва ёш балиқчаларнинг асосий озиғи сифатида катта аҳамиятга эга.

ОҒИЛ, оғилхона — қорамол (сигир, бузоқ, буқа ва б.)ни боғлаб сақлаш ва боқиш учун қурилган бино. Охурлар ва гўнгни ташлайдиган махсус туйнуклар б-н жиҳозланади (қ. *Молхона*).

ОҒИР АТЛЕТИКА — спорт тури, ҳар хил вазн тоифаларида оғир нарсалар (штанга, тош) кўтаришда мусобақалашиш. Оғирликларни кўтариш машқлари қад. замонлардан маълум. Расмий мусобақалар эса 1860-й.лардан (биринчи марта АҚШда) ўтказиб келинади. Ҳоз. вақтда штангани икки қўллаб даст ва силтаб кўтариш (1972 й.дан) О.а.нинг асосий машқлари ҳисобланади. Даст кўтаришда спортчи штангани тўхтатмай бир ҳаракат б-н, силтаб кўтаришда — кетма-кет иккита ҳаракатда — аввал кўкракка олиш, кейин эса юқорига чўзилган қўлларга кўтаришни амалга оширади. Оғир атлетикачиларни (1977 й.дан) 10 вазн тоифасига (52 кг гача — 110 кг дан юқори) ажратадилар. О.а. 1896 й.дан *Олимпиада ўйинлари* (1900, 1908, 1912 й.дан ташқари) дастурига киради. 1896 й. 1-Европа чемпионати, 1898 й. 1-жаҳон чемпионати бўлиб ўтган. Ўзбекистонда биринчи О.а. тўгараги 1917 й.да Тошкент ш.да очилган, у «Тошкент оғир атлетика жамияти» деб аталган. Ўзбекистонда О.а.нинг асосчиси Феоктист Горизаро ҳисобланади. Ўзбекистонда О.а федерацияси 1992 й.дан фаолият кўрсатади. У Халқаро О.а. федерацияси — IWF га (1993), Осиё О.а. федерациясига (1994) аъзо. Ўзбекистон О.а. федерацияси ҳар йили катталар ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон биринчилиги мусобақаларини ўтказади. Андижон, Тошкент вилоятлари, Тошкент ва Самарқанд ш.ларида О.а. кенг оммалашган. О.а. секцияларида 7000 га яқин киши мунтазам шуғулланади. Халқаро тоифадаги спорт усталари Эркин Каримов (жаҳон рекордчиси, 1968), Исроил Исоқов, Нойл Муҳамадёров (олимпиада ўйинларининг кумуш медали совриндорлари, 1988), Сергей Сирцов (жаҳон чемпиони, 1991, Олимпиада ўйинларининг кумуш медали совриндори, 1992), Игорь Содиқов (жаҳон чемпиони, 1991) ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спортчи Игорь Халилов (ёшлар ўртасида Европа, жаҳон чемпиони, 1992, Осиёнинг 2 карра чемпиони 1997, 2000) Ўзбекистоннинг энг кучли О.а.чиларидир.

ОҒИР МАШИНАСОЗЛИК САНОАТИ — машинасозлик саноатининг йирик тармоғи. Металлургия, кон-руда, йирик темирчилик-пресслаш, майдалаш-янчиш, кўтарма-транспорт ускуналари, шунингдек, йирик экскаватор, ротор мажмуалари, тепловозлар, электровозлар, т.й. вагонлари, дизеллар ва б. ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари киради (қ. *Машинасозлик саноати*).

ОҒИР САНОАТ — и.ч. воситалари ишлаб чиқарадиган саноат тармоқлари гуруҳи. О.с. *ундирма саноат* тармоқларининг барчасини ва *ишлов берувчи саноатнинг* бир қисмини ўз ичига олади. Унга электроэнергетика, ёқилғи саноати, қора ва рангли металлургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, кимё, нефть кимёси, ёғочсозлик, қоғоз-целлюлоза, қурилиш материаллари саноати ва б. киради. О.с. мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди, халқ хўжалигини кенгайтирилган и.ч., техника б-н қуроллантириш, мамлакат мудофаа қудратини юксалтириш, халқ фаровонлигини ўстиришнинг негизи ҳисобланади.

Ўзбекистонда 20-а.нинг бошларига қадар О.с. корхоналари бўлмаган. 20-а.нинг 20-й.ларидан бошлаб дастлабки қ.х. машинасозлиги, гидроэнергетика, ёқилғи саноати корхоналари қурилди. 2-жаҳон уруши йилларида Ўзбекистонга 90 та О.с. корхонаси кўчириб келтирилди. Уларнинг кўпи машинасозлик, асбобсозлик корхоналари эди. Урушдан кейинги йилларда кўпгина йирик корхоналар қурилиши натижасида машинасозлик тармоқлари кўпайди, сифати ўзгарди. Шунингдек, самолётсозлик, асбобсозлик, моторсозлик, электроаппарат, электродвигатель, экскаватор, компрессор з-длари қурилди.

Тошкент, Олмалиқ, Чирчиқ, Самарқанд, Навоий, Фарғона, Янгийўл, Наманган, Шўрсув ва б. жойлар турли хил кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган кимё индустрияси марказига айланди. Бекобод, Чирчиқ, Тошкент ш.лари қора металлургия, Зарафшон, Олмалиқ ш.лари эса рангли металлургия маркази ҳисобланади.

Ўзбекистон саноатида электр энергияси, газ, нефть, кўмир, бензин, пўлат, автомобиллар, тракторлар, пахта териш машиналари, электродвигателлар, трансформаторлар, аккумуляторлар, кабеллар, экскаваторлар, кўп-рикли кўтаргичлар, йиғирув машиналари, самолётлар, олтингугурт кислотаси, минерал ўғитлар, цемент, қурилиш материаллари ва б. ишлаб чиқарилади. Мамлакат саноатида тармоқларнинг тутган ўрни ҳар хил. Мас., 1995 й.да саноат маҳсулотларининг тармоқлар бўйича таркибида ёқилғи-энергетика мажмуаси 18,3%, металлургия 13,9%, кимё ва нефть кимёси саноати 5,2%, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш 8,8%, қурилиш материаллари саноати 4,5%, целлюлоза-қоғоз саноати 1%ни ташкил қилди. Саноат тараққиётида ёқилғи-энергетика мажмуасининг ўрни алоҳида. Унинг таркибига газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва энергетика киради. Ўзбекистон жаҳондаги 10 та йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради. Республикада қудратли гидро- ва иссиқлик электр ст-ялари мавжуд. Металлургия мажмуаси таркиби маъдан хом ашёсини, қора ва рангли металларни қазиб чиқарувчи, бойитувчи ва қайта ишлаб чиқарувчи корхоналардан иборат. Олтин, кумуш, мис, қўрғошин, рух, вольфрам, молибден, литий, уран, алюминий хом ашёси, нодир металлар ва б. қатор қазилма бойликларнинг аниқланган захиралари кўп.

Кимё ва машинасозлик мажмуалари саноатнинг муҳим соҳаларидир. Янги иқтисодий шароитда бу тармоқларда чуқур структуравий қайта қуришлар амалга оширилди, улар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган. 2002 й.да Ўзбекистон О.с. корхоналарида 419,6 минг т қора металлар прокати, 2,7 млн. т кўмир, 7,2 млн. т нефть (газ конденсати б-н бирга), 59,7 млрд. $м^3$ табиий газ, 49,6 млрд. кВт-соат электр энергияси, 156 та трансформатор, 31285 дона автомобиль, 954 дона трактор, 822 минг т минерал ўғитлар, 9733

т қоғоз, 3,9 млн. т цемент ишлаб чиқарилди.

Жаҳондаги кўпгина ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда О.с.ни ривожлантиришга катта эътибор берилган. 1970-йлар ўрталарида бутун дунёда 6499 млрд. кВт-соат электр энергияси, 2642 млн. т нефть, 1260 млрд. м³ табиий газ, 2505 млн. т кўмир, 476 млн. т чўян, 652 млн. т пўлат, 96,6 млн. т минерал ўғитлар ишлаб чиқарилди. Бу кўрсаткичлар 20-а.нинг охирига қадар ҳам ортиб борди.

О.с. ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида гоят муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония, Италия ва б. мамлакатлар саноатида асосий ўринни эгаллайди (яна қ. *Газ саноати, Гидроэнергетика, Ёқилғи саноати, Индустриал ўсиш, Иссиқлик энергетикаси, Кўмир саноати, Машинасозлик саноати, Нефть саноати, Нефть кимёси саноати, Рангли металлургия*).

Абдураҳим Ортиқов, Равшан Отабоев.

ОҒИР СУВ, D_2O — водороднинг изотопи дейтерий (D)нинг кислород б-н бирикмаси. Табиий сув ва атмосфера ёғинларида мавжуд. Мол. м. 20. Музлаш т-раси +0,82°, қайнаш т-раси 101,42°, зичлиги 1,359 г/см³. О.с.ни 1932 й.да Г. Юри ва Э. Осборн кашф этган. Таркибида H_2O молекулалари б-н бирга оз миқдорда D_2O молекулалари ҳам бўлган оддий сув электролиз қилинганда, асосан, H_2O молекулалари парчаланади; О.с.нинг нисбий миқдори ортиб боради. D_2O молекулаларига бой қолдиқ сувни узоқ вақт электролиз қилиш ва фракцион ҳайдаш йўли б-н деярли тоза О.с. олиш мумкин. Америкалик олимлар Г.Люис, Р. Макрональд ва Ф. Спеддинглар 1933 й.да ана шу йўл б-н деярли 100% D_2O молекулаларидан ташкил топган соф О.с. ажратиб олганлар. 165 т сувни электролиз қилиб, 1 кг га яқин D_2O олиш мумкин: 1 т сувни электролизлаш учун 5—6 минг кВт· соат электр энергияси сарфланади. О.с. кўпгина хоссалари жиҳатдан оддий сувдан фарқ қилади: зичлиги, мол. м., қайнаш ва қотиш т-раси оддий сувникидан юқори. О.с. ядро реакторларида нейтронлар тезлигини сусайтиришда қўлланади.

ОҒИРЛИК, вазн — Ер тортиш кучи майдонида тинч турган жисмнинг унинг эркин тушишига тўсқинлик қиладиган горизонтал таянч (ёки осма) га таъсир кучи. Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра (қ. *Ньютоннинг механика қонунлари*), жисмнинг вазни $P=m(g-a) = F(1-a/g)$, бунда: m — жисм массаси, g— эркин тушиш тезланиши, a — ташқи кучлар таъсирида жисм эришган тезланиши, F — тортишиш кучи ва Ернинг суткалик айланишидан туфайли ҳосил бўлувчи кучнинг геометрик йиғиндисидан иборат оғирлик кучи. $a = 0$ бўланда вазн оғирлик кучига тенг, $g=a$ бўланда вазн нолга тенг бўлади, яъни вазнсизлик ҳолати юзага келади. Вазн — ўзарувчан катталик, у жойнинг географик кенглигига боғлиқ (кутбда у экватордагига қараганда каттароқ қийматга эга бўлади). Жисмнинг экватордаги вазни қутбдаги вазнига қарағанда 1/288 марта кичик.

Вазн ва *масса* ҳар хил физик катталик. Вазн жисм характеристикаси бўла олмайди. Жисмнинг характеристикаси — бу унинг массасидир. Халқаро бирликлар тизими СИ да вазн оғирлик кучи бирлиги *ньютон* (Н)да, масса — масса бирлиги *килограмм* (кг) да ўлчанади.

ОҒИРЛИК КУЧИ — Ер сирти яқинидаги ихтиёрий моддий заррага таъсир этувчи куч. О.к. Ер айланишидан ҳосил бўлган *марказдан қочма куч* б-н Ер тортиш кучининг тенг таъсир этувчисига тенг. Марказдан қочма куч Ер экваторида энг катта қийматга эга бўлиб, О. к.нинг 1/288 қисмига тенг. Шу туфайли, Ер сиртидаги О.к. Ернинг шакли ва ўлчамига, жойнинг географик кенглигига боғлиқ. О.к.нинг йўналиши Ер сиртидаги жойнинг вертикали ҳисобланади. Бирор кичик майдондаги (яъни Ер сиртининг бир неча км² даги) О.к. йўналишларини ўзаро параллел деса бўлади; демак, Ер сиртига тик йўналган ва mg га тенг бўлган О. к. бир жинсли куч майдонини ҳосил қилади (m — Ерга тортилаётган зарра массаси, g — О.к. тезланиши).

ОҒИРЛИК МАРКАЗИ — қаттиқ жисм б-н мунтазам боғланган нуқта; жисм зарраларига таъсир этувчи оғирлик кучларининг тенг таъсир этувчиси шу нуқтадан ўтади. Симметрия маркази мавжуд бўлган бир жинсли жисмлар (доира, шар, куб ва б.) да О. м. шу симметрия марказида ётади. Бошқа жисмларнинг О.м. турли жойда (мас., тўғри чизиқнинг О.м. ўртасида, параллелограммнинг О.м. диагоналлари кесишган нуқтада, учбурчакники медианалари кесишган нуқтада ва ҳ.к.) бўлади.

ОҒРИҚ — ўта кучли ёки емирувчи таъсирловчиларга жавобан организмда рўй берадиган нохуш физиологик жараён, организмнинг ҳимояланиш реакцияси. О. бутун организм ёки органлар функциясининг бузилганлиги ҳақида, касаллик тўғрисида огоҳлантиради, уни аниқлашга ва тўғри даволашга имкон беради. Шу б-н бирга О. сезги ҳиссий кечинма сифатида кишини эзади, унга ором ва уйқу бермайди, иш қобилиятини пасайтиради ва б. О. ҳалдан ташқари кучли бўлса, *шок* рўй беришни мумкин. О. қупроқ таъсирловчининг кучига боғлиқ. Агар тери, шиллиқ пардалари, суяк усти пардаси қаттиқ шикастланган бўлса, О. кучли бўлади. Ички функциясидаги о.нинг бузилишлари кучли О.ға сабаб бўлиши ёки, аксинча, бош мия, бўйракнинг жиддий зарарланишлари оғриқсиз ўтиши мумкин. Оғритувчи таъсиротга жавобан организмда бир қанча ўзгаришлар рўй беради; қон томирлари тораяди, қон босими кўтарилади, қонининг ивиш хоссаси ошади, қондаги қанд миқдори кўпаяди. Оғриқ бевосита пайдо бўлган жойида (мас., гастритда ўт пуфи остида) ёки бу жойдан анча узоқда (мас., сийдик тоши касаллигида жинсий аъзолар ва чов(а) сезилиши ва нервлар орқали тананинг муайян соҳаларига тар-қалиши мумкин, буни оғриқ иррадиацияси дейилади. Ички аъзоларнинг касалликларини аниқлашда оғриқ тури ва иррадиация характери назарда тутилади. Оғриқ сезгиси бош мия пўстлоғида шаклланиб, кейин периферияда акс этади. Лукьяновчи, санчувчи, кесувчи, ловуллатувчи, симилловчи, тимдаловчи ва б. хил О.лар бўлади. Бош оғриги, юрак соҳасидаги ва қорин соҳасидаги О.лар ҳаётга жиддий хавф соладиган оғриқлардир.

Юрак соҳасидаги О. кўкрак қафасининг чап томонида ёки тўш орқасида бўлади. О. бирдан ёки аста-секин бошланади. О. бир лаҳзада ўтиб кетиши ёки анчагина давом этиши мумкин. Кўпроқ юрак ҳамда б. аъзолар касалланганда учрайди. Тўш орқасида сиқиб бошланадиган О. жисмоний зўриққанда ёки тинч ҳолатда ҳам кузатилади, бу стенокардияга хос бўлиб, тиббий ёрдам кўрсатишни талаб этади. Кўкрак қафасининг чап томонидаги О. ревматизмда, шунингдек, юрак атрофидаги аъзолар зарарланганда, камқонликда ва б. касалликларда пайдо бўлади. Юрак соҳасидаги О. кўпинча неврозларда юрак нерв аппаратининг функционал бузилишлари, ички секреция безлари фаолиятининг ўзгариши, турли интоксикацияларда (мас., чекиш ёки ичкиликка ружу қилган кишиларда) кузатилади.

О.ҳа даво қилиш уни юзага келтирган сабабчисини бартараф этишдан иборат. О.лардан ўткир қорин оғригига эътиборсизлик б-н қараб бўлмайди, чунки бу хил О. қорин бўшлиғи органларининг жиддий касалликлари (ўткир аппендицит, меъда ёки ичак ярасининг тешилиши, ичак буралиши, ичакнинг тутилиб қолиши, қорин бўшлиғига кўп қон оқиши, ўткир панкреатит ва

ў.к.)дан далолат беради. Қоринда О.нинг келиб чиқиш сабабини фақат врач аниқлайди ва тегишли даво тайинлайди. Беморнинг ўзи ёки атрофидаги кишиларнинг О. сабабини билмай туриб, ўз билгича даво қилишга уринишлари беморнинг аҳволини оғирлаштириб қўйиши мумкин. Болалардаги қорин оғригини ота-оналар кўпинча «ич бўшлиши» деб ўйлашади. Ўз билгича оғриқ қолдирувчи дорилар, сурги ичиш, клизма қилиш қатъий ман этилади. Бу хил муолажалар касалликларни аниқланда, диагноз қўйишда врачни чалғитиши мумкин. Умуман О.нинг ҳамма турида ҳам врачга кўринмай, унинг кўрсатмаларига амал қилиш тавсия этилади.

ОҒРИҚ ҚОЛДИРУВЧИ ДОРИЛАР — оғриқ сезгисини йўқотувчи ёки камайтирувчи дорилар. Буларга қимёвий тузилиши ва таъсир механизми турлича бўлган дори моддалари киради. О.қ.лдан нерв системасига таъсир этиб, оғриқни камайтирувчи моддалар (анальгетиклар) асосий ўринни эгаллайди. Наркотик анальгетиклар ва нонаркотик анальгетиклар фарқ қилинади. Наркотик анальгетикларга морфин, ва унинг синтетик ўринбосарлари (промедол, фентанил ва б.) киради. Наркотик анальгетиклар турли оғриқлар, жумладан, шикастланиш, куйиш, миокард инфарктида рўй берадиган кучли оғриқларини ҳам қолдиради. Морфин марказий нерв системасига таъсир кўрсатиб, ялпитув, кўркув, тақтил сезгисини ўткирлаштиради, ўзига хос галлюцинациялар келтириб чиқаради. Оғриқ б-н кечадиган салбий эмоциялар (ваҳима, ҳаяжонланиш, гам-ғусса ва б.)ни сусайтириб, хавфсизлик ўзини енгил ҳис қилиш, бамайлихотирлик туйғусини пайдо қилади. Наркотик анальгетиклар такрор-такрор қабул қилинганда одам унга ўрганиб, қўмсайдиган бўлиб, *наркомания*га сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун наркотик анальгетиклар қатъий ҳисобда туради ва улар чекланган ҳолда берилади. Наркотик анальгетикларни врач рухсатисиз ичиш тақиқланади.

Нонаркотик анальгетикларга кимёвий тузилиши турлича бўлган синтетик моддалар (амидопирин, анальгин, ацетилсалицилат кислота, парацетамол ва б.) киради. Бу хил анальгетикларнинг наркотик анальгетикларга қарағанда оғриқ қолдирувчи таъсири кучсизроқ бўлиб, асосан, невралгия турларидаги оғриқларда, миалгия (мускуллар аллигланиши)да, тиш ва бош оғригида, артралгияда ишлатилади. Нонаркотик анальгетиклар оғриқ қолдиришига ҳам (қ. *Иситма туширувчи дорилар*) ёрдам беради. Кўпчилик Нонаркотик анальгетикларнинг яллигланишга қарши таъсири ҳам бор (қ. *Яллигланишга қарши дорилар*). Врач рухсатисиз бу дориларни ичмаслик керак.

Анальгетиклар гуруҳига мансуб бўлмаган бир қанча дори моддалар ҳам оғриқ қолдириши мумкин. Мас., силлиқ мускулларни бўшаштирувчи дорилик мускулларни бўшаштирувчи дорилар — атропин, бавгидевона препаратлари, папаверин, но-шпалар ва б. қон томирлар спазмида ишлатиладиган *томир кенгайтирувчи дорилар* шулар жумласидандир.

Врачга кўриниб оғриқ сабаби ва хусусиятини билгандан сўнг О.қ.л. ичилса, яхши наф беради.

ОҒРИҚСИЗЛАНТИРИШ — қ. *Анестезия*.

ОҲАК — қурилиш материали. Оҳактош, бўр ва б. карбонатли жинсларни 900° дан юқори т-рада қуйдириб, ишлов бериб олинади: $CaCO_3 \rightleftarrows CaO + CO_2\uparrow$.

Кальций оксиди CaO — сўндирилмаган О., кальций гидроксид $Ca(OH)_2$ эса сўндирилган О. деб юритилади (қ. *Кальций*). О. қадимдан қовушқоқ материал сифатида ишлатиб келинган. Мил. ав. 3000—2500 й.даёқ О.нинг кум ва сув б-н қоришмасидан турли иншоотлар қурилда, тош ва гиштни бириктиришда, деворларни сувашда ҳамда бўёқ тайёрлашда фойдаланилади.

О. бўлак ва кукун ҳолида ишлаб чиқарилади. Кимёвий таркибига қараб, ҳавода қотувчи ва гидравлик хилларга бўлинади. Ҳавода қотувчи О., асосан, кальций ва магний оксидларидан иборат. Гидравлик О. таркибида, бундан ташқари, анча миқдорда кремний, алюминий ва темир оксид бўлади. Ҳавода қотувчи О. қурилиш қоришмалари ва бетоннинг қуруқ ҳавода қотишини, гидравлик О. ҳавода ҳам, сувда ҳам қотишини таъминлайди. О. қурилишда, металлургияда, кимё саноатида, қанд, қоғоз, шиша буюмлар, ойна и.ч.да, шунингдек, сувни тозалаш ва б. мақсадларда кенг қўлланади.

ОҲАКЛИСОЙ — Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги сой. Қоратепа тоғининг жан. ён бағридан бошланади. Уз. 37 км. Дарёом каналига қуйилади. Ҳавзасининг майд. 71 км². Водийсининг энг 1—2 км, тогдан чиққач, катта ёйилма ҳосил қилади. Қор, ёмғир ва булоқлардан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,95 м³/сек. Оқим модули 16 л/сек. км². Сувининг асосий қисми (60—75%) баҳорда оқади. Ирмоқларининг умумий уз. 100 км дан ортиқ. Энг йирик ирмоғи — Оқбуврисой. Сой водийси жуда хушманзара, Самарқанд ш.га яқин бўлганидан у ерда дам олиш уйлари, даволаш муассасалари, спорт майдонлари барпо қилинган.

ОҲАК-ОЛТИНГУГУРТ ҚАЙНАТМАСИ — акарицид, фунгицид; кальций полисульфиднинг (CaS_x) сувдаги 10—30% ли эритмасидан иборат. Ранги тўқ сариқдан оч қизилгача бўлган ўткир водород сульфид ҳиди тиниқ суюқлик. Ўргимчакканаларга ва ўсимликларнинг турли касалликларига қарши ишлатилади. Сув, олтингугурт ва оҳакнинг 17:2:1 нисбатдаги (100 л сувга 12 кг олтингугурт кукуни ва 6 кг оҳак ҳисобида) аралашмасини 1—2 соат қайнатиш б-н тайёрланади. Тайёр эритманинг ареометрда аниқланган зичлиги Боме бўйича 20° ёки 1,6 г/см³ ни ташкил этиши керак. Ҳаво ўтмайдиган (мас., мойли тўсма пардали) шиша идишларда сақланади. Зарур даражадаги қувватга эга бўлган иш суюқлиги тайёрланда эритмага сув аралаштирилади. Боме бўйича 0,5—1,0° қувватга эга бўлган эритма б-н ишланади. Амалда барча (ток, помидор, олма ва б.) экинлар учун қўллаш мумкин.

ОҲАКТОШЛАР — карбонатли чўкинди тоғ жинслари. Таркиби 50%дан ортиқ кальцитдан ёки организмларнинг скелети қолдиқларидан, баъзан арагонит минерали ($CaCO_3$)дан иборат. Кўпинча таркибида аутиген, диагенетик ва эпигенетик минераллар, чақиқ (терриген ва карбонат) зарралар аралашмаси учрайди. О.нинг таркибида 4—17% гача MgO бўлса, доломитли О.; 6—21% $SiO_2+R_2O_3$ — мергелли О.; кварц, опал ва халцедон кўшилса — кумтошли ва кремнийлашган О. деб юритилади. Структураси кристалли, органоген-чақиқли, чақиқли-кристалли ва сизиб тўпланган (травертин, оҳакли туф) турлари фарқ қилинади. Ранги оқиш, сарғиш, бўзранг. Кўпинча оҳактош ичида чиганоқлар ҳам бўлади. Ҳосил бўлишига кўра, органоген, хемоген ёки кимёвий, чақиқ бўлади. Таркибидаги жинс ҳосил қилувчи организмларнинг кўплигига кўра, органоген О., фораминиферали, маржонли, сувўтли ва б.; хемоген ва чақиқлари (зарралар)нинг катталигига қараб бир неча хилга бўлинади. Метаморфизм натижасида О. *мармар*га айланади. О. энг кўп тарқалган чўкинди тог жинсларидан бири. Ернинг турли рельф шаклларида ишгирок этади. О. барча ёшдаги (токембрийдан тўртламчи давргача) ётқизиқларда учрайди. О.нинг физик-механик хоссалари уларнинг структураси ва тузилишига боғлиқ бўлиб, жуда кенг чегарада ўзгаради, мас., ҳажмий оғирлиги 800 кг/м³ дан (чиганоқтош-

лар, травертин) 2800 кг/м³ гача (кристалли структурали О.). Чиганоқтошлар ва ғовакли О. нисбатан осон кесилади ҳамда йўнилади, кристалли О. эса, яхши силлиқланади. О. саноатда, қ.х. ва қурилишда кенг қўлланилади. Қора металлургияда руданинг эришини ошириш ва шлак ҳосил қилиш учун қўшиладиган модда (флюс) сифатида; оҳак ва цемент и.ч.да хом ашё; сода, минерал ўғитлар, шиша, қоғоз и.ч.да, нефть маҳсулотларини тозалаш ва б. жараёнларда қўшимча модда сифатида ишлатилади. О. муҳим қурилиш материаллари гуруҳини ташкил қилади, улардан қопловчи ва безак тошлар, ҳайкалтарошлик ва меъморликда ишлатиладиган тошлар ва ҳ.к. тайёрланади. Ўзбекистонда кўплаб О. қазиб олинадиган конлар, йирик и.ч. бирлашма корхоналари («Ўзсаноатқурилишматериаллари», «Ўзавтойўл», Навоий ва Олмалиқ конметаллургия к-тлари ва б.) томонидан ишлатилмоқда.

ОҲАКТОШЛИ ТУФ, травертин — ғовакли, уяли жинс; қайноқ ёки совуқ булоқ сувларида кальций гидрокарбонатнинг моно-карбонат шаклида чўкишидан ҳосил бўлади. Кўпинча ўсимлик илдизлари, баъзан қуруқликда ёхуд чучук сувда яшовчи гастропода (қориноёқли)ларнинг чиганоғида учрайди. Ҳажмий массаси кам (1400 дан 1800 кг/м³ гача). О.т. анча кенг тарқалган. Қурилиш материаллари, безак тоши сифатида, шунингдек, оҳакни куйдиришда ишлатилади.

ОҲАНГ (форс. — товуш, нағма, куй) — мусиқий ифода воситаси сифатида энг кичик *куй* бўлаги, *интонация*. О. бир неча товушларнинг мантиқан уланиб боришидан ҳосил бўлиб, вокал мусиқада шеърий рукнга мос келади. О.лар бириқиб йириқроқ тузилмалар — куй жумлаларини ташкил этади. О. куйнинг бош (энг ўзига хос) тузилмаси ва б. маъноларда ҳам, ҳиндларда эса «оҳангит» мусиқанинг умумий ифодаси сифатида, форсийзабон халқларда «оҳангсоз» — бастакор маъносида ҳам қўлланилади.

ОҲАНГАРОН — Тошкент вилояти Оҳангарон туманидаги шаҳар (1962 й.дан). Туман маркази. Қурама тоғининг этагида, Оҳангарон дарёсининг ўнг соҳилида, 525—600 м баландликда. Тошкентдан 68 км. Тошкент—Ангрен т.й.даги станция. Шаҳар ҳудудидан Хўжабаланд, Хонариқ ва б. ариқлар оқиб ўтади. Аҳолиси 34,7 минг кишидан зиёд (2003).

Шаҳар номи «оҳангарон» — «темирчилар» маъносини англатади. О.нинг тез ўсишига унинг яқинидаги Ангрен кўмир кони ва Олмалиқ рангли металл конларининг очилиши сабаб бўлди. О.да цементли шифер корхонаси, «Сантехлит», «Оҳангарондон» з-длари бор. 8 умумий таълим мактаби (5700 та яқин ўқувчи), болалар спорт мактаби, болалар санъат мусиқа мактаби, 2 касб-ҳунар коллежи, 2 кутубхона, 2-маданият уйи, маданият ва истироҳат боғи, стадион фаолият кўрсатади. 2-жаҳон уруши қурбонларига ёдгорлик ўрнатилган. Касалхона, катталар ва болалар поликлиникалари, 10 дорихона мавжуд.

ОҲАНГАРОН ДАРЁСИ — Тошкент вилоятидаги дарё. Чатқол ва Қурама тог тизмаларидан оқиб тушадиган сойлардан ҳосил бўлади. Уз. 236 км (Оқтошсойнинг бошланиш еридан), ҳавзасининг майд. 7710 км². Човлисой қўйилган ердан Турк қишлоғига қадар дарё Оҳангарон платосини кесиб ўтган тор даралан оқади. Дарасининг чуқ. 250 м (дарёнинг бош қисмида). Яккаарчасой қўйилган жойида 800 м. Дарё водийси жуда тор. Турк қишлоғига қадар дарёнинг нишаби катта. Шу жойдан водий кескин кенгаяди, Облиқ қишлоғи яқинида унинг кенглиги 700 м, Оҳангарон ш. яқинида 4—5 км. Водий ён бағирлари ётиқ, сойлик ва жарликлар учрайди. Облиқ қишлоғидан қуйида аллювиал кўҳна қайир (террасса)лар мавжуд. Оҳангарон ш.дан ўтгач, дарё кенглиги 8 км ли водийда оқа бошлайди. О.д. қор ва ёмғирдан тўйинади. Апр.—июнда суви кўпаяди, энг кўп сув сарфи май ойида, сувининг 51% шу ойларда оқади. Ўртача суви сарфи Турк қишлоғи ёнида 22,8 м³/сек, ўртача йиллик сув сарфи 400 м³/сек. О.л.нинг ирмоғи жуда кўп, йириклари: Арашон, Ертошсой, Тошсой, Дукантсой, Қорабайирсой, Оқчасой, Ниёзбоши, Обжазсой, Гушсой.

1962 й.да О.д. нинг қуйи оқимида «Тошкент денгизи» деб ном олган Тошкент сув омбори, 1989 й.да Оҳангарон сув омбори қурилган. Дарёдан Таначибуқа ва Ёрдон каналлари чиқарилган.

ОҲАНГАРОН СУВ ОМБОРИ — Тошкент вилоятида, Оҳангарон дарёси ўзанида қурилган гидротехника иншооти. 1989 й.да ишга туширилган. Умумий ҳажми 260 млн. м³, тўғонининг максимал бал. 100 м, сув ўтказиш имконияти 480 м³/сек. Оҳангарон дарёси сувини мавсумий тартибга солади. Тошкент вилоятидаги Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ, Пискент ва Бўка туманларидаги ерлар суғорилади.

ОҲАНГАРОН ТУМАНИ (1939 й.гача Қурама тумани) — *Тошкент вилоятидаги* туман. 1929 й. 29 сент.да ташкил этилган. 1957 й.да Ўрта Чирчиқ ва Тошкент туманлари таркибига қўшилган. 1971 й. 31 авг.да қайта ташкил этилди. Шим.-да Юқори Чирчиқ, Пискент, Бўстонлиқ туманлари, шарқдан Наманган вилояти, жан.дан Тожикистон Республикаси, жан.-ғарбдан Пискент тумани ва ғарбдан Ўрта Чирчиқ тумани б-н чегарадош. Майд. 3,19 минг км². Аҳолиси 78,1 минг киши (2002). О.т.да 1 шаҳар (Оҳангарон), 8 қишлоқ фуқаролар йиғини (Бирлик, Дўстлик, Озодлик, Сусам, Телов, Увак, Қорахитой, Қурама) бор. Маркази — *Оҳангарон* ш.

Табиати. Туман ҳудуди жан.-шарқ-да Қурама, шим. ва шим.-ғарбда Чат-қол тог тизмалари ўртасидаги водийда жойлашган. Бу тог тизмалари *Камчиқ довонида* бирлашади. Тоғлардан тушаёт-ган сойлар ён бағирларини ювиб, адирлар ҳосил қилган.

Фойдали қазилмалардан қўнғир кўмир (Ангрен, Обпартак, Чўчқабулоқ. Жигаристон), мис, рух, молибден, олтин (Қўшбулоқ, Қизилолма, Новгарзон, Олтинтопган), флюорит (Гушсой), алунит (Оқча, Новгарзон), феруза (Унгурликон, Обжазсой), қурилиш материаллари бор. Ўтга чидамли тупроқ, кум, шағал, оҳактошнинг захиралари катта.

Иқлими континентал, янв.нинг ўртача т-раси —3°, —5°, июлники 22°—26°. Йиллик ёғин 220—280 мм. Оҳангарон водийсида тезлиги 5—10 м тоғ-водий шамоли эсади. Вегетация даври 180 кун. Туман ҳудудидан Оҳангарон дарёси ва унинг ирмоқлари (Бешкўл, Иртош, Кўксарой, Четсув, Чинор, Қорабоғ, Оқча, Шоввоз, Новгарзон, Гушсой ва б.) оқиб ўтади. Туманнинг шим.-ғарбидаги хўжаликлар Чирчиқдан бошланувчи Ҳамдам ва Паркент каналларидан сув олади. Дарё қа-йирларида ўтлоқи ва ўтлоқи-ботқоқ тупроқ, адирларда типик бўз тупроқ (чириндиси 15—26%), тоғ этакларида тўқ бўз тупроқлар тарқалган. Туман ёввойи ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига бой. Адирларда эфемер ва эфемероидлар кўп.

Оҳангарон тумани Қорахитой қишлоғидаги умумий таълим мактаби биноси.

Қўнғирбош, ранг, оққурай, қўнақулоқ ва табобатда ишлатиладиган 8 турдаги тог гиёҳлари ўсади. Тог этакларида ва ён бағирларида арча, ёнғоқ, писта, тоғолча, дўлана, олма кўп. Қушлардан тустовуқ, сўфитўргай, чўғурчиқ, каклик, кантар, бургут, калхат, қирғинғай, зарғалдоқ, булбул, қизилиштон, попушак, саъва ва б. бор. Сут эмизувчилардан кўрсичқон, юмрон-қозиқ, сассиқкўзан, сувсар, кийик, архар (тог қўйлари), чиябўри, тулки, бўри, қуён, бўрсиқ, типратикан, қобон қўн, баъзан айиқ учрайди. Судралувчилардан калтакесаклар, ҳар хил илон, ҳашаротлардан қорақурт ва б. мавжуд.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, тожик, қозоқ, қирғиз, рус, татар, украин ва б. миллат вакиллари яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км² га 24 киши. Шаҳар аҳолиси 34,7 минг киши, қишлоқ аҳолиси 43,4 минг (2002).

Хўжалиги. Туман қ.х.га ихтисослашган. Саноат, транспорт, алоқа, қурилиш корхоналари бор. Цемент з-ди мамлакатда ишлаб чиқариладиган цементнинг 60%ини беради. «Оҳангарондон» з-ди фаолият кўрсатади. Туманда 4 та қўшма корхона, 165 хусусий фирма, акциялорлик, масъулияти чекланган жамият ва кичик корхоналар мавжуд.

О.т.да 6 ширкат, 3 ёрдамчи, 1 жамоа, 526 фермер хўжаликлари бор. Қ.х.да галлачилик етакчи ўринда, боғдорчилик, чорвачилик, полизчилик б-н ҳам шуғулланилади. Жами экин майд. 26,04 минг га. Шундан 12,5 минг га ерга бошоқли дон, 249 га майдонга полиз экинлари экилади. 1625 га пичанзор ва 66,8 минг га ер яйлов. Ўгомчатол миллий табиат боғига қарашли Оҳангарон ўрмон хўжалиги бор.

Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 25,7 минг қорамол, 98,7 минг қўй ва эчки, 154,8 минг парранда боқилади (2003).

О.т.да 53 умумий таълим мактаби (18,2 минг ўқувчи), қ.х. ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи (245 ўқувчи), 8 клуб, мусиқа мактаби, 28 кутубхона (333 минг китоб), 42 спорт майдончаси, 3 ёдгорлик монументи мавжуд.

Марказий касалхона, 14 қишлоқ врачлик пункти, 14 фельдшер-акушерлик пункти, 3 қишлоқ врачлик амбулаторияси, 3 дорихона фаолият кўрсатади.

Туман ҳудудидан Тошкент—Ангрен т.й. ва Тошкент—Қўқон—Ўш—Қашқар халқаро аҳамиятга эга бўлган автомобиль йўли ўтган.

Умумий йўллар уз. 205 км бўлиб, бу йўллардан Тошкент—Ангрен, Тошкент—Янгиобод, Ангрен—Бўка, Ангрен — Бекобод, Олмалиқ — Чирчиқ, Оҳангарон — Олмалиқ, Олмалиқ — Тўйтепа, Оҳангарон — Нуробод, Оҳангарон — Тут йўналишлари бўйича автобуслар қатнайди.

Туманда 1932 й.дан «Оҳангарон» (аввалги «Қурама ҳақиқати») газ. чиқарилади.

«ОҲАНГАРОНЦЕМЕНТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ — қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган йирик корхона. «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси таркибида. Турли навли ва маркали цемент (юқори сифатли портландцемент, шлакпортландцемент), шифер, минерал толалар, акустик плиталар, асбест қувурлар ва б. маҳсулотлар ишлаб чиқаради. Корхона 1957 й. апр. ойидаги ҳукумат қарори б-н 1958 й.дан «Оҳангарон цемент з-ди» номи б-н қурила бошлаган. Йиллик қуввати 450 минг т бўлган 1-технологик линия 1961 й. охирида ишга туширилди. 1967 й.да 4-технологик линия ҳам ишга туширилди ва корхонанинг цемент бўйича йиллик и.ч. қуввати 1750 минг т цементга етказилди. 1963—65 й.ларда шифер ишлаб чиқарадиган 6 та технологик линия ишга туширилди (йиллик қуввати 170 млн. шартли тахта). 1970 й.дан к-т, 1980 й.дан «Оҳангаронцемент» и.ч. бирлашмаси, 1994 й.дан очиқ акциядорлик жамияти. 2000 й.да 750 минг т цемент, 630 минг т клинкер, 36 минг т минерал маҳсулотлар ишлаб чиқарилди. Корхона маҳсулотлари хорижга экспорт қилинади.

Ад: Муратов М., Цемент Ахангарана, Т., 2001.

ОҲАНГДОШЛИК — турли баландликдаги мусиқа товушларининг бир вақтда садоланиб қўшилиши. О. икки (*интервал*) ва ундан ортиқ (*аккорд*) товушлардан тузилиб, *консонанс* ёки *диссонанс* хусусиятига эга бўлади. Кенг маънода — товуш, куйларнинг бирбирига мос келиши, ўзаро уйғунлиги.

ОҲОРЛАШ (тўқимачиликда) — *танда* ипига махсус модда (оҳор) шимдириш. Оҳор крахмал кислоталар, ишқорлар, совун, ёғлар, глицерин, антисептик моддалар ва б.дан тайёрланади. Асосан жун, пахта, луб толаларидан йигирилган ип оҳорланади. Анча пишиқ, дағал ипларг оҳорланмайди. Ўзбекистонда илгари оҳор бутдой унидан атала кўринишида тайёрланган ва латтада сузилган. Тўқиш учун дўконга солинган танда парраларига ёпишиб қолиб, тўқишга халақит берган, ип салға узилаверган. Шу сабабли, тўқувчи тандага оҳор пурсаб, ип парраларини ётқизиб силлиқлаган. Шу жараён О. деб аталган. Ҳозир О. махсус оҳорлаш машиналарида бажарилади. Бунинг учун машинага бир неча танда ипи жойланади. Сўнгра ип оҳорли тоғорага ботирилади. Оҳор шимиб олган ип қуритиш барабанларига ёки қуритиш камерасида қуритилади. Оҳор ип сиртини силлиқлайди, уни пишиқлантиради. Оҳорланган ипдан тўқилган газлама кўркам, пишиқ чиқади.

ОҲУЛАР — қ. *Жайрон, Гизоллар.*

П

П — ўзбек кирилл алифбосининг ўн еттинчи ҳарфи. Лаб-лаб, портловчи-шовқинли, жарангсиз ундош товушни ифодалайди. Сўзнинг боши (пахта, пода, пайпоқ), ўртаси (тупроқ, оппоқ) ва охирида (қоп, ип, тўп) қўллана олади. Бироқ кўп бўғинли сўзларнинг охирида камроқ учрайди. Лекин талаффузда сўз охирида келган б товуши, шунингдек, ўзбек тилига ўзлашган сўзларда учрайдиган ф товуши аксарият ҳолларда п товушига алмашади (бориб — борип, келиб — келип; газаб — газап, фабрика — пабрика, фойда — пойза каби), лекин бу ҳолисалар имло (ёзув)да акс этмайди. П Авесто, Урхун-Енисей, суғд, туркий (уйғур) ёзувларида, шунингдек, араб, лотин алифбоси асосидаги ўзбек ёзувида ўзига хос кўринишга эга. Булар қуйидаги жадвалда келтирилди.

Ёзув тури	Белги	Сана
Авесто	𐬐	Мил. ав. 6 — 4 - а
Урхун - Енисей ёзуви	1	5 — 8 - а
Туркий (уйғур) ёзуви	𐰉𐰆	8 — 13 - а
Суғд ёзуви	𐼐	Мил. ав. 1 - минг й. охири — 13 - а
Араб ёзуви	ﭖ	13 - а — 1929 й.
Лотин ёзуви	P	1929 — 1939 й.
Кирилл ёзуви	П	1940 — 1995 й.
Лотин ёзуви	P	1995 й. дан

ПААСИКИВИ (Paasikivi) Юхо Кусти (1870.27.11, Тампере — 1956.14.12, Хельсинки) — Финляндия бош вазири (1918 ва 1944—46), президенти (1946 й.дан). 2-жаҳон урушидан кейин СССР б-н тинчликсевар ташқи сиёсат юргизиш йўли («Паасикиви-Кекконен йўли»)ни тутган.

ПАБЛИСТИ (инг. publicity — ошкоралик, очиқлик) — 1) донг чиқариш, фирма, корхонанинг машҳурлиги; 2) фирмалар, товарлар, хизматлар ҳақида оммавий ахборот воситалари орқали бериладиган ахборотлар, уларнинг тақдимоти. Ўзбекистонда 1990-й.ларнинг бошларидан буён йирик корхоналар, и.ч. фирмалари томонидан амалга оширилиб келинади (қ. *Реклама*).

ПАВЕ ДЕ КУРТЕЙ (Л) (Pavet de Courteille) (1821 — Париж — 1889) — француз лугатшуноси. Париж олий ўқув юртларида туркий тиллар кафедрасини бошқарган. «Бобурнома» (1871—73), «Мерожнома» (1882), «Тазкиран авлиё» (1889) асарларини нашр қилган. П.д.К. илмий фаолиятида «Чиғатойча — французча лугат» алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур лугат сўзлиги Алишер Навоий асарлари асосида тузилган. Мисоллар ичида Бобур, Абулғозихон асарларидан олинган байт ва парчалар ҳам бор. Лугатда эски ўзбек тилидаги сўзлар французчага ихчам ва лўнда ағдарилган, шунингдек, ўзбекларнинг урф-одатларига оид сўзларга кенг изоҳлар берилган. П.д.К.нинг ушбу лугати эски ўзбек тилини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади.

ПАВЕЛ I [1754.20.9(1.10) — Петербург — 1801.12.(24).3] — Россия императори (1796 й.дан), Пётр III ва Екатерина II нинг ўғли. Россияда қарбий-полициячилик режимини, армияда прусс тартибларини жорий қилган; дворянлар имтиёзларини чеклаган, ўзбошимча сиёсат юргизган. Дастлаб инқилобий Францияга қарши чиққан, лекин, 1800 й. Наполеон I б-н иттифоқ тузган. Гвардиячи зобитлар фитнаси натижасида ўлдирилган.

ПАВИАНЛАР (Papio) — мартишкалар кенжа оиласига мансуб тор бурунли маймунлар уруғи. Танасининг уз. 75—80 см, думи 50—60 см, оғирлиги 25 кг дан ортиқ. Жуни узун, баъзан ёл ҳосил қилади. Қуймич қадоғи катта, қизил. 3—5 ёшда вояга етади, бўғозлик даври 170 кун, одатда, битта бола туғади. Африка, Арабистон ва Сулавеси оролида учрайди. Қояларда пода бўлиб яшайди. Ўсимликларнинг илдиз мевалари, пиёзлари, ҳашаротлар, майда судралиб юрувчилар ва б. б-н озиқланади. 5 тури (*гамадрил, бабуин* ва б.) бор. Ерда қаёт кечиради.

Павиан.

ПАВИЛЬОН (франц. pavillon, лот. papilio — чодир) — 1) атрофи очиқ, енгил ва ихчам қурилган кўшкимон иморат, шийпон. Табиат б-н ўзаро уйғунлаштирилган. Шарқ меъморлигида сарой ва ибодатхоналар қурилишида, Европа сарой парк ансамблари меъморлигида кенг қўлланилган; 2) Европа саройларининг таркибий қисми: томи алоҳида ёпилган енгил бино. Бундай П.лар тарҳи мураббa, кўпқиррали бўлади; 3) вақтинча ёки доимий фойдаланиш учун қурилган енгил иншоотлар. Кўргазма, кино, фото, савдо П.лари ва ҳ.к.; 4) театрда — *интерьерни* гавдалантирувчи декорация.

ПАВЛЕНКО Виктор Владимирович (1932.14.4, Семипалатинск вилояти Кукпекти қишлоғи) — Ўзбекистон халқ артисти (1985). МХАТ қошидаги театр студиясини тугатган (1971). Сахна фаолиятини 1954 й.дан бошлаган. Павлодар, Кустанай, Барнаул, Саратов, Оренбург театрларида, 1971—92 й.лар Горький номидаги Тошкент рус академик драма театрида ишлаган. Отелло, Антифол (У. Шекспир, «Отелло», «Хатолар комедияси»), Кутузов, Сатин (М. Горький, «Қашшоқ қалб қиссаси», «Тубанликда»), Батарцев (А. Гельман, «Имзо»), Лопахин (А. Чехов, «Олчазор»), Авалиани (А. Чхендзе, «Учдан олтигача») каби роллари б-н танилган. П. трагик роллар устаси сифатида маълум.

ПАВЛОВ Иван Петрович [1849.14(26).9, Рязань — 1936.27.2, Ленинград] — рус физиологи; одам ва ҳайвонлар *олий нерв фаолияти* таълимоти асосчиларидан. Россия ФА акад. (1907); Тиббиёт-хирургия (Ҳарбий тиббиёт) академиясини тугатгач (1879), С.П. *Боткин* лаб.да ишлаган. 1890 й.дан Ҳарбий тиббиёт академиясининг проф., аввал фармакология, кейинчалик физиология кафедраси мудири (1896—1924), айни вақтда Экспериментал тиббиёт ин-тида физиология бўлими бошлиғи. 1925 й.дан СССР ФА физиология ин-ти директори. П.га и.т. ишлари олиб бориш учун 1921 й. Ленинград яқинидаги Колтуши (ҳоз. Павлово) қишлоғида илмий-тажриба ст-яси қуриб берилган. Илмий изланишлари қон айланиши, овқат ҳазм қилиш ва олий нерв системаси физиологиясига оид. Соғлом организм фаолиятини ўрганишга имкон берувчи сурункали экспериментни амалиётга татбиқ этган. Руҳий фаолият асосини бош мия пўстида рўй берадиган модий физиологик жараёнлар ташкил этишини шартли рефлекслар усули ёрдамида исботлаган. П.нинг олий нерв фаолияти физиологияси (сигнал системаси, нерв системаси типлари, функциялар локализацияси, катта ярим шарлар пиш системали бўлиши ва б.)га оид тадқиқотлари физиология, тиббиёт, психология ва педагогиканинг ривожланишида катта роль ўйнади. П. *шартли рефлекси* каиф қилди ва ўргатди. Унинг одам учун хос бўлган *олий нерв фаолияти, иккинчи сигнал системаси* тўғрисидаги тадқиқотлари амалий аҳамиятга эга. Нобель мукофоти лауреати (1904).

ПАВЛОВА Ольга Николаевна (1895, Мартилон — 1982.16.3, Тошкент) — терапевт олим. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1950). Тиббиёт фанлари д-ри (1945), проф. (1948). Ўрта Осиё ун-тининг тиббиёт ф-тини тугатгач (1923), шу ф-т (кейинчалик Тошкент тиббиёт) терапия клиникасининг ординатори (1924—26), ассистенти (1927—39), доценти (1939—48), госпиталь терапия ва касб касалликлари кафедраси мудири (1946—1966), 1966 й.дан госпиталь терапия клиникаси консультанти. Юрак-томир ва қон яратиш системалари климатофизиологияси ва қариликнинг субтропик чўллари шароитида кечиши, шунингдек, ўзбек халқ табобатининг баъзи масалаларига оид 200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Ленин ордени, 2 Меҳнат Қизил Байроғи ордени, медаллар билан мукофотланган.

Ас.: К вопросу сущности псевлогемофилии и её лечение. Т., 1930; К клинике и диагностике острых и подострых алейкемических заболеваний. Т., 1938; Картина крови в условиях высокогорного климата. Т., 1939.

ПАВЛОГРАД — Украинанинг Днепропетровск вилоятидаги шаҳар. Волчья дарёси (Днепр ҳавзаси) бўйида. Т. й. тугуни. Аҳолиси 137,3 минг киши (1990-й.лар ўрталари). Донбассининг кўмир қазиб олувчи ғарбий қисмининг марказий кази. Кимё машинасозлиги, металл қуйиш машиналари, электр ёритқич арматуралари, кўн, канопни қайта ишлаш э-лари, уйсозлик к-ти, мебель ва тикувчилик ф-калари бор. Шаҳар яқинидан кўмир қазиб олинади. Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолият кўрсатади. Машинасозлик, тиббиёт билим юртлари, тарихий ўлкашунослик музейи бор. П.га 1780 й. асос солинган.

ПАВЛОДАР — Қозоғистон Республикасидаги шаҳар (1861 й.дан), Павлодар вилояти маркази. Иртишдаги йирик порт. Т.й. станцияси. Аҳолиси 300,5 минг киши (1999). П.да ишлов берувчи саноат тармоқлари ривожланган. Нефтни қайта ишлаш, алюминий, тракторсозлик, кемасозлик — кема таъмирлаш ва б. з-лар бор. Темир-бетон буюмлари к-тлари, иссиқлик электр маркази (ТЭЦ)лари мавжуд. озиқ-овқат ва енгил саноатлари катта аҳамиятга эга. Агросаноат мажмуи ривожланган. П. ёнидан Иртиш — Қарағанда канали ўтган. Йирик аэропорт, 2 олий ўқув юрти, драма театри, ўлкашунослик, тасвирий санъат музейлари бор. П.га 1720 й.да асос солинган.

ПАВЛОДАР ВИЛОЯТИ — Қозоғистон вилояти. 1938 й. 15 январда ташкил этилган. Майд. 124,8 минг км². Аҳолиси 854,2 минг киши (1999). Асосан, қозоқлар, рус, украин, татар, беларус, молдаван, мордва, чуваш, уйғурлар, немислар ва б. миллат вакиллари яшайди. Маркази — Павлодар ш.

Табиати. П.в. республиканинг шим.-шарқий қисмида, ўрмонли дашт, дашт ва чала чўл зоналарида. Иртиш дарёсининг ўрта оқимида жойлашган. Фойдали қазилмалари: тошкўмир ва қўнғир кўмир, мис ва полиметалл рудалари, кўлларда ош тузи ва глаубер тузлари бор.

Иқлими кескин континентал. Июлнинг ўртача т-раси 20°—22°, янв.никинг —19,5°, —17,5°. Йиллик ёғин 220—320 мм. Вегетация даври 167—178 кун. Энг йирик дарёси — Иртиш; кўл кўп. П.в.нинг катта қисми тўқ каштан тупроқли чалов-бетагга даштидан иборат. Даштларда оқ товушқон, юмронқозиқ, кўшоёқ, бўри, тулки, латча, тўрғай, белана, ўрдак, балчиқчи қуш яшайди. Кўлларда балиқ тури кўп.

Хўжалиги. П.в.да йирик саноат, хусусан, энергетика, ёқилғи, металлургия, машинасозлик, кимё саноати, шунингдек, енгил ва озиқ-овқат саноатлари устун турали. Энергетикасини вилоятдаги Экибастуз кўмири, шунингдек, Кузнецк ва Қарағандадан келтирилган кўмир ташкил этади. Кончилик вилоят саноатининг асосий тармоғидир. Кўмир (Экибастуз ва Майкубен конлари) ва рангли металлар ҳамда олтин (Майқайин, Бўзшакўл), Иртиш дарёси бўйидаги кўлларидан туз, Иртиш водийсидан ўтга чиламли гил ва оҳактош қазиб олинади. Деярли барча ишлов берувчи саноат корхоналари Павлодарда жойлашган. Павлодарда алюминий, Ермакда ферроқотишма з-длари ва ГРЭС, Омск—Павлодар—Чимкент нефть қувури ва нефтни қайта ишлаш з-ди ишлаб турибди.

Қ.х.да галлачилик етакчи ўринда, озуқа, техника экинлари, картошка, сабзавот ва полиз экинлари экилади.

Т.й. 574 км, автомобиль йўллари 8000 км дан зиёд. Иртишда мунтазам кемалар қатнайди. Павлодар ҳаво йўли ор-қали П.в.нинг барча туман марказлари ва Қозоғистон вилоят марказлари ҳамда бошқа шаҳарлар б-н боғланган. 2 олий ўқув юрти, 3 музей, театр, Муздли балчиқ курорти, 3 дам олиш уйи, 5 санаторий бор.

ПАВСАНИЙ (? — мил. ав. тахм. 470) — Спарта сарқаради. *Юнон-форс урушлари* давридаги *Платея* яқинидаги жангда галаба қозонган (479). Икки марта форслар б-н хиёнаткорона яширин музокара олиб боришда шубҳа остига олинган, тахм. 470 й. *илотлар* кўзғолонини тайёрлашда айбланган, ибодатхонага яширинган ва ўша ерда очликдан ўлган.

ПАҒАН — *мьянмаларнинг* биринчи давлати (11—13-а.лар). Пойтахти — Паган ш. Ҳоз. Мьянманинг деярли барча ҳудудларини ўз ҳокимиятига бирлаштирган. Анората томонидан асос солинган. 1057 й. Жан. Бирмадаги мон давлатлари бирлаштирилиши б-н П. Жан.-Шарқий Осиёдаги энг йирик давлатлардан бирига айланган. Давлат дини — буддизм. П. да улкан миқёсда ибодатхоналар қурилиши олиб борилган (5 мингта яқин ибодатхона ва пагода), бу, айниқса, Чанзита ҳукмронлиги даврида (1084—1112) авжга чиққан. 13-а.га келиб ички низолар туфайли давлат таназзулга учраган. 1283 й. Кауншон ёнидаги жангда мьянма қўшинлари мўғуллар томонидан тор-мор этилгач, П. барҳам топган.

ПАГАНИНИ (Paganini) Никколо (1782.27.10, Генуя — 1840.27.5, Ницца) — италъян созандаси (скрипка, гитара) ва композитор. 1797 й.дан бошлаб Италияда, 1828 й.дан Европанинг кўп мамлакатларида мукаммал маҳоратини намойиш қилиб, тарихда энг машҳур *виртуоз*лардан бири сифатида ном қолдирган. П. янги, мураккаб ижро усулларини қўллаб, замонавий скрипка ижрочилиги асосларини яратди, шунингдек, 19-а. пианино ижрочилиги ҳамда чолғулаштириш санъатлари ривожига таъсир ўтказди. П. созанда ва композитор сифатида мусиқий *романтизм* асосчиларидан. Скрипка учун 24 та каприччио, скрипка ва оркестр учун 1- ва 2- концертлари (жами 5 та), шунингдек, сонаталари (айниқ-

са, скрипка ва гитара учун), якка гитара (жами 200 га яқин) ва б. созларга мўл-жаллаиган пьесалари, камер ансамбл-лари, опера, балет ва халқ куйларига яратган вариациялари куйларининг равонлиги ва куйчанлиги, гармоник ривожи ўзига хослиги б-н ажралиб туради. 1954 й.дан Генуяда ҳар йили П. номидаги халқаро скрипкачилар танлови ўтказилади.

ПАГОДА (португалча pagoda, санкритча — бҳачават) — будда мемориал иншооти. Буддизмга алоқадор табаррук нарсалар сақланадиган жой. Павильон ёки минора (баъзан кўп қатламли) кўринишига эга. Дастлаб, мил.нинг бошларида Хитойда барпо этилган.

Пагода (Япония).

Корея, Япония, Жан. Шарқий Осиё мамлакатлари меъморлигида кенг тарқалган.

ПАГО-ПАГО — Шарқий Самоанинг (Америка Самоаси) маъмурий маркази, Тутуила о.да. Аҳолиси 3 минг кишидан зиёд (1999). Тинч океан соҳилидаги порт. Озиқ-овқат саноати (балиқ консервалаш) корхоналари бор. Четга копра ва балиқ консервалари чиқарилади.

ПАГУОШ ҲАРАКАТИ — олимларнинг тинчлик, қуролсизланиш, халқаро хавфсизлик ва илмий ҳамкорлик учун йўналтирилган ижтимоий ҳа-ракати. Ташаббускорлари (1955): А. Эйнштейн, Ф. Жолио-Кюри, Б. Рассел. П. ҳ. тарафдорларининг 1-конференцияси 1957 й.да Пагуош ш.да (Канада) бўлган. Шундан буён, одатга кўра, йил сайин ўтказилади.

ПАДАНА ТЕКИСЛИГИ, Падана-Венеция текислиги — Италиянинг шим. қисмидаги текислик. Альп ва Апеннин тоғлари б-н Адриатика денгизи оралиғида. П.т. усти қалин денгиз ва дарё жинслари б-н тўлган тектоник букилма. Уз. 500 км чамасида, эни 200 км гача. Ер юзаси, асосан, текис, баландлиги ғарбида 300—400 м. Текисликнинг марказий қисмидан По дарёси ва унинг ирмоқлари оқиб ўтади. Иқлими субтропик, айрим жойларида мўътадил иқлим. Январнинг ўртача т-раси 0—4°, июлники 22—24°. Йиллик ёғин 600—1000 мм. Тошқинлар бўлиб туради. Ўрмонлар қирқилиб ўрни экинзорга айлантирилган. П.т. — Италиянинг асосий саноат ва қ.х. р-ни. Буғдой, маккажўхори, шоли экилади. Токзорлар ва мевали боғлар бор. П.т.да Милан, Турин, Венеция, Болонья ш.лари жойлашган.

ПАДАНГ — Индонезиядаги шаҳар, Суматра о.нинг ғарбий соҳилида. Ғарбий Суматра провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 721,5 минг киши (1990-й.лар охири). Плантациялар ва кончилик саноати ривожланган р-нинг савдо-саноат маркази. Цемент з-ди, озиқ-овқат, тўқимачилик, ёғочсозлик саноати корхоналари, кема верфи, ун-т бор. Денгиз порти.

ПА-ДЕ-КАЛЕ, Дувр бўғози — Буюк Британия ороли б-н Европанинг материк қисми (Франция қирғоқлари) орасидаги бўғоз. Шим. денгиз томонидан Ла-Манш бўғозига кираверишда. Антропоген даврида қуруқликнинг чўкишидан вужудга келган. Энг камбар жойи (Дувр б-н Кале ш.лари орасида) 32 км, энг чуқур жойи 64 м. Йирик портлари: Дувр, Кале, Дюнкерк. Дувр — Кале, Дувр—Дюнкерк, Дувр—Булонь ўртасида паром қатнайди.

ПАДУЯ — Италиянинг шим. қисмидаги шаҳар. Падуя вилоятининг маъмурий маркази. Аҳолиси 203,3 минг киши (2001). Транспорт йўлларининг муҳим тугуни, кема қатнайдиган канал орқали Адриатика денгизи б-н боғланган. Машинасозликнинг турли соҳалари, кимё, енгил, озиқ-овқат, полиграфия саноати корхоналари мавжуд. *Галилей* ишлаган ун-т (1222), ботаника боғи (1545, Европада энг қад.), музейлар бор. Шаҳар мил. ав. 4-а.дан маълум. Уйғониш даврида П.да рассомлик санъати ниҳоятда юксалган. 1866 й.да Италия қироллигига қўшилгунга қадар турли давлатлар таркибида бўлган. 12—15-а.ларга оид меъморий ёдгорликлар (черков ва саройлар)



Падуя шаҳри. Сант-Антонио базиликаси.

сақланган. П.да ҳар йили халқаро ярмаркалар ўтказилади.

ПАЗАНДАЧИЛИК — хом ўсимлик ва ҳайвон маҳсулотларидан хилма-хил таомлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлаш маҳорати. Овқатланишни тартибга солиш, таомлар хилма-хиллигини таъминлаш, лаззатли таомлар тайёрлаш ва дид б-н дастурхонга тортиш П.нинг асосини ташкил қилади.

Турли халқларнинг миллий П.да шу миллат халқига хос муайян миллий П. таом тури бўлади. Мас., ўзбекларда палов, рус пазандалигида щчи, блини; украинларда борщч, вареники; қозоқларда бешбармоқ шундай таомлардир. Ўзбек П.да кўпроқ қўй, мол гўштлари ишлатилади; от, товуқ, ўрдак гўштлари ўртача меъёрда; илвасин ва балиқ гўштларидан камроқ фойдаланилади; хамир таомлар ҳам кўп тайёрланади (ҳар хил тандир нонлар, сомсалар, суюқ-қуюқ хамир овқатлар).

ПАЙ — бириктирувчи тўқимадан иборат пишиқ тузилма. Шакли ва узунлиги (лента ёки пластинка) ҳар хил; мускуллар П. ёрдамида суякларга бирикади. П.нинг пишиқ ёки чўзилувчанлиги, қайишқоқлиги у пайдо бўлган бириктирувчи тўқимага боғлиқ. П. шунчалик пишиқки, кўндаланг кесимининг 1 $мм^2$ 10 кг, чаноқни бел суягига бириктириб турадиган П.лар 350 кг, оёқ тагидаги узун П.лар эса 200 кг ча юк кўтара олади. Болалар пайи жуда нозик ва эгилувчан бўлиб, ёш улғайган сари ҳатто суякланиб кетади. П.лар, асосан, бўғим олдида жойлашгани учун турли томонга ҳаракат қилиш имконини беради.

П.ларнинг бир қисми статик функциялар (гавдани тик сақлаш ва б.)ни бажаришда иштирок этади. Кескин ҳаракат қилганда П.да турли ўзгаришлар рўй беради, унга бирор шикаст етиши натижасида П. ҳаддан ташқари

чўзилиб кетганда (қ. *Пай чўзилиши*), одатда, суяк тўқимаси б-н бирга узилади. Кўпроқ болдир ва оёқ панжаси бўғими П.лари, баъзан тизза, тирсак бўғими П.лари шикастланади; бунда шикастланган бўғим қаттиқ оғрийди, шишади, ҳаракат қийинлашади. П. шикастланганда дарҳол врачга мурожаат қилиш, у келгунча бўғимни бинт б-н сиқиб боғлаб бўғимга ором бериш, уни қимирлатмаслик керак.

ПАЙ, ҳисса — фирма, компания, жамият, ширкатнинг умумий капиталида муайян жисмоний ёки юридик шахс ҳиссасига тўғри келадиган пул бадали суммаси ёки улуши. П. эгаси оладиган даромад, дивиденд, шунингдек, компания тугатилганда у оладиган мулк улуши ёки пул маблағлари П. миқдорига боғлиқ бўлади. П. бадаллари ширкат ёки компаниянинг П. фондини ташкил этади. П. пай гувоҳномасида қайд этилади.

ПАЙ ЧЎЗИЛИШИ, дисторсия — бўғимлардаги *пайнинг* шикастланиши. Бунда пай ёки унинг толалари, баъзан пайнинг суякларга бирикадиган қисми узилади, лекин бўғимдаги суякларга шикаст етмайди. Кўпинча болдир-оёқ панжаси бўғими пайлари чўзилади. Пайлар чўзилганда қаттиқ оғриқ пайдо бўлади, бемор оқсаб қоладӣ; бўғим атрофи шишади, териси кўкаради, бўғимда ҳаракат қийинлашади. Пайлар узилганда бемор оёғини боса олмайди, бўғимлари шишиб кетади, қон қуйилиши мумкин. П.ч.га аҳамият бермай врачга мурожаат қилинмаса, шикаст сурункали тус олиб, касаллик узоқ вақт беморни безовта қилиши мумкин. Пай чўзилганда, биринчи навбатда, пайи чўзилган бўғимни бинт б-н сиқиб боғлаб, оғриқ кучли бўлса, бўғимга ором бериш, уни қимирлатмаслик, зудлик б-н врачга мурожаат қилиш керак. Тўғри даво қилинса, бемор ҳеч қандай асоратсиз тузалиб кетади, акс ҳолда, П.ч. тез-тез такрорланиб туриши мумкин. П.ч.нинг олдини олиш учун (хусусан, спортсменларда) мускул системаси тонусини бир маромда тутиш, спорт ўйинлари вақтида эластик бинт б-н бўғимни сиқиб боғлаб олиш, махсус спорт пойабзали кийиш ёки тизза бинт тақиш тавсия этилади.

ПАЙАРИҚ (1991 й.гача Наримонов посёлкаси) — Самарқанд вилояти *Пайариқ туманидаги* шаҳар (1991 й.дан), туман маркази. Нурота тоғлари ён бағрида жойлашган. Ўртача 610 м баландликда. Яқин т.й. станцияси — Улуғбек (40 км). Вилоят маркази (Самарқанд)гача —43 км. Аҳолиси 11,5 минг киши (2003).

П. ўрнида 1880-й.ларда Россиядан кўчиб келиб ўрнашиб олганларнинг қишлоғи бўлган ва дастлаб Федоровка, Каталас деб аталган. П. номи туман ҳудудидан ўтган «Пай» ариғи номидан олинган. П.да туман ҳокимияти биноси, маъмурий ва давлат идоралари, и.ч. корхоналари, автокорхона, МТП, бозор, 3 умумий таълим мактаби, қ.х. касб-ҳунар коллежи, маданият уйи, марказий кутубхона, маданият ва истироҳат боғи бор. Марказий касалхона, тез тиббий ёрдам бўлими, поликлиника, 4 дорихона, оптика дўкони мавжуд.

ПАЙАРИҚ ТУМАНИ — *Самарқанд вилоятидаги* туман. 1926 й. 29 сент.да ташкил этилган (маркази Челак қишлоғи бўлган). 1953 й. П.т.нинг бир қисмидан Наримонов тумани тузилган. 1959 й.да Наримонов тумани П.т.га қўшилган (маркази Наримонов қишлоғи). 1991 й.да П.т.дан Челак тумани ажралиб чиққан. 2001 й.да яна П.т. б-н Челак туманлари бирлаштирилиб, улар негизида П.т. ташкил қилинди (маркази Пайариқ ш.). П.т. ўртача 610 м баландликда. Шим.-ғарбдан вилоятнинг Қўшработ, ғарбдан Иштихон, жан.-дан Оқдарё ва Жомбой туманлари, шим.дан Жиззах вилоятининг Фориш, шим.-шарқдан Ғалла-орол туманлари б-н чегарадош. Майд. 1,29 минг $км^2$. Аҳолиси 182,9 минг киши (2003). Туманда 2 шаҳар (Пайариқ, Челак), 6 қишлоқ фуқаролари йиғини (Гулистон, Кўкдала, Кўлтўсин, Саноат, Чоштепа, Қорасув) бор. Туман маркази — *Пайариқ* ш.

Табиати. Туман ҳудуди Нурота тоғ тизмаларининг жан.да жойлашган. Рельефи шим.да тоғлар, адирлар, тоғ оралиғи ботиқлари, жан. қисми текисликдан иборат. Тупроқлари, асосан, оч бўз тупроқ, тоғ этакларида тўқ бўз тупроқ, жигарранг ва қўнғир тоғ-ўрмон тупроқлари.

Ёввойи ўсимликлардан шувоқ-шўра аралаш эфемерлар, бугдойиқ ва тоғ чалачўл ўсимликлари ўсади. Ёввойи ҳайвонлардан бўри, тулки, чиябўри, қуён, жайран, жайра, геккон калтакесаги, тошбақа, сариқ илон, эчкемар, кўрсичқон, типратикан, каламуш, қушлардан сўфитўрғай, чумчуқ, чуғурчиқ, зағалдоқ ва б. учрайди. Иқлими кескин континентал. Йиллик ўртача т-ра 13,4°, янв.нинг ўртача т-раси — 1,2°, июлники 27°. Энг юқори т-ра 45°, энг паст т-ра —28°. Вегетация

даври 196 кун. Йиллик ўртача ёғин 312 мм, асосан, қишда ва баҳорда ёғади. Тоғлардан оқиб тушадиган майда сойлар баҳор ойларида Сағаноқсойга бориб қуйилади. Жан. текислик қисмидан Зарафшон дарёсининг ирмоқлари — Қорасув ва б. майда сойлар оқиб ўтади. Экинларни суғоришда Зарафшон ва б. дарё ҳамда сойлардан фойдаланилади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар, шунингдек, туркман, қозоқ, тожик, рус, татар ва б. миллат вакиллари ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 $км^2$га 142 киши.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуи. Бухорий мақбараси.

Қишлоқ хўжалик касб-ҳунар колежи биноси.

Хўжалиги. Туманда пахтачилик б-н бирга дон етиштириш ва чорвачилик муҳим тармоқлардан ҳисобланади. Туманда «Балтимор» Россия — Америка қўшма корхонасида консерва, компот, томат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Қурилиш озиқ-овқат саноати корхоналари мавжуд. Пахта тозалаш, гишт з-длари бор. Кичик, хусусий корхоналар фаолият кўрсатади. Туманда ширкат, фермер хўжаликлари мавжуд. Қ.х.да фойдаланиладиган ерларга пахта, дон, картошка, сабзавот ва полиз, ем-хашак экинлари экилади. Мевазор, токзор ва тутзорлар бор.

Туман хўжаликларида қорамол, қўй ва эчки боқилади.

П.т.да 98 умумий таълим мактаби, 2 мусиқа, 3 спорт, 1 футбол мактаблари, 2 адабиёт ва тил маркази, Челак саноат-транспорт Пайариқ, Ал Бухорий қ. х., коллежлари мавжуд. Марказий кутубхона ва унинг 61 тармоғи, 2 болалар, 1 махсус кутубхона, марказий маданият уйи, шаҳар, 24 қишлоқ маданият уйлари, 3 автоклуб, халқ театри ишлаб турибди.

Тумандаги марказий касалхона ва унинг Челак, Н.Азизов, Охунбобоев, Навоий, Оққўрғон, Қўлтўсин ҳудудий бўлимлари, 2 тез тиббий ёрдам бўлими (жами 565 даволаш ўрни), 2 поликлиника, 30 қишлоқ врачлик пункти, 47 фельдшер-акушерлик пунктида 284 врач, 1825 ўрта ва кичик тиббий ходим ишлайди. Туман ҳудудидан Самарқанд — Пайариқ — Қўшработ йўллари орқали Навоий, Жиззах вилоятига, Самарқанд — Челак — Миған орқали Қўшработ тумани ҳамда Навоий вилояти йўналиши бўйича автобуслар қатнайди.

Тумандаги тарихий ва меъморий ёдгорликлар ичида энг йириги Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуидир (қ. *Бухорий ёдгорлик мажмуи*). Пайариқ ш..нинг шим. қисмида Тоҳир шайх мақбараси ва масжиди бор. Челактепа, Шўртепа, Учтепа, Йигирматепа, Эрназартепа, Қоровултепа, Мойлитепа, Йўлтепа каби тепаликлар сақланиб қолинган.

ПАЙВАНДЛАШ (техникада) — қаттиқ материаллар (металл, керамика, пишиқ, ва б.)ни ажралмас қилиб бириктириш усули. П.нинг 60 дан ортиқ усули бор.

Металларни П. қадимдан маълум. 1882 йилда босим остида П.нинг темирчилик усулидан фойдаланилган. Рус ихтирочиси Н. Н. *Бенардос* биринчи марта металларни кўмир электроддан фойдаланиб П. (электр ёй) усулини топган, рус муҳандиси Н. Г. Славянов буни такомиллаштириб, кўмир электрод ўрнига металл электрод ишлатган. *Ацетилен* топилганидан кейин француз металлурги Э. Фуше газ пайвандини, америкалик олим Ж. Томсон қаршиликли учма-уч П. (1837), кейинчалик Н. Н. Бенардос нуқтавий контакт П. усулини ихтиро қилди, акад. Е. О. *Патон* (1940) раҳбарлигида электр шлакли П. усули ишлаб чиқилди.

П.нинг босим остида ва эритиб П. усуллари бор. Босим остида П.да металл пластик ҳолатга келтириб бириктирилади; бириктириладиган жойга ташқи куч таъсир эттирилади. Бундай П. механик, кимёвий-механик ва электр-механик усулларга бўлинади. Контакт пайванд, нуқтавий П. усуллари ҳам бор.



Пайвандлаш. 1-расм. Пайвандлаш турлари: *1* — учма-уч; *2* — устма-уст; *3* — бурчакли; *4* — таврли; *5* — тиқинли.

Эритиб П.да бирор иссиқлик манбаи таъсирида буюмнинг пайвандланадиган жойлари ва пайванд чивиқ (агар у ишлатилса) суюқланиш ҳолатига келтирилади. Бу усулнинг кимёвий, электр-кимёвий ва электр ёй усуллари бор. Кимевий усуллар ва термит хилларга бўлинади. П. вақтида содир бўладиган оксидланиш реакцияси чок металларининг таркибий элементларини куйдиради, натижада металлнинг кимевий таркиби ўзгаради ва пайванд бирикманинг механик хоссалари пасаяди. Шунинг учун П. техникасида эритиб етиштириладиган металлдаги фойдали аралашмаларни куйишдан, унга азот ва кислород киришидан сақлайдиган пайванд бирикмалардан фойдаланилади. Мас., газ пайвандда буюмларнинг пайвандланиш хусусиятини яхшиланадиган ва уларни атрофдаги муҳит таъсиридан сақлайдиган *флюс* ёки махсус қопламалардан фойдаланилади ва газ ҳимоя усуллари қўлланилади. Термит усулда металларнинг бириктириладиган сиртини суюқлантириб, термит металл б-н яхлит қуйма чок ҳосил қилинади.

Электр-кимёвий усулда П. зонаси (буюм б-н электрод орасида ёнадиган ёй) водород б-н, баъзан, водород ва углерод оксиди аралашмаси б-н ёки азот ва водород аралашмаси б-н ўралади, натижада эритиб етиштириладиган металл атрофдаги муҳитнинг кимёвий таъсиридан сақланади. П. зонасини аргон, гелий ёки карбонат ангидрид гази б-н ҳимоя қилиш усули кенг қўлланилади. Электр ёй б-н П.да буюмларнинг пайвандланадиган жойлари электр ёйи б-н эритиб бириктирилади. Бу усул эрувчан электродли ва эримайдиган электродли хилларга бўлинади. Бундай П. қўлда ва автоматик тарзда бажарилади. Юқори частотали ток ва электрон нур ёрдамида П. усуллари ҳам бор. Сув остида П. (мас., кемаларнинг тагини тузатиш), космосда П. (мас., космик ст-ларни космосда монтаж қилиш) усуллари ривожланган, юқори вакуум ва вазнсизлик шароитида турли металларни П. усуллари ҳам кенг қўлланилмоқда. Лазер нурлари ёрдамида П. усуллари такомиллаштирилмоқда.



2-расм. Электрон нурли пайвандлаш (вакуумда)

ПАЙВАНДЛАШ (қишлоқ хўжалигида) — бир ўсимликка иккинчи ўсимликнинг қаламчаси ёки куртагини улаш. Пайванд қилиналиган ўсимлик *пайвандтаг*, уланадиган *пайвандуст* дейилади. Мевачиликда П. вегетатив кўпайтиришнинг асосий усули ҳисобланади. П. пайвандланаётган ўсимликнинг нав хусусиятини мустаҳкамлаш ва сақлаш; хўжалик кўрсаткичлари паст навларни аъло сифатли, совуққа, зараркунанда ва касалликларга чидамли навлар б-н алмантириш; гуллаши ва мева тугишини жадаллаштириш; ўсимликнинг манзарали ва

ялашувчи хилларини яратиш каби мақсадларда қўлланилади (қ. *Куртак пайванд*, *Искана пайванд*).

ПАЙВАНДТАГ — *пайвандуст* пайванд қилинадиган ўсимлик ёки унинг қисмлари. Пайванд қилинган ўсимлик илдиз системаси мевали дарахт учун асос вазифасини ўтайди. Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон шароитида П. сифатида олма учун *ёввойи олма, дусен, парадизка* уруғкўчатидан фойдаланилади. *Нок* учун ўрмон ва жайдари нок уруғкўчатидан, *беҳи* ва б.дан, ўрик учун жайдари ўрик, шафтоли учун унинг жайдари хиллари ва бодомдан, гилос ва олча учун уларнинг барча турлари ва камхастакдан, олхўри учун тоғолчанинг уруғкўчатларидан фойдаланилади.

ПАЙВАНДУСТ — 1) *пайвандтаг*га уланадиган қаламча ёки куртак; 2) уланган қаламча ёки куртакдан ўсиб чиққан ўсимликнинг ер устки қисми. П. навдор, соғлом, ҳосилдор, турли ноқулай шароитларга чидамли ўсимликлардан олинади.

ПАЙЗА, пайза (хитойча-мўғулча) — ёрлиқ Чингизхон *Ясо*сига биноан жорий этилган, олтин, кумуш, чўян, жез ҳамда ёғоч тахтачаларга битилган, мўғул хонлари томонидан мўғуллар ҳукмронлигига тобе мамлакатларга тайинланган нойлар, шунингдек, чопар ва элчиларга, уларнинг лавозимларига қараб берилади ган ёрлиқ, буйруқ. Нойбларга ҳамда элчиларга бериладиган олтин П.га хонининг буйруқлари ёзилган ва улар нонб ёки элчига чексиз ваколат ҳуқуқини берган. П. эгаси истаган нарсани талаб қилишга ҳақли бўлган, унинг талаби сўзсиз бажарилган. Маҳаллий ҳукумат вакиллари П. бор маъмурга от, йўл кўрсатувчи киши, озиқ-овқат ва б. хизматларни кўрсатишга масъул бўлганлар. П.нинг даражасига қараб унга қуш ёки ҳайвон расми солинган. Энг олий даражали П. юзига йўлбарс сурати туширилган. Бу турдаги П. ҳукмронлик ва даҳлсизлик белгиси бўлиб хизмат қилган. П.га эга шахслар таланни ёки жазолашидан мустасно эдилар.

ПАЙЗА, япон тариғи (Echinochloa) — бошоқдошлар оиласининг қурмаклар туркумига мансуб бир йиллик бошоқли дон ва ем-хашак экини. Ҳиндистон, Хитой, Корея, Япониядан қадимдан етиштирилади. Донидан ёрма, спирт олинади, чўчқа ва парандаларга ем сифатида ишлатилади. Кўк поясидан силос бостирилади ва пичан тайёрланади. 100 кг кўк поясида 12,5 озуқа бирлиги ва 1,6 кг ҳазм бўладиган протеин (100 кг пичанида тегишлича 60,5 ва 6,9; донида 92,7 ва 10,5) бор. Чорва моллари учун яхши озуқа. Намсевар ва даланинг бегона ўтлардан тозалигига талабчан ўсимлик. Қулай шароитда ёзда 2—4 мартагача ўриб олиш мумкин. Ем-хашак учун кеч баҳорда қаторлаб, оддий усулда (уруғ экиш нормаси 12—15 кг/га), дон учун кенг қаторлаб (уруғ экиш нормаси 5—6 кг/га) экилади. Кўк озуқа учун рўвакланиш вақтида, дон учун рўвакларни сарғайганда ўрилади. Ҳосил-рўвакларни сарғайганда ўрилади. Ҳосилдорлиги кўк пон бўйича 140—400 ц/га, пичан бўйича 20—40 ц/га.

ПАЙКАЛ (туркийча. пай — қисм, улуш ва форс-тож. кол — хандақ) — 1) марза, ариқ, йўл ва б. б-н ажратилган катта экин майдони, суғориладиган даланинг бир қисми; шоликорликда пол; чек. 2) тарихий-этнографик атама. Ёзма адабиётларда дастлаб Абу Абдуллоҳ Хоразмийнинг «Мафотиҳ ул улум» («Илмлар калити») асарида сув ўлчов бирлиги тарзида қайд қилинган. 1 П. 10 баста, баста эса энн ва бўйи 1 шаир (тахм. 3 см) бўйлаи тешикдан бир кеча-кундузда ўтадиган сув миқдори. Кейинги давр-ларда сатҳ ўлчови сифатида қўлланилган. Мас., Қуйи Қашқадарёда 50 таноб ёки 12,5 га ер 1 П. ҳисобланган. Ўрта Осиёнинг бир қанча туманларда чек ерларни ширкат (6—9 деҳқон хўжалиги) бўлиб ишлаш, ерга жамоа бўлиб эгалик қилиш шакли бўлган. Бундай П.лар Жан. Ўзбекистонда 20-асрнинг 1-чорагига қадар мавжуд бўлиб келди.

Олег Бёрнов.

ПАЙКОН — 1) камон ўқининг учи, ўқ учидаги металл бошоқ. П. мезолит, неолит ва жез даврларида чақмоқ тошдан, баъзан, ҳайвон суякларидан ясалган. Жездан ясалган П. *темир давр*ининг дастлабки даврларида кенг тарқалган. Темирдан ясалган П. миллодан аввал кураллар-нишга кириб келган. П. аксар ҳолларда зўғатали қилиб ясалган ва уни сан-чилган бадандан суғуриб олиш амри маҳол бўлган; 2) найзага қадалади-ган учи; 3) тикон; 4) мумтоз адабиётда П. мажозан киприк маъносини ҳам ифодалаган.



Жез пайкон.

ПАЙПАСЛАГИЧЛИЛАР (Tentaculata) — денгиз ва чучук сувда яшайдиган умуртқасиз ҳайвонлар типи. Целомик ҳайвонларнинг мустақил гуруҳи ҳисобланади. Ўтроқ ҳаёт кечиради. Билатерал симметрияли; целомик гавда бўшлиғи уч аниқ бўлмаган 3 та сегментга бўлинади. Оғизолди пайпаслагичлари яхши ривожланган. Ичаги илмоқсимон, анал тешиги орқа томонда оғиз тешиги яқинида жойлашган. Айириш органлари —1—2 жуфт *метанефридийлар*. Қон айланиш системаси ривожланган. Жинсий безлари целомда жойлашган. Личинкаси ҳалқали чувалчанглар трохофарасига ўхшаш. Форонидлар, мшанкалар ва елкаоёқлилар синфларига ажратилади. 4,5 минга яқин тури маълум. Кўпчилигини (4000) мшанкалар ташкил этади. Катта амалий аҳамиятга эга эмас. Баъзан сув ўтказадиган қувурларни тўсиб қўйиб, катта зарар келтириши мумкин.

ПАЙРОВ — *аския* санъатининг энг оммавий шакли, ижро услуби. Унда икки гуруҳ ижрочи келишилган муайян мавзу бўйича сўз тўқиб, ўзаро тортишади; мавзунинг маъноларини охиригача очишиши ва ижрочилар мавзу доирасидан тан-қарига чиқмаслиги талаб этилади, бир-бирига жавоб қайтарганларида фикр ривожи сезилиб туриши лозим. Шиддат б-н, мазмунли қочиримли жавоб берган томон ютади, суткашлик қилган, мавзудан ташқарига чиққан ёки паланартиш, кўпол жавоб қилган томон ютқизади. Аския ишқибозларининг қизғин қизиқаниши. П. мавзулари сон-саноқсиз: инсон ҳаёти, хулқ-атвори, ўзаро муносабатлар, табиат ва жамият ҳодисалари, ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, меҳнат турлари, касб-ҳунар, қишлоқ хўжалиги ва саноат кўринишлари, таълим, тиббиёт, илм-фан, санъат ва адабиёт, бола тарбияси ва б. П. аскячилик ҳам бадиҳагўйлик, ҳам моҳир ижрочилик талаб қилади. П. , асосан, оғзаки ижод маҳсули. Тажрибали аскячилар муайян мавзуларни олдиндан машқ қилиб, пишитиб юрадилар.

П., асосан, Фарғона водийси ва Тошкентда 18-аср тарқалган ва кўпланкунга ривож топиб, оммалашиб боркишлаги маъноларни охиригача очиш-моқда. Деҳқон юзбоши, Ғойиб ота Тошматов, Жўрахон *Султонов*, Ғаниижон *Тошматов*, Ғуломжон Рўзибоев, Абдулҳай Қозоқов каби П. ва аския усталари танилган. Уларнинг П.даги тажрибаси, анъаналарини ака-ука Зайнобиддин ва Маламин Юсуповлар, Жўрахон Пўлатов, Мамасиддиқ Шираев, Ҳасанбой Султонов, Йўлдошхон Носиров, Неъматжон Тошматов, Мансуржон Охунов, *Муҳиддин қизиқ* Дарвешов ва б. давом эттириб келдилар. П. катта концерт дастурларидан, Ўзбекистон мустақиллиги ва Наврўз байрамига бағишланган майдон томошаларидан ўрин олиб, энг яхши намуналари радио ва телевидение орқали тарғиб этилмоқда.

Ад.: Муҳаммадиев Р., Аския, Т., 1962. Қодиров М., Томоша санъати ўтмишидан лавҳалар, Т., 1993.

Муҳсин Қўдиров.

ПАЙШАНБА (форс.) — ҳафтанинг чоршанбадан кейинги, жумадан олдинги тўртинчи куни (қ. *Ҳафта*).

ПАЙШАНБА — Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги шаҳарча (1989 й.дан). Туман маркази. 450 м баландликда жойлашган. Яқин т.й. станцияси — Каттақўрғон (12 км), Самарқанд ш.гача 90 км. Аҳолиси 19 минг кишидан зиёд (2001).

П.даги тепаликлари мил. ав. 5—4-а.лардаги оил останоларининг топилиши у ерда қадимда аҳоли яшаганлиги тасдиқлайди. Қулай географик мавқега эга бўлган П. равнақ топиб 18-а. охирида мудофаа девори б-н ўралган 3 дарвозали шаҳарга айланган. 18—19-а.ларда П.да тўқимачилик, читгарлик, заргарлик, қандолатчилик, кулолчилик, мисгарлик, атторлик, ганчкорлик, темирчилик каби ҳунармандчилик турлари ривожланган. 1868 й.дан Пайшанба волостининг маркази бўлган. П.да 1905—08-й.ларда Россиянинг мустамлакачилик зулмига қарши *Намоз Пиримқул ўғли* бошчилигидаги халқ қуролли ҳаракати бўлиб ўтган. Қадимда П.да масжид ва мадрасалар, карвон-саройлар фаолият кўрсатган. Булардан Одина масжиди (тахм. 17—18-а.лар) улуғворлиги б-н ажралиб турган, уни «Она масжид» деб ҳам аташган. 1791 й. П.да Муҳаммад Аминхўжа Нақиб мадраса қурдирган, 1902 й.да рус-тузем мактаби биноси (ҳоз. почта) қурилган. П.да туман ҳокимияти биноси, ғишт з-ди, нон к-ти, пилла қабул қилиш корхонаси бор. Новвойлик, қандолатчилик, тикувчилик, этикдўзлик, тандирчилик, баққоллик, дурадгорлик, темирчилик б-н шуғулланувчи кичик корхоналар мавжуд. 5 умумий таълим мактаби, касб-ҳунар лицейи, болалар спорт, мусиқа мактаблари, ўсмирлар футбол мактаби фаолият кўрсатади. 3 музей, 4 кутубхона, марказий касалхона (400 ўрин), сил касалликлари шифохонаси (40 ўрин), амбулатория ва поликлиника, катталар ва болалар, стоматология поликлиникалари ишлаб турибди. Бир қанча маданий, маиший, савдо хизмати кўрсатиш шохобчалари, Қаландархона жоме масжиди бор.

Қаландархона жоме масжиди.

Пайшанба. Шаҳарча хиёбонидаги Алишер Навоий ҳайкали.

ПАЙҒАМБАР (форс. — хабар келтирувчи) — иудаизм, христианлик ва исломда худодан ваҳий олган ва уни одамларга етказадиган шахс. Худо б-н унинг бандалари ўртасидаги воситачи, худонинг ердаги вакили, элчиси ҳисобланади. П.лар келажакни биладиган, диний ва тарихий воқеаларни, бирор одамнинг тақдирини олдиндан айтиб берадиган шахс сифатида тасаввур қилинади. Исломга кўра, П. б-н Аллоҳ ўртасида элчилик қилувчи фаришта — Жаброилдир. Баъзида Аллоҳ П.га бевосита ваҳий юбориши, у б-н гаплашиши ҳам мумкин. П.ларнинг адади Қуръон, ҳадис ва тарихий китобларда қатъий кўрсатилмаган. Баъзи манбаларда улар 124 мингта дейилган. Қуръонда Одам, Идрис, Нуҳ, Ҳуд, Солиҳ, Иброҳим, Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб, Юсуф, Лут, Айюб, Зулкифл, Юнус, Мусо, Ҳорун, Шуайб, Илёс, Аляса, Довуд, Сулаймон, Закариё, Яҳё, Исо ва Муҳаммад (ас) каби П.ларнинг номи зикр этилган. Аксарият П.ларнинг номи Таврот ва Инжилда ҳам қайд этилган. П.ларнинг биринчиси Одам (ас), охиргиси Муҳаммад (ас) сандалади. П.лар ҳар қандай гуноҳлардан пок ҳисобланадилар.

Ад.: Пайғамбарлар қиссаси, Т., 1993; Ҳазрати пайғамбар ҳаёти, Т., 1997.

ПАК Вера Борисовна (1938.13.11, Қўнғирот ш.) — илғор ўқитувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони (2001). Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими (1992). Қорақалпоғистон пед. ин-тини тугатган (1961). 1961—85 й.ларда Хива ш.даги 3-мактабда кимё-биол. ўқитувчиси, синфдан ташқари ишлар ташкилотчиси, Хива ш. халқ маорифи бўлими меҳнат таълими йўриқчиси. 1985 й.дан 20-меҳрибонлик уйи директори. П. меҳрибонлик уйида турли миллат вакилларидан иборат 140 нафар ота-она тарбиясидан четда қолган ўғил-қизни тарбиялаб, ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бериб келмоқда. П. меҳрибонлик уйида турли учрашув ва тадбирлар, болалар жамоасининг кўрик танловлари ва спорт мусобақаларини ўтказиб келади. Меҳрибонлик уйида 1985 й.дан «Шодлик» ансамбли фаолият кўрсатиб келмоқда. П. раҳбарлик қилиб турган муассаса Ўзбекистондаги намунали меҳрибонлик уйларидан ҳисобланади.

ПАК Николай Семёнович (1922.5.5, Хитой) — рангтасвир устаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1979). Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тини тугатган (1960). 2-жаҳон уруши қатнашчиси (1941—46). 1946 й.дан Ўзбекистонда. 1960 й.дан Тошкент театр ва рассомлик санъати ин-тида педагог, 1981 й.дан доцент, 1989 й.дан проф. П. асарлари ўзбек халқи (жумладан, қишлоқ) ҳаётига, урф-одатларига бағишланган: «Чўпон Собиров», «Қаҳрамон она», «Сув келди», «Меҳмонда», «Аёл меҳнати» ва б. П., шунингдек, туркум асарлар ҳам яратган: «Вьетнам болалари», «Америка болалари» ва б.

ПАК (инг. pack), пак музи — қутб ҳавзаларидаги кўп йиллик денгиз музи. П. бир текис қалинликдаги (3—5 м) мустаҳкам муз далаларидан иборат. Кенг муз далалари шаклида, асосан, Арктика ҳавзасида кузатилади. Унинг тўғри номи — кўп йиллик муз.

ПАКАНА ҒЎЗА — бўйи паст, тупи ихчам, ҳосил шохлари калта, табиий ҳолда учрайдиган ғўза шакллари ва сунъий яратилган навлари. П.г. навлари оддий маданий навларни паст бўйли ғўза шакллари б-н чатиштириш, шунингдек, чигит ёки ғўзанинг генератив органларига мутагенлар (кимёвий модда, гамма нурлар ва ҳ.к.) таъсир эттириш натижасида яратилган. П.г.нинг бўйи 30—70 см дан ошмайди. Биринчи ҳосил шохи 3—5 бўғимда пайдо бўлади, кўсаклари тез очилади. Барг-лари майда ва сийрак бўлиб, эрта тўкилади. Илдиз тармоғи яхши ривожланмаган, минерал ўғит ва сувга талабчан. Тупининг ихчамлиги муайян майдонда кўп туп (300—350—400 минг) қолдириш имконини беради. Ўзбекистон селекционерлари ғўзанинг сифатли толя берадиган пакана навларини (Калта поялн 1, Қарши 2 ва ҳ.к.)ни яратдилар. Кейинги вақтда бирмунча кам экилади.

Абдуғаффор Абдуғафуров.

Пакана ғўза.

ПАКАНАЛИК, миттилик, нанизм — бўйининг ҳаддан ташқари паст бўлиши. Асосан, эндокрин система ва ирсий нуқсонлар сабаб бўлади. П. шарт-ли равишда пропорционал ва непропорционал П.ка бўлинади.

Пропорционал П.ка гипофизар, тиреоген, инфантил (қ. *Инфантилизм*) ва бош мия касаллиги *(энцефалит, истиско)* оқибатида келиб чиққан П. киради. Гипофизнинг олдинги бўлаги зарарланиши натижасида пайдо бўлган гипофизар П.да ақл-хуш нормал бўлса ҳам, гавда болалар гавдасига ўхшайди, жинсий безлар ривожланмайди, кўпинча ёғ босади, юзга ажин тушиб, қариемсиқ кўринади. Қалқонсимон безнинг зарарланиши оқибатида келиб чиқадиган тиреоген П.да суякланиш, моддалар алмашинуви жараёни бузилади, ақли паст бўлади. Скелетнинг анча ўзгариши натижасида пайдо бўлган рахитик П. хондродис-тофия (тоғай ҳосил бўлишининг туғма бузилиши)даги П.ка, суяк системаси касаллигидаги П. пропорционал П.га киради. П. белгилари кўрина жаат қилиш керак.

ПАК ИН НО (адабий таҳаллуси — Норе) (1561.11.8 — Ёнчхон вилояти — 1643.25.1) — корейс шоири. Корейс адабиётидаги каса (достон) ва сижо (уч мисра) каби поэтик жанрларда ижод қилган. Япон босқинчиларига қарши бўлган Имжин озодлик уруши (1592—98) қатнашчиси. Ватанпарварлик руҳидаги «Тинчлик ҳақида сўз» (1598), «Кемадаги ўйлар» (1605), «Ёнинам ҳақида қўшиқ» (1635) каби достонлар муаллифи. 1605 й.дан ҳарбий хизматни ташлаб, якка, хилватда яшай бошлаган; бу ҳолат унинг табиат манзаралари тасвирланган энг яхши достонларида («Оқлоқ кўча ҳақида тўртликлар», «Ноге манзили ҳақида қўшиқ», тахм. 1610—11) ўз ифодасини топган. Ханмун (хитой адабий тилининг корейсларча шакли)да яратилган 7 каса, 68 сижо ва б. шеърлар «Ногелик ўқитувчининг асарлар тўплами» (1—3-китоблар, 1800 й.да нашр этилган)ни ташкил этади. 1961 й.да Жаҳон Тинчлик Кенгаши қарорига мувофиқ шоир таваллудининг 400 йиллиги нишонланган.

ПАКОМБО (? — 1867 й. дек.) — Камбоджада француз мустамлакачилари ва боджада француз мустамлакачилари ва буддизмга қарши кўтарилган қўзғолончилар раҳбари; 1866—67 й.ларда юқори лон раҳбари; 1866—67 й.ларда юқори чўққисига чиққан. П. ўзини қирол Анг Чаннинг набираси деб эълон қилган. Қўзғолончилар П. раҳбарлигида бир қанча вилоятларни эгаллаганлар. Ундан кейин Вьетнам қўшинлари ва қирол отрядлари томонидан тор-мор келтирилган. П. асир олиниб, қатл этилган.

ПАКСАС Роландас (1956.10.6, Тельшяй ш.) — Литва давлат арбоби. Вильнюс қурилиш муҳандислари ин-ти (1979), ҳоз. Санкт-Петербург Фуқаро авиацияси академияси (1984)ни тугатган. Дастлаб йўриқчи-учувчи, кейинчалик Вильнюс ш.даги «Дариюс ва Гирюнас» учувчилар клуби директори, Кўнгилли миллий мудофаа хизмати бошлиғи бўлиб ишлаган. 1992—97 й.ларда «Рестако» қурилиш компанияси президенти. 1997 й.дан Вильнюс ш. кенгаши аъзоси, 1999 й. шаҳар мэри. Шу йили Литва бош вазири, Литва Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Президентнинг махсус топшириқлар бўйича фавқулодда элчиси, 2000 й.дан яна Вильнюс ш. мэри ва Литва сейми депутати. 2000 й. нояб. — 2001 й. июнда Литва бош вазири. 2002 й. мартдан янги тузилган Литва либерал-демократлар партияси раиси, 2003 й. 5 янв.дан Литва Республикаси Президенти.

ПАКТ (лот. pactum — шартнома, битим) — йирик сиёсий аҳамиятга эга халқаро битим; *халқаро шартномалар* номларидан бири.

ПАК ЧИ ВОН (таҳаллуси Ёнам) (1737.5.3 — Сеул — 1805.10.12) — корейс ёзувчиси, қомусий олим. Сиркак (аниқ фанлар) оқимининг йирик намояндаси. Табиий фанлар, иқтисодиёт, фалсафа, тарих, ҳарбий санъатга оид асарлар муаллифи. Табиий материалист сифатида гелиоцентрик назарияни қўллаб-қувватлаган. Ердан фойдаланишдаги тартибни қайта қуриш лойиҳаларини таклиф этган («Деҳқончилик ҳақида рисола», 1799); халқни маърифатли қилишга даъват этган, лекин *конфуцийчилик* тарафдори сифатида мазкур ғояларни амалга ошириш маърифатли подшоҳнинг вазифаси деб ҳисоблайди. П. Ч. В.нинг адабий мероси корейс адабиётидаги реалистик йўналишнинг ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Илк ҳажвий новеллалари («Пангёнок ибодатхонасининг норасмий тарихи» тўплами)да даврнинг ижтимоий муаммолари акс этган. Кўп жилдли «Жэхэй кундалиги» (1—26-китоблар, тахм, 1783) олимнинг 1780 й.да Хитойга қилган саёҳати таассуротлари асосида ёзилган. Унда «Йўлбарснинг қақшатқич зарбаси» ҳажвий аллегорияси ва «Хо Сен ҳақида қисса» утопик асари ўрин олган. Табиат манзаралари тасвирланган ва фалсафий лирикаси ватанга муҳаббат руҳи б-н йўғрилган. Адабий-танқидий мақолаларида адабиётнинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти таъкидланган.

ПАЛАДЕ (Palade) Жорж Эмиль (1912.19.11, Ясси ш., Румыния) — америкалик биокимёгар (миллати румын). 1946 й.дан АҚШда. Асосий ишлари ҳужайраларнинг ультратузилишини электрон-микроскоп остида текширишга оид. Илк бор *рибосомалар* ва *митохондрия*ларни таърифлаб берди (1953). Нобель мукофоти лауреати (1974, К. Р. Де Дюв ва А. Клод б-н ҳамкорликда).

ПАЛАДИН (сўнгги лот. palatinus — сарой мулозими) — ўрта аср Ғарбий Европа адабиётида *Буюк Карл* сафдошларининг атаниши. Кейинчалик ўз ҳукмдори ёхуд хонимига содиқ бўлган жасур рицарларни П. деб атай бошлаганлар. Мажозий маънода — қандайдир ғоя, иш, шахсга чексиз садоқатли бўлган киши.

ПАЛАК (мил. ав. 2-а.нинг 2-ярми) — скифлар подшоси, шоҳ *Скилурнинг* ўғли. П. Херсонесга қарши ҳаракат қилган скифлар қўшинига раҳбарлик қилган. Скифлар Митридат VI томонидан Херсонесга ёрдамга юборилган Диофант қўмондонлиги остидаги Понт армиясидан маглубиятга учраган. П. ораздан бир оз вақт ўтгач, *рокселонлар* ёрдамида иккинчи бор юриш қилган, лекин, бу гал ҳам скифлар Понтдан қайта ёрдамга келган қўшинлардан енгилганлар. Скифлар подшоҳлиги Митридат VI га қарамлигини тан олган.

ПАЛАК — кўлда ёки машинада *кашта* тикиб тайёрланадиган бадиий буюм. Хонани безатиш учун деворга осилади. Ип-газлама (ўтмишда оқ ёки малла бўз)га босма ва б. чокла кашта тикилади. Тўлин ойли осмон ҳкс эттириладиган нақш мужассамоти осмон, ой ва юлдузларни ифодаловчи рамзий шакллар (доира ва юлдузлардан иборат. Гулларнинг йириклиги ва замини ҳам кашта б-н қуюқ қоплаб тикилишига кўра *сўзана*дан фарқ қилади. Тасвирдаги ой сонига қараб 6 ойли, 12 ойли ва бошқа П. хиллари мавжуд. П.нинг ранги, жилоси, мужассамоти, бадиийлиги чеварнинг маҳорати ва дидига боғлиқ.

20-а. 60-й.лардан машина каштадўзлиги кенг тарқалиши б-н каштаси машинада тикиб тайёрланган П.лар и.ч. йўлга қўйилди (қ. *Попончилик*). Турли хил рангдор матолар и.ч.нинг йўлга қўйилиши кашта заминида мато рангини сақлаб қолишини тақозо этди. Шунинг учун П. ўрнини сўзана эгаллай бошлади. Тошкент, Фарғона, Сурхондарё ва б. жойларда яратилган П.нинг ажойиб намуналари Ўзбекистон ва хориж музейларида сақланади.

ПАЛАНА — РФ Камчатка я.о.даги шаҳарча, Коряклар мухтор округи маркази. Палана дарёси соҳилида, унинг Охота денгизига қуйилиш жойидан 8 км масофада. Аҳолиси 4,1 минг киши (1998). Балиқчилик, ёқилғи ва озиқ-овқат саноати корхоналари, ўлкашунослик музейи бор.

Палак (1960-й.лар. Тошкент).

ПАЛАНГА (1917 й.гача расмий номи Паланген) — Литвадаги шаҳар. Денгиз соҳилидаги иқлимий-бальнеологик курорт. Болтиқ денгизи бўйида, Клайпеда ш.дан 25 км шим.да. Клайпеда — Шяулий йўналишидаги Кретинга т. й. станциясидан 12 км масофада жойлашган. Аҳолиси 18 минг киши (2001). Ёзи мўътадил илиқ (июлнинг ўртача т-раси 17° чамаси-

Палана шаҳри. Каҳрабо музейи.

да), қиши юмшоқ (янв.нинг ўртача т-раси —3°), йилига 640 мм ёғин тушади. Каҳрабога ишлов берувчи корхоналар бор. Санаторий, сув-балчиқ б-н даволаш шифохонаси, дам олиш уйлари ва пансионатлар ишлаб турибди. Каҳрабо музейи (19- а. саройида) фаолият кўрсатади. П. 1161 й.дан маълум.

ПАЛАТИН (Mons Palatinus ёки Palatium) — Қад. Рим бунёд этилган тепаликлардан бири. 2 чўққиси бор — Палатин ва Гермал. Темир даври бошидан бу ерда одамлар яшаган; «Квадрат Рим» деб аталмиш девор (мил. ав. 8-а.) харобалари сақланган; у ривоятга кўра, *Ромул* томонидан қурилган. П.да Юпитер Виктор (мил. ав. 295 й. қурилган), Юпитер Статор (мил. ав. 294), Виктория (мил. ав. 294) ибодатхоналари ва б., шунингдек, республика даврида — бадавлат патрицийлар уйлари сақланган. Императорлар даврида П. императорлар саройларининг улкан ансамблига айланган («Палаций Август», Тиберий, Флавийлар ва Септимий Север саройлари). Ўрта асрларда П. тош кони бўлиб хизмат қилган. П.даги мунтазам қазишма ишлари 19-а. охиридан бошланган.

ПАЛАУ (Palau, Палау Республикаси (The Republic of Palau) — Тинч океанининг ғарбий қисмидаги *Каролина оролари* туркумидаги 8 та йирик оролда жойлашган давлат. Баъзан Белау деб талаффуз этилади. Оролларининг энг катта — Бабелтуап о. Майд. 508 км². Аҳолиси 19,4 минг киши (2002). Маъмурий-ҳудудий жиҳатдан 16 штат (state)га бўлинади. Пойтахти — Корор ш.

П. — республика, АҚШ б-н «эркин уюшган» давлат. Амалдаги конституцияси 1981 й. қабул қилинган. Давлат бошлиғи — президент (2000 й.дан Томас Ременгесау), аҳоли томонидан тўғри овоз бериш йўли б-н 4 йил сайланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни 2 палатали (сенат ва делегатлар палатаси) Миллий конгресс (парламент), ижрочи ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади. Аҳолиси — микронезиялар. Расмий тил — инглиз ва белау (палау) тиллари. Диндорларнинг аксарияти — католиклар.

Барча йирик оролдари вулкан ҳаракати натижасида вужудга келган, улар маржон рифлари б-н ўралган. Фосфат конлари бор. Иқлими нам, тропик иқлим. Йиллик ёғин 2250 мм дан 3000—4500 мм гача, Кусаие о. тогларида 6000 мм. Вулкан оролларида доим яшил ўрмон ва саванналар; маржон оролларида, асосан, кокос пальмаси ва панданус дарахти ўсади. Ҳайвонот дунёси ним. оролларда майда кемирувчилар, калтакесак, илонлар ва жан. оролларда турли қуш ва ҳашаротлардан иборат. Соҳил бўйи сувларида балиқ кўп.

Палау архипелаги оролларида одамлар Океаниядаги бошқа барча оролларга нисбатан илгарироқ, бир неча минг йил аввалдан яшаб келади, деб тахмин қилинади. Бу ерга европаликлардан биринчи бўлиб испанлар 1710 й.да келганлар. 1783 й. Англия кемаси ҳалокатга учраши оқибатида оролга келтирилган касалликлар натижасида 50 минг аҳолидан 5 мингги омон қолди. 1886 й. ҳудуд Испания мустамлакасига айланди, 1889 й.да Германияга сотиб юборилди. 1-жаҳон уруши вақтида японлар босиб олди ва 1944 й.гача уларнинг бошқарувида бўлди. 1947 й. БМТ қарорига кўра, АҚШ бошқарувига ўтди. 1993 й. нояб.даги референдум иштирокчилари АҚШ га ихтиёрий равишда қўшилиш учун овоз берди. 1994 й. 1 окт.дан Палау Республикаси АҚШ б-н «эркин уюшма» доирасида мустақилликка эга бўлди. У ўзини ўзи идора қилса ҳам, аммо мудофаа, молия, ташқи ишлар масалаларини АҚШ бошқаради. П. — 1994 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 1 окт. — Мустақиллик куни (1994).

Палау байроғи.

Вулканлардан ҳосил бўлган унумдор ерларда ананас, кокос, мева ва сабзавот етиштирилади, балиқ овланади. Қорамол, чўчқа, эчки боқилади. Бозини ҳунармандчилик ривожланган. Кенгини вақтда саёҳлик иқтисодиётда катта аҳамият касб эта бошлади. Роҳатижон қум соҳиллар саёҳларни кўпроқ жалб этади. Электр энергия 16 минг кВт-соат қувватли электр ст-нсида ҳосил қилинади. Четга кокос ёнғоғи, тунец балиғи сотади, четдан озиқ-овқат, машина ва ускуна, ёқилғи олади. АҚШ ва Тинч океан минтақаси мамлакатлари б-н савдо қилади. Пул бирлиги — АҚШ доллари.

Сиёсий партиялар йўқ. Матбуоти «Палау газети» («Палау газетаси», ойда бир марта инглиз тилида чиқадиган ҳукумат газ.) ва «Тиа Палау» («Бу — Палау», инглиз ва маҳаллий тилларда чиқадиган газ.)дан иборат. «Палау ишчи комитетининг корпорейшн» радиостанцияси компанияси ва 2 телемарказ бор.

ПАЛАХМОН (форс., араб. — фаллоҳун) — тошотар, сопқон. Қадимда ва ўрта асрларда тош ядроларини душман томон отгиладиган махсус уруш қуроли. *Манжаниқ*нинг кичик тури. П. аксарият мудофаа иншоотлари, хусусан, қалъа деворларини бузиш мақсадида қўлланган. Ўт сочиш қуроллари, жумладан, тўпнинг қуроллашишга кириб келиши П.дан фойдаланишга чек қўйган (яна қ. *Катапульта*).

ПАЛЕАРКТИКА ОБЛАСТИ, Палеарктика (юн. palaios — қадимги ва arktos — шимолий) — қуруқлик зоогеография области. Европа, Шим. Африка (жумладан, Сахрои Кабир), Арабистон я.о. (жан.даги тоғлик қисмидан ташқари), Осиёнинг Ҳинд ва Яншзи дарёлари ҳамда Ҳимолай тоғларигача бўлган мўътадил ва совуқ иқлимли ҳудудларни ўз ичига олади. П.о.га Тинч океандаги Командор, Курил, Сахалин ва Япония о.; *Атлантика океани*даги Исландия, Яшил Бурун, Канар, Малей ра ва Азор о. ҳам киради. Ҳайвонот дунёси Неарктика областиникига ўхшайди. Шунинг учун кўпчилик зоогеографлар П. ва неарктика областаларини ягона *Голарктика* областига бирлаштиришади. П.о. Арктика, Циркумбореал, Ўрта денгиз бўйи, Марказий Осиё ва Хитой-Ҳимолай қичик областларига ажратилади.

ПАЛЕМБАНГ — Индонезиядаги шаҳар. Жан. Суматра провинциясининг маъмурий маркази. Муси дарёсининг қуйилиш жойидан 86 км юқоридаги порт. Аҳолиси 1,4 млн. киши (1990-й.лар охири). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. П. — мамлакатда нефть қазиб олинадиган асосий р-ннинг маркази. Нефть ва каучукни қайта ишлаш, озиқ-овқат, кемасозлик, тўқимачилик, қурилиш материаллари, азот ўғитлари з-ди бор. Четга нефть ва нефть маҳсулотлари, каучук, кофе ва ҳ.к. чиқарилади.

ПАЛЕО... (юн. palaios — қадимги, кўҳна) — ўзакдошма қўшма сўзларнинг биринчи қисми; «қадимги», «қадимий» маъносини билдиради (мас., *палеоботаника, палеография*).

ПАЛЕОАНТРОПЛАР (*палео... ва* юн. anthropos — одам) — *палеолит* даври қазилма одамлари (питекантроплар, неандерталлар ва б.).

ПАЛЕОАНТРОПОЛОГИЯ (*палео... ва антропология*) — *антропология*нинг қад. қазилма одамларнинг (питекантроп, синантроп ва б.) типларини ўрганувчи соҳаси. П. қазилма одамлар ва одамнинг ҳозирги ўтмишдошлари — олий приматлар суяк қолдиқларини ўрганади. Шунингдек, П. қиёсий анатомия ва эмбриология б-н бирга одамнинг келиб чиқиши ва унинг эволюцияси қонуниятларини аниқлашга хизмат қилади. Шу сабабли П. ҳам *антропогенез* тўғрисидаги таълимот таркибига киради.

ПАЛЕОБОТАНИКА (*палео... ва ботаника*), палеофитология — ботаниканинг қазилма ўсимликларни ўрганувчи соҳаси. П. қазилма ўсимликларнинг систематикаси, ташқи (морфологик) ва ички (анатомик) тузилиши, Ер юзида тарқалиш қонуниятлари, муҳит б-н ўзаро муносабатлари, ривожланиш тарихи, ўзаро қариндошлиги, ўсимлик қоплами алмашинуви қонуниятлари каби масалаларни ўрганади. П. маълумотлари систематика, морфология, анатомия, эволюция, филогения, геогр., геол.да назарий масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Одатда, табиий шароитга мослашган ўсимликлар сақланиб қолган, мослаша олмаганлари эса йўқ бўлиб кетган. Демак, қазилма ўсимликлар геологик даврлардаги табиат ўзгаришларини билдирувчи метеорологик восита ҳисобланади. Геологик ва стратиграфик қазилма бойликларни қидиришда П. маълумотларидан фойдаланилади, чунки Ер пўстидаги ёқилғиларнинг ҳаммаси (тошкўмир, антрацит ва б.), асосан, ўсимлик қолдиқларидан ҳосил бўлган.

Текшириш объектларига кўра, П. қуйидаги мустақил тармоқларга бўлинади: палеопалинология — қазилма ўсимликларнинг чанг ва спораларини (кимёвий усулда махсус ишланганидан сўнг) микроскоп ёрдамида ўрганади; палеокарпология — ўсимликларнинг қазилма уруғи, меваси, данаги ва мева пўчоқларини ўрганади; палеоксилология — ўсимлик ёғочларининг кўмир ва тошга айланган қолдиқларини махсус (шлифт) тайёрлаб, микроскопда текширади, ихнофитология — ўсимлик барги, шохи, гули ва кўпайиш органининг тош жинсларида қолган изини ёки эпидермия қолдиқларини ўрганади.

П.дан палеомикология ва палеоальгология ёки палеофикология мустақил фан сифатида ажралиб чиқади. Планктон қазилма сувўтларини ўрганиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга. Чунки органик дунёнинг бошланғич ривожланиш босқичларини тушунишда қад. бактерия, сувўтларини ўрганиш жуда муҳим.

Ўсимликларнинг қазилма қолдиқлари қадимдан олимлар диққатини жалб қилган. Мас., мил. ав. 6—5-а.ларда Ксенофан Перос ороли тог ётқизиқларидан «даврининг оролари»ни топганлиги ҳақида ёзган. Аммо ўсимликларнинг қазилма қолдиқлари ва излари анча вақтгача табиат ажойиботи деб тушунилган. Аммо улар бир вақтда ўсган ўсимликларнинг қолдиқлари эканлигини даставвал Леонардо да Винчи (15-а. охири) кўрсатган. П.ни алоҳида фан сифатида ўрганишни француз олими А. Броньяр бошлаб берган. 19-а. охири ва 20-а. бошларида янги кўмир конларининг очилиши туфайли кўмир қатламларидаги ўсимлик қолдиқларини ўрганиш имкони туғилди.

Ўрта Осиёда П. бир қанча кўмир конлари топилиши муносабати б-н ривожланди. Бу ерда, айниқса, юра ва учламчи ҳамда тўртламчи давр қазилма ўсимликлари яхши ўрганилди. Ўзбекистон ҳудудида қуруқликда ўсган ўсимликлар — псилофитлар 360 млн. йил аввал — девон даврида тарқалганлиги аниқланган. Карбон даврида ўсимликлар олами бирмунча мураккаблашган; бу даврда ҳоз. қирқбўғимлар, қирққулоқлар ва игнабарглиларнинг қад. вакиллари яшаган. Бу даврга оид 40 дан ортиқ ўсимлик қолдиқлари Бўкантог, Зирабулоқ, Ҳисор, Кўрама, Олой, Нурота, Туркистон ва б. тоғлардан топилган. Пермь ва триас даврлари 80 га яқин, юра давридан эса 100 дан ортиқ, бўр ўсимлик туркуми аниқланган. Ўрта Осиё кўмир конларининг ҳосил бўли-

шида бу ўсимликлар муҳим роль ўйнаган. Ўрта Осиёда бўр даврига келиб денгизнинг қисқариб, қуруқликнинг ортиши б-н ўсимликлар оламида катта ўзгаришлар рўй берган. Очиқ уруғли ўсимликлардан янги шароитга мослаша олмаганлари йўқ бўлиб кетиб, — ёпиқ уруғли ўсимликлар ривожланган. Ўзбекистон ҳудудида бўр даврида пайдо бўлган ўсимликлардан тол, терак, чинор, тут, хурмо, қайрағоч, анжир, чилонжийда ва б. ҳозиргача сақланиб қолган.

Ад.: Криштофович А. Н., Палеоботаника Узбекистана, т. 1—2, Т., 1968—71.

ПАЛЕОВУЛКАНОЛОГИЯ *(палео... ва вулканология)* — ўтмиш геологик даврлар вулканик жараёнларини ўрганадиган фан, геологиянинг тармоғи. Қад. вулканлар ҳосил қилган қурилмалар (лава, пирокласт), уларни таркиби ва жойлашиш қонуниятларини ўрганади. Қад. вулканлар ҳақида маълумот антик давр олимларидан Пифагор, Страбон ва ўрта асрларда Мажиоли, Гук ва б.нинг асарларида учрайди. Қад. вулканларнинг тузилишини ўрганишда структуравий, фациал таҳлил усуллари қўлланилади. Қад. вулканик жинслар таркиби замонавий оптик, кимёвий ва б. усуллар ёрдамида аниқланади. П. изланишлар кўп амалий муаммоларни ҳал қилишда муҳим омил бўлади, мас., мис, олтин, кумуш ва б. фойдали қазилмаларни излашда.

ПАЛЕОГЕН СИСТЕМАСИ (ДАВРИ) (юн. palaios — қадимги ва genos — туғилиш, ёши) — Ер тарихи *кайнозой эратермаси*нинг бошланиш даври. П. с. тахм. 65—66 млн. йил муқаддам бошланиб, 40—42 млн. йил давом этган. П.с. ётқизиқлари Ер юзида кенг тарқалган бўлиб, Америка, Европа, Шим. Американинг анчагина қисмини қоплаб ётади.

П.с.да йирик тектоник ҳаракатлар бўлиб ўтган. Шим. ва Жан. Американинг ғарбий қисмида Кордильера ва Анд тоғларининг кўтарилиши давом этган. Уларнинг атрофида (тоғ олди букилмаларида) қалин вулканоген ва терриген қатламлари тўпланган. Европа б-н Африка оралиғида, шунингдек, Осиёнинг жан. қисмида ястаниб ётган йирик геосинклиналь система мавжуд бўлиб, ҳоз. Пиреней тоғларидан Мьянмагача бўлган ҳудудни эгаллаган. П.с.нинг 2-ярмида бурмаланиш ва тоғлар ҳосил бўлган, натижада Ўрта денгизнинг жан. ва шим. соҳиллари бўйлаб тоғли оролларнинг 2 занжири вужудга келган. П.с.да Африканинг шарқий чеккалари бўйлаб меридианал йўналган йирик грабенлар — Шарқий Африка синиқлар зонаси пайдо бўлган. Узоқ Шарқ ҳудудида Тинч океан геосинклиналь минтақаси ривожланган. Юқоридаги регионлардан ташқари, Кичик Осиё, Болқон я.о., Гренландия, Япония, Камчатка ва б. жойларда вулкан ҳаракатлари бўлганлиги қайд этилган. Палеоген трансгрессияси Шим. ярим шарнинг кўп жойларида, айниқса, эоцен охирида максимал даражага етган. Бу вақтда Шарқий Европа платформасининг жан. қисми, Турон ва Ғарбий Сибирь плиталари, Закавказье, Ўрта ва Жан. Европа, Африканинг шим. ва б. жойларини сув босган. Олигоцен бошларида бўлган тектоник ҳаракатлар денгиз регрессиясига (Ўрта Европа, Кариб денгизи, Мексика қўлтиғи ва б.дан таш-қари) олиб келган. Бу даврда континентал иқлим ҳукмрон бўла бошлаган. Геосинклиналь ҳавзаларда флишлар, олигоценцдан бошлаб денгиз молассалари шаклланган. Ўрта денгиз ҳавзаларида П.с.га хос нуммулит ва лепидоциклин оҳактошлари тўпланган. Платформаларда карбонатли гил, глауконит ва кварцли қум, опока, трепел, спонголит, шунингдек, гил ётқизиқлари ҳосил бўлган. Олигоцен ҳавзаларида мергель, доломит ва анкерит конкрецияли гиллар кенг тарқалган. Атлантика, Тинч ва Ҳинд океанларининг тубида карбонатли, баъзан терриген гиллар тўпланган. Континентал ётқизиқлар орасида кўмирли чўкинди ва қизил рангли гиллар кўп учрайди.

П.с.нинг қуруқликдаги фаунаси *бўр системаси*никидан кескин фарқ қилади. П.с. бошларида судралиб юрувчилар (динозаврлар, учувчи калтакесаклар ва денгиз калтакесаклари — ихтиозавр ва плиозаврлар)нинг кўпчилиги қирилиб кетган. Бу даврда ҳоз. амфибиялар яшаган, суякли балиқлар кўп бўлган. П.с.да сут эмизувчилар кенг тарқалиб, палеоценда улар ибтидоий ҳолда бўлган, эоценда бошлаб эса ҳашаротхўрлар, кемирувчилар, приматлар, йиртқич ҳайвонлар, туёқлилар, хартумлилар, китсимонлар ва б. пайдо бўла бошлаган. П.с.да яланғоч уруғлилар ўсган, ёпиқ уруғли ўсимликлар ҳам кўпайган. Палеоцен ва қуйи эоценда ёпиқ уруғли ўсимликлар кенг тарқалган, кейинчалик йўқолиб кетган.

Ўзбекистонда П.с. ётқизиқлари Фарғона, Сурхон ва Зарафшон водийлари, Ҳисор, Нурота, Зирабулоқ-Зиёвуддин, Зарафшон ва Туркистон тоғ тизмаларининг этаклари ва ён бағирла-рида, Устюрт ва Қизилқум чўлида кўпгина ҳудудни ишғол қилади. П.с. ётқизиқлари оолитли доломит, оҳактош, қумтош, гилтош, кварц қумлари, бентонит ҳамда вулканик тоғ жинсларидан таркиб топган. Ўзбекистоннинг қуруқлик ландшафтида паст бўйли, игнабаргли, гулли дарахтлар тараққий этган.

П.с. ётқизиқларида фойдали қазилмалардан нефть ва газ, қўнғир кўмир, марганец, темир, боксит, фосфорит бор. Ўзбекистонда П.с. ётқизиқларидан нефть ва газ, фосфорит, калий, палигорскит, кварцли қумлар, безак тошлар, гипс-ангидрид каби қурилиш материаллари ва б. топилган.

П.с. ётқизиқларини Ўзбекистонда геологлар В. И. Попов, С. Х. Миркамолова, О. М. Акрамхўжаев, М. З. Зокиров, М. И. Эгамбердиев ва б. ўрганишган. Стратиграфик жиҳатдан П.с. *палеоцен, эоцен* ва *олигоцен* бўлимларига, бўлимлар эса ярус, свита, қатламларга бўлинади.

Ад.: Акрамходжаев А. М., Эгамбердиев М. и др., Литология, стратиграфия и нефтегазоносность Южного и Западного Узбекистана, Т., 1971; Фатхуллаев Г., Хусанов С., Тарихий геология ва палеонтология асослари, Т., 2002.

ПАЛЕОГЕОГРАФИЯ *(палео... ва география)* — Ер ва Ер пўстининг ўтган геологик замонлардаги табиий географик ҳолатини ўрганадиган фан, тарихий геологиянинг бир қисми. П.нинг асосий вазифаси қад. даврлардаги қуруқлик ва денгизларнинг жойлашиши, чуқурлиги, сувнинг шўрлиги, сув ости рельефи, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ландшафти, иқлими, қуруқлик ва денгизларда содир бўлган физик-кимёвий ҳамда табиий-географик жараёнларни тадқиқ қилишдан иборат. П. тоғ жинслари, улардаги органик қолдиқларнинг таркиби, структураси, текстураси, жойланиши ва б.ни батафсил ўрганишга асосланади. У фациялар ҳақидаги таълимот, литология, *стратиграфия, тектоника, палеонтология,* палеоэкология, палеоиқлимшунослик, *геокимё* ва *геофизика* б-н узвий боғлиқ.

Илк палеонтологик маълумотлар ўрта аср Шарқ олимлари, хусусан, Абу Райҳон Беруний асарларида келтирилган. Бироқ П. яхлит фан сифатида 19-а.нинг ўрталаридан таркиб топа бошлади. Биостратиграфия маълумотлари асосида нисбий геохронологик шкаланинг ишлаб чиқилиши, фациялар ҳақидаги таълимотнинг вужудга келиши, инглиз геологи Ч. *Лайель* томонидан актуализм методининг асосланиши, турли палеогеографик хариталарнинг тузилиши П.нинг вужудга келишига асос бўлди.

20-а.нинг 30-й.ларидан палеогеографик реконструкциялар фойдали қазилмаларни қидириб топишнинг зарурий асоси бўлиб қолди. Фациялар ҳақидаги таълимот (У. Твенхофел, Д. В. Наливкин) такомиллашди. Хилма-хил тал-қиқот усуллари яратилиб, бунинг натижасида П.да бир неча йўналишлар пайдо бўлди; улар Ернинг ўтган замонлардаги табиий-географик шароитларини турли томондан ўрганади. Палеоэкологик йўналиш чўкинди жинслар таркиби ва б. хусусиятлари ҳамда улардаги органик қолдиқларни тадқиқ этади; ўтган геологик даврнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, сув ҳавзалари, уларнинг қўшни денгизлар б-н боғлиқлиги, иқлим шароити, шўрлик даражаси ва б. хусусиятларини ўрганади. Палеобиогеографик йўналиш айрим геологик даврлардаги зоогеография ва флора провинциялари ҳамда областларини белгилаб беради. Палеобиогеографик, литологик-геокимёвий ва б. маълумотлар палеоиқлим реконструкцияларида фойдаланилади. Терриген-минералогик йўналиш муайян таркибли чақиқ чўкиндиларнинг жойдан-жойга кўчиш йўллари, тўпланиш областлари ва келиб чиқишини аниқлаш имконини беради. Геокимёвий йўналиш қад. сув ҳавзалари шўрлиги ва физик-кимёвий хусусиятлари ҳамда уларнинг эволюциясини ўрганади. Шунингдек, аутиген минераллар Cl, F, B, Br, Ca, Mg, Sr каби элементлар концентрацияси, гилли ва карбонатли жинсларда темир оксиди [$Fe(Fe_2O_4)$]нинг миқдорига асосланиб, қад. даврлар атмосферасининг таркибини аниқлайди. Динамик П. қадимги сув ҳавзалари, кўл, дарёлар ҳаракатини ўрганади, оқимларни, чўкиндилар тўпланган муҳит хусусиятларини текширади. 30-й.лардан палеотектоник усул кенг тар-қалди. Бу усул фацияларни ажратиш, қад. ётқизиқлар қалинлиги, формациясини аниқлашга асосланган. П.нинг махсус тармоқларидан бири палеовулканологиядир. У вулканли областларнинг палеогеографик реконструкцияси б-н шуғулланади. Палеогеоморфология қад. рельефларни ўрганади. 1968 й.дан океанлар тубида бурғилаш ўтказила бошлаши океанлар П.сини тўғридан-тўғри аниқлашга имкон берди.

П. ёрдамида Ўзбекистон ҳудудининг кўп қисми мезозой эрасининг келловей, оксфорд, альб, турон, сенон асрларида ва эоценда денгиз суви б-н қопланганлиги аниқланди. Бу ерлар, аксинча, юра даврининг бошлари ва ўрталарида, бўр даврининг неоком, сеноман ва турон асрлари 2-ярмида қуруқлик бўлган. Тошкент атрофи, Қизилқум чўли, Амударё этаклари, Орол денгизи ўрни ва Устюрт платосида тарқалган турон асри қумтошларидан топилган динозавр скелетлари ва улкан дарахтларнинг тошга айланган таналари ҳамда қуйи ва ўрта юра даврларида ҳосил бўлган конлар ўша даврлар ботқоқлик, ўрмонлар ва тоғлар б-н ўралган лагуна ва кўллар, саёз дарёлар мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Ад.: Марков К. К., Палеогеография, 2 изд., М., 1960; Рухин Л. Б., Основы общей палеогеографии, Л., 1962; Геология, палеонтология, палеогеография [Сборник трудов], М., 1973; Попов В. И., Литология кайнозойских моласс Средней Азии, т. 1—3, Т., 1954—56; Бабаев А. Г., Акрамходжаев А. М., Палеогеография нефтегазоносных меловых отложений Узбекистана, Т., 1960.

ПАЛЕОГЕЯ *(палео...* ва юн. gē — ер) — Шарқий ярим шарнинг, асосан, тропик ҳудудларини ўз ичига олган қуруқликнинг фауна дунёси. Фаунаси қад. *Гондвана* ҳайвонлари гуруҳига хос: (Гондвананинг Бразилия-Африка қитъаси); туяқушлар, 2 хил нафас олувчи балиқлар, тошбақалар, тимсоҳлар, хартумлилар, одамсимон маймунлар, йиртқичлар (йўлбарс, арслон, гепард) ва б. 3 та фауна областига бўлинади.

Эфиопия области Африканинг Саҳрои Кабирдан жан., Арабистон я.о.нинг жан. қисми, Африканинг шарқидаги оролларни ўз ичига олади. Фаунаси хилма-хил ва бой, эндемик ёки ярим эндемик туркумлар (*даманлар, маймунлар,* африка туяқушлари) ва оилалар (жирафасимонлар, *сув айғирлари,* китбошлилар, цесаркалар ва б.)га эга.

Мадагаскар фауна области — Мадагаскар, Сейшел, Амирант, Қамар, Маскарен оролларини ўз ичига олади. Илк неогендан бошлаб мустақил ривожланган; ҳайвонот дунёси Африка фаунаси б-н чамбарчас боғлиқ. Айрим қад. ҳайвонларнинг бўлиши бу областнинг Жан. Осиё ва Жан. Америка б-н боғлиқлигини кўрсатади. Эндемиклари орасида лемурлар, тенреклар ва б. бор. Гекконлар, сцинклар, хамелеонлар кўп учрайди. Туёқлилар ва африка қушларининг 20 га яқин оиласи учрамайди.

Ҳинд -Малай области — Жан. Осиё ва Осиё б-н Австралия ўртасидаги о.нинг кўп қисмини ўз ичига олади. Тарихий жиҳатдан Эфиопия области б-н боғланган (филлар, каркидон, тор бурунли ва одамсимон маймунлар, панголинлар ва б. областда кенг тарқалган). Нотоген зоогеография дунёсига ўхшашлик белгилари ҳам бор. Турлари ва уруғларининг хилма-хиллигига қарамасдан юқори таксонлар орасида эндемиклари кўп эмас (узунтовонлилар, жун қанотлилар, тупайялар, гиббонлар). Мазкур областда буйвол, бантенг, чўчқаларнинг хонакилаштириш маркази жойлашган.

ПАЛЕОГРАФИЯ *(палео... ва ... графия)* — ёзув белгиларининг яратилиши ва уларнинг ривожланишини ўрганувчи тарихий-филологик фан; назарий П. тарихан ўзгарган ёзув хусусиятларининг қонуниятларини аниқлайди; амалий ва тавсифий П. муайян қўлёзманинг қачон ва қаерда яратилганини, уни ёзган ёки кўчирган шахснинг иштирокини ҳамда котибларнинг иш ҳажмини аниқлаш мақсадида котибларнинг ёки айрим қўлёзмаларнинг индивидуал (ўзига хос) жиҳатларини ўрганади.

П. мустақил фан сифатида дипломатика (қад. ҳужжатлар, ёрлиқлар ва қад. ёзма манбаларнинг ҳақиқийлигини аниқловчи соҳа)дан ажралиб чиққан. «П.» терминини биринчи марта француз монах Бернар де Монфокон қўллаган (1708). П.нинг асосий вазифаси — санаси кўрсатилган қўлёзмалар ёзувининг хронологик ва ҳудудий хусусиятларини аниқлаш ва тартибга солиш ва шу асосда муайян матнда унинг ёзилиш вақти ва жойи кўрсатилмаган, бу ҳақда билвосита маълумотлар бўлмаган қўлёзмаларнинг ҳам даври ва жойини аниқлашдир.

П. ёзув белгиларини, асосан, ҳарфлар ва уларнинг таркибий унсурларини, сатрусти ҳамда фарқловчи белгиларни, қисқартириб ёзиш усуллари ва б.ни ўрганади. Вақт ўтиши б-н алмашиниб ва ўзгариб турган ёзув материаллари ва қуроллари ҳам П.нинг ўрганиш объектидир. Асосий ёзув материаллари ҳисобланган пальма япроғи, папирус, махсус ишлов берилган тери (пергамент) ва, ниҳоят, қоғоздаги ёзма манбаларни П. ўрганса, бошқа ёзма ёдгорликларни П.га ёндош бўлган соҳалар ўрганади. Мас., тош, ёғоч, сопол, металл ва ш.к.да сақланган ёзувларни *эпиграфика,* муҳрлардаги ёзувларни *сфрагистика,* тангалардаги ёзувларни *нумизматика* ўрганади. Палеограф ўз тадқиқотларида ана шу ёрдамчи фан соҳаларидан, шунингдек, П.дан ажралиб чиққан филигранология (қоғоздаги сув белгилари асосида қоғозни ишлаб чиқарган корхонани ва даврни аниқлайди), кодикология (қад. қўлёзма китобларнинг ҳоз. ҳолатини ўрганади), неография (ҳоз. ёзувни, ҳатто машинка ёзуви ва матбаа маҳсулотларини ўрганади)дан, матншунослик ва китобшуносликдан яхши хабардор бўлиши керак.

П., асосан, тарихий тилшунослик, тарих, адабиётшунослик, санъатшунослик эҳтиёжлари учун хизмат қилади, чунки палеографик таҳлил бу фанлар учун манба сифатида тадқиқ этилаётган қўлёзмани ўрганишда мажбурий биринчи босқич ҳисобланади. Палео-

граф тилшуносдар манбанинг келиб чиқиш вақти ва жойини аниқлашдан ташқари, муайян қўлёзма китобнинг ёзилишида иштирок этган шахс (котиб)ларнинг ишини ёки бир неча қўлёзмани ёзган (кўчирган) айни бир шахснинг ёзув хусусиятларини аниқлашга катта эътибор беради, матншуносликнинг ёрламида муаллиф ёки котибнинг, бинобарин, дастлабки ёки иккиламчи қўлёзманинг тил хусусиятларини аниқлашга ҳаракат қилади.

Айни пайтда П. бошқа ижтимоий фанларнинг маълумотлари ва методларидан фойдаланади: қўлёзманинг тил хусусиятлари асосида унинг санасини белгилаш ва жойини аниқлашда тилшуносликнинг; айни шундай маълумотларни ёрлиқлар ва турли ҳужжатлардаги тургун иборалар ва сўз бирикмалари асосида аниқлашда дипломатиканинг; матн тарихи бўйича маълумотлардан айни шу мақсадларда фойдаланишда матншуносликнинг; қўлёзмалаги миниатюралар, лавҳалар ва б. балиий безакларнинг хусусиятларини ҳисобга олишда санъатшуносликнинг методларидан фойдаланилади. 20-а.да аниқ фанларнинг маълумотларидан ҳам фойдаланиш бошланди: сиёҳ ва бўёқларни таҳлил қилишда кимёвий усулларнинг қўлланиши; ўчиб кетган, тирналган, ювилган ёки бўялиб, чаплашиб қолган матнларни ранг фарқловчи фототасвир орқали аниқлашда физика маълумотларидан фойдаланиш ва б.

Баъзи тадқиқотчилар қад. қўлёзмаларни ўқий олиш малакасига эга бўлиш, қўлёзмани экспертиза қилиш ва унинг ҳақиқий ёки сохталигини аниқлаш, ёзма манбаларнинг изоҳли тўпламларини нашр этиш каби ишларни ҳам П.нинг вазифаси деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, бундай ишлар матншунослик, манбашунослик, дипломатика каби соҳалар доирасида амалга оширилади.

Ўрганилаётган алифболарнинг турига мувофиқ, П. араб П.си, туркий П., ҳинд П.си, хитой П.си, юнон П.си, лотин П.си, славян П.си ва б. турларга бўлинади. Умумий П. тушунчаси қозирча мавжуд эмас. Ҳоз. фан олдига ҳар қандай давр, ҳар қандай материалда ёзилган барча турлаги ёзувларнинг умумий қонуниятларини ўрганиши мумкин бўлган умумий П.ни шакллантириш масаласи қўйилган.

Ўзбекистонда ёзма ёдгорликларнинг аксарияти араб ёзувида бўлганлиги сабабли араб П.си бир қадар ривожланган. Бу соҳадаги тадқиқотлар, асосан, Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шаркшунослик ин-тида, қисман тегишли музейларда амалга оширилмоқда.

Абдушукур Мавлонов

ПАЛЕОЗОЙ ЭРАТЕМАСИ (ЭРАСИ), палеозой *(палео... ва юн. zoe — ҳаёт)* — Ер геологик тарихининг 3-эраси (қ. *Геохронология*). Радиологик текширишларга кўра, П.э. 560—570 млн. йил аввал бошланиб, 310—320 млн. йил давом этган. 1837 и. инглиз геологи А. Сежвик ажратган. Ҳозир П.э. кембрий, ордовик, силур, девон, тошкумир ва перм даврларига бўлинган.

Юқори токембрий даврлан бир оз олдин кучли бурмаланиш натижасида платформа (Шарқий Европа, Сибирь, Хитой-Корея, Жан. Хитой, Шим. Америка, Бразилия, Африка, Ҳиндистон платформалари) ва *геосинклиналлар* шаклланган. Вақт-вақти б-н платформаларни сув босиб, сиёз денгизлар пайдо бўлган. Денгиз остида унча қалин бўлмаган турли таркибли чўкиндилар тўпланган. Платформаларнинг чеккалари томон чўкиндиларнинг қалинлиги ортиб борган. Геосинклиналлар платформаларга нисбатан серҳаракат бўлган. Уларда кўп миқдорда вулкан ва кремнийли жинслар тўпланган. П.эда каледон ва герцин бурмаланиши бўлиб ўтган. Шу даврда тоғлар пайдо бўлиб, кўпгина қизғиш моласслар ҳосил бўлган. Герцин бурмаланиши натижасида Марказий Европа, Урал, Аппалачи ва б. тог системалари қад. кўтарган. Буюк *Гондвана* қуруқлиги Жан. ярим шар платформаларини эгаллаган. Шим. ярим шарда П.э.нинг 2-ярмида Сибирь платформаси ва унга ёндош тог тизмаларини ўз ичига олган улкан Ангарида бўлган.

П.э. бошланишида илгари яшамаган қаттиқ скелетли ҳайвонлар (хиолитлар, хиолительминтлар, гастроподалар, брахиоподалар ва археоциатлар) пайдо бўлган. Қуйи палеозойда трилобитлар кембрий ва ордовик даври денгиз ҳайвонларининг кўпчилигини ташкил қилган. Улар П.э. охирида қирилиб кетган. Бу даврда елкаоёқлилар (брахиоподалар)нинг турлари кўпайган. Ордовик даврига келиб мшанкалар ҳамда строматопороидалар пайдо бўлган. Умуртқасиз ҳайвонлардан граптолитлар ва бошоёқлилар кўп яшаган. Девон даврида гониатитлар кенг тарқалган. Юқори П.эда бир ҳужайрали ҳайвонлардан форамениферазар кўпайган. П.эда умуртқалилардан балиқлар яшаган; кембрий ва ордовик даврида оддий ва жағсиз балиқлар кўп бўлган. Силур, айниқса, девон даврида икки ёқлама нафас олувчи ва чўткақанотлилар жуда ривож топган. Чўткақанотлилар сувда ва қуруқликда яшовчи (амфибия)лар вужудга келган (улар девон даври охирларида қуруқликка чиққан). Карбон, айниқса, перм даврида ўтхўр ва йиртқич судралиб юрувчилар яшаган.

П.э.да усимликлар ҳам ривожланган. Кембрий ва ордовикда усимликлар, асосан, сувўтлардан иборат бўлган. Силур жинсларида спора қолдиқлари сақланган. Қуйи девон даври жинсларида паст бўйли ибтидоий усимликлар — псилофитларнинг излари учраган. Ўрта ва юқори девонда усимликларнинг турлари кўпайган, дарахтсимон плаунлар, сода тутилган папоротниклар устун ва дастлабки очиқ уруғлилар вужудга келган. Карбон даврида усимликлар жуда ҳам ривожланган. Ўрмонлар ўрнида тошкумир қатламлари ҳосил бўлган.

Европада П.эга мансуб платформа ва геосинклиналь етқи инқлари кўп учраган. Шарқий Европа ва Сибирь платформалари, асосан, П.э. чўкинди жинслари комплексидан иборат. Шарқий Европа платформасининг шим.-ғарбий қисмида кембрий даври денгиз ётқилари ва қумтошлари, ордовик ва силур оҳактошлари тарқалган. Девон ва карбон даврида денгизда ҳосил бўлган жинслар орасида айниқса оҳактошлар жуда кўп. Бу жинсларда кўмир, нефть, боксит ва ўта чидамли гил қатламлари бор. Сибирь платформаси П.э. жинслари орасида кембрий даври денгиз чўкинди жинслари — оҳактош, доломит, айрим жойларда тоштуз, гипс ва ангидрит кўп. Карбонат-сланец ва қумтошли гил қатламларидан таркиб топган силур ва девон даври ётқизиқлари кам учрайди. Карбон ва перм даври жинслари кўмирли қалин қатламлардан иборат.

Ўзбекистоннинг деярли ҳамма ерларида П.э. жинслари учрайди. Қуйи кембрий жинслари 20—50 м қалинликдаги ванадийли, фосфоритли, кремнийли ва кўмир-кремнийли сланецлардан таркиб топган. Бу жинслар Писком ва Сандалаш тоғларида тарқалган. Томдитов тоғларида қуйи кембрий жинслари алевролит, қумтош, доломит ва оҳактош қатламларидан иборат. Ўрта кембрий, ордовик ва қуйи силур даври оҳактош, доломит, терриген-вулкан, аргиллит, алевролит, сланец, қумтош ва руда қатламларидан тузилган. Юқори силур-қуйи девон даври терригенли оҳактош ва оҳактошлардан, қизғиш вулкан жинслардан таркиб топган. Ўрта девон ва қуйи триас даврида шағаттош, қумтош, алевролит, аргиллит, оҳактош, доломит ва вулкан жинсларининг қалин қатламлари ҳосил бўлган.

П.э. жинсларида турли фойдали қазилмалар топилган. Урал, Қозоғистон, Олтой, Ғарбий Европа ва Шим. Америкадаги бой руда конлари П.э.нинг интрузив жинслари б-н боғлиқ. П.э. чўкинди жинсларида нефть, тошкўмир, ёнувчи сланец ва мисли қумтош, шунингдек, фосфорит, боксит, тоштуз, калий туз тўпланган.

Ўзбекистон П.э. ётқизиқларида мис, қўрғошин, қалай (Олмалиқ), флюорит (Ноғайлиқ), вольфрам (Янгичка), олтин, дуглит ва б. бор. П.э. тог жинсларининг кўпи қурилиш материали сифатида ишлатилади.

Лит.: Страхов Н. М., Основы исторической геологии, ч. 1—2, М.—Л., 1948; Ахмеджанов М. А. и др., Геологическое строение и состав палеозойского фундамента Узбекистана, т. 1, Т., 1967.

ПАЛЕОИҚЛИМШУНОСЛИК *(палео... ва иқлимшунослик)* — Ернинг геологик ва тарихий ўтмиш иқлими ҳақидаги таълимот. П. вазифаси Ер тарихи давомида содир бўлган иқлим шароитларини ўрганиш ва уларни Ер шари бўйича тақсимланишини тадқиқот қилишдан иборат. П. *палеогеография*нинг муҳим қисми ҳисобланади; у стратиграфия ва палеонтология, геоморфология ва фойдали қазилмалар тўғрисидаги фанлар б-н чамбарчас боғланган. Геологик маълумотлар *иқлимшунослик, метеорология, география, геофизика* ва *астрономия*нинг назарий қоидалари асосида таҳлил қилинади ва умумлаштирилади. Геологик ўтмиш иқлими ҳақидаги хулоса авваги геологик давр табиати ва астрономик қонуниятларга бўйсунувчи Қуёш радиациясининг оқими маълумотларига асосан тузилади. Яқин ўтмиш иқлими ҳақидаги хулоса эса географик ландшафт, ўсимлоса ва географик ландшафт, ўсимликларнинг тақсимланиши, дарахтларнинг йиллик ҳалқаларининг замонавий хусусиятлари, сақланиб қолган тарихий далиллар ва маданий ёдгорликлар ҳамда кейинги юз йилликлаги инструментал кузатишлар бўйича тузилади.

Қад. иқлимнинг геологик индикаторлари орасида асосий 3 гуруҳ: литологик, палеоботаник ва палеозоологик кўрсаткичлар алоҳида ўрин тутади. Литологик кўрсаткичлар деярли ҳамма жойда тарқалган; ўтмиш даврларда иқлим шароитлари қандай бўлганлиги, нураш хусусияти ва сурғуни, чўкинди жинсларнинг бир-биридан фарқи даражаси миқёси орқали аниқланади. Палеоботаник кўрсаткичлар ўсимликларининг қазилма қолдиқлари бўлиб, бу қолдиқлар иқлим таъсирини, ўсиш вақти ва жойини акс эттиради. Масалан, тропик ўрмонларнинг ҳосил бўлиши иқлимининг иссиқ ва нам бўлганини, саванна ва ксерофил сийрак ўрмонларнинг ҳосил бўлиши иқлимининг иссиқ ва қуруқ бўлганини кўрсатади; барглари ҳалқаларининг ҳосил бўлиши мўътадил иқлим индикатори бўлиб ҳисобланади. Палеозоологик кўрсаткичлар организмлар яшаган давр иқлимини акс эттирадиган қолдиқлардан иборат. Қуруқликда яшовчи умуртқалилар *девон даврида* пайдо бўлган; *кайнозой* эрасидаги сут эмизувчилар турли иқлимга яхши мослашиб, кенг ҳудудларда яшаган.

Қад. иқлим палеозой эрасидан бошлаб умумий тарзда аниқланган. Т-ра ва намликнинг кўп марта ўзгариб туриши натижасида юқори кенгликларда муздик даврлари ва улар орасидаги даврлар алмашиниб турган, қуйи кенгликларда эса плювиал ва ксеротермик иқлимлар вужудга келган.

П. Ер иқлимининг тарихини ўрганиш орқали фойдали қазилмаларнинг пайдо бўлиши, ўтмиш геологик даврлардаги ҳайвон ва ўсимликларининг яшаш шароитини кўрсатади ва иқлим ўзгаришларини олдиндан айтиш имконини беради.

Тоҳир Мухторов.

ПАЛЕОЛИТ *(палео... ва лот. «lithos» — тош)* — қад. тош даври. Тош даврини 2 босқичга: П. — қадимги ва *неолит* — янги тош асрларига бўлиб ўрганишни тош давриларига биринчи бўлиб Ж. Дастлаб 1865 й. инглиз археологи Ж. Леббок томонидан фанга киритилган. П. қуйи (илк), ўрта ва юқори (сўнгги) қад. тош даврларига бўлинади. П. энг қад. ибтидоий одамларнинг қазилма илк қолдиқлари сақланган даврни ўз ичига олган. П. даврининг ибтидоий одамлари ҳаёт кечирган ўлкан тарихий зонлар ҳисобланади. Ўша қад. замонда ер юзасининг иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси биз яшаб турган даврдан мутлақо ўзгача бўлиб, ундан кескин фарқ қилган. П. даврининг ибтидоий одамлари кертилган дағал тош қуроллардан фойдаланганлар. Улар тош қуролларга сайқал бериш ҳамда совол иднш нисасини ҳали билмаганлар. Асосан, овчилик ва термачилик б-н кун кечирган, ибтидоий деҳқончилик ва чорвачилик каби машғулотларни ҳали кашф этмаганлар.

Ер қуррасн қитъаларининг турли минтақаларида ибтидоий одамнинг илк зотлари П.нинг турли босқичларида юзага келган ва бир неча миллион йил давомида яшаб, ўзидан маълум даражада моддий излар қолдирган. 20-а.нинг 2-ярмида ўтказилган кенг кўламли археологик изланишлар ва қазишлар туфайли 4 қитъа минтақаларидан илк П. даврига мансуб қатор ноёб ёдгорликлар топилиб талқин этилди. Тўпланган моддий топилмалар маҳмуаси археологик ва антропология жиҳатидан синчиклаб ўрганилиб, энг қад. одам — архантропларнинг яшаган ва тарқалган ҳудудлари, даврининг босқичлари борасида жиддий аниқликлар киритилиб, фанда муайян кашфиётлар юзага келди. Авваламбор архантроплар илк бор ҳаёт кечирган минтақалар ва тарқалган ҳудудлар доираси кенгайиб, санаси қадимийлашди. Кейинги ярим аср давомида топилиб, талқин этилган энг қад. қазилма одам суяклари қолдиқлари ва дағал тош қуролларидан маълум бўлишича, архантроплар илк П. даврида, асосан, Шарқий ва Марказий Африка, Жан.-Шарқий ва Жан. Осиё ҳамда Ўрта Осиё ва Европанинг жан., шунингдек, марказий қисмларида истиқомат қилган экан. Улар фанда олдувай, зинжантроп, питекантроп, синантроп ва гейдельберг каби қатор номлар б-н юритилса-да, умумий ибора б-н «Хомо хабилис», яъни «нишлар-мон одам» деб аталди. Африканинг энг қад. одамлари замонамиздан 4,5—4, 3,5—2 млн. йил муқаддам, Европа архантроплари эса 2,5—2 млн. йил б-н 200—150 минг йилликлар оралигидаги даврда ҳаёт кечирганлар. Осиёнинг иқлими, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам илк П. даврида энг қад. одамларнинг яшаши учун қулай бўлган. Кейинги 60—70 й. давомида топилиб, ўрганилган қўпдан-кўп моддий қолдиқлар (асосан, қазилма одам суяклари ва дағал тош қуролларн)га қараганда, Осиё архантроплари (питекантроп ва синантроп) ҳаёт кечирган давр 1,5—1 млн. йилдан то 500 минг йилликлар оралигида кечган.

Ўрта Осиёда яшаган энг қад. одамлар питекантроп ва синантропларга замонлош бўлганлар. Улар тог этнгурлари ва ғорлардан бошпана, макон ва манзилгоҳ сифатида фойдаланишган. Қайроқтош ва чақмоқтошлардан чўқмор, чопперлнг ва чоппер каби дағал тош қуроллар ясаб, уларлан иргитгич, уриғич, чопқич, кавлагич ва кес-



Палеолит даври тош қуроллари.

кич сифатида фойдаланганлар. Қўл чўқмори ва чопперлар, даставвал, Франциянинг Сент Ашель маконидан топилгани учун фанда бундай тош қуроллар ашель қуроллари номи б-н юритилади.

Илк П. ёдгорликлари Ўрта Осиёда Фарғона водийсининг Сўх сойи соҳилида жойлашган *Селунгур горида*, Оҳангарон водийсининг Қизилолмасой бўйида, Кўлбулоқ мавзилгоҳида, Жан. Тожикистонининг Кўлдара ва Жан. Қозоғистоннинг Аристанди водийсида топиб ўрганилди. Селунгур горидан ибтидоий одамнинг суяк қолдиқлари (бош чаноғининг бўлаги, елка суяги ва ўндан ортиқ тишлари) топилиб, тадқиқ этилди. Бу даврга мансуб Кўлбулоқ мавзилгоҳида энг қад. одам тўдалари қарийб ярим млн. йил давомида деярли узлуксиз яшагани маълум бўлди. Шу боис ёдгорлик остида 20 м дан ортиқроқ қалинликда маданий қатлам ҳосил бўлган. Қарийб 20 йиллик қазиш (М. Қосимов) жараёнида 30 мингдан ортиқ тош қуроллар (чўқмор, қирғич пичоқсимон кескич ва нуклеуслар), ҳайвон ва парранда суяклари ҳамда турли хилдаги ўсимлик қолдиқлари қайд этилади. Бу топилмалар, шубҳасиз, илк П. одамининг ниҳоятда сермашаққат ҳаёти, тош қуроллар ясаш усуллари ва хом ашёси, шунингдек, ўша замон табиий ва унга боқим бўлган Кўлбулоқнинг овчи ва термачиларнинг истеъмол қилувчилик хўжалиги ҳақида гувоҳлик беради (қ. *Кўлбулоқ мавзилгоҳи*). Сўзсиз, Селунгур ва Кўлбулоқ ёдгорликларининг археология жиҳатидан қазиб ўрганилиши туфайли Ўрта Осиё энг қад. одамлар яшаган масканлар қаторидан ўрин олди.

Палеолитшунослик тобора янги ноёб ёдгорликлар б-н бойиб, палеоантропологик топилмаларни ҳар томонлама синчиклаб чуқур тадқиқ этилиши б-н нафақат архантропларнинг яшаган ва тарқалган ҳудудлари кенгайиб, даври қадимийлаштирилди, балки, уларнинг бевосита авлодлари борасида фанда янги фикр-мулоҳаза ва гоялар пайдо бўлди. Маълум бўлишича, архантропларнинг авлодлари — палеоантроплар замонамиздан қарийб 500 минг йил муқаддам шаклланиб, 150—140 минг йилликлардан бошлаб 100 минг йилдан ошиқроқ давр давомида неандерталлар б-н ёнма-ён яшаган экан. Неандерталлар эса одамзотнинг бевосита аждоди ҳисобланмаган. Улар маймунсимон жонзотларнинг ривож топмай қуриб қолган бутоғи сифатида талқин этилмоқда.

Ўрта П. даврида об-ҳаво кескин пасайиб, музликлар даври бошланади. Ҳавонинг совуши оқибатида ва ўсимлик дунёси ҳам тубдан ўзгаради. Иссиқ иқлимга мослашган ҳайвонларининг бир қисми жан. минтақаларга силжиб, қолгани ҳалок бўлади. Уларнинг ўрнини янги шароитга куниккан чидамли мамонтлар, жунгдор каркидонлар, узун шохли бизонлар, қутослар, бўғмалар, архарлар ва б. ҳайвонлар эгалланганлар. Бу даврда овчилик хўжалиги такомиллашиб одам тўдаларининг тўплари кенгаланган. Тош ва суякдан турли хилдаги ов қуролларини ясаш такомиллашган. Йирик ҳайвонларга оммавий ов қилиш туфайли катта тўдаларга уюшган қад. одамлар олов ҳосил қилишни кашф этганлар, гулханлар ёқиб, совуқдан ва хавф-хатардан сақланишни, гўштни ўтда пиширib истеъмол қилишни билишган. Йирик ҳайвон суякари, мамонт тишлари ва кураклари ҳамда ходалардан жар, соя ва кўл ёқаларида ярим ертўла кулбалар қуриб, томини ҳайвон терилари б-н ёпиб, саҳнига пўстаклар тўшашган. Суяклардан тешгич, бигиз, сўзан ва игналар ясаб, терилардан ёпинчиклар тикиб кийишган. Ўрта П. даври охирида эса мархумларни дафн этиш маросими пайдо бўлган. Ўрта Осиёда 50 дан ортиқ ўрта тош даврининг ёдгорликлари топилиб, ўрганилди. Ўзбекистонда улар Тошкент вилоятида Обирахмат, Хўжакент, Палтов, Кўлбулоқ; Самарқанд вилоятида Омонқўтон, Қўтирбулоқ, Зирабулоқ, Хўжамазгил; Навоийда Учтут деган жойларда текширилган. Ҳатто Сурхондарёнинг Бойсун туманида Тешиктош унгуридан ўрта П. даврига тегишли 8–9 яшар боланинг қабри топилган. Бу, шубҳасиз, фан оламида жиддий кашфиёт эди. Ўрта П. даврида минг йилликлар оша эришилган ҳаётий ютуқлар уруғдошлик жамоаси ва унинг илк маданиятини шаклланишига асос бўлган.

Юқори П. мил. ав. 40—35 минг йилликлардан 12—10 минг йилликка қадар давом этиб, музликларнинг охирги (вюрм) босқичида кечди. Бу даврда йирик ҳайвонларни ов қилиш туфайли одам тўдаларининг катта тўпларга бирлашиши; майда тўда ичида экзогамия урф-одати муқимлашиб, урут жамоаси (матриархат)нинг қарор топиши; узоқ вақт муттасил пиширилган гўштни истеъмол қилиш ва табиий танлов жараёни туфайли одамнинг жисмоний қиёфаси ҳам ўзгарди. Бу даврда ҳоз. замон қиёфадаги аждод — неоантроп, яъни «янги одам» шаклланди. Бундай одамнинг меҳнат қуроллари ва суяк қолдиқлари дастлаб 1868 й.да Франциянинг Кро-Маньон қояси яқинида топилиб, ўрганилгани учун у тарихда кроманьон номи б-н шуҳрат топди. Кейинги бир аср давомида Африка, Осиё, Европа, Америка ва Австралия ҳудудларидан кроманьонларнинг юздаб макон-лари, ҳар турли нафис ва камон ўқининг тош паконлари, суяк ва ҳайвон шохларидан ясалган бигиз, игна, қармоқ, бўғиз (шарпа) ва хилма-хил безакли ашёлар топилган.

Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистонда юқори П. ёдгорликлари — Кўлбулоқ, Тўлбутиз, Сиёбча, Тақалисой, Хўжамагил, Аччисой ва Сари Арқ каби ўнлаб ярим ертўла турар жой қолдиқлари топилиб тадқиқ этилди. Улардан тош қирғичлар, кескичлар, пичоқсимон тош қуроллар, тош йўнгичлар, суякдан ясалган игна, бигиз, санчқи ҳамда кулон, туя, бугу ва тўнғиз суяклари қайд этилади. Сиёбча маконида эса юқори П. одамининг жағи, тишлари ва кўл суякларининг топилиши, айниқса, ноёбдир. Шундай қилиб, юқори П. даврининг бошларидаёқ замонавий қиёфадаги одам шаклланиб, у фанда «Хомо сапиенс» — «ақл-идрокли одам» номини олди. Бу даврда иқлим шароитининг таъсири оқибатида одамзоднинг ирқи (европеоид, негроид ва монголоид) ҳамда ҳар хил антропологик турлари вужудга келади. Бу ирқларнинг жамоалари Осиё орқали аввал Австралия, сўнгра эса Беринг бўғози ўрнида жойлашган қуруқлик орқали Америка қитъасига томон силжиган бўлсалар, улардан бир қисми Европада ва бошқа бир тури эса Африкада яшаганлар. Юқори П. даврида ўқ-ёй кашф этилиб, тасвирий санъат юзага келган. Кроманьон одамлари истиқомат қилган ғорларнинг (Альтамира) шипларн ва деворларида рангли бўёқлар б-н ов манзаралари тасвирлари туширилган. Суяк ва тошлардан аёлларнинг ва турли ҳайвонларнинг ҳайкаллари ясалган. Юқори П.нинг ёдгорликлари фанда Ориньяк, Солютре ва Мадлен маданий номлари б-н 3 босқичга бўлиб тадқиқ этилган.

Ад.: Борисковский П. И., Кишлик-нинг энг қадимги ҳаёти, Т., 1959; Герасимов М. М., Люди каменного века, М., 1964; Семёнов Ю. И., Как возникло человечество, М., 1966; Средняя Азия в эпоху камня и бронзы, М., 1966; Первобытное общество, М., 1975; Аскаров А., Ўзбекистон тарихи [Энг қадимги даврлардан эрамизнинг V асригача], Т., 1994.

Абдулаҳад Муҳаммаджонов.

ПАЛЕОЛОГЛАР — Византия императорлари сулоласи (1261—1453). Асосчиси — Михаил VIII (1259 й.дан Никея императори). Сўнгги императори — Константин XI, унинг жияни Зоя (Софья) *Иван III* Васильевичга турмушга чиққан эди.

ПАЛЕОМАГНЕТИЗМ (*палео...* ва *магнетизм*) — тог жинслари ўзининг пайдо бўлиши даврида Ер магнит майдони таъсирида магнитланиш хусусияти ва бу магнитланиш (қолдиқ магнитланишнинг кейинги даврларда сақланиши. Магнитланишнинг кўлами ва йўналиши ер юзасининг мазкур нуқтасида жинснинг ҳосил бўлган вақтидаги, яъни миллион йиллар аввалги магнит майдонига мувофиқ бўлади. П. тог жинсларида сақланиб қолган магнитланганликни тадқиқ этиш орқали геомагнит майдони (қ. *Ер магнетизми*) тадрижини ўрганишга имкон берали. Ҳар бир жинсда маълум миқдорда ферро- ёки ферромагнит минераллар (магнетит, титаномагнетит, гематит, ильменит, маггемит, пиротин ва б.) доначалари бўлади. Тог жинслари шаклланиш шароитига қараб интенсивлик ва барқарорлик (магнитсизлантирувчи таъсирларга чидамлилиги) жиҳатдан турлича магнитланади. П. учун геомагнит майдонида *Кюри нуқтаси*дан юқори t-рада тог жинслари совитилаётганда ҳосил бўладиган қолдиқ термомагнитланиш (TRM) аҳамиятлидир. TRM, асосан, лава, интрузивлар совиётганда вужудга келиб, отқинди жинсларга хосдир. Кимёвий магнитланиш (CRM) магнит майдонда ферромагнит зарраларининг кўпайишидан ҳосил бўлади. Ёпишқоқ қолдиқ (VRM) магнитланиш жинсга магнит майдонининг узоқ вақт таъсири натижасида (термоактивацион ва диффузион жараёнлар ҳисобига) юзага келади. Ориентацион қолдиқ магнитланиш (DRM) чўкинди жинсларда ҳосил бўлади. Бунда TRM ва CRM га эга бўлган ювилган кристалл жинсларнинг магнитланган доначалари сув ҳавзалари ва ётқизиқларнинг чўкиб, магнит майдонида компас стрелкаси каби ориентирланади. Кейин заррачалар чўкинди қотганда унга цементланиб ёпишади ва ўзининг ориентациясини сақлаб қолади, бу жинснинг қолдиқ магнитланишини белгилайди. Чўкинди жинсларда CRM шаклланиш даврида, шунингдек, отқинди жинсларда эса CRM ҳамма вақт иккиламчидир, яъни кейинчалик вужудга келади. VRM ҳамиша иккиламчи, бинобарин у аниқ ёшга эга эмас. Шундай қилиб, TRM ва DRM жинснинг шаклланиш жараёни б-н боғлиқ. Агар жинснинг ёши маълум бўлса (қ. *Геохронология*), магнитланиш вужудга келган вақт ҳам аниқ бўлади — бу геомагнит майдонининг вақт ичида ўзгаришига имкон беради. Тоғ жинсларининг ўрганиб Ер ламчи магнитланганлигини ўрганиб Ер магнит майдони тарихини, яъни магнит қутбларининг силжиб юришини кузатиш мумкин.

Мунтазам палеомагнит тадқиқотлар турли мамлакатларда 20-а.нинг 50-й.ларидан олиб борилмоқда. Тадқиқотлар натижасида кейинги 600 млн. йилда геомагнит майдонининг кучланиши деярли ўзгармаган.

ПАЛЕОНТОЛОГИЯ (*палео...* ва юн. *ontos* – жонзот ва *... логия*) — ўтмиш геологик даврларда мавжуд бўлган, қазилма қолдиқлари сақланган организмлар, уларнинг ҳаёт фаолияти ва ориктоценозлар (тошқотган организмлар) ҳақидаги фан. П. 2 йирик бўлим — палеозоология ва палеоботаникадан иборат.

Тошқотган организмлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар антик даврдан табиатшунос олимларга маълум. Бироқ бу тошқотганлар қирилиб кетган организмларнинг қолдиқлари эканлиги ҳақида ҳали аниқ тасаввур юзага келмаган эди. Табиатшунослардан данаиялик Н. Стено ва инглиз Р. Гук ўлиб кетган ҳайвонларнинг турлари ҳақида дастлабки фикрларни айтишган. 18-а. ўрталарн Россинда М. В. Ломоносов, Францияда Ж. Бюффон ва Жиро-Сулави, Буюк Британияда Ж. Геттон ва б. гоялариниг ривожланиши б-н қад. давр жонли табиатидаги узлуксиз ўзгаришлар ва ўтмишни билишнинг муҳимлиги ҳақидаги қараш тарафдорлари тобора кўпая бошлади. Британиялик У. Смит биринчи бўлиб умуртқасиз тошқотган организмлар асосида қатламларнинг нисбий геологик ёшини аниқлади ва шу асосда дастлабки геологик харитани тузди (1794). П. фан сифатида тарихий геол. б-н узвий боғлиқ ҳолда вужудга келди. Ҳар 2 фан асосчиси Ж. Кювье ҳисобланади; у коллежда «Қазилмалар тарихи» фанидан дарс берган ва сўт эмизувчиларнинг қазилма суякларини чуқур қиёсий-анатомик ўрганиш натижасида умуртқалилар П.сини яратган (1808). Кейинроқ француз ботаниги А. Броньярнинг «Қазилма ўсимликлар тарихи» нашр этилгач, палеоботаника вужудга келди. Ж. Кювье ва А. Броньяр (1811) геол.да тошқотган организмлар ҳақидаги тасаввурларни ривожлантирилар; уларнинг ҳар иккиси қазилмалар б-н ҳозирги замон организмларини ўзаро боғлаб, ҳалокатлар назариясини ёқлаб чиқилар. «П.» терминини 1-марта (1822) француз зоологи А. де Бленвиль ишлатган. Дастлабки эволюцион назария асосчиси бўлган Ж. Б. Ламарк умуртқасизлар П.сини яратган. 19-а. нинг 1-ярмида П.да тўпланнинг ўзгармаслиги ва ўзгаришлар кетма-кет кескин ўзгаришлар бўлиб туриши ҳақидаги гоя ҳукмрон бўлган. Шу б-н бирга, бу умумий қарашларни швейцариялик Л. Агассиз, англиялик А. Сежвик ва франциялик А. Д. Орбиньилар ривожлантирилар. Натижада стратиграфик П. шаклланди ва 40-й.ларнинг бошида Ернинг умумий стратиграфик шкаласи ишлаб чиқилди.

19-а.нинг 60-й.ларидан П.да янги босқич вужудга келиб, у табиатшунослик фанларининг кейинги ривожига катта таъсир кўрсатган эволюцион назариянинг яратилиши (Дарвиннинг «Турларнинг келиб чиқиши» асари, 1859 й.) б-н боғлиқ. 19-а.нинг кўпгина палеонтологлари дарвинист бўлмасалар-да, эволюционизм гояларини П.да тез ёя бошладилар. В. О. Ковалевский ҳоз. эволюцион П.нинг чинакам асосчиси сифатида муҳим ўрин тутади. Унинг умуртқалилар П.си ва австриялик геолог Неймайрнинг умуртқасизлар П.сига оид асарларидан кейинги даврнинг палеонтологик асосига эга бўлди. Умуртқалилар П.си эволюциянинг назарий масалаларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамиятга эга.

П. биология, цитология, биокимё, биометрия каби фанлар б-н узвий боғлиқ бўлиб, қисман уларнинг методларидан фойдаланади. У қиёсий анатомия, ҳайвонлар ва ўсимликлар морфологияси ва систематикаси б-н узвий боғлиқ бўлиб, бу фанлар бир-бирини бойитмоқда. Морфологик функционал анализ ва қазилмаларнинг скелетлари структураси морфогенезини ўрганиш П.ни физиология, эмбриология, биомеханика б-н яқинлаштиради. Қад. организмларни қиёсий-тарихий ўрганиш натижасида П. экология, биогеоценология, биогеография, гидробиология ва океанология б-н тобора кўпроқ боғланмоқда. Ер тўғрисидаги фанлар ичида П.нинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Геол. 18—19-а.ларда *стратиграфиянинг* вужудга келиши б-н Ер ҳақидаги тарихий фанга айланди. Табиий танланиш назарияси, эволюцион жараённинг таназзулсиз кечиши ҳақидаги концепциясига таянган эволюцион таълимот П.нинг стратиграфик геол.да қўлланиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Литологик фациал ҳариталар тарихий геол.да катта аҳамиятга эга бўлиши б-н бирга, кўмир, нефть, газ, боксит, туз, фосфорит ва б. фойдали қазилмаларни қидириб топишда ҳам муҳим воситадир.

А. Д.: Архангельский, В. Н. Вебер, А. П. Карпинский, ва б. Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда дастлабки палеонтологик тадқиқотлар олиб боришган. Ўзбекистонда П.нинг ривожланиши В. А. Вахрамеев, С. Х. Миркамолова, О. И. Сергунькова, Е. А. Репман, К. А. Алимов, Я. Х. Иминов, Н. Эшназаров, Р. Абдуллаев ва б. номлари б-н боғлиқ.

Ад.: Давиташвили Л. Ш., История эволюционной палеонтологии от Дарвина до наших дней, М.—Л., 1948; Сикстель Т. А., Худайбердиев Р., О флорах прошлого Средней Азии, «Палеоботаника Узбекистана», т. 1, Т., 1968.

Холмўр Чаниқулов.

ПАЛЕООСИЁ ТИЛЛАРИ, палеосибирь тиллари — генетик жиҳатдан ўзаро боғлиқ бўлмаган чукча-камчатка тиллари (чукча, коряк, алютор, керек, ительмен), эскимос-алеут тиллари (эскимос, алеут), енисей тиллари (кет, сим — жонли тиллар; котт, арин, пумпокол, ассан — ўлик тиллар), юкагир-чуван тиллари (юкагир — жонли, чуван — ўлик) ва алоҳида нивх тилини бирлаштирувчи, шартли белгиланган тил оиласи.

Мазкур тилларнинг муштараклиги, умумийлиги ҳақидаги фаразия 19-а. ўрталарида рус олими Л. И. Шренк томонидан илгари сурилган. Бу фаразияга мувофиқ, тегишли сибирлик элатлар Сибирь туб аҳолисининг авлодларидир. Лекин ушбу фикр П.т.нинг генетик қариндошлигини белгилай олмайди, шу сабабли «П.т.» термини шартли ном сифатида сақланиб қолган.

П.т.нинг ташқи генетик алоқалари, бир қатор фаразиялар мавжуд бўлсада, ҳанузгача аниқланмай қолмоқда. Бу тилларнинг типологик тавсифи турлича бўлса ҳам, айрим оилалар ўртасида структур-типологик ўхшашлик белгилари кузатилади. П.т. агглютинатив тиллардир: баъзиларида суффиксал, баъзиларида суффиксал-префиксал агглютинация мавжуд. Лексикада турмушдаги нарса-буюмларнинг номлари, касб-ҳунар, хўжалик фаолиятини акс эттирувчи сўзлар кўп; рус тилидан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина.

П. т. ҳақидаги кўплаб маълумотлар 18-а.да турли олимлар ва миссионерлар томонидан тўпланган; бу тилларни илмий ўрганиш 19-а.да рус ва ғарбий европалик олимларнинг асарлари б-н бошланган. Ушбу тадқиқотлар ва кейинчалик америкалик, канадалик ва япониялик олимларнинг бу соҳадаги изланишлари нафақат тилшунослик учун, балки Евросиё ва Шим. Америка тарихида қадимдан давом этиб келаётган мураккаб этнолингвистик жараёнларни тушунтиришга интилаётган бошқа фанлар учун ҳам катта қизиқиш уйғотади.

ПАЛЕООСИЁ ХАЛҚЛАРИ — Шим. ва Шим.-Сибирнинг туб жой аҳолиси: чукчалар, кориклар, ительменлар, юкагирлар, нивхлар, кетлар, эскимослар ва б. нинг номи.

ПАЛЕОТИП ТОҒ ЖИНСЛАРИ (*палеотип... ва* typos — тур, қиёфа) — вулканчи жараёнлар натижасида кучли ўзгарган вулканик тоғ жинслари. *Қайтатип тоғ жинсларидан* фарқ қилади. П.т.ж.нинг ўзгариш таркибидаги вулканик шиша иккиламчи минералларга алманишуви б-н боғлиқ. Лекин тоғ жинсларининг ўзгариш ўлари ешга боғлиқ эмаслиги маълум. мас., Исландиядаги учламчи даврга мансуб базальтлар — П.т.ж., аксинча, қад. палеозой даврига мансуб отқинди вулканик жинслар ўзгармасдан қолган (қайтатип жинслар). П.т.ж. ва уларнинг қайтатип турлари алоҳида хоссаларга ва номларга эга. мас., базальтнинг палеотип хили — базальтли порфирит, долеритники — диабаз; риолит ёки дацитнинг палеотип тури кварцли порфир деб юритилади. Бирламчи минераллар ҳам ўзгариши: альбитланиш ёки серицитланиш, тўқ рангли минераллар хлорит ва эпидот б-н алмашади. Натижада вулканик тоғ жинсларининг кўриниши ҳам ўзгариши, алтироиси кетади, хираланади; нордон П.т.ж. пушти рангга, асосли П.т.ж. эса бинафша рангга эга бўлади.

ПАЛЕОТРОПИК ОБЛАСТЬ, Палеотропик ўсимликлар дунёси — Ер шаридаги асосий ботаник-географик бўлинмалардан бири. Эски Дунё материк қисмининг (Австралиядан ташқари) тропик иқлимли жойларини, шунингдек, Ҳинд ва Тинч океанларидаги о.ни ўз ичига олган. Баъзан П.о.га Жан.-Ғарбий Африканинг субтропик қисмини ҳамда Янги Зеландия ва унга ёндош ороллари *(Янги Зеландия кичик области)* киритилади. П.о. шим.дан *Голарктика* области б-н чегараланган.

П.о. ўсимликка бой. Областнинг айрим қисмлари сув ҳавзалари орқали ажралганлиги, иқлим шароитларининг турли-туманлиги, тарихий тараққиётининг мураккаблиги натижасида ўсимликлари кучли ихтисослашган. Флора таркибида умумтропик ўсимлик оилаларидан пальмадошлар, тутдошлар, сутламадошлар, тогбекалошлар (мариналошлар) ва б. кўп учрайди. Бу оилалардан анчагина қисмини махсус палеотропик туркумлар ташкил этади. Космополит ўсимлик оилаларидан бугдойдошлар (бошоқдошлар), ҳилолдошлар, бурчоқдошлар кўп. П.о. учун диптерокарплар, пандауслар, непентеслар, энлемик оилалар ва б. характерлидир. П.о.да сернам тропик муссонли ва саванна ўрмонлари, мангра чакалакзорлари, чўл ўсимликлари ва б. кенг тарқалган.

П.о.ни кичик областларга бўлишнинг кўпчилик томонидан қабул қилинган ягона принципи йўқ. Баъзилар П.о.ни икки кичик областга — Малезия ва Ҳиндистон-Африка, баъзан 10—15 кичик областга бўладилар. Энлемик ўсимликлар, линнеа, Гавана, Янги Зеландия, Мадагаскар ороллари каби кичик областларда купроқ учрайди (яна қ. *Флора областлари*).

ПАЛЕОЦЕН БЎЛИМИ (эпохаси), палеоцен — *палеоген системаси (даври)*нинг қуйи бўлими. 1874 и. Дезор томонидан юқори бур даври киритилган. Лойи яруси кейинги тадқиқотлар натижасида (Харленбол ва Бермен, 1978) П. бўлимининг энг қуйи қисмига ўтказилади. П. қуйида минтақаларда 2 (юқори ва қуйи) бўлимга ажратилади. Ўзбекистон ҳудудида умумий қабул қилинган ярусга ҳос маҳмуа, ешта ва қатлам ажратилган. Фарғона ботиғида Бухоро қатлами, Сурхондарёда —оқжар ва бухоро қатламлари ажратилган.

ПАЛЕОЭКОЛОГИЯ (*палео... ва экология*) — *палеонтология* фанининг бўлими. Қуҳна геологик даврларда яшаган ҳайвонот ва ўсимликларнинг ўша вақт муҳити б-н ўзаро муносабатини, қариндошлик ришталарини ўрганади. П. чўкинди ётқизиқларини фациал таҳлил қилишда муҳим ҳисобланиб, уларнинг литологик таркиби б-н увини боғлиқлик. П.нинг ривожланишига рус олими, палеонтолог В. О. Ковалевский, бельгиялик олим Л. Долло ва австриялик О. Абель катта ҳисса қўшган. Қад. организмлар яшаш шароитини ўрганишда, асосан, уларнинг скелет қолдиқларини ўрганиш (морфофункционал анализ) усули қўлланилади. Қад. ҳайвонлар яшаган шароитларини ўрганиб, П. палеонтология ҳамда геол. учун баъзи фойдали қазилмалар пайдо бўлиши шароитларини аниқлаш ва ўхшаш шароитларда ҳосил бўлган турли фойдали қазилмалар конини башорат этишда қўлланилади.

ПАЛЕРМО — Италиядаги шаҳар ва порт. Сицилия вилояти ва Палермо провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 652,6 минг киши (2001). Иқтисодий аҳамияти жиҳатидан мамлакат жан.да Неаполдан кейин 2-ўрин-даги шаҳар. Тиррен денгизи соҳилидаги порт (четга цитрус мевалар чиқарилади). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Кемасозлик ва кема таъмирлаш, самолётсозлик, қ. х. машинасозлиги, кимё, ёғочсозлик, цемент, озиқ-овқат, тўқимачилик, пойабзал, пўлат қуйиш, полиграфия, тамаки, электротехника саноати корхоналари мавжуд. П. — туризм маркази, қишки курорт. Ҳар йили халқаро ярмаркалар ўтказилади. Ун-т (1777), Нафис санъат академияси, консерватория, расадхона, Миллий галерея, археология, миллий, этнография ва б. музейлар, ботаника боғи, опера ва драма театрлари бор. Шаҳарга мил. ав. 8-а.да финикияликлар томонидан асос солинган. 14—16-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган.

ПАЛЕРМО ТОШИ — Қад. Миср йилномалари ўйиб битилган диорит плита парчаси (43,5×25 см). Қад. фиръавнлар сулоласигача бўлган вақтдан бошлаб (мил. ав. 4-минг йиллик охири) бир қанча асрларни қамраб олган. Мати V сулола даврида (мил. ав. 25-а.) тўширилган. 1877 й.дан Палермо (номи шундан) музейида сақланади. П.т. Қад. Миср хронологияси бўйича ўта муҳим манба бўлиб, фиръавнларнинг иқтисодий, ҳарбий ва диний сиёсати юзасидан қимматли маълумотларни қамраб олган.

Палермо шаҳри. Гранд Вилла меҳмонхонаси.

Палермо тоши.

ПАЛЕСТРИНА (Palestrina), Жованни Пьерлуижи да Палестрина (тахм. 1525, Рим яқинидаги Палестрина ш. —1594.2.2, Рим) — италъян композитори. Рим полифоник мактаби асосчиси. Уйғониш даври мусиқасининг йирик намояндаси. 1544—51 й.лари Палестрина шаҳри черков хор капелласида органчи ва капельмейстер, сўнгра Рим капелласларининг мусиқа раҳбари. Ижоди асосини диний хор асарлари ташкил этади (жами 100 дан ортиқ месса, 180 га яқин мотет, ўнлаб мадригаллар, магнификатлар ва б.). Кўп овозли вокал мусиқининг мумтоз намуналарини яратган. Мусиқа услубига полифонияни ва гармония воситаларининг ўзаро уйғунлиги, оромбахш куйлар равонлиги, мушоҳадали ва самимий образларнинг ички мувозанати хос.

ПАЛИ — *ҳинд (санд-орий) тилларидан* бири; Шри Ланка ола мавжуд бўлган буддавийлик қонунларининг тили сифатида Шри Ланка (Цейлон), Мьянма (Бирма), Таиланд, Лаос, Камбоджа, Вьетнамда қўлланади. Ҳажми, қад. ўрта ҳинд лаҳжаси асосида пайдо бўлиб, кейинчалик шарқий лаҳжанинг бир қатор хусусиятларига эга бўлган П.нинг ватани — Ҳиндистон; мил. ав. даврлардёқ буддавийлик б-н бирга Шри Ланкага тарқалган; мил. 1-минг йиллик охири ва 2-минг йиллик бошларида Жан.-Шарқий Осиёдаги бир қанча мамлакатларга тарқалади. П.да кўплаб диний, фалсафий, илмий, бадиий асарлар (жумладан, жан. буддистларнинг муқаддас китоблари) яратилган. Бу тил Жан.-Шарқий Осиёдаги кўплаб тилларга сезиларли таъсир кўрсатган. Баён усулига кўра ва хронологик жиҳатдан П.нинг 4 кўринишини жуда диний қонунларнинг шеърий қисмлари тили (энг қад.); қонунларнинг наср ий баён тили (маълум даражада тартиб ва мезёрга солинган); диний китобларга изоҳ ва тафсирлар тили (янада соддалаштирилган); Жан.-Шарқий Осиёдаги янги адабиётлар тили (оддийлаштирилган) га нисбатан кўплаб тафовутлар ва ўзга тизимдаги тилларнинг таъсири сезилади). Бошқа ўрта ва кейинги давр ҳинд тилларидан муайян фонетик, лексик-грамматик жиҳатлари б-н фарқ қилади. Айниқса, лексикаси ўта мураккаблиги ва, асосан, диний таълимот гояларини акс эттиришга мўлжалланганлиги б-н ажралиб туради. *Брахми* ёзуви асосида ишлатилган қад. ёзувга эга.

ПАЛИАШВИЛИ Захарий Петрович [1871.4(16).8, Кутаиси — 1933.6.10, Тбилиси] — грузин композитори, дирижёр, педагог, мусиқа жамоат арбоби. Грузия халқ артисти (1925). Грузин композиторлик мактаби асосчиларидан.

Тбилиси мусиқа билим юрти (1895—99) ва Москва консерваторияси (1900—03)да таълим олган. Грузин филармония жамиятига асос солган (1905). 1919 й.дан Тбилиси консерваторияси проф., директори (1919,1923, 1929 — 32). Грузия халқларининг жами 300 га яқин қўшиқларини тўплаб, улардан бир қисмини нашр этган (1910). Композиторлик ижодида турли маҳаллий (кахетин, гурий, сван ва б.) мусиқа услублари негизида янги умуммиллий мусиқа тилини ишлаб чиққан. «Абесалом ва Этери» (1910—18), «Даиси» (1923) опералари б-н грузин мусиқа санъатига муҳим ҳисса қўшган. П., шунингдек, «Грузинча литургия», хор асарлари, романслар муаллифи. Тбилисидаги Грузин давлат опера ва балет театри, бир неча мусиқа ўқув муассасаларига П. номи берилган. 1971 й.да П. номидаги Грузия давлат мукофоти таъсис этилган.

ПАЛИГОРСКИТ (Уралдаги Палигорск кони номидан), аттапульгит, тог терниси, тог пўкаги, тог ёғочи — эвортмориллонит гуруҳига мансуб минерал, магнийнинг сувли силикати. $Mg_5Al_2[Si_4O_{10}]_2(OH)(OH_2)_4 8H_2O$. Таркибидаги Al баъзан Fe^{3+} б-н изоморф тарзда алмашиши мумкин (ферропалигорскитда 6%гача Fe_2O_3 бўлади). П.да 8% гача Ca қўшочалари бўлади (кальцийпалигорскит). Моноклин ёки ромб сингонияли. Кристаллари структураси чўзиқ лентали ёки қат-қат. Рангги оқ, баъзан сарғиш-кулранг. Қаттиқлиги 2—2,5, зичлиги 2100—2300 кг/м³. Арид иқлимли жойларда, денгиз ва шўр сувли ҳавзаларда (кўл ва лагуналар), қисман нураш қобиқларида маглар), немзал силикатлар (мас., серпентин)-дан ҳосил бўлади. П.нинг қаттиқ ва зич массаси қоплама ва қатламча шаклида, тарқоқ кристаллари гил минераллари, мергель ва оҳактошлар орасида учрайди. П. нефтни қайта тозалаш, қоғоз саноати, тиббиётда, пармалаш ишлари ва қурилишда кенг қўлланади. Украина, Шим. Кавказда, Ўзбекистонда (Фарғона, Шим. Қозоғистонда (Фарғона, Сурхондарё вилоятларида ҳамда Қизилқумда) П. конлари бор.

ПАЛИНГЕНЕЗ (юн. palin — яна, қайта ва *...генез*) — организм эмбриогенезида такрорланадиган мазкур тур филогенезига мос келадиган жараёнлар. «П.» терминини немис олими Э. Геккел (1866) *биогенетик қонун* тамойилларида таклиф этган. П.га мисол қилиб (Геккел бўйича) юксак умуртқалилар эмбрионида улар аждодларини вояга етган даври учун хос бўлган, ҳоз. тубан хордалилар ва тубан умуртқалиларда ҳам мавжуд бўлган экто- ва энтодерма, нерв найи, хорда, жабра ёйлари, жабра ёриқлари, айириш органларини келтириш мумкин. П. филогенетик ўзгаришларнинг йўналиши тўғрисида хулоса чиқаришга имкон беради. Геккел кўрсатишича, *цenогенез* (организмнинг эмбрион ёки личинка ривожланадиган махсус муҳитга мослашиши) П. изчиллигини бузади.

ПАЛИНГЕНЕЗИС, палингенез (юн. palin — қайта, яна ва genesis — келиб чиқиш, тугилиш) — Ернинг чуқур қатламларидаги магматик тог жинсларининг қисман ёки тўла эриб *магмата* айланиш жараёни. «П.» терминини фанга финляндиялик геолог Я. Сёдерхольм томонидан киритилган (1907 й.). Геотектоник шароитга қараб П.га учраган тог жинсларининг чўкиш ёки қатламларинг бир-бирининг остига силжиш жараёнлари фарқ қилинади. Палинген магманинг Ер юзи яқинига кўтарилиши ороген интрузивлар ва диапир-плутонлар пайдо бўлишига олиб келади.

ПАЛИНОЛОГИЯ (юн. paline — майин чанг ва *...логия*) — ботаниканинг ўсимлик чанги ва спорасини ўрганадиган тармоғи. «П.» терминини инглиз палеоботаниклари Х. Хайд ва Д. Уильямс (1944) таклиф қилган. Палиноморфология П.нинг асосий тармоғи бўлиб, спора ва чанг доналарининг шакли, тузилиши ва ривожланишини текширади. П. чанг ва спораниг қобиғини, морфология ва анатомиясини ўрганади. Палинологик текширишлар цитология, генетика, морфология, физика, кимё ва математика фанлари ютуқларига асосланган ҳолда микроскоп, электрон микроскоп ва рентген нурларидан фойдаланиб ўтказилади.

Ер шарининг қобиғини ўрганишда, ундаги қазилма бойликларни қидиришда, шунингдек, ўсимликлар ва иқлим тарихини аниқлашда П. маълумотларидан фойдаланилади.

ПАЛИТРА (франц. palette) — 1) рассом ишлаш жараёнида бўёқларни аралаштиралиган мослама (П.да рассом бўёқларни аралаштириб яратаётган асари учун керакли рангни ҳосил қилади); ёғоч, металл, чинни (фаянсдан юпқа қилиб тугбурчак ёки овал шаклда тайёрланади; 2) кучма маънода — рассомнинг рангтасвир (ранглар танлаш ва ишлатиш) услуби ҳамда алоҳида рангтасвир асари учун хос бўлган ранглар тўплами.

ПАЛЛАВЛАР — Жан. Ҳиндистондаги Шим. Тамилнад ҳудудида қадимда мавжуд бўлган П. давлати (мил. 3—9-а.лар) ни бошқарган сулола. П.нинг 3 сулоласи маълум (3—6-а.лар; 6-а. охири —8-а. ўрталари; 8-а. ўрталари — 9-а.лар). П. Нарасимха I даврида (7-а.) равнақ топган, у Ватапидаги Ғарбий Чалукяларни тор-мор қилган ва Пеллон (ҳоз. Шри Ланкага ғарбдан юриш уюштирган. Пойтахти — Канчи ш. бўлган. 893 й. П. давлати *Чола* давлати томонидан тугатилган. П. ҳонадонига мансуб вассал ҳокимлар 10—13-а.ларда ҳам бўлган.

ПАЛЛАДА (юнон ҳудоси Афина Паллада номи б-н аталган) — астероид (кичик сайёра). Тартиб №2; диаметри 583 км. Немис астрономи Г. Ольберс 1802 й.да кашф этган. Қуёшдан ўртача узоқлиги 2,77 *астрономик бирликка* ўзгаради. Ўртача юзлуз катталиги 8,0. П.нинг орбита текислиги б-н экватора текислиги орасидаги бурчаги (орбита оғиши) i=34°48′.

ПАЛЛАДИЙ (лот. Palladium), Pd — Менделеев даврий системасининг VIII гуруҳига мансуб кимёвий элемент. Тартиб рақами 46, ат. м. 106,42. Табиий П. 6 та барқарор изотоп: ^{102}Pd (1%), ^{104}Pd(11,4%), ^{105}Pd (22,33%), ^{106}Pd (27,33%), ^{108}Pd(26,46%), ва ^{110}Pd (11,72%) лан иборат. Энг узоқ вақт мавжуд бўлувчи сунъий радиактив изотопи ^{107}Pd ($T_{1/2}$=7·10^6 й.). П.нинг кўпгина изотоплари нисбатан озроқ миқдорда уран ва плутоний ядроларининг бўлиниши натижасида ҳосил бўлади.

П.ни 1803 й. инглиз олими Волластон тозаланмаган платинадан ажратиб олган ва уни 1802 й.да кашф қилинган Паллада планетаси номи б-н атаган. П. Ер пўстининг масса жиҳатидан 1·10^{-6}% ини ташкил этади. Табиатда тутма ёки бошқа ноёб металлар ва кимёвий бирикмалар б-н қотишмалар ҳолида учрайди.

П. платина гуруҳчасидаги металларнинг энг юмшоғи, энг енгили ва энг болғаланувчанидир. П. кумуш каби ялтироқ, ташқи кўриниши платинани эслатади. Суюқланиш т-раси 1554°; қайнаш т-раси 2940°, зичлиги 12,02 г/см^3. П. платина гуруҳчасидаги бошқа металларга қаранганда кимёвий жиҳатдан фаол. Зар сувида, нитрат кислотада, концентрланган қайноқ сульфат кислотада эрийди. 700° гача қиздирилганда сирти оксидланади, ун т-расида нам ҳлор ва бром б-н, қиздирилганда қуруқ фтор, хлор ҳамда олтингугурт б-н реакцияга киришади. П. жуда кўп миқдорда водород ютиш хусусиятига ега (1 ҳажм П. 800 ҳажмга яқин водород ютади). П. молекулер водородни ютиб, кимёвий реакциялар жараёнида уни фаол атом ҳолида ажратиб чиқаради. Шу сабабли П.дан водород атоми ишлатиладиган кимё саноатларида кенг фойдаланилади.

П. бирикмаларда, одатда, 2 ва 4 валентли, баъзи ҳолларда 3 валентли. 2 валентли бирикмалари барқарорроқ. П.нинг PdO, Pd_2O_3, PdO_2 таркибли оксидлари маълум. Галогенлар б-н галогенидлар (II) - фторид PdF_2, палладий (III) - фторид PdF_3, палладий (II) - хлорид $PdCl_2$, палладий (II) - иодид PdI_2 ҳосил қилади. Олтингугурт б-н бирикмаларидан палладий (II) - сульфид PdS, палладий (IV) - сульфид PdS_2 лар мавжуд. П. тузларининг кўпчилиги сувда яхши эрийди ва эритмаларида кучли гидролизланади.

П. сульфидли мис-никель рудаларидан платина б-н биргаликда, шунингдек, олтин сочилмалари ва рудалардан олинади. Олмалиқ ва Навоий кон металлургия корхоналарида П.ни мис ва қимматбаҳо металлар олиш технологияси қолдиқларидан ажратиб олинади. П. ва унинг қотишмалари электротехникада, кимё саноатида гидрогенизация ва дегидрогенизация катализатори сифатида, олтин, платина, родий б-н қотишмалари терморегулятор ва термопаралар тайёрлашда, олтин, кумуш, никель ва б. элементлар б-н қотишмаси зарғарликда ва стоматологияда ишлатилади.

Ад.: Металлургия благородных металлов, М., 1987.

Отажонов Ҳ.Ҳожиев.

ПАЛЛАДИО (Palladio) (ҳақиқий фамилияси ди Пьетро) Андреа (1508.30.11, Падуя (?) — 1580.19.8, Виченца) — итальян меъмори. Сўнгги уйғониш даври намояндаси. Қад. ва ренессанс анъаналари асосида шаҳар саройлари (Виченцадаги Кьерикати палацциоси, 1550), шаҳар ташқарисидаги виллалар

Виченцадаги Кьерикати саройи.

(Виченца яқинидаги «Ротонда», 1551—67), ибодатхона (Венециядаги Иль-Реденторе, 1592 й.да тугалланган), театрлар (Виченцадаги Олимпико театри, 1580—85) барпо этиш услубини ишлаб чиққан. Ордер тизимини ижодий қўллаган ҳолда биноларни шаҳар ёки табиат б-н ўзаро боғлашга эришган. П. ижоди ва унинг «Меъморлик ҳақидаги тўрт китоб» трактати (1570) палладиочилик ривожига имкон яратди. 17—18-а.лар Европа меъморлиги юксалишига катта таъсир кўрсатди.

ПАЛЛАЛИ ҒЎЗА, қайчибарг ғўза (Gossypium lobatum Gen) — ёввойи ғўза тури. Геноми Д., хромосомалар сони 2n=26. 1956 й.да кашф қилинган. П.нинг ватани — Мексика (Мичоакан штати). П.г. — ингичка, бўйи 8 м гача етадиган оч яшил дарахт; юқорига йўналган ўсув шохлари кўп. Хосил шохлари калта; гуллари барг қўлтиғидан чиқади. Ғўза новдучасимон туклар б-н қопланган. Барглари йирик, оч яшил, қалин тукли. Барг пластинкаси билинар-билинмас 3 бўлакчага (кенг қиррали учбурчак шаклда) бўлинган. Барг шира бези битта, шилинар шаклида, оч яшил. Ёнбарглари йирик (9 мм гача), тезда тўкилиб кетади. Гуллари йирик, кўнғироқсимон, гулбарги оч қизил, асосида тўқ олча ранг доғлари бор, ташқи томонининг чети тўқ қизил. Косачаси узун учбурчак тишли. Гулёнбарглари майда, тўкилиб кетмайдиган. Кўсакларининг майдароқ, 3 чаноқли, ингичка цилиндрсимон, ўткир конуссимон шаклда, сиртида кўзга аниқ ташланадиган безчалари бор. Чигити узунчоқ, 3—4 мм узунликдаги кўнгир туклар б-н қопланган. П.г. фотодаврий ўзгаришларга таъсирчан. Ширага чидамли. Чигити қаттиқ — тошчигит. Уч бўлма барғли ғўзага пайванд қилинган П.г. яхши ривожланиб гуллайди. *Мексика ғўзасининг* ёввойи шаклларини б-н осон чатишиб, бепушт дурагайлар ҳосил қилади.

Паллали ғўза: *1* — новдининг бир қисми; *2* — кўсаги; *3* — чаноғи.

Абдуллаев Абдулла.

ПАЛОВ — миллий таом тури. Пиширш усулининг хилма-хиллигига ва ишлатиладиган масаллиғининг турига қараб П.нинг 40 дан ортиқ тури бор. Мас., қовурма П., ивитма П., майизли П., бедана П., қази П., беҳили П., тўғрама П., тўй П., қийма П., ва б. П.нинг софаки П. (Самарқанд вилояти), қорма П. (Қашқадарё), сузма П. (Хоразм), угра П. (Сурхондарё) ва б. турлари бор. П. тайёрланадиган асосий жараёнлар: а) ёғ доғлаш (ёғини қозонга солиб, оқ тутун ҳосил қилгунча қиздириш); б) зирвак пиширш; в) гуруч солиш. Гуруч териб ғозаланиб, илиқ ёки совуқ сувда 3—4 марта ювилади. Гуруч зирвак юзига бир текис қилиб солинади ва сув қўйилади. Гуруч солингач, чўғсиз кучли аланга беріб, қозон юзасини баб-баравар қайнатиш керак, акс ҳолда палов «тирик» бўлиб қолади. Гуруч сувни батамом тортгандан сўнг, гуручни қалқир б-н қозоннинг ўртасига гумбаз қилиб ўйиб, дамтўп суқилади ва дамтовоқ б-н жипс ёпиб 20 минута дамланади.

П.нинг энг кўп тайёрланадиган турлари: қовурма (фарғонача) П. — қўй ёғи эритилади, жиззаси сузиб олинади, ёғ доғланғандан сўнг унга гўштдан ғозалланган бир бўлак суяк ташлаб юборилади. Суяк қизғиш тусга киргунча қовурилади (бу жараён ошга тус беради). Суяк олиб ташланиб, паррак-паррак тўғралган пиёз ташланади. Лўлда-лўлда тўғралган гўшт солиб, қовуриш давом эттирилади. Пиёз қизариб қовурилгач, қозонга сомонча қилиб тўғралган сабзи солинади, бир оз туз солиб аралаштирилади. Сабзи жигарранг тусга кирганда, ошга солинадиган сувнинг ярми қўйиб қайнатилади. Зирвак 20—25 мин. милдиратиб қайнатилади. Қовурма П. учун 1 кг гуручга 500 г гўшт, 250 г ёғ, 500 г сабзи, 4—5 бош пиёз, бир чой қошиқда зира, зирк, қалампир керак; ивитма П. — доғланган ёғда лўда-лўда тўғралган гўшт қовурилади, сўнгра пиёз солинади. Қовурилади, вариш пиёз қисқаргунча давом этади. Қозонга тўғралган сабзи ташланиб, 10—15 мин. давомида қовурилади, бир оз туз ҳам ташланади ва қозонга сув қуйи-лади. Зирвак тайёралашга киришилган олдин гуручни тузли сувда 3—4 марта ювиб, иссиқ сувга ивитиб қўйилади. Ивитма П. учун 1 кг гуручга 150—200 г нўхат солинади. Нўхат камида 10 соат илгари ивитиб қўйилиши керак.

Арабон палос.

П. қадимдан Ўрта Осиёнинг ҳар қандай тўй, сайил, байрам ва меҳмондорчиликларида тайёрланади. П. тайёрлаш ўзбеклар ўртасида, айниқса, эркаклар (йигитлар)га хос фазилат ҳисобланади.

Ад.: Маҳмудов Қ., Ўзбек таомлари, Т., 1989; Махмудов К., Узбекский плов, Т., 1979.

ПАЛОС, шолча — икки томонлама нақш ҳосил қилиб қўлда ёки машинада тўқиб тайёрланадиган патсиз *гилам*. Ип, жун, сунъий толалардан тўқилади. Одатда, ер (пол)га тўшалади. Газлама тўқиш усулида арқоқ ипини 2 хил кўринишда (вертикал тирқишли ва тирқишсиз) маталнин воситасида бажарилади. Арқоқ ипини бу усулда маталиши турли (ҳандасий ва ислимий) нақшлар, ифодали тасвирларни аниқ ҳосил қилиш имконини беради. Дунёда Болгария, Ҳиндистон, Эрон, Руминия, Туркия П.лари машҳур. Шарқ мамлакатлари (Ҳиндистон, Эрон ва б.), жумладан, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудида П. тайёрлаш қад.дан кенг

Шаҳрисабз палоси.

тарқалган, ранг-баранг гўзал П.лар яратилган. Рангли асос ёки қалин арқоқ ипи ёрдамида яратилган нақшлар заминда бир оз бўртиб майин ётади. ёддан тўқилган мужассамотда йўл-йўл қаторлар, йирик зинасимон нақшлар, уруғ тамғаси тасвирлари, ҳайвон шакл-лари кўп учрайди. П. колоритида қизил ранг устун туради. Самарқанд, Бухоро, Шаҳрисабз, Хива ва б. жойларда ф-каларда тайёрланади. Сирдарё, Қашқадарё ва б. жойларда қўлда қад. анъанавий ва замонавий усулларни қўллаб П. тўқиш ривожланган.

ПАЛУБА (славянча луба — йўнилган тахта) — кемаларнинг сув ўтказмайдиган горизонтал ёғоч ёпмаси. Юқори ва пастки П.ларга бўлинади. Юқори П. умумий мустаҳкамликни ва кўндаланг бикрликни таъминлайди. Пастки П. кемани баландлиги бўйича бир неча қисмга ажратади, унинг мустаҳкамлигини оширади, турли юк ва тўлқинлар зарбини ўзига қабул қилади. П.да хизмат ва турар жой хоналари, механизм ва жиҳозлар жойлашади. Пўлат кемаларда П. пўлат листлардан қилиниб, бўйлама ва кўндаланг боғловчилар б-н мустаҳкамланади. П.нинг кема бортига тегиб турадиган жойлари узунасига қалин пўлат тўшамадан ясалади. Кема корпусида бир ёки бир неча П. ва платформа бўлади.

ПАЛЬМА, Пальма-де-Мальорка — Испаниядаги шаҳар. Мальорка о. (Балеар о.лари)да. Балеар Ороллари вилояти ва Балеарес провинциясининг маъмурий маркази. Аҳолиси 319,1 минг киши (1998). Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Тўқимачилик, озиқ-овқат, кўн-пойабзал, кемасозлик, ойна-шиша саноати корхоналари, ун-т бор. Гилам ишлаб чиқарилади. Шаҳарга 3-а.да асос солинган. 13—15-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган. П. ва унинг атрофи денгиз иқлим курорти. Туризм марказларидан.

ПАЛЬМАДОШЛАР, пальмалар (Palmae ёки Arecaceae) — бир паллали дарахтсимон ўсимликлар оиласи. Тропик ва қисман субтропикларда ўсадиган 240 тача туркуми, 3400 тача тури маълум. П.нинг кўп турлари Осиёда (Индонезия), Африка ва жан. Америкада, П.нинг паст бўйли тури эса Европада тарқалган. Кўпинча шохламай тик ўсади. Танасининг бўйи 60 м ча, диаметри 1 м га етади. Баъзи турлари бутасимон, лианасимон (300 м гача). Барглари патсимон, дарахтсимонларида тана учида тўда бўлиб, бутасимонларида эса ер бағирлаб осилиб ётади. Баргларининг уз. ҳатто 15 м ча. П. бир ва икки уйли ўсимлик. Айрим турлари ҳар йили, баъзилари фақат бир марта гул-

Пальма.

лаб мевалайди. Тўпгули йирик, оқ, сарғиш ёки кўкиш, айрим жинсли, баъзан қўш жинсли майда гуллардан иборат. Мевалари — қуруқ ёки этли данак; камроқ резавор-мевасимон, баъзилари майда, бошқалари эса кичик хандалакдек келади. П. 5—12 ёшида гуллайди, 30—50 йил яшайди.

П. 2 оилачага бўлинади. Кўпгина П.нинг меваси ейилади. Хом мевасидан кокос сути олинади. Пўсти арчилган меваларидан ёғ ва маргарин олишда фойдаланилади (мойли пальма). Поя толаларидан жуда пишиқ арқон, барг толаларидан сават, шляпалар тўқилади. Поясининг крахмалли ўзагидан саго (*саго пальмаси*, маврикия пальмаси) олинади. *Финикия пальмасининг* меваси истеъмол қилинади.

П. Кавказнинг Қора денгиз соҳилларида, Ғарбий Грузияда, Қримнинг жан. соҳилларида, Туркманистоннинг ғарбий қисмида ва б. ерларда қадимдан манзарали ўсимлик сифатида экилади. П. уруғидан, баъзи турлари пархишлаб кўпайтирилади.

ПАЛЬМЕ (Palme) Улоф (1927.30.1 — Стокгольм — 1986.28.2) — Швеция бош вазири (1969—76 ва 1982 й.дан). 1963 й. дан бир қанча вазирликларни бошқарган. Социал-демократик ишчи партияси раиси (1969 й.дан). Халқаро ноавлат ташкилоти — «Қуролсизланиш масалалари бўйича мустақил комиссия» («П. комиссияси»)га раҳбарлик қилган. Террорчи томонидан ўлдирилган.

ПАЛЬМЕРСТОН (Palmerston) Генри Жон Темпл (1784—1865) — виконт, Буюк Британия бош вазири (1855—58 ва 1859 й.дан). Ташқи ишлар вазири (1830—34, 1835—41, 1846—51). Ички ислоҳотлар ўтказишга қарши чиққан. Ташқи сиёсатда «Кучлар мувозанати» тарафдори. П. ҳукумати 1857—59 й.ларда Ҳиндистондаги *Сипоҳийлар қўзғолони* ва Хитойдаги *Тайпин қўзғолонини* бостиришда, *Қрим уруши* (1853—56)ни келтириб чиқаришда қатнашган.

ПАЛЬМЕТТА (франц. palmette — пальма барги каби безаш) — мевали дарахтлар шохларига шакл бериш турларидан бири. Асосан, нажана *пальметта*ларда ўстирилган олма дарахтларида қўлланилади (қ. *Дарахтларга шакл бериш*).

ПАЛЬМЕТТА (франц. palmette — пальма дарахти баргисимон меъморий безак, нақш тури. П.лар ҳошиялар, девор безакларида қўлланилади. Дастлаб қад. Шарқ ва Юнонистон, кейинчалик Италия орқали Европа мамлакатлари меъморлигида қўлланган. П. нусхалари амалий санъатда турли идиш, газлама ва б.нинг бадиий безашда фойдаланилади.

Пальметта

ПАЛЬМИРА — Суриянинг шим.-шарқий қисмидаги қад. шаҳар (ҳоз. Тадмор ш. яқинида). Карвон саклоси ва ҳунармандчиликнинг йирик маркази. Мил. 1—3-а.ларда анча ривожланган. Археоло-

Пальмира. Бела ибодатхонаси.

гик қазишмалар натижасида антик шаҳарнинг режали қурилган кўчалари, ибодатхона, қабристон, ҳайкаллар, мозаика, нақшлар топилган.

ПАЛЬМИТИН КИСЛОТА, гексадеканкислота, $CH\,(CH_2)_{14}COOH$ — бир асосли тўйинган карбон кислота, рангсиз кристаллар. Мол. м. 256,43; суюқланиш т-раси 62,9°, қайнаш т-раси 105°, сувда эримайди, спирт, бензол, ацетонда 20° да оз, 60°да яхши эрийди. Табиатда кенг тарқалган тўйинган ёғ кислота. Барча табиий ёғларда триглицерид ҳолида учрайди. Пальма мойида 32—40%, соя мойида 6,5%, мол ёғида 25%, чўчқа ёғида 30% П.к. бўлади. П.к. спермацет, *асаларн муми*нинг асосий таркибий қисмидир. П.к. тирик организмда кофермент А иштирокида биосинтезланади.

П.к. ёғдан совунланиш реакцияси асосида олинган кислоталар аралашмасини ректификациялаб ёки қайта кристаллаш йўли б-н олинади. П.к. ювувчи воситалар, сурков мойлари ва *пластификаторлар* олишда, тузлари бошқа кислота тузлари б-н биргаликда эмульгатор сифатида косметик препаратлар ва ҳўжалик совуни тайёрлашда ишлатилади. Баъзи эфирлари бўёқ ва синтетик детергентлар олишда, стеарин кислота б-н биргаликда шам тайёрлашда қўлланади (яна қ. *Ёғлар, Ўсимлик мойлари*).

ПАЛЬПАЦИЯ (лот. palpatio — силаш), пайпаслаш — врачнинг беморни текшириш усули; бунда юза тўқималар ва чуқур жойлашган аъзоларни мунтазам пайпаслаб, мас., терининг т-раси ва намлиги, баъзи ички аъзоларнинг катта-кичиклиги, жойлашиши, юзаси қандай эканлиги ва консистенцияси, томир уриш хусусиятлари, шунингдек, П.га нисбатан беморнинг реакцияси (мас., оғриқ сезиши) аниқланади. Бимануал (икки қўл ёрдамида), юзаки (қорин бўшлиғидаги аъзолар касаллигида пайпаслаш), чуқур (текширилаётган аъзони қўл б-н чуқур босиб пайпаслаш) ва б. хиллари бор. Суяклар, бўғимлар, мускуллар, лимфа тугунлари, ўсмалар, юза жойлашган қон томирлар ҳам пайпаслаб текширилади. Ўпка касалликларини (мас., зотилжам), ҳомиладор аёлларда ҳомиланинг катта-кичиклигини аниқлашда П.дан фойдаланилади. Қориндаги аъзолар: меъда, ичак, жигар, талоқ, буйракни текширишда П. усули муҳим аҳамиятга касб этади, чунки бунда шу аъзолар ҳақида аниқ фикрга эга бўлинади.

ПАМПА, Пампас (кечуа индейсларн тилида пампа — ўтлоқ) — 1) Жан. Америкадаги, асосан, ўт ўсимликлари ўсадиган баъзи бир текисликларнинг номи. Аслида Аргентина ҳудудининг 29—39° ж.к.лар ораси ва ғарбда Сьеррас-де-Кордова тоғларигача бўлган жойлар П. дейилади. Ер юзаси шарқида ботқоқли пасттекислик. Ғарбида дюналар учрайди; жан.-шарқида тоғлар бор (энг баланд жойи 1250 м). Иқлими субтропик, ғарбида континенталроқ иқлим. Янв.нинг ўртача т-раси 19—24°, июлники 6—10°. Йиллик ёғин 800—950 мм, ғарбида 300—500 мм. Жан.дан кучли шамол (памперос) эсиб туради. Оқар сув кам. Энг йирик дарёси — Парана ва унинг ирмоқлари. Тупроғи шарқида қизғиш-қора, ғарбида бўз-жигарранг тупроқ. Ҳоз. вақтда П.нинг табиий ўсимликлари деярли бутунлай йўқ қилиниб, ўрни экинзор (буғдой, маккажўхори) ва яйловга айлантирилган. П. Аргентинанинг асосий иқтисодий р-ни.

2) Жан. Америка жан.нинг текислик қисмларида ўсувчи субтропик дашт ўсимликлари.

ПАМПАНГАН, пампанго, капам-пангаилар — Филиппиндаги Пампанга вилояти (Лусон о. маркази ва жан.-ғарбий қисми)даги халқ. Умумий сони 2 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Филиппин тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар. Анъанавий машғулотлари — суғорма деҳқончилик ва қорамолчилик. Ҳунармандчилиги — кулолчилик (Хитой таъсирида), темирчилик, каштачилик, тўқимачилик.

ПАМФИЛИЯ — қадимда Кичик Осиёнинг жан.даги (ҳоз. Туркиянинг жан.) тарихий вилоят. Аҳоманийлар давлати (мил.ав. 6-а.дан), Александр (мил.ав. 4-а.нинг 2-ярмидан), Птолемейлар, Салавкийлар, Пергам давлатлари таркибига кирган; мил.ав. 133 й.дан улар б-н бирга Римга бўйсундирилган. Мил. 43 й. Ликия ва П. Рим провинциясини ташкил этган.

ПАМФЛЕТ (инг. pamphlet — қўлдаги бир варақ) — бирор сиёсий тузум, ижтимоий воқелик, у ёки бу тўда ҳамда гуруҳлар фаолиятини, хатти-ҳаракатларини фош қилувчи ҳажвий-танқидий публицистик асар. П. бошқа ҳажвий жанрлардан бадиий тўқиманинг озлиги, аниқ ҳужжатларга, тарихий ҳужжатларга асосланиши б-н фарқ қилади. П.да жамиятдаги, турли шахслар характеридаги нуқсонлар аччиқ киноя, ўткир *сарказм* воситалари б-н фош этилади. П.нинг илк намуналари антик даврда яратилган. П.лар кўпинча кичик ҳажмдаги асарлар (*мақола, очерк* ва б. тарзда) бўлган. Кейинчалик катта ҳажмдаги бадиий асарлар ҳам П. усулида яратилди (*Ж. Свифт* «Гулливернинг саёҳатлари» романи, *Б. Брехт*нинг «Мистер Уиннинг мартабаси» пьесаси ва б.). П. жанр сифатида Реформация даврида шаклланди (М.Лютер, Эразм Роттердамский). 19—20-а.ларда В. Гюго, Э. Золя, Г. Манн, Л. Н. Толстой ва б. П.лари кенг тарқалди. Ўзбек адабиётида Абдулла Қодирий («Лаҳми калла», «Санампараст тентаклар»), Ғафур Ғулом («Шараф кўлёзмаси»), Абдулла Қаҳҳор («Барон Фон Ринг») П.лари маълум.

ПАН... (юн. pan — ҳамма, барча) — ўзлашма қўшма сўзларнинг биринчи қисми. «Бутунжаҳон», «умумжаҳон» сўзларидаги каби муайян воқеа-ҳодиса, ҳукмронлик ва ш.к.нинг бутун, барча томонларини қамраб олинишини ифодалайди (мас., *пандемия, пантеизм*).

ПАНА ЖОЙ (ҳарбий ишда) — кишиларни турли заҳарловчи моддалар, снаряд, авиация бомбаси, атом қуроллари ва ҳ.к.дан муҳофаза қилиш учун мўлжалланган муҳандислик иншооти. П. ж. ёғоч, бетон, темир-бетон ёки тошдан қурилади. Аҳоли яшайдиган жойларда, одатда, аҳолини муҳофаза қилиш учун алоҳида қурилган ёки фуқаро ва саноат биноларининг ертўлаларида қурилган турли хил П. ж.лар бўлади. Қўшинларнинг шахсий таркибини ҳимоя қилиш учун эса взвод, рота, артиллерия ва миномёт батареялари, кузатиш ва тиббий пунктлар учун котлован ёки ер ости П.ж.лар қурилади. Котлован типидаги П.ж.ларнинг устига тўкилган тупроқнинг қалинлиги 150 см ва ундан қалин, ер ости типидаги П. ж. устидаги тупроқнинг қалинлиги 4 м ва ундан қалин бўлиши лозим. Дала шароитидаги П. ж.лар 20—30 киши ва ундан кўпроққа мўлжаллаб қурилади (яна қ. *Бомбапана*).

ПАНАМА (Panama), Панама Республикаси (Republica de Panama — Марказий Американинг Панама бўйнида жойлашган давлат. Шим.дан Кариб денгизи, жан.дан Тинч океан ўраб туради. Майд. 78,2 минг км². Аҳолиси 2,88 млн. киши (2002). Пойтахти — Панама ш. Маъмурий жиҳатдан 9 вилоят (provincia) ва 5 мухтор индейс резервациясига бўлинади.

Давлат тузуми. П. — республика. Амалдаги конституцияси 1972 й.да қабул қилинган, унга 1978 ва 1993 й.ларда тузатишлар киритилган. Давлат бошлиғи — президент, у умумий тўғри ва яширин овоз бериш йўли б-н 5 й. муддатга сайланади ва иккинчи муддатга қайта сайланиш ҳуқуқига эга эмас. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни Қонун чиқарувчи ассамблея (бир палатали парламент), ижроия ҳокимиятни президент ва ҳукумат амалга оширади.

Табиати. П. ҳудуди Марказий Американинг энг камбар (48—200 км) қисмида. Қирғоқлари, асосан, паст. Тинч океан ва Кариб денгизига туташ соҳилларида анчагина қўлтиқ бор. Майда орол кўп. П.нинг бутун ҳудуди орқали ғарбдан шарқ томон Кордильера-де-Верагуа, Кордильера-де-Сан-Блас, Серрания-дель-Дарьен тоғ тизмалари чўзилган, мамлакатнинг энг баланд нуқтаси ва ҳаракатдаги вулкани Бару (бал. 3475

Панама гербы.

м). Олтин, симоб, темир ва мис рудалар, боксит, бинокорлик материалларининг кичикроқ конлари бор. Тез-тез зилзила бўлиб туради. Иқлими субэкваториал, иссиқ ва сернам. Ўртача йиллик т-ра 25—28°. Ёғин жан. тог ён бағирларида 1500 мм дан шим. ён бағирларида 5000 мм гача. Дарёлари қисқа (200 км гача), кема қатнамайди, қургоқчил мавсумда кўпинча қуриб қолади. Панама бўйинининг энг камбар жойида Панама канали қурилган. Қизил-сариқ латерит тупроқларда қимматбаҳо дарахт турлари ўсадиган ўрмонлар, жан.-ғарбдаги жигарранг-қизил тупроқларда саванналар учрайди. Ҳайвонот дунёси: зирҳли, ёввойи мушуклар (пума, оцелот), чумолихўр, ялқов, бугу, коата маймуни ва б. Дарьен ва б. миллий боғлари, ўрмон қўриқхоналари бор.

Аҳолиси, асосан, панамаликлар — метислар (60%), негрлар (15%), индейс-лар (7%). Шаҳарларда ямайкаликлар, хитойлар, америкаликлар ҳам яшайди. Шаҳар аҳолиси 54%. Расмий тил — испан тили. Кўпчилик диндорлар католик, бир қисми протестант. Йирик шаҳарлари — Панама, Колон.

Тарихи. П.ни испанлар мустамлака қилиб олгунга қадар бу ерда куна, гу-

Панама табиати.

айми, чокова ва б. 60 дан ортиқ индейс қабиласи яшаган. П.ни дастлаб 16-а.да испан конкистадорлари забт этган. Мустамлакачилар ер аҳолига зулм ўтказган ва кўпчилигини қириб ташлаб, плантациялар ва конларда ишлатиш учун Африкадан негр қулларни келтирган. Америкадаги испан мустамлакаларининг мустақиллиги учун уруш давомида (1810—26) Панама ўзини мустақил деб (1821) эълон қилди ва С. *Боливар* тузган Буюк Колумбия республикаси таркибига кирди. 1830 йда Буюк Колумбия парчаланган. 1831 йдан Янги Гранада (1886 йдан Колумбия) республикаси таркибига департамент ҳуқуқида кирди. 1903 й. П. Колумбиядан ажралиб чиқиб, мустақиллик эълон қилди. Аммо ўша йили 18 нояб. да АҚШ б-н П. ўртасида тузилган шартномага биноан, Панама канали қурии мўлжалланган ҳудуд АҚШга «абадий фойдаланиш, эгалаш ва назорат қилиш» учун берилиши оқибатида П. АҚШга бутунлай қарам бўлиб қолди. Америкаликлар бу ерда ҳарбий база қуриб, ўз қўшинларини жойлаштирди. П. халқи кўп йил ўз ерини озод қилиш учун курашди (1958, 1959, 1964 йлардаги ҳаракатлар). 1968 й. генерал О. Торрихос Эррера бошчилигидаги миллий гвардия давлат тўнтариши қилиб, иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш, сиёсий ҳаётни демократиялаш тадбирларини ўтказди. 1977 й. П. ҳукумати АҚШ б-н тузган икки шартномага кўра, 1903 й.ги шартнома бекор қилинди. 1979 й. 1 окт.дан канал зонаси устидан П. суверенитети тикланди, 2000 й. 1 янв.дан каналнинг ўзи ҳам П. тасарруфига ўтди. П. 1945 й.дан — БМТ аъзоси. ЎзР суверенитетини 1992 й. 2 янв.да тан олди. Миллий байрами — 3 нояб. — Мустақиллик куни (1903).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Арнулфиста партияси, 1990 й. тузилган; «Папа Эгоро» ҳаракати, 1991 й. асос солинган; Лейбористлар партияси, 1982 й. ташкил этилган; Либерал республикачилар партияси, 1993 й. тузилган; П.халқ партияси, 1930 й.да асос солинган; Либерал миллий партия, 1979 й. ташкил этилган; Либерал республикачилар миллий ҳаракати, 1981 й. тузилган; Инқилобий демократик партия, 1978 й. асос солинган; Демократик христиан партияси, 1963 й. ташкил этилган. П. меҳнаткашлари конфедерацияси, 1956 й. асос солинган; Меҳнаткашлар миллий кенгаши, 1971 й. тузилган; П. бўйини меҳнаткашлари касаба уюшма маркази, 1971 й. ташкил этилган.



Панама байроги.

Ҳўжалиги. П — аграр мамлакат. 20-асрнинг 70-й.ларида П. ҳукумати баъзи ижтимоий-иқтисодий тадбирларни — қ.х. соҳасида, меҳнат қонунчилиги ва солиқ соҳасида ислоҳотлар ўтказди, барча фойдали қазилмаларга давлат қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини эълон қилди.

Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий фаол аҳолининг 25% банд бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 15% ҳосил қилинади. Янги қ.х. кооперативлари тузилган бўлса ҳам, латифундиялар устун мавқеда турибди. Асосий экспорт экинлари: банан, шакарқамиш, кофе. Ички истеъмол учун шоли, маккажўхори, картошка, луккакликлар экилади. Ғўза чорвачилиги ва паррандачилик ривожланган; қорамол, чўчқа, от, эчки ва хачир боқилади. Ўрмонларда қимматбаҳо гур ёғоч танёрланади. Денгизда қисқичбақа ва балиқ овланади.

Саноати ҳанф ривожланган бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 9% ни ташкил этади. Оз миқдорда олтин, мис рудаси, нефть қазиб олинади. И.ч. саноати озиқ-овқат (қанд-шакар, консервалар, қуритилган ва қуюлтирилган сут, алкоголли ва алкоголсиз ичимликлар, балиқ уни, тамаки маҳсулотлари ва б.), ёғочсозлик, кўн-пойабзал, тикувчилик, қоғоз, сопол ва цемент саноатининг майда корхоналаридан иборат. Лас-Минасда четдан келтирилган ва маҳаллий нефтни қайта ишлайдиган з-д бор. Ҳунармандчилик ривожланган. Йилига ўртача 2.8 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Асосий саноат марказлари: Панама, Колон, Ната. Панама канали орқали йилига 14 мингтагача кема ўтади. Бу канал рўйхатга олинган кемалар сони ва уларнинг умумий юк ҳажми жиҳатидан дунёда 1-ўринда. Колон Эркин зонаси эса аҳамияти ва экспорт-импорт операциялари ҳажми жиҳатидан 2-ўринда туради. Асосий денгиз порти ва халқаро аэропорти — Панама, муҳим денгиз порти — Колон. Т.й. узунлиги — 583 км, автомобиль йўллари —10 минг км. Четга банан, нефть маҳсулотлари, қанд-шакар, ёғоч, қисқичбақа ва б. чиқаради, четдан машина ва асбоб-ускуна, металл буюмлар, ҳом нефть, кимёвий моллар, озиқ-овқат

ва б. олади. Асосан АҚШ, Венесуэла, Коста-Рика, Канада, Япония, Германия, Италия б-н савдо қилади. Пул бирлиги — бальбоа.

Тиббий хизмати, маорифи, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Врачлар Панама ун-тининг тиббиёт ф-тида тайёр-ланади. 1946 йдан мажбурий 8 йиллик таълим тўғрисидаги қонун амал қилади. Бошланғич мактаб шаҳарларда 6 йиллик (7 ёшдан 13 ёшгача), қишлоқ жойларда —3 ва 4 йиллик. Ўрта мактаб 6 йиллик бўлиб, 2 туркум, яъни 3 йиллик ижтимоий фанлар ва 3 йиллик табиёт-мат. фанлари лицейларидан иборат. Ҳунар-техника таълими техника, қ.х., тижорат билим юртлари ва бошланғич мактаб ёки ўрта мактабнинг бир туркуми негизида амалга оширилади. Олий таълим Панама ун-ти (1935 йда асос солинган) ва Санта-Мария да Антигуа хусусий католик ун-тида (1965) берилади. Мамлакатлари и.т.лар Миллий фан кенгашн (1963) томонидан мувофиқлаштириб турилади. П. миллий ФА (1942), П. тил академияси, П. тарих академияси (1942), Миллий археология ва тарихий ёдгорликлар академияси (1946), Индейс халқлар маданиятини ўрганиш ин-ти (1952), Иқтисодни ривожланиш ин-ти (1953), Панамерика тарих ва геогр. ин-ти, Панама ун-ти ҳузуридаги и.т. муассасалари и.т.лар олиб боради. П. ун-ти кутубхонаси (1935), Миллий кутубхона (1892), П. миллий музейи (1925) ва б. бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши, телекўрсатуви. П. да бир қанча газ. ва жур.лар нашр этилади. Муҳимлари: «Матутино» («Тонгги хабарлар», кун-

Панама канали.

далик ҳукумат газ., 1969 й.дан), «Панама —Америка» (кундалик газ., 1989 й.дан), «Пренса» («Матбуот», кундалик газ., 1980 й.дан), «Сигло» («Аср», кундалик газ., 1985 й.дан), «Униндад» («Бирлик» газ., 1973 й.дан), «Критика либре» («Эркин танқид», кундалик газ., 1925 й.дан), «Аниқия», кундалик газ., 1925 й.дан), «Анализис» («Таҳлил», иқтисодиёт ва сиёсат масалаларини ёритувчи ойлик жур.). Миллий ахборот агентлиги йўқ. П. радиоэшиттириш ускуналари мавжуд. Радиоэшиттириш ва телекўрсатув хусусий бўлиб, тижорат асосида ишлайди.

Адабиёти испан тилида ривожланиб келмоқда. Дастлаб Колумбия адабиёти таркибида вужудга келди. 19-а.нинг 2-ярмида ундан ажралиб чиқиб, миллий адабиёт тарзида шаклдана бошлади. М. Аросемена ўзининг «Тарихий хотиралар» ва ўгли Х. Аросемена иқтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маиший мавзулардаги очерклари б-н унга асос солдилар. 1845 йда тузилган Ҳаваскор маърифатпарварлар жамияти П. миллий адабиётини яратишда катта роль ўйнади. Ватанпарварлик руҳида шеърлар ёзган Х. Колунхе, Т.М. Фёйё, Х. М. Адеман, А.Д. де Исака каби шоирлар П. адабиётини юқори погонага кўтардилар. 20-а. бошларида ҳукм сурган модернизм намояндалари Д. Эррера, Г. Андреве, Л. А. Сото, Р. Миро ва б. адиблар П. адабиётининг ўзига хослигини ҳимоя қилиш б-н бирга европача услублардан ҳам фойдаландилар.

1-жаҳон урушидан кейин адиблар 2 оқимга бўлиниб кетди. Р. Синан, Р. Лаурсне каби шоирлар «авангардизм» тарафдори бўлиб, формализм йўлига ўтдн. Д. Корси, Д. Эррера Севильяно ижтимоий зиддиятларни акс эттирди. И. де Х. Вальдес ва б. адиблар шаҳар ва қишлоқ турмушини ҳаққоний тасвирлади. 2-жаҳон урушидан сўнг ёзувчилар ижодида ижтимоий адолатсизликни фош этиш мавзуи муҳим ўрин олди (М. Ривера, П. Ривера, Х. Франко ва б.). Замонавий ёзувчилар орасида Д. Моран, А. Менендес Франко каби шоирлар, Э. Чуэс, Х. М. Байяра Лерма, Х. Беленьо каби прозачилар, драматург Х. де Х. Мартинес асарлари машҳур.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. Қад. П. маданияти Мексика, Колумбия ва б. қўшни мамлакатлар маданияти б-н ўзаро ҳамоҳанг шаклланган. Маҳаллий индейслар маҳобатли иншоотлар қурмаган. Мустамлакачилик даврида Панама, Портобело ш.ларида музофаа истеҳкомлари, бозор, божхона, омборлар б-н бир қаторда ҳашаматли черков зарҳал ўймакорлик услубидаги черковлар барпо этилди. 20-а.да Панама, Колон ш.ларида замонавий Америка меъморлиги руҳида қурилган меъморий мажмуаларга маҳаллий анъана унсурлари сингдирилди (Г. де Ру, И. Галиндо Вальярино, О. Мендес Гуардия каби меъморларнинг лойиҳалари).

Тасвирий санъати 16-а.гача индейслар ясаган тош ҳайкаллар, одам ва ҳайвон сурати туширилган устунлар, ранг-баранг сопол идишлардан иборат бўлган. Мустамлака йилларида замонавий санъат вужудга кела бошлади. Замонавий рассомлардан Р. Льюис, Х. М. Ульоа, Х. Ф. Аросемена, Ф. Р. Карчерини кўрсатиш мумкин. Ҳоз. П. тасвирий санъатида кубизм (С. Одубер), сюрреализм (П. Рунъян) ва б. оқимлар ёйилган.

ПАНАМА — Панама Республикаси пойтахти. Аҳолиси 669 минг киши (1990-й.лар охири). Иқлими субэкваториал, сернам, иқлим. Ўртача йиллик т-ра 27°. Йиллик ёғин 1500—2000 мм. Панама каналига Тинч океан томонидан кираверишдаги денгиз порти. Т.й. ва шоссе йўл орқали Кариб денгизи бўйидаги Колон порти б-н боғланган. Аэропорти халқаро аҳамиятга эга. Шаҳар 1519 й.да индейсларнинг Панама қишлоғи ўрнида испанлар томонидан бунёд этилган. 1903 й.дан мамлакат пойтахти. П. иқтисодиёти каналдаги кема қатновига хизмат кўрсатиш ва порт фаолияти б-н узвий боғлиқ. Тўқимачилик, озиқ-овқат, кўн-пойабзал, мебель, цемент саноати корхоналари мавжуд. Эсдалик буюмлари ишлаб чиқарилади. Панама ун-ти, Панама академияси ва б. акаде-

Панама шаҳри. Панама каналига қурилган кўприк.

миялар, музейлар, опера ва драма театрлари, консерватория ва б. бор. 17—18-а.ларга оид меъморий ёдгорликлари сақланган.

ПАНАМА БЎЙНИ — Марказий Американинг Панамадаги энг тор қисми, Шим. Америка ва Жан. Америка материкларини бир-бири б-н бирлаштириб туради. Атлантика океанининг Кариб денгизи ва Тинч океанининг Панама қўлтиғи ўраб туради. Энг кенг жойининг эни 48 км. Сертепа текислик бўлиб, энг баланд жойи 180 м, сувайирғичнинг энг паст жойи 87 м. Тропик ўрмонлар ва саванналар бор. П.б. орқали Панама канали қазилган.

ПАНАМАЛИКЛАР — халқ, Панаманинг асосий аҳолиси (2,23 млн. кишига яқин). Умумий сони 2,3 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Асосан, метислар ва мулатлар. Испан тилида сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар.

ПАНАРИЦИЙ (юн. para — яқинида, onychos — тирноқ) — қ. *Хасмол*.

ПАНГАСИНАНЛАР — Филиппин (Пангасинан вилояти, Лусон о.)даги халқ, 1,45 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Индонез тил тармоғига мансуб тилда сўзлашади. Диндорлари — асосан, католиклар.

ПАНГЕНЕЗИС (*пан*... ва ...*генез*) — наслда олдинги авлодлар белгиларининг пайдо бўлиши тўғрисидаги Ч. *Дарвин* (1868) назарияси. П.га биноан, организмнинг ҳамма ҳужайралари ўзидан жуда майда заррачалар — геммулалар ажратиб чиқаради. Геммулалар жинсий органларда тўпланиб, жинсий ҳужайраларни ҳосил қилади. Улар орқали белгилар (жумладан, янгидан ҳосил қилинган) ирсийланади. П. назарияси қад. натур файласуфлар (*Демокрит, Гиппократ*) тасаввурларига ўхшаб кетади. П. орқали Дарвин жинсий ва жинссиз кўпайиш ҳамда регенерацияни тушунтиришга ҳаракат қилди. Ф. Гальтон (1871) ва б. олимлар П. назариясини тажрибада текшириб кўриб, инкор қилишди. Голланд олими Х. Де Фризнинг (1889) ҳужайра ичи П.и назариясига биноан, организм хусусиятларини белгиловчи «панген-лар» ҳужайра ядросида бўлади; фақат ҳужайра тузилишини белгиловчи генларгина цитоплазмага чиқади.

ПАНГОЛИНЛАР, я ш ч е р л а р (Pholidota) — йўлдошли сут эмизувчилар туркуми. Филогенетик жиҳатдан қад. ҳашаротхўрларнинг бир тармоғи. П. ихтисослашган гуруҳ, айрим анатомик хусусиятларига кўра, чала тишлиларга яқин. Гавдасининг уз. 30 см дан 88 см гача, думи 35—80 см, оғирлиги 4,5—27 кг. Гавдаси орқа ва ён томондан йирик мугуз тангачалар б-н қопланган. Тумшуғи узун конуссимон. Оёқлари 5 бармоқли, тирноқлари кучли ривожланган, ўткир. Тили чувалчангсимон (уз. 25 см гача), ҳашаротларни тутиш учун хизмат қилади. Асосан, чумоли ва термитларни териб ейди. Тишлари бўлмайди. 1 та оила, 1 та уруғ ва 7 та тури маълум. Африка ва Жан.-Шарқий Осиёда тарқалган. Ўрмон, бутазор ва саванналарда яшайди. Ерда ва дарахтларда кечаси ҳаёт кечиради, кундузи ини ва дарахт ковагида яшириниб ётади. Хавф туғилганида шарга ўхшаш юмалоқ бўлиб олади. Йилда 1 марта 1 та, баъзан 2 та бола туғади. Гўшти ва ҳеч қандай асоссиз шифобахш ҳисобланадиган мугуз тангачалари учун овланади. Маҳаллий аҳоли шу тангачалардан ҳар хил буюмлар ясайди. Айрим турларининг сони жуда камайиб кетган.

ПАНДА, к и ч и к п а н д а (Ailurus fuldens) — енотсимонлар оиласига мансуб сут эмизувчи, уруғнинг ягона тури. Баъзан айиқсимонлар оиласига ёки *катта панда* б-н бирга пандасимонлар оиласига киритилади. Гавдаси 51—63 см, думи 28—48 см. Боши думалоқ, юз қисми кичик, ранги сарғиш, қорин томони ва оёқлари қорамтир, «юзи» оқиш тусда. Жан.-ғарбий Хитой, Непал, Шим. Мьянма, Шим.-шарқий Ҳиндистонда тарқалган. Тоғ бамбук-

Панда.

ли ўрмонларда яшайди. Бамбук ниҳоллари, ўтлар, мевалар, баъзан қушлар тухуми ва майда сут эмизувчилар б-н озиқланади. Йилда 1 марта 1—2 тадан (баъзан 4 тагача) бола туғади.

ПАНДЕМИЯ (юн. pandemos — ёппасига, халқаро) — эпидемик касалликнинг бир мамлакат, бир неча мамлакат, қитъа ёки континентда ёппасига тарқалиши. Пандемик тарқалиш ҳаво-томчи йўли б-н юқиб, инкубацион даври қисқа юқумли касалликларга хос. Грипп касаллиги бунга мисол бўла олади.

ПАНДИРОН МАСЖИДИ — Қашқадарё вилояти Пандирон қишлоғидаги меъморий ёдгорлик (15—16-а.лар). Масжид тепаликка қурилган. Бош тарзи чуқур равоқли, пештоқли, пастак гумбазли дарвозахонадан 3 гумбазли хонага ўтилади. Хоналар мураббa тарҳ-

Пандирон масжиди (Қашқадарё)

ли (ташқи томони 12,5 × 11,6 м, ички тарҳи 10×10 м). Уч томонига қурилган айвонлар сақланмаган. Хоналарининг ён томонларида кичик равоқли эшик, тепасига тобадонлар ишланган. Хонақоҳ гумбази (диаметри 4,15 м) қалқонсимон бағалларга таянган. П. м. пишиқ ғишт(26—27 × 5 см)дан, ганч қоришмасида қурилган. П.м. ўзига хос маҳаллий меъморлик услуби, маҳобати ва нисбати б-н ажралиб туради.

ПАНДУС (франц. pante douce— нишаб, қиялик) — бинонинг эшиги, дарвозасига кириладиган нишаб майдонча; баъзан зинапоя вазифасини ўтайди. Ўрта Осиё ҳудудидаги қад. шаҳар қалъа ва кўшкларга П.лар орқали кўтарилган. Тоғлар орасида жойлашган турар жойларга махсус П.лар ишланган (Самарқанддаги Хўжа Донийёр мақбараси-

Пандус (Бухоро арки).

да, Қашқадарё вилояти Ғилон қишлоғида, Нурота тоғ этакларидаги қўрғон ва қалъаларга чиқишда, Сурхондарёдаги «Бибишой» кўприги, Бухоро арки дарвозаси олдидаги П.лар ва б.). Замонавий меъморликда жамоат, саноат бинолари, транспорт иншоотлари, гараж кабилар қурилишида П.дан фойдаланилмоқда.

ПАНЕВЕЖИС (1917 й.гача расмий номи Поневеж) — Литвадаги шаҳар. Невежис дарёси (Нямунас ирмоғи) бўйида. Т. й. тугуни. Аҳолиси 132 минг киши (1995 й.). Шаҳарнинг асосий корхоналари: кинескоп, кабель, автокомп-

Паневежис шаҳри.

рессор, электротехника, шиша, металл буюмлар, қанд-шакар, аралаш ем з-длари, спирт, гўшт, сут ва зиғир тола к-тлари, мебель ва тикувчилик ф-калари. Драма театри, ўлкашунослик музейи бор. П. 1503 й.дан маълум.

ПАНЕЛЬ (нем. Paneel) — 1) қурилиш конструкциясининг з-дда тайёрланадиган йирик ўлчамли ясси элементи. П. тайёрланаётганда дераза ва эшик ўринлари қолдирилади; 2) девор ва б.нинг безак қопламаси (ёғоч, пластмасса, мой-бўёқли ва б.); 3) кўча четида пиёдалар учун асфальт-бетон, тош ва б.дан тўшалган йўлкалар; 4) электр шчитлари, бошқарув пультлари, радиотехник қурилмалар, асбоблар ва б.нинг сигнал, назорат, ўлчаш ва б. аппаратлари жойлаштирилган қисми; 5) ферманинг асосий нагрузкани қабул қиладиган икки қўшни узели орасидаги қисми.

ПАНЖ — *Амударё*нинг юқори қисми. Вахш дарёси қуйилган жойгача шу ном б-н аталади.

ПАНЖА — *билагузук* тури; ранг-баранг (одатда, кўзли ва б.) мунчоқлар ёки заргал-маржонлар орасига кумуш ва заргалдан ясалган япроқ, ғунча ва б. шакллар тераланган япроқ, ғунча ва б. шакллар териб тайёрланади. Ранг жиҳатдан таъсирчан ва маржонга ўхшаган турли шаклдаги безакли тақинчоқ яратилади. П.ни аёллар ва болалар билакларига тақади. Қадимда ва ўрта асрларда ёмон кўздан асраш мақсадида тош ва сополдан қўл (панжа) шаклидаги осилчоқлар қилинган. 2—3 ёшдан қизлар металлдан ясалган билагузуклар тақишган.

ПАНЖА ҚАНОТЛИ БАЛИҚЛАР (Crossopterygii ёки Crossopterygiomorpha) — балиқлар инфра синфи (баъзан кенжа синфи ёки катта туркуми). Илк девондан маълум, бўр даври охирига келиб деярли қирилиб кетган. Ўрта девонда П.қ. б.дан дастлабки қуруқликда яшовчи умуртқалилар келиб чиққан. Уз. 7 см дан 5 м гача. Бош қутиси тўлиқ суякланган, юқори жағи бош қутиси б-н боғланган. Тишлари кўп, конуссимон. Чаноқ камари 2 та пластинкага ўхшаш. Жуфт сузгичлари йўғон, мускулли, бир неча панжасимон тармоқланган бўғимлардан иборат; таянч функциясини бажаради. 5 та (жумладан, 4 та қазилма) туркуми маълум. Чучук сув рипидистлари *сувда ва қуруқликда яшовчилар*нинг бевосита аждоди ҳисобланади. Целакантсимонлар туркумига мансуб 1 та тури Ҳинд океани (Африканинг шарқий соҳиллари яқинида) учрайди.

ПАНЖАКЕНТ, Панжикент — Тожикистоннинг Суғд вилоятидаги шаҳар (1953 й. гача шаҳарча). Зарафшон дарёси водийсида, Самарқанддан 68 км жан.-шарқда. Аҳолиси 30 минг кишига яқин (1990-й.лар ўрталари). Олтин руда к-ти, озиқ-овқат (вино, сут, томаки-ферментация, консерва з-длари, гўшт, шоли-ун к-тлари) саноати мавжуд. Тарих-ўлкашунослик музейи, педагогика билим юрти бор. Ҳоз. П. дан 1,5 км жан.-шарқда қад. П. шаҳри харобалари жойлашган. Унинг майд. 13,5 га, шаҳристон, кўҳандиз, рабод ва қабристондан иборат. П.ни 1938—40 й.ларда археолог В. Р. Чейлитко текширган. Шаҳар харобаларини мунтазам ўрганишни А. Ю. Якубовский 1946 й.дан бошлаб бер-

Панжакент. «Чавандоз эркак ва аёл».

Қадимги Панжакент. Деворий нақшлар (Эрмитаж, Санкт-Петербург).

ди, 1953 й.дан текшириш ишларини А.М.Беленицкий давом эттирди. Шаҳристондан кўп кўча тармоқлари, хом ғишт ва пахсадан қурилган 2 қаватли айвонли турар жой бинолари, ҳунармандчилик устахоналари ва дўконлар қолдиғи топилди. Шаҳристон марказида 5—7-а.ларга оид ибодатхона қурилишида 2 та бино бўлган. Шаҳар деворидан ғарбда уч қават истеҳком б-н ўралган кўҳандиз жойлашган. Шаҳардан шарқда эса 2 қават уйли ҳовлилар (чорбоғлар) бўлган. Кўҳандизда қамал вақтида яшашга мўлжалланган мустаҳкам минора (донжон) ва ҳоким саройи жойлашган. Археологик қазишлар жараёнида П.дан бир неча минг жез ва кумуш танга топилган. Булардан П.да зарб қилинган суғд тангалари алоҳида қимматга эга. Сопол парчаларига суғд тилида ва камдан-кам араб тилида туширилган ёзувлар битилган. Кўпчилиги снёҳда ёзувлар битилган. Кўпчилиги ёнғин пайтида куйиб кетган сопол ҳайкаллар, ўйиб ишланган ёғоч шакллар, шунингдек, ҳар хил мазмундаги манзаралар тасвири ва нақшгул солинган ёғоч ғўлалар топилди. Айниқса, деворларга ишланган расмларда — оқсуяклар базмлари, диний маросимлар, ов, жанглар манзаралари ва мифологик шакллар тасвирланган. Шаҳар 5—8-а. ўрталарида равнақ топган, 8-а. 1-чорагида шаҳарни араб босқинчилари вайрон қилган, 8-а. 2-ярмида П. бутунлай харобага айланиб, аҳоли яшамаган. Қад. П. асосида музей-қўриқхона ташкил этилган.

Ад.: Беленицкий А. М., Распопова В. И., Древний Пенджикент, Душанбе, 1971; Беленицкий А. М., Монументальное искусство Пенджикента, М., 1973.

ПАНЖАРА — меъморий бўлак; катаксимон тўқима шакл, тўсиқ. Биноларнинг эшик, дарча, туйнук, зинапояларида, айвонларда тўсиқ ва айни пайт-да безак вазифасини ўтайди. Турар жой, боғларда, кўчаларда, уйрўзғор буюмларида, амалий санъат ва ҳунармандлик буюмларида ҳам безак сифатида фойдаланилади. П. ёғоч тахта-

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуидаги ганч панжара.

чаларни, гиштни қалаб, ганч ва металдни қуйиб ва ўйиб, тошни қалаб ва ўйиб ўсимликсимон, ҳандасий шакл ҳосил қилиб тайёрланади. Содда ва мураккаб турлари бор. П. тайёрлаш усули П.нинг хом ашёсига, вазифасига, ўрни, устанинг малакаси ва маҳоратига боғлиқ. П.нинг кенг тар-қалган тури ёғоч П. учун олдин ром тайёрланиб, чизма бўйича ҳозирланган тахтачалар унинг ичига қалаб-йиғиб чиқилади (ёғоч бўлакларининг порси қилинган, тиш чиқарилган жойлари бир-бирига боғлача б-н уриб жипслаштирилади). Бу устадан кўп меҳнат, маҳорат, аниқлик талаб қилади. Тахтани парма ва искана б-н ўйиб ҳам П. тайёр-ланади. Ганч П. ганчнинг энг яхши навидан қолипга қуйиб ёки тайёр ганч тахтани ўйиб ҳосил қилинади, сўнг пардозланади. Шакли олдин ганчдан ёки гиштдан қалаб тайёрланиб, устига кошин қопланган П. ҳам бор. Металл П.лар камдан-кам бўлиб, қуйиб ёки мис тахтани ўйиб тайёрланган (ҳозир кўпинча чўяндан қуйилиб тайёрланмоқда). Замонавий меъморликда металл ва бетон П.лар кенг қўлланади.

Археологик материаллар П. санъати қадимдан мавжудлигини, айниқса,

Ёғоч панжара-тўсиқ (1930-й.лар, Н. Зиёқориев).

Шарқ мамлакатларида кенг тарқалганлигини кўрсатади. Тупроққалъа (3-а.) саройларида ҳам хом гиштни қалаб, Варахша (8-а.) биноларида ганчни униб ишланган П. қолдиқлари бор. Исмоил Сомонийнинг мақбарасида пишиқ гиштни қалаб П. ҳосил қилинган. Темурийлар даврида жозибалор ишланган П. намуналари яратилган. Шоҳинида мажмуаси (14-а.)да маҳорат б-н ишланган ёғоч П. ва б. мемориал ёдгорликларда мармардан ишланган П. намуналари сақланган.

Мир Араб, Абдуллахон (16-а. Бухоро), Шерлор (17-а., Самарқанд мадрасаларида ранги кошинлардан мозаика П.ларининг ажойиб намуналари. *Ситораи Моҳи Хоса* мажмуи (1913—14), Хивадаги Тошҳовли, Самарқанддаги Имом ал-Бухорий мажмуи, Тошкентдаги Навоий театри, Ўзбекистон тарихи музейи, Навоий номидаги адабиёт музейи, «Кўк гумбаз» кафе ва чойхонаси, Темурийлар тарихи давлат музейи, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси ва б. биноларда П.нинг жозибалор намуналарини кўриш мумкин.

ПАНЖГОҲ (форс. — беш *панҷа*, беш поғона) — 1) Ўрта аср *Ўн икки мақом* тизимида муайян шўъба номи; 2) Шашмақом таркибидаги Рост мақоми *мушкилот* бўлимида «Муҳаммаси П.» номи б-н етиб келган чоғу қисм. Унинг ўзига хос ижод йўлларидан бири Рости П. деб аталади; 3) Хоразм мақомларининг бири. Туркумла сўнгги ўрин эгаллаган бўлиб, фақат чоғу қисмлардан иборат. Парда тузилиши ҳамда куй мавзулари Рост мақомига тутаи бўлгани сабабли П. мустақил мақом даражасида тан олинмаган; 4) уйғур ўн икки *муқом*ларидан бири.

ПАНЖОБ — Жан. Осиёдаги тарихий ва географик вилоят. Ҳинд-Ганг текислигининг шим. қисми. Желам, Чиноб, Равн, Биас ва Сатлаж дарёлари (Ҳинд ҳавзаси)дан суторилади. Жаҳон маданиятининг энг қад. марказларидан бири (қ. *Хараппа маданияти*). П.ни мил. ав. 6-а.да форслар, мил.ав. 4-а.да *Александр* қўшинлари, милоднинг бошида кушонлар босиб олган; 10-а.дан 18-а.нинг 2-ярмигача мусулмон ҳукмдорлари қўлида бўлган. 16-а.да П. ҳудудида сикҳлар ҳаракати бошланиб, натижада улар ўз давлати (1765—1849)ни барпо этганлар. Бу давлат инглиз-сикҳ урушлари (1845—46 ва 1848—49) натижасида инглиз мустамлакачилари томонидан босиб олинган. 1947 й.да П. ҳудуди Ҳиндистон б-н Покистон ўртасида бўлиб олинган: шарқий П. Ҳиндистон Республикаси штатига, ғарбий П. Покистон вилоятига айланган.

ПАНЖОБ — Покистоннинг шим.-шарқий қисмидаги вилоят. Ҳинд дарёсининг Чиноб ва б. ирмоқлари ҳавзасида. Майд. 205,3 минг км². Аҳолиси 72,6 млн. киши (1998). Маъмурий маркази — Лоҳур ш. Ер усти асосан аллювий жинслардан тузилган. Дарёлар ёзги муссон даврида тошиб, ўзанини ўзгартириб туради. Рельефи бир оз қия, жарлар бор. Иқлими қуруқ тропик иқлим. Ўртача т-ра янв.да 13—16°, майники 35°. Йиллик ёғин 150 мм.

П. — мамлакатнинг иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган қисми. Ҳудалигининг етакчи тармоғи — суторма деҳ-қончилик. Мамлакат ҳудудининг 1/4 қисми, аҳолисининг ярмидан ортиғи П. ҳиссасига тўғри келади. П. Покистонда етиштириладиган бутдой, шоли, пахта ва шакарқамишининг асосий қисмини, саноат маҳсулотининг деярли ярмисини беради. Асосий қ.х. жинслари — бутдой, тўқ., бўғра, шоли, жавар, макка-жўхори, пахта, шакарқамиш ва мойли жинслар. Чорвачилик б-н шуғулланиш. ва шим.-ғарбий р-нларида шуғулланилади, асосан, қун, ёки боқилади. Кумир, сурма, тоштуз, табиий газ, нефть қазиб чиқарилади. Лайалпур ва Мултон ш.ларида ип-газлама саноатининг нисбатан йирик корхоналари жойлашган. Озиқ-овқат, кўн-тери, машинасозлик, металлсозлик, кимё, қоғоз, цемент, пахта тозалаш корхоналари бор. Ҳунармандчиликда металл ва суякдан уй-рўзғор буюмлари, фил суягидан бадиий буюмлар тайёрланади.

ПАНЖОБ — Ҳиндистоннинг шим.-ғарбий қисмидаги штат. Сатлаж дарёси ҳавзасида. 1956 й.да тузилган. Майд. 50,4 минг км². Аҳолиси 24,3 млн. киши (2001); панжоби ва ҳинди тилларида сўзлашади. Маъмурий маркази — Чандигарҳ ш. Ҳинд-Ганг текислигининг шим. қисмида. Дарёлари ёзги муссон даврида тошади. Рельефи бир оз қия, жар кўп. Иқлими тропик иқлим, январнинг ўртача т-раси 15°, майники 35° гача. Йиллик ёғин 700 мм гача. Барг тўкувчи, доим яшил ва игна барглари ўрмонлар бор.

П. — ҳинд маданиятининг қад. марказларидан. Ҳиндистоннинг четара вилояти бўлган П. қадимда ва ўрта асрларда қўшни мамлакатлар б-н бўладиган савдо ишларида муҳим роль ўйнаган ва бу мамлакатлар б-н иқтисодий ва маданий алоқаларга эга бўлган (қ. *Панжоб* тарихий вилоятига).

Иқтисодиётида деҳқончилик етакчи ўринда. Мамлакатнинг бутдой ва ипгичка толали пахта етиштириладиган асосий қ.х. районларидан. Ипланаладиган ерларнинг ярмига яқини суторилади. Асосий озиқ-овқат экини — бутдой мамлакатда олинадиган бутдой ҳосилининг 1/4 қисми), дуккакли экинлар, арпа, маккажухори, гариқ, картошка ва шоли. Техника экинларидан пахта, шакарқамиш экилади. Канграла чой плантациялари бор. Чорвачиликда қорамол, қун ва ёки, туя боқилади. Саноати қ.х. маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган. Тўқимачилик (ип газлама, шойи, мовут) корхоналари, шакар-қанд, цемент, минерал ўғит, енгил сув т-лари, тамирлаш устахоналари, қоғоз, чой ф-каларн ва б. бор. Ҳунармандчиликда гилам, пойабзал, ёғоч буюмлар ишлаб чиқарилади. П. орқали Ҳиндистонни Покистон б-н боғловчи асосий транспорт йўллари ўтган. Чандигарҳ ш.да аэропорт бор. Туризм ривожланган.

ПАНЖОБИ, панжоб тили — *ҳинд-урду тилларидан бири.* Ҳиндистондаги Панжоб штатининг расмий тили; шунингдек, Покистонининг айни номдаги вилоятида тарқалган. Сўзлашувчиларининг умумий сони 90 млн. кишидан ортиқ (Ҳиндистонда 30 млн.га яқин, Покистонда 60 млндан кўпроқ). Асл П. (шарқий П.) бир қанча лаҳжаларга бўлинади; уларнинг асосийлари: маъжи (адабий тилга асос бўлган) ва лоғри (алоҳида хусусиятларга эга бўлиб бормоқда). Ўзга лингвистик адабиётларда «лаҳжа (ленди)» деган умумий ном олган ғарбий панжоб тиллари ва лаҳжалари қўшилиб кетади.

Тузилишига кўра, П. ҳиндий ва урду тилларига яқин. Аслида агглютинатив тил бўлган П.да кейинчалик флексия ҳам ривожланган. Лексик, грамматик жиҳатлари ҳиндий тилига ўхшаса-да, фонетик жиҳатдан ундан кескин фарқ қилади. П.да чўзиқ ва қисқа унлилар, ўзига хос ундош товушлар бор; сўз урғуси кучли. Отлар 2 жинс ва 6 келишик шаклини б-н ўзгаради. Дуғат тармоғининг тахм. 60%ини қад. ҳинд тилига мансуб сўзлар ташкил этади. Унда араб, форс, туркий ва инглиз тилларидан ўзлашган сўзлар ҳам анчагина.

П.да яратилган дастлабки бадиий асарлар 12—13-а.ларга тааллуқли бўлса-да, у асосан 16-а.дан ривожланган. П. Ҳиндистонда ҳиндий тили, Покистонда урду тили таъсирида ривожланмоқда. П. Ҳиндистонда сикҳлар томонидан 16-а.да яратилган гурмукҳи ёзуви ҳамда *девонагари*дан, Покистонда араб алифбоси асосидаги урду ёзувидан фойдаланади.

ПАНЖОБИЛАР — Покистон (Панжоб вилояти, 81 млн. киши, 1990-й.лар ўрталари) ва Ҳиндистон (Панжоб штати, 8,9 млн. кишидаги халқ. Умумий сони 90 млн.га яқин киши. Панжоби тилида сўзлашади. Ҳиндистондаги П., асосан, ҳиндуизмга, Покистондагилар эса, ислом динига (асосан, сунний)лар) эътиқод қилади. Панжоб, маданиятининг энг қад. бешикларидан бири ҳисобланади. Мил.ав. 3-минг йилликда бу ҳудуда *Хараппа маданияти* тарқалган. П. этник ва тил жиҳатдан Ўрта Осиё ва Эроннинг энг қад аҳолиси б-н қардош. Панжобни босиб олган форслар, юнонлар, сакслар ва парфияликлар, кушонлар, араблар, туркийлар, мўғуллар П.нинг тарихий этногенезида маълум роль ўйнаган. *Бобур* Ҳиндистонни ғазаб этгандан сўнг (1526) Панжобга афғонлар ва ўзбеклар ҳам кўчиб келган. П. халқ сафатида 17—18-а.ларда шаклланган. Асосий машғулоти — деҳқончилик, ҳунармандчилик.

ПАНҶҲИР — илк ўрта асрларда Тохаристон вилояти шаҳри (ҳоз. Афғонистоннинг Нуристон вилоятидаги Панҷшир ш.). 10-а.да П. атрофида бой кумуш кони бўлган. П. шаҳри тог тепасида жойлашган бўлиб, унинг ёнидан Андароб ва Косон дарёлари оқиб ўтган. Бу ерда боғлар кўп бўлса-да, ерлар ҳайдалмаган, ишлов берилмаган. *Саньо-ширинг* маълумотига кўра, уруш вақтида П. 10 минг жангчи етказиб бера олган. П.нинг барча аҳолиси П. ҳокимини эгалик қилган Кумуш тоғдаги конларда ишлатилар. Кондан қазиб чиқарилган кумуш маъдани 3 қисмга тақсимланган: бир қисмини султон вакили, 2-қисмини уни қазиб олган конни озганлар; бир қисмини эса кончилик б-н машғул бўлган маҳаллий аҳолига теккан, 3-қисми эса конларга сотилган. *Муҳаддасийнинг* ёзишича, 10-а.да П.да кўплаб дирҳамлар зарб қилинган. П. зарбхонаси 8-а.нинг 2-ярмида ҳам мавжуд эди. 10-а.да *саффорийлар* даврида П.да ҳарбий қарорғоҳ жойлашган бўлиб, унинг ўз зарбхонаси бўлган.

Ад.: Камалиддинов Ш. С., Историческая география Южного Согда и Тохаристана по арабоязычным источникам IX — начала XIII вв., Т., 1996.

Шамсиддин Камолиддинов.

ПАНЗООТИЯ (*пан...* ва юн. *zoon* — ҳайвон) — ҳайвонлар ўртасида юқумли касалликнинг ғоят тез ва кенг тарқалиши. П.да юқумли касаллик бир ёки бир неча мамлакатда, бутун қитъада кенг тарқалиб, деярли ҳамма ҳайвон касалланади. *Оқсил касаллиги, ўлат* ва б. шундай касалликлардан. Бу касалликлар тез юқади, инкубация даври қисқа, касал ҳайвон тузалгандан кейин кучли иммунитет ҳосил бўлмайди.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар, биринчи навбатда, ҳўжаликларнинг мамлакат ичида ва ўзаро тез-тез алоқада бўлиб туриши, шунингдек, мол боқиш шароитининг ўзгариши П. ривожланишига маълум даражада сабаб бўлади. П.га қарши муваффақиятли курашиш касалликлар қай даражада ўрганилганлигига, диагностиканинг самарали усулларига ва профилактиканинг ўзига хос воситалари, шунингдек, эпизоотик тадбирларнинг тўла амалга оширилишига боғлиқ.

ПАНИН Анатолий Николаевич (1949.12.3, РФ Тула вилояти Узловский тумани) — кон экскаватори машинисти, Ўзбекистон Қаҳрамони (1995). Меҳнат фаолиятини 1967 й.да Тула вилояти Новомосковск шаҳри қурилиш бошқармасида экскаватор машинисти бўлиб ишлашдан бошлаган. 1970 й.дан Навоий вилояти Учқудуқ ш.даги Шимолий кон бошқармасига қарашли очиқ усулда қазиб олинадиган кон-ларда экскаватор машинисти ёрдамчиси, экскаватор машинисти, 1983 й.дан шу бошқармага қарашли очиқ усулдаги «Шарқ» конида экскаватор машинист-лари бригадири.

П. олтин рудаларини очиқ усулда қазиб олишда самарали ва илғор тажрибаларни унумли фойдаланиб, н.ч.-да юксак натижаларга эришди.

ПАНИПАТ ЖАНГЛАРИ — Деҳлидан 100 км шимда жойлашган Панипат шаҳрининг ўзгариши П. ривожланишига маълум даражада сабаб бўлган машҳур жанглар. 1) *Амир Темур* кўшини (92 минг киши) б-н Деҳли султони Султон Маҳмудхон кўшини (10 минг отлиқ, 20 минг пиёда аскар ва 120 жанговар фил) ўртасида содир бўлган шиддатли жанг (1398 й. 17 дек.). Кўшин сафи олдида ҳаракатланувчи филларнинг хартумлари бир-бирига боғланган, филлар устига кажавалар ўрнатилган, уларда бир неча ўқчилар жойлаштирилган. Филлар қаторн ёнидан тўп отувчилар — ракетачилар ўрин олган. Кўшинлар ўзаро яқинлашган чоғда Амир Темур ўз қарорғоҳи Баҳоли дўнгликдан атрофни кузата бошлайди. Жанг дўмбира ва нағоралар оҳанги, карнай-сурнай садоси остида бошланади. Соҳибқирон аскарлари филларга найза санчади, кажавада жойлашган мерганларни ўққа тутади. Яралар бўлган филлар филбонларни улоқтириб, орқага қочган, бу б-н ҳинд кўшинига катта талафот етказган. Бироқ, шунга қарамай султон кўшини қаршилик кўрсатишни давом эттирган. Соҳибқирон кўшини ганим аскарлари-

ни қуршовга олиб, филларни ўлжа қилган. Султон Маҳмудхон озгина отлиқ гуруҳи б-н жанг майдонини тарк этиб, лашкарбошиси Маллухон б-н Деҳлига яширинган, кечаси эса улар шаҳардан қочишган. 18 дек. Деҳлининг бузурглари, саййидлари, қозилари, аъёнлари келиб Амир Темурдан шаҳар аҳолиси учун омонлик тилаганлар. 2) *Бобур* қўшини (12 минг аскар) б-н Деҳли султони Иброҳим Лўдий қўшини (100 минг жанчи ва жанговар филлар) ўртасидаги жанг (1525 й. 21 апр.). Ҳинд қўшини тартибсиз тарзда жангни бошлаган. Бобурнинг баранғор ва жувонғори тўлғама усули б-н ганимнинг орт томонига ўтиб унга кучли зарбалар берган. Иброҳим Лўдий асосий кучлари ва жанговар филлар б-н марказга ҳамла қилган. Шунда Бобур ҳўкизларнинг хом терисидан эшилган арқонлар б-н бир-бирига маҳкам боғланган 700 та арава ва улар орасига ўрнатилган туро-қалқонлар паноҳида турган туфакандозларни жангга ташлайди. Туфак ва замбарак ўқларидан яралор бўлган филлар чекиниб устларидан филбонларни йиқитиб, пиёдаларни янчиб ўтади, ҳиндлар саросимага тушиб қочишга тушганлар. Султон Иброҳим Лўдий ва тахм. 50 минг ҳинд жангчиси ҳалок бўлган. Бобур Деҳли ва Аграни забт этиб, Шим. Ҳиндистонда *Бобурийлар давлати*га асос солади. 3) Деҳли тахтига даъвогар Сур сулоласи вакилларининг Хему бошчилигидаги қўшин б-н *Акбар* қўшини ўртасидаги жанг (1556 й., 5 нояб.). Хему катта қаршиликка учрамай Деҳли ва Аграни эгаллаган. Акбар вазири *Байрамхон* б-н Панжобдан келиб Хемуга қарши юриш бошлаган. Панипатдаги жангда Хему асир олиниб, қатл этилган. 4) Маратҳа ҳукмдорларининг бирлашган қўшини б-н афғонлар ҳукмдори *Аҳмадшоҳ Дурроний* қўшини ўртасидаги жанг (1761 й. 14 янв.). Жангда маратҳлар батамом енгилган. Бироқ бу ғалаба Аҳмадшоҳга ҳеч қандай наф келтирмайди, чунки унинг қўшини орасида норозилик кучайган. Жангчилар маошларини тўланишини ва уйларига қайтишни талаб қилишган. Натижада Аҳмадшоҳ 1761 й. Ҳиндистонни тарк этишга мажбур бўлган.

Манбалар: Гийасаддин Али. Дневник похода Тимура в Индию. Пер. с персид., предисловие и примечания В.Семёнова, М., 1958; Низомиддин Шомий. Зафарнома, Т., 1996; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома, Т., 1960.

Ад.: Дадабоев Ҳ., Амир Темурнинг ҳарбий маҳорати, Т., 1996.

Ҳамидулла Дадабоев.

ПАНИСЛОМИЗМ (*пан...* ва *ислом*) — 19-а. охирида бутун мусулмон оламини мустамлакачиларга қарши курашда бирлаштириш тўғрисидаги ҳаракатга Россия ва Англия империялари, шунингдек, СССР томонидан берилган сунъий ном.

19-а.да *Курсавий, Марҷоний, Аҳмад Дониш* каби йирик уламолар ва маърифатпарварлар ислом динини ислоҳ қилиш фикри б-н чиқиб, муайян дастурлар тузишган. Уларнинг бу фикрлари Бухорода айрим мутаассиб уламоларнинг жиддий қаршилигига учраган. Афғон маърифатпарвари, диний ва сиёсий арбоб *Жамолиддин ал-Афғоний* 19-а.нинг 70-й.ларидан бошлаб бу қарашларни яхлитлаштириб, исломчилик назариясига асос солган. Кейинчалик уни ривожлантиришда Муҳаммад *Абду, Икром домла, Гаспринский, Фитрат, Беҳбудий*, Абдурашид *Иброҳимов, Мунавварқори* каби сиймоларнинг муайян даражада хизматлари бўлган.

Фитрат ўзининг «Раҳбари нажот» («Нажот йўли»; 1914) асарида миллатни мустамлакачилик зулми ва қолоқлик гирдобидан қутқаришда Қуръони каримни мусулмонларнинг раҳбар ва раҳнамоси — нажот дастури (йўли) деб тушунади. Бу муқаддас китоб ва ислом дини ғоялари атрофида миллатни жипслаштиришга даъват этади.

Исломчилик ғояси Туркистонда минтақа жамоатчилиги онгида ислом дини ва жамиятни ислоҳ қилиш, уни янгилаш, бошқа цивилизацияларнинг илғор илмий, техникавий ва маданий ютуқларидан фойдаланиш, фан, таълим соҳаларини ривожлантириш ғоялари б-н уйғунлашган тарзда кучайиб борган.

Туркистон ўлкаси генерал-губернатори С.М.Духовский «Туркистондаги ислом» (Т., 1899) номли махсус маърузасида Россия империясида яшовчи мусулмонларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги кучайганлигини эътироф этиб, маъмурларни П.га қарши курашга чақиради.

Исломчилик ғояси Туркистон минтақасида совет режимига қарши олиб борилган қуролли курашда маълум роль ўйнаган. Шунингдек, у Туркия, Эрон, Афғонистон ва б. Шарқ мамлакатларида бўлган инқилобларда мусулмон халқларини бирлаштирувчи ғоя сифатида майдонга чиққан. *Иккинчи жаҳон урушидан* кейин мустамлакачилик тизимининг емирилишида унинг ҳам ҳиссаси бўлган.

Бироқ исломчилик ғояси вужудга келган пайтидан бошлаб Россия ва Англия ҳукмрон доиралари томонидан панисломизм (бутун мусулмонлик) тарзида сохталаштирилган ҳам. Хусусан, Россия большевикларининг фикрича, бу ғоя бутун ислом халқларини ягона давлат — халифалик тузиш учун курашга даъват қилар эмиш.

Совет Россияси ва СССР раҳбарияти П.га қарши курашда ҳудди туркчилик ва турончиликка нисбатан бўлганидек қаттиқ чоралар кўрган. Улар П. ва *Пантуркизмни* жадидчилик ва босмачилик ҳаракатининг асосий мафкураси деб ҳисобланган.

Ад.: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости, Т., 2000; Фитрат, Нажот йўли, Т., 2001; Гольдзигер И., Ислом ҳақида маърузалар, Т., 2001; Ражабов Қ., Бухорога қизил армия босқини ва унга қарши кураш, Т., 2002.

ПАНКОВ Михаил Александрович (1902, Қозоғистон Республикаси Қустанай вилояти — 1975.11.1, Тошкент) — тупроқшунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби (1965), қ.х. фанлари д-ри (1946), проф. (1949), Ўрта Осиё ун-тининг қ.х. ф-тини тугатган (1929). Тупроқшунослик ва геоботаника ин-тида (1927—37), Ўзбекистон ФА да илмий ходим (1937—47); Тошкент қишлоқ хўжалиги ин-ти тупроқшунослик кафедраси мудири (1945—67), 1968 й.дан шу кафедрада проф. Ўрта Осиёнинг кўпгина ҳудудларида тупроқлар талқиқоти ишларига раҳбарлик қилган. Илмий ишлари, асосан, тупроқ эрозияси ва шўрланиши ҳамда уларнинг мелиорацияси масалаларига бағишланган.

Ас.: Тупроқшунослик (дарслик), Т., 1963; Мелиоративное почвоведение, Т., 1974.

ПАНКРЕАТИК ШИРА. меъда ости бези шираси — меъда ости безида ишланадиган ҳазм шираси; ишқорий реакцияли рангсиз суюқлик. Таркибида оқсил, ёғ ҳамда углеводларни парчалайдиган ферментлар, бир неча оқсиллар (асосан, глобулинлар), креатинин, мочевина, сийдик кислота, микроэлементлар ва б. бор. Одамда бир суткада 1,5—2 л П.ш. ажралади.

ПАНКРЕАТИН (Pancreatinum) — ҳайвонларнинг меъда ости безларидан олинадиган ферментли препарат. Ўзига хос ҳидли сарғиш аморф порошок. Сувда кам эрийди, спирт ва б. эритувчиларда эримайди. Меъда ширасида хлорид кислотаси миқдори камайганда, *панкреатит* касаллигида, ҳазм жараёни сусайганда, жигар ва меъда ости бези касалликларида, сурункали *энтероколитда* қўлланади. Таблетка ҳолида чиқарилади.

ПАНКРЕАТИТ (юн. *pankreas* — меъда ости бези — меъда ости безининг яллиғланиши. Ўткир ва сурункали бўлади. Ўткир П. алкоголизм, ёғлитиб юборилганлик ёки меъёридан ортиқ овқат еяш, шунингдек, ўт тоши касаллиги натижасида пайдо бўлади. П.га меъда ости бези томирларининг зарарланиши ёки унга тромблар тиқилиб қолиши, инфекцион касалликлар, шикастланишлар ва қорин бўшлиғидаги турли яллиғланишлар сабаб бўлади. Ўткир П.да меъда ости бези шишади; безнинг яллиғланган қисми ирийди ёки туқималари нобуд бўлади. Касалликнинг клиник белгилари, кечиши ва оқибат меъда ости бези зарарланган қисмининг катталиги ва огир-енгиллигига боғлиқ. Ўткир П.нинг огир шаклида қорнининг юқори қисми қаттиқ огриди ва огриқ орқага тарқалади; беморнинг кўнгли айниб, қусади, ел келмайди, огриқ зўрлигидан ҳушдан кетиб қолади, *шок, коллапс* ҳолатлари ҳам кузатилади. Ўткир П.га хос аломатлар пайдо бўлганда зудлик б-н тез тиббий ёрдамни чақириш, беморни ётқизиб қўйиш лозим.

Сурункали П. ҳудди ўткир П.га ўхшаш пайдо бўлади. Кўпинча ўткир П. ўз вақтида даволанмаса, касаллик сурункали тус олади. Бунда қорин соҳаси (асосан, юқориси) санчиб огрийди ва огриқ чап томонга тарқалади, беморнинг кўнгли айниб қусади, иштаҳаси йўқолади, ичи кетади, аҳлати ҳудди лойга ўхшаш бўлади. Лаб. текширувларига асосланиб, хусусан, меъда ости бези ферменти (амилаза)ни қон ва сийдикда аниқлаб ташхис қўйилади. Сурункали П. кўзғалганда уни фақат врач даволайди. Касаллик хуружлари орасидаги даврда парҳезга қатъий риоя қилиш талаб этилади; углеводли ва ёғли овқатлардан ўзини тийиш, кўпроқ оқсилга бой овқатлар ейиш ва врач кўрсатмаси бўйича ферментлар қабул қилиш мумкин.

П.нинг олдини олишда энг муҳими унга сабаб бўладиган омилларни бартараф этишдан иборат.

ПАНН Александр Михайлович (1914.25.3, Украина, Лозовая ш. — 1993.21.2, Санкт-Петербург) — оператор. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби (1966). Бутуниттифоқ давлат кинематография ин-ти (ВГИК)-ни тугатган (1940). 1946 й.дан «Ўзбекфильм»да оператор бўлиб ишлаган. «Амударё бўйлаб», «Самарқанд», «Фар-гона водийси», «Инсоният беш қўли» каби 15 га яқин ҳужжатли, «Сталионда учрашамиз», «Қутлуғ қон», «Улуғбек юлдузи», «Еттинчи ўқ», «Аччиқ данак», «Эртанги дарс», «Етти умид камалаги», «Ринтга чақирилади», «Ўғалар ташвишида» ва б. бадиий фильмларга операторлик қилган.

ПАННА ОЛМОС РАЙОНИ — Ҳиндистоннинг Мадҳья-Прадеш штатидаги тоғ-кон саноати марказларидан бири. Ҳинд-Гангдаги қимматбаҳо тошлар конлари жойлашган минтақа. Умумий майд. 1700 км². Туб жинсларда жойлашган машҳур Мажгаон ва бир нечта сочма олмос конлари бор. Мажгаон кимберлит конининг майд. 500×350 м бўлиб, 270 м чуқурликгача захираси 4,5 млн. карат маҳсулдорида баҳоланган; бу конда мил. ав. даврларда ҳам олмос қазиб олинганлиги маълум, ҳоз. вақтда йилига 12 минг карат атрофида олмос қазиб олинади (ўртача 100 т кимберлит жинсларидан 10,7 карат олмос олинади). Бундан ташқари, П.о.р.да турли қимматбаҳо ва зебу зийнат буюмлари ясашда ишлатиладиган тошлар (зумрад, аквамарин, сапфир, ёқут, ойтош, аметист, сафсар, гранат, ақиқ) сочма конларидан олинади. Ақақнинг йирик сочма конлари Гужарот, Маҳараштра ва Биҳар штатларида жойлашган.

ПАННО (франц. *panneau* — мато бўлаги) — 1) атрофи нақш чизиқ ёки бўртмариб ишланган ҳошия б-н чегараланган тасвир, бўртма тасвир, нақшли девор (ёки 2) махсус жойга мўлжаллаб ишланган рангтасвир асари ёки бўртма тасвир (рельеф). Жумладан, Навоий театри фойесидаги Ў. Танқибоев, М. Арнинг, Чеpаковзор биpгаликда ишлаган Ўзбекистон табиатини акс эттирувчи манзара П. ҳамда Ч. Аҳмаровнинг Навоий достонлари асосида яратган деворий расмлари, Самарқанд давлат чет тиллар институтининг ўқув биноларига ишланган асарлари; 3) нақш материалларидан (қ. *Намоди*).

ПАННОНИЯ (Pannonia) — 8-а.да барча этилган Рим вилояти (провинцияси). Ҳоз. Венгрия ҳудудининг ғарбий қисми, собиқ Югославиянинг шим. қисми ва ҳоз. Австриянинг шарқий қисмидан иборат бўлган. П. атамаси *илирий*ларга мансуб паннонлар қабиласи номидан олинган. Римнинг 400 йиллик ҳукмронлиги натижасида П. жуда романлашган П.га муттасил кўчиб келаётган варварлар ҳисобига қишлоқ аҳолисининг нуфуси ортган ва бу ҳолат вилоят иқтисодиётида қ.х. тармоғи устуворлигини таъминлаган. Мил. 2—5-а.ларда чегара ҳудудларида яшовчи қабилалар (квадлар, маркоманлар, сарматлар, готлар, гуннлар ва б.) б-н бўлган доимий урушлар оқибатида П.даги Рим ҳукмронлиги 5-а. бошига келиб барҳам топган.

ПАНОРАМА (пан... ва юн. *horama* — кўриниш) — тасвирий санъат тури; айлана тарҳли зал деворига горизонтал қоплаб ишланган картина. Иллюзия ёрдамида воқеани жонли гавдалантириш мақсадида картина олдига бутафор ва реал нарсалар (бинолар, жойлар, турли макетлар, кишилар, ҳайвонлар, нарсаларнинг шакллари) жойлаштирилади. П. сунъий ёритишга мўлжалланади. Томошабинлар П.ни зал марказидаги махсус майдончадан кўрадилар. Дастлабки П. 18-а. охирида (ирланд рассоми Р.Баркер томонидан) яратилган, 19-а.дан кент тар-қалган, батал жанридаги П. оммалашган.

ПАНОРАМА КИНО — кинофильмларни суратга олиш ва намойиш қилиш усулларидан бири. Кинофильмлар махсус аппаратлар б-н кинога олинади ва жуда катта (бир неча юз м² юзали) зонравий экранга туширилади. Кинога олишда бир-бирига нисбатан 48° бурчак остида жойлашган 3 объективли аппарат ишлатилади. Кадрлар 35 мм ли 3 та кинопленкага олинади (ҳар қайси плёнкага умумий панорама кадрининг 1/3 қисми туширилади). Кинопленкалар кинога олиш аппаратларида 712,5 мм/с тезлик б-н ҳаракатланади. Фильмлар жуда ботиқ цилиндрик экранли (эни 20—30 м ли) кинотеатрларда 3 та кинопроектор б-н намойиш қилинади. Бунда тасвир горизонтал бўйича 150°—170°, вертикал бўйича эса 55° бурчак остида ҳосил бўлади (расм).

Панно. «Рассомлик» (Санъатшунослик институти биноси деворига ишланган).



Панорама кино. «Синерама» ва «Кинопанорама» тизимлари бўйича фильмни суратга олиш ва намойиш қилиш.

1 — экран орқасидаги радиокарнайлар; *2* — залдаги радиокарнайлар; *3* — товушни текшириш; *4* — тасвирни текшириш; *5* — кино кўриш аппаратлари; *6* — кинога олиш аппаратлари; *7* — кинога олиш аппаратининг юқоридан кўриниши; *8* — фонлар; *9* — овозни ёқиб олиш аппарати.

Овоз стереофоник усулда 35 мм ли плёнкага қайд қилиналиган 7 ёки 9 та каналга ёзиб олинади ва эшиттирилади. Ҳаракат б-н олинган фильм кадрлари намойиш қилинганда томошабинлар ўзларини гўё экранда бўлаётган воқеалар қатнашчисидек сезадилар. Бунда стереоскопик эффект (кинога олинган асосий объектларнинг ёнида жойлашган нарсаларни кўриш таассороти) ҳосил бўлади, бу эса фильмни тушунишни осонлаштиради.

Биринчи П.к. тизимини француз режиссёри А. Ганс («Наполеон») 1927 й. яратган. П.к. мураккаблигидан 20-а. 60-й.лар бошидан бошлаб унинг ўрнига кинога олиш ва кўрсатишда бир объективли усулдан ва 70 мм ли стандарт киноплёнкадан фойдаланиладиган тизим қўлланила бошлади. Баъзи шаҳарларда (мас., Москвада) ҳозир ҳам бор (2003).

ПАНПСИХИЗМ (*пан...* ва юн. psyche — руҳ, жон) — табиатни умуман жонли деб ҳисобловчи тасаввур. П.нинг тарихий шаклларн хилма-хил бўлиб, ибтидоий эътиқод бўлган *анимизм* ва юнон фалсафасидаги *гилозоизм*дан тортиб то руҳ ва психикани дунёнинг ҳақиқий моҳияти деб талқин этувчи ривожланган таълимот (Г.В.Лейбницнинг *монада* концепцияси, Г.Т.Фехнер, К.Г.Юнг ва б.нинг фалсафий гоялари)гача ўз ичига олади.

ПАНСИОНАТ (франц. pensionnat) — дам олиш уйининг бир тури ёки курортда дам олувчилар меҳмонхонаси. Асосан, шаҳар ташқарисида, чиманзара жойларга қурилалиган бино ва иншоотлар мажмуи. П. хоналари 1 кишига, оилавий ва кекса кишиларга мўлжалланганлиги б-н дам олиш уйларидан фарқланади. П.да ётоқ корпуси, ошхона, кинозал, кутубхона, маъмурий, хўжалик ва б. ёрдамчи хоналар бўлади.

ПАНСОД МАСЖИДИ — Шаҳрихонлаги меъморий ёдгорлик (20-а. бошлари). Масжид тарҳи тўғри тўртбурчакли (31×12 м). 4 устунли хонақоҳ, жанубдан тақаб қурилган узун айвондан иборат. Хонақоҳ деворига чуққисимон равоқлар ишланган, шифтини салобатли шаклдор ёғоч устунлар кўтариб туради, танасига ўйма нақшли тўсинлар ишланган, каллаги муқарнасли. Шарқафасининг ёғоч чизиги погонали. Тўсиқлар баландроқ ўрнатилган. П.м. сирти лойсувоқли, ички ганч сувоқли, изораси тўғри бурчакли безаклар б-н, деворининг юқори қисми тўқ яшил парча гулли арақи сарровлар б-н ўралган. Қуръондан суралар битилган, кўк ва яшил рангда гириҳ нақшлар ишланган. Шифтдаги яшил заминда одми рангдаги юлдузсимон турунжлар кўзга ташланади. Тўсинларнинг жимжимадор ҳошияларига ислимий нақшлар ишланган. П.м.ни маҳаллий усталар қурган, безагини қўқонлик усталар бажарган. П.м. ўзининг ноёб безаклари б-н диққатга сазовор.

Пансод масжиди айвон шифти безаги.

ПАНСПЕРМИЯ (*пан...* ва *спермат* — кент маънода — космик бўшлиқда ҳаётнинг бир жойдан иккинчи жойга утиши тўғрисидаги гипотеза, тор маънода — ҳаётнинг Ерга космосдан келиб қолганлиги тўғрисидаги гипотеза. П.ни немис олими Г.Рихтер (1865) таклиф этган, швед олими С.Аррениус (1895) асослаб берган. Бу гипотеза бўйича, Ерга тирик организмлар метеоритлар ва космик чанг б-н бирга келиб қолган. Бу ҳамма ларим микроорганизмлар ва улар спораларининг радиация, кучли вакуум ва ўта совуқликка жуда чидамли бўлишига асосланган. Лекин ҳозирда микроорганизмларнинг Ердан ташқарида нақадар бўлиши тўғрисида ҳеч қандай далил йўқ ёки кам. *Ҳаётнинг келиб...*

ПАНТЕИЗМ (*пан...* ва юн. theos — худо) — худо б-н табиат бир парса, улар бир бутунни ташкил қилади деб ҳисобловчи дунёқараш ва фалсафий таълимот. П. атамасини Ж. Толанд киритган (1705). Бу тушунча Шарқда *ягоҳшинослик* номи б-н аталади. Пантеистик тамойиллар ўрта асрларда ересиик мистикасида кўзга ташланган. П. Уйғониш даври натурфалсафаси ва Б. *Спиноза* («худо» ва «табиат» тушунчаларини бир парса деб билган) ҳамда И.Г.Гердер, И. В.Гёте ва немис классик фалсафасига хос.

ПАНТЕОН (юн. pantheion — ибодатхона) — 1) Қад. Римдаги «барча худолар ибодатхонаси» (2-а.). П. ярим доира шаклидаги қирралар гумбазли (диаметри 43 м дан ошиқ) иншоот. Марказида интерьерни ёритиб турувчи туйнук бор (диаметри 9 м га яқин). Ички гумбази ҳовузакларга (катакесимон шаклда) бўлинган. Кириш томони пештоқли, 16 та коринф устунлари (8 таси пештоқ олдида, қолгани ички рирокда) бекаб туради. Ўрта асрларда П. черков-га

Римдаги пантеон (ички кўриниш).

айланган. Ҳозир миллий музей, унда буюк италиян санъати вакиллари (Рафаэль, Б.Перуцци ва б.) дафн этилган; 2) машҳур шахслар мақбараси (Рим ва Париждаги П.лар, Лондондаги Вестминстер аббатлиги).

ПАНТОГРАФ (*пан...* ва *графо* — Ті бир масштабдаги чизма план ва хариталарни бошқа (одатда, кичик) масштабда ва, аксинча, кучириб чизадиган асбоб. Турли ўлчам ва конструкцияларда ясалади. Унинг осма гилдиракчали ва б. миллари бўлади. Аст нусха масштаби б-н кўчирилаётган нусха масштаби нисбатини хоҳлаганча ўзгартириш мумкин; 2) моторли вагон ёки электровоз томина ўрнатилиб, контакт тармоги симидан ток оладиган қурилма. Пружиналар ёрдамида контакт тармоғига қисиб турадиган ползун (чангилар ва контакт қўнмалар) дан иборат. П. юқори тезликда сим б-н яхши контакт ҳосил қилишга имкон беради, транспортнинг ишончлилигини ўзгарганда қайта ўрнатишни талаб қилмайди.

Осма пантограф.

ПАНТОМИМА (юн. pantomimos — фақат тана ҳаракати б-н ўйновчи актёр, тақлид) — саҳна санъати тури. Унда бадиий образ сўзсиз, мимика, имо-ишора, гавдани ҳар мақомга солиш орқали яратилади. П.Европада Юнонистон ва Римда, Осиёда Хитой, Ҳиндистон, Хоразм, Бақтрияда мил. ав. 5—4-а.ларда юзага кела бошлаган. Ўрта асрларда П. катта бир санъатга айланиб, кўпгина жанрларда (драма, фожиа, эртак, пантомима, балет каби) қўлланди. Баъзан мусиқа, ашула, ҳатто декламация (сухандозлик) б-н қўшиб олиб борилади. 20-а.да П.да Марсель *Марсо* машҳур бўлди.

Пантомима. Ўзбек мими Л. Бобохонов.

Ўзбек халқининг қад. масхарабозлик театрида ҳам П. санъати катта ўрин эгаллаган. Тақлид деб аталган ўзбек П.си, хусусан, Амир Темур ва Темурийлар салтанатида яхши тараққий этган. 19-а. 2-ярми ва 20-а. бошида Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳукмдида яшовчи масхарабозлар, Туркистон ўлкасидаги қизиқчилар томонидан ярагилган 3 тонфа П.лар раем бўлган: қуш ва ҳайвонлар тақлиди — қизамгиқ П.лар ва ижтимоий ҳаёт воқеаларининг умумлашма ифодаси — ҳажвий П.лар. Совет даврида П.га кам эътибор берилди. Шунга қарамай, Хоразм, Фарғона водийсида П. усталари ҳамон учрайди. Реж. ва драматург Л. Бобохонов ўзбек П.сини тиклаш бўйича бирмунча ишлар қилди: бадиий дас-тур тузди, «Қўғирчоқбоз» деган фильм яратди. Сўнгги йилларда П. мавқеини ошириш Россиянинг расмий доираларида ҳам қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон ва Қозоғистонда П. ҳайвонлар ҳақидаги масал ва ҳикоятларни ўз ичига олган, ҳар бир китоб ҳикоя ичида ҳикоя усулида тузилган. Асарда ҳайвонлар образида инсон қиёфалари намоён бўлади. П. да ҳинд жамияти ҳаёти истиора йўли б-н тасвирланади, ноҳақлик фош этилади, инсонийлик, яхши хулқлар тарғиб қилинади. Асар диний туслаи холи ва шунисн б-н бошқа қад. ҳинд ёдгорликларидан фарқ қилади.

П. кенг тарқалган бўлиб, жаҳон адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган. 6-а. ўрталарида паҳлавий, ундан араб тилига таржима қилинган; араб тилига қилинган таржимаси «*Калила ва Димна*» 2-жаҳон уруши қатнашчиси, гвардия генерал-майори. Гитлерчилар Германияси СССРга қарши уруш бошлаши б-н Олмаотада шакллантирилган 316-ўқчи дивизия кўмондони этиб тайинланган. П. ўз дивизияси б-н Москва остоналаридаги шиддатли жангларда жасорат кўрсатган. Дивизия таркибида ўзбек, қозоқ, қирғиз, рус, қорақалпоқ ва б. халқларнинг вакиллари бўлиб, улар Москвани мардонавор ҳимоя қилишган. П. дивизиясига гвардиячи номи берилиб, 8-гвардиячи дивизияга айлантирилган. П. Москва учун олиб борилган жангларда ҳалок бўлган. Ўлимидан сўнг Қаҳрамон унвони берилган (1942 й. апр.). П. кўмондонлик қилган дивизия унинг номи б-н аталадиган бўлган. Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва б. мамлакатларда кўплаб кўчалар ва кўргонлар, мактаб ва хиёбонлар П. номи б-н аталади.

ПАНФИЛОВЧИЛАР — 2-жаҳон урушн даврида Москва мудофаасида жасорат кўрсатган И.В.*Панфилов* кўмондонлик қилган 316-ўқчи дивизияси аскарлари. Асосан, Ўрта Осиё халқлари (жумладан, ўзбеклар)дан ташкил топган дивизия 16 ноябрда Волоколамск тош йўли орқали Москвага ёриб ўтмоқчи бўлган фашистларнинг бир неча ҳужумларини қайтарган. Шу куни Дубосеково разъезди ёнида турли миллат вакилларидан иборат 28 жангчи 50 та немис фашистлари танкига қарши жанг қилган. 4 совет жигида душманнинг 18 та танки ва кўплаб аскарлари ячиб ташланган, душман Москвага ўта олмаган.

ПАНЧА ШИЛА (ҳиндча — 5 принцип) — қ. *Тинч-тотув яшашнинг беш принципи.*

ПАНЧАТАНТРА (санскритча «Беш китоб») — санскрит ёзма адабиёти ёдгорлиги. 3—4-а.ларда яратилган. Нисбатан сўнгги вариантлари сақланиб қолган. Донишманд Вишнушарман подшоҳнинг жоҳил ўғилларини тарбиялаш учун яратган, деб ҳисобланади. П. ҳайвонлар ҳақидаги масал ва ҳикоятлардан иборат 5 китобни ўз ичига олган, ҳар бир китоб ҳикоя ичида ҳикоя усулида тузилган. Асарда ҳайвонлар образида инсон қиёфалари намоён бўлади. П. да ҳинд жамияти ҳаёти истиора йўли б-н тасвирланади, ноҳақлик фош этилади, инсонийлик, яхши хулқлар тарғиб қилинади. Асар диний туслан холи ва шунисн б-н бошқа қад. ҳинд ёдгорликларидан фарқ қилади.

П. кенг тарқалган бўлиб, жаҳон адабиёти ривожига катта таъсир кўрсатган. 6-а. ўрталарида паҳлавий, ундан араб тилига таржима қилинган; араб тилига қилинган таржимаси «*Калила ва Димна*»

па» номи б-н шуҳрат топган. У 12-а.да форс тилига, 13-а.да эса ўзбекчага ўгирилган. П. нинг 60 дан зиёд тилда 200 дан ортиқ таржималари маълум.

Нашрлар: Панчатантра, пер. с санскрита и прим. А.Я. Сыркина, М., 1958; Панчатантра (И.Ғафуров таржимаси), Т., 1993.

ПАПА (юн. pappas — ота), Рим папаси — католик черкови ва Ватикан давлати бошлиғи. Кардиналлар мажлиси томонидан умрбодга (1389 й.дан кардиналлар орасидан) сайланади (қ. *Папалик*).

ПАПАЛИК — католик черкови раҳбарияти; Рим папаси томонидан бошқариладиган диний марказ. П. Рим епископлиги асосида вужудга келган. 5-а.да Рим епископлари ўзларига «папа» номини қўйиб олиб, Рим императорларидан бошқа епископларнинг ўзларига бўйсуниши тўғрисида фармон олишга муваффақ бўлдилар. 8-а.да Папа вилоятининг тузилиши папалар дунёвий ҳокимиятига асос солди. 2-жаҳон урушидан кейин, айниқса, 60-й.лардан бошлаб П. черковни ақилалар, маросимлар, ташкилотлар ва сиёсат соҳасида ҳозирги даврга мослаштириш йўлига ўтди.

ПАПАНИН Иван Дмитриевич (1894.14.11, Севастополь — 1986) — қутб талқиқотчиси, геогр. фанлари д-ри (1938). Контр-адмирал (1943). Икки марта Қаҳрамон (1937, 1940). 1932—35 й.ларда Арктика илмий ст-яларининг бошлиғи. Россиянинг биринчи кўчиб юрувчи «СП—1» ст-ясига бошчилик қилган (1937—38). Шим. денгиз йўли бошқармаси бошлиғи (1939—46). ФА-нинг Денгиз экспедицияси ишлари бўлими бошлиғи (1951), 1952—72 й.ларда ФА Ички сувлар биологияси ин-ти директори. Геогр. жамиятининг фахрий аъзоси (1938). Таймир я.о.даги бурун, Антрактидадаги тоғлар, Тинч океандаги сув ости тоғи П. номига қўйилган.

Ас.: Жизнь на льдине, М., 1938; Лёд и пламень, М., 1977.

ПАПИРУС (Cyperus papyros) — 1) барлидошларга мансуб кўп йиллик ўт. Гулли новдалари 5 м гача, уч қиррали, йўғон,

Папирус.

пастки қисми тангачасимон барглар б-н қопланган; вегетатив новдалардаги барглар ингичка, ланцетсимон. Тунгли йирик, соябонсимон. Африка тропикларининг дарё ва кўл соҳилларидаги тинч оқар сувларда ўсади. Мансарали ўсимлик сифатида ўстирилади; 2) қалимда ва илк ўрта асрларда П. новдаларидан тайёрланган ёзув материали. Шу материалга ёзилган қўлёзмалар ҳам «П.» деб аталган. П. матиларини папирология, миспризнослик, семитология фанлари ўрганади.

ПАПОРОТНИКЛАР — қ. *Қирққулоқлар.*

ПАППАТАЧИ ИСИТМАСИ — қ. *Иссиқбтопар иситмаси.*

ПАПУАС ТИЛЛАРИ — Янги Гвинея о.да ва Тинч океанининг бошқа бир қанча о.ларида тарқалган тил гуруҳлари ва якка-якка тилларнинг умумлашма шартли номи. Ушбу атама мазкур тиллар ўртасида генетик ўхшашлик бор ёки йўқлигидан қатъи назар, шу минтақадаги австронез тилларидан фарқланиш учун ишлатилган. Шунинг учун баъзан улар неавстронез (австронез бўлмаган) тиллар деб ҳам аталади. П.т.нинг умумий сони 750 дан 1000 гача етади, уларда сўзлашувчиларнинг умумий сони 5 млн. кишига яқин. П.т.нинг генетик қардошлиги ҳақида ишонарли маълумотлар йўқ; уларнинг малай-полинез (австронез) тиллари ҳамда Австралия тиллари б-н алоқадорлиги тахмин қилинади.

Дастлабки маълумотлар бўйича П.т. 12 та тил гуруҳига ажралади. Улардан энг йириклари: Янги Гвинея ҳудудини қамраб олувчи фила (юн. phyle — қабила; австралиялик олим С. Вурм таклиф этган ушбу термин «тиллар макрооиласи» тушунчасига тўғри келади) — 491 тилни қамраб олади, бу тилларда сўзлашувчилар 4 млн. кишига яқин; Ғарбий Папуа филаси 24 тилни қамраб олади, унда 500 мингдан ортиқ киши сўзлашади; Сепик-Рамуфиласи 97 тилни қамраб олади, сўзлашувчилар 300 минг кишидан ортиқ; Торричелли филаси 47 тилни қамраб олади. 120 мингдан ортиқ киши сўзлашади; Шарқий Папуа филаси 28 тилни қамраб олади, 80 мингдан ортиқ киши сўзлашади ва б.

П.т. агглютинатив тиллардан. Ундош товушлар тизими ривожланган. Морфологик сатҳда феъл туркуми мураккаб. От туркумида турланиш йўқ. П.т. ўз ёзувига эга эмас, бу тиллар мактабларда деярли таълим-тарбия тили ҳисобланмайди. Турли П.т. учун луғат ёзув асосида алифболар яратиш ишлари бошланган.

ПАПУАСЛАР (малайча-форсча — жингалак) — халқлар гуруҳи. Ғарбий Меланезиянинг туб аҳолиси. Янги Гвинея о. ва Тимор о.нинг шарқий қисми туб жой аҳолисининг катта қисмини умумлашган номи. Сочи, чимбу, хаген, камано, хули ва б.з. Умумий сони 4,8 млн. киши (1987). *Меланезия арқита* мансуб. Папуас тилларида сўзланади. Диндорлари аждодлар культи, магия ва тотемизмга эътиқод қилади. 19-а. охиридан миссионерлар таъсири остида христианлик тарқалган, ҳоз. кўпчилик П. расман уни қабул қилишган. Асосий машғулоти — деҳқончилик, чучқачилик, балиқ овлаш, қисман овчилик. П.ни этнографик жиҳатдан ўрганишга рус талқиқотчиси Н.Н. Миклухо-Маклай катта ҳисса қўшган.

ПАПУА—ЯНГИ ГВИНЕЯ, (Papua New Guinea), Папуа—Янги Гвинея Мустақил давлати (Independent State of Papua New Guinea) — Океанияда, Тинч океанининг жан.-шарқий қисмида жойлашган давлат. Ғарбда Индонезия б-н чегарадош, қолган қисми денгизлар б-н ўралган. П.—Я.Г. таркибига Янги Гвинея о.нинг шарқий қисми ва унга ёндош ороллар, Бисмарк архипелаги, Соломон о.ларининг шим. қисми, Д'Антркасто о.лари, Луизиада архипелаги, Тробриан о.лари, Муруа о. ва б. 200 га яқин катта -кичик ороллар киради. Умумий майд. 462,8 минг км². Аҳолиси 5.172 млн. киши (2002). Пойтахти — Порт-Морсби ш. Маъмурий жиҳатдан 20 вилоят (province)га бўлинади.

Давлат тузуми. П.—Я.Г. — парламентли монархия, Буюк Британия Ҳамдўстлиги таркибига киради. Амалдаги конституцияси 1975 й. 16 сент.да қабул қилинган. Давлат бошлиғи — Буюк Британия қироли (қироличаси); ҳукуматнинг тақдимига биноан ва парламентнинг қарорига мувофиқ тайинланган генерал-губернатор унинг номидан иш кўради. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни бир палатали Миллий парламент, ижрочи ҳокимиятни бош вазир бошчилигидаги Миллий ижроия кенгаши (ҳукумат) амалга оширади.

Папуаслар. Бангу ороли.

Порт-Морсби шаҳри.

Табиати ҳақида *Янги Гвинея* мақоласига қ.

Аҳолисининг аксарияти папуаслар, меланезлар, шунингдек, европаликлар, асосан, инглиз-австралияликлардан иборат. Расмий тили — инглиз тили. Кўпчилик диндорлари — христианлар, қолганлари маҳаллий анъанавий динларга эътиқод қилади, аммо аҳолининг кўпчилиги папуас тилларида, меланезлар малай-полинез тилида сўзлашади, гуруҳлараро муомалада моту тили, гуруҳлараро муомалада моту тилидан фойдаланилади. Аҳолининг кўп қисми қишлоқ жойларда, борган қисми қишлоқларда қийин бўлган олис қишлоқларда яшайди. Шу сабабли мамлакатда урфодат ва тиллар жуда кўп (700 дан ортиқ). Қишлоқ жойларда анъанавий турмуш тарзи сақланиб қолган.

Тарихи. Янги Гвинеяга 16-а.нинг 1-ярмида португал денгизчи сайёҳлар келганлар. 1884 й. Янги Гвинея о.нинг жан.-шарқий қисми Англия протекторатига айлантирилди ва у Папуа номини олди, 1888 й. Буюк Британия мустамлакаси леб эълон қилинди, 20-а. бошларида Австралия Иттифоқига топширилди. 1920 й. ороллнинг Германия протектората бўлган шим.-шарқий қисми (Янги Гвинея ҳудуди) ҳам, Миллатлар Иттифоқининг мандатига биноан, Австралия Иттифоқи бошқарувига олиб берилди. 1949 й. Австралия ҳукумати унинг иккала қисмини маъмурий жиҳатдан бирлаштирди ва мамлакат П.—Я.Г. номини олди. 1973 й. П.—Я.Г. ички ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлди. 1975 й. 16 сент.да эса мустақил давлат деб эълон қилинди. П.—Я.Г. 1975 й.дан БМТ аъзоси. Миллий байрами — 16 сент. — Мустақиллик куни (1975).

Хўжалиги. Қ.х. ва кончилик саноати иқтисодиётининг асосини ташкил этади. Ялпи ички маҳсулотда қ.х. улуши 26%, саноатининг улуши 26,6%. Асосан, кокос пальмаси, каучук, банан, кофе, какао етиштирилади. Ички эҳтиёж учун аҳоли ямс, таро, маниок, макажўхори, батат, шакарқамиш экади; ёввойи тарзда ўсадиган нон дарахти, сага пальмаси ва б. ўсимликлар меваси ёғочи тайёрланади. Озиқ-овқат ва ёғочсозлик саноати маҳаллий хом ашё асосида ишлайди. Мис (кўпроқ Соломон о.ларида), олтин, кумуш, рух қазиб олинади. Автомобиль йўллари уз. 20 минг км га яқин. Четга олтин, кофе, мис, копра, ёғоч-тахта, какао чиқарилади. Четдан озиқ-овқат, машина ва ускуна, саноат моллари олади. Австралия, Буюк Британия, АҚШ, Япония б-н савдо қилади. Пул бирлиги — кина.

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Меланез иттифоқи, 1978 й. асос солинган; Халқ ҳаракат партияси, 1985 тузилган; Халқ илғор партияси, 1970 й.да ташкил этилган; Халқ-демократик ҳаракати, 1985 й. асос солинган; Миллий партия, 1979 й. тузилган; Пангу Пати («Бирлашган П.—Я.Г. партияси»), 1967 й. ташкил этилган; П.—Я.Г. биринчи партияси, 1998 й. асос солинган. П.—Я.Г. касаба уюшмалари конгресси, Халқаро эркин касаба уюшмалари конфедерациясига киради.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. Газ.лари «Ниугини ниус» («Янги Гвинея янгиликлари», маҳаллий тилдаги кундалик газ., 1979 й.дан), «Нэшнл» («Миллий», инглиз тилидаги кундалик газ., 1993 й.дан), «Папуа—Нью-Гини пост-курьер» («Папуа—Янги Гвинея почта курьери», инглиз тилидаги кундалик газ., 1969 й.дан). П.—Я.Г. миллий радиоэшиттириш корпорацияси тижорат маҳкамаси бўлиб, 1973 й. асос солинган.

ПАПЬЕ-МАШЕ (франц. papier mache —эзилган қоғоз) — қ. *Мағзи сопма.*

ПАР — қушлар патининг бир хили, пат ўзагининг жуда қисқа бўлиши, елпиғичининг бўлмаслиги б-н бошқа патлардан фарқ қилади. П.нинг ўсиқчалари пат ўқи учки қисмида гуж бўлиб жойлашади. Вояга етган қушларда П. қопловчи патлар остида жойлашган. Айрим қушлар (мас., тасқара) П.и бўйни ва бошида очиқ жойлашган. П., одатда, сувда яшовчи қушлар (гозсимонлар, энкак оёқлиларда яхши ривожланган бўлиб, патлар остида бир текис тарқалган (ғозлар, ўрдаклар, лайлаклар, тўтилар ва б.) ёки фақат тананинг птерилий ёки аптерилий қисмида тўпланган бўлади. Айрим қушлар (кўкрак тожсизлар, каптарлар)нинг вояга етган даврида П. бўлмайди.

ПАРА — Бразилиянинг шим. қисмидаги штат. Майд. 1253 минг км². Аҳолиси 6,1 млн. киши (2000), асосан, метислар (маҳаллий номи — кабоклу). Маъмурий маркази — Белен ш., бошқа йирик шаҳри — Сантарен. Штат шарқий Амазониянда жойлашган, шим. ва жан.дан Гвиана тизмалари ва Бразилия веситоглиги ўраб туради. Иқлими экваториал, нам ва иссиқ иқлим. Ўртача ойлик т-ра 26—28°. Йиллик ёғин 1500—2500 мм. Асосий дарёлари: Амазонка ва унинг ирмоқлари. Нам экваториал ўрмонлар, шим.да саванналар бор.

П. — мамлакатнинг йирик, бироқ аҳолиси сийрак штатларидан. Иқтисодиётининг етакчи тармоқлари — ўрмончилик ва қ.х. Ўрмонидан бразил ёнғоғи, каучук йиғилади, ёғоч тайёрланади. Амазонка ҳавзасида деҳқончилик ривожланган. Асосий қ.х. экинлари: жут, шоли, маниок, шакарқамиш, какао, банан, ананас, пахта, тамаки. Чорвачиликда қорамол боқилади. Сохилларда балиқ овланади. Саноати ўрмон ва қ.х. хом ашёларини қайта ишлашга ихтисослашган. Кон саноати ривожланган. Темир ва марганец руда-лари, олтин, олмос, тог хрустали, боксит конлари топилган.

ПАРА... (юн. para — ёнида, яқинида) — 1) ўзлашма қўшма сўзлар бўлаги, бирор нарсанинг ёнида бўлиш, шунингдек, бирор нарсадан четлашиш, узоқлашишни, ўзгаликни билдиради (мас., *парамагнетизм*); 2) *орто-метапара* (кимёда).

ПАРАБИОЗ (*пара...* ва ... *биоз*) — 1) тирик тўқиманинг қўзғатувчи таъсирига жавобан кечадиган даврий ҳолати. Нерв (мускул)нинг ўзгарган қисми

таъсирчанлиги пасайиши туфайли бериладиган қўзғалиш ритмини ўтказмайдиган бўлиб қолади. П. ҳақидаги тушунчани рус олими Н. Е. Введенский ишлаб чиққан. П.нинг ривожланиши бир неча фазалар орқали ўтади. Провизор, яъни тенглаштириш фазасида нерв (мускул)нинг даврий импульсларни ўтказиш хусусияти ҳар қандай қўзғалиш кучига нисбатан бир хилда пасайган бўлади. Парадоксал фаза — кучли қўзғалишлар нервнинг ўзгарган қисми орқали ўтказилмайди, кучсиз қўзғалишлар эса мускулларнинг кучли қисқаришига олиб келади. Тормозловчи фаза — нервнинг қўзғалишни ўтказиш хусусияти бутунлай йўқолади. П. — қайтар ҳодиса, лекин зарарловчи омилнинг кучайиши ҳаётий фаолиятнинг бутунлай издан чиқиши ва ўлимга олиб келиши мумкин. Введенский П.ни тургун, яъни ўзгармас қўзғалишнинг ўзига хос ҳолати, келаётган қўзғалишлар тўлқини тургун қўзғалишлар б-н бирга қўшилиб чуқурлаштириши ҳамда нерв марказларида қўзғалишни тормозланишга ўтиш модели сифатида қараган. Замонавий адабиётларда «П.» термини, асосан, экс-тремал ва патологик вазиятларга нисбатан қўлланади.

2) Бир организмнинг иккинчиси б-н ўзаро таъсирини ўрганиш мақсадида 2 та (баъзан 3 та) ҳайвонни қон айланиш системаси ёки улар терисини тикиб қўйиш орқали сунъий бирлаштириш. Тубан тузилган организмларда (бўшлиқичилар, чувалчангларда), шунингдек, думли сувда ва қуруқликда яшовчиларда П.ни амалга ошириш анча осон, иссиққонли ҳайвонларда бу жуда мушкул.

ПАРАБОЛА (юн. parabole — қиёс, чоғиштириш, ўхшатиш) — бадиий адабиётда рамзга мойил киноявий образ. Рамзий ҳикоядан, мажоздан яқин бўлса-да, улардан фарқ қилади. Баъзан П.ни рамз ва рамзли ҳикоя оралиғидаги тур деб ҳам юритишади. Рамзийликка яқинлик П.нинг киноявий образ сифатидаги вазифасини сусайтирмайди. Мазмунни атрофлича кенг ва чуқур ифодалаш имкониятининг мавжудлиги туфайли П.дан кўп ёзувчилар унумли фойдаланганлар: Ф. Кафка «Суд жараёни», Э. Хемингуэй «Чол ва денгиз», Гарсиа Маркес «Юз йил танҳоликда», Абэ Кобо «Қумдаги хотин» ва б. Ўзбек ёзувчиларидан А. Мухтор, Ш. Холмирзаев, Н. Эшонқул ва б. ўз асарларида П.дан фойдаланганлар.

ПАРАБОЛА (юн. parabole) — 2-тартибли ясси эгри чизиқ; ҳар бир нуқтасидан фокус деб аталадиган нуқта ва директриса деб аталадиган тўғри чизиққача масофалари тени бўлади (расм, *а*). Фокусдан ўтиб, директрисага тик бўлган *FN* тўғри чизиқ П.нинг ўқи, ўқ б-н П.нинг кесишиш нуқтаси учи дейилади. П. уз ўқига нисбатан симметрик чизиқ. *O* нуқта *Декарт координаталар тизимининг* координата боши, *FN* эса *Ox* ўқи қилиб олинса, П.нинг тенгламаси $y^2=2px$ кўринишида бўлади, бунда: p — П.нинг параметри. Ўқи *Oy* га параллел бўлган П. тенгламаси $y=ax^2+bx+c$ кўринишида, яъни П. квадрат учҳаднинг графиги бўлади (расм, *б*).



Парабола.

Ҳаво қаршилиги ҳисобга олинмаса, бошланғич тезлиги вертикал бўлмаган, эркин ҳаракатланаётган жисмнинг траекторияси П. чизади. П.ни ўз ўқи атрофида айлантириб ҳосил қилинган сирт (айланма параболоид) параллел нурларни бир нуқтага йиғади ва, аксинча, фокусдан тарқалаётган нурлар параболоидлан қайтиб, параллел даста ҳосил қилади (расм, *в*). П.нинг бу хоссасидан прожектор ва автомобиль фаралари ясашда, қуёш энергиясини қўллаш (концентраторлар)да фойдаланилади.

ПАРАБОЛОИДЛАР — 2-тартибли ёпиқ бўлмаган сиртлар. *Декарт координаталар тизимида* каноник тенгламалари

$$\frac{x^2}{p}+\frac{y^2}{q}=2z \quad \text{(эллиптик П.)}$$

$$\frac{x^2}{p}-\frac{y^2}{q}=2z \quad \text{(гиперболик П.)}$$

кўринишида бўлади (p, q — мусбат сонлар). Бир *параболани* иккинчиси бўйича илгарилама ҳаракатлантириб, П. ҳосил қилиш мумкин. Бунинг учун параболалар ётган текисликлар ўзаро тик, ўқлари параллел, биринчи параболанинг учи иккинчи парабола бўйлаб сирпаниши керак. Бунда параболалар бир томонга йўналган бўлса, эллиптик параболоид, турли томонга йўналган бўлса, гиперболик параболоид ҳосил бўлади. Эллиптик параболоид текислик б-н кесилса, кесимда эллипс ва параболалар, гиперболик параболоид кесилса, парабола, гипербола ва ўзаро кесишувчи тўғри чизиқлар юзага келади. Гиперболик параболоидни тўғри чизиқни ҳаракатлантириб ҳам ҳосил қилиш мумкин. Унинг бу хоссасидан меъморликда фойдаланилади.

Параболоидлар.

ПАРАГАНГЛИЙЛАР (юн. *para...* ва *ганглий*) — умуртқали ҳайвонлар ва одамнинг эндокрин бези. Асосан, катехоламинларни ишлаб чиқаради, нерв системасининг симпатик вегетатив вазифасини бажарувчи қўшимча органи ҳисобланади. Энг кучли П. бўйрак усти бези магиз моддасидан, бел ва дортадаги П. секретор хромаффин ҳужайралар, қўшимча ҳужайралар (қоплама типлари неироглиялар) ва бириктирувчи тўқималардан ташкил топган. Эмбриогенезда улар симпатик нерв системаси нейробластлари б-н бирга ҳосил бўлади ва кучиб ўтади. Бошқа П. — нохромаффинлар (асосан, парасимпатик нерв системаси тармоқланган жойларда), жумладан, кўз ичидаги П., ўпка, кўмик, мия пўстлоғидаги П., каротидли П., тана ва кўл-оёқ нервларидаги П. ҳисобланади. Улар IX ва X жуфт орқа мия нервининг эмбрионал асосларидан ҳосил бўлади.

П. дастлаб тубан умуртқали ҳайвонларда пайдо бўлган ва, асосан, рецепторлик вазифасини бажарган. Филогенезда П. аста-секин эндокрин орган сифатида шакллана боғлаган. Умурт-қали ҳайвонларда П. табақаланган: хромаффин ҳужайраларнинг цитоплазматик тўрлари таркибида норадреналин (норадреноцитлар) ёки майда гранулаларда кўп миқдорда адреналин (адреноцитлар) бўлади; нохромаффин ҳужайралар катехоламин бўлмаган полипептид гормонларни синтезлайди деб тахмин қилинади. Айрим П.да (каротидли юрак усти ганглийлари) кислород етишмаслигини сеза оладиган ва унга жавобан секрет ажрата оладиган хусусият ривожланган. Кўпчилик П. ҳужайра ёки қон томири деворларига ёпишиб туради ёки ўша жойда ҳосил бўлади. П. стрессга қарши организм фаолиятини бир меъёрда ушлаб туриш учун барча системаларни фаоллаштиришдан иборат. Организмда П.нинг ишлаб чиқарилишини хусусий ва умумий физиологик реакциялар назорат қилиб туради.

ПАРАГВАЙ — Жан. Америкадаги дарё. Парананинг ўнг ирмоғи, Бразилия ва Парагвай ҳудудларида, айрим қисмлари Парагвай, Бразилия ва Аргентина ўртасидаги давлат чегарасидан оқади. Уз. 2500 км, ҳавзасининг майд. 1,2 млн. км². Бразилия ясситоғлигининг шим.-ғарбий қисмидан бошланиб, жан.га томон Пантанал ботқоқликлари, Гран-Чако пасттекислиги бўйлаб оқади. Дарёнинг кенглиги ўрта оқимида 350—600 м, қуйи оқимида 1000—1500 м, чуқ. 10—20 м. Ётингарчилик даврида тошади. Ўртача сув сарфи Асунсьон ш. ёнида 2940 м³/с, қуйилиш жойида 4000 м³/с. П. — Парагвайнинг асосий транспорт йўли. Корумба ш.гача кема қатнайди. Асунсьон ш.гача денгиз кемалари кира олади. К. бўйида Асунсьон, Консепсьон ш.лари жойлашган.

ПАРАГВАЙ (Paraguay), Парагвай Республикаси (Republika de Paraguay) — Жан. Американиштг марказий қисмида жойлашган давлат. Майд. 406,8 минг км². Аҳолиси 5,8 млн. киши (2002). Пойтахти — Асунсьон ш. Маъмурий жиҳатдан 19 департамент (departamento) ва пойтахт округига бўлинади.

Парагвай гербн.

Тарихи. Европаликлар 1527 й. мамлакатга келишидан аввал бу ерда гуарани индейслари яшаган. 1535 й. П. Испания мустамлакасига айлантирилди. Маҳаллий аҳоли қириб ташланди, қолганлар қул қилинди. 17—18-а.ларда иезуитлар давлати мавжуд бўлди. Испания мустамлакаларининг мустақиллик йўлидаги уруши натижасида П. 1811 й. мустақилликка эришди ва республика деб эълон қилинди, мамлакатда инқилобий хунта ҳукмронлик қила бошлади. 1842 й.да қуллик бекор қилинди. 1844 й.да биринчи конституция қабул этилди. 1864—70 й.ларда П. ҳудудининг ярмини Аргентина ва Бразилия босиб олди. Йирик латифундия эгалари ё-н ҳарбийлар Миллий республикачилар уюшмаси («Колорадо»)га бирлашди. П. 1-жаҳон урушида бетараф турди. 2-жаҳон урушида ҳам бетарафлик эълон қилса-да, Германияга қў-мақлашди, урушдан кейин немис ҳарбий жиноятчиларига бошпана берди. Уруш даврида янги саноат тармоқлари вужудга келди, давлат савдо флоти ташкил топди. П. 1945 й. фев.да Германия ва Японияга уруш эълон қилди. Урушдан кейин мамлакатда кетма-кет давлат тўнтаришлари бўлиб турди ва 1954—89 й.ларда А. Стреснер (1954—89 й.ларда президент) ҳарбий полиция диктатураси ҳукм сурди. 90-йиллардан фуқаролар ҳукумати ҳокимиятни идора қила бошлади. П. — 1945 й.дан БМТ аъзоси. ЎзР б-н 2001 й. авг.да дипломатия муносабатлари ўрнатилган. Миллий байрами — 14 май — Мустақиллик куни (1811).

Сиёсий партиялари, касаба уюшмалари. Либерал партия. 1961 й. анъанавий либерал партия парчаланганидан кейин тузилган; Либерал-радикал партия, 1961 й. ташкил этилган; Миллий республикачилар уюшмаси — «Колорадо» партияси, 1887 й. асос солинган; П. коммунистик партияси, 1928 й. тузилган; Ҳақиқий либерал-радикал партия, 1977 й. ташкил этилган; Инқилобий февраль партияси, 1951 й. фев.да Фебреро (февральчилар) партияси номи б-н тузилган; Христиан-демократик партия, 1965 й. асос солинган. Меҳнаткашлар бирлашган касаба уюшма маркази, 1980 й. тузилган; П. меҳнаткашлар конфедерацияси, 1951 й. ташкил этилган.

Парагвай байроғи.

Ҳўжалиги. П. — иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган аграр мамлакат. Ялпи ички маҳсулотда қишлоқ ва ўрмон хўжалигининг улуши 26,6%, саноатнинг улуши 17,4%. Хўжалигининг асосий тармоқлари: чорвачилик ва ўрмончилик.

Қишлоқ хўжалиги. Мамлакат ҳудудининг чорак қисмидан қ.х.да фойдаланилади, шундан салкам 90% ўтлоқ ва яйлов, 10% экинзор. Яйлов чорвачилиги гўшт етиштиришга ихтисослашган. Қорамол, қўй ва от боқилади. Асосий озиқ-овқат экинлари: маккажўхори, маниок, шоли, бутдой, батат, шакарқамиш, ловия, цитрус мевалар ва б. Экспорт учун тамаки, чой, пахта, кофе, тунг ёнғоғи, соя етиштирилади. Токзорлар бор. Тропик ёғочлар тайёрланади.

Саноати заиф. Етакчи тармоқлари: қ.х. хом ашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати (кушхоналар), ёғочсозлик, тўқимачилик, кўн-пойабзал, ошловчи кебрачо экстракти, цемент и.ч. ва б. Нефтни қайта ишлаш, ўсимлик мойлари, қанд-шакар и.ч. корхоналари бор. Йилига ўртача 2,4 млрд. кВт-соат электр энергия ҳосил қилинади. Туз ва оҳактош қазиб олинади. Хорижий компаниялар ёрдамида нефть ва уран конлари ўрганила бошлади. Мамлакат ташқи савдо юкларининг деярли ҳаммаси Парана ва Парагвай дарёлари орқа-

Асунсьон шаҳри.

ли ташилади. Энг катта порти — Асунсьон. Т. й. узунлиги — 1,5 минг км га яқин, автомобиль йўллари уз. 25,7 минг км. П. четга гўшт ва гўшт маҳсулотлари, пахта, нефть ва нефть экстракти, ёғоч, тунг мойи ва б. чиқаради, четдан нефть ва нефть маҳсулотлари, машина ва ускуналар, транспорт воситалари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва б. олади. Бразилия, Аргентина, Германия, АҚШ б-н савдо қилади. Пул бирлиги — гуарани.

Маориф, илмий ва маданий-маърифий муассасалари. Маориф тизимида бошланғич мактабнинг 3 й.лик, 5 й.лик, 6 й.лик турлари бор. Ўрта мактаб (ўқиш муддати 6 й.) иккита 3 й.лик босқичдан иборат. Ҳунар-техника ўқув юртлари бошланғич мактаб ва 1-босқич ўрта мактаб негизида ишлайди. П.да 21 олий ўқув юрти бор, йириклари: Асунсьондаги Миллий ун-т (1890 й. асос солинган), «Нуэстра Сеньора де ла Асунсьон» католик ун-ти (1960). Давлат илмий муассасалари: Атом энергияси миллий комиссияси (1965), Ботаника боғи (1914), Ҳарбий география ин-ти (топография хариталари), Гуарани тили маданияти академияси (1975); хусусий илмий муассасалари: П. илмий жамияти (1921), П. педиатрия ва болалар гигиенаси ин-ти (1928), П. тарихий тадқиқот ин-ти (1937) ва б. Асунсьонда Миллий кутубхона, Нафис санъат ва қад. ёдгорликлар миллий музейи, Табиий тарих ва этн. музейи бор.

Матбуоти, радиоэшиттириши ва телекўрсатуви. П.да нашр этиладиган асосий газ. ва журлар: «А Бэ Сэ колор» (кундалик газ., 1967 й.дан), «Але ланте!» («Олга!», ойлик газ., 1942 й.дан), «Вос де трабахо» («Меҳнат саси», 2 ҳафтада 1 марта чиқадиган жур.), «Диа» («Кун», кундалик газ.), «Нотисиас» («Янгиликлар», 1844 й.дан), «Патриа» («Ватан», кундалик газ., 1946 й.дан), «Перспективас» («Истиқболлар», жур., 1986 й.дан), «Популар» («Халқ газетаси», кундалик газ.), «Прогресо» («Тараққиёт»), «Пуэбло» («Халқ», ҳафтанома, 1964 й.дан), «Ультима ора» («Сўнгги соат», кундалик кечки газ., 1977 й.дан. Миллий ахборот агентлиги йўқ. Радио ва телевидение каналлари тижорат асосида ишлайди.

Адабиёти испан ва гуарани тилларида. Мустамлака даврида ёзма адабиёт деярли бўлмаган, гуарани индейсларининг бой оғзаки ижоди ривожланган. Мамлакат мустақилликка эришганидан кейинги на адабиёти шеъриятдан бошланди. Биринчи романтик шоир Н. М. Талавер (1839—67) ватанпарварлик руҳидаги шеърлари б-н адабиёт майдонига чиқди, миллий мадҳия ҳам унинг қаламига мансуб. 20-а. бошларида маърифатпарварлик ғоялари кенг тарқалди, бу соҳала М. Доминго, С. Баэс каби ёзувчилар, Х. Э. О'Лири, М. Ортис Герреро каби шоирларнинг асарлари диққатга сазовор. Шоир Х. Корреа миллий драматургияга асос солди («Бахтсизларнинг зорлиги» пьесаси). 20-а. 2-ярмидан бадиий проза равнақ топа бошлади. А. Роа Бастоснинг ўз халқи тақдирини тасвирловчи ҳикоялар тўплами ва «Инсон фарзанди» романи (1960) П. адабиётини юқори погонага кўтарди. Ижтимоий низоларни мифологик мотивлар орқали тасвирловчи бу асар жаҳон адабиёти хазинасига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Мамлакатда ҳарбий-полиция диктатураси даврида кўпгина ёзувчилар чет элларда яшаб, ижод қилишга мажбур бўлди. 90-й.лардан П. адабиёти яна жонлана бошлади.

Меъморлиги ва тасвирий санъати. П. аҳолиси қадимдан сомонли хом гишт, лой ва қамишдан қурилган кулбаларда яшаб келган. Мустамлака даврида барпо этилган мустаҳкам манзилгоҳларда ёғоч ва хом гиштдан иборатхона, устахона, бозор, лашкаргоҳлар қурилган, уларнинг атрофида индейсларнинг кулбалари жойлаштирилган. 17—18-а.ларда ҳашаматли черковлар барпо этилди. 1840—65 й.ларда П. пойтахти — Асунсьон ш. қайта режалаштирилиб, европача услубда қурилди. П. мустақилликка эришгач, йирик шаҳарларда сарой ва жамоат бинолари классицизм ва итальян уйғониш даври услубларида тикланди, гишт ва тошдан 2—3 қаватли турар жойлар қурила бошлади. Кейинги йилларда АҚШ ва Бразилия меъморлари иштирокида жамоат мажмуалари, саноат иншоотлари ва уй-жойлар замонавий бинокорлик материалларидан қурилди.

П. ҳудудида қад. ҳимоялар эпизодик ишлар қабилари очилган, болиқ овлаш, деҳқончилик б-н шуғулланган қадимги қабилалар ҳақида гувоҳлик берувчи сопол идишлар ва тошдан ишланган санъат ҳамда сақланиб қолган.

Мусиқаси. Индейсларнинг мусиқа жанрлари хилма-хил: маросим ва меҳнат қўшиқлари, давра ўйин айтишувлари, тарихий айтимлар ва ишқий лапарлар, тароналар ва ҳ.к. Флейта (мимбн), ва ҳуштак турлари, суяк ва ёғоч трубалар, барабан, шақилдоқ каби чолғулар оммалашган. Парагвайликлар мусиқаси бутун Лотин Америкасидаги креол мусиқаси б-н муштарак бўлишига қарамай, миллий ўзига хос томонлари бор (қўшиқ жанрлари — канъон ва гуарания; чолғу асбоблари — гитара ва арфа). Профессионал мусиқа 19-а.дан ривожлана бошлади. 20-а.да концерт фаолияти урф бўлди. 19-а. охири — 20-а. бошларида дастлабки мусиқа муассасалари, жамиятлари, уюшмалари ташкил этилди. Композиторлар орасида Р. Хименес, Э. Хименес, Х. А. Флорес, Х.

Парагвай деҳқонлари.

К. Морино Гамаларни кўрсатиш мумкин. Ҳозирги мусиқа бинолари: юксак мусиқа мактаблари бор.

Театри. Дастлабки театр томошалари 16-а. ўрталарида кўрсатилди. Мустамлака даврида асосан, диний мазмундаги асарлар намойиш этилган. Миллий театр санъати 19-а. ўрталаридан ривожланган. 1888 й. Ҳозирги театр биноси қурилди. 20-а.нинг 1-ярмида «Ирадиа», «Насьональ», «Индепендьенте» театрлари, Х. Стосс раҳбарлигидаги драма ва комедия труппаси ишлади. Шу даврда гуарани театри ҳам ривожланди. Х. Корреа ва шоир қаторида Ф. М. Барриос, Р. Сентурион Миранда, Х. Нэ каби драматургларнинг асарлари. ◊ Қаранг. Рекинфер Кано актерларнинг ижодига тавсифларга мансуб.

ПАРАГВАЙЛАР — халқ. Парагвайнинг асосий аҳолиси (4,12 млн. киши). Умумий сони 4,5 млн. киши (1990-й.лар ўрталари). Асосан, метислар. Испан тили ва гуарани тилида сўзлашади. Динлорлари — католиклар.

ПАРАГЕНЕЗИС (*пара...* ва *генезис*), минераллар парагенезиси — ҳосил бўлиш шароити умумийлиги б-н ўзаро боғлиқ бўлган ва Ер пўстида қонуният ларига кўра бирга учрайдиган минераллар. «П.» терминини 1849 й. Н. Бреннтаунт таклиф қилган. «П.» тушунчаси 1920-й.ларда В. И. Вернадский асарларида ривожлантирилди.

Парагенетик ассоциация ни шакллантирувчи минераллар минерал ҳосил бўлишидаги давомийлиги турлича бўлган вақт ичида ва ҳар хил физик-кимёвий ва термодинамик шароитларда кечувчи бирорта табиий жараённинг ривожланиши натижасида вужудга келади. Кўп ҳолларда, минералларнинг биргина парагенетик ассоциациясининг ўзида бирорта минералнинг турли вақтда ҳосил бўлган алоҳида бўлакларини кузатилади. Турли ёшдаги бундай минераллар уларнинг генерацияси дейилади. Кимёвий муҳит, унинг геологик ривожланиши, термодинамик шароитлар ва б. минераллар парагенезисини белгиловчи муҳим омиллар ҳисобланади. Ўхшаш шароитларда вужудга келган минераллар парагенетик қаторлар ни ҳосил қилади. Булар турли конларда қонуният лари такрорланади. Минералларнинг шундай қаторларига *магматик тог жинслари, пегматитлар*, кимберлитлар, гидротермал руда конлари жинсларидаги минераллар ассоциацияси мисол бўлади.

Минераллар парагенезиси минераллар ҳосил бўлишида иштирок этувчи элементлар парагенезиси б-н узвий боғлиқ. П.ни ўрганиш фойдали қазилмаларни излашда катта амалий аҳамиятга эга, чунки ассоциацияда бир минерал борлиги унинг яқинида бошқа минералнинг учраши эҳтимолини оширади ёки камайтиради.

ПАРАГНЕЙС — Ер пўстида ҳосил бўлган метаморфик тог жинси. Чўкинди тог жинслари (ҳўмтош ва гилли сланецлар) ни Ер пўсти чуқур қисмларида метаморфизмнинг амфиболит фациясида қайта кристалланиши натижасида ҳосил бўлади. Таркиби бошқа характерли метаморфик тог жинслари (кристаллик сланецлар, диатермит, кордиерит, гранатли ва б.) қўшилган, кварц ва дала шпатларидан иборат; қайси минералларга қараб П.нинг хилларга фарқ қилинади. П.да гилтупроқ бир оз кўп бўлади. П. дастлабки материалнинг таркибига қараб чўкинди жинсларининг метаморфизмдан ҳосил бўлган *ортогнейс*ларидан фарқ қилади (яна қ. *Гнейс*).

ПАРАГОНИТ (юн. парагон — алдовчи, галвакка жуда ўхшаш) — минерал, мусковит гуруҳига мансуб *слюда*. *Кимёвий таркиби* $NaAl_2[AlSi_3O_{10}](OH, F)_2$. Моноклин сингонияли, юпқа пластинкасимон агрегат тузилишга эга. Қаттиқлиги 2—2,5. Зичлиги 2,7—3,0 г/см³. Таниқи кўриниши мусковитдан фарқ қилмайди. Славенлар орасида учрайди. АҚШ, РФ (Урал), Швейцарияда топилган. Йирик кристаллари изоляторлар тайёрлашда ишлатилади. Ўзбекистонда Қоржонтов тизмасидаги оқтоғ ишқилмчи кварцитлари орасида оч-яшил рангдаги майда тангача ва ингичка игнасимон кристаллар ҳолатда учрайди. Г.да ишқорлардан Na_2O кўпроқ.

ПАРАД (франц. — *parade*, лот. — *paro* — тайёрлайман) — 1) расмий байрамлар муносабати б-н қўшинларнинг жанговар техника б-н (қ. *Қўшинлар паради*), физкультурачилар (спортчилар) ва б. жамоаларнинг гимнастикавор саф тортиб ўтиши; 2) цирк ва театрда — томоша олдидан ёки сўнгида саҳна (арена)га барча қатнашчиларнинг умумий чиқиши.

ПАРАДИЗКА, райка (*Malus pumila* var. *paradisiaca*) — бот. 2 м гача борадиган бута ёки дарахт; паст бўйли *олма* тури. Ватани — Закавказье. Олма дарахт-лари учун пакана *подвойлар* сифатида фойдаланилади. Парҳиш қилинган новдаларни пайванд қилинган дарахтлар пастак ўсади (2,5—4 м), 3—4 йилдан мунтазам ва мўл ҳосил бера бошлайди. П. тупроқнинг унумдорлигига талабчан, совуққа чидамсиз; ёғочи ва илдизи мўрт.

ПАРАДОКС (юн. *paradoxos* — кутилмаган, гаддати) — кўпчилик томонидан қабул этилган анъанавий фикр, тажрибага ўз мазмуни ёки шакли б-н кескин зид бўлган, кутилмаган мулоҳаза, муҳокама. Ҳар қандай П. «шубҳасиз тўғри» (асослими, асоссизми, бундан қатъи назар) ҳисобланган у ёки бу фикрни инкор этишдек кўринади. «П.» терминининг ўзи ҳам дастлаб антик фалсафада ҳар қандай ғалати, оригинал фикрни ифодалаш учун ишлатилган.

Мантиқда П.лар формал мантиқ қоидаларига риоя қилиб фикр юритишда баъзан юзага келади. Мантиқда П.ларни ҳақиқатдан чекиниш, деб билиш ўринлидир. Шунинг учун *антиномия, апория, зиддият*нин П.нинг синонимлари деб ҳисоблаш мумкин. П. бир-бирини истисно қилувчи икки фикрни баб-баравар исбот қилиш мумкинлигини билдиради. Мантиқий П.лар, одатда, мантиқий асослари тўла аниқланмаган назариялларда учрайди. Илмий муҳокамада П. пайдо бўлишининг асосий сабаби инсон билиш жараёнининг мураккаб диалектик характерга эгалиги ва бунда шакл ва мазмуннинг ўзаро зиддиятли муносабатда бўлишидадир. П.ларни бартараф этишнинг универсал йўли йўқ. Мантиқ ва матда айрим П.ларни бартараф қилиш усулларини ишлаб чиқилган.

ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР — қ. *Инвазион касалликлар*.

ПАРАЗИТИЗМ (юн. parasitos — тенгинхўр, ҳамтовоқ, паразит ва ismos — касаллик ҳолати) — (биологияда) озиқланиш орқали боғланган ва ўзаро моддалар алмашинувига асосланган, генетик жиҳатдан турлича бўлган организмларнинг тарихий шаклланган ассоциацияси. П.да бир организм (паразит) иккинчи организм (ҳўжайин)дан яшаш муҳити ва озиқ манбаи сифатида фойдаланади: иккала организм ҳам ўзаро антагонистик муносабатда бўлади. Бундан ташқари, паразит—ҳўжайин муносабатлари организмда иммунобиологик реакцияларни келтириб чиқаради. Ҳайвонот дунёсининг деярли барча типларида паразитлик б-н ҳаёт кечирувчи турлар мавжуд. Баъзи бир синфлар (сўрғичлилар, тасмасимонлар), ҳатто типлар (споралилар, микроспоридлар тиканбошлилар) фақат паразит турларни ўз ичига олади. Бўғимоёқлилар типида паразитлар ҳашаротлар ва ўргимчаксимонлар синфи вакиллари орасида кўп учрайди. Умуман Ер юзида мавжуд бўлган ҳайвонлар турининг 60—65 минги (4—5%) паразит ҳаёт кечиради. «П.» терминининг келиб чиқиши Юнонистонда. Перикл даврида (мил. ав. 5-а.) мавжуд қонунга асосан, кўзга кўринган давлат арбоблари кексалик ёшида давлат қарамоғига ўтишган. Улар учун қурилган махсус пансионлар паразитария, у ерда яшовчилар эса паразс(з)итлар деб аталган. Рим империяси

даврида паразит сўзи ўгалар ҳисобига яшовчи маъносини англатиб, ҳоз. кунгача сақланиб қолган. Бу сўз биол., ветеринария ва тиббиётда ҳам худди шу маънода кириб келган бўлиб, бошқа организм (хўжайин) тўқималари ёки ҳазм қилган озиқ моддалар б-н озиқланадиган, унинг ички органлари ёки тана юзасида вақтинча ёки доимий яшайдиган организмни англатади. Рус олими Р. С. Шульгинин фикрича, П.нинг 1- мезони унинг яшаш жойи; 2- озиқланиш усули (метаболитик боғлиқлиги) ва 3- хўжайин организмига патоген таъсиридан иборат. И. И. Мечников паразитизмни бошқа организмлар ҳисобига яшовчи ва озиқланувчи жонивор лар деб таърифлаган. П. б-н боғлиқ ҳодисалар одам ва ҳайвонларда анча батафсил ўрганилган бўлишига қарамай, унинг келиб чиқиши ва шаклланиши масалаларининг кўп жиҳатлари ҳозиргача маълум эмас. Бу аввало ҳайвонлар эволюцияси б-н боғлиқ.

Яшаш жойига кўра, П. ташқи — эктопаразитизм (паразит хўжайин танасининг ташқарисида яшайди) ва ички — эндопаразитизм (паразит хўжайин организми ичида яшайди), яшаш муддатига кўра, вақтинчалик (паразит ҳаётининг маълум бир қисми паразитлик б-н ўтади) ва доимий (стационар) (паразитнинг ҳамма ривожланиш босқичлари паразитлик б-н ҳаёт кечиради) бўлади.

Паразитларни ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш б-н *паразитология, гельминтология, микробиология, вирусология* ва *фитопатология* шуғулланади. Эволюция жараёнида организмлар ўртасида турли хил биологик, хусусан, индифферент (бетараф), симбиоз (ўзаро фойдали), антагонистик (қарама-қарши) муносабатлар вужудга келган.

Индифферент муносабатдаги организмлар бир хил шароитда ва битта ҳудудда биргаликда яшаб, бир-бирига фойда ёки зиён келтиришмайди (мас., денгиз остида яшовчи актиниялар, денгиз юлдузлари, қисқичбақасимонлар).

Симбиоз муносабатда 2 ёки ундан ортиқ организмлар ўзаро манфаатдорликда яшайди. Бу муносабатлар асосида ижарага яшовчанлик (синойкия) ва озиқланиш орқали боғланиш (комменсализм) ётади. Барча паразитлар эволюция жараёнида эркин яшовчи организмлардан, кўпчилик эктопаразитлар эса йиртқичлар озиқланиш муддатининг аста-секин узайиши натижасида келиб чиққан. Эктопаразитлар, айниқса, бутимоёқлилар орасида кўп учрайди. Узоқ эволюция жараёнида бутимоёқлилар умуртқали ҳайвонлар б-н озиқланиш туфайли боғланишда бўлиши орқали аста-секин эктопаразитларга айланиб борган. Каналар, паразитлар, патҳўрлар, жунҳўрлар, битлар ва бурғалар худди шу йул б-н вужудга келган. Кўпчилик умуртқасизларнинг умуртқали ҳайвонлар териси, жабра ёриқлари ёки бошқа органларига сиқиб ҳаёт кечириши, улар аста-секин ботиб кириб озиқланишга утиши туфайли эктопаразитларга айланиб борган. Инфузориялар ва паразит қисқичбақасимонлар буниа мисол бўлади. Баъзи ҳашаротларнинг личинкалари қуруқликдаги умуртқали ҳайвонларнинг паразитлари ҳисобланади. Дастлаб бу личинкалар яралардаги нобуд бўлган тўқималар ёки ўлган ҳайвонлар б-н озиқланган. Кейинчалик улар тирик тўқималар б-н озиқланишга мослашиб, ҳақиқий паразитларга айланган. Эндопаразитларнинг келиб чиқиши кўп жиҳатдан эктопаразитларнинг эволюцияси б-н бевосита боғлиқ. Терида паразитлик қилувчи инфузорияларнинг бир гуруҳи ва ҳашаротлар личинкалари шу тариқа эндопаразитларга айланган. Рус олими В. А. Догелнинг фикрича, яркин яшовчи умуртқасиз ҳайвонларнинг ичакларини ташқи муҳитдан ажратиб турувчи эпителий ҳужайраларининг ички юзасида ҳазм қилиш органларига тушиб қолиб, у ерда ривожланишни давом эттириши натижасида эндопаразитларга айланиб қолган. Кўпчилик бир ҳужайралилар ва нематодалар шу йўл б-н келиб чиққан бўлиши мумкин. Қон паразитлари П.га юксак даражада мослашган бўлиб, дастлаб улар ичакда паразитлик қилган, кейинчалик турли йўллар б-н қонга ўтиб, у ерда яшашга мувофиқлашган бўлиши мумкин. Паразитларнинг ҳаёт цикли ва тарқалишини ўрганиш уларга қарши кураш ва, айниқса, касалликларнинг олдини олишда жуда муҳим. Бунда паразитлар, паразит ташувчи ва оралиқ хўжайинлар дорилар ёрдамида йўқотилади. Паразит (зараркунанда) ўсимликларга қарши биологик курашдан (мас., парда қанотли ҳашаротлар — йилоқчилардан) кенг фойдаланилади.

Ад.: Абуладзе К. И. и др., Паразитология и инвазионные болезни сельскохозяйственных животных, М., 1990; Акбаев М. Ш. и др., Паразитология и инвазионные болезни животных, М., 2000.

Жалолиддин Аликов, Эркинжон Шакарбоев.

ПАРАЗИТОЛОГИЯ (*паразит* ва *... логия*) — паразит организмлар систематикаси, морфологияси, биол. си ва экологияси, паразит ва хўжайин ўртасидаги ўзаро муносабатларни, одам, ҳайвон ва ўсимликларда паразитлар қўзғатадиган касалликларни ва уларга қарши кураш усулларини ўрганадиган биол. фанлар комплекси. П паразитизм табиатини, ҳаёт кечиришни, паразит ишига мослашиш, ривожланиш ва географик тарқалишини ўрганади.

П. муаммолари биотизим умумий муаммолари б-н узвий алоқада кетади. Жумладан, паразитларнинг морфологик ва физиологик мослашиш муаммоларини ўрганиш «тўр-ни новлонлик жиҳатдан ташкил этиш учун асос бўлиб ҳисобланади. Амалий жиҳатдан П., паразитар касалликларга қарши курашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш орқали одам ва ҳайвонларнинг саломатлигини сақлашга ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳайвонот дунёсига мансуб паразитлар *зоопаразитлар*, улар пайдо қиладиган касалликлар *инвазион касалликлар*, ўсимликларга мансуб паразитлар *фитопаразитлар*, улар келтириб чиқарадиган касалликлар *инфекцион касалликлар* деб аталади. Бинобарин, касалликларни инфекцион ва инвазион деб таснифлаш, касаллик қузғатувчисининг ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсига мансублигига асосланган. Ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига мансуб паразитларни *микробиология, зитотология, микология, фитопатология* каби фанлар ўрганади. Ўсимликлар таркибидан алоҳида гуруҳ вируслар — *vira* ажратилган. Халқ хўжалигидаги аҳамиятига кўра, П. умумий П., тиббиёт П.си, агрономия П.си, ветеринария П.сига ажратилади. Умумий П. шу фаннинг назарий асослари бўлиб, тирик организмларнинг ўзаро муносабатларини, паразит организмлар систематикаси, паразитар касалликлар патогенези, давоси ва олдини олиш тадбирларини ўрганади. Одамларда касаллик пайдо қилувчи паразитларни тиббиёт П.си, маданий ўсимликларда паразитлик қилувчи гельминтлар ва бўғимоёқлиларни агрономия П.си ўрганади ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқади. Қ. х. ҳайвонлари паразитларни ва улар келтириб чиқарадиган касалликларни ўрганадиган ҳамда қарши кураш усулларини ишлаб чиқадиган фан ветеринария П.си деб аталади. Ветеринария П.си ўз навбатида, паразит бир ҳужайралиларни ўрганадиган *протозоология*, паразит чувалчангларни ўрганадиган *гельминтология*, ўргимчаксимонлар ва ҳашаротларни ўрганадиган арахноэнтомология фанларига ажратилади.

П. *зоология* б-н чамбарчас боғлиқ. Паразитлар морфологияси ва систематикасини билиш инвазион касалликларга диагноз қўйиш учун зарур; уларнинг биологияси ва экологиясини ўрганиш эса уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишнинг асоси ҳисобланади. П. *анатомия* ва *эмбриология*, *физиология*, *биохимия*, *фармакология*, *токсикология*, *иммунология*, *патологик анатомия* ва б. биол., тиббиёт, ветеринария, қ. х. фанлари б-н ҳам боғланган. Замонавий П. *биохимия*, *иммунология*, *электрон микроскопия*, *молекулар биология* ва б. фанларнинг текшириш методларидан фойдаланади.

Паразит организмлар тўғрисидаги дастлабки маълумотлар бўлиб, ватанимиз Абў Али ибн Сино асарларида учрайди. Одам - ғиж қонхўрларида аскарида, острица ва ришта каби паразит чувалчангилар пайдо қилишда касалликлар ва уларни даволаш тўғрисида аниқ маълумотлар беради.

П. 19-аср охирларидан мустақил фан сифатида шаклана бошлади. Бу микроскопнинг такомиллашуви, кўплаб микроскопик паразитларнинг каноф этилиши ва паразитларнинг ҳаёт циклларини ўрганилиши б-н боғлиқ. Ўрта Осиёда паразитологияга оид маълумотлар 19-асрнинг 2-ярмида Туркистон ўлкаси бўйлаб сафар қилган рус натуралист олими А. П. Федченко асарларида учрайди. У Бухоро, Самарқанд ва Тошкентда бўлиб, ҳар хил ҳайвонларнинг паразит чувалчангларини йиғган. Йиғилган материалларни Дания ва Германия мутахассислари ёрдамида ишлаш натижасида, уларнинг 24 турга мансуб эканлиги аниқланган. 20-а. бошларида Ўзбекистонда П. соҳасида тадқиқотларнинг ривожланиши рус олимлари К. И. Скрябин, Е. Н. Павловский, В. А. Догель, Н. В. Баданин, Л. М. Исаев ва б.нинг номи б-н боғлиқ.

Ўзбекистонда П. фани, юқорида таъкидлаганимиздек, 4 йўналиш бўйича шаклланиб, назарий ва амалий муаммоларни ҳал этиб келмоқда: 1) умумий П.; 2) тиббиёт П.си; 3) ветеринария П.си; 4) агрономия П.си. Умумий П. бўйича олиб борилган тадқиқотлар М. А. Султонов, Э. И. Ган, С. О. Османов, М. К. Қодирова, Қ. С. Самалов, Ж. А. Азимов, Т. К. Қобилов, С. Далаева, О. Давронов ва б.нинг ишлари б-н боғлиқ. Тиббиёт П.си соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланишига Л. М. Исаев, В. М. Содиқов, П. М. Лернер, В. Р. Лемелев, Н. А. Деҳқонхўжаева ва б. ҳисса қўшган. Ветеринария П.си соҳасида Н. В. Баданин, Э. Х. Эргашев, Н. М. Матчанов, Ш. А. Азимов, Р. Х. Хаитов, Б. С. Салимов, А. О. Орипов, А. Рўзимуродов, М. Аминжонов, Г. С. Пулатов ва б. тадқиқот олиб боришган. Агрономия П.си соҳасидаги тадқиқотларни 20-а.нинг 30-й.ларида Е. С. Кирьянова бошлаб берган. Кейинчалик фитогельминтология деб атала бошлаган бу фаннинг ривожланишида А. Т. Тўлаганов ва шогирдларининг хизматлари катта бўлди. О. Маклонов, З. Норбоев, Ш. Хурромов, О. З. Усмонова, А. И. Землинская, Э. П. Азизова ва б. фитогельминтолог олиб борган тадқиқотлар туфайли энг муҳим қ. х. экинларни фитогельминтозларнинг таксономик таркиби, биол.си, тарқалиши ўрганилди ва уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилди. П. соҳасидаги тадқиқотлар Ўзбекистон ФА Зоология и.т. институтида, ФАнинг Қорақалпогистон филиали бўлимларида, Ўзбекистон Ветеринария и.т. институтида, ун-тлар, қ. х. ва тиббиёт ин-тлари қошидаги кафедраларда олиб борилади.

ПАРАЛЛАКС (юн. *parallaxis* — оғиш) — фазонинг бирор нуқтаси (мас., ёритқич — сайёра, юлдуз маркази)дан Ер орбитасининг радиуси кўринадиган бурчак. П. ёритқич б-н Ер орасидаги масофани аниқлашга имкон беради. Агар ёритқичнинг П.и маълум бўлса, тригонометрик формулалар ёрдамида унинг Ердан узоқлигини аниқлаш мумкин. Суткалик П. — Ер радиуси б-н осмон ёритқичи кўриниш радиуси орасидаги бурчак (мас., Ой учун суткалик П. 57'2"70, Қуёш учун 8"80). Йиллик П. — Ер орбитасининг катта ярим ўқи б-н осмон ёритқичи кўринадиган чизиқ орасидаги бурчак.

ПАРАЛЛАКТИК УЧБУРЧАК — сферик учбурчак. *Осмон сферасида* меридиан ёйи, вертикал доира ёйи ва ёритқич б-н олам қутбини бирлаштирувчи ёйнинг кесишишидан ҳосил бўлади. П.у. учларида олам қутби (*P*), зенит (*Z*) ва ёритқич (*M*) жойлашган (расмга қ.). Томонлари $90° - \varphi$, z ва $90° - \delta$ ёйдан иборат (z ва δ — *M* ёритқичнинг зенит -масофаси ва оғиш бурчаги, φ — жойнинг географик кенгликлари), бурчаклари — t, $180° - A$ (t, A — *M* ёритқичнинг соат бурчаги ва азимути), q — параллактик бурчаги.



Параллактик учбурчак.

ПАРАЛЛАКТИК ҚУРИЛМА, экваториал қурилма — телескопнинг оптик ўқини *олам ўқига* параллел қилиб ўрнатишда ишлатиладиган қурилма. Бунда ёритқичларнинг оғиш бурчагини кўрсатувчи белгилар оғиш ўқига перпендикуляр ўтказилган доирага қўйилади. Телескопни олам ўқи атрофида соат механизмига ўхшаш механизм айлантиради. Ҳоз. телескопларнинг кўпчилиги П.қ.ли қилиб ясалади.

Параллактик қурилма.

ПАРАЛЛЕЛ ТЎҒРИ ЧИЗИҚЛАР (*Евклид геометриясида*) — бир текисликда ётиб, лекин кесишмайдиган тўғри чизиқлар. Параллел a ва b тўғри чизиқлар $a \parallel b$ кўринишда белгиланади. П.т. ч. қуйидаги хоссаларга эга:

1) a ва b параллел бўлса, $b \parallel a$ бўлади;

2) $a \parallel b$, $b \parallel c$ дан $a \parallel c$ эканлиги келиб чиқади.

Фазода икки текислик (ёки текислик б-н тўғри чизиқ) умумий нуқтага эга бўлмаса, улар параллел дейилади. Текисликнинг *Декарт координаталар тизимида* $Ax+By+C=0$ ва $A_1x+B_1y+C_1=0$ тенгламалар б-н берилган тўғ-ри чизиқларнинг параллел бўлиши $A:A_1=B:B_1=C:C_1$ шарт б-н аниқланади. Тенгламалар $y=k_1x+b_1$, $y=k_2x+b_2$ кўринишда бўлса, параллелдик шарти бурчак коэффициентлар тенглигидан иборат: $k_1=k_2$. *Лобачевский геометриясида* П. т. ч. бошқача таърифланади.

чатка)га тўғри ичакла доимо бўладиган йиринг пайдо қилувчи микроб-лар ўтади. Касаллик ўткир ва сурункали кечади. Ўткир П.да тўғри ичак атрофидаги клетчаткала йирингли бўшлиқ пайдо бўлади; *абсцесс*, оғирроқ ҳолларда *флегмона* кузатилади. Касалликнинг оғир-енгил кечиши яллиганган соҳанинг юза ёки чуқур бўлишига боғлиқ. Юза П.да ички бўшатиш вақтида қаттиқ оғриқ бўлади, орқа чиқарув тешигининг атрофи шишиб, безиллаб туради. Чуқур П.да, айниқса, чаноқ бўшлиғидаги клетчатка зарарланган бўлса, аввал оғриқ сезилмайди, яллиганган соҳа атрофида ўзгаришларни врач тўғри ичакни текшириш вақтида аниқлайди. Кейинчалик беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади, боши оғрийди, т-раси кўтарилади, эти увишади, пульси тезлашади, тили караш бўлади, иштаҳаси йўқолади, касаллик кечиктирилганда *сепсис* рўй бериши мумкин. Кўпчилик ҳолларда йирингли бўшлиқ ёрилиб, йиринг оқиб тушади (тўғри ичак ёки оралиққа), шу вақтдан бошлаб касаллик сурункали шаклга ўтади. Сурункали П.да тўғри ичак атрофидаги клетчаткада узоқ вақт-гача битмайдиган оқма яра пайдо бўлади; бу яра тешилганда ундан йиринг ҳам ажралади. Фақат юза П.да йиринг оқиб тушиб, ўз ҳолича тузалиб, битиб кетиши мумкин. Оқма яралар пайдо бўлганда, одатда, операция қилинади. Сил б-н боғлиқ П. ўткир яллиғланиш белгиларисиз кечса ҳам, оқма яралар пайдо бўлади, бунда операциядан ташқари, силга қарши махсус даво қўлланиши лозим. П. б-н оғриган бемор касалхонада даволанади. Олдини олиш, асосан, прок-тит, бавосир, орқа чиқарув тешиги соҳасидаги ёриқ ва б. касалликларни ўз вақтида даволатиш, П.га хос дастлабки аломатлар сезилганда дарҳол врачга мурожаат этишдан иборат. Шахсий гигиенага қатъий амал қилиш, ҳожатдан кейин орқа чиқарув тешигини илиқ сув б-н ювиш П.нинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланади.

ПАРАПСИХОЛОГИЯ (*пара...* ва *психология*) — психологик тадқиқот соҳаси; фикрни ҳеч қандай воситаларсиз маълум масофага узатиш имконияти тўғрисидаги маълумотларни ўрганиш б-н шуғулланади. П. психик ҳолатларга тааллуқли тасаввурлар ва фаразларни ўзида акс эттиради, лекин уларнинг талқини чуқур илмийликка эга эмас. Ғайритабиий равишда у ёки бу ҳолат ва ҳодисалар идрок қилиниши тахмин этилади, бироқ инсон томонидан бундай ахборотларни ҳиссий аъзолар орқали қабул қилиниши фанда тасдиқланмаган. П. ўрганилган ва унга силоси соҳалар: *телепатия* — фикр ва ҳис-туйғуларни сезги органлари ишига ва ақлий муҳокамага асосланмаган ҳолда ташқи оламдаги объектив воқеалар ҳақида маълумот олиш; проскопия (башорат қилиш) — келгусидаги ҳодисаларни айтиб бериш, психокинез — кишининг теварак-атрофдаги буюмларга, уларни жойидан қўзғатишга фикран таъсир этиши; парамедицина — бемор қўлини ушлаб туриб ёки фикран ишонтириб, ё бўлмаса бошқа тавсияларсиз даволаш, хиромантия — кўл кафтига қараб фол очиш, инсон келажаги ва унинг тақдири ҳақида башорат қилиш; спиритизм — ўлган одамларнинг руҳлари б-н алоқа ўрнатиш, улар б-н мулоқот қилиб туришга лаёқат қилувчи ғоя.

П. гаройиб, ноёб ҳодисаларни 19-а. охиридан бошлаб талқин қила бошлади. Аммо телепатия, туш кўриш, тошбақан яққол кўриниш ва ихтиёрсиз ҳаракатларнинг илмий асоси очилмаган бўлса-да, улар *гипноз*, ўта сезгирлик, инсондаги ноёб *хотира*, ҳисобланиш қобилиятининг қонуниятларини тушунишга ёрдам берди. Лекин ҳозирча бу хил муаммолар кескин баҳсларга сабаб бўлмоқда. Кўпчилик психологлар бу соҳала тажрибаларни давом эттириш мақсадга мувофиқлигини инкор қилишмаса ҳам парапсихологларнинг илмий асосланмаган даъволари ва шов-шувли фикрларига қарши чиқмоқдалар. П.нинг синоними — психотроника.

Эркин Гозиев

ПАРАСИМПАТИК НЕРВ СИСТЕМАСИ — *вегетатив нерв системасининг* бир қисми. П.н.с. ўзи иннервация қиладиган аъзоларга хилма-хил, кўпинча, *симпатик нерв системаси* таъсирига қарама-қарши таъсир кўрсатади.

ПАРАСКАРИДОЗ — от, эшак ва хачирларда учрайдиган инвазион касаллик. Ингичка ичак, баъзан ошқозонда паразитлик қиладиган Parascaris equorum нематода қўзғатади. Касал ҳайвонларнинг тезаги б-н ифлосланган ем-хашак ва сув орқали юқади. Асосан, ёш моллар касалланади, касал ҳайвон йўталади, бурнидан сув оқади, нафас олиши тезлашади, тана ҳарорати қисқа вақт кўтарилади, ичи қотади ёки кетади. Камқонлик (анемия) белгилари кўринади; тойлар ўсиши кечикади ёки тухтайди.

Даволаш: пиперазин, мебендазол, панатур, фарантел ишлатилади.

Олдини олиш: молларни парвариш-лаш, боқишда ветеринария-санитария қоидаларига риоя қилиш; режали дегельминтизация, яйловларни алмаштириш ва б.

ПАРАТИРЕОИД БЕЗЛАР (*пара...* ва юн. *thyreodes* — қалқонсимон) — *ҳайвонлар ички секреция безлари*, одам ва ҳайвонларнинг ички секреция безлари. Улар бачки сут ишлаб чиқарувчи (сигир, қўй, эчки) ва одамда 2 жуфт П.б. организмда кальций ва фосфор алмашинувини бошқарадиган *паратиреоид гормон* (паратгормон) ишлаб чиқаради.

ПАРАТИРЕОИД ГОРМОН, паратгормон — одам ва ҳайвонларнинг қалқонсимон безидан ажралиб чиқадиган гормон. 1925 й.да канадалик олим Ж. Коллип томонидан буқанинг қалқонсимон безидан ажратиб олинган. Суякдан қонга кальций чиқишини, бўйраклардан кальций ва фосфат ажралишини кучайтиради. Кимёвий табиатига кўра — полипептид.

ПАРАТИФЛАР — одамда сальмонеллалар қўзғатадиган ўткир инфекцион касалликлар тўплами. Пайдо бўлиши-белгилари, давоси, олдини олиш усуллари *ич терламага* ўхшаш.

ПАРАФИЛЯРИОЗ — от ва қорамолларда учрайдиган инвазион касаллик. Ҳайвон териси ости клетчаткаси ва мускул ўртасидаги бириктирувчи тўқималарда паразитлик қиладиган Parafilaria multipapillosa нематода қўзғатади. Қон сўрувчи пашшалар орқали ҳайвонларга юқади. Баҳорда ва ёзда кундузи пайтларда ҳайвоннинг бўйин, елка ва кўракларн атрофи терисида ниҳатлек тугунчалар пайдо бўлади, несиқ фасллардан қон оқади. Маълум муддатдан кейин қон тўхтайди, қотади, қора кўтир бўлиб қолади. Даволаш усули етарли ўрганилмаган.

Олдини олиш: қон сўрувчи пашшалар инсектицидлар пуркаб йўқ қилинади.

ПАРАФИН (нем. paraffin, лот. parum — оз ва affins — ўхшаш) — тўйинган қаттиқ углеводородлар C_{19} —C_{35} аралашмаси. Мол. м. 300—400. Соф П. рангсиз, ҳидсиз, таъмсиз модда. Қўлга ёғдек унайди, сувда, спиртда эримайди, кўпгина органик эритувчиларда ва минерал мойларда яхши эрийди. Суюқланиш т-раси 45—65°, зичлиги 880—915 кг/м³. П., асосан, денарафинизация усулида кетонлар б-н толуол аралашмасидан, мойли нефть дистиллатларини мойсизлантириш ва тозалаш йўли б-н, шунингдек, сунъий усулда углерод (II)-оксидни водород б-н қайтариб олинади. Изоляцион материал сифатида, ёғочни парафинлашда, қоғоз, тўқимачилик, полиграфия, кўн, лок-бўёқ саноатида, электротехника, тиббиётда қўлланади. Юқори ёғ кислоталари, спиртлар, кислотаси ва кул фоиз миқдори оширилган П. олиш усуллари ишлаб чиқилган.

ПАРАФИН БИЛАН ДАВОЛАШ, парафинлан-тан даво мақсадида фойдаланиш. Асосан аппликация, бемор жисмининг ёки ички аъзоларнинг маълум қисмига суртиш усулларидан қатъий назар, П.н.д. ишлатилганда қуйидаги умумий қоидаларга риоя қилиш лозим: 1) П.ни 50—55° гача совитиб, кавсалдан олиб, тавсияномада кўрсатилган қисмига қўйилади, қисқа вақт, эҳтиёткорлик билан, қисқа муддат (5—10 сек) ушлаб турилади, шу ҳолатда 20—30 мин. туради, парафин олинади, бемор иссиқ адёл ёки ҳалат ёпиб, 30—40 мин. дам олади. Даво курси 10—25 марта, кунда ёки кунора қўйилади. Парафин оғриқ қисмларини ва сурғич олиш частотасига оид, моддалар алмашинуви, қон айланишини, тўқималар озиқланишини кучайтиради, чандиқланишга йўл қўймайди. Бўғимлар, пай қинлари, бошлама ва мускулларнинг ўткир ва сурункали касалликларида, шикастларда, перн системасининг оғриқ б-н кечадиган касалликлари (*радикулит, ишиас, невралгия, невралгияда*), трофик яра, оқма ҳам қилиш системаси касалликлари ора касаллиги, қопп, гастритда, яркак ва аёллар жинсий аъзоларн яллиғланганда, қизоқ, бўғун, томоқ касалликлари, априм тери касалликлари (қўрқ, яхема, қизил темиратқида, шунингдек, косметикада турли нуқсонларни (жин, чандиқ ва б.) йўқотиш учун ишлатилади. П. б-н д. фақат врач тавсия этгандагина қўлланади.

ПАРАШЮТ (*пара...* ва франц. chute — тушиш) —1) юқоридан (мас., самолётдан) тушаётган одам ёки юк тезлигини атмосфера қаршилиги ҳисобига камайтирадиган аппарат. *Леонардо да Винчи* П. тавсини илмий асослаб берган. 18-а.да француз Ж. Монгольфье оддий П. б-н миноралан сакраган. Ҳозирги авиация П.нини Россияда биринчи марта Г.Е.Котельников яратган (1911).

П. гумбаз ва осма тизимлардан иборат (расм). Самолётдан сакраш, бориш қийин бўлган жойларга юк ташлаш, ёнғинидан муҳофаза хизматчиларини ўрмонининг ёнаётган жойларига тушириш; махсус ҳаво-десант қўшинлари ва ҳарбий техникани ташлаш ва б. мақсадларда ишлатилади. Шунга кўра, қутқарув, қўндирув, тормоз ва спорт П.лари кабн хилларга бўлинади. П. шинок матодан тайёрланади.

Вертолёт ёки самолётдан сакрашда ишлатиладиган П.лар парашютчи томонидан тортиш ҳалқасини бевосита

Парашют. *1* Десантдан ва ўқчи чиқиш парашюти (1488). *2* Тормоз парашюти.

иштирокисиз очилади. Юк ташлаш П.лари одам иштирокисиз очилади. Буларнинг учун махсус тизимга ўёлиб, бир учи самолётга маҳкамлаб қўйилади. Парашютчи самолётдан тизимга узунлиги ўзаклашган ҳалқа тортилади ва П. гумбази очилади. П. гумбазининг юзаси 0,01 дан бир неча минг м² гача бўлиши мумкин. П.нинг тушиш тезлиги 1—5 м/с; 2) лифт шахтасида бош арқони узилиб кетган ёки тормоз ишламай қолган ҳолларда, шунингдек, кабина ичидан қўйилган тезликдан тез тушганда уни ушлаб қолувчи қурилма.

ПАРАШЮТ СПОРТИ — авиация спорти тури. П.сда турли учиш аппаратлари (самолёт, вертолёт, планёр, дирижабль, аэростат ва б.) парашютда сакрашдан. Замонавий П.с. мусобақаларида (самолёт, вертолёт, планёр, дирижабль, аэростат ва б.) парашютдан сакрашдан. Замонавий П.с. мусобақалари дастурига қуйидагилар киради: 600—1500 м баландликдан радиуси 10 м ли нишон доирасига якка ва гуруҳли бўлиб сакраб ерга аниқ қўниш; 2000 м баландликдан якка ҳолда сакраб ҳавода акробатик фигуралар комплексини бажариш; 2400 м дан эркин тушиш пайтида эстафета таёқчаларини узатиш ва нишон доирага аниқ қўниш машқи бажариладиган гуруҳли бўлиб комплекс сакраш; 2400—4000 м баландликдан эркин тушишда муайян фигуралар ясаб гуруҳи бўлиб акробатик сакраш; ерга аниқ қўниш; кичик калибрли милтиқдан отиш, кросс, сузишни ўз ичига олувчи парашют кўпкураши. Халқ-аро авиация федерациясининг парашют комиссияси — CIP (1950 й. тузилган)га 50 дан ортиқ мамлакат аъзо. 1951 й.дан жаҳон, 1975 й.дан Европа чемпионатлари ўтказилади. Ўзбекистонда П.с. 1934 й. вужудга келган. Шу йили Тошкент аэроклуби ўз фаолиятини бошлаган эди. Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда 12000 дан ортиқ парашютчилар тайёрланди. Тошкент аэроклубидан ташқари мамлакатда яна 3 та авиация спорт клуби (Андижон, Зарафшон, Самарқанд) бор. Парашютчиларнинг ҳар йили «Оқ олтин» мусобақалари ҳамда фахрийларнинг анъанавий матч учрашувлари ўтказиб турилади. 1993 й. Фарғона ш. парашютчилари Вена (Австрия)да ўтказилган халқаро мусобақаларда, Ўзбекистон терма жамоаси (Т. Азизбекова, Н. Трофимова, С. Ричкова, Т. Гирдюк, Н. Скулкина) парашют кўпкураши бўйича халқаро мусобақалар (Волгоград ш.да 3-ўрнини эгаллади. Ўзбекистонлик В.Крестьянников жаҳон, Э. Эскандэров Европа чемпиони унвонига сазовор бўлган, А. Фастхутдинов, А. Коншева, Л. Абдурахмонов, В. Коротеева ва б. ўзбекистонлик жаҳон рекордчилари эътироф этилади.

Акробатик фигураларни бажариш.

ПАРВАНА — ўртапишар хўраки қишмиш узум нави. Арманистон узумчилик, виночилик ва мевачилик и.т. институтида *Каттақўрғон* ва *Хишрав қишмиши* нав-ларини чатиштириб чиқарилган (С.А.Погосян, С.С.Хачатрян, Э.Л.Мартиросян, В.И.Егизарян). Барги ўртача, 5 бўлмали, ости туксиз. Гули 2 жинсли. Узум боши ўртача ва йирик, ўртача тиғиз. Ғужумлари йирик, чўзиқтухумсимон, саргимтир, губор б-н қопланган. Куртак очганидан кейин 140—145 кунда, фаол ҳарорат йиғиндиси 3290—3345° да пишиб етилади. Тупи ўртача ўсади. Ҳосилдорлиги 160—170 ц/га ва ундан ортиқ. Касаллик ва зараркунандаларга чидамли ўртача, сояваққа чидамли паст. Янгилигида истеъмол қилинади, майиз солинади.

ПАРВАНОВ Георги (1957.28.6, Свиштов ш.) — Болгария давлат арбобн. София ун-тининг тарих ф-тини тугатган (1981). Тарих фанлари д-ри.

Болгария Ижтимоий тарих ин-тида илмий ходим, катта илмий ходим (1981—91), Болгария социалистик партияси (БСП) Олий кенгаши аъзоси, БСП Тарих ва сиёсатшунослик тадқиқотлари маркази директори (1991—94), «Демократик сўллар» коалициясининг парламентдаги фракция етакчиси (1997—2001), 2001 й. июнь—ноябрда «Болгария учун» коалиция фракцияси етакчиси. БСП раиси ўринбосари, сўнг раиси (1994—2001), 2002 й. 22 январдан Болгария Республикаси президенти.

ПАРВАРДА — ширинлик тури. Тайёрлаш усули: шакар, олий нав буғдой уни, ўсимлик ёғи, лимон кислотаси олинади. Қозонга шакар ва сув солиб (шакар миқдорига нисбатан сув 30—40%) қайнатилади, қайнаш 8—10 мин. давом эттач, лимон кислотаси қўшилади, қайнаш қозонлари масса намлиги 3—3,5% қолгунча давом эттирилади. Пиширшш охирида қозондаги қандолатга чўзиш станокларида ишлов берилади, яъни ёстиқча шаклида кесилади ва 20—25° ҳароратда унга буланиб, 18—24 соатга совитилади. Сўнгра махсус қутичаларга солинади.

«ПАРВИНАБАНК» — хусусий акциядорлик-тижорат банки. 1994 й. 10 майда ташкил топган. Бошқаруви Самарқанд ш.да жойлашган. Тошкент ва Бухоро ш.да филиаллари бор. Мижозларга фонд биржасида хизмат кўрсатиш, давлат хазина мажбуриятлари бозорида дилерлик ва фонд биржасида брокерлик хизматларини кўрсатиш, қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, давлатлараро пул ўтказиш, кўчириш операцияларини ва б. хизматларни амалга оширади. Банк республикада кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантиришда фаол иштирок этмоқда. Банкнинг Низом жамғармаси 1 млрд сўм; захира жамғармаси 230,4 млн сўм; берилган кредитлар миқдори 4,1 млрд. сўм; кўрилган йиллик фойда 187,5 млн. сўм; жами активлари 16,3 млрд. сўм (2002).

ПАРВОН, Фарвон — ўрта асрларда *Тохаристон* шаҳарларидан бири. Панжҳир дарёси водийсида жойлашган. 11-а.да бу ердан Тохаристоннинг Кобул вилояти б-н чегараси ўтган. 10-а.да *сомонийлар* даврида П.да катта ва гавжум жоме масжиди бўлган. П. зарбхонасида сомонийлар, ғазнавийлар, мўғуллар, ҳулокуийлар ва темурийлар даврида пул зарб қилинган. П. 20-а. бошида ҳам ўзининг қад. номи б-н аталган, сўнгра Жалолиддин *Мангубердининг* мўғуллар устидан қозонган энг ёрқин галабаси П. яқинида бўлган (қ. *Парвон жанги*).

ПАРВОН ЖАНГИ (1221) — *Жалолиддин Мангуберднинг* мўғул босқинчиларига қарши олиб борган жангларидан бири. Жалолиддин ўшанинг турли қабилалардан ташкил топган қўшини (60—70 мин киши) б-н мўғулларга қарши чиқиб, *Парвон* яқинида жанг майдонини эгаллаган. У бу ерда туриб ластаввал Тохаристондаги Валиён (ёки Валиштон) қалъасини қамал қилаётган мўғул қўшинининг тор-мор этган. *Чингизхон* Жалолиддинга қарши Шики-Хутуху нуён бошчилигида қўшин (30 минг, бошқа манбага кўра, 45 мин киши) жўнатган.

Парвондан бир фарсах (6—7 км) масофадаги ерда бўлган жангда мусулмонларнинг ўнг қанотига Жалолиддиннинг қайнотаси, қанглилар қўшини сардори Амин ал-мулк, сўл қанотига Сайфуддин Агроқ туркман халажлардан ташкил топган қўшинга бошчилик қилган. Жанг икки кун давом этган. Жувайнийнинг ҳикоя қилишича, Шики-Хутуху нуён иккинчи кунга ўтар кечаси душман мўғулларга мадад кучлари етиб келибди деб ўйлаши учун уч қўшинига кигиз ва чопонлар орасига похол солиб ва бош кийим кигизиб қўриқчи ясашни, уларни қўшимча отлар устига ўтказиб, туғлар карвони ва аравалар орасига сафлашни амр қилган. Дастлабига бу айёрлик иш берган, аммо, Жалолиддин қўшинига лашкарбошилари ўлжа (ажойиб араб оти) устида жанжаллашиб қолганлар. Жалолиддин уларни тинчита олмаган. Сайфуддин Агроқ, Аъзам малик ва Музаффар малик уни тарк этганлар. Жалолиддиннинг ёнида фақат Амин ал-мулкгина ўз қанглилари б-н қолган, холос.

Манба: Шихаб ад-дин Мухаммад ан-Насави, Жизнеописание султана Джалал ад-дина Манкбурны, Баку 1973.

Ад.: Бунёдов Зиё, Ануштагин Хоразмшоҳлар давлати (1097—1231), Т., 1998.

Фахриддин Хасанов.

ПАРВОНАЛАР (Pyralidae) — капалаклар оиласи. 20 минга яқин тури маълум. Қанотлари ёйилганда 1—5 см; олдинги қаноти учбурчак шаклида ёки ингичка узунчоқ, орқа қаноти эса кенг бўлиб, чети катта ниқобли. Барча қитъаларининг, асосан, чўл, қуруқ дашт, чалфовр ва ўтлоқларида тарқалган. Кўпчилигининг қуртлари ўсимлик ичида яшаб, қурт, мева ва б.) ёки уралган барглар ичида яшайди. Ҳамма ҳур. П.дан узоқ ва пон парвоналари, шунингдек, лўккакли ҳашаротларга ажаииа парвонаси, дон ва турли ўсимликлар маҳсулотларига омбор парвоналари зарар келтиради (қ. *Омбор зараркунандалари*).

ПАРВОНАЧИ — ҳукмдор фармони ва буйруқларини бигувчи котиб. 1) *Хива хонлигида* қози ва иноқдан кейинги олий даражадаги сарой мансабдори. П. мансаби салтанат учун буюк хизматларни эвазига хон томонидан инъом тарзида берилган. П. вафотидан сўнг унинг ўрнига тўғридан-тўғри фарзанди тайинланган, унга вардўз либослар, олтин пичоқ ва тулпор от туҳфа қилинган. 2) *Бухоро хонлигида* П. амирнинг ташқи ҳисобланган олий лавозимлардан бири, *оталиқ* ҳамда *девонбеги*дан кейинги 3-мансаблор шахс. П. амир томонидан чиқарилган ёрлиқларни аркони давлат ҳамда бекларга тақдим этган, аини чоғда хонликда яшовчи арабларнинг ички б-н шуғулланиш учун масъул ҳисобланган. Юқори мансабга тайинланган амалдор П. тақдим этган фармонни 3 кун мобайнида ўз салласига қистириб юриши лозим бўлган. Амир қабулхонасида П. учун махсус ўриндиқ бўлган. П. баъзан ҳарбий ҳаракатларда иштирок этиб, муайян қисмларга қўмондонлик қилган. 3) Қўқон хонлигида сарой мансаби. П.лар вилоятни ҳам бошқариш ҳуқуқига эга бўлганлар. Мас., 1844 й. Чуст ҳокими Раҳматуллоҳ П. эди.

Ад.: Семёнов А., Бухарский трактат о чинах и званиях и об обязанностях носителей их в средневековой Бухаре. Советское востоковедение, т.5, 1948; Мирза Бади. Диван. Маджмуа ал-аркам («Предписания фиска»)(Примеры документаций в Бухаре XVIII в.). Факсимиле рукописи. Введение, перевод, примечания и приложения А.Б. Вильдановой, М., 1981; Бейсембиев Т.К., «Та'рихи Шахрухи» как исторический источник, Алма Ата, 1987.

Хамидулла Дадабоев.

ПАРГАРИ (форс. паргар — циркуль) —паргар ёрдамида нақш яратиш усули ҳамда шу усулда яратилган нақш. Нақкош уста паргар, чизғич ёрдамида қалам б-н нақш мужассамотини чизиб

Парвари усулда безатилган курси (1927, С. Хужаев).

Парвари нақш бўлаги.

яратади. П. усули мураккаб, устадан қунт, кўп меҳнат, ҳандасий шакллар ҳосил қилишда билимдонлик, маҳорат талаб қилади. Безатилаётган сиртнинг ҳом ашёсига қараб чизиб, бўяб, ўйиб тасвир ҳосил қилиб, заминини ўйиб бўртма тасвир (рельеф) ҳосил қилиб ишланади. Иш жараёнида уста тайёр ўлчи (андоза)дан фойдаланиши ёки безатиладиган юзага ўзи чизма чизиб, кейин уни ишлаши мумкин, ишлаганда турли (искана, нон искана, гурзи, ўйма қаламлар, тишли искана кабн) асбоблардан фойдаланади. П. Ўрта Осиё ҳудуди (жумладан, ўзбек ва тожик халқлари)да кенг тарқалган. Панжара, танч ўймакорлигида, сопол ва чинни идишларни бўяшда кўп қўлланиладиган айлана нақшлар ҳам П. деб аталади. Меъморий қисмларда П. нақшлар йирик бўлиб, одатда, локлланмайди; рўзғор буюмлари, уй жиҳозларида кичик бўлиб, пардозланади ҳамда локланади. Усталардан Т.Айюбхўжаев, Қ.Ҳайдаров, С.Хўжаев, О.Файзуллаев ва б. ёғоч ўймакорлиги-да, Уста Ширин, М.Умонов ва б. ганч ўймакорлигида П. нақшларининг жозибали намуналарини яратган.

ПАРДА — 1) драматик асар, театр спектаклининг бўлими (акт.), Мавзунинг мураккаблиги ва давомийлигига қараб пьеса ва спектакль 1 П.дан 5 П.гача бўлиши мумкин. Мумтоз драматургия ва ўтмишдаги театрда П.лар кўп бўлган. Замонавий пьесалар ва спектакллар эса, одатда, 2 П.дан иборат. П.лар кўринишларга (улар баъзан воқеалар, саҳналар деб аталади) бўлинади. 1-П.да кўгуни, сўнгги П.да ечими берилади. Асосий П.ларда воқеалар ривожланиб бориб чўққига кўтарилади ва туғалланади. Баъзи саҳна асарларида махсус муқаддима ва якун бўлиб, улар пролог ва эпилог деб аталади; 2) анъанавий театрда мусаввирлар томонидан чизилган махсус суратли П.лар бўлиб, томоша олдидан айвон, кўшк ёки тирговичларга осиб қўйилган. Ўрта асрларда тила соз чалган, куйлаган ва рақсга тушган. Қўғирчоқ театрининг «Чодир хаёл» ва «Чодир жамоа» турларида тошмалар 3 томонига П. тортилган ва ёлдн очиқ чодирларда кўрсатилган; 3) театр саҳнаси олдидаги икки томонга сиргалиб очиладиган (баъзан юқорига кўтариладнган) бахмал тўсиқлар, саҳнанинг ёнларида ва орасида спектакль мавзусини очувчи рассом томонидан ўйлаб чизилган безаклар ҳам П. деб аталади. Кичик воқеалар авансаҳна ўйналаётганда П. ярим ёки бутунлай ёпилиши ва яна очилиб асосий воқеалар давом этиши мумкин. Бундай П. интермедия П.си дейилади. Театрларда ёнгинидан сақловчи (темир ёки асбестдан) П.лар ҳам учрайди; 4) хонани қўш нури, шамол, ёт кўзлан тўсиш ёки безак учун дераза ва эшикларга тутиладиган матолар. Тахмон, токча, бурчак ёки хонанинг бирон қисмини тўсиш учун ҳам қўлланилади. Келин-куёв учун солинган жойлардан тўсиб турувчи П. чимилдиқ деб аталади. П.лар турли газламалардан тикилади. Ҳоз. кунда «жалюзи» П.лар урф бўлмоқда.

Мўғулхон Қодирова.

ПАРДА (мусиқада) — 1) торли (дутор, танбур каби) чолғулар дастасини бўғинларга ажратувчи тўсиқлар. Ўтмишда П.лар ичак ёки ипакдан ишланган бўлиб, кейинчалик чўп, металл ёки пластмассадан ясаш йўлга қўйилган. Созланда қўл бармоқлари б-н торларни маълум П.га босиб тебратганда муайян баландликдаги товуш (*пан*)ни ҳосил қилади; 2) Шарқ мусиқа назариясида П. атамаси мақом, *достон*, *достоҳ* тушунчалари б-н маънодош бўлиб, мусиқанинг баландликдаги товушларини ҳам ифодалаган. Жумладан, ўзбек мусиқасида ҳар бир *мақомнинг* бош П.си шу мақом номи б-н аталади (мас., Наво П.си, Рост П.си каби).

ПАРДА ТУРСУН (тахаллуси; асл исм-шарифи Турсунов Парда) (1909.7.11, Наманган вилояти Поп тумани Чортесар қишлоғи — 1957.28.9, Тошкент) — ёзувчи. Алмаий номидаги ўлка ўзбек намуна ш.-мактаби (1923—27), Тошкент педагогика билим юртида (1927—28) ўқиган. «Батрак» газ.да масъул котиб (1930—31), «Қизил Ўзбекистон» газ.да адабий ходим (1931—34; 1939—40). 1935—36 й.ларда Ўрта Осиё планлаштириш ин-тида бирмунча муддат таҳсил кўрган, Ўзбекистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси котиби (1937—38), Ўзбекистон Телеграф агентлиги (1940—45)да адабий ходим ва муҳаррир, партия тарихи ин-тида илмий ходим (1948—50).

П.Т.нинг адабий фаолияти 1929—30 й.ларда кичик-кичик ҳикоялар ёзиш б-н бошланган («Адвасти», 1929; «Зўрлик», 1932 ва б. тўпламлар). П.Т.нинг бу ҳикояларидан кейинчалик унинг «Ҳақ йўл» (1947) автобиографик қиссаси «ўсиб чиққан», П.Т. 1940 й.да ёзилган бу қиссаси устида узоқ вақт ишлаб, уни 1947 й.да нашр этади. Кейинчалик мазкур қиссага сайқал бериш, унда белгиланган қаҳрамонлар ҳаёти ва жамоалаштириш даври манзараларини тасвирлашда давом этиб, дастлаб «Ўқитувчининг йўли» (1949), кейин эса «Ўқитувчи» романини (1951) ёзади. Тошкент ва Наманганда бир неча мактаб ва кўчаларга П.Т. номи берилган.

Ас.: Ўқитувчи [Роман], Т., 1972.

Ад.: Икромов О., Парда Турсун. Адабий портрет, Т., 1968; Ўзбек адабиёти тарихи, 3-ж., Т., 1972.

ПАРДА ҲОСИЛ ҚИЛУВЧИ МОДДАЛАР — бирор сиртга суриларида қисқа вақт ичида юпқа парда қатлам ҳосил қиладиган синтетик ёки табиий моддалар (одатда, полимерлар ёки олигомерлар). Бу пардаларнинг муҳим хоссаси шундаки, улар сиртга адгезиялаиади (ёпишиб туради), қаттиқ, эластик, нам ўтказмайдиган ташқи муҳит таъсирига чидамли бўлади. П.ҳ.м. сиртга органик эритувчиларда эритилган эритмалар ҳолида, сув ёки пластификаторлардаги дисперсия ҳолида берилади. Парда рангсиз (таркибида пигмент бўлмаса) ёки сариқдан тўқ жигарранггача бўлиши мумкин. П.ҳ.м. — лок-бўёқ материаллари (алиф, мой, лок, бўёқ)нинг асосидир. П.ҳ.м. табиий (ўсимлик ва ҳайвон елими, зигир, тунг ва дегидратланган канакунжут мойи, канифолни қайта ишлаш маҳсулотлари) ва синтетик (алкид, эпоксид, фенол-альдегид, полиэфир ва перхлорвинил смолалар) хилларга бўлинади.

ПАРДАҚАНОТЛИЛАР (Nymenoptera) — ҳашаротлар туркуми. Энг хилма-хил ҳашаротлар туркумларидан бири (ҳар хил маълумотларга биноан 150 мингдан 300 минг гача тури бор). Кенг тарқалган. Уз. 0,2 мм дан (трихограммалар



Пардақанотлилар: *1* — ялтироқ ари; *2* — ишчи асалари; *3* — катта шохдум; *4* — яшил арракаш; *5* — дурадгор ари; *6* — қизғиш қовоғари; *7* — оддий сариқ ари; *8* — визиллоқ (соқов) ари; *9* — катта сколия ариси; *10* — яйдоқчи; *11* — қора шохдум; *12* — бомбус ари; *13* — урғочи сариқ чумоли; *13 а* — эркаги.

энг майда ҳашарот) 4—6 см гача (шохдумлилар, тропик арилар, айрим яйдоқчилар). Олатда, 2 жуфт шаффоф пардасимон қанотлари бор. Орқа қанотлари нисбатан кичик, олдингисига илмоқчалар орқали бирикади. Чумолилар иккиламчи қанотсиз П.дир. Тубан П.нинг оғиз органлари кемирувчи, юксак П.ники — кемирувчи-яловчи ёки сўрувчи (пастки лаби хартумчага айланган). Урғочи П.нинг тухум қўйгичи бор; заҳарли тухум қўйгичи заҳар солувчи наштарга айланган. Тўлиқ ўзгариш орқали ривожланади. Эркак П. гаплоид тухумлардан, урғочилари уруғланган диплоид ёки уруғланмаган тухумлардан ривожланади (қ. *Партеногенез*). П. нерв системаси бошқа ҳашаротларга нисбатан кучли ривожланган; шартсиз рефлекслари хилма-хил ва мураккаб (айниқса, жамоа бўлиб яшовчи П.да) бўлиб, насли тўғрисида ғамхўрлик қилади. Кўпчилик П. гулли ўсимликларни чанглатишда иштирок этади. Айрим турлари (*арракашлар*, шохдумлилар ва б.) ўсимликларга зиён келтиради. Бир қанча паразит турлари (*яйдоқчилар*)дан зараркунанда ҳашаротларга биологик қарши курашда фойдаланилади.

ПАРДОЗ — 1) амалий санъат (заргарлик, ганч ва ёғоч ўймакорлиги, мискарлик ва б.)да нарсалар сиртига бериладиган сунъий ишлов, жило; 2) ўймакорликда нақш яратиш усули; ганч ўймакорлигида 6 та П. — *лула пардоз*, пахпардоз, табақа П., чизма П., чока П. ва қирма П. турлари бор. Содда ва мураккаб П., заминли ва заминсиз ўйма турлари ўймакорлик нақшлари талқинида яққол кўринади. Бундай П. нақшланган юзани жозибадор бўлишини таъминлайди.

ПАРДОЗ ҚИЛИШ — қ. *Косметика*.

ПАРЕЗ (юн. paresis — бўшашиш, заифлашиш) — эркин ҳаракатларнинг заифлашуви; чала фалаж. Бунда, тананинг фалажланган қисмида ҳаракат бир оз сақланиб қолади. П. сабаблари *фалаж*лаги каби П. оғир касаллик белгиларидан бўлгани учун дарҳол врачга мурожаат қилиш керак. П.ни илк босқичида даволанса, жараённи тўхтатиб, фалажнинг олдини олиш мумкин.

ПАРЕМИОЛОГИЯ (юн. paroimia — ҳикматли сўз, зарбулмасал ва ... *логия*) —1) маълум бир тилдаги авлоддан авлодга оғзаки шаклда кўчиб юрувчи, ихчам ва содда, қисқа ва мазмундор, мантиқий умумлашма сифатида пайдо бўлган мақол, матал, афоризм каби ҳикматли иборалари — паремаларни ўрганадиган фан соҳаси; 2) муайян тилда мавжуд бўлган мақол, матал, афоризм каби ҳикматли иборалар — паремалар тизими. Паремалар авлоддан авлодга фақат оғзаки ҳолдагина ўтиб келганлиги, халқ оғзаки ижодининг маҳсули бўлганлиги учун адабиётшуносликнинг ўрганиш объекти ҳисобланади, чунки уларнинг аксарияти кўпинча шеърий шаклга ўхшайди ва уларда ўхшатиш, антитеза, анафора, аллитерация, киноя, пичинг каби бир қанча тасвирий воситалар қўлланади. Шу б-н бирга паремалар сўзлардан тузилиб, маълум бир фикрни ифодаловчи гаплардан иборат бўлгани учун тилшуносликнинг ҳам ўрганиш объектидир. П. ана шу 2 жиҳатни ўзида бирлаштиради. Паремаларнинг келиб чиқиши, тарихан ривожланиши ва маъно хусусиятларини ўрганувчи П. *фразеология* б-н чамбарчас боғлиқ. П. тилда мавжуд бўлган турли хил барча ибораларни ўрганади, *фразеология* эса унинг бир қисми сифатида фақат кўчма маъноли турғун бирикмаларни ўрганади. Шу жиҳатдан улар ўзаро фарқланади. Ўрганиш объектининг бирлиги, яъни бир неча сўздан ташкил топган турғун, барқарор бирикмаларни текшириш П. б-н фразеологиянинг ўхшаш, умумий томони ҳисобланади. Паремаларни тўплаш, ўрганиш Маҳмуд Кошғарий («Девону луғотит турк») ва Гулханий («Зарбулмасал») замонларидан то ҳоз. кунларгача давом этиб келмоқда.

Ад.: Бердиёров Ҳ., Расулов Р., Ўзбек тилининг паремиологик луғати, Т., 1984.

Абдуваҳоб Мадвалиев.

ПАРЕНХИМА (юн. parenchyma — тўлдириш, тўлдирувчи масса) — 1) ички аъзоларнинг эпителиал ҳужайраларидан ташкил топган ва шу аъзоларга хос асосий элементлар (мас., жигар, буйрак, ўпка эпителийси ва б.); 2) ҳайвонларда ҳақиқий тўқиманинг филогенетик асоси. Бошланғич ва аралаш П.га бўлинади; 3) ўсимликларда бир хил ўлчамдаги ҳужайралардан таркиб топган асосий тўқима; ассимиляция, чиқариш ва б. функцияларни бажаради.

ПАРЕТО (Pareto) Вильфредо (1848.15.7, Париж — 1923.20.8, Семиньи, Женева яқинида) — италиян иқтисодчиси ва социологи, иқтисодий назариядаги мат. мактаби вакили, *маржинализм*нинг «Лозанна мактаби» анъаналарининг давомчиси. 1893—1906 й.ларда Лозанна ун-тида иқтисодиёт проф. П. сиёсий иқтисод кишиларнинг эҳтиёжлари б-н уларни қондиришнинг чекланган воситалари ўртасидаги мувозанати белгиланадиган механизмни ўрганиши керак, бунинг учун математик ва статистик таҳлил усулларини қўллаш зарур, деб қарайди. Даромадларнинг тақсимланиши, фаровонликнинг иқтисодий назарияси тўғрисидаги «Парето қонуни»ни таърифлаб берган. Марксизмга ва инқилобий ҳаракатларга душманлик кўзи б-н қараган. Нафликнинг анъанавий миқдорий ўлчаш усулларидан воз кечиб, «ижтимоий максимал нафлилик» («Парето оптимуми») тушунчасини киритди. У функционал ёндошув асосида айирбошлашнинг бирдан-бир сабаби наф-лилик (эҳтиёж) деган қоидадан воз кечиб, иқтисодий тизимни бутунлигича изоҳлашга ўтади, талаб ва таклифга иқтисодиётни мувозанатловчи унсурлар сифатида қаради.

Асосий асарлари 2 жилдли «Сиёсий иқтисод курси» (1896—99), «Сиёсий иқтисод дарслиги» (1906), «Умумий социология бўйича трактат» (1916) ва б.

ПАРЕЦКАЯ Марина Ивановна (1946.28.12, Наманган ш.) — Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси (1996). СамДУни тугатган (1970). 1970 й.дан Наманган пед. ин-тида, 1977 й.дан Наманган ш.даги 5-, 6-мактабда инглиз тили ўқитувчиси, ўқув бўлими мудири, 1994—2001 й.ларда 6-мактаб-гимназияда инглиз тили ўқитувчиси. Дарсни янги педагогик технологиялар асосида ўтади.

ПАРИ — Шарқ халқлари фольклорларида кенг тарқалган мифологик образ; маъшуқа тимсолининг идеаллашган шакли; гўзаллик рамзи. Дастлаб «Авесто»да паирика шаклида учрайди. Ривоятларга кўра, П.лар Кўҳи Қоф тоғи яқинидаги Эрам боғида яшаганлар, ўз шоҳи ва салтанатига эга бўлишган, уларни ғайритабиий кучлар — девлар қўриқлаган. Эртакларда П. ниҳоятда гўзал, ақлли, донишманд, латофат ва назокат эгаси сифатида таърифланган. У сеҳрли хусусиятларга эга бўлиб, ўрни келганда турли қиёфага кира олади. Ўзининг адолатли ҳаракати, тўғри ва аниқ маслаҳатлари б-н қаҳрамон талабига имкон яратади («Ойпари», «Гулиқаҳқаҳпари», «Хуршид б-н Лайло», «Одилбек б-н Хуррам» каби). «Гўрўғли» туркуми достонларида П. вафодор аёл, дўст, маслаҳатгўй, ақлу фаросатда, жасоратда ва обрўда кўпинча эркаклардан ҳам қолишмайдиган, улар б-н бирга қаҳрамонлик кўрсата оладиган образ сифатида тасвирланган. Фольклор асарларида П.лар ҳаёти орқали инсон турмушининг идеал манзаралари акс этган. П. образи мумтоз адабиётда ҳам кўп учрайди (мас., *Алишер Навоий* ғазалларида).

Ад.: Афзалов М.И., Ўзбек халқ эртаклари ҳақида, Т., 1964; Раззоқов Ҳ. ва б., Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди, Т., 1980.

ПАРИЖ — Франциянинг пойтахти. Мамлакатнинг энг муҳим иқтисодий, сиёсий ва маданий маркази. Дунёдаги энг катта ва гўзал шаҳарлардан. Иль-де-Франс тарихий вилоятининг бош шаҳри. Сена дарёси соҳилида. Иқлими юмшоқ, мўътадил, денгиз иқлими. Янв.нинг ўртача т-раси 3,4°, июлники 18,8°. Йиллик ёғин 645 мм. Аҳолиси 2,1 млн. киши (1999). Атрофидаги шаҳарлар б-н Катта П.ни ташкил этади (аҳолиси 8,7 млн. киши).



Париж шаҳри. Сите оролининг бир қисми.

Мил. ав. 1-а.да ҳоз. П. ўрнида галлар қабиласи бўлган паризийларнинг Лютеция қишлоғи бор эди; римликлар даврида йирик савдо маркази, мил. 3—4-а.ларда Паризия деб аталган (Париж номи шундан олинган). 497 й.дан франк қироллари қароргоҳи. Каролинглар даврида — графлик маркази. 885—886 й.ларда П. норманнлар қамалига бардош берган. 987 й.дан П. француз қироллиги пойтахти. 14—15-а.ларда П. бир қанча халқ ҳаракатлари майдонига айланган. Юз йиллик уруш даврида (1337—1453) П. инглизлар томонидан босиб олиниб, 1436 й.гача улар қўлида бўлган. 16-а.даги диний урушларда П.нинг сиёсий мавқеи кучайди. 17-а.нинг ўрталарида, айниқса, 18-а.да П. Европанинг маданий марказига айланган. Франция—Пруссия уруши (1870—71) даврида П.ни немис қўшинлари босиб олди. 2-жаҳон уруши даврида П. гитлерчиларга қаршилик кўрсатишнинг йирик марказларидан бирига айланди. Шаҳар 1944 й. 19—25 авг.да улардан озод қилинди.

П. мамлакатда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотининг 1/4 қисмини беради. Саноатнинг етакчи тармоқлари: машинасозлик (хусусан, автомобилсозлик, электротехника ва электроника) ва металлсозлик. Самолётсозлик, станоксозлик, аниқ механика ва оптика буюмлари и.ч., ҳарбий саноат ҳам салмоқли ўрин эгаллаган. Кимё саноатида резина, дори-дармон, фотоматериаллар ишлаб чиқарилади. П.да тайёрланган галантерея ва парфюмерия ҳамда заргарлик буюмлари, тайёр кийимлар, сафар анжомлари, туристлар учун эсдалик буюмлари дунёга машҳур. Тикувчилик, қоғоз, полиграфия, мебель, озиқ-овқат, қурилиш материаллари саноати ривожланган. Туристлар кўп келади.

П. — транспорт йўлларининг йирик тугуни, дарё порти. Шаҳардан 11 томонга радиал кетган т.й.лар 2 қатор халқа йўл б-н бирлаштирилган. 3 та йирик аэропорт бор. П.да 1900 й.дан метрополитен ишламоқда.

Шаҳар радиал-ҳалқасимон қилиб планлаштирилган. Бир-бирига боғланиб кетган, шаклан ўзига хос ансамбллар системаси шаҳар қиёфасига алоҳида ҳусн бағишлайди. Шаҳарнинг қад. маркази Сите о. бўлган. Бу ерда готика услубида қурилган Бибі Марям ибодатхонаси (Нотр-Дам, 1163—1257), Сент-Шапель бутхонаси (1243—48) каби сарой-ликлар сақланган. 16—17-а.ларда П. салобатли пойтахт қиёфасига кирган. Кўчалар, майдонлар илан асосида қурилган. Лувр (1546—19-а. ўрталари), Люксембург саройи (1615—21), Сорбонна ун-ти ва унинг черкови (1629—53), Ногиронлар уйи (1671—76), Ногиронлар собори (1680—1706), Вогезлар майдони (1606—12), Валь-де-Грас монастири (1645—71) бунёд этилган. 18-а. ва 19-а. бошларида П. марказида улкан майдон барпо этилди. У Лувр майдонини, Каруссель (1806) майдонидаги аркни янги Риволи кўчаси, Тюильри боғи, Елисей майдони, де Голль майдонидаги Зафар дарвозаси (1806—37) б-н бирлаштиради. Шу р-нининг ғарбида турар жой кварталлари жойлашган. У Булонь ўрмонига бориб тақалади. Дарёнинг чап соҳилида Пантеон (1758—90), Бурбонлар саройи (18—19-а.лар), Гранд-Опера театри биноси (1860—75), Эйфель минораси (1889) қад кўтарган. 20-а.да П.да замонавий меъморлик услубида Марс майдони (1908—28), Шайо саройи (1936), 60-й.дарда ва 70-й.ларнинг бошларида ЮНЕСКО биноси ва б. янги мажмуалар бунёд этилди. Сена дарёсига 60 дан зиёд кўприк қурилган.

П.да мамлакатнинг етакчи илмий тадқиқот ин-тлари ва олий ўқув юртлари жойлашган. Париж (Сорбонна) ун-ти (13-а.), Франция коллежи, консерватория, кончилик, санъат мактаблари, қ.х. ин-ти, Франция ин-ти (таркибида 5 академия мавжуд), музейлар (Лувр музейи ва б.), 60 дан зиёд театр (жумладан, «Гранд-Опера», «Комеди Франсез»), концерт заллари, йирик кутубхоналар, космосни тадқиқ

Лувр майдони.

Эйфель минораси.

қилиш маркази, телемарказ ва б. бор. Шаҳарда саноат ва савдо бирлашмалари, ишчи маҳаллий ва хорижий банклар, давлат маъмурий-бошқарув идоралари, сиёсий партияларнинг раҳбарлик органлари ва ҳ.к. жойлашган. Ҳар йили П.да савдо ярмаркалари ўтказилади. П.да 1900 ва 1924 й.ларда 2- ва 8-олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган. Шаҳар атрофида ўрмонлар сақланган.

ПАРИЖ КОММУНАСИ (1871 й. 18 март — 28 май) — Франция-Пруссия уруши (1870—71)да бонапартчилар режимининг мағлубиятга учраши, 3-республика ҳукуматининг сиёсати Париж халқининг кўпгина кўтарилишига ва А. Тьер раҳбарлигидаги Версалга қочиб кетган ҳукуматни ағдариб ташланишига олиб келган (18 март). 18—28 мартда Миллий гвардия Марказий қўмитаси инқилобий муваққат ҳукумат вазифасини бажарган. 28 мартда П.К. эълон қилинган. Ҳукумат 2 фракциядан: «кўпчилик» (асосан, бланкистлар) ва «озчилик» (асосан, прудонистлар)дан иборат эди. П.К. ҳам қонун чиқарувчи, ҳам ижроия органи бўлган. 21 майда версалчилар Парижга киришган. версалчилар томонидан бостирилган.

ПАРИЖ МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ — жаҳонлаги энг қад. ва йирик кутубхоналардан бири; Париж ш.да жойлашган. 1480 й.да Қироллик кутубхонаси сифатида асос солинган; 1795 й.да Конвент томонидан миллий кутубхона деб эълон қилинган. П.м.к.да 12 бўлим ва 5 миллий марказ (библиографик, китоб айирбошлаш ва б.) фаолият кўрсатади. Фондида кўп қисми ноёб ва нодир нашрлар бўлган 300 мингдан зиёд қўлёзмалар сақланади, 6 млн. гравюра ва эстамплар, 500 минг номдан ортиқ даврий нашрлар, 800 минг картиналар, 450 минг медаль ва тангалар ва б. бор. Франция тарихи б-н боғлиқ кўп сонли адабиётлар ва ҳужжатлар, таниқли француз сиёсий арбоблари, олим ва ёзувчилари дастхатларининг нодир тўпламлари, 19-а. француз энциклопедистларининг бой тўпламлари машҳур.

П.м.к. фондидаги Ватан нашрлари 1537 й.дан кутубхона оладиган мажбурий нусхат босма нашрининг мажбурий нусхаси асосида йиғилади, хорижий нашрлар билимларнинг барча соҳалари бўйича (кўп қисми адабиёт, тарих ва санъат бўйича ихтисослашган) умумий хусусиятга эга бўлган ишлардан иборат.

П.м.к. 1839 й.дан системали каталогни мунтазам юритади, 1850 й.дан унинг алоҳида қисмлари босма каталоглар кўринишида чиқа бошлаган. Жумладан, 1897 й.дан «Миллий кутубхона босма китобларининг бош каталоги. Муаллифлик туркуми» нашр этилади. Муаллифларнинг исми, фамилияси, улар яшаган саналар, асарлари нашр қилинган тиллари бўйича тузилган автоматлаштирилган маълумотлар базасини ишлаб чиққан.

1996 й.да Франсуа Миттеран сайди тузилган, унда 200 мингдан ортиқ жилд энциклопедиялар тўплами йиғилган; 1998 й.да аудио-видео ҳамда босма асарлар замонавий электрон сайтга киритилган.

ПАРИЖ УНИВЕРСИТЕТИ, Сорбонна — Франциядаги йирик ўқув ва илмий марказлардан бири. 1215 й. черков мактаби негизида вужудга келиб, Европада биринчи дунёвий ун-т ҳисобланган. Дастлаб санъат, ҳуқуқ, илоҳиёт, тиббиёт ф-тлари бўлган. 1257 й. Парижнинг Лотин кварталида Сорбонна деб аталган коллеж ташкил этилган (асосчиси — Р.Де Сорбон номи б-н боғлиқ). 17-а.да Сорбонна коллежи б-н П. у. қўшилиб, уларнинг ҳар икки номи айнан ишлатила бошлади. П. у. ўрта асрларда ва 17-а.га қадар Европада илоҳиёт ва юриспруденция соҳасида йирик ўқув юрти ва илмий марказ ҳисобланган. 1793 й. Конвент қарорига мувофиқ ун-т ёпилди ва 1806 й.да қайта тикланди. А.Лавуазье, Л.Пастер, П.Кюри, Ж.Б.Перрен, П.Ланжевен каби машҳур олимлар фаолияти П.у. б-н боғлиқ. 1970-й.ларда П.у. қайта тузилиб, 13 мустақил ун-т ташкил этилди. Ун-т ҳуқуқ ва иқтисодиёт фанлари, табиий фанлар, адабиёт ва ижтимоий фанлар, тиббиёт, фармокология бўйича мутахассислар тайёрлайди. Ун-тда бир қанча и.т. ин-тлари, марказлар, олий мактаблар, кутубхоналар мавжуд. Ун-тда 250 мингдан ортиқ талаба таълим олади.

ПАРИТЕТ (лот. paritas — тенглик) — 1) тенглик, тенг ҳуқуқлик, тенг ваколлик асосларида бирон-бир иқтисодий ҳаракатда иштирок этиш; 2) турли мамлакатлар пул бирликлари ўртасида уларнинг олтин таъминоти ёки муайян товарлар ва хизматлар тўпламини бўйича харид кучи (қобилияти) нисбатлари. Харид кучи бўйича паритетларда П. валютанинг товар курсини ёки харид қобилиятини П.ни ифодалайди. Мас., Ўзбекистонда 1 кг шакар 500 сўм, АҚШда 0,5 доллар турса, доллар ва сўм П.и шу товар бўйича 1000:1 ни ташкил этади.

ПАРИХОН, пархон (форс. — рух ва ўқимоқ) — пари, жин каби кучлар ёрдамида беморларни касалликлардан халос қилувчи дуохон, азаймхон, фол-бин; П. баъзи жойларда бахши деб ҳам юритилади. П.лик Марказий Осиё-нинг кўпгина ҳудудларига қадимдан тарқалган. П. Ўзбекистонда энг кўп ёйилган ҳомий руҳлардан бирининг образларидан бўлиб, у гўзаллик тимсолида тасвирланади. П.лик касалликни жин, албасти ва пари кабиларнинг таъсири деб ҳисоблайди. П.нинг асосий даволаш қуроллари — доира (чилдирма) ёки қамчи, баъзан дутор ёки хивчинлардан иборат бўлган. П. беморни қоронғи хонага киритиб, ўзи ёлғиз иборалларни такрорлаб касалга теккан деб гумон қилинган жинларга дўқ-пўписа қилган. У доира (чилдирма) ёки дутор чалиб, қамчи б-н бемор танасидан жинларни ҳайдашга интилган. Беморга теккан парилар учун товуқ, улоқ, қўй, кўзи кабилар қурбонлик қилинган. Жониворларнинг қони парилларга бағишланган. П. беморнинг руҳига кучли таъсир этишга ҳаракат қилган. Жаҳоннинг кўпгина халқларида ҳам П.нинг кўринишлари ва қолдиқларини учратиш мумкин. Илмий билимларнинг ҳоз. тараққиёти уларнинг моҳияти-мазмунини холисона очиб беришни кун тартибига қўйди. П.лик шаман- ликнинг Марказий Осиё шароитидаги қолдиғи ҳисобланади.

Ад.: Снесарев Г. П., Реликты домусульманских верований и обрядов у узбеков Хорезма, М., 1969; Басилов В. Н., Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана, М., 1992.

Оғаи Бўлиев.

ПАРИШОНХОТИРЛИК — диққатнинг беқарорлиги: бошқа нарсаларга чалғишидан иборат психик ҳолат (қ. *Диққат*).

ПАРК (лот. parricus — охото қилинган жой) — 1) кишиларнинг дам олиши учун барпо этилган боғ (қ. Боғ тузиш санъати, Маданият ва истироҳат боғлари); 2) транспортлар тўхтайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатиладиган махсус жой (мас., трамвай ва троллейбуслар П.и, автобуслар П.и ва б.).

ПАРКЕНТ — Тошкент вилояти Паркент туманидаги шаҳар (1984 й.дан). Туман маркази. Яқин т.й. станцияси ва вилоят маркази (Тошкент ш.)дан 47 км. Аҳолиси 45,5 минг кишидан зиёд (2003). Шаҳар аҳолиси ва ҳўжаликлари Паркентсой ва Паркент каналидан сув олади. П.да 1 қўшма корхона, 22 кичик, 16 корхона, фирмалар, 5 саноат корхонаси, нон заводи, деҳқон бозори бор. 14 умумий таълим мактаби, мусиқа ва спорт мактаблари, ихтисослашган мактаб, касб-ҳунар мактаблари, марказий ва болалар кутубхоналари, маданият уйи, «Кичкинтой» болалар хиёбони,

Паркент шаҳри. Оналар ва болалар боғи.

«Оналар ва болалар боғи», маданият ва истироҳат боғи, стадион (10 минг ўрин), марказий касалхона, поликлиника, 12 дорихона, 75 савдо, 145 маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси мавжуд. П. — Тошкент йўналишида автобус қатнайди.

П. ўрнида дастлаб муқим турар жойлар мил. ав. 2—1-а.лар чегарасида пайдо бўлган. Шаҳар тўғрисида «Бобурнома»да ҳам маълумотлар берилган.

ПАРКЕНТ, Паракати, Пушти Паркати — ўртаги маҳаллий хўраки узум нави. Халқ селекцияси (Тошкент вилояти Паркент тумани)да яратилган. Шарқий экологик-географик навлар гуруҳига мансуб. Барглари ўртача ва йирик катталикда, кенг панжасимон ёки юмалоқ шаклда, четлари қиррали, баъзан қиррасиз. Гули икки жинсли. Узум боши йирик, цилиндрсимон, зичлиги ўртача. Ғужуми йирик, думалоқ-овал шаклда, тўқ қизил ёки тўқ пушти ранг. Эти сершира, пўстиюпқа, ғубор б-н қопланган. Куртаги кўкарганидан кейин Тошкент вилоятида фаол ҳарорат йиғиндиси 3000—3200°да 135—140 кунда, сент. ўрталарида яхши пишиб етилади. Тупи кучли ўсади, новдалари яхши пишади. Ҳосилдорлиги 180—220 ц/га (ишкомларда 250 ц/гача). Совуққа чидамсизлиги, кул (оидиум) касаллигига мойиллиги б-н ажралиб туради. Янгилигида истеъмол қилинади, мусаллас, десерт ва шампан винолари тайёрланади. Қисман майиз солинади. Тошкент вилоятида кўп экилади.

Паркент узум нави.

ПАРКЕНТ КАНАЛИ — Тошкент вилоятида қурилган йирик гидротехника иншоотн. Канал вилоятнинг Бўстонлиқ, Паркент, Юқори Чирчиқ ва Оҳангарон туманлари тог олди ёнбағири ҳудудидан ўтган. Чирчиқ дарёсида қурилган Чирчиқ ГЭС каскади (Ғазалкент гидроузели) иншоотидан сув олади. Каналнинг 1-навбати (69 км) 1975—1983 й.ларда, 2-навбати (14,3 км) 1988—1997 й.ларда қурилган. Унинг умумий уз. 96 км, фойдаланишга топширилган қисми 83,3 км. Каналнинг бош қисми кенглиги 6—7 м, чуқ. 3,6—3,8 м, қуйи қисмида эса тегишлича 2—2,5 ва 2,1—2,4 м. Бош қисмида энг кўп сув сарфи 51—57 м³/с, қуйи қисмида 7—10,4 м³/с.

Канал трассаси мураккаб рельеф ва геологик шароитларда (тупроқли, қов ва ярим қов, йирик тош жинслари) барпо этилган. Ўзанининг 38,7 км га бетон плита билан ётқизилган. Ариқ жойларда тупроқ 30—40 м гача чуқурликда қазилган ёки 20 м гача баландликда кўтармалар барпо қилинган. Каналда 12 та дюкер, 8 та акведук, 1 та сув тусиш иншоотн, 1 та темир йўл кўприги, 86 та сув чиқаргич, 7 та гидропост, 8 та тошқин ташламаси, 8 та сел ташламаси, 9 та селедук, 46 та канал ости қувури, 21 та автомобиль кўприги ва б. иншоотлар қурилган. Йирик дюкерлар жумласига Оқсоқ-ота сой (уз. 204,7 м, сув ўтказиш имконияти 57м³/с), Ўлканотчисой (54 м³/с), Юзуриксой, Ёнилмасой, Паркентсой, Отчопқансой, Самсараксой ва б. киради.

Канал Чирчиқ дарёсининг чап водийсидаги 30,3 минг га сабзавот, полиз экинлари, токзор ва боғларни суғоришга хизмат қилади.

Ёқубжон Ғаниев.

ПАРКЕНТ ТУМАНИ — Тошкент вилоятидаги туман. 1926 й. сент.да ташкил этилган. Шим., шарқ ва жан.да Бўстонлиқ, Оҳангарон, ғарбдан Юқори Чирчиқ ва жан.-ғарбдан Ўрта Чирчиқ туманлари б-н чегарадош. Майд. 1,08 минг км². Аҳолиси 115 минг киши (2003). Туманда 1 шаҳар (Паркент), 9 қишлоқ фуқаролари йиғини (Бошқизилсой, Бўстон, Заркент, Номданак, Паркент, Сўқоқ, Ҳисарак, Чанги, Қорақалпоқ) бор. Туман маркази — *Паркент* ш.

Табиати. П.т. Ўрта Тяньшаннинг Чатқол тизмаси ғарбий этакларида жойлашган. Ҳудуди тоғлар б-н ўралган. Ер юзаси ғарбдан шарққа баландлашиб боради. Энг баланд жойи —3627,8 м (Қизилнура чўққиси). Рельефи тоғ олди текислиги, адир ва тоғлардан иборат. Иқлими тоғ олди ва тоғ иқлимига хос, нисбатан континентал. Текисликларда типик бўз тупроқ, адирларда тўқ бўз тупроқ, тоғ зонасида эса тоғ-ўрмон тупроқлари тарқалган.

Тоғ ён бағирларида ғорлар мавжуд. Сой ва булоқ кўп. Ҳавонинг йиллик ўртача т-раси 12°. Йиллик ёғин 536 мм. Вегетация даври 180 кун. Чирчиқ дарёсининг чап ирмоқлари: Паркентсой, Бошқизилсой ва Оқсоқотасой П.т.нинг асосий сув манбалари ҳисобланади. Уларнинг бошланиш жойида шаршаралар мавжуд.

Ҳисорак қишлоғининг умумий кўриниши.

Туман ҳудудида 70 оилага мансуб 1000 дан зиёд ўсимлик тури қайд этилган. Шундан 200 га яқини доривор ўсимликлар. Адирларда эфемер ва эфемероидлар ҳамда кўп йиллик ўсимликлар тарқалган. Айниқса, дуккакдошлар, лабгуллдошлар, мураккабгуллдошлар оилаларига мансуб ўсимлик турн кўп. Тоғ этакларини ўтлоқлар, ён бағирларини арчазорлар қоплаган. Баъзи жойларда ёнғоқзорлар, тог пистаси, наъматак, олча, олма, зирк, дўлана ва б. ўсимликлар учрайди. Дарёларнинг юқори оқими водийларида терак, тол, камхак, жингил, олча каби дарахтлар ўсади. 2400 м баландликдан юқорида жойлашган тоғ чўлида Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»ига киритилган Грей ва Кауфман лолалари, совунилдиз, писком пиёзи учрайди. Ёввойи ҳайвонлардан 200 турга яқин қуш, 33 тур сут эмизувчи, 11 тур судралувчи, 4 тур балиқ яшайди. Пардалидардан чумчуқсимонлар ва йиртқич қушлар гуруҳлари мавжуд. Улардан кузгун, пакана бургут, қора калхат Ўзбекистон «Қизил китоб»ига киритилган. Сут эмизувчилардан бўрсиқ, чўл мушуги, сувсар, оқсичқон, латча, бўри, қобон, алқор, бутулар учрайди. Кемирувчилардан жайра, сутур, зомро-нқозиқ, ўрмон олмахони, қуён ва б. бор.

П.т. ҳудудида Ўзбекистон Республикаси ФАга қарашли «Қуёш» мажмуаси, Материалшунослик ин-ти, Сейсмология институтнинг магнитиюосфера расадхонаси, «Қоинот» илмий и. ч. бирлашмасининг «Невич» экспериментал базаси, Сўқоқ гидромелиоратив ст-яси, тог-ўрмон хў-жалиги, Чатқол биосфера қўриқхонаси жойлашган. П.т. ўзининг дам олиш масканлари б-н машҳур. Бу ерда «Сўқоқ», «Кумушкон», «Сумға», «Қизилсой» каби мавсумий ва доимий дам олиш уйлари, 10 дан зиёд болалар ёзги оромгоҳлари ва бир қанча корхоналар чорбоғлари мавжуд. Дам олиш уйлари йил давомида вилоятлар ва хориждан келган 10 мингдан ортиқ кишига хизмат кўрсатади.

Аҳолиси, асосан, ўзбеклар (79,3%), шунингдек, тожик (13,8%), қозоқ (4,5%), қирғиз (2%) ва б. миллат вакиллари (0,4%) ҳам яшайди. Аҳолининг ўртача зичлиги 1 км²га 106 киши. Шаҳарликлар 45,5 минг киши, қишлоқ аҳолиси 69,5 минг киши (2003).

Хўжалиги. Қ.х. туман и. ч.нинг етакчи соҳаси ҳисобланади; асосан, узумчиликка ихтисослашган. П. т.да 11 ширкат хўжалиги, 530 дан зиёд деҳқон-фермер хўжаликлари, қарийб 5600 якка хўжалик бор. Тумандаги фойдаланиладиган 61640 га ердан 15,4 минг га ер ҳайдалади, 14,7 минг га ер суғорилади. 46972 га далмикор ер мавжуд. 8934 га ерга дон, 1162 га ерга сабзавот ва полиз, 266 га ерга картошка, 3026 га ерга ем-хашак экинлари экилади. Туман жамоа ва шахсий хўжаликларида 30610 қорамол, 67882 қўй ва эчки, 2376 от, парранда боқилади (2003).

Туманда Тошкент тўқимачилик к-тининг Паркент шўъба корхонаси, гишт з-ди, тикувчилик ф-каси, Паркент ва Шампан вино з-длари, «Бону-Голдинг» агрофирмаси, «Заркент» қўшма корхонаси, лимонад цехи, мева консервалаш «БЕР-АРД» хусусий корхонаси фаолият кўрсатади. Бешта корхонада экспорт учун маҳсулот чиқарилади. Хўжаликлар таркибида сутни қайта ишлаш з-ди, 4 вино пункти, 4 консерва цехи ишлаб турибди.

Туманда транспорт қатнови яхши йўлга қўйилган. Автобус-таксимотор саройи, 2 автокорхона, МТП, йўл қурилиш ва сув хўжалиги бошқармаси ва б. ташкилот ва корхоналар бор. Шунингдек, 4 савдо ва тайёрлов корхоналари, нон з-ди, супермаркет, ўнлаб хусусий савдо фирмалари, 172 савдо дўкони, 50 дан зиёд хусусий новвойхона, 392 маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мавжуд. П. т.да халқ ҳунармандчилиги ҳам ривожланмоқда.

Туманда 44 мактаб, лицей, касб-ҳунар, мусиқа, спорт мактаблари ишлаб турибди. Уларда 1880 дан зиёд педагог ва тарбиячи 29,7 мингга яқин ўқувчи ва тарбияланувчиларга таълим-тарбия беради. П. т.да маданият уйи, 25 клуб, 34 кутубхона фаолият кўрсатади. 4 касалхона (345 ўрин), 2 поликлиника (985 ўрин), тиббий пункт-

Заркентота шарттоқи.

«Заркент ЛТД» қўшма корхонаси цехи.

лар, стадион, 56 спорт майдончаси ва спорт заллари мавжуд.

1982 йдан «Паркент тонги» туман газ. чиқади (адади 3000 дан зиёд).

Маҳмуд Тошпўл.

ПАРКЕНТСОЙ — Тошкент вилояти Паркент туманидаги сой (юқори оқимида Кумушконсой деб номланади). Уз. 40 км, ҳавзасининг майд. 198 км². Қизилнура чўққиси (3267 м)нинг шим.-ғарбий ён бағирларидан оқиб тушадиган, умумий уз. 112 км бўлган катта-кичик ирмоқларининг қўшилишидан ҳосил бўлади. П. ғарбий йўналишда оқиб, Қорасув каналига қуйилади. Мавсумий қор, ёмғир ва булоқ сувларидан тўйинади. Ўртача йиллик сув сарфи 0,64 м³/сек. Тўлинсув даври март-июнь ойларида, оқимининг 75—80% шу даврга тўғри келади. Апр. ойида суви энг кўп бўлади (ўртача 2,5 м³/сек). П. да тез-тез сел тошқини ҳам бўлиб, бу вақтда сув сарфи 108 м³/сек. гача ортади (1967 й. 29 апр.). П.дан Кумушкон, Чанги, Ҳисарак қишлоқлари ҳамда Паркент ш. ва улар атрофидаги экин майдонлари сув олади.

ПАРКЕТ (франц. parquet) — турар жой ва жамоат бинолари полларига қоплаш учун мўлжалланган юпқа тахтача ёки шундай тахтачалардан қилинган пол. Тахтачалар ҳар хил геометрик шаклларда терилади (қоқилади). П. пол кўркам чиқади, товуш ва иссиқликни унча ўтказмайди. Қаттиқ жинсли ёғоч (заранг, эман, қайин, ёнғоқ, қора қайин ва б.)

Паркет нақшлари.

дан тайёрланади. Йигма, шитли ва листли хиллари бор. Йигма П. узунлиги 150—500 мм, эни 35 —90 мм ва қалинлиги 12—20 мм ли тўғри тўртбурчак планка тахтачалардан иборат. Ҳар бир тахтача четларига ариқчалар қилинади. Тахтача қопланда олдин полга енгилроқ қилиб тахталар қоқилиб, устига картон ёки қоғоз тўшалади. Тахтачани шу тўшама устига қўйиб, ёнидаги ариқчасига қизилтиб мих қоқилади, ариқчага тирноқ (эгисиз юпқа тахтача) тиқилади, тирноқнинг ариқчадан чиқиб қолган қисмини навбатдаги тахтача ариқчасига киритиб, шу тахтачанинг нариги четидаги ариқчасига мих қоқилади. Тахтачалар бирин-кетин шу тарзда маҳкамлаб кетилаверади. Тахтачаларни ҳар хил нақш ҳосил бўладиган қилиб қоқиш мумкин. Шитли П. 5×1,5 м гача ўлчамли шит тарзида тайёрланади. Шитлар сийрак қоқилган тахталар устига мих б-н маҳкамланади, шитлар орасида ҳосил бўлган тиркишга юпқа тахтачалар тиқиб ёпиштирилади. Листли П. қаттиқ ёғоч-толали плиталар устига юпқа (4—6 мм ли) тахтачалар ёпиштириб тайёр-ланади. Агар П.-пол бетон устига қопланадиган бўлса, пол устига олдин рейкалар қўйиб, уларнинг устига сийрак қилиб тахталар қоқилади. П. -тахтачалар ана шу тахталар устига қопланади. П.ни рандалайдиган, пардозлайдиган махсус машиналар бор. Пардозланган П. полга лок суркалади. П.ни ювиб бўлмайди, нам қипиқ, нам латта б-н артилади, одатда, ҳар ойда бир марта махсус. П. мастикаси б-н (мовут латта ёки чўтка ёрдамида) пардозлаб турилади.

ПАРКИНСОНИЗМ, Паркинсон касаллиги, титроқ фалаж — марказий нерв системасининг сурункали касаллиги; атеросклероз, энцефалит, жисмоний шикастланиш ва б.да бош миянинг пўст ости ядролари зарарланишидан пайдо бўладиган клиник синдром. Инглиз врачи Ж. Паркинсон 1817 йили таърифлаб берган. П.да мускуллар тараиглашади, юз ҳаракатсиз бўлиб, қотиб қолади, бемор майда қадам ташлаб юради, харакатлари чекланади, ҳатто кийиниш, тугмаларни қадашда қийналади. Титроқ фалаж кўпроқ қўл панжаларидан бошланади (бемор гўё бармоқлари б-н шарчалар ясаётгандек ҳаракат қилади); беморнинг боши, оёқлари ҳам титрайди, бемор қимирламай турганда ёки жуда ҳаяжонланганида, одатда, титроқ кучаяди, ҳаракатланганида камаяди ва ухлаган пайтида босилади. Бемор буйруқ б-н осонроқ ҳаракат қилади. Уй шароитида врач тавсиясига кўра, мускуллар таранглашувини турли хил машқлар ёрдамида бартараф этиш мумкин, бу машқларни ишлаш илиқ сувда қила бошлаган маъқул. Бу мускулларнинг бўшашувини осонлаштиради. Бундан беморларга тинч шароитда қўл, оёқ ва танани машқ қилдириш учун енгил гимнастика б-н шуғулланиш, аниқ ҳаракатлар: механизмлар йиғиш, болалар кубикларини териш фойдалидир. П.га чалинган беморларни (жуда қийин бўлса ҳам) ўзўзига қарашга ва имконият доирасида уйдагиларга ёрдам беришга ўргатиб бориш лозим, чунки шулар ҳам жисмоний машқ ҳисобланади. Ҳамма дори воситалари врач кўрсатмасига биноан берилиши лозим.

ПАРЛАМЕНТ (франц. parlet — гапирмоқ) — демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. П. 1-марта 13-а.да Англияда ташкил қилинган. Олий вакиллик органлари турли мамлакатларда турлича аталади. Жумладан, Буюк Британия, Франция, Италия, Канада, Бельгия ва б. давлатларда П., АҚШ ва Лотин Америкасининг аксарият мамлакатларида *конгресс*, Россия Федерациясида — Федерал Мажлис, Литва, Латвия, Польшада — *сейм* ва ҳ.к. Ўзбекистонда эса *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси*дир. П. бир палатали ва *икки палатали тизим* шаклида бўлади. П.ни ташкил қилиш тартиби, ваколат муддати, ваколат доираси турли мамлакатларда турлича бўлиб, улар Конституция ҳамда қонунларда белгилаб қўйилади.

ПАРЛАМЕНТАРИЗМ — давлат ҳокимияти тузилиши. Бунда парламент имтиёзли мавқега эга бўлиб, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг функциялари аниқ белгилаб берилади. П.да ҳукумат парламент томонидан тузилади ва унинг олдида жавоб беради. П. тарихи Англияда 1215 й. қабул қилинган «Эркинликнинг Буюк хартияси»дан бошланса-да, 16—18-а.лардаги инқилоблар даврида вужудга келган. Бу даврнинг илғор вакиллари давлатни оқилона тузиш ва ташкил қилиш учун ҳокимиятни аввало қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиш кераклигини даъват қилганлар ва шу йўл б-н мавжуд давлат механизми системасида мамлакатда қонун чиқариш ва судловни амалга ошириш устидан ўз назоратини ўрнатишга, ҳатто ҳукуматни ташкил қилишда қатнашишга муваффақ бўлганлар. Натижада П.нинг шаклларидан бири — конституциявий монархия (Англия ва б. мамлакатларда) таъсис қилинган. Ижтимоий алоқалар тузилиши мураккаблаша борнши б-н

ижро этувчи ҳокимият (президент, ҳукумат) ваколатларининг кучайиш жараёни юз бермоқда.

ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚ — турли давлатларнинг миллий парламент гуруҳларини бирлаштирувчи халқаро (ҳукуматлар қарамоғида бўлмаган) ташкилотлардан бири. 1889 й. тузилган. Асосий вазифалари: парламентлар ўртасидаги шахсий алоқаларни рағбатлантириш ва халқаро тинчлик ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишида биргаликда фаолият кўрсатиш учун уларни бирлаштириш. П.и. фаолиятида 110 дан ортиқ давлатларнинг парламент гуруҳлари қатнашади. П.и. котибиятининг қароргоҳи — Женевада.

ПАРМА — металл, ёғоч ва б. материалдан ясалган буюмларга тешик очиш, қирқиш учун ишлатиладиган кесувчи асбоб. Иш ва қўйруқ қисмидан иборат. Иш қисмида кесиш элементлари жойлашган. Қўйруқ қисми конус ва цилиндр шаклли бўлади. Тузилишига кўра, спираль (винтсимон), чуқур тешиклар тешадиган, марказловчи, шнексимон тигли ва б. хиллари бўлади. Металл буюмларга тешик очишда спираль П. кенг қўлланилади (1-расм). Унинг иш қисми кесувчи қирралар, қиринднни чиқариб турувчи ариқчалар



Парма. 1-расм. Спираль (винтсимон) парма.

ва йўналтирувчи лентачалардан иборат. Бундай П.лар углеродли ёки кескир пўлатдан ясалади, баъзан, кесувчи қирраларга қаттиқ қотишмалардан тайёрланган пластина ёпиштирилади. Ёғоч буюмлар учун мўлжалланган П.ларнинг кесувчи қисми бошқачароқ тузилган (2-расм). Цилиндрик ва винтсимон хилларга бўлинади. Цилиндрик П.нинг марказловчи ва қошиқли, винтсимон П.нинг спиралсимон, шнексимон,

2-расм. **Ёғоч буюмлар учун мўлжалланган парма**лар: *а* — штопор парма; *б* — чуқур тешилар очадиган; *в* — қошиқ парма; *г* — перолли марказловчи парма; *д* — шнексимон ва спираль парма; *е* — тешик кенгайтирувчи парма (разленковка).

штопор ва б. хиллари бор. Ёғоч учун қўл парма ҳам ишлатилади.

П.лар механик асбоблар (электр П., электр дрель), пармалаш станоклари, токарлик станоклари, дастаки станокларга ўрнатиб ишлатилади.

ПАРМА ҚОИДАСИ — муайян электр токкг мос келувчи магнит майдон индукция чизиқларининг йўналишини аниқлаш қоидаси. Агар парманни (ўнг бурамали) ток *I* йўналиши бўйича бураласа, у ҳолда парма дастасининг айланиш йўналиши шу ток ҳосил қилган магнит майдон *H* нинг йўналишини кўрсатади.



Парма қоидаси.

ПАРМАЛАШ — металл ва ёғоч буюмларга тешик очиш, чуқурча ўйиш. П. *парма*, механик асбоблар (электр парма, электр дрель), пармалаш станоклари, пармалаш автоматлари, токарлик станоклари, дастаки асбоблар ва б.да бажарилади. Лазер нури ёрдамида П. усули ҳам бор. Бу усулда олмос буюмларда, иссиқлик ўтказувчанлиги паст бўлган материаллардан ясалган нарсаларга тешиклар очилади.

ПАРМЕН, Қишки Пармен — кузги олма нави. Ватани — Англия. Ўзбекистонга 19-а.нинг охирларида келтирилган. 1959 й.да Ўзбекистонда экиш учун тавсия этилган экин навлари давлат реестрига киритилган. Дарахти ўрта бўйли — 5,5—6 м, қулай шароитда, унумдор ерда 7,5 м гача етади. Кўчати ўтказилгач, 4—5-й.да ҳосил беради. 10—12 ёшида бағ... ...300 кг ҳосил беради, лекин солкаш. Розмарин, Ренет Шампань навларидан яхши чанглнади. Меваси юмалоқ ёки япасқи чўзиқ, сиртн силлиқ, ранги тарам-тарам, қизилтўқ сариқ, эти сариғимтир, қаттиқ, вазни 80—100 г, баъзан 100—135 г. Тошкент, Фарғона, Наманган, Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида р-нлаштирилган.

Пармен олма нави.

ПАРМЕНИД (Parmenides) Элеялик (мил. ав. тахм. 540—480) — юнон файласуфи, *Элея мактаби* вакили. *Аристотель* ва пифагорчилар б-н ғоявий яқин бўлган. Фалсафадан ташқари қонуншунослик б-н ҳам шуғулланган. П. фалсафасининг асосида тафаккур б-н сезгиларни ва шунга мувофиқ равишда тафаккур ёрдамида билинадиган дунё б-н сезгилар ёрдамида билинадиган дунёни бир-биридан кескин фарқлаш ётади. Тафаккур б-н унга мувофиқ келадиган (фикрда акс этган) дунёни «бир бутун», «ягона», абадий ва қўзғалмас, бир хил, бўлинмас ва тугал деб билган. Борлиқ ва тафаккурнинг айнанлигини таърифлаб беришга уринди. Гарчи, дунёни ҳиссий билишни инкор этмаган бўлса-да, аммо уни фалсафий ва илмий тушуниш учун фақат ҳиссиётнинг ўзи етарли эмас деб кўрсатди. П. фикрича, акл-идрок ҳақиқат мезонидир. П.га кўра, оламнинг асосида 2 биринчи материя: ёруғ ва фаол олов ҳамда қоронги ва пассив масса ётади, олам уларнинг қўшилишидан пайдо бўлган. П.нинг асосий фалсафий асари «Табиат тўғрисида» достонидир.

ПАРНИК (рус.) — усти ойнаванд ромлар ёки шаффоф плёнка б-н ёпиладиган иншоот. Асосан, карам, бодринг, помидор, гул кўчатлари етиштирилади. Сабзавотчиликда П.нинг бир ва икки нишабли; чуқур ва ер устки; офтоб, биологик ёқилғи ва техника воситалари (сув ҳамда электр) ёрдамида иситиладиган турлари бор. Ўзбекистонда биологик ёқилғи б-н иситиладиган бир нишабли (20 ромли) чуқур ва юза П. кўп ишлатилади. П. қуриладнган ер иссиқ, шамоллардан тўсилган, олд томони гарбга қараган бўлиши керак. П. қурши учун тепа томони 150 см, таг томони 120 см кенгликда, 60—70 см чуқурликда хандақ қазилади. Парниклар устига ёпиладиган ромларнинг бўйи ва эни 160 × 106 см ёки 213 × 107 см бўлиб, улар пишиқ, тез чиримайдиган ёғочдан ясалади. Хандақ четига қўйиладиган ёғочлар мис кукунининг 10% эритмасида бўктирилади. Қандай экин экилиши ва фойдаланиш муддатига қараб, П.лар иссиқ, илиқ ва совуқ бўлади. Иссиқ П. 70—80 см чуқур қилиниб, 50—60 см қалинликда янги гўнг солинади ва қишда фойда янги гўнг солинади ва қишда фойдаланилади. Илиқ П. 50—60 см чуқур қилинади, 30—40 см қалинликда гўнг солинади ва эрта баҳорда фойдаланилади. Совуқ П. 25—30 см чуқур қилинлади. Совуқ П.даги биологик, гўнг солинмайди. П.даги биологик

Парник (ўлчамлари ва ускуналари). *1* — рама; *2* — тупроқ; *3* — биоёқилғи (гўнг).

гик ёқилғининг қалинлиги 10—12 см, пикировка қилинадиган П.лаги эса 15—18 см, ердан П. ромигача бўлган оралиқ 8—12 см бўлади. Иссиқхона хўжалигининг ривожланиши ва П.ларнинг иқтисодий самараси юқори бўлмагани сабабли 20-а.нинг 80-й.ларидан бошлаб кўпроқ шахсий томорқа хўжаликларида ишлатилади.

Рафиқа Ғиясиҳужаева

ПАРО... (рус. пар — буғ) — қўшма сўзлар бўлаги. Буғ кучи б-н ҳаракатланувчи нарсага оидликни билдиради, мас., *паровоз, пароход.*

ПАРОВОЗ (*паро...* ва рус. возить — элтиш) — поездларни рельсли йўлда тортиш учун мўлжалланган ўзиюрар буғ-кучи қурилмаси; *локомотив*нинг бир тури. Асосий қисмлари: қозон, буғ машинаси, экипаж ва тендер. Кенг (1524 мм) ва тор (1000,900 ва 750 мм) изда юрадиган, юк ва йўловчи поездларини тортадиган, маневр мақсадларида фойдаланиладиган хиллари бор. П.да, асосан, кўмир, нефть, ўтин ёқилади. Сув ва ёқилғи захираси тендерда сақланади.

Паровоз. Ота ва ўғил Е. А. ва М. Е. Черепановлар ясаган паровоз модели (1833).

Л сериясидаги паровоз (20-а. 40-йиллар).

Биринчи П.ни Англияда Ж. Стефенсон 1829 й. ясаган, Россияда П.ни ота ва ўғил Е. А. ва М. Е. Черепановлар 1833—34 й. ясашган. П.ларнинг қуввати 4000 о. к.га, тезлиги 130 км/соат га етади. 20-а. ўрталаридан бошлаб П. ўрнини *тепловоз* ва *электровоз* эгаллай бошлади.

ПАРОДИЯ (юн. parodia — ялл қўшиқ — адабиёт, театр, мусиқа ва эстрада жанри, кулги санъати, ҳажв ва ҳажвий турларидан бири. Ўзига хос ҳаракат тарзи, шунингдек, бирор услуб, йўналиш, жанр ёки муайян қолипдаги нутқ ва б.га ҳажвий, киноявий ва юмор б-н ёндашиш мақсадини кўзлаб қилинган онгли тақлид. Бирор санъаткор ижоди ёки айрим асарини услубига тақлид қилиш йўли б-н яратилган кулгили асар. Ижтимоий-сиёсий, маиший ҳаётдаги айрим воқеалар ҳам П.га мавзу бўлиши мумкин. П. комедия санъатининг, сатирanинг ўзига хос йўналиши ҳамдир. П. кўпинча бургиларидан бўлади, унда акс эттириладиган воқеанинг шаклн б-н мазмуни бир-бирига зид қилиб курсатилади. П. Юнонистон драматургияси ва театрида кенг бўлган. Аристофан «Булутлар» комедиясида Сократ устидан кулган бўлса, «Қурбақалар»да Еврипид трагедияларини П. қилган. Англияда 17—18-а.ларда П. шаклидаги бир қатор саҳна асарлари яратилган. Францияда «Комеди Итальен»и ва ярмарка театрларида кўплаб П. томошалари вояга келган. 19-а.нинг ўрталарида Ф. Эрве б-н Ж. Оффенбахнинг П.ли операттолари шуҳрат қозонган. 20-а.да П. жанри «қийиқ ойна», «кўршапалак» номли махсус театрлар томонидан ривожлантирилган. П. циркда, қўғирчоқ театрида ва эстрадада кенг ўрин эгаллаб келади.

Ўзбек анъанавий театрининг репертуарида *муқаллид* деб аталувчи П.лар катта ўрин эгаллаб келган. Бунда масхарабоз ва қизиқчиларнинг аксарияти маҳорат кўрсатган. 20-а.нинг биринчи ярмида *Юсуфжон қизиқ, Охунжон қизиқ, Ака Бухор*, Бердиёр масхара, Сафар масхара ва б.нинг П.лари машҳур бўлган. Ҳожи там-там (Ҳожиқурбон Ҳамидов) созанда ва хонандаларни П. қилишда маҳорат кўрсатган. Кейинги йиллар А. Бакиров, Н. Раҳимов, Ҳ. Умаров, Т. Азизов ва б.ни П. қилиш кучайди. Баъзан спектакль ва кинофильмдан бутун-бутун саҳналар П. қилинади. П. «Табассум» радиожурналида, телевидениенинг кулги дастурлари, жумладан, телевизион миниатюралар театрида кенг қўлланиб келади. Ўзбек цирки ва дорбозлик санъатида Карим Зарифов, Ниёз Нурматов, Акром Юсупов, Муҳаммад чаққон каби ўнлаб қизиқчи ва масхарабозлар ўз томошаларида П.га катта ўрин ажратиб келишган.

Ад.: Қодиров М., Масхарабоз ва қизиқчилар санъати, Т., 1971; Ўзбек театри анъаналари, Т., 1976.

Муҳсин Қодиров.

ПАРОДОНТОЗ (*пара...* ва юн. odontos — тиш), альвеоляр пиорея — тиш атрофидаги тўқималар (пародонт)нинг сурункали яллиланиши, альвеолар усимталар (тиш катакчалари) атрофияланади ва оқибатда тишлар қимирлаб тушиб кетади. Ўрта ва катта ёшдаги кишилар, баъзан ёшлар, ҳатто болаларда ҳам учраиди. П. пародонт тўқималарини қон б-н етарли таъминланмаслиги оқибатида вужудга келади. Касалланган тишларни олиб ташланганидан кейин қолган тишлар оғқат чайнаганда ўз келишиш, тишда тош йиғилиши, тишни тўғри парвариш қилмаслик, нотўғри тишлаш, ясама тишларни тўғри қўймаслик, шунингдек, организмнинг умумий касалликлари П.га сабаб бўлиши мумкин. П.да тишнинг сувқ тўқимаси аста-секин сўрилади, тишлар қимирлаб қолади, баъзан милк яллиганиб шишади, қонайди, оғиздан қўланса ҳид келади. П.да милкда йирингли *пилла* ҳосил бўлади. Касалликнинг олди олинмаса, милк яллиганади (*гингивит*), қўшнисидан соғлом тиш аста-секин қимирлаб гушиб кетади. П. натижасида овқат чайнаш ва ҳазм қилиш бузилади. Беморга индивидуал ва комплекс даво қилинади. П.да стоматолог врач кўрсатмаларига қатъий риоя қилиш керак.

П.нинг олдини олишда кундалик овқат тури ва таркиби муҳим аҳамиятга эга; қаттиқ овқатлар милкни табиий массаж қилади ва юмшоқ тиш қатламларидан тозалайди. Овқатдан кейин мева ва сабзавотлар (сабзи, олма ва б.) еб туриш фойдали.

ПАРОКСИЗМ (юн. paroxysmos — таъсирланиш) — касалликнинг вақт-вақти б-н тўсатдан кучайиши; мас., оғриқнинг бирдан зўрайиши (*стенокардияда*), юракнинг тез ура бошлаши (*тахикардияда*), йўтал тутиши (*кўкйўталда*), иситма тутиши (*безгакда*) ва б. П. термини кучли эмоционал ҳолат (яъни газаб П.и, умидсизлик П.и)ни ҳам англатади.

ПАРОМ — транспорт воситалари (автомобиллар, т. й. вагонлари ва б.), юклар ва йўловчиларни денгиз ёки дарёнинг бир қиргоғидаги пунктдан иккинчи қиргоғидаги пунктга ўтказиб қўйиш учун мўлжалланган сузувчи иншоот (кема, сол ва б.). Қиргоқлардаги пункт-ларнинг мавқеига, ўтказиладиган юкнинг тури ва миқдорига, дарё ва денгизнинг кенглигига қараб П. ҳар хил катта-кичикликда бўлади. Қаерда қўлланишига кўра, дарё, денгиз ва кўл П.ларига, ҳаракатланиш

усулига кўра, ўзиюрар ва ўзиюрмас П.ларга бўлинади. Ўзиюрар П. бир ёки бир нечта вагон ва автомобиль пазубадари б-н жиҳозланади. Ўзиюрмас П. (сол, қайиқ, баржа, плашкоут ва б.) учун, одатда, бир қиргоқдан иккинчи қиргоққа сим арқон тортиб қўйилади. Ҳарбий мақсадларда (қўшин ва қуроз-яроғларни сувдан кечиб ўтказиш учун) тайёр понтон ва маҳаллий сузиш воситалари (кема, қайиқ, сол)дан фойдаланилади.

ПАРОНИМЛАР (*пара...* ва юн. onyma — ном, исм) — талаффузи, эшитилиши ва морфем таркиби ўхшаш, лексик маъноларн бошқа-бошқа ёки қисман якин бўлган сўзлар. Тилда ана шундай сўзларнинг мавжуд бўлиш ҳодисаси паронимия дейилади. Паронимия муаммоси нутқда П.ни атайлаб яқинлаштириш ёки уларнинг маъносини билмай, фарқламай адаштириб қўллаш (нутқий хато) натижасида келиб чиқди. П.нинг қўлланиши б-н боғлиқ бундай масалалар тегишли равишда нутқ маданияти ва услубшунослик томонидан ўрганилади. «П.» терминини дастлаб *Аристотель* ясама сўз маъносида таклиф этган.

Рус тилшунослигида кўпинча П. деганда бир сўз туркумига мансуб, бир хил ўзакли сўзлар тушунилади [мас., *адресат* — адресант (олувчи — юборувчи), представиться — преставиться (ўзини танитмоқ — ўлмоқ)]. Ўзбек тилшунослигида эса нафақат бир хил ўзакли сўзлар, балки эшитилиши бир-бирига ўхшаш ҳар хил ўзакли сўзлар ҳам П. деб тушунилади (мас., шараф — шароб, афзал — афзал, тариф— таъриф, эълик — эълик, соғлиқ — соғлиқ).

П.ни қўллашда фарқламаслик, уларни адаштириш тил ҳодисаси эмас, балки муайян тил вакилларининг шу тил лугавий меъёрларини етарли даражада эгалламаганлигининг натижасидир. П.ни хато қўллаш, одатда, кам таниш бўлган сўзларда учрайди. Нотаниш сўзларнинг катта қисмини терминлар ташкил этади. Зеро, фан ва техниканинг тез суръатлар б-н ўсиши натижасида муайян тилга (мас., ўзбек тилига) кирган янги сўзлар шу тилда мавжуд бўлган сўзлар б-н талаффуз жиҳатдан якин келиб қолади, оқибатда янги-янги паронимик қаторлар пайдо бўлади. Мас., тамбур — тамбур, шитоб — штаб, таъриф — тариф, тери — тире ва б. Нутқда нотаниқликка йўл қўймаслик учун тилдаги П.ни фарқлай билиш, маъноларини тўғри англай олиш зарур. Шунда «шараф» ўрнига «шароб», «компания» ўрнига «кампания», «товланмоқ» ўрнига «тобланмоқ», «эълик» ўрнига «эллик» тарзида қўлланларга ўрин қолмайди.

Бадиий адабиётда, публицистикада, оммавий сўзлашувда матннинг, нутқнинг ифодавийлиги ва таъсирчанлигини ошириш мақсадида П.дан кенг фойдаланилади. П.ни атайлаб адаштириб қўллаш кулгили ҳолатни келтириб чиқаради; бундай қўлланишлар сўз ўйинида, аскияда, шунингдек, персонажларнинг нутқий хусусиятларини очиб беришда зарур бўлади.

Абдунаби Мадвалиев.

ПАРОПАМИЗ ТОҒЛАРИ — Афғонистонининг шим.-гарбий қисмидаги тог системаси. Шим.-гарбий этаклари — Бодхиз ва Қорабел қирлари Туркманистон ҳудудида. Кенглик бўйлаб ётувчи тизмалар (Банди Туркистон, Сачи тизмалари ва б.) дан иборат. Уз. 600 км федеҳўх ва б.) дан иборат. Уз. 600 км чамасида, эни 250 км гача. Кўп қисмининг бал. 3000—3500 м; энг баланд жойи 4565 м (Ҳисор тизмасида). Тоғлар аксари оҳактош ва сланецлардан, жан. ва шарқида гранит ва гнейслардан тузилган. Шим. этаклари лёсс б-н қопланган. Иқлими субтропик, континентал иқлим; водийларда т-ра июлда 24—30°, янв.да 0—8°. Йиллик ёғин 100—350 мм. Ландшафти аксари қисмида тог чўли ва даштидан иборат. Сийрак арча ўрмонлари ҳам бор. Ёввойи ҳайвонлардан тоғ эчкиси ва қўйи, жайран, қулон, кемирувчилар ва судралувчилар яшайди. Аҳолиси тоғларда кўчманчи чорвачилик б-н ҳаёт кечиради. Водийларда боғлар, токзорлар бор. Буғдойи ва пахта етиштирилади.

ПАРОТИТ (*мара...* ва юн. otos — қулоқ), тепки — қулоқ олди сўлак безининг яллиланиши. Эпидемик бўлмаган П. ва *эпидемик паротит* фарқланади. Ўткир эпидемик бўлмаган П. кўпроқ катта ёшдаги кишиларда кузатилади ва юқумли касалликлар (тиф, дизентерия ва б.), оғир операциялар, безларнинг зарарланиши, стоматит ва б. оқибатида пайдо бўлади, кўпинча стафилококклар қўзғатади. Касаллик бошланишида сўлак безлари шишиб, қаттиқ бўлиб қолади, оғиз қақрайди, пастки жағнинг ҳаракатланиши қийинлашади. Гавда т-раси кўтарилиб, без йўлидан йириниг ажралади. Баъзан юз нерви зарарланиб неврит пайдо бўлиши, без массасининг некрозга учраши, *абсцесс* вужудга келиши ва б. асоратлар қолиши мумкин. Касаллик, асосан, 10—15 кунда тузала бошлайди ёки қайталаб турадиган сурункали шаклга ўтади.

Давоси. Шишни қайтарувчи дорилар, антибиотиклар, пархез буюрилади, абсцесс ҳосил бўлганда операция қилинади.

ПАРОХОД (*паро...* ва рус. ход — йўл) — *буғ машинаси* ёки *буғ турбинаси* ҳаракатлантирадиган ўзиюрар кема. Йўловчи ва юк П.лари бор. Буғ машинаси ўрнатилган биринчи ёғоч П. 1802 й.да Англияда пайдо бўлди. Россияда буғ машинали биринчи П. 1810 й.да қурилди. Петербург б-н Кронштадт орасида қатнаган (1915) «Елизавета» П.и дунё-да биринчи денгиз кемаси ҳисобланган. Ҳозир, асосан, *теплоход*лардан фойдаланилади (яна қ. *Кема*).

ПАРПАША, парипаша (форс.) — нафис йўлли нимшойи мато; қўқимтир кулранг тусга эга. Танда иплари оқ ипакдан, арқоғи тўқ кўк рангли ипдан кўл дастгоҳида тўқилган. Тўқиш жараёнида танда иплари орасида махсус қолдирилган жойларда ҳосил бўладиган тешикчалар орқали арқоқ ипини кўринишли ингичка йўллар ҳосил қилади. П. Бухоро, Самарқанд, Қўқон, Марғилон, Наманган ва б. шойи тўқиш марказларида ишлаб чиқарилган. Бухоролик усталар ип ва ипак ипларини тенг миқдорда ишлатганлар. Ипак кўп ишлатилган П. қиммат бўлиб, наҳоятда қадрланган. П.дан, асосан, *паранжи* тикилган, шунингдек, эркаклар учун тўн ҳам тайёрланган.

ПАРПИ ҚЎРБОШИ, Парпи [тахм. 1882, Андижон атрофидаги Кўконқишлоқ (ҳоз. Пахтаобод ш.) —1921.9.4] — Фарғона водийсида совет режимига қарши ҳаракат раҳбарларидан бири. 1918 й. бошларида Фарғона водийсида қизил армияга қарши ҳаракат бошлаган 9 ҳарбий қўмондонниг олтинчиси. Кўконқишлоқдаги Қизилоёқ қишлоғида қароргоҳи жойлашган. Ўз номидан пул босиб, муомалага чиқарган (1919 й. бошидан). *Мадамидамбек* ва кейинчалик *Шермуҳаммаддинбек* ва кейинчалик *Шермуҳаммаддинбек*нинг асосий ўринбосарларидан бири сифатида 3600 йигитга раҳбарлик қилиб, совет режимига қарши муросасиз кураш олиб борган. 1918—20 й.ларда Андижон уезди П.қ. йигитлари назорати остида бўлган. Жангга жасурлиги ва душманга нисбатан шафқатсизлиги боис Парпи ботир номини олган. П.қ. қароргоҳида кўплаб рус офицерлари, жумладан, К. Осипов ҳам бўлиб, қизил армияга қарши кураштанлар (яна қ. *Осипов исёни*). Кўқон-қишлоқ б-н Бўтақора ўртасидаги Хайробод қишлоғида қизил аскарлар б-н бўлган жангда уларни маглубиятга учратган (1920). 1920 й. 24 нояб.да Кўқон-қишлоқда қизил аскарлар б-н бўлган жангда ҳам голиб чиққан ва душманнинг 2 та замбарак, 4 та пулемёт ва кўплаб қурол-аслаҳаларини ўлжа олган. Қизил

аскарларнинг 8-отлиқ бригадаси 1921 й. бошларида шиддатли жанглардан сўнг П.қ. йигитларини мағлубиятга учратиб, Қўқонқишлоқ ва Омончўрани эгаллаган. П.қ.нинг 1000 кишилик гуруҳига Исроил қўрбоши ўз одамлари б-н кўмакка келса ҳам, миқдор жиҳатдан устун қизил аскарлар Жалолобод ва Учқўрғонда бўлган жангларда ҳам ғолиб чиқишган. 1921 й. апр. да бўлган ана шундай тўқнашувларнинг бирида П.қ. огир яралар бўлиб, вафот этган.

Ад.: Ўзбекистоннинг янги тарихи, 2-китоб [Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида]. Т., 2000; Ражабов Қ., Ҳайдаров М., Туркистон тарихи (1917—1924). Т., 2002.

ПАРПИЕВ Нусрат Аъзамович (1931.14.9, Тошкент) — кимёгар олим. Ўзбекистон ФА акад. (1995), кимё фанлари д-ри (1976), проф. (1981). Ўрта Осиё ун-тини тугатган (1953). Ўзбекистон ФА Кимё ин-тида лаб. мудири (1964—76), директор муовини (1965 — 76), Ўрта Осиё нефтни қайта ишлаш саноати и.т. институти директори (1976—77), Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси ин-ти ректори (1977—89), ТошДУда проректор (1992—94), кафедра мудири (1989 —94). Тошкент Кимё-технология ин-ти ректори (1994—2001), Ўзбекистон ФА кимё-технология бўлими раиси (1994—2000), 2002 й. дан ЎзМУ анорганик кимё кафедраси мудири. Асосий илмий ишлари координацион бирикмалар кимёсига оид. П. раҳбарлигида рангли ва нодир металларнинг таркибида азот, кислород ва олтингугурт бўлган органик моддалар б-н комплекс бирикмалар ҳосил қилишининг илмий асослари ўрганилган, металлар ва уларнинг бирикмаларини ўта соф ҳолда ажратиб олиш усуллари, молибден, рений, вольфрам ва симобни аниқлаш ҳамда соф молибден олишнинг термик усули ишлаб чиқилган. Гидразонлар, гидроксам кислоталари ҳосилалари асосида 200 дан ортиқ янги координацион бирикмалар синтез қилинган. Илк бор палладий ва кобальт бирикмаларининг шишга қарши фаол таъсир этиши аниқланган.

Ас.: Кристаллохимия комплексов металлов с гидразидами и гидразонами, Т., 1994 (ҳамкорликда); Координацион бирикмалар кимёси, Т., 1996 (ҳамкорликда); Анорганик кимёнинг назарий асослари, Т., 2000 1—2 қисм (ҳамкорликда).

ПАРРАК — 1) вентилятор, компрессор, насос, турбина ва б.нинг иш қисми; бир ўққа маҳкамланган бир неча қанотдан иборат; 2) самолет, вертолет ва б. учиш аппаратларининг ҳавода тортиш кучи ҳосил қиладиган қурилмаси; *ҳаво винти*; пропеллер деб ҳам аталади.

ПАРРАНДАЛАР — қ. *Қушлар*.

ПАРРАНДАХОНА — паррандалар асраладиган бино. Паррандаларнинг тури ва ёшига, хўжаликда фойдаланиш йўналишига ҳамда асраш тизимига қараб ҳар хил бўлади. 1—120 кунликкача бўлган товуқ жўжалари батареяли пеҳларда (ерда ёки катакларда) асралади. Кўпчилик хўжаликларда 1 дан 120 кунликкача бўлган жўжалар битта П.да боқилади. Ўрдак ва курка жўжалари, баъзан, дастлабки 10—20 кунда батареяли пеҳларда сақланади. Гўшт учун боқиладиган жўжалар (*бройлерлар*), 1 дан ёки 21 дан 120 кунликкача бўлган курка жўжалари ва 1 дан ёки 10—20 дан 55 кунликкача бўлган ўрдак жўжалари махсус П.да ўстирилади. Вояга етган паррандалар ерда, саноат мақсадида етиштириладиганлари эса ерда ва катакларда боқилади. П. эни 12 ёки 18 м, бўйи 72, 84, 96 ва 108 м қилиб қурилади. Саноат мақсадида боқиладиган 120—150 минг бош товуққа мўлжалланган 4—6 қаватли ва 80 минг бройлерга мўлжалланган 4 қаватли П.лар бор.

ПАРРАНДАЧИЛИК — уй паррандаларини етиштириш; *чорвачилик*нинг бир тармоғи. П.нинг асосий маҳсулоти — озиқ-овқатга ишлатиладиган тухум ва гўшт; қўшимча маҳсулоти — парранда пати ва пари. Паррандаларни сўйиш ва уни қайта ишлаш чиқиндиларидан ем уни ишлаб чиқарилади. Парранда гўнги — қимматли органик ўғити. П.да тухум, асосан, тухум йўналишидаги, қисман гўшт-тухум ва гўшт йўналишидаги товуқ зотлари ва кроссларидан олинади. Гўшт етиштириш учун гўшт берадиган товуқ, ўрдак, курка, ғоз, цесарка, гўшт каптарлар кўпайтирилади. Парранда гўшти етиштиришнинг асосий манбаи — бройлерларни боқишдир. Шунингдек, *бедана*дан парҳез тухум ва гўшт олинади.

П. бундан 4 минг йил муқаддам дастлаб товуқлар хонакилаштирилган Ҳиндистода пайдо бўлган ва кейинчалик бошқа мамлакатларга аста-секин тарқалган. Кейинчалик парранда турларининг бошқа турлари ҳам хонакилаштирилган. 18—19-а.ларда Европа, Осиё ва Америкада ул паррандаларнинг кўплаб-кўп зотлари яратилди.

Ўзбекистонда 1920-й.ларнинг охирига қадар парранда, асосан, жайлари ва каммаҳсул товуқ зотлари фақат маҳаллаларда боқилган. Республикада П.нинг қ.х. тармоғи тарихи ривожланиши 20-а.нинг 20-й.ларига тўғри келади. Биринчи П фермалари 1929 й. Қўқон ш. ёнидаги ва Самарқанд вилоятидаги артелларда ташкил этилган. 1930 й. Тошкентда «Ўзпарранданикубатормаркази» тузилди. Ўша пайт республикада дастлабки Каттақўрғон инкубатор ст-яси ишга туширилди. Ўзбекистонда П. урушдан кейинги йилларда тез ривожланди. 1950 й. республикада 11 та инкубатор ст-яси ишлади. Инкубатор П. ст-ялари к-з ва с-зларда П. фермаларини тузишда ёрдам берди. 1959 й. Бухоро инкубатор П. ст-яси негизида республикада 1-Бухоро П. ф-каси ташкил этилди. 1960 й.дан эса инкубатор П. ст-ялари 150—180 мин товуқ учун мўлжалланган Тошкент, Ўртасарой, Самарқанд, Фалlaорол ва Фарғона П. ф-каларига айлантирилди. 1964 й.да Республика Қишлоқ хўжалиги вазирлиги таркибида «Ўзпаррандасаноат» республика и. ч. бирлашмаси ташкил этилди. 70 дан ортиқ П. ф-каси, 12 наслчилик хўжалиги, паррандалар касалликлари бўйича республика ветеринария лаб. ва б. ташкилотлар иш олиб борди.

1958й.да Ўзбекистон чорвачилик и.т. ин-тида П. бўлими, 1985 й.да генетика-селекция ст-яси (1994—2003 й..да «Наслпарранда» илмий маркази) ташкил этилди. 1992 й.дан республикада гўшт йўналишида куркачиликни ривожлантириш бўйича Исроилнинг «МАД» фирмаси б-н ҳамкорликда Хонобод (1993), Чимён (1992), Риштон, Урганч ва Янгийўл (1995) П. ф-калари куркачиликка ихтисослашди. Германия, Белоруссия, Исроил, Голландия, Қозоғистондан келтирилган зотли товуқ ва курка тухумларидан жўжа очирши йўлга қўйилди. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1996 й. 29 ноябрдаги «Паррандачилик хўжаликларини курка гўшти етиштириш учун модернизация қилиш тўғрисида» қарорига кўра, хорижлан олинган кредитлар ҳисобига куркачиликка ихтисослашган ф-кадлар сони кўпайди.

Паррандачилик фабрикасининг бир қаватли товуқ боқиш катаклари.

2003 й. 4 сент.да Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Паррандачиликда монополиядан чиқариш ва иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш чоралари тўғрисида» қарори б-н «Ўзпаррандасаноат» уюшмаси тугатилди, унинг таркибига кирган акциядорлик жамиятлари шакллари 25 П. ф-калари гўлиқ хусусийлаштирилди.

Ўзбекистондаги хўжаликларда товуқ (тухум, гўшт йўналишлари), гўшт учун курка, қисман ўрдак, ғоз, парҳез товуқнинг оқ *леггорн*, «Наслпарранда» илмий марказида яратилган икки типли, маҳаллий шароитларга яхши мослашган, йилига 240—250 донагача тухум қиладиган «Ўзбекистон» кроссларининг ота-она зотлари яратилди.

Интенсив П.нинг технологик жараёнлари саноат негизида ташкил этилган бўлиб, йил давомида бир маромда тухум ва гўшт и.ч.ни таъминлайди. Паррандалар, асосан, қуруқ аралаш емлар б-н боқилади. Аралаш емга бўлган ўртача йиллик эҳтиёжлар (бир бош учун, кг): катакларда боқиладиган тухум берадиган саноат галалари учун — 50; тухум берадиган зотли галалар учун — 54; гўшт олинадиган галалар учун — 65; 2 ойгача бўлган бройлер жўжалар учун — 4,7, тухум олишга мўлжалланадиган 5 ойликкача бўлган жўжалар учун —11,8.



Жўжалар ўстириладиган Р-15 батарея катаклари.

Ўзбекистонда 2000 й.да 1252.9 млн. дона тухум етиштирилди, 14 млн. парранда боқилди.

Хорижий мамлакатларда П. жуда тараққий этган. АҚШ, Канада, Буюк Британия ва б. бир қатор мамлакатларда йирик механизациялашган корхоналар барпо этилган.

Жаҳонда 20-а.нинг 80-й.лари охирида 500 млрд. донадан ортиқ тухум (энг кўп АҚШ, Япония, Франция, Германия-да), 150 млн. т гўшт (АҚШ, Бразилия, Япония, Франция, Италия) ишлаб чиқарилди. БМТ маълумотларига кўра, жаҳонда 244 млн. курка боқилади (1999). Яна қ. *Бедана, Курка, Товуқ, Ғоз, Цесарка*.

Ад.: Разведение, содержание и кормление птицы. Пер. с нем., 1972; Промышленное птицеводство, М., 1985; Азимов С., Паррандачиликда наслчилик ишлари, Т., 1982.

Сайфиддин Азимов.

ПАРСЕК (*parallax* ва *секунда*) — астрономияда Қуёш системасидан ташқаридаги осмон жисмларигача бўлган масофани аниқлашда қўлланиладиган бирлик. Қисқача пк (халқаро ўлчов бирлиги. Қисқача пк (халқаро бирлиги рс) б-н белгиланади. Бир П. 3,26 ёруглик йилига, 206,265 астрономик бирликка ёки $30{,}857 \cdot 10^{12}$ км га тенг. 1 килопарсек=10^3 парсек, 1 мегапарсек =10^6 парсек. П.да ифодаланган масофа 0,1" параллаксга тескари миқдор ҳисобланади. Мас., 10 пк га тенг масофа 0,1" параллаксга мос келади.

ПАРСЕЛЛ (Персел; Pursell) Эдвард Миле (1912.30.8, Тейлорвилл, Илинойс штати —1997) — америкалик физик. АҚШ Миллий ФА аъзоси (1951 й.дан). Пердью ун-тини тугатган (1953). 1938 й.дан Гарвард ун-тида (1949 й.дан проф.). Массачусетс технология ин-тининг радиолокация лаб.да ишлаган (1940—46). Илмий ишлари радиоспектроскопияга оид. Ф. Блоxдан мустақил тарзда ядро, магнит резонанси ҳодисасини кашф қилган (1946 й.да). Г. Юэн б-н ҳамкорликда нейтрал юлдузлараро водороднинг космик радионурланиш чиқаришини топган (1951). Нобель мукофоти лауреати (1952; Ф. Блох б-н биргаликда).

ПАРТЕНОГЕНЕЗ (юн. parthenos — бокираlик, қизлик ва ...*генез*), бокираlик ёки партеногенетик кўпайиш — жинсий кўпайиш шакл-ларидан бири, тухум ҳужайранинг урулланмасдан ривожланиши. П.нинг аҳамияти ҳар хил жинслар-нинг ўзаро учрашуви қийин бўлган шароитда жинсий кўпайишни амалга оширилишидан ва қулай шароитда тур насли индивидлари сонини тез орттиришдан иборат. Бундай ҳолат насли кўплаб қирилиб кетаётган турлар учун айниқса катта аҳамиятга эга. П. умуртқасиз ҳайвонларнинг деярли барча типларида ва кўпчилик умуртқалиларда (сут эмизувчилардан ташқари) учрайди. Сут эмизувчиларнинг партеногенетик эмбриони эмбриогенезнинг илк даврларидаёқ ҳалок бўлади. Тухум фақат П. орқали кўпайганида облигат П., тухум уруғланиб ва уруғланмасдан кўпайиш хусусиятига эга бўлганида эса факультатив П. дейилади. Эркаги бўлмайдиган турларнинг фақат П. орқали кўпайиши констант П. деб аталади. Кўпинча П. орқали кўпайиш икки жинсли кўпа-йиш б-н алмашиниб турганида циклик П. рўй беради. Партеногенетик наслнинг генотипи, жинси ва гомозиготалиги П. кўпайишнинг митоз орқали ўтиши ёки ўтмаслиги ҳамда диплоидликнинг қандай усулда тикланиши б-н боғлиқ. Наслнинг жинсига биноан, амфитопия (уруланмаган тухумдан уруғчи ва эркак индивидлар ривожланиши), арренотокия (тухумдан фақат эркаклари ривожланиши) ёки телитокия (тухумдан фақат уруғчиларнинг ривожланиши) фарқ қилинади. Педогенез П. шаклларидан бири ҳисобланади. Кўпайишининг ўзига хос шаклларидан ҳисобланган гиногенез ва андрогенез ҳам П.га мисол бўла олади.

Сунъий П.да, одатда, организм ривожланишининг дастлабки даврларидаёқ ҳалок бўлади. Тут ипак қуртининг уруланмаган тухумларига юқори ва паст ҳарорат таъсир эттириш орқали 90% тухумларнинг партеногенетик ривожланишига эришилган (Астауров, 1936). Ана шу омилларнинг кичик миқдори тут ипак қуртида митотик П.ни тезлаштирган ва фақат эркак гомозигот формаларнинг ривожланишига имкон берган. Тут ипак қуртида П. орқали жинсни бошқариш катта амалий аҳамиятга эга.

Уруғли ва спорали ўсимликларда констант П. кўпроқ учрайди. Икки уйли ўсимликларда П. кўпинча эркак индивидларнинг учрамаслиги, бир уйли ўсимликларда эса чангчилик гулларнинг дегенерацияси, чангларнинг ҳосил бўлмаслиги ёки абортивлиги ҳосил б-н боғлиқ. Ўсимликларда сунъий П. ҳар хил кимёвий ва физик омиллар таъсир эттириб ҳосил қилинган.

ПАРТЕНОКАРПИЯ (лот. parthenos — бокираlик, қизлик ва karpos — мева) — ўсимликларда гулнинг уруланмасдан мева тугиши. Чангланмасдан мева ҳосил бўлиши вегетатив (автоном) П., уруғчи тумшуқчасига бошқа ўсимлик гули чангини таъсир эттириб мева ҳосил қилиш стимулятив П. дейилади.

Мас., нок уруғчисига олма гул чангини, бақлажон уруғчисига помидор гули чангини таъсир эттириб, сунъий стимулятив П. пайдо қилиш мумкин. П. натижасида ҳосил бўлган мева уруғсиз ёки уруғи муртаксиз бўлади. П. узум, олма, нок, помидор, мандарин ва б. кўпчилик ўсимликларда аниқланган. Сунъий стимулятив П. механик, кимёвий, ҳарорат таъсирида ҳосил қилинади. Партенокарпик мева йирик ва ширин бўлганидан катта хўжалик аҳамиятига эга.

ПАРТЕР (франц. parterre — ер бўйлаб) — 1) театр, кинотеатр ва концерт залларидаги томошабинлар ўтиradиган, *саҳната* нисбатан паст жой. П.нинг ёй шаклдаги қатор ўриндиқли илк намуналари Қад. Рим театрларида бўлган. П.лар эса дастлаб Италияда (16-а.) пайдо бўлган. Ҳозир П.ларда ўриндиқлар тўғри чизиқ бўйлаб жойлаштирилади. Саҳна ёки экран яхши кўриниши учун П.даги ўриндиқлар қатори орқага томон баландланиб боради; 2) парк ёки боғларнинг обод қилинган очиқ қисми; майсазори, гулзори, баъзан ҳайкал, фавворалари бўлади.

ПАРТИТУРА (итал. partitura — ажратиш, тақсимлаш) — оркестр, хор, камер ансамбль ва б. учун мўлжалланган кўп овозли мусиқа асарининг ҳар бир овоз ёки чолғу *партияси* кўрсатилган нота ёзуви. Овозларнинг бир вақтда янг-рашидаги ҳаракат йўналишини осон англаш учун унда нота белгилари сатр-ма-сатр, устма-уст ёзилади. П.ни вертикал йўналишда ўқиганда товуш (аккорд)ларнинг гармоник бирлиги, горизонтал (чапдан ўнгга) ўқиганда эса ҳар бир нота йўлидаги куй ривожи ифодаланади. П.да овозлар муайян тартибда, баланд-пастлигига кўра, юқоридан пастга қараб жойлаштирилади. Барча овозлар, одатда, итальянча, немисча (баъзан, французча ва б.) номлар б-н кўрсатилади. Дастлаб хор П.лари (16-а.), кейинчалик чолғу, вокал-чолғу ансамбллар ва оркестр П.лари ривож топган. 19-а.гача дирижёрлар П. б-н бирга *дирекцион*дан ҳам кенг фойдаланишган. Ҳоз. кўринишдаги П. 19-а. ўрталарида, композиторлик ижодиёти ва *дирижёрлик* санъати ривожи натижасида юзага келган.

ПАРТИЯ (лот. partio — бўламан, ажратаман) — 1) ғоявий жиҳатдан маслакдош, манфаатлари муштарак бўлган (қ. *Сиёсий партиялар*), шунингдек, муайян ишни бажариш учун ажратилган кишилар гуруҳи (мас., қидирув П.си); 2) бир манзилга бир вақтда жўнатилган товарлар; 3) муайян натижагача ўтказиладиган ўйин (мас., шахматдаги П.); бир қанча ўйинлардаги ўйинчилар таркиби.

ПАРТИЯ (мусиқада) — 1) оркестр, хор, ансамбль ва б. асарларнинг якка созанда ёки якка хонанда нафо этилиган таркибий қисми. Мусиқий-саҳнавий асарларда П.лар, одатда, қаҳрамонлар номи б-н қўшиб аталади (мас., «Лайли ва Мажнун» операсида Қайс П.си; 2) *сюита* шаклидаги асарларнинг асосий мавзулари баён этиладиган бўлаги (мас., бош П., ёрдамчи П.).

ПАРТОВ ЕР ДЕҲҚОНЧИЛИК ТИЗИМИ — аввал экилиб, сунгра ташлаб қўйилган ерларда қайта деҳқончилик қилиш; ибтидоий деҳқончилик тизими, хусусий кўрик ер тизими негизида вужудга келган. Чўл минтақасида табиий унумдорлиги юқори бўлган ўзлаштирилган кўрик ерларда галла, айрим жойларда нигор ва полиз экинлари 6—8—10 йил етиштирилган. Бунинг оқибатида тупроқнинг табиий унумдорлиги пасайиб, ерларни ўт босгани ва экинлар ҳосилдорлиги камайиб кетгандан сўнг бу далалар 8—15 йил (ва ҳатто 25—30 йил)гача қаровсиз ташлаб қўйилган. Унинг ўрнига янги кўрик ер ўзлаштириб (кўрик деҳқончилик тизими) деҳқончилик юритилган. Нисбатан узоқ муддатга ташлаб қўйилган ер табиий ўтлоқзорга айланган, бу эса унинг унумдорлигини қайта тикланишига олиб келган. Натижада ташлаб қўйилган ерлар қайта ўзлаштириб, экин экилган. П.е.д.т. Европа ва Осиёнинг чўл тупроқлари мавжуд бўлган бир қанча давлатларида, айниқса, Россиянинг қоратупроқ, Ўзбекистоннинг чўл ва дашт минтақаларида кенг қўлланилган.

Зиёвиддин Артиқлетов.

ПАРУСИНА (рус. парус — елкан) — зигир толали ёки ярим зигир толали қалин ва залвар мато. Йўғон калава ипдан полотно ўрилишда тўқилади (қ. *Ўрилиш*). Дастлаб, асосан, елканлар тайёрлаш учун ишлатилган (номи шундан). Ҳозир техник мақсадларда (елкан, брезент, пойабзал ва б. учун), иш кийимлари, махсус кийим-бошлар тикиш учун ишлатилади.

ПАРФЕНОН (юн. parthenon, parthenos — бокира қиз) — Акрополь (Афина)-даги маъбуда Афина ибодатхонаси, юнон меъморлиги санъатининг улкан ёдгорлиги. Мил. ав. 447—438 й.ларда Иктин ва Калликрат томонидан қурилган. Ибодатхонада катта целлалар (диний ҳайкаллар учун хоналар) ва кичик хоналар (худди ибодатхона каби «Парфенон» деб номланган) бўлиб, уларда хазиналар сақлаш мўлжалланган. Бу хоналар (тарҳи 30,89×96,54 м) дорий колоннадалари б-н ўралган. Ҳашаматли оқ мармарли иншоот Фидийнинг раҳбарлигида қурилган. Унинг ички ва ташқи деворлари, фронтон ва метопаларидаги ҳайкалтарошлик безаклари ҳам Фидий ва унинг шогирдлари томонидан ишланган. Парфенон ҳайкалтарошлиги — жаҳон ҳайкалтарошлик санъатининг энг юксак намуналаридан. Мил. ав. 1-а. бошида П.нинг қўрғони ичида ортиб, Рим империясининг ҳимоясида қолган. Мил. ав. 53 й. П. Рим б-н тўқнашиб, *Карра экспедицияси* Ўрта Осиё қўмондонининг остидаги Рим қўшинини бутқул тор-мор этган. Мил. ав. 40-й.да П. Кичик Осиёнинг деярли бутун ҳудудини, Сурия ва Фалестинни забт этган. Бу Римнинг Шарқдаги ҳукмронлигига таҳдид солмоқда эди. Мил. ав. 39—37 й.ларда римликлар бу вилоятлар устидан ўз ҳукмронликларини тиклашган. Тез орада П. ички низолар ва қўчманчи аланларнинг ҳужумлари натижасида таназзулга учраб бошлаган. Бундан фойдаланган римликлар П.нинг ғарбий вилоятларини қаттиқ талон-торож қилган. Парфияликлар ақт-вақти б-н римликлар устидан галаба қозониб турган бўлсалар-да, давлатни сиёсий тушкунликдан қутқариб қололмаганлар. Маргиёна, Сакастон, Гирканни, Элниманда, Форс, Харакена, Хатра ш. амалда мустақил эдилар. Тавқи ва ички низолар мамлакатни ҳолдан тойдирган. 224 й. вассал Форс (Персида) вилояти ҳокими Ардашир (қ. *Ардашир I*) ҳал қилувчи жангда Артабон V ни Ормизднинг текислигида мағлуб этиб П. давлатини тугатган; П. асосчиси Ардашир I бўлган. *Сосонийлар давлати* кўриб ўрганилган.

Меъморлик, амалий ва безак санъати дастлаб шарқий эллин маданиятининг намуналаридан бири сифатида ривожланган. Кейинчалик П. таркибига кирган маҳаллий халқларнинг бадиий анъаналари б-н бойиб тараққий этган. П.нинг шарқий қисмида асосан квадрат шаклидаги ибодатхоналар (*Нисо*, мил. ав. 2- ва мил. 1-а.лар), айвонли саройлар (Кўҳи Хўжа, Эрон, 1-а.) қурилган, биноларга ғарбдан келтирилган мармар ҳайкаллар ва маҳаллий усталар ишлаган терракота ҳайкаллар б-н безатилган. Қояларда ишланган рельефларда аъёнларнинг подшога таъзими, қурбонлик маросимлари ва б. акс эттирилган. Нисодан топилган кумуш, фил суяги, сопол буюм, идиш, турли безакларидаги тасвирларнинг сюжети юнон афсоналари асосида, лекин кишиларнинг қиёфалари маҳаллий халқларни эслатади.

Парфенон шарафасидаги бўрма.

Парфия: оҳакдан ишланган 3 мавзолейнинг бўртма тасвири (милоднинг бошлари). Бағдод музейи.

П.нинг ғарбий қисмида иболатхоналарининг турли-туман типлари маҳсулдорлиги ҳам, атир) — тери, соч, кийимларни хушбўй қилувчи, шунингдек, гигиеник восита сифатида қўлланиладиган маҳсулотлар. Қадимда хушбўй моддалар сифатида фақат табиий маҳсулотлар (эфир мойлари, бальзам ва б.) ишлатилган. *Органик кимё*нинг ривожланиши натижасида эфир мойлари ва ҳайвон маҳсулотлари (анбар, мушк ва қ.к.) б-н бир қаторда П. маҳсулотлари тайёрлашда синтетик хушбўй моддалардан фойдаланила бошланди.

Атир, упа, атир совун, лаб бўёқлари, одеколон, хушбўй сув, шунингдек, тер ва уйдаги нохуш исларни йўқотир ва соч локлари ҳам П. маҳсулотлардир (яна қ. *Косметика, Парфюмерия-косметика саноати*).

бўлиб, юнон-рим меъморлигининг кучли таъсири кўзга ташланади, шу б-н бир қаторда айвонли бинолар қурилган. Деворий расмлар, ҳудо ва подшоларининг ҳайкаллари бино безагининг бир қисмига айлантирилган. Суяклари ишланган аёл ҳайкалчалари сақланган.

Лит.: Бокшанин А. Г., Парфия и Рим (ч. 1—2), М., 1960—66; Кошеленко Г. А., Культура Парфии, М., 1966.

ПАРФИЯ ТИЛИ, парфий тили — ҳинд-европа тиллари оиласидаги эроний тиллар гуруҳига мансуб ўлик тил. Аршакийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида (мил. ав. 3-а. —мил 3-а.) Парфия давлатининг расмий тили (илк даврларда шакийлар давригача тарихий Парфия вилоятида ҳамда Каспий денгизининг жан.-шарқида, аршакийлар даврида эса жан.-шарқида, аршакийлар даврида эса Эрон, Арманистон, Ироқ ва Ўрта Осиёда ҳам тарқалган. 3—6-а.ларда сосонийлар салтанатида расмий тил пахлавий (ўрта форс тили) бўлганда ҳам қисман қўлланишда бўлган ва аста-секин форс тилига аралашиб сингиб кетган (6-а. охирлари). Парфин ёзуви ориёний ёзувидан келиб чиққан. Қад. ёзма ёдгорликлари — соголаклларда сақланиб қолган хўжалик ҳужжатлари мил. ав. 1-а.лга мансуб.

ПАРФЮМЕРИЯ (франц. parfum — ёқимли ҳид, атир) — тери, соч, кийимларни хушбўй қилувчи, шунингдек, гигиеник восита сифатида қўлланиладиган маҳсулотлар. Қадимда хушбўй моддалар сифатида фақат табиий маҳсулотлар (эфир мойлари, бальзам ва б.) ишлатилган. *Органик кимё*нинг ривожланиши натижасида эфир мойлари ва ҳайвон маҳсулотлари (анбар, мушк ва қ.к.) б-н бир қаторда П. маҳсулотлари тайёрлашда синтетик хушбўй моддалардан фойдаланила бошланди.

Атир, упа, атир совун, лаб бўёқлари, одеколон, хушбўй сув, шунингдек, тер ва уйдаги нохуш исларни йўқотир ва соч локлари ҳам П. маҳсулотлардир (яна қ. *Косметика, Парфюмерия-косметика саноати*).

ПАРФЮМЕРИЯ-КОСМЕТИКА САНОАТИ — атир совун, эфир мойи, синтетик хушбўй моддалар ишлаб чиқарадиган саноат тармоғи (қ. *Парфюмерия, Косметика*).

Шарқ мамлакатларида атир, мушк, сурма, мушк-анбар, упа-элик каби маҳсулотларни тайёрлаш қадимдан йўлга қўйилган. Улардан хотин-қизлар, эркаклар пардоз-андоз ва гигиена воситаси тарзида кенг фойдаланганлар. Атторлар бу маҳсулотлар б-н бутун Шарқ мамлакатлари бўйлаб савдо-сотиқ ишларини олиб боришган.

П.-к. с. саноат тармоғи тарзида 17-а. охирида Францияда, кейинчалик Италия, Буюк Британия ва б. давлатларда пайдо бўлган. Ўзбекистондаги П.-к.с. корхоналарида одеколон (хушбўй сувлар), совға йиғмалари, упа, тиш порошоги, гигиеник ва профилактик тиш пасталари, крем, лосьон, шампунь ва б. косметик маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Тармоқдаги энг йирик корхона Тошкент парфюмерия-косметика ф-каси 1942 й. кўчириб келтирилган Краснодар парфюмерия ф-каси асосида ташкил қилинган. Ф-ка дастлаб бир хил флаконларда одеколон, қоғоз пакетларда упа ва тиш порошоги ишлаб чиқарган. Мавжуд цехларнинг реконструкция қилиниши ва янги цехлар қурилиши н.ч. ҳажмини оширишга, юқори навли парфюмерия маҳсулотлари, совға йиғмалари ва чиройли қилай қутичаларда буюмлар н.ч.га имкон берди. Корхона 120 номда парфюмерия-косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарди. 1985 й.да ф-ка «Лола» парфюмерия-косметика ф-каси деб номланди.

90-й.лардан бошлаб Ўзбекистонда ўтказилган иқтисодий ислоҳотлар давомида П.-к.с.нинг айрим корхоналари хусусийлаштирилди ёки маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфига ўтказилди. 1997 й. мартда «Лола упа» корхонаси очиқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. 2001 й.дан Тошкент ш.да Россиядаги «Калина» концернининг шўъба корхонаси — «Паллада-Восток» фаолият олиб боради.

Ривожланган мамлакатларда П.-к.с. корхоналари йирик н.ч. қувватларига эга бўлган, ўз маҳсулотларини бутун дунёга сотади. «Эйвон продактс», «Проктер энд Гэмбл» (АҚШ), «Орель», «Ланком» (Франция), «Сардли», «Макс Фэктор» (Буюк Британия), «Шварцкоф Хенгел» (Германия), «Адам» (Италия), «Сисэйдо» (Япония) фирмалари айниқса машҳур. Бу фирмаларда 500 дан зиёд косметика ва 700 дан зиёд парфюмерия маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

Абдураҳим Ортиқов.

ПАРФЯНЛАР, *парфияликлар* — элат, мил. ав. I-минг йиллик ва милоднинг бошларида Каспий денгизининг жан.-шарқида, ҳоз. Жан. Туркманистон ва Хуросонда яшаганлар (қад. Партава — Парфия вилояти). П. эроний тиллардан бирида сўзлашган, асосан, деҳқончилик б-н шуғулланган. Парфиядаги ирригация иншоотлари мил. ав. I-минг йиллик бошларидаёқ маълум бўлган. П. Мидия подшолиги таркибига кирган (қ. *Мидия*), сўнгра эса (Кир II даврида) — *Ахоманийлар давлати* қўл остида бўлган, уларга солиқлар тўлаб, жангчилар (отлиқ камончилар) етказиб беришган. *Доро I* даврида Парфия ва қўшни Гирканияда кўзголон кўтарилиб, у ахоманийлар қўшини томонидан қийинчилик б-н бостирилган (521 й. 8 март ва 12 июлдаги жанглар). Мил. ав. 4-а.нинг 20-йилларида П. *Александр* томонидан тобе этилган, сўнгра (мил. ав. 281 й.дан) Салавкийлар давлати таркибига кирган. Мил. ав. тахм. 250 й.да мустақил Парфия подшолиги барпо этилган, унинг асосий ўзагини П. яшаган ҳудуд ташкил қилган. П.нинг асосий дини — зардуштийлик; *Митра* ва Нанайя (Анахита) культлари ҳам кенг тарқалган. П. ёзуви оромий алифбоси асосида вужудга келган. П. дунёвий адабиет обидаларидан озгинасигина форсча қайта ишланган шаклда сақланиб қолган. Парфия тили мил. 3—4-а.ларда *сосонийлар* даврида ҳам муомалада бўлган; тахм. 6-а.да у форс тили томонидан сиқиб чиқарилган. Қад. П.нинг авлодлари туркман халқи ва Шарқий Эрон (Хуросон)даги форс халқи этногенезида қатнашганлар.



Ток парчини

ПАРХИШ — ўсимликларни вегетатив усул б-н кўпайтириш усулларидан бири. П. қилишда асосий ўсимликнинг бир неча куртакли новдаси (новда) ерга етқизилган ҳолда кўмилиб, куртакли учи ер бетига чиқариб қўйилади ва кўмилган қисми илдиз отмагунча асосий ўсимликдан ажратилмайди. Илдиз отгандан кейин асосий ўсимликдан ажратилади, шунда у мустақил ҳолда ўсади ва ривожлана бошлайди. Бу усулдан мевачилик, токчилик, манзарали богдорчилик ва ўрмончиликда кенг фойдаланилади.

ЎЗМЭ 6-ЖИЛДИ МАҚОЛАЛАРИНИНГ АСОСИЙ МУАЛЛИФЛАРИ РЎЙХАТИ*

Биология, тиббиёт ва кимё илмий таҳририяти

Абдуллаев Мағди
Азизов Тоҳир
Азимов Жалолиддин
Акбаров Зоирхўжа
Алматов Карим
Аминов Собиржон
Арифов Саидқосим
Ахмеров Қудрат
Аҳмедов Носир
Бақоев Савриддин
Баҳриддинов Шоҳобиддин
Баҳромов Саиджалол
Бекназаров Жуманазар
Ботиров Бешим
Валихонов Муҳсим
Давлатов Яҳё
Дадаев Сайдулла
Дадахонова Гулчеҳра
Зарипов Бакриддин
Зокиров Муҳсим
Зокиров Ўзув
Ибодов Комил
Ибрагимова Салтанат
Исабоев Зикрилла
Исмоилов Исроил
Каримов Анвар
Комилов Ҳолиджон
Лаҳанов Жаббор
Мавлонов Очил
Мажидов Наби
Маликов Азим
Маърупов Рустам
Маҳмудова Дилбар
Мирабдуллаев Искандар
Миразизов Қўчқор
Миржўраев Элбек
Миркомилова Муҳаббат
Муродхўжаев Наримон
Мусаев Жўра
Муҳаммаджонов Носир
Муҳаммадиев Алишер
Мўминов Боқижон
Нарчаев Жамшид
Нишонбоев Кураш
Отақўзиев Темиржон
Парпиев Нусрат
Пратов Ўктам
Саидқориев Бердимурод
Саматов Шомат
Сулаймонов Эргаш
Тожиев Комил
Толипов Мелис
Тўйчиев Сайфулло
Тўрабеков Шарифжон
Умаров Эҳсон
Халилов Мирқобил
Хўжаев Омонулла
Шакарбоев Эркинжон
Шерназаров Элмурод
Шоваҳобов Шоносир
Шомирзаев Нажмулла
Эшбоев Эгамберди
Эшова Ҳолниса
Қосимов Эркин
Қосимова Сталина
Қурбонов Шониёз
Ҳамраев Аловиддин
Ҳамраев Сайфулла
Ҳамраев Шаҳоб
Абдуғаниев Исомиддин
Айтбоев Даулетбой
Акрамов Бахшилло
Аминов Эркинжон
Атамедов Собур
Ашуров Салим
Аҳмедов Эркин
Бадалов Степан
Баратов Паттоҳ
Баҳриддинов Баҳодир
Гасанова Надежда
Зокиров Равшан
Ибрагимов Рашод
Исаҳожиев Бахтиёр
Мавлонов Абдулла
Мавлонов Наримон
Маматқулов Мурод
Маннонов Абдураҳим
Мансуров Муҳаммаджон
Маҳмудов Дилмурод
Меликулов Абдусаттор
Мираслонов Мирисмоил
Мирбобоев Отабек
Мирзаев Абдураззоқ
Назаров Исроил
Ниёзов Рустам
Петросов Юрий
Пўлатов Карим
Раимжонов Баҳодир
Рафиқов Асом
Раҳматов Лазиз
Сатторов Абдусамад
Саҳибоев Алишер
Соатов Низом
Тоиров Маҳмуд
Умаров Есенгали
Фатхуллаев Файбулла
Халилбеков Алихон
Хўжаев Ҳабиб
Чиниқулов Ҳолдор
Шомирзаев Халиятулла
Эгамов Рамазон
Эшпўлатов Барно
Юнусалиева Абиба
Қодиров Эркин
Ғуломов Потиҳкамол
Ҳайдаров Муродулла
Ҳикматов Беҳзод
Ҳикматов Фазлиддин

Геология, геология ва геофизика илмий таҳририяти

Абдиева Зулхумор
Абдуваҳобов Абдураҳим
Абдуллабеков Қаҳҳорбек
Абдуллаев Олимжон
Абдураимов Тоир
Абдураҳимов Абдуқаюм
Абдураҳимова Гулшан
Абдураҳмонов Ҳусниддин

Иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги илмий таҳририяти

Абдуллаев Абдумавлон
Абдулқосимов Ҳасан
Азимбоев Собиржон
Азимов Сайфиддин
Алимов Олимжон
Алимуҳамедов Султон
Аликулов Эрлис
Аллақулов Хидирназар
Амиров Абдусаттор
Артукметов Зиёмиддин
Аҳмедов Нурмуҳаммад
Боқиев Машариф
Ваҳобов Алишер
Дўсматов Салимжон
Ёрматова Дилором
Ёқубов Рисқивой
Жалолов Жамолхон
Жўраев Рихсивой
Зикирёев Абдукарим
Зиямуҳамедов Эргаш
Зиятов Зоир
Ишмуратова Рисолат
Йўлдошев Нуриддин
Йўлдошев Сухроб
Йўлдошева Зулфия
Кучерский Николай
Машарипов Реимбой
Мирзаев Тоҳиржон
Мирзаев Гофир
Муллажонов Файзулла
Мусаев Нуриддин
Муслимов Ҳожиакбар

*Муаллифлар номи «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти илмий таҳририятлари бўйича (фақат бир жойда) кўрсатилди.

Ниғматов Муҳаммаджон
Норматов Баҳодир
Носиров Убайдулла
Нурмаматов Ҳошим
Ортиқов Абдураҳим
Отабоев Равшан
Отабоева Ҳалима
Парамонов Юрий
Раззоқов Абдухалил
Расулов Мухтор
Раҳимова Барно
Саидова Зуҳра
Салимов Салир
Тошпўлатов Эрмуҳаммад
Турсунхўжаев Пўлат
Тўхлиев Нурислом
Умаров Ўктам
Файзиев Жамолиддин
Холматов Неъмат
Холназаров Султон
Хоназаров Абдушукур
Шерназаров Элмурод
Шодмонов Шерқул
Эрмаматов Шоназар
Эшматов Иватулла
Юсупов Қолиржон
Ўлмасов Аҳмаджон
Қодиров Анвар
Ғанихўжаева Рафиқа
Ҳамроқулов Рузимат
Ҳасанов Муҳсин
Ҳасанов Рустам
Ҳақбердиев Қаҳрамон

Комплекс мақолалар ва педагогика илмий таҳририяти

Абдуллаев Йўлдош
Бекмирзаев Ислом
Бозорбоев Жуманазар
Зияев Собир
Имомов Эркин
Йўлдошев Қозоқбой
Мажидов Абдурашид
Мирзалиев Санжар
Мўминова Лола
Позилов Абдуллажон
Раҳмонов Равшан
Тоиров Собит
Усмонов Саидқосим
Қувондиқов Эшонқул
Ғаниев Элёр
Ҳошимов Абдурафиқ
Ҳусанбоева Қундузхон

Маданият ва санъат илмий таҳририяти

Абдуллаев Неъмат
Абдуллаев Рустам
Азларов Суннат
Аширова Моҳина
Баяндиев Тешабой
Беков Олимжон
Боситхонов Зокиржон
Булатов Саидахбор
Дадабоев Ҳамид
Ёқубхўжаев Анвар
Жабборов Аҳмаджон
Жўраев Фрунзе
Зоҳидов Пўлат
Иболуллаев Фарҳод
Каримов Иброҳим
Коптелова Ирина
Мадраимов Абдумажид
Маматраимова Ҳамрохон
Маннопов Султонали
Матёқубов Ботир
Маҳкамова Сайёра
Маҳмудов Жўра
Мирзамуҳамедова Маҳсура
Муродова Дилора
Назаров Абдуманнон
Островский Владимир
Пўлатов Хайрулла
Расултоев Жасур
Раҳмонов Абдусафий
Раҳмонов Мамажон
Рейембаев Шуҳрат
Содиқова Нафиса
Солиҳова Муҳаббат
Султонов Хайрулла
Тешабоев Жўра
Тошканбоев Пўлат
Турсунбоев Сотимбой
Турсунов Тошпўлат
Тўлахўжаева Муҳаббат
Фузаилова Гавҳар
Шарипова Машҳура
Эгамов Рамазон
Юнусов Равшан
Юсупова Ҳалима
Яҳёев Абдужаббор
Ўринов Эсон
Қодиров Муҳсин
Қодирова Тўлқиной
Қосимов Аҳмаджон
Қосимов Рифатилла
Қурбонов Қалмурза
Қўзиев Турсунали
Ғафурбеков Тўхтасин
Ҳакимов Зафар
Ҳамидова Марфуа

Тарих илмий таҳририяти

Айтбоев Абдумолиқ
Аскаров Аҳмадали
Бобобеков Ҳайдарбек
Бурнев Фикл
Далабоев Ҳамидулла
Жалилов Омонбек
Жуманазаров Хушназар
Иргашев Фатхулла
Исҳоқов Мирсодиқ
Камолиддинов Шамсуддин
Каримов Гулом
Лунина Светлана
Мавруков Абдухалил
Маликов Азим
Матбобоев Боқижон
Миралимов Шавкат
Мирзаҳмедов Жамолиддин
Мукминова Розия
Муҳаммаджонов Абдулаҳад
Нишонов Маъмуржон
Норқулов Наим
Обилов Бахтиёр
Охунжонов Собиржон
Пардаев Комил
Пилаев Шокиржон
Пиримқулов Шодмонқул
Полвонов Неъмат
Ражабов Қаҳрамон
Раҳимов Муҳаммаджон
Ртвеладзе Элкана
Сабурова Севара
Тожибоев Назирбек
Турсунов Жовли
Турсунов Саифулло
Тургунов Баҳодир
Файзиев Тургун
Фанаев Ҳуршид
Холматов Нормуҳаммад
Худойберганов Комилжон
Хужаев Абдулаҳад
Шарипова Машҳура
Эгамназаров Аликакир
Юсупов Шариф
Қорабоев Усмон
Ғиёсов Бобур
Ғиёсов Темур
Ҳайдаров Муродилла
Ҳасанов Фахриддин
Ҳомидов Ҳамиджон

Тил ва адабиёт илмий таҳририяти

Абдуазизов Абдуғуҳур
Абдувалиев Азиз
Абдуллаев Ортиқбой
Абдуназар Ҳабиб
Абдуғафуров Абдурашид
Алимбеков Алҳамбек
Аминов Муроджон
Аҳмедов Сунатилла
Баракаев Раҳматулла
Бағиров Акиф
Давлатова Манзура
Давлатпур Олим
Деҳқонов Акрам
Жабборов Шукур
Жалилов Омон
Жўмаев Нусрат
Жўраев Ашурали
Жўраев Маматқул
Жўраев Рўзимат
Зокиров Ўткир
Иброҳимов Мурод
Иноғомов Раҳматулла
Каримов Баҳодир
Каримов Наим
Малвалиев Абдуваҳоб
Машарипов Эркин
Маҳкамов Неъмат
Мирзаев Иболулла
Мирзаев Тўра
Муҳибова Улфатхон
Назиров Халилуллохон
Неъматов Усмонжон
Орзибеков Раҳмонқул
Очилов Эргаш
Пидаев Тоҳир
Пўлатов Исроил
Ражабов Дилшод
Рашидова Дилдора
Раҳмонов Насимхон
Саидов Азиз
Солижонов Йўлдош
Тожибоев Рустам
Турсунов Юсуф
Тўраев Шерали
Умаров Эргаш
Шоматов Озод
Ўринбоев Бозорбой
Қодирова Маҳбуба
Қосимов Бегали
Қосимова Адиба
Ҳайитметов Абдуқодир
Ҳайитов Абдувоҳид
Ҳожиев Азим

Фалсафа ва ҳуқуқ илмий таҳририяти

Абдумажидов Ғафур
Азимов Абдуқаюм
Аликулов Ҳайдар
Аюпов Абдулла
Аҳмедов Сирожиддин
Баратов Миродил
Баратов Рустам
Бекмуродов Мансур
Бобоқулов Сотволди
Давронов Зиёд
Жалолов Абдулҳафиз
Жўраев Сайфиддин
Жўраева Санда
Имомов Нуриддин
Иноятов Анвар
Иноғомжонова Зумрад
Йўлдошева Шоира
Каримов Иброҳим
Комилов Камолжон
Комилов Нажмиддин
Мамасиддиқов Музаффаржон.
Мансуров Абдулазиз
Мунавваров Зоҳидилло
Мусаев Соат
Мўминов Асрор
Назаров Қиём
Насриддинов Фатҳиддин
Носиров Расул
Отахўжаев Фозил
Оқюлов Омон
Раҳмонов Аъзамжон
Раҳмонқулов Ҳожиакбар
Рустамбоев Мирзаюсуф
Сабуров Нурмат
Сандов Акмал
Султонов Илҳом
Турсунов Ботир
Турсунов Йўлдош
Тўлаганов Абдужаббор
Тўраев Бахтиёр
Усмонов Миржалол
Шораҳмедов Даврон
Шораҳметов Шоакбар
Қаҳҳорова Шоира
Ғозиев Эргаш
Ғуломов Саид
Ҳасанов Аҳаджон
Ҳусниддинов Зуҳриддин

Физика, математика ва техника илмий таҳририяти

Абдуллаев Фатхулла
Абдуназаров Сафар
Абдураҳмонов Қаҳҳор
Азларов Турсун
Алимбоев Эркин
Аҳроров Нўъмон
Дадажонов Рўзимат
Зоиров Эркин
Зоҳидов Мансур
Илёсов Собит
Иноғомов Эргаш
Исмоилов Исроил
Йўлдошев Назар
Комилов Эргаш
Латипов Абдусалом
Мажидов Сапи
Маликов Азимжон
Мамадазимов Маматмусо
Мирбобоев Воҳид
Мирбобоев Миркомил
Мирзааҳмедов Мирфозил
Миртожиева Каромат
Муборакова Ҳамидхон
Мухторов Тоҳир
Назиров Дилшод
Назиров Эргаш
Нармонов Абдуғаффор
Нишонбоев Носир
Норхўжаев Надим
Нуриддинов Салоҳиддин
Нўъмонхўжаев Аброр
Обиджонов Зоҳиджон
Орипов Рустам
Рашидов Турсунбой
Сатторов Исроил
Турсунметов Комилжон
Тўйчиев Тоҳир
Тўраев Назар
Шоимқулов Баҳодир
Эгамбердиев Одилжон
Юсупова Гулнора
Қодиров Сарвар
Қорабоев Восип
Қосимов Эркин
Қосимова Гулнора
Ғуломов Рустам
Ҳайдаров Қудратилла
Ҳакимов Рихситилла
Ҳамидов Аслам
Ҳобилов Ботир
Ҳожиметов Ғойибназар

Ў—28 **Ўзбекистон миллий энциклопедияси.** 6-жилд. Мирий—Пархин. Таҳрир ҳайъати А. Абдувоҳитов, А. Азизхўжаев, М. Аминов, Т. Даминов ва б. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2003. — 704 б.
ББК 92

№ 252—2003
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси.

1111 8.

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ
6-ЖИЛД

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти.
Тошкент — 2003.
(Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй)

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги
Тошкент матбаа комбинатида босилди.

З.Т. Исажонов (директор), Д.А. Букреев, Р. Мусаев, К. Т. Мансуров, Ш. Усмонов, Ф. Чанышева, Б. Х. Туёқов, Б. Шарипов, М. Ибодова, Т. Ҳамидов, В. Панфилов.
Комбинат манзили: Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.

Фотографлар: Б. И. Дьякин, А. Д. Михайлов, В. П. Телегин, Р. З. Яруллин.
Соҳа харита муаллифлари: А. Бозорбоев, Г. К. Текенова, С. Салоҳиддинова.
Харита чизувчи: М. М. Мирзиев.

ЎзМЭ 6-жилди 2003 йил 4 июлда теришга берилди.
2003 йил 19 ноябрда босишга рухсат этилди.

Қоғоз бичими $84\times108^{1}/_{16}$. Офсет қоғозда босилди. 125,03 нашриёт-ҳисоб табоғи. 74,0 шартли босма табоқ. Адади 2000.
Баҳоси шартнома асосида. 15-911-буюртма.